92
У-28

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

92
Ў—28

БОШ ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ

Абдужаббор АБДУВОҲИТОВ
Алишер АЗИЗХЎЖАЕВ
Муроджон АМИНОВ
Турғунпўлат ДАМИНОВ
Тўрабек ДОЛИМОВ
Неъматулла ИБРОҲИМОВ
Беҳзод ЙЎЛДОШЕВ
Наим КАРИМОВ
Нажмиддин КОМИЛОВ
Жўра МУСАЕВ
Элшод НАБИЕВ
Абдулла ОРИПОВ
Мирзаюсуф РУСТАМБОЕВ
Хайриддин СУЛТОНОВ
Нурислом ТЎХЛИЕВ
Даврон ШОРАҲМЕДОВ
Рустам ШОҒУЛОМОВ
Турсунали ҚЎЗИЕВ
Саидаҳрор ҒУЛОМОВ
Азим ҲОЖИЕВ
Зуҳриддин ҲУСНИДДИНОВ

Ў $\frac{1500100000}{358-2004}$ – 04

ISBN 5–89890–080–2

© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти, 2004

92
Ў-28

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

19
111

7

ПАРЧИН — СОЛИҚ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти
ТОШКЕНТ

ФАН СОҲАЛАРИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШЛАРИ АЪЗОЛАРИ*

Адабиёт. Б. ВАЛИХЎЖАЕВ, Р. ИНОРОМОВ, Т. МИРЗАЕВ, У. НОРМАТОВ, О. ПАРАФИЙ, СИПКОВ, А. ҲАЙИТМЕТОВ, И. ҲАҚҚУЛОВ. **Амалий ва тасвирий санъат.** Н. АБДУЛЛАЕВ, Б. Ф. ЖАЛОЛОВ, А. А. ҲАКИМОВ. **Астрономия, геодезия ва космонавтика.** С. Н. ИЛЬЕСОВ, А. А. ЛАТИПОВ, М. М. МАМАЛАЗИМОВ, К. Т. МИРТОЖИЕВА, П. ПИЛИПОВОГЛО, С. Н. НУРИТДИНОВ, И. САТТОРОВ. **Биология.** Ж. АЗИМОВ, О. АШУРМЕТОВ, О. МАНЗОНОВ, Ў. ПРАТОВ, Б. О. ТОШМУҲАМЕДОВ, Ш. С. ЗОКИРОВ, Б. А. ИСАХОЖИЕВ, Г. МИРЗАЕВ, Н. М. МИРҲУҲАТОВ, Р. А. НИЁЗОВ, Ф. А. УСМОНОВ, Т. Ш. ШОЁҚУБОВ, А. А. ҚАЮМОВ, Ш. О. ҒУЛОМОВ, Дин тарихи, А. АЛИМОВ, М. НИЗОМОВА, Т. С. УСМОНХЎЖАЕВ. **Журналистика.** Х. ДЎСТМУҲАММАД, А. МЕЛИКОЕВ, Г. ПИЛАЕВ. **Иқтисодиёт.** С. САЛИҚАХМЕРОВ, Ф. ЙЎЛДОШЕВ, А. ЙЎЛЧИБОЕВ, Т. ОТАҚЎЗИЕВ, П. ПАРПИЕВ, С. ХАМРОЕВ. **Кимё.** С. Ш. АМИНОВ, М. АСҚАРОВ, А. ЛАЪЗАМОВ, Ш. А. АЮПОВ, Ш. ЕРМУҲАМЕДОВ, Г. ЖЎРАЕВ, М. САЛОҲИДДИНОВ, А. САЪДУЛЛАЕВ, Б. ШОМИҚУРОВ, Р. Ю. ЮНУСОВ, Т. Б. ҒАФУРБЕКОВ. **Педагогика.** Й. АБДУЛЛАЕВ, Қ. ЙЎЛДОШЕВ, Д. Н. НОСИРОВ, К. ХОШИМОВ. **Тарих.** А. АСҚАРОВ, О. БЎРИЕВ, Қ. ДАДАБОЕВ, Х. ЖУМАНАЗАРОВ, А. ЗИЯЕВ, Х. ЗИЁЕВ, М. ИСҲОҚОВ, А. Р. МУҲАММАДЖОНОВ, Ш. ПИРИМҚУЛОВ, К. РАЖАБОВ, Т. ҒИЁСОВ, Х. ҒУЛОМОВ. **Театр, кино, цирк, хореография, балет.** Т. БАЯНДИЕВ, Ж. ТЕШАБОЕВ, Т. ТУРСУНОВ, М. Х. ҚОЧИҚОВ. **Техника.** Ф. АБДУЛЛАЕВ, О. ҒУБОЕВ, Р. ЗОҲИДОВ, Т. РАШИДОВ, Р. ТОЖИЕВ, Х. ХУДОЙНАЗАРОВ, Т. ШИРИНҚУЛОВ, С. ҚОЛИРОВ, Э. ҚОСИМОВ. **Тиббиёт.** САРИҒФОН, С. БАҲРОМОВ, Ў. Б. ЗОКИРОВ, Ш. И. КАРИМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, Ш. Ш. ШОВАХОБОВ, Н. Х. ЮМИРЗАЕВ, Э. Й. ҚОСИМОВ. **Тилшунослик.** А. АБДУАЗИЗОВ, А. ДАВЛЕТОВ, Н. МАҲМУДОВ, М. МИРТОЖИЕВ, А. НУРМОНОВ, Ш. ШОАБДУРАҲМОНОВ. **Фалсафа.** Ў. АБИЛОВ, Х. АЛИҚУЛОВ, А. М. ЖАЛОЛОВ, К. Н. НАЗАРОВ, Б. О. ТУРАЕВ, Ў. Ҳ. РАСУЛОВ, Н. И. ТЎРАЕВ, К. Ғ. ҒУЛОМОВ, П. К. ҲАБИБУЛЛАЕВ. **Халқаро муносабатлар ва снёшатшунослик.** А. С. НУЪМОНХЎЖАЕВ, Ш. М. АБДУЛЛАЕВ, Р. З. ЖУМАЕВ, В. С. КИМ, М. Х. РАҲМОНҚУЛОВ, А. Х. САЙЛОВ, И. Қ. ФОЗИЛХЎЖАЕВА, А. М. ҚОСИМОВ. **Қишлоқ хўжалиги.** Б. ЖАЗИМОВ, Ш. АҚМАЛХОНОВ, С. Н. АЛИМУҲАМЕДОВ, Ҳ. БЎРИЕВ, У. ПОСИРОВ, Ш. ҒУРМАТОВ, А. ЭРМАТОВ. **Кукун.** Ғ. А. АБДУМАЖИДОВ, Й. О. ЖЎРАЕВ, А. ИНОЯТОВ, Ф. Х. НОРБЎТАЕВ, Ҳ. Р. РАҲМОНҚУЛОВ, А. С. ТУРСУНОВ, А. ТЎЛАГАНОВ, М. М. ФАЙЗИЕВ.

* Бош таҳрир ҳайъати аъзолари рўйхатга киритилмади.

«ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ» ДАВЛАТ ИЛМИЙ НАШРИЁТИ

Директор — Н. ТЎХЛИЕВ.

Директор ўринбосарлари — Д. А. ШОРАҲМЕДОВ, М. Н. АМИНОВ.

Масъул котиб — Ф. ҲАСАНОВ.

Илмий-методика ва сўзлик бўлими. М. ИСЛОМБЕКОВА (етакчи илмий муҳаррир), С. МИРЗАБЕКОВА (1-тоифали илмий муҳаррир), Ф. ШАМСИЕВА, З. ҒУЛОМОВА (2-тоифали илмий муҳаррирлар).

Биология, тиббиёт ва кимё илмий таҳририяти. Ҳ. ЗОКИРОВ (мудир), С. ИБРОҲИМОВА, О. МАВЛОНОВ, Р. МАЪРУПОВ (етакчи илмий муҳаррирлар).

География ва геология илмий таҳририяти. А. АБДУРАХИМОВ (мудир), Ҳ. АЛИМУҲАМЕДОВА (етакчи илмий муҳаррир), И. КАРИМОВ (1-тоифали илмий муҳаррир), О. ИСАҲОЖИЕВА (2-тоифали илмий муҳаррир).

Иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги илмий таҳририяти. С. ҲОЛНАЗАРОВ (мудир), И. АБДУЛЛАЕВА (1-тоифали илмий муҳаррир), С. ЙЎЛДОШЕВ (2-тоифали илмий муҳаррир).

Комплекс мақолалар ва педагогика илмий таҳририяти. А. МАЖИДОВ (мудир), С. ТОИРОВ (етакчи илмий муҳаррир).

Маданият ва санъат илмий таҳририяти. М. АШИРОВА (мудир), Ш. АЛИМОВА, О. БЕКОВ, М. РАФФОРОВА (етакчи илмий муҳаррирлар).

Тарих илмий таҳририяти. Г. ҚЎЖАЕВА (етакчи илмий муҳаррир), И. МЕЛИКУЛОВА (1-тоифали илмий муҳаррир).

Тил ва адабиёт илмий таҳририяти. А. МАЛЛАЛИЕВ (мудир), Ҳ. АҲЪЛИЕВ (етакчи илмий муҳаррир).

Фалсафа ва ҳуқуқ илмий таҳририяти. С. МУСАЕВ (мудир), П. МУТАЛОВ (етакчи илмий муҳаррир), Р. БАРАТОВ (1-тоифали илмий муҳаррир).

Физика, математика ва техника илмий таҳририяти. Э. ИНОРОМОВ (мудир), М. МИРБОБОЕВ, М. РАСУЛОВА (етакчи илмий муҳаррирлар), Х. ПЎЛАТХЎЖАЕВ (1-тоифали илмий муҳаррир), Ж. ЮНУСОВ (2-тоифали илмий муҳаррир).

Нашриётга тайёрлаш, картография ва безак бўлими. И. Р. ҲОЛИЕВ (бошлиқ), А. БУРҲОНОВ (бош рассом), М. ОЛИМОВ (етакчи техник муҳаррир), Л. ЭҒАМБЕРДИЕВ (етакчи илмий муҳаррир), А. ЁҚУБЖОНОВ (етакчи дизайнер), А. СУЛАЙМОНОВ (суратчи), М. АБДУЛЛАЕВА, Л. ҲАСАНОВА, С. САФАРОВА (корректорлар).

П

ПАРЧИН (ресурс) — меъморлик безакларида ишлатиладиган сирланган сопол ғиштлар, турли рангдаги ғишт ва ғиштсимон ёғоч қисмлар. Шакли, ўлчами, сирланиши ва ишланиш усули ҳар хил бўлади. Шаклига қараб П. қуйидагиларга ажратилади. П. ҳажмий тенг томонли учбурчак, мураббаъ, тўғрибурчакли, олтибурчак ва 8 қиррали қия бўлаги. Усти П. усулида безак ярашиш учун ранг-ранг ғиштлар (ёки ғиштсимонлар) пайвандланиб, уларни ҳосилаларидан турли-туман сирли сатҳлар ҳосил қилинади (пресслаш ёки штампларда ишлаш). П. ёпиштириб ишланади, шунинг учун ғишт ва бошқа безакларга нисбатан ишлатилади. Ўзбекистон ҳудудида П. 6—8 асрларда меъморий обидалар кўп (Фирюза ансамбли ва б.). Ҳоз. кунда ҳам меъморликда П. кенг қўлланилади (Халқлар дўстлиги саройи, Опера Мажлис, Ўзбекистон консерваторияси биноларида ва б.).

ПАРЧИНЛАШ — энг четга ҳамда ярокат материалларидан йиғиладиган конструкция элементларини парчин михлар ёрдамида ажралмас бирикма ҳосил қилиш. Парчин мих — танга ва қалпоқдан иборат махсулотлар деталь. П. қуйидаги амалларни ўз ичига олади: парчин мих ўрнини очиш (тирналган ёки ўйиш); парчин михини ишчи қалпоғига уч очиш (электрли ёки пневматик); парчин михни тешикка ўрнатиб, иккинчи томонидан қалпоқ ҳосил қилиш (пресслаш ёки уриш). П. болғалар, пресслар ва автоматлар ёрдамида бажарилади. П. босқичи — зарб берувчи ишчи органга эга машина. Парчин михда қалпоқ ҳосил қилиш учун ишлатилади.



Парчинлаш. 1-расм. Парчинлаш амаллари: *а* — тешик очиш; *б* — ишчи қалпоқни уч очиш; *в* — парчин михни қўйиш; *г* — янги қалпоқ ҳосил қилиш; *1* — қўзғалмайдиган қолип; *2* — танга; *3* — бириктирувчи қолип; *4* — қисқич; *5* — тутқич.

П. машинада парчинлаш прессларда ва автоматларга бўлинади. П. прессларида парчин михнинг иккинчи қалпоғи ҳосил қилинади. Парчин мих танаси икки штамп орасига ўрнатилади. Машина пуансони зарб бериш давомида бир марта қисқа вақт ичида бир йўла бир неча парчин михни парчинлайди. П. автоматларида барча операциялар: болғалар сирғанишини зичлаш, уларни ажратиш, тешик тагига михни ўрнатиш, парчин мих ўрнатиш, П., бўшлиқни очиш ва б. бажарилади. Бунда механизмлар автоматик тарзда бошқарилади. П. да қўлланиладиган парчин михларнинг ярим дюймлиги, яъни диаметри 12,7 мм, қисқичлик, конус қалпоқли хиллари бор. Уларнинг ўлчамлари давлат стандартларида белгилаб қўйилган. Стандарт парчин михлардан ташқари махсус: майдалаш, пресслаш ва б. парчин михлар қўлланилади. Пўлат, мис, латунь, алюминий ва б. материаллар тайёрланади. Парчин мих материали бириктириладиган деталлар материали б-н бир хил олинади.



2-расм. Парчин михлар: *а* — ярим юпқа қалпоқли; *б* — ошириш қалпоқли; *в* — ярим ошириш қалпоқли; *г* — ясси қалпоқли; *д* — қалпоқ ости конуссимон; *1* — парчин мих танаси; *2* — устки қалпоқ; *3* — бириктирувчи қалпоқ.

П. кемасозлик, автомобилсозлик, самолётсозлик ва б. соҳаларда қўлланилади. Самолётсозликда саноқчини юз томонига тушган пакш чиқариш, тўлқин б-н ишлаш ҳам П. дейилади.

ПАРЧА — қ. *Кеш. Кламидат.*

ПАРШИН Вил Семёнович (1927.7.12, Тошкент) — график рассом. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1982). П. Беруний номидаги Республика рассомлик билим юрти (1949) ва Вильнюс Олий ж-ти (1957)ни тугатган. П., асосан, дастгоҳ графикасида ижод қилади. П. ижодига қизиқиш, кайфият, очиқ юмор ҳисси хос, кундалик воқеалар ҳаётий масалалар сода шаклда тасвирланади. «1966 й. 26 апрель» (Тошкент эпизодларига бағишланган) линогравюралар туркуми (1967); «Пахта байрамида» (1967), «Бир шу сода ишлайлик» (1967) туркумлари; «Наполён» пьесаси ва ишланган гравюралар, «Илк қилмалар» линогравюралар туркуми (1971) ва б.

ПАРҲЕЗ, диета — овқатлар, кимёвий таркиби, калориялилиги (қувват) ва ҳазмлаш хусусиятлари ҳисобга олинган махсус танланган овқат рациони. Соғлом кишилар ҳамда беморларга мўлжалланган овқатланиш режими. П.да организмнинг озиқ-овқатларга бўлган физиологик эҳтиёжи қондирилади.

Беморларга П. буюрилганда моддалар алмашинуви ёки бирор аъзо функциясини бузилган бўлса, унинг фаолиятини енгиллаш кўзда тутилади. Бунинг учун баъзи озиқ-овқат маҳсулотлари махсус усуллар б-н қайта ишланади. *Яра касаллиги, колит, ёғ босиш* ва б. касалликларда П. кенг қўлланилади. Касалликнинг даври, босқичи ва фазасига қараб, П.нинг бир неча варианти тавсия этилган. Касалхонада даволанаётган беморга врач кун овқат сбалансирланган кунлар (мас., 1—2 кун) белгилайди. Бу кунларда беморнинг атайлаб қисман оч қўйиши учун алоҳида рационлар фойдаланилади. Ўзбекчча П. танлаш ёмон оқибатларга сабаб бўлиши мумкин (қаранг. *Парҳез билан даволаш*).

ПАРҲЕЗ БИЛАН ДАВОЛАШ, диетотерапия — баъзи касалликлар (*гастрит, энтерит, колит, яра касаллиги, жигар, буйрак касалликлари* ва б.)ни даволаш ва олдини олиш мақсадида парҳезлан фойдаланиш. П. б-н д. дори-дармонлар ол б. зарб воситалари б-н бирга қўлланади. П. б-н д. қадимдан маълум, аммо унинг илмий асослари фақат 19-а.нинг 2-ярмида яратиб чиқилди. Бунда рус олимлари И. П. *Павлов* ва И. М. *Сеченов* яратган физиологик қоидаларнинг аҳамияти катта бўлди. П. б-н д.нинг асосий принциплари: овқатланиш рационя, режими ва масаллиқни пишириш усулини белгилашда индивидуал ёндашиш; касалликнинг характери, беморнинг ҳолати ва организмнинг ўзига хос хусусиятлари, овқатнинг миқдори ва сифат жиҳатдан тўлаконлиб бўлиши, беморга касаллиги туфайли бирор озиқ моддани ёки овқат маҳсулотини бериб бўлмайдиган ёки чеклаб қўйиладиган ҳолларда рационни оқсиллар, ёғлар, углеводлар, минерал моддалар ва витаминлар бирмунча тўлақонли келадиган қилиб белгиланган ибо-

рат. Шунинг учун П. б-н д. фақат врач маслаҳатига мувофиқ ҳамда унинг кузатуви остида олиб борилади. Кам овқат ейиладиган кунлар буюриш, осон сингадиган овқат ҳисобига унинг сифатини чеклаш, овқатланиш режимини ўзгартириш, масалаларга махсус пазандалик ишлови бериш усуллари П.б-н д.да кенг қўлланади. Бунда овқат рациони шифобахш ва тўйимли бўлиши, шунингдек, организмнинг витаминлар, микроэлементлар ва биологик фаол моддаларга бўлган эҳтиёжини тўла қондириши лозим.

Тўйимли овқатланиш организмнинг касалликларга қарши курашиш, шикастланган орган ва системалар ишини яхшилаш, моддалар алмашинувини ва организмнинг умумий ҳолатини нормаллаштириш имконини беради. П.б-н д. стационар, санаторий-курорт ва амбулатория шароитида қўлланади.

Кам овқат ейиладиган кунлари бирор хил озиқ-овқат маҳсулоти, мас., олма, творог, сут кун бўйи оз-озлаб бериб борилади. Бундай кунларни врач буюради ва унинг назорати остида давом эттирилади. Семизлик, атеросклероз, юрак-томир касалликлари, гипертония ва б.да туз ва суюқликни кам истеъмол қилиш ҳисобига овқат миқдор жиҳатидан чекланади.

Ейиладиган овқат миқдорини кескин камайтириш фақат стационар шароитида ёки маълум даволаш муассасаларида мутахассис врач назоратида амалга оширилиши керак, чунки даволашнинг бу усули ҳар кимга ҳам тавсия этилавермайди. Ўз билгича бу усулни қўллаш ман этилади. Баъзан буткул оч қўйиш саломатликка жиддий путур етказиши ва айрим органлар (жигар, мия ва б.)да тузатиб бўлмайдиган ўзгаришларни келтириб чиқариши мумкин. Ҳар бир организм очликка ҳар хил чидайди, бундай жиддий синовга ҳар қандай организм ҳам бардош беравермайди. Озишни ўйлаб ўз билгича оч юриш пархезга кирмайди, аксинча моддалар алмашинувини бузиб, касалликка олиб келади.

Овқат маҳсулотларини сифатига кўра чеклашда уларнинг механик ва кимёвий хусусиятлари ҳисобга олинади. Механик чеклаш деганда дағал, бадҳазм овқат маҳсулотлари ёки уларнинг айрим қисмларини, мас., дағал клетчаткага бой бўлган ўсимлик маҳсулотлари ҳамда гўштнинг қаттиқ қисмларини овқатга ишлатмаслик тушунилади. Кўпроқ йирик тортилган ундан ёпилган нон, турп, шолғом, редиска, карам, бодринг, луккаклилар, тириқроқ қилиб пиширилган бўтқалар чеклланади. Механик чеклаш пазандалик ишлови бериш усулида ҳам қўлланади, яъни гўшт қимматланади (котлетлар, биточкилар, фрикаделькалар), сабзавотлар эзилган пюре, шеканка шаклида берилади. Ерма (перловка, сули, гуруч ва б.)дан тайёрланган шўрвалар эзитириб пиширилади.

Кимёвий чеклашда ҳам безлари секрециясини кучайтирувчи ва меъда-ичакнинг motor (ҳаракат) функциясини қўзғатувчи таомлар кам бўлади, овқат рационида қуюқ бульонлар (гўштли, балиқли, сабзавотли), қовурмалар (котлетлар, бифштекслар, қовурилган картошка), уети қизартириб пиширилган таомлар, қуюқ ёғли ўткир сардаклар, ирвиорлар, тузланган бодринг, янги ёпилган юмшоқ нон, қуймоқлар чиқариб ташланади. Сувда ва бугда пиширилган овқатларда ҳам безлари секрециясини кимёвий йўл б-н қўзғатувчи моддалар бир қадар чеклланган бўлади. П.б-н д.да беморнинг аҳволи, унинг ҳаракат қилиш имконияти ва касаллик характерига кўра белгиланадиган овқатланиш режимига амал қилишга катта аҳамият берилади.

Беморлар кунига 4—5 маҳал овқатланиши, овқатланиш орасидаги вақт 4 соатдан ошмаслиги керак. Айрим ҳолларда даволаш мақсадида бўлиб-бўлиб овқатланиш режими тавсия этилади, бунда овқат оз-озлаб тез-тез қабул қилинади. П.б-н д.да касаллик характерига мос келадиган алоҳида овқатлар берилади. Ўсимлик маҳсулотлари — янги сабзавотлардан тайёрланган салатлар, қовун-тарвузлар ҳам пархез таомлар ҳисобланади, чунки уларда витаминлар, ферментлар, фитонцидлар, микроэлементлар, органик кислоталар, жуда фойдали, семиртириб юбормайдиган қанд моддалари (фруктозалар) кўп бўлади. П. б-н д.да янги хом сабзавот ва меваларни кўп бериш б-н уларнинг ишқорий таъсири таъминланиб, атеросклерозга олиб келувчи ацидотик (кислоталик) ўзгаришларга барҳам берилади. Ҳатто соғлом кишилар ҳаяжонланганида, кам ҳаракат қилганида ва б. нохуш омиллар таъсирида организмнинг сабзавот ва меваларга бўлган эҳтиёжи ортади. Шунинг учун сабзавот ва мевалар бемор ҳамда соғлом кишилар ҳаёти учун зарур маҳсулотлардан ҳисобланади. Кишининг тезгина соғайиб кетишини таъминловчи моддалар кўпгина овқат маҳсулотларида мавжуд. Улар, айниқса, сут маҳсулотлари (кефир, простокваша, сметана, творог)да кўп бўлади. Пархез хусусиятига эга гўшт маҳсулотларига: ёғсиз мол гўшти, товуқ, қуён гўшти ва жигар киради. Деярли барча сабзавот ва мевалар (турп, шолғом, луккаклилардан ташқари) пархез маҳсулотлар ҳисобланади. Ҳамма пархез таомларда одатдаги овқат маҳсулотларидан кенг миқёсда фойдаланилади, лекин улар янги ва сифатли бўлиши керак.

1999 и.да Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруғи б-н 2 тоифали ички касалликлар профилактикаси қошида диетология маркази ташкил этилиб, унда ўзбек миллати таомларининг пархез хусусиятлари ўрганилмоқда.

Шерзод Бақиров жиен.

ПАС (Paz) Октавио (1914.31.9 — Мехико — 1998) — мексикалик шоир. Биринчи шеърий тўплами «Но пасаран» 1936—39 и.ларда Испанияда бўлган фуқаролар урушига бағишланган. «Инсон илтижо» (1937), «Сенинг равшан соинг остида» (1937), «Дунё чеккасида» (1942), «Мадҳия маъно» (1954), «Қуёшнинг тоши» (1957), «Яхлит шамол» (1966) ва б. тўпламларида П. миллий лирикани бадиий кашфиётлари б-н бойитган, фикрларни жамлашга мойил, метафораларга бой, юксак руҳиятли интеллектуал шоир сифатида намоён бўлади. У қад. Мексика ҳамда Осиё халқлари маданий меросига тез-тез мурожаат этади. «Ёлғизликнинг чалкаш йўллари» (1956) эссе-китобида мексикаликлар руҳиятини, Мексиканинг тарихий ўзига хосликларини талқин этади. П.нинг фикрича, шоирнинг ҳақ жамиятдаги вазифаси инсон ва ташқи дунё бирлигини тиклашдир.

П. Мексиканинг Хиндистондаги элчиси (1962—64), Гарвард ун-тининг фахрий д-ри (1981). Санъат ва сиёсат соҳасидаги бир неча жур.ларга, жумладан, «Плурал» («Plural») жур.га бошчилик қилган. Нобель мукофоти лауреати (1990).

ПАСАРГАДА — Қад. Эрондаги шаҳар. *Персеполдан* 80 км шимолдаги қирларда бунёд этилган. Форс қабилаларидан пасаргадлар номидан олинган, бу қабилага *ахоманийлар* ҳам мансуб бўлган. Мил. ав. 550 й. П. ёнида форс қўшинлари Мидия шоҳи Астиаг армияси устидан ғалаба қозонган. П.да форс модий маданиятининг энг қад. обидалари (*Кир II* саройи ва қабри, квадрат минора кўринишидаги оташкада), шунингдек, Кир номи қайд этилган миххат ёзувлари сақланган. Кир II ўлимидан сўнг П. ахоманий подшолари тож киядиган муқаддас жойга айланган.

ПАСКАЛЬ (Pascal) Блез (1623.19.6, Клермон-Ферран — 1662.19.8, Париж) — француз математиги, физик ва файласуфи. «Конус кесимлар назарияси»нинг тажрибасиномли асарида (1639) проектив геометриянинг асосий теоремаларидан бири — Паскаль теоремасини исботлаган (*Паскаль принципи*, 1641 и. жамлаш машинасини қурган. Арифметика, сонлар назарияси, алгебра, эҳтимоллар назарияси, проектив геометрия ва б. соҳаларга оид ишлари муҳим. П. биринчи марта математик индукция усулини қўллаган, Шарқ математикларидан мустақил ҳолда биномиал коэффициентларни ҳисоблаш усулини топган (қ. *Арифметик учбурчак*). П. қўллаган ноль ва манфий сонларни ҳисоблаш усуллари дифференциал ҳамда интеграл ҳисоблар яратилишида асос бўлди. П. гидростатика асосчиларидан бири, 1648 и. атм босими мавжудлигини исботлайдиган тажриба ўтказган. *Паскаль қонуни*ни асослаган.

П. фалсафий қарашлари б-н рационализм ва скептицизм орасида иккиланиб турган. Унинг «провинциалга хатлар» асари француз прозаси ва тегирида муҳим ўрин тутади. П. француз классик прозасининг шаклланишига катта ҳисса қўшган.

ПАСКАЛЬ, Па — *Халқаро бирликлар тизими* СИ да босим ва механик кучланиш бирлиги. Қисқача Па б-н белгиланади. 1 Па 1 м² юзага тик равишда ва бир текисда таъсир этаётган 1 Н кучнинг ҳосил қилаётган босимига тенг. 1 Па = 1 Н/м² = 0,102 кг куч/см² = 10 дин/см² = 9,87·10⁻⁶ атм= 7,5·10⁻³ мм сим. уст. Б. *Паскаль* шарафига қўйилган.

ПАСКАЛЬ ЧИҒАНОҒИ — тўғричизиқли тартибли ясси чизиқ. Айлананинг бирор *O* нуқтасидан чиққан ватарларини берилган *a* кесмага узайтириш ва қисқартириш натижасида ҳосил бўлган *M* ва M_1 нуқталар тўплами (расмга қ.) П.ч.нинг *Декарт координаталар тизимидаги* тенгламаси

$$(x^2+y^2-2Rx)^2=a^2(x^2+y^2),$$

қутб координаталари системасида $\rho=2R\cos\varphi\pm a$, бунда R — берилган айлана радиуси. $a=2R$ бўлса, П.ч. *кардиоида*дан иборат. $a>2R$ бўлса, П.ч. ўзини



Паскаль чиғаноғи.

ўз кесмайди. П.ч. француз математиги Э.Паскаль (1588—1651, Б. *Паскаль*нинг отаси) номи б-н аталади.

ПАСКАЛЬ ҚОНУНИ — *гидростатика*нинг асосий қонуни. П.қ.га кўра, ташқи кучларнинг суюқлик сиртига берган босим таъсири суюқлик ичида барча нуқталарда бўйича бир хил узатилади, яъни ташқи кучларнинг суюқлик сиртига босими унинг ҳар бир нуқтасига ўзгаришсиз тарқалади. Бу қонунни 1653 и.да Б. *Паскаль* аниқлаган (1663 и.да эълон қилган). П.қ.дан техникада (хусусан, гидравлик прессда) кенг фойдаланилади.

ПАСПОРТ (франц. passeport — портга кириш рухсатномаси) — айрим давлатларда фуқаро шахсини тасдиқловчи ҳужжат. ЎзР фуқаросининг П.и — Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини ва унинг эгаси шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжатдир. ЎзР да П. бериш ва ундан фойдаланиш, қайд этиш, рўйхатдан чиқарини тартиби, шунингдек, П. тизими қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик ЎзР Президентининг 1999 й. 26 февралдаги фармони б-н тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисида»ги Низом б-н белгиланади. Мазкур Низомга биноан, Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлган барча фуқаролари ЎзР фуқароси П.ига эга бўлишлари шарт. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ЎзР ҳудудида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган ҳужжатлар асосида яшайдилар. П. хорижга жўнаб кетиш чоғида ҳам амал қилади. Хорижга жўнаб кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун ЎзР фуқароси П.и ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилади. «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги ЎзР қонуни (1992 й. 2 июль)га мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароси П.и «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги қонун кучга киргунига қадар ЎзР ҳудудида доимий яшаб турган шахсларга. «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олган шахсларга ҳам берилади. ЎзР фуқароси П.ини Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари беради. Ўзбекистон Республикасининг хорижда доимий яшайдиган фуқароларига, шунингдек, қонунга мувофиқ, ЎзР фуқаролигини олган шахсларга ЎзР фуқароси П.и Ўзбекистон Республикасининг хорижданги дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси томонидан берилади. ЎзР фуқароси П.и бутун Ўзбекистон Республикасида ягона намунада ўзбек, рус ва инглиз тилларида, Қорақалпоғистон Республикаси учун эса, қорақалпоқ, ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрланади ва 32 бетдан иборат бўлади. П.га ўзбек, рус ва инглиз тилларида (Қорақалпоғистон Республикасида эса — қорақалпоқ тилида ҳам) фуқаронинг шахси тўғрисида қуйидаги маълумотлар ёзилади: фамилияси, исми, отасининг исми; туғилган йили, куни, ойи; туғилган жойи; миллати; жинси, шахс ўхшашлигини аниқлаш рақами. П.да унинг эгасининг имзоси, П. берган масъул шахс имзоси бўлиши, шунингдек, П. берилган вақт ва амал қилиш муддати кўрсатилиши лозим. Шунингдек, П.га: балоғатга етмаган болаларининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, куни, ойи; ҳарбий хизматга муносабати тўғрисидаги; никоҳдан ўтиш ва никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги; паспорт эгасининг яшайдиган ва доимий қайд этилган жойи ҳақидаги; вақтинча қайд этилгани тўғрисидаги; чет элга чиқиш учун рухсатнома ҳақидаги; хорижий давлатларга кириш учун визалар ҳақидаги маълумотлар ёзилади. Фуқаролар 25 ёшга ва 45 ёшга тўлганда ички ишлар органлари уларга янги П. беради. 45 ёшга тўлган фуқаролар П.нинг амал қилиш муддати чекланмайди. П. тизими қоидалари бажарилишини ички ишлар органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари назорат қиладилар. Фуқаролар: П.сиз, ёки ҳақиқий бўлмаган П. б-н қайд эттирмай яшаганлик учун, П.ни атайлаб йироқсиз ҳолга келтирганлик ҳамда П.лардан гаразли мақсадларда фойдаланганлик, П.ни авайлаб сақламай уни йўқотганлик учун ЎзР қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти.

Дипломатик П. ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича мансабдор шахсларга, шунингдек, чет элга доимий иш жойига кетаётган дипломатик П.га эга бўлган шахсларнинг эрлари (хотинлари)га ва уларнинг қарамоғида бўлган болаларга берилади. Бу ҳужжат б-н боғлиқ ҳуқуқий жиҳатлар ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1995 й. 6 янв.даги 8-сон қарори б-н тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти тўғрисида»ги Низом б-н тартибга солинади. Дипломатик П.ни ЎзР Ташқи ишлар вазирлиги 5 й. муддатга беради. Дипломатик П. Ўзбекистон Республикасининг мулки ҳисобланади.

ПАССАЖ (франц. passage — ўтиш, йўл) — 1) меъморликда савло-сотиқ ёки шу каби мақсадларда қурилган бино. Иккала томонига дўконлар ёхуд хизмат хоналари қаватма-қават ва ёнма-ён жойлаштирилиб, ўртадаги очиқ саҳни ойна б-н ёпилади; 2) мусиқада — тез ўтиб ижро этиладиган, одатда, *гамма* ёки *арпеджио*га асосланган товушлар изчиллиги. Кўпинча *виртуоз* асарларда учрайди.

ПАССАЖ АСБОБИ (франц. passage— ўтиш) — ёритқичларнинг *осмон сфераси*даги вертикал доира текислигидан ўтишини кузатишда, жойнинг географик кенглигини аниқлашда ишлатиладиган асбоб. П.а.ни 1689 й. данияллик астроном О.Рёмер ихтиро қилган. Кейинчалик (1937) рус астрономи Н.Н. Павлов ёритқичларнинг меридиандан ўтишини автоматик равишда қайд қиладиган фотоэлектр П.а.ни ихтиро қилди. Бу б-н кузатиш аниқлиги оширилди. П.а.нинг кузатиш трубаси фақат вертикал текисликда айлана олади.

ПАССАКАЛЬЯ (испанча pasar — ўтмоқ ва calle — кўча) — 1) 16-а.дан мажмонларни кузатиш жараёнида ижро этиладиган тантанавор ёки маршсимон испанча рақс. Жилдий, улуғвор ва кўтаринки руҳда янграйдиган мусиқа асари сифатида 17—18-а.ларда Ғарбий Европа мамлакатларида кенг тарқалган (Г.Пёрселл, К.Монтеверди ва б.). Францияда якка раққос ёки раққоса ижросидаги *балет рақси Ж.Б.Люлли* ва б.); 2) орган, клавир учун ёзилган вариация шаклидаги пьеса. Мусиқа ўлчови 3/4 ёки 3/2. П., одатда, улуғвор, баъзан ғамгин, фожиавий характерга эга. Д.Букстехуде, Ф.Куперен, И.С.Бах, Г.Генлель ва б. П. ёзган. 20-а. композиторлари ижодида П. туркумли асарлар қисми сифатида кенг ўрин олган (М.Регер, А.Шёнберг, А.Берг, А. Онеггер, Б. Бриттен, П.Хиндемит, Д.Шостакович, Қ. Қораев ва б.). Ўзбекистон композиторларидан Б.Гиенко, Г.Мушель, М.Тожиев ва б. ижодида П. намуналари мавжуд.

ПАССАТ ОҚИМЛАРИ — океан юзасида *пассатлар* таъсирида ҳосил бўладиган сув оқимлари. Атлантика ва Тинч океанларда — Шим. ва Жан. П. о., Ҳинд океанида — Жан. ярим шардаги П.о. мавжуд. Пассат шамоллари эсиб турганидан П.о. шарқдан ғарбга томон соатига 1—2 км тезликда ҳаракат қилади (океанларнинг ғарбий қисмларида бу тезлик соатига 3 км га етади). П.о. океанларнинг шарқида, антициклон айланма шамолларнинг совуқ оқимларидан бошланади; ғарбга силжиган сари анчагина исиб қолади. Экваторда шим.-шарқий ва жан.-шарқий пассатлар таъсирида шим. ва жан. П.о. оралигида (экваториал) тескари оқимлар вужудга келади. Бу тизим Тинч океанда йил бўйи давом этади; Атлантика океанида ёзда бўлади; Ҳинд океанида қишки П.о. йўқ, чунки бу океаннинг шим. қисми *муссонлар* таъсирида бўлади. Океанларнинг ғарбий қисмларида П. о.дан илиқ оқимлар бошланади.

ПАССАТЛАР (голландча passaat) — тропик кенгликларда океанлар устида йил бўйи барқарор эсиб турадиган ҳаво оқимлари. П. тезлиги Ер юзасида 5—6 м/с ни ташкил қилади. Вертикал қалинлиги 2—4 км бўлиб, экватор томон ошиб боради. П.га меридиан бўйлаб экватор томон йўналган оқимлар қўшилади, натижада Шим. ярим шарда П. кўпроқ шим.-шарқий шамоллар, Жан. ярим шарда эса жан.-шарқий шамоллар бўлиб эсади. П. субтропикларги антициклонлар б-н чамбарчас боғланган (улар бу антициклонларнинг экватор томондаги чеккаларига қараб эсади). Шамол маромн тез-тез ўзгариб турадиган тропик ўлкаларда П. анча сусг, баъзи жойларда П. ўрнини *муссонлар* эгаллайди. Экватор яқинида бутун *тропосфера* ва қуйи *стратосфера* қатламида шарқий шамоллар устунлик қилади. Тропосферанинг юқори қатламларигача кўтарила олмаган П. устида шамоллар ғарбий йўналишга эга бўлади. П. устидаги бу оқимлар *антипассатлар* деб аталади. П. ва антипассатлар экватор б-н субтропиклар ўртасида циркуляция системасини ҳосил қилади.

П.нинг океанлар юзасида қуйи кенгликларга қараб оқадиган ҳавоси сувдан совуқроқ бўлади. Шунинг учун бу ҳаво тагидан илийди ва тўп-тўп булутли *конвекция* вужудга келади. Лекин бу булутлардан ёғин ёғмайди ва П. ҳукмрон ўлкаларнинг ҳавоси қуруқ бўлади. Материкларда П. эсадиган жойларда тропик чўллар ҳосил бўлган. Лекин Шим. ва Жан. ярим шарларидаги П. оралиғидаги зонада конвекция кучи ва баландлиги кескин ортади; катта баландликларгача кенг булутлар тўдаси юзага келади, улардан жала ёмғирлари ёғади. Қуруқликда бу зона нам суб-экваториал ва экваториал ўрмонлар зонасига тўғри келади.

Ғолиб Мўминов

ПАССИВ, пассивлик (лот. passivus — бефарқ, ипродасіт, фаолиятсиз — атрофидаги нарса ва ҳодисаларга, кишиларга нисбатан бефарқ муносабатда бўлиш, фаолиятсизлик ҳолати.

ПАССИВ (лот. passivus — ҳаракатсиз) — 1) корхонанинг ҳамма қарзлари ва мажбуриятлари (*актив*нинг тескари ҳолати); 2) *бухгалтерия балансини*нг ўнг қисми, корхона маблағларининг пайдо бўлиши, эгалиги ва мақсадларига қараб гуруҳланган (ўз захиралари, бошқа муассасалардан олинган қарзлар) манбаларини ифода этади.

ПАСТ ТЕМПЕРАТУРАЛАР — криоген температуралар — суюқ ҳавонинг қайнаш т-раси (80К) дан паст т-ралар; Халқаро совуқлик ин-тининг 1971 й.даги 13 конгрессида қабул қилинган таснифга биноан, 120 К дан паст т-ралар. Мутлақ ноль т-ра (—273° ёки 0К) дан ҳисобланиб, *кельвин*да ифодаланади. П.т.ни ҳосил қилиш ва сақлаб туришда, одатда, суюлтирилган газлардан фойдаланилади. Бунинг учун махсус қурилма — суюлтиргичлар ишлатилади. Атмосфера босимида бугланиб турувчи суюқ газлар Дьюар идишлари (суюқ газнинг нормал қайнаш т-ралари $T_қ$ яхши сақланадиган идишлар) да сақланади ва уларнинг қайнаш т-раси $T_қ$ вақт ўтиши б-н ўзгармасдан қолади. Амалда қуйидаги суюлтирилган газлардан фойдаланилади: ($T_қ$=90,2К), ҳаво ($T_қ$=80К), азот ($T_қ$=77,4К), водород ($T_қ$=20,4К) ва гелий ($T_қ$=4,2К). Махсус қурилмалар ёрдамида идишдаги бугланаётган суюқ газни сўриб олиб, суюқлик устидаги босимни камайтириш ва шу б-н унинг қайнаш т-расини пасайтириш мумкин. Шундай қилиб, қайнаётган суюқлик устидаги босимни ўзгартириб, унинг т-расини пасайтириш ва шу йўл б-н яна-да паст т-ралар олиш мумкин. 1932 й. да 0,73К т-ра олинган. 0,3К дан паст т-ралар соҳаси ўта П.т. деб қабул қилинган. Ўта П. т.ни олишда парамагнит тузларни адиабатик магнитсизлантириш усули кенг қўлланилади. Бу усулни 1926 й.да П. *Дебай* ва В.*Жиок* кашф этган. 630,74° дан 13,81К гача бўлган т-ралар, хусусан, платинадан ясалган қаршилик термометрлари ёрдамида 0,001К гача аниқлик б-н ўлчанади. Бу термометрлар платина электр қаршилигининг т-рага боғлиқлик қонуниятига асосланган. 100К дан паст т-раларни ўлчашда тоза германийдан ясалган қаршилик термометрлари қўлланилади. 0,3—5,2 К соҳа учун гелий тўйинган буғ босимининг т-рага боғлиқлик қонуниятидан фойдаланиш мумкин. 1К дан паст т-рани квант статистикаси, яъни энергетик сатҳларнинг электронлар б-н тўлиқлик даражасини аниқлаш усуллари орқали ўлчанади.

П.т.дан газларни даврлаб олиш (мас., ҳавони суюлтириб кислород ва азот олишда, катта ҳажмдаги юқори вакуум ҳосил қилишда фойдаланилади. Электротехника ва радиотехника қурилмаларидаги шовқинларни йўқотишда кенг қўлланилади. П.т.дан ўта ўтказувчан ўтказгичлар тайёрлашда ва шу орқали ҳарбланган қарзларнинг телаткич учун муҳим бўлган кучли магнит майдонини ҳосил қилишда ва б. мақсадларда фойдаланилади.

Иброр Нуъмонхўжаев

ПАСТДАРҒОМ ТУМАНИ — *Самарқанд вилоятидаги* туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. 1929—38 й.ларда Акмал Икромов тумани деб аталган. 2001 й.да П.т.га Ғўзалкент тумани қўшилди. Шимдан Оқдарё ва Иштихон, ғарбдан Каттақўрғон, Нуробод туманлари, жанлан Қашқадарё вилояти ва шарқдан Самарқанд тумани б-н чегарадош. Майд. 0,53 минг км². Аҳолиси 267,3 минг киши (2003). П.т.да 1 шаҳар (Жума), 1 шаҳарча (Чархин), 9 қишлоқ фуқаролари йиғини (Арабхона, Болатош, Димишқиболо, Намуна, Санчиқўл, Сарибош, Тораржқ, Турон, Халқобод) бор. Маркази — Жума шаҳри.

Туман номи («Пастдарғом»)нинг келиб чиқишини маҳаллий тилшунос, топонимистлар дарё (дарғом)нинг қуйиси (қуйисидаги ер, ҳудуд) деб изоҳлайдилар. Ҳақиқатан ҳам Зарафшоннинг пастки қисмида жойлашган Дарғом канали туман ҳудудидан оқиб ўтади. 1141 й. 9 сент.да Котвон лаштида салжуқийлар ва қорахитойлар ўртасидаги жанг Дарғом дарёси бўйида бўлиб ўтган ва тарихчиларнинг таъкидлашича «... жангда салжуқийлардан 30 минг киши ҳалок бўлган, 10 минг кишини Дарғом дарёси оқизиб кетган». Дарё номи «Бобурнома»да ҳам учрайди.

Табиати. Туман рельефи асси текислик бўлиб, шарқдан ғарбга нишаб. Юзаси учламчи давр чўкинди жинсларидан ташкил топган. Устки қисмини Зарафшон ва унинг ирмоқлари олиб келган аллювиал ётқизиқлар қопланган. Туман ҳудудининг жан.-шарқи Зарафшон тог тизмаларининг ғарбий учи ё-н банд. Бал. 2204 м гача. Жан.-ғарбий қисми Қарнобчўл даштининг шарқий ва Қарши чўлининг шим. чеккаларидан иборат чала чўллардир. Тупроқлари, асосан, бўз тупроқ. Чўл зонасида озроқ шўрхоклар бор. Тог этакларида жигарранг ва қўнғир тог-ўрмон тупроқлари тарқалган. Ёввойи ўсимликлари: шувоқ, бутдойиқ ва тог-чала чўл ўсимликларидан иборат. Дарёларининг қайирларида рўвак, қамиш, шўражриқ, сувранг, камирсоч, итгунафша, юлғун ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвон ва паррандалардан: бўри, тулки, қўён, чиябўри, жайрон, жайра, қобон, калтакесак, тошбақа, сариқ илон, эчкемар, кўрсичқон, кичик қўшоёқ, кумсичқон, типратикан, каламуш, қирғовул, лойхўрак, ўрдак, сўфитўрғай, чуғурчиқ, заргалдоқ ва б. учрайди. Туман ҳудудининг шим.дан Зарафшон дарёсининг тармоғи — Қорадарё ва б. сойлар оқиб ўтади, ғарбида ёзда қуриб қоладиган сойлар бор. Туман ҳудуди орқали Дарғом канали, Эски Анҳор канали ўтади. Иқлими кескин континентал. Лекин, шим., шим.-шарқ ва шарқдан томонидан тоғлар б-н ўралганлиги учун қиши илиқроқ. Янв.нинг ўртача т-раси —1,9°, июлники 27,2°, энг паст т-раси —26°, энг юқори т-ра 44°. Йиллик ёғин 328 мм, асосан, қиш ва баҳорда ёғади.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, татар, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 504 киши.

Хўжалиги. Туман хўжалигида етакчи тармоқ қ.х. П.т.да пахта тозалаш з-длари (Жума ва Чархин), «Ўзбиокомбинат» корхонаси, «Агрокимётаъминот» акциядорлик бирлашмаси, «Агронот» акциядорлик жамияти, машсервис» акциядорлик жамияти, қурилиш ташкилотлари, гишт з-ди, банк бўлимлари, Мебеллар уйи, супермаркет, 346 савдо дўконлари, бозорлар, 99 умумий овқатланиш, 239 маиший хизмат кўрсатиш корхоналари мавжуд. Қўшма, кичик ва хусусий корхоналар фаолият кўрсатади.

П.т.да 10 га яқин ширкат хўжалиги, Пастдарғом ижара хўжалиги ва б. бор.

1896 йилда Темирбўлоқ станциясида қурилган сув иншооти.

Қ.хда фойдаланиладиган ерларнинг 16,8 минг га ерига пахта, 14,7 минг га ерига дон ва бошқа экинлар экилади (2003).

Туман жамоа ва шахсий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, от, паранда боқилади.

П.т.даги 116 умумий таълим мактабида 59287 ўқувчи таълим олади, 3 касбҳунар коллежи, республика биднй академияси тасарруфидаги 1 санъат лицейи, Ўзбекистон — Корея қамкорлигида очилган санъат коллежи, 2 мусиқа мактаби мавжуд, 59 кутубхона, 22 клуб, маданият уйлари ва саройлари, маданият ва истироҳат боғлари, 22 халқ театри, 6 халқ ансамбли фаолият кўрсатади. Туманда 12 стадион, 890 спорт майдончалари, спортнинг миллий кураш, каратэ, реал-айкидо турлари ва б. бўйича спорт клублари ишлаб турибди.

П.т.даги туман бирлашган касалхонаси, унга қарашли 4 касалхона, 5 шифохона, 76 фельдшер-акушерлик пунктлари, 200 қишлоқ-даволаш амбулаторияларн, 16 қишлоқ врачлик пунктлари, 21 дорихона мавжуд.

Туман ҳудуди орқали Тошкент — Душанба, Тошкент — Қарши поездлари ўтади. Каттақўрғон—Жума—Самарқанд, Самарқанд—Сазагон—Жом, Жума—Хончарвоқ ва б. йўналишларда автобуслар қатнайди. Тошкент—Урганч, Тошкент—Навоий йўналишлари бўйлаб қатнайдиган автобуслар ҳам туман

Пастдарғом тумани. Эски Жума жоме масжиди.

Дипломатик П. ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича мансабдор шахсларга, шунингдек, чет элга доимий иш жойига кетаётган дипломатик П.га эга бўлган шахсларнинг эрлари (хотинлари)га ва уларнинг қарамогида бўлган болаларга берилади. Бу ҳужжат б-н боғлиқ ҳуқуқий жиҳатлар ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1995 й. 6 янв.даги 8-сон қарори б-н тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти тўғрисида»ги Низом б-н тартибга солинади. Дипломатик П.ни ЎзР Ташқи ишлар вазирлиги 5 й. муддатга беради. Дипломатик П. Ўзбекистон Республикасининг мулки ҳисобланади.

ПАССАЖ (франц. passage — ўтиш, йўл) — 1) *меъморликда* савдо-сотиқ ёки шу каби мақсадларда қурилган бино. Иккала томонига дўконлар ёхуд хизмат хоналари қаватма-қават ва ёнма-ён жойлаштирилиб, ўрталаги очиқ саҳни ойна б-н ёпилади; 2) *мусиқада* — тез ўтиб ижро этиладиган, одатда, *гамма* ёки *арпежио*га асосланган товушлар изчиллиги. Кўпинча *виртуоз* асарларда учрайди.

ПАССАЖ АСБОБИ (франц. passage — ўтиш) — ёритқичларнинг *осмон сфераси*даги вертикал доира текислигидан ўтишини кузатишда, жойнинг географик кенглигини аниқлашда ишлатиладиган асбоб. П.а.ни 1689 й. даниялик астроном О.Рёмер ихтиро қилган. Кейинчалик (1937) рус астрономи Н.Н. Павлов ёритқичларнинг меридиандан ўтишини автоматик равишда қайд қиладиган фотоэлектр П.а.ни ихтиро қилди. Бу б-н кузатиш аниқлиги оширилди. П.а.нинг кузатиш трубаси фақат вертикал текисликда айлана олади.

ПАССАКАЛЬЯ (испанча pasar — ўтмоқ ва calle — кўча) — 1) 16-а.дан меҳмонларни кузатиш жараёнида ижро этиладиган тантанавор ёки маршсимон испанча рақс. Жилдий, улуғвор ва кўтаринки руҳда янграйдиган мусиқа асари сифатида 17—18-а.ларда Ғарбий Европа мамлакатларида кенг тарқалган (Г.Пёрселл, К.Монтеверди ва б.). Франциядa якка раққос ёки раққоса ижросидаги *бал рақси* (Ж.Б.*Люлли* ва б.); 2) орган, клавир учун ёзилган вариация шаклидаги пьеса. Мусиқа ўлчови 3/4 ёки 3/2. П., одатда, улуғвор, баъзан гампин, фожиавий характерга эга. Д.Букстехуде, Ф.Куперен, И.С.Бах, Г.Гендель ва б. П. ёзган. 20-а. композиторлари ижодида П. туркумли асарлар қисми сифатида кенг ўрин олган (М.Регер, А.Шёнберг, А.Берг, А. Онеггер, Б. Бриттен, П.Хиндемит, Д.Шостакович, К. Қораев ва б.). Ўзбекистон композиторларидан Б.Гиненко, Г.Мушель, М.Тожиев ва б. ижодида П. намуналари мавжуд.

ПАССАТ ОҚИМЛАРИ — океан юзасида *пассатлар* таъсирида ҳосил бўладиган сув оқимлари. Атлантика ва Тинч океанларда — Шим. ва Жан. П. о., Ҳинд океанида — Жан. ярим шардаги П.о. мавжуд. Пассат шамоллари эсиб турганидан П.о. шарқдан ғарбга томон соатига 1—2 км тезликда ҳаракат қилади (океанларнинг ғарбий қисмларида бу тезлик соатига 3 км га етади). П.о. океанларнинг шарқида, антициклон айланма шамолларнинг совуқ оқимларидан бошланади; ғарбга силжиган сари анчагина исиб қолади. Экваторда шим.-шарқий ва жан.-шарқий пассатлар таъсирида шим. ва жан. П.о. оралиғида (экваториал) тескари оқимлар вужудга келади. Бу тизим Тинч океанда йил бўйи давом этади; Атлантика океанида ёзда бўлади; Ҳинд океанида қишки П.о. йўқ, чунки бу океаннинг шим. қисми *муссонлар* таъсирида бўлади. Океанларнинг ғарбий қисмларида П. о.дан илиқ оқимлар бошланади.

ПАССАТЛАР (голландча passaat) — тропик кенгликларда океанлар устида йил бўйи барқарор эсиб турадиган ҳаво оқимлари. П. тезлиги Ер юзасида 5—6 м/с ни ташкил қилади. Вертикал қалинлиги 2—4 км бўлиб, экватор томон ошиб боради. П.га меридиан бўйлаб экватор томон йўналган оқимлар қўшилади, натижада Шим. ярим шарда П. кўпроқ шим.-шарқий шамоллар, Жан. ярим шарда эса жан.-шарқий шамоллар бўлиб эсади. П. субтропиклари антициклонлар б-н чамбарчас боғланган (улар бу антициклонларнинг экватор томондаги чеккаларига қараб эсади). Шамол маромли тез-тез ўзгариб турадиган тропик ўлкаларда П. анча суст, баъзи жойларда П. ўрнини *муссонлар* эгаллайди. Экватор яқинида бутун *тропосфера* ва қуйи *стратосфера* қатламида шарқий шамоллар устунлик қилади. Тропосферанинг юқори қатламларигача кўтарила олмаган П. устида шамоллар ғарбий йўналишга эга бўлади. П. устидаги бу оқимлар *антипассатлар* деб аталади. П. ва антипассатлар экватор б-н субтропиклар ўртасида циркуляция системасини ҳосил қилади.

П.нинг океанлар юзасида қуйи кенгликларга қараб оқадиган ҳавоси сувдан совуқроқ бўлади. Шунинг учун бу ҳаво тагидан илийди ва тўп-тўп булутли *конвекция* вужудга келади. Лекин бу булутлардан ёғин ёғмайди ва П. ҳукмрон ўлкаларнинг ҳавоси қуруқ бўлади. Материкларда П. эсадиган жойларда тропик чўллар ҳосил бўлган. Лекин Шим. ва Жан. ярим шарлардаги П. оралиғидаги зонада конвекция кучи ва баландлиги кескин ортади; катта баландликларгача кенг булутлар тизими юзага келади, улардан жала ёмғирлари ёғади. Қуруқликда бу зона нам суб-экваториал ва экваториал ўрмонлар зонасига тўғри келади.

Ғозир Мўминов

ПАССИВ, пассивлик (лот. passivus — бефарқ, иродасиз, фаолиятсиз) — атрофидаги нарса ва ҳодисаларга, кишиларга нисбатан бефарқ муносабатда бўлиш, фаолиятсизлик ҳолати.

ПАССИВ (лот. passivus — ҳаракатсиз) — 1) корхонанинг ҳамма қарзлари ва мажбуриятлари (*актив*нинг тескари қисми), 2) *бухгалтерия балансининг* ўнг қисми, корхона маблағларининг пайдо бўлиши, эгалиги ва мақсадларига қараб гуруҳланган (ўз захиралари, бошқа муассасалардан олинган қарзлар) молиявий манбаларини ифода этади.

ПАСТ ТЕМПЕРАТУРАЛАР — криоген температуралар — суюқ ҳавонинг қайнаш т-раси (80К) дан паст т-радар; Халқаро совуқлик ин-тининг 1971 йдаги 13 конгрессида қабул қилинган таснифга биноан, 120 К дан паст т-радар. Мутлақ ноль т-ра (—273° ёки 0К) дан ҳисобланиб, *кельвинда* ифодаланади. П.т.ни ҳосил қилиш ва сақлаб туришда, одатда, суюлтирилган газлардан фойдаланилади. Бунинг учун махсус қурилма — суюлтиргичлар ишлатилади. Атмосфера босимида бугланиб турувчи суюқ газлар Дьюар идишлари (суюқ газнинг нормал қайнаш т-ралари $T_к$ яхши сақланадиган идишлар) да сақланади ва уларнинг қайнаш т-раси $T_к$ вақт ўтиши б-н ўзгармасдан қолади. Амалда қуйидаги суюлтирилган газлардан фойдаланилади: ($T_к$=90,2К), ҳаво ($T_к$=80К), азот ($T_к$=77,4К), водород ($T_к$=20,4К) ва гелий ($T_к$=4,2К). Махсус қурилмалар ёрдамида идишдаги бугланаётган суюқ газни сўриб олиб, суюқлик устидаги босимни камайтириш ва шу б-н унинг қайнаш т-расини пасайтириш мумкин. Шундай қилиб, қайнаётган суюқлик устидаги босимни ўзгартириб, унинг т-расини пасайтириш ва шу йўл б-н янгала паст т-ралар олиш мумкин. 1932 й. да 0,73К т-ра олинган. 0,3К дан паст т-ралар соҳаси ўта П.т. деб қабул қилинган. Ўта П. т.ни олишда парамагнит тузларни адиабатик магнитсизлантириш усули кенг қўлланилади. Бу усулни 1926 й.да П. *Дебай* ва В.*Жиок* кашф этган. 630,74° дан 13,81К гача бўлган т-ралар, хусусан, платинадан ясалган қаршилик термометрлари ёрдамида 0,001К гача аниқлик б-н ўлчанади. Бу термометрлар платина электр қаршилигининг т-рага боғлиқлик қонуниятига асосланган. 100К дан паст т-раларни ўлчашда германийдан ясалган қаршилик термометрлари қўлланилади. 0,3—5,2 К соҳа учун гелий тўйинган буғ босимининг т-рага боғлиқлик қонуниятидан фойдаланиш мумкин. 1К дан паст т-рани қаттиқ статистикаси, яъни иссиқлик сиғимларини электронлар ўз-ни тутишлик даражасини аниқлаш усуллари орқали ўлчанади.

П.т.дан газларни ажратиб олиш (мас., ҳавони суюлтириб кислород ва азот олишда, катта ҳажмдаги юқори вакуум ҳосил қилишда фойдаланилади. Электротехника ва радиотехника қурилмаларидаги шовқинларни йўқотишда кенг қўлланилади. П.т.дан ўта ўтказувчан ўтказгичлар тайёрлашда ва шу орқали ҳарбий ва ҳарбийларнинг тезлатқич учун муҳим бўлган кучли магнит майдонини ҳосил қилишда ва б. мақсадларда фойдаланилади.

Абдир Нўъмонхўжаев

ПАСТДАРҒОМ ТУМАНИ — *Самарқанд вилоятида*ги туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. 1929—38 йларда Акмал Икромов тумани деб аталган. 2001 й.да П.т.га Ғозалкент тумани қўшилди. Шим.дан Оқдарё ва Иштихон, ғарбдан Каттақўрғон, Нуробод туманлари, жан.дан Қашқадарё вилояти ва шарқдан Самарқанд тумани б-н чегарадош. Майд. 0,53 минг км². Аҳолиси 267,3 минг киши (2003). П.т.да 1 шаҳар (Жума), 1 шаҳарча (Чархин), 9 қишлоқ фуқаролари йиғини (Арабхона, Болатош, Димишқиболо, Намуна, Санчиқўл, Сарибош, Тороғиқ, Туron, Халқобод) бор. Маркази — Жума шаҳри.

Туман номи («Пастдарғом»нинг келиб чиқишини маҳаллий тилшунос, топонимистлар дарё (дарғом)нинг қуйиси (қуйисидаги ер, ҳудуд) деб изоҳлайдилар. Ҳақиқатан ҳам Зарафшоннинг пастки қисмида жойлашган Дарғом канали туман ҳудудидан оқиб ўтади. 1141 й. 9 сент.да Котвон даштида салжуқийлар ва қорахитойлар ўртасидаги жанг Дарғом дарёси бўйида бўлиб

утган ва тарихчиларнинг таъкидлашича «... жангда салжуқийлардан 30 минг киши ҳалок бўлган, 10 минг кишини Дарғом дарёси оқизиб кетган». Дарё номи «Бобурнома»да ҳам учрайди.

Табиати. Туман рельефи асси текислик бўлиб, шарқдан ғарбга нишаб. Юзаси учламчи давр чўкинди жинсларидан ташкил топган. Устки қисмини Зарафшон ва унинг ирмоқлари олиб келган аллювиал ётқизиқлар қоплаган. Туман ҳудудининг жан.-шарқи Зарафшон тог тизмаларининг ғарбий учи б-н банд. Бал. 2204 м гача. Жан.-ғарбий қисми Қарнобчўл даштининг шарқий ва Қарши чўлининг шим. чеккаларидан иборат чала чўллардир. Тупроқлари, асосан, бўз тупроқ. Чўл зонасида оқроқ шўрхоклар бор. Тог этакларида жигарранг ва қўнғир тог-ўрмон тупроқлари тарқалган. Ёвойи ўсимликлари: шувоқ, буғдойиқ ва тог-чала чўл ўсимликларидан иборат. Дарёларнинг қайирларида рўвак, қамиш, шўражриқ, сувранг, кампирсоч, итгунафша, юлғун ва б. ўсади. Ёвойи ҳайвон ва паррандалардан: бўри, тулки, қуён, чиябўри, жайран, жайра, қобон, калтакесак, тошбақа, сариқ илон, эчкемар, кўрсичқон, кичик кўшоёқ, кумсичқон, типратикан, каламуш, қирговул, лойхўрак, ўрдак, сўфитўрғай, чуғурчиқ, зарғалдоқ ва б. учрайди. Туман ҳудудининг шим.дан Зарафшон дарёсининг тармоғи — Қорадарё ва б. сойлар оқиб ўтади, ғарбида ёзда қуриб қоладиган сойлар бор. Туман ҳудуди орқали Дарғом канали, Эски Анҳор канали ўтади. Иқлими кескин континентал. Лекин, шим., шим.-шарқ ва шарқ томондан тоғлар б-н ўралганлиги учун қиши илиқроқ. Янв.нинг ўртача т-раси —1,9°, июлники 27,2°, энг паст т-раси —26°, энг юқори т-ра 44°. Йиллик ёғин 328 мм, асосан, қиш ва баҳорда ёғади.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, татар, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 504 киши.

Хўжалиги. Туман хўжалигида етакчи тармоқ қ.х. П.т.да пахта тозалаш з-длари (Жума ва Чархин), «Ўзбекомбинат» корхонаси, «Агрокимётаъминот» акциядорлик бирлашмаси, «Агронот» акциядорлик жамияти, машсервис» акциядорлик жамияти, қурилиш ташкилотлари, гишт з-ди, «Пахтабанк», «Тадбиркорбанк», Миллий банк бўлимлари, Мебеллар уйи, супермаркет, 346 савдо дўконлари, бозорлар, 99 умумий овқатланиш, 239 маиший хизмат кўрсатиш корхоналари мавжуд. Қўшма, кичик ва хусусий корхоналар фаолият кўрсатади.

П.т.да 10 га яқин ширкат хўжалиги, Пастдарғом ижара хўжалиги ва б. бор.

1896 йилда Темирбўлоқ станциясида қурилган сув иншооти.

Қ.х.да фойдаланиладиган ерларнинг 16,8 минг га ерига пахта, 14,7 минг га ерига дон ва бошқа экинлар экилади (2003).

Туман жамоа ва шахсий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, от, паранда боқилади.

П.т.даги 116 умумий таълим мактабида 59287 ўқувчи таълим олади, 3 касб-ҳунар коллежи, республика балиий академияси тасарруфидаги 1 санъат лицейи, Ўзбекистон — Корея ҳамкорлигида очилган санъат коллежи, 2 мусиқа мактаби мавжуд. 59 кутубхона, 22 клуб, маданият уйлари ва саройлари, маданият ва истироҳат боғлари, 22 халқ театри, 6 халқ ансамбли фаолият кўрсатади. Туманда 12 стадион, 890 спорт майдончалари, спортнинг миллий кураш, каратэ, реал-айкидо турлари ва б. бўйича спорт клублари ишлаб турибди.

П.т.даги туман бирлашган касалхонаси, унга қарашли 4 касалхона, 5 шифохона, 76 фельдшер-акушерлик пунктлари, 200 қишлоқ-даволаш амбулаториялари, 16 қишлоқ врачлик пунктлари, 21 дорихона мавжуд.

Туман ҳудуди орқали Тошкент — Душанба, Тошкент — Қарши поездлари ўтади. Каттақўрғон—Жума—Самарқанд, Самарқанд—Сазагон—Жом, Жума—Хончарвоқ ва б. йўналишларда автобуслар қатнайди. Тошкент—Урганч, Тошкент—Навоий йўналишлари бўйлаб қатнайдиган автобуслар ҳам туман

Пастдарғом тумани. Эски Жума жоме масжиди.

Миллий банкнинг туман бўлими биноси.

ҳудуди орқали ўтади. Жума—Сазағон ўртасида қаттиқ қопламали автомобиль йўли ўтказилган. 1931 й.дан «Пастдаргом ҳақиқати» тумани газети чиқади.

ПАСТЕЛЬ (франц. pastel — хамир) — расм ишлашда фойдаланиладиган ёпишқоқ моддасиз юмшоқ, рангли махсус қалам; П. б-н расм чизиш усули; шунингдек, шу усулда ишланган санъат асари. Қадир-будур қоғоз, картон, грунтланган мато, тери, пергаментга чизилади, бўёқ қатлами пуркагич б-н фиксатив сепиб мустаҳкамланади. Штрихлардан кенг фойдаланиш П.ни графикага яқинлаштиради. Таҳм. 15-а.нинг 2-ярмида юзага келган, 17-а.дан тасвирий анъаналари кучайди. Нафис ва жозибали усули, майин безаги рассомларни ўзига жалб қилади. Ж.Фуке, Ж.Шарден, Э.Делакруа, Э.Мане ва б. асарлари машҳур. Ўзбекистонлик рассомлардан Р. Аҳмедов, Ж. Умарбеков, Б. Жалилов ва б. П.да самарали ижод қилади.

ПАСТЕР (Pasteur) Луи (1822.27.12, Доль, Франция — 1895.28.9, Вильнёвл Этан, Париж яқинида) — француз кимёгари ва микробиологи, ҳоз. замон микробиологияси ва иммунологияси асосчиларидан бири. Париж ФА (1862) ва Франция тиббиёт академияси (1873), Франция академияси (1886) акад. Страсбург ун-ти (1849), Лилль ун-ти (1854), Олий нормал мактаб (1857) ва Париж ун-ти (1867) проф. 1888 й. Парижда хусусий микробиологик и.т. ин-тини (Пастер ин-ти) ташкил қилади ва бошқаради.

П. спиртли (1860), сут кислотали ва ёг кислотали (1861) бижғишлар микробларнинг фермент и.ч. фаолияти сабабли вужудга келишини, кислородсиз шароитда яшайдиган микроблар — анаэроблар борлигини исботлади. П.нинг вино ҳамда пиволарнинг ачиб қолиши ва пилла қурти касалликлари (1870) сабабларини аниқлаб, бу микробларга қарши самарали чора-тадбирларни (пастеризация усули) ишлаб чиқиши саноат ва озиқ-овқат микробиологияси синиг шаклланишига асос бўлди. П. дунёда биринчи бўлиб илмий изланишлар натижасида паррандалар вабоси (1879), куйдирги (1881) ва қутуриш (1885) касалликларига қарши вакцина тайёрлаш усулини ишлаб чиқди ва касалликнинг олдини олишда кучсизлантирилган касаллик қузатувчи б-н эмлаш мумкинлигини тасдиқлаб, иммунизация (иммунлашиш)га асос солди.

П. озиқ муҳитларга ташқарилан бетона микроорганизмларни гуруҳмаслик ва биринчи яраларга қарши курашиш усулларини ишлаб чиқиб, асептика ва антисептикага асос солди. П. ўз илмий изланишларининг натижалари асосида микроорганизмлар ўзидан-ўзи вужудга келади деган назариясини рад этди.

Ас.: Избранные труды, т. 1–2. М., 1960.

ПАСТЕРЕЛЛАЛАР — Pasteurella гуруҳига мансуб майда грамманфиғи коккобациллалар. Бу гуруҳга мансуб 12 тур П. аниқланган. Улардан одам учун энг хавфлиси P.multocida. П. ҳайвон ва қушларнинг бурун-ҳалқумидаги нормал микрофлора таркибида учрайди. Айрим ҳолларда ҳайвонларда эпизоотия ва септис касаллигини келтириб чиқаради.

П. одамга, асосан, мушуклар тишлагани ёки тирнаганида юқади ва эндокардит, остеомиелит, эпизоотия ва септицемия каби касалликларни қузатади. Қўпинча ёш болалар ва қариялар касалланади. П. қузғатган касалликлар (мас., пастерелёзини даволашда ишкастланган жойга жарроҳлик йўлини берилади ва антибиотиклар қўлланади. Олдини олиш мушук, кучук каби уй ҳайвонларини ветеринар қўрикдан ўтказиб туришдан иборат.

ПАСТЕРЛАШ — суюқлик ва озиқ-овқат маҳсулотларидаги микроорганизмларни турлича давомийликда бир марталик 100° дан паст (одатда, 60—70°) гача қиздириб йўқотиш усули. Л. *Пастер* таклиф этган. Юқори т-рада сифати ўзгармайдиган сут, қаймоқ, мевалар шарбати, желе ва б. озиқ-ов-қат маҳсулотлари П. қилинади. П. натижасида спорасиз бактериялар, могор замбуруғлари ўлади, лекин П.дан кейин ҳам баъзи споралар сақланиб ривожланиши мумкин. Уларни йўқотиш учун сутдан сариёг ва сут консервалари и.ч.да лаҳзалик (т-ра 85—90°да), сир ва б. соф сут маҳсулотлари и.ч.да қисқа муддатли (20—25 мин. давомида 72—76°да), бевосита истеъмол учун сут и.ч.да узоқ муддатли (30 мин. давомида 62—65°да) П. усуллари қўлланади. П. махсус аппарат — пастеризаторларда бажарилади. Мевалар, сабзавотлар ёки улардан тайёрланган маҳсулотлар зич ёпилган банка ёки шишаларга солинган ҳолда 85—95° да, узум шарбати 73—85° да пастерланади. Натижада маҳсулотлардаги могор замбуруғлари ва ачитқи (дрожжилар йўқ қилинади.

ПАСТЕРНАК Борис Леонидович (1890.29.1(10.2), Москва — 1960.30.5, Москва вилояти, Переделкино қишлоғи) — рус шоири. Санъаткор оиласи да туғилган. Болалик ва ёшлик йиллари да тасвирий санъат ва мусиқа қизиқишининг б-н қизиққан. 1909 й. мусиқачилик касбини танлаб, Москва ун-тининг тарих-филология факультетига кирган. 1912 й. Германияга бориб, Марбург ун-тида бир семестр ўқиган. Аммо кўп ўтмай, фалсафий истиқболидан ҳам воз кечиб, шеърият б-н шуғуллана бошлаган. «Булутлар орасидаги ягнак» (1914) номли биринчи шеърий тўплами нашр этилган. 1917 й. тунтарилиш арафасида у *футуристлар* б-н алоқа ўрнатиб, улар таъсирига берилади. Бироқ бошқа футуристлардан фарқли ўлароқ, П. ўтмиш ва «эски» маданиятдан воз ўтирмаи, 19-а. рус (М.Ю. Лермонтов, Ф.И.Тютчев) ва немис (Р.М.Рильке) фалсафий лирикаси анъаналарини давом эттиради. «Ҳаёт менинг ҳамширам» (1917) шеърида П. шеъриятининг муҳим хусусиятларидан бири — табиат олами, ҳаёт б-н ўзвийлик илк бор кўзга ташланади. 20-й.лардан бошлаб П. шеъриятида лирикадан эпос сари интилиш тамойили сезилади ва у «Тўққиз юз бешинчи йил», «Лейтенант Шмидт» достонларида лирик тафаккурдан эпик тафаккурга ўта бошлайди. П. ҳаёт ва ижодининг энг давридаги инсон тақдирига бағишланган «Самовий йўллар» (1924—33) насрий китоби ҳамда «Сикорский» шеърий романида воқеий сюжетга қарши ўлароқ табиат олами ва муҳаббат б-н боғлиқ сюжетни ўртага ташлайди. П. бу асарларида ижодий ўлдида турган юксак мақсадни тан олгани ҳолда мақсадга эришишнинг ижодий зулм ва ўравонлик йўлини кескин инкор этади. 30-й.ларнинг ўрталарида — 40-й.ларда яратган асарларида («Санъаткор», 1936; «Барвақт юрган поездлар», 1931) П. образлар тизимини соддалаштириб, рус классикларига хос «равшан услуб»га ўта бошлаган.

П. қарийб бутун ижоди давомида нас-рий асарлар яратишга ҳам катта эътибор берган. У урушдан кейинги йилларда «Доктор Живаго» (1957, Милан) романини ёзиб, унда шахсий ҳаёт б-н ижтимоий борлиқ ўртасида аросатда қолган Сергей Сикорскийга қондош рус зиёлисининг образини яратган. У ушбу романда совет даври

ёзувчилари орасида биринчи бўлиб инқилоб тақдирни рад этган ва жамиятни ижтимоий ҳаётдан қайта қуриш мумкинлигига шубҳа билдирган. Мазкур асар Нобел қўмитаси туюм томонидан танқид остига олинишига сабаб бўлган. П. 50—60-й.ларда «Ялтадан чопилда» (1956—59) шеърлар туркуми, «Одамлар ва ҳолатлар» (1957), «Қўр соҳибжамол» (1969 й. нашр этилган) драматик достонларини ёзган. Шекспир, Гёте, Шелли, Верлен, Петефи ва б. шоирларнинг асарларини рус тилига таржима қилган. Нобель мукофоти лауреати (1958).

Ас.: Стихотворения и поэмы. М.—Л., 1965. Воздушные пути. Проза разных лет. М., 1982.

Нилл Каратов

ПАСТЕРНАК (Pastinaca) — соябонгуллилар оиласига мансуб икки ва кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар туркуми, сабзихотлар жинси. П.нинг 15 тури бўлиб, шулардан 5 тури Кавказда учрайди. Экма П. (*P. sativa*) тури эрилади. Европа, Америкада кўп тарқалган. П. 2 йиллик ўсимлик. 1-йили барглар ва илдизмева ҳосил қилади. 2-йили серпоя новдалар бериб гуллайди. Барглари патсимон тик, илдизмеваси эти, сариғи оқ, ширали. Шакли конуссимон ёки юмалоқ чўзиқ, гуллари майда тўпгули соябонсимон, четдан чиғаналанди. Меваси қўнғизсимон, чеккан чиғаналанди. Меваси қўнғизсимон, чеккан чиғаналанди. Меваси қўнғизсимон, чекк

Миллий банкнинг туман бўлими биноси.

ҳудуди орқали ўтади. Жума—Сазағон ўртасида қаттиқ қопламали автомобиль йўли ўтказилган. 1931 й.дан «Пастдарғом ҳақиқати» тумани газети чиқади.

ПАСТЕЛЬ (франц. pastel — хамир) — расм ишлашда фойдаланиладиган гилофсиз юмшоқ, рангли махсус қалам; П. б-н расм чизиш усули; шунингдек, шу усулда ишланган санъат асари. Ғадир-будур қоғоз, картон, грунтланган мато, тери, пергаментга чизилади, бўёқ қатлами пуркагич б-н фиксатив сепиб мустаҳкамланади. Штрихлардан кенг фойдаланиш П.ни графикага яқинлаштиради. Тахм. 15-а.нинг 2-ярмида юзага келган, 17-а.дан тасвирий анъаналари кучайди. Нафис ва жозибали усули, майин безаги рассомларни ўзига жалб қилади. Ж.Фуке, Ж.Шарден, Э.Делакруа, Э.Мане ва б. асарлари машҳур. Ўзбекистонлик рассомлардан Р. Аҳмедов, Ж. Умарбеков, Б. Жалилов ва б. П.да самарали ижод қилади.

ПАСТЕР (Pasteur) Луи (1822.27.12, Доль, Франция — 1895.28.9, Вильнёвл Этан, Париж яқинида) — француз кимёгари ва микробиологи, ҳоз. замон микробиологияси ва иммунологияси асосчиларидан бири. Париж ФА (1862) ва Франция тиббиёт академияси (1873), Франция академияси (1886) акад. Страсбург ун-ти (1849), Лилль ун-ти (1854), Олий нормал мактаб (1857) ва Париж ун-ти (1867) проф. 1888 й. Парижда ҳусусий микробиология и.т. ин-тини (Пастер ин-ти) ташкил қилади ва бошқаради.

П. спиртли (1860), сут кислотали ва ёғ кислотали (1861) бижғишлар микробларнинг фермент и.ч. фаолияти сабабли вужудга келишини, кислородсиз шароитда яшайдиган микроблар — анаэроблар борлигини исботлади. П.нинг вино ҳамда пиволарнинг ачиб қолиши ва пилла қурти касалликлари (1870) сабабларини аниқлаб, бу микробларга қарши самарали чора-тадбирларни (пастеризация усули) ишлаб чиқиши саноат ва озиқ-овқат микробиологияси сининг шаклланишига асос бўлди. П. дунёда биринчи бўлиб илмий изланишлар натижасида парҳандалар вабоси (1879), куйдирги (1881) ва қутуриш (1885) касалликларига қарши вакцина тайёрлаш усулини ишлаб чиқди ва касалликнинг олдини олишда кучсизлантирилган касаллик қўзғатувчи б-н эмлаш мумкинлигини таклиқлаб, иммунизация (иммунлашга асос солди.

П. озиқ муҳитларга ташқаридан бегона микроорганизмларни туширмаслик ва иринли яраларга қарши курашиш усулларини ишлаб чиқиб, асептика ва антисептикага асос солди. П. ўз илмий изланишларининг натижалари асосида микроорганизмлар ўзидан-ўзи вужудга келади деган назариями рад этди.

Ас.: Избранные труды, т. 1–2. М., 1960.

ПАСТЕРЕЛЛАЛАР — Pasteurella гуруҳига мансуб майда грамманфий кокобациллалар. Бу гуруҳга мансуб 12 тур П. аниқланган. Улардан одам учун энг хавфлиси P.multocida. П. ҳайвон ва қушларнинг бурун-ҳалқумидаги нормал микрофлора таркибида учрайди. Айрим ҳолларда ҳайвонларда эпизоотия ва сепсис касаллигини келтириб чиқаради.

П. одамга, асосан, мушуклар тишлаган ёки тирнаганида юқади ва йирингли-некротик, остеомиелит, эпизоотия ва септицемия каби касалликларни қўзғатади. Кўпинча ёш болалар ва қариялар касалланади. П. қўзғатган касалликлар (мас., пастереллёзни даволашда ишлатилган жойга жарроҳлик ишлови берилади ва антибиотиклар қўлланади. Олдини олиш мушук, кучук каби уй ҳайвонларини ветеринар кўригидан ўтказиб туришдан иборат.

ПАСТЕРЛАШ — сутқўлик ва озиқ-овқат маҳсулотларидаги микроорганизмларни турлича давомийликда бир марталик 100° дан паст (одатда, 60—70°) гача қиздириб йўқотиш усули. Л. *Пастер* таклиф этган. Юқори т-рада сифати ўзгармайдиган сут, қаймоқ, мевалар шарбати, желе ва б. озиқ-овқат маҳсулотлари П. қилинади. П. натижасида спорасиз бактериялар, моғор замбуруғлари ўлади, лекин П.дан кейин ҳам баъзи споралар сақланиб ривожланиши мумкин. Уларни йўқотиш учун сутлан сариёг ва сут консервалари и.ч.да лаҳзалик (т-ра 85—90°да), сир ва б. соф сут маҳсулотлари и.ч.да қисқа муддатли (20—25 мин. давомида 72—76°да), бевосита истеъмол учун сут и.ч.да узоқ муддатли (30 мин. давомида 62—65°да) П. усуллари қўлланади. П. махсус аппарат — пастеризаторларда бажарилади. Мевалар, сабзавотлар ёки улардан тайёрланган маҳсулотлар зич ёпилган банка ёки шишаларга солинган ҳолда 85—95° да, узум шарбати 73—85° да пастерланади. Натижада маҳсулотлардаги моғор замбуруғлари ва ачитқи (дрожжилар йўқ қилинади.

ПАСТЕРНАК Борис Леонидович [1890.29.1(10.2), Москва — 1960.30.5, Москва вилояти Переделкино қишлоғи] — рус шоири. Санъаткор оиласида туғилган. Болалик ва ёшлик йилларида тасвирий санъат ва мусиқа композицияси б-н қизиққан. 1909 и мусиқачилик касбидан воз кечиб, Москва ун-тининг тарих-филология ф-тига ўқишга кирган. 1912 и. Германияга бориб, Марбург ун-тида бир семестр ўқиган. Аммо кўп ўтмай, фалсафийлик истиқболидан ҳам воз кечиб, шеърият б-н шуғуллана бошлаган. «Булутлар орасидаги эгилак» (1914) номли биринчи шеърий тўплами нашр этилган. 1917 и. тўпламининг арафасида у *футуристлар* б-н алоқа ўрнатиб, улар таъсирига берилади. Бироқ бошқа футуристлардан фарқли ўлароқ, П. ўзини ва «ижодкор» маданиятдан воз ўтирмай, 19-а. рус (М.Ю. Лермонтов, Ф.И.Тютчев) ва немис (Р.М.Рильке) фалсафий лирикаси анъаналарини давом эттиради. «Ҳаёт менинг ҳамширам» (1917) шеърида П. шеъриятининг муҳим ҳусусиятларидан бири — табиат олами, ҳаёт б-н ўзвийлик илк бор кўзга ташланади. 20-й.лардан бошлаб П. шеъриятида лирикадан эпос сари интилиш тамойили сезилади ва у «Туққиз юз бешинчи йил», «Лейтенант Шмидт» достонларида лирик тафаккурдан эпик тафаккурга ўта бошланди. П. уруш ва инқилоблар давридаги инсон тақдирига бағишланган «Самовий йўллар» (1924—33) насрий китоби ҳамда «Сикорский» шеърий романида воқеий сюжетга қарши ўлароқ табиат олами ва муҳаббат б-н боғлиқ сюжетни ўртага ташлайди. П. бу асарларида инқилоб олдида турган юксак мақсадни тан олгани ҳолда мақсадга эришишнинг инқилобий зулм ва зўравонлик йўлини кескин инкор этади. 30-й.ларнинг ўрталарида — 40-й.ларда яратган асарларида («Санъаткор», 1936; «Барвақт юрган поездлар», 1931) П. образлар тизимини содлаштириб, рус классикларига хос «равшан услуб»га ўта бошлаган.

П. қарийб бутун ижоди давомида нас-рий асарлар яратишга ҳам катта эътибор берган. У урушдан кейинги йилларда «Доктор Живаго» (1957, Милан) романини ёзиб, унда шахсий ҳаёт б-н ижтимоий борлиқ ўртасида аросатда қолган Сергей Сикорскийга қондош рус зиёлисининг образини яратган. У ушбу романда совет даври ёзувчилари орасида биринчи бўлиб инқилоб тақдирини рад этган ва жамиятни ижтимоий жиҳатдан қайта қуриш мумкинлигига шубҳа билдирган. Маълум даражада П.нинг тегалитар тузум томонидан таъқиқ остига олинишига сабаб бўлган. П. 50—60-й.ларда «Яранган чопинда» (1956—59) шеърлар туркуми, «Одамлар ва ҳолатлар» (1957), «Кўк соҳибжамол» (1969 и. нашр этилган) драматик достонларини ёзган. Шекспир, Гете, Шелли, Верлен, Петефи ва б. шоирларнинг асарларини рус тилига таржима қилган. Нобель мукофоти лауреати (1958).

Ас.: Стихотворения и поэмы. М.–Л., 1965. Воздушные пути. Проза разных лет. М., 1982.

Ниёз Каримов

ПАСТЕРНАК (Pastinaca) — соябонгуллоилар оиласига мансуб икки ва кўп йиллик ўсимлик ўсимликлар туркуми, сабзавот экини. П.нинг 15 тури ўлиб, шулардан 5 тури Кавказда учрайди. Экма П. (*P. sativa*) тури экилади. Европа, Америкада кўп тарқалган. П. 2 йиллик ўсимлик. 1-йили барглар ва илдизмева ҳосил қилади. 2-йили сершох новдалар бериб гуллайди. Барглари патсимон тик, илдизмеваси илиқ, сариш оқ, силлиқ. Шакли конуссимон ёки юмалоқ чўзиқ, гуллари майда тўпгули соябонсимон, четдан чангланади. Меваси қўнғизсимон, ясси, қирраларга эга. П. совуққа чидамли, намсевар ҳушбўй ўсимлик. Илдизини қор остидан кавлаб олиб янги сабзавот сифатида ишлатиш мумкин. Илдизида 17—18% қуруқ модда, 8—10% қанд, витаминлар, эфир мойи мавжуд. Уни зираворсифатида ҳам ишлатиш мумкин. Ўстириш агротехникаси сабзи сингари. Япроқлари ошқўк сифатида овқатга ишлатилади. П. уруғи Ўзбекистонда эрта баҳорда ёки кеч кузда сепилади, гектарига 4—6 кг уруғ сарфланади. Ҳосилдорлиги 400—700 ц/га.

Пастернак: барги ва илдизмевалари.

ПАСТОР (лот. pastor — чўпон) — протестант черковининг руҳонийси. Православ ва католик руҳонийларидан фарқ қилиб, у валинеъмат ҳисобланмайди, алоҳида ибодат кийими киймайди, оддий кишилардек ҳаёт кечиради.

ПАСТТЕКИСЛИКЛАР — океан сатҳидан 200 м гача баланд бўлган қуруқликлар. П.нинг ер юзаси кўпинча ясси ёки паст-баланд текисликлардан иборат. П. тектоник чўкиш натижасида ҳосил бўлиб, денгиз чўкиндилари ёки даре аллювийларидан таркиб топган. Платформаларнинг аста пасайиши ва денгиз сатҳининг кўтарилиши оқибатида ҳам П.лар вужудга келади. Баъзи П. океан сатҳидан паст жойлашган (Каспий бўйи, Жан. Каспий ва б.).

ПАСХА (қад. яҳудийча пейсах — ўтмоқ) — яҳудийлар ва христианларнинг баҳор байрами. Қадимда кўчманчи семит қабилалари П.ни чорва моллларининг баҳорги бўзлаши вақтида байрам қилганлар. Бу қабилаларнинг ўтроқланиши ва деҳқончилик б-н шуғулланиши натижасида П. ўрим-йиғим байрамига айланган. П. яҳудийларнинг йиллик байрамлари ичида энг эътиборлисидир. Бу байрам христианларнинг П.сидан фарқли ўлароқ, яҳудийларнинг Мисрдаги Фиръавн қулидан қутулиб чиқишлари (тахм. мил. ид. 8-а.) муносабати б-н нишонланади. Яҳудийлар П. сида кейинчалик *мессия*ни кутиш гояси ҳам ўз ифодасини топди. Христианликда бу байрам Исонинг тирилиши тўғрисидаги ривоят б-н боғлиқ бўлиб, православларнинг асосий байрами ҳисобланади. Баҳорги тенгкунлик ва тўлин ойдан кейинги 1-якшанба да нишонланади. Байрам кунлари сабзада нишонланади. Байрам кунлари сабзавот чиқиш учун жадвалларни (пасхалия) тузишган. П. православ черковида Юлий тақвими бўйича (эски ҳисобда) 22 мартдан 23 апрелгача бўлган даврга; ғарбий христианларда — Григорий тақвими бўйича 26 мартдан 23 апрелгача бўлган даврга тўғри келади.

ПАСХА ОРОЛИ, Рапануи — Тинч океанининг шарқий қисмидаги вулкан ороли. Жан. Америкадан 3000 км узоқликда. Чили ҳудуди. Майд. 165,5 км². Орол учбурчак шаклда бўлиб, ҳар бир учида вулканлар бор: Рано-Арои (539 м, оролнинг энг баланд жойи), Катики (377 м) ва Рано-Као (324 м). Қирғоқлари қояли. Иқлими субтроник, сернам иқлим. Ўртача йиллик т-ра 16—23°. Йиллиқ 1300 мм ча ёғин ёғади. Асосан, ўт ўсимликлари ўсади. Тропик деҳқончилик қилинади. Балиқ овланади, қўйчилик ривожланган. Маъмурий маркази — Ханга-Роа. П.о.ни 1722 й.да голланд денгизчи саёҳати Я.Роггевен пасха байрами куни кашф қилган. 1888 й.дан Чили таркибида. Оролда пасхаликларнинг қад. маданият қолдиқлари — тош ҳайкаллар, ёзувлар битилган тахталар сақланган. П.о.да 1955—56 й.лар-да Т.*Хейердал* раҳбарлигида Норвегия—Америка экспедицияси археологик қазишмалар ўтказди. Тадқиқотчилар фикрича, оролнинг дастлабки аҳолиси Перудан кўчиб борган. 15-а.да П.о.га Маркиз оролларидан полинезлар бориб ўрнашган. Улар 17-а.да оролнинг дастлабки аҳолисини бутунлай қириб ташлаган.

ПАТ — қуш терисидаги шохсимон моддали тузилма. Контур, шохсимон, парсимон, пар ва қилсимон П. турлари бўлади. Контур П. қалам учи, ўзак, ўқ ва унга жойлашган елпиғичдан иборат. Контур П. қуш қаноти ва думида бўлади; улар танасини қоплаб туради. Шохсимон П. узун, юзик ва юмшоқ ўқдан ҳамда унинг учида жойлашган сийрак соқолчалардан тузилган. Одатда, шохсимон П.лар контур П. остида жойлашади. Парсимон П. юзик ўзак ва ўзаро илашган майин соқолчалардан ташкил топган; пар б-н бирга танани совиқдан сақлайди. Парлар қисқа ва юмшоқ ўзакдан ҳамда бир-бири б-н илашмаган соқолчалардан иборат. Қилсимон П.да эса ўзак ривожланган, лекин соқолчалар бўлмайди. Қилсимон ва шохсимон П. туйғу вазифасини бажарини тахмин қилинади. П.нинг ёйилиб, рангининг йўқолиши тулашга сабаб бўлади.

ПАТАГОНИЯ — Жан. Америкадаги табиий область. Аргентинанинг жан. қисмида, Рио-Колорадо ва Рио-Негро дарёларидан жан.да. Анд тоғларидан шарқда жойлашган. Майд. 652 минг км². Ер юзаси Атлантика океани соҳилидан шарққа 2200 м баландликкача зинапоясимон баландлашиб боради. Шим.-шарқий қисми паттекислик. Замини қад. кристалли жинслардан тузилган, уларнинг устини чўкинди ва вулкан жинслари ҳамда морена ётқизиқлари қоплаган. Иқлими мўътадил, чала чўлга хос иқлим. Йиллик ёғин шим.да 150—300 мм, жан.да 600—700 мм гача. Июлнинг ўртача т-раси 8—2°, гарбида 5° гача, январники 10—20°. Кучли шамоллар эсиб туради. Дарёлари Анд тоғларидан бошланиб, П.ни чуқур каньонлар орқали кесиб ўтади. Тупроғи қўнғир, бўз ва каштан тупроқ. Бошоқли ўтлар ва бута-лар ўсади. Эндемик ҳайвонлардан лама, магеллан ити, пампа мушуги, зирҳлилар ва б. бор, қуш кўп. Аҳолиси, асосан, қўйчилик б-н шуғулланади. Нефть ва табиий газ конлари топилган.

ПАТАЛИПУТРА — Қад. Ҳиндистондаги шаҳар, қад. дунёнинг энг буюк шаҳарларидан бири (тахм. 16×3 км майд. ни эгаллаган). Анъанага кўра, мил. ав. 5-а. ўрталарида подшо Ажаташатру томонидан Личчавилар давлатига қарши қалъа сифатида бунёд этилиб, тез орада Шим. Ҳиндистондаги энг муҳим савдо, ҳунармандчилик ва маданий марказга ва Магадҳа давлатининг пойтахтига айланган П.Нандлар, Мауриялар, Шунглар, Гуптала-р империясининг пойтахти бўлган. Гуптала-р ҳукмронлигининг охирида (5—6-а.лар) П. ғанимларга учраб,

харобага айланган. П. харобалари якинида, Ганг дарёси бўйида, хоз. Патна ш. қад. кўтарган. Археологик қазишмалар натижасида П.дан Мауриялар саройига тегишли ёғоч ва гиштдан ишланган бинолар, кўплаб санъат обидалари топилган.

ПАТЕНТ (лот. patens — очиқ, аниқ-равшан) — 1) техник ечим (ихтиро)нинг давлат томонидан эътироф этилганлигини ва ихтирочининг ўз ихтиросига олган мутлақ ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат. Давлат П. идораси томонидан ихтиро муаллифига ёки ариза бўйича ҳуқуқий ворисига берилади (қ. *Ихтирочилик ҳуқуқи*). Кўп мамлакатлардаги қонунларга кўра, П. 15—20 й. муддатга берилади. П. у берилган мамлакат ҳудудида амал қилади. Ихтиролар, фойдали модель, саноат намунасига нисбатан қўйиладиган, П. олиш ҳуқуқини вужудга келтирадиган талаблар ҳамда П. идорасининг бундай ҳужжатни бериш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги қонуни (1994 й. 6 май)да белгилаб берилган; 2) бир қанча мамлакатларда тадбиркорлик фаолиятининг муайян турлари б-н шуғулланиш учун махсус рухсатнома. Давлатдан бундай П.ни сотиб олиш тадбиркорларни (одатда, якка тартибдаги тадбиркорни) бундан кейинги (бир йилга ёки бошқа даврга) солиқлар тўлашдан озод этади.

ПАТЕРНАЛИЗМ (лот. paternus — оталарча, оталик) — давлатнинг ўз фуқароларига, фирмаларнинг ўз ходимларига, бир мамлакатнинг бошқа мамлакатга ҳомийлик, ғамхўрлик муносабати; ижтимоий ва меҳнат муносабатларини давлатлар ўртасида, шунингдек, давлат ва фирма даражасида тартибга солиш шакли. Давлат, фирманинг уларга қарам бўлган субъектлар — давлатлар, халқлар, ходимларга ҳомийлик муносабатларида, шунингдек, шундай ғамхўрлик ва ҳомийликка ишонч б-н қараш шаклларида намоён бўлади.

П. бутун жамият бошлиғи давлат бўлган бир оила тарзида тасаввур этилади. Ниманинг яхшилиги ва ёмонлигини давлат белгилайди, ҳар бир кишининг ҳокимият бўғинлари тизимида эгаллаган ўрнини ҳисобга олган ҳолда неъматларни тақсимлайди. П. муносабатлари жамоатчилик анъаналари кучли бўлган мамлакатлар (Япония, Корея Республикаси, Испания, Италия, Португалия ва б.)да кўпроқ сақланиб қолган, собиқ совет маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётида ҳам П. унсурлари бўлган (мас., корхоналарни рақобатдан ва синишдан ҳимоя қилиш, кенг амал қиладиган ижтимоий кафолатлар). Фирмалар даражасида П. ходимларни умрбод ишга ёллаш, пенсияга чиқишда катта миқдорда бир йўла нафақалар тўлаш, иш ҳақини ходимнинг ёши ва узлуксиз иш стажига кўра кўтариш, ходимларнинг ўзлари ишлайдиган фирманинг «ўз хонадони» деб билиши ва б.да ифодаланади. П. анъаналарини қўллаш натижасида Япония катта иқтисодий ютуқларга эришди, «япон иқтисодий мўъжизаси»ни яратди. П. анъаналари ва тоғлари АҚШ ва Германияда ҳам қўлланилади.

Барот Раҳимов

ПАТЕФОН (франц. фирмаси «Pathe» номи ва ... *фон*) — *граммофон* пластинкасига ёзилган товушни қайта эшитиш учун хизмат қиладиган аппарат, граммофоннинг тури. Дастлабки П. катта карнайли бўлган, кейинчалик карнайни қути ичига жойлаштирилган. Дискини даста б-н бураб тараллаб турилади-ган пружина айлантиради. П. 20-а. 50-й.ларигача ишлатилган. Баъзи хонадонларда, музейларда ҳозир ҳам сақланади.

Патефон: 1. Карнайли граммофон (1902); 2. Бурама (пружинали) патефон (1955).

ПАТИР — нон тури. Ширмой П., қашқари П., кўк П., қиймали П., патирча каби турлари бор. Уларнинг ҳар бири масаллиги, тайёрланиш усули б-н фарқ қилади. Тайёрланиши: илиқ сутда туз ва хамиртуруш эритилади, сўнгра қўй ёғи (ёки сариёғ) қўшилиб хамир қорилади. Хамир ошгач, 500 г ли зувалалар узилади. Зувалалардан чеккаларининг қалинлиги 3—4 см, ўртасининг қалинлиги 1 см келадиган нон ясалади, унинг юпқа жойига зич чакич урилади. Нон четлари пичоқ б-н тилиниб, нақш берилади. Ясалган П. бетига 15—20 мин. дастурхон ёпиб қўйилади. Тандирга ёпиш олдидан олов кул б-н кўмилади, намакоб сепилади. Тандирдан узилган П.нинг юзига эритилган думба ёғи суркалади (яна қ. *Нон*).

ПАТИССОН (Cucurbita pepo var. patisson), кулча қовоқ — қовоқдошлар оиласига, қаттиқ этли қовоқлар гуруҳига мансуб бир йиллик сабзавот ўсимлиги. П. палаги тик, бутасимон сершох ўсимлик. Илдизи яхши ривожланган. Пояси ва барг бандлари нисбатан йўтон. Барглари ўртача катталикда, дағал, 3 ёки 5 киррали. Гуллари бир уйли, бир жинсли, йирик, ранги сариқ, пояларда якка-якка жойлашади. Меваси — қовоқча, манда, шакли юлдузсимон. Четлари кунгурали. Янги тўккан мевалари ранги оч яшил, мева катта бўлган сари ранги оқариб, айрим мевалар юзасида оч яшил доғлар ёки тасмалар пайдо бўлиши мумкин. Уларнинг 6—8 кунлик меваси истеъмол қилинади. П. нисбатан талаб ўсимлик. П. апр. ойида қатор ва туп оралиги 70×70 ёки 80×80 см схемада экилади. Ҳар бир уяга 4—5 тадан уруғ экилиб, ниҳол униб чиққач, чин барг ёзганда ягона қилинади. Ўсув даврида қатор оралари юмшатилади, озиқлантирилади ва сугорилади. П. сувга талабчан. Ошқовоқ каби парвариш қилинади. Мева таркибида 6,0—6,5% қуруқ модда, 2,5—2,9% қанд ва витаминлар мавжуд. Уругида мой ва сантанин бор. Ҳосилдорлиги 150—200 ц/га. Асосан, тузланган, консервалан-ган (6—8 кунлик меваси) ҳолда истеъмол қилинади, катта бўлиб кетганлари молга берилади. Ўзбекистонда 1988 й.дан П.нинг Оқ 13 нави экилади. Унинг ҳосилдорлиги 110—159 ц/га.

Патиссон

... ПАТИЯ (юн. pathos — дард, азоб; касаллик) — ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи қисми бўлиб, биринчи қисмда ифодаланган тана аъзоси ёки қисмининг касаллигини билдиради (мас., *нефропатия, психопатия*).

ПАТНА — Ҳиндистоннинг шим. қисмидаги шаҳар. Ганг дарёсининг ўнг соҳилидаги порт. Биҳар штатининг маъмурий маркази. Транспорт йўлларининг муҳим тугуни. Қ.х. маҳсулотлари б-н савдо қилинадиган марказ. Аҳолиси 1,7 млн. киши (2001). Ип газлама, озиқ-овқат, металлсозлик корхоналари бор. Ҳунармандчиликда гилам ва парча тўқилади, мебель ва металл буюмлар тайёрланади. Ун-т (1917), музей, ноёб қўлёзма асарлар сақланадиган кутубхона бор. Шаҳарга мил. ав. 5-а.да асос солинган. Ҳоз. номи б-н 12-а.дан маълум. Қадимда ва илк ўрта асрларда П. ўрнида Маурья давлати пойтахти — Паталипутра ш. бўлган. Аҳоли сароми (мил. ав. 3-а.) қолдиқлари сақланган.

ПАТНИС, патнус (рус. подвести — олиб келиш — ном, мева-чева солинадиган кенг ёпиқ, кенг идиш. Доира, тўртбурчак шаклида, турли катталикда бўлади. Мисдан, тунукадан, кейинги йилларда пластмассадан қилинади. Ўзбек нақш ишланган, шунингдек, бўяб гул солинган хиллари бор.

ПАТНИСИ НАҚШ — нақш тури; тўртбурчак шакл ичига патнис шаклини эслатувчи (нақшнинг номи шундан) икки ёки қуш тасвири солинади, қолган қисми нелимий нақш б-н тўлдирилади. Баъзан қуш тасвир ораси-ни ёки ёлини ичига нелимий нақшлар ишланади, бу нақшлар бошқа нелимийлардан алоҳида мустақил бўлади. Танобнинг сирти б-н ичидаги нелимий нақшлар бир-бирига уланиши ёки мустақил бўлиши ҳам мумкин. Агар нелимий нақшлар бир-бирига боғлиқ бўлса, мужассамотнинг асоси бўлган қуш тасвир тагидан ўтади (қуш тасвир биринчи, нелимий нақш иккинчи даражали бўлади). Мужассамотда тасвир нақш элементининг ажратиб ранг жиҳатидан бойишига хизмат қилади. Ўйма нақшларда танобдаги ўсимликнинг нурсояси ва тўғри, эгри чизиқдан ҳосил бўлган шакли б-н мужассамотда ажралиб, кўзга яққол ташланади.

ПАТНУСАКИ АШУЛА — қ. *Катта ашула*.

ПАТОГЕНЕЗ (юн. pathos — касаллик ва ... *генез*) — касаллик ва унинг айрим белгилари пайдо бўлиши ҳамда ривожланишидаги жараёнлар мажмуи; *патологиянинг* бир бўлими. Ҳужайра, тўқима ва аъзоларнинг шикастланиши, организмнинг носпецифик жавоб реакциялари ва типик патологик жараёнлар (мас., яллиғланиш)нинг ривожланиши П.нинг умумий қонуниятларидир. Носпецифик жавоб реакциялари ва типик патологик жараёнлар умумий П.нинг мазмунини ташкил этади. Касалликларнинг ривожланишида шикастланишдан содир бўладиган турли реакцияларнинг мураккаб комплекси кузатилиб, улар турнинг яшаши учун фойдали бўлиши, индивидуумга нисбатан эса (ривожланиш даражаси, давом этиш муддати ва б. омилларга қараб) ҳам фойдали, ҳам зарарли бўлиши мумкин. Мас., гавда т-раси кўтарилиши инфекцияга қарши курашишга кўмаклашади, аммо т-ранинг ҳаддан ташқари (40° дан юқори) кўтарилишининг ўзи ҳаёт учун хавфли оқибатларга (артериал қон босимининг пасайиб кетиши ва б.) олиб келиши мумкин.

Айрим касалликларда П. қонуниятларини, яъни организм тўқималари, аъзолари ва системаларининг типик («стандарт») морфологик, биокимёвий ва физиологик ўзгариш қонуниятларини ҳамда уларга хос клиник кўринишларни (инситма тури, қондаги ўзгаришлар ва ҳ.к.) билиш касалликни аниқлаш, прогнозлаш ва патогенетик даволаш (яъни асосий патологик жараённи ва патогенетик омилларни бартараф қилишга қаратилган даволаш)нинг асосий негизидир. Мас., ирсий нуқсонлар туфайли организмда *инсулин*нинг етарли даражада ҳосил бўлмаслиги болада *қандли диабет*нинг вужудга келишига сабаб бўлади.

Патогенетик даволаш фарқли ўлароқ, этиологик даволаш касаллик сабабини бартараф қилинади, симптоматик даволаш эса касалликнинг айрим белгилари қамаяди ёки йўқолади. Мас., йиринги *менингит*да пенициллин — этиологик, сийдик ҳайдовчи моддалар — патогенетик, оғриқсизлантирувчи моддалар — симптоматик даво воситаси ҳисобланади.

Касаллик бутунлай йўқолиши, яъни тўқималарга етишмовчилик тўлдирилиши ва функцияси тикланиши ёки тикланиб бўлмайдиган ўзгаришлар юзага келиши (мас., яра ўрнида чандиқ ҳосил бўлиши) ва ниҳоят, ўлим б-н тугалланиши мумкин.

ПАТОЛОГИК АНАТОМИЯ, патологик морфология — одам ва ҳайвон организмидаги патологик жараёнларнинг морфологик асосларини, *патогенезнинг* морфологик томонларини ўрганадиган фан; *патологиянинг* энг муҳим қисми. П.а. *патологик физиология, микробиология, гигиена* каби фанлар б-н чамбарчас боғланган.

П.а. умумий ва хусусий қисмларга бўлинади. Умумий П.а. умумий патологик жараёнлар (қон айланишининг бузилиши, яллиғланиш ва б.)ни, хусусий эса аъзо ва системалар (мас., нерв системаси, юрак, томирлар ва б.)даги патологик жараёнларни ўрганади. Маълум касалликларда келиб чиқадиган ўзгаришларни ўрганадиган махсус П.а. ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мурдани ёриб (қ. *Мурдани ёриш*), аъзолардаги ўзгаришларни ўрганиш ва тўқималарни микроскопда текшириш П.а.нинг асосий усулидир. П.а. касаллик натижасида аъзо ва тўқималарда рўй берган ўзгаришларни ўрганишда *биопсия* усулидан кенг фойдаланади, яъни аниқ диагноз қўйиш мақсадида тўқима ёки аъзо бўлакларини кесиб олиб текширилади; операция вақтида олиб ташланадиган аъзолар ҳам патологик-анатомик текширувдан ўтказилади. Тўқималардаги алмашинув жараёнини мукаммал таҳлил қилишга имкон берадиган гистокимёвий текшириш усули кенг тарқалган. Патологик ўзгаришларнинг авж олишини ҳайвонларда тажриба йўли б-н пайдо қилиш жуда муҳим. Бу усул касалликнинг авж олишидаги ҳамма давр ва фазаларини аниқ кузатиб боришда бирмунча қўл келади.

П.а. узоқ тарихга эга. Мисрда жиноят қилганлиги учун қатл этилган кишининг мурдаси Птолемей II буйруғи б-н врачларга илмий тадқиқот учун берилар эди. Герофил ва *Гиппократ*лар шу даврда биринчи анатомик текширишлар ўтказишган. Абу Али *ибн Сино* ҳам мурдани ёриб, аъзолардаги ўзгаришларни аниқлашга уриниб кўрганлиги маълум. П.а.нинг мустақил фан сифатида шаклланишида итальян анатоми Ж. Морганьи (18-а.нинг 2-ярми) ва француз анатоми М.Ф.Бишанинг (19-а.нинг бошлари) классик тадқиқотлари катта роль ўйнади. 19-а.нинг ўрталарида П.а.дан атлас ва қўлланмалар чоп этилди. Бу даврда Европанинг кўпгина ун-тларида П.а. кафедралари очилди.

Ўзбекистонда бир қанча тиббиёт институтлари (ТошТИ, СамТИ, Андижон тиббиёт ин-ти ва б.)да ҳам П.а. кафедралари, и.т. институтлари (Ўзбекистон Сил касаллиги и.т. институти, Онкология маркази)да П.а. бўлимлари ташкил этилди.

Ўзбекистонда П.а. фанининг асосчилари Г. Н. Терехов, С. Д. Татаренчик ва б. бўлди. Фаннинг кейинги тараққиётига А. И. *Маърупов*, Р. И. *Данилова*, Ф. Ж. Тўлаганов, Р. А. Аъзамов, М. С. *Абдуллаҳўжаева*, Э. С. Қосимҳўжаев, О. М. Азизова, В. А. Алимов, Б. А. Маърупов ва б. олимлар катта ҳисса қўшдилар.

П.а.нинг долзарб масалалари дефолиантлар, гербицидлардан заҳарланиш, географик патология, юрак-томир патологияси ва инфекцион касалликлар, нерв системаси патологияси ва б. устида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда патологоанатомик хизмат кўрсатадиган мунтазам система ишлаб турибди. Вилоятлар марказида вилоят патологоанатомия кенгашлари барпо этилган. Ўзбекистон П.а. маркази П.а. хизматига ташкилий-услубий ва ўқув-илмий жиҳатдан раҳбарлик қилади. Бу марказда болалар касалликлари, оналарда ҳомиладорлик б-н боғлиқ патология муаммолари ишлаб чиқилади ва илмий ишлар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти б-н ҳамкорликда олиб борилади.

Ҳайвонлар П.а.си одам П.а.си муваффақиятлари б-н боғлиқ ҳолда ривожтопди ва умумий, қиёсий ҳамда экспериментал патология учун кенг ма-те-

риал манбаи бўлди. Бундан ташқари, ҳайвонлар касалликларининг моҳияти ва ривожланишини ўрганиш, улар диагностикаси, суд ветеринарияси ҳамда гўшт ва гўшт маҳсулотларининг ветеринария-санитария экспертизаси учун ҳайвонлар П.аси мустақил аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда ветеринария ил.т. институти ва олий ўқув юртларида П.а, кафедралари, диагностика лаб.ларида П.а. бўлимлари бор.

ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ — касал организм (одам ва ҳайвон)нинг ҳаёт фаолияти, ундаги функционал ўзгаришлар, касалликнинг пайдо бўлиши, авж олиши, кечиши ва оқибати қонуниятларини ўрганадиган фан. П.ф. нормал *физиология*, *патологик анатомия*, хусусий *патология* б-н чамбарчас боғланган. П.ф. умумий ва хусусий қисмдан иборат.

Умумий қисмда касаллик биологик қонуният, бир бутун организмнинг реакцияси сифатида ўрганилади. Касаллик негизи, ривожланиши, кечиш даврлари ва оқибатлари (соғайиш, ўлим) таснифи каби масалаларни ўрганиш ҳам шу қисмга киради. Бунда *организмнинг реактивлиги*, невроген, гуморал, эндокрин ва б. омиллар роли, умумий ва маҳаллий ўзгаришларнинг ўзаро муносабати, патологик жараён у ёки бу тўқима ва системаларда рўй бергандаги хусусиятлар, жараённинг организмга тарқалиш йўллари аниқланади. Яллиғланиш, иситма, қон айланишининг маҳаллий бузилиши, гипоксия, *моддалар алмашинуви*нинг издан чиқиши каби патологик жараёнлар ўрганилади. Функциялар бузилганда мослашиш (қ. *Адаптация*) ва уларнинг тикланиш механизмлари текширилади; патологик жараёнларни даволаб бартараф этиш йўллари (экспериментал терапия) ишлаб чиқилади.

Хусусий қисмда турли аъзо ва системалар (мас., юрак, жигар, нерв системаси, *ички секреция* безлари ва б.) функциясининг бузилиш сабаблари, ривожланиши, кечиши ва оқибатининг умумий қонуниятлари ўрганилади. Бунда айрим касалликларнинг механизмларини ўрганиш учун эксперимент шароитида уларнинг аналоз (модел)лари яратилиб текширилади.

П.ф.да турли усуллар, асосан, патофизиологик эксперимент усулидан фойдаланилади: ҳайвонларда турли касалликлар пайдо қилиниб, уларнинг сабаблари, ривожланиши ва ҳ.к. ўрганилади. Шу боисдан П.ф. экспериментал фан ҳисобланса-да, асосий вазифаси клиникага ёрдам бериш бўлгани учун бевосита беморларни текширади.

И. М. *Сеченов*, И. П. *Павлов*, И. Е. Дядьковский, А. А. *Богомолец* каби рус олимлари, француз олими К. Бернар ва б. П.ф.нинг ривожланишига катта ҳисса қўшди.

Ўзбекистонда тиббиёт олий ўқув юртлари — ТошТИ, СамТИ, Андижон тиббиёт ин-ти, Тошкент тиббиёт педиатрия ин-тида П.ф. кафедралари, айрим тиббиёт ил.т. институтлари (мас., Ўзбекистон гематологияси ва қон қуйиш ин-ти, Ўзбекистон гери-таносит касалликлари ин-ти ва ҳ.к.)да П.ф. лаб.лари мавжуд. Ўзбекистонда П.ф. фанининг шаклланиши ва ривожланишини проф. В. В. Васильевский, М.Н.Ханин, Х. Р. Фарҳодий, Н. Ҳ. *Абдуллаев*, М. М. Ҳақбердиев, З. Н. Каримов, Ҳ. Е. *Каримов*, Ю. О. Отабеков ва б. номи б-н боғлиқ.

70-йиллардан бошлаб жигар ва б. ички аъзолар шикастланишида микроциркуляция, функционал ва метаболик ўзгаришлар механизми ҳужайра ва ҳужайра тузилмалари (мононоксигенезлар) даражасида ўрганилмоқда. Патогенетик даволанишининг янги йўлларини тажрибада асослаш ва уларни амалиётга жорий этиш устида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Илмий ишларни Ўзбекистонда Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий тиббиёт кенгаши қошидаги умумий патология муаммолари комиссияси мувофиқлаштириб туради.

Ад.: Альперн Д. Е., Патологик физиология, Т., 1956; Руководство по патологической физиологии, т. 1–4, М., 1966; Патологическая физиология, М., 1973; Абдуллаев Н. Ҳ., Каримов Ҳ. Г., Патологик физиология, Т., 1998.

ПАТОЛОГИЯ (юн. pathos — касаллик ва *...логия*) — назарий ва клиник тиббиёт соҳаси; касалликнинг пайдо бўлиш сабаби, ривожланиш қонунияти, кечиши ва оқибатини ўрганади. Патологик жараёнларнинг умумий қонуниятлари ва сабаблари умумий П.да, айрим аъзо ва системалар касалликлари хусусий П.да ўрганилади. П. *патологик анатомия* ва *патологик физиология*га бўлинади. Бундан ташқари, экспериментал, қиёсий, клиник П., ўлка П.си, палеопатология, шунингдек, кимёвий ва физик-кимёвий, профессионал, молекуляр ва б. П.лар бор. Экспериментал П. одамлар (ҳайвонлар)да учрайдиган касалликларни тажриба ҳайвонларида сунъий йўл б-н пайдо қилиб, унинг авж олиш механизмларини, қиёсий П. одам ва ҳайвонларда учрайдиган касалликларнинг кечиши ва ривожланишидаги хусусиятларни қиёслаб ўрганади. Клиник П. аъзо ва системаларнинг функционал ҳолатини аниқлаш мақсадида беморни текширади, шунингдек, клиник-лаб., биокимёвий ва б. текширувлар утказади, улка П.си касалликни турар жойнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ ҳолда ўрганади, и. ч.лари бахарли таъсир этувчи омилларни ўрганишдан каср П.си ҳам бор.

19-асрнинг ўрталарида немис олими Р. Вирхов ҳужайра назариясини яратди. Ҳужайра П.си назариясига кўра, касаллик ҳужайра ва аъзоларнинг тузилишидаги ўзгаришлар оқибатидир. Бу касаллик моҳиятини ўрганишда ўз аҳамиятини йўқотган йўқ.

Ўзбекистонда П. соҳадаги илмлар дастлаб 20-асрнинг 20-йилларида бошланди. Бунда улка П.сида оид муҳим вазифалар ишлаб чиқилди. Шу оид масалалар 2-ТошТИда 1998 йдан бери нашрдан «Патология» журд.да ёритиб борилади.

ПАТОМ ТОҒЛИГИ — РФ Иркутск вилоятидаги тоғлик Ғарб, жан. ва шарқ.да Витим ва Лена дарелари водораздели оралиғида ётади. Бал. 1200—1300 м ош баланд жойи Ломдор тоғи, 1924 м. Протерозойнинг кристалл сланец, оҳактош ва кварцитларидан, шим. қуйи палеозой жинсларидан таркиб топган. Ён бағирлари 900—1100 м баландликкача кедр аралаш қарағай тайгаси, ундан юқориси пакана кедр ва қайин б-н. 1200 м дан юқориси тошлоқ тундра б-н қопланган. Олтин конлари ва қурилиш материаллари бор.

ПАТОН Борис Евгеньевич (1918.27.11, Киев) — металлургия ва электр пайвандлаш соҳасидаги олим. Украина ФА акад. (1958) ва президенти (1963 й. дан), СССР ФА акад. (1962). Е. О. *Патон*нинг ўғли. П. раҳбарлигида пайвандлашнинг янги усули — электр-шлакли пайвандлаш усули яратилди, электр пайванд усуллари халқ хўжалигининг турли тармоқларига татбиқ қилинди. П. махсус пўлат ва қотишмалар сифатини оширишнинг янги усули — электр-шлакли қайта эритиш усулини яратди; пайвандлашда ишлатиладиган иссиқлик манбаларини махсус эритиш агрегатларига қўллашга ва металлургиянинг янги тармоғи — махсус электр металлургияни яратишга оид талқиқотларга раҳбарлик қилди.

Ас.: Электрошлаковая сварка, М., 1960; Плазменные процессы в металлургии и технологии неорганических материалов, М., 1973.

ПАТОН Евгений Оскарович [1870.20.2 (4.3), Ницца —1953.12.8, Киев] — пайвандлаш ва кўприксозлик соҳасидаги олим. Украина ФА акад. (1929), вице-президенти (1945—52); Дрезден политехника ин-тини (1894) ва Петербург темир йўллар ин-тини (1896) тугатган. Киев политехника ин-ти проф. (1905).

Кўприк синаш станцияни бошқарган (1929—31). Унинг ташаббуси б-н Украина ФА ҳ.ш.и пайвандлаш лабораторияси ташкил қилинган ва у электр б-н пайвандлаш илмий текширишлар ин-тига айлантирилган; шу ин-тнинг биринчи директори. Ин-тга П. номи берилган. Илмий ишлари электр пайвандлашга оид. П. пайвандлашни автоматлаштириш, *флюс* қатлами остида пайвандлаш ва пайванд бирикмаларининг мустаҳкамлиги масалаларини ишлаб чиққан. Кўприксозлик масалалари б-н ҳам шуғулланган. Унинг раҳбарлигида Киевда Днепр дареси устида яхлит пайванд кўприк қурилган (1953).

ПАТОПСИХОЛОГИЯ (юн. pathos — касаллик ва *психология*) — психология соҳаси. Инсон бош миясининг бирорларининг ёки унинг етарли даражада ривожланмаганлиги натижасида келиб чиқадиган руҳий касалликларни ўрганади. П. *психиатрия* б-н мустаҳкам боғланган. П. 19-а. охиридан ривожлана бошлади. Дастлабки психологик тажриба лаб.ларини немис психологи В. Вундт ташкил қилди. Патологик ўзгаришларнинг таҳлили соғлом кишиларнинг хусусиятлари, ҳолатлари, билим жараёнлари шаклланишини ва кечишини ўзига хослиги б-н таққослаш асосида амалга оширилади. П. касалликнинг пайдо бўлиши унинг тузилиши, симптом б-н синдромларининг ўрин алмашинишини клиник қонуний ҳолат деб ҳисоблайди. П. сезги, идрок, тасаввур, хотира, тафаккур, хаёл, малакалар, кўникмалар, ҳиссиёт, ирода сингари руҳий жараёнлар ҳамда ҳолатларнинг бузилишини психологик жиҳатдан таҳлил қилади. У руҳий жараёнлар тузилишининг ўзига хослиги, кечишининг хусусиятларини тадқиқ этади. П. психик функциялар бузилишини тиклашнинг илмий асосланган методларини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Руҳий нуқсонларни тўлдиришнинг оқилона усулларидан фойдаланиш эвазига касалликни тезкор тузатиш имконияти туғилади. П. маълумотларидан ташхис қўйиш мақсадларида, психиатрик экспертизада — меҳнат, суд, ҳарбий экспертизада фойдаланилади. П. болалар психиатриясида алоҳида аҳамиятли бўлиб, у интеллект пасайиши даражасини белгилашда, боланинг ўқиш қобилиятини олдиндан айтиб беришда қўлланилади.

ПАТОС, фасод — яллиғланган жойда тўпланадиган суюқликнинг бир тури (қ. *Йиринг*).

ПАТРА, Патри — Грециядаги шаҳар, Пелопоннес ярим.да. Ахея номининг маъмурий маркази. Аҳолиси 170 минг кишидан ошиқ (1990-йиллар ўртаси). Ноон денгизининг Патрикос қўлтиғидаги порт (четга мағиз, вино, жун, қайтуи мойи чиқарилади). Ундан Италиянинг Бриндизи шаҳрига паром қатнайди. Машинасозлик, шина в.ч., егочесозлик, кўн-тери, озиқ-овқат, тўқимачилик, қоғоз саноати корхоналари, ун-т бор. Туризм ривожланган. Меъморий ёдгорликлардан қадр ва б. сақланган.

ПАТРАШКИН Александр Тимофеевич (1895.15.3, Сирань, Россия — 1975.14.7, Самарқанд) — театр рассоми, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1967). Қозон рассомлик билим юртини тугатган (1915). Самарқанд рассомлик билим юртида педагог (1935—40). Самарқанд ёш томошабинлар театрида бош рассом (1941—45), Самарқанд рус драма театрида (1948—54), Ҳ. Олимжон номидаги ўзбек давлат мусиқали драма театрида (1955—68) рассом, бош рассом. П. мумтоз, замонавий ҳамда миллий асарларни безашда реалистик анъаналарга таянди: «Отелло» (В. Шекспир), «Сарп қомат дилбарим» (Ч. Айтматов), «Ганг дарёсининг қизи» (Р. Тагор), «Оғриқ мор», «Нурхон» (К. Яшин; Т. Жалилов), «Дилором» (К. Яшин; М. Ашрафий), «Азиз ва Санам» (А. Бобожон; К. Отаниёзов), «Майсаранинг иши» (Ҳамза; Т. Жалилов) ва б.

ПАТРИАРХ (юн. patер — ота ва archo — бошқараман) — черков иерархиясида олий унвон. Христиан черковида Рим, Константинополь, Александрия, Антиохия, Қудус епископларида шу унвон бўлган. Ҳоз. православие да олий диний лавозим, автокефал черкови бошлиғи. Черков йиғинида сайланади. Рус православ черковида П.лик лавозими 1589—1700 й.ларда бўлган, 1917 й. 5(18) ноябрда қайта тикланган.

ПАТРИАРХАЛ ОИЛА, катта оила — эркак боғичлик қариндошлик асосида. *Матриархатдан патриархатга* ўтиш даврида вужудга келиб, биргаликда хўжалик юргизувчи қариндошларнинг бир қанча авлодидан ташкил топган. П.о., асосан, илк хўжалик жамоаси бўлган, унинг ишлаб чиқариш асосини ер ва и.ч. қуроллари ва умумий эгалик (и.ч.га ҳам, истеъмолга ҳам) ташкил этган.

ПАТРИАРХАТ — ибтидоий жамият даврига хос бўлган ижтимоий муносабатлар шакли. П.да жамият, хўжалик, оилада эркак ҳукмрон мавқега эга бўлган. П.нинг хўжалик фаолияти: омоч б-н ер ҳайдаш, чорвачилик, металлга ишлов бериш. Бу даврда ибтидоий жамият емирилиб, унинг сўнгги босқичида мулкий табақаланиш ва давлат юзага келган.

ПАТРИЦИЙЛАР (patricii, лот. patер — оталар) — Қад. Римдаги уруғ зодагонлари. Дастлаб П. деб уруғ ташкилотига кирган ва *плебейлар*га қарши турган Римнинг барча туб аҳолиси аталган бўлса керак. Анъанага кўра, П. дастлаб 100, сўнгра 300 ота уруғини жамлаб, Рим халқини (Populus Romanus Quiritium) ташкил этишган. Мил. ав. 6-а. охиридан, синфий табақаланиш ва давлат шаклланаётган даврда П. Рим республикасининг ҳукмрон табақасига айланган. Улар барча фуқаро ва сиёсий ҳуқуқларга, хусусан, олий *магистратура*ни эгаллаштириш ҳуқуқига эга бўлишган. Бу имтиёзлар П. б-н плебейлар ўртасидаги курашга сабаб бўлган, у мил. ав. 5-а. бошидан мил. ав. 3-а. бошигача давом этган. Бу кураш жараёнида Рим республикаси давлат тизими тузилган, плебейлар Populus Romanus таркибига киритилганлар ва барча ҳуқуқларда П. б-н тенглаштирилган. Мил. ав. 3-а. бошида П. ва плебейлар раҳбарлари ўзаро бирикиб *нобилитет*ни ташкил этишган. П.дан бўлган нобиллар орасида Валерийлар, Клавдийлар, Корнелийлар, Фабийлар, Эмилийлар, Юлийлар ва б. уруғ вакиллари Қад. Римнинг сиёсий ҳаётида алоҳида роль ўйнашган. Империя даврида янги патрициат вужудга келиб, улар сенаторлар табақасининг имтиёзли қисмидан иборат эди; унга императорлар томонидан Италия ва провинциялардан чиққан шахслар киритилган.

ПАТРОН (франц. patron) —1) металл кесиш станокларида заготовка ёки кесувчи асбоблар маҳкамланадиган мослама. Механик, электромагнит, пневматик П.лар бор; 2) токарлик станокларида ички ҳовол буюмлар тайёрлашда лист заготовкалар эзиладиган модель; 3) трубаларга ташқи резьбалар ва шу трубаларнинг муфталарига ички конус резьбалар кесадиган асбоблар. Нефть саноатида (бурғилаш асбоблари, насос-компрессор ва б.да) қўлланади; 4) электр лампаларни бураб маҳкамлаш учун ишлатиладиган мослама; 5) қийим бичиладиган намуна ва андаза; 6) ҳарбий ишда — гильза (снаряд) ўқи б-н бирлашган, порохли (жанговар) заряд

ва капсюла ёки капсюла втулкаси. Ўқ (снаряд) ни нишонга уриш учун хизмат қилади. Пнинг пистолет, милтиқ ва б. қуролларга мўлжалланган турлари бор. Ҳарбий қуролларда П. жанговар ва ёрдамчи (ўқсиз, ўқув-машқ) турларга бўлинади.

ПАТРОНА ХАЛИЛ ҚЎЗҒОЛОНИ — Истанбул ш. (Туркия) камбағалларининг 1730 й. сент.— нояб.даги қуролли қўзғолони. Унга Халил (лақаби — Патрона) бошчилик қилган. Қўзғолон солиқларнинг кўплиги, нарх-навонинг ошиб кетганлиги ва амалдорларнинг бебошлигига қарши кўтарилган. Қўзғолончилар султон Аҳмад III (1703—30)ни тахтдан ағдариб, солиқ ва божларни бекор қилишга эришишган, лекин уларнинг ўртасидаги келишмовчиликлардан фойдаланган янги султон Маҳмуд I (1730—54) қўзғолонни бостирган. Патрона Халил ўлдирилган.

ПАТРОНАЖ (франц. patronage — ҳомийлик) — болалар маслаҳатхонаси, поликлиникалари, аёллар маслаҳатхоналари, сил диспансери ва б. диспансерлар томонидан ёш болалар, ҳомиладорлар ва айрим беморларга уй шароитида тиббий ёрдам кўрсатиш системаси. Болалар маслаҳатхонаси ва поликлиникаларида врачга у хизмат қиладиган участка бириктирилади; врачга бир ёки иккита П. ҳамшира ёрдам беради, улар ўз участкасидаги болаларга уйда ёрдам кўрсатади. П. ҳамшира боланинг соғлиғини, бола парваришини, оиланинг моддий-маиший турмушини аниқлайди. П. ҳамшира ва (акушер) врач уйда оналар б-н суҳбат ўтказади, бола эмизиш, парвариш қилиш, чиниқтириш қоидаларини ўргатади; рахит, сил, меъда-ичак касалликларининг олдини олиш, чечак, дифтерия, кўкйўтал, полиомиелит, силга қарши эмлашнинг аҳамиятини тушунтиради. Бола касал бўлиб қолса, қандай парвариш қилишни онага ўргатади. Она туғруқхонадан чиққанидан кейин 3 кун орасида П. ҳамшира ёки врач уйга бориб, чақалоқни синчиклаб текширади ва вақт-вақти б-н боланинг ҳолидан хабар олиб туради.

Аёллар маслаҳатхонаси врач ва ҳамширалари хотинларга ҳомиладорлик ва туққандан кейинги даврда П. ёрдами беради. П. уйда даволанадиган беозор сурункали руҳий беморларга ёрдам беришнинг бир тури ҳамдир. Бошқа диспансерлар (онкологик, сил ва б.) да П. беморларнинг мунтазам қатнаб даволаниши ва врач белгилаган режимни бажаришини назорат қилади.

Дилбар Маҳмудова.

ПАУЗА (юн. pausis — тўхташ, туташ — мусиқа асари ижросида бир, бир неча, баъзан барча овозларнинг муайян вақт тўхтатилиши ҳамда шу вақтини кўрсатувчи махсус белги. Ҳоз. *нота* ёзувида бутун, ярим, чорак, саккизталик, ўн олтиталик, ўттиз иккиталик ва олтмиш тўртталик П.лар қўлланилади.

ПАУЛИ (Pauli) Вольфганг (1900.25.4, Вена —1958.15.12, Цюрих) — швейцариялик назариётчи-физик. Мюнхен ун-тини тугатган (1921). Цюрихдаги Олий политехника мактаби проф. (1928 й.дан). АҚШ даги Принстон ин-тида ишлаган (1940—46). Илмий ишлари *квант механика ва майдон квант назарияси* оид. Ҳоз. замон физикасининг асосий принципи — *Паули принципи*ни баён этган (1925). Ишқорий металлардаги *парамагнетизм* ҳодисасини тушунтириб берган (1927), нейтриноннинг мавжудлиги тўғрисида гипотезани илгари сурган (1931). Унинг ядро кучининг мезон назарияси тўғрисида, назарий физиканинг долзарб масалаларига оид асарлари ҳам бор. Нобель мукофоти лауреати (1945).

ПАУЛИ ПРИНЦИПИ — *квант механика* принципи, табиатнинг асосий қонуни; унга кўра, исталган квант система (атом, молекула, кристалл ва б.) да ярим бутун спинли бир хил зарралар (мас., электрон, протон ва ҳ. к.) дан иккитаси бир вақтда айнан бир ҳолатда бўлиши мумкин эмас. 1925 й.да В. *Паули* кашф қилган, П.п. дастлаб атомлаги электронлар учун, сўнгра ярим бутун спинли зарралар (молекулалар, атомлар, атом ядролари, элементар зарралар) учун ифодаланган. Атом электрончининг ҳолати, шу электрончинг тўлиқ энергияси, орбитал ва магнит моменти, электрон спини 4 та квант сони б-н аниқланади. П.п.га кўра, атом ядросига яқин бўлган электрон қобиқ (K-қобиқ) да 2 электрон, ундан кейинги қобиқ (L-қобиқ) да 8 электрон ва ҳ.к. бўлади.

П. п. *Менделеев даврий системасида* жойлашган элементларнинг атомларида ёпиқ электрон қобиқларининг мавжудлигини тўғри тушунтириб берди; атом ва молекула спектрларини тушунтиришда бошланғич манба бўлди. П.п. қаттиқ жисмнинг квант назариясида асосий ўрин олган; уни қўллаш қаттиқ жисмнинг иссиқлик, электр ва магнит хоссаларини тушунтиришда асос бўладиган электрон газ учун янги бўлган Ферми статистикасининг келиб чиқишига сабаб бўлди. П.п. ядро назариясида, ядро реакцияси ва элементар зарралар орасидаги реакциялар назариясида ҳам муҳим ўрин эгаллади.

ПАУЛО Коэльо (1947, Рио-де-Жанейро) — бразилия ёзувчиси. Бразилия ёзувчилари Элис Ретина ва Раул Сенкас учун қўшиқ матнлари ёзган. Кейинчалик журналистика б-н шуғулланган, театр режиссураси ва драматургия соҳасида ҳам ўзини синаб кўрган. Португал тилида ижод қилган. Дастлабки романи «Ибодат» (1987), «Алхимик» (1988) романи машҳур. Романда инсон қудратига, унинг келажагига ишончи туйғуси акс этган. П. «Брида» (1990), «Валькириялар» (1992), кундаликлар асосида ёзилган «Мактуб» (1994), «Ньедра дареси соҳилида ўтириб кўз ёш тукардим» (1994), «Бешинчи тог» (1996), «Ерутлик Жанғчиси китоби» (1997), «Пайғамбарнинг ишқий мактублари» (1997), «Вероника ўлишга қарор қилди» (1998), «Иблис ва сеньорита Прим» (2000), «Оталар, ўғиллар ва боболар» (2001) асарлари муаллифи. Улар орасида «Бешинчи тог» романи алоҳида ўрин тутади, унда ёзувчи «Алхимик» романи мавзусини ривожлантирган. Роман Илёс пайғамбар ҳаёти ҳақида. П. мавжуд диний ривоятни инсон ишончи-эътиқодининг синови тўғрисидаги ғаройиб асарга айлантирган. «Алхимик» ва «Бешинчи тог» романлари ўзбек тилига таржима қилинган.

ПАУПЕРИЗМ (лот. pauper — камбағал, мулксиз) — жамиятда ишсизлик, инфляция, кам даромад топиш, мулкий тенгсизлик б-н боғлиқ бўлган оммавий қашшоқлик.

ПАУСТОВСКИЙ Константин Георгиевич [1892.19 (31). 5, Москва — 1968.14.7, Калуга вилоятининг Таруса ш.] — рус ёзувчиси. Дастлаб Киев ун-тининг табиий-тарих ф-ти (1911—13), кейин Москва ун-тининг юридик ф-тида ўқиган. «Романтиклар» илк романи 1916—23 й.ларда ёзилган. 1935 й.да нашр этилган бу романда, «Товланган булутлар» (1929) романида бўлганидек, П. насрининг ўзига хос хусусиятлари — кишилардаги эзгулик туйғуларига, мардлик, дўстлик, олижаноблик сингари фазилатларга эътибор сезилиб туради. «Жазава» (1925), «Мустамлака моллари учун ёрлиқлар» (1928), «Қора денгиз» сингари дастлабки ҳикоя ва қиссаларида олис юртлар ҳақидаги орзу-армон туйғулари, бу юрт-ларга қилинган саёҳат таассуротлари, учрашув ва видолашув мавзулари устуворлик қилади. Романтик руҳдаги «Қора-бўғоз» (1932), «Колхида» (1934) ва «Шимол қиссаси» (1938) қиссалари ҳамда кўплаб ҳикояларида рус ёзувчиларига мурожаат «оддий, кишиларнинг юксак инсоний хислатларини тасвирлашда ҳал қилувчи аҳамият берган. П. 30-и йларнинг 2-ярмидан бошлаб санъаткорлар ҳаёти ва ижодини мехнатга бағишланган асарлар («Орест Кипренский», «Исаак Левитан», 1937; «Тарас Шевченко», 1939; «Ўрмонлар қиссаси», 1949; «Олтин тил», 1956) ёзишга киришди. Ёзувчи урушдан кейинги даврда уз ҳаёти ворса ва ҳодисалари б-н туғинган «Ҳаёт ҳақида қиссалар»нинг ярим (1-қисм — «Широк йиллар», 1945; 2-қисм — «Серташвиш ёшлик», 1955; 3-қисм — «Нотаниш аср»нинг муқаддимаси», 1957; 4-қисм — «Катта умидлар даври», 1959; 5-қисм — «Жанубий шитоблар», 1960; 6-қисм — «Дарбадарлик китоби», 1963). П. бу ёзувчи асарида 20-а.нинг дастлаб йилларидаги Россия ҳаётини бадиий мужассамлантириб берган. Пнинг новик тўйғу ва кечинмалар б-н йўғрилган асарлари ўзбек адабиётида лирик насрнинг шаклланишига таъсир кўрсатган. «Широк йўллар» ва «Олтин тил» қиссалари ҳамда бир қанча ҳикоялари ўзбек тилига таржима қилинган.

Ас.: Эски шишали чол [Ҳикоялар], Т., 1963; Собрание сочинений, т. 1—8, М., 1967—70.

Ад.: Кременцов А. Н., К. Г. Паустовский. Жизнь и творчество, М., 1982.

ПАУЭЛЛ (Поуэлл; Powell) Сесил Франк (1903.5.12, Тонбридж, Кент — 1969.9.8, Милан) — инглиз физиги. Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1949 й.дан). Кембриж ун-тини тугатган (1925). 1928 й.дан Бристоль ун-тида ишлаган (1948 й.дан проф.). Космик нурларни тадқиқ қилиш мақсадида учирилган зонд-шарлар бўйича тузилган Европа экспедициялари директори (Италия, 1952—61). *Европа ядро тадқиқотлари марказини* тузиш ташаббускорларидан бири. Илмий ишлари ядро физикаси, космик нурлар ва элементар зарралар физикасига оид. Ходимлари б-н ҳамкорликда космик нурлардаги π -мезонларни кашф этган (1947). П. — фаол жамоат арбоби. 1967—69 й.ларда Пагуош кўмитаси раиси бўлган. Нобель мукофоти лауреати (1950).

ПАХМОҚ — бир томони тукли майин ва қалин ип газлама (қ. *Бумазея*).

ПАХПАРДОЗ (форс. пах — қирра), ёйма пардоз — ўймакорликда пардоз тури; қирра ҳосил қилиш учун

бўртма нақш юзаси бир томонга тө зминига қалар қия кесиб пардозланади. Ганч, ёғоч ўймакорлигида, айниқса, *аллақўлар* мужассамотида кенг қўлланади. П. натижасида нурсоя ўйини майин кўринишга эга бўлади. Шифти баланд биноларда (турар жой, жамоат биноларида бўртма шаклларга пардоз беришда *мовқи пардоз* б-н бирга кенг қўлланади. П., айниқса, 14—15-а.ларда тош, ёғоч, терракота ўймакорлигида усталар томонидан кенг қўлланилган. 20-а.да уста М. Усмонов, А. Кузиев ва б. ижодида Пнинг қўллаб жозибали нақш намуналарини яратдилар. Самарқандда ёйма пардоз деб аталади.

ПАХСА — лой девор ёки унинг қисми. Ўрта Осиё меъморлигида қадимдан маълум. Қадимда баъзи шаҳарларнинг деворлари, қалъа қўрғонлари П.дан иборат. Улар мудофаа аҳамиятига эга бўлганлиги сабабли жуда мустаҳкам қурилган. Шаҳар деворларининг икки чеккаси Пдан кўтарилиб, ўртаси тўпчеккаси Пдан кўтарилиб, ўртаси тўпроқ б-н тўлдирилган (Тешик қалъа, Кўйқирилган қалъа, Тупроқ қалъа ва б.). Дастлаб П. қамиш ёки ёғоч пойдевор (тирвоқ) устига урилган. Ҳозир П. деворлар бетон, пишиқ тошт ёки тош пойдевор устига қўйилади. П. учун тупроқ пойдевор атрофидан олинишни ёки бошқа жойдан келтирилиши ҳам мумкин. Одатда, сой тупроққа сув уриб, лой қорилади. Лой тепкилаб (баъзан от лой қорилади). Лой тепкилаб (баъзан от б-н бостирилиб) пишитилади. Кетмон ёки бел б-н икки-уч марта агдариб пишитиб меъёрига етказилади. Лойкаш пишитилган лойни махсус бел—капча б-н кесиб, пешмон (уста)га отади. Пешмон лойни илиб олиб куч б-н бўлажак девор ўрнига уриб боради. Олдин иморат қуришда бир П.нинг бал. 60 см дан 1 м гача, қалинлиги 40—60 см бўлади. Девор селгиган, уста тараш капча (яссн бел) б-н девор юзасини текислайди, гултараш б-н унга пардоз беради, баъзан нақшлар ҳам ўяди. 1-П. маълум даражада қуригач, пешмон унинг устига чиқиб, 2-қават П.ни ура бошлайди. Шу тариқа девор 3—4 (айрим ҳолларда 5—6) П.дан иборат бўлган. Ўрта Осиёда хусусий уйлар қурилда П.дан ҳозир ҳам фойдаланилмоқда.

Пахса девор (Хивадаги Рофаник саройи девори).

ПАХТА, чигитли пахта — *ғўза*нинг тола ва чигитдан иборат асосий маҳсулоти. Пахта тозалаш корхонасида П.га дастлабки ишлов бериш жараёнида чигитдан, аввал, тўқимачилик саноатининг эҳтиёжи учун асосий маҳсулот — тола (уз. 20 мм дан узун) ажратиб олинади. Шунинг учун бутун дунёда П. толанинг сифатига қараб баҳоланади. Кейин чигитдан кимё ва маҳаллий саноат корхоналарида қўлланиладиган *линт* (момиқ) (уз. 20 мм дан кам) олинади. Технологик ускуналарда Пни қайта ишлаш ва толани тозалаш жараёнида ўлик (пишиб етилмаган кал-

100 кг пахта хом ашёсидан олинадиган асосий маҳсулотлар.

та толали пуч чигит, чигаллашган толалар) ва калта П. момиғи (уз. 5,0 мм дан кам) чиқади. П.да 30—35% тола ва 50—55% чигит (чигитида 24—29% мой), 2—3% ўлик тола, 3—5% калта момиқ бўлади. Ғўзанинг селекцион нави ва толанинг йўғон-ингичкалигига қараб П., ўрта толали ва узун толали турларга бўлинади. П. қўлда ва машина б-н терилади. П. толасининг пишиб етилганлик коэффициенти ва ташқи кўриниши, ранги бўйича 5 саноат навига ва ифлос аралашмаларнинг миқдори ҳамда намлигига қараб 3 синфга бўлинади.

Пахта нави синфларида ифлос аралашмалар ва намлик меъёрлари, % (кўпи билан)

Пахта нави	1-синф		2-синф		3-синф	
	Ифлос аралашмалар	Намлик	Ифлос аралашмалар	Намлик	Ифлос аралашмалар	Намлик
I	3,0	9,0	10,0	12,0	16,0	14,0
II	5,0	10,0	10,0	13,0	16,0	16,0
III	8,0	11,0	12,0	15,0	18,0	18,0
IV	12,0	13,0	16,0	17,0	20,0	20,0
V	—	—	—	—	22,0	22,0

П. нави ташқи кўриниш намунаси — пахтанинг стандарт намуналарига со-

O'ZR. XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI

лиштириб (классер усулида), бу усул қаноатланарли бўлмаса, лаб. усулида пишиб етилганлик коэффициенти бўйича аниқланади.

Тўқимачилик, ёғ-мой, гидролиз, кимё саноати ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари учун хом ашё бўлиб хизмат қилади (қ. *Пахта толаси*).

Вохид Раҳимов, Ўзбар Алиқўжаев

ПАХТА МОЙИ — чигитни преслаб ёки эритувчилар б-н экстракциялаб олинадиган мой. Тоза П.м. кўпгина органик эритувчиларда эрийди, оч сариқ шаффоф суюқлик, ярим қурийдиган мойлар гуруҳига киради. П. м. триглицеридлари таркибига, асосан, тўйинмаган ёғ кислоталар: линол (41,7—53,69%), олеин (23,0—35,2%), тўйинган кислоталар: пальмитин (19,6—23,4%) арахин (0,1—0,7%), стеарин (1,9—2,7%), миристин (0,3—2,0%) киради. П.м.нинг зичлиги 905—930 кг/м³, нур синдириш коэффициенти 1,472—1,477, йод сони 102—111, совунланиш сони 191—199. П.м. табиий ҳамда гидрогенланган ҳолда маргарин, истеъмол қилинадиган ёғлар, совун, алиф мой ва б. тайёрлашда ишлатилади.

ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАЛАРИ — очилган пахтани териш учун мўлжалланган қ.х. машиналари. Ишлаш усулига кўра, пневматик, механик, пневмомеханик ва электромеханик турларга бўлинади. Пневматик П.т.м.да пахта ҳаво оқими ёрдамида терилади. Улар вакуумли, эжектор-шлангли, сўрувчи ва ҳайдовчи-сўрувчи машиналарга бўлинади. Бу машиналарнинг иш органлари турли сопло (сўргич) ва учликлардан иборат бўлади. Механик П.т.м.да пахта механик қурилма ёрдамида терилади. Булар иш органларининг турига қараб, шпинделли, игналар ўрнатилган лентали (кардали), илмоқли, дискли бўлади. Механик (асосан, шпинделли) П.т.м. гўза тупларига терим жараёнида бутун ҳажм бўйлаб ёки тупларни шаклга келтириб ён томонларидан қисган ҳолда текис ишлов берувчи турларига ажралади. Амалда шпинделли П.т.м. кенг тарқалган. Улар горизонтал ва вертикал шпинделли хилларга бўлинади. Горизонтал ва вертикал шпинделли П.т.м.нинг асосий қисми — пахта териш аппарати. У шпинделлар барабанлари, ажраткичлар, шпинделлар барабанларини айлантириш механизми, релукторлар, тун кўтаргичлар, қабул камераларидан иборат. Ҳозирги замон П.т.м.да терим аппаратлари дала рельефини тақрорловчи мосламалар б-н жиҳозланган. Горизонтал шпинделли П.т.м.да шпинделлар гўза туплари орасига ён томонлари горизонтал ҳолда киради ва ўқи атрофида айланиб, очилган пахтани ўзига ураб чиқади ҳамда барабан б-н бирга айланиб, ажраткич томонига ҳаракат қилади. Диссиметрик бошқ.қанотчали ажраткичлар айланма ҳаракат қилиб, шпинделлардаги пахтани силкиб, қабул камерасида йиғилтиради, у ердан эса янгилган пахта эжексия (сўриш) ҳисобига ҳаво ерламида бункерга юборилади. Вертикал шпинделли П.т.м.да шпинделлар барабанга ёки занжирга ўрнатилади. Гўза туплари 2 барабан орасидан қисилиб ўтади. Барабандаги шпинделлар ўз ўқи атрофида ва барабан б-н бирга айланиб, пахтани ураб олади. Шпинделга ўралган пахтани ажратиб олиш ва уни қабул камерасига ташлаш вазифасини ажраткич ўтайди. Шпинделнинг тескарига айланиши ва қилли чўткалардан тозаланган айланиб турувчи ажраткич б-н тозаланиши натижасида ажраткичдан келган пахта қабул камерасига узатилади ва қабул камерасида йиғилади. У ердан вентилятор пахтани сўриб, бункерга узатади. Бункер пахтага тўлгач, механизатор уни трактор тиркамаларига тўкади. Пневмомеханик П.т.м.да пахта ҳаво ва механик мослама ёрдамида терилади. Электромеханик машиналарда пахта электр майдони ёрдамида терилади.

П.т.м. дастлаб 1850 й. АҚШ да яратилди. Ўзбекистонда биринчи пневматик П.т.м. 1929 й. ихтиро этилган. Лекин у амалда унча иш бермади. 1933 й. СТЗ тракторига ўрнатиладиган эжектор-шлангли машина ихтиро қилинди. Бу машинада 15 та ҳаво сўрувчи шланг бўлиб, ҳар қайси шлангни бир теримчи ушлаб, очилган пахтани унга рўпара қиларди. Пахта ҳаво ерламида сўрилиб, махсус камерага тушарди. Унинг иш унумдорлиги жуда паст эди. Шунинг учун бу машина амалда қўлланмади. Ундан кейин биринчи горизонтал шпинделли машина яратилди. У 2 барабанли (1 қаторли), керак шпинделли бўлиб, трактор гирқираб ишлатилган. Унинг ҳам иш унумдорлиги паст бўлган. 1935 й. «Универсал-1» тракторига ўрнатиладиган 1 барабанли, горизонтал шпинделли машина яратилди. Бу машина пахтанинг 40% ини териб, 15% ини тўкар, иш унумдорлиги паст эди. 1936 й. 2 қаторли, горизонтал шпинделли машина ишлаб чиқарилди. Унинг иш аппарати 4 та барабандан иборат бўлиб, ҳар бир барабанга 352 та конус шпиндель ўрнатилган, машина пахтани гўза тупининг 2 томонидан терган.

Тошкент қх. машинасозлиги з-дида 1937 й. биринчи пневматик машина ишлаб чиқарилган. Машинада бир неча сўриш тўпиқлари бўлиб, пахтани ҳаво ерламида сўриб теради. 1938 й. ихтирочи Л. М. Розенблюм вертикал шпинделли П.т.м. ихтиро этди. Унинг иш аппарати ўзиюрар шассига ўрнатилиб, ҳар бири 32 шпинделли иккита барабан ва гуртта чўткали ажраткичдан иборат эди. Машина пахтанинг 54—65% ини териб, 8—15% ини тўкарди. Машина бирмунча такомиллаштирилгач, терилган пахта 80, 8%, тўкилиши 16,5% бўлди. Асосий нуқсони терилган пахтанинг шпинделдан қийин ажралиши ҳамда чўткали барабанга ўралиб қолиши эди.

1941 й.да ХВШ-4Б маркали 4 барабанли П.т.м. яратилди. Машина бир юришда ҳар тур тўзадаги пахтани 2 марта терарди; бунда терилган пахта 75%, тўкилиши 8% эди. 1945 й.да ХВШУ маркали ўзиюрар машина яратилди. Бу машина 2 барабанли аппарат ва ўзиюрар шассидан иборат бўлиб, унинг шпинделлари фақат бир томонга айланарди. 1946 й. да диаметри 16 мм ли 42 шпинделли, П.т.м. хўжалик синовидан ўтказилди. 1947 й. конструктор М. Н. Марков бошчилигида СХМ-47 ва 1948 й. СХМ-48 русумли П.т.м. ишлаб чиқарилди. СХМ-48 русумли П.т.м., асосан, иш аппарати, рама, 2 вентилятор, ҳаракат узатиш механизми, аппаратни кўтариш-туширш механизми, тун кўтаргич, обтекатель, бункер ва трактордан иборат эди. Машинанинг барча механизмлари трактор нинг қувват олиш валидан ҳаракатланарди. 1958—68 й.ларда 2 қаторли ХТ-1,2 русумли, 1966 й.дан 2 қаторли 17ХВ-1,8 русумли кенг (90 см) қаторли, 1968 й.дан Т-28Х-4 тракторига ўрнатиладиган 4 қаторли 14ХВ-2,4 А («Ўзбекистон») русумли ва 1972 й.дан МТЗ-50Х тракторига ўрнатиладиган 4 қаторли ХВА, ХВБ туркумлари П.т.м. ҳамда 1977 й.дан эса пневмовойворник ва тозалагич б-н жиҳозланган МТЗ-80 трактори асосида ХНП-1,8 машиналари ишлаб чиқилди. 1992—94 й. эса гўза тупига кўп марта ишлов берувчи янги турдаги терим аппаратлари б-н жиҳозланган ХС-25 русумли П.т.м. ўзгалиқларга ишлатила бошланди. 20-а. 90-йиллари ўртасигача Ўзбекистонда, асосан, вертикал шпинделли машиналардан фойдаланилди. Кейинги йилларда Ўзбекистон пахта майдонларида Америкада ишлаб чиқарилган горизонтал шпинделли П.т.м. ҳам пайдо бўлди.

«Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси (Тошкент) қошида 1997 йилдан бошлаб «ЎзКеймаш» қўшма корхонаси ташкил этилиб, пахтакорларга «Case20022 Cotton Express» русумли 2 қаторли П.т.м.ни етказиб бера бошлади. БМКБ — Агромаш акционерлик жамияти б-н биргаликда «Тошкиншлокмаш» акционерлик жамияти ХМГ-04, ХМГ-12 русумли 2 қаторли, горизонтал шпинделли П.т.м.ни ишлаб чиқаради. Улар 90 ва 60 см ли пайкалларда пахтанинг ўртача ва энгичка толали навларини теришга мўлжалланган. «2022 Коттон Экспресс» русумли машина эса 2 қаторли, горизонтал шпинделли, ўзиюрар машина бўлиб, 90 ва 100 см ли пайкалларда пахтанинг ўртача навларини теришга мўлжалланган.

Ўзбекистонда П.т.м.ни яратиш ва уларни такомиллаштиришга доир назарий ва амалий ишлар, асосан, Ўзбекистон ФА Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ин-тида олиб борилади. П.т.м. яратиш ва уларни такомиллаштириш ишлари Ўзбекистонда Х. Ҳ. *Усмонхўжаев*, О. В. *Лебедев*, А. Д. *Глушченко*, М. В. Сабликов, Д. М. Шподянский , О. А. Каримов, А. С. Садриддинов, Р. Д. Матчонов, М. Т. Тошболтаев ва б. олимлар, Г. И. Волков, Л. М. Розенблюм, М. Н. Марков ва б. конструкторлар номлари б-н боғлиқ.

Анвар Раҳаев.

ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИ — *енгил саноат*нинг пахтага дастлабки ишлов берувчи тармоғи. Мазкур тармоқ тўқимачилик, ёғ-мой, кимё саноати тармоқларига хом ашё етказиб беради. *Пахта толаси*, *линт* ва *чигит* П.т.с.нинг асосий маҳсулотлари ҳисобланади. Ўзбекистонда дастлабки пахта тозалаш корхонаси Тошкентда 1874 й.да қурилган. Россияда пахта хом ашёсига бўлган талабнинг ортиши б-н Ўзбекистонда П.т.с. тез ривожлантирилди. 1885 йил 9 та, 1890 йил 27 та, 1914 йил 208 та пахта тозалаш з-ди ишлади. Пахтачилик галла экинларини сиқиб чиқара бошлади. Аррали *жин машина*ларда толани ажратиб олиш ва қўлда ўрокаландирилган винтли прессларда толани прессланган ташқари барча оғир ишлар қўлда бажарилган. 1920-йилларда Тошкент механика корхонасида дастгоҳли жин машиналари, линтерлар ишлаб чиқарила бошланди, прессларэса Болтиқ з-ди (Ленинграддан келтирилди. Урушгача бўлган даврда жинлар, линтерлар, пресслар, вентиляторларнинг конструкцияси такомиллаштирилди; пахта тозалаш корхоналари ва пахта тайёрлаш майдонлари электрлаштирилди. Пахта тозалаш корхоналарининг ўртача мавсумий ишлаш давомийлиги 3 ойдан 11 ойгача узайтирилди. 1940 йилда Ўзбекистон П.т.с.да 538 минг т тола, 15,3 минг т линт ва 982 минг т чигит ишлаб чиқарилди.

*Пахта териш машиналари*дан фойдаланиш пахтачиликнинг ривожланишида муҳим босқич бўлди. Тайёрлаш майдонларига пахта тонширишсуръати ошди, пахта тозалаш з-дларида эса 1955 й.дан қурилиш-тозалаш цехлари қурила бошлади. 1960 й.гача Ўзбекистонда 226 қуритиш-тозалаш цехи ишлади. 1960—65 й.ларда П.т.с.да тайёрланаётган тола сифатини яхшилашга имкон берадиган ОВП ва ОВП-А тола тозалагичлар қўлланилди. 1966—70 й.ларда қуритиш-тозалаш цехларининг технологик жиҳозлари такомиллаштирилди. Тозалаш самарадорлиги 45% гача бўлган кучли 30 ВП тола тозалагич, ЧХ-3М ва 6А-12М русумли такомиллашган пахта тозалагичлар яратилди, РОВ русумли пахта толаси регенератори қўлланилди. Барча тайёрланган пахтани ўз вақтида қайта ишлаш учун 1971—75 й.ларда янги корхоналар, қуритиш-тозалаш ва тозалаш цехларининг қурилишини тезлатиш, уларни янги технологик ускуналар ва механизация воситалари б-н таъминлаш чоралари кўрилди, шунингдек, ишлаб турган корхоналарни реконструкциялаш ишлари бошланди. Корхоналарда юқори унумли қуритгичлар, тола тозалагичлар, пахта тозалагичлар, гидравлик пресс установкалари ишлатилди. 80-йиллар да самарадорлиги юқори бўлган «Меҳнат» пахта тозалагичи, «Пахтакор» тола тозалагичи, РХ пахта регенераторлари яратилди ва ишга туширилди. 1980-йилар пахтани қайта ишлашда қатнашадиган жами асосий технологик жиҳозларни янгилаш даври бўлди. Пахтанинг сифат кўрсаткичларини



Вертикал шпинделли машинанинг технологик схемаси.

«Case20022 Коттон Экспресс» русумли горизонтал шпинделли машина.

лиштириб (классер усулида), бу усул қаноатланарли бўлмаса, лаб. усулида пишиб етилганлик коэффициенти бўйича аниқланади.

Тўқимачилик, ёғ-мой, гидролиз, кимё саноати ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари учун хом ашё бўлиб хизмат қилади (қ. *Пахта толаси*).

Водий Раҳимов, Умар Алиқулжаев.

ПАХТА МОЙИ — чигитни пресслаб ёки эритувчилар б-н экстракциялаб олинадиган мой. Тоза П.м. қўшилма органик эритувчиларда эриган, оч сариқ шаффоф суюқлик, ярим қурийдиган мойлар гуруҳига киради. П. м. триглицеридлари таркибига, асосан, тўйинмаган ёғ кислоталар: линол (41,7—53,69%), олеин (23,0—35,2%), тўйинган кислоталар: пальмитин (19,6—23,4%) арахин (0,1—0,7%), стеарин (1,9—2,7%), миристин (0,3—2,0%) киради. П.м.нинг зичлиги 905—930 кг/м³, нур синдириш коэффициенти 1,472—1,477, йод сони 102—111, совунланиш сони 191—199. П.м. табиий қамда гидрогенланган ҳолда маргарин, истеъмол қилинадиган ёғлар, совун, алиф мой ва б. тайёрлашда ишлатилади.

ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАЛАРИ — очилган пахтани териш учун мўлжалланган қ.х. машиналари. Ишлаш усулига кўра, пневматик, механик, пневмомеханик ва электромеханик турларга бўлинади. Пневматик П.т.м.да пахта ҳаво оқими ёрдамида терилади. Улар вакуумли, эжектор-шлангли, сўрувчи ва ҳайдовчи-сўрувчи машиналарга бўлинади. Бу машиналарнинг иш органлари турли сопло (сўргич) ва учликлардан иборат бўлади. Механик П.т.м. да пахта механик қурилма ёрдамида терилади. Бунар иш органларининг турига қараб, шпинделли, игналар ўрнатилган лентали (кардали), илмоқли, дискли бўлади. Механик (асосан, шпинделли) П.т.м. ғўза тупларига терим жараёнида бутун ҳажм бўйлаб ёки тупларни шаклга келтириб ён томонларидан қисган ҳолда текис ишлов берувчи турларига ажралади. Амалда



Вертикал шпинделли машинанинг технологик схемаси.

шпинделли П.т.м. кейи тарқалган. Улар горизонтал ва вертикал шпинделли хилларга бўлинади. Горизонтал ва вертикал шпинделли П.т.м.нинг асосий қисми — пахта териш аппарати. У шпинделлар барабанлари, ажраткичлар, шпинделлар барабанларини айлантириш механизми, редукторлар, тут кўтаргичлар, қабул камераларидан иборат. Ҳозирги замон П.т.м.да терим аппаратлари дала рельефини такрорловчи мосламалар б-н жиҳозланган. Горизонтал шпинделли П. т. м.да шпинделлар ғўза туплари орасига ён томондан горизонтал ҳолатда киради ва ўқи атрофида айланиб, очилган пахтани ўзига ўраб чиқади ҳамда барабан б-н бирга айланиб, ажраткич томонга ҳаракат қилади. Дискисимон бошқ.-қисқич шаклли ажраткичлар айланма ҳаракат қилиб, шпиндел юзасидан пахтани силкириб, қабул камерасида йиғилтиради, у ердан эса шпилган пахта эжексия (сўриш) ҳисобига ҳаво ердамида бункерга юборилади. Вертикал шпинделли П.т.м.да шпинделлар барабанга ёки занжирга ўрнатилади. Ғўза туплари 2 барабан орасидан қисилиб ўтади. Барабандаги шпинделлар ўз ўқи атрофида ва барабан б-н бирга айланиб, пахтани ўраб олади. Шпинделга ўралган пахтани ажратиб олиш ва уни қабул камерасига ташлаш вазифасини ажраткич ўтайди. Шпинделнинг тескарига айланиши ва қилли чўткалардан тузилган айланиб турувчи ажраткич б-н тозаланиши натижасида ажраткичдан келган пахта қабул камерасига узатилади ва қабул камерасида йиғилади. У ердан вентилятор пахтани сўриб, бункерга узатади. Бункер пахтага тўлгач, механизатор уни трактор тиркамаларга тўкади. Пневмомеханик П.т.м.да пахта ҳаво ва механик мослама ёрдамида терилади. Электромеханик машиналарда пахта электр майдони ёрдамида терилади.

П.т.м. дастлаб 1850 й. АҚШ да яратилди. Ўзбекистонда биринчи пневматик П.т.м. 1929 й. ихтиро этилган. Лекин у амалда унча иш бермади. 1933 й. СТЗ тракторига ўрнатиладиган эжектор-шлангли машина ихтиро қилинди. Бу машинада 15 та ҳаво сўрувчи шланг бўлиб, ҳар қайси шлангни бир теримчи ушлаб, очилган пахтани унга рўпара қиларди. Пахта ҳаво ёрдамида сўрилиб, махсус ячейка тўсиларди. Ячейка шу зумдорини жуда паст эди. Шунинг учун бу машина амалда қўлланмади. Ўша йили биринчи горизонтал шпинделли машина яратилди. У 2 барабанли 11 қаторли, керак шпинделли бўлиб, трактор га тиркаб ишлатилган. Унинг ҳам иш унумдорлиги паст бўлган. 1935 й. «Универсал-1» тракторига ўрнатилган 1 барабанли, горизонтал шпинделли машина яратилди. Бу машина пахтанинг 40% ини териб, 15% ини тўкар, иш унумдорлиги паст эди. 1936 й. 2 қаторли, горизонтал шпинделли машина ишлаб чиқарилди. Унинг иш аппарати 4 та барабандан иборат бўлиб, ҳар бир барабанга 352 та конус шпинель ўрнатилган, машина пахтани ғўза тупининг 2 томонидан теради.

Тошкент қ.х. машинасозлиги з-дида 1937 й. биринчи пневматик машина ишлаб чиқарилган. Машинада бир неча сўриш тизимчалари бўлиб, пахтани ҳаво ердамида сўриб теради. 1938 й. ихтирочи Л. М. Розенблюм вертикал шпинделли П.т.м. ихтиро этди. Унинг иш аппарати ўзаро рассия қилинб, ҳар бири 32 шпинделли иккита барабан ва гуртга чўткали ажраткичдан иборат эди. Машина пахтанинг 54—65% ини териб, 8—15% ини тўкарди. Машина бирмунча такомиллаштирилиб, терилган пахта 80, 8%, тўкилган 16,5% бўлди. Асосий нуқсони терилган пахтанинг шпинделдан қийин ажралиши ҳамда чўткали барабанга ўралиб қолиши эди.

1941 й.да ХВШ-4Б маркали 4 барабанли П.т.м. яратилди. Машина бир юришда ҳар туп ғўзадаги пахтани 2 марта терарди; бунда терилган пахта 75%, тўкилгани 8% эди. 1945 й.да ХВШУ маркали ўзиюрар машина яратилди. Бу машина 2 барабанли аппарат ва ўзиюрар шассидан иборат бўлиб, унинг шпинделлари фақат бир томонга айланарди. 1946 й. да диаметри 16 мм ли 42 шпинделли, П.т.м. хўжалик синовидан ўтказилди. 1947 й. конструктор М. Н. Марков бошчилигида СХМ-47 ва 1948 й. СХМ-48 русумли П.т.м. ишлаб чиқарилди. СХМ-48 русумли П.т.м., асосан, иш аппарати, рама, 2 вентилятор, ҳаракат узатиш механизми, аппаратни кўтариш-тушириш механизми, туп кўтаргич, обтекатель, бункер ва трактордан иборат эди. Машинанинг барча механизмлари трактор-нинг қуввати олиш валидан ҳаракатланарди. 1958—68 й.ларда 2 қаторли ХТ-1,2 русумли, 1966 й.дан 2 қаторли 17ХВ-1,8 русумли кенг (90 см) қаторли, 1968 й.дан Т-28Х-4 тракторига ўрнатиладиган 4 қаторли 14ХВ-2,4 А («Ўзбекистон») русумли ва 1972 й.дан МТЗ-50Х тракторига ўрнатиладиган 4 қаторли

«Case20022 Cotton Express» русумли горизонтал шпинделли машина.

ХВ-3,6 маркали, 1974 й.дан 6 қаторли ХВ-5,4 русумли П.т. м. ишлаб чиқарила бошлади.

Бу машиналар, асосан, терим аппарати, ҳаракат узатувчи редуктор, вентилятор, сув насоси, бункер, ҳаво трубалари, бошқариш тизими ва рамадан, терим аппарати ва рама, шпинделли барабанлар, ажраткич барабанлар, шпинделларни айлантирувчи узатма, қабул камераси, иш тирқишини созловчи механизм, туп кўтаргич, редуктор, қўшувчи муфта, сақловчи мосламалардан иборат эди. 1976 й.дан бошлаб ишлаб чиқарилган барча турдаги П.т.м. иш унумдорлигини 18—20% га оширувчи, яъни винтли тарқибий шпинделлар (квадрат кесимли мустаҳкам ўзакка бириктирилган винтли пружинасимон элантирувчи элементдан тузилган) б-н жиҳозлана бошлади. «Ўзбекистон» русумли 4 қаторли машина Т-28Х-4 русумли трактор га ўрнатилган. Бу машинанинг 2 варианти: 12 шпинделли ва 15 шпинделли барабанлар ўрнатилган терим аппаратли хиллари ишлаб чиқарилди. Машинада 4 та терим аппарати икки ён томонга 2 тадан ўрнатилган. Уни 60 см ва 90 см қатор оралиқларида юришга ростлаш мумкин. Ҳар бир қаторнинг пахтаси икки қайта терилади. Машина, асосан, рама, терим аппаратлари, ҳаракатни тақсимлаш редуктори, бункер, вентиляторлар ва бошқариш тизимидан иборат эди. Шунингдек, шпинделларни ювиш ва бакка сув қуйиш, машинани мойлаш тизими б-н ускуналанган. Барча маркалаги П.т.м. бир-биридан терим аппаратлари ва барабанлари, асосан, айрим қисмларининг тузилиши, шпинделларининг сони б-н фарқланади.

П.т.м., асосан, АҚШ ва Ўзбекистонда ишлаб чиқарилади. АҚШда горизонтал шпинделли, Ўзбекистонда вертикал шпинделли машиналар ишлаб чиқарилади. 20-а. 70—80-йилларида интичка толали, уруғлик пахталар учун ХВН, ХВА, ХВБ туркумлари П.т.м. ҳамда 1977 йдан эса пневмомеханик ва тозаланган б-н жиҳозланган МТЗ-80 трактори асосида ХНП-1,8 машиналари ишлаб чиқилди. 1992—94 й. ва ғўза тупида кўп марта ишлов берувчи яни турлари терим аппаратлари б-н жиҳозланган ХС-25 русумли П.т.м. ҳужаликларда ишлатила бошлади. 20-а. 90-йилари ўрталаригача Ўзбекистонда, асосан, вертикал шпинделли машиналардан фойдаланилган. Кейинги йилларда Ўзбекистон пахта майдонларида Америкалда ишлаб чиқарилган горизонтал шпинделли П.т.м. ҳам пайдо бўлди.

«Ўзқишлоқхўжаликмашхоллинг» компанияси (Тошкент) қошида 1997 йдан бошлаб «ЎзКейсмаш» қўшма корхонаси ташкил этилиб, пахтакорларга «Case20022 Cotton Express» русумли 2 қаторли П.т.м.ни етказиб бера бошлади. БМКБ — Агромаш ассоциацияси (Тошкент) қошида «Тошқишлоқмаш» ишлаб чиқариш жамияти ХМГ-04, ХМГ-12 русумли 2 қаторли, горизонтал шпинделли П.т.м.ни ишлаб чиқаради. Улар 90 ва 60 см ли пайкалларда пахтанинг ўртача ва интичка толали навларини теришга мўлжалланган. «2022 Коттон Экспресс» русумли машина эса 2 қаторли, горизонтал шпинделли, ўзиюрар машина бўлиб, 90 ва 100 см ли пайкалларда пахтанинг ўртача навларини теришга мўлжалланган.

Ўзбекистонда П.т.м.ни яратиш ва уларни такомиллаштиришга доир илмий ва амалий ишлар, асосан, Ўзбекистон ФА Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ин-тида олиб борилди. П.т.м. яратиш ва уларни такомиллаштириш ишлари Ўзбекистонда Ҳ. Ҳ. *Усмонхўжаев*, О. В. *Лебедев*, А. Д. *Гушченко*, М. В. Сабликов, Д. М. Шполянский , О. А. Каримов, А. С. Садриддинов, Р. Д. Матчонов, М. Т. Тошболтаев ва б. олимлар, Г. И. Волков, Л. М. Розенблюм, М. Н. Марков ва б. конструкторлар номлари б-н боғлиқ.

Анвар Раҳаев.

ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИ — *енгил саноат*нинг пахтага дастлабки ишлов берувчи тармоғи. Мазкур тармоқ тўқимачилик, ёғ-мой, кимё саноати тармоқларига хом ашё етказиб беради. *Пахта толаси*, *линт* ва *чигит* П.т.с.нинг асосий маҳсулотлари ҳисобланади. Ўзбекистонда дастлабки пахта тозалаш корхонаси Тошкентда 1874 й.да қурилган. Россияда пахта хом ашёсига бўлган талабнинг ортиши б-н Ўзбекистонда П.т.с. тез ривожлантирилди. 1885 йда 9 та, 1890 йда 27 та, 1914 йда 208 та пахта тозалаш з-ди ишлади. Пахтачилик галла экинларини сиқиб чиқара бошлади. Аррали *жин машина*ларда толани ажратиб олиш ва қўлда ҳаракатлантирадиган винтли пресслар-да толани пресслашдан ташқари барча оғир ишлар қўлда бажарилган. 1920-йларда Тошкент механика корхонасида дастлабки жин машиналари, линтерлар ишлаб чиқарила бошланди, пресслар эса Болтиқ з-ди (Ленинграддан келтирилди. Урушгача бўлган даврда жинлар, линтерлар, пресслар, вентиляторларнинг конструкцияси такомиллаштирилди. пахта тозалаш корхоналари ва пахта тайёрлаш масканлари электрлаштирилди. Пахта тозалаш корхоналарининг ўртача мавсумий ишлаш давомийлиги 3 ойдан 11 ойгача узайтирилди. 1940 йда Ўзбекистон П.т.с.да 538 минг т тола, 15,3 минг т линт ва 982 минг т чигит ишлаб чиқарилди.

*Пахта териш машиналари*дан фойдаланиш пахтачиликнинг ривожланишида муҳим босқич бўлди. Тайёрлаш масканларига пахта тўпларини сўриб олди, пахта тозалаш з-дларида эса 1955 йдан қурилиш-тозалаш цехлари қурида бошлади. 1960 й.гача Ўзбекистонда 226 қуритиш-тозалаш цехи ишлади. 1960—65 й.ларда П.т.с.да тайёрланаётган тола сифатини яхшилашга имкон берадиган ОВП ва ОВП-А тола тозалагичлар қўлланилди. 1966—70 й.ларда қуритиш-тозалаш цехларининг технологик жиҳозлари такомиллаштирилди. Тозалаш самарадорлиги 45% гача бўлган кучли 30 ВП тола тозалагич, ЧХ-3М ва 6А-12М русумли такомиллашган пахта тозалагичлар яратилди, РОВ русумли пахта толаси регенератори қўлланилди. Барча тайёрланган пахтани ўз вақтида қайта ишлаш учун 1971—75 й.ларда янги корхоналар, қуритиш-тозалаш ва тозалаш цехларининг қурилишини тезлатиш, уларни янги технологик ускуналар ва механизация воситалари б-н таъминлаш чоралари кўрилди, шунингдек, ишлаб турган корхоналарни реконструкциялаш ишлари бошланди. Корхоналарда юқори унумли қуритгичлар, тола тозалагичлар, пахта тозалагичлар, гидравлик пресс установкалари ишлатилди. 80-йларда самарадорлиги юқори бўлган «Мехнат» пахта тозалагичи, «Пахтакор» тола тозалагичи, РХ пахта регенераторлари яратилди ва ишга туширилди. 1980-йлар пахтани қайта ишлашда қатнашаётган жами асосий технологик жиҳозларни янгилаш даври бўлди. Пахтанинг сифат кўрсаткичларини

тезкорлик б-н аниқлайдиган АСХ-1 ҳам аниқлагич ва ВСХ-1 ҳам аниқлагичлар яратилди ҳамда и.ч.га жорий қилинди. 1980 й.да 1735,6 минг т пахта толаси, 217,6 минг т линт, 2387,2 минг т чигит ишлаб чиқарилди.

П.т.с. бўйича и.т. ишлари 1990 й.гача Тошкент ш.да жойлашган Пахта целлюлозаси кимёси ва технологияси и.т. ин-ти (1959), Марказий пахта тозалаш саноати и.т. ин-ти (ЦНИИХпром; 1926)да олиб борилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг республика П.т.с.нинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни тамомила ўзгарди. П.т.с. маҳсулотлари республиканинг асосий экспорт товарларидан бирига айланди. Илгари пахта толаси экспорти Марказ тасарруфида бўлиб, уни «Экспортлён» ташқи савдо бирлашмаси ва унинг Тошкентдаги идораси амалга ошириб келган. 90-й.лар бошидан республика пахта толаси ва П.т.с.нинг бошқа маҳсулотларини мустақил ҳолда экспорт қилишни бошлади ва ҳоз. даврда 50 дан ортиқ хорижий мамлакатларига экспорт қилади. Соҳага янги техника, технология жалб суръатларда жорий этилмоқда. Хорижий мамлакатларнинг илғор технологиясини ўрганиш ва жорий этиш, тармоқ корхоналарида пахта толаси бўйича жаҳон стандартларига ўтиш учун АҚШ, Швейцария ва б. мамлакатлардаги фирмаларда ишлаб чиқарилган приборлар ва технологияни қўллаш борасида халқаро илмий-техникавий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Туркия ва б. хорижий давлатлар илмий-техникавий ҳамкорликда Фарғона, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистонда пахтани қайта ишлашдан тайёр тўқимачилик маҳсулотлари и.ч.га қадар бўлган жараёнларни қамраб оладиган к-тлар қурилиши бошланди.

Ўзбекистон П.т.с.да 128 та пахта тозалаш корхонаси (з-ди), 511 та пахта қабул қилиш (тайёрлаш) маскани бор (2003). Асосий технологик жараёнларда 298 пахта қуритгич, 1431 тозалаш машиналари, 372 тола ажратиш (жин), 1397 линт ажратиш машиналари, 370 пресслар ўрнатилган. 2000—2003 й.ларда 5 та янги пахта тозалаш корхонаси ишга туширилди, 20 дан ортиқ корхона реконструкция қилинди. Ўзбекистонда пахта тозалаш корхоналарида ягона техник сиёсат олиб бориш вазифаси «Ўзпахтасаноат» уюшмаси зиммасига юклатилган. Республикада 992,8 минг т тола, 70,9 минг т линт, 1544,7 минг т чигит тайёрланади (2003; 2000 й.да тегишлича 995,1; 64,8; 1517,6).

П.т.с. Хитой, АҚШ, Ҳиндистон, Покистон, Туркия, Мексика, Австралия, Миср каби асосий пахта етиштирувчи мамлакатларда айниқса ривожланган.

Воҳид Рақимов

ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИ МАШИНАСОЗЛИГИ — *пахта тозалаш саноатини* машина-техникалар б-н таъминлайдиган оғир машинасозлик тармоғи. Пахта тайёрлаш масканлари, пахта тозалаш з-длари учун технологик қурилмалар (пахтани тайёрлаш, қуритиш, тозалаш, сақланила қўлланиладиган машиналар ва механизмлар), арралари ва жўвали (валикли) жин машиналари, линтерлар, тола тозалагичлар, чигит саралаш ва тозалаш машиналари, транспортёрлар, пахта тарамбузгичлари, пахта узаткичлар, тунель очиш машиналари, пахта тарамларини намоллатиш ва чанг тутиш машиналари, шунингдек, канопни қайта ишлаш машина ва қурилмалари (жами 50) номдан ортиқ маҳсулотлар) ишлаб чиқаради.

Ўзбекистонда П.т.с.м. корхоналари Ўзбекистон машинасозлик корхоналари уюшмаси — *«Ўзмашсаноат»* таркибида жамланган. Тармоқда «Ўзпахтамаш» акциядорлик жамияти (собиқ Тошкент машинасозлик з-ди, 1947), *Андижон «Тожметалл» акциядорлик жамияти* (1970), Самарқанд «Пахтамаш» (1956) ва Каттақўрғон «Пахтамаш» акциядорлик жамиятлари, (1939; 1966 й.дан пахта тозалаш асбоб-ускуналари и.ч.га ихтисослашган), Чустдаги «Озмоспахтамаш» акциядорлик жамияти (1974), Тошкент *«Пахтажин КБ» акциядорлик жамияти* пахта тозалаш ускуналари конструкторлик бюроси (1953) бор.

Ишлаб чиқарилган машина ва механизмлар МДҲ даги пахтакор мамлакатлар ва бир нечта чет мамлакатларга чиқарилади. Тармоқдаги йирик корхона «Ўзпахтамаш» акциядорлик жамияти (Тошкент машинасозлик з-ди) 1947 й.да ишга туширилган. 3-д 1951 й.дан пахта тозалаш саноати учун технологик ускуна-жиҳозлар ва эҳтиёт қисмлар и.ч.га ихтисослаштирилди («Тошпахтамаш-2»). Корхона 2002 й.да «Ўзпахтамаш» номини олди.

Ўзбекистонда 1978 й.да пахтани қайта ишлаш бўйича поток линиялари ишлаб чиқарилди ва пахта тозалаш саноатида жорий қилинди. «Меҳнат» ва РХ-1 тола тозалагич машиналари Загреб (1977), Пловдив (1979) халқаро ярмаркаларининг олтин медалига сазовор бўлган.

ПАХТА ТОЛАСИ — *чигит* қобиғида етиладиган ингичка, узун, силлиқ ва пишиқ табиий тола. Асосан, пахта целлюлозасидан иборат. Пахта тозалаш корхоналарида чигитдан ажратиб олинади. Ип ва тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлашда ишлатилади. П.т.дан, асосан, тўқимачилик саноатида турли ип газлама (сатин, батист, зефир, тур, поплин ва ҳ.к.), трикотаж ва б. ишлаб чиқарилади, ингирилган ип тайёрланади. Ундан авиация, электротехника ва автомобиль саноатида парашют, махсус қистирмалар, изоляция материаллари, транспортёр лентлари, автошиналар, юритма тасмалари ва б. ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, момиқ пахта, тўқилмаган материаллар ва б. олишда ҳам ишлатилади.

Чигит қобиғида ривожланиб борадиган П.т. уруғкуртак пўстилаги бўйига жуда ўсиб кетган ҳужайралар (ҳужайра-тола). Ғузанинг қайси турига мансублигига, ҳужайраларнинг ривожланиш даври ва функцияларига қараб, чигит қобиғи таркибига кирадиган ҳужайраларнинг тузилиши, катта-кичиклиги ҳар хил бўлади. П.т.нинг ички бўшлиғи канал шаклида бўлиб, ҳужайра шираси ва юпқа протоплазма қатла-

Пахта толасининг тузилиши (Қизил ва Мал. бўйича): *1* — мум-пектин қатлами, *2* — биринчи девориинг ташқи қатлами; *3* — биринчи девориинг ички фибрилла қатлами; *4* — товак қатламлар, *5* — фибриллалар дастаси, *6* — алоҳида фибрилла, *7* — иккинчи девор фибрилла дастаси.



Толанинг ривожланиши: *а* — уруғкуртакдаги пўстлоқнинг сиртқи қобиқ ҳужайралари; *б* — шу ҳужайраларнинг гул очилган кундаги кўриниши; *в* — бир суткали туклар; *г* — икки суткали туклар; *д* — беш суткали тола; *е* — ўн суткали тола.

Пахта толасининг типлар бўйича штапель масса-узунлиги ва чизиқли меъёрлари

Кўрсаткич	Пахта толаси типлари								
	1а	1б	1	2	3	4	5	6	7
Штапель масса-узунлиги, мм камида	40,2	39,2	38,2	37,2	35,2	33,2	31,2	30,2	29,2
*Чизиқли зичлик, мекс, кўпи билан	125	135	144	150	165	180	190	200	200 дан ортиқ

ми б-н тўлиб туради. П.т.нинг канали ҳам, толанинг ўзи сингари, ривожланишнинг бошланғич фазаларида шаклан шилиндрга ўхшаган бўлади. Тола етилиб борган сайин, унинг деворлари қалинланади ва бўйига чўзилади, канали эса жуда қисилиб, яссиланган шаклга кириб қолади. Тола каналининг катта-кичиклиги ғузанинг тур ва нав хусусиятларига, шунингдек, агротехника шарт-шароитларига боғлиқ, чунки ғўза парваришни целлюлоза тўпланиб боришига таъсир кўрсатади. Ҳозир экилаётган ғўза навларида ҳар бир чинитда ҳосил бўладиган тола сони 10—15 минг ва ундан ҳам кўпроқ. Ғўзанинг маданий шаклларида тола диаметри унинг ўрта қисмида 15—20 мк атрофида, ёввойи шаклларида 8,3—10,4 мк келади (Н.А. Власова, 1974), тола узунлиги маданий навларда 42 мм гача, айрим турларида, ҳатто, 60 мм га боради. Ғўза навлари ва муҳит шароитларига қараб қўсаклари тола 50—60—80 кунда пишиб етилади.

П.т. таркиби (%): целлюлоза — 90,35—94,6; сув — 7; сувда эрийдиган моддалар — 0,5; инкрустация моддалари — 0,75; ёғ ва мум — 0,4; азот моддалари —0,5; кул — 0,12. Тола девори бир неча қатламли тузилишга эга (расмга қ.). Қалинлиги 1 мк дан кичик бўлган ташқи қатлам биринчи девор ёки кутикула (1—3) дейилади. Кутикула кимёвий таркиби ва тузилиши бўйича асосий целлюлоза деворидан жиддий фарқ қилиб, таркибида (% ҳисобида) целлюлоза —54, оқсил —14, пектин моддалари —9, мум —8, кул —3, кутин —4 бор. Турли саноат навларининг кимёвий таркиби ҳам турлича. Тола таркибида гидрофоб хоссали мум борлиги учун тола яхши ҳўлланмайди. П.т., асосан, шаффоф моддалар (целлюлоза, ёғ, мум) дан ташкил топсада хира бўлади, чунки таркибида ҳар хил майда қўшимчалар бор. Ёруглик биринчи девор сиртидан нотекис қайтиши туфайли тола оқ бўлиб кўринади. Толанинг биринчи нави оқроқ, паст навлари тўқроқ-сариқ ёки жигарранг бўлади.

Тола қуйидаги физик-механик ва технологик (целлюлоза миқдори ва тузилишига боғлиқ ҳолда) хоссаларга эга: чизиқли зичлик, етилганлик, толанинг узилиш кучи ва ҳ.к. Ҳозир қабул қилинган стандартга кўра тола етилганлиги ҳамда ранги ва ташқи кўринишга кўра 5 навга, толанинг штапель масса-узунлиги ёки юқори ўрта узунлиги бўйича 9 типига бўлинади. Ғузанинг узун толали навларидан олинадиган тола 1а, 1б, 1, 2, ва 3 типларга, ўрта толали навлардан олинадиганлари 4—7 типига киради. Пахтани дастлабки ишлов бериш жараёнида тола механик шикастланиши мумкин. Бундан ташқари, толанинг ўз нуқсонлари ҳам бўлади.

Толанинг сифати, намлиги, нуқсонлари ва ифлос аралашмалар миқдори тегишли стандартларга мос бўлиши керак. П.т. тозалаш корхоналарида пресслаб тойланади.

Ад.: Канаш М., Мирхўжаев М., Пахта толаси, 1976; Попова Г.Я., Биология развития хлопкового волокна и его технологические свойства, Т., 1975; Коган М.И., Технический прогресс и качество хлопкового волокна, Т., 1977; Пахта сифатини яхшилаш омиллари, Т., 1977.

Аслиддин Ахмедов.

ПАХТААРНА КАНАЛИ — Қорақалпоғистон Республикасидаги қад. тупроқ ўзанли канал. Уз. 27,6 км, тубининг кенглиги 20—28 м, чуқ. 3,3—4,3 м, канал бўйи дамбасининг кенглиги 2—10 м. Сув ўтказиш қобилияти 80 м³/с. Амударёдан сув олади. Ҳоз. сув олиш иншоотн 1957 й.да барпо этилган шандорли тўсиқлар б-н таъминланган 5 кўзли (ҳар бирининг эни 3 м) темир-бетон тўртбурчак қувурлардан иборат. Туямўйин гидроузели дарвозасидан 30 км (дарёнинг чап соҳилидаги Тошсоқа каналининг бош иншоотидан 1 км) қуйида, қирғоқдан 4,5 км узоқликда жойлашган. Дарёдан сув каналга узатиш ўзани оркали етказиб берилади. Каналдан сув 5 та сув чиқаргич (Бўзёб, Амиробод, Боғёоб ва б.) ва 30 га яқин насослар ёрдамида тақсимлаш каналларига ва ариқларга узатилади.

Амударёнинг Туямўйин гидроузелидан Қоратовгача бўлган ўнг соҳили — Тўрткўл туманида 37,1 минг га, Беруний туманида 7,01 минг га экинзорлар П.к.дан суғорилади.

«ПАХТАБАНК» — Ўзбекистондаги йирик акциядорлик-тижорат банки. 1995 й. 27 июлда «Ўздеҳқонсаноатбанк» негизида ташкил этилган. Бошқаруви Тошкент ш.да. Банк таъсисчилари: «Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компанияси. «П.» кенг тармоқли универсал банклардан бири ҳисобланиб, 13 та вилоят бошқармаси, 183 та туман бўлимлари ва 162 та мини-банклардан иборат. Банк республика қ.х. корхоналарига турли хизматлар кўрсатади. Давлатнинг молиявий агенти сифатида хўжаликларда етиштириладиган пахта, ғалла, шоли маҳсулотлари учун бўнак маблағлари беради, фермер хўжаликларини кредитлар б-н таъминлайди. Шунингдек, банк қ.х. корхоналарини техника б-н таъминлашни давлат томонидан рағбатлантириш фондининг молиявий агенти вазифасини бажаради.

«П.» «Пахта-инвест» бошқарувчи компанияси ва «Пахта-сервис» депозитарийси шўъба корхоналарига эга. Банк 1993 й.дан буён Туркиянинг «Зироатбанки» б-н бирга Ўзбекистондаги биринчи Ўзбекистон-Туркия «ЎТбанк»нинг муассиси. «П.» Осиё-Тинч океани қ.х.ни кредитлаш уюшмаси (АПРАКА) ҳамда Халқаро қишлоқ хўжалиги кредити конференцияси (КИКА)нинг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади.

Банк томонидан берилган жами кредитлар миқдори 91 млрд. сўмни ташкил этди; 84 мингдан зиёд юридик ва 148 минг жисмоний шахсларга хизмат кўрсатади (2003). Устав капитали 12,5 млрд. сўм, жамланма капитали 35 млрд. сўм, валюта баланси 197 млрд. сўм (2003 й. 1 янв.).

Қобилжон Тошматов.

ликларини кредитлар б-н таъминлайди. Шунингдек, банк қ.х. корхоналарини техника б-н таъминлашни давлат томонидан рағбатлантириш фондининг молиявий агенти вазифасини бажаради.

«П.» «Пахта-инвест» бошқарувчи компанияси ва «Пахта-сервис» депозитарийси шўъба корхоналарига эга. Банк 1993 й.дан буён Туркиянинг «Зироатбанки» б-н бирга Ўзбекистондаги биринчи Ўзбекистон-Туркия «ЎТбанк»нинг муассиси. «П.» Осиё-Тинч океани қ.х.ни кредитлаш уюшмаси (АПРАКА) ҳамда Халқаро қишлоқ хўжалиги кредити конференцияси (КИКА)нинг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади.

Банк томонидан берилган жами кредитлар миқдори 91 млрд. сўмни ташкил этди; 84 мингдан зиёд юридик ва 148 минг жисмоний шахсларга хизмат кўрсатади (2003). Устав капитали 12,5 млрд. сўм, жамланма капитали 35 млрд. сўм, валюта баланси 197 млрд. сўм (2003 й. 1 янв.).

Қобилжон Тошпатов.

ПАХТАГУЛ — ислимий нақш тури; амалий безак санъатида очилган пахта чаноғини услублаштириб яратилади. Пёки пахта ислимий деб аталади. Ама-

Пахтагул.

лий санъатнинг деярли барча турлари (каштадўзлик, чиннисозлик, кулолчилик, кандакорлик, ганч ўймакорлиги ва б.)да кенг тарқалган.

«ПАХТАЖИН КБ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — пахта хом ашёси, жун ва бўғдойни дастлабки қайта ишлаш мажмуаларини ва ускуналарини лойиҳалаш ва ч.к. бўйича конструкторлик бюроси. «Ўзмашсаноат» уюшмаси таркибида. 1953—94 йилларда пахта тозалаш бўйича Тошкент Давлат махсус конструкторлик бюроси, 1994—2001 йилларда пахта тозалаш бўйича махсус конструкторлик бюроси деб номланган. 2003 йдан ҳоз. номда. Тошкент ш.да жойлашган. Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги Шўралисой посёлкасида синов базаси бор. Корхона иссиқлик генераторлари, пахтани қуритиш, тозалаш, жинлаш ва линтерлаш, тола, линт, чигит, галла, жун тозалаш машиналари, толани чиқиндиларини тозалагичлар, ғурутлик тайёрлаш машиналари, ташиш (экскаваторлар, конвейерлар), чангтозалаш ва ёрламчи жиҳозлар, редукторлар ишлаб чиқаради. Корхона ўз маҳсулотларини Болгария, Афғонистон, Греция ва б. мамлакатларга экспорт қилади.

1953 йдан пахта тозалаш саноатини техника б-н қайта қуроллантириш вазифаларини ҳал этиш учун ташкил этилган. Собиқ СССРда *пахта тозалаш саноати* учун машиналар ва механизмлар яратиш бўйича ягона конструкторлик бюроси бўлган. 50 йил давомида КБ да 300 дан ортиқ турдаги янги техника намуналари яратилди. Пахтани қоп-қаноссиз ташишдан бошлаб, уни дастлабки қайта ишлаш — тола ажратиш поток линиялари яратилди. Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги бош-қа пахтакор республикалардаги барча пахта з-длари КБ да яратилган машина-механизмлар б-н жиҳозланган.

«Меҳнат» пахта тозалагичи, «Зафар» ва «Пахтакор» тола тозалагичлари, «Гайрат» аррали жин машиналари Пловдив, Загреб, Москва, Қоҳира, Салоники, Теҳрон халқаро кўргазмаларида намойиш этилган ва олтин, кумуш медаллар совриндори бўлган. КБ муҳандис-конструкторларидан 5 кишига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи, 5 кишига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган муҳандис унвони берилган. Ўзбекистон халқ хўжалиги ихтисосларини ҳисобга олган ҳолда КБ да кенгини ишлаб пахта тозалаш саноати учун янги техника тавсияларини ишлаб чиқиш ва *ёт-лаш саноати* учун битер-сепараторлар, шунингдек, жун ювиш жиҳозлари, дон тозалагич, пахта линтидан целлюлоза олиш комплекси учун жиҳозлар ва б. техника воситалари яратилди.

Виктор Ефимович

«ПАХТАКОР» — Ўзбекистоннинг етакчи футбол жамоаси. 1956 й. ташкил этилган. СССР чемпионатининг олий лигасида (1964, 1972, 1976—77, 1985—90 йилларда 1-лигада) қатнашган ва 1962, 1982 йилларда 6-ўринни эгаллаган. СССР Кубоги мусобақаларининг финалчиси (1968). «П.» жамоаси 1979 й. авиақалокатига учраган (жамоанинг 17 аъзоси ҳалок бўлган). Улар хотирасига аньанавий «Пахтакор—79» турнири ўтказилади.

«П.» 1992 йдан Ўзбекистон биринчилигида қатнашади. 3 марта мамлакат чемпиони (1992, 1998, 2002), 5 марта Ўзбекистон кубогини қўлга киритди. Осиё чемпионлар лигасида 4-ўринни эгаллади (2003). Жамоанинг турли йилларда машҳур футболчилари А.*Азизхўжаев*, Б. *Абдурахимов*, Г. *Красницкий*, А. Якубик, Ҳ. Раҳматуллаев, Ю. Пшеничников, И. Тазетдинов, М. *Фёдоров*, М. *Ан*, М. *Қосимов* каби футбол усталарининг номи б-н боғлиқ. Жамоа Тошкентдаги уйинларини, асосан, «*Пахтакор*» стадионида, ўқув машғулотларини Қибрай базаси (катта ва кичик стадион, қишки ёпиқ манежда ўтказади.

«ПАХТАКОР» — Тошкентдаги марказий стадион. Ўзбекистондаги йирик спорт мажмуаларидан. 1953—57 йилар барпо этилган (меъморлари М.Булатов, Л.Караш). П. тарҳи овал шаклда (умумий майд. 19,5 га), 55000 томошабинга мўлжалланган. Ўриндиқлар қатори 48 та трибуна секторидан иборат, ҳар бир сектори 26 ярусни ташкил қилади, унда 2060 дан 2260 гача ўринлиқ бор. Ўринлиқларининг умумий сғ. 25 км дан ошади. Ит.д 4 томон (Навоий, Абай, Ўзбекистон кўчаларидан кириш мумкин).

Стадионни лойиҳалашда халқаро мусобақалар ўтказишни ҳисобга олинган. Спорт ареносидаги футбол майдони ўлчами 105×70 м, майдонга махсус ўсимлик (жилғон) ўтқазилган. Югуриш йўлкаси сғ. 400 м. Радиошиттириш ва ёритиш асбоблари б-н жиҳозланган. Ҳоким трибуна, ҳакам ўринлиғи ва камера трибуна таркибида. Унинг жанубида 3—4 қават баландликда спорт павильони бўлиб, унда гимнастика зали, меҳмонхона, буфет, душ, массаж ва б. хоналар бор. Павильон ҳовли орқали арена б-н боғланган. 1995 й.да футбол майдони Германия стандартлари бўйича таъмирланиб, остига иситкичлар ўрнатилди, ўринлиқлар янгиланди. П. яқинида метрошти «Алишер Навоий». «Пахтакор-ст»ялари жойлашган.

«ПАХТАКОР» — ўртачилар серҳосил нок нави. Р.Р.Шрелер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик и.т. ин-тида Кулала ва Любимица Клапа навларини чатиштириш йўли б-н яратилган (С.К.Шарипов). Тупи пирамида шаклида ўсади. Бал. 6,5, кенглиги 5,5 м. Меваси ирик, думалоқ-юксимон, ўртача вазни 250—300 г. Етилганда пусти оч сариқ, кенги қизғори рангда бўлади, қуёшга қараган томонлари қизғиш тус олади, ўта серсув ва ширин, хушбуй, июлнинг 1-ўн кунлигида пишади. Ўзбекистоннинг барча вилоятлари учун р-лаштирилган.

ПАХТАКОР — Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги шаҳар (1974 йдан). Туман маркази. Вилоят маркази (Жиззахдан 28 км. Т.й. станцияси. Аҳолиси 19,4 минг киши (2003), асосан, ўзбеклар, шунингдек, қозоқ, қирғиз, рус, украин ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Жан. Мирзачўл каналидан сув олади. П.да туман ҳокимияти биноси, пахта тозалаш з-ди, маъмурий муас-

«Пахтакор» стадиони.

саслар ва қурилиш ташкилотлари, автокорхона, қишлоқ корхона ва хусусий фирмалар, банклар, умумий таълим мактаблари, интернат-мактаб, лицей, касб-ҳунар коллежи бор. Ўзбек номидаги маданият саройи, маданият ва истироҳат боғи, марказий кутубхона, болалар спорт мажмуаси, марказий стадион, болалар спорт мактаби, бокс ва қураш мактаби, ёпиқ сузиш ҳавзаси ишлаб турибди. Марказий касалхона, поликлиника, болалар поликлиникаси аҳолига хизмат кўрсатади.

ПАХТАКОР ТУМАНИ — *Жиззах вилояти* таркибидаги туман. 1967 й. 9 январда Мирзачўл жан.-ғарбидаги ўзлаштирилган ерлар ҳисобига ташкил этилган. 1974 й. Жиззах вилояти ташкил этилиши муносабати б-н унинг вилоят таркибига ўтказилган. Ғарбда Ҳафарбоғ ва Арнасой, шимл. Дўстлик, шарқда Сирдарё вилояти Шароф Рашидов туманлари ва вилоятнинг ҳарбий, жан.да Жиззах туманлари б-н чегарадош. Майд. 0,38 минг км². Аҳолиси 57,9 минг киши (2003). П.да 1 шаҳар (Пахтакор), 7 қишлоқ фуқаролари йиғини (Акмал Икромов, Мингчинор, Олмазор, Оқбўлоқ, Пахтакор, Самарқанд, Чаманзор) бор. Маркази — Пахтакор ш.

Табиати. Туман ҳудуди Мирзачўлнинг ғарбида жойлашган. Рельефи, асосан, текислик (ўртача бал. 295 м). Ер ости сувлари юза ва шўр ҳамда шўртоб. Туман ҳудулидан Жан. Мирзачўл кана-

ли ўтган. Оқова шўр сувларни чиқариб юборишни учун зовурлар қазилган. Иқлими кескин континентал. Июлнинг ўртача т-раси 30—35°, энг юқори т-ра 40°, январники —4°. Йиллик ёғин 280—300 мм. Вегетация даври 205—210 кун. Тупроқлари, асосан, бўз, оч бўз, шўрхок тупроқлар. Ёввойи ўсимликлардан яшоқ, шўра, шувоқ, кунгирбош, қиёқ, қамиш, қоғуш, оқбош, тумай, печак, итузум, тол, жингил, терак ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан тулки, чиябўри, қўён, каламуш, илон, калтакесак; қушлардан ўрдак, тустовуқ, қирғовул, калхат, қаптар, чўтурчиқ, қарға, сўфитўрғай, майна ва б. бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар (88%), шунингдек, қозоқ, рус, украин ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 152 киши тўғри келади. Шаҳарликлар 19,4 минг киши, қишлоқ аҳолиси 38,5 минг киши.

Хўжалиги. Туман хўжалиги, асосан, қ.ҳ.га ихтисослашган. Саноат, транспорт, алоқа корхоналари бор. Ширкат хўжаликлари пахтачилик, галлачилик, сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Туманда Ўзбекистон—Польша «Ўзполтекс» қўшма корхонаси, 140 та ишқий қичик корхона ва хусусий фирмалар, акциядорлик жамиятлари, 2 пахта тозалаш з-ди, қ.ҳ. техникасини таъмирлаш корхонаси, Пахтакор ш. бозори мавжуд. Қ.ҳ.нинг етакчи тармоқлари — пахтачилик, галлачилик. Суғориладиган ерлар 26,5 минг га дан иборат, шу жумладан, 12,8 минг га ерга пахта, 11,1 минг га ерга галла, 2,6 минг га ерга бошқа экинлар экилади. 12 ширкат, 965 фермер хўжаликлари бор. Туман ширкат ва шахсий хўжаликларида 15,2 минтга яқин қорамол, 11,4 мингдан зиёд қўй ва эчки, 275 йилқи боқилади (1999). П.т.да 20 умумий таълим мактаби (13,2 минг ўқувчи), шу жумладан, интернат-мактаб, бокс ва қураш мактаби, болалар спорт мактаби, лицей, касб-ҳунар коллежи, маданият ва истироҳат боғи, бадиий ҳаваскорлик, фольклор-этнографик ансамбллари ишлаб турибди. Марказий стадион, болалар спорт мажмуаси, ёпиқ сузиш ҳавзаси, шаҳардаги ҳар бир маҳаллада спорт мажмуалари фаолият кўрсатади. Марказий касалхона (280 ўрин), катталар ва болалар поликлиникалари, 5 қишлоқ врачлик пункти ва б. тиббий муассасалар бор.

П. — Жиззах, П. — Тошкент, П. — Гулистон, П. — Самарқанд йўналишларига йўлга қўйилган.

1969 йдан «Пахтакор» газ. чиқади (1999 йда адади 1 минг).

ПАХТАОБОД — Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги шаҳар (1975 й. гача Кўкон қишлоқ шаҳарчаси). Туман маркази. Вилоят маркази (Андижон ш.)дан 44 км, яқин т.й. станцияси — Тентаксой (1 км). Аҳолиси 23,2 минг киши (2003).

П.да туман ҳокимияти биноси, давлат, маъмурий, қурилиш ташкилотлари, автокорхона, нон маҳсулотлари н.ч. корхонаси, 5 умумий таълим мактаби, касб-ҳунар коллежи, мусиқа, спорт мактаблари, стадион, кутубхона, клублар, маданият ва истироҳат боғи, музей, касалхона, поликлиника, дорихона, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор.

П. — Андижон йўналишида автобуслар қатнайди.

ПАХТАОБОД — Сирдарё вилояти Шароф Рашидов туманидаги шаҳарча (1984 йдан). Туман маркази. Вилоят маркази (Гулистон ш.)дан 95 км, яқин т.й. станцияси — Пахтакор (25 км). Аҳолиси 12,2 минг киши (2000).

П.да туман ҳокимияти биноси, маъмурий муассасалар, қурилиш ташкилотлари, автокорхона, алоқа бўлими, умумий таълим мактаблари, мусиқа мактаби, касб-ҳунар коллежи, марказий кутубхона, маданият уйлари, маданият ва истироҳат боғи, стадион, марказий касалхона, поликлиника, дорихона, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. П. — Гулистон йўналишида автобуслар қатнайди.

ПАХТАОБОД ТУМАНИ — *Андижон вилоятидаги* туман. 1926 й. 29 сентд.да ташкил қилинган. 1962 й. 24 декд.да Избоскан тумани б-н бирлаштирилган. 1970 й. 7 декд.да яна янгидан ташкил қилинган. Шим. ва шим.-шарқдан Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилояти, ғарбдан Избоскан, жан.дан Андижон, шарқда (58 км масофада) Қирғизистон Республикаси ва Жалолқудуқ туманлари б-н чегарадош. Майд. 0,29 минг км². Аҳолиси 137,9 минг киши (2003). Туманда 1 шаҳар (Пахтаобод), 5 қишлоқ фуқаролари йиғини (Бўстон, Иттифоқ, Маданият, Пахтакор, Уйғур) бор. Маркази — Пахтаобод ш.

Табиати. Туман ҳудуди вилоятнинг шим.да, Норин ва Қорадарё воҳасидаги ясси текисликда жойлашган. Рельефи ғарбдан шарққа баландлаша боради. Ўртача бал. 260 м. Тупроқлари, асосан, бўз тупроқ. Дарё бўйларида ўтлоқи бўз тупроқ, ботқоқ-ўтлоқи ва ботқоқ тупроқлар тарқалган. Адирлар эфемер ва эфемероидлар, ҳашак ерларда қамиш, қўға, қиёқ ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан қизилқўйруқ, қумсичқон, жайра, қўшоёқ, кўрсичқон, қўён,

ПАХТАГУЛ — ишлимий нақш тури; амалий безак санъатида очилган пахта чаногини услублаштириб яратилади. П. ёки пахта ишлимий деб аталади. Ама-

Пахтагул.

лий санъатнинг деярли барча турлари (кашталўзлик, чинисозлик, кулолчилик, кандакорлик, ганч ўймакорлиги ва б.)да кенг тарқалган.

«ПАХТАЖИН КБ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — пахта хом ашёси, жун ва бутлойни дастлабки қайта ишлаш мажмуаларини лойиҳалаш ва и.ч. бўйича конструкторлик бюроси. «Ўзмашсаноат» уюшмаси таркибида. 1953—94 йилларда пахта тозалаш бўйича Тошкент Давлат махсус конструкторлик бюроси, 1994—2001 йилларда пахта тозалаш бўйича махсус конструкторлик бюроси деб номланган. 2003 йдан ҳоз. номда. Тошкент шаҳрида жойлашган. Тошкент вилояти Янгиюл туманидаги Шўралисой посёлкасида синов базаси бор. Корхона иссиқлик генераторлари, пахтани қуритиш, тозалаш, жинлаш ва линтерлаш, толалинт, чигит, галла, жун тозалаш машиналари, толали чиқиндиларни тозалагичлар, уруғлик тайёрлаш машиналари, ташиш (экскаваторлар, конвейерлар), чангтозалаш ва ёрдамчи жиҳозлар, редукторлар ишлаб чиқаради. Корхона ўз маҳсулотларини Болгария, Афғонистон, Греция ва б. мамлакатларга экспорт қилади.

1953 йдан пахта тозалаш саноатини техника б-н қайта қуроллантириш вазифаларини ҳал этиш учун ташкил этилган. Собиқ СССРда *пахта тозалаш саноати* учун машиналар ва механизмлар яратиш бўйича ягона конструкторлик бюроси бўлган. 50 йил давомида КБ да 300 дан ортиқ турдаги янги техника намуналари яратилди. Пахтани қоп-қаноргсиз ташишдан бошлаб, уни дастлабки қайта ишлаш — тола ажратиш поток линиялари яратилди. Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги бош-қа пахтакор республикалардаги барча пахта з-длари КБ да яратилган машина-механизмлар б-н жиҳозланган.

«Меҳнат» пахта тозалагичи, «Зафар» ва «Пахтакор» тола тозалагичлари, «Ғайрат» аррали жин машиналари Пловдив, Загреб, Москва, Қоҳира, Салоники, Теҳрон халқаро кўргазмаларида намойиш этилган ва олтин, кумуш медаллар совриндори бўлган. КБ муҳандис-конструкторларидан 5 кишига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи, 5 кишига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган муҳандис унвони берилган. Ўзбекистон халқ хўжалиги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда КБ да кейинги йилларда пахта тозалаш саноати учун янги техника тайёрланган ташқари *ег-мой саноати* учун битер-сепараторлар, шунинлек, жун тозалаш жиҳозлари, дон тозалагич, пахта линтидан целлюлоза олиш комплекси учун жиҳозлар ва б. техника воситалари яратилди.

Виктор Семенов

«ПАХТАКОР» — Ўзбекистоннинг етакчи футбол жамоаси. 1956 й. ташкил этилган. СССР чемпионатининг олий лигасида (1964, 1972, 1976—77, 1985—90 йилларда 1-лигада) қатнашган ва 1962, 1982 йилларда 6-ўринни эгаллаган. СССР Кубоги мусобақаларининг финалчиси (1968). «П.» жамоаси 1979 й. авиахалокатига учраган (жамоанинг 17 аъзоси фожиали ҳалок бўлган). Улар хотирасига аталганлиги «Пахтакор—79» турнири ўтказилади.

«П.» 1992 йдан Ўзбекистон биринчилигида қатнашади. 3 марта мамлакат чемпиони (1992, 1998, 2002), 5 марта Ўзбекистон кубогини қўлга киритди. Осиё чемпионлар лигасида 4-ўринни эгаллади (2003). Жамоанинг турли йиллардаги муваффақиятлари *А.Гишкужаев*, Б. *Абдурахимов*, Г. *Красницкий*, А. Якубик, Ҳ. Раҳматуллаев, Ю. Пшеничников, И. Тазетдинов, М. *Фёдоров*, М. *Ан*, М. *Қосимов* каби футбол усталарининг номи б-н боғлиқ. Жамоа Тошкентдаги ўйинларини, асосан, «*Пахтакор*» стадионида, ўқув машғулотларини Қибрай базаси (катта ва кичик стадион, қишки ёпиқ манежда ўтказади.

«ПАХТАКОР» — Тошкентдаги марказий стадион. Ўзбекистондаги йирик спорт мажмуаларидан. 1953—57 йлар бирпо этилган (меъморлари М.Булатов, Л.Караш). П. тарҳи овал шаклда (умумий майд. 19,5 га), 55000 томошабинга мўлжалланган. Ўринлиқлар қатори 48 та трибуна секторидан иборат, ҳар бир сектори 26 яруси ташкил қилади, унда 2060 дан 2260 тача ўринлиқ бор. Ўринлиқларнинг умумий уз. 28 км дан ошади. П.да 4 томон «Навоий», Абай, Ўзбекистон кўчаларидан кириш мумкин.

Стадионни жаҳондаги халқаро мусобақалар ўтказилиши ҳисобига олинган. Спорт аренасидаги футбол майдони ҳажми 105×70 м, майдонга махсус ўсимлик экилган. Ёруғлик нурлари уз 400 лк. Радиоэшиттириш ва ёритиш асбоблари б-н жиҳозланган хона тарбуна трибунада жойлашган. Ҳакам ўрнидаги ва камера трибуна таркибида. Унинг жанд 3—4 қават баландликда спорт павильони ўсиб, унда гимнастика зали, меҳмонхона, буфет, душ, массаж ва б. хоналар бор. Павильон ҳовли орқали арена б-н боғланган. 1995 йда футбол майдони Германия стандартлари бўйича таъмирланиб, остига иситкичлар ўрнатилди, ўринлиқлар янгиланди. П. яқинида метронинг «Алишер Навоий», «Пахтакор» ст-ялари жойлашган.

«ПАХТАКОР» — ўртанинлар серҳосил нок нави. Р.Р.Шредер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик и.т. ин-тида Кулаева ва Любимина Клапна навларини чатиштириш йули б-н яратилган (С.К.Шарипова). Тупи пирамида шаклида ўсади. Бал. 6,5, кенглиги 5,5 м. Меваси ирик, думалоқ-юксимон, ўртача вазни 250—300 г. Етилганда пусти оч сариқ, кенни тантори рангда бўлади, қуёшга қараган томонлари қизғиш тус олади, ўта сершув ва ширин, ҳушбўй, пишнинг 1-ун кунлигида пишади. Ўзбекистоннинг барча вилоятлари учун р-нлаштирилган.

ПАХТАКОР — Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги шаҳар (1974 й.дан). Туман маркази. Вилоят маркази (Жиззахдан 28 км. Т.й. станцияси. Аҳолиси 19,4 минг кишн (2003), асосан, ўзбеклар, шунингдек, қозоқ, қиргиз, рус, украин ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Жан. Мирзачўл каналидан сув олади. П.да туман ҳокимияти биноси, пахта тозалаш з-ди, маъмурий муас-

«Пахтакор» стадиони.

саслар ва қурилиш ташкилотлари, автокорхона, қишлоқ корхона ва хусусий фирмалар, бозор, умумий таълим мактаблари, интернат мактаб, лицей, касб-ҳунар коллежи бор. Улуғбек номидаги маданият саройи, маданият ва истироҳат боғи, марказий кутубхона, болалар спорт мажмуаси, марказий стадион, болалар спорт мактаби, бокс ва кураш мактаби, сиғиқ сузиш ҳавзаси ишлаб турибди. Марказий касалхона, поликлиникаси, болалар поликлиникаси аҳолига хизмат кўрсатади.

ПАХТАКОР ТУМАНИ — *Жиззах вилояти* таркибидаги туман. 1967 й. 9 январда Мирзачўл жан.-ғарбидаги ўзлаштирилган ерлар негизида Сирдарё вилояти таркибида ташкил этилган. 1974 й. Жиззах вилояти ташкил этилиши муносабати б-н ушбу вилоят таркибига ўтказилган. Ғарбда Ҳафаробод ва Арнасой, шимл. Ўртачи, шарқда Сирдарё вилояти Шароф Рашидов туманлари ва вилоятнинг Ҳарбўлор, жан.да Жиззах туманлари б-н чегараланн. Майд. 0,38 минг км². Аҳолиси 57,9 минг кишн (2003). П.да 1 шаҳар (Пахтакор), 7 қишлоқ фуқаролари йиғини (Акмал Икромов, Мингчинор, Олмазор, Оқбўлоқ, Пахтакор, Самарқанд, Чаманзор) бор. Марказ — Пахтакор ш.

Табиати. Туман ҳудуди Мирзачўлнинг тарбида жойлашган. Рельефи, асосан, текислик (ўртача бал. 295 м). Ер ости сувлари юза ва шўр ҳамда шўртоб. Туман ҳудулидан Жан. Мирзачўл кана-

ли ўтган. Оқова шўр сувларни чиқариб юбориш учун коллектор қазилган. Иқлими кескин континентал. Июлнинг ўртача т-раси 30—35°, энг юқори т-ра 40°, январники —4°. Йиллик ёғин 280—300 мм. Вегетация даври 205—210 кун. Тупроқлари, асосан, бўз, оч бўз, шўрхок тупроқлар. Ёввойи ўсимликлардан янтоқ, шўра, шувоқ, қизилбошн, қиёқ, қамиш, жингил, оқбош, гумай, печак, итузум, тол, жийда, терак ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан тулки, чиябўри, қуён, каламуш, илон, калтакесак; қушлардан ўрдак, тустовуқ, қирғовул, калхат, кайлар, чутурчик, қарға, сўфитўргай, майна ва б. бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар (88%), шунингдек, қозоқ, рус, украин ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 152 кишн тўғри келади. Шаҳарликлар 19,4 минг кишн, қишлоқ аҳолиси 38,5 минг кишн.

Хўжалиги. Туман хўжалиги, асосан, қ.хда ихтисослашган. Саноат, транспорт, алоқа корхоналари бор. Ширкат хўжаликлари пахтачилик, галлачилик, сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Туманда Ўзбекистон—Польша «Ўзполтекс» қўшма корхонаси, 140 га яқин кичик корхона ва хусусий фирмалар, акциядорлик жамиятлари, 2 пахта тозалаш з-ди, қ.х. техникасини таъмирлаш корхонаси, Пахтакор ш. ғаъмирлаш корхонаси, Пахтакор ш. бозорн мавжуд. Қ.хнинг етакчи тармоғи — пахтачилик, галлачилик, моқлари — пахтачилик, галлачилик. Суториладиган ерлар 26,5 минг га дан зиёд, шу жумладан, 12,8 минг га ерга пахта, 11,1 минг га ерга галла, 2,6 минг га ерга бошқа экилдн экилади. 12 ширкат, 965 фермер хўжаликлари бор. Туман ширкат ва шахсий хўжаликларида 15,2 минга яқин қорамол, 11,4 мингдан зиёд қўй ва эчки, 275 йилқи боқилади (1999). П.т.да 20 умумий таълим мактаби (13,2 минг ўқувчи), шу жумладан, интернат-мактаб, бокс ва кураш мактаби, болалар спорт мактаби, лицей, касб-ҳунар коллежи, маданият ва истироҳат боғи, болалар ҳаваскорлик, фольклор-этнографик ансамбллари ишлаб турибди. Марказий стадион, болалар спорт мажмуаси, сиғиқ сузиш ҳавзаси, шаҳардаги ҳар бир маҳаллада спорт мажмуалари фаолият кўрсатади. Марказий касалхона (280 ўрин), катталар ва болалар поликлиникалари, 5 қишлоқ врачлик пункти ва б. тиббий муассасалар бор.

П. — Жиззах, П. — Тошкент, П. — Гулистон, П. — Самарқанд йўналишларн бўйича автобус қатнови йўлга қўйилган.

1969 йдан «Пахтакор» газ. чиқади (1999 йда адади 1 минг).

ПАХТАОБОД — Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги шаҳар (1975 й. гача Кўкон қишлоқ шаҳарчаси). Туман маркази. Вилоят маркази (Андижон ш.)дан 44 км, яқин т.й. станцияси—Тентаксой (1 км). Аҳолиси 23,2 минг кишн (2003).

П.да туман ҳокимияти биноси, давлат, маъмурий, қурилиш ташкилотлари, автокорхона, нон маҳсулотлари и.ч. корхонаси, 5 умумий таълим мактаби, касб-ҳунар коллежи, мусиқа, спорт мактаблари, стадион, кутубхона, клублар, маданият ва истироҳат боғи, музей, касалхона, поликлиника, дорихона, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор.

П. — Андижон йўналишида автобуслар қатнайди.

ПАХТАОБОД — Сирдарё вилояти Шароф Рашидов туманидаги шаҳарча (1984 й.дан). Туман маркази. Вилоят маркази (Гулистон ш.) дан 95 км, яқин т.й. станцияси — Пахтакор (25 км). Аҳолиси 12,2 минг кишн (2000).

П.да туман ҳокимияти биноси, маъмурий муассасалар, қурилиш ташкилотлари, автокорхона, алоқа бўлими, умумий таълим мактаблари, мусиқа мактаби, касб-ҳунар коллежи, марказий кутубхона, маданият уйлари, маданият ва истироҳат боғи, стадион, марказий касалхона, поликлиника, дорихона, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. П. — Гулистон йўналишида автобуслар қатнайди.

ПАХТАОБОД ТУМАНИ — *Андижон вилоятидаги* туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил қилинган. 1962 й. 24 декда Избоскан тумани б-н бирлаштирилган. 1970 й. 7 декда яна янгидан ташкил қилинган. Шим. ва шим.-шарқдан Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилояти, ғарбдан Избоскан, жан.дан Андижон, шарқда (58 км масофада) Қирғизистон Республикаси ва Жалолқудуқ туманлари б-н чегаралош. Майд. 0,29 минг км². Аҳолиси 137,9 минг кишн (2003). Туманда 1 шаҳар (Пахтаобод), 5 қишлоқ фуқаролари йиғини (Бўстон, Иттифоқ, Маданият, Пахтакор, Уйгур) бор. Маркази — Пахтаобод ш.

Табиати. Туман ҳудуди вилоятнинг шим.да, Норин ва Қораларё воҳасидаги ясси текисликда жойлашган. Рельефи ғарбдан шарққа баландлаша боради. Ўртача бал. 260 м. Тупроқлари, асосан, бўз тупроқ. Дарё бўйларида ўтлоқи бўз тупроқ, ботқоқ-ўтлоқи ва ботқоқ гупроқлар тарқалган. Адирлар эфемер ва эфемероидлар, заҳкаш ерларда қамиш, қўға, қиёқ ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан қизилқўйруқ, қумсичқон, жайра, қўшоёқ, кўрсичқон, қуён,

Пахтаобод тумани «Ҳақиқат» ширкат хўжалигида 2-жаҳон урушида ҳалок бўлганларга бағишланган ёдгорлик.

бўри, тулки, қобон, бўрсиқ, калтакесак, илон ва б. қушлардан чумчуқ, чугурчиқ, сўфитўрғайлар бор. Туман ҳудуди орқали Қоладарё, Тентаксой, Мойлисой оқиб ўтади. Дарё ва сой қирғоқларининг айрим жойлари ҳарсанг тошлар б-н мустаҳкамланган. Қ.х. экинлари Қоладарё, Мойлисойдан суғорилади. «Дўстлик» ва «Олмайдон» насос ст-ялари қурилганлан кейин Норин дарёсидан ҳам сув олинадиган бўлди. Иқлими кескин континентал. Я-в.нинг ўртача т-раси —3,5°, июлники 26,7°. Энг паст т-ра —26°, энг юқори т-ра 42°. Вегетация даври 217 кун. Йиллик ўртача ёғин 300—400 мм. Ёғин, асосан, қишда ва баҳорда ёғади.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, уйғур, қирғиз, тожик, татар, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 475 киши. Шаҳарликлар 23,2 минг киши, қишлоқ аҳолиси 114,7 минг киши.

Хўжалиги. Туманда етакчи тармоқ қ.х. ҳисобланади. Пахтачилик, галлачилик, сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланилади. П.тда пахта тозалаш э-ди, «Интернейшнл» корхонаси, пойабзал ф-каси:, темир-бетон маҳсулотлари и.ч. корхонаси, 20 акциядорлик жамияти, 14 жамоа, 71 кичик, 1099 хусусий корхона, 4 қурилиш ташкилоти, автокорхона, 953 савдо, 561 маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. П.тда 13 ширкат, 406 фермер хўжалиги бор. Тумандаги жами экин майдони 17,4 мин га, шу жумладан, 8,2 мин га ерга пахта, 6,8 минг га ерга дон, 280 га ерга картошка, 820 га ерга сабзавот жиладн. 996 га ер мевазор, 92 га ер токзор б-н банд (2003).

Туман жамоа ва пахсир хўжаликларида 25,4 мингдан иёд қорамол (шу жумладан, 13 мингдан иёд сигир), 18 минтта яқин қўй ва эчки, 89,7 минтта яқин парранда боқилади (2003).

П.тдаги 41 умумий таълим мактаби, 1 лицей, 1 гимназияда 35 мингдан зиёд ўқувчи таълим олади, 3 спорт, 1 мусиқа мактаблари, 2 касб-ҳунар колледжи фаолият кўрсатади. 44 кутубхона (278540 китоб), 10 клуб, 4 маданият ва истироҳат боғи, Ўзбекистон халқ шоири *Ҳабибий* уй-музейи, стадион бор. Туманда 2 касалхона (600 ўрин), поликлиника, 21 қишлоқ врачлик пункти, дорихоналар ва б. тиббий муассасалар ишлаб турибди. Андижон — Тентаксой т.й. мавжуд. Туман ўртасидан Андижон — Жалолобод, Ўш — Бишкек автомагистрал йўллари ўтган. Ховсконота, Қўқтўнликота, Қилич Иброҳим, Хўжа Тақсимота зиёратгоҳлари мавжуд. Туман «Давр садоси» газ.си 1935 й.дан чиқади.

«ПАХТАСАНОАТИЛМ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ — *пахта тозалаш саноати* тармоғида Марказий Осиёда етакчи илмий-методик марказ. 1998 й.да Марказий пахта тозалаш саноати илмий тадқиқот ин-ти (ЦНИИХ пром., 1926 й.) негизида очиқ акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилган.

Муассаса республика пахта тозалаш саноатида техника тараққиётининг асосий йўналишларини белгилайди, узоқ муддатли илмий-техника дастурини ишлаб чиқади, пахта тозалаш саноати соҳасидаги и.т. ва тажриба-конструкторлик ишларини мувофиқлаштиради, пахтани қайта ишлаш бўйича и.тлар олиб боради, янги агрегатлар, жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган сифатли тола и.ч.ни таъминлайдиган машиналар ва ускуналар яратилади ҳамда уларни такомиллаштирилади, тармоқнинг иқтисодий-техникавий, меъёрий ва б. илмий-техник ҳужжатларини тайёрлайди. Унинг таркибида 7 та илмий лаб. (пахта хом ашёсини қуритиш ва тозалаш, аэродинамика, чангсизлантириш ва автоматлаштириш, линтерлаш ва жували жинлаш, ўруғлик чигит тайёрлаш, пахта хом ашёси муаммолари; пахта тозалаш саноати иқтисодиёти), 2 та бўлим (стандартлаштириш ва метрология; илмий-техник ва патент ахборотн), янги техника ва технологияларни пахта тозалаш корхоналарида жорий этиш бўйича бошқарма, шунингдек, такомиллаштирилган технологик жараёнларни ҳамда яратилган янги ускуналарни синовдан ўтказиш ва жорий қилишга мўлжалланган 5 та (Бектемир, Анвар, Баҳодир, Қушқунир, Асака-2) тажриба-экспериментал пахта тозалаш корхоналари ҳамда экспериментал-механика «РИМ устаноаси» корхонаси мавжуд.

1991—2002 й.ларда юқори самарали пахтани қуритиш қурилмалари, пахта тозалаш агрегатлари, аррали жинлар, тола тозалагичлар, ўруғлик чигит тайёрлаш ускуналари, чангсизлантириш қурилмалари ва б. муҳим ихтиролар амалга оширилди.

Марказ фаолияти А.Н.*Нуралаев*, Н.Б.Соркин, П.В.Байдюк, Ҳ.А.Каримов, С.Н.Нусратов, О.А.Акрамов, Э.Т.Мақсудов, И.К.Ҳафизов, Р.М. Каттахўжаев, А.Г.Шайдуллин, В.Е.Устюгин, У.Х.Азизхўжаев, М.Т.Ҳожиев, С.А.Саидахмедов, А.К.Калимулин, С.У. Саидхонов ва б. олимлар, муҳандислар, конструкторлар номлари б-н боғлиқ.

Марказда 2 жилдли «Пахтани дастлабки ишлаш бўйича билдиргич» (1994), «Пахтани дастлабки қайта ишлаш» ўқув қўлланмаси (1999—2002; рус ва ўзбек тилларида) нашр этилди. Марказ ҳузурида илмий Кенгаш ва «Пахта» техник қўмитаси ишлайди.

Воҳид Рақитов.

ПАХТАСИМОН ГЎЗА (Gossypium gossypioides Ulbr.-Standl.) — ёввойи гўза тури. Геноми $Д_5$, хромосомалар сони 2n=26. Мексикада (Оахака штати ва Синалоа штатининг жан. қисмида) тарқалган. П.г. кўп йиллик бута, бўйи 3 м га боради, айниқса, ёш новдалари майда туклар б-н қопланган, пояси тўқ қизил тусга киради. Ўсув шохлари кучли ривожланган, ҳосил шохлари калта. Барглари йирик, 12 см ча, 3—5 бўлмали. Бўлмалари учбурчак шаклда, ўткир учли. Ёнбарглари чизиқ-ш-ланцетсимон, ярм тухлиб кетади. Гулдаги ширак, қунғирсимон, гул-барглари оқ, ёки пушти, асосида тўқ қизил доғлари бор. Кўсакларн майда, 3—4 чаноқли, тухумсимон, учи ўткир, сиртида тиниқ смола безлари мавжуд. Ҳар бир чаноқида 1—2 талан кулранг-яшил тукли (10 мм ча) узунчоқ чигити бор. П.г. — қуруқчиликка чидамли, фотодаврий ўзгаришларга таъсирчан. Чигити тошчигит. Раймонд, мексика ва уч бўлма барглн гўзалар б-н чатишади.

Пахтасимон гўза:
1 — новдаси бир қисми, *2* — кўсаги, *3* — чаноғи.

Абдумаҳкам Абдуллаев.

ПАХТАТИКАН, паттатикан (Cirsium ochrolepideum) — мураккабгуллоларга мансуб илдизбачкили кўп йиллик ўт. Пояси тик, юқори қисми сершох, сербарг, бўйи 40—100 см. Барглари найтарсимон, бандсиз, аррали, саватча тўпгулга йиғилган. Июнь - сент.да гуллаб мевалайди. Меваси учмали урут. Асосан, илдиз бачкилари, илдиз булаклари, шунингдек, уруғидан кўпаяди. Йўқотиш қийин бетона ўт ҳисобланади. Ўрта Осиёда суғорма деҳқончилик ерларида кенг тарқалган. Пахтазор, сабзавот-полиз, донли экинлар ва беда орасида учрайди.

Қураш чоралари: ерни кетмакет ишлаш б-н илдизларини кесиб, озиқланишини сусайтириш; кузги шудгоргача 2,4 -Д амин тузи, дон экинларида эса 2,4-Д гербицидларини пуркаш.

ПАХТАЧИ ТУМАНИ — *Самарқанд вилояти* таркибидаги туман. 1935 й. 9 фев.да Нарпай тумани ҳудудининг бир қисмида Пахтакор тумани номи б-н ташкил қилинган. 1963 й.да яна Нарпай туманига қўшилган. 1973 й. 12 апрда Ш.т номи б-н яна Нарпай туманидан алоҳида туман қилиб ажратилди. Шарқдан Нарпай тумани, шим.-ғарб ва ғарбдан Навоий вилоятининг Хатирчи, Навоий, Навбаҳор туманлари, жан.дан Нуробод тумани б-н чегарадош. Майд. 1.37 минг км². Аҳолиси 114,6 минг киши (2003). П.тда 1 шаҳарча (Зиёвуддин), 8 қишлоқ фуқаролари йиғини (Миснт, Пўлатчи, Султонобод, Хайробод, Ҳумор, Қарноб, Қуйибоқ, Ғалаба) бор. Маркази — Зиёвуддин шаҳарчаси.

Табиати. Туман вилоятнинг ғарбий қисмида жойлашган Зарафшон тизмасининг давоми бўлган Зирабулоқ ва Зиёвуддин воҳалари туман ҳудудини икки қисмга —суғориладиган кенг Қарноб қисмга ва шим. — Зарафшон водийсичўлига ва шим. — Зарафшон водийсининг суғориладиган чап соҳили текислигига ажралиб туради. Туманнинг шим. қисмидан (шарқдан ғарбга томон) Зарафшон дарёси оқиб ўтади. Унинг ўзани анча паст бўлганлигидан сув чиқариш қийин. Экинларни суғоришда Нарпай канализдан фойдаланилади. Каналнинг 370 дан ортиқ шохобчаси бор. Туманнинг дшт қисмида қават суви насослар ёрдамида юқорига кўтарилади. Иқлими кескин континентал. Йилига 230—250 мм ёғин ёғади. Баҳор илиқ ва серёғин. Ёзда т-раси 42—45°га етади. Июлнинг ўртача т-раси 28°. Январнинг ўртача т-раси —1°, айрим кунлари совуқ —30°гача етади. Тупроқлари, асосан, бўз тупроқлардан иборат. Баъзи жойларда шўрхок, қумоқ ёки гилли бўз тупроқлар учрайди. Зарафшон дарёси қайирида ер ости сувлари юза бўлгани учун катта-катта майдонларда аллювиал жинслар устида бат-қоқ-ўтлоқ тупроқлар пайдо бўлган. Ёввойи ўсимликлардан Қарноб чўлида саксовул, эфемер ва эфемероидлар учрайди, шувоқ, шўра, қиёқ, қўнғирбош, сариқ гулли беда, чайир, долақизғалдоқ, туяқорин, янтоқ. Зарафшон дарёси тўқайларида турли ўсимликлар ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан тўқайларда, Зиёвуддин ва Зирабулоқ тоғларида толай товушқони, жайра, жайран, қобон, тулки, чиябўри, юмронқозиқ, дала сич-қони, каламуш, ондатра ва б. сут эмизувчилар; қушлардан қирғовул, ўткинчи ёввойи ўрдаклар, кўккўтон, лайлак, тўқай чумчуқлари, читтак,

2-жаҳон урушида ҳалок бўлганларга бағишланган ёдгорлик.

майна, жарқалдир-гоч, кўккарға, каптар, лағмичон, бой-ғўғли, сўфитўрғай, каклик ва б., сув ҳавзаларида ҳар хил балиқлар бор. Чаён, турли ҳашаротлар, судралувчилар, калтакесаклар, тошбақа ва б. учрайди.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, татар, қозоқ, тожик, корейс, қирғиз, украин ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км²га 84 киши. Шаҳарликлар 13,3 минг киши, қишлоқ аҳолиси 101,3 минг киши.

Хўжалиги. Туман хўжалиги, асосан, қ.х.га ихтисослашган. Саноат, транспорт, алоқа корхоналари мавжуд. Туманда пахтачилик, галлачилик, сабзавотчилик, полизчилик, чорвачилик ва пиллачилик б-н шуғулланилади. 1 қўшма корхона, 22 кичик корхона, 14 акциядорлик жамияти, 15 қурилиш корхонаси, хусусий дўкон ва корхоналар, 6 савдо ташкилоти, 223 маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси мавжуд (2003).

Қ.х.нинг етакчи тармоғи — пахтачилик. Қ.х.да суғориладиган ерларга пахта, дон, полиз, сабзавот, беда, ем-хашак экинлари экилади. П.т.да 14 ширкат хўжалиги, 645 деҳқон-фермер хўжаликлари бор.

Туман жамоа ва шахсий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, от, парранда қорамол ва б. сут эмизувчилар; қушлардан қирғовул, ўткинчи ёввойи ўрдаклар, кўккўтон, лайлак, тўқай чумчуқлари, читтак,

Пахтачи тумани. Маъмурий бино.

ПАХТАОБОД ТУМАНИ
1:500 000
Жабборғон
Қўрғонтепа
Яккабоғ
Сочилиқ
Дўстлик
Бўстон
Хўжаобод
Қўштепа
Янгиқишлоқ
Пахтаобод
Улуғ
Олмазор
Ғаллаорол
Ориф
Пойтуг
Туман маркази
Вилоят аҳамияти пунктлари
1 Жалолиддин туманы
Андижон туманы

да боқилади. Пт.да 47 умумий таълим мактаби (25,3 минг ўқувчи), 3 касб-ҳунар коллежи (1800 талаба), 45 кутубхона, 17 маданият уйи, 8 стадион, 43 спорт майдончалари мавжуд. 4 касалхонада 125 врач, 250 ўрта тиббиёт ходими ишлайди. Туман аҳолисига 13 қишлоқ врачлик, 39 фельдшер-акушерлик пунктлари, 12 қишлоқ даволаш амбулаториялари, 19 зорихона хизмат кўрсатади.

ПАХТАЧИЛИК — 1) халқ хўжалигининг *ғўза* экиш ва пахта етиштириш б-н шуғулланадиган тармоғи; 2) Malvaceae оиласининг *Gossypium* туркумига мансуб ғўзанинг келиб чиқиши, эволюцияси, ўсиши ва ривожланиши, уни деҳқончиликда етиштириш қонуниятлари ҳақидаги фан. *ўсимликшунослик*нинг бир бўлими.

ПАХТАЧИЛИК ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон пахтачилик илмий тадқиқот институти. ЎзПИТИ — пахтачилик соҳасидаги энг йирик илмий муассаса. Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази таркибида. 1929 й.да Бутуниттифоқ пахтачилик и.т. ин-ти (СоюзНИХИ) номи б-н ташкил этилган. 1983—92 й.ларда «Союзхлопок» ИИБ. 1992 й.дан ҳоз. номда. Тошкент вилояти Қибрай тумани Оққовоқ қишлоғида жойлашган.

Дастлаб СоюзНИХИ таркибига марказий селекция ст-яси, марказий ўсимликларни ҳимоя қилиш ст-яси, механизация ва ғўза агротехникаси ст-яси, шунингдек, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Қозоғистон Республикалари тажриба ст-ялари кирган (ҳозирда улар алоҳида и.т.ларига айланган). СоюзНИХИ ташкил топган кундан бошлаб Ўрта Осиё ва Озарбайжон учун пахтачилик соҳасидаги илмий марказ бўлиб, тадқиқотларни мувофиқлаштириш ишларини ҳам амалга оширган.

Ин-тда 12 та бўлим (2003): алмашлаб экиш ва ғўза вилтига қарши кураш; ғўза селекцияси ва уруғшунослиги; янги ва районлаштирилган ғўза навлари агротехникаси; уғитлар, мелиорация; суғориш ва сув қуйиш техникаси; тупроққа ишлов бериш; ўсимликлар ўсишини созловчи моддалар ва дефолиация; ўсимликлар физиологияси, тупроқ эрозиясига қарши кураш, агроэкология ва илмий тахминлар; иқтисодиёт, тармоқни бошқариш ва ахборот технологиялари бўлимлари ишлайди. Шунингдек, бошқа илмий муассасалар б-н ҳамкорликда пахтачиликда ноанъанавий агроусуллар ни оптималлаштириш масалалари, ғўзанинг ноанъанавий агроусуллардан фойдаланиш технологияси ишлаб чиқилди. Ўзбекистон пахтачилигида

тахтдан ағдарилган ва мамлакатдан чиқариб юборилган.

ПАҲЛАВОН МАҲМУД, Пурёнвалий, Қитоли (1247, — 1326, Хива) — шоир ва мутафаккир. Футувват-жувонмардлик гуруҳининг улуғ пешволаридан бири. Форс тилида ижод қилган. Пўстиндўзлик, телпакдўзлик б-н шуғулланган. Ҳиндистон ва Эронда полвонликда донг таратган. Шунга кўра, Паҳлавон Маҳмуд деб аталган. Форс ва туркий халқлар адабиётида *Умар Хайём*дан сўнг фақат рубоий ёзган шоир П.М.дир. У Хайёмнинг оддий тақлидчиси бўлмай, мушоҳада кучи жиҳатидан у б-н баробар турган. П. М. шаҳар ҳунарманд-косибларининг футувват-жувонмардлик ҳаракати (13—14-а.лар) ташкилотчиси, маънавий раҳнамоси бўлган. Кўпчилик рубоийлари мардлик, марҳамат ва шафқат, саховат ва олижаноблик каби жувонмардлик принциплари асосида ёзилган. Асарларида тасаввуф таълимотининг назарий ғоялари б-н жувонмардлик тариқатининг амалий қоидалари ўзаро омухта ҳолда баён қилинган. Унга кўра, худо дийлори коинотдаги барча мавжудотларда акс этади. П. М. моддий борлиқнинг мангулиги, инсон ва табиат, ёр васли ва унинг лаззати ҳақида фикр юритади. Рубоийлари фикрнинг равшанлиги, мазмунининг теранлиги, образларнинг ранг-баранглиги б-н ажралиб турали. Уларда «ёр», «дўст», «маъшуқа», «жонона» каби сўзлар турли маъноларда, сўфиёна шеърларида «худо» маъносида келади. П.М.га нисбат берилаётган «Ҳазрати Паҳлавон рубоийлари»нинг қўлёзма нусхалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади.

«Қомус ул-аълом» (Ш. Сомибек) ва «Оташкадаи Озарий» (Л. Алибек) ва «Ҳафт-иқлим» (А. Розий) номли асарларда хабар берилишича, П. М. «Канз ул-ҳақойиқ», («Ҳақиқатлар хазинаси», 1303—04) номли маснавий ҳам ёзган, лекин асар ҳали топилмаган. Хоразмда ёзилган қўлёзма *манокиб*да шоир ҳаёти ҳақида маълумотлар бор. Унинг васиятига кўра, жасади ўзининг пўстиндўзлик устахонасига дафн этилган. Вақт ўтиши б-н мақбара атрофида *Паҳлавон Маҳмуд мажмуаси* вужудга келган. Рубоийлари Тўхтасин Жалолов, Муинзода, Васфий, Матназар Абдулҳакимов томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

Ас.: Ким агар озодлур [Рубоийлар]. Т., 1992.

ПАҲЛАВОН МАҲМУД МАЖМУАСИ, Полвон ота мақбараси — Хивадаги меъморий ёдгорлик (1810—1913). Мақбара мажмуасининг умумий ҳажми 50×30 м бўлиб, дастлаб Паҳлавон Маҳмуд қабри устига 1664 й.да мўъжаз

Паҳлавон Маҳмуд мақбараси

синчкори иморат қурилган. Дарвозахона эшигидаги ёзувга кўра, П. М. мажмуининг қурилиш санаси 1701 йил. Шоҳинёхон қурдирган вақтдан ҳисобланади. 1825—35 йиллар унинг ўрнида ғиштин тоқу равоқли серҳашам мақбара (17,5×25,5 м), шиферхона (9×9 м) ва хонақоҳ (4×4 м) қад кўтарган. Кейинроқ Хива хонлари (Абулғозихон, 1643—63; Шоҳниёзхон, 1695—1702; Муҳаммад Раҳимхон I, 1807—26; Темурғозихон, 1857—58 ва б.) ҳам шу ерга дафн этилган. 1913 йил уста Қурбонниёз бошчилигида ҳовлининг ғарб томонига икки ошёнли қорихона, қаршисига ўймакори устунли айвон қурилган. Мажмуага жан. томонидаги дарвозахона орқали кирилади, ички саҳнига ғишт терилган. Четида қулуқ, кичик ҳовли қаршисида пештоқли ҳонақоҳ-мақбара, ўнгда айвон, сўлда супа ва қорихона жойлашган. Хонақоҳ пештоғидаги ғиштлар орасида сиркор бандлар боғланган, икки чеккасидаги гулласта морпеч шаклида. Гумбазининг нақшин безаклари, асосан, мовий ранг сирли сополлардан терилган. Бино ички нафис безатилган. Унинг изорасидан тортиб гумбазли қуббасигача оқ ва мовий нақшли. Безаклар орасидаги китобага Паҳлавон Маҳмуд рубоийлари битилган. Хонақоҳнинг ғарбий эшиги орқали зиёратхонага ўтилади. Унда Паҳлавон Маҳмуднинг сиркор саганаси жойлашган. П.М.м.даги асосий бинолар Олина Муҳаммад Мурод бошчилигида қурилган. Безакларини Мулла Нурмуҳаммад Қаландар ўғли, Сўфимуҳаммад Абдужаббор ўғли ва Абдулла «жин»лар бажарган. Зиёратхона эшиги (1810), ташқари эшик (1894) уста Нурмуҳаммад томонидан ишланган. 1960 й.да уста Рўзимат Машарипов

Муҳаммад Раҳимхон I саганаси.

иштирокида қорихона ва айвон таъмир этилган. П.М.м.да 19-а. Хива меъморлиги услуби ёрқин намоён бўлган.

ПЕВЦОВ Михаил Васильевич (1843.21.5, Новгород —1902.25.2, Петербург) — рус сайёҳи, генерал-майор. Марказий Осиёни тадқиқ этган. Жунгария, Монголия, Гоби, Қашқар, Кунлунга 1876—90 йиллар уюштирилган 3 та экспедицияга раҳбарлик қилган. Босиб ўтган йўлларини маршрут харитасига тушириб, географик жиҳатдан мукаммал тасвирлаб берган. Шарқий Туркистон ва Тибет тоғлигининг шим. чеккалари харитасини тузган. Турфон сойлигининг ғарбий қисмидаги Тўқсув ботиғини ўрганган. Иккита йўлдузни кузатиб географик кенгликни аниқлаш методи (Певцов усули)ни ишлаб чиққан. Олтойдаги музлик П. номи б-н аталган.

Ас.: Путешествие по Китаю и Монголии. М., 1951; Путешествие в Кашгарию и Куньлунь. М., 1949.

ПЕГАС (лот. Pegasus) — *осмон сферасининг* Шим. ярим шаридаги йўлдуз туркуми. Энг ёруғ йўлдузлари 2,4; 2,4; 2,5; 2,8; 3,0 визуал йўлдуз катталигида. *Калтакесак, Оққуш, Дельфин, Кичик от, Далв, Ҳут, Андромеда* йўлдуз туркумлари оралиғида жойлашган. П.нинг учта ёруғ йўлдузи б-н Андромеданинг α йўлдузи квадрат ҳосил қилади. П. август ва сент. ойларида яхши кўринади.

ПЕГМАТИТЛАР (юн. pegmatos — боғланиш, алоқа) — отқинди, аксари ертомир нордон тоғ жинслари. П. таркибидаги ортоклаз ва кварцлар ўзига хос ўсишга эга, агар бу ўсинталар жуда ҳам ингичка бўлса улар микропегматит деб аталади. П. пневматолит босқичида қолдиқ магмалардан ҳосил бўлади, улар маъмд т-раси пасайишда гид ва бутунмон моддалар б-н тўлишади. «П.» терминини дастлаб француз олими Р.Ж. Аюи (1801 й.) ҳар хил минерал, графикда петматит ёки *ҳуфия тошлар* белгилаш учун киритган. Баъзи П.нинг таркибида эълементлар ноёб бўлган асосий минераллардан ташқари, ноёб элементлар минераллари (Li, Rb, Cs, Be, Nb, Ta, Zr, Hf, Th, U, Sc ва б.) ҳам бўлади. Гранитли П. қабул қилинган таснифга биноан бир неча гуруҳга ажратилади: керамикали (ҳала шпатлари олиш учун ҳом ашё), мусковитли (мусковит ҳом ашёси), ноёб ер элементли (кенлий ва б. ноёб ва қимматбаҳо элементлар ҳом ашёси), нодир металли (Li, Zs, Rb, Be, Ta, баъзан қимматбаҳо тошлар етилади), бўлғурли (пьезокварц, морион, фенокорт, қимматбаҳо тошлар). Гранитли П. ута катта кристалли бўлади, мас., кварцли кристалл 40 т (Бразилия), 70 т (Россия), берилли кристалл 32 т (Мозамбиқ), мусковитли кристалл 77 т (Ҳиндистон), сподумен кристалли пластинаси уз. 10 м (АҚШ) тошилган. Гранитли П. дан ташқари, ишқорли гранитли П., нефелинли сиенитли П., асосли тоғ жинсли П. фарқ қилинади.

ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯ — *таълим* ва *тарбия* муаммоларини тадқиқ қиладиган психология соҳаси. У шахснинг мақсадга мувофиқ ривожланишини, билиш фаолиятининг ва инсонда ижтимоий ижобий сифатларни тарбиялашнинг психологик муаммоларини ўрганади. П.п.нинг мақсади — шарт-шароит ва б. психологик омиллардан келиб чиққан ҳолда ўқитишнинг оқилона ривожлантирувчи таъсирини кучайтириш. П.п. 19-а.нинг 2-ярмида вужудга келган. Экспериментал психология тадқиқотчилари П.п. ривожига катта ҳисса қўшганлар. П.п.нинг фан сифатида тараққий этишида ўша даврда юзага келган психологик йўналишлар ҳам туртки берди. Бихевиористик (қ. *Бихевиоризм*) психология йўналиши тарбиячи ва ўқувчига ташқи муҳитнинг таъсирини П.п. учун асос қилиб олади. П.п. умумий ва *болалар психологияси*, шунингдек, *педагогика* б-н узвий боғлиқ. П.п., асосан, таълим психологияси ва тарбия психологиясига бўлинади. Таълим психологиясида ўқув жараёнида хотира, тафаккур, нутқ, хаёл, ироданинг роли, шунингдек, ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари (темпераменти, характери, қизиқишлари), ўқув предметларининг ўзига хос томонлари, таълим жараёнини бошқаришнинг психологик

тамоиллари ва б. ўрганилади. Ҳоз. замон таълим психологиясида ўқувчиларга доимий янгиланиб турадиган ахборотларни мустақил ўзлаштириш имкониятини берадиган, илмий-техника янгиликларидан орқада қолмасликни таъминлайдиган тафаккур сифатларини ўрганиш муҳим масалалар. Тарбия психологиясининг асосий вазифаси – мактабдаги тарбиявий ишлар жараёнида шахснинг шаклланиши масаласини ишлаб чиқиш. Унда шахснинг ахлоқий сифатларининг шакллантиришга алоҳида аҳамият берилади. П.п. талқиқотлари ўқув материали мазмунини танлаш, ўқув дастурлари, дарсликлар тузиш, таълимнинг ҳар хил босқичларида ўқитиш методлари тизимини ташкил қилишда муҳим аҳамиятга эга.

ПЕДАГОГИКА (юн. paidagogike) — *тарбия, таълим* ҳамда *маълумот* ҳақидаги назарий ва амалий жиҳатларни ўрганувчи фанлар мажмуаси. Пед. институтлари ва айрим бошқа ўқув юртларида мутахассислик дастури асосида ўрганиладиган ўқув предмети ҳам П. деб юритилади. П. фан сифатида бола тарбиясининг назарий асослари б-н шуғулланади. Замонавий П. болалар б-н биргаликда катталарнинг ҳам ўқув-тарбиявий, маданий ҳамда маънавий-маърифий тарбияси б-н шуғулланишини ҳам ўз ичига олади. Таълим-тарбияни ташкил этиш, уюштириш ва уни бошқариш сингари ташкилий-педагогик ишлар қонунияти П.нинг *мактабшунослик* соҳаси томонидан ишлаб чиқилади. П. ҳамиша муайян ёшдаги, маълум ҳаётий ва ақлий тажрибага эга бўлган кишилар б-н иш кўради. Шунинг учун ҳам П.нинг қонуниятларини белгилашда таълим-тарбия олувчининг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Шу сабабли П. оила пед.си, мактабгача таълим пед.си, мактаб пед.си, касб-ҳунар таълими пед.си, олий таълим пед.си, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълими пед.си каби қисмларга бўлинади ва умумлаштирилган ҳолда ёш пед.си деб аталади.

Айрим ўқув фанларини ўқитиш қонуниятлари ва усулларини ўргатувчи методика (тадрис) фанлари ҳам П.нинг соҳалари ҳисобланади. Буларга нисбатан дидактика умумий методика ҳисобланади ва ҳар бир алоҳида предмети методикаси хусусий дидактика саналади. Аммо бу хил чегараланиш анчагина шартлидир. Чунончи, адабиёт ўқитиш методикаси дидактикага нисбатан хусусий дидактика ҳисобланади, айни вақтда, у мумтоз адабиёт тарихини ўрганиш методикаси, чет эл адабиётини ўрганиш методикаси, халқ

огзаки ижодини ўрганиш методикасига нисбатан умумий методика вазифасини бажаради. Хусусий методикалар умумий дидактикага таянган ва унинг назарий умумлашмаларига асосланган ҳолдагина ривожлана олади. Айни вақтда, ҳар бир аниқ фанга татбиқ этилган дидактик қонуниятлар ўша ўқув предметини ўқитиш тажрибасидаги ўзига хослик б-н бойитилади, умумий жиҳатларни конкретлаштиради, ҳар бир ўзига хослиқда ўқитишнинг универсал жиҳатларини намоён этади.

П.нинг жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар ривожланишининг руҳий-жисмоний хусусиятларини, уларни тарбиялаш, ўқитиш ва шакллантиришдаги ўзига хосликларини ҳисобга олиб иш кўрадиган тармоғи *дефектология*дир. Дефектология боланинг қандай жисмоний нуқсонга эгалиги ҳамда уларга бериладиган таълим-тарбиянинг йўналтирилганлигига қараб *тифлопедагогика, сурдопедагогика, олигофренопедагогика, логопедия* сингари тармоқларга бўлинади. Жаҳон ёки миллий тарбия назарияси, дидактика фани ҳамда амалиёти жамият тараққиётининг турли даврларида қандай мазмун-мундарижа, шакл-шамойил касб этганлиги, қайси усул ва шакллардан фойдаланиб иш кўрганлиги, қандай натижаларга эришганлиги каби масалалар пед. тарихи фани томонидан талқиқ этилади.

20-а. бошларидан қиёсий пед. фани П.нинг алоҳида тармоғи сифатида дунёга келди. Унда жаҳондаги турли халқларнинг педагогик қарашлари ва таълим-тарбия тизими қиёсий-генетик йўсинда бир-бирига солиштирилган ҳолда ўрганилди. П.нинг бу тармоғи таълим-тарбия борасидаги энг илғор усул ва ёндашувларни солиштириш, мақсадга мувофиқларини муайян миллий педагогик фан ва амалиётга татбиқ қилиш имконини беради. Мамлакатимизда ҳозирча қиёсий пед. алоҳида фан сифатида шаклланмаган бўлса-да, бу борада жиддий изланишлар амалга оширилган.

Тарихи. П. инсон фаолиятининг энг қад. туридир. У одам б-н бирга пайдо бўлган ва одамнинг одамлигини, унинг оила, жамоа ҳамда жамият бўлиб яшашини таъминлаб турган фан ва амалиётдир. Инсоният мавжуд тажрибаларни ўрганиш ва б.га ўргатишни йўлга қўя бошлаган вақтдан, яъни П. пайдо бўлганидан буён ҳамда шу туфайлигина мавжуддир. Дастлаб соф амалий характерга эга бўлган ва инсоният кўп йиллар мобайнида орттирган ҳаётий тажрибаларни ёшларга қисқа муддатда ўргатишни кўзда тутган. Бу П. улум, одат, анъана тарзида намоён бўлган. Шунинг учун ҳам одини *халқ педагогикаси* вужудга келган. Чунончи, ўзбек халқ П.сига мувофиқ, кичик ёшдагилар катталардан олдин таомга қўл узатмайди, кўринган учун олдин катта кул чунин лозим, ота б-н масала талашилмайди, катталарга гап қайтарилмайди ва б.

Одамзотнинг ҳаётни ва ақлни тажрибаси орттиб, турмуш кечириш тарзи хилма-хилланиб, меҳнат тақсимоти юзага келиб турли фанлар пайдо була бошлани б-н П. ҳам инсон фаолиятининг алоҳида соҳасига айланди. Таълим ва тарбияга доир қарашлар тизими шаклланди. Лекин булар дарҳол педагогик назарни тизимлар сифатида эмас, балки миллий фикр тарбияга дахлдор қарашлар, ақидалар, ҳикматлар тарзида намоён бўлди. Ёзув пайдо бўлиши б-н педагогик қарашлар ёзувга кучирилаган бўлди. Антик даврлари мутафаккирларнинг таълим-тарбия борасидаги фикрлари марказида етук инсонни шакллантиришга интилиш истаги турарди. Шумер, Миср, Хитой, Ҳиндистон ва Ўрта Осиёдаги турли маданий-маърифий обидалар модини маданият намуналаригина бўлиб қолмай, ўз даврлари буюк педагогик мерос ҳамдир. Қалим замонларда пайдо бўлган педагогик қарашлар кўпроқ амалий хусусиятга эга бўлса-да, кейинчалик П.нинг алоҳида фан сифатида шаклланишига улкан ҳисса қўшди. П. инсониятнинг ахлоқ-одоби ва маънавиятигагина эмас, балки ақлий ривожига ҳам ҳал қилувчи таъсир кўрсатгани сабабли унинг тараққиёт даражаси жамиятнинг равнақига мувофиқ тарзда рўйберди. Бир қанча мамлакатларнинг ривожига ҳам, бошқаларининг эса қолоқлигига ҳам кўпинча ўша мамлакатдаги П.нинг ҳолати сабаб бўлган. Хусусан, Шарқ халқлари ўз вақтида энг қад. ва илғор педагогик қарашлар тизимини яратган бўлишларига қарамай, шу тизимни замона талабларига мувофиқ тарзда такомиллаштириб бормаганликлари учун кейинчалик илм-фан тараққиёти жиҳатидан қолоқ ҳолга тушиб қолдилар.

Айтиш керакки, марксистик фалсафа барча ижтимоий ҳодисалар каби П.ни ҳам ўзи ўйлаб топган ижтимоий-иқтисодий қолипларга мувофиқ тарзда изоҳлашга уриниб келди. Шундан келиб чиқиб, П.ни партиявий-синфий хусусиятга эга деб қаралди ва турли синфларнинг П.си бир-биридан жиддий фарқ қилади ҳамда ўзаро қарамақарши бўлади, деб изоҳлади. Шунингдек, марксистик ёндашувга кўра, П. ижтимоий-иқтисодий формация тарзи мувофиқ бўлади, яъни ўзи ўзларини б-н тубдан ўзгариб, олдинги педагогик таълим ўзи инкор қилади. Ҳолбуки, фан инсоният тарихи марксизмда аталган беш формациядан иборат эмаслигини кўрсатди. Бинобарин, шунга мослаб чиқарилган хулосаларнинг сунъий ва нодонлиги ҳаммага аён бўлди.

Ўзбек П.си жуда қад. тарихга эга бўлиб, унинг дастлабки илдизлари *Авесто*га, Урхун-Енисей битикларига, Сўғдиёна, Урхун-Енисей битикларига, Селжуқлар маданиятида бориб тақалади. Авестодаги эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал ҳақидаги, кишиларга кўнгил мафрифати бериш борасидаги қарашлар ёзма миллий педагогик қарашларнинг дастлабки намунаси бўлиб, етук инсонни шакллантиришга йўналтирилган. Миллий П.нинг тараққиётида ислом дини ва тасаввуф таълимоти ҳал қилувчи ўрин тутади. Чунки Қуръони карим, Ҳадиси шариф ва тасаввуф таълимотининг марказида ахлоқ, комил инсон мавзуининг марказида ахлоқ, комил инсон мавзуининг инсон таълим-тарбия ердамида, яъни П. воситасида таркиб топтирилиши мумкин эди. Форобийнинг фозил одамлари, Беруний, Ибн Сино фалсафий қарашларидан ўрин олган етук шахслар, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юнакий асарларида тасвирланган бенуқсон одамлар, Абдухолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Бобур, Машраб орзуларган комил инсон ўзбек П.синнинг марказида турарди. 17-асрдан бошлаб, миллий П.да таълим-тарбиянинг моҳиятига эмас, балки ташқи жиҳатларига эътибор кучайди, турмуш талабларини ҳисобга олмай, ҳаётий заминдан узилиш содир бўлди. Натижада, жамият тараққиёти сусайди, ижтимоий-сиёсий ҳаётда ҳам таназзулга юз тутилди. П.даги биқиқлик, бирёқламалик кишилар руҳиятига кўчди, ундан ижтимоий тартиботлар ва сиёсий қурилмаларга ўтди. Бутун бир давлат хонликларга бўлиниб кетди. Хонликларнинг ҳар бирининг ичида бир-бири б-н келишмовчилик ҳамда ўзаро жанжаллар авж олди. Негаки, жамият ва унда яшайдиган инсонларнинг маънавий ўрнаклари пухта тайин этилмаган эди.

Россия босқини ва шўролар замонида миллий П. кучли таназзул даврини бошдан кечирди. Тўғри, айни шу даврда у илмнинг алоҳида соҳаси сифатида таркиб топди. Лекин шўро давридаги ўзбек П.си тўлигича гарбий асосларга қурилган, бегона тамойилларга таянган фан бўлди. Унда миллат маънавий тажрибаси, унинг ақлар мобайнида шаклланган анъаналари, руҳий тузилмалари ҳисобга олинмадиди. Шунинг учун ҳам ўзлик, ватанпарварлик асосида қурилган истиқлол П.сидан ташқари.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши натижасида миллий онг ўзгариши, маънавиятимиз қайтиши, ўзлигимизни англаш, мафкурамиз қайтиши, ўзлигимизни англаш, ўзлигимизни англаш, ўзлигимизни англаш

касалликлари ўрганилди (А. Т. Тураев, Н. Н. Чукавин, З. Н. Бекназарова). Она қорнидалигида гипотрофияга учраган болаларда уларнинг ёшига ва овқатланиш турига қараб аминокислоталар алмашинуви масаласи, нефритда болалар иммун реактивлиги кўрсаткичлари, ўткир ва сурункали вирусли гепатитларнинг олдини олиш, уларга ташхис қўйиш ва даволаш масалалари (Ҳ. А. Юнусова, О. С. Маҳмудов, Н. С. Логинова, К. М. Мирзаев, Т. О. Даминов). Ўт нуфаги ва ўт йўллари касалликлари, ревматик касалликлар, ёш болаларда электроэнцефалик хусусиятлар ўрганилди (М. А. Мирзамухамедов, И. А. Бодня, С. Н. Йўлдошева, М. Р. Нуритдинов, А. Т. Оқилов, С. Абдураҳмонова ва б.). Болалардаги эозинофил, аллергик ва иммунологик касалликлар, шунингдек, П. фани ва амалиётининг энг долзарб муаммоси — соғлом авлодни тарбиялаш ва вояга етказиш устида кенг кўламда илмий ишлар олиб борилмоқда. Бола соғлиқ ҳолатининг мамлакатимизга хос бўлган меъёр кўрсаткичлари, бола организмининг иммун ҳолати, соғлом ва бемор бола овқатланиши масаласи ҳамда буни яхшилаш йўл-йўриқлари, соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш ва б. муаммоларни ҳар томонлама ўрганиш бўйича илмий изланишлар давом эттирилмоқда.

Дилбар Маҳмудова.

ПЕДИАТРИЯ ИНСТИТУТИ — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли и.т. муассасаси. 1927 й.да Тошкент ш.да ташкил этилган. Дастлаб Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш и.т. институти деб номланган. ТошТИ да педиатрия ф-ти ташкил қилиниши туфайли 1940 й.да ёпилиб, 1966 й.да қайта ташкил этилган. 1969 й.дан шу номда.

Ин-тда 300 ўринли клиника (болалар учун 150 ўрин, акушерлик ва гинекологик беморлар учун 150 ўрин), 7 клиник бўлим (аллергология, гастроэнтерология, пульмонология, чала туғилган болалар, I ёшгача бўлган гўдаклар касалликлари, акушерлик-гинекология, терапия), лаб.лар, дорихона, кутубона бор (2003). 1972—80 й.ларда ин-т ва клиникаси таркибида Ўзбекис-тонда болалар аллергология маркази, 1980—89 й.ларда болалар пульмонология маркази, 1990—96 й.ларда болалар гепатология маркази ишлаб турди. 1974 й.да акушерлик ва гинекология бўлими негизида Ўзбекистон акушерлик ва гинекология и.т. институти ташкил топди. 1976 й.да боласи б-н ётган оналарни соғломлаштириш учун 60 ўринли терапия бўлими очилди. 1983 й.да 2 сув ҳавзаси бўлган 30 ўринли шифобахш физкультура ва врач назорати бўлими, 30 ўринли ташхис қўйиш бўлими ҳамда 300 қатновга мўлжалланган маслаҳатлаш-диагностика поликлиникаси ишга тушди. 1995 йдан она сути б-н овқатлантиришни рағбатлантириш маркази ишлаб турибди. Ин-тда 1997 й.да лазер ва ўткир респиратор касалликлар инфекциясига қарши кураш маркази, 1999 й.да репродуктив синдати аёлларни соғломлаштириш маркази очилди.

Ин-т мутахассислари 19 фан д-ри, 112 фан номзоди етишиб чиқди. Ин-тда 38 илмий иш лар тўплами, 23 монография, 300 дан ортиқ методик қўлланмалар нашр этилди.

Дилбар Маҳмудова.

ПЕДИПАЛЬПАЛАР (лот. pedis — оёқ ва palpo — пайпаслагич) — оёқпайпаслагичлар, хелицералилар бошкўкрагидаги 2-жуфт оғиз органлари. Кўпчилик хелицералиларда П.нинг асосий бўғими (коксаси)дан чайновчи жағ ўсимтаси ози(қни майдалашда иштирок этади; бошқа бўғимлари жа йирик қисқичча (қилич думлилар, чаёнлар, сохта чаёнларда) айланган. П. оёқларга ўхшаш бўлиб, туйғу вазифасини бажаради (сольпугалар); учки қисмида тирноғи ва бўғимларида пилари (пичанўрарлар, айрим канелар) бўлади. Вояга етган эркак ўргимчакларда П. уруғларини олиб юрадиган бўшлиққа айланган.

ПЕДОГЕНЕЗ (юн. paidos — бола ва *...генез*) — *партеногенез* шаклларидан бири, бир қанча умуртқасиз ҳайвонлар личинкасида уруғланмаган тухум ҳужайрадан янги наслнинг ривожланиши. П.ни рус зоологи Н. П. Вагнер (1862) ёнғоқ яса-лар оиласига мансуб 2 қанотли ҳашаротларда кашф этган. Ёнғоқ яса-рларнинг тухумидан чиққан личинка танаси ичида педогенетик личинка ривожланади. Личинка дастлаб она личинка тўқималари б-н эндопаразит озиқланади; кейинроқ унинг кутикуласини ёриб чиқиб, эркин яшашга ўтади. Бу ҳодиса бир неча марта такрорланиб, педогенетик личинканинг бир неча насли ривожланади. Шундан сўнг метаморфозни тугатиб, вояга етган эркак ва урғочига айланадиган личинка пайдо бўлади. Уруғланган тухумдан яна педогенетик личинканинг 1-насли вужудга келади. П. — пассив тарқаладиган, вояга етган даврида кам пушти бўлган организмлар учун индивидлар сонини кескин оширишга мосланишдан иборат. Айрим қўнғизларда тирик туғадиган ва тухум қўядиган педогенетик личинкалар бўлади.

ПЕДОЛОГИЯ (юн. pais — гўдак ва *...логия*) — пед. ва психологиядаги оқим. Болани-нг ўсишига психологик, биологик, социологик ва б. томонлан ёндашувларни бирлаштиришни мақсад қилиб қўяди. Бола тақдири, келаси ва қобилияти ирсият б-н белгиланади, деб ҳисобланди. П.да болани-нг ўсишида тарбиянинг роли мутлақ деб ҳисобланмайди. П. намояндалари таълимда биологик тафовутларга эътиборни кучайтириб, ўқувчилар қобилиятини аниқлашда илмий тестлардан фойдаланишни илгари сурдилар.

П. 19-а. охирида дастлаб АҚШда, кейинроқ Ғарбий Европада пайдо бўлди ва кенг тарқалди. Асосчилари Америка психологи Г. С. Холл, О. Христен ва б. П. 20-а.нинг 20-йил-лари охири — 30-йил-лар бошида СССРда ҳам тарқалди ва унинг предмети, вазифа ва методлари тўғрисида қизғин мунозаралар бўлиб ўтди. СССРда П.нинг расман ман этилиши (1936) болалар тўғрисидаги фанлар мажмуининг илмий асосда шакланишини тўхтатиб қўйди. Ҳозирда болаларнинг истеъдод даражасини аниқлашга йўналтирилган тестлар дастлаб П. намояндалари томонидан ишлаб чиқилган.

ПЕДОМОРФОЗ (юн. paidos — бола ва morphe — шакл) — организмларнинг вояга етган даврининг бутунлай йўқолиши ва *онтогенезнинг* қисқарини орқали эволюцион ўзгариш усули. «П.» терминини инглиз биологи У. Гарстан таклиф этган (1922). П. личинкаси неотения ёки *педогенез* асосида ривожланиш хусусиятига эга бўлган ҳайвонлар тури учун хос. Думли сувда ва қуруқликда яшовчиларнинг айрим гуруҳлари (протейлар, сиренлар), аппендикуляриялар, айрим ҳашаротлар (гриллобларгидлар), ўргимчаксимонлар (бир қанча тупроқ каналари) ва б. ҳаёти П.га мисол бўла олади.

ПЕДОЦЕНТРИЗМ (юн. pais — гўдак ва лот. centrum — марказ) — пед.даги оқим. Таълимнинг мазмуни, уни ташкил этиш ва методлари жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий шароити ва эҳтиёжига қараб эмас, балки фақат боланинг бевосита талаби ва тугма қизиқиши б-н белгиланади, деб ҳисоблайди. П.да ўқувчиларга системали билим беришга «бола шахсияти ўзини мумкин қадар кўрсатиш имкониятига эга бўлган», яъни болалар қизиқиши зўр бўлган ўйинлар, суҳбатлар ва б. машғулотлардан иборат ўқув жараёни қарши қўйилади. П. ғоялари Ж. Ж. *Руссо*, америкалик файласуф Ж. Дьюи, бельгиялик машҳур педагог ва психолог О. Декроли педагогик тизимининг асосий қисмини ташкил этади. П. тамойиллари прагматик пед.да яна ҳам очиқ ифода қилинган.

ПЕЙЗАЖ (франц. paysage — мамлакат, жой — ті рассомлик тасвирлаш, графикада ва ҳайкалтарошлик рельефида табиатни акс эттиришни жанр ёки шу жанрда яратилган алоҳида асарлар. *Мисол учун*, 20-а.да табиатга — бўлган сув воситасида ва табиат тасвири, ифодаси. П. ёзувчининг ўз асарида танлаган ифода усули ва шаклни услуби б-н боғлиқ ҳолда турлича вазифаларни бажариши мумкин. Табиат манзараси тасвири орқали ёзувчи ўзининг юртига, Ватанига, она табиатга бўлган муносабатини ифодалайди. Табиат тасвири сюжетнинг таркибини қисмларидан бири бўлиб, асарнинг ғоявий-эстетик қувватини оширади, сюжет ривожини тезлатиш ёки секинлатиш, қаҳрамонининг ички дунёсини очиш каби вазифаларни бажаради. Бу ўр-н П. бадиий асарда ниҳоятда нозик *перспектив*ларни яхлит тасаввурни ифодалашга ёрдам беради. Бадиий асарда П.дан 2 хил усулда фойдаланилади: қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини табиат тасвири б-н параллел равишда тасвирлаш ва қарама-қарши (контраст) усулда тасвирлаш. П. тасвири орқали муаллиф ўзининг асосий ғоявий ниятини илгари суриши ҳам мумкин. Мас.: *Ғ.тон* «Кўз шеърида фасл кўринишини чизиш орқали рус босқинчилигининг мудҳиш оқибатларини кўрсатмоқчи бўлади. Шунингдек, Ойбекнинг «Наъматак», Ҳ. Олимжоннинг «Ўзбекистон», «Ўрик гуллаганда», А. Ориповнинг «Сен баҳорни соғинмадингми?» шеърлари П. лирикасининг энг яхши намуналари ҳисобланади.

ПЕКАН (Carya olivaformis Nutt. C.pecan), *тайтунёнғоқ* — ёнғоқлонлар оиласи карин туркумига мансуб ёнғоқмевали дарахт. Ватани — Шим. Америка. Ёввойи ҳолда Шим. Америкада ўсади. Европага 18-а.да келтирилган. Қора денгиз бўйларида, Украинада, Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда (1926 й.дан бошлаб) экилади. Р. Р. Шредер номидаги Богдорчилик, узумчилик ва виночилик ин-тининг Бўстонлик филиалида, Тожикистон Вахш тажриба ст-ясида ўстирилади. Бўйи 50 м гача, диаметри 2—2,5 м гача боради, 300 — 400 й. яшайди. Тупроқ намлигига талабчан, лекин доимий намликни ёқтирмайди. Иссиққа ва совуққа бардошли. Совуққа ёнғоққа нисбатан чидамлироқ. 29—30° совуққа чидайди. Барглари ширик, тоқ патсимон. Май ойида ёки июль бошларида гуллайди. Чанги гуллари қучалаларида, ўтган йилги новдаларда, уруғчи гуллари эса ёш новдалар учида ҳосил бўлади.

Меваси сохта данак, ёнғоқчаси (3,5 — 8 см) окт.-ноябрда пишади, магизи оқиш, ширин, ёнғоғининг 45—60% оқиш, ширин, ёнғоғининг 45—60% ини ташкил этади. Ёнғоқчасида 70% гача мой ва кўп миқдорда оқсил, қанд бор. Ёнғоқлари ва пайвандлаб кўпайтирилади. П. кўчатларини ўтқазиш ва парваришлаш қилиш усуллари *ёнғоқ*никига ўхшаш. Ўзбекистон шароитида 10—12 ёшида ҳосил қилади. Ҳар йили (20 ёшлиси 250 кг гача) ҳосил беради. Меваси истеъмол этилади, қандолатчиликда, мойи озиқ-овқатда ишлатилади. Ёғочи ўз хоссалари жиҳатидан ёнғоқ ёғочидан қолишмайди. Р. Р. Шредер номидаги ин-тда П.нинг Ҳосилдор хиллари яратилган.

Ад.: Сорта плодовых, субтропических, орехоплодных культур и ягод. Т., 1968; Рижов А. А., Остроухова С.А., Ўзбекистон мевачилиги. Т., 1967.

ПЕКАРСИМОНЛАР (Tayassuidae) — қаттиқ қайтармайдиган жуфт туёқлилар оиласи. Уз. 100 см гача, вазни 30 кг гача, бўйи 44—57 см. Ташқи қиёфаси чўчқага ўхшаб кетади; оёқлари ингичка, орқа оёқлари 3 бармоқли. Ошқозонкаси, орқа оёқлари 3 бармоқли. Ошқозонкаси, орқа оёқлари 3 бармоқли. Ошқозонкаси

Пекин шаҳридаги замонавий бинолар.

конструкциялар, автомобилсозлик, қ. х., транспорт ва энергетика машинасозлиги, озиқ-овқат, электротехника, телефон ва радиотехника, тиббиёт приборлари, синтетик ва сунъий тола, тўқимачилик, кимё, нефтни қайта ишлаш, қурилиш материаллари, полиграфия, энергетика корхоналари бор. Шаҳар яқинида кўмир қазиб чиқарилади. Метрополитен қурилган.

Меъморчилигида қад. хитой шаҳар қурилишига хос хусусиятлар — қалъаларнинг деворлар б-н ўралганлиги, кўчалар бўйлаб шим.дан жанубга ва ғарбдан шарққа йўналган тўғбурчак шакллаги турар жой кварталлари қуриш асосий ўринни эгаллайди. 12-а.га оид пахса деворларнинг қолдиқларига қараганда шаҳар ҳоз. П.нинг жан.-ғарбий қисмида жойлашган. 13-а.да шаҳар шим.га томон кенгая борган. 1553 й.да атрофи гишт девор б-н ўралган «Ташқи шаҳар», ўз навбатида, «Император шаҳри» мажмуасини ўз ичига олган. Бу мажмуа таркибида кўплаб саройлар, ибодатхоналар, пагодалар, боғлар, тепаликлар ва кўллар бўлган. «Император шаҳри»нинг маркази — «Тақиқланган шаҳар»нинг жан. қисмида «Осмон ибодатхонаси» ансамбли (1420—1530, 18—19-а.ларда қайта қурилган) жойлашган. П.нинг бош меридиони Тяньаньминда Хитой кенгаши биноси, Хитой тарихи музейи, Миллатлар маданияти саройи, қуриама павильони ва б. иморатлар қурилган. П. ва унинг атрофида жуда кўп боғ, сарой, ибодатхона ва мемориал ансамблар бор.

П. — Хитойнинг муҳим фан ва маданият маркази. П.ун-ти ва бошқа ун-тлар, пед., тиббиёт, қ.х. ин-тлари, консерватория, Хитой ФА ва ботаника боғи, расадхона бор. П.да мамлакатдаги энг йирик кутубхоналар, музейлар, театрлар, илмий тадқиқот ин-тлари жойлашган.

ПЕКИН КАРАМИ (Brassica pekinensis) — карамгулдошлар оиласига мансуб бир йиллик сабзавот экини. Ватани — Хитой ва Япония. П.к.нинг бошоғи йўқ. Барги асослари илгига яқин жойда қисман ич жойлашган. Карам бошлари уз. 30—45 см, диаметри 8—10 см. Барг уз. 30—60 см, қирралари тўлқинсимон, барг шапалоғи майин. Ранги оч яшил, бир оз тукли. П.к. илиқ об-ҳаволи, ёғингарчилик кўп ерларда яхши ўсади. П.к. эртапишар ўсимлик. Уруғдан униб чиққач, 18—25 кунда барглари истеъмол қилиш мумкин, 40—45 кунда барглари, 50—60 кунда карамбоши пишади. Барг таркибида 75—80 мг% витамин С, 6,1—8,6 % қуруқ моддалар, 1—1,5% қанд бор. Тузланади, маринадланади, консервалар тайёрланади. Ўзбекистонда ёзнинг 2-ярмида экилади. Ҳосилдорлиги 200—300 ц/га. П.к. иссиқхоналарда ҳам кўп ўстирилади, ҳосилдорлиги ҳар м² да 4—7 кг ни ташкил этади. Ўзбекистонда П.к.нинг Хибинская нави экилади.

Пекин карами.



Лилиана Ёрматова.

ПЕКИН УНИВЕРСИТЕТИ — Хитойдаги қад. ва энг йирик олий ўқув юртларидан бири. 1898 й. Олий политех мактаби сифатида ташкил этилган. 1911 йдан Пу деб юритилади. 1920-йилларда ун-тда етакчи Ду Фэнь ларс берган. 1937—45 йилларда миллий озодлик урушлари даврида Пу. Юнянь вилоятининг Куньмин ш.га кўчирилган. 1952 йда у қайта ташкил қилиниб, унда Пекиндаги бошқа олий ўқув юртларининг баъзи ф-тлари қўшилган, ун-тнинг бир неча ф-ти мустақил ин-тларга айлантирилган. «Маданий инқилоб» деб аталган даврда машғулотлар 1970 йларга тўхтатиб қўйилган. Кейинчалик ўқув даргурини қисқартириш ҳисобига 3 йиллик таълим муддати белгиланган. Пу. мат., физика, кимё, биол., геол., геогр., тарих, психология, фалсафа, хитой тили ва адабиёти ва б. бўйича мутахассислар тайёрлайди. Кутубхонасида 3 млн.дан ортиқ асар сақланади. Ун-тда 10 минга яқин талаба таълим олади.

ПЕККЕР Ян Борисович (1906.4.9, Астрахон — 1993.12.12, Тошкент) — мусиқашунос, педагог. Ўзбекистонда хитмат кўрсатган санъат арбоби (1956). Москва консерваториясини тугатган (1936). Ўзбекистон радио қўмитасида мусиқа эшиттиришлар директори (1936—41). Ўзбек давлат филармониясида бадиий раҳбар (1944—48). Айни пайтда Тошкент консерваториясида ўқитувчи (1936 йдан), кафедра мудири (1951—60), проф. (1971 йдан). Асарлари Ўзбекистон композиторлик мусиқа маданияти («В.А.Успенский», 2-нашри, 1959; «Г.А.Мушель», 1966), шунингдек, ўзбек операси ривожи («Ўзбек операси», 2-нашри, 1984) масалаларига бағишланган.

ПЕКТИН МОДДАЛАРИ, пектинлар (юн. pektos — бириккан, қовушган, музлаган) — барча қуруқлик ўсимликлари ва бир қатор сувўтлар таркибидаги эрийдиган (эрийдиган пектин) ва эримайдиган (протопектин) юқори молекулали полисахаридлар. П.м. меваларда ва резавор-мевалар, каноп пояси, қанд лавлаги таркибида айниқса кўп бўлади. Кимёвий табиатига кўра тармоқланмаган полигалактуранидлар — галактуран кислота полимерларидан иборат. П.м.нинг таркибига нейтрал моносахаридлар — галактоза, рамноза, арабиноза, ксилоза ҳам киради. П.м. 4 гуруҳга: пектокислоталар, пектин кислоталар, пектинлар ва пропектинларга бўлинади. Шулардан пектинларнинг аҳамияти муҳим. Пектинлар цитрус мевалари, олма ва тарвуздан олинади. П.м. озиқ-овқат саноатида жем, желе, мева консервантлари ва б. тайёрланда ишлатилади.

ПЕЛАГИАЛ (юн. pelagos — денгиз) — денгиз, океан ва кўлларда сувнинг тирик организмлар яшайдиган қатлами (сув тубидан бошлаб сув юзасигача, бентал (сув тубн) тушунчасининг акси. П.да яшовчи организмлар *планктон*, нектон (фаол сузалиган организмлар, пейстон (сув юзасида яшайдиган организмлар) гуруҳларга бўлинади. Денгиз ва океанларда П. қатламини ҳам яшаш шароити ва организм таркиби бўйича бир неча зонага бўлиш мумкин. Тарихий ривожланиш давомида П. организмларда яшаш шароитига нисбатан турлича мослашишлар пайдо бўлган. Мас., сувўтлар ва сифонофораларнинг газ тўлдирилган пуфакчалари, медузаларнинг сувга бой пиқилдоқ тавласи, кўпчилик микроскопик организмларнинг танда юзасини кенгайтиришга имкон берадиган ўсимталари пейстон, балиқлар ва бошоёқли моллюскаларнинг сузгичлари ва тавласининг сўйри шакли нектон организмлар учун хос. П. ўсимликлари (фитопланктон) океанда органик модданинг асосий қисмини ҳосил қилади. Ҳалок бўладиган диатом сувўтлар, бир ҳужайрали ҳайвонлар (нурлилар, *фораминифералар* ва б.) ленгиз тубида чўкма жинслар ҳосил бўлишида катта аҳамиятга эга.

ПЕЛАГИАЛ ЁТҚИЗИҚЛАР — очиқ денгиз ва океанлар тубида қирғоқдан анча узоқда жуда майда муаллақ зарраларнинг тўпланиб боришидан вужудга келувчи ётқизиқлар. «П.ё.» терминни 1891 йда геологлардан Мэррей ва Ренардлар таклиф этган. П.ё. таркибига планктон микроорганизмларнинг скелетлари, майда заррали терриген ва вулканоген материаллар, яитгидан ҳосил бўлган аутиген минераллар (Fe — Mn конкрециялари, цеолитлар, монтмориллонит), космик чанг киради. П.ё. орасида биоген турлари (диатомли, радиолярийли, фораминеферали, птероподали, кокколитли) ва полиген чўкиндилар (қизил гиллар) кенг тарқалган бўлиб, улар биргаликда Дунё океани тубининг аксарият қисмини қоплаб ётади. П.ё. океан ётқизиқларининг энг характерли ва кенг тарқалган тури. Барча П.ё. учун жуда суст чўкинди ҳосил бўлиш тезлиги ва чўкиндиларнинг оксидланганлиги хос.

ПЕЛЕ (Pele) (ҳақиқий исми Эдсон Арантис ду Насименту; do Nascimento) (1940.21.10, Трес-Корасойнс, Минас-Жерайс штати) — бразилиялик футболчи. 3 карра жаҳон чемпиони (1958, 1962, 1970). 1956—74 йларда «Сантос» клубида, 1957—70 йларда Бразилия терма жамоаси таркибида ўйнаган. «Сантос» футболчилари б-н бирга Жан. Америка чемпионлари кубоги ва қитъалараро кубок ғолиби (1962, 1956). 1957—77 йларда 1300 га яқин гол (футбол тарихида рекорд натижа) киритган. «Футбол қироли» номи б-н машҳур. Турли мамлакатларда унга бағишлаб 90 дан ортиқ қўшиқ тўқилган. «Менинг ҳаётим ва ажойиб ўйин» (1977) китобининг муаллифи.

ПЕЛЕНГАТОР — денгиз ва ҳаво *навигациясида* ташқи мўлжаллар (қирғоқдаги ёки сувдаги объектлар, осмон ёритқичлари ва б.) га томон йўналишлар бурчагини аниқлаш учун мўлжалланган асбоб. Мўлжал (объект)ларнинг физик хоссаларига қараб П.нинг оптик, радиотехник, акустик ва б. хиллари қўлланади. Денгизда кемаларнинг, ҳавода учиш аппаратларининг тўқнашиб кетишига йўл қўймаслик учун, самолётларнинг учишини бошқаришда ва қўнишида, космик кемаларни комплекс туташтиришда, навигация асбоблари кўрсатишларига тузатиш киритиш ва б. мақсадларда П.дан кенг фойдаланилади. П. метеорологияда ҳам ишлатилади.

ПЕЛИТЛАР (юн. pelos — гил), гилли жинслар — чақиқ тог жинслари; ирмидан кўпроғи 0,01—0,005 мм ўлчамдаги зарралардан таркиб топган. П.га асосан, *аргиллитлар, гиллар* ва б. мансуб.

ПЕЛЛАГРА (итал. pelle agro — дағал тери), авитаминоз РР —организмда витамин РР (никотин кислотаси) етишмаслигидан келиб чиқадиган касаллик. Озиқ-овқатлар таркибида витамин РР миқдорининг камайиб кетиши, шунингдек, организмнинг витаминларни ўзлаштириш лаёқатининг пасайиши сабаб бўлади. П.да ич кетади, тил қип-қизариб, ялтираб туради. Гавданинг очиқ қисмлари ва оёқ-қўл панжасига қизил доғлар тушиб, улар кейинчалик пуфакчаларга айланиб, йиринг бойлайди. Пуфакчалар ёрилиб, йиринг чиқиб кетгач, тери қуриб, пўст ташлайди ва ўрни доғ бўлиб қолади. Бемор тинкаси қуриши, тез чарчаш, қувватсизлик, иш қобилиятининг пасайиши, бош оғриши, иштаҳаси йўқлиги, оғзи ачишиб, сўлаги оқишидан шикоят қилади. Руҳий ҳолати ҳам бузилади. Атрофидаги воқеа ва ҳодисаларга бепарво бўлиб қолади, хотира ва ақлининг пасайиши кузатилади.

Касалликни даволашда врач кўрсатмасига биноан, В гуруҳ витаминлари б-н никотин кислотаси берилади. Никотин кислотасига бой овқатлар — ҳайвон оқсили, жигар, тухум, балиқ, сут, қатиқ, сабзавот ва мевалар буюрилади.

ПЕЛОПОННЕС — Грециянинг жанубдаги ярим ороли. Болқон ярим.нинг жанубий қисми, материкка Коринф бўйини орқали туташган. Майд. 21,4 минг км². Ғарбий ва Эгей денгизлари б-н ўралган. Қирғоқ чизиғи нотекис. П.нинг жан. қисми тўртга ярим оролдан иборат. Рельефи тоғлик. Аксари қисмининг бал. 800—1200 м. Энг баланд жойи 2404 м (Тайгет тизмасидаги Айос-Илиас чўққиси). П.нинг ўрта қисмида карст рельефли Аркадия текислиги (бал. 600—800 м) бор. Соҳили аллювиал пастекислик. Иқлими субтроп., ўрта денгиз атрофига хос иқлим. Январнинг ўртача т-раси 8—11°, июлники 24—27°. Йиллик ёғин 400—1000 мм. Йирик дарёлари: Алфей, Эврот. Ўсимликлари, асосан, доим яшил бутазорлар (маквис ва фригана)дан иборат. Аҳолиси чорвачилик, деҳқончилик ва боғдорчилик б-н шуғулланади. Муҳим шаҳар ва портлари: Патра, Коринф. П.да Спарта, Олимпия, Микена, Коринф тарихий географик вилоятлари жойлашган. Туризм ривожланган.

ПЕЛОПОННЕС ИТТИФОҚИ — Пелопоннеслаги юнон полисларини (Аргос ва Ахайянинг айрим полисларидан ташқари) Спарта гегемонлиги остида бирлаштирган иттифоқ (мил.ав. 6-а.нинг 2-ярми —4-а. ўртаси). 5-а.да Делос иттифоқи б-н уруш қилган (қ. *Пелопоннес уруши*). Спарта Фива б-н бўлган урушда енгилгач, тарқалиб кетган (362 й.).

ПЕЛОПОННЕС УРУШИ (мил.ав. 431—404 йлар) — Юнонистон тарихидаги энг йирик уруш; юнон полислари иттифоқлари: Делос (Афина бошчилигида) ва Пелопоннес (Спарта бошчилигида) ўртасида содир бўлган; бутун Юнонистон ва Жан. Италиядаги юнон шаҳарлари ва Сицилияни қамраб олган. 404 й. қуруқлик ва денгиздан қамал қилинган Афина таслим бўлган. Сулҳ шартларига кўра, Делос иттифоқи тарқатиб юборилган. Афина Спартага флотни (12 қўриқчи кемадан ташқари) ни топширган, Афина ва Пирей истеҳкомлари йўқ қилинган. Юнон дунёсида Спартанинг гегемонлиги тан олинган. Афинада «ўттиз тиран» олигархик тузуми ўрнатилган.

ПЕЛЬТЬЕ ЭФФЕКТИ, электротермик эффект — бир-бирига кавшарланган турли жинсли иккита ўтказгич ёки яримўтказгичдан ташкил топган занжир орқали ўзгармас электр токи ўтганда уларнинг бир-бирига тегиб турган жойида токнинг йўналишига


ПЕКИН
1 : 250 000

қараб иссиқлик ажралиш ёки ютилиш ҳодисаси. Токнинг йўналиши ўзгарса, иссиқлик ажралиши иссиқлик ютилиши б-н алмашинади. Токнинг йўналишидан қатъи назар кавшарланган учларидан бири совиса, иккинчиси исийди. Бу ҳодисани француз физиги ва метеорологи Ж. Ш. А. Пельтье (1785—1845) кузатган (1834). П. э. *Зеебек эффектининг* аксидир.

П. э. қуйидагича тушунтирилади. Ток ташувчилар (электрон ёки коваклар) кавшарланиш чегарасининг 2 томонида контакт потенциаллар фарқи туфайли турлича энергияга эга бўлади. Агар заряд ташувчилар кавшарланган учидан ўтиб, кичик энергияли соҳага тушиб қолса, улар ортиқча энергияларини кристалл панжарага беради, натижада кавшарланган уч қизийди. Бошқа учида эса ток ташувчилар катта энергияли соҳага ўтади ва етишмайдиган энергияни панжарадан олади, натижада бу кавшарланган уч совийди.

Тажриба шуни кўрсатадики, кавшарланган жойдан ўтаётган заряд миқдорида тўғри пропорционал равишда иссиқлик (Пельтье иссиқлиги) ажралади: $Q=\Pi \cdot It$; бу ерда П — Пельтье коэффициенти (у кавшарланган материалларнинг табиатига боғлиқ, $\Pi = T_{ист} \Delta\alpha$, бунда $T_{ист}$ — контактдаги мутлақ т-ра, $\Delta\alpha$ — кавшарланган ўтказгичларнинг солиштирма иссиқлик электр юритувчи кучи), I — ток кучи, t — токнинг ўтиш вақти. П. э.дан А. Ф. *Иоффе* таклиф этганидек совиткич ва иситкич қурилмаларини яратишда фойдаланилади.

ПЕМЗА (лот. pumex — ғовак) — нордон *вулкан шишасининг* серғовак (ғоваклиги 60—70%дан баланд) тури. Таркибида кўпинча бошқа турли кристалли доначалар (плагиоклаз, кварц, пироксен ва б.) қўшилган бўлади. Структураси кичик ва катта ғовакларга, текстураси эса толали, уяли, кўпикли, қавариқларга ажратилади. Таркибида FeO ва Fe_2O_3 миқдорига қараб ранги оқ ва зангоридан сариқ, тўқ қизил, қорагача ўзгарувчан бўлади. Қаттиқлиги 5—6,5, зичлиги 2000—2300 кг/м³, ҳажмий оғирлиги 400—900 кг/м³. Кимёвий жиҳатдан инерт, ўтга чидамли, 1300—1400° т-рада юмшайди. П. ёғоч, тош ва металларга абразив ишлов беришда, кимё саноатида фильтр ва катализаторлар тайёрлашда, нефтни қайта ишлаш саноатида, нитроглицеринли портловчи моддалар сезгирлигини ошириш учун қўшимча сифатида, шиша ва элтироқ бўёқлар и.ч.да қўлланилади.

ПЕНАЛЬТИ (инг. penalty — жазолаш) — спорт атамаси; спорт уринларида жарима майдончасида қоидани бузганлик учун жазолаш. 1891 й. футболда жорий қилинган (қоидани бузган жамоанинг дарвозасига 11 м дан туп тепилади). Шунингдек, гандболда (7 м дан), сув полосида (4 м дан) ҳам қўлланилади. Хоккей (шайба) уринчининг майдон марказидан дарвозабон б-н яккама-якка чиқиши ҳам шундай аталади.

ПЕНЕТРАНТЛИК (лот. penetro — ғешиб кираман, етиб оламан) — яқин қариндош организм гуруҳларининг ҳар хил индивидларида муҳит шароитларига боғлиқ ҳолда маълум тез аллели фаолиятининг намоён бўлиш частотаси. «П.» термини рус олими Н. В. Тимофеев-Ресовский (1927) томонидан таклиф этилган.

Тўлиқ П. (аллел барча индивидларда ўз фаолиятини кўрсатади) ва тўлиқсиз П. (аллел бир гуруҳ индивидларда фаолият кўрсата олмайди) фарқланади. Тўлиқсиз П. кўпгина генларнинг фаолиятига хос. Мас., хитой наврўзгули гулининг қизил (P-) — оқ (pp) ранги ҳарорат 15—25° бўлган шароитда моногурғай типда ирсийланади. Агар F_2 ўсимликлари 30—35° ҳароратли шароитда ўстирилса, барча ўсимлик гуллари оқ рангда, 25—30° ҳароратли шароитда эса 3P-:1 pp нисбатдан то 100 % оқ гулли ўсимликларгача кузатилади.

Бир хил генотипли организмларда белгининг муҳит шароитларига боғлиқ ҳолда намоён бўлиш ёки бўлмаслик ҳолати конкрет шароитда яшаётган организмдаги генлар таъсирининг натижасидир.

ПЕНЗА — РФ *Пенза вилоятида*ги шаҳар. Вилоят маркази. Сура дарёси (Волга ирмоғи) бўйида. Т. й. ва автомобиль йўллари тугуни. Аҳолиси 534 минг киши (1998). Машинасозлик (дизель, компрессор, электрон-ҳисоблаш машиналари, кимё, тўқимачилик машинасозлиги, соатсозлик, велосипед з-лари), енгил, озиқ-овқат, қоғоз ва ёғочсозлик саноати корхоналари, тиббий препаратлар з-ди, пианино ф-каси бор. 5 олий ўқув юрти, 2 театр, ботаника боғи, ўлкашунослик, халқ ижодиёти, Н.Н.Бурленко, В.Э. Мейерхольд музейлари, суратлар галереяси мавжуд.

1663 й.да Россия давлатининг жан.-шарқий чеккасида острог (чегара истеҳкоми) сифатида асос солинган. 1719 й.дан нояблик, 1796—97 й.ларда ва 1801 й.дан губерния маркази. 1928—30 й.ларда Средневолжск ўлкаси Пенза округи маркази. 18—20-а. бошларидаги меъморий ёдгорликлар: барокко услубидаги Петропавловск собори (18-а), Спас-Преображение монастирининг кафедрали собори (18—19-а.лар) сақланган.

ПЕНЗА ВИЛОЯТИ — РФ таркибидаги вилоят. 1939 й. 4 февр.да ташкил этилган. Россия Европа қисмининг жан.-шарқида жойлашган. Волгабўйи федерал округига киради. Майд. 43,2 минг км². Аҳолиси 1453,4 минг киши (2002), асосан, руслар, шунингдек, мордва, татар, чуваш ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 64,4%. Ҳ.да 28 маъмурий туман, 11 шаҳар, 16 шаҳарча бор. Марказ — Пенза ш. Бошқа йирик шаҳарлари — Кузнецк, Сердобск.

Вилоят ҳудудининг катта қисмини Волгабўйи қирлари (энг баланд жойи 331 м) эгаллайди. Чекка ғарбий қисми Ока — Дон текислигида (бал. 150—180 м) жойлашган. Иқлими мўътадил континентал. Январнинг ўртача т-раси —12°, июлиники 19°. Йиллик ёғин 600 мм. Вегетация даври 126—132 кун. Йирик дарёлари — Сура, Мокша, Хопёр, Ворона. Ҳ.нинг катта қисми ўрмон дашт ва қисман кенг баргли ўрмонлар зонасида (шарқда) жойлашган. 65%дан ортиқ ҳудуди қоратупроқли. Ҳудудининг 23% ўрмон. Тулки, сувсар, қуён, бўрсиқ, кўрсичқон, қора сассиққўзан, юмронқозиқ, кийик, вихухоль, лось, оқ сичқон, латча яшайди. Вилоят ҳудудида Волгабўйи ўрмон-дашт қўриқхонаси ташкил этилган.

Асосий саноат тармоқлари: машинасозлик (кимё ускуналари, қувур ўтказиш саноат аппаратураси, тўқимачилик машиналари, компрессорлар, дизель ва дизелли генераторлар, қ.х. машиналари, ҳисоблаш техникаси воситалари, велосипедлар и.ч.), енгил (пойабзал, тўқимачилик), озиқ-овқат, кимё-фармацевтика. Юқори сифатли идиш-товоқлар ишлаб чиқарилади. Асосий саноат марказлари: Пенза, Кузнецк, Сердобск, Каменка, Нижний Ломов.

Вилоят қ.х. дончилик ва чорвачиликка ихтисослашган. Галла, қанд лавлаги, кунгабоқар, сабзавот, картошка, ем-хашак экинлари экилади. Қорамол, чўчқа, қўй ва эчки, парранда боқилади. Автойўллар зичлиги 133 км/минг км² (1997). 5 олий ўқув юрти, 8 музей, 2 театр, ботаника боғи, 7 санаторий, 56 дам олиш уйи, Ахуня курорти мавжуд.

ПЕНЗИАС (Penzias) Арно Аллан (1933.26.6, Мюнхен) — америкалик радиофизик ва астрофизик. Колумбия ун-тини тугатган (1958). 1961 й.дан «Белл телефон лабораториc» фирмасида ишлаб, 1964 й.да Р. Вильсон б-н ҳамкорликда реликтив нурланишни кашф этган. Нобель мукофоти лауреати (1978, Р. *Вильсон* б-н биргаликда).

ПЕНИЦИЛЛ, пенициллиум (Penicillium) — тифомицетлар тартибига мансуб замбуруғлар туркуми. Ипга ўхшаш мицелийси яшил-кўкранг, кўп марта тармоқланган, субстратни тешиб кириб ўсади. Конидий (спораларни мицелийси учидаги ўсинталарида ҳосил бўлади. Айрим турлари ҳатлаш босқичлар ҳосил қилади. 250 та яқин тури бор, кенг тарқалган, аниқса, мўътадил иқлимда кўп учрайди. Кўпчилиги сапрофит, айрим турлари паразит. Табиатда ўсимлик ва ҳайвон қолдиқларини парчалашда иштирок этади; озиқ-овқат маҳсулотларини бузади. Бошқа замбуруғлар б-н бирга моғор (пўпанак) ҳосил қилади. П. — антибиотиклар, ферментлар ва органик кислоталар ҳосил қилувчилар. 2 та турдан пенициллин олишда, 1 туридан нишлоқ и.ч.да фойдаланилади.

ПЕНИЦИЛЛИН — кимёвий тузилиши бир-бирига яқин табиий ва ярим синтетик антибиотиклар гуруҳи. Тиббиёт амалиётида илк бор қўлланилган. П.ни Penicillium туркумига мансуб замбуруғлар ишлаб чиқаради. 1928 й.да америка бактериологи А. Флеминг замбуруғларнинг бактерияларга таъсир этувчи хоссаси борлигини тасодифан аниқлаган. Аммо, фақат 1941 й.да А. Флеминг, инглиз патологи Х.Флори б-н бирга моғор замбуруғининг бульон фильтратидан П.ни ажратиб олиб, 1945 й. П. ва унинг юқумли касалликларни даволашда самарадорлигини кашф этганлари учун Нобель мукофотига сазовор бўлди.

Ҳоз. тиббиётда табиий ва ярим сунъий П.лардан фойдаланилади. Табиий П.га бензилпенициллиннинг натрийли ва калийли тузи, бицилин -1, -3, -5 ва феноксиметилпенициллинлар киради. П. молекуласининг асосий қисми 6-аминопенициллин кислота ташкил қилиб, бу бета-лактам ва тиазолин ҳалқаларидан ташкил топган мураккаб гетероциклик бирикма ҳисобланади. Табиий П.нинг таъсир доираси тор. Табиий П. стафилококк, стрептококк, пневмококк, гонококк, менингококклар, газли гангрена, қоқшол, ботулизм, қуйдирги, дифтерия, захм каби касалликларнинг қўзғатувчиларига жуда фаол таъсир этади. Шунинг учун у пневмония, септик эндокардит, жароҳатланиш оқибатида келиб чиққан касалликлар, сарамас, перитонит, цистит, остеомиелит, дифтерия, скарлатина ва б. касалликларда қўлланади.

Ярим сунъий П.га биологик ва кимёвий йўллар б-н олинадиган ҳар хил моддалар киради. П. кислотасидаги бензил радикали ўрнига ҳар хил бошқа радикаллар қўшилиши натижасида ярим сунъий П.нинг бир қанча авлодлари олинди, булар антибактериал доираси, пенициллиназага чидамлилиги ва б. хусусиятлари б-н бир-биридан фарқ қилади. Ярим сунъий П.нинг заҳарлилиги кам, организмдаги суюқлик ва тўқимага енгил сўрилади.

П.нинг актибактериал таъсир механизми, ҳужайра девори синтезининг бузилиши б-н боғлиқ бўлиб, бунда пентидогликам (муреин) моддасини синтез қилувчи реакция тўсиб қўйилади. Шу сабабли П. гуруҳи дорилари, асосан, ўсувчи бактерия ҳужайраларига таъсир қилади. Шу б-н бирга маълум бир бактериялар ҳужайра деворининг синтези бузилса ҳам ўз ҳаёт фаолиятини сақлаб қолиб, L - шаклдаги микроорганизмга айланиши мумкин.

П. гуруҳи антибиотикларини қўллашда бактериялари уларга нисбатан таъсирчанлиги эътиборга олинади ва шифокор маслаҳатига кўра қўлланади.

П.нинг ножўя таъсирига, асосан, аллергик реакциялар, парентерал йўл б-н юборилгандаги асоратлар (огриқ, абсцесс, флебит ва б.), дисбактериоз мисол бўла олади.

ПЕНИЦИЛЛИОЗ —ўсимлик касаллиги, кўпроқ ғўза кўсаги касалланади. Касалликни Penicillium турига мансуб замбуруғлар қўзғатади. Кўсакнинг айрим чаноқларини ёки бутунлай шикастлаб, толада кулранг, яшил, кулранг-кўкиш, сарғиш ва б. рангли ҳосил қилади. Тола технологик хусусиятларини йўқотади ва фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолади. П., асосан, ўсимликнинг пастки — ерга яқин жойларидаги ёки ётиб қолган туплардаги кўсакларда ривожланади. Баъзан П. иккиламчи инфекция-вертициллёз *вилт*нинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Кураш чоралари: ғўзанинг ётиб қолишига йўл қўймаслик, бегона ўтларни йўқотиш, далани кеч кузда суғормаслик.

ПЕННИН — хлоритлар гуруҳига мансуб минерал. Метаморфик тоғ жинсларида кенг тарқалган. Кимёвий таркиби $(Mg, Fe)_5 Al[AlSi_3O_{10}](OH)_8$. Моноклин сингонияли; псевдогексагонал, пластинкасимон кристаллар ҳосил қилади. Ранги, кўпинча, яшилдан қорамтир-яшилгача; хромга бой бўлган П. (родохром, кеммерерит) эса пушти, бинафша ёки оч қизил, қизил бўлади. Қаттиқлиги 2—2,5, зичлиги 2600—2850 кг/м³. Иккиламчи минерал сифатида магнезиал-темир силикатлар (оливин, энстатит, шох алдамчиси, биотит ва б.) метаморфланишидан ҳосил бўлади. Қоғоз саноатида ишлатилади.

ПЕНОПЛАСТЛАР, говак полимер материаллар — газ б-н тўлдирилган пластмассалар. Газ бир-бирига туташмаган бўшлиқ (катакчалар ичида бўлади. П.нинг ҳажмий массаси қаттиқ иссиқлик, товуш, сув ва электр ўтказмайди. П.нинг хоссаси кўпикланиш даражаси, говакларининг тузилиши ва полимернинг кимёвий табиатига боғлиқ.

П. полимерларни юқори эластик ҳолатда кўпиклаштириш ва қовушоқ-суюқ полимер композициясини кўпиклаштириш усулида тайёрланади.

П. кўч конструкцияларининг мустаҳкамлигини ошириш мақсадида уларнинг элементларига, юқори эластик хусусиятга эга бўлган материалларга тўлдиргич сифатида, конструкцион элементларда иссиқликни изоляциялашда ишлатилади. Радио ва электр техника қурилмаларида, сувни қурилмаларининг чўкмайдиган қисмлари ва деталларини тайёрлашда, мебеллар, кийимлар и.ч. ва б.да қўлланади. П. тайёр прессланган ва ярим фабрикат ҳолда чиқарилади.

ПЕНСИЛЬВАНИЯ — АҚШнинг шим.-шарқий қисмидаги штат. Шарқда Делавэр дарёси б-н, шим.-ғарбда Эри кўли б-н чегараланган. Майд. 117,4 минг км². Аҳолиси 12,3 млн. киши (2002), 69%и шаҳарларда яшайди. Маъмурий маркази — Харрисберг ш.; йирик саноат шаҳарлари: Филадельфия ва Питсбург. П. — АҚШнинг дастлабки 13 штатидан бири; бу ерга европаликлар 17-а.дан кўчиб кела бошлаган.

Ер юзасининг катта қисмини Аппалачи тоғлари эгаллаган, унинг штат ҳудудидаги энг баланд жойи 979 м. Жан.-шарқида Атлантика бўйи пасттекислиги бор. Иқлими сернам, мўътадил иқлим. Йиллик ёғин 1000 мм. Дарёларида кема қатнайди. П. — АҚШнинг иқтисодий жиҳатдан энг тараққий этган штатларидан. Қора металлургия, кончилик саноатлари ривожланган. П. чўян ва пўлат эритишда, кокс и.ч.да мамлакатда етакчи ўринда. Тошкўмир, антрацит, озроқ миқдорда нефть, табиий газ, темир рудаси қазиб чиқарилади. Металлургия, металлсозлик, машинасозлик (айниқса, кон ва йўл қуриш машиналари, кемасозлик, реакторсозлик, электротехника, радиоэлектроника), цемент, кимё, нефтни қайта ишлаш, ойна, тўқимачилик, тикувчилик корхоналари бор.

Қ.х. шаҳар аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари б-н таъминлашга ихтисослашган. Чорвачилик ва паррандачилик қ.х товар маҳсулотининг 3/4 қисмини беради. Боғдорчилик ва сабзавотчилик ривожланган.

ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ — аҳолини давлат томонидан кафолатланган ижтимоий ҳимоя қилишни амалга ошириш учун зарур молиявий базани яратиш, *пенсия* ва *нафақа*ларни қонунда белгиланган миқдорларда тўланишини маблағ б-н таъминлашни амалга оширадиган жамғарма. Дастлаб Ўзбекистонда П.ж. 1991 й. 14 январда собиқ СССР Пенсия жамғармасининг Ўзбекистон Республикаси бўлинмаси мақомида тузилган. 1993 й. 4 авг.да Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармасига айлантирилган. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1996 й. 27 дек.да «Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузурида Пенсия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори б-н Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузурида ташкил этилди. 2001 й. 1 январдан Бюджетдан ташқари П.ж. га айлантирилди.

П.ж.нинг асосий вазифалари: фуқароларнинг ижтимоий таъминотга ва ижтимоий суғуртага бўлган давлат томонидан кафолатланган ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириш; давлат ижтимоий суғуртасига бадал ва ажратмаларни йиғиш ва жамлаш; «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»қонунга мувофиқ пенсияларнинг ўз вақтида тўланишига, шунингдек, ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тўлаш харажатларини маблағ б-н таъминлаш ва б. П.ж. маблағларидан ижтимоий таъминот органлари томонидан тайинланадиган пенсиялар; болаликдан ногиронларга, давлат пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар; вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари, шу жумладан, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси; бола туғилганда бериладиган нафақалар; дафн маросими нафақалари; қонун ҳужжатларига мувофиқ, П.ж.дан маблағ б-н таъминланадиган бошқа тўловлар берилади. П.ж. маблағлари мулкчилик шаклларидан қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг суғурта бадаллари (37,3%), фуқароларнинг иш ҳақидан мажбурий суғурта бадаллари (2,5%), шунингдек, юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти б-н шуғулланувчи жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжаликлари аъзолардан қонунда белгиланган миқдорда; мулкчилик шаклларидан қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг сотилган маҳсулот (иш, хизматларнинг амалдаги 0,7 % миқдорида мажбурий ажратмалари суммаларидан ва б. қонунда белгиланган ажратмалардан шаклланади. Ўзбекистон Республикаси П.ж.нинг жами даромадлари 480748349,38 минг сўмни, жами харажатлар 477988271,96 минг сўмни, давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунга асосан, пенсия ва нафақа олувчилар сони 2905976 кишини ташкил этади (2003; 1 янв.). Республика П.ж.нинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар бўлимлари ва 213 та туман ва шаҳар шўъбалари бор (2003).

Норсоат Аллаев

ПЕНСИЯЛАР (лот. pensio — тўлов) — фуқароларга давлат ёки бошқа субъектлар томонидан қонунда белгиланган ҳолларда мунтазам ва, одатда, умрбод тўланадиган тўловлар. *Ижтимоий таъминот* шакли ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасига биноан, «Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга»дир. П., нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдорлан оз бўлиши мумкин эмас. Пенсия таъминоти масалалари Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»қонуни (1993 й. 3 сент.) б-н белгиланган. ЎзР да доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, башарти давлатлараро битимлар (шартномаларда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, ЎзР фуқаролари б-н тенг равишда П. олиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳарбий хизматчилар, шунингдек, ички ишлар органлари бошлиқлари ва оддий ходимлар таркибидан бўлган шахсларни ҳамда уларнинг оила аъзоларини П. б-н таъминлаш шартлари, нормалари ва тартиби ЎзР қонун ҳужжатлари б-н белгиланади. Айни вақтда уларга «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонун асосида пенсия олиш ҳуқуқи ҳам берилади. П.нинг турли хилларини олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга уларнинг танлашига қараб битта пенсия тайинланади.

П.нинг 3 хил тури мавжуд: ёшга доир П.; ногиронлик П.и; боқувчисини йўқотганлик пенсияси. Ёшга доир П., ўз навбатида, 2 хил бўлади: умумий асосларда тайинланадиган ва имтиёзли асосларда тайинланадиган П. Умумий асосларда тайинланадиган ёшга доир П. — эркаклар 60 ёшга тўлганда ва камида 25 й. меҳнат стажига эга бўлганда, аёллар 55 ёшга тўлганда ва камида 20 йиллик меҳнат стажига эга бўлганда тайинланадиган П.дир. Болаларини тарбиялаш учун шарт шароит яратиш ҳамда аёлларнинг уз меҳнатидан манфаатдорлигини ошириш мақсадида ЎзР нинг «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида» (1991 й. 14 апр.)даги қонунига асосан, камида 20 йиллик меҳнат стажига эга бўлган аёллар 54 ёшда пенсияга чиқиб, тўлиқ пенсия олишлари мумкин. Бу қонун 1999 й. 1 январдан кучга кирган. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1994 й. 12 майдаги 250-сонли қарори б-н тасдиқланган 1, 2, 3 рўйхатларга мувофиқ, фуқароларнинг айрим тоифалари имтиёзли асосларда тайинланадиган ёшга доир П. олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Мас., айрим тоифа фуқаролар, ёшидан қатъи назар, ёшга доир пенсияга чиқишни ёки 10 йилга, бошқалари, учун пенсия ёши, талаб этиладиган меҳнат стажи 5 йилга қисқартирилган, баъзи гуруҳ шахслар учун янада имтиёзлироқ шартлар белгиланадир (спиллутлар ва пакшалар учун). Қонунда ходимларнинг сони қисқартирилиши ва корхоналар, муассасалар, ташкилотлар тугатилиши муносабати б-н ишдан озод этилган ва ишсиз деб эътироф этилган шахслар (эркаклар — 58 ёшга тўлганида ва меҳнат стажи камида 25 йил бўлганида; аёллар — 53 ёшга тўлганда ва меҳнат стажи камида 20 йил бўлганда) П. олиш ҳуқуқига эга бўлиши кўрсатилган.

Ёшга доир П. ишламайдиган пенсионерларга улар истиқомат қилиб турган жойдаги ижтимоий таъминот органлари томонидан тўлиқ миқдорда тўланади. Ишлаб турган пенсионерларга уларнинг иш жойида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади. Қондага кўра, ишлаётган пенсионерларга ёшга доир П.нинг 50% миқдорида тўланади. Бундан истисно тариқасида айрим тоифа ходимларга ёшга доир П. тўлиқ миқдорда тўланади. ЎзР Президентининг «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони (1999 й. 17 март)га мувофиқ, ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернат уйлари, «Меҳрибонлик» уйларидаги тарбиячилар, шунингдек, кутубхоначилар сифатида ишни давом эттираётган ва пенсияга чиқиш олдидан малакали мутахассислик бўйича камида 10 йил стажга эга бўлган аёлларга 1999 й. 1 июлдан бошлаб П. тўлиқ миқдорда тўланади.

Ногиронлик П.и меҳнат қобилиятини амалда узоқ муддатга ёки бутунлай йўқотиш (*инвалидлик*) муносабати б-н тайинланади. Ногиронлик П.и ногиронлик қачон бошланганлиги ни тавсиламаси, ишга киришуни ёки ишни тўхтатилгандан кейинми, бўлган қатъи назар, қуйидаги шахсларга тайинланади: мулкчилик шакли, хўжалик юритиш усули ва туридан қатъи назар, корхоналарда, муассасалар, ташкилотларда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган ходимларга; жамоа, кооператив, акциядорлик, жамоа корхоналари аъзоси бўлган ҳолда у ерда меҳнат қилган шахсларга; қарбий хизматчиларга; бюджетдан ташқари *пенсия жамғармасига* белгиланган бадалларни муntазам тўлаб келган юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритаётган тадбиркорларга, деҳқон хўжалиги аъзоларига; пенсия жамғармасига тегишли бадаллар тўланиши ҳолда ижтимоий завлат суғуртаси б-н суғурталанмаган бўлса-да, қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсия таъминоти хусусида ходимларга тенглаштирилган бошқа шахсларга. Қонунга мувофиқ, ногиронлик пенсияси меҳнатда маиб бўлган ёхуд касб касаллигига чалинганда меҳнат стажидан қатъи назар тўланади. Умумий касаллик туфайли ногирон бўлиб қолганда ногиронлик пенсиялари тайинлаш учун муайян умумий меҳнат стажи талаб этилади. «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунининг 17-моддасида ана шу меҳнат стажлари кўрсатиб ўтилган. Ушбу қонунга биноан, 20 ёшга тўлгунга қадар умумий касаллик туфайли иш лаврида ёки ишлаш тўхтатилгандан кейин ногирон бўлиб қолган шахсларга П. меҳнат стажидан қатъи назар тайинланади. Пенсияни тайинлаш ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1994 й. 11 майдаги 249-қарори б-н тасдиқланган «Пенсиялар тайинлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этиш ва расмийлаштириш шарти тўғрисида»ги низомга мувофиқ амалга оширилади.

Боқувчисини йўқотганлик П.и — пенсия жамғармаси маблағи ҳисобидан ҳар ойда бериладиган тўловлардан иборат бўлиб, унинг миқдори вафот этган боқувчининг иш ҳақига, унинг қарамогида бўлиб келган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари сонига боғлиқдир. Бундаги даҳлдор масалалар «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунда кўрсатилган (19, 20-моддалар). Эр-хотинининг вафот этганлиги сабабли тайинланган боқувчисини йўқотганлик пенсияси пенсионер бошқа никоҳга кирганда ҳам сақлаб қолинади. Бироқ янги никоҳга киргандан кейин пенсия тайинлаш учун мурожаат қилинса, пенсия тайинланмайди. Меҳнатга қобилиятсиз, яъни 60 ва 55 ёшга кирган ёки ногирон бўлган бува ва бувилар, агар қонунга мувофиқ, уларни боқиши шарт бўлган кишилари бўлмаса, боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Қонунда П. ни тайинлаш, ҳисоблаш, қайта ҳисоблаш ва тўлаш тартиби кўрсатиб ўтилган. П. миқдори меҳнат стажи муддатига боғлиқ бўлиб, у: пенсиянинг тавяч миқдори; меҳнат стажи учун пенсиянинг оширилган қисми; пенсияга қўшиладиган устама ҳақлардан ташкил топади. Қонунга мувофиқ, П. туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тайинланади. Пенсия тайинлаш тўғрисидаги ҳужжатлар улар тушган кундан эътиборан 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқилади. Ёшга доир пенсия — агар пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб 3 ой ичида уни сўраб мурожаат этилган бўлса, пенсия ёшга тўлган кундан эътиборан тайинланади. Ушбу пенсия умрбод тайинланади. Ногиронлик пенсияси — агар ногиронлик белгиланган кундан бошлаб 3 ой ичида пенсия сўраб мурожаат этилган бўлса. Тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК) томонидан ногиронлик белгиланган кундан эътиборан тайинланади. Ушбу пенсия бутун ногиронлик даври учун, 60 ёшдан ошган эркак ва 55 ёшдан ошган аёл ногиронларга — умрбод тайинланади. Пенсионер ногиронларни қайта тиббий кўрикдан ўтказиш фақат уларнинг аризасига биноан амалга оширилади. Боқувчисини йўқотганлик П.и — пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб, лекин пенсия тайинланиши учун мурожаат этишдан олдинги 6 ойдан ошмаган муддатдан эътиборан тайинланади. Пенсия марҳумнинг оила аъзоси меҳнатга қобилиятсиз деб ҳисобланган бутун давр учун; оиланинг эркаклар — 60 ёшга, аёллар — 55 ёшга тўлган аъзолари учун эса умрбод тайинланади.

Ад.: «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига шарҳлар, Т., 1995; Ўзбекистон Республикасининг имтиёзли пенсия таъминоти ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив ҳужжатлари, Т., 2000; Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлари ахборотномаси, Т., 2000.

Анвар Ишметов.

ПЕНСОН Макс Захарович (1883, Велиж қишлоғи, Смоленск яқинида — 1959, Тошкент) — фотограф, Ўзбекистонда фото санъати асосчиларидан. 1915 й. Туркистонга келган. Кўқондаги ҳунар мактабларида рассомлик санъати ва чизмачиликдан дарс берган, кейинчалик фотография б-н шуғулланган. 1921 йдан «Правда Востока» газда фотомухбир. П. Ўзбекистоннинг фотойилномасини яратишга ҳисса қўшган. «Ўзбек мадонналари», «Ўтил савод чиқарди» ва б. фотосуратлари ҳақиқий фото санъати асаридир. П. республика

М. З. Пенсон. «Ўзбек мадоннаси».

ва хорижий фото кўргазмалари иштирокчиси. Унинг фото суратлари республика ва хорижий нашрларда чоп этилган. П.нинг ўғиллари Мирон Максимович (1928.15.3) ва Захар Максимович (1930.6.12), қизи Дина Максимовна (1932.23.5) ҳам моҳир фотографлардир.

Ад.: Ходжаев Ф., Макс Пенсон, М., 1973.

ПЕНТАГРАММА (юн. penta — беш ва ...*грамма*) — ҳар бир томонга бир хил тенг ёнли учбурчаклар ясалган мунтазам бешбурчак. Бу учбурчакларнинг ён томонлари қаварик бўлмаган мунтазам



Пентаграмма: Мунтазам бешбурчакнинг диагоналлари тенг пентаграмма

ўнбурчак ҳосил қилади. Мунтазам бешбурчакнинг диагоналлари П. ни ташкил этади (расмга қ.).

ПЕНТАНЛАР, C_5H_{12} — тўйинган углеводородлар. Мол. м. 72,146. Учта изомери бор: нормал пентан $CH_3(CH_2)_3CH_3$ (*н*—П.), изопентан $(CH_3)_2CHCH_2CH_3$ (2-метилбутан) ва неопентан $(CH_3)_4C$ (2,2-диметилпропан, тетраметилметан). *н*-П. ва изопентан — ўзига хос ҳидли, рангсиз, ёнувчан суюқликлар, неопентан — газ. *н*-П.нинг суюқланиш т-раси — 129,72°; қайнаш т-раси 36,07°; зичлиги 626 кг/м³. Изопентаннинг суюқланиш т-раси — 159,89°; қайнаш т-раси 27,85°; зичлиги 620 кг/м³. Неопентаннинг суюқланиш т-раси —16,55°; қайнаш т-раси 9,5°; зичлиги 591 кг/м³. П. *газ конденсатлари, нефть, нефтни қайта ишлаш* маҳсулотлари таркибида бўлади ва бу маҳсулотлардан ректификация усули б-н ажратиб олинади. Табиий газдан олинадиган *бензин* таркибидан 40% гача техник П. (*н*-П. ва изопентаннинг 1:1 нисбатдаги аралашмаси ҳамда қўшимча сифатида 2% гача неопентан) бўлади. *н*-П. изопентан, пентенлар, амил спиртлар ва уларнинг эфирлари, амилфенол ва б. олишда, шунингдек, эритувчи сифатида ишлатилади. Изопентан — юқори октанли бензинлар компоненти. Техник изопентан (зичлиги 620 кг/м³, мотор усули бўйича *октан сони* 90) бензинларнинг октан сонини ошириш ва тетраэтилқўрғошин қўллашни камайтириш мақсадида 15% гача қўшилади.

ПЕНТЛАНДИТ — сульфидлар синфига мансуб минерал, темир-никель колчедани. Биринчи бўлиб инглиз сайёҳи Ж. Пентленд (1797—1873) топган (номи шундан).Кимёвий таркиби $(Fe, Ni)_9S_8$. П.да 32,55% темир, 34,22% никель, 32,33% олтингугурт ҳамда аралашма ҳолида 3% гача Co бўлади. Таркибида 49% гача Co бўлган П. кобальтпентландит дейилади. Куб системада кристалланади. Металлдек ялтироқ; оч жезсимон-сариқ тусда. Қаттиқлиги 3—4, зичлиги 4500—5200 кг/м³. Асосли ва ўта асосли отқинди жинслар (габбро-норитлар, пироксенитлар ва б.) б-н генетик боғланган сульфид рудалари конларида учрайди. Никель рудалари олишда асосий хом ашё ҳисобланади.

ПЕНТОД [юн. pente — беш ва *электрод*] — катод, анод ва учта тур (бошқариш, экран, антидинатрон) дан иборат беш электродли электрон лампа; паст ва юқори кувватли хиллари бор. Паст кувватли П. юқори ва оралиқ частотали кучайтиргичларда ишлатилади. Юқори кувватли П. ўзгармас (баъзан, ўзгарувчан) ток гармоник электр энергиясини юқори частотали энергияга айлантириб бериш учун ишлатилади. П. ёрдамида частотаси бир неча ўн МГц гача бўлган электр тебранишлар генерацияланади ҳамда уларнинг кучланиш ва қуввати кучайтирилади.

ПЕНЬКОВСКИЙ Лев Миланович [1894.31.12.2), Кременчуг — 1971.26.7, Москва] — рус шоири, ўзбек шеъриятининг таржимонларидан бири. Адабий фаолияти 1917 й.гача бошланган бўлишига қарамай, 20-й.ларнинг 2-ярмида шоир сифатида танила бошлаган. 30-й.лардан бошлаб асосан балиий таржима б-н шуғулланган. Ўрта Осиё халқлари оғзаки ижоди, мумтоз шеърияти обидалари ва замонавий шоирларининг кўплаб асарларини рус тилига таржима қилган. П. Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», Бедилнинг «Комде ва Модан-достонлари, Умар Хайём рубоийлари, Бобур ғазал ва рубоийлари, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Зулфия ва б. ўзбек, грузин, арман, эстон, татар, бошқирд, чуваш, ёқут шоирларининг шеърларини, шунингдек, ўзбек халқининг *«Алпомиш»*, *«Ўрзигул»*, қирғиз халқининг *«Манас»*, қозоқ халқининг *«Қиз-Жибек»* сингари эпос ва достонларини рус тилига таржима қилган. У айни пайтда *Гёте, Гейне, Беранже, Гюго* каби жаҳон мумтоз шоирларининг асарларини ҳам рус тилига ўгирган. П. қайси тилдан таржима қилган бўлса, шу тилнинг лисоний ва мусиқий хусусиятларини, у ёки бу шоирнинг ижодий-индивидуал услубини ўрганиш, таржима қилинаётган асардаги миллий руҳни сақлашга алоҳида эътибор берган. Таржималари «Танланган шеърий парчалар» (1956), «Асрлар ва йиллар оша» (1960), «Чанг» (1971) тўпламларида нашр қилинган.

Ас.: Сквозь века и годы, Т., 1960.

ПЕНЯ (лот. poena — жазолаш) — мажбуриятларнинг ўз вақтида бажармаганлик учун тўланадиган пул жаримаси. Кечиктириб юборилган мажбурият суммасидан фоизларда белгиланади ва кечиккан муддатнинг ҳар бир куни учун ундирилади.

ПЕПСИН (юн. pepsis — овқат ҳазм қилиш) — сут эмизувчилар, қушлар, судралиб юрувчилар ва кўпчилик балиқлар *меъда шарасининг* асосий ферменти. *Оқсиллар* ва *пептидларни* парчалайди. Нечиқ олими Ї. Шванн томан (1836). Америкалик олим Ж. Нортроп уни кристалл ҳолда олган (1930).

Меъда шилдиқ қавати бездари чиқарадиган пепсиноген меъда ширасидаги хлорид кислота таъсирида П.га айланади. Лаб.да оқсилнинг бирламчи гидролизини ўрганиш, сир ивитишда ишлатилади. Тиббиётда меъда ширасининг ажралишини суслиқ, овқат ҳазм қилиш йўлларининг фаолияти бузилганда қўлланади.

ПЕПТИД БОҒЛАР — амид боғларнинг бир тури. Бир аминокислотанинг α-аминогуруҳи (NH_2) иккинчи аминокислотанинг α-карбоксил гуруҳи б-н реакцияга кириши натижасида ҳосил бўлади. Бу реакцияда бир молекула сув ажралади.



R_1R_2 — радикаллар, ҳар бир аминокислота ўзига хос радикалга эга.

Оқсиллар ва пептидлар таркибидаги — CO—NH— гуруҳи кето-енол таутомерия (айрим кимёвий бирикмаларнинг бир-бирига эркин ҳолда айланиш хусусиятига эга бўлган структуравий изомерлар кўринишида бўлиши) ҳолатида бўлади.

Таутомерия туфайли П. б.нинг 40% дан кўпроқ қисми қўшбоғли. Бу эса пептид занжирининг узунлигини якка боғ ҳолатдагига нисбатан бирмунча қисқартиришга олиб келади. Тирик организмларда П. б.нинг ҳосил бўлиши ферментатив реакциялар ёрдамида амалга оширилади. Лаб. шароитида П. б.ни кимёвий ва ферментатив реакциялар ёрдамида синтез қилиш ва парчалаш усуллари ишлаб чиқилган. Бу усуллар табиий пептидларни синтез қилишга ва пептид ҳамда оқсилларнинг аминокислоталар таркибини, уларнинг кетма-кет жойланиш тартибини аниқлашга имкон беради. Пептидлар пептид боғ орқали бириккан бир хил ёки ҳар хил аминокислоталардан ташкил топган органик бирикмалардир. Таркибидаги аминокислота сонига биноан, ди-, три-, тетра пептидлар ва *полипептидлар* бўлади.

ПЕПТИДАЗАЛАР, *липопептидазалар, полипептидазалар — пептидлар* ёки пептонларни аминокислоталарга парчаловчи ферментлар. Ҳайвон ва ўсимлик тўқималари ҳамда микроорганизмларда кўп бўлади. Протеиназалар б-н бирга оқсил алмашинишни жарёнида қатнашиб, оқсил молекулаларини аста-секин яқин аминокислоталарга парчалайди.

ПЕПТИДЛАР (юн. peptos — қайнатилган, ўта қайнатилган) — бир-бирига амид (пептид) боғ б-н боғланган 2 ва ундан ортиқ *аминокислоталар* қолдиқларидан иборат бирикмалар. Таркибидаги аминокислота қолдиқларининг сонига қараб П. липептидлар, трипептидлар, тетрапептидлар ва б. деб аталади. Молекуласида 10 тагача аминокислота қолдиғи бўлган П. — олипептидлар, 10 тадан ортиқ аминокислота қолдиғи тутган П. — полипептидлар, мол. м. 6000 дан юқори бўлган табиий полипептидлар — *оқсиллар* деб аталади. П. ҳайвон ва ўсимликлар организмида оқсилларнинг парчаланишидан ҳосил бўладиган маҳсулотлардир. Ўсимликлар, ҳайвонлар ва микроорганизмларда яқин ҳолда учрайди.

ПЕПТИЗАЦИЯ (юн. peptein — қайта пиширмоқ) — коагуляция натижасида олинган чўкманинг қайтадан қолдиқ эритма (золга ўтиш жараёни. П. коагуляцияга тескари, яъни чўкмага тушган йирикроқ агрегатларнинг қайтадан коллоид заррача ҳолатига ўтиши (дезагрегацияланиши). П. жараёнини амалга ошириш учун коагуляция маҳсулотига бирор электролит ёки сирт фаол модда қўшиб, эритувчи б-н аралаштирилади. Коллоид эритма олишда ишлатилган электролит ва баъзи сирт фаол моддалар **пептизаторлар** дейилади. П. тезлигига турли омиллар (пептизаторнинг кимёвий хоссаси, концентрацияси, чўкманинг ҳолати ва миқдори, т-ра, аралаштириш тезлиги, водород ионларнинг эритмадаги концентрацияси, ультратовуш, радиоактив нур ва ҳ.к.) таъсир этади. П. мураккаб жараён бўлиб, унинг механизми дисперсион муҳит ва пептизаторнинг чўкма сиртига адсорбланишига, сольват қаватлар ҳосил бўлишига, чўкма б-н пептизатор орасида бир қатор оралиқ маҳсулотлар пайдо бўлишига боғлиқ. Бевосита ва билвосита П. бўлади. Агар қўшилаётган модда тўғридан-тўғри пептизатор вазифасини ўтаса **бевосита** ёки **адсорбцион** П., қўшилаётган модда чўкма сирти б-н реакцияга киришганида пептизатор ҳосил бўлса, жараён **билвосита** ёки **десорбцион** П. дейилади. Узоқ вақт сақланган чўкмани П. қилиб бўлмайди. Пдан коллоид кимёда ва техникада кенг фойдаланилади.

ПЕРГА — асалари шиғил, катакларга жойлаган ва асал б-н аралашган ўсимлик чанги; асаларилар озиғи. Пдан, асосан, баҳорда, асаларилар оиласи кўпайтирган даврда фойдаланилади.

ПЕРГАМЕНТ (мил. ав. 2-а.да ҳат ёзиш учун ишлатилган материал пергамент тайёрлана бошланган Пергам шаҳри номидан) — 1) махсус ишлов берилган мол ва чўчқа териси; доира, дўмбира, барабан ва баъзи машина деталлари учун ишлатилган; 2) сульфат кислота (H_2SO_4) б-н ишлов берилган қоғоз; шаффоф, ёғ ва сувни ўтказмайди. Материалларни ўралда, изоляция материали сифатида ва б. мақсадларда ишлатилади.

ПЕРГОЛА (итал. pergola — бостирма) — токсимон қурилма, ишком. Ёғоч, металл, темир ва б.дан айвон, шийпон, галерея, йўлак шаклида қурилиб, чирмашадиган ўсимликлар б-н кўкаламлаштирилади. 16—18-а.ларда Европа бог-парк санъатида кўп фойдаланилган. Ҳозир маданият ва истироҳат боғларида, ижобхоналарда, мактаб, боғча ва б.да П.дан фойдаланилади.

ПЕРГОЛЕЗИ, Перголезе (тахаллуси, асл фамилияси Драги) Жованни Батиста (1710.4.1, Ези, Анкона — 1736.17.3, Неаполь яқинидаги Поццуоли) — итальян композитори, Неаполитан опера мактабининг йирик вакили. П. —10 опера, концерт, оратория, трио-сонаталар, диний мусиқа (жумладан, машҳур «Stabat mater», 1735) ва б. муаллифи. *Буффо опера* асосчиси. Унинг «Чўри-бека» (1733) асари мазкур жанрнинг дастлабки мумтоз намунаси бўлиб, бошқа мамлакатларда халқчил ва демократик операнинг ривожланишида муҳим роль ўйнади.

ПЕРЕДВИЖНИКЛАР (рус.). сайёр кўргазмачи рассомлар — Россияда 19-а. 70-й.ларида юзага келган кўчма бадиий кўргазмалар биродарлиги, бадиий уюшма (1870—1923) аъзолари П. деб аталган: бу ибора 20-а.нинг 50—60-й.ларида ўзбек матбуот ва адабиётларида ишлатилган; ҳоз. кунда «сайёр рассомлар» ибораси ишлатилади. Ташаббускорлари Г. Г. Мясоедов, Н. Н. Крамской, Н.Н.Ге, В. Перов ва б. Жамиятдаги илғор ижтимоий ва эстетик қарашлар таъсирида бўлган П. мамлакатдаги яхши анъаналарни ривожлантирди, кўргазмалар ташкил этди, маърифатпарварлик ишларини кенг йўлга қўйди. Биринчи кўргазма 1871 й. 29 окт. да Петербургда очилган, сўнгра бу кўргазма мамлакатнинг бошқа йирик шаҳарларида намойиш қилинган. П. ижодий методи танқидий реализмга асосланган. Халқ ҳаёти ва тарихи, ўлка ва унинг табиати демократик нуқтаи назардан тасвирланди, меҳнаткаш халқ улуғланди, рус халқининг озодлик ҳаракати қизғин мақсадланди. П. ижодида маиший жанр, портрет етакчи ўрин тутди, тарихий жанр ривожланди. Унинг сафларида И. Репин, В. Суриков, В. Васнецов, В. Перов, К. Савицкий, И. Левитан, В. Серов ва б. бўлган.

Передвижниклардан Н. Н. Ге асари: «Л. Н. Толстой» (1884, Третьяков галереясида).

П. анъаналари 19-а. охири ва 20-а. бошларида ўзбек тасвирий санъатига кириб келди. И. Казаков, Л. Бурэ, Н. Розанов ва уларнинг шогирдлари Б. Ҳамдамий, А. Абдуллаев, Л. Абдуллаев ва б. рассомлар ижодида шу таъсирни кўриш мумкин.

ПЕРЕЙРА — Колумбиянинг ғарбий қисмидаги шаҳар. Каука дарёси водийсида. Риосаральда департаментининг маъмурий маркази. Аҳолиси 353 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Т. й. ва автомобиль йўллари тугуни. Кофе ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириладиган қ.х. р-нининг савдо маркази. Озиқ-овқат, тўқимачилик, кўнчилик корхоналари бор. Шаҳарга 1836 й.да асос солинган.

ПЕРИ... (юн. peri — атрофида, яқинида, олдида) — ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, муайян нарсанинг атрофида, яқинида деган маънони англатади (мас., *перикардит, периостит*).

ПЕРИГЕЙ (*пери...* ва юн. ge — *Ер*) — Ой ёки Ер сунъий йўлдоши орбитасининг Ерга энг яқин нуқтаси. Галаёнланувчи кучлар П. нинг фазодаги вазиятини ўзгартиради. Мас., Қуёшнинг галаёнланувчи кучи таъсирида Ой перигейи орбита бўйлаб Ой ҳаракати томонга силжийди ва 8,85 й.да бир марта тўлиқ айланиб чиқади. Ер сунъий йўлдошининг перигейи силжишига

Ернинг шакли шардан фарқ қилиши сабаб бўлади. Осмон жисмларининг П.дан 2 марта кетма-кет ўтиши орасидаги вақт аномалистик давр, П.дан Ер марказигача бўлган масофа П. масофаси дейилади.

ПЕРИГЕЛИЙ (*пери...* ва юн. helios — Қуёш) — Қуёш атрофида эллипс, парабола ёки гипербола бўйича ҳаракатланаётган осмон жисми орбитасининг Қуёшга энг яқин нуқтаси. Сайёраларнинг галаёндовчи кучлари таъсирида П.нинг фазодаги вазияти ўзгаради. Мас., тортишиш қонунларига мувофиқ *Меркурий* перигелийи ўзгаргани аниқланган. П.дан Қуёш марказигача бўлган масофа П. масофа дейилади.

ПЕРИДЕРМА (*пери...* ва юн. derma — тери) — кўп йиллик ва баъзи бир йиллик ўсимликлар пояси ва илдизининг иккиламчи қопловчи тўқимаси. Пўкак, феллодерма ва феллогендан ташкил топган. П. ҳужайралари сув ва ҳаво ўтказмайди; унда жойлашган ясмиқчалар орқали газ алмашинуви ва сув буғланиши рўй беради. Одатда, ўсимликларда бир неча П. ҳосил бўлади; кейинги П. олдингисидан ичкарироқда жойлашади. Вақт ўтиши б-н ташқи П. ва улар орасидаги тўқималар ўлиб, қобиқ ҳосил қилади. П. ўсимликни ноқулай ҳароратдан сақлайди, сувнинг ортиқча буғланишига имкон бермайди.

ПЕРИДОТИТ — ўта асосли интрузив тог жинси. Таркиби, асосан, оливин (40—90%), пироксен, баъзан шох алдамчисидан иборат. П.да кремнезём миқдори SiO_2 44% дан ошмайди. Шунингдек, иккинчи даражали минерал сифатида магнетит, ильменит, пирротин, хромит, шпинель, гранат ва б., баъзан платина ҳамда айрим никель минераллари учрайди. П. бурмаланган минтақаларда ўта асосли ва асосли тог жинслари б-н биргаликда ҳамда алоҳида массивлар ҳолида учрайди. П. юқори мантиянинг асосий қисмини ташкил этувчи тог жинсидир. Ҳоз. тасаввурларга кўра, П.нинг барча турлари мантиядаги ўта асосли магманинг маҳсулидир. Баъзан П. базальт магмаси дифференцияланишининг маҳсули бўлиб, габбро массивларининг чекка фацияларини ташкил қилади. П. тўқ рангли жинс, кўпинча яшил ёки яшил кулранг бўлади. Айрим пайтда оливин ва пироксенлар кучли серпентинланиб, П. змеевикка айланади. П.нинг гарцбургит (саксонит), верлит, вебстерит (лерцолит) каби турлари мавжуд. П. бошқа ўта асосли ва асосли тог жинслари б-н бирга катта масофага чўзилган минтақа ва зоналар ҳосил қилади. Бундай жойларда хромит, платина ва силикатли никель рудалари, хризотил-асбест, тальк ва ўфоилали қазилма конлари учрайди.

ПЕРИКАРД (*пери...* ва юн. cardia — юрак) — одам ва умуртқали ҳайвонларда юракни ўраб турадиган ёпиқ халтасимон тузилма. Ташқи — фиброз ва ички — сероз қаватлардан иборат. Сероз қават висцерал (ички) ва париетал қаватларга бўлинади. Шу қаватлар орасидаги П. бўшлиғида оч сариқ тиниқ сероз суюқлик бор. Эпикард юрак юзасига ёпишган. Ташқи қават (асл П.) П. бўшлиғини кўкрак бўшлиғидан ажратиб туради. П.да қон ва лимфа томирлари, жўда кўп перв ўчлари бўлади. П. бириктирувчи тўқималар ҳосил қилган.

ПЕРИКАРДИТ — *перикард*нинг яллиғланиши. Одамда (ҳамма синфи кишиларда) ўткир ва сурункали бўлади. Ўткир П. кўпинча ревматизм, пневмококк, ўпканинг крупоз яллиғланиши, грипп, ангина, *сепсис* каби юқумли касалликлар туфайли рўй берали (инфекцион П.). Миокард инфаркти, уремия, кўкрак жароҳатланганда ҳам П. пайдо бўлиши мумкин (ноинфекцион П.). Сурункали П. сил касаллиги оқибатида келиб чиқади, кўпинча плевра ва қорин пардасининг бир вақтда яллиғланиши б-н ўтади. Юрак халтасида суюқлик бор-йўқлигига қараб П.нинг қуруқ, экссудатли ва ёпишқоқ (облитератив) шакллари фарқ қилинади. Қуруқ П.да перикардда ишқаланишга ўхшаш товуш эшитилади. Гакда т-раси бир оз кўтарилиб, юракдаги оғриқ унинг атрофига ва орқага тарқалади. Бемор йўталганда, нафас олганда оғриқ ўўраяди. Экссудатив П. серозли, йирингли, геморрагик бўлиши мумкин. Бунда бемор ўзи қовургаси остида кучли оғриқ сезади, нафаси қисилиб, энтикади, жигари шишади. Кўпинча беморнинг юзи керкиб, бўйин томирлари кенгаяди. Ёпишқоқ П.да аксарият перикардлаги суюқлик сўрилгач, перикарднинг ички ва ташқи варақлари бир-бирига ёпишиб қолади. Бунда юрак орқали қон айланиши бузилади.

Давоси: П.га сабаб бўлган асосий касалликка қарши дорилар берилади. Йирингли, экссудатли П.да антибиотиклар буюрилади. Перикардда суюқлик кўп бўлса, игна санчиб тортиб олинади. Ёпишқоқ П. операция қилиб даволанади.

ПЕРИКЛ (мил. ав. тахм. 490, Афина — мил. ав. 429) — юнон сиёсий арбоби, мил. ав. 444/443—429 й.ларда (430 й.дан ташқари) Афина стратеги (бош қўмондони). Аристократлар уруғига мансуб, демократик гуруҳ раҳбари. 443 й.дан Афина давлати бошлиғи П. Афина давлат тузумини янада демократлаштирган, жамоат бинолари (Парфенон, Пропилеи, Одеон) қурдирган. Ташқи сиёсатда П. Афина денгиз кучларини оширши ва мустаҳкамлашга интилган, стратег сифатида бир қанча ҳарбий экспедицияларга раҳбарлик қилган. Мил. ав. 431—404 й.лардаги *Пелопоннес уруши*, спарталикларнинг Аттикага бостириб кириши ва камалда қолган Афинада улат касалининг тарқалиши натижасида П.нинг мавқеи пасайган. 430 й. у стратегликка сайланмаган, бундан ташқари, молиявий жиноий қилмишлар айбланиб, ширк пул жаримаси тўланга ҳукм этилган. 429 й. П. оқланган ва қайта стратегликка сайланган, лекин ўша йили ўлдан қаттиқ азоб этган.

Перикл. *Жасад* ...ланган ҳайкалининг мармардан ишланган нусхаси (Британия музейи, мил. ав. 5-асрнинг 2-ярми)

ПЕРИЛЛА (Perilla) — лабгулдошлар оиласига мансуб бир йиллик ўтсимон ўсимликлар туркуми; мойли ва манзарали экин. Жан., Шарқий ва Жан.-Шарқий Осиёда 5 тури маълум. Бутасимон П. (P.frutescens) ва унинг япроқи хили (P.f. var. nankinensis)

Перилла.

Шарқий Осиёда ўстирилади. П.нинг мойли, эфирмойли ва сабзавот тури Хитой ва Японияда, манзарали (барглари тўқ қизил ва ранг-баранг) тури Узоқ Шарқда, Ғарбий Европада, АҚШда етиштирилади. Бутасимон П. намсевар ва иссиқсевар ўсимлик. Вегетация даври 100—150 кун, ўзидан ва четдан чангланади. П. уруғида 46—53% тез қурийдиган техника мойи (алиф, лок ва турли бўёқлар тайёрлашда ишлатилади) олинади (овқатда ҳам ишлатиш мумкин). Кўк пояси ва кунжараси молдар учун яхши озуқа. П. кенг қаторлаб (қатор ораси 60 см) 3—4 см чуқурликка экилади. Экиш нормаси 5—8 кг/га.

Тезлигидан 8—15 й.ғир ҳосил олинади.

Ҳаракатланаётган сиққурғичлар, кўчма тунлам, узоқ парвонаси, ўсимлик бити, ит ҳафтон касаллиги тарқатади.

ПЕРИМЕТР (*пери...* ва *метро* — ўлчов) — тиниқ ярим шаффоф ўзанидаги Кўзўрмасининг П. ўзини ҳамма томонлари ўзгинлисига тенг. Ҳаракатининг П. ҳам унинг ўзининг, яъни 2πR га тенг.

ПЕРИОДОНТИТ (*перио...* ва юн. odontos — тиш, periapexmenta — тиш илдиз атрофидаги тўқималар (периодонтнинг яллиғланиши. Келиб чиқишига кўра, инфекцион ва ноинфекцион бўлади. Инфекцион П. кўп учрайди. Инфекция периодонтга турли йўллар: илдиз канали, илдиз милки, чириган тиш (кариес) орқали тушади. Ноинфекцион П. дори, кимёвий моддаларнинг периодонт сатҳига тушиши, периодонтнинг механик шикастланиши (зарб, қаттиқ нарсаларни тишлаш, коронкасини синдириш ва ҳ.к.) натижасида юзага келади.

Ўткир ва сурункали П. фарқ қилинади. Ўткир П. бир неча соат давомида пайдо бўлади. Тиш усиб кетгандай туюлиб, ғужғилаб оғрийди. Йирингланиб, милк шишади. Кўпинча, шиш лимфа тугунларига ҳам тарқалади, баъзан т-ра кўтарилади. Сурункали П. ёпиқ жараён сифатида ўтади, оғиздан қўланса ҳид келади, тиш зарарланганда, киши совқотганда оғриқ пайдо бўлади. Баъзан *гранулёма* ҳосил бўлиб, ўсмага айланади. Бемор мутахассис врач назоратида даволанади. Оғриқ қолдириш мақсадида оғиз шаффоф қайнатмаси б-н чайилади. П.нинг олдини олиш учун чириган тишлар, оғиз бўшлиғи касалликларини ўз вақтида даволаш лозим.

ПЕРИОСТИТ (*пери...* ва юн. osteon — суяк) — суяк пардаси (периост)нинг яллиғланиши. Суякнинг ўзи, кўмиғи, Гаверс каналлари, суяк атрофидаги тўқималар яллиғланиши оқибатида вужудга келади. Ўткир ва сурункали бўлади. Суяк пардасига жароҳат орқали, қон ва лимфа б-н йиринглатувчи микроблар кириши ёки яллиғланиш жараёни суякдан бевосита суяк пардасига ўтиши натижасида ўткир П. келиб чиқади: беморнинг дармони қурийди, эти увишади, т-раси 39—40° гача кўтарилади, боши оғрийди. П. бўлган жой шишади, қизаради, қизийди ва тери ялтиллаб туради. Жараён ўўрайганда, суяк пардаси остида йиринг тўпланади. Ўткир П. ўз вақтида даволанмаса, сурункали П.га айланиб кетади. П. *остеомиелит* ва суякнинг бошқа касалликлари бўлиши ўлиши ҳам мумкин. П. ўўлган жойга иссиқ қилиш ва антибиотиклар, физиотерапия буюрилади.

ПЕРИПАТЕТИК МАКТАБ (юн. peripateo — сайр этиб юрмоқ) — Аристотель асос солган фалсафий мактаб. Мактабда тингловчилар ўқ-н сайр қилиб юриб дарс ўтилган (номи шундан олинган). Аристотелдан кейин қарийб 34 й. Теофраст бошчилик қилган. П.м. вакиллари аниқ фанлар ўқ-н шуғулланганлар (мусиқа назариётчиси Аристоксен, давлат тарихчиси ва назариётчиси Дикеарх, физик Стратон, географ ва астроном Аристарх Самослик ва б.). П.м. вакиллари 1—3-асрларда Аристотель асарларини нашр этишган ва шарҳлашган. П.м. платончилар, пифагорчилар, стоиклар, неоплатончиларга ва кейинчалик ўрта аср Ғарби ва Ўрта Шарқ халқлари фалсафасига ҳам сезиларли таъсир кўрсатган.

ПЕРИПТЕР (юн. peripteros — колонналар ўқ-н ўралган) — ариқлик ва классик даврдаги юнон ибодатхонасининг асосий турларидан. 4 томонидан устунлар ўқ-н ўралган тўғри бурчакли бино. П. ичи ярим очиқ қисм (пронаос), асосий ҳовли (наос) ва ундан ажратиб орқа томонга қўшилган пастқам ҳона — опистодом (ундан кўпроқ газнахона сифатида фойдаланилган)дан иборат. П.нинг ташқи кўриниши (шакли)дан классицизм даври меъморлари унумли фойдаланганлар.

ПЕРИСКОП (юн. periskopeo — атрофга қарайман, кўздан кечираман) — бронемашина (танклар, сув ости кемалари, пана жойлар, траншея ва малари, пана жойлар, траншея ва б.)дан туриб кузатиш учун мўлжалланган оптик асбоб. П.нинг пиёдалар (окоплар), артиллерячилар, танкчилар ва денгиз кўшинларига мўлжалланган турлари мавжуд. П. призмали ва ойнали хилларга бўлинади. Призмали П.нинг бир оз (1,2—1,5 марта) катталаштирилганда кўриш майдони 40° ни ташкил этади, кўпроқ (5—6 марта) катталаштириб кўрсатишида эса кўриш майдони кичраяди. Баъзи П.лар айланасига кузатиш имконини беради.

ПЕРИСТАЛЬТИКА (юн. peristaltikos — камроқ олдиган, қисадиган) — ковак (найсимон) ички аъзолар (меъда, ичак, уруғ каналлари, ўт йўли, сийдик йўли ва б.) деворининг бир маромда тўлқинсимон қисқариши. Шу ҳаракат туфайли бу аъзолардаги масса ва суюқлик олдинга силжийди.

П. автоматик тарзда амалга ошади. Марказий нерв системаси ҳамда парасимпатик) ва симпатик нервлар қали П.ни тормозлайди ёки тезлаштиради. Айрим касалликларда П. бузилади. Меъда шарасининг кислоталиги ортганда меъда П.си кучаяди. Бунда кўпинча қиқичоқ тутади, ичги қотади. Касаллик тезда зўрайиб, қорин бўшлиғида йирингли экссудат тўпланади. Бунда беморнинг ранги оқариб, кўзлари хиралашади, нафаси тезланиб, қорни шишиб кетади, тез-тез қусади. Ўткир П. ҳаёт учун жуда хавфли бўлиб, бемор зудлик б-н касалхонага ётқизилади. Сурункали П. кўпинча бирор аъзонинг зарарланиши ёки сурункали касаллик (мас., сил) оқибатида пайдо бўлади, одатда, аста-секин ривожланади. Бунда қорни бўшлиғида суюқлик тўпланиб, бемор озиб кетади, қорни огрийди, қабзият кузатилади.

Давоси: ўткир П. операция қилиб даволанади. Сурункали П.да даво касалликнинг асосий сабабига қарши қаратилади. Антибиотиклар буюрилади.

ПЕРИФРАЗА, перифраз (юн. periphrasis — тасвирий ибора; киноя, истиора) — борлиқдаги нарса ва воқеаларнинг номини тўғридан-тўғри атамасдан, уларни билвосита, яъни турли хил сўз ёки тасвирий иборалар б-н ифодалаш; мажозий ифодалардан бири (мас., «шер» ўрнида «ҳайвонлар шоҳи»; «пахта» ўрнида «оқ олтин». Алишер Навоий ўрнида «ўзбек адабиётининг асосчиси» ибораларининг

қўлланиши). П.да тасвирланаётган тушунчанинг айни мати ва вазият учун энг муҳим сифати, белгиси, хусусияти биринчи ўринга қўйилади. П.нинг асосий вазифаси матнининг ифодавийлигини, баённинг таъсирчанлигини оширишдир.

П., асосан, бадиий адабиёт тилида, публицистик ва оғзаки нутқда учрайди, илмий нутқда эса тасвирийликдан холи бўлади ва термин сифатида қўлланади. Функционал жиҳатдан П.нинг 2 тури фарқланади: ҳамма томонидан қабул қилинган, ҳамма тушуналиган П. (фразеологизмлар, ҳикматли иборалар) ва вазиятга боғлиқ бўлган, мазмуни, маъноси муайян матнгагина алоқадор бўлган индивидуал П. (буларнинг баъзилари изчил қўлланиш натижасида 1-турдаги П.лар қаторига ўтади). Шу б-н бирга бадиий, образли П.лар (оқ олтин — пахта, зангори олов — газ, пўлат қуш — самолёт каби) ва мантиқий П.лар (мас., *эвфемизмлар*, *табулар*) ўзаро фарқланади. Аксарият П.лар отли бирикмалар бўлиб, метафора, метонимия, синекдоха сингари кўчимлар асосида юзага келади.

ПЕРИЦИКЛ (*пери...* ва юн. kyklos — доира), перикамбий — ўсимликлар илдизи, баъзан пояси бирламчи меристема ҳужайралари қавати. П. *эндодерма* остида жойлашган, ўтказувчи цилиндрни ўраб туради. Бир ёки бир неча қават паренхима ҳужайраларидан иборат. Бирламчи илдиз П.идан ён илдизлар ҳосил бўлади. Бирламчи тузилган илдизларда (икки уруғпаллалилар) П. ҳужайралари ёрламида камбий умумий ҳалқага туташиб, захира озиқ тўпланадиган илдиз нурларини ҳосил қилади. Бу нурлардан қўшимча илдизлар ва куртаклар вужудга келади. П.дан йўғонлашган илдизларда перидерма ҳосил қилувчи феллоген шаклланади. Пояда П.дан механик тўқима ва турли моддалар ажратиб чиқарадиган ҳар хил тузилмалар пайдо бўлади. Баъзи ўсимликлар (каноп, кендир, зиғир) П.ида ҳосил бўладиган лубдан луб толаси олинади.

ПЕРКО — карамдошлар оиласига мансуб бир йиллик ем-хашак ўсимлиги. ГФР да хитой карами б-н кузги сурепицанинг дурагайидан чиқарилган. Ўзбекистонга 1977 й.да келтирилган. Илдизи ўқ илдиз, пояси тик, уз. 90—120 см гача. Пастки барглари йирик ва бўлак-бўлак, юқорига қараб кичрайиб боради. Гуллари поянинг ёки новданинг юқори қисмида шингил тарзда жойлашган, сариқ меваси кўзоқча, уруғлари думалоқ, кўкимтир ва малларанг тусда.

Перко. Барги ва кузаги

П.ни баҳорги ва кузги экин сифатида экиш мумкин. Экиш меъёри 10—12 кг/га, чуқ. 1,5—2 см. 1—3 да униб чиқади, эрта баҳорда ҳарорат 15° дан юқори бўлганда тез ўсади. Уни такрорий экин сифатида ёвшин 2-ярмида экиб, кузда ўриб олинса, яхши қишлайди ва келгуси йилнинг апр. ойида яна оқсилга бой кўкпоя беради. Кўкпоя учун гунчалаш ва гуллаш фазаларида ўриб олинади. Кукпоясида 15—20% протеин, 100 кг поясида 11 озуқа бирлиги бор. Ундан соф ҳолда ва маккажўхори б-н биргаликда тузимли силос бостириш мумкин. П. чорва молларига янги ўрилган ҳамда пичан ҳолида берилади. Гектаридан 500—700 н кўкпоя, 10—15 н уруғ олинади.

ПЕРКУССИЯ (лот. percussio — тукиллатиш) — беморнинг ички аъзоларидаги касалликни аниқлаш учун қўлланиладиган физик усул. Тананинг текширилаётган жойига бармоқ ёки болғача б-н тукиллаб уриб кўрилади. Бунда чиқадиган товушга қараб, текширилаётган аъзонинг аҳволи ҳақида фикр юритилади; бир неча хил бўлади: 1) аускультатор П. — текширилаётган жойга стетофонендоскоп қўйиб, чиққан товушни тинглаш; 2) асбобли П. — плессиметр ва болғача б-н тукиллатиш; 3) бевосита П. — тана юзасини бевосита бармоқлар б-н тукиллатиш; 4) воситали П. — тана юзасига бир қўл бармоқларини қўйиб, устидан иккинчи қўл бармоғи б-н тукиллатиш ёки плессиметр устидан болғача б-н тукиллатиш. П. қилиб ҳавоси бор ёки ҳавоси йўқ органлар ўртасидаги чегарани топиш, ўпка, юрак, жигар каби аъзолар ҳолати ва шаклини белгилаш мумкин.

ПЕРЛИТ (франц. perle — марварид) — концентрик-пўстлоқсимон структурали нордон вулкан шишаси. Таркиби нордон лавалариникига ўхшаш. Унда SiO_2 (65—75%), Al_2O_3 (10—15%), оз миқдорда Fe_2O_3, CaO, MgO, SO_3 ва l — 9% гача сув бўлади. Чизиги бўйича синдирилганда пўсти марварид каби ялтирайдиган кичик шарчаларга бўлинади. Текстураси массивли ёки говакли. П. вулканик шишани совишида гидратация жараёни қўшилганда ёки вулканик шишага кейинчалик гидротермал сув таъсир этганда ҳосил бўлади. Ичидаги 2300—2500 кг/м³, говаклиги 1,8—2% дан 70% гача. П. 850—1200° гача қиздирилганда ҳажмидаги таркибидаги сув бўғга айланади, ҳажмаган жинс шишиб, 10—20 марта катталашади. Шишган П. доначаларининг ҳажмий оғирлиги 30—40 дан 350—400 кг/м³ гача бўлади. Улар қум ва шағал ўрнида, енгил бетон боғловчиси сифатида, иссиқлик изоляция материаллари тайёрлашда ишлатилади. П.дан кимё, нефтни қайта ишлаш, озиқ-овқат, дори-дармон, шиша саноатларида ва қ.х.да фойдаланилади.

ПЕРЛИТ металлшуносликда — пўлат ва чўян структурасининг таркибий қисми. Феррит ва цементит аралашмасидан иборат. Иссиқлик ишлов чи берилишига қараб, доначали ва пластинкали тузилишда бўлади. П. мустаҳкам ва анча пластик бўлгани учун пўлат ва чўяннинг асосий мустаҳкамловчи таркибий қисми ҳисобланади.

ПЕРЛОН (нем. Perlon) — қ. *Полиамид толалари*.

ПЕРМАЛЛОЙ (инг. permalloy; permeability — утказувчанлик ва alloy — қотишма) — магнит ўтказувчанлиги юқори бўлган, магнит жиҳатдан юмшоқ қотишма; таркиби никель (Ni) ва темир (Fe) дан иборат. Кам никелли (Ni — 40 — 50%) ва кўп никелли (Ni —70—83%) турларга бўлинади. Таркиби 79% Ni, 16% Fe, 5% Mo (молибден) дан иборат бўлган П. супермаллой деб аталади. П. радиотехника, алоқа техникаси ва кучсиз токлан фойдаланиладиган бошқа соҳаларда ишлатилади.

ПЕРМАНГАНАТ КИСЛОТА, $HMnO_4$ — бир асосли кучли кислота. Таркибидаги MnO_4 аниони туфайли қизғишбинафша рангли. Эркин ҳолда олинмаган, фақат сувли эритмаларгина маълум. П.к. жуда кучли кислота бўлиб, сувдаги эритмада ионларга тўла диссоциланади. Шартли диссоциация даражаси 0,1 н эритмада 93% га тенг. П.к.нинг ангидриди Mn_2O_7 эркин ҳолда ажратиб олинган. Перманганат ангидрид яшилроқ-кўнғир тусли мойсимон суюқлик. Ниҳоятда беқарор, қиздирилганда ёки ёнувчи моддаларга текканда портлаб, марганец қўш оксид ва кислородга ажралади. П.к. ва унинг тузлари (*перманганатлар*) кимё амалиётида кучли оксидловчи сифатида кўп ишлатилади, калий перманганат дезинфекциялочи восита ҳамдир.

ПЕРМИНВАР (инг. perm(eability) — ўтказувчанлик ва invar(iablr) — ўзгармайдиган — никел (Ni)нинг темир (Fe) ва кобальт (Co) б-н қотишмалари гуруҳининг умумий номи (баъзан, молибден ва хром қўшилиши мумкин). Магнит жиҳатдан юмшоқ материаллар жумласига киради. П.нинг магнит ўтказувчанлиги (ғ) маълум кучланганликка боғлиқ ўзгаради. Кам никелланган П.нинг таркибида 45% Ni, 30% Fe, 25% Co бўлади. Магнит ўтказувчанлиги $\mu = 400—500$ Н радиоэлектроника ва алоқа техникасида асосан, трансформаторлар ва дроссельларнинг ғалтакларини ҳамда ғалтакларни ўраш учун ишлатилади.

ПЕРМЬ (1940—57 йиллар — Молотов) — РФ Пермь вилоятидаги шаҳар (1781 йилдан), вилоят маркази. Кама соҳилидаги порт. Транспорт йўллари (т. ю., дарё, автомобиль ва ҳаво транспорти) тутуни. Аҳолиси 1021,7 минг киши (1998). Машинасозлик (авиадвигателлар, турли саноат ускуналари, автокранлар ва б., мудофаа маҳсулотлари ва ч.к.), кимё, нефть кимёси, нефтни қайта ишлаш, етмчсозлик, полиграфия саноатлари бор. Кама ГЭС маяҳуд. Россия ФАнинг Пермь илмий маркази, 7 олий ўқув юрти (шу жумладан, ун-т), 4 театр (шу жумладан, опера ва балет театри), хореография билим юрти, болалар театрлари, вилоят ўлкашунослик музейи, Кама сув омбори соҳилидаги Хохловка ёғоч меъморлиги музейи фаолият кўрсатади. П. 17-а. дан маълум. 1723 йилдан мис ярмини қазиб олиш марказ. 1781 йилдан Пермь вилоятининг маркази. 1796 йилдан Пермь губерниясининг маркази. 1781—98 ва 1807—31 йилларда бу ерда Урал кончилик қ-дларининг бош бошқармаси жойлашган. П.да меъморий ёдгорликлардан Петропавловск собори (1757—64), Спас—Преображение монастирининг собори (1798—1832) ва б. сақланган.

ПЕРМЬ ВИЛОЯТИ — РФ таркибидаги вилоят. 1939 й. 3 окт.да ташкил этилган. Шарқий Европа текислигининг шим.-шарқи ва Ўрта ҳамда Шим. Уралнинг ғарбий ён бағирларида жойлашган. П.в. таркибига Коми-Пермяклар мухтор округи киради. Майд. 160,6 минг км². Аҳолиси 2824,4 минг киши (2002), асосан, руслар (83,9%), шунингдек, татар (4,9%), коми-пермяк (4,0%), бошқирд (1,7%), украин (1,5%), удмурт (1,1%) ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси —76,3%. П.в.да 30 маъмурий туман, 24 шаҳар, 52 шаҳарча бор (Коми-Пермяклар мухтор округидан ташқари). Маркази — Пермь ш. Бошқа йирик шаҳарлари — Березники, Соликамск.

Вилоят ҳудудининг ер юзаси, асосан, ўр-кирли текислик. Шарқида тог этаклари ва Ўрта ва Шим. Урал тог тизмалари бор. Энг баланд жойи 1469 м. Жан.-шарқида карст ривожланган (Кунгур ғори). Фойдали қазилмалари: нефть, газ, калий-магний тузлари, ош тузи, торф, тошкўмир, хромит. Иқлими мўътадил континентал. Қиши қорли, давомли, ёзи мўътадил илиқ. Январнинг ўртача т-раси —15° дан —18° гача, июлники 16—18°. Йиллик ёғини 450 мм дан (жан.-ғарбда) 800 мм гача (шим.-шарқда). Вегетация даври 145—165 кун. Асосий дарёлари — Кама ва унинг ирмоқлари. Кама ва Воткинск сув омборлари бор.

П.в. ўрта ва жан. тайга аралаш ўрмонлари зонасида жойлашган. Тупроғи, асосан, подзол ва чимли подзол тупроқлар. Жан.-ғарбини Кунгур ўрмонли platosининг бир қисми эгаллаган. Вилоят ҳудудининг 60% ни ўрмонлар ташкил этади. Ҳайвонлардан тийин, қолоқ, ўрмон сувсари, норка, тулки, оқ қуёнушкон ва б. учрайди. Басеги. Вишера қўриқхоналари ташкил қилинган.

Асосий саноат тармоқлари: машинасозлик (мудофаага мўлжалланган, шу жумладан, ракета-космик техникаси, нефть, газ, тошкўмир, ўрмон ва целлюлоза-қоғоз саноати ускуналари: турбобурлар ва бурги штангалари, кон электровозлари, лентали конвейерлар, ўрмон ёғоч кўкламчилари, электр ва бензомотор арралар, кўк ортувчи машиналар, дарё кемалари, кабель маҳсулотлари, турбогенераторлар, электродвигатель ва электронасослар, авиадвигателлар ҳамда электромиксер, кир ювиш машиналари, магнитофон, велосипед, телефонлар ва б.), кимё ва нефть кимёси (вилоятда Россия минерал ўғитларининг 30% га яқини, каустик ва кальцийли сода, синтетик смолалар, лок-бўёқлар), ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз (Россияда ишлаб чиқарилаётган қоғозининг 15% га яқини ҳамда фанера, картон, гулқоғоз, пихта ёғи ва б. ишлаб чиқарилади). Шунингдек, қора ва рангли металлургия, қурилиш материаллари (цемент, енгил, ойна) и.ч., енгил (Россияда ишлаб чиқарилаётган ипак газламларнинг 25% га яқини) ва озиқ-овқат саноати ривожланган. Нефть, тошкўмир, олмос, олтин қазиб олинади. Ёқилғи ва нефть кимёсининг энг йирик корхоналари: «ЛУКОЙЛ—Пермнефть», Лукойл — Пермнефтеоргсинтез, «Пермнефть» (Пермь ш.) ва «Кизел-уголь» бирлашмалари. Пермда «Гознак» фабрикаси ишлаб турибди. Асосий саноат марказлари — Пермь, Березники, Соликамск, Чайковский, Лисьва, Чусовой, Краснокамск, Кунгур ва б. Воткинск ва Кама ГЭСлари, Пермь ва Яйва ГРЭС лари бор.

Қ.х.нинг етакчи тармоғи — чорвачилик (сут-гўшт чорвачилиги, чўчқачилик, паррандачилик; қўй ва эчки ҳам боқилади). Дон экинлари, картошка, сабзавот, озуқа, техника экинлари экилади. Кама дарёсида кема қатнайди (асосий портлари — Пермь, Соликамск, Березники). Автойўллар зичлиги 54 км/минг км² (1997). Т.й. бор.

7 олий ўқув юрти, театр, Бадиий галерея, ўлкашунослик музейи, Кама сув омбори соҳилида Хохловка ёғоч меъморлиги музейи фаолият кўрсатади.

ПЕРМЬ СИСТЕМАСИ (ДАВРИ), пермь — *палеозой эратемаси* (*эраси*)нинг сўнгги (олтинчи) даври. П.д. бундан 286 млн. йил аввал бошланиб, 38 млн. йил давом этган. Инглиз геологи Р.И.Мурчисон 1841 йилда ажратган. П.е. қуйи ва юқори бўлим ҳамда ярусларга бўлинади (қ. *Геохронология*). П.е.да тектоник ҳаракатлар жуда кучли бўлган: герцин тектоник бурмаланиш цикли давом этиб ниҳоясига етган. Бу ҳаракатлар Урал, Тяньшан, Ғарбий Европа (Герцин), Шим. Америка (Аппалачи) геосинклиналь зоналарида авж олиб, тог тизмалари пайдо қилган. П.е.нинг 2-ярмида бепоён платформа областларида денгизлар чекиниб, уларнинг ўрнида қуруқлик вужудга келган. Пермь *регрессияси* натижасида П.д. бошларида мавжуд бўлган поёнсиз денгизлар кўл, ҳавзаларга айланган. П.д. охирларида платформалар қуруқликка айланган, айрим жойлар (мас., Тетис, Юқори Янаўда денгизлар сақланиб қолган.

Бўлимлар	Яруслар
Юқори	Татар Қозон Уфа
Қуйи	Кунгур Артин Сакмар Ассель

П.д.да иқлим кескин зонал бўлиб, тобора қуруқлаша борган. Тетис денгизи атрофида нам тропик иқлим минтақаси ажрала бошлаган. Унинг шим.даги иссиқ ва қуруқ иқлим минтақасида тузли ва қизил рангли ётқизиқлар кенг ривожланган. Янада шим.роқдаги анча нам минтақада кўплаб кўмир тўпланган. Жан. мўътадил минтақада Гондвана кўмир қатламлари пайдо бўлган. П.д. бошларида Жан. ярим шарда материкни муз босган. П.д. охирларида иқлим совий бошлаган, унга мансуб континентал ётқизиқларда қизил рангли чақиқ жинслар кўп. Шунингдек, кулранг чақиқ жинслар ва кўмир қатламлари мавжуд. Қуйи пермда жан. материкларда муз ётқизиқлари (таллитлар) ҳосил бўлган. П.е. учун тузли лагуна формациялари хос, эпиконтинентал денгиз ётқизиқлари карбонат формациялар — турли оҳактошлар, жумладан, рифоген оҳактошлардан иборат. Геосинклиналь денгизлар ўрнида терриген чақиқ, чақиқ-

карбонат ва кремнийли-чақиқ-вулканоген формациялар ҳосил бўлган.

П.д.да қуруқлик майдонининг кенгайиши натижасида қуруқликда ўсимлик ва ҳайвон турлари кўпая борган. Бу даврда палеозой эрасига хос бир қанча ўсимлик ва ҳайвонлар тугаб янгилари пайдо бўлган. П.д. ўсимликлари иқлим турли жойда турлича бўлганини, қуруқлашиб борганини кўрсатади. Аввалари кенг тарқалган ўсимликларнинг айрим турлари йўқола борган. Дарахт кўринишидаги плаунсимонлар шулар жумласидан бўлиб, улардан фақат сигиллярия каби авлодларигина сақланиб қолган. Каламитлар, шунингдек, сфенофиллар ривожлана бориб, П.д. охирларида бутунлай йўқолиб кетган. Папоротник ва папоротниксимон птеридоспермалар кўп ва хилма-хил бўлган. Ялангоч уруғлилар жуда кўпайган. Корлантлар кенг тарқалиб; игнабарглилар пастлаб катта аҳамият касб этган. Цикадофит ва гинкгофитлар вужудга келган. Моҳлар кенг тарқалган. Ер шарининг турли қисмларида турли вақтда палеофит флора мезофит флора б-н алмашган. Қуруқликда ўсимликларнинг кўплиги кўмирнинг катта қалинликда тўпланишига шароит яратди. Денгизларда сувўтлар кенг майдонларни эгаллаган. П.д. ҳайвонот дунёси хилма-хил ва бой бўлган. Денгизларда фораминифералар, айниқса, фузулинидлар кўп ва хилма-хил бўлиб, жуда ривожланган. П.д. охирида улар қирилиб кетган. Ковакичлилардан, асосан, тўрт нурли маржон полиплари (ругозалар) яшаган. П.д.да улар ҳам қирилиб кетган. Икки тавақали, қориноёқли ва бошоёқли моллюскалар кенг тарқалган. П.д. ўрталарида цератитлар вужудга келиб, триас даврида айниқса тараққий этган. Мшанкаларда криптостоматлар кўп тарқалган. Денгизларда брахиоподалар кўп бўлган. Сувда яшовчи бўғимоёқлилардан остракодалар маълум, улар денгиз, лагуна, чучук сувли ҳавзаларни эгаллаган. Денгизларда кам сонли трилобитлар, қуруқликда ҳашаротлар яшаган. Игнатанлилардан денгиз нилуфарлари, сувдаги умуртқалилардан тоғайли акуласимон балиқлар (мас., геликоприон) кенг тарқалган. Бу давр учун суякли балиқлардан палеонисцидлар характерлидир. Қуруқликдаги умуртқали ҳайвонлар ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшовчилар б-н судралиб юрувчилардан иборат эди. Сувда ва қуруқда яшовчилардан стегоцефал (зирҳли)лар кўп бўлган. Сувда ва қуруқликда яшовчилар б-н судралиб юрувчилар ўртасидаги оралиқ ҳайвонлардан батрахозаврлар (мас., қурбақа-калтакесаклар) тавсифлидир. П.д. охирида стегоцефалларнинг кўпи қирилиб битган. Судралиб юрувчилар ва кўпайган, уларнинг ибтидоий вакили — котилозаврлар б-н бирга дарранда-симон судралиб юрувчилар ҳам кўп бўлган.

П.д.да қуруқлик флорасининг тақсимланишига кўра, бир неча флора областлари ажратилади: Евромерика (Европа, Шим. Америка); Катосие (Жан.-Шарқий Осиё); Ангара ёки Тунгуска (Сибирь, Қозоғистон, Ўрта Осиё); очиқ ўрмонли усимликлар устун Гондвана областлари. Ўрта Осиё ҳудудида П.с. ётқизиқлари кенг тарқалган. Улар тектоник ва таркибий тузилишига кўра 4 га бўлинади: 1) Шим. Тяньшан тоғларида эпикаледонит. Қоратоғ-Чуй водийсида алевролит, майда донали қумтош, кремний, гилли оҳактошлар, тутиш, аргиллит, гипс, ангидрид каби жинслардан таркиб топган ётқизиқлар мавжуд бўлиб, уларнинг қалинлиги 1200—1300 м; 2) Жан. Тяньшан ҳудуди ва Нурота, Ҳисор, Қорачатир каби тоғлардаги ётқизиқлар алевролит, оҳактош, мергель, қумтошлардан таркиб топган; 3) Шим. Помирда флиш типли оҳактош, алевролит, қумтош ва порфирит, Марказий ва Жан. Помир ҳудудларида қора сланец, оҳактош, кремнийли сланец, базальт жинсларидан иборат қатламлар мавжуд; 4) Қорақумнинг Дарвоза структураси, Ҳисор (Лучоб свитаси) ва Қурама тоғларидаги ётқизиқлар пироксен-амфибол плагиоклазли порфирит ва линза шаклида ётган қум, шағал каби тог жинсларидан таркиб топган. П.с. ётқизиқларида йирик туз (Сосиқмасқ), кўмир (Печора, Кузнецк, Минусинск ва Тунгуска кўмир ҳавзалари), мис (Жезқазған), нефть-газ конлари мавжуд.

ПЕРМЬ ТИЛЛАРИ — *финн-угор тиллари* гуруҳининг бир тармоғи; комизирян, коми-пермяк ва удмурт тилларини қамраб олади. П.т.да сўзлашувчилар, асосан, РФнинг Коми ва Удмуртия республикаларида, Коми-Пермяк мухтор округида яшайди; шунингдек, комилар Тюмень ва Омск вилоятларида (Обь ва Тобол дарёлари бўйларида), удмуртлар эса Бошқирдистон, Татаристон республикалари ҳамда Киров, Свердловск вилоятларида истиқомат қиладилар. П.т.да сўзлашувчиларнинг умумий миқдори 1 млн. кишидан ортиқроқдир.

Коми ва удмурт тиллари шу тиллар да сўзлашувчиларнинг узоқ фикр алмашувларига монелик қилувчи муайян тафовутларга қарамай, бир гуруҳни ташкил қилади. Ҳар учала адабий тилнинг фонетик таркиби ўзаро мос келади: 7 та унли ва 20 та ундош фонема мавжуд, морфологик таркиби ҳам асосан бир типда бўлиб, келишиклар тизими деярли фарқ қилмайди. Умуман тилда 15 та, коми-зирян тилида 16 та, коми-пермяк тилида 17 та келишик мавжуд; уларнинг 14 таси ҳар учала тилда учрайди. Отмон ва сонларда, феълларнинг ўтган замон тизимида ҳам ўхшашликлар кўп. Бироқ синтаксисда анчагина тафовутлар учрайди. Татар тилининг таъсири туфайли удмурт тили туркий тиллар синтаксисига хос хусусиятларни сақлаб қолган, феъл, асосан, тан охирида келади. Удмурт тили лексикасида татар тилидан ўзлашган сўзлар кўп. П.т. 20-асрнинг 30-йилларида лотин графикасидаги алифбодан фойдаланган, 30-йилларнинг охиридан эса айрим қўшимча ҳарфлар қўшган ҳолда рус алифбосидан фойдаланади.

ПЕРНАМБУКУ — Бразилиянинг шим.-шарқий қисмидаги штат. Майд. 98,9 минг км². Аҳолиси 7,9 млн. киши (2000). Маъмурий маркази — Ресифи ш. Йирик шаҳарлари: Оринда, Жабуатан, Кабу, Каруару. Штатнинг катта қисмини ўр-қирли плато (ён баланд жойи 1100 м) эгаллаган бўлиб, у шарққа томон зинапоясимон пасайиб боради. Иқлими субэкваториал, соҳил қисмида иссиқ ва сернам, платода қуруқчил. Ўртача ойлик т-ра 24—26°. Йиллик ёғин 1700—2000 мм, плато қисмида 500 мм. Асосий дарёси — Сан-Франсиску.

Иқтисодиётида қ.х. етакчи тармоқ; шакарқамиш етиштириш ва пахтачиликка ихтисослашган. Шунингдек, сизаль, тамаки, маниок, маккажўхори, кофе, какао, шоли ва б. экинлар экилади. Чорвачиликда эчки, қорамол, чўчқа, қўй, от боқилади. Ёввойи кокос пальмаси ёнғоғи йиғилади. Саноати кам ривожланган. Асосан, озиқ-овқат ва енгилсаноат корхоналари мавжуд. Унча катта бўлмаган цемент, машинасозлик, кўн-пойабзал, фармацевтика корхоналари фаолият кўрсатади. Гипс, фосфорит, олтин, асбест, туз конлари топилган. Йирик денгиз порти — Ресифи.

ПЕРО — 1) сиёҳ, тушь ва б. суюқ бўёқлар б-н ёзиш ва расм ишлашда фойдаланадиган асбоб; қадимдан ёзишда учи ўткирлаштирилган қуш патлари, қамиш ва б.дан тайёрланган. П. ишлатилган 18-а. охиридан металл П.лар ишлаб чиқарилган. Металлдан ясалган замонавий П.лар пластик, эгилувчи ва эластиклигига кўра фарқланади. 2) П. ё-н расм ишлашда усул, шаклларнинг контур ёки штрих усулида бўлиши бўйлаб асарларнинг ўзига мос усулларидир.

ПЕРОВ Александр Петрович (1935.7.1, Чимкент ш., Қозоғистон) — рангтасвир ўзтаси. Ўзбекистон халқ рассоми (2002). П. Веньков номидаги Республика рассомлик билим юрти (1955) ва Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-ти (1965)ни тугатган. 1974 йилдан ҳоз. Республика тасвирий санъат лицей-интернатида педагог. П. асарларининг ранглар умумлигида таъсирчанлик, образлилик, композиция ечимида ижодкорлик маҳорат кўзга ташланади; ижодидан қишлоқ мехнаткашлари, замонавий инсонлар, уларнинг тарихий манзаралари кенг ўрин олган: «Замонавий», «Ёшлар», «Меҳмонда», «Қиш», «Она», «Матлуба», «Оби ҳаёт», «20-йиллар», «Қўриқ ер», «Самарқанд. Амир Темур мақбараси», «Хива» туркум асарлари, «Дала гуллари» ва б. 1965 йилдан республика ва хорижлаги бадиий кўргазмаларда иштирок этади. Кўплаб шогирдлар тайёрлаган.

ПЕРОВСКИЙ Василий Алексеевич [1795.19(20).2, Почеп ш., ҳоз. Брянск вилояти — 1857.8(20).12, Алупка] — рус ҳарбий арбоби, генерал-адъютант (1833), кавалерия генерали (1843), граф (1855 йилдан). 1812 йили Франция-Россия уруши ва рус-турк уруши (1828—29)ида қатнашган. Император Николай I га яқин бўлган. 1832 — 42 ва 1851—57 йилларда Оренбург губернияси ҳарбий губернатори ва Алоҳида Оренбург корпуси командири. 1839—40 йилда жосуслик мақсадида Хивага қилинган юришга раҳбарлик қилган, бу юриш муваффақиятсизлик б-н тугаган (қ. *Перовский экспедицияси*). 1853 йилдан Оренбург ҳарбий губернатори ва Оренбург казаклари атамани. 1853 йилдан Петербургда яшаган. Крим урушида (1853—56) қўшинларга қўмондонлик қилган. Севастополь мудофаасига раҳбарлик қилган. Крим урушидаги ғалабалари учун граф унвонига сазовор бўлган. 1856 йилдан Давлат кенгаши аъзоси, 1857 йилдан Ҳарбий кенгаш аъзоси.

А. П. Перов. «Хива» (1970-йиллар).

ПЕРОВСКИЙ ЭКСПЕДИЦИЯСИ — Россия томонидан Хива хонлигини босиб олиш мақсадида уюштирилган ҳарбий экспедиция (1839—40). 1835 й. Оренбург генерал-губернатори В.А.Перовский императорга *Николай I* (1825—55) га махсус хат йўллаб, унда Хива хонлари ғўёки узоқ йиллардан бери рус давлатига душманлик қилаётганлиги, рус савдо карвонларини талаб, рус асирларига шафқатсизлик қилаётганликларини таъкидлаган. Император 1837 й. Хива хонлигини босиб олиш ҳақида Перовскийга фармон беради. Перовский қўмондонлигидаги қўшин 1839 й. 14 ноябрда Хивага қараб йўлга чиқиб, 19 декда Эмба қалъасига келиб ўрнашган. Бошланган қаттиқ совуқ ва кучли бўрон рус аскарларини оғир аҳволга солиб, туя ва отларни бўкиши натижасида қийинлаштирган. Рус қўшинларининг келаётганлигидан хабар топган Хива хони *Оллақулихон* Чўчқақўлга келиб жойлашган рус қўшинларига қарши Оқмурод қўшбегини 8 минг қўшин ё-н юборган. Хон қўшинлари қишининг қаттиқлигига қарамай рус қўшинлари устига ташланган. Жангда ҳар икки томон талафот кўриб, жангни давом эттириш имкони бўлмагач, хон қўшинлари Хивага қайтарилган. Перовский ҳам ўз қўшинларини 1840 й. февр.да Оренбургга қайтаришга мажбур бўлади. П.э.да Рус қўшинларидан 1054 киши ҳалок бўлган. 10 минг туя ва 8 минг от йўқотилган, жуда кўплаб одамларни совуқ урган. Бу босқинчилик юришидан Россия деярли 1 млн. 700 минг сўм зарар кўрган. Хива хонлигига қайта юришдан умидини узмаган Николай I 1840 й. 30 мартда ҳарбий юришни зудлик б-н қайта амалга ошириш ҳақида генерал Перовскийга кўрсатма берган. Бу юриш кўлами аввалгисидан 3—4 марта катта бўлиши керак эди. Лекин, чор ҳукуматида юзага келган оғир вазият бу юришнинг амалга оширилишига имкон бермаган.

Назаржон Тожибоев.

ПЕРОВСКИТ — оксидлар гуруҳига мансуб минерал. Мўрт, осон синувчан. Таркибида кальций титанити $CaTiO_3$(41,24% CaO ва 58,76% TiO_2); баъзан кнопит, дизаналит, лопарит аралашган бўлади. Псевдокуб сингонияда кристалланади. Қаттиқлиги 5,5—6, зичлиги 3900—4300 кг/м³. Ранги қора, қўрғошин-кора, жигарранг-қизғиш. Металлдек ялтироқ, уланиши яққол. Магматик шароитларда ўта асосли ишқорли тог жинсларида, карбонатит (дизаналит, кнопит), кимберлит, ишқорий базальтоидларда ҳосил бўлади. Контакт конларда учрайди. П. титан, гелий ва ниобий олиш учун ҳом ашё ҳисобланади.

ПЕРОКСИДЛАР — таркибидаги кислород атомлари бир-бири б-н ва кислородга нисбатан электр мусбат элемент атомлари б-н боғланган бирикмалар (қ. *Пероксидлар ва пероксид бирикмалар*).

ПЕРОКСИДЛАР ВА ПЕРОКСИД БИРИКМАЛАР — таркибида ўзаро боғланган икки кислород атомидан иборат гуруҳи —O—O— бўлган мураккаб моддалар. П. ва п.бнинг энг оддийси водород пероксид H—O—O—H дир. Ишқорий металларнинг ва кальций, стронций, барийнинг пероксидларида O_2^{2-} ионлар мавжуд. Саноатда натрий пероксид натрийни ҳаво кислороди б-н оксидлаб олинади. Натрий пероксид Na_2O_2 — оч сариқ рангли ниҳоятда гигроскопик кристалл модда; 310—400° да таркибидаги кислородини йўқота бошлайди, 540°да шиддатли равишда парчаланади. Барий пероксид ҳосил қилиш учун барий оксид — BaO 500° дан паст т-рада ҳаво кислороди б-н реакцияга киритилади. Барий пероксид BaO_2 700° да яна BaO ва кислородга парчаланади. Рух ва кадмий пероксидлари қизғиш рангли. Уларни тегишли оксидларга, гидроксидларга ёки тузларга H_2O_2 таъсир эттириш йўли б-н олинади. Рух пероксид Zn_2O_2 яра ва куйганда жароҳатни даволашда қўлланиладиган мазь компоненти сифатида ва қорасон касаллигини даволашда ишлатилади. Симоб пероксид Hg_2O_2 қиздирилганда ва зарба таъсирида портловчи сариқ рангли α- ва барқарор қизғиш рангли β- шаклида мавжуд. Металл пероксидларни водород пероксид кислотанинг тузлари деб қаралади. Агар водород пероксид H_2O_2 таркибидаги водород атомлари ўрнини кислота қолдиқлари эгалласа, пероксокислоталар ҳосил бўлади. Мас., HSO_3—O—O—SO_3H ёки $H_2S_2O_8$ — пероксосульфат кислота, H—O—O—SO_3H ёки

H_2SO_5 — Каро кислотаси. H_2CrO_5 пероксохромат кислота ва ҳ.к. Пероксокислоталар гидролизга учраганда водород пероксид ҳосил бўлади. R—O—O—R' таркибли органик моддалар **органик пероксидлар** деб юритилади (R ва R' органик радикал). Пероксидларидан ташқари гипероксидлар (мас., K_2O_4 Rb_2O_4 ва б.) ҳам маълум. П. ва п.б. тўқимачилик, қоғоз ва косметика, қурилиш, озиқ-овқат саноатларида, тиббиётда, ҳ.хда, *пиротехника*да, реактив двигателларда ва ҳавони регенерациялашда қўлланади.

ПЕРОНОСПОРАЛИ ЗАМБУРУҒЛАР (Peronosporales) — фикомицетлар синфига мансуб замбуруғлар тартиби. Кўпчилиги қ.х. ўсимликларининг паразити ҳисобланади. Мас., ун-шудринг, куя тушиш каби касалликларни қўзғатади. П.з.нинг тубан вакиллари сапрофит бўлиб, тупроқда ва ўсимлик қолдиқларида яшайди. Аксари П.з. жинсиз-конидиялари б-н, баъзилари жинсий — оогамия йўли б-н кўпаяди. Миселий, антеридий, оогоний ва оонийда урутланган кейин ривожланадиган оосporалар ўсимлик тўқималарида, сапрофитлари эса субстратнинг ичида жойлашади; жинссиз ривожланиш органлари барг оғизчаси ёки эпидермис ёриқчасидан ташқарига чиқади.

ПЕРОНОСПОРОЗ — ўсимликларни, кўпроқ *токни* зарарлайдиган замбуруғли касаллик (қ. *Милдью*).

ПЕРПЕНДИКУЛЯР (лот. perpendiculum — тик) — тўғри чизиқ (ёки текислик) ни тўғри бурчак остида кесувчи тўғри чизиқ. П.нинг берилган тўғри чизиқ (ёки текислик) б-н кесишиш нуқтаси П. асоси, П.нинг бирор нуқтаси б-н асоси орасидаги масофа П. узунлиги дейилади (расмга қ.).



Перпендикуляр.

ПЕРПЕТУУМ МОБИЛЕ (лот. perpetuum mobile — абадий ҳаракатланувчи) — бир марта ҳаракатга солиб юборилгандан кейин чексиз узоқ вақт ўз-ўзидан иш бажара олади, деб фараз қилинган машина (қ. *Абадий двигатель*).

ПЕРРЕН (Perrin) Жан Батист (1870.30.9, Лилль —1942.17.4, Нью-Йорк) — француз физиги ва физик-кимёгари, Франция ФА аъзоси (1923 й.дан, 1938 й.дан президенти). 1940 й.дан АҚШ да . Катод нурларини манфий зарядланган зарралар оқимидан иборатлигини тажрибаларда асослаган (1895). *Броун ҳаракати*нни текширган (1908—13), бошқа усуллар б-н топилган қийматига мос келувчи *Авогадро сонини* аниқлаган, молекуланинг мавжудлигини исботлаган. П. сонун куп-гинининг тузилишини ўрганиб, ҳар қандай кўпик бир қанча бимолекулар қатламлардан иборат эканлигини аниқлаган. П. рентген нурларининг табиатини, газларнинг ўтказувчанлигини, флуоресценция, радиоактивликни текширган. Нобель мукофоти лауреати (1926).

ПЕРРОН (франц. perron) — 1) т. и. стиларида иулочи поездлари келиб тўхтайдиган ва жўнаб кетадиган саҳн — платформа (қ. *Вокзал*). 2) меъморликда — бинога тақаб қурилаадиган паст пешайвон (терраса).

ПЕРСЕВЕРАЦИЯ (лот. perseveratio — қатъийлик) — баъзи бир ҳаракат, аврим фикр, сўз, ибора ёки куйнинг инсон онгида (бош мия ярим шарларида) кўп марталаб ихтиёрсиз, ҳам тинимсиз такрорланиши. П. олий нерв фаолияти ҳаракатчанлик хусусиятининг бузилиши натижасида келиб чиқадиган баъзи касаллик ҳолатида ҳам рўй беради. Ҳаракат, сенсор (ҳиссий идрок), ақлий соҳаларда П. турлари бор. Ҳаракат соҳасидаги П.нинг азоқида шаклидан бири — нутқ бузилишидан иборат. У мия пўстининг чап ярим шарлари муайян бўлимининг шикастланиши натижасида юзага келади. Сенсор П. товушларни такрорлашда ва б.да кўзга ташланади. Ақлий П. чап ярим шарлар пешона қисмининг шикастланиши туфайли пайдо бўлади. Бу ақлий амалларни ногўғри такрорлашда юзага чиқади. У лиққат тар-қоқлигида, қаттиқ толиқишда вужудга келиши мумкин. Бу ҳолат ақли заиф болаларга ҳам таалуқлидир.

Эрнст Гозиев.

ПЕРСЕИДЛАР — Персей юлдуз туркумидан чиқаётганга ўхшаб кўринадиган метеор оқими. П.ни ҳосил қиладиган метеор жисмлар бир неча ирмоқлардан иборат (≈10 млн. км диаметрли) оқим дастасини ташкил этади. Ер ўз орбитал ҳаракатида бу оқим дастасини ҳар йили 1—20 август давомида кесиб ўтади. Серҳосил марказий ирмоқнинг радианти: $\alpha=3^h\ 04^m$, $\delta=+56^\circ$. Бу ирмоққа тегишли метеор жисмларнинг орбитаси 1862 III ва 1870 I комета орбитасига яқин жойлашган.

ПЕРСЕЙ (мил. ав. тахм. 213—166) — Македониянинг сўнгги шоҳи (179—168). Римга қарши урушда (171—168), Римга қарши коалицияни ташкил этиб ва унга бош бўлиб бир неча галабаларга эришган, лекин, 168 й. Пидне жангида П. қўшини енгилган; асир олинган П. тутқунликда ҳалок бўлган.

ПЕРСЕЙ — *осмон сферасининг* Шим. ярим шаридаги юлдуз туркуми. Энг ёрут юлдузлари — α (Мирфак) ва β (Альгол) (1,8 ва 2,2 — 3,5 визуал юлдуз катталиклари). Ахири, *Андромеда*, Учбурчак, Ҳамал, Сувер, Аравакаш ва Жирафь юлдуз туркумлари орасигача жойлашган. Ўзбекистонда ок — декабрь ойларида кўринади.

ПЕРСЕЛЛ (Куарэ) Мишель — қ. *Парселл* Э. М.

ПЕРСЕПОЛЬ. Персеполис. Тахти Жамшид — Шероз шаҳридан (Эроннинг жан.-ғарбида) 50 км шим.-шарқда жойлашган қад. шаҳар. Мил.ав. 6-а охирида барпо этилган Ахоманийлар давлатининг пойтахт шаҳарларидан бири. Мил.ав. 330 й. Александр Македонский томонидан босиб олинган, ёндирилган ва шаҳар таназзулга юзма келган. П.да асосий қалъанинг ғарбий ва шарқий 30-йиллардан олиб борилган. Тор ғарбда бунёд этилган мақобатли меъморий ансамбль (мил.ав. 520—450 йиллар) атрофи ҳам тошдан қурилган 2 қаторли девор б-н ўралган.

Персеполь. Доро I саройидаги марказий зал (мил. ав. 5-а.).

Девор ичкарисида 3 та йирик (ўлчами 450×300 м) ва бир қанча кичик тантаналар ўтказилган зал — ападана, Доро ва Ксеркснинг тош рельефлар битилган саройлари, ҳарамхона бинолари, Жаҳон дарвозаси, Шоҳ зали («Юз устунли») харобалари аниқланган. Ахоманий подшоҳларининг битиклари ва элам тилида ёзилган мингдаб сопол парчалари топилган. П.нинг ғарб томонида катта оташгоҳнинг қолдиқлари сақланган. П. саройи қабулгоҳидан Арабистон, Турон, Ҳиндистон, Ҳабашис-тондан келган элчилар, сарбозлар, савдогарлар, ҳунармандларнинг юзлаб суратлари тошга ўйиб тасвирланган, ёзувларда ифодаланган.

Ҳамидхон Ҳошимов.

ПЕРСОНА ГРАТА (лот. persona grata — маъқул шахс) — 1) муайян давлатга дипломатик вакиллик номзоди шу давлат ҳукумати томонидан маъқулланган киши. 2) кўчма маънода — хайрихоҳлик б-н қаралмайдиган одам.

ПЕРСОНА НОН ГРАТА (лот. persona non grata — номаъқул шахс) — 1) бирор давлатга дипломатик вакил этиб тайинланишига унда давлат ҳукумати томонидан розилик берилмаган ёки ишончни нуқонтан ва чақириб олиниши лозим бўлган дипломатик вакил. П.нг. деб эълон қилиш мазкур дипломат, унинг оила аъзоси ёки дипломатик вакилликнинг бошқа бирон ходимини шу мамлакат ҳудудида бундан буён бўлиши номаъқул деб топилганлигини билдиради. Бундай қарорга келиш давлат томонидан ўзининг тегишли одамини айтилган муддатда чақириб олишни тақозо этади, агар муайян муддат белгиланмаган бўлса, иложи борича тезроқ чақириб олиш чораси кўрилиши керак. Агар талаб бажарилмаса дипломатни маҳаллий мамурлар хусусий шахс деб эълон қилиб, унга одий хорижий фуқаро сифатида муносабатда бўладилар; 2) кўчма маънода — хайрихоҳлик б-н қаралмайдиган одам.

ПЕРСОНАЖ (лот. persona — шахс) — санъат ва бадиий адабиётда мўаллиф томонидан тасвир этилган шахс. П.лар асар воқеаларида қатнашуви, тасвирланиши ва умумлаштирилиши даражасига кўра асосий П.лар, ёрдамчи П.лар, эпизодик П.ларга бўлинади. Бадиий асар воқеаларининг бошидан охиригача фаол қатнашган ва ёзувчининг асосий ғоявий-эстетик ниятини ташувчи шахслар асосий П.лар ҳисобланади. Улар асарнинг бош қаҳрамони деб аталади. Барча воқеаларда тўла қатнашмаса-да, ёзувчининг ғоявий ниятини тўлароқ очишга хизмат қиладиган фаол образлар ёрдамчи П.лардир. Асарнинг макроструктурасида янада камроқ қатнашадиган шахслар эпизодик П. бўлиб қолаверади. Эпизодик П.лар асосий қаҳрамон табиатидаги муҳим хусусиятларни ишонарли ёритишга хизмат қиладилар.

Ёзувчи муносабатига қараб П.лар ижобий ёки салбий шахслар тарзида тасвирланади. Бадиий асарда бундай қарама-қарши қаҳрамонларнинг ифодаланиши адабиётнинг азалий муаммоси бўлмиш ҳаётнинг яхшилик ва ёмонликдан иборат эканлигига ишоралдир. П.лар орқали ҳаёт ҳодисалари турли даражада ифодаланади. Чуқур ва мукаммал тасвирланган, умумлаштирувчи кучга эга бўлган П. тип даражасига кўтарилади. Тип балиий асарда ишончли этувчи П.ларнинг энг олий чўққисини эгаллайди. Типга кўра, камроқ умумлашма қувватга эга П.лар оўрат ёки характер деб юритилади.

ПЕРСОНАЛИЗМ (лот. persona — шахс) — фалсафий йўналиш. Унга кўра, одам фикрловчи мавжудот эмас, ҳаракат қилувчи, муайян мавқени эгалловчи шахсдир. П. 20-аснинг бошларида Россия (Н. А. Бердяев, Л. Шестов) ва АҚШ да (Б.П.Боун) вужудга келган. П.нинг марказида шахс тушунчаси туради. Хусусан, билиш назариясида шахс билиш жараёнининг иштирокчиси сифатида қаралади. Шу маънода *Ницше*дан кейин барча фалсафа у ёки бу даражада шахслаштирилган. Фалсафий антропологиянинг ҳам П.нинг намоён бўлиши шакли деб ҳисобласа мумкин. Этикада П. деганда индивидуал қадриятларни бошқа ахлоқий қадриятлардан афзал деб ҳисоблаш тушунилади.

ПЕРСПЕКТИВА (лот. perspicio — аниқ кўраман) — 1) мавжуд борлиқни инсон идрок этганидек бирор текис юза (қоғоз, тахта, девор ва б.) да фазовий ҳолати ва уларнинг бўлакларини кузатиш нуқтасидан узоқлашувини тасвирлаш тизими. Реалистик тасвирий санъатнинг асосини ташкил қилади. Реал жисм (буюм)ларнинг макондаги турли ҳолат ва кўринишининг тузилиши, ҳажмининг ўзига хос белгиларини тўғри тасвирини яратиш имконини чизиқли П. берса, ҳаво (ранг) П. жисм (буюм)ларнинг кузатиш нуқтасидан узоқлашиб бориши натижасида ранги ва чегараларининг ўзгаришини тўғри ва ишонарли тасвирини ишлашга хизмат қилади. Рассомлик санъатида кузатиш П.си ишлатилади. Воқеликни асбобларсиз кўз қандай кўрса, шундай қилиб қўлда чизишга асосланади. Яна «тескари П.» ибораси бўлиб, унда реал борлиқни нотўғри тасвирлаш, яъни узоқдаги буюмларни катта қилиб ишлаш (П. қонунларига эътибор бермай ишлаш) маъносини англатади. Буни икона санъатида кўриш мумкин. Юнонистон (Эвклид рисоласи, мил.ав. 3-а.) ва Қад. Рим (мил. ав. 1-а. меъмор ва назариётчилари) да П.га оид қимматли фикрлар баён қилинган. Уйғониш давридагина П. илмий асосда ўрганила бошланди. Паоло Уччелло, Леонардо да Винчи, А. Дюрерлар П. ривожига катта



Кубнинг чизиқли перспективаси.

ҳисса қўшдилар; 2) одамнинг нарсалари кўриб идрок этишига мос равишда уларни текисликда тасвирлаш усули. Меъморликда, қурилишда лойиҳаларни чизишда, нарсаларнинг *аксонометрия*сини яратишда, қурилаадиган бино, иншоот ёки ясаладиган буюмни табиий ҳолда тасвирлашда фойдаланилади. П. бирор бир нуқтада туташадиган чизиқлар (нурлар) ёрдамида ҳосил қилинади; 3) чизиқли П. — фазовий шаклларни текисликда марказий проекция ёрдамида тасвирлаш усули. Бунда фазодаги P нуқта (расмга қ.) текисликда OP тўғри чизиқнинг текислик б-н кесишиш нуқтаси бўлган P' нуқтага проекцияланади (O нуқта — П. маркази); 4) ҳаво П.си нарса (буюм) муайян масофадан кузатилганда ранги ўзгариши ва қиёфасидаги аниқлик бузилишини ифодалайди; 5) келажак учун тузиладиган режа.

ПЕРТ — Австралиянинг жан.-ғарбий қисмидаги шаҳар. Ғарбий Австралия штатининг мамурий маркази. Аҳолиси 1,3 млн. киши (1999). Суон дарёсининг Ҳинд океанига қўйилиш жойидаги порт (йилнк юк ортиб-туширыш 15 млн.т). Т.й. станцияси. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Оғир ва транспорт машинасозлиги, кимё, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати корхоналари; ун-т бор. Шаҳарга 1829 й.да асос солинган.

ПЕРУ (Peru), Перу Республикаси (Republika del Peru) — Жан. Америкаининг ғарбий қисмида жойлашган давлат. Майд. 1 млн. 285,2 минг км². Аҳолиси 27,9 млн. киши (2002). Пойтахти — Лима ш. Маъмурий жиҳатдан 25 департамент (departamento) га бўлинади.

Давлат тузуми. П. — республика. Амалдаги конституцияси 1993 й. 29 дек.да қабул қилинган, унга 2000 й.да тузатишлар киритилган. Давлат бошлиғи — президент (2001 й.дан Алехандро Толедо Мануике), у тўғри ва яширин овоз бериш йўли б-н 5 й. муддатга сайланади. Президент кетма-кет иккинчи муддатга қайта сайланиши мумкин эмас. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий конгресс (бир палатали парламент), ижрочи ҳокимиятни президент ва Вазирлар кенгаши амалга оширади. Президент Вазирлар кенгашининг раиси ва унинг таъсиясига биноан вазирларни тайинлайди.

Табиати. Соҳил қисми энн 80—180 км ли текислик (Коста), маркази тоғлик (Сьерра) ва шарқи сернам ўрмонли тог олди (Сельва). П. майдонининг 1/3 қисмига яқини тог. Перу Анд тоглари бўйлама водийлар орқали Ғарбий, Марказий ва Шарқий Кордильера

H_2SO_5 — Каро кислотаси, H_2CrO_6 пероксохромат кислота ва ҳ.к. Пероксокислоталар гидролизга учраганда водород пероксид ҳосил бўлади. R—O—O—R' таркибли органик моддалар органик пероксидлар деб юритилади (R ва R' органик радикал). Пероксидларидан ташқари гипероксидлар (мас., K_2O_4 Rb_2O_4 ва б.) ҳам маълум. П. ва п.б. тўқимачилик, қоғоз ва косметика, қурилиш, озиқ-овқат саноатларида, тиббиётда, қ.хда, *пиротехникада*, реактив двигателларда ва ҳавони регенерациялашда қўлланади.

ПЕРОНОСПОРАЛИ ЗАМБУРУҒЛАР (Peronosporales) — фикомицетлар синфига мансуб замбуруғлар тартиби. Кўпчилиги қ.х. ўсимликларининг паразити ҳисобланади. Мас., ун-шудринг, кул тушиш каби касалликларни қўзғатади. П.э.нинг тубан вакиллари сапрофит бўлиб, тупроқда ва ўсимлик қолдиқларида яшайди. Аксари П.э. жинссиз-конидиялари б-н, баъзилари жинсий — оогамия йўли б-н кўпаяди. Мицелий, антеридий, оогоний ва ооннйда урутлангандан кейин ривожланадиган ооспоралар ўсимлик тўқималарида, сапрофитлари эса субстратнинг ичида жойлашади; жинссиз ривожланиш органлари барг огизчаси ёки эпидермис ёриқчасидан ташқарига чиқади.

ПЕРОНОСПОРОЗ — ўсимликларни, кўпроқ *токни* зарарлайдиган замбуруғли касаллик (қ. *Милдью*).

ПЕРПЕНДИКУЛЯР (лот. perpendiculum — тик) — тўғри чизиқ (ёки текислик) ни тўғри бурчак остида кесувчи тўғри чизиқ. П.нинг берилган тўғри чизиқ (ёки текислик) б-н кесишиш нуқтаси П. асоси, П.нинг бирор нуқтаси б-н асоси орасидаги масофа П. узунлиги дейилади (расмга қ.).



Перпендикуляр.

ПЕРПЕТУУМ МОБИЛЕ (лот. perpetuum mobile — абадий ҳаракатланувчи) — бир марта ҳаракатга солиб юборилгандан кейин чексиз узоқ вақт ўз-ўзидан иш бажара олади, деб фараз қилинган машина (қ. *Абадий двигатель*).

ПЕРРЕН (Perrin) Жан Батист (1870.30.9, Лилль —1942.17.4, Нью-Йорк) — француз физиги ва физик-кимёгари, Франция ФА аъзоси (1923 й.дан, 1938 й.дан президенти). 1940 й.дан АҚШ да . Катод нурларини манфий зарядланган зарралар оқимидан иборатлигини тажрибаларда асослаган (1895). *Броун ҳаракатини* текширган (1908—13), бошқа усуллар б-н топилган қийматига мос келувчи *Авогадро сонини* аниқлаган, молекуланинг мавжудлигини исботлаган. П. совун кўпигининг тузилишини ўрганиб, ҳар қилай кўпик бир қанча биомолекуляр қатламлардан иборат эканлигини аниқлаган. П. рентген нурларнинг табиатини, газларнинг ўтказувчанлигини, флуоресценция, радиоактивликни текширган. Нобель мукофоти лауреати (1926).

ПЕРРОН (франц. perron) —1) т. и. сталарида йўловчи поездлари келиб тўхтатилган ва жўнаб кетилган саҳн — платформа (қ. *Вокзал*); 2) меъморликда — бинога тақаб қурилмаган пастпешайвон (терраса).

ПЕРСЕВЕРАЦИЯ (лот. perseveratio — қатъийлик) — баъзи бир ҳаракат, энрим фикр, сўз, ибора ёки кунинги инсон онгида (бош мия ярим шарларида) кўп марталаб ихтиёрсиз, ҳам тинимсиз такрорланиши. П. олий нерв фаолияти ҳаракатчанлик хусусиятининг бузилиши натижасида келиб чиқадиган баъзи касаллик ҳолатида ҳам рўй берали. Ҳаракат, сенсор (ҳиссий идрок), ақлий соҳалардаги П. турлари бор. Ҳаракат соҳасидаги П.нинг алоҳида шаклидан бири — нутқ бузилишидан иборат. У миянинг пўстининг чап ярим шарлари муайян бўлимининг шикастланиши натижасида юзага келади. Сенсор П. товушларни такрорлашда ва б.да кўзга ташланади. Ақлий П. чап ярим шарлар пешона қисмининг шикастланиши туфайли пайдо бўлади. Бу ақлий амаллари нотўғри такрорлашда юзага чиқади. У лиққат тар-қоқлигида, қаттиқ толиқишда вужудга келиши мумкин. Бу ҳолат ақли заиф болаларга ҳам тааллуқлидир.

Эргаш Ғозиев.

ПЕРСЕИДЛАР — Персей юлдуз туркумидан чиқаётганга ўхшаб кўринадиган метеор оқими. П.ни ҳосил қиладиган метеор жисмлар бир неча ирмоқлардан иборат (≈10 млн. км диаметрли) оқим дастасини ташкил этади. Ер ўз орбитал ҳаракатида бу оқим дастасини ҳар йили 1—20 август давомида кесиб ўтади. Серҳосил марказий ирмоқнинг радианти: $\alpha=3^h\ 04^m$, $\delta=+56^\circ$. Бу ирмоққа тегишли метеор жисмларнинг орбитаси 1862 III ва 1870 I комета орбитасига яқин жойлашган.

ПЕРСЕЙ (мил. ав. тахм. 213—166) — Македониянинг сўнгги шоҳи (179—168). Римга қарши урушда (171—168), Римга қарши коалицияни ташкил этиб ва унга бош бўлиб бир неча ғалабаларга эришган, лекин, 168 й. Пидне жангида П. қўшини енгилган; асир олинган П. тутқунликда ҳалок бўлган.

ПЕРСЕЙ — *осмон сферасининг* Шим. ярим шаридаги юлдуз туркуми. Энг ёруғ юлдузлари — α (Мирфак) ва β (Альгол) (1,8 ва 2,2 — 3,5 визуал юлдуз катталиклар). *Кўрсатмалы. Уйғотмалы. Ҳамал. Сатр. Арвоҳлар* ва *Жирафа* юлдуз туркумлари оралигида жойлашган. Ўзбекистонда окт — декабрь ойларида кўринади.

ПЕРСЕЛЛ Эдгар Милс — қ. *Пирселл Э.М.*

ПЕРСЕПОЛЬ. Персеполис. Тахти Жамшид — Шероздан Эронтепа 50 км шим.-шарқда жойлашган қад. шаҳар. Мил.ав. 6-а охирида барпо этилган Ахоманийлар давлатининг пойтахт шаҳарларидан бири. Мил.ав. 330 й. *Александр* Искандари) томонидан босиб олиниб, ёндирилган ва шаҳар таназзулга юзга келган. П.да асосий қурилма ишлари 20-а.нинг 30-й.ларидан олиб борилган. Ер ости да бунёд этилган маҳобатли мемориал қабристонлик мажмуи (мил.ав. тахм. 520—450 й.лар) атрофи ҳам тиклаб қурилган 2 қаторли девор б-н ўралган.

Персеполь. Доро I саройидаги марказий зал (мил. ав. 5-а.).

Тантаналар ўтказилган зал — ападана. Доро ва Ксеркснинг тош рельефлар битилган саройлари, ҳарамхона биноси, Жаҳон дарвозаси, Шоҳ зали («Юз устунли») харобалари аниқланган. Ахоманий подшоҳларининг битиклари ва элам тилида ёзилган минглаб сопол парчалари топилган. П.нинг ғарб томонида катта оташгоҳнинг қолдиқлари сақланган. П. саройи қабулгоҳидан Арабистон, Турон, Ҳиндистон, Ҳабашис-тондан келган элчилар, сарбозлар, савдогарлар, ҳунармандларнинг юзлаб суратлари тошга ўйиб тасвирланган, ёзувларда ифодаланган.

Ҳамидхон Ҳомидов.

ПЕРСОНА ГРАТА (лот. persona grata — мақбул шахс) —1) муайян давлатга дипломатик вакиллик номзоди шу давлат ҳукумати томонидан маъқулланган киши; 2) кучма маънода —хайрихоҳлик б-н қаралмайдиган одам.

ПЕРСОНА НОН ГРАТА (лот. persona non grata — номақбул шахс) — 1) бирор давлатга дипломатик вакил этиб тайинланишига унда давлат ҳукумати томонидан розилик берилмаган ёки ишончни ниқоблаш берилмаган ёки ишончни ниқобдан ва чақириб олинишн лозим бўлган дипломатик вакил. П.г.н деб эълон қилиш мазкур дипломат, унинг оила аъзоси ёки дипломатик вакилликнинг бошқа бирон ходимини шу мамлакат ҳудудида бундан бўён бўлиши номақбул деб топилганлигини билдиради. Бундай қарорга келиш давлат томонидан ўзининг тегишли одамини айтилган муддатда чақириб олишни тақозо этади, агар муайян муддат белгиланмаган бўлса, иложи борича тезроқ чақириб олиш чораси кўрилиши керак. Агар талаб бажарилмаса дипломатия маҳаллий мақомлар ҳусусий шахс деб эълон қилиб, унга одий хорижий фуқаро сифатида муносабатда бўладилар; 2) кучма маънода — хайрихоҳлик б-н қаралмайдиган одам.

ПЕРСОНАЖ (лот. persona — шахс) — санъат ва бадиий адабиётда муаллиф томонидан тасвир этилган шахс. П.лар асар воқеаларида қатнашуви, тасвирланиши ва умумлаштирилиши даражасига кўра асосий П.лар, ёрдамчи П.лар, эпизодик П.ларга бўлинади. Бадиий асар воқеаларининг бошидан охиригача фаол қатнашган ва ёзувчининг асосий ғоявий-эстетик ниятини ташувчи шахслар асосий П.лар ҳисобланади. Улар асарнинг бош қаҳрамони деб аталади. Барча воқеаларда тўла қатнашмаса-да, ёзувчининг ғоявий ниятини тўлароқ очишга хизмат қиладиган фаол образлар ёрдамчи П.лардир. Асарнинг макроструктурасида янада камроқ қатнашадиган шахслар эпизодик П. бўлиб қолаверади. Эпизодик П.лар асосий қаҳрамон табиатидаги муҳим хусусиятларни ишонарли ёритишга хизмат қиладилар.

Ёзувчи муносабатига қараб П.лар ижобий ёки салбий шахслар тарзида тасвирланади. Бадиий асарда бундай қарама-қарши қаҳрамонларнинг ифодаланиши адабиётнинг азалий муаммоси бўлмиш ҳаётнинг яхшилик ва ёмонликдан иборат эканлигига ишорадир. П.лар орқали ҳаёт ҳодисалари турли даражада ифодаланади. Чуқур ва мукаммал тасвирланган, умумлаштирувчи кучга эга бўлган П. тип даражасига кўтарилади. Тип бадиий асарда иштирок этувчи П.ларнинг энг олий чуққисини эгаллайди. Тинга кўра, камроқ умумлашма қувватига эга П.лар образ ёки характер деб юритилади.

ПЕРСОНАЛИЗМ (лот. persona — шахс) — фалсафий йўналиш. Унга кўра, одам фикрловчи мавжудот эмас, ҳаракат қилувчи, муайян мавқени эгалловчи шахсдир. П. 20-а.нинг бошларида Россия (Н. А. Бердяев, Л. Шестов) ва АҚШ да (Б.П.Боун) вужудга келган. П.нинг марказида шахс тушунчаси туради. Хусусан, билиш назариясида шахс билиш жараёнининг иштирокчиси сифатида қаралади. Шу маънода *Ницше*дан кейин барча фалсафа у ёки бу даражада шахслаштирилган. Фалсафий антропологияни ҳам П.нинг намоён бўлиши шакли деб ҳисоблаш мумкин. Этикада П. деганда индивидуал қадриятларни бошқа ахлоқий қадриятлардан афзал деб ҳисоблаш тушунилади.

ПЕРСПЕКТИВА (лот. perspicio — аниқ кўраман) — 1) мавжуд борлиқни инсон идрок этганидек бирор текис юза (қоғоз, тахта, девор ва б.) да фазовий ҳолати ва уларнинг бўлакларини кўздаги нуқтасидан узоқлашувини тасвирлаш тизими. Реалистик тасвирий санъатнинг асосини ташкил қилади. Реал жисм (буюм)ларнинг макондаги турли ҳолат ва кўринишининг тузилиши, ҳажмининг ўзига хос белгиларини тўғри тасвирини яратиш имконини чизиқли П. берса, ҳаво (ранг) П. жисм (буюм)ларнинг кузатиш нуқтасидан узоқлашиб бориши натижасида ранги ва чегараларининг ўзгаришини тўғри ва ишонарли тасвирини ишлашга хизмат қилади. Рассомлик санъатида кузатиш П.си ишлатилади. Воқеликни асбобларсиз кўз қанлай кўрса, шундай қилиб қўлда чизишга асосланади. Яна «тескари П.» ибораси бўлиб, унда реал борлиқни нотўғри тасвирлаш, яъни узоқдаги буюмларни катта қилиб ишлаш (П. қонунларига эътибор бермай ишлаш) маъносини англатади. Буни икона санъатида кўриш мумкин. Юнонистон (Эвклид рисоласи, мил.ав. 3-а.) ва Қад. Рим (мил. ав. 1-а. меъмор ва назариётчилари) да П.га оид қимматли фикрлар баён қилинган. Уйғониш давридагина П. илмий асосда ўрганила бошланди. Паоло Уччелло, Леонардо да Винчи, А. Дюрерлар П. ривожига катта



Кубнинг чизиқли перспективаси.

ҳисса қўшдилар; 2) одамнинг нарсаларни кўриб идрок этишига мос равишда уларни текисликда тасвирлаш усули. Меъморликда, қурилишда лойиҳаларни чизишда, нарсаларнинг *аксонометриясини* яратишда, қурилаётган бино, иншоот ёки ясалаётган буюмни табиий ҳолда тасвирлашда фойдаланилади. П. бирор бир нуқтада тутташадиган чизиқлар (нурлар) ёрдамида ҳосил қилинади; 3) чизиқли П. — фазовий шаклларни текисликда марказий проекция ёрдамида тасвирлаш усули. Бунда фазодаги *P* нуқта (расмга қ.) текисликда *OP* тўғри чизиқнинг текислик б-н кесишиш нуқтаси бўлган *P'* нуқтага проекцияланади (*O* нуқта — П. маркази); 4) ҳаво П.си нарса (буюм) муайян масофадан кузатилганда ранги ўзгаришн ва қўйфасидаги аниқлик бузилишини ифодалайди; 5) келажак учун тузиладиган режа.

ПЕРТ — Австралиянинг жан.-ғарбий қисмидаги шаҳар. Ғарбий Австралия штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 1,3 млн. киши (1999). Суои дарёсининг Ҳинд океанига қуйилиш жойидаги порт (йиллик юк ортиб-тушириш 15 млн.т). Т.ф. станцияси. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Оғир ва транспорт машинасозлиги, кимё, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати корхоналари; ун-т бор. Шаҳарга 1829 й.да асос солинган.

ПЕРУ (Peru). Перу Республикаси (Republika del Peru) — Жан. Американинг ғарбий қисмида жойлашган давлат. Майд. 1 млн. 285,2 минг км². Аҳолиси 27.9 млн. киши (2002). Пойтахти — Лима ш. Маъмурий жиҳатдан 25 департамент (departamento) га бўлинади.

Давлат тузуми. П. — республика. Амалдаги конституцияси 1993 й. 29 декда қабул қилинган, унга 2000 й.да тузатишлар киритилган. Давлат бошлиғи — президент (2001 й.дан Алехандро Толедо Манрике), у тўғри ва яширин овоз бериш йўли б-н 5 й. муддатга сайланади. Президент кетма-кет иккинчи муддатга қайта сайланиши мумкин эмас. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий конгресс (бир палатали парламент), ижрочи ҳокимиятни президент ва Вазирлар кенгаши амалга оширади. Президент Вазирлар кенгашининг раиси ва унинг тавсиясига биноан вазирларни тайинлайди.

Табиати. Соҳил қисми энн 80—180 км ли текислик (Коста), маркази тоғлик (Сьерра) ва шарқи сернам ўрмонли тоғ олди (Сельва). П. майдонининг 1/3 қисмига яқини тог. Перу Анд тоглари бўйлама водийлар орқали Ғарбий, Марказий ва Шарқий Кордильера

Перу гербы.

тизмаларига бўлинади. Энг баланд жойи 6768 м (Уаскаран тоғи). Жанубда Пуна ясситоғлиги бор. Нефть, мис, полиметалл, уран рудалари, кўмир, табиий газ конлари топилган. П. ҳудудининг катта қисми иқлими — экваторга хос ва тропик. Йил давомида ўртача т-ра соҳилда 15—25°, шимолдаги ясситоғликларда 12—16°, жанубда 5—9°, текисликда 24—29°. Йиллик ёғин тоғларда 1000 мм, Сельвада 3000 мм гача. Кўл ларёлари (Мараньон, Укаяли) Амазонка ҳавзасига мансуб. Йирик кўли — Титикака. Соҳили ва тоғ ён бағирлари бутазор ва кактусзор. Тоғларнинг шарқий ён бағри ва текисликлар доим яшил тропик ўрмонзор.

Ҳайвонот дунёси хилма-хил: ягуар, тулки, пума, турли қушлар, судралиб юрувчилар, гуанако, викунья, маймун, чумолихўр, ялқов, тапир ва ҳ.к. Дарё ва кўлларида балиқ кўп. Миллий боғлари — Ману, Серрос-де-Амотане ва б.

Аҳолисининг ярмига яқини кечуа, аймара индейслари, қолганлари перуанлар (испан-индейс метислари). Расмий тиллар — испан, кечуа, аймара тиллари. Диндорларнинг аксарияти — католик. Шаҳар аҳолиси 72%. Йирик шаҳарлари: Лима, Кальяо, Арекипа, Трухильо, Чиклайо, Куско.

Тарихи. П. ҳудуди қад. замонларда инкларнинг Тауантинсуйу давлати таркибига кирган. 1532—36 йларда испан конкистадорлари бу давлатни босиб олди. 1543 и. П. Испаниянинг вице-қироллиги деб эълон қилинди ва ерлар испан мустамлакачилари ўртасида бўлина бошлади. 1780—83 йларда инлейслар Тупак Амару раҳбарлигида қўзғолон кўтарди. Америкалари испан мустамлакаларининг мустақиллик йўлидаги урушлари (1810—26 давомида 1821 и. П. мустақиллиги эълон қилинди. 1822 и. П. республикаси тузилди ва биринчи конституция қабул этилди. 1825 й. мамлакатнинг жан.-шарқий қисми — Юқори П. мустақил Боливия республикаси деб аталя бошлади. 19-аснинг 30-йиллари охири —40-йиллари бошида консерваторлар б-н либераллар ўртасида ҳокимият учун кураш авж олди. П.нинг Чили б-н уруши (1879—83) оқибатида мамлакат ўз ҳудудининг бир қисмидан маҳрум бўлди. 1-жаҳон уруши вақтида П. бетараф турди. 1933 и қабул этилган конституцияда президент — парламент идора усули белгиланди. 2-жаҳон уруши вақтида П. ҳукумати 1945 й. Германия ва Японияга уруш эълон қилди.

1948—56 йларда ҳукмронлик қилган диктаторлик режими мамлакатдаги фуқаролар эркинлигини тутатди. Меҳнаткашларнинг норозилиги кучайиб, ҳукуматга қарши кенг кўламли ҳаракатга айланди (1950 й. Арекипа шаҳари қуролли қўзғолон, 1954—55 йилардаги иш ташламлар ва б.). 1956—62 йилларда мамлакатни идора қилган ҳукумат демократик эркинликларни тиклади. 1963 й. ҳокимият тепасига чиққан ҳукумат ислоҳот дастурини эълон қилган бўлсада, аслида халқ манфаатларига хиёнат қилди. 1968 йилги ҳарбий тўнтариш натижасида ҳокимиятни қўлга олган ҳарбийлар иқтисодий ва сиёсий мустақиллик учун кураш бошлади, ташқи сиёсатда мустақил йўллан борди. 1980 й. ўтказилган умумий сайлов якунида ҳокимият фуқаро ҳукуматига топширилди, мамлакатда конституциявий идора усули тикланди. 1992 й. апрлда 1980 й.ги конституция бекор қилиниди, парламент тарқатиб юборилди. 1993 й. янги конституция қабул этилди. 2001 й. 3 июнда бўлиб ўтган овоз беришнинг иккинчи давраси якунида «Перунинг келажаги учун» партиясининг раҳбари Алехандро Толедо Манрике президент этиб сайланди. П. — 1945 йилан БМТ аъзоси. ЎзР суверенитетини 1991 й. 19 дек.да тан олган ва 1999 й. дек.да дипломатия муносабатлари ўрнатган. Миллий байрами — 28 июль — Мустақиллик куни (1821).

Асосий сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари. «Перунинг келажаги учун», сиёсий партия; Халқ ҳаракати

Перу байроғи

партияси, 1956 и асос солинган; Халқ христиан партияси, 1966 и. тузилган; П. Апристпартияси, 1924 и. ташкил этилган; П. коммунистик партияси, 1928 и. асос солинган; П. учун иттифоқ партияси, 1994 и. тузилган; Христиан демократик партия, 1956 и. ташкил этилган; П. меҳнаткашлари умумий конфедерацияси, 1929 и. тузилган; П. меҳнаткашлари бирлашган касаба уюшмалари маркази, 1992 и. ташкил этилган.

Хўжалиги. П. — қишлоқ ва қисман яшлаш саноати нисбатан ривожланган аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ саноатининг улуши 10,7%, қайта ишлаш саноатининг улуши 21,5%, қишлоқ ва ўрмон хўжалигининг улуши 13,2%.

Қишлоқ хўжалигида фаол аҳолининг 40% банд; деҳқончилик — етакчи тармоқ. Мамлакат ҳудудининг 3% та экин экилади, 91% ўтлоқ ва яйлов. Экспорт учун шакарқамиш, пахта, кофе, цитрус мевалар, какао, чой, тамаки, кока барги етиштирилади, ички истеъмол учун шоли, маккажўхори, бугдой, арпа, маниок, оқ жўхори, картошка, ловия ва б. экилади. Ғўза ва жун берадиган чорвачилик ривожланган: қорамол, чўчқа, қўй, от, шунингдек, лама, аълпака боқилади, балиқчилик ривожланган. Овланган балиқнинг кўп қисмидан ун ва балиқ ёғи яшлаб чиқарилади.

Саноатида турли фойдали қазилмаларни қазиб олиш катта аҳамиятга эга. Жаҳон бозорида П. висмут, сурма, молибден, вольфрам, симоб, селен, теллур етказиб беришда салмоқли ўрин олади. Шу металларнинг асосий қисми Ороя шаҳридаги полиметалл к-ти ва Чимботе шаҳридаги металлургия к-тида эритилади. Талара, Ла-Пампильядаги ва Лима яқинидаги 3-лдар йилига 8,5 млн. тонна нефтни қайта ишлайди. Озиқ-овқат ва тўқимачилик тармоқлари ривожланган. Машинасозлик (шу жумладан, кемасозлик ва автойиғув), кимё, резина, целлюлоза-қоғоз, кўн, пойабзал, тикувчилик саноати корхоналари бор. Йилига ўртача 14,8 млрд. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади.

Транспорти. Темир йўллар уз. — 3,5 минг км, автомобиль йўллари уз. — 70 минг км. Денгиз савдо флотининг

тоннажи 616 минг т дедвейт. Асосий денгиз порглари — Сан-Николас, Кальяо, Талара, Чимботе.

Ташқи савдоси. Плантацияга мис, кумуш, қўрғошин, рух, темир руда, нефть ва нефть маҳсулотлари, кофе, қанд-шакар, балиқ маҳсулотлари, пахта толаси, жун ва б. чиқарилади. Четдан машина ва асбоб-ускуна, тайёр маҳсулотлар, қурилиш материаллари, кенг истеъмол моллари келтирилади. АҚШ, Япония, Германия, Лотин Америкаси мамлакатлари б-н савдо қилади. Пул бирлиги — янги соль.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Болалар б ёшгача боғчала тарбияланади. 9 йиллик яшна ва бепул умумий таълим жорий этилган. Давлат мактаби б-н бирга хусусий ва черков мактаблари ҳам бор. 9 йиллик мактаб умумий таълимдан ташқари меҳнат таълими ҳам беради. Кечуа индейслари она тилида ўқитилади. Тижорат, ҳунар-техника, пед. ва б. ўрта ўқув юртлари мавжуд. 33 ун-т бор; йириклари: Лимада «Сан-Маркос» Миллий ун-ти (1551 й. асос солинган), Миллий муҳандислик ун-ти (1955), Арекипада «Сан-Агустин» Миллий ун-ти (1828) ва б. Илмий муассасалари: Миллий тиббиёт академияси (1884), П. тил академияси (1887), Лима геогр. жамияти (1888), П. атом энергияси ин-ти (1945), Бошлангич таълим тажриба ин-ти (1940), П. денгиз ин-ти (1964) ва б. Лимада Миллий кутубхона (1821), «Сан-Маркос» ун-ти ва Миллий муҳандислик ун-тининг кутубхоналари, Миллий тарих музейи (1921), П. маданияти миллий музейи (1946), Антропология ва археология музейи (1938), «Хавьер Прадо» музейи ва б. бор.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Йирик газ. ва журнал.: «Комерсио» («Савдо-сотиқ», кундалик газ., 1839 йилан), «Охо» («Дийда», кундалик газ., 1968 йилан), «Перуано» («Перулик», ҳукуматнинг кундалик газ., 1825 йилан), «Республика» («Республика», кундалик газ., 1982 йилан), «Ундад» («Бирлик», кундалик газ., 1956 йилан), «Экспресо» («Тезкор», кундалик газ., 1961 йилан), «Экстра» (кундалик кечки газ., 1964 йилан); «Аларма аграриа», (қх. масалаларини ёритувчи оилик жур., 1987 йилан), «Ойга» («Тинглаш», ҳафталик жур., 1963 йилан). Америка Нотисиас Андина миллий ахборот агентлиги 1981 йила тузилган. Бош дзоқа бошқармаси радио ва телевидениени назорат қилади. «Радио насьональ дель Перу» ҳукумат мақкамасина 1937 й. асос солинган. Телекўрсатувлар 1958 йилан олиб борилади.

Перу табиати манзараси.

Адабиёти испан, кечуа ва аймара тилларида. Ахолий халқ оғзаки ижодиёти бой. Кечуа тилидаги «Ольянтай» халқ драмаси мустамлака даврилан аввалги энг муҳим адабий ёдгорликдир (бу асар матни 18-а.да қайта ишланиб, 1853 йила нашр этилди). Мустамлака даврида яратилган тарихий воқеалар баёни испан тилидаги адабиётга асос солди. Инк Гарсиласо де ла Веганинг «Инкларнинг шоҳона шарҳлари» қад. тарих ва маданиятга оид асосий манбадир. 17—18-а.ларда ренарликни тараннум этадиган, шунингдек, диний-фалсафий, маърифий шеърият ва наср ривожланди. Халқ ижодиётида эса испанларга қарши кайфият ифодаланди. 19-а. охири — 20-а. бошларида М. Мельгар ижодида испан китобий шеърияти б-н индейс фольклори анъаналари бирлашиб кетди. «Перу ривоятлари» деган 12 қисмли салмоқли асар яратган Р. Пальма П. адабиётини янада ривожлантирди. Мустақиллик эълон қилингандан сўнг адабий ҳаёт жонланди, миллий театр учун сатирик асар ва комедиялар (Ф. Пардо-и-Альяго ва М. Асенсио Сегура) ёзилди. 20-а. боши адабиётида модернизм, символизм, 1-жаҳон урушидан кейин авангардизм оқимлари раём бўлди. 2-жаҳон уруши даврида ва ундан кейин С. Алегрия, Х. М. Аргедасниинг танқидий романларида, Х. Р. Рибейро, Э. Конграйнс Мартининг шаҳар қашшоқлари ҳаётини тасвирловчи ҳикояларида ўткир ижтимоий муаммолар кўтарилди. 70—90-й.ларда шоирлардан В. Дельгадо, А. Ромуальдо, Х.Г. Росе, драматурглардан Х. Риос, Э. Солари Суэйн, шоир М. Варгас Льоса халқ турмуши ва орзу-истакларини ҳаққоний ёритдилар.

Перудаги инлейслар турар жойи.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. П. маданияти — Лотин Америкасидаги энг қадимийларидан бири. Мил. ав. 10—8-а.ларда маданий марказлар мавжуд бўлган. Бадиий ҳунармандчилик буюмлари (жун ва пахтадан тўқилган каштали гиламлар, олтин, кумуш ҳайкалчалар, металл, сопол, заранг идишлар ва б.) бизнинг давримизгача сақланган. Мустамлакачилик тартиблари қад. санъат ривожига халақит берди.

Пада сақланиб қолган қад. шаҳарларда тўғри бурчакли кварталлар, тор кўчалар, кўргонлар (Мачу-Пикчу, Саксауаман), қабристонлар, саройлар, ибодатхоналар, диний маросимлар ўтказиладиган амфитеатрлар, погонали эҳромлар бўлган. 16-а. 2-ярми ва 17-а. 1-ярмидан тўғри кўчали янги шаҳарлар, йирик шаҳарларда европача услубда черковлар бунёд этилди (17-а. 2-ярми ва 18-а.да барокко, 19-а.да классицизм услубларида), уйларнинг ички томонини безашга эътибор берилди. 19—20-а.ларда турли услубда иморатлар қурилди. М. Пикерас Котоли, Э. Сеоане Рос, Л. Миро Кесада Гарланд сингари меъморлар «Янги перуча услуб» яратдилар. Лима ш., Анкон курорти ва б. қайта қурилди.

19-а.да замонавий рассомчилик ривожланиб, И. Мерино, Ф. Ласо, К. Бака Флор, Д. Эрнандес каби рангтасвирчилар етишди. 20-а. рассомларидан Х. Сабогаль, Х. Кодесидо, ҳайкалтарошлардан К. Сако, И. Посо ва б.лар ўз асарларида халқ ҳаётини, индейслар турмушини акс эттирдилар, қад. санъат анъаналарини ривожлантирдилар. П. тасвирий санъатида кубизм, экспрессионизм, абстракт санъат кенг тарқалди. Халқ санъатида геометрик шакллар ҳосил қилиб гул тўқиладиган ёмғир пўшлар, сопол идиш, ҳайкалчалар, қалама нақш туширилган идиш ва буюмлар ясаш ривож топган.

ЭКВАДОР
БРАЗИЛИЯ
Экватор
Тумбес
Пьюра
Чиклайо
Трухильо
Чимботе
Уанкайо
Ика
Икитос
Мальдонадо
Куско
Пуно
Ла Паз
Ла Пас
Ла Плата
Ла Плата
Ла Плата

Мусиқаси. Қад. инклар мусиқаси пентатоникага асосланган бўлиб, диний, ҳарбий, сарой ва халқ мусиқасидан иборат. Диний мадҳиялар (хайл), тарихий ривоят қўшиқлари (таки), марсия (уанка) ва лирик қўшиқлар (арави) каби мусиқий жанрлар, рақслар (уайно, кануа, каруйо) ривожланган. Чолғу асбоблари: уанкар, тинья каби барабанлар, аната, кена, тарка каби пуфлаб чалинадиган созлар, эрке, айкори каби карнай ва б. кенг тарқалган. Булар кечуа ва аймара индейсларининг маданий меросига хос бўлса, креол халқ мусиқасида испан мусиқий маданиятининг таъсири сезилади. Креолларнинг асосий мусиқа асбоблари гитара ва арфадир; 19—20-а. композиторларидан Х. Б. Альседо, Х. М. Вальє Риестра, О. Полар, М. Агирре, П. Чавес Азиларни кўрсатиш мумкин. Замонавий композиторлар орасида А. Гевара Очоа алоҳида ажралиб туради. Лимада миллий консерватория, Филармония жамияти, Муниципал театр, Миллий симфоник оркестр бор.

Театри. Инклар давлати ташкил топиши б-н П. театр санъати ривожлана бошлади. Қад. театр томошаларининг бир неча тури мавжуд бўлиб, улар мусиқа жўрлигида, хор бўлиб ашула айтиб ижро этилган. Кечуа тилидаги «Ольянтай» халқ драмаси машҳур бўлган. 1548 й. биринчи дунёвий томоша кўрсатилган. 17-а.да Ж. Лелио, Г. дель Рио труппалари шуҳрат қозонган. 1680 й. Лимада «Принсипаль» театри қурилди. «Колисео де комедия», «Комедия насьональ» ва б. театрларда П.лик таниқли актёрлар Т. Миранда, Э. Перес ва б. етишиб чиқди. 20-а.нинг 60-й.ларидан турли шаҳарларда театр фестивалларини ўтказила бошлади. Лимадаги М. А. Сегура театри, ҳаваскор актёрларнинг «Ла Кабанья» труппаси П. драматургларининг пьесаларини саҳналаштиради. Актёрлари: Л. Арриста, Э. Саморано, Д. Паредес ва б. машҳур. Театрлар учун кадрлар Лимадаги Миллий драма санъати ин-тида тайёрланади.

Киноси тарихи 1913 й.дан бошланган. Шу йили биринчи фильм суратга олинган. 20-а.нинг 30-й.ларида миллий кинематография шаклланди, Лимада биринчи кинофирма шуҳудга келди. Кейинги йилларда А. Роблес Годой «Сельвада қолдузлар йўқ», «Кўк девор», «Сароб», «Уайанайдаги воқеа» фильмларини яратди. «Ернинг кучи» (реж. Б. Ариас), «Тонгдаги ажал» (реж. Ф. Хосе Ломбарди) фильмлари ҳам дунё юзини кўрди. Х. Уако, С. Вильянуэва, Э. Нисиман, Э. Чамбининг ҳужжатли фильмларида индейслар турмушининг ўткир ижтимоий муаммолари кўтарилган.

ПЕРУ ОҚИМИ, Гумбольдт оқими — Тинч океандаги совуқ иссиқ оқим. Ғарбий Шамоллар оқимининг тармоғи. Сув т-раси 15—20°, оқим тезлиги 0,9 км/соат. Сув сарфи 10—20 млн. м³/сек. 45° ва 4° ж.кл.лар оралиғида Перу ва Чилининг ғарбий қирғоқлари бўйлаб жанубдан шимолга томон оқади. Баъзи муаллифлар соҳил бўйи ва океан оқимларини ҳамда Жан. Перу-Чили оқимини ажратадилар. 4° ж.кда П.о. ғарбга бурилиб Жан. Пассат оқимига қўшилади.

ПЕРУ ҒЎЗАСИ, Жанубий Америка ғўзаси, си-айленд ғўзаси (*Gossypium barbadense* L.) — маданийлаштирилган ғўза тури. Геноми (АД)$_2$, хромосомалар сони 2n=52. К. Линней таърифлаб берган (1753). Жан. Америкада (Перу, Боливия, Шим. Бразилия, Эквадор, Колумбия), Миср, Судан, Нигерияда тарқалган. П.г.нинг маданийлаштирилган шаклари кўпгина мамлакатларда узун толали ғўза навлари сифатида экилади. П.г. — йирик ёки ўртача моноподиал ва майда симподиал бута. Ўсимлик пояси туксиз ёки кам тукли бўлиб, қалин, қора смола безчалари б-н қопланган, қорамтир ёки тўқ қизил бўлади. Барглари ўртача ёки йирик, 3—7 бўлмали. Барг бўлмалари тухумсимон — учбурчакли, кўпинча қайиқчасимон ва камдан-кам текис бўлади. Ён барглари наштарсимон-чизиқли, юқорига йўналган. Гуллари йирик, гулбарги лимонранг, асосида йирик тўқ қизил доғи бор. Косачаси йирик, тўлқинсимон ёки текис бўлади. Гулёнбаргларида 10—15 та узун чизиқли тишлари бор. Кўсаклари майда ёки ўртача катталикда, тухумсимон-конус шаклида, баъзан анча узунчоқ, 3—4 чаноқли бўлади. Кўсагининг сирти тўқ яшил, майда чуқурчали, ялтироқ аниқ кўринмайди. П.г. тур ичидаги барча хилларини Ф. М. *Мауер* 4 та эволюцион туруҳга ёки кенжа турга бўлади (1954): қадимий ёввоий — дарвини кенжа тури [ssp. *darwini* (Watt) Mauer], ярим ёввоий ёки рудерал — рудерале кенжа тури [ssp. *ruderale* Mauer]; маданий-троник — витифолиум кенжа тури [ssp. *vitifolium* (Lam.) Mauer]; маданийлаштирилган шакл — зубарбаденсе кенжа тури (ssp. *eubarbadense* Mauer). П.г.нинг тропик формалари фотодаврий ўзгаришларга қатъий таъсирчан бўлиб, иссиқни ёқтиради, кечпишар, куз-қиш-баҳор ойларида ҳосил беради. Маданийлаштирилган субтроник шакллари фотодаврий ўзгаришларга унчалик таъсирчан эмас, қуруқчиликка чидамли, тезпишар бўлиб, ёз ойларида ҳосил беради. Кўпчилик шаклари *фузариоз вилт* б-н касалланади, *вертишилёз вилт* б-н камдан-кам зарарланади ёки мутлақо зарарланмайди. Ниҳоллари илдиз чириш касаллигига, гарвини шакли эса шўрга чидамли. Ёввойи шаклларининг чигити — тошчигит. Кўпчилик маданий навларнинг чигити яхши шароитда сақланса, униб чиқиш қобилиятини 10 й. ва ундан ҳам узоқроқ муддатгача йўқотмайди. П.г. мексика ва чалкаш тукли ғўзалар б-н эркин чатишиб, мева берадиган дурагайлар ҳосил қилади; харкиесе, раймонд, ҳиндихитой, стокс ва б. ғўзалар б-н чатиштириб олинган дурагайлари бепушт бўлади. Клоши, давидзон турлари б-н қийин чатишади, аммо улардан олинган дурагайлари униб чиқиши б-н нобуд бўлади. П.г.нинг намуналари қимматли генетик фонд ҳисобланади ва улардан толасининг технологик сифати юқори бўлган инжичка толали ғўза навларини яратишда фойдаланилади. Яна қ. *Инжичка толали ғўза.*

Перу ғўзаси: *1* — пояси; *2* — барги; *3* — гули; *4* — кўсаги; *5* — очилган пахтаси; *6* — чаноги.

Ад.: Мауер Ф. М., Ғўза, 1-ж., Т., 1954; Жуковский П. М., Культурные растения и их сородичи, 3 изд., Л., 1971; Тер-Аванесян Д. В., Хлопчатник, Л., 1973.

Абдумаҳлон Абдуллаев.

ПЕРУЖИНО (Perugino; асли Ваннуччи, Vannucci) Пьетро (1445/1452, февраль, Читта-делла-Пьеве, Умбрия — 1523, март, Фонтиньяно) — итальян рассоми, Умбрия мактаби намояндаси. Пьеро делла Франческа, нидерланд усталари, шунингдек, А. Верроккьодан (1470 йдан унинг Флоренциядаги устахонасида ишлаган) таъсирланган. П.нинг яратувчанлик ҳисси б-н тўлиқ рангтасвири мавзу композицияси ритми ва Умбриянинг олис адирларини акс эттирувчи ҳиссиётли манзарали фонини б-н ажралиб туради; фазо қўринишидаги аниқлик ва ғамгинлик унинг асарларига алоҳида унгунлик бағиш этади. «Авлие Петрга калитни топшириш», 1481—82, Ватикандаги Сикст капелласида; «Исога мотам», тахм. 1494—95, Уффици галереясида; «Хочга михлаш», 1496, Санта Мария Маддалена деи Пацци, Флоренциядa; қўлбоғ малонналар образлари ва б. П. ижоди шогирди *Рафаэл*га кучли таъсир кўрсатган.

ПЕРУЛИКЛАР, перуандар — халқ. Перунинг асосий аҳолиси (13,7 млн. киши). Умумий сони 13,82 млн. киши (1990-й.лар ўртаси). Асосан, метислар ва мулатлар. Испан ва кечуа тилларида сўзланади. Диндорлари — асосан, католиклар. П. қадимда маданияти юксак бўлган *инклар*нинг авлодлари ҳисобланади.

ПЕРУЦ (Perutz) Макс Фердинанд (1914.19.5 Вена — 2002.6.2) — инглиз биокимёгари (асли австриялик). 1936 й.дан Кембриж ун-тида ишлаган. Лондон Қироллик жамияти (1954), Америка санъат ва фан академияси (1963), Австрия ФА (1963) акад., Кембриж университининг молекуляр биология лаб.си мудири (1962 й.дан). Асосий илмий ишлари *молекулар биология* б-н боғлиқ. Изоморф алмаштириш (оғир металлар атомларини оқсил молекуласига киритиш) методини ишлаб чиққан (1953). Рентгеноструктураний таҳлил қилиш, изоморф алмаштириш усуллари ҳамда компьютер технологияси ёрдамида гемоглобин молекуласи структурасини аниқлаган ва унинг моделини яратган (1960). Нобель мукофоти лауреати (1962, Ж. К. Кендрю б-н ҳамкорликда).

ПЕРФОРАЦИЯЛАР (лот. perforatio — тешиш, кириб олиш) — 1) ўсимликларда ўтказувчи ва тўрсимон найлар деворидаги тешиклар. П. орқали озиқ эритмалар бемалол ўтади. П. қирққулоқларда кўп, кўпчилик гулли ўсимликларда оддий (ўтказувчи най бўғимида битта умумий тешик) бўлиши мумкин. Айрим лишайникларда П. — таллом пўстлоғи бир қисмининг ҳалоқ бўлиши туфайли вужудга келадиган тешиклар иборат бўлиб, газ алмашинув вазифасини бажаради. 2) тиббиётда — ковак аъзолар деворининг тешилиши. Патологик жараёнлар натижасида, мас., меъда ва ўн икки бармоқ ичак яраси ёки ингичка ва йўғон ичаклардаги яранинг тешилиши; 3) хирургик йўл б-н суякда тешик очиш ва терининг талайгина қисмини эгаллаб олиши мумкин. Доғ тушган жойлардаги соч ва туклар ҳам оқариб чиқади. Касаллик бошланишининг кўпинча бемор сезмайди. Аста-секин тери оқаради, баъзан бирдан оқариш ҳоллари ҳам учрайди. Оқ доғ тушишидан олдин тери қичишиши ва бир оз кепакланиши ҳам мумкин. Доғ тушган жойда терининг сезиш хусусияти йўқолмайди. П. юқумли эмас, у киши ҳузнини бузади холос. Бундай кишилардан ҳазар қилиш ярамайди. Замонавий дори-дармонлар П.ни даволашда яхши наф бермоқда, улар ичида ПУВА терапия алоҳида ўрнини эгаллайди. Витаминлар (B_1, B_6, B_{12}, С ва б.) б-н даволаш мақсадга мувофиқ. Офтобда узоқ вақт юрмаслик, қорайиш ва б.дан сақланиш лозим, чунки қорайган терида П. доғлари яққол кўзга ташланади.

ПЕСЕТА (испанча peso — вазн, бўлак) —1) Испания пул бирлиги. 1868 й.дан муомалага киритилган. 1П.=100 сентимо. Халқаро ифодаси ESP. Халқаро валюталар курси бўйича 1 АҚШ доллари =188,2 П.; 10П.=36 сўм (2002, фев.). 2002 й.дан *евро* муомалага киритилиши б-н П. муомалага тўхатилди; 2) Андорра пул бирлиги. 1.П.=100 сантимо.

ПЕСИН Яков Ефимович (1914.31.3, Белоруссиянинг Бихов ш. — 1998.30.6, Тошкент) — ҳуқуқшунос олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1964). Юридик фанлари д-ри (1972), проф. (1974). Москва юридик ин-тини тугатган (1939). Тошкент юридик ин-тида катта ўқитувчи, кафедра мудири, директор ўринбосари, декан (1949 й.дан). Илмий ишлари оила ҳуқуқи, фуқаролик процесси масалаларига бағишланган.

ПЕСО (испанча peso — вазн, бўлак) —1) Аргентина пул бирлиги. 1970 й.дан муомалага чиқарилган. 1П.=100 сентаво. Халқаро ифодаси ARP. 1 АҚШ доллари = 2.89 П. (2003, май); 2) Мексика пул бирлиги. 1П.=100 сентаво. Халқаро ифодаси MXP. 1АҚШ доллари =10,77 П. (2003, март); 3) Филиппин пул бирлиги. 1970 й.дан муомалага чиқарилган. 1П.=100 сентаво. Халқаро ифодаси PHP. 1 АҚШ доллари =55,07 П. (2003, март); 4) Чили пул бирлиги. 1851 й.дан муомалага чиқарилган. 1П.=100 цент. Халқаро ифодаси CLP. 1 АҚШ доллари = 706,5 П. (2003, май). Шунингдек, Боливия, Колумбия, Куба, Уругвай давлатлари пул бирликлари ҳам П. аталади.

ПЕССЕЖИКТЕПА — неолит даври манзилгоҳи (мил. ав. 6-минг йиллик). Туркманистондаги Геоктепа р-н маркази ёнида жойлашган. П.дан хом гиштдан ишланган уйлар, саждагоҳ, фрескалар, тош қуроллар, сопол идишлар чиққан.

ПЕССИМИЗМ (лот. pessimum — энг ёмон) — дунёга, ҳаётга тамғинлик, умидсизлик б-н қараш, келажак яхши бўлишига ишончсизлик; ҳамма нарсани қора рангда тасвирлаш. П. *оптимизмнинг* қарама-қаршиси бўлиб, оламда аввалам бор унинг салбий томонларини кўради, олам умид қилиб бўлмайдиган даражада ёмон, инсонларнинг яшаши — бошдан охиригача мазмунсизликдан иборат деб ҳисоблайди. П.нинг диний ифодаси *будгизмда*. Қалимои аҳдда ва христианликда акс этган. Меланхолия — П.нинг патологик шакли. Фалсафий П. *Шопенгауэр* ва Гартман асарларида кўзга ташланади. П.га мойил одам пессимист дейилади.

ПЕСТАЛОЦЦИ Иоганн Генрих (1746.12.1, Цюрих — 1827.17.2, Брунг) — швейцариялик педагог, бошланғич таълим назарияси асосчиси. Каролинум коллегиумининг икки курсини тугатган. Нейхофда «Камбағаллар учун муассаса». Станц шд

етимхона, Бургдорф ва Ивердонда ин-тлар очган ва уларга раҳбарлик қилган. П. фикрича, тарбиянинг мақсади инсонларнинг барча табиий кучлари ва қобилиятларини ҳар томонлама ва уйғун ўстиришдан иборат. Унинг элементар маълумот назариясига кўра, тарбиялаш оддий элементлардан бошланиб, астасекин мураккаброқ даражага кўтарилиб бориши керак. П. болаларга илк бор ҳисоб, ўлчаш ва нутқни ўргатиш методикасини ишлаб чиқди, бошланғич таълимга геом., геогр., расм солиш, ашула, гимнастикадан оддий маълумотларни киритиб, унинг мазмунини кенгайтирди. Асосий асарлари: «Лингард ва Гертруда» (1781—87), «Оққуш қўшиғи» (1826), «Гертруда ўз болаларини қандай қилиб ўқитади» (1801).

ПЕСТИЦИДЛАР (лот. pestis — мараз, caedo — ўлдираман), заҳарли кимёвий моддалар — ўсимлик зараркунандалари ва касалликлари, бегона ўтлар, шунингдек, ёғоч, пахта толаси маҳсулотлари, жун, тери зараркунандалари, уй ҳайвонларининг хавфли касалликлари қ ўзғатувчиларига қарши курашишда фойдаланиладиган кимёвий моддалар. Шунингдек, *ауксинлар, гиббереллинлар, дефолиантлар, десикантлар, ретардантлар* ҳам П.га киритилади. П. тирик организмлар ҳужайраларига кириб уларнинг физик ва кимёвий хусусиятларини ўзгартиради. Ҳужайранинг оқсил ва б. моддаларини б-н кимёвий реакцияга киришиб, уларни чуқмага тушириди, ферментлар фаоллигини заифлаштиради, модда алмашинуви жараёнини бузади ва ҳужайрани ҳалокатга олиб келади.

П. қўлланиш объекти, организм ичига кириш йўли ва таъсир қилиш характери ва кимёвий таркибига кўра таснифланган зараркунандаларнинг озиқланиши асос бўлади. Мас., кемирувчи оғиз аппаратига эга бўлган ҳашаротлар (чигиртқалар, қўнғиз личинкалари ва етук шакллари, капалак қуртлари)га моддалар уларнинг оғзи орқали ичига тушганида, санчиб-сўрувчи оғиз аппаратли ҳашарот (ўсимлик битлари, қалқлар)га эса заҳарли воситалар улар танасига тегканида, яъни тери қопламаси орқали (сиртдан таъсир қилувчи П.) таъсир қилади; бут ё газ ҳолидаги заҳарли кимёвий моддалар нафас йўллари орқали, шунингдек, ўсимлик ёки ҳайвон ширасн б-н озиқланадиган ҳашаротлар тўқимасига осонгина сингиб, заҳарлайди.

П. бегона ўтлар, касалликлар ва зараркунандаларга қарши курашда энг самарали усуллардан ҳисобланади. П. органик ва ноорганик бирикмаларнинг турли синфларига мансуб. Уларнинг кўпчилиги суюқ йўл б-н олинади. Энг муҳим П. хлорорганик ва фосфорорганик бирикмалар, карбамин кислота ҳосилалари, ўсимликлардан олинадиган (пиретроидлар, гризанлар киради. Анорганик П.лар мис, олтингугурт ва б. элементларнинг бирикмаларини кўрсатиш мумкин. Хлорорганик П. универсаллиги б-н афзаллик. Улар жуда кўп тур зараркунандаларни нук қилади, таъсир кучи узоқ муддат сақланади ва иссиққонли ҳайвонлар учун хавфи кам. Хлорорганик П.нинг камчилиги уларнинг ташқи муҳит, тупроқ, ўсимлик ва сувда кимёвий жиҳатдан барқарорлиги, яъни узоқ вақтгача парчаланмай сақланиб туришидир. Бу эса препарат қолдиқларининг ўсимлик маҳсулотлари ва ҳайвон организми таркибида йиғилиб қолишга олиб келиши мумкин. ДДТ каби жуда барқарор препаратлардан фойдаланиш ман қилинган. Фосфорорганик П. юқорн биологик активликка эга. Бу бирикмалар ўсимлик ичига сингиб кириш ва заҳар кучини анча вақт сақлаб туриш хусусияти б-н бошқалардан ажралиб туради. Баъзилари бари ёки илдиз орқали сингиб, озиқ моддалари эритмаси б-н бирга ўсимлик томирлари системаси бўйлаб тарқалади. Бундан ўсимлик шираси б-н озиқланган зараркунандалар заҳарланиб нобуд бўлади; бу бирикмалар ичдан таъсир қилувчи препаратлар деб аталади. Бошқа турух моддалари ўсимлик тўқималарига юза сингиб, томирлар орқали тарқалмайди ва қисман сингувчи препаратлар деб аталади. Бундан организм ичида тана юзасидагига нисбатан кўпроқ барқарор сақланади ва баргнинг ишлов берилмаган орқа қисмидаги зараркунандаларни ҳам нобуд қилади. Фосфорорганик П.га мансуб инсектицидлар, фунгицидлар, нематоцидлар ва гербицидлар бор. Деҳқончиликда бундай инсектицид ва акаридлардан фосфамид (БИ-58), фозалон, карбофос, золон ва б.дан кўп фойдаланилади.

Синтетик пиретроидлар бир неча тур ўсимлик гулларидан олинадиган пиретрум моддасининг аналогидир. Кейинги йилларда пиретроидлардан кўпгина ўсимликларни зараркунандалардан ҳимоя қилишда кўп фойдаланилмоқда. Бу бирикмалар танлаб таъсир қилиш хусусиятига эга. Улардан жуда кам (бир гектарга бир неча грамм таъсир қилувчи модда ҳисобида) сарф қилинганида ҳам зараркунандаларга самарали таъсир кўрсатади. Ўзбекистонда синтетик пиретроидлардан амбуш, цимбуш, рипкорд, сумицидин, децис ва б.лн қўллашга рухсат берилган. Олтингугуртли П. оддий олтингугурт (олтингурурт кукуни, коллоидли олтингугурт, оҳак-олтингугурт қайнатмаси ва б.) асосида ишлаб чиқарилади; буғдан ташқари, олтингугуртли органик бирикмалар ҳам мавжуд.

П. намланадиган кукунлар, эмульсияларнинг концентратлари, пасталар, гранулалар, дустлар, аэрозоллар, сувли эритмалар, ярчган кукунлар ва б. кўринишида ишлаб чиқарилади. Шу б-н бирга уларнинг таркибида бошқа қўшимча компонентлар ҳам (суюлтирадиган, тўлдирадиган) учрайди.

П. пуркаш, чанглатиш, фумигация ва бошқа усуллари қўлланади. Аирим ҳудудларда П.лардан иотўғри фойдаланиш флора, фауна, қ. х. ҳайвонлари ва одамлар учун хавфли қолдиқларни вужудга келтиради.

П.лни танлашда уларнинг заҳарлилиги — кимёвий моддаларнинг организмни заҳарлаш хусусиятига катта аҳамият берилади. Заҳарлилик даражаси — локлар, яъни модданинг организм ҳаёт фаолиятини бузадиган ёки нобуд қиладиган (тажрибадаги ҳайвонларнинг ўртача ҳар кг вазнига тўғри келадиган мг ҳисобидаги заҳарли модда) миқдори б-н белгиланади. П.нинг заҳарлилиги, одатда, тажрибадаги бир гуруҳ ҳайвон (каламуш, сичқон) маълум қисмининг нобуд бўлиши б-н сарфланган лозани қиёслаб аниқланади. П.нинг бундай дозалари $ЎД_{50}$ (тажрибадаги ҳайвонларнинг 50% ни ўлдирадиган доза) белгиси б-н ифодаланади. Қабул қилинган таснифга кўра, П. заҳарлилиги шартли равишда 4 гуруҳга бўлинган: ўта заҳарли ($ЎД_{50}$ 50 мг/кг гача); заҳари кучли ($ЎД_{50}$ 50—200 мг/кг); ўртача заҳарли ($ЎД_{50}$ 200 — 1000 мг/кг), заҳарлилик даражаси паст бўлган П. ($ЎД_{50}$ 1000 мг/кг дан ортиқ).

П.нинг расмий тавсия қилинган доза ёки концентрациясидан ортиқ олинганда, қўллаш усули ҳамда муддати нотўғри танланганда, шунингдек, иқлим шароитлари ҳисобга олинмаганда улар ўсимликнинг куйишига, гулчанги ҳаётчанлигининг пасайишига, уруғининг нобуд бўлишига ва натижада ҳосилнинг камайишига сабаб бўлади. Ўсимликлар П. б-н ифлосланиши, меваси эса балбўй ҳид ва ёқимсиз мазага эга бўлиб қолиши, шунингдек, ўсимлик сиртида бу моддалар одам ва ҳайвонлар учун хавфли миқдорда тўпланиши мумкин. П.нинг мунтазам қўлланиши туфайли, кўпнича заарли организмларда уларга нисбатан чидамлилик вужудга келади. Зараркунандаларнинг маълум П.га чидамли иркларининг вужудга келмаслиги учун ҳар бир зараркунандага қарши мўлжалланган препаратлар тури кўп бўлиши ва улар алмашлаб қўлланилиши керак.

П.нинг одам, ҳайвон, ўсимлик, сув ва умуман атроф муҳитга салбий таъсирининг олдини олиш учун уларни қўллашда фақатгина зараркунандага эмас, балки *биоценоз*га ҳам таъсирини, яъни оқибатини олдиндан ҳисобга олиш керак. П. зараркунандаларни нук қилиб юборини воситасидан улар сонини тартибга солиб турадиган воситаларга айланиши керак.

Амалда фойдаланилаётган ва и. ч. га тавсия этиладиган П. республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги махсус комиссия томонидан ўрганиб чиқилади ва фойдаланишга тавсия этилади.

Ад.: Система интегрированной защиты хлопчатника. Т., 1976; Мельников Н. Н., Пестициды: химия, технология и применение, М., 1987.

Абдукарим Зокиров.

ПЕТЁФИ (Petofi) Шандор (1823.1.1, Кишкёрёш — 1849.31.7, Фехередьхаа) — венгер шоири. Лирикасида ватанпарварлик, оддий халқ турмуши ҳақидаги қайғуси етакчи ўринда. «Яноши ботир» эпик достони (1844)да жасур, одилжаноб деҳқон йигитининг қийинчиликларни енгиб, мақсадга етишуви тасвирланган. «Йўлбарс ва сиртлон» (1845) драмаси, «Жаллоднинг арқони» романи (1846), «Сарой ва кулба» (1847), «Ҳаворий» (1848) достонлари ва б. асарларида иёнкор шоир туйғулари, меҳнаткаш халқнинг орзу, интилишлари акс этган. «Янош ботир» (1965) достони, «Танланган асарлари» (1973) ўзбек тилига таржима қилинган.

ПЕТРАРКА (Petrarca) Франческо (1304.20.7, Ареццо — 1374.19.7, Аркуа, Падуя шаҳри яқинида) — италъян шоири, италъян адабий тилининг асосчиларидан бири, файласуф. Монтепелье (1316), Болонья (1320) ун-тларида ҳуқуқшунослиқдан таълим олган. 1326 й. Авиньонга кўчиб бориб, дин. табаси руҳонийлар б-н яқинлашган.

П. ўрта аср ақидаларидан мутлақо ҳоли бўлмаган эса-да, Уйғониш даврининг гуманизм ғоялари б-н йўғрилган маданиятига тамал тошини қўйган. П. лотин тилидаги «Дунёга нафрат тўғрисида» (1342—43) фалсафий рисоласида, «Узлатдаги ҳаёт тўғрисида» ва «Рўзадлар фарогати тўғрисида» (1346—66) рисолалари муаллифи. П. шеъриятни ўрта аср мадҳоялари ҳукмидан ҳимоя қилар экан, унинг катта тарбиявий ва эстетик қимматга эга эканлигини алоҳида таъкидлайди. П. «Ўзимнинг ва бошқа кўплаб кишиларнинг жоҳиллиги тўғрисида» (1367—70) асарида Аристотель «Этика»сида баён қилинган мавҳум фикрларни рад этади ҳамда амалдаги ахлоқ меъёрларини ва инсонни яхлит ҳолда ўрганиш ғоясини афзал, деб ҳисоблайди. П.нинг «Авлодларга мактуб» (1374) номли мухтасар автобиографияси ҳам муайян аҳамиятга молик.

П. антик дунёни идеаллаштирган Европа шоирларидан бири сифатида лотин шоирларининг қўлёзмаларини тўплаб, уларга шарҳлар ёзди, айни пайтда ўз асарлари б-н классик лотин тилини тиклашга уринди. Агар унинг лотин тилидаги «Африка» (1339—42, тугалланмаган) достони Вергилийнинг «Энеида»си услубида ёзилган бўлса, мажозий мазмундаги «Буколикалар» (1346—57) асари чўпонлар эклог (қўшиқларига татаббу тарзида майдонга келган. П. итальян тилида ҳам ижод қилган. Унинг итальян тилидаги лирик асарларида ишқий ва сиёсий мавзулар устуворлик қилади. П.нинг «Менинг Италиям» асарида ватан жароҳатланган гўзал аёл қиёфасида гавдаланади.

П. ижодида Лаурага бағишланган лирик шеърлар туркуми, айниқса, катта бадиий қимматга эга. Шоирнинг эътироф этишича, у Лаурани 1327 й. Авиньон шаҳаги ибодатхоналарининг бирида учратиб, уни бир умрга севиб қолган. П.нинг Лаурага бағишланган шеърий туркуми «Канцоньере» деб аталган («Мадонна Лаура ҳаётига» ва «Мадонна Лаура ўлимига», 2 қисм). 317 сонет, 29 канцона, 9 секстина (тўққизлик), 7 баллада ва 4 мадригалдан ташкил топган «Канцоньере» ўзига хос шеърий кундаликдир. П., салафларидан фарқли ўлароқ, севимли аёл образини аниқ-тайин ва ҳаётий белгилар б-н бойитган. Шу сабабдан ҳам унинг лирикаси нафақат итальян, балки Европа лирикаси тараққиётида янги даврни ташкил этади. П., лирик шеърларидан ташқари, терцина (учлик) б-н ёзилган «Тантаналар» (1354) мажозий достонини ҳам Лаурага бағишлаган. П. лирикаси, айниқса, сонетлари Европа шоирлари ижодига катта таъсир кўрсатган. Ўзбек шеъриятида *Усмон Носир, Рауф Парфи* ва Б. *Бойқобилов* сингари шоирлар ижодида сонет жанрининг пайдо бўлиши ва тараққиёти ҳам П. ижодининг таъсири самарасидир. П.нинг бир қанча сонетлари ўзбек тилига таржима қилинган.

Ас.: Лирика, М., 1981; Сонеты, избранные канцоны, секстины, баллады, мадригалы, автобиографическая проза, М., 1984.

Ад.: Хлодовский Р. И., Франческо Петрарка. Поэзия гуманизма, М., 1974.

Наим Каримов.

ПЕТРОВ МУЗЛИГИ — Тяньшандаги музлик (Киргизистон). Оқшийроқ тоғларида. Норин дарёсининг бош ирмоғи Кумтор дарёси бошланадиган жойда. Майд. 73,9 км². Уз. 14,3 км, эни қуйи қисмида 1,8 км гача. А. В. Каульбарс экспедициясида (1869) қатнашган топограф Петров номи б-н аталган.

ПЕТРОГРАФИЯ (юн. petros — тош ва *...графия*) — *тоғ жинслари*, уларнинг минералогик ва кимёвий таркиби, структураси ва текстураси, Ер пўстида ва ер устида ётиш шароитлари, таркалиш қонуниятлари, келиб чиқиши ва ўзгариши ҳақидаги фан. Тоғ жинслари ҳақидаги фанни икки қисмга — тавсифий кўринишга эга бўлган П. ва *петрология*га бўлишга майллик мавжуд. П. *минералогия, геокимё, вулканология, тектоника, стратиграфия* ва фойдали қазилмалар таълимоти б-н боғлиқ.

Ўрганилаётган тоғ жинсларининг типига қараб магматик П., метаморфик П. ва чўкинди жинслар П.си — *литология* фарқ қилинади.

Магматик тоғ жинслари П.си, асосан *магманинг* совиши ва кристалланиши натижасида ҳосил бўлган кристалли тоғ жинсларини ўрганади. Магматик жинслар уларнинг моддий таркибини, магманинг совиш жараёнидаги физик-кимёвий шароитларини, атрофдаги жинслар б-н ўзаро муносабатларини аниқлаш мақсадида ўрганилади.

Метаморфик тоғ жинслари П.си янги физик-кимёвий шароитлар таъсирида ўзининг дастлабки минералогик ва кимёвий таркибини ўзгартирган тоғ жинсларини тадқиқ этиш б-н шуғулланади (яна қ. *Тоғ жинслари метаморфизми*).

Булардан ташқари, оралиқ ҳолатни эгаллаган тоғ жинслари ҳам мавжуд. Мас., баъзи метаморфик тоғ жинслари ҳосил бўлиш жараёнида қисман эрийди; ва аксинча, баъзи магматик жинсларнинг шаклланишида метаморфизм жараёни муҳимроқ. Чўкинди ва магматик жинслар ичида оралиқ ҳолатдагилари ҳам мавжуд. Улар магматик жинслардан тузилган бўлса ҳам, бироқ ҳосил бўлиши ва ётиш шароитлари чўкинди тоғ жинсларига хос.

Тоғ жинсларининг таркиби ва тузилишини ўрганишда махсус методлар қўлланилади. Мас., кристалооптик метод б-н майда донали минерал агрегатлари ўрганилади. Шунингдек, рентгеноскопия методи ва спектрал таҳлил ҳам кенг қўлланилади. Тоғ жинслари моддалари, шунингдек, кимёвий таҳлил йўли б-н ҳам аниқланади. Тоғ жинслари ва уларни ташкил қилган минералларни физикавий ўрганишда зичлиги, қаттиқлиги, иссиқликдан кенгайиши, қисилиши, сейсмик тўлқинларнинг тезлиги, қовушқоқлиги, электр ва магнит хусусиятлари аниқланади. Шундан қилиб, тоғ жинсларини ўрганиш турли-туман тадқиқот мажмуини ўз ичига олади. Буларни умумлаштириш Ер пўстининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнларида турли типга мансуб тоғ жинсларининг ролини аниқлашга имкон беради.

П. ўрганилаётган хусусиятлари характерига ва қўлланилаётган методларига кўра, петрокимё, петрофизика, петротехника, физик-кимёвий ва экспериментал П., техник П., космик П.га бўлинади.

П.га оид айрим маълумотлар Абу Райҳон Беруний ва б. ўрта аср муаллифларининг асарларида учрайди. 19-а. ўрталарига қадар П. муаммолари минералогия ва умумий геология томонидан ўрганилди. Хусусан, барча тоғ жинслари келиб чиқишига кўра, чўкинди, магматик ва метаморфик жинсларга бўлинди. П. фан сифатида 19-а. ўрталарида, инглиз петрографи Г.К. Сорби тоғ жинслари минерал таркибини шлифда микроскоп остида ўрганиш имконияти борлигини кўрсатиб берган кейин шаклланди. Кейинроқ П. бўйича тадқиқот амалиётига қутблантирувчи микроскоп киритилди. Минерал таркибини ҳозирда ҳам амалда бўлган кристаллооптик хоссаларга қараб аниқлаш усули таклиф этилди. Айни пайтда тоғ жинсларини кимёвий тадқиқ қилиш методлари ҳам такомиллашиб борди.

19-а. охири —20-а. бошларида П.да асосий эътибор турли магматик жинсларнинг келиб чиқиши муаммоларига қаратилди. 19-а. охирида Ф.Ю.*Левинсон-Лессинг* Ер устида ривожланган магматик жинсларнинг ҳосил бўлиш манбаи нордон ва асосли магмадан иборат эканлигини аниқлади.

Д.С. *Коржинский* тадқиқотларида минераллар парагенезиси таҳлилининг физик-кимёвий асослари ишлаб чиқилди. Ер пўстида магматизм флюидлар б-н биргаликда ривожланиши кўрсатиб берилди.

Минераллар парагенезиси таҳлили асосида магматик, метаморфик ва метасоматик тоғ жинсларининг минерал фациялари системаси ишлаб чиқилди. Турли магматик ва метаморфик жинсларнинг пайдо бўлишини аниқлашда Ф.Ю.Левинсон-Лессинг ва А. С. Гинзбергларнинг тажриба тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Тадқиқотчилар табиатда гранитнинг икки типи мавжудлигини эътироф этадилар. Шулардан биринчиси нисбатан паст т-рали, Ер пусти жинсларининг суюқ ҳолда тўпланган шароитда қисман эришидан пайдо бўлган гранит магмасидан ҳосил бўлади. У кристалланганда автохтон тоғ жинсларидан сезиларли даражада фарқ қиладиган ёки уларга сезиларли даражада ўхшамайдиган янги гранитлар вужудга келади. Иккинчи тип гранитлар юқори мантия ёки Ер пўстининг қуйи қисмидаги базальт магмасининг ўзгаришидан ҳосил бўлган нордон эритмалари вужудга келади. Юқори т-рага эга бўлган бундай нордон эритмалар Ер юзасигача чиқиб интрузив гранитларни ҳосил қилади. Магматизм ва тектониканинг боғлиқлиги муаммоси устида ҳам тадқиқотлар олиб борилмоқда. Океанлар магматизмига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистонда П. бўйича тадқиқотлар 20-а. 20-йилларидан бошланди. ЎзМУ, ТошДТУ, Ўзбекистон ФА Геология ва геофизика ин-ти, Нефть ва газ конлари геологи ин-ти, Ўзбекистон Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасида ва и.т. муассасаларида олиб борилмоқда. С. С. Смирнов ва Ю. А. Билибининг ҳоз. замон металлогениясининг петрографик асослари ҳақидаги назариялари, Ҳ.М. Абдуллаев яратган петрометаллогения таълимоти каби бир қанча концепциялар П.нинг кенг ривожланишига имкон берди. Магматик ва метаморфик жинслар ҳамда техник П. соҳасида И. Ҳ. Ҳамробоевнинг ишлари катта аҳамиятга эга.

Ад.: Ҳамробоев И. Ҳ., Ражабов Ф. Ш., Петрография асослари, Т., 1964; Петрография Узбекистана, кн. 1—2, Т., 1965; Абдуллаев Х. М. Собрание сочинений, т. 7, Т., 1969; Глубинное строение коры территории Узбекистана, Т., 1971.

ПЕТРОДВОРЕЦ (1944 й.гача Петергоф) — РФ Ленинград вилоятидаги шаҳар. Санкт-Петербург шаҳар маъмуриятига қарашли. Фин қўлтиғининг жан. соҳилидаги пристань. Т. й. станцияси (Новий Петергоф). Соатсозлик з-ди бор. Аҳолиси 81,8 минг киши (1998). Сарой-боғ музей кўриқхонаси. П.даги дастлабки қурилишлар Пётр I буйругига биноан, 1709 й.да бошланган. Подшо бу ерда ёзги қароргоҳ яратишни мақсад қилган. Унда дунёга машҳур сарой-боғ ансамблини вужудга келтиришда хориждан чақирилган кўплаб меъмор ва боғбон, рассом, наққош, ҳайкалтарош ва б. мутахассислар қатнашган. Ансамблининг маркази — Катта Сарой. У денгиз бўйидаги тепаликка дастлаб икки қаватли қилиб солинган (1714—28), 1747—52 й.ларда саройни В. В. Растрелли барокко услубида қайта қурган ва кенгайтирган. Саройнинг жан. томонида 5 фавворали Юқори боғ (15 га), шим. томонида Пастки боғ (102,5 га)

Петродворец шаҳри. Катта Саройнинг умумий кўриниши

Петрозаводск шаҳри. Талабалар кўпёони.

жойлашган (иккаласи ҳам 1714—25). Пастки боғда улкан фавворалар мажмуоти бор. Сарой қаршисига катта шарсимон шарлар қурилган бўлиб, у қўлдаб фавворалар, тилларанг жез ҳайкаллар, барельефлар, вазалар б-н безатилган. Катта шарларга «Самсон чўмичи» деб аталган ҳовузга оқиб тушади. Ҳовуз ўртасида «Шер оғзини йиртаётган Самсон» номли монументал ҳайкаллар гуруҳи жойлашган «Чўмич» атрофига италъян фавворалари («Косалар») ва колоннадлар (1803) ўрнатилган. Катта шарларга атрофидан турли томонга қаратиб тўғри ва узун хиёбонлар қурилган. Шим. томонга кетган 2 та хиёбон канални айланиб, «Чўмич»дан денгиз томонга, шим.-гарбга кетган хиёбонлар «Моможадво» фавворасига ва Эрмитаж павильонига (1721—26, меъмор И. Ф. Браунштейн) олиб боради. Шим.-шарққа кетган хиёбон «Одамато» фавворасига ва Монплезир сарой мажмуасига (1714—26) олиб боради. 18-а.да ва 19-а. охирида сарой ва павильонлар, манзарали боғлар яратилган [Англия боғи, 1774—94, меъмор Ж.Кваренги, Александрия боғи, 1826—29, меъмор А. А. Менелас, Александ боғи (1830)].

Катта каскад фавворалари.

1941—44 йилларда, уруш даврида немис фашистлари томонидан вайрон қилинган П. дастлабки лойиҳа асосида қайта тикланди. 14 фавворa ва каскад (шинаюлли ариқлар ишга туширилди, сарой ва павильонлар таъмирланди.

ПЕТРОЗАВОДСК — Карелиядаги шаҳар (1777 й.дан). Карелия Республикасининг пойтахти. Т.й. тугуни. Онега кўлиси порт. Аҳолиси 282,3 минг киши (1998). П. Карелиянинг муҳим саноат маркази (республика ялпи саноат маҳсулотининг 1/4 қисмини беради). Асосий саноат тармоқлари: машинасозлик ва металлсозлик. «Петрозаводскбуммаш», Онега трактор, станоксозлик, кемасозлик, радио заводлари, уйсозлик ва тахта тилиш-мебель к-тлари, слюда ф-каси бор. Енгил, озиқ-овқат (шу жумладан, балиқ) саноатлари мавжуд. П.да Россия ФАнинг Карелия филиали, Петрозаводск ин-ти, пед. институт, 4 театр, ўлкашунослик ва тасвирий санъат музейлари ишлаб турибди. П.га 1703 й.да асос солинган. 2-жаҳон уруши даврида вайрон бўлган П. қайта қурилди. Шаҳарда классицизм услубида қурилган 18-а.га оид бинолар ансамбли сақланган.

ПЕТРОКИМЁ — *петрография* (*петрология*) соҳасига оид фан, магматик тоғ жинслари ва жинс ҳосил қилувчи минералларда кимёвий элементларнинг тақсимланишини ўрганади. «П.» тушунчасини рус олими А. Н. Заварицкий таклиф этган (1944). П. мустақил фан сифатида петрография ва кимё фанлари чегарасида вужудга келди. Тоғ жинслари табиий комплексининг кимёвий ўзига хос хусусиятларини қиёслаш йўли б-н уларнинг турли-туманлиги сабаблари аниқланади, кимёвий таснифи тузилади. П. тадқиқотлари натижаларидан магматик ва кристаллизацион дифференциация ҳодисаларини, ассимиляция жараёнларининг магматик комплекслари жинслар мутаносиблигига таъсирини, руда ҳосил бўлиши б-н магматизмнинг боғлиқлигини ўрганишда фойдаланилади.

ПЕТРОЛЕЙ ЭФИРИ — тўйинган алифатик углеводородлар (85% гача 5 та ва 6 та углеродли углеводородлар) аралашмаси. Рангсиз суюқлик, қайнаш т-раси 30—80°, зичлиги 650—700 кг/м³; таркибида олефин ва ароматик углеводородлар, олтингугурт, сув ва механик аралашмалар бўлмаслиги зарур. Нефть ёки гидрокрекинг маҳсулотларининг енгил фракциясидан, шунингдек, катализатор иштирокида CO_2 ва H_2 дан синтез йўли б-н олинади. Смолалар, ёғлар, эфир мойлари ва б.ни эритишда эритувчи сифатида қўлланади.

ПЕТРОЛОГИЯ (юн. petros — тош ва *...логия*) — тоғ жинслари тўғрисидаги фан. Бир гуруҳ олимлар (Ф. Ю. Левинсон-Лессинг, Д. С. Белянкин ва б.) П. ва *петрографияни* синоним деб, баъзи олимлар эса (мас., А. Н. Заваринский) петрография тоғ жинсларини фақат таърифлайди, П. эса уларнинг петрографик таърифларга ва тажриба натижаларига асосланувчи генетик қисмлари ва назарий тузилишини ўрганади, деб ҳисоблайдилар.

ПЕТРОПАВЛОВСК — Қозоғистондаги шаҳар (1807 й.дан). Шим. Қозоғистон вилояти маркази. Ғарбий Сибирь текислигининг жан.-ғарбий қисмида. Ишим дарёси ўнг соҳилида. Т.й. тугуни. Аҳолиси 247 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Машинасозлик ва металлсозлик ривожланган. Кичик литражли двигателлар, машинасозлик, турли механизмлар, изоляция материаллари з-дла-

Петропавловск қалъаси.

ри, гўшт к-ти бор. Тикувчилик буюмлари, пойабзал, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Педагогика ин-ти, драма театри, ўлкашунослик музейи мавжуд. П.га 1752 й.да асос солинган.

ПЕТРОПАВЛОВСК ҚАЛЪАСИ (расмий номи Санкт-Петербург қалъаси: 1914—17 йлар Петроград қалъаси) — Санкт-Петербургда, Заячье о.даги қалъа. 1703 й. 16. (27) майда асос солинган. Пётр I тузган лойиҳа асосида дастлаб лой ва ёғочдан қурилган, 18-а.нинг 30—40-йлари тош б-н қопланган. 6 бастион ўзаро деворлар б-н туташтирилган. Бастион деворларининг баз. 10—12 м, кенглиги 20 м. П.қ.дан қамоқхона сифатида фойдаланилган. Ҳозир музей. Петровский ва Невский дарвозалари, Петропавловск собори, кронверк, зарбхона ва б. муҳташам бинолар П.қ.нинг тарихий ва меъморий ёдгорликлари ҳисобланади. П.қ.да Пётр I ва б. рус императорларининг қабрлари бор. Қалъадаги иморатлар, сагона тошлари қлассицизм услубида ишланган. Байрам кунлари Нарышкин бастионида тўп отилади.

ПЕТРОПАВЛОВСК-КАМЧАТСКИЙ (1822—1924 йларда — Петропавловский порт) — РФ Камчатка вилоятидаги шаҳар, вилоят маркази. Камчатка в.о.нинг шарқида. Тинч океаннинг Авача бухтаси соҳилидаги порт. Аҳолиси 198,9 минг киши (1998). Трал б-н балиқ овлаш ва музхонали флотилия базаси. Кема верфи; кема таъмирлаш, кема таъмирлаш-механика, балиқ-консерва з-длари ва б. бор. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Россия ФАнинг Вулканология ин-ти, Тинч океан балиқ хўжалиги ва океанография ин-тининг Камчатка бўлими, педагогика ин-ти, Узоқ Шарқ балиқ саноати ва хўжалиги техника ин-тининг филиали, драма театри, ўлкашунослик музейи, телемарказ мавжуд. П.қ.га 1740 йда иккинчи Камчатка экспедицияси асос солган. Шаҳарнинг номи экспедициянинг «Свято Апостол Петр» «Святой апостол «Павел» кемалари номидан олинган.

ПЕТРОСОВА Елизавета Артёмовна (1913. 14.8, ҳоз. Маргилон), Дилахоним — раққоса, балетмейстер. Қорақалпоқ саъна рақсининг асосчиларидан. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти (1957). Қорақалпоқ ансула ва рақс ансамблининг ташкилотчиси (1956). *Тамараховнн* ва Ганҳар *Раҳимовнинг* синглиси. Яйра *Абдуллаевнанинг* опаси. *Уста Олим* Комилов ва опаларидан ўзбек рақси ва ритмларини ўрганган. Ижодий фаолиятини Анлижон театрида раққоса ва актрисаликдан бошлаган (1929). Осиё («Аршинмол-олон»), Кумрихон («Ўртоқлар»), Қундузхон («Ниқоб йиртилди») каби образларни яратган. 1933—36 йларда Самарқанд театрида, 1936—38 йлар Ўзбек давлат мусиқали театрида, 1938—56 йлар Ўзбек давлат филармониясида, уруш йиллари Г. Раҳимова раҳбарлигидаги ўзбек хотин-қизлар фронт ансамблида раққоса ва балетмейстер. 1956—65 ва 1967—70 йлар Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат филармониясида балетмейстер ва бадиий раҳбар. 1985 й.дан З. Ганиева номидаги фронт концерт бригадаси ансамблида. «Нозигим», «Гул барги», «Пилла», «Садр», «Уфэри сохта» каби рақсларни моҳирона ижро этган. «Қашқар қизлари», «Фарғона қизлари рақси», «Сийнахироҳ» сингари рақсларни, «Қорақалпоқ тўйи» рақс-сюитаси, 70 дан ортиқ якка ва оммавий ижро этиладиган («Қиз узатиш», «Балиқчилар», «Изме Султон», «Чўпонлар», «Оқ олтин», «Қирқ қиз» ва б.) қорақалпоқ рақсларини ва спектакллар («Суймаганга суйканма», «Ғариб ошиқ» ва б.) даги рақсларни саҳналаштирган.

Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти лауреати (1969).

Ас. Қорақалпоқ раққи. Т., 1976.

ПЕТРОСЯН Тигран Вартанович (1929.17.6, Тбилиси — 1984.13.8, Москва) — шахматчи, халқаро гроссмейстер (1952), хизмат кўрсатган спорт устаси (1960), фалсафа фанлари номзоди. Жаҳоннинг 9-чемпиони (1963—69), СССР чемпиони (1959, 1961, 1969, 1975). Шахмат назариячиси ва журналист.

ПЕТРОСЯНЦ Ашот Иванович (1910.10.5, Мари — 1976.2.3, Москва; Тошкентда дафн этилган) — дирижер, педагог, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1950). Тошкент консерваториясини тугатган (1954). Ҳамза номидаги мусиқа билим юртида ўқитувчи (1936—49), Тошкент консерваториясида халқ чолғу асбоблари кафедрасининг ташкилотчиси ва мудири (1948 йдан), проф. (1970). 1935 йдан ўзбек (шунингдек, қирғиз, қорақалпоқ ва б.) анъанавий чолғулари реконструкцияси устида ишлаб борган. П. Ўзбек давлат филармониясининг реконструкцияланган ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрининг асосчиларидан ва бадиий раҳбари, бош дирижёр (1938—41, 1943—58). Дарсликлар, ўқув қўлланмалар муаллифи.

ПЕТРОТЕКТОНИКА, тог жинсларининг микроструктурали таҳлили — *петрографиянинг* динамометаморфизмланган жинслар — *тектонитларни* ўрганадиган бўлими. П.га немис олими Б. Зандер асос солган (1930). Бунда геологик кесимлари ўрганилаётган жинслардан намуналар олинади ва шлифлари микроскопда ўрганилади ҳамда натижалари стереографик жадвалга туширилади. Олинган графиклар таҳлили тог жинсларининг деформация бўлганлиги ва метаморфизмланиш жараёнларининг сабабларини ўрганишга имкон беради. Диаграммаларни тўлиқ дешифровка қилиш (ўқиш) учун турли минераллар ва тог жинсларининг пластик деформацияланишини ўрганиш мақсадида юқори босим ва т-ра шароитларида керакли қўшимча экспериментлар бажарилади.

ПЕТРОФИЗИКА — тог жинслари физик хоссаларини уларнинг минерал таркиби, структураси ва пайдо бўлиш тарихи б-н боғлиқлигини ўрганувчи фан. П. геофизик тадқиқотлар негизида вужудга келиб, қаттиқ жинс физикаси, тажрибавий петрография ва минералогия, муҳандислик геологияси ва техтоника, фойдали қазилмалар таъсири ўз-ро ривожланди. «П.» тушунчасини фанга немис геофизиги Ф. Фёрих киритган. П. тог жинслари хусусиятларини бевосита дала шароитларида петрографик методлар, геофизик ва космофизик тадқиқотлар, шунингдек, лаб. усуллари ёрдамида аниқланади. Тадқиқотлар натижасида олинган материаллар хоссаларига кўра таснифланади, тог жинслари хоссаларини ўрганиш натижаси петрографик таснифлар, петрографик харита ва кесмалар кўринишида ифодаланади. Аниқланаётган параметрга кўра, петротезлик, петромагнитлик, петроэлчик ва б. хариталар тузилади; буниш натижасида азоҳида р-нларнинг петрофизик таснифи аниқланади. Тог жинсларининг петрофизик хусусиятлари Ер пўсти турли қисмларининг ривожланиш тарихи б-н боғлиқ бўлади. Тог жинслари физик хусусиятларига уларнинг кимевий минерал таркиби ва тузилиши қанчалик таъсир этишини ўрганиб, тог жинсларининг физик параметрларини минерал таркибига кўра аниқлаш мумкин. Петрофизик тадқиқотларда тог жинслари аномотронияси ҳодисасига алоҳида аҳамият берилади.

П. азоҳида тог жинсларининг физик хусусиятлари ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиб, конкрет термодинамик шароитларни аниқлайди ва тог жинслари хусусиятларини юқори босим ва т-ра таъсирида ўрганиш имкониятини беради. Бундай дастлабки тадқиқотлар 1950-йларда АҚШ олимлари томонидан олиб борилди ва кейин бошқа мамлакатларда ривожлантирилди.

Ўзбекистонда 1960-йлар ўрталарида Ўзбекистон ФА Геология ва геофизика ин-ти олимлари И.Ҳ.Ҳамробоев, Э.Искандаров, А.Мусаевлар тог жинсларининг петрофизик хусусиятларини физик-механик моделлаш устида и.т. ишлари олиб бордилар. П. рудали жинслар умумий тоғлик ҳамда тог жинслари генезиси ва сейсмик ҳодисаларни аниқлаш мақсадида Ер пўстининг чуқур қатламларини ўрганиш б-н боғлиқ ҳолда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

ПЕТРУШКА (Petroselinum L.) — соябонгуллдошлар оиласига мансуб бир ёки икки йиллик ўт ўсимликлар туркуми, сабзавот экини. Ватани — Ўрта денгиз бўйлари. 4 тури бор, шулардан подшт П. тури (P.sativum) экилади. Биринчи йили барг ва илдизмева ҳосил қилади. Барглари 3 марта патсимон кертикли. Иккинчи йили ўсимлик узун серпоҳ поя чиқариб гуллайди. Гулларн майда, четдан чангланади, тўпгули — соябонсимон. Уруғи майда. П. совуққа чидамли, намсевар ва ёруғталаб

Петрушка: *1* — барги, *2* — илдизмевали навлари.

ўсимлик; 3—5° да уруғи униб чиқади. Барги ва илдизмевасида оқсил, ёғ, шунингдек, эфир мойлари, С,А,B_1, B_2 витаминлар ва б. бор. П.нинг илдизи, барги ва фақат барги истеъмол этиладиган икки хили бор. Илдизи ва барглари гўшт-овқат саноати ва тиббиётда фойдаланилади. Барги истеъмол этиладиган турининг илдизи ингичка ва сертармоқ. П. уруғи эрта баҳорда ёки ва сертармоқ. П. уруғи эрта баҳорда ёки кеч кузда сабзи каби сепилади. Ошкўк сифатида ишлатилади. Ўзбекистонда П.нинг Нилуфар ва илдизмевали Сахарная навлари экилади.

Лит.: Бўриев Х.Ч., Абдуллаев А., Томорқа сабзавочилиги, Т., 1987.

ПЕТТИ (Petty) Уильям (1623.26.5, Ромси ш., Хэмпшир — 1687.16.12, Лондон) — инглиз классик сиёсий иқтисодининг асосчиси. Лейден, Париж ва Оксфорд ун-тларида тиббиётдан таълим олган. У серқирра қобилиятга эга бўлиб, 1647 й.да нусха кўпайтирадиган машина ихтиро қилган. 1649 йда физика д-ри илмий даражасини олган, 1651 й.да мусиқа ва анатомиядан проф. П. йирик ер эгаси эди. П. Англияда 17-а.да бўлиб ўтган буржуа инқилобидан кейин ўз қокилмиятини мустаҳкамлаб олган инглиз буржуазиясининг назариётчиси сифатида танилди.

«Солиқлар ва йиғимлар ҳақидаги рисола» (1662), «Сўз донишмандларига» (1665) «Ирландиянинг сиёсий анатомияси» (1672), «Пул ҳақида сўз» (1682), «Сиёсий арифметика» (1683) каби асарларида қийматнинг меҳнат назариясини асослаб берди. П. меркантилистлардан фарқли равишда, бойлик манбаи муомала соҳасида эмас, ишлаб чиқаришда деб ҳисобларди. П. жамиятнинг иқтисодий тараққиётини объектив қонунларга боғлиқ деб қарайди, лекин ижтимоий ва иқтисодий қонунлар табиат қонунларига ўхшаш абадий ва ўзгармасдир, деб изоҳлайди. П. иқтисодий ҳодисаларни таҳлил қилишда табиатшунослик фанларининг тадқиқот усулларидан фойдаланди ва уни статистик таҳлил б-н тўлдирди. П. меҳнатнинг қиймат назариясини биринчи бўлиб асослаб берган.

П.нинг «Меҳнат бойликнинг отаси, ер эса унинг онасидир» деган фикри бутун дунё иқтисодчилари томонидан тан олинади. П. товарлар қийматини уларни и.ч. учун сарфланган меҳнат б-н аниқлаш нуқтаи назаридан *қўшимча қиймат*нинг келиб чиқиши муаммосини ҳал этишга уринди. Унинг фикрига кўра, *рента* қўшимча қийматнинг умумий шакли бўлиб, ер ренгаси ва пул рентаси (фоиз) тарзида намоён бўлади. П. дифференциал ер рентаси муаммосини иқтисодчи олимлар орасида биринчи бўлиб ўрганди, ернинг баҳоси тўғрисидаги масала ҳам П. томонидан илмий жиҳатдан тўғри қўйилди. П. давлат статистика хизматн тузиш зарурлиги масаласини кўтарди ва статистик маълумот тўпланишнинг айрим йўналишларини белгилаб берди.

ПЕТУНИЯ, накана тамакигул (Petunia) — итузумдошлар оиласига мансуб бир ва кўп йиллик ўсимликлар туркуми. Новлари пакет бўйли, уч қисми кўтарилиб (40—50 см ча) ўсади. Барги тухумсимон, яхлит. Гули йирик, оқ, бинафша ва қизғиш, якка, узун бандли, новдаларнинг учидаги барг қўлтиғида жойлашган. Меваси — кўсакча, 14—15 (бошқа маълумотларга кўра, 40) тури маълум. Ватани — Шим. Америкаиинг жанубн ва Жан. Америка. Дурагай П.нинг кўп навлари манзарали ўсимлик сифатида гулзорларда ўстирилади. Оддий ва бахмалсимон гулли навлари ҳам бор.

ПЕЧ — Венгриянинг жан.-ғарбий қисмидаги шаҳар. Мечек тоғларининг жан. этагида. Баранья медьесининг маъмурий маркази. Аҳолиси 161 минг киши (1990-йлар охири). Транспорт йўллари тугуни. Жан. Дунантулнинг иқтисодий ва маданий маркази. Машинасозлик (жумладан, электротехника), ёғочсозлик, кимё, кўн-пойабзал, шиша-керамика, озиқ-овқат (тамаки, пиво, консерва, шампан виноларн и.ч.) саноати корхоналари мавжуд. Мусиқа асбоблари ишлаб чиқарилади. Шаҳар яқинида тошкўмир, уран қазиб олинади. Ун-т (1367), музейлар, театр бор. Шаҳар римликларнинг Сопиана қишлоғи

ўрнида мил. бошларида бунёд этилган. Ўрта асрларга оид меъморий ёдгорликлари, жумладан, собор, жоме масжидлари сақланган. Шаҳар атрофида шифобахш булоқлар бор.

ПЕЧАК (Convolvulus L.) — печакгулдошлар оиласига мансуб бир йиллик ва кўп йиллик чирмашувчи ёки илашиб ўсувчи ўсимликлар туркуми, бегона ўт. 250 дан ортиқ тури бор. Ўзбекистонда 5 тури — дала печаги ёки кўйпечак (*C.arvensis*), сохтакантабрик П. ёки оқ партак (*C.pseudocantabrica* Schrenk.), чимён печаги (*C.tschimganicus*), қалами П. ёки чумчуқоёқ (*C.lineatus*), дағал тукли П. ёки мингбош (*C.subhirutus*) учрайди. Улардан Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида ўсадиган дала печаги ёки кўйпечак тури дала экинлари орасида, шунингдек, йўл ёқалари, каналлар бўйларида кўп учрайди.

Дала печаги.

Йўқотиш қийин бўлган бегона ўт ҳисобланади. Барглари ёйсимон ёки найзасимон. Гуллари тўғри, карнайсимон, икки жинсли, йирик, уз. 6—7 см, косабаргларининг 5 та, туташмаган. Меваси кўсакча, июнь—окт.да гуллаб уруғлайди. Илдиз бачкилари ва уруғидан кўпаяди, бир ўсимлик униш қобилиятини 2 й.гача сақлайдиган 400—600 уруғ беради.

Кураш чоралари: кузда ерни чуқур шудгорлаш, илдиз бачкиларини культиваторлар, лушчильниклар б-н майдалаш, дон экинлари майдонларига 2,4 Д, маккажўхоризорларга симазин гербицидларини пуркаш.

ПЕЧАКДОШЛАР (Convolvulaceae) — икки паллалилар синфига мансуб ўсимликлар оиласи. Кўпинча чирмашиб ўсувчи ўт ва буталардан иборат. Барги кетма-кет жойлашган, гули икки жинсли, карнайсимон, якка ёки кичик тўпгулларга йиғилган. Меваси — кўсакча. 1100 тача тури (40 туркуми) маълум. Асосан, тропик ва субтропик р-нларда тарқалган. Ўзбекистонда *печак* ва карнайгул кўп тарқалган. Манзарали ўсимлик сифатида экилади.

ПЕЧЕНЕГ ТИЛИ, бижанак тили — 8—11-а.ларда Волга ва Урал дарёлари бўйлари, Орол ва Каспий денгизлари оралиғидаги даштларда яшаган печенег (бижанак)лар тили; туркий тилларининг қипчоқ гуруҳига мансуб. Фонетик хусусиятларига кўра қипчоқ тилига яқин бўлган, яъни сўз ўртаси ва охирида айрим ундошларнинг ҳимояси, редукцияга учраши ёки бошқа ундошларга алмашинишни; айрим ундошлар таъсирида тил орқа а унлисининг тил олди а унлисига айланишни; биринчи бўғинда а нинг э тарзида, э нинг и тарзида талаффуз этилиши ва б. Маҳмуд Кошғарий печенегларни ўғуз уруғлари қаторида тилга олган ва П.т. б-н *ўғузлар тили*даги ўхшашликларни қайд этган. Рус туркийшунослари Е.А.Баскаков П.тни туркий тиллар ўғуз гуруҳининг ўғуз-булғор гуруҳчасига киритади.

Печенеглар иттифоқи таркиб топган. П.т. ҳам ўлик тилга айланган. Византия, венгер, славян манбаларида сақланиб қолган печенег қабила ва уруғларининг номлари, атоқли исмлари, мансаб, лавозим ҳамда жой номлари асосида П.т.нинг хусусиятлари ҳақида фикр юритиш мумкин.

ПЕЧОРА — РФ Европа қисмининг шим.-шарқидаги дарё. Уз. 1809 км, ҳавзасининг майд. 322 минг км². Шим. Урал тоғларидан бошланиб, Печора пасттекислиги бўйлаб оқади. Баренц денгизининг Печора қўлтиқчасига қуйилади. Қор, ёмғир сувларидан тўйинади. Окт.-нояб.да музлаб, май ойида муздан бўшайди. Асосий ирмоқлари — Уса, Лая, Шапкина, Шчугор, Илич (ўнгда), Ижма, Кожва, Пижма, Цильма, Сула (чапда). Қуйилиш жойида ўртача сув сарфи 4100 м³/сек. П.да мунтазам кема қатнайди. Денгиз кемалари Нарьян-Марга ча кира олади. Балиқ овланади. Ҳавзасида тошкўмир (Печора кўмир ҳавзаси), нефть (Ухта) ва газ конлари бор.

ПЕЧОРА ПАСТТЕКИСЛИГИ — РФ Европа қисмининг шим.-шарқидаги пасттекислик. Печора дарёси ҳавзасида. Урал тоғлари б-н Тиманн кряжи оралиғида. Яссн текисликлар флювиогляциал қум ва кўл гилларидан, ботқоқлашган яссн текисликлар эса морена ва қум шағаллардан таркиб топган. Кўл кўп. Шим.да Катта тундра, Кичик тундра, Тиманн тундраси бор. Жан.да игна барглн ўрмонлар, сувайиргичларда ботқоқлик мавжуд.

ПЕЧЬ (лот. Fornax) — *осмон сфераси*нинг Жан. ярим шаридаги юлдуз туркуми. Энг ёруг юлдузи 3,9 визуал юлдуз катталигида. *Кит*, *Хайкалтарош* ва *Эридан* юлдуз туркумлари оралиғида жойлашган. Жан.да кузда ва қиш бошларида кўринади.

ПЕЧЬ, (рус.), печка — хоналарни иситиш ёки материаллар (буюмлар)га иссиқлик ишлови бериш учун мўлжалланган қурилма. Қўлланиш соҳасига кўра, саноат ва уй-рўзғор П.ларига, вазифасига кўра, эритиш, қиздириш, куйдириш, қуритиш, иситиш, қандолатчилик, пиширишлик ва б. турларга бўлинади. П.ларни қиздириш усули ҳам турлича: алангали (металик, пакн канали ва б.), электр тенли, индукцион ва б.), плазмали, электрон-нурли ва оптик П.лар бор. Асосин қисмлари: иссиқлик генератори (иссиқлик ажратиб беради), иш бўлмаси (материал ёки буюм туради), иссиқлик олиш (материал ёки буюмни совитади), ёнилги ёки электр энергиясн келтирилиши қурилма, муркон. П. ишини автоматик бошқариш тизими (саноат П.ларида), пиллевор, девор ва П.га хизмат кўрсатиш майдончаси. П. махсус олов бардошли пишиқ гишт ва металлдан қурилади. П. саноатнинг кўп тармоқларида, уй-рўзғорда, жамоат биноларида қўлланади.

ПЕШАВЕЗ (форс. — олд осилчоқ) — аёллар тақинчоғи. Аёллар қўйлагининг каштали жиякдан тутиб безатилган олд ўзинига тақилади. Шакли: тилла ҳал берилган кумуш қуббача ва унга осилган шокилалардан тузилган. Қуббача босма ёки кандакори усулида ирроқлар, гул, гунча каби ўсимликсимон нақшлар б-н безатилган, баъзан гуллар орасига феруза кўзлар қадалган. қуббачанинг пастки четлари феруза кўзлар қатори б-н ҳошияланган. П.нинг қўйи қисмига кўплаб узун занжирли шокилалар осилган; маржонли шокилалар орасида мўъжаз тозалик асбоблари — тирноқ, қулоқ, тиш тозалагичлар, сурмалон, кўзга сурма суладиган чўп, атирдон, мўйчинак ва б. буюмлар ҳам бор. Ҳар бир осилган буюм босма усулида нақшлар, феруза гуллар, маржон мунчоқлар ва зиғираклар б-н зийнатланган. П.нинг бирмунча содда турн нақшланган тўғноғич ёки узук (ҳалқа)дан иборат бўлиб, зарурий ашёлар унга осилган (П. чорабзал деб аталган). П. безагида эмал кам ишлатилган. 19-а. охирида урфдан қолган. Республика музейларида П. намуналари сақланади. 20-а. охиридан заргарлар ижодларида П. шакл ва унсурларини қўллаб замонавий тақинчоқлар яратмоқда.

Пешавез (19-а. 2-ярми, Тошкент).

ПЕШАЙВОН (форс. пеш — олд ва айвон) — хонанинг олд томонига тақаб қурилган айвон. П. унга ёндош хона-

Пешайвон (Шуруллабоб саройи, Хива).

ларнинг салқин ва баҳаво бўлишини таъминлайди. Халқ меъморлигида кенг қўлланилади.

ПЕШАНАБАНД, пешанабоғ — 1) аёллар бошига, пешанасига боғлайдиган, танғиб ўраладиган кичик рўмол. Пешанани, пешаналаги сочларни беркитиб туради. П. устидан катта (оқ дока, ойим дока ёки шол) рўмол ўралади. Баъзан кекса аёллар катта оқ рўмолни ўраб, унинг устидан П. боғлайдилар; 2) рўмол устидан пешанага боғланадиган богич. Зардўзи ва б. усулларда кашта тикиб безатилади. 19-а. охирларида тайёрланган нафис безакли П. намуналари республика музейларида сақланади.

ПЕШДОДИЙЛАР — қад. Эрондаги афсонавий шоҳлар сулоласи. «Бундахишн», «Динкард», «*Шоҳнома*» каби манбаларга кўра, П. сулоласи 2441 й. ҳукм сурган. «Шоҳнома»да Каюмарс, Ҳушанг, Таҳмурас, Жамшид, Заҳҳок, Фаридун, Манучеҳр, Навзар, Зови Тахмасп, Гуштаспдар П. сифатида тасвирланган. *Авесто*нинг «Яшт»ларида ҳамда паҳлавий тилидаги ёдгорликларда эса, улардан 7 таси санаб ўтилади, «парадата» — пешдод Ҳушангнинг унвони сифатида таъкидланади. *Фирдавсий* (Шоҳнома)да П.ни тарихий шахслар тарзида тасвирлаган. П. элни дев, аждар, ажиналар ва б. ғайритабиий кучлардан ҳимоя қилишган. Манучеҳр даврида гина ўзаро ички низолар, ташқи душманга қарши кураш давом этган. Жумладан, «Шоҳнома»да унинг *Афрасиёб* б-н юрт талашиб қилган жанглари тасвирланган.

Ад.: Фирдавсий, Шоҳнома, 1-ж., Т., 1974.

ПЕШИН (форс.) — куннинг ярми ўтган пайти ва шу пайтда ўқиладиган намоз. П. намози Қуёш қиёмдан оға бошлашидан то *аср* намозининг вақти киргунча адо этилади (яна қ. *Намоз*).

ПЕШКАШ, пешкаш (форс. — тухфа, инъом) — ўрта асрларда маҳаллий ҳокимлар, бадавлат шахслар томонидан хонлар, султонлар ва олий даражали давлат мансабдорларига тортиқ қилинадиган совға. П. қимматбаҳо зебу зинат, дебоб-анжом, мато, кийимкечак, баъзан арғумоқ отлар, китоб ва қўлланмалардан иборат бўлган. Рузбеҳон Нефаҳоннйнинг «Меҳмоннома»и Бухоро» асарида кўрсатилишича, хон ҳузурига тўпланган П. 3 қисмга бўлинар, сўнг унинг бир қисми машҳур султонлардан бирига берилиб, 2-қисми хонинг яқинлари ўртасида тақсимланар эди. Қолган қисми бўлса хонинг ўзига тегишли бўлган.

ПЕШКУ ТУМАНИ — *Бухоро вилояти*даги туман. 1950 й. 15 апрда ташкил этилган. 1959 й. 19 апрда Вобкент тумани таркибига киритилган, 1978 й. 5 апрда қайтадан тузилган. 1988 й. 5 сент. да Ромитан тумани б-н бирлашган, 1989 й. 17 майдан яна алоҳида туман мақомига эга бўлди.

Маҳаллий топонимистларнинг фикрича, туман номи («пешку») «Пеши куй — «Катта йўл устидаги жойи» маъносини билдиради ва шу номдаги қишлоққа нисбатан ишлатилган. Кейинчалик туман ҳам шу ном б-н аталган. Бу атаманинг «пеши кўҳ» — «олдингдаги тог» варианти ҳам бор.

П.т. вилоятнинг марказий қисмида жойлашган ва шим.-ғарб йўналишда жойлашган энг шим. чеккасини бўйлаб унинг энг шим. чеккасидан 250 км масофага чўзилган. Шимгача м.дан Навоий вилояти, шим.-ғарбдан Қорақалпогистон Республикаси, шим.-шарқ ва шарқдан вилоятнинг Шофиркон, Вобкент туманлари, жан. ва жан-шарқдан Ромитан, Жондор туманлари б-н чегарадош. Майд. 8,72 минг км². Аҳолиси 88,2 минг киши (2003).

П.т.да 10 қишлоқ фуқаролари йиғини (Абу Али ибн Сино, Боғимугини (Абу Али ибн Сино, Боғимурғини, Варахша, Жонгелди, Зандони, со, Варахша, Жонгелди, Зандони, Пешку, Чибоғани, Янгибозор, Пешку, Чибоғани, Янгибозор, Қалъаимиришкор, Қорақалпоқ) бор. Қалъаимиришкор, Қорақалпоқ) бор. Маркази — Янгибозор шаҳарчаси. Маркази — Янгибозор шаҳарчаси.

Табиати. Туман ҳудуди, асосан, текисликдан иборат. Фақат, Қулжуқтовга туташ ерларида рельефи бир оз мураккаб ва бу ердаги паст тоғларнинг бал. 785 м га етади. Бу вилоятдаги энг баланд жойдир. П.т.нинг 4% га яқин майдони Бухоро воҳасидаги суғориладиган ерлардан иборат, қолган қисми турли типдаги чўл яйловларидир. Иқлими субтропик белгиларга эга бўлган кескин континентал чўл иқлимидир. Туман ҳудуди шим.-ғарбга чўзилган. Туман ҳудуди шим.-ғарбга чўзилган.

Пешку тумани. Абу Али ибн Сино музейи.

лиги туфайли иқлимида сезиларли ҳудудий фарқланишлар бор. Янв. ойининг ўртача т-раси жан. да 0° атрофида, шимда −2°, −3°, июлники 28—31,5°. Йиллик ўртача ёғин 100—130 мм., Қулжуқтовда 200 мм, тоғнинг шим.-ғарбий этагидаги пастқамликларда 75 мм. Вегетация даври 200—205 кун. Йил давомида шамол эсади. Шамоллар йил давомида аксарият жан., жанубий-ғарб йўналишда эга. Шамоллар йил давомида аксарият жан., жанубий-ғарб йўналишда эга. Туман чўл зонасида жойлашган, доимий оқар сувлар йўқ.

Экинзорлар Аму—Бухоро машина канапининг шим.-ғарбий тармоғидан суғорилади. Туман ҳудудидан қўшни туманларга кириб келадиган оқова сувлар Шим.-Ғарбий коллектор орқали сув бўйида яшовчи қушларнинг йирик масканн бўлган Қоракўл кўлига (майд. 23,7 км²) оқизилади. Туманнинг воҳа қисмида маданий тупроқлар, чўл зонасида сур тусли қўнғир, чўл қумли, қумлоқ, тақир, тақирсимон ва шўрхок тупроқлар учрайди. Қулжуқтов этагидаги қўруқ ўзанли Дарёсой водийсида тақирсимон тупроқлар катта майдонни эгаллаган. Қумли жойларда оқ саксовул, қуёнсуяк, қандим, партак, патлоқ, черкез, гипсли чўлларда шувоқ, исириқ, сассиқковрак, қизилча (эфедра), туктовон, эталак, каррак ўсади. Чўлларда сут эмизувчи ҳайвонлар, Қоракўл кўли атрофларида эса сув бўйи қушлар яшайди. Қоракўр ташлама кўли ва кўл соҳили, сув бўйи қушлари ва нодир ҳайвонларни кўриқлаш мақсадида, буюртма ҳудуд деб эълон қилинган.



Пешавез (19-а. 2
ирми, Тошкент).

ёлар уни осилга
). П. безатила эм

...кул деб эълон қилинган.

Пешку тумани. Саноат-транспорт коллежи.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, турк, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 10,1 кишн. Барча аҳоли қишлоқларда яшайди.

Хўжалиги. Туманда пахтачилик, галлачилик, сабзавот ва полизчилик, чорвачилик б-н шуғулланилади. Ўрмончилик, ипакчилик йўлга қўйилган. Саноат корхоналари фаолияти қх. маҳсулотларини қайта ишлаш б-н боғлиқ. Пахта тозалаш з-ди, 2 автокорхона, 427 кичик, 2 кооператив, битта хўжаликлараро корхона бор. Ўзбекистон—Белоруссия «Пешку-текс» қўшма корхонаси мавжуд. Автойўллар уз. 392 км. Туманда 15 ширкат хўжалиги, 487 деҳқон-фермер хўжалиги фаолият кўрсатади. Суториладиган ерлар майд. 22,3 минг га, шу жумладан, 10,5 минг га ерга пахта, 5 минг га ерга дон, бошқа ерларга полиз, сабзавот, картошка, озуқа ва б. экинлар экилади. Туман жамоа ва шахсий хўжаликларида 38 мингдан зиёд қорамол, 104,8 минг қўй ва эчки, 1892 туя, 518 от, 21450 парранда боқилади.

Тумандаги 48 умумий таълим мактабида 23027 ўқувчи таълим олади. 2 коллеж (Пешку саноат, транспорт, алоқа ва қ.х. коллежлари, 1060 ўқувчи) ишлаб турибди. 32 кутубхона, буюк аллома ибн Сино юрти Афшона қишлогида Абу Али ибн Сино музейи бор. Тумандаги 300 ўринли касалхона ва б. тиббий муассасаларда 126 врач ишлайди. 1979 й.дан «Пешку овози» газ. чоп этилади (адади 1000).

ПЕШКУРТА, зеҳи курта — кийим безаги; турли нақшлар тикиб тайёрланадиган жияк; кўйлак ёқа ва ўйиқларини ҳошиялаб тикилади. Айниқса, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз кийими учун хос.

ПЕШОВАР — Покистоннинг шим.-гарбий қисмидаги шаҳар. Бар дарёси (Кобулнинг ирмоғи) бўйида. Ҳайбар довонидан 18 км нарида. Шим.-гарбий Чегара вилоятининг маъмурий маркази. Аҳолиси 988 минг кишн (1998). Транспорт йуллари тугуни. Аэропорт бор. Қх. (бугдой, маккажухори, шакарқамиш, тамаки равонининг савло-саноат маркази. Тукимачилик, оиқ-овқат, металлсозлик корхоналари бор. Ҳунармандчиликда пафис нюнн, ип тахлама, мовут, чарм, металл ва кулолчилик буюмлари ишлаб чиқарилади. П. қалъаси ва ўрта асрларда Афғонистон, Эрон ва Туркистондан Ҳиндистонга боришда савло карвонларининг тўхтаб ўтиладиган жойи бўлган. П.нинг қад. номи — Пурушапура. 1-а.да Кушон подшолиги пойтахти. Бобурийлар даврида муҳим савло шаҳри эди. 1849—1947 й.ларда шаҳар инглизларнинг Британия Ҳиндистони шим.-гарбидаги таянч пункти. П.да ун-т (1950), ислом коллежи, илмий тадқиқот институтлари, кутубхоналар, музейлар бор. Шаҳарининг қад. қисми 16 дарвозали девор б-н ўралган. Меъморий ёдгорликлардан қалъа (16-а. бошлари), Маҳобатхон масжиди (17-а.) сақланган.

ПЕШРАВ (форс. — олдинда юрувчи) — 1) ашула йўлларида чолғу мукаддима вазифасини бажарувчи куй турлари. Бастакорлик ижодиёти ривожланиши жараёнида П. мустақил чолғу куй сифатида шаклланган. 14—17-а.ларда «П.» номи айрим ашула намуналарига ҳам ишлатилган маълум: 2) Шашмақом ва Хоразм мақомлари таркибидаги чолғу қисм номи. Шашмақом мажмуасидаги Дугоҳ мақоми *мушкилот* бўлимида П.и Дугоҳ асари мавжуд. Хоразм мақомларида П. асосий чолғу қисмларидан бири ҳисобланади; 3) куй ривожи воситаси, услуби. Унга кўра, ҳар навбатдаги юқорироқ жойлашган пардалардан бири забт этилиб, погонама-погона пастга қараб силжиш орқали таянч пардагача қайтиб келинади. Деярли барча мумтоз чолғу куйларда П. воситаси қўлланилган. Кенг маънода мақом чолғу йўллари П. услуби таъсири остида басталанган. П. тожик, уйгур, озарбайжон, турк, эрон, араб ва б. шарқ халқлари мусиқасида ҳам катта ўрин тутади. 20-а. ўзбек бастакорлари (Т.Жалилов, Ю.Ражабий, К.Жабборов ва б.) П. хусусиятларидан фойдаланиб ашула, оммабоп қўшиқлар яратишган.

Ритмик Юнусов.

ПЕШТОҚ — мадраса, масжид, мақбара, карвонсарой ва б. бинокорликнинг олд томони — кириш қисми. П. бинонинг ҳашаматли баланд, безакдор меъморий бўлаги бўлиб, одатда, бино девори сатҳидан бир оз бўртириб чиқарилади. Асосий уринн марказий *равоқ*, унинг икки енидаги даҳлиз ва ғалвасидаги икки уйбурчак *қанис* ва *китоба* ташкил этади. Ўрта Осиёда сақланиб қолган П.ларнинг энг қад. намунаси *Аработа мақбарасидадир*. П. кошин ва сиркор пардозлар, гириҳ ҳамда лепин ва фасадни безовчи турли китобалар б-н безатилган. *Улуғбек мадрасаси, Шердор мадрасаси, Тиллакори мадрасаси, Абдулазизхон мадрасаси* П.лари ўзига хос миллий меъморлик услубида сер-ҳашам безатилган.

Пештоқ (Абдуллахон мадрасаси, Бухоро).

ПЁРСЕЛЛ (Purcell) Генри(тахм. 1659 — Лондон — 1695.21.11) — инглиз композитори ва органчи. Миллий композиторлик мактаби намояндаси, миллий опера асосчиси («Дидона ва Эней», 1689). Уйғониш даври имитациялн ҳамда ёрдамчи овозли полифония воситалари б-н рант-баранг гармония ҳамда гомофония унсурларини ўзига хос тарзда чатиштириб, ихлит услуб яратган. Куйлар халқчиллиги ва нафислиги, инглиз оғзаки нутқи интонацияларини маҳорат б-н қайта ишлаганлиги б-н ажралиб туради. Қўшиқлар, хор ва мусиқали театр асарлари, камер-чолғу асар (трио-соната, фантазия, пьеса)лар ва б. муаллифи. Англияда биринчи бўлиб Шарқ мавзуларига мурожат этган: «Ҳиндлар қироличаси» операси (1695), «Абдулазиз, ёхуд Мавр қасди» пьесасига мусиқаси (1695) ва б. 1876 й.дан Англияда П. жамияти фаолият кўрсатмоқда.

ПЁТР I [1672.30.5(9.6), Москва — 1725.28.1(8.2), Петербург] — рус подшоси (1682 й.дан), Россиянинг 1-императори (1721 й.дан). Иоанн Алексеевич *Михайловна* (1629—76)нинг кичик ўғли. Россиянинг давлат, ҳарбий ва маданият арбоби, дипломат. Давлатни бошқаришда бир неча вельможалар утказган ғояни, коллегиялар, олий давлат идорати ва сиёсий қидирув органлари тузилган, черков давлатга бўйсундирилган, мамлакат губерияларга бўлинган, янги пойтахт — Санкт-Петербург қурилган). Россиянинг Ғарбий Европадаги илғор давлатлардан орқада қолганлигига барҳам бериш учун саноат ва савдо соҳасида *меркантилизм* ғояларини утказган (мануфактуралар, металлургия, кончилик з-длари, кемасозлик корхоналари, арсеналлар, каналлар қурилиши режалаштирилган). 1695—96 й.ларда Азов юришларида, 1700—21 й.ларда *Шимолий уруш* ва б.да армияни бошқарган. Нотебўрғни олишда (1702), Лесная дарёси (1708) ва Полтава жанги (1709)да қўшинларга қўмондон бўлган. Флот ва мунтазам армия тузишга раҳбарлик қилган. Мутлақ ҳокимият тизимининг ғирак мафкурачиси сифатида дворянларнинг имтиёзли аҳволини яхшилаш ва сиёсий мақомини мустаҳкамлашга ёрдам берган. П.I ғалаббуси б-н бир қанча ўқув юртлари, ФА очилган, диний-славян алифбоси ўрнига граждан алифбоси қабул қилинган ва ҳ.к. П.I ислоҳотлари модлий имкониятлар ва одам кучини қаттиқ эксплуатация қилиш, халқ оммасини эзиш ҳисобига солиғи ва б.) ҳисобига утказилганки, натижада бунга қарши қўзғолонлар (Стрелецлар, 1698; Астрахон, 1705—06; Булавин, 1707—09 ва б.) бўлиб ўтган. Шахсий ҳаёти ҳам бостирилган.

ПЁТР I ТИЗМАСИ — Тожикистондаги тог тизмаси, Сурхоб ва Обихингоб дарёлари оралиғида. Ғарбда Яғноб қишлоғидан бошланиб, шарқда Сомонийён чўққисигача 200 км га чўзилган. Шарқда Дарвоз ва Фанлар академияси тизмалари б-н туташиб, Гармо тог тугунини ҳосил қилади. Тизманинг баландлиги ғарбда 5000 м дан шарқда 6000 м гача (энг баланд жойи 6785 м). Асосан, қумтош ва конгломератлардан таркиб топган. Қор чизиғи ҳам шу йўналишда 4000 м дан 4500 м гача ўзгаради. Шим. ён бағрида 29 та музлик (умумий майд. 385 км²), жан. ён бағрида 16 музлик (майд. 123 км²) бор. Улардан энг каттлари Сатрон, Гандо музликлари.

Вахш дарёсининг асосий ирмоқлари Сурхоб ва Обихингоб дарёлари шу музликлардан бошланади. 700—900 мм ётқи тушади. Январнинг ўртача т-раси —6°, —12°, июлники пастроққа 22°, тог теп.ларида 10°.

ПЁТР II Алексеевич [1715.12(23).10, Петербург — 1730.18(29).1, Москва] — Россия императори (1727—30). *Пётр I*нинг набираси. Унинг даврида давлатни амалда А.Д. *Меншиков*, кейин Долгоруковлар бошқарган. Пётр I ўтказган бир қанча ислоҳотларни бекор қилган.

ПЁТР III Федорович, Карл Пётр Ульрих [1728.10(21).2, Киль, Германия — 1762.7(18).7, Ропша, Петербург яқинида] — Россия императори (1761—62). Немис герцоги Карл Фридрих ва Пётр I нинг қизи — Анна Петровнанинг ўғли; *Екатерина II* нинг эри. Россиянинг миллий манфаатларига қарши Пруссия б-н сулҳ тузган, бу сулҳ *Етти йиллик урушда* рус қўшинларининг галабаси натижаларини йўққа чиқарган. Армияда немис тартибларини жорий қилган. Хотини Екатерина томонидан ағдарилган тахтдан туширилган ва ўлдирилган.

«ПИ» СОНИ, π сони — айлана узунлигининг диаметрига нисбати; иррационал сон ва трансцендент (яъни бутун коэффициентли алгебраик тенглама илдизи бўлмаган) сон.

Айлана узунлиги, доира юзи, айланма жисмлар ҳажмини ҳисоблашда ишлатилади. Қад. Мисрда π=3,16. Бобилда π=3,125 деб олинган. Архимед «Доира ўлчами» асарида $3\frac{10}{71} < \pi < 3\frac{1}{7}$, яъни π=3,1413 эканлигини кўрсатди. 5-а.да ҳинд олими Арнабхата $\pi \approx 3\frac{17}{120} = 3{,}1416$ қийматини, хитой астрономи Цзу Чун — 6 хона аниқликда $\pi = \frac{355}{113}$ қийматини топган. Муҳаммад Мусо ал Хоразмий асарларида π учун $\frac{22}{7}$, $\sqrt{10}$, $\frac{62832}{20000}$ қийматлардан фойдаланган. Абу Райҳон *Беруний* Архимед усулини такомиллаштириб, доирага ички ва ташқи чизилган мунтазам 180 бурчакликлар б-н π учун 162868/51840000 нисбатни, яъни π=3,1417 ни топди. Коший 1424 й.да мунтазам $3 \cdot 2^{28}$ бурчаклик ёрдамида π ни 17 хона аниқликда ҳисоблади (қ. *Математика*). 17-а.да фламанд математиги А. ван Роомен мунтазам 2^{30} бурчаклик ёрдамида π ни 15 хона аниқликда, голланд ҳисобчиси Лудольф ван Кёлден мунтазам 32512000000 бурчакликдан фойдаланиб, π ни 20 хона аниқликда ҳисоблади. Ўша даврда Европа математиклари *доира квадратураси* масаласини ечиш учун π ни аниқроқ ҳисоблашга интилганлар.

Кейинги ҳисоблашлар

$$\operatorname{arctg} x = x - \frac{x^3}{3} + \frac{x^5}{5} - \frac{x^7}{7} + \ldots \quad (1)$$

каби формулалар ёрдамида бажарилган. π сонини 1767 йда немис математиги И.Ламберт, кейинроқ француз математиги А.Лежандр иррационал сон эканлигини 1882 йда немис математиги Ф. Линдеман трансцендент сон эканлигини исботлади. 18-а.да инглиз математиги ва астрономи А.Шарп $x = \sqrt{\frac{1}{3}}$ ҳолда (1) формула ёрдамида π ни 72 хона, 1873 й. инглиз математиги У.Шенкс 708 хона аниқликда ҳисоблади. Шенкс топган тақрибий қийматнинг фақат 520 хонаси тўғри эканлиги 1945 й. ЭҲМ ёрдамида аниқланди. 1961 й. ЭҲМ 8 соат 43 мин. ишлаб, π ни 100625 хона аниқликда ҳисоблади. 1989 йда япон олими Я.Канада компьютерда π сонининг тартудан кейинги 201326000 та рақамини олган. Радиусн Ердан қуёшгача эн олис нуқтадаги бўлган масофага тенг айлана узунлигини 1 мм аниқликда ҳисоблаш учун π нинг 40 хона аниқликдаги қиймати етарлидир. Ҳозир π=3,14159 ... тарзида қўлланилади.

ПИАЖЕ (Piaget) Жан (1896.8.8, Невшатель — 1980.16.9, Женева) — швейцар психологи. Интеллектнинг операционал концепцияси ва генетик эпистемологияни яратган. Невшатель (1926—29), Женева (1929 й.дан), Лозанна (1937—54) ун-тлари проф. Париждаги Халқаро генетик эпистемология маркази (1955) асосчиси. П. *болалар психологияси*, айниқса, уларнинг ақлий тараққиётини ўрганиш соҳасида илмий мактаб яратди («Боланинг нутқи ва тафаккури» асари, 1923). П. ишлаб чиққан интеллектнинг операционал концепциясига кўра, психика индивиднинг муҳитга мослашуви доирасида намоён бўлади ва ривожланади. Субъект б-н объект мувозанатлашувининг олий шакли операционал структураларнинг ҳосил бўлишидир. Операционал структура, П. фикрича, субъектнинг «ички ҳаракати» бўлиб, бу ҳаракат генетик жиҳатдан ташқи предмет таъсиридан келиб чиқади ва б. ҳаракатлар б-н муайян система бўлиб бирлашади. Операционал концепция асосида П. идрок, ҳиссиёт ва б. психик функцияларни таҳлил қилди. П. тафаккур психологияси, психология ва мантиқнинг ўзаро муносабати масалаларини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшган. Муҳим

-баранг бўлмаганлиги б-н фа-
и. П.нинг замонавий тури Аме-
Ж.И.Хокинс (1800), Австрия-
юллер (1801), Англияда Т.Ла-
Ё) яратган намуналари асосида

Пианино.

елган. 19-а, ўрталарида П. ҳозир-

П. тайёрлаш учун ўлдирилган арпа дан тайёрланган суюқлик (солодда қуймоқ (хмель) ва сув қўшиб спирли бижғитилади. П.нинг айрим навларини тайёрлашда арпа солоди қисман гуруч, маккажўхори ёки арпа уни, шунингдек, шакар б-н алмаштирилади.

Солод тайёрлаш учун арпа тозаланади, намлаб унлирилади, унган арпа майсалари қуритилади. Қуритилган майсалар майдаланиб, сув б-н аралаштирилади. Муайян ҳароратда суюлиш аралашмада ферментация жараёнларида солоддаги крахмал шакарга айланади, шакарланиш тугагандан кейин аралашма сузилади ва тиниқ суюлтма (аталанга хмель қўшиб қайнатилади. Натижада аталанга тиниқланади ва ҳушбўйликка

асарлари: «Оддий мантиқий структуралар генезиси» (1939—41), «Интеллект психологияси» (1946), «Экспериментал психология» (П.Фресс б-н биргаликда).

ПИЙ, Бурус — Малакка я.о.нинг жанубидаги бурун, Осиё материк қисмининг энг жан. чеккаси (1°16′ ш.к. ва 103°30′ ш.қ.у.).

ПИАНИНО (итал. pianino — кичик *фортепиано*) — торли урма-клавишли мусиқа чолғуси, фортепиано тури. *Роял*дан торлари, декаси (резонанс тахтаси) ва механикасининг вертикал жойлашганлиги, товуши унча кучли ва ранг-баранг бўлмаганлиги б-н фарқланади. П.нинг замонавий тури Америкада Ж.И.Хокинс (1800), Австрияда М.Мюллер (1801), Англияда Т.Лауд (1802) яратган намуналари асосида

Пианино.

юзага келган. 19-а. ўрталарида П. ҳозирги шакли ва конструкцияси (чўян рама, устма-уст кесишиб тортилган торлар, пастки ва юқориги демпферли механика, 7 октавали диапазон)га эга бўлди. Бундай П.лар, асосан, хона (кабинет) ижросига мўлжалланган. Баъзан концерт ($7^1/_4$ октавали) П.лари ҳам учрайди.

ПИАУИ — Бразилиянинг шим.-шарқий қисмидаги штат. Майд. 252,3 минг км². Аҳолиси 2,8 млн. киши (2000). Маъмурий маркази — Терезина ш. П. Бразилия ясситоғлигининг шим. ён бағирларида жойлашган. Рельефининг аксари қисми кумли плато бўлиб, бал. 200—500 м. Иқлими тропик, қуруқчил иқлим. Ўртача ойлик т-ра 24—28°. Йиллик ёғин 400 мм, шим.да 1500 мм гача.

Иқтисодиётининг етакчи тармоқлари — ўрмончилик ва қ.х. Соҳил қисми ва Парнаиба дарёси водийларида маккажўхори, дуккаклилар, пахта, шоли, маниок, шакарқамиш, тамаки экилади. Чорвачиликда чўчқа, эчки, қўй боқилади. Штат пальма мойи и.ч. бўйича етакчи ўринда. Озиқ-овқат, кўн-тери, пахта тозалаш корхоналари мавжуд. Денгиз сувидан туз, гипс олинади. Минерал булоқлар бор.

ПИАЦЦИ (Piazzi) Жузеппе (1746.16.7, Понте-ди-Вальтеллина — 1826.22.7, Неаполь) — италиялик астроном. Палермо ун-ти проф. (1780 й.дан) ва Палермо расадхонасининг биринчи директори (1791 и.дан). 1801 и. биринчи кичик сайёра — Церерани кашф қилган. Юлдузларининг иккита каталогини тузган (1803, 1814).

ПИВО (рус.) — кучсиз алкоголли, таъми тахирроқ, қупикланувчи, хушбуй, чанқовбости ичимлик. Ўрта асрлардаёқ Европанинг қатор мамлакатларида (айниқса, Германия ва Чехословакияда) кўп тайёрланган. Кейинчалик саноат усулида махсус П. з-дларида ишлаб чиқарилган. П. 19-а. 2-ярмида Россия Ўрта Осиёни босиб олгандан кейин Ўзбекистонда ҳам тарқалди.

П. тайёрлаш учун ундирилган арпадан тайёрланган суюқлик (солодга қўлмоқ (хмель) ва сув қўшиб спиртли бижғитилади. П.нинг айрим навларини тайёрлашда арпа солоди қисман гуруч, маккажўхори ёки арпа уни, шунингдек, шакар б-н алмаштирилади.

Солод тайёрлаш учун арпа тозаланади, намлаб ундирилади, унган арпа майсалари қуритилади. Қуритилган майсалар майдаланиб, сув б-н аралаштирилади. Муайян ҳароратда сувли аралашмада ферментация жараёнларида солоддаги крахмал шакарга айланади, шакарланиш тугагандан кейин аралашма сузилади ва тиниқ суюқ (аталанга хмель қўшиб қайнатилади. Натижада атала тиниқлашади ва хушбўйликка эга бўлади. Кейин суюқ қўлмоқдан тозаланади ва махсус тиндиргичларда совитилади. Суюқ махсус П. бижғитиш аппаратларида П. ачитқи (дрожжи)ларининг махсус ирқи б-н 5—9° да 7—8 сутка давомида (пиво навига қараб) бижғитилиб етиштирилади (спирт ва карбонат ангидрид гази ҳосил бўлади).

Бижғиган ёки ёш П. тўлиқ етилиши учун махсус катта сиғимли идишларга қуйилади. Идишларда тўлиқ етилиши ва газдан тозаланиш 0—2° да 21—90 кун давом этади. П. тайёрлашнинг узлуксиз ва жадаллаштирилган технологиялари ҳам қўлланилади. Етилган П. қайта сузилади ва бутилкаларга қуйилади.

П. таркибида, навларига қараб, 4—10% енгил ўзлаштирилувчи озиқ моддалар, асосан, углеводлар, кам миқдорда аминокислоталар бор. П.да 1,8—6% алкоголь, 0,3—0,4% карбонат ангидрид гази, қулмоқнинг аччиқ ва ошловчи моддалари қолдиги, органик кислоталар мавжуд. 1 л П.да 400 дан 800 гача ккал бор. П. хом ашёнинг миқдори ва таркибига, бижғиш даврининг давомийлигига кўра ҳар хил (оч ва тўқ) рангли бўлади, навларга ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси П. ва алкоголсиз ичимликлар саноати тармогида 16 та йирик корхона (Тошкент, Фарғона, Қўқон, Андижон, Гулистон, Самарқанд, Наманган, Бухоро ва б. шаҳарларда, шунингдек, маълубот жамиятларига қарашли з-длар ва цехларида П. ишлаб чиқарилади. Ўзбекистонда «Олмалиқ», «Қибрай» П.лари машҳур.

Одилжон Одилов

ПИГМЕЙЛАР (юн. pygmaios — муштдек) — нетрилли ирқида майда халқлар гуруҳи, тропик Африканинг ғарбий ўрмонларида, Малакка ярим.нинг жан. қисмида, Филиппин ороллари, Янги Гвинея ва Андаман ороллари (Ҳинд ок.)да яшайди. Ўсиши 150 см дан паст, бўйи ўртача 144 см, вазни 40 кг. Терилари қорамтир, сочлари жингалак, бурни кенг, лаблари қалин. Ов, балиқ овлаш, ёввойи ўсимликлардан озиқ-овқат тўплаш билан шуғулланади. Ҳозирги П. ўтроқлашиб, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланмоқда. Ўз тилларида сўзлашади. Кўпгина П. дарбадар ҳаёт тарзи, архаик маданият, анъанавий диний эътиқодларини сақлаб қолишган.

Пигмей овлаяпти.

ПИГМЕНТ ҲУЖАЙРАЛАР, хромотофорлар — нейроэктодермадан ҳосил бўладиган, эркин жойлашган ёки эпителий таркибига кирувчи ҳужайралар; кўпчилик умуртқасизлар ва барча умуртқали ҳайвонларда тери ва унинг ҳосилалари (пат, юнг), кўзнинг рангини белгиловчи пигментларни синтез қилади. П.ҳ. организмни ультрабинафша нурлардан ҳимоя қилиш, терморегуляция функциясини бажаради. П.ҳ. ҳайвонлар жинсни таниб олиши ва улар рангининг хилма-хил бўлишида катта аҳамиятга эга. Ўсимлик гулларининг хилма-хиллиги ҳам П.ҳ. б-н боғлиқ. Пигментлар ҳужайра цитоплазмасида махсус пигмент донаچаларида синтезланади. П.ҳ.нинг функцияси нерв ва эндокрин система орқали бошқарилади. Уларнинг функцияси мавсумийлик ва эндоген биоритмикликка ҳам боғлиқ. Пигментация тирик

организмларнинг ташқи муҳитга мослашишида катта аҳамиятга эга. Одам терисидаги тутма моддалмашинуви бузилишининг натижасида ҳосил бўлади. Айрим омиллар таъсирида тутма ҳосилалар баъзан хавфли ўсмалар, яъни меланомаларга айланиши мумкин.

ПИГМЕНТАЦИЯ (лот. pigmentum — бўёқ, ранг) — одам териси, кўз қорачиғи, соч ва жунининг пигментлар б-н бўялиши. Инсон тўқималарининг ранги ундаги ҳар хил пигментлар миқдорига боғлиқ. Тери, соч ва кўз қорачиғининг ранги пигмент — меланин б-н белгиланади. Тери, кўз қорачиғи ва соч тусининг ҳар хил бўлиши бу аъзолардаги меланининг миқдори ва қандай жойлашишига боғлиқ. Уларда меланинни бўлмаслиги *альбинизм* ҳодисасидир. Умр мобайнида П. бир неча бор ўзгариб туради. Меланин терига жигарранг тус беради. Ранг қуюқлигидаги фарқлар меланининг миқдори ва жойлашишига боғлиқ. Ранг даражасидаги фарқларга турар жой шароитининг ҳар хиллиги (ўрмон ва очиқ жойларда яшаш) ҳам сабаб бўлади. Ташқи таъсирлар туфайли тери рангидаги индивидуал тафовутлар қанчалик муҳим бўлмасин, гуруҳлараро фарқлар биринчи ўринда туради ва терининг ранги ирқий систематикада асосий хусусиятлардан бири ҳисобланади.

Соч туси қобиқ қатламидаги меланин модласининг миқдори ва ҳолати б-н белгиланади. Қобиқ қатлам ҳужайраларида донадор пигмент қанча кўп бўлса, соч шунча қора бўлади: аралаш пигмент сочга қизил тус беради. Кўз қорачиғининг саргиш ёки қора тусда бўлиши пигмент миқдорига ва унинг қандай тарқалишига жойлашганига боғлиқ. Пигментнинг олд қатламларда жойлашиши кўз қорачиғининг сариқ ёки оч сариқ тусда бўлишини таъминлайди. Кўз қорачиғида пигмент нотекис жойлашган бўлса, турли хил ранглар келиб чиқади.

ПИГМЕНТЛАР (лот. pigmentum — бўёқ) — 1) (биологияда) организмлар тўқималари таркибига кирадиган бўёқ бирикмалар. П. ранги улар молекуласи таркибидаги қуёш спектрининг кўзга кўринадиган нурларини (380—750 нм) танлаб ютадиган хромофор гуруҳи б-н боғлиқ. П. цитохромлар, каталаза ва б. ферментлар, мембрана структураси таркибига киради, оқсиллар ва липидлар б-н бирга комплекс ҳосил қилади. Ҳужайрада П. махсус тузилмалар (хлоропластлар, хромопластлар ва б.) ичида, баъзан ҳужайра ширасида бўлади. Кўпчилик ҳайвонларда махсус П. ҳужайралари мавжуд. П. фотобиол очиқ жараёнларида (фотосинтез, кўриш, фоторегуляция) катта аҳамиятга эга; нафас олишда иштирок этади (гемоглобин, цитохромлар, хромогенлар), организмни ультрабинафша нурлар таъсиридан сақлайди (ўсимликларда — каротиноидлар ва флавоноидлар, ҳайвонларда — меланинлар), ҳайвон ва ўсимликлар рангини белгилайди. П.дан озиқ-овқат ва фармацевтика саноатида фойдаланилади.

2) (кимёда) — сувда, органик эритувчиларда, парда ҳосил қилувчи моддаларда ва б. бўялдиган муҳитларда эримайдиган (бўяғичлардан фарқли ўлароқ) юқори дисперс кукунсимон бўёвчи моддалар. П. материалларни коррозиядан сақлайдиган плёнкаларнинг ҳоссаларини яхшилайди. Органик П. — кимёвий тузилиши турлича бўлган синтетик бўёқ моддалар. Моно- ва дисазонигмент маҳсулотлари муҳим аҳамиятга эга. Булар яшил-сариқ рангдан тўқ қизил рангача бўлади. Фталоцианин П.нинг ранги оч зангори, чидамлиги б-н бошқа П. дан ажралиб туради. Сариқ рангдан яшил рангача бўлган оловбардош полициклик П.нинг ҳам аҳамияти катта. Анорганик П. — таркибида кўп миқдорда темир оксидлари, синтетик маҳсулотлар, оз миқдорда сульфидлар, селенидлар, оксидлар ва хроматлар бўлган табиий минераллар. Анорганик П. нинг ранги бўғиқ, органик П.га қараганда кам татимли, зичлиги катта, ёруғликка чидамли. П., асосан, лок-бўёқ материаллар (мас., эмаллар, бўёқлар, жумладан, босмахона бўёқлари ва бадиий бўёқлар), шунингдек, пластмассалар, резиналар, қурилиш материаллари, силикат сирлар (фақат анорганик П.), косметик препаратлар ва б. тайёрлашда, сунъий ва синтетик толаларни бўяшда, сунъий чарм ва газламаларга босма ранг беришда кўплаб ишлатилади.

ПИГУ (Pigou) Артур Сесил (1877.18.11, Райд, Уайт о., — 1959.7.3, Кембриж) — инглиз иқтисодчиси, сиёсий иқтисоднинг *Кембриж мактаби* вакили. Кембриж ун-тини тугатган. 1908—43 й.ларда шу ун-тда А. *Маршаллдан* кейин сиёсий иқтисод каф. мудири. «Фаровонлик иқтисодиёти» (1920) асарида иқтисодиётда энг юқори ижтимоий фаровонлик ўсиб бораётган солиқлар ва субсидиялар шароитида давлат бозорлар фаолиятига кучли аралашган ҳолатдагина кузатишнинг кўрсатиб берди.

П. *Кейнс*нинг иқтисодий моделига «бойлик самараси» тушунчасини киритиб, уни ривожлантирди. Умумфарогат давлати назариясини асослаб берди. «Бандлик назарияси» (1933), «Бандлик ва мувозанат» (1941) асарларида бандлик ва даромадлар бўйича классик қарашларни баён этди, тўлиқ бўлмаган бандлик шароитида нархларнинг пасайиши кўлда бўлган нақд пуллар миқдорини кўпайтиради, бу эса товарларга бўлган талаб ўсишига, сўнгра бандликнинг ортишига олиб келади («Пигу эффекти») деб ҳисобланди.

Ас.: Экономическая теория благосостояния. М., 1985.

ПИЕЛИТ (юн. pyelos — жом., itis — яллиғланиш) — буйрак жомининг яллиғланиши (қ. *Пиелонефрит*).

ПИЕЛОНЕФРИТ (юн. pyelos — жом ва nephros — буйрак) — буйрак ва буйрак жомининг яллиғланиши (пиелит). П. мустақил равишда ёки сийдик юришини қийинлаштирувчи сийдик-таносил системаси касалликлари (простата бези аденомаси, сийдик тоши касаллиги ва б.) натижасида вужудга келиши мумкин. П. турли инфекцион касалликлар оқибатида ҳам пайдо бўлади. Болаларда кўпинча грипп, зотилжам ва нафас органларининг бошқа касалликлари туфайли рўй беради. Аёлларда ҳомиладорлик вақтида катталашган бачадон сийдик найларини эзиши натижасида сийдикнинг юриши қийинлашиб, П. вужудга келиши мумкин. Кўпинча ҳомиладорлик даврида илгари сира билинмасдан кечган ва вақтида аниқланмаган сурункали П. авж олади.

П. буйрак тўқимасига касаллик микроблари кириши натижасида вужудга келади. Микроблар *уретрит* ёки *цистит*да сийдик найи бўйлаб юқорига кўтарилади ёки организмда яллиғланган жойлар бўлганида, шунингдек, ангина, тонзиллитда ёки тишлар чиришганида инфекция қон томирларидан бориб, буйракка киради.

Бирламчи ва иккиламчи П. фарқ қилинади. Бирламчи П.да микроблар организмдаги йирингли манба (тонзиллит, чипқон ва б.)дан қон орқали буйракка таъсир этиши мумкин. Иккиламчи П. сийдик йўллари яллиғланганда вужудга келади.

Ўткир ва сурункали П. бўлади. Эт увушиб, кучли титраш, иситмалаш, қаттиқ терлаш, белнинг бир томонида ёки умуртқа поғонасининг икки ёнида оғриқ пайдо бўлиши, кўнгил айниши, қайт қилиш, оғиз қуриши, мускул-

ларнинг безиллаб туриши ўткир П.га хос белгилардир. Сийлик текширилганда ундан лейкоцитлар ва микроблар кўп топилади. Сурункали П. узоқ йиллар давомида ҳеч қандай белгиларсиз кечиши мумкин, уни фақат сийликни текширгандагина билинади. Сурункали П.да белда бир оз оғриқ бўлади, бош тез-тез оғриб туради. Баъзан сал иситма чиқади. Сурункали П. вақт-вақти б-н қучайиши мумкин. Бунда ўткир П.га хос белгилар пайдо бўлади. Сурункали П. ўз вақтида даволанмаса, буйрак тўқимаси аста-секин бузилади, буйрагнинг сийлик ажратиш функцияси ўзгаради, натижада (агар иккала буйрак касалланган бўлса) организм изотли чиқиндилар б-н заҳарланади (қ. *Уремия*). Ўткир П. б-н оғриганда бемор, одатда, фақат касалхонада даволанади. Врач буюрган режимга риоя қилинмаса, касаллик сурункали шаклга ўтади. Сурункали П. б-н оғриганда беморлар доимо врач кузатувида бўлиши ва у буюрган режим ҳамда даво тадбирларига тўлиқ амал қилишлари лозим, жумладан, парҳез буюрилади, дудланган, зираворли, консерваланган маҳсулотлар, аччиқ нарсалар, спиртли ичимликлар ман этилади. Ош тузини камроқ истеъмол қилиш керак.

Касалликнинг олдини олиш учун турли юқумли касалликларни ўз вақтида даволатиш, организмдаги инфекция ўчоқларини йўқотиш, организмни чиниқтириш муҳим аҳамиятга эга. Ҳомиладорлар вақти-вақти б-н аёллар консультациясига бориб сийдикни бот-бот текширтириб туришлари лозим.

ПИЁДА АСКАРЛАР — қуруқликдаги қўшин тури. Умумқўшин жангларида душманга зарба бериш ва унинг ҳудудларини забт этишга мўлжалланган. Ҳар қандай об-ҳаво шароитида, қайси фасл бўлишидан қатъи назар, узоқ муддат давомида ҳарбий ҳаракатлар олиб борувчи П.а. энг қад. қўшин туридан бири ҳисобланади. Миср, Юнонистон, Рим каби қулдорлик давлатларида П.а. асосий қўшин тури бўлган. Айни чоғда қад. Шарқ мамлакатлари (Оссурия, Эрон), Македонияда отлиқ аскарлардан тузилган қўшин тури етакчилик қилган. Турк хоқонлиги, Сомонийлар, Хоразмшоҳлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар, Газнавийлар, Чингизийлар қўшинида ҳарбий кучларнинг асосини суворийлар ташкил этган. *Чингизхон* қўшини забт этган мамлакатлар аҳолисидан мажбурий тартибда тузилган *ҳашар*ни ҳисобга олмаганда, П.га эга бўлмаган. *Амир Темур* қўшинида қалъа, қўрғон, ҳисорларни муҳофаза қилишда фаолият кўрсатувчи П.а. мавжуд бўлган.

6—7-а.ларда Ғарбий Европада П.а қўпгина лашкарлардан тузилган. П.а. оғир ҳамда енгил гуруҳларга бўлинган. Оғир П.а. эркин ва мулкдор шахслардан ташкил топган. Улар найза, қилич, қалқон, ярқ (совут), лубулга б-н қуролланган. Муҳофаза анжомининг оғирлиги 30 кг атрофида бўлган. Енгил П.а. жумласига енгилчалар, найзадорлар ва палахмончилар киритилган. Бу П.а. гуруҳ, асосан, одлин халқ вакиллари жалб қилинган ва улар ер, палахмон, енгил найза ва калта найза б-н таъминланган. 8—9-а.ларда ирлик давлатларнинг тарқиб топиши туфайли ҳарбий хизмат йўналишларининг имтиёзига аланган. Натижада эркин ҳунарманд ва деҳқонларнинг тузилган авлоди лашкарлар ўрнини *рицарлар* эгаллаган. Ғарбий Европада *отлиқ аскарлар*нинг кўзгалиш келиши П.нинг роҳини маълум даражада пасайтирди. Шарқий Европа давлатларида эса П.а. отлиқ аскарлар қанори ўз мавқеини сақлаб қолди.

16—17-а.ларда Ғарбий Европа мамлакатларида доимий ёлланма армиялар ташкил топган бўлиб, П.а. қўшинининг 1.5, баъзан 2/3 қисмини ташкил этган. Шу пайтда 8—12 ва ундан ортиқ ротадардан иборат П.а. полклари тузилган, сўнгра 2—4 ротадан иборат батальон вужудга келган. 18-а. бошларига келиб қўшинлар миқдорини ортиши сабабли Франция, Россия ва б. Европа давлатларида П.адан тузилган дивизия шаклланган. 19-а. бошларида эса П.а. корпуслари пайдо бўлган. Биринчи жаҳон уруши (1914—18) бошларида ирлик давлатларнинг армиясида П.а. дивизияси 16—21 минг аскардан иборат этиб тузилган. Дивизия таркибида П.адан ташқари тўпчилар, отлиқлар ва сапёрлар бўлинмаси ҳам кирган. П.а. корпусида 43—48 минг аскар бўлиб, у 2—3 П.а. ва отлиқ аскарлар дивизияси ёки бригадасидан иборат эди.

Иккинчи жаҳон уруши (1939—45) да артиллерия, авиация ва ҳ.к. ҳарбий кучлар турларининг роли ортишига қарамай барча армияларда ҳам П.а. кўпчиликни ташкил қилди. Урушдан кейин йирик давлатларнинг қуролли кучларидаги П.а.нинг тўлиқ моторлаштирилиши ва механизациялаштирилиши, шунингдек, жанговар бронетехника ва энг янги қуроллар б-н таъминланиши унинг жанговар салоҳияти ва ёвга зарба бериш қудратини янада оширди. 1957 й.да собиқ совет қуролли кучлари таркибидаги ўқчи ва механизациялашган дивизиялар қўшилиб, мотоўқчи дивизиялар юзага келди. П.а. ўрнига янги қўшин тури — мотоўқчи қўшинлар пайдо бўлди. АҚШ ҳамда Буюк Британия, Франция, Испания сингари НАТО таркибидаги қатор давлатларнинг қуролли кучларида П.а. мунтазам, моторлаштирилган ва ҳаво десанти каби турларга тақсимланади.

Ўзбекистон Қуролли Кучларида П.а қўруқликдаги қўшинларнинг асосини ташкил қилади. Қўруқликдаги қўшинлар Қуролли Кучларининг энг кўп сонли тури бўлиб, бошқа қўшин турларининг бирлашмалари ҳаракати б-н таъминлашни, қарор бўлганда эса душманни тор-мор қилишни ҳал этиш учун мўлжалланган.

Ад.: Разин Е.А. История военного искусства, т. 1—3. М., 1955—1961.

Ҳамдамов Ҳамдамбек

ПИЁЗ (Allium) — лоладошлар оиласига мансуб икки йиллик ва кўп йиллик ўтсимон усимликлар туркуми, сабзавот ва манзарали экин. Шим. ярим шарда 500 га яқин тури маълум. Энг кўп турлари Ўрта Осиё, Кавказ, Шарқий Сибирда, камроқ тури Европада ва Узоқ Шарқда учрайди. Ўзбекистонда П.нинг доира пиёз (қирқбоғи пиёз, писком П. (тог пиёзи), қуримсиз пиёз, талир-будур пиёз), ҳаворанг П. (тулипиёз), ёшойисаримсоқ П., саримсоқ П. (саримсоқ), Шуберт П.и (чўчқа пиёз), қоратов пиёзи (чўчқақулоқ), новча пиёз (анзур пиёз), чимён П., Северцов П. и каби 15 ёввойи тури усади. Асосан, 6 тури — ош П. (ватани Ўрта Осиё ва Афғонистон), батун П. (ватани Шарқий Сибирнинг жанубий), пореи П. (ватани Ўрта денгиз бўйлари) ва б. жиб етиштирилади.

Энг кўп тарқалган тури ош П. (A.cepa L.) тупроқ унумдорлигига гоят талабчан, совуққа чидамли ва ўта намсевар сабзавот экини. Ўрта Осиёдан ташқари АҚШ, Болгария, Испания, Миср, Франция, Италия ва Японияда кўп экилади. Ўзбекистонда 2 йиллик, айрим мамлакатларда 2 ва 4 йиллик экин. П. бошлари япалоқ, узунчоқ ёки юмалоқ. Таркибида (навларига қараб) 2,4—14% қанд, 2—13,9 мг% С витамини, эфир мойи, баргида эса 19—57,7 мг% С витамини, шунингдек, А, B_1, B_2 витаминлари ва 1,3—5,9 мг% А провитамини, лимон ва олма кислоталар, фитонцидлар ва б. бор.

П. боши поясининг шохланишига қараб кам, ўртача ва кўп уяли навларга ажратилади. Кам уяли навлар 1, айрим ҳолларда 2, ўрта уяли навлар 2—3, кўп уяли навлар 5 ва ундан кўп пиёзбошлар ҳосил қилади. Таъмига кўра, ош пиёз навлари аччиқ, ярим аччиқ ва чучук турларга ажратилади.

П., асосан, овқатга ишлатилади. Табобатда ошқозон-ичак, нафас орган-

лари ва юрак-томир системаси касалликларини даволашда фойдаланилади. Ош П. бир ёки бир неча генератив ва вегетатив куртаклар жойлашган қисқа поядан иборат. Гули икки жинсли. Илгари попук илдиз. Уруғи уч қиррали, 1000 донаси 2,5—4 г. П. жанубий, ғарбий, шарқий кенжа турларга бўлинади. Ўзбекистон ва Қозоғистон жанубида жанубий ва, қисман, ғарбий кенжа турга оид маҳаллий навлар тарқалган. Буларга Андижон оқ П.и (ширик, оқ), Самарқанд қизил 172 П.и (думалоқ-ясси, қизил, маршалл П.и ёки тухум П. (чўзиқ, тухумсимон, оқ), Қоратол П.и (думалоқ, тилларанг), Фароби (ширик, думалоқ-ясси, оқ), Каба 132 (ширик, думалоқ, жигарранг-сариқ), Тунгани-5б (думалоқ-ясси, тўқ бинафшаранг) ва Испан 313 (ширик, думалоқ, оч сариқ) П.лари ва б. киради.

Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистонда 1-йили далага уруғи сепилиб, иситьмол учун оч П. (бошпиёз) олинади. 2-йили боши П. экилиб, уруғ олинади. Ўзбекистон шароитида П. экиладиган ер ялпи борича бетона ўтлар чиқмайдиган қилиб тайёрланади, кузги шудгор эрта ўтказилади, культивация қилинади, мола босилади. П. экиладиган ернинг тектарига 20—25 т чиринди гўнг, технология талабларига кўра минерал ўғитлар солинади. Ўрта Осиёда П. 3 муддатда: эрта кўкламда (фев. охири — март бошларида); ёз-кузда (авг. охири — сент. бошларида) ва кеч кузда (нояб.да, «тўқсон босди») экилади.

П. сабзавот ва дала алмашлаб экиш тизимида етиштирилади. Энг яхши ўтмишдошлар — карам, помидор, бодринг, кузги дон экинлари ангизи, картошка. Ўсув даврида озиқлантирилади, суторилади (ер ости сувлари чуқур жойлашган бўз тупроқли ерларда 12, ўтлоқи-ботқоқи тупроқларда 7—8 марта), қулда ёки комбинатсия усулида ўзоқ қилинади. Сент. охири — окт. бошларида қазилиб, авал дақада, кейин усти ёпиқ жойларда қуритилади, сараланади, ҳар хил чиқиндилардан тозаланади. Ҳосилдорлиги 120 дан 400—600 ц/га. Уруғ олишда сараланган, йирик П. боши (бўш) экиларга экилади. Майда П. бошчаларини бўш қолиб эрта баҳорда кўкпиёз ва ёш бошлар олиш учун П. боши (бўш) қадалади. П. уруғи июнь охири — июль бошларида етилади. Гектаридан ўртача 3—5 ц, айрим хўжаликларда 10 ц гача уруғ олинади.

Асосий зараркунандалари: П. пашшаси, тамаки шираси, П. парвонаси; касалликлари: бўйин чириши, сохта кул, қоракуя, вирус касалликлари.

Ош П. ва унинг шўшидан ташқари, П.нинг батун, порей, шнитт, пилот ва жуда кўп бошқа турлари ҳам озиқ-овқатга ишлатилади. Батун П., (A.fistulosum) пиёз боши тутмайдиган кўп йиллик ўсимлик. Бир жойда 3—4 й. ўсади (Салатний 35 нави). Барглари 25—30 см бўлганда — май охирида йиғиштирилади. Ҳосилдорлиги 300 ц/га. Порей П. (A. porrum) — пиёзбоши тутмайдиган кўп йиллик ўсимлик. Узун ништарсимон барглн, сохта пояли кўп йиллик ўсимлик. Ҳосилдорлиги 250 ц/га. Шнитт (Сибирь) П. (A. scho-enoprasum) — ватани Жанубий Осиё бўлган кўп йиллик ўсимлик. Кам миқдорда етиштирилади. Кучли шоҳланади — 3 ёшлиси 50 тагача барг чиқаради. Баргида 70—105 мг% С витамини бор. Совуққа ўта чидамли, ҳосилдорлиги 150—200ц/га. Шалот П. (A. ascalonicum) — ватани Жанубий Осиё бўлган кўп йиллик ўсимлик. П. бошчалари майда. Асосан, Кавказда очиқ ва ёпиқ (ҳимояланган) тупроққа баҳорда экилади. П.нинг вегетатив кўпаядиган саримсоқ П. (A.sativum) тури қимматли сабзавот экини (қ. *Саримсоқ*).

П.нинг айрим ёввойи турлари барги ёки пиёзбоши истеъмол қилинади, писком П. (A. pskemens) каби бўйи 1 м га борадиган айрим турлари манзарали боғдорчиликда экилади.

Орин Қодирхўжаев.

Пиёз: *1* — уруғлик пиёз ва тўпгули. Пиёз навлари: *2* — Каба; *3* — Қоратол; *4* — Самарқанд қизил пиёзи; *5* — Испан 313; *6* — Мартилон пиёзи; *7* — Порей пиёзи; *8* — Шнитт пиёзи.

ПИЁЗГУЛ (Lilium), лилия — лоладошлар оиласига мансуб кўп йиллик манзарали ва эфирмойли ўсимлик туркуми. Шим. ярим шарнинг мўътадил минтақаларида 90 дан ортиқ тури, 2000 ортиқ нави бор. Айрим турлари Хинд ва Филиппин оларида ҳам учрайди. Хушбўй оқ гулли П. (L. candidum), тўқ сариқ гулли йўлбарс П. (L.tigrinum), қорамтир холли тўқ қизил жингалак П. (L.martagon)лар энг кўп тарқалган. П. манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади. Ҳар 3—6 йилда уядаги пиёзчаларини поячалари сонига қараб, бўлиб-бўлиб ўтказиш йўли б-н кўпайтирилади. Майда пиёзчалари баҳорда, барглар қўлтигида пайдо бўлган пиёзчалар августда, уруғи баҳорда очиқ жойга, кузда иссиқхонага экилади. Баъзи турлари илдизидан кўпаяди. Майсентда гуллайди. Оқ гулли П.дан эфир мойи олинади.

Пиёзгул.

ПИЁЗДОШЛАР — қ. *Лоладошлар.*

ПИЁЗЛИ ҒОРИ — Пиёзли тоғининг (Зирабулоқ — Зиёвудин тоғлари) жан. ён бағрида (Самарқанд вилояти, Нарпай тумани Тим қишлоғидан 0,5 км шим.-шарқда), ўртача 1020 м, тог этагидан 200 м баландликда жойлашган. Девон даврига мансуб оҳактошларда ҳосил бўлган. Ғор огзи ярим доира шаклида, эни 3 м, бал. 1 м дан зиёд. П.г. тузилиши мураккаб, бир нечта йўлак, йўлакчалар, баъзан эни 6 м гача бўлган хоналардан иборат. Бал. 1,2—2,0 м, баъзи жойларда 21 м гача. Йўлак ва хоналардан ҳар томонга одам кира олмайдиган кавакдар тарқалган. Саҳнида тош парчалари уюмлари, ҳайвон суяклари, шипи ва деворларида эса кальцит минералидан ташкил топган узум бошини эслатувчи оқиқлар учрайди. Ғор ичкарисида сув томчилари кузатилади. Ғор ичидаги т-ра 12°, нисбий намлик 89% (июнда).

П.г.нинг умумий уз. 98 м, майд. 200 м², ҳажми 160 м³ дан зиёд.

ПИЁЛА — уй-рўзғор буюми; тубидан юқорига томон кенгайиб борадиган тагликли идиш. *Косa*дан кичик ҳажмда бўлади, асосан чой ичилади. П.нинг катта (нимкоса), ўртача ва кичик хиллари бор. П. чинни, сопол ва б. хом ашёлардан тайёрланади, нафис жозибадор ислимий нақшлар б-н (металл П. кандакори усулида) безатилади,

Чинни пиёла (20-а., Тошкент).

ҳалланади. Аввалари қаймоқ, асал, мураббо солишла катта П.дан фойдаланилган, ҳозир кичик П. ишлатилади. Археологик топилмалар П.нинг қадимдан тайёрланганлигини кўрсатади.

ПИЗА — Италиянинг марказий қисмидаги шаҳар. Арно дарёси бўйида. Пиза провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 85,3 минг киши (2001). Транспорт йўллари тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Кема қатнайдиган канал орқали Ливорно порти б-н боғланган. Машинасозлик, кимё, фармацевтика, ойна-шиша, керамика,

Пиза шаҳри. «Қулаётган минора».

тўқимачилик, кўн-пойабзал саноати корхоналари мавжуд. *Галилей* таълим олган ун-т (1343), Сан-Маттео музейи бор. Ўрта асрларда қурилган меъморий ёдгорликлардан кампанелла («Қулаётган минора»), черковлар сақланган. Туристлар кўп келади.

ПИКАССО (Picasso) Пабло (асли Руиси-Пикассо) (1881.25.10, Малага, Испания — 1973.8.4, Мужен, Франция) — француз рассоми, жамоат арбоби; келиб чиқиши испан. Дастлабки таълимни отаси Х.Руисдан олган; нафис санъат мактабида (1894—95), Барселона (1895 й.дан) ва Мадрид (1897—98) да ўқиган. 1904 й.дан деярли Парижда муқим яшаган. Йирик асарларининг илк намуналари 1900 й.ларга тўғри келади («Кекса гадо ўғил бола б-н», 1903; «Шар устидаги қиз», 1905 ва б.). П.нинг серқирра ижоди 20-а. санъатидаги қарама-қаршиликларни ўзида акс эттирган, тасвирий санъатнинг кўп соҳалари (тангатасвир, ҳайкалтарошлик, графика ва б.) ривожига кучли таъсир кўрсатган, замонавий санъатдаги инқироздан ҳамда иддиоларни унгунликда тасвирлаган. 1907 й.ларда буюмларни ҳандасий шаклларга ажратиб текис юзада ушлаган ва ҳажмли бўлаклардан тасвирий санъат асарлари яратиб *кубизм*га асос солди. Бу даврда яратилган айрим асарлари (мас., «Елпигичли хоним», 1909 ва б.) нафис безаги ва жўшқин оҳанглорлиги б-н ажралиб туради. 1910-й.лар ўрталаридан неоклассика анъаналари, 1925 й.дан *сюрреализм*, 1929 й.дан абстракт санъат таъсирида бўлган.

30-й.лар 2-ярмидан П.нинг ижтимоий мавқеи кўзга ташланади. Қаршилик кўрсатиш ҳаракати (Испания, 1936—39; Франция, 1939—45)нинг фаол арбобига айланади, фашизмнинг моҳиятини фош этувчи асарлар яратди: «Генерал Франконинг орзу ва ёлғонлари» туркум асарлари (акватинта, 1937); П.нинг жўшқин усули энг юқори чўққисига етган «Герника» панноси (1937, Замонавий санъат музейи, Нью-Йоркда) ва б. 1940-й.лар 2-ярмидан П. ижоди ранг-баранг: дастҳоҳи рангтасвир, ҳайкалтарошлик, кулолчик, айниқса, графикада туркум асарлар яратди («Инсон комедияси» туркуми, 1953—54 ва б.). П.нинг илғор инсонпарварлик қарашлари унинг асарларида («Тинчлик кабутари», тушь, 1947; «Тинчлик» ва «Уруш» намоёнлари, 1952, Валлорисдаги «Тинчлик ибодатхонаси» капелласида ва б.) ўз ифодасини топди. П. ижоли 20-а. ижодкорларига кучли таъсир кўрсатган. П. Халқаро тинчлик мукофоти (1950) ва б. мукофотлар лауреати.

Пикассо. «Дори Мор портрети» (1937).

ПИКНОМЕТР (юн. pyknos — зич ва ...*метр*) — таъсимон, суюқ ва қаттиқ ҳолатдаги моддаларнинг зичлигини ўлчаш учун мўлжалланган асбоб, ҳар хил шакл ва ҳажмдаги шиша идиш (колба). П.нини суюқлик учун мўлжалланган (колбасимон), газлар учун мўлжалланган (...-симон, капиллярли, қаттиқ жисмлар учун мўлжалланган (бўлаги олинадиган) хиллари бор. Суюқ ҳолатдаги моддаларнинг зичлигини ўлчаш учун П. бўлагига белгичача тўлдирил-



Капиллар пайча ва термометрли пикнометр:
1 — термометр, *2* — қалпоқча; *3* — капиллар пайча; *4* — пилигидрик колба.

ган моддани тортиб кўрилади. Қаттиқ моддаларнинг зичлигини ўлчаш учун у сувюқлик тўлдирилган П.га ботирилади. Газларнинг зичлигини ўлчаш учун махсус шаклли (мас., шар) П. қўлланилади. П.да зичликни ўлчашнинг афзалликлари: зичлик жуда аниқ (10^{-3} г/см^3 гача) ўлчанини; кичик (0,5—100 см^3) ҳажмлари моддаларнинг ҳам зичлигини ўлчаш мумкинлиги; моддалар (айниқса, газсимон моддалар)нинг буғланиб ва нам ютиб улгурмаслиги ва б.

ПИКТОГРАФИЯ (лот. pictus — чизилган, тасвирланган ва ...*графия*) — ёзувнинг ривожланиш босқичларидан, фонетик ёзувдан олдинги ёзув тури: муайян ахборот мазмунини бирон-бир расм ёки қатъий кетма-кет келган расмларда акс эттириш усули. Америка индейслари, Тропик Африка халқлари, Австралия ва Океания туб аҳолиси, Сибирдаги айрим элатлар (юкагир, нанай ва б.) орасида тарқалган ва ҳатто 20-а. гача амал қилиб келган. П.нинг қад. намуналари палеолитга (айрим олимларнинг фикрича — неолитга) мансубдир. Гарчи, шуни айтиш керакки, палеолит давридаги суратлар б-н П. орасига чегара қўйиш мумкин эмас. П. белгилари — пиктограммалар фонетик ёзув белгиларидан шу б-н фарқ қиладики, улар аниқ тил бирлигига боғлиқ эмас ва улар хоҳлаган тилда хоҳлаганча талқин қилинади: бир пиктограмма муайян бир сўз, унинг синоними, сўз бирикмаси, бир неча маънога эга бўлган гап ёки бир неча гап тарзида «ўқилиши» мумкин.

Пиктограммалар типологик жиҳатдан 2 га: тасвирланаётган тушунча ёки предметлар б-н ўхшаш бўлган (мас., қуёш белгиси «қуёш», «кундуз» ва «кун» тушунчаларини англатади) ва рамзий, шартли (генетик жиҳатдан 1-

Пиктографик ёзув. Индеис қабилаларининг Қушма Штатлар конгрессига арзномаси.

гурдаги пиктограммалардан келиб чиққан, лекин объект б-н ўхшашлиги йўқолган) пиктограммаларга ажралади. Пиктографик ахборот биргина мураккаб белгидан ёки бир неча содда пиктограммаларнинг қатъий кетма-кетлигидан иборат бўлиши мумкин. П. кейинчалик иероглифик ҳамда фонетик ёзувларнинг келиб чиқишига асос бўлган.

Ҳоз. маданий жамиятда ҳам П. ёрдамчи алоқа воситаси сифатида, мас., йўл белгилари тизимида, кўргазмалар ва халқаро мусобақалардаги кўрсаткичлар сифатида қўлланади (кўп тиллилик шароитида ёки аксар аҳоли саводсиз бўлган ҳолларда бу нарса катта аҳамиятга эгадир).

Автор: Исмоилов, Абдувоҳид Мадалиевич.

ПИКУЛИН Михаил Григорьевич (1905.29.9, Острогожск ш., Воронеж губернияси — 1987.12.1, Тошкент) — тарихчи олим, шарқшунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1969). Тарих фанлари д-ри (1961), проф. (1962). 2-жаҳон урушн қатнашчиси. 1950—52 й.ларда ҳарбий хизматни давом эттирган ҳолда Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти хорижий Шарқ бўлими мудири, ҳарбий хизматдан захирага чиққач, 1952—71 й.ларда шу ин-тда хорижий Шарқ янги ва энг янги тарихи бўлими мудири ва илмий ишлар бўйича ин-т директори ўринбосари. Илмий фаолияти Афғонистон тарихи, этнографияси ва иқтисодиёти, шунингдек, хорижий Шарқ мамлакатларида сиёсий-иқтисодий аҳвол, мустамлакачиликка қарши кураш ва б.га онд.

Ас.: Развитие национальной экономики и культуры Афганистана (1955—1960), Т., 1961; Вопросы истории, экономики и культуры народов Средней Азии и зарубежного Востока, Т., 1970.

ПИЛИК — 1) тўқимачиликда — пахта, жун, ипак ва зигир толаларини бўшгина ҳимариб, чўзиб, тўғрилаб ҳосил қилинадиган маҳсулот. *Пилта*га нисбатан бирмунча юпқароқ ва текисроқ бўлади. П. йигириш усули (системаси) ва толаларнинг хилига қараб, ингичка ва йўғон П.ларга бўлинади. Мас., ипакдан тайёрланган П. пахта, жун ёки зигир толаларидан олинадиган П.га нисбатан ингичкароқ чиқади. П. ип йигириш учун асосий хом ашё ҳисобланади. П., асосан, йигирув корхоналарида йигирув машинасида тайёрланади. Машинанинг асосий қисми — чўзувчи асбоб ва пишитиш-калавалаш механизми; 2) керосин лампа ёки керогазнинг керосин (ёки мой) ни шимиб ёндиган қисми. Ёритиш ёки қиздириш асбобининг катта-кичиклигига (номери) га қараб, П. ҳам энсизроқ ёки энлироқ бўлади (мас., 7-пилик, 10-пилик ва б.); 3) соч ўрами ечилиб кетмаслиги учун унинг учига қўшиб ўриладиган пахта толалари; 4) қош ёки кипригини бўяш учун унига пахта ўралган чўп.

ПИЛЛА — 1) кўпгина ҳашаротлар гумбагининг ҳимоя қобиғи. Одатда, П.ни личинка гумбакка айланишидан олдин ажратган ипакдан тўқийди. Мас., *пилла ўровчилар, қизлар* ва б. П.си. Талайгина қўнғизлар (мас., узунтумшуқ қўнғиз)нинг личинкаси П.ни ўзи ажратган шилимшиқдан ясайди. Баъзи ҳашаротлар (мас., халтачали капалаклар) гумбагининг ривожланиши личинка яшаган гилофда давом этади. Кўпчилик пиллаларининг сохта П.си личинка ташлаган пўстдан иборат.

Ёмғир чувалчанги, зулуклар, ўргимчаклар ва айрим моллюскалар тухуми тухум-П. ичида ривожланади;

2) ипак қуртининг гумбакка айланишидан олдин ҳосил қиладиган қобиғи; табиий ипак олинадиган хом ашё. Тут ипак қурти П.сининг саноат аҳамияти катта, шунингдек, хитой эман ипак қурти, айлант ипак қурти П.ларидан ҳам хом ашё сифатида фойдаланилади. Ипак қуртлари ўзидан фиброин, серицин (ёпишқоқ модда), пигмент ва б. моддалардан иборат ипак чиқаради, ўз танаси атрофида қаватма-қават қилиб (40 қаватгача) П. ўрайди. П., асосан, қобиқ, гумбак ва гумбакка айланиш даврида қурт ташлаган теридан иборат. Тирик гумбакли П. оғирлигининг 14—24%ни П. қобиғи, 75—85% ни гумбак, 0,5%ни қурт ташлаган пўст ташкил этади. Бир дона П.дан ўртача 600—800 м ипак толаси олинади. Қурт зоти ва уни боқиш шароитларига қараб П. узунлиги 16 мм дан 46 мм гача, эни 12 мм дан 24 мм гача, тирик (гумбаги ўлдирилмаган) П. оғирлиги 0,3—1,3 г, қуруқ П. оғирлиги 0,3—1,3 г бўлиши мумкин.

Тут ипак қурти П.си тухумсимон, шилиндрсимон ёки учуқсимон: оқ, оқшилдирсимон ёки учуқсимон: оқ, оқ-кулранг, сариқ, пушти ва кўкиш бўлади, сув ўтказмайди. Тортиладиган П. капалак очмаслиги учун иссиқ ҳаво ёки буғ б-н ишланиб, гумбаги ўлдирила-



Пилла: *1* — тут ипак қурти пилласи; *2* — пилланинг қўндалант кесими ва гумбаги; *3* — дастда пилла ўраш жараёни.

ди, сақланида бузилмаслиги учун қуритилади. Тирик ва қуруқ П. сараланмаган навли П. аралашмасига (1, 2-навли ва 10% дан ортиқ бўлмаган навсиз П.лар), навсиз П.ларга ва қорапчоққа ажратилади ва алоҳида-алоҳида қабул қилинади. 1, 2- навли П.дан калава ҳолидаги хом ипак, навсиз П.дан ипак ип олинади. П. гумбаги мўйначилик фермаларидан ҳайвонларга озуқа сифатида берилади.

Наслчилик ишлари учун П. *ипак қурти тухуми заводига* юборилади. П.ни механик аппаратларда иссиқ ҳаво б-н димлаш ва қуритиш кенг тарқалган. Ипак толанинг оз ёки кўп чиқиши ипак қурти зотига ва П. сифатига боғлиқ (қ. *Ипак*).

Зоҳиджон Обиджонов.

ПИЛЛА, флюс — тиш милкининг шишиб, йиринг бойлаши. Оқибатда лунж ҳам шишади. Тиш чириши (кариес) асорати ҳисобланади. Бунда йиринг тиш канали орқали атрофидаги тўқималарга ўтади, натижада тиш қаттиқ оғрийди. Беморни мутахассис врач-стоматолог даволайди.

ПИЛЛА ЛОСИ, пилланинг пахта лоси — ипак қурти *пилла*нинг ташқи юзасини ва асосини ҳосил қилиш учун ажратиб чиқарган ва саралашда пилла юзасидан сидириб олинадиган чигал ипак массаси; П.л. хўжаликларда, пиллага дастлабки ишлов бериш базаларида ёки уларнинг қабул қилиш пунктларида тайёрланадиган пилладан ва дастадан териб олиш даврида ҳосил бўладиган П.л. ҳар йилги мавсумда 100—110 т ни ташкил қилади. Тозаланган П.л.ни қаноп, жун ва пахта толаси б-н қўшиб янги турдаги маҳсулот олиш имкони яратилган.

ПИЛЛА НАСЛЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ — асосий ва саноатбоп тут ипак қурти тухумлари олишга мўлжалланган пилла етиштиришдан хўжаликлар. П.н.х.да етарли озуқа базасини ва бўлиш учун тутзорлар, махсус зарур асбоб-ускуна ва иситиш воситалари б-н жиҳозланган инкубаторий ва қурт хонатлар ташкил этилади. ипак қурти ғумбаги ва ундан ҳосил бўлган пилла ипак қурти ғ-лари (қ. *Ипак қурти зараркунанда ҳашоратлар*) ва пилладан ип-ғалтак олишни ташкил этади. П.н.х.да ишлаб чиқариш жараёнлари ва қурт биокимёвий ва физиологик хусусиятлари, ипак қурти ғ-ларини сақлаш ва ундан фойдаланиш, ипак қурти касалликлари ва зараркунандалари, ипак қурти тухумини ишлаб чиқариш ва сотиш, пилла ва ипак қурти ғумбагини қайта ишлаш ва б.ни ўрганадиган илмий муассасалар ва олий ўқув юртлари ҳамда ихтисослаштирилган ўқув муассасалари фаолият кўрсатади. П.н.х.да ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ривожлантириш, ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш таннархини камайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш масалалари ҳал этилади. Ҳар бир тутзорга ўрта ҳисобда 100 та ипак қурти боқувчи оила хизмат кўрсатади. Ипак қурти боқувчи оилалар ўртасида ташкилий-оммавий ишлар олиб бор

ПИНГВИНЛАР (Sphenisciformes) — қушларнинг бир туркуми. Сузувчи, шўнгувчи, лекин уча олмайди. 16 тури бирлаштирувчи 6 уруғи мавжуд. Гавдасининг уз. 30—120 см, вазни 1—40 кг. Қорни ва кўкраги оқ, орқаси тўқ кўк ёки қора. Тери остидаги қалин ёғ қавати П.ни совуқдан сақлайди. Кўкрак мускуллари яхши ривожланган. Қанотлари тангачасимон патлар б-н қопланган куракоёққа айланган. Сузганда ва шўнғиганда улардан эшкак сифатида фойдаланади. Муз ва қор устида секин

Пингвин.

қадамлаб юради. Пати майин. Антарктида ва Жан. ярим шарининг ўрта минтақаларида тарқалган. Балиқ, бошоёқли моллюскалар, қисқичбақасимонлар б-н озиқланади. Колония бўлиб уя қуради. 1—2 та тухум қўйиб, нари ва модаси навбатлашиб босади (адели тури 35 кун), қирол П.и нари тухумини (битта) панжасида ушлаб, қорнидаги тери бурма б-н ўраб, иситади (65 кун давомида). Ғўшти қаттиқ, мазасиз. Териси ишлатилади. Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқининг Қизил китобига 3 тури киритилган.

ПИНОЦИТОЗ (юн. pino — ичаман, шимиб оламан ва *...цит*) — суюқликнинг ҳужайра мембранаси томонидан қамраб олиниши ва ҳужайрага сўрилиши (қ. *Фагоцитоз*). П.да суюқликни плазматик мембрана қамраб олиб, майда томчилар ҳолида ҳужайра ичига ўтказади. П. орқали сувда эрийдиган макромолекулалар (оқсиллар, липидлар, гликопротеидлар) ҳужайра ичига ўтади (бевосита П., яъни эндоцитоз) ва ҳужайрадан чиқарилади (тескари П., яъни экзоцитоз). Биринчи ҳолда П. пуфакча ҳужайранинг бир (ички) юзасидан иккинчи (ташқи) юзасига ўтиб, унинг ичидаги моддаси атроф муҳит (цитоплазма)га чиқарилади. Иккинчи ҳолда П. пуфакча ичидаги модда — цитоплазмада мезосомалар б-н қўшилиб, ферментлар таъсирига учрайди. П. амёбаларда, ичак ва буйрак эпителийси ҳужайраларн, қон томирлари эндотелийси, ўсаётган ооцитларда айниқса фаол кечади.

ПИНОЧЕТ УГАРТЕ (Pinochet Ugarte) Аугусто (1915) — Чили президенти (1974—89), генерал. 1973 й. сент.да ҳарбий тўнтариш натижасида ҳокимиятни эгаллаб олган ҳарбий хунта раиси (1973—74); диктаторлик режимини ўрнатган. Қирғин кучлар бош қўмондони. 1990-й.лар охирида Испания ҳукумати П.Уни инсониятга нисбатан жиноятлари учун судга бериш талаби б-н чиққан. Садоматлини ёмонлашган туфайли қамоқдан қутулиб қолган.

ПИНСК — Белоруссиянинг Брест вилоятидаги шаҳар, Пина дарёсининг Припятга қуйиладиган жойида. Т.и. станцияси. Дарё порти. Аҳолиси 132,6 минг киши (1998). П.да енгил (трикотаж к-ти, сунъий чарм, энгил тола з-лари), ёғочсозлик, озиқ-овқат саноатлари ривожланган. Кема таъмирлаш, темир-бетон буюмлари з-длари ишлаб турибди. Белоруссия мелиорация ва сув хўжалиги и.т. ин-тининг Полесье комплекс бўлими, драма театри, тарихий-меъморий қўриқхона мавжуд. Шаҳар 1097 й.дан маълум. 1318 й.дан Литва ва Польша таркибида. 1793—1917 й.ларда Россия империяси, 1921—39 й.ларда Польша таркибида. Францискан костёли (16-а. бошлари), Бутримович саройи (18-а.) бор.

ПИНТА (инг. pint) — инглиз ўлчовлар бирлиги тизимида ҳажм ўлчов бирлиги. Англияда 1 П =1/3 *галлон* =0,5687261 дм³, АҚШ да суюқлик учун 1 П. =1/8 америка галлони ёки 0,473170 дм³, тўкилувчан модда учун 1 П.=1/64 америка бушели ёки 0,550614 дм³.

ПИНЦЕТ (франц. pincette — қисқич) — хирургик операция вақтида тўқималарни ёки лаб. ишларида турли майда асбобларни қисиб ушлаш учун ишлатиладиган қисқич. Анатомик, хирургик ва б. П.лар бор.

ПИОДЕРМИЯ (юн. руоп — йиринг ва *дерма*) — терининг йирингли касаллиги. Терига йиринг пайдо қилувчи микроблар — стафилококк ва стрептококклар, гоҳо айрим микроорганизмлар — пневмококклар, кўк йиринг таёқчаси ва б.нинг тушиши сабаб бўлади. Баъзан бир нечта микроорганизм биргаликда учраши ҳам мумкин. Табиатда стафилококк ва стрептококкларнинг доимий мавжудлиги П.нинг тез-тез учрашига олиб келади. Санитария-гигиена қонун-қоидаларини билмаслик ёки уни кўпол равишда бузиш, турмуш ва меҳнат шароитларидаги камкўст ҳолатлар (айрим касб кишиларида кўмир, цемент ва б. б-н терининг мунтазам ифлосланиши), меъда-ичак, нерв системаси фаолиятининг, шунингдек, моддалар алмашинувининг бузилиши, *интоксикация* ва б. П. тарқалишига имкон беради. П.нинг ўткир ва сурункали, шунингдек, юза ва чуқур, стрептококкли, стафилококкли ва аралаш хиллари тафовут қилинади. Стафилококкли П.да стафилодермиялар — бунда, асосан, сочфолликуллари ва апокрин без соҳаси зарарланади) фолликулит, чипқон, хўппоз, гидроаденит, сикоз ва б. киради. Стрептококкли П.дан (стрептодермияда — тери юзаси чақаланади, юпқа пуфакчалар пайдо бўлади, йириглайди, йирини тезда қуриб, қора қутирга айланади) *сапратқи, сарамас, таб бўлиши, хасмот* ва б. учрайди. П.нинг барча турларини даволаш деярли бир хил. Антибиотиклар, сульфаниламидлар, витаминлар, специфик ва носпецифик иммунобиологик терапия ҳамда физиотерапевтик даво усуллари қўлланади. Ёш болалар П.га кўпроқ мойил бўлганлиги учун беморларнинг соғлом болалар б-н юришига йўл қўйилмайди. П.нинг олдини олишда унга сабаб бўладиган омилни бартараф этиш муҳим.

ПИОН — қ. *Саллагул*.

ПИНЧ-ЭФФЕКТ (инг. pinch — торайиш, қисилиш) — кучли ток ўтаётган газларда разрядининг торайиши. Бу ҳодисани 1934 й.да америкалик олим У. Беннет газ-разрядли *плазма*даги зарядланган тез зарралар оқими учун тадбиқ қилган. «П.-э.» терминини фанга инглиз физиги Л. Тонкс киритган (1937). Ток ўтказувчи модда тўлдирилган цилиндр шаклидаги разряд камерасининг ўқи бўйлаб ток *I* ўтаётганда у вужудга келтирилган магнит майдонининг куч чизиқлари концентрик айланалар кўринишини олади (айланалар текислиги цилиндр ўқига перпендикуляр бўлади). Зичлиги токнинг зичлигига тенг бўлган ўтказувчи муҳитга (моддага) таъсир қилаётган электродинамик куч муҳитни сиқишга интилади. Вужудга келган ҳолат П.-э. дейилади. П.-э.ни алоҳида параллел токларнинг магнит тортишиши натижаси деб ҳам қараш мумкин. Ўтказувчи муҳитнинг газ-кинетик босими магнит сиқишга тўсқинлик қилади. Лекин ток етарли даражада катта бўлганда магнит босими газ-кинетик босимдан катта бўлади ва ток каналини сиқади, натижада П.-э. вужудга келади.

П.-э. вужудга келиши учун муҳитдаги қарама-қарши ишорали зарядларнинг концентрацияси тахм. тенг бўлиши керак. Фазовий зарядлар электр майдони бир хил ишорали зарядлар оқимида токнинг сиқилишига қаршилик кўрсатади. Газ орқали етарли даражада катта ток ўтганда газ икки хил ишорали зарядланган зарралардан иборат ионлашган плазма ҳолатига ўтади. Бу ҳолда П.-э. плазма шнури (ток канали) ни разряд ҳосил бўлган камера деворидан сиқиб чиқаради. Шундай

қилиб, плазманинг магнит термоизоляцияси учун шароит яратилади. Ўзининг қисилишдаги кучли разрядлар (импульсларнинг бу хоссасидан бошқарилаётган термоядро синтези (БТС) да юқори *I*-ли плазмани сақлаб туриш учун кенг фойдаланилади.

П.-э. фақат газ разряди эмас, балки қаттиқ жисмлар плазмасида, айниқса, яримўтказгичларнинг кучли таъсирланган электрон-ковак плазмасида ҳам вужудга келади.

ПИПЕРАЗИН (гексагидропиразин, диэтилендиамин), $C_4H_{10}N_2$ — рангсиз кристалл модда. Мол. м. 86,14; суюқланиш т-раси 112°, қайнаш т-раси 146°, сувда, спиртда яхши эрийди, эфирда эримайди; ҳаводаги CO_2ни ютади. П. — 2 кислотали кучли органик асос. Дихлорэтан б-н аммиакдан этилендиамин и.ч.да оралиқ маҳсулот. Пиразинни гидрогенлаб, этилен бромидга аммиак таъсир эттириб ва б. усулларда олинади. П. — коррозия ингибитори, хлоропрен полимерланиши жараёнида катализатор. Анализнк кимёда ва тиббиётда адонин, лимон, фосфат, сульфат кислоталар тузлари кўринишида қўлланади.

ПИПЕРИДИН (гексагидропиридин, пентаметиленимин), $C_5H_{11}N$ — рангсиз суюқлик. Мол.м. 85,15. Суюқланиш т-раси –9°, қайнаш т-раси 106,4° (760 мм сим. уст.). Сув ва кўпчилик органик эритувчиларга яхши аралашади. Сув б-н азеотроп аралашма (қайнаш т-раси 92,8°, массасига нисбатан 35% сув) ҳосил қилади. Кучли асос, ёғ аминлари хоссаларини намоён қилади. Дегидрогенланиб *пиридин*га айланади. Пиридинни каталитик гидрогенлаб ёки электр кимёвий қайтариб олинади. Катализатор, вулканизацияни тезлатувчи сифатида, тиббиётда қўлланади.

ПИПИН ПАКАНА (Pippinus Brevis) (714—768) — франклар қироли (751 й.дан). *Майордом* бўла туриб (741—751), 751 й. меровинглар сулоласидан бўлган сўнгги қиролни тахтдан ағдарган ва каролинглар сулоласига асос солган. Қиродликдан ажраб чиққан Аквитанияни бўйсундирган, арабларга қарши юриш қилиб Септиманияни тобе этган, 754 ва 756 й.ларда Италияга юриш қилган, лангобардлардан тортиб олган ерларнинг бир қисмини папага берган, бу б-н Папа вилоятига асос солинган.

ПИР (форс. — кекса, қари) — суфийлик анъанасида тариқатларнинг олий раҳнамолари ёки обрўли раҳнамолар. Шунингдек, ҳар бир мурид ўз муршидини ҳам П. деб атаган. Аҳоли орасида «П.» тушунчаси авлиё, маълум бир ҳунарнинг асосчиси маъносида ҳам ишлатилади.

ПИРАМИДА (юн. pyramides) — 1) математикада — битта кўпбурчак (асос) ва умумий учга эга бўлган учбурчаклар (ён ёқлар) б-н чегараланган жисм. Асосининг шаклига кўра, уч бурчакли П., тўрт бурчакли П. ва б. деб юритилади. П. учи (*P*)дан асос текислигига туширилган перпендикуляр П.нинг баландлиги дейилади. Асоси мунтазам кўпбурчак бўлиб, баландлиги асос марказига тушадиган П. мунтазам П. деб аталади. Мунтазам П.нинг ён ёқлари бир хил тенг учбурчаклардан иборат, уларнинг баландлиги П.нинг апофемаси дейилади. П. ҳажми $V = \frac{1}{3}SH$ формула б-н топилади; бунда, S — асоси юзи; H — баландлиги.



Пирамида: *а* — беш бурчакли оғма пирамида; *б* — тўрт бурчакли тўғри пирамида; *в* — кесик пирамида.

П. асосига параллел текислик б-н кесилса, асос томонда кесик П., кесимда эса асосга ўхшаш кўпбурчак (устки асос) ҳосил бўлади; 2) меъморликда — пирамида шаклида, зинапоя ёки минорасимон қилиб қуриладиган монументал иншоот. Мас., қадимги Мисрда фиръавнларнинг қабрини П. шаклида қурғанлар (қ. *Эҳромлар*).

ПИРАНДЕЛЛО (Pirandello) Луижи (1867.28.6, Жирженти, Агриженто — 1936.10.12, Рим) — итальян ёзувчиси, драматурги. 1889 й. биринчи шеърий тўплами. 1901 й.да биринчи роман — «Четлаштирилган аёл» босилмани — «Четлаштирилган аёл» (1904) роман. «Марҳум Митта Паскал» (1904) романи мураффақиятли чиққан. Унда «қиёфа ва ниқоб» мавзуси ёритилган. Моддий томондан ночор яшаган П. 1915 й. саҳналаштирилган «Агар шундай бўлмаса...» пьесасидан сўнг буткул драматургияга ўтиб кетган. «Олти персонажни муаллифни қидирадн» (1921) ва «Генрих IV» (1922) пьесалари П. ижодининг чўққиси ҳисобланади. Нобель мукофоти лауреати (1934).

ПИРАНОГРАФ (юн. руг — олов, апо — юқорида ва *...граф*) — тўғри тушага ёки тарқоқ қуёш радиацияси (нурёнган ёки тарқоқ қуёш радиацияси (нурларни узлуксиз қайд қилиб бориш учун мўлжалланган асбоб. Қуёш радиациясини ўлчайдиган асбоб — *пиранометр* ва радиацияни ўз-ўзидан қайд қилиб борадиган *гальванометр*дан иборат. Фақат тарқоқ радиацияни ўлчаш учун П. учи қуёш нурининг тўғридан-тўғри тушишидан асрайдиган ҳалқа ичига ўрнатилади. Пиранометрда радиацияни қабул қилиш вазифасини кетма-кет туташтирилган манганин ва константа бўлакларидан иборат термобатарея бажаради. Қуёш радиациясининг мутлақ қийматини олиш учун П. кўрсатишлари *пиргелиометр* бўйича текширилади.

ПИРАНОМЕТР (юн. руг — олов, апо — юқорида ва *...метр*) — ётиқ сиртга тушаётган йиғма ёки тарқоқ қуёш радиациясини ўлчаш учун мўлжалланган асбоб. Қуёш радиацияси (нури) ни қабул қилувчи сирт сифатида манганин ва константа полосаларини кетма-кет улаб (кавшарлаб) ҳосил қилинган термоэлектр батарея ишлатилади. Батареянинг жуфт полосалари қоракуя б-н, тоқ полосалари оқ магнезия б-н қопланади. Қоракуя қуёш нурини оқ

Пиранометрнинг умумий кўриниши (Ю. Д. Янишевский пиранометри).

магнезияга нисбатан кўпроқ ютгани учун полосалар ўртасида температуралар фарқи вужудга келади, шунда сиртда э. ю. к. ҳосил бўлади. Унинг қуввати тушаётган қуёш радиациясига мутаносиб равишда ўзгариб туради. Радиация миқдори *гальванометр* б-н ўлчанади. Фақат тарқоқ радиацияни ўлчаш учун асбобни тўғри тушадиган қуёш нуридан тўсадиган экран қўлланади.

ПИРАНЬЯЛАР, пираньясимонлар (Serrasalmidae) — чучук сув балиқлари оиласи. Уз. 25—60 см. Гавдаси 2 ёндан яссилашган. Жағларида ўткир тишлари бор. 15 тури Амазонка ва Ориноко дарёлари ҳавзасида, Жан. Американинг шим.-шарқий қисмида тарқалган. Йиртқич, гала бўлиб яшайди. Балиқлар ва б. ҳайвонларга ҳужум қилади; одам учун ҳам хавфли. Оддий П. тўдаси бир неча минут давомида вазни 50 кг га яқин ҳайвонни еб қўяди. Овланмайди. Айрим турлари аквариумларда боқилади.

ПИРАРГИРИТ (юн. рут — олов ва argyros — кумуш) — кимёвий таркиби Ag_3SbS_3 дан иборат минерал; таркибида 59,76% Ag; 22,48% Sb; 17,76% S мавжуд. Тригонал сингонияда кристалланади. Нотўғри шаклдаги донача ва уларнинг агрегатлари, шунингдек, призмали кристаллик кўринишга эга. Ранги тўқ қизил, олмос каби ялтироқ; мўрт. Қаттиқлиги 2,5; зичлиги 5770—5860 кг/м³. П. кам тарқалган минерал. Гидротермал конларда паст ёки мўътадил т-раларда вужудга келади. РФ (Урал, Забайкалье, Узоқ Шарқ), Ўрта Осиё, Чехия, Мексика, Чили ва Боливияда П. конлари топилган. Ундан кумуш олинади.

ПИРГЕЛИОМЕТР (юн. рут — олов, helios — Қуёш, метр — ўлчайман) — Қуёш нурларига тик ўрнатилган юзага тўғри тушаётган қуёш нурланиши қувватини ўлчайдиган асбоб. Европада Онгстрём П. и. ишлатилади. Ўқора рангга бўялган иккита бир хил жуда юпқа манганин пластинкадан иборат бўлиб, улардан бирига Қуёш нурлари тушганда қизийди, нур тушмайдиган иккинчи пластинка эса электр токи ёрдамида қиздирилади. Пластинкаларга уланган термопара уларнинг т-раси тенг бўлганда ток кучини кўрсатмайди. Бу вақтда иккинчи пластинкадан ўтаётган ток қуввати биринчи пластинкага тушаётган Қуёш нурланиши қувватига тенг бўлади. Америкада эталон сифатида ичидан сув ўтадиган П. ишлатилади. Унда иккита бир хил найлар ичига қора рангга бўялган камералар ўрнатилган. Найлардан бирининг ичига Қуёш нурлари тушади ва қора камерани қиздиради, иккинчисига тушмайди ва унинг ичидаги камера электр токи ёрдамида иккала найдан чиқаётган сув оқимлари т-раси тенглашгунча қиздирилади. Иккинчи камерадан ўтаётган ток кучи қуввати Қуёш нурланишининг қувватига тенг деб ҳисобланади.

ПИРГЕОМЕТР (юн. рут — олов, ge — Ер ва ... *метр*) — ер сиртининг эффектив нурланиши (яъни ер сиртининг бевосита нурланиши б-н атмосферанинг рўпара нурланиши фарқи)ни ўлчаш учун мўлжалланган асбоб. П. газма-гал келадиган қора (ғадир-будир) ва никелланган (ялтироқ) металл полосалардан иборат мослама (радиация қабул қилгич) дан иборат (термоэлектр П.). Эффектив нурланишни ўлчаш учун

Пиргеометр. Қабул қилиш қисмининг тепа-ки кўриниши.

П.нинг қабул қилиш сирти дам-бадам осмон ва Ер томонга ўгириб турилади. Қора ва ялтироқ полосаларнинг нурланишини ютиш ва сочиш хусусияти турлича бўлганлиги учун т-ралар фарқи (термоток) пайдо бўлади. Термоток миқдори *гальванометр* б-н ўлчанади. П.нинг мутлақ компенсацион хили ҳам бор (В. А. Михельсон пиргеометри). Бунда полосалар қарама-қарши томонга қаратиб жойлаштирилган. У ер сиртининг эффектив нурланишини бевосита аниқлашга имкон беради.

ПИРЕЙ — Грециядаги шаҳар. Пирей номи (вилоятининг маъмурий маркази, Катта Афина таркибида. Аҳолиси 183 минг киши (1990-йилар ўрталари). Эгей денгизининг Саронакос қўлтиғидаги муҳим ташқи савдо порти. Латакия шта (Сурия) пароми қатнайди. Металлургия, машинасозлик (кемасозлик ва кема таъмирлаш), автомобиль йиғиш), кимё, цемент, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Антик давр бинолари қолдиқлари сақланган. Денгиз курорти. Туристлар кўп келади. Ҳарбий-денгиз базаси.

ПИРЕНЕЙ ТОҒЛАРИ — Европанинг жан.-ғарбидаги тоғ системаси. Испания, Франция ва Андорра ҳудудларида. Табиий чегараларига қараб П.т. Ғарбий, Марказий ва Шарқий қисмларга бўлинади. Бискай қўлтиғидан Ўрта денгизгача 450 км га чўзилган, эни 20—110 км, аксари қисмининг бал. 2500—3200 м, энг баланд жойи 3404 м (Ансето чўққиси). П.т. орқали Франция ва Испаниянинг давлат чегаралари ўтган.

Альп бурмаланиши даврида П.т.нинг гершн даврида вужудга келган негизи анча кўтарилган. Ўқ зонаси яхлит бўлиб, сувайирғич қисми ҳам бошдан охиригача узлуксиз давом этган. Довонлари 1500—2000 м баландликда. Шим. ён бағри тик, жан. эса қия. П.т.нинг плейстоцен даврида музланишга учраган энг баланд ўрта қисми, асосан, кристалли ва метаморфик жинслардан тузилган бўлиб, альп рельеф шаклларига эга. Тоғ тепаларидаги музликларнинг умумий майд. 40 км². Фойдали қазилмалардан темир ва марганец рудалари, қўнғир кўмир, боксит, кобальт, рух, висмут кондари, минерал сувли булоқлар бор. Курорт кўп. Иқлими П.т.нинг кўп қисмида мўътадил сернам, жан.-шарқида субтропик иқлим. Янв.нинг ўртача т-раси тоғ этакларида 4—8°, тоғ тепаларида —8°дан —10° гача, июлники шу жойларда 18—24° ва 5—6°. Йиллик ёғин шим. ён бағирларида 500—750 мм. П.т.нинг кўп қисмида ёғин йил давомида ёғади. Йирик дарёлари: Эбро, Адур ва Гаронна. Дарёлари йил давомида серсув, чуқур водийлар орқали оқади ва гидроэнергия ресурсларига бой. Карст рельефи ерларда ер ости кулари ва ирим қисмлари ер остида оқувчи дарёлар учрайди. Тоғ ён бағирларида кенг барглн ва игна барглн ўрмонлар бор. 1800—2100 м дан юқорида субальп ва альп ўтлоқлари. Жан. ва шарқий ён бағрида ўрмон б-н бирга маквис ва гарига чакалакзорлари ҳам учрайди. Тупроғи кўп жойларда жигарранг ва қунғир ўрмон тупроқлар. Табиий ландшафт ва ноёб ҳайвонларни сақлаш мақсадида миллий боғ ва қўриқхоналар ташкил қилинган. Альпинизм, туризм ривож топган, қишки спорт ўйинлари ўтказилади.

ПИРЕНЕЙ ЯРИМ ОРОЛИ, Иберия ярим ороли — Европанинг жан.-ғарбидаги ярим орол. Майд. 582 минг км². Атлантика океани б-н Ўрта денгиз оралиғида. Ҳинд. Африкадан Гибралтар бўғози орқали, Европанинг қолган қисмидан эса Пиреней тоғлари орқали ажралган. Ярмида *Испания, Португалия, Андорра* давлатлари ва *Гибралтар* жойланган. Қирғоқ чизиғи жуда кам қисмида текис. Ер юзаси ясситоғлик ва тоғлардан иборат. Ўртача бал. 1000—1500 м. Энг баланд жойи — Сьерра-Невада тизмасидаги Муласен тоғи (3478 м). Соҳили — пасттекислик. Тошкумир, темир рудаси, вольфрам, симоб, полиметалл рудалари, пирит конлари бор. Иқлими асосан, Ўрта денгизга хос субтропик, ғарбида сернам, океан иқлими. Янв.нинг ўртача т-раси 8—12°, июлники 18—28°. Максимал т-ра 40°, минимали —25°. Йиллик ёғин миқдори 800—1000 мм, тоғларда 1500—2000 мм, ички ҳудудларда 300—500 мм. Йирик дарёлари: Тахо, Гвадиана, Дуэро, Эбро, Гвадалквивир. Табиий ўсимликлари ўрта денгиз буталари (маквис, гарига), дашт ўсимликларидан иборат. Ҳудудининг 40% ўтлазор. Ўрмонлар ҳам учрайди.

ПИРЕТРОИДЛАР — *инсектицидлар*, циклопропанкарбон к-та ҳосиларига мансуб кимёвий бирикмалар гуруҳи. П.нинг нисбатан кичик норма ва паст концентрацияли иш суюқлигини кўпгина зарарли ҳашаротларга қарши қўллаганда юқори самарага эришиш мумкин. П. ғўза ва сабзавот экинлари зараркунандаларига қарши курашда истиқболли препаратлардан ҳисобланади. Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш ин-тида ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра қўллаш учун рухсат этилган препаратлар рўйхатига П.дан амбуш, децис, сумицидин, шимбуш, рипкорд, данитол, суми-альфа, талстар, каратэ киритилган.

Жуда кам ҳашаротхўрларга таъсир қилиш хусусиятига эга. Капалаклар, кунгизлар, қандалалар, пашшалар, ўсимлик битлари, каналар ва оққанотларга қарши қўлланганда яхши самара беради. Буғда, асосан, туя тунлами, қузги тунлам, ўсимлик битлари, қандалалар ва оққанотларга қарши кураш учун тавсия этилган. Сарф нормаси 0,4—1 кг/га; иш суюқлиги 200—300 л/га. Ўртача ҳафтн.

ПИРИ (Реалу Роберт Эдвин (1856.6.5, Крессон, Пенсильвания — 1920.20.2, Вашингтон) — Арктикани ўрганган америкалик тадқиқотчи, адмирал (1911). Гренландияга бир неча марта экспедициялар уюштириб, унинг шим. қисмини 2 марта кесиб ўтган (1892, 1895). 1909 й. 6 апр.да ит-лар қўшилган чангида 4 киши ҳамроҳигида Шим. қутбга етиб борган. Гренландия шим.-ғарбий ярим орол (Пири Ери) ва Канада Арктика архипелагининг шимдаги бутун П. номи б-н аталган.

ПИРИДИН, C_5H_5N — рангсиз, ўзига хос ҳидли органик суюқлик. Мол. м. 79,1, суюқланиш т-раси —42,7°, қайнаш т-раси 115,3°, зичлиги 981,9 кг/м³ (20° да). Сув ва кўпчилик органик эритувчилар б-н ҳар қандай нисбатда аралашади. Кучсиз асос, кислоталар б-н тузлар ҳосил қилади. Тошкумир смоласидан олинади. Бўёғчилар синтезида, доривор моддалар ва инсектицидлар олишда, эритувчи сифатида ишлатилади. Ҳосилалари, мас., 2-метил 5-винилпиридин винилпиридин каучуклар тайёрлашда қўлланади. П. заҳарли.

ПИРИДОКСИН, пиридоксол, B_6 витамини — сувда эрийдиган витамин; *пиридоп* ҳосиласи. Тўқимада пиридоксальфосфат (асосан, аминокислоталарнинг синтезланиш ва парчаланиш реакцияларида қатнашувчи кофермент)га айланади. Гўшт, балиқ, сут, жигар, хамиртуруш, кўпгина ўсимлик маҳсулотларида бўлади. Ичак микрофлораснда синтезланади. П. етишмаслиги одам ва ҳайвонларда дерматит, томир тортишиши, анемияга сабаб бўлади. Кимёвий синтезлаб олинадиган П. тиббиётда ишлатилади.

ПИРИЛДОҚ, бизбизак — ўз ўқи атрофида тез айланадиган мослама, ўйинчоқ. Қўл кучи, шамол, пружина ёки ип ёрдамида айлантириб юборилади. П.айлантириб юборилганда оғса-

Пирилдоқ. Айланиб турган пирилдоқ (*A* ва *B* ҳаракат йўналиши).

ғадики, йиқилмайди. П.нинг иши бевосита *инерция* қонунига боғлиқ. Унинг ҳар бир зарраси айланиш ўқига перпендикуляр бўлган айлана бўйлаб ҳаракат қилади. Ҳар бир зарра айланиш ўқига перпендикуляр текисликда қолдирган тарзда ҳаракат қилишга интилади. Шунинг учун П. йиқилмайди. Тутма тешикларидан ип ўтказиб, ипнинг икки учини бармоқларга кийгизган ҳолда ипни тез таранглаб, тез бўшатириб ўйналадиган П. бизбизак деб аталади. П.нинг хусусиятларидан техникада кенг фойдаланилади. Кемалар, самолётлар, космик аппаратларга П. хоссасига асосланган ҳар хил асбоблар, гироскоп, компас ва стабилизаторлар ўрнатилади.

ПИРИМИДИН, 1,3-диазин, $C_4H_4N_2$ — диазин синфига оид ўзига хос ҳидли, рангсиз кристалл модда. Суюқланиш т-раси 22,5°, қайнаш т-раси 124°, кучсиз асос. Сув, спирт ва эфирда яхши эрийди. П., одатда, 3-аминоакролеинэрийди. П., одатда, 3-аминоакролеинэрийди. П., одатда, 3-аминоакролеинни мочевина б-н конденсатлаб ёки 2-ни мочевина б-н конденсатлаб ёки 2-нитропропен-1,3-диальдегидни формамид ҳлор, 2,4-дихлор, 2, 4, 6-трихлор П.ни асослар иштирокида қайтариб олинади. П. ядроси витамин B_1, коэнзим (уридинфосфатглюкоза), антибиотиклар (аминетин, блеомицин), доривор препаратлар (барбитуратлар, пиримидин, сульфамидлар, фторафур), кучли заҳарлар (тетродоксин), нуклеин кислоталар ва б. таркибига киради. Биологик жараёнларда аҳамияти муҳим.

Пиримидин асослари, пиримидиннинг гетероциклик азотли асослари ҳосилалари бўлмиш табиий бирикмалар гуруҳи. Организмнинг ҳаёт фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Нуклеин кислоталар, нуклеотидлар, коферментлар ва б. таркибига киради.

ПИРИТ (юн. pyrites lithos — учқун берувчи тош), олтингугурт колчедани, темир колчедани — минерал. Кимёвий таркиби FeS_2 (46% Fe, 53,4% S); Co, Ni, As, Cu, Au, Se ва б. аралашмалари бўлади. Куб, пентагондодекаэдр, баъзида октаэдр кристаллар ҳосил қилиб, куб сингонияда кристалланади. Зич донадор массалар, шарсимон конкрецияэлар шаклида кўп учрайди. Оч.-саргиш-кўнғир рангли, металлсимон ялтироқ. Қаттиқлиги 6—6,5; зичлиги 4900—5200 кг/м³. П. гидротермал конларда, колчеданли қатламларда кенг тарқалган. П. сульфат кислотаси, олтингугурт ва темир купороси учун хом ашё ҳисобланади. РФ (Урал, Олтой), Қозоғистон, Норвегия, Испания, Италия, Кипр, АҚШ, Канада ва Японияда П. конлари топилган.

ПИРМАСТИЙ Афзали (1840 — Бухоро — 1915) — шоир ва тазкиранавис. Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Тиб ва ботпорат илмини ҳам яхши билган. Пирмаст қишлоғида 3 йил муфтий бўлиб ишлаган. 1900 йда сарой хизматига кириб, амир *Абдулаҳад* топширигига кўра, тазкира тузиш б-н шуғулланган. «Афзал ут-тазкир фи зикр ушшуаро вал-ашъор» («Шоирлар ва шеър тўғрисида энг афзал тазкира», 1904) тазкираси адабиётшунослик тарихида «Афзал ут-тазкир» («Тазкираларнинг афзали») номи б-н машҳур бўлиб, унда 19-а. 2-ярми ва 20-а. бошларида Бухоро ва Самарқанд, Наманган театрларида ишлаган. 1924 й. Тошкентда ўтказилган «қулдирувчилар мусобақаси»нинг ғолиби бўлган. 1927 й.дан киноактёр. П. эпизодик роллар устаси сифатида танилган. У овозсиз кино («Масжид гумбазлари остида»да Умарнинг дўсти; «Соябон арава»да Жўрабой; «Равот қашқирлари»да Акромхон. «Махов қиз»да Саидмурод ва б.) давриданоқ етакчи киноактёрлардан бўлган. Бу даврда у овозсиз кинонинг энг яхши анъаналарини ўзлаштириб, ўзининг кейинги фаолияти учун муҳим замин тайёрлаган. Биринчи ўзбек овозли фильми «Қасам»да Раҳим милиционер образини яратди. П. ижодида халқ театри анъаналари, замонавий саҳна санъати ютуқлари ва кино эстетикаси маданиятига хос хусусиятлар уйғунлаша борган. У амир айғоқчиси («Насриддин Бухорода»), Абулмалик («Алишер Навоий»), Абдулҳайр («Абу Али ибн

Раҳим Пирмуҳамедов вазир ролида («Икки дил достони»).

Сино»), карвонсарой соқчиси, кўса («Тоҳир ва Зуҳра»; «Насриддиннинг саргузаштлари») сингари чуқур миллий, ҳаётий образлар яратди. Турли хил хатти-ҳаракатлар, ўзига хос мимика ва б. воситалар б-н образларига сатирик ва юмористик бўёқ бериб, уларни турли драматик кулгили ҳолатларда намойиш этиш П. ижодига хос. «Фурқат» фильмидаги қотил, «Ўтган кунлар»даги Қушбеги, «Маҳаллада дув-дув гап»даги Арслонбек, «Сен етим эмассан»даги чипта назоратчиси каби салбий образлар ўзининг тўлақонлилиги, ранг-баранглиги, сатирик бўёқларга, миллий колоритга бойлиги б-н ажралиб туради. Иброҳим ошпаз («Гуллар очилганда»), Акмал қизиқчи («Наташахоним»), Вазир («Икки дил достони») каби роллари ўзбек киноси зарварақларидан ўрин олди. «Шиддат» фильмидаги Муллабой унинг ижодидаги сўнгги образ бўлди. «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2003).

Ад.: Акбаров Х., Раҳим Пирмуҳамедов, М., 1970; Тешабаев Дж., Рахим Пирмухамедов, Т., 1970.

ПИРМУҲАММАД Мирзо (1376—1407.22.2) — темурий шаҳзода, *Амир Темур*нинг набираси, *Муҳаммад Жаҳонгир* Мирзонинг ўғли. Отасининг ўлимидан 40 кун ўтгач, Бахт Мулк Оғо бегимдан туғилган. 1392 й.да Амир Темур Fазна, Кобул, Зобулистон, Қандаҳор вилояти ва Синд. дарёсигача бўлган ерларни П. тасарруфига топширган эди. У бобоси Амир Темурнинг бир неча ҳарбий юришларида, жумладан, Ҳиндистон фатҳида қатнашган. Амир Темур вафоти олдидан П.ни ўзига валиаҳд деб эълон қилган. Бироқ П.ни бошқа темурий шаҳзодалар ва ҳатто Ўтрорда турган қўшин бошлиқлари (амир Шоҳ Малик ва Шайх Нуриддин ва б.) ҳам тан олмаганлар. Ҳар бир вилоят ҳокими Соҳибқирон вафотидан сўнг ўз номидан танга зарб этиб, номини хутбага қўшиб айтадиган бўлган. Темурийлар тахтига *Халил Султон* ўтирган. У П.га қарши 1405 й. майда Султон Ҳусайн бошчилигида қўшин (30000 киши) тортган ва Балхни эгаллаган. Султон Ҳусайн Халил Султонга қарши исён кўтариб Самарқандга юриш қилган. Халил Султон уни 6 июлда Чекдолик (Шаҳрисаб) жан.дида тормор келтирган ва уни таъқиб этиб Балхни эгаллаган. Султон Ҳусайн Шоҳрухон ва Андхуд ҳокими Сулаймоншоҳ (Амир Темурнинг жияни) ҳузуридан паноҳ топган. П. Сулаймоншоҳдан Султон Ҳусайнни беришини қатъиқ талаб қилган, рад жавоби олгач, унга қарши 3000 отлиқдан иборат қўшин жўнатган. Сулаймоншоҳ ва Султон Ҳусайн Ҳиротга, Шоҳрух ҳузурига қочиб боришган. Шоҳрух П.нинг талабини тўғри деб топган, Султон Ҳусайн қамоққа олиниб, қатл этилган ва унинг бош териси ичига сомон тўлгазилиб П.га жўнатилган. П. Сулаймоншоҳ устидан қозонган ғалабасидан кейин Балхни олган ва Мовароуннаҳрга қарши биргаликда курашиш учун Шоҳрух б-н музокаралар олиб борган. Шоҳрух ундан юришни кечиктиришни сўраган, бироқ П. ўжарлик қилиб, Қарши томон ҳаракат қила бошлаган. 1406 й. 20 февр.да Қарши яқинида Халил Султон б-н жанг қилиб мағлубиятга учраган. П. Балхга қочган ва бир йилдан сўнг қотил Пир Али Тоз томонидан ўлдирилган. Шоҳрух П.ни ўчини олиш мақсадида қўшин тортиб Балхни эгаллаб олган ва 1370 й. Амир Темур томонидан бузиб ташланган шаҳар қўрғонини қайта тиклаган.

Манба: Абдураззоқ Самарқандий, Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн, Т., 1969.

Ад.: Файзиев Т., Темурийлар шажараси, Т., 1995.

ПИРМУҲАММАДХОН (? — 1567.12.3) — Балх ҳокими (1546—67). *Шайбонийлар*дан. *Жонибек Султон*нинг ўғли. П. даврида Балх ҳокимлиги кучайиб, тўлиқ мустақил хонликка айланган. Бухоро хони Абдулазиз (1540—50) Балхнинг мустақиллигига барҳам бериш мақсадида катта ҳарбий юришга отланган, бироқ бу сафар унинг вафоти туфайли қолдирилган. Бухоро тахтига Муҳаммадёр Султон ўтқазилган. П. таъзия изҳор этиш учун Бухорога келиб, турли найранглар б-н тахтни эгаллаб олган (1550 й. 18 авг.). Бироқ амалдорлар ва уламоларнинг аксарияти П.ни қўллаб-қувватламаган. Жўйбор хожаларидан Хожа Муҳаммад Ислом ҳам уни тан олмаган. П. шундан сўнг Бухоро тахтига ўз кишиси — шайбонийлардан Убайдулла Султон (Ўзбекхон номи б-н кирок машҳурини утказишга эришган. У Бухорода озми-кўпми ҳокимдор сифатида бир неча марта турган, лекин амирлар ва айни Хожа Муҳаммад Ислом дан кумак ололмагач, Бухорони тарк этишга, тахтни яна Муҳаммадер Султонга қайтаришга мажбур бўлган. Мовароуннаҳрдаги ички низолар кучайган даврда (1551—56) П. живини Абдуллахонни (қ. *Абдуллахон II Наврўз Аҳмадхонга* қарши курашини қувватлаб турган. Наврўз Аҳмадхон вафотидан фойдаланган Абдуллахон Бухорони эгаллаган. П. номига хутба укилган. П. 1561 й. 18 апр.гача шайбонийларнинг олий хони бўлиб қолган, гарчи унинг номига хутба укилиб, танга зарб эттирилса-да, у фақат номигагина хон эди. Балхнинг ва Балхдаги нотинчликлар сабабли П. Балхни тарк этиб, Бухорога кела олмаган. Шунинг учун бу ерда 1557 йдан амалда Абдуллахон ҳукмронлик қилган. Балхнинг ҳокими темурий Сулаймоншоҳ 1560 й. июл—авгда Балхга юриш қилганда П. Абдуллахондан ёрдам сўраган. Чашмаи козирон деган жойдаги жангда шайбоний султонлар ғалаба қилишган. Бундан руҳланган П. Тоҳаристондаги Қундуз ва Толиқон шаҳарларини эгаллаш мақсадида 1560 й. 5 сент. да юриш қилган. 1561 й. П. б-н Абдуллахон ўртасида ихтилоф юзага келган, бунга сабаб П.нинг Бухорони Абдуллахондан тортиб олиб, эвазига унга Балхни бермоқчи эканлиги бўлган. Бироқ, бунга П.нинг ўғли Динмуҳаммад султон норози бўлиб, отасига қарши исён кўтарган. Хожа Муҳаммад Ислом ҳам бунга қарши чиққан. Абдуллахон Қарманадан отаси Искандархонни келтириб тахтга ўтқазган (1561 й. май) ва П. номини хутбадан чиқариб ташлаган. П. фаол ички ва ташқи сиёсат юргизган. Унинг даврида Балх хонлиги Абивард, Марв вилояти ва Термиз ҳисобига кенгайган. Жанд.даги Гурзувон ва Гарчистон вилоятлари чегаралари мустаҳкамланган.

Ад.: Ахмедов Б. А., История Балха, Т., 1982.

Фахриддин Ҳасанов.

ПИРОГАЛЛОЛ, пирогаллол кислота ёки 1, 2, 3 — тригидроксибензол — органик бирикма, 3 атомли фенол; рангсиз, ҳидсиз, ҳавода қораядиган кристалл модда. Мол.м. 126,11, суюқланиш т-раси 133—134°, қайнаш т-раси 309°. Сувда, спиртда ва эфирда яхши эрийди, заҳарли, кучли қайтарувчи. П.нинг ишқорий эритмалари молекуляр кислородни тез ва миқдорий ютиш хусусиятига эга бўлгани сабабли газларни анализ қилишда кўлланади. Саноатда галла кислотани кўруқ ҳайдаб декарбоксиллаб олинади. Аналитик кимёда, тиббиётда ва фотографияда ишлатилади. Баъзи бир бўяғичларни синтез қилишда бошланғич модда ҳисобланади.

ПИРОГОВ Николай Иванович [1810.13.(25), 11. Москва — 1881.23.11(5.12), ҳ/т. Винница яқинида] — рус хирурги ва анатоми, педагоги, жамоат арбоби; ҳарбий-дала хирургияси ва хирургиядаги анатомик-эксперимент ал йўналиш асосчиси. Петербург ФА мухбир аъзоси (1847). Севастополь мудофааси (1854—55)нинг, франц-рус (1870—71) ва рус-турк (1877—78) урушларининг қатнашчиси. Илк бор жанг майдонида *наркоз* учун эфир ишлатиб операция қилган (1847), кўзгалмас *гипс боғлов* қўллаган, бир қатор муҳим операциялар ва хирургик усулларни таклиф этган. Россияда *пластик операция*, жаҳонда эса суяк пластикаси соҳасини биринчи бўлиб илгари сурган; маориф соҳасида ун-тлар автономияси, яллиғ бошланғич таълим тарафдори бўлган. Вабонинг патологик анатомияси бўйича қимматли тадқиқотлар ўтказган (1849). «Топографик анатомия» атласи (1—4 жилдлар, 1859—54) жаҳон миқёсида шуҳрат қозонган.

Ас.: Собр. соч., т. 1—8, М. 1957—62; Избр. педагогические сочинения М., 1953.

Ад.: Гесселевич А. М., Н. И. Пирогов, М., 1969.

ПИРОКАТЕХИН, 1,2—дигидроксибензол — рангсиз кристалл модда. Мол. м. 110,10, суюқланиш т-раси 105°, қайнаш т-раси 240°, зичлиги 1,371 г/см³. Сув, бензол, толуол, спирт ва эфирда эрийди. П. фталат ангидрид б-н бирга эритилганда *ализарин* ва гистазарин бўяғичлар ҳосил бўлади. Саноатда П. *о.*-хлорфенол ёки фенолсульфокислоталарни ишқор б-н эритиб олинади. Гваякол, ализарин ва адреалин и.ч. да, жунни бўяшда, анатилик кимёда, шунингдек, фотографияда қайтарувчи сифатида ишлатилади.

ПИРОКЛАСТИК ЖИНСЛАР (юн. руг — олов ва klao — синдираман) — вулкандан отилиб чиққан маҳсулотлар қотишмидан пайдо бўлган чақиқ тог жинслари. Таркиби базальт, андезит, липарит, трахитли вулкан жинсларидан иборат. П.ж. доначаларининг гузилиши жиҳатидан йирик (псефитли), ўрта (псаммитли), майда (алевритли, пелитли) бўлакли жинсларга бўлинади. П.ж. қатламланиб, игнимбритлардек жинсланиб кетади ёки диагенезга учрайди. Бу жинслар қурилиш материаллари сифатида ишлатилади. П.ж. таркибини ва таркалиш қонуниятини тўлиқ ўрганиш улар б-н боғлиқ конларни қидириб топишда муҳим аҳамиятга эга.

ПИРОКСЕНИТ — бир ёки бир неча *пироксен*лардан иборат ўта асосли тог жинси. Баъзан дала шпати, оливин ва магнетит ёки титаномагнетит аралашган бўлади. П. габбро-перидотитли магматик тог жинслари гуруҳига мансуб. Таркибидаги пироксен ва руда минерали турига қараб П. ортопироксенит, клинопироксенит, бронзитит, гиперстенит, вебстерит (лерцолит) каби турларга бўлинади. Ундан ташқари, гранат, ильменит, слюда, плагиоклаз ва асосий акцессор минераллар сифатида хромшпинелидлар б-н магнетит кўшилади. П.да 43—53% SiO_2, 4—10% Al_2O_3, 5—13% $FeO+F_2O_3$, 13—24% MgO ва 9—20% CaO бўлади. П. гипербазитлар таркибига киради. Кўпинча ишқорли жинслар ва карбонатитларда апатит, нодир-ер элементлари ва б. фойдали қазилмалар б-н бирга учрайди.

ПИРОКСЕНЛАР (юн. руг — олов ва xenos — бегона) — занжирли силикатлар кичик гуруҳига мансуб тог жинсларини ҳосил қилувчи минераллар гуруҳи. Кимёвий таркиби $Me_2[Si_2O_6]$, бунда Me — магний, кальций, темир ва б. металлар катионлари. Кристаллографик белгиларига қараб ромбик ва моноклин П. бўлади. Ромбик П. магний, темир метасиликатларидан иборат узлуксиз изоморф аралашма $Mg_2[Si_2O_6]$ $Fe_2[Si_2O_6]$ қаторини ҳосил қилади. Магнийли энстатит — $Mg_2[Si_2O_6]$ ва магний-темирли гиперстен — $(MgFe)_2[Si_2O_6]$ кўп тарқалган. Моноклин П.нинг таркибида магний ва темирдан ташқари кальций ҳам бўлиб, бу гуруҳга диопсид, геденбергит, авгит, жадеит, эгирин ва сподумен минераллари киради. Моноклин П. асосан, скарнларда ва эффузив жинсларда учрайди. Қаттиқлиги 5—6,5; зичлиги 3100—3600 кг/м³.

Ромбик ва моноклин П. минерали ўта асосли тог жинслари (пироксенитлар)ни ташкил қилади, шунингдек, бошқа ўта асосли тог жинслари (перидотитлар, гарцбургитлар ва б.) таркибига киради. Моноклин П. кенг тарқалган. Диопсид — геденбергитлар — контакт метасоматик скарнларнинг одатдаги минералларидир; авгитлар магматик тог жинслари (базальт, андезит, габбро, диорит ва б.)да учрайди; эгирин — ишқорий сиенитларнинг одатдаги минерали; жадеит айрим метаморфик тог жинсларида бўлади; сподумен фақат литийли пегматитларда-гина мавжуд. Моноклин П. (авгитлар) ойдаги базальтларнинг асосий минерали ҳисобланади.

Гидротермал эритмалар таъсирида П. серпентин, шоҳ алдамчиси (уралит), хлорит, эпидот ва б.га ўтади. Сиртқи нурли жараёнида эса П. монтмориллонит ва б.га айланади. Сподумен — Li ажратиб олинадиган қимматли руда, унинг тиниқ, шаффоф турлари қимматбаҳо тош сифатида ишлатилади; жадеит — ясама тош.

ПИРОКСИЛИН — портловчи модда; целлюлоза ва нитрат кислотанинг мураккаб эфири (қ. *Нитроцеллюлоза*).

ПИРОЛИЗ (юн. руг — олов ва ...*лиз*) — пиротехник жараёнлардан бири; мураккаб моддаларни уларга ҳаво бермай (кўпинча катализаторлар б-н) юқори т-ра таъсирида оддий моддаларга парчалаш. П. техникада, мас., нефтни қайта ҳайдашда (бензин миқдорини ошириш ва ароматик углеводлардан олиш учун) кенг қўлланади. Нефтни махсус печларда 600—750° гача қиздирганда углеводородгача бўлган мол. м.си кичик бирикмалар ҳосил бўлади; айни вақтда зичланиш реакцияси рўй бериб, мол. м.си юқори бўлган моддалар, ароматик ва тўйинмаган углеводородлар вужудга келади. Нефть П. қилинганда углеродли қолдиқ, нефть кокси ва б. ҳосил бўлади. Т-ра, босим ва қиздириш давомийлиги П. натижасига таъсир қилади. П. қ.ҳ. да ишлатиладиган заҳарли кимёвий воситалар, халқ хўжалигининг турли тармоқларида қўлланадиган углеводородлар (ёғоч спирти, сирка кислота ва б.), қазиб олинадиган кўмирлардан *кокс*, газ ва б. олишда қўлланади. Саноатда металл карбонилларини П.га учратиб металл кукунлари ҳосил қилинади. $CaCO_3$ дан кальций оксиди, баъзи анорганик тузларни пирогидролиз қилиш йўли б-н оксидлар олинади.

ПИРОЛЮЗИТ (юн. руг — олов ва luo — ювaман), полианит — оддий оксидлар кичик синфига мансуб минерал. Кимёвий таркиби — MnO_2, таркибида Mn 55—63%; Ba, Na, K ва б., маълум миқдорда сув бўлади. Тетрагонал сингонияда кристалланади; кристаллари структураси рутил типли. Кўпинча яширин кристалл тупроқсимон кукун массалар ҳосил қилади; марганец, қисман темир гидроокислари ва б. аралашган бўлади. Ранги кулранг, қора; металлсимон ялтироқ. Қаттиқлиги 2—6 (полианит 6—6,5), зичлиги

Раҳим Пирмуҳамедов вазир ролида («Икки дил достони»).

Сино»), карвонсарой соқчиси, кўса («Тоҳир ва Зуҳра»; «Насриддиннинг саргузаштлари») сингари чуқур миллий, ҳаётий образлар яратди. Турли хил хатти-ҳаракатлар, ўзига хос мимика ва б. воситалар б-н образларига сатирик ва юмористик бўёқ бериб, уларни турли драматик кулгили ҳолатларда намойиш этиш П. ижодига хос. «Фурқат» фильмидаги қотил, «Ўтган кунлар»даги Қушбеги, «Маҳаллада дув-дув гап»даги Арслонбек, «Сен етим эмассан»даги чипта назоратчиси каби салбий образлар ўзининг тўлақонлилиги, рангбаранглиги, сатирик бўёқларга, миллий колоритга бойлиги б-н ажралиб туради. Иброҳим ошпаз («Гуллар очилганда»), Акмал қизиқчи («Наташахоним»), Вазир («Икки дил достони») каби роллари ўзбек киноси зарварақларидан ўрин олди. «Шиддат» фильмидаги Муллабой унинг ижодидаги сўнгги образ бўлди. «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2003).

Ад.: Акбаров Х., Раҳим Пирмуҳамедов, М., 1970; Тешабаев Дж., Рахим Пирмухамедов, Т., 1970.

ПИРМУҲАММАД Мирзо (1376—1407.22.2) — темурий шаҳзода. *Амир Темур*нинг набираси, *Муҳаммад Жаҳонгир* Мирзонинг ўғли. Отасининг ўлимидан 40 кун ўтгач, Бахт Мулк Оғо бегимдан туғилган. 1392 й.да Амир Темур Ғазна, Кобул, Зобулистон, Қандаҳор вилояти ва Синд. дарёсигача бўлган ерларни П. тасарруфига топширган эди. У бобоси Амир Темурнинг бир неча ҳарбий юришларида, жумладан, Ҳиндистон фатҳида қатнашган. Амир Темур вафоти олдидан П.ни ўзига валиаҳд деб эълон қилган. Бироқ П.ни бошқа темурий шаҳзодалар ва ҳатто Ўтрорда турган қўшин бошлиқлари (амир Шоҳ Малик ва Шайх Нуриддин ва б.) ҳам тан олмаганлар. Ҳар бир вилоят ҳокими Соҳибқирон кафотидан сўнг ўз номидан танга зарб этиб, номини хутбага қўшиб айтилиган бўлган Темурийлар тахтига *Халил Султон* утирган. У П.га қарши 1405 й. майда Султон Ҳусайн бошчилигида қўшин (30000 киши) тортган ва Балхни эгаллаган. Султон Ҳусайн Халил Султонга қарши исён кўтариб Самарқандга юриш қилган. Халил Султон уни 6 июлда Чеклолик (Шаҳрисабз жандасида тормор келтирган ва уни таъқиб этиб Балхни эгаллаган. Султон Ҳусайн Шоҳрухга ва Андхуд ҳокими Сулаймоншоҳ (Амир Темурнинг жияни) ҳузурилан паноҳ топган. П. Сулаймоншоҳдан Султон Ҳусайнни беришини қаттиқ талаб қилган, рад жавоби олгач, унга қарши 3000 отлиқдан иборат қўшин жўнатган. Сулаймоншоҳ ва Султон Ҳусайн Ҳиротга, Шоҳрух ҳузурига қочиб боришган. Шоҳрух П.нинг талабини тўғри деб топган, Султон Ҳусайн қамоққа олиниб, қатл этилган ва унинг бош териси ичига сомон тўлғазилиб П.га жўнатилган. П. Сулаймоншоҳ устидан қозонган галабасидан кейин Балхни олган ва Мовароуннаҳрга қарши биргаликда курашиш учун Шоҳрух б-н музокаралар олиб борган. Шоҳрух ундан юришни кечиктиришни сўраган, бироқ П. ўжарлик қилиб, Қарши томон ҳаракат қила бошлаган. 1406 й. 20 февр.да Қарши яқинида Халил Султон б-н жанг қилиб маглубиятга учраган. П. Балхга қочган ва бир йилдан сўнг қотил Пир Али Тоз томонидан ўлдирилган. Шоҳрух П.ни ўчини олиш мақсадида қўшин тортиб Балхни эгаллаб олган ва 1370 й. Амир Темур томонидан бузиб ташланган шаҳар қўрғонини қайта тиклаган.

Манба: Абдураззоқ Самарқандий, Матлаи саъдайн ва мажман баҳрайн, Т., 1969.

Ад.: Файзиев Т., Темурийлар шажараси, Т., 1995.

ПИРМУҲАММАДХОН (? — 1567.12.3) — Балх ҳокими (1546—67). *Шайбонийлар*дан. *Жонибек Султон*нинг ўғли. П. даврида Балх ҳокимлиги кучайиб, тўлиқ мустақил хонликка айланган. Бухоро хони Абдулазиз (1540—50) Балхнинг мустақиллигига барҳам бериш мақсадида катта ҳарбий юришга отланган, бироқ бу сафар унинг вафоти туфайли қолдирилган. Бухоро тахтига Муҳаммадёр Султон ўтқазилган. П. таъзия изҳор этиш учун Бухорога келиб, турли найранглар б-н тахтни эгаллаб олган (1550 й. 18 авг.). Бироқ амалдорлар ва уламоларнинг аксарияти П.ни қўллаб-қувватламаган. Жўйбор хожаларидан Хожа Муҳаммад Ислом ҳам уни тан олмаган. П. шундан сўнг Бухоро тахтига уз кишиси — шайбонийлардан Умаршоҳ Султон (Ўзбекхон номи б-н кирок машҳурини утқазишга эришган. У Бухорода олий ҳукмдор сифатида бир неча йил турган, лекин амирлар ва шоҳ Хожа Муҳаммад Исломдан кумак ололмагач, Бухорони тарк этишга, тахтни яна Муҳаммадер Султонга қайтаришга мажбур бўлган. Мовароуннаҳрдаги ички низолар кучаган даврда (1551—56) П. жияни Абдуллахонни ўз *Абдуллатиф Ибн Наврўз Аҳмадхон*га қарши курашини қувватлаб турган. Наврўз Аҳмадхон вафотидан фойдаланган Абдуллахон Бухорони эгаллаган. П. номига хутба укилган. П. 1561 й. 18 апрлача шайбонийларнинг олий хони бўлиб қолган, гарчи унинг номига хутба укилиб, танга зарб эттирилган бўлса-да, у фақат номигагина хон эди. Балахшон ва Балхдаги нотинчликлар сабабли П. Балхни тарк этиб, Бухорога кела олмасди. Шунинг учун бу ерда 1557 йлан амалда Абдуллахон ҳукмронлик қилган. Балахшон ҳокими темурий Сулаймоншоҳ 1560 й. июл—авгда Балхга юриш қилганда П. Абдуллахондан ёрдам сўраган. Чашман козирон деган жойдаги жангда шайбоний султонлар галаба қилишган. Бундан руҳланган П. Тохаристондаги Кундуз ва Толиқон шаҳарларини эгаллаш мақсадида 1560 й. 5 сент. да юриш қилган. 1561 й. П. б-н Абдуллахон ўртасида ихтилоф юзага келган, бунга сабаб П.нинг Бухорони Абдуллахондан тортиб олиб, эвазига унга Балхни бермоқчи эканлиги бўлган. Бироқ, бунга П.нинг ўғли Динмуҳаммад султон норози бўлиб, отасига қарши исён кўтарган. Хожа Муҳаммад Ислом ҳам бунга қарши чиққан. Абдуллахон Карманадан отаси Искандархонни келтириб тахтга ўтказган (1561 й. май) ва П. номини хутбадан чиқариб ташлаган. П. фаол ички ва ташқи сиёсат юргизган. Унинг даврида Балх хонлиги Абивард, Марв вилояти ва Термиз ҳисобига кенгайган. Жандаги Гурзувон ва Гарчистон вилоятлари чегаралари мустаҳкамланган.

Ад.: Ахмедов Б. А., История Балха, Т., 1982.

Фахриддин Хасанов.

ПИРОГАЛЛОЛ, пирогаллол кислота ёки 1, 2, 3 — тригидроксибензол — органик бирикма, 3 атомли фенол; рангсиз, ҳидсиз, ҳавода қораядиган кристалл модда. Мол.м. 126,11, суюқланиш т-раси 133—134°, қайнаш т-раси 309°. Сувда, спиртда ва эфирда яхши эрийди, заҳарли, кучли қайтарувчи. П.нинг ишқорий эритмалари молекуляр кислородни тез ва миқдорий ютиш хусусиятига эга бўлгани сабабли газларни анализ қилишда қўлланади. Саноатда галла кислотани қуруқ ҳайдаб (декарбоксиллаб) олинади. Аналитик кимёда, гистологияда ва фотографияда ишлатилади. Баъзи бир бўёқларни синтез қилишда бошланғич модда ҳисобланади.

ПИРОГОВ Николай Иванович [1810.13.(25). 11. Москва — 1881.23.11(5.12)], ҳақ. Винница яқинида] — рус хирурги ва анатоми, педагог, жамоат арбоби; ҳарбий-дала хирургияси ва хирургиядаги анатомик-эксперимental йуналиш асосчиси. Петербург ФА мухбир аъзоси (1847). Севастополь мудофааси (1854—55)нинг, франц-прус (1870—71) ва рус-турк (1877—78) урушларининг қатнашчиси. Илк бор жанг майдонида *наркоз* учун эфир ишлатиб операция қилган (1847), кўзгалмас *гипс боғлам* қўллаган, бир қатор муҳим операциялар ва хирургик усулларни таклиф этган. Россияда *пластик операция*, жаҳонда эса сунъ пластикаси гоясини биринчи бўлиб илгари сурган; маориф соҳасида ун-тлар автономияси, илм бошланғич таълим тарафдори бўлган. Вабонинг патологик анатомияси бўйича қимматли тадқиқотлар ўтказган (1849). «Топографик анатомия» атласи (1—4 жилдлар, 1859—54) жаҳон миқёсида шуҳрат қозонган.

Ас.: Собр. соч., т. 1—8, М. 1957—62; Избр. педагогические сочинения М., 1953.

Ад.: Гесселевич А. М., Н. И. Пирогов, М., 1969.

ПИРОКАТЕХИН, 1,2—дигидроксибензол — рангсиз кристалл модда. Мол. м. 110,10, суюқланиш т-раси 105°, қайнаш т-раси 240°, зичлиги 1,371 г/см³. Сув, бензол, толуол, спирт ва эфирда эрийди. П. фталат ангидрид б-н бирга эритилганда *ализарин* ва гистазарин бўяғичлар ҳосил бўлади. Саноатда П. *о.*-хлорфенол ёки фенолсульфокислоталарни ишқор б-н эритиб олинади. Гваякол, ализарин ва адреалин и.ч. да, жунни бўяшда, анатилик кимёда, шунингдек, фотографияда қайтарувчи сифатида ишлатилади.

ПИРОКЛАСТИК ЖИНСЛАР (юн. руг — олов ва klao — синдираман) — вулкандан отилиб чиққан маҳсулотлар қотишмидан пайдо бўлган чақиқ тог жинслари. Таркиби базальт, андезит, липарит, трахитли вулкан жинсларидан иборат. П.ж. доначаларининг тузилиши жиҳатидан йирик (псефитли), ўрта (псаммитли), майда (алевритли, пелитли) бўлакли жинсларга бўлинади. П.ж. қатламланган, интимбритлардек жинсларнинг кетаси ёки диагенезга учрайди. Бу жинслар қурилиш материаллари сифатида ишлатилади. П.ж. таркибини ва тарқалиш қонуниятини тулиқ ўрганиш улар б-н боғлиқ конларни қидириб топишда муҳим аҳамиятга эга.

ПИРОКСЕНИТ — бир ёки бир неча *пироксен*лардан иборат ўта асосли тог жинси. Баъзан дала шпати, оливин ва магнетит ёки титаномагнетит аралашган бўлади. П. габбро-перидотитли магматик тог жинслари гуруҳига мансуб. Таркибидаги пироксен ва руда минерали турига қараб П. ортопироксенит, клинопироксенит, бронзитит, гиперстенит, вебстерит (лерцолит) каби турларга бўлинади. Ундан ташқари, граднат, ильменит, слюда, плагиоклаз ва асосий акцессор минераллар сифатида хромшпинелидлар б-н магнетит кўшилади. П.да 43—53% SiO_2, 4—10% Al_2O_3, 5—13% $FeO+F_2O_3$, 13—24% MgO ва 9—20% CaO бўлади. П. гипербазитлар таркибига киради. Кўпинча ишқорли жинслар ва карбонатитларда апатит, нодир-ер элементлари ва б. фойдали қазилмалар б-н бирга учрайди.

ПИРОКСЕНЛАР (юн. руг — олов ва xenos — бегона) — занжирли силикатлар кичик гуруҳига мансуб тог жинсларини ҳосил қилувчи минераллар гуруҳи. Кимёвий таркиби $Me_2[Si_2O_6]$, бунда Me — магний, кальций, темир ва б. металлар катионлари. Кристаллографик белгиларига қараб ромбик ва моноклин П. бўлади. Ромбик П. магний, темир метасиликатларидан иборат; улзуксиз изоморф аралашма $Mg_2[Si_2O_6]$ $Fe_2[Si_2O_6]$ қаторини ҳосил қилади. Магнийли энстатит — $Mg_2[Si_2O_6]$ ва магний-темирли гиперстен — $(MgFe_2)[Si_2O_6]$ кўп тарқалган. Моноклин П.нинг таркибида магний ва темирдан ташқари кальций ҳам бўлиб, бу гуруҳга диопсид, геденбергит, авгит, жадеит, эгирин ва сподумен минераллари киради. Моноклин П. асосан, скарнларда ва эффузив жинсларда учрайди. Қаттиқлиги 5—6,5; зичлиги 3100—3600 кг/м³.

Ромбик ва моноклин П. минералли ўта асосли тог жинслари (пироксенитлар)ни ташкил қилади, шунингдек, бошқа ўта асосли тог жинслари (перидотитлар, гартбургитлар ва б.) таркибига киради. Моноклин П. кенг тарқалган. Диопсид — геденбергитлар — контакт метасоматик скарнларнинг одатдаги минералларидир; авгитлар магматик тог жинслари (базальт, анлезит, габбро, диорит ва б.)да учрайди; эгирин — ишқорий сиенитларнинг одатдаги минерали; жадеит айрим метаморфик тог жинсларида бўлади; сподумен фақат литийли пегматитларда учрайди. Моноклин П. (авгитлар) ойдаги базальтларнинг асосий минерали ҳисобланади.

Гидротермал эритмалар таъсирида П. серпентин, шох алдамчиси (уралит), хлорит, эпидот ва б.га ўтади. Сиртқи нураш жараёнида эса П. монтмориллонит ва б.га айланади. Сподумен — Li ажратиб олинадиган қимматли руда, унинг тиниқ, шаффоф турлари қимматбаҳо тош сифатида ишлатилади; жадеит – ясама тош.

ПИРОКСИЛИН — портловчи модда; целлюлоза ва нитрат кислотанинг мураккаб эфири (қ. *Нитроцеллюлоза*).

ПИРОЛИЗ (юн. руг — олов ва ...*из*) — пирогенетик жараёнлардан бири; мураккаб моддаларни уларга ҳаво бермай (кўпинча катализаторлар б-н) юқори т-ра таъсирида оддий моддаларга парчалаш. П. техникада, мас., нефтни қайта ҳайдашда (бензин миқдорини ошириш ва ароматик углеводлардан олиш учун) кенг қўлланади. Нефтни махсус печларда 600—750° гача қиздирганда углеводородгача бўлган мол. м.си кичик бирикмалар ҳосил бўлади; айни вақтда зичлашиш реакцияси рўй бериб, мол. м.си юқори бўлган моддалар, ароматик ва тўйинмаган углеводородлар вужудга келади. Нефть П. қилинганда углеродли қолдиқ, нефть кокси ва б. ҳосил бўлади. Т-ра, босим ва қиздириш давомийлиги П. натижасига таъсир қилади. П. қ.ҳ. да ишлатиладиган заҳарли кимёвий воситалар, халқ хўжалигининг турли тармоқларида қўлланадиган углеводородлар (ёғоч спирти, сирка кислота ва б.), қазиб олинадиган кўмирлардан *кокс*, газ ва б. олишда қўлланади. Саноатда металл карбонилларини П.га учратиб металл кукунлари ҳосил қилинади. $CaCO_3$ дан кальций оксиди, баъзи анорганик тузларни пирогидролиз қилиш йўли б-н оксидлар олинади.

ПИРОЛЮЗИТ (юн. руг — олов ва luo — ювараман), полианит — оддий оксидлар кичик синфига мансуб минерал. Кимёвий таркиби — MnO_2, таркибида Mn 55—63%; Ba, Na, K ва б., маълум миқдорда сув бўлади. Тетрагонал сингонияда кристалланади; кристаллари структураси рутил типли. Кўпинча яширин кристалл тупроқсимон кукун массалар ҳосил қилади; марганец, қисман темир гидрооксидлари ва б. аралашган бўлади. Ранги кулранг, қора; металлсимон алтироқ. Қаттиқлиги 2—6 (полианит 6—6,5), зичлиги

4700—5100 *кг/м*³. П. денгиз ва кўл ҳавзаларининг қирғоққа яқин қисмида кислород кира оладиган шароитларда чўкинди қатлами ҳосил қилади. Марганец конларининг оксидланиш зоналарида ҳам учрайди. П. марганец рудаларининг асосий минерали. Соф П. қуруқ гальваник элементларда, шиша (тиниқлантириш учун) ва керамика тайёрлашда, кимё, тиббиёт, лок-бўёқ ва чарм саноатида қўлланилади.

ПИРОМЕТАЛЛУРГИЯ (юн. руг — олов, апо — юқори ва *металлургия*) — металл ва металл қотишмаларини юқори (*800—2200°*) т-рада олиш ҳамда тозалаш жараёнлари мажмуи. *Металлургиянинг* асосий ва қад. усулларидан бири. 19-а. охири ва 20-а. бошларидан паст т-рада металл олиш жараёнлари мажмуи — *гидрометаллургия* ривожланди, лекин П. ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади. П. жараёнлари пиширish, эритиш, конвертерлаш, рафинациялаш, дистиллаш каби усулларга бўлинади. Пиширish — турли газлар муҳитида материалга юқори т-ра шароитида ишлов бериш (материал қаттиқ ҳолатини сақлайди); бу жараён турлича печларда ўтади. Эритиш — шихтани тўла эритиб, уни 2 қатлам (металл ва шлак ёки металл ва штейн)га ажратиш; шахта печлар, қайтаргич печлари, электр печлар ва б.да боради. Конвертерлаш — эритишнинг бир тури; бунда эриган материаллар (чўян, штейн) ва хом ашёлар (лом, концентратлар)га ҳаво ёки кислород пуфланади. Рафинациялаш — эриган хомаки металларни қўшимчалар (тузлар, ишқорлар, металлар) ва б. ёрдамида ишлаш. Дистиллаш — қайтариладиган металларни буғ ҳолатига келтириб, сўнгра конденсирлаш. Роторли печлар (рух олишда), шахта печлари (қўрғошин, қалай ва б. олишда) ва б.да қўлланилади.

Ад.: Мирбобоев В.А., Васильев Г.П., Металлар технологияси, Т., 1971.

ПИРОМЕТР (юн. руг — олов ва *...метр*) — спектрнинг оптик соҳасида шаффофмас жисмларнинг нурланишига қараб уларнинг т-расини ўлчаш учун ишлатиладиган асбоб. П. ёрдамида т-раси ўлчанадиган жисм иссиқлик мувозанатида туриши ва ёруғлик ютиш коэффициенти 1 га яқин бўлиши керак. П. ёрдамида юқори т-ралар ўлчанади. Иш принципига қараб, равшан, рангли ва радиацион П. мавжуд. Равшан П. кенг тарқалган, улар 10^3—10^4°К соҳасидаги т-раларни аниқ ўлчайди.

Спектрнинг оптик соҳасида λ=сопсты ли жисмлар т-расини ўлчашда рангли П.дан фойдаланилади. Бунда спектрнинг кўк ва қизил соҳаларидаги равшанликлар нисбати $b_1(\lambda_1, T)/b_2(\lambda_2, T)$ аниқланади. Асбоб шкаласи °С ларда бўлинган, у жисмнинг ранг т-раси (*T* ни кўрсатади. Жисмнинг ҳақиқий т-раси *T* қуйидаги формула б-н ифодаланади:

$$\frac{1}{T} = \frac{1}{T_c} + \frac{(\ln\alpha_{\lambda_1} - \ln\alpha_{\lambda_2})}{C_2\left(\frac{1}{\lambda_1} - \frac{1}{\lambda_2}\right)}$$

Рангли П. равшан П.дан мураккаброқ, лекин сезгирлиги ва ўлчаш аниқлиги ундан паст. Рангли П. ҳам 10—10^3 К соҳасидаги т-раларни ўлчайди.

Жисмнинг тўлиқ нурланишини ифодаловчи радиацион П. сезгир, лекин ўлчаш аниқлиги пастроқ. Уларнинг иши *Стефан—Больцман нурланиш қонуни* ва *Кирхгоф нурланиш қонуни*га асосланган. Радиацион П. кузатилаётган нурланишни қабул қилгич (термоустун ёки болометр) да фокусланади. Бунда сигнал мутлақ қора жисмнинг нурланиши бўйича тақсимланган ва радиацион т-ра (T_r)ни кўрсатадиган асбобга қайд қилинади. Жисмнинг ҳақиқий т-раси қуйидаги формула б-н ифодаланади: $T=\alpha_r^{-1/4}T_r$, бунда α_r — жисмнинг тўла ёруғлик ютиш коэффициенти. Радиацион П. $200°$ т-радан бошлаб ўлчайди. Саноатда П. турли технологик жараёнларни т-ра бўйича назорат қилиш ва бошқариш тизимида кенг қўлланади.

ПИРОМОРФИТ (юн. руг — олов ва *morfhe* — шакл) — фосфатлар синфига мансуб минерал. Кимёвий таркиби $Pb_5[PO_4]_3Cl$. Таркибида PbO — 82,0%, P_2O_5—15,4%, Cl—2,6%, баъзан қўшимчалардан фосфорнинг изоморф ўрнини босувчи As бўлади. Гексагонал сингонияда призма ёки бочкасимон шаклда кристалланади. Кам ҳолларда донадор, толасимон ва оқиқ агрегатлар. Ялтироқлиги шишасимон. Қаттиқлиги 3,5—4, зичлиги 6700—7100 *кг/м*³. Ранги яшил, баъзан сариқ ёки оловранг. Полиметалл ва олтин рудалари конлари зонасида ҳосил бўлади. Қўрғошин рудаси сифатида фойдаланилади.

ПИРОП (юн. *pyropos* — оловсимон) — гранатлар гуруҳига мансуб минерал. $Mg_3Al_2[SiO_4]_3$, таркибида 20,45% MgO бўлади. Унга темир, марганец ҳам аралашган. П. чиройли тўқ қизил ранги б-н ажралиб туради. Айрим перидотитлар, кимберлитлар, шунингдек, серпентинитлар учун хос. П.нинг қипқизил, тиниқ, шаффоф кристаллари қимматбаҳо тош ҳисобланади. Ялтироқлиги шишасимон, қаттиқлиги 6,5—7,5, зичлиги 3580—3710 *кг/м*³. Машҳур П. кони Чехияда бўлиб, метаморфизлашган магнезиал сланецларда, сочма конларда кенг тарқалган.

ПИРОПЛАЗМОЗ — қорамол, от, чўчқа ва итларда учрайдиган инфекцион касаллик. Piroplasma туркумига мансуб қон паразитлари келтириб чиқаради. Қўзғатувчиси оралиқ хўжайин иштирокида унинг қизил қон таначалари ва ички паренхиматоз органларида кўпаяди. П.ни вилоч каналлари тарқатади. Мавсумий касаллик. Касалланган ҳайвонда иситма, сариқлик, камқонлик ва қон сийиш каби белгилар пайдо бўлади. Эрқак ва қўзиларда *бабезиоз* б-н бир вақтда кечади. Ташхис қонни лаб. текширувларига кўра қўйилади.

Даволаш: флавакридин, пироплазмин, гемоспоридин, беренил, азидин ва б. дори-дармонлар б-н даволанади.

ПИРОСТА ДЕВОРИ — қад. Нурота ш. ва унинг атрофидаги қишлоқларини ўраган мудофаа деворининг қолдиғи. Уз. 20 км, эни 12—15 м, бал. 1—1,5 м. П.д. қолдиқларини Я.Ғ. *Гулямов* раҳбарлигидаги археология отряди текширган (1950—51). П.д. 6-а.да қурилиб, 10-а.дан бузила бошлаган.

ПИРОТЕХНИКА (юн. руг — олов ва *техника*) — портловчи ва ёнувчи аралашмалар тайёрлаш ҳамда уларни амалда қўллаш б-н шуғулланадиган техника тармоғи. Ҳарбий мақсадларда, саноатда, қ.х.да, байрамларда мушакбозликда қўлланадиган моддалар б-н шуғулланувчи турлари бор.

Ҳарбий мақсадларда ёритувчи пиротехник таркиб (ПТ)лар, сигнал, ёндирувчи, ёруғ из қолдирувчи, тутун ҳосил қилувчи ПТ лар қўлланилади. ПТ дан жанг майдонида снарядлар, бомбанинг портлаши каби сунъий портлашларни ҳосил қилишда ҳам фойдаланилади. Саноатда рельслар, трубалар, электр симлар, турли қотишмалар и.ч. да термит ПТ дан фойдаланилади. Тутурт и.ч.да ишлатиладиган таркиблар ҳам ПТнинг бир тури ҳисобланади. Сигнал ПТ ларидан транспортда, кинога олиш, мушаклар тайёрлаш ва б.да фойдаланилади. Қ.х. ўсимликларни зараркунандалардан сақлаш, хўл мевалар сақланадиган омборлар ва вино бочкаларини дезинфекция қилишда ПТ ишлатилади.

Кўпчилик ПТларнинг асосини оксидловчининг ёнилғи б-н иккиламчи аралашмаси ташкил этади; бунда ёнилғи қисман оксидловчидаги, қисман ҳаводаги кислород ҳисобига ёнади. ПТ да нитратлар ва перхлоратлар, металл оксидлари (Fe_2O_3, MnO_2 ва б.) оксидловчи вазифасини бажаради.

Юқори т-рали ПТ да ёнувчи аралашма сифатида Mg, Al ва уларнинг қотишмалари, камдан-кам Ti ва Zr

лар; тутун ҳосил қилувчи аралашмалар эса, асосан, органик моддалардан фойдаланилади.

ПТ ёнганда ажраладиган иссиқлик 1,2—8,4 МЖ/кг (300—2000 ккал/кг), ёниш т-раси 400—3500°, ёниш тезлиги 0,5—20 мм/с.

ПИРОУЗУМ КИСЛОТА, α-кетопропион кислота, $CH_3COCOOH$ — ўткир ҳидли рангсиз суюқлик. Суюқланиш т-раси 13,6°, қайнаш т-раси 165° (ажралиш б-н), зичлиги 1,27 *г/см*³. Сувда, эфирда, спиртда эрийди. П.к.нинг кислотаси ($KHSO_4$ устидан), дистилляторидан ёки 2,2-дихлорпропион кислотадан ҳайдаш йўли б-н олинади. CO_2 ёки CO ажратиб чиқариб (H_2SO_4 иштирокида) парчаланади. Водород пероксид таъсирида оксидланиб, сирка кислотага айланади. Углеводлар, оксидлар, липидлар ҳосил бўлишида муҳим биологик оралиқ маҳсулот ҳисобланади. Доривор моддалар, мас., пиримофен (атрофан) и.ч.да қўлланади.

ПИРОФИЛЛИТ (юн. руг — олов, phyllon — япроқ; қиздирилганда юпқа япроқсимон бўлакчаларга ажралади) — қат-қат силикатлар синфига мансуб минерал. $Al_2[Si_4O_{10}](OH)_2$. Al қисман Mg, Fe б-н алмашади, аралашма ҳолида MgO, FeO, Fe_2O_3 мавжуд. Ранги оч яшил, саргиш, кулранг ва оқ. Қаттиқлиги 1—2, зичлиги 2650—2900 *кг/м*³. Ўтга ва кислотага чидамли. Моноклин сингонияли, япроқсимон агрегатлар ҳосил қилади. Конлари метаморфик жинслар б-н боғлиқ бўлиб, пирофиллитли сланец ва зич агальматолит уюми ҳолида учрайди. Яхши изолятор, кимёвий реакцияларга чидамли. Саноатда юқори глиноземли материал сифатида ўтга ва кислотага чидамли буюмлар тайёрлашда ишлатилади. Безак тоши сифатида ҳам аҳамияти бор. РФ (Урал жанубий), Украина, ХХР, АҚШ ва Бразилияда конлари бор.

ПИРОХЛОРЛАР (юн. руг — олов ва *chloros* — саргиш-яшил) — титан-тантал-ниобатлар мураккаб оксидларига мансуб минераллар гуруҳи. Кимёвий таркиби беқарор, бир қадар аниқроқ формуласи (Ca, Na, K, Rb, Sn, U, Ba, Bi, Sb)$_{2-m}$ (Nb, Ta, Ti)$_2$O$_6$ (O, OH, F)$_{1-n}$· nH_2O; изоморф аралашма ҳолида U, Th, Ce, Y, Fe ва б. бўлади. П.га 3 кичик гуруҳ (пирохлор, микролит ва бетафит)га ажратилган 21 минерал киритилган. Ранги оч сариқ, қизғиш-жигарранг, қўнғир-қора. Айримлари қиздирилганда саргиш-яшил рангга ўтади. Кўпинча кичик (10—15 см гача) октаэдр, додекаэдр шаклда кубик сингонияли кристаллар ҳолида учрайди. Қаттиқлиги 4—5,5; зичлиги тарқибига ва физик хоссаларига қараб ўзгаради: 3700—5000 *кг/м*³ (пирохлор ва бетафит) ва 5900—6400 *кг/м*³ (микролит). П. баъзан кучли радиоактив, тез ўзгариб туради ва метамикт минералларга киради. Сиенитли ва нефелинсиенитли пегматитларда циркон, ильменит, сфен, кальцитлар б-н бирга учрайди. Йирик уюмлари нисбий ва тантал олиш учун руда ҳисобланади.

ПИРОЭЛЕКТР (юн. руг — олов ва *электр*) — кристалл диэлектриклар қиздирилганда ёки совитилганда уларнинг сиртида электр зарядлари ҳосил бўлиши. Қиздирилганда уларнинг бир учи мусбат зарядланса, совитилганда манфий, иккинчи учи эса тескари ишорада зарядланади. Пироэлектрик (кристалл диэлектрик) сиртида зарядлар ҳосил бўлиши кристалл қиздирилганда унинг ичида спонтан (ўз-ўзидан ҳосил бўладиган) қутбланишнинг ўзгаришига, зарядланиш интенсивлиги т-ра ўзгаришига боғлиқ. П. хусусиятли кристаллар *пьезоэлектр* хусусиятга ҳам эга бўлади. Шунинг учун т-ра нотекис ўзгарганида кристалл деформацияланади, деформацияланиш эса, ўз навбатида, пьезоэлектр табиатли «иккиламчи» қутбланишни юзага келтиради ва у П. табиатли «бирламчи» қутбланишга қўшилади. Бу эса соф П. эффектини кузатишга халақит беради. Демак, кристалл деформацияланмаган ёки деформацияси доимий турган ҳолдаги соф П. эффектини кузатиш мумкин. П. кристалларда электрокалорик эффект деб юритиладиган тескари эффект ҳам кузатилади. Бу эффект ўзгарувчан электр майдонига жойлаштирилган кристалл т-расининг ўзгаришидан иборат. П. эффектидан амалда инфрақизил нурланишни топишда фойдаланиш мумкин.

ПИРР (мил. ав. 319—273) — Эпир подшоси (307—302 ва 296—273). Тарент ш. томонида туриб Рим б-н курашган. Гераклея (280) ва Аускулум (79) ёнида галаба қозонган. Сўнгги галабаси да галаба ёзонган. Сўнгги галабаси жуда катта йўқотиш, талафотлар эвазига эришилган («Пирр галабаси» ибораси шундан).

ПИРРОН Элидалик (мил. ав. тахм. 360—280) — юнон файласуфи, скептицизм (пирронизм) асосчиси. П.нинг ўзи асарлар ёзмаган, унинг қарашларини шогирдлари ёзиб қолдирган. Унинг фикрича, одамнинг нарсалар тўғрисидаги мулоҳазалари асоссиздир, умуман бирон-бир мулоҳаза юритишдан ти-йилиш ҳамда *атараксия* ва *апатия* ҳолатида бўлиш керак.

ПИРРОТИН (юн. *pyrrotes* — чўғдай қизил ёки қувоқ сариқ), магнит колчедани — сульфидлар синфига мансуб минерал. Таркиби $Fe_{1-x}S$. Қўшимча сифатида Ni, Co бўлади, ҳамда қаттиқ қоришмалари (халькопирротинлар) учрайди. Гексагонал ёки моноклин сингонияси кристаллари кам учрайди, одатда, яхлит масса ёки хол-хол доналар шаклида бўлади. Ранги тўқ сариқ, қиздирилганда қўнғир тусга киради, металлак ялтироқ, мўрт. Структураси нуқсонли, чунки октаэдр бўшлиқларининг ҳаммаси ҳам Fe б-н тўлдирилмаган. Қаттиқлиги 3,5—4,5; зичлиги 4580—4700 *кг/м*³. Магнит хоссаси таркибига қараб ўзгаради: S кам бўлган триолит ва гексагонал П. — антиферромагнетиклар, S кўп бўлган моноклин П. — ферромагнетик (Кюри нуқтаси 300—320°С). П.нинг айрим минераллари парамагнетизм (магнит анизотропияси) хусусиятига эга. П. қайноқ аралашмалардан вужудга келади. Турли генетик типларда ва эндоген конларда тарқалган; асосли магматик жинсларда сульфат уюмлари (мис-никель сульфидлар) орасида, контакт-метасоматик конларда халькопирит, пирит, кассеритерит, шеелит, кальцит, кварц б-н, гидротермал конларда сфалерит, галенит, халькопирит, кассеритерит, арсенопирит б-н, чўкинди жинслар орасида сидерит б-н бирга учрайди. Оксидланиш зонасида пирит, марказит ва қўнғир темиртошларга айланади. П. рудаларида бошқа фойдали компонентлар бўлмаса, кам фойдаланилади, улар олтингугурт, темир, сульфат кислота олишда хом ашё сифатида ишлатилади, никелли П. никель олиш учун фойдаланилади. П. Ўзбекистонда дастлаб Самарқанд вилоятида (1891), сўнгра Чатқол-Қурама тоғларида, Ўзбекистон тарби ва жанубида ва б. жойларда топилган.

ПИРС (Peirce) Чарлз Сандерс (1839.10.9, Кембриж, Массачусетс штати — 1914.19.4, Милфорд, Пенсильвания штати) — америкалик файласуф, мантиқчи, математик ва табиатшунос. Америка фанлар ва санъат академияси (1877) ҳамда Миллий ФА (1879) аъзоси. Гарвард ун-тини тугатган (1859). Шу ун-тда мантиқ, тарих ва фалсафадан маърузалар ўқиган. П.га *Дунс Скот*, *Кант* ва *Дарвин* қарашлари таъсир кўрсатган. П. *агностицизм*ни танқид қилди, бироқ билимнинг ишончлилигини инкор этди. У илмий билим ва фикрнинг шаклланиши, ишончлилиги ва далиллар асосида исботланганлиги масаласига алоҳида аҳамият берди. Фалсафага *прагматизм* тушунчасини киритган. Ҳақиқатнинг объективлигини рад этиб, чинликни амалий фойдалилик б-н тенглаштирган. *Семиотика* асосчиси. Математик мантиққа доир асарлар ёзган. П.ни «АҚШ илмий фалсафасининг отаси» деб ҳисоблайдилар.

ПИРС (инг. pier — устун, пристань) — *порт*да кемалар тўхтаб турадиган жой, қирғоққа қурилган гидротехник иншоот. Порт *акваторияси*дан чиқиб туради, кемаларни икки томонидан боғлаб қўйишга имкон беради. П.да кемаларга юк ортилади ёки туширилади, йўловчилар туширилади ёки чиқарилади. Кенг ва тор П.лар бор. Кент П.нинг ҳар қайси томонига 3—8 кема, тор П.нинг ҳар қайси томонига 1—2 та кема тўхтаб туришига имкон беради. Одатда, П.лар гуруҳ-гуруҳ қилиб жойлаштирилади, улар қирғоқ бўйлаб ўзига хос «тароқлар»ни ҳосил қилади.

ПИРСИЁНЛАР (ўзларини эроний деб атайдилар) — Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистоннинг айрим туманларида тарқалган халқ — эронийларнинг 2-номи. П.нинг асл ватани — Эрон (қ. *Форслар*).

ПИРСОН (Pearson) Лестер Боулс (1897—1972) — Канада бош вазири (1963—68). Либерал партия раҳбари (1958—68), ташқи ишлар вазири (1948—57). Нобель тинчлик мукофоти лауреати (1957).

ПИСАРЕВ Дмитрий Иванович [1840.2(14).10, ҳоз. Липецк вилояти Знаменское қишлоғи — 1868.4(16).7, ҳоз. Юрмала] — рус публицисти ва адабий танқидчиси. Петербург ун-тининг тарих-филология ф-тида таҳсил олган (1856—61). «Русское слово» («Рус сўзи») жур.да пешқадам танқидчи сифатида фаоллик кўрсатган. Шу даврда П.нинг дунёқарашида кескин ўзгариш содир бўлиб, у ўткир сўз ёрдами б-н рус жамиятининг чириб бораётган асосларини ларзага келтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Чор ҳокимиятини ағдаришга даъват этувчи памфлети учун 1862 й.да қамоққа олинган. П. 1866 й. авф этилгач, Н.А. *Некрасов*нинг «Отечественные записки» («Ватан ёзишмалари») жур. б-н ҳамкорлик қилган.

П. адабий фаолият б-н қисқа вақт шуғулланганига қарамай, жуда кўп фалсафий ва адабий-танқидий мақолалар ёзишга улгурган. 1860 й.да *Гейне* ижоди б-н танишиш П. эстетикасининг шаклланишида муҳим омил бўлган. Шундан кейин табиий фанларга ихлос қўйган П. фанни, даставвал, табиатшунослик ва мат. фанларини ривожлантирмай туриб, жамиятни тараққий эттириш мумкин эмас, деган фикрда бўлган. П. назарида, фақат мат. ва табиатшунослик фанларигина «очлар ва ялангочлар»нинг қорнини тўйдириши, бинобарин, фан деб аталишга ҳақли

Пискент шаҳри. Деҳқон бозори

бўлгани учун у, публицистикаси ва адабий асарларининг эстетик талқинини мантиқсиз, деб топган. Шу нуқтаи назарга амал қилган П. Н.Г. *Чернышевский*нинг «оқилона эгоизм» ҳақидаги назариясини қўллаб-қувватлайди («Реалистлар»). М.Е. *Салтиков-Щедрин*га қарши маломат тошларини отиш, сатирани ижтимоий аҳамиятини инкор этиш П.нинг нафақат эстетик, балки ижтимоий-сиёсий маънодаги хатоси ҳам бўлган («Беозор юмор чечаклари»). П.нинг «Пушкин ва Белинский» синтари энг яхши адабий-танқидий мақолалари маърифатпарварлик руҳи б-н суғорилганига қарамай, баҳс-мунозарали фикрлардан холи эмас.

Ас.: Литературная критика, т 1—3, М., 1981.

Ад.: Коротков Ю., Писарев, М., 1976.

ПИСАРРО (Pizarro) Франсиско (1470 ва 1475 й.лар ораси — 1541) — испан конкистадори (қ. *Конкистадорлар*). 1513—35 й.ларда Панама ва Перуни босиб олишда қатнашган. Жан. Американинг Тинч океани соҳиллари бир қисмини (Гуаякиль қўлтиғи б-н) ва Анд тизмасидаги Ғарбий Кордильера тоғини кашф этган, инкларнинг Тауантинсуйу давлатини талон-торож этиб, яксон қилган, Лима ва Трухильо ш.ларига асос солган.

ПИСИСТРАТ (? — мил. ав. 527) — афиналик *тиран* (ҳоким). 560 й.дан 527 й.гача (танаффуслар б-н) ҳокимлик қилган. Деҳқонлар ва савдо-ҳунармандлар табақаси манфаати йўлида ислоҳотлар ўтказган (евпатрийлардан мусодара қилинган ерларни қишлоқ камбағалларига бўлиб берилиши, давлат тангаларини (П. тетрадрахмаси) зарб қилиниши, уруш ногиронларига давлат нафақаси белгиланиши ва б.). Ёлланма қўшин тузган, жамоат иншоотлари (бозор, водопровод, Пирей гавани, иболатхоналар ва б.) қурилишини ташкил этган. П. даврида Афина Юнонистонининг маданий марказига айланган.

ПИСКЕНТ — Тошкент вилояти Пискент туманидаги шаҳар (1966 й.дан). Туман маркази. 1952 й.гача қишлоқ. Оҳангарон дарёсининг ўнг соҳилида. Яқин т.й. станцияси — Тўйтепа (14 км). Вилоят маркази (Тошкент ш.дан 41 км. Аҳолиси 31,4 минг кишига яқин (2003).

П. (Бискат) — Тошкент воҳасининг энг қад. шаҳарларидан бири. 10-а. географларининг маълумотларида у Илоқ давлати таркибига кирган. В.В.Бартольд ва М.Е.Массон П.ни Оҳангарон дарёсининг чап соҳилидаги (ҳоз. Пискент ш. чеккасидаги) ёлғорлик қолдиқлари б-н айнан бир, деб кўрсатадилар. П.дан 1-а.га мансуб қабристонлар (Пискент Мингтепаси) ва 5-а.га оид новуслар топилган.

П.нинг дастлабки қисми Пушти Маҳмуд тепалиги бўлиб, у 6—7-а.ларда шаҳар шаклига кира бошлаган. 10—12-а.ларда равнақ топган. Шош (Тошкент)дан Фарғонага ўтган савдо йўлининг устида қулай жойлашганлиги туфайли 9—10-а.ларда бу ерда қад. тарихчилар томонидан Бискат деб аталган шаҳарча пайдо бўлган. 13-а. бошида мўғул босқинчилари П.ни вайрон қилганлар. 13-а. ўрталарида унинг ғарбий чеккаси яна тикланган бўлса-да, шаҳар кичрайиб, қишлоқ даражасига тушиб қолди. 14—16-а.ларда П. темурийлар ва б. ҳукмдорлар мулки таркибига кирган. 17-а. охири ва 18-а.да шаҳар яна инқирозга учрайди. Аҳолиси ғарб томонга кўчиб ўтади. П.нинг 19-а. да мудофаа деворлари ва 4 дарвозаси бўлган. Ўша даврда П. Қўқон хонлиги таркибига кирган.

П.да туман ҳокимияти биноси, маъмурий идоралар, пахта тозалаш з-ди, «Каноп» Ўзбекистон—Чехия қўшма корхонаси, гишт и.ч. цехлари, «Пискентсифат» брезент тикиш корхонаси, металл қуймалар тайёрловчи «Меҳнат» акциядорлик жамияти, яхна ичимликлар цехи, нон и.ч. корхонаси, мебель и.ч. кичик корхонаси фаолият кўрсатади.

Кейинги йилларда шаҳарда деҳқон бозори, «Саодат» тантаналар уйи, «Соғлом авлод» таянч пункти, 150 ўринли тугруқхона, юзлаб савдо дўконлари ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилди.

Марказий йўллар П.ни Тошкент, Олмалиқ, Оҳангарон ва б. шаҳар ва туманлар б-н боғлайди. Шаҳар яқинида Тошкент сув омбори жойлашган.

П. Олмалиқ ш. б-н узвий боғланган. Олмалиқдан П.га саноат моллари, П.дан Олмалиққа эса қ.х. маҳсулотлари етказилади.

Ад.: Бобур З.М., «Бобурнома», Т., 1958; Бартольд В.В., «Туркестан в эпоху монгольского нашествия», Соч.т. 1.М., 1963; Массон М.Е., Ахангеран. Археологико-топографический очерк, Т., 1953, Буряков Ю.Ф., Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса, Т., 1982.

ПИСКЕНТ ТУМАНИ — Тошкент вилоятидаги туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Шим. ва шим.-шарқдан Оҳангарон ва Ўрта Чирчиқ, ғарбдан Оққўрғон, жан.-ғарбдан Бўка туманлари, жан.дан Тожикистон Республикасининг Суғд вилояти б-н чегарадош. Майд. 0,79 минг км². Аҳолиси 86,3 минг киши (2003). П. т.да 1 шаҳар (Пискент), 6 қишлоқ фуқаролари йиғини (Дўнгқўрғон, Керовчи, Муротали, Кориз, Оқтепа, Сайд) бор. Туман маркази — Пискент ш.

Табиати. Туман ҳудуди Қурама тоғ тизмаларининг этакларида ва Оҳангарон дарёсининг чап соҳилида, Чирчиқ-Оҳангарон водийси бошланадиган ерда жойлашган. Ер усти шарқдан ғарбга томон қия. Ўртача бал. 300—2500 м. Шарқий қисми Қурама тоғлари, адирлар, чўл, яйловлар б-н банд. Рельефи бир оз паст-баланд, эски дарё ўзанлари, жар ва жилғалар б-н парчаланган. Туманнинг ғарбий қисмида суғориладиган ерлар жойлашган. Тупроқлари, асосан, типик бўз тупроқлар, пастқам жойларда ўтлоқи, ботқоқ-ўтлоқи, аллювиал тупроқлар. Туманнинг чекка шарқида тўқ бўз тупроқлар ва қўнғир тупроқлар тарқалган бўлиб, бу ерлардан яйлов сифатида фойдаланилади. Қурама тоғидан Оҳангарон дарёси оқиб тушади, тог сойларидан Қизғота, Қовулди, Олмалиқсой, Парканда, Қорақиёсой оқиб ўтади. Анҳор, Бўка, Шўр, Ўртаариқ, Бўрижар синари қад. каналлар, Шим. Тошкент канали бор. Шим. четараси бўйлаб Тошкент сув омбори («Тошкент денгизи») жойлашган. Иқлими мўътадил иссиқ, қуруқ. Йиллик ўртача т-ра 13,5°; июлнинг ўртача т-раси 27°, энг юқори т-ра 41,1°, январники —1,0°, энг паст т-ра —27,2°. Вегетация даври 210—220 кун. Йиллик ёғин 350 мм. Ёввойи ўсимликлардан текисликларда қамиш, дашгда шувоқ-шўра, тоғ олди ерларида бўтакўз, дарё ва сойларнинг водийларида арча, дўлана, заранг, олча, олма, четан (рябина) ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан дарё қайирларида бўри, чиябўри, юморонқозиқ, қўён, тўқай мушуги, ўрдак, ғоз, қирғовул, тоғларда каклик, бедана, майна, лойхўрак, сувилонлар, ондатра яшайди. Туманнинг шарқий қисмида фойдали қазилмалардан мис, кўргошин, рух, олтин, молибден ва б. нодир металл рудалари, флюорит, оҳактош, шагал, қум ва б. турли хил қурилиш материаллари олинади.

Пискент туманидаги соғломлаштириш мажмуи.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, татар, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 109,2 киши. Шаҳарликлар 31,4 минг киши, қишлоқ аҳолиси 54,9 минг киши (2003).

Хўжалиги қ.х. ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Саноат, транспорт, алоқа, қурилиш корхоналари бор. Ширкат ва деҳқон-фермер хўжаликлари пахтачилик, галлачилик, боғдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланадилар. Туманда 66 давлат, 1243 нодавлат корхонаси, 1 қўшма корхона, 10 акциядорлик жамияти, 2 жамоа, 8 ширкат хўжалиги, 970 фермер хўжалиги фаолият кўрсатади. (2003).

Туманнинг суғориладиган экин майдони 20,7 минг га, шу жумладан, 10 минг га ерга пахта, 8,4 минг га ерга дон, 420 га ерга полиз ва сабзавот экинлари экилади (2003). П. т.даги 43 умумий таълим мактабида 20,2 мингга яқин ўқувчи таълим олади. Ёрдамчи интернат мактаби, касб-ҳунар коллежи, 8 клуб, 22 кутубхона, маданият ва истироҳат боғи, 8 стадион мавжуд.

Марказий касалхона, юқумли касалликлар ва болалар касалхоналари, 4 қишлоқ врачлик пункти, 5 врачлик амбулаторияси, марказлашган дорихона, 10 хусусий дорихона аҳолига хизмат кўрсатади. 1932 й.дан «Меҳнат байроғи» туман газ. чиқади.

ПИСКОМ — Тошкент вилоятидаги дарё. Чирчиқ дарёсининг ўнг бош ирмоғи. Майдонтол тизмасининг шим. ён бағридан оқиб тушадиган Майдонтол ва Писком тизмасининг шим.-ғарбий ён бағридан оқиб тушадиган Ойгайнинг сойларининг қўшилишидан ҳосил бўлиб, шим.-шарқдан жан.-ғарб томон оқади ва Чорвоқ сойлигига келганда Чатқол дарёси б-н қўшилиб, Чирчиқ дарёсини ҳосил қилади. Уз. 70 км, ҳавзасининг майд. 2840 км². П. бош қисмида чуқур тог водийсида тошлар орасидан, сўнгра террасали кенг водийда оқади. П.нинг ҳавзаси анча баланд (ўртача бал. 2645 м) бўлиб, унда умумий майд. 130 км² га яқин 140 дан ортиқ кичик музлик бор. П. қор-музлик сувидан тўйинади. Ўртача кўп йиллик сув сарфи 82 м³/сек. Йиллик оқимнинг 47% март — июнь, 38% июль—сент., қолган 15% эса окт. — фев. ойларида оқиб ўтади. Суви мартдан кўпая бошлайди, июнь—июлда энг кўп, янв.—фев.да эса энг кам бўлади. Энг кўп сув сарфи 700 м³/сек. ва ундан ортиқ, энг кам сув сарфи 10 м³/сек. гача. П. анча лойқа дарё (ҳар 1 м³ сувида ўртача ҳисобда 200 г лойқа бўлади). П.га 40 дан ортиқ сой ва жилғалар келиб

6—

1:500 000
ПИСКЕНТ
Ғурумсарой
Ғазалкент
Оққўрғон
Қорақия
Қўйлиқ
Қўйлиқ
Қўйлиқ

чилик, галлачилик, боғдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланадилар. Туманда 66 давлат, 1243 нодавлат корхонаси, 1 қўшма корхона, 10 акциядорлик жамияти, 2 жамоа, 8 ширкат хўжалиги, 970 фермер хўжалиги фаолият кўрсатади. (2003).

Туманнинг суғориладиган экин майдони 20,7 минг га, шу жумладан, водийда оқади. П.нинг ҳавзаси анча баланд (ўртача бал. 2645 м) бўлиб, унда умумий майд. 130 км² га яқин 140 дан ортиқ кичик музлик бор. П. қор-музлик сувидан тўйинади. Ўртача кўп йиллик сув сарфи 82 м³/сек. Йиллик оқимнинг 47% март — июнь, 38% июль—сент., қолган 15% эса окт. — фев. ойларида оқиб ўтади. Суви мартдан кўпая бошлайди, июнь—июлда энг кўп, янв.—фев.да эса энг кам бўлади. Энг кўп сув сарфи 700 м³/сек. ва ундан ортиқ, энг кам сув сарфи 10 м³/сек. гача. П. анча лойқа дарё (ҳар 1 м³ сувида ўртача ҳисобда 200 г лойқа бўлади). П.га 40 дан ортиқ сой ва жилғалар келиб

қўшилади. Улардан энг йириклари: Ихначсой, Қорақизсой, Тепарсой, Аксарсой ва Новалисой.

ПИСКОМ ЗИЛЗИЛАСИ — 1937 й. 18 дек. соат 13 дан 18 мин. ўтганда содир бўлган. Зилзила маркази Писком тоғининг аҳоли кам яшайдиган шим. қисмида 20 км чуқурликда жойлашган. Эпицентрда зилзила кучи 8 балл б-н қайд этилган, магнитудаси 6,0. Зилзилага ер қаъридаги тог жинсларининг Писком узилмаси бўйлаб бир-бирига нисбатан шим.-шарқдан жан.-гарбга томон силжиши сабаб бўлган. Ер устида бир қанча сурилмалар, катта-кичик ёриқлар пайдо бўлган, аҳоли яшайдиган жойларда иморатлар жиддий шикастланган. Зилзила кучи Писком да 8 балл, Бурчмулла, Чимён ва Чимкентда 6 балл, Тошкент, Андижон, Тароздa 5 балл, Ўш, Ўратепада 4 балл, Самарқанд, Тошкентда 3 балл б-н сезилган.

Кейинги йилларда олиб борилган сейсмотектоник тадқиқотлар П.з. кенглиги 15 км, уз. 250 км майдонни эгаллаган Писком, Қоржантов ёриқлари ва Тошкентолди флексурасини ўз ичига олган сейсмоген зонада жойлашганлигини кўрсатди. П.дан кейин бу зонада Бурчмулла (1959), Тошкент (1966), Янгийўл (1971), Халқобод (1972), Товоқсой (1977), Назарбек (1980) зилзилалари бўлиб ўтди. Бундан кейин ҳам ушбу зонада зилзилалар бўлиш эҳтимоли бор.

Рашид Иброхимов

ПИСКОМ ТИЗМАСИ — Гарбий Тяньшандаги тизма. Шим.-шарқдан жан.-гарбга 130 км га чўзилган. Ўртача бал. 3200 м, Шим.-шарқда 4000 м дан жан.-гарбда 1900 м гача пасайиб борали. Энг баланд жойи — Бештор чўққиси (4291 м). Тизмада Пиёзак (3718), Оқтуяўлган (4224 м), Опалитов (4216 м) каби чўққилар бор. Ён бағирлари тик. Писком, Кўксув, Чатқол, Сандалаш дарёларининг ирмоқлари б-н ўйилган. Шим.-гарбий ён бағри нисбатан қия. Писком дарёсига зинапоясимон пасайиб борали. Жан.-шарқий ён бағри эса қисқароқ бўлиб, унда бир нечта текис юзалар (Катта Сандиқ, Кичик Сандиқ, Бахтол) мавжуд. Тизма палеозой даври чўкинди ва отқинди тог жинсларидан ташкил топган. Тектоник жиҳатдан герцин бурмаланишида шаклланган мегантиклиналь бўлиб, тўртламчи даврда содир бўлган янги тектоник ҳаракатлар натижасида кўтарилган. Қиши совуқ, ёзи эса салқин, сернам, йиллик ёғин миқдори пастки қисмида 600 мм дан, юқори қисмида 1200—2000 мм га ортади. П.т. дан Писком дарёсининг ирмоғи Оҳайинг ва б. бир қанча сойлар бошланади. Тизманинг субэкспрессив қисмида 270 дан зиёд музлик бўлиб, уларнинг умумий майд. 80 км² дан ортиқ. Тизма ҳудудида тўқ бўз, жигарранг, қунғир тог-ўрмон, тог-ўтлоқ тупроқлар тарқалган; олма, дўлана, ёнғоқ, арча ва б. ўсали.

Каттақўрғон сув омбори ёнбағрида барпо этилган пистазорлар

ПИСТА (Pistacia), хандон писта — писталарнинг оиласига мансуб бута ёки дарахтлар туркуми, ёнғоқмевали дарахт. 300 йилгача яшайди, 20 дан ортиқ тури бор. Жан. Европа, Гарбий, Ўрта ва Шарқий Осиёда, Шим., Шарқий Африка ва Марказий Америкада ўсали. Ўрта Осиёда ёввойи ҳолда ўсадиган чин П. (P. vera) ва тўмтоқ барглн П. (P. mutica) турлари бор. Бўйи 2,5—10 м, шох-шаббаси тарқоқ, 10—12 м кенгликда. П. икки уйли ўсимлик, —40° совуққа чидайли. Апр.—май бошларида дастлаб эркак, сўнгра уруғочи дарахтлари гуллайди, гули мураккаб рўваксимон тўпгуллдн иборат, шамол ёрдамида чанглanади. Меваси бир уругли данак (писта). Пистаси авг.—сент. пишади. Қобиғи юпқа, қаттиқ, етилганда баъзан учидан ёрилади. Магзи яшил, мазали, таркибида 63% гача мой, 22% оқсил, 7% гача углеводлар, В гуруҳи витаминлари, А провитамини бор; асосан, қовурилган ҳолда ейилади, қандолатчиликда ишлатилади. П. лалми ерларда 10—12, суғорма ерларда 7—8-йили ҳосилга киради. Ёввойи ҳолдагилари 15 кг гача, пайванд қилинган 8—10-йиллик дарахтлари 30—45 кг мева беради. П. барглрида пайдо бўладиган гудлабужғунларда таннид (30—40%), бўёқ моддалари бор. П. қурғоқчиликка чидамли. Уруғидан ва пайвандлаб, бачкисидан парҳиш қилиб кўпайтирила-

Писта: 1 — мевали шоҳчаси, 2 — бужғунли барги.

ди. П. ёғочи дурадгорликда қадрланади. Ўзбекистонда П. ни жиб ўстириш ишлари 1937 й.дан Боботог (Сурхондарё вилояти) ноталарида бошланган, Каттақўрғон сув омбори атрофларида 2 минг га дан ортиқ П. жойлар ташкил этилган. Республикала урулган жиб ўстирилган П. жойларнинг умумий майдони 80 минг га дан кўпроқ (2003). Ўзбекистон ўрмончилик в.т. ин-тида, П.нинг 6 нави яратилган, 30 дан ортиқ П. навлари коллекцияси барпо этилган.

Асосий зараркунандалари: П. қури ва П. қалқондори.

Ад.: Попов К.П., Фисташка в Средней Азии, Ашхабад, 1979.

Абдушукур Хона широв.

ПИСТА КЎМИР — юқори углеродли қаттиқ говак материал. Ёғоч (ўтин)ни ҳавосиз ёки бир оз ҳаволи муҳитда куйдириш йўли б-н ҳосил қилинади. Оддий (табиий) усулда ёки махсус ўчоқ (реторта)лар ва печларда олиш мумкин. Оддий усулда П.к. олиш учун ўтин чуқурда чала ёқилиб, устига тупроқ ёки қум бостириб қўйилади, ё бўлмаса, ўтин гулхан қилиб чала ёқилади. Печлар (реторталар)да ҳам ёғоч чала ёқилади. П.к. жуда серговак бўлганлиги учун унинг газсимон ёки суюқ моддаларни ютиш (адсорбцион) хусусияти юқори бўлади. Ҳар хил ёғочдан турлича миқдорда П.к. чиқади. П.к., асосан, арча, қайин, ўрик, ёнғоқ ва б. дарахтлар ёғочидан олинади. Қуруқ ёғочдан унинг оғирлигига нисбатан 30—40% П.к. олинади. Мас., 1 м³ ёғочдан 140—190 кг кўмир, 280—400 кг суюқ маҳсулот ва 80 кг чамаси ёнувчи газ чиқади. П.к. ёқилганда 7000—8000 ккал/кг иссиқлик ҳосил бўлади. П.к. халқ хўжалигида, қора ва рангли металлургияда, тиббиётда, углерод сульфид, фаол кўмир олиш ва б. мақсадларда ишлатилади.

ПИСТАДОШЛАР (Anacardiaceae) — икки паллалилар синфига мансуб дарахт ва бута лардан иборат ўсимликлар оиласи. 60 туркуми, 500 га яқин тури бор. Асосан, тропик ва субтропик ҳудудларда тарқалган. Ўзбекистонда 4 туркуми учрайди. Шундан 2 таси (писта ва тотим) ёввойи ҳолда ўсади; 2 таси (Cotinus, Toxicodendron) экилади. Гуллари тутри, бир ёки икки жинсли, гул-қўрғони мураккаб (баъзан оддий), косача ва тупожибарглари 3 ёки 5 та, чанчиклари 6 ёки 10 та. Барглари оддий ёки мураккаб, қарама-қарши ёки кетма-кет жойлашган. Меваси — писта ёки ёнғоқча.

ПИСТАЛИТОФ — Шим. Нурота тизмасининг шарқида унга параллел жойлашган паст тог. Жан.-шарқдан шим.-гарбга чўзилган. Уз. 40 км. Энн ўрта қисмида 6—7 км. Энн баланд жойи 557 м. Шим.-шарқий ён бағри тик, қуруқ сойлар б-н ўйилган, жан-гарбий ён бағри эса етакроқ. Палеозой даври тог жинсларидан тузилган антиклиналь кўтарилма. Иқлими кескин континентал, йиллик ёғин миқдори 250 мм. Ўсимлик жуда сийрак, яйлов сифатида фойдаланилади.

ПИСТИРМА (писмоқ, пусмоқ, бўсмоқ) — ҳарбий бўлинмаларнинг душман қисмлари ўтиши мумкин бўлган йўлларда олдиндан пухта пиқобланиб ўрнашиши. П. қад. ҳарбий тактик усуллардан бири бўлиб, муҳорабалар чоғида тез-тез қўлланган. Ушбу жанг усулидан, айниқса, Чингизхон, Амир Темур ва б. машҳур саркардалар қўмондонлигидаги қўшинлар унумли фойдаланган. *Шайбонихон сафавийлар* П.сига дуч келиши оқибатида ҳалокатга учраган (қ. *Марв жанги*). П., асосан, пайимга қўққисдан ҳужум қилиб, уни тор-мор этиш, техникасини ишдан чиқариш мақсадида қўйилади. П.дан, шунингдек, душман жангчиларини асирга тушириш, разведка мақсадида «тил» олиш учун ҳам кенг фойдаланилади. П. қўлёзма манбаларда бусуғ, пусуғ, пустура, камин каби истилоҳлар б-н ҳам ифодаланган.

ПИСТОЛЕТ (франц. pistolet, нем. pistala, чех тилида — pist'ala — қамиш-сурнай), тўппонча — 1) индивидуал ўт очар қурол. Душманнинг 50—70 м гача масофадаги жонли кучларини шикастлантиришга мўлжалланган; бир қўл б-н отиш мумкин. П. б-н офицерлар, шунингдек, айрим мутахассисликлари сержант ва аскарлар қуроллантирилади. Европа ва Осиёда 16-а.да пайдо бўлган П. юзага келган. 17-а.дан бошлаб турли армияларда чақмоқ қатворли, 19-а.дан эса капсюлли П.лардан фойдаланилган. П.ларнинг тезотарлигини таъминлаш учун улар 2 ва ундан кўпроқ стволлн қилиб ясалган. 19-а. ўрталарига қадар П.ларнинг кўпчилиги силлиқ стволлн бўлиб, оғиз томонидан ўқланган. 19-а. 50-йилларига келиб анча такомиллашган бўрама стволлн (винт кесимли) револьверлар қўлланила бошланган.

П.ларнинг жанговар, сигнал ва спорт турлари мавжуд. Тузилишига кўра, автоматик, ярим автоматик (ўзўзидан ўқланадиган) ва оддий (ўқлаш, отиш ва бўш гильзани чиқаришни отувчи бажарадиган) хилларга бўлинади. П.ларнинг оғирлиги 700 г дан 1 кг гача, калибри 5, 35 мм дан 11,43 мм гача, ўқининг бошланғич тезлиги 250—420 м/сек; магазинига тезлиги 250—420 м/сек; магазинига 5—8 ва ундан кўпроқ патрон жойлашади; 2)яримавтоматик кўчма пайвандлаш мосламаси; муқим (стационар) қурилмаларда пайвандлаб бўлмайдиган деталларни пайвандлашда ишлатилади. П. б-н нуқтавий контакт пайванд, ёй пайванд, электрон нурли пайванд ва б. бажарилади. Автомобиллар, т.й. вагонлари, қ.х. машиналари и.ч.да, қосмик объектларни орбитада пайвандлашда қўлланилади.

Пистолет. 1 — Чақмоқли пистолет (1828, Россия). 2 — «Кольт» М 1911 А1 пистолети (АҚШ).

ПИСТОЛЕТ-ПУЛЕМЁТ — автоматик индивидуал ўқ отар қурол. Душманнинг 300 м гача масофадаги кучларини нишонга олишга мўлжалланган. Асосан, пиёда қўшинларда қўлланади. Биринчи П.-п. 1-жаҳон урушн (1914—18)да юзага келган. 20-а.нинг 40-й.лари охиридан 1000 м гача масофадаги нишонларни шикастлантира оладиган М.Т. Калашников П.-п.и қўлланиа бошланган.

Калашников пистолет-пулемёти.

Бу П.-п. махсус алмаштирғич ёрдамида биттадан ёки тўхтовсиз ўт очиш имконигига эга. Магазинига 20 дан 71 тагача патрон сиғади. Тезотарлиги 1 минда 80 дан 140 та ўққача. Кўп мамлакатларнинг армиясида қўлланади (яна қ. *Автомат қурол*).

ПИСЬМЕННАЯ Валентина Егоровна (1956.18.4, Украинанинг Городенка ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Нукус ун-тини тугатган (1978). 1978 йдан Тўрткўл туманидаги 1-мактабда рус тили ва адабиёти ўқитувчиси. П. мактабнинг рус тили ва адабиёти хонасини ҳоз. замон талабига мослаб қайта жиҳозлади, бир қанча ҳаракатланувчи кўргазмалар, тест саволлари, бошқотирмалар яратди.

ПИТЕКАНТРОПЛАР (юн. pithekos — маймун ва anthropos — одам) — энг қад. қазилма одамлар (тахм. 900 минг йил аввал). Неандерталлардан олдин яшаганлар. Илк палеолит маданиятини яратганлар. 1890—92 й.ларда Голланд олими Э.Дюбуа Ява о.даги Соло дарёси яқинидан 4-қатлам қуйи ётқизиқларида одамнинг энг қад. аждодига мансуб бош мия қопқоғи, сон суяги ва учта тишини топган. 1973 йда сунк бўлаклари, пастки жағ, сон суяги парчаларини ва 20 га яқин алоҳида тишлар топилган. П. бош мия қопқоғи шакли ва катталигига кўра одам ва одамсимон маймун оралигида туради. П.нинг мия ҳажми 900 см³ га яқин (горилланики 500 см³, ҳоз. замон одамларида ўртача 1400 см³). Унинг пешонаси нишаб бўлиб, шимпанзеникига ўхшайди.

Питекантроп: *1* — бош суяги; *2* — бош суяги асосида тикланган қиёфаси (реконструкция).

П.нинг топилиши *антропологияда* муҳим воқеа бўлди. П. қўлда мураккаб ҳаракатлар бажаришган ва пода-пода бўлиб яшаган. Қўлда мураккаб ҳаракатлар қилиш меҳнат ҳаракатига, пода-пода бўлиб яшаш эса, жамиятнинг илк куртагига айланган.

ПИТНАК — Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани ҳудудидаги шаҳар (1974 й.дан). Амударёнинг чап соҳилида жойлашган. Т.й. станцияси. Вилоят маркази (Урганч ш.) гача 90 км, туман маркази (Ҳазорасп ш.)гача 34 км. Аҳолиси 40,2 минг киши (Питнак қишлоғи ва Тупроққалъа ҳудуди аҳолиси б-н бирга; 2001), асосан, ўзбеклар (95%), шунингдек, қозоқ, туркман, рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. П. тарихий жой номи бўлиб Беруний асарларида ҳам учрайди.

П. воҳаси суғориш учун қулай бўлганлиги сабабли бу ерларда мил. аввалги асрларда ҳам одамлар яшаганлиги маълум (Капарас, Элҳарас, Ҳумбузтепа каби қалъа ва тепаликлар ўрнида олиб борилган археологик қазишмалар буни тасдиқлайди). 16-а. бошларида Хива хон-

лиги ташкил топганда П. воҳаси ноиблик бўлган. 1873 й.да Кауфман бошчилигидаги рус қўшинлари П.ни ҳам босиб олишган. 1920 й.гача ноиблик бўлиб турган. 1920—27 й.ларда эса туман маҳомини олган. Кейинроқ шу атрофдаги 4 та қишлоқ бирлаштирилиб П. деб аталган. 1924 й.нинг бошида П.да шўролар ҳокимиятига қарши қўзғолон бўлиб ўтган. «Питнак» сўзи қад. хоразмий тилида «Пита — ер, тақир, нак — кичик, яъни «оз ер» маъносида ишлатилган. 1969 й. Туямўйин гидроузелини қуриш бошланиши жараёнида П. қишлоғи ёнидаги дашт ерда Дружба ш. қурилди. 1992 й. 16 мартда ён атрофдаги Саримой, Тупроққалъа ва П. қишлоқлари ҳам Дружба ш. кенгашининг маъмурий қарамоғига ўтказилди ва 1998 й. гача шу ном (Дружба) б-н юритилди.

П.да 6 саноат корхонаси, 16 қурилиш, 7 транспорт ва алоқа, 7 савдо ва маиший хизмат, 260 ўрта ва кичик бизнес, 2 қўшма корхоналари, Хоразм автомобиль и.ч. бирлашмаси, Туямўйин ГЭС, «Туямўйин — Урганч» сув тозалаш иншоотн, шакар-қанд, пахта тозалаш з-длари ва б. йирик корхоналар мавжул.

Шаҳарда қ.х. маҳсулотларини қайта ишловчи з-длар ва йирик цехлар ишлаб турибди. П. ҳудудидан т.й., республика аҳамиятидаги Урганч—Тошкент магистраль автомобиль йўли ўтган. 19 умумий таълим мактаби, лицей-интернат, касб-ҳунар мактаби, маданият уйи, кутубхона бор.

ПИТО НАЙЧАСИ — бир маромда турган оқаётган суюқлик (газ) нинг тўла босимини ўлчайдиган асбоб. Тўла босим статик ва динамик босимларнинг йиғиндисига тенг. П.н. учи букилган манометрик найчадан иборат: пастки очиқ тешигини суюқлик (газ) оқимига қаратиб жойлаштирилади (расм). Агар П. н.нинг оқим тезлигига параллел жойлаштирилган букилган қисмининг ён томонидан тешик очилса, статик босимни ўлчаш мумкин бўлади. Тўла ва статик босимлар маълум бўлса, динамик босимни ва, демак, суюқликнинг оқим тезлигини ҳам аниқлаш мумкин. П.н. француз олими А.Пито номига қўйилган (1732).



Пито найчаси.

ПИТОНЛАР (Pythoninae) — сохта оёқлилар оиласига мансуб илонлар кенжа оиласи. Уз. 1,5 м дан (қирол П.) 10 м гача (тўрсимон П.). Ранги ҳар хил. Юқори лаб қалқонида иссиқни сезадиган терморецепторли 2—3 та чуқурчаси бўлади. Терморецепторлари ёрдамида яқинлашаётган иссиқ қонли ҳайвонларни сезади. 27 тури шарқий ярим шарнинг тропик ва субтропик қисмида тарқалган. Асосан, ўрмонларда яшайди. Сут эмизувчилар, судралиб юрувчилар, қушлар б-н озиқланади. Йирик П. чинбўри, жайра, ёш леопард ва тунги ларини бутунлай ютиши мумкин. Одамга деярли тегмайди. Ургочиси 107 тагача тухум қўйиб, уни бирмунча вақт босиб етиб иситади ва йиртқичлардан ҳимоя қилади. Ўзини ва ёғи истеъмол қилинади; терисидан турли буюмлар ясашда фойдаланилади. П. тутқинликда 25 йилгача яшайди, лекин деярли кўпаймайди. Ярим турлари ҳимоя қилинади. (*Бугма илонлар* мақоласига илова қилинган расмга қаранг).

Питсбург шаҳрининг кўриниши

ПИТСБУРГ — АҚШнинг шим.-шарқий қисмидаги шаҳар. Пенсильвания штатида. Аҳолиси 334,5 мин киши (2000). Транспорт йўллари тугуни. Оғайо дарёси бўйидаги порт (йилига 30 млн. т юк ортиб-туширилади). Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. П. — мамлакатнинг йирик савдо-молия ва огир саноат марказларидан. Қора ва рангли металлургия, огир машинасозлик ва металлсозлик ривожланган. Металлургия саноати ва т.й. транспорти учун жиҳозлар, кўприк конструкциялари, қувурлар, тиббиёт асбоб-ускуналари ва ҳ.к. ишлаб чиқарилади. Электротехника, радиоэлектроника, станоксозлик, автомобилсозлик саноати корхоналари мавжуд. Ойна-шиша, цемент, кимё, полиграфия, озиқ-овқат корхоналари ишлаб турибди. Шаҳар яқинида тошкўмир қазиб олинади. АҚШда биринчи АЭС қурилган. Ун-т, Карнеги технология ин-ти, картиналар галереяси бор. Шаҳарга 1758 й.да асос солинган.

ПИТТ Уильям Катта, граф Чатам (Chatham) (1708—1778) — Буюк Британия бош вазири (1766—68), давлат ва сиёсий арбоби, дипломат. Жамоалар палатаси аъзоси (1735—66), бош ғазначи (1746—55); ташқи ишлар вазири ва ҳарбий вазир (1756—61). Францияга қарши кураш ташкилотчиларидан бири. 1756—63 й.ларда бўлиб ўтган Етти йиллик уруш даврида Британия сиёсатига бошчилик қилган ва пировардида Буюк Британия Франциянинг савдоси, денгиздаги кучлари ва мустамлакачилигига кучли зарба берган. 1766 й.дан бошлаб лордлар палатаси аъзоси. Сиесни ва дипломатик доираларда нуфузи юқори бўлган.

ПИТТ Уильям Кичик (1759—1806) — Буюк Британия бош вазири (1783—1801, 1804—06); «Янги тўрлар» партияси раҳбари. П. Каттанинг ўғли. Инқилобий, сўнгра Наполеон Франциясига қарши Европа давлатлари коалициясн бош ташкилотчиларидан бири. 1798 й. П. ҳукумати Ирландия қўзғолонини бостирган, 1801 й. Ирландия мухториятини тугатган.

ПИТТИ (Pitti) — Флоренциядаги бадиий музей. П. саройсига жойлашган [бинонинг ўрта қисми меъмори Ф. Брунеллески (?), 1440 й.лар; 17—18-а.ларда кенгайтирилган; ҳовли меъмори Б.Аммапти, 1558—70-й.лар; плафонлари Пьетро да Кортона томонидан бажарилган, 1640—47]. бино манъеристик богга туташган. 1828 й.дан омма учун очилган. 1911 й.дан давлат тасарруфида. П. тўплами асосини Медичилар хонадонига тегишли асарлар ташкил этади. Суратлар галереяси бино хоналарининг катта қисмини эгаллаган. Тўпламда, асосан, 15—17-а.лар италъян (Рафаэль, Тициан ва б.), қисман 17-а. фламанд (П.Рубенс, А. ван Дейк ва б.) рассомлик мактаби вакилларининг асарлари жамланган. П.да, шунингдек, замонавий санъат галереяси ва Кумуш буюмлар музейи мавжуд.

ПИФАГОР (тахм. мил. ав. 580, Самос — 500, Метапонт) — юнон математиги, файласуф, қулдор аристократиянинг гоявий тарғиботчиси. 530 й.дан Жан. Италиядаги Кротоне ш.да, кейинроқ Метапонт ш.да яшаган. Кротонеда фалсафий мактаб, сиёсий партия ва диний бирлодарликни мужассамлаштирган иттифоқ (пифагорчилар иттифоқи) тузади. П. фалсафасида сон барча нарсанинг моҳияти, олам эса сонлар ва улар орасидаги муносабатларнинг гармоник системаси, деган гоялар илгари сурилган.

Мат. тарихида П. геометрияга систематик исбот тушунчасини киритиб, уни абстракт фан даражасига кўтарган.

тўғри чизиқли шакллар геометриясининг тугал, ўзишлик ҳақидаги таълимотни яратган, тўғри бурчакли учбурчак ҳақидаги теоремани исботлаган (бу теорема П.дан 1500 йил илгари Миср ва Бобилда исботсиз маълум бўлган) (қ. *Пифагор теоремаси*), айрим мунтазам кўпбурчак ва кўпёқликларни ясаган деб ҳисобланади. Одатда, жуфт ва тоқ, туб ва мураккаб, мукаммал сонлар, арифметик, геометрик ва гармоник пропорциялар П. номи б-н боғланади. П. мактабининг математик системалаштиришдаги роли катта бўлган.

Ад. История математики древнейших времён до начала XIX столетия, т. 1., М., 1971.

ПИФАГОР СОНЛАРИ — тўғри бурчакли учбурчаклар томонларини ташкил қилувчи натурал сонлар. П. с. $x^2+y^2=z^2$ аниқмас тенглама ечимлари бўлиб, $x=m^2-n^2$, $y=2mn$, $z=m^2+n^2$ формулалар б-н берилади (бунда m, n — ҳар хил натурал сонлар). Мас., 3, 4, 5; 5, 12, 13. Қад. Миср да томонлари 3, 4, 5 бирликка тенг учбурчак тўғри бурчакли учбурчак бўлишидан ер ўлчаш ва бинокорликда фойдаланилган.

ПИФАГОР ТЕОРЕМАСИ — тўғри бурчакли учбурчак томонлари ҳақидаги теорема. Унга кўра, агар тўғри бурчакли учбурчак томонлари бир хил масштабда ўлчанган бўлса, катетлар узунликлари квадратлари йиғиндиси гипотенуза узунлиги квадратига тенг: $a^2+b^2=c^2$.

Пифагор теоремасига оид шакл.

П.т.га, асосан, тўғри бурчакли учбурчак катетларига ясалган квадратлар юзаларининг йиғиндиси гипотенузага ясалган квадрат юзасига тенг (расмга қ.) П.т. Қадимги Миср ва Бобилда маълум бўлган, лекин биринчи исботи Пифагорга тегишли деб ҳисобланади. Ҳозир П.т.нинг ўндан ортиқ исботи маълум. Юқорида келтирилган П.т. таърифи Евклид геометриясида ўринли, лекин ноевклид геометрияларда П.т. бошқача ифодаланади.

ПИФАГОРЕИЗМ — юнон фалсафасидаги таълимот. Мил. ав. 6—4-а.ларда *Пифагор* гоялари асосида шаклланган. П. таълимоти негизида сонлар барча мавжуд нарса ва ҳодисаларнинг асосидир деган тасаввур ётади. Вакиллари: Филолай, Эврит, Ксенофил, Фантон, Экекрат ва б. Пифагорчилар бутун олам сонлар уйғунлигидан ва уларнинг ўзаро муносабатидан иборат, деб билганлар; дастлаб сонларни нарсалардан фарқ қилмаган бўлсалар, кейинчалик уларни ҳатто илоҳий мавжудот деб тушунганлар. П. вакиллари фикрича, жон моддий эмас ва ўлмайди, у коинотда модда б-н бирга мавжуддир. Жон бир танадан бошқа танага, шу жумладан, одам танасидан бирор ҳайвон ва б. танасига (ёки аксинча) ўтиб юради. П. вакиллари мат., мусиқа назарияси, акустика, астрономия илмининг ривожланишига катта ҳисса қўшганлар. Мил. ав. 4-а.нинг 2-ярмида П. *платонизм* б-н қўшилиб кетди. Мил. ав. 1-а. — мил. 1-а.да *неопифагореизм* шаклида қайта вужудга келди ва *христианлик*нинг шаклланишига муайян таъсир кўрсатди.

ПИЧАН — экма ёки табиий ўрилган ўтни қўён нурида ва шамоллатиб қуритиб тайёрланадиган дағал хашак. Ўртача намлиги 15—17% ни ташкил этади. Куз-қиш даврида ҳамда моллар боғлаб боқилганда ўтхўр ҳайвонларнинг асосий озуқаси. П. тайёрлаш чорва учун озуқа жамғаришнинг энг қад. ва кенг тарқалган усули. Ботаник таркибига кўра, П. дуккакли, галлагулли, дуккакли-галлагулли, аралаш ўтли, дуккакли аралаш ўтли турларга бўлинади. П.нинг тўйимлилиги унинг таркибидаги турли ўтлар, ўсимликлар гуруҳлари нисбатларига боғлиқ. *Беда, вика, бетага, қўнғирбош, оқсўхта* ва б. ўтлар П.и энг қимматли ҳисобланади. Чўлда ўсган ўтлар пичани ботқоқли пичанзорларникидан анча тўйимлироқ бўлади. Дуккакдошлар шоналаётган ёки гуллай бошлаган фазасида, галлагуллилар бошоқлаётганда ўрилса сифатли П. чиқади. П.нинг тўйимлигига ўтлар бартарафининг тўкилмаслиги ҳам таъсир қилади, чунки барглларда протеин ва минерал моддалар поядагидагига қараганда анча кўп. 100 кг экма дуккакли ўтлар П. ида 50 озуқа бирлиги, 9,2 кг ҳазм бўлувчи протеин, 1000—1500 г кальций, 200—220 г фосфор, каротин, B_1, B_2, Д витаминлари бор. Экма галлагулли ўтлар пичанида протеин ва кальций 100 кг ўтлоқ пичанида ўртачадан бўлади. 45,8 озуқа бирлиги, 4,9 ҳазм бўлача протеин, 600 г кальций, 210 г фосфор бор.

П. молларга тўғридан-тўғри (қайта ишланмай), асосан, кавш қайтарувчи моллар ва отларга майдаланган ҳолда аралаш озуқаларга қўшиб берилади. П.нинг сифати унинг ранги, ҳиди, тозалиги ва майинлигига қараб аниқланади. Яхши пичан кўк, саргиш-кўк бўлади. Ўз вақтида йиғиштириб олинган қуруқ П. баъзи ўтларнинг ўзига хос хушбўй ҳидига эга бўлади. Агар узоқ вақт қўёш нурида қолиб кетса саргайиб, ёмғир теккан, нам ҳолида йиғиштириб олинган бўлса моғор ҳидли бўлиб қолади. П. ташишга ва сақлашга қулай бўлиши учун боғ қилиб боғланади ёки машинада пресланади. П. махсус шаклларда тарамланади. Тарамга босилган П., массасини аниқлашнинг энг тўғри йўли тарозида тортишдир. Бунинг ишлаш бўлмаса тарам ҳажми аниқланади. 1 м³ беда П.и массаси ўртача 75 кг деб қабул қилинган. Умумий тарам миқдори шунга қараб ҳисоблаб чиқилади.

ПИЧАН УНИ, ўт уни — сунъий шароитларда юқори ҳароратда қуритилган ва майдаланган ўтлардан тайёрланадиган ем-хашак маҳсулоти. Хона ёки очиқ жойларда шамолда қуритилган пичан похолқирққичларда майдаланади, кейин дон тегирмонлари ёки янчиш машиналарида тортилади. П.у. сифати ўтлар тури, ўриб-йиғиш муддати ва қуритиш усулларига боғлиқ. Энг яхши П.у. шоналаш даврида ёки гуллай бошлаганда ўрилган дуккакли ўтлардан олинади, оқсил, минерал моддалар, витаминларга бойлиги жиҳатидан донли озуқалардан қолишмайди. Себаргалаш тайёрланган 100 кг П.у. да 70,2 озуқа бирлиги ва 8,3 кг ҳазм бўладиган протеин; хашаки ловия-сули аралашмасида 65,7 озуқа бирлиги ва 9,7 кг ҳазм бўладиган протеин бор. П.у. каротинга бой; каротин яхши сақланиши учун П.у.га антиоксидантлар (сантохин ва б.) қўшилади. Чўчқалар учун аралаш ем таркибига 10—15%, паррандалар учун 3—5% П.у. қўшилади. Витаминларни йўқотмаслиги учун П.уни бутлаш ёки қайноқ сув б-н ишлов бериш мумкин эмас.

Рўзиқат Ҳамроқулов.

ПИЧОҚ ЎЙИН (кордбозлик) — қад. ўзбек цирки томошаларидан бири. Ўзбекистоннинг жан. ҳудудларида кенг тарқалган бўлиб, 18—19-а.ларда байрам, сайил, тўй ва б. катта маъракаларда намойиш этиб келинган. П.ў. 1—2 киши, айрим ҳолларда 4 киши томонидан бажарилган. Ижрочилар ноғора, сурнай наволари остида 2 тадан 10 тагача бўлган пичоқ б-н турли жанговар ҳаракатлар кўрсатиб, томошабинларни ҳайратда қолдирганлар. Агар кордбознинг бир ўзи чиқадиган бўлса, у иложи борича кўпроқ пичоқ ўйнатишга ҳаракат қилган. Пичоқларни қўлларининг тез ва чаққон ҳаракатлари б-н қўлтиғидан, бўйнидан, бутидан ўтказиб олиши орқалигина эмас, акробатик трюклар ёрдамида ҳам ўйин намойиш қилган.

2 кордбоз чиққанда, улар рақс воситалари б-н моҳир, эпчил ва жанговар икки жангчи образини беришга ҳаракат қилган. Кордбозлар шамшир ва найза б-н ҳам турли ўйинлар кўрсатишган.

20-а.да П.ў.ни З.Мирзаев, Ражаб кордбоз ва б. намойиш қилишган. 1940—50 й.ларда профессионал ўзбек цирки таркибида кордбоз Абдулла Азизхон ўзининг пичоқ ва ханжарлар ўйини б-н кўплаб шаҳарларда томоша кўрсатган. Ҳоз. кунда П.ў. анъанавий цирк гуруҳларида ижро этилмоқда.

Йўлдош Тошқанбоев.

ПИШЛОҚ, сир — сутни ивитиб, ишлов бериш йўли б-н тайёрланадиган озиқ-овқат маҳсулоти. Сигир, қўй, эчки, буйвол сутидан ёки уларнинг аралашмасидан ишлаб чиқарилади. Таркибида 15—27% енгил ҳазм бўладиган оқсил, шу жумладан, алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар, 20—32% ёғ, шунингдек, кальций, фосфор тузлари ва витаминлар (1,5—3,4%) бор. 100 г олий нав П. калорияси 350—400 ккал га тенг. П. парҳез ва шифобахш хусусиятга эга, енгил ва деярли тўла ҳазм бўлади. Сутни ивитиш усулига қараб, ширдон П.и ва қатиқ пишлоғи тайёрланади. Ширдон П.и нинг қаттиқ, шўр ва юмшоқ хиллари бор. Қаттиқ П. (Швейцария, Россия, Голландия, Кострома, Ярославль П.лари ва б.) консистенцияси мулойим, юмшоғиники (Мединск, Рокфор, Дорогобуж П.лари ва б.) мойсимон. Шўр П. (*бринза*, Тушин П.и ва б.) намакобда етилиши б-н бошқа П.лардан фарқ қилади. Қатиқ П.га қиздирилган П. ва б. киради. П.нинг 700 га яқин хили маълум бўлиб, кимёвий таркиби, мазаси турлича. Ўзбекистоннинг сут саноати корхоналарида юмшоқ пишлоқ ва бринза ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

ПЛАГИАТ (лот. plagiatus — ўғирланган) — қ. *Адабий ўғирлик*.

ПЛАГИОКЛАЗЛАР (юн. plagios — қийшиқ ва klasis — синиш, ёрилиш) — каркасли алюмосиликатлар — *дала шпатлари* гуруҳига мансуб кенг тарқалган жинс ҳосил қилувчи минераллар. Кимёвий таркиби бўйича узлуксиз изоморф қатордан иборат (қ. *Изоморфизм*) (100-*n*) $Na[AlSi_3O_8]$ $nCa[Al_2Si_2O_8]$ (бунда *n* 0 дан 100 гача ўзгариши мумкин); баъзан BaO, SrO, FeO, Fe_2O_3 ва б. аралашган бўлади. Магматик жинслар систематикасида П.нинг таркиби муҳим аҳамиятга эга. П. қаторининг чекка аъзолари *альбит* ва *анортитнинг* 0% дан 100% гача ҳар хил мутаносибликда қўшилишидан 100 хил П. ҳосил бўлиши мумкин. П. триклин системада кристалланади, турли катталикдаги призма ёки пластинка шаклидаги қўшалоқ кристаллар ва доначалар ҳосил қилади. Содда қўшалоқлари кам, мураккаб полисинтетик қўшалоқ кристаллари кенг тарқалган. Ранги оқ, кулранг, кўкимтир, қизғиш. Шишадек ялтироқ, қаттиқлиги 6—6,5, зичлиги 2620 (альбитдан 2750 (анортит) кг/м³ гача. П.нинг асосий массаси магманинг кристалланишидан ҳосил бўлади; улар, шунингдек, контакт-метаморфик ҳосилалар (скарнлар, роговик ва б.)да, яна гидротермал томирлар (альбитда учрайди. Нурли жараёнида П. асосидек б-н гидрослюдалар, гилли минераллар ва б.га айланади. П.нинг баъзан оптик эффектларига қараб кўкимтир товланувчи ҳилли *ойтош*, таркибида темир ялтирогининг майда тангачалари бўлганлигидан олтиндек товланиб турадиган хили *авантюрин*, эпчил ва кўк товланадиган хили *лабрадор* деб аталади. Кўкимтир, чиройли товланиб турадиган хили безак тош сифатида ишлатилади.

ПЛАЗМА (юн. plasma — шаклланган) — тўлиқ ёки қисман ионлашган ва ҳар бир элементар ҳажмдаги электрон ва ионларнинг йиғинди заряди нолга тенг бўлган газ. Суюқликнинг газ ҳолатига ўтиши *буғланиш*, қаттиқ жисмнинг газ ҳолатига ўтиши *сублимация* деб аталади. Ҳар қандай жисм кучли қиздириш натижасида газ ҳолатига ўтади. Агар т-ра янада оширилса, иссиқлик энергияси таъсирида молекулаларнинг ионларга ажралиш жараёни бошланади. Газнинг ионланиши турли воситалар ёрдамида, мас., ёритиш, электронлар ёки бошқа зарралар б-н бомбардимон қилиш натижасида ҳам содир бўлиши мумкин. П. ҳажм бирлигидаги ионлашган атомлар сонининг шу ҳажм бирлигидаги барча атомлар сонига нисбати П.нинг ионланиш даражаси α дейилади. α нинг қийматига қараб заиф, кучли ва тўла ионлашган П. бўлади. Космос ва Ер шароитларида, ҳоз. замон техникасида П. ҳолатидаги модда гоят катта роль ўйнайди. Газлардан ток ўтиш ҳодисалари, яъни газлардаги разрядлар, яшин, учқун, электр ёйи каби ҳодисалар П. б-н боғлиқ. Ер атмосферасининг юқори қатлами Қуёш ва б. космик омиллар таъсирида заиф ионлашган П. бўлиб, улар қуёш шамоли кўринишида Ер магнитосфераси ва ионосферасини ташкил қилади. Қуёш ва юқори т-рали юлдузлар тўла ионлашган П.дан иборат. П. зичлиги (1 см даги электрон ёки ионлар сони) қуйидаги қийматларга эга бўлади: галактик фазода $n \sim 10^{-3}$, қуёш шамолида $n \sim 10$, қаттиқ жисмларда $n \sim 10^{22}$.



Плазма: Плазманинг баъзи ҳолатлари: *1* — юқори босимдаги разряд, *2* — идрония синтезловчи тажрибалар, *3* — термоядро реакторлари, *4* — паст босимдаги разряд, *5* — аланга, *6* — ёпқичма разряд, *7* — ионосфера, *8* — қуёш тожи, *9* — валентлараро фазо, *10* — сайёралараро фазо, *11* — Қуёш марказ.

«П.» терминини фанга биринчи бўлиб америкалик олимлар И.Ленмюир ва Л.Тонкс киритган (1923).

Умумий ҳолда П.ни ташкил этувчи электронлар, ионлар ва нейтрал атомларнинг ўртача кинетик энергиялари бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Бундай термодинамик мувозанатсиз ҳолатдаги П.га *ноизотермик* П. деб аталади. Мас., газ разрядли П.да ҳар бир электроннинг ўртача кинетик энергияси ионникига қараганда ўнлаб маротаба катта бўлади. П.нинг мувозанатсиз ҳолати разряд токининг энергияси ҳисобига сақланиб туриши мумкин. Маълумки, ташқи манба энергияси асосан, электронлар қабул қилади. Электрон массаси ион ёки нейтрал зарра массасига нисбатан бир неча минг марта кичик бўлганлиги сабабли, тўқнашувлар натижасида электронлар энергиясининг жуда оз қисмигина бошқа зарраларга ўтиши мумкин. Электронлар энергиясининг камайиши ташқи манба энергияси ҳисобига тўлдирила боради. Шундай қилиб, электронлар, ионлар ва нейтрал зарраларнинг ҳар қайсиси ўзига хос ўртача кинетик энергияга, демак т-рага эга. Электронлар т-раси T_e, ионлар т-раси T_i ва нейтрал зарралар т-раси T_a орқали белгиланади. Одатда T_aга нисбатан T_i каттароқ. T_e эса анча катта бўлади.

П. ни характерловчи энг муҳим физик катталик Дебай радиусидир, унинг моҳиятини қуйидагича тушунтириш мумкин. Агар П. таркибидаги бирор q зарядли зарра вакуумда бўлганида эди, унинг ўзидан r масофа узоқликдаги нуқтада ҳосил қилаётган потенциали $\varphi = \frac{1}{4\pi\varepsilon_0}\frac{q}{r}$ формула орқали аниқланар эди. Плазмада эса кулонлаётган бу зарядли зарра бошқа тарқалганган зарралар б-н қуршаб олинган. Зарралар орасида узоқ таъсир кучлари мавжудлиги туфайли кулонлаётган заряд атрофига қутбланиш зарралар пиллали ва улар q заряд майдонини кучсизлантиради. Ҳисоблашларнинг кўрсатишича, П.даги q зарядининг потенциали масофа ортиши б-н қуйидаги қонуният бўйича ўзгариб боради:

$$\varphi = \frac{1}{4\pi\varepsilon_0 r} e^{-r/D},$$

бундаги D катталик т-рага, ҳажм бирлигидаги зарралар сонига, уларнинг зарядига боғлиқ. Жумладан, агар изотермик П. фақат электронлардан ёки бир хил зарядли ионлардан иборат бўлса

$$D = \sqrt{\frac{kT}{4\pi ne^2}}$$ бўлади.

Бу ерда электронлар (ёки ионлар)нинг ҳажм бирлигидаги сони n орқали ва электрон заряди e орқали белгиланади. $r >> D$ бўлганда, яъни Dга нисбатан катта масофаларда зарядларнинг электр майдони жуда заифлашади. Бу ҳодиса заряд майдонининг экранланиши, экранланишини характерловчи D катталик эса экранланиш радиуси ёки Дебай радиуси деб юритилади. Мас., водород П.ида $T=10^4 K$ ва $n=10^{16}$ см⁻³ экан, Дебай радиуси $D=1{,}5\cdot10^{-3}$ см. Радиуси D га тенг сфера ичидаги барча зарядли зарраларнинг сони Дебай сони дейилади. Дебай сони катта бўлгандагина П.ни газ деб ҳисоблаш мумкин. П.нинг асосий хусусияти шундан иборатки, ундаги мусбат ва манфий зарядлар зичликлари деярли бир-бирига тенгдир. Бу хусусият П.нинг *квазинейтраллиги* дейилади. П. эгалланган жойнинг чизиғий ўлчами Дебай радиусидан анча катта ҳолатдагина квазинейтраллик рўй беради.

Модданинг қаттиқ, суюқ ёки газ ҳолатларда бўлиши унинг *агрегат ҳолатлари* дейилади. Юқорида айтилганлардан равшанки, П. хусусиятлари модданинг олдинги газ ҳолатидаги хусусиятларидан кўп жиҳатдан фарқ қилади. Шунинг учун П.ни модданинг *тўртинчи ҳолати* деб ҳисобланади. П. хусусиятларидан фойдаланиш ҳоз. замон техникаси тараққиётида гоят катта аҳамиятга эга.

Ад.: Арцимович Л.А., Элементарная физика плазмы, М., 1969. Рубинков Б.А., Введение в теорию плазмы, ч. 1—3, М., 1969—78.

ПЛАЗМА, қон плазмаси — қоннинг суюқ қисми. Унда қоннинг шаклли элементлари (эритроцитлар, лейкоцитлар, тромбоцитлар) бўлади. Қон плазмаси таркибидаги ўзгаришларига қараб, турли касалликлар (*ревматизм, қандли диабет* ва б.)ни аниқлаш мумкин. Қон плазмасидан дори препаратлар (*альбуминлар*, фибриноген, *гаммаглобулин* ва б.) тайёрланади.

ПЛАЗМА КИМЁСИ, плазмокимё — физик-кимёнинг паст т-рали плазмадаги физик-кимёвий жараёнларни, ундаги реакциялар кинетикаси ва механизмини, плазмокимёвий технология асосларини ўрганувчи бўлими. Физика нуқтаи назаридан П.к. да қўлланадиган плазма (термоядро плазмасига нисбатан) паст т-рали (10^3—10^5 К, ионланиш даражаси 10^{-4}—10^{-1}), кимё ва кимёвий технология нуқтаи назаридан эса энг юқори т-рали ҳисобланади. Плазма кимёда эндотермик реакцияларни амалга ошириш ёки иссиққа чидамли материаллар таъсир этувчи юқори т-ра элиткичлари сифатида ишлатилади. H_2^+, N_2^+, O_2^+ ва б. молекулар ионларнинг ҳосил бўлишига олиб келадиган газ ионлари реакциялари П.к.нинг спецификк жараёнларидир. Нейтрал ҳолатда мавжуд бўлмайдиган кўпгина молекулалар ионлашган ҳолда плазмада бўла олади. Асл газларнинг ўзаро ёки водород б-н ҳосил қиладиган молекуляр ионлари — He_2^+, $NeHe^+$, NeH^+, ArH^+, KrH^+, оғир ионлар — H_3^+, CH_3^+, $C_2H_5^+$ ва б. шулар жумласидандир.

П.к.нинг техникада қўлланиши плазма оқимининг юқори т-рага эга бўлишига асосланган. Плазма оқими электр ёйли ёки юқори частотали индукцион плазматронларда олинади.

П.к.нинг энг истиқболли техник жараёни атмосфера азотини тўғридан-тўғри оксидлаш, метан ва б. углеводородларни электрокрекинглаб ацетилен олишдан иборат. Этилен ва б. олефинларни, тетрафторэтилен, гидразин, дициан, водород цианид, трихлорсидиан, водород пероксидан, гидроксиламин, водород пероксид, формальдегид олиш мақсадида ҳам П.к. жараёнлари ўрганилади. П.к.нинг махсус бўлими — *плазма металлургиясида* ванадий, никель, тезкумир, молибден, бор ва ҳ.к.нинг оксидларини ва галогенидларига водород плазмаси таъсир эттириб, соф элементлар ажратиб олинади.

Металлар сиртида оловбардош оксид пардалар ҳосил қилиш ёки полимерлар сиртини тозалашда кислород плазмаси оқими қўлланади.

П.к. плазма нурланганда кечадиган фотокимёвий жараёнларни ҳам ўз ичига олади. Бунга озоннинг олиниши мисол бўла олади, чунки бунда асосий жараён кислород молекулаларини ультрабинафша нурлар таъсирида диссоциациялашга асосланган.

Ад.: Полак Л. С. [и др.], Химия плазмы, Новосибирск, 1991.

ПЛАЗМА МЕТАЛЛУРГИЯСИ — металл ва қотишмаларни *плазма* газ реакторлари ва плазма печларида олиш ҳамда қайта ишлаш, плазмали қиздириш усулидан фойдаланиш. 20-а. 50-й.ларидан ривожлана бошлаган. Рудалар плазмада қайта ишланади; бунда улар ё плазма оқимига кукун ҳолида пуркалади ёки электр ўтказувчи материал б-н аралашма ҳосил қилади. Пулат ва қотишмалар плазмали ёйли печларда эритилади. П.м.да турлича эритиш жараёнлари амалга оширилади: металлни инерт газлар муҳитида қайта эритиш; металлни плазма-водород б-н оксидлаб ёки азот б-н тўйинтириб қайта эритиш; шлак б-н плазма-ёй ёрдамида қайта эритиш; домна ва мартен печларида ёрдамчи иссиқлик манбаи сифатида *плазмотрон* қурилмасидан фойдаланиш мумкин (қ. *Металлургия*).

ПЛАЗМА ТЕЗЛАТКИЧЛАР — тезлиги 10—10^3 км/с ва ундан юқори бўлган плазма оқими ҳосил қилиш учун ишлатиладиган қурилмалар. Улардаги ионларнинг кинетик энергияси 10 эВ дан 10^3—10^9 эВ гача етади. Энергиянинг пастки чегарасида паст т-рали плазма генераторлари — плазматронларга, юқори чегарада — зарядланган зарралар тезлатгичларига ўхшайди. П. т. тўлиқ ионлашган бўлади. Катта тезликдаги плазма оқимини турли йўл б-н мас., қаттиқ жисмга лазер нурларини таъсир эттириб олиш мумкин. 1-расмда П.т.га тегишли асбоб тасвирланган, унда тезланиш ва плазмани тайёрлаш бир ёки бир нечта электр разрядининг электр энергияси ҳисобига амалга ошади.

Тезланиш механизми. П.т. нинг иш жараёнини таҳлил қилишда плазмани яхлит муҳит ёки зарралар (ион ва электронлар) йиғиндиси деб қараш мумкин. Яхлит муҳит деб олинганда плазманинг тезланиши тўлиқ (ион ва электронлар) босимнинг пасайиши ва плазмада оқувчи токларнинг ўзаро таъси-



Плазма тезлаткичлар: 1-расм. Плазма тезлаткичи схемаси

ридан вужудга келади. Плазма заррлар йиғиндиси бўлса ионлар тезланиши қуйидагилар асосида вужудга келади: 1) плазма ҳажмидаги электр майдон таъсирида; 2) йўналтирилган электронлар оқими («электрон шамоли»нинг ионлар б-н тўқнашишидан; 3) ионларнинг ўзаро тўқнашишидан.

П.т. таснифи. П.т. иссиқлик ва электромагнит тезлаткичларга бўлинади. Иссиқлик П.т. орасида изотермик бўлмаган тезлаткичлар алоҳида аҳамиятга эга. Унда $P_e >> P_i$. Буни қуйидагича тушунтириш мумкин: «иссиқ» электрон ($T_e >> T_i$) ли плазма юқори т-рали T_i ионлар плазмасига нисбатан жуда осон ҳосил бўлади. Буни изотермик бўлмаган плазма дейилади. Изотермик бўлмаган тезлаткичнинг тузилиши тез электронларни инжекциялаш йўли б-н ёки электронли циклотрон резонанси ёрламида т-раси $T_e \sim 10^7 - 10^9$ К га тенг «иссиқ» электронли плазма ҳосил қилишдан иборат. 2-расмда изотермик бўлмаган плазма тезлаткичи схемаси келтирилган. Бунда электрон замбарак ЭЗ дан чиқаётган электрон дастаси газ-разряд камераси ГКлаги электронларни «ситади» ва бу камерага киритилаётган иш модласи ИМни ионлайди. Ҳосил бўлган ва тезлашган плазма ТП электрон босимининг фарқи таъсирида магнит майдони ғалтаги MMF вужудга келтираётган магнит майдони чизиқлари бўйлаб оқиб чиқади. Электронлар камерадан чиқиб кетишга уринib, ҳажмий зарядларнинг электр майдонини ҳосил қилади. Бу майдон, ўз навбатида, ионларга $kT_e \sim 10^3 - 10^4$ эВ миқдоридаги энергия бериб, уларни тезлаштиради. Электромагнит П.т. плазмага энергия берилишига қараб 3 синфга бўлинади: радиацион тезлаткичлар — бунда плазма оқимининг тезланиши плазма қуюқланмасига тушаётган электромагнит тўлқинларининг босими таъсирида келиб чиқади; индукцион тезлаткичлар — импульсли тизимлар, унда ташқи ўсувчи магнит майдони B плазма ҳалқасидаги токни индукциялайди. Шу ток б-н ташқи магнит майдони радиал ташкил этувчисининг ўзаро таъсири Ампер кучини ҳосил қилади. Бу куч плазма ҳалқасини тезлаштиради; электродли тезлаткичлар — тезланиши плазма б-н кучланиш манбаига уланган электродлар ўзаро контактда бўлади. Бу токнинг ташқи (автоном магнит тизим ҳосил қилган) ёки хусусий (плазмадан оқадиган ток ҳосил қилган) магнит майдони б-н ампер таъсиридан плазма тезланиши ҳосил бўлади. Электродли П.т. кенг тарқалган.



2-расм. Изотермик бўлмаган плазма тезлаткичи схемаси.

Биринчи П.т. 1950-йлар ўрталарида пайдо бўлди. Улар сиртни тозалаш технологияси (катодли чанглатиш усули), турли сиртларда металл плёнка ҳосил қилиш, ионосфера аэродинамикаси тадқиқотлари ва астрофизика экспериментлари (космик ҳодисаларни моделлаш), термоядро тадқиқотлар (плазма инжектори сифатида) қўлланилади.

ПЛАЗМАТИК МЕМБРАНА, плазмолемма — ҳужайра цитоплазмасини ташқи муҳитдан ёки унинг қобиғидан (ўсимлик ҳужайраларида) ажратиб турувчи мембрана. П.м.га кимёвий таркибига кўра, ёғлар, оқсиллар, углеводлар ва жуда оз миқдорда бошқа органик бирикмалар киради. Суюқлик-мозаика моделига кўра, П.м.нинг асосий қисми фосфолипид қўш қаватдан иборат. Бу қаватнинг ичкарига қараган қисми гидрофоб (сувда эримайдиган), ташқи қисми эса гидрофил (сувда эрувчан) хусусиятга эга. Фосфолипид қаватда оқсил молекулалари сузиб юради. Фосфолипид қавати сиртида эса мураккаб органик бирикмалардан ҳосил бўлган гликопротеинлар жойлашган. Улар рецепторлар таркибига киради. П.м. барьер (тўсиқ), моддаларни ташиш (транспорт), регулятор (бошқариш) ва каталитик функцияларни бажаради (яна қ. *Ҳужайра*).

ПЛАЗМИДАЛАР — ҳужайра хромосомалари таркибига кирмайдиган, цитоплазмада хромосомалар б-н боғланмаган автоном ҳолатда мавжуд бўлган доимий генетик элементлар. «П.» терминини Ж.Ледербергер ва б. (1952) таклиф этган. Хромосомалар б-н бирика оладиган П. эписомалар дейилади. Бактерия ҳужайралари П.и яхши ўрганилган. П. бактерияларида жинсий белгини ташиш (F — омил) ва уларнинг антибиотикларга чидамлилигини белгилашда (R—омил) катта аҳамиятга эга. Бу омилларни ўзида сақловчи П. бир бактериядан иккинчисига ўтиб, уларнинг хусусиятларини ўзгартиради. П. ҳалқасимон ДНК молекуласидан ташкил топган бўлиб, табиатда кенг тарқалган. П.лан генетик инженерияда рекомбинант ДНК молекулаларини бошқа ҳужайраларга киритишда ташувчи сифатида, бактерияларнинг антибиотикларга чидамлилигини бартараф этиш йўлларини ишлаб чиқишда фойдаланилади.

ПЛАЗМОДЕСМАЛАР (*плазма* ва юн. desma — боғ) — усимликларда қўшни ҳужайралар протопластларини ўзаро боғлаб турувчи цитоплазма ипчалари. П. ҳужайра бўлиниши даврида ҳужайра қобиғи таркибида ҳосил бўладиган найчаларда жойлашади. Найчалар бўшлиғини плазматик мембрана ураб туради. Найчалар диаметри 20—70 нм га тенг бўлиб, улар сони ҳар хил ҳужайраларда бир хил бўлмаслиги мумкин. П. орқали таъсирланиш ва моддалар бир ҳужайрадан иккинчисига ўтиб, ҳужайралар ўртасида умумий боғланиш амалга оширилади. (яна қ. *Ҳужайра, Эндоплазматик тўр*).

ПЛАЗМОЛИЗ (*плазма* ва ...*лиз*) — усимлик ҳужайраларида цитоплазманинг ҳужайра қобиғидан ажралиш жараёни. Фақат тирик ҳужайраларда ҳужайра ширасига нисбатан гипертоник ҳисобланган эритма таъсирида кузатилади. П. жараёни секин борганда ҳужайра узоқ вақт давомида тириклигича қолади. Бундан ҳужайраларни сувга ёки гипотоник эритмага туширилса, деплазмолиз жараёни содир бўлиб, тезда тургор ҳолати тикланади. Узоқ вақт давом этган П. шароитида ҳужайра ҳалокатга учрайди. Тўқималарда содир бўладиган П.нн қиёсий баҳолаш учун икки хил: четараланган П. ва плазмометрик методлардан фойдаланилади. Биринчи метод Нидерландия олими Х. Де Фриз (1884) томонидан таклиф этилган. Бунда тўқималар KNO_3, сахароза, NaCl осматик жиҳатдан фаол бўлган моддаларнинг эритмасига ботирилади ва эритманинг 50%ла ҳужайранинг П.га учраган концентрацияси аниқланади. Плазмометрик методда эса П.дан кейин ҳужайра ва протопластнинг нисбий ҳажми аниқланиб, эритма концентрациясини ҳисобга олган ҳолда тегишли формула ёрдамида ҳужайранинг осматик босими аниқланади. П. ҳодисасидан ҳужайранинг ўтказувчанлиги, қовушқоқлиги, осматик босими ва б. хусусиятларини аниқлашда фойдаланилади.

ПЛАЗМОН — *плазма* зичлиги ва қаттиқ жисм плазмаси тебранишлари кванти, *квазизарралар*. Бунда ҳар хил ишорали зарралар (электронлар ва ионлар) бир-бирига нисбатан силжиб, плазмада электр майдони зўриқишлари тебранишларини вужудга келтиради. П. энергияси тахм. $E_0 = \hbar\omega_L = \hbar\sqrt{4\pi ne^2/m}$ га тенг, бунда e, m — зарядланган зарра заряди ва массаси, n — ҳажм бирлигидаги зарядланган зарралар сони, $\hbar = \frac{h}{2\pi}$; h — *Планк доимийси*, ω_L — бурчакли плазмавий (ленгмюр) частота.

П. иерархия металлда электронлар иерархиясининг нуқтаи характеристикасидан, шунингдек, П. чиқарастган ёруғлик нурланишининг спектрини таҳлил қилишдан учраиади.

ПЛАЗМОТРОН, плазма генератори (*плазма* ва *электрон*) — плазма олиш учун ишлатиладиган газ разряди асбоб. Саноатда материалларга ишлов беришда қўлланилади. Газларда фоидаланиладиган электр разрядларнинг турига қараб ёй разрядли ва юқори частотали П. кенг тарқалган.

Ўнармас токда ишлайдиган ёй разрядли П. қуйидаги асосий қисмлардан иборат: битта (катод) ёки иккита (катод ва анод) электрод, разряд камераси, плазма ҳосил қилувчи моддани узатиш қисми. Разряд камерасининг плазма оқадиган сриги П. соплоси дейилади. Ёй разрядли П.нинг икки тури: ташқи плазма ёйи ва плазмали оқимни ҳосил қилишда ишлатиладиган П.мавжуд. Биринчи тур П.да ёй разряди катод ва анод сифатида олинган жисм орасида ёнади. П.нинг иккинчи турида катод ва анод орасидаги разрядда ҳосил қилинаётган плазма разряд камерасидан ингичка узун оқим сифатида оқиб чиқади.

Ёй разрядли П.да иш гази (водород, кислород, азот, аргон, гелий ва б.) қийин эрийдиган катод (вольфрам, молибден, махсус қотишмалар) ва сув б-н совитиладиган мис аноди орасида содир бўлаётган ёй разряди туфайли плазмага айланади. Бу плазма аноддаги ёриқдан оқиб чиқади.

Ёй разрядли П.да разрядниng турғунлигига магнит майдони, газлар оқими, разряд камераси, соплонинг деворлари туфайли эришилади. Бу П.нинг қуввати 10 МВт, сопло кесимидаги оқим т-раси (3—25) 10^3К, оқимининг чиқиш тезлиги 10^4 м/с.

Юқори частотали П. эса электромагнит ғалтак — индуктор ёки юқори частотали энергия манбаига уланган электродлар, разряд камераси, плазма ҳосил қилувчи моддани киргизиш қисмини ўз ичига олади. Унинг индукцион, сигимли, машъалли, ўта юқори частотали хиллари мавжуд. Индукцион П. ёрдамида нитрид, борид, карбид ва б. кимёвий бирикмалар асосидаги юпқа дисперсли ва жуда тоза кукун материаллар олинади. П. қуввати 1 МВт га етади, т-ра разряд камерасининг маркази ва плазма оқимининг бошланиш жойида $\sim 10^4$ К, плазма оқимининг тезлиги 10^3 м/с, частотаси бир неча ўн минг Гц дан ўнлаб МГц гача бўлади. Ўта юқори частотали П. частотаси минг ва ўн минг МГц ларни ташкил қилади; уларни таъминловчи генератор сифатида магнетронлар қўлланилади.

ПЛАКАТ (нем. Plakat, франц. placard — эълон, афиша) — *графика* тури; катта ҳажмда ишланган тасвирий санъат асари. Қисқа матн илова қилинади; ташвиқот, реклама, информация ва ўқувгазим мақсадларига хизмат қилади. Замонавий П., одатда, рассом яратган асл нусхадан босмахонада кўпайтирилади. Одатдан кўзга яққол ташланиши, ўта таъсирчанлиги, оммабоплиги, тасвирининг киноэкранга бойлиги, ҳаммабоп рамзлар ишлатилиши, турли ҳажмдаги шаклларни қиёслаш, умумлашма тасвирий шаклларда фойдаланиш каби ўзига хос бадиий воситалари б-н бошқа ахборот манбаларидан фарқ қилади. Бунда шрифт ва матнининг жойланиши, шартли ранглар (ёркин безаклар) қўлланилиши муҳим роль ўйнайди. Тасвирий восита сифатида баъзан фотография (мустақил тарзда ёки расм, рангтасвир б-н) ишлатилади.

19-а. 2-ярмидан Ғарбий Европада реклама кўринишидаги П. юзага келган. Бунгача катта ҳажмдаги ташвиқий ган. Бунгача катта ҳажмдаги ташвиқий гравюра баъзан П. деб аталган. П. ижтимоий- сиёсий ҳаёт, халқ хўжалиги, маданий вазифалар б-н боғлиқ ҳолда ривожланди. 1900-й.лар бошларида сиёсий П. юзага келди, демократик ҳаракат ва тинчлик учун кураш соҳасида катта ютуқларга эришилди. 1910 й.дан китоб-жур. графикасидан узоқлашиб, дастгоҳ графикасига яқинлашган П. рангтасвир, графика, фото санъати б-н кўпроқ боғланди. 20-а.да П. ташвиқотнинг жанговар қуролига айланди. 2-жаҳон уруши йилларида ўта таъсирчан воситага айланган бўлса, ҳоз. кунда тинчлик учун кураш, жамият ҳаётида учлик учун кураш, жамият ҳаётида учраб турадиган камчиликларни бартараф этишда ва б.да муҳим роль ўйнамоқда.

Плакат. «Тинчлик оғушида» (Ф. Кагаров).

Ўзбекистонда П. 19-а. охири 20-а. бошларида пайдо бўлди, 20-а. 20-й.лардан кенг тарқалди. Дастлабки йилларда асосан қўлда ишланган ва кўпайтирилган П. ва ҳажмий расмлар кенг қўлланилган. Босма П. 1923—24-й.лардан чоп этила бошланди. Уста Наби Ҳафизов, М.Курзин, В.Уфимцев, В. Кайдалов ва б. самарали ижод қилди. 2-жаҳон уруши йилларида П. етакчи ўринни эгаллади. П.чи рассомлар уюшмаси тузилди, ЎзТАГ ойнаси ташкил этилди (1941). П.да сўнгги янгиликлар ва муҳим воқеалар ўз аксини топди. 60—80-й.ларда А.Балканов, В.М.Громнко, Ф.*Кагаров*, В.Евенко, Т.Ткачев ва б. рассомларнинг тинчлик, ахлоқ, иқтисод, маданий маърифий мавзулардаги асарлари яратилди. Жумладан, Ф.Кагаровнинг тинчлик мавзуидаги П.лари халқаро анжуманларнинг рамзига айланди. Рассомларнинг ижодий изланишлари туфайли П. Ўзбекистонда тасвирий санъатнинг энг таъсирчан оммабоп турига айланди (А.А.Зиёев, Т.А.Тохтарова, Х.Ҳасанов, Н.Ҳакимов, Н. Ҳусанов, И.Абдуллаев, А.Нурқобилов ва б.).

Ахборот технологиясининг ривожланиши, полиграфия ишларининг янгиланиши ҳамда ҳаётга кенг кўламда компьютер графикасининг кириб келиши П.нинг янги имкониятларини излашни талаб қилади.

ПЛАКОИД ТАНГАЧА (юн. plax — юза, пластинка ва eidos — кўриниш, шакл) — тоғайли балиқлар учун хос тангачалар. Мезодермада (эктодерма чегарасида) ривожланади; эктодермани ёриб пих шаклида тана сиртига чиқади. Ба-

Плакат. «Ўзбек миллий ўйинлари» (Н. Ҳусанов).

зал пластинка, бўйинча ва коронка, яъни пихдан иборат. Пихнинг учи орқага эгилган. Ҳар бир тангача ичида қон томирлари ва нервлар б-н таъминланган бўшлиқ (пульпа) ёки бир неча пульпа найлари бўлади. П.т. дентиндан иборат; унинг учки қисми (пихи) қаттиқ эмал б-н қопланган. Ҳаёт давомида П.т. алмашиниб туради. Умуртқалилар эволюциясида П.т. ганоид ва сувк тангачалар б-н алмашинади. Умуртқаларнинг тишлари П.т.дан ҳосил бўлган (яна қ. *Тангачалар*).

ПЛАН (лот. planum — текислик) — 1) текисликда ер юзасининг бир қисмини шартли белгилар ёрдамида (1:10000 ва ундан йирик масштабда) тасвирловчи чизма (қ. *Топографик план*); 2) бирор иншоот ёки йирик нарсанинг горизонтал кесими ёки юқоридан кўриниши (қ. *Тарх*); 3) горизонтал проекция (қ. *Чизма геометрия*); 4) объектнинг тасвирдаги ўрни (олдинги П., орқа П.) ва уларнинг катта-кичиклиги (йирик П., майда П..); 5) *режа*.

ПЛАНЕТАЛОГИЯ (юн. planets — кезиб юрувчи ва ... *логия*), сайёрашунослик — *Қуёш системасидаги* сайёралар ва уларнинг йўлдошларини ўрганиш б-н шуғулланувчи фанлар мажмуи. П. сайёралар ва йўлдошларнинг физик хоссалари, кимёвий таркиби, ички ва ташқи қобиқлари хусусиятларини ўрганади. П. қуйидаги бўлимлардан иборат: планетар геология, селенология (Ойни), ареология (Марсни), гермеология (Меркурийни) ва афрология (Венерани) тадқиқ қилади. П. 1950 й.лардa СССР да шаклланган; 1955 й.да астрогеология (1962 й.дан планетология) комиссияси, 1968 й.да Халқаро П. ассоциацияси тузилди. Космик тадқиқотлар б-н боғлиқ П. алоҳида ривожланди.

ПЛАНЕТАР ТУМАНЛИКЛАР — марказида юқори т-рали юлдуз жойлашган, ундан маълум масофада радикал кенгаювчи, газсимон қобиғи бор объектлар. Кўринишлари дискка эга бўлган гигант сайёраларни эслатиши сабабли П.т. дейилади. П.т. галактикамиздагина эмас, балки қўшни галактикаларда ҳам яхши кузатилади. П. т.нинг газсимон қобиқлари массаси тахм. 0,1 Қуёш массасига тенг бўлиб, улар фазога 20—40 км/сек тезлик б-н кенгайиб боради. П.т. умри 20 минг йилга яқин, бу даврдан сўнг қобиқ кузатувчига кўринмай фазога тарқаб кетади. Қари П.т. спектри *оқ митти юлдузлар* спектрига ўхшайди. Марказий юлдузнинг т-раси 50—100 минг градус атрофида. П.т. нурланишида ультрабинафша нурлар сезиларли даражада мавжудлиги б-н ажралиб туради. Галактикамизда 1500 га яқин П.т. кузатилади. П.т. Галактикамиз экватори ва ядросига нисбатан концентрацияга ега.

ПЛАНЕТАРИЙ (лот. planeta — сайёра) — 1) астрономик ҳодисалар (юлдузлар осмонининг кўриниши, *осмон сферасининг* айланиши, Қуёш ва сайёраларнинг кўринма ҳаракати, *Ер сунъий йўлдошларининг* ҳаракати, Қуёш ва *Ой тутилишлари* ва б.) ни махсус ўрнатилган курсатувчи аппарат. Экрани ярим шарни эслатувчи гумбаз кўринишида бўлади. Оилаб ва йилдаб кечаликдаги ҳодисаларни П.да бир неча мин. мобайнида намойиш қилиш мумкин. Биринчи оптик П. 1924 й. «Карл Цейс» фирмаси ₂-лида (Германия) яратилган. 20-а. 70-йилларда «Карл Цейс» халқ корхонаси (ГДР) П.нинг 3 моделини ишлаб

Тошкент планетарийси (2003).

чиқарган. П. аппаратлари АҚШ (Spitz), Япония (Goto) ва ГФР (Zeiss) ва б. мамлакатларда ишлаб чиқарилади; 2) астрономия, космонавтика ва Ер ҳақидаги фанларга оид тадбирлар ўтказиладиган маданий-маърифий муассаса. П.да астрономия, геология, геофизика ва космонавтикага доир маърузаларни ўқиш мумкин. Биринчи П. 1925 й. Мюнхенда қурилган. Тошкентда П. 1963 й. ҳоз. Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат богида қурилган, 2003 й. П.нинг янги биноси ишга туширилди.

ПЛАНЁР (франц. planeur, planer — парвоз қилмоқ) — моторсиз, қанотли ҳаводан оғир учиш аппарати. Учиши тинч атмосфера шароитида уфққа нисбатан маълум бурчак остн (мўлжал бурчаги) да узлуксиз пасайиб боришн натижасида юз беради; самолётнинг

Планёр. «Летува» (Литва).

учишидаги каби физик. қонунларга асосланади, лекн юқорида кўтарилиш мумкин. П. ресинали амортизатор, чигир, шатакка олувчи самолет ердамида учирилади. П.лар бир, икки ва кўп урнли; ўқув-, машқ ва рекорд ўрнатиш (спорт) да фойдаланиладиган турларга бўлинади. Биринчи П. 1868 й. француз дегнерчиси Ж.Ле Бри томонидан ясалган ва синаб кўрилган. Уни от арава б-н шатакка олиб, 30 м гача учиришга эришган. Немис муҳандиси О.Лилиенталь 1891 й. учирган П. биринчи марта 250 м масофагача мувозанат сақлаган. Кейинчалик П. Пилчер (Буюк Британия), О. Шанют (АҚШ) ва б. ҳам бундан муваффақиятларга эришганлар. 1913 й. рус конструктори С.П.Добровольский Россияда биринчи бўлиб П.-биплан ихтиро қилган. Бу П.-биплан рул бошқариш тизими ёрдамида 5 мин. давомида учиб олган. 20-а. 20-, 30-, й.ларида анча такомиллашган П.лар яратилган.

П.ларнинг асосий учиш-техник кўрсаткичлари: ни юқори аэродинамик сифати 40—53; қанотларининг ёнидаги уз. 29 м гача, қаноларини узунлиги 20—36; қанотларига тушадиган куч 250—350 Н/м², пасайиш тезлиги 0,4—0,8 м/с; учиш тезлиги (ни юқори аэродинамик сифатида) 80—100 км/соат; максимал учиш тезлиги 220—250 км/соат. Ҳозир П. асосан, спорт мақсадларида қўлланилади.

ПЛАНЁР СПОРТИ — авиация спорти тури. *Планёр*ларда учбурчакли маршрут буйлаб тез учиш, мўлжалга етиб бориб, яна старт берилган жойга қайтиш, узоққа учиб, маршрутнинг охирги нуқтасига қўниш ва б. П.с. 19-а. охири — 20-а. бошларида Европанинг бир неча мамлакатларида (Германия, Франция, Буюк Британия, Россия) ва АҚШда пайдо бўлди. Ўзбекистонда 20-а. 30-й.ларининг бошларида вужудга келди. Ўшанда Тошкент ш.да ягона планёр мактаби бор эди. 1935 й.га келиб 5 шаҳар (Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона ва Маргилон) ҳамда 5 с-з да П.с. билан шуғуллана бошладилар. Ўтган давр мобайнида 420 планёрчи тайёрланди, 8 та планёрда 5081 парвоз амалга оширилди. Халқаро планёр комиссияси — CIVV (1950 й. ташкил топган)га 60 дан ортиқ мамлакат аъзо. 1948 й.дан жаҳон чемпионати ўтказилади. П.с. 1936 й.ги олимпиада ўйинларининг намунавий мусобақаларига киритилган.

ПЛАНИМЕТР (лот. planum — текислик ва юн. metreo — ўлчайман) — тўғри шаклли бўлмаган ясси шакллар юзасини аниқлаш учун мўлжалланган механик асбоб. Энг кенг тарқалган П.нинг асосни қисмлари: ҳисоблаш механизми ва шакл қисфасини чизиб чиқадиган штифти даста (ричаг). П.нинг қутбни, чизиқли ва радиал хиллари бор. Қутбни П.да штифт айлана, чизиқли П.да тўғри чизиқ ва радиал П.да нуқта бўйича ҳаракатланади. Баъзи тур интегралларни тонши учун ишлатиладиган П. ҳам бор. П. геометрияда, зоологияда ишларида, қарбюратор ишда, геодезия ва геофизика соҳаларида ишлатилади.

Планиметр: *1* — қаламли механизм, *2* — штифти ва чизиги механизм

ПЛАНК (Planck) Макс Карл Эрнст Людвиг (1858.23.4, Киль — 1947.4.10, Гёттинген) — немис назариётчи физиги, квант назария асосчиларидан бири. Берлин ФА аъзоси (1894 й.дан). Мюнхен (1874—77) ва Берлин (1877—78) ун-тларида ўқиган. Мюнхен ун-тида ўқитувчи (1880—85). Киль (1885 й.дан) ва Берлин (1889 й.дан) ун-тлари проф., Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1926). Илмий ишлари термодинамика ва несиқлик нурланишига оид. Термодинамиканинг иккинчи қонунини асослади (1879) ва кўпгина физик-кимёвий жараёнларни ечишда, ҳусусан, газлар ва кучсиз эритмалар диссоциациясига термодинамика қонунларини татбиқ қилди (1883—88). 1900 й.да нур чиқараётган тизим — осцилляторнинг нурланиши узлукли катталик (*hν*) эканлигини фараз қилди (бунда ν — нурланиш частотаси, *h* — таъсир кванти ёки *Планк доимийси*). П. шу фаразга асосланиб, классик физикага татбиқ этиб бўлмайдиган мутлақ қора жисмнинг электромагнит нурланиши спектрида энергия тақсимоти (Планк нурланиш қонуни)ни ифодловчи формулани топди. Планк доимийсининг киритилиши квант физика ривожланишининг бошланғич даври бўлди.

П.нинг назарий тадқиқотларида нисбийлик назариясига оид ишлар муҳим ўринни эгаллайди. Хусусан, у релятивистик динамиканинг тенгламасини келтириб чиқарди (1906), термодинамикани махсус нисбийлик назарияси мақсадида текшириб, у тўғрисида умумий хулосалар чиқарди. П. физика методологиясига доир жуда кўп ишлар қилган. У кўп жилдли назария физика курси муаллифи. Нобель мукофоти лауреати (1918).

ПЛАНК ДОИМИЙСИ, таъсир кванти — *квант механика*нинг асосий физик доимийларидан бири. П.д. 1900 й.да *мутлақ қора жисм*нинг электромагнит нурланиш спектрида энергиянинг тақсимоти қонунини яратишда М.*Планк* томонидан фанга киритилган. *h* б-н белгиланади. П.д. $h=(6,626196\pm 0,000050)\cdot 10^{-34}$ Ж.с. Кўп ҳолларда $\hbar=h/2\pi=1,0545887\cdot 10^{-34}$ Ж.с қийматдан ҳам фойдаланилади.

ПЛАНК НУРЛАНИШ ҚОНУНИ — *мутлақ қора жисм*нинг электромагнит нурланиш спектрида энергиянинг тақсимоти ҳақидаги қонун. Планк формуласи. Бу қонун 1900 й.да назарий жиҳатдан М.*Планк* томонидан келтириб чиқарилган. Бунинг учун классик физика тушунчаларига мутлақо ёт, яъни электромагнит нурланиш алоҳида-алоҳида чиқаётган энергия улушлари — *квант*лардан иборат эканлиги ва ҳар бир энергия улуши ε нурланиш частотаси ν б-н $\varepsilon=h\nu$ боғланганлиги ҳақидаги фаразни илгари суради, бунда *h* — *Планк доимийси*. П.н.қ. қуйидаги формула орқали ифодаланади:

$$\varepsilon_{\nu,T}=\frac{2\pi\nu^2}{c^2}\frac{h\nu}{e^{h\nu/kT}-1},$$

бунда *c* — ёруғликнинг бўшлиқдаги тезлиги, *k* — *Больцман доимийси*, T — т-ра. Планк формуласи частотасининг ихтиёрий чексизгача бўлган ҳамма интервалида тажрибаларда олинган маълумотларга аниқ мувофиқ келиши тасдиқланган.

П.н.қ. нурланишнинг квант характеридаги қонунларидан бири бўлганлиги туфайли физиканинг, айниқса, квант механика, атом физикаси, ядро физикаси, элементар заррлар физикаси, элементар заррлар физикасининг ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди. Унинг ёрдамида *h* ва *k* ларнинг қиймати ҳисобланади. Унга асосланиб қизиган жисмнинг (мас., юлдуз сирти) т-расини аниқлаш мумкин. П.н.қ.дан ёруғлик манбаларини ҳисобларда фойдаланилади.

ПЛАНКТОН (лот. planktos — сайр қилувчи) — сув қатламида яшаб, сув оқимлари б-н ҳаракатланувчи организмлар мажмуи. П. таркибига ўсимликлар (фитопланктон), бактериялар (бактериопланктон), ҳайвонлар (зоопланктон) киради. Кўл П.и литопланктон, дарё П.и потамопланктон деб аталади. Фитопланктон сувнинг фотосинтез қилиш учун зарур юқори (50—100 м гача) қатламида, бактерио- ва зоопланктон сувнинг барча қатламида учрайди. Денгиз фитопланктони, асосан, диатом сувўтлар, перидиниялар, колитофорид хивчинлилардан, чучук сув фитопланктони диатом, кўк-яшил ва айрим яшил сувўтлардан иборат. Чучук сув зоопланктонида куракоёқли ва шохдор мўйловли қисқичбақасимонлар, оғизайлангичлар, бир ҳужайралилар; денгиз зоопланктонида ҳар хил қисқичбақасимонлар, бир ҳужайралилар, бўшлиқичлилар, тароқлилар, балиқлар тухуми ва личинкаси, умуртқасиз ҳайвонлар личинкаси кўп бўлади. Ўлчамига биноан, П. нанноплактон (бактериялар, жуда майда сувўтлар), микропланктон (сувўтлар, бир ҳужайрали ҳайвонлар, оғизайлангичлар, ҳар хил личинкалар), мезопланктон (ўлчами 1 см гача бўлган қисқичбақасимонлар ва б. ҳайвонлар), макропланктонлар (ўлчами 1 см дан бир неча см гача бўлган мизидлар, креветкалар, медузалар), мегапланктон (йирик ҳайвонлар, мас., қутб медузаси — диаметри 2 м гача; зухро камари уз. 1,5 м гача) ажратилади. Кўпчилик П. организмларда сувда қалқиб юриш учун газга нисбий оғирлигини камайтирувчи (ҳаво пуфакчалари, ёғ киритмалари, говак ва ликидлоқ тана), газга юзасини кенгайтирувчи (газданинг ясси бўлиши, турли хил ўсимталар) мосланишлар пайдо бўлган. Океан фитопланктони умумий массаси (550 млрд. тонна) зоопланктонга нисбатан 10 марта кўпроқ. Фитопланктон зоопланктон учун озиқ, сув ҳавзаларидаги озиқ занжирининг асосини ташкил этади (яна қ. *Бентос*).

ПЛАНТАЖ, тупроқни плантаж плуг б-н ишлаш (лот. planto — ўтқазмоқ) — кўчатзор, токзор ва боғ барпо этиладиган ерни плантаж плугда 40—100 см чуқурликда ҳайдаш. Токзор, кўчатзор, ўрмонзор қилинадиган, мевали дарахтлар экиладиган ер майдонларини ҳайдашда, шунингдек, шўрхок ва қумлоқ ерларни ўзлаштиришда П. усулидан фойдаланилади. Бу усул экилган кўчатлар илдизининг яхши ривожланишига, тупроқда сув режимининг яхшиланишига ёрдам беради. Акад. М.В.Муҳаммаджонов томонидан ғўза-беда алмашлаб экишда ҳайлов қатламини чуқурлаштириш (50—80 см) экинлар ҳосилдорлигини ошириш имконятини яратувчи «иккинчи қўриқ», тупроқ унумдорлигини таъминлашнинг усулларидан бири сифатида асослаб берилган. Плантаж плугларга чимқирқарлар, ҳар хил баландликда жойлаштирилган қўш корпуслар ва б. қисмлар ўрнатилади. бу қисмлар

мнкшнинг нкки-
и (1879) ва куни-
ирасйларин сини-
и кучини эритма-



нёр комиссияси — CIVV (1950 й. ташкил топган)га 60 дан ортиқ мамлакат аъзо. 1948 й.дан жаҳон чемпионати ўтказилади. П.с. 1936 й.ги олимпиада ўйинларининг намунавий мусобақаларига киритилган.

ПЛАНИМЕТР (лот. planum — текислик ва юн. metreo — ўлчайман) — тўғри шаклли бўлмаган ясси шакллар юза-

киритилиши квант физикаси ри ланишининг бошланғич даври бўлди.

П.нинг назарий тадқиқотларида нисбийлик назариясига оид ишлар муҳим ўринни эгаллайди. Хусусан, у релятивистик динамиканинг тенгламасини келтириб чиқарди (1906), термодинамикани махсус нисбийлик назарияси миқёсида текшириб, у тўғрисида умуоқим

лар мажмуи. П. таркиби (фитопланктон), бактериялар (бактериопланктон), ҳайвонлар (зоопланктон) киради. Кўл П.и лимнопланктон, дарё П.и потамопланктон деб аталади. Фитопланктон сувнинг фотосинтез қилиш учун зарур юқори (50—100 м

кў
ми
ти
ла
ли
ва

рик», тупроқ унумдорлигини
нлашнинг усулларидан бири сифа-
да асослаб берилган. Плантаж плуг-
рга чимқирқарлар, ҳар хил баланд-
икда жойлаштирилган қўш корпуслар
б. қисмлар ўрнатилади; бу қисмлар

тупроқни чуқур жонлитгани ҳолда унинг пастки қатламини ҳозга чиқармайди. Ер 2—3 қатламли қилиб, чуқур қилишади. Шу б-н бир вақтда ерга органик ва минерал ўғитлар ҳам солиб кетилади.

ПЛАНТАЦИЯ (лот. plantatio — ўсимлик экиш) — 1) йирик дехончилик хўжалиги. Бундай хўжаликларда, асосан, тропик, субтропик экинлар — пахта, чой, шакарқамиш, кофе ва б. етиштирилади. *Буюк географик кашфиётлар* натижасида Европа мамлакатлари босиб олган мустамлакаларда капиталнинг дастлабки жамгарилиши даврида пайдо бўлган. Дастлабки П. *Вест-Индияда* 16-а. бошларида тузилди. 19-а.нинг 1-ярмида АҚШ Л. тизимининг марказий бўлган даврда тоғ ривожланган ва қора танли қуллар меҳнатидан шафқатсиз фойдаланилади. 19-а охирида арзон ёллама ишчи кучи ва қисман мажбурий меҳнатдан фойдаланадиган йирик дехончилик хўжаликлари пайдо бўлди. 20-аср мустамлакачиликдан озодликка эришган кўпгина мамлакатларда П. хўжаликлари миллашгирилди. 2) бир қанча ривожланаётган мамлакатда сақланиб қолган; а) ҳ.х. экинлари б-н банд бўлган катта ер майдони.

ПЛАНУЛА (лот. planus — ясси) — кўпчилик бўшлиқичлиларнинг 2 қаватли паренхиматик личинкаси. Тухумдан ривожланади ёки партеногенез йўли билан ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Эктодермаси ипчасимон киприкли эпителий ҳужайраларидан иборат. Ғалла бўшлиғини эндодерма ўраб туради. П. бир неча вақт сувда сузиб юради; кейинроқ, сув тубига ёпишиб олиб, полипга айланади. П. тубулляриялар ва трахимедузаларда эктодерма ўсиб, гастродермага айланади.

ПЛАНШАЙБА (нем. planscheibe) — 1) станокларнинг ишлов бериладиган материал ёки кесувчи асбобни маҳкамлаш ва уларни айлантириш учун ишлатиладиган мосламаси; 2) *карусель станогида* заготовка маҳкамланадиган айланма стол. П.ли. одатда, мураккаб шаклли ёки катта диаметрли, калта заготовкалар ўрнатилади. Заготовка П.га қисқичлар, бурчаклик, болтлар б-н маҳкамланади. Катта станокларда П. икки ёки бир неча қисмлардан иборат бўлади.

ПЛАНШЕТ (франц. planchette — тахтача) — 1) меизурининг бир қисми; 40 см×40 см дан 60 см ×60 см гача бўлган кварат ликлардаги тахта; 2) кўз б-н чамалаб планга олишда ишлатиладиган чизғичли ёғоч. компас ўрнатилган планшет; 3) географик ва топографик харталар жамланмаси. Ташқи томонига полиграфик пластика ўрнатилган текис сумка. Ғалтакларида ўралиши учун ишлатиладиган хаританинг ҳамма чизиқ ҳужайраларида мавжуд. ЛГда ошиқ органик бирикмалардан бирмунча мураккаб молекулар (крахмал ва б.) синтезланади. ЛГ тўпланишган моддаларига қараб амилопластлар, миелопластлар ва протеинопластларга бўлинади. ХР думалоқ, нотўғри кўп қиррали ёки игнасимон шаклда; таркибида кизғи бағлар. тугёғбергчалар, хромопор. четан, каротиноид ва б.нинг липоётган меньларига сариқ, қизил ранг берадиган картиноидлар бор. П.нинг бир хили бошқасига (мас., ЛП ХП ли, ХГ ХР га) айланиши мумкин.

ПЛАСТИК ОПЕРАЦИЯ — қиши органимизидаги бузилган ёки ишдан чиққан бирор аъзонинг шакли ва функциясини қайта тиклаш. тўқима ва ҳаётда орттирилган нуқсон, хамчиликларни тўғрилаш. П.ола тўқималарнинг жойи ўзгартирилади, бемор лаваласининг бошқа қисмидан олинган тўқималар кўчириб ўтказилади (аутопластика, аутотрансплантация); беморга бошқа одамдан (аллотрансплантация) ёки ҳайвондан олинган тўқималар кўчириб ўтказилади: бемор тўқималарига, организмига ёт, бирок унга безиён материалар (металлар, пластмассалар, синтетик толалар ва ҳ.к.) ишлатилади. Бундай операциялар протезлаш деб аталади. Пластик операциялар ўтказишдан олдин бемор организмининг умумий ҳолати текширилади, зарур даволаш тадбирлари ўтказилади. Операциядан кейин ҳам бемор узоқ вақт врач назоратида бўлади.

Пластик хирургиянинг энг мураккаб соҳаси — бошқа одамдан материал олиб ўтказишлар. Трансплантант узоқ вақт яшаши учун организм иммунитетини пасайтириш, бўлса ажратиш, қорин бўшлиғи аъзоларини бирлаштириш керак.

Терини кўчириб ўтказиш ёки пардозлаш операциялари. Чуқур куйганда, кенг терининг маълум қисмлари ҳамда чандиқлар, тери бурмаларини ўзгартириш ва б.ни тузатиш учун П. кенг қўлланилади. Сўнг П.нинг қуйидаги турлари фарқланади: Тери нуқсонини ёпиш учун ишлатиладиган материалга қараб аутодерматопластика, гомодерматопластика, ксенодерматопластика ва б. фарқланади. Трансплантантнинг тўқималарга ўтказилиши усулига қараб эркин трансплантация, ўсимталар ҳосил қилиб ўтказиш, стебелли трансплантация ва б. фарқланади. Тери нуқсонини ёпиш учун ишлатиладиган материалнинг қалинлигига қараб П. ингичка қатламли, ўрта қатламли ва қалин қатламли П.га бўлинади. Ингичка қатламли П.да эпидермис ва дерманинг сўрғичли қавати, ўрта қатламли П.да эпидермис ва дерманинг кўпроқ қисми, қалин қатламли П.да эпидермис ва дерманинг деярли ҳаммаси олинади. Ингичка қатламли П. кўпроқ қўлланилади. Ингичка қатламли П. ўтказишда тери нуқсонининг ҳамма ёки бир қисмини ёпиш мумкин

сиқ-совуқни ушлаганлиги, атмосфера таъсирларига чидамлилиги, эмирувчи муҳитга, ҳароратнинг кескин ўзгаришига барқарорлиги, механик мустаҳкамлиги юқорилиги ва мураккаб шаклли буюмлар ясаш мумкинлиги б-н бошқа материаллардан ажратиб туради.

П. полимерларнинг турига кўра, термопластлар ва реактопластларга бўлинади. Термопластлар таркибида чизиқсимон юқори молекулали бирикмалар ёки сополимерлар полиэтилен, полистирол, поливинилхлорид ва б.) бор. Чизиқсимон полимерлар асосида қурилган П. таркибида пластификаторлар, бўёғичлар ҳам бўлади. Пластификаторлар юқори т-рада П.нинг пластиклигини оширади ва қотирилган маҳсулотни ҳаддан кўп ҳамда совуққа чидамли қилади. Термопластлар совуққа чидамсиз. 60—100° дан юқори т-рада мустаҳкамлигини тез йўқотади. Лекин кўпчилик термопластлар зарба чидамлилиги, диэлектрик хоссаларининг юқорилиги, олтик шаффофлиги, улардан мураккаб шаклли буюмлар қолиплаш осонлиги б-н реактопластлардан фарқ қилади. Термопластлар ўртача кучда 60—100° т-рада ишлайдиган бузилмай мақсадларга мўлжалланган) арзон қисмларни (нитратлар, винипластлар, полистиролл, шунингдек, электр ва радиотехника буюмлари (полистирол, полиэтилен, полипропилен, фторопластлар) тайёрлашда қўлланилади. Термопластлардан ишлатган буюмлар кимёвий таъсирларга ўта чидамли (фторопластлар, полистиролл, полиэтилен, винипластлар), ейилмайдиган (полиамидлар, полиэтилентерефталат), оптик шаффоф (полиметилметакрилат, полистирол) бўлади.

Реактопластлар таркибида иситилганда ёки катализаторлар (фенолформальдегид ва карбамид смолалари) ҳамда қотиргичлар (эпоксид смолалари, полиэтиленлар, тўйинмаган полиэфирлар) таъсирида тўрсимон тузилишга эга бўлган полимерлар ҳосил қилиб қотадиган *олигомерлар* бўлади. Реактопластлардан тайёрланган буюмлар қотгандан кейин иссиқлик таъсирида бузилмаслигининг ўзининг шаклини ҳам узоқ сақлайди. Реактопластларнинг таркибига тўлдиргичлар, чизиқсимон полимерлар: қоғоз, жун, ёғоч толаси, бўғичлар, термостабилизатор, антисептиклар бўлади. Реактопластлар тўлдиргичлар турига кўра, кукунли (ёғоч уни, асбест кукуни, кварц уни ва қ.к.), толали (ип-газлама, асбест толаси, қоғоз толаси), листли (қоғоз, ип-газлама, қоғоз тукимаси, стеклопластик) ҳиларга бўлинади. Қотирилган П. дан тайёрланган буюмлар 100—350°да қунинг узоқ муддатли таъсирига бардош беради. Полимер ва тўлдиргич турига кўра, П. механик мустаҳкамлиги, зарбий қовушоқлиги, ейилишга чидамлилиги, диэлектрик хоссалари бўлган маҳсулотлар олишда қўлланилади.

Табиий ҳолатдаги ёғочнинг пластиклигини ошириш ва б.қ. асосида олинадиган П. қалинлиги камида 5 см бўлган полимер *материал*ларни (ёғоч пластмассаси) тайёрлашда ишлатилади. Ёғоч пластмассаси ёғоч толаларини полимерланадиган мономерлар ёки олигомерлар билан шимдириш ва қотириш йўли билан олинади. 30 йилларда собиқ СССР, АҚШ, Германия ва б. саноати ривожланган мамлакатларда термопластлар, полиметилметакрилат, полиамидлар, полистиролларни ишлаб чиқариш кенгайтирилган. 50 йиллардан П. саноати 2-жаҳон урушидаги кенгайиш ривожланди. 20 а. 50-йилларда кўпчилик мамлакатларда эпоксидлар П. кўлланилиши кенгайтирилган. 60 йиллардан П. конструкцион материаллар асосан, саноатда кенг, конструкциялар (асосан, панелли бинолар, кема металлмаслари) ясаш учун ишлатилган. 70 йиллардан П. конструкцион материаллар ишлаб чиқаришда ва халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг қўлланилмоқда.

Ўзбекистонда 10 га яқин корхона П.ни қайта ишлайди. Шулардан Тошкент пластмасса з-ди. Фарғона қурилиш буюмлари з-ди. Жиззах пластмасса ишл. з-ди ишлаб чиқаришни кенгайтирмоқда.

Қурилишда П. полларга қопламалар ва б. ҳарил ишларда, биноларни герметиклаш, гидро- ва термоизоляциялаш, қувурлар, сантехника-техника ускуналари ясаш, ёпмалар, деразалар, эшик, санёҳлар ишчаси, ёлиқ павильонлар тайёрлашда қўлланилади. Машинасозлик материалларини ичида П. стакчи ўрнини эгаллайди, П. маҳсулотлар ташқарини арматураларини, машиналарнинг муҳим техник-иқтисодий параметрлари, массаси камайди, пухталиги, ишончлилиги ва қ.к. ошади. П.дан турли ғилдиракчалар, подшипниклар, роликлар, станок йўналтиричлари, қувурлар, болтлар, гайкалар ва б. ишлаб чиқарилади. П.нинг авиация соҳасида кенг қўлланилишига сабаб уларнинг енгиллиги ва техник хоссаларини ўзгартириш имкониятига эгалигидир. Ракета ва кемасозлик машиналарини ҳам П. муҳим аҳамият касб этди. Реактопластлардан фойдаланиб реактив двигателлар, самолетларнинг куч агрегатлари, ракета корпуслари, ғилдиракчалар, шасси устунлари, вертолётларнинг парраклари, иссиқлик сақлаш элементлари, ҳона ёпиғи бакари тайёрланади. Термопластлар пўла элементлари, антенна суперваторлари ва қ.к ишлаб чиқаришда қўлланилади.

П. қурилишда ишлатиладиган материаллар ичида ҳозирги замон конструкцион материаллар асосан, саноатда кенг, конструкциялар (асосан, панелли бинолар, кема металлмаслари) ясаш учун ишлатилган. 70 йиллардан П. конструкцион материаллар ишлаб чиқаришда ва халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг қўлланилмоқда.

Ад.: Полимеры в строительстве. Справочник. М., 1972; Энциклопедия полимеров. М., 1972—77; Кардаш М. А., Хозяйственная пластмасса. Полимеры в строительстве. Т., 1990; Кобяков М. А., Пластмассы в ЖКХ. Полимерные композиционные материалы. Структура, свойства, технология. СПб., 2005.

Ҳамза Ҳожиев

ПЛАТЕЯ Жан. Бесотия (Греция)даги ҳозирги шаҳар-давлатга ўхшаш қадимги полисларнинг умумий номи. *Ойна-фақат қўлланилади* ҳисобланган. Платея Беотия ҳудудида ётган. Эрамизгача 519 й. Платея Афина ва Спарта ўртасидаги ҳарбий иттифоқ шартномасига имзо чекди. Эрамизгача 479 й. Платея ёнида Спарта қўмондони Павсаний форслар қўшинини тор-мор келтирган (қаранг. 479 й. 26 ав.). *Афина* ва *Спарта* рақобатидаги 24 юнон шаҳар-давлатларини қўллашга спартаник лашкарбоши Павсаний, форслар қўшинига *Мардоний* қўмондонлик қилган. Ушбу мағлубиятдан сўнг форслар Фракиянинг Гелеспонтга чекинишга мажбур бўлганлар. Милтиад. 427 й. Пелопоннес қўшинлари учун қамалдаги сўнг П.ни вайрон қилганлар.

ПЛАТИНА (испанча plata – кумуш; лот. Platinum). Pt – Менделеев даврий системасининг VIII гуруҳига мансуб кимёвий элемент. Тартиб рақами 78, ат.ч. 195,08; оғир, қийин эрувчи металл. Табиатда П. нинг 4 та барқарор ^{190}Pt (32,9%), ^{192}Pt (33,8%), ^{194}Pt (25,2%), ^{196}Pt (7,2%) ва 2 та кучсиз радиоактив изотопи ^{190}Pt (0,013%, $T_{1/2}$=6,9·10^{11} й.), ^{198}Pt (0,78%, $T_{1/2}$=10^{15} й.) учрайди. П. платина ва тарқоқ элемент. Урал, Сибирь, Жан. Америка, Австрал. Канада ва Жан. Африкада П. конлари бор. Ер пўстининг масса жиҳатидан 5·10^{-7}% ни ташкил қилади. Соф П. илк бор 1803 йил Волластон томонидан олинган. П., шунингдек, Ер пўстида П. б-н учрайдиган ва хоссалари ўхшаш бўлган элементлар ҳақида *платина* (тугма платина). *Платина металлари. Платина металлари* мақолаларига қ.

ПЛАТИНА (лот. *platinum*) – платинали минераллар (арсенидлар, металлар) асосан, темирнинг платина б-н табиий қотишмаси. П. илк бор 1803 йил танилган сариқ оқ металл рангли кумуш. Ер пўстида минераллари асосан платинли, платинли-темирли, платинли-палладийли, платинли-родийли, платинли-иридийли, платинли-осмийли, платинли-рутений ва платинидлар билан изоморфлари уран ва платинанинг парчаланиш маҳсулотлари таркибида оз миқдорда учрайди. Ш.ш. — кумушлек оқ, ёки кулранг-темир сариқ қаттиқ, эгилувчан, қийин суюқланадиган, қимматбаҳо металлар. Механик хоссаларини кўра, улар бир-биридан сезиларли фарқланадиган платина — темирли, платина — иридийли, платина — родийли ва платина — палладийли ҳам платинли. Асосий ва рутений — мўрт, иридий — қаттиқ ва чидамли. Платинанинг оксидланиш даражаси 12 қадар намоён +2, +4 ва +6, иридийники +2 ва +4, осмийники +4, +6 ва +8, родийники +3, рутенийники +3, +4 ва +8. Платинанинг (800 даражагача) ва платина (ёнаётган водород молекуласи кўп миқдорда водород молекуласи) кўп миқдорда водород молекуласи ёнаётган ҳаво ҳамда кислород атомлари ҳаракатида атом ҳолида ажралиб чиқишини кўрсатишга эга. Шу сабабли улар органик синтезларда катализаторлар сифатида ишлатилади. Ш.ш. ва уларнинг қотишмалари спирогелий ва оксидлаш жараёнларида катализатор, қотишмаларнинг электр ўтказгич, ҳарорат ва қаршилик ўлчагичларнинг қотишмалари, ишлатиладиган кимёвий аппаратура ва ҳ.к. кирали. Платинали, рутений ва родийнинг билан изотоплари уран ва плутонийнинг парчаланиш маҳсулотлари таркибида оз миқдорда. Ш.ш. — кумушлек оқ, ёки кулранг-темир сариқ қаттиқ, эгилувчан, қийин суюқланадиган, қимматбаҳо металлар. Механик хоссаларини кўра, улар бир-биридан сезиларли фарқланадиган платина — темирли, платина — иридийли, платина — родийли ва платина — палладийли ҳам платинли. Асосий ва рутений — мўрт, иридий — қаттиқ ва чидамли. Платинанинг оксидланиш даражаси 12, иридийники +2, +4 ва +6

социашияси шаклида учраиди. Бундан интрузив массивлар Томдитов, Шим. Нурота, Белтов, Султонувайс тоглари ва б. жойларда топилган. Бу конлар рудаларида платина (0,4 дан 25 г/т гача), палладий (0,24 дан 22 г/т гача), рутений, родий, иридий, осмий булиб, платиноидларнинг асосий кисми (92—99,2%) сульфидли минералларнинг зоналарига мансуб ва асл платина минераллари (поликсен, куперит, сперрилит) таркибида хол-хол шаклда кўшилган. Ундан ташкари, уран-ванадийли штокверкли (Жонтўр, Рудали), олтин-кварцли (Мурунтов, Метенбой, Бесапантов), олтин-сульфид-кварцли (Маржонбулок, Кўшбулок), олтин-кумушли (Косманачи), мис-порфирли (Қалмоккир, Узок) ва кам миқдорида колчеданли-полиметалл (Хондиза, Корасон) хамда кумушли-полиметалл (Лашкарак ва б.) конларида 13,61 г/т гача Pt, 8,74 г/т гача Pd, 4,22 г/т гача Os, 0,11 г/т гача Ir ва б. борлиги аникланган.

Ад.: Рудные месторождения Узбекистана, Т., 2001.

ПЛАТИНА ҚОТИШМАЛАРИ — асосини платина ташкил киладиган котишмалар; одатда, легирловчи элементнинг (қ. *Легирлаш*) платинадаги каттик эритмасидан иборат бўлади. П.қ.нинг муҳим легирловчи элементлари: родий (Rh), иридий (Ir), палладий (Pd), рутений (Ru), никель (Ni), кобальт (Co), мис (Cu), вольфрам (W) ва молибден (Mo). П.қ. сувокланиш траси юқори, зарарли муҳитларда коррозия (занглаш)га (оксидланишга) чидамли, механик хоссалари юқори, ейилишга жуда чидамли материал. П.қ.ни босим б-н ишлаб (болғалаб, прокатлаб, штамплаб ва чўзиб), ҳар хил буюмлар олиш мумкин. Улар термопаралар, электр асбобларнинг қисмалари (клеммалари), юқори т-рада эрийдиган кавшарлар, пружиналар, доимий магнитлар, шиша суюлтириш идишлари, суньий тола ишлаб чиқариладиган фильерлар ва б. муҳим деталлар хамда элементлар тайёрлашда, кимёвий реакцияларда катализаторлар сифатида ишлатилади.

ПЛАТО (франц. plateau, plat — ясси, текис) — ер юзаси кам парчаланган ясси ёки тўлқинсимон текислик. Тог жинслари горизонтал ётган структурали; ер юзасидаги нотекисликлар лава б-н тўлган вулканли (лавали); денудацион (кутарилган денудацион текисликлар — пенепленлар ва абразион текисликлар), тог оралигидаги ботиқларнинг атрофидаги тоглар емирилиб тушишидан хосил бўлган тоғли П.лар мавжуд.



Плато: 1 — структурали; 2 — вулканли; 3 — денудацион.

ПЛАТОН (Platon) Афиналик, Афлотун (асл исми Аристокл; мил. ав. тахм. 427.27.5 — Афина — 347) — юнон файласуфи, *платонизм* асосчиси. *Сократ*нинг шогирди. Сократ унга «П.» (кени елкали, кени кўкракли деган маънони беради) деб ном кўйган. П. машҳур файласуфлар б-н ёшлигидан мулокотда булиб, улардан таълим олди. *Гераклит*, *Парменид*, *Демокрит* ва б. файласуфларнинг асарларини ўрганди. Мил. ав. 380 йилларда Афина якинидаги Академия номли бир богни сотиб олади (бу ном шу ерлик афсонавий кахрамон Академ шарафига берилган) ва бу богда ўзининг П. академияси деб аталган фалсафий мактабини ташкил этади. Академия Афинада деярли 1000 й. фаолият кўрсатади. Унда *Аристотель* хам ўкиган. Академияда фақат фалсафадан эмас, геом., астрономия, геогр., зоол. ва ботаникадан хам таълим берилар эди. Бироқ сиёсий таълим марказий ўринда эди. Таълим маърузалар, музокаралар ва суҳбатларга асосланарди. Хар куни гимнастика машғулотлари ўтказиларди.

П. фалсафасининг асосий моҳияти — «гоя» («эйдос»)лар ҳақидаги таълимотида баён этилган. Унинг фикрича, гоя ҳақиқий борлиқ, биз биладиган ва яшайдиган дунё унинг сояларидир. Ҳақиқий ўзгариш ва тараққиёт гоялар дунёсига хос, соялар дунёсидаги ҳаракат эса унинг инъикосидир. Гоялар дунёсининг қонуниятларини ҳамма ҳам била олмайди. Уларни биладиган зотлар жуда кам учрайди, бу зотлар улкан ақл эгалари бўлади. Аксарият кишилар соялар дунёси б-н кифояланади. П. гоялар дунёсини нарсалар дунёсидан устун қўяди, чунки гоялар дунёси ideal нарсалардир. Инсон гоялар дунёси б-н соялар дунёси ўртасидаги зотдир. Унинг руҳи гоялар дунёсига, жисмоний танаси соялар дунёсига мансубдир. Шунинг учун руҳ ва тана бирлигидан иборат одам 2 оламга тегишлидир. Руҳ инсоннинг ҳақиқий қисмидир. Биз ҳаёт деб атайдиган нарса руҳ жисмоний танага яшайдиган вақтдир. П.нинг билиш назарияси унинг гоялар ҳақидаги назариясига асосланади. Билиш — анамнесис, яъни жоннинг эйдослар ҳақидаги хотираси. Эйдосга бўлган муҳаббат (эрос) маънавий юксалишга ундайдиган сабабдир.

П. педагог ва тарбия назариётчиси сифатида ҳам машҳур. Фуқароларни тарбиялаш давлатнинг асосий вазифаларидан деб ҳисоблади. Унинг фикрича, болалар ҳаётининг биринчи кунидаёқ махсус муассасаларда тарбияланиши керак. 3—7 ёшда уйинлар мактабларида, ундан ёки боғчада таълим олиши, 7—17 ёшда мактабда сўз, ўқиш, мусиқани ўрганиши, 17—20 ёшда ҳарбий-гимнастик таълим олиши, 20—30 ёшда келажакда ҳукмдор учун зарур бўлган фалсафий таълим олиши лозим.

П. қарашларида жамият, давлат тузилиши таълимот марказини ўринлардан биринчи ташкил қилади. У давлат фуқароларини 3 табақага бўлган: 1-табақа — давлатни бошқариб турадиган донишманд ҳукмдорлар; 2-табақа — давлатни душмандан ҳимоя қиладиган ҳарбийлар; 3-табақа — давлатни ва юқоридаги 2 табақани моддий жиҳатдан таъминлаб турадиган деҳқонлар ва ҳунармандлар. П. давлат бошқарув шаклини олий ҳокимият танҳо амалга оширилдиган *монархия*га, тор доирадаги чекланган шахслар томонидан амалга оширилдиган *аристократия*га, бутун халқ ҳокимиятни бошқарадиган *демократия*га ажратади. П. 4 асосий фазилатни фарқ қилади: донишмандлик, мардлик, ақл б-н иш қилиш ва энг асосийси — бошқа фазилатлар ўрнини тўлдириладиган ва қўшилиб кетадиган фазилат — адолат. П.нинг идеал давлат тўғрисидаги орзулари асосида адолат гояси ётади. Унингча, жамият барча аъзоларининг одил жамиятдаги қонунларга бўйсуниши ижтимоий тараққиётнинг асосий гаровидир. Қарама-қарши қонунлар ҳоким устидан ҳукмрон бўлса, ҳокимлар эса қонунга қул бўлса, ўша давлат гуллаб яшнайди. Агар давлат қонунлар устидан яроқсиз ҳокимиятни ўрнатиб қўядиган бўлса, у ҳолда қонун ҳеч қандай фойда бермайди, аксинча, давлат учун жуда катта зарар келтиради, деб таъкидлайди. Унинг фикрича, иқтисодиёт полис (давлат)нинг гуллаб яшнаши ёки таназзули омили ҳисобланади. И.ч. сиёсатни эмас, сиёсат и.ч.ни бошқариши керак. Жамиятни барқарор ҳолатдан чиқарадиган ҳар қандай ўзгаришларга йўл қўйилмаслиги зарур.

П.нинг эстетик қарашларида борлиқ, ҳаёт «абадий гоя»ларнинг тақлиди, нусхаси; санъат эса борлиқ, ҳаётнинг тақлиди, яъни тақлида тақлид, деган мулоҳаза асосланган. У мусиқага бўлган муносабатини қўллаб-қувватлаган, мусиқачиларни қораласа, давлатни бошқарувчилар мусиқани бошқарувчилар мусиқаси бўлишлари керак, деб ҳисобласа.

Фалсафа тарихида П. таълимоти турлича қабул қилинган. Унга «илоҳий устоз» (антик даври), христиан дунёқарашининг мубошири (бобоси), соф севги файласуфи ва сиёсий хаёлпараст (Уйғониш даври) сифатида қаралган. П.дан 30 га яқин катта ва кичик асар ҳамда хатлари сақланиб қолган. Асарлари диалог шаклида ёзилган. Улардан муҳимлари: «Апология» (Сократни ҳимоя қилиш), «Критон» (қонунни ҳурмат қилиш ҳақида), «Лахет» (мардлик ҳақида), «Хармид» (ақл б-н иш қилиш ҳақида), «Менон» (нотиқлик санъати моҳияти ҳақида), «Базм» (эрос ҳақида), «Федр» (ойдинлар ҳақидаги таълимот), «Федон» (адолат ҳақида), «Давлат» (адолат ҳақида), «Тетет» (билим ҳақида), «Тимей» (космология), «Қонунлар», «Сиёсатдон», «Филеб» ва б. П.нинг асарлари асрлар давомида Гарбда, Шарқда маълум ва машҳур бўлган, кўп тилларга таржима қилинган, уларга шарҳлар ёзилган. «Давлат» асарига *Ибн Рушд*, «Қонунлар»га *Форобий* шарҳи эътиборга лойиқ. Форобийнинг шарҳи «Талхису навомиси Афлотун» («Афлотун қонунлари моҳияти») деб аталади. Бу асар 1993 й. «Фозил одамлар шаҳри» китобида нашр этилган. 2002 й. Афлотуннинг «Қонунлар» асари Тошкентда ўзбек тилида нашр этилди. Ёзувчи Омон Мухторнинг «Афлотун» романи чоп қилинди (Т., 1998).

Абдулла Авлони.

ПЛАТОНИЗМ — кенг маънода — *Платон* (аввало унинг эйдослар ҳақидаги) таълимотига эргашган фалсафий оқимлар; бутун Европа фалсафасига П. бевосита ёки бавосита таъсир кўрсатган. Тор маънода — мил. ав. 4-а.дан бошлаб юнон фалсафасидаги йўналиш. 3-а.дан П.нинг асосий шакли *неоплатонизм* бўлиб қолди. Ўрта асрларда П. аристотелизмга нисбатан деярли сезиларли роль ўйнамаган. П.га бўлган қизиқиш Европада, хусусан, Флоренцияда файласуф Марсилио Фичино томонидан Платон академияси тиклангандан (1459) кейин яна жонланиб кетди. Кейин у Кембриж мактаби орқали Англияда, немис фалсафаси *(Лейбниц)* туфайли Германияда тарқалди. Ҳоз. даврда Платон таълимотининг кўпроқ иррационал жиҳатлари ўрганилади.

ПЛАТФОРМА (франц. plate-forme, plat — ясси ва forme — шакл) — 1) баланд майдонча; 2) кичикроқ т.й. станцияси;

3) кичик бориш очиқ юк вагони; 4) сиёсий П. — алоҳида партия, турух, ижтимоий ташкилотлар томонидан олга сурилаётган сиёсий дастур.

ПЛАТФОРМА — Ер пўстининг сует ҳаракатланадиган қисми, геосинклиналларнинг акси ҳисобланувчи континентнинг асосий структура элементи. Майдони бир неча млн. км² га етади. П. тузилиши 2 қаватдан иборат. Пастки қават магматик, метаморфик ва вулкан жинсларидан таркиб топган. Юқори қават чўкинди, баъзан вулкан жинсларидан тузилган. Қалинлиги 3—7 км дан 9 км гача, айрим жойларда ундан ҳам ортиқ. Бир оз қия ҳолда ётган қопламa жинслар турли тартибдаги кичик структуралар ёки мураккаблашган. П.ларда жадал бурмаланишлар қўйидаги жойларда юзага келади: тузилиш ётқизиқларидан таркиб топган эпиламаларда; ёндош бурмаланган областларнинг чекка қисмида; авлакогенларда (ёриқлар б-н чегараланган ва грабенсимон шаклдаги П.нинг чизиқли эпиламаси); пойдеворнинг катта амплитудали ёриқларга тутанган қисмларида.

Қад.ва ёш П.лар фарқ қилинади. Қад. П.нинг пойдевори палеозойгача ҳосил бўлган қатламларнинг бурмаланишидан юзага келган. Баъзан П. қопламасини пойдевордан оралиқ жинслар мажмуи ажратиб туради. П.да магматик жараёнлар ҳам кузатилади, лекин улар геосинклиналлардагига нисбатан бирмунча суст. Магматизм жинслари ишқор-базальтли магмадан иборат. П.ларда содир бўладиган сейсмик ҳаракатлар ларга тутанган жойларида ва қўшни геосинклиналь областлар якинида кучли бўлиши мумкин. П.ларда геотермик градиент геосинклиналлардагига нисбатан 2—4 марта кам. Ёш П.ларда бу кўрсаткич қадимийларига нисбатан юқори. П.лар чегараси, одатда, пойдеворнинг бурмаланган структуралари йўналишига мос келмасдан, балки қўшни геосинклиналларнинг чўзиқлик чегараси б-н устма-уст тушади. П.лар чегараси кескин ёки жуда ёйиқ бўлиши мумкин. П.ларнинг йирик структуралари сифатида қалқонлар ва плиталар ажратилади. Плиталарда нефть ва газ раси сифатида қалқонлар ва плиталар ёриқларга тутанган қисмларида.

Юқорида қайд қилинган барча белгилар Ер пўстининг 30—60 км қалинликлардан ташқари, океан П.лари ҳам мавжуд. Уларга текис рельефли океан тублари мисол бўла олади. Ер пўсти қалинлиги бу жойда 5—7 км дан ошмайди, гранитли қатламлар учрамайди, чўкинди қатламлар кам бўлганлиги-дан анъанавий фикрга асосан нефть ва газларга нетиқболсиз ҳисобланади. Қад. П.ларга: Шим. Америка ва Жан. Америка, Шарқий Европа, Шарқий Сибирь, Африка, Австралия П.лари, ёш П.ларга Ғарбий Европа, Турон-Скиф, Ғарбий Сибирь П.лари мансуб.

ПЛАУН (Lycopodium) — *плаундошлар* оиласига мансуб спорали доим яшил, кўп йиллик ўтлар туркуми. Поясн кўпинча дихотомик шохланган. Барглари майда, ланцетсимон, бандсиз, поя ва шохларда навбатланиб ёки тўп бўлиб зич жойлашган. Спора бошоқчалари ўзакдан ва зич жойлашган спора барглардан иборат. 10 га яқин тури бор, асосан, Шим. ярим шарда учрайди. Ўзбекистонда ўсмайди. Бир йиллик П. ва тўғноғичсимон П. турлари кент тарқалган. Споралар ҳосил қилиб ва вегетатив (илдиз, илдиз бачкилар, туганаклар орқали кўпаяди. Спораси 3—8 йилда униб чиқади, гаметофити сапрофит бўлиб, 12 й. давомида ривожланади. П. захарли, қуруқ споралари фармацевтикада ҳаб дорилар тайёрлашда ва саноатда металл қуйишда ишлатилади.

ПЛАУНДОШЛАР (Lycopodiaceae) — юксак спорали кўп йиллик ўсимликлар оиласи. Поясн яхши ривожланган, майда барглар б-н қопланган. Асосан, нам ўрмонларда ўсади. 3 туркуми, (шундан биттаси қазилма ҳолда) маълум.

ПЛАФОН (франц. plafond — шифт) — 1) тасвир, нақш ва бўртма тасвир б-н безатилган шифт; 2) бино шифти (ясси, гумбаз, тоқи)ни сюжетли ёки нақш ва тасвир б-н безатган монументал рангтасвир ва ҳайкалтарошлик асари. Тасвир тўғридан-тўғри сувоққа (фреска, мойбўёқ, елимбўёқ, синтетик бўёқлар ва б. усулида), шифтга мустаҳкамланган матога *(панно)* ишланади, мозаика ва б. усулда бажарилади. П. Қад. Миср-дан маълум бўлган, Уйғониш даврида рассомлар Рафаэль, Микеланжело ва б. унинг мумтоз намуналарини яратган. Черков ва ҳашаматли сарой бинолари-нинг безак бўлаги сифатида 17—19-а. бошлари Европа санъатида кенг тарқалган; 3) бино, купе, кавота, самолёт салони шифти (баъзан девори)га ўрнатилган электр чироғи арматураси.

ПЛАЦДАРМ (франц. place d'armes, айнан — қўшинлар учун майдон) — 1) бирор давлатнинг бошқа бир давлатга ҳужум қилишида ҳарбий ҳаракатларни кенгайтириш учун база сифатида фойдаланиладиган ҳудуд. П. оператив ёки стратегик аҳамиятга эга бўлиши мумкин; 2) ҳужум қилаётган қўшинларнинг сув тўсиғидан ўтиб қарши қирғоқда эгаллаб олган ерлари ёки

ҳарача-қарши қаратқа чекинди чоғида тутиб турилган ер майдони. Ҳ. денгиз сатҳини асосий кўтарилишга тушиш ва ёйилишини таъминлаш мақсадида десант операцияси ўтказиб, сақлаб бўлган эгалланган участка

ПЛАЦЕНТА (лот. placenta — кулча), бола уруғи — ҳомилалорлик даврида қисқа бўлишлари ва ҳомила б-н она организмлари бир бирига боғлаб, улар ўртасида моддалар алмашинувини таъминлайдиган орган. Ҳомила П. орқали она қонидан кислород ҳамда озиқ моддалар олиб, унга парчаланиш маҳсулотлари ва карбонат ангидрид ажратади. П. ҳомилага ҳар хил моддалар келишини бошқаради, тўсиқ вазифасини ҳам ўтайди. Унда ферментлар ва витаминлар бўлади; унда она организмига таъсир этувчи гормонлар (гонадотропин, эстроген, прогестерон ва б. моддалар синтезланади. П. ҳомиладорликнинг 4-ойида тулиқ шаклланади; нормал ривожланган ҳомила П.ск ҳамалоқ, калин, юмшоқ, шаклсиз кулчага ўхшайди. Ҳомила П.га жипсиз ёки қисқа ўсимталар орқали бириккан. П.нинг ҳомилага томон қаратилган юзаси силлиқ, ҳомила қони ўтадиган 15—20 йирик томирлар б-н шу ҳомила юзасига бириккан туради. П. функциясининг бузилиши ҳомиладорликка турли асоратларга, мас., боланинг чала тушишига, П.нинг эрта ажралишига, *гестозларга* ва б.га сабаб бўлади (яна қ. *Йўлдош*).

Ўсимликлар П.си гулли ўсимликларга уруғкуртакли тугунча ичидаги ўсинтма: қирққулоқсимонларда спорангийли бўртма. П. орқали куртак она ўсимлик б-н боғланиб туради.

ПЛАЦЕНТА ГОРМОНЛАРИ - сут эмизувчи ҳайвонлар ва ҳомилалар вёлдар плацентасида ишлаб чиқариладиган *ва гормонлар* каби таъсир этадиган биологик фаол моддалар (гонадотропин, эстроген, прогестерон ва қ.к.). П.г ҳомиладорликнинг турли кечишини таъминлаб, тухум ахтини тайёрлайди. Хорионик гонадотропин (ХГ) аёлларнинг тухумдонида 4-ойида тулиқ шаклланади; нормал ривожланган ҳомила П.ск ҳамалоқ, калин, юмшоқ, шаклсиз кулчага ўхшайди. Ҳомила П.га жипсиз ёки қисқа ўсимталар орқали бириккан. П. ҳомиладорликнинг

лар ёзди. «Тарихга монистик қарашнинг ривожланиши масаласига доир» (1885), «Материализм тарихи бўйича очерк» (1896), «Тарихда шахснинг роли масаласига доир» (1898) каби фалсафий-социологик асарларида тарихни материалистик тушунишни ривожлантирди, жамият ҳаётини тушунишда диалектик методни қўллади. «Тарихни яратувчи қаҳрамонлар» тўғрисидаги гояни рад этди, «халқ, бутун миллат тарих қаҳрамони бўлиши керак» деб ҳисоблади. Эстетика соҳасида реализм мавқеида турди, санъатга ижтимоий ҳаётнинг ўзига хос шакли сифатида қарали.

Ас.: Избранные философские произведения, т. 1—5, М., 1956—58; Тарихга монистик қарашнинг ривожланиши масаласига доир, Т., 1957; Тарихда шахснинг роли масаласига доир, Т., 1956.

ПЛИМУТ — Буюк Британиянинг жан.-ғарбий қисмидаги шаҳар. Корнуолл я.о.да. Аҳолиси 255.8 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Плим дарёсининг Ла-Манш қўлтиғига қуйилиш жойидаги порт. Кемасозлик ва кема таъмирлаш корхоналари мавжуд. Балиқ овланади. Денгиз биологияси лаб. ва аквариум бор. Шаҳарга 12-а.да асос солинган. Ҳарбий-денгиз базаси.

ПЛИМУТРОК (инг. Plymouth Rock) — гўшт-тухум учун боқиладиган товуқ зоти. 19-а.нинг 2-ярмида АҚШда етиштирилган. Жаҳондаги кўпгина мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам боқилади. Оқ, чипор, қора ва б. туслари оқ *леггорн*лар б-н чатиштириб, оқ ранги устунлик қиладиган П. олинган. Оқ П. бройлерлар етиштиришда корниш зоти б-н (оталик шакли) чатиштиришда оналик шакли тарзида фойдаланилади. Танаси чўзиқ, кўкраги ва орқаси кенг. Боши кичикроқ, тожи япроқсимон, тумшуғи ва оёқлари сариқ. Товуқлари 2,7—3,2 кг, хўрозлари 3,8—4,2 кг. Йилига 160—180 та тухум қилади. Тухуми 55—60 г, оч малларанг.



Плимутрок товуқ зоти: *1* — оқ плимутрок; *2* — чипор плимутрок.

ПЛИОЦЕН (юн. pleion — нисбатан кўп сонли, кўпроқ ва kainos — янги) — *неоген системаси (даври)* нинг юқори бўлими. Ернинг геологик тарихидаги неоген давринининг сўнгги эпохасига тўғри келади. П. 2 млн.дан 7 млн. йилгача бўлган вақтни ўз ичига олади. Илк 1833 й.да Ч. Лайель ажратган. Фарғонада бақтрия серияси ажратилади, у, ўз навбатида, тоғли ва адирлари ётқизиқларидан таркиб топган. Ўзбекистоннинг жан.-ғарбида ва Сурхондарё вилоятида гўшт ётқизиқлари ажратилган. П. ётқизиқлари гил, қум, қумтош, алевролит ва ҳ.к. жинслардан иборат. П. ётқизиқларида йирик нефть конлари очилган: мас. Фарғонанинг жанубий бўстон, Андижон, Ҳўжаобод, Полвонтош, шимол Мойлисув, Избоскан ва б. конлар.

ПЛИСЕЦКАЯ Майя Михайловна (1925.20.11, Москва) — балерина, балетмейстер. Халқ артисти (1959). 1943—88 й.лар Катта театрда, 1988—90 й.лар «Театро лирико насионал» (Мадрид) труппасининг бадиий раҳбари бўлиб ишлаган. Одетта-Одилия («Оққуш кўли»), Китри («Дон Кихот»), Кармен («Кармен-сюита»), Аврора («Уйқудаги гўзал»), Анна Каренина («Анна Каренина»), Раймонда («Раймонда»), М. Равелнинг мусиқаси асосида қўйилган «Болеро»даги бош партия каби роллари б-н машҳур бўлди. Унинг рақслари ҳаракатларнинг ўзаро мослиги, таъсирчанлиги, жўшқинлиги б-н, рус хореография мактаби анъаналарининг янги замонавий балет санъатидаги новаторлик интилишлар б-н уйғунлашиб кетиши б-н ажралиб туради. «Анна Каренина» (жумладан, Ўзбекистонда ҳам қўйган), «Чайка» балетларини саҳналаштирган. «Уруш ва тинчлик» фильми ва «Фантазия» телевизион фильмида суратга тушган.

М. М. Плисецкая Кармен розида («Кармен-сюита» балетида).

ПЛИТА (геология) — Ер пўстининг *платформалар* доирасидаги қисми; ўпда бурмаланган асос нақбатан чуккан ва унинг устини горизонтал етган ёки бир оз бурмаланган чўкинди жинсларининг қалин қатлами (1—16 км) қоплаган бўлади. «П.» терминини австриялик олим Э. Зюсс таклиф қилган. П. платформаларини кўтарилган структураси — *кашқонинг* акси дир.

ПЛИТАЛАР ТЕКТОНИКАСИ — Ер литосферасига ҳаракатчан блок-плиталар системаси сифатида қаровчи ин-нинг геологик илмий фарази. К. *Янги глобал тектоника*.

ПЛОВДИВ — Болгариянинг жан. қисмидаги шаҳар. Марица дареси бўйида. Пловдив вилоятининг маъмурий маркази. Аҳолиси 340,6 минг киши (2001). Транспорт йўлларининг муҳим тугуни. Мамлакатнинг Софиядан кейин 2-ўриндаги муҳим иқтисодий ва маданий маркази. Ошқ.-овқат, енгил, рангли металлургия, машинасозлик (жумладан, станоксозлик, электротехника, электроника) саноати корхоналари мавжуд. Музейлар, опера театри, илмий тадқиқот ин-тлари, галерея бор.

П. — қад. шаҳар. Мил. ав. 4-а.да Қад. Македония подшоси Филипп II томонидан асос солинган ва дастлаб Филиппополь, кейин Пулпудева, Тривонциум, туркдар даврида (15—18-а.лар) Филибе, сўнгра П. деб аталган. Меъморий ёдгорликлардан Жоме масжили (15—16-а.лар) ва минора, черков (1832) сақланган. П.да ҳар йили халқаро ярмарка ўтказилади.

ПЛОЕШТИ — Руминиянинг жан. қисмидаги шаҳар. Прахова дарёси бўйида. Прахова жудешининг маъмурий маркази. Аҳолиси 251,3 минг киши (1998). Мамлакатнинг муҳим нефть қазиб олиниадиган р-ни маркази. Нефть кимёси ва кимё саноатлари ривожланган. Нефть ва кимё саноатлари учун жиҳозлар, чинни буюмлар, мебель ишлаб чиқарилади. Тўқимачилик, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Бухарест, Констанца ш.ларига нефть қувурлари ўтказилган. Иссиқлик электр ст-яси қурилган.

Пловдив шаҳрининг умумий кўриниши.

ПЛОТИН (Plotinos) (таҳм. 205, Ликополь, Миср — 270, Минтурно, Италия) — юнон файласуфи, *неоплатонизм* асосчиси. 244/245 й.дан Римда яшаган, фалсафадан дарс берган; 10 й. яқин суҳбатларидан сўнг П. ўз таълимотини ёзиб бора бошлади. Ўшани 54 асарини шогирди Порфирий (таҳм. 233 — таҳм. 304) тартибга солтирган, 9 талан бўлиб чиққан, шунинг учун улар «Эннеадлар» («Тўққизликлар») деб аталади. П. системасида ҳалқа ясовул ибтидо (энг улуғлик)дан унинг эманацияси жараёнида борлиқнинг қолган субстанциялари келиб чиқади. Булар: ўз-ўзини мушоҳада қилувчи нус ва уни ташкил этган йдеялар (ясовул ибтидо б-н «нус» ўртасидаги боскич — «сон»); барча индивидуал жонларни ўз ичига қамраган оламни жон, жисмлар дунёси (коинот); материя (сезир бўладиган ўзгаришларнинг бетайин, сифатдан маҳрум асоси). Одам жонининг йўли жалва пайтида сезгилар дунёсидан кўтарилиб, ясовул ибтидо б-н қўшилишдир.

П. Платон каби, жонни ўлмас деб тасаввур қилган; жон осмондан қуйи тушиб, бирор одам танасида мужассамланади ва унинг ўлимидан кейин яна осмонга кўтарилади.

П. табиат, нарса ва ҳодисалар дунёсини эманациянинг энг қуйи босқичи деб ҳисоблаган. Материя, унинг фикрича, миқдор, сифат, массадан холи бўлган қандайдир ноаниқ нарса; у фақат абадий «гоя»ларни қабул қилиб олгач, рўёбга чиқади. П. таълимоти асосида вужудга келган неоплатонизм ўрта аср фалсафасига, жумладан ўрта аср илғор шарқ фалсафасига катта таъсир кўрсатган.

ПЛУГ — ер ҳайдашда ишлатиладиган қ.х. қуроли. Миср, Хитой, Ўрта Осиёда қадимдан маълум бўлган. Дастлаб ёғочдан ясалган, учига тиғ қопланган. От, хўкиз қўшиб ишлатилган (қ. *Омоч*). Мил. ав. 1-минг йилликда темир лемехли П.лар пайдо бўла бошлаган. Металл П.лар 18-а. ярмида пайдо бўлган. Тракторлар П.лари 1-марта 20-а. 20-й.ларида ишлаб чиқарилган. П. дета-секин такомиллаштириб борилган.

Плуг. ПО-1-30 маркали («Чирчиққишмаш» АЖ) агдарма-осма плуг.

Иш органларининг тузилишига қараб лемехли ва дискли; тортиш кучи турига қараб, трактор ўрнатиладиган (ўрнатма, ярим ўрнатма, тиркама), осма қўшиладиган ва қанатли; иш органлари сонига қараб, 1—2 ва кўп корпусли; вазифасига қараб, умумий ва махсус; ер ҳайдаш усулига қараб, тупроқни ичкарига ва ташқарига ағдариб этат очадиган ҳамда текис ҳайдайдиган П.лар бўлади.

Трактorга ўрнатиладиган лемехли П.лар (тиркама, ярим ўрнатма) кенг қўлланилади. Асосий узеллари: иш органлари, ҳайдаш чуқурлигини ростловчи механизм, автомат, цилиндр, таянч ғилдираклар, ўрнатиш ёки осиш мосламаси. Лемехли П.ларнинг иш органлари — корпус, чимқирқар, дискпичоқ. Ҳайдалма қатлам остини юқорига чиқармасдан 5—12-см чуқур ҳайдашда корпусга қўшимча чуқурлатгичлар маҳкамланади. Чим-қирқарлар П. корпусидан 30—35 см олдинга ўрнатилади, 10 см гача тупроқ қатламини олиб, корпус ҳосил қилган этат тагига ташлайди. Дискли П.лар, асосан, янги ерларни ҳайдашда ишлатилади. Умумий ишларга мўлжалланган П.лар ҳар қандай ерни 18—45 см чуқурликда ҳайдашда қўлланилади. Мокисимон П.ларнинг корпуси ўнгга ва чапга айланадиган 2 секциядан иборат. Секциялар навбат б-н ишлайди. Махсус П.лар чангалзор-ботқоқликларни, боғ, токзор, ўрмон, тошлоқ ерларни ҳайдашда ишлатилади.

Ерни шудгор қилиш учун 1 корпусли (ПО-1-30 маркали) ва 2 корпусли (ПО-2-30) агдарма-осма П.лар, деҳқон ва фермер хўжаликлари учун 2 корпусли (ПН-2-30) ва 3 корпусли (ПН-3-30) агдарма-осма П.лар, техник экинлар учун мўлжалланган ер ҳайдайдиган 3 корпусли (ПДН-3-30) ва тўрт корпусли (ПДН-4-45) агдарма-осма П.лар, ерни чуқур ҳайдашга мўлжалланган ярусли тиркама (ПЯ-3-35) П.лар (ҳаммаси «Чирчиққишмаш» АЖ); пахта, галла ва б. экинлар экиладиган ерларни ҳайдаш учун мўлжалланган осма П. (ПН-3-35) («Урганчозуқамаш» АЖ), ерни бир текис агдариб ҳайдаш учун мўлжалланган агдарма-осма П. (EurOpal 9 (4+1) H 100) («Агрегат» з-ди ва «Лемкен» фирмаси) ва б. ишлаб чиқарилмоқда. Бу П.лар ерни 18—45 см чуқурликда ҳайдайди.

ПЛУНЖЕР (инг. plunge — шўнғимоқ, ботмоқ) — поршеннинг бир тури; силлиқ сирти яхлит цилиндрик жисм; узунлиги диаметрига нисбатан катта. *Ёнилғи насосида* ёнилғини юқори босим остида ҳайдаш учун ишлатилади. Бунда П. ёнилғи сизмаслиги учун гильза ё-н бирга (уларни бир-бирига ишқалаб) тайёрланади; улар П. жуфти деб аталади. П. насослар (расмга қ.), гидравлик пресслар ва кўтаргичлар, гидроюритма золотниклари ва б.да қўлланилади.



Плунжерли насос: *1* — корпус; *2* — плунжер; *3* — сурма клапан; *4* — ҳайдаш клапани; К — иш камераси.

ПЛУТАРХ (Plutarchos) (таҳм. 46, Херонея, Беотия — таҳм. 127) — қад. юнон тарихчиси, файласуф ва ёзувчи. Афинада таҳсил олган. Умрининг кўп қисмини она шаҳрида жамоат ва маърифатпарварлик ишлари б-н ўтказган. Платон академиясининг кўзга кўринган аъзоларидан бири сифатида платонизм гояларини тарғиб қилган. Айни пайтда муайян даражада стоицизм, перипатетизм ва, жумладан, пифагореизм таъсири остида ҳам қолган. П. таълимотида кўпроқ ахлоқ-одоб, инсонпарварлик масалалари етакчилик қилган ва олим фалсафани инсонлар учун ўз-ўзини маънавий шакллантириш воситаси деб билган. П.дан бой адабий ва фалсафий мерос қолган. Бироқ унинг номини машҳур этган етакчи мерос — тарихий-биографик асарлар ҳисобланади. Ушбу асарлар «Қиёсий ҳаётномалар» умумий номи б-н шуҳрат топган. Мазкур асарларда Лисандр ва Сулла, Китон ва Ликулл, Никий ва Красс, Агесилай ва Помпей, Александр ва Цезарь, Демосфен ва Цицерон сингари машҳур юнон, Рим давлат ва сиёсий арбоблари, саркардалари ва нотиқларининг ҳаёт йўллари, ҳулқ-атвори, турмуш тарзини қиёслаш йўли б-н таржиман ҳоллари баён қилинган. Бадиий-тарихий аҳамиятга молик П. биографик асарларида Қад. Эрон, Парфия ва Суғдиёна сингари Шарқ мамлакатлари ижтимоий-сиёсий ҳаётига доир маълумотлар ҳам ёритилган. П. илгари сурган инсонпарварлик, маърифатпарварлик гоялари кейинги даврларда анчагина илғор тафаккур вакилларига маълум даражада ўз таъсирини ўтказган.

Лит.: Избранные жизнеописания. Т. 2. М., 1990.

ПЛУТОН — *қ. Ад.*

ПЛУТОН — кичик сайёра, астероид. П. 14—15-йўлдуз катталигидаги ёрқин юлдуз. Уни 1930 й. америка астрономи К. Томбоу кашф этган. Қуёшдан ўртача узоқлиги 39,4 *астрономик бирликка* тенг (29 а. б.дан 49 а. б. гача ўзгариб туради). Орбитасининг эксцентриситети 0,253, эклиптикага оғмаслиги 17°8'. Қуёш атрофини 247,7 йилда ўртача 4,7 км/с тезлик б-н ғарбдан шарққа бир марта айланиб чиқади. П. 1979 йилдан 20-а. охиригача Нептунга нисбатан Қуёшга яқин бўлган. Қолган анча узоқ бўлиши учун унинг табиатини ўрганиш қийин. Табиий тузилиши жиҳатидан сайёралар — *Юпитер, Нептун* ва *Уранга*нинг кичик ёрдамчиларига ўхшаш. П. диаметри тахм. 3000 км, массаси 1,79·10²⁵ кг, зичлиги 2100 кг/м³. П.нинг ўз ўқи атрофида айланиш даври 6,3 сутка.

ПЛУТОН (*геологияда*) — алоҳида мустақил чуқур магматик жисмларнинг умумий номи. Плар чуқур магмадан ёки Ер пўстининг қуйи қисмидан юқори қисмига кўтарилиб совиб қотган магмадан ҳосил бўлади ва атрофидаги тог жинсларининг структурасига қарб турли шаклга эга бўлади. Ер пўстида жойлашганлиги, ўтказилари ва шаклига қараб П.лар бир неча турларга ажратилади: батолитлар, лакколитлар, лополитлар, факолитлар, дайкалар, қатламсимон томирлар ва б.

ПЛУТОНИЗМ (Pluton — афсонавий ер ости ҳукмдори номидан) — Ер геологик тарихида ички (эндоген) жараёнлар ҳал қилувчи роль ўйнайди деган илмий таълимот. 18-в. охири 19-а. бошларида кенг тарқалган.

П. қарашлари системаси шотландиялик табиатшунос-геолог Ж. Геттоннинг «Ер назарияси» китобида (1788, 1795) жамлаб чиқилган. Унинг фикрича, Ер ҳозирги Ер пўстида содир бўладиган барча ўзгаришлар физик ва кимёвий жараёнлар б-н узвий боғлиқ. П. қуруқлик юзасининг сув б-н ювилиб кетиши, денгиз остида чўкиндиларнинг пайдо бўлиши, уларнинг зичланиши, денгиз сури қайтиб, ундан материкнинг бунёдга келишини «ернинг ички қаришини» (магматизм ва вулканизм) оқибати, деб ҳисобларди. Ж. Геттоннинг бу таълимоти магма ва магматик тог жинслари ҳақидаги биринчи прогрессив тушунчага асос солди ва ўша даврда ҳукм сурган *нептунизм* (А. Вернер) таълимотига катта зарба берди.

19-а. бошларида базальтларнинг вулқондан келиб чиққанлиги ва вулқон ҳамда лавалардаги Ер ички энергиясининг аҳамияти аниқланди.

П. тарафдорлари Ер юзаси ҳаракатларини ҳам қизиқарли деб ҳисобладилар. Шотландиялик геолог Ч. Лайель ҳам шу фикрда эди. Бу ҳол шу фикрда эдилар.

«Вулканистлар» ва «плутонистлар» ўртасидаги қарашлари бир бирларидан фарқланса-да, уларнинг ҳар қайсиси Ер тарихида ички кучларнинг ҳал қилувчи роль ўйнаганлигини тан олганлари учун ҳам бу икки оқим ўртасидаги баҳсларда ҳеч қайсиси ғолиб чиқмади.

ПЛУТОНИЙ (лот. Plutonium), Pu — кучли ёйилувчи б-р элемент, актиноидлар гуруҳига мансуб радиоактив химиявий элемент. Тартиб рақами 94, атом массаси 244,0642.

П.нинг барқарор изотоплари йўқ. Унинг масса сонлари 232 дан 246 гача бўлган 15 та радиоактив изотопи маълум. П.нинг аҳамиятга эга изотопи ^{239}Pu ($T_{1/2}$=8,26·10⁴ й.лар). П. 1940—41 йилларда америкалик олим Г. Сиборг раҳбарлигида уранни оғир ионлар — дейтронлар б-н нурлантириб олинган.

П.нинг номи Плутон планетасидан олинган. Уранни α- зарралар б-н бомбардимон қилиб, П.нинг сакқиз изотопи олинган. Уранни нейтронлар б-н бомбардимон қилинганда, П. ҳосил бўлади. Ер пўстида жойлашганлиги. Ўтказилари ва шаклига қараб П.лар бир неча турларга ажратилади: батолитлар, лакколитлар, лополитлар, факолитлар, дайкалар, қатламсимон томирлар ва б.



Плутонограф.

П.нинг ядроси ҳосил бўлиши учун ёғоч майдалаш ва сув ўтказиш қобилияти 1 м³ борлиқининг бир неча (ёки кўпгина) мустақил кристаллографик ёки бирикмаларнинг бир қанча асосий маъдуд деб ҳисобланган фазаларни қараш. Шу б-н бирга, жинсларнинг, тоғлар, карьерларнинг ҳам қулайлигини билдиради. «П.» терминини немис файласуфи Х. Вольф (1679—1754) киритган (1712). П.нинг акси — *минерал*. Ғарб фалсафасида жуда кўп оқим бўлиб, улар ҳоз. фалсафанинг плюралистик характерини белгилаб беради (прагматизм, персонализм, ҳаёт фалсафаси ва б.); 2) жамият сиёсий тизимининг хусусияти. Бунда ижтимоий гуруҳлар ўз манфаатларини ўз вакиллари (сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, диний ва б. ташкилотлар) орқали ифодалаш учун ташкилий тартиб-қоида тусини олиш имкониятларига эга бўладилар. Жамиятни демократиялаш жараёнида (қ. *Демократия*) П. шаклланиб, ривожланади: у ижтимоий гуруҳларнинг турли-туман манфаатларини акс эттирувчи ҳар хил қарашлар, фикрлар мавжудлигини англатади.

ПЛЮРИЛ (Pleuril — *қ. Ад.*) — ўпка ва плевра яллиғланиши. Плевра бўшлиғида суюқлик тўпланиши, плевра варақларининг ёпишиб қолиши, ўпка ателектази ривожланиши мумкин. Плевмония ва плевритнинг асорати.

ПЛЮРИТ (Pleurit — *қ. Ад.*) — плевра яллиғланиши. Плевра варақларининг қуруқ ишқаланиши (қуруқ плеврит) ёки плевра бўшлиғида суюқлик тўпланиши (экссудатив плеврит) кузатилади. Плевмония, ўпка ўсмаси, ўпка инфаркти, ўпка туберкулёзи, ревматизм, сепсис, ўпка ва қизилўнгач шишларида учрайди. Плевра варақларининг ишқаланиши, ёпишиб қолиши, плевра бўшлиғида суюқлик тўпланиши, ўпка ателектази, ривожланиши мумкин. Плевмония ва плевритнинг асорати.

ПЛЮТОНИЗМ (Pluton — афсонавий ер ости ҳукмдори номидан) — Ер геологик тарихида ички (эндоген) жараёнлар ҳал қилувчи роль ўйнайди деган илмий таълимот. 18-в. охири 19-а. бошларида кенг тарқалган.

ПЛЮТОНИЙ (лот. Plutonium), Pu — кучли ёйилувчи б-р элемент, актиноидлар гуруҳига мансуб радиоактив химиявий элемент. Тартиб рақами 94, атом массаси 244,0642.

ПЛЮЩ (Pleches — *қ. Ад.*) — ипларнинг бир қисми ёки ҳаммаси кесилган ёки кесилмаган ҳолда ўзаро параллел ёки ҳар хил йўналишда жойлашган ва ҳосил қилган ғужумлари ёки ҳалқачалари бўлган тўқимачилик маҳсулоти. Ип материалига қараб П. ипак, жун, пахта, синтетик ва аралаш П.ларга бўлинади. Ишлатилиш соҳасига қараб П. кийим-кечак, пальто, костюм, шляпа, ўйинчоқ, ўриндиқ, диван, кресло, ёпинчиқ, портьера, гилам ва б. учун ишлатилади.

ПЛЮЩЕВКА — *қ. Ад.*

ПЛЮЩЕВКА — *қ. Ад.*

ПЛЮЩЕВКА — *қ. Ад.*

си ёки ўпка тўқимаси шикастланиши натижасида, операцион П. кўкрак қафаси аъзоларида хирургик муолажалар ўтказилганда вужудга келади. Спонтан П. ўз-ўзидан, ҳеч бир сабабсиз кўкрак қафаси ва ўпка тўқималарида жароҳатсиз плевра бўшлиғида ҳаво тўпланиши б-н кечади. Лекин ҳар бир ҳолда ҳам ўпкала кам ифодаланган ўзгаришлар пайдо бўлиши исботланган. Спонтан П. кўпроқ 20—40 ёшли эркакларда, аёлларга нисбатан кўпроқ учрайди. Кўпинча спонтан П. ўткир ёки ўртача ўткир тарзда кечади. Тўлиқ соғлом вақтида физик зўриқиш таъсирида, йўтал хуружидан кейин тўсатдан кўкрак қафасида кучли оғриқ, ҳансираш, қуруқ йўтал, юрак уриши, баъзан цианоз пайдо бўлади. Клапанли П. касаллигининг энг оғир шакли бўлиб, унда нафас ва юрак фаолияти бузилади; нафас етишмаслиги, оғриқ ва цианоз рўй-рост ифодаланади. Бемор талваса ҳолатига тушади, нафас олиш тез ва юзаки бўлади.

П. диагнози кўкрак қафасини физикал текшириш, плеврани пункция қилиш ва рентгеноскопия таҳлилларига кўра аниқланади. Бемор, асосан, касалхонада даволанади. Консерватив даво наф бермаса, хирургик усул қўлланади.

ПНЕВМОТРАНСПОРТ (*пневмо...* ва *транспорт*) — сочилувчан ва донали материаллар (буғдой, ун, пахта ва б.) ни ҳаво ёки газ кучи б-н ташишга имкон берадиган қурилмалар мажмуи. Ҳаво ёки газнинг тортиш кучини вужудга келтириш учун вентилятор (насос)лардан фойдаланилади. П.нинг сўрадиган, ҳайдайдиган ва аралаш хиллари бор. П. юклаш механизми, қувурлар, материални ҳаводан ажратадиган қурилма (сепаратор), *компрессор* ва автоматик бошқариш асбобларидан иборат. Юклаш (материални қувурга йўналтирувчи) ускуналарининг винтли ва камерали хиллари кенг тарқалган. Ин умумдорлигини ошириш учун аралаш (винтли ва камерали) П. ишлатилади. П. саноатда, қурилишда (кукунсимон, донали ва будакли яклар, цемент, кўмир кукуни, кул, қум ва б. ташиш ва б. жойларда қўлланади. Пахта териш ва қурак чувиш машиналарида ҳам П. бор.



Пневмотранспорт. Қурилма схемаси: *а* — сўрувчи; *б* — ҳайдовчи; *1* — сўриш қурилмаси; *2* — сўриш қувури; *3* — шлюз жўмраги; *4* — ажраткич-циклон; *5* — фильтр; *6* — компрессор; *7* — таъминлагич; *8* — ҳайдаш қувури.

ПНОМПЕНЬ — Камбоджа пойтахти. Тонлесап дарёсининг Меконг дарёсига қуйилиш жойидаги порт. Иқлими субэкваториал, муссонли иқлим. Январнинг ўртача т-раси 24,6°, июлники 27,5°. Йиллик ёғин ўртача 1470 мм. Аҳолиси 920 минг киши (1990-йиллар ўрталари), аксари кхемерлар. Транспорт йўллари туғуни. Т.и. орқали Камбоджасаом порти ва Бангкок ш. б-н боғланган. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Кема ва автомобиль таъмирлаш, тайёр қисмлардан автомобиль йиғиш, озиқ-овқат, ёғоч-қоғоз, тамаки, тўқимачилик саноати корхоналари, иссиқлик электр ст-яси бор. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади.

Пномпень шаҳри. Қирол саройининг тахт зали.

Ривоятга кўра, П. 14-а.да вужудга келган. 1443 й.дан мамлакатнинг вақт-вақти б-н, 1866 й.дан эса доимий пойтахти. Меъморий ёдгорликларидан Пном ибодатхонаси, Қирол саройи мажмуаси ва б. сақланган. П. — мамлакатнинг маданий ва илмий маркази: 3 ун-т, олий техника ин-ти, иқтисодиёт ин-ти ва б. олий ўқув юртлари, илмий жамиятлар, музейлар, кутубхоналар, театрлар бор.

ПО (Рое) Эдгар Аллан (1809.19.1, Бостон — 1849, 7.10, Балтимор) — америка романтик ёзувчиси ва адабий танқидчиси. *Символизм* бошловчиси. Актёрлар оиласида туғилган. 1815—20 й.ларда Буюк Британияда яшаган. 1825 й. Виргиния ун-тига кирган, Уэст-Пойнт ҳарбий академияси (1830—33)да ўқиган. Асосан, фожиали, «даҳшатли» («Қора мушук», 1943 ва б.), фантастик («Ворон ва бошқа шеърлар», 1845) ёки юмористик новеллалар («Гротесклар ва арабесклар» тўплами, 1840) ҳамда П. *детектив адабиёти*нинг асосчиларидан («Морг кўчасидаги қотиллик», 1841, «Мари Рожс сири», 1842, «Тилла қўнғиз», 1843, «Ўғирланган мактуб», 1845). Унинг етук прозасида маъруба сидан жуда бўлак кишининг жафоли ри мавзуи ўз ифодасини топган («Аннабель Ли», 1849 ва б.). Шеъриятида ҳам П. ҳаяжонларида инсон табиатидаги қайғини қирларининг гапганаси тарзида талқин этилган. П. жамият ҳаёти, кишилар табиати ва руҳиятидаги емирилиш ҳодларни таъсирлар жан. ҳаёлий ва ижтимоий-танқидий пафосдан ҳам самарали фойдаланган. «Ижод фалсафаси» (1845), «Поэтик принцип» (1850) фалсафий асарлари б-н америка эстетикаси ривожига муносиб ҳисса қўшган. Унинг детектив ҳикоя жанрида ортирган тажрибалари А. К. Дойль, Р. Л. Стивенсон, Г. Честертон сингари ёзувчилар ижодида анъана сифатида фойдаланилди; шеърий ижоди француз ва рус символистларига таъсир кўрсатган. Асарлари ўзбек тилига таржима қилинган («Тилла қўнғиз», 1962).

ПО — Италиядаги энг катта дарё. Уз. 652 км, ҳавзасининг майд. 75 минг км². Ғарбий Альп тоғларидан бошланиб, кўп қисми Падана текислигидан оқади ва Адриатика денгизига ботқоқли дельта (майд. 1,5 минг км²) ҳосил қилиб қуйилади. Водийси кенг, ўзани эгри-бугри. Дарёга жуда кўп ирмоқлар қўшилган, дельта қисмида эса тармоқларга бўлинади. Май—июнь ва окт.—ноябрда тўлиб оқади, тез-тез тошиб туради. Ўртача сув сарфи қуйилиш жойида 1460 м³/сек. Дарё денгизга йилига 46 км³ сув, 13—15 млн. т оқизиқ келтиради. Пдан суғоришда фойдаланилади. ГЭСлар қурилган. Қуйилиш ериданПьяченца шлача кема қатнайди. Ирмоқлари ва каналлар орқали Лаго-Маджоре, Комо, Гарда ва б. кўллар б-н туташган. Дарё бўйидаги йирик шаҳарлар: Турин, Пьяченца, Кремона ва б.

«ПОБЕДА» («Галаба») — ўрта кечпишар хўраки узум нави. Бутуниттифоқ ўсимликшунослик ин-тининг Ўрта Осиё тажриба ст-ясида Болқон узуми ва Гамбург мускати навларини чатиштириб чиқарилган (М. *Журавель*, А. *Негруль;* 1944). Тупи кучли ўсади. Барги йирик, кўп кертикли, орқаси тукли. Гули икки жинсли. Узум боши цилиндр-конуссимон, бўйи 25 см, эни 16 см, вазни 650—700 г, гужуми йирик, чўзиқ, цилиндрсимон, ўртача сиқиқроқ, ранги қора, пўсти қалин, кўк мумтўбор б-н қопланган, серэт. Таркибида 22—25% қанд бор, ҳосилдорлиги 400 ц/га га боради. Август охирларида — сент. бошларида пишади. Янгишлага чидади, шунингдек, *гармсел*ни ҳам яхши кўтаради. Совуққа чидамсиз. Шунинг учун ҳам новдаларини кумга ўраш тавсия қилади. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятлари учун районлаштирилган.

ПОБЕДИТ — кобальт (10%) ҳа вольфрам (90%) қаттиқ *металлокераси* усулида қовуштириб олинадиган қаттиқ қотишма. Мустаҳкам (Роквелл бўйича қаттиқлиги — 85—90, А шкаласи), синишга чидамли (0,5—0,6 МН/м²) материал. П. термини вольфрам-кобальт гуруҳидаги бошқа қаттиқ қотишмаларга ҳам татбиқ қилинади. П. машинасозликда чидамли ва ўткир кесгичлар, мустаҳкам асбоб-қурилмалар ясаш учун ишлатилади.

ПОВЕЛЛИТ (америкалик геолог Ж. Поуэлл номидан) — молибдатлар синфига мансуб минерал. Кальцийнинг молибдати $Ca[MoO_4]$, таркибида 72% MoO_3, 28% CaO бўлади. 10% гача молибден изоморф тарзда вольфрам б-н алмашади. Тетрагонал системада кристалланади, дипирамидал ва табletкасимон кристаллар ҳосил қилади. Ранги сариқ, саргиш-яшил, оқ, кўкимтир-яшил, қизғиш бўлади. Олмос каби ялтироқ, таҳасимон агрегатлари саладдранили. Қаттиқлиги 3,5. Зичлиги 4250—4520 кг/м³. Ўта мўрт, синиш юзаси нотекис. Молибден рудалари оксидланиш ёки *гипереген жараёнлар* юнасида молибденит сингари ривожланиб ҳосил бўлади. Гиперген минерали сифатида сиенит-пегматитларда ва гидротермал томирларда исландит шпати ва цеолитлар б-н биргаликда учрайди.

ПОВЕСТЬ (рус. повествовать — ҳикоя қилиш) — адабий жанр (қ. *Қисса*).

ПОВИДЛО (полякча, povidla) — мевалар, резавор ва шакардан тайёрланадиган ширинлик. Олма, нок, олхўри, ўрик ва б. мевалар ёки уларнинг аралашмаси пюреси (бўтқаси)га шакар (одатда 1 дан 1,8 қисмгача пюрега 1 қисм шакар) қўшиб қайнатиб тайёрланади. Табиий кислотаси паст бўлган пюрега лимон ёки б. озиқ-овқат кислотаси қўшилади. Тайёрланган мевалар озгина сув солинган идишга солиниб, қопқоғи берк ҳолда 10—20 мин. қайнатилади. Мевалар пишиб юмшагач, шакар қўшилади ва очиқ идишда қуюлгунга қадар (тахм. 1—1,5 соат) қайлаб туриб пиширилади. Тайёр П. таркибида 34% дан ортиқ намлик, камида 60% шакар; 100 г П.да 250—260 ккал бўлади. Тайёр П. қуруқ шиша идишларга солиниб, усти темир қопқоқ, целлофан ёки пергамент қоғоз б-н ёпилади. П.ни салқин ва қуруқ жойда 8—9 ой сақлаш мумкин.

ПОГОДИН (тахаллуси; асл фамилияси Стукалов) Николай Федорович [1900.3 (161.11, Донецк вилояти — 1962.19.9, Москва] — рус драматурги. Ижоли 1920 йиллардан бошланган. П совет воқелигини тасдиқловчи пьесалар ёзган («Менинг лўстим», 1932; «Аслзодалар», 1934) ва инқилобий даврнинг саҳналий йилномасини яратишга интилган («Милтиқли киши», 1937; «Кремль қурантлари», 1942 (1956 йил қайта ишланган); «Алвон булутлар», 1955; «Учинчи патетик асар», 1958 ва б.]. П. бу ва б. саҳна асарлари ҳамда киносценарийларида Окт. давлат тўнтаришни ва унинг раҳбарлари образини совет мафкураси талаблари асосида талқин этди. П. умрининг сўнгги йилларида «инқилобий романтик» воқеалар тасвиридан қочиб, шахсий муаммолар, руҳий оламнинг коммуникацияси, руҳий оламининг коммуникатив ахлоқ меъёрларига дахлсизлиги ҳақида ҳикоя қилувчи «Петрарка сонети» (1957), ёшлар руҳий оламининг шаклланиши мавзуига бағишланган «Кичкина талаба» (1959), «Мовий рапсодия» (1961) пьесалари ва «Қаҳрабо марварид» (1960) романини яратди. П. 2-жаҳон уруши йилларида Тошкентда яшаб, *Ҳамид Олимжон, Ўйғун* ва *Чустий* б-н ҳамкорликда «Ўзбекистон қилички» пьесасини ёзди (1943). П.нинг бир неча пьесалари Ўзбекистон театрлари саҳнасида қўйилган.

ПОГОНОФОРАЛАР (Pogonophora) — умуртқасиз ҳайвонлар типи. Дастлаб 1914 йил топилган. Шакли ипсимон, узунлиги бир неча см дан 1,5 м гача, хитин най ичида жойлашган. Гавда бўшлиги целом, ичаги бўлмайди. Асосан, гавда бўшлигида учрайдиган олтингугурт бактериялари синтезлайдиган органик моддалар ҳисобидан озиқланади. Айириш органлари — целомодуктлар 1 та сегменти бўшлигига очилади. Пайпаслагичлари орқали нафас олади. Қон айланиш системаси ёпиқ, юраги қорин томонда. Нерв системаси нерв тугунлари тўплами — миядан ва қорин тераси эпителийсида жойлашган бўйлама нерв стволидан иборат. Айрим жинсли. Тухумдан 2 та киприк белбоғли ва ичакли личинка чиқади, кейинчалик ичак сўриб кетади. 2 синф: френулятлар, яъни сувликлилар (150 тур) ва афренулятлар, яъни сувсизлилар (2 тур) синфларига ажратилади. Денгиз тубида, одатда, 3 дан 10 км гача чуқурликда ўтроқ яшайди. Тузилиши бирламчи ҳамда иккиламчи оғизлиларга ўхшаб кетади.

ПОДА (чорвачиликда) — бир турга оид чорва молдари тўдаси. Плар чорвачилик хўжаликларида алоҳида сақлаш, боғлаб боқиш ёки яйловда ўтлатиш (боқиш) учун ташкил этилади. Яйловда боқилганда сони сигирлар 100—200, буюқлар 30—60, семиртириладиган ёш молдар 150—200; қўйчиликда оила қўйлар 200—800, ахта кўчқорлар 600—1200 бошдан иборат бўлади. Қўйлар П.си *отар*, йилқилар П.си *ўюр* деб аталади. 2) хўжалик (фермада бўлган бир турдаги ҳайвонларнинг умумий сони (боши). П. таркиби, ундаги ҳайвонларнинг жинси, ёши ва ишлаб чиқариш гуруҳларининг нисбати, уларнинг аҳамияти ҳамда фойдаланиш муддатлари П.ни кўпайтириш шарт-шароитларига боғлиқ. П.нинг зарур структурасини сақлаб туришда поданинг режалаштирилган айланмасига риоя этилади.

ПОДАГРА (юн. podos — оёқ ва agra — қопқон) — организмда моддалар алмашинувининг бузилишидан келиб чиқадиган касаллик. Бунда суякдан, бўғимлар, тоғайлар, пайлар, фасциялар ва бўда сийдик кислота тузлари (уратлар) тўпланади. П. айрим оилалар авлодида йиллар давомида кузатилгани учун ирсий касалликларга ҳам киритишади. Бундан ташқари, нотўғри овқатланиш, спиртли ичимликлар, гўшт ва гўшт маҳсулотларини кўп истеъмол қилиш, кам ҳаракатланиш натижасида ҳам юзага келади. Касаллик кўпроқ эркакларда 40 ёшдан кейин, аёлларда эса нисбатан камроқ учрайди. Сийдик кислота тузлари оёқ ва қўлларнинг майда бўғимларида (уларнинг шакли ва функциясини бузилади), шунингдек, тери, қулоқ чиғаноғи тоғайлари ва ҳатто ички аъзолар (мас., буйрак)да тўпланиши мумкин. Оёқнинг бош бармоғи бўғимида игнасимон уратлар тўпланиши касалликнинг энг характерли белгисидир.

П. оғриқ хуружлари б-н кечади. Бирор бўғимда, хусусан, бошмалдоқ бўғимларида, бирдан сабабсиз қаттиқ оғриқ туриши П.нинг асосий белгиларидандир. Оғриқ кечаси, одатда, саҳарга яқин тутади ва беморнинг эти увушиб гавда т-раси 40° гача кўтарилади, тонгга яқин оғриқ бир оз камаяди, бу ҳодиса 1—3 кунга чўзилади. Зарарланган бўғимлар териси қизариб шишади, қўл тегизилганда безиллайди. Оғриқ хуружларига қоринниг дам бўлиши, ичак функциясининг бузилиши (қабзият) ҳам қўшилиши мумкин. Кейин оғриқ тўхтайди. Яна қайталангунча бир неча кундан тортиб 1—2 йилгача муддат ўтиши мумкин. Касаллик кучайиб борса, хуружлар тез-тез қайталаниб, улар орасидаги муддат қисқара боради ва касаллик сурункали тус олади.

П.нинг ўткир хуружлари, айниқса, сурункали шаклга ўтиб кетишининг олдини олиш учун ўз вақтида врачга мурожаат қилиш керак.

ПОДГУРСКАЯ Елена Генриховна (1896, Москва — 1968.30.9, Тошкент) — қўғирчоқ театри рассоми. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1956). Москвалаги Строганов бадиий билим юртининг ҳайкалтарошлик бўлимини тугатган (1918). 1929 йдан Тошкентда. Дастлаб Ёш томошабинлар театрида, 1929 йдан Республика пионерлар саройи қошидаги Давлат қўғирчоқ театрида, 1939 йдан Республика қўғирчоқ театрида рассом. П. театрда саҳналаштирилган спектакларни бадиий безаб, спектакллар руҳига мос қўғирчоқлар яратишга, миллий колоритни аниқ беришга интилди. Ўзбек («Ур, тўқмоқ», «Сеҳрли чаноқ», «Зиёд ботир» ва б.), рус («Ўлик малика ва етти баҳодир ҳақида эртак», «Алёнушка опа ва Иванушка ука», «Қор маликаси» ва б.), араб («Алибобо ва қирқ қароқчи»), чех («Иржик баҳодир») ва б. халқлар эртаклари асосида ва б. мавзуларда яратилган спектакларга рассомлик қилган.

ПОДОЛИЯ ҚИРЛАРИ, Подолия платоси — Украинанинг жан.-ғарбидаги қирлар. Днестрнинг чап соҳилида. Шим.-ғарбдан жан.-шарққа чўзилган. Оҳактош, мергель, қумтош ва слансецлардан, шарқий қисми эса гранит ва гнейслардан таркиб топган. Энг баланд жойи 471 м (Камула тоғи). П.қ.нинг катта қисми ҳайдалиб, деҳқончилик қилинади. Дуб ўрмонлари ва ўтлоқ даштлари бор.

ПОДОЛЬСК — РФ Москва вилоятидаги шаҳар (1781 йдан). Пахра дарёси соҳилида. Москвадан 43 км жандаги т.й. станцияси. Аҳолиси 197 минг киши (1998). Механика (тикув машиналари), машинасозлик (буг қозонлари ва б.), қ.х. машиналари, аккумулятор, кабель з-длари, рангли металлургия, қурилиш материаллари корхоналари ва б. бор.

П.нинг саноати 19-а.нинг охиридан ривожлана бошлади (цемент з-ди, тайёр қисмлардан «Зингер» тикув машиналари йиғиш з-ди ва б. қурилди).

ПОДПОЛКОВНИК (рус. *полковник*дан қуйи) — бир қатор давлатлар қуролли кучларида зобитлик унвони. П. унвони рус армиясида 17-а.дан мавжуд бўлган. П. полк командирининг ўринбосари, полк штабининг бошлиғи, алоҳида батальон, ҳарбий қисмлар командири лавозимларида бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари, ички ишлар вазирлиги, солиқ, божхона, чегара ва б. қисмлардаги зобитлик унвони.

ПОДУРАЛАР — қ. *Оёқдумлилар*.

ПОДШИПНИК — айланувчи вал ва ўқларнинг таянчи. Механизмнинг айланувчи ёки тебранувчи қисмлари валиятини бошқа қисмларга нисбатан чеклайди, валдан ўтказилган кучларни бевосита қабул қилиб, валнинг равон ва осон айланишига имкон беради. Сирпаниш ва думалаш П.лари бор. Сирпаниш П.ларининг таянч сирти силиндр, конус ёки шар шаклида бўлиши, таянч сирт б-н вал бўйини қуруқ (мойсиз), ярим қуруқ ёки суюқ ишқаланиб (яхши мойланиб) ишлаши мумкин. Бундан П.ларнинг ажратилган ва ажратмаланган хиллари бўлади. Ажратилган П.да вкладиш, ажратмаланганида втулка, одатда, корпусдаги тешикка, таянч сирт б-н вал бўйини орасига ўрнатилади. Булар антифрикцион материаллар (баббит, текстолит, резина, пластмасса ва б.) дан тайёрланади. Думалаш П. ички ва ташқи ҳалқалар, тебранаш жисмлари (шарча, ролик) ҳамда сепаратордан иборат. Таъсир қиладиган куч йўналишига қараб, радиал, радиал-тирак П.лар бўлади.



Подшипник. 1. Сирпаниш подшипниги: *1* — корпус; *2* — вал; *3* — вкладиш; *4* — мойлаш ҳалқаси. 2. думалаш подшипниги (нарезли подшипник): *1* — ташқи ҳалқа; *2* — ички ҳалқа; *3* — шарча (ролик); *4* — сепаратор.

Тебраниш жисмлари ва ҳалқаларининг иш сиртлари шаклига қараб, шарчали, роликли, шарчали-сферик, цилиндр, қисқа ва узун роликли, конус роликли, сферик-конус роликли, игнали хилларга; тебраниш жисмларининг қаторлар сонига қараб, бир, икки ва кўп қаторли ва б. хилларга бўлинади. Думалаш П. юқори сифатли пўлатдан тайёрланади. Мойланиш усулига қараб, ўз-ўзидан ва мажбурий мойланадиган П.лар бўлади. П. машинасозлик, кемасозлик, самолётсозлик ва б. соҳаларда ишлатилади.

ПОДШО ПИРИМ МАЖМУАСИ — Фарғона вилояти Бувайда туманидаги меъморий ёдгорлик. Дастлаб Фарғона водийсида ислом динини тарғиб қилган Шоҳ Жалил қабри устига сағана қурилган, кейинчалик атрофида 11 Ш.м барпо этилган. Мажмуа 2 ҳовлидан иборат. Биринчисида пешток-гумбазли дарвозахона (15-а.) ҳамда унинг ен томонида қурилган масжид (20-а.), иккинчисида 15—16-а.ларга оид қабр ва сағаналардан иборат мақбара бор.

Масжид тўғри тўртбурчак тарҳли монокоҳ, шифти маҳаллий меъморлик услубида ўзига хос безаклар қилиб ишланган. 3 томони айвондан иборат. Айвон шифтини 44 устун кўтариб туради. Пойгонали қилиб бир томонлама қурилган мақбара (18×8м, шим.-жан. ўқи бўйлаб жойлашган чорноқ тарҳли шератхона (5,2×5,2 м) ва гўрхона (4,3×4,3 м)дан иборат. Шератхона деворн сатҳига тўқур равоқли токчалар ишланган. Хона ичи таянч устунлар, равоқсимон тарҳлар орқали хонага ёруғлик тушади. Тарҳларга панжаралар ишланган. Икки табақали ёғоч эшиклар эски ўзма нақшлар б-н безатилган.

ПОДШОҲ, подшо, шоҳ (қад. форс. пати — ҳукмдор ва шоҳ) — 1) Якин ва Ўрта Шарқдаги баъзи мамлакатлар ҳукмдорлари. Дастлаб Сосонийлар давлатида қўлланила бошланган. 2) Россия ҳукмдорларининг самодержавие атрибутларига қадар узбеклар орасидаги номи (бошқа номлари — чор, оқ П.).

ПОЕЗД — бир ёки бир неча вагон тиркалган таркиб (состав). Вагонлар бир-бирига махсус тирқаш мосламаси (*автосцепка*) б-н уланади. П. умумий сигнализация тизими б-н таъминланади. Битта ёки бир нечта тиркама уланган автомобиль автопоезд деб аталади. П.нинг шошилинч ёки навбатсиз (тиклаш, ўт ўчириш, қор тозалаш ва б.) ва ҳ.к. хиллари бор. П., асосан, йирик ст.ларида ҳаракат графиги ва П. тузиш планига мувофиқ тузилади. Фойдаланилаётган тортиш кучига ва қабул қилиш-жўнатиш йўлларининг узунлигига қараб, ҳар бир П. категорияси учун составнинг оғирлиги ва узунлиги белгиланади.

Подшо Пирим мақбараси.



ПОЖАРСКИЙ Дмитрий Михайлович (1578.1.11 — 1642.20.4) — князь, бояр (1613 йдан). *Минин*нинг сафдоши. 1-земство қўшинларлар қўшини қатнашчиси (1611), 2-земство қўшинларлар қўшини ва муваққат Земство ҳокимияти раҳбарларидан бири. Москвани полшалар интервенциясидан мудофаа қилган (1612). 1617—40 йлар Москвада турли маҳкамаларни бошқарган. Зарайск (1610), Новгород (1628— 31) ва Переяславль-Рязань (1638) ларда воеводаси. П. 17-а.нинг 1-ярмида Россиядаги энг йирик ер эгаларидан бири бўлган. Москва (Минин б-н бирга қанд. майдонда) ва Нижний Новгород ш.ларида ҳайкал ўрнатилган.

ПОЗИРИҚ МОЗОРҚЎРҒОНЛАРИ — темир даврига оид мозорқўрғонлар (мил. ав. 5— 3-а.лар). Оҳангдаги Позирик воҳасида. П.ни дан М. П. Грязнов (1929) ва С. И. Руденко (1947— 49) мил. ав. 1-минг йиллик ўрталарига оид 5 та катта мозорқўрғон очишган. Улар катта тош тепаликлардан иборат. 4 м. гача чуқурликда 50 м² га яқин майдонга айлана ҳандақлар қурилган. Тошқўрғонлар остида мутлақ ўзаро ҳеч қандай алоқаси бўлмаган 5 та қабр ўрни аниқланган. Қабрлар ер ости ёки ер усти тузилмали бўлиб, ёғоч ёки хом ғиштдан ишланган. Марҳумлар чўзилган ҳолда ётқизилган. Ҳар бир қабрга 1 кишидан 5 кишигача дафн этилган. Қабрларга ҳайвон суяклари, қурол-яроғ, тақинчоқлар, ҳунармандчилик буюмлари, ҳайвон ҳайкалчалари, тилла, кумуш, мис, қалай, қўрғошин, темир, суяк, тош, ёғоч, шиша, тери, мато, ғалла ва б. қўйилган. Ҳайвонлар ҳайкалчаларидан ташқари, ҳаммаси Эрмитаж (Санкт-Петербург) да сақланади.

Позирик мозорқўрғонлари: мозорқўрғондан топилган эгар ва мисдан ишланган чилимлар. Эрмитаж, Санкт-Петербург.

ПОЗИТИВ (лот. positivus — мусбат, ижобий) — фотографияда — фотосуратга ёки кинога олиш объекти (одам, манзара ва б.) да ранглар (ёруғлик-соя) нисбати қандай тарқалган бўлса, фототасвирда ҳам шундай нисбатда акс этадиган ҳақиқий тасвир (фото ёки кинотасвир); *негатив*нинг акси. Оқ-қора тасвирда ёруғлик-соя нисбати, рангли тасвирда ранглар нисбати тасвир аниқлигини белгилайди. П. негативдан позитив фотоматериал — фотоқоғозга, позитив фото ёки кинопленкага контакт усулида ёки проекциялаб ҳосил қилинади. Бу жараён негатив-П. жараёни деб аталади. Рангли кино-фотографияда бу жараёндан ташқари 3 рангга ажратилган негативдан фойдаланилади. П. махсус позитив очилтиргич моддалар ёрдамида очилтирилади.

ПОЗИТИВИЗМ (лот. positivus — ижобий) — фалсафий йўналиш. Унга кўра, барча чинакам (позитив) билимлар махсус фанлар йиғиндиси натижасидир; фан бирор фалсафанинг ўз устидан ҳукмронлигига муҳтож эмас. П.га дан ҳукмронлигига муҳтож эмас. П.га дан 19-а.нинг 30-йларида О. *Конт* асос солган («П.» терминини киритган). П. ижтимоий ва ижтимоий фанлар методологиясига (айниқса, 19-а.нинг 2-ярмида) таъсир кўрсатган. П.нинг ҳоз. шакли — *неопозитивизм*.

ПОЗИТРОН [лот. posi (tivus) — мусбат ва *электрон*], e^+ — мусбат электрлардаги элементар зарра, электроннинг антизарраси. Унинг заряди $e=1{,}602189\cdot10^{-19}$ Кл.; массаси $m=0{,}91093\cdot10^{-30}$ кг; магнит моменти $\mu_e=9{,}2848\cdot10^{-24}$ Ж/Тл. П. спини 1/2 га тенг бўлиб, Ферми — Дирак статистикасига бўйсунади. Антизарраларнинг мавжудлигини биринчи бўлиб П. *Дирак* башорат қилган (1931). Бу назария асосан зарра ва антизарраннинг массаси, яшаш вақти ва спинлари бир хил бўлиб, электр заряди ва магнит моментлари модуль жиҳатдан тенг, аммо ишоралари қарама-қарши бўлиши керак эди. Кейинчалик улар тажрибаларда тўла тасдиқланди. Биринчи антизарра — П.нинг мавжудлигини К. Д. *Андерсон* кучли магнит майдонига жойлаштирилган *Вильсон камераси* ёрдамида кашф этган (1932).

П. электромагнит, гравитацион ва кучсиз ўзаро таъсирларда иштирок этади ва *лептонлар* синфига киради. Стандарт моделга кўра, П. фермионлар тистик хусусиятига кўра, П. фермион ҳисобланади. П. тургундир, лекин у электрон б-н тўқнашганда e^+ e^- жуфтлар *аннигиляция* ҳодисаси содир бўлганлиги учун жисмда қисқа вақт яшайди. Мас., қўрғошинда П.нинг яшаш вақти $5\cdot10^{-11}$ с га тенг.

П.лар бир зарранинг иккинчи заррага айланиш жараёни (мас., мюоннинг емирилишида, γ- квантларнинг П. электрон жуфтини ҳосил қилиш жараёнида ва баъзи радиоактив изотопларнинг бета емирилишида ҳосил бўлади. Бета емирилишдан ҳосил бўлган П.дан текширишда мақсадларида фойдаланилади. П.нинг жисмда секинлашиш ва аннигиляция жараёнлари жисмнинг физик ва кимёвий хоссалари (мас., кристалл панжарасининг дефекти, электрон ўтказувчанлигининг техникалар бўйича тақсимоти, баъзи бир кимёвий реакциялар кинетикаси) тўғрисида маълумот беради.

ПОЗИТРОНИЙ — мусбат заряди *позитрон* e^+ ва электрон e^- дан ташкил топган зарра. Позитрониларнинг модда атомлари б-н секин тўқнашувидан ҳосил бўлади. Ps б-н белгиланади. П. тузилиши водород атомига ўхшайди, унда водород атомидаги протон ўрнида позитрон бўлади. П.ни 1951 йда америкалик олим М. Дейч кашф этган. П. массаси иккита электрон массасига тенг, ўлчами водород атоми диаметридан икки ҳисса ортиқроқ. П. асосий ва ғалаёнланган ҳолатларда бўлиши мумкин. П. энергиясининг асосий сатҳи электрон ва позитрон спинларининг ўзаро таъсиридан 2 та сатҳга ажралади. Улар орасидаги энергия фарқи $8{,}41\cdot10^{-4}$ эВ га тенг. Пастки сатҳ антипараллел спинли зарралар (парапозитроний)нинг ҳолатига, юқори сатҳ эса параллел спинли зарралар (ортопозитроний)нинг ҳолатига мос тушади. П. жуда қисқа вақт (секундниинг бир неча улушича) яшайди, *аннигиляция* туфайли позитрон ва электронларга айланади.

ПОЗИЦИЯ (лот. positio — ҳолат, вазият) — 1) бирон нарсанинг жойлашиши, дастлабки ўрни (мас., шахмат тахтасидаги доналар П.си); 2) бирон-бир масала юзасидан билдирилган фикр, нуқтаи назар; далил, воқеа, ҳодисанинг муайян баҳоси; шу баҳога мувофиқ амалга оширилган хатти-ҳаракат.

ПОЗИЦИЯ (тилшуносликда) — фонологик П., фонеманинг унга хос семиологик (фарқлаш) вазифани белгилашда асос бўлувчи ҳолати; фонеманинг бевосита қуршови, унинг сўз таркибидаги ўрни, уруғга нисбатан ҳолатини қамраб олади. Фонологик П.нинг кучли ва кучсиз турлари фарқланади. Фонеманинг ўз фарқлаш вазифасини бажариши учун қулай позиция кучли П. дейилади (мас., зўр ва сўр сўзлари бошидаги ундош кучли П.дадир). Фонеманинг ўз фарқлаш вазифасини бажариши учун ноқулай позиция кучсиз П. дейилади (мас., ризқ сўзидаги з ундоши кучсиз П.да, чунки уни с ундошидан фарқлаш қийин).

Азиз Ҳожиев

ПОЗИЦИЯ (*ҳарбийда*) — ҳарбий қисмлар эгаллаган ёки уларнинг жойлашиши учун тайёрланган махсус ўрин. П. муҳандислик жиҳатидан пухта жиҳозланади ва эшелонлаштирилган мудофаа доирасининг асосий қисми ҳисобланади. П.нинг асосини мудофаадаги қисм ёки бўлинмаларнинг ўзаро ягона ўт очиш тизими б-н бирлаштирилган таянч нуқталар (пунктлар) ташкил этади. Ҳар бир П. окоплар, пана жойлар, алоқа йўлларини туташтирувчи траншеялар б-н ўралади. Бундай муҳандислик жиҳоз шахсий таркиб, қурол-яроғ, ўқ-дориларнинг яширин жойлашишига имкон яратали ва П.да ҳарбий кучларнинг манёвр қилишига яхши кўмак кўрсатади. Муайян вариантларда мудофаа доираси ичкарисида оралиқ П. қурилиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Душманни чалғитиш мақсадида муҳим йўналишларда мудофаа чизигидан анча олдинда П. барпо этилади. Бундан ташқари, мудофаа ичкарисида сохта П. қурилиши, бўлинма ва ўт очиш воситаларининг жанг вақтидаги ҳаракатлари учун қўшимча ёки муваққат П. ҳам ташкил этилиши мумкин. Ялпи ҳужумга ўтиш олдидан бошланғич ерларда моторлаштирилган пиёда бўлинмалар ва танклар учун кутиш П.си, ракета қўшинларининг учириш қурилмалари учун старт П.си, артиллерия, миномёт ва ҳ.к. ўт очиш қуроллари учун ўт очиш П.си барпо этилади.

ПОЗНАНЬ — Польшанинг ғарбий қисмидаги шаҳар, Варта дарёси бўйида. Познань воеводасининг маъмурий маркази. Аҳолиси 578,2 минг киши (1999). Транспорт йўлларининг йирик тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. П. — мамлакатнинг муҳим иқтисодий ва маданий маркази. Машинасозликнинг турли соҳалари (жумладан, транспорт, қ.х., аниқ машинасозлик, электротехника, приборсозлик ва подшипниклар ч.к.) ривожланган. Озиқ-овқат, ресана, парфюмерия, тикувчилик, ойна-шиша, полиграфия саноати корхоналари мавжуд. П.да ҳар икки халқаро ва миллий ярмаркалар ўтказилади. Ун-т, театрлар, музейлар бор. Шаҳарга 9-а.да асос солинган. 10—11-а.ларда Познань князлари қароргоҳи бўлган. 13—19-а.ларга оид меъморий ёдгорликлар, хусусан, готика костёли (13—15-а.лар), ратуша (13—16-а.лар) сақланган.

Познань шаҳри. Бош собор.

ПОЙАБЗАЛ — оёқ кийими. Оёқни иссиқ, совуқ, нам, лой, чанг ва шикастланишлардан сақлайди. Ибтидоий одамларни табиат ноқулайликлари (иссиқ-совуқ, ёмғир-қор, чанг-тўзон, тиканак кириши, чағир тош ботиши, илон-чаён чақиши ва б.) оёқларини бирон-бир нарса б-н ҳимоя қилишга мажбур қилган. Улар қаерда (иссиқ ёки совуқ ўлкаларда, серёғин ёки қуруқчил жойларда, пасттекисликлар ва тоғли жойларда) яшашларига қараб, илон оёқ юришган, чипта кавуш, чориқ, ёғоч, кигиз, чарм ёки мўйна П. кийишган. Уларни тўқиш, йўниш ва тикиш усуллари аста-секин такомиллаштирилиб борилган. Мас., илгари Ўрта Осиё халқлари, асосан, этик, махси, кавуш кийишган. П., асосан, қўлда тикилган. Кейинчалик (19-а. ўрталаридан), ботинка, туфли, сандал, шиппак, пойма, калиш, спорт П.и, тиббий, ҳарбий ва махсус иш П.лари кийиш расм бўлди. Эркаклар П.и — мардона, аёллар П.и зинфона, болалар П.и — бачкана деб аталган. Ҳозир П. тикишга оид деярли барча жараёнлар механизациялаштирилган, лекин қўлда тикиш усуллари ҳам сақланиб қолган.

П., асосан, сатх (юза) ва тагчармдан иборат. Сатх бўлаклари ипли чок б-н бириктирилса, тановар (чарм, газлама, сунъий чарм заготовка) ҳосил бўлади. Тагчармга чарм, резина, пластмасса-чарм, ёғоч ишлатилади. Тагчарм бўлаклари пошна, патак, набойка ва б. шаклда қўлда (тиг б-н) ёки махсус прессларда кесилади. Сунъий чарм бўлаклари П. корхонасига тайёр ҳолда келтирилади.

П. тикиш технологияси: материални бичиш, бўлакларни бириктиришга тайёрлаш,тановорни тикиш ва бириктириш, унга шакл бериш, тагчармни сатхга бириктириш ва тайёр П.ни пардозлаш.

Тановорни қолипга тортиш ва патак бириктириш (михлаб, елимлаб ва ипли чок б-н) ишлари махсус машиналарда бажарилади. Тагчармни тановорга бириктиришнинг механик, рантли, сандал, ярим сандал, елимлаш ва б. усуллари бор. П. мустаҳкамлиги ва ташқи кўринишга куп жиҳатдан бириктириш сифатига боғлиқ. Тановорга тагчарм бириктирилгандан сўнг маҳкамлаш машинасида пошна қоқилади. П.га ялтироқ шакл бериш учун ишлатиладиган мослама (пресс қолип деб аталади. Қолип, асосан, олд ва орқа қисмлардан иборат. Тановорни қолипга тортиш пайтида бу қисмларни бир-бирига яқинлаштириб ва бир-биридан узоқлаштириб, зарур ўлчамга келтириш мумкин. Қолип ёғоч, металл ёки пластмассадан ясалади.

Танер П.ни пардозлаш ишлари ҳам, асосан, махсус машиналарда бажарилади. Айрим ишларига қўлда қилинади. Умуман, П. тикишда 120 та яқин машина ва мосламалар қўлланилади. П. ўлчами (номери) патакнинг штихлар (1 штих — 2/3 қисм), сантиметрлар ёки дюймларда ўлчанадиган узунлигини билдиради. Ўзбекистонда, асосан, сантиметрли система қўлланилади. П. ўлчамлари бўйича (сантиметрларда ўлчанганда) чақалоқларга (7 — 14), болча ёшдагиларга (14,5—17,5), болаларга (18—25), аёлларга (22—28), эркакларга (25,5—31,5) мўлжалланган хилларга бўлинади. Ўзбекистонда П. тикиш ҳунармандчилигининг муҳим тури бўлиб, уни қўлда тикиш ҳозир ҳам кенг кўламда сақланиб қолган (қ. *Кўнпойабзал саноати*).

ПОЙАБЗАЛ САНОАТИ — қ. *Кўнпойабзал саноати*.

ПОЙГА — 1) *от спорти* тури; чопқир отларни синаш. Англияда 17-а.дан уюштирила бошлаган. Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистонда П. қадимдан маълум. П.да қатнашувчи чавандозлар сигнал берилиши б-н белгиланган маррага қараб от қўйганлар, голиб чиққан чавандоз соврин б-н мукофотланган. П., асосан, катта байрамлар, сайллар, тўйларда ўтказилган. Одатда, текис жойларда уюштирилиб, атрофдаги қирадирларга ранг-баранг алвонлар б-н безатилган ўтов ва чодирлар тикилган, турли таомлар пиширилган. П.да кўпинча, болаликдан от минишга ўргатилган ўсмирлар қатнашган.

П.нинг бир неча тури бор: текис П. (текис жойларда, кўпинча отчопар йўлкаларида 1000—4000 м масофага); тўсиқли П. (5—9 та енгил тўсиқлардан иборат йўлкаларда 2000—3000 м масофага); мураккаб тўсиқлардан сакраш (стипл-чейз, 4000—7000 м масофага); кросс (паст-баланд жойларда 3000—8000 м масофага); отда ов қилиш (турли ҳайвонларни ов ити б-н қувиш); 2) бир неча спортчилар иштирокида турли транспорт воситалари б-н ўтказиладиган мусобақа. Мас., автомобиль, мотоцикль, велосипед П.лари.

ПОЙГОҲ (*форс.-тожик.* — остона, кириш) — қалин, оёқ киним ечиладиган жой. Маҳаллий уйларда меҳмонни яхши тарафи Ҳона саҳнидан бир оз паст қилиб ажратилган жой. Замонавий уйларда ҳалқиз, коридор ва ш.к. П. вазифасини ўтайди.

ПОЙГОҲТЕПА — ўрта асрларда Бухоро воҳаси атрофида барпо этилган *Кампир девор* тизимидаги охирги истеҳком харобаси. Навоий туманидаги Туркистон қишлоғи ҳудудида жойлашган. Археолог Ҳ.Муҳамедов қўлланиб ишлари олиб борган (1958). Антик даврда П. Бухоро воҳаси аҳолисини ташқи ҳужумлари мудофаа этиш мақсадида ҳар 8—10 км масофада бино этилган истеҳкомларининг охиргиси. Воҳанинг шим.-шарқида, Зарафшон дарёсининг тоққа якин масофада оқиб ўтаётган жой ва тог оралиқлари тор йўлакда барпо қилинган. Дастлаб 6-а.да қурилиб, сўнгра 8-а. охири — 9-а. бошларида янгидан тикланган ва муҳим ҳарбий стратегик аҳамиятга эга бўлган.

ПОЙГУМБАЗ — гумбаз ўрнатиладиган қурилма, асос. Гумбазнинг тарнисимон остки, биноннинг ўсткн қисми. П. гумбазни биноднн баланд кўтариб, ажратиб туради, унга салобат ва кўркамлик бағишлайди. П.нинг 4 ёки 2



Пойгумбаз (Шердор мадраса).

томонидан ларча очилиб, унга панжаралар ишланади. П. гумбаз ва бино рангига мос равишда турли хил кошин-б-н безатилади.

ПОЙДЕВОР, фундамент (лот. fundamentum — асос) — иморат ва иншоотнинг ост қисми ёки машина (компрессор, насос, станок)нинг асо-



Пойдевор: *1* — яхлит (плитали) пойдевор; *2* — лентасимон (шинма) пойдевор; *3* — алоҳида (устунли) пойдевор.

си. Уларнинг оғирлиги П. орқали табиий ёки сунъий заминга тушади. П. турлари қурилиш майдонининг геологик ва гидрогеологик шарт-шароитларига, қурилаётган иморат ёки иншоотнинг вазифасига, тушадиган оғирликка қараб танланади. Қатлам грунти хусусияти, ер ости сувларининг сатҳи, заминга таъсир этувчи куч (кўч) қиймати ҳамда хусусияти ва б. га қараб, П.лар саёз ёки чуқур жойланган бўлади. Саёз П.лар шакл жиҳатдан лентасимон (деворлар тагига узлуксиз лента тарзида қурилади), алоҳида устун тирмаклар тагига қурилади) бўлади. Тупшиши жиҳатдан яхлит (иншоот ёки унинг алоҳида қисми тагига қуйилади) ва йиғма (ёстиқсимон бўлаклар) хилларга бўлинади. П. тош, бетон, темир-бетон, пишиқ гишт ва намга чидамли мустаҳкам бошқа материаллардан қурилади. Вақтинчалик қурилган баъзи иморатларнинг П.и ёғочдан бўлиши мумкин. П. ер қазилиб ёки шиббалаб тайёрланган котлованлар ва траншеяларга қурилади. Шиббаланиб кўтарилаётган грунтлар, махсус шиббалаш кўтариш кранлари, махсус шиббалагичлардан фойдаланилади.

Чуқур П. қозиқ оёқ, кессонлар, қудуқлар, чуқур тавнчлар ва б. кўринишда бўлади. Бундай П.дан бўш, чўкувчан, шишувчан ва б. хусусиятларга эга бўлган грунтларда, ер ости сувлари сатҳи юқори бўлганда, кўпқаватли ва чуқур ер ости иншоотларини қуришда фойдаланилади.

Қурилишда П.га катта аҳамият берилади, чунки иморат ёки иншоотнинг мустаҳкамлиги, узоқ даврга чидаши, кўркамлиги кўп жиҳатдан П.га боғлиқ. Марказий Осиёда ҳам П.га катта аҳамият берилган. Қад. меъморларимиз иморатга таъсир этувчи зилзила кучини камайтириш мақсадида П. қуришда тебранишини сўндирувчи материаллардан фойдаланишган (П. тагига қум, устига қамиш тўшаш, П. гиштларини қовушқоқ қоришма б-н териш ва б.). Мас., Бухородаги чуқ. 5 м бўлган Арслонхон, Самарқанддаги чуқ. 4 м бўлган Тиллакори мадрасалари П.лари шу сирага киради.

Бу моҳият ҳозирги замон технологияларидан фойдаланиб қурилган эпизлабардошли иморатлар П.ларида қўлланиладиган резина-металл таянчлар ва б. турдаги конструкцияларда ўз аксини топган. Бухоро, Хива, Самарқанд, Қўқон, Термиз, Тошкент ва б. шаҳарлардаги қад. меъморлик обидалари, бино ва иншоотларнинг кўп асрлардан бери бузилмай сақланишига сабабларидан бири уларнинг П.и мустаҳкамлигидир.

Машина П.лари таркибига эластик амортизаторлар (пружина, резина тўшама) ва демпферлар (тебранишни сўндирувчилар) киради. Улар П.ларга тушадиган кучни заминга юмшатиб ўтказади.

ПОЙКЕНД. Пойканд — қад. карвон йўли устида қад кўтарган шаҳар харобаси (мил. ав. 4—3—мил. 11-а.лар). Бухородан 44 км жан.-ғарбда, Жондор ва Қоракўл туманлари туташган ҳудудда жойлашган. Ўрта аср ёзма манбаларида шаҳар Бойканд, Хитой солномаларида эса Би номлари б-н тилга олинади. Унинг номлари «Кўйи шаҳар» маъносини англатади. П. ташқи деворларининг ниҳоятда мустаҳкамлигидан шаҳар илк ўрта асрларда «Шаҳристони Рўин», яъни «Жездан қурилган шаҳристон» (Жез шаҳар) номи б-н шуҳрат топган.

П. ўтмишда 4 қисм: 1) дарвозали арк (майд. 1 га); 2) дарвозали ички шаҳристон (майд. 11 га); 3) дарвозали ташқи шаҳристон (майд. 6 га); 4) шарқ, ғарб ҳамда жан. томонларида қад кўтарган (майд. 100 га дан ошиқроқ) улкан рабодлардан иборат бўлган. Аркда қад. ибодатхона, подшоҳ саройи, 9—10-а.ларда қад кўтарган кошинкор меҳробли жоме масжиди, ички ва ташқи шаҳристонларда савдогар ва ҳунармандларнинг турар жой, маҳалла-кўйлари, ички бозор, устахона, ноннойхона ва дорихоналар каби бино ва иншооту корхоналар жойлашган. Шаҳарнинг рабод қисмида эса 50 дан ортиқ наус (остодонлар хилхонаси)лардан иборат оташпарастларнинг қабристони (некрополь), ташқи бозор ва бир неча (Наршахийнинг кўрсатишича, мингдан ортиқ) работлар, яъни карвонсаройлар қад кўтарган. Манбаларда қайд этилишича, исломият даврида ҳам П. наусларн очиқ бўлган. Оташпарастлар ўз марҳумлари устухонларини ҳатто, Бухоро шаҳридан П. наусларига элтиб дафн этганлар.

Айрим маълумотларнинг гувоҳлик беришича, П. қад. Бухоро ҳукмдорларининг қароргоҳи бўлган. Ҳар бир подшо ўзи учун бу шаҳарда ўрдугоҳ барпо этган. *Эфталийлар давлати* ҳукмронлиги даврида (5-а.нинг 2-ярми ва 6-а. бош-

ПОЗИЦИЯ (*харбийда*) — харбий қисмлар эгаллаган ёки уларнинг жойлашиши учун тайёрланган махсус ўрин. П. муҳандислик жиҳатидан пухта жиҳозланади ва эшелонлаштирилган мудофаа доирасининг асосий қисми ҳисобланади. П.нинг асосини мудофаадаги қисм ёки бўлинмаларнинг ўзаро ягона ўт очиш тизими б-н бирлаштирилган таянч нуқталар (пунктлар) ташкил этади. Ҳар бир П. околлар, пана жойлар, алоқа йўлларини туташтирувчи траншеялар б-н ўралади. Бундан муҳандислик жиҳоз шахсий таркиб, қурол-яроғ, ўқ-дориларнинг яширин жойлашишига имкон яратади ва П.да ҳарбий кучларнинг манёвр қилишига яхши кўмак кўрсатади. Муайян вариантларда мудофаа доираси ичкарисида оралиқ П. қурилиши ҳам эҳтимоллан холи эмас. Душманни чалғитиш мақсадида муҳим йўналишларда мудофаа чизигидан анча олдинда П. барпо этилади. Бундан ташқари, мудофаа ичкарисида сохта П. қурилиши, бўлинма ва ўт очиш воситаларининг жанг вақтидаги ҳаракатлари учун қўшимча ёки муваққат П. ҳам ташкил этилиши мумкин. Ялпи ҳужумга ўтиш олдидан бошланғич ерларда моторлаштирилган пиёда бўлинмалар ва танклар учун кутиш П.си, ракета қўшинларининг учириш қурилмалари учун старт П.си, артиллерия, миномёт ва ҳ.к. ўт очиш қуроллари учун ўт очиш П.си барпо этилади.

ПОЗНАНЬ — Польшанинг ғарбий қисмидаги шаҳар. Варта дарёси бўйида. Познань воеводасининг маъмурий маркази. Аҳолиси 578,2 минг киши (1999). Транспорт йўлларининг йирик тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. П. — мамлакатнинг муҳим иқтисодий ва маданий маркази. Машинасозликнинг турли соҳалари (жумладан, транспорт, қ.х., аниқ машинасозлик, электротехника, приборсозлик ва подшипниклар ич.) ривожланган. Озиқ-овқат, резина, парфюмерия, тикувчилик, ойна-шиша, полиграфия саноати корхоналари мавжуд. П.да ҳар йили халқаро ва миллий ярмаркалар ўтказилади. Ун-т, театрлар, музейлар бор. Шаҳарга 9-а.да асос солинган. 10—11-а.ларда Полша князлари қароргоҳи бўлган. 13—19-а.ларга оид меъморий ёдгорликлар, хусусан, готика костели (13—15-а.лар), ратуша (13—16-а.лар) сақланган.

Познань шаҳри. Бош собор.

ПОЙАБЗАЛ — оёқ кийими. Оёқни иссиқ, совуқ, нам, лой, чанг ва ишқаланишлан сақлайди. Ибтидоий одамларни табиат ноқулайликлари (иссиқ-совуқ, ёмғир-қор, чанг-тўзон, тиканак кириши, чағир тош босиши, илон-чаён чақиши ва б.) оёқларини бирон-бир нарса б-н ҳимоя қилишга мажбур қилган. Улар қаерда (иссиқ ёки совуқ ўлкаларда, серёғин ёки қуруқчил жойларда, пастгекисликлар ва тоғли жойларда) яшашларига қараб, ялпи оёқ юришган, чипта кавуш, чориқ, ёғоч, кигиз, чарм ёки мўйна П. кийишган. Уларни тўқиш, йўниш ва тикиш усуллари аста-секин такомиллаштирилиб борилган. Мас., илгари Ўрта Осиё халқлари, асосан, этик, махси, кавуш кийишган. П., асосан, қўлда тикилган. Кейинчалик (19-а. ўрталаридан), ботинка, туфли, сандал, шиппак, пийма, калиш, спорт П.и, тиббий, ҳарбий ва махсус иш П.лари кийиш расм бўлди. Эркаклар П.и — марлона, аёллар П.и заифона, болалар П.и — бачкана деб аталган. Ҳозир П. тикишга оид деярли барча жараёнлар механизациялаштирилган, лекин қўлда тикиш усуллари ҳам сақланиб қолган.

П., асосан, сатх (юза) ва тагчармдан иборат. Сатх бўлаклари ипли чок б-н бириктирилса, тановар (чарм, газлама, сунъий чарм заготовка) ҳосил бўлади. Тагчармга чарм, резина, пластмасса-чарм, ёғоч ишлатилади. Тагчарм бўлаклари пошна, патак, набойка ва б. шаклла қўлда (тиғ б-н) ёки махсус прессларда кесилади. Сунъий чарм бўлаклари П. корхонасига тайёр ҳолда келтирилади.

П. тикиш технологияси: материални бичиш, бўлакларни бириктиришга тайёрлаш,тановорни тикиш ва бириктириш, унга шакл бериш, тагчармни сатхга бириктириш ва тайёр П.ни пардозлаш.

Тановорни қолипга тортиш ва патак бириктириш (михлаб, елимлаб ва ипли чок б-н) ишлари махсус машиналарда бажарилади. Тагчармни тановорга бириктиришнинг механик, рантли, саналт, ярим санаат, елимлаш ва б. усуллари бор. П. мустаҳкамлиги ва ташқи кўриниши кўп жиҳатдан бириктириш сифатига боғлиқ. Тановорга тагчарм бириктирилганлан сўнг маҳкамлаш машинасида пошна қоқилади. Пга етарур шакл бериш учун ишлатиладиган мослама (пресс) қолип деб аталади. Колип, асосан, олд ва орқа қисмлардан иборат. Тановорни қолипга тортиш пайтида бу қисмларни бир-бирига яқинлаштириб ва бир-бирилан уюштириб, зарур ўлчамга келтириш мумкин. Колип ёғоч, металл ёки пластмассадан ясалади.

Тайёр П.ни пардозлаш ишлари ҳам, асосан, махсус машиналарда бажарилади. Ярим ишларига қўлда қилинади. Умуман, П. тикишда 120 та яқин машина ва мосламалар қўлланилади. П. ўлчами (номери) патакнинг штихлар (1 штих — 2/3 қисм), сантиметрлар ёки дюймларда ўлчанадиган узунлигини билдиради. Ўзбекистонда, асосан, сантиметрли система қўлланилади. П. ўлчамлари бўйича (сантиметрларда ўлчанганда) чақалоқларга (7 — 14), боғча ёшидагиларга (14,5—17,5), болаларга (18—25), аёлларга (22—28), эркакларга (25,5—31,5) мўлжалланган хилларга бўлинади. Ўзбекистонда П. тикиш ҳунармандчилигининг муҳим тури бўлиб, уни қўлда тикиш ҳозир ҳам кенг қўламда сақланиб қолган (қ. *Кўн-пойабзал саноати*).

ПОЙАБЗАЛ САНОАТИ — қ. *Кўн-пойабзал саноати*.

ПОЙГА — 1) *от спорти* тури; чопқир отларни синаш. Англияда 17-а.дан уюштирила бошланган. Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистонда П. қадимдан маълум. П.да қатнашувчи чавандозлар сигнал берилиши б-н белгиланган маррага қараб от қўйганлар, олиб чиққан чавандоз совриндан мукофотланган. П., асосан, катта байрамлар, сайиллар, тўйларда ўтказилган. Одатда, текис жойларда уюштирилиб, атрофдаги қишлоқларга ранг-баранг алвонлар б-н безатилган ўтов ва чодирлар тикилган, турли таомлар пиширилган. П.да кўпинча, болаликдан от минишга ўргатилган ўсмирлар қатнашган.

П.нинг бир неча тури бор: текис П. (текис жойларда, кўпинча отчопар йўлкаларида 1000—4000 м масофага); тўсиқли П. (5—9 та енгил тўсиқлардан иборат йўлкаларда 2000—3000 м масофага); мураккаб тўсиқлардан сакраш (стипл-чейз, 4000—7000 м масофага); кросс (паст-баланд жойларда 3000—8000 м масофага); отда ов қилиш (турли ҳайвонларни ов ити б-н қувиш); 2) бир неча спортчилар иштирокида турли транспорт воситалари б-н ўтказиладиган мусобақа. Мас., автомобиль, мотоцикль, велосипед П.лари.

ПОЙГОҲ (ёрис. тоғ. — остона, киравериш) — кавши, оёқ кийим ёпиладиган жой. Маҳаллий уйларда хонанинг ички тарафи. Хона сатҳидан бир оз паст қилиб ҳарланилади жой. Замонавий уйларда ҳовли, коридор ва ш.к. П. вазифасини ўтайди.

ПОЙГОҲТЕПА — ўрта асрларда Бухоро воҳаси атрофида барпо этилган *Кантар девор* тизимидаги оҳирги истеҳком харобаси. Навоий туманидаги Туркистон қишлоғи ҳудудида жойлашган. Археолог Ҳ.Муҳамедов қазишма ишларини олиб борган (1958). Антик даврда П. Бухоро воҳаси аҳолисини ташқи ҳужумдан мудофаа этиш мақсадида ҳар 8—10 км масофада бино этилган истеҳкомларнинг оҳиргиси. Воҳанинг шим.-шарқида, Зарафшон дарёсининг тоққа жуда яқин масофада оқиб ўтаётган жой ва тор оралиқдаги тор йўлакда барпо қилинган. Дастлаб 6-а.да қурилиб, сўнгра 8-а. охири — 9-а. бошларида янгидан тикланган ва муҳим ҳарбий стратегик аҳамиятга эга бўлган.

ПОЙГУМБАЗ — гумбаз ўрнатилганлан қурилма, асос. Гумбазнинг тарнисимон остки, биноннинг устки қисми. П. гумбазни бинодан баланд кўтариб, ажратиб туради, унга салобат ва кўркамлик бағишлайди. П.нинг 4 ёки 2



Пойгумбаз (Шердор мадраса).

томонидан ларча очилиб, унга панжаралар ишланади. П. гумбаз ва бино рангига мос равишда турли хил кошинкори, гириҳ нақш, шакл ва китобалар б-н безатилади.

ПОЙДЕВОР, фундамент (лот. fundamentum — асос) — иморат ва иншоотнинг ост қисми ёки машина (компрессор, насос, станок)нинг асоси. Уларнинг оғирлиги П. орқали табиий ёки сунъий заминга тушади. П. турлари қурилиш майдонининг геологик ва гидрогеологик шарт-шароитларига, қурилаётган иморат ёки иншоотнинг вазифасига, тушадиган оғирликка қараб танланади. Қатлам грунти хусусияти, ер ости сувларининг сатҳи, заминга таъсир этувчи ок (куч) қиймати ҳамда хусусияти ва б. га қараб, П.лар саёз ёки чуқур жойлашган бўлади. Саёз П.лар шакл жиҳатдан лентасимон (деворлар тагига узлуксиз лентасимон), устунлар тагига қурилади), алоҳида устун ва чақ., айланасимон (алоҳида устун ва пирамидалар тагига қурилади) бўлади. Тупроқ зилнии жиҳатдан яхлит (иншоот ёки унинг алоҳида қисми тагига қўйилади) ва ёнма (ёстиқсимон бўлаклар) хилларга бўлинади. П. тош, бетон, темир-бетон, пишиқ ғишт ва намга чидамли мустаҳкам бошқа материаллардан қурилади. Вақтинчалик қурилган баъзи иморатларнинг П.и ёғочдан бўлиши мумкин. П. ер қазилиб ёки шиббалаб тайёрланган котлованларга қурилади. Шиббаланда кўтарини кранлари, махсус шиббалагичлардан фойдаланилади.

Чуқур П. қозиқ оёқ, кессонлар, қудуқлар, чуқур тағичлар ва б. кўринишда бўлади. Бундай П.дан бўш, чўкувчан, ишшувчан ва б. хусусиятларга эга бўлган грунтларда, ер ости сувлари сатҳи юқори бўлганда, кўпириклар ва чуқур ер ости иншоотларини қуришда фойдаланилади.

Қурилишда П.га катта аҳамият берилади, чунки иморат ёки иншоотнинг мустаҳкамлиги, узоқ даврга чидаши, кўркамлиги кўп жиҳатдан П.га боғлиқ. Марказий Осиёда ҳам П.га катта аҳамият берилган. Қад. меъморларимиз иморатга таъсир этувчи зилзила кучини камайтириш мақсадида П. қуришда тебранишни сўндирувчи материаллардан фойдаланишган (П. тагига қум, устига қамиш ёки ғишт, П. ғиштларини қовушқоқ қоришма б-н териш ва б.). Мас., Бухородаги чуқ. 5 м бўлган Арслонхон, Самарқанддаги чуқ. 4 м бўлган Тиллақори мадрасалари П.лари шу сирага киради.

Бу моҳият ҳозирги замон технологияларидан фойдаланиб қурилган зилзилабардош иморатлар П.ларида қўлланиладиган резина-металл таянчлар ва б. турдаги конструкцияларда ўз аксини топган. Бухоро, Хива, Самарқанд, Қўқон, Термиз, Тошкент ва б. шаҳарлардаги қад. меъморлик обидалари, бино ва иншоотларнинг кўп асрлардан бери бузилмай сақланишига сабаблардан бири уларнинг П.и мустаҳкамлигидир.



Пойдевор: *1* — яхлит (плитали) пойдевор, *2* — лентасимон (ёнма) пойдевор, *3* — алоҳида (устунли) пойдевор.

Машина П.лари таркибига эластик амортизаторлар (пружина, резина тўшама) ва демпферлар (тебранишни сўндирувчилар) киради. Улар П.ларга тушадиган кучни заминга юмшатиб ўтказади.

ПОЙКЕНД. Пойканд — қад. карвон йўли устида қад кўтарган шаҳар харобаси (мил. ав. 4—3—мил. 11-а.лар). Бухородан 44 км жан.-ғарбда, Жондор ва Қоракўл туманлари туташган ҳудудда жойлашган. Ўрта аср ёзма манбаларида шаҳар Бойканд, Хитой солномаларида эса Би номлари б-н тилга олинади. Унинг номлари «Қўйи шаҳар» маъносини англатади. П. ташқи деворларининг ниҳоятда мустаҳкамлигидан шаҳар илк ўрта асрларда «Шахристони Рўин», яъни «Жездан қурилган шаҳристон» (Жез шаҳар) номи б-н шуҳрат топган.

П. ўтмишда 4 қисм: 1) дарвозали арк (майд. 1 га); 2) дарвозали ички шаҳристон (майд. 11 га); 3) дарвозали ташқи шаҳристон (майд. 6 га); 4) шарқ, ғарб ҳамда жан. томонларида қад кўтарган (майд. 100 га дан ошиқроқ) улкан работлардан иборат бўлган. Аркда қад. ибодатхона, подшоҳ саройи, 9—10-а.ларда қад кўтарган кошинкор меҳробли жоме масжиди, ички ва ташқи шаҳристонларда савдогар ва ҳунармандларнинг турар жой, маҳалла-кўйлари, ички бозор, устахона, нонвойхона ва дорихоналар каби бино ва иншооту корхоналар жойлашган. Шаҳарнинг рабод қисмида эса 50 дан ортиқ наус (остодонлар хилхонаси)лардан иборат оташпарастларнинг қабристони (некрополь), ташқи бозор ва бир неча (Наршахийнинг кўрсатишича, мингдан ортиқ) работлар, яъни карвонсаройлар қад кўтарган. Манбаларда қайд этилишича, исломият даврида ҳам П. наусларн очиқ бўлган. Оташпарастлар ўз марҳумлари устухонларини ҳатто, Бухоро шаҳридан П. наусларига элтиб дафн этганлар.

Айрим маълумотларнинг гувоҳлик беришича, П. қад. Бухоро ҳукмдорларининг қароргоҳи бўлган. Ҳар бир подшо ўзи учун бу шаҳарда ўрлутоҳ барпо этган. *Эфталийлар давлати* ҳукмронлиги даврида (5-а.нинг 2-ярми ва 6-а. бош-

лари) у пойтахтга айлантирилган. Наршахийнинг ёзишича, шаҳар аҳолисининг аксарияти савдогар бўлиб, улар Хитой ва Денгиз бўйи мамлакатлари б-н савдо қилганлар ва жуда давлатманд бўлган. Шу боисдан араб географлари *Ибн Хўрдодбех* ва *Ибн ал-Фақиҳ*лар П.ни «Мадина ат-тужжор», яъни «Савдогарлар шаҳри» номи б-н таъриф этадилар.

П. ўз тарихи жараёнида Бухоро воҳасининг нафақат йирик савдо марказларидан бири сифатида, балки тутган географик ўрни жиҳатидан Ғарбий Суғднинг сиёсий ҳаётида стратегик томондан муҳим аҳамиятга эга бўлган. Воҳанинг жан.-ғарбий чегарасида ҳарбий истеҳком сифатида бино қилинган П. илк ўрта асрларда Бухоро вилоятининг атрофи ягона мудофаа иншооти — *Канир девор* б-н ўраб олингунга қалар у жан.-ғарб, дашт ҳудудларидан муттасил содир бўладиган кучманчи қабилаларнинг чопқунларини қайтариш ва ташқи душман ҳужумларининг йўлини тўсиб, уларга дастлабки зарбаларни беришда мустаҳкам ҳарбий қаторғоҳ вазифасини ўтаган. Унинг мудофаа иншоотлари ниҳоятда мустаҳкам қурилган бўлиб, замонасининг ҳар қандай қамалига бардош бера олган.

П. арки, ички ва ташқи шаҳристонларининг ҳар бири алоҳида қалин (3,5—5 м) ва баланд деворлар ҳалқаси б-н ўралган. Девор бўйлаб ҳар 60 м масофада ва ташқи бурчакларда баланд (11,5—12,5 м) 2 қаватли буржлар ўрнатилиб, дарвоза атрофи мудофаа иншоотлари (лабиринт) б-н мустаҳкамланган. Шаҳар деворлари ва буржлари ҳар 1,6 м оралиғи бўйлаб шахмат услубида 3 қатор нишон туйнуклари (тиркаш) ўрнатилган.

674 й.да П. Араб халифалиги лашкарбошиси Убайдуллоҳ ибн Зиёд томонидан фатҳ этилади. 707 й.да эса П. халифаликнинг Хуросон волийси *Қутайба ибн Муслим* томонидан қамал қилинади. П.ликлар қаттиқ туриб арабларга қаршилик кўрсатадилар. Қамал 50 кун давом этади. Куч б-н П.ни қўлга кирита олмаган араблар шаҳар девори остидан лаҳим (туннель) қазиб ичкарига бостириб кирадилар. П. араблар қўлига ўтади. П.ликлар каттагина бож тўлаб Қутайба б-н сулҳ тузадилар. Бироқ шаҳарликларнинг кўзғолони оқибатида П. қайта эгалланиб, вайрон этилади. Жуда катта миқдорда олтин ва кумушдан ясалган бут ва жомлар б-н бир қаторда кўплаб қурол-яроғ ҳамда ҳарбий анжомлар ўлжа тарзида олинади. Қутайба аскарлари бу қурол-аслаҳаларнинг бир қисми б-н қуролланиб оладилар. *Табарий*нинг ёзишича, шаҳарнинг бойлигидан араблар ҳайратга тушганлар. Ҳатто, эриган олтин-кумуш анжомлар ва бутларнинг тош қолипидан 150 мин мисқол миқдорда ёмби ажратиб олинган.

9-а.нинг охири чораги ва 10-а. мобайнида П. ва унинг деҳқончилик воҳаси равнақ топади. Ички ва ташқи савдо муносабатлари кенгайиб кулолчик, шишасозлик, кошинкорлик, мисгарлик ва бинокорлик тараққий этади. Илм-фан, айниқса, фиқҳшунослик ривожланиб, бир гуруҳ П.лик фиқҳшунос олимлар етишиб чиқади. Аммо *сомонийлар* ҳукмронлиги барҳам топач, 11-а.да П.нинг суғориш тармоқлари сувсизликдан қуриб қолади. Оқибатда шаҳар бўшаб, харобага айланади. 12-а.нинг 1-чорагида Арслонхон Муҳаммад ибн Сулаймон ҳукмронлиги даврида П. қайта тикланиб ва унинг атрофи қайта ободонлаштирилади. Шаҳар аҳолиси яна гавжумланиб, кўркам турар жойлар, подшоҳ учун эса муҳташам сарой қурилади. П.нинг сув таъминотини яхшилаш мақсадида Қоракўл дарёсидан уз. 1 фарсаҳ канал қазиб чиқариш учун ҳаракат қилинади. Бироқ, канал қазилиб тугатилмай қолади. П. сувсизликдан 12-а.нинг 2-ярмида бутунлай қуриб яна вайронага айланади.

П. шаҳри харобалари археологик жиҳатдан дастлаб 1903 й.да Р.Пампелли, 1913—14 й.ларда Л.А.Зимнлар томонидан ўрганилган. Бухоро воҳаси шаҳарсозлик маданиятининг юзага келиши ва ривожланиш тарихини ўрганиш муносабати б-н ўтган асрнинг 80—90 й.ларида П. харобаларида кенг кўламда муттасил археологик қазиш ишлари амалга оширилди. Археологик тадқиқотларни ташкил этиш мақсадида 1980 й.да Ўзбекистон ФА Археология ин-ти ва Россия Давлат Эрмитажининг махсус қўшма археологик экспедицияси (А.Муҳаммаджонов раҳбарлигида) ташкил этилди. Бу экспедиция аъзолари (Г.Л.Семенов, Ж.Мирзаахмедов, Ш.Одилов ва б.) кўп йилларга режалаштирган археологик қазишларни то ҳоз. кунга қалар давом эттирмоқдалар. Ит.лар ва археологик қазишлар натижасида П. ёлғорлигининг умумий тарихий топографияси ўрганилиб, режалари чизмаларга туширилди. Унда қад кўтарган илк чегара истеҳкоми, сунгра шаҳар қиёфасини шакллантирган баланд ва қалин мустаҳкам мудофаа деворлари б-н ўралган арк, 4 томонида бир неча дарвозалар ғиши 3,5 мг ўрнатилган ва қанор бўйлаб деворлар қад кўтарган ички ва ташқи Шаҳристон ҳамда сақи бўйлаб қўплаб карвонсарой ва шунга некропол жойлашган улкан работларнинг вояга келишини тарихий босқичлари ва маълум қатламларини қазишлар белгилаган. П.нинг қад қисми — арқнинг остида маданий қатлам қариб 18 м га борса, ички ва ташқи шаҳристонлари остида ка унинг қалинлиги 4—4,5 м дан ошмаган. Арқнинг қуйи қатламида қад ростлан топилмалар мил.ав. 4—3-а.лар, ички шаҳристоннинг остки қатлами топилмалари мил. 3—4-а.лар ва ташқи шаҳристоннинг қуйи қатлами ва топилмалари эса 4—5-а.лар б-н саналади. Археологик топилмаларнинг тувоҳлик беришича, П.да ҳаёт мил.ав. 4-а.дан то мил. 11-а.гача, яъни 1500 й. давомида кечгани маълум бўлди.

Арқда қад. иботгоҳлар, жоме масжид ва подшоҳ саройи харобалари, ички шаҳристонда дорихона (8-а.), бир қанча улкан тандирлар ўрнатилган шаҳар поливоҳонаси, ташқи шаҳристонда кулолчик, шишасозлик каби ҳунармандларнинг маҳалла-қўйлари, 4 томони сувли марказида сандали бор ётоқхона, ошхона, омборхона ва ташнобли таҳоратхонали мўъжазгина бир қаватли ҳовли-жойларнинг харобалари қазиб очилди. П.нинг рабод қисмида кулолчик, шишасозлик ва темирчилик устахоналари-ю хумдон ва қўралари ҳамда 50 дан ортиқ наусларнинг қолдиқлари б-н бир қаторда П.дан Бухорога томон йўналган карвон йўли (кенглиги 20 м)нинг 2 ёқаси бўйлаб жойлашган 20 дан ортиқ карвонсаройларнинг вайроналари қайд этилиб, улардан бир нечтаси қазиб очилди. 8—10-а.ларга мансуб бундай меҳмонхона ва қўноқхоналар мурабаа (75×75м) шаклда хомгиштлардан бино қилинган. Ташқи деворнинг 4 бурчаги доира шаклида буржлар б-н мустаҳкамланган. Ҳовлисининг марказида туяларга ортилган юклар туширилаётган 1 ёки 2 узун супа ишланган. Карвонсарой қарама-қарши томонларида 2 дарвоза (3—5 м) ўрнатилган. Меҳмонхонанинг 4 томони бўйлаб 60 дан ортиқ супали, сандалли 1 ёки 2 хонали ётоқхоналар, ўчоқли ёки тандирли овқатхона, ташнобли таҳорат ёки гуслхона ва омборхоналар жойлашган. Саройнинг шим.-ғарбий бурчагида оташпарастларнинг оташкадали ибодатхонаси бино қилинган. Хоналарнинг томи равоқсимон шаклда ёпилиб, марказ қисмида сопол қувурлардан мўрилар ўрнатилган.

Археологик қазишлар жараёнида П. елпиғичидан турли хил тошбақалар, сирли ва сирсиз сопол қўза ва товоқлар, шиша идишлар, жез ва темир буюмлар, қурол-яроғлар, шунингдек, турли саналарда зарб этилган чақа тангалар (Хитой, Сосонийлар, Умавий ва Аббосийларнинг фўлуслари; Бухоро, Самарқанд, Марв, Фарғона, Ахсикат ва Исфижоб зарбхоналарида зарб этилган Сомонийлар ва Қорахонийларнинг тангалари ҳамда Хирода зарб этилган Ғазнавийларнинг 1 дона олтин динори) топилди. Топилмаларнинг катталиги қисми ҳозг вақтда П. ёдгорлиги яқинида ташкил этилган «Археология музейи»ларида намойиш этилган.

Ад.: Абў Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. Т., 1966, 1993; Муҳаммаджонов А.Р., Одилов Ш.Т., Мирзаахмедов Ж.К., Семенов Г.Л. Городище Пайкенд. К проблеме изучения средневекового города средней Азии. Т., 1988; Раскопки в Пайкенде в 2001 году. Санкт-Петербург, 2002.

Ибодулла Муҳаммаджонов

ПОЙКИЛОТЕРМ ҲАЙВОНЛАР (юн. poikilos — ҳар хил, ўзгарувчан ва therme — иссиқ) — совуқ қонли, тана ҳарорати ташқи муҳит ҳарорати таъсирида ўзгариб турадиган ҳайвонлар. П.ҳ.га барча умуртқасизлар, балиқлар, сувда ва қуруқликда яшовчилар, судралиб юрувчилар киради. П.ҳ. тана(си ҳарорати ташқи муҳитга нисбатан 1—2° юқори ёки ташқи муҳитга тенг. Кўпчилик П.ҳ. тана ҳарорати қуёш нури ёки мускуллар қисқаришн туфайли кўтарилади. Ҳарорат оптимал чегарадан ошганида П.ҳ. қарахт бўлиб қолади ёки ҳалок бўлади. Терморегуляция механизмининг ривожланмаганлигини нерв системасининг нисбатан кам ривожланганлиги, моддалар алмашинувининг секин бориши (иссиққонли ҳайвонларга нисбатан 20—30 марта паст), қон айланиш системасининг тугаш бўлмаслиги, артерия ва вена қонининг аҳралматанлиги б-н тушунтириш мумкин (яна қ. *Терморегуляция*).

ПОЙНТИНГ (Poynting) Жон Генри (1852.9.9, Монтон, Ланкашир — 1914.30.3, Бирмингем, Уэрикшир) — инглиз физиги, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1888 й.дан). Лондон (1872) ва Кембриж (1876) ун-тини тугатган. Бирмингем ун-ти проф. (1880 й.дан). 1884 й.да электромагнит энергияси оқими вектори ифодасини фанга киритди. Бу 1874 й.да рус физиги Н.А.Умов томонидан айтилган ғоя (қ. *Умов — Пойнтинг вектори*). П. Ернинг ичишига (1894) ва Ер гравитацион доимийсига (1893) оид аниқ ўлчашлар ўтказган. Қуёш атрофида айланаётган осмон жисми орбитасининг кичрайиши ҳодисасини қашф этган (1903). Бу ҳодисанинг релятивистик назариясини 1937 й. да инглиз физиги Г.Робертсон (Пойнтинг-Робертсон ҳодисаси) шилаб чиққан.

ПОЙТАХТ — давлатнинг бош шаҳри, мамлакатнинг маъмурий-сиёсий маркази. П., одатда, марказий (умумиттифоқ) ҳукумат, парламент ва суд муассасалари қароргоҳи ҳисобланади. Одатда, П. алоҳида бошқарув тартиби бўлган мустақил маъмурий бирликка ажратилади. Кўпчилик федератив давлатларда П. федерациянинг бирон-бир субъекти таркибига кирмайдиган ва федерациянинг мустақил субъекти ҳисобланмайдиган махсус федерал округ ҳудудида жойлашган бўлади. Кўпчилик мамлакатларда П. қаерда бўлиши конституция матнида тўғридан-тўғри кўрсатилади. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 6-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг пойтахти — Тошкент шаҳри» дейилган (қ. *Тошкент*).

ПОЙТУҒ — Андижон вилояти *Избоскан тумани*даги шаҳар (1980 й.дан). Туман маркази (1935 й.дан). Т.й. станцияси. Вилоят маркази (Андижон ш.)дан 12 км. Аҳолиси 29,2 минг киши (2003). Катта Фарғона каналидан сув олади.

Тилшунослигимизнинг фикрича, шаҳар номи «пой» — қуйи, этак ва «тут» — байроқ, тўғон сўзларидан вужудга келган (Маҳмуд Кошғарийда тут — тўғон). Шунга асосланиб, топоним «тўғон тағи, тўғон ёни» бўлиши мумкин.

П.да туман ҳокимияти биноси, маъмурий ташкилотлар, ип йигирув-тўқув, пойабзал, пойи тўқиш ф-калари, пахта тозалаш з-ди, нон к-ти, вилоят таъминлаш ш.ч. корхонаси, автостанция, деҳқон бозори, савдо, маданий, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. Умумий таълим мактаблари, лицей, 2 касб-ҳунар коллежи, 5 кутубхона, маданият ва истироҳат боғи, Хотира майдони мавжуд. Марказий касалхона, 3 поликлиника, тез тиббий ёрдам бўлими фаолият кўрсатади.

Пойтуғ шаҳри. Шошилинч тиббий ёрдам бўлими.

ПОЙУСТУН — маҳаллий меъморликда устун ўрнатиладиган асос, таг кўрси (база). Ёғоч устунларни чиришдан сақлаш ва улар баландлигини оширишга хизмат қилади. Устунга мослаб ёғоч ёки тошдан йўнилади, нисбий ва гирих нақшлар б-н безатилади. П.лар икка тартибдаги замонавий турар жой меъморлигида ҳам кенг қўлланилмоқда.



Пойустун.

ПОКИСТОН, Покистон Ислом Республикаси (Islami Jamhuriya Pakistan) — Осиё жан.да. Ҳиндистон я.о.нинг шим.-ғарбидаги давлат. Майд. 803,9 минг км². Аҳолиси 147,6 млн. киши (2002). Пойтахти — *Исломобод* ш. Маъмурий жиҳатдан 4 провинция, федерал пойтахт ҳудуди ва федерал ҳукумат томонидан бошқариладиган қабилалар ҳудудига бўлинган.

Давлат тузуми. П. — Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига кирувчи ислом республикаси. Амалдаги конституцияси 1973 й. қабул қилинган, 1977 й. тақиқланган ва 1985 й. 30 декда қайта тикланган. Давлат бошлиғи — президент (2001 й.дан Парвиз *Мушаррафф*), у 5 й. муддатга сайланади ва кетма-кет 2 мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни 2 палатали парламент (Сенат ва Миллий ассамблея), ижрочи ҳокимиятни президент ва ҳукумат амалга оширади. Бош вазирни президент тайинлайди.

Табиати. П. ҳудудининг шим. ва шим.-ғарбий қисмини, асосан, тоғлар ва қирлар эгаллаган, шарқий ва жан.-шарқий қисми эса Ҳинд текислиги (Ҳинд-Ганг текислигининг бир қисмидан иборат. П.нинг жан.-шарқини Тар чўлининг ғарбий ирми эгаллаган. Ҳинд дарёси ҳавзасининг текислик қисмида Панжоб ва Синд табиий, тарихий-маданий вилоятлари бор. Мам-

Пойкенд топилмалари: 1 — сопол ўйинчоқ; 2 — жездан ясалган чироқдан.

лари) у пойтахтга айлантирилган. Наршахийнинг ёзишича, шаҳар аҳолисининг аксарияти савдогар бўлиб, улар Хитой ва Ленгият бўйи мамлакатлари б-н савдо қилганлар ва жуда давлатманд бўлган. Шу боисдан араб географлари *Ибн Хурдодбех* ва *Ибн ал-Фақиҳ*лар П.ни «Мадина ат-тужжор», яъни «Савдогарлар шаҳри» номи б-н таъриф этадилар.

П. ўз тарихи жараёнида Бухоро воҳасининг нафақат йирик савдо марказларидан бири сифатида, балки тутган географик ўрни жиҳатидан Ғарбий Суғднинг сиёсий ҳаётида стратегик томондан муҳим аҳамиятга эга бўлган. Воҳанинг жан.-ғарбий чегарасида ҳарбий истеҳком сифатида бино қилинган П. илк ўрта асрларда Бухоро вилоятининг атрофи ягона мудофаа иншооти — *Капир девор* б-н ўраб олингунга қадар у жан.-ғарб, дашт ҳудудларидан мунтазам содир бўладиган кўчманчи қабилаларнинг чопқунларини қайтариш ва ташқи душман ҳужумларининг йўлини тўсиб, уларга даштлабки зарбаларни беришда мустаҳкам ҳарбий қаровғох вазифасини ўтаган. Унинг мудофаа иншоотлари ниҳоятда мустаҳкам қурилган бўлиб, замонасининг ҳар қандай қамалига бардош бера олган.

П. арки, ички ва ташқи шаҳристонларининг ҳар бири алоҳида қалин (3.5—5 м) ва баланд деворлар ҳалқаси б-н ўралган. Девор бўйлаб ҳар 60 м масофада ва ташқи бурчакларда баланд (11,5—12,5 м) 2 қаватли буржлар ўрнатилиб, дарвоза атрофи мудофаа иншоотлари (лабиринт) б-н мустаҳкамланган. Шаҳар деворлари ва буржлари ҳар 1,6 м оралиғи бўйлаб шахмат услубида 3 қатор нишон туйнуклари (тиркаш) ўрнатилган.

674 й.да П. Араб халифалиги лашкарбошиси Убайдуллоҳ ибн Зиёд томонидан фатҳ этилади. 707 й.да эса П. халифаликнинг Хуросон волийси *Қутайба ибн Муслим* томонидан қамал қилинади. П.ликлар қаттиқ туриб арабларга қаршилик кўрсатадилар. Қамал 50 кун давом этади. Куч б-н П.ни қўлга кирита олмаган араблар шаҳар девори остидан лаҳим (туннель) қазиб ичкарига бостириб кирадилар. П. араблар қўлига ўтади. П.ликлар каттагина бож тўлаб Қутайба б-н сулҳ тузадилар. Бироқ шаҳарликларнинг қўзғолони оқибатида П. қайта эгалланиб, вайрон этилади. Жуда катта миқдорда олтин ва кумушдан ясалган бут ва жомлар б-н бир қаторда кўплаб қурол-яроғ ҳамда ҳарбий анжомлар ўлжа тарзида олинади. Қутайба аскарлари бу қурол-аслаҳаларнинг бир қисми б-н қуролланиб оладилар. *Табарий*нинг ёзишича, шаҳарнинг бойлигидан араблар ҳайратга тушадилар. Ҳатто, эритилган олтин-кумуш анжомлар ва бутларнинг тош қолипидан 150 мин миқдол миқдорда ёмби ажратиб олинган.

9-а.нинг охири чораги ва 10-а. мобайнида П. ва унинг деҳқончилик воҳаси равнақ топади. Ички ва ташқи савдо муносабатлари кенгайиб кўлолчик, шишасозлик, қоғозчилик, мисгарлик ва бинокорлик тараққий этади. Илм-фан, айниқса, фиқҳшунослик ривожланиб, бир гуруҳ П.лик фиқҳшунос олимлар етишиб чиқади. Аммо *сомонийлар* ҳукмронлиги барҳам топгач, 11-а.да П.нинг суғориш тармоқлари сувсизликдан қуриб қолади. Оқибатда шаҳар бўшаб, харобага айланади. 12-а.нинг 1-чорагида Арслонхон Муҳаммад ибн Сулаймон ҳукмронлиги даврида П. қайта тикланиб ва унинг атрофи қайта ободонлаштирилади. Шаҳар аҳолиси яна тавжумланиб, кўркам турар жойлар, подшоҳ учун эса муҳташам сарой қурилади. П.нинг сув таъминотини яхшилаш мақсадида Қоракўл дарёсидан уз. 1 фарсахли канал қазиб чиқариш учун ҳаракат қилинади. Бироқ, канал қазилиб тугатилмай қолади. П. сувсизликдан 12-а.нинг 2-ярмида бутунлай қуриб яна вайронага айланади.

П. шаҳри харобалари археологик жиҳатдан дастлаб 1903 й.да Р.Пампелли, 1913—14 й.ларда Л.А.Зимилар томонидан ўрганилган. Бухоро воҳаси шаҳарсозлик маданиятининг юзага келиши ва ривожланиш тарихини ўрганиш муносабати б-н ўтган асрнинг 80—90 й.ларида П. харобаларида кенг кўламда муттасил археологик қазиш ишлари амалга оширилди. Археологик тадқиқотларни ташкил этиш мақсадида 1980 й.да Ўзбекистон ФА Археология институти ва Россия Давлат Эрмитажининг махсус қўшма археологик экспедицияси (А.Муҳаммаджонов раҳбарлигида) ташкил этилди. Бу экспедиция аъзолари (Г.Л.Семенов, Ж.Мирзаахмедов, Ш.Одилов ва б.) кўп йилларга режалаштирган археологик қазишларни то ҳоз. кунга қадар давом эттирмоқдалар. И.т.лар ва археологик қазишлар натижасида П. ёдгорлигининг умумий тарихий топографияси ўрганилиб, режалари чизмаларга туширилди. Унда қалъа, шаҳристонда дорихона (8-а.), бир қанча уламо ва савдогарлар ўрналган шаҳар ноннойхонаси, ташқи шаҳристонда кулолчилик, шишасозлик каби ҳунармандларининг маҳалла-кўйлари, 4 томони супали марказида сандали бор ётоқхона, ошхона, омборхона ва ташнобли таҳоратхонали мўъжазгина бир қаватли ҳовли-жойларнинг харобалари қазиб очилди. П.нинг рабод қисмида кулолчилик, шишасозлик ва темирчилик устахоналари-ю хумдон ва қўралари ҳамда 50 дан ортиқ науслараниинг қолдиқлари б-н бир қаторда П.дан Бухорога томон йўналган карвон йўли (кенглиги 20 м)нинг 2 ёқаси бўйлаб жойлашган 20 дан ортиқ карвонсаройларнинг вайроналари қайд этилиб, улардан бир нечтаси қазиб очилди. 8—10-а.ларга мансуб бундай меҳмонхона ва қўноқхоналар мурабаа (75×75м) шаклда хомгиштлардан бино қилинган. Ташқи деворнинг 4 бурчаги доира шаклида буржлар б-н мустаҳкамланган. Ҳовлисининг марказида тузларга ортилган юклар тушириладиган 1 ёки 2 узун супа ишланган. Карвонсарой қарама-қарши томонларида 2 дарвоза (3—5 м) ўрнатилган. Меҳмонхонанинг 4 томони бўйлаб 60 дан ортиқ супали, сандалли 1 ёки 2 хонали ётоқхоналар, ўчоқли ёки тандирли овқатхона, ташнобли таҳорат ёки гуслхона ва омборхоналар жойлашган. Саройнинг шим.-ғарбий бурчагида оташпарастларнинг оташкадали ибодатхонаси бино қилинган. Хоналарнинг томи равоқсимон шаклда ёпилиб, марказ қисмида сопол қувурлардан мўриялар ўрнатилган.

Пойкенд топилмалари: 1 — сопол ўйинчоқ; 2 — жездан ясалган чироқдан.

Археологик қазишлар жараёнида П. саройидан турли мил. топилмалар: сирли ва сирсиз сопол кўза ва товоқлар, шиша идишлар, жез ва темир буюмлар, қурол-яроғлар, шунингдек, турли сиккаларга зарб этилган чақа танга-лар (Хитой, Сосонийлар, Умавий ва Аббосийларнинг фулуслари, Бухоро, Самарқанд, Марв, Фарғона, Ахсикат ва Исфижоб зарбхоналарида зарб этилган Сомонийлар ва Қорахонийларнинг тангалари ҳамда Хирода зарб этилган Ғазнавийларнинг 1 дона олтин динори топилди. Топилмаларнинг каттагина қисми ҳоз. вақтда П. ёдгорлиги яқинида ташкил этилган «Археология музейи»да намойиш этилган.

Ад.: Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. Т., 1966, 1993; Муҳаммаджонов А.Р., Одилов Ш.Т., Мирзаахмедов Ж.К., Семенов Г.Л. Городище Пайкенд. К проблеме изучения средневекового города средней Азии. Т., 1988; Раскопки в Пайкенде в 2001 году. Санкт-Петербург, 2002.

Абдусалом Муҳаммаджонов.

ПОЙКИЛОТЕРМ ҲАЙВОНЛАР (юн. poikilos — ҳар хил, ғ и ҳарорини ва therme — иссиқ) — совуқ қонли, тана ҳарорати ташқи муҳит ҳарорати таъсирида ўзгариб турадиган ҳайвонлар. П.ҳ.га барча умуртқасизлар, балиқлар, сувда ва қуруқликда яшовчилар, судралиб юрувчилар киради. П.ҳ. танаси ҳарорати ташқи муҳитга нисбатан 1—2° юқори ёки ташқи муҳитга тенг. Кўпчилик П.ҳ. тана ҳарорати қуёш нури ёки мускуллар қисқаришн туфайли кўтарилади. Ҳарорат оптимал чегарадан ошганида П.ҳ. қарахт бўлиб қолади ёки ҳалок бўлади. Терморегуляция механизмининг ривожланмаганлигини нерв системасининг нисбатан кам ривожланганлиги, моддалар алмашинувининг секин бориши (иссиққонли ҳайвонларга нисбатан 20—30 марта паст), қон айланиш системасининг тўлиқ бўлмаслиги, артерия ва вена қонининг аралашмаслиги б-н тушунтириш мумкин (яна қ. *Терморегуляция*).

ПОЙНТИНГ (Poynting) Жон Генри (1852.9.9, Монтон, Ланкашир — 1914.30.3, Бирмингем, Уорикшир) — инглиз физиги, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1888 й.дан). Лондон (1872) ва Кембриж (1876) ун-тини тугатган. Бирмингем ун-ти проф. (1880 й.дан). 1884 й.да электромагнит энергияси оқими зичлигининг вектори ифодасини фанга киритди. Бу 1874 й.да рус физиги Н.А.Умов томонидан айтилган ғоя асосида вектор катталикдир (қ. *Умов — Пойнтинг вектори*). П. Ернинг зичлигини (1891) ва Ер гравитацион доимийсини (1893) энг аниқ ўлчашлар ўтказган. Қуёш атрофида айланаётган осмон жисми орбитасининг кичрайиши ҳодисасини кашф этган (1903). Бу ҳодисанинг релятивистик назариясини 1937 й. да инглиз физиги Г.Робертсон (Пойтинг-Робертсон ҳодисаси) ишлаб чиққан.

ПОЙТАХТ — давлатнинг бош шаҳри, мамлакатнинг маъмурий-сиёсий маркази. П., одатда, марказий (умуммиллий) ҳукумат, парламент ва суд муассасалари қарорғоҳи ҳисобланади. Одатда, П. алоҳида бошқарув тартиби бўлган мустақил маъмурий бирликка ажратилади. Кўпчилик федератив давлатларда П. федерациянинг бирон-бир субъекти таркибига кирмайдиган ва федерациянинг мустақил субъекти ҳисобланмайдиган махсус федерал округ ҳудудида жойлашган бўлади. Кўпчилик мамлакатларда П. қарда бўлиши конституция матнида тўғридан-тўғри кўрсатилади. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 6-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг пойтахти — Тошкент шаҳри» дейилган (қ. *Тошкент*).

ПОЙТУҒ — Андижон вилояти *Избоскан тумани*даги шаҳар (1980 й.дан). Туман маркази (1935 й.дан). Т.й. станцияси. Вилоят маркази (Андижон ш.)дан 12 км. Аҳолиси 29,2 минг киши (2003). Катта Фарғона каналидан сув олади.

Топонимистларнинг фикрича, шаҳар номи «пой» — қуйи, этак ва «туғ» — байроқ, тўғон сўзларидан вужудга келган (Маҳмуд Қошғарийда туғ — тўғон). Шунга асосланиб, топоним «тўғон таги, тўғон ённ» бўлиши мумкин.

П.да туман ҳокимияти биноси, маъмурий ташкилотлар, ип йигирув-тўқув, пойабзал, шойи тўқиш ф-калари, пахта тозалаш з-ди, нон к-ти, вилоят таъминлаш и.ч. корхонаси, автостанция, деҳқон бозори, савдо, маданий, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. Умумий таълим мактаблари, лицей, 2 касб-ҳунар коллежи, 5 кутубхона, маданият ва истироҳат боғи, Хотира майдони мавжуд. Марказий касалхона, 3 поликлиника, тез тиббий ёрдам бўлими фаолият кўрсатади.

Пойтуғ шаҳри. Шошилинч тиббий ёрдам бўлими.

ПОЙУСТУН — маҳаллий меъморликда устун ўрнатилдиган асос, таг кўрси (база). Ёғоч устунлари чиришдан сақлаш ва улар баландлигини оширишга хизмат қилади. Устунга мослаб ёғоч

Пойустун.

ёки тошдан йўнилади, ислимий ва гирих нақшлар б-н безатилади. П.лар якка тартибдаги замонавий турар жой меъморлигида ҳам кенг қўлланилмоқда.

ПОКИСТОН. Покистон Ислом Республикаси (Islami Jamhyriya Pakistan) — Осиё жан.да, Ҳиндистон я.о.нинг шим.-ғарбидаги давлат. Майд. 803,9 минг км². Аҳолиси 147,6 млн. киши (2002). Пойтахти — *Исломобод* ш. Маъмурий жиҳатдан 4 провинция, федерал пойтахт ҳудуди ва федерал ҳукумат томонидан бошқариладиган қабилалар ҳудудига бўлинган.

Давлат тузуми. П. — Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига кирувчи ислом республикаси. Амалдаги конституцияси 1973 й. қабул қилинган, 1977 й. тақиқланган ва 1985 й. 30 дек.да қайта тикланган. Давлат бошлиғи — президент (2001 й.дан Парвиз *Мушарраф*), у 5 й. муддатга сайланади ва кетма-кет 2 мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни 2 палатали парламент (Сенат ва Миллий ассамблея), ижрочи ҳокимиятни президент ва ҳукумат амалга оширади. Бош вазирни президент тайинлайди.

Табиати. П. ҳудудининг шим. ва шим.-ғарбий қисмини, асосан, тоғлар ва қирлар эгаллаган, шарқий ва жан.-шарқий қисми эса Ҳинд текислиги (Ҳинд-Ганг текислигининг бир қисми)дан иборат. П.нинг жан.-шарқини Тар чўлининг ғарбий ярми эгаллаган. Ҳинд дарёси ҳавзасининг текислик қисмида Панжоб ва Синд табиий, тарихий-маданий вилоятлари бор. Мам-

лакат ҳудудининг катта қисмини Ҳиндукуш, Ҳимолай ва Эрон тог тизмалари эгаллаган (энг баланд жойи Тиричмир чўққиси, 7690 м). Ҳинд водийсига яқинлашган сайин тог тизмалари пасайиб боради ва тоғлараро йирик ҳамкалар — Кўҳат, Банну, Пешовар водийсига айланади. Ҳиндукуш ва Ҳимолай тоғларида музликлар бор. П.нинг шарқий платформасининг шим.-ғарбий чеккасида ва тоғлик қисми Ўрта денгиз бурмали минтақасида жойлашган. Фойдали қазилмалардан нефть, газ, кўмир, темир, полиметалл, сурма, барит, олтингугурт, тоштуз, гипс, магнезит, хромит, марганец, мис, кўргошин ва б. бор.

Иқлими, асосан, тропик, шим.-ғарбида субтропик, қуруқ континентал. Январда ўртача т-ра Ҳинд текислигида 12—16° (Арабистон денгизи соҳилларида 20° гача), шим.даги тог тепаликларида совуқ —20° гача. Июлнинг ўртача т-раси жан. ва жан.-шарқдаги чўлларда 35° гача, соҳилда 29° атрофида, ғарбдаги тог ва ясситоғларда 20—25°. 5000 м баландликда 0°. Йиллик ёғин соҳилда 150—200 мм, Синдда 100—200 мм (Тар чўлининг баъзи жойларида 50 мм гача), шим.-ғарблаги водий ва ясси тоғларда 250—400 мм, шим.даги тоғларда 1000—1500 мм. Мамлакат ҳудудининг катта қисми Ҳинд дарёси ҳавзасига мансуб, ғарбий қисмидаги дарёлар Арабистон денгизига ёки берк ҳавзага (Балужистонда) оқади. Энг катта дарёси Ҳинд ва унинг ирмоқлари. Дарёлари ёмғир, қор ва музликлардан сув олади, ёзда серсув, сугоришда фойдаланилади.

Тупроқлари — мамлакат текислик қисмида бўз, бўз-жигарранг, Тар чўлида қумли, тог этакларида жигарранг ва қўнғир тупроқ. Ўсимликлари, асосан, чала чўл ва чўлга хос. Ҳинд дарёси бўйлари тўқайзор, дельтаси ва денгиз

соҳили мангра чакалакзорларидан иборат. Тар чўлида ксерофил буталар ва дағал ўтлар ўсади. Балужистон тоғларида арчазорлар бор. П. шимол — 1500—3000 м баландликларда кенг барги ва игна барги дарахтлар. Ўрмонлар мамлакат ҳудудининг 3% ни ташкил этади. Ҳайвонот дунёси хилма-хил: тоғларда қорлон, европа қуй ва ёки, тавқ, текисликларда сирлон, чиябўри, тунғиз ва ёнак, ҳар хил кемирувчилар учрайди. Паррандалардан кўп. Ҳинд дарёсида тимсоҳлар яшайди. Арабистон денгизи балиққа бой. Киртҳар ва Лаал Суханра миллий боғлари, қўриқхоналар бор.

Аҳолиси. асосан, панжобилар, пуштунлар, синдҳийлар, балуч (балужлар ҳам яшайди. П.нинг шим. қисмида тоғли халқлар — кҳў ва кўҳистонийлар истиқомат қилади. Расмий тил — урду ва инглиз тиллари. Аҳолисининг 98% ислом динига, қолганлари зардуштийлик, ҳиндуийлик динларига эътиқод қилади. Аҳолисининг 57% 12 та йирик шаҳарда яшайди. Йирик шаҳарлари — Карочи, Лоҳур, Файсалобод, Ҳайдаробод, Равалпинди, Пешовар, Мўлтон.

Тарихи. П. ҳудудида одам палеолит даври охиридан бошлаб яшаб келади. Мил. ав. 3-минг йилликнинг бошида Ҳинд дарёси ва ирмоқлари водийсида жаҳоннинг энг қад. цивилизацияларидан бири — *Хараппа маданиятига* мансуб дастлабки давлатлар пайдо бўлди. Мил. ав. 6-а. охирида бу ерлар қад. Эроннинг Ахоманийлар салтанати таркибига қўшиб олинди. Мил. ав. 327—326 й.ларда македониялик Александр забт этди. Унинг вафотидан сўнг бу ерлар *Маурийлар империясига* қўшилиб кетди. Мил. ав. 2-а.нинг бошида П. ҳудудида Ҳинд-юнон подшолиги деб аталадиган давлат вужудга келди. Мил. 1—3-а.ларда Ҳинд дарёси ҳавзаси *Кушон подшолигига* қўшиб олинди. Пурушапура ш. (ҳоз. Пешовар) унинг пойтахти бўлди. Кушон подшолиги парчаланганидан сўнг, ҳоз. П.нинг ғарбий қисмлари сосонийлар, шарқий қисмлари гупталар салтанатига қўшилиб кетди. 5-а.нинг 2-ярмида бу ерда эфталийлар ҳокимияти ўрнатилиб (6-а. ўрталарига қадар), Сакала ш. (ҳоз. Сиялкот) мамлакат пойтахти бўлган.

664 й.да араблар Ҳинд дарёси водийсига бостириб киришди. 711—13 й.ларда Муҳаммад ибн Қосим қўмондонлигидаги қўшинлар Синд ва Панжобнинг жан. қисмини эгаллади. Шу тариқа П. ҳудудида *ислом* дини тарқала бошлади. 750 й. Умавийлар халифалиги ағдарилгач, Синд мустақил давлатга айланди. 11-а. бошларига келиб, ҳинд дарёси ҳавзасини *Ғазнавийлар*, 12-а.да *Ғурийлар*, 13-а. бошларида *Деҳли султонлиги* эгаллади. Бегуноҳ уруғлар, исён-лар ва чет эл босқинларига қарамай, Ҳинд дарёси ҳавзасидаги Лоҳур, Мултон, Пешовар, Татта каби йирик шаҳарлар муҳим иқтисодий ва маданий марказга айланиб, бир қатор мамлакатлар б-н савдо муносабатларини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлган. Уларнинг бу мавқеи *Бобурийлар давлатида* даврида ҳам сақланган. 1707 й. да шоҳ *Аврангзеб* вафотидан сўнг Ҳинд дарёси ҳавзаси эрон, афғон ва маҳаллий амирликларининг кураш майдонига айланди. 18-а ўрталарида ҳоз. П. ҳудуди — афғон шоҳи *Аҳмадшоҳ Дурроний* салтанатига тобе бўлди. 18-а.нинг 60-й.ларида Панжобда бир неча суловчилар ўзаро жанг олиб бордилар. Бетухтов урушлар, исён-лар ва чет эл босқинларига қарамай, Ҳинд дарёси ҳавзасидаги Лоҳур, Мултон, Пешовар, Татта каби йирик шаҳарлар муҳим иқтисодий ва маданий марказга айланиб, бир қатор мамлакатлар б-н савдо муносабатларини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлган. Уларнинг бу мавқеи *Бобурийлар давлатида* даврида ҳам сақланган. 1707 й. да шоҳ *Аврангзеб* вафотидан сўнг Ҳинд дарёси ҳавзаси эрон, афғон ва маҳаллий амирликларининг кураш майдонига айланди. 18-а ўрталарида ҳоз. П. ҳудуди — афғон шоҳи *Аҳмадшоҳ Дурроний* салтанатига тобе бўлди. 18-а.нинг 60-й.ларида Панжобда бир неча суловчилар ўзаро жанг олиб бордилар, маҳаррожа Ранжит Синғх (1799—1839 й.ларда ҳукмронлик қилган) уларни ягона давлатга бирлаштирди.

Бобурийлар салтанатининг инқирозга юз тутиши, ички урушлар, эрон ва афғон ҳукмдорларининг бостириб киришлари инглиз мустамлакачиларининг босқинчилик режалари амалга оширишга ёрдам берди. Улар 1843 й. Синдни, 1845—49 й.ларда Панжобни, 1854, 1876, 1879, 1893 й.да Балужистон ва Шарқий Пуштуи қабила ҳамда султонликларини босиб олди.

П. халқларининг миллий озодлик ҳаракати 20-а. бошларида айниқса кучайди (1896—1908 й.ларда Синддаги Ҳурлар қўзғолони, 1919—21 й.ларда чегарадаги пуштун қабилалари қўзғолони, 1930 й.даги Пешовар қўзғолони ва б.). 1947 й. 14 авг.да П. мустақил деб эълон қилинди. П.нинг биринчи генерал-губернатори қилиб Мусулмонлар лигасининг раҳбари ва П. озодлиги ҳаракатининг йўлбошчиси Муҳаммад Али Жинна (1876—1948) сайланди. Мустамлакачилик асоратидан қутулиб, давлат мустақиллигини сақлаш, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва шу мақсадда ислоҳотлар ўтказиш П. сиёсий ҳаётининг муҳим масаласи бўлиб турар эди. Ҳукмрон Мусулмонлар лигаси партиясининг раҳбарияти Ғарбий П. зиминдорлари ва сармоядорларининг манфаатини мустаҳкамлашга интилди. Бунинг устига П. ривожланишининг асосий муаммолари ҳал этилмаслиги сабабли аҳолининг кўп қисми бу партиядан юз ўгира бошлади. Мазкур партия ичида фракциячилик кураши кучайди ва дастлабки мухолифотчи партиялар вужудга келди. Иқтисодий қийинчиликларнинг тобора чигаллашиб бориши ватанпарвар зобитлар орасида норозиликни келтириб чиқарди. Ҳукмрон доиралар ўртасида кураш кескин тус ола бошлади. 1951 й. 16 окт.да П. Бош вазири Лиёқат Алихон

Покистон герби.

(1895—1951) ўлдирилди. Ўсиб бораётган сиёсий беқарорлик шароитида П. ҳарбий блоклар — 1954 й. 8 сент.да СЕАТО, 1955 й. 23 сент.да Багдод пакти (1959 й.дан — СЕНТО)га аъзо бўлди.

Ҳокимиятни қўлда сақлаб қолиш мақсадида Мусулмонлар лигаси раҳбарлари бир оз ён беришга мажбур бўлдилар. Жумладан, 1954 й. бенгал тили урду тили б-н бир қаторда давлат тили деб тан олинди. 1955 й. Мусулмонлар лигаси ва Бирлашган фронт вакилларидан иборат коалицион ҳукумат тузилди. 1956 й. 29 февд.да таъсис мажлиси П.нинг янги конституциясини қабул қилди. Унга кўра, П. Федератив Ислом Республикаси деб атала бошлади. 1958 й. 7—8 окт.да ҳарбий тўнтариш ўтказилди, конституция бекор қилинди, барча сиёсий партиялар тақиқлаб қўйилди. 27 окт.дан қуролли кучлар олий бош қўмондони генерал М.*Айюбхон* президентлик вазифасини ўз зиммасига олди. 1962 й. ҳукумат ишлаб чиққан янги конституция эълон қилинди. Унга кўра, П.да бошқарувнинг президентлик шакли жорий этилди. 1962 ва 1965 й.да М.Айюбхон мамлакат президенти этиб сайланди. 1965 й. сент.да П. б-н Ҳиндистон ўртасида Кашмир масаласида қуролли тўқнашув бўлиб ўтди. 1966 й. 4—10 янв.да Тошкентда П. президенти б-н Ҳиндистон Бош вазири учрашди. *Тошкент декларацияси* (1966) номли тарихий ҳужжатнинг ҳар икки мамлакат томонидан имзоланиши натижасида низоларни тинч йўл б-н ҳал этишга йўл очилди. 1968 й. охири — 1969 й. бошида П.даги вазият кескинлашди. Мамлакатдаги мухолифатчилик ҳаракати кучайди. 1969 й. 25 мартда М. Айюбхон президентлик лавозимидан воз кечди ва ҳокимиятни П. армиясининг бош қўмондони генерал А.М. Яҳёхонга топширди. Яна ҳарбий ҳолат эълон қилинди, қонун чиқарувчи мажлис, марказий ва провинция ҳукуматлари тарқатиб юборилди, конституция бекор қилинди. 1970 й. дек.да П. тарихида биринчи марта умумий сайлов ўтказилиб, Шарқий П.да Мужибур Раҳмон бошчилигидаги Авоми лиг партияси ва Ғарбий П.да З.А.*Бхутто* бошчилигидаги П. халқ партияси голиб чиқди. Авоми лиг партияси Шарқий П.га регионал мухторият берилишини талаб қилди. П. раҳбарлари буни рад этишди. Натижада мамлакатда сиёсий танглик рўй берди. П. раҳбарларининг беадабликларига жавобан 1971 й. 26 мартда Шарқий Покистон П.дан ажралиб чиқиб, *Бангладеш* Халқ Республикаси деб эълон қилинди. Шарқий П.дан Ҳиндистонга қўшлаб қочоқларнинг ўтиб кетиши Ҳиндистон б-н П. ўртасида уруш келиб чиқишига сабаб бўлди. 1971 й. 16 дек.да Даккада П. аскарлари таслим бўлди. 20 дек.да А.М.Яҳёхон истеъфога кетишга мажбур бўлди ва ҳокимиятни П. халқ партиясининг раҳбари З.А.Бхуттога топширди. 1974 й. мартда П. Бангладеш Халқ Республикасини тан олди. СЕАТОдан чиқди, бу ерларнинг ҳаммаси Ҳиндистон ғ.о.даги вазиятнинг мўътадиллашувига олиб келди.

П. ички ҳаётида ҳам муҳим ўзгаришлар юз берди. 1972 й. 24 апр.да ҳарбий ҳолат бекор қилинди, 1973 й. 14 мартдан янги конституция кучга кирди. Сиёсий партиялар фаолияти тикланди. 1977 й. навбатдаги парламент сайлови ўтказилиб, П. халқ партияси парламентдаги деярли 80% ўринни олди. З.А.Бхутто бошчилигида ҳукумат тузилди. Лекин 9 та мухолифатчи партиядан тузилган П. миллий альянси сайлов натижаларини тан олмади. Қайта сайлов ўтказишни, ҳукуматнинг истеъфога чиқишини талаб қилди, мамлакатда тартибсизликлар бошланди. Сиёсий беқарорлик ва иқтисодий қийинчиликлар ортиб бораётган шароитда бутун ҳокимиятни армия штаби бошлиги генерал М.*Зиёулҳақ* ўз қўлига олди.

1984 й. 19 дек.да референдум ўтказилиб, унда ҳукумат олиб бораётган исломлаштириш сиёсатини қўллаб-қувватлаш масаласи қўйилди. Натижа ижобий бўлди ва Зиёулҳақ кейинги 5 йилга мамлакат президенти деб эълон қилинди. 1988 й. 29 майда Зиёулҳақ қонун чиқарувчи органларни тарқатиб юборди, марказий ва провинция ҳукуматларини истеъфога чиқарди, уларни порахўрлик ва жиноятда айблади. М.Зиёулҳақ янги ҳукуматга шахсан ўзи бошчилик қилди. 1988 й. 17 авг.да президент авиация фалокатида ҳалок бўлди. Конституцияга мувофиқ, сенат раиси Ғулом Исҳоқхон президент лавозимини эгаллади. 1988 й. 16 нояб.да Миллий мажлисга ўтказилган сайловда П. Халқ партияси голиб келди ва унинг раҳбари Беназир Бхутто ханим бошчилигидаги ҳукумат тузилди. Янги ҳукумат фавқулодда ҳолатни бекор қилди, касаба ва талаба уюшмалари фаолиятига рухсат берди, Зиёулҳақ даврида қамалган сиёсий маҳбуслари озод қилди. 1990 й. 24 окт.да Миллий ассамблеяга ўтказилган навбатдан ташқари сайловда Ислом демократик альянси голиб чиқди. Унинг раҳбари Миён Муҳаммад Навоз Шариф бош вазир бўлди. 1993 й. 6 окт.да ўтказилган навбатдан ташқари парламент сайловида П. халқ партияси кўпчилик овоз олди. Б.Бхутто хоним раҳбарлигидаги коалицион ҳукумат тузилди. Фарук Аҳмадхон Лагарий П. президенти этиб сайланди. 1997 й. 3 февд.да бўлиб ўтган навбатдан ташқари парламент сайлови натижасида яна М.М.Навоз Шариф бош вазир бўлди. Ҳукумат мамлакат иқтисодиётини яхшилаш тадбирларини амалга оширди. Халқаро иқтисодий ҳамкорлик манфаати учун дам олиш куни жумадан якшанбага ўтказилди. Ҳукумат ноформарчиликка қарши, маблағларни тежаш учун курашди, юқори амалдорларнинг имтиёзларини чеклади. 1997 й. 2 дек.да президент Ф.А.Лағарий ўз ихтиёри б-н лавозимидан воз кечди. Конституцияга кўра, давлат раҳбари вазифасини вақтинча Сенат раиси Васим Саждод бажара бошлади. 1997 й. 31 дек.да мамлакат президенти этиб Муҳаммад Рафиқ Тарар сайланди. 1999 й. 12 окт.да давлат тўнтариши бўлиб, бутун ҳокимият генерал Парвиз Мушарраф бошлиқ ҳарбийлар қўлига ўтди. П. Мушарраф Н. Шарифни қамоққа олди ва 2001 й. 20 июнда президент М.Р.Тараррни лавозимидан четлатди, ўзини мамлакат президенти деб эълон қилди. П. — 1947 й.дан БМТ аъзоси. ЎзР суверенитетини 1991 й. 20 дек.да тан олган ва 1992 й. 10 майда дипломатия муносабатлари ўрнатган. Миллий байрами — 14 авг. — Мустақиллик куни (1947).

Покистон байроғи.

Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари. П. Халқ партияси, 1967 й. асос солинган; П. Миллий Халқ партияси, 1986 й. тузилган; П. мусулмонлар лигаси, 1906 й. ташкил этилган; П. демократик партияси, 1969 й. асос солинган; Жамоати Исломий, ўта ўнг диний жамоа партияси, 1941 й.да тузилган. Умумпокистон касаба уюшмалари федерацияси, 1947 й.да тузилган; Қавмий

Исломободдаги Миллий ассамблея биноси.

мазҳур маҳаз («Миллий ишчи фронти»), 1961 й.да тузилган; П. меҳнат халқ бюроси, 80-й.ларнинг ўрталарида П. халқ партиясининг ишчилар ҳаракатидаги қаноти сифатида тузилган; П. миллий ишчи федерацияси, 1968 й.да тузилган; П. миллий касаба уюшмалари федерацияси, 1962 й. 60 та яқин йирик ф-ка касаба уюшмаларининг бирлашишидан ташкил топган.

Хўжалиги. П. — саноати ривожланаётган аграр мамлакат. 1947—91 й.ларда мамлакат иқтисолиёти таркибида чуқур ўзгаришлар содир бўлди — и.ч. замонавий шакл ва услубларга ўтди, ялпи ички маҳсулот 5 баравар ошди. Иқтисодиётдаги бу натижаларга асосан давлатнинг иқтисодий сиёсати — хусусий ишбилармонликни бошқариш ва рағбатлантириш ҳамда давлат секторининг фаолияти туфайли эришилди. Ялпи ички маҳсулотда қ.х.нинг улуши — 22,3%, саноатнинг улуши — 16%.

Қишлоқ хўжалиги да иқтисодий фаол аҳолининг 60% банд. Деҳқончилик — қ.х.нинг асосий тармоғи. Мамлакат ҳудудининг 1/4 қисми қ.х. учун яроқли, шундан 3/4 қисми суғорилади, айрим жойларда йилига 2—3 марта ҳосил олинади. 50—70-й.лардаги аграр ислоҳотларга қарамай, анъанавий аграр муносабатлар — заминдор ер эгалиги ва ердан фойдаланишнинг майда деҳқон (коранда) шакли сақланиб қолган. Ҳинд дарёси ҳавзасида дунёда энг катта суғориш системаларидан бири бунёд этилган. Деҳқончиликдаги асосий экинлар: бугдой, шоли, арпа, маккажўхори, техника экинларидан мойли экинлар, пахта, шакарқамиш ва б. Богдорчиликда манго, банан, олма, цитрус мевалар, ўрик, узум, анор, анжир, писта етиштирилади. Шунингдек, картошка, пиёз, саримсоқ, қалампир, помидор, карам, қовоқ, тарвуз ва б. экилади.

Чорвачилик ялпи ички маҳсулотнинг 8,3%ни таъминлайди. П.да қорамол кўпроқ. Буйвол, эчки, қўй, туя, от ҳам боқилади. Сўнгги йилларда шаҳарлар атрофида гўшт ва сут чорвачилиги, паррандачилик ривожланди. Балиқ овланиши келадиган фойда экспорт гўшунинг тахм. 3%ни ташкил этади.

Саноати. П.та мустамлакачилик давридан бир неча кичик тўқимачилик ф-каси, қанд з-ди, т.й. ва механика устахонаси мерос бўлиб қолган. 50-й.ларда саноатлаштириш сиёсатининг асосий мазмуни енгил саноатни, аввало тўқимачилик саноатини ривожлантиришдан иборат бўлди. 1952 й.да Саноатни ривожлантириш давлат корпорацияси фаолият бошлади. 1955 й.да Суэц (Балужистонда йирик табиий газ конини ўзлаштиришга киришилди. Кон саноати жадал суръатлар б-н, баъзи йилларда 20% гача ўсди. Мамлакат жан. (Синд провинциясида нефть конларининг очилиши ва ишга туширилиши натижасида нефт қазиш ҳажми 4 баравар ошди. Ҳоз. нефть и.ч. (йилига тахм. 2,5 млн. тонна) мамлакат эҳтиёжининг 25—30% ини қоплайди. 50—80-й.ларда т-л ва ф-каларнинг умумий сони 1,4 мингдан 5 мингга, уларда ишловчилар сони эса — 200 мингдан 500 мингга етди. Қайта ишлаш саноати, айниқса, тез ривожланди. Саноат марказлари ҳисобланган Карочи ва Лоҳур ёнида Файсалобод, Ҳайдаробод, Мўлтон, Равалпинди шаҳари қўшилди. Вах, Таксила, Даудхейл, Наушеҳра каби янги саноат марказлари вужудга келди. Саноатнинг асосини металлургия ва машинасозлик ташкил этади. Кимё саноати тахм. 300 корхонадан иборат. Кимё-фармацевтика саноати (100 дан ортиқ корхона) алоҳида соҳага айланди. Қурилиш материаллари и.ч. соҳаси тез суръатлар б-н ривожланди. Озиқ-овқат саноати йирик соҳа ҳисобланади. Тиббиёт асбоб-ускуналари, спорт анжомлари саноати ривожланган. Полиграфия саноати, асосан, ўрта ва кичик босмахоналардан иборат. Чарм-пойабзал саноати корхоналари барпо этилган. Косибчилик ва ҳунармандчилик (мато, чарм, металл, ёғоч, акиқдан буюмлар тайёрлаш) ривожланган. Гидрост-я, иссиқлик ва атом электр ст-яларида йилига ўртача 30 млрд. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади.

Транспортида автомобиль транспорти асосий ўринни эгаллайди. Мамлакат ичкарисида ташиладиган юкнинг 3/4 қисми автомобиль транспортида, 1/4 қисми т.й.да ва 0,1% — ҳаво транспортида ташилади. Т.й. узунлиги — 9 минг км, автомобиль йуллари — 140 минг км. Ташқи савдо юклари, асосан, денгиз ва ҳаво транспортида, қисман автомобиль транспортида ташилади. Денгиз савдо флотининг тоннажи 514 минг т.ни ташкил этади. Денгиз портлари: Карочи ва Қосим. Аэропортлари Карочи, Равалпинди, Лоҳур ш.ларида.

Ташқи савдоси. П. четга хом ашё, пахта, ип, ип газлама, тикув, чарм, балиқ ва б. сотади. Ўсимлик ёғи, чой, нефть, кимё маҳсулотлари, уран, умуми машинасозлик товарлари, шакар анжомлари, пулат, чўян, чой, қоғоз-ярим ва ҳ.к. сотиб олади. Асосан, Саудия Арабистони, Буюк Британия, Япония, Германия, АҚШ б-н савдо қилади. Пул бирлиги — П. рупияси.

Соғлиқни сақлаш. Мустақиллик йилларида П. соғлиқни сақлаш соҳасида маълум ютуқларга эришди; тиббиёт муассасалари ва модимлари купайди. Кадрлар тайерлаш ва и.т.лар олиб бориш тизими ташкил топди. 40-й.ларнинг охирида 1,4 минг врач бўлиб, ҳамширалар йўқ хис. 90-й.ларнинг бошида врачлар сони 55 минга яқин, ўрта малакали тиббиёт модимлари 40 минг, ҳамширалар 20 минга етди. Врачлар ва ўрта малакали тиббиёт модимлари тиббиёт ун-тида, 6 колледж ва 9 тиббиёт муассасасида тайёрланади. Санитария меъёрларига мос келадиган ичимлик сувини йўқлиги жиддий муаммо. Канализациялан 6—7% аҳоли фойдаланади.

Маорифи, маданий-маърифий ва илмий муассасалари. П.да умумий таълим ҳақида қонун қабул қилинмаган. П. умумтаълим мактаблари тузилиши қуйидагича: бошланғич мактаб (1—5-синфлар); тўлиқсиз ўрта (6—8-синфлар); ўрта (9—10-синфлар); олий (юқори) мактаб (11—12-синфлар). Олий (юқори) ўрта мактабни, шунингдек, оралиқ коллежни тугатганлар олий ўқув юртларига кириш ҳуқуқига эга. 90-й.лар ўрталарида 168 мин мактаб, 690 коллеж, 23 ун-т бўлган. Барча турдаги мактабларда 16,9 млн., коллежларда 610 минг, ун-тларда 76 минг киши ўқиди. Ўқитувчилар сони: барча турдаги мактабларда — салкам 550 минг, коллежларда — 56 минг, ун-тларда — 6 минг. Мактаб ўқитувчилари махсус мактаблар, ин-т ва коллежларда тайёрланади. Йирик ун-тлари: Карочидаги Карочи ун-ти (1951), Тиббиёт фанлари ун-ти (1983), Лоҳурдаги мухандислик-технология ун-ти (1961), Исломободдаги Қаид-е-Аъзам ун-ти (1965), Халқаро Ислом ун-ти (1980), Лоҳурдаги Панжоб ун-ти (1882).

Фаннинг ривожланишини режалаштириш б-н Фан ва техника қўмитаси, фан ютуқларини жорий этиш б-н Фан ва техника тадқиқотлари кенгаши шуғулланади. Энг йирик илмий муассасалари: П. фан тараққиёти ассоциацияси, П. фанлар академияси, Атом энергияси комиссияси, Атмосферанинг юқори қатламлари ва космик фазони тадқиқ этиш қўмитаси, Геофизика и.т. ин-ти, Пахтачилик и.т. ин-ти ва б. Бундан ташқари, тиббиёт, иқтисодиёт, халқаро муносабат, адабиёт ва тил масалаларини ўрганувчи ихтисослашган илмий ин-т ва жамиятлар мавжуд.

Йирик кутубхоналари: Қаид-е- Аъзам ун-ти кутубхонаси, Карочи ун-ти кутубхонаси, Панжоб ун-ти кутубхонаси, Ҳамдард фонди кутубхонаси, Марказий котибият кутубхонаси, П. миллий кутубхонаси (Исломобод). Йирик музейлари: Карочидаги П. миллий музейи, Лоҳур музейи, Пешовар музейи, Лоҳур қалъаси музейи, Миллий музей (Исломобод) ва б.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. П. ҳудудида чиққан дастлабки газ. «Кўҳи нур» газ. (1850, Лоҳур)дир. 1990-й.лар ўрталарида 2,5 минга яқин газ. ва жур. чиққан. Йирик газ.лари — урду тилида: «Жанг» (1937 й.дан), «Имрўз» («Бугун», 1948 й.дан), «Машриқ» («Шарқ», 1963 й.дан), «Навае вақт» («Давр овози», 1940 й.дан); инглиз тилида: «Доон» («Тонг», 1942 й.дан), «Пакистан таймс» («Покистон вақти», 1947 й.дан), «Муслим» («Мусулмон», 1979 й.дан), «Стар» («Юлдуз», 1951 й.дан) ва б. Ассошиэйтед Пресс оф Пакистан, ҳукумат ахборот агентлиги (1947 й.дан), Покистон Пресс Интернэшнл, ҳукумат таъминотидаги хусусий ахборот агентлиги (1956 й.дан), Юнайтед Пресс оф Пакистан, хусусий ахборот агентлиги (1949 й.дан) фаолият кўрсатади. 1947 й. Лоҳур ва Пешоварда радиост-я бўлган. 90-й.лар ўрталарида 22 радиост-я ва ўтказгич ишлади. Радиост-ялар мамлакатнинг асосий тилларида кунига 302 соат эшиттириш беради. Халқаро хизмат Осиё, Африка ва Европанинг 71 тилида ишлайди. Уларни П. радиоэшиттириш корпорацияси (ҳукумат мақкамаси, 1947 й.дан) назорат қилади. Телекўрсатув 1964 й.дан бошланган, 5 телемарказ ишлайди. Уларнинг ишига П. телевидение корпорацияси (1967 й.дан) раҳбарлик қилади.

Адабиёти. П. адабиёти урду, панжобий, синдҳий, пуштун, балуч, брагуйи, шунингдек, араб, форс, гужаратий, инглиз ва б. тилларда яратилган ёзма бадиий мерослан иборат. Минг

Мусулмонлар намоз вақтида.

йиллар мобайнида Ҳиндистон халқлари яратган фольклор ва ёзма адабиёт П. ва Ҳиндистоннинг умумий бойлигидир. П. ташкил топган даврда П. халқлари адабиётининг ривожланиши турлича бўлган. урду, синдҳий ва панжоб адабиёти ривожланган эди. П.нинг Ҳиндистондан ажратилиши дастлаб адабиёт ривожига маълум даражада салбий таъсир қилди — нашриётлар, адабий журлар ёпилди, ёзувчилар ташкилотлари тарқаб кетди. 1949 й. да П. тараққийпарвар ёзувчилари ассоциацияси ташкил этилди, лекин тез орада тақиқланди. 1959 й.да П. ёзувчилари гильдияси тузилди. Ҳамма тилларда шеърият устун, урду ва синдҳий адабиётларида наср бирмунча ривожланган. Профессионал театрнинг йўқлиги туфайли драматургия унча ривожланмаган. «П. бадиий академияси» (Исломобод), «Урду академияси» (Карочи), «Иқбол академияси» (Лоҳур) ва б. бадиий и.т. муассасалари мумтоз адабиётни чоп этиш, П. халқлари тилларига таржима қилиш каби ишларни олиб боради.

Урду адабиётининг атоқли вакиллари — Файз Аҳмад Файз (1911—84), Жўш Малиҳободий (1896—1982), Аҳмад Надим Қосимий (1916), Фориғ Бухорий (1918—97), Аҳмад Фароз (1926) ва б. Реалист адиблар С.Ҳ.Мантў (1912—55), Ғулом Аббос (1909—88), Мирзо Адиб (1914). Мумтоз Муфти (1905—95) ҳикоя жанрининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшди. Сўнгги ўн йилларда шоиралар Кишвар Наҳид (1940), Адо Жаъфарий (1924), Фаҳмида Риёз (1946), Зуҳра Нигоҳ шоирлардан Ҳабиб Жолиб, Ифтихор Ориф ва б. салмоқли асарлар яратдилар. Интизор Ҳусайн, Анвар Саъжжод (1935), Жамила Ҳошимий ва б. адиблар олдинги сафга чиқдилар. Романнавислардан Азиз Аҳмад, Ҳадижа Мастур, Шавкат Сиддиқий, Интизор Ҳусайнларнинг номи машҳур. Урду тилида «Афкор», «Сиз», «Фунун», «Авроқ», «Тулу-е-афкор» адабий журлари чоп этилади.

Синдҳий адабиётининг вакиллари — шоирлар Бевас, Аёз Шайх, Мурод Али Козим, Ҳайдар Бахш Жатўй, синдҳий наърининг асосчиси Мирза Калич Бег ва б. 20-а. 2-ярмида машҳур адиблар сафига Жамилуддин Абру, Танвир Аббосий, Қурбон Али Буттий, Аммар Жалил, Расул Бахш Палежў, Рашид Бҳаттий келиб қўшилди. Синдҳий адабиётшунослиги ривожланган. 1955 й.дан «Мехран» адабий жур. нашр этилади.

Пушту (пашту) адабиётида ҳикоянавислар Мастер Абдулкарим, Вали Муҳаммад Тўфон, Қаландар Мўманд, Мир Маҳмашоҳ Маҳди, Самандар Хон Бадаршавийларнинг асарларида романтика аломатлари бор. Амир Ҳамза Шинворий, Самандар Хон Бадаршавий («Шоирлар шоҳи» унвонига сазовор бўлган), Фазл Хон Шайдо, Расул Расо, Абдулҳолиқ Холиқ ва б. шоирлар машҳур. «Пушту», «Нангиалай», «Рахбар», «Ал-Фаллоҳ» каби адабий журлар чоп этилади.

Панжоб шеъриятини янгилашда Шариф Кунжаҳий, Аҳмад Роҳий, Боқи Сиддиқий, Ориф Абдул Матин, Салим Кашар, Салимур-Раҳмон Кийаний ва б.нинг хизмати катта. Сўнгги ўн йилликларда Муштоқ Сафий, Анис Наҳий, Султон Маҳмуд Ошуфта, Сафдар Мир, Рашид Анвар, Танвир Бухорий каби шоирлар етишиб чиқди. Аҳмад Салим, Зафар Лашарий, Ханиф Чоудҳурий, Фахр Замон, Мустансар Тарар, Эҳсон Бегалвийларнинг насрий асарлари машҳур. Панжоб тилида «Панж дарйа», «Панжаби забан» адабий журлари нашр этилади.

Балўч адабиёти 20-а.нинг 60—70-й.ларидан шаклланди. Таниқли шоирлари — Озод Жамолиний, Захур Муҳаммад Саид Ҳошимий, Гул Хон Носир. Замонавий шеърият вакиллари — Муҳаммад Исҳоқ Шамим, Қози Абдураҳим, Абдулҳаким Ҳақгў, Мурод Саҳар, Малик Муҳаммад Тақий ва б. Таниқли адиблари — М.Х.Унка, Малик Муҳаммад Паноҳ, Сурат Хон Маррий, Зафар Али Зафар, Муҳаммад Бег Балўч, Муҳаммад Содиқ Озод ва б. Балўч тилида «Уман», «Наукин даур», «Улус» ва б. адабий журлар чоп этилади.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. П. ҳудудидан мил. ав. 4—3-минг йилликларга оид энеолит маконлари (тош ва хом ғиштдан қурилган уйлар)нинг қолдиқлари, геометрик нақшлар ва ҳайвонларнинг схематик тасвирлари б-н безатилган сопол идишлар, мис ва бронза тақинчоқлар, аёллар ва ҳайвон-

атрофидаги гўшт-сут чорвачилиги, паррандачилик ривожланган. Балиқовлидан келадиган фойда экспорт тушумининг тахм. 3% ини ташкил этади.

Саноати. Ила мустамлакачилик даврида бир неча кичик тўқимачилик ташилади. Т. й. узунлиги — 9 минг км, автомобиль йўллари — 140 минг км. Ташқи савдо юклари, асосан, денгиз ва ҳаво транспортида, қисман автомобиль транспортида ташилади. Денгиз савдо флотининг тоннажи 514 минг т дедвейт. Денгиз портлари: Карачи ва Қосим. Аэропортлари Карачи, Равалпинди, Лоҳур ш.ларида.

Ташқи савдоси. П. четга гуруч, пахта, ип, ип газлама, гилам, чарм, балиқ ва б. сотади. Ўсимлик ёғи, чой,

Фанини ривожлантириш режа
тириш б-н Фан ва техника қўми
фан ютуқларини жорий этиш б-н
ва техника тадқиқотлари кенгаш
шуғулланади. Энг йирик илмий муасс
алари: П. фан тараққиёти ассоциац
си, П. фанлар академияси, Атом э
гияси комиссияси, Атмосфера
юқори қатламлари ва космик фа
тадқиқ этиш қўмитаси, Геофизика
ин-ти, Пахтачилик ил. ин-ти
Бундан ташқари, тиббиёт, иқтис
ёт, халқаро муносабат, адабиёт ва
масалаларини ўрганувчи ихтисос

нан-
кен,
фан
шу-
каса-
шия-
нер-
нинг
кони
н.т.
ва б.
оли-
ил
нан-

ларнинг ҳайкалчалари топилган. Кушон подшолиги даврида қолган ёдгорликлар (ступалар, ибодатхоналар) бу ерда маданият юксак даражага кўтарилганини кўрсатади (ибодатхоналар ҳайкалтарошлик асарлари, будда ҳайкаллари, деворий расмлар б-н безатилган). 7—8-а.дан эътиборан меъморлик ислом дини таъсирида ривожлана бошлади. Деҳли султонлиги даврида Лоҳур, Мўлтон, Пешовар, Татта каби шаҳарларда ҳашаматли саройлар, мақбара ва масжидлар қурилди. Шаҳарлар мустаҳкам қалъа деворлари б-н ўралди (16—17-а.лардаги Лоҳур қалъаси, 18-а.даги Ҳайдаробод қалъаси). П.нинг ўрта аср меъморлигига кўшни Марказий Осиё, Эрон ва Афғонистон мамлакатлари меъморлигининг таъсири катта бўлди. Баланд пештоқли айвонлар масжидларнинг таркибий қисмига айланди (Таттадаги Шоҳ Жаҳон масжиди, 17-а.), Лоҳур масжидлари Деҳли ва Аградаги масжидларга ўхшаб кетади (Лоҳурдаги Бадшоҳий масжид, 1674 й.). Бобурийлар даврида мақбараларнинг безаклари бойиди ва бора-бора Ўрта Осиё усулига ўхшаб кетди (Таттадаги Шурфа Хон мақбараси, 1638 й.). Бобурийлар салтанатининг таназзулга учраши (18-а.), эрон, афғон, европа босқинчиларининг ҳужумлари оқибатида умуман маданий ҳаётда, айниқса, меъморлик ва тасвирий санъатда тушкунлик рўй берди. П. ташкил топгандан кейин (1947) мамлакатда қурилиш ишлари авж олди, янги шаҳарлар, янги пойтахт — Исломобод (грек меъмори К.А.Доксиадис) бунёд этилди. Замонавий меъморликда «халқаро услуб» устувор бўлиб, у содда шакллардан ташкил топади (Исломободдаги янги масжид, парламент биноси, меъмор А.Якобсон; «Шаҳризода» меҳмонхонаси, меъмор Ж.Понти).

П. ҳудудидаги қад. маданият марказларида ўтказилган қазилмалар шуни

Покистон табиати манзараси.

кўрсатадики, П.да қадимда рассомчилик кенг ривожланган. Ўрта асрларда саройлар, масжид ва ибодатхона деворлари расмлар б-н безатилган. Араблар б-н бирга хаттотлик санъати ҳам кириб келди — масжид, мақбараларни хаттотлик ёзуви б-н безаш бошладилар. Татта ва Ҳайдаробод ш. лари ўрта асрларда қўлёзма ва миниатюра яратиш марказига айланди. Бобурийлар даврида, айниқса Акбаршоҳ ва Жаҳонгиршоҳ даврида «Бобурийлар миниатюра мактаби» ташкил топди. Мустақиллик даврида тасвирий санъат ривожланиши янги босқичга ўтди. Кекса рассомлар миниатюра анъаналарини давом эттирдилар — А.Р.Чўтай, Аллоҳ Бахш, С.Ф.Раҳамин ижодида Европа рассомчилиги ва ўрта аср миниатюраси қўшилиб кетган; Ҳ.М.Шариф — миниатюра, Х.Юсуф — хаттотликда, Ғ.Али — графика соҳасида ижод қилмоқда. З.Ота, Содиқайн, Ш.Али, Гулжин, Д.Нақш, А.Парвиз каби рассомлар замонавий модернизм оқимининг вакилларидир.

Мусиқаси 1947 йилача бевосита ҳинд мусиқа санъати б-н биргаликда (жумладан, Шим. Ҳиндистоннинг «ҳиндустоний» услубида) ривожланиб келган. Ҳозирда П. мумтоз мусиқасида *«рага»*, қаҳрамонлик достонлари, «ғазал», «қаввали» (ишқий-диний мавзудаги бадиҳавий вокал-чолғу жанри), панжобликларда «маҳийя» (тўй маросим қўшиқлари), «тапа» (лирик айтишувлар) машҳур. Мусиқа чолғуларидан табла, ногора, пакҳавж (урма чолғулар), торли-чертма сарод, рабаб, сетар, тамбура, сварамандал, камонли саранги, пуфлама най, бансури, шеҳнай кабилар кенг тарқалган. Бастакорларнинг кинофильмлар учун урду ва панжоб тилларида яратган куй ва қўшиқлари ҳам халқ орасида алоҳида ъазозга эга. Замонавий санъаткорлардан Аманат Али Хон, Барэ Ғулом Али Хон, Ҳожи Ғулом Фарид Сабри (бастакор ва хонандалар), Равшан Ара Бегум, *Меҳди Ҳасан*, *Нусрат Фатеҳ Али* Хон, Маликайэ Тараннум Нуржаҳон, Обида Парвин, Фарида Хоним, Иқбол Бону, Нейяра Нур (мумтоз мусиқа ижрочилари), эстрада хонандаларидан Аднан Сами, Ҳасан Жаҳонгир, Меҳноз ва б. машҳур. Исломободдаги «Лок Вирса» (Халқ мусиқа мероси) ин-ти, Лоҳурдаги «Ал-Ҳамра» санъат маркази, П. мусиқа жамғармаси ва б. муассасалар миллий мусиқа санъатининг ривожланишида катта аҳамиятга эгадир.

Киноси П. кинематографиясининг тарихи мамлакат мустақиллиққа эришишдан аввал Ҳиндистонда яратилган мусулмонча руҳдаги фильмлардан бошланади. П.нинг биринчи ҳужжатли фильми 1948 й.да яратилди. Биринчи бадиий фильм 1948 й.да ишлаб чиқарилган («Тери илғ», реж. Л.Сарлорни Лалл). «Шундай кун келади» (1958, реж. А.Кардар), «Нило», «Сима» (1967, реж. Ш.Малик) каби фильмларда халқ ҳаёти, ориз-умидлари ҳақиқий акс эттирилди. Кейинги йилларда «Муҳаббат ёзи» (реж. М.Парвиз), «Раққоса» (реж. Х.Тариқ), «Тунгу» (реж. Н.Салом) каби фильмлар яратилди. 90-й.ларнинг ўрталарида йилига 200 тагача ҳужжатли фильм ишлаб чиқарилди. П.нинг ўнлаб фильмлари халқаро мукофотларга сазовор бўлган («Ҳинд дареси», «Лоҳур шаҳри», «Бир акр ер» ва б.). П.да 10 дан ортиқ киностудия мавжуд. Йилига урду, панжобий, синдҳи, пушту, гужаратий ва сипанкий тилларида 90—120 фильм ишлаб чиқарилади. Мамлакатда 800 дан ортиқ кинотеатр бор. Таниқли режиссёрлар — Н.Ислом, П.Малик, Х.Аскарий, Ю.Малик; таниқли актёр ва актрисалар — Бадари Мунир, Бабра Шариф, Шабнам, Надим, М.Қурайший.

П. турли халқаро, шу жумладан, Тошкентда ўтказилган халқаро кинофестивалларда қатнашган.

Ўзбекистон—П. муносабатлари. Ўзр б-н П. ўртасида 2003 й.гача савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасида 23 та давлатлараро, ҳукуматлараро, идоралараро шартнома ва битимлар имзоланган. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки б-н П. Миллий банки ўртасида ваколат ҳисоб рақамлари ҳақида, сув хўжалиги, энергетика, ирригация соҳаларидаги ҳамкорликка оид ҳужжатлар шу жумлага киради. 1995 й. майда П. Бош вазирининг Ўзбекистонга расмий ташрифи чоғида Тошкентда П.да ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда П.нинг 100 дан ортиқ фирмаси иштирок этди. 2000 й.да иккала мамлакат ўртасидаги товар айланмаси 8,5 млн. АҚШ долларига етди. Ўзбекистон П.га тери, пилла чиқиндиси, шойи газлама, шиша, хрусталь, енгил саноат учун машина ва асбоб-ускуналар, айрим озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт қилади. П.дан эса тайёр кийим, пойабзал, чарм маҳсулотлари, тамаки, какао, шакар олади. Ўзбекистонда бир неча Ўзбекистон — П. қўшма корхонаси ишлаб турибди.

Ўзбекистон — П. дўстлик жамияти (1991 й.дан) иккала мамлакат ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришда салмоқли ўрин эгаллайди. Ишбилармонлар, адиблар ва шоир-ёзувчиларнинг делегациялари айирбошланди. Маданият соҳасида ҳамкорлик давом этмоқда: Э.Воҳидовнинг «Олтин девор» асари урду тилига таржима қилиниб (таржимон А.Иброҳимов), Лоҳурда саҳналаштирилди (1996), Н.Аминовнинг «Бир аср ҳикояти» П.да урду тилида чоп қилинди (1996), А.Иброҳимовнинг «Урдуча-ўзбекча муштарак сўзлар луғати» (1998), Т.Ҳолмирзаевнинг «Урдуча-ўзбекча луғати» (2003) ва ҳ.к. адабий ҳамкорлик натижасидир.

Абдурашидхон Иброҳимов.

ПОКРИШКИН Александр Иванович (1913—85) — авиация маршали (1972), 3 марта Қаҳрамон (1943 й.да 2 марта, 1944). 2-жаҳон уруши даврида қирувчи авиациядa эскадрилья, полк, дивизия командири; 156 ҳаво жангида 59 та душман самолётини уриб туширган. 1968—71 й.ларда мамлакатни ҳаво ҳужумидан мудофаа қилиш кўшинлари бош кўмондони ўринбосари. 1972—81 й.ларда СССР ДОСААФ МК раиси.

ПОКСВИРУСЛАР (Poxviridae) — энг йирик ДНКга эга бўлган вируслар. Вирионлари (ўлчами 300×240×100 нм) ДНК ли марказ ва мембрана б-н ўралган ён тандчалардан иборат. 2 занжирли битта ДНКга эга. Ҳашаротлар, қушлар, сут эмизувчилар ҳужайраси цитоплазмасида кўпайиб, ҳужайрада ДНК, РНК ва оқсиллар синтезига монелик қилади. Айрим П. ҳашаротлар орқали юқади. П. одам ва ҳайвонларда тошмали касалликларини пайдо қилади. Одамларнинг энг хавфли касалликларидан бири чин чечакнинг қўзғатувчиси.

ПОЛАБ СЛАВЯНЛАРИ (полабь, полабяндар) — ғарбий славян қабилалари гуруҳи. Мил. 1-минг йиллик охири — 2-минг йиллик бошларида Ғарбда Лаба (Эльба) дарёси ва унинг ирмоғи Сала (Заале) дарёсидан, Шарқда Одра (Одер) дарёси ва Шим.да Болтиқ денгизигача ёйилган ҳудудда яшашган. Бодричлар, мотичлар, лужица сербларини қабила иттифоқларига бирлашган. Немис агрессиясига қарши кураш олиб борилган, бу агрессия натижасида 12-а.нинг 2-ярмида П.с. ерлари босиб олинган; П. с., асосан, қириб ташланган ёҳуд немислашиб кетган. Лужицаликлар ўзларига хос турмуш тарзини сақлаб қолишган.

ПОЛВОН ДАРВОЗА — Хива ш.даги *Ичан қалъа*нинг шарқий дарвозаси (1806). Дарвоза бош тарзи пештоқ-равоқли, ёғоч дарвозанинг 2 ёнига гулласта-минора ишланган. Дарвоза тепасида ва гулласта қафасасида равоқли дарчалар бор. Пештоғи

Полвон дарвоза.

ва гулдасталарига гиштлар мавжли услубда безакдор қилиб терилган, мовий ранг сирқори кошинлар сақланган. Дарвозахона узун далон бўлиб (тарҳи 51,76×17,5 м), усти 6 та гумбаз б-н қопланган. Катта гумбаз диаметри 5,2 м, кичик гумбаз диаметри эса 4,5 м дир. Далонининг икки томонида дўкон (2,8×4,4 м)лар (жами 8 та, шимда 11 та) жойлашган. Дарвозага қурилган йили ёзилган. *Оллоқулихон мадрасаси, Оллоқулихон карвонсаройи ва тими* П.да туташ. 1954—55 ва 1982—84 й.ларда таъмирланган.

ПОЛВОН КАЧАЛ, Качал полвон — ўзбек анъанавий қўғирчоқ театрининг қаҳрамонларидан бири. У, асосан, қўғирчоқ театрининг қўғирчоқлар қўлга кийиб ўйнатиладиган «Чолир жамол» тури томошаларида қатнашган. П.к. томошалари 14-а.дан бошлаб халқ орасида машҳур бўлиб келган. П.к.нинг бош қисми ёғочдан ясалиб, эгнига кўйлак, чопон, бошига дўппи (қалпоқ) кийдирилган. Қирра бурун, бароқ қош, оддий халқ вакили сифатида намоён бўлган. Қўғирчоқбоз П.к. қўғирчоғини ўнг қўли бармоқларига қўндириб ҳаракатга келтирган. Бизгача турли вариантларда «Полвон качал саргузаштлари» комедияси етиб келган. Комедия кўпинча 3 кўринишли бўлган: бирида П.к.нинг Бичахон исмли қизни севиб қолиши, учрашуви ва уйланиши, иккинчисида ўз ити томонидан таланишти, учинчисида П.к. б-н Судхўр ўртасидаги тўқнашув акс эттирилган. П.к. ҳам кулгили ҳолатларга тушиб қолувчи, феъл-атвори ҳам зиддиятли қаҳрамон. У бутун зиддияти, ижобий ва салбий белгилари б-н ҳаётий, халқчилдир. У ҳамиша хушчақчақ ҳолда ҳаётида учраган тўсиқларни енгиб ўтган, ёмон амаллар ва судхўрларни фош этган, адолат ва ростгўйликни ҳимоя қилган.

П.к. дунёдаги Карагёз (Туркия), Пульчинелло (Италия), Полишинель (Франция), Панч (Англия), Петрушка (Россия) каби қўғирчоқ театри қаҳрамонларидан.

Ад.: Гаврилов М., Кукольный театр Узбекистана, Т., 1928; Қодиров М., Халқ қўғирчоқ театри, Т., 1972.

Муҳсин Қодиров.

ПОЛВОНОВ Ота (1867 — Хива — 1972)— ёғоч ўймакори; Хива ёғоч ўймакорлиги мактабининг йирик намояндаси. Хива ёғоч ўймакорлиги мактаби ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Бобоси уста Абдусаттор ва отаси уста Полвонлар б-н бирга ишлаб ҳунар ўрганган. Хивадаги кўпгина биноларнинг дарвозаси, эшик, устунларини безашда қатнашган. Хивадаги «Умид» артелида ўймакорлик бригадасига бошчилик қилган (1930—40-й.лар). А.*Болтаев*нинг нақш мужассамотлари асосида шогирди Сафо Бобёков б-н биргаликда нақшлаган устун ва икки табақали эшик Париж халқаро амалий санъат кўргазмасида намойиш қилинган (1937). Навоий театри биноси учун эшиклар тайёрлаган (1947), Урганч вокзали биноси учун 4 та 2 табақали эшикни безаган (1952). Бадиий кўргазмалар ва панорамалар дирекцияси (ҳоз. Замонавий санъат му-

О. Полвонов ёғоч ўймакорлигида безаган устун (1937, ҳамкорликда).

зейи) учун устун ва эшиклар тайёрлаган. П. ишларидан намуналар ЎзР ва хорижий мамлакатлар музейлари ва тўпламларида сақланади. П. яратган нақш мужассамотлари (асосан, ислимий) мураккаб ва жозибадор бўлиб, ўймаларининг чуқ. 2 мм.дан 30 мм.гачадир.

ПОЛВОНТОШ — Андижон вилояти Марҳамат туманидаги шаҳарча (1947 й.дан). Адирлар ўртасида жойлашган. Вилоят марказидан 30 км, туман марказидан 17 км. Яқин т.й. станцияси — Асака (15 км). Аҳолиси 6,7 минг кишидан зиёд (2003), асосан, ўзбеклар, шунингдек, татар, рус, қирғиз, тожик ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. П. 1940 й.да нефть кони очилиши муно-

эга. Замонавий санъаткорлардан Аманат Али Хон, Барэ Ғулом Али Хон, Ҳожи Ғулом Фарид Сабри (бастакор ва хонандалар), Равшан Ара Бегум, *Меҳди Ҳасан*, *Нусрат Фатеҳ Али* Хон, Маликайэ Тараннум Нуржаҳон, Обида Парвин, Фарида Хоним, Иқбол Бону, Нейяра Нур (мумтоз мусиқа ижрочилари), эстрада хонандаларидан Аднан Сами, Ҳасан Жаҳонгир, Меҳноз ва б. машҳур. Исломободдаги «Лок Вирса» (Халқ мусиқа мероси) ин-ти, Лоҳурдаги «Ал-Ҳамра» санъат маркази, П. мусиқа жамғармаси ва б. муассасалар миллий мусиқа санъатининг ривожланишида катта аҳамиятга эгадир.

100 дан ортиқ фирмаси иштирок этди. 2000 й.да иккала мамлакат ўртасидаги товар айланмаси 8,5 млн. АҚШ долларига етди. Ўзбекистон П.га тери, пилла чиқиндиси, шойи газлама, шиша, хрусталь, енгил саноат учун машина ва асбоб-ускуналар, айрим озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт қилади. П.дан эса тайёр кийим, пойабзал, чарм маҳсулотлари, тамаки, какао, шакар олади. Ўзбекистонда бир неча Ўзбекистон — П. қўшма корхонаси ишлаб турибди.

Ўзбекистон — П. дўстлик жамияти (1991 й.дан) иккала мамлакат ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришда салмоқли ўрин эгаллайди. Ишбилар-

ри қабила иттифоқларига бирлашган. Немис агрессиясига қарши кураш олиб боришган, бу агрессия натижасида 12-а.нинг 2-ярмида П.с. ерлари босиб олинган; П. с., асосан, қириб ташланган ёҳуд немислашиб кетган. Лужишаликлар ўзларига хос турмуш тарзини сақлаб қолишган.

ПОЛВОН ДАРВОЗА — Хива ш.даги *Ичан қалъа*нинг шарқий дарвозаси (1806). Дарвоза бош тарзи пештоқ-равоқли, ёғоч дарвозанинг 2 ёнига гулдаста-минора ишланган. Дарвоза тепасида ва гулдаста қафасасида равоқли дарчалар бор. Пештоги

кўпинча 3 кўринишли бўлган. Биринчисида П.к.нинг Бичахон исмли қизини севиб қолиши, учрашуви ва уйланиши, иккинчисида ўз ити томонидан таланишти, учинчисида П.к. б-н Судхўр ўртасидаги тўқнашув акс эттирилган. П.к. ҳам кулгили ҳолатларга тушиб қолувчи, феъл-атвори ҳам зиддиятли қаҳрамон. У бутун зиддияти, ижобий ва салбий белгилари б-н ҳаётий, халқчилдир. У ҳамиша хушчақчақ ҳолда ҳаётида учраган тўсиқларни енгиб ўтган, ёмон амалдор ва судхўрларни фош этган, адолат ва ростгўйликни ҳимоя қилган.

тўпламларида сақланади. П. яратган нақш мужассамотлари (асосан, ислимий) мураккаб ва жозибадор бўлиб, ўймаларининг чуқ. 2 мм.дан 30 мм.гачадир.

ПОЛВОНТОШ — Андижон вилояти Марҳамат туманидаги шаҳарча (1947 й.дан). Адирлар ўртасида жойлашган. Вилоят марказидан 30 км, туман марказидан 17 км. Яқин т.й. станцияси — Асака (15 км). Аҳолиси 6,7 минг кишидан зиёд (2003), асосан, ўзбеклар, шунингдек, татар, рус, қирғиз, тожик ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. П. 1940 й.да нефть кони очилиши муно-

сабати б-н кончилар шаҳарчаси сифатида вужудга келган. П. атрофидан нефть ва газ қазиб олинади. Пойабзал ф-каси, 2 умумий таълим мактаби, касб-ҳунар коллежи, тиббий санитария қисми, Полвонтош санаторийси (110 ўринли) мавжуд. П. — Асака, П. — Марҳамат йўналишида автобуслар қатнайди.

ПОЛВОНТОШ НЕФТЬ-ГАЗ КОНИ — Андижон вилоятидаги кон. Полвонтош антиклиналь бурмасида жойлашган. Разведка-пармалаш ишлари 1942 й. бошланган. Полвонтош бурмаси жан.-ғарбдан шим.-шарққа йўналган бўлиб, палеоген ётқизиқлари бўйича уз. 5 км, эни 1,1 км. Шим.-ғарбий қаноти 20—25°, жан.-шарқий қаноти 50—70° эгилган. Бурмани кесиб ўтган тектоник синиқлар уни бир неча қисмларга ажратиб туради. Кон юра, палеоген, неоген даврларига мансуб жинслардан тузилган. Юра ётқизиқлари конгломерат, қумтош ва гиллардан таркиб топган. Қалинлиги 160—215 м. Бўр ётқизиқлари қуйи ва юқори бўлимлардан иборат. Қуйи бўр ётқизиқларида тўқ яшил, кўнгирсимон-қизил ҳар хил донали қумтош ва гиллар бор. Қалинлиги 330—410 м. Юқори бўр ётқизиқлари қизғиш гил, қумтош, оҳактош ва доломитдан ташкил топган. Қалинлиги 720—850 м. Палеоген ётқизиқларининг қуйи қисми оқ гипсдан, яшил-кулранг қумтош ҳамда кулранг оҳактошдан тузилган; ўрта қисми — яшил, қизил гил ва оч кулранг оҳактошлар, устини қизил ранг гил қоплаган. Палеоген ётқизиқларининг умумий қалинлиги 635—715 м. Неоген ётқизиқлари қизғиш жигарранг қумли гиллардан, оч пушти, оч кўнгир гиллардан иборат. Умумий қалинлиги 520—650 м. Юра, бўр, неоген қатламларида нефть ва газ бор.

П.н.-г.к. нефтининг зичлиги 834—874 кг/м³, таркибидаги олтингугурт 0,15—0,32%, парафин 5,7—7,4%. Газ таркибида 78,3—79,30% метан, 0,02% олтингугурт, 0,15—0,43% карбон кислота, 7,1—13,2% азот газлари бор.

ПОЛВОНҚОРИ МАДРАСАСИ — Хивадаги меъморий ёдгорлик. Хивалик савдогар Полвонқори қурдирган (1905). П.м. шаҳарнинг жан.-шарқий қисмида жойлашган. Мадраса бош тарзи шим. га қараган. Бурчакларига гулдаста ишланган. Бош тарзида дарсхона ва масжид, ўртада гумбазли миёнсарой бор. Миёнсарой орқали ҳовлига ўтилади. Ҳовли атрофини балхи гумбазли ҳужралар эгаллаган. Пештоғи кўк рангли «бантак» услубида безатилган, юқориси икки қаторли шарафа б-н якунланган.Гулдаста қуббалари мовий рангда. Мадраса олдида алоҳида минора қад

Полвонқора мадрасаси минораси

кўтарган. Унда гиштлардан безакли белбоғлар ҳосил қилиниб юқориси қуббали қилиб якунланган.

ПОЛЕСЬЕ ПАСТТЕКИСЛИГИ, Полесье — Белоруссия, Украина ва РФдаги пасттекислик. Шарқий Европа текислигининг ғарбий қисмида, Припять, Днепр ва Десна дарёларининг ҳавзасида жойлашган. Белоруссиянинг жан. вилоятларини Белоруссия Полесьеси, Украинанинг шим. вилоятларини Украина Полесьеси ва РФ нинг бир қисмини (Брянск вилояти) — Брянск-Жиздра Полесьеси эгаллаган. Умумий майд. 270 минг км². Бал. 150—200 м. Иқлими мўътадил. Январнинг ўртача т-раси —4° дан —8° гача, июлники 17°—19°. Йилига 550—650 мм ёғин тушади. П.п.нинг катта қисми ботқоқлик, кўл кўп. П.п.нинг 1/3 қисмига яқини ўтлоқ. П.п.да мелиорация соҳасида кўпгина ишлар қилинган. Жавдар, арпа, бугдой, зигир, картошка, сабзавот, ем-хашак экинлари экилади. Муҳим фойдали қазилмалари: нефть, қўнғир кўмир, торф, калий тузлари.

ПОЛЗУН (русча ползать — сирпанмоқ), крейцкоф — тўғри чизиқли ва ёйсимон йўналтиргичлар бўйлаб илгарилама-қайтма ҳаракат ҳосил қилиш учун ишлатиладиган деталь; кривошип-шатунли ва кулисали механизмларнинг звеноси. Металл кесиш станоклари (кўндаланг рандалаш, текис силлиқлаш ва б.) да П. кескични олдинга ва орқага ҳаракатлантиради. Ички ёнув двигателлари, поршенли компрессорлар ва б.да П. вазифасини *поршень* бажаради.

ПОЛЗУНОВ Иван Иванович [1728, Екатеринбург — 1766, Барнаул] — рус теплотехниги. *Иссиқлик двигатели* ихтирочиларидан бири. Россияда биринчи бут-куч қурилмасини яратган. Биринчи рус кон-завод мактабини тугатган, металлургия ғ-дарида ишлаган. М.В *Ломоносов* ишлари б-н танишган, бут насос қурилмалари тузилишини ўрганган. 1763 й. универсал бут двигатели (қуввати 1,8 от. к. — 1,3 кВт) лойиҳасини ишлаб чиққан. 1766 й. иккинчи лойиҳани тузиб, иссиқлик-куч қурилмасини яратган.

ПОЛИ... (юн. polys — кўп, кўпгина, кент) — ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, бирор нарсанинг кўплигини, таркибан хилма-хиллигини кўрсатади (мас., *полиэтиленлар, полиангидрит, полимерлар*).

ПОЛИАКРИЛАТЛАР — акрил кислота эфирларининг полимерлари. Умумий формуласи $[-CH_2-C(R')(COOR)-]_n$, бу ерда R'—H ёки CH_3; R — алкил ёки арил радикали. П.нинг баъзилари қаттиқ, қайишқоқ, шаффоф, баъзилари анча юмшоқ, каучуксимон, мумсимон маҳсулотлар. Ультрабинафша нурларини ўтказиш хоссаси кварникиника яқинлигини 1150—1250 кг/м³. Кимёвий жиҳатдан барқарор, ёруғлик, кислород, бензин ва мойлар таъсирига чидамли, органик эритувчилар ва ўгитларнинг мономерларида яхши эрийди. Акрилатларни сувли муҳитда (эмульсия усули), массада (блокли усул) ва эритувчида пероксид инициаторлар иштирокида полимерлаш усули б-н олинади. П. тиббиётда, мас., контакт линзалари, сунъий тишлар ва б. протезлар тайёрлашда, сувли дисперсиялари терига ишлов бериш, қоғоз, тахта ва матога шимдирилувчи таркиблар сифатида, лок-бўёқ материаллар ва елимлар олишда қўлланади.

ПОЛИАКРИЛОНИТРИЛ $[-CH_2-CH(CN)-]_n$ — акрилонитрилнинг оқ рангли чизиқли полимери. Мол. м. (30—100)·10³; зичлиги 1140—1170 кг/м³. Юмшаш т-раси 220—230°. Одатдаги эритувчилар, ёғлар таъсирига чидамли. Диметилформамид, диметилацетамид, этилен- ва пропиленкарбонат, концентрланган нитрат ва сульфат кислоталарда эрийди. Атмосфера шароитига ва ёруғлик таъсирига чидамли. Саноатда П. акрилонитрилни гетероген (сувли дисперсияда) ёки гомоген (эритмада) радикал полимерлаш усули б-н олинади. Ишлаб чиқарилган П.нинг асосий қисми *полиакрилонитрил толалар* олишга кетади.

ПОЛИАКРИЛОНИТРИЛ ТОЛАЛАР — полиакрилонитрил эритмасидан ёки таркибида 85% акрилонитрил бўлган сополимерлардан тайёрланадиган синтетик толалар. Метилакрилат, метилметакрилат, винилацетат, метакриламид, 2-винилпиридин, 2-метил-5-винилпиридин, винилпирролидон, итакон кислота ва б. сополимер учун компонент сифатида ишлатилади. Бу компонентлар П.га турли хил ранг бериш, қайишқоқ қилиш имконини беради. П.т. трикотаж маҳсулотлари, декорация ва техник газламалар тайёрлашда ишлатилади. Кўпгина давлатларда қўйидаги номда ишлаб чиқарилади: нитрон (МДҲ мамлакатлари); орлон, амрилон, креслон (АҚШ); крилор (Франция), вольприла, редон, долан (ГФР), куртель (Англия), кашмилан (Япония) ва ҳ.к.

ПОЛИАМИД ТОЛАЛАР — полиамидлар эритмасидан тайёрланадиган синтетик толалар П.т. олиш учун, одатда, мол. м. 15000 дан 30000 гача бўлган чизиқсимон полиамидлардан фойдаланилади. П.т. ишиқ, жуда қайишоқ, ейилмайди, кўпгина кимёвий моддалар таъсирига чидамли, ўнга бўёқ олади. Концентрланган минерал кислоталарда (айниқса, қайнатилганда), фенол, крезол ва б.да эрийди. Бир хил толалар термооксидланишга, ёруғликка, айниқса, ультрабинафша нурларга чидамсиз; бу камчиликларни бартараф қилиш мақсадида полиамидга турли микроқўшимчалар (турли металл тузлари, ароматик аминлар ва ҳ.к.) қўшилади. П.т.ни тайёрлаш технологик жараёни 3 босқичдан: полимерни синтез қилиш, толани шакллантириш ва ишлов беришдан иборат. П.т. нинг қўйидаги турлари бор: Полигексаметиленадипинамид толаси — анид (МДҲ мамлакатлари), найлон (АҚШ), перлон, дедерон (ГФР), маранил, лурон (Англия). Поли-ε-капроамид толаси — капрон (МДҲ мамлакатлари), нейлон, капролон (АҚШ), перлон (ГФР), силон (Чехия), амилан (Япония), акулон (Голландия), грилон (Швейцария), Поли-w-энантоамид толаси — энант (МДҲ мамлакатлари), найлон (АҚШ). Поли-w-ундеканамид толаси — ундекан (МДҲ мамлакатлари), найлон (АҚШ), ролсин (Англия), рильсан (Франция, Италия). П.т. узлуксиз ип ва штапель тола ҳолида чиқарилади.

ПОЛИАМИДЛАР — макромолекуласининг асосий занжирида такрорланадиган —CO—NH— гуруҳи тутган синтетик полимерлар. Кимёвий тузилишига кўра карбозанжирли ва гетерозанжирли бўлади. Карбозанжирли П. макро-молекуласининг асосий занжири фақат углерод атомларидан тузилган, амид гуруҳлари эса тармоқларда жойлашганлиги сабабли (мас., полиакриламид) уларни, одатда, П.га тааллуқли деб ҳисобланмайди. Гетерозанжирли П. да CONH гуруҳи макромолекуланинг асосий занжирида жойлашган бўлади. Гетерозанжирли П. муҳим аҳамиятга эга. Улар *поликонденсатлаш* ёки *полимерланиш* усуллари б-н олинади. Кимёвий тузилишига кўра, оқсиллар ва целлюлозалар ҳам П., аммо тузилиши ва хоссалари «одатдаги» синтетик П.дан кескин фарқ қилганлиги учун уларни алоҳида синфга ажратилади.

П. оқ ёки оқиш-кулранг рангли шохсимон қаттиқ моддалар Суюқланиш тераси 150 дан 430° гача. Баъзи П. қовушоқ суюқликлар (смолалар). Мустаҳкамлиги, қаттиқлиги, эластиклиги, ейилишга, иссиққа, кимёвий реагентлар таъсирига барқарор.

П. синтетик толалар, плёнкалар, локлар, сунъий чарм олишда, фотография эмульсияларн тайёрлашда, машинасозликда, электр-радио қурилмаларн, антифрикцион ва б. турли деталлар тайёрлашда қўлланади.

ПОЛИАНДРИЯ (*поли...* ва юн andros — эр), кўп эрлилик — гуруҳли никоҳнинг камдан кам учрайдиган шакли, унда аёлнинг бир неча эри (одатда, ака-укалар) бўлади. Асосан, матриархат даврига хос. Бу даврда ҳар бир аёлнинг бир неча эри бўлган. П.да хотинлар эркин эр танлаганлар, эр-хотинлик, оила тургун бўлмаган. П.нинг қолдиқлари сақланиб қолган.

ПОЛИАРТРИТ (*поли...* ва *артрит*) — бир неча бўғимларнинг бир вақтда ёки кетма-кет яллиғланиши. Мустақил касаллик (инфекцион носпецифик — шунингдек, *ревматизм, сепсис, подагра*, баъзан *бруцеллёз, сил, захм* каби юқумли касалликлар оқибатида рўй берувчи касалликлар оқибатида рўй беради. Касалликнинг турига, организмдаги реакциясига, жароҳатнинг оғирлигига кўра, зардобли, йирингли, некротик П. фарқ қилинади. Ўткир ва сурункали бўлади.

Ўткир П. 2 га бўлинади: ревматик П. — бунда бўғимларнинг яллиғланиши кўпинча зардобли, фибринли бўлиб, яллиғланиш бир бўғимдан иккинчи бўғимга ўтади ва майда бўғимларга тарқалади; эпидемик П.— бунда бемор иситмалайди, қувватсизланади, бўғимлар оғрийди, шишади, териси қизаради, оёқ-қўл бармоқларига сув чечакларига ўхшаш тошмалар тошади, ҳаракати четараланади.

Сурункали П.га организмда моддалар алмашинувининг бузилиши, ички секреция безлари функциясининг ўзгариши, муртакларнинг яллиғланиши сабаб бўлади. П.га сабаб бўлган асосий касалликка даволанади, антибиотиклар, антигистамин препаратлар берилади, оғриқ қолдирувчи воситалар ва физиотерапия қўлланади (яна қ. *Артрит*).

ПОЛИБИЙ (Polybios) (мил.ав тахм. 201— Мегалополь, Аркадия — мил. ав. тахм. 120) — юнон тарихчиси. 40 китобдан иборат «Умумий тарих» асари б-н машҳур. Асар Юнонистон, Македония, Карфаген, Миср, Сурия ва Римнинг мил. ав. 220—146 йиллар орасидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўз ичига олади. Бизгача унинг I—5-китобларигина етиб келган. Асар далилий маълумотларга бойлиги, воқеаларнинг нисбатан холисона ёритилиши б-н алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур асарда Оке (Амударё) ва Яксарт (Сирдарё) ҳақида, Антиох I нинг Бақтрия подшоси Евтидемга қарши ҳарбий юриши ҳақида муҳим маълумотлар бор.

Ас.: Всеобщая история в 40 кн., пер. с греч. Ф. Г. Мищенко, т. 1—3, М., 1890—99.

Ад.: Аҳмедов Б., Ўзбекистон тарихи манбалари, Т., 2001.

ПОЛИВАНОВ Евгений Дмитриевич [1891.28.2 (12.3), Смоленск — 1938. 25.1, Москва] — рус шарқшунос олими. Бир пайтнинг ўзида Шарқ академияси (япон тили бўйича, 1911) ва Петербург ун-тининг тарих-филология ф-тини тугатган (1912). Петербург ун-тида япон тили бўйича приват-доцент (1914 —16), Ташқи ишлар халқ комиссарлиги (1917—18), Шим. вилоят Ахборот бюросининг шарқ бўлими (1920) сингари турли муассасаларда хизмат қилган. 1921 й. П. Тошкентга ишга юборилган ва Туркистон Республикаси Давлат илмий кенгаши раисининг ўринбосари ҳамда ун-т профессори сифатида хизмат қилган. 1923 й.дан бошлаб Ўрта Осиё халқлари тиллари б-н фаол шуғулланган. 1926 й.да Самарқандга келиб, Маданий қурилиш и.т. ин-тида хизмат қилади. 1931 й. шу институт б-н бирга Тошкентга кўчиб келади. Ниҳоят, 1934 й. Қирғизистонга кўчиб бориб, 1937 й. 2 авг.да ҳибста олингунга қадар. Қирғизистон Тил ва ёзув ин-ти профессори лавозимида ишлайди.

П. Осиё ва Европадаги кўп халқлар тилларини билган. У лингвистик полемика масалаларида, сюжетларининг бир маромдаги алгебрадан иккинчи даражали алгебрага кўчишда. «Манас» эпосига оид фольклор асарларини усулга солиш принципларини ишлаб чиққан. 20 дан ортиқ китоб ва кўплаб мақолалар муаллифи. Умумий тилшунослик, индоевропашунослик, хитойшунослик ва туркийшунослик фанлари тараққиётига катта ҳисса қўшган. Унинг хали эълон қилинмаган, аммо сақланиб қолган мероси орасида Ўзбекистондаги диалектологик экспедициянинг материалларини тайёрлаши жонз. Афсуски, П. қамоққа олингач, унинг барча қўлёзма асарлари олиб кетилган ва кўпларибўтасланган («Ўзбек тилининг тарихий тарихи», «Хоразмдаги ўзбек шеваларининг мухтасар очерки», «Ўзбек тили грамматикаси бўйича материаллар», «Ўзбек диалектологияси бўйича материаллар» ва б.)

ПОЛИВИНИЛ СПИРТ $[-CH_2-CH(OH)-]_n$ — оқ рангли қаттиқ полимер модда. Мол. м. 15—200)·10³. Суюқланиш т-раси 225—230°, парчаланиш т-раси 170—230°; зичлиги 1270—1300 кг/м³; гигроскопик. Сувда, глицерин ва этиленгликолда эрийди, бензин, бензол ва ҳ.к.да деярли эримайди. П.с. ўзининг кўпгина мураккаб полиэфирлари (мас., полиэтилентерефтаратни гидролизлаб олинади. Поливинилацеталлар олишда қўлланади. Тола, эмульгатор, елим, дорилар ва озиқ-овқат маҳсулотларини қуюлтиргичлар сифатида, хирургия иплари ва ҳ.к. тайёрлашда ишлатилади. П.с. плёнкалари пишиқ, газ ўтказмайди, озонга чидамли.

ПОЛИВИНИЛАЦЕТАТ (поливинилат, винилит, Х, раалопас) $[-CH_2CH(OCOCH_3)-]_n$ — шаффоф, рангсиз, аморф полимер. Мол. м. 10000 дан бир неча млн. гача (олиниш шароитига кўра). Юмшаш т-раси 30—50°, зичлиги 1190 кг/м³. Кетонлар, мураккаб эфирлар, ароматик углеводородлар ва метанолда яхши эрийди. Сув, алифатик углеводородлар, бензин, минерал мойлар ва гликолларда эримайди. Саноатда П. винилацетатни эритмала, эмульсияда ёки суспензияда радикал полимерлаш усули б-н олинади. Елимлар, тикув, қоғоз ва матога шакл берувчи тарқатмалар тайёрлашда, эмульсияли бўёқлар олишда, бетоннинг сифатини оширишда қўлланади.

ПОЛИВИНИЛХЛОРИД (ПВХ, ассоплаит, хлоталит, винипол, корвик, сольвик, сикрон, жеон, ниппсон, луковил, келжик, норвик ва б.) — винилхлоридларнинг чизиқли термопластик полимери. $[CH_2CHCl]_n$. Оқ рангли порошок, мол. м. (30—150)·10³, зичлиги 1350—1450 кг/м³. 200 дан юқорида парчаланиб, НСl ажратиб чиқаради. ПВХ ажратиб чиқариш миқдорини пасайтириш мақсадида (ишлатиш чегарасини 60° гача кўтариш) унга термостабилизаторлар (масалан, қўрғошин оксидлари, органик қалай бирикмалари ва ҳ.к.) қўшилади. Ишлатиш чегарасини 120° гача кўтариш, ПВХ нинг эластиклигини ошириш ва ишлов беришни осонлаштириш учун унга пластификаторлар (масалан, дибутилфталат, трикрезилфосфат ва ҳ.к.) қўшилади. Ишлов бериш усулига қараб ПВХ нинг эластиклиги ва қаттиқлиги турлича бўлади. Ишлов бериш усуллари: экструзия, каландрлаш, пресслаш, қолипга қуйиш, вакуум-формалаш, пайвандлаш, механик ишлов бериш ва ҳ.к. Ишлов бериш усулига қараб ПВХ дан пленка, плита, қувур, профилли материал, ип, толали материал, ҳар хил буюмлар ва ҳ.к. тайёрланади. Ишлатилиш соҳалари: қурилиш, машинасозлик, электротехника, кимё, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, турмушда ва ҳ.к.

ПОЛИГАЛИТ (поли... + гал(ь)ит) — сульфатлар синфига мансуб минерал. Калий, кальций ва магнийнинг сувли сульфати. Кимёвий таркиби $K_2Ca_2Mg(SO_4)_4 \cdot 2H_2O$. П. да 15,62% K_2O, 18,60% CaO, 6,69% MgO, 53,11% SO_3, 5,98% H_2O бўлади. Тригонал сингонияда кристалланади. Кўпинча донадор, баъзан толали агрегат ҳолида учрайди. Рентгенсиз оқ, кулранг, баъзан гечатит ва гётит аралашмаси қизил-сариғ бўлади. Шишасимон ялтироқ, смолага ўхшаш. Қаттиқлиги 2,5—3,5; зичлиги 2720—2780 кг/м³. Сув таъсирида парчаланиб, *гипс* ажралиб чиқади. Қизитилганда таркибидаги сувни йўқотиб, кимёлоқ бўтиб қолади. Чўкинди туз конларида кенг тарқалган. Калийли ўғит тайёрланда ишлатилади. Ўзбекистондаги туз конларида учрайди.

ПОЛИГАМИЯ (поли... + гр. gamos — никоҳ) — кўп никоҳлилик. Кўпинча «П.» термини кўп хотинлиликни ифодалаш учун нотўғри ишлатилади (қ. *Полигиния*).

ПОЛИГАМИЯ — ҳайвонларда жинслар ўртасида | жинс (одатда, эркаги, баъзан урғочисининг бир мавсум давомида бир неча қарама-қарши жинс б-н қўшилиши.

Уюштирилган конференция — 1 та усимликнинг ўзида 1 турга мансуб ҳар хил ўсимликларда 2 хилдан ва 1 жинс ли гуллар бўлиши

ПОЛИГЕНЛАР (поли... + ген) — бошқа ирсият омиллари ўрнаган ҳолда, ўхшаш фарқ қилдирувчи, лекин бир-биридан мустақил ҳолда кўпайтирувчи ирсий омиллар. Биологик системаларнинг ирсий ўзгарувчанлигини ўрганишда П. ҳақидаги таълимот катта аҳамиятга эга. Чунки молекулар даражада барча генлар дискрет тузилмалар ва функциялларини ажратиб қилади.

ПОЛИГИНИЯ (поли... ва юн. гуне — хотин) — кўп хотинлилик — асосан, патриархатга хос бўлган никоҳ шакли. Айрим халқларда, кўпроқ, мусулмон халқларида сақланиб қолган (қ. *Харам*). Баъзан П. полигамия (кўп никоҳлилик) шаклида ҳам қўлланилади. П. эсланда гуруҳи никоҳнинг вужудга келиши, унда бир уруғнинг барча ёшлари бошқа уруғнинг барча эркакларига умумий хотин ҳисобланган. Кейинчалик даҳлар ўтиши б-н жамият ишлаб чиқарувчи кучлари ва мулкий ҳуқуқ ижтимоий туфайли бир никоҳлик — моногамия ўтилган.

Ўзбекистонда 20-а.нинг 20-й.ларидаги иқтисодий-ижтимоий ва маданий ўзгаришлар натижасида аёлларнинг ижтимоий меҳнатга фаол тортилиши, эркак ва аёлларнинг ўхшашлик тенглиги вужудга келиши б-н хотинларнинг эрларга иқтисодий қарамлиги йўқ қилинган. Ўзбекистон Республикасида

кўп хотинлик бутун қаттиқ қилиб тақиқланган (Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 226-моддасига қ.). Қолган қолдиқлари ҳам тез орада йўқолиб кетади.

Ғ.Ғ. Ғаффоров

ПОЛИГОН (юн. polygonos — кўпбурчакли ва ...метрия) — ёр сиртидаги нуқталарнинг ўзаро назоратини аниқлаш усулларидан бири. Сервиркет ва кўп бигизли жойларда *триангуляция* ўрнига қўлланилади. Геодезик таянч шохобчаларини (қ. *Геодезик нуқта*) ёпишда кўл келади. Полигонометрик тармоқлар ва қаторларнинг аниқлиги ҳамда назоратга қараб, П. триангуляция галаёларига жавоб берадиган 4 синфга бўлинади. Геодезик таянч шохобчаларни ёрдамида топографик съёмкаларнинг ҳаммаси ҳам, ҳатто ер юзасининг ўзи ҳам текис бўлмаган ҳудудларда ҳам, П. усулида ишлаш анча қулай. Бу усулда ишлаш учун пунктлари ўзаро кўринадиган бир-бирига яқин 2 та нуқта танлаб олинади. Пункт — танлаб олинган нуқталарга шу пунктларни белгилаштирувчи тўғри чизиқлар геометрик қоришмаларни ҳосил қил

тириш ва б. тадбирлар б-н боғлиқ. Ўзбекистонда П. муаммолари б-н асосан, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат ин-тида, Усмон Носир номидаги матбаа коллежида шуғулланилади.

ПОЛИГРАФИЯ САНОАТИ — босма маҳсулотлар (китоб, газета, журнал, география хариталари, плакат, бланкалар, этикетка ва б. матбаа маҳсулотлари), босма шаклдар (муҳр ва турли штампларни ясаш ва макетларни тайёрлайдиган *корхона (босмахона)*лар тармоғи; *нашриёт*нинг моддий-техника базаси.

Ўзбекистон ҳудудида П.с.нинг илк корхоналаридан 1-тошбосма Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II (*Феруз*)нинг ташаббуси б-н 1874 й.да (Хива) иш бошлаган. Унда маҳаллий матбаачи Отажон *Аббалов* томонидан 1876 й.да тошбосма (литография) китоблар — Абдуносир Фароҳийнинг «Нисоб ус-Сибён» асари ва 1880 й.да Алишер Навоийнинг «Хамса»си («Ҳайрат ул-аброр қисми) ва б. асарлар нашр этилган. Кейинроқ, 1898 й.да Туркистон ҳарбий округи штаби ҳузурида (Тошкентда) янги, анча такомиллаштирилган босмахона ташкил этилган. 20-а. бошида матбаа маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларнинг ошиб бориши б-н полиграфия корхоналарининг сони кўпайди. 1920 й.га келиб Тошкентда 15 та, Самарқандда 8 та, Каттақўрғон, Қўқон, Фарғона ва б. шаҳарларда 3 тагача кустарь босмахоналар бўлган. 20-й.лардан сўнг майда матбаалар бирлаштирилиб, йирик корхоналарга айлантирилди, техника воситалари б-н қайта жиҳозланди. 1922 й.да Тошкентда энг сўнгги машиналар б-н жиҳозланган 1-намунали босмахона ташкил топди. 1924 й.ларда ЎзССР ХКС ҳузурида нашриёт ва полиграфия ишини бошқарувчи матбуот бошқармаси тузилди. 1955 й.га келиб республикада 141 П.с корхонаси бор эди. 1963 й. 13 сент.да ЎзССР Министрлар Совети ҳузурида Матбуот комитети ташкил этилди (1978 й.дан Ўзбекистон Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети, 1990 й. 24 январдан Давлат матбуот қўмитаси). 1960—75 й.ларда П.с. жадал юксалди, ж.ч. қувватлари ошди ва тармоқ корхоналари қайта жиҳозланди. Бу йилларда Тошкент ва Нукус полиграфия к-тлари, «Фан» нашриёти босмахонаси қурилиб, ишга туширилди. Офсет босма ф-каси, Ўзбекистон Компартияси Марказий комитети нашриёти (ҳоз. «Шарқ»нашриёт-матбаа акциялорлик компанияси) босмахоналари қайта қурилди.

§. 30 босма машинаси. Тошкент матбаа комбинати

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг П.с.да туб ислоҳотлар амалга оширилиб, соҳада хусусий сектор шаклланди. Давлат матбуот қўмитасига қарашли босмахоналарнинг аксарияти хусусийлаштирилди ва мустақил полиграфия корхоналари тармоғи вужудга келди. Полиграфия ишларини кенг кўламда ривожлантириш мақсадида 2002 й. 3 июлда ЎзР Давлат матбуот қўмитаси Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига айлантирилди. Республикада 800 дан иёл матбаа корхоналари мавжуд (2003). Уларнинг 125 таси Матбуот ва ахборот агентлиги тизимида, 85 таси вазирликлар ва давлат идоралари таркибида, 25 таси қўшма корхоналар ва 500 дан иёли хусусий, маъсулияти чекланган жамият, шўъба корхоналари шаклида. Уларда замонавий компьютерларда матн терими, маҳсулотларни тезкор усулларда ва юқори сифатда чоп этиш тармоқлари мавжуд. Матбаа ва ахборот агентлиги тизимида фаолият кўрсатаётган 125 матбаа корхоналарининг 6 тасини республика, 10 тасини вилоят, 109 тасини шаҳар ва туман босмахоналари ташкил этади. Тизимдаги 6 та босмахона юқори сифатли китоб босиб чиқаришга ихтисослашган. Уларда чоп этиш ҳамда муқоваланишни ишлари «Шарқ», «Коросет», «Ульграсет», «Планета», «Хейделберг», «Колбус», «Зиклих», «Адаст» синтари фирмаларининг рулонли ва варақли чоп этиш машиналари ҳамда агрегатларида амалга оширилади. Ўзбекистон П.с.да Тошкент матбаа к-ти, Тошкент 1-босмахонаси, Тошкент ранли босма фабрикаси, Тошкент китоб-журнал ф-каси, Янгиюл китоб ф-каси ва «Растр» қўшма корхоналари самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари, *«Давлат белгиси» ишлаб чиқариш бирлашмаси*, «Янги аср авлоди» босмахонаси, Тошкент матбаа мажмуаси ва «Гронекс» қўшма корхоналари бор. Республика П.с. корхоналарида йилига ўртача 20 млн босма табоқ, 82 млн. нусхада китоб ва китоб маҳсулотлари, қарийб 7—10 млн. нусхада газ. ва журнлар, йилига 10 млрд. сўмлик этикетка ва б. босма маҳсулотлари чоп этиш қувватлари мавжуд. Республикада ишлаб чиқилаётган ноозиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмининг 30 фоизи, қоғоз халталарнинг 50 фоизи, картон қутиларнинг 70 фоизи, полиграфия машиналарининг 40 фоизи, босма ва ёзув қоғозларининг 20 фоизи, ўқув дафтарларининг 50 фоизи, ёзув қаламларининг 30 фоизи, ручкаларнинг 10 фоизи, ўқув қўлланмаларининг 50 фоизи, ўқув-услубий адабиётларнинг 30 фоизи, ўқув плакатларининг 50 фоизи, ўқув-методик адабиётларнинг 30 фоизи, ўқув-методик плакатларнинг 50 фоизи, ўқув-методик қўлланмаларининг 30 фоизи, ўқув-методик дастур

усулларда ва юқори сифатда чоп этиш тармоқлари мавжуд. Матбаа ва ахборот агентлиги тизимида фаолият кўрсатаётган 125 матбаа корхоналарининг 6 тасини республика, 10 тасини вилоят, 109 тасини шаҳар ва туман босмахоналари ташкил этади. Тизимдаги 6 та босмахона юқори сифат-

ҳам босмахоналарини қайта техник жиҳатдан, замонавий офсет машиналари, рақамли чоп этиш технологияларини жорий этиш дастури қабул қилинган.

Матбаа соҳаси учун мутахассислар Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат ин-тининг матбаачилик ф-ти, Усмон Носир номидаги Тошкент матбаа коллежи ҳамда Тошкентдаги 1-бизнес мактабида тайёрланади.

Чет эллардa П.с. корхоналари йирик замонавий нашриёт корпорациялари ва фирмалари б-н алоқага эга ва аксарият ҳолларда уларга тегишлидир. П.с. АҚШ, Германия, Япония, Буюк Британия, Италия, Канада ва б. мамлакат-

Кавказда ҳам учрайди. Қўнғизи 7—8 мм катталикда. Танасининг паст томони ясси, усти қабариқ, ранги қизил-қўнғир. Қаноти устида 6 тадан қора доғи бор. Ургочи қўнғизи полиз ўсимлиги баргининг пастки томонига 50 тагача тухумини гуж қилиб қўяди. Тухумларидан 3—4 кунда личинкалар чиқади. Личинкаси ривожланиш даврида 3 мар-



1 *2*

Полиз қўнғизи: *1* — қўнғизи. *2* — личинкаси.

5,5° — тетрабром ёки 3,5', 5,5'-тетраметилбисфенол А асосидаги аралаш П. Бисфенол А (гомополикарбонат) асосидаги П. — аморф рангсиз полимерлар; мол. м. (20—120)·10³, шаффоф. Ундан тайёрланадиган 3 мм қалинликдаги пластинка 88% ёруғликни ўтказади, деструкцияланиш т-раси 310—320°. П. физик-механик хоссалари мол. м. катталигига боғлиқ. Мол. м. 20 мингдан кичик бўлган П. мўрт, мустаҳкамлиги паст, мол. м. 25 мингдан юқори бўлган П. эса механик мустаҳкамлиги ва эластиклиги юқори биологик инерт поли-

П.да терапевт, хирург, невролог, ревматолог, гинеколог, ЛОР хизмат қилади; П. таркибида физиотерапия ва функционал диагностика бўлимлари, лаб., дорихона ва б. бўлади. Шаҳар ва туман П.лари, шунингдек, ихтисослашган стоматология, физиотерапия П.лари ҳам бор. Ҳоз. замонавий диагностика воситалари б-н жиҳозланган оилавий П.лар бўлиб, булар болалар ва катталарга тегишли ёрдам кўрсатади. Йирик шаҳарларда талабаларга хизмат қиладиган махсус П.лар ҳам мавжуд.

ПОЛИКОНДЕНСАТЛАНИШ (юн. polys — кўп сонли ва *конденсатиш*) — би - ёки полифункционал мономер ва (ёки) олигомерлар таъсирида полимерлар синтез қилиш жараёни. Бунда полимер б-н бир қаторда сув, спирт, аммиак, водород галогенид, тегишли тузлар ва шунга ўхшаш қуйи молекулали моддалар ажратиб чиқади.

П. реакцияси гомополиконденсатланиш ва гетерополиконденсатланишга бўлинади. Гомополиконденсатланишда бир модданинг 2 хил функционал гуруҳи ўзаро реакцияга киришиб, полимер ҳосил қилади. Бундай реакцияга аминокислоталар, аминоспиртлар ва оксикислоталарнинг поликонденсатланиши мисол бўла олади (мас., аминокапрон кислотадан поликапролактам ҳосил бўлиши). Гетерополиконденсатланиш реакциясида функционал гуруҳлари бир хил бўлган бифункционал гуруҳли 2 модда қатнашади. Гексаметилендиамин ва адипин кислотадан полигексаметиленадипинамид ҳосил бўлиши бундай реакцияга мисол бўла олади. Бифункционал бирикмаларнинг поликонденсатланиши натижасида фақат чизиқсимон полимерлар ҳосил бўлади. Бундай жараён чизиқсимон поликонденсатланиш дейилади. Реакцияга киришаётган мономерларнинг бирида 3 ва ундан ортиқ функционал гуруҳлар бўлиши поликонденсатланиш реакциясини мураккаблаштирали ва тўрсимон ҳамда фазовий тузилишга эга бўлган макромолекулалар ҳосил қилади. Бу жараён фазовий поликонденсатланиш дейилади. П. жараёнининг табиат ва техникадаги аҳамияти катта. П. ва унга ўхшаш реакциялар муҳим биополимерлар — *оқсиллар, нуклеин кислоталар, целлюлоза* ва ҳ.к. биосинтезининг асосини ташкил этади.

П. реакциялари юқори молекулали бирикмалар *(полиамидлар, полиэфирлар, поликарбонатлар,* фенол-формальдегид, мочевина-формальдегид, меламин-формальдегид смолалар, кремний органик ва махсус хоссали полимерлар) олишда қўлланади.

ПОЛИКРАТ (? — мил. ав. тахм. 523 ёки 522) — Самос о. тирани (ҳокими; тахм. 540 й.дан). Давлат миқёсида тангалар зарб этган, қурилиш ишлари олиб борган, ҳарбий ва савдо флоти, шунингдек, армия тузган; Кичик Осиё ва Эгей денгизи оролларидаги шаҳарлар б-н савдо йўлига эгалик қилиш учун курашган.

ПОЛИКРИСТАЛЛАР — тартибсиз жойлашган ва бир-бирига киришиб кетган кўп сонли майда кристаллардан ташкил топган қаттиқ жисмлар. Табиатда учрайдиган ва синтез усули б-н олинадиган кўпгина материаллар (юз жинслари, металлар, қотишмалар ва ҳ.к.) П. ҳисобланади. П. хоссалари уни ташкил қилган кристалл заррачаларининг хоссалари ва ўлчамларига (1—2·10⁻⁴ мкм дан бир неча мм гача), уларнинг ориентацияси ва чегараларининг тузилишига боғлиқ. Агар кристалл заррачалари тартибсиз ориентацияланган ва уларнинг ўлчами П. ўлчамидан кичик бўлса, П.да монокристалларга хос анизотропия хусусияти вужудга келмайди. Агар кристалл заррачалари маълум даражада кристаллографик ориентацияланган бўлса, П. текстурланган ҳисобланади ва у анизотропия хусусиятига эга бўлади. Кристалл заррачалари чегараларининг кўшилиб кетиши П. нинг физик, аниқса, механик хоссаларига таъсир қилади; чегараларда ўтказувчан электронларнинг сочилиши, *дислокацияларнинг* сусайиши ва ҳ.к. кузатилади.

ПОЛИМЕРБЕТОН, пластобетон — боғловчи моддалари органик полимерлардан иборат цементсиз *бетон.* П. тайёрланда боғловчи моддалар сифатида, асосан, термореактив смолалар (мас., фуран, тўйинган эфир, карбамид, эпоксид смолалар ва б.), баъзан термопластик смолалар ишлатилади. Тўлдиргичлар (лагал дисперс тўлдиргичлар) сифатида ўлчами 5 мм гача бўлган кварц қуми, гранит, базальт тошларининг 50 мм гача майдаланган бўлакчалари қўлланади. Тайёр маҳсулотларнинг таннархини ва боғловчи моддалар сарфини камайтириш, хоссаларини яхшилаш мақсадида П. таркибига ўлчами 0,15 мм гача бўлган майда дисперс тўлдиргичлар (барит, кварц, андезит ва б. тог жинслари уни), шунингдек, пластификаторлар, эритувчилар ва суюлтиргичлар, говак ҳосил қилувчи моддалар (порофорлар), сирт фаол моддалар, антипиренлар, бўяғичлар ва ш.к. киритилади. П. ўта оғир (3,5—4 т/м³), оғир (2,2—2,4 т/м³), енгил (1,6—1,8 т/м³) ва ўта енгил (0,4—0,5 т/м³) хилларга бўлинади. П.нинг хоссалари боғловчи моддаларнинг турига, тўлдирувчи ва тўлдиргичлар фракцион таркибига, аралаштириш ва барча компонентларни зичлаштиришга, шунингдек, боғловчи моддаларнинг қотиш даражасига боғлиқ. П. электролиз ванналари, и.ч. корхоналари полслари учун кошинлар, оқова сувлар учун қувурлар, кимёвий таъсирлар ва емирилишга чидамли конструкцион материаллар и.ч.да қўлланади. П.дан фарқли ўлароқ полимерцемент таркибига асосий компонентлар сифатида 1:0,005—0,2 нисбатда органик боғловчи материал (цемент, гипс, оҳак) ва полимер қўшимчалар (куюла ўрувчан эпоксид, полиэфир, карбамид смолалар, полиизоцианат, латекс ва б.нинг сувли дисперсиялари, гидрофобловчилар (мас., бур, ячейкали қум, тальк) киради. Полимерцемент, асосан, бино ва иншоотлар деворларини сувашда қўлланади.

ПОЛИМЕРИЯ (юн. polymereia — кўп мураккаблик) — генларнинг ўзаро таъсири типларидан бири. П.да бир белгининг ривожланиши бир хилда таъсир этувчи 2 ва ундан ортиқ аллель бўлмаган генларга боғлиқ. П. 1909 йилда швед олими Н.Г. Нильсон-Эле томонидан кашф этилган. Ҳўжалик нуқтаи назаридан қимматли бўлган белгилар, мас., ғунжини бўйи, пояга чиқими, пояга узунлиги, кусагининг оғирлиги, чигитининг етилиши ва б. белгилари П. нинг ирсийланади. Шартли равишда кумулятив ва нокумулятив П.га ажратилади. Кумулятив П.да белгининг фенотипда кучли ёки кучсиз намоён бўлиши генотипда иштирок этаётган доминант аллелларнинг сонига боғлиқ. Миқдорий белгилар кумулятив П. типида ирсийланади. Нокумулятив П.да белгининг фенотипик намоён бўлиши доминант аллелларнинг сонига боғлиқ эмас. Доминант белгининг намоён бўлиши учун генотипда биргина доминант аллелнинг бўлиши кифоя. Биокимёвий даражада П. асосида белгининг ривожланишига таъсир қилувчи биосинтез реакциялари ётади.

ПОЛИМЕРЛАНИШ — қуйи молекулали модда (мономер)ларнинг ковалент боғ орқали бирикиб, юқори молекулали бирикма (макромолекула)лар ҳосил қилиш жараёни. Макромолекуланинг элементар таркиби (унинг чекка гуруҳини назарга олмаганда) мономернинг таркибидан фарқ қилмайди. П.нинг *поликонденсатланиш*дан муҳим фарқи ҳам ана шунда.

Макромолекулада инициаторлар иштирокида фаол марказ (·) ҳосил қилиш П.нинг асосий босқичи ҳисобланади. Бу марказ реакциянинг ўсишини бошлаб юборади ва мономер молекуласини фаол марказга қўшади. Агар бу марказ турғун (узоқ вақт мавжуд бўлувчи) бўлса, П. босқичсимон дейилади. Агар оралиқ маҳсулот турғун бўлмаса (қисқа вақт мавжуд бўла олса), П. занжирсимон дейилади. П.да қатнашувчи фаол марказлар табиатига кўра, П. радикалли ва ионли бўлади. П.да бир вақтда 2 ёки ундан ортиқ турли мономерлар қатнашиши мумкин.

Радикалли П. фақат занжирли механизм бўйича боради. Эркин радикаллар оралиқ фаол маҳсулотларнинг функциясини ўтайди. Этилен, винилхлорид, винилацетат, винилиденхлорид, фторопласт, акрилонитрил, метакрилонитрил, метилакрилат, метилметакрилат, стирол, бутадиен, хлоропрен ва б. радикалли П.га киришадиган мономерларга мансубдир. Радикалли П.ни юқа ҳарорат ва қуйи т-раларда амалга ошириш учун оксидланиш-қайтарилиш инициаторлари ишлатилади. Лаб. амалиётида фотокимевий инициаторлар қўлланади. Радикалли П.ни γ-нурлари, тезкор электронлар, α-заррачалар, нейтронлар ва ҳ.к. таъсирида ҳосил қилиш ҳам мумкин. Бу усулларда инициаторлар радиацион кимёнинг инициаторлари деб аталади.

Радикалли П.да занжир узатилиш реакциясининг аҳамияти муҳим. Бунинг моҳияти шундаки, ўсувчи радикал бирор молекула (занжир узатувчи молекула)нинг атоми ёки бир гуруҳ атомини ушиб олади. Натижада ўсувчи радикал тўйинган валентли молекулага айланиб, кинетик занжирни давом эттиришга мойил янги радикал ҳосил қилади.

Ионли П.да оралиқ фаол маҳсулотлар ионлар, ионлар жуфти ёки қутбланган комплекслардан иборат. Ионли П. занжирли механизм бўйича ҳам, босқичли механизм бўйича ҳам бориши мумкин. Занжирсимон ионли П. катионли ва анионли П.га бўлинади. Катионли П.да ўсувчи занжир учидаги реакцияга киришувчи ионлар мусбат зарядли бўлади. Изобутилен, пропилен, метилстиролл, винилалкил эфирлар, изопрен ва ҳ.к. мономерлар катионли П.га осон киришади. Катионли П.ни паст т-рада амалга оширишда катализаторлар б-н комплекслар ҳосил қилувчи сокатализаторлар (сув, протон кислоталар, спиртлар, галогеналкиллар, эфирлар ва ҳ.к.) ишлатилади.

Цианид винилиден, нитроэтилен, акрилонитрил, метакрилонитрил, акрил ва метакрил эфирлар ва ҳ.к. анионли П.га осон киришади. Координацион-ионли П. олинаётган маҳсулотларнинг хоссаларини аниқ текширишга имкон беради. Бутун дунёда ишлаб чиқариладиган полимерларнинг 3/4 га яқин қисми П. жараёни асосида олинади.

Ад.: Аскаров М. А., Жалилов А. С., Рашидова С. Ш., Трубицына Н., Регулирование процесса радикальной полимеризации, Т., 1975; Исмоилов И. И., Рафиков А. С., Донорно-акцепторный механизм полимеризации, Т., 2003.

Исроил Исмоилов.

ПОЛИМЕРЛАР (юн. polymeres — кўп қисмлардан ташкил топган) — молекулалари *(макромолекулалар)* бир ёки бир неча турли кўп сонли такрорланувчи гуруҳлар (мономер звеноларидан ташкил топган юқори молекуляр масса (бир неча мингдан бир неча миллионгача) қимёвий бирикмалар. Макромолекула таркибидаги атомлар бир-бири б-н асосий ёки координацион валентлик кучи воситасида боғланган.

П. табиий — *биополимерлар (оқсиллар, нуклеин кислоталар,* табиий *смолалар)* ва синтетик *(полиэтилен, полипропилен, фенолформальдегид смолалар)* П.га бўлинади. П. бир хил структурали звеноларидан (мас., поливинилхлорид — CH_2CHCl—) ёки ўзаро навбатлашувчи турли хоссага эга звеноларидан (сополимерлардан ташкил топган бўлади; винилхлорид ва винилацетат сополимерлари бунга мисол бўла олади. Бир неча кичик оддий молекулаларнинг бирикишидан ҳосил бўлган П. олигомерлар деб аталади. Мономернинг 2 молекуласи қўшилишидан ҳосил бўлган молекула димер дейилади. Бундай бирикмалар ўзининг хоссасига кўра, қуйи ва юқори молекулали бирикмалар оралигидаги ўринда туради.

П. молекулалари *полимерланиш* ва *поликонденсатланиш* усуллари б-н ҳосил қилинади. 20-а.нинг 2-ярмидан бошлаб П. синтезининг янги усуллари ишлаб чиқилди, чунончи: а) тайёр П.га бирор янги, қўшимча мономерни кимёвий «пайвандлаш». Бу тайёр П. молекуласининг фаоллашишига ва эркин радикаллар ҳосил бўлишига ёрдам беради. Бунда П.нинг чизиқсимон молекуласига полимерланувчи қўшимча мономер ён тармоқчаси «пайвандланади»; б) икки тайёр П. занжирини кучли механик таъсир остида узиб, макромолекула бўлакларини бириктириб, янги макромолекулалар, яъни «блок полимерлар» ҳосил қилиши. Бу усуллар полимер маҳсулотларининг хоссаларини (пухталиги, кимёвий бардошлилиги, электр ўтказмаслик ва ҳ.к.) ўзгартиришга имкон беради.

П.нинг таркиби ва синтез усулларига кўра, улардан қаттиқ ва эластик, пухта ва мўрт, иссиқ ва совуққа чидамли, кимёвий таъсирларга бардошли ва ҳ.к. хоссага эга бўлган маҳсулотлар олиш мумкин. Маҳсулот ҳосил қилиш учун П.га тўлдиргичлар ва б. моддалар қўшилади. П.нинг муҳим хусусияти шуки, улардан штамповкаланиш, пресслаш каби оддий усулларда буюмлар тайёрлаш мумкин.

П.и.ч. дастлаб мураккаб бўлмаган моддалар, кўмир ва ёғочни қайта ишлаш маҳсулотлари (мас., фенол, формалин ва б.)га асосланган эди. Кейинчалик П. олиш учун нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари, табиий газ, қаттиқ ёқилғиларни қайта ишлаш маҳсулотлари, ёғоч ва турли ўсимлик хом ашёлари чиқиндилари ишлатиладиган бўлди. Хоссасининг яхшилиги ва халқ хўжалигига келтирадиган фойдасининг катталиги ҳамда хом ашё захираларининг кўплиги П.ни кенг кўламда ишлаб чиқаришга имкон берди.

П. хоссасига кўра, қуйидагиларга бўлинади: *каучуклар* — кенг т-ра оралигида қайишқоқлик хоссасини йўқотмайдиган П.; *пластмассалар* — юқори т-рада юмшайдиган ва кенг т-ра оралигида жуда пухта, қаттиқ, нисбатан қайишқоқ П.; синтетик толалар — юқори т-рада (180—200°) юмшайдиган ва шу т-рада пухта ни бўлиб чўзиладиган П.; лок ва *бўёқлар* — ейилишга чидамли, металл, ёғоч ва шишага ёпишадиган, атмосфера ва механик таъсирларга чидамли П. Полимерларнинг хоссаси турлича бўлганлигидан улар қора ва рангли металлар, ёғоч, тош, суяк, шиша ва б. ўрнида ишлатилади. Баъзи бир синтетик П. ион алмашувчи смолалар, қон плазмаси ўрнибосари сифатида, тупроқни структуралашда ва б.да қўлланади.

Ад.: Аскаров М. А., Жалилов А. Т., Синтез неорганических полимеров, Т., 1978; Исмоилов И. И., Жалилов А. Т., Аскаров М. А., Химически активные полимеры и олигомеры, Т., 1993; Махсумов А. С., Исмоилов И. И., Полимерные соли: синтез, свойства, применение, Т., 2002.

Исроил Исмоилов.

ПОЛИМЕТАЛЛ РУДАЛАР (*поли...* ва металл) — кўргошин, рух, мис ва кумуш сульфидларидан иборат комплекс рудалар. Қайси металлининг кўп-озлигига қараб кўргошин-рухли, кумуш-кўргошинли рудалар деб аталади. П.р. эндоген шароитда гидротермал эритмаларнинг кристалланишидан ҳосил бўлади. П.р. сланец, гнейс, оҳактош, туф-сланец, гранитоидлар орасида жойлашиб, турли катталикдаги қатламлар, томирлар, шток, рудали устунлар ва б. шаклларда бўлади. П.р. таркибига пирит, сфалерит, халькопирит, галенит, баъзан кумуш, висмут ва б.нинг сульфидлари киради. Атмосферадаги ҳаво ва намликнинг таъсирида баъзан бирламчи (сульфид) П.р. иккиламчи (оксидланган) П.р.га ўтиши мумкин. Бундай рудаларга церуссит, англезит, пироморфит, смитсонит, каламин ва б. минераллар киради. Ўзбекистонда П.р.

конлари Чатқол, Қорамозор, Қурама тоғларида, мамлакатнинг ғарбий ва жан. қисмида (*Ҳондиза полиметалл руда кони*) жойлашган. Шунингдек, РФ (Урал, Олтой), Қирғизистон, АҚШ, Канада, Австралия, Перу, Япония, ГФР, Испанияда П.р. конлари бор. П.р. кўргошин, рух, мис, кумуш ва б. металлар олиш учун асосий манба ҳисобланади.

ПОЛИМЕТИЛМЕТАКРИЛАТ — метилметакрилатнинг чизиқли термопластик полимери. Умумий формуласи:

Бу ерда *R* — алифатик карбоциклик ёки гетероциклик радикал. Рангсиз, шаффоф модда, ёруғликни 91% дан ортиқ ўтказади. Физик-кимёвий хоссалари юқори: осон кесилади, елимланади, кавшарланади. Метилметакрилат ацетон дихлорэтан ва бензолда яхши эрийди. Сув, ишқорлар, бензин ва мойлар таъсирига чидамли. П. турли инициаторлар таъсирида блокли ёки эмульсион усулда олинади. П. блокли усулда мономерни минерал шишадан ишланган қолипларда 45—125° т-рада 24—30 соат мобайнида полимерлаб ҳосил қилинади. П. эмульсияли усулда метилметакрилатни никелли реакторларда сувли муҳитда инициаторлар (пероксидлар) ва эмульгаторлар иштирокида 75—85° да 4—6 соат мобайнида полимерлаб олинади. П. органик шиша (МДҲ мамлакатлари), плексиглас (АҚШ, Германия, Франция), перспекс (Англия) деб юритилади. П. рангсиз ва турли рангли, тиниқ ва хира, пластификатланган, пластификатланмаган, юпқа тахта ва блоклар ҳолида чиқарилади. Авиацияда, кемасозликда, автомобиль саноатида, тиббиётда, қ.х.да ва б.да қўлланади. Дисперсияли ва сувли эритмалари ёруғлик нурига чидамли, ҳидсиз лок-бўёқ қопламалар ва елимлар тайёрлашда ишлатилади.

ПОЛИМИКТ ЖИНСЛАР — бўлакли материаллари турли тоғ жинсларидан (чўкинди, магматик, метаморфик) ва минерал доналардан таркиб топган чўкинди жинслар. Мас., гранит, оҳактош, сланец ва қумтош ғўлакларидан тузилган баъзи конгломератлар, ғўлактошлар, шағаллар, гравелитлар; кварц, слюдалар, дала шпатлари, тоғ жинслари бўлаклари ва б.дан иборат қум ва қумтошлар.

ПОЛИМОРФИЗМ (*поли...* ва юн. morphe — шакл) — баъзи моддаларнинг турли кристалл структурали ҳолатларда бўлиш хоссаси. Шу ҳолатларнинг ҳар бири полиморф модификация деилади. Ҳар бир модификация тузилиши ва физик хоссалари жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Улар α, β, γ ва б. юнон ҳарфлари б-н белгиланади. П. 1798 йл.да кашф қилинган.

Оддий моддалар, шунингдек, органик ва анорганик бирикмалар П. хусусиятига эга. Мас., углерод (С) ташқи кўриниши ва физик хоссаларига кўра бир-биридан кескин фарқ қиладиган кубик (олмос) ва тексагонал графит модификацияларига эга. Кимёвий элементнинг тузилиши ва хоссалари турлича бўлган икки ёки ундан ортиқ оддий модда ҳолида мавжуд бўла олиши *аллотропия* деилади.

Ҳар бир полиморф модификация маълум т-ра ва босимда тургун бўлади. Модда беқарор, метастабил (термодинамик, тобланган, ўта совитилган) ҳолатда узоқ вақт сақланиши мумкин. Лекин модда то маълум омил таъсир эттирилгунча (муайян т-ра ва босим соҳалари четарасида) бу ҳолатда бўла олади. Икки модификациянинг тургун соҳаси умумий четарага эга бўлса, беқарор ҳолатдан тургун ҳолатга ўтиш қайтар (энантиотроп) алмашиниш, умумий четарага эга бўлмаса, қайтмас (монотроп) алмашиниш бўлади. Мас., ромбик тизимда кристалланадиган арагонит ($CaCO_3$) қиздирилса, тригоналсингонияда кристалланган кальцит ($CaCO_3$) га айланади. Лекин кальцитни қиздириш йўли б-н арагонитга айлантириш мумкин эмас.

П. ҳодисасини ўрганиш ер ости бойликларини излаб топишга ва уларнинг пайдо бўлиш хусусиятларини тўғри аниқлашга имкон беради.

ПОЛИМОРФИЗМ (биологияда) — бир тур доирасида кўринишн б-н ўзаро фарқ қиладиган бир неча индивидлар бўлиши. Агар бундай индивидлар 2 та бўлса, диморфизм (мас., жинсий диморфизм) деб аталади. Кўпчилик гидроидлар колонияси битта колонияда ҳар хил гидрантлар ривожланиши б-н боғлиқ. Мас., сифонофораларда гонофор (жинсий), гастрозоид (озиқланувчи), пальпон (айирувчи), нектофор (сузувчи) полиплар мавжуд. Занг замбуруғларининг ҳар хил ўсимликларда ривожланган мевали танаси, спораларининг кўриниши ва физиологияси бир-биридан кескин фарқ қилади. Худди шу хилдаги П. дигенетик сўргичлилар личинкаси учун хос бўлиб, плеоморфоз деилади. Айрим жинсли ҳайвонларда П. бир жинсга мансуб индивидларнинг ҳар хил кўринишда эга бўлишидан иборат (мас., шираларнинг урғочилари, кўпайдиларнинг ёрдакари орасида қанотсизлари ва қанотлилари бўлади). Жамоа бўлиб яшовчи ҳашаротларда П. колония ёки оилада индивидларнинг вазифаси бўйича гуруҳларга бўлиниши демакдир. Чигиртқалар ва айрим капалаклар қўртлари сонининг ортиши б-н улар рангн, тузилиши ва ҳулқ-атворида пайдо бўладиган фарқ қилувчи белгилар популяциялар ичини уларнинг б-н боғлиқ П.га мисол бўлади.

Генетикада П. тушунчаси популяцияларда аниқ фенотипик фарқ қилувчи белгиларга эга бўлган индивидларнинг 2 ёки ундан кўпроқ генотипик синфининг доимий сақланишини англатади. Бундан фарқ яъни муҳитнинг бир хил бўлмаслиги б-н боғлиқ бўлиб, популяция генетик структурасининг мослашиш орқали ихтисослашувини акс эттиради. П. турли генетик механизмлар: бир жинсга мансуб индивидларнинг гетерогенлиги, гетерозигот формаларнинг мослашишдаги афзаллиги орқали сақланиб турали.

ПОЛИНГ (Pauling) Лайнус Карл (1901.28.2, Портленд — 1994.19.8) — америкалик физик ва кимётар, жамоат арбоби. Фалсафа д-ри (1925; Калифорния (1931), Стенфорд (1969—74) ун-тлари проф., АҚШ Миллий ФА аъзоси. Америка кимётарлар жамияти раиси (1948 йдан). Кристалл панжаралардаги «дефект структура» типи тушунчасини жорий этган. Америкалик физик-кимётар Д. Слайтер б-н бирга молекулалар структурасини тасвирлаш ва ўрганишнинг квант-механик боғлар усулини ишлаб чиққан. Ксенон бирикмаларини (XeF_2 ва XeF_4) синтез қилиш усулини кўрсатиб берган (1933). Оқсилларни структуравий таҳлил қилиш усулига асос солган (Ж. Д. Бенал ва У. Л. Брэгг б-н). Оқсил молекуласининг α-спирал тузилишини ифодалаб берган (Р. Корн б-н). Камқонлик касаллиги (анемия)нинг келиб чиқиш сабабларини ўрганган. Дезоксиробонуклеин кислота (ДНК)нинг 3 та полинезоксирибонуклеотид занжирдан иборат гипотетик моделини ишлаб чиққан. Пагуош конференцияси ташкилотчиларидан бири. Нобель мукофоти лауреати (1954).

ПОЛИНЕВРИТ (юн. poly — кўп ва — *нерв*) — қўл-оёқ нервларининг бир вақтда касалланиши. П. мустақил касаллик, шунингдек, баъзи юқумли касалликлар *(дифтерия, дизентерия)* асорати сифатида намоён бўлиши мумкин. Спиртли ичимликлар, *марганец, симоб, қўрғошиндан* сурункасига заҳарланиш ва рухорда ишлатиладиган кимёвий порошокларни нотўғри ишлатиш етарлик. П. ҳ., моддалар алмашинувининг бузилиши (*қаранг диабет*), организмда витаминлар етишмаслиги ҳам П.га сабаб бўлади. П. мекга ва нчак касалликлари б-н оғриган кишиларда нерв тўқималарининг оғриқланиши ва витаминлар синтезини учун қарор бўлган моддалар сурилишнинг бузилиши натижасида бошланиб кетиши мумкин.

Касаллик беморнинг қўл ва оёқ панжаларида чумоли юрган каби жимирлаш сезишидан бошланади, кейинчалик вақсизлик қўл-оёқ мушаклари оғрийди, увушади. Касаллик ўрта боғлами сари беморнинг оёғи дармонсизланиб, юриши қийинлашади ва қўлида ҳеч нарса ғута ушлай олмай қолади. Оёқ, қўл мускулларн нимжонланиб, ози бошланн, сезиши бузилади.

Даво, асосан, касаллик сабабига қарши қаратилади. П.нинг ўткир даврида ўринда ётиб даволанни керак. Дорилармонлардан ташқари, физиотерапевтик муолажалар, даво физкультураси буюрилади, сурункали хилида эса курортларда даволанни тавсия этилади.

Юқумли ва моддалар алмашинувининг бузилиши б-н кечалиган касалликларнн ўз вақтида даволаб, П.нинг олдини олиш мумкин.

ПОЛИНЕЗ ТИЛЛАРИ — *австронез тиллари* оиласининг алоҳида гуруҳи; океания тилларидан (жами 30 га яқин). Полинезияда (туб аҳоли тиллари), шунингдек, Меланезия ва Микронезиянинг чекка оролларида (ташқи полинез тиллари) тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий миқдори 1 млн. кишидан ортиқ. П.т. тонга (тонга ва ниуэ) тиллари ва асл полинез тиллари гуруҳчаларига, асл полинез тиллари эса самоа-ташқи (самоа, тувалу, токелау, футуна, увеа, пукапука, шунингдек, барча ташқи полинез тиллари) ва шарқий полинез тилларига (маори, гавай, таити, раротонго, рапануи, туамоту ва б.) ажратилади.

П.т. грамматик қурилиши жиҳатидан аналитик тиллардан. Фонетикасида 5 та унли ва 8 тадан 12 тагача ундош товуш бор. Гапни ташкил этувчи энг муҳим бирлик луғавий маъно билдирувчи мустақил сўз ҳамда унинг олдида ёки ортида жойлашувчи хилма-хил ёрдамчи (грамматик маъно билдирувчи) сўзлар мажмуидан иборат. Гапда сўз тартиби бир қадар эркинроқ: кўп тилларда эга кесимдан кейин, баъзиларида эса ган бошида келади; аниқловчи аниқланмишдан кейин келади. Сўз ясалишининг кенг тарқалган турлари сўз қўшиш ва сўз такроридир.

П.т. 19-асрча ёзувга эга бўлмаган; 19-асрдан бир қанча адабий П.т. лотин алифбоси асосидаги ёзувга эга бўлди. 20-асрнинг ўрталаригача П.т. яхши ўрганилмаган. 20-а. ўрталаридан ушбу тилларни синхрон тарзда ҳамда қиёсий-тарихий ўрганиш бошланган.

Анвар Нематов, Абдуқодир Мавлонов.

ПОЛИНЕЗИЯ (юн. *поли...* ва nesos — орол) — Океаниядаги оролдар. Тинч океанининг марказий қисмида, 23°30′ ш.к. — 28° ж.к. ва 176° шқ.у. — 109°20′ ғ.у. ораларида. П. таркибида Тонга, Гулдар ороллари, П. таркибида Тонга, Гавайи, Тувалу, Феникс, Токелау оллари, Кук архипелаги, Ғарбий Самоа, Шарқий Самоа, Лайн, Тубуан, Маркиз оллари, Пасха о., Жамият оллари, Туамоту оллари ва б. бор. Майд. 26 минг км². Ороллариниг аксари қисми вулкан отилиши натижасида пайдо бўлган ёки маржон ороллардир. Вулкан оролларн рельефи тоғлик (энг баланд жойи 4205 м, Гавайи оллаги Мауна-Кеа сўнган вулкани), маржон оролларининг ер вулкани), маржон оролларининг ер усти ясси ва пасттекислик. Гавайи, Самоа ва Тонга оларида ҳаракатдаги вулканлар мавжуд. Фойдали қазилмалардан фосфорит, боксит конлари бор. Иқлими экваториал, тропик, пассатли иқлим. Ўртача йиллик т-ра 22—26°, Йиллик ёғин 1500 мм дан 3500 мм гача, кучли довуллар бўлиб туради. Ороллар доим яшил субэкваториал ва тропик ўрмонлар б-н қопланган, шамолга тескари ён бағирлар саванналардан иборат. Соҳилларда кокос пальмаси, нон дарахти, пандануслар ўсади. Кофе, какао, каучукли дарахтлар ўстирилади. Шакарқамиш, ананас, шоли, ямс, маниок етиштирилади. Денгиз ҳайвонлари овланади, марварид олинади. Халқаро туризм ривожланган. П. оролларн европаликларга 16-а. охирларида маълум.

ПОЛИНЕЗИЯ КИЧИК ОБЛАСТИ — Австралия қуруқлик зоогеографик областининг кичик области. П.к.о.га *Янги Зеландия кичик областидан* шим.да жойлашган Тинч океан оларн ва архипелаглари (Гавайи о.дан ташқари) киради. П.к.о. фаунасида барча о. фаунасига ўхшаб эндемик турлар кўп, сут эмизувчилар кам. Қуруқликда сут эмизувчилардан қўлқанотлилар (шомшапалаклар, узунқанотлилар, катта қанотлилар) ҳамда одамлар б-н бирга келиб қолган майда кемирувчилар учрайди. Қушлар нисбатан хилма-хил, айниқса, каптарлар ва сувда сузувчи қушлар (альбатрослар, балиқчи қушлар ва б.) кўп. Бу ерда катта оёқли тошбақа, тўтилар, каккулар, асалхўрлар, бойқушлар, қалдирғочлар, саланғалар, мошхакдар, тоғчилар ҳам тарқалган. Судралиб юрувчилар, асосан, дарахтлар танасида сузиб келиб қолган. Улардан гекконлар ва сцинклар, соҳил яқинида денгиз илонлари кўпчиликни ташкил этади. Чучук сув балиқларидан ўткинчи формалар (мас., илонбалиқ) кенг тарқалган. П.к.о. фаунасидан қуруқликда яшаб, денгизда кўпаядиган пальма ўғриси қисқичбақаси кўп учрайди. П.к.о.нинг ғарбий қисми (Меланезия ороллари гуруҳи) фаунаси шарқий қисмига нисбатан хилма-хил. Мас., Таити ва Маркиз о.да қушлар, судралиб юрувчилар бор, лекин кўлқанотлилар йўқ. Пасха о. фаунаси яна ҳам кам сонли бўлиб, сув қушлари ва одам б-н келиб қолган бир неча тур ҳашаротлар, ўргимчаклар ва моллюскалардан иборат. Меланезия фаунасининг хилма-хиллигини улар бир вақтлар катта қуруқлик б-н боғланганлигидан дейиш мумкин. Кўпчилик ҳайвонлар (эчки, мушук, чўчқа, қуён) Европа ва Шим. Америкадан одам б-н бирга келиб қолган.

ПОЛИНЕЗИЯЛИКЛАР, полинезлар — Полинезия — Шарқий Меланезиянинг баъзи кичик ороллари, Таити о., Капингамаранги, Нукуоро ва Микронезия оларида яшовчи бир-бирига яқин қардош халқлар гуруҳи; тонга, самоа, увеан, футуна, тувалу, токелау, ниуэ, пукапука, раротонга, мангай, тонгарева, манихик, ракаханга, таити, тубуан, рапа, паумоту, туамо, напукан, мангарева, маркизликлар, рапануи, гавайяликлар, маори, тикопиа ва б. Умумий сони 1120 минг киши (1990-йлар ўрталари). Полинез тилида сўзлашади. Диндорларининг кўпчилиги католик ва протестантлар, шунингдек, ибтидоий диний тасаввурларнинг ҳам таъсири анча кучли. П.нинг Полинезияга жойлашуви мил. ав. 2-минг йилликнинг охирги чорагида бошланган. П.нинг этногенезида Жан. Америка ин-

Полинезияликлар. Анъанавий турар жой.

дейсларининг ҳам таъсири борлиги ҳақида мулоҳазалар мавжуд. Асосий машғулоти — ҳул чекратига асосланган тропик типдаги деҳқончилик (таро, ямс, батат, банан, пиқанқамиш, нон дарахти ва б.) ва балиқ овлаш.

Ад.: Пучков П. И., Этническая ситуация в Океании, М., 1985; Бутинов Н. А., Семейная организация полинезийцев, М., 1985.

ПОЛИНОМ (грек... ва лот. nomen — *ном*) — *кўпҳадли* биноқли ном.

ПОЛИОЛЕФИНЛАР — олефин қатори (этилен, *пропилен*, бутиленлар ва б.)даги ғунчаларга углеводородларнинг полимерланишидан ҳосил бўладиган синтетик полимерлар. Плянг физик-механик ва кимёвий хоссаларининг табиатига ва олиниш усулига боғлиқ. П. ишлаб чиқарилиши кўлами ва турли саноат тармоқларида қўлланиш жиҳатидан синтетик полимерлар ичида биринчи ўринда туради (яна қ. *Полиэтилен, Полипропилен, Полиизобутилен*).

ПОЛИОМИЕЛИТ (юн. polios — кул ранг ва *миэлос* — орқа мия) — ўткир юқумли касаллик. Бунда марказий нерв системаси зарарланади. Фалаж б-н ёки фалажсиз кечади. П. қалқонсимон безнинг ҳосил бўлиб, айниқса, болалар ўртасида кенг тарқалган. П. юқибазида минглаб болалар фалаж бўлиб қолар эди.

Вирусни сунъий кўпайтириш усулининг кашф этилиши П.га қарши вакцина яратилиши ва болаларни ёппасига эмлаш амалга оширилиши туфайли касаллик тез камайди. Касалликни қўзғатувчи вируслар суюқ ўтлоқ сақланади, қайнатилганда, калий перманганат ва водород пероксид таъсирида халок бўлади. Касаллик бемор б-н ёки касаллик қўзғатувчисини ташиб юрувчилар б-н мулоқотда бўлганда юқади. Вирус ҳаво-томчи йўллари орқали ҳазмгамда, йўталганда, шунингдек, ифлосланган сабзавот, мева, қайнатилмаган сув, сутни истеъмол қилганда организмга ўтади. Ёш ва ҳув ойларида П. кўпроқ учрайди. Касаллик ўткир бошланади: беморнинг т-раси 38—39° гача кўтарилади. йўтал, акса-риш, томоқ оғриши, қорнида оғриқ пайдо бўлиши ва ич кетиши кузатилади. Бу белгилар 4—5 кундан кейин ўтиб кетади, бир ҳафталаб сўнг т-ра яна кўтарилади ва турли жузвуллар: айниқса, оёқ ва қўллар фалажи авж олади.

Фалажсиз П. юқори нафас йўлларининг ўткир катари сифатида (қ. *Ўткир респиратор касалликлари*) ёки меъда-ичак фаолиятининг бузилиши кўринишида кечади. Бемор касалхонада даволанади. Фалаж б-н кечалиган П.да зарарланган қўл ва оёқнинг ҳаракатла-нини тиклаш. Касалхонадан чиқарилгандан сўнг ҳам беморлар 3 ой мобайнида диспансер назоратида бўлади. Ўзбекистонда П.га қарши эмлаш 1959 йилдан бошланган. Эмлаш натижасида П. деярли йўқолган.

ПОЛИПЕПТИДЛАР — кўпчилик аминокислоталар қолдиқларидан иборат полимерлар.

ПОЛИПЛАР (юн. polypus — кўпоёқли — ёпиқ ёки очиқ ички бўшлиқ ўпка, ошқозон, ичак, меъда, бачадон ва тананинг бошқа бўшлиқларидаги шиллиқ пардасининг *гиперпластик* ўсмасига ўхшаш ўсиқлари. Келиб чиқишига кўра, қон П.и (баъзанда қолиб кетган йўлдош парчаси атрофидаги қон лахталаридан ҳосил бўлади), йўлдош П. и (баъзанда қолиб кетган йўлдош парчасидан ўсиб чиқади), юмшоқ П. (шиллиқ пардасининг маҳаллий яллиғланиш гиперплазияси туфайли пайдо бўлади) фарқ қилинади. Меъда, ичакдаги П. бевосита операция қилинади. Пастки «ожиз» томони б-н субстратга ўсиқа ниҳояси П.и ёки ҳолини поясида тўпланган бўлиб ажралиб П.ларидан. Қўпгина ҳолларда П. ўсиқ ҳосил қилган ҳужайралар ўсмасининг хусусиятини йўқотади, яъни ҳужайралар ўсиш ва ривожланиш жараёнида ўзларига хос бўлган ҳужайра ва тўқималарга ўхшаш тузилиш ҳосил қилади.

ПОЛИПНОЭ (грек... ва *пноэ* — нафас олиш) — бурун йўлининг шиллиқ пардасидан ўсиб чиққан ўсмалар. Ҳужайралари ҳосил қилган тузилиш ва ҳужайраларнинг ҳаёт фаолиятига қараб П. фиброз, аденоматоз, полипоз ва кистоз турларга бўлинади. Фиброз П. ўсиқ ҳосил қилган ҳужайралар ўсмасининг хусусиятини йўқотади, яъни ҳужайралар ўсиш ва ривожланиш жараёнида ўзларига хос бўлган ҳужайра ва тўқималарга ўхшаш тузилиш ҳосил қилади. Шу сабабли комплекс ва аниқлаш мақсад. Лабо фикусларнинг, ёш ва қўлар учун махсус ортопедик аппаратлар ҳам ва буғинга қорет ва қон тақсия этади. Касалликка ёш уллаш репозициядан ортопедик ва ортопедик. Хромотомлар сони 3 марта ошганда ҳисобланади. 4 марта ошганда ретрактор деб аталади. Полипозда ортопедик ва ортопедик ёрдам ҳам кўп қимлиб бўлиб. Шамол ёрқин ҳамкорлар. П. асарларидан олувчи қисмларда ишлаб бирлаш ҳисобланиши ёки бир ҳолат ҳолатда ёки чизиқлар б-н бирлаш қисмларга ажратилиши мумкин. Ўзгалар Голландия, Германия ва б.да полиэтиленлар учун «Инжиланд» сувини ажратиш композициялар, кўп қимли асарларнинг ишлаб чиқиш, кимёвийланган материаллар, сунъий ва қуруқликда ишлатилар. Сунъий П. юқори ҳарорат, пуршланиш, кимёвий моддалар (кислоталар ва б.) таъсирига чидамли бўлади. П. қатга ишлатилиши ва ишлаб чиқилиши. Полиэтилен усимликлар ишлаб ва сервисга ишлаб. Полиэтилен усимлик ишлаб ишлаб ва ишлаб ишлаб ишлаб

ПОЛИТЕИЗМ *(грек. ... ва лот. theos — худо)* — кўпхудолик — кўп худоларга эътиқод қилиш. *Монотеизм* тескариси. Политеизмнинг акси. Қад. Миср, Жанубий Осиё, Юнонистон, Римлиги динлар *П.га* асосланган динлардир.

ПОЛИУРЕТАНЛАР — макромолекулаларининг асосий занжирида уретанларнинг такрорланувчи гуруҳи —OCONH— бўлган кимёвий полимерлар. П. хоссаларига кўра пластмассаларга яқин туради. Ишлаб чиқарилиши диизоцианатлар б-н бирикиш реакцияси механизми бўйича полимерлаб олинади. П. кислоталар, металлар ва органик моддалар, бензин ва органик эритмалар таъсирига чидамли. П. пенопласт, каучук, ёпишқоқ ҳосил қилувчи, коррозиядан сақловчи қоплама, синтетик тола ва ҳоказо сифатида қўлланилади.

ПОЛИФАГИЯ *(грек. ... ва ... фагия)* — 1) *а)* ҳайвонларда — овқатни ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиш. П. соғлом одамда энергия ва оқсилга талабнинг ошиши ёки узоқ очликдан, оғир жисмоний меҳнат ва юқумли касалликлардан сўнг ёки айрим касалликлар (қандли диабет, буқоқ ва б.), шунингдек, гипоталамусдаги овқатланиш марказининг қузғалиши туфайли (масс., неврозлар, ички секрециядаги пайдо бўладиган соҳта очиқиш ҳисси б-н боғлиқ бўлиши мумкин. *б)* ўсимликларда — ҳашаротлар (полифагларининг хилма-хил ўсимлик ва ҳайвонлар б-н озиқланиши. Масс., Ўрта Осиё пахтачилик ҳудуди 160 турга яқин ўсимлик, сариқ ўрмон чумолиси эса 60 тур ҳашаротлар ва б. умуртқасизлар ҳамда айрим ўсимликлар б-н озиқланади. Бақалар, кўр бақалар, калтакесаклар, кушчилик йиртқич қушлар (калхатлар, бургутлар), сут эмизувчилар (бўрилар, тулкилар) П. ҳисобланади. П. овқат ҳазм қилиш системасида муайян анатомик, биокимёвий ва физиологик ўзгаришлар (масс., хилма-хил ферментлар бўлиши) б-н боғлиқ. П. ҳайвоннинг озиқ кам бўлган чекка шимол ёки чўл шароитида яшаб қолишига имкон беради. Ҳашаротларнинг бир хил ёки бир неча хил озиқ б-н озиқланиши монофагия ёки стенофагия дейилади.

ПОЛИФИЛИЯ *(юн... ва юн. phylon — авлод, қабила)* — муайян организмлар гуруҳининг тарихий жараёнда яқин қариндош бўлмаган бир қанча авлод гуруҳларидан келиб чиқиши. П. конвергенция асосида амалга ошади ва *дивергенция* га асланган эволюцион ўзгариш — монофилияга қарши қўйилади. Филогенетик систематика нуқтаи назаридан мазкур таксоннинг полифилетик келиб чиққанлигини аниқлаш учун монофилетик гуруҳларга бўлиниши тақозо этилади. Масс., ҳашаротлар битта ўрмон чумолиси авлодидан қанотлилар ва кемирувчилар эса 2 турга жамулжамлар ва ҳоказо синфлар ва ҳоказо турларга бўлинади.

ПОЛИФОНИЯ *(грек... ва фония — овоз)* — икки ёки ундан ортиқ мустақил куйларнинг ифодалилик-бадиий ўзаро тенглашуви асосланган *куй ололлиги* тури. Акси — *гомофония*. Турли мақом-лар мусиқа меросида ва халқ ижодиётида ижодкорлик асосида ўта П. турдаги ажойиб куй ва ашулалар ижро бўлувчи вариантларининг барвараст сақланишига асосланган ёрқин намуна ҳисобланади. П. оддий ашула усулидан бирор куй мавзуни асосланган хилма-хил П. Европа куй ижодиётида мустақил 9-асрда маълум бўлган (*органум, дискант, гимн, мотет*). Тарихий ривожида қайта-қайта *имитация* ҳам табиий П.ни вужудга келтирган. Ҳалқ ижодиётида полифонияларга ниҳоят ғоявий-бадиий жиҳатдан ҳам П. ижодкорлик имконияти сунъий П. асарларга нисбатан кенгдир. Ҳалқ ижодиётида кўп учрайдиган П. турлари: *а)* ашула ва ҳамроҳлик; *б)* ашула ва ҳамроҳлик; *в)* ашула ва ҳамроҳлик; *г)* ашула ва ҳамроҳлик; *д)* ашула ва ҳамроҳлик; *е)* ашула ва ҳамроҳлик; *ж)* ашула ва ҳамроҳлик; *з)* ашула ва ҳамроҳлик; *и)* ашула ва ҳамроҳлик; *к)* ашула ва ҳамроҳлик; *л)* ашула ва ҳамроҳлик; *м)* ашула ва ҳамроҳлик; *н)* ашула ва ҳамроҳлик; *о)* ашула ва ҳамроҳлик; *п)* ашула ва ҳамроҳлик; *р)* ашула ва ҳамроҳлик; *с)* ашула ва ҳамроҳлик; *т)* ашула ва ҳамроҳлик; *у)* ашула ва ҳамроҳлик; *ф)* ашула ва ҳамроҳлик; *х)* ашула ва ҳамроҳлик; *ц)* ашула ва ҳамроҳлик; *ч)* ашула ва ҳамроҳлик; *ш)* ашула ва ҳамроҳлик; *щ)* ашула ва ҳамроҳлик; *ъ)* ашула ва ҳамроҳлик; *ы)* ашула ва ҳамроҳлик; *ь)* ашула ва ҳамроҳлик; *э)* ашула ва ҳамроҳлик; *ю)* ашула ва ҳамроҳлик; *я)* ашула ва ҳамроҳлик.

Лит.: Кораблинский А., Полифония в творчестве композиторов Узбекистана. — Вопросы музыкознания. вып. 2. Т., 1971; Курбанова Т. Полифония. Т., 1992.

ПОЛИФОСФАТЛАР — суперфосфат кислота (ортофосфит ва полифосфат кислоталар аралашмаси) асосида олинадиган мураккаб, концентрланган ўғитлар. Умумий формуласи $Me_{n+2}P_nO_{3n+1}$. П. тузлари ва кислота кўп, тиниқ ёки ҳўл ҳолатда ва қаттиқ *П.га* ажратилади. Масс., аммофос ёки аммофосфат, аммоний полифосфат, калийли ва ҳоказо *П.га* бўлинади. Суюлтирилган П. ташқи ишлов учун

кенгайтирилган бир қисмли шаклдаги концерт асарига айланган. М. Глинка, П. Чайковский ва б. ўз операларида П.дан фойдаланишган.

ПОЛОНИЙ (Polonium), Po — Менделеев даврий системасининг VI гуруҳига мансуб кимёвий элемент. Тартиб рақами 84, ат.м. 208,9824. П. радиоактив элементлар емирилишида оралиқ маҳсулот сифатида ҳосил бўлади. Унинг масса сонлари 194 дан 218 гача бўлган 25 та изотопи ва ядро изомерлари маълум. Энг узоқ мавжуд бўлувчи изотопи $^{209}PoT_{1/2}$=103 й.), сунъий йўл б-н олинган. Ҳар бир табиий изотопининг радиоактив элементлар қаторида жойланишига қараб махсус номи ва белгиси бор, чунончи: ^{210}Po—RaF б-н, ^{211}Po—AcC' б-н, ^{212}Po—ThC' б-н, ^{214}Po—RaC' б-н, ^{215}Po—AcA б-н, ^{216}Po—ThA б-н ва ^{218}Po—RaA б-н белгиланади. П.нинг ^{210}Po изотопи ($T_{1/2}$=138,4 кун) муҳим амалий аҳамиятга эга.

П. (^{210}Po) илк бор 1898 й.да М. Склодовская-Кюри ва П. Кюри томонидан уран рудасида радиоактив элемент сифатида кашф этилган ва М. Склодовская-Кюри ватани — Польша (лот. Polonia) шарафига П. деб аталган. П. — кумуш каби оқ ва юмшоқ металл, физик хоссалари жиҳатидан висмут ва қўрғошинни эслатади. Суюқланиш т-раси 254°, қайнаш т-раси 962°, зичлиги 9,4 г/см³, атом радиуси 1,7 Е . Ер пўстида масса жиҳатидан $2\cdot10^{-15}$% ни ташкил қилади.

П. бирикмаларда —2, +2, +4, +6 валентли. Унинг оксиди, хлоридлари, сульфати ва комплекс бирикмалари маълум.

П. уран рудасини қайта ишлашда ҳосил бўладиган мураккаб моддаларнинг эритмаларини электр-кимёвий усулда қайтариб олинади. 1 т уран рудасида 0,1 мг чамасида П. бўлади. PoS ни вакуумда 273° да қиздириш йўли б-н ҳам олинади. П.нинг изотопи ^{210}Po α-зарралар манбаи сифатида ишлатилади. ^{210}Po нинг берилий б-н аралашмаси турли материалларни анализ қилишда нейтронларнинг манбаи бўлиб хизмат қилади.

ПОЛТАВА — Украинанинг Полтава вилоятидаги шаҳар. Вилоят маркази. Ворскла дарёси (Днепрнинг чап ирмоғи) бўйида. Т.й. тугуни. Аэропорт бор. Аҳолиси 319 минг киши (1997). П. Украинанинг йирик саноат марказларидан бири. Машинасозлик ва металлсозлик саноатлари (автоагрегат, кимё саноати учун машиналар, газ-чироқ лампалари, турбомеханика ишлаб чиқарилади), шаҳар ялпи саноат маҳсулотининг 41,2%ни беради. Сунъий олмос ва олмос асбоблари, гиббий шиша, чинни ва б. з-длар бор. Енгил (ип-ипирув, кўнчилик, тикувчилик, трикотаж, пойабзал ва б. корхоналари), озиқ-овқат (гўшт, ёғ-мой к-тлари) ва қурилиш материаллари саноатлари ривожланган. Ёғочсозлик, полиграфия саноати корхоналари бор. Ойна-шиша ва бадиий буюмлар ишлаб чиқарилади, мусиқа асбоблари ф-каси мавжуд. 5 олий ўқув юрти, 2 театр, 6 музей (шу жумладан, музей-қўриқхона. «Полтава жанги майдони», бадиий музей, В. Г. *Короленко*нинг адабий-меморial музейи, украин ёзувчиси И. П. Котляревский музейи) бор. Шаҳар қадимги солномаларда, 1174 й.дан, «Лтава» номи б-н маълум (1430 й.дача шу номда). 1569 й.дан Польша, 1654 й.дан Россия давлати таркибида. П.да тарихий меъморий ёдгорликлардан: Крестовоздвиженск монастири собори (17—18-а.лар), марказлари классицизм услубида қурилган ансамбль (19-а.дан бошлаб), Полтава жангига бағишланган монументлар (19—20-а.лар бошлари) сақланган.

ПОЛТАВА ВИЛОЯТИ — Украина таркибидаги вилоят. 1937 й. 22 сент.да ташкил этилган. Чап Соҳил Украинасининг марказий қисмида жойлашган. Майд. 28,8 минг км². Аҳолиси 1723,9 минг киши (1997), асосан, украинлар ва руслар яшайди. П.в.да 25 маъмурий туман, 13 шаҳар, 23 шаҳарча бор. Маркази — Полтава ш. Бошқа муҳим шаҳарлари: Кременчуг, Лубни, Миргород, Пирятин, Хорол, Гадяч. П.в. Днепр соҳили ва қирла жойлашган. Ер юзаси текислик (баландлиги шим.-шарқда 170—202 м, жан.-ғарбида 60 —100 м). Днепр томонидан қия. Иқлими мўътадил континентал. Янв.нинг ўртача т-раси —5,5°, —7,6°, июлиники 20—21,7°. Йиллик ўртача ёғин 430—560 мм (асосан, ёзда ёғади). Дарёлари Днепр ҳавзасига мансуб: Сула, Псёл, Ворскла. Ҳудудининг 70% ни ўртача чириндили қоратупроқ эгаллаган. Табиий дашт ўсимликлари деярли сақланмаган. Ўрмон ва буталар ҳудудининг 7,5%ни эгаллаган (дуб, шумтол, берест, жўка, граб). Ўрмонларда лось, елик, қобон, бўри, бўрсиқ, тулки, даштларда сассиқкўзан, малла товушқон, олахуржун, юмронқозиқ, қушлардан қирғовул, турна, ёввойи ўрдак ва ғозлар, бедана, чил, каклик, тўрғайлар яшайди. Дарё ва кўллар балиққа бой.

Саноатининг етакчи тармоқлари: машинасозлик ва металлсозлик. Корхоналари, асосан, Полтава (тепловоз таъмирлаш, турбомеханика, «Химмаш», автоагрегат ва б. з-длари), Кременчуг

Полтава вилояти. Шон-шуҳрат козонхаси

(автомобиль, ватанозлик, йўл машиналари), Лубни (станокозлик, машинасозлик, ҳисоблаш машиналари), Карловка (озиқ-овқат саноати учун жиҳозлар) ш.ларида жойлашган. Кимё саноати тез ривожланмоқда (Кременчугда нефтни қита ишлаш ва қурум з-длари, Лубнида кимё-фармацевтика). Полтавада сунъий олмос ва олмос асбоблар з-длари, Кременчугда руда бойитиш к-ти қурилган. Озиқ-овқат саноати етакчи ўринда (вилоят саноат маҳсулотининг 31%). Енгил саноатда (8%) ип-ипирув, трикотаж, пойабзал, тикувчилик корхоналари ишлаб турибди. Ёғочсозлик (3%) ҳам ривожланмоқда. Қурилиш материаллари саноатида гранит қазиб олинади ва қайта ишланади, темир-бетон конструкциялар, гишт, керамзит шағали ишлаб чиқарилади.

Қ.х. галлачилик, қанд лавлаги етиштириш б-н бирга сут-гўшт чорвачилигига ихтисослашган. Асосий тармоғи — деҳқончилик, қ.х. маҳсулотининг 52,6% ини беради. Галла, картошка, сабзавот, техника, озуқа экинлари экилади. Украинадаги доривор ўсимликларнинг 14% П.вда етиштирилади (асосан, Лубни туманида). Чорвачилик сут-гўштга ихтисослашган; қорамол, чўчқа, қўй ва эчки, парранда, қуён боқилади. Асаларичилик ривожланган.

Асосий транспорт тури — т.й. (уз. 853 км). Автомобиль йўллари 10,5 минг км. Днепр дарёсида, қисман Сула дарёсида кема қатнайди. Полтава ш. ҳаво йўли орқали Киев, Москва, Украинанинг вилоят марказлари ва туманлари б-н боғланган. 5 олий ўқув юрти, 2 театр, 12 музей, Миргород бальнеологик курорти, санаторийлар бор.

ПОЛЬКА (чехча polka — ярим қадам) — чех халқ рақси. Тез суръатда, 2/4 мусиқа ўлчовида, давра бўйлаб жуфт-жуфт бўлиб ижро этилади. 19-а. ўрталарида Европада *бал рақси* сифатида кенг тарқалган. Композиторлардан И. Штраус, Б. Сметана, А. Дворжак, П. Чайковский, С. Рахманинов ва б. П. жанридан фойдаланишган. 19-а.нинг охиридан Ўзбекистонда ҳам тарқалиб, унинг ритмлари баъзи ўзбек куйларига сингдирилган (мас., «*Андижон полькаси*»).

ПОЛЬША (Polska, Польша Республикаси (Rzeczpospolita Polska) — Марказий Европадаги давлат. Майд. 312,7 минг км². Аҳолиси 38,6 млн. киши (2002). Пойтахти — Варшава ш. Маъмурий жиҳатдан 16 воевода (wojewodztwoна бўлинади.

Давлат тузуми. П. — республика. Амалдаги конституцияси 1997 й. 25 майда қабул қилинган. Давлат бошлиғи — президент (1995 й.дан Александр *Квасьневски*), у П. фуқаролари томонидан умумий тенг ва тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли б-н 5 й. муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни 2 палатали парламент (қуйи палата — сейм ва юқори палата — сенат), ижроия ҳокимиятни президент ва Вазирлар Кенгаши (ҳукумат) амалга оширади.

Табиати. П. Висла ва Одра дарёлари ҳавзасида, шим.да Болтиқ денгизи ва жан.да Карпат ва Судет тоғлари оралиғида жойлашган. Ҳудудининг 90% дан кўпроғи текислик ва пасттекислик, жан.да тоғликлар бор. Денгиз бўйлари паст, қумлоқ. Қазилма бойликлари — тошкўмир, қўнғир кўмир, табиий газ ва нефть, темир, мис, қўрғошин, олтингугурт, рух; калий-магний туз конлари бор. Иқлими мўътадил, океан иқлими б-н континентал иқлим ўртасида. Янв.нинг ўртача т-раси —1° дан —6° гача, июлиники 10—19°. Йиллик ёғин 500—1800 мм. Ёмғир ва қордан сув оладиган Одра, Висла, Буг, Нотец ва Варта дарёларида кема қатнайди. П.да 9000 дан ортиқ кўл бор. Энг каттолари: Сиярдви (113,8 км²), Мамри (104 км²).

П. ҳудудининг ярмидан кўпроғи ҳайдаладиган ерлар, 28% ўрмон. Аксарият жойларда игна барглн, ғарби ва жан.да кенг барглн дарахтлар ўсади. Мамлакат шим. ва шарқида яхлит ўрмонзорлар (*Белая Вежа пущасининг* бир қисми ва б.) сақланган. Шим. ва шим.-шарқда катта майдонлар ересксзор ва торфли ерлар б-н банд. Текисликларда аксари чимли-подзолли тупроқлар, шарқ ва шим.-шарқда ботқоқли тупроқлар, тоғ олди ва тоғ этакларида қўнғир ўрмон ва қора тупроқлар, тоғларда эса, тоғ қўнғир, дарё водийларида аллювиал тупроқлар тарқалган. Ўрмонларда бўри, силовсин, тулки, бўрсиқ, айиқ; туёқлилардан тўнғиз, лось, буғу яшайди. Қушлардан каркур, каклик, тоғларда бургут учрайди. Денгиз, кўл ва дарёларда балиқ кўп. П.да Татра, Пенин ва б. миллий боғлар бор.

Аҳолисининг 98,5% поляклар; украинлар, белоруслар, словаклар ҳам яшайди. Расмий тил — поляк тили. Динлорларининг кўпчилиги — католиклар. Шаҳар аҳолиси —62,1%. Йирик шаҳарлари: Варшава, Лодзь, Краков, Вроцлав, Познань, Гданьск ва б.

Тарихи. П. ҳудудида палеолит даврида ёқ одамлар яшаган. Мил. ав. 1-минг йиллик ва мил. 1-минг йилликнинг 1-ярмида П. ҳудудида славян қабилаларининг шаклланиш жараёни содир бўлди. 8—9-а.ларда қабила князликлари вужудга келди. 10-а.да Одра, Висла ва Буг дарёлари оралиғида яшовчи полян (Польша, поляклар номи шундан келиб чиққан), мазовшан, вислян, померян қабилаларининг князликлари бирлаштирилди ва ягона П. давлати ташкил топди. Бироқ, 12-а.га келиб П. давлати яна князликларга бўлиниб кетди. 13-а. охирида князь Пшемисл II раҳбарлигида П. ерларини бирлаштириш учун кураш бошланди. 14—15-а.ларда ягона П. давлати пайдо бўлди, маданият ривожланди, поляк тили шаклланди. 15-а.нинг 1-ярмида Краковдаги Ягайло ун-ти (1364 й.да асос солинган) поляк фани марказига айланди.

16-а.нинг 2-ярмидан П. давлати украин, белорус ва рус ерларини босиб ола бошлади. П. б-н Литванинг бирлашуви натижасида *Речь Посполита* пайдо бўлди. 1609—12 й.ларда П. Россияга ҳужум қилди. Бир неча аср мобайнида П. Европадаги энг қудратли давлатлардан бири бўлиб турди. Аммо оғир урушлар сабабли мамлакат инқирозга учраб, уч марта (1772, 1793, 1795 й.ларда) Пруссия, Австрия, Россия ўртасида бўлиниб кетди, П. давлати тугатилди, халқи асоратга тушди. 1807 й. Наполеон I қўшинлари Пруссияни енгиб, Франциядан тобе Варшава герцоглигини тузди. 1814—15 й.ларда Вена конгрессида П. яна бўлинди. Варшава герцоглигининг катта қисми П. қироллигига айлантирилиб, Россияга топширилди. Пруссия Варшава герцоглигининг бир қисмини олди, Силезия ва Данциг бўйини ўзида сақлаб қолди. Австрия (1867 й.дан Австро-Венгрия)га Галиция берилди. Краков республикаси тузилди. Поляк халқи озодлик учун тинимсиз курашди (1794 й. Т. Костюшко бошчилигидаги қўзғолон, шунингдек, 1830—31, 1846, 1848, 1863—64 й.лардаги қўзғолонлар).

19-а. охири —20-а. бошларида П.да саноат бирмунча ривожланди, т.й. қурилди. Озодлик ҳаракати янада кучайди. 1-жаҳон урушида П.га анчагина зарар етди. Босқинчи қўшинлар олиб чиқиб кетилгач, П.ни бўлиш тўғрисидаги барча битимлар бекор қилинди ва 1918 й. нояб.да Польша Республикаси мустақиллиги эълон қилинди. 1920 й. апр.да Совет-Польша уруши бошланди. 1921 й. шартномасига биноан, Ғарбий Украина б-н Ғарбий Белоруссия П.га ўтди ва 1939 й.да бу ерлар ССССРга қайтариб олинди. 1939 й. 1 сент.да Германия П.га ҳужум қилиб, 2-жаҳон урушини бошлади. Поляк халқи озодлик учун қаттиқ кураш олиб борди. 1945 й. майда барча поляк ерлари озод қилинди. 1952 й.дан 1989 й.гача мамлакат П. Халқ Республикаси деб аталди. 80-й.лар бошида мамлакатда чуқур ижтимоий-иқтисодий танглик рўй берди. 1981 й.дек. да ҳарбий ҳолат жорий этилди. 1989 й.да «Бирдамлик» касаба уюшма бирлашмаси вакиллари ҳокимият тепасига чиқди ва давлатнинг номи П. Республикаси деб атала бошлади. 1997 й. 25 майда ўтказилган референдумда мамлакатнинг янги конституцияси қабул қилинди. П. — 1945 й.дан БМТ аъзоси. 1991 й. дек.да ЎзР суверените-

Польша тербн.

тини тан олган ва 1992 й. мартда дипломатия муносабатлари ўрнатган. Миллий байрамлари —3 май — 1791 й.ги Конституция куни ва 11 нояб. — Мустақиллик куни (1918).

Асосий сиёсий партиялари, бирлашмалари ва касаба уюшмалари. Демократик партия, 1939 й. асос солинган; Консерватив халқ партияси, 1997 й. тузилган; Мустақил П. конфедерацияси партияси, 1979 й. ташкил этилган; Поляк деҳқонлари партияси, 1990 й. асос солинган; Поляк христиан демократлари келишуви партияси, 1999 й. тузилган; Оралиқ кучлари битишуви партияси, 1990 й. ташкил этилган; Меҳнат иттифоқи партияси, 1992 й. асос солинган; П.ни тиклаш ҳаракати, 1995 й. тузилган; Демократик сўл кучлар иттифоқи, 1991 й. сайловолди бирлашмаси сифатида ташкил этилган; Озодлик иттифоқи ташкилоти, 1994 й.да тузилган. Умумполша касаба уюшмалари битишуви, 1984 й. асос солинган; Яккаҳол деҳқонларнинг «Бирдамлик» касаба уюшмаси, 1981 й. тузилган; «Бирдамлик» касаба уюшмаси, 1980 й. ташкил этилган; «Бирдамлик-80» касаба уюшмаси, 1990 й. «Бирдамлик» касаба уюшмасидан ажралиб чиққан ва ўзини 1980—81 й.лардаги касаба уюшма ҳаракатининг бирдан-бир давомчиси деб ҳисоблайди.

Хўжалиги. П. — индустриал-аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 5,1%, қишлоқ ва ўрмон хўжалигининг улуши 26,6%, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 68,3%.

Саноати. П. тошкўмир, олтингугурт, табиий газ, кумуш қазиб олишда, пўлат эритишда Европада олдинги ўринлардан бирида туради. Кўмир мамлакат ёқилғи-энергетика балансининг асосини ташкил этади. Тошкўмир Юқори Силезия, шунингдек, Вилбшх ва Люблин ҳавзаларида, қўнғир кўмир Богатинда қазиб чиқарилади. Электр ст-ялари, асосан, кўмир конлари атрофида қурилган. Иссиқлик электр ст-яларида йилига ўртача 135,3 млрд. кВт·соат электр энергия ҳосил қилинади. Мис, қўргошин-рух рудалари, озроқ миқдорда нефть ҳам қазиб олинади. Мамлакат эҳтиёжлари учун зарур нефтнинг 90% дан кўпроғи чет эллардан сотиб олинади. Нефтни қайта ишлаш саноатининг асосий марказлари — Плоцк ва Гданьск. Четдан келтириладиган темир руда ва маҳаллий кокс асосида ишловчи металлургия з-длари (шу жумладан, Краковдаги металлургия к-ти ва машҳур «Катовице» к-ти) Юқори Силезия агломерациясида жойлашган. Рангли металлургия саноати таркибида мис (Глогув, Легница), қўргошин, рух (Катовице, Буковно, Мястечко-Сленске) ва алюминий (Конин) з-длари бор. Саноатнинг асосий тармоқлари будмиш машинасозлик ва металл ишлаш саноати хилма-хил маҳсулот ишлаб чиқаради. Кемасозлик (Гданьск, Гдиня, Шчецин), самолётсозлик (Варшава, Мелец, Свидвин), вагон ва локомотивсозлик (Свидница, Зелёна Гура, Вроцлав, Познань, Хшанув), автомобилсозлик (Варшава, Страховице, Ельч, Люблин, Ниса), тракторсозлик (Варшава) ривожланган. Шахта ва металлургия з-длари учун технология асбоб-ускуналари, қувв, кимё, озиқ-овқат, ёғочсозлик, биноқорлик материаллари корхоналари учун комплект асбоб-ускуналар, шунингдек, станоклар, кема двигателлари, электр моторлар, кўтарма-транспорт воситалари, рўзғор машиналари ва аппаратлар, электрон асбоблар ва б. ҳам ишлаб чиқарилади. Кимё саноатида олтингугурт кислотаси, минерал ўғит, сода, хлор, пластмасса, синтетик тола, каучук и.ч. корхоналари бор. Асосий маркалари — Тарнув, Освенцим, Плоцк, Бидгощч. Фармацевтика, фотокимё, парфюмерия (Варшава, Лодзь, Краков), резина, цемент, шиша, чинни-фаянс, ёғочсозлик, целлюлоза-қоғоз, кўн-пойабзал, тикувчилик саноати мавжуд. Тўқимачилик (ип, зигир, жун газлама, трикотаж), озиқ-овқат (қанд-шакар, спирт-арақ, гўшт, ёғ, балиқ, тамаки) саноат тармоқлари ривожланган. Ўрмонларда ёғоч тайёрланади.

Қишлоқ хўжалиги. Мамлакат майдонининг 61% қ.х.га яроқли ерлар. Майда хусусий деҳқончилик хўжаликлари устун. Давлат хўжаликлари, ширкатлар ва қ.х. тўғараклари ҳам бор. Энг муҳим қ.х. экинлари: жавдар, бугдой, арпа, сули, картошка, қанд лавлаги ва б. Сабзавот, тамаки, ем-хашак, резавор мевалар ҳам етиштирилади. Чорвачилик салмоғи катта. Қорамол, чўчқа, қўй, от, парранда боқилади.

Транспортнинг асосини темир йўллар ташкил этади. Т.й. узунлиги — 24 минг км, автомобиль йўллари уз. 372,5 минг км. Дарё кемачилиги ривожланган. Асосий денгиз портлари — Гданьск, Гдиня, Шчецин. Денгиз савдо флотининг тоннажи — 4,5 млн. тонна дедвейт. Асосий халқаро аэропорти — Окенце (Варшава яқинида).

Польша байроғи

Ташқи иқтисодий алоқалари. П. чет элларга машиналар, саноат асбоб-ускуналари, кемалар, кимё саноати маҳсулотлари, кенг истеъмол моллари, кумир, кокс, мис, рух, қора металлар прокати ва б. чиқаради. Четдан хом ашё, ёқилғи, дон, қ.х. маҳсулотлари ва б. олади. Европа Иттифоқи мамлакатлари, Россия, АҚШ б-н савдо қилади.

Тиббий хизмати. Давлатга қарашли касалхоналар б-н бир қаторда хусусий шифохоналар ҳам аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Врачлар 10 тиббиёт академиясида тайёрланади. Курортлар орасида энг машҳурлари: Кринница, Полянница-Здруй, Сопот, Колобжег, Закопане.

Маорифи, маданий-маърифий ва илмий муассасалари. Маорифи 15 ёшгача бўлган болалар учун мажбурий, барча поғоналари давлат таъминотида. Ҳунар-техника мактаби бошланғич (1—3-синфлар) ва мунтазам (4—10-синфлар) таълимни ўз ичига олади. Ихтисослашган лицейлар ҳам бор. Хусусий мактаблар тармоғи кенгаймоқда. П. да 130 олий ўқув юрти фаолият кўрсатади. Европадаги энг қад. ун-тлардан бири Краков ун-ти (1364), шунингдек, Варшава ун-ти (1816), политехника ин-тлари, олий қ.х., иқтисодиёт, пед. мактаблари, тиббиёт ва рассомчилик академиялари шу жумлага киради.

Мамлакатдаги илмий фаолиятни Польша ФА б-н бирга Фан вазирлиги мувофиқлаштириб боради. И.т.лар Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот ин-тларида, олий ўқув юртларида, идоравий илмий муассасаларда олиб борилади. П.да Банах номидаги халқаро мат. маркази (Варшавада) ва Халқаро кучли магнит майдонлари ва паст т-ралар лаб. (Вроцлавда) ишлайди. Йирик кутубхоналари: Краков ун-ти кутубхонаси (1364), Варшавадаги миллий кутубхона (1928), Варшава ун-ти кутубхонаси (1817), Познань ун-ти кутубхонаси (1902), шунингдек, П. фан-

лар академиясининг Варшава, Гданьск, Краковдаги кутубхоналари. Энг йирик музейлари: Варшавадаги миллий музей (1863), Краковдаги миллий музей (1879), Познандаги миллий музей (1857), Варшавадаги Ф. Шопен ва А. Мицкевич музейлари.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. П. нойлахи ва воеводаларида кунига газ. ва журнал нашр этилади. Энг муҳимлари: «Газета выборча» («Сайловчилар газетаси», кундалик мустақил газ., 1989 й.дан), «Трибуна» («Минбар», кундалик газ., 1948 й. «Трибуна люду» номи б-н асос солинган, 1990 й.дан ҳоз. номда чиқади), «Газета Краковска» («Краков газетаси», кундалик газ., 1949 й.дан), «Газета Любуска» («Любуска газетаси», кундалик газ., 1952 й.дан) «Газета саможондова» («Ўзини ўзи бошқариш», кундалик газ., 1990 й.дан), «Громада-рольник польски» («Поляк деҳқони минбари», ҳафтасига 3 марта чиқадиган газ., 1947 й.дан), «Единость» («Бирлик» ҳафтанома, 1989 й.дан), «Жичє Варшави» («Варшава ҳаёти», кундалик газ., 1944 й.дан), «Речь Посполита» («Республика», кундалик газ., 1981 й.дан), «Жичє господарче» («Иқтисодий ҳаёт», ҳафталик иқтисодий жур., 1945 й.дан), «Нова республика» («Янги республика», ойлик жур., 1987 й.дан). П. матбуот агентлиги, давлат маҳкамаси, 1918 й. тузилган; П. ахборот агентлиги, акциялорлик корхонаси, 1991 й. ташкил этилган. П. радио ва телевидение қўмитаси давлат маҳкамаси бўлиб, 1944 й. тузилган, радиоэшиттириш ва телекўрсатувларга раҳбарлик қилади. Телекўрсатувлар 1952 й.дан олиб борилади.

Адабиёти. П. адабиёти 10-а.да лотин тилида вужудга келди. 16-а.гача унда диний руҳдаги китоблар, шунингдек, йилнома ва воқеий ҳикоялар устун бўлган. Поляк тилидаги илк асарлар ҳам диний мазмунда эди («Биби Марям» қўшиғи, 13-а.). 15-а.да дунёвий руҳдаги асарлар яратила бошлади («Ялқов деҳқонлар ҳажви»). 15-а. охири —16-а. бошларида Уйғониш даври бошланди. М. Рей, Я. Кохановский, Ш. Шимонович, С. Клёнович асарлари адолат ва ватанпарварлик гояларини тараннум этди. 16—17-а.ларда ҳажвий достон ва қиссалар, насиҳатомуз қўшиқ ва драмалар, қисқа ҳажвий шеърлар («фрашка»лар) машҳур бўлди. Маърифатпарварлик даври (18-а. ўрталари)да миллий мустақиллик учун кураш, илғор ижтимоий-фалсафий гоялар тарқалди, адабий-бадиий жур.лар нашр этила бошлади. 19-а. бошларида А. Мицкевич миллий-озодлик кураши таъсирида инқилобий романтизмга асос солди, демократик П. ҳақидаги орзуларини куйлади. 1863 й.дан кейин адабиётда реализм ҳукм сура келди (А. Асник, М. Конопницкая, Э. Ожешко, Б. Прус ижодиёти). 19-а. охири —20-а. бошларида реализм ўз-н бир қатор модернистик оқимлар ҳукмрон бўлди (Л. Стафф, С. Жеромский). 1-ва 2-жаҳон урушлари ўртасидаги давр адабиётида ижтимоий жиддиятлар танқидий ёритилди. Урушдан кейинги адабий асарларда оккупация йилларида ишрин қураш олиб борган ватанпарварларнинг қиёфаси ҳар томонлама очиб берилди. Аммо социалистик реализм деган сохта адабий қолиплар зўрлаб тиқиштирилиши оқибатида поляк адабиётида халқ ҳаёти ва қаҳрамонларининг ишлари, халқ атвори бир ёқлама ёритилишига олиб борди.

Поляк ёзувчиларининг айрим асарлари, жумладан, А. Мицкевич, Ю. Тувим шеърлари, В. Василевская романлари ўзбек тилида нашр этилган.

Меъморлиги. Мил. ав. 4—3-а.ларга оид Бискупин жамоа манзилгоҳларида ёғочдан ясалган иншоотлар П. ҳудудидаги энг қад. ёдгорликлардир. Христианлик қабул этилгач (966), диний тош меъморлиги ривожланди (Краковнинг Вавел тепалигидаги биби Марям капелла-ротондаси, 10-а.нинг 2-ярми). 11-а. нинг 2-ярмидан роман услубида ҳайкаллар б-н безатилган маҳобатли бинолар қурилди (Краков ва Тумалаги авлиё Анжей костёллари, 1090, 1141—61 й.лар; Вроцлавдаги Мария Магдалина костёли, 12-а. ва б.). 13—15-а.ларда готика тарқалди, шаҳарлар қад кўтарди, уларнинг марказларида меъморий мажмуалар (бозор майдонлари) вужудга келди, янги турдаги иморатлар (миноралн ратушалар, мовут расталари), мудофаа истеҳкомлари ва ш. к. пайдо бўлди. Улар орасида Торуньдаги ратуша (13—17-а.лар) ва авлиё Ян костёли, Вроцлавдаги ратуша (13-а. 2-ярми —16-а. бошлари) ва Иоанн Крестител костёли (13—18-а.лар), Гданьскдаги «Артус ҳовлиси» (14-а.) ва б.ларни кўрсатиш мумкин. *Уйғониш* даврида равоқлар б-н ўралган ҳовлили сарой-ларнинг янги тури яратилди (Краковнинг Вавел тепалигидаги, Баранув, Мирувдаги қаср саройлар). 16-а. охиридан 18-а. 1-ярмигача П. меъморлигида *барокко* услуби устун бўлди (Краковдаги Петр ва Павел костёли, Варшавадаги Вилянув қирол чорбоғи ва б.). Халқ ёғоч меъморлиги ривожланди. 18-а. 2-ярмидан классицизм урф бўлди; шаҳарларда маҳобатли жамоат бинолари ва мажмуалари барпо этилди (Варшавадаги Бельведер саройи, 1818—22, меъмор Я. Кубицкий; Лазенка сарой-лар мажмуаси, 1784—95, меъмор Д. Мерлини, Я. Камзетцер ва б.; Катта театр, 1820—32, меъмор А. Корацци, Х. П. Айгнер). 19-а. 2-ярмидан *эклектизм*, кейинроқ *конструктивизм* устунлик қилди. 2-жаҳон уруши йилларида (1939—45) фашистлар Плнинг шаҳар ва қишлоқларини вайрон этиб, кўпгина меъморий ёдгорликларини горат қилдилар. Урушдан кейин уларни қайта тиклаш ва янгиларини барпо этиш соҳасида кўп иш қилинди. «Краковия» меҳмонхонаси, Варшавадаги «Ўн йиллик» стадиони, «Супersам» савдо маркази, уй-жой даҳалари, Познандаги «Универмаг», «Меркурий» меҳмонхонаси шу жумлага киради.

Тасвирий санъати. П. ҳудудидаги аҳоли неолит давридаёқ нақшинкор сопол идишлар ясаган. Жез ва темир даврларида сопол ва жез идишлар, парранда ва ҳайвон расми туширилган икки тилдиракли аравалар ишланган. 11—13-а.ларда роман услуби ҳукмрон бўлди (Гнезнодаги биби Мария костёлининг бронза эшиклари, тахм. 1170 й., Стшельнодаги костёлнинг ўймакор равоқлари, 12-а., Тумалаги костёл нақшлари, тахм. 1161 й., «Эммеран кодекси» миниатюралари, 1099 й. ва б.). 13-а. охиридан 15-а. бошларигача санъатда *готика* урф бўлди (Краковдаги Вавел соборида В. Ягелло дахмаси, 1421 й., «Гнезно библияси» миниатюралари, 1414 й.). 15-а. охири — 16-а.да поляк Уйғониш даври санъати шаклана бошлади, 16-а. охиридан 18-а. ўрталаригача барокко ёйилди. 18-а. 2-ярми — 19-а. бошлари П. санъати маърифатпар-

Польша табиати манзараси.

лар академиясининг Варшава, Гданьск, Краковдаги кутубхоналари. Энг йирик музейлари: Варшавадаги миллий музей (1863), Краковдаги миллий музей (1879), Познандаги миллий музей (1857), Варшавадаги Ф. Шопен ва А. Мицкевич музейлари.

инқилобий романтизмга асос солди, демократик П. ҳаракати орзуларини куйлади. 1863 йилдан кейин адабиётда реализм юзага келди (А. Асник, М. Конопницкая, Э. Ожешко, Б. Прус ижодиёти). 19-а. охири —20-а. бошларида реализм ўз-ўзи бир қаторда модернистик оқимлар

Халқ ёғоч меъморлиги ривожланди. 18-а. 2-ярмидан классицизм урф бўлди; шаҳарларда маҳобатли жамоат бинолари ва мажмуалари барпо этилди (Варшавадаги Бельведер саройи, 1818—22, меъмор Я. Кубицкий; Лазенка сарой-лар мажмуаси, 1784—95, меъмор Д.

Польша герби.

тини тан олган ва 1992 й. мартда дипломатия муносабатлари ўрнатган. Миллий байрамлари —3 май — 1791 й.ги Конституция куни ва 11 нояб. — Мустақиллик куни (1918).

Асосий сиёсий партиялари, бирлашмалари ва касаба уюшмалари. Демократик партия, 1939 й. асос солинган; Консерватив халқ партияси, 1997 й. тузилган; Мустақил П. конфедерацияси партияси, 1979 й. ташкил этилган; Поляк деҳқонлари партияси, 1990 й. асос солинган; Поляк христиан демократлари келишуви партияси, 1999 й. тузилган; Оралиқ кучлари битимшуви партияси, 1990 й. ташкил этилган; Меҳнат иттифоқи партияси, 1992 й. асос солинган; П.ни тиклаш ҳаракати, 1995 й. тузилган; Демократик сўл кучлар иттифоқи, 1991 й. сайловолди бирлашмаси сифатида ташкил этилган; Озодлик иттифоқи ташкилоти, 1994 й.да тузилган. Умумпольша касаба уюшмалари битишуви, 1984 й. асос солинган; Яккаҳол деҳқонларнинг «Бирдамлик» касаба уюшмаси, 1981 й. тузилган; «Бирдамлик» касаба уюшмаси, 1980 й. ташкил этилган; «Бирдамлик-80» касаба уюшмаси, 1990 й. «Бирдамлик» касаба уюшмасидан ажралиб чиққан ва ўзини 1980—81 й.лардаги касаба уюшма ҳаракатининг бирдан-бир давомчиси деб ҳисоблайди.

Хўжалиги. П. — индустриал-аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 5,1%, қишлоқ ва ўрмон хўжалигининг улуши 26,6%, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 68,3%.

Саноати. П. тошкўмир, олтингугурт, табиий газ, кумуш қазиб олишда, пўлат эритишда Европада олтинги ўринлардан бирида туради. Кўмир мамлакат ёқилғи-энергетика балансининг асосини ташкил этади. Тошкўмир Юқори Силезия, шунингдек, Валбших ва Люблин ҳавзаларида, қўнғир кўмир Богатинда қазиб чиқарилади. Электр ст-ялари, асосан, кўмир конлари атрофида қурилган. Иссиқлик электр ст-яларида йилига ўртача 135,3 млрд. кВтсоат электр энергия ҳосил қилинади. Мис, қўрғошин-рух рудалари, озроқ миқдорда нефть ҳам қазиб олинади. Мамлакат эҳтиёжлари учун зарур нефтнинг 90% дан кўпроғи чет эллардан сотиб олинади. Нефтни қайта ишлаш саноатининг асосий марказлари — Плоцк ва Гданьск. Четдан келтириладиган темир руда ва маҳаллий кокс асосида ишловчи металлургия з-длари (шу жумладан, Краковдаги металлургия к-ти ва машҳур «Катовице» к-ти) Юқори Силезия агломерациясида жойлашган. Рангли металлургия саноати таркибида мис (Глогув, Легница), қўрғошин, рух (Катовице, Буковно, Мястечко-Сленске) ва алюминий (Конин) з-длари бор. Саноатнинг асосий тармоқлари бўлмиш машинасозлик ва металл ишлаш саноати хилма-хил маҳсулот ишлаб чиқаради. Кемасозлик (Гданьск, Гдиня, Щецин), самолётсозлик (Варшава, Мелец, Свидвин), вагон ва локомотивсозлик (Свидвин, Зелёна Гура, Вроцлав, Познань, Хшанув), автомобилсозлик (Варшава, Старачовице, Ельч, Люблин, Ниса), тракторсозлик (Варшава) ривожланган. Шахта ва металлургия з-длари учун технология асбоб-ускуналари, қувур, кимё, озиқ-овқат, ёғочсозлик, биноқорлик материаллари корхоналари учун комплект асбоб-ускуналар, шунингдек, станоклар, кема двигателлари, электр моторлар, кўтарма-транспорт воситалари, рўзғор машиналари ва аппаратлар, электрон асбоблар ва б. ҳам ишлаб чиқарилади. Кимё саноатида олтингугурт кислотаси, минерал ўғит, сода, хлор, пластмасса, синтетик тола, каучук ва ч.к. корхоналари бор. Асосий марказлари — Тарнув, Освенцим, Плоцк, Билгошч. Фармацевтика, фотокимё, парфюмерия (Варшава, Лодзь, Краков), резина, цемент, шиша, чинни-фаянс, ёғочсозлик, целлюлоза-қоғоз, кўн-пойабзал, тикувчилик саноати мавжуд. Тўқимачилик (ип, игирув, жун газлама, трикотаж), озиқ-овқат (қанд-шакар, спирт-арақ, гўшт, ёғ, балиқ, тамаки) саноат тармоқлари ривожланган. Ўрмонларда ёғоч тайёрланади.

Қишлоқ хўжалиги. Мамлакат майдонининг 61% қ.х.га яроқли ерлар. Майда хусусий деҳқончилик хўжаликлари устун. Давлат хўжаликлари, ширкатлар ва қ.х. тўғараклари ҳам бор. Энг муҳим қ.х. экинлари: жавлар, бугдой, арпа, сули, картошка, қанд лавлаги ва б. Сабзавот, тамаки, ем-хашак, резавор мевалар ҳам етиштирилади. Чорвачилик салмоғи катта. Қорамол, чўчқа, қўй, от, парранда боқилади.

Транспортининг асосини темир йўллар ташкил этади. Т.й. узунлиги — 24 минг км, автомобиль йўллари уз. 372,5 минг км. Дарё кемачилиги ривожланган. Асосий денгиз портлари — Гданьск, Гдиня, Щецин, Ленина савдо флотининг тонналжи — 4,5 млн. тонна дедвейт. Асосий халқаро аэропорти — Окенце (Варшава яқинида).

Польша байроғи

Ташқи иқтисодий алоқалари. П. чет элларга машиналар, саноат асбоб-ускуналари, кемалар, кимё саноати маҳсулотлари, кон истеъмол моллари, кумир, кокс, мис, рух, қора металлар прокати ва б. чиқаради. Четдан хом ашё, ёқилғи, дон, қ.х. маҳсулотлари ва б. олади. Европа Иттифоқи мамлакатлари, Россия, АҚШ б-н савдо қилади.

Тиббий хизмати. Давлатга қарашли касалхоналар б-н бир қаторда хусусий шифохоналар ҳам аҳолига тиббий хизмат курсатади. Врачлар 10 тиббиёт академиясида тайёрланади. Курортлар орасида энг машҳурлари: Кринница, Полянина-Здруй, Сопот, Колобжег, Закопане.

Маорифи, маданий-маърифий ва илмий муассасалари. Маорифи 15 ёшгача бўлган болалар учун мажбурий, барча погоналари давлат таъминотида. Ҳунар-техника мактаби бошланғич (1—3-синфлар) ва мунтазам (4—10-синфлар) таълимни ўз ичига олади. Ихтисослашган лицейлар ҳам бор. Хусусий мактаблар тармоғи кенгаймоқда. П. да 130 олий ўқув юрти фаолият кўрсатади. Европадаги энг қад. ун-тлардан бири Краков ун-ти (1364), шунингдек, Варшава ун-ти (1816), политехника ин-тлари, олий қ.х., иқтисодиёт, пед. мактаблари, тиббиёт ва рассомчилик академиялари шу жумлага киради.

Мамлакатдаги илмий фаолиятни Польша ФА б-н бирга Фан вазирлиги мувофиқлаштириб боради. И.т.лар Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот ин-тларида, олий ўқув юртларида, идоравий илмий муассасаларда олиб борилади. П.да Банах номидаги халқаро мат. маркази (Варшавада) ва Халқаро кучли магнит майдонлари ва паст т-ралар лаб. (Вроцлавда) ишлайди. Йирик кутубхоналари: Краков ун-ти кутубхонаси (1364), Варшавадаги миллий кутубхона (1928), Варшава ун-ти кутубхонаси (1817), Познань ун-ти кутубхонаси (1902), шунингдек, П. фан-

лар академиясининг Варшава, Гданьск, Краковдаги кутубхоналари. Энг йирик музейлари: Варшавадаги миллий музей (1863), Краковдаги миллий музей (1879), Познандаги миллий музей (1857), Варшавадаги Ф. Шопен ва А. Мицкевич музейлари.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. П. пойтахти ва воеводаларида кунига газ. ва журнал нашр этилади. Энг муҳимлари: «Газета выборча» («Сайловчилар газетаси», кундалик мустақил газ., 1989 й.дан), «Трибуна» («Минбар», кундалик газ., 1948 й. «Трибуна люду» номи б-н асос солинган, 1990 й.дан ҳоз. номда чиқади), «Газета Краковска» («Краков газетаси», кундалик газ., 1949 й.дан), «Газета Любуска» («Любуска газетаси», кундалик газ., 1952 й.дан) «Газета саможондова» («Ўзини ўзи бошқариш», кундалик газ., 1990 й.дан), «Громада-рольник польски» («Поляк деҳқони минбари», ҳафтасига 3 марта чиқадиган газ., 1947 й.дан), «Единость» («Бирлик» ҳафтаномаси, 1989 й.дан), «Жиче Варшави» («Варшава ҳаёти», кундалик газ., 1944 й.дан), «Речь Посполита» («Республика», кундалик газ., 1981 й.дан), «Жиче госпо-дарче» («Иқтисодий ҳаёт», ҳафталик иқтисодий жур., 1945 й.дан), «Нова республика» («Янги республика», ойлик жур., 1987 й.дан). П. матбуот агентлиги, давлат маҳкамаси, 1918 й. тузилган; П. ахборот агентлиги, акционерлик корхонаси, 1991 й. ташкил этилган. П. радио ва телевидение қўмитаси давлат маҳкамаси бўлиб, 1944 й. тузилган, радиоэшиттириш ва телекўрсатувларга раҳбарлик қилади. Телекўрсатувлар 1952 й.дан олиб борилади.

Адабиёти. П. адабиёти 10-а.да лотин тилида вужудга келди. 16-а.гача унда диний руҳдаги китоблар, шунингдек, йилнома ва воқеий ҳикоялар устун бўлган. Поляк тилидаги илк асарлар ҳам диний мазмунда эди («Биби Марям» қўшиғи, 13-а.). 15-а.да дунёвий руҳдаги асарлар яратила бошлади («Ялқов деҳқонлар ҳажви»). 15-а. охири —16-а. бошларида Уйғониш даври бошланди. М. Рей, Я. Кохановский, Ш. Шимонович, С. Кленович асарлари адолат ва ватанпарварлик гояларини тараннум этди. 16—17-а.ларда ҳажвий достон ва қиссалар, насиҳатомуз қўшиқ ва драмалар, қисқа ҳазил шеърлар («фрашка»лар) машҳур бўлди. Маърифатпарварлик даври (18-а. ўрталарида миллий мустақиллик учун кураш, илғор ижтимоий-фалсафий гоялар тарқалди, адабий-бадиий жур.лар нашр этила бошлади. 19-а. бошларида А. Мицкевич миллий-озодлик кураши таъсирида инқилобий романтизмга асос солди, демократик П. ҳақидаги орзуларини куйлади. 1863 й.дан кейин адабиётда реализм юзага келди (А. Асник, М. Конопницкая, Э. Ожешко, Б. Прус ижодиёти). 19-а. охири —20-а. бошларида реализм ўн бир қаторда модернистик оқимлар ҳукмрон бўлди (Л. Стафф, С. Жеромский). 1-ва 2-жаҳон урушлари ўртасидаги давр адабиётида ижтимоий жадаллар таъкидий ёритилди. Урушдан кейинги адабий асарларда оккупация йилларида инсонни қуриб олиб борган ватанпарварларнинг қиёфаси ҳар томонлама очиб берилди. Аммо социалистик реализм деган сохта адабий қолипдан ўзлаб чиқиштирилиши оқибатида поляк адабиётида халқ ҳаёти ва қаҳрамонларининг ишлари, ҳулқ атвори бир ёқлама ёритилишига олиб борди.

Поляк ёзувчиларининг айрим асарлари, жумладан, А. Мицкевич, Ю. Тувим шеърлари, В. Василевская романлари ўзбек тилида нашр этилган.

Меъморлиги. Мил. ав. 4—3-а.ларга оид Бискупин жамоа манзилгоҳларида ёғочдан ясалган иншоотлар П. ҳудудидаги энг қад. ёдгорликлардир. Христианлик қабул этилгач (966), диний тош меъморлиги ривожланди (Краковнинг Вавел тепалигидаги биби Марям капелла-ротондаси, 10-а.нинг 2-ярми). 11-а. нинг 2-ярмидан роман услубида ҳайкаллар б-н безатилган маҳобатли бинолар қурилди (Краков ва Тумадаги авлиё Анжей костёллари, 1090, 1141—61 й.лар; Вроцлавдаги Мария Магдалина костёли, 12-а. ва б.). 13—15-а.ларда готика тарқалди. шаҳарлар қад кўтарди, уларнинг марказларида меъморий мажмуалар (бозор майдонлари) вужудга келди, янги гурдаги иморатлар (минорали ратушалар, мовут растралари), мудофаа истеҳкомлари ва ш. к. пайдо бўлди. Улар орасида Торундаги ратуша (13—17-а.лар) ва авлиё Ян костёли, Вроцлавдаги ратуша (13-а. 2-ярми —16-а. бошлари) ва Иоанн Крестител костёли (13—18-а.лар), Гданьскдаги «Артус ҳовлиси» (14-а.) ва б.ларни кўрсатиш мумкин. *Уйғониш* даврида равоқлар б-н ўралган ҳовлили сарой-ларнинг янги тури яратилди (Краковнинг Вавел тепа-дигидаги, Баранув, Мирувдаги қаср саройлар). 16-а. охиридан 18-а. 1-ярмигача П. меъморлигида *барокко* услуби устун бўлди (Краковдаги Петр ва Павел костёли, Варшавадаги Вилянув қирол чорбоғи ва б.). Халқ ёғоч меъморлиги ривожланди. 18-а. 2-ярмидан классицизм урф бўлди; шаҳарларда маҳобатли жамоат бинолари ва мажмуалари барпо этилди (Варшавадаги Бельведер саройи, 1818—22, меъмор Я. Кубицкий; Лазенка сарой-лар мажмуаси, 1784—95, меъмор Д. Мерлини, Я. Камзетцер ва б.; Катта театр, 1820—32, меъмор А. Корацци, Х. П. Айзнер). 19-а. 2-ярмидан *эклектизм*, кейинроқ *конструктивизм* устунлик қилди. 2-жаҳон уруши йилларида (1939—45) фашистлар П.нинг шаҳар ва қишлоқларини вайрон этиб, кўпгина меъморий ёдгорликларини горат қилдилар. Урушдан кейин уларни қайта тиклаш ва янгиларини барпо этиш соҳасида кўп иш қилинди. «Краковия» меҳмонхонаси, Варшавадаги «Ўн йиллик» стадиони, «Суперсам» савдо маркази, уй-жой даҳалари, Познандаги «Универмаг», «Меркурий» меҳмонхонаси шу жумлага киради.

Тасвирий санъати. П. ҳудудидаги аҳоли неолит давридаёқ нақшинкор сопол идишлар ясаган. Жез ва темир даврларида сопол ва жез идишлар, парранда ва ҳайвон расми туширилган икки гилдиракли аравалар ишланган. 11—13-а.ларда роман услуби ҳукмрон бўлди (Гнезнодаги биби Марня костёлининг бронза эшиклари, тахм. 1170 й., Стшельнодаги костёлнинг ўймакор равоқлари, 12-а., Тумадаги костёл нақшлари, тахм. 1161 й., «Эммеран кодекси» миниатюралари, 1099 й. ва б.). 13-а. охиридан 15-а. бошларигача санъатда *готика* урф бўлди (Краковдаги Вавел соборида В. Ягелло дахмаси, 1421 й., «Гнезно библияси» миниатюралари, 1414 й.). 15-а. охири — 16-а.да поляк Уйғониш даври санъати шакллана бошлади, 16-а. охиридан 18-а. ўрталарига барокко ёйилди. 18-а. 2-ярми — 19-а. бошлари П. санъати маърифатпар-

Польша табиати манзараси.

Краков шаҳри ҳиёбонида.

варлик руҳи б-н суғорилган эди. Гарчи айрим мўйқалам усталари (М. Баччарелли) саройбоп расмларни классицизм услубида яратсалар ҳам, кўпчилик рассомлар ҳаётни ҳаққоний тасвирлашга (Б. Беллотто, Ж. П. Норблин, А. Орловский), поляк халқининг миллий озодлик курашини ифодалашга (А. Гроттер) интилдилар. А. Котсис, В. Герсон асарларида танқидий реализм нишоналари сезилади. 19-а.да А. ва М. Геримскийлар ижодида бу йўналиш юқори поғонага кўтарилди. 19-а. охири — 20-а. бошларида Л. Вичулковский, Я. Станиславский, Ю. Фалат асарлари импрессионизм, С. Виспянский, Я. Мальчевский асарлари символизм руҳида яратилди. 1918 й.дан кейин поляк санъати зиддиятли ривожланди. Айрим рассомлар Ғарбий Европа маданияти ютуқларига эргашса, бошқалари замонавий миллий услубни яратишга интилди. Таниқли поляк ҳайкалтароши К. Дуниковский ўз фаолиятини шу даврда бошлади. 2-жаҳон урушидан кейин тасвирий санъатда рассомлардан В. Вейс, Ф. Коварский, Х. Краевская ва Ю. Краевский, ҳайкалтарош С. Горно-Поплавский, графиклардан Т. Кулисевич, Т. Трепковский ва б. машҳур бўлди. Маҳобатли ҳайкалтарошлик ривож топди. Амалий безак санъатининг ҳар хил турлари қадимдан кенг тарқалган, бадиий ҳунармандчилик авж олган.

Мусиқасида бошқа славян халқлари мусиқа маданияти б-н умумийлик кўп. 20-а.гача сақланган халқ чолғу асбоблари шақилдоқ, бубен, ҳуштаклар жўрлигида маросим қўшиқлар (асосан, бир овозли), рақслар ижро этилган. Скрипка, машинка каби горли, лиравка, бағун каби пуфлаб чалинадиган соз лар кенг тарқалган. 9—10-а.дан католицизм тарқалиши б-н бирга григориан *хорали* кени ўрин тутади.

11—12-а.ларда черков ашулачилик мактаблари очилиб, уларнинг талабалари черков мусиқасини турли жойлардаги халқ мусиқаси б-н бойитдилар. 12-а.дан дунёвий профессионал мусиқа (жумладан, рицарлар қўшиқчилиги) ривож топди, сарой капеллалари ташкил этилди. 16-а.дан ун-тларда мусиқа назарияси ўргатила бошлади. 16—17-а.ларда етишиб чиққан композиторлар миллий куйларни Ғарбий Европа рақс ва мусиқа жанрлари б-н уйғунлаштируви асарлар ярата бошлади. 1765 й. Варшавада очилган «Халқ театри»да миллий опералар саҳналаштирилди. К. Курпиньский, М. Каменьский, М. Огиньский, Ю. Эльснер ва б. миллий мусиқа ривожига катта ҳисса қўшдилар. 19-а.да буюк композиторлар Ф. Шопен, С. *Монюшко*, виртуоз-скрипкачи акаука Вениявскийлар поляк мусиқасини жаҳон мусиқаси даражасига кўтаришди. 1901 й.да Варшава миллий филармонияси очилди. 20-а. мусиқа маданиятига К. Шимановский, В. Лютославский, К. Пендерецкий каби композиторлар катта ҳисса қўшдилар. П.да 21 симфоник оркестр, 10 опера театри, 9 оперетта театри, 9 балет труппаси, 7 олий мусиқа мактаби,4 хореография билим юрти бор. 1927 й.дан халқаро Шопен номидаги пианиночилар танлови, 1935 й.дан Вениявский номидаги скрипкачилар танлови ҳамда Замонавий мусиқа фестивали ва б. ўтказилади.

Театри. Христианликдан аввалги давр халқ маросимлари ва ўйинларида театр санъати нишоналари бўлган. 13—16-а.ларда тургун ва сайёр халқ томошахоналари қурилган, диний драмалар ривожланган. 13-а.нинг 2-ярмида кўрсатилган театр томошаларининг айрим сценарийлари сақланган. 1633 й. Варшавадаги қирол саройида биринчи доимий театр ишга тушди. 18-а. охирида илғор миллий театр санъати учун курашга реж., артист, драматург В. Бугуславский бошчилик қилди. 19-а. 60-й.лари охиридан Краков театри мамлакатнинг етакчи театрига айланди. 1913 й. Варшавада «Поляк театри» ташкил топди. 20—30-й.ларда Л. Шиллер Варшава, Львов ва б. шаҳарлардаги театрларда ишлаб, маҳобатли, назмий ва сиёсий театрларни уйғунлаштиришга ҳаракат қилди. 2-жаҳон урушидан сўнг театр ҳаёти тикланди, янги театрлар барпо этилди. П.да 60 театр бор. Варшава театр ҳаётининг марказидир «Халқ театри», «Поляк театри», «Ламонавий», «Умумий» театрлари, Краков, Лодзь, Вроцлав ва б. шаҳарлардаги театрларда жаҳон мумтоз драматургияси ва маҳаллий муаллифларнинг асарлари саҳналаштирилган. П.да пирк санъати ривожланган.

Кинояси. Алоҳида бадиий фильмлар 1908 й.да чиқарила бошланган. Дастлабки фильмларидан бири — «Антек Варшавага илк бор қадам ранжида қилди» ҳажвий фильмида машҳур ҳажвчи артист А. Фертнер бош ролни ўйнаган. 1909—10 й.ларда кинофирмалар ташкил этилди. Уларнинг энг нуфузлиси «Сфинкс» компанияси мунтазам фильмлар чиқара бошлади. 1914 й. 14 фильм суратга олинди. 1910—18 й.ларда миллий адабиёт асарлари: «Ғуноҳ тарихи» (реж. А. Бендарчик), «Қимат қўним» (реж. С. Кнаке-Завадзкий), «Мери Ежофович» (реж. Ю. Остоя-Сульницкий) экранлаштирилди. «Старт» кино уюшмаси (1930) ва «Киномуаллифлар кооперативи» (1937) кино санъати ривожида муҳим роль ўйнади. 2-жаҳон урушидан кейин «Фильм польский» давлат студияси ташкил этилди. «Аилод», «Кул ва олмос» (реж. А. Вайда), «Хайрлашув» (реж. В. Хас) фильмларида уруш оқибатлари тасвирланди. «Йўловчи аёл» (реж. А. Мунк), «Жандан кейинги манзара» (реж. А. Вайда), «Сеҳрли столчалар» (реж. Я. Маевский), «Ер ҳиди» (реж. Д. Йованович) фильмлари поляк кинематографиясида салмоқли ўрин олди. Ҳужжатли ва мультипликация киноси соҳасида ҳам кўпгина қизиқарли асарлар яратилди. Варшава, Лодзь, Вроцлавда киностудиялар, Краковда мультфильмлар студияси бор. Лодздаги Олий театр, кино ва телевидение мактабининг режлик, актёрлик, операторлик, телевидение ф-тлари, айрим олий ўқув юртларининг махсус бўлимлари кино ходимлари тайёрлайди.

Ўзбекистон — П. муносабатлари. Икки халқ ўртасидаги алоқалар кўп йиллик тарихга эга. Хусусан, 1863—64 й.ларда чор Россиясига қарши қўзғолон кўтарган поляклар Ўрта Осиёга сургун қилинган эди. Улар Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Қўқон ва б. шаҳарларда яшаб, меҳнат қилдилар. 1895 й. Тошкентда поляк болалари учун мактаб ва кутубхона очилди, яна 2 йилдан кейин поляклар жамоатчилик маданият маркази ташкил топди, поляклар костели фаолият бошлади. Иккинчи жаҳон уруши даврида Польшани немис-фашист қўшинларидан озод қилиш учун бўлган жангларда ўзбек генерали С. Раҳимов Данциг (Гданьск) яқинида ҳалок бўлди. Шу уруш оқибатида ва оммавий қатағонлар сабабли поляклар-нинг минтақамизга иккинчи кўчиши содир бўлди. Ўтган йилларда поляк ва ўзбек халқлари вакиллари инок яшаб келдилар, қувончли ва қайғули кунларда елкадош бўлдилар. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, поляклар-нинг «Светлица Польска» маданият маркази жамоатчилик уюшмаси мақомини олди, Ўзбекистондаги 3 мингга яқин поляк аҳолисига ўз миллий анъаналари ва маданиятини ривожлантириш, икки мамлакатнинг миллий ва давлат байрамларини нишонлаш имкони яратилди. Ўзбекистондаги поляклар диаспораси, «Ўзбекистон — Польша» ассоциацияси ҳузуридаги «Полония» секцияси, «Светлица Польска»нинг Самарқанд, Фарғона, Бухоро ва Тошкент шўъбалари фаолият юритаётир. Турли тарихий саналар, полъшалик машҳур маданият ва санъат арбобларига бағишланган учрашув, кечалар, концертлар уюштирилаётир. Буюк композитор Фредерик Шопенга бағишлаб Тошкентда ўтказилган фортепиано мусиқа фестивали, А. Мицкевич ва В. Реймонт каби машҳур ёзувчи ва шоирларнинг хотира кечалари ўтказилди.

ЎзР б-н П. ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар эса, Ўзбекистон мустақилликка эришиши б-ноқ йўлга қўйилди. 1992 й. Варшавада икки мамлакат ўртасида «Иқтисодий ҳамкорлик ва савдо-сотиқ тўғрисида» шартнома тузилди. ЎзР Президенти И. Каримовнинг 1995 ва 2003 й.ларда Польшага ва П. президенти А. Квасьневскийнинг 2002 й. Ўзбекистонга ташрифлари ўзаро муносабатларни янги поғонага кўтарди, турли соҳаларда янги шартномалар имзоланди, ўзбек-поляк ҳукуматлараро комиссияси ишлай бошлади. 2001 й. июнь ойида Познань савдо ярмаркасида Ўзбекистондан нуфузли делегация иштирок этиши ва унда мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти тақдимоти ўтказилиши ўзаро муносабатлар ривожида муҳим босқич бўлди. ЎзР Президенти И. Каримовнинг 2003 й. 10—12 июль кунлари П.га қилган расмий ташрифи айниқса самарали бўлди. Ташриф якунида иккита кредит битими, божхона ишида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам, халқаро автомобиль қатнови тўғрисида битимлар имзоланди. Ўзбекистон мудофаа вазирлиги б-н П. миллий мудофаа вазирлиги ўртасида қўшма-ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида декларация, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия ун-ти б-н П. халқаро муносабатлар ин-ти ўртасида ҳамкорлик меморандуми, «Ўзбектуризм» миллий компанияси б-н П. сайёҳлик компанияси ўртасида ҳамкорлик ҳақида битим, ЎзР Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки б-н П.нинг «Банк государетва краевего» ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Ташриф давомида ўзаро товар айланмасини янада ошириш кераклиги таъкидланди. Жумладан, 2001 й. бу кўрсаткич 31,4 млн. АҚШ долларини ташкил этди. ЎзР П.га ип газлама, калава ип, пахта толаси, рўзғор пахтаси, ноорганик кимё маҳсулотлари, қайта ишланган сабзавот, мева маҳсулотлари, мойли уруглар юборади, турли хизматлар кўрсатади. П. томони эса қанд-шакар, механика асбоб-ускуналари, электр анжомлари, пластмасса буюмлар, сариёг ва ўсимлик ёғи, қора металлар, полиграфия маҳсулотлари, мебель, дори-дармон жўнатади. «Ўзэлмосолтин» уюшмаси б-н П.нинг «Бумар» ташқи савдо компанияси ўртасида ҳамкорлик ривожланиб бораётир. ЎзР да П. 2 фирманинг ваколатхонаси очилган, поляк инвесторлари иштирокидаги 16 корхона фаолият юритмоқда.

ПОЛЬША ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ, Польша Республикаси Фанлар академияси — Польшанинг олий илмий муассасаси. 1952 й. Варшавада ташкил этилган. Ўтмишдошлари: Билимлар академияси (1873, Краков) ва Варшава илмий жамияти (1907). Академиянинг 180 дан ортиқ ҳақиқий, 150 дан зиёд мухбир аъзоси бор. Таркибида бир нечта бўлим, 70 дан ортиқ илмий муассаса, 100 дан зиёд илмий қўмита мавжуд.

ПОЛЬША—ТУРКИЯ УРУШЛАРИ (17-а.) — *Речь Посполита* б-н *Усмонли турк империяси* ўртасида 1620—21, 1672—76, 1683—99 й.лар (1683—99 й.лардаги Австрия-Туркия урушининг бир қисми)даги урушлар; асосан, украин ерларига эга бўлиш учун олиб борилган. 1698—99 й.лардаги Карловиц конгресси қарорига кўра, Речь Посполита 1676 й.дан Усмонли турк империяси қўлида бўлган Ўнг қирғоқ Украинаси ва Подолияни олган.

Поляк ешлари.

ПОЛЯК ТИЛИ — *ҳинд-европа тиллари* оиласининг ғарбий славян тиллари гуруҳидаги тил; Польша Республикасининг расмий тили. Польша, АҚШ, Бразилия, Франция, Канада ҳамда баъзи МДҲ мамлакатларида тарқалган. Сўзлашувчиларининг умумий сони 45 млн. кишидан ортиқ. П.т. катта поляк, кичик поляк, мазовец, силезия, кашуб лаҳжаларига бўлинади. Фонетик белгилари: урғу одатда сўзларнинг охиридан иккинчи бўғинга тушади; урғусиз унлиларнинг редукцияга учраши; унлиларда чўзиқлик-қисқалик оппозициясининг йўқлиги; ундошларнинг қаттиқлик-юмшоқлик оппозициясига эгалиги. Морфологик белгилари: сифат ва сифатдошларнинг қисқарган предикатив шакллари йўқлиги; сон сўз турқумининг алоҳида турланишга эгалиги; учта жинс шаклининг мавжудлиги ва б.

Адабий тил катта поляк, кичик поляк, мазовец шевалари асосида шаклланмоқда. Адабий тилнинг энг мақбул даврлаштирилиши: қад. П.т. — 1500 й.гача; ўрта П.т. — 16-а.дан 18-а.нинг 2-ярмигача; янги П.т. — 18-а.нинг 2-ярмидан ҳозиргача. Ёзуви лотин графикаси асосида. Унда поляк тилигагина хос бўлган баъзи товушлар диакритик белгили ҳарфлар б-н ифодаланади.

Исроил Пўлатов.

ПОЛЯКЛАР — халқ. Польшанинг асосий аҳолиси (37,75 млн. кишидан ортиқ). Умумий сони 44,2 млн. киши (1990-й.лар ўралари), жумладан, РФда 94,6 минг киши, Украинада 219,2 минг киши, Литвада 258 минг киши, Белоруссияда 417,7 минг киши. Поляк тилида сўзлашади. Диндорлари — асосан, католиклар. Поляк элатининг шаклланишида *Халқларнинг буюк кўчиши*дан сўнг Польша ҳудудида қолган ғарбий славян қабилалари муҳим роль ўйнаган. Польша давлати барпо этилган даврда поляк элати ҳам шаклланган (10—11-а.лар). Унинг этник

Поляклар. Анъанавий кийимда.

асосини полянлар, сленгандар, виелянлар, мазовшанлар, поморликлар ташкил қилган. Кўп миллатли Речь Посполита давлати (1565 й. ташкил топган) доирасида поляк миллати ривожи жараёни содир бўлган. П.нинг ярмидан ортиғи шаҳарларда яшайди ва кўп тармоқли саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд. Қ.х.нинг асосий тармоғи — галлачилик.

ПОЛЯНИ Жон Чарлз (1929.23.1, Берлин) — канадалик кимёгар. Канада Қироллик жамияти аъзоси (1966 й.дан). Манчестер ун-тини тугатган (1949). Фалсафа д-ри (1952), Торонто ун-ти проф. (1962 й.дан). Асосий тадқиқотлари кимёвий кинетикага оид. Элементар кимёвий жараёнлар динамикаси соҳасида янги йўналишни ривожлантирган (1960—70). Алоҳида молекулаларнинг кучсиз инфрақизил нурланишга кўра, реакция маҳсулотларининг энергетик ҳолатини аниқлаш усулини ишлаб чиққан. Лондон қироллик жамияти аъзоси (1971 й.дан). Нобель мукофоти лауреати (1986, С. Хершбах ва Я. Ли б-н ҳамкорликда).

ПОЛЯРИМЕТРИЯ (рус. поляризация — қутбланиш ва ...метр) — оптик фаол моддалар ёруғлигининг қутбланиш текислигини қанчалик бурилишини улчашга асосланган физик-кимёвий усул. Кўпинча, органик бирикмалар оптик фаол моддалар ҳисобланади. Моддаларнинг оптик фаоллиги оптик асбоб — поляриметр ёрдамида ўлчанади. П. усули асосида ўсимлик хом ашёларидаги қанд ва крахмал, эритмалардаги оқсил ва аминокислоталар, сийдикдаги узум қандининг миқдори ва углеводородларни парчаловчи ферментлар хили, миқдори ва кучи аниқланади.

ПОЛЯРОГРАФИЯ (юн. polos — қутб ва grapho — ёзяпман) — эриган моддалар концентрацияси ва табиатини аниқлашнинг электр-кимёвий усулларидан бири. Текширилаётган эритмага туширилган электрод ёрдамида ток кучи б-н кучланиш орасидаги боғлиқликни ўлчашга асосланган. 1922 й.да Я. *Гейровский* таклиф қилган. Бу боғлиқлик вольтампер эгри чизиқлар — полярограммаларни таҳлил қилиб аниқланади.



Полярограф схемаси

Полярограммани ҳосил қилиш учун махсус асбоб — полярографдан фойдаланилади. У электролизер 1, симоб электрод 2, симобли резервуар 3, галванометр 4, шунт 5, реостат 6, аккумулятор 7 дан иборат. П.нинг доимий ток, ўзгарувчан ток, юқори частотали ток, осциллографик, импульсли хиллари бор. П. минерал маҳсулотларни текширишда, реактивларнинг тозалигини назорат қилиш, кимёвий жараёнлар тезлиги ва механизмини аниқ қилиш каби мақсадларда, тех., биббиёт, металлургия, фармакология ва б. соҳаларда қўлланади.

ПОЛЯРОИД (юн. polos — қутб ва eidos — кўриниш) — табиий ёруғликдан чизиқли қутбланган ёруғликни ажратиб оладиган юпқа шаффоф парда кўринишидаги оптик асбоб; П. нини дихроизм ходиси ва мураккаб ёруғлик оқимларининг ҳар хил йўналишли ҳодисасига асосланган. Қутбланич (поляризатор) турларидан бири (қ. *Қутбланич*).

ПОЛЯРОН — инерцион қутбланувчи диэлектрик муҳитда электроннинг барқарор квант ҳолати, квазизарра. Бу ҳолатда электрон ўзининг электр майдони б-н муҳитнинг локал (чекли) қутбланишини ҳосил қилади. Муҳитнинг локал қутбланиши ҳам, ўз навбатида, электронга таъсир этиб, уни локал қутбланиш соҳасида ҳаракат қилишга мажбур қилади. Натижада локал тебраниб турган электроннинг локал қутбланган муҳит б-н ўзаро «боғланган» ҳолати пайдо бўлади. П.нинг спини 1/2 га тенг, яъни П. фермион ҳисобланиб, Ферми — Дирак статистикасига бўйсунади. Диэлектрик ва яримўтказгичларнинг баъзи хоссалари П. ёрдамида тушунтирилади.

ПОМЕШЧИКЛАР (рус.) — 1917 й. Окт. тўнтаришигача Россияда дворян ер эгалари. Дастлаб давлат хизматидаги кишилар, яъни давлат хизматини ўтаганлари учун ер (поместье)дан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган кишилар. Поместьелар секин-аста меросий бўла бориб, 1714 й.дан П.нинг хусусий мулкига айланган. Окт. тўнтариши П. ва уларнинг ер мулкини тугатган.

ПОМИДОР (итал. pomudoro, pomo d'oro — олтин олма) (Lucopersicon) — итузумдошлар оиласига мансуб бир ва кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар ва ярим буталар туркуми, сабзавот экини. 3, баъзи маълумотларга кўра 7 тури маълум. Оддий — ейиладиган П.

Помидор: *1* — гулкаси шоҳчаси; Навлари: *2* — Юкунок; *3* — гулранг; *4* — ТМК—22; *5* — Бизнес.

(Lesculentum) жаҳондаги деярли барча мамлакатларда (очиқ ва ҳимояланган ерларда) экилади. Жаҳон бўйича экин майдони 3,5 млн.га, ҳосилдорлиги 268,6 ц/га, яллиғ ҳосили 95,1 млн. т. (1999). Ватани — Жан. Америка. Европага 16-а. урталарида (дастлаб Испания, Португалия, Италияга) олиб келинган. Ўрта Осиёга 18-а. охирлари — 19-а. бошларида Россия орқали келган, бир йиллик экин тарзида экилади.

П. иссиқсевар ва ёруғсевар, қурғоқчиликка чидамли усимлик. Ўсиш учун энг мақбул ҳарорат 20—25°. Уруғи 13—15° да 4—5 кунда уна бошлайди. 5—12 барг чиққанда ҳосил шохлари шаклланади, дастлабки гуллари пайдо бўлади. Гулланишдан кейин эртапишари 48—53, ўртапишари 60—65, кечпишари 68—72 кун ва ундан кўпроқ муддатда пишади. Ҳарорат 15° дан пастда гулламайди, 10° дан пастда ўсишдан тўхтайди, 1—2° қаровсовуқларда нобуд бўлади. П. меваси (5%) қуруқ моддалар 4,5—8,1, органик кислоталар 3,5—8,5, пектин моддалар 0,13—0,23, қанд 3—7, шунингдек, минерал тузлар, С, В, РР витаминлар бор. Янгилигича, консерваланган, паста, қоқи ва б. ҳолида истеъмол қилинади. Консерва саноатида П. шарбати, пастаси ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистон шароитларида кўчатлари парникларда етиштирилиб, сўнгра далага экилади. Эртаги П. кўчати 10—25 апр.да, кечкиси 25 апр. — 10 майда эгатларга, кўпинча, икки қатор қилиб ўтказилади. Паст ва гуж ўсадиган навлар қатор оралиғи 140—160, кўчат оралиғи 25—30 см; баланд ва ёйиқ ўсадиган навлар қатор оралиғи 180—210, кўчат оралиғи 40 см қилиб экилади. Паст бўйли навларини 70×70 см схемада квадрат-уялаб экса ҳам бўлади. Деҳқончилик зонаси, нави ва экиш схемасига қараб 1 га майдонга 25—50 минг туп кўчат ўтказилади. Кўпинча кўчат ўтказиш олдидан ёки ўтказилгандан кейин суторилади. Қатор оралари ишланади, касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш олиб борилади. Мавсумда бир неча марта чопиқ қилинади. Кучат ўтказилгандан 10—12 кун ўтгач биринчи, 20—25 кундан сўнг иккинчи чопиқ қилинади. Мева тукканча ҳар 10—12 кунда, етилаётганда эса ҳар 3—5 кунда суторилади. Гектаридан ўртача 250—300 ц иссиқхоналарда 1 м² дан 12—15 кг ҳосил олинади. П. экилгандан ерга кўра гектарига 20—30 т гўнг солинади. Ўсув даврида 2—3 марта ўғитлар б-н озиқлантирилади. Ўзбекистонда П.нинг очиқ майдонда 25 та янги (*Волгоград* 5/95, Восток 36, Намуна 70, Перемога 165, Совга, *Сурхон* 142, Тошкент тонги, Ўзбекистон, ТМК-22, Бизнес, Тристар F_1 ва б.), иссиқхоналарда 10 дан ортиқ (*Гулжамол*, Колибра F_1, *Субҳидам*, Омад F_1, Галаксон ва б.) навлари экиш учун р-н лаштирилган (2003).

Касалликлари: вирусли касалликлардан *столбур*, кимбурунли касалликлардан барглариниг қизғиш доғланиши, *альтернариоз*, *илдиз чириши*, барглариниг оқ доғланиши; мева учиниг чириши ва б.

Зараркунандалари: *буноқбошилар*, *силкуртлар*, *каридрина*, полиз тунлами, галла нематодаси ва б.

Ад.: Бўриев Х., Абдуллаев А., Томорқа сабзавотчилиги, Т., 1987.

Рафиқжон Ҳакимов.

ПОМИР — Ўрта Осиёдаги йирик тоғли ўлка. Асосан, Тожикистон (Тоғли Бадахшон мухтор вилояти) ҳудудида, жан.даги кичик қисми (Ваҳон тизмасининг шарқий қисми) Афғонистон ҳудудида, шарқий қисми эса Хитой ҳудудида жойлашган.

П.нинг шим. чегараси Орқа Олай тизмасининг шим. этагидан, жан.даги Панж ва Ваҳондарё, Ваҳон тизмаси ҳамда Тошқўрғон дарёсининг бошланиш қисмидан ўтади. Шарқда Помирга Сариқўл тизмаси (энг баланд жойи 6351 м) ва Қашқар тоғларини киради. Қашқар тоғларининг энг баланд чўққилари — Қўнгир (7579 м), Музтоғота (7555 м), Оқсойбоши (6148 м). Ғарбда П.нинг чегараси Панж дарёси, шим.- ғарбида П.га Пётр I ва Дарвоз тизмалари киради. П. кенглик бўйлаб тахм. 300 км га яқин, меридиан бўйлаб 250 км га чўзилган.

Рельефи. П. деярли кенглик ва меридиан бўйлаб чўзилган кўтлаб тизмалардан ташкил топган. У Тарим ва Амударё ҳавзаларини бир-биридан ажратади.

П.нинг шимолий қисмидаги Орқа Олай тизмаси кенглик бўйлаб, ғарбдан Қизилсув ва Муксув дарёларининг қўшилиш қисмидан шарққа. Отчайло чўққисигача чўзилган. Ўртача бал. 6000 м, энг баланд жойи 7134 м. Орқа Олай тизмасининг шарқий қисмида Қизиларт довони (бал. 4280 м) жойлашган, ундан Ўш—Хорут автомобиль йўли ўтади.

Помир тоғлари. Помир тракти.

Орқа Олай тизмасидан жан.да П. орографик жиҳатдан икки қисмга: Ғарбий П. ва Шарқий П.га бўлинади. Ғарбий П. бир қанча кенглик ва жан.-ғарбга чўзилган жуда баланд, бир-биридан чуқур, асосан, дара шаклига эга бўлган дарёлар ё-н ажралган, алп типли рельефга эга бўлган тизмалардан иборат. Тизмалар ён бағирларида (асосан, 4000—4600 м баландликларда) текисланган юзаликларнинг қолдиқлари сақланиб қолган, улар чуқур парчаланган. Ғарбий П.нинг энг баланд тизмаларига, унинг шим.-ғарбидаги Пётр I (энг баланд жойи 6785 м), Дарвоз (6083 м), Ванж (5584) тизмалари киради. Пётр I ва Ванж тизмалари шарқда кенглик бўйлаб чўзилган Фанлар Академияси тизмаси ё-н туташади. Пётр I ва Фанлар Академияси тизмалари туташган жойда бал. 7495 м ли Сомонийён чўққиси жойлашган. Ванж ва Фанлар Академияси тизмаларидан жан.да Язгулом (6974 м), Рушон (6080 м), Шуғнон (5704 м), Шохдара (6726 м), Ғарбий П.нинг жан.-ғарбий қисмида деярли меридиан бўйлаб чўзилган Ишкошим тизмалари (6096 м) жойлашган. Ушбу тизмаларнинг нисбий бал. (Панж дарёсининг ўнг ирмоқлари ўзанидан) 2000—3500 м. Ғарбий П. тизмалари ён бағирларининг нисбий баландлиги, тиклиги, нураш жараёнларининг кучлилиги ва кучли зилзалаларнинг тез-тез бўлиб турганлиги натижасида кўплаб суридмалар ва кўлашлар содир бўлишига олиб келган. 1911 й.да тог кўлаши натижасида Сарез кўли ҳосил бўлган.

Шарқий П. ер юзасининг тузилиши Ғарбий П.никидан фарқ қилади. П.нинг бу қисмида тог тизмалари ясси текислик кўринишдаги кенг водийлар ва бал. 3500—4500 м ли ботиқлар (Рангкўл, Шўркўл, Қоракўл ва б.) орқали бир-биридан ажралган. Ботиқлар ва дарё водийлари тизмаларнинг нураши натижасида ҳосил бўлган чағир тош, харсанг тош, шағаллар, қад. музликлар қолдирган мореналар б-н тўлган. Шарқий П.да йиллик ёғин миқдори кам бўлганлиги сабабли, эрозион емирилиш кучли эмас. П.нинг бу қисмида доимий музоқлар ҳам ҳосил бўлган. Шарқий П.да Музкўл (6233 м), Шим. Аличур (5929 м), Жан. Аличур (5706 м) ва б. тизмалар деярли кенглик бўйлаб чўзилган, уларнинг нисбий бал. 1200—1800 м.

Геологик тузилиши. П. тоғлари алп бурмаланиш минтақасига киради. Уларнинг шим. қисми (Орқа Олай тизмасининг шим. ён бағри) юқори пермь, мезозой ва кайнозой даврига мансуб кристалли сланец, конгломерат, қумтош, гил, оҳактош ва вулканоген жинслардан ташкил топган. Марказий қисми тектоник жиҳатдан синклиналь структура бўлиб, палеозой, мезозой (триас, юра ва қўйи бўр) даври чўкинди, метаморфлашган,чўкинди-вулканоген тог жинслари б-н тўлган. Жан. Помир антиклиналь структура бўлиб, жуда қад. (архей, протерозой) тог жинсларидан (сланец, гнейс, мармар ва б.) ташкил топган. Бу антиклиналь байкал бурмаланишидан кейин шаклланган, алп бурмаланиш даври интрузивлари б-н ўзгартирилган. Интрузивлар П.нинг жан.-ғарбий қисмида ер юзасига чиқиб қолган.

П. янги тектоник ҳаракатлар натижасида гумбазсимон шаклда 6000—7000 м га кўтарилган. П. олди ботиғининг ғарбий қисми эса бу ҳаракатлар натижасида чўккан. Неоген ва тўртламчи даврларда П.нинг кўтарилиши циклли хусусиятга эга бўлиб, унда, қад. музликлар ҳосил бўлиши, зилзилаларнинг тез-тез бўлиб туришига олиб келган.

Фойдали қазилмалари. П.нинг фойдали қазилмалари, асосан, кайнозойнинг магматизм ва метаморфизм жараёнлари б-н боғлиқ. Фойдали қазилмалардан тог билури, нодир металлар, симоб, бор, флюорит, исланд шпати, лазурит, сочма олтин, боксит, кўмир, туз, минерал ва термал сувлар, қурилиш материаллари топилган.

асосини полянлар, слензанлар, вислянлар, мазовшанлар, поморликлар ташкил қилган. Кўп миллатли Речь Посполита давлати (1565 й. ташкил топган) доирасида полак миллати ривожланиши жараёни содир бўлган. П.нинг ярмидан ортиги шаҳарларда яшайди ва кўп тармоқли саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд. Қ.х.нинг асосий тармоғи — галлачилик.

ПОЛЯНИ Жон Чарлз (1929.23.1, Берлин) — канадалик кимёгар. Канада Қиролик жамияти аъзоси (1966 й.дан). Манчестер ун-тини тугатган (1949). Филсафа д-ри (1952). Торонто ун-ти проф. (1962 й.дан). Асосий тадқиқотлари кимёвий кинетикага оид. Элементар кимёвий жараёнлар динамикаси соҳасида янги йўналишни ривожлантирган (1960—70). Алоҳида молекулаларнинг кучсиз инфрақизил нурланишига кўра, реакция маҳсулотларининг энергетик ҳолатини аниқлаш усулини ишлаб чиққан. Лондон қиролик жамияти аъзоси (1971 й.дан). Нобель мукофоти лауреати (1986). С. Хершбах ва Я. Ли б-н ҳамкорликда).

ПОЛЯРИМЕТРИЯ (рус. поляризация — қутбланиш ва ...метр) — оптик фаол модлалар ёрдамида ўлчанаи қутбланиш текислигини қанчалик бурилишини ўлчашга асосланган физик-кимёвий усул. Кўпинча, органик бирикмалар оптик фаол модлалар ҳисобланади. Модлаларнинг оптик фаоллиги оптик асбоб — поляриметр ёрдамида ўлчанади. П. усули асосида ўсимлик хом ашёларидаги қанд ва крахмал, эритмалардаги оқсил ва аминокислоталар, сийдикдаги узум қандининг миқдори ва углеводородларни парчаловчи ферментлар хили, миқдори ва кучи аниқланади.

ПОЛЯРОГРАФИЯ (юн. polos — қутб ва grapho — ёзяпман) — эриган модлалар концентрацияси ва табиатини аниқлашнинг электр-кимёвий усулларидан бири. Текширилаётган эритмага



Полярограф схемаси

туширилган электрод ёрдамида ток кучи б-н кучланиш орасидаги боғлиқликни ўлчашга асосланган. 1922 й.да Я. *Гейровский* таклиф қилган. Бу боғлиқлик вольт-ампер эгри чизиқлар — полярограммаларни таҳлил қилиб аниқланади.

Полярограммани ҳосил қилиш учун махсус асбоб — полярографдан фойдаланилади. У электролизер 1, симоб электрод 2, симобли резервуар 3, пульсаполяриметр 4, шунт 5, реостат 6, аккумулятор 7 дан иборат. П.нинг доимий ток, ўзгарувчан ток, юқори частотали ток, осциллографик, импульсли хиллари бор. П. минерал хомашёларни текширишда, реактивларнинг тозалигини назорат қилиш, кимёвий жараёнлар тезлиги ва механизмини тадқиқ қилиш каби мақсадларда, тиббиёт, металлургия, фармакология ва б. соҳаларда қўлланади.

ПОЛЯРОИД (юн. polos — қутб ва eidos — кўриниш) — табиий ёруғликдан чизиқли қутбланган ёруғликни ажратиб оладиган ингичка шаффоф парда кўринишидаги оптик асбоб; П. ниш дихроизм (нурни ва мураккаб ёруғлик оқимларининг ҳар хил ютилиши) ҳодисасига асосланган. Қутблагич (поляризатор) турларидан бири (қ. *Қутблагич*).

ПОЛЯРОН — инерцион қутбланувчи диэлектрик муҳитда электроннинг барқарор квант ҳолати, квазизарра. Бу ҳолатда электрон ўзининг электр майдони б-н муҳитнинг локал (чекли) қутбланишини ҳосил қилади. Муҳитнинг локал қутбланиши ҳам, ўз навбатида, электронга таъсир этиб, уни локал қутбланиш соҳасида ҳаракат қилишга мажбур қилади. Натижала локал тебраниб турган электроннинг локал қутбланган муҳит б-н ўзаро «боғланган» ҳолати пайдо бўлади. П.нинг спини 1/2 га тенг, яъни П. фермион ҳисобланиб, Ферми — Дирак статистикасига бўйсунади. Диэлектрик ва яримўтказгичларнинг баъзи хоссалари П. ёрдамида тушунтирилади.

ПОМЕШЧИКЛАР (рус.) — 1917 й. Окт. тўнтаришигача Россияда дворян ер эгалари. Дастлаб давлат хизматидаги кишилар, яъни давлат хизматини ўтаганлари учун ер (поместьеларни фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган кишилар. Поместьелар секин-аста меросий бўла бориб, 1714 йдан П.нинг хусусий мулкига айланган. Окт. тўнтаришидан П. ва уларнинг ер мулкини тугатган.

ПОМИДОР (итал. pomudoro, pomo d'oro — олтин олма) (Lucopersicon) — итузумдошлар оиласига мансуб бир ва кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар ва ярим бутлар туркуми, сабзавот экини. 3, баъзи маълумотларга кўра 7 тури маълум. Олдин — ейиладиган П.

Помидор: *1* — гулаган шохаси, *Навлари: 2* — Жокей, *3* — гулвасд, *4* — ТМК—22, *5* — Бизон

(Lesculentum) жаҳондаги деярли барча мамлакатларда (очиқ ва ҳимоялантан ерларда) экилади. Жаҳон бўйича экин майдони 3,5 млн.га, ҳосилдорлиги 268,6 ц/га, ялпи ҳосили 95,1 млн. т (1999). Ватани — Жан. Америка. Европага 16-а. урталарида (дастлаб Испания, Португалия, Италияга олиб келинган. Ўрта Осиега 18-а. охирлари — 19-а. бошларида Россия орқали келган, бир йиллик экин тарзида экилади.

П. иссиқсевар ва ёруғсевар, қуриқчиликка чидамли ўсимлик. Ўсиш учун энг мақбул ҳарорат 20—25°. Уруғи 13—15° да 4—5 кунда уна бошлайди. 5—12 барг чиққанда ҳосил шохлари шаклланади, дастлабки гуллари пайдо бўлади. Гуллаганидан кейин эрталабки 48—53, ўрталабки 60—65, кечкилари 68—72 кун ва ундан кўпроқ муддатда пишади. Ҳарорат 15° дан пастда гулламайди, 10° дан пастда ўсишдан тўхтайди, 1—2° қорасовуқларда нобуд бўлади. П. меваси (%) қуруқ моддалар 4,5—8,1, органик кислоталар 3,5—8,5, пектин моддалар 0,13—0,23, қанд 3—7, шунингдек, минерал тузлар, С, В, РР витаминлар бор. Янгилигича, консерваланган, паста, қоқи ва б. ҳолида истеъмол қилинади. Консерва саноатида П. шарбати, пастаси ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистон шароитларида кўчатлари парникларда етиштирилиб, сўнгра далага экилади. Эртаги П. кўчати 10—25 апр.да, кечкиси 25 апр. — 10 майда эгатларга, кўпинча, икки қатор қилиб ўтказилади. Паст ва гуж ўсадиган навлар қатор оралиги 140—160, кўчат оралиги 25—30 см; баланд ва ёйиқ ўсадиган навлар қатор оралиги 180—210, кўчат оралиги 40 см қилиб экилади. Паст бўйли навларини 70×70 см схемада квадрат-уялаб экса ҳам бўлади. Деҳқончилик зонаси, нави ва экиш схемасига қараб 1 га майдонга 25—50 минг туп кўчат ўтказилади. Кўпинча кўчат ўтказиш олдидан ёки ўтказилгандан кейин суторилади. Қатор оралари ишланади, касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш олиб борилади. Мавсумда бир неча марта чопиқ қилинади. Кучат ўтказилгандан 10—12 кун ўтгач биринчи, 20—25 кундан сўнг иккинчи чопиқ қилинади. Мева тукканча ҳар 10—12 кунда, етилиша пишганда ҳар 3—5 кунда суторилади. Гектаридан ўртача 250—300 ц (иссиқхоналарда 1 м² дан 12—15 кг) ҳосил олинади. П. экиладиган ерга кузда гектарига 20—30 т гўнг солинади. Ўсув даврида 2—3 марта ўғитлар б-н озиқлантирилади. Ўзбекистонда П.нинг очиқ майдонда 25 та якин (*Волгоград* 5/95, Восток 36, Намуна 70, Перемога 165, Совга, *Сурхон* 142, Тошкент тонги, Ўзбекистон, ТМК-22, Баҳодир, Трактор F_1 ва б.), иссиқхоналарда 10 дан ортиқ (*Гулқанд*, Колибра F_1, *Сувлидам*, Омад F_1, Гамавон ва б.) навлари экиш учун р-ланштирилган (2003).

Касалликлари: вирусли касалликлардан *столбур*, замбуруғли касалликлардан барглларининг қунгир доғланиши, *альтернариоз*, *илдиз чириши*, барглларининг оқ доғланиши; мева учини чириши ва б.

Зараркунандалари: *буғумбошилар*, *симқуртлар*, *карадрина*, полиз тунлами, галла нематодаси ва б.

Ад.: Бурнев Х., Абдуллаев А., Томорқа сабзавотчилиги, Т., 1987.

Рафиқжон Ҳакимов

ПОМИР — Ўрта Осиёдаги йирик тоғли ўлка. Асосан, Тожикистон (Тоғли Бадахшон мухтор вилояти) ҳудудида, жан.даги кичик қисми (Ваҳон тизмасининг шарқий қисми) Афғонистон ҳудудида, шарқий қисми эса Хитой ҳудудида жойлашган.

П.нинг шим. чегараси Орқа Олай тизмасининг шим. этагидан, жан.даги Панж ва Ваҳонларё, Ваҳон тизмаси ҳамда Тошқўрғон дарёсининг бошланиш қисмидан ўтади. Шарқда Помирга Сариқўл тизмаси (энг баланд жойи 6351 м) ва Қашқар тоғларининг энг баланд чўққилари — Қунгир (7579 м), Музтоғота (7555 м), Оқсойбоши (6148 м). Гарбда П.нинг чегараси Панж дарёси, шим.- гарбида П.га Пётр I ва Дарвоз тизмалари киради. П. кенглик бўйлаб тахм. 300 км га яқин, меридиан бўйлаб 250 км га чўзилган.

Рельефи. П. деярли кенглик ва меридиан бўйлаб чўзилган кўплаб тизмалардан ташкил топган. У Тарим ва Амударё ҳавзаларини бир-биридан ажратади.

П.нинг шимолий қисмидаги Орқа Олай тизмаси кенглик бўйлаб, гарбдан Қизилсув ва Муксув дарёларининг қуйилиш қисмидан шарққа. Отчайло чўққисигача чўзилган. Ўртача бал. 6000 м, энг баланд жойи 7134 м. Орқа Олай тизмасининг шарқий қисмида Қизилларт довони (бал. 4280 м) жойлашган, ундан Ўш—Хоруг автомобиль йўли ўтади.

Помир тоғлари. Помир тракти.

Орқа Олай тизмасидан жан.да П. орографик жиҳатдан икки қисмга: Ғарбий П. ва Шарқий П.га бўлинади. Ғарбий П. бир қанча кенглик ва жан.-гарбга чўзилган жуда баланд, бир-биридан чуқур, асосан, дара шаклига эга бўлган дарёлар ён-жағирлари, алъп типли рельефи эга бўлган тизмалардан иборат. Тизмалар ён бағирларида (асосан, 4000—4600 м баландликларда) текисланган юзаликларнинг қолдиқлари сақланиб қолган, улар чуқур парчаланган. Ғарбий П.нинг энг баланд тизмаларига, унинг шим.-гарбидаги Пётр I (энг баланд жойи 6785 м), Дарвоз (6083 м), Ванж (5584) тизмалари киради. Пётр I ва Ванж тизмалари шарқда кенглик бўйлаб чўзилган Фанлар Академияси тизмаси ён-н туташади. Пётр I ва Фанлар Академияси тизмалари туташган жойда бал. 7495 м ли Сомонийён чўққиси жойлашган. Ванж ва Фанлар Академияси тизмаларидан жан.да Язгулом тизмаси (6974 м), Рушон (6080 м), Шугнон (5704 м), Шохдара (6726 м), Ғарбий П.нинг жан.-гарбий қисмида деярли меридиан бўйлаб чўзилган Ишкошим тизмалари (6096 м) жойлашган. Ушбу тизмаларнинг нисбий бал. (Панж дарёсининг ўнг ирмоқлари ўзанидан) 2000—3500 м. Ғарбий П. тизмалари ён бағирларининг нисбий баландлиги, нураш жараёнларининг кучлиги ва кучли эпзидалларнинг тезлиги тез бўлиб турганлиги натижасида кўплаб суриламалар ва кулашлар содир бўлишига олиб келган. 1911 й.да тоғ кулаши натижасида Сарез кўли ҳосил бўлган.

Шарқий П. ер юзасининг тузилиши Ғарбий П.никидан фарқ қилади. П.нинг бу қисмида тоғ тизмалари ясси текислик кўринишдаги кенг водийлар ва бал. 3500—4500 м ли ботиқлар (Рангкўл, Шўркўл, Қоракўл ва б.) орқали бир-биридан ажралган. Ботиқлар ва дарё водийлари тизмаларининг нураши натижасида ҳосил бўлган чағир тош, харсанг тош, шағаллар, қад. музликлар қолдирган мореналар б-н тўлган. Шарқий П.да йиллик ёғин миқдори кам бўлганлиги сабабли, эрозион емирилиш кучли эмас. П.нинг бу қисмида доимий музлоқлар ҳам ҳосил бўлган. Шарқий П.да Музкўл (6233 м), Шим. Аличур (5929 м), Жан. Аличур (5706 м) ва б. тизмалар деярли кенглик бўйлаб чўзилган, уларнинг нисбий бал. 1200—1800 м.

Геологик тузилиши. П. тоғлари алъп бурмаланиш минтақасига киради. Уларнинг шим. қисми (Орқа Олай тизмасининг шим. ён бағри) юқори пермь, мезозой ва кайнозой даврига мансуб кристалли сланец, конгломерат, қумтош, гил, оҳактош ва вулканоген жинслардан ташкил топган. Марказий қисми тектоник жиҳатдан синклиналь структура бўлиб, палеозой, мезозой (триас, юра ва қўйи бўр) даври чўкинди, метаморфлашган,чўкиндн-вулканоген тоғ жинслари б-н тўлган. Жан. Помир антиклиналь структура бўлиб, жуда қад. (архей, протерозой) тоғ жинсларидан (сланец, гнейс, мармар ва б.) ташкил топган. Бу антиклиналь байкал бурмаланишидан кейин шаклланган, альп бурмаланиш даври интрузивлари б-н ўзгартирилган. Интрузивлар П.нинг жан.-ғарбий қисмида ер юзасига чиқиб қолган.

П. янги тектоник ҳаракатлар натижасида гумбазсимон шаклда 6000—7000 м га кўтарилган. П. олди ботиғининг ғарбий қисми эса бу ҳаракатлар натижасида чўккан. Неоген ва тўртламчи даврларда П.нинг кўтарилиши цикли хусусиятга эга бўлиб, унда, қад. музликлар ҳосил бўлиши, эпзидаларнинг тез-тез бўлиб туришига олиб келган.

Фойдали қазилмалари. П.нинг фойдали қазилмалари, асосан, кайнозойнинг магматизм ва метаморфизм жараёнлари б-н боғлиқ. Фойдали қазилмалардан тоғ биллури, нодир металлар, симоб, бор, флюорит, исланд шпати, лазурит, сочма олтин, боксит, кўмир, туз, минерал ва термал сувлар, қурилиш материаллари топилган.

Помир. Қиялатт довони.

Иқлими. П. субтропик иқлим минтақасида жойлашган бўлишига қарамасдан, иқлими унинг денгиз сатҳидан баландлиги, рельефи, кириб келаётган ҳаво массаларининг бир хил тақсимланмаганлиги б-н боғлиқ. Унинг иқлими, айниқса, шарқий қисмида, қуруқчил, қуёш радиацияси кучли, т-ралар амплитудаси сутка ва фасллар давомида катта. П.нинг шим.-гарбий қисмида жойлашган тизмалар (Пётр I, Фанлар Академияси) гарбдан келаётган нам ҳаво массаларини тўсиб қолади. П.-да баландлик иқлим минтақалари ташкил топган. Гарбий П.нинг баланд қисмларида йиллик т-ра 0° га яқин, ҳатто баъзи бир қисмларида манфий, дарё водийларида 15°. Денгиз сатҳидан 2100 м баландликда янв.нинг ўртача т-раси — 7,4°. Июлники Хоруғ ш.да 22°, энг юқори т-ра 40°. Денгиз сатҳидан 4200 м баландликда жойлашган Федченко музлигида энг паст т-ра —31,4°. Июлнинг ўртача т-раси 3,9°, энг юқори т-ра 15,5°.

Шарқий П.нинг иқлими Гарбий П.никидан анча фарқ қилади. Йилнинг ўртача т-раси унинг ҳамма қисмида манфийдир. Қиш узоқ давом этади, қор қоплами юпқа, кучли шамоллар бўлиб туради. Янв.нинг ўртача т-раси 3000 м баландликда —17,8°, энг паст т-ра —50° га яқин. Ёзи қисқа, ёз кечалари т-ра кўпинча 0° дан пастга тушади. Июлнинг ўртача т-раси 15°дан ошмайди. Шарқий П. баландтоғ чўлининг типик намунаси ҳисобланади. П. ҳудудига гарбдан нам ҳаво массалари кириб келганлиги сабабли, унинг гарбий ва шим.-гарбий қисмларида ёғин кўп, шарқи қисмида эса кам. Федченко музлиги жойлашган ҳудудда (4000—5000 м) Фанлар Академияси ва унга ёндош тизмаларнинг гарбдан келаётган нам ҳаво массаларини тўсиб қолиши оқибатида йиллик ёғин 2230—2500 мм дан ошмайди, ундан шарқроқда жойлашган ҳудудларда ёғин жуда кам (63—73 мм), фақат баланд минтақаларда 1000 мм га етади.

Дарё ва кўллари. Дарёлари, асосан, Амударё, Шарқий П.нинг шарқий қисмидан бошланувчи баъзи дарёлар Ёркенд ва Қашқар дарёлари ҳавзаларига киради. Энг йирик дарёси — Панж. Панжнинг ўнг ирмоқлари: Гунт, Шохдара, Бартанг, Язғулом, Ванж ва б. Шим.-гарбий П.дан Вахш ҳавзасига қарашли Обихингов ва Муксув дарёларининг юқори оқими ўтади. Бир неча дарёлар П.нинг ички ҳавзасига (Қоражилға, Музкўл) ва Тарим ҳавзасига (Марқансув) мансуб.

П.да келиб чиқиши ҳар хил (тектоник, тўғон, муз) кўллар мавжуд. Буларлан йириклари: Қоракўл, Сарқўл, Рангкўл, Шўркўл, Зўркўл, Яшилкўл, Сарез, Шадах ва б.

Музликлари. П. ҳозирги замон музликлари кенг тарқалган ҳудуд ҳисобланади. Уларнинг сони 7100 дан зиёд, майдони эса 8400 км² бўлиб, П.нинг 11% ҳудудини эгаллаган. П.да бир неча йирик музлик марказлари бўлиб, улар Фанлар Академияси, Орқа Олай, Рушон, Шим. Аличур, Язғулом, Пётр I, Дарвоз, Зулумарт тизмаларида жойлашган. П.да қор чегараси шим.-гарбда 4400 м дан, жан.-шарқда 5200—5250 м дан ўтади. Гарбий П.да водий музликлари кенг тарқалган. Йирик водий музликлари: Федченко (уз. 77,4 км, майд. 907 км², Фанлар Академияси тизмасида), Шим.-гарбий П.да — Грумм-Гржимайло (37 км, 143 км²), Язғулом тизмасида — Фортамбек (19 км, 74,5 км²), Орқа Олай тизмасида — География жамияти (24 км, 64,4 км²), Нура (13,9 км, 84,5 км²). Фанлар Академияси тизмаси ва б.ларда музликларнинг қалинлиги 1000 м га етади (Федченко музлиги). П.да вақт-вақти б-н жуда тез ҳаракат қилувчи (бир суткада 100 м гача) музликлар (мас. Айиқ музлиги Ванж дарасининг юқори оқимида мавжуд. Шарқий П.да музлик кам, уларнинг узунлиги, майдони катта эмас. П.да музликларнинг бир неча тури (водий, дарахтсимон, туркистон, осилган, ён бағир, текис сувалиғичи, карр, пирк) тарқиб топган. Тўрламчи ландшафтларда П. бир неча марта музлик б-н қопланган.

Тупроқ-ўсимлик қоплами. П.да баландлик тупроқ-ўсимлик минтақалари шаклланган. Баландлик минтақалари Гарбий ва Шарқий П.да турлича. Гарбий П.да дарахт ўсимликлари кам. Тошлоқ ён бағирларда ва морена геплзикларида сийрак арча бутазорлари учрайди. Дара қайирларида терак, оқ қайин, тол, наъматак сингари дарахт ва бутасимон ўсимликлар ўсади. Дара водийлари чўл, асосан, шувоқ ўсимликлари б-н қопланган. Ён бағирларда сийрак чала-чўл тоғли ксерофит ва тоғ дашт ўсимликлари тарқалган. Гарбий П.нинг шим. қисмидаги баландтоғ минтақаси тог ўтлоқлари ва ўтлоқ-дашт ўсимликлари б-н банд. Бу ерларда асосан, тўнгизсирт ҳукмронлик қилади, жан.роқда эса криофил (совуққа чидамли) паст бўйли ва чала буталар, баъзи жойларда алп паст бўйли ўсимликлар ўсади.

П.нинг шим.-гарбида 1100 м дан 2400—2800 м гача бўлган баландликлар оралиғида, тог-ўрмон жигарранг тупроқларда зарани ва ёнғоқзорлар учрайди. Жан. ён бағирларида арчазор, бодомзорлар, олма, шунинглек, буталар, мезофил бошоқдошлар ва б. ўсимликлар ўсади. Субалып минтақасида (2800 м дан 3000—3200 м гача) тог-ўтлоқ, кулранг, жигарранг ва қорамтир тупроқларда бошоқли ўтлоқлар тарқалган. Шарқий П. иқлимининг континенталлашганлиги сабабли, тупроқ ва ўсимлик қоплами шунга мос равишда ўзгаради. Бу жойларда баландтоғ чўли ва баландтоғ тошлоқ ландшафтлари ҳукмрон, дарахт ўсимликлари йўқ. 3500—4200 м баландликларда тересқен, намгарчилик кўпроқ жойларда шувоқли чўллар ва сийрак ўтли баландтоғ-дашт ландшафтларида бетага, чалов ва б. ўсимликлар ўсади. Тошлоқ жойларда ёстиқсимон ксерофитлар тарқалган. Юқорироқда криофил паст бўйли ёстиқсимон ўсимликлардан остролобки, акантолимона ва б.лар ўсади. Шарқий П.да баландчўл сарғиш тупроқлар тарқалган. Бу тупроқлар орасида кам чиринди (0,6%) чўл-тақир тупроқлар учрайди. Буларлан ташқари, шўрхоклар ҳамда скелетли тупроқлар ҳам бор. Намгарчилик мўлроқ жойларда бошоқли ўсимликлар ва шувоқлар остида чиринди бойроқ (1—2%) баландтоғ чўл-дашт кўнғир тупроқлар тарқалган. Гарбий П.даги суғориладиган ерларда ток, ўрик, олма, нок, ёнғоқ, тут ўстирилади.

Ҳайвонот дунёси. П., асосан, Шарқий П. ниспатан ҳайвонот оламига бой эмас. Гарбий П.да қобон, урмон сонияси, ўрмон сичқони, сувсар, силовсин, чўл сичқонлари, жайра, тог эчкиси, Ўрта Осиё тог тулкиси, аниқ тибет бўриси, чиябўри ва б. ҳайвонлар. Шарқий П.да эса арқар, узун думли сўғур, қизил пишуха, помир қўёни ва б. лар яшайди. Қушлардан тибет улари, тибет сувбулғурғуни, тибет қарғаси, қор гарфи, тог еки ҳинд тоғи, дараларда кекликлар ва қанғарлар учрайди. Судралиб юрувчилардан кузбор илон ва калтакесаклар яшайди.

П. қазилма бойликлардан ташқари, гидроэнергия ва яйлов ресурсларига бой. Гарбий П.да денгиз сатҳидан 3500 м баландликларгача арча экилади. П.да алпинизм ривожланган.

П. ҳужалиги ҳақида *Тоғли Бадахшон мухтор вилояти* мақоласига қ.

Ад.: Баратов П., Маматқулов М., Рафиқов А., Ўрта Осиё табиий географияси, Т., 2002; Гвоздецкий Н.А., Памир, М., 1968; Забиров Р.Д., Оледенение Памира, М., 1955.

Мурод Маматқулов.

ПОМИР ТИЛЛАРИ — *ҳинд-европа тиллари* оиласининг эроний тиллар гуруҳига мансуб. Гарбий ва Жан. Помир водийларида (Тожикистоннинг Тоғли Бадахшон мухтор вилоятида ва Афғонистон, Покистон, Шим. Ҳиндистоннинг унга туташ ҳудудларида) ва Сариқўл тог тизмаларида (Хитойнинг Синцзян-Уйғур мухтор вилоятида) тарқалган. П.т.га вахан, ишкошим, ёзғулом тиллари ҳамда шугнон, рушан, хуф, бартонг, ўрутўр, сариқўл сингари қардош тил ва лаҳжалар киради. Ҳоз. ўлик тил ҳисобланган қад. ванж ва саргулом тиллари ҳам шу тиллар гуруҳидан ҳисобланган. Айрим белгиларига кўра, мунжон ва унга яқин бўлган нйдго тиллари П.т.га қўшилса-да, бу масала мунозарали бўлиб қолмоқда.

П.т.нинг тарихий-генетик тавсифи уларни бошқа шарқий эроний тиллардан фарқланувчи онда сифатида ўрганиш имконини бермайди. Бир қатор шундай белгилар турли П.т.ни бошқа шарқий эроний тиллар б-н алоҳида-алоҳида яқинлаштиради. Барча П.т.нинг структур ўхшашлиги ва катта умумий лугавий фонд уларнинг муайян тил жамоасида ўзаро яқин, ўхшаш ривожланганлигини кўрсатади.

П.т. ёзувга эга эмас. П.т.да сўзлашувчиларнинг кўпчилиги учун ёзув ва таълим тили — *тожик тили*, сариқўл тилида сўзлашувчилар учун эса *уйғур тили* ҳисобланади.

ПОМИР ХАЛҚЛАРИ. Помир тожиклари (ўзларини помири деб аташади) — Тожикистон Республикасп таркибидаги Гарбий Помирнинг баланд тог водийсидаги Тоғли Бадахшон вилоятида яшайдиган кичик халқлар [ёгнуломлар (ўз номи — згамик), рушонлар (ўз номи — рихен, рухни) маҳаллий гуруҳ хуфлар (ўз номи — хуфиж) ё-н бирга, бартанглар (ўз номи — бартанж) маҳаллий гуруҳ арошорлар ё-н бирга, шугнонлар (ўз номи — хугни, хунуни) маҳаллий аҳоли бажўулар ё-н бирга, ишкашимлар (ўз номи — ишкашуми, ишкашими) воҳонлар — ишкашуми, ишкашими) воҳонлар (ўз номи — ҳик, вахи) ва ванжлар] гуруҳидан ташкил топган. Шунингдек, П.х. Афғонистон Бадахшони (рўшонлар, шугнонлар, ишкашимлар, воҳонлар, зебаклар, мунжонларда, Покистоннинг Читрол мавзеси (мунжонлар, йидгалар)да ва Хунза дарёси водийси (воҳонлар)да, Хитойнинг Синьцзян — Уйғур вилоятида (шугнонлар ва воҳонларга қариндош сарикўллар) яшайдилар. П.х. катта европеоид ирқига мансуб бўлиб, ҳиндевропа тиллар оиласининг шарқий Эрон тили кичик гуруҳига кирувчи тил ва лаҳжаларда сўзлашадилар. Динлорлари, асосан, ислом динининг шиа, исмаилия оқимига эътиқод қиладилар. П.х. яшаган ҳудудларда қад. замонларда Рушон, Шутнон, Воҳон давлатлари мавжуд бўлган. Аерлар мобайнида бу ҳудудлар чет эл босқинчилари тасарруфига ҳам кирган. 7-а.нинг охирида Помир ерлари икки асрдан кўпроқ тибетликлар қўл остида бўлган. 10-а.дан бошлаб Помир давлатн мустақилликка эришган, кейинчалик эса алоҳида подшоҳликларга бўлиниб кетган. Қарийб 30 й. мобайнида Афғонистон Бадахшонига бўйсунган, 1878 й.да Бухоро хонлиги, сўнгра эса чор Россияси тобелигига ўтган.

1925 й. 2 янв.да Тожикистон мухтор Республикаси таркибида Тоғли Бадахшон мухтор вилояти ташкил этилган. 20-а.нинг 30—90-й.лари ва 21-а.нинг бошлари давомида жамиятда содир бўлган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар натижасида П.х. этномаданий жиҳатдан аста-секинлик б-н тожикларга ўзаро яқинлашиб ва тобора сингишиб бормоқда. П.х.нинг асосий анъанавий машғулоти чорвачилик, ҳунарманчилик ва қисман деҳқончиликдан иборат.

ПОМИРДАРЁ — Тоғли Бадахшон мухтор вилояти б-н Афғонистон чегарадаги дарё. 4126 м баландликда жойлашган Зўркўл кўлидан бошланади ва Лангар қишлоғидан қуйироқда Ваҳон дарё б-н қўшилиб, Панж дарёси (Амударё ҳавзаси) номини олади. Ўзмозор ирмоғининг қуйилиш жойига қадар кенг водийда секин оқади, кейин эса нишаби катталашиб, тор водийда тез оқадиган тог дарёсига айланади. Уз. 100 км дан зиёд.

ПОМИР—ОЛАЙ ТОҒЛАРИ — Ўрта Осиёнинг жан.-шарқидаги тоғли ўлка. Фарғона водийсидан жанд. Тожикистон (шим.-шарқда), Ўзбекистон Республикаси (гарбда) ва Туркманистон (жан.-гарбда) ҳудудларида жойлашган. *Ҳисор-Олай тоғлари, Тожикистон депрессияси* ва *Помир* каби 3 асосий қисмдан иборат.

ПОМИР—ФАРҒОНА ИРҚИ, Икки дарё оралиғи ирқи — катта европеоид ирқига мансуб бўлган ирқлардан бири. Л.В. *Ошанин* «Ўрта Осиё икки дарё оралиғи типи», А.И.Ярхо «Помир-Фарғона типи» деб атаган. П.-Ф.и.га қуйидаги хусусиятлар хос: пигментацияси қора, соқоли сийракроқ ёки қалин, сочи тўғри ёки сал жингалак, юзи чўзиқ ва кенг, айрим гуруҳларида *монголоид ирқ* аралашган. Палеоантропология материаллари бу типдаги аҳолининг туб халқ жанглигини кўрсатади. П.-Ф.и.ни Л.В.Ошанин 3 га ажратган: 1) тоғликлар — тоғлик тожиклар; 2) Жан.-Гарбий Помир бўйидаги кам сонли қабилалар (рушан, шугнон, воҳон); 3) текисликдагилар — Ўзбекистонда яшовчи ўзбеклар, шунингдек, тожик ва уйғурларнинг айрим гуруҳлари.

ПОМИР—ФАРҒОНА КОМПЛЕКС ЭКСПЕДИЦИЯСИ — собиқ СССР ФА томонидан ташкил этилиб, 1950—52 й.лари фаолият кўрсатган. А.Н.Бернштам раҳбарлигида тузилган бу экспедиция ўз олдига Ўрта Осиё археологияси ва этнографиясини ўрганишни асосий вазифа қилиб олган. Экспедиция аъзолари қадимдан яшаб ўтган ўтроқ деҳқончилик ва чорвачилик б-н шуғулланган аҳоли маданияти, тарихига доир муҳим кашфиётлар қилдилар. Жумладан, қад. Ўрта Осиё ижтимоий-иқтисодий тараққиётида 2 хўжалик юритиш усули (деҳқончилик ва чорвачилик) бўлганини археологик фактлар б-н исботладилар. Айрим кўчманчи халқлар қад. тарихини ўрганиш айнан шу экспедиция аъзолари томонидан бошланган. Бу экспедиция даврий жиҳатдан ҳам, ҳудудий томонлан ҳам кенг қамровли иш олиб борди, жумладан, Тянь-шан, Помир, Олай, Фарғона каби йирик географик нуқталарда илк бор археологик ва этнографик тадқиқотлар ўтказди. Айниқса, қад. Фарғона тарихида маълум бўлмаган жез ва илк темир даври (мил. ав. 2-минг йилликнинг охирги чораги — 1-минг йилликнинг 1-ярми) археологик ёдгорликларининг

очилиши муҳимлир. Буларга Чуст ш. яқинидаги Буонамозор, Андижон вилояти, Жалолқудуқ туманидаги Далварзин, Андижон вилояти Избоскан туманидаги Эйлатон (мил. ав. 6—3-а.лар), Марҳамат ш. яқинидаги *Минетепа* (мил. ав. 4 — мил. 3—4-а.лар) каби археологик ёдгорликлар киради. Бу ёдгорликлар Ўрта Осиё тарихида муҳим аҳамиятга эга.

Ад.: Бернштам А. Н., Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня и Памиро-Алая, вып. 26, М.–Л., 1952.

Боқижон Матбобоев.

ПОМОЛОГИЯ (лот. pomum — мева ва ...*логия*), навшунослик — мевали ва резавор ўсимликлар навлари тўғрисидаги фан. Мевали ва резавор мевали ўсимликларни илмий р-нлаштириш, боғларнинг нав таркибини ва айрим навларни муттасил яхшилаш ва улардан *богдорчилик*да самарали фойдаланиш масалаларини ўрганади. П. фан сифатида 18-а. охири — 19-а. бошларида шаклланган. Илмий П. ривожланишига америкалик машҳур селекционер-ўсимликшунос олим Лютер Бёрбанк (1849—1926), И.В.*Мичурин*нинг амалий ишлари ва асарлари ҳал қилувчи таъсир кўрсатди. Украин помолог олими Л.М.Симиренко П.нинг асосий мазмунини ифодалаб берди. Унинг мевали ва резавор мевали экинлар навшунослиги, нав синови ва р-нлаштириш масалалари бўйича асарлари муҳим аҳамиятга эга.

П. мевали ва резавор мевали экинлар селекциясининг таркибий қисмидир. Баъзан П.га мевали ўсимликларни ботаник услубиятлар (У.П.Хендрик, К.Кох) б-н ўрганувчи ботаника фанининг бир қисми сифатида қаралади. Ғарбий Европада унинг тавсифий йўналиши (А.Диль, Э.Лукас, А.Леруа) ҳам мавжуд.

Ҳозирги даврда П.да навларни ҳудудлар бўйича ишлаб чиқариш-биологик ўрганиш (илмий муассасаларнинг помология боғларида навни дастлабки ўрганиш, давлат нав синаш участкаларида энг истиқболли навларнинг давлат нав синови, боғдорчилик хўжаликларида дастлабки нав синови ва давлат синовидан ўтган истиқболли навларнинг ишлаб чиқариш нав синовлари йўналишларида), навлар агротехникаси, навларни н.ч. воситаси тарзида ҳар томонлама тавсифлаш масалаларига алоҳида эътибор берилади (яна қ. *Нав, Навни районлаштириш*).

Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон П.си ҳам бой тарихга эга. Олма, нок, урик, шафтоли, олхўри, узум, анор, анжир, гилос, ёнғоқ, бодомнинг маҳаллий навлари ҳамда уларнинг таърифи ҳақида 10-а.га оид манбаларда, шунингдек, «Бобурнома»да маълумотлар бор. 20-а. бошларида Ўзбекистонда П.ни ривожлантиришда Р.Р. *Шредер*, Н.Н.Шавров, ксиничалик, К.Ф.Костина, И.Н.Рябов, В.В.Кузнецов, К.В.Васильев, А.С.Черватенко, А.Г.Шредер, А.Р.Шредер, С.И.Ягудина, С.К.Шариповлар, С.С.Калмиков ва б. ҳисса қўшган.

Шредер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик и.т. ин-тида ҳар бир мева турлари бўйича коллекциялар ва П. боғлари барпо этилган, ин-т томонидан Ўзбекистон П.сига бағишланган тўпламлар нашр қилинган.

Ад. Сичиренко Л.П., Помология, т. 1—3, Киев, 1972—73; Сорта плодовых, субтропических, ореховодных культур и ягод Т., 1968; Рибаков А.А., Остроухова С.А. Ўзбекистон мевачилиги. Т., 1967; Помология Узбекистана, Т., 1983.

Султон Хотамов

ПОМПЕЙ — Италиянинг жанубий шаҳар. Кампания вилоятида. Неаполь қўлтиги соҳилида, Везувий вулкани этагида жойлашган. Аҳолиси 25 минг кишидан иборат. Асосан, туристларга хизмат кўрсатиш соҳасида банд. Мевали корхоналар, геофизика расадхонаси бор. Шаҳар яқинида Везувий вулкани отилиши натижасида вайрон бўлган қад. П. қолдиқлари сақланган. 18-а.дан бошлаб бу ерда қазиш ишлари олиб борилади. Қазиш натижасида шаҳар деворлари (мил. ав. 5—4-а.лар), форумлар (мил. ав. 6—2-а.лар), ибодатхоналар, бозорлар, турар жой ва виллалар (мил. ав. 3-а. — мил. 1-а.) очилган. Улар Рим империясининг хўжалиги, турмуш тарзи, маданияти, санъати тўғрисидаги маълумотларнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Туристлар кўп келади.

Помпей шаҳри харобалари.

ПОМПЕЙ ГНЕЙ (Gnaeus Pompeius Magnus; мил. ав. 106—48) — Рим саркарласи ва сиёсат арбоби. Дастлаб, *Сулла* тарафдори бўлган. Мил. ав. 70, 55 (Красс б-н биргаликда) ва 52 й.ларда *консул* бўлган. *Спартак* қўзғолонини бостирган. 66 й.дан Митридат VI Евпаторга қарши урушда Рим қўшинига қўмондонлик қилган ва талабга эришган. Мил. ав. 60 й.да сенатга қарши курашиш учун Красс ва Цезарь б-н битим тузган (*1-триумвират*). Триумвират бўлинишидан кейин Цезарга қарши курашган. Мил. ав. 48 й.да Диррахий (Эпир) яқинида уни енгади, лекин Фарсал (Фессалия) яқинида Цезардан мағлубиятга учраб, Миср қочади. У ерда шоҳ Птолемей XIII Дионис буйругига кўра ўлдирилган.

ПОМПИДУ (Pompidou) Жорж (1911.5.7, Монбудиф — 1974.2.4, Париж) — Франция давлат ва сиёсат арбоби. Қариллик курсатини қаракатига қўшилган (1940). Ш. де *Голль* б-н биргаликда «Француз халқини бирлаштириш» партиясини тузишда қатнашган (1947). 1962—68 й.ларда бош вазир. 1969—74 й.ларда Франция президенти. Ташқи сиёсат бобида П., асосан, генерал де Голль томонидан ишлаб чиқилган тамойилларга таянган, жумладан, Франциянинг халқаро кескинликни юмшатиш, қуролланиш пойгасига чек қўйиш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ишига муҳим ҳисса қўшиши лозимлигини таъкидлаган. 1970 й. П. СССРга расмий ташриф б-н келиб, Ўзбекистонда ҳам бўлган.

ПОМПОНАЦЦИ (Pomponatius) Пьетро (1462.16.9, Мантуя — 1525.18.5, Болонья) — итальян файласуфи. Падуя, Феррара ва Болонья ун-тларида дарс берган. «Жоннинг ўлмаслиги ҳақида» (1516) асарида «икки ҳақиқат» назариясидан келиб чиқиб, жоннинг ўлмаслигини рационал далиллар б-н исботлаш мумкинлигини инкор этган; П. Аристотель фалсафасига асосланиб, *Ибн Рушд* ва *Фома Аквинский*нинг жон ҳақидаги таълимотларини танқид қилган. Ортодоксал *томизм* вакиллари П.нинг бу китобига қарши чиққанлар. Тақдир ва ирода эркинлиги масалаларида П. *стоицизм* таълимотига яқин концепцияни илгари сурган. Худонинг мавжудлигини инкор этмаса-да, у табиат ва жамият ишларига аралашмайди, деб ҳисоблаган. П. 16—17-а.лар Ғарбий Европа ҳурфикрлилигининг ривожланишига таъсир кўрсатди.

ПОНА — бир учи тиғли, бир ёки икки қирраси қия текислик кўринишидаги оддий ёғоч ёки металл қурол. П. кесувчи (ёки ёрувчи) асбоб (мас., зубило, ёргич), машиналарнинг ўрнатма ёки ростловчи деталлари сифатида (мас., машиналарни нивелда) қўлланади. Асбоб сифатида П.нинг унга хослиги шундаки, ундан фойдаланишда кучдан анча ютилади, чунки қиррасининг қиялик бурчаги ва ишқаланиш коэффициенти кичик бўлади. П. машинасозликда, машиналарни таъмирлаш ишларида, ўрмонда ёғоч тайёрлашда, уй-рўзғорда ишлатилади.

ПОНДИШЕРИ, Путтучери — Ҳиндистондаги иттифоқдош ҳудуд. Майд. 492 км². Аҳолиси 974 минг киши (2001), тамил, телугу, малаялам, инглиз ва француз тилларида сўзлашади. Маъмурий маркази — Пондишери ш. П. тоғлоқ ва бир-биридан алоҳида жойлашган 4 та ҳудуд — Пондишери, Каранкал, Янам ва Маҳедан иборат. Рельефи — ленгга бўйи пастекислиги. 1670-й.лардан 1954 й.гача Франциянинг Ҳиндистондаги мулки бўлган.

Ҳудудларнинг бир-биридан узоқда жойлашганлиги сабабли уларни маъмурий бошқариш ва ҳудалгишни режалаштириш мураккаб. Иқтисодий фаол аҳолиниш 45% қисми банд. Экин майдонининг 90% суторилади. Шоли етиштириш етакчи ўринда, шунингдек, кокос пальмаси, пиакаркамини, ер ёнғоқ, пахта, тариқ экилади. П.да 20 дан ортиқ йирик (ип газлама, пиакар-қанд ва б. озиқ-овқат) корхоналари ишлаб турибди. Қоғоз ва фармацевтика з-длари бор. Майда ва кустарь саноати ривожланган. Улар таркибида металлсозлик, электротехника саноати корхоналари мавжуд, компьютер ишлаб чиқарилади. Денгиздан балиқ овланади. Каранкал шда қишлоқ хўжалиги ин-ти бор.

ПОНДИШЕРИ, Путтучери — Ҳиндистондаги шаҳар. Бенгалия кўлтиги соҳилидаги порт. Пондишери иттифоқдош ҳудудининг маъмурий маркази. Аҳолиси 500 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Ип газлама саноати ривожланган. Озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. П.ни 1674 й.да француслар қалъа сифатида бунёд этганлар. 1954 й.гача Франциянинг Ҳиндистондаги мустамлака ерларининг маъмурий маркази. Ўша йиллдан Ҳиндистон таркибида.

ПОНИ (инг. pony) — Британия (шу жумладан, Шеллеид, Гебрид, Ирландия ва б. ороллларда), Исландия, Корсика, Сицилия, Хоккайдо (Япония)да етиштирилган пакана отлар. 20 дан ортиқ тури мавжуд. Бўйи 40—125 см. Туси ҳар хил. Кўпчилик мамлакатларда, асосан, ҳайвонот боғларида сақланади, дам олиш боғларида енгил аравачаларга, болалар аравасига қўшилиб, эгарланиб, сайрчиларга хизмат кўрсатади. П.нинг минизладиган, аравага қўшиладиган махсус турлари етиштирилади. П. отлар Ўзбекистонда ҳам учратилиб қўлайтирилади.

ПОНСЕЛЕ Жан Виктор (1788.1.7, Мец — 1867.22.12, Париж) — француз математики ва муҳандиси, Париж ФА аъзоси (1834). Париж ун-ти проф. (1838—48), политехника мактаби директори (1848—50). П.нинг геом.га оид «Фигураларнинг проектив хоссалари ҳақидаги трактат» асари 1822 й. Парижда босилиб чиққан. Асарда биринчи марта фигураларнинг проектив хоссалари — фигура бир текисликдан иккинчи текисликка проекцияланганда сақланадиган хоссалари алоҳида гуруҳларга ажратилган. Бу хоссаларни ўрганиш учун П. яратган услублар, жумнинг принципи геом.нинг ўзидан, иккилик принципи геом.нинг соҳаси — проектив геом. яратилишига олиб келади. П.нинг механикага оид ишлари маъка ва гидравликага оид ишлари маълум. У фанга механик иш бирлиги — килограммометрни киритган.

ПОНСОД, понсад, понсадбоши (форс. понсад — беш юз) — Ўрта Осиё хонликларида қўлланилган ҳарбий унвон. Баъзан «дастабоши» («отряд бошлиги») деб ҳам юритилган. П. 500 кишидан иборат ҳарбий қисмга бошчилик қилган. П., одатда, хон ёки бек томонидан тайинланиб, баъзи солиқлардан (мас., ўзига тегишли мулкдан олинадиган) қисман ёки бутунлай озод қилинган ҳамда унга ҳар йили икки марта маълум миқдорда галла, пул ва сарполар берилган. Кўқон хонлигидаги ҳарбий унвонлар орасида понсадбоши *минғбоши*дан кейинги юқори унвон саналган. Туркистонда совет режимига қарши кураш олиб борган гуруҳларнинг раҳбарлари ҳам П. дейилган. (мас., Тўхтасин П.).

ПОНТ ПОДШОЛИГИ (Понт) — Қичик Осиёдаги эллинистик давлат (мил. ав. 302/301 — 64). Қора денгизнинг Жан. соҳилида жойлашган. 2-а. охирида, Митридат VI даврида айниқса равнақ топган. У Боспор подшолиги ва б. ҳудудларни босиб олган. Митридатнинг Рим б-н қилган 3 уруши (89—84; 83—81; 74—64) П.п.ни Римга тобе этилишига ва салтанат ҳудудини 64-й. Рим давлати таркибига қўшиб юборилишига олиб келган.

ПОНТИЯ ТОҒЛАРИ — Туркиянинг шим. қисмидаги тоғ системаси, Қора денгизнинг жан. соҳиллари бўйлаб 1000 км масофага чўзилган. Эни энг кенг жойида 130 км. Ғарбий Понтия, Жанубий ва Шарқий Понтия тоғларидан иборат. Қизил Ирмоқ ва Яшил Ирмоқ дарёлари тор водийлар орқали тизмаларни кўндаланг кесиб ўтган. Шарқий қисми баландроқ, рельефи альп типли, энг баланд жойи 3937 м. Ғарбий қисми, асосан, қумтош, оҳактош, шарқи гранит, гнейс, кристалли сланецлардан, вулкан жинсларидан тузилган. Кучли зилзилалар бўлиб туради. Тош-кўмир, мис ва полиметалл руда конлари бор. Шим. серёғин ён бағри кенг барглн ўрмонлар б-н қопланган, жан. ён бағри тог дашти ва чала чўлидан иборат. Тог олди текисликларида ва тог ораларида деҳқончилик қилинади. Миллий боғлар ташкил этилган.

ПОНТОН (лот. pons — кўприк) — содда шаклдаги, таги ясси, палубали ёки палубасиз кема; кран причали, кўприк таянчи ва б. учун сузувчи асос бўлиб хизмат қилади; П.ларни бирбирига улаб, кўприк-ленталар, сузувчи асос ёки паромлар қурилади. П.дан муҳандислик қўшинларида дарёни кечиб ўтиш воситаси сифатида, кўприкларни созлашда, чўкиб кетган кемаларни кўтаришда, сувга чуқур ботиб сузувчи кемаларни саёз жойлардан ўтказишда ҳам фойдаланилади. П.лар металл, темир-бетон ва дамланган резинали материаллардан ясалади. П.лардан қурилган кўприк, асосан, кечув пайтида вақтинча ишлатилади. Баъзи ҳолларда доимий П.-кўприклар ҳам қурилиши мумкин. Улар 80 т гача юк кўтара олади (қ. *Понтон кўприк*).

ПОНТОН КЎПРИК — одамлар ва транспорт ўтиши учун мўлжалланган сузиб юрадиган кўприк. *Понтон*лар устига қилинади. Вақтинчалик (мас., лентасимон кўприк, расмга қ.) ва доимий П. к.лар бор. Вақтинчалик П. к. (мас., ҳарбий ишда) йиғма қилинади.

Вақтинчалик лентасимон понтон кўприк.

П.к.нинг транспорт қатнайдиган қисми металл ёки ёғоч устунлар ва тўсинларга таянади. Баъзан, кемалар ўтиб кетиши учун П.к.нинг бир қисми очиб-ёпиладиган қилинади. П. к., айниқса, уруш пайтларида кўл келади.

ПООПО — Марказий Анд тоғларидаги кўл. Боливияда, 3690 м баландликда. Майд. 2500—3000 км², энг чуқур жойи 3 м (мавсумга қараб кўл майдони ва чуқурлиги ўзгариб туради). П. қад., нисбатан кент сув ҳавзаси қолдиғи. Суви шўр. П.га Титикака кўлидан оқиб чиқувчи Десагуалеро дареси қуйилади.

ПОП (юн.) — православ черковида руҳонийнинг расмий номларидан бири.

ПОП — Наманган вилояти *Поп тумани*даги шаҳар (1980 й.дан). Туманнинг маъмурий маркази. Поп туманининг шарқий қисмида жойлашган. Яқин т.й. станцияси — Поп (4 км). Вилоят маркази (Наманган)гача — 53 км. Аҳолиси 24,4 минг киши (2003). П.дан Наманган — Пунган — Тошкент автомагистрали ўтган. 9—10-а. араб сайёҳлари Ибн Хурдодбеҳ ва Истахрий асарларида П. «Боб» (арабча — «Дарвоза») шаклида тилга олинади. 982 й.да номаълум муаллиф томонидан ёзилган. «Ҳудуд-ул-Олам» (Олам чегаралари) китобининг «Мовароуннаҳр вилояти ва унинг шаҳарлари» қисмида П. («Поб») шим. Фарғонанинг савдо йўлида жойлашган обод шаҳарлардан бири сифатида таърифланган. «Бобурнома»да «Поп қўрғони» дейилган.

П. ҳудудида ўтказилган археологик қазишмалар шаҳарга мил. бошларида асос солинганлигидан далолат беради. Қадимда П. дан Буюк Ипак йўлининг тармоғи ўтган. Ўша даврда шаҳар равнақ топган. 1908—12 й.ларда П. яқинидан ўтувчи Қўқон—Наманган т.й. қурилди. 1912—15 й.ларда шаҳарда рус тузем мактаби очилди. 1916 й.да П. мардикорликка олишга қарши кўтарилган ғалаён марказларидан бири бўлди.

П.да 100 дан зиёд ташкилот, саноат корхоналари жойлашган. 5 умумий таълим мактаби, маиший хизмат, касб-ҳунар коллежлари, гимназия-лицей, 5 қурилиш ташкилоти, 2 автокорхона, гишт з-ди, МТП, резина-техника буюмлари з-ди, савдо маркази, универсам, археология музейи, маданият саройи, кутубхоналар, маданият ва истироҳат боғи, стадион, спорт мажмуи, Тинчлик майдони, меҳмонхона, 4 поликлиника, касалхона бор. Иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлганлар хотирасига ёдгорлик ўрнатилган. Қирқ ҳужра ва Мунчоқтепа археологик манзиллари мавжуд.

ПОП ЗИЛЗИЛАСИ — 1984 й. 17 февда соат 23 дан 27 мин. утганда содир бўлган. Зилзиладан Поп ва унинг атрофидаги бир қанча қишлоқлар талафот кўрган. Зилзила кучи эпицентрда 8 балга етган, магнитудаси 5,7, чуқ. 15 км. Бу ҳудуд учун ҳатто сейсмик зонаниш ҳам бўлмаслан, балки сейсмотектоник изланишлар натижасида олдиндан (1976 й.) белгилаб қўйилган Наманган сейсмоген зонасида рўй берган. Бу зона учун олдиндан кўрсатилган жойда зилзиланинг бўлиши олимлар башоратини оқлади. Асосий зилзиладан сўнг бир ой ичида 50 дан ортиқ 5—6 балл тебраниш такрорланди. Улардан Ўнгурсон, Мирзатол, Поп, Найман, Хўжабод, Санг, Ғурумсарой, Чуст каби шаҳар ва қишлоқлар жиддий зарар кўрган. Тоғларда кўчкилар содир бўлган. Сирдарё қирғоқларида кенглиги 15—25 см ли ёриқлар вужудга келган. Бундан кейин ҳам кучли зилзилалар фақат шу зонада содир бўлиши мумкин.

ПОП ТУМАНИ — *Наманган вилоятидаги* туман. 1926 й. 28 сент.да ташкил этилган. 1930 й.дан Чуст-Поп тумани номи б-н аталган. 1931 й.да, Чуст тумани ажралиб чиққанидан кейин, Поп тумани деб аталиб келинмоқда. 1947—60 й.ларда Наманган вилояти таркибида. 1960—67 й.ларда Фарғона вилоятида, 1967 й. дек.дан яна Наманган вилояти таркибида..

П.т. Наманган вилояти майдонининг 43,8%, аҳолисининг 9% ини ва яйловларининг асосий қисмини ташкил этади. Туман шим.-дан Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилояти, шарқдан Наманган вилоятининг Чуст, Мингбулоқ, жан.дан Фарғона вилоятининг Бувайда ва Данғара туманлари, гарбдан Тожикистон Республикасининг Ашт тумани, Тошкент вилоятининг Оҳангарон ва Бўстонлиқ туманлари б-н чегарадош. Чегарасининг уз. 344 км. бўлиб, шим.дан жан.га Чатқол, Қурама тизмаларидан Марказий Фарғона текисликларигача бўлган кенгликлари ни эгаллаган. Майд. 2,94 минг км². Аҳолиси 170 минг киши (2003). Туманда 1 шаҳар (Поп), 5 шаҳарча (Навбаҳор, Оғушкон, Ўнгурсон, Чоркесар, Халқобод), 10 қишлоқ фуқаролари йиғини (Маданият, Маматкон Тошманов номли, Наиман, Пахтаобод, Пунган, Ўнгур, Поп, Умрзоқов, Чодак, Янгиҳаёт) бор. Маркази — *Поп* ш.



Табиати. Туман ҳудуди Фарғона водийсининг шимол. Наманган вилоятининг шим.-ғарбини қисмида. Қурама тог тизмаларининг жан. ён бағри ва Сирдарё воҳасида, геологик фаол зонада жойлашган. Рельефи текислик-адирлар ва тоғлардан иборат бўлиб, жан.дан шимга кўтарила боради. Жан.да (Қорақалпоқ чўлида) ва Аччиққўл массивида бал. 350—400 м, шим.да, Чатқол тоғларида эса 4000—4500 м га етади. Сирдарёнинг ҳар икки томонидаги текислик деҳқончилик қилинадиган асосий ерлардир.

Иқлими континентал. Ёз иссиқ, узоқ, қиши нисбатан юмшоқ ва қисқа. Июлнинг ўртача т-раси 27,8°, январники —2°, —9°. Йиллик ёғин 120—330 мм. Туманда тез-тез шамол бўлиб туради (тезлиги секундига 1—4 м, баъзан 24—26 м га етади). Туман ҳудудидан Сирдарё, Шим. Фарғона ва Оҳунбобоев номидаги каналлар, тог олди адирларидан Чодаксой, Говасой, Жабборсой, Олмосой, Уйгурсой, Тулпиксой, Угрижарсой, Селасой, тоғлар орасидан Кенгкўлсой, Сансалаксой, Резаксой ва б. сойлар оқиб ўтади. Шунингдек, Қазноқ ва Ташқи кўллари бор.

Туман ҳудудида тупроқ ва ўсимликлар жан.дан шим. томон ўзгариб боради. Сирдарёнинг чап соҳилидаги Қорақалпоқ чўлида қумма қумлар ва қум барханлари орасида шўрхоклар учрайди. Ўзлаштирилган ерларнинг тупроғи оч тусли бўз тупроқлардир. Бу ерларда ёввойи ўсимликлардан саксовул, илон, янтоқ, қамиш, қоғоз ва б. ўсади. Сирдарё ва б. дарёларнинг олоқ ва қайирларида ўтлоқи-ботқоқ ва тўқ тусли бўз тупроқлар учрайди. Шўрхок ва шўртобалар ҳам бор. Бу ерларда тол, турангил, қоғоз, шўра, ялпиз, қўта ва б. ўсимликлар ўсади. Адир зонасида шагал ва чағир тошлар, жигарранг тупроқлар тарқалган. Ўсимликлари, асосан, эфемер ва эфемероидлардир. Тог зонасида ер юзаси қоялар ва тог ўтлоқ тупроқлари б-н қопланган. Бу ерларда янтоқ, арча, тоғтерак, ёввойи олма, дўлана каби турли дарахт ва буталар, ширач, бетага, шувоқ, исириқ ва б. ўсади. Тог яйловларидан кенг фойдаланилади.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, татар, украин, қирғиз, уйғур ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км²га 58 киши. Шаҳар аҳолиси 40,7 минг киши, қишлоқ аҳолиси 129,3 минг киши (2003).

Хўжалиги. Саноат туман иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Туманда қурилиш материаллари, енгил, пахта тозалаш, озиқ-овқат саноатлари асосий тармоқлардан ҳисобланади. П.т.да 11 саноат корхонаси, шу жумладан, 3 та қўшма корхона, автокорхона ва б. фаолият кўрсатади.

Қ.х.да пахтачилик етакчи ўринда. Галлачилик, шоликорлик, мевачилик, токчилик, полизчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, асаларичилик, паллачилик ҳам муҳим ўрин тутади. Туманда 13 ширкат, 480 дан зиёд фермер, 13380 деҳқон, 1 ўрмон, 1 жамоа хўжаликлари, 3 қ.х. корхонаси мавжуд бўлиб, уларда 21,9 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқдалар.

Поп шаҳрининг марказий қисми.

П.т.да жами сугориладиган ер майдони 39,3 минг га, шу жумладан, 31 минг гектарга яқини экин майдони бўлиб, 16,3 минг га ерга пахта, 11,8 минг га ерга дон, 245 га ерга картошка, 471,5 га ерга сабзавот, 154 га ерга полиз, 1922 га ерга ем-хашак экилади (2002).

Туман жамоа ва шахсий хўжаликларида 28,4 минга яқини қорамол (шу жумладан, 12 минг сигир), 59,4 минга яқин қўй ва эчки, 9,5 миндан зиёд паррандалар, 336 от боқилади (2002). Туманда 11 коллектор-дренаж тармоқларининг уз. 778,2 км. П.т.да 2002/03 ўқув йилида 38 умумий таълим мактабида 39,5 минг ўқувчи, 2 академик лицейда 800 ўқувчи, 5 касб-ҳунар коллежида 2 мингга яқин талаба таълим олди. Туманда 40 жамоат кутубхонаси (китоб фонди 504,7 минг асар), 17 клуб, 3 стадион, 3 сузиш ҳавзаси, 35 спорт зали ишлаб турибди. 111 жисмоний тарбия жамоалари бор, 44,2 минг киши спорт б-н мунтазам шуғулланади. 11 касалхона (810 ўрин), 23 амбулатория ва поликлиника, 27 дорихона, 2 фельдшер-акушерлик пункти, 16 қишлоқ врачлик пунктларида 324 врач (ҳар 10 минг кишига 20,9 врач), 1652 ўрта тиббий ходим ишлайди.

П.т.да 1931 й. 20 нояб.дан «Поп тонги» газетаси чиқарилади.

ПОП-АРТ (инг. pop art — оммабоп санъат) — замонавий тасвирий санъатда авангард йўналиш; *абстракт санъат* таъсирида юзага келган, даданизм (айниқса, М. Дюшан ижоди) ва *сюрреализм* б-н алоқада бўлган. 1950-й.ларнинг 2-ярмида энг аввало АҚШ (Р.Рашенберг, К. Олденберг, Ж.Розенквист ва б.) ва Буюк Британия (П. Блейк, Р. Гамильтон ва б.)да пайдо бўлган, сўнгра Франция (Н. де Сен-Фаль ва б.), Германия (П. Вундерлих ва б.) кабиҒарбий Европа мамлакатларида тарқалган. Абстракт санъатнинг борлиқдан, реал ҳаётдан ажралиб боришига қарши қаратилган. П.-а. вакат кўринишида шаклланган. П.-а. вакиллари реал борлиққа қайтиш, кенг кўламда ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг эстетик қийматини оммавий йўллар (реклама, фото, *репродукция*, комикс ва ҳ.к.) воситасида ёритишни асосий мақсад қилиб олди. Шаҳар ҳаётида кенг ишлатиладиган буюмлар (уй-рўзғор анжомлари, ўров қутичалари, машина бўлакларини ва ҳ.к.)ни худди ўзига ўхшатиб ишлаб, уларнинг ўзидан (кўпинча *коллаж* ва б. усуллар ёрдамида) композициялар тузади. П.-ада танланган буюмлар тасодифий, бир-бири б-н боғлиқ бўлмаган ҳолда бирлаштирилиши мумкин. Муҳими бир-бири б-н мос тушмайдиган буюмларни бирлаштириш орқали томошабин фикри ва тасаввурига зид ҳиссиётларни уйғотишдан иборат. Мас., рассом ромкага тортилган тоза матога унинг диагонали бўйича рангли шарифни боғлаши ёки унга дастрўмол қўйиб кўрсамада намойиш этиши мумкин. П.-а. техника имкониятларидан кенг фойдаланади, фотосурат, слайдлардан полотно (юза)га туширилган тасвир контурларини ёркин бўёқларда ишлайди, саноатда ишлаб чиқарилаётган ёркин рангли буюмларни ўз асарларида кўрсатади, улардан композициялар тузади.

ПОПЛИН (итал. papelino — папага тегишли; дастлаб, Авинтонда рим папаси қароргоҳида олинган, деб тахмин қилинади) — кўндаланг қавариқ йўллари бор полотно ўрилишли (қ. *Ўрилиш*) газлама. Кўндаланг қавариқ йўллар ингичка *танда* ипларининг йўғонроқ *арқоқ* иплари б-н ўрилишидан ҳосил бўлади. П. асосан пахта толаларидан ёки кимёвий толалардан, баъзан, табиий ипак (танда) ва жун (ар-қоқ)дан тўқилади. П.нинг танда бўйича зичлиги (қалинлиги) арқоқ бўйича зичлигидан 1,5—2 марта юқори бўлади. П. оқартириб, сидирга бўялиб ва гул босилиб ишлаб чиқарилиши мумкин. П.дан блузалар (камар боғлаб кийиладиган кенг уст кўйлак), эркаклар кўйлаги ва б. тикилади.

ПОП-МУСИҚА [инг. pop (popular) music — *оммабоп мусиқа*] — 20-а.да қарор топган енгил (кўнгилочар) мусиқа услубларининг умумий ифодаси. Дастлаб (1950-й.ларда) фақат *рок мусиқа*га нисбатан қўлланилган. Ҳозирда кўнгилочар тижорий мусиқанинг барча жанр ва услубларига нисбатан ишлатилади (шлягер, ритм-энд-блюз, диско, соул, лаунж ва эмбиент, хип-хоп, электро-поп ва ҳ.к.). П.-м.нинг асосий тамойили — турли (жумладан,

П.к.нинг транспорт қатнайдиган қисми металл ёки ёғоч устунлар ва ғусинларга тақнади. Баъзан, кемалар ўтиб кетиши учун П.к.нинг бир қисми очиб-ёпиладиган қилинади. П. к., айниқса, уруш пайтларида қўл келади.

ПООПО — Марказий Анд тоғларидаги кўл. Боливияда, 3690 м баландликда. Майд. 2500—3000 км², энг чуқур жойи 3 м (мавсумга қараб кўл майдони ва чуқурлиги ўзгариб туради). П. қад., нисбатан кенг сув ҳавзаси қолдиғи. Суви шўр. Пл.га Титикака кўлидан оқиб чиқувчи Десагуадеро дарёси қуйилади.

ПОП (юн.) — православ черковида руҳонийнинг расмий номларидан бири.

ПОП — Наманган вилояти *Поп туманидаги* шаҳар (1980 й.дан). Туманнинг маъмурий маркази. Поп туманининг шарқий қисмида жойлашган. Яқин т.й. станцияси — Поп (4 км). Вилоят маркази (Наманган)гача — 53 км. Аҳолиси 24,4 минг киши (2003), Пдан Наманган — Пунган — Тошкент автомагистрали ўтган. 9—10-а. араб сайёҳлари Ибн Хурдодбеҳ ва Истахрий асарларида П. «Боб» (арабча — «Дарвоза») шаклида тилга олинади. 982 й.да номаълум муаллиф томонидан ёзилган. «Ҳудуд-ул-Олам» (Олам чегаралари) китобининг «Мовароуннаҳр вилояти ва унинг шаҳарлари» қисмида П. («Поб») шим. Фарғонанинг савдо йўлида жойлашган обод шаҳарлардан бири сифатида таърифланган. «Бобурнома»да «Поп қўрғони» дейилган.

П. ҳудудида ўтказилган археологик қазишмалар шаҳарга мил. бошларида асос солинганлигидан далолат беради. Қадимда П. дан Буюк Ипак йўлининг тармоғи ўтган. Ўша даврда шаҳар равнақ топган. 1908—12 й.ларда П. яқинидан ўтувчи Қўқон—Наманган т.й. қурилди. 1912—15 й.ларда шаҳарда рус-тузем мактаби очилди. 1916 й.да П. мардикорликка олишга қарши кўтарилган ғалаён марказларидан бири бўлди.

П.да 100 дан зиёд ташкилот, саноат корхоналари жойлашган. 5 умумий таълим мактаби, маиший хизмат, касб-ҳунар коллежлари, гимназия-лицей, 5 қурилиш ташкилоти, 2 автокорхона, ғишт з-ди, МТП, резина-техника буюмлари з-ди, савдо маркази, универсам, археология музейи, маданият саройи, кутубхоналар, маданият ва истироҳат боғи, стадион, спорт мажмуи, Тинчлик майдони, меҳмонхона, 4 поликлиника, касалхона бор. Иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлганлар хотирасига ёдгорлик ўрнатилган. Қирқ ҳужра ва Мунчоқтепа археологик мажмуалари мавжуд.

ПОП ВИЛОЯТИ — 1984 й. 17 февралда соат 23 дан 27 мин. утганда содир бўлган. Зилзиладан Поп ва унинг атрофидаги бир қанча қишлоқлар талафот кўрган. Зилзила кучи эпицентрда 8 баллга етган, магнитудаси 5,7, чуқ. 15 км. Бу ҳудуд учун илгила тахлифни ҳеч бўлмаслан, балки сейсмотектоник изланишлар натижасида олдиндан (1976 й.) белгилаб қўйилган Наманган сейсмогени зонасида рўй берган. Бу зона учун олдиндан кўрсатилган жойда илгиланинг бўлиши олимлар башоратини оқлади. Асосий илгиладан сўнг бир ой ичида 50 дан ортиқ 5—6 балли тебраниш такрорланди. Улардан Учгурсой, Мирзатол, Поп, Наймон, Хужаобод, Сано, Гурумсарой, Чуст каби шаҳар ва қишлоқлар жиддий зарар кўрган. Тоғларда кўчкилар содир бўлган, Сирдарё қирғоқларида кенглиги 15—25 см ли ёриқлар вужудга келган. Бундан кейин ҳам кучли илгилалар фаоят шу зонада содир бўлиши мумкин.

ПОП ТУМАНИ — *Наманган вилоятидаги* туман. 1926 й. 28 сент.да ташкил этилган. 1930 й.дан Чуст-Поп тумани номи б-н аталган. 1931 й.да, Чуст тумани ажралиб чиққанидан кейин, Поп тумани деб аталиб келинмоқда. 1947—60 й.ларда Наманган вилояти таркибида, 1960—67 й.ларда Фарғона вилоятида, 1967 й. декдан яна Наманган вилояти таркибида..

П.т. Наманган вилояти майдонининг 43,8%, аҳолисининг 9% ини ва яйловларининг асосий қисмини ташкил этади. Туман шим.дан Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилояти, шарқдан Наманган вилоятининг Чуст, Мингбулоқ, жан.дан Фарғона вилоятининг Бувайда ва Данғара туманлари, гарбдан Тожикистон Республикасининг Ашт тумани, Тошкент вилоятининг Оҳангарон ва Бўстонлиқ туманлари б-н чегарадош. Чегарасининг уз. 344 км. бўлиб, шим.дан жан.га Чатқол, Қурама тизмаларидан Марказий Фарғона текисликларигача бўлган кенгликлар-



Поп шаҳрининг марказий қисми.

сонлар оқиб ўтади. Шунингдек, Қазноқ ва Гавот кўллари бор.

Туман ҳудудида тупроқ ва ўсимликлар жанлан шим. томон ўзгариб боради. Сирдарининг чап соҳилидаги Қоракалпоқ чўлида кўчма қумлар ва қум барханлари орасида шўрхоклар учрайди. Ўзлаштирилган ерларнинг тупроги оч тусли бўз тупроқлардир. Бу ерларда ёвойи ўсимликлардан саксовул, изен, янток, қамиш, қонғир ва б. ўсади. Сирдарё ва б. дарёларининг олоқ ва қайирларида ўтлоқи-ботқоқ ва тўқ тусли бўз тупроқлар учрайди. Шўрхок ва шўртобдар ҳам бор. Бу ерларда тол, тураигил, юлғун, шўра, ялпиз, қўға ва б. ўсимликлар ўсади. Адир зонасида шагал ва чағир тошлар, жигарранг тупроқлар тарқалган. Ўсимликлари, асосан, эфемер ва эфемероидлардир. Тог зонасида ер юзаси қоялар ва тог ўтлоқ тупроқлари б-н қопланган. Бу ерларда янтоқ, арча, тоғтерак, ёввойи олма, дўлана каби турли дарахт ва буталар, ширач, бетага, шувоқ, исириқ ва б. ўсади. Тог яйловларидан кенг фойдаланилади.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, татар, украин, қирғиз, уйғур ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км²га 58 киши. Шаҳар аҳолиси 40,7 минг киши, қишлоқ аҳолиси 129,3 минг киши (2003).

Хўжалиги. Саноат туман иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Туманда қурилиш материаллари, енгил, пахта тозалаш, озиқ-овқат саноатлари асосий тармоқлардан ҳисобланади. П.т.да 11 саноат корхонаси, шу жумладан, 3 та қўшма корхона, автокорхона ва б. фаолият кўрсатади.

Қ.х.да пахтачилик етакчи ўринда. Галлачилик, шоликорлик, мевачилик, токчилик, полизчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, асаларичилик, пиллачилик ҳам муҳим ўрин тутади. Туманда 13 ширкат, 480 дан зиёд фермер, 13380 деҳқон, 1 ўрмон, 1 жамоа хўжаликлари, 3 қ.х. корхонаси мавжуд бўлиб, уларда 21,9 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқдалар.

П.т.да жами суғориладиган ер майдони 39,3 минг га, шу жумладан, 31 минг гектарга яқини экин майдони ўзлаштирилган ерларнинг тупроги оч тусли бўз тупроқлардир. Бу ерларда ёвойи ўсимликлардан саксовул, изен, янток, қамиш, қонғир ва б. ўсади. Сирдарё ва б. дарёларининг олоқ ва қайирларида ўтлоқи-ботқоқ ва тўқ тусли бўз тупроқлар учрайди. Шўрхок ва шўртобдар ҳам бор. Бу ерларда тол, тураигил, юлғун, шўра, ялпиз, қўға ва б. ўсимликлар ўсади. Адир зонасида шагал ва чағир тошлар, жигарранг тупроқлар тарқалган. Ўсимликлари, асосан, эфемер ва эфемероидлардир. Тог зонасида ер юзаси қоялар ва тог ўтлоқ тупроқлари б-н қопланган. Бу ерларда янтоқ, арча, тоғтерак, ёввойи олма, дўлана каби турли дарахт ва буталар, ширач, бетага, шувоқ, исириқ ва б. ўсади. Тог яйловларидан кенг фойдаланилади.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, татар, украин, қирғиз, уйғур ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км²га 58 киши. Шаҳар аҳолиси 40,7 минг киши, қишлоқ аҳолиси 129,3 минг киши (2003).

Хўжалиги. Саноат туман иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Туманда қурилиш материаллари, енгил, пахта тозалаш, озиқ-овқат саноатлари асосий тармоқлардан ҳисобланади. П.т.да 11 саноат корхонаси, шу жумладан, 3 та қўшма корхона, автокорхона ва б. фаолият кўрсатади.

Қ.х.да пахтачилик етакчи ўринда. Галлачилик, шоликорлик, мевачилик, токчилик, полизчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, асаларичилик, пиллачилик ҳам муҳим ўрин тутади. Туманда 13 ширкат, 480 дан зиёд фермер, 13380 деҳқон, 1 ўрмон, 1 жамоа хўжаликлари, 3 қ.х. корхонаси мавжуд бўлиб, уларда 21,9 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқдалар.

ўқлар (реклама, фото, *репродукция*, комикс ва ҳ.к.) воситасида ёритишни асосий мақсад қилиб олди. Шаҳар ҳаётида кенг ишлатиладиган буюмлар (уй-рўзғор анжомлари, ўров қутичалари, машина бўлакларн ва ҳ.к.)ни ҳудди ўзига ўхшатиб ишлаб, уларнинг ўзидан (кўпинча *коллаж* ва б. усуллар ёрдамида) композициялар тузади. П.-а.да танланган буюмлар тасодифий, бир-бири б-н боғлиқ бўлмаган ҳолда бирлаштирилиши мумкин. Муҳими бир-бири б-н мос тушмайдиган буюмларни бирлаштириш орқали томошабин фикри ва тасаввурига зид ҳиссиётларни уйғотишдан иборат. Мас., рассом ромкага тортилган тоза матога унинг диагонали бўйича рангли шарифни боғлаши ёки унга дастрўмол қўйиб кўргизмада намойиш этиши мумкин. П.-а. техника имкониятларидан кенг фойдаланади, фотосурат, слайддан полотно (юзага туширилган тасвир контурларини ёркин бўёқларда ишлайди, саноатда ишлаб чиқарилаётган ёркин рангли буюмларни ўз асарларида кўрсатади, улардан композициялар тузади.

ПОПЛИН (итал. papelino — папага тегишли; дастлаб, Авинтонда рим папаси қарорғохида олинган, деб тахмин қилинади) — кўндаланг қавариқ йўллари бор полотно ўрилишли (қ. *Ўрилиш*) газлама. Кўндаланг қавариқ йўллар ингичка *танда* ипларининг йўғонроқ *арқоқ* иплари б-н ўрилишидан ҳосил бўлади. П. асосан пахта толаларидан ёки кимёвий толалардан, баъзан, табиий ипак (танда) ва жун (ар-қоқ)дан тўқилади. П.нинг танда бўйича зичлиги (қалинлиги) арқоқ бўйича зичлигидан 1,5—2 марта юқори бўлади. П. оқартириб, сидирға бўялиб ва гул босилиб ишлаб чиқарилиши мумкин. П.дан блузалар (камар боғлаб кийиладиган кенг уст кўйлак), эркаклар кўйлаги ва б. тикилади.

ПОП-МУСИҚА [инг. pop (popular music — *оммабоп мусиқа*] — 20-а.да қарор топган енгил (кўнгилочар) мусиқа услубларининг умумий ифодаси. Дастлаб (1950-й.ларда) фақат *рок мусиқага* нисбатан қўлланилган. Ҳозирда кўнгилочар тижорий мусиқанинг барча жанр ва услубларига нисбатан ишлатилади (шлягер, ритм-энд-блюз, диско, соул, лаунж ва эмбиент, хип-хоп, электро-поп ва ҳ.к.). П.-м.нинг асосий тамойили — турли (жумладан,



йиловларидан кенг фойдаланилади.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, татар, украин, қирғиз, уйғур ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км²га 58 киши. Шаҳар аҳолиси 40,7 минг киши, қишлоқ аҳолиси 129,3 минг киши (2003).

Хўжалиги. Саноат туман иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Туманда қурилиш материаллари, енгил, пахта тозалаш, озиқ-овқат саноатлари асосий тармоқлардан ҳисобланади. П.т.да 11 саноат корхонаси, шу жумладан, 3 та қўшма корхона, автокорхона ва б. фаолият кўрсатади.

Қ.х.да пахтачилик етакчи ўринда. Ғаллачилик, шоликорлик, мевачилик, токчилик, полизчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, асаларичилик, пиллачилик ҳам муҳим ўрин тутади. Туманда 13 ширкат, 480 дан зиёд фермер, 13380 деҳқон, 1 ўрмон, 1 жамоа хўжаликлари, 3 қ.х. корхонаси мавжуд бўлиб, уларда 21,9 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқдалар.

ПОП-АРТ (инг. pop art — оммабоп санъат) — замонавий тасвирий санъатда авангард йўналиши; *абстракт санъат* таъсирида юзага келган, дадаизм (айниқса, М. Дюшан ижоди) ва *сюрреализм* б-н алоқада бўлган. 1950-й.ларнинг 2-ярмида энг аввало АҚШ (Р.Рашенберг, К. Олденберг, Ж.Розенквист ва б.) ва Буюк Британия (П. Блейк, Р. Гамильтон ва б.)да пайдо бўлган, сўнгра Франция (Н. де Сен-Фаль ва б.), Германия (П. Вундерлих ва б.) каби Ғарбий Европа мамлакатларида тарқалган. Абстракт санъатнинг борлиқдан, реал ҳаётдан ажралиб боришига қарши ҳаракат кўринишида шаклланган. П.-а. вакиллари реал борлиққа қайтиш, кенг кўламда ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг эстетик қийматини оммавий

ПОП-МУСИҚА [инг. pop (popular) music — *оммабоп мусиқа*] — 20-а.да қарор топган енгил (кўнгилочар) мусиқа услубларининг умумий ифодаси. Дастлаб (1950-й.ларда) фақат *рок мусиқага* нисбатан қўлланилган. Ҳозирда кўнгилочар тижорий мусиқанинг барча жанр ва услубларига нисбатан ишлатилади (шлягер, ритм-энд-блюз, диско, соул, лаунж ва эмбиент, хип-хоп, электро-поп ва ҳ.к.). П.-м.нинг асосий тамойили — турли (жумладан,

халқ мусиқаси, мумтоз композиторлик ижоди, жаз ва б.) мусиқа қатламларига оид ифодавий воситалардан фойдаланиб муайян услубий қолипларни яратишдан иборат. Бу эса П.-м. намуналарининг идрок этиш жараёнини юқори даражада енгиллаштириб, ижолий «маҳсулот»нинг харидгорбоплигини таъминлайди.

П.-м.нинг ижод ва ижро жараёнлари халқаро «мусиқий индустрия» тизимини ташкил этади. Унга овоз ёзиш студиялари, граммпластинка, аудиокассета ва мусиқали компакт-дисклари ишлаб чиқарадиган концерндар (мас., «Sony music»), радио ва телевидение (мас., «MTV» канали), махсус нашрлар ва реклама шакллари (видеоклип каби), продюсер марказлари ва б. киради. Улар ижодкорларнинг бадиий топилмаларини лицензиялаштириш ва айни шу лицензиялар асосида яратилган юздб-минглаб «янги» намуналарни турли миллий маданиятларга сингдириш йўлида фаолият кўрсатади. Шунинг учун П.-м. тизимида етук саньятқорлар б-н бир қаторда қўшиқчи реклама туфайли машҳур бўлган «юлдуз»лар фаолият кўрсатади. мусиқа услубида эса оммалашиб кетган унсур (соул, усул ва б.)лар асосий ўрин тутади.

Озодлик Бекот.

ПОПОВ Александр Степанович (1859.4.3, Сверадлов вилояти — 1905.31.12, Петербург) — рус физиги ва электротехниги, *радио* ихтирочиси. Электр-магнит тўлқинларини амалий мақсадларда қўллаш асосчиларидан бири. П. электр-магнит тўлқинлар кўкуни детектори (Бранли-Лоджа когерери)ни такомиллаштирди (1895) ва унинг асосида электр сигналларини симсиз узатадиган қабул қилгич (приёмник)ни (яъни радиоалоқани) яратди. Ниҳоят 1895 й. 25 апр. куни ўзи яратган радиоприёмникни намойиш қилди. У радиотўлқинларни 1897 й. бошида 600 м масофага, 1897 й. ёзида 5 км масофага, 1901 й. 150 км масофага узатишга эришди. П. газ разрядларини қайд қиладиган асбоб («яшин қайд қилгич») ни ҳам яратди (1895). Парижда 1900 й. ўтказилган халқаро кўргазмада П. олтин медаль б-н тақдирланди.

ПОПОВ Владимир Иванович (1907.23.2, Санкт-Петербург — 1991.25.11, Тошкент) — геолог. Ўзбекистон ФА академиги (1968), геол.-минералогия фанлари д-ри (1939), проф. (1940). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1957). Ўрта Осиё ун-тининг физика-математика ф-тини тугатган (1927). Помир—Тожикистон геологик экспедициясида геолог (1927—39), ун-тда проф. (1939—42). Ўзбекистон ФА Президиумининг аъзоси ва ишлаб чиқаришни кучларни ўрганиш кенгаши (СОПС)нинг раиси (1970—74). Помирда олинишни бой сочма конларини топиб (1927), бу ҳудуднинг металлогеник ва геохимевий схемасини тузган. Илмий ишлари, асосан, чўкинди жинсларнинг фаунал комплексларини аниқлаш ва фациал-палеогеографик харитага тушириш методикаси, геологик формацияларнинг таснифи ва б.га бағишланган.

ПОПОКАТЕПЕТЛЬ — Мексиканинг жан. қисмидаги сўнмаган вулкан. Кўндалаги Вулкани Сьерра тоғларида. Базальт ва андезитлардан тузилган, бал. 5452 м. Доим тутун бурқираб туради. 16—17-а.ларда тез-тез отилиб турган. Ён бағирлари 3800 м гача дуб ва қарағай ўрмонлари б-н қопланган. Чўққиларида доимий қор ва музликлар бор. Миллий боғ таркибида.

ПОПОПЧИЛИК — машинада қанта тикиш касби; попон машинада пўрма (попон) чокида амалий безак санъати асарлари, бадиий буюмлар (чойшаб, сўзана, палак, ёстиқ жилди, лупши ва б.) тайёрлаш. 19-а.да Ўрта Осиёга, жумладан, Ўзбекистон ҳудудига кириб келган. Бадиий буюмлар аввал якка тартибда, кейинроқ артелларга бирлашиб, ҳозирда ф-каларда тайёрланади. Сатин, духоба, бахмал ва б. сидирга матоларга тикилади. Нақш-тўлар аввалдан тайёрланган андоза ёрдамида безатилади-да, устига тушириб олинади, сунгра рангланади. Ишлатилган ипакларга ишланади. Тошкентдаги «Шарқ гули» ф-каси (ҳоз. акционерлик жамияти) ва б.да попок дид б-н пафис, жозибали нақшлар б-н безатилган П. буюмлари кўплаб ишлаб чиқарилади. Бундан безатилиб яратилган бадиий буюмлар қатларнинг сепига кириб, совға сифатида хорижга ҳам чиқарилади.

Попок машинада қанта тикиб безатилган жойнамоз (20-а.).

ПОПУЛЯЦИЯ (лот. populus — туруғ, уюшма, халқ) — ирқий чатишга оталиган ёки чатишиш имкониятига эга бўлган, аниқ ирқий ареалини эгаллаган ва маълум даражада камон ва маконда бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатадиган организмлар туруҳи. П.даги генетик ўзгаришлар турларнинг келиб чиқиши, янги ўсимлик навлари, ҳайвон зотларини яратиш ва б. асосини ташкил қилади. «П.» терминини дастлаб генетик В.Иогансен генетик жиҳатдан бир хил бўлмаган индивидлар туруҳини соф линия (генетик жиҳатдан бир хил бўлган туруҳ)дан фарқ қилиш учун таклиф этган (1903).

Табиатда П.нинг турли хил типлари учрайди: ёпиқ П. (фақат бир-бири б-н жуфтлана оладиган индивидлар туруҳи); панмиктик П. (индивидлар жуфтлашиши жуфт танламасдан амалга ошади); менделча П. (бир географик ареалда тарқалган, қупанини ва б. хусусиятлари бир хил бўлган индивидлар мажмуи); изоген П. генетик жиҳатдан айнан ўхшаш, яъни барча локуслар (хромосоманинг бир ген жойлашган чизиқли участкаси) бўйича кўпчилик ҳолларда гомозигота бўлган индивидлар туруҳи; мувозанатланган П. — генлар частотаси (такрорланиши) мутацион ва селекцион тазйиқлар ўртасидаги мувозанатга асосланиб ўзгариб туради ва тасодифий жуфтлашиш принципига кўра жуфтлашишла ҳамда локуслараро эркин рекомбинацияланишда генотипларнинг амалдаги частотаси назарий кутилган ҳолатга мос келади. Фанда мавжуд бўлган идеал П. тушунчаси табиатда учрамайди ва у фақат математик моделларда ҳисобга олинади. Мас., зоғора балиқ йирик кўлларда 2 та П. ҳосил қилади, улардан бири қирғоқ яқинида яшаб, майда ҳайвонлар б-н озиқланади ва секин ўсади; иккинчиси сувнинг чуқур қисмида яшаб, балиқлар б-н озиқланади ва тез ўсади; гўзанинг ёввойи турлари, шунингдек, экиладиган навлари П.си ҳарорат, ёруглик, сув режими, озиқланиш ва б.га нисбатан турлича реакциялар б-н характерланадиган жуда кўп туруҳлардан ташкил топган.

Табиатда П.ларнинг ярашиб кетишига географик (сув ҳавзаси, тог, ўрмон, чўл, биологик (жинсий аппаратнинг тузилишида куниқиш ва ун қуриш, ўсимликларда гуллаш муддатида фарқ бўлиши), экологик (яшаш муҳити — намлик, тупроқ таркибида фарқ бўлиши) адаптацияни тўсқинлик қилади.

П. эволюциянинг энг кичик ва асосий бирлиги ҳисобланади. Чунки эволюцион жараён П. ичида боришланади. П. индивидлари орасида доимо ирсий ўзгарувчанлик пайдо бўлиб туради. Жинсий қўпайиш туфайли бу ўзгарувчанлик П. индивидлари орасида тарқалиб, уни гетероген қилиб қўяди. Пда бордиган яшаш учун кураш ва табиий танланиш туфайли фойдали ўзгаришларга эга бўлган индивидлар сақланиб қолиб, насл беради. Бундан кейинги эволюцион жараёнларда П. кенжа турни ҳосил қилади.

Ад.: Бигон М., Харпер Ж., Таунсенд К., Экология. Особи, популяции и сообщества, в 2-хомах. Перевод с анг., М., 1989; Ходжаев П. ва б. Биология. Т., 1996; Мавлянов О., Биология, Т., 2003.

Абдукарим Закиров, Одил Мавлонов.

ПОПУРРИ (франц. pop-pourri — ҳар хил нарсалар) — бирон опера, оперетта, балет, кинофильм ва б.даги машҳур, оммавийлашган куйлар ёки халқ қўшиқлари, рақс куйлари ва ҳ.к.дан тузилган чолғу асар. Одатда, фойдаланилган куйлар деярли ривожлантирилмайди, фақат кетма-кет ижро этишга мўлжалланади. «П.» термини дастлаб 1711 йили (француз ношири К.Баллар нашр этган пьесалар тўпламида) ишлатилган. П. 19-а.дан, асосан, пуфлама созлар оркестри, эстрада ансамбли асари сифатида кенг ривож топган. Ўзбек куйлари асосида илк П.ларни Ф.Лейсек («Осиёча попурри», 1890; «Ўзбек қўшиқларидан попурри», 1924), кейинчалик Ю. Ражабий, Д. Зокиров ва б. яратган.

ПОРАХЎРЛИК — пора олиш, пора бериш, бу ишда воситачилик қилиш каби мансабдорлик жиноятлари. П. моддий бойлик ёки мулкий манфаат эвазига муайян ҳаракатларни бажариш ёки бажармаслик б-н тавсифланади. Ўзбекистон Республикаси ЖК га кўра, у бошқарув тартибига қарши жиноятлар сирасига киради. ЖК бўйича, пора олиш деганда мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи, ёки воситачи орқали моддий қимматликлар олиши ёки мулкий наф кўриши тушунилади. Бундай жиноят учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Ушбу жиноят оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилганда 10 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади. (ЎзР Жиноят кодекси, 210-модда). Пора бериш деганда мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига унга бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш тушунилади. Пора бериш жинояти учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача миқдорда жаримадан 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилишгача жазо тайинланади (ЎзР Жиноят кодекси, 211-модда). Банкирлик, шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса ёки бу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилгандан кейин бу ҳақда ўз ихтиёри б-н арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод этилади. Пора олиш ёки бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият, шунингдек, манфаатдор шахсларнинг тошшириги б-н порани бевосита бериш — пора олиш-беришда воситачилик қилиш ҳисобланади. Бундай жиноят учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача миқдорда жаримадан 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилишгача жазо белгиланган (ЎзР Жиноят кодекси, 212 -модда). Воситачилик қилган шахс жиноий ҳаракатларни содир этганидан кейин бу ҳақда ўз ихтиёри б-н арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади. П. ниқобланган шаклда ҳам амалга оширилиши, пора ҳар хил моддий бойликлар (пул, чет эл валютаси, қимматбаҳо буюмлар, қимматбаҳо қоғозлар, озиқ-овқат ёки паст баҳодаги саноат моллари) шаклида бўлиши мумкин. Пора предметига муайян хизматлар ҳам киради. Айтайлик, тиббий ёки дам олиш уйларига бериладиган йўлланмаларни тақдим этиш, таъмирлаш, қурилиш ва б. шу каби ишларни бажариш.

Бир қанча мамлакатларда мансабдор шахсларнинг ўз мансаби бўйича берилган ҳуқуқларидан шахсий бойиш мақсадидаги суиистеъмолликлари, уларнинг порага сотилиши ҳолларини кузатиш мумкин (қ. *Коррупция*).

Мирмуҳсиф Рустамбоев.

ПОРНОГРАФИЯ (юн. pornos — фаҳш, бузуқ ва *...графия*) — адабиёт, тасвирий санъат, театр, кино, компьютер дастурлари, видео- ва овоз ёзувлари, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларида жинсий ҳаётни вульгар-натуралистик, беҳаёларча тасвирлаш, бадиий ёки илмий аҳамияти бўлмаган ҳолда тайёрлаш. ЎзРда П. маҳсулотларини тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш онлага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноят ҳисобланади. Бунинг учун маъмурий ва жиноий жазо белгиланган. Бундай қилмишни содир этиш энг кам ойлик иш ҳақининг 100 дан 200 бараваригача миқдорда жарима ёки 3 й. гача ахлоқ тузатиш ишлари б-н жазоланади (ЎзР Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 189-моддаси, ЖКнинг 130-моддаси).

ПОРОЛОН — эластик пенопластнинг савдодаги номи. Кимёвий табиатига кўра, *полиуретанлар*га киради. Савдодаги бошқа номлари: лакфоам, виброфоам, фоамекс (АҚШ), мольтопрен (Германия), аллофоам (Канада).

ПОРОПЛАСТЛАР, говак пластмассалар — газ б-н тўлдирилган *пластмассалар*. Пда газ ўзаро туташган катакчаларни тўлдиради (яна қ. *Пенопластлар*).

ПОРОХ — кўп компонентли *портловчи моддалар*нинг зичлаштирилган қаттиқ (конденсирланган) аралашмаси. П. ҳавосиз муҳитда барқарор ёниб, катта миқдорда қизиган газсимон маҳсулотлар ҳосил қилиш хусусиятига эга. П.нинг ёниши ташқи босимнинг кенг оралиғида (0,1—1000 МПа) иссиқликни қаватдан қаватга ўтказишга асосланган. 2 хил П. фарқланади: 1) тутунсиз П. (нитроцеллюлоза асосидаги) пироксилинли П., карбитлар ва баллиститларга бўлинади; 2) аралашмали П. (ёқилғи ва оксидловчидан иборат), жумладан тутунли П. (қора П.) кон ишида декоратив тошлар (мармар, дивабаз ва б.)нинг йирик бўлакларини ажратиб олишда, тутунсиз П. карьерларда портлаш ишларида, артиллерия ва ўқли қуролларнинг ўқдорилари сифатида, пиротехник қурилмалар ва б.да қўлланади.

ПОРТ (лот. portus — бандар), бандаргоҳ — денгиз ёки дарё қирғоғида кемалар тўрадиган, таъмирланадиган, кемаларга юк ортиш-тушириш, йўловчиларни чиқариш ва тушириш учун хизмат қиладиган муҳандислик иншоотлари ва қурилмаларини ўз ичига оладиган махсус жой. П. кўпинча транспорт узели — юклар ёки йўловчиларни кемалардан қуруқликдаги транспорт воситаларига (ёки аксинча) ўтказиш

воситаси ҳисобланади. П. лар денгиз ва дарё П.ларига, улар фуқаро (савдо) ва ҳарбий П.ларга бўлинади.

П. ишлари ҳажми кема, юк (йўловчилар) айланмаси ва ўтказиш имконияти каби иқтисодий кўрсаткичлар б-н ўлчанади. Йирик П.ларнинг юк айланмаси йилига 270 млн. т ва ундан кўпни ташкил қилади. Биринчи П. тахм. мил. ав. 4-минг йилликда Ўрта денгизда пайдо бўлган.

ПОРТАТИВ (франц. orgues portatives, лот. porto — ҳамаман) — унча катта бўлмаган, кўтариб юриш учун қулай ва ихчам, бир жойдан иккинчи жойга осонгина сурилалиган нарса, асбоб, аппарат (мас., П. радиоприемник, П. ёзув машинкаси ва б.).

ПОРТВЕЙН (нем. Portwein, Португалиядаги Порту ш. номидан ва нем. wein — вино) — кучли узум *виноси*. Таркибида (ҳажми бўйича) 17—20% спирт, 5—14% қанд, 4—6 г/л вино кислотаси бор. Оқ, пушти ва қизил узум навларидан охиригача бижғимаган тури аралаш шарбатни ёки янги эзилган гужумларни этил спирти б-н спиртлаш ва муайян муддат давомида етилтириш йўли б-н тайёрланади. П.нинг оддий ва маркали (3 йилдан ортиқ сақлаб етилтирилган) хиллари бўлади.

Ўзбекистондаги барча виночилик корхоналарида қуввати 18°, қанди 5% бўлган «Ўзбекистон» П.и ишлаб чиқарилади. Чет элларда энг яхши П. Португалияда тайёрланади (Порто Баррос, Порто Далва, Порто Колхейто ва б.)

ПОРТ-ВИЛА, Вила — Вануату давлати пойтахти, Эфате о.да. Аҳолиси 29,3 минг киши (1999). Тинч океан соҳилидаги порт, четга копра, какао, кофе чиқарилади. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Озиқ-овқат, тўқимачилик саноати корхоналари бор. Халқаро молия маркази.

ПОРТЕР (Porter) Жорж (1920.6.12, Стейнфорт, Йоркшир) — инглиз физик-кимёгари. Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1960). Кимё проф. (1963). Буюк Британия Қироллик ин-ти директори (1966 й.дан), фотобиология бўйича Халқаро комитет (1968 й.дан). Буюк Британия кимёгарлар жамияти (1970 й.дан) президенти. Газ фазасида тезкор фотокимёвий реакциялар устида тадқиқот олиб борган. Импульс фотоанализ усулини ишлаб чиққан. Нобель мукофоти лауреати (1967, Р. Норриш ва М. Эйген б-н ҳамкорликда).

ПОРТЕР (Porter) Родни Роберт (1917.8.10, Аштон — 1985.7.9) — инглиз иммунологи ва биокимёгари. Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1964); Ливерпуль ва Кембриж ун-тларини тугатган (1939). Лондондаги тиббиёт тадқиқотлари миллий ин-ти илмий ходими (1949—60); Сент-Мэри касалхонаси қошидаги тиббиёт олий мактаби (1960—67) ва Оксфорд ун-ти (1967) проф. Асосий илмий ишлари иммунологияга оид. Антителолар молекуласининг тузилиш схемасини таклиф этган (1962). Бу схемага кўра, иммуноглобулин молекуласи 4 та — 2 та «оғир» ва 2 та «енгил» занжирлар ташкил топган; занжирлар ўзаро дисульфид боғлар орқали бирикади. Нобель мукофоти лауреати (1972, Ж.Эдельман б-н ҳамкорликда).

ПОРТ-ЖАНТИЛЬ — Габондаги шаҳар. Огове дарёси бўйида. Денгиз бўйи Огове провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 80,8 минг киши (1990-йиллар ўрталари). Мамлакатнинг Атлантика океани соҳилидаги асосий порти, четга нефть ва тахта чиқарилади. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Нефтни қайта ишлаш, ёғочсозлик (тахта тилиш, фанер и.ч.), озиқ-овқат саноати корхоналари, кислород-ацетилин з-ди, кема верфи бор. Иссиқлик электр станцияси қурилган. П.-Ж. яқинидаги конлардан нефть ва табиий газ олинади.

ПОРТИК (лот. particus)— асосан, бино бош тарзига, айрим ҳолларда 2 ёки 3 томонига ишланган қатор устун, *колонналар*. Қад. меъморликда кенг тарқалган. Юнонистон сайргоҳларида П.лар бўлган. 18—19-а.ларда классицизм даври меъморлигида, 20-а.да, асосан, жамоат бинолари (ўқув корпуслари, театр бинолари, маданият саройлари)да қўлланилган. Тошкентдаги Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Маданият вазирлиги биноси, Тошкент ахборот технологиялари университети ва б. бинолардаги П.лар ўзига хос услубда ишланган.

Портик.

ПОРТЛАНДЦЕМЕНТ (инг. Portland — Буюк Британиядаги ярим орол номидан) — сувга чидамли боғловчи модда; қурилиш материали. Таркиби асосан кальций силикатлардан иборат. *Цемент*нинг энг кенг тарқалган тури. *Клинкер* ва *гипс* (3—7%) аралашмасини жуда майин туйиб олинади. Аралашмага маълум миқдорда (10—15%) фаол минерал қўшимчалар аралаштирилиши мумкин. Таркиби, хоссалари ва қўлланиш соҳаларига кўра, П. оддий, тез қотувчан, гидрофоб, сульфатга бардошли, оқ рангли, асбест-цемент маҳсулотлари и. ч.да ишлатиладиган ва б.га бўлинади. П.нинг таркиби ва сифати асосан клинкерининг таркиби ва унинг қайчалик майин туйилганлигига боғлиқ. Унинг энг муҳим хоссаси сув б-н таъсирлашганда қотиш хусусиятларидир. Бу хусусияти марка б-н белгиланади. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган П.нинг маркаси 300 дан 600 гача (марка қанча юқори бўлса, материал шунча сифатли ҳисобланади).

ПОРТЛАТКИЧ — снаряд, мина, бомбалардаги *портловчи моддалар*ни портлатиш учун ишлатиладиган механизм. Зарбли П. (снаряд, бомба, мина ва б.нинг бирон нарсага урилиши натижасида ҳаракатга келади), дистанцион П. ёки дистанцион найча (снаряд, бомба ва ракеталарнинг учиш траекториясида муайян вақт ўтгач ҳаракатга келади), контактсиз П. (радиолокацион, инфрақизил, оптик, акустик П. — снаряд, бомба, мина ва б. нишонга тегмасдан, ундан муайян узоқликда ҳаракатга келади), ижрочи П. (қўлланилган ташқи сигнални қабул қилиб, ҳаракатга келади) каби турларга бўлинади. Ҳамма турдаги П., умуман, детонация занжири, портлатувчи механизмлар (тепки, электр контакт ва б.) ва сақлагич механизмларидан иборат. П.да *детонация* механик (ҳалангалатувчи пистон ёки пистон-детонатор тепки урилиши ёки ишқаланиш натижасида ишлайди), электр токи (электр детонатор электр воситасида ишлайди) ва кимёвий (синган ампуладан қуйилган реагент ёнувчи таркибни ҳалангалантиради) усулда ҳосил қилинади. Нишонга текканидан кейин портлаш вақтига кўра, П. оний ва секин ҳаракатга келадиган турларга бўлинади. Артиллерия ва авиация П.ини оний ҳаракатга келтириш учун снарядни отишдан олдин унинг сақлагич қопқоғи бураладн ёки снаряд, бомбага ўрнатилган паррак айланиб, сақлагич қопқоғини бурайди. Муҳандислик миналаридаги П.ни оний ҳаракатга келтириш сиқувчи, тортувчи, босувчи ёки юкни енгиллаштирувчи мосламалар ёрдамида амалга оширилади. П.нинг ҳаракатга келишини секинлатиш учун детонация занжирига секинлаткич қўйилади ёки соат механизми, кимёвий реагент ўрнатилади.



Портлаткич. Авиация бомбаси портлаткичи: *1* — варақали сақлагич қопқоқ; *2* — корпус; *3* — тепки; *4* — втулка; *5* — капсюль-детонатор.



Артиллерия портлаткичи: 1 — корпус; 2, 3, 4 — дистанцион ҳалқалар; 5 — дистанцион таркиб; 6 — асосий гайка; 7 — баллистик қопқоқ; 8 — сиқувчи ҳалқа; 9 — дистанцион тепки; 10 — сақлагич пружинаси; 11 — алангалантирувчи капсюль; 12 — марказга интилма движок; 13 — капсюль-детонатор; 14 — марказга интилма қисқичлар; 15 — қисқич пружиналари; 16 — заряд; 17 — детонатор; 18 — инерцион қисқич; 19 — қисқич пружинаси; 20 — сақлагич қопқоқ.

ПОРТЛАТУВ ИШЛАРИ — табиий (тог жинси, ёғоч, муз) ёки сунъий (тош, гишт, бетон девор, металлар ва б.) материалларни қўпориш, силжитиш, уларнинг тузилиши ёки шакл ўзгаришини текшириш мақсадида халқ хўжалигида бажариладиган ишлар. П. и. *портловчи моддалар* ва *заряд* ёрдамида бажарилади. Портловчи моддаларни қўпориладиган объект орасига жойлаштириш учун унда, одатда, олдиндан бургилаб бўшлиқ (шпур, камера) қазилади.

П. и. нинг қўлланиш соҳаси кенг. Улар кончиликда энг кўп ишлатилади: қазилма бойликларни сейсмик усулда қидириш, конларни очиш, қаттиқ қазилма бойликларни қазиб олиш ва б. Қурилишда П.и.дан қурилиш майдончаларини текислаш, музлик ва қояли заминларни юмшатиш, харсанг тош ва илдизларни қўпориш, тўнкалар қўриш, йўл ва гидротехник тоннеллар қуриш ва б.да фойдаланилади. Сув хўжалигида П.и. ёрдамида сув қабзалари тубини ва дарёнинг кема қатнайдиган жойи (фарватери)ни чуқурлаштириш, кўл остига тиқилиб қолган катта муз бўлакларини парчалаш, иншоотларни баҳорги муз сиджишларидан сақлаш ва б. бажарилади. Шимолий қутб шароитида П. и. б-н муз уюрмаларни парчаланади, музлаб қолган кемалар музлардан тозаланади ва б. Металлургия саноатида П. идан металларни, пўлат лист-дан штампланган мураккаб деталларни ва металларнинг пайвандланган жойларини мустаҳкамлашда, қуймаларни қуйиндн ва зангдан тозалаш ва б.да фойдаланилади. Нефть ва газ саноатида қудуқларда торпедалаш портлатиш йўли б-н нефть қатламидаги *дебит* оширилади, сув остидан нефть қазиб чиқариш учун сунъий тўтон ва ер ости нефть омбори қурилади. Портлатиш йўли б-н нефть ва газ қудуқларидаги ёнғин ўчирилади.

Электр детонаторларни портлатиш портлатув машинаси б-н амалга оширилади. Портлатув машинаси электромагнитли, конденсаторли ва динамоэлектрикли хилларга бўлинади. Конденсаторли портлатув машинаси кўп тармоқланган, унда ток манбаи сифатида *конденсатор* ишлатилади. Машинанинг ишлаш тарзи кам қувватли электр токи манбаидан олинган электр энергияни 10—20 сек конденсаторга йиғиб, йиғилган энергияни портлатиш тармоғига улашдан иборат.

Портловчи моддалардан тинч мақсадларда фойдаланиш қадимдан маълум; биринчи марта 1448—72 й.ларда Неман дарёсини тош ва б. жинслардан тозалашда ишлатилган. Кейинчалик порохдан фойдаланиб руда қазиб чиқариш Россия (1617), Силезия (1627), Чехия (1629), Англия (1670) ва б. жойларда кенг тарқала бошлади. Кейин электр усули б-н портлатиш (1812) ва динамитнинг (1860) ихтиро қилиниши, бурғилаш машиналари (1861), капсюл-детонаторларнинг яратилиши (1867) П. и.ни кенг ривожлантиришга олиб келди. П. и.да зарядининг кучи 0,1 т дан бир неча минг т гача бўлган портловчи моддалар ва ядровий портлашдан фойдаланилади.

ПОРТЛАШ — оний вақтда чегараланган ҳажмда катта миқдорда энергия ажралиб чиқиш жараёни. Маълум ҳажмни эгаллаб турган модда П. натижасида энергия ажратиб, атрофдаги муҳитни жуда катта куч б-н ҳаракатга келтирувчи юқори босимдаги қизиган газга айланади. П. қаттиқ жисмда унинг емирилиши ва парчаланиши б-н кузатилади. Муҳитнинг т-раси, зичлиги, босимининг кескин кўтарилишидан юзага келган ҳаракат П. тўлқини дейилади. Бу тўлқин муҳитда жуда катта тезлик б-н ҳаракатланади. П. вакуумда юз беради, П. энергияси турли томонга катта тезлик б-н учиб чиқадиган портловчи моддаларнинг кинетик энергиясига айланади ва атрофдаги турли объектларга нисбатан механик таъсирни юзага келтиради. П. жойидан узоқлашган сари П. тўлқинининг таъсири кучсизлана боради. Энергия манбаининг табиати ва у қандай йўл б-н ажралиб чиқишига қараб П. бир неча турга бўлинади. Ким-ёвий портловчи моддалар кимёвий бўлиниш хоссасига эга; бунда молекулалараро боғланиш энергияси иссиқлик энергияси сифатида ажралиб чиқади. Портловчи моддалар учун т-ра ошиши кимёвий бўлиниш тезлигини ифодалайди. Нисбатан паст т-рада кимёвий бўлиниш жуда секин юз беради, натижада портловчи модда б-н атроф муҳит орасида иссиқлик мувозанати юзага келади. Агар ажралиб чиқувчи иссиқликнинг моддадан ташқарига чиқиб кетмаслигига шароит яратилса, т-ра ошиши б-н кимёвий бўлиниш жараёни тезлашади, бунга иссиқлик ажратиб портлаш дейилади. Яна шундай П. жараёни борки, бунда кимёвий ўзгариш портловчи модда бўйлаб бирин-кетин қатламдан қатламга тўлқин кўринишида тарқалади. Модданинг олдинги ҳолатидан жуда юқори босимли ва т-рали ҳолатга кескин ўтишини таъминловчи бундай тўлқин зарба тўлқинидир (яна қ. *Детонация*).

Моддаларнинг фундаментал ўзгаришлари б-н боғлиқ бўлган ядро П.лари ҳам мавжуд. Бу П. атом ядросининг таркибига кирувчи элементар зарра (*протон, нейтрон*) ларнинг боғланиш энергияси ажралиб чиқишига асосланган. Модда атоми ядросининг парчаланиши натижасида нисбатан енгил ядроли элементлар ҳосил бўлади. Ядроларнинг парчаланиши натижасида ҳосил бўлган янги нейтронлар бошқа ядроларнинг парчаланишига олиб келади ва, ниҳоят, парчаланиш сони жуда тез ўсади. Шундай ўз-ўзини тезлатувчи жараёнга занжир реакцияси дейилади. 100 кг уран ёки плутоний ядроларининг парчаланиши учун керакли вақт 10^{-8} с ни ташкил қилади. Бошқариладиган занжирли ядро реакцияси ядро реакторида амалга оширилади.

Катта миқдордаги энергия ажралиб чиқадиган ядро реакциясининг яна бошқа тури — енгил ядролар синтези реакцияси. Юқори т-рада юз берувчи

синтез жараёни термоядро реакцияси дейилади. Дейтерий ядросининг (водород изотопи ^2H) синтезида шунча массадаги уранникига нисбатан парчаланишида ажралиб чиқадиган энергиядан 3 марта кўп энергия ажралиб чиқади. Синтезга керакли т-рага эришиш учун уран ва плутонийнинг ядро реакциясидан фойдаланилади. Юқорида кўрсатилган П. турларида ажралиб чиқадиган энергия молекулалараро ва ядро боғланиш энергиясидир. П. нинг яна шундай турлари борки, уларда ажралиб чиқадиган энергия ташқи манбадан юборилади. Шундай П.га мисол қилиб муҳитнинг кучли электр разрядини олиш мумкин. Бунда электр энергияси разрядли оралиқда муҳитни юқори т-ра ва босимли ионлашган газга айлантирувчи иссиқлик курилишида ажралиб чиқади. Фокуслантирилган *лазер* нурини жисмга таъсир қилдириш йўли б-н ҳам П. ҳодисасини ҳосил қилиш мумкин.

Табиатда П.ни ҳосил қиладиган жуда кўп ҳодисалар мавжуд. Чақмоқ вақтида атмосфералараги электр разрядлари, вулқонларнинг тўсатдан отилиши, йирик метеоритларнинг ер юзига тушиши турли П.ларга мисол бўла олади. Тунгус метеоритининг (1907) Ерга тушиши натижасида юз берган портлашда -10^7 т тринитротолуолнинг портлашида ҳосил бўладиган энергияга тенг энергия ажралиб чиққан.

Кимёвий портловчи моддалар бузиш ишларида асосий восита ҳисобланади. Ядро П.ларининг бузиш қобилияти юқори. Битта ядро бомбасининг П.идаги энергия 10 млн. т кимёвий портловчи модданинг энергиясига эквивалентдир.

П. илмий тадқиқот ишларида ҳам кенг қўлланилади. П. газ, суюқлик ва қаттиқ жисмларнинг юқори босим ва т-радаги хусусиятларини текширишда, физиканинг номувозанат жараёнларида — турли муҳитларда масса, энергия ва импульсларнинг узатилишини, моддаларнинг фаза ўтишлари механизмларини, кимёвий реакция ва б. ҳодисаларни ўрганишда жуда муҳим. П. фойдали қазилмалар жойлашган ерни аниқлаш ва уларни очишда, йўл, тўғон ва тоғлардаги тоннель қурилишларини бажаришда П. жараёнидан кенг фойдаланилади (қ. *Портлатув ишлари*).

ПОРТЛЕНД — АҚШнинг шим.-ғарбий қисмидаги шаҳар, Орегон штатида. Аҳолиси 529,1 минг киши (2000). Уилламетт дарёсининг Колумбия дарёсига қуйилиш жойида, океандан 170 км ичкаридаги порт (океан кемалари ҳам кира олади), четга ўрмон маҳсулотлари ва галла чиқарилади. Транспорт йуллари тутуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. П. — мамлакатнинг Тинч океан соҳилидаги муҳим саноат ва савдо-молия марказларидан. Рангли ва қора металлургия ривожланган. Радиоэлектроника (ЭҲМ, алоқа воситалари ва ҳ.к.), приборсозлик саноати, кемасозлик ва кема таъмирлаш, металлсозлик корхоналари мавжуд. Саноат жиҳозлари, юк машиналари, т.и. вагонлари ишлаб чиқарилади. Ёғочсозлик, озиқ-овқат, целлюлоза-қоғоз, кимё, нефтни қайта ишлаш, полиграфия саноати корхоналари ишлаб турибди. Ун-т бор. Боғ кўп. Ҳар йили атиргуллар кўргазмаси ўтказилади. Шаҳарга 1845 йилда асос солинган.

ПОРТЛОВЧИ МОДДАЛАР — ташқи таъсирлар (зарба, иссиқлик ва б.) натижасида катта тезлик б-н кимёвий реакцияга киришиб, кўп иссиқлик ва газ ажратиб чиқарадиган кимёвий бирикмалар ёки моддалар аралашмаси. Бу реакциялар П. м.нинг қизиши, унга берилган зарб, ишқаланиш, шунингдек, бошқа П. м.нинг портлаши ёки қандайдир ташқи таъсир натижасида содир бўлади ва заряд бўйлаб иссиқлик ташиниш (*ёниш*) ёки зарбий тўлқин (*детонация*) ёрдамида энергия узатиш ҳисобига тарқалади. Конденсатланган қаттиқ ва суюқ моддалар, газлар, шунингдек, газлардаги қаттиқ ёки суюқ моддаларнинг муаллақ зарралари П.м. бўла олади. Детонацияда реакция ниҳоятда боради ва газсимон маҳсулотнинг т-раси бир неча минг градусгача кўтарилиб, ҳажми зарядниинг дастлабки ҳажмигача сиқилади, босими бир неча юз минг кг.куч/см^2 гача кўтарилади. Сиқилган газ тез кенгайиб, теваракка кучли зарб б-н тарқалади — *портлаш* юз беради. Портлай оладиган кўпгина моддалардан 20—30 га яқини П. м. сифатида ишлатилади. Шулардан асосийлари: тринитротолуол, тетрил, гексоген, октоген, нитроглицерин, тен (тетранитропентаэритрин) ва б.

ПОРТЛОВЧИ ЮЛДУЗЛАР, эруптив юлдузлар — физик жиҳатдан ўзгарувчи юлдузлар синфи. Уларда портлаш жараёнлари (*эруптия*) содир бўлиши натижасида равшанлиги гайритабиий равишда, кўпинча кучли ўзгаради. П. ю.га ўта янги юлдузлар ва б. ўзгарувчан юлдузлар тааллуқли. Кўпгина П.юда чақнаш ташқи қатламини ташлаш б-н ва юлдузларда газ қобиғи ҳосил бўлиши ҳамда унинг фазода сочилиши б-н рўй беради. Бундай юлдузларнинг равшанлиги 10—15 юлдуз катталигигача ортади. Бундай ҳодиса фотосферанинг катта (1000—2000 км/с) тезликда тўсатдан кенгайиши б-н боғлиқ (яна қ. *Юлдузлар*).

ПОРТ-ЛУИ — *Мавриқий* давлати пойтахти. Мавриқий о.нинг шим.-ғарбий қисмида. Порт-Луи округининг маъмурий маркази. Иқлими тропик, ўртача т-ра фев.да 26°, авг.да 19°. Йиллик ёғин 2000 мм. Аҳолиси 128 минг киши (2000). П.-Л. — мамлакатнинг саноат, иқтисодий ва маданий маркази. Ҳинд океани соҳилидаги порт. Шоссе йуллар тутуни. Нефтни қайта ишловчи, ўғитлар ишлаб чиқарувчи з-длар, озиқ-овқат (шакар-қанд, ёғ-мой, тамаки) корхоналари мавжуд. Ун-т, ин-т, музейлар, бадиий галерея, кутубхона бор. Қад.-форт ва қалъа сақланган. Шаҳарга 1736 йилда асос солинган. Суэвиш канали очилгунга қадар Ҳинд океанида йирик савдо порти бўлган.

ПОРТ-МОРСБИ, Морсби — *Папуа-Янги Гвинея* давлати пойтахти. Янги Гвинея о.нинг жан. соҳилида. Аҳолиси 173,5 минг киши (2000). Папуа қўлтиғидаги порт очетга кофе, копра, какао, каучук чиқарилади). Ун-т, аэропорт бор.

ПОРТО-НОВО — *Бенин* давлати пойтахти. Мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази. Иқлими экваториал, ўртача т-ра янв.да 27,7°, июлда 25,3°; йиллик ёғин 1590 мм. Аҳолиси 180 минг киши (1990-йиллар ўрталари). Транспорт йуллари тутуни. Гвинея қўлтиғи соҳилидаги порт. Қ.х. маҳсулотларига ишлов берувчи корхоналар, цемент, ёғ-мой ва совун з-длари мавжуд. Ҳунармандчилик ривожланган. Шаҳар атрофларида пальмазорлар, ер ёнғоқ плантациялари бор. Балиқ овланади. Этнография музейи ишлаб турибди. П.-Н. 17-а.дан маълум, ўша даврда Ажаче деб аталган. 1893 й.дан Франция мустамлакасининг маъмурий маркази. 1960 й. 1 авг.дан мустақил Бенин (1975 й.гача Дагомея) пойтахти.

ПОРТ-О-ПРЕНС — *Гаити* давлати пойтахти. Мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази. Гаити о.нинг гарбий қисмида жойлашган. Иқлими тропик, ўртача т-ра янв.да 25°, июлда 28°. Йиллик ёғин 1355 мм. Аҳолиси 846,2 минг киши (1995). Мамлакатнинг Кариб денгизи соҳилидаги муҳим порти. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Шакар-қанд з-длари, тамаки, тўқимачилик, цемент саноати корхоналари мавжуд. Ром ишлаб чиқарилади. Ун-т, Гаити халқлари музейи, миллий музей, консерватория ва ҳ.к. бор. П.-о-П.га 1749 йилда асос солинган. 1770 йилдан Франциянинг Сан-Доминго мустамлакасининг маъмурий маркази. 1804 й. 1 янв.дан мустақил Гаити пойтахти. Меъморий ёдгорликларидан Сан-Суси саройи ва Рамьер тарихий боғи сақланган.

ПОРТ-ОФ-СПЕЙН — *Тринидад ва Тобаго* давлати пойтахти. Мамлакатнинг муҳим сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази. Тринидад о.нинг шим.-ғарбий қисмида. Иқлими суб экваториал, ўртача т-ра янв.да 25,8°, июлда 26,7°; йиллик ёғин 1910 мм. Аҳолиси 49 минг киши-дан иборат (2000). Атлантика океанининг Нария қўлтиғи соҳилидаги порт. Металлсозлик, тўқимачилик, озиқ-овқат, цемент саноати корхоналари, кема верфи мавжуд. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Порт орқали четга нефть маҳсулотлари, шакар-қамиш, кофе, цитрус мевалар чиқарилади. Ун-т, миллий музей, бадиий галерея бор.

Испаниялар келгунга қадар П.-о-С. ўрнида индейсларнинг Конкербийи қишлоғи бўлган. 1783 йилдан Испаниянинг Тринидад о.даги мустамлакасининг маъмурий маркази, 1797 йилдан Буюк Британия қўл остида. 1962 йилдан мустақил Тринидад ва Тобаго пойтахти.

ПОРТРЕТ (франц. portrait — тасвир) — 1) *тасвирий санъат* жанри; реал қиёфада мавжуд бўлган якка, икки ёки бир гуруҳ кишилар, рассом тасаввурида пайдо бўлган хаёлий қиёфаларнинг тасвири. Рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика, шунингдек, фото санъатининг муҳим жанрларидан бири. П. асосида аниқ шахснинг қиёфасини абадийлаштириш ётади. П.нинг муҳим томони тасвирнинг тасвирланувчи (модель, аслнома) айнан ўхшашлигидир. Ижодкор П. орқали тасвирланувчи шахснинг маънавий дунёсини, ижтимоий ҳаётдаги ўрнини, касби, жамиятдаги мавқеини акс эттиради ва унинг шу жиҳатлари орқали давр хусусияти, сиёсий иқтисодий аҳвол ҳақида маълумот бера олади. Рассомнинг касбий маҳорати, П. ишлаш учун танлаган материаллари эса унинг яратган асарларига тақрорланмас ўзига хослик бахш этади. Тарихан П.нинг хилма-хил тур ва кўринишлари шаклланган: ишланиш усули, бажарадиган вазифаси, шакли, мазмунига кўра, дастлоқ (картина, бюст, графика варағи) ва монументал (монументал ҳайкал, фреска, мозаика), танланавор парад ва интим, ҳажвий, сатирик П. тарзида тасвирланувчининг фақат бош қисми, белигача, бутун бўйи-басти б-н олд ва ён томонидан ишланиши мумкин. Шунингдек, турли тарихий даврларда нишон, танга, медаллар юзасига (*медаль жетон санъати*) ишланган, гемма (глиптика), медальонларда миниатюра П. кенг тарқалган. П. жанридаги бир асарда кўпинча бир неча жанрлар қўшилиши мумкин. П.да тасвирланувчи соф ҳолда (замонасиз, яъни атроф муҳитни акс эттирмасдан), тинч ҳолатда ёки бирор фаолияти-дан), тинч ҳолатда ёки бирор фаолияти-да маълум муҳитда ишланиши мумкин. Шу туфайли шартли равишда П.ни П. ва П.-картина (жанрли П.)га ажратилади. П.нинг кенг тарқалган турларидан бири — *автопортрет*. Тасвирланаётган кишилар сонига кўра, якка, қўшалоқ ва гуруҳ П.ларга бўлинади.

Аменхотеп IV (Эхнатон) ҳайкали (бош қисми. Азоқ ибодатхонасида. Карнак).

П. санъати қадимда пайдо бўлган. Қад. Мисрда П.нинг ноёб намуналари (ҳайкалтарошликда — Эхнатон, Нефертити ва б. ҳайкаллар) яратилган. Юнонистонда шоир, файласуф ва давлат арбобларининг умумлашма, идеаллаштирилган ҳайкал П.лари ишланди (ҳайкалтароши Алопекли Деметрий. Лисипп ва б.), эллинизм даврида драматик образлар яратишга интилиш кучайди. Антик давр ҳайкалтарошлик П.и Қад. Рим санъатида юксак чўққисига кўтарилди, аниқ шахсга эътибор ошди. П.да шахснинг индивидуал фазилатларини аниқ кўрсатиш, руҳий кечинмаларини очиш жараёни сезиларли ўрин эгаллади, ҳайкал ва бюстлар б-н бир қаторда танга ва медаллар, геммаларга П., шунингдек, рангтасвир П. ишлаш кенг тарқалди. Дастлоқ П.нинг рангтасвир намуналари бўлган файюм П.лари (Миср, 1—4-а.лар) ҳам антик санъат анъаналари таъсирида ривожланди.

Ўрта асрларда қатъий диний қонунлар б-н чекланган П. черков-меъморий ансамблининг ажралмас қисмига айланди. Ижодкорлар П.да подшо, дин аҳлларининг образларини яратдилар, диний мазмундаги П.ларда аниқ шахсларнинг фазилатлари, хусусиятларини ифодаладилар. Ўрта асрлар хитой усталари асарларида аниқ шахслар кўпинча ўзига хос фазилатлари б-н, япон рассом ва ҳайкалтарошларининг айрим П.ларида ўткир психологик ҳолат акс эттирилди.

Уйғониш даврида П.нинг рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва графика турлари юксак тараққий этди. Фаол, ўз қадр-қимматини биладиган кўркмас, жасур инсон қиёфаси бу даврнинг бош қаҳрамонига айланди. Борлиқни илмий асосда ўрганиш ва шу билимларни амалиётда қўллашга интилишлар П.нинг янги тизимини вояга келтирди. Эндиликда тасвирланувчи нореал макон ва муҳитда эмас, балки инсонга яқин бўлган табиат қўйнида акс эттирилди.

Монументал рангтасвир асарларидаги персонажлар орасида рассом ўзининг қиёфасини ҳам ишлай бошлади. Бу жараён кейинги давр санъатида янада ривожлантирилди (рассом Джотто, Мазаччо, А. дель Кастаньо, Д. Гирландайо, С. Боттичелли, Пьеро делла

«Қалпоқли кишимдаги муйсафид» (Рембрандт, 1652—54).

Музаффари Комкор («Насабнома» Хусрав Комкор» китобига ишланган миниатюра).

«Халқ устаси Муҳиддин Раҳимов» (Б. Жалолов, 1982).

Франческа, Ж. Беллини: ҳайкалтарош Н. Пизано, Донателло, А. Верроккио; дастгоҳ ҳайкалтарошлигида Дезидерио да Settignano, Антонио Росселлино; медалларда А. Пизанелло).

Юксак Уйғониш даври буюк ижодкорлари Леонардо да Винчи, Рафаэль, Джорджоне, Тициан, Я. ван Эйк, Рогир ван дер Вейден, А. Дюрер, Катта Лукас Кранах, Кичик Хольбейн ва б. П.даги образлар мазмунини чуқурлаштирдилар. 17-а.га келиб демократик қарашларнинг ортиб бориши инсонга чуқур муҳаббат б-н суғорилган, нозик ҳис-туйғуларни англаш ва тасвирлашга қаратилган тўлақонли ва ҳаракатга бой П.ларни майдонга келтирди, гуруҳ П. ривожлана бошлади (Рембрандт, Халс ва б.). Автопортрет шу изланишлар маҳсулидир, рассом инсон руҳида бўладиган ўзгаришларни ўз қиёфасида, қараш, юздаги мимик ўзгаришларда ифодалашга қаракат қилди. 18-а. П.ида шахснинг ижтимоий мавқеи, жамиятдаги ўрни ҳаққоний акс эта бошлади (Францияда — Ж. Б. С. Шарлен, Ж. А.

«Алпомиш» (С. Раҳметов, 2002).

Гудон, Буюк Британияда — У. Хогарт, Ж. Рейнолдс, Т. Гейнсборо, Россияда — Ф. С. Рокотов, Д. Г. Левецкий, Ф. И. Шубин ва б.).

19-а. П. санъати услубларга бой ва ранг-баранг. Классицизм, романтизм, танқидий реализм шу даврда ишланган П.ларга таъсир этди. Инқилобий руҳ б-н суғорилган (Ж. Л. Давид), кутаринки романтик руҳда ишланган (Т. Жерико, Э. Делакруа, О. А. Кипренский, К. П. Брюллов), кинояга бой (Ф. Гойя) асарлар П. санъатини ва унинг ранг-баранглигини намоён қилди. 19-а. охири чорагида П.да тасвирланувчининг руҳий ҳолатларини табиат б-н боғлаб бошладилар. П.да ҳам импрессионистлар (Э. Мане, О. Ренуар, О. Розен ва б.), постимпрессионистлар (П. Сезанн, Ван Гог) тасвирланувчининг ўзгармас шакли орқали унинг тулақонли образини яратишга, шакллар ҳаракатида драматик ҳолатларини кўрсатишга интилдилар. 20-а. П. санъати мураккаб ва индивидуалдир. Бир томонда реалистик П. ўз имкониятларини янада чуқурлаштириб, инсон феълидаги бутун нозик ўзгаришларни тўлиқ очишга, унинг фалсафий-дунёвий ўй-хаёллари, тасаввур ва тахминларини акс эттиришга, унинг пластик томонларини кучайтиришга интилса (Германияда — К. Кольвиц, Э. Барлах; Францияда — Ш. Деспьо, П. Пикассо, А. Матисс; Италияда Модильяни, Р. Гуттузо; Мексикада — Д. Ривера, Д. Сикейрос; АҚШда — Э. Уайет; Японияда — Сэйсон Маэда; Россияда И. Д. Шадр, М. В. Нестеров, П.Д. Корин ва б.), иккинчи томонда шу даврда кенг ёйила бошлаган модернизм услуби П.га ўз таъсирини ўтказди. Бу йўналиш тарафдорлари шу борада тажриба ишларини олиб бориб шакл, чизиқ, ранг, фактура имкониятларидан фойдаланган ҳолда образ яратишга ҳаракат қилдилар.

Шарқ (Ўрта Осиё, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон ва б.) миниатюра санъатида П.нинг нодир намуналари яратилган (Ризо Аббосий ва б.). Жумладан, ўзбек П. санъати ҳам бой тарихга эга. Бу санъат намуналари қад. ва ўрта асрлар санъатида учрайди (Юнон-Бақтрия, Хоразм, Кушан подшоларининг ҳайкал ва танга юзаларига ишланган бўртма тасвирлари), Амир Темур ва темурийлар, Шайбонийлар ҳамда Бобурийлар даври санъати (Камолиддин *Беҳзод*, *Маҳмуд Музаҳҳиб*, Муҳаммад Мурод Самарқандий ва б.)даги миниатюраларда маълум даражада тараққий этган. Нафис (мўъжаз расм) миниатюра тараққиёти давомида бир асар устида бир неча санъаткорлар ижодий ҳамкорлик қилган, кишилар қиёфаси, ички тасвирловчи мусаввир номига чеҳракушон (юзни очувчи) ёки чеҳра сури қўшилган. Аниқса, бобурийлардан Акбар ва Жаҳонгир даврида айрим шахслар тасвири б-н бирга гуруҳ (кулай ўлчилар интирокидаги) П. яратиш тараққий этган. Ушбу П.лардан кейинчалик европалик рассомлар (Рембрандт, Ж. Рейнолдс ва б.) маълум даражада ўрганган, илҳомланган. 20-а.нинг 30—50-й.ларидан замонавий рангтасвирдаги П. ривожланди. Шу даврда П.нинг ҳамма кўринишлари (П., автопортрет, гуруҳ П., П. -картина, тарихий П. ва ҳ.к.)да асарлар яратилди. Баҳром Ҳамдамий, Л. Насриддинов, Ш. Ҳасанова, А. Абдуллаев, Ў. Тансиқбоев, М. Набиев ва б. П.нинг дастлабки намуналарини яратдилар. 50—60-й.лардан П. нинг диққатга сазовор намуналари яратилди: «Ўзбек портрети» (Ў. Тансиқбоев, 1927), «Алишер Навоий» (В. Кайдалов, 1940, 1947), «Абу Райҳон Беруний» (М. Набиев, 1950, 1972), «М. Турғунбоева» (Ч. Аҳмаров, 1951), «Юнус Ражабий» (Н. Қўшбоев, 1954), «Кекса колхозчи портрети» (Р. Аҳмедов, 1956), «Ҳамза» (М. Саидов, 1968) ва б. Бугунги кунда ўзбек П. чизиги жаҳон санъати ривожи фонида ўз мавқеи ва ўрнига эга. Б. Жалозов, А. Икромжонов, С. Раҳметов ва б.нинг асарларида замон руҳи Шарқ ва Ғарб санъати анъаналари силсиласида ўз аксини топган.

2) Бадиий адабиёт — персонаж ташқи қиёфасининг тавсифи, тасвири; бадиий образ яратиш воситаларидан бири. П. характери асар жанрига ҳамда ёзувчининг ижодий методи ва индивидуал услуби хусусиятларига боғлиқ бўлади. Одатда, П. персонаж характерининг ёзувчи энг муҳим деб ҳисоблаган жиҳатларини очиб беради. П. адабиётда қадимдан мавжуд. Тасвир воситаси сифатида ўзгариб такомиллашган. Халқ оғзаки ижодида инсон индивидуаллашган шахс сифатида тасвирланмаганлиги учун унинг П. и ҳам кўпинча мавҳум, умумий характерга эга. Фольклорда П. мифологик, фантастик ёки анъанавий тарзда яратилади. Шунинг учун аниқ ижтимоий, тарихий, миллий ва индивидуал белгилардан маҳрум бўлади. Мас., «Алпомиш» достонида девлар П.и муболаға б-н берилган:

Тўқсон қарич эди унинг ҳассаси,
Сарҳовуздан катта эди косаси.

Қад. ғарб ва шарқ адабиётларида ҳам П. кўпинча мавҳум, анъанавий характерда бўлган. Мас., ғазалларда ёрнинг ташқи қиёфаси ой, қуёш, юлдуз, тун ва кун каби нарсаларга нисбатда кўрсатилган. Реалист ёзувчилар ташқи қиёфани батафсил тавсифлайдилар, унда давр ва ҳаёт гарчи б-н боғлиқ ҳолда руҳ берган ўзгаришларни айтган ҳолда ўтирадилар (мас., Абдулла Қодирий, Ойбек). 19-а. да П.нини ички ёки психологик (руҳий) П. деб аталган тури тарқалиб, унда персонажнинг характери — белгилари ва руҳини кечинмалари мажмуи очиб берилади (Абдулла Қаҳҳор, Одил Ёқубов). Адабий П. — алоҳида шахс, яъни ёзувчи, рассом, жамоат арбобининг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги очерк алоҳида жанр ҳисобланади.

Нематжон Абдуллаев, Абдумажид Мадраимов.

ПОРТ-САИД — Миср.нинг шим.-шарқий қисмидаги шаҳар, Ўрта денгиз соҳилида, Суэцни каналига шим. томондан кираверишда. Порт-Саид муҳофазасининг маъмурий маркази. Аҳолиси 470 минг кишидан иборат (1990-й.лар охири). П.-С. — халқаро аҳамиятга эга савдо-транспорт маркази. Кемасозлик ва кема таъмирлаш, озиқ-овқат, тўқимачилик, кўн-пойабзал саноати корхоналари мавжуд. Балиқ овлаш маркази. П.-С.га Суэцни канали қурилишини муносабати б-н 1859 й.да асос солинган ва Миср ҳокими Саидпошшо номи б-н аталган.

ПОРТСМУТ — Буюк Британиянинг жан. қисмидаги шаҳар, Хэмпшир графлигида. Аҳолиси 182,2 минг кишн (1990-й.лар охири). Ла-Манш бўғозидаги порт. Кемасозлик ва кема таъмирлаш, радиоэлектроника, тикувчилик саноати корхоналари бор. Кўприк орқали Госпорт ш. б-н боғланган. Ҳарбий денгиз базаси. Шаҳарга 12-а.да асос солинган. 12—18-а.ларга оид меъморий ёдгорликлари сақланган.

ПОРТ-СУДАН — *Судан*нинг шим.-шарқий қисмидаги шаҳар. Кассала вилоятида. Аҳолиси 305 минг кишидан иборат (1990-й.лар ўрталари). П. -С. мамлакатнинг Қизил денгиз бўйидаги энг катта порти. Четга пахта, ер ёнғоқ, чорвачилик маҳсулотлари чиқарилади. Металлсозлик, нефтни қайта ишлаш саноатлари ривожланган. Ип газлама ф-каси, кема таъмирлаш, пахта тозалаш корхоналари, йирик элеватор бор. Денгиз сувидан туз олинади. П. -С.га 1908 й.да асос солинган.

ПОРТУ, Опорто — *Португалия*нинг шим.-ғарбий қисмидаги шаҳар. Порту округининг маъмурий маркази. Аҳолиси 302 минг кишидан иборат (1990-й.лар ўрталари, шаҳар атрофи б-н 1,2 млн. киши). Транспорт йўлларининг йирик тугуни. Дору дарёсининг Атлантика океанига қуйилиш жойидаги йирик порт. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Аҳолисининг сони ва иқтисодий аҳамияти жиҳатидан мамлакатда *Лиссабон*дан кейин 2-ўринда. Машинасозлик (кемасозлик, электротехника) саноати ривожланган. Тўқимачилик, озиқ-овқат (виночилик, балиқ консервалаш), тикувчилик саноати корхоналари мавжуд. Шаҳар мил. ав. 1-а.да римликларнинг Портус-Кале қишлоғи ўрнида вужудга келган. Португалия давлатининг вужудга келишида муҳим роль ўйнаган, мамлакат номи ҳам шу шаҳар номидан олинган. Ун-т (1911) ва б. олий ўқув юртлари, музей бор. Меъморий ёдгорликлардан 12—18-а.ларда қурилган собор ва черковлар сақланган.

ПОРТУ-АЛЕГРИ — *Бразилия*нинг жан. қисмидаги шаҳар. Риу-Гранди-ду-Сул штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 1,3 млн. киши (2000). Атлантика океанининг Патус кўл-кўлтиғи соҳилидаги порт. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Мамлакат жанубги йирик иқтисодий марказ. Озиқ-овқат, тўқимачилик, нефтни қайта ишлаш, кимё, машинасозлик ва металлсозлик саноати корхоналари мавжуд. Иссиқлик электр станцияси қурилган. П.-А. орқали четга гўшт ва б. чорвачилик маҳсулотлари, тамаки, гуруч чиқарилади. Ун-тлар, музей, театр, ҳукумат саройи бор. Шаҳарга 1742 й.да Порту-дуе-Касаис номи б-н асос солинган.

ПОРТУГАЛ ТИЛИ — *роман тилларидан бири*. Португалия, Бразилияда, Африканинг бир қанча мамлакатларида, Осиёда Аомида ва Ҳиндистоннинг айрим ҳудудларида тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 190 млн. кишидан ортиқроқ (жумладан, Португалияда 15 млн.га яқин, Бразилияда 160 млн. кишидан ортиқ). Португалия, Бразилия, Ангола, Мозамбик, Гвинея-Бисау, Кабо-Верде, Сан-Томе ва Принсипи республикаларининг расмий тили.

П.т. 12—14-а.ларда жан. ва шим. португал-галисий шевааларининг аралашуви натижасида шаклланган. 16-а. бошида Португалиянинг мустамлакачилик ҳаракатлари туфайли Бразилияга кириб келади ва аста-секин маҳаллий индейс тилларини сиқиб чиқаради. Ҳоз. П.т.нинг 2 асосий варианти — португалча ва бразилча вариантлари мавжуд (улар, асосан, фонетика ва лексика соҳасида ўзаро фарқланади); бразилча вариантда маҳаллий нарса-ашёларни ифодаловчи индейс сўзлари кўплаб учрайди. П.т. нинг африканча варианти эса шаклланиш арафасида. Португалия ҳудудида 3 та лаҳжа гуруҳи мавжуд: Жан., Марказий ва Шим. Бразилияда шим. ва жан. лаҳжаларга ажралса-да, улар деярли ўзаро фарқланмайди.

П.т.нинг фонетик қурилиши урғусиз бўғинларнинг, асосан, сўз охирида редукцияга учраши, очиқ ва ёпиқ шунингдек, бурун унлиларининг, айниқса, бурун дифтонгларининг мавжудлиги б-н бошқа роман тилларидан фарқланади. Ҳоз. П.т.да лотинча замон шаклларидан узоқ ўтган замон (-га суффиксли) ва шартли келаси замон (-ге суффиксли) шакллари сақланиб қолган.

П.тдаги дастлабки адабий ёдгорлик ва ҳужжатлар 12-а.га мансуб. Ҳоз. адабий П.т. 16-а.да, Луиш ди Камоэнс ижод қилган даврда шаклланган. Ёзуви лотин графикасига асосланган.

ПОРТУГАЛИЯ (Portugal), Португалия Республикаси (Republica Portuguesa) — Европанинг жан.-ғарбида, Пиреней я.о.да жойлашган давлат. Атлантика океанидаги Азор о.лари ва Мадейра архипелагини ўз ичига олади. Майд. 92,3 минг км². Аҳолиси 10 млн. киши (2002). Пойтахти — Лиссабон ш. Маъмурий жиҳатдан 2 мухтор вилоят, 22 округ (distrito)га бўлинган, шундан 18 таси материкда жойлашган бўлиб, 11 тарихий вилоятга бирлашган.

Давлат тузуми. П. — республика. Амалдаги конституцияси 1976 й. 25 апр.да кучга кирган, унга 1982 ва 1989 й.ларда ўзгартиришлар киритилган. Давлат бошлиғи — президент (1996 й.дан Жорже Сампайо), у умумий тўғри ва яширин овоз бериш йўли б-н 5 й.га ва кўпи б-н икки муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Республика мажлиси (бир палатали парламент), ижрочи ҳокимиятни Вазирлар Кенгаши (ҳукумат) амалга оширади.

Табиати. Атлантика океани соҳиллари пасттекислик, қумли, кам парчаланган. Шим.да Месета ясси тоглиги-

Португалия герби.

Португалия байроғи.

эниг чекка қисмлари жойлашган. Энтрела тоғи — мамлакатнинг энг баланд нуқтаси (1991 м). Ғарбида тоғлар денгиз бўйи пасттекислигига тик тушади. Тежу дарёси жанда Португалия пасттекислиги бор. Энг чекка жанлни Серра-да-Алгарви паст тоғлари эгаллаган. Вольфрам, қалай, мис, темир, кўрғошин, уран рудалари, кўмир, каолин, берилл, мармар, олтин, кумуш конлари топилган. Иқлими — субтропик. Ўрта денгизга хос. Январнинг ўртача т-раси соҳилда 10°, ички ҳудудларда 8° гача, июлники — соҳилда 20° ва ички ҳудудларда 27°. Егингарчилик соҳилда йилига 1000 мм, тоғларда 2000 мм. Дору (Дуэро), Тежу ва Гвадиана дарёларида кема қатнайди. Шим.да тоғ-урмон подзол, марказий ва жан. ҳудудларда қўнғир ва жигарранг, дарё водийларида аллювиал тупроқлар. Соҳилда ботқоқ ерлар, шўрхок тупроқлар кўп. Мамлакат жан. ўсимликлари Ўрта денгиз атрофига хос, тоғлар маквис чакалакзорлари б-н қопланган, шим.дагн тоғларда тош эман ва пўкак эман, каштан, соҳилда қарағайзорлар учрайди. Тоғлардаги каттагина майдонлар ўтлоқ. Ҳайвонот дунёси бўри, тулки, сувсар, генетта, типратикан, ёввойи қуён ва ҳ.к.лардан иборат. Кемирувчилар, қўршапалаклар, ҳар хил парранда кўп. Жереш ва Рия Формоза миллий боғлари, бир неча қўриқхоналар бор.

Аҳолисининг 99% — португаллар; испанлар ва б.лар ҳам яшайди. Расмий тиллар — португал ва мирандес тиллари. Шаҳар аҳолиси 35% га яқин. Динлорлари — католиклар. Йирик шаҳарлари: Лиссабон, Порту, Амадора.

Тарихи. П. ҳудудида палеолит даврида манзилгоҳлар бўлган. Мил. ав. 4—3-а.лардан бу ерда лузитанлар яшаган. Мил. ав. 1-а. охирида Қад. Рим ихтиёрига ўтиб, унинг Лузитания вилояти бўлиб қолди. Мил. 5-а. 1-ярмидан свевлар, 6-а. 2-ярмидан вестготлар ҳукмронлик қилди. 713—18 й.ларда П. ҳудудини араблар ва барбар (мавр)лар босиб олиб, Араб халифалиги таркибига қўшди. Озодлик кураши (Реконкиста) натижасида мамлакат 1249—50 й.ларда араблар истибдодидан бутунлай қутулди, португал миллати таркиб топди. Португалия давлати вужудга келди. П.нинг географик урни қулай бўлганлиги туфайли савдо-сотиқ ва ҳунарманчилик ривожланди, шаҳарлар тез ўсди. Қироллик ҳокимияти кучайиб, ўзга мамлакатларни босиб ола бошлади. Африка ва Осиёдаги бир қанча ҳудудларни мустамлакага айлантирди. 1500 й.дан Бразилияни эгаллашга киришди. 16-а.нинг 1-ярми П. империяси равнақ топган давр бўлди. Аммо жуда катта бойликни қўлга киритиб олган маранлар христианликни қабул қилган аҳолиларнинг чет эллларга кетиб қолиши сабабли П. иқтисодиети ғанқуллнкка учраи бошлади. 1581—1640 й.ларда П. Испания ҳукмронлигида бўлди. 18-а. бошида П. иқтисодли ва сиёсий жиҳатдан Англияга бутунлай қарам бўлиб қолди. 1750 й.дан мамлакатда «маърифий абсолютизм»-ғоялари ислоҳотлар туфайли бир муича иқтисодий ва сиёсий жонланиш бошланган бўлса ҳам, 1777 й.дан кейин бу ислоҳотлар бекор қилинди. 1807 й.да Наполеон I қўшинлари П.ни босиб олди. 1811 й.да француз босқинчилари ҳайдаб чиқарилди, бироқ мамлакат 1820 й.гача инглиз босқинчилари ҳукми остида қолди. 1820 й. П. инқилобидан сўнг ислоҳотлар ўтказилди. 1821 й. таъсис кортеслари қабул қилган либерал конституция заминдорларнинг имтиёзлари ва инквизициянни бекор қилди. Саноат корхоналари, жумладан, тўқимачилик ф-калари барпо этилди. 1853 й.да т.й. ишга туширилди. Аммо П. 20-а. бошларида ҳам қолоқ мамлакатлигича қолаверди.

1926 й. 28 майда ҳокимиятни фашистлар эгаллади. 1911 й. конституцияси бекор қилинди, парламент тарқатиб юборилди. 1932 й. давлат тузгарини бўлиб, А. ди Оливейра Салазар бутун ҳокимиятни қўлга олди. 1933 й. «янги давлат» конституцияси жорий қилиниб, унда фашистик диктатура қонунлаштирилди. Барча мухолифат партиялар фаолияти ман қилинди. Мустамлакаларда ҳам сиёсий зулм кучайтирилди. 2-жаҳон урушида П. бетараф турди. Урушдан кейин мамлакатда демократик ҳаракат кучайди. Мустамлакаларда озодлик ҳаракати авж олди. Мустамлакачилик урушн П. иқтисодиётини жуда заифлаштириб қўйди. Мамлакатда, ҳатто армия сафида ҳам норозилик кайфияти тарқалди. 1974 й. 25 апр.да фашизм диктатураси барҳам топди ва ҳокимият генерал ди Спинола бошлиқ Миллий нажот кенгаши қўлига ўтди. Сиёсий фаолиятга бирмунча эркинлик берилди. Гвинея-Бисау, Мозамбик, Яшил Бурун о.лари (ҳоз. Кот-д'Ивуар), Сан-Томе ва Принсипи о.лари ва Анголага мустақиллик берилди. 1976 й. қабул қилинган конституция фуқароларнинг ижтимоий ва демократик ҳуқуқларини кафолдлади. Аммо мамлакат ҳукуматлари тез-тез ўзгариши сиёсий беқарорлнкдан дарак берарди. 1982 й. июнда конституцияга киритилган ўзгартишлар ҳокимият ваколатларини оқилона тақсимлаш орқали мамлакатдаги сиёсий ҳолатни барқарорлаштирди. П. — 1955 й.дан БМТ аъзоси. ЎзР суверенитетини 1992 й. 16 январдан олди ва 1992 й. 13 авг.да дипломатия муносабатлари ўрнатди. Миллий байрами — 10 июнь — Португалия куни (1580).

Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари. Халқ монархиячи партияси, 1974 й. тузилган; Халқ партияси, 1995 й. ташкил этилган; П. коммунистик партияси, 1921 й. асос солинган; Социал-демократик партия, 1974 й. тузилган; Социалистик партия, 1973 й. асос солинган. Португал меҳнаткашлари умумий конфедерацияси— Миллий интерсиндикал, 1970 й. ташкил этилган. П. меҳнаткашлари умумий иттифоқи, 1979 й. тузилган, Халқаро эркин касаба уюшмалари конфедерацияси таркибига кирали.

Хўжалиги. П. — индустриал-аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши — 30%, қ.х. улуши — 6% атрофида.

Саноати. 20-а. охирларида саноатда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 33% ишлади ва ялпи миллий маҳсулотнинг 40% дан кўпроғини ишлаб чиқарди. Темир, вольфрам, мис, уран, қалай рудалари, кўмир, олтин, кумуш қазиб чиқарилади, денгиз сувидан туз ажратиб олинади. Майда металлургия корхоналарида ва Лиссабон яқинидаги Сейшаль ш.дагн з-дда металл эритилади. Саноат и.ч. қийматининг салкам 30% машинасозлик ва металл ишлаш корхоналари улушига тўғри келади. Кемасозлик, автомобиль йиғув, велосипед, мотоцикл, моторлар, айрим гурдаги станоклар, рўзғор машиналари, электротехника ва радиоэлектроника асбоб-ускуналари и.ч. ривожланган. Кимё ва нефть кимёси корхоналарида олтингугурт кислотаси, минерал ўғит, синтетик тола ва пластмасса ишлаб чиқарилади. Тўқимачилик (ип ва жун газлама тўқиш, тикувчилик, озиқ-овқат саноати етк, балиқ консерваларн, вино и.ч.) саноати аҳолини экспорт учун ишлади. Цемент, чинни, ойна ва совет и.ч. кормоналари бор. Йилига ўртача 30 млрд. кВт·соат электр энергия ҳосил қилинади (асосан, ГЭСларда). Асосни саноат марказлари: Лиссабон, Порту, Сетубал, Барреиру, Брага.

Қишлоқ хўжалигининг асосини деҳқончилик ташкил этади. П. ҳудудининг 50% ни ланлари, шундан 30% ўзлаштирилган ерлар, 10% боғ ва токзор, питрусзор, қатуэнзорлар. Асосни озиқ-овқат экинлари: буғдой, маккажўхори, жавдар, арпа, шоли, картошка. Ороллларда банан, ананас, шакарқамиш етиштирилади. Чорвачилигида қорамол, чучқа, қўй, от боқилади. Соҳилда балиқ овланади. Қ.х. аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондлмайди.

Транспортининг асосий тури — денгиз кема қатнови. Денгиз савдо флотининг тоннажи 1,1 млн. т дедвейт. Т.й. узунлиги — 3,6 мини км, автомобиль йўллари уз. — 70,1 мини км. Лиссабонда 1960 й.дан метрополитен ишлайди. Лиссабон ва Азор ороллари (Санта-Мария)да халқаро аэропорт бор. Асосни денгиз портлари — Лиссабон, Порту.

Ташқи савдоси. П. четга минерал хом ашё, тўқимачилик ва тикувчилик буюмлари, вино, мева, пўкак, қоғоз, озиқ-овқат маҳсулотлари, машина-ускуналар чиқаради. Четдан қ.х. маҳсулотлари, хом ашё ва ёқилғи (асосан, нефть ва нефть маҳсулотлари), машина ва ускуналар, кимёвий маҳсулотлар келтиради. Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, АҚШ б-н савдо қилади. Пул бирлиги — эскудо.

Тиббий хизмати. Давлатга қарашли касалхоналар б-н бирга хусусий шифохоналар ҳам бор. 3 ун-тнинг тиббиёт ф-ларида врачлар тайёрланади. Курортлари орасида бальнеология сиҳатгоҳлари кўп.

Маорифи, маданий-маърифий ва илмий муассасалари. 7 ёшдан 13 ёшгача ўқиш мажбурий ва бепул. Бошланғич мактаби 7 йлик бўлиб, у 4 йлик бошланғич ва 3 йлик қўшимча курслан иборат. 4 йлик бошланғич мактаб негизига таянган лицейлар ва шунга ўхшаш бошқа ўқув юртлари ўрта маълумот беради. Ҳунар-техника таълими берувчи турли ўқув юртларида ўқиш муддати 1 йлан 5 й.гача. 8 ун-т, олий погона коллежлари, ҳарбий ва денгиз мактаблари олий маълумот беради. Коимбрадаги ун-т (1290 й. асос солинган, ҳозирда 5 ин-т бор), Лиссабон ун-ти (1290 й. асос солинган, 1911 й. қайта тикланган, ҳозирда 8 ин-т бор), Лиссабондаги техника ун-ти (1931 й. асос солинган), Порту шдаги ун-т (1911 й. асос солинган) уларнинг энг йирикларидир. Пда Лиссабон илм-фан академияси (1779), Миллий санъат академияси (1932), 25 н.т. ин-ти, кўпгина филиалларга эга бўлган Табиий фанлар бўйича тадқиқот кенгаши (1936 й. да Лиссабонда ташкил этилган), тиббиёт, физика фанлари, техника масалаларини ишлаб чиқиш б-н шуғулланувчи тадқиқот марказлари бор. Пед., тарих, геогр., археология, санъатшунослик, тил ва адабиёт арбобларини бирлаштирувчи 48 илмий жамият мавжуд. Йирик кутубхоналари: Фанлар академиясининг кутубхонаси (1779), Лиссабондаги Миллий кутубхона (1796), Коимбра ун-ти кутубхонаси ва б. Йирик музейлари: Миллий қад. санъат музейи, Миллий замонавий санъат музейи, Халқ санъати музейи, Денгиз орти ҳудудлари этнографияси музейи, Археология, Безак санъати, Ҳарбий музейлар (ҳаммаси Лиссабонда), Коимбрадаги табиат тарихи музейи ва б.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Пда кўпгина газ. ва журлар нашр этилади, энг муҳимларн: «Диа» («Кун», кундалик газ., 1975 й.дан); «Диариу да Республика» («Республика газетаси», кундалик газ., 1820 й.дан), «Диариу де нотисиаш» («Янгликлар газетаси», кундалик газ., 1864 й.дан), «Диариу популар» («Халқ газетаси», кундалик кечки газ., 1942 й.дан), «Алаванка» («Пищанг», ойлик жур.), «Капитал» («Пойтахт», кундалик кечки газ., 1968 й.дан), «Публику» («Жамоатчилик», кундалик газ., 1990 й.дан), «Эшпресу» («Экспресс», ҳафтанома, 1974 й.дан). Луза ахборот агентлиги 1987 й.да илгариги икки агентлик: Нотисиаш ди Португал ва Аженсиа Нотисиоза Офисиал Португеза — Португалия табиати қўриниши.

Атлантика океани соҳили.

АНОПнинг қўшилиши йўли б-н тузилган. П. радиоэшиттириш давлат компанияси 1975 й. тузилган. П. телевидениеси, акциядорлик телекомпанияси, 1956 й. ташкил этилган.

Адабиётига бой португал фольклори асос бўлган, унинг 11-а.га оид намуналари бизгача етиб келган. 13—15-а. ларга мансуб рицарлик лирикаси намуналари илк адабий ёдгорликлардир. 15-а. бошларидан тарихий хроникалар яратилди, уларда тарихий воқеалар афсона ва ривоятлар б-н қўшиб тасвирланди. 15-а. охиридан Уйғониш даври адабиёти майдонга чиқа бошлади. 16-а. ўрталаридаги иқтисодий ва сиёсий танглик оқибатида адабиёт ҳам инқирозга юз тутди. 18-а. ўрталаридан адабиётга маърифатпарварлик ғоялари кириб келди. 19-а.нинг 30-й.ларида романтизм ривож топди. 50—60-й.ларда эса замонавий мавзуларга эътибор кучайди. А. ди Кентал (1842—91) шеърияти, Ж. Динише (1839—71), Ж.М. Эса ди Кейруш (1843—1900) романлари, А.Эниш (1848—1901) пьесалари воқеа ва ҳодисаларни ҳаққоний акс эттиради. 20-а. П. адабиётида декаденглик тамойиллари ҳукмрон бўлди. 1926 й. фашизм диктатураси ўрнатилиши умидсизлик кайфиятини кучайтирди. 1974 й. бу диктатура барҳам топгач, эркин адабиётнинг вужудга келишига имкон яратилди. Илғор адиблар янги, демократик маданият барпо этишда фаол қатнаша бошладилар.

Меъморлиги. П. ҳудудида мил. ав. 1-минг йилликнинг 1-ярмидан доирасимон режали уйлардан иборат истеҳкомли манзилгоҳлар сақланган. Римликлардан Эвордаги Диана ибодатхонаси харо-балари (мил. ав. 3—2-а.лар), вестготлардан 3 нефли базилика типидаги муҳташам қирол саройлари (7-а.), араб маданиятидан гувалак турар жойлар

Лиссабон шаҳри кучасида.

қолган. 12—14-а.ларда кўплан-кўп шаҳар соборлари ва монастир мажмуаларн роман ва готика услубида (Лиссабон, Брага, Визеу, Эворала) қурилган. Тугаб бораётган романтизм миллий безак услуби — «мануэлино» учун асос бўлди. Испанлар ҳукмронлиги даври (1581—1640)да қурилиш инқирозга учради. 17-а. охири —18-а. да шаҳарсозлик ривожланди, меъморликда барокко ва рококо устун бўлди (Лиссабон яқинидаги Келуш саройи, 1747—52, меъмор М. В. ди Оливейра). 19-а.да классицизм ривожланди. 20-а. меъморлигида энг янги қурилиш материаллари ва конструкцияларидан фойдаланилди. Лиссабон ва Порту шлари реконструкция қилиниб, иморатларда қуёшни тўсувчи қурилмалар қўлланилди.

Тасвирий санъати. Палеолит давридан қоя расмлари (Сантьягу-ду-Эшкорал), неолит давридан дольменлар, сопол идишлар сақланган. 13—15-а.ларда готика услубидаги ҳайкалтарошлик ривожланди. 15—16-а.лар П. рассомлиги нидерланд санъати таъсирида тараққий этди. 17—18-а.лар санъатида барокко усули маҳобатли ҳайкалтарошликда намоён бўлди (Ж. Машаду ди Каштру, А. Феррейра ижоди). 18—19-а. бошларидаги рассомликда сўнгги италян барокко санъати анъаналари классицизмнинг академик талқини 6-н алмашди. 20-а.нинг 50-й.ларида неореалистлар оқими мавжуд келди (Ж. Намар ва б. ижоди), бу оқим вакиллари миллий тарих ва халқ ҳаётига мурожаат этдилар. Фашист диктатураси йилларй таъқибга, қаттиқ рассомлар демократик ўзгаришларга ҳисса қўшиш интилишда ижод қила бошлади. Халқ ижодида ёғоч ўймакорлиги, гиламлар сопол ва турли бадиий буюмлар тайёрлаш, тўқимачилик, тўр тўқиш ривож топган.

Мусиқаси испан мусиқа маданиятн 6-н чамбарак хусусиятларга эга. Қўшиқ ва қўшиқ-рақс жанрлари кўпроқ ривожланган. Меҳнат ва маросим қўшиқларидан энг кўп тарқалгани — фалу (гитара жўрлигида куйланади), энг оммавий рақс — вира. Гитара, пайта (волника), забумба (катта цилиндрсимон барабан), тамбур (кичик барабан), пандейру ва алуфи (доира ва тўртбурчак шаклидаги доира) каби мусиқа асбоблари бор. Профессионал мусиқа ҳам ўз анъаналарига эга. Италян опера санъатининг таъсири катта. Илк йирик композитор М. Португал (1762—1830) 50 дан ортиқ опера ёзган. «Сан-Карлуш» опера театри (1793) ва Миллий консерватория (1835, иккаласи ҳам Лиссабонда). Мусиқа академияси (Коимбра). Муниципал консерватория (Порту), 4 симфоник оркестр, хор капелласи, бир неча мусиқа жамияти бор.

Театри. 12-а.да содда театр томошалари кўрсатилган. 15-а. охирларида миллий театр шаклланди, унга драматург, актёр ва композитор Ж. Висенте асос солди. 16-а. охирида Лиссабонда дунёвий театрлар пайдо бўлди. 17-а. католик реакция кучайиши театрни таназзулга учратди. 18-а.да маърифатпарварлик ғоялари театрга самарали таъсир қилди. 19-а. 20—30-й.ларида миллий театр ривожлана бошлади. Лиссабонда драматик санъат консерваторияси, миллий театр ташкил топди (1846). А. Редоп пьесалари саҳналаштирилган Етакчи актёрлари А. Абранш, Л. Симоэнш, С. Диниз, М. Эланш ва б.

Киноси. 1896 йилдан дарпм кинофильмлар суратга олина бошлади. 1909 й. «Португалия-фильм» фирмаси ташкил қилинди. 20-й.ларда машҳур португал режиссёри — А. ди Барруш «Денгиз қизи Мария» бадиий фильмни (1930), М. ди Оливейра («Дору», ҳужжатли фильмлари фаолияти бошланди. 60-й.лар охиридан демократик йўналиш қарор топди («Онг» реж. А. ди Маседу), «Дўстларим» реж. да Кунья Телиш), «Бенильде» (1974), «Жувонмарг бўлган севги» (1981 — иккаласининг реж. Оливейра), «Нозик таомил» (1976, реж. С. Сантос) фильмлари яратилди. Фигейра-да-Фош шаҳрида халқаро кинофестивалдар утказилади.

Ўзбекистон — П. муносабатлари. ЎзР б-н П. ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг мезёрий-ҳуқуқий асослари шаклланган. ЎзР Президенти И. Каримовнинг 1996 й. 2—3 дек.да П.га расмий ташрифи чоғида ҳамда транспорт қатновн ва туризм соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида шартномалар имзоланди. Икки мамлакат ўртасидаги савдо-сотиққа оид кўп қулайлик яратиб бериш ҳақида келишиб олинди. 2002 й. ЎзР б-н П. ўртасидаги товар айланмаси 9,53 млн. АҚШ долларини ташкил этди. ЎзР да П. сармояси иштирокидаги «Осиё тўқимачилик ассоциацияси» корхонаси пахта толасини қайта ишлаш ва калава ипдан маҳсулот ишлаб чиқарнш б-н шугулланади.

ПОРТУГАЛЛАР (ўзларини португезлар деб атайдилар) — халқ, Португалиянинг асосий аҳолиси (10,27 млн. кишига яқин). Умумий сони 13,67 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Португал тилида сўзлашади. Диндорлари, асосан, католиклар. Катта европеоид ирқининг ҳинд-ўрта денгиз ирқига мансуб. П. этносининг асосини энг қад. иберий қабилаларидан бўлган лузитанлар ташкил этган. П.нинг тили ва маданиятига (айниқса, мамлакат жан.даги аҳолига) араб-барбар ҳукмронлиги (8—13-а.лар) катта таъсир қилган. 12-а. ўртасида мустақил Португалия давлати ташкил топган. Реконкиста жараёнида (араблар босиб олган ҳудудларни қайтариб олиниши) аста-секин П. элати шаклланган. Анъанавий машғулоти — деҳқончилик, богдорчилик, балиқчилик. Замонавий П. кўп тармоқли саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд.

Обидуш шаҳри.

ПОРТ-ХАРКОРТ — Нигериянинг жан. қисмидаги шаҳар. Риверс штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 362 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Гвинея қўлтиғи соҳилидаги порт, юк ортиб-тушириш ҳажми бўйича мамлакатда Лагосдан кейин 2-ўринда. Нигериянинг ички р-нларига боғувчи т.й. шу ердан бошланади. Пальма мойи, гамаки, ун тортиш, металлсозлик, цемент, битум корхоналари, нефтни қайта ишлаш ва нефть кимёси з-длари, нефть сақлаш омборлари бор. П.-Хда нефть конларидан қазилма ёнилғи ажратиб олиш ва қайта ишлаш ўрганилмоқда. Порт орқали чет эл нефтни, кўмир, қалай концентрати, минераллар, пальма маҳсулотлари чиқарилади.

ПОРТ-ЭЛИЗАБЕТ — ЖАРнинг жан.-шарқий қисмидаги шаҳар. Аҳолиси 303 минг кишидан иборат (1990-йилар ўрталари). Шаҳар атрофи б-н 855 минг кишн). Тинч океанининг Алоэ бухтаси соҳилидаги порт. Йирик т.й. тугуни. Машинасозлик, хусусан, автомобиль йиғиш, электротехника, кемасозлик ривожланган. Кимё, тўқимачилик, кунпойабзал, озиқ-овқат саноати корхоналари, ун-т бор. Шаҳар 1920 йилда қалъа ўрнида бунёд этилган.

ПОРФИР (юн. porphyreos — олов ранг) — *порфирли структурага* эга эффузив палеотип нордон тог жинсларининг умумий номи. Асосий массаси кўшимча кварц, лала шпати, шох алламчиси ёки тог шишасидан иборат бўлади. П.нинг 2 тури маълум: ортоклазли П. (ортофир) — трахитнинг палеотип аналоги ва кварцли П. — липаритнинг аналоги. П. Россияда (Сибирь, Урал), Кавказда, Ўзбекистонда эса Ҳисор, Чаткол, Нурота ва б. тоғларда, қад. вулкан тог жинслари қатламлари орасида учрайди. П.нинг таркиби ва пайдо бўлиш шароитини ўрганиш у б-н боғлиқ фойдали қазилма конларини топишга имкон беради.

ПОРФИРИТ — таркибида кварц бўлмаган эффузив палеотип тог жинси; *андезитга* ўхшаш. П.да 60—65% SiO_2 бўлади. Шишадан иборат асосий масса орасида плагиоклаз, андезин, баъзан пироксеннинг йирик кристаллари учрайди. Таркибига қараб базальтли, плагиоклазли, пироксенли ва б. турларга бўлинади. Бурмали ва платформали областлардаги турли геологик ёшдаги ётқизиқлар орасида кенг тарқалган.

ПОРФИРЛИ СТРУКТУРА — тог жинсларининг тузилиши, бунда йирик, тўғри қиррали кристаллар (хол-хол жинслар) асосий масса деб номланувчи майда донали жинсларнинг умумий массасига чўккан бўлади. П.сли тог жинслари эффузив ва интрузив бўлиши мумкин. П.сли эффузив жинсларида асосий масса таркибидаги хол-хол зарралар бир меъёрда бўлмайди ва микролитлардан, ёхуд шишадан иборат бўлади. П.сли интрузив тог жинсларида асосий масса майда кристалли, гранитсимон; шу сабабли бундай жинслар гранит-порфирлар деб ҳам аталади.

ПОРШЕНЛИ МАШИНА —иш жисми (газ, буғ ёки суюқлик) энергиясини бошқа турдаги энергияга айлантириш учун мўлжалланган компрессион ҳалқалар, цилиндр ғозасидан оргиқча мойни синдириш ва уни ёниш камерасига туширмаслик учун мўлжалланган мой сидириш ҳалқалари бор. Ҳалқалар чўян ёки пўлат (баъзида бронза) дан тайёрланади. *Дизел*ларда П. сиқиш камерасининг бир қисмини ҳосил қилувчи сферик чуқурчали қилинади. Буғ двигателларида ишлатиладиган, штокка ўрнатиладиган П. йўналтирувчи қисмсиз қилиб тайёрланади. *Ёнилғи насос*идаги П. плунжер дейилади, ротор-поршенли ички ёнув двигателида П. вазифасини *ротор* бажаради. П., асосан, алюминий қотишмалари ва чўяндан ясалади.

ПОСАНГИ (форс.) — 1) тарози палларининг тенглаштириш ёки нарса тортилаётганда идиш оғирлигини чиқариб ташлаш учун тарозининг бир палласига қўйиладиган қўшимча тош ёки юкча; 2) техникада — машина ва механизмларнинг айланувчи қисмларини мувозанатга келтириш учун бириктирилдиган қўшимча юкча (металл парчаси). Мас., автомобиль гилдирагининг равон айланишини таъминлаш учун унга металл парчаси бириктирилади (қ. *Мувозанатлаш*); 3) соат механизмининг асосий ростлагичи (балансир).

ПОСЕЙДОН — юнон мифологиясида олимпиялик худолардан бири, Кронос

Поршень: *а* — поршень тузуви; *б* — поршенда ҳалқаларнинг жойлашиши; *1* — ҳалқалар; *2* — поршень; *3* — бармоқ; *4* — стопор ҳалқалар; *5* — шатун; *6* — пастки каллак; *7* — болтлар; *8* — ғилдиак; *9* — втулка; *10,11* — ҳалқа дисклари; *12, 13* — ўқавий ва радиал кенгайтиргичлар; *14* — иссиқликдан кенгайиб-тараворчи ҳалқа.

Посейдон. Мил. ав. 4-асрнинг 2-ярмидаги юнон асл нусхасидан Римда мармардан ишланган нусхаси. Ватикан музейлари.

ва Рейанинг ўғли. Дунёга ҳукмронлик қилишни акалари *Зевс* ва *Аид* б-н бўлишиб олган. Унга денгиз насиб қилган. Қўлида уч тишли айри б-н тасвирланган, у ана шу айри ёрдамида денгиз зовурларини ҳосил қилган. Қад. Рим мифологиясидаги *Нептун*га тўғри келади.

ПОСИДОНИЙ *(Posidonios)* (мил. ав. тахм. 135, Апамея, Сурия — мил. ав. 51, Родос ороли) — юнон стоик-файласуфи, Родос оролидаги мактаб бошлиғи. *Цицерон*нинг устози. Стоицизмни платонизм б-н бирга қўшган. Билимнинг ҳамма соҳасини қамраб олган асарлари антик натурфалсафани якунлаб берган ва шу тариқа антик фалсафага ҳар томонлама таъсир кўрсатган.

ПОСЛАВСКИЙ Виктор Васильевич (1896.10. 11, Батуми — 1979.17.5, Тошкент) — гидротехник олим, Ўзбекистон ФА (1943), ВАСХНИЛ (1956) акад., Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1950). Меҳнат Қаҳрамони (1976). Петровск қ.х. академияси муҳандислик ф-тини тугатган (1923). Ўрта Осиёдаги йирик ирригация ва гидротехника иншоотларини лойиҳалаш ва уларни қуришда қатнашган (1923—33).

Катта Фарғона канали қурилиши (1939—40), Фарҳод ГЭС лойиҳаси (1942—49) бош муҳандиси, Ўрта Осиё ирригация и.т. ин-ти директори (1949—50). 1950—63 й.ларда турли сув хўжалиги ва и.т. муассасаларида ишлади. Илмий ишлари суториш ва Ўрта Осиё сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларига бағишланган; кўндаланг уюрма ҳолисасига асосланган сув олиш узелларининг оригинал конструкциясини яратди.

ПОСТИМПРЕССИОНИЗМ (лот. post — кейин ва *импрессионизм*) — 19-а. охири — 20-а. бошларида француз рассомлик санъатидаги асосий йўналишлар (неоимпрессионизм, кубизм, фовизм, набиҳ ва б.)нинг шартли умумлашма номи. Ўз ижодини импрессионизм услубида бошлаган рассомлар унинг инқирозидан сўнг аста-секин ундан узоқлаша бошлади. П. намояндалари даврга ҳамоҳанг бадиий тасвир воситалари устида изланди; импрессионизмнинг эҳтиросли таассуротлари ўрнига чуқур ҳиссиётга бой жўшқин шаклларни яратишга интилиш кучайди (П. Сезанн, Ван Гог, П. Гоген, А. де Тулуз-Лотрек ва б.). Бу изланиш ва амалий фаолиятлар 20-а. тасвирий санъатининг ғоявий пластик ривожланишини тамойилларини белгилаб берган муҳим тарихий босқич аҳамиятини ўтади.

ПОСТИНДУСТРИАЛ ЖАМИЯТ — ривожланган мамлакатларда 20-а.нинг 2-ярмидан ижтимоий тараққиётда вужудга кела бошлаган янги босқич. Термин ўтган асрнинг 70-йилларидан ишлатила бошланди; бошқа назариялар — технотрон жамият (*З.Бжезинский*), ахборот жамияти, постканиталистик жамият деб аталади. П.ж.да хизмат соҳаларининг аҳамияти ортади, фан ва таълим (ғоялар) асосий ўринни эгаллайди; ижтимоий тизимда етакчилик мавқеи олимлар ва касб мутахассисларига ўтади; назарий билим янгиликлар киритиш ва сиёсатни шакллантириш манбаи бўлиб хизмат қилади; ахборот олиш, тарқатиш ва ундан фойдаланиш жамият фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

ПОСТОЙНСКА-ЯМА, Адельсберг гори — Словениядаги карст ғори. Динара тоғлигида. Постойна ш. яқинида жойлашган. Шим.-ғарбдан жан.-шарққа йўналган Постойнска антиклиналининг рифли ва қат-қатли оҳактошларидан тузилган. Ғорнинг кириш жойи 554 м баландликда, уз. 16,4 км. Зал ва галереялари мураккаб тузилишга эга, манзарали сталактит ва сталагмит кўп. Ғор тепасида диаметри 200 м ли карст воронкалари жойлашган. Ғордан Пивка дарёси оқиб ўтади. П.-Я. қўриқхона деб эълон қилинган. Туристлар учун жиҳозланган (электрлаштирилган т.й. ва ўзига хос ёритиш ускуналари қурилган).

ПОСТОЛОВ Михаил Петрович (1913.8.11, Киев — 1990.8.4, Тошкент) — хирург, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1968), тиббиёт фанлари д-ри (1954), проф. (1960). Киев тиббиёт ин-тини тугатган (1938). Уруш қатнашчиси (1941—45). 1958 й.дан ТошТИ хирургия кафедрасида мудир. Илмий ишлари меъда, ичак, жигар каби аъзолар касалликларини, шунингдек, умуртқа погонасининг ўқ тегиб жароҳатланишини хирургик усулда даволашга оид.

Ас.: Клинико-рентгенологические параллели при портальной гипертензии, Т., 1968; Функция почек при циррозе с синдромом портальной гипертензии (қамқорликда), Т., 1971.

ПОСТУЛАТ (лот. postulatum — талаб) — бирор илмий назарияда исботсиз қабул қилинадиган, лекин бирон асоси бўлган принцип ёки қоида. П., одатда, бирор мулоҳазага кўра асосланади, ана шу жиҳати унинг қабул қилинишига сабаб бўлади. П. тушунчаси *аксиома* тушунчасининг синоними сифатида ҳам қўлланилади.

П. тушунчаси қисман ҳосилларда қўлланилишига қараб турлича маъноини билдиради. Мас., биринчи марта геометриянинг изчил аксиоматик баёнини яратган *Евклид* аксиомалар деб исботсиз қабул қилинган соф мантиқий (нотеометрик) қоидаларни (мас., қисм бутундан кичик). П. деб ёа баъзи геометрик ясашларнинг мумкинлигини тасдиқловчи даъволарни тушунган. *Гильберт* аксиоматикасида ёа Евклиднинг машҳур V (параллел чизиқлар ҳақидаги постулати «параллеллик аксиомаси» деб номланган.

ПОТАНИН Григорий Николаевич (1835.22.9(4.10), Павлодар яқинидаги Ямишево поселкаси — 1920.30.6, Томск) — рус сайёҳи, этнограф, фольклоршуноси, Сибирь ва Марказий Осиё тадқиқотчиси. 1863—64 йларда Россия География жамияти томонидан рус астрономи К.В.Струве раҳбарлигида Зайсан кўли ва Тарбағатай тоғ тизмасига уюштирилган экспедицияда иштирок этган. 1876—77 ва 1879—80 й.ларда Монголиянинг шим.-ғарбий қисмига ва Тувага, 1884—86 ва 1892—93 й.ларда Хитойнинг шим.ға, Тибетнинг шарқига ва Монголиянинг марказига ва 1899 йда Катта Хинган тоғларига экспедиция қилган. Бу экспедициялар натижасида ўша пайтгача яхши ўрганилмаган Марказий Осиё тўғрисида кенг географик ва этнографик маълумотлар олинган, катта гербарий ва зоологик коллекциялар тўпланган. П.нинг, айниқса, Сибирь ва Марказий Осиёдаги туркий ва монгол халқларининг ҳамда тангут, хитой, дунганларнинг маданияти, урф-одати ва санъати ҳақида йиққан материаллари қимматлидир. П. Марказий Осиё халқларининг эпоси ўрта аср Европасининг фольклори ва адабиётига катта таъсир кўрсатганлигини илмий асослаб берган. Нанашанъ тизмаларидан бири ва Олтой тоғларидаги музлик П. номига қўйилган.

Ас.: Путешествия по Монголии, М., 1948.
Лит.: Обручев В.А. Путешествия Потанина, М., 1953.

ПОТАНИН Николай (19-а.нинг 1-ярми) — казак хорунжийси (подпоручик). Россиядан махсус топшириқ б-н Қўқон хонлигига юборилган (1829—30). Қозоқдашт-

ларидаги қалъа-истеҳкомларидан бирининг командири. Санкт-Петербургга борган Қўқон хонлиги ерларини кузатиш ва босиб ўтилган йўлларининг топографик харитасини тузиш топшириғи берилган (1829 и. 13 май). Семипалатинскдан йўлланган С. Марковнинг фикрича, Омскдан Қўқонгача бу ерларни кузатиб келган. Мирзачўл, Чимкент, Тошкент, Хужанддан ўтиб, 8 декда Қўқонга келган ва 1830 и. 1 январда Тошкентдан чиқиб кетган. П. ўз сафарлари натижасида «Қўқон хонлигига оид eзишмалар» асарини ёзиб, унда хонликдаги маъмурий бошқарув тизими, сарой унвонлари, ҳарбий ва диний мансаблар, шаҳарлар ҳаёти ва бозорлар, Қўқон хонлигининг Бухоро амирлиги б-н ўзаро муносабатлари ҳақида қимматли маълумотлар келтирган. Унинг ёзишича, бу пайтда Қўқонда 15000 яраклі киши, жумладан 4000 аскар ва 100 та масжид. Тошкентда 10000 яраклі киши, жумладан, 3000 аскар (600 таси қўқонлик) бўлган. Бу аскар Россияда 3 марта (1831, 1856, 1916) нашр қилинган. Асардан парчалар Тошкентда ҳам босилган (1990). Машҳур рус географи Г.Н. *Потанин* унинг ўғлидир.

Ад.: История Узбекистана в источниках, Узбекистан в сообщениях путешественников и ученых 420—80 годы XIX в.в., (Составитель Б.В. Лунин), Т., 1990.

ПОТАНИН МУЗЛИГИ — Олтой тоғларидаги энг йирик водий музлиги. Монголия Ўлкунида. Табин-Богда Ўла тог тутунининг шарқий ён бағрида. Уз. 19 км, кенглиги 2,5 км гача. Пастки чегараси 2900 м баландликда. Майдони қарийб 50 км². Музликдан эриган сувлар Кобдо дарёси ҳавзасига оқади. П.м.ни 1905 й.да рус географи В.В.Сапожников (1861—1924) тадқиқ этган ва Г. Н. *Потанин* номига қўйган.

ПОТАШ (голландча potasch) — *калий карбонатининг* техник номи.

ПОТЕНЦИАЛ (лот. potentia — салоҳият) — бирор вазифани ҳал этиш ва кўзланган мақсадга эришишда фойдаланиладиган манба, имконият, маблағ, захиралар; айрим шахс, жамият, давлатнинг муайян соҳадаги салоҳиятлари (мас., иқтисодий П.).

ПОТЕНЦИАЛ (физикада) — физик куч майдони (тортишиш майдони, электр майдони ва ш.к.)ни ва умуман, векторлар орқали ифодаланадиган физик катталиклар майдонларини характерлайдиган миқдор. Жисмнинг масса бирлиги (ёки заряд бирлиги)ни куч майдонининг бирор нуқтасидан бошқа нуқтасига кўчирганда майдоннинг бажарган ишга тенг. Тортишиш майдонида $A(a, b, c)$ нуқтадаги m нуқтавий массали жисмни $P(x, y, z)$ нуқтага кўчиришдаги майдон потенциали қуйидагича ифодаланади:

$$U(x, y, z) = \gamma m/r,$$

бунда

$$r = \sqrt{(x-a)^2 + (y-b)^2 + (z-c)^2},$$

γ — тортишиш доимийси.

Ад.: Гюнтер Н. М., Теория потенциала и ее применение к основным задачам математической физики, М., 1953; Ландау Л. Д., Лифшиц Е. М., Теоретическая физика, т. 2, Теория поля, М., 1973.

ПОТЕНЦИАЛ ТЎСИҚ (физикада) — фазонинг чегараланган соҳаси; бу соҳада зарранинг *потенциал энергияси* унинг тўлиқ энергиясидан катта бўлишини тўсиқ энергиясидан катта бўлади. Соҳанинг иккала томонида потенциал энергия кескин пасаяди. П. т. ҳатарини кучига мос келади.

Расмда зарранинг бир ўлчовли ҳаракат ҳоли учун П.т. тасвирланган. $x=x_1$ нуқтада потенциал энергия $V(x)$ энг катта қиймати V_0 га эга бўлиб, бу П. т. баландлиги дейилади. П. т. фазони икки соҳа (I ва II) га бўлади, зарранинг бу соҳалардаги потенциал энергияси П.т. ичи (III соҳа)даги энергиядан камроқ бўлади.



Потенциал тўсиқ.

Классик механикада зарранинг тўлиқ (кинетик ва потенциал) энергия E си П. т. баландлигидан катта бўлгандагина ($E>V_0$) бу зарра П. т. дан ўта олади (V_0 — потенциал энергиянинг максимал қиймати). Агар зарра энергиясининг тўсиқдан ўтиш учун етарли бўлмаслиги, яъни $E<V_0$ бўлса, чап томондан ўнг томонга ҳаракат қилаётган зарра $x=x_1$ нуқтада тўхтайди, сўнгра тескари йўналишда ҳаракат қила бошлайди. П. т. энергияси П.т. баландлигидан кичик бўлган зарралар учун гўё шаффоф бўлмаган девор, тўсиқ ҳисобланади. «П.т.» номи ҳам шундан келиб чиққан.

Квант механикада энергияси $E<V_0$ бўлганда зарра туннель эффекти туфайли П.т. дан ўта олиш эҳтимоли бор. Туннель эффекти микроскопик ўлчамга ва массага эга тизимлар учунгина яроқли. П. т. қанча тор бўлса ва П. т. баландлиги б-н зарранинг потенциал энергияси орасидаги фарқ қанча кичик бўлса, зарранинг П. т.дан ўтиш эҳтимоли шунча катта бўлади. $E>V_0$ бўлганда зарранинг П. т.дан қайтиш эҳтимоли ҳам мавжуд.

ПОТЕНЦИАЛ ЭНЕРГИЯ — механик тизим умумий энергиясининг маълум улуши. У шу тизимни ташкил этган зарраларнинг ўзаро жойланишни ва ташқи куч майдонидаги (мас., гравитацион майдон) вазиятига боғлиқ. П. э. тушунчаси консерватив (кинетик ва потенциал энергияси ўзгармай қоладиган) тизимлар учун ўринлидир, яъни бундай тизимга таъсир қилаётган кучларнинг иши тизимнинг бошланғич ва охирги вазиятига боғлиқ. Мас., h баландликка кўтарилган m массали жисмнинг П. э.си $V=mgh$ га тенг, бунда g — эркин тушиш тезланиши ($h=0$ да $V=0$ бўлади); *бутун олам тортишиш қонуни* бўйича тортишаётган m_1 ва m_2 массали иккита зарра учун $V=fm_1m_2/r$, бунда f— гравитацион доимий, r — зарралар орасидаги масофа ($r=\infty$ бўлганда $V=0$ бўлади). Икки нуқтавий заряд e_1 ва e_2 учун ҳам П. э. шу ёзув б-н аниқланади. *Халқаро бирликлар тизими* СИ да П. э. *Жоуль* да ифодаланади.

ПОТЕНЦИАЛ ЎРА (физикада) — фазонинг чегараланган соҳаси; бу соҳада зарранинг *потенциал энергияси* соҳадан ташқаридагига нисбатан кичик бўлади. «П.ў.» ибораси куч майдонидаги зарранинг потенциал энергияси V ни шу зарранинг фазодаги вазиятига (бир ўлчовли ҳаракатда x координатага боғлиқ) боғлиқлигини тасвирлайдиган график шаклидан келиб чиққан (расмга қ.). П. ў. тортишиш кучи майдонида ҳосил бўлади. Кенглик (тортиш кучи таъсири намоён бўлган оралиқ) ва чуқурлик (энг кичик потенциал энергияга мос келадиган ўранинг устки чегарасидаги ва пастки қисмидаги зарраларнинг потенциал энергиялари фарқи). П. ў.нинг асосий тавсифлари ҳисобланади. П. ў. нинг муҳим хоссаларидан бири унинг тўлиқ энергияси E ўра чуқурлиги V_0 дан кичик бўлган зарраларнинг ушлаб тура олиш қобилиятидир. Бундай зарралар П.ў. ичида боғланган ҳолатда бўлади.

Классик механикада $E<V_0$ энергияли зарра П.ў.дан учиб чиқиб кета олмайди ва ҳамма вақт чуқур ичида ҳаракат қилади. Агар $E>V_0$ бўлса, зарра тортиш кучи таъсирини енгиб, чуқур ичидан чиқиб кетади (E П.ў.нинг пастки қисмидан ҳисобланади).



Потенциал ўра.

П. ў.нинг шакли ва ўлчами (кенглиги ва чуқурлиги) зарралар ўзаро таъ-

сирининг физик табиатига боғлиқ. Атом электронларини унинг ядроси тортиб туришини ифодаловчи қулон П.ў. муҳим ҳодисадир. «П.ў.» тушунчаси атом ва молекулар физикада, шунингдек, қаттиқ жисм ва атом ядроси физикасида кенг қўлланилади.

ПОТЕНЦИАЛОСКОП (*потенциал* ва юн. skopeo — кўраман, кузатаман) — электр сигналлар тарзидаги ахборотни ёзиб олиш, сақлаш ва люминесцент экранда намойиш қилиш учун мўлжалланган электрон-нурли асбоб. Ёзиб олинган ахборот (матн, расм, чизма ва б.) электр сигналлари тарзида П.нинг кириш электродига берилади. Электр сигнали ёзиб олувчи электрон нурни модуляциялайди (ўзгартиради). Шу электрон нур нишонда силжиб, унинг диэлектрик сиртидаги иккиламчи электронларни уриб чиқаради ва унда ўзгарувчан потенциал ҳосил қилади. Нишонда ҳосил бўлган потенциал рельеф электронлар дастасини модуляциялайди. Ана шу электронлар дастаси экранда тасвир ҳосил қилади. Шунинг учун П. кўринадиган тасвирли асбоб деб аталади. П. осциллографлар, радиолокацион индикаторлар, ЭҲМ нинг информацияни чиқариш қурилмаларида бир талай ва кам такрорланадиган сигналларни кузатиш учун ҳам қўлланади.

ПОТЕНЦИОМЕТР (*потенциал* ва ... *метр*) — 1) магнит П. — магнит майдон кучланганлиги, яъни 2 нуқта орасидаги потенциаллар фарқи (ёки магнит юритувчи куч) ни ўлчаш учун мўлжалланган асбоб. Бикр (қаттиқ) ва эгилувчан (қайишқоқ) хиллари бор; 2) электр занжиридаги э. ю. к. ёки кучланишни ўлчаш учун мўлжалланган электр асбоби. Ўзгармас ва ўзгарувчан ток б-н ишлайдиган, электрон автомат хиллари бор. П. тарқибига қаршилик, гальванометр ва нормал элемент (гальвани элементи) киради; 3) электр занжирининг кириш қисмига кучланишнинг маълум қисмини (қаршиликни) текис ростлаб берадиган асбоб. Кучланиш тақсимлагичи деб ҳам аталади. Радиотехника, электротехника, ўлчаш техникаси, автоматик тизимлар ва б.да ишлатилади; 4) автоматик электр ўлчаш компенсатори.



Магнит потенциометр: 1 — ёйсимон бикр потенциометр; 2 — тўғри потенциометр; 3 — эгилувчан (қайишқоқ) потенциометр.

ПОТИ — Грузиядаги шаҳар. Қора денгиз бўйидаги порт. Рионн дарёси соҳилида. Т.й. станцияси. Аҳолиси 51,1 минг киши (1990-йилар ўрталари). Гидромеханизмлар, «Электроаппарат», электромашина кучайтиргичлари, кемасозлик, кема таъмирлаш з-длари, ун, балиқ к-тлари бор. Балиқ овланади. Грузия политехника ин-тининг кечки бўлими, драма театри, ўлкашунослик музейи фаолият кўрсатади. П.да 1578 йилда истеҳком сифатида асос солинган.

ПОТОК ЛИНИЯ — корхоналарда деталлар тайёрлаш ёки буюмларни йиғишда бажариладиган технологик жараёнлар кетма-кетлигига мослаб (поток усулида) жойлаштирилган ва бирбирига боғланган ишлов берувчи машиналар (ёки иш ўринлари) мажмуи. Ҳар бир машина ёки иш ўрни маълум ишга мосланади, унда умумий ишнинг маълум қисми бажарилади. Ҳар бир ишчи маълум ишга ихтисослашади. Операциялар осон-қийинлик ва вақт жиҳатдан ҳар бир иш ўрнига тақсимланади. П. л. узлуксиз ёки тўхтаб-тўхтаб ишлайдиган (узлукли) бўлиши мумкин. Ишлов бериладиган деталь ёки йиғиладиган буюм бир иш ўрнидан иккинчисига махсус транспорт воситалари (мас., *конвейер*) да ўтказилади. П.л. индивидуал — битта деталга ишлов бериладиган; қўналоқ — бир вақтда икки деталга ишлов бериладиган; гуруҳли — бир вақтнинг ўзида бир неча деталга ишлов бериладиган хилларга бўлинади. П. л. ишлаб чиқариш жараёнларининг бир маромда боришини таъминлайди, иш унумдорлигини оширади. Маҳсулот ёки унинг бир қисмини маълум технологик изчиллик ва бир маромда автоматик тарзда тайёрлайдиган машиналар тизими, асосий ва қўшимча ускуналар мажмуи автомат П.л. дейилади (қ. *Автомат линия*).

ПОТСДАМ — Германиядаги шаҳар. Бранденбург ерининг маъмурий маркази. Берлиндан жан.-ғарбдаги кўллар бўйида жойлашган. Аҳолиси 129,8 минг киши (1998). Транспорт йўлларининг йирик тугуни. Хафель дарёси бўйидаги порт. Машинасозлик ривожланган. Кимё-фармацевтика, полиграфия, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Мамлакатнинг тарихий ва маданий марказларидан. Кинематография ва телевидение олий мактаби, астрофизика расадхонаси, музей бор.

П. йилномаларда 10-а.дан тилга олинган. 13-а.да Бранденбург Маркграфлиги таркибига кирган. 15-а.да шаҳар ҳуқуқини олган. 18-а. охиридан Пруссия қиролларининг ёзги қароргоҳи.

П.да 1945 й.да СССР, АҚШ ва Буюк Британия давлат раҳбарларининг конференцияси (*Потсдам конференцияси*) бўлиб ўтган. Меъморий ёдгорликларидан 18—19-а.ларда қурилган сарой ва черковлар, шу жумладан, Сан-Сюси сароййи мажмуаси (1745—62) сақланган.

ПОТСДАМ КОНФЕРЕНЦИЯСИ (1945) — қ. *Берлин конференцияси*.

ПОЧАҚИРҚАР, черепик, форс почақирқари (Hulthemia persica) — раъногулдошлар оиласига мансуб тикани бута. Бўйи 15—25 см. Барглари оддий, тескари-тухумсимон, эллипссимон, новга наъмуна-н жойлашган. Танаси тиканли. Гули пилла рангсариқ, тожбарглари қорамтир-қизил доғли. Чанчиларн кун, туз биссиғишарки. Апр. —июль ойларида гуллаб, июнь—августда мева беради. Ўзбекистонда адир ва тог ён бағирларида, пул сқдларида кўп ўсади.

Почақирқар

ПОЧТА (итальянча *posta*) — 1) хат-хабар, газета-журнал, жўнатма, пул ва ҳ.к. қабул қилиниб-жўнатиладиган давлат алоқа муассасаси (қ. *Почта алоқаси*); 2) шу муассаса орқали юборилган ёки олинган нарса (хат, жўнатма ва б.).

ПОЧТА АЛОҚАСИ — транспорт воситалари ёрдамида хат, даврий нашрлар, жўнатма, пул ва ҳ.к.ни қабул қилиб олиб жўнатадиган муассасалар тизими. П.а.нинг юзага келиши бевосита ёзувнинг пайдо бўлиши б-н боғлиқ. Юнонистон, Эрон, Миср, Хитой ва Рим империяларида П.а. давлат бошқарувида алоҳида аҳамият касб этган ва давлат П. а. яхши йўлга қўйилган: жўнатилган хат-хабарлар отда ва пиёда эстафета тамойили асосида ташилган. Ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг ривожланиши б-н ҳунарманд ва савдогарларга хизмат қилувчи шаҳар почталари вужудга келди. Улар, айни пайтда, аҳолининг бошқа табақаларига ҳам хизмат қилди.

16—17-а.ларда Франция, Швеция, Англия ва б. мамлакатларда марказлашган қироллик почталари пайдо бўлди. И.ч.нинг ўсиши ва давлатлараро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши б-н П.а. ҳам тараққий этди. *Алоқа марказлари*нинг муомалага киритилиши П.а. тарихида янги давр бошлаб берди. 1869 й.да Австрияда почта карточкаси жорий этилди. 1874 й.да 22 мамлакат иштирокида 1-Халқаро почта конгресси ўтказилиб, Умумий почта иттифоқи-

ни тузиш ҳақида шартнома имзоланди (1878 йиллан Жаҳон почта иттифоқи). Бутун дунёда ўзаро ёзишмаларни ва ёзма маълумотларни айирбошлашни мувофиқлаштириш учун 1978 й.да Жаҳон почта иттифоқи конвенциясн қабул қилинди. 19-а.нинг бошларида паровой ва паровозлар, 20-а. бошида самолётларнинг яратилиши почта жўнатмаларини етказиш тезлигини кескин оширди. П.а. хизматларидан нафақат давлат, балки оддий аҳоли ҳам фойдалана бошлади. Телеграф (1832), телефон (1876), радио (1895) нинг ихтиро этилиши ҳам П.нинг жамият ҳаётида тутган муҳим ўрнини ўзгартира олмади. 20-а.да ҳам у энг қулай ва оммабоп алоқа воситаси сифатида сақланиб қолди.

Ўрта Осиёда П.а.га ўхшаш алоқа тури, айрим маълумотларга кўра, мил. ав. 5—4-а.ларга тўғри келади. Ўша даврларда ҳарбий чопарлар подшолар фармони ва номаларини ноибларга ва қалъалардан хабарларни мамлакат пойтахтига етказиб турганлар. 13-а.да мўғуллар ҳукмронлиги даврида хоқонлар пойтахтларидан туманлар ва қўшни давлатлар чегараларига борадиган асосий йўлларда почта манзилгоҳлари — ём (бекат, работ)лар тармоқлари барпо этилган. Ёмлар бирбиридан 20—25 км масофада қурилган ва уларни қўриқчи гуруҳлар муҳофаза қилган.

Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олингандан сўнг П.а. асосан, подшо Россияси амалдорлари, ишбилармонлари, маҳаллий бошқарув ва ҳокимият органларига хизмат кўрсатди. 1865 й. Тошкент яқинидаги Ниёзбек қалъаси б-н Чимкент ш. ўртасида дастлабки П.а. йўлга қўйилди. Ўша йили авг. ойида Тошкентда 1-почта ст-яси очилди, почта йўли Ниёзбекдан Тошкентгача етказилди. 1868 й. Тошкент б-н Самарқанд ўртасидаги П. а. йўлга қўйилди. 1868 й. фев.да Тошкентда Россия Почта ва телеграф вазирлигига бўйсунган Сирдарё ва Самарқанд вилоятлари почта идоралари бошқармаси ташкил этилди. Дастлаб почта от-уловда, т.й. қурилганидан кейин т.й. орқали ташиладиган бўлди. 1885 й. 1 янв.дан Тошкент почта идораси мижозлардан телеграммалар қабул қилишни бошлади.

1924 й.да Ўзбекистонда 110 алоқа корхонаси ишлади, шулардан 30 таси қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатди. Почта йўлларининг умумий уз. 1300 км га етди, биринчи Тошкент — Самарқанд ҳаво алоқа йўли ишга туширилди. Урушгача бўлган даврда республикада П.а. мунтазам ривожланди. 1937 й. иттифоқ Почта ва телеграф халқ комиссарлигининг Ўзбекистон ҳукумати ҳузуридаги вакиллиги Бошқармаси (1954 йдан Ўзбекистон ССР Алоқа вазирлиги) ташкил этилганидан кейин П.а. давлат алоқа хизмати сифатида ривожланди. Почта ва матбуотни ташишда авиация, т.й., автомобиль транспортидан кенгроқ фойдаланилди. 1974 й. Тошкентда т.й. қошида почтамтнинг очилиши, 1983 й. Тошкент почтамтининг янги биноси қурилиб фойдаланишга топширилиши б-н хат, жўнатма, пул ўтказмалари, матбуот нашрларини жўнатиш ва етказиб бериш иши янада яхшиланди. П.а. алоқанинг энг кенг тарқалган ва оммавий турига айланди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин П.а. соҳасида туб ислоҳотлар амалга оширилиб, тармоқ корхоналари фаолияти қайта кўриб чиқилди, кўрсатиладиган хизмат турлари кенгайди, халқаро алоқалар тубдан қайта ташкил этилди. 1993 й.да Ўзбекистон 189 мамлакатни бирлаштирган Жаҳон почта иттифоқига аъзо бўлиб кирди.

Ҳоз. Ўзбекистоннинг барча аҳоли пунктлари почта корхоналари тармоғи б-н қамраб олинган. Бу корхоналар оддий ва буюртмали хатлар, почта карточкалари, бандероллар ва оддий жўнатмалар, баҳоси кўрсатилган хатлар, баҳоси эълон қилинган жўнатмалар, почта, телеграф пул ўтказмаларини қабул қилиш ва жўнатиш; газета ва жур.ларга обуна қилиш ва уни етказиб бериш; товар ва бланкаларни, филателия маҳсулотларини сотиш; *пенсия* ва *нафақа* пулларини етказиш; телеграмма қабул қилиш ва жўнатиш; алоқа бўлимларида шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувларини, электрон почта, интернет(га кириш) хизматларини кўрсатиш; коммунал хизмат тўловларини йиғиш ва б. хизмат турларини амалга оширади. 2002 й.да П.а. корхоналарида 11,23 млн. дона хат, 62,1 млн. дона газ. ва жур.лар, 60 минг дона жўнатма, 565 минг дона сўзлашувлар ва 170 минг дона телеграмма қабул қилинди, П.а. корхоналари орқали 31 млрд. сўм пенсия ва нафақалар тўланди.

Республикада почта корхоналари «Ўзбекистон почтаси» давлат-акциядорлик компаниясига уюшган. Компания таркибида Қорақалпоғистон Республикаси, 12 вилоят бошқармалари, Халқаро тезкор поч-та, аро почтамт, Халқаро тезкор поч-та, «Ўзбекистон маркаси» акциядорлик жамияти, 185 алоқа узели ва 3012 алоқа бўлими бор (2003). Мамлакатимизда П.а. фаолияти Ўзбекистон Республикасининг «Алоқа тўғрисида» (1992 й. 13 янв.) ва «Почта алоқаси тўғрисида» (2000 й. 31 авг.) қонунлари б-н тартибга солинади (Яна қ. *Алоқа*).

Раҳматберди Зикиров.

ПОЧТА МАРКАСИ — қ. *Алоқа марказлари*.

ПОЧТА ТЕХНИКАСИ — *почта алоқасида* асосий и.ч. операциялари (почтани қабул қилиш, манзил бўйича эгаларига етказиш, ажратиш, ташиш ва б.) ни бажаришда фойдаланиладиган қурилма ва транспорт воситалари. Энг содда П.т. 1653 й. француз Ренуар де Виллайс таклифи б-н яратилган почта яшигидир. Почта 19-а. бошларида отга қўшилган рельсли экипажларда, 1830 й. Буюк Британияда Ливерпул — Манчестер оралиғида т.й. ишга тушиши б-н почта вагонларида ташила бошлади. Т.й., сув, автомобиль ва ҳаво транспортларининг ривожланиши почта алоқасининг кенг суратда ўсишига олиб келди. Шундан сўнг дунёдаги барча ривожланган мамлакатларга тарқалди. Почта муассасаларида почта-касса аппаратлари қўлланила бошлади. Улар жўнатилган пулларни қабул қилиб олиш ва эгаларига тўлашни, қийматли хат, жўнатма, телеграмма ва б.ни қабул қилишни ҳужжатлаштириш имконини беради. Жўнатма, хатлар, бандерол, газ. ва журларни ажратишни механизациялашда махсус почта машиналаридан фойдаланилади. Йирик почта узелларида жўнатиладиган почталарни ажратишда ярим автомат машиналардан, ички и.ч.да эса конвейерлардан фойдаланилади.

Жўнатмаларни манзил бўйича ажратишда ярим автомат саралаш машиналари ишлатилади; машина тақсимлаш конвейери, тўпламач ва клавишли пультдан иборат. Оператор пульт орқали механик ёки электрон қурилмаларига манзил беради, яъни тўпламчига юк тушириш жойини белгилайди. Ҳозир деярли барча почта муассасаларида компьютер хизматидан фойдаланилади. Жўнатмалар авиация, т.й., автотранспорт воситаларида ташилади, *телеграф*, *телефон*, *интернет* орқали узатилади.

ПОЧТАМТ (нем. Postamt) — аҳолига, ташкилот ва муассасаларга барча турдаги *почта*, *телеграф*, *телефон*, *интернет* алоқалари соҳасида хизмат кўрсатувчи йирик алоқа ташкилоти. П. республика, вилоят ва баъзи туман марказларида ташкил қилинади. П. шаҳарнинг марказий почта корхонаси ҳисобланади; шунинг учун и.ч. функцияларини бажариш б-н бир вақтда ўзига қарашли алоқа бўлимларининг ишини

галикист ва назорат қилади. Ўзбекистонда барча вилоятлар марказларида, Нукус ш. ва Тошкент вилоятидаги Олар ф-ялари юритмоқда (2004).

ПОЧЧАОТАСОЙ. Полчаотасой — Наманган вилоятидаги сой. Чатқол тизмасининг ен бағирларидан бошланади. Уз. 30 км, ҳавзасининг майд. 389 км². П. ирмоғи оқимида чуқур ҳаракатлари. Нанай қишлоғи ёнида тоғдан чиқиб Қоҳабатк водийсидан оқиб Катта ўйилга қуйилади. Шу ерган сой суви суғоришга ишлатилади. Қор, ёмғир, ер ости сувларидан ва қисман чучтиклардан тўйинади. Ҳавзасида умумий уз. 4 км дарё тармоқ 6 та чучтик бор (майд. 1,9 км²). Йиллик ўртача сув сарфи 6,1 м³/сек., оқими минутига 15,7 л/сек. хам. Вегетация даврида йиллик оқимнинг 80% и оқиб ўтади.

П. тоғ. Наманган вилояти Янгиқўрғон туманининг жан. чегараларидан сув ажратади. Сой водийсида Заркент ва Нанай қишлоқлари бор.

ПОЛО, поло — *Уэмоқли жуфт отларида* фуқаролар ва харбийлар ўртасида бериладиган фахрли ўйин. Дастлаб, вақт-вақт, бекларбеги ва б. юқори мансабдор шахслар ушбу ўйинни бутган. П. ҳозирги этган вилоят (*вилоят*) ёки туман (*туман*) ҳокимлари деб аталади. 19-аср иккинчи ярмида Туркистон генерал-губернатори ҳузурида П. ўйинининг қоидалари ишлаб чиқилган. Ўша вақтдан бошлаб П. ўйини Туркистон ўлкасининг барча шаҳарларида кенг тарқалган. Ҳозирги кунда П. ўйини Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси томонидан назорат қилинади.

ПОЧЧАОТАСОЙ. Полчаотасой — Наманган вилоятидаги сой. Чатқол тизмасининг ен бағирларидан бошланади. Уз. 30 км, ҳавзасининг майд. 389 км². П. ирмоғи оқимида чуқур ҳаракатлари. Нанай қишлоғи ёнида тоғдан чиқиб Қоҳабатк водийсидан оқиб Катта ўйилга қуйилади. Шу ерган сой суви суғоришга ишлатилади. Қор, ёмғир, ер ости сувларидан ва қисман чучтиклардан тўйинади. Ҳавзасида умумий уз. 4 км дарё тармоқ 6 та чучтик бор (майд. 1,9 км²). Йиллик ўртача сув сарфи 6,1 м³/сек., оқими минутига 15,7 л/сек. хам. Вегетация даврида йиллик оқимнинг 80% и оқиб ўтади.

П. тоғ. Наманган вилояти Янгиқўрғон туманининг жан. чегараларидан сув ажратади. Сой водийсида Заркент ва Нанай қишлоқлари бор.

ПОЛО, поло — *Уэмоқли жуфт отларида* фуқаролар ва харбийлар ўртасида бериладиган фахрли ўйин. Дастлаб, вақт-вақт, бекларбеги ва б. юқори мансабдор шахслар ушбу ўйинни бутган. П. ларни этган вилоят (*вилоят*) ёки туман (*туман*) ҳокимлари деб аталади. 19-аср иккинчи ярмида Туркистон генерал-губернатори ҳузурида П. ўйинининг қоидалари ишлаб чиқилган. Ўша вақтдан бошлаб П. ўйини Туркистон ўлкасининг барча шаҳарларида кенг тарқалган. Ҳозирги кунда П. ўйини Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси томонидан назорат қилинади.

**ПОЛОП

ПРАГА — *Чехиянинг пойтахти.* Мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий маркази. *Влтава дарёсининг* ҳар икки соҳилида. Иқлими мўътадил, континентал; янв.нинг ўртача т-раси 0°, июлники 19,2°. Йиллик ёғин 500 мм. Аҳолиси 1,2 млн. киши (2000). Алоҳида мазмурий бирлик қилиб ажратилган.

Прага. Архиепископ саройи.

Шаҳар тарихий манбаларда 928 й.дан тилга олинган. 10-а.дан Чехия давлатининг пойтахти. П. Европадаги йирик савдо шаҳарларидан бўлган. Ўттиз йиллик уруш (1618—48)дан кейин П.нинг мавқеи пасайган. 19-а. ўрталаридан йирик саноат шаҳрига айланди. 1918 й.дан Чехословакия Республикаси пойтахти. 1939 й.да П.ни немис фашистлари босиб олган. 1945 й. 9 майда улардан озод қилинди. 1993 й.гача Чехословакия пойтахти.

П. — халқаро аҳамиятга эга транспорт йўллари тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. П. мамлакатда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг 1/10 қисмини беради. Машинасозлигининг турли соҳалари: автомобилсозлик, самолётсозлик, моторсозлик, станоксозлик, электротехника, радиоэлектроника саноатлари ривожланган. Кимё, тўқимачилик, пиқунчилик, полиграфия, озиқ-овқат саноати корхоналари ишлаб турибди. Метрополитен қурилган. ФА. Мусиқа санъати ва Тасвирий санъат академиялари, ун-тлар, шу жумладан, Карл ун-ти (1348), миллий музей, миллий галерея, шаҳар музейи, 25 дан ортиқ театр ва б. бор.

Влтава дарёсига қурилган кўприк.

П.да 10—18-а.ларга оид меъморий ва тарихий обидалар сақланган. Вишеград қалъаси, готика собори (11—16-а.лар), Қирол саройи (12—18-а.лар), Белыведер саройи (16-а.) ва қад. майдонлар бор. Янги турар жой бинолари, замонавий меҳмонхоналар ва б. жамоат бинолари қурилган.



ПРАГА УНИВЕРСИТЕТИ, Карл университети — Европадаги энг қад. ун-тлардан бири ва илк славян ун-ти. 1348 й. Карл IV асос солган. Чехиянинг Прага ш.да. Дастлаб ун-тда эркин санъат, ҳуқуқ, тиббиёт, теология ф-тлари бўлган. *Гуссчилар ҳаракати* даврида миллий озодлик ва католик черковига қарши кураш маркази ҳисобланган. 2 марта Ян *Гус* ректорликка сайланган. 1882 й. немис ва чех ун-тига бўлинган. Чехословакияни немис-фашистлари босиб олган даврда чех ун-ти ишламаган. 1945 й.дан кейин фаолияти қайта тикланган. Мат., физика, тиббиёт, педнатрия, фалсафа, ҳуқуқ, маданият, журналистика, жисмоний тарбия ва спорт, пед. бўйича мутахассислар тайёрлайди. 25 мингдан ортиқ талаба таълим олади. Кутубхонаси (1348)да 2 млн.дан ортиқ асар сақланади.

ПРАГМАТИЗМ (юн. pragmatos — иш, ҳаракат) — фалсафий таълимот. 19-а. нинг 70-й.ларида АҚШ да шаклланиб кенг ривожланди, бу мамлакат маънавий ҳаётига катта таъсир кўрсатди. Ўтмиш фалсафасини ҳаётдан ажралиб қолган, мавҳум, кузатувчан характерга эга, деб билган. П. вакиллари «фалсафани таъмирлаш» дастурини олға сурдилар. Улар, фалсафа борлиқ ва билишнинг илк асосларини идрок этишдан иборат бўлиб қолмаслиги керак, балки кишиларнинг олдида кўндаланг бўлиб турадиган, турли ҳаётий вазият, фаолият жараёнида улар дуч келадиган муаммоларни ҳал қилиши керак, деб ҳисоблайдилар. П. амалиётда инсонга нима кўпроқ фойда берса, ўшанга кўпроқ аҳамият бериш зарур, деган гоянн илгари суради. П.нинг асосий гоялари Ч. *Пирс*никн бўлиб, қоидаларини У. Жемс, Ж. Дьюи, Ф.К. С. Шиллер, Ж.Г.Мид ишлаб чиққанлар.

ПРАГМАТИКА (юн. pragma, pragmatos — иш, ҳаракат) — *семиотика* ва тилшуносликнинг нутқда тил белгиларининг амал қилишини ўрганувчи соҳаси; бошқача айтганда, муайян белгилар тизимини ўзлаштириб, ундан фойдаланувчи субъектларнинг айни шу белгилар тизимига муносабатини ўрганувчи фан тармоғи. П. ҳақидаги асосий гоя америкалик олим Ч. Пирс томонидан ўртага ташланган; яна бир америкалик олим Ч. Моррис ушбу гояни ривожлантирган ва «П.» терминини семиотика бўлимларидан бирининг номи сифатида амалиётга киритган.

П. инсоннинг ижтимоий фаолиятини ўзида қамраб олувчи нутқ жараёни, муайян алоқа вазияти орқали намоён бўлади. Лингвистик П. аниқ шакл, ташқи кўринишга эга эмас; унинг доирасига сўзловчи субъект, адресат, уларнинг алоқа-аралашувдаги ўзаро муносабатлари, алоқа-аралашув вазияти б-н боғлиқ кўплаб масалалар киради. Мас., нутқ субъекти б-н боғлиқ ҳолда қуйидаги масалалар ўрганилади: баённинг ошкора ва яширин мақсадлари (бирон-бир ахборот ёки фикрни етказиш, сўроқ, буйруқ, илтимос, маслаҳат, ваъда бериш, узр сўраш, табриклаш, шикоят ва б.); нутқ тактикаси ҳамда нутқ одоби турлари; суҳбат, сўзлашиш қоидалари; сўзловчининг мақсади; сўзловчи томонидан адресатнинг умумий билим жамғармаси, дунёқараши, қизиқишлари ва б. хислатларига баҳо берилиши; сўзловчининг ўзи баён қилаётган хабарга муносабати кабилар. П.да нутқ адресати, ўзаро алоқага киришувчиларнинг муносабатлари, муайян алоқа вазияти сингари омиллар б-н боғлиқ ҳолда ҳам кўплаб масалалар ўрганилади. П. гоялари эвристик (йўналтирувчи) дастурлаш, машина таржимаси, информацион-қидирув тизимлари ва б.ни ишлаб чиқишда қўлланади.

Абдуллаҳўжа Мадвалиев, Йўлдош Солиҳжонов.

ПРАДО (Prado) — Мадридлаги миллий рангтасвир ва ҳайкалтарошлик музейи. 1819 й. испан қироллиги бадиий асарлар тўплами асосида ташкил этилган. П. 15—19-а.лар испан рангтасвири (Эль Греко, Х. Рибера, Ф. Сурбаран, Д. Веласкес, Ф. Гойя ва б.), 16-а. италян рассомлари картиналари (Рафаэль, Тициан ва б.), 15—16-а.лар нидерланд (Рогер ван дер Вейден, Х.Босх, А. Мор ва б.), шунингдек, фламанд (П. Рубенс ва б.) ва француз (Н. Пуссен ва б.) мактаблари намояндалари асарларининг бой тўпламига эга. П. сўнгги испан классицизми услубида махсус қурилган (1785—1830, меъмори Х. де Вильянуэв) бинода жойлашган.

ПРАЗЕОДИМ [юн. prasios — оч яшил (тузларининг рангига кўра) ва dymos — эгизак (бу ном кашф қилиниш тарихи б-н боғлиқ), лот. Praseodymium], Pr — Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент. Тартиб рақами 59, ат. м. 140,9077. *Лантаноидлар* жумласидан. 1 та турғун изотопи бор. Сунъий радиоактив изотоплари олинган. П. монацит, лопарит, бастнезит ва б. нодир-ер минералларида бўлади. Суюқланиш т-раси 935°, зичлиги 6,78 г/см³. Бирикмаларда 3 валентли. П. ва унинг бирикмалари шиша ва сирларни бўяшда, махсус пўлатлар ва оловбардош енгил қотишмалар и.ч.да қўлланади.

ПРАКСИТЕЛЬ (Praxiteles) (тахм. мил. ав. 390—мил. ав. 330) — юнон ҳайкалтароши; сўнгги классика намояндаси. Афинада ишлаган. П. асарларини асосан мармардан ишлаган, антик нусхалардан ва қад. муаллифларнинг ёзмаларидан маълум. П. даврининг бадиий талабларига жавоб берадиган янги, ўта нозик гўзаллик намуналарини яратди. Асарлари нисбатлар жиҳатидан келишган ва уйғун; мармарни маҳорат б-н йўниб, тасвирни ҳис қила олган ва унинг майин шаклига эришади. П. шаклларига нафис ҳолат ва енгиллик бера оладиган ташқи таянч нуқталарини топа олган: «Аполлон Сауроктон» (тахм. мил. ав. 370, Ватикан музейида), «Афродита» (тахм. мил. ав. 360—350, Луврда) ва б.

Пракситель. «Афродита» (Рим нусхаси, мил. ав. 350).

ПРАНДТЛЬ (Prandtl) Людвиг (1875.4.2, Фрайзинг, Бавария — 1953.15.8, Гёттинген) — механика соҳасидаги немис олими, амалий гидроаэромеханика илмий мактабининг асосчиси. Мюнхендаги Олий политехника билим юртини тамомлаган. Ганновердаги Олий техника билим юрти проф. (1901 й. дан), Гёттинген ун-ти проф. (1904 й.дан). Гёттингендаги гидроаэродинамика ин-ти директори (1925—47). Илмий ишлари эластиклик ва пластиклик назарияси, гидроаэромеханика, газ динамикаси ва динамик метеорологияга оид. Қанотнинг аэродинамик назариясини ривожлантирган, газ оқимида иссиқлик узатиш муаммоси масалаларини текширган, суюқлик ва газларда содир бўладиган иссиқлик жараёнларига тааллуқли ўхшашлик мезонини топган (П. сони).

Ас.: Гидроаэромеханика [рус. пер.], М., 1951.

ПРАСАД Ражендра (1884.3.12, Зерадеи, Бихар — 1963.28.2, Патна) — Ҳиндистон сиёсий ва давлат арбоби. Калькутта ун-тида ўқиган. 1911—16 й.ларда Калькутта, 1916—20 й.ларда Патна Олий судида адвокат, 1911 й.дан Ҳиндистон Миллий конгресси (ҲМК) аъзоси, раиси (1934, 1939 ва 1947—48). 1950 й.дан Ҳиндистон республикаси муваққат президенти. 1952—62 й.ларда Ҳиндистон президенти.

ПРАТОВ Ўктам (1934.18.8, Тошкент вилояти Хумсон қишлоғи) — биолог олим. Ўзбекистон Республикаси фан арбоби (2001), биол. фанлари д-ри (1988), проф. (1994). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1959). Ўзбекистон ФА Ботаника ин-тида кичик илмий ходим (1959—62, 1965—68), аспирант (1962—65), катта илмий ходим (1968—85), директор ва систематика лаб. мудири (1985—93). 1995 й.дан марказий гербарий лаб. мудири. Ливия давлатида катта муҳандис (1977—85), 1997 й.дан ЎзМУ ботаника ўқув-илмий маркази раҳбари. Илмий тадқиқотлари Ўрта Осиё флорасини ўрганишга, ундан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишга, айрим йирик, мураккаб оила ва туркумларни монографик тарзда ўрганиб, уларнинг филогенияснни ишлаб чиқишга оид. П. 20 дан зиёд янги ўсимлик тури, 20 секция ва 1 та трибани илк бор фанга олиб кирди. 10-жилдли «Ўрта Осиё ўсимликлари аниқлагичи» (1972—93), «Русча-ўзбекча ботаника терминлари луғати» (1963), «Ўсимликлар аниқлагичи» (1995) муаллифларидан. П. раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси Қизил китобининг 2-нашри ўзбек ва рус тилларида чоп этилди.

Ас.: Ботаника [дарслик] (ҳамкорликда) Т., 2003; Юксак ўсимликлар систематикаси (ҳамкорликда), Т., 2003; Ўзбекистон бегона ўсимликларининг замонавий тизими ва бинар (қўш) номлари (ҳамкорликда), Т., 2003.

ПРАЯ — Кабо-Верде давлати пойтахти. Сантьягу о.нинг жан. соҳилида. Аҳолиси 62 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Атлантика океани соҳилидаги порт (четга апельсин, шакарқанд, кофе чиқарилади). Трансатлантика денгиз йўллари тугуни. Балиқ ва денгиз маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари, темир-бетон, керамика буюмлари з-длари, мебель, тикувчилик ф-калари бор. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Бадиий ҳунармандчилик устахоналари, маиший электротехника буюмларини йиғиш ва таъмирлаш корхоналари ишлаб турибди. Мохов касаллигига қарши курашиш маркази. Шаҳарга 15-а. охирларида асос солинган.

ПРЕГЛЬ (Pregl) Фриц (1869.3.9, Лайбах, ҳоз. Любляна, Югославия — 1930, 13.12, Грац) — австралиялик кимёгар. Инсбрук (1910 й.дан) ва Грац (1913 й.дан) ун-тлари проф. Оз миқдорда (2—6 мг) анализ қилинадиган бирикмалардаги элементлар ва функционал гуруҳларни аниқлаш усулларини ишлаб чиқиб миқдорий органик микроанализга асос солди. П. ишлаб чиққан усуллар

гормонлар, витаминлар ва б. мураккаб табиий моддаларни синтез қилишнинг тез ривожланишига имкон беради. Нобель мукофоти лауреати (1923).

ПРЕДИКАТ (лот. praedicatum — айтилган) — 1) мантиқда — тор предмети ҳақида айтиладиган ҳукмнинг икки терминли (предикат ва субъектдан бири; мантиқий жисм, яъни ҳукмдаги субъект ҳақида хабар берувчи бўлак. Мас.: Буйруқ директор томонидан берилди; 2) тилшуносликда — қаранг (қ. *Кесим*).

ПРЕДИКАТИВЛИК (лот. praedicativus — тасдиқловчи, қатъий) — 1) замонавий мантиқ фанида — белгилар ва предметлар ўртасида объектни мавжуд бутун алоқаларини акс эттиришнинг асосий тушунчаларидан бири; 2) тилшуносликда — халқаро лингвистик синтаксис категория бўлиб, гап мазмунига объектив борлиқнинг у ёки бу ҳолисаси ҳақида хабар бериш хусусиятини англатади. П. белги (ҳаракат, сифат ва хусусият) б-н предметнинг замон ва макон шароитларида ўзаро муносабатини ифодалаб, уларни умумлаштиради ва шу тариқа гапни алоҳида фикрни шакллантиришга ва у ҳақда хабар беришга йўналтиради. Мас., «Олма пишди» гапида «Олма тузилиши. Моддалари. Гап мазмунининг борлиққа муносабати уни муайян замонга ва шахс (ёки нарса) даражага қўйилиши каби синтактик категорияларга эга. П. ҳам икки синтактик категориянинг — замон ва майл-нинг бирлигидан иборат бўлади. Икки таркибли гапларда — кесим, бир таркибли гапларда эса уларнинг бош бўлаги. П.нинг ифодачиси ҳисобланади.

ПРЕДМЕТ, нарса — инсон фаолияти ва билиши жараёнида объектив борлиқдан алоҳида ажратиб олинган бутун бир нарса. У моддий организм, галактика, электромагнит майдони ва ҳ.к.) ва идрок (математик формула, концептуал образ) бўлиши мумкин. Гап бу ерда бирор фаннинг текшириш объекти устида боришни назарда тутилади. Мас., фалсафанинг П.и, физиканинг П.и ва ҳ.к. Мантиқда фикримиз нимага қаратилган бўлса, у ҳам П. дейилади: шу маънода муҳокама, тушунча, хулоса ҳам П. деб ҳисобланиш мумкин.

П. атамаси жонли мулоқотда нарса, жисм, объект маъносида ҳам ишлатилади.

ПРЕЗЕНТАЦИЯ (лот. praesentatio — тақдим этиш), тақдимот — янгидан яратилган, тузилган муайян нарсанинг расмий тақдим этилиши (мас., янги журналнинг П.си).

ПРЕЗИДЕНТ (лот. praesidens — олдинда ўтирувчи) — 1) ҳоз. кўпчилик (сайланиб ёки тайинланиб) ишга киритилган) мамлакатларда олий давлат лавозимини эгаллаган шахс. Президентлар сайлаб қўйилишдан *Биринчи* ЖМТ ташкил бўлиб қарган 189 мамлакатнинг 140 таси орасида П. лавозимини жорий қилишган (2000). Бундай биринчи ишни Америка Қўшма Штатлари 1787 и. қабул қилган Ўзбекистонда ҳам биринчи Президент 1990 й. 24 мартда таъсис этилди. 1991 й. 29 декабрда референдум асосида ўтказилган Умумхалқ сайловида И.А. Каримов Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти (қ. *Ўзбекистон Республикасининг Президенти*); 2) ҳарбий ва жамоат ташкилотларида, партияларда, жамиятлар, уюшмалар (шу жумладан, халқаро уюшмаларда ҳам) ижроия органи бошлиғи.

ПРЕЗИДЕНТЛИК БОШҚАРУВИ — Америкада давлатлар жорий этилган ва давлат бошқарувида қўлланилаётган вақтинчалик бошқарув шакли. У асосан, федератив тузилишдаги давлат бошқаруви (мас., АҚШ). Ҳиндистонда қўлланилган. Субъектлар федерал конституция ёки қонунларга, қўмитанинг қонуний талабларини бузганда, инсон ҳуқуқлари поймол этилганда, жиддий тартибсизликлар рўй берганда, федерация давлатининг ягоналигига хавф солинганда, қисқа вақтга, сўз ҳуқуқидан ва ҳ.к.лар амалга оширилади. П.б давлат бошлиғидан махсус фармонни секретар б-н эълон қилинади. П.б пайтида тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари вакилларни тўхтатилади, уларнинг вазифасини бажарини президент тузатган орган ёки президент тайинлаган мансабдор шахс томонидан ўзлаштирилади.

ПРЕЗИДИУМ (лот. praesidium — раҳбарлик қилиш) — мажлис, конгресс бажаришга олиб борин учун сайланган шахслар гуруҳи, қайтат ишлаш жамоат ташкилотлари, илмий муассасалар ва бошқа доимий раҳбар органи.

ПРЕЗИНЖАНТРОП (лот. prae — олдинда ва *zinzivantropi*) — Шарқий Африкада топилган гоминидларнинг шартли номи. П. скелет қолдиқлари инглиз антропологи ва археологи Л. Лики (1960) томонидан Олдовай дарасидан топилган. Одатда, Л.га Homo ургунинг энг қад. вакили ва қадимги тош даврдаги илк маданиятнинг яратувчиси сифатида қаралади. Айрим тадқиқотчилар П.нинг одамларга яқинлигини инкор этишиб, уни австралопитекларнинг авлоди деб ҳисоблашади.

ПРЕЙСКУРАНТ (франц. prix — нарх ва courant — жорий) — товарлар, хизматлар ва маҳсулотлар нархлари ҳақида маълумотнома. тўплам. Пла қайд этилган нархлар П. нархлари деб аталади.

ПРЕКОС (франц. precoce — эрта, тез етиладиган) — ғалла экинларининг (асосан буғдой) эрта пишиб ҳосил қон қобилияти юқори навлари. Ер юзида энг П. навлари ва дурагайлари (1950) Америка олимларидан бири, Эрудит университетининг профессори Норман Э. Борлог (1914 й. туғ.) яратган. Унинг 20-асрнинг 60-йилларидан бошланган Америка ва Осиё мамлакатларида ўтказган селекция ишлари натижасида ўзининг ўсув жараёни, унинг давомийлиги, ҳосилдорлиги ва сифатини кўп томонлама ўзгартириш имконини берадиган ноёб навлари яратилди. Борлог ишларининг натижалари «Яшил инқилоб» номини олди. Бундай навлар ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш, ҳосилни кўпайтириш ва ҳ.к. имкониятлари ҳисобига ер юзида 1 млрд. 100 млн. одамни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконини берди. Борлог 1970 й.лардан бошлаб Мексика, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Эфиопия, Кения, Нигерия, Гана, Ливия, Марокаш, Туркия, Эрон, Ироқ, Сурия, Ливан, Миср, Хитой, Жанубий Корея, Филиппин, Индонезия, Малайзия, Австралия, Янги Зеландия, Аргентина, Чили, Бразилия, Колумбия, Венесуэла, Эквадор, Перу, Боливия, Гватемала, Коста-Рика, Гондурас, Никарагуа, Сальвадор, Панама, Куба, Доминикан Республикаси, Гаити, Ямайка, Пуэрто-Рико, Испания, Португалия, Франция, Германия, Голландия, Бельгия, Швейцария, Австрия, Италия, Югославия, Венгрия, Чехословакия, Польша, Болгария, Руминия, Греция, Туркия, Россия, Украина, Белоруссия, Молдова, Литва, Латвия, Эстония, Грузия, Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш, Шри-Ланка, Непал, Бутан, Мьянма, Таиланд, Вьетнам, Лаос, Камбоджа, Малайзия, Индонезия, Филиппин, Австралия, Янги Зеландия, Ливия, Марокаш, Туркия, Эрон, Ироқ, Сурия, Ливан, Миср, Хитой, Жанубий Корея, Филиппин, Индонезия, Малайзия



Пресс-қолип. Ажралиш (керилиш) текислиги вертикал пресс-қолип (қора рангшакл бўшлиқларини тўлдирган қўйма)

хром эритмаси б-н қопланади. П.-қ автомобилсозлик, радиотехника, электротехника саноатларида, санитария техникаси жиҳозлари тайёрлашда кенг қўлланилади.

ПРЕСТО (итал. presto — тез, жадал) — мусиқада жуда тез суръат. 17-а.дан маълум. 18-а.дан кўпроқ классик симфония (соната) туркумларининг якуний (финал) қисмларида ҳам опера увертюраларида қўлланилади.

ПРЕТОР (лот. praetor — олдинда борувчи) — Қад. Римда дастлаб олий мансабдор шахс, сўнгра мил. ав. 367 й.дан (ёки 366 дан) консулнинг кичик ҳамкасабаси. Мил. ав. 242 й.дан икки П. сайланган: бири Рим фуқаролари ўртасида судлов ишларни олиб борган, бошқаси эса — фуқаролар б-н ўзга юртликлар (хорижийлар) ўртасидаги низоли масалаларни кўрган.

ПРЕТОРИЯ — ЖАРнинг пойтахти. Апис дарёси соҳилида, ўртача 1738 м баландликда. Трансвааль провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 526 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Янв. (энг иссиқ ой)нинг ўртача т-раси 21,4°, июль (энг совуқ ой)ники 10°. П. — транспорт йўлларининг йирик тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Мамлакатнинг қора металлургия саноати маркази. Шаҳар ишчиларининг деярли ярми металлургия корхоналарида ишлайди. Машинасозлик ва металлсозлик (тайёр қисмлардан автомобиль йиғиш, велосипедлар ва электр жиҳозлари и.ч.), кимё, тўқимачилик, озиқ-овқат, тамаки, цемент, ойна-шиша, полиграфия саноати корхоналари, шаҳар яқинида феррованадий ишлаб чиқарилади.

Претория шаҳри. Собиқ парламент биноси.

ПРЕФЕРЕНЦИЯ (лот. praeferentia — афзал кўраман) — бирор бир фаолият турини қўллаб қувватлаш учун айрим давлатлар, корхоналар, ташкилотларга бериладиган афзалликлар, имтиёзлар. Солиқларни камайтириш, божхона божларидан ташламалар, тўловлардан озод қилиш, имтиёзли кредитлар тақдим этиш шаклларида амалга оширилади. П. давлат томонидан берилади ва аниқ мазмунли характерга эга бўлади. Давлатлараро муносабатларда П. ҳам ўзаро, ҳам бир томонлама тартибда бўлиши мумкин.

ПРЕФИКС (лот. praefixus — олд томонга маҳкамлаб қўйилган) — *аффикс*ларнинг бир тури; ўзак олдидан қўшиладиган сўз ясовчи қўшимча. П. ўзбек тили учун хос эмас. Ўзбек тилида қўлланадиган ба-, бе-, бо-, но-, сер- каби П.лар форс тилидан кириб келган, анти-, контр-, суб-, супер- кабилар эса байналмилал П.лардир. Мас., бадавлат, бедаво, боодоб, нотўғри, серфарзанд; антиинсоний, контрҳужум, субмаҳсулот, суперютуқ ва б.

ПРЕФОРМИЗМ (лот. praeformo — олдиндан ҳосил қиламан) — организм жинсий ҳужайраларида эмбрионнинг ривожланиши ва ундан ҳосил бўладиган организм хусусиятларини олдиндан белгилаб берадиган моддий тузилмаларнинг бўлиши тўғрисидаги таълимот. Преформистик қарашлар тарихан узоқ вақт давомида шаклланган. Дастлабки микроскопистлар (Я. Сваммердам, М. Мальпиги, А. Левенгук ва б.) фикрича, тухум (овизм) ёки уруғ (анималкулизм) ҳужайрада барча органлар батамом шаклланган, жуда кичик муртакча мавжуд; ривожланиш фақат муртак қисмларининг йириклашувидан иборат. Тухум ёки уруғ ҳужайрани 1-ўринга қўйишига кўра, преформистларни овистлар ва анималкулистларга ажратиш мумкин. Преформистлар илгари сурган тор мантиқий жиҳатдан креационистларнинг гирик организмларни ҳудонинг ўзи яратганлиги тўғрисидаги гоясига яқин келади (қ. *Креационизм*). Преформистик қарашларни кейинчалик ҳаётнинг ўзидан пайдо бўлиши тўғрисидаги ва б. гояларнинг мухолифлари (А. Галлер, Ш. Бонне, Л. Спалланцани ва б.) ривожлантиришди. 18-а.нинг 2-ярмидан бошлаб организм ривожланишидаги издан чиқишлар, ота-она белгиларининг ирсийланиши, органлар регенерацияси тўғрисида маълумотлар тўпланиб бориши б-н ривожланишда янги белгиларнинг муайян тартибда ҳосил бўлиши тўғрисидаги таълимот — *эпигенез* шаклланди. Т. Моспертюи, Ж. Б. Бюффон, айниқса, К. Вольф товуқ тухуми ва ўсимлик муртагининг ривожланишини кузатиш асосида бу таълимотни ёқлаб чиқишди.

19-а.нинг 2-ярмида уруғланиш ва ҳужайра бўлинишн *(митоз)*нинг моҳияти очиб берилиши ҳамда ирсият ва ривожланиш механизмларининг ҳужайра ядросидаги хромосомалар б-н боғлиқлиги тўғрисидаги таълимот пайдо бўлиши б-н преформистик қарашлар яна қайтадан юзага чиқа бошлайди. Ривожланишни фақат ташқи шароит таъсири (эктогенез) ёки модлий бўлмаган омил б-н боғлиқлиги тўғрисидаги (витализм) эпигенетик гоялар асоссиз эканлиги исбот қилинди. 19-а.нинг охирида организм тузилиши ва ривожланиши ҳужайра ядроси б-н боғлиқлиги, хромосомаларнинг индивидуаллиги, уларнинг уруғланиш ва белгиларнинг ирсийланишидаги аҳамияти тўғрисидаги таълимот ҳам ўз моҳиятига кўра дастлаб преформизмга яқин эди. 20-а. ўрталарида генлар кимёвий табиатининг аниқланиши, ирсий ахборотнинг сақланиши ва ирсиятга берилиши механизмининг аниқланиши б-н П.нинг кўп асрлик ва қарамақаршиликларга бой тарихи ҳам барҳам топди.

ПРЕЦЕССИЯ (лот. praecessio — олдинда ҳаракатланиш) — қаттиқ жисм (мас., *гироскоп*) айланиш ўқининг тортиш кучи таъсирида конус шаклини чизиб аста-секин ҳаракатланиши. Шу ўқ айни пайтда нутацион тебранма ҳаракатланиши ҳам мумкин (қ. *Нутация*). Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши б-н боғлиқ П. Ер айланиш ўқининг эклиптика ўқига тахм. 23,5° бурчак остида оғмалиги сабабли (Ерга, асосан, Қуёш ва Ойнинг гравитацион таъсири

остида) келиб чиқади. Буни Ой — Қуёш П.си дейилади. Натижада олам қутби эклиптика қутби атрофида айланма ҳаракат қилиб, 26000 й.да бир марта тўла айланиб чиқиши ҳисобланган (расмга қ.). П.ни Гиппарх мил. ав. 2-а.да кашф этган. П.нинг келиб чиқишида бошқа сайёраларнинг таъсири ниҳоятда кам. Қуёш ва Ой Ернинг экваториал соҳаларига кўпроқ, экватордан узоқ соҳаларига камроқ таъсир кўрсатиши Ернинг айланиш ўқини бурилиб ҳаракатланишга олиб келади. Шу сабабли баҳорги (кузги) тенгкунлик нуқта Қуёшнинг кўринма ҳаракатига қарамақарши томонга йилига 50,37'' га силжиб боради. Шу сабабли Қуёш ҳар йили баҳорги тенгкунлик нуқтага 20 минут олдин етиб келади. П. оқибатида юлдузлар осмонининг суткали айланиш манзараси ҳам аста-секин ўзгариб боради. Бундан 4600 й. олдин олам қутби Аждаҳо юлдуз туркумидаги α юлдузи яқинида жойлашган бўлса, энди бу нуқта ҳоз. Қутб юлдузи, яъни *Кичик Айиқ* юлдуз туркумининг α юлдузи яқинига келиб қолган. Яна 2000 й.дан кейин Цефея юлдуз туркумининг γ юлдузи оламининг қутб юлдузи бўлиб қолади. 12000 й.дан кейин эса ҳоз. Қутб юлдузидан 51° йироқда жойлашган *Лира* юлдуз туркумининг α юлдузи — Вега қутб юлдузига айланади. Баҳорги тенгкунлик нуқта экваториал ва эклиптикал координаталар системасининг бошланғич нуқтаси ҳисобланади. Шу сабабли унинг ғарб томонга мунтазам силжиб бориши ҳамма юлдузларнинг эклиптикал узунламасини ҳар йили 50,26'' га ўзгартириб, эклиптикал кенгламасига таъсир қилмайди. Бу ҳол П.ни эклиптика текислигига таъсир этмаслигини кўрсатади. Лекин П. таъсирида ҳамма юлдузларнинг экваториал координаталари, яъни тўғри чиқиши ва оғмалиги мунтазам ўзгариб боради. Натижада юлдузлар осмонининг манзараси Ердаги ҳар бир жойда маълум тарзда ўзгариб боради. Шунинг учун юлдуз жадвалларида ёки шунга ўхшаш рўйхатларда ёритқичларнинг координаталари кўрсатилганда бу координаталар қайси йилга, аниқроғи қайси бағорги тенгкунликка тегишлилигини кўрсатиш керак бўлади. Юлдузларнинг экваториал координаталари ўзгариши тезлиги уларнинг осмон сферасидаги вазиятларига боғлиқ. Мас., олам қутбига яқин жойлашган юлдузларнинг тўғри чиқишлари жуда қисқа вақт ичида ҳам сезиларли ўзгаради. Жумладан, ҳоз. Қутб юлдузининг тўғри чиқиши 10 й.да бир градусга ўзгаради. Бундан ташқари, баҳорги тенгкунлик нуқтасининг силжиб боришига катта сайёралар ҳам бир оз таъсир кўрсатади, уни сайёралар П.си дейилади. Бу ҳолда Ернинг сиқиқлиги, яъни шар шаклида эмаслиги аҳамият касб этмайди. Сайёралар фақат Ер орбитасини бир оз ўзгартиради ва натижада эклиптика текислиги вазияти, бинобарин, эклиптика қутби вазиятининг юлдузларга нисбатан вазияти ўзгаради. Сайёралар содир этадиган П. натижасида бағорги тенгкунлик нуқта йилига шарққа томон 0,114' га силжийди. Ой — Қуёш ва сайёралар таъсирида келиб чиқадиган Плар йиғиндиси умумий П. дейилади. Ҳозир умумий П. таъсирида олам қутби Кутб юлдузига яқинлашиб келмоқда. 2100 й.да улар орасидаги масофа 28' ни ташкил этади (ҳозир бу масофа 1°га яқин), кейин ортиб боради. Ернинг айланиш ўқи ўртача вазиятига нисбатан яна кичик тебранишларга ҳам эга. Буни Ер ўқининг нутация ҳаракати дейилади. Ер ўқининг нутация ҳаракати юлдузларнинг хусусий П. катталикларини статистик таҳлил қилиш ҳаракатларини аниқлашда ва текшириб борилади. Бунда юлдузларнинг фазодаги Қуёш сабабли силжишлари ҳам ҳисобга олинади. Шунинг учун умумий П. катталиклари жадваллар кўринишида махсус астрономик йилномалар ёки календарларда эълон қилинади.

Ад.: Бакулин П. И. ва б., Курс общей астрономии, М., 1970; Подобед В. В., Нестеров В. В., Общая астрономия, М., 1983.

Абдусалом Латипов.



Прецессия. Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши билан боғлиқ прецессия.

ПРЕЦИПИТАТ, дикальций фосфат дигидрат, $CaHPO_4 \cdot 2H_2O$ — фосфорли минерал ўғит. Оқ ёки оч кулранг кукун. Муштланиб қолмайди, яхши сочилади. Фосфат кислотани оҳак сути ёки бўр ёрдамида чўктириб олинади. Таркибида 25 дан 38% гача P_2O_5 бор. Сувда эримайди, лекин таркибида ўсимлик ўзлаштира оладиган, цитрат эритмасида эрийдиган дикальцийфосфат ҳолатидаги фосфори бор. П. ҳамма тупроқлар ва барча экинлар у чун асосий ўғит сифатида плуг ёки культиватор ёрдамида маълум чуқурликка солиш. Самарадорлиги жиҳатидан *суперфосфат*дан қолишмайди. Чорвачиликда бўрдоқига боқиладиган чўчқа ва паррандалар рационида кальций ва фосфорли минерал қўшимча сифатида озуқа П. қўлланилади. Таркибида 46—48% P_2O_5 бор. Унинг таркибидаги фосфорнинг 83%га яқин миқдори ҳайвонларда ҳазм бўлади.

ПРЕЦИПИТАЦИЯ (лот. praecipitatio — пастга тез тушиш), чўкиш — серологик реакция; *антигенлар* комплексининг *антителолар* б-н чўкма ҳосил қилиши. Бемор ёки вакцина юборилган кишилар, шунингдек, иммунланган ҳайвон қон зардобидаги антитело миқдорини аниқлашга имкон беради. П. иммунодиагностикада бир қатор инфекцион касалликларга (куйдирги, дифтерия ва б.) диагноз қўйишда, шунингдек, суд тиббиётида қон, аъзо ёки тўқиманинг кимга тааллуқли эканлигини аниқлашда ва б. ҳолларда қўлланади (яна қ. *Серология*).

ПРЖЕВАЛЬСКИЙ Николай Михайлович [1839.31.3, Смоленск губерняси Кимирово қишлоғи — 1888.20.10, Қирғизистон, Пржевальск (ҳоз. Қорақўл)] — рус сайёҳи ва географи, Марказий Осиё тадқиқотчиси, генерал-майор (1886), 1867—69 й.ларда Уссури ўлкасига, 1870—73 й.ларда Монголия, Хитой ва Тибетга экспедиция уюштирган. 1876—85 й.ларда Марказий Осиёга 4 марта экспедицияга борган. П. ўзи текширган ҳудудларнинг рельефи, иқлими, дарё ва кўллари, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёсини тавсифлаб берган. Марказий Осиёдаги асосий тоғ тизмаларининг йўналишини аниқлаган. Экспедициялар даврида зоология, ботаника ва минералогияга доир коллекция ва этнографияга тегишли маълумотларни тўплади. Подшо ҳукумати Ўрта Осиё ҳудудларини босиб олишда П. тўплаган маълумотлардан унумли фойдаланган. П. асарлари кўплгина хорижий тилларга таржима қилинган. Марказий Осиё ва Аляскадаги бир нечта табиий объектлар, бир қанча ҳайвон ва ўсимлик турлари П. номи б-н аталган.

Ас.: Путешествие в Уссурийском крае, 1867—69 гг., М., 1947 (қайта нашри); Монголия и страна тангутов. Трехлетнее путешествие в Восточной нагорной Азии, т. 1—2, 1946; От Кульджи за Тянь-Шань и на Лобнор, М., 1947; Из Зайсана через Хами в Тибет и на верховья Желтой реки, М., 1948; От Кяхты на истоки Желтой реки. Исследование северной окраины Тибета и путь через Лобнор по бассейну Тарима, М., 1948.

Ад.: Гавриленко В. М., Русский путешественник Н. М. Пржевальский, М., 1974.

ПРЖЕВАЛЬСКИЙ ОТИ (Equus przewalskii) — отлар туркумига кирадиган тоқ туёқли ҳайвон, отларнинг ҳозиргача сақланиб қолган ҳақиқий

ёввоий тури. Марказий Осиёда Н. М. *Пржевальский* томонидан топилган (1879 й.) ва тавсифлаб берилган. Буйи паст, калласи катта, буйни калта ва йўғон. Айгирининг ягрин бал. 125—135 см, гавдаси уз. 230 см гача, оёқлари ингичка, вазни 300 *кг* гача. Бияси айгиридан кичикроқ. Ёли қисқа ва тик турали, пешона ёли йўқ. Туси — саман, ёли ва думи тўқ қора ва қалин. 5—20 та бия уюр бўлиб яшайди. Уларни битта айгир бошқарали ва ҳимоя қилади. Жуда эҳтиёткор. Чўл ўсимликлари б-н озиқланади. Бўғозлик даври 11 ой. 1—2 та

Пржевальский оти.

бола туғади. Шим.-Ғарбий Хитой ва Монголия (*Жунгория*) чўлларида яшаган. Охирги марта уни 1967 ва 1969 й.ларда учратишган. Қўлга қийин ўргаланади. Уй отлари б-н дурагайлари наслбериш қобилиятига эга. Эшак ва жебралар б-н чатиштириб олинган дурагайлари авлод бермайди. П.о. ёввойи отларнинг ягона тури сифатида муҳофаза қилинади. Жаҳондаги қўриқхона ва ҳайвонот боғларида, жумладан, *Аскания-Нова* қўриқхонасида П.о. боқилади.

ПРИАПУЛИДЛАР (Priapuliada) — тубан чувалчанглар гуруҳи. Уз. 2 мм дан 10 см гача. Гавдаси чувалчангсимон, гавда бўшлиғи паренхима б-н тўлган. Гавдасининг олдинги қисми — хартуми махсус мускуллар ёрдамида ичкарига тортиб олинади. Ичаги тўғри, оғиз ва анал тешиклари ривожланган. Қон айланиш системаси йўқ. Айириш органлари протонефридийлар. Нерв системаси халқум атрофи нерв ҳалқаси ва қорин нерв стволидан иборат. Айрим жинсли. 7 уруққа мансуб 11 тури илиқ сувли денгизларда тарқалган. Йиртқич. сув тубидаги ўсларда яшайди.

ПРИГОЖИН (Prigogine) Илья (1917.25.1, Москва) — бельгиялик физик ва физик-кимёгар. Бельгия Қироллик академияси аъзоси (1953) ва президенти (1969 й.дан). Физика ва кимё халқаро ин-ти (Сольве, Бельгия, 1962 й.дан), Техас ун-ти (АҚШдаги статик механика ва термодинамика и.т. маркази (1967 й.дан) директори. Идмин ишлари номутаносиб жараёнлар термодинамикаси ва статистик механикасига оид. Номутаносиб жараёнлар назариясининг асосий теоремаларидан бири (Пригожин теоремасининг ишлаб чиққан. Нобель мукофоти лауреати (1977).

ПРИЗМА (юн. prisma — қирқилган, арраланган) — икки ёғи (П.нинг асослари) тенг ва параллел кўпбурчак, бошқа ёқлари (П.нинг ёқлари) параллелограмм бўлган кўпёқлик. Параллелограммлар П.нинг ҳар икки асоси б-н умумий томонларга эга бўлиши керак. П.ни йўналтирувчиси кўпбурчак бўлган цилиндр деб қараш мумкин. Ён қирралари асосига перпендикуляр бўлган П. тўғри, акс ҳолда оғма П. дейилади (расмга қ.). Асоси мунтазам



Призмалар: *а, б* — оғи ёқли, *в, г* — тўғри ёқли.

кўпбурчаклан иборат тўғри П. мунтазам дейилади. Асосининг шаклига қараб П. уч бурчакли, тўғри бурчакли ва б. деб юритилади. П.нинг ҳажми асос юзи б-н баландлиги (асослари орасидаги масофа) купайтмасига тенг.

ПРИЗРЕН — Сербиядаги шаҳар. Косова ва Метохия ўлкасида. Призренска-Бистрица дарёси бўйида. Аҳолиси 300 минг киши (2001). Ҳунармандчилик маркази, рангли металлардан турли буюмлар и.ч., ёғоч ўймакорлиги ривожланган, гилам тўқилади. Ипак газлама, кўн-тери, виночилик корхоналари бор. Меъморий ёдгорликлардан черков (10—14-а.лар), масжидлар (16—17-а.лар) сақланган.

ПРИМАТЛАР (Primates) — юксак сут эмизувчилар туркуми. П. аждодлари қадимги ҳашаротхўрлар. 200 дан ортиқ тури бор, 2 та кенжа туркум: чала майимунлар, ҳақиқий маймунларга бўлинади. Уз. 13—15 см дан (сичқонсимон лемур, 1,75 м гача ва ундан узунроқ (горилла). Вазни 60 г дан 180 кг га ундан ортиқроқ. П.нинг тузилиши улар аждодларининг дарахтда яшаганлигидан далолат беради. Улар, асосан, 5 бармоқли; бош бармоғи бошқасига қарама-қарши қўйилган; олдинги оёқлари жуда ҳаракатчан. Кўпчилик П.нинг тирноқлари ясси; кафт ва товони терисида ҳар бир ҳайвоннинг ўзига хос чизиқлар бўлади. Балани ҳар хил рангли юнг б-н қопланган. Кўпчилик турларининг думи бор. Бош миясининг, эшитиш ва кўриш органлари яхши, ҳид билиш органи кучсиз ривожланган. Катта ярим шарлар сиртида ғалтаклар ва пуштачалар бор, бош мия ярим шарлари пустлоқ қисмининг энса (кўриш бўлаги), пешона ва чакка (мускул ҳаракати ва овоз аппаратини бошқарадиган марказлар) ҳамда тепа ва олдинги асоциатив юналар анчагина, яхши ривожланган. Мия ҳажмининг ярим шарларга олдинги оёқлар функциясининг мураккаблашуви жағларнинг қисқариб, бош қисмининг вояга нисбатан кичрайишига олиб келган. Асосан, тропик ва субтропик ўрмонларда тарқалган. Гала ёки оила бўлиб ҳаёт кечиради. П. анча мураккаб хатти-ҳаракатлар, имо-ишора ва овозлар ёрдамида ўзаро мулоқот қилади. Асосан, кундузи ҳаёт кечиради. Аралаш, кўпроқ ўсимлик б-н озиқланади. Йил давомида кўпаяди, 1—3 талаи бола туғади. Бўғозлик даври 4—10 ой. Сут безлари 1 жуфт. 20—30 йил умр кўради. Яшаш нараётининг ўзгариши тўғрисида сони тез камайиб бормоқда. 62 тури ва кенжа турлари Халқаро Қизил китобга киритилган.

ПРИМИТИВ (лот. primitivus — биринчи, ин дастлабки)— санъат тараққиётининг илк даврида яратилган асар. «П.» тушунчаси 18—19-а.лар эстетика ва санъатшунослигида санъат тараққиётининг «гўдаклик» ва «етуклик» босқичларини қарама-қарши қўйилишидан юзага келган. П. (айниқса, 18-а.дан) ҳукмрон услуб асарлари б-н қиёсланганда образ тузилишининг яхлитлиги ва содда кўринишининг яққол кўзга ташланиши б-н ўзига жалб қилиши мумкин. Замонавий санъатшуносликда П. баҳолаш маъносини бутунлай йўқотган, сўнгги ўрта асарлар санъати, ибтидоий тузум хусусиятларини сақлаган халқлар санъати, мунтазам бадиий таълим олмаган усталар ижодига, шунингдек, ўта шартли равишда *примитивизм* вакиллари асарларига нисбатан ишлатилади.

ПРИМИТИВИЗМ — 19-а. охири — 20-а. бошларида юзага келган авангард санъат оқими; бадиий воситаларни содда лаштириш ва *примитив* шакллар (ибтидоий давр, маданий жиҳатдан ривожланмаган халқлар санъати, халқ ижоди ҳамда болалар расми)га мурожаат этувчи йўналиш. Рассомларнинг замонавий воқеликдан норозилиги натижасида ҳаётдан кочиб санъатнинг илк даврларига қайтиши П.нинг кенг тарқалишини таъминлади. П. ҳамма халқлар санъатида мавжуд. П. шунингдек, санъатга дахлдор бўлган, бироқ профессионал таълим олмаган, халқ ичидан чиққан ҳаваскор рассомларнинг

Н. Пиросманашвили. «Уч қиз базми»

услубини ҳам ифодалайди. П. янги дунё маданиятидан ҳоли бўлган, ундан «соф» санъат сифатида тарғиб қилинди. АҚШда содда портрет ва маиший расмлар, Россияда лубок шу йўналишдаги асарлардир. Анри Руссо (Франция), Н. Пиросманашвили (Грузия), И. Генералич (Хорватия) ва б.нинг асарлари борлиқни яркин, болаларча содда идрок этиши б-н диққатга сазовор. П. профессионал ижодкорлар (П. Гоген, Н. С. Гончарова, М. Ф. Ларионов ва б.) услубига ҳам таъсир кўрсатган.

Ўзбекистонда П. 19-а. 2-ярмида маҳаллий халқ санъати вакиллари (Аҳмад Донини, Уста Шокирбой, С. Почаев, Н. Ҳафизов ва б.) ижодида аниқ сезилади. 20-а. 70—80-й.ларидан бу санъатга қизиқиш орти.

ПРИМОРЬЕ ЎЛКАСИ — РФ таркибидаги ўлка. 1938 й. 20 окт.да тузилган. Узоқ Шарқ федерал округига киради. Россиянинг чекка жан.-шарқий қисмида, Приморьеда жойлашган. Япон денгизи б-н ўралган. Ғарб ва жан.-ғарбдан Хитой ва КХДР б-н чегарадош. Майд. 165,9 минг км². Аҳолиси 2068,2 минг киши (2002), асосан, руслар, шунингдек, украин, белорус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 78,3%. Маркази — Владивосток ш. Бошқа йирик шаҳарлари — Находка, Уссурийск, Артём, Большой Каменьь, Арсеньев, Партизанск, Спасск-Дальний, Дальнегорск, Дальнереченск.

П. ў. Узоқ Шарқнинг жан. қисмида жойлашган. Қирғоқлари жанда жуда парчаланган. Қўлтиқларидан энг йириги — Улуг Пётр қўлтиги. Йирик ороллари: Рус, Попов, Путятин, Аскольд. Ўлканинг марказий қисмини Сихотэ-Алинь тоғлари эгаллаган (бал. 1855 м гача, Облачная чўққиси), ғарбида Уссури ва Ханка кўли бўйи пасттекисликлари мавжуд. Кўнгир кўмир ва тошкўмир, полиметалл рудалар, олтин, қалай, графит, қурилиш материаллари конлари мавжуд. Иқлими мўътадил муссонли иқлим. Қиши совуқ, қисқа. Янв.нинг ўртача т-раси соҳилда −12°дан −14° гача, ички районларда −20°дан −27°гача, энг паст т-ра янв.да: Владивостокда — 30°, ўлканинг ички қисмларида —40° дан —45° гача. Ёзи серёмгир, тез-тез циклонлар бўлиб туради. Ёзда энг юқори т-ра 40°, июлнинг ўртача т-раси 14—21°. Йилига 600—900 мм ёғин тушади. Қирғоқ бўйлаб совуқ оқим ўтганидан, соҳилда узоқ вақт туман бўлиб туради. Ёз охири ва кузда тез-тез тайфунлар ҳам бўлиб ўтади. Вегетация даври ўлка шимл. 120 —130 кун, жанда 160—200 кун. Энг йирик дарёси — Амур, унинг ирмоқлари: Уссури, Бикин, Кризовка, Арсеньевка ва б. Дарёлардан шолипояларни сугоришда фойдаланилади. Жан.-ғарбида йирик Ханка кўли бор. Асосан, қўнгир-ўрмон ва қўнгир-тайга подзол тупроқлари, текисликларда қўнгир-подзол ва ўтлоқи-қўнгир подзолланган тупроқлар, дарё водийларида аллювиал тупроқлар тарқалган. Пасттекисликлар ва дарё водийларида деҳқончилик қилинади. Ўлка ҳудудининг 90% и ўрмон. Ханка бўйи пасттекислигида ботқоқликлар бор.

Ҳайвонот дунёси турларга бой. Туёқлилардан: горал, ҳолдор бугу, изюбр, елик, кабарга, лось, қобон ва б.; йиртқичлардан уссури йўлбарси, силовсин, қичлардан уссури йўлбарси, силовсин, қоплон, бўри, айиқ, соболь, енотсимон ит, уссури мушуги, тулки, колумон нт, уссури мушуги, тулки, колумон ит, росомаха ва б: кемирувчилар, қундуз, росомаха ва б: кемирувнок, қундуз, росомаха ва б: кемирувнок, қундуз, ёввойи қуён, бурунчилардан тийин, ёввойи қуён, бурунчилардан тийин, ёввойи қуён, бурунчилардан тийин, ёввойи қуён, ёнлаб, полёвка ва б. яшайди. Мўйнали дуқ, полёвка ва б. яшайди. Мўйнали дуқ, полёвка ва б. яшайди. Мўйнали дуқ, полёвка ва б. яшайди. Сув ҳавзаҳайвонлар ва бугу овланади. Сув ҳавзаларида 100 дан зиёд балиқ тури учрайларида 100 дан зиёд балиқ тури учрайди. Ўлка ҳудудида Сихотэ-Алинь, Лазо, Узоқ Шарқ денгиз қўриқхоналари, Кедровая Падь, Уссури, Ханка қўриқхоналари жойлашган.

Саноатининг асосий тармоқлари: балиқ овлаш ва уни қайта ишлаш, «Дальморепродукт», «Приморрибпром» корхоналари, трал ва рефрижератор флотининг Владивосток базаси, машинасозлик ва металлсозлик (авиасозлик, кемасозлик ва кема таъмирлаш); ўрмон ва ёғочсозлик, рангли металлургия, кимё, қурилиш материаллари, Артём, енгил, озиқ-овқат саноатлари. Артём, Партизанск, Приморск иссиқлик электр ст-ялари фаолият кўрсатади. Асосий саноат марказлари — Владивосток, Находка, Уссурийск, Спасск-Дальний, Арсеньев, Дальнегорск ш.лари.

Қ.х.да, асосан, бугдой, шоли, сули, соя, картошка, сабзавот экилади. Богдорчиликда олхўри, нок, олча, крижовник, қорақат, узум етиштирилади. Чорвачилиги гўшт-сут етиштиришга ихтисослашган. Қорамол, чўчқа, қўй ва эчки, парранда боқилади. Даррандачилик, бугучилик ва асаларичилик ҳам салмоқли ўрин тутади.

Транспортда т.й. етакчи ўринда (уз. — 1566 км, ташиладиган жами юкларнинг 80%и). Ўлка ҳудудидан Транссибирь т.й. магистрали ўтган. Денгиз транспортининг ҳам аҳамияти катта. Йирик портлари: Владивосток, Находка, Восточный.

Асосий автомобиль йўли: Хабаровск — Владивосток. Автойўллар уз. 7003 км. Ҳаво йўллари ҳам ривожланган. 10 олий ўқув юрти, бир қанча н.т. ин-тлари, 4 музей, картиналар галереяси, 4 театр, филармония, радио ва телевидение станция, иқлим ва балчиқ курортлари (Садгород, Шмаковка ва б.), 4 туристик базаси бор.

ПРИНСТОН УНИВЕРСИТЕТИ — АҚШнинг йирик ўқув ва илмий марказларидан бири. 1746 й. коллеж сифатида Принстон ш. (Нью-Жерси штати)да ташкил этилган, 1896 й.дан ун-т мақомига эга. Коллежда Т. В. Вильсон (1902—10 й.ларда ун-т ректори, 1912—21 й. ларда АҚШ президенти) ўқиган. Техника ва физика-мат. фанлари, аэронавтика ва космик тадқиқотлар бўйича йирик ўқув ва н.т. маркази ҳисобланади. Физика, мат., геол., геофизика, биол., кимё, иқтисодиёт, фалсафа, сиёсатшунослик, психология, социология, дин, роман тиллари ва адабиёти, герман тиллари ва адабиёти, жисмоний тарбия ва б. ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди. 6 мингдан зиёд талаба таълим олади. Кутубхоналарида 2 млн.дан ортиқ асар сақланади.

ПРИНТЕР (инг. printer) — *компьютер*да матн ёки график (расм, схема) тарзидаги маълумотларни қоғозга чиқариш (чоп қилиш) учун мўлжалланган босиш қурилмаси. Маълумотлар қоғозга (баъзан, плёнкага) оқ-қора ёки рангли тарзда чоп қилиниши мумкин. Шу жиҳатдан П.лар бир-биридан фарқ қилади. Уларнинг кўп турлари мавжуд, лекин матрицали, пуркагичли ва лазерли турлари кенг тарқалган. Матрицали П.ларда босиладиган маълумотлар нуқталар мажмуи (комбинацияси)дан ҳосил бўлади. Шу туфайли, улар-

Принтер. Пуркагичли принтернинг умумий кўриниши.

нинг босиш сифати пуркагичлар ва лазерли Плоттерникига нисбатан пастроқ бўлади. Пуркагичлар Плоттер маълумотлар махсус «сиёқаонлар» ёрдамида, яъни бўёқ (сиёх) томчиларини пуркаш йўли б-н қоғозга босилади. Лазерли Плоттер махсус лазерли қурилма ёрдамида оқ-қора ёки рангли қилиб босиш имконини беради. Бундай Плоттерларда босилаётган нусхалар сифатли бўлиб чиқади.

ПРИНЦИПАТ (лот. principatus, principes — биринчи; раҳбар) — Қад. Римда қулдорлик монархияси шакли; унда республика муассасалари сақланиб қолади, бироқ қонунчилик ваколатлари бир кишининг — принцепс (сенаторлар рўйхатида биринчи) қўлига ўтган. П. тизими мил. ав. 27 йилдан мил. 193 йилгача мавжуд бўлган.

ПРИПЯТЬ — Белоруссия ва Украинадаги дарё. Днепрнинг ўнг ирмоғи (Киев сув омборига қуйилади). Уз. 775 км, ҳавзасининг майд. 114,3 минг км². Дарёнинг қуй қисми Полесье пасттекислигидан оқиб ўтади. Деярли мудаб. жарлар мудаи бўлмайди. Асосий ирмоқлари: *ўнгдан* — Стоход. Стырь, Горынь. Уборть. Уж. чапдан — Ясельда. Лань. Случь. Птичь. Ўртача сув сарфи қуйилиш жойида 460 м³/сек. Қуйилиш жойидан 500 км да кема қатнайди. Ёғоч оқизилади. Балиқ овланади. П. бўйида Пинск, Петриков, Мозирь, Наровля. Чернобиль пес.лари жойлашган. П.—Днепрь—Буг канали орқали Буг дарёси б-н ва Днепр—Неман (Огинский канали орқали эса (Шчара дарёси орқали) Неман дарёси б-н боғланган.

ПРИСТАНЬ — Қорақалпоғистон Республикасидаги шаҳар (1958 й.дан). Нукус шаҳар Кенгашига қарашли. 1958 й 16 апрелда асос солинган. Яқин т.й. станцияси — Нукус (8 км). Амударёда транспортнинг ривожланиши натижасида вужудга келган. Аҳолиси 15,7 минг киши (2002). Темир-бетон ва дурадгорлик буюмлари ишлаб чиқарилади. Аралбино з-ои. умумий таълим мактаблари, клуб, маданият уйлари, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор.

ПРИСТЛИ (Priestley) Жозеф (1733.13.3, Филдхед, Йоркшир — 1804.6.2, Нортамберленд, Пенсильвания, АҚШ) — инглиз файласуфи, кимёгари, *деизм* тарафдори. 1794 й. АҚШ га муҳожир бўлиб кетган. «Материя ва рух тўғрисида тадқиқотлар» асари (1777)да табиатнинг моддийлиги, рух материянинг хусусияти эканлиги тўғрисидаги гояларни илгари сурган. Д. Гартлининг ассоциациялар тўғрисидаги таълимотини ривожлантирган. Кислородни кашф этган (1774), водород хлорид ва аммиак ҳосил қилган (1772—74). Нафис ассоциациялар туфайли бузилган ҳаёнинг янги усулларини «тавсия» этган. Либ кўрсатиб ўтган. Физика тарихини ёзган.

ПРИТАМ Амрита (1919.31.8, Пажжаб. Гужранвала ш.) — ҳинди шоираси, адибаси. Панжоби. ҳинд тилларида ижод қилади. Инсоният дастлабки даврини Р. *Тагор* лирикасига ва эпосининг ранг-сирли кучи бўлган. Дастлабки шеърлар тўпламлари — «Сувуқ ҳурлар» (1935) ва «Амрита тулқинлари» (1936). Ҳам ҳинд, ҳам пакистанлик ижодкорлар орасида обрў қозонган. Ижодининг дастлабки даврида Р. *Тагор* лирикасига ва эпосининг ранг-сирли кучи бўлган. Дастлабки шеърлар тўпламлари — «Сувуқ ҳурлар» (1935) ва «Амрита тулқинлари» (1936). Ҳам ҳинд, ҳам пакистанлик адабиётшунос ва ижодкорлар орасида обрў қозонган. Дастлаб, Найтон (http://www.nanakbooks.com). Пенгуин (http://www.penguinbooks.co.in) ва бошқа нашриётлар 1990 й. Ўзбекистон Республикасининг пойтахти бўлган Тошкентда ўзбек ёзувчилари асарларини ўзбек тилида нашр этиш мақсадида ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Матбуот ва ахборот агентлиги ҳузуридаги Ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасида назорат инспекцияси (2004).

ПРОВАНСАЛ ТИЛИ — қ. *Окситан тили*.

ПРОВИЗОР (лот. provisor — таъминловчи) — олий фармацевтика маълумотига эга дорихона ходими. П. фаолияти дори моддаларини излаш, тайёрлаш, текшириш, сақлаш, беришдан иборат. Шифокорлар билан биргаликда ишлайди. Дорихона ишини ташкил этади. Фармацевтик ходимларга раҳбарлик қилади. Аҳолига ва муассасаларга тиббий хизмат кўрсатади. Дорихонада ишлаш учун П. малака имтиҳонини топшириши керак.

ПРОВАЙДЕР (инг. provider — компьютерлар тармоғини ташкил этиш ва ахборотлар алмашинишини таъминлаш қилиш б-н шуғулланадиган ташкилот. Интернет-ахборот ва хизматларини оғир кўпайтган сари П.лар ҳам кенгайиб, ҳам ривож топиб боряпти. Телефон алоқаси ташкари оптик толали кабеллар, радио тўлқинлар ёки сунъий йўлдош орқали интернет б-н боғланиш мумкин бўлди. Ўзбекистонда интернет б-н уланишга доир ахборот хизматлари (Плюрт 1997 й.дан кўрсатила бошлаган. Дастлаб, Найтон (http://www.nanakbooks.com). Пенгуин (http://www.penguinbooks.co.in) ва бошқа нашриётлар 1990 й. Ўзбекистон Республикасининг пойтахти бўлган Тошкентда ўзбек ёзувчилари асарларини ўзбек тилида нашр этиш мақсадида ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Матбуот ва ахборот агентлиги ҳузуридаги Ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасида назорат инспекцияси (2004).

ПРОВАНСАЛ ТИЛИ — қ. *Окситан тили*.

ПРОВИЗОР (лот. provisor — таъминловчи) — олий фармацевтика маълумотига эга дорихона ходими. П. фаолияти дори моддаларини излаш, тайёрлаш, текшириш, сақлаш, беришдан иборат. Шифокорлар билан биргаликда ишлайди. Дорихона ишини ташкил этади. Фармацевтик ходимларга раҳбарлик қилади. Аҳолига ва муассасаларга тиббий хизмат кўрсатади. Дорихонада ишлаш учун П. малака имтиҳонини топшириши керак.

бўлиши имконини беради. Ахборотни машина б-н алоқа қилиш воситаси. Асосий ишлатиладиган бири — электрон машиналар учун программа тузиш усуллари, уларни текшириш ва такомиллаштиришдан иборат. Бундан ташқари дастурлаш тиллари ҳам П. деб юритилади. Дастурлаш тиллари машина *алгоритми* ёки машина тилига ўтказади.

П. икки асосий қисм: бевосита П. ва автоматик П.га бўлинади. Бевосита П. да программа тузувчи машина командаларининг кетма-кетлигини ишлаб чиқишга мажбур бўлади. Бу эса программа ёзишни анча қийинлаштиради. Автоматик П. да программа тузувчи фақат программа схемасини тузиб, уни қисқартирилган символик кўринишда ёзади, программа бошқа бир тузувчи учун ёки техникавий ҳужжатлар сифатида ишлатилиши учун мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай П. нинг экстремумини бир (ўнликли *Дўл* нинг экстремумини (Э. *Экстремум*) топиш масаласи тузиш мисол қилиш мумкин.

П. алгоритм, одатда, қўйилган масалаларга бўлинади: масаланинг қўйилиши, масаланинг алгоритмик тавсифини тузиш; масаланы юқори даражали программа тилида П.; масаланы машина тилида П.

П. асосан программалаш тизимини эгаси воситасидир. Бу тизим конверсия машина командаларга системасини бошқа, бўлинишлар ва ишоралар структурасини жорий қилиш ва усулларини ишлаб чиқиш б-н шуғулланадиган дастур; алгоритмлар назариясининг амалий масалаларини ечишга мўлжалланган дастурлар пакетлари ва ҳоказолар киради. Ҳозирги вақтда ишлатиладиган П. тизимлари ҳар хил. Ҳаммаси машина тили ва алгоритмик тилга ажратилади. Асосий ишлатиладиган бири — электрон машиналар учун программа тузиш усуллари, уларни текшириш ва такомиллаштиришдан иборат. Бундан ташқари дастурлаш деб машина алгоритми ёки машина тилига ўтказишни ҳам юритишади. Дастурлаш тизимлари ва дастурлаш тиллари ҳам бир неча синфларга ажратилади. Асосий ишлатиладиган бири — электрон машиналар учун программа тузиш усуллари, уларни текшириш ва такомиллаштиришдан иборат. Бундан ташқари дастурлаш деб машина алгоритми ёки машина тилига ўтказишни ҳам юритишади. Дастурлаш тизимлари ва дастурлаш тиллари ҳам бир неча синфларга ажратилади.

П. тизими программалаш тизимининг асосий воситасидир. Бу тизим конверсия машина командаларга системасини белгилаб, бўлинишлар ва ишоралар структурасини жорий қилиш ва усулларини ишлаб чиқишдан иборат. Бундан ташқари дастурлаш деб машина алгоритми ёки машина тилига ўтказишни ҳам юритишади. Дастурлаш тизимлари ва дастурлаш тиллари ҳам бир неча синфларга ажратилади.

Ҳозирги машина тили инсоният системасидан кўра янада қулайроқ символларда ифодаланган машина командаларни терминларидаги программалар бўлиб, бундан қўшимча, хизмат дирижаплари гоҳ сифатида блок схемаларини фойдаланилади.

П.нинг программа тузилганидан кейинги иш бир неча ишдан иборат бўлиб, бундан йўл қўйилган хатолар топилади ва тузатилади. Программалар қолдиқлаш ва машинага махсус қурилма ёрдамида киритилади. Анъанавий П.нинг яна ва ривожланиш. Анъанавий П.нинг яна ва ривожланиш (2000): 2) математик усуллари бир (2000): 2) математик П. — амалий математиканинг бир бўлими; умумий маънода — бирон-бир бўлимни умумий маънода — бирон-бир бўлимни (масалан, *Дўл* нинг экстремумини (масалан, *Экстремум*) топиш масаласи тушунилади.

ПРОГРАММАЛАШ ТИЛИ — маълумотлар (ахборотлар)ни ҳисоблаш электрон машиналарда ишлаш ахборотларини машиналарда ишлаш ахборотларини ифодалаш учун ҳам. хос. Анорганик табиатда П. анорганик объектлар тузилишининг мураккаблашиб бориши натижасида ҳаётнинг пайдо бўлишидан иборат.

Ортанич табиатда. П. организмлар ва улар системаларининг эволюцияси, яъни аста-секин такомиллашуви-дан иборат. Ч. Дарвин асарларида П. организмларнинг ташқи муҳит шароитига тобора мослашиб бориши ва янада учун қулайроқ ташкил чиқиши шаклида талқин қилинади. Дарвин фикрича, П. биринчидан, организмлар тузилишининг мураккаблашиб бориши; иккинчидан, уларнинг айрим органларининг ихтисослашуви орқали боради. Кейинчалик П. тушунчасининг мазмунига биринчи-ликлар киритилиб, бу жараён биологик ва морфо-физиологик П.га ажратилиб бошланди. Биологик П. — жойлаш турух (тур, уруғ)нинг яшаш шароитига мослашиши туфайли индивидларнинг сон жиҳатдан ортиши, ареалининг кенгайиши ва янги гуруҳлар ҳосил қилишидир. Морфо-физиологик П. — мослашув туфайли ҳосил қилинган янги белги ва хусусиятларнинг кўпайиб, ўзаро гармоник кўшилишидан иборат.

Ижтимоий П. — жамиятнинг куйи даражаси ва шаклларидан юқори даражаси ва шаклларига қараб узлуксиз ривожланиши, *тараққиёт*. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг тинимсиз ошиши замонавий рўй берадиган ижтимоий П. ўз шакли ва суръати жиҳатидан турлича бўлган экологик жараёнлардан иборат.

ПРОГРЕССИВ ФАЛАЖ — марказий нерв системасининг эпидан зарарланиши окибатида келиб чиқадиган ру-

ҳии касаллик. Кам учрайди. Захм б-н касалланганидан 5—15 йил кейин пайдо бўлади. Белгилари: руҳиятнинг айниши, бу аста-секин авж олиб, телбаликкача олиб боради. *Невростения, алаҳлаш*, «манманлик» аломатлари кузатилади. *Қўзғалиш* ва *тормозланиш* фаолияти издан чиқади. Асосан, антибиотиклар ва захмга қарши воситалар б-н даволанилади.

ПРОГРЕССИЯ (лот. progressio — олдинга силжиш, ўсиш) — сонлар кетма-кетлиги ($U_1, U_2, ..., U_n$). Иккинчи ҳадидан бошлаб ҳар бир ҳади мазкур П. учун ўзгармас бўлган доимий сонни қўшиш (қ. *Арифметик прогрессия*) дан ёки доимий сонга кўпайтириш (қ. *Геометрик прогрессия*) дан ҳосил бўлади. Доимий сонинг қийматларига қараб П.лар ўсувчи ёки камаювчи дейилади.

ПРОДРОМАЛ ДАВР (юн. prodromos — олдиндан хабарловчи, дарак берувчи) — юқумли касалликнинг яширин давридан сўнг бошланиб, унинг асосий клиник белгилари юзага чиққунгача бўлган давр. Бу даврда патоген микроб ўзига мойил аъзо ёки тўқимада кўпая бошлаб, агрессив фермент ва токсинлар ишлаб чиқаради. П.д.бир неча соатдан бир неча кунгача давом этади. Бу даврда кўпгина юқумли касалликларга хос умумий белгилар: гавда ҳароратининг кўтарилиши, бош оғриғи, дармонсизлик, ланж бўлиш, иштаҳа йўқолиши ва б. кузатилади. П.д.дан сўнг юқумли касалликнинг авж олиш даври бошланади ва беморда касалликнинг асосий белгилари намоён бўлади.

ПРОДУЦЕНТЛАР (лот. producentis — ишлаб чиқарадиган, ҳосил қиладиган) — фотосинтез ва хемосинтез ёрдамида анорганик моддалардан органик моддалар ҳосил қиладиган автотроф организмлар. П. гетеротроф организмлар — консументлар ва редуцентларга қарама-қарши қўйилади. Қуруқлик ва сув экосистемасидаги асосий П. — яшил ўсимликлар ҳисобланади. П. озиқланиш занжирининг бошлангич звеносини, барча экосистемалар асосини ташкил этади.

ПРОДЮСЕР, продьюсер (инг. producer, produce — яратиш) — ривожланган мамлакатларда фильм ишлаш ва ғоявий-бадиий ва ташкилий-молиявий жиҳатдан назорат қилишни амалга оширувчи кинокомпаниянинг ишонган киши си. Реж., актёр, сценарийчилар ҳам П. бўлиши мумкин.

ПРОЕКТИВ ГЕОМЕТРИЯ — геометриянинг проектив алмаштиришлар натижасида шаклларнинг ўзгармайдиган хоссаларини ўрганувчи бўлими. Бундай хоссалар проектив хоссалар дейилади. Проектив алмаштиришлар тўғри чизиқни тўғри чизиққа ўтказувчи алмаштиришлардан иборат. Мас., ўхшаш алмаштириш, *перспектива*. Бир тўғри чизиқда ётувчи нуқталар проектив алмаштириш натижасида яна бир тўғри чизиқда ётувчи нуқталарга, иккинчи тартибли чизиқлар иккинчи тартибли чизиқларга ўтади. Аммо айлана, эллипс, парабола ёки гиперболага ўтиши ҳам мумкин. Бир тўғри чизиқда ётувчи A, B, C, D нуқталарнинг қуш нисбати $(ABCD)$ проектив алмаштиришда ўзгармайди. П. г.да қулайлик учун чексиз узоқлашган элементлар қўлланилади. Текисликда ётмайдиган (хосмас) элементлар чексиз узоқлашган нуқталар ва чексиз узоқлашган тўғри чизиқлан иборат. *Евклид геометриясининг* параллел тўғри чизиқлари чексиз узоқлашган нуқтада кесишади, деб олинади. Бунда тўғри нуқталардаги параллел тўғри чизиқлар тўғри чексиз узоқ нуқталарда кесишиши керак. Чексиз узоқлашган тўғри чизиқ барча чексиз узоқлашган нуқталар тўпламидан иборат. Натижада «тўғри икки тўғри чизиқ битта нуқтада кесишади» деган аксиома ўринли бўлади.

П.г.да координаталар усули кенг қўлланилади. Агар уч ўлчовли Евклид фазосида *Декарт координаталар тизими* (O, x_1, x_2, x_3) киритилган бўлса, координата бошидан ўтувчи чизиқ тенгламаси $a_1x_1+a_2x_2+a_3x_3=0$ кўринишида бўлади. Бундаги a_1, a_2, a_3 сонларидан камида биттаси нолдан фарқли бўлиб, олинган тўғри чизиққа мос нуқтанинг координаталари (*бир жинсли координаталар*) деб қаралади.

П. г. аксиоматик асосда қурилиши ҳам мумкин. Унда *иккилик принципи* ўринли бўлади. Евклид фазосини хосмас элементлар (чексиз узоқлашган нуқта, тўғри чизиқ, текислик) б-н тўлдириб, уч ва ундан ортиқ ўлчовли проектив фазоларни ҳосил қилиш мумкин. П. г. га биринчи марта 17-а.да француз математиклари Ж. Дезарг ва Б. *Паскаль*лар асос солган. Унинг кейинги ривожланишига эса Г. Монж катта ҳисса қўшган. Француз математиклари Ж. Понселе, Ж. Брианшонлар П.г.ни мустақил фан сифатида баён этишган. П.г.нинг ривожланишида Швейцария математиги Я. Штейнер, француз математиги М. Шаль, немис математиги К. Штаудт ва б.нинг хизматлари катта.

П.г. математика ва табиатшуносликнинг турли соҳаларида қўлланади.

Ад. Глаголев Н. А., Проективная геометрия, 2 изд., М., 1963; Бакельман И. Я., Высшая геометрия, М., 1967; Ефимов Н. В., Высшая геометрия, 5 изд., М., 1971.

ПРОЕКТОР (лот. projicio — олдинга ташламан) — деталь, диапозитив, негатив, фотосурат, карта ёки чизма тасвирини катталаштириб, кичиклаштириб ва уз ўлчамида экранга тушириш учун мўлжалланган оптик асбоб. Диаскоплик, эпископлик ва эпидиаскоплик хиллари бор. Диаскопик П. (проекцион аппаратлар, кинопроекторлар) тиниқ объектлар тасвирини улар орқали ўтадиган ёруғлик нурлари ёрдамида экранга туширади. Эпископлик П. ёруғлик ўтказмайдиган объектлардан қайтган нурлар ёрдамида тасвирни ҳосил қилади. Эпидиаскопик П.да иккала усул жамланган. П. кинотехника, фототехника, картография, нуска кучириш техникаси, аниқ механизмларнинг ўлчамларини ўлчаш ва б. соҳаларда қўлланади.

ПРОЕКЦИОН АППАРАТ, проектор — турли хосси объектлар (чизмалар, расмлар, фотонусхалар ва б.) тасвирини ёруғлик оқими ёрдамида экранда ҳосил қилувчи оптик қурилма. Муқим (стационар) ва кўчма турларга бўлинади. Диаскопик, эпископик ва эпидиаскопик хиллари бор. Диаскопик П. а. (диапроекторлар) шаффоф тасвирларни ёритиш йўли б-н экранга туширади; бунга *кинопроекцион аппарат*, проекцион фонарь, катталаштирувчи аппарат ва б. киради. Диаскоп диапроектордан фарқ қилади: диапроектор нетаниклаги тасвирни фотоқоғозга ўтказишда, диапозитивларни кўришда, микрофильмларни ўқишда, аэрофотосуратларни ишлашда қўлланилади, диаскоп шаффоф объектлан ўтувчи ёруғлик нурлари ёрдамида оқлар орқали шу объектни кўришга имкон беради. Эпископик П.а. экранда ношаффоф объектларнинг тасвирини улардан қайтган ва сочилган нурлар б-н ҳосил қилади; бунга эпископ, проектор ва б. киради. Эпидиаскопик П. а. диаскопик ва эпископик П.а.ларнинг қўшилгани бўлиб, шаффоф ва ношаффоф объектлар тасвирини экранга туширади. П.а. механик ва оптик қисмлардан иборат. Механик қисми ёрдамида проекцияланувчи объектлар вазияти ўзгартирилиб турилади. Оптик қисми ёритиш манбаи ва линзалар тўпламидан иборат. П. а. ўлчаш техникасида, кинотеатрлар, лабораторияларда ва б. жойларда ишлатилади.

ПРОЕКЦИОН ТЕЛЕВИДЕНИЕ — оптик проекция усуллари б-н катта (1—200 м²) экранларда телевизион тасвир ҳосил қилиш. П.г.да асосан, тасвирни оптик катталаштириш, кучли ёруғлик манбаининг ёруғлик оқими модуляциясини ва лазер эффектидан фойдаланилади (қ. *Телевидение*).

ПРОЕКЦИЯ (лот. projectus — олдинга иргитилган) — бирор нарсанинг текислик (экран)га туширилган тасвири. Мас., фалодаги A нуқтани Π' текислигига проекциялаш учун П. маркази S орқали Π' текислик б-н A' нуқтада кесишувчи SA тўғри чизиғи ўтказилади. A' нуқта A нинг П.си дейилади. Бирор F шаклнинг проекцияси унинг барча нуқталарини проекциялаб топилади. П. марказидан ўтмайдиган тўғри чизиқ қўринишида проекцияланади. Ҳосил қилинган П. маркази S ёки конус П. дейилади (расмга қ).



Проекция. Юқорида марказий ва пастда параллел проекциялар.

П. маркази фазонинг чексиз узоқликдаги нуқтаси S_∞ да бўлса, барча проекциялочи тўғри чизиқлар параллел бўлади ва П. параллел ёки цилиндрик П. дейилади. Чизмачиликда параллел проекциялашнинг хусусий тури қўлланилади. Бунда проекциялаш текислиги проекциялаш йўналишига перпендикуляр жойлашади. Бундай П. тўғри бурчакли ёки ортогонал П. дейилади. Марказий ва параллел П.лар чизма геометрияда кенг қўлланилади.

ПРОЖЕКТОР (лот. proecius — олдинга иргитилган) — оптик тизимлар ёрдамида лампанинг ёруғлик оқимини маълум фазовий бурчак остида тўплаб йўналтирувчи ёритиш асбоби. П.нинг оптик тизими сифатида кўзгу ва линзалар, ёруғлик манбаи сифатида ёйли лампа ва махсус чўғланма лампалар ишлатилади. Узоқни ва яқинни ёритадиган, сигнал берадиган ҳамда ёруғликни ёйиб сочадиган хиллари бор. Узоқни ёритадиган П.да параболик қайтаргичдан, яқинни ёритадиган П.да шиша ёки металл қайтаргичлардан, сигнал П.да ҳам параболик қайтаргичлардан фойдаланилади. П. қўрбой иш ва денгиз флотида, ҳарбий П.да, автомобиллар ва локомобилларда, т.й. ст-яси, аэродромлар, қурилиш майдонлари, театр саҳнаси ва ўйин ёритишда, сигнализация ва б. мақсадларда ишлатилади. Электрон техника воситалари (мас., *кинескоп*) да электрон П.дан фойдаланилади. Булар электрон нурларини ҳосил қилади.

Прожектор. Ёруғликни ёйиб сочадиган прожектор.

ПРОЗА (лот. prosa — оддий, жўн) — бадиий ижоднинг асосий турларидан бири (қ. *Наср*).

ПРОКАРИОТЛАР (лот. pro — олдинги, илгариги ва karion — ядро) — ядроси ўралмаган мембрана б-н чегараланган ҳужайрасида мембрана б-н чегараланган ядроси бўлмаган организмлар. П.га бактериялар, цианобактериялар, архебактериялар киради. ДНК, оқсил ва РНК гермаларидан иборат ядро аппарати цитоплазмада очиқ жойлашган. Генетик системаси (генофор) ҳужайра мембранасига ёпишган бўлиб, примитив хромосомага мос келади. Кўпайишда генофорнинг ҳар қайсиси ҳужайра мембранаси б-н бирга ҳужайраларга ўтади. Митоз бўлмайди. Ҳужайралар денгиз флотида, энзоплазматик тўр, хлоропластлар, эндоплазматик тўр, митохондриялар, Голжи аппарати, центриолдар учрамайди. Ҳужайра девори асоси гликопептид муреидан иборат. Рибосомалари анча кичик, эукариотлар рибосомаларидан оқсил сони ва седиментация коэффициенти б-н фарқ қилади. П. бир қатор ўзига хос специфик физиологик жараёнлар, мас., ҳаводан молекуляр азотни ўзлаштириш хусусиятига эга. Айрим қарашларга биноан, П. эукариот ҳужайралари б-н бирга энг қад. ҳайвонларга киритилади.

ПРОКАТ (рус. прокатать — жўваламоқ) — металлургияда — металл ва металл қотишмаларини қиздириб ёки совуқлайин прокатлаб (махсус валлар орасидан ўтказиб) тайёрланадиган буюмлар. Мас., лист, лента, полоса, рельс, балка, труба, сим, швеллер, двутавр ва б. П. тайёрлашда заготовка (хом ашё) бўйламасига, кўндаланги-га, винтсимон-кўндалангига прокатлаш мумкин (расмга қ.). П.нинг махсус хиллари — эгилган, букилган буюмлар, кўндаланг кесими ўзгарувчан (ҳар ерида ҳар хил бўлган) маҳсулотлар ва б. халқ хўжалигининг деярли барча тармоқларида ишлатилади (қ. *Прокат ишлаб чиқариш*).

Прокат. Прокатлаш усуллари: *а* — бўйламасига; *б* — кўндалангига; *в* — винтсимон-кўндалангига; *1* — прокатлаш валлари (жўвалари); *2* — заготовка (хом ашё).

ПРОКАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ — *пўлат* ва б. металлардан прокатлаш йўли б-н турли буюм ва яримфабрикатлар олиш (қ. *Прокат*), шунингдек, сифатини ошириш мақсадида уларга қўшимча (мас., термик) ишлов бериш. П. и. ч.нинг асосий маҳсулотларига ярим хом ашё ёки заготовка, лист прокат, трубалар, машина металларининг заготовкаларини (гилдираклар, ҳалқалар, ўқлар, шарлар ва б.) киради. Прокатлаш материални *прокат стани* валлари орасидан ўтказишга асосланган. Прокатлашнинг бўйлама, кўндаланг ва кўндаланг-винтли усуллари бор. Бўйлама усулда буюм қарама-қарши йўналишда айланадиган валлар орасидан ўтказилиб, пластик деформацияланиши натижасида кўндаланг кесими кичраяди, узунлиги эса ортади. Прокатланадиган буюмларнинг 90 фоизи шу усулда олинади. Кўндаланг усул б-н кўндаланг кесими узунлиги бўйича даврий ўзгарадиган заготовкалар, кўндаланг-винтли усул б-н трубалар (қувурлар) прокатланади.

Лист металлар икки босқичда прокатланади. Биринчи босқичда слябб (қ. *Блюминг-слябинг*) валлар орасидан бир-икки марта ўтказилиб, 90° бурилади ва кўндаланг йўналишда прокатланиб, эни зарур ўлчамга келтирилади. Иккинчи босқичда заготовка яна 90° бурилиб, бўйламасига прокатланади. Қалин ва юпқа листлар тўла механизациялаштирилган узлуксиз станларда прокатланади. Пўлат листлар тахта ва рулон тарзида ишлаб чиқарилади.

Пайванд чокли ва чоксиз трубалар ҳам прокатлаш йўли б-н тайёрланади. Пайванд чокли трубаларни прокатлаб тайёрлашда печь пайванд, электр пайванд ва газ пайванддан фойдаланилади (қ. *Пайвандлаш*). Чоксиз трубалар қуйма ёки думалоқ кесимли заготовкалардан прокатланади. Бунинг учун аввал кўндаланг-винтли прокат станида қиздирилган қуйма ёки заготовкада тешик очилади, натижада қалин деворли калта гильза ҳосил бўлади ва ундан труба прокатланади. Бунда валларнинг айланиши натижасида заготовка айланма-илгарилама ҳаракатланади, заготовка йўлига диаметри тахм. трубанинг ички диаметрига мос келадиган оправка ўрнатилади. Труба керакли қалинликка қисқартирилгач, калибрланади ва совитилиб, керакли узунликда қирқилади. Кесими даврий ўзгарадиган буюмлар ҳам прокатлаш усулида ишлаб чиқарилади.

Бунга даврий прокатлаш дейилади. Бундай прокатлашда заготовка бир томонга айланувчи икки вал орасидан ўтади. Саноатда прокатлаш усули б-н тишли ғилдираклар, шар, вал. прокат буюмлар (рельс, швеллер, двутавр ва б.) олинади.

Рангли металлар — алюминий, мис, магний, рух ва уларнинг қотишмаларини прокатлаб, ҳар хил кўндаланг кесимли лист, лента, сим ва зар қоғозлар тайёрланади. Алюминий қотишмаларидан лист прокатлаш технологик жараёнига қуйидаги асосий операциялар киради: узлуксиз қуйиб олинган қуймани хомаки прокатлаш, тўғрилаш, фрезалаш, қуйманинг иккала томонига алюминий листлар қоплаш, қиздириш, қиздириб прокатлаш (4—12 мм қалинликкача), рулон қилиб ўраш ва совуқлайин прокатлаш. Совуқлайин прокатланган сўнг рулонлар ёйилиб, листларга кесилади ва термик ишлов берилади. Узлуксиз қуйиб прокатлаш усулида суюқ алюминий тақсимлагич новдан ўтиб, валиклар орасидаги бўшлиққа тушади, унда алюминий валларга тегиб кристалланади ва ҳосил бўлган полоса стан валиклари орасидан узлуксиз чиқади. П. и. ч. металлургия ва машинасозлик з-дларида ташкил қилинади (қ. *Металлургия*).

ПРОКАТ СТАНИ — металл қуймаларга босим б-н ишлов бериш (прокатлаш) учун мўлжалланган агрегат (машиналар ва қурилмалар тизими). Асосий иш қисми айланиб турувчи валлар. Металл шу валлар орасидан ўтганда прокатланади (шакли ўзгаради). П.с.да ишланадиган материални омбордан қиздириш печлари ва стан валикларига келтириш, бир жараёндан иккинчисига ўтказиш, прокатланган материални стандан олиш, маълум узунликдаги қисмларга бўлиш, маркалаш, ўраш, тайёр маҳсулотни омборга узатиш ва б. ёрдамчи ишлар ҳам бажарилади.

П.с. қачон ва қаерда пайдо бўлгани номаълум. Қалайни прокатлаш учун мўлжалланган П. с.нинг расми ва тафсилотини *Леонардо да Винчи* қолдирган (1495). Темирни саноатда прокатлаш тахм. 18-а.дан бошланган. Англия, Германия, АҚШ, Чехословакия ва Россияда турли П.с. бирин-кетин пайдо бўлган. Листларни узлуксиз иссиқлайин прокатлаш 1892 й.да Теплица (Чехословакия) да қўлланила бошланди. Биринчи узлуксиз кенг полосали стан 1923 й.да АҚШда қурилди, 1930 й.да АҚШда трубаларни совуқлайин прокатлаш ўзлаштирилди. 1940—60 й.ларда СССРда янги технологик жараёнлар учун қўлланиладиган турли П.с.лар ишлаб чиқарилди. 1960-й.лардан бошлаб СССР, АҚШ, ГФР ва Италияда қуйиш-прокатлаш агрегати яратила бошланди, бунда узлуксиз қуйиш ва прокатлаш кетма-кет олиб борилади.

Маҳсулот турига ёки бажариладиган технологик жараёнга қараб П. с. тузилиши ҳар хил бўлади. Иш клетлари (П.с.нинг асосий агрегати) лари валлар сонига, бу клетларнинг жойланишига ва прокатланадиган маҳсулот турига қараб П.с. турли хилларга бўлинади. Айланувчи валлар орасидаги металлни деформациялювчи ускуна асосий ускуна, ёрдамчи ишларни бажарадиган ускуна (қайчилар, арралар, тўғрилаш машиналари, роликанг ва б.) ёрдамчи ускуна дейилади. Асосий ускуналар бир ёки бир неча асосий линиялардан иборат бўлади; уларнинг ҳар бирида уч хил қурилма жойланади: иш клетлари (бир ёки бир неча) — прокатлаш валлари, станиналар, ўрнатиш механизмлари, ўтказиб юборгичлар, электр двигателлар ва ҳаракат узатиш қурилмалари.

Валларнинг иш клетларидаги вазиятига қараб, горизонтал (икки валлилуо, уч валли-трио, тўрт валли-кварто ва кўп валли) ҳамда универсал (валлари ҳам горизонтал, ҳам вертикал жойлаштирилган) П.с.ларга бўлинади. Иш клетлари сонига қараб, П.с. бир клетли, икки клетли ва кўп клетлига бўлинади. Булар бир ёки бир неча линиялардан иборат бўлади.

Прокатланадиган маҳсулот турига қараб, қисиш ва заготовка станлари (*блуминг, слябинг*, сортли заготовка, труба тайёрлагичлар); сортли материал станлари (рельс-балка, йирик, ўрта ва майда сортли полоса, сим тайёрлайдиган машиналар); лист станлари (0,25—50 мм гача қалинликдаги листлар тайёрлайди); труба станлари (диаметри 650 мм ва ундан катта чоксиз трубалар тайёрлайди); совуқлайин прокатлаш станлари (лист, лента, зар қоғоз ва б. тайёрлайди); махсус станлар (ғилдирак, ҳалқа ва бандаж, шар, ўзгарувчан кесимли профиллар, тишли ғилдираклар тайёрлайди) бўлади.

Йирик П.с.ни автоматлаштириш ҳом ашё материални омбордан олишдан то прокатни тайёр маҳсулотлар омборига келтиришгача, ундан вагонларга юклашгача бўлган технологик жараёнларни бошқариш каби бир қанча локал тизимлар мажмуидан иборат бўлади. Ҳар қайси локал тизимнинг ўзи технологик жараёнлар ҳақида ахборотларни йиғадиган ва узатадиган кўп ва турли хил асбоблар — датчиклардан иборат. Булар металл т-раси, металлнинг валга босими, ишланаётган материал параметрлари ва б. ҳақида ахборот узатиб туради. Ана шу ахборотлар локал тизимларининг ҳисоблаш машинасига келади. У қайта ишланиб, ушбу локал тизимга тегишли бўлган П.с. машина ва механизмларини бошқариш учун буйруқ берилади.

Тайер маҳсулот сифатини текшириш ва унинг сиртига муҳофаза қатлами қоплаш жараёнларини автоматлаштириш катта самара беради. Ўзбекистонда Бекобод металлургия комбинатида ярим П.с. ишлаб турибди (яна қ. *Прокат ишлаб чиқариш*).

Ас. Мирбобоев В. А., Васильев І. П. Металлар технологияси, Т., 1971; Специальные прокатные станы, под ред. А.И. Целикова, М., 1971; Целикова А. И., Зюзин В. И., Современное развитие прокатных станов, М., 1972.

ПРОКЛ (тахм. 410, Константинополь —485, Афина) — юнон файласуфи; *триада* методи асосида *неоплатонизм*нинг бутун системасини ҳар тарафлама диалектик тарзда ишлаб чиққан. Ўрта аср фалсафаси ривожига катта таъсир кўрсатган. Асосий асари — «Илоҳиётнинг биринчи асослари». П. Платоннинг «Тимей», «Парменид» диалогларини шарҳлаган.

ПРОКОПЬЕВСК — РФ Кемерово вилоятидаги шаҳар (1931 й.дан). Т.й. станцияси. Аҳолиси 243,5 минг киши (1998). Кузбассенинг коксланувчи кўмир қазиб олиш маркази (16 кўмир шахтаси ва разрези бор). Йирик машинасозлик маркази («Электромашина», шахта автоматикаси, подшипник, механика, озиқ-овқат машинасозлиги). Трамвай-троллейбус таъмирлаш з-длари мавжуд. Енгил ва озиқ-овқат, кимё, қурилиш материаллари саноат корхоналари ишлаб турибди. Кўмир саноати и.т. институтлари, Сибирь металлургия ин-тининг кечки ф-ти, драма театри, ўлкашунослик музейи бор. Шаҳарга 1918 й.да асос солинган.

ПРОКОФЬЕВ Сергей Сергеевич [1891. 11(23).4, Донецк вилояти Сонцовка қишлоғи — 1953.5.3, Москва] — рус композитори, пианиночи, дирижёр, халқ артисти (1947). Италия (1934), Швеция (1947) мусиқа академиялари аъзоси. Петербург консерваториясини композиция (1909), фортепиано ва дирижёрлик (1914) бўйича тугатган. 1918—32 й.ларда АҚШ ва Европада яшаган, 1933 й.дан Москва консерваториясида ҳузуридаги Олий маҳорат мактабида дарс берган. П. ижоди 20-а. жаҳон мусиқа маданиятида бутун бир даврни ташкил қилади. У мусиқа санъатининг услубий, бадиий-ифодавий

тайиқса, гармония, куй тизимларини янгилаб, ўзига хос йўл очди ва кўпгина (жумладан, Ўзбекистон) композиторлар ижодига таъсир кўрсатди. Асарлари ҳаётбахшлиги, кучли рухда ва эркин руҳи, нафис лирикага бойлиги б-н ажралиб туради. Дерли барча мусиқа жанрларига мурожаат қилган П. мусиқий портрет устаси сифатида танилган. Ижодида мусиқали саҳна жанри асосий ўрин тутади. Унинг «3 апельсинга муҳаббат», «Оловли фаришта», «Уруш ва тинчлик» опералари, «Ромео ва Жульетта», «Золушка», «Тош гул ҳақида ҳикоя» балетлари, «Александр Невский» кантатаси, чолғу концертлари, 1-, 5—7- симфониялари, кўпгина камер-чолғу асарлари, кинофильмларга ёзган мусиқалари 20-а. мусиқасининг мумтоз намуналаридир. Давлат мукофоти лауреати (1943, 1946, 1947, 1951).

Навоий театрида П.нинг «Золушка», «Оловли фаришта», сўнгги йилларда «Ромео ва Жульетта» асарлари саҳналаштирилган.

ПРОКСИМА (лот. proximus — энг яқин) — *Кентавр* юлдуз туркумидаги энг ёруғ юлдуз. Аслида бу юлдуз уч каррали визуал юлдуз бўлиб, уни ташкил этувчиларнинг юлдуз катталиклари 0,04; 1,17 ва 10,67 га тенг. Улардан энг хирасини 1915 й.да инглиз астрономи Р. Иннес кашф этган. Бу Қуёшга энг яқин жойлашган юлдуз бўлиб чиқди ва унга П. деб ном берган. П.гача бўлган масофа 4,16 ёруғлик йилига тенг.

ПРОКТИТ (юн. proktos — йўғон ичак, itis — яллиганиш) — тўғри ичак шиллиқ қаватининг яллигланиши. Йўғон ичакнинг ҳар қандай яллигланиши (мас., колит), тўғри ичакдаги турли ўзгаришлар оқибатида келиб чиқади. П.га (ўткир ва сурункали) аксарият жароҳатлар (ёт жисмлар, механик таъсирда; простата безини массаж қилишда, тозаловчи ёки даволовчи ҳуқналарда), кимёвий ёки термик куйиш ёки шиллиқ қаватга аччиқ қалампир, спиртли ичимликлар, хом пиёз, сирка ва б. таъсир этиши сабаб бўлади. Клиник кечиши: тез-тез ҳожатга бориш, тенезм, қориннинг пастки қисмида оғриқ, тўғри ичакда ноҳушлик сезиш; бемор лам-бадам сийиши ҳам мумкин. Одатда, касаллик 7—10 кун давом этади. Касаллик давоси асосий сабабни бартараф этиш, парҳез буюришдан иборат.

Замонавий текшириш усуллари (ректоскопия, копрологик текшириш, тўғри ичакни бармоқ б-н текшириш) б-н инфекцион (специфик, мас., дизентерия) ёки носпецифик П.га аниқ ташхис қўйиш мумкин. Сурункали П., одатда, даволанмаган ёки нотўғри даволанган ўткир П. асоратидир.

ПРОКТОЛОГИЯ (юн. proktos — тўғри ичак ва *...логия*) — тиббиётнинг бир бўлими. Тўғри ичак, анал канали ва оралиқ соҳаси касалликларининг этиологияси, патогенези, морфологияси, физиологияси, диагностикаси ва даволаш усулларини ўрганади.

Тиббиётнинг сўнгги йилларда тез ривожланиши туфайли П. фақат тўғри ичак, анал канали ва оралиқ соҳаси касалликларини (*бавосир*, ўткир ва сурункали парапроктитлар, ичак оқмалари, анал сфинктери етишмаслиги ва б.) ўрганиш б-н чегараланиб қолмай, йўғон ичакнинг юқори қисми, яъни чамбар ичак касалликларини ҳам ўрганадиган бўлди. Чунки носпецифик ярали колит, Крон касаллиги, оилавий аденоматоз, йўғон ичак ўсмалари, қабзият ва б. касалликлар айни вақтда тўғри ичакни ҳам, чамбар ичакни ҳам зарарлайди. Америка, Европа давлатлари ва Россияда «проктология» фанининг «колопроктология» деб аталишининг боиси ҳам ана шунда. 10-касалликларнинг халқаро таснифига (МКБ-1) биноан, колопроктология фани 200 дан ортиқ касаллик ва синдромларни ўрганади.

Тўғри ва чамбар ичак касалликларини ўрганиш қадимдан маълум бўлиб, *Гиппократ*, Абу Али *Ибн Сино* ва б. ўз асарларида бу касалликларни батафсил ёритишган.

Ўзбекистонда П. фани 20-а.нинг 60-й.ларида ривожлана бориб, бунга З. Низомов, Э. Жўраев ва б. олимлар катта ҳисса қўшдилар. 20-а.нинг 80-й.ларидан эса колопроктология мустақил фан ва алоҳида мутахассислик сифатида ривожлана бошлади. Бунда Ў. *Орипов*, С. Навзанга бошлади. Бунда Ў. *Орипов*, С. Навзанга бошлади. Бунда Ў. *Орипов*, С. Навзанга

ҳокимиятга актларини ўз вақтида топшириш. Икки палата ҳаракатлари қўшма сессиялар ўтказилади. П. вақтинчалик кучга эга ва у асосий ҳужжатларга киритилгунга қадар ҳуқуқий таъминланади. Тарбияларнинг конституциялаш ишларини ўзаро келишган ҳолда амалга оширади. П. ҳам қонун чиқарувчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ ҳам Президент, ҳам Қонунчилик палатаси, ҳам Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, ҳам халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашлари томонидан амалга оширилади. Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасида 3 марта ўқилади. Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасида ва Сенатда оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Қонун Президент томонидан имзоланади ва эълон қилинади. Президент қонунни имзолашдан бош тортиши мумкин. Бу ҳолда қонун Қонунчилик палатасида ва Сенатда 2/3 кўпчилик овоз билан қабул қилинса, Президент уни имзолашга мажбур. Президент қонунни 10 кун ичида имзолаши ва эълон қилиши керак. Қонунларни Президент имзолаши ва эълон қилиши ҳуқуқий кучга эга бўлиши учун зарур. Қонунларни Президент имзолаши ва эълон қилиши ҳуқуқий кучга эга бўлиши учун зарур. Қонунларни Президент имзолаши ва эълон қилиши ҳуқуқий кучга эга бўлиши учун зарур.

ПРОЛЮВИЙ (лот. *proluo* — ювилган, оқиб б-н чиқарилган) — тог жинсларининг стихиялик таъсирига кўпгина ҳосил бўлган ғовак жинслар. П. тог массивларини текислик ва ҳам тақсимлаш келиб, денгиз ўзлаш турли турларни ҳолида чўкиб жойлашади. П. турли катталикдаги чақиқ жинс парчаларидан иборат бўлган, оралари цементловчи материал сифатида қум ва лой б-н тўлган ҳолда фанлимерат ёки жуда кичик зарраларидан иборат бўлган лесс чўкиндиларини ажратиб қилади. «П.» терминини А. П. Павлов (1914 й.) киритган. П. Ўрта Осиёнинг тог ён бағирларида ҳамда ариқ ёнларида, жумладан, машиналарни сув оқимлари бузилишга жойларда кўп учрайди. Улар б-н кўпинча сифатли конлар ҳам боғлиқ турлари. Ирригация қурилиш материаллари конлари боғлиқ бўлади.

ПРОМЕТЕЙ — ноёб металл. Кимёвий белгиси Pm, тартиб рақами 61, энг узоқ мавжуд бўлувчи изотопининг масса сони 145. Суюқланиш т-раси 1080°, зичлиги 7,26 г/см³. 16 та изотопи маълум. П. табиий шароитда топилмаган, ядро реакцияларида олинади. Илк бор 1947 йилда америкалик олимлар Ж. Маринский ва Л. Гленденин бошқа элементларнинг радиоактив изотоплари аралашмасидан бир неча мг ^{147}Pm изотопини ажратиб олганлар. П. афсонавий қаҳрамон *Прометей* номи б-н аталган. Кимёвий хоссаларига кўра *неодимга* яқин. Бирикмаларида 3 валентли. Оксидлари бор. Аммо бинобарин парчаланиш ҳисоб бўлмаган ^{147}Pm узоқ мавжуд бўлувчи ($T_{1/2}$=2,7 й.) радиоактив нафақат ҳам. Нитрид оксиди Pm_2O_3, сариқ рангли хлориди $PmCl_3$, қизғиш бинафша нитрати $Pm(NO_3)_3$, шунингдек, оксалати $Pm_2(C_2O_4)_3 \cdot 10H_2O$ сариқ ҳолда олинган. Эримайдиган гидроксиди $Pm(OH)_3$ оч-жигарранг желатинасимон ҳосил қилади. ^{147}Pm — қатта амалий аҳамиятга эга. Бу изотопининг β⁻-парчаланишида γ-нурланиш юқори даражада кириб чиқишга ҳам бермайди. Шу сабабли ^{147}Pm б-н ишлашда ҳимоя экрани қарор эмас. ^{147}Pm люминофорлар олишда, ядровий таъсир этувчи нур манбаларини қисқа қилишда қўлланади. Радиоизотоп қалинлик ўлчагичларда ишлатилади. ^{147}Pm асосида бир неча йил ишлайдиган митти атом батареялари яратиш мумкин.

ПРОМЕТРИН, селектив пропеллан, гербицидлар гр. 50 $(C_{10}H_{19}N_5S)$ таъсир этувчи модда. 50% ли ҳўлланувчи кукун. Бир йиллик пахтазимон ва икки паллали бегона ўтларни йўқотишда қўлланилади. Таъсири, айниқса, ғўзанинг пахталик ва юқори ҳароратда ўсайтган даврида яхши. Препарини ОИХ-14 трактор агрегати ёрдамида экишдан олдин ёки ғўза ўсиб чиққунга қадар, шунингдек, экиш б-н баробар лента усулида 25—30 см қатламга тупроқ аралашган ҳолда берилади. Сарф меъёри 1,5 - 2,5 кг/га, ишчи суюқлиги 100—150 л/га. Заҳари кучсиз.

ПРОМИЛЛЕ (лот. pro mille — бирдан-бир сонининг минглан бир улуши ёки фоизнинг ўндан бир қисми, ‰ белгиланади. Сувнинг шўрлилигини аниқлашда сувнинг 1000 оғирлик улушида неча улуш туз тўғри келишини билдиради. Шўрлилиги 1‰ гача бўлган сув ичишга яроқли ҳисобланади. Дунё океани сувининг ўртача шўрлиги 35‰, Айрим жойларда 42‰ гача, қутбий ўлкаларда 33—34‰ бўлади.

ПРОМОТОРЛАР (лот. promoveo — олдинга силжитаман), активаторлар — катализаторларнинг фаоллигини оширадиган моддалар (қ. *Катализ*).

ПРОПАН, $CH_3CH_2CH_3$ — тўйинган углеводород. рангсиз, ҳидсиз ёнувчи газ; суюқланиш т-раси — 187,7°, П. эритувчи сифатида, қурум олишда, металл қирқишда, автомобилларни учун суюқлик ёнилғи. бутан б-н аралашмаси газголдер сифатида ишлатилади. Синоатда П.ни каталитик дегидрогенлаб пропилен, нитролаб эса нитрометан олинади.

ПРОПИЛЕЙ, пропилон (юн. propyleion — пешқадам, пештоқ) — шаҳарга, ибодатхона, сарой, қалъа ва ҳ. иншоотларга киришдаги монументал архитектура ансамбли. Пропилейлар ибодатхоналарда муқаддас дарахтлар ва ҳайвонлар тасвирланган бўлиши мумкин. Афина акрополидаги (милод. ав. 437—432, меъмори Мнесикл), Милетдаги (156 йил, меъмори Г. Кончет), Санкт-Петербургдаги Смольний (1923—24, меъморлари В. А. Щуко, В. Г. Гельфрейх) П.лари машҳур.

ПРОТИТЕЛ, протител — $(H_2O \cdot CH_3COO)_2Ti$ — қўнғир кристалл. рангсиз сувдаги эритмаси *pH* 4,2 (0,1 н. эритма). Суюқланиш т-раси 185,25°, қайнаш т-раси — 47,7°. Ацетилацетон т-раси 455. Нефтни қайта ишлаш саноатида, синтетик каучук ишлаб чиқаришда қўлланилади. Реакцияга киришиш қобилияти юқори. Полиэфирлар, полиамидлар, целлюлоза ацетат ва бошқа полимерлар синтезида *титрлаш* ва *полимерланиш* учун ишлатилади. Пластификаторлар ва бўёқлар олишда ҳам қўлланилади. Ёнғинга хавфли, ҳаво таъсирида тутайди. Ёнғинга қарши қўпик ҳосил қилувчи моддалар (қ. *Ёнғинга қарши*).

ПРОПОРЦИОНАЛЛИК, мутаносиблик — математикада — миқдорлар орасидаги шундай боғланишки, бунда уларнинг бирортасини иккинчисига кўпайтирганда ёки бўлганда ҳосил бўлган сон ўзгармас бўлади. Агар x ва y миқдорлар П. боғланишда бўлса, $y = kx$ ёки $\frac{y}{x} = k$ тенглик ўринли бўлади. Бу ерда k — П. коэффициенти; 2) кенг маънода — қисмларнинг катта-кичиклиги, энг бўлиш, бирини бир-бирига нисбатан бўлишлик. Мас., одамнинг қиёфа-қомати келишган (мутаносиб) бўлиши.

ПРОПОРЦИЯ (лот. proportio — муносибат), мутаносиб — 1) математикада — a, b, c, d тўрт катталикнинг икки нисбати орасидаги тенглик: $a:b=c:d$. Бунда a, b, c, d — П. ҳадлари; a ва d — четки, b ва c — ўрта ҳадлар дейилади. П.нинг асосий хоссаси: ўрта ҳадлари кўпайтмаси четки ҳадлар кўпайтмасига тенг: $bc=ad$. Бу асосий хоссаси орқали П.нинг тўғрилиги текширилади ёки унинг бирор ҳадини бошқа ҳадлар орқали ифодалаш мумкин; қаторли ва бутун сонли нисбатли П.лар гармоник, арифметик нисбатларга келадиган мутаносибликларнинг системалари кенг тарқалган (мас., *оддий касрлар*); 2) санъат ва меъморликда — бадиий асар ёки бино (иншоот) элементларининг бир-бирига нисбатан ўлчамлари, 3) кенг маънода — қисмларнинг ўлчамларининг ўзаро нисбати, умуман, нарсалар ўртасидаги миқдорий муносабат.

ПРОРЕКТОР (лот. pro — ўрнига ва *ректор*) — олий ўқув юрти ёки халқа университети ректори ўринбосари. Олий ўқув юртлари ишини ташкил этувчиларнинг сонидан келиб чиқиб, ҳар ўқув юртида П.лар сони 1 тадан 4 тагача бўлиши мумкин. Ўзбекистондаги олий ўқув юртлари ва халқа университетларида ўқув ишлари бўйича, илмий ишлар ва маъмурий-хўжалик ишлари бўйича, сиртқи таълим бўйича ва б. соҳалар бўйича П. лавозимлари белгиланган. Ўзбекистондаги олий ўқув юртлари ва халқа университетларида ўқув ишлари бўйича П. лавозимлари ҳам мавжуд.

ПРОТАСОВ Петр Васильевич (1902.26.10, Қозон губерниясн Тетюши ш. — 1985.1.2, Тошкент) — агрокимёгар олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1963), қ. х. фанлари д-ри (1964), проф. (1965). Тимирязев номидаги Москва қ. х. академиясини тугатган (1932). Жан. Қозогистондаги Отабоев тажриба ст-ясида илмий ходим (1932—33), СоюзНИХИ Ўғитлар ва агротупроқшунослик марказий ст-ясида лаб. мудири (1933—36), 1949—60 й.ларда директор ўринбосари. Союз НИХИда лаб. мудири (1936—39, 1960—70). 1970 й.дан Тошкент қишлоқ хўжалиги ин-тининг агрокимё кафедраси мудири.

Илмий ишлари, асосан, қ.хда ўғитларни қўллаш, карбонатли тупроқларда калий миқдорини аниқлаш усуллари, озиқ моддалари баланси, алмашлаб экишда ўғитлар системаси масалаларига бағишланган.

Ас.: Применение калийных удобрений под хлопчатник в Средней Азии. Т., 1953; Азот в хлопководстве Средней Азии. Т., 1961; Применение удобрений в хлопководстве. Т., 1980 (ҳамкорликда).

ПРОТЕЗ (юн. prothesis — қўшиш, улаш) — қўл-оёқларнинг йўқ қисмлари ёки гавда ва аъзоларнинг бошқа майиб қисмлари ўрнида вақтинча ёки доимий ишлатиладиган механик мослама. Косметик нуқсонни яшириш (мас., кўз П.зи) ёки ўзгарган функцияни тиклаш (мас., панжа П.и, тиш П.и) учун хизмат қилади.

Косметик, ишчи ҳамда даво П.лари фарқ қилинади. Актив, ҳаракатланувчан ва ушлаш функциясини бажарадиган ишчи П.лар корхоналарда ишлаш имконини беради. Одатда, бу хил

Протезлар. 1 — эркаклар корсети; 2 — бўйин протези; 3 — аёллар корсети; 4 — қўл протези; 5 — оёқ протези.

Ишчи протез

П.нинг ичига ишлаш мосламалари жойлаштирилади. Косметик (анатомик) П. йўқотилган аъзо (мас., қўл-оёқ, кўз, тиш, қулоқ чиғаноғи, кўкрак бези ва б.) шакли ва қисман функциясини тиклаш учун ишлатилади. Даво протези бирор аъзо функциясини тиклаш мақсадида вақтинча қўлланади (мас., ортопедик пойабзал, сколиозда танага кийдириладиган корсет, бандаж, ортопедик аппаратлар ва ҳ.к.). Қўл ва оёқ П.лари бир неча хил бўлади. Оёқ панжаси кесилганда панжа, тўпиқдан тизгача кесилганда болдир, болдирдан чаноқ бўғимигача кесилганда сон ва умуман оёқ бўлмаганида чаноқ-сон П.идан фойдаланилади. Қўл П.нинг эса панжа, билак, елка ва б. хиллари бўлиб, бу кўпроқ ампутация қилинган соҳа чўлтоғига мосланади. П. полиэтилен, хлорвинил, термопласт ва б. материаллардан енгил, қулай ва чидамли, гигиеник талабларга жавоб берадиган қилиб тайёрланади. Ўзбекистонда П.лар очиқ турдаги «Ортопедия» акциядорлик жамияти з-дида тайёрланиб, ногиронларга бепул берилади ва вақт-вақти б-н алмаштириб турилади.

ПРОТЕЗА (юн. prothesis — олдиндан жойлаш) — талаффузни қулайлаштириш учун сўзнинг энг бошида товуш (одатда, унли) орттирилиши. Ўзбек тилида ўқуз—ҳўкиз, оғоч—йоғоч сингари тарихий тараққиёт жараёнидаги айрим ҳолатларни ҳисобга олмаганда (бу ерда ундош орттирилган), П. ҳодисаси, асосан, араб ва форс тилларидан ўзлашган ёки рус тили орқали европа тилларидан кирган сўзлар талаффузида учрайди. Бундай сўзларнинг бошида, у, ў ёки и унлиси орттириб талаффуз қилинсада, бу ҳолат ёзувда акс этмайди: рўмол — ўрамол, рўза — ўраза, райҳон — ирайҳон, стол — истол, стул — устул, истул, штраф — иштраф, станция — истанса каби.

ПРОТЕЗЛАШ — тиббий-техник фан; гавданинг майиб-мажруҳ бўлган аъзолари ёки қисмлари шакли ва функцияларини тиклашга қаратилган тиббий-техник тадбирлар системаси. П. тиббиёт б-н техника ўртасидаги фан бўлиб, *ортопедия, травматология* ва тиклаш жарроҳлиги б-н боғлиқ. П.га оид маълумотлар жуда қадимдан маълум. П.да, асосан, протез ва протез-ортопедик буюмлар, аппаратлар, пойабзаллар ва б. махсус мосламалардан фойдаланилади. Эшитиш аппаратлари ҳам П.нинг бир тури ҳисобланади. Шунингдек, П.да бемор ва майиб кишиларнинг ҳаракатланишни учун махсус воситалар: ҳасса, қўлтиқ таёқ, арақача ва ҳ.к. қўлланади. Ўзбекистонда П. — қўл-оёқлари ва б. аъзоларининг анатомик нуқсони бўлганларни модний таъминлаш турларидан бири; майибларга махсус мосламалар, одатда, бепул ижтимоий сугурта ва ижтимоий таъминот ҳисобидан берилади. П. ортопелия ва травматология и.т. институтлари ҳамда протез з-дларида амалга оширилади.

ПРОТЕИДЛАР (юн. protos — биринчи, оддий оқсил — *протеин* ва оқсил бўлмаган компонентлардан иборат мураккаб оқсиллар. Кўпинча простетик гуруҳ деб аталади. Оқсил бўлмаган компонентларнинг табиатига кўра, П. қуйидаги гуруҳга: *гликопротеидлар, липопротеидлар, нуклеопротеидлар, металлопротеидлар, фосфопротеидлар, хромопротеидлар*га бўлинади. Организмнинг ҳаёт фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Кўпинча ферментлар, оқсиллар, тўқималар, ҳужайралар, қон зардоби, сут, тухум, вирусларнинг анчагина қисми, кўпгина гормонлар ва б. П.га мансуб (яна қ. *Оқсиллар*).

ПРОТЕИНЛАР, оддий оқсиллар — молекулалари аминокислоталар қолдиғидан тузилган (бир-бири б-н, асосан, амин ва карбоксил гуруҳлари орқали бириккан) моддалар. Сувда ва тузли эритмаларда эрувчанлигига кўра, П.га тегишли оқсиллар 7 хилга ажратилади: альбулинлар, *глобулинлар*, глутаминлар, гистонлар, проламинлар, протаминлар, склеропротеинлар. Пепсин, трипсин, химотрипсин, папаин каби протеолитик ферментлар ҳам П.га тааллуқли. П. термини, кўпинча, *оқсиллар* синоними сифатида қўлланади.

ПРОТЕИНОТЕРАПИЯ (юн. protos — биринчи ва *терапия*) — иммунотерапия тури. Даво мақсадида тери остига, мускул орасига ёки венага оқсилли моддалар (мас., сут, зардоб ва б.) юборишни. П. кўпинча сурункали инфекцион ва инфекцион аллергик касалликларда, *яра касаллигида*, трофик яра ва ҳ.кда қўлланади. П.да қон (қ. *Гемотерапия*), казеин эритмаси ва б. оқсилли моддалар юборилади. П.да бемор қонидаги лейкоцитлар кўпайиб, қоннинг ферментатив фаоллиги ортади, организмнинг умумий қувати кучаяди.

ПРОТЕЙЛАР (Proteidae) — думли амфибиялар оиласи. Уз. 16—40 см. Гавдаси чўзиқ, думи узун, ингаксимон, сузгич бўрмалари бор. Оёқлари кучсиз ривожланган, олдинги оёқларида 3 тадан, кейингисида 2 тадан бармоғи бор. Ташқи жабралари 3 жуфт. П. учун неотения хос, метаморфоз хусусиятини йўқотган. 2 уруғи, 2 тури (бошқа маълумотларда 5 тури) Ғарбий Европа, Шим. Америкада тарқалган. Европа П. гор сувларида учрайди; кўзи редукцияга учраган, териси пигментсизлашган, оч қизғиш; тирик туғади. Америка П.нинг 4 кенжа тури маълум. Ички уругланади. Бир неча тухум қўяди.

ПРОТЕКЦИОНИЗМ (лот. protectio — паналаш, ҳомийлик) — давлатнинг ички бозорни чет эл рақобатидан ҳимон қилиш ва товар ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозорга чиқишини рағбатлантиришга қаратилган иқтисодий сиёсати. Европада капиталнинг дастлабки жамғарилиши даври (16—18-а.лар)да пайдо бўлди ва юзага келаётган саноатни ривожлантиришга ёрдам кўрсатди. Ўша даврда П. импорт саноат маҳсулотлари учун юқори бож ва ўз саноат маҳсулотлари учун экспорт мукофотлари белгилашда яққол кўринади. Айни пайтда танқис хом ашё импорти учун божлар бекор қилинган ҳолда, шундай муҳим хом ашё ва маҳсулотлар учун экспорт божлари жорий қилинган. Дастлабки босқичда П. мамлакатларни индустриялаштиришга хизмат қилган ва ижобий роль ўйнаган. 1-ва 2- жаҳон уруши йилларида ва, айниқса, 1929—33 й.лардаги жаҳон иқтисодий танглиги даврида П. сиёсати кучайди. Урушдан кейинги йилларда иқтисодиётнинг байналминаллашуви шароитларида ривожланган мамлакатларда ўта П. дан воз кечиш ва ташқи савдони эркинлаштиришга ўтиш юз берди, лекин жаҳон иқтисодиётида П. ҳамон давлат томонидан тартибга солишнинг таъсирчан қуроли бўлиб қолмоқда. Жаҳонда иқтисодий интеграциянинг боришди жамоавий П.ни пайдо этди (*Европа Иттифоқи, ОПЕК* ва б.).

Ривожланган мамлакатларда ўз фермерларини қўллаб-қувватлаш ва ички озиқ-овқат бозорини ҳимоя қилишга қаратилган аграр П. кенг қўлланилади. *Жаҳон савдо ташкилоти* П. талабларини бир қадар чеклашга қаратилган сиёсат олиб боради. Бу ташкилотга аъзо мамлакатлар божхона божи миқдорини импорт қилинадиган товарлар қийматининг 10% дан оширмаслик тартибига риоя қилишлари керак. Жаҳон хўжалигида глобаллашув жараёнлари миллий бозорларнинг жаҳон бозорига интеграциялашувига олиб келмоқда. Миллий бозорларнинг эркинлаштирилиши миллий иқтисодиётнинг юксалишини таъминлайди ва П. сиёсатининг аҳамиятини пасайтиради. Ўзбекистонда ҳам ташқи савдони давлат томонидан тартибга солишда П. сиёсати қўлланилади. Бу сиёсат асосида импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, экспорт тўловларини камайтириш, ички бозорни сифатли товар б-н таъминлаш, ташқи савдони мамлакат иқтисодиёти манфаатларига тўла бўйсундириш стратегияси туради.

Қодиржон Юсупов.

ПРОТЕРОЗОЙ (юн. proteros — анча эрта ва *zoe* — ҳаёт) — *докембрай*нинг юқори (архейдан сўнгги) стратиграфик гуруҳи (қ. *Геохронология*). Тахм. 640—560 млн. йил аввал 80 млн. йил ичида ҳосил бўлган ётқизиқларни қамраб олган. «П.» терминини америкалик геолог Э. Эммонс (1888 й.) архей ва кембрий оралигидаги ётқизиқларни белгилаш учун таклиф қилган. П.нинг умумий қабул қилинган стратиграфик бўлиниш схемаси йўқ. Кейинги йилларда П.ни стратиграфик бўлимларга ажратишда тарихий геологик жинсларнинг абсолют ёшини аниқлаш ва палеонтологик методлар қўлланилмоқда. Айрим мутахассислар П.ни 2, бошқалар 3 ёки 4 бўлимга ажратадилар. Россияда П. 3 бўлимдан иборат, деб қабул қилинган. Улар строматолит ва микрофитолитлар гуруҳларининг тарқалиши б-н фарқланади. П. ётқизиқлари айрим р-нлар учун алоҳида схемалар (свита, серия)га бўлинади. П. ётқизиқлари турли тартибли ва ҳар хил даражада метаморфизмга учраган жинслардан таркиб топган. Гранитлашган, магматитлашган жинслар ҳам учрайди. П. ётқизиқларининг юқори қисмида органик қолдиқлар — яшил сувўтлар ва бактерияларнинг маҳсулоти: строматолит ва микрофитолит (онколид, катаграфия ва б.) учрайди. Аниқ номланган ва тўла ўрганилган ҳайвонот қолдиқлари П. ётқизиқларининг юқори бўлими б-н кембрий даври чегараларидагина учрайди. Улар сийрак тарқалган чувалчанг ва медузасимонлардан иборат. Фойдали қазилмалардан П. ётқизиқларида, асосан, темир, марганец, никель, кобальт, мис, хром, полиметалл, уран, олтин рудалари ҳамда олмос учрайди. Ўзбекистонда П. ётқизиқлари Ҳисор, Томди, Султон Увайс ва б. тоғларда тарқалган. Бу жинсларда кўпгина қазилма бойликлар учрайди.

ПРОТЕСТ (лот. protestor — ошкора исботлайман) — прокурорнинг норозилик ҳужжати. Ўзбекистон Республикасида П. қонунга зид бўлган ҳужжатни қабул қилган органга ёки мансабдор шахсга, шунингдек, юқори органга ёхуд юқори мансабдор шахсга, суднинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори устидан процессуал қонунда белгиланган тартибда берилади. П. берилган вақтдан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқилиши шарт. Қонунбузарликни дарҳол бартараф этиш талаб қилинган алоҳида ҳолларда прокурор П.ни кўриб чиқишнинг қисқартирилган муддатини белгилашга ҳақли. П.ни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида 3 кун ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилинади. П. коллегиал орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис куни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақлидир. П. шу ҳужжатни қабул қилган ёки юқори турувчи орган (мансабдор шахс) томонидан рад этилганда, шунингдек, П. қонунда белгиланган муддат ичида кўриб чиқилмаган тақдирда, прокурор ана шу ҳужжатни ғайриқонуний деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза б-н 1 ой ичида судга мурожаат этишга ҳақли. Ариза судда кўриб чиқилгунга қадар берилган ҳужжатнинг амал қилиши тўхтатиб турилади. Суднинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарорига нисбатан келтирилган апелляция, кассация, хусусий ва назорат тартибидаги П. ишни судда кўриш бошлангунга қадар П. берган прокурор томонидан, шунингдек, юқори турувчи прокурор томонидан ўзгартирилиши, тўлдирилиши ёки чақириб олиниши мумкин.

Ғафур Абдумажидов.

ПРОТЕСТАНТИЗМ (лот. protestans — норози бўлиш, келишмаслик) — христианликдаги 3 асосий оқимдан бири (*католицизм* ва *православие* б-н биргаликда). Реформация даври (16-а.)да католицизмдан ажралиб чиққан. П. асосчилари — *М. Лютер, Ж. Кальвин, У.* Цвингли. П. черков, секталарни, кальвинчилик, лютеранлик, англикан черковлари, методистлар, баптистлар, адвентистларни, шунингдек, кўпгина мустақил оқимларни бирлаштиради. П. руҳонийларнинг инсон б-н худо ўртасидаги воситачилик ролини инкор этади. П. да руҳонийлар б-н оддий диндорлар фарқланмайди.

Мураккаб черков иерархияси йўқ, пастбағдат соддалаштирилган. монахлар бўлмайди. рухонийларнинг сони кўпайиши ҳам ортмайди. П., асосан, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Скандинавия мамлакатларида. Нидерландия, Швейцария, Австрия, Канада, Болтиқбўйи мамлакатлари (Эстония, Латвияда тарқалган. Протестантларнинг умумий сони 750 млн. га яқин.

ПРОТИВОГАЗ (рус. противогаз — қарши ва *газ*) — нафас органлари, юз ва кўзни захарли газлардан, моддалар ва бактериал аэрозоллар таъсиридан ҳимоя қилувчи асбоб. Фильтрловчи ва изоляцияловчи турлари бўлинади. Фильтрловчи П.ни 1915 й. Н. Д. Зелинский қайд этган. У ёғоч кўмирлайдиган қути ва, нақиб-ялпёқ ва уларни бириктирувчи найчалар иборат бўлган. Бундай П. комплектида ампулали қутича, сумка ва б. бўлади. Изоляцияловчи П.ли ташқаридаги ҳаводан фойдаланилмайди. унинг регенератив патронидаги кислород б-н нафас олинади.

ПРОГИЙ - *водород*нинг энг енгил (масса сони 1) ва энг кўп тарқалган турғун изотопи. П. атомининг ядроси 1 та протондан ташкил топган.

ПРОТИСТОЛОГИЯ (юн. protistos — энг биринчи ва ... *логия*) - биологиянинг бир ҳужайрали организмлар - протистларни ўрганадиган бўлими. «Протистлар» терминини 1866 й.да немис олими Э. Геккель киритган ва кўп ҳужайрали усимликлар ва ҳайвонлар б-н бир қаторга бактериялар. энг содда ҳайвонлар, бир ҳужайрали сувўтлар ва замбуруғларни ўз ичига олди. Протистлар дунёсини текшир. ишлари. Ҳозирги вақтда олимлар протистларни 2 асосий гуруҳга: эукариотлар ва прокариотларга ажратишади. Эукариотлар дунёсига фақат ҳужайра ичида ядроси ва ҳужайра органоидлари эга бўлган ҳайвонлар, сувўтлар ва замбуруғларни киритишади. Бошқа бир гуруҳ олимлар протистлар дунёсига ядроси йўқ ёки ядроча ва ҳужайра органоидлари бўлмаган прокариотларни ҳам киритишни таклиф этишади. «П.» терминини баъзан *протоплазма* синоними сифатида ҳам қўлланади.

ПРОТО... (юн. protos — биринчи, илк) — мураккаб қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, биринчилик, дастлабки ҳолат маъноларини англатади, *протозоология, протонефридийлар, протоплазма, протопласт*) каби терминларни асосий таркиб ва унвонларидаги ибора даражаси билдиради (*масс. протоиерей*).

ПРОТОБОЛГАРЛАР - туркий халқ, 4-асрда Жан.-Шарқий Европа даштларида яшаган. 7-а.нинг 2-ярмида П.нинг бир қисми Кама дарёси ва Ўрта Волгага тарқалган (*Волга Болгар давлати*). Бошқа қисми (*Оногундур Болгарияси*) Болқон ярим. га кириб борган, славян қабилалари б-н бирлашган ҳолда *Болгария давлати* ташкил этган. Кейинчалик славянлар б-н аралашиб кетиб, ҳоз. *болгарлар*нинг этногенезида қатнашганлар.

ПРОТОЗООЛОГИЯ (юн. protozoa — энг содда ҳайвонлар ва ... *логия*) — *зоология*нинг бир ҳужайрали ҳайвонларни ўрганадиган бўлими (қ. *Протистология*).

ПРОТОН (юн. protos — биринчи), *p* - мусбат электр зарядли $q=1,6021917\cdot10^{-19}$ Кл га эга барқарор элементар зарра. Тинч ҳолатдаги массаси $m_p=1,6726\cdot10^{-27}$ кг га, спини 1/2 га ва магнит моменти $\mu_p=2,792782\ \mu_{яд}$ га ($\mu_{яд}$ — ядро магнетони) тенг. П. кучли, электромагнит, кучсиз ва гравитацион ўзаро таъсир жараёнларида қатнашади ва у *барионлар* синфига киради. Ферми —Дирак статистикасига бўйсунади. У водороднинг энг енгил изотопи - *протий*нинг ядроси ҳисобланади.

П. барча кимёвий элементлар атомининг ядроси таркибига киради. Ядролари П.лар сони кимёвий элементнинг *тартиб рақами*, яъни *Д. И. Менделеев даврий системасида*ги ўрнини белгилади. Чунончи, водород атоми ядроси 1 та П.дан ташкил топган. П. — барқарор *космик нурлар*нинг асосий қисми. Зарядланган зарралар тезлаткичларида олинган П. дастлабки ядро физикасида асосий тажриба қуроли ҳисобланади. Радиоактивлик ҳодисасини тадқиқ этишда П.дан фойдаланилади.

Табиатда П.ларнинг ҳосил бўлиши элементлар ядроларининг ҳам маънода. Антинейтронларнинг ҳамда зарядларининг инверсияси П. ҳосил бўлишига тескари бўлади.

П. ҳақидаги тасаввур 1920 й.ларда барча ядролар водород ядроси П.лардан тузилган деган гипотеза тарзида пайдо бўлган (1919—20 йиллар). *Резерфорд* бошқа элементларнинг ядроларини тезлаштирилган водород ядроларини ўзлаштириш воситасида кузатган ва у 20-ий йиллар ўрталарида «П.» терминини киритган. Элементлар даврий рақамларининг атом массаларига қатъий боғлиқлигини биринчи бўлиб 1932 й.да ушбу нейтрон ҳал қилган.

ПРОТОНЕФРИДИЙЛАР (*протто...* ва *нефридийлар*) — пастки ва ўртача ривожланган кўпчилик ҳайвонларнинг ажратиш органлари. Протонефридийлар ҳар бирида ҳужайралараро бўшлиқдан бошланадиган ва ташқи муҳитга очиладиган найчалар ва улар атрофида жойлашган бир нечта ёки бир неча ўнлаб ҳужайралардан иборат. Моддалар алмашинуви маҳсулотлари фильтрланиб учки ҳужайралар бўшлиғига ўтади ва киприкларнинг ҳаракатлари найчалар ёрдамида ташқарига чиқаради. Киприклар ва ҳайвонларнинг бир меъёрда ишлаши туфайли суюқлик П.нинг найчалари орқали оқиб ўтиб туради. Найчаларга ҳосил бўлган ажратиш асосий найча лумени ва у орқали махсус текширувлар орқали ташқи муҳитга чиқарилади. Сувгинчилар, ҳалқа айлантирилган ва айрим б. ҳайвонларда П. синдик тўқималардан ташкил топган ҳужайрал

(мас., ультрабинафша нурлар) таъсирида тезлашиши мумкин. П. фаг геноми кодлаштирадиган ферментлар ёрдамида каталитланади. П. индукциясида фаг геномига бактерия хромосомасининг айрим қисмлари (П. хромосомага бирикканида) ёки бактерия ДНК си парчалари (П. хромосомага қўшилмаганида) кириб қолиши мумкин. Бундай фаглардан махсус ва умумий *трансдукция* соҳасидаги тажрибаларда фойдаланилади.

ПРОФЕССОР (лот. professor — дарс берувчи, ўқитувчи) — олий ўқув юрти ўқитувчиси ёки и.т. муассасаси ходимининг илмий унвони, лавозими. П. атамаси дастлаб Рим империяси (мил. ав. 1-а. ўрталари — мил. 5-а. бошларида грамматика ва воизлик мактаби ўқитувчиларига нисбатан қўлланган. Ўрта асрларда диний мактаб муаллимлари, 13-а.дан бошлаб, ун-тлар пайдо бўлгач, ун-т ўқитувчилари П. деб аталган. Ўрта асрларда П. атамаси олимлик белгиси сифатида магистр ёки фан д-ри илмий даражалари маъносини берган. Ун-тларда кафедралар ташкил этилиши ва махсус П.лик лавозимлари жорий этилиши б-н П. олий илмий даража тушунчасидан ташқари, ун-тларнинг етакчи ўқитувчиси илмий унвонини англатадиган бўлди. Ўзбекистонда 20-а. бошларидан дастлабки П.лик унвони берила бошлади. *Фитрат* биринчи ўзбек П.и ҳисобланади.

Ўзбекистонда П.лик унвони олий ўқув юртлари ёки и.т. муассасалари илмий кенгашининг тавсияси б-н Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (ОАК) томонидан берилади. Мамлакатимизда П.лик унвонини беришда ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК раёсатининг 1996 й. 25 янв.даги қарори б-н тасдиқланган «Илмий унвонлар бериш тўғрисида низом»га амал қилинади. Ушбу низомга кўра, П. унвони қуйидагиларга берилади: а) танлов йўли б-н кафедра мудири, П. лавозимига сайланган ёки шартнома асосида шу лавозимларда ишлаётган ёхуд олий ўқув юртининг ректори (ўқув ёки илмий ишлар бўйича проректори), малака ошириш ин-ти ёки унга тенглаштирилган ўқув юртининг директори (директори ўринбосари) лавозимида 1 й.дан бери самарали ишлаётган ёхуд олий ўқув юртининг директори ёки унга тенглаштирилган ўқув юртининг кафедра мудири ёки П. и лавозимига танлов бўйича сайланиб, камида 5 й. педагогик иш стажига эга бўлган ва шу лавозимларда 2 й. муваффақиятли ишлаган ЎзР, Қорақалпоғистон Республикаси халқ артистлари, ҳофизлари, рассомлари, меъморлари, ўқитувчилари, ёзувчилари, шоирлари, хизмат кўрсатган фан ва санъат арбоблари, хизмат кўрсатган артистлар, рассомлар, меъморлар, тренерлар, маданият ходимларига берилиши мумкин; д) танлов йўли б-н кафедра П. и лавозимига сайланган ва бу лавозимда 2 й. муваффақиятли ишлаган маданият, меъморлик, санъатшунослик ин-тлари ихтисослашган кафедраларининг олий маълумотли, доцент илмий унвони ва камида 10 й.лик педагогик иш стажига эга бўлган юқори малакали мутахассисларига берилиши мумкин; е) доцент илмий унвони бўлган ва маданият, меъморлик, санъат, жисмоний тарбия, спорт ҳамда муҳандислик графикаси (чизма геом.) соҳасида ихтисослашган кафедра мудири ёки П.и лавозимида ишлаб турган, олий ўқув юртларида камида 10 й.лик педагогик иш стажига эга, шу лавозимда камида 1 й. самарали ишлаган фан номзодига берилиши мумкин; ё) республика и.т. муассасаларида бўлим (бўлинма, сектор, лаб.) мудири (бошлиги), бош илмий ходим, етакчи илмий ходим лавозимига танлов йўли б-н сайланган ёки аттестация тартибида тайинланган ёхуд директор, директор ўринбосари, илмий котиб, илмий раҳбар, маслаҳатчи лавозимини эгаллаб турган, камида 5 й.лик илмий стажи бўлган ва шу лавозимда камида 1 й. яхши ишлаган фан д-рларига берилади. Улар педагогик амалиётда фойдаланилаётган илмий ва ўқув-методик ишларга эга бўлишлари, олий ўқув юрти ёки малака ошириш ин-тларида юксак методик ва илмий савияда маърузалар курсини ўқий олишлари, илмий даража олган малакали мутахассис тайёрлаган бўлишлари, маданият, меъморлик, санъатшунослик ин-тининг мутахассислари халқаро ва республика танловлари совриндорларини тайёрлаган бўлишлари керак.

П.лик унвонига даъволар шахснинг ҳужжатлари унга фан д-ри илмий даражаси берилган санадан 1 й. ўтгандан кейингина олий ўқув юртлари ҳамда и.т. муассасалари илмий кенгашлари томонидан муҳокамага қабул қилинишини ва ОАКга юборилиши мумкин. П.лик унвонига даъволарнинг ҳужжатларини ОАК томонидан кўриб чиқиш муддати 6 ойдан ошмаслиги керак. П.лик унвони ОАК томонидан умрбод берилади. П.лик лавозими учун олий ўқув юрти ёки илмий муассасада ҳар 5 йил 1 марта танловдан ўтиш лозим.

Бошқа мамлакатларнинг П. унвонига эга бўлган Ўзбекистон фуқаролари ўз аризалари ва фаолият юритаётган ташкилотларининг тавсиясига мувофиқ белгиланган тартибда қайта аттестация (нострификация)дан ўтказилгач, тегишли ҳужжат берилади. Шунингдек, Ўзбекистонда фаолият юритмоқчи бўлган чет эл фуқароларининг П.лик илмий унвони ҳам манфаатдор ташкилотнинг тавсиясига мувофиқ белгиланган тартибда қайта аттестация (нострификация)дан ўтказилгач, ҳақиқий ҳисобланади.

ПРОФИЛАКТИКА (юн. profilaktikos — сақловчи, олдини олувчи) — одамларнинг узоқ умр кўриши, ишлаш қобилиятини сақлаб қолиши, аҳолининг жисмоний ривожланишини яхшилаш, касалликларнинг юзага келиши ва тарқалишини олдини олиш ҳамда саломатликни ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, гигиеник ва тиббий чора-тадбирлар мажмуи. П. жамоат ташкилотлари ва алоҳида фуқаролар томонидан амалга оширилади.

П. тушунчаси ва унинг амалий шакли жамиятнинг тарихий тараққиёти даврида иқтисод, давлат тузуми ва илм-фаннинг ривожланишига қараб ўзгариб турган. П. қадим замондан маълум. Қад. тиббиётда шахсий гигиена ва тўла-тўкис овқатланиш қоидаларига амал қилиш б-н касалликларнинг олдини олишга катта аҳамият берилган, лекин П. 19-а.дан бошлаб илмий жиҳатдан асослаб берилди. Касалликларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишида ташқи муҳитнинг аҳамиятини ўрганиш, микробиология, физиология, иммунология ва гигиена соҳасида қўлга киритилган ютуқлар илмий П.нинг ташкил топишига имкон берди.

Замонавий П. инсон саломатлигига салбий таъсир этадиган омилларни йўқотишни кўзда тутадиган ҳамда уларнинг жисмоний ва маънавий продазарини ҳар томонлама ўстиришни таъминлайдиган, давлат ва жамоат аҳамиятига эга бўлган комплекс тадбирлар тизимини ўз ичига олади.

Шахсий, жамоат, тиббий П. фарқланади. Шахсий П.га инсоннинг ўз соғлигини сақлаши ва мустаҳкамлашига қаратилган чоралар, яъни соғлом турмуш тарзига амал қилиш, шахсий гигиена, никоҳ ва оила, шунингдек, кийим-кечак, овқатланиш гигиенаси, ўсиб келаётган авлодни гигиеник тарбиялаш, рационал ишлаш ва дам олиш, фаол жисмоний тарбия ва спорт б-н шуғулланиш киради.

Жамоат П.сига жамоат ташкилотлари томонидан фуқароларни жисмоний ва маънавий ривожлантиришни таъминловчи, халқ соғлигига ёмон таъсир қилувчи омилларни камайтиришга қаратилган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, қонуний, тарбиявий, санитар-техник, санитар-гигиеник, эпидемиологик ва тиббий чора-тадбирлар киради.

Тиббий П. бирламчи ва иккиламчи бўлади. Бирламчи тиббий П. касалликларнинг келиб чиқиш сабабларини ва ривожланишига қарши қаратилган ижтимоий, тиббий, гигиеник ва тарбиявий чоралар; ташқи муҳитнинг номақбул таъсирига организмнинг чидамлилигини ошириш; организмнинг соғлом ҳолатини сақлаб қолиш, унга патологик таъсир кўрсатувчи омилларнинг олдини олиш; диспансеризация ўтказиш ва юқумли касалликларга қарши эмлашдан иборат. Иккиламчи тиббий П. касалликларни эрта аниқлаш, патологик жараённинг ривожланиши, унинг асоратлари ва рецидивларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг инсонларнинг соғлом турмуш тарзини яхшилашга, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, спортнинг оммалашуви ва профилактик тиббиётни ривожлантиришга қаратилган қонунлар, дастурлар қабул қилинди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тадбирлари она ва болалар касалликлари ва ўлимининг кескин камайишига, чилла даври касалликларининг олдини олишга, соғлом авлод яратилишига ёрдам бермоқда. Ҳоз. олдинги поликлиникалар ва шифохоналар ўрнига оилавий поликлиника ва «Оналар ва болалар» марказлари ташкил этилди. Тиббиёт ин-тларида оилавий шифокорлар тайёрлаш дастурига ўтилди. Туғруқхоналар ўрнини перинатал марказлар эгаллади.

21-а. бошида Ўзбекистонда Республика «Саломатлик» ин-ти, вилоятларда унинг филиаллари очилди.

ПРОФИЛАКТОРИЙ — даволаш-профилактика муассасаси. Аҳолини ишдан ажралмаган ҳолда даволайди, дам олиш учун шароит яратади. Йирик и.ч. корхоналари қошида касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан ташкил қилинади. П.га кундузги (кечаси ишлайдиганлар учун), тунги (кундузи ишлайдиганлар учун) санаторийлар, парҳез ошхоналари ва б. киради. П. иш қобилиятини сақлашга, касалликлар камайишига имкон беради. Умумий терапия (ички касалликларни даволайдиган) ва, махсус ихтисослаштирилган (асосан, маълум бир касалликлар, мас., силни даволайдиган) П.лар бор. П.да даволаниш учун бериладиган йўлланма бепул ёки чегирилган миқдорда бўлади.

ПРОХОРОВ Александр Михайлович [1916.28.6 (11.7), Атертон ш., Австралия — 2002, Москва] — рус физиги, *квант электроника* асосчиларидан бири, акад. (1966 й.). Икки марта Меҳнат Қаҳрамони (1969, 1986). Ленинград ун-тини тугатган (1939). Илмий ишлари парамагнит мазер, очиқ резонатор, газодинамик ва қаттиқ жисмли тезлаткичлар, плазмалар физикаси ва б.га онд. Н. Г. *Басов* б-н ҳамкорликда (Ч. *Таунс*дан мустақил равишда) биринчи квант генератор — мазерни яратган (1954). Ходимлари б-н парамагнит мазерларни яратиш усулларини ривожлантирган (1957—58). Лазер техникасида кенг қўлланила бошлаган очиқ резонаторлар ғоясини (1958) ва газодинамик лазер ғоясини (1967) илгари сурган. У инфрақизил ва кўринадиган нурланишларнинг қудратли лазерларини яратиш, бу лазер нурланишларнинг моддалар б-н ўзаро таъсирлари тўғрисидаги фундаментал ишлар муаллифи. Катта Совет Энциклопедиясининг 3-нашри (1969—1978), Катта Россия Энциклопедияси (1996 й.дан) Бош муҳаррири. Нобель мукофоти лауреати (1964; Н. Г. Басов ва Ч. Х. Таунс б-н ҳамкорликда).

ПРОЦЕНТ (лот. procentum — юз ҳисобидан), фоиз — 1) сонининг юздан бир улуши; % белги б-н ифодаланади. Мас., 8 сонининг 5 фоизи (%) 0,4 га тенг. Соннинг мингдан бир улуши, яъни П.нинг ўндан бир улуши *промилле* деб аталади (‰ б-н белгиланади). П. ҳўжаликда молия ва статистик ҳисоблашлардаги миқдорни баҳолаш ва таққослаш учун ишлатилади; 2) кредиторлар пулни судгача берганлиги учун қарздордан ундирадиган қўшимча ҳақ.

ПРОЦЕССОР (лот. processus — сурилиш) — электрон машинанинг дастур (программа) да кўзда тутилган амаллар; информацияни ўзгартириш, барча ҳисоблаш жараёнларини, ҳисоблаш машинасидаги бошқа қурилмаларнинг ишини бошқариб туриш учун мўлжалланган марказий қурилмаси. Асосий қисмлари: арифметик-мантиқий қурилма ва бошқариш қурилмаси. Арифметик-мантиқий қурилмада ахборот арифметика ва мантиқ жиҳатидан қайта ишланади. Бошқариш қурилмаси хотирадаги ахборотларни чиқариш тартибини белгилайди, бошқарувчи сигналларни ишлаб чиқади, машинадаги қурилмаларнинг ишини уйғунлаштиради, дастурни узиш сигналларини қайта ишлайди, хотирадаги ахборотларни муҳофазалайди, П. ишини назорат қилади. П. да булардан ташқари, ўта тезкор хотира қурилмаси ва ташкилий блоклар ҳам бор.

ПРОЦЕССУАЛ МУДДАТЛАР (ЎзРда) — ЖПК да кўрсатилган процессуал ҳаракатларни бажариш муддатлари. П. м. процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган. Мас., жиноят содир этишда гумон қилинган шахс узоғи б-н 72 соат ушланиб турилиши, эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаш муддати ўта мураккаб ишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг рухсати б-н 1 й.гача узайтирилиши, суд ҳукми устидан шикоят 10 кун ичида берилиши мумкин (ЖПК 226, 245, 500-модалар). П. м. соат, сутка ва ойлар б-н ҳисобланади, уларнинг ўтиши оқибатлари, узайтириш ва тиклаш тартиблари ЖПК 39-бобида баён этилган.

ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚ (ЎзРда) — ҳуқуқ тизими нормаларининг бир қисми; судда ишларини юритиш жараёнида, шунингдек, суриштирув ва дастлабки терговда иштирокчилар ва б. манфаатдор шахсларнинг ФПК, ХПК, ЖПК ва МЖКда назарда тутилган ҳуқуқлари. П.ҳ. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни зарурат сиз ва асоссиз чекланмаслигига ҳизмат қилади. П. ҳ.лар демократик характерда бўлиб, даъво ва низоларни, ҳуқуқбузарлик, шу жумладан, жиноят ишларини тез ва тўғри текшириш, уларни асосли, қонуний ва оқилона ҳал қилишни кафолатлайди. П. ҳ. юридик шахсларга ҳам ўз манфаатларини ҳимоялаш воситаси сифатида берилади.

Жиноят ишлари бўйича гумон остидаги шахс ва айбланувчига тегишли П.ҳ.ларнинг энг муҳими ҳимояланиш ва ҳимоячининг ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқидир. Кенг маънода П.ҳ. фуқаролик, хўжалик, маъмурий ва жиноят ишларини ҳал этиш тартибидан иборат.

ПРОЦИОН — *Кичик Ит* юлдузи туркумининг энг ёруғ *α* юлдузи. Визуал юлдуз катталиги 0,4. Қуёшдан узоқлиги 3,5 парсек, ёритувчанлиги ундан 7,7 марта катта. П. қўшалоқ юлдуз.

ПРУДОН (Proudhon) Пьер Жозеф (1809.15.1, Безансон — 1865.19.1, Париж) — француз социалисти, *анархизм* назариётчиси. П. коммунизм душмани бўлган, жамиятни инқилобий қайта қуриш назариясига қарши чиққан. Коммунизм ғоясини у «бемаъни ғоя», «давлатни улуғлаш», «ёвузлик ва истибдод жамияти», «қашшоқлик дини», «қашшоқлик фалсафаси» деб билган. П.нинг 2 жилдли «Иқтисодий иддиятлар тизими ёки Қашшоқлик фалсафаси» китоби Маркснинг унга жавоб тарзида ёзган «Фалсафа қашшоқлиги» асари (1847) туфайли машҳур бўлиб кетган. П. синфларнинг иқтисодий ҳамкорлиги лойиҳасини ва «давлатни йўқотиш» тўғрисидаги ўз назариясини илгари сурган. «Мулкка эгалик нима?» асари (1840)да бу саволга «Мулкка эгалик — ўғирликдир» деб жавоб берган.

ПРУЖИНА (рус.) — қисилганда ҳосил бўладиган эластик куч ҳисобига механик энергия ҳосил қиладиган ва тортқиларни юмшатадиган деталь. Таъсир қилувчи куч турига қараб, эгилувчан (П. ўқига перпендикуляр кучларни қабул қилувчи, буралувчи, чўзилувчи, сиқилувчи ва б.), пластинкасимон, спиралсимон, винтсимон, тарелкасимон, ҳалқасимон ва б. хилларга бўлинади. П. ўрамининг кесим юзи шаклига қараб, доира, квадрат, тўғри тўртбурчак, бир неча симлар ўралган хиллари бор. П., асосан, таркибига углерод ва марганец, кремний, хром қўшилган пулат, пластмасса, латунь, бронза ва б. материаллардан тайёрланади. П. соат механизмларида, т.в. буферлари, пружина қурилмалари, амортизатор ва техниканинг бошқа соҳаларида қўлланилади.

Пружина. *1* — қисиладиган; *2* — чўзиладиган; *3* — буралдиган; *4* — спиралсимон; *5* — тарелкасимон



ПРУС ТИЛИ — болтиқ тилларидан бири, баъзан уни немис тилининг прус шеваларидан фарқлаш учун қад. прус тили деб ҳам атанади. П.т. Болтиқбўйининг жан.-шарқида. Инсла даресининг шарқида тарқалган; 2-минг йилликнинг бошларида унинг тарқалиш ҳудуди торайди. 18-а. бошида эса П.т. ўлик тилга айланиб, прусларнинг авлодлари немис тилида сўзлаша бошлаганлар.

П.т.нинг 14—16-а.лардан сақланиб қолган ёдгорликлари — 800 сўзи немисча-прусча, 100 сўзи прусча-немисча луғатлар, бир қатор ҳужжатлар, шаҳрий парчалар ҳамда немис тилининг прус шеваси ва лотин тилидан ўтган ўзлашмалар бу тил ҳақида муайян тасаввур уйғотади.

ПРУСЛАР — болтиқ қабилалари гуруҳи. Болтиқ денгизининг жан. соҳилида яшаган. 13-а.да Тевтон ордени томонидан бўйсундирилган. П. номидан Пруссия атамаси келиб чиққан.

ПРУССИЯ (PreuBen) — давл., сўнгра Германиядаги ер (федератив маъмурий бирлик; 1945 йилача). П.нинг асосий тарихий ўзаги — Бранденбург 1618 й. Пруссия герцоглиги (Тевтон ордени томонидан 1525 й. босиб олинган прус ерларининг бир қисмида вужудга келган) б-н бирлашган. Бранденбург-Пруссия давлати 1701 й. П. қироллигига айланган (пойтахти — Берлин ш.). П. нинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида юнкерлар раҳбарлик ролини ўйнаганлар. *Гогенцоллернлар* сулоласидан чиққан П. қиролари (Фридрих II ва б.) 18-а. — 19-а.нинг 1-ярмида давлат ҳудудини сезиларли даражада кенгайтирган. 1871 й. прус юнкерлари Бисмарк бошчилигида «темир ва қон» б-н Германияни прус-милитаристик асосда бирлаштирилишини якунлашган; П. қироли айни вақтда Германия императори бўлган. Германиядаги 1918 й. нояб. инқилоби натижасида П.даги монархия барҳам топган. П. Германия ерларидан бирига айланган. 2-жаҳон урушида фашистик Германия тор-мор келтирилгач, П. ҳудуди айрим ерларга тақсимланган (1945); 1947 й. Германиядаги Контроль кенгаш П. давлатини милитаризм ва реакциянинг бешиги сифатида йўқ қилинганлиги ҳақида қонун қабул қилган.

ПРУСТИТ (француз кимёгари Ж. Л. Пруст номидан), оч қизил кумуш рудаси — минерал, кимёвий таркиби Ag_3AsS_3. Тригонал сингонияли. Донадор агрегатлар, кристаллар ва ялпи массалар ҳосил қилади. Ранги оч қизил, олмосдек ялтироқ. Қаттиқлиги 2—2,5, зичлиги 5570—5670 кг/м³. Мўрт, электр ўтказмайди. Асосан, қўрғошин-рух-кумуш рудали гидротермал конларда ҳосил бўлади. Россия (Олтой, Узоқ Шарқ), Қозоғистон, Ўрта Осиё, Германия, Канада, Болівия ва б. жойларда учрайди.

ПРУТ— Украинадаги ва қисман Молдавиянинг Румыния б-н бўлган чегарасидаги дарё. *Дунай*нинг чап ирмоғи. Уз. 989 км, ҳавзасининг майд. 27,5 минг км². Ёмғир ва қор сувларидан тўйинади. Ўртача сув сарфи 80 м³/сек. Шарқий Карпат тоғларидан бошланади. Яссы музлаб. марзи муздан бўшайди. Ирмоқлари: чапдан — Раковец, Чугур, ўнгдан — Черемош, Жижия, Бахлуй. Дарё этагидан Леово шаҳча кема қатнайди. П. бўйида Ярмича, Коломия, Черновцы, Снятин, Унгени, Леово шаҳари жойлашган.

ПРЭСЛИ (Presley) Аарон Элвис (1935.8.1, Тупело, Миссисипи штати — 1977.17.8, Мемфис) — америка хонандаси ва киноактер. *Рок мусиқа* асосчиларидан. Госпелз (диний қўшиқлар), *блюз*, кантри каби америка оммабоп мусиқа жанрлари негизида ўзига хос, жўшқин ва эҳтиросли ижро услубини яратган, «рок-н-ролл қироли» унвонига сазовор бўлган. Болаликдан черков хорига қатнашган. 1954 й.дан овоз ёзиш студиялари ва телеэшулларга қатнашиб, тез орада бутун Америкада танилган, кейинчалик жаҳон оммабоп мусиқа «юлдуз»ига айланган: 1956 й.да грампластинкага ёзилган «Heartbreak Hotel» қўшиғи тарихда илк бор бир миллион нусхада сотилган (П.нинг граммпластинкаларидан жами 140 таси шу тиражда тарқалган). Қўшиқ ижросида биринчи бўлиб грим, очиқ рангли кийимлар, турли чироқ эффектларидан фойдаланган, ўзига хос саҳна имижини яратган. Киноактёр сифатида 30 дан ортиқ фильмда қатнашган. АҚШнинг «Грэмми» мукофотига бир неча бор сазовор бўлган.

ПРЯНИШНИКОВ Дмитрий Николаевич [1865.25.10(6.11), Кяхта ш. — 1948.30.4, Москва] — рус агрокимё мактаби асосчиси. СССР ФА акад. (1929), ВАСХНИЛ акад. (1935), Меҳнат Қаҳрамони (1945). П.нинг илмий ишлари ўсимликларни озиқлантириш ва деҳқончиликда ўғитлардан фойдаланиш, агрокимё, қ.х.ни кимёлаштириш масалаларига бағишланган. Олимнинг «Агрокимё» (1940) асари деҳқончиликда ўғитларни қўллашнинг илмий асоси ҳисобланади.

ПСАММИТЛАР (юн. psammites — қумли, psammos — қум) — қумли жинслар. П. таркибида 50% дан ортиқ қисми 0,05 — 1 мм ўлчамли минерал заррачалар ва чақиқ тог жинслари бўлади. Юмшоқ (ғовакланган) П. — қум ва жинсларнинг (цементланган)лари — қумтошлар деб юритилади. П. мономінералли (кварц-далла шпатли ва б.) ва полиминералли (аркоз ва граувак) жинсларга ажратилади. Улар, асосан, тог жинслари емирилиб, чақиқ бўлакларни кўчирилиб жамланганда ҳосил бўлади. Баъзи П. нинг ўзи фойдали қазилма (нефть ҳамда газ уюмлари учун сақловчи, кам ҳолларда олмос, олтин, платина ва б. сочма конлар ҳосил қилади.

ПСАММОФИТЛАР (лот. psammos — қум ва ...*фит*) — учма қумларда ўсадиган чўл ўсимликлари. Шамол қумни учирганида илдизининг очилиб қолмаслиги, қум кўмиб қўймаслиги ва қумда кўмилиб қолган уруғининг кўкариб чиқиши учун турли мослашишлар ҳосил қилган. Дарахтлар ва буталар, қумда кўмилиб қолган поясидан кучли ривожланган илдизлар (саксовул, қандим); қумдан чиқиб қолган илдизлардаги қўшимча куртакларидан новдалар ҳосил қилиши (қум акацияси ва б.) хусусиятига эга. Ўтсимон П. қалин қум қатламидан ўсиб чиқа оладиган ингичка узун, тез ўсадиган илдизпоя ҳосил қилади (илоқ). Кўпчилик П. — эфемерлар. Кўп йиллик П.нинг барглари майда, редукцияга учраган ёки барглари бўлмайди, пояси орқали фотосинтез ва транспирация қилади (саксовул). П.нинг меваси турли хил ўсимталар ва туклари бўлиши туфайли шамолда яхши учганидан қумда кўмилиб қолиб кетмайди.

ПСЕВДО... (юн. pseudos — ёлғон) — ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, иккинчи қисмнинг ёлғон, сохта эканлигини англатади (мас., *псевдоаподиялар, псевдосфера*).

ПСЕВДОМОРФОЗЛАР (*псевдо...* ва юн. morphe — шакл), сохта шакл — таркиби ва ички тузилишига ташқи шакли мувофиқ бўлмаган минераллар. Бир минерал ўрнида иккинчиси кристалланса, олдин П. дейилади; мураккаб П. эса бир неча минерал агрегатларидан ҳосил бўлади. П. аввал пайдо бўлиб, кейинчалик ювилиб кетган минералларнинг (шакли сақланган ҳолда) ўрнини тўлдириш ёки кимёвий алмашиш йўли б-н вужудга келади. Бу жараёнда олдинги минерал таркибининг анча қисми П.га ўтиши ёки бутунлай эриб чиқиб кетиши мумкин (мас., куб шаклидаги пирит оксидланиш жараёнида лимонитга айланса лимонитнинг пиритдаги псевдоморфозлари ҳосил бўлади; бунда аморф ҳолдаги лимонит пиритнинг кристалл шаклини эгаллайди, яъни лимонит пиритнинг қолипига тушгандай бўлади). П.ни ўрганиш минералларнинг қонуниятли ўзгаришини аниқлашда катта аҳамиятга эга.

ПСЕФИТЛАР (юн. psephos — майда тош, шағал тош) — йирик бўлакли цементланган чўкинди жинслар. Туб жинсларнинг механик парчаланиши ва парчаланган маҳсулотларнинг дарё водийлари ва сув ҳавзалари соҳилларида тўпланишидан ҳосил бўлади. Бўлаклар ўлчами 1 мм дан катта. Келиб чиқиши бўйича чўкинди, вулканоген-чўкинди, вулканоген ва тектоник турларга бўлинади. Бўлакларнинг ўлчами ва думалоқланиш даражаси бўйича харсангтош, ғўлатош ва шағаллар га ажратилади. Цементланган турлари га ажратилади. Цементланган турлари псефитолит (конгломерат, брекчия, граведитлар дейилади.

ПСЁЛ — РФ ва Украина ҳудудларидаги Днепрнинг чап ирмоғи. Уз. дари дарё. *Днепр*нинг чап ирмоғи. Уз. 717 км, ҳавзасининг майд. 22,8 минг км². Ўрта Россия қирларидан бошланади. Қордан тўйинади. Ўртача сув сарфи қуйилиш жойидан 36 км да 55 м³/с. Декда музлаб, март—апрда музсек. Декда музлаб, март—апрда музлаб 1859 й.да Каналда, кейинчалик Шотландия, Шпицберген, Кузбасс, Урал, Сибирь, Ўзбекистон (Туркистон ва Нурота тоғлари)да Ўрта силурдан девонгача бўлган ётқизиқлардан топилган. Пояси дихотомик шохланган, айрим турларида тиканга ўхшаш майда барглари бўлган. Спорангийлари пояси учида жойлашган. П.га сувдан қуруқликда яшашга ўтган дастлабки поя ва баргли ўсимлик сифатида қаралади. Қазилма П.нинг 7 оиласи, 18 туркуми, жумладан, Ўзбекистонда 6 туркуми топилган.

ПСИТТАКОЗ (psittacosis; юн. psittakos — тўти) — одам ва қушларнинг ўткир инфекцион касаллиги. Тўтилардан юқади (қ. *Орнитоз*).

ПСИХАСТЕНИЯ (*психо...* ва *астения*) — руҳий заифлик. 1) *невроз*нинг бир хили, бунда киши миясп таҳлилкали ўй-фикрлар б-н банд бўлади; 2) киши характеридаги патологик ҳолат (*психопатия*нинг бир тури); ўз-ўзига ишончсизлик, ҳамма нарсадан шубҳаланиш, васваса, ваҳимага тушиш. Бундай кишиларда журъатсизлик, қатъиятсизлик, иккиланувчанлик кузатилади. Доимий ишончсизлик, кўрқув уларни иккиланувчан, ўз қобилиятига ишонмайдиган, беқарор одамларга айлантириб қўяди. Охир-оқибат улар ваҳима ва шубҳаланувчан бўлиб, арзимаган руҳий қийинчиликлар таъсирида миядан кетмайдиган ҳолатлар неврозига дучор бўладилар. П. асосида бош миядаги асосий жараёнлар ичида биринчи сигнал системасига (идрок этиш, ҳиссиёт) қараганда иккинчи сигнал системаси (фикр-мулоҳаза юритиш) устун турши И. П. *Павлов* томонидан исботланган. П.да миядан кетмайдиган фикрлар ёки шилқимлик ҳолатлари учрайди.

ПСИХИАТРИЯ (*психо* ... ва юн. iatreia — даволаш) — клиник тиббиёт соҳаси. Психик касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, белгилари ва ривожланиш механизмларини ўрганади, уларнинг олдини олиш, даволаш ва беморларга тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш усулларини ишлаб чиқади.

Психик касалликларни дастлаб юнон врачлари ўргана бошлаганлар. *Гиппократ* психик касалликлар ҳам бошқа касалликлар каби ташқи муҳитнинг организмга салбий таъсири натижасида пайдо бўлишини биринчи бор айтган. Абу Али *ибн Сино* ҳам асаб ва руҳий касалликларни даволаш ишига кўпгина янгиликлар киритган. У психик касалликлар ҳақидаги хурофий тушунчаларни (мас., бу касалликларни жинлар келтириб чиқаради деган фикрни) рад этиб, асаб ва руҳий касалликлар ҳам бошқа касалликлар каби ташқи муҳитнинг одам организмига сал-

ПСИЛОФИТСИМОНЛАР (Psilophytales) — ботқоқлик ва қуруқликда яшашга мослашган қад. ўсимликлар оиласи. П. қазилма қолдиқлари дастлаб 1859 й.да Каналда, кейинчалик Шотландия, Шпицберген, Кузбасс, Урал, Сибирь, Ўзбекистон (Туркистон ва Нурота тоғлари)да Ўрта силурдан девонгача бўлган ётқизиқлардан топилган. Пояси дихотомик шохланган, айрим турларида тиканга ўхшаш майда барглари бўлган. Спорангийлари пояси учида жойлашган. П.га сувдан қуруқликда яшашга ўтган дастлабки поя ва баргли ўсимлик сифатида қаралади. Қазилма П.нинг 7 оиласи, 18 туркуми, жумладан, Ўзбекистонда 6 туркуми топилган.

ПСИЛОМЕЛАН (юн. psilos — ялангоч, силлиқ, melos — қора) — минерал, марганецнинг мураккаб гидрооксиди. Унга яширин кристалли ва колломорф шакллари мураккаб таркибли гидрооксидлар хос. MnO ва MnO_2 нисбати оксидланиш даражасига қараб кенг интервалда ўзгаради. Асл П. $[(Ba, H_2O)_2 Mn_5O_{10}]$, криптомелан $[K_2Mn_8O_{16}]$, голландит $[Ba_2Mn_8O_{16}]$, коронадит $[Pb_2Mn_8O_{16}]$ ва б.дан таркиб топган. Бу минераллар хоссалари бўйича бир-бирига жуда яқин. Асл П. чиғаноқсимон синади, ранги тим қора, баъзан кўнғир қора. Қаттиқлиги 5—6. Зичлиги 4000—4710кг/м³. Мўрт. П. нураганда оксидланади ва дегидратацияланади. Бунда қора қурум шаклидаги пиролюзит ҳосил бўлади. Оксидланиш зоналарида, нураш қобиқларида ҳамда чўкинди фойдали қазилмалар конларида учрайди. Синоними — романешит. Закавказье ва Украинада йирик конлари бор.

бий таъсирлан ва организмнинг ўзида рўй берадиган ўзгаришлардан пайдо бўлади деб билган.

П. тиббий фан сифатида 18-а. охири — 19-а. бошларида шаклланди. Шу пайтдан бошлаб врачлар психик касалликларга қарши дорилар қўллашга, шу касалликнинг табиий сабабларини ўрганишга киришa бошладилар. Психик касалликларнинг кўпгина тури (жумладан, аввалари тузатиб бўлмайдиган тури) муваффақиятли даволанмоқда. Илгарилари ногиронликка чиқариб юбориладиган ўткир психоз б-н касалланган беморларни тузатиб юбориш усуллари ишлаб чиқилди. П. касалхоналарининг йўналиши ўзгарди. П. илмининг кенг ривожланиши П. имкониятлари кўламини оширди. Замонавий П. ўткир психоз касаллигига учраган беморларнигина эмас, балки *психопатия, невроз*ларни, *алкоголизм*ни, кайфият ўзгарувчанлиги (эмоционал қўзғалувчанлик) ва *уйқусизлик*ни ҳам даволайди.

П.нинг текшириш усуллари ўзига хос бўлиб, бошқа тиббий фанлардан бирмунча фарқ қилади. П. тиббиёт фанлари ичила энг кейин ривожланган фанлар қаторига кирали. Ҳоз. даврда унинг моҳияти жуда ҳам кенг, чунки руҳий беморлардан ташқари ҳар қандай соматик касалликлар ҳам руҳий фаолиятнинг маълум даражада бузилиши б-н ўтади ва шу боис П. асосларини ҳар бир соҳадаги врач билиши зарур.

П. умумий психопатология ва хусусий П.га бўлинади. Умумий психопатология руҳий хасталикларнинг умумий аломатлари, уларнинг кечиши ва ҳ.к.ни ўрганади. Хусусий П. эса руҳий хасталикларнинг алоҳида турларини кўриб чиқади, қиёсий диагностикаси ва даволаш масалаларини ўрганади.

Бундан ташқари, кейинги вақтда П. дан янги тармоқлар: болалар П.си, ўсмирлар П.си ва суд П.си, ижтимоий П., наркология ажралиб чиқди. П.да физиология, психология, генетика ва б. фанларнинг эришган ютуқлари кенг қўлланилади.

Руҳий беморларни даволаш имкониятлари кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Мас., 20-а.нинг 50-й.ларидан бошлаб руҳий ўзгаришларни даволашда марказий нерв системасида содир бўладиган жараёнларга бевосита таъсир этадиган психофармакологик воситалар қўлланмоқда.

Ҳоз. замон П.си фақат клиник фан бўлиб қолмай, балки ижтимоий ва психология масалаларини ҳал қилишда ҳам иштирок этади.

Ўзбекистонда 1- ва 2-ТошТИ, Врачлар малакасини ошириш ин-ти, Педиатрия тиббиёт ин-ти, Андижон, Самарқанд тиббиёт ин-тларида П. кафедралари бор. Ўзбек олимларидан Х. *Олимов*, Ш. А. Миртохибов Т. И. Исмоилов, А. У. Шоюсупова, Р. С. Турсунова, М. Халилов ва б. П.нинг *эн* долзарб масалалари устида талқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

Мирқобил Халилов.

ПСИХИК КАСАЛЛИКЛАР, руҳий касалликлар, психозлар — бош мия фаолиятининг бузилишидан келиб чиқалиган касалликлар: руҳий фаолиятнинг функционал ўзгаришидан то унинг бутунлай бузилишигача бўлган ҳолатлар.

П.к.да бемор воқеаликни тўғри идрок этолмайди, шу жиҳатдан П.к. ички касалликлардан фарқ қилади. П.к.нинг сабаблари хилма-хил, булар орасида ирсий омил (насл) асосий ўрин тутади. Мас., *олигофрения, психопатия, маниакал-депрессив психоз, эпилепсия* ва *шизофрения*нинг келиб чиқишида кишининг насл-насаби муҳим роль ўйнайди. П.к.нинг пайдо бўлиши ва авж олишига инфекцион касалликлар, бош миянинг шикастланиши, интоксикация, руҳий изтироблар ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Онанинг ҳомилалорлик пайтида касалланиши ёки шикастланиши сабабли ҳомиланинг зарарланиши болaнинг руҳий ривожланишдан орқада қолишига, эпилепсия ва б. руҳий ўзгаришларга олиб келади. Сурункали алкоголизм ва наркомания ҳам бора-бора кишини П.к.га олиб бориши мумкин. П.к.нинг вужудга келишида касалликка сабаб бўладиган омиллардан ташқари, кишининг ўзига хос хусусиятлари, унинг илгари бошидан кечирган касалликлари (мас., мия шикастланиши, алкоголдан заҳарланиш, ички аъзолар касалликлари, наслида руҳий касаллик борлиги ва б.) ҳам аҳамиятга эга.

П.к.нинг белгилари, асосан, *галлюцинация, алаҳлаш*, шилқимлик, қаяжонланиш, онг ва хотира заифлашуви, эси пастлик ва ҳ.к.дан иборат.

П.к. кишининг жинси ва ёшига ҳам бир қалар боглиқ. Умуман беморни қанча эрта даволашга киришилса, оқибати шунча яхши бўлади. Касалликни яшириб ёки уялиб, врачга вақтида мурожаат қилинмаса, дард улғайиб, даволаш анча қийинлашади. Шунинг учун киши ўзида андак руҳий ўзгариш сезса, дарҳол врач-психиатрга кўриниши лозим.

Руҳий беморлар махсус психиатрия касалхоналарида даволанади.

ПСИХИКА (юн. psychikos — руҳий, руҳият — воқеак даражада ташкил топган материя (миянинг воқеликни алоҳида шаклда акс эттиришдан иборат хусусияти. Асосан, *сезги, тасаввур, тафаккур*, иродавий ҳатти-ҳаракат ва б. субъектив образларда акс этади. П. материяга нисбатан иккиламчи, ҳосила. Бу П.нини маъвудлик усули (П. нинг хусусиятида ва унинг мазмуни (П. — объектив оламнинг субъектив образи)да кўринади. П. материя тараққиётининг муайян босқичида — тирик организмларда сезувчанликнинг алоҳида шакли ёки ҳис қилиш қобилияти пайдо бўлиши б-н вужудга келган. Тирик мавжудотнинг морфологик-физиологик тузилиши мураккаблашуви, унда нерв системасининг вужудга келиши ва тараққий этиши, бош мия, унинг катта ярим шарларининг шаклланиши ва такомиллашиши жараёнида ривожланган. П.нини ўзига хос органи инсонда ва олий даражада ривожланган ҳайвонларда бош миядир. П. — субъективлик б-н объективликнинг бирлигидир. Психик фаолият доимо муайян субъектга хос бўлиб, унинг индивидуал хусусиятларн б-н боглангандир. Айни вақтда П. объектив оламнинг муайян манзарасини яратувчи мия инъикос фаолиятининг реал жараёни сифатида объективдир. П. психик жараёнлар, ҳолатлар ва инсоннинг психик хусусиятларининг зоҳирий бирлигидир. П. ривожининг олий шакли — инсон П.сидир. Унинг пайдо бўлиши ва ривожланишида инсонга хос бўлган атрофдаги олам б-н ўзаро муносабатга киришиш усули — меҳнат ҳал қилувчи роль ўйнаган. Инсон П.си фақат биологик тараққиётнинг эмас, ижтимоий-тарихий тараққиётнинг ҳам маҳсулидир. Ижтимоий, меҳнат амалиёти олий, фақат инсонгагина хос П. шакли — *онг*ни вужудга келтирди. Инсон П.сининг энг муҳим хусусияти — ишлар, ҳодисалар ва б.ни олдиндан кўра билиш ва ўзи нима қилишини режалаштиришдан иборат. Инсон объектив воқеликдаги предметлар ва ҳодисаларни тажрибага асосланиб идрок қилади. Инсоннинг психик фаолияти асосида биринчи ва иккинчи сигнал системаларининг ўзаро таъсири ётади. П.нинг муҳим томони унинг рефлекторлик табиати, яъни рефлекслар ҳосил бўлиши, бу жараённинг тўхтовсиз ва қатъий кечишидир. Реал П. *фаолият* кўринишида мавжуд. Фаолиятда у шаклланади, намоён бўлади ва бикиб олинади. Инсон П.сининг шаклланишида *таълим* ва *тарбия* муҳим роль ўйнайди. Таълим ва меҳнат жараёнида ҳар бир шахс П.сининг индивидуал ривожланишига ҳис беради, бу инсоният тўплаган моддий ва маънавий бойликларни ўзлаштиришдан иборатдир. П.ни *психология* ўрганади.

Эргаш Ғозиев.

ПСИХО ... (юн. psyche — руҳ; қалб) — ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, психикага алоқадорликни ифодалайди (мас., *психология, психотерапия*).

ПСИХОАНАЛИЗ (*психо...* ва *анализ*) — *психотерапия*нинг методи ва З. *Фрейд* томонидан ривожлантирилган психологик таълимот. Онгсиз психик жараёнлар ва мотивацияни диққат марказига қўяди. Инсон хулқи асосини латент олиш (*либидо*)га нисбатан, айниқса, илк болаликда пайдо бўлган сексуал (жинсий) майл ташкил қилади деган ғояни илгари суриб, одам хулқидаги ижтимоийлик, онглиликни инкор этади. Онгдан унга мувофиқ келмайдиган (асосан, сексуал) майллар ва руҳий кечинмаларни сиқиб чиқариш П.да ҳар хил невроллар ва турли патологик ҳодисалар (унутиш, янглиш ҳаракатлар ва ҳ.к.)нинг асосий манбаи сифатида қаралади. П. назариясига кўра, 3 хил психик инстанциялар ҳукм суриши мумкин: ғайришуурий «У» (id) — майл доираси; турли ҳимоя воситалари б-н «У»нинг импульсларини чекловчи шуурий «Мен» (Ego); «Ўта-Мен» (Super—Ego) — ижтимоий тақиқлар, қонун гусига кирган мажбурий тартиб-қоидалар. Фрейд фикрича, «Мен» реаллик тамойилига асосланган ҳолда инсон психикасида ҳаракатланувчи қарамақарши кучларни мувофиқлаштириш вазифасини бажаради. Инсон ўзининг қад. аждодларидан ирсий йўл б-н ўтган инстинктив майлларининг намоён бўлиши туфайли фаолдир. Инстинктив майллар даставвал жинсий инстинкт ва ўзини ҳимоя қилишга интилиш инстинкти тарзида юзага келади. Лекин жамият шахсни кўп жиҳатдан чеклаб қўяди, унинг инстинктлари ва майлларини «цензура»дан ўтказилади. Бунинг натижасида ўзининг аксарият инстинктлари ва майлларини тўхтатиш, тақиқлашга мажбур бўлади. Инстинктив майллар унинг шахсиятига тегадиган руҳий ҳолат сифатида онгли қаётидан сиқиб чиқарилади, лекин йўқолиб кетмайди, фақат онгсизлик соҳасига ўтказиб юборилади, холос.

П. таълимотининг вазифаларидан бири — онгсизлик соҳасидаги «комплекс»ларни аниқлаш ва уларни англашга ёрдамлашишдан иборат. Ушбу таълимот намояндалари шахснинг ички ихтилофларини очиб бериш учун «*Эдип комплекси*» ни яратдилар. Уларнинг мулоҳазасича, инстинктив майллар ўз қувати ва фаоллигини сақлаган ҳолда инсоният маданияти ва шахс фаолияти маҳсулининг ҳар хил шаклларига кириб («сублимациялашиб»), онгсизлик ҳолатидан туриб инсон хулқ-атворини бошқаришда иштирок қилаверади. П. да онгсизлик б-н онглилик ўртасидаги қарама-қарши муносабатни мустаҳкамлатириш учрайди. Бунинг натижасида уларнинг ўзаро бир-бирини тўлдириш имконияти рад қилинади.

П. адабиёт ва адабиётшунослик, бошқа гуманъат ва санъатшунослик, бошқа гуманитар фанлар ва тиббиётга таъсир кўрсатди.

Эргаш Ғозиев.

ПСИХОГЕНИЯЛАР (*психо...* ва *ген*) — руҳий изтироб берувчи омиллар оқибатида келиб чиқадиган психик касалликлар гуруҳи. П. *невроз*лар ва реактив *психоз*ларга бўлинади. Руҳий изтироб берувчи омилларнинг кучига ва давомлилигига қараб ҳар қандай кишиларда ҳам П. учраши мумкин, лекин уларнинг келиб чиқишига, албатта, қўшимча омиллар: руҳий ҳолатлар, жумладан, ақл-идрок даражаси, ишонувчанлик, ҳиссиётлар хусусияти ва б. касалликлар оқибати (мияниинг шикастланиши, алкогочки аъзолар хасталиклари, алкоголизм) ҳам сабаб бўлади. Кучли даражадаги таъсиротлар оқибатида реактив психоз келиб чиқади. Реактив психозларнинг 3 та асосий моҳияти бор: 1) реактив психозлар ҳамма вақт руҳий изтироблар оқибатида келиб чиқади; 2) беморлар кечинмаларида эса мана шу руҳий изтироблар акс этади; 3) руҳий изтироблар йўқолиши б-н руҳий изтироблар йўқолиши б-н руҳий хасталик ҳам барҳам топади.

Ўз навбатида, беморларнинг шахсий-конституционал моҳиятларига қараб асосан 3 хил невроз ва реактив психоз: *неврастения, истерия* ва миядан кетмайдиган ҳолатлар неврози. П.га мубтало бўлган беморлар изтироб берувчи омиллар бартараф қилингандан кейин тезда ва бутунлай тузалиб кетиши мумкин. Бироқ узоқ давом этган изтиробли руҳий кечинмалар киши шахсининг ўзгариб кетишига олиб келиши эҳтимолдан холи эмас.

ПСИХОЗЛАР — қ. *Психик касалликлар.*

ПСИХОЛИНГВИСТИКА — нутқнинг ҳосил бўлиши, шунингдек, нутқни идрок этиш ва шакллантириш жараёнларини уларнинг тил тизими б-н ўзаро боғланиши ҳолатида ўрганувчи фан; *психология* ва *лингвистика*нинг синтезидан пайдо бўлган. П. инсон нутқий фаолияти моделини ва психофизиологик нутқий шаклланишини ишлаб чиқиб, уларни психологик эксперимент-

лар йўли б-н текширади. Тадқиқот манбаи бўйича тилшуносликка яқин бўлган П. ўз текшириш усуллари бўйича психологияга яқин туради. Унда ўзаро боғланишли эксперимент, «семантик дифференциал» каби ва б. экспериментал усуллар қўлланади. П. бир қатор амалий масалалар (она тили, айниқса, хорижий тилни ўргатиш; мактабгача ёшдаги болаларнинг нутқий тарбияси ва логопедия масалалари; миядаги нутқий марказлар касалликлари клиникаси; нутқий таъсир кўрсатиш муаммолари (хусусан оммавий ахборот воситалари фаолиятида ва тарғибот ишларида); суд психологияси ва криминалистика (мас., кишиларни уларнинг нутқ хусусиятига қараб таниб олиш, аниқлаш); машина таржимаси ҳамда нутқий ахборотни ЭҲМга киритиш муаммолари ва б.)ни назарий жиҳатдан тушунтириш зарурати туфайли ўтган асрнинг 60-й.ларида пайдо бўлган. «П.» термини ўтган асрнинг 60-й.лари ўрталарида америкалик олимлар томонидан амалиётга киритилган. Ўзбекистонда ушбу соҳада бир қанча ишлар бажарилган бўлса-да, ҳақиқий маънодаги психолингвистик талқиқотлар эндигина бошланмоқда.

Абдувоҳоб Мадвалиев.

ПСИХОЛОГИЗМ (социологияда) — социологиянинг айрим йўналишларига (Г. Тард, Ч. Кули, Ж. Мид, неофрейдизм, структуравий-функционал мактаб ва б.га) хос методология усули. П. ижтимоий муносабатларни ва структураларни психологик маълумотлар, инсон психикаси хусусиятлари, одамларнинг бевосита ўзаро ҳаракатларини таҳлил қилиш асосида тушунтиради. П. бўйича, психология умуман бутун фалсафанинг, унинг барча соҳалари, хусусан, мантиқнинг (В. *Вундт* ва б. фикрига кўра) асоси ҳисобланади. П. тарафдорлари бирдан бир фан психологиядир, деб биласилар. Чунки, деб уқтиришади улар, барча фанларнинг объекти фақат маълум усуллар орқали билинган сезгилардир. Бундай қарашни биринчи галда эмпириокритицизм ва позитивизм вакиллари илгари сурадилар.

ПСИХОЛОГИЯ (*психо...* ва *...логия*) — инсон фаолияти ва ҳайвонлар хатти-ҳаракати жараёнида воқеликнинг психик акс этиши, руҳий жараёнлар, ҳолатлар, ҳодисалар, хислатлар тўғрисидаги фан. П.нинг тадқиқот предметига сезгилар ва идрок образлари, тафаккур ва ҳиссиёт, фаолият ва муомала каби психологик жараёнлар, категориялар киради. П.нинг асосий вазифалари — *психика* қонуниятларини, инсон руҳий ҳолатлари шаклланиши-

ни фалсафелик ва патогенетик ҳаракатга бирлаштириб очишдан иборатдир. Мазкур назарияларнинг очилишига П. бир томондан, биол. фани соҳалари (н., жумладан, физиология б-н, бошқа томондан эса, *социология, педагогика*, маданият тарихи, *медицина* ҳамда жтимоий фанлар б-н жипс алоқада кириштди. П. эга ирсият, психиканинг инсонга хос шакли бўлиши ва ўзгаш ўзи англашни талқин этади.

Антик давридан бошлаб психологик билимлар фалсафа ва тиббиёт фанлари доирасида ривожланиб келган. Юнон шифокорлари *Гиппократ*, Эрасистрат психиканинг органи мия эканлигини билганлар ва инсон жонини қонининг ақлий бўлаги сифатида *идеалистик* назарияларга асослар яратганлар. Уларнинг ғоялари Платоннинг жон абадийлиги тўғрисидаги таълимотига қарама-қарши қўйилган. Аристотель «Жон тўғрисида»ги асарида психологик тушунчалар тизимини ишлаб чиқди.

Ўрта асрларда психикага нисбатан қар хил қарашлар ҳукмронлик қилди. Шу туфайли психологик билимлар ривожланмай қолди. Ақлсиз фалсафий қарашлар ва шифокорлар (*Ибн Сино* ва б.) асарларида бу соҳага оид қалам қўйилди. Инсон хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар қад. кўлёзмалар, ёдгорликларда ўз аксини тола бошлади. Туркий мамлакатларда ва шаҳарларда тузилган академияларда (Хоразм, Самарқанд, Киев, Москва ва б. шаҳарларда) П. классицизм типологияларига сабоқ берилган.

Европа Уйғониш даврида Леонардо да Винчи, Х. Вивес кабилар П. ривожига ўз ҳиссаларини қўшдилар. 18 аср келиб М. В. Ломоносов, А.Н. Радищев, Г. С. Сковорода, Т. Гоббс, Б. Спиноза, Г. Лейбниц, Ж. Локк, К. А. Гельвеций, П. А. Гольбах, Д. Дидро П.га бир талай кашфиёт қилдилар, уни амалий маълумотлар б-н бойитдилар. П. 19-асрнинг 2 ярмига келиб мустақил фан сифатида ажралиб чиқди. Немис олими В. Вундт Лейпцигда 1879 й. дастлабки экспериментал лабни жиҳозлашга эришди.

П. тараққиётида умуман 19-а.даги экспериментлар алоҳида аҳамият касб этди. Бу даврда психологик реал тажрибани ўрганиш учун методлар мажмуаси кўлами кенгайди: кузатиш, лаб. эксперименти, табиий эксперимент, фаолият натижасини таҳлил қилиш, руҳий жараёнларни моделлаштириш, генетик методи, тест, эксперт баҳолаши, интервью, анкета, сўровнома, тарижмаи ҳол ва ҳ.к. 19-а. охири – 20-а. бошларида қатор психологик илмий мактаблар, йўналишлар вужудга келди: *бихевиоризм, гештальтпсихология, герменевтика, фрейдизм* ва ҳ.к. Илмий рақобатда И. М. Сеченов (ички тормозланиш рефлектор табиати), И. П. *Павлов* (олий нерв фаолиятини текшириш усуллари муҳим ҳисса бўлиб қўшилди), Россияда В. М. Бехтерев экспериментал лаб. (Қозон, 1885), Харжов ун-тида Н. Н. Ланге(ним Олесовлар лаб., Г.Челпановнинг Киевдаги, С. Корсаковнинг Москвадаги, психиатрик В. М. Бехтерев, А. Лозурский, А. Нечаевларнинг Петербургдаги, В. Чижнинг Юрьев (Тарту, Эстониядаги экспериментал лаб.лари П. тараққиётида алоҳида таъсир ўтказди. 1912 й. Москва ун-тида Психология ин-ти очилди. Шу йилда И. А. Сикорскнинг томонидан Киевда жамиятнинг ин-ти ташкил қилинди. 20-а. нинг 2-ярмида Россияда К. Н. Корнилов, П. П. Блонский ва б. лар психологга асосланган ҳолда Ленин ярлиғини кўтардилар.

Хоз. замон П.ни кўп тармоқли психологик билимлар тизимидан иборат фан ҳисобланиб, унинг таянган предметига ва бундан кўриб чиқадиган ташкил этилган: умумий П., авиация П.си, *харбий П., дифференциал психология, психофизиология, муқояссий психология, клиник психология, ҳуқуқ П.си*, тиббиёт П.си, *нейропсихология, психосоматика, педагогик психология*, меҳнат П.си, спорт П.си, маҳсулот П., ижодиёт П.си, менежмент П.си, маркетинг П.си, *ижтимоий психология*, ёш психологияси, таққослий П., *ҳайвон П.си*, олий П.си, *П. тарихи*, генетик П., амалий П., экспериментал П., касб П.си, психолингвистика, сиёсий П. ва б. П.нинг тармоқлари ажралишининг асосий сабаби унинг таркибида татбиқий соҳалар вужудга келишидир. П. саноатда, жамият бошқарувида, таълим тизимида, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт, транспорт, радио, телевидение ва б. тузилмаларда муҳим масалаларни ҳал қилишда фаол иштирок қилмоқда. П. эришган ютуқлари шахс имкониятларини рўёбга чиқариш ва уларни ҳаракатга келтиришда, шунингдек касб қилмоқда ҳамда ишлаб ишлаб чиқаришда, хизмат соҳасида меҳнат самарадорлигини оширишга таъсир ўтказмоқда. Замонавий П.да электрон-ҳисоблаш техникаси, электр ва кимёвий воситалар ёрдами б-н психикани чуқур ўрганишга имкониятлар кўлланилмоқда. П.да ўзини ўзи кузатиш (интроспекция) методи атрофлича кескин баҳслар ланом этмоқда. Баъзи йўналишдаги психологлар уни бекорга ўтказилганлиги ҳақида гапирмоқдалар. Бошқалари эса унинг имкониятларини ошириб юборилганлигини таъкидламоқдалар. Бундай ўринга объектив методларни фанга татбиқ этилиши сабаб бўлади. Объектив методлар туфайли психологик методлар натижаларини текшириш имконияти туғилди. Психологик тадқиқотлар олиб бориш учун мутахассислар тайёрлаш ва тадқиқот ишлари Ўз МУ, Самарқанд, Фарғона ун-тлари, Қарши ун-тлари, Термиз ун-ти базаларида йўлга қўйилган. Республикамизда психологик хизмат жорий қилинган ва унинг тармоғи тобора кенгайиб бормоқда.

Лит.: Вохидов А., Маҳкамов тарбия психологияси, Т., 1970; Давлетшин М., Кобилов ва унинг давр психикаси, Т., 1979; Ғозиева В., Таълим назариясининг илмий ривожланиш психологияси, Т., 1989; Ғозиев Э., Психология фани XXI асрда, Т., 2002; Ғозиев Э., Психология, Т., 2003; Қодиров Б., Лаёқат психологияси, Т., 1969; Шоумаров Г., Олий психология, Т., 2000; Каримова В., Ижтимоий психология, Т., 1994.

Эркин Ғозиев

ПСИХОПАТИЯ (*psycho* ... ва юн. *pathos* – азоб, дард, касаллик), патологик характер — шахснинг конституционал ва генетик сабабларга алоқадор норасолиги. Ирсий, туғма ва ҳаётда орттирилган бўлади. Ила беморнинг ақлидроки сақланиб қолса-да, феъл-атвори, ҳиссиёти, хулқининг чуқур ва доимий тарзда бузилиши кузатилади. П. ҳақида психологик ҳолат эканлиги ва унинг асосий белгиларини рус психиатри П. Б. Ганнушкин асослаб берган эди. Ҳозирги П. ҳақидаги таълимотга америка психиатрлари Г. Кливер ва К. Бьюсси ҳам катта ҳисса қўшдилар. Улар П.ни *социопатия* деб атадилар

лади. Дистанцион П.да қаршиликли термометрлар, термисторлар, термопаралардан фойдаланилади.

ПСИХРОФИЛ МИКРООРГАНИЗМЛАР (юн. psychros — совуқ ва ... *фил*) — криофил микроорганизмлар, 0° ва ундан пастроқ (—10° гача) ҳароратда ўса олади. Облигат П.м. учун оптимал ҳарорат 10—15°, факультативлар учун — 25—30°. Метаболитик жараёнларига совуқ кам таъсир қилиши, жумладан, ферментларининг анча паст ҳароратда оптимал таъсир кўрсатиши, липид алмашинувининг ўзига хослиги (таркибида тўйинмаган ёғ кислоталарнинг нисбатан кўп бўлиши) б-н бошқа микроорганизмлардан фарқ қилади. Актиномицетлардан ташқари барча микроорганизмлар орасида учрайди. Облигат П.м. нисбатан доимий ҳароратда, факультатив П.м. ҳарорат кескин ўзгариб турадиган муҳитда ҳам яшай олади. Табиатда кенг тарқалган. Арктика ва Антарктида, тоғлар, қорлар ва тоғлардаги музликларда кўп учрайди. Микроскопик сувўтлардан айрим турлари (одатда, хламидомонадалар) қизғиш пигмент ҳосил қилиб, қорни қизил рангга бўяш хусусиятига эга.

ПСКОВ — РФ Псков вилоятидаги шаҳар. Великая дарёси бўйида. Т.й. ва автомобиль йўллари тугуни. Аҳолиси 204,2 минг киши (1998). П. 12—13-а.ларда Новгород республикаси таркибида, 14—15 а.ларда Псков республикаси князлигининг маркази бўлган. 13—16-а.ларда П. — йирик савдо-иқтисодий ва маданий марказ. 1510 й.дан марказлашган Россия давлати таркибида. 1777 й.дан П. ноиблиги маркази. П. 1944 й. 23 авг.дан вилоят маркази. 2-жаҳон уруши даврида шаҳарнинг 94% турар жой бинолари вайрон қилинган. П. — муҳим саноат маркази. Етакчи тармоғи — машинасозлик. Электр жиҳозлари, радиодеталлар, телефон аппаратураси ва узоқ алоқа аппаратураси, сунъий ва синтетик тола и. ч. машиналари тайёрланади. Енгил (тикувчилик, кўнчилик, зиғир тола) ва озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади.

Пед. ин-ти, 2 театр, суратлар галереяси, Халқ санъати музейи, тарих-бадиият ва меъморий музей-қўриқхонаси бор. Шаҳарнинг энг қад. қисми — Кром (Псков кремли). Мирожский (1156 й.гача), Ивановский (1243 й.гача), Снетогорский (1310) монастирларининг соборлари, Горкада Василий (1413), Примостьеда Косьма ва Дамиан (1463), Взвозда Георгийнинг (1494) нақшиндор приход черковлари, Поганкиналарнинг тош палаталари (1645 й.гача).

ПСКОВ ВИЛОЯТИ — РФ таркибидаги вилоят. 1944 й. 23 авг.да ташкил этилган. Шим.-Ғарбий федерал округига киради. Россий Европа қисмининг шим.-ғарбида жойлашган. Майд. 55,3 минг км². Аҳолиси 760,9 минг киши (2002), асосан, руслар, шунингдек, украин, белорус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 66,1%. Маркази — *Псков* ш. Бошқа йирик шаҳарлари — Великие Луки, Остров. П.т. таркибида 24 маъмурий туман, 14 шаҳар, 14 шаҳарча бор.

Вилоят ҳудудининг асосий қисми текислик. Луг (шим.-ғарбда), Судом (шарқда), Бежанин (жан.-ғарбда, бал. 338 м гача) қирлари мавжуд. Оҳактош, доломит, мергель, гипс, турли тиллар ва б. конлари, торф қатламлари бор. Иқлими мўътадил континентал. Янв.нинг ўртача т-раси —7°, июлники 17°. Йилига 650 мм ёғин тушади. Вегетация даври 120—130 кун. Йирик дарёлари: Великая ва унинг ирмоқлари: Сороть, Череха, Пскова, Иеса ва б. Йирик кўллари: Псков, Чудь; 1,5 мингдан зиёд майда кўл бор. П.в. жанубий тайга ва аралаш ўрмонлар зонасида жойлашган. Тупроқлари, асосан, подзол ва ботқоқ, дарё водийларида аллювиал-ўтлоқи тупроқ. Ўрмонлар вилоят ҳудудининг 25% га яқинини эгаллайди. Лось, қобон, оқ товушқон, тулки, ўрмон сувсари яшайди. Қушлар, дарё ва ҳавзаларда лещч, судак, чўртан, сиг, налим каби балиқ кўп. Себеж миллий боғи мавжуд.

Саноатининг асосий тармоқлари: машинасозлик, асосан, электротехника (Россияда ишлаб чиқариладиган кичик қувватдаги электродвигателларнинг 1/3 қисми, ҳамда пайвандлаш асбоблари, автомобиллар учун электротехника ускуналари, уй-рўзғор электр асбоблари, электр кабель, автомат телефон ст-ялари, радиодеталлар), енгил (зиғир толаси, тикувчилик, трикотаж), озиқ-овқат, ёғочсозлик саноати корхоналари. Энг йирик корхоналари: «Плескова» (радиодеталлар), «Псковэлектромаш», «ЭЛВО» (юқори вольтли аппаратура); «ТЭСО» (пайвандлаш ускуналари), «Авар» (автоэлектрарматура), Великие Луки локомотив таъмирлаш з-ди, механика узатмалари (тишли ғилдирак, редуктор) з-длари, «Импульс» (ишқорли аккумуляторлар), Псков зиғир к-ти, Великие Луки трикотаж ф-каси, Делович иссиқлик электр ст-яси. Бош саноат марказлари — Псков, Великие Луки, Остров, Невель шаҳри. Қ.ҳда энгичилик, картошкачилик, сабзавотчилик, сут чорвачилиги ва чучқачилик ривожланган. Сули, ем-хашак экинлари экилади. Т.й. уз. 1092 км, қаттиқ қопламали автомобиль йўллар уз. 9943 км. Чудь ва Псков кўлларида ҳамда Великая дарёсининг қуйи оқимида кема қатнайди. Псковда халқаро аэропорт бор. 2 олий ўқув юрти, 10 музей, 2 театр ва филармония ишлаб турибди. Хилово бальнеологик курорти. Избор табиий-меъморий қўриқхонаси, Пушкин қўриқхонаси мавжуд.

ПСКОВ КЎЛИ — РФ Псков вилоятидаги кўл. Эстония б-н бўлган чегарада. Майд. 710 км², чуқ. 6—8 м (баъзи жойлари 12 м гача). П.к. Чудь кўли б-н биргаликда ягона ҳавзани, Чудь — Псков кўлини ҳосил қилади. Псков ва Чудь кўлларидаги пристанлар ўртасида кема қатнайди. Кўлда балиқ (судак, лещч, сиг) овланади.

ПСОРИАЗ (юн. psoriasis — қичима), қипиқли темиратки — юқмайдиган сурункали тери касаллиги. Моддалар алмашинуви (хусусан, ёғ ва углевод алмашинуви), нерв ва эндокрин система фаолиятининг бузилиши, *тиреоллит, гайморит, холецистит, аднексит* ва б. оқибатида келиб чиқиши, «суяк суриши» мумкин. Кўпинча бошнинг сочли қисми, тизза, тирсак ва кўл-оёқ юзасида пайдо бўлади. Дастлаб терида майда, пушти ёки қизғиш тугунчалар ҳосил бўлиб, уларнинг усти қипиқланувчи оқиш, кумуш ранг пўстлоқ б-н қопланади. Тугунчалар астасекин катталашиб, бир-бирига қўшилиб кетади. Касаллик зўрайганда П. тошмалари баданни бутунлай эгаллаб олади (псориатик эритродермия); бунда бемор ўзини ёмон ҳис қилади, иситмалайди, лимфа тугунлари катталашади.

П.нинг баъзи турида тирноқ, бўғимлар ҳам зарарланиб, шакли ўзгаради, ҳаракат қилганда қаттиқ оғрийди, тирноқ юзаси қалинлашиб, хира тортади

Псков шаҳри кремли.

(қушлар тирноғига ўхшаб қолади). Касаллик, одатда, куз ва қиш ойларида кузаб, ёзда бир оз енгиллашади (ремиссия). Асабий-руҳий шикастлар, спиртли ичимликлар ичиш, қувватсизланиш, парҳез бузилиши натижасида П. тошмалари қайтадан пайдо бўлади. Тери касаллигига хос белгилар кўзга ташланганда, албатта, врачга учраши ва унинг кўрсатмаси бўйича даволаниш лозим. Махсус даво тадбирларидан ташқари, сут-ўсимлик маҳсулотларидан тайёрланган парҳез таомлар, хусусан, тўла беморларга творог, ўсимлик мойи, витаминга (А, В, С) бой овқатлар тавсия этилади. П.нинг хили ва кечиш даврларига қараб врач бузорганда иқлим б-н даволаниш яхши наф беради.

ПСОРОПТОЗ, қўтир — ҳайвонлар терисида паразитлик қилувчи Psoroptes туркумига мансуб қичима каналар тарқатадиган юқумли касаллик. Соғлом ҳайвонга касал ҳайвондан юқади. Қичима каналар тури ва терида жойлашиш ўрнига қараб тери устида, парҳатлар орасида, тери остида, қулоқ ва б. аъзоларда паразитлик қилади. П. кўпинча қиш-баҳор пайтларида пайдо бўлиб, ҳайвонларда қичиш, жунининг тўкилиши, терисининг яллиғланиши ва қўтирланиши, ориқлаб кетиш ҳоллари б-н кечади. Қўйларнинг қулоқ атрофи зарарланади (қулоқ қўтири). Қичима қўтир каналари ҳар хил оралиқ хўжайинда, мас., тери усти каналари (Psoroptes equi) отларда, P.bovis қорамолда паразитлик қилади. Ташқис клиник белгилар, зарарланган тери ятирида каналларнинг учраши, терининг зарарланишига қараб қўйилади.

Даволаш: қўйлар ёзда акарицид (дикрезил, креолин, неоцидол ва б.) ваннада (кичкина ҳовузда) чўмилтирилади, совуқ пайтда псоронтол, акролекс, қорамолларга аввал эмульгаторлар (ОП-7, совун ва б.), кейин олтингугурт коллоиди, дерматозол ёки тактика эмульсияси б-н ишлов берилади; отлар 5%ли олтингугурт ангидриди б-н газ камерасида даволанади.

Олдини олиш: молхоналар, жиҳозлар ва ҳайвонларга акарицидлар б-н ишлов бериш (қ. *Демодекозлар*).

ПТОЗ (юн. ptosis — тушиш) — кўз мускулларининг фалажланиши натижасида юқори қовоқнинг салқиб тушиши. Туғма ёки ҳаётда орттирилган бўлади. Туғма П., кўпинча, наслдан-наслга ўтади, деярли ҳамма вақт иккала кўз қовоғи салқийди. Юқори қовоқни кўтарувчи мускулнинг ривожланмай қолиши туғма П.га сабаб бўлади. Ҳаётда орттирилган П.да, кўпинча, бит-

13—

та кўз қовоғи салқийди. П.нинг бу хили кўзни ҳаракатлантирувчи ҳамда симпатик нервлар б-н иннервацияланадиган мускуллар фалажланиши натижасида рўй беради. П.ни даволашда унга сабаб бўлган омиллар бартараф этилади. «П.» термини қайси аъзонинг номига қўшиб айтилса, шу аъзонинг тушиши тушунилади (мас., буйрак П.и ёки нефроптоз ва ҳ.к.).

ПТОЛЕМЕЙ Клавдий (тахм. 170 й. вафот этган) — юнон олими. Искандарияда астрономик кузатишлар олиб борган. П. «Ал-магест» ва «Сурат ул-арз» номли машҳур асарлар муаллифи. «ал-Мажистий» ўша давргача бўлган астрономия фани ютуқларининг геоцентрик системадаги баёнидир.

П.нинг «Географиядан қўлланма» асарида муҳим географик маълумотлар б-н бирга кўплаб географик жойлар, жумладан, Ўрта Осиёнинг Бухоро, Самарқанд, Кўлоб, Кос, Бинкет, Шош, Зомин, Фороб, Фарғона каби шаҳар ва вилоятларининг географик координаталари келтирилган. П. асарлари Шарқда астрономия, мат. ва географиянинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Беруний «Қонуни Маъсудий» асарини ёзишда П. асарларига асосланган. П.нинг математика, астрономияга бағишланган «Аналемма», «Планисферий», «Ўлчамлар ҳақида» ва б. асарлари маълум. Оптикага оид 5 жилдли рисоласи тамоман йўқ бўлиб кетган деб ҳисобланарди. 1801 й. унинг арабчадан лотин тилига қилинган тўлиқ таржимаси топилган.

Ад.: Брошатэн В. А., Клавдий Птолемей, М., 1988.

ПТОЛЕМЕЙ ЛАГ, Птолемей Лаг ўғли, Птолемей I Сотер (Халоскор) — Миср (мил. ав. 323 й.дан), подшоси ҳокими (мил. ав. 305—283). 323 й. *диадохлар*нинг қарорига кўра, *Александр* (Искандар) салтанати 1-марта парчаланганда сатрап сифатида Мисрни идора этиш топширилган. 322 й. ўзининг ўтмишдоши — Александр давридаги Миср нонби Клеоменни ўлдирган. 321 й. подшоҳ регенти Пердиккаснинг ҳужумини даф қилган. Бошқа диадохлар сингари ўзини 305 й. бошида подшо деб эълон қилган. 285 й. ўғли Птолемей II Филадельфни тахтдош қилиб олган. П.Л. Александрнинг барча юришларида, хусусан, Ўрта Осиёга қилган юришларида, Спитамен кўзғолонини бостиришда фаол қатнашган.

ПТОЛЕМЕЙЛАР, лагийлар — Қад. Мисрда ҳукмронлик қилган шоҳлар сулоласи (мил. ав. 305—30 й.лар). *Александр* (Искандар)нинг собиқ саркардаси ва маҳрами *диадохлардан Птолемей Лаг* томонидан асос солинган. Ушбу сулоланинг барча 14 подшоси Птолемей номи б-н аталган. Александр салтанати парчалангач, Миср П. монархияси қарор топган. П. юнон-македон армияси, амалдорлар ва маҳаллий коҳинларга таянган. П. сиёсатида малика лар катта роль ўйнаганлар. Бу сулоланинг сўнгги вакили *Клеопатра* VII бўлган. П. сулоласи вакиллари: П. I Сотер (323—283); П. II Филадельф (285—246); П. III Евергет (246—222); П. IV Филопатор [221—205/204]; П. V Епифан (204—180); П. VI Филометор (180—145); П. VII Неос Филопатор (145); П. VIII Евергет II (Фискон) (170—116); П. IX Сотер II (Латир) (116—108 ва 88—81/80); П. X Александр I (108/107 — 88); П. XI Александр II (80); П. XII Неос Дионис (Авлет) (80— тахм. 51); П. XIII Дионис (51—47); П. XIV Филопатор (47—44); Клеопатра VII Теа Филопатора (тахм. 51 — 30) (Клеопатра I — VI лар турли вақтларда регент ёки тахтдош бўлганлар).

ПУАЗ (франц. poise) — бирликларнинг СГС тизимида динамик *ёпишқоқлик*нинг ўлчов бирлиги; ўзаро 1 см/с нисбий тезлик б-н ҳаракатланаётган, бирбиридан 1 см масофада жойлашган 1 см² юзага эга бўлган икки суюқлик қатламига 1 дина куч б-н таъсир қилаётган суюқликнинг ёпишқоқлиги. Қисқача П б-н белгиланади. 1 П. = 0,1 Па·с. П. француз физиги ва врачи Ж. Л. М. Пуазёйль (1799—1869) шарафига қўйилган.

ПУАЗЁЙЛЬ ҚОНУНИ — ингичка цилиндр найча орқали оқиб ўтаётган ёпишқоқ суюқликнинг *ламинар оқим*идаги миқдори-ҳажмини кўрсатадиган қонун. Унга кўра, найчанинг кўндаланг кесимидан 1 секундда оқиб ўтаётган суюқлик ҳажми Q найчага киритган ва ундан чиқаётган суюқлик босим (*p* ва *p*₀)лари фарқига, найча диаметри *d* нинг тўртинчи даражасига тўғри пропорционал, найча узунлиги *l* га ва суюқликнинг ёпишқоқлик коэффициенти μ га тескари пропорционал:

$$Q = k\frac{p-p_0}{l}d^4 = \frac{\pi}{128}\frac{p-p_0}{l}\cdot\frac{d^4}{\mu},$$

Бу формулани француз физиги ва врачи Ж. Л. М. Пуазёйль (1799—1869) аниқлаган, *k* коэффициенти б-н ёпишқоқлик коэффициенти μ нинг боғланишини кейинроқ Ж. *Стокс* аниқлаган. П. қ. турли т-ралардаги суюқлик ёпишқоқлиги коэффициентини аниқлашда қўлланилади.

ПУАНКАРЕ Жюль Анри (1854.29. 4, Нанси — 1912.17.7, Париж) — француз математиги. Париж ФА аъзоси (1887). Париж ун-ти проф. (1886). Гео-

график узунликлар бюроси аъзоси (1893). Асосий илмий ишлари дифференциал тенгламалар, автоморф функциялар назарияси, осмон механикаси, математик физика ва *топология*га оид. П. дифференциал тенгламалар ечимини бошланғич шартларга ва тенглама параметрига боғлиқ ҳолда текширди. Бунда П. махсус нуқталар таснифини таърифлади ва лимит цикларини ўрганди. П. комбинатор топологиянинг асосий тушунчалари (Бетти сони, фундаментал группа ва б.)ни киритди. П. математик физика соҳасида 3 ўлчовли континуум тебранишини, шунингдек, иссиқлик ўтказувчанлик назарияси, электромагнит тебранишлар назарияси ва б. масалаларни талқиқ қилган. «Электрон динамикаси» асарида (1905) А. *Эйнштейн*дан мустақил тарзда махсус нисбийлик назарияси асосларини баён этган. П.нинг *махизм*га оид фалсафий дунёқарашлари диққатга сазовор.

ПУАНКАРЕ (Poincare) Раймон (1860.20.8, Мёз департаменти — 1934.15.10, Париж) — Франция президенти (1913—1920 й. янв.), бош вазир (1912—1913 й. янв., 1922—24 ва 1926—29), бир неча марта вазир; сенатор (1903—13 ва 1920). П. мамлакатни ҳарбийлаштириш ва урушлар олиб бориш сиёсатини юритган. У Россияда фуқаролар уруши йилларида советларга қарши ҳарбий интервенция ташкилотчиларидан бири.

ПУАНСОН (франц. poincon) — 1) штамп ва б. қурилмаларнинг асосий қисми; металларни штамплаш ва пресслаш учун мўлжалланган. Штамплашда П. ишлов берилаётган металларга бевосита босим б-н таъсир қилади. Пресслашда заготовкага П. пресс-шайба орқали босим беради. П. жуда қаттиқ пўлатлардан тайёрланади; 2) матбаада — ҳарф, белги ва б.нинг бўртма тасвири туширилган, кесими тўғри тўртбурчакли тахтача (брусок); *матрица*да чуқур тасвир ҳосил қилишда ишлатилади; 3) география хариталаридаги шартли белгилар (доирача, квадратча ва б.); 4) материал қаттиқлигини аниқлашда синаладиган материалга бевосита таъсир қиладиган деталь (асбоб, станок детали ва б.).

ПУАССОН Симеон Дени (1781.21.6, Питивье — 1840.25.4, Париж) — француз математиги, физиги. Париж ФА аъзоси (1812), Петербург ФА фахрий аъзоси (1826). Илмий ишлари назарий ва осмон механикасига, мат. ҳамда математик физикага оид. У биринчи марта аналитик механика тенгламаларини импульснинг ташкил этувчилари тарзида ёзган. П. математик физиканинг кўплаб масалаларини ечган, эҳтимоллар назариясида Бернулли схемасини умумлаштириб, катта сонлар қонунини исботлаган, кам рўй берадиган ҳодисалар тақсимот қонуни (Пуассон тақсимоти)ни топган. Қуён системасининг тургунлигини текширишга бағишланган ишлари муҳим. Сфероид ва бир жинсли эллипсоидлар тортишишини ўрганиб, ўз номи б-н аталувчи тенгламани чиқарган (қ. *Пуассон тенгламаси*). П.нинг баллистика, эластиклик назарияси, гидромеханика ва б. соҳалардаги ишлари ҳам катта амалий аҳамиятга эга.

Ад.: Клейн Ф., Лекции о развитии математики в XIX столетии, пер. с нем., ч. 1, М. —Л., 1937.

ПУАССОН КОЭФФИЦИЕНТИ — эластик жисм характеристикаларидан бири. С. Д. *Пуассон* аниқлаган. Жисм элементи нисбий кўндаланг деформациясининг нисбий бўйлама деформациясига нисбатининг мутлақ қиймати б-н ўлчанади:

$$\mu_{12} = \frac{\varepsilon_2}{\varepsilon_1}, \quad \mu_{23} = \frac{\varepsilon_3}{\varepsilon_2},$$

бунда ε_y ва ε_z — жисмнинг x, y, z ўқларига мос келадиган деформациялари.

Изотропик жисмлар учун П. к. қиймати деформация ишорасини алмаштириш (чўзилишни сиқилиш б-н алмаштириш) ёки деформациялар ўқларини алмаштириш б-н ўзгармайди, яъни

$$\mu_{ij} = \mu_{ji} = \mu_{12} = \mu.$$

Анизотропик жисмлар учун П. к. координата ўқларининг йўналишига боғлиқ:

$$\mu_{ij} \neq \mu_{12} \neq \mu_{23} \neq \mu.$$

П. к. кўпчилик металлар учун 0,3 га яқин. Кучланишнинг ортиши б-н у 0,5 га қадар ортади. П. к.нинг тескари қиймати $\left(\frac{1}{\mu} = c\right)$ Пуассон сони дейилади.

ПУАССОН ТЕНГЛАМАСИ — иккинчи тартибли, хусусий ҳосилали

$$\Delta u = \sum_{k=1}^{n} \frac{\partial^2 u}{\partial x^2 k} = f$$

кўринишдаги дифференциал тенглама. Бу ерда

$$\Delta = \sum_{k=1}^{n} \frac{\partial^2}{\partial x^2 k}$$ — Лаплас оператори.

Агар f функция чекли G соҳада нолдан фарқли, чегараланган ва биринчи тартибли узлуксиз хусусий ҳосилага эга бўлса, n=2 да П.т.нинг хусусий ечими:

$$V(P) = \frac{1}{2\pi} \iint_{\sigma} f(A) \ln \frac{1}{r(A,P)} d\sigma$$

бўлади.

П.т. ни n=3 да $f(x, y, z)$: $\frac{1}{4\pi}$ ярлиқ б-н тарқалган ҳажмий массанинг потенциали $u(x, y, z)$, шунингдек, ҳажмий тарқалган электр зарядининг потенциали қаноатлантирали.

Тенгламани 1812 й.да С.Д.*Пуассон* ўрганган. П.т. потенциаллар назариясида гравитация ва электростатика масалаларини ечишда қўлланилади.

ПУБЛИЦИСТИКА (лот. publicus — ижтимоий) — даврнинг ижтимоий-сиёсий ва б. долзарб масалаларига бағишланган адабий ижод тури. П.нинг вазифаси ижтимоий фикр уйғотиш ва уни шакллантириш, маълум мақсадга йўналтириш, ҳужжатли факт-маълумотлар асосида воқелик манзарасини яратишдан иборат. Ҳоз. замон ижтимоий ҳаёти, унга алоқадор ўтмиш ва келажак фактлари П.нинг предметидир. Ҳаётда ижтимоий фаолият, онг-қарашларнинг салмоғи ортган сари публицистиканинг, яъни ижодкорнинг воқеликка фаол аралашуви, фикрни бевосита ошкора, дангал ифодалаш тамойили ҳам ошди. П. фан, санъат, адабиёт асарлари таркибига тобора кўпроқ кириб бормоқда. Публицистик роман, пьеса, кино асарлари пайдо бўлмоқда.

Воқелик фактларини мантиқий ва образли умумлаштириб ифодаловчи мақола ва б. йирик асарларгина эмас, балки матбуот жанрларининг ҳаммаси ҳам П.га киради. П. мавзу хусусиятлари жиҳатидан фалсафий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий, адабий, танқидий; услуб жиҳатидан баҳс-мунозарали, ташвиқот-тарғибот, танқидий-таҳлилий, ҳажвий кўринишларга эга. П. жанр жиҳатидан воқеий-информацион (хабар, репортаж, ҳисобот), таҳлилий (мақола), бадиий-публицистик (*очерк, фельетон, памфлет*, ёзувчи мақоласи) турларга бўлинади. П. ҳаёт фактларини чуқур таҳлил ва талқиқ этиш, яъни ижтимоий-публицистик тадқиқот орқали воқеликни кашф этади. Шу жиҳатдан у ижтимоий фанга яқинлашади. П. илмий-назарий хусусиятларга эга бўлиши, у ёки бу фан масалаларини публицистик мақола тарзида талқин ва ташвиқ этиши мумкин. П.нинг шакли, ички тузилиши мантиқий тафаккур ва образлиликнинг ўзаро бирикувидан иборат. П. жанрида образ ўзига хос меъёрда қўлланади. Публицист шахсияти шоир шахсияти сингари ўзининг бой ички дунёси, нуқтаи назари б-н намоён бўлади.

Ўрта Осиё халқлари тарихида П. анча қалимийдир. П. хусусиятлари «Қобуснома» (11-а.)да яққол кўзга ташланади. Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис», «Муншаот», «Маҳбуб ул-қулуб» асарларида П.нинг тутал хусусиятлари учрайди. Навоийнинг Абдураҳмон Жомий, Паҳлавон Муҳаммад, Сайид Ҳасан Ардашер ва б. ҳақидаги адабий портретларини публицистик очерклар, деб аташ мумкин. Навоий насрий асарларини чуқур талқиқ этиш уни ўзбек бадиий П.сининг асосчиси, деб аташга имкон беради. Публицистик хусусият ўзбек мумтоз адабиёти асарлари таркибига ҳам сингиб кетган. Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётга доир дастлабки публицистик мақолалар «*Туркистон вилоятининг газети*» саҳифаларида чоп этилган. Бироқ миллий уйғониш (жадидчилик ҳаракати)нинг кучайиши натижасида юзага келган миллий матбуот ўша даврдаги жамиятнинг камчилик ва иллатларини очиқ-ошкора баён этган, ҳатто халқаро ҳаётга оид муаммоларни тезкор шарҳлаганлиги б-н ҳам қадрлидир. Айниқса, бундай мақолалар «*Тараққий*» газ.дан бошлаб кенг кўламда кўрина бошлайди. И. Обидий, М. Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, У. Ҳўжаев, А. Авлоний, Х. Муин, М. Абдурашидхонов, С. Ажзий ва б. ҳурфикр жадид зиёлилари қаламига мансуб ўлка ва халқаро майдонлари ижтимоий-сиёсий, фан ва таълим, маданият ва санъат, миллий сиёсат ва б. масалаларга бағишланган публицистик мақолалар «*Шуҳрат*», «*Хуршид*», «*Осиё*», «*Садои Туркистон*», «*Садои Фарғона*», «*Нажот*», «*Турон*», «*Хуррият*», «*Юрт*» каби газ. ва жур. саҳифаларида чоп этилган. Хусусан, *Беҳбудий*нинг ўзи томонидан нашр этилган ва бош муҳаррирлик қилган «*Самарқанд*» газ. ҳамда «*Ойна*» жур.да чоп қилинган мақолалари ўша давр жамоатчилиги томонидан зўр қизиқиш б-н қаршиланган («Саёҳат хотиралари», «Тил масаласи», «Бизни кемиргувчи иллатлар», «Эҳтиёжи миллат» ва б.).

90-й.лардан сўнг ўзбек миллий журналистикасида ҳам ўзига хос ўзгаришлар кузатилди. Анъанавий шарҳлаш журналистикаси ўрнига янгиликлар журналистикаси пайдо бўлди. Натижада публицистик жанрлар ахборот жанрларига кўпроқ ўрин бера бошлади. П. кейинги йилларда юқори босқичга кўтарилди. Озод Шарофиддинов, Ўткир Ҳошимов, Иброҳим Ғафуров, Наим Каримов, Хуршид Дўстмуҳаммад, Эркин Аъзам, Султонмурод Олим ва б. ўзларининг долзарб публицистик мақолалари билан ўзбек П.сига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

П.нинг ёзма ва оғзаки шаклларидан ташқари график-тасвир (плакат, карикатура ва б.), фото-кинематографик (ҳужжатли кино), театр-драматик (агитбригада ва б.) шакллари ҳам бор.

Ад.: Газетные жанры, М., 1971; Тогаев О., Публицистика жанрлари, Т., 1976; Зоҳидов В. Й., Танланган асарлар, 3 жилд, Т., 1976—78.

Норали Очилов.

ПУГАЧЕНКОВА Галина Анатольевна (1915.7.2, Олмаота) — санъатшунос, археолог олим. Ўзбекистон ФА акад. (1984), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1964). Ўрта Осиё индустриал институтини тугатган (1937). Ўрта Осиё ун-ти (ТошДУ) тарих ф-ти археология кафедраси доценти (1942—60), проф. (1962). Санъатшунослик и.т. институтида катта илмий ходим (1958—60), санъат ва меъморлик тарихи бўлими мудири (1960—84) ҳамда, айни бир пайтда, Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси бошлиғи ва илмий раҳбари (1959—84), Ўзбекистон ФА Тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик фанлари бўлими акад.-котиби (1984—87), 1987 й.дан Ўзбекистон ФА Тарих и.т. институтида академик-маслаҳатчи. П.нинг илмий ишлари Ўрта Осиё ва унга ёндош Ўрта Шарқ мамлакатларининг қад. ва ўрта асрлар бадиий ва модднй ёдгорликларини ўрганишга бағишланган. Ўрта Осиё меъморлиги ва унинг тараққиёти, ўзига хос хусусиятлари ҳамда Шарқ меъморлиги ривожида тутган ўрни (Холчаён, Далварзинтепа каби ёдгорликларни ўрганиш, Кушан санъатининг келиб чиқиши, Бақтрия, Парфиянинг қиши, Гандхара санъатига қўшган ҳиссалари)ни, қад. санъат осори атиқалари (Ўрта Осиё глиптикаси, қад. ҳайкалтарошлиги ва б.) ва миниатюра санъати (хорижда сақланаётган Ўрта Осиёга оид расмлар ва Ўзбекистонда мавжуд расмли қўлёзмаларни безаган миниатюраларадан Ўрта Осиё миниатюра мактабига тегишлилари)ни талқин этган.

Франциядаги Страсбург ун-тининг фахрий д-ри (1976), Бокудаги Шарқ мамлакатлари халқаро меъморлик академияси фахрий акад. (1999). Ҳамза (1966) ва Беруний (1992) номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотлари лауреати. «Дўстлик» (1995) ва «Буюк хизматлари учун» (2002) орденлари б-н мукофотланган.

Ас.: Выдающиеся памятники изобразительного искусства Узбекистана (в соавторстве), Т., 1960; Халчаян. К проблеме художественной культуры Северной Бактрии, Т., 1966; Зодчества Центральной Азии, XV век. Ведущие тенденции и черты, Т., 1976; Искусство Бактрии эпохи Кушан, М., 1979; Искусство Гандхары, М., 1982; Темурнинг меъморий мероси (ўзб., рус. француз), Т., 1996.

Ад.: Галина Анатольевна Пугаченкова, Т., 1985; Горшенина С., Галина Пугаченкова, Т., 2002.

ПУГАЧЁВ Емельян Иванович (1740 ёки 1742—75) — Россияда деҳқонлар уруши (1773—75) раҳбари, Дон казаги, Етти йиллик (1756—63) ва рус-турк (1768—74) урушлари қатнашчиси, хорунжий. Император Пётр III номи остида Ёйиқ казаклари қўзғолонига бошчилик қилган (қ. *Пугачёв қўзғолони*). 1774 й. сент.да фитначилар томонидан ҳукуматга тутиб берилган. Москвадаги Болотная майдонида қатл этилган.

ПУГАЧЁВ ҚЎЗҒОЛОНИ (1773—75) — Россияда ҳокимиятга қарши кўтарилган қўзғолон. Уралбўйи, Уралорти, Ўрта ва Қуйи Волгабўйига тарқалган. Унга Е.И. *Пугачёв* раҳбарлик қилган. Ёйиқ казаклари, з-д ишчилари, крепостной деҳқонлар, Волгабўйи аҳолиси, Салават Юлаев, Кинзя Арслонов бошчилигидаги бошқирдлар деҳқонлар урушининг ҳаракатлантирувчи кучлари бўлган. 1773 й. сент.да қўзғолончилар Илецк ва б. истеҳком шаҳарчаларини эгаллаганлар. 1773 й. окт.да Пугачёв 2500 кишилик отряди б-н Оренбург қалъасини қамал қилган. Қўзғолончиларнинг сони дек. ойида 30 минг кишига етиб, уларнинг қўлида 86 тўп бўлган. Қўзғолон нояб.-дек. ойларида катта ҳудудга ёйилган. 1774 й. фев.да Челябинск эгалланган. Қўзғолончиларга қарши *Екатерина II* ҳукумати мунтазам қўшинларини юборган. Пугачёв Оренбург қамалини бўшатиш, Челябинск ва Курганни ташлаб чиқиш, қўзғолон авж олган Урал з-дларига кетишга мажбур бўлган. 1774 й. июлида қўзғолончилар Қозон учун бўлган жангда енгилганлар. Пугачёв деҳқонлар ҳаракати кенг ёйилган Волганинг ўнг соҳилига ўтиб кетган. Унинг кенг ёйилишига Пугачёвнинг деҳқонларга ерларни бўлиб бериш, крепостной ҳуқуқни тугатиш, дворян ва подшо амалдорларини йўқотишга даъват этувчи манифестлари ёрдам берган. Деҳқонлар қўзғолони мағлубиятга учраган. Пугачёв тутиб олиниб, 1775 й. Москвада қатл этилган. Минглаб қўзғолончилар шафқатсиз жазоланган.

ПУГАЧЁВА Алла Борисовна (1949.15.4, Москва) — рус эстрада хонандаси. Халқ артисти (1991). Москвадаги Театр санъати ин-тини тугатган (1981). О. Лундстрем раҳбарлигидаги эстрада оркестрида (1971—72), Росконцертда (1978—87) якка хонанда, «Қўшиқ театри» театр-студиясининг асосчиси ва бадиий раҳбари (1988 й.дан). П. ижоди юқори вокал ва актёрлик санъати, ҳар бир қўшигини мукаммал драматургик асар даражасига кўтара олиши, жўшқинлик, кўтаринкилик каби ўзига хос услуби б-н ажралиб турали. Репертуаридан Р. Паулс, А. Зацепин, М. Таривердиев, И. Николаев ва б. композиторлар ҳамда ўзи басталаган қўшиқлар ўрин олган («Арлекино», «Миллион қизил атиргул», «Маэстро», «Паромчи», «Бу дунё», «Мени ёқади», «Айсберг» ва б.). Европа, Америка ва Осиё (жумладан, Ўзбекистонда ҳам) гастролда бўлган. Халқаро эстрада танловларида (Болгария, 1975; Польша, 1978) Гран-при мукофотига сазовор бўлган. Россия Давлат мукофоти лауреати (1994).

ПУД — қад. оғирлик ўлчов бирлиги. Қиймати 40 *қадоққа* тенг. 1 П.= 40 қадоқ=40·0,4095512 кг≈16,3805 кг. Баъзи шеваларда пут деб ҳам ишлатилган.

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (рус. подряд — бир йўла) — фуқаролик-ҳуқуқий битим, унга кўра, бир тараф (пудратчи) иккинчи тараф (буюртмачи)нинг топшириғига биноан, муайян ишни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига белгиланган муддатда топшириш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса, иш натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. Ўзбекистон Республикасида П.ш.нинг маиший пудрат, қурилиш пудрати, лойиҳа ва қидирув ишлари пудрати, илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрати сингари алоҳида турлари бор. П.ш. буюмни тайёрлаш ёки қайта ишлаш ёхуд бошқа ишни бажариб, унинг натижаларини буюртмачига топшириш борасида тузилади. Буюм тайёрлаш учун тузилган П.ш. бўйича пудратчи буюмга бўлган ҳуқуқни буюртмачига беради. Агар шартномада бошқача қоида белгиланмаган бўлса, пудратчи буюртмачининг топшириғини бажариш усулларини ўзи белгилайди. Агар П.ш.да бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, иш пудратчининг қарамогида — унинг материалларидан, унинг кучи б-н ва воситаларидан фойдаланган ҳолда бажарилади. Пудратчи ўзи берган материаллар ва ускуналарнинг сифатига, шунингдек, учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бўлган материаллар ва ускуналарни беришлиги учун жавоб беради. Агар қонун ёки П.ш.дан пудратчининг шартномада назарда тутилган ишни шахсан бажариш мажбурияти келиб чиқмаётган бўлса, пудратчи ўз мажбуриятларини бажариш учун бошқа шахслар (субпудратчилар) ни жалб қилишга ҳақлидир. Бу ҳолда пудратчи бош пудратчи вазифасини бажаради. П.ш.га оид ҳуқуқий ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси ФКда баён қилинган.

ПУЛ (форс-тож.) — Ўрта Осиё хонликлари ва Яқин Шарқдаги айрим давлатларда қўлланилган мис чақа пул. Мас., ҲҒ. 18—19-а.ларда Қўқон хонлигида 1/45—1/60 *танга*га, Бухорода 1 П. 1/40 тиллага, 1932 й.гача Эронда 1/40 қиронга тенг бўлган.

ПУЛ — ҳамма товарлар ва хизматлар айирбошланадиган, умумий эквивалент сифатида фойдаланиладиган, бошқа барча товарлар қийматини ифодалайдиган махсус товар; *бозор иқтисодиёти*нинг энг асосий воситаси. П. ўз табиатига кўра, 3 хил хусусиятга эга: ҳамма нарсага айирбошланадиган муҳим харид воситаси; бойлик тимсоли; меҳнатни қиймат шаклида ўлчаб берадиган восита.

П. айирбошлаш, тўлов, қиймат ўлчови, жамғариш (бойлик тўплаш) каби вазифаларни бажаради: қиймат ўлчови — товарлар қиймати миқдорини П. орқали ўлчанади. У бошқа ҳамма товар қийматини ифодалайди; айирбошлаш воситаси — П. воситасида товарлар олди-сотди қилинади; жамғариш воситаси — пул ўзида меҳнатни гавдалантиргани учун бойликнинг умумий шаклига айланади. Агар товар ишлаб чиқарувчи ўз товарини сотиб, П.га бошқа товар сотиб олмаса, у П.ни жамғаради. П. жамғариш учун, айниқса, П. қадрининг сақланиши муҳим аҳамиятга эга; тўлов воситаси — товарга уни сотиб олинган вақтда эмас, балки маълум муддатдан сўнг ҳақ тўланадиган товар муомаласи жараёнида юзага келади. Насияга сотилган товарлар ва хизматлар ҳақи тўланганда, қарз қайтарилганда П. тўлов воситаси ролини бажаради. П.нинг бу вазифаси муомаланинг турли кредит воситалари — *вексель, чек, банкнот*ларни келтириб чиқаради. П. шаклига кўра, нақд П. (аниқ моддий шаклга, яъни қоғоз, танга) ва нақд бўлмаган П. (аниқ моддий шаклга эга бўлмаган, банкдаги бир жорий ҳисобварақдан бошқасига кўчириб ёзиб қўйиш орқали ҳаракат қилувчи П.) кўринишида бўлади. Муомала доираси даражасига кура, миллий П. (асосан, мамлакат ҳудудида амалда бўладиган), халқаро ёки мамлакатлараро (бандитмилат) П.га бўлинади. Махсус чиқарилдиган жаҳон П.и нуқ, аммо умумий универсал тўлов воситаси ролини энг қадри юқори, эркин алмаштириладиган П. ўйнайди. Ҳоз. пайтда дунёда АҚШ *доллари*, Англия *фунт стерлинги*, Япония иенаси ва 2002 й. январдан муомалага киритилган *Европа Иттифоқи* мамлакатларининг П. бирлиги — *евро* жаҳон П. и вазифасини бажаради.

Дилором Ғозибоева

ПУЛ БЕЛГИЛАРИ — пулнинг қуриниш шакли, муомалада қатнашадиган пулнинг турлари. *Пул*га хос умумий белгилар: қиймат миқдорини кўрсатувчи рақамлар, давлат герби, индивидуал серия ва унинг сони, махсус расм, чизмалар, нақшлар; хусусий белгилар: қоғоз таркиби, ҳажми, эни ва бўйи, бошқа пуллардан фарқланадиган ва такрорланмайдиган белгилардан иборат. Ўзбекистонда қоғоз белгилар ва майда тангалар шаклида чиқарилади. П.б. номиналлари нақд ҳисоб-китобларни, тўловларни оқилона ташкил этишга имконият берадиган даражада белгиланади. *Инфляция* юз бераётган вазиятларда П.б. йирик номиналда чиқарилади.

ПУЛ БИРЛИГИ, мамлакатнинг пул бирлиги — мамлакатда қонун йўли б-н жорий этилган пул белгиси. мамлакат пул тизимининг асосий унсури бўлган пул ҳисоб-китоби бирлиги. Мас., Ўзбекистоннинг П.б.—*сўм*. АҚШнинг П.б. — АҚШ *доллари*, Буюк Британия П.б. — *фунт стерлинг*. П.б. майда қисмларга бўлинади. Мас., 1 сўм=100 тийин, 1 рубль=100 копейка, 1 АҚШ доллари=100 цент. 21-а. бошига келиб жаҳон мамлакатларининг биронтасида ҳам монометалл пул муомаласи қолмади. Шу сабабли, асосий П.б. кредит банк билетлари (*банкнотлар*), шунингдек, давлат хазина билетлари ва танга пуллардан иборат.

ПУЛ БОЗОРИ — молия бозорининг асосан қисқа муддатли (бир йилгача) кредит операциялари амалга ошириладиган қисми. П.б.даги операциялар фирмаларнинг айланма капитали ҳаракатига, банкларнинг қисқа муддатли ресурсларига хизмат кўрсатади. Кенг маънода П.б. хусусий шахслар, давлат, нобанк давлат муассасалари пулга талаб б-н ва банклар пул таклифи б-н чиқадиган бозордир. П.б. вақтинча етишмаётган айланма воситаларни тўлдириш имкониятини беради. П.б.нинг асосий иштирокчилари — Марказий банк ва тижорат банклари

ҳисобланади. Кейинги йилларда банклардан ташқари молия воситачилари (мас., АҚШдаги П.б. ҳамкорлик фондлари) ҳам иштирок этади. П.б.да юқори ликвидликка эга бўлган қимматбаҳо қоғозлар — хазина ва тижорат векселлари, депозит сертификатлари, банк акцептлари, қимматли қоғозлар, муниципал векселлари ва б. қатнашади. П.б. иқтисодиётни бошқаришнинг муҳим объектларидан бири. П.б. давлат харажатларини кредитлаш ва бюджет тақчиллигини қоплашнинг манбаи сифатида катта аҳамиятга эга. Халқаро валюта-кредит муносабатлари ривожланиши б-н халқаро П.б.лари пайдо бўлди (энг йирикларн Америка П.б., Европа П.б.).

ПУЛ ИСЛОҲОТЛАРИ — миллий валютани мустаҳкамлаш, пул бирлигини барқарорлаштириш ва пул муомаласини тартибга солиш мақсадида давлат томонидан мамлакат *пул тизими*ни тўлиқ ёки қисман қайта ташкил этиш. П.и. қоғоз пул белгиларининг ҳаммаси ёки бир қисми қадрсизланганда ва уларнинг ҳажми кўпайиб, янгиси (қоғоз ёки металл) б-н алмаштириш лозим бўлганда, пулнинг олтин қиймати ёки *валюта курси* ўзгарганда, пул тизимига ўзгартиш киритиш зарур бўлганда ўтказилади. П.и. мамлакатдаги иқтисодий ҳолатга, пулнинг қадрсизланиш даражасига ва давлатнинг сиёсатига боғлиқ ҳолда турли усулларда: ортиқча қоғоз пулларни йўқ қилиш йўли б-н пул ҳажмини камайтириш (*дефляция*); эски пул белгиларини йўқ қилиб, янги қоғоз пул белгиларини зарур миқдорда чиқариш (*эмиссия*); эски пул белгиларини йирикроқ янги пул белгиларига алмаштириш (*деноминация*); пул бирлиги ёки қоғоз пул бирлиги курсининг металл қиймати ва чет эл валютасига нисбатан курсини пасайтириш (*девальвация*); пул бирлигидаги металл қиймати ёки қоғоз пул курсини ташқи давлатлар валютасига нисбатан ошириш (*ревальвация*) ва б. шаклларда амалга оширилади.

Собиқ Иттифоқ (Россия)да 1922—23 й.ларда эски 1 млн. рубль янги 1 рублга, Германияда 1-жаҳон уруши ва ундан сўнгги даврларда пулнинг ҳаддан ташқари қадрсизланиши натижасида 1924 й.ги П.и. даврида янги 1 марка эски 1 трлн. маркага, Грецияда 1944 й. нояб.да 50 млрд. драхма янги 1 драхмага алмаштирилган эди. 2-жаҳон урушн якунланиши арафасида ва ундан кейин бир қатор хорижий давлатларда П.и. (Бельгия — 1944 й., Франция, Дания, Голландия ва Норвегия — 1945 й., Япония — 1946 й., Австрия — 1947 й.) амалга оширилди.

Ҳозирги Марказий Осиё ҳудудларида муҳим П.и. Амир Темур ҳукмронлик қилган даврдан бошланган. Унинг ташаббуси б-н ўша давргача муомалада бўлган майда мис тангалар ўрнига сифат ва ҳажм жиҳатдан бир неча марта ортиқ бўлган, йирик қийматга эга олтин ва кумуш тангалар зарб этила бошлаган. Амир Темур тасарруфида бир неча зарбхоналар бўлганлиги ва уларда зарб этилган тангалар Европада ҳам машҳур бўлганлиги ҳақида кўп маълумотлар бор. Биргина Гарбий Эрон ва Озарбайжонда Амир Темурнинг номи битилган 120 турдан ортиқ олтин ва кумуш тангалар муомалага киритилган. Мирзо Улуғбек томонидан 1428 й. амалга оширилган П.и.да илгари зарб этилган мис тангаларнинг муомалада бўлиши тақиқланган. Бир қатор шаҳарларда — Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Шоҳрухия, Андижон, Қарши ва Термизда янги тангалар зарб этила бошлаган. Эски тангаларни янги тангаларга алмаштириш тугалланганидан кейин, фақат Бухородаги зарбхона фаолияти сақлаб қолиниб, колганлари ёпилган.

Шайбонийлар даврида ҳам тангалар зарб қилишда янгилик киритилган. Олдинги ҳукмдорлар томонидан зарб этилган тангалардаги ёзувлар устига янги тамғалар зарб қилиниб, муомалага чиқарилган. Бу даврда, асосан, динор номи б-н юритилган жуда кўп миқдордаги мис тангалар ва вазни 3 г бўлган кумуш тангалар муомалада бўлган.

19-а.нинг бошларидан Бухоро амирлигида вазни 4,5 г лик «тилло» номи (олтин) б-н тангалар зарб этилган. Кумушдан ишланган *танга* деб аталувчи пул бирликлари 1920 й.га қадар муомалада юрган. Бухоро амирлигида 1918 й.дан бошлаб муомалага номинали 20, 60, 100, 200, 300, 500, 1000, 2000, 3000, 5000 ва 10000 тангалик қоғоз пуллар чиқарилган. 1921 й.да Бухоро Халқ банки муомалага янги, номинали рублда кўрсатилган қоғоз пуллярни чиқара бошлади. Бу пуллар 3000, 10000 ва 20000 рубль номиналига эга бўлган. 1922 й.да Бухоро Халқ банки томонидан деноминация амалга оширилиб, пулнинг номинали юзлаб марта камайтирилган ва 1, 5, 10, 25, 100 рубллик янги пуллар муомалага чиқарилди. Аммо кўп ўтмасдан, кучли инфляция натижасида паст номиналдаги пул белгилари бозор эҳтиёжларини қондира олмади ва 1000, 2500, 5000 рубллик пуллар босиб чиқарилди. 1920—21 й.ларда Хоразм Совет Халқ Республикаси (ХСХР) томонидан муомалага 250, 500, 750, 1000, 2000, 5000 ва 10000 рубль номиналида ипакдан қўлда тўқилган махсус пул белгилари чиқарилган. Ушбу пуллар ХСХР тугатилганга қадар, яъни 1924 й.гача муомалада бўлган. Юқори инфляция натижасида 1922 — 23 й.ларда ХСХР томонидан деноминация амалга оширилиб, эски пулларнинг устига уларнинг янги номиналини кўрсатувчи тамғалар босилган. 1921—22 ва ундан кейинги йилларда П.и.ни ўтказишга қаратилган қатор тадбирлар Туркистон АССРда амалга оширилди. 1923—24 й.ларда Бухоро ва Хоразм Халқ Республикаларининг пул белгилари РСФСР пул белгилари (рубль червон) б-н алмаштирилди. Фуқаролар уруши даврида Туркистон фронтлар ҳалқаси ичида қолганда Тошкентда Туркистон АССРнинг пули — туркбонлар чиқарилган. Кейинчалик 1921 й. 1 январдан бошлаб Туркистонда 3 ой давомида П.и. ўтказилиб, туркбон РСФСР пул бирлигига 10:1 нисбатда алмаштирилди. 1947 й.да собиқ СССРда П.и. ўтказилди, маҳсулотларни тақсимлашда карточка тизими тугатилди ва давлат кооператив чакана савдоси нархида ягона тартиб ўрнатилди. Муомаладаги ҳамма пул белгилари 10:1 нисбатда янги пул белгиларига алмаштирилди. 1950 й.га келиб олтин товар захирасининг кўпайиши, чет эл валютасига нисбатан пул курсининг ошиши, нархлар масштаби ўзгариши 1961 й.да муомаладаги пул белгиларини 10:1 нисбатда янги пул белгиларига алмаштирилишига олиб келди.

Ўзбекистон Давлат мустақиллигига эришгач, Россия ўз миллий валютасини чиқаргунга қадар бошқа собиқ Иттифоқ республикалари сингари вақтинча рубль зонасида қолди ва мамлакатда амалда бўлган иқтисодий шарт-шароитларни ҳисобга олиб, ўз миллий валютасини муомалага киритишни икки босқичда амалга оширди. Биринчи босқич: 1993 й.нинг 15 нояб.дан иш ҳақи, пенсия, стипендия, нафақа ва аҳоли даромадларининг ўз вақтида тўланишини, республика ички истеъмол бозорини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўлов воситаси сифатида 1961—92 й.лардаги рубль банкнотлари ва Россия банкининг 1993 й.даги рубли б-н параллел равишда 1:1 нисбатда оралиқ валюта сифатида «сўм-купон» муомалага киритилди. Ўзбекистон Республикаси *Марказий банки* муомалага қиймати 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100, 200, 500, 1000, 5000, 10000 сўм-купон қоғоз пулларни чиқарди. Иккинчи босқич: 1994 й. 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси *сўм* 1 сўм = 1000 сўм-купон

нисбати б-н муомалага киритилди. Марказий банк муомалага қиймати 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100 сўм бўлган банк қоғоз пуллари (банкнотлар) ва 1, 3, 5, 10, 20, 50 тийин бўлган металл тангалар чиқарди.

Ўзбекистон Республикаси ўз миллий валютасини муомалага киритиши, икки босқичли банк тизими ва мустақил *пул тизими* ташкил этилиши *пул-кредит сиёсатини* эркин юритиш имконини берди. Ҳисоб-китобларни енгиллаштириш мақсадида 1997 й.дан бошлаб муомалага 200 сўмлик, 1999 й.дан 500 сўмлик ва 2001 й.дан 1000 сўмлик банк қоғоз пуллари (банкнотлар) муомалага чиқарилди.

Файзулла Муллажонов.

ПУЛ КАПИТАЛИ — пул шаклидаги, пул маблағи кўринишидаги капитал. П.к. (пул инвестициялари, капитал қўйилмалар) ҳисобига сотиб олинадиган ва унумли товар капиталини ҳосил қиладиган жисмоний капитални, и.ч. воситаларини барпо этишга хизмат қилади.

ПУЛ МАССАСИ — хўжалик айланмасига хизмат кўрсатадиган ва хусусий шахслар, корхоналар ва давлатга тегишли харид ва тўлов воситаларининг жами ҳажми. П.м. муомаладаги ва жами П.м.га бўлинади. Муомаладаги П.м. муайян даврда, муайян санада ҳаракатда, муомалада бўлган пул миқдорини, жами П.м. муомалага чиқарилган пулларнинг тўлиқ миқдорини билдиради. Унга нақд пуллар, корхоналар ва аҳолининг банкларда ҳисобварақларда сақланаётган пул маблағлари, тўланиши шарт бўлган пул мажбуриятлари киради. Товар айирбошлаш ва тўлов-ҳисоб-китоб муносабатлари шаклларининг ривожланиши б-н муомалада юрган П.м.нинг таркиби ва тузилмаси жиддий ўзгаришларга учрайди.

ПУЛ МУОМАЛАСИ — пулнинг бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар, сотиб олинган товарлар ҳақини тўлаш, ҳисоб-китоблар ва тўловларни амалга ошириш, нафақалар бериш, қарзларни қайтариш воситаси сифатида фойдаланиш жараёнидаги узлуксиз ҳаракати. П.м. ҳар бир мамлакат пул тизими миқёсида амалга ошади. П.м. нақд ва нақд бўлмаган муомалага бўлинади. Нақд пул банкдан чиққач, корхона, ташкилотлар кассасига ва аҳоли қўлига ўтади. Олди-сотди ва тўлов ҳаракатлари бажарилгач, яна банкка қайтади. Нақд бўлмаган пул муомаласига фирма, корхона, ташкилотларнинг банкдаги ҳисобида турган пулнинг ҳаракати киради ва бундай муомала *чек, кредит карточкаси, вексель, облигация, сертификат* ва б. воситалар ҳаракати шаклида олиб борилади.

ПУЛ ТИЗИМИ — мамлакатнинг пул белгилари, пул бирликлари, пул эмиссияси қоидалари ва муомаласи шакллари, мамлакатда миллий қонунчилик б-н жорий этилган пул муносабатлари. Тарихан П.т.нинг металл пул муомаласи ва пул белгилари (қоғоз пуллар) муомаласи кўринишлари бор. Ўз навбатида металл пул муомаласи тизими *биметаллизм ва монометаллизм*га бўлинади. Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги П.т. 1995 й. 21 дек.да қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ташкил этилган. Расмий пул бирлиги *сўм*. Сўмнинг чет эл валюталарига нисбатан курсини ЎзР Марказий банки белгилайди ва матбуотда эълон қилади. Ўзбекистон ҳудудида нақд пуллар (банкнотлар ва тангалар) ва нақд бўлмаган пуллар (кредит муассасаларида ҳисобварақлардаги маблағлар кўринишида) амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки нақд пулларни чиқариш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалада бўлишини ташкил этиш ва муомаладан чиқариш бўйича мутлақ ҳуқуқларга эга.

ПУЛ ФЕТИШИЗМИ (франц. Feticheisme, португалча fetico — тумор, мўъжиза) — пулни илоҳийлаштириш, унда мўъжизавий куч бор деб қараш, унга сиғиниш. Пулнинг товарлик табиатини, пул б-н товар массаси ўртасидаги алоқаларни тушунмаслик, шунинг-дек, иқтисодиётда ва ҳаётда пулнинг аҳамияти ва ўрнини бўртириб кўрсатиш П.ф.ни пайдо этади. П.ф. жуда яшовчан, айниқса, пулга деярли ҳамма нарса сотиладиган ва сотиб олинадиган, пулга эгалик жамиятда катта иқтисодий имкониятлар очиб берадиган, обрў-эътиборни оширадиган жамиятларда бу нарса яққол кўринади. Жамиятда соғлом иқтисодий муносабатлар ва маънавиятнинг юксалиши б-н П.ф. йўқолиб боради.

ПУЛ ЭМИССИЯСИ (лот. emisio, инг. emision — чиқариш) — давлат томонидан муомалага жами турдаги пул белгиларини чиқариш. П.э. пул белгиларини босиб чиқариш б-н бирга муомаладаги нақд ва нақд бўлмаган пул массасининг кўпайишини ҳам билдиради. П.э.нинг асосий шакллари кредит пуллар — *банкнотлар* ва депозит-чеклар эмиссияси.

Баъзи мамлакатларда ҳукумат ўз харажатларини, бюджет тақчиллигини қоплаш мақсадида қўшимча П.э.ни амалга оширади, натижада *инфляция* кучаяди. Кўпгина мамлакатларда П.э. ни ҳукумат номидан *Марказий банк* амалга оширади.

ПУЛА — Хорватиядаги шаҳар, Истрия в.о.да. Аҳолиси 62,3 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Адриатика денгизи соҳилидаги порт. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Кемасозлик, кимё, ёғочсозлик, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Археология музейи ташкил этилган. Мил.ав. 1-а. — мил. 2-а.ларда қурилган меъморий обидалар (сифар арки, Август ибодатхонаси ва б.), шунингдек, 6—17-а.ларга оид бинолар сақланган. Туризм марказларидан.

ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ — қ. *Лотерея*.

ПУЛЕМЁТ (рус. пуля — ўқ ва метать — отиш) — душманнинг ер, ҳаво ва сувдаги нишонларини шикастлаш учун ишлатиладиган тезотар автоматик қурол. Тузилиши ва вазифасига кўра: станокли, қўл, танк, зенит, авиация ва рота П.лари, стволининг диаметри бўйича асосий калибрли (6,5 — 8,0 мм) ва йирик калибрли (12,7—15 мм) хилларга бўлинади. Станокли П. 2000—2800 м гача масофадан ердаги нишонларни ва 500 м гача масофадан ҳаводаги нишонларни шикастлайди. Станокли П. минутига 250 — 700 ўқ узади, оғирлиги 40—41 кг. Бу П.дан отишда икки киши иштирок этади. Зенит П.и ҳаводаги нишонларни (500 м гача масофада) отиш учун мўлжалланган. Бу П. йирик калибрли бўлиб, танк, бронетранспортёр, кема ва б.га ўрнатилади. Нишонни 1830—3500 м дан шикастлайди. Танк П.и танкка ўрнатилади: душманга танк тўпи б-н биргаликда ёки алоҳида талафот етказиш учун мўлжалланган. Авиация П.и, одатда, самолёт ва вертолётларга ўрнатилади; душман самолётини, парашютчиларини ҳамда ердаги нишонларни отиш учун қўлланилади. Қўл П. душман-

Пулемёт. 1. Қўл пулемёти (РПК) (Россия). 2. Енгил станокли пулемёт (М 60) АҚШ.

нинг жонли кучлари ва ўт очиш воситаларини шикастлаш учун мўлжалланган; 1500—1830 м гача масофадаги нишонни аниқ уради. Қўл П.дан паст учувчи самолётларга қарши отишда ҳам фойдаланиши мумкин. Қўл П.нинг жанговар ўқ узиш тезлиги минутига 150—600 ўқ, оғирлиги 10 — 16,25 кг. Уни бир киши ишлата олади. Рота П.и 1000 м гача масофадаги очиқ группавий ва ёлғиз нишонларни шикастлаш учун қўлланилади. Жанговар отиш тезлиги минутига 250 ўқ. П.лар магазинли ва лентали турларга бўлинади. П. б-н пиёда аскарлар, танк, авиация ва б. ҳарбий бўлинмалар қуроллантиради. Биринчи П.ни америка ихтирочиси Х. С. Максим 1883 й. ихтиро қилган. Ҳозир кўп мамлакатларнинг қўшинларида рус ихтирочилари В. А. Дегтярев ва М. Т. Калашников П.ларидан фойдаланилади.

ПУЛКОВО РАСАДХОНАСИ — Санкт-Петербургдаги и. т. муассасаси; денгиз сатҳидан 75 м баландликдаги Пулково қишлоғида жойлашган. 1839 й. ташкил этилган. 1840 й. иш бошлаган. 2-жаҳон урушида немис фашист қўшинлари томонидан вайрон қилинган, 1954 й. қайта тикланган.

П.р.да 65 см ли рефрактор, фотографик қутб трубаси, зенит-телескоп, 2 та қуёш телескопи, меридиан телескопи, коронограф, катта радиотелескоп ва б. асбоблар ишлаб турибди. Унда астрометрия, астрофизика, радиоастрономия ва б. соҳаларга доир и.т. ишлари олиб борилади. Расадхонада 10000 га яқин хира юлдузлар каталоги тузилган.

ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ — ҳукуматнинг пул муомаласи ва кредит соҳасида олиб борадиган бош йўли ва мамлакат иқтисодиёти барқарорлигини ва унинг самарали фаолиятини таъминлашга, пул тизимини лозим даражада мустаҳкам сақлаб туришга қаратилган чора-тадбирлари. П.-к.с. давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, одатда, уни *Марказий банк* амалга оширади. П.-к.с. орқали муомаладаги ортиқча *пул массаси* қисқартирилади ёки кўпайтирилади, *инфляция*ни пасайтириш чора-тадбирлари кўрилади. Марказий банк П.-к.с.ни олиб боришда пул бозорига тўғридан-тўғри — ўзининг бошқарув ваколатлари ёрдамида ва *пул эмиссияси* орқали таъсир ўтказиши мумкин.

П.-к.с. бевосита ва билвосита воситалар орқали амалга оширилади. Бевосита воситалар — молиявий ин-тлардаги молиявий активлар нархлари (фоиз ставкалари)ни ёки улар ҳажмини тўғридан-тўғри бошқариш орқали олиб борилади. Марказий банк томонидан тижорат банкларидаги мавжуд депозит кўринишидаги пулларни ҳамда улар томонидан бериладиган кредитлар нархлари ва ҳажми назорат қилинади. Билвосита воситалар — Марказий банк томонидан молиявий ин-тлар ресурсларига бозор механизм-лари (мажбурий захира талаблари, очиқ бозордаги операциялар, тижорат банк-ларини қайта молиялаш ва Марказий банкнинг ҳисоб ставкаси, тижорат банкларидан депозитларни қабул қилиш ва б.) орқали иқтисодиётдаги пул массасига таъсир этилади.

Марказий банк фойдаланадиган воситаларнинг ҳар бири фоиз ставкаларининг ўсишига, кредитлаш ва қарз олиш ҳажмини камайтиришга, лозим бўлганда фоиз ставкаларини оширишга ёки, аксинча, туширишга хизмат қилади. Очиқ бозордаги операциялар, мажбурий энг кам захираларнинг бўлиши, ҳисобга олиш сиёсати, валюта сиёсати П.-к.с.нинг асосий таркибий қисмларини ташкил этади (қ. *Валюта сиёсати*).

ПУЛНИНГ ҚАДРСИЗЛАНИШИ — қ. *Инфляция*.

ПУЛЬМОНОЛОГИЯ (лот. pulmonis — ўпка ва *...логия*) — клиник тиббиётнинг бир бўлими; ўпка, бронхлар ва плевра касалликларини ўрганади. Уларни аниқлаш, даволаш ва олдини олиш усулларини ишлаб чиқади. П. нисбатан янги соҳа бўлганлиги учун 70-й.лар охиридан бошлаб уни муккаммал ўрганишга киришилди. Илгари Ўзбекистонда «пахта якка хокимлиги» натижасида юзага келган экологик ўзгаришлар ва кўп миқдорда ишлатилган пестицидлар таъсирида ўпканинг сурункали носпецифик касаллиги, айниқса, қишлоқ жойларида кўпайиб кетган эди, шуларни ҳисобга олиб Тошкентда 1978 й. Тошкент врачлар малакасини ошириш институти қошида клиник П. кафедраси ташкил этилди ва Ўзбекистонда пульмонологлар илмий мактаби ва пульмонология хизмати яратилди. Ҳоз. Ўзбекистоннинг шаҳарлари ва вилоятларида П. бўлимлари ташкил қилинган.

1989 й. дан Сил и.т. ин-ти Фтизиатрия ва пульмонология и.т. институтига айлантирилди ва у Ўзбекистонда шу соҳадаги йирик илмий марказ бўлиб қолди. 1990 й.да Фтизиатрия ва пульмонология и.т. институти қошида Республика пульмонология маркази ташкил қилинди. Бу марказ П. соҳасидаги и.т. ва амалий ишларни координация қилиб боради. Ўзбекистонда Марказий Осиёда биринчи бўлиб носпецифик ўпка касалликлари (бронхиал астма, сурункали бронхит)нинг эпидемиологияси, функционал диагностикаси, фармакотерапияси, иммунологик ва клиник аллергологияси, унинг генетик механизмлари, биоритмологик ташкилий системаси ва патогенетик терапия ҳамда меҳнат қобилиятини тиклашнинг илмий асослари ишлаб чиқилди. П.да турли тадқиқот усуллари: рентгенологик (томография, бронхография), эндоскопик (трахеобронхоскопия), функ-ционал диагностика усуллари ва ҳ.к. қўлланади. Ҳоз. Ўзбекистондаги мавжуд тиббиёт ин-тлари, врачлар малакасини ошириш ин-тида П. кафедралари, шунингдек, клиник шифохоналар таркибида П. бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда П.нинг ривожланишида А.М. Убайдуллаев, Д. Х. Маҳмудова, Ш. У. Исмоилов, М. А. Якимова, Б. С. Арипов ва б. олимларнинг хизматлари катта.

Абдулла Убайдуллаев.

ПУЛЬПА — 1) тишнинг юмшоқ тўқимаси. Ҳар бир тиш ўртасидаги бўшлиқни тўлдириб туради. Тишни қон б-н таъминлайдиган қон томирлари, лимфа томирлари ва нерв толаларидан ташкил топган; П.да тишдаги қаттиқ тўқималарнинг моддалар алмашинувига ёрдам берадиган ҳужайралар — одонтобластлар бор. 2) *малоқ*нинг асосий массаси; ретикуляр тўқимадан тузилган.

ПУЛЬПИТ — тиш бўшлиғини тўлдириб турадиган говак бириктирувчи тўқима — *пульпа*нинг яллиғланиши. Пульпага тиш чириши натижасида микроб кириши, шунингдек, тишни қон б-н таъминлайдиган қон томирларининг жароҳатланиши, тиш синиб, пульпанинг очилиб қолиши туфайли ҳам яллиғланиш рўй беради. Турли кимёвий моддалар таъсирида (ҳар хил кислоталар ишлатиладиган корхоналарда ишлайдиган кишиларда) ҳам П. пайдо бўлиши мумкин. Касаллик кўпинча тўсатдан бошланади. Тиш қаттиқ оғрийди (овқат чайнаш, иссиқ ёки совуқ таъсирига боғлиқ бўлмаган ҳолда), оғриқ бошқа тишлар, энса, қулоқ, чаккага ҳам тарқалади. Оғриққа пульпа яллиғланганда тишнинг қаттиқ тўқималари ичидаги юмшоқ тўқималар шишиб, пульпадаги нервларни эзиб қўйиши сабаб бўлади. П. натижасида пульпа ўлади, оғриқ камаяди, лекин тиш ўз вақ-

тида даволанмаса, вақт ўтиши б-н улкан асоратларга микроблар тана қисмлари орқали тиш атрофидаги тўқималарга ўтади, натижада тиш илдизи учидаги тўқималар зотилланиб, *периодонтит* келиб чиқади.

П.ни врач-стоматолог даволайди. П.нинг патоген омилга чиришга таянган ўз вақтида даволатилиши иборат. Йилда 2 марта врач-стоматологга кўриниб туриш мақсадга мувофиқдир.

ПУЛЬС (лот. pulsus — туртиш — томир уриши. Юрак қисқаришлари натижасида қон томирларининг ритмик тебранишлари кетма-кетлиги. Тоқайлашш. Артериал-веноз ва капиллар П. тафовут этилади. Одатда, билак артерияси П.и энг катта амалий аҳамиятга эга.

Соғлом кишиларда П.нинг тезлиги юрак қисқариши тезлигига мос бўлиб, бир минутда 60—80 марта гомон уришга тенг. Юракнинг бир минутда 90 мартадан ортиқ қисқариши *тахикардия*, 60 мартадан кам қисқариши — *брадикардия* деб аталади. Юрактаги баъзи касалликларида П. юрак қисқариши тезлигидан кам бўлиши мумкин — П. дефицити. Л. болаларда катталарга нисбатан ортиқроқ, қиз болаларда ўғил болаларга нисбатан бирмунча ортиқроқ, тунда кундузгига нисбатан камроқ бўлади.

Жисмоний меҳнат қилганда, нерв-эмоционал реакцияларда П. ортади.

Нормал ҳолатда П. ритмик (бир текис), яъни П. тўлқинлари маълум вақт оралиғида содир бўлади. Юрак ритмининг бузилиши аритмия деб аталади (қ. *Юрак-томир системаси*). Бунда П. тўлқинлари бир хил вақт оралиғида юзакис бўлади. П.нинг таранглиги артерия қон босимига боғлиқ, гипертониада гоҳида кучаяди, гипотония ва юрак касалликларида бўшашади. П.нинг тўлиқ ёки тўлиқ эмаслиги юрак қисқариши кучига боғлиқ. П.нинг бошқа ўзига хос кўпгина хусусиятларини билиш врачга беморнинг аҳволи ҳақида маълумот беради.

ПУЛЬСАРЛАР [инг. pulsar, Pulsating Sources of Radioemission (радионурланишларнинг пульсланувчи манбалари) сўзларининг қисқартмасидан] — даврий радионурланишлар тарқатиб турувчи космик объектлар. П. нурланиши 10 см дан 10 м гача кузатилади, унинг максимуми метрли радиодиапазонга тўғри келади. Биринчи П. 1967 й.да инглиз радиоастрономлари томонидан кашф этилган. Ҳоз. кунгача 100 дан ортиқ П. топилган. Бу П.нинг пульсацияланиш даври 0.033 дан 3.75 секундгача бўлган оралиқда содир бўлади. П. даври аста-секин ортади. Даврининг иккита марта орттириш учун кетадиган вақт миллион ва бир неча ўн миллионлаб йилни, яъни П. ўнлаб биллион йилга тенг бўлади. Мас., Қисқичбақасимон туманлик ичидаги П.нинг даври 2400 га яқин, «*Тиклар*» юлдуз туркумида нақ шундан ўта яқин жойлашган П.нинг даври 24 минг йилда икки мартагина ўзгаради. Бу П.лар ўта барқарорлашган ва даврининг қисқа, чунки улар атрофида газ қобиғи қолмаган. Уларнинг П. ҳосил сабаблари, улар атрофидаги газ қобиғи фаолиш сочилиб кетган. Бир П.нинг даврини сақлаб қолишнинг қуйидагича

П. нурланишининг асосида импульслар шаклида қувватнинг кескин ўзгаришидан иборат прожектор сингари нурланаётган нурланиш сочилган юлдузлар бўлса керак, лекин ҳозирча ноаниқ қолмоқда. Кетма-кет импульслар орасидаги пауза ҳам импульс давомийлигидан бирмунча кам. Кичик даврли П.ларнинг нурланиш қувватининг ўта кам жуда қисқа (фақатгина бир неча кун) бўлиши керак. Бундай юлдуз ўта зич юлдузларнинг тўқнашиш натижасида ҳосил бўлган эллипсоид шаклга эга бўлиши мумкин. П. оралиқ рентген нурланишда пульсацияланувчи манбалар ҳам бор. Бундай П. рентген П. деб аталади ва улар энг қўшалоқ юлдуз гипотезасини тасдиқловчи ҳисобга рентген нурланиш сочади.

ПУМИПОН Адулядет (Буюк Рама IX) (Bhumibol Adulyadej) (Rama IX) (1927.5.12, АҚШнинг Кембриж ш.) — Таиландлар давлат арбоби. Лонгалонга Банкок ун-тларида ўқиган. 1946 й. 9 июнда акаси, қирол Рама VIII (Ананд Михидолнинг шафқатли сўзи тахт эгаси. 1950 й. 5 майда Таиланд Қироллиги қироли Рама IX сифатида расман тахтга ўтирган. 1987 й. унга Буюк унвони берилган. Бир қанча хайрия жамғармаларни асослаган.

ПУНА — Ҳиндистондаги шаҳар, Маҳаращтра штатида. Деккан нахтозлигининг шим.-ғарбий қисмида. Мутҳа ва Мула дарёларининг қўшилиш ерида жойлашган. Аҳолиси 3,1 млн. киши (2001). Ғарбий Гат тоғининг Борғат довонидан ўтган магистралдаги муҳим транспорт йўллари тугуни. П. Мумбай б-н иқтисодий жиҳатдан боғлиқ бўлган, тез ўсиб борётган саноат-саноат маркази. Машинасозлик, тўқимачилик, кўн-пойабзал, қоғоз, кимё, фармацевтика саноати корхоналари; ун-т (1949) бор. М. қалъаси, маратҳалар шаҳри бўлган. 17-а.да Маратҳ султонлиги пойтахти. Меморий обидаларидан ўрта асрларга қурилган Шанивар-Петх қалъаси қолдиқлари сақланган.

ПУНИ УРУШЛАРИ — Ўрта асрларда қўшниларга қарши қилиш учун Рим ва Карфаген ўртасидаги уруслар: I Пуни уруши (милоддан олдинги 264—241), 2 си (милоддан олдинги 218—201), 3-си (милоддан олдинги 149—146). Энг шарқ жанглари: Миср акциясида (280) ва Эллада оролида (241) рақибларнинг денгиз жангида ғалаба қозонишлари. Трафимен кўли соҳилида (217) ва Канна (216)да карфагенликлар *Ганнибал* бошчилигидаги қўшинга қисилдилар. Метавр (207). Зама жангида (202) римликлар Сципион Катта ғалабаларига сабаб қозонганлар. 149—146 йилларда римликлар Карфагенни ерга ҳамда қилиб, унга барбод этганлар. Шу. Римнинг Африка провинциясига айлантирилган. Бир қисми ва Нумидияга берилган.

ПУНКТ (лот. punctum — нуқта) — босмахонада босмаларни терфлар, рақамлар ва б.ў. ўлчаш шрифт шкаласи учун қўлланиладиган бирлик. *Конфедерация* 1648 йилда (0,376 мм)га тенг. Шрифтларнинг *кегли* II б-н белгиланади. П. франсуз типоми (27,1 мм)га асосланган. Шунда П.=0,376 мм. Инглиз ўлчов тизимида шрифт ўлчами дюйми (25,4 мм)дан фойдаланилади. Бунда П.=0,351 мм.

ПУНКТУАЦИЯ (лот. punctum — нуқта: нуқтага нуқта — 1) ҳарфлардан ташкари бутун график белгилар (*знаки без письма*) тизими бўлиб, графика ва орфография қисмлари б-н бирга ёзма тилнинг асосий воситаларини ташкил этади. П.нинг асосий вазифаси ёзма (босма) матнни қисмларга ажратиш, график жиҳатдан шакллантиришдир; 2) ёзма матнни пунктуацион расмийлаштиришни ҳамда ёзувни, ҳар бир тил учун тарихан шаклланган қоидалар, меъёрлар; 3) П. тилнинг қонуниятларини, грамматик, синтаксис, типини белгиларини қўллаш меъёрларини ўрганадиган тилшунослик бўлими.

Муайян миллий тил графикаси (ёзуви) 2 хил воситадан: ҳарфлар (алифбо) ва типини белгилари (пунктуация) тизимидан иборат. **П.** турли, пунктуацион тизимнинг пайдо бўлиши, типини белгиларининг сони турли тиллларда турлича намоён бўлади. Мас., пунктуацион тизим қол. маъно ва кўринишда Ғарбий Европа тилларга ёзувларида 15—16-а.лардан, рус ёзувида 18-а. дан, ўзбек ёзувида эса 19-а.нинг 2-ярмида пайдо бўлган. Ёки инглиз тили пунктуацион тизимида апостроф ва дефис ҳам типини белгиси ҳисобланиб, уларнинг жами 12 та бўлса, ҳоз. ўзбек тилида 11 та типини белгиси мавжуд. Ёки ўзбек тилидаги 10 та типини белгисидан иборат: вергул, икки нуқта, нуқтали вергул, сўроқ белгиси, тире, урғон белгиси, қавс, кўштирноқ. П.нинг қўлланишида қол тиллларда тафовут бўлиши мумкин: Мас., испан тилида сўроқ ва ундов белгилари олдинги ҳамда охирида қўйилади.

П. нинг синтактик қўлланиши б-н узвий боғлиқ бўлиб, ёзув тузилиш бўйи, ифодали, аниқ бўёқ қолишда, унинг услубини равонлаштиришда, эса тушунтиришни мукаммаллаштиришда муҳим аҳамият. Ўз навбатида, мураккаб тузилиш П. синтаксисининг мустақкамланиши ва такомиллашувида қийқим ёзувларнинг пайдо ҳамда тилнинг белгиларининг қўлланиш қоидаларини белгилашга ва натижада содда тузилишдаги предложениялар фаолиши кенг ривожлана. Хоз. ўзбек ёзувининг шаклланиши, ривожи, унинг урғучитиши Фитрат, С. Иброхимов, Х. Ғозиев, О. Усмон, Ғ. Абдураҳмонов, К. Назаров ва б. Пунктуациянинг янги б-н ёритган.

Мухаммад Мирзаев, Ғайрат Ҳасанов

ПУНКЦИЯ (лот. punctio — санчиш) — икки ёки ундан ортиқ мақсадлар орасидаги боғлиқ бўлиш. Томир деворини, паренхиматоз органни ва б.ларни ингичка игнасимон асбоб билан П. қилиш. Диагностик П. бирор бўшлиқ (масс. плевра бўшлиғи, қорин пардаси) суюқлигини текшириш, биокимёвий, бактериологик текшириш, шунингдек, ингичка томирлар, орқа мия каналини ва ҳ.к. босимини ўлчаш ёки бўшлиққа бирор модда юборишда қўлланилади. Даво П.сидан кўпроқ организмдаги касал аъзони интенсив суюқлик ёки ҳавони чиқариб ташлаш (масс., плеврит ва б.да) ҳамда дори юборишда ва ҳ.қ.да фойдаланилади.

ПУРИЗМ (франц. purisme, лот. purus — соф. тоза) — 1) адабий тилни бошқа тиллардан олинган ўзлаштирмалар, неологизмлардан тозалаш ҳамда адабий тилга меъёрланмаган лексик ва грамматик (жилғали сўзлашув, сленг тилга оид, диалект ва б.) унсурларни табиий равишда кириб келишидан сақлашга интилиш. Миллий адабий тиллар шаклланиш даврида П. турли даражада намоён бўлади. Мас., ёзувнинг қабул қилиниши, 2) ўрф-одатлар (ёзув-этикетлар)нинг сафлиги ва жиддийлигига (баъзида жиддий тарзда) эътибор.

П.га миллий адабий тиллар меъёрлари шаклланиш даври ва адабий тилнинг услубий тизимидаги ўзгаришлар (лексикага янги унсурларнинг оқиб келиши). Уларнинг услубий жиҳатдан қайта тақсимланиши) хос бўлиб, у кўп ҳолларда шарқ сиёсий ва маданий окимлар б-н боғлиқ (мас., Венгрия, Чехословакия, Туркия, Ҳиндистондаги адабий тилларнинг ривожини келтириш). Пуристлар миллий тилнинг ўзига хослигини — унинг қатлами ўзлаштирилган тил элементларидан тозалаш, аралашган неологизмлар кириши зарурий унсурлардан ўта оғир бўлиши б-н изоҳлайдилар.

ПУРИЗМ — 19-а.нинг охири — 20-а.ларда француз ранг-тасвирида юзага келган оқим. Асосчилари А. Озанфан ва мемуар Ш.Э. Жаннере (Ле Корбюзье). П. намояндалари кубизмнинг бошқа намояндалари ҳамда 1920-й.лардаги алпинларга сюрреалистларнинг натурани бузиб тасвирланишларига қарши чиқиб, натура шаклларининг қатъий ва ўзига хос схемаларини ҳамда буюмларнинг ортиқча унсурлардан холи, тоза бўлиш типик қолатини кўрсатишга ҳаракат қилишлар. П. принциплари индустриянинг характерли томони буюмларни кенг далиш, уларнинг ташқи четгиларини тоза ва типик эътиборга чизғичлар ёрдамида кўришди.

Ўзбекистон тасвирий санъатида П. белгилари дарам рассомларнинг асарларида кўзи ташланади (мас., *Усмон Мўминов* «Чойхонада» асарларига қаранг, 1928й.).

ПУРКАГИЧЛАР — ўсимлик зараркунандаларига ва касалликларга, бегона ўтларга қарши курашишда, *дефолиация* ва *десикация* ҳосил қилиш учун. П. учун турли хил препаратларнинг сув ёки бошқа эритгичлардаги эритмасини ва суспензияларидан фойдаланилади. П. учун олинган суюқликлар барқарор ва ёпишқоқ бўлиши, ишлов берилган сатҳни бир текисда ҳўллаб тарқалиши керак. Суюқ препаратларнинг ёпишқоқлигини ва сатҳда ушланиб туриш даражасини ошириш учун уларга ҳар хил мойлар (керидантин глицерин-лар, каталий сульфити ва б.) қўшилади. П. эпидемиялари зараркунанда ва касаллик қўзғатувчиларининг биологик хусусиятлари ҳамда об-ҳаво шароитига қараб белгиланади. П. чангитишга нисбатан бир қатор афзалликларга эга. ишлов берилган сатҳда препаратнинг бир текисда тақсимланиши ва ёпишиб ушланиб туришини таъминлайди; об-ҳаво шароитларига камроқ боғлиқ бўлади. Кучли шамол пайтида П. мумкин эмас. препарат четга учиб, экинининг ифлосланишига сабаб бўлади; ҳаво ҳарорати 27° дан юқори бўлганда П. ҳосилликларни куйишга олиб келади. Шунинг учун П.ни эрта б-н ёки кечки салқинда ўтказиш тавсия этилади. Иссиқ иқлимда шароитида самолётлар б-н кечки ҳавода П.нин қилинади.

Сулаймон Алимухамедов.

ПУРПУРА (лот. purpura — тўқ қизил ранг), тромбоцитопеник пурпура, геморрагик пурпура — *геморрагик диатез* гуруҳига мансуб касаллик. Одам ва ҳайвонларда кўп учрайди. Қонда тромбоцитларнинг камайиши ва қон ивишининг бузилишидан келиб чиқади. П.да асосан, терига



Пуркагичнинг технологик схемаси: 1 — насос; 2 — ҳайдаш клапани; 3 — фильтр; 4 — келтирувчи; 5 — суюқлик ситаси; 6 — резервуар; 7 — вентилятор; 8 — ой сақловчи клапан; 9 — ҳисоблаш клапан; пуркагич уланиши; 10 — манометр; 11 — электр. 12 — шланг 13 — ҳаво ўтказгич; 14 — редуктор. 15 — ўрнатиш арматуралари; 16 — суюқ ташиш. магистрали.

спленомегалия, лейкоз) ва доридан (*анальгетиклар, сульфаниламидлар*) бўладиган П. ажратилади.

ПУСАН — Корея Республикасидаги шаҳар, мамлакатнинг жан.-шарқий қисмида. Маъмурий жиҳатдан провинцияга тенглаштирилган. Аҳолиси 3,8 млн. киши (1996). Транспорт йўлларининг муҳим тугуни. Мамлакатнинг Корея бўғози соҳилидаги йирик порти (йилига 30 млн. т дан ортиқ юк ортиб-туширилади). Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Йирик саноат маркази. Тўқимачилик, озиқ-овқат, металлургия, электротехника, кимё ва резина, машинасозлик (жумладан, кема ва автомобиль двигателлари и.ч.), ҳарбий, радиотехника саноати корхоналари мавжуд. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Йирик иссиқлик электр станцияси ва АЭС қурилган. Балиқ овланади.

П. милод бошларида Кая қишлоғи ўрнида вужудга келган. 15-а.да шаҳар денгиз бўйи қалъаси сифатида Япония-Корея савдо алоқаларида муҳим аҳамиятга эга бўлган. 20-а.да П. йирик саноат шаҳрига айланди.

ПУССЕН (Poussin) Никола (1594, июнь, Нормандия — 1665.19.11, Рим) — француз рассоми, 17-а. санъати классицизмининг энг йирик намояндаси. Қад. Дунё санъати, шунингдек, Рафаэль, Тициан, маньеризм рассомлари, болонья мактаби усталари асарларини ўрганган, перспектива, шунингдек, анатомия ва математика б-н шуғулланган. 1612 й.да Парижга кўчиб ўтган, кейинроқ 1624—40 ва 1642 й.дан Римда ишлаган. П. тарихий, мифология, маданий ва адабий мавзуларга бағишланган асарларида инсон гўзаллиги, ақли ва олижаноблигини тараннум этди: «Ринальдо ва Армида» (1625—27), «Хочдан олиш» (тахм. 1630), «Флора салтанати» (тахм. 1631—32), «Аркадлик чўпонлар» (тахм. 1650) ва б. 40-й.лар охиридан табиатни тасвирлашга эътиборни кучайтирди, манзара жанрида ажойиб асарлар яратди («Йил фасллари», 1660—64 ва б.), «Автопортрет» (1650)да инсон шаъни, вазминлиги, меҳнатига ишонч маҳорат б-н тасвирланган.

ПУСТУЛА (лот. pustula — гудда), м а д д а — ичига йиринг тўпланган пуфакча. П.нинг терида юза ёки чуқур жойлашишига қараб юзаки (*ҳуснбузар, фолликулит*, импетиго, *сизлоғич*) ҳамда чуқур (эктима, рулия) хиллари фарқ қилинади. Терининг турли йирингли касалликлари (*пиодермия*) ва *захм*нинг иккинчи даврида учрайди. Чуқур П. битганидан кейин ўрни чандиқ бўлиб қолади.

ПУТИН Владимир Владимирович (1952.7.10, ҳоз. Санкт-Петербург ш.) — Россия давлат арбоби. Россия Федерациясининг иккинчи президенти. Санкт-Петербург ун-тининг юридик ф-тини тугатган (1975). Ўқишни тугатгач, Давлат хавфсизлик органларига ишга юборилган. Германия Демократик Республикасида ишлаган (1985—90). 1990 й.дан Санкт-Петербург ун-ти р е к т о р и н и н г ёрдамчиси, Санкт-Петербург ш. кенгаши раиси маслаҳатчиси. Санкт-Петербург ш. мэриясида ташқи алоқалар бўйича қўмита раиси (1991—94), айни пайтда Санкт-Петербург ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари (1994—96), РФ Президенти Иш бошқарувчиси ўринбосари (1996—97), РФ Президенти маъмурияти раҳбари ўринбосари — Россия Федерацияси Президенти Бош назорат бошқармаси бошлиги (1997—98), РФ Президенти маъмурияти раҳбарининг биринчи ўринбосари (1998 й. май — июль), РФ Федерал хавфсизлик хизмати директори (1998 й. июль — 1999 й. авг.), айни вақтда Россия Федерацияси Хавфсизлик Кенгаши котиби (1999 й. март — авг.). Россия Федерацияси ҳукумат раиси (1999 й. авг. — 2000 й. май), айни пайтда 1999 й. 31 дек.дан РФ Президенти вазифасини бажарувчи. 2000 й. 26 мартдан Россия Федерацияси Президенти (2004 й. 14 мартда иккинчи муддатга РФ Президенти этиб сайланди). Амалий ташриф б-н Ўзбекистонда бўлган (2000, 2003).

ПУТТИ (итал. putti — гўдак) — кичик ўғил болаларни (баъзан қанотли ҳолда) тасвирлаш. Уйғониш даври, шунингдек, 17—18-а.лар санъатида энг севимли безак усули. П. санъатда илоҳий ибтидонинг қарор топишидан гувоҳлик беради.

ПУФАК КАМЕРА — ионлашган зарралар изларини қайд қилувчи асбоб. Дастлабки П.к.ни 1952 й.да Д. *Глезер* ихтиро қилган. П.к. *Вильсон камерасига* ўхшаб зарраларнинг табиати ва хоссаларини аниқлашга, уларнинг ўзаро таъсирлашуви ва парчаланиши тўғрисида тўлиқ маълумот олишга имкон беради. П.к.нинг ишлаши зарра траекторияси яқинида ўта қизиган суюқликнинг қайнаб кетиши (майда буғ пуфакчалари ҳосил бўлиши) ҳодисасига асосланган. П.к.да мембрана ёки поршень ёрдамида босимни тез пасайтириб суюқликнинг қайнаб кетишига эришилади (расмга қ.). Иш суюқлиги сифатида кўпинча суюқ водород ва дейтерийдан (кривоген П.к.) ёки протон, фреон, пропан-фреон аралашмасидан (оғир суюқликли П.к.) фойдаланилади. Қайнаб кетган суюқлик қисқагина вақт мавжуд бўлади. Камера ўта сезгир ҳолатга келган (суюқлик қайнай бошлаган вақтда унга ионлашган зарралар киритилади. Зарраларнинг излари бўйлаб пуфакчалар занжир ҳосил қилиб кўпая бошлайди. Пуфакчалар 0,1—0,3 мм ўлчамга эга бўлганда, камера *Л* манба б-н ёритилади ва иккал O_1 ва O_2 объективлар ёрдамида суратга олинади (стереорасмга олиш дейилади). Шундан сўнг камерада босим оша бошлайди, пуфакчалар йўқола бошлайди ва камера янги ишлашга тайёр бўлади. П.к.да ион икки 1 секунддан қисқа вақт давом этади. Кучли магнит майдонида П.к. ёрдамида зарядланган зарралар траекториясининг эгрилик радиуси бўйича уларнинг импульси аниқланади. П.к.дан кўпинча *зарядланган зарралар тезлаткичида* фойдаланилади. Бунда камерада ион цикличнинг бошланиши унга зарраларнинг кириш вақтига мос тушиши керак.

Ад.: Александров Ю. А. [и др.], Пузырьковые камеры, М., 1963.

Водород пуфак камера схемаси: *П* — поршень; *И* — шиша иллюминатор; *К* — конденсатор.



ПУФАКОЁҚЛИЛАР (Physopoda), п о п у к л и қ а н о т л и л а р (Thysanoptera), т р и п с л а р — ҳашаротлар туркуми. Уз. 0,5—2 (баъзан 14) мм. Қанотлари ингичка, 2 жуфт, баъзан бўлмайди. Қанотларининг қирраси бўйлаб майда туклардан иборат попукслари жойлашган. Оғиз органлари санчиб сўрувчи. 2 мингдан ортиқ тури бор. Ўсимликларнинг гули, барги, меваси, моҳлар ва дарахтлар пўстлоғида яшайди. Ўсимлик шираси б-н озиқланади, баъзи турлари йиртқич. Мураккаб метаморфоз (гиперметаморфоз) орқали ривожланади. Ўсимлик тўқималари, гуллари, барглари, қўлтиғига тухум қўяди. Ривожланиши 2—3 ой давом этади. Бир қанча турлари қ.х. экинларига зарар етказади; айрим турлари вируслар ва замбуруғ касалликларини ўсимликларга юқтиради.

ПУФЛАМА МУСИҚА ЧОЛҒУЛАРИ, аэрофонлар — *мусиқа чолғу асбоблари* гуруҳи; товуш манбаи вазифасини чолғунинг трубкасидаги ҳаво бажаради. Товуш чиқариш усулига қараб найсимон, тилчали ва мундштукли тоифаларга, ишлаб чиқариш материалига қараб мис (валторна, карнай каби) ва ёғоч (най, флейта, гобой) П.м.ч. гурларига ажратилади.

ПУФЛАМА СОЗЛАР МУСИҚАСИ — пуфлаб чалинадиган созлар ижросидаги мусиқа. Пуфлама ҳамда урма мусиқа чолғуларидан иборат оркестр (ёки ансамбль), шунингдек якка созлар учун мосланган мусиқа намуналаридан иборат. Қадимдан турли маросим, расмий тадбир, ҳарбий машқ ва юриш, миллий байрамларда ижро этилган сигнал, ўйин-рақс, тантанавор ва б. куйлардан ташкил топган. Ўрта Осиёда сурнай, карнай ва ноғора (ёки сурнай — доира ва б.) дан иборат ансамбль ижросидаги мусиқа намуналари ўзбек, тожик, уйғур ва б. халқлар меросидан кенг ўрин олган. Яна қ. *Ҳарбий мусиқа, Сурнай куйлари.*

ПУФЛАМА СОЗЛАР ОРКЕСТРИ — пуфлама (ёғоч, мис ёки фақат мис — *банда*) ва урма чолғулардан иборат *оркестр*. Европада 17-а.да шакл топган. Турли (жумладан, очиқ ҳаво, юриш) шароитларга мосланганлиги туфайли кўпгина мамлакатлар армиялари таркибига кирган. Ижрочилар сонига қараб кичик (20), ўрта (30) ва катта (40—55, баъзан 80—100 созандадан иборат) П.с.о.лари ажратилади. Катта П.с.о. флейта, гобой, кларнет, саксофон ва фагот турлари, шунингдек, валторна, труба, корнет, тромбон, альт, тенор, баритон, баслар ва турли урма чолғулардан ташкил топган.

Ўзбекистонда дастлаб рус чор қўшинлари таркибида, кейинчалик (1910-й.ларда) Маргилон, Андижон, Самарқанд, Тошкент ва б. шаҳарларда ҳаваскор (жумладан, миллий) созандалардан иборат П.с.о. пайдо бўлган. 1920-й.лардан Ўзбекистон Қуролли Кучлари, шунингдек, маданият саройлари, ўқув муассасалари таркибида кенг ривож топган.

ПУХТАЛИК, и ш о н ч л и л и к — бу-юмнинг белгиланган хизмат муддати давомида иш қобилияти (иш кўрсаткичлари)ни муайян чегарада сақлаган ҳолда ўз функциясини бажариш хоссаси. Буюм сифатини белгиловчи кўп хусусиятлар кўрсаткичи вақт ўтиши б-н ўзгара боради. П. буюмнинг вазифасига ва ишлаш шароитига қараб, бузилмаслик, мустаҳкамлик ва чидамлилик хоссаларини ўз ичига олувчи умумий хусусиятдир. П. буюмдан ўз ўрнида, керак вақтда ва самарали фойдаланишнинг техник имкониятларини таъминлайди. П. даражаси тайёргарлик коэффициенти, техник фойдаланиш коэффициенти, бузилмасдан ишлаш эҳтимоллиги ва б. кўрсаткичлар б-н белгиланади.

ПУЧЧИНИ (Puccini) Жакомо (1858.22.12, Лукка, Флоренция — 1924.29.11, Брюссель, Миланда дафн этилган) — композитор, итальян мумтоз операсининг сўнгги вакили. 10 ёшидан черковда органчи бўлган, пианиночи сифатида концертларга қатнашган. Милан консерваториясини тугатган (1883). Жами 12 опера, шунингдек, симфоник, хор, камер, диний асарлар яратган. Дунёга машҳур «Манон Леско» (1892), «Богема» (1895), «Тоска» (1899), «Батерфляй хоним» («Чио-чио-сан», 1903) опералари лирик куйланиши гўзаллиги ва эҳтиросли б-н тингловчини забт этади. П.Ж. Верди анъаналарини ривожлантириб замонавий операда етакчи ўрин эгаллаган, ўзига хос, ўзгаришларга бой ариозо-речитативли услуб яратган. П.нинг эстетик қарашлари в е р и з м (итальян санъатидаги реалистик йўналиш) таъсирида шаклланди. У оддий инсонлар ҳаётини ўткир драматик ҳолатларда, эҳтирослар тўқнашувида ҳаққоний ифодалашга интилди.

ПУШКИН Александр Сергеевич [1799.26.5 (6.6), Москва — 1837.29.1 (10.2), Петербург] — рус ёзувчиси, янги рус адабиётининг асосчиси. Отаси Сергей Львович қадимги дворянлар қавмидан, онаси Надежда Осиповна эса Пётр I қўлида тарбия кўрган ҳабаш — А.П.Ганнибалнинг набираси бўлган. П.да нафис сўзга меҳр-муҳаббатнинг пайдо бўлишида рус халқ қўшиқлари ҳамда эртакларини яхши билган энагаси Арина Родионовнанинг таъсири, айниқса, каттадир. Ўша даврнинг энг нуфузли ўқув юртларидан бири — Петербург яқинидаги Царское село (ҳоз. Пушкин ш.) лицейида ўқиш (1811—17). П.нинг шоир ва эрксевар инсон сифатида шаклланишида муҳим омил бўлган. П. лицейни тугатгач, Петербургга кўчиб борган ва ташқи ишлар коллегиясида котиб лавозимида ишлаган. У Петербургда хизмат қилган йиллар (1817—20) Россиянинг тарихий тараққиёти учун муҳим бир давр эди.

П.нинг дастлабки шеърлари 1913 й.да матбуот юзини кўрди. У лицейда ўқиб юрган кезларида 120 га яқин шеър ва 2 достон (тугалланмаган) ёзади. Лицей б-н хайрлашув кечасига бағишланган шеъри эса шу кечада қатнашган Г.Р. *Державин*нинг юксак баҳосига сазовор бўлиб, у П.нинг буюк шоир бўлиб етишишини башорат қилади. Кейинчалик П. рус жамиятида уйғониб бораётган эрксеварлик кайфияти таъсирида «Эркинлик» (1817), «Чаадаевга» (1818), «Қишлоқ» (1819) сингари шеърларни яратади.

П.га қадар рус шеъриятида қасида, марсия, хат сингари ҳар бир шеърий жанр классицизм томонидан белгиланган қатъий қонун-қоидалар асосида ёзилган. П. лицей лирикасидан фарқли ўлароқ, Петербург даври ижодида шеърий жанрлар ўртасидаги чегаралар ва услубий фарқларни бартараф этиб, рус шеъриятини тараққиёти учун янги бадиий уфқларни очиб берган («Руслан ва Людмила», 1820).

П. ижодининг тадрижий йўлини шартли равишда 4 босқичга ажратиш мумкин. Агар 1813—16 й.ларни ўз ичига олган 1-босқичда П. ўз замондошларининг бадиий тажрибасини ўзлаштирган бўлса, 2-босқич (1817—20)да П. ижодининг гоя ва мавзулар олами кенгайиб, у ўз услубига эришиш йўлида бадиий изланишлар олиб бориб, китобий тил б-н жонли халқ тилини ўзаро яқинлаштиради. Шоирнинг 1820—24 й.лар ижодида (3-босқич) романтизм устуворлик қилди. Аммо кўп ўтмай, П. қаҳрамонни поэтиклаштириш ва воқеликни эҳтирос б-н тасвирлашда давом этган ҳолда романтик тасвир методидан чекинди. П. ижодининг 1925 й.дан бошланган 4-босқичида образлар ва мавзулар кўламини чегаралашнинг ҳар қандай кўринишини рад этувчи, фикр б-н туйғуни, ҳақиқатни талқин этиш б-н «жонли тасаввур»ни ўзаро уйғунлаштиришга асосланган реалистик тизимни ишлаб чиқди.

П.нинг рус жамиятидаги эрксевар кучлар таъсирида ёзилган зулм ва крепостнойликни фош этувчи шеърлари чор ҳукуматида норозилик кайфиятини уйғотди. 1819 й.да П.нинг «Яшил чироқ» тўгарагида иштирок этиши эса Александр I ни ниҳоятда газаблантирди. У 1820 й. майида П.ни Екатеринославга сургун қилди. Шоир Екатеринославга етиб келиши б-н хасталикка йўлиқади ва иттифоқо шу ерда қўноқда бўлган генерал Н.Н.Раевскийнинг оиласи б-н бирга дастлаб Кавказга, кейин Қримга йўл олади.

Россиянинг жанубида яшаш П. ижодида янги даврнинг бошланишига имкон берди. У дастлаб Ж. *Байрон* таъсирида романтик достонларини ёзди. П. романтизмининг илк намунаси — «Кавказ асири» достони (1820—21) 20-й.лардаги эрксевар ёшлар кайфиятини ифодалагани учун улар ўртасида катта муваффақият қозонди. П. воқеликни романтик бўёқлар б-н тасвир этишда давом этиб, «Ака-ука қароқчилар» (1821—22) ва «Боқчасарой фонтани» (1923) достонларини яратди. «Лўлилар» достони эса П.нинг ижодий тадрижи-

да рўй берган жиддий бурилишнинг самараси бўлди. П.нинг романтик достонлари ва шу йиллар лирикаси («Демон», «Денгизга» ва б.) ягона ғоявий-бадиий йўналишга эга бўлиб, улар психологик тасвирнинг теранлиги, руҳий олам, табиат ва теварак-атрофдаги ҳаётий ҳодисалар ўртасидаги алоқаларнинг ранг-баранглиги б-н ажралиб туради.

1824 й. П. хизмат вазифасидан озод этилиб, Михайловское қишлоғи (Псковга сургунга юборилади. Иккинчи марта тазйиққа учраган шоир қисқа муддатли руҳий эзилишдан сўнг мутолаага берилиб, шу атрофдаги аҳолининг эртак ва қўшиқларини тўплайди. «Борис Годунов» трагедияси (1825), «Граф Нулин» достони, «Қурбонга татаббу», «Андрей Шенье», «19 октябрь» ва б. машҳур шеърларини ёзади. «Евгений Онегин» шеърий романи устидаги ишни давом эттиради. «Борис Годунов» П.нинг драматургия соҳасидаги дастлабки тажрибаси бўлса-да, шоир унда Шекспир анъаналарига таянган ҳолда драматик санъатнинг янги йўлларини кашф этади, халқ б-н ҳокимият ўртасидаги муносабатни асар марказига олиб чиқади. «Борис Годунов»ни яратиш асносида ишлаб чиқилган бадиий тамойиллар (тарихийликка интилиш, инсоний кечинмаларни барча ранглари б-н мужассамлаштириш, характерларга хос ҳаётий мураккабликни очиш ва б.) П.нинг кейинги ижодида ўз самараларини берди.

20-й.лар охири — 30 й.лар бошларида П. ижодида реализм таптана қилиб, у «Граф Нулин»дан ташқари, «Полтава» (1828—9), «Коломнадаги уй» (1830), «Мис чавандоз» (1833) достонлари ва кейинчалик шоирнинг «кичик трагедиялар»ини ташкил этган баъзи бир пьесалари ҳамда насрий асарлари («Белкин қиссалари», «Капитан қизи» ва б.)ни яратади. П. шу даврда лирикада бадиий реализмнинг юксак босқичига эришади.

20-й.ларнинг 2-ярмида П. «Евгений Онегин» устидаги ижодий ишини давом эттирди. Шеърий романнинг 1833 й.да тўла ҳолда нашр этилиши рус адабиёти тарихида улкан воқеа бўлди. Гарчанд шеъриятнинг бу жанри рус адабиётида кейинчалик изчил давом эттирилмаган бўлса-да, бу асарда кашф этилган янги реалистик тасвир методи ва янги эстетика тамойиллари рус адабиётининг кейинги тараққиёти учун ғоят катта аҳамиятга молик бўлди. П. асарда полифоник тасвир усулининг шундай йўлларини топдики, улар воқеликни кенг қамраб олиш, муҳим ҳаётий муаммоларни тасвир доирасига

А. С. Пушкин ҳайкали (Тошкент ш.).

олиб кириш, эпик ва лирик ибтидоларни уйғунлаштириш имконини берди. Натижада романда П. яратган даврнинг муҳим масалалари ўз инъикосини топди, ўша даврда кенг тарқалган кишилар характери тарихий, ижтимоий ва маиший шароит фонида зўр маҳорат б-н тасвир этилди.

П. 1830 й. кузини Болдино қишлоғида ўтказди. Рус адабиёти тарихига «Болдино кузи» сифатида кирган бу даврда шоир «Коломнадаги уй» достони, «Белкин қиссалари», шунингдек, бошқа «кичик трагедиялар»ини ижод қилди. Бу асарларнинг ҳар бири, айниқса, «Хасис рицарь», «Ўлат чоғидаги базм», «Тош меҳмон», «Моцарт ва Сальери» «кичик трагедиялар»и оламшумул аҳамиятга молик масалаларни кўтарганлиги б-н П. ижодида алоҳида бир саҳифани ташкил этади.

П. 1831 й. ёзида шароит тақозоси б-н давлат идораларида ишлашга мажбур бўлади. У ташқи ишлар коллегиясида хизмат қилар экан, давлат архивида ишлаш имкониятидан фойдаланиб, Буюк Пётр тарихини ёзмоқчи бўлади. Архивда ишлаш П.га Россиянинг тарихи ва ҳоз. даврдаги мураккаб масалаларни тўғри тушунтириш имконини беради. У снёсий тузум, «янги маърифат», Европа мамлакатлари моҳияти тўғрисида ўйлаб, танқидий хулосаларга келади ва феодал тузумнинг чиришганига ишонч ҳосил қилади. П.нинг «Мис чавандоз» достони унинг дунёқарашида рўй берган ана шундай ўзгаришларнинг натижаси сифатида майдонга келади. Россиянинг янги, капиталистик тараққиёт босқичига ўта бошлаган П.нинг «Пиковая дама» (1833) қиссасида ўз тажассумини топган.

П. 30-й.лар Россия тарихи б-н қизиқиб, Пугачёв қўзғолонининг пайдо бўлиш сабабларини қунт б-н ўрганди, қўзғолон содир бўлган жойларга бориб, рус халқ қўшиқлари, эртак ва ривоятларни ёзиб олди. П. Пугачёв қўзғолони ҳақида тўпланган бу материаллардан «Пугачёв тарихи» асари (1833), «Дубровский» (1832—33) ва «Капитан қизи» (1833—36) қиссаларида самарали фойдаланди. Рус халқ оғзаки ижоди намуналарига қизиқиш натижасида П.нинг «Поп ва унинг хизматкори Балда ҳақида эртак» (1830), «Шоҳ Султон ҳақида эртак» (1831), «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак» (1833), «Олтин хўроз» ҳақида эртак» (1834) сингари фольклор мотивлари б-н суғорилган асарлари майдонга келди ва бу асарлар П. ижодидаги халқчиллигининг янада ошишига сабабчи бўлди.

П. 1831—32 й.ларда дўстлари томонидан нашр этилган «Литературная газета» («Адабиёт газетаси»)да фаол иштирок этиб, адабиётда халқчиллик ва реализмнинг тантана қозониши учун курашди. Узоқ давом этган сабр-ҳаракатдан сўнг 1836 й. апр.да «Современник» («Замондош») жур.нинг 1-сонини чиқаришга муваффақ бўлди. П.нинг рус адабиёти олдидаги хизматлари буюклашган ва ижодий фаолияти янги-янги қирралар касб этиб боргани сайин унинг атрофидаги қора кучлар тобора бирлаша ва фаоллаша бошладилар. Шунинг натижаси ўлароқ унинг Ж.Дантес б-н дуэли уюштирилиб, улуг рус шоири ҳалок этилди.

П.нинг рус маданияти тақдиридаги роли бениҳоя буюк. У янги рус адабиётига асос солиш б-н бирга рус адабий тилининг ҳам шаклланишига улкан ҳисса қўшди. Рус адабиётида реализм ва халқчиллик тамойилларининг, қатор шеърий жанрларнинг шаклланиши ва тараққиёти П. номи б-н чамбарчас боғлиқ. П.нинг ранг-баранг ижоди нафақат кейинги рус адабиёти, балки мусиқа, театр, балет, рангтасвир сингари санъат турларининг ҳам ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Бошқа қардош адабиётлар қатори 20-а. ўзбек адабиётининг тараққиётида ҳам П. ижодининг таъсири сезиларлидир.

Тошкентда П. номида кўча, майдон бор. П.нинг туғилган кунига 170 й. тўлиши муносабати б-н 1969 й. Тошкент ш.да шоирга ҳайкал ўрнатилган.

4с. Полное собрание сочинений, т. 1—10, М., 1974—78; Танланган асарлар, 1—4 к.лар, Т., 1954—55; Танланган асарлар, Т., 1999.

Ақ. Болдин Д.Д., Творческий путь Пушкина, т. 1—2-к.лар, М., 1950—67; Жизнь Пушкина. Рассказанная им самим и его современниками, ч. 1—II, М., 1988; Каримов Н., Пушкин ва ўзбек шеърияти, Т., 1988.

Наим Каримов.

ПУШКИН (1728 й.дан Царское Село, 1918—37 й.ларда Детское Село) — РФ Ленинград вилоятидаги шаҳар (1808 й.дан), Санкт-Петербург шаҳар маъмуриятига қарашли. Т.и. станцияси (Детское Село). Аҳолиси 93,1 минг киши (1998). Пўл машиналари, электр машиний асбоблар з-длари, ўйинчоқлар ф-каси, аграр ун-т; Лицей, А.С. Пушкининг «Царское Селодаги Сарой эртаклари» музейлари бор. 1937 й.да шаҳарга А.С.*Пушкин* номи берилган. Пушкин ҳоз. ҳулқининг 1708 й.да Пётр I ўзининг рафиқаси, бўлажак императрица Екатерина I га тақдим қилган ва шаҳарга ўша йили асос солинган. 18—19-а. бошларида саройлар, парклар ва ҳар хил мемориал иншоотлар барпо этилиб сарой-парк ансамбли вужудга келди.

Сарой қурилиши 1717—23 й.ларда бошланган, 1752—57 й.ларда барокко услубида қайта қурилган (меъмори В.В.Растрелли). Сарой б-н биргаликда «Ағат хоналари», «Совуқ ҳаммомлар» ва «Камерон галереяси» (1777—93, меъмори Ч.Камерон), Лицей бинолари (18—19-а. бошлари, меъморлар И.В.Неелов, В.Н.Стасов), Александр Саройи б-н биргаликда Екатерина ва Александр парклари (1792—1800; меъмори Ж.Кваренги), кўп сонли хиёбонлар ва ҳашамдор иншоотлар қурилган.

1941—44 й.ларда немис фашистлари оккупациясн даврида шаҳар жиддий шикастланган, урушдан кейин қисман тиклланган. 1967 й.да П.да А.С.Пушкининг музейи очилган. 1990-й.лар бошларида П.нинг барча ёдгорликлари қайта тикланди.

ПУШТ — қ. *Эмбрион.*

ПУШТА — икки эгат (жўяк), ариқ орасида экинларнинг барг-новдалари ўсиши, палак отиши учун бўш қолдириладиган марзасимон жой, тупроқнинг қиялаб текисланган сатҳи. Қ.х. экинлари экилда П. марзаолғич ёки тирқама культиваторларда, кичик майдонларда кетмон б-н олинади. Экин тури ва қатор оралари кенглигига кўра, П. турли баландликда (10 дан 40 см гача) ва кенгликда (ғўзада 60—90 см, помидорда 140—210 см, қовун, қовоқ каби полиз экинларида 2—4 м гача) бўлиши мумкин. Даланинг П.ли сатҳида тупроқ ҳарорати 1,0—3,0° юқорироқ бўлади, бу эса экилган уруғларнинг бармақт ва текис унларнб олишга ёрдам беради.

ПУШТИ КИШМИШ, Қизил кишмиш, Пушти Ереван, Вардагуби кишмиши, Каршир кишмиши — ўрта пишар хўраки узум нави. Ғарбий Осиёда яратилган. Ўзбекистонга Арманистондан келтирилган. Шарқий экологик-географик навлар гуруҳига киради. Тупи кучли ўсади. Барги ўртача ёки йирик, юмалоқ, 3—5 катталикда ёки йирик, юмалоқ, 3—5 бўлмали, оч яшил тусда, силлиқ. Гули икки жинсли. Узум боши йирик, вазни 230—250 г, айримларн 1,0—1,5 кг келади, банди қалин, шакли цилиндрсимон (бўйи 25, эни 15 см), ўртача зич. Гужуми майда (13×8 мм), юмалоқ-овал, ранги пушти, баъзан, тўла пишганда қизил. Этдор, сершира, пўсти юпқа. Таркибида 24—27% қанд, 5,2—6,4 г/л к-та бор. Фаол ҳарорат йиғиндиси 3300° да 135—140 кунда пишади. Ҳосилдорлиги 100—150 ц/га. Новдаси яхши етилади. Оддимудан кам қасалланади, совуққа чидами паст. Асосан, янгилигида ейилади ва майиз қилинади. 1959 й.дан Ўзбекистоннинг барча вилоятлари учун р-нлаштирилган.

Пушти кишмиш.

Пушкин шаҳри. Катта Екатерина саройи.

ПУШТИРАНГ ЧИРИШ, ғўза кўсакларининг пуштиранг чириши — Thichothecium roseum Link. замбуруғлари қўзғатадиган касаллик. Энг кўп тарқалган касалликлардан бири. Кўсак етилишининг турли даврларида учрайди. Чаноқларда саргиш пушти рангдаги губорли доғлар ҳосил бўлиб, баъзан кўсакларни батамом қоплаб олади. Кўсаклар бутунлай очилмайди ёки кечроқ касалланганда уларнинг уч томони ёрилади. Замбуруғ кўсак ичига ҳам кириб, толани чиритади ва кукунсимон моддага айлантиради. П.ч. б-н касалланган кўсаклар қуригандан сўнг тўкилади. П. ч.нинг кўплаб ривожланишига ортиқча суғориш натижасида вужудга келадиган намлик сабаб бўлади. Совуқ тушиши б-н кўк кўсакларда П.ч. ривожлана бошлайди.

Ғўза кўсагининг пуштиранг чириши.

Кураш чоралари: ғўзага ишлов беришнинг агротехника қоидаларига риоя қилиш; уларнинг ётиб қолишига йўл қўймаслик.

ПУШТУ ТИЛИ, афғон тили, пашту — *эроний тиллар*нинг шарқий гуруҳига мансуб тиллардан бири; Афғонистондаги иккинчи расмий тилдан (*дари тили* б-н бирга) биттаси. Афғонистоннинг Қандаҳор, Жалолобод, Ғазна, Хост, Фарах вилоятлари ва Кобул ш.да, Покистоннинг Вазиристон, Балужистон ва б. ҳудудларида, Пешовар ш.да тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 25 млн. кишидан ортиқ бўлиб, уларнинг учдан икки қисми Покистонда яшайди. Кўп сонли ҳудудий ва қабилавий лаҳжалар асосан 2 гуруҳни ташкил этади: шарқий ёки пешовар-жалолобод лаҳжаси ва гарбий ёки қандаҳор лаҳжаси; шунингдек, жан. лаҳжа ҳам (Афғонистоннинг Пактия вилояти) фарқланади. П.т.да ундошлар 30 та; бошқа эроний тиллардан фарқланувчи ундош товушларга эга; урғу динамик хусусиятли, урғуларнинг ўзгарувчанлигига қараб сўзларнинг маъноларн фарқланади; грамматик қурилиши учун отларнинг флективлиги кучлидир.

Адабий П.т. 2 лаҳжали асосга эга бўлиб, Афғонистонда ўзига нисбатан қадимийроқ ва бойроқ ёзма анъаналарга эга бўлган дари тили б-н ёнма-ён қўлланиш шароитида ривожланмоқда. Адабий П.т. аввал нисбатан кам меъёрланган ва расмий ҳужжатлар доирасида, ижтимоий-сиёсий амалиётда кам қўлланган, лекин унинг қўлланиш доираси тобора кенгайиб бормоқда: тил-

ни мезёрлаштириш чоралари кўрилмоқда, изоҳли ва икки тилли луғатлар, сўз ва грамматик шаклларни мезёрий қўллашга доир махсус ишлар чоп этилмоқда, терминологик шакллантирилмоқда ва ш.к. П.т. араб-форс ёзувидан унга П.т.га хос бўлган товушларни ифодаловчи ҳарфларни қўшиш йўли б-н фойдаланади. Дастлабки ёзма манбалари 16-а.га тааллуқли.

Анвар Исмоилов, Аҳмаджон Қуронбеков.

ПУШТУНЛАР, пуштулар — 1) Афғонистондан ташқарида (асосан, Покистонда) яшовчи афғонларнинг этник номи (илгариги номи — патанлар). Умумий сони — 14 млн.га яқин (2002). Пушту тилида сўзлашади. Диндорлари — асосан, сунний мусулмонлар, оз қисми шиалар. П.да қабила ва хелларга (қабиладан кичик, то уруғгача бўлган бирлик) бўлиниш сақланган. Энг йирик қабилалар: Хайбар довони атрофида афридийлар, момандлар, оракзойлар; Пешовар шим.да юсуфзойлар, жан. ва ғарбида бангашлар, хаттаклар, сўнгра вазирлар; Шим. Балужистонда — какарлар яшайди ва б. Асосий машғулоти — деҳқончилик, яйлов чорвачилиги; бир қисми кўчманчилар. П. бой фольклорга эга, турли рақс ва ашулалари мавжуд. Пушту тилида адабиёт ривожланмоқда. П. тарихи 20-а.гача афғонлар тарихи б-н узвий боғлиқ (қ. *Афғонистон*); 2) *афғонлар* ўзларини П. деб аташади.

ПУЭБЛА, Пуэбла-де-Сарагоса — Мексикалаги шаҳар, Мексика тоғлигининг жан.да, ўртача 2150 м баландликда. Пуэбла штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 1,34 млн. киши (2000). Транспорт йўлларининг йирик тугуни. Мамлакатнинг энг муҳим тўқимачилик (ип газлама ва жун) саноати маркази. Кўн-тери, цемент, керамика, озиқ-овқат саноати, металлсозлик корхоналари мавжуд. Қ.х. райони (агава, шакарқамиш, кунжут) маркази. Ҳунармандчилик ривожланган. Ун-тлар, музейлар бор. Шаҳарга 1531 й.да асос солинган. Меъморий ёдгорликларидан 16—18-а.ларда қурилган собор, черков ва б. сақланган.

ПУЭБЛА — Мексикадаги штат. Майд. 33,9 минг км². Аҳолиси 5,1 млн. киши (2000), Маъмурий маркази — Пуэбла ш. Ҳудуднинг катта қисмини Мексика қўлтиғи ва Бальсас ботиғига йўналган ён бағирлари эгаллаган. Тоғ ён бағирлари дарёлар б-н чуқур ўйилган. Штатда вулканлар (жумладан, Мексиканинг энг баланд жойи — Орисаба вулкани, 5700 м) бор. Иқлими тоғ-тропик иқлим, ўртача ойлик т-ралар 12—15° дан 17—20° гача. Йиллик ёғин сойликларда 500—600 мм дан шамолга рўпара ён бағирларда 2000—3000 мм гача. Иқтисодиётида қ.х. етакчи. Маккажўхори, луккакли экинлар, картошка етиштирилади. Тог олдиларида кофе плантациялари бор, тропик мевачилик ривожланган. Жун учун қўй боқилади. Ип газлама, озиқ-овқат, кимё, автомобилсозлик саноати корхоналари мавжуд. Туризм ривожланган. Тог-иқлим курортлари бор.

ПУЭБЛО — индейс халқлари гуруҳи (хопи, зуньи, керес, тано). АҚШнинг жан.-ғарбида (Нью-Мексико ва Аризона штатлари) яшайди. 32 минг киши (1987). Юта-ацтек тил оиласига мансуб тилларда сўзлашади, кесарликни хокалътек тилларига яқин. П. номи (испанча — «қишлоқ») ўзига хос қишлоқлар — хом ғиштдан ёки қумлоқдан ишланган, ички майдони (саҳни) ва яланг девори бўлган кўп хонали уйқалъалар (пуэбло) номидан олинган. Бундай уйнинг (1—3 минг кишини сиғдирган) қаватлари (5—6 гача) террасалар б-н баландга бўй чўзган.

ПУЭНТ-НУАР — Конго Республикасидаги шаҳар. Аҳолиси 576,2 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Транспорт йўлларн тугуни. Мамлакатнинг Атлантика океани соҳилидаги энг муҳим ташқи савдо порти (четга марганец рудалари чиқарилади), портдан қисман Габон, Чад ва Марказий Африка Республикаси ҳам фойдаланади. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Тахта тилиш ва фанер з-длари, озиқ-овқат саноати корхоналари, пойабзал ф-каси, нефтни қайта ишлаш з-длари, кема верфи бор. Иссиқлик электр ст-яси қурилган. Балиқ овланади. Шаҳар атрофида нефть, калий тузи конлари бор. Шаҳар 1883 й.да бунёд этилган.

ПУЭРТОРИКАНЛАР — халқ. Пуэрто-Риконинг асосий аҳолиси. 3,55 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). 2,22 млн. киши АҚШ да яшайди. Асосан, креоллар, мулатлар ва негрлар. Испан тилининг маҳаллий лаҳжасида сўзлашади. Диндорлари — асосан, католиклар.

ПУЭРТО-РИКО (Puerto Rico), Пуэрто-Рико Ҳамдўстлиги (Commonwelth of Puerto Rico) — Вест-Индияда Катта Антил о.лари архипелагининг шарқий қисмидаги Пуэрто-Рико, Вьекес, Кулебра ва Мона о.ларида жойлашган АҚШ мулки. Майд. 8,9 минг км². Аҳолиси 3,95 млн. киши (2002). Маъмурий жиҳатдан 78 муниципал округ (district)га бўлинади. Маъмурий маркази — Сан-Хуан ш.

Давлат тузуми. П.-Р. АҚШга «эркин қўшилган» давлат мақомига эга. Амалдаги конституцияси 1952 й. 3 июлда қабул қилинган ва ўша йил 25 июлда кучга кирган. Қонун чиқарувчи олий ҳокимият АҚШ конгрессига тегишли. Пуэрториканлар расман АҚШ фуқаролари ҳисобланади, аммо АҚШ президенти сайловида қатнашмайди. Мухторият доирасидаги қонун чиқарувчи ҳокимиятни губернатор амалга оширади.

Табиати. Пуэрто-Рико оролининг ер юзаси тоғли. Ғарбдан шарққа Кордильера-Сентраль тизмаси чўзилган (энг баланд жойи 1338 м). Шим. ва жан. қирғоги пасттекислик. Марганец ва темир руда, тоштуз, мармар ва б. конлар бор. Иқлими тропик, пассатли. Ўртача ойлик т-ра пасттекисликларда 24—28°, тоғларда бирмунча салқинроқ. Йиллик ёғин миқдори 800—2500 мм. Дарёлари қисқа, жўшқин, кема қатнамайди. Шим. тоғ ён бағирларида доим яшил ва аралаш ўрмонларнинг қолдиқлари бор, жан. ён бағирлари бутазор. Ҳайвонлар унча кўп эмас, кўршапалак, судралиб юрувчилар ва моллюскалар учрайди.

Аҳолисининг аксарияти — пуэрториканлар (асосан, креоллар, мулатлар, негрлар), чет элликлар ҳам яшайди. Расмий тиллар — испан ва инглиз тиллари. Диндорлари — католиклар. Шаҳар аҳолиси 71%. Йирик шаҳарлари: Сан-Хуан, Баямон, Понсе.

Тарихи. П.-Р. ҳудудида 16-а.гача турли индейс қабилалари яшаган. 15-а. охири ва 16-а. бошларида оролни испан мустамлакачилари босиб олган. 16-а. ўрталаригача маҳаллий халқ батамом қириб ташланиб, Африкадан негр қуллар келтирилган. Англия, Голландия, Франция давлатлари П.-Р.ни эгаллаш учун кўп уруш олиб борганлар. 17—19-а.ларда мустамлака зулмига қарши бир неча марта халқ қўзғолонлари бўлди. 1868 й.ги қўзғолондан сўнг Лорес ш.да республика эълон қилинди, қўзғолон шафқатсиз бостирилди. 1873 й. қулчилик бекор қилинди. 1898 й. Париж сулҳ шартномасига биноан, П.-Р.даги ҳокимият Испаниядан АҚШга ўтди ва у аслида АҚШ мустамлакасига айланди. 1952 й. қабул қилинган конституцияга кўра, П.-Р. АҚШга «эркин қўшилган» давлат мақомини олди. 1998 й. 13 дек.да мамлакатнинг келгуси мақоми масаласи юзасидан плебисцит ўтказилди. Аҳолининг 50,2% ҳоз. мақом сақланиб қолишини еқлаб чиқди, 46,5% П.-Р.нинг АҚШ таркибига 51-штат бўлиб кириш товсини қўллаб қувватлади.

Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари. Халқ демократик партияси, 1938 й. асос солинган; Янги тараққийпарвар партия, 1967 й. тузилган; П.-Р. Коммунистик партияси, 1934 й. ташкил этилган; П.-Р. мустақиллик партияси, 1934 й. тузила бошлаган ва 1946 й. узил-кесил шаклланган; П.-Р. социалистик партияси, 1971 й. ташкил этилган. П.-Р. меҳнаткашлари умумий конфедерацияси, 1939 й. тузилган; П.-Р. меҳнаткашлари умумий иттифоқи, 1948 й. асос солинган; П.-Р. меҳнаткашлари федерацияси, 1952 й. тузилган.

Хўжалиги кончилик саноатига ва қ.х. хом ашёсини қайта ишлашга асосланган. Ялпи ички маҳсулотда саноат улуши 39%, қ.х. улуши 1,4%ни ташкил этади. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг 35% қ.х.да банд. Экспорт учун шакарқамиш, кофе, банан, тамаки, цитрус мевалар, пахта ва б. экилади. Ички эҳтиёж учун маккажўхори, луккакли экинлар ва шоли етиштирилади. Қорамол, чўчқа, от ва парранда боқилади. Балиқ овлаш ривожланган. Марганец ва темир руда, мармар, тоштуз қазиб олинади. Озиқ-овқат саноати (айниқса, қанд-шакар, виночилик, мева консервалаш, балиқни қайта ишлаш ва б. соҳалар) ривожланган. Электротехника, электрон, кимё, нефтни қайта ишлаш, цемент, фармацевтика, енгил саноат (тикувчилик, пойабзал, каштачилик) корхоналари бор. Йилига ўртача 15,3 млрд. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Автомобиль йўллари уз. 9,3 минг км. Асосий денгиз портлари: Сан-Хуан, Маягуэс, Понсе. Четга кимё ва радиоэлектрон саноати маҳсулотлари, озиқ-овқат чиқаради. Четдан хом ашё, машина ва ускуналар, кенг истеъмол моллари келтиради. Ташқи савдо айланмасининг 90% АҚШга тўғри келади. Йилига 1,5 млн. сайёҳ келиб кетади. Пул бирлиги — АҚШ доллари.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган болаларнинг ўқиши мажбурий деб эълон қилинган. Умумий таълим мактабидаги таълимнинг тўла курси — 12 й. (6 й.лик элементар, 3 й.лик кичик ўрта ва 3 й.лик катта ўрта мактаб). Дарслар испан тилида олиб борилади, инглиз тили барча таълим босқичларида мажбурий предметдир. Давлатга қарашли умумий таълим мактаблари б-н бир қаторда хусусий мактаблар ҳам бор. Ўрта ҳунар-техника мактаблари ўрта махсус маълумот беради. Йирик олий ўқув юртлари: Сан-Хуан ш.даги П.-Р. ун-ти (1903), Понсе ш.даги Католик ун-т (1948) ва б. Илмий муассасалари: Тропик ўрмончилик и.т. институти, П.-Р. атом энергияси маркази, Испан-Америка лексикография ин-ти, П.-Р. маданияти ин-ти. Йирик кутубхоналари: П.-Р. университети кутубхонаси, Муқаддас қалб ун-ти кутубхонаси ва б. Музейлари: Китоб уйи музейи, Миллий гвардия ҳарбий музейи, Нафис санъат музейи, Армия ва ҳарбий-денгиз флоти тарихи музейи, Капарра ҳаробалари парки тарихи музейи, Рассомлик музейи, Табиат тарихи музейи ва б.

Сан-Хуан шаҳри.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. П.-Р.да бир қанча газ. нашр этилади. Асосийлари: «Восеро де Пуэрто-Рико» («Пуэрто-Рико жарчиси», кундалик газ., 1974 й.дан), «Нуси», кундалик газ., 1970 й.дан), «Кларидад» («Ёруғлик», ҳафтанома, 1959 й.дан). Миллий ахборот агентлиги йўқ. П.-Р. радиост-ялари уюшмаси 1947 й.да тузилган. Маориф вазирлиги қарамоғида нотижорат радиост-я ва икки телест-я бор.

Адабиёти испан тилида. 16-а.да қириб юборилган маҳаллий халқнинг адабиёти сақланмаган. Креоллар ва келтирилган қул негрларнинг оғзаки ижоди 19-а.гача мавжуд бўлган. Ёзма адабиёт 19-а.дагина вужудга келди ва романтизм оқимида ривожлана бошлади (С.Видарте, А. Тапия-и-Ревера, Э.М. де Остос). 19-а. охирида С. Брау, М. Фернандес Хункос, М. Сено Ганкдия, М. Гонсалес Гарсиянинг реалистик насрий асарлари нашр этилди. 20-а. бошларида П.-Р. «модернизми» (Л. Льоренс-Торрес ва б.) вужудга келиб, миллий мустақиллик ва ўзига хос адабиёт учун кураш тамойилини ривожлантирди. 30-й.лар адабиёти мамлакат қаётидаги ўткир ижтимоий муаммоларни кўтарди. 70—90-й.ларда П.Х.Сото романлари, Р.Маркес пьесалари, Ф.Матос Паоли шеърияти, шоиралардан Лаура Гальегос, Лолита Леброн асарлари ижтимоий муаммоларни теран очиб берди.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Қад. ғорлардаги тасвирлар, кўҳна тош ва ёғоч ўймакорлиги намуналари сақланган. 16—20-а.ларда испан меъморлиги услубида бинолар қурилди. 1940-й.лардан турар жойлар темир-бетондан қурила бошлади. 1950 й.да П.-Р. санъати маркази ташкил топди. Ф. Туфиньо, Л. Омар, К.Р.Ривера каби рассомлар халқ турмушини ҳаққоний акс эттириб, шуҳрат қозонган.

Театри. 1892 й. Сан-Хуанда биринчи доимий театр — «Колисео публико» ташкил этилди. 1935 й. Э.Белаваль

Кордильера-Сентраль тизмаси.

ПУЭРТО-РИКО
1:1100000
66° з.д.
АТЛАНТИКА ОКЕАНИ
Сан-Хуан
Кулебра о.
Бамон
Мангус 1338
Кагуас
Моне о.
18°
ш.с.
Понсе
Вьекес о.
Пуэрто-Рико о.
КАРИБ ДЕНГИЗИ

уюштирган «Арейто» труппаси театрда индейс-испан анъаналарини давом эттиришга ҳаракат қилди. Унинг фаолиятини Ун-т театри давом эттирди. Ф. Аррибн, Э.Лагерре, Ф. Сьерра Берлесиа пьесалари саҳналаштирилди. 1958 й.дан театр фестивалллари ўтказилади. Сан-Хуанда «Тапия», «Ла перла», «Атенео», «Альта эссена», Ун-т театрлари ишлайди. Таниқли реж. ва актёрлари: А. Родригес, Х. Марреро, П. Кабрера, П.Насарио, П.Аренас ва б.

ПУЭРТО-РИКО НОВИ — Атлантика океанидаги чуқур сув ости номи. Пуэрто-Рико о.ларидан шим.да. Сув остидаги Антил тизмасининг шим. ён бағирлари бўйлаб 1070 км га чўзилган. Ўртача кенглиги 87 км. Энг чуқур жойи 8742 м (Атлантика океанида энг чуқур).

ПФАФФ ТЕНГЛАМАСИ — $X_1dx_1 + X_2dx_2 + \dots + X_ndx_n$ (1) кўринишидаги тенглама (бунда $X_1, X_2, \dots, X_n$ лар $x_1, x_2, \dots, x_n$ эркли ўзгарувчиларнинг функциялари). 1814—15 й.ларда немис математиги И. Пфафф текширган. (1) тенгламанинг ечими

$$\left.\begin{aligned} f_1(x_1, x_2, \dots, x_n) &= 0 \\ f_2(x_1, x_2, \dots, x_n) &= 0 \\ \dots\dots\dots\dots\dots\dots & \\ f_n(x_1, x_2, \dots, x_n) &= 0 \end{aligned}\right\} \quad (2)$$

муносабатлардан иборат бўлиб, (1) тенглама (2) ва $df_1=0, df_2=0, \dots df_n=0$ муносабатларнинг натижасидир. Агар $x_1, x_2, \dots, x_n$ ларнинг n ўлчовли фазосининг ҳар бир нуқтасидан $(n-1)$ ўлчовли интеграл гиперсирт ўтса, яъни (1) П.т.

$$\Phi(x_1, x_2, \dots, x_n)=C$$

кўринишдаги ечимга эга бўлса, (1) тўла интегралловчи ёки битта муносабат б-н интегралланувчи дейилади. n— 3 бўлганда П.т.

$$P(x, y, z)dx+Q(x, y, z)dy+ +R(x, y, z)dz = 0 \quad (3)$$

кўринишга эга бўлади. (3) ни геометрик ечими x, y, z ўзгарувчилар фазосида ўзининг ҳар бир нуқтасида (P, Q, R) вектор майдонча ортогонал бўлган эгри чизиқларни топишдан иборат. Агар x, y, z ларга нисбатан

$$P(Q'_z-R'_y)+Q(R'_x-P'_z)+ +R(P'_y-Q'_x)=0$$

шарт бажарилса, (3) тенглама тўла интегралланувчи бўлади. П.т.нинг механика ва термодинамикада аҳамияти катта.

ПХЕНЬЯН— Корея Халқ Демократик Республикаси (КХДР) пойтахти. Тэдонган дарёси бўйида, 300 м баландликда. Иқлими муссонли мўътадил иқлим.

Янв.нинг ўртача т-раси —8,2°, июлиники 24°. Йиллик ёғин 922 мм. Аҳолиси 2,6 млн. (1990-й.лар охири). Алоҳида маъмурий бирлик қилиб ажратилган.

П. — Кореянинг қад. шаҳарларидан. 4-а.да шаҳар ўрнида қалъа бўлган. 427—668 й.ларда Когурё давлатининг пойтахти. 10—14-а.ларда П. Соғён деб аталган. 1905—45 й.ларда японлар қўл остида бўлган. 1948 й. 9 сент.да П.да КХДР тузилганлиги эълон қилинган. 1950—53 й.лардаги уруш вақтида бутунлай вайрон бўлган. Урушдан кейин қайта тикланиб, замонавий шаҳарга айланган.

П. мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази. Транспорт йўлларининг муҳим тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Атрофидаги шаҳарлар б-н ирмоқ саноат р-нини ташкил қилади. Қора ва рангли металлургия, кўп тармоқли машинасозлик, электротехника, тўқимачилик (КХДР да энг йирик к-т), озиқ-овқат, кимё саноати корхоналари мавжуд. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Пойабзал, фармацевтика, чинни-фаянс, ёғочсозлик корхоналари ишлаб турибди. Иссиқлик электр ст-яси, метрополитен қурилган. ФА, ун-т, театрлар, консерватория, музейлар, бадиий галерея бор. Меъморий ёдгорликларидан минора, қалъа дарвозалари, мақбаралар, пагодалар сақланган, боғ кўп.

Пхеньян шаҳрининг умумий кўриниши.

Пхеньян шаҳридаги замонавий бинолар.

ПХЕНЬЯН УНИВЕРСИТЕТИ. Ким Ир Сен номидаги Пхеньян университети — КХДРдаги энг йирик олий ўқув юрти. 1946 й. ташкил этилган. Ун-тнинг бир неча ф-тлари асосида 1948 й. Пхеньянда политехника ва тиббиёт ин-тлари, Саривонда қ.х. институти ташкил этилган. Тарих, фалсафа, иқтисодиёт, ҳуқуқ, филол., чет тиллари ва адабиёти, геогр., геол., физика, мат., кимё, биол. бўйича мутахассислар тайёрлайди. 16 минга яқин талаба таълим олади.

ПШАРТ ТИЗМАСИ — Шарқий Помирлаги тог тизмаси (Тожикистон). Мургоб дарёсининг ўнг соҳилида. Уз. 60 км, бал. 5 минг м дан зиёд. Шим. ён бағрида музликлар бор.

ПЬЕЗОГЕОФОН (юн. piezo — қисман ва *геофон*) — тог жинслари орасида тарқаладиган товуш тўлқинларини қабул қилиш учун мўлжалланган асбоб. Унда қабул қилувчи қурилма вазифасини пьезоэлектрик *датчик* бажаради. П. бирон бир металл парса б-н тог жинсларига урилганда пайдо бўладиган тўлқинларни 70 м чамаси масофадан қабул қилади. П. мас., шахталарда тог жинслари тўсатдан ўпирилиши натижасида фалокат юз берганда, кон хизматчилари сигнал юборган жойини аниқлашда ишлатилади. П. тоғ-кон қутқарув хизмати қисмларининг жиҳозлари жумласига киради.

ПЬЕЗОКВАРЦ (юн. piezo — босаман ва *кварц*) — бетона минераллар, газ ва суюқ қўшимчалар, дарзлик ва қўшалоқликлардан ҳоли рангсиз ва рангли кварц кристаллари, уларнинг бўлаклари. П.нинг қўлланиши унинг пьезо-электрик хоссалари (тўғри ва тескари пьезоэффектга асосланган. Радиотехника, ультратовуш гидроакустикаси ва дефектоскопиида, газ, суюқлик ва қаттиқ жисмлар хоссаларини ўрганишда, босим, куч тезланиши ва вибрацияларни ўлчаш учун пьезометрия ва б.да кенг қўлланилади. П.дан тайёрланган пластинкалар пьезоэлектрик резонаторлар — стабилизаторлар, радиочастота, телефон ва телеграф фильтрлари ва б.да ишлатилади. Техник талаблари: кристалларда неталган йўналишдаги кесмада ўлчамлари 12×12×1,5 мм дан кам бўлмаган П. пластинкаларини тайёрлаш учун яроқли нуқсонсиз монокристалл жойларининг мавжудлиги (монобласглар). Монобласгларнинг фоиз таркиби бўйича Пларнинг навлари ажратилади. Кварцнинг ультрабинафша нурларида юқори шаффофликка эга бўлган тоза, нуқсонсиз кристаллари (тог биллури) оптика саноатида ишлатилади. Кварцнинг кам нуқсонли кристалларидан махсус кварц ойнаси и.ч. учун хом ашё сифатида фойдаланилади. П. кварц, кварц-дала шпати ва кварц-карбонатли томирлардаги бўшлиқларда ҳамда камерали туркумлаги гранитли пегматитларлаги кварц ажратмаларида энг кўп учрайди. П.нинг йирик сочма конлари мавжуд. Кристалларининг ҳосил бўлиши, асосан, гидротермал ва гидротермал-метасоматик жараёнлар б-н боғлиқ.

ПЬЕЗОМАГНЕТИЗМ (юн. piezo — босаман, қисаман ва *магнетизм*), пьезомагнит эффект — ташқи босим таъсирида моддада магнитланганлик хусусиятининг ҳосил бўлиши. П. моддаларнинг магнит структурасига боғлиқ. П. фақат антиферромагнит кристаллар (MnF_2, CoF_2 ва Fe_2O_3)да кузатилади. Бу кристалларда магнитланганлик катталиги эластик кучланишга пропорционалдир. П.га тескари эффект — антиферромагнетикларнинг чизиқли магнитострикция эффекти ҳам мавжуд. Бу эффект ташқи кучланишлар таъсирида кристалл ўлчами ўзгаришининг магнит майдонига пропорционал бўлади.

ПЬЕЗОЭЛЕКТР (юн. piezo — босаман, қисаман ва *электр*), пьезоэлектр эффект — баъзи диэлектрикларнинг механик кучланишлар таъсирида қутбланиши (тўғри пьезоэлектр эффект) ва электр майдон таъсирида механик деформацияланиши (тескари пьезоэлектр эффект) ҳодисасининг юзага келиши. Тўғри ва тескари пьезоэлектр эффектлар фақат пьезоэлектрикларда мавжуд. Пьезоэлектр эффектлар симметрия марказига эга бўлмаган кристалларда кузатилади. П.ни 1817 й.да француз кристаллографи ва минерологи Р. Ж. Гаюи (1743—1822) *кальцит* кристалларида кузатган. П.ни ҳар тарафлама 1880 й.да ака-ука Ж. ва П. Кюрилар *кварц* кристаллида кузатганлар. 1500 дан ортиқ модлада пьезоэлектр ҳодисаси кузатилган; улар ичида кварц (пьезо-кварцдан ташқари сегнет тузи, барий титанат, аммоний дигидрофосфат, литий ниобат ва б. ҳам кенг қўлланилади. Кўпинча яна махсус технология бўйича олинган баъзи сегнетоэлектрикларнинг қаттиқ эритмалари — пьезокерамикалардан ҳам фойдаланилади. Пьезоэлектриклар радиотехника, акустика, радиофизика ва б. соҳаларда кенг қўлланилади.

ПЬЕРО ДЕЛЛА ФРАНЧЕСКА (Piero della Francesca) (тахм. 1420 — Тоскана — 1492) — итальян рассоми, санъат назариётчиси, Умбрия мактабининг йирик намоиндаси. П.д.Ф. ижодига обйирик разларнинг улуғворлиги, шаклларнинг ҳажмдорлиги, колоритнинг шаффофлиги, макони тадрижий перспективали қурилиши каби бадиий хусусиятлар хос; асарлари рангдор ва сержилгилар хос; асарлари рангдор ва сержилятлар хос; асарлари рангдор ва сержилятлар хос; асарлари рангдор ва сержилятл

Пьеро делла Франческа. «Исцеление чудотворным крестом» (1450–55).

Пятигорск шаҳри. Академия галереяси.

эҳтиёжи учун хизмат қилади (ошиқовқат, енгил саноат корхоналари), шунингдек, электромеханика ва қ.х. машиналари э-лари бор. Пед. ва фармацевтика ин-тлари, театр, ўлкашунослик музейи, М.Ю.*Лермонтов* давлат музей-қўриқхонаси мавжуд.

Ёзи илиқ (июлнинг т-раси 22°), қиши мўътадил юмшоқ (янв.нинг ўртача т-раси —4°); йиллик ёғин 475 мм. Ҳаракат ва таянч органлари, марказий ва периферик асаб системаси, тери, гинекологик касалликлар, шунингдек, юрак-томир системаси, ҳазм органлари касалликлари б-н оғриган беморлар даволанади. Даволаш ванналари бор. Тарихий меъморий ёдгорликлардан «Эол арфаси» шийпончаси (1828), «Диана гроти» (1830—31) мавжуд.

ПЎКАК, феллема — 1) ўсимликларнинг иккиламчи қопловчи ўлик тўқимаси; суберин (пўкак модда) б-н тўйинган, зич жойлашган пўстли ҳужайралар мажмуи. Пўкаксимон камбий (феллоген) ҳужайраларининг тангентал бўлинишидан ҳосил бўлади. П. дарахтсимон ўсимликлар ва аксари кўп йиллик ўтларнинг турли органларида вужудга келади: айниқса, пўкакли эманнинг поя ва шохларида қалин бўлади. П. сувни ортиқча бугланишдан, ўсимликни бактерия, замбуруғ ва ҳашаротлар таъсиридан сақлайди. Эман пўкаги шиша идишларга тиқин, пойабзал тайёрлаш ва б. соҳаларда ишлатилади; 2) гименомицетлар туркумининг пўкаклар оиласига мансуб замбуруғлар гуруҳи (яна қ. *Ёғоч замбуруғлари*).

ПЎКАК ДАРАХТ, амур бахмали — қ. *Бахмал дарахти*.

ПЎЛАТ (форс.-тож.) — темирнинг углерод (2% гача) ва б. элементлар б-н қотишмаси. Одатдаги техник П.нинг таркиби — 0,05—1,5% углерод, 0,4% гача кремний, 0,1—1% марганец, 0,08% гача олтингугурт, 0,1% гача фосфор ва 96,92—99,27% темирдан иборат. Саноатда ишлаб чиқариладиган П.лар таркибида доимий қўшилмалар: кремний Si, марганец Mn, олтингугурт S ва фосфор P бўлади. П.нинг чўяндан фарқи шуки, чўян таркибида углерод 2% дан ортиқ, доимий қўшилмалар ҳам кўпроқ бўлади.

П. тобланганда унинг физик-механик хоссалари кескин ўзгаради, қаттиқлиги ва мустаҳкамлиги ортади, боғланувчан бўлиб қолади (қ. *Пўлатни тоблаш*). Кимевий таркибидаги углерод ва легирловчи элементлар миқдорига қараб, П. углеродли ва легирланган хилларга бўлинади. Углеродли П.га (таркибида углероддан ташқари 0,7% гача марганец, 0,37% гача кремний, 0,04% гача олтингугурт ва 0,035% гача фосфор бўлади) қурилиш ва машинасозлик пўлати; *асбобсозлик пўлати* киради. Легирланган пўлат жумласига кам (легирловчи элементлар 2,5% гача), ўртача (легирловчи элементлар 2,5—10% гача), юқори легирланган (легирловчи элементлар 10% дан ортиқ) П.лар киради (қ. *Легирланган пўлат*). Ишлатилишига қараб, қурилиш (прокат) ва машинасозлик (конструкцион), асбобсозлик, алоҳида хоссали хилларга бўлинади. Алоҳида хоссали П. зангламайдиган ва кислотабардош, иссиқбардош, емирилиш ва емирилишга чидамли, магнит хусусиятли ва б. сифатларга эга бўлади.

П. суюқ, пластик ва қаттиқ ҳолатда ишлаб чиқарилиши мумкин, лекин асосан, суюқ ҳолатда ишлаб чиқарилади. Суюқ П. *конвертер, мартен печи, электр печи*, тигель ва б. печларда олинади. Пластик П. пудинглаб олинади (қ. *Пудинглаш*). Қаттиқ ҳолатдаги П. темир рудасини барабан шаклидаги печларда қайтариб ёки электролиз қилиб олинади.

Хом ашё сифатида домна чўяни ва темир-терсаклар ишлатилади. Улар печда қиздирилади. Кимёвий реакция натижасида чўян ва темир-терсаклар таркибидаги C, Si, Mn, P ва S оксидланиб темирнинг қайтарилиши натижасида П. ҳосил бўлади. Лозим бўлса (мас., легирланган пўлат олишда), П. таркибига зарур кимёвий элементлар қўшилади. Фосфор ва олтингугурт П.нинг хоссаларига салбий таъсир этгани сабабли П. улардан тозаланади (рафинацияланади). Бунда асос характерли флюслан фойдаланилади.

П.ни қайтариш, яъни унинг таркибидаги кислород миқдорини камайтириш учун суюқ П.га қайтарувчилар (таркибида Mn, Si, Al, Ca бўлган қотишмалари) қўшилади. Улар темир оксиди таркибидаги кислород б-н бирикиб, уни тозалайди. Қайтариш *вакуумлаш* ёрдамида ҳам бажарилиши мумкин. Бу усулда кукун ҳолида мағдаланиб тош-қум (шлак) устига сочилган қайтарувчилар тошқолда эриб, таркибидаги темирни қайтаради. Бу эса, тақсимланиш қонунига биноан, П. таркибидаги темирнинг ҳам қайтарилишига сабаб бўлади. П. ишлаб чиқариш танер пўлатни конвертерлар ёрдамида махсус металл қолипларга қуйиш б-н якунланади.

Дунё миқёсида П. ишлаб чиқариш барча металлар умумий миқдорининг 20—25 фоизини ташкил этади. П. қурилиш, машинасозлик, асбобсозлик ва б. соҳаларда кўлланиладиган асосий материал ҳисобланади.

ПЎЛАТ МЎМИН (тахаллуси; асл исм-шарифи Муминов Пулат) (1922.24.12—Тошкент — 2004.2.3) — болалар шоири. Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1992). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1983). Дастлаб педагогика билим юртини (1939), сўнг Низомий номидаги Тошкент педагогика ин-тини тугатиб (1944), ўқитувчилик б-н шуғулланган (1944—47). «Ленин учқуни» газ.да адабий ходим (1948—50), Ўзбекистон давлат нашриётида бўлим мудири (1951—52), республика Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи (1954—60). Маданият вазирлиги қошидаги Санъат ишлари бошқармасида драматургия бўйича бош муҳаррир (1962—64). Илк шеърлар тўплами — «Сайроқ қушлар» (1949). Шундан кейин унинг «Тонг куйлари» (1949), «Олтин бошоқлар» (1951), «Тинч чўткаси эртаги» (1955), «Ҳунардан унар» (1958), «Тўғри ўсган гул бўлур» (1960), «Ақл қасрда бўлар» (1962), «Олтин най» (1967), «Яхшиларга ўхшасам» (1968), «Раҳматга раҳмат!» (1969), «Эсон ва Омон» (1973), «Эртакдан эртакка» (1989), «Эртаклар яхшиликка етаклар» (1984), «Юрак завқу дардларим, айтар байту фардларим» (1993), «Бугдой бобо» (1995), «Болажон, болажоним» (2003) ва б. болаларга бағишланган шеър ва эртаклардан иборат тўпламлари, «Кулди хиёл» (1964), «Гул ва пиёз» (1971), «Қўшиқ айтиб» (1985) сингари қўшиқлардан ташкил топган китоблари нашр этилган. П. М. мумтоз ўзбек адабиёти анъаналарини давом эттириб, газал, туюқ, фард жанрларида ҳам кўплаб асарлар яратган. Унинг 500 дан зиёд қўшиқлари газал жанрида ёзилган. П. М.нинг болалар ҳаётидан олинган

«Қовоқвой ё-н Чаноқвой», «Суҳатой ва Конфетвой» (1970), «Баҳодирнинг ботирлиги» (1972), «Она болам дейди, бола онам дейди» (1975), «Оқ фил йўқолди» (1983), «Туяқуш-бояқиш» (1987) пьесалари республика театрларида саҳналаштирилган. А. С. Пушкин, В. В. Маяковский, С. Маршак, С. Михалков, А. Барто ва б. рус ёзувчиларининг болаларга бағишланган асарларини ўзбек тилига таржима қилган. «Эл-юрт ҳурмати» ордени ё-н мукофотланган (1998).

Ас.: Ибн шифо — уламолар даво. Т., 2003.

ПЎЛАТНИ ТОБЛАШ — пўлатни олдин қиздириш, кейин тез совитиш йўли ё-н чиниқтириш. Қиздириш шароитига қараб, тўла ва чала тоблаш хилларига бўлинади. Тўла тоблашда пўлат *ҳолат диаграммаси* GSE чизиғидан юқориги т-рагача қиздирилгандан сўнг тез совитилади. Шунда пўлат тўлиқ аустенит ҳолатга ўтади. Чала тоблашда металл PSK чизиғидан юқориги т-раларгача қиздирилади; совитишдан кейин эримаган (ортиқча) фазалар (*феррит* ёки цементит ва мураккаброқ карбидлар) сақланиб қолиши мумкин. Темир-углеродли қотишмаларнинг ҳолат диаграммасига мувофиқ, шу диаграмманинг GSE чизиғидан юқориги т-раларга пўлатнинг термодинамик турғун ҳолати — *аустенит*, PSK чизиғидан пастдаги т-раларга феррит ва цементит мос келади. Аустенит PSK чизиғидан юқориги т-радан аста-секин совитилганда, ҳолат диаграммасига мувофиқ, феррит ва цементитга парчаланади. Жуда паст т-рада аустенит амалда парчаланмайди, т-ра яна пасайтирилса, *мартенсит*га айланади; П.т.дан мақсад — тўлиқ мартенсит структура ҳосил қилиш. П.т. натижасида пўлатнинг қаттиқлиги кескин ошади, мустаҳкамланади, пластиклиги пасаяди.

Совитиш шароитига қараб, П.т. изотермик, погонали ва б. усулларда амалга оширилиши мумкин. Изотермик тоблашда пўлат GSE чизиғидан ёки PSK чизиғидан юқориги т-раларгача қиздирилади, сўнгра PSK дан паст т-раларгача тез совитилади ва изотермик дам деб аталадиган ҳолатда тутиб турилади, бунда аустенит бошқа структуралар (перлит, бейнитга айланади. Погонали тоблашда пўлат мартенситга айланадиган т-радан бир оз юқори т-рагача катта тезликда совитилади, шу т-ра бутун қалинлигига бирдай тарқалгунча тутиб турилади, сўнгра мартенсит структура ҳосил бўлгунча аста-секин совитилади. Ташқи омиллар, асосан, тоблаш муҳити (сув, мой, эриган туз) ва босим ҳам П.т.га таъсир қилади.

Тобланган пўлат жуда мўрт бўлгани учун бир оз бўшатилади (қ. *Бўшатиш*). П.т. техникада кенг ишлатиладиган, конструкцион хоссаларни яхши пўлат олишга имкон беради.

ПЎЛАТОВ Валижон (1939.24.6 — Дангара тумани — 2000.15.3) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Фарғона пед. ин-тини тугатган (1963). 1963 й.дан Ўзбекистон туманидаги 54-, 48-, 53-, 1993 й.дан Дангара туманидаги 13-мактабда рус тили ва адабиёти ўқитувчиси. Болаларга билим беришда ноанъанавий дарс усулларидан унумли фойдаланган.

ПЎЛАТОВ Сурьат Обидович (1931. 23.10, Тошкент) — актёр, ҳонанда (драматик баритон). Ўзбекистон халқ артисти (1991). Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини тугатган (1952). 1952—56 йиллар Қашқадарё театрида актёр, бош реж. (1955—56), 1956 й.дан Муқимий театрида актёр. П. ижоди қаҳрамонларидаги эзгу туйғулар, кучли психологик талқини, уларнинг ички кечинмаларини очишда чиройли мусиқий хонишлар б-н тўлдириши, ўзига хос ижроси б-н ажралиб туради. Равшан («Равшан ва Зулхумор»), Ҳайдар («Нурхон»), Зафар («Зафар»), Тешабой («Тошболта ошиқ»), Азиз («Фарғона ҳикояси»), Пўлат («Зарафшон қизи»), Нодир («Гули сиёҳ»), Армон («Қизбулоқ»), Норқўзи («Ёшликда берган кўнгил»), Усмонали («Навоий Астрободда»), Отанизор («Мангу машъал»), Қул («На малакман, на фаришта»), Ота («Девона») каби 200 дан ортиқ роль ижро этган. Ҳонанда сифатида «Янгра созим», «Севги иҳолия», «Очил гулим», «Наъматак», «Баёт IV».

Сурьат Пўлатов Қул ролида («Машраб»).

«Парвона бўлибман», «Ақли расо бўлсин», «Йигит ва қиз дуэти», «Отмагай тонг», «Абдураҳмонбеги» каби қўшиқ ва ашула йўллари ё-н тавсияга. П. телевизион ва видеофильмлар, телепостановка ва теленовеллалар («Наъматак», «Гул ва инсон», «Қоракўз», «Кўнгил кўчалари», «Суд давом этади», «Бир гўзал бормиш» ва б.)да бир қанча роллар ижро этган. Шунингдек, кинода («Гулистондан жудо», «Кўзларим йўлингда», «Ким жинни» ва б.) ҳам суратга тушган. 1960 й.дан «Табассум» радиожурналининг бошловчиларидан, дубляж санъатида ҳам баракали ижод қилган. П. ҳақида «Санъатга бахшида умр» (реж. Ш. Ҳўжаев) фильми ишланган. «Шуҳрат» медали ё-н мукофотланган (1995).

ПЎЛАТОВ Қори Йўлдош Пўлатович [1890, Бухоро амирлиги (ҳоз. Лебап вилояти) даги Карки ш. — 1965.1.4, Тошкент] — давлат ва жамоат арбоби. Бухородаги *жадидчилик* ҳаракатининг намояндаси. *Мир Араб мадрасаси*да таҳсил олган. П. *Ёш бухороликлар* фирқасининг Карки шўъбаси бошлиғи (1912 й.дан); Самарқанд вилояти халқ таълими мудири (1919—20); БХСР маориф нозири (1920—22), ички ишлар нозири (1922), молия нозири ва иқтисодий кенгаш (экосо) раиси (1922—23). Ўзбекистон ССР Молия халқ комиссари (1925—29), айни пайтда СССР Давлат банки Ўрта Осиё бўлими бошқарувчиси муовини (1929—32). Ўзбекистон ССР Ер ишлари халқ комиссарлигида, Андижон ва Хоразм округларида, турли лавозимларда ишлаган (1929—37). П. 1909 й.дан бошлаб Бухоро амирлиги Карки беклигидаги жадидчилик ҳаракатида фаол қатнашган. Янги усул мактаблари очган ва муаллимлик қилган. Аҳоли ўртасида жадид матбуотини тарқатган, ўзбек тилида театр спектакллари қўйилишини ташкил қилиб, ундан тушган маблағ ҳисобидан қироатхона ва кутубхона очган. Бухоро республикасида маориф тизимини ташкил қилиш, Германия ва Туркияга 40 нафар ёшларни ўқишга юборишда *Фитрат* ё-н биргаликда катта ишларни амалга оширган.

1937 й. 11 июлда П. совет режими томонидан қамоққа олинган. 10 йиллик қамоқ жазосини ўтагач, 1949 й. мартда қайта қамоққа олинган. И. В. Сталин вафотидан сўнг, у 1956 й.да озод этилган. 1957 й. 1 июлда оқланган.

Ад.: Айний С., Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар, М., 1926; Ҳўжаев Ф., Бухоро инқилобининг тарихига материаллар, Т., 1997.

ПЎЛАТОВ Ҳайдар (1928.10.7, Чиноз қишлоғи, Тошкент вилояти — 1993.19.5, Тошкент) — файласуф олим. Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1989), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1978), фалсафа фанлари д-ри (1968), проф. (1969). Тошкент юридик ин-тини тугатган (1949). Шу ин-тда давлат ва ҳуқуқ назарияси кафедрасининг доценти (1953—55). Ўзбекистон ФА Фалсафа кафедрасининг мудири (1958—64, 1984 й.дан). Тошкент Олий партия мактаби (1970—71), Тошкент автомобиль йўллари ин-ти фалсафа кафедрасининг мудири (1972—82), шу ин-т проректори (1982—84). Илмий ишлари ижтимоий фалсафа, инсон фалсафаси, маданият фалсафаси, диалектика ва билиш назарияси, ахлоқшунослик ва сиёсатшуносликка бағишланган, *миллий мафкура* масалаларини бўйича мақолалар ёзган. Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати (1992).

ПЎЛАТОВА Наима Қудратовна (1939.4.6, Тошкент) — актриса, хонанда (сопрано). Ўзбекистон халқ артисти (1997). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1963). 1958 й.дан Мукимий театрида ишлайди. П., асосан, лирик қаҳрамонлар ижрочиси бўлиб, севги саналарининг изтироблари, уларнинг ички кечинмаларини ҳам драматик, ҳам мусиқий талқинда томошабинга моҳирона етказиш, оналарга хос мушфиқу-меҳрибонлик, бардошлик, унинг психологик ва драматик ҳолатини ифодалашда ўзига хос ижроси б-н ажралиб туради. Нурхон («Нурхон»), Алима («Момо ер»), Зулхумор («Равшан ва Зулхумор»), Ойпарча («Нодира»), Ширин («Фар-ҳод ва Ширин»), Холисхон («Паранжи сирлари»), Гулруҳ («Навоий Астрободда»), Обида («Мавлоно Муқимий»), Ҳаётхон («Фарғона тонг отгунча»), Амал («Гули сиёҳ»), Жамила («Девона»), она («Мангу машъал», «Тўйдан кейин томоша») каби роллари б-н танилган. Хонанда сифатида «Муножот», «Айланай», «Ақли расо бўлсин», «Фигоним», «Севги нидоси», «Қарши гуллари», «Отмагай тон», «Абдураҳмонбеги» ва б. мумтоз ва замонавий қўшиқларни ижро этган. Фильмлар («Келинлар кўзголони», «Ўзганинг бахти», «Тунлар муборак», «Карахтлик», «Меҳробдан чаён» кабида ҳам суратга тушган.

Наима Пўлатова Менгли ролида («Маҳтумқули»).

«ПЎЛАТХОН» ҚЎЗҒОЛОНИ — *Қўқон хонлигида* хон ва унинг амалдорлари зулмига ва чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатига қарши кўтарилган халқ кўзголони (1873—76). Раҳбари — *Исҳоқ Ҳасан ўғли* (1844 — Марғилон — 1876). Исҳоқ Ҳасан Қўқонлаги Тунқатор мадрасасида ўқиган. Андижонлаги масжидда имомлик қилган, савдогарлик б-н ҳам шуғулланган. Тошкентга келиб, Абдулмўмин *оталиқ* б-н танишгач, шу ерда вақтинча яшаб қолади. 1872 й. Шер Долҳо бошлиқ бир гуруҳ қўқонликлар Самарқандда истиқомат қилаётган Пўлатбекни (*Олимхон*нинг нераваси) Қўқонга таклиф қилиб, уни хон қилиб кўтаришга ваъда қилишади. Лекин, Пўлатбек бу таклифни рад этади. Шундан сўнг қўқонликлар Тошкентга келиб, Абдулмўмин оталиқ б-н учрашганлар. Уларнинг илтимосига кўра, Исҳоқ Ҳасан «Пўлатхон» номи б-н қўзголонга бошчилик қилишга рози бўлган ва Наманганга келиб қўзголонга раҳбарлик қила бошлаган. Унинг томонига йирик бой ва ҳарбийлар, ҳатто *Ҳудоёрхон*нинг ўғли ва б. қариндошлари ҳам ўтган. 1875 й. 22 июлда Ҳудоёрхон Тошкентга қочишга мажбур бўлади. Хон тахтига «Пўлатхон» ва Ҳудоёрхоннинг катта ўғли Насриддинбеклар асосий даъвогарлар эди. 1873 й.да қирғизлар «Пўлатхон»ни Қўқон хони деб эълон қилган эдилар. Аммо, Ҳудоёрхон Тошкентга қочгандан кейин *Абдураҳмон офтобачи* Насриддинбекни хон деб эълон қилиб тахтга ўтқизган. Шу сабабли «Пўлатхон» Абдураҳмон офтобачи ва Насриддинхонларга қарши курашни бошлаб юборади. Оқибатда, Қўқон хонлигида икки ҳокимиятчилик пайдо бўлади. Бунинг олдини олиб, кучларни бирлаштириш мақсадида Абдураҳмон офтобачи 1875 й. 7 авг.да Чор Россияси мустамлакачиларига қарши ғазавот эълон қилади ва халқ озодлик ҳаракатини бошлаб юборади. «Пўлатхон» бу ҳаракатни қўллаб қувватлайди, аммо қўшинини жангга олиб кирмайди. 1875 й. 23 авг.да Маҳрам қалъаси остонасида руслар б-н Абдураҳмон офтобачининг қўшини ўртасида қаттиқ жанг бўлади. Қўқонликлар мағлубиятга учрайди. К. П. *Кауфман* қўзголончиларни бирин-кетин тор-мор этиб, Қўқон, Марғилон ва Ўш ш.ларини жангсиз босиб олган. 1875 й. 22 сент.да Кауфман Марғилон ш.га Насриддинхонни таклиф қилиб, аҳоли учун жуда оғир бўлган шартномага имзо чектиради. Натижада, аҳоли Насриддинхонга қарши қўзголон кўтарали. Насриддинхон Тошкентга қочишга мажбур бўлади. «Пўлатхон» расман Қўқон хони деб эълон қилинади. Абдураҳмон офтобачи ҳам уни тан олади. «Пўлатхон» б-н ярашиб ҳарбий кучларини бирлаштиради. Рус аскарлари б-н бўлган жангларда кучлар тенг бўлмагани натижасида «Пўлатхон» мағлубиятга учрайди. 1876 й. 1 мартда Марғилон ш.да дорга осиб ўлдирилади.

Ад. Бобобеков Х. Н., Пўлатхон қўзголони, Т., 1996; Қўқон тарихи, Т., 1996.

ПЎЛАТЧИ, пўлодчи — 1) ўзбек уруғларидан бири. Барлосларда ҳам пўлатбачча деган уруғ тармоғи мавжуд. 2) қорақалпоқларнинг қандақли уруғининг бир шохобчаси тоқпўлат деб аталади. Қашқадарё вилоятида Пўлати ва Бухоро вилоятида Оқпўлат номли қишлоқлар бор. Этнонимдан қишлоқ номи келиб чиққан.

ПЎЛКАН Муҳаммад Жомрот ўғли (1874 — Самарқанд вилояти Хатирчи тумани Қатағон қишлоғи — 1941) — шоир, достончи. Кўрғон достончилик мактаби вакили. Жассоқ бахши (19-а.)нинг шогирди. Ёшлигидан етимликда ўсган, дўмбира чертишни, достон ва термалар айтишни ўрганган. 25 ёшида етук достончи сифатида танилган. П. 70 дан ортиқ халқ достонларини ёд билган ва куйлаб келган: «Гўрўғли» туркумидаги достонлар, «Қиронхон», «Орзигул», «Алпомиш», «Ёдгор», «Рустам» туркуми ва б. Репертуарлари мавзу ва жанр жиҳатидан турли-туман бўлиб, уларда ўзбек халқининг ўтмишидаги ҳаёти, урф-одатлари, интилиши ва орзу-умидлари ифодаланган. «Ҳасан батрак» (1927) достонида ўзбек меҳнаткашларининг ер ва сув ҳақидаги орзу-тилаклари, бу йўлдаги кураши акс этган. П. куйлаган анъанавий достонлар ҳам ғоявий ва бадиий юксаклиги б-н ажралиб туради. П. ижоди ўзбек фольклори тараққиётида муҳим босқич бўлди.

Ас.: Гўрўғлининг тугилиши, Т., 1967; Гулнор пари, Т., 1967; Ҳиломон. Гўрўғли туркуми достонларидан, Т., 1970; Ҳасанхон, Т., 1976.

Ад.: Афзалов М., Пўлкан шоир, Т., 1955; Пўлкан шоир. Мақолалар тўплами, Т., 1976.

ПЎРСИЛДОҚ ЯРА, пемфигус — терининг ранги ўзгармаган ҳолда, турли сабабларга кўра, унга тошма тошиши б-н ўтадиган касалликлар гуруҳи. Сурункали П.я., чақалоқлар ва захм П.си фарқ қилинади.

Сурункали П.я. (асл П.я.) тери ва шиллиқ қаватларга қайта-қайта пуфакчалар тошиб туриши б-н тавсифланади. Тошмалар ёрилиб, шу соҳалар қаттиқ оғрийди. Бемор иситмалайди, уйқуси, иштаҳаси йўқолади, озиб кетади. Касаллик бир ой, баъзан бир йил давом этади. Кўпинча нерв системаси зарарланади, моддалар алмашинуви бузилади.

Чақалоқлар П.я.си — йирингли микроблар қўзғатадиган ўткир касаллик (чақалоқлар ҳаётининг дастлабки кунларида пайдо бўлади). Чақалоқнинг танаси, оёқ ва қўллари терисида нўхатдан тортиб ёнғоқдек катталикда пуфаклар пайдо бўлади (улар ёрилган жой сув ачиб, безиллаб туради). Касаллик 6 — 8 кун давом этиб, тузалиб кетади. Лекин янги чақалоқларда жуда оғир кечади. Касал чақалоқни соғлом болалардан ажратиб қўйиб, врач буюрган дорилармонлар б-н даволаш керак. Чақалоқнинг ички қийимлари ва йўргаги, албатта, дазмолланади.

Захм П.я.сида кафт юзаси ва оёқ тагида, болдир ва билакда, баъзан баданда ва юзда яллиғланиб, соғлом терилан ажралиб турадиган ҳошияли пуфакчалар пайдо бўлади. Захм П.я.сида ички аъзолар ҳам зарарланиши мумкин. Бемор захмга қарши қўлланиладиган дори-дармонлар б-н даволанади.

ПЎРТАНА — узоқ вақт давом этадиган кучли шамол; одатда, *циклон* ўтаётганда кузатилиб, қуруқликда озми ёки кўпми вайрон келтиради ва денгизларни кучли тўлқинлантиради. Шамолнинг кучи *Бофорт шкаласи* бўйича 9 балл (21—24 м/с) ни ташкил этади. Бундан кучлироқ шамолларга кучли П., қаттиқ П., *довул*, *бўрон* дейилади.

ПЎРТАҲОЛ – қ. *Апельсин*.

ПЎСТЛОҚ, ўсимликлар пўстлоғи (cortex) — ўсимлик поя ва илдизларининг камбийдан кейинги сиртқи қисми; ҳар хил тўқималардан тузилган. Бирламчи ва иккиламчи П. бор. Бирламчи П. ўсиш конусида бирламчи қопловчи тўқималар б-н марказий цилиндр орасида *меристема*нинг ташқи қаватларидан шаклланади. У паренхимадан тузилган, ҳамма ўсимликларнинг илдизида яхши ривожланади; икки паллали ва очиқ уруғлиларда эса илдизпоясида ва пояларида ҳам бўлади. Икки паллалилар поясида бирламчи П. нинг сиртқи қисми, асосан, колленхимадан, бир паллалилар илдизида эса экзодермадан иборат. Иккиламчи П. (иккиламчи флоэма, яъни луб) камбийдан ривожланган бўлиб, тўрсимон найчалар, луб паренхимаси, механик толалардан иборат. У фотосинтез маҳсулотларини пастга — ўсимлик бўйлаб тарқатиб, 1-, 2-йилларни ўтказувчи тўқима вазифасини бажаради. Эски П. пўкакланиб, ўтказувчи вазифасини бажармай қўяди, у ёғочни фақат механик ва кимёвий таъсирлардан ҳимоя қилади.

Қуруқ П. таркибида 16—23% целлюлоза, 7—15% пентозан, 6 —16% гексозан, 8—10% полиуронидлар, 27—33% лигнин, 14—30% экстракт моддалар бор. Одатда, дарахт пояси ва илдизлари осон қўчадиган устки қисми П. деб аталади. Ёш дарахтлар пўстлоғи силлиқ бўлиб, Ёш дарахтлар пўстлоғи силлиқ бўлиб, ривожланиш давомида дағаллашиб ёриқчалар ҳосил қилади. Қайин пўстлоғининг пўкак қисмидан смола; липагининг пўкак қисмидан мочалка; бересклет нинг луб толасидан мочалка; бересклет нинг луб толасидан гуттаперча илдизининг пўстлоғидан гуттаперча (7%); зиғир, каноп ва б. пўстлоғидан толатўқимачиликда ишлатиладиган толалар; эман, тол пўстлоғидан ошловчи модалар; хин дарахти пўстлоғидан хинин ва б. олинади.

ПЎСТЛОҚХЎРЛАР (Ipidae, Scolytidae), пўстлоқхўр қўнғизлар — қўнғизлар оиласи. 3000 дан ортиқ тури бор, кенг тарқалган. П. чин П., лубхўрлар ва заболонниклар (пўстлоқ ости қўнғизлари) гуруҳларига бўлинади. Уларнинг айрим турлари пўстлоқ остида, баъзилари пўстлоқда, бошқалари ёғочда ёки илдизда, ўтсимон ўсимликлар поясида, айрим тропик турлари мева ва уруғларда яшайди. Танаси кичик (0,8—3,5 мм), қўнғир ёки қора, мўйлови илгаксимон, оёқлари 4 бўғимли. Ўзбекистон шароитида, асосан, буришган пўстлоқ ости қўнғизи (Scolytus ragulosus Ratz.) ва ғарб тоғ пўстлоқхўри (Xyleborus dispar F.) турлари кенг тарқалган.



Пўстлоқхўрлар: Эгизак пўстлоқхўр қўнғиз. *1* — қўнғизи; *2* — кемирчиғи; *3* — пўстлоқ остидаги она қўнғиз ва личинкалар йўлаклари.

Кураш чоралари: зарарланган ва қуриган шохларни қирқиш ва ёқиб юбориш, дарахт танасини шох ва лишайниклардан тозалаш, ўз вақтида сугориш ва ўғитлаш. Кварк (6,9—13,8 л/га), золон (2,0—4,0 л/га) ва б. кимёвий препаратлар б-н ишлов бериш. Қўнғизларнинг учиши даври олдидан дарахтлар танасини оҳак эритмаси б-н оқлаш, 0,2% ли карбофос эритмаси пуркаш ва б.

Р

Р — ўзбек кирилл алифбосининг ўн саккизинчи ҳарфи. Тил олди, титроқ, сонор, жарангли ундош товушни ифодалайди. Сўз бошида (ранс, расм, рост), ўртасида (ўртоқ, сурнай, қора) ва охирида (бозор, гулзор, қор) кела олади. Фаол қўлланувчи ҳарф (товуш) ҳисобланса-да, ўзбек тилидаги биринчи ҳарфи р бўлган сўзларнинг барчаси бошқа тиллардан ўзлашгандир. Баъзан талаффузда (кўпинча шеваларда) р товуши тушиб қолади: борми — боми, уйлар — уйла, онамлар — онамла. Туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи учун умумий бўлган ёзувларда ўзига хос белги-шаклларга эга. Булар жадвалда келтирилди.

Ёзув тури	*Белги*	*Сана*
Авесто	𐬭	*Мил. ав. 6 — 4 - а*
Урхун - Енисей ёзуви	𐰴	*5 — 8 - а*
Туркий (уйғур) ёзуви	𐰼	*8 — 13 - а*
Суғд ёзуви	𐽆	*Мил. ав. 1 - минг й. охири — 13 - а*
Араб ёзуви	ر	*13 - а — 1929 й.*
Лотин ёзуви	R	*1929 — 1939 й.*
Кирилл ёзуви	Р	*1940 — 1995 й.*
Лотин ёзуви	R	*1995 й. дан*

«РА» (қад. мисрликларнинг қуёш худоси номидан) — папируслан ясалган қайиқ. Қад. мисрликлар кемаси нусхасига кўра қурилган (уз. 12 м, кенглиги 5 м). «Ра»да Т. *Хейердал* 7 кишидан иборат байналмилал экипаж б-н бирга қад. мисрликларни Америкага сузиб боришлари мумкинлигини исботлаш мақсадида экспедиция уюштирган. 1-уриниш (1969) муваффақиятсиз тугаган. 1970 й. «Ра — 2» Сафи (Марокаш)дан чиқиб, 55 суткада Барбадос о.га етиб борган. «Ра» экипажи таркибида Ю. А. Сенкевич (СССР) ҳам бўлган.

РАБИ (Rabi) Исидор Айзек (1898.29.7, Риманув, ҳоз. Польша — 1988) — америкалик физик. АҚШ Миллий ФА аъзоси (1940). Корнелл ун-тини тугатган (1919). 1929 й.дан Колумбия ун-тида ишлаган (1937 й.дар проф.). Массачусетс технология ин-ти радиация лаб. директорининг ёрдамчиси (1940—45). Илмий ишлари магнетизм, ядро физикаси, квант механикаси ва б.га оид. Р. атом ядросининг магнит моментини радиочастотали резонанс усули б-н ўлчашнинг янги усулини ишлаб чиқиб (Раби шкаласи) протон ва дейтроннинг магнит моментини аниқлаган (1933—39). Нобель мукофоти лауреати (1944).

РАБИН Ихак (1922—95) — Исроил бош вазири (1974—77 ва 1992—95). 1964—66 й.ларда армия бош штаби бошлиғи. 1984—90 ва 1992 й.дан мудофаа вазири. 1992 й.дан «Авода» партияси раиси. Диний экстремист томонидан ўлдирилган. Нобель тинчлик мукофоти лауреати (1994).

РАБИНЖОН, Арбинжон — Сурхондарё вилояти Денов туманидаги қад. шаҳарлардан бири. Самарқанд ш.дан 100 км ғарбда, Фай (Пай) канали бўйида жойлашган. Р. харобалари Нарпай туманидаги Кўҳна Ороминжон ш. харобаси ўрнида бўлган деб тахмин қилинади. Р.ни А. Ю. Якубовский (1934), Г. А. Пугаченкова (1969), шунингдек, Ўзбекистон ФА Археология ин-ти ходимлари (1971—73) ўрганишган. Шаҳар тўртбурчак қўш девор ва хандақлар б-н ўралган мустаҳкам қалъадан иборат. Нарпай канали қир-гопида жойлашган алоҳида қўрғон бўлган. Қалъа 3 томондан *шаҳристон* ва мудофаа деворлари б-н ўраб олинган. Ҳовуз, бозор ва ҳунармандчилик устахоналари жойлашган шаҳристоннинг жан. томонида кошинкорлик ва маъдан эритиш корхоналари бўлган. Шаҳристон ва рабод ҳудулидан канал ўтган. Шаҳар ҳаётининг дастлабки даври 4—7-а.ларга тўғри келади. Шу даврга оид бинокорлик қолдиқлари, ҳайкалтарошлик намуналари, олтиндан ишланган зийнат буюмлари сақланган. 9—10-а.ларда Р. Яқин ва Узоқ Шарқ мамлакатлари б-н Мовароуннаҳрни боғлаб турадиган йирик шаҳарга айланган. Бу ерда қад. сугд санъати намуналари сақланган уй ва 10-а.нинг 1-ярмига оид 44 та олтин танга топилган. 1158 й.да Хоразмшоҳ Эларслон қўшинлари б-н Самарқандининг қорахоний ҳукмдори Чағрихон қўшинлари ўртасидаги жанг-дан сўнг Р. вайронага айланган.

Ад.: Бартольд В. В., Сочинения, т. 1, М., 1963.

РАБИНЖОН ОЛТИН-МИС КОНИ — Зирабулоқ тоғларининг шим.-шарқида жойлашган кон. 1958 й.да очилган. Олтин-сульфид-кварцли конлар гуруҳига мансуб. Конининг геологик тузилишини акад. Ҳ. Н. Боймуҳамедов бошчилигидаги мутахассислар гуруҳи ўрганган. Кон қуйи ва юқори силур, девон даврларининг чўкинди-метаморфик жинслари ва мезо-кайнозой ёткизиқларидан таркиб топган. Р.о.-м.к.да соф олтин, электрум (кумушли сочма олтин), олтин теллуриди, борнит, халькопирит, халкозин ва ковеллин каби фойдали қазилмалар мавжуд. Шунингдек, кварц, кальцит, анкерит, флюорит, молибденит, пирит, арсенопирит, лёллингит, пирротин, кумуш теллуриди ҳам учрайди. Р.о.-м.к.нинг минераллари, асосан, термал-метаморфик, скарнли-гидротермал ва гидротермал босқичларда ҳосил бўлган. Р.о.-м. к. Зирабулоқ — Зиёвуддин рудали р-нидаги нетиқболли кон.

РАБИУЛ-АВВАЛ — қамарий йил ҳисобида, яъни Ой тақвимида, шунингдек, мусулмонларнинг ҳижрий-қамарий йил ҳисобида 3-ойининг арабча номи. 30 кунга тенг.

РАБИУС-СОНИЙ — қамарий йил ҳисобида, яъни Ой тақвимида, шунингдек, мусулмонларнинг ҳижрий-қамарий йил ҳисобида 4-ойининг арабча номи. 29 кунга тенг.

РАБЛЕ (Rabelais) Франсуа (1494, Турень. Шинон ш. яқинида — 1553.9.4, Париж) — француз ёзувчиси. Жаҳон адабиётида комик жанрнинг буюк намояндаси. Ёшлигида монах бўлиб, 1527 й. монастирни тарк этган ва ҳуқуқ, топография, археология, тиббиётни ўрганган, шу соҳалар бўйича бир қанча илмий асарлар яратган; 1537 й. тиббиёт д-ри бўлган. Р. 5 қисмдан иборат дунёга машҳур асари — «Гаргантюа ва Пантагрюэль» романининг 4 қисмини 1533—53 й.ларда ёзиб нашр эттирган, асарнинг 5-қисми эса Р.дан қолган материаллар асосида номаълум муаллиф томонидан 1564 й.да яратилган. Р.нинг бу романи Уйғониш даври француз маданиятининг, ўша давр диний ва сиёсий ҳаётининг, фалсафий, педагогик ва илмий тафаккурининг, ижтимоий ҳаёт ва маънавий интилишларининг чинакам балиғи энциклопедияси ҳисобланади. Асарда ёзувчи ҳаёлий мамлакат ва персонажларни, ута мураккаб воқеаларни тасвирлашда ҳазил, мазах, истеҳзо ва ҳ.лардан фойдаланган. Ўрта аср аскетизмига, мунофиқликка қарши қаратилган, ўз даврининг гуманистик идеалларини халқ оғзаки ижоди руҳидаги ва бўрттирма образлар (Гаргантюа, Пантагрюэль каби девқомат одамлар ва ҳақиқат изловчи Панург) орқали ифодалаган. Ушбу роман Лафонтен, Мольер, Р. Роллан ижодига таъсир кўрсатган. Романнинг қисқартирилган таржимаси ўзбек тилида нашр қилинган.

Ад.: Гаргантюа ва Пантагрюэль, Т., 1970.

РАБОД (араб.) — Ўрта Осиё, Эрон ва Афғонистондаги ўрта аср шаҳарларининг савдо ва ҳунармандчилик дўконлари, маҳаллалари жойлашган қисми. Р.лар 7—8-а.ларда пайдо бўлиб, шаҳарларнинг арки ёки шаҳристони атрофига қурилган. 11—12-а.ларда Ўрта Осиё шаҳарларининг мустаҳкам қисмига айланган. 13-а. бошида *мўғуллар истилоси* натижасида кўплаб қад. шаҳарларнинг арки ва шаҳристони харобага айланиб қолган бўлса-да, Р.ларда ҳаёт давом этган.

РАБОДХЎЖА ҚЎРҒОНИ, Рабоди Хожа — қад. истеҳком. Самарқандининг жан.-шарқида, Зарафшон дарёсининг чап соҳилида. Даргом каналининг бош тўғони ёнида барпо этилган. Илк ўрта асрларда у «Варқсар» («Тўғонбоши») номи б-н машҳур бўлган. Р.қ.нинг сақланиб қолган ташқи девори қолдиғига қараганда, қўрғоннинг уз. 600 м, кенг-лиги 300 м ва майд. 18—20 га, учта дарвозаси бўлган. Р.қ. муҳим стратегик аҳамият касб этган. *Табарий*нинг ёзишича, халифаликка қарши Самарқанд-да кўтарилган қўзголонни бостириш учун Хуросон нойби Хузайна 721 й. Р.қ.га ҳужум қилиб, Даргом каналини боғлашга ҳаракат қилган. Бироқ, сугдийлар қўрғонни қаттиқ мудофаа этганлар. 736 й. Хуросон нойби Асад ибн Абдуллоҳ ҳам Р.қ.ни эгаллаб, самар-қандликларни сувсиз қолдиришга уринган. Шу туфайли Р.қ.да қадимдан катта ҳарбий куч сақланган. *Насафий*нинг маълумотига кўра, 12-а.да Р.қ.да 4 минг суворий ва 12 минг пиёда жангчи яшаган. 15-а.да Р.қ. атрофида 40 мингга яқин аҳоли истиқомат қилган. Уларга Самарқанд ҳокими томонидан Даргом каналининг бош тўғонини назорат қилиб туриш ва тузатиш топширилган бўлиб, бу хизматлари учун улар давлат томонидан солинадиган хирождан озод этилганлар. Р.қ.да тўғончилар бошлиқларидан Абу Закарийёа Варақсарий (844 й.) ва Хожа Закарийёа Варақ (12-а.)лар дафн этилиб, пишиқ гиштдан мақбара бино қилинган. Шу боис бу қўрғон Рабоди Хожа номи б-н шуҳрат топган.

Ад.: Муҳаммаджонов А., Қуйи Зарафшон водийсининг суторилиш тарихи, Т. 1972.

Абдужаббор Муҳаммаджонов.

РАБОТ (араб.) — ўрта асрларда арабларнинг мустаҳкамланган қароргоҳи. Тарҳи тўртбурчак, деворларида миноралари бўлган. Дастлаб (Ислом дини тарқала бошлаган даврда) ғозийларга мўлжаллаб қурилган махсус бино. Кейинчалик Р. фақат кўргон, истеҳком мазмунидагина эмас, балки меҳмонхона (карвонсарой) мазмунида ҳам тушунилган. Зоҳидлар ҳам махсус Р.ларда яшаганлар. Ўрта Осиёда 8—10-а.ларда кўчманчи аҳоли яшайдиган ҳудудлар б-н чегарадош ҳудудларда кўплаб Р. лар қурилган. Улардан энг машҳури *Работи Малик*дир.

РАБОТ — Марокаш пойтахти. Сале ш. билан Р.-Сале префектурасини ташкил этади. Атлантика океани соҳилида, унга Бу-Регрег дарёсининг қуйилиш ерида жойлашган. Аҳолиси 1,38 млн. кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Иқлими субтропик, ўртача т-ра январда 12°, июлда 22°. Йиллик ёғин 530 мм. Транспорт йўлларининг муҳим тугуни, т.й. ва автомобиль йўллари орқали мамлакатнинг бошқа йирик шаҳарлари, шунингдек, Жазоир ва Тунис б-н боғланган. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Р. — мамлакатнинг йирик иқтисодий маркази. Саноатининг асосий тармоқлари: тўқимачилик ва тикувчилик, озиқ-овқат, металлсозлик, кўн-пойабзал, ёғочсозлик, кимё, полиграфия. Мебель, минерал ўғитлар ишлаб чиқарилади. Р. — мамлакатнинг илмий ва маданий маркази: ун-т (1957), консерватория, и.т. муассасалари, миллий театр. Удайя музейи, халқ санъати ва б. музейлар, кутубхоналар бор. Шаҳарда банклар, ҳукумат идоралари жойлашган.

Ёзув тури	Белги	Сана
Авесто	𐬀	Мил. ав. 6—4 - а
Урхун - Енисей ёзуви	𐰚𐰇𐰛	5 — 8 - а
Туркий (уйғур) ёзуви	𐰉	8 — 13 - а
Суғд ёзуви	𐼰	Мил. ав. 1 - минг й. охири — 13 - а
Араб ёзуви	ب	13 - а — 1929 й.
Лотин ёзуви	R	1929 — 1939 й.
Кирилл ёзуви	Р	1940 — 1995 й.
Лотин ёзуви	R	1995 й. дан

РАБОТ

1 Муҳаммад V номидаги университет
2 Удайя музейи
3 Халқ санъати музейи
4 Озарн гиламлар музейи
5 Марказий кутубхона ва архив
6 Муҳаммад V номидаги миллий театр
7 Катта масжид
8 Ҳасан масжиди, „Ҳасан минораси"
9 Муҳаммад V номидаги мемориал мажмуа
10 Ас-Сунна Масжиди
11 Боб-ал-Алу дарвозаси
12 Боб-ал-Хавд дарвозаси
13 Боб-ар-Рух дарвозаси
14 Боб-аз-Зоир дарвозаси
15 Мешуар
16 „Хилтон" меҳмонхонаси
17 Университет спорт мажмуи

Работ шаҳри
Қалъа дарвозаси.

Шаҳарга 1150 й.да муваҳҳидлар томонидан асос солинган. 17-а.да Р.га Андалусиядан мусулмон ҳунарманд ва савдогарларининг кўчиб келиши муносабати б-н шаҳар тез ривожланди. 1627—66 й.ларда мустақил Риф республикаси пойтахти. 19-а.да Р. сиёсий ва иқтисодий марказга айланди. 20-а. бошларида француз босқинчиларига қарши миллий озодлик кураши маркази. 1912—56 й.ларда Франция протекторатининг маъмурий маркази. 1956 й.дан мустақил Марокаш давлатининг пойтахти.

Р.нинг тарихий маркази Бу-Регрег дарёси бўйидаги қоя устида жойлашган. Шаҳарнинг эски қисми 12-а. охирида баланд девор б-н ўралган. Меъморий ёдгорликларидан Катта масжид (14-а.), Ҳасан масжиди (12-а.), мақбаралар, Қирол саройи (1775) ва б. сақланган. Шаҳарнинг жан.да янги замонавий бинолар қурилган.

РАБОТИ МАЛИК, Шоқ работи — Ўрта Осиёдаги монументал меъморий ёдгорлик (тахм. 1069—79). Қад. Бухоро

Работи Малик карвонсаройи пештоқ безаги.

Работ шаҳрининг шимолидаги ўрта аср меъморий ёдгорлиги.

— Самарқанд йўлининг Чўли Маликдаги йирик чегара ва савдо бекатида бунёд этилган. Катта карвонсарой, ҳоз. Навоий ш. яқинида. Бизгача унинг фақат пештоқ қисми (диаметри — 12,6 м.) сақланган. Жан. минораси (бал. 5,5 м) 1930 й.гача мавжуд бўлган. Р.М. карвонсарой вазифасидан ташқари, истеҳком, қўрғон сифатида ҳам муҳим роль ўйнаган. Работ катта кени ҳовли (22,5×22,5 м) ва атрофи ўралган 2 қаватли хонақуҳралардан иборат бўлиб, уларга сопол қувурлар орқали сув ўтказилган. Марказий қисми тўридаги муҳташам сарой олди бир қаторли равоқли айвон (7,5×13 м) 2 қанотига жойлашган. 20 та гиштин устун ишланган. Унга жан.даги пештоқли дарвоза орқали кирилган. Атрофи қалин деворлар б-н ўралган (жан. ва шим. бал. 2,35 м, ғарб ва шарқий қисми 1,5 м, уз. 84—86 м, олд девор бал. 12 м га яқин). Майдонга қараган жан. тарзи ўртасидаги улкан пештоқ (бўйи 18 м, эни 12 м) Ўрта Осиёда энг қад. бўлиб, 8 қиррали юлдузлар, турли ҳандасий шакллар мавжуд. 2 чеккасида бурж бўлиб, улар ўзаро баланд девор б-н уланган. Девор ўртасида пилтавор буржлар қатори тепаси кичрайовчи равоқлар б-н боғланган. Девор юқориси ғиштин куфий хатлар б-н ҳошияланган. Буржлар тепасида равоқли кўшк бўлиб, ундан атрофни кузатиш қулай бўлган. Кўшк остида ганчдан ясалган икки қатор йирик шарафа ва куфий хат ҳалқаси кўзга ташланади. Работ деворларининг ўзаги ҳом гиштдан (28×28×6,5 см) терилган, сирти пишиқ гиштдан (24×24×4 см) ишланган. Безакдари, асосан, гиштин, оз миқдорда ўйма ганч накшлар ҳам учрайди. Р.М. карвонсараи давлат муҳофаза қасига олинган.

Ад.: Художественная культура Средней Азии XII - XIII веков. Т., 1983.

Карвонсарой лойиҳаси.

РАБҒУЗИЙ (тахаллуси; асл исм-шарифи Носириддин Бурҳониддин ўғли) (13-а. охири — Хоразмнинг Работўғуз маҳалласи — 14-а. бошлари) — шоир. Работўғузда қозилик қилган. Шарқ халқлари оғзаки ижодини, айниқса, ривоятларни, авлиё-анбиёлар тўғрисидаги қиссаларни чуқур ўрганган. Ўзи ҳам кўпгина ибратли ҳикоятлар, қиссалар ёзган. Туркий халқлар адабиёти тарихида биринчилардан бўлиб насрда ривоятлардан ҳикоят, ҳикоятлардан қисса яратишни бошлаб берган. Бизгача «Қисаси Рабғузий» (1309—10) асарининг етиб келган. Асар мусулмон мўғул бекларидан Носириддин Тўқбуғанинг топшириғи б-н ёзилган. Китоб туркий тилда, асосан, наср да, малҳиялар, баъзи қиссаларнинг хулосалари, лирик кечинмалар ва хотима қисми эса назмда ёзилган. Қуръони каримдаги баъзи лавҳалар, исломга оид бошқа китоблардан ва Абу Исҳоқ Нишопурийнинг «Қисас ул-анбиё»сидан айрим фактлар асарга асос қилиб олинган. Асар анъанавий ҳамд ва наът б-н бошланади, сўнг унинг ёзилиш сабаби, муаллиф ҳақида маълумот берувчи қисқа сўзбоши, кейин эса қиссалар келади. Жами 72 қиссадан иборат. Мавзу доирасига кўра, асар қиссалари жуда ранг-баранг. Оламдаги бутун мавжудот эгаси бўлган Аллоҳни улуғлаш, пайғамбарлар ҳаётига доир лавҳаларни эслаш, камтаринлик ва тақаббурлик, ота-она ва фарзанд муносабатлари, эрк ва адолат мавзулари шулар жумласидандир. Қиссалар ҳажми турлича: Мас., Юсуф ҳақидаги қисса сал кам 100 саҳифани ташкил қилса, Лут ҳақидаги қисса бир неча саҳифалигина иборат. Қиссаларда реал ҳаёт воқеалари б-н боғлиқ мавзулар ҳам учрайди. Қиссалар баёнида, персонажлар тасвирида халқ оғзаки ижодининг бевосита таъсири сезилади. Асарда маърифий-дидактик ҳикоят-

лар ҳам мавжуд (Луқмон ҳикояси ва б.), қиссалардаги ҳикоятларга дунёвий руҳ ҳам сингдирилган (Юсуф қиссаси ва б.). Р.нинг бу асари ўзбек адабиётида илк наср ёдгорлигининг етук намунаси ҳамда 13—14-а.лар эски ўзбек адабий тилини ўрганишда асосий манба сифатида аҳамият касб этади. Қиссанинг 15-а.га оид қўлёзмаси Лондондаги Британия музейида, 16-а.да кўчирилган нусхаси Санкт-Петербургда, 19-а.да кўчирилган қўлёзма, шунингдек, боёма нусхалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида (инв. №1025, 7397, 1874) сақланади.

Ас.: Қисаси Рабғузий, 1–2-китоб, Т., 1990—91.

Ад.: Ўзбек адабиёти тарихи [5 жилд], 1-ж., Т., 1977.

Ҳабиб Абдуллаев.

РАВАЛПИНДИ — Покистоннинг шим.-шарқий қисмидаги шаҳар. Панжоб вилоятида, тог этагида. Мамлакатнинг муҳим иқтисодий ва маданий маркази. Панжобдан Афғонистон ва Кашмирга бориладиган йўл устида. Аҳолиси 1,4 млн. киши (1998), аксарияти пушту, кашмири, гужарот ва панжобилар. Р. — транспорт йўлларининг тугуни, муҳим савдо-саноат маркази. Озиқ-овқат, тўқимачилик (ип газлама, шойи, мовут, трикотаж), пойабзал, кимё-фармацевтика, нефтни қайта ишлаш, металлсозлик ва машинасозлик, цемент корхоналари, т.й. устахоналари бор. Ҳунармандчилик ривожланган. Шаҳар яқинидаги нефть ва газ конларидан Р.га қувурлар ўтказилган.

Мил. ав. Р. ўрнида Гажипур ш. бўлган. Ўрта асрларда шаҳар Фотихпур-Баори деб аталган. 14-а. бошида мўғуллар томонидан бузиб ташланган. Кейинчалик шаҳарни гаккарлар қабиласининг бошлиги Равалхон қайта тиклаб, ўз номи б-н атаган. 1849 й.да Р.ни инглизлар босиб олган. 1947 й.гача Р. Буюк Британиянинг Ҳиндистондаги энг йирик ҳарбий базаси бўлган. 1947 й.дан 1960-й.лар бошигача Р. — Покистоннинг муваққат пойтахти. Политехника унти, коллежлар, ҳарбий музей, археология музейи, картиналар галереяси, аэропорт бор.

Равалпиндидан шаҳри кўчаларида.

РАББИН (қад. яҳудийча рабби — устоз, устоним) — *иудаизмда* диндорлар жамоасининг раҳбари, дин хизматчиси. Р. диний ақидаларни талқин қилади, диний маросимларга оид масалаларни ҳал этади, баъзи маросимларни бажариб беради, *синагогада* ваъз-насиҳат қилади.

РАВЕЛЬ (Ravel) Морис Жозеф (1875.7.3, Франциядаги Сибур ш. — 1937.28.12, Париж) — француз композитори. Париж консерваториясини тугатган (1905). Ижодида дастлаб музиқий *импрессионизм*, 1917 й.дан *неоклассицизм* тамойилларини ривожлантирган. Асарлари колоритининг бойлиги, шакл ва ритмлар равшанлиги, мавзулар халқ (айниқса, испан) куйларига яқинлиги б-н ажралиб туради. «Сув ўйини», «Акс тасвирлар», «Кечки Гаспар» (1905—08) асарларида янги фортепиано услубини кашф этган. Рақс куйларига ижил мурожаат қилиб хореографик симфония («Дафнис ва Хлоя» балети, 1911), хореографик поэма («Вальс», симфоник оркестр учун, 1920) жанрларини яратган. 2 опера, 3 балет, 2 фортепиано концерти, симфоник, вокал-симфоник ва камер асарлар муаллифи. «Болеро» (1928) франц симфонизми чўққисидир. Унинг музикаси асосида Навоий театрида балет саҳналаштирилган (1960). Р. анъаналари Ўзбекистон композиторлари (А. Козловский, Г. Мушель ва б.) ижодига катта таъсир этган, С. Каримхўжаев «Равель хотирасига» номли хореографик поэма (1974) яратган.

РАВЕНСБРЮК (Ravensbruck) — фашистлар Германиясидаги аёллар концлагери (1939—45), Фюрстенберг ш. яқинида. 130 мингдан зиёд аёл ва бир неча юз бола маҳбус бўлган; 93 минг киши йўқ қилинган. 1945.30.4 да тирик қолган маҳбуслар Совет Армияси томонидан озод қилинган.

РАВИШ — мустақил сўз туркумларидан бири; ҳаракат ва ҳолатнинг белгисини, шунингдек, белгининг белгисини билдиради. Р.ларнинг қуйидаги маъновий турлари мавжуд: ҳолат (тарз) Р. лари (тез, секин, пиёда каби); ўрин Р.лари (узоқда, яқиндан, пастда каби); пайт Р.лари (ҳозир, кеча, бугун каби); даража-миқдор Р. лари (анча, сал, кам каби); мақсад Р.лари (атайлаб, жўрттага каби); сабаб Р. лари (ноилож, иложсиз, чорасизликдан каби). Пайт, ўрин ва мақсад Р.ларидан бошқа барча Р.ларни, энг умумий хусусиятларига кўра, бир турга киритиш ва уларни ҳолат (тарз) Р.лари деб аташ мумкин.

Р. мустақил сўз туркуми сифатида қуйидаги морфологик хусусиятлар б-н ажралиб туради: 1) даража категориясига эга: тез, кўп (оддий даража) — тезроқ, кўпроқ (қиёсий даража) — энг тез, жуда кўп (орттирма даража) каби; 2) ўзгармас бўлиб, кўпинча феълларга боғланиб келади: Сўрида қат-қат духоба кўрпачалар устма-уст тўшалган эди; 3) Р. айрим ўринларда сифат ва отга боғланиб келиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда Р. белгининг белгисини ёки предметнинг белгисини эмас, ўзи боғланиб келган сифат ёхуд отдан англашилган ҳаракат-ҳолат-нинг белгисини билдиради: Кеча қаво жуда совуқ эди. У ҳозир беқиёс ва тасаввур қилиб бўлмас бахтиёр эди; 4) Р. ясовчи мухсус қўшимчаларга эга: -ча, -она, -ларча, -лаб ва б.; 5) турланмайди ва тусланмайди (отлашиш ҳоллари бундан мустасно).

Р.лар морфологик ва синтактик усуллар б-н ясалади: дўстона, қаҳрамонларча, ойлаб (морфологик усул), ҳар замон, шу он, бир дам (синтактик усул) каби. Р.лар тузилишига кўра, содда (камтарона, виждонан, бутунлай), қўшма (ҳар дам, бир йўла, озмунча, ҳар қачон), жуфт (кеча-кундуз, қишин-ёзин) ва такрорий (оз-оз, тез-тез, кўп-кўп) туларга бўлинади. Р.ларнинг анчагина, жуда кам, кам-кам каби шакллари модал шакл қисобланади. Р.лар гапда ҳол, аниқловчи ва кесим вазифаларида келади.

Р.лар белги англатиш хусусиятлари б-н сифатларга ўхшайди, аммо грамматик хусусиятлари жиҳатидан улар ўзаро фарқланади: сифатлар предметнинг белгисини, Р.лар эса ҳаракат ёки ҳолатнинг белгисини билдиради; уларнинг гапдаги, яъни синтактик вазифаси ҳам ўзгачадир.

Ад.: Ўзбек тили грамматикаси [Морфология, 1-ж.], Т., 1975.

Исҳоқжон Мадраҳимов.

РАВИШДОШ — феълнинг равишга хос вазифада қўлланиш учун махсуслашган шакли. Р. ҳаракатнинг белгисини билдириб, унинг бирор хусусиятини кўрсатали. Р.лар ҳаракатни ифодаловчи ҳар қандай феъл б-н қўллана олади. Улар, асосан, ҳаракатнинг белгисини, жумладан, пайтини, мақсадини, сабабини билдириб, гапда ҳол бўлиб ёки эргаш гапнинг кесими вазифасида келади. Ҳоз. ўзбек тилида Р.нинг бир неча шакллари бор, улар қуйидаги қўшимчалар ёрдамида ясалади: — (и)б — ўқиб, кўриб; — а, — й—кула-кула, йиглай-йиглай; — тач (—кач, —қач), —келгач, тиккач, чиққач; — гани (—кани, — қани) — кўрингани, тўккани, соққани; — гунча (—кунча, — қунча) — боргунча, чўккунча, таққунча каби. Р.нинг бўлишсиз шакли — май, — маслан қўшимчалари б-н ясалади: ўқиб—ўқимай, ўқимаслан каби.

РАВНАҚ Пахлавонқули (1725—Хоразм — 1805) — шоир. Хивадаги Шерғозихон мадрасасида ўқиган. Дастлаб Хива хони Абулғози Сониё (1742—47) ни мақтаб шеърлар ёзган. 1768 й.да тахтга ўтирган Ғойибхон таъқибидан қочиб, бир неча йил сарсон-саргардонликда юрган. Сўнг Хива мадрасаларидан бирининг ҳужрасида фақирликда ҳаёт кечирган. Ўзбек, форс ва араб тилларида, асосан, лирик жанрларда ижод қилган. Ягона қўлёзма девони бизгача етиб келган. У 286 шеър — 5251 мисра: 258 ғазал, 22 мухаммас, 5 қасида ва 1 мустазоддан иборат. Шеърларининг асосий мавзуи инсонга ва ижтимоий ҳаётга муносабат масалаларидир. Р. ғазал жанрини тематик жиҳатдан бойитган. Ғазалларида инсоний ишқ-муҳаббатни, табиат ва ҳаёт гўзалликларини мадҳ этиш б-н бирга давр ва тақдирдан, замона носозликларидан шикоят қилган. Навоий (14 та), Фузулий (3 та), Машраб, Хуррамий ва б.нинг ғазалларига мухаммаслар боғлаган. Р. қасидалари анъанавий услубдан фарқ қилиб, муайян шахс ёки воқеага эмас, шоир яшаб турган ижтимоий ҳаётга бағишланган, уларда амалдорлар инсофга чақирилган («Мунча жавринг дегил...» ва б.). Р. шеърлари гоявий ва бадиий жиҳатдан қимматли. «Девони Равнақ» номли қўлёзмаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади (инв. №922).

Ад.: Ўзбек адабиёти тарихи [5 ж.лик]. 3-ж., Т., 1978.

РАВОН — илк ўрта асрлардаги *Тохаристон* шаҳарларидан бири. Қундуз ш.дан шим.-шарқда. Ҳазрати Имом ш. ва Толиқон қишлоғи оралиғида жойлашган. 9-асрда Р. жоме масжиди бор кичик шаҳар бўлган. Р. атрофи обод, ов қилиш учун қулай жой саналган. Р. аҳолиси эски динларини 10-асрга сақлаб келганлар. *Ибн ал-Фақиҳ*нинг ёзишича, арабларнинг келгунича *Наубаҳор* ибодатхонасининг бош коҳини Бармак Р. рустоқига эгалик қилган ва Р. аҳолиси унинг қуллари ҳисобланган. Р. рустоқининг майд. 8×4 фарсахни ташкил этган. 18-асрда Тохаристон рустоқлари орасида Шаҳри Равон номи қайд этиб ўтилган.

Ад.: Камалиддинов Ш. С., Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX—начала XIII вв., Т., 1996.

РАВОН — Фарғона вилояти *Сўх туманида*ги қишлоқ, туманнинг маъмурий маркази. Сўх дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган. Яқин т.й. станцияси — Фурқат (62 км). Вилоят маркази (Фарғонагача — 116 км. Аҳолиси 5,9 минг киши (2003). Сўх дарёсидан сув олади. Р.да туман ҳокимияти бинолари, туман ташкилотлари, умумий таълим мактаблари, лицей, деҳқон бозори, маданият саройи, марказий стадион, марказий касалхона бор.

Маданий, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. Сўх туманн телестудияси, «Садои Сўх» газ. таҳририяти фаолият кўрсатади.

РАВОНДИЙ, Абу Бакр Нажмиддин Муҳаммад (?, Исфаҳон — 1206 й.дан сўнг вафот этган) — форс тарихчиси. 1174—84 й.ларда Ҳамадонда фиқҳ ва хаттотликдан таълим олган. 1181—89-й.ларда *салжуқийлар* султони Тўғрул II (1175—94) саройида хаттот. 1190 й.дан Ҳамадон амири Фахриддин Алавий ўғилларининг тарбиячиси. 1206 й. Кўня ш.га кўчиб ўтган ва кўп ўтмай вафот этган. Р. Кўня султони Ғиёсиддин Кайхусравга бағишлаб «Роҳат ус-судур ва оят ус-сурур» («Кўнгиллар роҳати ва севинч аломати») асарида, асосан, Салжуқийлар давлатининг 11-а. бошидан 1199 й.гача бўлган тарихи баён қилинган. Асар охирига эса хаттотликка оид қўлланма, ов ва шахмат ўйинига доир боблар ҳам киритилган. Р.нинг бу асари — Салжуқийлар давлатининг 1160—99 й.лардаги тарихи бўйича асосий манбадир. 15-а.да асар турк тилига таржима қилинган. 1921 й. Лондонда нашр қилинган.

РАВОТ НЕФТЬ КОНИ — Тожикистон Республикаси Суғд вилоятининг жан.-шарқидаги кон. Конниng геологик тузилишини К. П. Калицкий, В. Н. Вебер ва б. ўрганган. Р.н.к.да палеоген, юра, бўр, палеоген, неоген ва тўртламчи даврларга мансуб жинслардан тузилган ётқизиқлар мавжуд. Палеоген жинслари тўқ кулранг қумли аргиллитлар, юра жинслари кулранг гиллар ва майда донадор қумтошлардан, бўр ётқизиқлари қизғиш конгломерат, қумтош, гиллар, оқ ва кулранг оҳактошлардан тузилган. Палеоген ётқизиқларн оқ гипс, оҳактош, қумтош, яшил ва қизил ранли гиллардан иборат. Нефть шу жинслар орасидан топилган. Кондаги нефтнинг с.оғ. 0,827—0,879. Таркибида 0,65—0,80% олтингугурт, 6,55—7,72% парафин мавжуд.

РАВОҚ — тоқнинг бир тури; бино деворларидаги дарча ва ниша ўринларнинг юқори қисмига қўйиладиган меҳробни ёнсимон қурилма. Р. ўнгилган, табиий ёки сунъий тошлар, бетон, темир-бетон, ёғоч ва пўлат сингари материаллардан ишланади. Р.нинг тангч қисми товон, марказий понасимон гиштн ёки тоши эса калф деб аталади. Р.лар шаклига кўра: якка марказли, ярим айлана шаклли, баланд марказли такасимон, бир неча марказли найзасимон, тухумсимон бўлади. Ҳоз. замон иншоотларида ички кўчаниниларни камайтириш мақсадида Р.лар 2—3 шарнирли қилиб ишланади. Устунларга ирапган бир хил ҳажм ва шаклдаги Р.лар қатори қаторак (аркада) деб номланган.

Р.лар дастлаб Қад. Шарқ меъморлигида вужудга келган. Қад. Рим меъморлигида кенг тарқалган. Ўрта Осиё меъморлигида Р.нинг турли хил мумтоз намуналари яратилган. Гумбазли биноларнинг хоналари кўркам, кенг чиқиш ичкаридаги Р.ларга боғлиқ бўлган. Р.лар бино пўлаклари, дераза ва эшик тепаларн ҳамда деворнинг гумбаз ости қисмида бўлган. Ички сатҳи турли шаклдаги хона деворларини Р.лар ёрдами б-н доира шаклига келтирилган. Гумбаз томни баланд кўтариб ёпишда деворлар ўрнига енгил Р.лар ўрнатилган. Гумбаз устунлар ёки устига ўрнатилган устунлар ҳам бир-бирига Р.лар ёрдамида боғланган. Агар Р.нинг қаноти кенг бўлса, унинг асоси йўтон, тепаси ингичка қилиб зинали Р. қурилган. Гумбаз ости Р.и эшик ёки йўлак тепасига ўрнатиладиган Р. б-н бир жойга тўғри келса, уни қўш Р. дейилади. Катта гумбаз томлар устига ўрнатиладиган Р.ларининг кўркам чиқиши учун кўп қатламли қилиб қурилган. Бўйи ва эни бир хил бўлган чорси хоналарнинг деворлари устига 8—12 Р. ва катта гумбаз томларда 16 Р. гача ўрнатилган.

Квадрат хона томонларига биттадан Р. ўрнатилса, чортоқ деб номланган. Деворлар устига 8 Р. ўрнатиб, улар тепасидан ўтган ҳалқа деворга яна 16 кичик Р.лар жойлаштириш мумкин.

11—17-а.лар меъморлигидаги Р.ларнинг мураккаб тузилишлари гиштларнинг ўзига хос терилиши б-н боғлиқ бўлган. Ўзбекистон меъморлигидаги найзасимон Р.ларнинг 100 дан ортиқ турн борлиги аниқланган. Халқ усталари амалда 1, 2, 3 ва 4 марказли Р.лар қурилиш услубидан фойдаланган. Замонавий қурилишларда Р.ларнинг ўзига хос тузилишлари яратилмоқда (кўприк, жамоат бинолари ва б.).

Ад.: Булатов М. С., Геометрическая гармонизация в архитектуре Средней Азии IX—XII вв., М., 1978.

Йўлдош Зоҳидов.

«РАВШАН» — «Гўрўғли» туркуми дос-тонларидан. Ҳ. Зарифов *Эргаш Жуманбулбул ўғлидан* ёзиб олган (1928). Достон бир неча бор нашр этилган. Достон Гўрўғлининг невараси Равшанинг хосиятли узукда Ширвон маликаси Зулхуморнинг суратини кўриб, ошиқ бўлиши ва уни излаб сафарга отланиши воқеасидан бошланади. Асарда қаҳрамонининг маъшуқага эришиш йўлидаги саргузаштлари орқали эркин муҳаббат, вафо ва садоқат улуғланган, ватанга меҳр, эл-юрт душманларига шафқатсизлик ғоялари илгари сурилган. Драматург Комил Яшин шу достон сюжети асосида «Равшан ва Зулхумор» пьесасини ёзган (1957). Достоннинг 1972 й.ги матнини немис проф. Карл Райхл немисчага таржима қилган. Таржима асар Боин ун-ти «Осиё тадқиқотчилари» тўпламида китоб шаклида тўлиқ нашрдан чиққан (1985).

Нашри: Равшан, Т., 1970, 1972.

РАВШАНИЙЛАР ҲАРАКАТИ — Бобурийлар давлатидаги афғонларнинг диний қаршилик ҳаракати (тахм. 1560 — 1638). Уни мусулмонларнинг равшаний деган мазҳаби бошқарган (мазҳаб номи унинг асосчиси Боязид Ансорийнинг лақаби — Пир Равшандан олинган). Катта қўзғолончилик б-н бостирилган. Р.ҳ. бобурийларнинг ҳарбий қудратига путур етказган, афғон давлати тараққиётига катта таъсир кўрсатган ва афғонларнинг этник жиҳатдан жипслашувига ёрдам берган.

РАВШАНЛИК, ёруғлик техникасида — ёруғлик манбаининг бекасида — ёруғлик манбаининг белгиланган йўналиш бўйича ёруғланишини ифодаловчи *L* катталик. Сирти бирон-бир йўналиш бўйича ёруғланаётган элемент ds нинг Р.и шу элементнинг кўрилаётган йўналишдаги ёруғлик кучи *dI* нинг шу элементнинг танланган йўналишига тик текислнинг танланган йўналишига тик текислик проекцияси сиртига нисбати б-н ўлчанади:

$$L = \frac{dI}{ds\cos\alpha},$$

бунда α — ёруғлик кучи йўналиши б-н ёруғланувчи элемент ds га ўтказилган тик (нормал) орасидаги бурчак. Р.ни аниқлашда

$$L = \frac{dE}{d\Omega\cos\alpha}$$

формуласидан ҳам фойдаланилади, бунда dE — ёруғлик манбаи томон йўналишга перпендикуляр бўлган текислик юзасининг ёритилганлиги, $d\Omega$ — ушбу *ёритилганлик*ни ҳосил қилаётган оқим б-н тўлган фазовий бурчак. Р. *Халқаро бирликлар тизими* СИ да кд·м$^{-2}$ да ифодаланади; 2) *энергетикада* — энергетик-фотометрик катталиклар тизимида Р. катталигини энергетик Р. дейилади ва у Вт·ср$^{-1}$·м$^{-2}$ да ўлчанади.

РАВШАНОВ Мансур Темирович (1937.4.7, Қарши) — актёр, реж., Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1983). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1961). Сурхондарё театрида аввал актёр, ке-йинчалик реж., бош реж. (1963—74, 1975 й.дан), 1974—75 й.лар Қашқадарё театрида бош реж. «Алпомиш» (С. Абдулла; Т. Жалилов), «Бой ила хизматчи», «Майсаранинг иши», «Жононга бордим бир кеча» (Ҳамза), «Алишер Навоий» (И. Султон, Уйғун), «Парвона» (Уйғун), «Нурхон» (К. Яшин), «Ажаб савдолар» (Ҳ. Ғулом; М. Левиев), «Келинлар қўзғолони» (С. Аҳмад), «Ўз аризасига кўра» (Ў. Умарбеков), «Макр ва муҳаббат» (Ф. Шиллер), «Момо ер», «Оқ кема» (Ч. Айтматов), «Келин ва куёв» (М. Байжиев), «Амир Темур ва Йилдирим Боязид» (Қ. Абдунабиев), «Алпомишнинг қайтиши» (У. Азим) каби спектаклларни саҳналаштирган.

РАГА, раг (санскритча — ранг, ветак) — ҳинд ва покистон халқлари мумтоз мусиқа жанри. Р.лар ўзбек мақомлари сингари муайян товушқатор (тхат), оҳанг тузилмалари (пакар) ва усул (тал) жиҳатидан бир-биридан фарқланади. Р.лар Бҳайрав, Малкунс, Мегҳ, Дипак каби номлар б-н, уларнинг шохобчалари эса ратнийлар деб аталади. Р. ўрта асрдан маълум бўлиб, тарихий жараён давомида янги куй ва асарлар б-н бойитилди. Ҳинд мусиқа олимлари Р. ларни муайян руҳий ва ахлоқий таъсири жиҳатидан ажратадилар. Куннинг муайян вақтлари (эрталабки, тушки Р. ва ҳ.к.), йил фаслларида ижро этиладиган Р. лар бор. Р. ансамбли таркибига, одатда, яккахон хонанда ёки якканавоз созанда, усул берувчи урма чолғу ижрочиси ва б. созандалар киради. Ҳар бир Р. асосий мавзуни баён этувчи вазмин суръатдаги қисмдан бошланиб, аста-секин тезлашиб боради, турли нолаларга бой, эркин ривожланадиган ҳамда авж олиб келадиган қисмлар орқали намоён бўлади.

РАД (rad инг. radiation absorbed dose сўзларидан) — ютилган нурланиш дозаси. Бирликлар тизимига кирмаган. Массаси 1 г бўлган моддага ютилган қар қандай нурланишнинг 100 эрг энергиясига тенг. рад б-н белгиланади. 1 рад = 100 эрг/г ёки 1 рад=2,388·10^{-6} кал/г=10^{-2}Ж/кг.

РАДАР [инг. radar (radio defecting and ranging сўзларидан) — радиотўлқинлар ёрдамида объектни аниқлаш ва унгача масофани ўлчаш] — *радиолокатор*ни белгилаш учун оммабоп адабиётларда ишлатиладиган термин. Баъзан, радар қурилма деб ҳам аталади.

Мулла қирғиз мадрасаси (Наманган) пештоқ равоги

Кўкалдош мадрасаси равоги (Бухоро).

кичик Р.лар жойлаштириш мумкин.

11—17-а.лар меъморлигидаги Р.ларнинг мураккаб тузилишлари гиштларнинг ўзига хос терилиши б-н боғлиқ бўлган. Ўзбекистон меъморлигидаги найзасимон Р.ларнинг 100 дан ортиқ тури борлиги аниқланган. Халқ усталари амалда 1, 2, 3 ва 4 марказли Р.лар қурилиш услубидан фойдаланган. Замонавий қурилишларда Р.ларнинг ўзига хос тузилишлари яратилмоқда (кўприк, жамоат бинолари ва б.).

Ад.: Булатов М. С., Геометрическая гармонизация в архитектуре Средней Азии IX—XII вв., М., 1978.

Пўлат Зоҳидов.

«РАВШАН» — «Гўрўғли» туркуми достонларидан. Ҳ. Зарифов *Эргаш Жуманбулбул ўғли*дан ёзиб олган (1928). Достон бир неча бор нашр этилган. Достон Гўрўғлининг невараси Равшанинг хосиятли узукда Ширвон маликаси Зулхуморнинг суратини кўриб, ошиқ бўлиши ва уни излаб сафарга отланиши бўйича.

РАВШАНОВ Мансур Темирович (1937.4.7, Қарши) — актёр, реж., Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1983). Тошкент театр ва рас-

бунда α — ёруғлик кучи йўналиши ёруғланувчи элемент ds га ўтказилган тик (нормал) орасидаги бурчак. Р.ни аниқлашда

$$I = \frac{dE}{d\Omega \cos\alpha}$$

формуласидан ҳам фойдаланилади, бунда dE — ёруғлик манбаи томон йўналишга перпендикуляр бўлган текислик нуқтасининг ёритилганлиги, $d\Omega$ — ушбу *ёритилганлик*ни ҳосил қилаётган оқим б-н тўлган фазовий бурчак. Р. *Халқаро бирликлар тизими* СИ да кд·м$^{-2}$ да ифодаланади; 2) энергетикада — энергетик-фотометрик катталиклар тизимида Р. катталигини энергетик Р. дейилади ва у Вт·ср$^{-1}$·м$^{-2}$ да ўлчанади.

қисмдан бошланиб, аста-секин тезлашиб боради, турли нолаларга бой, эркин ривожланадиган ҳамда авж олиб келадиган қисмлар орқали намоён бўлади.

РАД (rad инг. radiation absorbed dose сўзларидан) — ютилган нурланиш дозаси. Бирликлар тизимига кирмаган. Массаси 1 г бўлган моддага ютилган ҳар қандай нурланишининг 100 эрг энергиясига тенг. рад б-н белгиланади. 1 рад = 100 эрг/г ёки 1 рад=2,388·10^{-6} кал/г=10^{-2}Ж/кг.

РАДАР [инг. radar (radio defecting and ranging сўзларидан) — радиотўлқинлар ёрдамида объектни аниқлаш ва унгача масофани ўлчаш] — *радиолокатор*ни белгилаш учун оммабоп адабиётларда ишлатиладиган термин. Баъзан, радар қурилма деб ҳам аталади.

РАДИАН (*радиус* сўзидан) — узунлиги радиусга тенг бўлган ёйга мос бурчак. Бир Р. тахм. 57°17′44,8″га тенг. α Р. $180^\circ\frac{\alpha}{\pi}$ градусдан, n градус $\frac{\pi n}{180^\circ}$ Р.дан иборат. Бутун айлана 2π Р. б-н ўлчанади. Мас., 30°, 45°, 60°, 90°, 180° бурчаклар мос ҳолда $\frac{\pi}{6}\cdot\frac{\pi}{4}\cdot\frac{\pi}{3}\cdot\frac{\pi}{2}\cdot\pi$ Р.га тенг. Тригонометрик функцияларнинг аргументи, одатда, Р. б-н ифодаланади.

РАДИАНТ (лот. radians — нурланувчи) — метеор моддалар ғаласига тегишли метеорлар («учар юлдузлар») изини орқага лавом эттирганда улар кесишадиган осмон сферасидаги нуқта. Метеор чақнаши, одатда, Қуёш атрофидан умумий орбита бўйлаб айланаётган метеорлар оқимида рўй берали ва бир неча тун давомида осмон сферасининг бирор қисмида кузатилади. Осмон сферасида кузатилаётган метеор ғаласидаги метеорлар гўё Р.дан чиқаётгандек кўринади.

РАДИАТОР (лот. radio — нурланаман, нур тарқатаман) — 1) турар жойлар, жамоат ва и.ч. биноларини иситиш тизимларида қўлланиладиган иситиш асбоби. Чўян, пўлат, чинни ва керамикадан ясалади. Секциялари бир-бири б-н бириккан каналли трубалар тизимидан иборат, трубалар ичида сув ёки буғ айланиб туради. Сув ёки буғ айланиш канали бўйича бир, икки ва кўп каналли хиллари бор. Трубалар иссиқликни энг кўп тарқатадиган шаклда ясалади. Ҳаво трубалар орасидаги бўшлиқдан ўтиб қизийди ва хонани иситади. Иситувчи панеллар деб аталувчи штампланган пўлат Р.лар ҳам кенг ишлатилмоқда; 2) *ички ёнув двигатели* цилиндрларининг сув гилофларидаги исиган сувни ёки мойлаш тизимидаги қизиган мойни совитиб берадиган, латундан ясалган қурилма (расмга қ.); 3) радиоэлектроникада — ярим ўтказгичли асбоблар, интеграл схемалар, резисторлар ва б. электрон қурилмалардан иссиқликни олиб кетадиган қурилма. Асосан, алюминий қотишмалари, мис, магнит ва берилий қотишмаларидан тайёрланади. Пластинкали, штирли, симли ва б. турдаги Р.лар бўлади.



Радиатор. Ички ёнув двигателининг совитиш тизимидаги радиатор.

РАДИАЦИОН БЕЛБОҒЛАР — сайёра ҳусусий магнитосферасининг соҳаси, шу магнитосфера тутиб қолган юқори кинетик энергияли заррлар (*протонлар* ва *электронлар, альфа-заррлар*)дан иборат ташиқ кулча кўринишидаги сайёрани ўровчи камарлар. Р.б.да заррлар магнит майдони (Лоренц кучи) таъсирида мураккаб траекторияларбўйлаб сайёранинг Шим. ярим шаридан Жан. ярим шарига томон ва, аксинча, ҳаракатланади. Ернинг Р.б.и, одатда, ички ва ташқи қисмларга бўлинади (қ. *Ер магнетизми*). Ернинг магнит майдони Коинот (акс арият Қуёш) дан келаётган заррлар учун қафас ролини ўташи мумкинлигини 20-а. бошларида норвегиялик олимлар Биркеланд ва Штермер башорат қилишган.

Маълумки, магнит майдонига кирган заррага Лоренц кучи ва заррa тезлигига перпендикуляр куч таъсир қилади. Бу куч таъсирида заррa магнит куч чизиқлари атрофида магнит майдони индукция векторига тик текислик б-н айлана бошлайди. Циклотрон айланиш (Лармор) радиуси r заррa массаси ва тезлигига тўғри пропорционал бўлиб, унинг заряди ҳамда магнит майдони индукция вектори (B) га тескари пропорционал бўлади. Бинобарин, майдон кучланганлиги қанча катта бўлса, лармор радиуси шунча кичик, заррaнинг энергияси (яъни тезлиги) қанча катта бўлса, айлана шунча катта бўлади. Агар Ернинг магнит «қафаси»га тушган заррaнинг лармор радиуси Ер радиуси (R)дан анча кичик бўлса ($r << R$), заррa *Ер* сиртигача етиб бормайди ва геомагнит майдонида тутилиб қолади.

Ер магнит майдони тутиб қолган заррaлар соҳаларини ўрганишга доир дастлабки тадқиқотлар натижасида геомагнит экватор атрофида Ерни ўровчи ва аниқ чегаралари бўлган 2 та улкан ҳалқа кўринишдаги, асосан электронлардан ташкил топган Р.б. мавжудлиги аниқланди. Улар ички ва ташқи Р.б. деб аталади. Ташқи электрон белбоғ экватор қисмида Ер марказидан унинг 4—6 радиусига тенг масофага чўзилган соҳани ўз ичига олиб, энергияси ўнлаб КэВ дан МэВ гача бўлган электронлардан ташкил топган.

Ички электрон белбоғ — радиациянинг қуйи чегараси яқинида жойлашиб, энергияси бир неча КэВ дан юзлаб КэВ гача бўлган электронлар заррaларнинг асосий қисмини ташкил этади. Бу соҳани 1958—1962 й.ларда америкалик олимлар атмосферада ўрганишган ядро портлашларидан ажралган электронлар б-н тўлдирди. Ташқи ва ички электрон белбоғлар орасида электронлар оқими Ер марказидан 3—4 Ер радиуси масофасида минимумга тушади.

Р.б. соҳасида Ерга келаётган протонларнинг энергияси Р.б. ташқи четарасидан қуйи четарасигача 100 КэВ дан ўнлаб МэВ гача ортади. Бунда протонларнинг умумий оқими ҳам 3,5 Ер радиуси масофасигача ортиб, сўнгра камая боради. Электронлар оқимининг минимуми кузатилган жойда (Ер марказидан 3,5 радиус масофада) протонлар белбоғи ҳосил бўлади. Протонлардан ташкил топган Р.б. Ернинг магнит майдонига сезиларли таъсир кўрсатади.

Ернинг Р.б. космик парвозларда космонавтлар ҳаёти учун катта хавф туғдиради. Шунинг учун Ойга, сайёраларга парвозларда учиш траекториялари, Р.б. б-н кесишмайдиган қилиб танланади. Гигант сайёралардан Юпитер ва Сатурнининг атрофидаги кучли магнитосфера улкан сайёраларнинг геомагнит экваторларини ўровчи кучли Р.б.ни вужудга келтиради.

РАДИАЦИОН ГЕНЕТИКА — *генетика*нинг бир бўлими; организмларни генетик нурлари ёки радиоактив элементлар б-н нурлантириш натижасида уларда рўй берадиган ирсий ўзгарувчанлик (мутация)ни ўрганади. 20-а. бошларида нурларнинг ҳужайра ва организм-нинг турли функционал ҳолатига таъсири (ҳужайраларнинг бўлиниши, кўпайиши, қон шаклли элементларининг ўзгариши ва ҳ.к.) ҳақида дастлабки маълумотлар олинди. Олимлардан Г.А.Надсон ва Г.С. Филиппов, америкалик генетик Мёллерлар томонидан (1925—27) ион нурлар ирсий ўзгарувчанлик — мутацияга қодир эканлиги тажрибада исботланди (қ. *Мутагенез*). Ана шу илмий тадқиқотлар Р.г.нинг ривожланишида муҳим роль ўйнади. Сунъий мутациялар ҳосил қилиш, яъни организмга нур таъсир эттириш йўли б-н ирсиятни экспериментал ўрганиш усули ишлаб чиқилди. Нур таъсирида вужудга келган мутациялар ирсий ўзгарувчанликни ва турли организмларнинг ирсий потенциясини ўрганиш б-н бирга, радиациянинг ирсиятга таъсирини, унинг энг кичик структураси — ген ҳақида маълумот олиш имконини беради (қ. *Ген*).

Р.г. усуллари асосида микроорганизмлар селекцияси соҳасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида антибиотикларнинг янги штаммлари ва улардаги биологик фаол моддалар аниқланди. 20-а. ўрталарига келиб ионловчи нурларнинг одам организмига таъсирини ўрганиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлди. Одам организмини нурларнинг салбий таъсири (жумладан, ирсий аппаратга таъсиридан сақлаш, шунингдек, организмни нурланишдан ҳимоя этувчи моддаларни ишлаб чиқиш Р.г.нинг долзарб масалаларидандир. Одам организмининг репарациялочи ферментлар ёрдамида нурланишнинг салбий таъсирини қайтариш имконияти тугилди. Мухитда нурланишнинг ортиши мутацияларнинг кўпайишига, бу эса ўз навбатида ирсий касалликлар, майиб-мажруҳлик ва ҳаёт-ли ўсмаларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Кейинги йилларда космик Р.г. муваффақиятли ривожланмоқда. Космик нурлар б-н космик учиш омилларининг микроорганизмлар, ўсимликлар, ҳайвонлар ва одамга биргаликда кўрсатадиган таъсири қонуниятлари ўрганилмоқда.

РАДИАЦИОН ГИГИЕНА — радиоактив моддалар ва ионловчи нурларнинг инсон организмига таъсирини ўрганадиган фан, *гигиена*нинг бир бўлими. Радиоактив моддалар б-н ишлайдиган кишилар ва умуман аҳолини нурланишдан сақлаш учун санитария-гигиена қонун-қоидаларини ишлаб чиқади.

Р.г. мустақил фан сифатида 1946 й. (АҚШнинг Тинч океанида ўтказган ядро қуроли синовидан сўнг) юзага келди. Р.г., асосан, ионловчи нур манбалари бўлган корхона ёки муассасалар бинокори, ҳудуди ва ҳ.к.нинг дозиметрияси масалаларини б-н шуғулланади, радиоизотоплар, рентген аппаратлари, гамма-нурлар б-н ишлайдиган ишчиларнинг индивидуал дозиметриясини назорат қилади, меҳнат гигиенаси муаммоларини ҳал қилиш ва атом саноати корхоналари, уран, торий конлари, кимё, металлургия, машинасозлик ва б. саноат корхоналари ишчиларининг радиацион хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини кўради. Шунингдек, таш-қи муҳит (ҳаво, ер, сув ва ўсимликлар) ни радиоактив моддалар б-н ифлосланиш даражаларини ва бу муҳитнинг аҳоли соғлиғига, инсон наслига таъсирини ўрганади. Радиоактив моддалар б-н зарарланган озиқ-овқат маҳсулотларини санитария-экспертиза қилиш усулларини ишлаб чиқади ва радиоактив чиқиндиларни йўқотиш устидан санитария назорати олиб боради.

РАДИАЦИОН КИМЁ — кимёнинг ионловчи нурлар таъсирида модцада юз берадиган кимёвий жараёнларни ўрганадиган соҳаси. Кимёвий жараёнларни ионловчи нурлар таъсирида юзага келиши уларнинг моддалар молекулаларини ионлаш ва қўзғатиши б-н боғлиқ. Р.к. 1865—96 й.ларда пайдо бўлди. Р.к.даги дастлабки кузатиш ишлари нурларнинг фотография пластинкасига таъсир этиб қорайтиришидан бошланди. Кўп ўтмай радий нурларининг сувни кислород ва водородга парчалаши маълум бўлди. Р.к. ривожининг кейинги босқичи ядро реакторларининг кашф этилиши б-н боғлиқ бўлиб, 40-йиллардан кимё фанининг мустақил соҳаси сифатида шаклланди. Атом энергетикасида ишлатиладиган ҳар хил материалларга турлича нурлар таъсири ўрганилди. Атом реакторларининг ишлатилиши ва ядро ёқилғисининг қайта ишланиши сувнинг парчаланиши радиоактивлик-жараёнларини, юқори радиоактивликка эга бўлган технологик аралашмалардаги кимёвий ўзгаришларни тушунтириб беришни талаб қилди.

50-йиллар охирида радиацион кимёвий реакциялар илмининг кенгайиши ва ядро нурлари манбаларининг кашф этилиши муносабати б-н баъзи кимёэтилиши муносабати б-н баъзи кимё-технологик жараёнларини (кимёвий технология жараёнларини (кимёвий бирикмаларни парчалаш, углеводородларни оксидлаш, органик мономерларни полимерлаш) нурлар таъсирида амалга ошириш имконияти тугилди. Р.к. технологияси мақсадларида гамма устаноналари ва электрон тезлаткичлар ишлатилади. Юқори энергияли электромагнит нурлар — рентген нурлари, γ-нурлар, катта энергияли корпускуляр нурлар — тезкор электронлар, нейтронлар, протонлар, дейтронлар, α-заррачалар, оғир ядро бўлиниши парчалари, ядро реакцияларида ҳосил бўладиган тепки ядро (заррачалар), тезлаштирилган кўп зарядли ионлар оқими ионловчи нурларга тааллуқлидир. Нурларнинг кимёвий таъсири садимарадорлиги, одатда, радиацион-кимёвий маҳсул б-н аниқланади. Радиацион-кимёвий маҳсул миқдори G ҳарфи б-н белгиланади.

Радиацион-кимёвий маҳсул деб, кимёвий системада 100 эВ ионловчи нурларни ютиш эвазига ҳосил бўладиган заррaлар (молекулалар, ионлар ва эркин радикаллар ва ҳ.к.)нинг абсолют миқдорига айтилади. Оддий реакциялар учун G нинг қиймати 1 дан 20 гача бўлса, занжир реакциялар учун бир неча ўн минг молекула бўлиши мумкин. Баъзи кимёвий системаларда юз берадиган радиацион кимёвий жараёнларда кимёвий дозиметрлар (мас., темир-сульфатли, церий-сульфатли дозиметрлар)дан фойдаланилади.

Радиацион-кимёвий синтезда кимёвий системаларга нур таъсир эттириб янги кимёвий моддалар олинади. Ионловчи нурлар занжирли жараёнларни инициралашда кенг қўлланади. Бунга хлорлаш, сульфирлаш, оксидлаш, сульфохлорлаш, сульфоксидлаш, қўш боғларга бирикиш ва б. занжирли механизм бўйича борадиган бошқа радиацион-кимёвий синтез жараёнлари киради. Радиацион инициралашнинг каталитик ёки фотокимёвий инициралашга қараганда бир қанча афзаллиги бор: системага инициирловчи моддалар қўшиш ва т-рани кўтариш зарурати йўқолади, кўпгина занжирли жараёнларнинг ёнғин ва портлаш хавфи б-н боғлиқ бўлган бир қанча техник талабларини амалга ошириш мумкин бўлади. Лаб. тадқиқотлари ионловчи нурларнинг бир қатор элементорганик бирикмаларни, мас., фосфорорганик ва қалайорганик бирикмаларни синтезлашда яхши натижа беришини кўрсатди. Полимерларни радиацион модификациялаш ва каучукларни вулканизациялаш жараёнлари Р.к.нинг мустақил саноат тармоғи ҳисобланади. Радиацион термик вулканизациялаш шиналарнинг сифатини анча яхшилайди. Р.к.нинг кейинги ривожи бир қатор фан ва техника соҳалари б-н чамбарчас боғлиқ. Ядро физикаси, атом энергетикаси (қ. *Атом электр станцияси*), космик тадқиқотлар ва б. шулар жумласидандир.

Ад.: Пикаев А.К. Современная радиационная химия, т. 1—3, М., 1986.

Саидаҳмад Ҳўжаев.

РАДИАЦИОН ҲИМОЯ, радиацион хавфсизлик — радиоактив моддалар ва б. ионловчи нурланиш манбалари б-н ишлаганда хавфсизликни таъминловчи тадбирлар мажмуи. Радиобиология, ядро физикаси, космик биология, космик тиббиёт ва б. фанлар ютуқларига асосланади. Р.ҳ.нинг асосий мақсади — биосферанинг радиоактив моддалар б-н ифлосланишига йўл қўймаслик, одам ва ҳайвонлар организмини (мас., космос шароитида) зарарли нурланишлардан асраш ва ҳ.к. Зарарли нурланишларнинг организмга биологик таъсири ҳақидаги маълумотлар Р.ҳ. ёки радиацион хавфсизлик меъёрларини ишлаб чиқиш учун асос бўлади (қ. *Дозиметрия*). Радиоактив моддалар б-н ишлаганда ёки улардан фойдаланишда хавфсиз шароитларни таъминлаш, аввало, ходимларни хавфли нурланишлар манбаи (ядро реакторлари, гамма-дефектоскоплар, радиоизотоп термоэлектр генератор ва б.) таъсиридан ишончли ҳимоя қилишдан иборат. Бунга қурилмаларни экранлаш (тўсиш), иш хонасига кириш учун лабиринт (айланма) йўллар ҳосил қилиш, бу манбалар б-н ишлаш вақтини чеклаб қўйиш, радиоактив чиқиндиларни ўз вақтида олиб кетиш ва уларга тегишли ишлов бериш, якка

(индивидуал) дозасини аниқлаш ва б. тадбирлар орқали эришилади.

Р.дан четдаги жиҳатдан таъминлаш учун Р.ҳ. бўйича халқаро комиссия материаллари асосида радиацион лаборатория четдаги ишлаб чиқилган (1976). Бу ҳужжатда Р.нинг асосий тамойиллари белгилаб қўйилган. Бу меъёрларга радиоактив нурлар б-н нурланишнинг четдаги йўл қўйилиши мумкин даражалари ва назорат даражалари, нурланиш дозалари четдаги, турли нурланишларнинг сифат коэффициентлари белгилаб қўйилган. Бу меъёрлар радиоактив моддалар б-н ишловчи барча шахслар учун мажбурий ҳисобланади. Агар Р.дан ҳосил четдаги меъёрий жиҳатдан аниқланса, «Радиоактив моддалар ва б. ионловчи нурланишлар б-н ишлашдаги асосий санитария қоидалари»га мувофиқ чоралар кўрилади.

РАДИАЦИЯ (лот. radiatio — нурланиш) — ядровий ўзгаришлар оқибатида юзага келадиган электромагнит ва корпускуляр нурланишлар. Кўён нурланиши, космик нурлар оқимлари Р.нинг тирик организмга таъсири Р. дозаси б-н белгиланади. *Рентген* (р) бирлиги қўлланади. Р. миқдори сингувчи радиация ва б. радиоактив нурланишларнинг шикастловчи таъсирига боғлиқ. Бир кунда 20 р гача Р. қабул организми учун хавфсиз доза ҳисобланади. Бундан ортиқ миқдордаги Р. организмдаги тўқималарни шикастлаб, қишлоқ нурланиш касаллигига мубтало қилади. Р. дозаси *дозиметрик асбоблар* ёрдамида ўлчанади. Радиоактив моддалар (α-, β-, γ- нурлар, нейтронлар ва б.) ва б. ионловчи нурланиш манба (рентген қурилмалари б-н ишлаганда ундаги заҳарли газлардан ташқари) нурланиш дозасини камайтириш учун тадбирлар комплекси ишлаб чиқилган.

Барча нурланиш манбалари (герметик нурланиш манбалари, рент-ген қурилмалари, тезлаткичлар ва б.) дан атроф муҳитга радиоактив моддалар тарқалмайди. Бундай манбалар б-н ишлаганда организмга фақат ташқи нурланиш таъсир қилади. Ташқи нурланиш дозасини камайтириш учун нурланиш вақтини минимал қилиб, узоқ масофада туриш ва манба ёки объектни экранлаш керак.

Очиқ нурланиш манбалари б-н ишлаганда радиоактив моддалар нафас йўли, овқат ҳазм қилиш йўли, ичак ёки тери орқали организмга кириши ва организм ичида нурланиши мумкин (қ. *Радиотоксиклик*). Ички нурланиш дозасини камайтириш учун технологик ускуна ва иш жойини герметиклаш, иш-тирокчиларга фильтр кўчирувчи, шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш ва радиацион гигиена қоидаларига амал қилиш керак.

Радиоактив моддалар б-н ишловчи нурланишнинг манбаларини 6-гр ионловчи ҳамда корхоналарда радиацион хавфсизлик хизмати (РХХ) радиацион назорат олиб боради (яна қ. *Радиоактив ҳимоя*).

РАДИЙ (лот. radium — нур. Radiumni. Ra — Менделеев даврий системасининг II гуруҳига мансуб радиоактив кимёвий элемент. Тартиб рақами 88, ат. м. 226,0254. Р. масса жиҳатидан Ер пўстининг 10⁻¹⁰ % ини ташкил қилади. Р. 1898 йилда М. ва П. Кюрилар томонидан уран рудасидан уранинг радиоактивлик хоссаларини ўрганиш пайтида кашф этилган. Р. нисбатан радиоактив элементлар (биринчи навбатда Уран рудасининг 1 т сида 0,34 г ҳосил Р. бўлади. Р. энг муҳим изотопи 226Ra бўлиб, Р. энг муҳим изотопи 226Ra бўлиб, Р. энг муҳим изотопи 226Ra бўлиб,

остига герметик идишларда кўмилади. Хоналарни ва коржомаларни ювганда ҳосил бўладиган қуйи даражали фаол суюқ Р.ч. радиоактив изотоплардан махсус усуллар ёрдамида тозаланғач, қайта ишлатиш учун и.ч. системасига қайтарилади ёки канализацияга ташланади. Бу чиқиндилардан ажратиб олинган РИ ўртача даражали фаол чиқиндилар ҳисобланади.

Қаттиқ Р.ч.га ювиб кетказиб бўлмайдиган ифлосланган материаллар, ишлатилган коржомалар ва б. киради. Бу нарсаларнинг ҳаммаси бетон зовурларга ташлаб устидан цемент қуйиб, бутунлай кўмиб юборилади.

Атом саноати объектларида ва АЭС-да суюқ ва қаттиқ Р.ч.дан ташқари, таркибида РИ учувчан бирикмалар ёки ^{131}I, ^{129}I, ^{85}Kr, каби РИ бор ташландилар, шунингдек, радиоактив аэрозоллар ҳосил бўлиши мумкин. Бундай чиқиндиларнинг бари махсус тозалаш системасидан ўтказилиб вентиляция мўрикони орқали атмосферага чиқариб юборилади. Тозалаш системасидан чиқаётган РИнинг умумий миқдори шамол, рельеф ва ўсимликларнинг табиати назарга олингани ҳолда ушбу объектлар учун белгиланган РИ миқдоридан юқори бўлмаслиги лозим. Вентиляция мўрконларининг бал. 100—150 м дан кам бўлмаслиги шарт.

Ад.: Радиационная безопасность. Величины, единицы, методы и приборы. Сб. ст. М., 1974; Санитарные правила и нормы СанПи №0029—94, Т., 1994.

РАДИОАКТИВ ЭЛЕМЕНТЛАР —барча изотоплари радиоактив бўлган кимёвий элементлар. Табиатда учрайдиган, тартиб рақами 83 (висмут)дан катта бўлган барча элементлар радиоактив. Уларни кетма-кет юз берадиган радиоактив ўзгаришлар занжирларининг алоҳида ҳалқалари сифатида тасаввур қилиш мумкин. Бир занжир таркибига кирувчи элементлар радиоактив оила ёки радиоактив қатор ҳосил қилади (қ. *Радиоактив қаторлар*). Тартиб рақами 83 дан кичик бўлган Р.э. ҳам бор. Улар технеций ^{43}Te ва прометий ^{61}Pm. Даврий системада жойлашган урандан кейинги элементлар сунъий усулда олинган трансуран элементлардир.

Табиий Р.э.дан фақат уран (тартиб рақами 92) ва торий (90) элементи изотопларининг ярим емирилиш даври Ернинг ёшига яқин. $^{238}U(T_{1/2}=4,51$ млрд. й.), $^{235}U(713$ млн.й.), $^{232}Th(14,1$ млрд. й.). Шунинг учун барча табиий Р.э. ичида фақат уран б-н торий бирламчи Р.э. ҳисобланади. Қолган барча Р.э. узоқ мавжуд бўлувчи изотопларининг парчаланишидан ҳосил бўлади ва улар иккиламчи Р.э. ҳисобланади.

Турғун изотопларидан ташқари узоқ мавжуд бўлувчи табиий радиоактив изотоплари бўлган 16 та элемент ҳам мавжуд (^{40}K, ^{50}V, ^{87}Rb, ^{115}In, ^{138}La, ^{142}Ce, ^{144}Nd, ^{147}Sm, ^{152}Gd, ^{176}Lu, ^{174}Hf, ^{180}Ta, ^{186}W, ^{187}Re, ^{190}Pt, ^{192}Pt). Ядро энергияси олишда уран ва плутоний амалий аҳамиятга эга.

РАДИОАКТИВ ҚАТОРЛАР, радиоактив оилалар — генетик боғланган радиоактив изотоплар гуруҳлари. Бу гуруҳларда ҳар бир кейинги изотоп ўзидан олдинги изотопнинг α- ёки β-парчаланиши натижасида ҳосил бўлади. Ҳар бир радиоактив қатор ярим емирилиш даври ($T_{1/2}$)жатта бўлган изотопдан бошланиб, турғун изотоп б-н тугайди.

Табиатда 3 та радиоактив қатор мавжудлиги маълум. Булардан бири уран қатори бўлиб, унинг бошида уранинг узоқ мавжуд бўлувчи изотопи $^{238}U(T_{1/2}=4,51\cdot10^9$ й.) турали, бу қатор кўргошиннинг турғун изотопи ^{206}Pb б-н тугайди. Иккинчиси торий қатори бўлиб, унинг бошида $^{232}Th(T_{1/2}=4,51\cdot10^{10})$ турали ва сўнгги маҳсулот ^{208}Pb б-н тугайди. Учинчиси актиний қатори, аниқроғи, актино уран қатори бўлиб, унинг бошида актиноуран — уран изотопи $^{235}U((T_{1/2}=7,13\cdot10^8$ й) турали ва қатор ^{207}Pb б-н тугайди. Аввалда маълум бўлган бу Р.қ.га яна 4-оила — неп-туний қаторини ҳам қўшиш мумкин. Нептуний қатори $^{237}Np((T_{1/2}=2,14\cdot10^6$ й.) дан бошланиб, ^{209}Bi б-н тугайди. ^{237}Np қуйидаги реакция натижасида ҳосил бўлади: $^{238}U(n, 2n)\ ^{237}U\ -\beta-\ ^{237}Np$. Бу реакция космик нурлар таркибидаги тезкор нейтронлар б-н, ^{235}U изотопнинг спонтан бўлинишида чиқадиган нейтронлар б-н ва табиий α-радиоактив моддаларнинг емирилишида чиқадиган α-заррачалар таъсирида (α, n) ҳосил бўладиган нейтронлар б-н ^{238}U изотопининг бомбардимон қилиниши натижасида содир бўлади. Нептуний ва унинг қатор аъзолари табиатда учрамайди; улар, асосан, сунъий равишда (ядро реакциялари ёрдамида) олинади.

Р.қ.га кирувчи ҳар бир ядронинг масса сони $A=(4n+a)$ формула б-н ифодаланади; бу ерда n — бутун сон, a эса ҳар бир Р.қ. учун 0, 1, 2, 3 қийматлардан бирига эга бўлади. Торий қатори $^{232}_{90}Th$(4 n қатор), нептуний қатори $^{237}_{93}Np$ ($4n+1$ қатор), уран қатори $^{238}_{92}U$($4n+2$ қатор), актиноуран қатори $^{235}_{92}U$($4n+3$ қатор).

Радиоактив қаторда масса сонининг ўзгаришига α-заррачанинг чиқиб кетиши сабаб бўлади. Агар радиоактив қаторга кирувчи ҳар бир ядро α-заррача чиқарса, ундаги заряд (Z) 2 тага, масса сони (A) 4 тага камаяди. β-заррача чиққанда, Z 1 та ортган ҳолда, A ўзгармай қолади.

Табиатда ярим емирилиш даври нисбатан кичик радиоактив элементлар ҳам мавжуд. Бундр *протактиний, актиний, радий, франций, радон, астат* ва *полоний* бўлиб, табиатда кам учрайди. Мас., табиатда 1 т уранга 0,34 г ^{226}Ra изотопи тўғри келади ($T_{1/2}$=1600 й.). Уларнинг табиатда мавжудлиги Р.қ.га мансублиги б-н тушунтирилади. Бу ҳолат Р.қ. вақт ўтиши б-н асрий мувозанатнинг юзага келишига боғлиқ. Бу мувозанат юзага келганда изотопнинг ҳосил бўлиш тезлиги унинг парчаланиш тезлигига тенг бўлади ва шу сабабли бу изотоп миқдори вақт ўтиши б-н деярли ўзгармайди. Бундай мувозанатнинг қаторда юзага келиш вақти қаторнинг энг узоқ мавжуд бўладиган аъзосининг 10 ярим емирилиши даврига тенг.

Р.қ. изотопларининг кўпчилиги ўзига хос ном ва символларга эга. Мас., Th—230 изотопи ионий (символи I_o), Po—214 радий C'(RaC'), Ra—228 эса мезоторий — 1 ($MsTh_1$) деб аталади.

Ад.: Бекжонов Р. Б., Атом, ядро ва зарралар, Т., 1973.

Саидаҳмад Ҳўжаев.

РАДИОАКТИВАЦИОН АНАЛИЗ, активацион анализ — моддаларнинг сифат ва миқдорий таркибини уларни нурлантириш натижасида ядроларида ҳосил бўлган радиоактив нурланишга кўра аниқлаш усули. Р.а. дастлаб Венгрия кимёгарлари Д. Хевеши ва Г. Леви томонидан 1936 й.да иттрий препаратида диспрозий миқдорини аниқлаш учун қўлланган. Р.а.да текширилаётган модда маълум муддат ядро заррачалари (нейтронлар, протонлар, дейтронлар, α-заррачалар ва б.) ёки γ-нурлар б-н нурлантирилгач махсус қурилмалар ёрдамида ҳосил бўлган радиоактив изотопнинг тури ва фаоллиги аниқланади. Энг кенг тарқалгани нейтрон-активацион усул бўлиб, бунда текширилаётган модда ядро реакторида нейтронлар ёрдамида (n, γ) — реакция бўйича фаоллантирилади.

Ҳар бир радиоактив изотоп ўзига хос ярим емирилиш даври ($T_{1/2}$) ва нурланиш энергияси ($E_{спектр}$)га эга бўлиб, унинг бу тавсифи бошқа радиоактив изотопникига асло ўхшамайди. Изотопларнинг бу тавсифлари махсус жадвалга тўпланган. Жадвалдан эса шу радиоактив изотоп мавжуд бўлган элементнинг тартиб рақами ва масса сонини аниқлаш мумкин. Ҳосил бўлган фаоллик миқдори эса нурлантирилган изотоп миқдорига пропорционал. Элементнинг изотоп таркибига кўра шу элементнинг миқдори аниқланади.

Модданинг сифат ва миқдорини Р.а. ёрдамида аниқлашда инструментал ёки радиокимёвий усуллар фойдаланилади. Инструментал Р.а. ҳосил бўлган радиоактив изотопларни радиотехник қурилма ёрдамида тўғридан-тўғри текширишга асосланган. Радиокимёвий Р.а.да моддага кимёвий ишлов бериб, фаоллантирилган элементларни кимёвий жиҳатдан ажратилади, сўнгра уларнинг фаоллиги аниқланади.

РАДИОАКТИВЛИК (*radio...* ва *activus* — таъсирчан) — кимёвий элемент бекарор изотопининг элементар зарралар ёки ядролар чиқариб ўз-ўзидан бошқа элемент изотопига айланиш қобилияти. Табиий шароитлардаги изотопларда бўладиган Р. табиий Р., ядро реакцияларни воситасида олинадиган изотопларнинг Р.и сунъий Р. дейилади. Сунъий ва табиий Р. орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Иккала ҳолда ҳам берадиган радиоактив емирилиш жараёни бир хил қонунларга бўйсунади.

Р. ҳодисасини биринчи марта 1896 й.да А. А. *Беккерель* кашф қилган. У уран тузларидан номаълум нурлар чиқишини, бу нурлар худди рентген нурлари каби ҳар хил моддалардан ўтишини, фотографик пластинкасини қоралтиришини биринчи бўлиб аниқлади ва уларни радиоактив нурлар деб атади. Тез орада торийнинг Р.ги аниқланди. 1898 й.да эса М. *Склодовская Кюри ва* П. *Кюрилар* иккита янги радиоактив элемент (полоний ва радий) ни кашф этдилар. Э. *Резерфорд* ва юқорида номлари зикр этилган олимларнинг кузатишлари натижасида радиоактив моддалар ўзидан уч хил кўринишдаги (α-, β- ва γ-)нурларни чиқаришлари аниқланди ва бу нурларнинг табиати ўрганилди: α-нурлар иккита мусбат зарядга эга бўлган гелий атомининг ядросидан иборат; β-нурлар манфий зарядга эга бўлган электронлардан иборат; γ-нурлар рентген нурларига ўхшайдиган электромагнит нурланишдир.

Р.нинг маълум бўлган асосий турлари қуйидагилардан иборат: 1) α-емирилиш; 2) β-емирилиш (шу жумладан, К-тутиш); 3) протонли Р.; 4) оғир ядроларнинг спонтан равишда бўлиниши. Радиоактив емирилиш натижасида ҳосил бўлган ядролар радиоактив бўлиши ва уларнинг емирилишидан ҳосил бўлган янги ядролар ҳам шунда радиоактив бўлиши мумкин ва ҳ.к. Табиатда учта радиоактив қатор мавжуд эканлиги аниқланган бўлиб, улар уран, торий ва актиноуран элементларидан бошланади. Учала ҳолда ҳам охирги маҳсулот кўргошин изотоплари, яъни биринчи қаторда охирги маҳсулот ^{206}Pb, иккинчисида ^{208}Pb ва учинчисида ^{207}Pb бўлади. Радиоактив емирилиш наза-рияси кўрсатадики, dt вақт ичида емириладиган ядроларнинг сони dN радиоактив ядроларнинг умумий сони N га пропорционал бўлиб, радиоактив емирилиш экспоненциал қонун бўйича кечади: $N_t=N_0e^{-\lambda t}$; бунда N_t—t пайтдаги емирилмаган ядролар сони, N_0 — бошлангич пайтдаги емирилмаган ядролар сони ва λ-емирилмаган ядролар сони нинг емирилиш доимийси; ядронинг ички тузилиш доимийси; ядронинг ички тузилишига боғлиқ бўлган ўзгармас миқдор. Радиоактив емирилишнинг экспоненциал қонуни статистик қонун бўлиб, фақат жуда катта сондаги атомлар учун ўринлидир. Бошлангич пайтдаги ядролар миқдори ярмисининг тўлиқ емирилишига кетадиган вақт модданинг ярим емирилиш даври T дейилади. У емирилиш доимийси λ б-н боғланган: $T=0,693/\lambda$. Радиоактив қаторларни бошлаб берувчи уран $^{238}_{92}U$, торий $^{232}_{90}Th$ ва актиноуран $^{235}_{92}U$ элементларининг ярим емирилиш даврлари, мос равишда $4,51\cdot10^9$ йил, $1,39\cdot10^{10}$ йил ва $7,13\cdot10^8$ йилга тенг.

Р., асосан, *кюри* ёки унинг улушлари орқали ифодаланади. Активлик 1 кюри сифатида радиоактив модданинг бир секундда $3,7\cdot10^{10}$ та ядросининг емирилиши қабул қилинган.

Р. кашф қилиниши фан ва техникасининг тараққиётига катта ҳисса қўшди. У моддалар тузилиши ва хоссаларини ўрганишда янги давр очиб берди.

РАДИОАЛОҚА — икки ёки бир неча пунктлар ёки ҳаракатланаётган объектлар (космик кема, самолёт, кема ва б.) орасида *радиотўлқинлар* воситасида амалга ошириладиган алоқа. Р. учун барча диапазондаги радиотўлқинлар қўлланилади. Радиочастоталардан фойдаланиш ва Р. қоидалари халқаро конвенция (1908 й. 1 июлда кучга кирган) б-н белгиланган.

Вазифаси ва таъсир чегарасига қараб, Р. халқаро ҳамда ички Р. линияларига бўлинади. Ички Р. линияси магистраль (республика маркази б-н вилоятлар марказлари орасида ва б.) ва зонали (вилоят ва туманлар ичидаги) алоқа хилларига бўлинади. Р. линиялари мамлакатнинг Ягона автоматлаштирилган алоқа тизимига киритилади. Р. хизмати вазифаси, таъсир узоқлиги, структураси ва б. б-н фарқ қилади. Хусусан, ерда ўрнатиладиган ва космик Р. (космик Р.га бир ёки бир неча сунъий йўлдошлар ёхуд бошқа космик объектлардан фойдаланиладиган Р.лар киради), белгиланган (маълум пунктлар орасида) ва ҳаракатдаги (ҳаракатдаги ва стационар радиостанциялар ёки ҳаракатдаги радиост-ялар орасида); радиоэшиттириш ва телевидениега бўлинади.

И.ч. ва махсус хизматлар учун баъзи вазирлик ва ташкилотлар (мас., фуқаро авиацияси, т.й., денгиз ва дарё транспорти, ўт ўчириш, милиция, тиб. хизмат), шунингдек, саноат, қ.х. коржомалари ва б.да ички Р. хизматидан фойдаланилади.

РАДИОАСТРОНОМИЯ (*radio...* ва *астрономия*) — *астрономиянинг қуёш, олдўлар, галактикалар* сингари осмон жисмларини улардан нурланадиган (узунлиги мм нинг улушларидан бир неча км гача бўлган) радиотўлқинлар асосида ўрганадиган бўлими. Қуёш радиотўлқинлари тўғрисида фикрлар 19-а. даёқ илгари сурилган ва уларни қайд қилишга уринишлар бўлган. Фақат 1931 й. К. Янский (АҚШ) 14,6 м тўлқин узунлигида *Сомон Йўли* радионурланишини тасодифан қайд қилди ва шу мақсадда параболик антенна ҳамда сезгир приёмникни қўллади. 2-жаҳон уруши йилларида радиотўлқинли алоқага эҳтиёж сезилди. 1942 й. Қуёшнинг, 1945 й. Ойнинг тинч ҳолатдаги радионурланиши, 1946 й. эса *Оққуш* юлдузлар туркумида «дискрет» (кичик ўлчамли) радионурланиш манбаи кашф қилинди. Осмон жисмларида рўй бераётган физик ҳодисаларни ўрганишда 20-а. 60-й.ларидан Р.дан кенг фойдаланилмоқда. Кузатилаётган барча радиоастрономик ҳодисалар физикага маълум радионурланиш механизмлари б-н. мас., қаттиқ жисм (сайёралар ва Қуёш системасидаги кичик жисм)лардаги иссиқлик нурланиши; космик плазма (Галактикадаги газ туманликлар, Қуёш ва юлдузлар атмосфераси) ионлари майдонида иссиқлик электронларининг тормозланиш нурланиши ва б. б-н боғлиқ.

Космик радионурланишлар турли хил радиотелескоплар ёрдамида текширилади. Кенг полосали радиометрларга туташ спектрлар, радиоспектрографларда спектрал чизиқлар кузатилади. Махсус радиотелескоплар — радиоспектрометрлар, радиополяриметрлар ёрдамида радионурланишнинг спектрал таркиби, интенсивлиги, қутбланиши ва б. кўрсаткичлари ўрганилади.

Космосдан келаётган жуда кучсиз сигналлар махсус катта антеннали радиотелескоплар б-н кучайтирилади.

Космик фазода тарқалаётган радиотўлқинларни ≈10МГц (λ=30м) дан ≈30 ГГц (λ=1см) частотагача диапазонда қабул қилгичлар ёрдамида қайд қилиш мумкин. Тўлқин узунлиги λ>30м бўлган радиотўлқинлар Ернинг ионосфера қатламидан ютилиши ва сочилиши ҳисобига ўта олмайди.

Бу диапазондаги радионурланишлар, Ер атмосферасидан ташқарига олиб чиқилган (асосан *Ер сунъий йўлдошларига* ўрнатилган) радиотелескоплар ёрдамида қайд этилади, уз. 1 см дан қисқа бўлган радиотўлқинларни эса атмосфера газлари ютади.

Текшириш объектига кўра, Р. фан шартли равишда Қуёш Р.си, сайёра Р.си, Галактика Р.си ва метагалактика (Галактикадан ташқари) Р.сига бўлинади. *Қуёш* Р.си Қуёш атмосфераси (хромосфера, Қуёш тожи, *қуёш шамоли*) ни ўрганиб, унинг фаоллиги табиатини аниқлайди. Қуёшнинг радионурланишлари турли (миллиметрли, сантиметрли, метрли) диапазонларда турлича бўлади.

Сайёра Р.си сайёралар ва улар йўлдошлари сиртларидаги иссиқлик ва электр ҳодисалари, уларнинг атмосфералари, радиация минтақаларини ўрганади. Мас., Венера сиртининг т-раси, атмосфера зичлиги Р. кузатишларида ўлчанган. Сайёраларгача бўлган масофалар, уларнинг сиртлари ва айланиш даврлари радиолокация усули б-н жуда аниқ ўлчанган.

Галактика Р.си Галактикамиз структурасини, унинг ядроси фаоллигини, юлдузлараро газнинг физик ҳолати ва турли радионурланиш манбаларининг табиатини ўрганади. Бундай радионурланиш манбалари ўта янги юлдузларнинг қолдиқлари, ионлашган газ булутлари, шунингдек, *пульсарлар* бўлиши мумкин. Галактик Р. Галактика магнит майдони структурасини ўрганиб, космик нурларнинг келиб чиқиши муаммосини ҳал қилишга ёрдам беради.

Метагалактика Р.си Галактикамиздан ташқаридаги барча объектларни ўрганади. Бу объектларнинг кўпчилиги нормал галактикалар деб аталади ва улар ўз магнит майдонидаги тез электронларнинг ҳаракатидан келиб чиқувчи нисбатан заиф радионурланишлар б-н характерланади. Радиогалактикаларнинг радионурланишлари юз ва минглаб марта кучлироқ бўлади. Бироқ энг қудратли радионурланиш манбалари квазарлар бўлиб, уларнинг радионурланишлари вақт давомида ўзгарувчандир. Галактикамиздан ташқа-рилаги дискрет радионурланиш манбаларидан ташқари метагалактиканинг нурланишлар фони ҳам кузатилади. Бу нурланиш — бевосита кузатилмайдиган алоҳида заиф кўп сонли манбаларнинг нурланишлари ҳамда тараққиётнинг бошланғич даврида метагалактикани тўлдирган ута ич модлага хос нурланишлар йиғиндисидан иборатдир. Бу модлага хос нурланишлар релектив нурланишлар дейилади.

Радиоастрономик марказлар ва расадхоналар қувватли ҳамда йирик радиотелескоплар б-н жиҳозланган. Радиотелескопларнинг асосини махсус конструкцияли антеннадар ёки антенналар комплекси ташкил этади, улар юқори сезгирликдаги қайд қилувчи қурилмалар – радиометрлар б-н жиҳозланган.

РАДИОБИОЛОГИЯ (*радио... ва биология*) — ионловчи нурларнинг тирик организмлар, улар уюшмалари ва умуман биосферага таъсирини ўрганадиган фан, *радиологиянинг* бир бўлими. Р. тиббиёт, қ.х. ва саноатда ядро нурларидан фойдаланиш, тирик организмлар, айниқса, инсонни ионловчи нурлардан муҳофаза қилишнинг назарий асоси. Р. инфрақизил, ёруглик ва ультрабинафша диапазонларда таъсир этадиган электромагнит тўлқинлари ҳамда мм ва см диапозонидаги радиотўлқинлар таъсирини ўрганадиган *фотобиология* б-н бевосита боғлиқ. Р. радиоактив заррачаларни нурланаётган объектларнинг ички қисмига кириб бориб, уларнинг атом ва молекулалардан ташкил топган барча таркибий қисмларига таъсир этиш хусусиятларини ҳамда юқори энергияга эга бўлган квантлар ва заррачалар (*α*-заррача, электронлар, позитронлар, протонлар, нейтронлар ва б.) б-н боғлиқ жараёнларни ўрганади. Ионловчи нурларнинг биологик таъсирини ўрганиш В.К. *Рентген* рентген нурларини (1888), А. *Беккерель* радиоактивликни (1896), П. *Кюри* ва М. Кюри-Склодовская томонидан радий элементининг кашф этилиши б-н деярли бир вақтда бошланган. Лекин Р. мустақил фан сифатида фақат 20-а.нинг 1-ярмида шаклланди. Бу кўп жиҳатдан техника ва ядро физикасининг ривожланиши б-н боғлиқ. 1925 й.да ионловчи нурларнинг мутаген таъсири кашф этилиши радиацион генетиканинг фан сифатида шаклланишига имкон берди. 20-а.нинг 20—30-й.ларида Р. соҳасида қилинган тадқиқотлар таҳлили асосида ҳужайранинг нурланиш дозасидан ҳалок бўлишини тушунтириш учун унда сезгир — нишон — мўлжал мавжудлиги ҳақидаги гипотеза ишлаб чиқилди. Гипотезага кўра, ионлашган заррачаларнинг «нишон»га тегиши радиацион эффектни пайдо қилади. «Нишон» назарияси инглиз олими Д.Ли (1946), рус олими Н.В. Тимофеев — Ресовский ва немис олими К. Циттер (1947) томонидан тулиқ ишлаб чиқилган.

20-а.нинг 40—50-й.ларида *ядро физикаси* ва техниканинг жадал ривожланиши, атом энергияси ва радиоактив изотопларнинг техника, тиббиёт ва и. т. ишларида кенг қўлланилиши ҳамда ядро қуролларининг синовдан ўтказилиши бир қатор янги муаммоларни пайдо қилди. Бу муаммолар кўп ҳужайрали организмлар ёпиқасига нурланганида уларнинг радиацион шикастланганини талқиқ қилиш; организмларнинг нурланишга турли даражада сезгирлиги сабабларини аниқлаш, зарарли мутацияларнинг пайдо бўлишида радиациянинг аҳамиятини аниқлаш, нурланиш таъсири оқибатларини ўрганиш (умрнинг қисқариши, ўсма касалликларининг кўпайиб кетиши, иммунитетнинг пасайиши сабаблари) ва б.дан иборат. Р. нинг актуал амалий вазифаларига организмни нурланишдан ҳимоя қилиш ва шикастланган тўқималарни пострадиацион тиклаш, атроф муҳитда радиация ортиб кетишининг инсониятга таъсирини башорат қилиш, қ. х., озиқ-овқат ва микробиология саноатида ионловчи нурлардан фойдаланишнинг янги истиқболли йўлларини аниқлаш киради.

1950—60 й.ларда Р. соҳасидаги ил.-ларда биофизика ва биокимё методларидан кенг фойдаланила бошланди. Натижада ҳужайра структураларн ва макромолекулалар фақат квантлар ва заррачаларнинг бевосита таъсири остида эмас, балки сув ва бошқа кичик молекулали бирикмалар радикаллари (пероксидлар, гидропероксидлар, хинонлар, семихинонлар) кислород иштирокида ҳам нурланиши маълум бўлди. Ана шу даврда радиациядан ҳимоя қилувчи воситалар (радиопротекторлар), кимёвий моддалар ҳам кашф этилди. Нурланиш касаллигини даволашнинг самарали усуллари ишлаб чиқилди.

Халқ хўжалигининг турли соҳаларида радиоактив моддалардан кенг фойдаланиши, ядро қуролларининг синовдан ўтказилиши, атом электростанцияларининг кўплаб қурилиши туфайли Ер юзининг радиоактив моддалар, биринчи навбатда стронций ва *цезий*нинг узоқ яшайдиган нуклидлари б-н ифлосланиши Р. олдига янги вазифаларни қўйди. Буларга организмга тушган радиоактив моддаларнинг ўзига хос таъсирини ўрганиш, уларнинг тўқималарда тақсимланиши, ҳужайраларнинг сурункали нурланиши, организмдан чиқиб кетиши муддатларини аниқлаш киради. Кичик дозали радиациянинг организмга сурункали таъсир этиш муаммоларини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. 1960—70 й.ларда репарация, яъни қайта тикланиш ҳодисаси, *радиоактивлик* таъсирида зарарланган ДНК молекуласининг фермент-лар ёрдамида қайта тикланиши аниқланди. Бу кашфиёт радиациянинг таъсир механизми ҳақидаги олдинги тушунчаларни қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Нурланган тўқима ва ҳужайралардаги биокимёвий ўзгаришларни ҳамда ҳужайра структуравий элементларининг зарарланишини ўрганиш радиациянинг таъсирини тушунтирувчи янги структуравий — метаболик гипотезани ишлаб чиқишга имкон берди (А. М. Кузин, 1970). Бу гипотезага кўра, радиация таъсирига учраган организмдаги радиацион эффектнинг характери молекулалар ва улардан юқори турувчи структураларда содир бўладиган жараёнларни бошқарувчи системалардаги моддалар алмашинуви б-н боғлиқ. Замонавий Р. кўп қиррали бўлиб, унинг экология, цитология, генетика, биокимё, селекция ва космос б-н боғлиқ бўлган соҳалари айниқса жадал ривожланмоқда.

Р. соҳасидаги тадқиқотлар ионловчи нурлардан амалда фойдаланишни кўрсатиб берди. Ҳоз. нур касалликларини даволашнинг самарали усуллари ишлаб чиқилган. Ионловчи нурлардан қ.х. заркунандаларига қарши кураш, ҳосилдорликни ошириш мақсадида уруғларни экишдан олдин нурлантириш, қ.х. маҳсулотларини сақлаш муддатини узайтириш ва тиббий препаратларни стерилашда кенг фойдаланилмоқда. Ҳоз. барча ривожланган мамлакатларда Р. марказлари мавжуд. Ўзбекистонда бундай марказлар Тошкент, Самарқанд ва б. вилоятларда фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон ФА ядро физикаси ин-ти, биокимё, генетика ва эксперимент биол. ин-тларида Р.га онд тадқиқотлар олиб борилади. Гамма-нурлар ва радиоактив фосфордан фойдаланиб гўзанинг янги навлари яратилган. Радиациянинг тирик ҳужайраларда бораётган физик-кимёвий жараёнларга таъсири ўрганилмоқда. Республикада Р.нинг ривожланиши Ж. Хамидов, Н. Назиров, А. Иброхимов, А. Қосимов, А. Мирахмедов, А. Аминов, Л. Муртазаева, П. Холиқов, С. Холиқов ва б.нинг тадқиқотлари б-н боғлиқ.

Ад.: Основы радиационной биологии, М., 1964; Кузин А. М., Каушанский Д. А., Прикладная радиобиология, М., 1981; Ярмоненко С. П., Радиобиология человека и животных, М., 1984.

Абдукарим Закиров.

РАДИОВИДЕНИЕ (*радио...* ва рус. видение — кўриш) — радиотўлқинлар ёрдамида объектларнинг тасвирини ҳосил қилиш (қ. *Интроскопия*).

РАДИОГАЛАКТИКА (*радио...* ва *Галактика*) — ўзидан электромагнит нурланиш спектрининг радио тўлқинлар соҳасида нисбатан кўп энергия тарқатувчи галактикалар. Аслида барча газ-тикалар радио тўлқинлар соҳасида нурланишга эга, лекин бунда Р.нинг нурланиши 10^{42} эрг/сек дан кам эмас. Энг кучли радионурланишга эга бўлган Р. синфини D — галактикалар ташкил этиб, улар фазовий кенг ва оптик нурларда кўринувчи тожи бўлган эллиптик галактикалар ҳисобланади. Галактика тўдаларида эса энг кучли Р. уларнинг айнан марказида кузатилиб, жуда массив бўлган cD — галактикалар б-н устма-уст тушади. Р. нинг радионурланиши синхротрон механизм орқали тушунтирилади ва улардаги релятивистик зарралар булутининг магнит майдонда ҳаракати туфайли содир бўлади.

РАДИОГЕОЛОГИЯ, ядровий геология — геологиянинг Ер моддасида табиий ядровий ўзгариш қонуниятларини ва уларнинг геологик жараёнларда намоён бўлишини ўрганувчи соҳаси. «Р» терминини фанга 1937 й. В. И. Вернадский киритган. Р. *ядро физикаси, геокимё, радиокимё* ва *космокимё, геофизика* б-н узвий боғланган. Бу соҳа асл Р., изотоп геология ва мутлақ геохронология (геохронометрия) га бўлинади. Асл. Р.га радиоактив емирилиш жараёнлари муҳим бўлган барча геологик жараён ва ҳодисалар киради. Р. табиий элементлар изотоп таркибининг эволюциясини ўрганади. Радиоактив парчаланиш тезлигига қараб минераллар ва тог жинсларининг мутлақ ёши аниқланади (яна қ. *Масс-спектроскопия*); шунга асосланиб Ерда узинг геологик тарихи давомида содир бўлган геологик жараёнларнинг кетма-кетлиги тикланади. Шунингдек, Р. вазифасига Ер пўстида аксарият Ер *геосферасини* белгиловчи радиоактив парчаланиш жараёнининг энергетика балансини ўрганиш; фойдали қазилма конларини излаш ва разведка қилишнинг радиометрик методлари асосларини яратиш; Ер пўсти ва атмосферада космик нурланиш таъсирида бўладиган ядро реакциясини ўрганиш киради. Р.нинг бу сўнгги йўналиши *космогония* — Коинот ривожланиши жараёнида атом ядроси эволюциясини аниқлаш б-н умумий вазифани ҳал этади.

РАДИОГРАММА (*радио* ва *...грамма*) — 1) *радио* орқали узатилган хабар; 2) радиоавтограф. *радиография* йўли б-н олинган сурат. Физика, ядро техникаси ва б.да ионловчи нурларни қайд қилишда ишлатилади.

РАДИОГРАФИЯ (*радио...* ва *...графия*) — *ионловчи нурланиш*ни фотографик усулида ҳисобга олиб объектларни текшириш усули; ионловчи нурланишнинг фотоқатламга таъсир қилиши натижасида ҳосил бўзган тасвир. Нурланиш турига қараб, α,- β-, ν- Р.га бўлинади. Зарядланган зарра фотоқатламга тушиб, фотоэмульсия таркибига кирувчи кумуш бромидни ионлайди ва унинг доначаларида яширин тасвир марказлари ҳосил бўлади. Фотоплёнка очилтирилганда унинг таъсир қилган жойида эмульсиянинг қорайганлиги («треклар» ҳосил бўлиши) кўринади.

Р. усулида бир қанча радиокимёвий масалалар: радиоактив изотопларни идентификациялаш (таққослаш), уларнинг концентрациясини аниқлаш, ярим емирилиш даврини ва препаратнинг радиокимёвий частоталарини белгилаш, намуна сиртида радиоактив изотопларнинг тақсимланиш тасвирини ҳосил қилиш (*авторадиография*) каби масалаларни ҳал этиш мумкин. Шу б-н бирга, бунда радиофизикада қўлланиладиган қалин қатламли пластинкалар ва махсус эмульсияларни ишлатиш мумкин.

Нурланиш интенсивлигини аниқлашнинг яна бир усулида текширилаёт-ган намуна нурланиши таъсирида эмульсиянинг қорайиш даражаси маълум фаолликдаги препарат (эталон)га таққосланади. Бунда айрим треклларга эътибор берилмайди. Бу усулнинг бири контраст Р. дейилади (бунда тасвир айрим участкаларнинг қорайиши таққосланади) ва у намунада, гамма-дефектоскопия ва б.да фаолликнинг тақсимланиш манзараларини ҳосил қилиш учун қўлланилади.

Р. геологияда минералларнинг радиоактивлигини текширишда, биологияда объектлардаги радиоактив моддаларнинг тарқалишини ўрганишда, техникада гамма-дефектоскопия ва б.да қўлланилади.

РАДИОЗОНД (*радио...* ва *зонд*) — эркин атмосферада метеорологик элементлар (босим, т-ра, намлик)ни ўлчайдиган ва шу онлаёқ ўлчаш натижаларини радиосигналлар орқали Ерга узатадиган аэрологик асбоб. Ердаги қабул қилувчи радиоприёмник орқали олинган сигналларга ишлов берилиб, атмосферанинг турли баландликларидаги (30—

минг км наридаги объектларни кузатиш учун қисқа тўлқинда ишлайдиган Р.лар, мас., *баллистик ракета* учирилган заҳоти унинг координаталарини тахм. аниқлаш, ядро портлатишларини сезиш ва б. мақсадларда қўлланилади.

РАДИОЛОКАЦИЯ (*радио* ва лот. locatio — жойлашиш) — фан ва техниканинг қуруқлик, сув ёки фазодаги объектларни радиотехника усули б-н топиш ва турган жойини (вазиятини) ва б. параметрларини аниқлаш б-н шуғулланадиган соҳаси. Иши радиотўлқинлар, аксадо, сигналлар ва б.нинг тўсиқ (объектлардан қайтишига асосланган Р.да ўта юксак частотали радиосигналлардан фойдаланилади (қ. *Ультрақисқа тўлқинлар*).

Тўлқинлар махсус антенналар б-н объект томонга тарқатилади ва қабул қилинади. Р. узаткичи тўлқинларни қисқа-қисқа поршиялар тарзида тарқатади. Р. қабул қилгичи (приёмниги) объектдан қайтган тўлқинларни қабул қилади. Қайтган тўлқинлар асосида оператор объект ўрнини аниқлайди. Р. ст-ясидан объектгача бўлган масофа $D=0{,}5\ ct$ (c=300000 км/см — радиотўлқин тезлиги, t — тўлқинининг объектга бориб қайтиш вақти). Р.дан ҳар қандай об-ҳаво шароитида фойдаланиш мумкин. Радиотўлқинларнинг бирор объектдан қайтиш ҳодисасини биринчи марта Г. *Герц* кузатган (1886—89). 1897 й. А. С. *Попов* радиотўлқинлар йўлини кесиб ўтувчи кеманинг сигнал кучига таъсир этишини сезган. Немис муҳандиси К. Хюльмайер, америкалик муҳандислар А. Тейлор ва Л. Юнг, англиялик Г. Брейт ва М. Тьюв, совет олимлари М. М. Лобанов, Ю. К. Коровин ва б. фанни ривожлантирган.

Қайтган сигналлар бўйича объектнинг узоқлиги икки усул б-н ўлчанади. Биринчи (импульсли) усули импульсни нурлатиш ва объект қайтарган импульснинг кечикиш вақтини нурлатилган импульсга нисбатан ўлчашга асосланган. Иккинчи усули зондлаш нурлатиши ва объектдан қайтиши б-н боғлиқ бўлган иккита узлуксиз тўлқинлар интерференциясини кузатишга асосланган.

Объектларни пеленглаш уларни бир пунктдан кузатиб ва тўлқинларни маълум масофага сурилган антеннада қабул қилиб амалга оширилади. Бир пунктдан кузатиладиган Р. қурилмаларида сигналлар амплитудасини таққослаш йўли б-н пеленглаш усули кенг қўлланилади. Оддий ҳолда антеннанинг икки вазиятдаги йўналтирилган диаграммасида объектдан қайтган сигналлар амплитудаларини таққослаш етарли; бунда сигналларнинг ишораси ва қиймати бўйича фар-ки объектга йўналтирилган сигналнинг тўғри юбориладиган (ҳатолик нолга тенг бўлганлари) сигналга нисбатан оғиш қиймати ва ишораси ҳақидаги хулоса чиқаришга имкон беради (қ. *Радиопеленгатор, Радиопеленгатор*).

РАДИОЛЮМИНЕСЕНЦИЯ — ядро нурланишлар (α-зарралар, электронлар, протонлар, нейтронлар, γ-нурлар ва б.) ёки рентген нурлар уйғотган *люминесценция*.

РАДИОЛЯРИТ — бир ҳужайрали планктонлар (radiolariaнинг номи б-н аталган кремний таркибли органоген чўкинди тог жинси. Таркибининг 50% дан зиёди радиолярий скелетларидан иборат. Радиолярий чиғаноқлари, асосан, кремнийдан ташкил топган. Р. таркибида фосфат, гил, алевролит материаллари ҳамда диатомей, спикул, кремнийли губка қолдиқлари учрайди. Ранги кулранг, сарғиш, қизғиш бўлиб, бўш ёки зич цементлашган. Р., асосан, геосинклиналь, баъзан платформаларда диатомит, трепел ва яшмалар б-н биргаликда учрайди.

РАДИОЛЯРИЯЛАР, нурлилар (Raliolaria) — сохта оёқли бир ҳужайрали ҳайвонлар кенжа синфи. Ўлчами 40 мкм дан 1 мм гача. Денгиз планктони. Р. эндоплазмаси ички капсула ва минерал скелет б-н чегараланган. Танасидаги тешикчаларидан ташқарига ипсимон сохта оёқлари (псевдоподийлар) чиқиб туради. Ядроси битта, кўп

Радиолярия — талассиколла нуклеатининг умумий кўриниши.

марта бўлиниб, 2 хивчинли эркин сузиб юрадиган зооспоралар, улардан Р. ҳосил бўлади. Жинссиз кўпаяди. Асосан, суви илиқ денгизларда тарқалган. Р. скелети сув тубига чўкиб, чўкма жинслар таркибига киради ва Р. лойини ҳосил қилади. Металларга ишлов бериш ва жилвир қоғозлар тайёрлашда фойдаланиладиган трепел Р. скелетидан иборат.

РАДИОМАРКАЗ —радиоалоқа ва радиоэшиттиришни амалга ошириш учун мўлжалланган иншоотлар ва техник воситалар (антенналар, узатувчи ва қабул қилувчи аппаратлар, товуш ёзиш аппаратлари, кучайтиргичлар ва б.) мажмуи. Вазифасига кўра, қабул қилувчи, узатувчи ва қабул қилувчи-узатувчи турларга ажратилади. Узатиш ва қабул қилишдаги халақитларни камайтириш учун узатувчи ва қабул қилувчи Р.лар бир-биридан ва саноат корхоналаридан узоқроққа жойлаштирилади. Қабул қилувчи-узатувчи Р.лардан ҳарбий ишда, жезделинияларда фойдаланилади. Уларни, мас., кемаларга жойлаштириш мумкин (яна қ. *Радиостанция*).

РАДИОМЕТЕОРОЛОГИЯ (*радио...* ва *метеорология*) — *тропосфера* ва *стратосфера*даги метеорологик параметрларни радиотўлқин (асосан, ультрақисқа тўлқинлар тарқалишига таъсирини, шунингдек, радиосигналлар ёрдамида тропосфера ва стратосфералари метеорологик ҳодисаларни ўрганувчи фан соҳаси. Радиометеорологик тадқиқотларга биринчи марта А. С. *Попов* ўзининг яшин қайтаргич асбобини яратиш б-н асос солди (1895). 20-а. 20-йилларида ультрақисқа радиотўлқинларнинг тарқалиши, асосан, тропосферадаги метеорологик жараёнларга боғлиқлиги, шунингдек, радиотўлқинларнинг тропосферада тарқалишидан унга содир бўлаётган жараёнларни ўрганиш мумкинлиги аниқланди.

Радиотўлқинларнинг атмосферада тарқалиш назарияси 20-а. 50-йилларида рус олими В. А. Фок томонидан яратилди. Атмосферанинг Ер сатҳидан 5 км баландлигидаги қисми радиотўлқинларнинг тарқалишида асосий ҳисобланади, чунки шу қисмда атмосферадаги босим, т-ра ва намлик ҳамда гид-



Радиометеорология. Кислород (пунктир) ва сув бутида (туташ чизиқ) радиотўлқинларнинг ютилиши.

рометеорологик ҳоссалар (атмосферадаги намлик конденсацияси — ёмғир томчиси, туман, булутлар) ва ҳар хил аралашмалар каби ўзгарувчи омиллар ҳавонинг синдириш кўрсаткичи n га таъсир қилади. Радиотўлқинларнинг тропосфера ва стратосферада тарқалишида улар синади, ютилади, қайтади ва сочилади. Бунда ҳар бир ҳодисанинг интенсивлиги стратосфера ва тропосферанинг кузатилаётган вақтдаги ҳолатига боғлиқ. Бундай муҳитда тарқалаётган радиотўлқинларни ўрганиш йўли б-н муҳитнинг метеорологик ҳолатини аниқлаш мумкин, мас., атмосфера диэлектрик сингдирувчанлиги ε нинг

вертикал ва горизонтал тақсимоти радиотўлқинлар ё-н аниқланиб, ҳаво намлиги, т-раси, ёғинлар интенсивлиги, булутлардаги сув заррлари концентрацияси ва ё. метеорологик элементлар аниқланади.

Р.нинг иқлими турлича ҳудудларда n нинг мавсумий ўзгаришини, атмосфера газларида ютилиши (расмга қ.) ҳамда булутлар ва ёғинларда кучсизланишини ўрганувчи соҳаси радиоиқлимшунослик деилади. Р.да *радиолокация* усуллари кенг қўлланилади.

РАДИОМЕТР (*радио...* ва *... метр*) — 1) электромагнит нурланиш энергиясини ўлчаш учун мўлжалланган асбоб. Иши нурланишнинг иссиқлик таъсирига асосланади. Қуёш радиацияси, инфрақизил нурланиш ва б. нурланишларни талқин қилишда қўлланилади (яна қ. *Актинометр, Пиреолиометр*); 2) радиоастрономияда — радиотўлқинлар диапазонида (тўлқин узунлиги 0,1 мм дан 1000 м гача) астрономик объектларнинг нурланишини талқин қилиш учун мўлжалланган радиотехник қурилма. Радиотелескопларнинг қабул қилувчи қурилмаси сифатида, шунингдек, Ер сиртининг иссиқлик хариталарини тузишда қўлланилади; 3) радиоактив манбаларнинг фаоллиги (вақт бирлиги мобайнида радиоактив емирилиш актлари сони) ни ўлчаш учун мўлжалланган асбоб; 4) акустикада — товуш нурланишлари босими (товушнинг радиацион босими) ни, кенгроқ маънода — товуш майдонининг баъзи муҳим кўрсаткичлари (товуш энергияси зичлиги, товуш интенсивлиги ва б.)ни ўлчаш учун мўлжалланган асбоб.

РАДИОНАВИГАЦИЯ (*радио...* ва *навигация*) — ҳаракатланадиган объектлар (кема ва самолётлар) ни бошқариш ва бошқариладиган объектларни тўғрилашга доир амаллар мажмуи; шундай масалалар б-н шуғулланадиган илмий-техника фани. Р. амаллари радиотехника воситалари ва усулари ёрдамида бажарилади. Асосий вазифаси — самолёт ёки кеманинг тутган жойини аниқлаш. Бунинг учун объект йўналиши ва масофасини аниқлашга тўғри келади. Р.да радиопеленгатор, радиомаёқ ёки радиолокация ст-яси ва б. ёрдамида йўналишни, масофани ўлчаш, панорам радиолокатор экранига ер сиртининг визуал тасвирини тушириш усулларидан фойдаланилади.

Р. воситаларининг иши радиотўлқинларнинг тарқалиши хусусиятидан фойдаланишга асосланган. Р. воситалари ҳал қиладиган масалаларига қараб, хусусий навигация масалаларини ечишни таъминлайдиган Р. қурилмалари (*радиопеленгаторлар, радиокомпаслар*, радиомаяк ва б.)га ва мураккаб комплекс навигация масалаларини ечадиган Р. тизимларига бўлинади. Фойдаланиладиган радиотўлқин диапазони бўйича *радиолюқа* регламентига мувофиқ бўлган; навигация элементларини ўлчашда фойдаланиладиган радиосигналлар параметрлари бўйича — амплитудали, фазали, частотали, вақтли ва комбинацияланган; навигация элементларини аниқлаш усули бўйича — бурчак ўлчагичли (дальномерли), узоқлик ўлчагич (дальномерли) ва комбинацияланган; навигация ахборотларини таъминловчи ҳаракатдаги объектлар сони бўйича — ўтказиш хусусияти четараланган ва четараланмаган объектларни аниқлайдиган милларга ажратилади.

Р. самолёт ва кемаларни бошқаришда, қутқарув ишларида ва халқ хўжалигида қўлланади.

РАДИОПЕЛЕНГАТОР (*радио...* ва голландча peling — йўналиш) — узатувчи радиостанция йўналишини аниқлашга (пеленглашга) имкон берадиган радиоқабул қурилмаси. Р. пеленгланаётган объектдан тарқалаётган радиотўлқинларни қабул қилувчи антенна — фидерли тизим (АФС) ва қабул қилувчи индикатордан иборат. Индикаторда қабул қилинаётган радиотўлқинлар АФС да ҳосил қилаётган ўзгарувчан электр юритувчи кучларининг амплитудаларини таққослаш (амплитуда усули б-н радиопеленглашда) ёки фазалар фарқини ўлчаш (фазавий усул б-н радиопеленглашда) натижасида пеленгланаётган объект йўналиши б-н ҳисобланаётган радиотўлқинлар қабул қилинаётган асосий тебраниш деб қабул қилинган асосий текисликлар орасидаги бурчаклар ҳақида маълумот олинади. Универсал (икки координатали) Р.да бу йўналишни аниқловчи иккала бурчак, азимутал Р.да улардан биттаси (азимут) ўлчанади. Денгиз навигациясида Р. ёрдамида азимутни ўлчаш радиопеленглаш дейилади.

Ўлчаш ишларининг автоматлашганлик даражасига қараб, Р. ноавтоматик (товушли) — пеленглаш объектининг сигналлари минимал ва максимал эшитилишига қараб индикацияланадиган; яримавтоматик (визуал) — стрелкали индикаторли ёки электрон-нурли индикацияланадиган; автоматик — ўлчанадиган параметрларни рақамли ҳисоблайдиган хилларга бўлинади. Антенна хилларининг ўзига хослиги ва амплитуда усули б-н радиопеленглашга асосланган йўналишли қабул ҳодисасини А. С. *Попов* қайд қилиб ўтган. Р. радиоастрономия, метеорология, денгиз, ҳаво ва космик навигацияда кенг қўлланилади.

РАДИОПРИЁМНИК (*радио...* ва рус. приёмник — қабул қилгич) — *радиоузаткич* ёрдамида фазога тарқатилган радиотўлқинларни қабул қиладиган ва кучайтириб берадиган қурилма. Биринчи бўлиб А. С. *Попов* қабул қилинган сигналларни телеграф лентасига ёзиб олиш учун ўз аппарати схемасига *Морзе аппарати*ни уланган. 1902 й.да Маркони фирмаси (Италия) магнитли *детектор* ишлаб чиқарди. 1905 й.да Р. Феосенден (АҚШ) электролитли детектор яратди, 1906—08 й.ларда кристалли детектор кенг тарқалди, натижада детекторли приёмниклар ясалди. Рус радиоҳаваскори О. В. Лосев 1922 й.да Р. нинг янги типи — кристалинни яратди. Катодли лампалар ишлаб чиқарилгандан сўнг электрон лампали Р. яратилди. Детекторли лампали Р. Англия ва Францияда 1915 й.да пайдо бўлди. Кейинчалик регенератив Р., супергетеродин Р., рефлекс Р. яратилди. 20-а. 50-й.ларида тебранишларни генерациялаш ва кучайтириш учун яримўтказгич асбоб (*транзистор*) лардан кенг фойдаланила бошланди. Кейинчалик боема схемали Р.лар расм бўлди.

А. С. Попов радиоприёмниги.

Р. антеннасида турли радиотўлқинлардан ҳосил бўлган э.ю.к. ичидан радиостанция керакли сигналларини ажратади, кучайтиради ва товуш эшиттириш аппарати (радионақарнай, телефон, телеграф аппарати ва б.)га таъсир қилувчи анча паст частотали э.ю.к.га айлантиради (детекторлайди). Бу функцияларни Р. таркибига кирувчи, керакли частотага созловчи частотали селектив резонанс занжирлари (тебраниш контурли электр фильтрлар, ҳажмий резонаторлар), электр тебранишларини кучайтиргичлар ва детекторлар бажаради. Булардан ташқари, Р.да автоматик ростлаш занжири, қабул қилинган ахборотларни эшиттириш (карнай, кинескоп) ва Р. ишини текшириш (ўлчаш асбоблари, индикаторлар) жиҳозлари бўлади.



Транзисторли радиоприёмник схемаси: *1* — FM антенна; *2* — галтак созлагичи; *3* — АМ антенна; *4* — галтак созлагичлар; *5* — спикер; *6* — трансформатор; *7* — конвертер; *8* — узгич (выключателдан); *9* — релели узгич ва ҳажм назорати; *10* — тунер.

Қабул қилинадиган сигналларни модуляциялаш (ўзгартириш) турига қараб, Р. детекторли, амплитудали, частотали, фазали ёки бошқа типда бўлиши мумкин. Р. ишининг асосий кўрсаткичлари: сезгирлиги — кучсиз радиосигналларни қабул қилиш хусусияти; селективлиги — фойдали сигналларни бегона радиочастотали тебранишлар (радиохалақитлар)ни бир неча мартагача пасайтириб, улардан ажратиб олиш хусусияти; барқарорлиги — қўшимча операцияларни, мас., созлаш, қайта улаш ва б.ни бажармай узлуксиз қабул қилишни таъминлаш хусусияти.

Р. вазифасига (радиоэшиттириш, телевидение, алоқа, радиолокацион ва б.), радиотўлқинларни қабул қилиш усулига (супергетеродин, регенератив ва б.), иш турига (телеграф, телефон радиоприёмниги ва б.), модуляциялаш усулига (қ. *Модуляция*), қабул қиладиган радиотўлқинлар диапазонига, энергия б-н таъминланиш усулига (ўзгарувчан ток тармоғи, батарея ва б.) қараб хилларга ажралади.

Ҳар қандай Р. қуввати, сезгирлиги, сигналларни танловчанлиги ва б. хусусиятлар б-н ифодаланади.

РАДИОРЕЛЕЛИ АЛОҚА (*радио...* ва *реле*) — қабул қилиш-узатиш радиостанциялари занжиридан иборат автоматик радиоалоқа. Бир пунктдан қабул қилинган сигналлар оралиқ ст-яда кучайтирилиб, иккинчисига узатилади. Ст-ялар бир-биридан 40—60 км масофада қурилади. Р. а.да ультрақисқа тўлқинлардан фойдаланилади. Р.а. линиялари катта сиғимли (магистрал), ўртача сиғимли (зонали), кам каналли (т.й. транспорти, газ қувурлари, нефть қувурлари ва б.да қўлланиладиган) линияларга бўлинади. Ҳар бир линия имкониятини ошириш учун бир неча (6 тагача) юқори частотали тармоқлар қўлланилади. Тармоқлар мустақил ишлайди, лекин ҳаммаси умумий антеннадан фойдаланади. Ҳар қайси тармоқдан бир вақтда 600—1000 телефонда гаплашиш ёки 1 та сифатли теледастур узатиш мумкин. Р.ада йўналтирилган кучли антенналардан фойдаланилади. Биринчи 5 та телефон каналига мўлжалланган Р.а. линияси 1935 й. АҚШ да Нью-Йорк б-н Филадельфия орасида қурилган. Р.а. шаҳарлараро телефон ва телеграф алоқаси ўрнатиш, радио ва телевидение дастурларини узоқ масофаларга узатиш, телебошқарини ҳамда телеўлчаш сигналларини узатиш мақсадларида, ҳарбий ишда қўлланилади.

РАДИОСПЕКТРОМЕТР (*радио...*, *спектр* ва *метр*) — $5 \cdot 10^{-3}$ м дан ортиқ (тебраниш частотаси $3 \cdot 10^{12}$ Гц дан кичик) бўлган тўлқинлар узунлигидаги радиодиапазонда модлаларининг ютиш ва нурланиш спектрларини тадқиқ қилиш учун мўлжалланган асбоб. Асосий қисмлари: сезгир *радиоприёмник*, зарур тўлқинларга созланадиган *генератор*, спектрларни таҳлил қилувчи анализатор ва қайд қилиш қурилмаси. Р.нинг асосий кўрсаткичлари: частота бўйича ажрата олиш (фарқлаш) хусусияти ва сезгирлиги (яъни маълум бир кузатиш вақтидагина намоён бўлувчи, модданинг минимал ютувчи зарралари сони б-н белгиланувчи кўрсаткич). Р. *радиоспектроскопия* (лаб. тажрибаларида электрон парамагнит *резонанс* ёки ядровий магнит резонансни тадқиқ қилиш)да ва радиоастрономия (мас., космик радионурланишлар спектрини таҳлил қилиш) да қўлланади.

РАДИОСПЕКТРОСКОПИЯ (*радио...* ва *спектроскопия*) — қаттиқ, суюқ ва газ ҳолатдаги моддаларни тадқиқ қилиш усуллари мажмуи. Радиотўлқинларнинг нурланиши ва резонанс ютилиш спектрларини ўрганишга асосланади. Дастлаб (1933) аммиакнинг инверсион (қ. *Инверсия*) спектрини тадқиқ қилишда қўлланилган.

Оптик спектроскопия, инфрақизил спектроскопия ва мёссбауэр γ-спектроскопиядан фарқли равишда, Р. энергиянинг ички квантлари спектроскопияси ҳисобланади, шунинг учун унда энергиянинг бир-бирига яқин турган сатҳлари орасидаги энергия ўтишлари тадқиқ қилинади. Р. усуллари тадқиқотларда фойдаланиладиган физик эффектларга боғлиқ бўлади. Энг кенг тарқалган усуллар: антиферромагнит резонанс, электрон парамагнит резонанс, ферромагнит резонанс, циклотрон резонанс, ядровий магнит резонанс, микротўлқинлар Р.си, Р. квант генераторлар ва кучайтиргичлар, лазерлар, молекулар генераторлар, аниқ вақт ва частота стандартлари ва б.нинг яратилишига асос бўлди.

РАДИОСПОРТ — спортнинг техник тури, қисқа ва ультрақисқа тўлқинларда ҳаваскорлик радиоалоқаларини ўрнатиш, радиограммаларни тез қабул қилиб олиш ва узатиш, «тулки ови» (пеленгатор-приёмниклар ёрдамида махфий узатгич — «тулки»ни излаш) ва б. бўйича турли комплекс мусобақаларни ўз ичига олади. Халқаро радиоҳаваскорлик иттифоқи (1925 й. ташкил этилган)га 128 мамлакат аъзо (1987). Жаҳон чемпионатлари 1925 йдан буён ўтказилади.

Ўзбекистонда Р. 1954 йдан пайдо бўлган. Республика Р.чилари собиқ иттифоқ ва жаҳон мусобақаларида мунтазам қатнашиб мукофотли ўринларни эгалладилар. Ю. П. Кормаев, С. М. Кирвицкий, Г. Г. Турсунов, С. Д. Журавлев, С. Красиков, М. В. Рибалов, Й. Раҳимов Р.нинг ривожланишига катта ҳисса қўшдилар. Ҳоз. вақтда Тошкент ш., Тошкент, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Хоразм вилоятларида радиотехника мактаблари, шунингдек, спорт-техника клубларида Р. бўйича 200 га яқин секциялар ишлаб турибди.

РАДИОСТАНЦИЯ (*радио...* ва *станция*) — ахборотларни *радиотўлқинлар* ёрдамида узатиш ёки қабул қилиш учун мўлжалланган техник қурилмалар ва аппаратлар мажмуи. Р.да *радиоузаткич*, *радиоприёмник*, *антенна*лар, ток манбаи ва совитиш қурилмалари, кабель ёки ҳаво линиялари, бошқариш пунктлари ва б. бўлади. Узатувчи, қабул қилувчи ва қабул қилувчи-узатувчи Р.лар бор. Узатувчи Р. радиоэшиттириш (концертлар, спектакллар ва б.ни бир томонлама узатиш учун), телевизион (телевидение дастурларини узатиш учун), магистрал *радиоалоқа* (телеграф ва телефон аппаратлари ёрдамида радиоалоқа ўрнатиш учун) ҳамда махсус (радионавигация, радиоастрономия ва б. учун) хиллари бор. Ультрақисқа, қисқа, ўрта ва узун тўлқинларда ишлайди. Унда фақат радиоузаткич бўлади (радиоприёмник бўлмайди). Узатувчи телевизион Р.да иккита радиоузаткич бор: бири тасвирни, иккинчиси товушни узатади. Қабул қилувчи Р. узатувчи Р. сигналларини қабул қилади. Асосий қисмлари: антенна ва радиоприёмник. Муқим (стационар) ва кўчма хиллари бор. Одатда, кўчма Р. радиоузаткич б-н бирга ишлатилади. Қабул қилувчи-узатувчи Р. икки томонлама алоқа қилишга имкон беради. Асосий қисмлари: антенна, радиоузаткич, радиоприёмник, ток манбаи ва қўшимча қурилмалар. Сигналларни галма-гал узатадиган ва қабул қиладиган (симплекс) ҳамда бир вақтда узатиб-қабул қиладиган (дуплекс) муқим ва кўчма хиллари бор. Кўчма Р. автомобиль, самолёт, кема ва б.да ўрнатилади. Муқим Р. махсус бинога жойлаштирилади.

РАДИОТЕЛЕГРАФ АЛОҚА — телеграф алоқанинг хабарлар (телеграммалар) радиотўлқинлар ёрдамида узатиладиган тури. Дастлаб (20-а.нинг 1-чораги) хабарлар телеграф кодидан фойдаланиб узатилган. Р.да қўлланилган аппаратлар кам қувватли узаткичлар ва қабул қилгичлардан иборат бўлган. Кейинчалик тезкор автоматик узаткич — трансмиттерлар ва электромеханик қайд қилиш қурилмалари — ондуляторлардан фойдаланилган. Ҳарф терувчи телеграф аппаратлари яратилганидан, радиоалоқа ва телеграф алоқа такомиллашганидан, Ер сунъий йўлдошларидан фойдалана бошланганидан сўнг Р.а. ҳам анча такомиллашди. Симли телеграф алоқадан фарқли равишда Р.а. қўшимча оралиқ аппаратлардан фойдаланмаган ҳолда хабарларни узоқ масофаларга узатишга имкон беради. Унинг ёрдамида ҳаракатланиб турган объектлар (самолётлар, космик кемалар ва б.) б-н алоқа ўрнатиш мумкин.

РАДИОТЕЛЕМЕХАНИКА — бошқариш командалари ва назорат (сигнал бериш ва ўлчаш) ахборотларини узатиш учун радиоалоқа каналларидан (кўпроқ сантиметрли, дециметрли тўлқин диапазонида) фойдаланиладиган телемеханика соҳаси. Қўлланиладиган радиотехник ва электрон қурилмалар комплекси Р. тизимига бирлаштирилади. Радиотелемеханик тизимлар турли команда информацияларини узатиладиган радиобошқариш, назорат информацияларини узатиладиган радиотелеўлчаш ва комплекс тизимларга бўлинади.

Радиобошқариш тизимларида оператор (диспетчер)дан объектга команда узатилганда бошқариш пультида оператор терган команда коди кетма-кет электр импульсларига, сўнгра фазали, амплитудали ёки частотали модуляция методи б-н радиосигналларга айланади.

Радиотелеўлчаш ёки радиотелеметрия тизимларида ўлчаш ўзгартиргичи (датчик) қабул қилиш органи бўлиб хизмат қилади, унинг чиқиш қисмида ўлчаналиган катталикка мос кучланиш ҳосил бўлади. Бу кучланиш частота, амплитуда, фаза ёки импульс бўйича модуляцияланиб, аввал ёрдамчи сигналга, сўнгра иккинчи модулятор-юқори частотали радиосигналга айлантирилади. Кўпгина умумлаштирилган объектларни ўз ичига олувчи комплекс тизимларда каналларни адрес (код) бўйича тақсимлашдан фойдаланилади.

Бошқариш турига қараб, Р. очиқ ва ёпиқ тизими бўлиши мумкин. Очиқ Р.да оператор қатнашади. Мас., Ер сунъий йўлдошлари асбобларини назорат қилишда оператор белгиланган вақтда узаткични улайди ва сунъий йўлдошдаги Р. тизимини ишга тушириш учун команда сигналларини юборади. Сунъий йўлдошдан келган сигналларга қараб, бортдаги аппаратларнинг иши назорат қилинади. Ёпиқ Р. тизимида оператор қатнашмайди, унинг вазифасини автоматик электрон ҳисоблаш қурилмаси бажаради. Р. косбошқариш қурилмаси бажаради. Р. космик кемалар, самолётлар, реактив снарядлар, ракеталар, сайёраларо ст-ялар, кемалар ва б.ни бошқариш, кўзғалмас ва ҳаракатдаги объектларда ўрнатилган турли жараёнларни бир маромга солиб туриш, ўлчаш натижаларини зарур жойга узатиш учун қўлланилади.

РАДИОТЕЛЕСКОП (*радио...* ва *телескоп*) — Осмон (Куёш системаси, Галактика ва Метагалактикалари) жисмларининг хусусий радионурланишларини қабул қиладиган ва бу манбаларнинг хоссаларини ўрганадиган асбоблар. Р. антенна ва қабул қилувчи қурилма-радиометрдан тузилган. Радиоастрономияда фойдаланиладиган тўлқин узунликлари диапазони жуда кенг (0,1 мм дан 1000 м гача) бўлгани туфайли Р. антенналарининг тузилиши ҳам турли-туман бўлади. Антенналар осмон-нинг кузатиладиган соҳасини-га йўналтирилиши учун азимут бўйлаб бориладиган (тўла бурилувчи антенналар), қисман бориладиган ёки кўзгалмас (жуда катта) қилиб ўрнатилиши мумкин. Қисқа тўлқинли нурланишларда параболик кўзгу антенналар ёки уларнинг бир нечтасидан иборат тизимлар (панжаралар) дан фойдаланилади. Приёмникда кучайтирилган ва детектирланган электр тебранишлар махсус асбоблар (милливольтметр, осциллограф) б-н қайд қилиб борилади. Бунда асбоб кўрсатиши Ерга тушаётган космик радионурланишнинг қийматини ўлчашга имкон беради.

РАДИОТЕЛЕФОН — абонентлар (сўзлашувчилар)ни кабелсиз радио орқали улайдиган телефон. Бир неча тури бор: 1) Шахсий Р. — узатиш узоқлиги 150—200 м гача («ўйинчоқ») ва 2 — 10 км гача («ҳоки — токи») бўлган оддий кўчма узатувчи-қабул қилувчи қурилма ва 40—50 км оралиқда Р. алоқа ўрнатиладиган анча кучли (автомобилга ўрнатиладиган ва муқим Р.; 2) «симсиз» Р. — асосий телефон аппарати радиоканал б-н боғланган телефон аппарат; бунда абонент асосий телефон аппаратидан бир неча юз метр масофала бўлиши мумкин; 3) «радиоузайтиргичлар» — бири абонентда, иккинчиси автоматик телефон ст-яда бўлган 2 та қабул қилувчи-узатувчи қурилмадан иборат; бунда алоқа қилиш учун абонентга маълум радиочастота ажратилади ёки абонент шахсий телефон аппаратининг қабул қилувчи-узатувчи ускунаси б-н уланган бўлади; 4) уяли телефон тармоқлари; бунда абонент узатувчи-қабул қилувчи жамоа тармоғи қамраб олган барча ҳудуд бўйича алоқа қила олади.

РАДИОТЕЛЕЎЛЧАШ, радиотелеметрия — турли физик, техник ва б. катталикларни узоқдан туриб ўлчаш. Ўлчанадиган катталик электр сигналларга айлантирилиб, назорат пунктига радио орқали узатилади. Р. тизимида ўлчанадиган катталик *датчик* ёрдамида *радиоузаткич*нинг юқори частотали тебранишларини модуляцияловчи (қ. *Модуляция*) электр сигналларига айланади. Бир вақтда бир нечта катталикларни ўлчаш учун кўп каналли *радиоалоқа*дан фойдаланилади. Қабул қилиш ст-ясида сигналлар фотоплёнка, магнит лента ва б.га ёзиб олиниши мумкин (қ. *Радиотелемеханика*).

Радиотелескоп. «Ратан — 600». Ставрополь ўлкасидаги станцияга қурилган.

РАДИОТЕХНИКА (*радио... ва техника*) — 1) электромагнит тебранишлар ва радиодиапазондаги (3—3·10[12] Гц) тўлқинлар, уларни генерациялаш, кучайтириш, нурлатиш, қабул қилиш ҳамда тўлқинлардан фойдаланиш ҳақидаги фан; 2) техниканинг ахборотларни узатишда — *радиоалоқа*, радиоэшиттириш, *телевидение*, *радиолокация* ва радионавигацияда; машина, механизм ҳамда технологик жараёнларни бошқариш ва назорат қилишда радиодиапазондаги тўлқинлар б-н электромагнит тебранишларни қўллайдиган тармоғи. У *радиофизика*, *электротехника*, диэлектриклар физикаси, яримўтказгичлар физикаси, электроакустика, антенна техникаси, *электроника* ва б.нинг ютуқларига асосланади. Р. тарихи М. *Фарадей*, *Ж. Максвелл*нинг ишларидан бошланган. Радиодиапазондаги электромагнит тўлқинларни биринчи марта Г. *Герц* ҳосил қилган ва ўрганган (1886—89). Герц тажрибасида резонанс ҳодисаси катта роль ўйнаган. Э. Бранли (Франция) металл кукунига электр тебранишлари таъсир қилганда уларнинг қаршилиги камайиши ҳодисасини аниқлади (1890). О. Лодж (Буюк Британия) бу ҳолисадан электромагнит тўлқинларни аниқлашда фойдаланди (1894).

А. С. *Попов* электромагнит тўлқинлар ёрдамида симсиз алоқа ўрнатишга ҳаракат қилди ва сигналларни қайд қилиш аппаратини ясади. У 1895 й. 7 майда дунёда биринчи радиоприёмнигини яратди.

Дастлаб, узатувчи ва қабул қилувчи радиостанциялар қисқа тўлқинда — тез сўнувчи радиотўлқинларда ишлаган. Узун тўлқинларга ўтиш ва узаткичлар қувватини, антенна ўлчамларини ошириш, детекторнинг қўлланилиши б-н радиоалоқа узоқлиги секин-аста оширилган. Немис физиги К. Ф. Браун томонидан берк контурнинг, М. Вин (Германия) томонидан махсус разряд ҳосил қилгичнинг кашф этилиши, шунингдек радио қурилмаларда юқори частотали ёй генераторлари ва генератор машиналари б-н уйғотиладиган сўнмас тўлқинларнинг қўлланилиши Р.нинг кейинги ривожида катта қадам бўлди. 1925 й. рус ихтирочиси В. П. Вологдининг юқори частотали индуктор машинаси ёрдамида биринчи марта Москва б-н Нью-Йорк орасида радиоалоқа ўрнатилган. Электрон лампаларнинг яратилиши Р.нинг барча соҳаларида катта бурилиш ясади, шу асосда сўнмас тебранишли лампали генератор яратилди. Радиолампаларнинг қўлланилиши радиотўлқинларни бир неча юз м дан бир неча км гача диапазонда самарали генерациялашга имкон берди.

20-а. 20-йллари бошларига келиб радиотелеграф алоқа б-н бирга радиоэшиттириш вужудга келди. Қисқа ва ультрақисқа тўлқин диапазонларида ишлайдиган радиолампалар, схемалар, антенналар яратилди. 20-а. ўрталарида электрон телевидениенинг яратилиши Р. соҳасида бурилиш ясади.

Радиолокация, радионавигация Р.нинг алоҳида бўлимлари ҳисобланади. Уларнинг усуллари у ёқдаги нарсаларнинг ўрни, тезлиги ва б.ни аниқлашга имкон беради.

Яримўтказгичли диодлар яратилиши транзисторларнинг, электрон-нур асбоблари эса рангли телевидениенинг яратилишига олиб келди. Р. жамият тараққиётининг барча соҳаларига кириб борди. Ер сунъий йўлдошлари, космик аппаратлар б-н радиоалоқа қилишда, инсоннинг космоса учишини таъминлашда, автоматик бошқариш тизимида, халқ хўжалигида (металларни вакуум ва инерт газлар атмосферасида жуда тоза эритиш учун, пўлатдан ясалган деталларни тоблаш учун, тиббиёт ва б.), *радиометеорологияда*, *радиоастрономияда*, *электроакустикада*, *товушни ёзиб олиш* ва б.да Р.нинг аҳамияти катта.

Ўзбекистонда Р.га доир и.т. ишлари, асосан, Тошкент ахборот технологиялари ун-тида олиб борилади. Республикада Р.нинг ривожланиши ва шу соҳа бўйича мутахассислар тайёрлаш акад. Т. Д. *Ражабов*, т.ф.н. О. А. Абдуазизовлар номи б-н боғлиқ.

РАДИОТЕХНИКА ҚЎШИНЛАРИ — ҳаво ҳужумига қарши радиолокацион разведка олиб бориш ва бу ҳақда мамлакатни ҳаво ҳужумидан мудофаа қилиш қўшинлари ва б. қўшин турлари таркибидаги бирлашма ва қисмларни ахборот б-н таъминлаш учун мўлжалланган қўшин тури. Душманни радиотехник разведка қилиш, унинг радиотехник воситаларига халақит бериш ҳамда қурол, жанговар техника ва учувчи аппаратларни бошқариш учун мўлжалланган. Ташкилий жиҳатдан радиотехникавий бўлинма ва қисмлардан иборат. Р.қ. собиқ СССР қуролли кучларида ва баъзи чет эл армияларида 2-жаҳон уруши арафасида пайдо бўлган. Р.қ. турли хил радиолокацион ст-ялардан фойдаланади. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ҳам мавжуд.

РАДИОТЎЛҚИНЛАР — тўлқин уз. 0,1 мкм дан 10 км гача бўлган электромагнит тўлқинлар; бўшлиқда 300000 км/с тезлик б-н тарқалади. Биринчи бўлиб Г. *Герц* 1888 йда тўлқин уз. 10м дан 0,6 м гача бўлган Р.ни, рус олими П. Н. Лебедев 1895 йда тўлқин уз. 6 мм ли электромагнит тўлқинни ҳосил қилган. А. С. *Попов* 1895 йда биринчи марта Р. ёрдамида 250 м масофага ахборот узатишни амалга оширган ва радиотехникага асос солган. Р. ҳосил қилиш ва муҳитда тарқалиш хусусиятига кўра халқаро келишувга мувофиқ Р. 4 дан то 11 тартиб рақамигача белгиланадиган қуйидаги 8 та диапазонга бўлинади:

тартиб рақами	тўлқин частотаси	тўлқин узунлиги	диапазон номи
4	3—30 кГц	100—10 км	мириаметрли тўлқинлар
5	30—300 кГц	10—1 км	километрли тўлқинлар
6	300кГц—3МГц	1 км—100 м	гектометрли тўлқинлар
7	3—30МГц	100—10 м	декаметрли тўлқинлар
8	30—300МГц	10—1 м	метрли тўлқинлар
9	300МГц—3ГГц	1 м—10 см	дециметрли тўлқинлар
10	3—30ГГц	10—1 м	сантиметрли тўлқинлар
11	300ГГц—3 ТГц	1 мм—0,1 мм	миллиметрли тўлқинлар

Р. радиоалоқа, радиолокация, телевидение, космонавтика, радиометеорология, радиоастрономия, и.т. ишлари ва б.да қўлланилади.

РАДИОТЎЛҚИНЛАР ДИФРАКЦИЯСИ — *радиотўлқинлар* тўсиққа учраганда кузатиладиган ҳодиса. Радиотўлқин бир жинсли муҳитда тарқалаётганида тўсиққа учраб, ўз амплитудаси ва фазасини ўзгартириб, тўғри чизиқли йўналишдан четланади. Бу ҳодиса *ёруғлик дифракциясига* ўхшаб кетади. Реал шароитда тўсиқ турли шаклли ва у радиотўлқинлар учун шаффоф ёки ношаффоф бўлиши мумкин. Дифракцион ўтиш ҳодисаси тўсиқ ўлчами б-н тўлқин узунлигининг ўзаро нисбатига боғлиқ. Бу боғланиш тўлқин узунлиги ошиши б-н кучаяди.

Ернинг сферик юзасидаги Р.д. туфайли радиотўлқинлар тўғри кўриниш чегарасидан ташқарида ҳам қабул қилинади. Радиотўлқинлар Ер юзаси яқинида тарқалаётиб, тўлқин энергиясининг Ерда қисман ютилиши туфайли сўнади. Унинг тўлқин узунлиги қанча қисқа бўлса, шунчалик кўпроқ ўз амплитудасини камайтиради. Шу сабабли тўлқин тарқалиш масофаси тўлқин узунлигига боғлиқ бўлиб, тўлқин узунлиги етарли узун бўлган радиотўлқинлар Р.д. туфайли бир неча минг км гача тарқалиши мумкин.

РАДИОУЗАТКИЧ — радиочастоталар диапазонидаги электр тебранишларини *антенна* орқали электромагнит тўлқинлар тарзида узатувчи қурилма (қурилмалар мажмуи); асосий элементлари: юқори частотали электр тебранишлар генератори, узатилаётган хабарларга мувофиқ уларнинг параметрларини бошқарадиган (модуляциялайдиган) модуляторлар иборат.

Р. ахборотларни радиотўлқинлар ёрдамида узатиш принциплари ва қурилмаларининг муҳим қисми. Р.ни тўлқинни диапазонига, антенна га берилаётган тебранишқувватига, иш турига (телеграф, телефон ва б.), модуляциялаш усулига (амплитудали, частотали, фазали ва б.), генерацияловчи электрон асбоблари хилига (лампали, транзисторли, магнетронли, клистронли ва б.), вазифасига (алоқа, эшиттириш, локацион, телевизион ва б.), ўрнатилишига (стационар, кўчма) қараб хилларга бўлинади.

Р. ўзгармас ток (кам ҳолларда ўзгарувчан ток) энергиясини радиочастота тебранишлари энергиясига айлантириб берувчи генератор, модулятор ва электр манбаидан иборат. Дастлабки Р.лардан бирини рус ихтирочиси А. С. Попов 1895 й. ихтиро қилган. *Радиоалоқа*, *телевидение*, радиоэшиттириш, *радиолокация*, *радионавигация* ва техниканинг бошқа соҳаларида, илмий экспериментларда қўлланилади.

РАДИОУЗЕЛ — радиодастурларни сим орқали узатиш ва маҳаллий радиоэшиттиришлар олиб бориш учун мўлжалланган узатувчи-қабул қилувчи аппаратлар мажмуи. Р.да *радиостанция* дастурлари *радиоприёмник* орқали қабул қилиниб ва паст частота кучайтиргичида кучайтирилиб, симли радиоэшиттириш тармоғига узатилади. Маҳаллий радиоэшиттиришлар олиб бориш учун *микрофон* ва *магнитофон*дан фойдаланилади. Р.ўзгарувчан ток тармоғидан ёки ўз электр ст-ясидан энергия б-н таъминланади. Р. радиотрансляция тармоғининг муҳим қисми ҳисобланади. Р.да радиодастурлар абонентларга кичик кучланишларда узатилади.

РАДИОФИЗИКА — физиканинг радиотехника ва унга боғлиқ техника соҳалари асосини ўрганиш б-н шуғулланадиган бўлими. Унда частоталари 10^3 Гц дан 10^{12} Гц гача бўлган электромагнит тебранишлар ва тўлқинларнинг уйғониши, нурланиши, муҳитда тарқалиши, қабул қилиниши ҳамда параметрлари (частота, амплитуда, фаза ва б.)нинг ўзгариши; тўлқинни ҳосил қилаётган ўзгарувчи электр ва магнит майдонларнинг вакуумдаги ва жисмдаги зарядлар б-н ўзаро таъсирлари ўрганилади.

Радиотехника, радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар каби соҳаларнинг кенг кўламда ривожланиши натижасида 20-а.нинг 30—40-йлларида Р. тўла шаклланди. Р.нинг асосий вазифаси: 1) тебранма тизимларда вужудга келувчи электр ва магнит тебранишларни барча параметрлари б-н назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш. Бундан 1—2 Гц дан 10^{12} Гц гача ва ундан юқори частотали тебранишлар ҳосил қилишнинг янги усулларини ишлаб чиқишда фойдаланилади; 2) радиодиапазондаги электромагнит тўлқинларининг вакуумдаги, газлар ва қаттиқ жисмлардаги ток ташувчилар — зарядлар б-н ўзаро таъсирини ўрганиш. Вакуумдаги электрон оқимининг электромагнит майдони б-н ўзаро таъсирини ўрганиш натижасида электрон лампалар ва электрон асбоб (магнетрон, клистрон) лар ихтиро қилинди. Электромагнит майдонининг ионлашган газлар ўзаро таъсирини ўрганиш натижасида газ разрядли асбоблар яратилди. Радиодиапазондаги электр тебранишлар ва тўлқинларнинг яримўтказгич, ферромагнит тўлқинларнинг нурланиши ва тарқалишини ўрганиш натижасида электрон ва ўта ўтказувчанлик кристаллар ва ўта ўтказувчан қурилмалардаги электрон жараёнлари б-н ўзаро таъсирини ўрганиш. Бундан 1—2 Гц дан 10^{12} Гц гача ва ундан юқори частотали тебранишлар ҳосил қилишнинг янги усулларини ишлаб чиқишда фойдаланилади; 2) радиодиапазондаги электромагнит тўлқинларининг вакуумдаги, газлар ва қаттиқ жисмлардаги ток ташувчилар — зарядлар б-н ўзаро таъсирини ўрганиш. Вакуумдаги электрон оқимининг электромагнит майдони б-н ўзаро таъсирини ўрганиш натижасида электрон лампалар ва электрон асбоб (магнетрон, клистрон) лар ихтиро қилинди. Электромагнит майдонининг ионлашган газлар ўзаро таъсирини ўрганиш натижасида газ разрядли асбоблар яратилди. Радиодиапазондаги электр тебранишлар ва тўлқинларнинг яримўтказгич, ферромагнит тўлқинларнинг нурланиши ва ўта ўтказувчанлик кристаллар ва ўта ўтказувчан қурилмалардаги электрон жараёнлари б-н ўзаро таъсирини ўрганиш натижасида 20-а.нинг 30—40-йлларида Р. тўла шаклланди. Р.нинг асосий вазифаси: 1) тебранма тизимларда вужудга келувчи электр ва магнит тебранишларни барча параметрлари б-н назарий ва амалий жиҳатдан

(хабар, суҳбат, репортаж), тақлидий (пародия, чиқиш, шарҳ, кузатув), бадиий-публицистик (лавҳа, очерк, фельетон, эссе) сингари асосий жанрлари қамраб олди. Шунингдек, унда адабий-драматик (радиоқисқа, радиопьеса, радиоспектакль), мусиқа санъатига (радиоконцерт, радиокомпозиция) оид эшиттиришлар ҳам берилади. Р. оммавий ахборот воситаси сифатида онгга информацион, тарбиявий-ғоявий таъсир кўрсатади. Радио дастлабки алоқа воситаси сифатида қилинган бўлса, кейинчалик ундан оммавий ахборот воситаси сифатида ҳам фойдаланилган. Биринчи Р.лар 1919 й.да Нижний Новгород радиолабораториясида, 1920 й. Москва, Қозон ва б. шаҳарлардаги тажриба Р. станцияларидан олиб берилган. 1924 й. 23 ноябрдан эса мунтазам бера бошлаган.

Ўзбекистонда дастлабки тажрибавий Р.лар 1926 й. Тошкентда ўтказилган. 1927 й. 11 февр.да қуввати 2 кВт бўлган оммавий радиостанция ишга туширилиб, мунтазам Р.тор бошланган. 1934 й.да Ўзбекистон радиоэшиттириш ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси ташкил этилди, 1996 й. 7 майдан эса бу қўмита Ўзбекистон телевидениеси ва радиоэшиттириш давлат компаниясига айлантирилди.

Ҳоз. пайтга келиб радио имкони кўрилмаган даражада тараққий этди ва инсониятнинг маънавий ҳаётидан мустаҳкам ўрин олди. Дунёдаги барча ривожланган мамлакатлар ўз Р.ларига эга. Жаҳонда АҚШга қарашли «Америка овози», «Озодлик», Англиянинг «Би-Би-Си», Германиянинг «Немис тўлқинлари» ва б. ўнлаб радиостанциялар ишлаб турибди. Ўзбекистонда 5 та радиостудия фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида Ўзбекистон телевидениеси ва радиокомпаниясига қарашли Тошкент радиоси етакчи ўринни эгаллайди.

Республика радиосининг эшиттиришлари 4 дастур бўйича олиб борилади. 1-дастурда асосан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маънавий мавзулардаги эшиттиришлар («Ўзбекистон»), 2-дастурда ёшлар учун эшиттиришлар («Ёшлар»), 3-дастурда ахборот ва мусиқий эшиттиришлар («Маънал»), 4-дастурда эса рус, қозоқ, уйғур, татар ва қримтатар тилларида эшиттиришлар олиб борилади («Дўстлик»). Юқоридагилар б-н бир қаторда республикамизда бир қанча хусусий, нодавлат радиостанциялар ҳам фаолият кўрсатмоқда. («Бодий саҳоси», «Ориент-Домо» ва б.).

Ўзбекистон радиоси чет эллар учун ҳам мунтазам эшиттиришлар олиб боради, форс, уйғур, қозоқ ва ўрус тилларида қисқа чет эллардаги ватандошлар учун ўзбек тилидан бериб боради. Тошкент Р.нинг «Ахборот», «Ижтимоий-сиёсий», «Иқтисодий эшиттиришлар», «Адабиёт-бадиий эшиттиришлар», «Мусиқа эшиттиришлари», «Мақолалар эшиттиришлари», «Болалар ва ўсмирлар учун эшиттиришлар» каби бош муҳаррирликлари мавжуд. Улар «Ялла» ансамбли, «Ватан», «Ҳамроҳ», «Гулшан», «Гулчамбар», «Гулшан», «Табассум», «Бугун радиотеатрда», «Мутолаа» ва б. доимий эшиттиришларни, радиожурналлар бериб боришади. Телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитасининг қутлуғ ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри, эстрада-симфоник оркестр, хор жамоаси каби йирик жамоалар шитоб турибди.

Мухтор Худойқулов

РАДИОЎЧЛАШЛАР радиотехник қурилмаларнинг ахборотларни ер ости юқори частоталар диапазонидаги электромагнит ва электростатик майдонлар ёрдамида узатиш ва қабул қилиш усуллари ҳақидаги фан. Р. *радиотехника* ва *электроника* б-н бир даврда пайдо бўлган. Р. электр катталикларни ўлчаш усулига асосланади. Р. электр ўлчанадиган катталикларни кўллили ва чегарасининг кенгалтирилган (мас., кучланиш бўйича 10^{-9}—10^{3} В, қувват бўйича 10^{-15} — 10^{3} Вт, частота бўйича 10^{-4} — 10^{9} Гц). Радиоўчлаш усулларининг қўлланиш соҳалари: электр ва радиоэлементлар параметрларини ўлчаш; эриётқазгичли ва электровакуум элементлар, асбоблар ва қурилмаларнинг иш режимини аниқлаш; электрон ва радиотехник қурилмаларнинг тафсилотларини ўрганиш; радиоўлчаш асбобларини, радиотехник блокларни, қурилмалар ва тизимларни даражалаш ҳамда хатоларини (параметрлар, радиоприёмниклар ва б.).

Ишлатилишига қараб, либос, ячейка ва дала шароитларига фойдаланиладиган хилларга бўлинади. Лабораторияда фойдаланиладиган Р. усуллари параметрларни жуда аниқ ўлчашга б-н фарқ қилади. Ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ишлаб чиқариладиган буюмлар параметрларини назорат қилиш учун хизмат қилади. Дала шароитида турли радиотехник қурилмалар ёки атроф муҳит параметрларини оператив текшириш ва ўлчашда фойдаланилади.

Вазифасига қараб, Р. қуйидагича қисм. частота ва фазаларини синхронлаш ўлчашларга бўлинади.

Йўналтирилган каналлар бўйлаб ўтказиладиган ўлчашлар, Р. ер ости, ер ости ва ер усти б-н алоқаларда радиоўлчаш асбоблари ўзгартгичлари б-н биргаликда қўлланилади.

Р. *математикада, автоматика, ҳисоблаш техникаси, диагностика* ва *технологик жараёнларни* ишлаб чиқишда, ишлатишда, шунингдек, электрон ва рақамли ҳисоблаш техникаси элементларини тайёрлашда қўлланилади. Р. усулларидан физика, кимё, биология, тиббиёт, геология ва б. соҳаларида фойдаланилади.

РАДИУС (лот. radius — тўғри) — айлана (ёки сфера) нинг ихтиёрий нуқтасини унинг марказий б-н туташтирувчи кесма. Р. айлана диаметрининг ярмига тенг.



Айлана радиуси

РАДИУС-ВЕКТОР — учи текисликдаги (фазодаги) ихтиёрий нуқтада, боши бирор аниқ нуқта (кутб) да бўлган $\overrightarrow{(OM)}$ вектор. Декарт координаталари тизимининг координаталар бошида кутб б-н устма-уст тушган, Р.-вектор компонентлари r_x, r_y, r_z координаталарга тенг бўлади. Чизиқ тенгламаси Р.-н орқали $r = r(t)$ шаклда ёзилади.



Радиус-вектор.

РАДИФ (араб. - кетма-кет келувчи) — Шарқ халқлари шеърияти. Ўзбек шеъриятида имкон бўлмаган ҳолларда қофиядан кейин такрорланиб келувчи сўз, ибора, гап. Р. бир сўз (қисқа Р.) ёки бир неча сўз (ёйиқ Р.)дан иборат бўлиши мумкин. Бир сўзли Р. кўпроқ учрайди. Шеър техникаси тақозосига кўра, Р. такрорланиши эмоционал жиҳатдан таъсирли ва зарурлиги. Газалда Р. матлаъдан мақтаъгача қофиядош сўзлардан кейин такрорланса, мосаммайда банд охиридаги келади. Баъзан Р. қофиядан олдин, ҳатто қатор бошида келади. Р. қофия б-н бошқариладиган оҳангдошликни, гоявий уйғунликни таъминлашга хизмат қилади, шеърга ҳиссиёйлик ва ритмик оҳанг бахш этади. Шеърнинг таржимасида ҳам Р. сақланиб қолади.

РАДИЩЕВ Александр Николаевич (1749.20.11 с. Москва — 1802.12.24/25, Петербург) — рус ёзувчиси ва файласуфи. Петербургдаги Пажлар корпусини (1762—66) ва Лейпциг университетининг ҳуқуқшунослик ф-тини (1766—71да) тугатган. Р. дунёқарашининг шаклланишида француз маърифатпарварларининг асарларига муҳим аҳамиятга эга бўлган. 1771 й.да Р. Сенатга протоколсиз либо тайинланган шу вақтда Мабли асарини «Юнон ғоялари ҳақида сўзлар» китобини рус тилига таржима қилган. 1773—75 йилларда Лимонтов прокурори бўлиб ишлаган. Путанчев қўзғолони вақтида Р. Самара губернаторининг ўринбосари этиб тайинланган. Пугачев қўзғолонини бостиргач (1775), истеъфога чиқиб, турли жойларда яшаган. 80-йилларда рус маърифатпарварлари ҳаракати қизғин рус физиологи Р. ўзар б-н биргаликда қилган. Унинг рус халқи тарихи бўйича мулоҳаза ва мулоҳазаларининг мажмуи сифатида «Ломоносов ҳақида сўз» (1784), «Дўстимга хат» (1782. Пётр I қонунларининг очилишини муносабати б-н) мақолалари, «Оркестрлик қасидаси» (1783) ва б. асарларни мавжуд. 1790 й. эса Р. ёзганларнинг «Путешествие из Петербурга в Москву» — Петербургдан Москвага сайёҳат» асари Р.нинг 25 босмахонасида 650 нусхада чоп этилган. Аммо китоб муаллифга этказиб Р. нинг ўзи Сибирга сургун қилинган. Р. Екатерина II нафақасини кейин оилавий ишга қайтиб (1796), отасининг Немцово қишлоғидаги қўрғонида кўчиб борган. 1801 й. эса у қишлоқ тузиш комиссиясига ишга жалб этилган. Р. «Петербургдан Москвага сайёҳат» асарида 18-н. охирги рус ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги энг муҳим ҳодисаларини таҳлил қилган. Р.нинг бу ва б. асарларидаги инқилобий руҳ совет даврида юқори баҳоланган ва Р. совет маърифатчилигининг бошқа вакилларидан бирига айланган.

РАДЛОВ Василий Васильевич (Фридрих Вильгельм) (1837.5.1, Берлин — 1918.12.5, Петроград) — рус шарқшуноси-туркийшуноси, этнограф ва тарихчи. Петербург ФА аъзоси (1884), Фалсафа фанлари д-ри (1858). Берлин ун-тини тугатган (1858). Петербург ФА Осиё музейи (1885—90), Антропология ва этнография музейи директори (1894—1918). 1858 й.дан умрининг охиригача Россияда яшаган Р.нинг ҳаёти ва илмий фаолияти шартли равишда 3 даврга бўлинади. Олтой даври (1839—71)да Р. Олтой ва Горбунов Сибиридаги туркий халқлар тилларини, фольклори, этнографиясини ва археологиясини онд материаллар тўплаб, уларни дастлабки ишловдан ўтказган. Қозон даври (1871—84)да унинг туркий тиллар фонетикасига бағишланган биринчи асари — «Шимолий туркий тилларнинг қиёсий грамматикаси. 1-қисм. Фонетика» Петербургда нашр этилган (1882—83). Петербург — Петроград даври (1884—1918)да Р. номини жаҳонга танитган 4 жилд 24 китобчадан иборат «Туркий лаҳжалар луғати тажрибаси» («Опыт словаря тюркских наречий») дунёга келди. Ушбу фундаментал асар 40 дан ортиқ туркий тилда ўқийдиган 70 минг луғавий бирликни қамраб олган.

Р. 1860—70 йилардаги Олтой, Сибирь, Қозоқистон, Ўрта Осиё экспедицияларининг иштирокчиси. 1891 йилдаги Урянхай экспедициясининг раҳбири. 1898 йилги Туркистон экспедициясининг ташкилотчиси бўлган. Биринчининг натижаларини бўлиб туркий уруғи-элнинг этнографияси, фольклори, оғиз-нутқи (талаффузи), ёзма-шифоҳий (талаббаъзи, ёзма-шифоҳий, оғиз-нутқ) сонлари кўрсатилган бир нечта, гўшт) сонлари кўрсатилган бир нечта, ҳужжатларидан, ҳужжатларидан.

Р. Петербургнинг қиз. шаҳарларидан Кулёмаларда 12-йилдан тилга чиққанлар. 1505 йилда Рус Радом конституцияси қабул қилинган. 14—16-асрларда Польша ва Литва давлатининг қароргоҳи бўлган. 14—18-асрларда қурилган мебелчилик билан машҳур.

РАДОН (Radonum), Rn — Менделеев даврий системасининг VIII группаси асосчиси кимёвий радиоактив элемент. Тартиб рақами 86. *Инерт газлар* оиласига киради. Энг барқарор изотопининг ^{222}Rn ($T_{1/2}$=3.823 кун) ҳосил бўлишлари сабабли унга «Радон» номи берилган. Бу изотопни 1899 йили немис олими Э. Дорн кашф қилган. Ҳоз. вақтда Р.нинг 20 дан ортиқ изотопи маълум. Р.нинг 3 та изотопи (радон — Rn, торон — Tn ва актинон — An) табиий 3 радиоактив қатораларга изотоплар жумласига киради. Улар ҳақида, сувда ва тупроқда учрайди. Нормал шароитда Rn ҳосил 7·10^{-20} Р. бўлади.

Р нормал шароитда рангсиз, ҳидсиз ва таъмсиз газ. Суюқланиш т-раси — 71°, қайнаш т-раси —62°, зичлиги 9,9 кг/м³. Р. радиоактивлиги жиҳатидан жуда хавфли заҳарли моддалар жумласига киради. Р. рақий тузилишдан олинади. У ҳудди кесон каби баъзи моддалар б-н кимёвий бирикмалар ҳосил қилади.

Р. илмий ташкилотларда ва тиббиётда (Р.ли ванналар) ишлатилади (қ. *Маъдан-радонли ванналар*). Метал конструкцияларни текширишда, радиоактив экспонентларни топишда қўлланилади.

РАДУЦ Иосиф Вениаминович (1911.31.7, Мелитополь ш. — 1988) — реж., педагог. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1965). Москва театр санъати ин-тини тугатган (1939). Тошкент ўзб.тожикистонлик театрида Бош реж. (1947—48), айни вақтда Рус академик драма театрида (1945—46) реж. 1943 й.дан Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тида кафедра мудири, доцент (1948 й.дан), Ўзбекистон театрларида кўплаб спектакллар («Ваҳм зеҳн» (А. Чехов), «Шоҳ Эдип» (Софокл), «Ревизор» (Н. Гоголь), «Отелло» (У. Шекспир), «Қўлбўлак қишлоғи» (Лопе де Вега), «Уч ҳаҳолилар» (Т. Собиров), «Кимга тўй, кимга аза» (Н. Сифарова), «Зарафшон қизи» (Д. Файзий) ва б.) саҳналаштирган, ўзбек театри санъатини ривожига муносиб ҳисса қўшган.

РАДХАКРИШНАН Сарвапалли (1888.5.9, Андхра-Прадеш штати — 1975.17.4, Мадрас) — Ҳиндистон вице-президенти (1952—62), президенти (1962—67), файласуф олим, давлат ва сиёсий арбоб, дипломат. Мадрас ун-тини тамом олган. Майсур ун-тида проф. (1918—26). Калькутта ун-тида файласуф кафедрасининг мудири (1921—31). Ҳиндистон файласуфлар жамиятининг президенти (1927—50). Андхра (1931—36) ва Банарас ун-тларида бош-кинчлер (1939—40). ЮНЕСКОда Ҳиндистон делегациясининг раҳбари (1946—50). Ҳиндистоннинг СССРдаги элчиси (1949—52). Деҳли ун-тида канцлер (1953—62), Оксфорд (Англия) ун-тида проф., Москва ун-тида проф. (1956). Халқ очиқлик ҳаракатида

фаол иштирок этган. *Ганди* ва *Ж. Неру*нинг сафдоши. Р. мустамлака тизимини тугатишга даъват қилган, ҳарбий уюшмаларни қоралаган, урушлардан воз кечишга чақирган. Р. кўплаб фалсафий ҳамда адабиёт, таълим, тарих, сиёсатга оид асарлар муаллифи. Р.нинг 2 жилддан иборат «Ҳинд фалсафаси» асари рус тилига таржима қилинган.

Ас.: Индийская философия, т. 1–2. М., 1956–1957.

РАЕВСКАЯ Наталья Трофимовна (1903.16.8, Таврида губернияси) — гинеколог. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1961), тиббиёт фанлари д-ри (1961), проф. (1961). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач (1947). Ўрта Осиё тиббиёт ин-тини тугатган (1930), шу ин-т акушерлик-гинекология клиникасида ассистент (1933—42), доцент (1942—61). 1951 йдан Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-ти акушерлик ва гинекология кафедраси мудири. Р.нинг илмий ишлари акушерлик ва гинекологиянинг турли масалаларига оид. Р. бруцеллёзнинг ҳомиладор аёлларда кечиши, унинг давоси ва олдини олиш устида талқиқот олиб борган.

РАЖАБ ОЙИ — мусулмонларнинг ҳижрий-қамарий йил ҳисобида 7-ойининг арабча номи. 30 кунга тенг. Арабистон я.о.да исломдан аввалги — жоҳилия даврида уруш ҳаром қилган 4 ойдан бири (зулқаъда, зулҳижжа, муҳаррам ойлари б-н бир қаторда).

РАЖАБИЙЛАР — 20-а. ўзбек санъатига улкан ҳисса қўшган санъаткорлар сулоласи. Сулола бошлиғи Юнус Ражабий [1897.5(17).1 — Тошкент — 1976.23.4] — бастакор, хонанда ва созанда (най, дутор), ўзбек мусиқа меросини тўпловчиси. Ўзбекистон халқ артисти (1953), Ўзбекистон ФА акад. (1966). Мадрасада, кейинчалик Туркистон халқ консерваториясида (1919—23), Тошкент Олий мусиқа мактабининг тайёрлов курси (1934) ҳамда Москвада ташкил этилган бастакорлар курси (1940—41)да таълим олган. Дутор чалишни Мирза Қосимдан, кейинчалик ўзбек мумтоз мусиқа меросини Ш. Шоумаров, Ҳожи Абдулазиз, Тўйчи ҳофиз, Домла Ҳалимлардан ўрганган. Самарқанд педагогика билим юртида мусиқа ўқитувчиси (1923—25). Самарқанд театрининг мусиқа раҳбари (1925—27). Ўзбекистон радиокомитети қошидаги халқ чолғу асбоблари ансамбли (кейинчалик халқ чолғулари оркестри) ташкилотчиси ва бадиий раҳбари (1927—42, 1945—59). Янгиюл театри мусиқа раҳбари (1942—45).

Юнус Ражабий.

Ўзбекистон телерадиосининг «*Мақом-ансамбли* ташкилотчиси ва балиғи раҳбари (1959—76). Ёшлигиданоқ ширали ва таъсирчан овозга эга бўлган истеъдодли хонанда ва моҳир созанда сифатида танилган. Унинг репертуаридан мақом парчалари, «Гирғ», «Ушшоқ», «Кўча боғи», «Эшвон», «Кўрд», «Қаландарий», «Гулёр—Шаҳноз», «Баёт», «Дугоҳи Ҳусайний», «Чоргоҳ», «Мискин», «Насруллойи» каби ашула ва куй туркумлари ўрин олган. У бир қанча қад. ўзбек халқ куй ва ашулаларини қайта ишлаб тиклаган: «Субҳилам», «Ёлғиз» «Санқал», «Фитон», «Ораз», «Беги Султон» ва б. Ижрочилик фаолиятини бастакорлик б-н бирга олиб борган Ю. Р. ўзбек мусиқали драмасининг шаклланишига муҳим ҳисса қўшган. Дастлаб «Фарҳод ва Ширин» (Хуршид, 1922—25, Ш. Шоумаров б-н ҳамкорликда), «Лайли ва Мажнун» (Хуршид, 1926), «Рустам» (У. Исмоилов, 1933), «Аваз» (А. Ҳидоятов, 1935), «Холисхон» (Ҳамза, 1940) каби спектакларга халқ ашулалари асосида куйлар басталаган. Кейинчалик Б. Належдин б-н ҳамкорликда «Қасос» (А. Умарий, Уйгун, 1941), Н. Миронов б-н «Кўчқор Турдиев» (С. Абдулла, Чустий, 1942), Г. Мушель б-н «Муқанна» (Ҳ. Олимжон, 1943), О. Ҳалимов б-н «Нодира» (С. Қосимов, Я. Маматхонов, 1942—43), Б. Зейлман б-н «Ўғил уйлантириш» (Ҳ. Ғулом, 1964), Сайфи Жалил б-н «Навоий Астроболда» (И. Маҳсумов, 1968) сингари мусиқали драмаларни яратган. У «Зайнаб ва Омон» операси (1958; Б. Зейлман, Д. Зокиров ва Т. Содиқовлар б-н)нинг ёзилишида иштирок этган. Ю. Р., шунингдек, «Фабрика ялласи», «Бинафша даврон», «Мирзачўлда тун», «Ўзбекистон», «Янграсин Гулёр», «Дутоналарга», «Қалаҳ», «Кошки», «Гул сочар», «Жудо», «Раҳноланмасун», «Чапандоз», «Кулган» каби қўшиқ ва ашулалар, «Ўнин Баёти», «Ўнин Дутоҳи», «Пахта» синари рақс куплари яратган.

Ю. Р.нинг, айниқса, ўзбек мусиқа меросини тўплашдаги хизматлари катта. У 1935 йдан халқ куй ва ашулаларини нотага ёза бошлаган. Натижада Е. Романовская ва Ид. Акбаров тузган «Ўзбек халқ қўшиқлари» (1939) тўпламидан Ю. Р. нотага олган 29 та халқ мусиқа намунаси ўрин олган. 1955—59 йларда Ю. Р. 5 жилдли «Ўзбек халқ мусиқаси» (И. А. Акбаров таҳририда) тўпламини нашр эттирди. Унга минтақаларнинг турли жанрдаги ўзбек (бир қанча тожик, уйғур) куй ва ашулалари, Бухоро Шашмақоми, Фарғона — Тошкент мақом йўллари, катта ашулалар, 20-а. бастакорлари (Ҳамза, К. Жабборов, Н. Ҳасанов, С. Калонов, Ф. Содиқов, Т. Жалилов, М. Мирзаев ва б.)нинг асарлари киритилган. «Мақом» ансамбли б-н ишлаган жараёнида Ю. Р. Шашмақомини 6 жилдли янги нашрини (1966—74, Ф. Каромatов таҳририда) ҳамда граммпластинка ёзувлар мукаммал тўпламини (Тошкент граммёзувлар студиясида, 1970-й.лар) тайёрлади. Т. Содиқов, Д. Зокиров, Д. Соатқулов, Ф. Содиқов, Н. Ҳасанов, К. Жабборов, С. Калонов, К. Муминов, О. Имом-хўжаев, Б. Довидова, К. Исмоилова, О. Алимақсумов, Т. Алиматов ва б. санъаткорлар Ю. Р.нинг шогирдларидир. Ю. Р. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1971), «Буюк хизматлари учун» ордени (2000) б-н мукофотланган. Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги «Мақом» ансамбли, Жиззах мусиқали драма ва комедия театри, Тошкент мусиқа пе-

Ризқи, Юнус Ражабийлар ва Исҳоқ Ражабов.

дагогика билим юрти, Тошкентдаги кўчалардан бири, метро бекати Юнус Ражабий номи б-н юритилди. Унинг ҳаёти ва ижодига бағишланган «Юнус Ражабий» («Ўзкинохроника» студияси, 1967; «Ўзбектелефильм» студияси, 1990), «Умр дафтари» (Ўзбекистон телевидениеси, 2001) фильмлари суратга олинган. Юнус Ражабий 1957—76 йлар яшаб ижод этган уй (Тошкент, Юнус Ражабий кўчаси, 20да 1997 йда Ражабий уй-музейи очилган. 2001 й. Юнус Ражабий маданият маркази ташкил этилган.

Ризқи Ражабий (1887— Тошкент — 1977.20.7) — созанда (танбур), ўзбек мусиқа ижрочилик санъатининг йирик намояндаси. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1940). Юнус Ражабийнинг акаси. Тошкент мусиқа техникумини тугатган (1923). Самарқанд мусиқа билим юртида ўқитувчи ва вилоят мусиқали театрида созанда (1924—27). Ўзбекистон радиокўмитаси ҳузуридаги Халқ мусиқа чолғулари ансамблида созанда, концертмейстер (1927—42). Тошкент мусиқа техникумида (1930—39), Тошкент консерваториясида (1972—77) ўқитувчи. Ижро услуби нозик зарбларини ҳамда мусиқа безак (нолиш, сайқал)ларини куй характери ва мазмунига мослаб ишлатиши б-н ажралиб туради. Репертуаридан мақом йўллари (Таснифи ва Самои Дугоҳ, Гулёр-Шаҳноз, Гардуни ва Уфари Сегоҳ ва б.) ҳамда мумтоз чолғу куйлари (Мискин, Насруллойи, Танавар, Муножот, Абдурахмонбеги, Гирғ, Сувора каби) ўрин олган. Санъатшунослик н.т. институтида 200 дан ортиқ, Ўзбекистон радиоси ва Тошкент граммёзувлар студияларида Р. Р. ижросида 100 га яқин куй ёзиб олинган. У бир неча ашула («Сорлар», «Яшнасин», «Ёруғлик», «Оворакан», «Тантана», «Офтобим») ва куй («Чақир», «Олға», «Ухласин»)лар муаллифи. Акбар Ҳайдаров, Маҳмуд Юнусов, Ориф Қосимов ва б. унинг шогирдларидир.

Аҳмад Юнусов (1923.10.5, Тошкент) — мусиқа муҳаррири, реж. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1968), Юнус Ражабийнинг ўғли. Ўрта Осиё ун-ти (1952), Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тининг 1 йиллик режлик курсини (1953) тугатган. Янгийўлдаги «Тошсовет» театрида актёр (1941—45). Тошкент ТошМИ қошида (1948—94), Мирзачўл (ҳоз. Гулистон) шаҳар маданият уйида (1964—69) «Халқ театри» унвонига сазовор бўлган ҳаваскор театр жамоаларининг ташкилотчиси ва раҳбари. Реж. сифатида саҳналаштирган спектакллари: «Юрак сирлари» (Б. Раҳмонов), «Макр ва муҳаббат» (Ф. Шиллер), «Имон» (И. Султон), «Шарқ тонги» (Н. Сафаров), «Меҳрибонлар», «Тошкесар» (Али Жамол) ва б. Айни пайтда Ўзбекистон телевидениесининг мусиқа таҳририятида муҳаррир ва бўлим бошлиғи лавозимларида ишлаб (1957—94), «Марҳабо, талантлар», «Санъаткорлар ҳосил устахонасида» каби турқум кўрсатувлар, шунингдек, Ш. Рахимова, М. Азизова, М. Мирзаев, Сайфи Жалил, С. Калонов, С. Хўжаев, М. Ғофуров каби санъаткорларнинг ижодий портрет ва концертларини тайёрлаган.

Ражабов Исҳоқ Ризқиевич (1927.2.1 — Тошкент — 1982.1.12) — мусиқашунос, созанда (дутор, танбур). Санъатшунослик фанлари д-ри (1971). Замонавий ўзбек мақомшунослиги асосчиларидан. Ризқи Ражабийнинг ўғли. Ўрта Осиё ун-тининг Шарқ ўғли. Ўрта Осиё ун-тининг Шарқ ф-тини тугатган (1950). Навоий номидаги Адабиёт музейида илмий ходим (1955—61), Ҳамза номидаги Санъатшунослик н.т. институтида шўъба мудири (1961—82), айни пайтда Тошкент консерваториясида ўқитувчи (1972—79). Отаси Ризқи Ражабий б-н биргаликда ижро этган кўпгина ўзбек мумтоз куй-ижро этган кўпгина ўзбек мумтоз куй-ашулаларини граммёзувга ёзилган. Илмий асарлари Ўрта аср Шарқ мусиқаси риссолалари, мақом санъати тарихи ва назарияси (*Ўн икки мақом* тизими, *шаҳрудинси* (*Ўн икки мақом* ва б.) масалаларига бағишланган («Мақомлар масаласига доир», Т., 1963 ва б.). «Шашмақом»нинг 6 жилдли нашри (1966—74)га мунаққидлик қилган.

Обид Юнусов (1934.20.11, Тошкент) — актёр. Ўзбекистон халқ артисти (1990). Юнус Ражабийнинг ўғли. Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини тугатган (1956). 1956—98 йлар Ҳамза театри (ҳоз. Ўзбек миллий академик драма театри)да ишлади. Эркин («Айтсам тилим, айтмасам дилим»), Қаюм («Юрак ёнмоғи керак»), Холмат («Бой ила хизматчи»), Аббос («Мирзо Улуғбек»), Маъмур («Келинлар кўзголони»), Кирилл («Оқшомдан тушгача»), Ёрмат («Кутлуг

Обид Юнусов Сафар ота ролида («Шарпа» фильми).

қон»). Сино («Абу Али ибн Сино»), Ўткурий («Парвона») каби образлари б-н театр саҳнасидан мустаҳкам ўрин олди. У бир қанча фильмлар («Армон», «Тўйлар муборак», «Чинор остидаги дуэль», «Чаён гул», «Шайтанат», «Шарпа» ва б.)да ҳам суратга тушган. У сер-қирра, мураккаб ва айни чоқда яхлит характер яратувчи актёр бўлиб, унинг қаҳрамонлари жасоратли, улуғвор, ҳаракат б-н нутқининг ранг-баранглиги, мусиқий ва сермаъноligи б-н ажралиб туради. Дубляж санъатининг моҳир устаси сифатида 1000 га яқин бош роллар («Қирол Лир»да Лирга, «Сангам»да Сундурга ва б.)га овоз берган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1989), «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н тақдирланган (2003).

Ҳасан Ражабий (1942.22.7, Тошкент) — хонанда ва созанда (танбур). Ўзбекистон халқ ҳофизи (1990). Юнус Ражабийнинг ўғли. Отасидан соз чалишни ва хонандалик санъатини ўрганди. Танбур йўлларини Т. Алиматов ва С. Каримовлардан ўзлаштирган. Ҳамза номидаги мусиқа билим юртини танбур ижрочилиги бўйича ҳамда ТошДУнинг филол. ф-тини тугатган (1967). Ҳамза номидаги Санъатшунослик н.т. институтида илмий ходим (1967—75). «*Мақом*» *ансамбли*да созанда ва хонанда (1976—96). Юнус Ражабий уй-музейининг директори (1996 йдан). Кенг диапазонли, ширали овозга эга бўлган Ҳ.Р.нинг ижро услуби шеърлар мазмунини чуқур ҳис этиш, сўзларни дона-дона қилиб айтиш, ўзига хос вазминлик, нолакорлик ва камерлик (хонакилик) б-н ажралиб туради. Репертуаридан мақом йўллари («Сарахбори Дугоҳ» тароналари б-н, «Баёти Шерозий Талқинчаси ва Соқийномаси», «Ушшоқ», «Сегоҳ», «Мўғулчаи Дугоҳ Талқинчаси», «Сарахбори Оромижон»,

Ҳасан Ражабий.

«Дугоҳ Ҳусайни» IV—V, «Ораз» ва б.), мумтоз ашулалар («Муножот», «Фитон», «Адойи» ва «Асирий», «Сайёра», «Гирғ» I-II, «Эркин Танавар» каби), бастакорлар асарлари («Кошки», «Не наво»,

«Куйгай», «Гул сочар», Ю. Ражабий; «Куйла, дилкаш дуторим», «Топмадим», С. Калонов; «Бўл мента маҳбуб», Ф. Содиқов; «Мен кетар бўлдим», Т. Жалилов ва б.) ўрин олган. Т. Ражабий, М. Тожибоев, М. Сатторова, Г. Эркулова, Н. Сатторова каби санъаткорларга устозлик қилган. Ўзбек мумтоз мусиқасига бағишланган рисола ва мақолалар муаллифи. «Дўстлик» ордени б-н мукофотланган (1997).

Тоҳир Ражабий (1946.9.5, Тошкент) — созанда (қашқар рубоби). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1990). Юнус Ражабийнинг ўғли. Тошкент консерваториясини тугатган (1969). Навоий театрида (1969—73), Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг Дони Зокиров номидаги Ўзбек халқ чолғулари оркестри (1973—91 ва 2002 й.дан), Эстрада-симфоник оркестри (1991—2001)да якка созанда. Жозибали, мусиқа безакларига бой ижро услуби юқори техникаси, нозик қочиримлари б-н ажралиб турали. Репертуаридан ўзбек мумтоз куйлари («Насри Сегоҳ», «Галдир», «Оромижон», «Ҳожиниёз», «Гиря», «Баёт II», «Ушшоқ» ва б.), бастакорлар асарлари (И. Икромовнинг «Муножот» I-II, «*Гулузорим*», Т. Жалиловнинг «Отмагай тонг», Д. Зокировнинг «Эй сабо», «Кўрмадим», Ю. Ражабийнинг «Кошки», «Разъоланмасун» ва б.) ўрин олган. Шунингдек, ўзбек халқ чолғулари, камер ва эстрада-симфоник оркестрлари жўрлигида Ўзбекистон (С. Ҳайитбоев, Б. Гиенко, Сайфи Жалил, Ҳаб. Раҳимов, М. Бафоев, Д. Омонуллаева, А. Назаров ва б.) ва чет эл (Ф. Лист, С. Алескеров, Г. Хонмамедов, Р. Паулс, М. Легран ва б.) композиторлари асарларини ижро этган. Т. Р. бир қанча қўшиқларга мусиқа ёзган («Ёлинг дил ардоғида», «Куйлар осмонида», «Ражабий мадҳи» ва б.).

Ад.: Аҳмедов М., Юнус Ражабий, 2-нашри, Т., 1980; Акбаров И. Юнус Ражабий, М., 1982; Ражабийхонлик, Т., 1993; Ражабийхонлик, Т., 1994; Ғофурбеков Т., XX аср ўзбек мусиқаси ва Ю. Ражабий. Мусиқа ижодиёти масалалари, Т., 1997.

Ҳасан Ражабий.

РАЖАБОВ Болтабой (1878.20.2, Марғилон яқинидаги Шакар қишлоғи — 1960.17.3, Марғилон) — Ўзбекистон халқ ҳофизи (1939). Тиниқ ва майин овоз соҳиби. Ашула йўлларини дастлаб бобоси Матхолиқ ҳофиз, отаси Ражаббой, тоғаси Мақсуд ҳофизлардан, кейинчалик Ҳамроқул қори, Тургун сариқ, Холқора ота, Абу Баҳриддин каби устоз санъаткорлардан ўрганган. 1920—30 й.ларда Фарғона водийсида *катта ашула* ижрочиси сифатида танилиб, мазкур жанр ривожига катта ҳисса қўшган ва талқинчилик мактабини яратган. Фарғона, Андижон, Наманган, Қўқон шаҳарлари ва туманларида, Катта Фарғона канали (1939) ва б. қурилишларда маданий хизмат қилган. Репертуаридаги 150 дан зиёд халқ қўшиқ, ялла ва ашулалари, айниқса, ашулалар («Келинбман», «Эй санам», «Хайрул башар», «Жудо қилма», «Шоҳи», «Оҳ ким», «Бўстон», «Бу гулшан») таъсирчан оҳанда, жозибали ижраган. *Маматбува ҳофиз, Ж. Султонов*, М. *Узоқов* каби ҳофизларга устозлик қилган.

РАЖАБОВ Даврон Баҳромович (1936.28.12, Навоий тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2002). Бухоро пед. ин-тини тугатган (1960). 1960 й.дан Навоий туманидаги 7-мактабда мат. ва чизмачилик ўқитувчиси, мактаб директори ўринбосари. Ўқувчиларга билим беришда техника воситалари, компьютерлан фойдаланади ва дарсни янги педагогик технология асосида ташкил этади.

РАЖАБОВ Нарзи (1924, Бухоро вилояти, Жондор тумани — 1944.22.8, Унгени ш., Молдавия) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси, оддий аскар. 1942 й. янв.дан фронтда. 2-Украина фронти 52-армия 31-ўқчи дивизиясининг 818-ўқчи полки пулемётчиси бўлган. Р. 1944 й. Черкасси вилоятининг Звенигородка р-нидаги Рижановка қишлоғини ва Молдавиянинг бир қанча қишлоқларини озод этишда пулемётдан ўт очиб, душманнинг бир неча ўт очиш нуқтасини ўчирган, 200 дан ортиқ гитлерчини қириб ташлаган. Жанглардан бирида (22 авг.) қаҳрамонларча ҳалок бўлган. 1944 й. 13 сент.да Қаҳрамон унвони берилган. Р.нинг юртида бюсти ўрнатилган, ўрта мактабга номи берилган.

РАЖАБОВ Сиддиқ Ражабович [1910.19.3 (1.4), Қозоғистоннинг ҳоз. Тароз ш. — 1993.28.2, Тошкент] — педагог олим, пед. фанлари д-ри (1958), проф. (1959), СССР Пед. ФА ҳақиқий аъзоси (1968), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1964). Фарғона пед. ин-тини тугатган (1933). Илмий-педагогик фаолиятини шу ин-тининг пед. назарияси ва тарихи кафедрасида ассистентликдан бошлаган. 1935 й.дан Тошкент пед. ин-тида ўқитувчи, 1941—42 й.ларда маъмурий ишларда. 1943 й.дан «Қизил Ўзбекистон» газ. муҳаррири, 1947—61 ва 1966 й.дан Тошкент пед. институтининг пед. кафедраси мудири. 1962—66 й.ларда Ўзбекистон пед. фанлари а.т. институти директори. Илмий ишлари дидактика, пед. назарияси Ўзбекистонда пед. тарихи масалаларига бағишланган.

Ад.: Педагогика фани тараққиётининг баъзи масалалари, Т., 1977; Халқ маорифи ва педагогика фанининг йирик дарғалари, Т., 1990.

РАЖАБОВ Собир (1940.1.9, Ҳазорасп тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1994). Хоразм педагогика ин-тини тугатган (1962). 1962 й.дан Ҳазорасп туманидаги 1-, 45-мактабларда физика-мат., 1993 й.дан 1-иқтидорли болалар лицейида мат. ўқитувчиси. Дарсларини кўргазмали қуроллар, техника воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтади.

РАЖАБОВ Тельман Далаевич (1935.15.8, Самарқанд) — физик олим, Ўзбекистон ФА акад. (1995), физика-мат. фанлари д-ри (1982), проф. (1983). Бауман номидаги Москва олий техника билим юртини тугатган (1959). Ўзбекистон ФА Ядро физикаси институтида муҳандис, кичик илмий ходим (1959—65), Физика-техника ин-ти (1969 й.дан Электроника ин-ти)да бош муҳандис, катта илмий ходим, лаб. мудири (1966—86), Илмий асбобсозлик марказий лойиҳалаш-конструкторлик бюроси директори (1986—92), Тошкент электротехника алоқа ин-ти (ҳоз. Тошкент ахборот технологиялар ун-ти) ректори (1992—98), шу ун-т қошидаги Марказий Осиё телекоммуникациялар ўқув маркази директори (1998—2001), ўша ун-тда кафедра мудири (1999 й.дан). Илмий ишлари элементар зарралар физикаси, вакуум техникаси ва физикаси, плазма физикаси, космик кемалар ва йўлдошларни фаол электростатик муҳофазалаш, коррозияга қарши қопламалар олиш ва махсус ион манбаларини яратиш, турли материаллар ва қопламалар сиртини физик-кимёвий модификациялаш масалалари ва б.га доир. Р. раҳбарлигида халқ хўжалиги эҳтиёжлари (мева ва сабзавотларни вакуумда сублимацион усулда қуритиш, биологик препаратларни лиофил усулда қуритиш ва б.) учун саноат қурилмалари яратилди. «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (2003).

Ад.: Модификация свойств тонких металлических пленок и покрытий под воздействием ионного облучения, Владивосток, 1991; Материалы на конденсаторы сверхвысокой плотности энергии, Т., 1993.

РАЖАБОВ Тоҳир (1942.17.9, Шўрчи тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1993). Қарши педагогика ин-тини тугатган (1965). 1965 й.дан Шўрчи туманидаги 35-мактабда ўқитувчи, мактаб директори ўринбосари, 1979—99 й.ларда Олтинсой туманидаги 24-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси, мактаб директори ўринбосари. Дарсни кўргазмали қуроллар ва техника воситаларидан унумли фойдаланган ҳолда ўтган.

РАЖАБОВ Кўзи Узоқович (1946.10.3, Усмон Юсупов тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Бухоро педагогика ин-тини тугатган (1967). 1967 й.дан Усмон Юсупов туманидаги Н. Нуриддинов номли мактабда, 1995—2001 й.ларда 2-ихтисослашган мактабда физика-мат. ўқитувчиси. Ўқувчиларга билим беришда дарснинг ноанъанавий усулларидан унумли фойдаланган.

РАЖПУТ МАКТАБИ — *Ҳиндистон миниатюра мактабларидан бири; 16—19-а.ларда Ражпут князлик (рожа)лари ҳукм сурган (Рожастон ва Марказий Ҳиндистон)да мавжуд бўлган; асосий марказлари — Мевар, Марвар, Бунди, Кишангарх, Мальва ва б. Р.м. миниатюраларида Кришна б-н боғлиқ диний мифологик сюжетлар асосий ўрин эгаллайди; унда муҳаббат орқали худони англаш («бхакти») гоялари ўзига хос тарзда аксини топган. Р.м.да шунингдек, ўзига хос жанр бўлган «раги» ёки «рагини» кенг тарқалган. Р.м. учун табиатнинг лирик ибтидоси ривожи, уни нозик ҳис этиш хос. 17-а.да Бобурийлар даври миниатюра мактаби таъсирида бўлган. Р.м. миниатюраларида шартлиликни сақлаб қолди. Шаклларни текис юзадаги талқини, соф тўйинган тусли жарангдор колорити, бир маромдаги безак хусусиятига эга эгилувчан чизиқлари Р.м.ни ҳинд деворий рассомлиги анъаналари б-н боғлайди.

РАЗВЕДКА (рус.) — вазиятни баҳолаш ва қарор қабул қилиш учун мавжуд ёки эҳтимол тутилган душман, жой ва б. ҳақида маълумотлар тўплаш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи.

РАЗВЁРТКА (рус.) — металл деталларнинг техникларига тоза ишлов бериш учун мўлжалланган кўп тигли асбоб. Ўткир қилиб чархланган бўйлама тишлари бор тана (стержень) кўринишида бўлади. Дастаки (бурамага ўрнатиб қўлда ишлатиладиган) ва машина (станокка ўрнатиб ишлатиладиган) Р.лар бор. Тузилишига кўра, Р. яхлит, йиғма, керма ва б. хилларга бўлинади. Р. пишиқ легирланган (қ. *Легирлаш*) асбобсозлик пўлати, қаттиқ қотишмалардан тайёрланади.

РАЗДАН, Занга — Арманистондаги дарё. Кура ҳавзасидаги *Аракс* дарёсининг чап ирмоғи. Уз. 146 км. Ҳавзасининг майд. 2560 км² (Севан кўли ҳавзаси б-н бирга 7310 км²). Севан кўлидан оқиб чиқади. Юқори қисмида тог водийсидан, қуйи қисмида Арарат текислигидан оқади. Ўртача сув сарфи бошланишида 2 м³/сек., қуйилиш жойида 17,9 м³/сек. Суви суғоришда фойдаланилади. Дарёнинг умумий нишаби 1097 м (1,8 м/км). Р.да 6 та ГЭС каскади қурилгач, сув сарфи Севан кўли суви ҳисобига 44,5 м³/сек. гача ортди. Лекин кўл суви сатҳини сақлаб қолиш мақсадида сув сарфи кескин камайтирилди. Дарё соҳилида Ереван, Севан, Раздан, Чаренцаван, Арзни ш.лари жойлашган.

РАЗДАН (1959 й.гача Ахта посёлкаси) — Арманистондаги шаҳар, Раздан тумани маркази. Еревандан 50 км шимолдаги т.й. станцияси. Раздан дарёси бўйида. Аҳолиси 60,8 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Кон-кимё к-ти, иссиқлик электр ст-нси, Атарбекян ГЭС, сут, пиво, машинасозлик з-длари, йирик пахтали уйсозлик к-ти, совитқичлар и.ч. к-ти, тикувчилик ф-каси ишлаб турибди. Вино ишлаб чиқарилади. Театр, индустриал-технологик техникуми бор.

РАЗЗОҚОВ Ҳошимжон (1916, Андижон вилояти Кўнчи қишлоғи — 1982.15.3, Андижон) — адабиётшунос. Филол. фанлари д-ри (1972), проф. (1973). Тошкент Педагогика ин-тини тугатган (1941). Андижон педагогика ин-ти ўқитувчиси (1952—54), ўзбек адабиёти кафедраси мудири (1954—82). Асосий илмий иши ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор мавзуида. Завқий, Ҳайратий, Оразий каби шоирлар асарларини нашр эттирган («Зав-қий», 1955; «Оразий», 1959). Халқ ижодини, хусусан, Фарғона воҳасида тарқалган фольклор намуналарини тўплаган, нашрга тайёрлаган, ўрганган («Латифалар», 1965; «Гулёр қўшиқлар тўплами», 1967). «Фарғона чашмалари» шеърлар тўплами (1962) ва «Нодира» пьесасини ёзган.

Ражпут мактаби. «Илон Калийни ўз измига солаётган Кришна» (тахм. 1640, Бунди).

РАЗЗОҚОВА Муяссар Қодировна (1964.29.2, Нукус) — хонанда (лирик-колоратурали сопрано), Ўзбекистон (1998), Қорақалпоғистон (1999) халқ артисти. Ёқимли, жилвадор ва кучли овоз соҳибаси. Тошкент консерваториясини тугатган (1988). *Навоий театри* яккахон хонандаси (1988 й.дан). Театр саҳнасида Ойхон («Майсаранинг иши», С.Юдаков), Дилором («Дилором», М. Ашрафий), Розина («Севилья сартароши», Ж.Россини), Виолетта, Жильда («Травиата», «Риголетто», Ж. Верди), Лючия («Лючия ди Ламермур», Г.Доницетти) каби бош партияларни ижро этган. Концерт репертуаридан ўзбек ва чет эл композиторлари асарлари ўрин

Муяссар Раззоқова Дилором ролида («Дилором» операси).

олган. Ижро услуби виртуоз техника, мусиқали образларнинг эмоционаллиги, самимийлиги ва саҳнавий жозибадорлиги, драматик-ифодавий воситаларнинг оддийлиги ва аниқ дикцияси б-н ажралиб туради. Германия, АҚШ, Франция, Туркия, Россия, Миср каби мамлакатларда гастролда бўлган. Халқаро хонандалар танлови (Рига, 1989; Венгрия, 1990; Рим, 1997) ва опера фестивали (Туркия, 2003)да қатнашиб мукофотларга сазовор бўлган. 2-чақириқ Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати.

РАЗИН Степан Тимофеевич (тахм. 1630—71) — Россияда деҳқонлар уруши (1670—71) раҳбари, Дон казаги. 1662—63 й.ларда Дон атамани, қрим татарлар ва турклар б-н курашган. 1667 й. камбағал казаклар отряди б-н Волга ва Ёйиққа, 1668—69 й.ларда Каспий денгизи орқали Эронга ҳарбий юришлар уюштирган. 1670 й. баҳорида деҳқонлар урушига раҳбар бўлган. Казак старшинаси (оқсоқоли) томонидан чор ҳукуматига хоинона тутиб берилган. Москвада қатл этилган (яна қ. *Разин қўзғолони*).

РАЗИН ҚЎЗҒОЛОНИ. Степан Разин бошчилигидаги деҳқонлар уруши (1670—71) — Россияда помешчикларга ва крепостнойликка қарши деҳқонлар уруши. Дон, Волга бўйи ва Волга ортига ёйилган. 17-а. ўртасида крепостной деҳқонларни асоратга солишнинг жуда кучайиши туфайли келиб чиққан. Урушга С.Т.*Разин*, В.Р.Ус, Ф.И.Шелудяк ва б. бошчилик қилган. Бу урушда ҳаракатлантирувчи куч — крепостной деҳқонлар, казаклар, савдогарлар, ҳунармандлар ва Волга бўйининг рус бўлмаган халқлари (чувашлар, марилар, мордвалар, татарлар) бўлган. Разин отрядлари 1670 й.нинг кузида қуйи Волгабўйини эгаллаганлар. Шу йилнинг авг.да Разин катта қўшин (тахм. 10 минг киши) б-н Царицинлан чиқиб, Волга бўйлаб Москва томон юрган ва сент.да Симбирскни қамал қилган. Айни пайтда қўзғолончилар отрядлари Курмиш, Алатирь, Саранск, Пенза ва б. жойларни ҳам қўлга киритганлар. Қўзғолончилар окт.да Симбирск остоналарида мағлубиятга учрадилар.

РАИМБЕРДИЕВА Людмила Болтабоевна (1948.15.4, Ўрта Чирчиқ тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Республика рус тили ва адабиёти ин-тини тугатган (1973). 1969 й.дан Ўрта Чирчиқ туманидаги 40-мактабда немис тили, 1981—98 й.ларда 52-мактабда рус тили ва адабиёти ўқитувчиси. Дарсларни янги педагогик технологиялар асосида ўтган.

РАИС (араб. — раҳбар, сардор) — 1) Ўрта Осиё хонликларида шариат қонун-қоидалари, диний маросимлар, урф-одатлар, рўза тутиш, намоз ўқиш, хайру эҳсон ишларининг ўз вақтида аниқ бажарилишини назорат қилувчи, ота-оналарнинг болаларини мактабга юборишларини, савдо аҳлининг харидорлар ҳақига хиёнат қилмаслиги учун тарози ва тошларнинг тўғри бўлишини текшириб турувчи мансабдор. Р., шунингдек, шаҳар оқсаллиги ва хавфсизлиги учун ҳам масъул ҳисобланган. Ҳар бир йирик қишлоқ ва шаҳарнинг ўз Р.и бўлиб, қозикалон тавсиясига биноан ҳукмдор томонидан тайинланган. Хоразмшоҳлар салтанатида бошқа ўрта аср сулолаларидан фарқли ўлароқ бутун мамлакат Р.и лавозими мавжуд бўлган; 2) муайян сайлов органлари ва ташкилотлар раҳбари (мас., Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис раиси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси раиси ва ҳ.к.); 3) анжуман, мажлис ёки йиғинга раҳбарлик қилувчи шахс.

РАИЯТ (араб.) — 1) бирор ўлка ёки мамлакат аҳолиси; 2) ўрта асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида дастлаб барча солиқ тўловчи қишлоқ ва шаҳар аҳолиси. Усмонли турк империясида 18-а. охиридан бошлаб «Р.» (раия) атамаси фақат мусулмон бўлмаган аҳолига нисбатан ишлатилган. Индонезияда «Р.» халқ маъносида қўлланилади.

РАЙ, Рей, қад. Рага — Эрондаги қад. шаҳар. Теҳрондан 8 км шим.-шарқда жойлашган. Р. номи *Авесто* ва *Бисистун китобалари*да қайд этилган. 7-а.да арablар босиб олган. Тоҳиралар, Сомонийлар, Бувайҳийлар давлатлари таркибига кирган. 1027 й. Маҳмуд Ғазнавий эгаллаган. 1042—1194 й.ларда Салжуқийлар давлати таркибида. 10—12-а.ларда Р. — Эроннинг энг йирик савдо-ҳунармандчилик ва маданий марказларидан бири бўлиб, ипак матолар ва сопол қандиллар и. ч. б-н машҳур бўлган. 1194—1220 й.ларда Р.*Хоразмшоҳлар давлати* таркибида; 12-а. охири ва 13-а.ларда узаро диний низолар натижасида анча жабр кўрган. 1220 й. мўғуллар томонидан вайрон қилинган. *Ғозонхон*нинг Р. аркини қайта тиклаш йўлида қилган саъй-ҳаракати натижа бермаган.

РАЙГРАС (Arrhenatherum) — қўнирбошдошлар оиласига мансуб бир йиллик ва кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар туркуми, ем-хашак экини. Унинг бўйчан Р., кўп ўримли Р. ва бир йиллик (вилов) Р. турлари бор. Бўйчан Р. (A.elatius) — кўп йиллик ўт. Европада, Шим. Африка, Осиё ва Ўрта Осиёда экилади. Асосан, пичан қилинади, кўк поялари таҳирроқ. Молларга бошқа галладошлар ва дуккакли ўтлар б-н аралаш ҳолда берилади. 100 кг пичанида 46,7 озуқа бирлиги ва 3,4 кг ҳазм бўлувчи протеин бор. Баҳорда эрта кўкаради, тез ўсади. Р ҳосилдорлиги уруг бўйича 2—3, пичан бўйича 60—70 ц/га. Озуқа учун Р.ни рўвакланиш ва гуллашигача ўрилади. Кеч ўрилса пояси дағаллашади. Бўйчан Р., шунингдек, газон ўти сифатида ҳам экилади. Кўп ўримли Р. (A.lolium multiflorum) сийрак тупли экин, беда ва дуккакли ўтлар б-н аралаш экилади. Тез ўсали, суторилса 6—7 марта ўриб олиш мумкин. Пичан таркибида 12% протеин ва 2,6% мой бор. Яйлов Р. кўп ўримли Р.нинг бир йиллик тури. 100 кг поясида 20 озуқа бирлиги, 1,2 кг ҳазм бўладиган протеин бор. Бошоқ тортиш ва гуллаш даврида ўрилади. Гектаридан 60—80 ц пичан олинади.

Кўп ўримли райграс.

Ад.: Отабоева Ҳ. ва б., Ўсимликшунослик, Т., 2000.

РАЙИМОВ Худойназар (1947.3.9, Беш-ариқ тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2002). Кўқон педагогика ин-тини тугатган (1969). 1969 й.дан Бешариқ туманидаги 4-мактабда, 1970—2002 й.ларда 13-мактабда она тили ва адабиёти ўқитувчиси. Болаларга билим беришда ноанъанавий дарс усулларидан фойдаланган.

РАЙКИН Аркадий Исаакович [1911.11(24).10, Рига — 1987] — актёр, эстрада артисти. Халқ артисти (1968). Меҳнат қаҳрамони (1981). Ленинград театр техникумини тугатган (1935). 1935 й.дан саҳнада. 1939 й.дан Ленинград миниатюра театри [1982 й.дан Москвадаги Давлат миниатюра театри (1987 й.дан Москва «Сатирикон» театри)] актёри ва бадиий раҳбари. Лаҳзада турли образларга кириш устаси. Эстрада фельетонлари, ҳажвий пьесалар, монологларнинг моҳир ижрочиси. Унинг иштирокида бир қанча спектакль ва мавзули дастурлар, миниатюра театрлари, ўткир сатирик ва лирик портретлар яратилган («Бир шиша чойга», «Дунё бўйлаб 80 кун», «Севги ва уч апельсин», «Светофор», «2 дан 50 гача» ва б.).

РАЙКОВА Изария Алексеевна (1896.17.9, Самарқанд вилояти — 1981.25.10, Тошкент) — ботаник. Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1956). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1945), биол. фанлари д-ри (1944), проф. (1945). Самарқандлаги хотин-қизлар гимназиясини тугатиб (1913), Петроградлаги Олий курсларда ўқиган (1914—19). 1920 й.дан Туркистон ун-тида ўқитувчи, доцент (1930—33), проф. (1933—45), тубан ўсимликлар (1938—40). 1945 й.дан дарвинизм, генетика ва экспериментал морфология кафедраси мудири. Р. Ўрта Осиё бўйлаб кўп экспедициялар уюштирган ва уларга бошчилик қилган. Асосий илмий ишлари Помирдан қ.х. мақсий илмий ишлари Помирдан қ.х. мақсадларида фойдаланишга, гўзанинг тузилиши ва ривожланишига ҳамда Ўрта Осиё узумларига бағишланган.

Ас.: Сорные растения, вредители и болезни растений на полях Восточного Памира и их происхождение, Т., 1953.

РАЙЛ (Ryle) Мартин (1918.27.9 — 1984) — инглиз астрономи. Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1952 й.дан), Бредфилд (Оксфорд) коллежида маълумот олган. 1939—45 й.ларда олис алоқа текширув марказида ишлаган. Кембриж ун-тида проф. (1955 й.дан). Р.нинг асосий илмий ишлари радиоастрономияга оид. 1948 й.да (Г.Смит б-н биргаликда) Кассиопея юлдуз туркумида космик радионурланишнинг қувватли манбаини кашф қилган; биринчилардан бўлиб галактикалан ташқаридаги радиоастрономияни космологияга қўллаган. Р. тадқиқотларининг галактика радиотузилишида аҳамияти катта. Нобель мукофоти лауреати (1974; Э.Хьюиш б-н ҳамкорликда).

РАЙНИС Ян (тахаллуси; асл исм-шарифи Янис Плиекшанс) [1865. 30.8(11.9), Варславани қишлоғи, ҳоз. Екабпилс тумани — 1929.12.9, Рига] — Латвия халқ шоири (1940), драматург ва жамоат арбоби. Петербург ун-тини тугатган (1888). «Диенас лапа» газ. муҳаррири (1891—95). Революцион фаолияти учун қамалган (1897). Псковга, сўнгра Вятка губерниясидаги Слободской ш.га (1899) сургун қилинган. 1903 й. сургундан қайтган. Швейцарияда эмиграцияда бўлган (1905—20). «Мовий оқиюм салолари» (1903), «Бўрон нидоллари» (1905), «Ажойиб китоб» (1909), «Боши ва охири» (1912), «Дағдағанинг беш нусха дафтари» (1920—25) ва б. шеърий тўпламлар муаллифи. «Ave sol» достонида (1910) қўёш озодлик символи сифатида тасвирланган. «Гувуллайвер, шамол» пьесаси (1913) Латвия драматургиясида муҳим ўрин тутади. «Ўт ва тун» (1905), «Индулис ва Ария» (1911), «Иосиф ва унинг акаукалари» (1919) пьесалари ҳам бор. Рус достонлари асосида «Илья Муромец» трагедиясини ёзган (1922). Асарлари ўзининг янги услуби, чуқур фалсафий теранлиги ва юксак ғоявийлиги б-н ажралиб туради. «Янги замон» шеърий тўплами ўзбек тилига таржима қилинган (1967).

РАЙОНЛАШТИРИШ — география тизимидаги фанларда қўлланиладиган илмий тадқиқ қилиш методи. Р. географик қобиқ ёки унинг айрим қисмларининг ҳудудий табақаланишини, табиат ва жамият ўртасидаги таъсирнинг табиий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларини аниқлаб беради. Р.нинг иқтисодий, иқтисодий-географик, табиий географик ҳамда хусусий табиий географик (геоморфологик, иқлимий, гидрологик, геоботаник, зоогеографик ва б.) каби турларини мавжуд. Р. масштабига кўра, майда, ўрта ва йирик масштабли, қўйилган вазифага боғлиқ равишда умумилмий ёки амалий бўлиши мумкин.

РАЙТ (Wright) Франк Ллойд (1869.8.6, Ричленд-Сентер ш., Висконсин штати — 1959.9.4, Тейлизин — Уэст ш. Аризона штатидаги) — америкалик меъмор. Чикагодаги меъморлар Ж. Симсибси (1887) ва Л. Салливен (1888) усталарида таълим олган. Қурилиш материаллари ва қурилмаларнинг манзара б-н уйғунлашувидаги шакллар-нинг ўзига хос мутаносиблигини кўрсатиш Р. ижодининг асосини ташкил этди. Қурилиш ишларида меъморий талаблардан, иншоот қурилиш шартлари ва мақсадларидан рационал ва максимал фойдаланишни талаб этди. Дастлаб кичик турар жойлар меъморлиги б-н шуғулланиб, кейинчалик бино ва иншоотлар лойиҳасини яратган (Буффалодаги «Ларкин» фирмаси, 1905; Токиодаги «Империал» меҳмонхонаси, 1916—22; «Шаршара устидаги уй», Пенсильвания штати, 1936; Нью-Йоркдаги Гуггенхейм музейи, 1956—59 ва б.). Р. лойиҳаларининг Берлинда ўтказилган кўргазмаси (1910) Европа меъморлигига ривожига туртки бўлди. 30-й.ларда Р. *органик архитектура* асосчиси ва етакчи устасига айланди. 20-а. меъморлигининг шаклланиши ва ривож топишида Р. ижодининг таъсири катта бўлди.



Ф. Л. Райт. Гуггенхейм музейи (АҚШ).

Ас.: Будущее архитектуры, М., 1960.

Ад.: Гольдштейн А.Ф., Ф.Л.Райт, М., 1973.

РАЙҲОН (Ocimum) — лабгулдошлар оиласига мансуб бир йиллик ўтлар, чала ва паст бўйли буталар туркуми; манзарали, доривор ва зиравор экин. 60 (айрим маълумотларга кўра, 150) тури тропик ва субтропик минтақаларда ўсади. Эвгенол Р. (O.gratissimum) тури Жан. Африка, Ҳиндистон, Шри Ланка, Грузия, РФ нинг Краснодар ўлкаси жанубида (оз миқдорда) бир йиллик экин сифатида экилади. Иссиқсевар, намсевар, ёруғсевар, қурғоқчиликка чидамли ўсимлик. Барги йирик, тухумсимон, гуллари оқ ёки пушти,

Райҳон.

поя ва новдалари ичида бошоқсимон тўпгулга йиғилган. Яшил массаси таркибида 0,3% эфир мойи бор (эфир мойининг 70%ни атир-упа, озиқ-овқат саноати ва тиббиётида ишлатиладиган эвгенол модласи ташкил этади). Ўрути эрта баҳорда иссиқхона ва парникларга сепилади, далага кўчат қилиб экилади. Ҳосилдорлиги 40—80 ц/га кўк масса. Жан. Осиёдан келиб чиққан O.basilicum (оддий Р.) тури Ўзбекистонда манзарали, ошкўк ва зиравор экин сифатида ўстирилади. Бўйи 25—40 см, гултожиси 2 лабли, май—окт. ойларда гуллаб уруғлайди, кўчат қилиб экилади. Баргининг ранги ва ўсимлик шаклига қараб оқ Р., ош Р., сада Р., қора Р., ҳожи Р. каби хилларга бўлинади. Уларнинг 300 дан ортиқ нави бор.

РАЙҲОНИЙ — *хаттотлик* услуби; араб ёзувидаги хат услубларидан бири. Муҳаққақ хати асосида яратилган, ихтирочиси Ибн Баввоб ва Ибн Муқлаъ. Хат гўзаллиги ва нозиклиги туфайли *райҳон* номи б-н Р. деб аталади. *Сулс* хатига қараганда Р. да айланма шаклли ҳарфлар ётиқроқ, «вов», «мим» ҳарфлари чўзиқроқ ёзилади ва ҳарфлар охиридаги қайрилмалар бўлмайди. Бу хат китоб саҳифалари безагида, 14—15-а.ларда китоб хотималарини ёзишда ишлатилган. Жамолиддин Ёқут, Жаъфар Бойсунқурий, Бойсунқур Мирзо ушбу хат устасидир.

РАК (юн. лот. cancer — қисқичбақа), канцер, саратон касаллиги — эпителий тўқимасидан ривожланадиган хавфли ўсма. Эпителий ҳужайраси бор барча аъзолар — тери, шиллиқ қаватлар, қизилўнгач, ўпка, меъда-ичак йўли, сийдик-таносил аъзолари, шунингдек, мия ва ҳ.к.да пайдо бўлади. Р. ҳужайралари жуда тез бўлинади ва ривожланади ҳамда атрофдаги соғлом ҳужайраларни емириб боради.

Бошқа хавфли ўсмалар каби, Р. ҳам, одатда, ўзи ўрнашган жойдаги тўқимани емириши, *рецидив*, *метастаз* бериши ва организмнинг умумий ҳолатига таъсир кўрсатиши, *кахексия* (қоқ суяк бўлиб озиб кетиш) б-н хавфсиз ўсмалардан фарқ қилади. Р. алоҳида вируслар фаолияти, шунингдек, турли физик, кимёвий ва биологик омиллар, *канцероген моддалар*нинг одам организмига таъсири ҳамда организмнинг ўзида содир бўладиган эндоген (ички) канцероген моддалар, радиоактив нурлар таъсирида вужудга келиши мумкин.

Р. тўсатдан пайдо бўлмайди, кўпинча рак нишонаси деб аталиб, сурункали кечадиган патологик ўзгаришлардан сўнг ривожланади, шунингдек, тери, меъда, бачадон бўйнидаги узоқ вақт битмайдиган яралар, полиплар, сут безлари фиброаденоматози ва ҳ.к. оқибатида ҳам пайдо бўлади. Аммо шу касалликлардан кейин, албатта, Р. ривожланади деб бўлмайди, чунки Р.ка сабаб бўладиган касалликлар ўз вақтида узил-кесил даволанса, унинг олдини олиш мумкин. Р.нинг характерли хусусиятларидан бири шуки, туқимада ўсма ҳосил бўлиб ривожланганда кейинигина касаллик белгилари юзага чиқади ва ўсма ўсаётган аъзо функцияси кескин бузилади.

Эркакларда кўпроқ меъда, бронхлар, тери, пастки лаб, оғиз бўшлиғи, ҳалқум, ўпка (хусусан, каналларда), таносил аъзолари Р.и учрайди; аёлларда эса бачадон, овқат ҳазм қилиш аъзолари, сут безлари ва тери Р.и кузатилади.

Р. бошланаётганда, у тананинг қайси қисмида ривожланишидан қатъи назар, қаттиқ оғриқ бермайди. Шу сабабли, бемор врачга кўпинча кеч мурожаат қилади, натижада касаллик анча улгайиб кетади. Р.ни даволаш имкони борича эрта бошланса, яхши натижаларга эришиш мумкин.

Пастки лаб Р.и кўпинча пастки лаб қизил ҳошияси устида узоқ вақт битмайдиган яра ва қон сизиб турадиган ёриқчалар, оқ доғлар (лейкоплакия) бўлиши натижасида вужудга келади. Р.нинг олдини олиш учун пастки лаб ва оғиз бўшлиғи касалликларида албатта чекишни ташлаш лозим.

Қизилўнгач Р.и («қилтомоқ» касаллиги) аксарият Р. олди касалликлари оқибатида келиб чиқади. Қизилўнгач Р.ида бемор дастлаб қуюқ, кейинчалик суюқ овқатларни ҳам ютаолмай қолади. Кўпинча тўш орқасида, баъзан кўкрак пастида ва қорин соҳасида оғриқ сезади. Овқат ютганда салгина қийинчилик сезилса, дарҳол врачга мурожаат қилиш керак.

Меъда Р.и кўп учрайдиган ва аксарият сурункали меъда яраси, полипи, шунингдек, сурункали гастритнинг баъзи шакллари оқибатида келиб чиқади. Меъда раки б-н аёлларга нисбатан эркаклар кўпроқ оғрийди; одатда, 40—60 ёшли кишилар ўртасида кўп учрайди. Касаллик бошда сезилмайди, беморнинг дармони қурийди, меҳнат қобилияти сусаяди, озиб кета бошлайди, ранги синиқади; кейинчалик иштаҳа йўқолиши, кўнгил айниши, жигилдон қайнаши, ҳиқичоқ тутиши, кекириш, баъзан қусиш аломатлари, шунингдек, меъдада қаттиқ оғриқ пайдо бўлади. Бундай аломатлар рўй берганда дарҳол врачга мурожаат қилиш зарур.

Тўғри ичак Р.и кўпроқ ичакдаги полипдан пайдо бўлади. Бунда сохта ҳожат қисташи, ширлиқ ёки қон аралаш ич келиши кузатилади, касаллик анча олгандан сўнг ичакдан қон оқади. Қон кетиши кўпинча бавосирда ҳам рўй беради, шунинг учун қон кетиши сабабини фақат врач аниқлаши мумкин.

Ўпка Р.и ўпканинг сурункали касалликлари (ўпка сили, ютилажам, бронх полиплари, пневмокониоз) б-н тез-тез оғриб туриш ва ҳ.к. оқибатида вужудга келиши мумкин. Ўпка Р.и кўпроқ каналларда учрайди; кўкракда оғриқ сезилмаса, йўталганда зурайди), баъзан қон туфлаш кузатилади. Касалликка хос аломатлар пайдо бўлганда дарҳол врачга мурожаат қилиш лозим.

Сут безлари Р.и кўпроқ сут безларида ҳосил бўладиган қаттиқ, оғриқсиз тугунчалар, Р. олди ўсмаси (хавфсиз ўсма), фиброаденоматозларни ўз вақтида даволамаслик натижасида ривожланади. Сут безларида арзимаган тугунча борлиги сезилса, дарҳол врачга мурожаат қилиш керак.

Аёлларда кўп учрайдиган бачадон Р.и бачадондаги сурункали касалликлар — эрозия, полип ва оқ доғлардан пайдо бўлади. Тугруқ ва абортда бачадоннинг жароҳатланиши, уни ўз вақтида даволатмаслик ҳам бачадон Р.ига сабаб бўлади. Касаллик ҳеч қандай белгисиз кечади, кейинчалик анж олганидан сўнг беморда оқчил кўпайиб, ҳайз цикли бузилади, қон кетади ва, ниҳоят, оғриқ пайдо бўлади. Шунинг учун ҳар бир аёл жинсий ҳаёт кечира бошлаган кундан бошлаб камида бир йилда 2 марта (климактерия даврида 4 марта) гинеколог кўригидан ўтиб туриши шарт.

Тери Р.и, одатда, кексаларда (50—70 ёшли эркак ва аёлларда) кузатилиб, кўпинча юзда (бурун қанотлари, қовоқ, бурун-лаб бурмалари, оғиз бурчакларида), баъзан терининг куйган, жароҳатланган жойида, шунингдек, айрим туғма ва турли жароҳатлар ўрнида пайдо бўлади.

Р. ва б. хавфли ўсмалар, асосан, операция қилинади, радиоактив моддалар ва рентген нурлари, Р. ка қарши махсус кимёвий препаратлар, гормонлар, биопрепаратлар қўлланади. Касалликнинг олдини олиш учун организмга зарарли таъсир этадиган канцероген моддаларни йўқотиш, шунингдек, Р. олди касалликларини ўз вақтида даволатмаслик ва даволаш, аҳолини оммавий профилактик кўрикдан ўтказиб туриш, баъзан диспансеризация қилиш лозим (яна қ. *Ўсмалар*).

Ад.: Муродхўжаев Н.К., Очерки современной онкологии, Т., 1998.

Нарзилло Муродхўжаев.

РАКААТ (араб. — муайян амалларнинг намозда такрорланиши) — исломда *намоз*нинг асосий қисми, намоз ўқишда бажариладиган муайян ҳаракатлар ва улар б-н қўшиб ўқиладиган дуолар. Ҳар Р. бир неча ибодат ҳаракатларини ўз ичига олади: тик туриш, белгача эгилиш (рукуъ), бошни ерга қўйиш (сажда), тиз чўкиш (қаъда) ва яна тик туришдан иборат бир тартибдаги ҳаракатлардан ташкил топади. Бир Р. тугагач, янги Р. бошланади. Ҳар бир намоз — хоҳ фарз бўлсин, хоҳ суннат бўлсин, маълум миқдордаги Р.ларни ўз ичига олади.

РАКВЕРЕ (1917 й.гача расмий номи Везенберг) — Эстониядаги шаҳар. Таллин — Нарва йўналишидаги т.й. станцияси. Таллиндан 98 км шарқда. Аҳолиси 20,1 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Машинасозлик, ўрмон-ёғоч, енгил саноат корхоналари мавжуд. Крахмал-қиём, гўшт, сут маҳсулотлари, ёғочсозлик к-тлари, пед. билим юрти, драма театри, ўлкашунослик музейи бор. Р. илк бор рус солномаларида 13-а.да тилга олинган. Валдимяги тепалигида 13-а.га оид қасрнинг харобалари сақланган.

РАКЕТА (итал. rocchetta — парпирак) — махсус ракета ёнилғиси (иш жисми) ёнганда пайдо бўладиган куч таъсирида ҳаракатланадиган учувчи аппарат. Ракета ёнилғиси турига кўра, қаттиқ ёқил-ғили ва суюқ ёнилғили хилларга бўлинади. Бошқариладиган ва бошқарилмайдиган хиллари бор. Бошқариладигани учиб кетаётганда ўз йўналишини (траекториясини) ўзгартириши мумкин. Бир босқичли ва кўп босқичли Р.лар бор. Кўп босқичли Р. захира ёнилғи солинган бўлма, двигатель қурилмаси, ёнилғи бериш тизими, бошқариш органлари, аппаратлари ва б.дан иборат. У ракетанинг маълум босқичда учишини таъминлайди. Ёнилғи заҳираси тугагач, бирин-чи босқич Р.нинг учишда давом этадиган бошқа босқичларидан ажралади. Р.нинг бошлангич (старт) массаси бир неча минг тоннагача бўлиши мумкин. Р. ҳар-



Ракета. Бир погонали жанговар ракета: *а* — қаттиқ ёқилғили; *б* — суюқ ёқилғили; *1* — тумшуқ конуси; *2* — жанговар қисм; *3* — бошқариш тизими; *4* — оксидлагич баки; *5* — қаттиқ ёқилғи; *6* — ёнилғи баки; *7* — турбина; *8* — ёниш камераси; *9* — сопло; *10* — стабилизатор; *11* — газ рули.

«Колумбия» ракетаси (АҚШ).

бий ишда ва *космонавтика*да қўлланади. Р. махсус учириш қурилмаларидан учирилади. Р. ҳарбий мақсадларда, космосда, и.т. ишларида, хўжалик эҳтиёжлари учун ишлатилади. Космик Р.ларнинг яратилиши рус олимлари К.Э. *Циолковский*, Н.И.Кибальчич, Ф.А.Цандер, В.П.Глушко, С.П. *Королёв*, чет эл олимлари Р.Годдард, Г.Оберт ва б. номи б-н боғлиқ.

РАКЕТА ДВИГАТЕЛИ (РД) — атроф-муҳит (ҳаво, сув) дан фойдаланмай ишлайдиган *реактив двигатель*. Реактив оқим кинетик энергияга айланувчи энергиянинг турига қараб, кимёвий, ядровий, электр хилларига бўлинади.

Кимёвий РД, асосан, икки қисм — ёниш камераси ва реактив соплодан иборат. Ёниш камерасида ўтадиган кимёвий реакция натижасида ёнилғи қизиган газларга айланади. Бу газлар реактив соплоларда кенгайиб, катта тезлик б-н ташқарига чиққанда реактив тортиш кучи вужудга келади. Газ қанча тез чиқса, реактив тортиш кучи шунча катта бўлади. Бу кўрсаткич ёнилғининг сифатига боғлиқ. РД суюқ ёнилғи ва қаттиқ ёқилғида ишлаши мумкин. Қаттиқ ёқилғили РД (ҚЁРД) бир неча юз йилдан бери маълум. Дастлаб, ёқилғи сифатида қора порох, сўнгра тутунсиз порох ишлатилган, кейинчалик мураккаб таркибли ёнилғи ишлатила бошлади. ҚЁРД, асосан, ҳарбий техникада (ракета артиллериясида), яъни турли типдаги реактив қурилмаларда ишлатилади. Жуда катта ўлчамли ва жуда узоққа учиб борадиган ракеталар (мас., қитъалараро баллистик ракеталар) *косморакета*да ҳам қўлланилади. Мас., бир босқичли элтувчи ракета учун ҚЁРД ишлатиш мумкин. ҚЁРД юзларча т тортиш кучи вужудга келтира олади.

Космик парвозлар учун, асосан, суюқ ёнилғили РД (СЁРД) ишлатилади (расм). Уни К.Э. *Циолковский* 1903 й.да таклиф қилган. Биринчи совет СЁРД Ленинградлаги *Газодинамик лабораторияси* (ГДЛ)да 1930—31 й.ларда яратилди. Ф.А.Цандер ишлаб чиққан РД суюқ кислород ва бензиндан иборат ёнилғида синаб кўрилди (1933). Кейинчалик, *Ер суньий йўлдошлари* учиришни, биринчи космонавтларнинг парвозини таъминлаган кучли двигателлар (РД-107 ва б.) ишлаб чиқилди. СЁРД ёниш камераси, реактив сопло, турбонасос агрегати, газ генератори, буғ-газ генератори, автоматик тизим, ростлаш органлари, ўт олдириш тизими, телеметрик датчиклар, ёрдамчи агрегатлар, рама ва б.дан иборат. СЁРД бир ёки кўп камерали бўлиши мумкин. У вазифасига кўра, асосий (марш), коррекцияловчи (тузатувчи), йўналишини тормозловчи, ўзгартирувчи хилларга ажралади.

Суюқ ёнилғили ракета двигатели:
1 — ёниш камераси; *2* — газ генератори; *3* — турбина; *4* — оксидлагич насоси; *5* — ёнилғи насоси; *6* — ҳаво редуктори; *7* — пероксид водороди босими ростлагичи; *8* — оксидлагич қувури; *9* — босим релеси; *10* — рама; *11* — оксидлагич клапани; *12* — ёнилғи қувури.

Аралаш ёнилғили РД да ёнилғининг суюқ ва қаттиқ компонентларидан бир вақтда фойдаланилади. Бундаги гетероген ёнилғи РД нинг ёниш камерасига қаттиқ ёнилғи жойлаштирилади, суюқ ёнилғи эса бакдан узатилади. Ядро РД да эришиладиган солиштирма тортиш кучига қараганда анча катта тортиш кучи ҳосил қилиш мумкин.

Реакторда ажратиладиган иссиқлик иш жисмини қиздиришга сарфланади, чунки бунда энергия манбаи ва иш жисми алоҳида-алоҳида бўлади.

РД нинг солиштирма тортиш кучини оширишда ядро энергиясидан фойдаланиш яхши самара беради. Электр РД (ЭРД) ёрдамида солиштирма тортиш кучини юзларча марта ошириш мумкин. Бунда электр энергияси реактив оқимнинг кинетик энергиясига айланади.

Фотон ёки квант РД назарий жиҳатдан энг мукаммал двигатель ҳисобланади. Бунда реактив оқимни нурланиш квантлари ҳосил қилади. Жуда узоқ ва мураккаб космик парвозларда фотон РД жуда кўл келарди, лекин ҳали бундай двигателлар яратилганича йўқ (2004). Авиацияда РД асосан ёрдамчи двигателлар сифатида ишлатилади.

РАКЕТА ЁНИЛҒИСИ — *ракета двигатели* учун энергия манбаи сифатида ишлатиладиган модда ёки моддалар мажмуи. Кимёвий ва нокимёвий Р.ё. бор. Кимёвий Р.ё. — модда ёки моддаларнинг кимёвий парчаланиш ёки оксидланиш реакцияси натижасида иссиқлик энергияси ажратади. Энергия ажралиши натижасида ҳосил бўлган газсимон маҳсулотлар кенгайиб иш бажаради. Р. ё. алоҳида сақланадиган компонентларнинг сонига қараб, бир, икки, уч ва кўп компонентли, компонентларнинг агрегат ҳолатига қараб, суюқ, қаттиқ, гибрид ёнилғили ва б. хилларга бўлинади. Р. ё. суюқ ёнилғили ракета двигатели (СЁРД), қаттиқ ёқилғили ракета двигатели, гибрид ёнилғили ракета двигатели ва б.да ишлатилади. Нокимёвий Р. ё. ядро ва электр хилларга бўлинади. Ядро Р. ё. — радиоактив парчаланиш, ядроларнинг бўлиниши ёки синтези натижасида энергия ажраладиган модда ёки моддалар. Иш жисми сифатида ёки бошқа иш жисмига энергия бериш учун қўлланилади. Электр ракета двигателида электр энергияси махсус модда (иш жисми)га узатилади ёки унинг манбаи бўлади. Деярли барча ракета двигателларида, асосан, кимёвий Р. ё. ишлатилади.

РАКЕТА ҚУРОЛИ — *ракета* ёрдамида шикастлаш воситаси (бомба, снаряд) нишонга етказиладиган қурол. Отиш жойи ва нишоннинг ўрнига қараб, Р.қ. қуйидаги синфларга бўлинади: «ер — ер» (ердан туриб ердаги нишонга отилади), «ер — ҳаво» (ердан туриб ҳаводаги нишонга отилади), «ер — кема», «ҳаво — ер», «ҳаво — ҳаво», «ҳаво — кема», «кема — кема», «кема — ҳаво». Вазифасига кўра, Р.қ. стратегик, оператив — тактик, тактик турларга бўлинади. Шикастлаш воситасининг нишонга етказиш узоқлиги бўйича анча яқин (10 км гача), яқин (10—100 км гача), ўртача яқин (100—500 км), анча узоқ (қитъалараро, 5500 км гача) Р.қ. фарқланади. Р.қ. 20-а. 50—70-й.ларида кенг расм бўлди.

Танкка ўрнатилган ракета қуроллари.

РАКЕТАЛАР ДИНАМИКАСИ — реактив двигателли учиш аппаратлари ҳаракатини ўрганиш б-н шуғулланадиган фан. Р.д.нинг назарий асослари 19-а. охири, 20-а. бошларида яратилди, 20-а. 40-й.лари охиридан жадал ривожлана бошлади. Бўлимлари: 1) ракеталарнинг оғирлик маркази ҳаракатини ўрганиш; бунда траекторияларга оид масалалар назарияси яратилади; 2) ракеталар ҳаракатини оғирлик марказига нисбатан ўрганиш; бунда космик кемаларни космосда туташтириш, ракеталарни бошқариш, мўлжалга тўғрилаш ва б. масалалар ҳал қилинади; 3) экспериментал Р. д.; бунда ракеталар ҳаракатини талқиқ қилишнинг экспериментал усуллари ўрганилади. Р.д.да оптик ва радиотехник асбоблар, компьютерлар қўлланилади, эҳтимолий жараёнлар назариясидан фойдаланилади.

Р.д.нинг асосий вазифаларидан бири — двигатели ишлаб турган ракеталарнинг ҳаракат қонунларини ўрганиш. Ракета учаётганда ёнилғи ёниши туфайли массаси анча камаяди. Мас., бир босқичли ракеталар тезлик олиш (старт) пайтида дастлабки оғирлигининг 90% ини йўқотади. Двигатели ишлаб турган ракеталарнинг ҳаракат қонунлари ўзгарувчан массали жисмлар механикаси тенгламалари орқали ифодаланади.

РАКЕТА-ЯДРО ҚУРОЛЛАРИ —ядро ва термоядро зарядли ракеталар; душманга зарба беришнинг қудратли воситаси. Р.-я. қ. жанг олиб бориш ҳамда стратегик вазифаларни ҳал қилишда қўлланилади. Р.-я. қ. турли синфдаги ракеталарнинг яратилиши ҳамда турлича қувватдаги ядро, термоядро зарядларининг ишлаб чиқилиши б-н юзага келди. Р.-я. қ.да қирғин воситаси ядро заряди, нишонга етказиш воситаси — *ракета*. Ракеталар ер шарининг ҳар қандай нуқтасига қисқа муддатда (40 минута яқин вақт ичида) ядро зарядини элта олади. Р.-я.қ.нинг асосий вазифаси душманнинг ядро қуроллари ва б. оммавий қирғин воситаларини йўқ қилишдир. Р.-я.қ.ни оммавий суратда қўллаш жанг майдонида қисқа муддат ичида душманга ҳал қилувчи зарба бериш ва кучлар нисбатини ўз фойдасига тубдан ўзгартириш имконини беради.

РАКУРС (франц. raccourcir — қисқартирмоқ) — тасвирий санъатда турли нарсаларни перспектив қисқартириб акс эттириш. Безак рассомлигида Р. фазовий кенглик ва ҳаракатни ўта самарали кўрсатиш учун қўлланилади. Меъморий иншоотлар (шифт, гумбаз кабилар)нинг расми чизилаётганда бино тўғрисида кишида тўғри тасаввур ҳосил қилиш учун Р. меъёрига алоҳида эътибор берилади. Кино санъатида — бир жойда турган ёки ҳаракатдаги кинокамера орқали бир объектнинг турли томонлардан суратга олиниши. Воқеани, кишини ҳар томондама кўрсатиш имконини беради.

РАМА — 1) машина ёки қурилмаларнинг юк тушадиган асосий кўтариш қисми. Автомобиль, тракторларда кузов ва барча агрегатлар (двигатель, куч узатмаси ва б.) Р.га ўрнатилади. Автомобиль Р.си, асосан, иккита бўйлама балка ва уларни бириктирувчи кўндаланг бруслардан иборат. Айрим сигнал ва махсус автомобилларда битта бўйлама балкадан иборат марказий Р. ишлатилади; бунда асосий агрегатлар кронштейн ва кўндаланг бруслар ёрдамида маҳкамланади; 2) элементлари (устунлари, ригеллари) бир-бирига бикр маҳкамланган стерженлар тизими; мас., баланд бинолар, э-д цехлари ва б.нинг каркаслари, станок Р.си.

РАМАЗОН — 1) ҳижрий йил ҳисобининг 9-ойи. Ислом динида Р. ойида Аллоҳ Муҳаммад (сав)га Қуръонни ваҳий қила бошлаган, деб талқин этилади. Шу сабабли Р. муқаддас ой ҳисобланади, бу ой давомида мусулмонларга *рўза* тутиш буюрилади.

Р. — арабларда исломдан аввалги 4 муқаддас ойдан бири; дастлаб ёз фаслига тўғри келган. Ислом дини жорий этилиши арафасида Маккада Р. ойида яхши амаллар қилиш (таҳаннус) анъана бўлган. Р. ойининг 27-кунига ўтар кечаси Муҳаммад (сав)га Қуръон нозил қилинган (қ. *Лайлатул-қадр*). Р. ойида рўза тутиш ҳижранинг 2-йили жорий этилган.

Мусулмон мамлакатларида Р.га оид маросим ва анъаналар ҳар бир ўлканинг ўзига хос урф-одатларидан келиб чиққан ҳолда ўтказилади.

2) Р. мунасабати б-н айтиладиган маросим қўшиғи. Р. оиласида кун боттандан сўнг болалар кўчама-кўча юриб, ҳар бир хонадон эшиги олдида Р. қўшиғини айтишади. Р. қўшиқлари хонадонга яхшилик, ризқ, фарзанд, барака тилаш, Р.нинг муқаддас ойлигини мадҳ этишдан иборат. Р. айтиш тугагач, хонадон эгалари Р. айтувчиларга нон, ширинлик, пул, кийимлик ва б. инъомлар чиқариб беришади.

РАМАЗОНОВ Шариф Абдуллаевич (1910.16.6, Хива тумани Гандимиён қишлоғи — 2002.3.7, Тошкент) — композитор, педагог. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1952), Ўзбекистон халқ артисти (1970). Уруш қатнашчиси (1941—45). Самарқанд мусиқа ва хореография ин-тини тугатган (1930). 1933—54 й.ларда Тошкент, Урганч ва Наманган мусиқали театрларида дирижёр ва бадиий раҳбар, айни пайтда Хоразм (1936—38) ва Наманган (1948—54) вилоятлари маданият бошқармаси бошлиғи. Ўзбекис-тон давлат эстрада театри бадиий раҳбари (1954—58), Ўзбекистон эстрада оркестри ташкилотчиси ва бадиий раҳбари (1958—60), Тошкентдаги 1-сон мусиқа мактаби директори (1960—87). «Холисхон» (Мажидий, 1936), «Шоҳсанам» (С. Абдулла, 1938), «Асл фарзанд» (А. Аҳмадий, 1947), ««Ҳаёт чақириғи» (С. Абдулла, 1958) ва б. мусиқали драмаларнинг мусиқаси, «Сер-қуёш Ўзбекистон», «Хоразмча» каби симфоник сюиталар, «Мард пахтакорлар» кантатаси, «Мирзачўл» увертюраси ва б. асарлар муаллифи. Шунингдек, унинг ижодида қўшиқ катта ўрин тутади: «Интизоман», «Шаҳло кўзим», «Ёр келур», «Дилрабо», «Ўзбекистон» ва б. Ўзбек халқ қўшиқларини эстрада услубида қайта ишлаган («Наманганнинг олмаси», «Эй, меҳрибоним» ва б.).

РАМАКРИШНА (ҳақиқий номи Гададҳар Чаттержи) [1836.18.2, бошқа манбаларга кўра 1834.20.2, Камарпукур (Ғарбий Бенгалия) — 1886.16.8, Калькутта] — ҳинд диний мутафаккири, жамоат арбоби. *Вивекананда*нинг маънавий устози. Шанкараниng адвайта-ведантасини Раманужа таълимоти б-н бирлаштиришга интилди. Ҳиндистон ва бутун инсониятнинг уйғониши учун ягона дин керак, деб ҳисоблаб, барча динларнинг маънавий яқинлигини тартиб қилган. Р.нинг фикрича, ҳар бир инсон ўзининг худога нисбатан муҳаббатини тарқатувчилик йўли б-н эмас, балки шу реал дунёда ўз бурчини адо этиш йўли б-н изҳор этиши керак. Ҳинд миллий ҳаракати мафкурасига катта таъсир кўрсатган. 1897 й. Р. шогирдлари унинг тоғларини тартиб қилиш учун «Р. миссияси» жамиятини ташкил қилганлар, бу жамият ҳозиргача иш олиб боради.

РАМАН (Raman) Чандрасекхара Венката (1888.7.11, Тируччираппалли — 1970.21.11, Бенгалуру) — ҳинд физиги. Ҳиндистон ФА аъзоси ва унинг президенти (1934 й.дан). Мадрас ун-тида таълим олган (1903—07). Калькутта ун-тида ишлаган (1917—33). 1933 й.дан Бенгалурудаги Фан ин-ти директори, 1933 й.дан ўша ердаги Раман н.т. ин-ти директори. Илмий ишлари оптика, акустика, молекулар физика ва кристаллар физикасига оид. Р. ҳинд физиги К.С. Кришнан (1898—1961) б-н ҳамкорликда (рус олимлари Л.И.Мандельштам, Г.С.Ландсберглардан мустақил тарзда) ёруғликнинг комбинацион сочилиши ҳодисасини кашф қилди ва назарий жиҳатдан асослади (1928). Р. ёруғлик дифракцияси, ультратовуш тўлқинлари, кристаллар физикаси, атом ядроси тузилиши ва б. соҳаларда ҳам илмий ишлар қилган. Нобель мукофоти лауреати (1930).

РАМАПИТЕКЛАР (Ramapithecus) — қирилиб кетган одамсимон маймунлар. 2 тури маълум. Пастки жағ суяклари юқори миоцен ётқизиқларидан топилган (1934). Р. қолдиқлари Шарқий Африка (Кения, 1962), Европа (Венгрия, Туркия)дан ҳам топилган. Тишларининг морфологик хусусиятларига кўра, Р. австралопитекларга яқин туради. Р.нинг абсолют ёши 13—14 млн. й.га тенг. Р. австралопитекларнинг аждоди ҳисобланади. Лекин кейинги йилларда кўпчилик тадқиқотчилар Р.ни орангутанларга яқинлаштириб, уларни одам аждодларидан чиқаришни таклиф қилишмоқда.

«РАМАЯНА» — санскрит тилидаги қадимги ҳинд эпоси. Муаллифи Валмики деб тахмин қилинади. Мил. ав. 4-а.да Шарқий Ҳиндистонда яратилган, халқ оғзаки ижодида тўлдирилган ва қисман ўзгариб, мил.нинг 2-а.ига келиб тўлиқ шаклланган. Достонда Қўёш сулоласига мансуб афсонавий шоҳ Раманинг қаҳрамонликлари, унинг зулм ва адолатсизликка қарши кураши баён этилади. Одамхўр дев (ракшас)лар подшоси Раваи томонидан Раманинг рафиқаси Ситанинг ўғирлаб кетилиши ва Ситани қутқариш учун Раманинг Раваи б-н жанглари «Р.»нинг марказий воқеасини ташкил этади. Ўрта асрларда «Р.» вишнуизмнинг муқаддас китобларидан бири бўлган. «Р.» 7 китобдан иборат, 1—7-китоблари тил ва мазмуи жиҳатдан бош-қаларидан фарқ қилади ҳамда бу факт асарга кейинчалик қўшимчалар қилинганини тасдиқлайди. «Р.» Ҳиндистонда «Маҳабҳарата» дан кейин туралиган машҳур асар. Унинг сюжетлари мумтоз ҳинд адабиётида қўлланган. 14—17-а.ларда қатор янги ҳинд, дравид тилларига таржима қилинган. «Р.»нинг турли вариантлари Тибет, Хитой, айниқса, Жан.-Шарқий Осиё мамлакатларида асрлар давомида тасвирий санъат ҳамда халқ театрлари учун севимли сюжет манбаи бўлиб хизмат қилган. «Р.» асосида ҳинд киноустасилари яратган видеофильм ўзбек тилига таржима қилинган.

Ад.: Рама ҳақида қисса [Премчанд баёнида], Т., 1970; Махабхарата. Рамаяна, М., 1974; Серебряков И.Д., Очерки древнеиндийской литературы, М., 1971; Рамаяна. Қадимги ҳинд эпоси, Т., 1978.

Ансариддин Нўъмонов.

РАМЗ (араб. — ишора қилмоқ) (бадиий адабиётда) — воқеликни бадиий акс эттиришнинг шартли усули; бадиий шартлилик шаклларидан. Р. мажоздан фарқ қилиб, мазмуни образли қурилиши б-н боғлиқ бўлади ва кўпмаънолилиги б-н ажралиб туради. Р. барча халқлар фольклори ва адабиётида қадимдан мавжуд. Рамзий образлар муайян тизимни ташкил этади ва айрим ҳолларда кўпчилик халқлар адабиёти ва санъатида муштарак мазмунни ифодалайди. Мас., шер — мардлик, тулки — маккорлик, бўри — очкўзлик ва б. Адабиёт тарихида асрлар давомида ишлатилиб келинаётган рамзий образлар тизими ҳам мавжуд; гул — гўзаллик, маъшуқа; булбул — ошиқ; сариқ ранг — маҳзунлик, қора ранг — мотам рамзи ва б. Ижолкорлар анъанавий Р.лар б-н бир қаторда табиатдаги ҳар бир ҳодиса ва детал (мас., булут, булоқ, чақмоқ ва б.)дан рамзий тасвир учун фойдаланадилар. Бунда у ёки бу нарса тасвир жараёнида ёзувчи мақсадига хизмат қилувчи муайян рамзий маънога эга бўлади.

Халқ оғзаки ижодиёти ва мумтоз адабиётда кенг қўламда ишлатилган рамзий тасвир усули ҳоз. адабиётда ҳам муваффақиятли қўлланилмоқда.

РАМЗ БОБОЖОН (тахаллуси; асл исм-шарифи Бобожонов Рамз, 1921.2.12, Тошкент) — шоир ва драматург. Ўзбекистон халқ шоири (1981). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1971). Тошкент педагогика ин-ти (1944) ва шу ин-т аспирантураси (1955)ни тугатган. «Ленин учқуни» (ҳоз. «Тонг юлдузи») газ.да бўлим мудири, муҳаррир, Ёзувчилар уюшмасида маслаҳатчи (1949—59), Ёзувчилар уюшмаси правлениеси котиби (1960—63; 1968—80), Бадиий адабиёт нашриёти директори (1963—67), Ўзбекистон «Ватан» жамияти правлениеси раиси (1981—86) лавозимларида хизмат қилган.

Ижоди 1936 й.дан бошланган. «Шеърлар» (1939), «Ҳаля» (1940), «Олтин камалак», «Водийни кезганда» (1949), «Танланган асарлар» (1958), «Севги сирлари» (1963), «Шеърлар» (1965), «Сенга, севгилим» (1969), «Муҳаббатга таъзим» (1980), «Сенинг меҳринг» (1997), «Сурайё юлдузидан шуълалар» (2001) шеърий китоблар муаллифи.

Р.Б. достон жанрида ҳам ижод этиб, «Қадрдон дўстлар» (1948), «Биринчи парвоз» (1955), «Бобом б-н суҳбат» (1967), «Оби ҳаёт» (1969), «Ҳиндистон онаси» (1972), «Баҳс» (1973) сингари лиро-эпик асарлар яратган.

«Тоға-жиянлар» (1961), «Инсу жинс ёки Тирик мурдалар» (1972), «Зуҳранинг мактублари» (1975) комедиялари, шунингдек, «Юсуф ва Зулайҳо» мусиқали драмаси (1981) республика театрлари саҳналарида қўйилган. «Зуҳранинг мактублари» комедияси «Лўлини алдаб бўлмайди» номи б-н Москвадаги «Ромэн» театрида саҳналаштирилган. «Юсуф ва Зулайҳо» мусиқали драмаси асосида эса 5 серияли телевизион фильм яратилган.

Р.Б. Г. Ибсен («Арвоҳлар»), А. Т.Твардовский («Василий Тёркин»), М.И.Алигер («Зоя»), Наби Ҳизрий («Севгим, севгилим») ва б. адибларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган. «Эл-юрт ҳурмати» ордени б-н мукофотланган (2003).

Ас.: Сайланма [3 жл.]. 1—3-ж.лар, Т., 1983—1985.

Ад.: Носиров Э., Рамз Бобожон, Т., 1974.

РАМЗАЙ (Ramsay) Уильям (1852.2.10, Глазго — 1916.23.7, Хау-Уикем) — инглиз кимёгари ва физиги. Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1988). Бристоль (1880—87) ва Лондон ун-ти проф. (1887—1913). Илмий ишлари физик. анорганик ва органик кимёга оид. Суюқликларнинг мол.м .ни уларнинг сирт таранглигига кўра аниқлаш усулини (1883) таклиф қилган. Ж.У.Рэле б-н ҳамкорликда аргонни кашф этган (1894). У. Крукс б-н ҳамкорликда Ерда гелий миқдорлигини исботлаган (1895). М.У.Траверс б-н ҳамкорликда неон, криптон ва ксенонни кашф қилган (1898). Ф. Содди б-н ҳамкорликда радиоактив элементларнинг ўз-ўзидан емирилиши ва б. элементларнинг изотопларига айланишини амалда аниқлаган (1903). Илк бор турли металларга α-заррача таъсир эттириб, уларни сунъий равишда бошқа элементларга айлантиришга уринган кўрган. Микротрози ихтиро қилган (1910). Д.И.Менделеевга боғлиқ бўлмаган ҳолда кўмирни ер остида газга айлантириш гояcини олга сурган (1912). Лондон кимё жамияти президенти (1907—09). Нобель мукофоти лауреати (1904).

РАМИ (Boehmeria), хитой чаён ўти, қичитқон — газандадошлар оиласига мансуб кўп йиллик луб толали ўсимликлар туркуми. Ватани — Хитой. Япония, Шим. Ҳиндистон, Жан. Шарқий Осиё мамлакатларида кўп экилади. Р.нинг 90 дан ортиқ тури бор, улардан иккитаси: оқ Р. (B.nivea Hook) ва яшил Р. (B.utilis Blume) кенг тар-қалган. Иссиқсевар, намсевар ўсимлик. Оқ Р. баргларининг пастки томони оқ туклар б-н қопланган. Яшил Р.да бу белги сезилмайди. Иккала тури ҳам тола олиш мақсадида экилади. Р. бўйи 1—3 м га боради, жуда тез ўсувчи бир қанча тик поялардан иборат (бир тупда 50 тадан ортиқ поя ривожланади). Барги уз. 7—21 см, навбатма-навбат жойлашган, барг бандининг уз. 7—10 см. Уруғи жуда майда. Р.нинг толаси юқори технологик сифатга эга, каноп толасига нисбатан 4 марта, пахта толасига нисбатан 7 марта пишиқ. Толасидан газлама тўқилади, пойабзал и.ч.да, балиқчиликда ишлатилади. 19-а.нинг 60-й.ларидан Шарқий Грузияга келтирилган. 20-а.нинг 30-й.ларида Ўзбекистон *ер тола-лари жамлари тажриба станциясида канап, кендир, жут* б-н бир қаторда Р.ни ўстириш тажрибалари олиб борилган. Суғориб экилади, экилгандан кейин иккинчи йилдан бошлаб бир йилда уч марта (ўсиш бошланиши даврида 60—70 кун оралатиб) ўриб олинади. Ҳосилдорлиги қуруқ поя бўйича 500—800 ц/га ва ундан ортиқ. Толаси яшил поялардан ажратиб олинади, тола чиқиши 2—2,5%.

Рами.

РАМО (Rameau) Жан Филипп (1683.25.9, Дижон 1764.12.9, Париж) — француз композитори ва мусиқашунос. Замонавий *гармония* назариясининг асосчиси («Гармония ҳақида трактат», 1722; «Гармониянинг келиб чиқиши», 1750 ва б.). Композиторлик ижодида француз (Ж.Б.Люлли) ва итальян (А.Вивальди, Д.Скарлатти) мусиқа ютуқларини мужассам этиб, классик мусиқа услубини шаклланишига муҳим ҳисса қўшган. Клавесин учун пьесаларда қад. (аллеманда, куранта каби) ва замонавий (менуэт ва б.) бал рақсларини ҳамда миллий (ригодон, тамбурин) рақс куйларини нозик дид ва юксак маҳорат б-н қайта ишлаган. Р.нинг опера (лирик трагедиялар), опера-балет ва балетлари француз мусиқали театрида бутун бир даврни ташкил этиб, К.В. *Глюк*нинг опера жанри ислоҳотига замин яратган. Буларнинг айримлари («Назокатли Ҳиндистон», 1735; «Зороастр», 1749 ва б.)да Шарқ мавзуларига мурожаат этган. Бир неча кантата, мотет, чолғу ансамбль ва б. асарларни ёзган.

РАМОН-И-КАХАЛЬ (Ramon y Cajal) Сантьяго (1852.1.5, Петилья, Наварра — 1934.17.10, Мадрид) — испаниялик гистолог. Валенси, Барселон, Мадрид (1892—1922) ун-тлари проф. Нейрон нерв системасининг морфологик бирлиги таълимотининг асосчиси (1894). Илмий фаолияти кўз тўр пардаси, орқа мия, миячанинг тузилиши, шунингдек, шикастланган нервнинг тикланиш масалаларига оид. Нобель мукофоти лауреати (1906, К.Гольжи б-н ҳамкорликда).

РАМСЕС II (тахтга ўтиргандан сўнг —Усер-маат-Ра-сотеп-ен-Ра) — Миср фиръавни (мил. ав. 1290—24). Миср-нинг 14-а. бошида Фаластинда йўқотган мавқеини қайта тиклаган. *Хеттлар* б-н узоқ муддат курашган; кенг миқёсда қурилиш-бунёдкорлик ишлари олиб борган: Абидос, Фивада (Рамессеум) ибодатхоналар. Карнака ва Луксордаги иншоотлар, Абу Симбалдаги ҳар 2 гор ибодатхонаси, Эдфу ибодатхонаси ва б.

РАМСТЕДТ (Ramstedt) Густав Йон (1873.22.10, Таммисари — 1950.25.11, Хельсинки) — фин олтойшуноси — тилшуноси. Хельсинки ун-ти проф. (1917—41). Мўғул тилларини қиёсий-тарихий ўрганишнинг ҳамда қиёсий-тарихий олтойшуносликнинг асосчиларидан бири. Р. 1898 й.дан бошлаб бир қанча йиллар давомида Волга ва Кума дарёлари бўйлари, Монголия ҳамда Кушка атрофида экспедицияларда бўлиб, мўғул, қалмоқ, читатой тиллари ва фольклори бўйича материаллар тўплаган, уларни туркий параллеллари б-н қиёсланган ҳолда эълон қилган. Р. мўғул ва туркий тиллари бўйича тал-қиқот олиб борib, «Мўғул ва туркий тилларида феъл ясалиши», «Олтой тилларида сон», «Олтой тилларининг қариндошлиги ҳақида» сингари илмий асарлари б-н олтойшунослик назариясига асос солган; қалмоқ тили бўйича «Қалмоқ луғати», «Қалмоқ тили ва унинг диалектлари» каби асарлар яратган. Р. урал-олтой тилларининг генетик қариндошлиги ҳақидаги фикрларга қарши чиққан, корейс ва япон тилларини олтой тиллари гуруҳига киритган. Олтой тилларидаги товуш ва шаклий ўхшашликлар ҳақидаги тўлиқ маълумот унинг «Корейс тили бўйича этимологик талқиқотлар» (1—2-ж., Хельсинки, 1949—53) асарларида баён қилинган.

Ас.: Введение в алтайское языкознание. Морфология, М., 1957.

Эргаш Умаров.

РАНА САНГА, Санграм Сингх (?—1528) — рожпут, *Бобур*нинг Ҳиндистондаги энг кучли рақиби. Р.С.нинг асосий мулки Мевар эди. Манду султонларининг ҳокимияти заифлашгач, Р.С. ундан Рантанбур, Арангпур, Бхилсан ва Чандири каби кенг вилоятларни тортиб олган. Бобур Кобулдалигида Р.С. унга киши юбориб, «Агар ҳукмдор Деҳли вилоятига келгудек бўласалар, мен Аграга кетаман» деган. Бироқ Бобур 1526 й. Иброҳим Лўдийни енгиб, Деҳли ва Аграни олгач, Р.С. унга қарши чиқиб (1527 й.), Кандар қалъасини қамал қилган ва уни эгаллаган. Р.С. б-н Бобур ўртасидаги ҳал қилувчи Кхануа жанги 1527 й. 13 мартда юз берди. Жангда Бобур қўллаган *тўлғама* усули ва артиллерия иш берди. Жангда Бобур тўла галабага эришди. Р.С. бир йилдан сўнг вафот этган.

РАНГ — моддалар чиқарган ёки қайтарган нурланиш спектрига мос равишда ёруғликнинг муайян кўриш туйғусини ҳосил қилиш хоссаси. Нурланишнинг ёруғлик энергияси атрофидаги буюмлардан қайтиб, кўз қорачиғи орқали кўзнинг сезгир ҳужайравий қабул қилувчи пардасига тушиб, унга фаол



Ранг. Кўринадиган нурланишнинг яхлит спектри. Юқорида (рақамлар) — тўлқинлар узунлиги (нанометр — нм да).

таъсир қилади. Модда қайси Р.даги нурни ютса, ўша Р.даги нурни ўзидан чиқаради. Р.нинг спектри моддани ташкил этувчи атом ва молекулалар хусусиятларига қараб ўзгариши мумкин. Спектрни ташкил этувчи нурлар энергиясининг зичлиги бир-бирига яқин бўлганда оқ Р. ҳосил бўлади. Ёритувчанлик ёки ёритилганликнинг камайиши натижасида моддаларнинг ранги ноаниқлашади.

Уч хил Р.нинг қўшилишидан хоҳлаган Р.ни ҳосил қилиш мумкин. Халқаро келишувга биноан, 3 асосий Р. танлаб олинган: қизил, яшил ва ҳаво ранг. Рангли телевидение, рангли фотография ва б.нинг асосида 3 хил Р. аралашмаси ётади. Тўлқин узунлиги λ ҳар хил бўлган ёруғлик ҳар хил ранг таассуротини ҳосил қилади: λ=460 нм да — бинафша ранг, 470 нм да — кўк ранг, 480 нм да — зангори ранг, 520 нм да — яшил ранг, 580 нм да — сариқ ранг, 600 нм да — тўқ сариқ ранг, 640 нм да — қизил (апельсин) ранг, 700 нм да тўқ қизил (қирмизи) ранг ҳосил бўлади.

Баъзи одамларда *ранг ажрата олмаслик* касаллиги учрайди. Бу касалликда рангли расмлар б-н оқ-қора расмлар ва светофор чироқлари бир хил кўринади. Моддалар ҳароратини бевосита аниқлаш мумкин бўлмаган вақтда чиқариш спектридаги Р.нинг ўзгаришидан фойдаланилади. Шу усул б-н Қуёш сирти ҳарорати аниқланган. Кимё тажрибаларида эриган модда концентрацияси (ранги)ни аниқлашда махсус оптик асбоб (спектрофотометр)лардан фойдаланилади.

РАНГ (тасвирий санъатда) — *рангтасвир*нинг асосий ифода ва тасвир воситаси. Р. орқали рассом мавжуд бир воситаси. Р. орқали рассом мавжуд борлиқни ўзига хос хусусиятлари б-н ҳаққоний акс эттиради. Жаҳон санъати тараққиётида борлиқ Р.ини акс эттиришнинг турли услуб ва тизимлари шаклланган, бироқ ҳаммасининг асосида Р.ларни бир-бири б-н аралаштириб, янги Р. ҳосил қилиш услуби ётади. 7 хил камалак (спектр) Р.ини бир-бирига аралаштириш орқали 280 дан ортиқ Р. тусланишини ҳосил қилиш мумкин. Р. инсон руҳиятига кучли таъсир этувчи восита бўлиб, у инсонда қувонч ва маюслик, тетиклик ёки безовталик туйғулари, хотиржамлик ёки безовталик туйғуларини уйғотиши мумкин. Рассом учун Р.нинг ана шу кучи муҳим омил бўлиб, улар асарнинг ғоявий-пластик ечимида муҳим роль ўйнайди.

Табиатдаги бор Р.лар ахроматик ва хроматик Р.ларга бўлинади. Ахроматик Р.ларга оқдан тўқ қорагача бўлган бўёқлар, қолганлари хроматик (қизил, сариқ, кўк ва ҳ.к.) Р.ларга киради. Хроматик Р.лар ўз навбатида иссиқ (қизил, сариқ, заргалдоқ) ва совуқ (кўк, мовий, бинафша), шунингдек, ҳар иккисига кирувчи (бинафша, яшил) Р.ларга ажратилади. Рангтасвирда иссиқ ва совуқ Р.ларнинг ўзаро уйғунлиги асарнинг ранг тизими — *колорит*ини ташкил қилади, шунингдек, асар композициясини ташкил этувчи унсур ва восита ҳисобланади. Илиқ Р. яқинлик, совуқ Р. узоқлик туйғусини бериши асарда масофани кўрсатиш (айниқса, манзара жанри)да қўл келади.

Тасвирий санъат тарихида Р.дан фойдаланиш жамият тараққиёти б-н бирга ривожланиб борган. Ибтидоий жамоа рассоми ўз «асар»ини мавжуд табиий Р. (ёғоч кўмири, олов куяси)-дан фойдаланиб ишлаган, жамият ривожи б-н Р. — *пигмент* ва боғловчилар ортиб борган, Р. и.ч. усули ривожланган: қулдорлик даврида мураккаб Р. (*акварель, темпера, энкаустика*) технологияси ишлаб чиқилган. Ўрта асрлар охирида мойбўёқ технологияси пайдо бўлган, шу даврдан Р. тусланиши ҳам ортиб аввалги локал, ясси Р. ўрнини *нурсоя* ёрдамида ўзгарувчи, тусланувчи Р.лар тизими эгаллаган. Буюмларнинг тўлақонли ҳажмли кўринишини акс эттириш, фазовий бўшлиқни Р. орқали ўзлаштириш кучайиб борган. 19-а. 60—70-й.ларидан ёрқин (спектр) Р.ларга яқин Р.ларни ёнма-ён қўйиш асосида картиналар яратила бошланди. Бундай асарларни маълум масофадан кузатиш лозим. Авангард санъати (абстракт санъат, символизм, сюрреализм ва б.)да Р. мажозий, рамзий мазмунга эга бўлди, кўп ҳолларда асарнинг асосий мазмуни ва ғоясини ташкил этди. Р.лар ўлчами, шакли, ўрни ўзида сирли, фалсафий мазмунни ёритишга қаратилди.

РАНГ АЖРАТА ОЛМАСЛИК, дальтонизм — одам кўзининг қисман ранг ажрата олмаслиги, ирсий нуқсон. Ёш болаларда учрайдиган касаллик; атроф-муҳитдаги рангларни кўз тўр пардасининг колбачасимон ҳужайралари сезади. Улар рангларни сезувчи 3 та ҳар хил элемент бўлиб, ҳар бири 3 та

лоссий рангининг (қизил, кўк ёки бинафша) фақат битасини сезади. Шу 3 ранглан қайси бирини сезаолган элемент бўлмаса, одам ўша рангни кўрмайди.

Р.в.о туғма ёки ҳаёт давомида орттирилган бўлиши мумкин. Туғма Р.в.о. дальтонизм деб аталиб, биринчи олимч Дальтон уни муфассал тасвирлаб берган. асосан, эркакларда учрайди. Бунда бемор қизил ҳамда яшил ранглорни ажрата олмайди. Бинафша рангни ажрата олмаслик кам роқ учрайди. Ранглорни бутунлай кўрмаслик Р.в.о. ёки монохроматизм деб аталади. Бунда ранглараро кўриш бўлиб тушади. Дальтонизм аниқлаш паспа (масс. отадан қизи орқали ўғил набирасида) ўтади.

Ҳаётда орттирилган Р.в.о. кўз ва марказий нерв системасининг баъзи касалликлари (сўма, шикастлар, глаукома, кўрит нерви атрофинсидан рўй бериб. Бунга учала рангни сезишнинг пасайиши ёки бутунлай йўқолиши сабаб бўлади.

Ҳаётда орттирилган Р.в.о.ни ўз вақтида аниқлаб, ранглорни ажратишни тиклаш мумкин.

РАНГКЎЛ - Помирнинг кўл. Тожикистон Республикаси Тоғли Бадахшон мухтор вилоятида. Шарқий Помирда, 3782 м баландликда. Майд. 7,8 км². Энг чуқур жойи 2,5 м. Қирғоқлари ясси, айрим жойлари ботқоқ. Суви бахлаш чучук, биланч шўрроқ. Узунлиги оркали ғарбидаги Шўркўл б-н бирлашиб туради. Сазанларида яйловлар бор

РАНГЛИ БОСМА — қоғоз, мато ёки бошқа материалга кўп рангли тасвирлар (рангли фотосуратлар, рангтасвир асарлари, рангли матнлар ва б.) ни босиш усули. Махсус босма қолип (формалар) ёрдамида амалга оширилади. Босма қолиплар сони бўёқлар сони (икки, уч рўт ва б.)га боғлиқ бўлади. Р.б.да асосан, *офсет босма, чуқур босма* ва *текис босма* усулларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Р.б. 14-а. охирида пайдо бўлган.

Ҳар хил рангли тушинча босма нусхалардан кўплаб нусха кўчиришда ҳар қайси ранг учун айрим-айрим клише (3 ёки 4 клише) тайёрлаб олинади. Бунинг учун фотографик усулда оригинал ранглорни уч асосий рангга ажратиб, нетатив олиш ва ҳар бир негативдан битталаб клише тайёрлаш керак. Оригинал ранглорини кисларга ажратиш ёруғлик фильтрлари фойдаланиб бажарилади. Шундан кейин колип ва ҳарир бўёқлар тайёрлаб олинади. Уч асосий ранг (қизил, кўк ва кўкиш) турли миқдорда аралаштириб, истаган рангни олиш мумкин. Оқ ранг ҳосил қилиш учун белила ҳам ишлатилади. Масс. ҳўрт рангли тасвирни босишда олтита турли ранг, жумла қизил ва кўк ранглар, охирида ҳалранг (сия) берилади. Р.б.да 2,4 ва 10 рангни бир ўзи босадиган рангли босма машиналари қўлланилади.

РАНГЛИ МЕТАЛЛЛАР — темирдан бошқа барча металларнинг умумлаштирилган номи. 5 гуруҳга бўлинади: енгил металлар; оғир металлар; кийин суюқланадиган металлар; асл металлар; нодир металлар. Енгил Р.м.га алюминий, магний, титан, литий, берилий, литий, барий, калъций, стронций ва калий (зичлиги 0,53—5 г/см³). оғир Р.м.га мис, никель, кўргошин, қалай, кадмий, кобальт, рух, марганец, сурьма, висмут, симоб (зичлиги 5—13,6 г/см³); қийин суюқланадиган Р.м.га вольфрам, молибден, ниобий, тантал, ҳром, цирконий ва б. киради. Р. ер остида кумуш, платина, осмий, иридий, родий, рутений ва палладий, нодир Р.м.га эса юқоридаги металлардан ташқари, галлий, германий, индий, рений, гафний, рубидий, цезий, скандий, иттрий, лантан ва лантаноидлар), радиоактив металлар (технеций, франций, полоний, радий, актиний, торий, протактиний, уран ва бирор трансуран элементлари киради.

Р.м.нинг кўпчилиги табиатда соф ҳолда учрайди. Мис, алюминий ўз рудаларида Al_2O_3 ва $Al(OH)_3$ таркибли бирикмалар ҳолида бўлади. Рудаларни гидрометаллургия усулида олиш Al_2O_3, ундан эса электролиз йўли б-н алюминий олинади.

Мис табиатда, асосан, мис алмазлари таркибида мис сульфидлари ва оксидлари тарзида учрайди. Мис рудаси бойитилгандан кейин уни суюқлантириб штейнни бессемерлаш усули б-н ҳомики мис, ҳомаки мисни термик усулда тозалаб ёки электролиз қилиб соф мис олинади. Магний табиатда қир ҳил бирикмалар, минераллар, магний рудалари таркибида учрайди. Магний рудаларни жумласига магнезит, доломит, карналлит ва б. киради. Бу рудалар (масс., магнезитдан магний оксид MgO (ернавди, магний оксиддан углерод иштирокида хлор ўтказиш йўли б-н магний хлорид $MgCl_2$ ҳосил қилинади, у электролиз қилиниб, ҳозирги магний олинади. Уни қайта суюқлантириб ёки сублимация йўли б-н соф магний олинади. Бошқа Р.м. ҳам тегишли усулларда шу металларнинг рудаларидан ажратиб олинади.

Р.м. ва уларнинг қотишмаларга халқ хўжалигида, авиацион саноатида, ракетасозликда, электротехника ва радиотехникада асосий конструкцион материал ҳисобланади.

Лит.: Ерофеев Ф., Эгамбердиев А., Ўрта Осиёнинг рангли металлари, Т., 1956; Гудима Н.В., Металлургия алюминия, Т., 1975.

РАНГЛИ МЕТАЛЛУРГИЯ металлургия саноатининг етакчи тармоғи. Руда конларини қазиш, рудаларни бойитиш, рангли, нодир ва қимматбаҳо металларни ажр. ҳамда қайта ишлаш. Уларнинг қотишмаларини тайёрлаш билан шуғулланади. Р.м.да прокат, прессланган буюмлар, қайиқ қотишмалар, металга қопланган буюмлар, кукунлар, металга қопланган рангли, нодир ва қимматбаҳо металларнинг турли хил бирикмалари, пигментлар, кимёвий реактивлар, металлар ва қотишмалар ишлаб чиқарилади. Р.м. маҳсулотларидан халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида кўлланилади. Кончилик корхоналари, бинотлар ф-каторлари, металлургия ва металга ишлов бериш машиналарини ишлаб чиқ. мажмуини ташкил этади.

Бошқа фанлар қаторида қадимдан Ўрта Осиёда рудаларни рангли ва нодир металлар олишга жуда кам бўлмаган. Ғ.т рангли металлар олиш учун 100 дан ортиқ рудани ишлатиб т.ғ.ни руда қазиб олишдан ва қайта ишлашдан. Рудаларнинг 65% дан кўпини анча тежамкор усул — очиқ усулда қазиб олишган. Руда ҳом ашёсида асосий элементлар — алюминий, мис, кўргошин, рух, никель, қалай, вольфрам, молибден б-н бирга йўлдош элементлар — олтин, кумуш, платина металлари, кобальт, марганец, ренний, индий, рубидий, галлий, селен, теллур ва б., бағзан қимматли жуда кам учрайдиган «нодир» металларни ҳам учратиш мумкин. Бошқа ф-каторлар ҳамда рудаларнинг 90% дан кўпини самарали флотореагент-дарни қўллаган ҳолда *флотация* усулида бойитилади.

Ўзбекистонда Р.м. мақдорий минерал хом ашё ресурслари асосида 20-асрнинг 30-йилларидан ривожланган. Республикада рангли, нодир ва қимматбаҳо металлар (олтин, мис, кўргошин, рух, молибден, симоб ва б.) конлари, Қоравулбозор мис-кўргошин-рух кони, Обирахмат, Бурчмулла, Оқтув-Тикоб, Ингичка, Қўйтош, Лангар рангли металлар, Чилдак, Зармитан, Мирзажонбулоқ, Кавалан, Кўкпатос, Қизилолмасой олтин, Кўргошинкон, Олтинтопган кўргошин-рух, Қалмоқкир мис конлари ва б. топилиб, улар саноат миқёсида ўзлаштирилиши б-н республикада Р.м. шакллантди. Республика ранг металлар и.ч. бўйича жаҳонда етакчи ўринларга чиқди. Ўзбекистон жаҳон хамжамиятлари орасида олтин ишлаб чиқариш бўйича 5, олтин қазиб олиш бўйича 7 ўринни туради (қ. *Олтин саноати*). Мис, кўргошин, рух, Р.м.нинг асосий. Олмалиқ – Ола-ликон-сайдак ҳудудини Қўрғошинсой-Олмалиқдаги полиметалл комбинати. Қалмоққир мис конлари негизида Ангрен Р.м. комбинати ташкил қилинди. Ғарбий Ўзбекистон металлургиясида қимёбёр элементлари металлургияси шакллантирилмоқда. Қимёбёр металларнинг плазмавий ва магний б-н қотишмалари — саноат қотишмалари. Магний б-н қотишмалари — ўта чидамли қотишмалар турли саноат тармоқларида кенг қўлланилади. Республикада замонавий илғор технологияни жорий этишнинг натижасида кўпгина металлургиялар ҳам ривожланмоқда.

Металлургия ва фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш саноати учун машакали мутахассислар Тошкент техника ун-тида, 1935 й.дан Ташкент этилган Ғ.Ғулом номидаги политехника ин-тида Тошкент кимё-технология ин-тида тайёрланади.

Саноатни ривожланган мамлакатлар ва ривожланаётган мамлакатларга Р.м. конларини ўзлаштириш саноатини кенг жалб қилишда, Рангли металлар и.ч. бўйича АҚШ ва Японияни олдинги ўринларини эгаллайди (яна қ. *Металлургия, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» ак-ционерлик жамияти, Навоий кон-металлургия комбинати*).

РАНГЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ — пасирларни ўз табиий рангида узатиш ва тасвирга қайтишга имкон берадиган *телевидение*. Р.т. табиий ранглардаги кўзил, кўк ва яшил ранглорни ажратиш хусусиятига асосланган. Р. т.да ҳар қандай ранг элементлари (нуқталари) тасма-тасма узатилади. Жуда юпқа металлардан қилинган ярим ўтказгич 2 рангли, ярим ўтказгич металлар 2 рангли, ярим ўтказгич 3 рангли ўзгартгичлар Р.т. камераларида объектдан қайтган нурни 2 та ёки 3 та мақсус кўзгу ҳамда кўк ва яшил нурларга ажратади, бу нурлар тегишли электрон-нур трубкаси (кинескоп) ўзгартгичлари (ҳар қайси ранглари нур бошқа-бошқа трубкага) берилиб, трубкалар чиқишида ранг-ли видеосигналлар ($U_з$, $U_к$ ва $U_я$) ҳосил қилинади. Бунда кучайтиришлар, коррекциялаш ўтказилади. Бу ерда махсус қурилмада ўзгартирилган сигналларни 3 сигналдан ўзгартирувчи сигналларни ва ранглаштириш ёрдамида сигналлар ва ранглаштириш сигналини 2 сигналга ўзгартириш учун мўлжалланган 2 сигнал ажратади. Ёрқинлик сигнали $U_ё$ учта ранги ташкил этувчиларни ҳосил қилиш учун ўзгартгичлар учун мўлжалланган. Ранглаштириш сигналлари (масс. $U_з - U_ё$ ва $U_к - U_ё$) дан тузилади. Бу сигналлар алоҳида частотали қўшимча кўчишларни ҳосил қилиш учун мўлжалланган. Ранглаштириш сигналлари модуляциялаш (қ. *Модуляция*) усулларидан бирида (асосан, амплитуда модуляцияси) ёки частота модуляцияси усулида узатилади. Бундай кўшимча ёрқинлик сигнали б-н бирга умумий қоплаштирувчи сигнал ҳосил қилади. Радиоузатгич умумий сигнал ҳамда ранглаштириш сигналларини эфирга тарқатади.

Р.т. сигналларини қабул қилиш учун 3 турли қабул қилувчи электрон-нур трубка (кинескоп) ўрнатилган махсус телевизорлардан фойдаланилади. Рангли телевизорлар тегишли сигналларни ўзгартириб, кинескоп экранида рангли тасвирни ҳосил қилади. Ранглаштириш сигналлари бўлмаганда рангли телевизорлар оддий қора-оқ телевизорлар каби ишлайди. Оқ-қора телевизорларда ранглаштириш сигналлари ажратилиб, қолган сигналлар оддий қора-оқ телевизорларда қабул қилинган сигналлар каби ишлайди. Р.т. ни ташкил этиш ва ривожлантиришда америкалик олим Г.Брейнард (1897—1974) катта ҳисса қўшган. Р.т. ни ташкил этиш ва ривожлантиришда америкалик олим Г.Брейнард (1897—1974) катта ҳисса қўшган. Р.т. ни ташкил этиш ва ривожлантиришда америкалик олим Г.Брейнард (1897—1974) катта ҳисса қўшган.

Р.т. нинг 3 тизими (SECAM, NTSC ва PAL) мавжуд (2004). Улар бир-биридан телевизион сигналларни ҳосил қилиш б-н фарқланади.

Эргаш Ҳамдам.

РАНГОНТОФ — Тожикистон Республикасининг жан.-ғарбидаги тоғ тизмаси. Қоратегин ва Ўқтоғ тизмаларн орасида жойлашган. Узун. (Қоратегин) шарқий қисмида Ёшин воҳаларини бир-биридан ажратиб туради. Р. жан.-ғарбдан шим.-шарққа 70 км масофага қадар шаклида чўзилган. Энг баланд жойи (895 м (Ҳўжа-Заранг). Асосан, гил, қумтоқ, оҳактошлардан таркиб топган. Ғдан Ёшинсув, Тересоқлоқсув, Қорамонликсув ва Шўртоқсув каби сойлар оқиб тушади. Тизмаининг шарқий қисмида Зарқалъа довони (бал. 1610 м) жойлашган бўлиб, довондан Душанбе — Ёшин, Душанбе — Норак, Душанбе — Кўлоб магистрал йўллари ўтади. Р. этакларида пистон, ўзбек миттатининг лақай элати вакиллари истиқомат қилади. 1920—31 йилларда, большевиклар ҳокимни даврида Р. тизмаси *Ибрагимбек* ва унинг қуролли гуруҳи учун муҳим стратегик ҳудуд ҳисобланган.

РАНГПУР — Бангладешнинг шим. ҳисмидаги шаҳар. Аҳолиси 189 минг кишидан зиёд (1991-йилги ўртача). Қ.х. районининг савдо маркази. Т.й. станцияси. Енил-ёвқат саноати корхоналари (ипак қоғоз ва-зи) бор.

РАНГТАСВИР — *миниатюра* санъати турн: бирор қатлик жанр рангли ашёларда, мас., бўёқлар ёрдамида яратилаётган бадиий шакл. Р. воқеликни бадиий тасаввурлаш ва талқин қилиш, томошабин фикри ва туйғуларига таъсир этишнинг ғоявий воситаси; муҳим ижтимоий мазмун ва ранг-ёруғлик ғоявий вазифаларга эга. Р. асарининг ғоявий мазмуни унинг сюжет ва сюжетлар мужассамланиши, сюжетни рассом Р.нинг ифода воситалари (композиция, ранг, ёруғ, ракурс ва ҳ.к.) орқали рўёбга чиқаради. Р. асарлари асос (махсус ишлов берилган мато, қоғоз, картон, шиша, металл ва ҳ.к.), ранг қатлами (оқибўёқ, гуашь, темпера, акварель, рангли шиша, ранглитош ва ҳ.к.), айрим ҳолларда уни сақлаш учун устидан берилган қопқа лак қатламидан иборат бўлади. Р.нинг муҳим таъсирчан ва таъсир воситаси — ранг (колорит). Ранг «орқали рассом бояқлик ёки хаёлий дунё-ни кўзларнинг шаклларда тасвирлайди, материянинг чексизлигини, умуман нарсаларнинг ранг-баранглигини, модийликнинг ҳаққ ва

Ака-ука портрети (ёғоч, энкаустика; 1-а., Файюм).

фактурасини кўрсатиши, ҳаракат, инсон руҳиятидаги ўзгаришлар, мураккаб ҳиссий кечинмалар, ўй-хаёлларни акс эттириши мумкин. Р.нинг тасвирий ифода воситаси ва ишлаш услуби ишлатиладиган ранг, қуроллар хусусияти, ранг эритгичлари, асоси (грунт)га боғлиқ (мас., юзаси силлиқ ёки ғадир-будир берилишига қараб асар кўриниши турлича таъсир кўрсатиши мумкин). Асар дастлаб ижодкор тасаввури ва онгида пайдо бўлган гоя қораламаси тарзида қалам ёки кўмир-қаламда бирор юза (кўпинча қоғоз ва картон)да ишлаб олинади. Сўнг шунга мос асос танланиб, унга бажариладиган ишнинг моҳиятига кўра ишлов берилади. Шундан сўнг тасвир ўрни белгилаб расми ишланади. Ранг беришда эса аста суюлтирилган ранг б-н бошлаб кўп қатламли (*лессировка*) ёки керак рангни бир қўйишда бир қатламли (*алла прима*) бажариш мумкин. Р. асарлари ишланишини шартли икки — ясси ва ҳажмли — фазовий услубга ажратиш мумкин: биринчи услубда тасвир нурсоясиз яхлит яссн шаклларда ишланали, ҳажмли-фазовий усулда эса тасвир ҳажмли нурсоя ёрдамида муҳит б-н боғлиқ ҳолда тасвирланади. Бундай асарлар рангга бой бўлиб, унда рангларнинг барча тусланишларини ҳис этиш, тушувчи нурнинг қайтган рангини ҳам, қайтган нурларнинг тусланиши ва бошқа ранглар б-н бойиши (*рефлекс*)ни кўриш мумкин. Р. асарларида бу икки услуб орасида қатъий чегара йўқ, бири иккинчисини тўлдиради. Р. асарлари ўзининг ишланиш ўрни, мазмуни, бажарадиган вазифаси, ишланиш услуби ва кўринишига қараб монументал (*монументал санъат, монументал рангтасвир*), безак (*безак санъати, безак санъати*), дастгоҳ санъати, декорация (театр ва кино декорацияси), *миниатюра* ва б.га бўлинади. Тасвир мавзуи ва мазмун йўналишига қараб бир қатор жанрларга ажралади: *анималистика, тарихий жанр, маиший жанр, баталь жанри, портрет, манзара, натюрморт* ва б.

Ў. Тансиқбоев. «Жонажон ўлка» (1951).

Р. қадимда сўнги палеолит (мил. ав. 40—8-минг йилликлар)да пайдо бўлган. Жан. Франция (Фон де Гом, Ласко), Шим. Испания (*Альтамира*), Ўрта Осиё ва б.да Р. асарлари сақланиб қолган; соз тупроқли бўёқлар, қоракуя, писта кўмир б-н ишланган, расмлар текис шарпа сифат (силуэт), баъзиларида эса ҳажмли қилиб ишлашга ҳаракат қилинганлиги сезилади, мезолит ва неолит даврида бажарилган ибтидоий расмларда мураккаб композициялар, абстракт тушунчалар пайдо бўла бошлаган. Қулдорлик даврида ривожланган техник воситаларга бой образлар тизими шаклланди. Қад. Шарқ мамлакатлари (Миср, Ҳиндистон, Ўрта Осиё), жан.-шарқий Европа (Юнонистон, Италия), шунингдек, Америка қитъаси (Марказий Америка)да монументал Р. ривожланди. Мақбара ибодатхона, сарой ва бой эгаларнинг уйлари деворларига турли мавзу ва йўналишда асарлар ишланди.

Антик даврда меъморлик ва ҳайкалтарошлик б-н уйғунлашган Р. диний мазмун б-н бир қаторда олий табақа мақсадларига хизмат қилди, нурсоя, чизиқ ва ҳаво перспективаси юзага келди, маиший ва тарихий лавҳалар, манзара, портрет, натюрмортлар яратилди. Мил. ав. 5-а.да Юнонистонда мум рассомлиги (энкаустика)даги дастгоҳ рассомлиги ҳақида файюм портретлари тасаввур беради. Ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида монументал Р. санъати ўзининг ҳақиқий гуллаш даврини бошидан кечирди. Ҳиндистон (Ажанта), Ўрта Осиё (Тупроққалъа, Варахша, Афросиёб, Болаликтепа) ва б.да нозик бўёқлар, нафис безак ритми, ҳаётий кузатишларнинг ёркинлиги хос бўлган миниатюра санъати ривожланди. Хитой, Япония, Кореяда шойи ва қоғозга тушь, акварель ва гуашь бўёғида расм ишлаш соҳасида юқори чўққиларга эришилди.

Афросиёб деворий расмидан лавҳа (Самарқанд).

Уйғониш даврида Р.нинг янги қирралари юзага келди, илмий асосга таянган реалистик санъат камол топди ва жаҳон санъати ривожида муҳим ўринни эгаллади: ифода тизими ҳамда унинг илмий асоси яратилди. Перспектива, оптика, пластик анатомия борасида ютуқларга эришилди, монументал Р. юксак чўққисига кўтарилди, ғоявий бойиди, дастгоҳ Р. ижтимоий ҳаётга кенг кўламда кириб борди. Техникада сув бўёқ ўрнини мойбўёқ эгаллай бошлади, лессировка, валёр услубига қизиқиш ортди, лок—мойбўёқ техникаси мураккаблашди, кўп қатламли Р. ривожланди. Фактура масалаларида ҳам изланишлар олиб борилди, оқ қоплами (грунт) асосга силлиқ рангли қоплама асосга қизоқ ранг суртмалари (пастоз услуби) б-н ишлашга эътибор ортди. 17—18-а.ларда Европа (Франция, Италия, Испания, Фландрия, Голландия, Буюк Британия, Россия ва б.)да миллий Р. мактаблари шаклланди, ҳаётни ҳаққоний инқилобий тараққи-ётда акс эттириш, инсон руҳий оламидаги нозик ўзгаришларни, инсон ва жамият муаммоларини ишонарли тал-қин этиш муҳим ўринни эгаллади. Р. жанрлари кенгайди, монументал Р. б-н дастгоҳ санъати кенг ривож топди, услубий йўналишлари кўпайди, тонал Р. янада мукаммаллашди. Пастель, акварелга қизиқиш ортди. Европа санъати (айниқса, дастгоҳ Р.нинг жаҳон халқлари, жумладан, Шарқ мамлакатлари санъатига таъсири сезиларли бўлди. 19-а.да Р. дунёқараш б-н боғлиқ долзарб масалаларни ҳал этишга ҳаракат қилиб ижтимоий ҳаётда муҳим ўринни эгаллади, ижтимоий ҳаётдаги мавжуд иллатлар ўткир танқид остига олинди. 19-а. мобайнида академизмга асосланган ҳаётдан узоқ, идеаллаштирилган образ ва қаҳрамонларни тарғиб қилувчи асарлар мақталди, натурализм анъаналари шаклланди. Қуруқ, ҳаётдан узоқ сўнги классицизм ва салон академизмига қарши курашда даврнинг мураккаб, фожиали воқеаларига бағишланган шижоатли, таъсирчан, нурсоя нисбатлари кескин олинган, тўйинган, рангдор колоритли романтизм услуби пайдо бўлиб ривожланди (Францияда — П.Жерико, Э.Делакруа; Германияда — Ф.О.Рунге, К.Д.Фридрих, Россияда О.А.Кипренский, К.П.Брюллов ва б.), ҳаётни ўзгача ўхшатиб ишлаш услубига асосланган реалистик Р. бу даврда янада чуқурлашди. Эндиликда тасвирни на фақат ҳаққоний бўлишига, балки

Ж. Умарбеков. «Қушиқ» (1969).

ҳаётни кузатиш асосида пайдо бўлган кечинма ва таассуротларни, хаёл ва ўйларни ҳам ифодалашга ҳаракат қилайди. Борлиқнинг ўзидан картина яратиш, нур, ҳаво, кенглик ранг-лар туслашиши ва бир-бирининг рангига таъсир этиш хусусиятларини ҳам ишонарли рангларда тасвирлашга интилиш кенгайиб борди (Англияда — Ж.Констебл, Францияда — К.Коро, О. Домье, Россияда — А.Г.Венецианов ва б.). Европада инқилоб ва миллий озодлик ҳаракати кучайган даврда демократик реализм ривожланди, халқ ҳаёти, уларнинг курашлари кўрсатилди, миллий тарих ва замонанинг муҳим воқеаларини акс эттирувчи композициялар, жанрнинг жасур ва илғор кишиларининг сиймолари яратилди. Рус ин-қилобий демократик эстетикаси б-н боғлиқ ижтимоий танқидий реализм ривожланди. *Передвижниклар* ва уларга яқин ижодкорлар (В. Перов, И.Крамской, И. Репин, В.Суриков ва б.) шу жараёнда фаол ўринни эгалладилар. 19-а. 70-й.ларидан рассомлар палитраси тоза спектр ранглари б-н бойиди; рассомлар рассомлар (К.Моне, К.Писсаро, А.Сислей ва б.) алоҳида ўринни эгалладилар. Улар Р. юзасини ташкил этишда ўзига хос йўл тутиб анъанавий силлиқ фактурадан ва шаклларнинг тугал чизиқли ечимидан воз кечиш, ишлаш услубини янгиланишига, тоза спектр рангларнинг эркин суртмаларидан фойдаланиб асар яратишга эришдилар. Бу ҳаракат кейинроқ ҳайкалтарошлик, графика, меъморлик, мусиқа, адабиёт ва б. санъат турларига нисбатан ҳам қўлланила бошланди (қ. *Импрессионизм*). 19-а.да мойбўёқ Р.и етакчи ўринни эгаллади, бунга унинг техникаси, шу даврда саноатда ишлаб чиқарилаётган янги бўёқларнинг кент кўламда ҳаётга кириб келиши б-н боғлиқ эди. 19-а. Р.нинг ли инқирозга туша бошлади. 19-а. охири — 20-а. бошларида шу санъатни қайта тиклаш ҳаракати бошланди, унинг янги қирралари очила бошланди, санъатнинг безак томонига эътибор ортди; меъморлик, тасвирий ва амалий санъатлар уйғунлигида ягона мажмуа яратиш иштиёқи шу даврда пайдо бўлган *модерн* услубида намоён бўлди. Бу даврда авангарда йўналиши реалистик Р.га кучли рақобатда бўлди.

Шарқ ва Ғарб тўқнашуви натижасида 20-а. Р.и шаклланди, реалистик санъатга рақобатда авангарда санъати ривожланиб бормоқда. Бу йўналиш тарафдорлари ижодкор субъектив кечинмалари, ҳис-туйғуларини ҳаётий, борлиқ шаклларида тасвирлашдан кўра ўзларининг хаёлларидаги шакл ва кўринишлар, ҳаракатлари натижасида пайдо бўлган шакл ва чизиқларни тасвирлашни маъқул кўрадилар.

Авангард оқимларининг ривожланиши натижасида борлиқни тасвирлашдан умуман воз кечилиб тасвир воситалари ҳам ўзгара бошлади (абстракт санъат). 20-а. 60-й.лар ўрталаридан эса айрим Европа ва Америка Р.ида авангард санъати — *поп-арт*нинг унсурига айланиб борди. Бугунги кунда ушбу рақобат ривожланиб авангард тарафдорлари ортиб бормоқда.

Ў.Тансиқбоев. «Жонажон ўлка» (1951).

Ч. Аҳмаров. «Ҳалима Носирова Ширин ролида» (1973).

Ўзбекистонда Р. санъати қадимдан мавжуд бўлган. Унинг илк намуналари ибтидоий жамоа даврига бориб тақалади (қ. *Ибтидоий санъат, Зарautсой расмлари*). Мил. ав. 1-минг йилликнинг охири ва мил. 1-минг йиллик бошларида Р. ўзининг гуллаган даврини бошидан кечирган (Афросиёб, Варахша, Болаликтепа, Тупроққалъа ва б.даги деворий расмлар). Бу даврлар Р.и ясси безак йўналишида маҳаллий (локал) рангларда бажарилган. Амир Темур ва Темурийлар даврида монументал Р. (*деворий расмлар, мозаика*) б-н бирга миниатюра санъати ривожланган. Камолиддин Беҳзод, Маҳмуд Музаҳҳиб, Муҳаммад Мурод Самарқандий ва б.нинг асарлари дунёга келди. 19-а. ўрталаридан бошлаб Туркистонда дастгоҳ санъати шакллана бошлади ва 20-а.да ўзбек миллий Р. мактаби яратилди. Р.нинг ҳамма тур ва жанрларида асарлар яратилди, миниатюра, витраж санъати қайта тикланди. Бугунги кунда ўзбек Р. санъати жаҳон ҳамжамияти б-н бир қаторда ривожланмоқда, унинг ғоявий пластик ривожи устида рассомлар изланмоқда, меҳнат қилмоқда.

Ад.: Тақташ Р.Х., Изобразительное искусство Узбекистана, Т., 1972; Искусство Советского Узбекистана, М., 1976.

Неъмат Абдуллаев.

РАНДА — дурадгорлик ишларини бажаришда ёғоч сиртини текислаш ва силлиқлаш (рандалаш) учун мўлжалланган асбоб. Дастаки, электр ва механик турлари бор. Дастаки Р. металл ёки ёғоч асос, кескич (тиғ) ва понадан иборат. Асоснинг пастки қисми

Ранда. Пайраҳа синдиргичли рандаининг қирқими: *1* — пона; *2* — асос (тана); *3* — тиғ (кескич); *4* — пайраҳа синдиргич.



Электр рандаси: *1* — статор; *2* — ишга тушириш қутиси; *3* — тажиз сирт (металл); *4* — йўналтиргич; *5* — тиг (пичоқ); *6* — ротор.

кафт деб аталади. Ясси юзаларни ишлайдиган Р. кафти ясси, эгри сиртли ва шаклдор юзаларни ишлайдиган Р. кафти ўша юзалар шаклида бўлади. Р. асосидаги пўлат кескич ўрнатиш учун тешик очилган; бу тешик паста томон аста-секин торайиб бориб, уя ҳосил қилади. Рандалаш пайтида пайраҳа шу уядан ташқарига чиқиб кетади. Асоснинг ўлчами, профили, кескичининг ўрнатилиш бурчагига кўра, Р. қуйидаги хилларга бўлинади; *шерх ебель* (кескичнинг тиги ярим айлана шаклида) — дағал рандалаш учун; *бир ва икки кескичли* (пайраха сингдиргичли) ва *медведка* (қўш қулоқли) Р. — тозалаб рандалаш учун; *жапс ва ярим жапс* (дароз) Р. — тозалаб рандалаш, катта сиртларни рандалаш ва қисмларни бир-бирига тўғри келтириш учун; *шлифтик* Р. — юпқа пайраҳа олиш учун; *шинубель* — деталь сиртларида майда йўллар (елимлаш мақсадида) очиш учун; *конич* Р. (зензубель) — деталь чеккаларида чорак (тирноқ) очиш учун; *фальцгобель* Р. — деталда чорак (тирноқ) очиш учун; *грунтубель* Р. — қўндаланггига трапеция шаклидаги ўйиқ очишда қўлланилади; *нов ранда* — деталларда турли нақшли профиллар очишда ишлатилади; *букри* Р. — эгри (ботиқ ва қабариқ) сиртларни рандалашда фойдаланилади. *Электр* Р. — электр мотор ёрдамида айланиб турадиган икки ёки тўрт пичоқдан иборат. Электр Р. б-н ёғочни 0,75—2,0 мм қалинликда пайраҳа ҳосил қилиб рандалаш мумкин. *Механик* Р. (рандалаш дастгоҳи) текис ва шаклдор, металл ва ёғоч сиртларга ишлов бериш учун мўлжалланган қурилма. У суппорт, ползун ва қисқичдан иборат. Асосий ҳаракати (рандалаш) илгарилама-қайт-ма, суриш ҳаракати даврий-илгарилама. Қўндаланг рандалаш ва бўйлама рандалаш дастгоҳлари бор. Қўндаланг рандалаш дастгоҳларида асосий ҳаракатни суппорт ва ползун б-н бирга кескич бажаради, бўйлама рандалаш дастгоҳларида эса ишлов бериладиган тахта ҳаракатланиб туради. Р.лар қурилишда, ёғочга ишлов бериш корхоналарида, уй-рўзғорда ва б. жойларда ишлатилади.

Ад.: Гурвич А.О., Дурадгорлик ишлари, Т., 1966; Кревиндин Л.Н., Столярные работы, М., 1986; Бозорбоев Н., Уй-жой қурилишлар учун 1001 маслаҳат, Т., 1990.

РАНДАК (Agrostemma githago) — чинигулдошларга мансуб бир йиллик бегона ўт. Бўйи 20—70 см. Барги энсиз, пояда иккиталаи қарама-қарши жойлашган. Гули тўқ пушти, йирик. Меваси кўсаксимон.

Рандак.

Уруғи қора, ғадир-будур. Май ойида гуллайди, меваси июнда пишади. Ламмикор ерларда ўсади. Ўзбекистонда фақат Тошкент, Сирдарё ва Жизах вилоятларида арпа ва бугдойзорларда, йўл ёқаларида учрайди. Уругида 6,5% га яқин заҳарли сапонин, гистагин ва б. бор. Р. уруги аралашган донни еган парранда, ҳайвон ва ҳатто одам заҳарланиши мумкин.

РАНДАЛАШ СТАНОГИ — 1) ясси ва шаклдор сиртларни йўниш учун мўлжалланган металл кесиш қурилмаси. Қўндаланг рандалаш ва бўйлама рандалаш хилларига бўлинади. Қўндаланг Р.с.да кескин ползун б-н бирга илгарилама-қайтма ҳаракатланади, бўйлама Р.с.да эса кескич эмас., балки заготовка (ишлов бериладиган хомаки деталь) ҳаракатланиб туради; 2) ёғоч сиртларини текислаш ва силлиқлаш, ёғоч буюмларда шаклдор сиртлар ҳосил қилиш учун мўлжалланган ёғоч йўниш қурилмаси. Бунда кескич айланиб туради, ёғоч заготовка илгарилама ҳаракатлантирилади.

РАНДЕЯ СУЛҲИ — Рим империяси б-н Парфия ва Арманистон ўртасида мил. 62 й. Рандея (ҳоз. Туркиянинг Харберди ш. яқинида) да тузилган битим. Рим қўшинларининг Арманистонни эгаллаш учун қилган юришлари муваффақиятсизликка учрагач, имзоланган. Рим ва Парфия қўшинлари Арманистонни тарк этишган, Арманистон илгариги ҳудудини сақлаб қолган. Р.с.га кўра, Арманистон тахтига Парфия подшоси Вологеснинг укаси Тиридат ўтириши лозим бўлиб, тож ки-йиш маросими Римда ўтказилиши келишилган. Тиридат 65—66 й.ларда Римга саёҳат қилган ва император *Нерон*дан Арманистон тожини олиб, арманларнинг аршакийлар сулоласига асос солган.

РАНТЬЕ (франц. rentier, rente — рента) — қарзга берган пулидан фоизлар ёки сотиб олган қимматли қоғозлардан дивидендлар ҳисобига яшайдиган шахс.

РАПАКИВИ (финча rapakivi — чириган тош) — порфирсимон структура кўринишидаги гранит; олигоклазининг оқ ёки оч-яшил ҳошияси б-н ўралган юмалоқ шаклли (овоид) пушти ранг ортоклаз аралашган. Таркибида ортоклаз (40% та яқин), олигоклаз (20 % ча), қорамтир слюда (8% ча), идиоморф кварц (30% ча) ва иккиламчи минераллардан амфибол, ортит, сфен, диопсид, магнетит, апатит кабилар бор. Ранги кўпинча кўнгир-пушти, қизғиш, баъзан яшилроқ ёки қорамтир. Р. нурашга нисбатан чидамсиз, келиб чиқиши бахсли. Р. Финляндия ва Швецияда кўп учрайди, шунингдек, РФ, Украина ва б. жойларда бор. Р. қурилиш ва иморат сиртини қоплаш учун ишлатиладиган муҳим тош (яна қ. *Гранит*).

РАПАНАЛАР (Rapana) — денгиз қориноёқли моллюскаларининг уруғи. Спирал чиганоғи 19 см гача, кени овал шаклда, кулранг қўнгир туслда. Чиганоғи оғзи кенг, кўпинча очиқ сариқ, қизил ёки баъзан оқ рангда. 3 тури маълум. Илгари Р. фақат Япон, Шарқий Хитой ва Сариқ денгизларида яшаган. 20-а. ўрталарида Р.Япон денгизидан Қора денгизга келиб қолган. Хоз. Африка денгизи соҳиллари бўйлаб тарқалмоқда. Капсула ичига тухум қўяди. Йирт-қич, 2 паллали моллюскалар (устрица, мидия) б-н озиқланади. Р.нинг заҳарли суюқлик ишлаб чиқаралиган безлари бор. Гўшти қисман ейилади, чиганоғи зеби-зийнат буюми. Р. овланадиган моллюскалар б-н озиқланиб, катта зиён келтиради.

РАППОРТ (франц. rapporter — қайтариш) — газлама, гилам, трикотаж, кашта, керамик буюмлар, гул қоғоз ва б. нақшининг такрорланадиган қисми. Газламада *арқоқ* ва *танда* Р.лари бўлади.

РАПС (Brassica napus var. napus) — карамдошлар оиласининг Brassica авлодига мансуб бир йиллик мойли ва ем-хашак экини. Мил. ав. 4-минг йилликда ҳам экилган. Европада 14-а.дан экила бошлаган ва ҳозир асосий мойли экин ҳисобланади. Ўзбекистонда оралиқ экин

Рапс: *1* — ўсимликнинг гуллаган пояси; *2* — барги.

сифатида экилади. Кузги (B. biennis) ва баҳорги (B. annua) гуруҳи бор. Илдизмевасининг шакли сершох, бўйи 50—150 см. Барглари гўж, банди, кам тукли. Тўпгули 25—40 та, гули шингил. Гуллари майда, сариқ, баъзида оқ тусли. Меваси узун (5—10 см), камбар (3—4 мм) кўзоқ. Дони шарсимон, ранги оч қорамтир. 1000 дона уруғи вазни 3—7 г. Р. узун кун ўсимликлари. Уруғи 1—3° да унib чиқади, 15—20 да яхши ўсиб ривожланади. Кузги Р.нинг вегетация даври 270—300 сутка, баҳоргисиники 95—110 сутка. Четдан чангланади. Р. уруғи таркибида 32—50% мой, 23% оқсил моддаси. Мойи овқатга, шунингдек, маргарин, совун ишлаб чиқаришда, тўқимачилик ва саноатнинг бошқа тармоқларида ишлатилади. Кунжараси чорва учун яхши озуқа. Қаторлаб ёки кенг қаторлаб, 2—4 см чуқурликка экилади. Совуққа чидамлилиги паст, қишда кучли совуқлар бўлмайдиган минтақаларда экилади. Ривожланишининг бошида намга талабчан. Чорва моллари учун яхши озуқабоп экин ҳисобланади. 150 ц/га дан тортиб 250 ц/гача кўк масса беради. Асалшираси ўсимлик. Р.ни *оралиқ экин* сифатида ўзини ёки турли экинларга аралаштириб экиш мумкин. Ўзи экилганда экиш нормаси 12—15 кг/га, жавдар б-н аралаш экилганда 8—10 кг/га. Дони бўйича ҳосилдорлиги 15—25 ц/га.

Асосий зараркунандалари: Р. ярпакхўри, Р. баргхўри, карам оқ қуртни, Р. гулхўри, яширин хартумлилар. *Касалликлари:* альтернариоз, сохта кул касаллиги.

Кураш чоралари: ерни кузда шудгор қилиш, бегона ўтларни гербицидлар б-н йўқотиш, экинларга инсектицидлар сепиш.

Ҳалима Отабоева.

РАПСОДИЯ [юн. rhapsodia — рапсод (достончи) қўшиғи] — эркин шаклдаги чолғу ёки вокал асари. Халқ достон баёнини ифодалаб, турли, контраст эпизодлардан ташкил топади, кўпинча халқ қўшиқ ва куйларига асосланади. Европада 18-а.нинг охиридан маълум (К.Ф.Д.Шубарт, 1786). Ф.Листнинг 19 та «Венгерча Р.»си, М. Равелнинг «Испанча Р.»си, Ж. Гершвиннинг «Блюз услубида Р.»си оммалашган. Ўзбекистонда илк симфоник Р.ни В. Золотарёв яратган (1931). Ўзбек композиторларидан С. Бобоев (1946), Д. Зокиров (1958), Т.Қурбонов (1980) ва бошқалар Р. ёзишган.

РАСАДХОНА, *обсерватория* — астрономик, геофизик, метеорологик ва б. тадқиқотлар учун махсус жиҳозланган илмий муассаса ва шу муассаса жойлашган бино. Дастлаб, объектларни кузатиш б-н шуғулланадиган жой сифатида пайдо бўлган, кейин ит. муассасасига айланган. Ўрта асрларда Шарқда кўплаб Р.лар қурилган (қ. *Улуғбек расадхонаси*). Кейинчалик (16-а. ўрталаридан) Европада Р.лар оптик, радиофизик ва б. асбоблар б-н таъминлана бошлади. Ўзбекистонда оптик асбоблар б-н жиҳозланган Р. биринчи марта 1973 й.да Тошкентда Туркистон ҳарбий округи Ҳарбий топография бўлими тизимида астрономия ва физика Р.си сифатида ташкил қилинди. Унда и.т. ишлари (вақтни ўлчаш, қўёш фаоллиги, қўёш ва ой тутилиши, метеорологик, сейсмик кузатишлар ва б. ишлар) олиб борилади (қ. *Астрономия институти*). Р.ларда астрономик, магнит, гидрометеорологик, сейсмик ва б. кузатиш ҳамда талқиқотлар олиб борилади. Астрономик Р.лардан ташқари, аэрологик Р., денгиз Р.си, геофизик Р., космик Р., магнит Р., метеорологик Р.лар мавжуд.

РАСИН Жан (1639.21.12, Ферте-Милон — 1699.21.4, Париж) — француз драматурги, классицизмнинг йирик вакили. Р. асосан, маиший мавзуда ижодий ҳолдаги трагедиялар яратган, асосий персонажлари қирол, герцог, граф ва гўзал хонимлар бўлишига қарамай, бу асарларда 17-а.даги сиёсий-гоявий қарашлар ифодаланган.

Р. «Буюк Искандар» (1665), «Ахромаха» (1667), «Британиклк» (1669), «Береника» (1670), «Боязид» (1672), «Ифигения Авлидада» (1674), «Федра» (1677), «Гофолия» (1691) ва б. трагедиялар ёзган. «Андромаха» б-н француз театри тарихида янги саҳифа очилган. Трагедиянинг мазмуни юнон мифларидан олинган бўлиб, Р. антик мазмунга янгича маъно берган. Ишқий ҳаяжонлар заминида ахлоқий муаммони илгари сурган. Марказий фигура Андромаха Р.нинг гуманистик илғор гояларини ташувчи, золимликни фош этувчи образ сифатида гавдаланган. Унга золим Пирр қарама-қарши қўйилган. «Гофолия» асарида халқ-нинг золимларга қарши кўзғолони воқеаси ёритилган. Р. ижодининг сўнгги даврида «Диний қўшиқлар» шеърий тўпламлари (1694) ва «Пор-Рояллнинг қисқа тарихи» асарларини ёзган.

РАСМ, қаламтасвир — текис юзага қўлда чизиқ ва *нуқсон* (оқ-қора бўёқ доғлари) ёрдамида ишланган тасвир; *рассомлик санъати (рангтасвир* ва *графика)*нинг ифода воситаси. Р.да асосий ифода воситаси чизиқ бўлиб, қўлда графика воситалари қалам, перо ва б. ёрдамида четара чизиқ (контур чизиқ) ёки қиёқа ва юлиқ чизиқ (штрих)лар ҳамда бўёқ доғларида бир хил (ахроматик) рангда бажарилади. Бу ифода воситаларининг турлича қўшилиши натижасида (штрихлар комбинацияси, бўёқ доғлари ва чизиқларнинг уйғунлиги ва б.) Р.нинг нафис ишланиши, туе, рангларининг оҳангдорлиги, нурсоянинг ўта таъсирчанлигига эришилади. Р. қоғоз, мато, девор ва б.га қалам, кўмир, перо, сангина, мўйқалам ва б. воситасида, тош, тахта, металл каби қаттиқ юзаларга ўткир учли буюм (қурол, бигиз ва б.) б-н ўйиб чизилади. Р., асосан, бир рангда ёки турли рангларни у ёки бу даражада қўлланиши б-н бажарилади.

Р.нинг тутал мазмун, маълум гоявий эстетик қарашларни ифодаловчи мустақил (дастгоҳ) ҳамда бирор санъатга боғлиқ (китоб безаги, илмий ишларни изоҳлашга ёрдам берувчи қўшимча материал ва б.) ҳолда яратиладиган тури мавжуд. Тасвирий, амалий безак санъати ва меъморликда Р. муҳим ўрин эгаллайди, уларнинг асосини ўграниш Р.дан нарса, буюмларни юза (қоғоз)-да тасвирини ишлашдан бошланади. Борлиқни ўрганиш ва билиш, реал борлиқдан абстракт тафаккурга ўтиш жараёнида Р. катта имкониятга эга. Бадиий Р. текис юзада ишланадиган барча тасвирлар (рангтасвир, графика, бўртма тасвир — рельеф)нинг асосини ташкил этади, бажарилишига кўра тугалланган (портрет, манзара ва б.) ҳамда натурадан яратилган хомаки Р., чизги, эскиз, этюд ва б. турлари фарқланади. Ягона нусхада яратилиши б-н

Омон Матчонинг «Драматик достонлар» китоби зарвараги (1975, Ж. Узарбеков).

Р. графика, гравюра ва литографиядан фарқ қилади. Р. рангтасвирда асар яратишнинг дастлабки босқичи бўлиб, унда бўлажак асарнинг тузилиши, буюм ва образларнинг фазовий жойланиши, кўриниш чегара чизиқлари, ўлчам ва унинг нисбатлари белгилаб олинади. Графикада Р. бадиий ижоднинг мустақил ва асосий йўналиши ҳисобланади ҳамда унинг турлари асосини ташкил этади. Рассом ғоявий-эстетик қарашларини қалам, кўмир қалам, сангина, пастель ва б. воситасида ифодалаб, мўъжиза яратиши ва кишини қайратлантирадиган даражадаги санъат асарини майдонга келти-

«Машраб» (1990, Б. Жалолов).

риши мумкин. Р. бадиий таълимнинг (асосан, натурадан чизиш, ўқув машқи) асосини ташкил қилади. Р. технологик жиҳатдан қуруқ ва суюқ ҳолдаги бўёқ ашёларидан фойдаланиб бажарилади. Энг қад. қуруқ бўёқ — кўмирга айланган ёнган ёғоч қолдиқлари бўлган. Уйғониш даврида итальян қалами (қора бўр) ва сангина (қизил бўр) ишлатила бошланган, 16-а. охиридан графит, 18-а.да бугунги кунда кенг тарқалган қалам амалда қўлланила бошлаган. Суюқ бўёқлар (тушь, сиёҳ, сепия, бистр) юзага перо, қуш пати, мўйқалам ёрдамида туширилади, бу бўёқлар алоҳида ёки аралаштириб ишлатилиши мумкин. Р. ўрнида ҳоз. кунда қаламтасвир, чизматасвир иборалари ҳам кенг ишлатилади (мас., рангтасвир Р.и, яъни унинг қаламда ишланган тасвири — қаламтасвир).

РАСМИ, Сурхи, Таамули, Тожики — ўртапишар хўраки-винобоп узум нави. Шарқий экологик-географик навлар гуруҳига мансуб. Тожикистонда ва Сурхондарё вилоятида етиштирилади. Барглари ўртача, беш бўлмали. Гули икки жинсли. Шингили йирик, тиғиз. Ғужуми ўртача, думалоқ, оч яшил,

Расми узум нави.

пўсти ўртача қалин, анча қаттиқ, эт-лор, сersув. Таъми яхши. Меваси, куртаги бўртгандан кейин 145—150 кунда фаол ҳарорат йиғиндиси 3200—3350° бўлганда тула пишиб етилади. Ҳосилдорлиги 120—160 ц/га. Новдалари яхши пишади. Замбуруғ касалликларига б-н кам зарарланади. Янгилигида истеъмол қилинади. Овқат устида ичиладиган ва шампан виноларини тайёрлашда фойдаланилади.

РАСПУТИН Валентин Григорьевич (1937.15.3, Иркутск вилояти Усть-Уда қишлоғи) — рус ёзувчиси. Иркутск университетининг тарих-филол. ф-тини тугатган (1959). Дастлабки ҳикоялар тўплами — «Лешкадан сўрашни унутибман» (1961). «Нариги дунёнинг одами» (1965), «Айиқ териси сотилади», «Осмонга яқин ўлка», «Янги шаҳарлардаги гулханлар» (1966), «Василий ва Василиса» (1967) сингари ҳикоя ва очерклар тўпламлари муаллифи. «Мария учун пуллар» (1967), «Сўнгги муддат» (1970), айниқса, «Яша ва ёдда тут» (1974) қиссалари рус адабиётида ўзига хос ўрин тутган. У ижодининг дастлабки даврида тайгада яшовчи кишиларга хос романтикани тасвирлашга, улар иродасини ва табиат б-н уйғунлигини кўрсатишга кўпроқ мойил бўлган бўлса, кейинчалик кучли кишилар характерини яратиш, уларнинг мураккаб руҳий оламини, улар б-н жамият ўртасидаги зиддиятларни очиш, уларнинг жамият ва табиат б-н курашдаги матонатини кўрсатишга интилган. Р.нинг «Матёра б-н видолашув» (1976) ва «Ёнгин» (1985) асарлари янги рус насри тараққиётида муҳим воқеа бўлди. Р.нинг сўнгги асарлари ўзбек тилига таржима этилган.

Ас.: Избранные произведения, т. 1—2, М., 1984—85.

РАССЕЛ (Russell) Бертран (1872.18.5, Треллек, Уэльс — 1970.2.2, Пенриндайдрайт, Уэльс) — инглиз файласуфи, мантиқчи, математик, социолог, жамоат арбоби. Кембриж ун-ти проф. (1910—16). Буюк Британия ва АҚШда бир неча ун-тларнинг проф. 1908 й.дан Лондон Қироллик жамияти аъзоси.

Инглиз неореализми ва неопозитивизми асосчиси. Унинг фикрича, фалсафа ўз муаммоларини табиёт илмидан олади, унинг вазифаси — табиёт илми тамойиллари ва тушунчаларини таҳлил қилиш ва тушунтиришдан иборат. Мат.ни мантиқан асослаб бериш мақсадида мантиқнинг дедуктив-аксиоматик тузилишини ривожлантирган. «Математика асослари» (А. Уайтхед б-н биргаликда; 1—3-ж.лар, 1910—13) асарини ёзган. Р. ўзининг социологик қарашларини б-н психологизмга яқинлашган. Унинг фикрича, тарихий жараён ва одамларнинг хатти-ҳаракати асосида инстинкт, ҳиссиёт ётади. Р. объектив тарихий қонуниятларни аниқлаш мумкин эмас, деб ҳисоблаган. У ядро қуролини тақиқлаш ва тинч-тотув яшаш сиёсатининг тарафдори бўлган. Пагуош ҳаракати ташаббускорларидан бири. Адабиёт бўйича Нобель мукофоти лауреати (1950).

РАССОМ (араб.) — *тасвирий санъат* соҳасидаги ижодкор. Қоғоз, картон, мато ва б. материалларга, шунингдек, биноларнинг девор ва шифтларига турли усулларни қўллаган ҳолда бадиий асар яратувчи санъаткор. Р. инсон фаолияти, ҳаёти учун зарур бўлган нарсаларнинг шаклини, ҳажмини яратишга, уларни дид б-н безатишга ҳам ҳисса қўшади (яна қ. *Рассомлик санъати*).

РАССОМ — осмон сферасининг Жан. ярим шаридаги кичик юлдузлар туркуми. Р. *Олтин балиқ, Искана, Кабутар, Кема қуйруғи, Кит* ва Учар балиқ юлдуз туркумлари оралиғида жойлашган. Р. қиш ойларида кўринади.

РАССОМЛИК САНЪАТИ — асарлари бирор юза (қоғоз, мато, тахта, девор ва б.)га бўёқ (акварель, мойбўёқ, темпера, гуашь, елимбўёқ), қалам, рангли тош, шиша ва ҳ.к.да ишланадиган *тасвирий санъат* тури. Қандай хом-ашёдан ва қандай ишлашига қараб *рангтасвир* ва *графика*га ажратилади. Рангтасвирда ранг муҳим ўрин эгаллайди ва унинг характерли томонларини белгилайди; графикада асосан чизиқ, оқ-қора бўёқ доглари асосий бўлиб, ранг иккинчи даражали ўрин тутади, кўп ҳолларда шартли, рамзий маънода асарнинг ғоявий эмоционал томонини кучайтириш мақсадида уни қўллаш мумкин. Мас., *плакат*да ранги қизил буюм кўк, сариқ ва б. рангда берилиши мумкин ва ҳ.к.

«Р.с.» ибораси 20-а. 50-й.ларидан қўлланилиб, дастлаб рангтасвирни таърифлаш учун ишлатилган. Бугунги кунда, шунингдек, бадиийлик маъносида ҳам қўлланилади.

Р.с. қад. бўлиб, рангтасвир ва графика бир-бири б-н узвий боғлиқ ҳолда ривожланган. Давр ўтиши б-н профессионал санъатнинг кучайиши ҳамда мустақил санъат турларига ажрата бошланган. Уйғониш даври ва ундан кейинги даврларда Р.с. ифода воситалари бойиб борган, мутахассислар етишиб чиққан, техника ва технология ҳам ғоявий ниталиниб борган. Рангтасвир ва графиканы бир-биридан алоҳида ажратиш қийин, чунки ҳар бир ижодкор уларнинг ҳар иккисида ҳам ижод қилади, ижодкор фаолиятига баҳо бериш фақат улардан қай бирининг етакчилигига боғлиқ. Мас., Л.Абдуллаев рангтасвир ва графикада ҳам меҳнат қилган, лекин рангтасвир устаси сифатида эътироф этилади. Ч.Аҳмаров, Н.Кашина ва б. ижодида ҳам шу ҳолни кўриш мумкин, улар ижодида графиканинг айрим тур ва кўринишлари ўз ифодасини топган, холос. В.Кайдалов, Қ.Баиқаров ва б. ижодида рангтасвир асарлари мавжуд бўлса ҳам, улар график рассомлар қаторидан ўрин олган. Ўзбек китоб графикасининг асосчиси бўлган. И.Икромович, рассом Н.Холиқов, А.Бобров, Ф.Каторов ва б.ни график рассомлар сифатида эътироф этиш мумкин.

РАСТА — шаҳар бозорларида ва қишлоқларда кўчанинг четига қурилган савдо дўконлари қатори. Товар и.ч.; ривожланиши б-н товарларнинг турига қараб сотувчилар алоҳида Р.ларга жойлашганлар. Р.лар ҳам мол турларига мувофиқ пойабзал Р.си, шойи Р.си, газлама Р.си, мева Р.си ва б. номлар б-н ҳам аталган. Р. деҳқон бозорларида, ярмаркаларда ҳозир ҳам мавжуд.

РАСТА БЎЛИШ — қ. *Балогатга етиш.*

РАСТР (лот. raster — хаскаш) — параллел ёруғлик дастаси тузилишини ўзгартириш учун бир хил типли элементлар (линзалар, тешиклар, призмалар ва б.)дан тузилган тўр; бир-бирига елимлаб бириктирилган 2 та кўзгу ойнасидан иборат оптик асбоб. Ойнага оқ ва қора параллел чизиқлардан майда тўр туширилган. Ишлатилишига қараб, шаффоф ва қайтаргичли хилларга бўлинади. Р. тасвирни кўпайтириши, кўплаб элементар қисмлар ёйилиши, бутун ҳолатдаги тасвирни яратиши мумкин. Р. матбаада (оқ-қора ва рангли тасвирларни босишда, стереоскопик тасвирлар ҳосил қилишда), кинотехника, видеотехника ва б.да фойдаланилади (яна қ. *Автотипия*).



Растрнинг кўпайтириш хоссасини тушунтирувчи схема.

РАСТРЕЛЛИ Варфоломей [Бартоломео Франческо; 1700, Париж (?) — 1771, Петербург] — рус архитектори, *барокко* услуби вакили. Миллати итальян. Петербургга 1716 й. отаси — ҳайкалтарош Б. Растрелли б-н келган. 1730—63 й.лар сарой архитектори бўлган. Унинг асосий ишлари: Рундал (1736—40) ва Митав (1738—40)даги Бирон саройлари, ҳоз. Пушкин ш.даги қайта қурилган Катта Екатерина саройи (1752—57), Петродворец (1747—52), Қишки сарой (1754—62) ва б. Киевда Р. лойиҳаси асосида Андреев черкови (1749—53) ва Мариинск саройи (1750—53) қурилган.

Ад.: Козьмин Г.К., Ф.Б. Растрелли, Л., 1976.

РАСУЛ (араб. — элчи) — исломда Аллоҳ томонидан танлаб олиниб, вакил қилинган ва тарғибот юритиш, ҳидоятга даъват қилиш вазифаси топширилган, илоҳий китоб нозил қилинган *пайғамбар*. Муҳаммад (сав)га нисбатан доимо Р. номи қўлланиб келинади, бу ҳатто ташаҳҳуд (калимаи шаҳодат)да ҳам ифодаланган. Набий — китоб нозил қилинмаган пайғамбар. Шу боис ҳар бир Р.ни набий деб аташ мумкинлиги, аммо набийларни Р. деб бўлмаслиги қайд қилинган.

РАСУЛ РЗО (тахаллуси; асл исм-шарифи Расул Иброҳим ўғли Рзаев) [1910.6(19).5, Геокчай ш. — 1981, Боку] — Озарбайжон халқ шоири (1960). Озарбайжонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1944). Меҳнат Қаҳрамони (1980). Озарбайжон Ёзувчилар уюшмаси раиси (1938—39), Озарбайжон Кинематография вазири (1945—49), Озарбайжон Совет Энциклопедияси бош муҳаррири (1965—75). «Гўрўғлы», «Кармен», «Тўхта, жаллодлар!» шеърларида халқнинг фашизмга, мустамлакачиликка қарши кураши акс этган. «Ўламас қаҳрамонлар», «Бахтиёр» (1942), «Газаб ва севги» (1943), «Давомли акс садо» (1970), «Шамолга қарши» (1978) шеър ва достонлар тўпламлари, «Лайли ва Мажнун» (1973) достони, «Вафо» (1943), «Оғалар» (1956), «Қонун» (1963) каби пьеса ва очерклар муаллифи.

РАСУЛОВ Ботир (1948.30.4, Тошкент вилояти Янгийўл ш.) — дирижёр, созанда (гижжак). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1987). Тошкент консерваториясини гижжак ижрочилиги (1971) ҳамда опера-симфоник дирижёрлиги (1979) ихтисосликлари бўйича тугатган. Ўзбек давлат филармониясида созанда (1971—74), Маданият ин-тида ўқитувчи (1974—79), Тошкент оперетта театрида дирижёр, бош дирижёр ва бадиий раҳбар (1979 й.дан), айни пайтда Ўзбекистон давлат консерваториясида ўқитувчи (1979 й.дан), доцент (2001 й.дан). Ўзтелерадиокомпаниянинг Дони Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг бош дирижёри ва бадиий раҳбари (2000—2002). Дирижёр репертуаридан Л.Бетховен, Г.Берлиоз, П.Чайковский, И.Брамс, М.Тожиев, М.Маҳмудов ва б. композиторлар асарлари ўрин олган. Р. ўзбек композиторлари (С.Юдаков, Ғ.Қодиров, Ф.Назаров ва б.) ҳамда жаҳон мумтоз (И.Брамс, П.Сарасате, Н.Паганини) асарларини гижжакда ижро этиб граммпластинкага ёздирган.

РАСУЛОВ Мухтор (1922.25.12, Фарғона ш.) — иқтисодчи олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1982), иқтисод фанлари д-ри (1975), проф. (1976). Тошкент молия-иқтисод ин-тини тугатган (1951). 2-жаҳон урушн қатнашчиси. Ўрта Осиё ун-тида ўқитувчи, доцент, проф. ва кафедра мудири (1951—61). Самарқанд кооператив ин-ти ректори (1961—69), Фарғона ун-ти проректори (1969—73), Тошкент ун-тида кафедра мудири (1974—2000). 2000 й.дан Тошкент иқтисодиёт ун-ти савдо менежменти кафедрасида проф. Илмий ишлари Ўзбекистондаги савдо тарихи, кооператив ҳаракати тарихи, кооператив савдо иқтисодиёти, бозор иқтисодиёти ва б. масалаларга бағишланган.

Ас.: Кооператив савдо иқтисодиёти, Т., 1966; Бозор иқтисодиёти асослари, Т., 1999, Бозорни ижтимоий ҳимоялаш, Т., 2003.

РАСУЛОВ Ориф Ҳакимович (1908.12.11, Қўқон — 1975.14.2, Тошкент) — ҳуқуқшунос олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1969), проф. (1970). Тошкент юридик ин-тида катта ўқитувчи (1933—37), Ўзбекистон прокурорининг ёрдамчиси, кейинчалик ўринбосари (1937—42). 2-жаҳон уруши йиллари армияда сиёсий ишларда, сўнг ҳарбий прокурор (1942—45). Тошкент юридик ин-тида, ТошДУ нинг юридик

ф-тида доцент, кафедра мудири (1948—73). Р.нинг илмий ишлари ҳуқуқ тарихи ва жиноят ҳуқуқига бағишланган.

РАСУЛОВ Пўлат (1913.25.2 — Тошкент — 1990.9.9) — кинооператор. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1967). Фаолиятини «Ўзбекфильм»да оператор ёрдамчиси бўлиб бошлаган (1935—48), кейинчалик оператор (1949—56). Тошкент телестудиясида бош оператор (1956—61), Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясида оператор ва реж. (1961—73). «Асал», «Насриддин Бухорода», «Тоҳир ва Зуҳра», «Насриддиннинг саргузаштлари», «Алишер Навоий», «Фарғона қизи» каби фильмларнинг иккинчи оператори. «Стадионда учрашамиз» кинокомедиясининг оператори, «Ўзбекистон уруш йилларида», «Яшарган ҳаёт», «Ўзбекистон газ ва кимёси», «Наби Ганиев», «Барҳаёт Ҳамза», «Кутлов», «Халқ ёзувчиси Ойбек», «Комил Яшин», «Бахтли болалик», «Боғбон», «Тамара қўшиқлари» ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмларнинг муаллиф-оператори ва реж.и.

РАСУЛОВ Ўткир Ҳасанович (1939. 11.7, Тошкент) — физик олим, Ўзбекистон ФА акад. (1995), физика-мат. фанлари д-ри (1979), проф. (1992). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1961). Ўзбекистон ФА Физика-техника (1962—67), Электроника институтлари (1967—69)да, СССР ФА Иоффе номидаги Физика-техника ин-ти (1965—81) да ишлаган. Ўзбекистон ФА Электроника ин-ти лаб. мудири (1981 й.дан) ва директори (1985 й.дан). Илмий ишлари физик электроника ва қаттиқ жисм сирти физика-кимёси соҳаларига оид. У эмиссион электроникаининг янги йўналиши — кўп атомли молекулаларнинг қаттиқ жисм сирти б-н ўзаро таъсири ва бундай зарраларнинг сиртий ионланишини очди; органик ва биоорганик бирикмалар ионланишининг янги услубини топди ва бу ҳодисанинг барча қонуниятларини аниқлади. Шогирдлари б-н биргаликда органик ва биоорганик бирикмалар, жумладан, экология ва атроф-муҳитни назорат қилиш учун

вараклы ва ҳаҳрли, ихчам ёвланд ва доривор моддаларни қабул этувчи, юқори сезгирликка ва танлаш хусусиятига эга сирт ионизацион услублар ва асбоблар; газ хроматографияси учун детекторлар, газ анализаторлари; ионларнинг ҳаракатчанлиги бўйича ажратувчи спектрометрлар ва б. асбоблар ишлаб чиқди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати (1995—99).

«Шуҳрат» медали (1994) ва «Меҳнат шуҳрати» ордени (2003) б-н мукофотланган.

РАСУЛОВ Фани Турсунович (1935.20.3 — Тошкент —1990.1.4) — сценарийчи, таржимон. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1973). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1957). Ўзбекистон телевидениесида муҳаррир (1957—60), бош муҳаррир (1969—70), «Ўзбектелефильм» студиясида бадиий раҳбари (1970—78). Адабий-драматик эшиттиришлар таҳририяти бош муҳаррири (1978—81), 1981 й.дан «Ўзбектелефильм» бош муҳаррири ва бадиий раҳбари. «Куйла, Санобар», «Тошкент», «Нотаниш Бухоро» каби ҳужжатли фильмлар, «Ўтиз кун шамол» телевизион бадиий фильмига сценарий ёзган. 100 дан ортиқ бадиий фильмларни ўзбек тилига таржима қилган. Шунингдек, «Сувда қалққан лола», «Оқ лайлаклар учиб келди» ҳикоялар тўпламлари муаллифи. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1977).

РАСУЛОВ Ҳасан Ғофурович (1913.15.3, Қизил Ўрда ш., Қозоғистон — 1992.22.3, Тошкент) — файласуф олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1973), проф. (1965). Тошкент кечки пед. институтида ўқитувчи (1933 й.дан), Тошкент қ.х. институти фалсафа кафедрасининг мудири (1948—67). 1968 й.дан ТошДУ ҳузуридаги Ижтимоий фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш ин-ти фалсафа кафедраси мудири. Илмий ишлари ахлоқ, фалсафа фанларини ўқитиш методикаси масалаларига бағишланган. Тошкентдаги кўчалардан бирига унинг номи қўйилган.

РАСУЛҚОРИ ҲОФИЗ Мамадалиев (1928.7.6, Ўш вилояти, Сузоқ қишлоғи — 1976.8.9, Бувайда тумани) — хонанда, созанда (танбур, дутор, скрипка) ва аскиячи. Жарангдор, тиниқ ва жозибали овоз соҳиби. Эҳтиросли ва шиддатли ижро услубини яратган. Мусиқадан илк сабоқларини Камолиддин Ҳамроқулов (кейинчалик ҳамнафаси), Уста Қурбонлардан олган. Кўзи туғма ожиз Р.ҳ. ноёб истеъдод ва кучли хотира эгаси бўлиб, кўпгина ашула ва чолғу йўлларини граммпластинка ёзувлари орқали ўзлаштирган. Кейинчалик Ж. Султонов, М. Узоқов каби устоз санъаткорларининг ижрочилик анъаналарини урганган. Репертуаридан мақом ва мумтоз ашула йўллари («Баёт I—V», «Дугоҳ Ҳусайн I—VII», «Сегоҳ», «Бебоқча», «Бузрукий», «Галдир» ва б.), замонавий бастакорлар асарлари («Оқибат», «Тошмадим», О. Хотамов; «Кушан», «Жуло», Ю.Ражабий; «Салламно», Н.Ҳасанов; «18 ешиндалур», М.Мирзаев; «Дилработлардан бири», Ж.Султонов), катта ашулалар («Аввалин кетдинг», «Оҳ ким», «Изтиробман» каби, халқ ялла ва ашулалари («Эй дуст», «Ҳай-ҳай», «Ороминжон») ўрин олган. Ижрода сўз талаффузининг аниқ ва бурролиги, сўз ва овоз мутаносиблигига эришган. Чолғу ва ашула йўлларини, марсиялар бастала-ган («Газалхонлик», «Меҳмонсан», «Дорман» ва б.).

РАТИФИКАЦИЯ (лот. ratus — ҳал қилинган, тасдиқланган ва facere — қилмоқ) — 1) халқаро шартномани давлат ҳокимияти олий органи томонидан тасдиқланиши. Одатда, энг муҳим халқаро шартномаларгина Р. қилинади. Кўпчилик давлатларнинг конституциялари халқаро шартномаларни Р. қилиш ҳуқуқини давлат бошлиғи ваколатига ёхуд бевосита олий қонун чиқарувчи орган ваколатига киритади; Ўзбекистонда халқаро шартномаларни Р. қилиш тўғрисида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати биргаликда қарор қабул қилади; 2) баъзи мамлакатларда конституцияга киритилган тузатишлар тасдиқланишининг махсус тартиби. Мас., АҚШ конгресси конституцияни қабул қилгандан кейин унга қилинадиган тузатишлар камида 3/4 штатлардаги қонун чиқарувчи мажлислар ёки махсус конвентлар томонидан тасдиқланиши керак. Австралияда конституциядаги ўзгартишлар лойиҳаси парламентда маъқулланган-дан кейин у мамлакатда ва аксарият штатларда сайловчиларнинг кўпчилик овози б-н референдумда тасдиқланиши талаб қилинади.

РАТИЦИДЛАР (франц. rat — каламуш ва лот. caedo — ўлдираман) — *Пестицидлар.*

РАУ (Rau) Йоханнес (1931.16.1, Вупперталь) — Германия давлат арбоби. Кёльн ш.даги китоб савдоси мактабини тугатган (1952). 1952 й.дан «Умуммемис халқ партияси». 1957 й.дан Германия социал-демократик партияси

(ГСДП) аъзоси. 1968 й.дан ГСДП бош-қаруви, 1978 й.дан президиуми аъзоси. 1969—70 й.ларда Вупперталь ш. обербургомистри. 1977 й. Шим. Рейн-Вестфалия ери социал-демократлар партияси ташкилоти раиси. 1978 й. сент.дан Шим. Рейн-Вестфалия ери бош вазири. 1982 й.дан ГСДП раиси ўринбосари. 1998 й.дан Фридрих Эберт номидаги жамғарма бошқаруви раиси ўринбосари. 1999 й. 23 майдан Германия Федератив Республикаси президенти.

РАУЛЬ (Raoult) Франсуа Мари (1839, Фури-ан-Вен, Нор — 1901.1.4, Гренобль) — француз кимёгари ва физиги; Париж ФА мухбир аъзоси (1890), Гренобль ун-ти проф. (1870 й.дан). Асосий илмий тадқиқотлари эритмалар кимёсига оид. Эритма устидаги тўйинган буғ босимининг соф эритувчининг буғ босимига ва эритувчида эриган модда концентрациясига боғлиқлигини (қ. *Рауль қонунлари*) кашф қилган (1882—88). Бу қонун моддаларнинг мол. м.ни аниқлашда қўлланади.

РАУЛЬ ҚОНУНЛАРИ — эритма устидаги эритувчининг тўйинган буғ босими б-н эритманинг таркиби орасидаги боғланишини ифодаловчи қонунлар. Рауль эритма буғ босимининг соф эритувчи буғ босимига қараганда паст бўлишидан фойдаланиб бир нечта муҳим қонунлар кашф этди. Эритма буғ босимининг пасайиши сабабли эритманинг музлаш т-раси соф эритувчининг музлаш т-расидан паст бўлади, унинг қайнаш т-раси эса соф эритувчиникидан юқори бўлади. Р.қ.дан бири қуйидагича таърифланади: ноэлектролит моддаларнинг суюлтирилган эритмаларида ўзгармас т-рада буғ босимининг пасайиши маълум миқдордаги эритувчида эриган моддаларнинг массасига тўғри пропорционал.

$$\frac{P_0-P}{P_0}=N;$$

бу ерда: P_0 — соф эритувчининг буғ босими; P — эритманинг буғ босими; $\frac{P_0-P}{P_0}$ эритмада эритувчи буғ босимининг нисбий пасайиши; N — эриган модданинг моляр қисми. Бу қонун фақат учувчан бўлмаган моддаларнинг эритмалари учун талқин этилиши мумкин. Рауль эритмаларнинг музлаш ва қайнаш ҳодисаларини миқдорий жиҳатдан текшириш натижасида 2-қонунни (криоскопик ва эбулиоскопик) кашф қилди. Бу қонун қуйидагича таърифланади: эритмалар музлаш т-расининг пасайиши ёки қайнаш т-расининг кўтарилиши маълум масса миқдоридаги эриган модда миқларига пропорционалдир. Рауль 2-қонунининг математик ифодаси:

$$\Delta t=KC;$$

бунда: Δt — эритувчи музлаш т-расининг пасайиши ёки қайнаш т-расининг кўтарилиши; C — 1000 г эритувчида эриган модданинг моляр сони. K — эритувчининг криоскопик ёки эбулиоскопик константаларига тенг бўлган пропорционаллик коэффициенти. 1000 г эритувчида 1 грамм — молекула модда эриганда музлаш т-расининг пасайиши ёки қайнаш т-расининг кўтарилиши (молекулар пасайиш) айни эритувчи учун ўзгармас катталикдир. Бу катталик эритувчининг тегишлича криоскопик ёки эбулиоскопик константаси деб аталади. Р.қ.ига асосланиб эритувчида эриган моддаларнинг мол. м. аниқланади. Эритувчи музлаш т-расининг пасайишига қараб мол.м.ни аниқлаш усули — криоскопик усул, қайнаш т-расининг кўтарилишига қараб аниқлаш усули эса эбулиоскопик усул деб аталади. Қонунлар 1882—88 й.ларда Ф.М. *Рауль* томонидан кашф этилган.

РАУНД (инг. round) — боксда 3 минутлик олишув даври. Ҳаваскорлик боксида олишув 3 Р., профессионал боксда эса 15 Р.гача давом этиши мумкин.

РАУФ ПАРФИ (тахаллуси; асл исм-шарифи Турсунали Парфиев; 1943.27.9, Тошкент вилояти Шўралисой қишлоғи) — шоир ва таржимон. Ўзбекистон халқ шоири (1999). ТошДУнинг филология ф-тини тугатган (1960—65). Турли йилларда Кинематография давлат қўмитаси, «Ойдин» газ., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат ҳамда «Ёзувчи» нашриётларида муҳаррир бўлиб ишлаган. Биринчи шеъри 1957 й.да эълон қилинган. «Қарвон йўли» (1968), «Акс-садо» (1970), «Тасвир» (1973), «Хотирот» (1974), «Кўзлар» (1976), «Қайтиш» (1981), «Сабр дарахти» (1986), «Сукунат» (1991), «Тавба» (2001) шеърий тўпламлари бор. Р. П. лирик қаҳрамон руҳий оламининг нозик эврилишларини маҳорат б-н тасвир этувчи шеърлари б-н танилган. Шоир сўзининг ранг ва оҳангларидан, шеърий тасвир воситаларидан ўзига хос услубда фойдаланади. Шеърлари бир неча хорижий тилларга таржима қилинган.

Р.П. *Байрон*нинг «Манфред», *Нозим Ҳикмат*нинг «Инсон манзаралари», Карло *Каладзе*нинг «Денгиз хаёли» ва б. жаҳон шеърияти классикларининг шеърларини ўзбек тилига таржима қилган.

РАУФОВ Ёқуб (1888, Ўратепа ш. — 1974.22.1, Тошкент) — наққош уста, Ўзбекистон халқ рассоми (1963). Наққошлик ҳунарини отаси уста Рауф каломдан ўрганган. Отаси бошчилигида Ўрта Осиё (жумладан, Наманган, Марғилон, Андижон, Хўжанд, Қаттақўрғон, Самарқанд, Чимкент ва б.) шаҳарларидаги жамоат биноларини безашда қатнашган. 18 ёшидан мустақил уста. 1923 й.дан Р. Тошкентда яшаган. Хонтахта, қутича, қаламдон ва б. уй-рўзғор буюмларини бадиий безаган. Тошкент ўқув-и.ч. бадиий к-тида дарс берган. Р. ижодида 19-а. наққошлик мактаби анъаналарини давом эттирган, миллий наққошлик мактаблари анъаналарини уйғунлаштириб, ўзига хос наққошлик мактаби яратди, бўрттириб «*кундал*» усулида нақш ишлашни кенг қўллади. Навоий театри (1947), Бекободдаги металлурглар маданият уйи, Тошкентдаги Навоий номидаги адабиёт музейи (1968), «Кўк гумбазлар» чойхонаси (1970), Самарқандлари «Юлдуз» ресторани (1969) ва б. кўпгина жамоат биноларини безашда, Тошкент ш. (Половцев уйи, ҳоз. Амалий санъат музейи), Тошкент ва Сирдарё вилоятларидаги меъморий ёдгорликларни таъмирлашда қатнашди. 1937 й.дан республика ва хорижий мамлакатлар кўргазмаларида Р. нинг ишларидан намуналар ҳам намойиш этилган.

Наққош уста Ёқубхон Рауфов.

Ад.: Наққошлик, Т., 1973.

РАФАЭЛЬ [асли Рафаэлло Санти (Санцио), Rafaello Santi (Sanzio)] [1483.26 ёки 28.3 (айрим манбаларга кўра, 6.4), Урбино — 1520.6.4, Рим] — итальян рассоми ва меъмори; Р.

Рафаэль. «Афина мактаби» (1508, Ватикандаги Делла Сеньятура залида).

санъатида Юксак Уйғониш даврига хос бўлган гўзаллик ва мукаммал дунё ҳақидаги илғор қарашлар, ҳаётбахш идеаллар уйғунликда ўта аниқлик б-н мужассамлашган. Илк асарларидаёқ манзара б-н уйғунлашган нафис шакллар Р.нинг юксак иқтидоридан дарак беради («Рицарь уйқуси», Миллий галерея, Лондон; «Мадонна Конестабиле», Эрмитаж — тахм. 1500—02), «Марияниng никоҳи» асари (1504, Брера) фазовий ечими жиҳатидан устози Перужино асарларига яқин. 1504—08 й.лар Флоренцияда яшаб, буюк санъаткорлар (Леонардо да Винчи, Ф. Бартоломмео ва б.) ижоди, анатомия ва перспективани ўрганади, драматик воқеаларга бой асарлар яратади («Тобутга қўйиш», 1507, Боргозе гал., Рим ва б.), қўплаб яратган мадонналари унга катта шуҳрат келтирди: «Мадонна Грандука» (Питти, Флоренция), «Боғбон мадонна» (Лувр, Париж) ва б. 1508 й.дан папа Юлий II таклифи б-н Римда яшаб, ижод қилади, антик ёдгорликлар б-н танишади, археологик қазишмаларда иштирок этади. Ватикан саройида деворий расмлар туркумини яратади: уларда озодлик ғоялари ва инсоний бахт, инсонни ҳар томонлама жисмоний ўсиши ва руҳий имкониятларини тараннум этади, сарой зал (станц)ларига ишлаган фрескалари рассомлик санъатида монументал рангтасвирнинг катта ютуғи, тасвирий санъатнинг меъморлик б-н уйғунлигининг энг яхши намунаси бўлди. Жумладан, Делла Сеньятура залида инсон фаолиятининг 4 соҳаси — дин («Мунозара»), фалсафа («Афина мактаби»), шеърият («Парнас»), ҳуқуқ («Ақл, Мезон ва Куч»)ни тасвирлайди ҳамда плафонда шу композицияларга мос инжил ва афсоналар мазмунига оид мажозий шаклли композициялар яратиб, улкан истеъдод эгаси сифатида шуҳрат қозонди. Римда Р. етук портретчи сифатида намоён бўлди: «Папа Юлий II» (тахм. 1510), «Кардинал портрети» (тахм. 1512), «Б.Кастилионе» (1515—16), «Лев X кардиналлар б-н» (тахм. 1518) ва б.; «Мадонна Альба» (тахм. 1510—11), «Мадонна ди Фолинье» (тахм. 1511—12) каби мадоннаар тасвирида улуғ туйғу — оналик туйғусини бера олди, айниқса, «Сикст мадоннаси» (1515—19) энг мукаммал асар сифатида хавотирлик ва ўта нафосат туйғусини уйғунлаштирган.

Р.нинг меъморликдаги фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўлди; меъмор Барманте бошлаган Римдаги Авлиё Пётр собори қурилишига унинг вафотидан сўнг Р. раҳбарлик қилди, қурилишни ўзининг янги базиликали лойиҳаси асосида давом эттирди. Ватикандаги бир неча бинолар Р. раҳбарлигида қурилган, унинг лойиҳаси ва расмлари асосида кўп бинолар, айниқса, йирик саройлар барпо этилган; ҳар бир саройга ўзига хос қиёфа ва безаклар беришга интилган [Римда Р. лойиҳаси асосида айлана тарҳли Сант-Элижо дельи Орефичи черкови (1509 й.дан), Санта-Мария дель Пополо черковининг нафис Кижи капелласи (1512—20) ва палаццолар қурилган], у қурган бинолар салобатлилиги ва интерьерларининг нозиклиги б-н ажралиб туради. Узоқ вақтлар давомида бетакрор санъат намунаси мавқеини сақлаган Р. ижодига кейинги давр ижодкорлари идеал санъат намунаси сифатида такрор-такрор мурожаат этилар.

РАФИНАЦИЯЛАШ (нем. Raffinieren, франц. raffiner — тозаламоқ), рафинирлаш — металлар ва қотишмалар, ёғ ва мойларни (одатда, суюқ ҳолатда) кераксиз ёки зарарли қўшимчалардан тозалаш. Металларни Р. юқори т-рали (пирометаллургия), электролитик ва кимёвий турларга бўлинади. Юқори т-рали Р.да металларга оксидловчилар ёки модификаторлар қўшилади. Улар қўшимчалар б-н суюқ металлда эримайдиган (механик йўл б-н ажратиладиган) ёки Р. т-расида учувчан кимёвий бирикмалар ҳосил қилади. Бундан ташқари, металлга суюқ синтетик тошқоллар, инерт газлар (мас., аргон), олтингугурт, галогенлар, галогенидлар ва б. моддалар б-н ишлов берилади. Электролитик Р. тузларининг суюлган эритмалари ёки тузли суюқликларнинг электролизидан иборат. Бу турнинг кенг тарқалган усули тозаланадиган металларни *анод*да эритиш ва тоза металларни *катод*да чўктириш жараёнларини ўз ичига олади. Кимёвий Р. металл ва қўшимчаларнинг кислотали ёки ишқорли эритмаларда турлича эрувчанлигига асосланган. Р. бевосита печлар ёки махсус қурилмаларда амалга оширилади. Асл металларни Р. аффинаж деб аталади.

РАФИҚ МЎМИН (тахаллуси; асл исм-шарифи Мўминов Рафиқ, 1900.7.2, Наманган — 1951.5.5) — шоир, драматург, педагог. 1917 й.да Қўқондаги дорилмуаллимининг тугатиб, 1937 й. 27 майда қатағон этилгунига қадар ўқитувчилик қилган. Р.М. Фарғона водийсига илмий экспедиция уюштириб, «Зевак» («Ёзи билан Зебо») ва б. асарларни ёзиб олган (1923). Алабий фаолияти 1920 й.дан бошланган. У 20-й.ларнинг бошларида Фарғона водийсида рўй берган фожиали воқеалар таъсирида Ўғузхон (Ҳ. Йўлдошқориев) б-н ҳамкорликда «Ёш қурбонлар», шунингдек, «Гулёр» ва «Ёрилтош» пьесаларини ёзган (1921). Р.М.нинг шеърий ижодида «Қапчигай» достони (1924) алоҳида ўринни эгаллайди. Шоир бу достондан ташқари, қўплаб лирик шеърлар, «Болахўр», «Қизил қиз», «Занглаган пичоқ», «Тяньшан қизи» сингари достонлар ҳам ёзган (1926—27).

РАФИҚОВ Афзал Азимович (1948.21.8, Тошкент) — Ўзбекистон халқ артисти (2000). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1974). 1973 —87 й.лар Ҳамза театрида, 1987 й.дан Аброр Ҳидоятов номидаги театрда актёр. Яратган образларидаги ларл, изтироб, қарама-қарши ҳиссиётлар, ўзига хос мусиқавий овоз, ранг-баранг оҳанг, тиниқ ва босимлари б-н томошабинни ўзига ром этишга эришади, шунингдек, романтик анъаналарни ҳаётий талқин усули ила уйғунлаштира олиши б-н ажралиб туради. «Қароқчилар» (Ф. Шиллер) спектаклидаги Швейцер роли б-н саҳналари фаолиятини бошлаган. Кейинчалик Александров (Л. Толстой, «Тирик мурда»), Зокиров (С. Абдуллин, «Ўн учинчи раис»), Тарсо (Т. Тўла, «Нодирабегим»), Навоий, Искандарнинг отаси (Ш. Ризаев, «Искандар»), Фаридун (Фирдавсий, «Фаридун»), Яго (У. Шекспир, «Отелло»), Лир (У. Шекспир «Қирол Лир»), Аслзода (А. Цагарели, «Хонума») каби роллари б-н танилган.

Афзал Рафиқов Яго ролида («Отелло»).

Кинода («Яратганга шукур»да Аҳмад, «Алпопиш»да Бойбўри ва б.), телевизион фильмларда («Диёнат»да Прохор, «Гирдоб»да илмий котиб, «Ичкуёв»да Сергей, «Омон бўлсанг, унутма»да Гуськов каби) ҳам суратга тушган. Р. ўзбек дубляж санъати ривожига катта ҳисса қўшганлардан, 1000 дан ортиқ фильмга овоз берган («Лев Толстой»да Толстой, «Галаба» фильмида Сталин, «Ҳаёт мазмуни»да Усмон Юсупов ва б.). Бир нечта телевизион ҳужжатли фильмлар матнини ўқиган. «Гулшан» радиожурналининг бошловчиси, бир қанча радиопостановкалар («Усмон Носир», «Хабиб Абдуллаев» ва б.)ни олиб борган.

РАФИҚОВ Муҳаммад Муҳиддинович (1940.26.10, Бухоро) — актёр, реж. Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби (2003). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1966). 1966—67 й.лар Ҳамза театрида, 1967—83 й.лар Бухоро театрида актёр (1981—83 й.лар директор), 1983 й.дан Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг бош реж.и.Ҳамлет (У. Шекспир, «Ҳамлет»), Темирхон («Неркес»), Хлестаков («Ревизор»), Йўлдош («Қопқон»), Ибн Сино («Ибн Сино»), Шоҳ Баҳром («Дилором»), Нодир («Олтин девор»), Каримов («Комиссия») каби роллари б-н танилган. У бир қанча фильмлар (Ҳожир, «Рустам ва Сухроб»; Вали, «Сиёвуш ҳақида қисса»; Акром, «Лайлак келди, ёз бўлди»; Усмонбек кўрбоши, «Афсонага айланган қиз» ва б.) ва телефильмлар Шайбонийхон, «Бобур»; Акбарали мингбоши, «Кеча ва кундуз»; Имом Бухорий, «Имом ал-Бухорий»; Амир Темур, «Соҳибқирон»; Абдураҳмон табиб, «Шайтанат»; Ибн Сино, «Ҳаким ва ажал»)да ҳам эсда қоларли образлар яратган. Р. инсон ички дунёсини, кечинмаларини ҳаётий талқин этиши б-н ажралиб туради.

РАФТОР (форс. — юриш) — бир маромда тўлқинсимон ҳаракатдаги нақш чизиғи (таноб, новда). Нақш мужассамотида ингичка ва кенг ҳошия бўйлаб бир ёки икки томонга йўналтирилади; Р. нақш мужассамотида 1-даражали ўрин тутади; гул, ғунча, барг, маргула, куртаклар эса 2-даражали бўлиб, мужассамотни тўлдиради. Р. тасвирланган новда сонига қараб 4 қўринишда (якрафтор — 1, дурафтор — 2, серафтор — 3, чоррафтор — 4) учрайди; барчасида ҳам тўлқинсимон ҳаракат бир томонга йўналтирилади. Фақат Хоразм усталари дурафторлари ҳар бир Р.ини бир-бирига қарама-қарши йўналтириб ҳам қўллайдилар. Амалий безак санъатининг безак мужассамотида кенг қўлланилади.

РАХИТ (юн. rhachis — умуртқа), ш и р д а — ёш болаларда учрайдиган касаллик. Организмда витамин D етишмаслиги туфайли фосфор-кальций алмашинувининг бузилиши натижасида келиб чиқади. Р.га кўпинча болаларнинг чала туғилиши, қувватсизлиги, сунъий овқатлантириш сабаб бўлади.

Бола яхши парвариш қилинмаса, очиқ ҳаво ва қуёш нуридан баҳраманд бўлмаса, нотўғри овқатлантирилса, унинг организмига витамин D етарли миқдорда кирмайди ёки ультрабинафша нурлар етишмаслигидан терисида витамин D ҳосил бўлиши бузилиб, Р. касаллиги кучаяди. Бундан ташқари, боланинг тез-тез касалланиши, оналигининг тез-тез касалланиши, онанинг ҳомиладорлик вақтида овқат рационининг бузилганлиги ҳам Р. касаллигига сабаб бўлади. Р. касаллиги моддалар алмашинувининг бузилишига ҳамда турли аъзо ва системалар ишининг издан чиқишига олиб келади. Бу касалликда фосфор ва кальций каби минерал тузлар алмашинуви айниқса кучли бузилади. Ичакда кальцийнинг сўрилиши ва суякларга ўтириши ўзгаради, бу — суякнинг ингичкалашиб, тўқималарининг юмшашига, нерв системаси ва ички аъзолар ишининг бузилишига сабаб бўлади.

Касалликнинг дастлабки даврида беморнинг нерв системасида ўзгаришлар рўй беради: бола қўрқоқ, тажанг, инжиқ ёки шалвиллаган бўлиб қолади; кўп терлайди, эмаётганида юзи, ётганида энсаси терга ботади. Болани қичима безовта қилганлиги учун у бошини ёстиққа ишқайвергани-дан орқа сочи тўкилиб кетади. Касаллик кучайганда мускуллар заифлашади, буришади; касал бола соғлом болага нисбатан кеч юради, қорни шишади, ичи кўпинча қотади ёки суюлади, кейинчалик суяк системаси ўзгаради: елка суяги яссиланади, бош катталашади, пешона ва калланинг тепа суяги туртиб чиқади, пешона дўнг бўлиб қолади, калла тепа суяги ва энса соҳасидаги суякнинг юмшаши кузатилади. Бошнинг катта лиқилдоғи ўз вақтида суякланмайди. Кўпинча тўш ёнидаги қовурға суяклари қалинлашади. Бола юра бошлаганида оёқлари Х шаклида ёки О шаклида қийшаяди. Кўкрак қафасининг шакли ҳам ўзгаради: ё олдинга туртиб чиқади ёки ичига кириб кетади.

Р.га учраган болалар турли юқумли касалликларга (айниқса, зотилжамга) мойил бўлади.

Р. касаллигининг олдини олиш туғруққача бўлган даврда бошланади. Ҳомиладор аёл мумкин қадар тоза ҳавода кўпроқ бўлиши, режимга қатъий риоя қилиши, тўғри овқатланиши керак (қ. *Овқатланиш*).

Бола туғилганидан кейин уни парвариш қилишнинг барча қоидаларига риоя қилиш ва иложи борича кўкрак сути б-н боқиш лозим (қ. *Гўдак*).

Р.ни даволашда врачнинг кўрсатмасига мувофиқ, витамин D бошқа дорилар б-н биргаликда берилади. Зарур бўлган ҳолларда врачнинг тавсиясига мувофиқ дава гимнастикаси, массаж, кварц лампаси б-н нурлантириш ўтказилади.

РАХМАНИНОВ Сергей Васильевич (1873.20.3(1.4), Новгород губернияси — 1943.28.3, Беверли-Хилс, Калифорния, Нью-Йорк яқинидаги Кенсикода дафн

этилган] — рус композитори, пианиночи ва дирижёр. Москва консерваториясини фортепиано (1891) ва композиция (1892) ихтисосликлари бўйича тугатган. Москвадаги Рус хусусий опера театри (1987—98), *Катта театр* (1804—06)да дирижёр. 1918 йдан АҚШда яшаган. Р. илк асарлари (1- фортепиано концерти, 1891; «Алеко» операси, 1892 ва б.)дан рус мумтоз композиторлик анъаналарига таянган. Унинг кенг кўламли лирик куйларга бой мусиқаси рус халқ қўшиқчилиги ва черков мусиқаси, шу б-н бирга шарқ мусиқаси анъаналарига асосланади. Буюк виртуоз пианиночи сифатида шуҳрат қозонган Р. ижодида фортепиано асарлари алоҳида ўрин тутади: фортепиано ва оркестр учун 4 та концерт ва «Паганини мавзусига рапсодия»си, прелюдиялар ва этюд-манзара туркумлари, 2 та соната ва фортепиано трио си ва б. «Симфоник рақслар», «Иоанн Златоуст литургияси» ва «Тунги бедорлик» хор асарлари, романслар, камер-чолғу асарлари ва б. машҳур. Р.нинг умумшарқона услубга мансуб асарлари орасида «Куйлама соҳибжамол» романси, «Шарқона рақс», «Вокализ»каби камер-чолғу асарлари, 2- ва 3- фортепиано концертлари ва б. мавжуд.

РАЦИОНАЛ СОНЛАР — икки бутун сонининг нисбати сифатида ифодаланадиган сонлар, яъни $\frac{m}{n}$, бунда $n\neq 0$.

Р.с.га барча бутун ва каср сонлар (мусбат, манфий ва ноль) киради. Бутун n сонини $\frac{m}{1}$ кўринишида ёзиш мумкин.

Р.с.нинг йиғиндиси, айирмаси, кўпайтмаси, бўлинмаси (бўлувчи 0 дан фарқли бўлганда) ҳам рационал сон бўлади:

$$\frac{m}{n}\pm\frac{p}{q}=\frac{mq\pm np}{nq};\ \frac{m}{n}\cdot\frac{p}{q}=\frac{mp}{nq};$$

$$\frac{m}{n}:\frac{p}{q}=\frac{mq}{np}.$$

Р.с.ни чекли ёки даврий чексиз ўнли касрлар шаклида ёзиш мумкин.

РАЦИОНАЛ ФУНКЦИЯЛАР — ўзгарувчи x ва ихтиёрий сонлар устида бажарилган арифметик амаллар (қўшиш, айириш, кўпайтириш ва бўлиш) натижасида охирги сон ҳосил бўладиган функция. Р.ф.нинг умумий кўриниши

$$R(x)=\frac{P(x)}{Q(x)}=\frac{a_0x^m+a_1x^{m-1}+\ldots+a_m}{b_0x^n+b_1x^{n-1}+\ldots+b_n},$$

бунда a_i, b_i — доимий сонлар, $a_0\neq 0$, $b_0\neq 0$; m, n — манфий бўлмаган бутун сонлар. Р. ф. маҳраж $Q(x)$ нинг илдизларидан фарқли x нинг ҳамма қийматлари учун аниқ ва узлуксиз ҳамда дифференциалланувчи. Кўпҳад ($m=0$ да) Р.ф.нинг хусусий ҳолидир, шунинг учун кўпҳадларни баъзан бутун Р. ф. деиладн. Ҳар қандай аргументли Р.ф.ни аниқмас коэффициентлар усули б-н кўпҳад ва

$$\frac{A}{(x-a)^k}+\frac{Bx+C}{(x^2+bx+c)^l}$$

кўринишидаги содда касрлар йиғиндисига ёйиш мумкин. Шунинг учун Р.ф.нинг интеграли Р.ф.лар йиғиндиси, логарифмик ва арктангенс функциялар орқали ҳисобланади. Р.ф. ва ихтиёрий сонлар устида бажарилгаиган арифметик амаллар натижасида олинган охирги сон, Р.ф.нинг ҳосиласи ҳам Р.ф. бўлади. Р.ф. элементар функцияларнинг муҳим қисми бўлиб, 20-а. ўрталаридан тақрибий функция масалаларини ечишда кенг қўлланилади.

РАЦИОНАЛИЗАТОРЛИК — техника воситалари, ш.ч. технологияси, машина деталлари, тайёр маҳсулот ва б.ни такомиллаштиришга доир янги техник ечимлар ҳамда таклифларни ишлаб чиқиш б-н шуғулланиш. Р.нинг ихтиролчиликдан фарқи (қ. *Изобретательство*) шундаки, у муайян ишлаб чиқариш, корхона б-н, бирон-бир технология, машина ва қурилмага янгилик киритиш б-н боғлиқ бўлади. Р. аниқ бир машина, технологик жараён, деталь ва б.ни такомиллаштиришга, иш унумдорлигини оширишга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилади. Мас., пахта териш машинасининг асосий пахта териш органи — шпиндельни такомиллаштиришга доир таклиф Р. таклифи ҳисобланади. Р. таклифи бериш шартлари, уни муҳофаза қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1994 й. қабул қилинган қонунда белгилаб қўйилган. Р. учун гувоҳнома бериш ишлари Ўзбекистон Республикаси патент идораси томонидан амалга оширилади (қ. *Ихтирочилик ҳуқуқи*).

РАЦИОНАЛИЗАЦИЯ, рационаллаштириш (лот. rationalis — ақлли, оқил) — бирон-бир нарсани такомиллаштириш, янада мақсадга мувофиқ ташкиллаштириш (мас., ишлаб чиқаришни Р.).

РАЦИОНАЛИЗМ (лот. ratio — ақл, ақлидрок) — ақлни билишнинг ва кишилар хулқ-атворининг асоси деб ҳисобловчи фалсафий йўналиш. *Иррационализм* ва *сенсуализм*га қарама-қарши туради. 17—18-асрлардаги классик Р. (Р. Декарт, Б. Спиноза, Н. Мальбранш, Г. Лейбниц) ўрта асрлар схоластикаси ва диний ақидаларга қарши чиқиб, бутун дунёда чексиз сабаблар силсиласи ҳукмрон деган табиий тартибот ғоясини илгари сурган. Р.га кўра, илмий (яъни объектив, умумий, зарурий) билимга билишнинг манбаи ва шакли сифатида ақл хизмат қилади. Р. *математик* мафкураси вакилларининг фалсафий манбаларидан бири. Ислом дини ақидаларига Абу Мансур *Мотуридий* Р. нуқтаи назаридан фикр юритган.

РАЦИЯ [радиостанция сўзининг қисқартирилиши] — қисқа (100—10 м.ли) тўлқинларда ишлайдиган ихчам кучма *радиостанция*. Автоном (мустақил) ток манбаи (батареялар)дан ишлайди. Ўнг асосан, оператив (тезкор) ахборотлар қабул қилиниб ва узатилади. Р. ҳарбий ишда, давлат автомобиль назорати ва ички ишлар тизимларида, тез тиббий ёрдам тизимида ишлатилади.

РАШИДОВ Носир (1936.13.1 — Жиззах тумани — 2002.12.4) — машинасозлик соҳасидаги олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1982). Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ФА акад. (1991), техника фанлари д-ри (1976), проф. (1978). Тошкент политехника ин-тини тугатган (1958), Тошкент қ. х. машинасозлиги з-дида муҳандис (1960—63). Ўрта Осиё қ.хли механизациялаштириш ва электрлаштириш и.т. институтида аспирант, даб. мудири, бўлим бошлиғи (1963—92), айни пайтда Тошкент автомобиль-йўллар ин-тида кафедра мудири (1972—84), Жиззах политехника ин-ти ректори (1992—2002). Илмий ишлари автотранспорт-поездларнинг тўғри ва эгри чизиқли ҳаракатланиши, тормозланиши ҳамда гуруҳлигини назариясига, пахта хом ашёсини ташишни такомиллаштиришнинг назарий масалаларига доир. Р. кўп ивеноли трактор-поездлар ихтирочиси. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1977).

Ас.: Пахта хом ашёсини ташишни такомиллаштириш, Т., 1972; Кўп ивеноли тракторпоездларнинг тормозланиши, Т., 1978; Кўп ивеноли трактор-поездлар, Т., 1981.

РАШИДОВ Турсунбой (1934, Тошкент) — механика соҳасидаги олим, Ўзбекистон ФА акад. (1984), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1977). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1956). Ўзбекистон ФА Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ин-тида илмий ходим (1959), сектор мудири (1963—66), директор ўринбосари (1966), директор (1966—74), Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат ин-тида ректор (1974—79). Ўзбекистон ФА Президиуми Механика ва бошқариш жараёнлари бўлими акад.-котиби (1979—84), Президиумнинг Бош илмий котиби (1984—85), академиянинг вице-президенти (1985—92), ФА Президиуми Механика, бошқарув жараёнлари ва информатика бўлими раиси (1992—94), Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ин-тида бўлим бошлиғи (1984 йдан). Илмий ишлари конструкциялар ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ҳамда сейсмодинамикасига доир. Тошкент ҳудудининг сейсмик микроҳудудлаштирилган харитасини тузишда, Тошкент метрополитени эгилдабардошлигини аниқлаш ва қурилишга татбиқ қилишда фаол қатнашган. Беруний номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати (1983).

Ас.: Ер ости қувурларининг эгилдабардошлиги, Т., 1985 (ҳамкорликда). Назарий механика асослари (ҳамкорликда), Т., 1990; Сейсмостойкость тоннельных конструкций метрополитена мелкого заложения, Т., 1993 (ҳамкорликда).

РАШИДОВ Шароф Рашидович (1917.6.11, Жиззах ш. — 1983.31.10, Тошкент) — давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи. Жиззах пед. техникумини (1935), СамДУ нинг филология ф-тини тугатган (1941). Самарқанд вилояти газ.да масъул котиб, муҳаррир ўринбосари ва муҳаррир (1937—41, 1943). 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1941 й. нояб. — 1942). Ўзбекистон КП Самарқанд вилоят комитети котиби (1944—47), «Қизил Ўзбекистон» газ. муҳаррири (1947—49). Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви раиси (1949—50). Ўзбекистон Олий Совети Президиуми раиси (1950—59). Ўзбекистон КП МҚ 1-котиби (1959 —83). КПСС МК Сиёсий бюроси (Президиуми) аъзолигига номзод (1961—83). 2 марта Меҳнат Қаҳрамони (1974, 1977).

Р. адабиётга шоир сифатида кириб келди ва 1-йирик асари — «Чегарачи» достони 1937 йда нашр қилинди. Фашизмга қарши кураш туйғулари б-н суғорилган «Қаҳрим» шеърлар тўплами 1945 йда чоп этилди. Р. даврнинг муҳим ҳисобланган муаммоларидан бири — кўрик ва бўз ерларни ўзлаштириш мавзуида «Ғолиблар» қиссасини (1953) ёзди. 2-жаҳон уруши йилларида фронт орқасида қаҳрамонона меҳнат қилган халқ ҳаётига бағишланган «Бўрондан кучли» (1958) ва «Қудратли тўлқин» (1964), «Ғолиблар» (1972) романларини яратди. Р. халқ ва мамлакат ҳаётида рўй берган воқеаларни давлат ва партия арбоби сифатида мушоҳада этиб, адабиётнинг бадиийлик мезонларидан кўра ғоявийлик тамойилига кўпроқ эътибор берди. Ҳинд халқ афсонаси асосида ёзилган «Кашмир қўшиғи» лирик қиссаси (1956) Р. ижодида алоҳида ўрнини эгаллайди.

Р. республикага раҳбарлик қилган йилларда қатор бунёдкорлик ишлари б-н бирга қ.х. ерларидан экс-тенсив фойдаланиш оқибатида экологик вазиятнинг бузилиши, пахта якка ҳокимлигининг қарор топиши каби ноҳуш ҳолатлар ҳам юз берди. Р. вафотидан сўнг Марказ томонидан тоталитар тузумнинг барча кирдикорлари унга юкланиб, 80-й.лар қатагонида ноҳақ қораланди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Р.нинг номи оқланди ва у Ватанимиз тарихидаги муносиб ўрнини эгаллади. Президент И. А. Каримовнинг ташаббуси б-н Р. таваллудининг 75 йиллиги нишонланди. Р. Тошкентдаги Халқлар Дўстлиги саройи меъморий мажмуаси учун қурилиш ғоясининг муаллифи ва ижодий раҳбари сифатида вафотидан сўнг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти б-н тақдирланган (1994). Сирдарё вилоятидаги туман, Тошкент ва Жиззах ш.даги кўчалар, мактаблар, маҳалламларга унинг номи берилган. Жиззахда Р. ҳайкали ва музейи бор. «Чигатой» қабристонига дафн этилган.

Ас.: Асарлар [5 ж.ли]. 1—5-ж.лар, Т., 1981—83; Эрк шамол кўйлак [қисса, киносценарий, шеърлар], Т., 1992.

Ад.: Каримов И., Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура, 1-ж., Т., 1996; Рашидов А., Акам ҳақида, Т., 1992; Ризаев С., Шараф Рашидов. Штрихи к портрету, Т., 1992; Мирзаев С., Шермуҳамедов С., Ҳозирги замон ўзбек адабиёти тарихи, Т., 1993; Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб [Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида], Т., 2000.

РАШИДОВА Сайёра Шарофовна (1943.2.8, Жиззах) — кимёгар олима. Ўзбекистон ФА акад. (2000). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1993). кимё фанлари д-ри (1983), проф. (1984). Ш. *Рашидов*нинг қизи. Москва ун-тини тугатган (1965). Ўзбекистон ФА Кимё ин-тида лаб. мудири (1972—79), полимерлар кимёси бўлими раҳбари (1979—81). Ўзбекистон ФА полимерлар кимёси ва физикаси ин-ти директори (1981 йдан). Асосий илмий ишлари юқори молекуляр бирикмалар кимёси — полимерлар занжирида кечадиган кимёвий реакцияларга онд. Р. раҳбарлигида йўналтирилган кимёвий модификациялаш биологик фаол полимерлар, доривор препаратлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини олиш учун юқори молекулали моддаларни танлашнинг назарий асослари, қ.х. экинлари (ғўза, шоли, қанд лавлаги ва б.) уруғларини экишга тайёрлашда биологик фаол полимерларни қўллаб капсулалашнинг экологик зарарсиз технологиялари ишлаб чиқилди. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (1995 й.дан). «Дўстлик» (1999), «Эл-юрт ҳурмати» (2003) орденлари б-н мукофотланган.

Ас.: Биологически активные полимерные композиции в семеноведении (ҳамкорликда), Т., 1987, Водорастворимые биологически активные полимерные системы и их применение в сельском хозяйстве, Т., 2003.

РАШИДУДДИН, тўлиқ исми Рашидуддин Фазлуллоҳ ибн Имомуддавла Абулхайр Ҳамадоний, ат-Табиб (1247, Ҳамадон — 1318.18.7, Табриз) — Эрон тарихчиси ва давлат арбоби. *Ҳулокуйлар*дан Абақахон даври (1265—82)да сарой хизматида бўлган. 1298—1317 й.лари Эрондаги мўғул ҳукмдорлари Ғозонхон, Ўлжайтухон, Абу Саъид саройида вазир. Амалда давлатни идора этган. Р. ташаббуси б-н ўтказилган Ғозонхон ислоҳотлари маҳаллий мулкдорлар аҳволини енгиллаштириб, мўғул амалдорлари ўзбошимчалигига барҳам берган. Мамлакатда хўжалик тиклана бошлаган, ерлар ижто тарзида мўғул ҳарбий бошлиқларига бўлиб берилган. Р. вазирлиги даврида мамлакатда энг йирик ер эгасига айланган. 1318 й. Р. мулкдорлар ғазоси б-н Ўлжайтухонни заҳарлашда айбланиб қатл қилинган.

Р. — йирик олим. У тарихдан ташқари тиббиёт, табиий фанлар ва илоҳиётга доир рисолалар ёзган. Унинг «Жомеат-таворих» асари Ҳулокуийлар давлати таркибидаги мамлакатларнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий тарихи, эти.си. тили бўйича муҳим манбалир.

РАШИДХОН, Абдурашидхон (1509/10, Андижон – 1563, Хўтан) — Мўғулистон хони (1533—63). *Султон Саъидхон*нинг ўғли. Р. жасур саркарда, уста мерган, сайёҳ, турк ва форс тилларида Рашидий тахаллуси б-н ижод қилган шоир ҳамда турли мусиқа асбобларини чала билган созанда ва бастакор бўлган. *Мирзо Ҳайдар* ўзининг машҳур «Тарихи Рашидий» асарининг номини Р. исмига қўйганлигини таъкидлайди. Р. отаси даврида (1521—22) Еттисув ва Оқсув волийси ҳамда отаси уруш сафарида бўлганида хон нойби вазифасини бажарган. Ўз ҳукмронлиги даврида муваффақиятли ички ва ташқи сиёсат олиб борган. Хонликка бўйсунишдан бош тортган, хавф туғдирган кўшни хонлик ва қабила-уруғ (қозоқ, қирғиз, қалмоқ, мўғул)ларга қарши юришлар (1537—38, 1544—45) олиб борган, чегараларни мустаҳкамлаган. Илм-маърифат, адабиёт-санъат ва унинг мухлисларининг ҳомийси бўлган. Мадраса, мактаб, масжид, хонақоҳ, ҳаммомлар қурдирган. Ислом дини ва тасаввуфининг ривожига кенг йўл очиб берган. Нақшбандия тариқатининг йирик вакили Хожа Муҳаммад Шариф Р.нинг пири, устози эди. Р. даврида Ёркенд ш.да «Ямшил мадраса», 360 ҳужрали 2 қаватли ҳаммом, Рашидия мадрасаси қурилган. Мадрасада мусиқа ва ҳаттотликка алоҳида эътибор берилган. Туркий халқларнинг маданий мероси бўлган 12 мақом хонининг рафиқаси Омоннисохоним томонидан тартибга солинган. Навоийнинг ўлмас асарлари мазкур мусиқа хазинасидан ўрин олган. Хоннинг ўзи 12 мақомнинг 24 шўъбасини яхши билган. Р. «Девони Рашидий», «Ғазалиёти Рашидий» ва «Салотиннома» каби асарлар муаллифи. Бироқ улар бизгача етиб келмаган, фақат туркий ва форсий ғазал ва улардан намуналар қўлёзма китобларда тилга олиниб, қўшиқларда айтилиб келинмоқда.

Омонбек Жалилов.

РАШПИЛЬ (нем. raspeln — айқаш) — энг йирик тишли *эгов*. Ярим конуссимон шаклдаги тишлари шахмат тартибида жойлашган. Ёғоч, пластмасса, чарм, резина, юмшоқ металлар ва б.ни эговлаш учун ишлатилади.

РАШТ — илк ўрта асрларда Тожикистоннинг Ғарм вилояти ҳудудида жойлашган шаҳар ва вилоят (6—14-а.лар). Термиздан 60 фарсах масофада бўлган. 8-а. охирида *бармакийлар* авлоди Фадл ибн Яҳъё (Холид ибн Бармак набираси) Р.да, туркийлар б-н чегарадош ерда, мустаҳкам девор ва дарвоза қурдирган. Р. шаҳри ҳоз. Ғарм ш. ўрнида бўлган. Р.га қўшни Хат қишлоғидан илк ўрта асрларга оид тангалар хазинаси топилган, уларнинг ичида 630-й.га оид Византия императорининг сурати туширилган олтин танга ва 7—8-а. бошига оид хитой кўзгуси бор. Бу топилмалар Р. орқали *Буюк ипак йўли* ўтганлигидан ва у юнон-бақтрия даврида ҳам мавжуд бўлганлигидан далолат беради. 10-а.да Р.да зарбхона бўлиб, унда сомонийларнинг дирҳамлари чиқарилган. Бу эса Р. атрофида кумуш конлари бўлганлигини билдиради. В. *Бартольд*нинг фикрига кўра, Р. вилояти 15-а.дан бошлаб *Ҳоратегин* деб атала бошлаган.

Ад.: Камалиддинов Ш. С., Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX — начала XIII вв., Т., 1996.

РАЪНО — кизги серҳосил нок нави. Шрелер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик и.т. ин-тининг Самарқанд филиалида *Лесная красавица* ва маҳаллий Кулала нок навларини чатиштириб яратилган (А. К. Павлов). Меваси рангининг раъно гулига ўхшаганлиги учун шу ном берилган. Дарахти ўртача кучли ўсади, бал. 5-7 м, кенглиги 4 м. Барглари майда ва ўртача катталикда. Апр.нинг 2-ўн кунлигида гуллайди, ўзидан чанланади. Меваси сент.да пишади. Мевасининг ўртача вазни 170 г. Пўсти лимонранг-сариқ, эти оқ, тигиз, ширин, ўртача нордон, хуштаъм. Меваси янгилигида ейилади, қоқи қилинади. Таркибида 13,9% (қоқисида 19—20%) қанд, 0,15% кислота бор. Нок пайвандтагига уланган 5—6, беҳи пайвандтагига уланган 3—4 й.да ҳосилга киради. Ҳар йили ҳосил беради. 20—25 йиллик дарахтининг ҳосилдорлиги 250—300 кг. Мевалари новдаларда маҳкам туради. Тоғ ён бағирларида, суғориладиган жойларда яхши ўсади. Совуққа, қурғоқчиликка ва гармселга чидамли. 1982 й.дан Тошкент вилоятининг тоғли туманлари ва Наманган вилояти учун р-ланштирилган.

Раъно нок нави.

РАЪНОДОШЛАР, атиргулдошлар (Rosaceae) — икки уруғ паллали ўсимликлар оиласи. Дарахт, бута ва ўтлардан иборат. Барглари кетма-кет жойлашган. Гуллари тўғри, асосан, икки жинсли, якка ёки кўпинча тўпгулда ўрнашган. Чангчиси кўп; мева барглари битта ва кўп бўлади. Меваси — пустли, қусакча, олма, данак ва б. кўринишда бўлади. Баъзи маълиний Р.да мевалар партенокарп ва уруғсиз тузилган. 100 га яқин туркуми (3000 дан ортиқ тури) бор. Бутун ер шарида тарқалган. Асосан, Шим. ярим шарининг мўътадил ва субтропик ҳудудларида тарқалган. Ўзбекистонда 38 туркумга мансуб 266 тури ўсади. Р. оиласи кўпинча қуйидаги кенжа оилалар: тобутгидошлар (меваси — кўп пустли); олмадошлар (меваси — олма); атиргулдошлар (меваси — кўп қусакча); олхўридошлар (меваси — данакча)га бўлинади.

Р.га мевали (олма, нок, беҳи, олча, олволи гилос, олхўри, ўрик, шафтоли ва б.), резавор мевали (малина, қулупнай, маймунжон ва б.), манзарали (атиргул, тобутги ва б.) ўсимликлар киради.

РАҚАМЛАР —сонлар ифодаланадиган шартли белгилар. Қадимда сонлар сўзлар орқали ифодаланган. Халқларнинг ижтимоий-хўжалик ҳаёти ривожланиши б-н мукаммалроқ белгиларга ва ҳисоблаш тизимларига эҳтиёж туғилди.

Энг қадимги Р. бобилликлар ва миср-ликларга мансуб. Миср иероглиф Р.ида (мил. ав. 3000 —2500 й.) сонларни ифодалаш учун махсус расм-белгилар, кейинроқ иератик ва демотик ёзувлари пайдо бўлди. Бобил рақамлари (мил. ав. 2000 йил боши), асосан, 1, 10, 60 ва 100 ни билдирувчи миххат белгилари бўлиб, бошқа барча Р. шулар асосида ифодаланган. Миср иератик ёзувидан Яқин ва Ўрта Шарқдаги барча ёзувлар ҳамда Юнон-Ионня ёзуви, шу б-н бирга алифбога асосланган Р. келиб чиқди. Босма юнон алифбоси славян-кирилл ва ҳарфий Р.га асос солди. Ҳозирги Р.нинг тимсоллари (ноль б-н биргаликда) Ҳиндистонда 5-а.га яқин юзага келган. Бунгача Ҳиндистонда кҳарошти Р.и ва у б-н деярли бир вақтда браҳми Р.и бўлган. Браҳми Р.идан ҳинд гвалиор Р. и келиб чиқди. Гвалиор Р. и. эса араб Р.ига асос бўлган. Араб Р. и. шарқий ва гарбий (ғубор) Р.идан иборат. Шарқий араб Р.и Миср ва ундан Шарқдаги араб мамлакатлари, Эрон ҳамда Афғонистонда, гарбий араб Р.и (ғубор) эса Мисрдан гарбдаги мамлакатларида қўлланилади. Европада 9-а.дан бошлаб ғубор Р.и тарқалди ва тезда оммалашди. Шарқ мамлакатларида эса ғубор Р.и 19-а.гача ҳам кенг тарқалмади (яна қ. *Араб рақамлари*). Қадимги Р.дан фақат Рим Р.и ҳозиргача қўлланади (қ. *Рим рақамлари*).

Ад.: Юшкевич А. П., История математики в средние века, М., 1961.

Рақамларнинг ривожланиш жадвали.

	1	2	3	4	5	6	7	8	9	0
Браҳми	—	=	≡	⊀	⊦	⊌	⊃	⊰	⊃	
Гвалиор	٦	٢	३	४	५	६	७	८	९	०
Шарқий араб рақамлари	١	٢	٣	٤	٥	٦	٧	٨	٩	٠
Ғубор	١	٢	٣	٤	٥	٦	٧	٨	٩	
976 йил қўлёзмаси (Европа)	1	2	3	4	5	6	7	8	9	
XII аср бошидаги қўлёзма	١	٢	٣	٤	٥	٦	٧	٨	٩	٠
Сакробоско асарининг қўлёзмаси (1442)	1	2	3	4	5	6	7	8	9	0
А. Дюрер рақамлари (1525)	1	2	3	4	5	6	7	8	9	
Видманнинг босма асаридаги рақамлари (1489)	1	2	3	4	5	6	7	8	9	0

Раъводошлар: *1* — атиргул; *2* — наъматак; *3* — доривор кўкат; *4* — ўрик (гули ва меваси); *5* — ўрмон ертути; *6* — резавор олма — бағрянка (гули ва меваси); *7* — ёввойи майжунжон; *8* — доривор бешбарг.

РАҚАМЛИ ҲИСОБЛАШ МАШИНАСИ — амаллар рақамли *кодлар* ёрдамида бажариладиган *электрон ҳисоблаш машинаси*. Унда қўшиш, айириш, кўпайтириш ва бўлиш амалларидан ташқари, мантиқий амаллар ҳам бажарилади. Р. ҳ. м.да мисол ечиш учун, азбатта, дастур тузилади. Машина амалларни зарур командалар орқали маълум тартибда автоматик равишда ечади. Тузилган дастур перфорацион (тешик-тешик) лента, магнит лента ва б.га шартли код б-н ёзилган ҳолда махсус (киритувчи) қурилма ёрдамида машинага киритилади.

Умуман Р. ҳ. м. арифметик қурилма, хотира қурилмаси, бошқариш қурилмаси ва натижа чиқарувчи қурилмадан иборат. Арифметик қурилма, асосан, қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш ва мантиқий амалларни бажариш учун, хотира қурилмаси сонлар ва командаларни сақлаш учун қўлланилади. Бошқариш қурилмаси машинанинг бир меъёрда ишлашини таъминлайди. Агар машина нотўғри ишласа, уни тезда тўхтатади, машина ишини доимо назорат қилиб туради. Натижа чиқарувчи қурилма олинган натижаларни қоғозга турли қурилмалар ёрдамида қайд қилиб боради. Р. ҳ. м.да транзисторлар ва интеграл схемалар ишлатилади. Халқ хўжалигида Р.ҳ. м. илмий-техник ҳисобларни бажариш, маълумотларни автоматик тарзда қайта ишлаш, жараёнларни автоматик бошқариш ва б. учун қўлланади. 20-а. 60-й.ларидан ЭҲМ термини расм бўлди, 90-й.ларидан шахсий компьютерлар деб аталувчи ихчам ЭҲМ лар кўпроқ қўллана бошлади.

РАҚОБАТ— мустақил товар ишлаб чиқарувчи (корхона)лар ўртасида товарларни қулай шароитда и.ч. ва яхши фойда келтирадиган нархда сотиш, умуман иқтисодиётда ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун кураш. Р. кўп қиррали иқтисодий ҳодиса бўлиб, у бозорнинг барча субъектлари ўртасидаги мураккаб муносабатларни ифодалайди. *Ресурсларни* етказиб берувчилар ўртасидаги Р. ўзларининг иқтисодий ресурсларини (капитал, ер, ишчи кучи) юқори *нарх*ларда сотиш учун амалга оширилади. Ишлаб чиқарувчилар ва ресурсларни етказиб берувчилар ўртасидаги Р. бозор муносабатларни ривожланган, иқтисодиёт тўлиқ эркинлашган шароитда яққол намоён бўлади.

Р. истеъмолчилар ўртасида ҳам юз бериб, товарларни қулай ва арзон баҳоларда сотиб олишга қаратилади, яъни харидор ҳар бир сарфланган *пул бирлиги* эвазига кўпроқ *нафлилик*ка эга бўлишга ҳаракат қилади, арзон ва сифатли товарни тезроқ сотиб олиш учун курашади. Р.да ишлаб чиқарувчилар ўртасида сарфланган харажатларга кўпроқ фойда олиш, шу фойда орқасидан қувиш натижасида товарларни сотиш доиралари, яъни қулай бозорлар, арзон хом ашё, энергия ва арзон ишчи кучи манбалари учун кураш боради. Р. асосида ишлаб чиқарувчиларнинг мулк эгаси сифатида алоҳидалашуви ва мустақил бўлиши, манфаатлар тўқнашуви ётади. Чунки ҳар бир мулк эгасининг ўз манфаати бўлиб,

улар шу манфаатга эришиш учун интилади. Мулк эгасининг товар и. ч. ва бошқа барча соҳалардаги фаолияти шу манфаатга бўйсундирилган бўлади. Р. мавжуд бўлишининг яна бир шарти — бу товар-пул муносабатларининг, маълум даражада ривожланган бозор тизимининг бўлишидир. Шу сабабли Р.нинг асосий соҳаси бозор ҳисобланади.

Янги технология жорий қилиш, талабга жавобан товар турларини тез ўзгартириш, малакали ишчи кучига эга бўлиш ва замонавий *маркетинг* хизматидан фойдаланиш кабилар Р. курашидан толиб чиқиш шартига айланади. *Монополия* Р.га зид, чунки у товар ишлаб чиқарувчига танҳо ҳукмронликни таъминлаб, ўзаро беллашув учун шароит қолдирмайди. Р. кураш йўлини танлаш жиҳатдан ҳам ҳалол ва гирром Р.га бўлинади. Ҳалол Р. бозордаги курашда қабул қилинган, ҳаммага мақбул усуллар б-н олиб борилади, бозор қоидаларига асосланади. Гирром Р.да тақиқланган ва қораланган усуллар, яъни қаллоблик, кўзбўямачилик, сўзида турмаслик, алдаш, иқтисодий жосуслик, қўпоровчилик ва ҳатто жисмоний зўравонлик каби жиноятқорона усуллар қўлланилади. Бозор иқтисодиёти аслида фақат ҳалол Р.ни тан олади. Р. иқтисодиётни соғломлаштириб туради. Р.дан жамият манфаатлари йўлида фойдаланиш ва уни назорат қилишда давлат томонидан қабул қилинадиган монополияга қарши қонунлар муҳим аҳамиятга эга.

Р. олиб бориш усулига кўра, нарх б-н Р. ва нархсиз Р.га бўлинади. Нарх б-н рақобатлашув товарлар ёки хизматларни рақибларга қараганда фойдани вақтинчалик камайтириш ҳисобига арзон нарх-да сотишни билдиради (нархлар ташламалар, улгуржи харидорларга имтиёзлар ва б.). Нархсиз Р.га харидорларни эгаллаш ва сақлаб туришнинг нархларни арзонлаштириш б-н боғлиқ бўлмаган ҳар қандай қонуний усуллари киради (сифатини ошириш, хизмат муддатини узайтириш, экологик тозалик, хавфсизлик ва б.). Ўз миқёсига кўра, Р. энг аввало 2 турга — тармоқ ичидаги ва тармоқлараро Р.га бўлинади. Иқтисодий адабиётларда тармоқ ичидаги Р.нинг 4 та шакли алоҳида ажратиб кўрсатилади. Булар эркин Р., монополистик Р., *монополия* ва *олигополиядир*.

Р.нинг амал қилиши учун муайян шарт-шароитлар мавжуд бўлиши шарт. Бу шарт-шароитлар фақат бозор муносабатлари қарор топган муҳитда бўлиши мумкин. Иқтисодиётда монополлашув тамойилларининг кучайиб бориши б-н Р. чекланади. Рақобатчилик муҳитини вужудга келтириш учун давлат монополияларга қарши сиёсат олиб боради, иқтисодиётни монополиядан чиқариш бўйича чора-тадбирлар кўради, *монополияга қарши қонунчиликни* амалга оширади.

Давлатнинг Р.га нисбатан сиёсати унинг маърифатли, маданий кўринишлари ва қоидаларини таъминлашга йўналтирилади. Бундан сиёсат и. ч.ни такомиллаштириш, маҳсулотларни самарали тақсимлашга, техника ва иқтисодий тараққиётга ёрлам беради, истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ҳукумат томонидан иқтисодиётда Р. муҳитини яратиш масаласига алоҳида эътибор берилди. Жаҳондаги барча ривожланган давлатларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам Р. бўйича давлат сиёсати амалга оширилади. Шу мақсадда 1996 и. 15 мартда Молия вазирлиги ҳузурида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси ташкил этилди. Кейинчалик, у мустақил давлат қўмитасига айлантирилди. Ўзбекистонда Р.чилик муҳитини вужудга келтиришда нарх б-н рақобатланув усули танланди ва нархлар эркин қўйиб юборилди.

«Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги (1992 й. 3 авг.) қонунга кўра, нархларни монополлаштириш, бозорда атайлаб тақчиллик яратиш, Р.нинг гирром усулларини қўллаш ман этилади. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (1996 й. 26 апр.) қонунига асосан, гирром Р.га йўл қўймайдиган механизмни яратишга ҳам алоҳида эътибор берилган. «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида» (1996 й. 27 дек.) қонунида ҳам соғлом Р. муҳитининг ҳуқуқий шарт-шароитлари таъминлаб берилган.

Аҳмаджон Ўлмасов.

РАҚС — санъат тури. Бунда раққос(а)нинг гармоник тана ҳаракати ва ҳолатлари, пластик ифодавийлиги ва юз имо-ишоралари, ритм, темп, композиция орқали образ яратиш Р.нинг асосий воситасидир. Инсоннинг меҳнат жараёни ва борлиқдан олган эмоционал таассуротлари б-н боғлиқ ҳолда юзага келган. Дастлаб қўшиқ ва сўз б-н боғлиқ бўлиб, кейинчалик мустақил санъат турига айланган. Р. асарлар давомида такомиллашиб, барқарор шаклларга эга бўла борган. Ижрочининг либоси Р. образларига аниқлик беради.

Ҳар бир халқнинг Р. анъаналари, ижро услуби, пластик тасвирий воситалари бўлиб, улар тарихий, ижтимоий ва географик шароитлар таъсирида таркиб топиб ривожланган. Р. халқ маросимлари, байрамларининг таркибини қисмлар. Улар б-н боғлиқ ҳолда хороводлар ва маросим ўйинлари пайдо бўлган. Хороводлар аста-секин маросим ўйинларидан халос бўлиб, халқ турмушининг айрим томонларини акс эттира бошлаган. Халқ рақсида овчилик, чорвачилик, деҳқончилик ва ҳунармандлик б-н боғлиқ мавзулар, шунингдек, халқнинг босқинчиларга қарши кураши ва лирик кайфияти ўз аксини топган.

«Танавор» рақси (Муқаррама Турғунбоева)

Р. мусиқа б-н узвий боғлиқ. мусиқа мазмунини образлар воситасида очиб беради. Халқ Р.ларида ритм муҳим бўлиб, у мусиқада ўз ифодасини топади, оёқ, қўл, бош ва тана ҳаракатлари умумий ритмга бўйсунади, бир-бири б-н боғланади. Ўзбек Р.лари мазмунини ифодалашда ижрочилар тепки, қарсак, зангдан ҳам фойдаланади. Айрим Р.лар рўмол, ниёла, қалаҳ каби буюм б-н ижро этилади, баъзан ижрочи халқ чолғу асбоблари (қайроқ, доира, ноғора ва ҳ.к.)да ўзига ўзи жўр бўлади. Ғарбий Европа халқлари Р.ида, асосан оёқ ҳаракатлари муҳим бўлиб, қўл ва тана ҳаракатлари унга жўр бўлади. Шарқда эса қўл ва тана ҳаракатлари пластик ифодавийлигининг асосий воситаларидир. Саҳнавий Р. халқ ижодига таянади, унинг мероси ва ўзига хос фазилатларини сақлайди ва ривожлантиради. У дастлаб Юнонистон, Хиндистон ва б. мамлакатларда пайдо бўлган. Халқ Р.лари асосида таркиб топган профессионал Р.лар юксак даражада ривожланиб, турли Р. тизимлари (хусусан, Европа ва шарқ мумтоз Р.лари) қарор топган.

Европа профессионал Р. санъатининг ривожланишига Юнонистон ва Рим Р. санъати салмоқли ҳисса қўшди. Ўрта асрларда Европада жонглёр, шпильман

«Чунонрақси (Равшаной Шарипова).

ва скоморохлар ижодлатина профессионал Р. нинг илк кўринишлари намоён бўлди. 15—16-а.ларда морески, балла-фигурато номли сюжетли Р.лар расм бўлиб, Р. ҳақида рисола ва дарсликлар яратилди. 17—а.да балет Р. спектакллари юзага келди ва Р. санъати янги техника б-н бойиди. 20-а. бошида эса «модерн» (ритмо-пластик) рақси пайдо бўлди. 40—60-й.ларда Европа ва АҚШ да концерт ижрочилигига мўлжалланган кичик хореографик асарлар, эстрада Р. ривож топди.

Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида топилган қоя тош тасвирлари археологик топилмалар бу ерда Р. жуда қад.лигидан гувоҳлик беради. Ўзбек Р. санъатининг қадимийлиги, шакл ва турларининг бойлиги аждодларимиз асосан деҳқончилик ва ҳунармандчилик б-н боғлиқ бўлганидан келиб чиққан. Зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто» даврида(ёқ Р. санъати шаклланиб, халқ ва профессионал Р. — икки йўналишда ривожланишга кириштан эди. Юнон — Бақтрия подшолиги даврида (мил. ав. 4—3-а.лар) Турон Р. санъатининг даражаси Юнонистон, Византия, Хиндистон ва Хитой Р.и б-н баҳслашишига имкон берган. Шаҳар маданиятининг ривожланиши туфайли бу санъат янада мазмундор ва ранг-баранг бўла боради. 4—8-а.ларга келиб Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз ва Тошкент каби шаҳарларидан Р. усталари Буюк ипак йўллари бўйлаб Рум, Миср, Ғарб ўлкаларигача, Шарқда Хитой, Корея ва ҳатто Япониягача бориб, ўз санъатларини намойиш этадилар. Чунончи, Хитойда аждодларимизнинг «Хусюаньу» рақси машҳур бўлган. Шоир Юань-Чжань (776—831) ва б. мадҳ этган.

Мусулмонлик даврида ҳам Ўзбекистон сарҳадларида турли тараққиёт босқичларида пайдо бўлган. Шоир Ҳусайн Бойқаронинг «Бадиъ ул-мажолис» асарида Р. ва Р.чилик ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Ўша даврда Р. санъати ўзининг энг юксак даражасига кўтарилган. Бухоро, Самарқанд, Ҳирот, Марв, Балх, Хоразм, Фарғона, Шош, Ўтрор, Сайрам, Ясси, Ҳисор, Термиз, Шаҳрисабз, Кеш, Нахшаб, Ҳўжанд, Ўзганд, Ахсикент, Андижон, Марғилон, Қўқон, Наманган, Ўш, Ахси, Ҳазорасп, Урганч, Кат, Қўнғирот, Қарши, Қарнаб, Қўрғонтепа, Денов, Сурхон, Ҳисор, Қўрғонтепа, Денов, Сурхон, Ҳисор, Қўрғонтепа, Денов, Сурхон, Ҳисор

«Чупон» рақси (Раушанов Шарипов).

ва скоморохлар ижодидагина профессионал Р...

«Баҳор» ансамбли «Нилуфар» рақсида.

қичларида пайдо бўлган. Р..лар, ўйинлар бир-бирига таъсир кўрсатиб, ёнмаён яшаб келган. Шу боис шаҳар ва қишлоқларда ўтказилган тўй, байрам ва маъракалардаги «Бешқарсак» каби қад. ўйинлар ҳам, «Катта ўйин», «Лазги», «Кема ўйин», «Ашшадароз» сингари катта умумлашмага, рамзий тимсолларга эга. Р..ларни ҳам, жанговар ўйинларни ҳам учратиш мумкин бўлган.

халқ Р. меросини ўрганиш ва тиклаш асосида янги Р.лар яратиш, анъанавий Р.ларни асраб-авайлаш ва муносиб даражада намойиш этиш, ёш раққос ва раққосаларни тарбиялаб етиштириш бўйича олиб бораётган ҳаракатлари ижобий натижалар бермоқда. Миллий рақс ижрочилиги бўйича М. Тургунбоева номидаги мукофот таъсис этилган. Бир қатор давлат ва халқ Р. ансамбллари (мас., «Баҳор», «Танавор» ва б.), Р. усталари жаҳоннинг турли мамлакатларида бўлиб, ўзбек Р. санъатини намойиш этмоқдалар.

Ад.: Авдеева Л. А., Из истории узбекской национальной хореографии, Т., 2001; Қодиров М., Ўзбек халқ томоша санъати, Т., 1981; Авдеева Л. А., Қодиров М. Х., Исматова Ю., «Танавор» рақси жилолари, Т., 2002.

Муҳсин Қодиров.

РАҚС МУСИҚАСИ — мусиқа тури; *рақс*ларга жўр бўладиган мусиқа асарларидан иборат. Р.м.да рақс ҳаракатларининг характери суръат ҳамда муайян ритмик қолипларга асосланган хилмахил куйлар ёрдамида ифодаланади. Р.м. — мусиқанинг энг қад. турларидан. Дастлаб у турли маросим ва халқ байрамларида ижро этилган давра ўйин қўшиқлари (*бешқарсак*, хоровод каби)дан таркиб топади. Кейинчалик (мас., Ҳиндистонда мил. ав. 2-минг йиллик давридан) Р.м.нинг сарой ва ибодатхоналарда ижро этилган мумтоз шаклларни ривож топади. Европа санъатида 14-а.дан Р.м.нинг *бал рақси*, 16-а.дан *балет* шакллари юзага келади. Р.м., асосан, чолғу куйларидан иборат. Кўп халқлар (айниқса, Осиё, Африка)да урма чолғу асбобларининг ўзи рақсга жўр бўлиб, уларда ижро этилган бой ва сермазмун рақс усуллари Р.м.ни ташкил қилади (мас., *Катта ўйин*). Оғзаки анъанадаги мусиқада вокал Р.м. турлари ҳам кенг ўрин олган (*ялға*, хоразм *лапари* ва б.). Пантомима б-н боғлиқ рақсларда мусиқа, кўпинча, тасвирий характерда бўлади. Халқ рақс куйлари ва усуллари мусиқий фольклорнинг бошқа турлари қатори композиторлик ижодиёти манбаларидан бирилир. Бир неча рақс куйлари бирлашуви натижасида чолғу *сюита* ташкил топди. *Вена классик мактаби* композиторларида *менуэт*, П. Чайковский ижодида *вальс* куйлари соната-симфоник туркумига киритилган. Мусиқий романтизм вакиллари (К.М. Вебер, Ф. Шуберт, Ф. Шопен, Ф. Лист ва б.) ижодида рақс куйлари бадиий юксак концерт асарларига айланган.

РАҒА — токнинг юқумли замбуруғли касаллиги. Токнинг ёш новдалари, барглари, шўра ва узумларини зарарлайди. Новда, барглярда ҳар хил катталикда кулранг губорлар пайдо бўлади, кейинчалик губорлар жигарранг тус олади, сўнгра бир-бири б-н қўшилиб, қоқаяди. Касаллик эрта муддатда авж олганда касал узумлар сўлийди, кеч муддатда авж олганда эса ёрилади, гужумлар катталашмай қотиб қолади, чириди, балбуй ҳил чиқарали. Касаллик ток яхши парваришланганда, майда маданглар ва бачки новдалар кўпайиб кетганда, ҳомток ўз вақтида ўтказилмаганда, ўсув даврида тоқзор тез-тез ва бостириб суторилганда авж олади. Етингарчилик кўп бўлган йиллари айниқса кенг тарқалади.

Қураш чоралари: токни кесиш даврида маданглар ва куртаклар сонини ҳар туп токнинг кучига қараб қолдириш; занг ва новдаларни симбагаз ёки ишкомга тарашла қуёш нурининг яхши тушиши ва яхши шамоллайдиган бўлишига эътибор бериш. Кузда токни кўмишдан олдин ёки эрта кўкламда куртаклар ёзилгунча 5% ли *оҳак-олтингугурт қайнатмаси* ёки 2% ли нитрафен эритмаси пуркалади. Ўсув даврида олтингугурт ва оҳак кукуни ёки ўтин кули аралашмаси чангитилади. Касаллик авж олганда 5% ли оҳак-олтингугурт қайнатмаси ёки 0,01—0,05% ли калий перманганат эритмаси, 1% ли *бордо суюқлиги* пуркалади ва б. (яна қ. *Кул*, *Оидиум*).

Султон Алимуҳамедов.

РАҒБАТ — инсон ҳис-туйғулари, руҳий ҳолатлари ривожи ва барқарорлашувига ёрдам берувчи, уни фаолликка ундовчи психик таъсир. У жавоб реакцияси сифатида шахсга таъсир ўтказишнинг воситаси вазифасини бажаради. Шу боис Р. ҳам сабаб, ҳам оқибат ролини ўйнайди. *Бихевиоризм*да Р. билан *реакция* муносабати ташқи таъсир (муҳитдаги ўзгаришлар), организмнинг ҳаракатларга жавоб реакцияси сифатида талқин қилинади. Р.ни мотив (ички туртки) б-н айнанлаштириш мумкин бўлмаса-да, баъзи ҳолатларда Р. ички туртки ва айланиши ҳам мумкин. Психологияда Р. инсон руҳиятига, билвосита дунёқарашига, ҳиссиётига, кайфиятига, қизиқишига, интилишига ижобий таъсир ўтказишдир. Р. модлий ва маънавий мазмунга эга бўлиб, шахс-нинг фаолият самарадорлиги ортишига хизмат қилади.

РАҲИМ МАМЕД (тахаллуси; асл исм-шарифи Мамед Раҳим Аббос ўғли Ҳусейнов) [1907.7(20).4, Боку — 1977] — Озарбайжон халқ ёзувчиси (1964). Озарбайжонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1940). Илк шеърлар тўплами — «Орзулар» (1930). Достонлари озарбайжон металлурглари («Апшерон гупрогида», 1950), нефтчилари («Хазар сувларида», 1958) ҳамда арман шоири («Саят Нова», 1956) ҳақида қисқа ёзилган. Р.М. 12-д. озарбайжон шоири ҳақида пьеса («Хоқонни», 1955) яратган. Навоий, Ш. Руставели, А.С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, В. Гёте, П. Ж. Беранже ва б.нинг асарларини озарбайжон тилига таржима қилган. Айрим асарлари ўзбек тилида нашр қилинган.

РАҲИМБОБОЕВА Зоҳро (1923.2.2, Андижон — 1992.7.3, Тошкент) — давлат ва жамоат арбоби. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1983). Тошкент педагогика ин-тини (1944), Москвадаги Ижтимоий фанлар академиясини (1954) тугатган. Тошкент вилояти ёшлар ташкилотида йўриқчи, котиб (1942—47). Ўзбекистон КП МК бўлим мудири (1947—50), котиби (1950—51, 1956—63). Ўзбекистон маданият вазирининг 1-ўринбосари (1954—55), вазири (1963—67, 1981—86). 1967—73 й.ларда Халқаро демократик хотин-қизлар федерацияси котиби — СССР вакили (қароргоҳи Берлин ш.да); 1973—77 й.ларда Ҳиндистонда СССР элчихонасининг Фавқулодда ва Мухтор маслаҳатчи-элчиси; 1977—81 й.ларда СССР Ташқи ишлар вазирлигида Бошқарма бошлиғининг ўринбосари. Ўзбекистон «Ватан» жамияти Президиумининг раиси (1986—92).

РАҲИМБОБОЕВ Абдулла (1896, Хўжанд — 1938.7.5) — давлат ва жамоат арбоби. Самарқанд эрлар гимназияси (1912), Тошкент ўқитувчилар семинариясини (1917) тугатган. Р. 1919 й.дан шўро муассасаларида фаолият юрита бошлади. Туркистон АССР МИК раиси (1920—22). РСФСР Миллий ишлар халқ комиссарлигида коллегия аъзоси (1921 й. март—август). Бир муддат Москвага чақирилиб, РСФСР Миллий ишлар халқ комиссарлигида ишлаган. Сўнг Р. Бухоро компартияси (1923 й. июнь—нояб.) ва Туркистон КП МК котиби (1923 й. нояб. — 1924 й. нояб.) лавозимларида ишлаган. 1925 й.дан Москвада яшаб турган. СССР халқлари Марказий нашриёти бошқармаси раиси (1928 й. июль — 1929 й. май). Тожикистон ССР ХКСнинг раиси (1933 й. дек.дан), СССР МИК раисларидан бири (1934 й.дан). «Миллатчилик ташкилоти»нинг аъзоси деган айблар б-н қамоққа олинган (1937 й. 7 сент.) ва отишга ҳукм қилинган. Р. 1956 й. оқланган.

Ад.: Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб [Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида], Т., 2000.

РАҲИМЖОНОВ Абдумаънон Раҳмонович (1927.18.8 — Тошкент — 2004.25.1) — невропатолог олим. Ўзбекистон ФА акад. (2000), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби. (1977). Тиббиёт фанлари д-ри (1964), проф. (1965). ТошТИни тугатгач (1949), Ўзбекистон травматология ва ортопедия и.т. институтида ординатор (1949 —50), Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-тининг нерв касалликлари кафедрасида ординатор (1950—54), аспирант (1954—59), доцент (1959—65). 1967 йилдан кафедра мудири, ин-т ректори (1984 — 97). Илмий ишлари, асосан, мия гипоталамик (лимбик-эпилептик) соҳасининг ревматизм оқибатида зарарланишини ўрганиш, гипоталамик синдромнинг клиникаси ва диагностикасини аниқлашга оид. Р. вейротонзилляр касалликларининг оригинал таснифини тузди. Унинг раҳбарлигида «чап ярим шарлар» ва «ўнг ярим шарлар» эпилепсияси, мия инсультида уйқунинг бузилиши, диагностикаси ва давоси, «кундузги» ва «тунги» шизмик инсультлар хронопатологияси ва хронотерапияси бўйича ишлаб чиқилган услубий тавсияномалар амалий тиббиётга татбиқ этилди.

Ас.: Ревматические заболевания нервной системы, Т., 1980; Эпилепсия и функциональное состояния мозга, Т., 1985 (ҳамкорликда); Тунельные компрессионно-ишемические невропатии, Т., 1988; Сосудистые заболевания головного мозга, Т., 1991 (ҳамкорликда).

РАҲИМИЙ Шокиржон (1898, Тошкент — 1938.4.10) — маърифатпарвар. Отаси қўлида хат-саводини чиқартган, мадрасада, усули жадид мактаби ва кечки рус-тузем мактабида ўқиган (1903—09). «Раҳимия» мактабида ўқитувчилик қилган (1909—19). Р. «Турон» театр тўдаси фаолиятида қатнашиш б-н бирга Халқ ун-ти (1918), «Иштирокиюн» газ. (1919) ва «Нашри маориф» жамиятининг ташкил этилиши (1923)да ташаббускор бўлган. 1912 й.дан бошлаб усули жадид мактаблари ва турли ўқув юртлари учун ўқув қўлланмаларини нашр этган. Ўзбек тилидаги биринчи алифбе дарслиги — «Совға» (1919), шунингдек, «Она тили» (1918, Фитрат ва Қ. Рамазон б-н ҳамкорликда), «Катталарга ўқиш», «Алифбе дарслиги» (1922), «Катталар йўлдоши» (1924), «Катталар алифбеси» (1927), «Савод» (1930), «Ўзбек тили. Иш китоби» (1932) сингари дарслик ва ўқув қўлланмалар муаллифи. «*Садои Туркистон*» газ.да адабий ходим (1914—15). Эски шаҳар (1918—23) ва Тошкент вилоят халқ маориф бўлимларида мудир (1924), айни пайтда 1-босқич мактаблари, таълим ва тарбия билим юртларида ўқитувчи ва мудир (1918—22). Р. 1924 й.да Москвада ўзбек ёшлари учун ташкил этилган Бухоро Маориф уйи ва пионерлар ф-тига мудир этиб юборилган. 1930—31 й.ларда «миллий оғишқочилар» устидан бўлиб ўтган суддан кейин Тошкентга қайтиб, маориф тизимидаги муассасаларда ишлаган. 1937 й. 5 авг.да «халқ душмани» сифатида қамоққа олиниб, кўп ўтмай, отиб ташланган.

РАҲИМОВ Абдурашид Мўминович (1945.10.12, Тошкент) — читгар, Ўзбекистон халқ устаси (1999). Ҳунарини отаси уста Абдумўминидан ўрганган. «Меҳнат» к-тида рассом (1962—79). 1977 й.дан «Устоз» бирлашмасида читгар уста. Р. ижодида Тошкент матога гул босиш мактаби анъаналарини ривожлантирмоқда, меҳнат фаолиятида замонавий ҳом ашёлардан фойдаланиб анъанавий услубда янги нақш (гул) муаллифи.

Абдурашид Раҳимов безаган аёллар кўйлаги (20-а).

жассамотларини қўллаган ҳолда асарлар (дастурхон, чойшаб ва б. буюмлар) яратади, замонавий бичимдаги либослар учун гулли матолар тайёрлайди.

РАҲИМОВ Абдусаттор (1920.20.12 — Наманган —1992.2.6) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси, кичик сержант. 1941 й.дан армияда. 114-ўқчи полки (Воронеж фронти 38-армиянинг 340-ўқчи дивизияси)нинг тўпчиси. 1943 й. 11 сент. га ўтар кечаси душманнинг кучли ўқ ёмғири остида Киев вилоятининг Вишгород р-нидаги Борки қишлоғи яқинида Днепр дарёсини биринчилардан бўлиб кечиб ўтган. 1944 й. 10 янв.да Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланган. Урушдан сўнг Наманган ш.да турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Наманган ш.даги кўчалардан бири Р. номи б-н аталган.

РАҲИМОВ Абдуқаҳҳор, Қаҳҳор бахшн (1955, Деҳқонобод тумани, Хўжамаҳмуд қишлоғи) — Ўзбекистон халқ бахшиси (2001). Жарангдор овоз соҳиби. Деҳқонобод тумани умумтаълим мактаби ўқитувчи (1980 й.дан). Достончилик сирларини отаси Қодир бахши Раҳимовдан ўрганган. Репертуаридан 20 га яқин достон («Алпомиш», «Ёдгор», «Гўрўғли», «Авазхон», «Маликаи айёр», «Малла савдогар» ва б), ўзи ижод қилган турли мавзудаги термалар ўрин олган. Р. кўпгина дўмбира куйларини ҳам маҳорат б-н ижро қилади. «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллигига бағишланган Халқаро бахшишоир ва оқинлар фестивалининг 1-ўрин совриндори (Термиз, 1999). 1997 й.да АҚШда гастролда бўлган.

РАҲИМОВ Азим (1925.27.2 — Бухоро — 1997.17.5) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси, гвардиячи сержант. 1943 й.дан армия сафида. 221-гвардиячи ўқчи полки (1-Белоруссия фронти, 69-армиянинг 77-гвардиячи ўқчи дивизияси) взвод командири ўринбосари, гвардия-чи сержант. Р. 1945 й. 14—15 янв.да Полышанинг Зволень ш. учун бўлган жангларда жасорат кўрсатган. 1945 й. 27 фев.да Қаҳрамон унвони берилган. Урушдан сўнг Бухоро ш.да турли соҳаларда ишлаган; шаҳар кўчаларидан бири Р. номи б-н аталган.

РАҲИМОВ Акбар Муҳиддинович (1949.1.1, Тошкент) — кулол, Тошкент кулоллик мактабининг намояндаси. Ўзбекистон БА акад. (1997), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1991). Тошкент политехника ин-ти (1971) ва Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-ти (1979)ни тугатган. Р. отаси Муҳиддин Раҳимовдан ҳунар ўрганган; Р. ижодида Тошкент кулоллик мактаби анъаналари (айниқса, «чизма» усули) ривожлантирилган ҳамда миллий кулоллик санъатининг кўп асрлик ютуқлари, шакл-шамойили, ранг, сир, нақшлар ижодий ўзлаштирилиб бойитилган. Анъанавий кулолликнинг косагарлик ва кўзагарлик соҳаларини қўшиб олиб боради: лаган, ликобча, кўза, коса, пиёла, хумча, гулдон ва б.; шу буюмлардан иборат тўплам (сервиз)лар тайёрлайди, янги замонавий манзарали кулоллик асарлари ҳам яратади: «Машраба» гулдонлари, «Кўпбарг», «Дастгул» нусхали шокосалар, «Қирговул» палов сервизи (1984—85), «Учта ваза» (1990), «Шобарг», «Гули анор», «Гули ўрам», «Гулсафсар», «Карнайгул» лаганлари, «Қушлар ўйини» намоёни

Акбар Раҳимов чизма усулида безаган хум ва хумча.

(1979), «Анор шарбати» фавворași (1982), панжара ва витражлари (1988), мўри (1990) ва б.

Р. 1966 й.дан республика ва халқаро кўргазмаларда иштирок этади, шахсий кўргазмалари ташкил этилади. Ишларидан намуналар республика ва хорижий мамлакатлар музейлари, хусусий коллекцияларда сақланади. Р. «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (2000).

Р.нинг ўғли Алишер Акбарович (1975.24.6, Тошкент), буваси уста Муҳиддин ва отасидан ҳунар ўрганган; анъанавий услубда ижод қилиб анъанавий бадиий буюмлар («ўза, лаган, хумча, шокоса ва б.)ни ўзига хос тарзда тайёрлаб, тошкент кулолчилигининг ривожига ҳисса қўшмоқда.

«Шуҳрат» медали б-н мукофотланган (2002).

РАҲИМОВ Ваҳоб (1934.26.12, Самарқанд) — кончи олим, Ўзбекистон ФА акад. (2000), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1980), техника фанлари д-ри ва проф. (1972). Ўрта Осиё политехника ин-тининг кончилик ф-тини тугатган (1957).

Ўзбекистон ФА кончилик бўлимида илмий ходим, Тошкент политехника ин-тида (ҳоз. ТошТУ) доцент (1963 й.дан), кафедра мудири (1968 й.дан), факультет декани (1969 й.дан). 1984—90 й.ларда проректор, кафедра мудири (1990 й.дан). Асосий илмий ишлари конларни қазиб олиш натижасида тоғ жинслари массивида геомеханик жараёнларнинг ўзгариш қонуниятларини аниқлаш, табиий ва техноген конларнинг минерал-хом ашё потенциалидан тўла ва комплекс фойдаланишни таъминлайдиган экологик тоза технологияларни яратиш ва қўллаш ҳамда кончилик ишларида электрон-оптик асбоблар ва сунъий йўлдошлар орқали замонавий маркшейдерлик технологияларини қўлланишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш муаммоларига бағишланган.

Ас.: Основы разработки мелкомасштабных изверженных месторождений. Ташкент, 2000.

РАҲИМОВ Давлатёр (1950.1.4, Хива ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2000). СамДУ ни тугатган (1972). 1974 й.дан Хива ш.даги 10-мактабда она тили ва адабиёти ўқитувчиси, 11-ҳунар-техника билим юртида директор ўринбосари, 1984 й.дан Хива ш. халқ таълими бўлимида назоратчи, 1988 й.дан 10-мактаб директори. Таълим беришда илғор педагогик технологиялардан фойдаланади.

РАҲИМОВ Жалил (1915.1.5, Андижон тумани Хартум қишлоғи — 1985.5.4, Андижон) — Ўзбекистон халқ артисти (1960). Лоҳутий номидаги Тошкент театр техникумини тугатган (1934). Андижон театрида актёр. Р.ижодида ҳажвий образлар яқин бўлиб, ташқи бўртириш, таъриф-тавсифларини кескинлиги, ўткир қочиримлар унинг қаҳрамонларига хосдир. Ёсуман («Фар-ҳод ва Ширин»), Отинбуви («Гулсара») каби камирлар ва Осиф («Ревизор»), Оқилмирза («Номус ва муҳаббат») каби ҳажвий образларни, кейинчалик Каблайи («Беш сўмлик келин»), Жўра («Бургутнинг парвози»), Етов («Муҳаббат»), Қўзиев, Марасул («Шоҳи сўзана», «Оғриқ тишлар»), Тошболта («Тошболта ошиқ»), Роллер («Қароқчилар») сингари образлар яратган. Фильмлар («Ҳамза», «Наташахоним» ва б.) да ҳам суратга тушган.

РАҲИМОВ Камолиддин (1943. 12. 1, Наманган) — ҳонанда, Ўзбекистон халқ артисти (1983). Жаранглор ва кучли овоз соҳиби. Ашула йўлларини даст-лаб Ваҳобжон Абдуллаевдан ўрганган. Тошкент маданият ин-тини тугатган (1987). Наманганда маданият уйи қошидаги Уста Рўзиматхон номидаги ашула ва рақс ансамблида хонанда, мусиқа раҳбари ва бадиий раҳбар (1960—71), Алишер Навоий номидаги вилоят театрида якка-хон хонанда (1972—98). Репертуаридан мумтоз ва замонавий бастакорлар ашулалари («Бэёт», «Ушшоқ», «Гиря», «Кўча боғи», «Қаландарий», «Куйғай» каби) ҳамда куйларини ўзи яратган асарлари («Кул, азизим», «Менга раҳм айла», «Ҳаргиз», «Келмаганингда», «Мастона-мастона», «Парвона қилсангиз», «Она мадҳи» ва б.) ўрин олган. Ижро услубига лирик талқин, сўз б-н оҳангдаги уйғунлик хос. Ўзбектелефильм студиясида унинг ижодига бағишланган «Дил таронаси» фильми суратга олинган (1982). Р. ижросидаги ашулалар бир нечта граммпластинка («Камолиддин

Раҳимов куйлайди», 1966—1972; «Наргиз», 1980; «Булбул», 1983; «Ул ёр кўлида кўза», 1987) ҳамда компакт диск («Қайдасан» 2002га) е.в.нган. Р. Навоий, Бобур, Мунраб, Маҳтумқули ва б. мумтоз шоирлар асарларига ашулалар туркумларини 20 дан ин.д аудиокассетага тўплаб е.дирган. Осиё, Европа, Америка мамлакатларида гастролда бўлган. «Эл-юрт ҳурмати» ордени б-н мукофотланган (1998).

РАҲИМОВ Карим (1917.6.11, Хива — 1991.15.10, Урганч) — раққос, актёр, реж. Ўзбекистон халқ артисти (1964). 2-жаҳон урушн қатнашчиси. Ҳамза театри қошидаги драма студиясини тугатган (1937). 1937—90 й.лар Отаҳўжа номидаги Хоразм театрида ишлади. У театрда раққослик қилиш б-н бирга бир қанча спектакларда эса қоларли образлар ҳам яратди: Домла, Ҳилолхон (Ҳамза, «Бой ила хизматчи», «Майсарани ниш»), Мансур (И. Султон, Уйғун, «Алишер Навоий»), Вурм (В. Шиллер, «Макр ва муҳаббат»), Ниёз (Абдулмўминов, «Шикоятга ўрин йўқ»), Мулла Башир (С. Жамол, «Гули снёҳ»), Қирол (У. Шекспир,

Карим Раҳимов Хон (чапда) ролида («Ғалат фожиаси»).

«Ҳамлет»), Имом (Ҳ. Ғулом, «Тошболта ошиқ») ва б. шулар жумласидан. «Чин муҳаббат» (О. Ёқубов), «Тоғажиялар» (Р. Бобожон), «Паранжи сирлари» (Ҳамза), «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» (А. Бобожон) каби спектакларни саҳналаштирган. Хоразмнинг Қўшкўпир, Янгиариқ туманларида ансамблар тузган.

РАҲИМОВ Мамажон Исаевич (1943, 20.7, Учқўприк тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2003). Фарғона педагогика ин-тининг физика-мат. ф-тини тугатган (1965). Учқўприк туманидаги 14-, 43-мактабларда физика-мат. ўқитувчиси (1965—75 ва 1986 й.дан), 30-мактабда ўқув бўлими мудири (1975—86). Ноанъанавий дарс усулларидан фойдаланади.

РАҲИМОВ Матёқуб Раҳимович (1918.25.10, Хива тумани Гандимён қишлоғи — 1993.18.8, Урганч) — хонанда (лирик-драматик тенор) ва актёр. Ўзбекистон халқ артисти (1967). Урганч педагогика ин-тини тугатган (1940). Кенг диапазонли, жаранглор ва тембр бўёқларига бой овоз соҳиби. Ўрта мактаб ўқитувчиси (1940—42 ва 1943—48). 2-жаҳон урушн қатнашчиси (1942—43). Хива театри директори (1947), Отаҳўжа номидаги Хоразм вилояти театри актёри ва етакчи хонандаси (1948—78). Мусиқали спектакларда бир қанча образ яратган: Аҳмонни (С. Абдулла, Т. Жалилов; «Аҳмонни»), Ҳайдар (К. Яшин, Т. Жалилов, Г. Собитов, «Нурхон»), Қайс (Хуршид, Т. Содиқов, Р. Глиэр, «Лайли ва Мажнун»), Ғариб (Ю. Юсупов, А. Отажонов, «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам»), Маҳтумқули (Қ.Матризаев, А. Отажонов, «Маҳтумқули») ва б. Репертуаридан Х. Бобожонов ҳамнафасликда ижро этган «Мақоми Дугоҳ», «Насри Чоргоҳ», «Тал-қини Наво», «Уфари Наво» каби Хоразм мақом йўллари, «Сувора» ва «Феруз» туркумлари, А. Отажоновнинг «Лойиқ», «Кўп соғинтирма», «Шартингни айт» каби ашулалари ўрин олган. Р.ҳақида «Матёқуб Раҳимов» (Ўзбекинохроника студияси, 1978) номли фильм суратга олинган.

РАҲИМОВ Мирзоҳид (1946.30.9, Тошкент) — диктор. Ўзбекистон халқ артисти (2000). Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими (1992). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1971). 1964 й.дан Ўзбекистон телерадиокомпаниясида реж. ёрдамчиси, реж. асистенти, 1967 й.дан диктор. Р.нинг дикторликка нутқи, овози, қобилияти кучли бўлиб, ёқимли овози, равон нут-қи, матнни кучли эҳтирос б-н ва маъноли урғу қилиб ўқиши томошабинга кучли таъсир этади. У, асосан, муҳим сиёсий ҳужжатлар, фармонлар, байрамларда Республика Президентининг халққа қилган мурожаат ва табрикларини, матбуотда чиқадиган маърузаларини, тантанали хабарларни маҳорат б-н ўқийди. Шунингдек, «Назм ва наво», «Якшанба оқшоми» кўрсатувларини, мумтоз шоирларнинг газалларини мўъжиз ижро этган «Мақоми Дугоҳ», «Насри Чоргоҳ», «Тал-қини Наво», «Уфари Наво» каби Хоразм мақом йўллари, «Сувора» ва «Феруз» туркумлари, А. Отажоновнинг «Лойиқ», «Кўп соғинтирма», «Шартингни айт» каби ашулалари ўрин олган. Р.ҳақида «Матёқуб Раҳимов» (Ўзбекинохроника студияси, 1978) номли фильм суратга олинган.

РАҲИМОВ Муҳиддин Каримович (1903.12.8 — Тошкент — 1985.3.10) — кулол, санъатшунос. Ўзбекистон халқ рассоми (1944). Туркистон республикаси Халқ хўжалиги кенгаши қошидаги (Тошкент) бадиий ҳунармандлик мактаби (1918—20), Москва силикат-ин-ти (1924—26), Ленинград кераміка ин-ти (1927—29)да ўқиган. Санъатшунослик н.т. ин-тида илмий ходим (1965—71), Тошкент бадиий саноат ўқув и.ч. к-ти (1935—50), Тошкент театр ва рассомлик санъати институти (1958—61) ва Беруний номидаги Республика рассомлик билим юрти (1952—76)да дарс берган. Р. ижодида анъанавий ўзбек кулоллиги б-н замонавий керамика анъаналари уйғунлашган. Ижодининг дастлабки давридаги яратган буюмларида ёрқин зариндаги кўк, яшил, сариқ гуллар жилоси ажойиб мужассамот ҳосил қилади. Ўрта асрлар кулоллигини яхши ўрганган Р. анъанавий (лаган, хум ва б.) ва янги шаклли безак ишлар, портретли совға буюмлар яратди, уларнинг безагида ўсимликсимон нақшлар ё-н бир қаторда сюжетли, ҳайвон шакллари ва ёзувли тасвирлардан моҳирона фойдаланди. Керамика материали ва бўёқларини ўрганиш йўлидаги изланишлари самараси сифатида бир қатор асарлар майдонга келди (мас., «Ўзбекистоннинг бадиий керамикаси», рус тилида, 1961 ва б.). Р. яратган совға буюмлар республика ва хорижий мамлакатлар музейларида сақланади. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1977).

Р. яшаган уйда «М. Раҳимов номидаги кулоллик музейи» очилган (1994).

РАҲИМОВ Нәби (1911.7.11, Қўқон — 1994.23.11, Тошкент) — Ўзбекистон халқ артисти (1950). Ўзбек давлат драма театри қошидаги драма студиясида ўқиган (1929). 14 ёшидан Қўқон театри спектаклларида қатнашган. 1929—94 й.лар Ҳамза театрида ишлаган. Р. характерли ва ҳажвий ролларни алоҳида муваффақият б-н ўйнаган, лекин актёр репертуарида драматик фожиавий образлардан тортиб, лирик қаҳрамонларгача мавжуд. Унинг саҳна образларида миллий халқ театри анъаналари замонавий профессионал санъат тажрибаси б-н уйғунлашиб кетган. У яратган образларда ҳозиржавоблик, ўткирсўзлик, ҳазил ва бадиҳага чапаслик асосий омил бўлиб, ёрқин миллий колорит, енгил юмори, ташқи кўринишининг аниқ ифодаси, мукаммал ижроси б-н аҳамиятлидир. Р. гарчи ўз фаолиятини комик ва характерли актёр сифатида бошлаган бўлса-да, кейинчалик мавжуд йўналишларнинг барчасидан энг яхши хусусиятларни ўзлаштириш ва ўз услубига сиғдириш йўлидан борди. «Холисхон»да Норбойвачча, «Она»да Болтабой, «Меҳмонхона бекаси»да Рипофратта, «Ревизор» да Хлестаков, «Уйланиш»да Бобчинский, «Шоҳи сўзана»да Қўзиев, «Оғриқ тишлар»да Марасул, «Ҳамлет»да Лаэрт каби образларни 30—50-й.ларда яратди. Айниқса, «Отелло»даги Яго образи актёр яратган энг сара образлар сирасига киради. Яго образи актёр ижодида нанки сатирик тусли, балки кучли руҳий-драматик кечинмалар намунасидир. Бўрибой («Тоға ва жиянлар»), Бобо Кайфий («Мирзо Улуғбек»), Шокир ота («Қутлуғ қон»), Олибени («Қирол

Муҳиддин Раҳимов «темурийлар услуби»да яратган совға буюмлар.

боблар ва сунъий йўлдошлар орқали замонавий маркшейдерлик технологияларни қўлланишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш муаммоларига бағишланган.

Ас.: Основы разработки мелкомасштабных нефтегазовых месторождений Кызылкумов. Т., 2000.

РАҲИМОВ Давлатер (1950.1.4, Хива

РАҲИМОВ Мамажон Исаевич (1943. 20.7, Учқўприк тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2003). Фарғона педагогика ин-тининг физика-мат. ф-тини тугатган (1965). Учқўприк туманидаги 14-, 43-мактабларда физика-мат. ўқитувчиси (1965–75 ва 1986 йдан), 30-мактабда ўқув бўлими мудири (1975–86). Нонаъанави

ми (1992). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1971). 1964 йдан Ўзбекистон телерадиокомпаниясида реж. ёрдамчиси, реж. ассистенти, 1967 йдан диктор. Р.нинг дикторликка нутқи, овози, қобилияти кучли бўлиб, ёқимли овози, равон нут-қи, матнни кучли эҳтирос б-н ва маъноларни қилиб ўқиши томошабинга кучли таъсир этади. У, асосан, муҳим сиё-

лар, портретли совға буюмлар яратди, уларнинг безагида ўсимликсимон нақшлар б-н бир қаторда сюжетли, ҳайвон шакллари ва ёзувли тасвирлардан моҳирона фойдаланди. Керамика материали ва бўёқларини ўгранш йўлидаги изланишлари самараси сифатида бир қатор асарлар майдонга келди (мас., «Ўзбекистоннинг бадиий керамикаси», рус тилида, 1961 ва б.),

Лир») каби 60-йлларда яратган образлари энг яхши психологик кучли роллардир.

Кейинги йиллар яратган Урганжий («Бухоро»), Саид Каримов («Комиссия»), Ота («Фариблар»), Саъдиев («Ўн учинчи раис») сингари образлари ижтимоий ўткирлиги, жисман сокин, руҳан жўшқинлиги, чуқур психологик талқини б-н алоҳида эътиборга моликдир.

Урганжий образи Р. ижросидаги энг мураккаб ва баркамол образлардан бири. Актёрнинг ўткир ижроси, мураккаб руҳий кечинмаларни юзага чиқариши, босиқ оҳанглар б-н жуда катта маънога эришиши диққатга сазовордир.

Наби Раҳимов Жеймс Тейлор ролида («Қонли сароб»).

Р. ўзбек киноси ривожига салмоқли ҳисса қўшганлардан: Алиев («Стадионда учрашамиз»), Турдиев («Мафтуннинг-ман»), Чойхоначи («41-йил олмалари»), Бобо Кайфий («Улутбек юлдузи»), Шоқосим («Қутлуғ қон»), Уста Олим («Ўтган кунлар»), Шоҳ («Семурғ»), Сафар бўзчи («Меҳробдан чаён»), Уста Боқи («Келинлар қўзғолони») ва б. образлари б-н кино олтин фондидан ўрин олди.

Р.Шунингдек, видеофильм ва телеспектакларда ҳам суратга тушган: «Қутлуғ қон» (Ёрмат ота), «Диёнат» (проф. Шобаратов), «Ҳамма нарса одамларга қолади» (акад. Дроздов), «Бобур» (Муҳаммаджон) ва б. шулар жумласидан.

Р. ҳақида «Наби Раҳимов ҳаётида икки кун», «Учрашув» видеочерклари ишланган. 1950—65 йлар Санъат институтида дарс берган.

Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти (1967). СССР Давлат мукофоти (1977) лауреати.

Ад.: Ризаев О., Наби Раҳимов, Т., 1997. Қодиров М., Ўзбек театрини тарихи, Т., 2005.

Отажонов Ризаев.

РАҲИМОВ Собир Умар ўғли (1902.25.1, Тошкент — 1945.26.3, Данциг (ҳоз. Гданьск, Польша)) — ҳарбий арбоб, генерал-майор (1943). 1925 йлда Боқуда Бирлашган ҳарбий мактабни ва 1930 йлда командирлар состави малакасини ошириш курсини тугатган. 1932—38 йлларда ва 1940 йлдан армияда. 1941 йлдан фронтда. Бош штаб ҳарбий академиясининг жалалланитирилган курсини тугатган (1943). 2-жаҳон урушида Жан. фронтдаги моторлаштирилган полк командири, Закавказье фронтида ўқчи дивизия командири. 1-Белоруссия фронти қўшинлари таркибида Барановичи, Слоним, Белосток, Гродно ва б. шаҳарларни, Белоруссия ва Польшани озод қилишда қатнашган.

Р. командирлигидаги 37-гвардиячи ўқчи дивизия (2-Белоруссия фронтининг 65-армияси) 1945 й. Шар-қий Померания операциясида ўрнак кўрсатган: дивизия ўша йилнинг март ойи охирида Гдиня ва Данциг шаҳарида душманнинг йирик гуруҳларини тор-мор этишда қатнашган. Дивизия 1-эшелонда ҳужум қилиб, армияда 1-бўлиб Болтиқ денгизи соҳилига чиққан ва Данциг кўчаларида жангни бошлаб юборган.

Р. оғир яралар бўлиб ҳалоқ бўлган. 1965 й. 6 мартда Қаҳрамон унвони берилган. Урушдан кейин Р. ҳоки Тошкентдаги қабристонга қўйилган.

РАҲИМОВ Тошпўлат Қаюмович (1950.15.12, Шаҳрисабз тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1997). СамДУ ни тугатган (1973). 1973 йдан Шаҳрисабз туманидаги 39-, 37-, 1976 йдан 30-мактабда физика ва информатика ўқитувчиси. Мактабда физика ва информатика фани хонасини замон талабига мос даражада жиҳозлаган. Таълим беришда ноанъанавий дарс усулларидан фойдаланган.

РАҲИМОВ Қадамбой Ёқубович (1948.1.6, Урганч тумани Қоровул қишлоғи) — дирижёр, бастакор. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1991). Низомий номидаги Тошкент педагогика ин-тини тугатган (1971). Урганч пед. билим юртида ўқитувчи (1971—79), Комилжон Отаниёзов номидаги вилоят филармониясида директор ва бадиий раҳбар (1979—86), Огаҳий номидаги вилоят мусиқали театрида бош дирижёр (1986 йдан). «Олма пишганда келинг» (Э. Самандар), «Жобби жужакнинг ҳийласи» (К. Аваз) каби мусиқали комедияларга, «Жаҳаннам» (К. Аваз), «Тилим асалим» (Ҳ. Расул, Ш. Файзуллаев б-н) ва б. пьесаларга мусиқалар басталаган. Шунинг-дек, хор асарлари, қўшиқлар («Гўзал», «Муҳаббат қодир», «Кетди дилни қуйдириб» ва б.) муаллифи.

РАҲИМОВ Гофир Раҳимович (1905, Тошкент — 1972, Ленинград; Тошкент-да дафн этилган) — электротехника соҳасидаги олим, проф. (1958), Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1964), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1964). Ленинград унтила ўқиган (1923—26). Ленинград Политехника ин-тини тугатган (1931). Ўрта Осиё энергетика ин-тида ассистент (1932 йдан), доцент (1933 йдан), кафедра мудири (1934 йдан), проректор (1956—62), муҳандислик-физика ф-ти декани (1962—65).

Илмий ишлари электротехника, электроника, электр занжирлари ва тизимларига, электр ферромагнит занжирларининг автопараметрик уйғониш назарияси масалаларига доир. Ўзбекистон Энергетиклар ва электр саноати ходимлари и. т. жамияти раиси (1963—72).

Ас.: Электроника, Т., 1968.

РАҲИМОВ Ҳабибулла Ғайбуллаевич (1946.31.10, Тожикистоннинг Нов тумани) — композитор, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби (2001). Тошкент консерваториясини тугатган (1974), Қодирий номидаги Маданият ин-тида ўқитувчи (1977—89), ҳоз. Ўзбекистон консерваториясида доцент (1990 йдан), Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси котиби (1992 йдан). 3 симфония, турли (альт, виолончель, овоз, фортепиано, қашқар рубоби ва б.) соз-лар учун концертлар ва концертинолар, «Она қалби», «Алпомиш ва Ойбарчин» опералари, шунингдек, «Парвона», «Келин танлов» каби мусиқали драма ва комедия, оратория ва кантата, пуфлама соз-лар оркестри, ўзбек халқ чолғулари оркестри учун, араб, турк, япон, корейс ва б. халқлар куйлари асосида камер оркестр учун мусиқалар, камер-вокал, камер-чолғу асарлар ёзган.

РАҲИМОВ Ҳамид (1927.15.5 — Тошкент — 1977.8.12) — композитор, дирижёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1967). Тошкент консерваториясини тугатган (1954). Ўзбек давлат филармониясининг ашула ва рақс ансамбли (1950—56), «Баҳор» ансамблида (1958—59) мусиқа раҳбари, Муқимий театрида дирижёр (1958—59), Ўзбекистон Маданият вазирлигида масъул ходим (1960—61 ва 1972—73), Тошкент консерваторияси ректори (1961—71), доценти (1967—72), Тошкент педагогика ин-ти кафедра мудири (1973—77). П. Раҳимов б-н ҳамкорликда «Сингиллар қиссаси» (Ш. Тамкин, 1955) ва «Зафар» (У. Исмоилов, 1956) илк мусиқали драмаларни яратган. Кейинчалик «Оқ шлуфар» (Р. Ҳамроев, А. Бобожон, 1958), «Раис уйланармиш» (Б. Халилов, 1959), «Ишқинг билан» (Ҳ. Умаров, 1959), «Танбур ноласи» (М. Қодиров, 1973) «Жоним фидо» (И. Раҳим, 1974), «Машраб» (А. Турсунов, 1977) каби мусиқали драма ва комедиялари б-н мазкур жанр ривожига ҳисса қўшган. Р., шунингдек, «Зафар» (У. Исмоилов, 1970) операси, симфоник оркестр учун «Ёшлик» поэмаси, 5 та рақс, 2 та сюита, «Баҳор» кантатаси, «Фарғоналик бепоялон» кинофильмига ва 3 телефильмга ёзилган мусиқа, «Қалб қўшиғи», «Ҳаёлим сенда», «Тошкент баҳори», «Қуёшистон» каби қўшиқлар ва б. асарлар муаллифи.

РАҲИМОВА Бекажон (1923.31.10 — Хива — 1997.2.4, Урганч) — актриса, хонанда. Ўзбекистон халқ артисти (1991). 1936—38 йлар «Болалар театри»да, 1938—55 йлар Хива халқ театрида, 1955—90 йлар Огаҳий номидаги театр-да фаолият кўрсатган. Ўз ижоди давомида бир қанча спектакларда турли ролдар ижро этган: Майсара («Майсаранинг иши»), Дуржон кампир («Паранжи сирлари»), Ёсуман («Фарҳод ва Ширин»), Феокла Ивановна («Уйланиш»), Ҳожи она («Бой ила хизматчи»), Зебо («Аршин мол олон»), Жаннат хола («Қайнона»), Марго («Кўнгли ёш қариялар»), Ходима («Олма пишганда келинг») ва б. «Хива вақти билан соат 7⁰⁰ да» фильмидаги кампир ролн б-н кенг оммага танилди («Бобобойжоним» дузи). Шунингдек, ҳазил қўшиқлар, халқ лапарларини қўшиғига етказиб қуйлаб, рақсга тушган.

РАҲИМОВА Гавҳар Артёмовна Петросян (1911.7.11, Марғилон — 2003.18.2, Тошкент) — рақҳоса, балетмейстер, Ўзбекистон халқ артисти (1965). *Тамарахоним*нинг синглиси. 1924—27 йлар Марғилондаги болалар уйида тарбияланган ва у ерда *Уста Олим* Комилов раҳбарлигидаги дуторчи қизлар тўгарагига қатнашиб, Тамарахонимдан рақс асосларини ўзлаштирган. Қўқон (1927—28), Самарқанд (1928—30, 1933—37), Андижон (1930—33), ўзбек ҳарбий театрларида актриса, рақҳоса ва балетмейстер. Моҳинбону («Фарҳод ва Ширин»), Холжон хола (F. Зафарий, «Ҳалима»), Зебо («Аршин мол олон»), каби образлар яратган. 1937—39 йлар Ўзбек Давлат мусиқали театрида яккахон рақҳоса. Ўзбек давлат филармониясида хотин-қиз дуторчилар ансамблида(1939—40), Хоразм гармончилар ансамблида (1940—41), Ўзбек давлат филармонияси ва эстрадасида (1945—68) рақҳоса, балетмейстер, бадиий раҳбар. 1968 й. «Лазги» ансамблини ташкил этган ва унга 1982 йлгача раҳбарлик қилган. 1983 йдан ўзи қайта ташкил қилган Зебо Ганиева номидаги концерт-фронт сайёр бригадасининг раҳбари бўлган. Р. ижод этган «Уфори сохта», «Бухороча», «Уйғурча», «Озарбайжонча», «Андижон самоси», «Усмония», «Гул ўйин» каби ва «Катта ўйин» (Уста Олим Комилов б-н ҳамкорликда), «Уфори сохта», «Ўзбекистон қизлари», «Жайҳун мисоли лазги», «Қўзим қароси», «Лазги саломи» сингари рақсларн б-н ўзбек рақси ривожига муносиб ҳиссa қўшди. «Эл-юрт ҳурмати» орденн б-н мукофотланган (1999).

Гулора Раҳимова Тўмарис ролида («Тўмарис»).

РАҲИМОВА Гулора (1948.25.3, Боғот тумани Боғот қишлоғи) — актриса, хонанда. Ўзбекистон халқ артисти (1992). Урганч педагогика ин-тини тугатган (1970), 1973 йдан Огаҳий номидаги мусиқали драма театрида ишлайди. У ансамбл яккахон хонанда, кейинроқ спектакларда бош ролларда чиқа бошлаган. Гулсанам (Уйғун, «Берунний»), Нурхон (К. Яшин, «Нурхон»), Санадбегим (Шаломаев, «Ибн Сино»), Шоҳсанам (Аёбмий, «Ошиқ Фариб ва Шоҳсанам»), Лайли (Навоий, «Лайли ва Мажнун»), Мунаввар (Ҳ. Муҳаммад, «Тошкентнинг нозанин маликаси»), Кетаванн (Н. Думбадзе, «Қуёшни кўраяпман»), Ўғилой (К. Аваз, «Марғарид таққан аёл»), Гуласал (П. Телегенов, «Тошлар тилга кирганда»), Тўмарис (Н. Салаев, «Тўмарис»), Гулсумбону (Э. Самандар, «Араб Муҳаммаджон»), Дурдава («Авесто») каби ролларни ижро этган. Хонанда сифатида «Феруз», «Самарқанд ушлоғи», «Фарёд», «Гулузорим», «Дугоҳ», «Бухоро тўлқини» каби мумтоз ҳамда «Ўзбекистон», «Ватан» каби замонавий қўшиқлар, лапарларнинг моҳир ижрочиси Р. ҳақида видеофильм (реж. Ҳ. Қаҳрамонов) суратга олинган (1999).

РАҲИМОВА Дилором (1947.20.4, Урганч ш.)— Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Хоразм педагогика ин-тини тугатган (1971). 1971 йдан Хива ш.даги 9-, 1982—2000 йлардаа 11-мактабда рус тили ва адабиёти ўқитувчиси. Болаларга таълим беришда янги педагогик технологиялардан фойдаланган.

РАҲИМОВА Мукамбар Ҳакимовна (1941.23.3, Тошкент) — актриса, реж. Ўзбекистон халқ артисти (2002). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тининг актёрлик (1964) ва реж.лик (1976) ф-тларини тугатган. 1964 йдан «Ўзбекфильм»нинг актёр студиясида. Р. кенг диапазон, юқори маҳорати, чуқур драматик ва сатирик образлари б-н диққатга сазовор. Қундуз («Истиқбол йўли»), Лола («Сурайё»), Энага («Даҳонинг ёшлиги»), Хатира («Ой бориб, омон қайт»), каби ролларни яратган. Реж. сифатида Фарғона театри («Интилганга толе ёр»), Жиззах театри («Хаёлпараст») ва б. театрларда ҳам спектакллар, «Гувоҳсиз суҳбат», «Номаълум аёл мактуби», «Қасоскорнинг олтин боши» каби радиопостановкалар сах-

Бекажон Раҳимова «Сурнай рақси»ни ижро этмоқда.

Мукаррамбар Раҳимова раис ролида («Қор»).

налаштирган. Дубляж реж. и сифатида танилган («Оқ шудринг», «Игна», «Менинг Миом, Мио», «Шахризоданинг янги эртаклари», «Зомбе», «Дельфин ҳайқириғи», «Уч қироннинг тўқнашуви», «Кунинг ёлғи» ва б.). Ўзи ҳам 13 ёшидан дубляжда, радиопостановка, телеспектаклларда қатнашади. «Дугоналар», «Табассум», «Ватандош», «Яхши кайфият» каби радиожурналларнинг бошловчиси.

РАҲИМОВА Салимахон (1949.20.2, Қўқон ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Қўқон пед. ин-тини тугатган (1974). 1967 й.дан Қўқон ш.даги 9-, 25-, 8-мактабда бошлангич синф ўқитувчиси, 1974—2001 й.ларда 8-мактабда она тили ва адабиёт ўқитувчиси, ўқув бўлими мудири. Саёҳат, мунозара-баҳс, конференция, лекция-семинар каби ноанъанавий дарс усулларидан фойдаланган. **РАҲИМОВА** Султонпошша (1929.8.5, Хива — 1996.5.9, Урганч) — актриса, хонанда. Ўзбекистон халқ артисти (1955). 1943—74 й.лар Хоразм театрида ишлаган. Лайли («Лайли ва Мажнун»), Нурхон («Нурхон»), Зуҳра («Тоҳир ва Зуҳра»), Нодира («Нодира»), Ойхон («Майсаранинг иши»), Санам («Азиз ва Санам»), Шоҳсанам, Оиларбегим («Оқиқ Фариб ва Шоҳсанам») каби роллариии мусиқали драмаларда жозибали овози, кучли драматик кечинмалари б-н мохирона ижро этган. Шунингдек, драмаларда Гули («Алишер Навоий»), Лугза («Макр ва муҳаббат»), Лариса («Сепсиз қиз»), Жамила («Бой ила хизматчи»), Холисхон («Холисхон») каби образлар яратган.

Султонпошша Раҳимова Шоҳсанам ролида («Оқиқ Фариб ва Шоҳсанам»).

РАҲИМОВА Шаҳодат (1919.5.1 — 1979.8.12) — актриса, хонанда (драматик сопрано). Ўзбекистон халқ артисти (1940). Москва консерваториясини тугатган (1951). Ижодини Андижон театрида бошлаган (1932—39). Гулсара (К. Яшин, «Гулсара»), Гулчеҳра (У. Ҳожибеков, «Арзнин мол-олон»), Ширин (Хуршид, «Фарҳод ва Ширин») каби образлари шу театрда яратган. 1939—53 й.лар Навоий театрида, 1953—58 й.лар Мукимий театрида, 1959—78 й.лар Ўзбек давлат филармониясида ишлаган. Норгул (М. Авлиёкулов, «Бўрон»), Жамила (О. Чишко, «Маҳмуд Торобий»), Оқ Жунус (Е. Брусиловский, «Эр тарғин»), Лайли (Т. Содиқов, Р. Глиэр, «Лайли ва Мажнун»), Полина (П. Чайковский, «Қарға мотками») каби опера партияларини, Зуҳра (С. Абдулла, Т. Жалилов, «Тоҳир ва Зуҳра»), Нурхон (К. Яшин, Т. Жалилов, «Нурхон»), Ширин (Хуршид, Ю. Ражабий, «Фарҳод ва Ширин»), Обида (С. Абдулла, Т. Жалилов, «Муқимий»), Санам (А. Бобожон; К. Отаниёзов, «Азиз ва Санам») каби мусиқали драмалардаги роллари юксак ижроси, ўткир психологик талқини б-н ажралиб туради. Р. шунингдек, «Эй дилбари жононим», «Ушшоқ», «Салламно», «Самарқанд ушшоғи» каби ашулалари б-н халқ орасида машҳур бўлган. «Қасам» (Саодат), «Ёқут юлдузлар» (Хайри) каби фильмларда суратга тушган.

РАҲИМОВА Ҳамробиби Бозор қизи (1896—Бухоро вилояти Вобкент тумани — 1979.25.12) — сопол ўйинчоқлар ясовчи кулол; қад. анъанавий майда шакллар ҳайкалтарошлиги намоянласи. Р. ҳунар (лойдан ўйинчоқ ҳуштак — ушпулаклар тайёрлаш, уларни ўчоқда қиздириб пишитиш, бўяш)ни Шамсибиби кампирдан ўрганган. 1970—75 й.лар Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси Балиий фондила, 1978—79 й.лар «Устобирлашмасида уста. Р. қад. халқ санъати услубида ижод қилди, у яратган солда

Ҳамробиби Раҳимова ясаган ҳуштакли ўйинчоқлар

ва самимий юморли мазмун б-н бойитилган ўйинчоқлар от, фил, эшак, кўчқор, тошқ, тойчоқ, қийик, қушчоқ) афсонавий қуш ва ҳайвонларнинг шаклларидан иборат бўлиб, ҳаштаги ён томонида; ўйинчоқларнинг юқори қисми тухумнинг оқи қушилган сариқ, қизил, яшил, кук ранг бўёқлар б-н бўялиб, чизиқлар б-н безатилган. Р. ишларидан намуналар республика ва хорижий мамлакатлар музейлари (жумладан, Лувр, Париж; «Фаэнце» жаҳон керамика музейи, Италия; Эрмитаж, Санкт-Петербург ва б.)да сақланади.

РАҲМАДИЕВ Еркегали (1930.1.8, ҳоз. Шарқий Қозоғистон вилояти Чубартау тумани) — қозоқ композитори, педагог. Қозоғистон халқ артисти (1975). Миллий композиторлик мактаби асосчиларидан. Олмаота консерваториясини тугатган (1957). Олмаота консерваторияси ректори (1967—75), проф. (1979 й.дан). Қозоғистон композиторлари уюшмаси раиси (1968—91). Қозоғистон Республикаси Маданият вазири (1991—93). Оркестр учун яратган «Омонгелди» (1956), «Дайрабай» (1963), «Қудаша-думан» (1973) ва б. партиталар миллий чолғу (дўмбира) куйларига хос услубий анъаналар ва европа *симфонизми* уйғунлигига асосланган. Ижодида йирик мавзу ва кенг кўламли жанрларга изчил мурожаат этган: «Қамар сулув» (1963), «Аламис» (1973), «Аблайхон» (1999) ва б. опералар, «Қайран Майра» (1986) мусиқали драмаси ва б. Хор асарлари, қўшиқлар, камер-чолғу асарлар, кинофильм-лар учун мусиқалар ёзган.

РАҲМАТ МАЖИДИЙ (1906, Хива — 1986.26.12, Тошкент) — адабиётшунос. Оренбургдаги «Ҳусайния» мадрасасида ўқиган (1917—18). Хоразм инқилобидан кейин Тошкентга бориб, дастлаб «Иқбол» меҳнат интернат мактаби (1920), Наримонов номидаги мактаб (1922), Ўрта Осиё ун-ти ишчилар ф-ти (1923—25), сўнгра Москва ун-ти ҳуқуқ ф-тида (1925—28) ўқиган. Касаллиниш орқасида Хоразмга қайтиб келиб, вилоят газ.да муҳаррир бўлиб

ишлаган (1928—30). ХХСРнинг тугатилиши б-н дастлаб Самарқандда Ўзбекистон Олий суди коллегиясида ишлаб (1930), сўнгра Тошкентга кўчиб борий, «Қизил Ўзбекистон» газ.да бўлим мудири (1931). Ёзувчилар уюшмасини ташкил этиш қумитасида раис (1932—33). Ёзувчилар уюшмасида раис (1934) лавозимларида фаолият олиб борган. 1935 й.да Қизил профессорлар ин-тига ўқишга юборилган. Ўқишни тугатгач (1938), Москвадаги ф-каларлан бири қошидаги мактабда ўқув бўлим мудири этиб тайинланган. 1940 й.дан қатағон эпидемиясига қолар (1950), оқланишдан кейин қим (1954 й.дан) Тошкентда Тил ва адабиёт ин-тида илмий ходим бўлиб ишлаган. «Истеъдод ва бурч» (1974) ва «Отаҳон лирикаси» (1963) китоблари муаллифи.

РАҲМАТ ФАЙЗИЙ (таҳаллуси; асл исм-шарифи Файзиев Раҳмат, 1918.10.9 — Тошкент — 1988.18.11) — Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1978). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1968). «Ленин учқуни» (ҳоз. «Тонг юлдузи», 1937) ва «Ёш ленинчи» (ҳоз. «Туркистон», 1938) газ.ларида ишлаган. 2-жаҳон уруши қатнашчиси «Фронтовик» (1943), «Қизил Ўзбекистон» (1944) газ.лари ва «Шарқ юлдузи» жур. (1951—54)да бўлим мудири, «Ўзбекистон маданияти» газ. (1957—59) ва «Ўзбекфильм» киностудияси (1962—65)да бош муҳаррир. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви раиси ўринбосари (1965—74). Бутуниттифоқ муаллифлик ҳуқуқи Ўзбекистон бўлими бошлиғи (1974—88). Р. Ф.нинг «Тўй тараддудди» деб номланган 1-қиссаси 1948 й.да эълон қилинган. Шундан кейин унинг «Туёна», «Ўзгайиш» (1950), «Биринчи баҳор» (1951) қисса ва очерклар тўпламлари нашр этилган. «Чўлга баҳор келди» (1951) дастлабки қиссаси қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш мавзуига бағишланган ва адабий жамоатчилик эътиборини қозонган. Кейинчалик ёзувчи ушбу асарни қайта ишлаб, уни 1972 й.да роман тарзида нашр этган. «Повесть ва ҳикоялар» (1954), «Шоҳи дарпарда» (1958), «Кишиларимиз қиссаси» (1962) сингари очерк, ҳикоя ва қиссалардан иборат тўпламлари ҳам бор. Унинг «Сен етим эмассан» киноқиссаси (1960) асосида кинорежиссёр Ш. *Аббосов* томонидан суратга олинган шу номдаги фильм катта шуҳрат қозонган. Ёзувчи ушбу киноқисса устидаги ижодий ишини давом эттириб, уруш йилларида 14 етим болани ўз бағрига олган ва уларга меҳр-мурувват кўрсатган кишилар жасоратига бағишланган «Ҳазрати инсон» романи (1970)ни яратди. Ўзбек халқига хос меҳр-муҳаббат ва бағрикенглик кенг эпик планда тасвирланган бу асарда ўзбек адабиётининг инсонпарварлик моҳияти ўзининг ёркин ифодасини топган. Р. Ф., шунингдек, «Ёр-ёр» фильми сценарийси ва болаларга бағишланган «Биринчи хат» (1954), «Ҳаётнинг тугилган куни» (1953) ва б. ҳикоялар муаллифи. Тошкент шаҳри кўчаларидан бири Р. Ф. номи б-н аталади.

Ас.: Танланган асарлар [3 жилд]. 1—3-жилд., Т., 1970—72.

Ад.: Мирзаев И., Раҳмат Файзий. Т., 1974.

РАҲМАТОВ Абдурахмон Чоршанбиевич (1932.7.11, Термиз тумани — 1999.8.10, Термиз) — Ўзбекистон халқ артисти (1985). 1960 й.дан Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрининг актёри. Муродхонов, Суннат, Парвоз (Ҳамза, «Майсаранинг иши»), Ашурали (А. Қаҳҳор, «Анжонларим»), Мирдиев (Ҳ. Ғулом, «Фарғона ҳикояси», «Тошболта ошиқ», «Ажаб савдолар»), Ҳожи (К. Яшин, «Нурхон»), Девона (С. Жамол, «Гули сиёҳ»), Рустам (Ў. Умарбеков, «Ўлмаслар кечирмайди»), Дарға (Ҳамза, «Майсаранинг иши»), Ашурали (А. Қаҳҳор, «Анжонларим»), Мирдиев (Ҳ. Ғулом, «Фарғона ҳикояси», «Тошболта ошиқ», «Ажаб савдолар»), Ҳожи (К. Яшин, «Нурхон»), Девона (С. Жамол, «Гули сиёҳ»), Рустам (Ў. Умарбеков, «Ўлмаслар кечирмайди»), Дарға (Ҳамза, «Майсаранинг иши»), Ашурали (А. Қаҳҳор, «Анжонларим»), Мирдиев (А. Қаҳҳор, «Анжонларим»), Миршарий (Уйғун, «Парвона»), Самандаров (Ж. Жабборов, «Ўжарлар»), Вурм (Ф. Шиллер, «Макр ва муҳаббат»), Воронцов (А. Иброҳимов, «Зўлдир»), Қаҳҳор (М. Ҳазраткулов, «Қайтар дунё»), Ялла (Ҳ. Ғулом, «Фарғона ҳикояси», «Тошболта ошиқ», «Ажаб савдолар»), Ҳожи (К. Яшин, «Нурхон»), Девона (С. Жамол, «Гули сиёҳ»), Рустам (Ў. Умарбеков, «Ўлмаслар кечирмайди»), Дарға (Ҳамза, «Майсаранинг иши»), Ашурали (А. Қаҳҳор, «Анжонларим»), Мирдиев (А. Қаҳҳор, «Анжонларим»), Миршарий (Уйғун, «Парвона»), Самандаров (Ж. Жабборов, «Ўжарлар»), Вурм (Ф. Шиллер, «Макр ва муҳаббат»), Воронцов (А. Иброҳимов, «Зўлдир»), Қаҳҳор (М. Ҳазраткулов, «Қайтар дунё»), Ялла (М. Ҳазраткулов, «Қайтар дунё»), Ялла (М. Ҳазраткулов, «Қайтар дунё»), Ялла

чин (С. Абдулла; Т. Жалилов, «Алпомиш»), Дарижон (Т. Собиров; М. Юсупов, «Уч баҳодир»), Санам (А. Бобожон; М. Юсупов, «Азиз ва Санам»), Обидахон (С. Абдулла; Т. Жалилов, Г. Мушель, «Мавлоно Муқимий»), Зулхумор (К. Яшин; Т. Жалилов, «Равшан ва Зулхумор»), Кумуш (Д. Файзий, «Зарафшон қизи»), Рисолат пари (Ҳ. Ғулом; М. Левиев, «Тошболта ошиқ»), Ҳаётхон (М. Исмоилий; Д. Соатқулов, «Фарғона тонг оттунча»), Она (Х. Расул; М. Юсупов, «Муҳаддас диёр»; Р. Маъдиев; Б. Лутфуллаев, «Тақдир»), Зубайда (Р. Маъдиев; Ф. Олимов, «Девона») ва б. Унинг қаҳрамонлари ҳиссиётларга бойлиги, ҳолатларининг аниқлиги, таъсирчанлиги, нозик ўйноқи қоғиримлари, ўзига хос талқини б-н ажралиб туради. Р. хонанда сифатида ҳам эл орасида машҳур. «Диёримсан», «Гўзал», «Тупроғим менинг», «Ёринг унутма», «Ёрлан салом келибдир», «Вафо қилса», «Онажон», «Унутма», «Гул мавсуми», «Дутоҳ» каби қўшиқ ва ашулаларнинг бетакрор ижрочиси. «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (1992).

Тошпўлат Турсунов.

РАҲМАТУЛЛАЕВ Исматулла, Раҳматуллазода (1883, Самарқанд вилояти Ражабамин қишлоғи — 1962) — жадид маърифатпарвари, педагог. *Абдуқодир Шукурий*нинг «усули савтия» мактабида (1901—05) ўқиб, сўнг шу мактабда ўқитувчилик қилган (1906—12), айни пайтда рус-тузем мактабида ҳам таҳсил олган (1903—06). «Дорул адаб» мактабини ташкил этган (1913—17). Тожик тилида «Таълими алифбе» дарслигини нашр этган (1915). 1917—19 й.ларда Самарқандда 35 та янги мактабнинг очилишида иштирок этган. Самарқандаги Ўзбек маориф билим юрти (1922—25) ва Ўзбекистон давлат китоб палатасининг 1-директори (1926—29), Беҳбудий номидаги кутубхона мудири (1930—37). «Нашри маориф» ва «Анжумани маориф» жамиятларининг ҳайъат аъзоси (1917—21). *«Милли иттиҳод»* ташкилоти аъзолари б-н ҳамкорликда айбланиб, икки марта қатағон этилган (1937—43, 1949—54). Ҳамид Олимжон, Фотиҳ Ниёзий, Музайяна Алавия, Раззоқ Ҳамроев, Толибжон Содиқов, Воҳид Абдуллаев сингари фан ва маданият арбоблари Р. раҳбарлик қилган билим юртида таълим олганлар.

РАҲМАТУЛЛАЕВ Сирожиддин Рихситдлаевич (1953.1.2, Тошкент вилояти ҳоз. Зангиота тумани) — етакчи ўймакори, Ўзбекистон халқ устаси (2003). Беруний номидаги республика рассомлик билим юртини тугатган (1978). 1978 й.дан «Усто» бирлашмасида уста; ин фаолиятини *Ортиқ Файзуллаев* ижодий гуруҳида бошлаган. Р. халқ амалий санъати анъаналарида лаган, лавҳ, кутича ва б. бадиий буюмлар яратди, республика ва хорижлаги кўплаб маъмурий, маданий биноалар интерьерларини безади. Темурийлар тарихи давлат музейи, Туркистон саройи, Ўзбек миллий академик драма театри ва б. биноалар учун маҳорат б-н тайёрлаган эшиклари ва нақшлари диққатга сазовор. Р. асарлари республика ва хорижий кўргазмаларда юксак баҳоланган.

Сирожиддин Раҳматуллаев ўймакори усулда безаган эшик (2000).

РАҲМАТУЛЛАЕВА Манзура (1935. 20.7, Тошкент ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1997). Тошкент педагогика ин-тини тугатган (1962). 1964 й.дан Собир Раҳимов туманидаги 139-, 1980 й.дан Акмал Икромов туманидаги 245-мактабда кимёбиол. ўқитувчиси. Дарсларни ноанъанавий усулда техника воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтади.

РАҲМАТУЛЛАЕВА Муҳаррам Фахриддиновна (1934.15.11, Тошкент ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). ТошДУ ни тугатган (1959). 1963 й.дан Собир Раҳимов туманидаги 111-, 1994 й.дан 185-мактабда физика ўқитувчиси. Дарсларни янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ўтади.

РАҲМАТУЛЛАЕВА Ҳанифа (1956.30.4, Зомин тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1999). Республика рус тили ва адабиети ин-тини тугатган (1979). 1978 й.дан Зомин туманидаги 1-гимназияда рус тили ва адабиёти ўқитувчиси. Дарсни янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ўтади. Бир қанча ўқув методик қўлланмалар муаллифи.

РАҲМАТУЛЛАЕВА Шафоат (1941.4.1, Қўқон) — Ўзбекистон халқ артисти (1992). Қўқон театрининг актрисаси (1963—65; 1971—75; 2000 й.дан). 1965—71 й.лар Жиззах, 1975—2000 й.лар Сирдарё театрларида актриса. Р. кенг диапазонли актриса бўлиб, мусиқий ва драматик ҳамда комедия, трагедия жанрларидаги спектакларда ижод қилиб келади: Майсара (Ҳамза, «Майсаранинг иши»), Нарги (З. Фатхуллин, «Ватан ишқи»), Пошша хола, Зебо (М. Бобоев, «Қайдасан, жон болам», «Ер номи-ри»), Гонорелья (У. Шекспир, «Қирол Лир»), Зуҳра (А. Қаҳҳор, «Отриқ тишлар»), Журден хоним (Мольер, «Сохта оқсуяк»), Тош хола (Ж. Маҳмудов, «Аёллар фарёди»), Маъмура кампир (Жан Саррон, «Маъмура кампир») каби роллари б-н танилди. 1995 й. Пошша хола ва Маъмура кампир роллари учун йилнинг «Энг яхши аёл роли» соврини б-н тақдирланди.

Шафоат Раҳматуллаева Маъмура кампир ролида («Маъмура кампир»).

РАҲМАТУЛЛИН Халил Аҳмедович (1909, Тўқмоқ ш., Қирғизистон — 1988.10.1, Тошкент) — механика соҳасидаги олим. Ўзбекистон ФА акад. (1947), Ўзбекистон ва РСФСР да хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1959, 1967). Меҳнат Қаҳрамони (1979), физика-мат. фанлари д-ри (1943), проф. (1943). Москва ун-тини тугатган (1934). Шу ин-тда аэродинамика лаб. (1937—52), газ ва тўлқинлар динамикаси кафедраси (1952—88) мудири. Ўзбекистон ФА президиуми аъзоси ва техника фанлари бўлими раиси (1947—52). Ўзбекистонда кўп фазали муҳитлар гидродинамикаси илмий мактаби асосчиси. Асосий илмий ишлари эластик ва эластик-пластик муҳитларда тўлқинлар тарқалишининг динамик назарияси, эластик боғланишлар бўйича қундаланг зарба назарияси, гупроқ динамикаси, сингдирувчи жисмлар аэродинамикаси, парашютлар назарияси ва кўп фазали тизимлар механикасига доир. Р.нинг тушадиган (нагрузкали) ва юк тушмайдиган (нагрузкасиз) тўлқинлар назариясидаги кашфиётлари (улар «Раҳматуллин тўлқинлари» номини олди). Бу кашфиёт иншоотлар зарбининг ҳисоблаш ва уларни лойиҳалашда, кема зирҳи мустаҳкамлигини аниқлаш ва б. масалаларни ҳал қилишда қўлланилади. Р. нинг аэростатларнинг тросларга қўндаланг уришишга бағишланган ишлари 2-жаҳон уруши йилларида Москва мудофааси тизимини тайёрлашда кенг қўлланилди. Р. раҳбарлигида пахта чигитидан линт (калта толалар) ни аэрокимёвий усул б-н ажратиб олиш технологияси ва назарияси ишлаб чиқилди.

Ўзбек олимлари Ф. *Абутолиев*, Е. И. *Бузин*, Г. А. *Кошевников*, Ж. *Файзуллаев* ва б. Р.нинг шогирдлари ҳисобланади. Р. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1968). Тошкент-даги кўчалардан бири Р. номи б-н аталган.

Ас.: Газовая динамика. М., 1954; Основы гидродинамики взаимопроникающих движений сжимаемых сред. М., 1956; Теория осесимметрического парашюта. М., 1980; Взаимодействие сред и полей. Т., 1985;

Ад.: Латипов Қ. Ш., Эргашев Э. В., Фан сўқмоқларидан. Т., 1969; Академик Халил Аҳмедович Раҳматуллин. Т., 1999.

РАҲМАТУЛЛО ЮСУФ ЎҒЛИ (1917.10.3, Самарқанд вилояти Нурота тумани — 1987) — халқ достончиси. *Кўргон достончилик мактаби* вакили. *Эргаш Жуманбулбул ўғли* ва Пўлкан Муҳаммадқул Жомурод ўғлининг шогирди. Ундан «Тоҳир ва Зуҳра», «Суманбар», «Зевархон», «Варқа ва Гулшоҳ», «Рустамхон», «Алпомиш» ва б. 20 дан ортиқ достонлар, термалар, ўзи ижод этган шеърлар ёзиб олинган, баъзиларини ўзи хатга туширган. Улар Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-ти фольклор архивида сақланади. Достонлари «Ўзбек халқ ижоди» туркумида нашр этилган (1974).

РАҲМЕТОВ Собир Ғафурович (1952.19.12, Чимкент) — рангтасвир устаси, Ўзбекистон БА акад. (2003), Ўзбекистон халқ рассоми 2000). Беньков номидаги Республика рассомлик билим юрти (1973) ва Санкт-Петербургдаги Репин номидаги рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва меъморлик ин-ти (1979) ни тугатган. 1979 й.дан Уйғур номидаги Тошкент санъат ин-ти рангтасвир кафедрасида педагог, 2003 й.дан доцент. Р. ижодида ёрқин бўёқларни кенг қўллайди; асар қаҳрамонлари, манзаралар ҳаракат жараёнида кўтаринки руҳда аниқ ва нозик тасвирланади; айниқса, манзара инсон маънавияти, унинг зиддиятларга тўла қалб кечинмаларини таъсирчан ифодалашнинг ўзига хос воситасига айланади. «Шоир Ғафур Ғулом» (1986), «Ҳайкалтарош Азамат» (1987), «Бастакор Юнус Ражабий» (1996), «Султон Аҳмад Мирзо» (2000), «Автопортрет» каби портретлар, «Лайли ва Мажнун» (1998), «Бойсун» (1999), «Алпомиш» (2002), «Ҳумсон» (2002) ва б. тарихий ва мавзули композициялар муаллифи.

Собир Раҳметов. «Автопортрет».

Р. республика ва халқаро кўргазмалар иштирокчиси, асарлари республика ва Англия, АҚШ, Япония, Туркия, Германия каби хорижий мамлакатлар музейларида, хусусий тўпламларда сақланади.

Ад.: Собир Раҳметов (Каталог). Т., 2000.

РАҲМОНБЕРГАНОВ Каримберган (1870 — Хива — 1959) — тоштарош уста, муҳркан, қандакор. Бобоси Худойберган муҳркан ва отаси уста Раҳмонберган Худойбергановлар б-н бирга ишлаб ҳунар ўрганган. Бобоси б-н Хива хони Муҳаммад Раҳим II ва Исфандиёрхон ҳовли саройидаги, Кўҳна, Исломхўжа мадрасаси айвонларидаги устунларга мармардан ўйма нақшли пойпустун (ўратош)лар ишлаган; отаси б-н Хиванинг меъморий обидалари (Тошҳовли, Кўҳна Арк ва б.)ни таъмирлашда қатнашган. Р. Тошкентдаги Навоий театрининг Хива залини безаш учун нафис нақшлар б-н безатилган мармар намоёнлар яратган.

РАҲМОНОВ Баҳром (1915.5.5 — Тошкент — 1961.5.4) — драматург, публицист. Тошкент юридик ин-тини тугатган (1936). Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида (1946—48) ва «Қизил Ўзбекистон» газ. бўлим мудири, муҳаррир ўринбосари (1948—50). Ўзбекистон КП МКда бўлим мудири (1950—52), Ўзбекистон Маданият вазирлиги Санъат ишлари бошқармаси бошлиғи (1953—55). Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котиби (1958—61). «Юрак сирлари» (1953) комедияси, «Сурмахон» драмаси (1955), «Бир тўй мажараси» (1956, ҳамкорликда), «Сўнгги нусхалар» (1959—60), «Қилмиш-қидирмиш» (1960—61) каби кўп пардали ҳамда «Ўзи бошқа-ю, сўзи бошқа» (1955), «Ҳасад ва муҳаббат» (1957), «Хўжайин кўнди» (1958) сингари бир пардали комедиялар муаллифи. «Мардлар қиссаси» драмаси (1958) фуқаролар уруши воқеаларига бағишланган.

РАҲМОНОВ Бекжон, Мулла Бекчон (1887, Хива — 1929, Амударё) — *Ёш хивачиклар* партиясининг арбоби, маърифатпарвар. Хивада мадраса таълимини олиб, Истанбул дорилфунуни (1913—18)да таҳсил кўрган. Хоразмга қайтгач, *жадидчилик* ҳаракатида фаол қатнашган. Хивада хонлик тузуми ағдариб ташлангач, ХХСРда маориф вазири (1920—21); МИК иш бошқарувчиси (1921 й.дан); «Инқилоб қўёши» газ.сининг муҳаррири (1920—1921). Унинг ташаббуси б-н Хоразмда кўплаб мактаблар (ўзбек ва туркман тилларида) очилган, 1921 й. сент.да Хивада халқ ун-ти ташкил қилинган. Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилгач, Хоразм округи (вилояти) халқ маориф бўлими мудири (1925—26) ва б. лавозимларда ишлаган. Хоразм ўзбекларининг мусиқа тарихига оид тадқиқотлар ва турли дарсликлар муаллифи. Амударё (кемасининг ичи)да совет чекистлари томонидан фожиали ўлдирилган.

Ад.: Валидий, Бўлинганни бўри ер (Хотиралар). Т., 1997; Маткаримов М., Хоразм республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди, Урганч, 1993.

РАҲМОНОВ Мамажон (1914.21.12, Қўқон) — театршунос олим. Ўзбекистон ФА акад. (2000). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1975). Санъатшунослик д-ри (1968), проф. (1969). Москва молия ин-тини (1936), Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1954). Ўзбекистон санъат ишлари Бошқармасида бўлим бошлиғи (1938—42), Ўзбекистон давлат филармонияси (1942), Муқимий театри (1943—49), Москва консерваторияси қошидаги ўзбек опера студияси (1949—51), Навоий театри (1957—60 ва 1970—76) директори.

Тошкент консерваторияси (1976—79), Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-ти (1979—85) ректори. Санъатшунослик ин-тининг театр ва хореография бўлимининг мудири (1960—76; 1985 йдан етакчи илмий ходим). Илмий асарларида ўзбек театри тарихи, Ҳамзанинг драматургия ва театр санъати соҳасидаги фаолияти, Ўзбек миллий академик драма театрининг босиб ўтган йўли тадқиқ қилинган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1983). «Эл-юрт ҳурмати» ордени (2000) ва «Шуҳрат» медали (1994) б-н мукофотланган.

Ас.: Ҳамза ва ўзбек театри, Т., 1959; Ўзбек театри тарихи (18—20-а.лар), Т., 1968; Шукур Бурҳонов, Т., 1974 (ҳамкорликда); Ўзбекистон театри (қадимдан 18-а.га қадар), Т., 1981; Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театри (1914—1960), Т., 2001.

РАҲМОНОВ Собир (1910.20.3 — Наманган — 1990.2.12) — Ўзбекистон халқ артисти (1961). Дастлаб (1927—31) «Тангқилий труппа»да, 1931 йдан Наманган театрида ишлаган. Р. ўзбек театрининг ўткир характерли, комик актёрларидан. Ҳидоятхон, Мулладўст, Ҳолмат (Ҳамза, «Майсаранинг иши», «Бой ила хизматчи»), Қўзиев (А. Қаҳҳор, «Шоҳи сўзана»), Тошболта (Ҳ. Ғулом, «Тошболта ошиқ»), Ҳусурхўжа (К. Яшин, «Нурхон»), Хўжа Насриддин (А. Хачатуров, Л. Соловьёва, «Нас-риддин афанди»), Хлестаков (Н. Гоголь, «Ревизор»), Масхара (У. Шекс-пир, «Қирол Лир»), Заргаров (А. Қаҳҳор, «Оғриқ тишлар»), Гоф Маршал (Ф. Шиллер, «Макр ва муҳаббат»), Каблайи (Урлуболди, «Беш сўмлик келин») каби роллари унга катта шуҳрат келтирди. Унинг қаҳрамонлари енгил киноя, пичинг бўёқлари б-н йўгрилганлиги, психологик ҳолат ва имкониятларни бўртириб кўрсатиши б-н ажралиб туради. Р. концерт-эстрада фаолиятида комик артист сифатида ўз репертуари («Нозигим», «Майда пул», «Иккалар», «Даданг келмади», «Данғаса», «Ичмайман ҳаргиз» ва б. кулгили томошалар)ни яратган. Бир қанча ҳажвий ва юмористик кичик ҳикоялар ижод қилиб «бир актёр театри» сифатида ижро этган.

РАҲМОНОВ Файбулло (1940.2.9, Қашқадарё вилояти, ҳоз. Касби тумани Хўжаҳайрон қишлоғи) — қ.х. новатори, Ўзбекистон Қаҳрамони (1999). Меҳнат фаолиятини Касби туманидаги ҳоз. Навоий номидаги ширкат хўжалигида тракторчиликдан бошлаган. Шароф Рашидов номидаги ширкат хўжалигида пахтачилик бригадаси бошлиғи (1975—82). 1982—86 йлларда бўлим бошқарувчиси. 1986 йдан шу хўжаликда оилавий пудратчи. Р. раҳбарлик қилган жамоа узоқ йиллар давомида пахта, галладан юқори ҳосил етиштиришга эришди. 1998 йда 38 га майдондан 38,5 центнердан пахта, 60 га майдондан 42,3 центнердан галла (2002 йда 48 га майдондан 62 н дан галла, 46 га ердан 43 н дан пахта) ҳосили олинди.

РАҲМОНОВА Бўстон (1949.20.12, Қарши тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). ТошДУ ни тугатган (1971). 1971 йдан Нишон туманидаги мактабларда, 2000 йдан Қарши туманидаги 20-мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси. Дарсларни янги педагогик технологиялар асосида ўтади.

РАҲМОНОВА Дилором Бухаровна (1958.20.2, Яккабоғ тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Тошкент педагогика ин-тини тугатган (1981). 1978 йдан Яккабоғ туманидаги 33-мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси. Ноанъанавий дарс усулларидан фойдаланади.

РАҲМОНОВА Мунаввар (1949.14.11, ҳоз. Хўжанд ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1996). Самарқанд педагогика ин-тини тугатган (1972). 1972 йдан Қўшкўпир туманидаги 2-, 1980 йдан 25-мактабда рус тили ва адабиёти ўқитувчиси. Таълим беришда халқ пед.си тажрибаларидан, ноанъанавий дарс усулларидан фойдаланади.

РАҲМОНОВА Тўхта (1921.5.6, Тўрткўл — 1984.4.2, Нукус) — қорақалпоқ актрисаси. Ўзбекистон халқ артисти (1950). 1934 йдан Станиславский номидаги Қорақалпоқ театрида ишлаган. Табиатан жарангдор овози б-н мусиқали драма жанрида драма ва вокал композицияларини уйғунлаштирган ҳолда тўлақонли образлар яратди. Қорақалпоқ театрининг мусиқали драма жанридаги ютуқлари Р. ижоли б-н боғлиқ. Гулсара («Гулсара»), Лайли («Лайли ва Мажнун»), Ойпари («Куклен-ботир»), Гулпарчин («Алпомиш»), Ойсанам («Суймаганга суйканма»), Ойгул («Ойгул ва Обод»), Шоҳсанам («Оппоқ Ғариб») каби роллари б-н шуҳрат қозонди. Хонанда сифатида ўзбек ва қорақалпоқ қўшиқларини ижро этган.

РАҲМОНҚУЛОВ Ҳожиакбар (1925.9.2, Чимкент вилояти Сайрам тумани) — ҳуқуқшунос олим, Ўзбекистон ФА акад. (2000), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1990). Юридик фанлари д-ри (1970), 2-жаҳон уруши қатнашчиси. Тошкент юридик ин-тини тугатган (1950). Ўзбекистон Адлия вазирлиги бошқармасида катта тафтишчи (1950—51, 1956—57). Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институтида аспирант, кичик илмий ходим, катта илмий ходим, шўъба, бўлим мудири (1957—80, 1985—91), директор (1991—97). СамДУ кафедра мудири (1980—85). Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида маслаҳатчи (1991). Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги академиясида проф., 1999 йдан Тошкент юридик ин-тида кафедра мудири. «Жасорат» медали б-н мукофотланган (1994).

Ас.: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1-қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар, Т., 1997; Одил-судда шартномаси, Т., 2000; Хусусий мулк ва унинг ҳаҳлланиши, Т., 2000; Халқаро хусусий ҳуқуқ (дарслик; ҳаммуаллифликда), Т., 2002.

РАҲМОНҚУЛОВА Ҳикоят (1950.16.9, Пахтачи тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1996). Бухоро педагогика ин-тини тугатган (1972). 1972 йдан Пахтачи туманидаги 25-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси. Фаолияти давомида таълим ва тарбия бирлигини таъминлашга, миллийлик, миллий анъана ва қадриятларга ҳурмат ва садоқат руҳида дарс ўтишга алоҳида эътибор берган.

РДЕСТЛАР (Potanogeton) — рдестдошлар оиласига мансуб ўтсимон ўсимликлар туркуми. Сув остида ёки сув бетида ўсадиган ўсимликлар. Иккала ярим шарнинг иссиқ ва мўътадил худудларидаги чучук сув ҳавзаларида ўсадиган 100 га яқин тури бор. Р. сув ҳавзаларида қалин ўсиб, сув «гуллашни»га сабаб бўлади. Сув остидаги қисмларн орасида балиқларга овқат бўладиган майда жонивор ва личинкалар яшайди. Р.нинг баъзи турларини сув парандалари (мас., ўрдаклар) яхши ейди.

РЕ... (лот. re...) — ўзлашма сўзлар таркибида олд қўшимча бўлиб: 1) муайян ҳаракат ёки воқеа-ҳодисанинг қайтарилишини, такрорланишини, янгидан бошланишини (мас., *реконструкция, реанимация*;) 2) қарамақарши ҳаракатни, қарши акс таъсирни (мас., *реакция, рецепт* ва б.)ларида.

РЕАБИЛИТАЦИЯ (лот. rehabilitatio — тиклаш) (тиббиётда) — организмнинг бузилган функциясини ва беморлар ҳамда ногиронларнинг меҳнат қобилиятини тиклашга қаратилган тиббий, педагогик ва ижтимоий чоратадбирлар мажмуи. Огир касалликлар (*инфаркт миокарди, инсулт*, орқа мия шикастланишлари, умуртқа погонаси ва бўғимларнинг шакли ўзгаришн б-н кечадиган касалликлари); марказий нерв системасининг жиддий зарарланишлари, руҳни касалликлар ва б.га учраган беморлар Р.га кўпроқ муҳтож бўладилар.

Тиббий Р. касаллик туфайли функциясини йўқотган аъзо фаолиятини қисман ёки тўлиқ тиклаш ёки касалликдан соқлиги авж олаётган жараённинг илдиз борича олдини олишга қаратилади. Р. бўлими бор касалхоналар, н.т. институтлари, маҳаллий курорт ва санаторияларда Р.ни амалга ошириш ҳар бир беморнинг умумий аҳволидан келиб чиққан ҳолда касалликнинг шакли ва кечишига қараб белгиланади.

РЕАБИЛИТАЦИЯ — ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари томонидан жиноят содир этишда асоссиз гумон қилинган ёхуд айбланган шахс шаъни ва қадр-қимматининг тикланиши. Р. *инсон ҳуқуқларини* кафолатлашнинг ўзига хос тури.

Р. ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаровий жамият қурилишнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. ЎзР да шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, шунингдек, халқаро ҳужжатлар б-н муҳофаза қилинади ва кафолатланади. 1930—40 йлардаги қатағон қурбонларининг хотирасини абадийлаштиришда ҳамда уларнинг шаъни ва қадр-қимматини тиклашга қаратилган норматив ҳужжатларда Р. қўллаш назарда тутилган. Шунингдек, шўролар даврида мамлакатнинг олис жойларига мажбурий равишда кўчирилган халқ-лар ва айрим фуқаролар ҳам Р. қилинди. Р. қилинган шахсга нисбатан гайриқонуний процессуал мажбурлов чоралари қўлланган, чунончи ушлаб турилган, қамоқда сақланган, эгалланган лавозимидан четлаштирилган, тиббий муассасага жойлаштирилган бўлса, унга етказилган моддий ва маънавий зиён қопланиши, унинг барча ҳуқуқлари тикланиши шарт.

Р. тўла ёки қисман Р. кўринишида бўлади. Жавобгарликдан батамом озод қилинган айбсиз шахс тўла Р. қилинган ҳисобланади. Агар шахс қамоқда сақлаб турилганига қарағанда камроқ муддатга озодликдан маҳрум этилган ёки қамоқ б-н бошқа бўлмаган жазога ҳукм қилинган, айбловчи қисман чиқариб ташланган, юқори суд озодликдан маҳрум қилиш муддатини ўтаган қисмидан ҳам камайтирилган ёхуд енгилроқ жазо тури б-н алмаштирган, жиноий жазо тайинламай ҳукм чиқарган бўлса, у қисман Р. қилинган бўлади. Тўла ёки қисман Р. этилган шахсга зиён тегишлича тўла ҳажмда ёхуд қисман қопланиши лозим. Р. қилинганни лавозимига тиклаш, ишлашдан маҳрум бўлган вақтини меҳнат ва ихтисослик стажига қўшиш, ўқув юртида ўқиш ва уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқларини тиклаш тартиби бор. Шахс ушлаб турилгани, қамалгани, лавозимидан четлаштирилгани, тиббий муассасага жойлаштирилгани ҳақидаги маълумотлар оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилган бўлса, у Р. қилингани ҳақида ўша оммавий ахборот воситаларида хабар бериниши шарт. Р. этилган шахс вафот этган тақдирда унга етказилган моддий зиён унинг меросхўрлари ва оила аъзолари фойдасига ундирилади. Зиённинг миқдорини суд белгилайди. Мулкий зиён тўланишини манфаатдор шахслар терговчи, прокурор ёки суддан 2 йил мобайнида, бошқа ҳуқуқларни тиклашни 1 йил мобайнида талаб қилишлари мумкин (Ўзбекистон Республикаси ЖПК, 301—313-моддалар).

Ғафур Абдумажидов.

РЕАГЕНТЛАР — қ. *Кимёвий реактивлар.*

РЕАКТИВ АРТИЛЛЕРИЯ — реактив снаряд (мина)ларни отиш учун мўлжалланган *артиллерия* тури. *Реактив двигатель*нинг тортиш кучи ҳисобига снарядлар мўлжалга етказилади. Душманнинг жонли кучлари, жанговар техникаси, ядро ҳужуми воситаларини қаср., ядро ҳужуми воситаларини шикастлаш ва мудофаа иншоотларини бузиш мақсадида снарядларни залп б-н отиш (бирданига 6, 8, 10, 12, 16, 32 ва ҳ.к снарядни отиш) учун мўлжалланган. Реактив снарядлар ва уларни отувчи қурилмалардан иборат. Снаряд (мина)ларнинг нишонга тўғри боришини стабилизаторлар таъминлайди. Ҳар қайси снарядда реактив двигатель бўлгани учун уни отишда мураккаб ва катта артиллерия тизими талаб қилинмайди. Р.а.нинг отувчи қурилмалари танк, бронетранспортёр ва автомашиналарга ўрнатилади. Р. а. биринчи марта 20-а. 30-йларида СССРда яратилган, 2-жаҳон урушида кенг қўлланилган.

Реактив артиллерия. БМ-13 реактив тизими («Катюша»).

Р.ада стволли ва стволсиз артиллерия тизимлари ишлатилади. Стволли тизимда стволлар сони 10—45 та, снаряд (мина)ларни отиш узоқлиги 15—25 км ни ташкил қилади. Стволсиз тизимда тутунсиз порохли снарядлар қўлланади. Ана шундай дала Р.а.сининг стволсиз тизими 2-жаҳон уруши пайтида норасмий равишда «Катюша» деб аталди (бу қуроллан биринчи жанговар залп 1941 й. 14 июлда амалга оширилди). «Катюша» 2-жаҳон урушида жуда муҳим роль ўйнади. 2-жаҳон урушида Р.а. Германия армиясида ҳам (5, 6 ва 10 стволли миномётлар), АҚШ армиясида ҳам (114,3 мм ва 182 мм ли реактив тизимлар) қўлланилди. Урушдан кейин кўп мамлакатларнинг армияларида ҳам Р.а. кенг тарқалди.

РЕАКТИВ ДВИГАТЕЛЬ — иш жисми (одатда, ёнилғи ёнишидан ҳосил бўладиган газсимон моддалар) оқими ҳисобига *реактив куч* (тортиш кучи) ҳосил қиладиган *двигатель*. Р.д.да турли хил энергия (иссиқлик, ядро, қуёш ва электр энергияси, кимёвий энергия)нинг механик энергияга айланиши ҳисобига иш жисми оқимининг кинетик энергияси вужудга келади, бундан ташқари, иш жисми двигателдан отилиб чиққанда акс куч пайдо бўлиб, двигателни итаради (расмга қ.). Шунинг учун Р.д.ни мураккаб яхлит тизим де-йиш мумкин. Бу тизим бирламчи (даст-лабки) энергия манбаи (мас., қуёш энергияси), иш жисми ва энергияни бир турдан иккинчи турга айлантирувчи қурилма (яъни Р.д.нинг ўзи) дан иборат бўлади.

Реактив ҳаракат тушунчаси қадимдан маълум. *Герон* яратган шарни Р. д.нинг



Реактив двигатель. Авиация реактив двигателлари схемалари: **А**. *1* — ҳаво сўргич; *2* — кўп поғонали компрессор; *3* — ёниш камераси; 4 — соплo. **Б.** *1* — ҳаво сўргич; *2* — компрессор; *3* — ёниш камераси; *4* — турбина; *5* — форсаж камера; *6* — сопло. **В.** *1* — ҳаво винти; *2* — редуктор; *3* — ёниш камераси; *4* — сопло. **Г.** *1* — иккинчи контур компрессори; *2* — биринчи контур компрессори; *3* — ёниш камераси; *4* — форсаж камера; *5* — сопло.

ажлоди дейиш мумкин. 10-а.дан Хитойда порохли ракеталар пайдо бўлди ва Шарқда, кейинчалик Европада мушакбозлик, сигнал ва жанговар ракеталар сифатида бир неча аср мобайнида қўлланилиб келди. Ва, ниҳоят, 20-а. бошига келиб (1903) К.Э. *Циолковский* суюқ ёнилғили Р.д.нинг асосини таклиф этди. Р. *Годдард* 1926 й. суюқ ёнилғили ракеталарни учирди. В. П. *Глушко* жаҳонда биринчилар қаторида суюқликли реактив двигателни яратди. Унинг раҳбарлигида электротермик Р.д. яратилди ва синалди. 2-жаҳон уруши (1939—45) йилларида ҳаво-реактив двигателлари самолётларга ўрнатилди. Урушдан кейинги йилларда электр ракета двигателлари ва ядро ракета двигателлари яратилди. Р.д. борган сари такомиллаштирилиб борилмоқда.

Р.д. ишлаётган пайтда атрофдаги муҳит (ҳаво)дан фойдаланиши ёки фойдаланмаслигига қараб, 2 асосий гуруҳга бўлинади. Атрофдаги ҳаводан фойдаланадиган Р.д. ҳаво-реактив двигатели, фойдаланилмайдигани *ракета двигатели* (РД) деб аталади. Барча ҳаво-реактив двигателларида энергия манбаи — ёнилғигина двигатель бортида бўлади, иш жисмининг ранчагина қисми (ҳаво) эса атроф муҳитдан олинади. РД да эса иш жисмининг барча компонентлари унинг бортида бўлади. Р. д. техника (авиация, космонавтика ва б.) да қўлланади.

РЕАКТИВ КУЧ, реактив тортиш кучи — *реактив двигатель* соплосидан чиқаётган газ оқимининг реакция (итариш) кучи. Р.к. двигателнинг ички ва ташқи сиртига таъсир қилаётган кучларнинг тенг таъсир этувчиси ҳисобланади. Двигатель ташқи сиртининг ҳар бир элементи (dS юзасида атмосфера босими, ички эса атмосфера босимига нисбатан катта бўлган двигатель иш жисми (газнинг босими мавжуд. Р.к. сопло ўқи бўйлаб, газ оқимининг тезлик векторига қарама-қарши йўналган бўлади. Р. к.дан техникада, хусусан, космонавтикада кенг фойдаланилади.

РЕАКТИВ ТУРБИНА — иш жисми (газ, бут. суюқлик) нинг потенциал энергиясини кинетик энергияга айлантириб берадиган қурилма. Бунда потенциал энергия фақат қўзғалмас соплоли аппаратнинг парракли каналларидагина эмас, айланувчи иш гилдирагининг парракли каналларида ҳам кинетик энергияга айланади (бу каналларда иш жисми оқимининг реактив кучи вужудга келади). Иш гилдирагининг парракли каналларида вужудга келган потенциал энергия миқдорининг умумий фойдаланилган энергияга нисбати реактивлик даражаси деб аталади. Амалда барча турбиналар муайян реактивлик даражаси б-н ишлайди, лекин реактивлик даражаси 0,5 дан кичик бўлмаган турбинагина Р.т. ҳисобланади. Р.т.нинг актив (фаол) турбина, реактив газ турбинаси, гидротурбина ва *буғ турбиналари* каби турлари маълум.

РЕАКТИВ ҚАРШИЛИК — ўзгарувчан электр токига электр сиғим ва занжир (ёки унинг бир қисми) индуктивлиги кўрсатадиган қаршилик (қ. *Индуктивлик*). Электр занжирининг тўла қаршилиги $Z=r+i(R_L+R_c)$ нинг мавҳум қисми, бу ерда r— электр занжирининг фаол қаршилиги, $R_L=\omega L$— индуктив қаршилиги, $R_c=1/\omega C=U_c/I$ — сиғим қаршилиги; бунда ω — токнинг ўзгариш частотаси, L — ўтказгич индуктивлиги, C — ўтказгич сиғими, U_c— сиғимдаги кучланишнинг амплитуда қиймати, I — занжирдаги токнинг амплитуда қиймати. Ўзгарувчан ток занжирида индуктивлик ёки сиғимнинг бўлиши ток ва кучланиш фазаларининг бир-бирига нисбатан силжишига сабаб бўлади. Индуктив қаршилик бўлганда занжирда ўзиндукция э.ю.к. ҳосил бўлиши сабабли ток фаза жиҳатдан берилган кучланишдан орқада қолади, сиғим қаршилик бўлганда эса ток фаза жиҳатдан кучланишдан олдинда кетади.

РЕАКТИВ ҲАРАКАТ — ҳаракатланаётган жисм (*реактив двигатель*, снаряд ва б.) дан чиқаётган газ, бут ва б. иш жисмлари таъсирида вужудга келадиган ҳаракат. Р.ҳни реактив тортиш кучи ҳосил қилади. Реактив тортиш кучи — иш жисми (енилғи ёнишидан ҳосил бўладиган газсимон модда)ларининг двигателнинг иш сиртига кўрсатаётган босимига тенг таъсир этувчи куч. Р.ҳ реактив двигателларда юз беради (қ. *Реактив куч*).

РЕАКТИВЛАР —қ. *Кимёвий реактивлар.*

РЕАКТОР (*ре...* ва лот. actor — ҳаракатга келтирувчи) — 1) электр Р. — қисқа туташув токини чеклаш ва тармоқда қисқа туташув содир бўлганда тақсимлаш қурилмалари шиналарида етарлича кучланишни тутиб турувчи юқори вольтли электр аппарати. Индуктивлик галтагига ўхшаш ясалади. Электр узатувчи линиянинг сиғим ўтказувчанлигини компенсациялайдиган шунтловчи Р., қисқа туташиш токини чеклайдиган ток чекловчи Р., ерга улаш сиғим токларини компенсациялайдиган, ерга уланадиган, ёй сўндирувчи Р.ларга бўлинади; 2) кимёвий Р. — кимёвий реакцияларни ўтказиладиган аппарат. Аломатларига кўра, гомоген тизимлар ва гетероген тизимларда ўтказиладиган реакциялар учун паст, ўртача ва юқори босимли хилларга бўлинади. Саноатда колонка, камера, автоклав ва б. номлар б-н аталади; 3) биологик Р. (ферментёр) — микроорганизмларни озуқа муҳитида ва ҳолн шароитда кўпайтириб турли биологик маҳсулотлар олишга мўлжалланган аппарат. Даврий ва узлуксиз ўстириш, аэроб (аэрация учун ҳаво бериб турилади)ган) ва анаэроб ўстириш хилларига бўлинади; 4) ядро Р.и — бошқариладиган занжир реакцияси — атом ядроларининг парчаланиш реакцияси содир бўладиган қурилма. Биринчи ядро Р. АҚШ да (1942), кейин СССРда (1946) ишга туширилган (яна қ. *Атом реактори*).

РЕАКЦИЯ (*ре...* ва лот. actio — ҳаракат) —1) (психологияда) — инсон ва унинг танҳ аъзолари томонидан муайян ташқи ва ички қўзғатувчиларга нисбатан қайтариладиган жавоб ҳаракати. Р. таассурот, қўзғатгич, қандайдир таъсир этишнинг жавоби сифатида пайдо бўлувчи ҳиссий ҳолат, жараён ёки ҳаракатдир. Ҳар қандай Р. ўз кечишининг шакли, тезлиги каби хусусиятлари б-н тавсифланади. Оддий психик Р. вақти 100 дан 250 миллисекундгача бўлиши мумкин. Р. тавсифларининг ўзгариши психометрия соҳасини вужудга келтирди. Психологияда ва унга ёндош фанларда таснифлаш асосида ётувчи аломатларга боғлиқ тарзда Р. хулқий, физиологик, ҳиссий, ихтиёрий, ихтиёрсиз каби турларга ажратилади; 2) кимёвий, физик ёки биологик таъсир пули б-н тескарилар ўтказиш (қ. *Кимёвий реакциялар, Вассерман реакцияси*); 3) умри тутаган ижтимоий тартибларни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш мақсадида ижтимоий тараққиётга зўр бериб қаршилик кўрсатиш.

РЕАЛ ГАЗ — зарраларн молекула (атом) ларининг ўзаро таъсирига боғлиқ газ. Оддий шароитда молекулаларнинг ўртача потенциал энергияси кинетик энергиясидан анча кичик бўлганда Р.г.ни *идеал газ* деб ҳисоблаш мумкин. Бунда Р.г. идеал газ қонунларига бўйсунади. Юқори босим ва паст т-раларда Р.г. идеал газдан кескин фарқ қилади. Р.г. ҳолатининг яримэмпирик ва назарий тенгламалари ҳам мавжуд, мас., *Ван-дер-Ваальс тенгламаси* (яна қ. *Газлар*).

РЕАЛ ДАРОМАД — аҳолининг пул даромадларига сотиб олиши мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори. Р.д. аҳолининг турмуш даражасини ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Р.д., одатда, сотиб олиш мумкин бўлган мол-мулк ва товар-моддий бойликлар миқдори б-н ўлчанади. Агар пул даромади истеъмол бозоридаги *нарх*ларга нисбатан тезроқ ўсса Р.д. ҳам ошиб боради.

Р.д.ни кўпайтириш учун нархларнинг кескин кўтарилиб кетишининг олдини олиш, иш ҳақини индексациялаш, импорт ўрнини босувчи товарлар и.ч.ни кенгайтириб, экспорт даромадларини кўпайтириб бориш каби чора-тадбирлар амалга оширилади (яна қ. *Аҳоли даромадлари, Реал иш ҳақи*).

РЕАЛ ИШ ҲАҚИ — моддий неъмат ва маиший хизматларда ифодланган, иш ҳақига сотиб олиш мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдори; истеъмолчилар ўзларининг ҳақиқий иш ҳақларига амалда қандай миқдорда истеъмол неъматлари сотиб олишлари ва хизматлардан фойдаланишлари мумкинлигини кўрсатади. Р.и.ҳ. ҳам *номинал иш ҳақи* миқдори, ҳам истеъмол товарлари ва хизматлар нархлари даражаси, шунингдек, иш ҳақидан тўланадиган солиқлар ҳажми б-н белгиланади. Р.и.ҳ., инфляция шароитларида, агар инфляция иш ҳақини ошириш, индексациялаш б-н қопланмайдиган бўлса, пасайиб кетади. Р.и.ҳ.и бошқа шароитлар бир хил бўлганда, номинал иш ҳақига тўғри мутаносиб, истеъмол буюмлари ва хизматлар нархи даражасига тескари мутаносибдир. Бу миқдорлар нисбатини формулада қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$V_r=\frac{V_n}{P},$$

бу ерда V_r — реал иш ҳақи; V_n — номинал иш ҳақи; P — истеъмол буюмлари ва хизматлар нархлари даражаси.

РЕАЛИЗМ (лот. realis — моддий, ҳақиқий) — фалсафий йўналиш. Унга кўра, онгдан ташқаридаги мавжуд реаллик гўё идеал объектларнинг мавжудлигидан (Платон, ўрта аср схоластикаси) ёки субъект, билиш жараёни ва тажрибага боғлиқ бўлмаган билиш объектидан (20-а. фалсафий Р.и) иборатдир. Ўрта аср Р.и универсалийлар (умумий тушунчалар) реал ва онгга уқтирган (қ. *Номинализм*). Ҳоз. замон фалсафасида реалистик оқимлар устуворлик қилади. Замонавий Р.нинг муаммоларини тасвирлаш тамойили устувор аҳамиятга эга. Бинобарин, Р. адабиёти жаҳон адабиёти тараққиётидаги энг юксак босқич ҳисобланади.

Р. кенг маънода Гомер ва Данте, Шекспир ва Расин, Фирдавсий ва Навоий ижодига ҳам хос хусусият, зеро, ҳаётийлик ва самимийлик бу мумтоз ижодкорларнинг асарларида катта маҳорат б-н ифода этилган. Аммо Р. адабий метод ёки адабий йўналиш сифатида ёзувчидан воқеликни ҳаётий ва ҳаққоний акс эттириш тамойилига изчил риоя этишни, инсон ва ташқи оламни онгли равишда ўрганиш ва билишини тақозо этади. Шу маънода жаҳон адабиёти 19-а.га келибгина ўз тараққиётининг Р. методига асосланган янги босқичига эришди.

Р.нинг метод сифатида пайдо бўлиш вақти масаласида адабиётшуносликда турлича қарашлар мавжуд. Айрим талқиқотчилар ҳаётни реалистик тасвирлаш усуллари қадим замонлардан бери давом этиб келаётгани ва бу усулларнинг турли босқичларни босиб ўтганини назарда тутиб, антик Р, Уйғониш даври Р.и, маърифатпарварлик Р.и ва социалистик Р. тушунчаларининг мавжудлиги ҳақидаги қарашларни олга суриб келадилар. Бошқа талқиқотчиларнинг фикрига кўра, Р. ижодий метод сифатида 18-а.да оилавий-маиший ва ижтимоий-маиший романлар яратилиши б-н бир вақтда майдонга келган. Р.нинг 19-а. 30-йларида Европа адабиётида шакллана бошлаганлиги ҳақидаги фикр аксар адабиётшунослар томонидан қабул қилинган бўлиб, бу фикр Европа халқлари адабиётларида воқеликни ҳаққоний тасвирлаш тамойили юксак ижтимоий-таҳлилий шаклларда кенг ва теран ифодаланганлиги б-н тасдиқланади.

Романтизм б-н 19-а.нинг 1-ярмидаги Р. ўртасида аниқ чегара йўқ. Бу ҳол О. *Бальзак* («Сағри тери тилсими»), Г. *Стендаль* («Парм ибодатхонаси»), В. *Гюго*, қисман Ч. *Диккенс* асарларида ёрқин кўринади. Айни пайтда романтик мотивлар реалистик асарларнинг бадиий тўқимасида яшашла узоқ вақт давом этди (Стендалнинг «Қизил ва қора», М. Ю. *Лермонтов*нинг «Замонамиз қаҳрамони» ва б.). 19-а. ўрталарида Европа адабиётларининг романтизм анъаналаридан кескин узоқлашиши б-н Р.нинг метод сифатида шаклланишида янги давр бошланди (Г. *Флобер*, Г. *Мопассан*, У. *Теккерей* ва б).

Россия 19-а.нинг 20—30-й.ларида А.С. *Пушкин* («Евгений Онегин», «Борис Годунов», «Капитан қизи», сўнгги давр лирикаси), шунингдек, А. С. *Грибоедов* («Ақллилик балоси»), И. А. *Крилов* (масаллар) асарлари б-н Р.га пойдевор қўйилди. Кейинчалик И. А. *Гончаров*, И. С. *Тургенев*, Н. А. *Некрасов*, А.Н. *Островский* ва б. рус адабиётида Р.нинг узил-кесил қарор топишига муҳим ҳисса қўшдилар. 19-а. рус адабиётида воқеликдаги салбий ҳолатлар бутун кескинлиги б-н фош этилганлиги сабабли А. М. *Горький* бу давр Р.ини танқидий Р. деб атаган. Н. В. *Гоголь* асарларида, айниқса, яққол кўринган танқидий Р. анъаналари А. П. *Чехов* ва қисман А. М. Горький ижодида давом эт-

тирилди ва ранжлантирилди. Л. Н. *Толстой* ва Ф. М. *Достоевский* асарлари рус Р.нинг чўққиси ҳисобланади.

20-в.нинг 30-йилларида социалистик Р. методининг сунъий равишда ўйлаб топилиши ва ёзувчилардан шу метод асосида ёзишнинг талаб қилиниши натижасида Р. анъаналаридан узоқлашиш жараёни бошланди ва бу жараён шаклга сиғдирилган фожиалари фош этилган 60-йилларга қадар давом этди.

Ўзбек адабиётида қайтиш реализмга асос солган ижодкорлар сирасига Ғ. Ғулом, *Миртемир*, *Ғ.Ғулом*, *Қайғай*, *Ойбек*, *Ғафур Ғулом* («Шум бола», «Егор», уруш йиллари лирикаси). Шуларнинг ичида *Ҳамид Олимжон* («Зайнаб», «Зайнаб ва Омон», лирика), *Шайхзода* («Мирзо Улуғбек», лирика), *Миртемир*, *Зулфия* ва б. ёзувчиларнинг хизматлари катта. Социалистик Р. «янги система» деб эътироф этилган 60—70-йилларда *Шуҳрат* («Шинелли йиллар»), О. *Ёқубов*, «Улуғбек хазинаси»), П. *Қодиров* («Юлдузли тунлар»), Э. *Воҳидов*, А. *Орипов*, *Рауф Парфи*, *Омон Матжон*, кейинчалик Х. *Ҳотамов*, *Тоғай Мурод* ва б. ёзувчилар ижоди туфайли ўзбек адабиётидаги Р. ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилди. Ўзбек адабиётида Р.нинг қарор топиши, бир томондан, миллий адабий шаклдан озиқланиш, иккинчи томондан, рус ва жаҳон реалистик адабиётининг энг илғор анъаналари ва тажрибаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Таассурот санъати. Р. ижодкорга ҳаётдан сарҳисоб олиш муҳим фурсат ва ҳодисаларни умумий ҳолда акс эттиради. Санъат турлари ва жанрларига Р. анъаналари турлича кўринишларда намоён бўлади. Реалистик санъат методи ижодкор ва ижодкорлар ижодий услубининг ўзига хос хусусиятларини ҳам, кўпгина кузатишга мойил бўлган шахсларнинг индивидуал санъат имкониятларини ҳам акс эттиради. Ўзбек халқ театрида Р. элементлари қадимдан мавжуд эди. Профессионал театрлар саҳнасида Р. драматургиясининг асарлари саҳналаштирилди. Ўзбек актёрлари Европа реалист актёрларининг ижодидан самарали фойдаландилар. Роль ижро этишни таъминловчи: қаҳрамон муҳим томонларини мукаммал ифодалаш воситалари ҳаракатлар изчиллиги, объектив акс эттириш; типик шароитларда типик характерларни ижодий равишда яратиш; қаҳрамон ички кечинмаларини ташқи ҳаракатлар орқали очиш; ҳаётий ҳодисаларга ўзига хос ёндашиш; асарда ёзувчи фантазиясининг шароит имкониятларини (вақт, макон, муҳит, воқеалар ва ҳ.к.лар) ижодий фойдаланиши ҳоказолар. 20-а. Р.идаги бу ҳолатлар билан бирга таъсирнинг қайтиш ҳодисасига ҳам қизиқиш ошди ва ёзувчилар ижодкорни ўз асарларида ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам ҳар томонлама ўрганишга ундади. Ижодкорнинг ўзини ўзи ўрганиши ва ўзгаларни ўрганиши ўзаро боғлиқ ҳолда кечади. Ижодкорнинг ўзини ўзи ўрганиши ўзининг ички дунёсини, ҳаётий ва ижодий принципларини, ижодий имкониятларини, ижодий ютуқ ва камчиликларини англаш, ижодий ривожланиш йўлларини белгилаш, ижодий ишларни режалаштириш, ижодий ишларнинг бажарилишини назорат қилиш, ижодий ишларнинг натижаларини таҳлил қилиш, ижодий ишларнинг самарадорлигини ошириш, ижодий ишларнинг сифатини яхшилаш, ижодий ишларнинг ижтимоий аҳамиятини ошириш, ижодий ишларнинг халқаро аҳамиятини ошириш, ижодий ишларнинг миллий аҳамиятини ошириш, ижодий ишларнинг маданий аҳамиятини ошириш, ижодий ишларнинг илмий аҳамиятини ошириш, ижодий ишларнинг амалий аҳамиятини ошириш, ижодий ишларнинг назарий аҳамиятини ошириш, ижодий ишларнинг методологик аҳамиятини ошириш, ижодий ишларнинг концептуал аҳамиятини ошириш, ижодий ишларнинг парадигмал аҳамиятини ошириш, ижодий ишларнинг эпистемологик аҳамиятини ошириш, ижодий ишларнинг онтологик аҳамиятини ошириш, ижодий ишларнинг аксиологик аҳамиятини ошириш, ижодий ишларнинг праксеологик аҳамиятини ошириш, ижодий ишларнинг герменевтик аҳамиятини ошириш, ижодий ишларнинг феноменологик аҳамиятини ошириш, ижодий ишларнинг экзистенциал аҳамиятини ошириш, ижодий ишларнинг диалектик аҳамиятини ошириш, ижодий ишларнинг метафизик аҳамиятини ошириш, ижодий ишларнинг трансцендентал аҳамиятини ошириш, ижодий ишларнинг имманент

эриши ва б. ҳолисаларга алоқадор бўлмай, фақат СФМ адсорбцияси б-н боғлиқдир. Дастлаб гипс, графит, барий карбонат, кальций монокристаллари каби айрим анорганик кристалл моддаларнинг мустаҳкамлиги СФМ (олеин ва мой кислоталари, пропил ва б. спиртлар) эритмасида пасайиши кузатилган. Қаттиқ жисм мустаҳкамлигининг адсорбцион пасайиши заминида фазалар чегарасидаги сирт таранглигининг камайиши ётади. Бунда СФМнинг қаттиқ жисмнинг ички сатҳидаги микроғоваклардa, тирқишларда адсорбцияланиши ва СФМ эритмасининг ёрилаётган тирқишнинг ич-ичига кириб (миграция), жараённи давом эттириши кузатилади. Р.э. натижасида қаттиқ жисмнинг деформацияси ва бузилиши осонлашади. Р. э. цемент саноатида, ун тайёрлашда, қаттиқ жисм-ларни майдалаш, кесиш б-н боғлиқ барча жараёнларда, яъни дисперс сис-темаларнинг структура механик хоссаларини бошқаришда қўлланади.

РЕВАКЦИНАЦИЯ (*ре...* ва *вакцинация*) — организмда бирор юқумли касалликка қарши йўқолган *иммунитет*ни тиклаш ёки бор иммунитетни кучайтириш мақсадида такрор *эмлаш*. Қизамиқ, кўкйўтал, дифтерия, вирусли В гепатит каби касалликларнинг олдини олиш мақсадида Р. 2—3 марта ўтказилади.

РЕВАЛЬВАЦИЯ (*ре...* ва лот. valeo — қадр-қимматга эгаман) —1) миллий валюта — пул бирлиги курсини бошқа мамлакатлар ёки халқаро валюта-пул бирликларига нисбатан расмий ошириш. *Инфляция* бартараф этилганидан кейин ички пул муомаласини барқарорлаштириш усулларидан бири. Иқтисодиётга *девальвация*га нисбатан аксинча таъсир кўрсатади. Муайян бир мамлакат валюта курсини бошқа мамлакатлар валюталарига нисбатан кўтариш экспорт қилинаётган товарларнинг чет эл валютасидаги нархини оширади ва бу б-н халқаро бозорда мамлакатнинг рақобат қилиш қобилиятини пасайтиради, товарлар экспортига салбий таъсир кўрсатади. Р.ни ўтказаётган мамлакат учун Р. чет эл валютасини арзонроқ сотиб олиш имкониятини яратади, бу эса товарлар импортёрлари ва капитал экспортёрлари манфаатларига мувофиқ келади; 2) кассадаги нақд пулни қайта баҳолаш, миллий валютада ифодаланган олтиннинг умумий суммаси ва марказий банк балансида турган валюта ҳисоб-китобини билдиради.

РЕВАНШИЗМ (франц. revanche — тўлов, қасос олиш) — урушда мағлубиятга учраган агрессив доираларнинг урушдан олдинги чегараларни, халқаро муносабатлардаги тартибларни қайта тиклаш бахонаси б-н янги уруш тайёрлашга қаратилган сиёсати. Мас., Р. 20-а.нинг 30-й.ларида янги империалистик урушга тайёргарлик сиёсатини ниқоблаш учун фашистлар Германияси томонидан қўлланилган.

РЕВГАРИЙ Хожа Ориф, Моҳитобон (12-а. ўрталари, Шофиркон тумани Ревгар қишлоғи —1259) — хожагон-нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси ва назариётчиларидан бири. *Баҳовуддин Нақшбанд*нинг маънавий устозларидан ҳисобланади. «Қутбул авлиё» (валийлар йўлбошчиси) унвони б-н машҳур. *Абдухолиқ Ғиждувоний*дан тасаввуф таълимотини ўрганган. Тасаввуфнинг ўзак жиҳатлари ва назарий масалалари ҳақида баҳс юритган «Орифнома» рисоласини ёзган. Унда тасаввуфнинг тавба мақомига (солликнинг аввалги барча гуноҳларидан тавба қилиб, келажакда бирор гуноҳ ишни қилмасликка азму қарор бериш) алоҳида эътибор қаратилган. Р. тавбани «ислом динининг тути» деб таърифлаган. Кўплаб шогирдлар тайёрлаган. Улар орасида энг машҳури Хожа Маҳмуд Анжир *Фағнавий*дир. Р. Шофиркон ш.да дафн этилган. Қабри устига мақбара ўрнатилган. Мақбара ва унинг атрофидаги масжид мустақиллик йилларида таъмирланган. Р. қабри зиёратгоҳ ҳисобланади.

Ас.: Орифнома, Т., 1994.

Ад.: Ҳаққул И., Хожа Ориф Моҳитобон, Т., 1996; Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланома [1-китоб], Т., 1999; Тримингэм Дж. С., Суфийский орден в исламе, М., 1989.

РЕВЕРБЕРАЦИЯ (лот. reverberatio — қайтариш) — ёпиқ хонада манбадан чиқаётган ёки қайтган товуш тўхтагандан кейин унинг бирдан сўнмай, аста-секин сўниши. Р. туфайли хонанинг ҳар бир нуқтасига товуш бир вақтда етиб келмайди. Хонанинг ҳаво эгаллаган ҳажми жуда кўп хусусий частотали тебранма тизимлардан иборат. Ҳар бир тебранма тизим хусусий сўниш коэффициентига эга (бу коэффициент хонанинг ўлчамига, шаклига ва б.га боғлиқ). Шунинг учун турли частотали тебранишлар бир вақтда сўнмайди. Берк хонада нутқ ва музиканинг эшитилишига Р. сезиларли таъсир этади.

Р. давомийлиги Р. вақтидан иборат бўлиб, бу вақт ичида товуш интенсивлиги 10^6 марта, сатҳи 60 дб га камаяди. Хонанинг акустик сифатини аниқлашда Р. вақти муҳим омил ҳисобланади. Хона қанча катта бўлса ва унинг деворлари товушни қанча кам ютса, Р. шунча давомли бўлади. Р. вақти манбадан чиқаётган товуш тўхатилгандан кейин унинг сўниш жараёнини ёзиб олиш йули б-н аниқланади; бунда уни ёзадиган логарифмик шкала қўлланади. Р. даражасини аниқлаш, электромагнит тўлқинларини ўлчаш учун Р. камераси (махсус хонадан фойдаланилади. Театрлар ва концерт залларини қуришда Р. албатта ҳисобга олинади (қ. *Акустика*).

РЕВЕРС (лот. reverto — орқага айлантираман, қайтараман) — 1) машина (двигатель) ёки унинг алоҳида қисмларини тескари айлантирадиган механизм; 2) медаль ёки танга пулнинг герб томони; 3) савдо ҳужжатида қимматбаҳо буюмлар, фонди қоғоз ва б.ни гаровга қўйишда амал қилинадиган турли мажбуриятлар; 4) *тенис* ўйинида — чап томондан бош устидан кескин зарба бериш.

РЕВЕРШОН — серҳосил, ўрганилмаган нави. Италиядан келтирилган. Дарахти сийрак шох-шаббали, кучли ўсади. Барглари йирик (уз. 14—19 см, кенглиги 8—10 см). Гулининг 2-ярмида гуллайди, гули оқ. Меваси май ойи охири — июнь бошларида пишади, йирик (ўртача вазни 7,3 г), кенг юраксимон, ранги тўқ қизил, чиройли. Эти зич, оч-қизил, ширин, мазали. Таркибида 21% қуруқ модда, 13,17% қанд, 0,75% кислота, 13 мг% витамин С бор. Данаги каттароқ, ўртача вазни 0,34 г.

Ревершон (гилос нави).

Р. қурғоқчиликка юқори совуққа ўртача чидамли, маҳаллий иқлимга яхши мослашган. Экилганидан кейин 5-йили ҳосилга киради. 10 ёшидан ҳосилдорлиги ҳар тупдан 60—65 кг га етади. Зараркунандалардан деярли зарарланмайди, меваси янгилигида ейилади, консерва қилинади. 1967 й.дан Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятлари учун р-нлаштирилган.

РЕВМАТИЗМ (юн. rhevmatismos — шиллиқ) — бириктирувчи тўқиманинг кенг тарқалган яллиғланиши б-н тавсифланадиган касаллик, бунда, асосан, юрак, бўғимлар ва б. аъзолар яллиғланади. Стрептококклар қўзғатадиган қайталаниб турувчи касалликлар (асосан, *ангина*) ва организмнинг стрептококк-лар таъсирига жавобан кўрсатиладиган аллергик реакцияларга (қ. *Аллергия*) мойиллиги касалликнинг келиб чиқишида ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Ангина б-н оғриган беморлар Р.га кўпроқ чалинишади. Совқотиш Р.нинг авж олишига замин яратади, шунинг учун касаллик кўпроқ йилнинг совуқ ва намгарчилик фаслида кузатилади.

Р.га аксарият 7—15 ёшар болалар чалинади. Касаллик ўткир бошланиши мумкин; ангинадан тузалгандан сўнг 10—14 кун ўтач, ҳарорат яна кўтарилади, оғриқ пайдо бўлади, тиришқ, билак-кафт усти, тизза, болдир-оёқ панжаси бўғимлари ва б. бўғимлар қизариб, шишиб чиқади (ревматик полиартрит). Бунда бўғимларнинг зарарланиши турғун бўлмайди, одатда, 10—12 кун ўтач, полиартритнинг ҳамма аломатлари йўқолиб кетади. Лекин бундай тузалиш вақтинча, чунки айни вақтда юрак (мускул қавати, клапанлари, ташқи пардаси) ҳам зарарланади. Клапанларнинг ревматик зарарланиши уларнинг турғун деформациясига ва юрак пороки пайдо бўлишига олиб келади (қ. *Юрак пороклари*).

Р.да юракнинг зарарланиши (ревмокардит) полиартритсиз ҳам авж олиши мумкин. Р.нинг бошқа аъзолар ва тўқималар, чунончи нерв системасини ҳам зарарлантириши мумкинлигини ҳисобга олиш зарур. Нерв системаси зарарланганда боланинг оёқ-қўллари беихтиёр учиб туради, ўта кўзғалувчанлик, тез толиқиш кузатилади (қ. *Хорея*). Бўғимнинг шишиши ва устилаги терининг қизаришн б-н давом этадиган ҳар қандай оғриқ — Р., худди шунингдек, юрак соҳасидаги нохуш сезгилар ва юрак уриши ревмокардит белгилари бўлавермайди. Шу боис Р.ни фақат мутахассис врач текшириб аниқлаши мумкин. Врачга ўз вақтида мурожаат қилинса, беморни муваффақиятли даволаб, тузатиб юборса бўлади. Касалликнинг оғир (ўткир) босқичида бемор, одатда, касалхонада даволанади. Касалхонадан чиқиб кетгандан кейин ҳам узоқ вақт ревматология кабинети врачи кузатувида бўлади. Дори-дармонлар б-н даволаш тартиби, врач тавсия этган гимнастика режими ва даражаси касалликнинг кечиш хусусиятлари, юрак пороги, қон айланишининг етишмовчилиги бор-йўқлиги ва ҳ.к. *гайморит, отит, фарингит, тонзиллит* каби касалликлар бўлса, уларни даволаш, зарур деб топилганда операция қилиш Р.нинг янги хуружлари олдини олишда зарурий шарт ҳисобланади.

Р.нинг олдини олишга уй-жой шароитларини яхшилаш, болалар муассасаларида юқумли касалликлар олдини олиш, организмни чиниқтириш, физкультура б-н шуғулланиш каби соғ-ломлаштириш тадбирлари киради.

РЕВМАТОЛОГИЯ (*ревматизм* ва *...логия*) — клиник тиббиёт бўлими. Р. ревматик касалликларни: бириктирувчи тўқималарнинг системали касалликлари (ревматизм, системали қизил волчанка, системали склеродермия, дерматомиозит ва тугунчали периартериит), артритлар (ревматоид ва б.), остеоартрозларни ўрганади. Ревматологик касалликлар 120 дан ортиқ нозологик шаклларни ўз ичига олади. Р. масалаларн б-н клиницистлар, морфологлар, иммунолог ва биокимёгарлар, физиологлар, радиологлар ва б. шуғулланади. Р. *нефрология, кардиология, гематология, пульмонология* ва тиббиётнинг бошқа бўлимлари б-н чамбарчас боғлиқ.

Бўғимларнинг (ревматик) яллиғланишини дастлаб *Гиппократ* тавсифлади. «Ревматизм» терминини тиббиётга биринчи бор 2-а.да *Гален* киритди. 19-а.га келиб ревматизм ҳаракат органларининг бошқа касалликларидан ажратилиши б-н юрак зарарланиши ўрганилганиши б-н юрак зарарланиши ўрганилганиши б-н ревматик касалликларнинг ўзаро боғлиқликни аниқлашдаги ўзаро боғлиқликни аниқлашдаги ўзаро боғлиқликни аниқлашдаги

тирилган. 19-а.нинг 10—30-й.ларида барабанни механик равишда айлантиралиган Р.лар ихтиро қилинди. 1895 й.да наган тизимидаги Р. намунаси ишлаб чиқарилди. Вазифасига кўра, Р. ҳарбийлар, полициячилар, фуқаролар ишлатадиган ва спортда қўлланиладиган хилларга бўлинади. Автоматик *пистолет*ларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши муносабати б-н армия ва флот Р. б-н қуроллантирилмайдиган бўлди.

РЕВОЛЬВЕР СТАНОК — кўп вазифали бурилиш мосламаси (револьвер каллаги) бўлган *токарлик станоги*. Деталларнинг ташқи ва ички сиртларини ишлайдиган асбоблар (парма, кескич, зенкер, развёртка ва б.)ни тутиб турадиган кўп вазифали бурилалиган каллак б-н жиҳозланади. Р. с.да чиниқ ва донали заготовкалардан мураккаб шаклли деталлар тайёрланади. Револьвер каллагининг ўрнатилишига қараб, вертикал, горизонтал, қия жойлашган, заготовкаларнинг узатилишига қараб, дастаки, механик ва автоматик хилларга бўлинади.

РЕВОЛЮЦИЯ (сўнгги лот. revolutio — бурилиш, тўнтариш) — қ. *Инқилоб*.

РЕВУЦКИЙ Лев Николаевич [1889.8 (20).2, Чернигов вилояти — 1977.30.3, Киев] — украин композитори, педагог, мусиқа-жамоат арбоби. Замонавий украин мусиқаси асосчиларидан. Халқ артисти (1944), проф. (1935), Украина ФА акад. (1957), Меҳнат Қаҳрамони (1969). Киев консерваторияси ҳамда Киев ун-тини тугатган (1916). Киев консерваториясида ўқитувчи (1924—41 ва 1944 й.дан). Тошкент консерваториясида кафедра мудири (1941—44). Миллий симфония ва концерт жанрларига асос солган. Айниқса, хор ва овоз ёки фортепиано учун қайта ишланган украин халқ қўшиқлари машҳур.

РЕГАТА (итал. regata — қатор, саф) — эшкакли, елканли ёки моторли қа-йиқларда туркум пойгалардан иборат спорт мусобақалари. Турли класс кемалари учун туркум пойгалар ташкил қилинади (мас., олимпиада елканли Р.си — 7 та пойгадан иборат). Баъзан сув-моторли спорти мусобақалари ҳам Р. деб аталади. Ҳар бир кемага пойгани тўғри тамомлаганлиги учун очколар берилади. Пойгада энг кам очко тўплаган кема голиб ҳисобланади.

Ўзбекистон елканли кема спорти федерацияси (1974 й. ташкил қилинган) республика биринчилигини ўтказади, халқаро мусобақаларни ҳам ташкил этади. Спортчиларимиз Тошкент вилоятининг Чорвоқ сув омбори ва Навоий сув ҳавзасида ўз машғулотларини ўтказадилар (яна қ. *Елканли кема спорти*).

РЕГБИ (Англиянинг Регби шаҳарчаси номидан) — спорт ўйини. 2 жамоа (ҳар бири 15 кишидан) ўз. 27—29 см бўлган гухумсимон шаклдаги тўп б-н Н-симон дарвозали махсус майдончада (каттали-ги 95—100×65—68 м) ўйнашди. Ўйин (40 мин.дан 2 тайм давом этади)дан мақсад — тўпни бир-бирига қўлда (оёққа) ёки оёқда (хоҳлаган йўналишда) ошириб, уни рақиб майдонидаги дарвоза чизиғи орқасига тушириш ёки дарвозага киритишдан иборат. Рақибни ушлаб ёки елка б-н туртиб йиқитиб, унга халақит бериш мумкин. Ўйин қоидаси бузилганда «олишув» — тўп талашиш белгиланади. Кўп очко тўпланган жамоа (тўпни ерга тегизиш — 4 очко, тўпни дарвозага киритиш — 3 ёки 2 очко) ютган ҳисобланади. Бу ўйин Қад. Хитой ва Қад. Римда тарқалган. Замонавий Р. ўйини 1823 й.да Англияда пайдо бўлди. 1888 й.да Р. бўйича халқаро мусобақа ўтказилди. 1900, 1908, 1920, 1924 й.да Р. Олимпиада ўйинлари дастурига киритилди. Р. Халқаро ҳаваскорлар федерацияси FLRA (1934 й. тузилган)га 40 дан ортиқ мамлакат аъзо. 1960 й.дан FLRA Кубоги (норасмий жаҳон чемпионати) ўтказилади.

Регби.

Р. спорти Ўзбекистонда 1969 й. «Локомотив» жамияти ҳузурида вужудга келди. 1970—71 й.ларда Тошкент политехника ин-тида Р.чилар жамоаси ташкил қилинди. 1982—91 й.ларда Р. бўйича Жонибеков кубоги мусобақалари ўтказилди. Ўзбекистон терма жамоаси халқаро мусобақалар (1988, Буюк Британия, 1989, Корея Республикаси)да иштирок этди. Ўзбекистон Р. федерацияси (2001 й. қайта тузилган) Осиё федерацияси — ARFU нинг аъзоси. Мамлакатимизда Р. бўйича 50 га яқин спорт устаси, 200 га яқин спорт усталигига номзод бор.

РЕГЕНЕРАТОР (лот. regenero — тиклайман) — иссиқлик техникасида — иссиқлик элтгич (буғ, газ, суюқлик)дан ажраладиган иссиқликни *регенерация* қилиш (иссиқликдан фойдаланиш) учун мўлжалланган иссиқлик ишчи элтгич (ҳаво, газ, буғ ёки сув) оқими йўналишини даврий равишда ўзгартириб турадиган қурилма. Р. 2 хил: насадкали ва трубали бўлади. Насадкали Р. (мас., мартен печи Р.и) ғиштдан терилган камера бўлиб, унда иссиқлик ишчи элтгичга насадка (ғиштдан терилган тўсиқ)дан ўтаётганда берилади ва насадкага қайтиб ўтаётганда қайтарилади. Трубали Р. (мас., рекуператив Р.) ишчи элтгичлар ўтадиган ва иссиқлик берилиши ёки қайтарилиши керак бўлган трубалар системасидан иборат.



Регенератор. Ўзгарувчан регенератор: *1* — ишчи элтгич терма; *2* — ҳаво патрубоги; *3* — газ камераси (горизонтал стрелка — ҳаво, вертикал стрелка — газ)

Одам ва ҳайвонларда Р. репаратив (олиб ташланган ёки нобуд бўлган тузилмалар ўрнига янгисининг ҳосил бўлиши) ва физиологик (йўқотилган тузилмалар ўрнига янгисининг ҳосил бўлиши) бўлади. Физиологик Р. кўпроқ учрайди (мас., сут эмизувчиларда қон ва айрим эпителий ҳужайраларининг янгиланиб туриши). Р. турли ҳайвонларда турлича ривожланган. Кўпчилик тубан умуртқасиз ҳайвонлар (говак танлилар, бўшлиқичилар)да тананинг кичик парчасидан яхлит организм ривожланиши мумкин. Тубан умуртқалилар (сувда ва қуруқликда яшовчилар, судралиб юрувчилар), шунингдек, бир қанча юксак умуртқасизлар (ҳалқалилар, қисқичбақасимонлар, игнатерилилар)да кўз қисмлари, дум, ичак ва тўқималар, одам ва сут эмизувчиларда эса фақат айрим тўқималар тикланади. Шароит ўзгарганида гетероморфоз келиб чиқиши мумкин. Р. механизмларини ҳужайравий манбалар, ҳужайралараро ва тўқималараро таъсирлар, гормонлар ва б. биологик фаол моддалар таъсири, нерв ва иммун системалари, шунингдек, генетик омиллар орқали тушунтириш мумкин. Ҳар хил органлар ва тўқималар Р.сида кам ихтисослашган (кўпчилик ҳайвонларда) ва ихтисослашган (юбан умуртқалиларда) ҳужайралар иштирок этади. Мас., одам ва ҳайвонларда суяк тўқимаси Р.си остеоген (суяк ҳосил қилувчи), мускул тўқимаси Р.си пўлдош (сателлит) ҳужайралар ҳ-н боғлиқ. Организмнинг ёши, моддалар алмашинувининг интенсивлиги, эндокрин ва нерв системаси ҳолати, касалликлар Р.ни кучайтириши ёки секинлаштириши туфайли патологик Р. рўй бериши мумкин. Бунда жароҳат узоқ вақт битмайди.

Ўсимликларда Р. йўқотилган қисмининг ўрнида [мас., поянинг жароҳатланган жойи гўдда (каллюс) б-н қопланади] ёки бошқа жойда кўзтилади (мас., ўчки новда кесилганида ён новдаларининг ўсиши тезланади, кўзда тўкилган барглар ўрнига баҳорда янги барглар ҳосил бўлади). Лекин кўпинча Р. бирон куч таъсирида узиб олинган қисмнинг тикланиши тарзида тушунилади.

Табиатда илдиз, илдизмева, поя, барг бачкилари, алоҳидаланган ҳужайралар, протопластлар, айрим сувўтларда кўп ядроли протоплазмасининг айрим қисмлари Р.си кенг тарқалган. Р.нинг йўқотилган органларнинг қайта тикланиши ва вегетатив кўпайишига биологик мосланиш сифати ўсимликшуносликда, богдорчилик, ўрмончилик ва гулчиликда катта аҳамиятга эга.

РЕГЕНЕРАЦИЯ — 1) техникада — иш бажариб бўлган (эски) маҳсулотга дастлабки сифатларини қайтариш. Мас., ифлос машина мойини тозалаш, эски резинани суюлтириб, пластик масса (регенерат)га айлантириш ва б; 2) иссиқлик техникасида — газсимон ёниш маҳсулотлари иссиқлигидан ёнилғини, ҳавони ёки уларнинг аралашмасини иситишда фойдаланиш (иссиқлик қурилмаларида); 3) ядро техникасида — *реактор*да ишлатилган ядро ёнилғисини радиокимёвий ва кимёвий-металлургик қайта ишлаш жараёнлари мажмуи. Бунда ядро ёнилғисидан ёниб улгурмаган бирламчи ва йиғилган иккиламчи ёқилғи ажратиб олинади. Р. радиоактив парчалардан тозалаш ва уларни кўмиш б-н биргаликда олиб борилади.

РЕГИОН (лот. регио — ўлка) — йирик ҳудудий бирлик (мас., табиий, иқтисодий, сиёсий Р.); одатда, р-нга нисбатан каттароқ бўлади.

РЕГИОНАЛ ГЕОГРАФИЯ — географиянинг алоҳида ва муайян ҳудудларни ўрганадиган соҳаси. Бирорта материк, мамлакат, маъмурий бирликлар ёки табиий географик ўлка, табиат зонаси, р-н унинг талқинот объекти бўлиши мумкин. Р.г.га оид асарларда ўрганилаётган ҳудуднинг табиий шароити, хўжалиги ва аҳолисининг маданий, хўжалиги ва аҳолисининг маданий ҳаётий (шу жойга хос) хусусиятларини ажратиб кўрсатишга алоҳида эътибор берилади.

РЕГИОНАЛ МЕТАМОРФИЗМ — тог жинсларининг йўналган (бир томонга) ва гидростатик (ҳар томонга) босим ва т-рада бўлган чуқур трансмагматик эритма (флюид)лар таъсирида содир бўладиган ўзгаришлари мажмуи. Р.м. катта регионлар доирасида тог жинслари структураси ва минерал таркибининг бурмали тоғлар ҳосил бўлиши ва орогенез б-н боғлиқ ҳолдаги чуқур ўзгаришларда намоён бўлади. Тог жинсларининг сланецли ва гнейсли текстураси бир томонлама босим б-н боғлиқ. Гидростатик босим чуқурлик б-н белгиланади; босимнинг ортиши б-н минераллар орасида метаморфик реакциялар вужудга келади, натижада тог жинсларининг ҳажми камаяди. Гидростатик босимга қараб метаморфик жинсларнинг чуқурлик фациялари ҳарорати бўйича Р.м.нинг юқори, ўрта ва паст даражаси фарқланади. Р.м. маҳсулотлари (амфиболитлар, гнейслар, мигматитлар) қад. қалқонлар ва кристалли массивларда ер юзасига чиқиб қолган. Катта чуқурликларда Р.м. одатда, бир хил таркибда бўлиб, юзароқда эса турлича даражада бўлади. Метаморфизм даражаси антиклинорийлар, гранит-гнейсли гумбазларда камроқ кузатилади (қ. *Тог жинслари метаморфизми*).

РЕГИСТОН (форс. қумлоқ жой) — Эрон тоғлигининг шарқий қисмидаги қумли чўл. Афғонистон жанд. Ғарбий ва шим. чеккасидан Ҳилманд дарёси оқиб ўтади. Жан.дан Чоғай тоғлари, шарқдан Макрон тоғлари тармоқлари ўраб туради. Уз. 400 км, кенглиги 200 км гача. Майд. 40 минг км² чамасида. Р. шарқдан (1500 м) тарбда (800 м) пасайиб борувчи текис-ликлар. Жўякли катта қум майдонлари, кўчиб юрувчи барханлар бор. Иқлими континентал, қуруқ, субтропик иқлим. Йиллик ёғин 100 мм чамасида. Ўсимлик сийрак. Тог этаклари ҳамда дара-дарё водийларида воҳа ва тўқайзорлар бор. Яйловларда қўй, эчки, туя боқилади.

РЕГИСТОН (форс. — майда тош тўшалган жой) — Ўрта Шарқ мамлакатлари шаҳарларидаги марказий майдон. Турли мақсадларда одамлар тўпланадиган жой бўлган Р. кўп ҳолларда шаҳар арки ёки ҳокимлар саройлари ёни (Бухоро, Шаҳрисабз, Хива)да барпо этилган ҳамда улар маъмурий сиёсий аҳамиятга эга бўлган. Дастлаб меъморий жиҳатдан созда бўлган; кўпчилик томонидан тошталадиган бу жойга ёзда тупроғи ўйнаб кетиши, ёғингарчилик пайтида ботқоқликка айланишидан сақлаш мақсадида кумтошлар ётқизилган. Шу хусусияти б-н бошқа очиқ жойлардан фарқланган. Кейинчалик даврлар ўтиши б-н Р. атрофига маҳобатли жамоат бинолари (жоме масжиди, мадраса, девон кабилар) қурилган, ҳовуз, дарахтлар б-н ободонлаштирилиб, ҳашаматли кўриниш олган. Мас., Бухоро Р.и аркининг жан.да жойлашган. 10-а.да бу майдонни Сомонийлар саройи, девонхоналар қуршаб олган. 20-а.да тарҳи тухумсимон бўлиб, майдон атрофида бошқа бинолар бунёд этилган (сақланмаган). Шаҳрисабз Р.и *Оқ сарой*нинг жан.да бўлган. Қарши Р.и (16-а.да шаклланган) 19-а. охири — 20-а. бошларида майдони теварагида Абдуллахон мадрасаси, рўпарасида Одина масжиди жойлашган, шунингдек, Чоривой мадраса, сардоба, Нур мадраса, Оли мадраса, ҳаммом ҳамда Чорсу бинолари бўлган. Қўқон Р.и Чорсу яқинида жойлашган. Хивада Р. *Кўҳна арқ*нинг шарқ томонига туташ бўлган. Тошкент Р.и Чорсу майдонида шаклланган (15—17-а.лар). Хожа Ахрор қурдирган Жоме масжид ва мадраса (1451) ансамбль асосини ташкил этган. Кейинчалик *Кўкалдош мадрасаси* ва унинг яқинида Беклярбеги мадрасаси (1835 й.да) қурилган (Совет даврида бузиб ташланган). Буларнинг ичида энг улуғвори ва тўлиқ шаклланган ҳолда бизгача сақланган Самарқанддаги *Регистон ансамбли*дир.

Ҳайрулла Пўлатов.

РЕГИСТОН АНСАМБЛИ — Самарқандининг Регистон майдонида 3 мадраса (*Улуғбек мадрасаси, Тиллакори мадрасаси, Шердор мадрасаси*) дан иборат меъморий мажмуа. Дастлаб Улуғбек мадрасаси (1417—20) бунёд этилиб, кейинчалик қаршисига — майдон шарқига Улуғбек хонақоҳи (1424), шим.га Мирзойи карвонсаройи, жан.га Алиқа Қўқалдош Жума масжиди (1430) қурдирган, ёнида эса ёғочдан хотамкори услубида масжид Муқатта ва Абусаид мадрасаси қурилган. 15-а.нинг 20—40-й.ларида Регистон ҳашаматли меъморий ансамблига айланган. 17-а.да Самарқанд ҳокими Яланғтўш Баҳодир мадрона ҳолатдаги Улуғбек хонақоҳи ўрни-

Регистон ансамбли.

га Шердор мадраса (1619—1635/36)ни, Мирзойи карвонсаройи ўрнига Тиллакори мадраса-масжиди (1646/47—1659/60)ни қурдирган. Р.а. ўзининг ранг-баранг кошинкори безаклари; нақшинкори пештоқлари, улкан гумбазлари б-н Ўрта Осиё меъморлигининг ноёб ёдгорлиги ҳисобланади.

РЕГИСТР (лот. registrum — рўйхат) м у с и қ а д а — 1) аккордеон, баян, клавесин каби мусиқа чолғуларида товуш кучи ва тембрини ўзгартиришга имконият берувчи мослама; 2) органда бир хил тузилишга ҳамда товуш тусига эга бўлган трубалар гуруҳи; 3) мусиқа чолғу асбоби ёки хонанда диапазонининг бир хил тембрга эга товушлар гуруҳи. Хонанда овозининг муайян Р. товушлари бир усулда (мас., кўкрак, бош ёки аралаш резонатор ёрдамида) чиқарилади.

РЕГИСТР — 1) *рақамли ҳисоблаш машинаси* (РҲМ) нинг коддарни хотирлашга мўлжалланган элементи. Ҳар қайси РҲМ да турли ишларга мўлжалланган Р. тўпламн бўлади (мас., марказий бошқариш регистри). Р.нинг сони, разряди ва конструктив хусусиятлари РҲМ нинг умумий структурасига, командалар тизимига, Р.нинг функционал вазифасига, РҲМ нинг элемент базасига боғлиқ бўлади; 2) автомат телефон ва телеграф ст-ялари ҳамда алоқа узелларида бирон манзилга юборилаётган абонент ахборотларини рақамлар шаклида қабул қилувчи ва ёзиб олувчи қурилма. Ёзиб олинган ахборотдан алоқа ўрнатишда, алоқа учун хизмат ҳақини ҳисоблашда фойдаланилади; 3) ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган, рўйхат, ҳисобий ҳужжат, қайднома.

Регистон ансамбли тарҳи: 1. Улуғбек мадрасаси; 2. Шердер мадраса; 3. Тиллакори мадраса; 4. Чорсу.



РЕГЛАМЕНТ (франц. reglement — тартиб, қоида) — 1) давлат органлари, муассасалари, ташкилотларининг иш тартибини белгилайдиган қоидалар мажмуи (мас., Олий Мажлис Р.и); 2) мажлис, конференция ва б.ни олиб бориш тартиби; 3) халқаро конгресслар ва конференциялар айрим ҳужжатларининг номи (мас., 1815 й.ги Вена Р.и).

РЕГРЕСС (лот. regressus — орқага кетиш) — ривожланишнинг юқори даражадан қуйи даражага ўтиш даври, таназзули. *Прогрессиянинг акси* (қ. *Инқироз*).

РЕГРЕСС — тирик табиатда организмларнинг соддалашувидан иборат эволюцион жараён. Рус биологи А.Н.Северцов (1925) Р.нинг 2 шаклини кўрсатади: 1) биологик Р. — яшаш учун курашда муҳитнинг ўзгарган ташқи шароитларига мослаша олмаган ёки бошқа гуруҳлар б-н бўлган рақобатга бардош бера олмаган муайян организмлар гуруҳининг эволюцион таназзулга юз тутиши. Биологик Р.га учраган организмлар сони камайиб, таксон ареали торайиб боради; популяциялар сони камаяди, популяциялар ўртасидаги алоқа узилади, популяциялар изоляцияланади, популяциялар ичида гуруҳ ажралиб кетади; 2) морфо-физиологик Р., яъни умумий *дегенерация*. Вояга етган организмларнинг тузилиши ва ҳаёт фаолияти соддалашувидан иборат. Бу жараён ўтроқ ёки паразит ҳаёт кечиришга ўтган организмларда кузатилади. Морфо-физиологик Р.да, одатда, ҳаракатланиш, сезги ва фаол озиқланишга ёрдам берадиган органлар ҳамда марказий нерв системаси редукцияга учрайди. Аксинча, организм ҳаёти учун иккинчи даражали ҳисобланган органлар, мас., жинсий система прогрессив ривожланади. Аспидиялар ўтроқ ҳаёт кечиришга ўтиш б-н қон айланиш ва нерв системаси, ҳорда редукцияга учрайди. Паразит ҳаёт кечиришга ўтган ўсимликларда барглар йўқолиб кетади, илдизлар редукцияга учраб, улар ўрнига сўрғичлар пайдо бўлади.

РЕГРЕСС ДАЪВО (қарши даъво) (ф у қ а р о л и к ҳ у қ у қ и в а п р о ц е с с и д а) — қарздор ёки бирон бошқа шахс учун мажбуриятни бажарган фуқаро ёки ташкилотнинг тўланган пул суммасини қоплаш тўғрисидаги талаби. Мас., қонунга кўра, етказилган зарар учун жавобгар ташкилот ёки фуқаро, ижтимоий суғурта органининг Р.дсига биноан тўланган пенсия ёки нафақа суммасини қоплашга мажбур.

РЕГРЕССИЯ (лот. regressio — қайтиш, чекиниш) (г е о л о г и я д а) — денгизнинг чекиниши. Р. тектоник тебранма ҳаракат, яъни қуруқликнинг кўтарилиши, океан тубининг чўкиши ҳамда иқлимнинг ўзгариши (қуриши) натижасида рўй беради. Р.да денгиз суви чекиниб, қуруқлик майдони кенгаяди. Ётқизиқларнинг тагида майда заррали жинслар (гилтош, оҳактош ва б.,) юқорироқ қисмида йирик бўлакли жинслар (гравелит, конгломерат ва б.) жойлашуви шу ҳудудда регрессив ҳаракат юз берганидан далолат беради. Р. бир неча марта қайтарилиши мумкин (яна қ. *Трансгрессия*).

РЕГРЕССИЯ — (м а т е м а т и к а д а) бирор (*y*) *тасодифий миқдор* ўрта қийматининг бошқа бир (*x*) тасодифий миқдорига боғлиқлиги. Функционал боғланишда *x* миқдорнинг ҳар бир қийматига *y* миқдорнинг битта қиймати мос келса, регрессив боғланишда *x* нинг x_i қийматига турли ҳолларда турли $y_{i1}, y_{i2}, \ldots, y_{in}$ қийматлар мос келади. Бу ҳолда *y* миқдорнинг Р.си

$$y_{x_i} = \frac{1}{n_i}\left(y_{i1} + y_{i2} + y_{in_i}\right)$$

формула б-н аниқланади. Умумий ҳолда, *y* тасодифий миқдорнинг *X* тасодифий миқдор бўйича Р.си қуйидагича таърифланади: *X* нинг ҳар бир берилган қийматида *y* (*y* миқдор *X* нинг қийматларига боғлиқ) шартли тақсимотга эга бўлган тасодифий миқдор деб фараз қилинади. Бу тақсимот бўйича ҳисобланган шартли ўрта $M(y/X=x)=m(x)$ қиймат у нинг *X* бўйича Р.си дейилади. $m(x)$ функциянинг графиги *y* миқдорнинг *X* миқдор бўйича Р. чизиғи дейилади. Р. тушунчаси фақат тасодифий миқдорлар учун эмас, тасодифий векторларга нисбатан ҳам киритилади. Р. терминини инглиз олими Ф.Гальтон киритган (1886). Р. табиат ва жамият ҳодисаларини ўрганишда муҳим математик восита ҳисобланади.

РЕДИСКА, р е а н с (Raphanus sativus var. radicula) — карамгулдошларга мансуб бир (экилган йили гуллайди) ва икки (2-йили гуллайди) йиллик сабзавот экини. Дунёдаги кўпгина деҳқончилик минтақаларида очиқ ва ёпиқ (ҳимояланган) ерларда ўстирилади. Гуллари икки жинсли, четдан (қанотлари орқали) чангланади. Кўзоги уруғсимон ёки гўласимон, уруғи оч кулранг, 1000 донаси 8—10 г. Илдизмеваси текис-думалоқ, узун, конус ва дук (уруғуқ) шаклида, туси, асосан, оқ, қизғиш, қизил ва тўқ қизил рангда, вазни 5 г дан 200 г гача. Таркибида қанд, оқсил, С витамини бор. Совуққа чидамли, намсевар ўсимлик. Уруғи 3—4°да уна бошлайди. Ўсиши ва илдизмеваснинг ривожланиши учун энг мақбул ҳарорат 15—18°, 3—4° совуққа бардош беради. Унча ёруғ бўлмаган жойда, мас., парникда ҳам яхши ўсади. Дала шароитида 50—120 ц ҳосил олинади. Иссиқхона ва парникларда Р. уруғи дастаки сеялкада ёки қўлда 1—1,5 см чуқурликда экилади. Парниклар шамоллатиб ва тез-тез суғориб турилади. Суюқ минерал ўғит б-н озиқлантирилади. Парникда 20—40 кунда етилади. Уруғ олиш учун Р. илдизмеваси 60×30 ёки 60×60 см қилиб экилади. Кўзоқдари ёппасига саргайганда ўриб олинади, қуригандан кейин янчиб, сараланади. Ҳар га сарфи 12—15 ц уруғ олинади. Уруғининг унувчанлиги 4—5 й. сақланади.

Редиска: *1* – Сакса; *2* – Қизил улкан; *3* – Оқ тумшуқ навлари.

Ўзбекистонда Р.нинг Қизил улкан (серҳосил, кечпишар, 40—50 кунда етилади, йирик, узуни — 12—15 см, эти оқ, зич, сersув), маҳаллий Майский (ўртапишар, 40—45 кунда етилади, оч қизил, узун). Думалоқ, (қизил, оқ учли, ўртапишар, майдароқ). Сакса (жуда эртапишар — 25 кунда етилади, думалоқ, тўқ қизил, ўртача йирик) ва Дунгани 12/18 (эртапишар навлари р-нлаштирилган.

З а р а р к у н а н д а л а р и: карамгулдошлар бургалари, қандалалар ва б.; к а с а л л и к л а р и: қора илдиз, фомоз, фузариоз ва б.

Рафиқа Ғаниҳўжаева.

РЕДУКТОР (лот. reductor — орқага қайтарадиган) — 1) айланма ҳаракатни бир валдан иккинчисига узатиш учун мўлжалланган қурилма-механизм. Буровчи моментни ўзгартириб беради. Р. корпус, тишли (ёки червякли) ва занжирли узатмадан иборат бўлади. Тишли ғилдираклар сонига қараб, Р.лар бир, икки ва кўп погонали бўлиши мумкин. Мас., икки погонали Р. бир жуфт конус ва бир жуфт цилиндрик шестернялардан иборат бўлади. Узатиш сонини ўзгартириш мумкин бўлган Р. у з а т м а л а р қ у т и с и деб аталади. Р. автомобиль, трактор, станок, юк кўтаргич ва б.да кенг қўлланилади.



Редуктор. Газ босимини ростловчи редуктор: *а* — тўғри ишлайдиган; *б* — тескари ишлайдиган; *1, 6* — пружина; *2* — клапан; *3* — туртқич; *4* — мембрана; *5* — қисиш диски.

РЕДУКЦИЯ (лот. reductio — орқага қайтариш, қайтиш; қисқариш, камайиш) (б и о л о г и я д а) — 1) аждодларда (филогенетик Р.) ёки индивидуал ривожланишнинг дастлабки давр-ларида яхши ривожланган органлар ёки структураларнинг тўлиқ ривожланмаслиги (онтогенетик Р.) ёки бутунлай йўқолиб кетиши. Мас., ғорларда яшайдиган баъзи ҳайвонлар кўзининг *атрофия*га учраши, баъзи сувўтлар илдизининг, айрим ўсимликларда паразитлик қилувчи шумғия барглариниинг йўқ бўлиб кетиши ва б.; 2) *мейоз* натижасида ҳужайраларда хромосомалар сонининг камайиши.

РЕДУКЦИЯ (тилшунослиқда) — товуш чўзиқлигининг қисқариши ёки талаффузнинг кучсизланишига боғлиқ ҳолда унинг артикуляцион ва акустик сифатларининг ўзгариши. Асосан, унлилар Р.га учрайди, бироқ ундошлар ёки мураккаброқ товуш қўшилмалари (бўғинлар, сўзлар) Р.си ҳам учрайди. Мас., бўйин сўзига эгалик қўшимчаси қўшилганда, иккинчи бўғиндаги и Р.га учрайди, шу сабабли айтилмайди ва ёзилмайди ёки неча сўроқ олмоши охирида а бир қатор шеваларда қисқа и(ъ) тарзида талаффуз этилади: неччъ каби. Миқдорий Р. (товушнинг ургусизлиги сабабли унинг чўзиқлигининг қисқариши) ва сифатий Р. (чўзиқликнинг қисқариши натижасида артикуляция сифатининг ўзгариши) ўзаро фарқланади. Р. ўзбек ва рус тилларида кучли, ёрқин намоён бўлади, француз тилида эса мавжуд эмас.

РЕДУПЛИКАЦИЯ (лот. reduplicatio — иккиланиш, қўшалоқланиш) (тилшунослиқда) — сўзлаги дастлабки бўғинни ёки ўзакни, бутун сўзни такрор қўллаш б-н такрорий сўз, грамматик шакл ҳосил қилиш усулидан иборат фономорфологик ҳодиса. Шу нуқтаи назардан қисман ва тўлиқ Р. турлари фарқланади. Ҳоз. ўзбек тилида сўз шаклининг бу тури кўплик, давомийлик ва такрорийлик каби грамматик маъноларни ифодалайди. Р. йўли б-н ҳосил қилинган бирликларда лексик-грамматик жиҳатдан бир бутунликни ташкил қилади. Мас., баланд-баланд (иморатлар), даста-даста (гул), кула-кула, ўша-ўша, минг-минглаб каби. Ҳар қандай сўзнинг такрор ҳолда (кетмакет) қўлланиши б-н Р. вужудга келмайди, яъни сўзнинг такрорий шакли ҳосил бўлавермайди.

Р. жаҳондаги турли тузумдаги кўплаб тилларга хос ҳодиса бўлиб, унинг вазифаси ҳам хилма-хилдир: мас., Р. *ротонга тилида маънони кучайтирса* (tupu — ўсмоқ, tutupu — гуркираб ўсмоқ), малайя тилида кўпликни ҳосил қилишнинг асосий усули (orang — одам, orangorang — одамлар) ҳисобланади. Баъзи адабиётларда «Р.» термини «такрорий шакл», «такрорий сўз» терминлари б-н синоним тарзида қўлланади.

Неъмат Маҳкамов.

нировкаларида гуруҳ
морфо-физиологи
дегенерация. Бошқа
нинг тузилиши ва
лашишувидан иборат
паразит ҳаёт кечир
мларда кузатилади.
Р.да, одатда, ҳара
фаол ошиқланиш
органлар ҳамда мар
си редукцияга учра

нуқсони кетади; 2)
к Р., яъни умумий
етган организмлар-
ҳаёт фаолияти сод-
. Бу жараён ўтроқ ёки
нига ўтган организ-
Морфо-физиологик
катланиши, сезги ва
а ёрдам берадиган
жкини нерв система-
иги. Аксинча, орга-

қийматларига бог
мона эга бўлган т
фараз қилинади.
ҳисобланган ш
$=x] = m(x)$ қиймат у
дейилади. $m(x)$ фу
y миқдорининг X м
зиги дейилади. Р.
содифий миқдорл
дифий векторлари
ритилади. Р. терми
Ф. Г

лик) шартли такси-
исозлифий миқдор деб
Бу тақсимот бўйича
артли ўрта $M(y/X$
нинг X бўйича Р.си
икациянинг графиги
иқдор бўйича Р. чи-
тушунчаси фақат та-
ар учун эмас, тасо-
а нисбатан ҳам ки-
инини инглиз олими

Ўзбекистонда Р.нинг Қ
(серҳосил, кечпишар, 40-
етилади, йирик, узун —
эти оқ, зич, серсув), маҳа
ский (ўртапишар, 40—45
лади, оч қизил, узун),
(қизил, оқ учли, ўртапиш
роқ), Сакса (жуда эртапи
кунда етилади, думалоқ,
ўртача йирик) ва Дунгани
тапишар навлари р-лашт

изил улкан
—50 кунда
12—15 см.
ллий Май-
кунда ети-
Думалоқ.
ар, майда-
ишар — 25
тўқ қизил.
12/18 (эр-
ирилган.
карамгул-

лай йўқолиб кетиши. Мас., ғорларда яшайдиган баъзи ҳайвонлар кўзининг *атрофияга* учраши, баъзи сувўтлар илдизининг, айрим ўсимликларда паразитлик қилувчи шумгия баргларининг йўқ бўлиб кетиши ва б.; 2) *мейоз* натижасида ҳужайраларда хромосомалар сонининг камайиши.

РЕДУКЦИЯ (тилшуносликда) — товуш чўзиқлигининг қисқариши ёки талаффузининг кучсизланишига боғлиқ ҳолда унинг артикуляцион ва

1
2
3

РЕДУЦЕНТЛАР (лот. *reducens* — қайтаётган, қайта ишланаётган), деструктор — ўлик органик модаллар б-н озиқланиб, уни минераллаштирадиган деструкторлар организмлар. Р. органик моддаларни парчалаб, продуцентлар ўзлаштира оладиган оддий анорганик бирикмаларгача олиб келади. Р.га сапрофоғ бактериялар, замбуруғлар ва бир қанча қайвонлар (ёмғир чувалчанглари, сапрофаг ҳашаротлар, ўтхитхўр қайвонлар) киради. Қуруқлик экосистемаларида органик қолдиқларнинг парчаланишида тупроқ қайвонлари (ёмғир чувалчанглари, ҳашаротлар ва уларнинг личинкалари), бактериялар ва замбуруғлар катта аҳамиятга эга. Р. сувликлар ирмоқлар тубларида ҳар йили ҳосил бўладиган ўсимлик қолдиқларининг 90% га яқин қисми ўзлаштирилади. Сув экосистемаларида Р. фитопланктон планктон қайвонлар биланган.

РЕЕСТР (лот. *registrum* — рўйхат, саноқ) — иш ҳужжатлари, мол-мулк ва б. рўйхати ҳамда шу рўйхатлар қайд қилинадиган дафтар. Давлат ҳокимиятига чолик бирон-бир соҳага оид рўйхат (масс. ишлаб рухсат этилган экин навлари Р.и; кичик ёки ҳусусий корхоналар Р.и) Давлат Р.и деб юритилади.

РЕЖА 1) бирор ишни ёки муайян вазифани тартиби б-н ўз вақтида бажариш учун шундан белгилаб олинган аниқ ёки тахминий мўлжал (масс., маъруза Р.си); 2) муайян парсани кўриб чиқиш, ёпдашиш усули, тузилиш назари, белгили тартиб; 3) қилинаётган ишнинг тўғри чиқиши учун тортилган ип, сим, чизиқ ва ш.к. 4) **иқтисодиётда** — кўзланган субъектив. Бошқарув тизимининг айрим бўғинларни фаолият-тининг дастури. Ички к.ч. режаси (масс., фирманинг ички Р.си) (қ. *Бизнес режа*). ялпи ҳудлиги (умумдавлат) Р.си, регионал ва тармоқ Р.лари, жорий (1 й гача бўлган) ва истиқбол Р.лар фарқланади. Яна қ. *Режалаштириш*.

РЕЖАЛАШТИРИШ — миллий иқтисодиётнинг турли даражаларида (микродаражада — корхоналар ва уларнинг айрим бўлинмалари, шунингдек, корхоналар гуруҳлари, тармоқлар, секторлар ва минтақалар миқёсида; макродаражада — мамлакатнинг бутун иқтисодиёти миқёсида) иқтисодий-ижтимоий жараёнларни тартибга солиш ва бошқариш шакллари. Жорий, қисқа муддатли (бойлик, чораклик, йиллик), ўрта муддатли (5 йиллик) ва истиқболдаги — узоқ муддатли (10–15 йиллик) Р.га бўлинади.

Совет иқтисодиётида халқ ҳужалигини марказлаштирилган Р. ҳўжалик механизмининг асосий бўғини ҳисобланган ва директив, мажбурий, барча ҳўжалик юритувчи субъектлар учун мажбурий бўлган. Режалар пировард мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг мақсад халқ ҳужалиги режаси, тармоқлар ва минтақалар режалари, шунингдек, корхоналар режаларини ўз ичига олган. Р. ни амалга ошириш ҳисобида махсус органлар — СССР Давлат план (режалаштириш) қўмитаси ва иттифоқдош республикалар Давлат план (режалаштириш) қўмиталари ҳамда уларнинг аппарат. туман бўлимлари ишлаб чиққан. 1928 йилдан бошлаб СССРда халқ ҳужалигини ривожлантиришнинг 5 йиллик режалари амалиётга киритилган ва бу тартиб 1991 йилга қадар сақланиб келди.

Бозор иқтисодиёти шароитида Р. корхоналар фаолиятида (яккахўжалик фирма Р.) ёки бизнес режаси). компаниялар турукори даражасида корпоратив режалар шаклида амалга оширилади. Бир қатор ривожланган ривожланаётган мамлакатларда макроиқтисодий Р. давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим ва кенг тарқалган шакли бўлиб келди. 1930-йиллар ўрталарида бу мамлакатларда индикатив Р., яъни таъсир этиладиган, маслаҳат тарзидаги Р. амалга оширила бошлади. Бундай Р. Франция ва Японияда ўтган асрнинг 70-йилларига қадар, айрим мамлакатлар, мас., Корея Республикаси ва Тайванда 80-йилар ўрталаригача амал қилди. Индикатив режаларда ялпи ва истеъмол ҳажмлари, туман маси, ўсиш суратлари, нарҳлар динамикаси, экспорт ва импорт, инвестициялар ва б.нинг асосий кўрсаткичлари белгиланади. Шунингдек, бу режаларда бозор субъектларини қўллаган мақсадларини бажариш, режали кўрсаткичларга эришишга ошириш) сари йўналтирилган иқтисодий стимуллар тизими, дотациялар ва бюджетдан қолиқлар бўйича бенефитлар ва бюджетга солиқлар бўйича имтиёзлар ҳам келтирилади.

Бу умумий режалар типини, шунингдек, миллий иқтисодиётнинг айрим секторлари ва тармоқларини ривожлантириш режа-прогнозларини ҳам ўз ичига олади. Режа бўйича тақланган устуворликларни молия ва саноат гуруҳлари, тадбиркорлар уюшмалари, касаба уюшмалари ва б. манфаатли гуруҳлар б-н келишиб олиш тартиби индикатив Р.нинг таркибий унсури ҳисобланади. Худди шу механизмлар муайян давр давомида давлат бошқарувидаги бундай шаклнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлаш 70–15 йиллик ўртача бозор бюджетини шакллантиришга имкон берди. Р. амалга оширилиши устидан давлат назорати ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил этиш Р. нинг муҳим функциялари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг *Кейинги беш йилликда давлат дастури*, 2004–2008 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси (2003), Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини 2010 йилгача бўлган даврга мўлжалланган пахтачилик ҳудуд типларининг ягона концепцияси (1995) ва б. ўрта ва узоқ муддатли дастурлар ишлаб чиқилган. Ўзбекистонда давлат-ташкилотлар корхоналарининг режалари негизини давлат буюртмаси тизими ташкил этади.

Р.нинг турлари орасида иқтисодий Р. алоҳида аҳамиятга эга. Бундай Р. миллий иқтисодиётнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш, ижтимоий жараёнларни оқилона бошқаришнинг ўзига хос шаклга ҳисобланади. Бундай Р.да ижтимоий соҳани ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражаси ва сифатини тенсифлайдиган бошқа барча кўрсаткичларга режалаштириш алоҳида тўхталади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мурожаатномаси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва қарорлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг ахборотлари ва ҳисоботлари.

РЕЖАЛИ КАПИТАЛИЗМ НАЗАРИЯСИ — қ. *Бошқарилмайдиган капитализм назарияси*.

РЕЖИССЁР (лот. — бошқараман) — спектакль, фильм, теле ва радио кўрсатув ва топшириқларини, эстрада ва цирк дастурларини саҳналаштирувчи шахс. Ўз ижодий ўйлари, мақсади асосида томошанинг барча иштирокчилари — актёр, рассом, композитор, кинооператор ишини бирлаштириб, яхлит томошавий ҳодисага яратувчи ижодкор (қ. *Режиссёрлик санъати*).

РЕЖИССЁРЛИК САНЪАТИ, режиссура — гармоник бир бутун ва эстетик экспрессивликка эга бўлган томоша, кўриниш яратиш санъати (театр, кино, телефильм, цирк ва эстрадада). Реж. сақна дарё ёки кинофильм яратиш жараёнида ижодий жамоалар — актёр, композитор, рассом, кинооператор ва телетомошанинг операторлари ҳам) ва ўзлашган ходисаларга раҳбарлик қилади. Р.с.нинг шаклланиш жараёни А. Жўлий, Ҳамза, М. Маҳкамов (Ўйғур фольклорий-н бағлиқ), Дастлабки сақна асарларга мьъриятчилик, тарихий-тишвикот руҳида талқин қилинган. Воқеаларни ҳаҳатнинг воситалар б-н натуралистик ёритиш (сақнага ракамга ўйлар қуриш, ўқлы отиган ёнғат, ёсар-чева ишлатиш, буюмларни ўйнашаниш кабі), персонажлар характерларини ўзгартириш, ижобий қаҳрамонларни ёнгилмас планда бўёб қаҳрамонларни ёнгилмас планда кўрсатиш бу даврда Р.с.га хос ҳусусиятлардир. Мисалда сиғилган ўзбек драма ларидан Р.с. асосларини қам ўзлаштирган-бирок Р.с. асосларини қам ўзлаштирганлар Мукаддасхон актёрлик маҳорати б-н ажралиб турган. Аёнжон, ўлпар Ё. Воҳидов б-н қирғин, Аёнжон, ўлпар Ё. Воҳидов б-н қирғин.

ган. Мустақиллик йилларида майдон томошалари режлиги шаклланди. Бу соҳада фаолият кўрсатаётган Б.Йўлдошев, Р.Ҳамидов, Н.Отабоев ва б. катта майдон ва амфитеатрларда томоша қўйиш бўйича катта тажриба орттиришди.

Кинода Р.с. миллий кино шаклланиши б-н боғлиқ ҳолда ривожлана борди. Ўзбек овозсиз киносининг дастлабки йилларида маҳаллий ҳаётнинг ўзига хос томонларини яхши билмайдиган, ўз олдига бадиий жиҳатдан жиддий вазифа қўймаган режлар фильмлар қўйди.

30-й.ларнинг бошларида миллий санъат арбоблари (Н.*Ғаниев*, С. *Ҳўжаев*, Й. *Аъзамов*)нинг режиссурага кириб келиши муносабати б-н халқ ҳаётининг турли жабҳаларини чуқур ўзлаштириш, ижодий қайта ишлаш, услубий-жанр изланишлар бошланди. «Юксалиш», «Ажойиб иш», «Рамазон», «Тонг олдидан», «Йигит», «Қилич» сингари фильмлар ишчиларнинг меҳнат кундалиги, ҳарбий иш, деҳқон ҳаракати, ўлка тарихига бағишланди. Реж.лар маҳаллий актёрлар (О. Жалилов, Э.Ҳамроева, М.Қаюмов, С.Искандаров ва б.)дан фойдаланишни йўлга қўйдилар.

Ҳақиқий миллий кинорежиссурачинг юксалиш даври 40—50-й.лар бўлди. Ўша йиллар Я.*Протазанов*, А.Усольцев—Гарф, Н.Ғаниев, К.*Ёрматов*, З.*Собитов*, Й.Аъзамов каби реж.лар «Тоҳир ва Зуҳра», «Насриддиннинг саргузаштлари», «Алишер Навоий», «Пахтаой», «Бой ила хизматчи», «Стадионда учрашамиз», «Амирликнинг емирилиши» каби етук фильмлар б-н танилдилар. Шу даврда ўзбек кинорежиссёрларининг обрўси республикадан ташқарига ҳам ёйилди. 60-й.лар миллий кинорежиссурада сифат жиҳатдан янги давр бошланди, «Ўзбекфильм»га янги ёш мутахассислар (Д.Салимов, Р. Ботиров, Ю.Степчук, А. Қобулов, Қ.Камолова ва б.) келиб қўшилди. «Сен етим эмассан», «Лайлак келди, ёз бўлди», «Ёр-ёр», «Сурайё», «Тошкент—нон шаҳри» фильмлари шу даврда яратилди. Режиссурадан янги — замонавий мавзу, ёшлар мавзуси кенг ўрин олди («Нафосат», «Севишганлар», «Йигит ва қиз», «Маҳаллада дув-дув гап») ва б. Шунингдек, кекса авлод режиссёрларининг янги изланишлари кўзга ташланади («Мафтунингман», «Фурқат», «Фидоий», «Натаҳахоним» каби).

Реж.ларнинг профессионаллик жиҳатидан юксакликка кўтарилиши турли мавзу ва жанрда ижод этишга кенг йўл очди. «Абу Али ибн Сино». «Даҳонинг ёшлиги» (реж. Э.Эшмуҳамедов), «Генерал Раҳимов» (З. Собитов), «Улуғбек юлдузи» (Л.Файзиев), «Икки дил достони» (К.Ёрматов), «Ўтган кунлар» (Й. Аъзамов) каби фильмлар ўзбек киносига катта шуҳрат келтирди. «Абу Райҳон Беруний», «Аччиқ данак», «Сени кутамиз, йигит» сингари фильм-лар режиссураси учун кинофестиваль каби анжуманларда юқори баҳоланди ва совринлар б-н тақдирланди.

Ҳоз. ўзбек киноси драматургиясидаги мураккаб жараёнлар б-н биргаликда турли мазмун ва шаклдаги жанрлар изланмоқда, режиссура характери ўзгармоқда, янги-янги номлар кашф этилмоқда (актёрликдан чиққан режлар ва б.). Ж.Файзиев, И.Эргашев, Ю. Собитов, Ф.Ҳайдаров кабилар шулар жумласидан. Замонавий ўзбек киносида етакчи жанрлардан бўлган комедия («Сиз кимсиз?», «Муъжизалар майдони», «Яраттанга шукур», «Бомба», «Ўртоқ Бойкенжаев», «Мешполвон» ва б.) сермаҳсул бўлмоқда. «Отамдан қолган далалар» (Ш.Аббосов), «Севги» (И.Эргашев), «Воиз» (Ю.Розиқов; фестиваль бош совринига эга бўлган), «Пиёда» (Р. Маликов) ва б. сўнгги йиллар яратилган фильмлардан намуналардир.

Муҳсин Қодиров, Жўра Тешабоев.

РЕЖО-ДИ-КАЛАБРИЯ — Италиянинг жан. қисмидаги шаҳар. Режо-ди-Калабрия провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 179,4 минг киши (2001). Транспорт йўлларининг муҳим тугуни. Мессина бўғози соҳилидаги порт. Мессина ш. (Сицилия о.)га т.й. паромлар қатнайди. Озиқ-овқат, ёғочсозлик саноати ривожланган. Вагонсозлик корхоналари мавжуд. Цитрус эссенциялари, хушбўй мойлар ишлаб чиқарилади. Балиқ овланади. Ун-т, геофизика расадхонаси, миллий музей бор. Шаҳарга мил. ав. 720 й.да асос солинган. Юнонлар ибодатхонаси қолдиқлари (мил. ав. 4-а.) сақланган. Туризм ривожланган. Тез-тез зилзила бўлиб туради.

РЕЗ (форс. — майда) — *мусиқа безакларидан* бири. Урма созлар (нағора, доира ва б.)да усул зарбаларини, торли чолғулар (танбур, чанг, рубоб ва б.)да товушларни майдалаб (тез ва текис) чалиш услуби. Турли ансамбларда якканавоз созанда ёки якқахон хонандага жўр бўлувчи созларда кенг фойдаланилади. Европа мусиқасида Р.га яқин *тремоло* атамаси ишлатилади.

РЕЗАВОР МЕВАЛИ ЎСИМЛИКЛАР — сершира резавор мева берувчи кўп йиллик бута, чала ўтсимон ўсимликларнинг катта гуруҳи. *Мевали ўсимликлар* гуруҳига кирали, ёввойи ва экма

Резавор мевали ўсимликлар: *1* — қулупнай; *2* — қора смородина; *3* — қизил смородина; *4* — крижовник; *5* — чаканда; *6* — малина; *7* — қизил зирк.

қўриғилган ҳолда истеъмол қилинади, улардан қиём, шарбат, мураббо, вино ва б. тайёрланади. Резавор мевалар, мас., *крижовник*, *майимунжон*, *қулупнай*, *смородина*, *малина* ва *чаканда* (облепиха)лар таркибида инсон саломатлиги учун зарур бўлган органик кислоталар, қанд, минерал тузлар, витаминлар, хушбўй моддалар кўп; баъзилари (мас., зирк, малина, черника, қора мевали *рябина*) дориворлик аҳамиятига эга. Мевалари истеъмол қилинадиган ёввойи ва экма турлари Ер юзининг ҳамма жойида, айниқса, иқлими мўътадил мамлакатларда кўп ўстирилади. Ўзбекистонда қулупнай, малина, смородина кўп экилади. Р.м.ў. вегетатив йўл б-н (қаламчасидан, пархиш қилиб, бачкисидан ва гажакчасидан) кўпайтирилади. Кўчати баҳорда ва кузда экилади. Тупроқ юмшатилган, бегона ўтлардан тоза ҳолда тутилади, ўғитланади, вақти-вақти б-н суторилади. Р.м.ў. ҳосилга эрта (қулупнай 2-йили; малина 3-йили; смородина, крижовник 3—4-йили) киради ва ҳар йили ҳосил беради.

Ад.: Бурмистров А.Д. Ягодные культуры, 2 изд. Л., 1985; Абдуллаев Р., Ягудина С., Томорқада етиштириладиган резавор мевалар, Т., 1989.

Рахимой Жўраев.

РЕЗЕДА (Reseda), ором гул — резедадошлар оиласига мансуб бир, икки, баъзан кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар туркуми. 50 га яқин тури бор. Европа ва Осиёда учрайди. Ўрта Осиёда далалар ва тошлоқ ерларда ўсади. Оқ гулли хушбўй Р. боғларда ўстирилади. Р.нинг баъзи турлари (мас., сариқ Р.) таркибида сариқ бўёқ модда бор.

РЕЗЕКНЕ (1893 й.гача Розиттен, 1920 й.гача Режица) — Латвиядаги шаҳар (1773 й.дан). Резекне дарёси бўйида. Рига—Москва ва Санкт-Петербург—Варшава йўналишларидаги т.й. линиялар тугуни. Аҳолиси 39,5 минг киши (2000). Сут-консерва, сабзавот-мева ва гўшт к-лари, сигир сочиш мосламалари, қурилиш асбоблари, темир-бетон конструкциялар, аралаш ем ва зигир тола з-лари ишлаб турибди. Амалий санъат ва мусиқа билим юртлари, ўлкашунослик музейи бор. Р. 1285 й.дан маълум.

РЕЗЕРВ ВАЛЮТА — мамлакат ҳукумати ва Марказий банки валюта, пул маблағлари захираларини ташкил этишда, ташқи савдо операциялари ва б.ла фойдаланадиган эркин алмаштириладиган, курслари бўйича тоят барқарор чет эл валюталари.

Р.в.дан кўпинча давлатлар ўртасида халқаро ҳисоб-китобларда ҳамда *ташқи савдо*, *инвестиция* ва б. операциялар б-н боғлиқ тўловлар учун фойдаланилади. Р.в. сифатида фақат эркин алмаштириладиган, истиқболда барқарор тўлов қобилиятига эга валюталар танлаб олинади. Р.в. — Халқаро валюта фонди (ХВФ) Низомининг 8-бандида белгиланган талабларга тўлиқ жавоб бера оладиган ҳамда мазкур фондининг капиталини тўлдириб бориш учун аъзо давлатлар томонидан тўловларни амалга оширишда фойдаланиладиган валюта тури бўлиши зарур. Ундан ташқари, Р.в. сифатида жаҳон иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсата оладиган, халқ-аро иқтисодий муносабатларда ўзига хос мавқега эга мамлакатларнинг миллий валюталари танлаб олинади.

Халқаро амалиётда *доллар* (*АҚШ*), *евро*, Буюк Британия фунт стерлинги, Япония иенаси, Швейцария франкидан Р.в. тарзида фойдаланилади. Валюта курсларидан кўрилиши мумкин бўлган зарарлар бўйича хатарларнинг олдини олиш мақсадида Марказий банклар ҳукумат тасарруфидаги олтин-валюта захираларини турли валюталар бўйича *диверсификация* қилишда айнан Р.в.га (мас., АҚШ долларига) асосланади.

Абдураҳмат Бойхўжаев.

РЕЗЕРВАТ (лот. rezervatus — сақланган) — ўз тартибига кўра, буюртма қўриқхонага яқин бўлган, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудуд. Р.да табиий комплекс элементлардан бири муҳофаза қилинадиган асосий объект бўлади. Р.да овланадиган сут эмизувчилар, қушлар ёки балиқлар, ҳайвонлар ёки ўсимликларнинг ноёб турлари муҳофаза қилиниши мумкин. Р.да кўпайган ҳайвонлар ва ўсимликлар бошқа ҳудудларга табиий йўл б-н тарқалади ёки улар иқлимлаштирилади ва *интродукция* қилинади. Замонавий илмий адабиётларда Р. термини, асосан, чет эллардаги муҳофаза қилинадиган ҳудудларга нисбатан қўлланади. Баъзи қўриқхоналар ҳам Р. дейилади.

РЕЗЕРФОРД (Rutherford) Эрнст (1871.30.8, Брайтуотер, Янги Зеландия — 1937.19.10, Кембриж) — инглиз физиги; радиоактивлик ва атомнинг тузилиши тўғрисидаги таълимот асосчиларидан бири. Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1903 й.дан). Р. 1907—19 й.лар Манчестер, 1919 й.дан Кембриж ун-ти проф. ва бир вақтнинг ўзида Кавендиш даб. директори. Р. 1903 й.да Ф. Содди б-н биргаликда радиоактив емирилиш назариясини яратди ва бир элемент атомининг бошқа элемент атомига айланишини исботлаб берди. 1911 й.да атомнинг Қуёш системасига ўхшаш планетар моделини яратди. Шу моделга асосланиб 1913 й.да Н *Бор* атом тузилишининг квант назариясини ва спектрлар назариясини яратди. 1919 й.да азотни кислородга айлантирган биринчи сунъий ядро реакциясини амалга оширди; бу б-н ҳозирги замон ядро физикасига асос солди. Шу вақтдан бошлаб Р. атом ядроларини тезкор зарралар таъсирида сунъий йўл б-н ўзгартириш масалалари б-н шуғуллана бошлади. 1921 й.да у нейтрал зарралар — *нейтронларнинг* мавжудлиги тўғрисидаги фикрни ўртага ташлади. 1932 й.да Р.нинг шогирди Ж. *Чедвик* нейтронни кашф қилди.

Р. кўпгина физиклар (Г. *Мозли*, Ж. Чедвик, Ж.Д. *Кокрофт*, М.Л. Э.Олифант, Н. *Бор*, Х. *Гейгер*, О. *Ган*, П.Л.*Капица* ва б.)ни тарбиялаб етиштирди. Нобель мукофоти лауреати (1908).

Ад.: Резерфорд — учёный и учитель, М., 1973; Бекжонов Р., Холиқов А., Атом дунёсига «дарча» очган олим [Эрнест Резерфорд], Т., 1972.

РЕЗЕРФОРД ФОРМУЛАСИ — *Кулон қонуни* бўйича ўзаро таъсирлашувчи зарядланган нуқтавий норелятивистик зарралар сочилишининг эффектив кесимини аниқлаш формуласи. Э. *Резерфорд* 1911 й.да ифодалаб берган.

Инерция маркази тизимида (бу тизимда тўқнашаётган зарраларнинг тўлиқ импульси нолга тенг бўлади) Р.ф. қуйидаги кўринишга эга:

$$\frac{d\sigma}{d\Omega} = \left(\frac{Z_1 Z_2 e^2}{2mv^2}\right)^2 \frac{1}{\sin^4\left(\theta/2\right)},$$

бунда, $m = \frac{m_1 m_2}{m_1 + m_2}$ ва υ — ўзаро таъсирлашувчи зарраларнинг келтирилган массаси ва тезлиги; m_1, m_2 ва Z_1e, Z_2e — уларнинг массалари ва зарядлари; e — элементар электр заряд; θ — сочилиш бурчаги; $d\Omega$ — фазовий бурчак элементи; $d\sigma/d\Omega$ — бирлик фазовий бурчакка сочилиш кесими. Р. ф. классик ҳамда квант назарияда ўринлидир. Бу формуланн Резерфорд α-зарраларнинг юпқа металл пластинкалардан катта бурчакларга ($\theta > 90°$) сочилиши бўйича ўтказган тажрибалари натижасини интерпретация қилиш (изоҳлаш) да ишлатган. Бу тажрибалар асосида Э. Резерфорд атом массасининг асосий қисми мусбат зарядланган кичик ядрода йиғилган, деган хулосага келган. Бу қашфиёт атом тузилиши тўғрисидаги ҳоз. замон тушунчасига асос бўлган.

РЕЗЕРФОРДИЙ (лот. Rezerfordium), Rf — Менделеев даврий системасининг IV гуруҳига мансуб сунъий радиоактив кимёвий элемент. Тартиб рақами 104. Барқарор изотоплари йўқ. Масса сони 253—262 га тенг бўлган 10 та изотопи маълум. Энг узоқ умрли бўлувчи изотопи ^{262}Rf ($T_{1/2}$=1,1 мин, α-нурланувчи). Оксидланиш даражаси +4. Оптрик миқдорида олинганлиги, унинг хоссалари фақат якка атомларнинг фаолланиш аниқланган. Р. изотопларк Pb, Pu, Cm, Bt ёки Cf нишонларни Ti, Ne, O, N ёки C ионлари тезкор ионлари б-н узоқ вақт нурлантириб ҳосил қилинган. Россияда бу элемент «Курчатовий» Ku деб аталади. Элемент Э. *Резерфорд* номи б-н аталган. ИЮПАК томонидан қабул қилинган, лекин ҳали тасдиқланмаган.

РЕЗИДЕНТ (лот. residens — ўтирувчи, жойида қолувчи) — 1) ўрта асрларда муайян мамлакатда доимий ишловчи чет эллик дипломатик вакили; 2) мустамлакачи давлатнинг протекторатдаги вакили; одатда, у ана шу протекторатнинг ҳокими ҳисобланган; 3) чет эл разведкасининг бошқа ёқлор давлатдаги энг ирғиғ вакили; 4) муайян мамлакатда миллий қонунчиликни тўла риоя қилувчи рўйхатдан ўтган юридик ёхуд жисмоний шахс.

РЕЗИНА, резинка [лот. resina — катрон (смола)], вулканизат — каучукни *вулканизациялаб* олинадиган, эластик деформацияланиши жуда юқори (1000% гача) бўлган маҳсулот. Вулканизацияланадиган Р. аралашмасининг асосий компонентлари: табиий ёки синтетик каучук, вулканизацион тезлаткичлари, вулканизация тезлаткичлари фаоллаштирувчилари, тўлдиргичлар, диспергаторлар, юмшатқичлар, эскиришқайтаргичлар, бўёғичлар ва б.

Р. қуйидаги асосий гуруҳларга бўлинади: умумий мақсадларда ишлатиладиган Р. Бундай Р. ташна, оёқ кийими, пол қопламалари, транспортёр тасмалари, қайиш, ҳаракатга эчилагич, амортизатор, машиналар ва ҳ.к.) —50 дан +150 гача г-рада ишлатишга мўлжалланган; 150° дан юқорига ташқи узоқ вақт ишлатишга (ғилдирак, электр двигатель, самолёт деталларига мўлжалланган) иссиққа чидамли Р.; —50° дан паст г-рда ишлатишга мўлжалланган совуққа чидамли Р.; бензин, керосин, нефть мой турли углеводородлар учун узоқ вақт ишлатишга мўлжалланган (шланг, зичловчи турли плиталар ва ҳ.к.) турли агрессив муҳитлар таъсирига чидамли Р. Буларга Р. ҳам киради. Р. ёнғинга чидамли Р. турли ёнғинловчи

Резус.

тарқалган. Дарахтда ва кўпинча ерда тўда бўлиб яшайди. Бармоқлари ва товонига таяниб 4 оёқда юради. Яхши сузади ва шўнгийди. Р. сержаҳл ва агрессив бўлганидан улар тўдасида доминантлик-тобелик системаси қатъий эмас. Йил давомида, кўпроқ баҳор ва куздa болалайди. Тутқунликда яхши кўпаяди. Хайвонот боғларида боқилади. Лаб. ҳайвонлари сифатида фойдаланилади. Р.да қоқшол, дифтерияга қарши эмлаш методлари ишлаб чиқилган, антибиотиклар ва б. дорилар таъсирида текшириб кўрилган. Р. эритроцитлар б-н иммунланган ҳайвонлар қони плазмаси ёрдамида одам қонида *резус-фактор* антигени кашф қилинган.

РЕЗУС-ФАКТОР (Rh) — одамлар ва бенгал макакалари эритроцитларида бўладиган антиген. Р.-ф. бор ёки йўқлигига қараб резус-мусбат (Rh+ одамларнинг 85%) ва резус-манфий (Rh— одамларнинг 15%) организмларга ажратилади. Қон қуйишда Р.-ф.нинг амалий аҳамияти катта. Резус-манфийли одамларга резус-мусбатли одамларнинг қони қуйилса ёки резус-манфийли аёлнинг ҳомиласи резус-мусбатли бўлса, иммун касаллик (*чақалоқларнинг гемолитик касаллиги* ва б.) вужудга келиши мумкин. Бундай ҳолатларни аниқлаш ва даволаш ҳозир яхши йўлга қўйилган. Туғруқ вақтида, шунингдек, қон қуйишда қон группаси каби, Р.-ф. ҳам, албатта, ҳисобга олиниши шарт.

РЕЗЬБА (рус. резать — кесмоқ сўзидан) — ҳар хил шаклли деталларнинг ички ёки ташқи сиртига ўйилган ариқча ва бўртмалар. Машина деталлари, механизмлар, асбоблар, аппаратлар, иншоотларнинг қисмлари ва деталларни бириктириш учун ишлатилади. Ариқча ва бўртмаларнинг шаклига қараб, учбурчак, тўғри тўртбурчак, трапециядал, тирак, труба; ўлчов тизимига кўра, метрик ва дюйм; кирим сонига қараб, 1,2 ва кўп киримли; деталнинг ўйилган сиртига ва йўналишига қараб, ташқи (винт, болт ва б.) ва ички (гайка) хилларга, ўрамнинг йўналишига (чапдан ўнгга ёки ўнгдан чапга) қараб, ўнақай ва чапақай хилларга бўлинади. Р.нинг икки қўшни бўртмаси ёки ариқчаси орасидаги масофа (S) Р. қадами дейилади. У ўзгармас (равон) ва катталашиб борадиган бўлиши мумкин.



Резьба. 1-расм. Станокда резьба очиш схемаси: *а* — ясси асбоб билан; *б* — доиравий асбоб билан.

Р.ни қўлда (плашка, метчик б-н), металл кесиш станокларида (махсус мослама — кесиш каллаги ўрнатиб), ўйиш ва кесиш станокларида очиш мумкин. Р. ўйиш станоги босим таъсирида ташқи Р. ўйиш учун ишлатилади. Ясси ва думалоқ қуролли хиллари бор. Бунда заготовка сиртидан қиринди олинмайди. Р. металл кесиш станогида ташқи ҳамда ички Р. кесиш мумкин. Бунда плашка ёки кескичлар ёрдамида заготовка сиртидан қиринди олинади. Р. қирқиш кескичлари ўрнатилган каллаклар б-н Р. очишнинг уюрма усули кенг тарқалган. Бу усулда каллаклар деталга нисбатан эксцентрик тарзда жойлаштирилади. Деталь каллакнинг бир айланишига мос равишда Р. қадамига тенг ўқ бўйича сурилади.



2-расм. Уюрма усулида резьба қирқиш схемаси: *а* — қамраш усули; *б* — кескични заготовка атрофида айлантириш усули: *1* — заготовка; *2* — кесувчи каллак; n_1 — заготовканинг айланиш йўналиши; n_2 — кесувчи каллакнинг айланиш йўналиши.

Р. элементлари (ташқи, ички ва ўрта диаметри, қадами ва б.) Р. ўлчаш асбоблари ва қуроллари ёрдамида текширилади. Булар: калибрлар, микрометр, резьбомер, Р. андазалари, синус линейкалар, микроскоп, оптиметр, проектор ва б.

РЕЗЬБА НАКАТЛАШ — совуқлайин пластик деформациялаш усули б-н деталларга *резьба* очиш. Махсус асбоблар (думалоқ роликлар, ясси плашкалар ва б.) ёрдамида амалга оширилади. Р.н. усули, асосан, калта маҳкамлаш деталларидаги резьбаларни очиш учун қўлланилади.

РЕЗЬБА ҚИРҚИШ АСБОБИ, — турли деталларга *резьба* очиш учун мўлжалланган асбоб. Винт, шпилька, болт ва б. деталларга ташқи резьба қирқадиган, гайка, втулка ва б. деталларга ички резьба қирқадиган Р.қ.а.лари бор. Улар жумласига кескич, фреза, резьба қирқиш каллаклари (кўп тиғли асбоблар), метчик, плашка ва б. асбоблар киради.

РЕИМПОРТ (*ре...* инг. ва *import* — киритмоқ, олиб келмоқ) — чет элга чиқариладиган, аммо у ерда қайта ишлов берилмаган ва истеъмол қилинмаган товарларни қайта мамлакатнинг ўзига қайтариб олиб келиш. Чет эл кимошди савдосида сотилмаган, консигнация омборларида сақланган, кўргазма ва ярмаркаларда сотилмаган, нуқсони топилган ёки талаб бўлмагани учун қайтарилган товарлар Р.га киради.

РЕИНВЕСТИЦИЯ (*ре...* ва *инвестиция*) — инвестициялар бўйича даромадлар кўринишида олинган ва и.ч.-ни кенгайтириш учун йўналтирилган маблағлар. Молиявий (қимматли қоғозларга қўйиладиган) ва реал (асосий ва айланма капиталга қўйиладиган) Р.га бўлинади.

РЕЙ Сатьяжит (1921.2.5, Калькутта — 1992) — ҳинд реж.и. Калькутта кино мактабининг асосчиси. Р. Тагор асос солган ун-тда рангтасвирдан сабоқ олган. Бенгал халқи ҳаётига бағишланган трилогияси («Йўл қўшиғи», «Енгилмаганлар», «Апу дунёси»)ни суратга олган. «Ўрмондаги кундар ва тунлар», «Раҳиб», «Донишмандлик тоши», «Қаҳрамон», «Воситачи», «Шахматчилар» каби фильмлари б-н танилган. Кўпгина фильмларига ўзи мусиқа ёзган. Китоб рассоми сифатида ҳам ижод қилган.

Ад.: Сатьяджит Рей. М., 1979.

РЕЙГАН (Reagan) Рональд Уилсон (1911.6.2, Иллинойс штатининг Тампико ш.) — АҚШнинг 40-президенти (1981—89), Калифорния штати губернатори (1967—75), актёр (1937—67). Киноактёрлар касаба уюшмаси президенти (1947). Р. маълумоти бўйича иқтисодчи ва социолог. Р. иш фаолиятини турли радиостанцияларда спорт шарҳловчиликдан бошлаб, 30 йил Голливудда актёр бўлиб ишлаган. 1962 й.дан Республикачилар партияси аъзоси. Шу партия томонидан Калифорния штати губернатори лавозимига сайланган. Р. «консерватив инқилоб» сиёсатини эълон қилиб, 70-й.ларда юз берган иқтисодий муаммони ҳал қилиш йўлларини кўрсатди, у тарихда «рейганомика» деб ном олди. Унга кўра, солиқларнинг миқдори камайтирилган, инвестицияларга тўсиқ бўлган давлат йўриқномаларини бекор қилиш ёки ихчамлаштириш ва шу йўл б-н иқтисоднинг ўсишини таъминлаш кўзда тутилган. Солиқлар биринчи йили 25% ва қолган 2 йил мобайнида 10%дан камайтирилган. Р. ташқи сиёсатда Афғонистонга бостириб кирган Совет Иттифоқига нисбатан «ёвузлик империяси» сиёсатини ўтказди. 1983 й.да Гренада о. босиб олинди, 1986 й.да Ливия ҳаводан бомбардимон қилинди.

РЕЙКА (рус. — ёғоч тўла) — 1) тишли Р. — бир томонига тишлар очилган призматик ёки цилиндрик стержень; тишлари тишли ғилдирак (шестерня) тишлари б-н илашиб, илгарилама-қайтма ҳаракат қилади. Айланма ҳаракатни илгарилама ҳаракатга айлантириб беради ва аксинча. Юк кўтариш механизмлари, станоклар ва б.да қўлланилади;

2) геодезияда — а) икки нуқта баландлигини аниқлаш учун *нивелир* б-н ишлатиладиган мослама; тўғри тўртбурчак ёки двутавр кесимли, 3—4 м узунликдаги ёғоч тахтача. Ўнги (юзи)да ёки иккала томонида шашкасимон ёки штрих шкалали бўлади; в) оптик-механик масофа ўлчагич (дальномер) б-н масофани ўлчашда ўзгарувчан ва ўзгармас базис сифатида ишлатиладиган геодезик асбоб; 3) сувоқчиликда, ер ўлчашда ишлатиладиган мослама (қ. *Газғ'ир*).

РЕЙКЬЯВИК — Исландиянинг пойтахти. Мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази. Исландия о.нинг жан.-ғарбий қисмида, Атлантика океанининг Фахсафлоуи қўлтиғи соҳилида жойлашган. Иқлими қиши юмшоқ субарктика денгиз иқлими. Янв.нинг ўртача т-раси 0,4°, июлда 11—12°. Қишда қўлтиқ суви музламайди. Йиллик ёғин 800 мм. Аҳолиси 112,2 минг киши (2002).

Р. — трансатлантика йўлидаги муҳим порт. Транспорт йўллари тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Р. — балиқ саноати ва савдосининг жаҳонда энг йирик марказларидан. Шаҳар саноати, асосан, балиқ хўжалиги ва балиқ овлаш флотига хизмат кўрсатиш б-н боғлиқ. Озиқ-овқат саноатида балиқ уни, мойи ва б. ишлаб чиқарилади. Кема верфи, пойабзал, тўқимачилик саноати корхоналари, алюминий, цемент з-длари ишлаб турибди. Балиқ саноати учун жиҳозлар ишлаб чиқарилади. Машиний эҳтиёжлар ва уйларни иситиш учун қайноқ ер ости сувларидан фойдаланилади. Ун-т, пед. институти, и.т.лар миллий кенгаши, метеорология, патологияи ва бактериологияи ин-тлари; йирик кутубхоналар, музейлар, бадиий галерея, миллий театр бор. Шаҳар ўрнида 17-а.гача қишлоқ бўлган. 1920 й.дан Исландия Қироллиги, 1944 й.дан Исландия Республикаси пойтахти.

Рейкьявик шаҳрининг бир қисми.

РЕЙМС — Франциянинг шим.-шарқий қисмидаги шаҳар. Марна департаменти. Аҳолиси 191,3 минг киши (1999). Транспорт йўлларининг муҳим тутуни. Каналлар орқали Марна ва Эна дарёлари б-н боғланган. Мамлакатнинг мовут саноати ва шампан виноларини ишлаб чиқариладиган маркази. Машинасозлик (айниқса, уй-рўзғор электр приборлари ишл.), озиқ-овқат саноати корхоналари, и.ч.). Меъморий ёдгорликларидан 2-ун-т бор. Меъморий ёдгорликларидан 2-а.га оид обидалар ва 11—18-а.ларда а.га оид обидалар ва 11—18-а.ларда қурилган Сант-Реми аббатлиги, Нотр-Дам готика собори ва б. сақланган. Шаҳар мил. ав. бунёд этилган, дастлаб Дурокормил. ав. бунёд этилган, дастлаб Дурокорторум, кейинроқ Реми деб аталган. Р.да 19-а. ўрталаригача француз қироллигига тож кийдириш маросимлари ўтказилган.

РЕЙН — Ғарбий Европадаги энг катта дарёлардан бири. Швейцария, Лихтенштейн, Австрия, Франция, Германия, Нидерландия ҳудудларидан оқиб ўтади. Уз. 1320 км, ҳавзасининг майд. 224,4 минг км². Альп тоғларидан бошланиб, Боден кўлидан оқиб ўттач, Юра ва Шварцвальд тизмаларини кесиб ўтади. Сўнгра Юқори Рейн пастсиб ўтади. Сўнгра Юқори Рейн пастекислиги бўйлаб оқади ва ўрта қисмида тор водий орқали Рейн Сланецли тоғларини кесиб ўтиб, Ўрта Европа текислигига чиқади. Шим. денгизга мураккаб дельта ҳосил қилиб қуйилади. Юқори қисмида баҳор — ёз ойларида, ўрта ва қуйи қисмларида йил давомида серсув. Йиллик ўртача сув сарфи 2500 м³/сек., йиллик сув оқими 79 км³.

Р. — Ғарбий Европанинг муҳим халқаро сув магистрали. Қуйи оқимида йилига 100 млн. т ҳажмда юк ташилади. Базель ш.дан бошлаб 952 км масофада ва Боден кўлида мунтазам кема қатнайди. Р. ҳавзасидаги сув йўлларининг умумий уз. 3000 км чамасида. Каналлар орқали Рона, Марна, Везер, Эмс, Эльба дарёлари б-н туташган. ГЭСлар қурилган. Р. бўйида Базель, Страсбур, Мангейм, Майнц, Бонн, Кёльн, Дюссельдорф, Дуйсбург ш.лари, дельтасида Роттердам денгиз порти жойлашган.

РЕЙН СЛАНЕЦЛИ ТОҒЛАРИ — Рейн дарёси ўрта оқимининг ҳар икки соҳилида жойлашган тоғлар, асосан, Германия ҳудудида. Шим. дан жанубга 150 км, ғарбдан шарққа 400 км га чўзилган. Ўртача бал. 500—600 м, энг баланд жойи 880 м (Гросер-Фельдберг чўққиси). Ясси платолар бор. Сланец ва кварцитлардан, шунингдек, қумтош ва оҳактошлардан тузилган. Қад. вулкан натижасида ҳосил бўлган рельеф шакл-лари сақланган. Рейн, Мозель, Лан дарёлари водийлари б-н парчаланган. Р.с.т.нинг шим. қисмидаги тоғ олди букилмасида Рур тошкўмир ҳавзаси жойлашган. Тоғ ён бағирлари ўрмонлар (қорақайин, қорақарағай, дуб) б-н қопланган. Ясси жойларида ботқоқликлар ва ялангликлар учрайди. Дарё водийларида деҳқончилик қилинади. Токзорлар бор. Чорва боқилади.

РЕЙН УНИВЕРСИТЕТИ, Фридрих Вильгельм номидаги Рейн университети — қ. *Бонн университети.*

РЕЙНЛАНД-ПФАЛЬЦ — Германия ери. Рейн ва унинг ирмоқлари ҳавзасида, Сланецли Рейн тоғлари оралиғида жойлашган. Франция, Люксембург ва Бельгия б-н чегарадош. Р.-П. 30 авг. 1946 й.да ташкил этилган. Майд. 19,8 минг км². Аҳолиси 4,04 млн. киши (2001). Маъмурий маркази — Майнц ш. География ўрнининг қулайлиги, ҳудудидан йирик автомобиль, т.й. ва сув йўллари ўтганлиги ҳамда 3 иқтисодий р-н (Рейн-Майн, Рейн-Неккар, Рейн-Рур)нинг яқинлиги сабабли Р.-П. иқтисодиёти тез суръатларда ривожланмоқда. Иқтисодиёти кўп тармоқли. Р.-П.да ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг 40% экспорт қилинади, ушбу кўрсаткич бўйича ГФРда 1-ўринда. Кимё саноати ривожланган, Людвигсхафенда Европада энг йирик кимё корхонаси ишлаб турибди. Автомобиль саноати учун жиҳозлар, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Керамика, озиқ-овқат, ойна-шиша, кўн-тери саноати корхоналари бор. Виночилик ва ўрмон саноати маркази. Дарё водийларида токзорлар барпо қилинган. Чорвачилик сут-гўшт ва чўчқачиликка ихтисослашган. Донли экинлар, картошка, тех-

ника экинлари экилади. Катта майдонларда ўрмонлар сақланган. Йирик шаҳарлари: Людвигсхафен, Майнц, Кобленц, Кайзерслаутерн, Трир ва б. Тарихий шаҳарларида собор, синагога, черков, қалъа, қаср ва саройлар сақланган. Музейлар бор.

РЕЙНОЛЬДС СОНИ — стационар оқаётган бир қанча суюқлик (газ) лар оқимларининг ўхшашлик мезонларидан бири; суюқлик кинетик энергиясини ишқаланиш кучини енгишдаги бажарилган ишга нисбатини ифодалайдиган ўлчамсиз катталик:

$$R_e = \frac{\rho l v}{\eta},$$

бунда ρ — суюқлик зичлиги, l ва v — текширилаётган оқимнинг ўзига хос чизиқли ўлчами ва тезлиги, η — суюқликнинг ички ишқаланиш коэффициенти. Р.с. суюқликнинг инерция ва ички ишқаланиш кучлари орасидаги муносабатни аниқлайди. Кўпгина ҳолларда стационар оқаётган суюқликлар учун Р.с. бир хил қийматга эга бўлса, бундай суюқликлар гидромеханик ўхшаш суюқликларни ташкил этади. Гидродинамик ўхшаш суюқликларда оқим таснифи ҳам, албатта, бир хил бўлади. Бу қонундан кемасозлик ва самолётсозлик саноатида кенг фойдаланилади. Кема ва самолётлар асл нусхасини синовдан ўтказиш ўрнига уларнинг катталиклари бир неча марта кичрайтирилган моделларини синовдан ўтказиб тегишли хулоса чиқарилади. Инглиз физиги ва муҳандиси О. Рейнольдс (1842—1912) шарафига қўйилган.

РЕЙНУОТЕР (Rainwater) Жеймс (1917.9.12, Каунсил, Айдахо штати) — америкалик физик, АҚШ Миллий ФА аъзоси. Калифорния технология ин-тини тугатган (1939). 1939 й.дан Нью-Йоркдаги Колумбия ун-тида ишлаган (1952 й.дан проф.). Илмий ишлари ядро физикаси ва элементар зарралар физикасига оид. Ядронинг умумий моделини таклиф этган. Нобель мукофоти лауреати (О. *Бор* ва Б. *Моттельсон* б-н ҳамкорликда; 1975).

РЕЙСМАС, рейсмус (нем. reißen — чизмоқ ва maß — ўлчов) — ёғоч ёки металл деталлар тайёрлаш учун заготовкаларни режалашда қўлланиладиган чизмачилик асбоби. Металларга ишлов беришда Р. масштабли чизғичлан заготовкага ўлчамларни кўчириш, режа чизиқлари чизиш, чизиқли ўлчамларни ўлчаш учун ишлатилади. Бундай Р. чизғич маҳкамланадиган қисқичли устунча (стойка) дан иборат. Р. ёрдамида режалашни тезлаштириш ва аниқлигини ошириш учун штангенрейсмасдан

Рейсмас: *1* — асос; *2* — устун; *3* — қулоқли гайка; *4* — чизғич; *5* — қисувчи винт; *6* — қисқич.

фойдаланилади. Дурадгорликда ишлатиладиган Р. 2 та бир-бирига параллел қисмлари бўлган қолипдан иборат. Бу қисмларнинг бир учида режа чизиқлари чизиш учун чизғичлар бўлади.

РЕЙСФЕДЕР (нем. reißen — чизмоқ ва Feder — перо) — тушь ёки бошқа суюқ бўёқ б-н чизиқлар чизиш учун мўлжалланган чизмачилик асбоби. Р. б-н



Рейсфедер: *а* — чизиқлар чизадиган; *б* — пичоқсимон; *в* — бўлинма калтакли; *г* — қўш чизиқ чизадиган; *д* — қўш қийшиқ оёқли; *е* — циркулга ўрнатиладиган; *ж* — икка қийшиқ оёқли.

н чизиқлар чизишда чизғич ёки лекалодан фойдаланилади. Р.нинг дастаси ва пероси пластмасса ёки пўлатдан ясалади (қ. *Готовальня*).

РЕЙСШИНА (нем. reißen — чизмоқ ва Schiene — шина, рельс) — параллел ва перпендикуляр чизиқларни чизиш учун ишлатиладиган чизмачилик асбо-



Рейсшина: *а* — бир планкали рейсшина; *б* — икки планкали рейсшина.

би. Бир учига қундаланг тахтача (пленка) маҳкамланган. Икки планкали (уз. 800—1400 мм) ва бир планкали (500—700 мм) қилиб ишлаб чиқарилади. Чизмачилик тахтаси қиррасига қўйиб, турли бурчак остидаги чизиқларни чизиш учун қундалаң тахтача бурилдиган қилиб ясалади. Р. қаттиқ жинсли ёғочдан қилинади.

РЕЙТЕР — Англиянинг энг йирик ахборот агентлиги. 1851 й. Лондонда Рейтер (P. J. Reuter) томонидан ташкил этилган. Хусусий соҳибкорлар трести. Чет эл хабарларини тарқатади.

РЕЙТИНГ (инг. rating) — 1) ўқувчи ва талабаларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолаш усули. Ўзбекистонда ўқитувсиз таълим тизимининг меъёрий ҳужжати сифатида қабул қилинган. Умумий ўрта таълим мактаблари учун 1998—2003 й.лларда жорий бўлиб келган. 2003 й.дан мактабларнинг бошланғич синфларида қайта қўлланила бошлади.

Р. тизими олий таълимда талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш учун Ўз Р Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1999 й. 8 июндаги, магистрлар билимини назорат қилиш ва баҳолаш учун 1999 й. 31 декдаги буйруғи б-н тасдиқланган Низом асосида амалга оширилади. Унда семестр бўйича муайян фандан 55% дан кам балл тўплаган талаба академик қарздор, 56—70% балл тўплаган талаба «ўрта», 71—85% балл тўплаган талаба «яхши», 86% дан юқори балл тўплаган талаба «аъло» кўрсаткичга эга ҳисобланади. Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг Р. тизими назоратнинг 3 тури (жорий, оралиқ, якуний) да амалга оширилиб, уларнинг ўзлаштиришларини мунтазам назорат этиб бориш, билим сифатини баҳолашда холислик, аниқлик ва ошкораликни таъминлайди; 2) фаолият турининг самарадорлиги ва нуфузини белгиловчи усул. Мас., спорт соҳасида спортчи (команда)нинг Р. кўрсаткичи унинг умумий таснифдаги ўрнини белгилаб беради (жаҳон профессионал теннисчилар Р.и, профессионал боксчиларнинг чемпионлик учун финалгача бўлган Р. жанглари, футбол бўйича терма жамоалар ҳамда командалар Р.и, шахматчи ёки шашкачи ютуқларининг сон б-н ифодаланадиган мусобақалардаги натижаларига қараб ўзгариб турадиган шахсий кўрсаткичи ва ҳ.к.); 3) снёсат, маданият ва б. соҳалардаги таниқли арбобларнинг жамоатчилик фикрини ўрганиш йўли б-н аниқланадиган машҳурлик даражаси.

РЕЙХСКАНЦЛЕР (нем. Reichskanzler) — 1871 — 1945 й.ларда Германияда ҳукумат бошлиғи.

РЕЙХСТАГ (нем. Reichstag) — 1) ўрта асрлардаги «Герман миллатининг Муқаддас Рим империяси»да марказий ҳокимият органларидан бири; 2) Германияда 1867—1945 й.ларда (амалда 1933 й.гача) парламент номи. 2-жаҳон урушн даврида (1945 й. 29,4 —2.5), советларнинг 1-Белоруссия фронти қўшинлари (ҳ.қумондони маршал Г. К. Жуков) *Берлин операцияси* жараёнида Р. биносини штурм б-н эгалланган.

РЕЙХШТЕЙН (Reichstein) Тадеуш (1897.20.7, Влоцлавек, Польша — 1996) — швейцариялик органик-кимёгар. Лондон Қироллик жамияти аъзоси. Швейцариядаги Федерал политехника мактабини тугатган (1920). Базель ун-ти қошидаги Фармацевтика ин-ти директори ва фармацевтик кимё проф. (1938 й.дан). 1933 й.да витамин С (аскорбин кислотасини синтез қилган. Илмий изланишлари гормонлар биокимёси, гетероциклик моддалар, қанд, витаминлар (аскорбин ва пантотенат кислоталар), стероидлар, буйрак усти бези гормонларининг кимёвий тузилиши ва биологик хоссаларини ўрганишга онд. Нобель мукофоти лауреати (1950). Ф. Ш. Хенч ва Э. К. Кендалл б-н ҳамкорликда).

РЕКАПИТУЛЯЦИЯ (лот. recapitulatio) (биологияда) — эмбриогенезда организмнинг вояга етган аждодлари белгиларининг такрорланиши. Юксак организмлар эмбрионининг бирмунча тубан тузилган гуруҳлар вояга етган даврига ўхшашлигини илк бор немис биологи И. Меккел (1811) аниқлаган. Мас., юксак умуртқалилар онтогенезида бош буйрак (пронефрос)ни аввал тана буйрак (мезонефрос), сўнгра чаноқ буйрак б-н алмашинишни улар аждодларида айириш системасининг ривожланиши даврларини; папоротникларда дастлабки барглариниг дихотомик шохланиши улар аждодлари — палеозой давридаги риниофитлар учун хос бўлган поянинг дихотомик шохланишини такрорлайди. Биогенетик қонунда (Э. *Геккель*, 1866) Р.га онтогенезнинг эволюцион таркиб топиши натижаси сифатида қаралади, яъни тарихий ривожланиш давомида организмларнинг ўзгариб бориши туфайли аждодларга хос бўлган тузилиш белгилари уларнинг эмбрионига ўтган ва авлодларнинг индивидуал ривожланишда эмбрионал белгилар сифатида такрорланган. Рус олими А. Н. Северцов Р.ни бутун бир организм учун эмас, балки айрим органлар учун хос эканлигини кўрсатди.

РЕКВИЕМ (лот. requiem — ором, тинчлик) — марҳумлар хотирасига бағишланган *месса* тури, *диний мусиқа* жанри, лотин матнларига айтиладиган вокал ёки вокал чолғу туркуми. Тантанавор мессадан баъзи («Gloria», «Credo») қисмларининг ўрнига бошқа («Requiem aeternam» — «Абадий ором», «Dies irae» — «Қиёмат» каби) қисмларнинг киритилиши б-н фарқланади. Қайғули, мотамсаро характерга эга. Дастлаб бир овозли григориан *мусиқа* қўйларига асосланган. 15-а.дан кўп овозли хор полифонияси асари (Г. Дюфаи, Й. Окегем, О. Лассо, Ж. Палестрина), 17-а.дан хор, якка-хон хонандалар ва оркестр учун гомофон хонандалар ва оркестр учун гомофон-полифон услубидаги йирик асар сифатида фанни услубидаги йирик асар сифатида ривож топди. В. А. Моцарт, Г. Берлиоз, Ж. Верди, И. Брамс Р.лари мазкур жанрнинг энг машҳур намуналаридир. 20-асрнинг энг машҳур намуналаридир. 20-асрнинг композиторлари (И. Стравинский, А. Шнитке ва б.) диний (лотин) матнлари қатори замонавий шоирлар шеърларидан ҳам фойдаланишган (мас., Б. Бриттен ҳам фойдаланишган (мас., Б. Бриттен томда Р. жанрига М. Бурҳонов («Абадий ёнинг «Ҳарбий реквием»и). Ўзбекистонда Р. жанрига М. Бурҳонов («Абадий хотира», 1996), Ф. Янов-Яновский («Реквием», 1997)лар мурожаат қилишган.

РЕКВИЗИТ (лот. requisitum — керакли, зарур) — спектакль давомида бадиий саҳна безаш ёки актёр учун керак бўлган зарур (ростакам ёки ясама) рақ бўлган зарур (ростакам ёки ясама) буюмлар, мебель, уй ичи жиҳозлари, буюмлар, мебель, уй ичи жиҳозлари, қурол-аслаҳа, гуллар ва б.

РЕКВИЗИТЛАР (ҳуқуқда) — муайян ҳужжат (мас., чек, вексель)ни ҳақиқий деб топиш учун унда бўлиши керак бўлган маълумотлар. Мас., ҳужжат номи, ҳужжат тузилган сана; иштирокчи томонларнинг номлари, манзиллари; битим шартлари, жавобгар шахсларнинг имзолари ва ҳ.к.). Бухгалтерия, пул ҳужжатлари, шунингдек, чет эл субъектлари б-н тузиладиган ҳужжатларда Р.га алоҳида эътибор берилади.

РЕКВИЗИЦИЯ (лот. requisitio — талаб қилиб олиш, олиб қўйиш) — мулкни ҳақ тўлаб мажбурий равишда давлат эгалигига тўла ёки вақтинча фойдаланиш учун олиш. Ўзбекистон Республикаси ФКга кўра, табиий офатлар, авариялар, эпидемиялар, эпизоотиялар юз берган тақдирда ва фавқулодда тусдаги бошқа вазиятларда мол-мулк жамият манфаатларини кўзлаб, давлат ҳокимияти органларини қарорига мувофиқ мулк-дорлан унга мол-мулкнинг қийматини тўлаган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида олиб қўйилиши мумкин (ФК, 203-модда). Р. ўтказилишига сабаб бўлган вазиятларнинг амал қилиши тўхтаганидан кейин Р. қилинган мол-мулкнинг собиқ эгаси сақланиб қолган мол-мулкни ўзига қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли. Қонунда чет эл инвесторлари мулкига нисбатан Р. қўллаш шартлари ва тартиби ҳам аниқ белгиланган.

РЕКЛАМА (лот. reklamo — қичқирмоқ) — товарларнинг сифати, уларни сотиб олишдан кўриладиган наф ҳақидаги ахборот; бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар ёки маҳсулот тўғрисида тарқатиладиган махсус ахборот. Р. *маркетинг*нинг таркибий қисми ҳисобланиб, *талаб* ва истеъмолчилар дидининг шаклланишига таъсир кўрсатади. Р. корхона имижини яратиш (узоқ даврли таъсир кўрсатиш), жорий сотиш ҳажмини кўпайтириш (қисқа даврли таъсир кўрсатиш), харидорларга нима сотиб олишни ва уни нима учун сотиб олиш зарурлигини ҳал қилишда ёрдамлашиш ва б. мақсадларда олиб борилади. Р.нинг асосий вазифаси — харидорни қизиқтириш, мижоз харидорларни йўқотмаслик ва уларни кенгайтиришга қаратилади.

Р.нинг пайдо бўлиш тарихи жуда қадимий. Юнонистон ва Қадимги Римда оғзаки ва ёзма Р., ҳатто товар белгиси қўйиб тамғалаш йўли б-н товарлар Р. қилинганлиги ҳақида маълумотлар бор. Хоз. шаклдаги Р. илк марта АҚШда пайдо бўлган. Бу ерда 19-а.нинг 2-ярмида биринчи Р. агентликлари фаолият кўрсатган ва Р. катта даромад келтира бошлаган. Дастлаб ёзма Р. харидорларни магазин ва унда сотиладиган товарлардан хабардор қилиш вазифасини бажарган. Бу иш тахталарда ёзиш ва витриналар ташкил этиш орқали амалга оширилган. Кейинчалик Р. потенциал харидорга нашрлар орқали мурожаат шаклига айланди — афишалар, китоблар, журналлар, газеталарда ахборот-реклама эълонлари пайдо бўлди. Р. ишига оммавий ахборот воситалари (матбуот, радио, телевидение, кино) жалб этилди.

Р. бир неча вазифани бажаради: 1) товарлар ва хизматлар истеъмолчиларини хабардор қилиш, маълумот бериш вазифаси — Р. эълонларида товар ва хизматларнинг сифати, ишончлилиги, уларни қўллаш соҳалари, ишлаб чиқарувчилари ва сотиб олиш йўллари ҳақида маълумот беради; 2) ишонтирувчи Р. — мавжуд товарга истеъмолчи ва харидорларнинг мойиллигини оширишга хизмат қилади; 3) эслатувчи Р. — мавжуд, аммо бир қалар унутилган талабни, харидорларнинг ўзлари учун маълум бўлган товарларга муносабатни кенгайтиришда муҳим ўринда турали.

Бундай Р. даврий янгиланиб турадиган ва мавсумий товарлар учун қўлланилади.

Ҳар бир фирма ўз Р. фаолиятини Р. агентларини ёллаш ёки Р. хизматини тузиш ёки махсус реклама агентликлари хизматларидан фойдаланиш асосида амалга оширади. Р.нинг самарадорлиги кўп жиҳатдан талабни ўрганишни ташкил қилишга боғлиқ бўлиб, харидорлар доирасини аниқлаш ва уларга таъсир ўтказиш усулларига ёрдам беради. Ҳоз. даврда Р. матбуот, радио, телевидение орқали олиб борилади, махсус Р. фильмлари намойиш этилади. Р.қилиш мақсадида плакат, буклет, товар каталоглари кўркам қилиб чиқарилади ва тарқатилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида Р. хизматларининг аҳамияти кучайиб, муомала харажатида Р. харажатларининг ҳиссаси ортиб боради, Р. талабиркорликнинг алоҳида бир тармоғига айланади ва Р. махсус қоидалар ва қонунларга мувофиқ ташкил этилади. Қонунийлик, аниқлик, ишончлилик, Р.дан фойдаланувчига зарар, шунингдек, маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш Р.га доир асосий талаблардир. Ўзбекистонда Р. тайёрлаш ва тарқатиш б-н боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида» (1998 й. 25 дек.) қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари б-н тартибга солинади. Ушбу қонунга кўра, истеъмолчиларни чалғитадиган ёлғон ёки ноаниқ маълумотларни Р. воситасида тарқатиш, шунингдек, айрим товарлар ёки фаолият соҳаларини Р. қилиш қонун йўли б-н тақиқланади (яна қ. *Маркетинг*).

Ад.: Абдуллаева Ш., Носиров П., Маркетинг — бозор иқтисодиёти асоси, Т., 1994.

Қодиржон Юсупов, Барно Раҳимова.

РЕКЛАМАЦИЯ (лот. reclamatio — қатъий норозилик) — товар сотиб олувчининг товар етказиб берувчига ёки хизматларни бажарувчи (ёки аксинча)га тегишли мажбуриятларни бажармаганлиги тўғрисида ёзма равишда билдириладиган эътирози. Р. турли сабабларга кўра: маҳсулот сифати, миқдори ва бутлиги давлат стандарти, техника шартлари намунасига, келишилган шартларга мос келмаганда, товарлар вақтида етказиб берилмаганда, тўлов қоидаси бузилганда, томонлардан бири шартнома талабларини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда ва б. ҳолларда берилади. Тузиладиган савдо битимларида Р. баёни ва уни кўриб чиқиш тартиби бирма-бир айтиб ўтилади. Эътирозномада товар номи, миқдори, шартнома рақами, транспорт. Р. сабаблари (товар камомади, сифатсизлиги, нобутлиги ва ҳ.к.), арзномачи талаблари (вақтида етказиб берилиши, нуқсонларнинг бартараф этилиши, нархини тушириш, ортиқча тўланган суммани қайтариш, жарима тўлаш, зарарни қоплаш) кўрсатилиши керак.

Шартнома тузган томонлар Р. ни дўстона ҳал этишга ҳаракат қиладилар, агар бунинг иложи бўлмаса, жабрланган томон ҳал қилишни сўраб жавобгар мамлакат ҳакамлиги (арбитражи)га, баъзи мамлакатлар битим шартларига кўра, бетараф мамлакатлар (мас., Швеция — Стокгольм) ҳакамлигига арз қиладилар. Кўп ҳолларда даъвогар сотиб олувчи, жавобгар сотувчи бўлади.

РЕКОМБИНАЦИЯ (*ре...* ва лот. combination — бириктириш) (генетикада) — тирик организмларда генетик материалнинг наслда қайта тақсимланиши. Р. натижасида эволюцион ўзгаришлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган комбинатив ўзгарувчанлик юзага чиқади. Р. барча тирик организмлар: вируслардан бошлаб, юксак ўсимликлар ва ҳайвонларгача хос бўлган универсал биологик механизм ҳисобланади. Р. эукариот организмларда жинсий жараён ёрдамида, прокариотларда-*конъюгация*, *трансформация* ва трансдукция, вирусларда қўшма инфекция орқали содир бўлади. Р. *мейоз*да гомологик хромосомаларнинг ажралиши ёки ДНК молекулаларининг ўзаро таъсири натижасида ДНК бир қисмининг бир молекуладан иккинчисига ўтиши орқали амалга оширилади. Р. ДНК молекулалари ўртасида ўзаро қисмлар алмашинувидан (рицепрок Р.) ёки молекула бир қисмининг бошқа молекулага ўтиб қолишидан (рицепроқ бўлмаган Р.) иборат. Р. соматик ва жинсий ҳужайраларда кузатилади. Лекин митозда Р. тезлиги мейозга нисбатан анча паст бўлади. Р.нинг 3 типи (умумий, сайтспецифик, нотўғри) учрайди. Умумий Р., яъни *кроссинговер*да ДНКнинг гомологик кетма-кетлиги ўртасидаги алмашиниш бутун геном бўйлаб содир бўлади. Натижада комплементарлик асосида ҳар хил рекомбинатив ДНК молекулаларидан анча узун (100 жуфтга яқин нуклеотидлардан иборат) гибрид молекула шаклланади. Сайтспецифик Р. геномнинг 10—20 жуфт нуклеотидидан иборат қатъий чекланган қисмларида (мас., профагларнинг бактерия геномига қўшилишида) содир бўлади. Нотўғри Р. механизми яхши ўрганилмаган. Нотўғри Р. негомологик ДНК молекулаларининг ўзаро таъсиридан иборат бўлиб, трансло-кация, инверсия, деления ва б. жараён-лар б-н боғлиқ. Р. орқали генларнинг бирикиш гуруҳи ани қланади; генларнинг жойланишини ифодаловчи генетик харитлар тузилади; фенотипик кўринишининг ўзгаришлари бўйича мутацияларнинг аллеллиги кўрсатилади. *Генетик инженерия* ҳам рекомбинат (гибрид) ДНК олишга асосланган.

РЕКОМБИНАЦИЯ — бетартиб ҳаракат натижасида ҳар хил ишорали ионларнинг ўзаро учрашиб нейтрал молекулалар (атомлар) ни ҳосил қилиш жараёни. Р. ҳодисасини туз, ишқор ва кислоталарнинг суюлди эритмалари, ионлаштирилган газлар, яримўтказгичлар ва б.да кузатиш мумкин. Эритмаларда бир вақтнинг ўзида эритилган модда молекулаларининг ионларга ажралиши (диссоциацияси) ва ионларнинг бирлашиб молекулага айланиши содир бўлиб туради. Вақт бирлигида диссоциаланган молекулалар сони шу вақт давомида рекомбинацияланиш натижасида ҳосил бўлган молекулаларнинг сонига тенг бўлиб қолса, мувозанат ҳолат юзага келади. Икки хил ишорали ионларнинг ўзаро учрашиш эҳтимоли мусбат ва манфий ионлар концентрациясига мутаносиб бўлади. Агар эритмада эриган модда молекулаларининг сони жуда кам миқдорда бўлса, вужудга келган ионларнинг бир-бирлари б-н учрашиш эҳтимоли камайиб кетади, натижада Р. содир бўлмайди.

Яримўтказгичларда ҳар бир вақтнинг ўзида икки жараён юз беради: эркин электрон ва коваклариинг жуфт ҳолда ҳосил бўлиши ҳамда электрон ва коваклариинг жуфт ҳолда йўқолишига олиб келувчи Р. эҳтимоллиги эркин электронлар ва коваклар сонига мутаносиб. Р. жараёнида бирлашувчи ионларнинг ортиқча энергиялари электромагнит нурланиш кўринишида ажралиб чиқиши мумкин.

РЕКОНКИСТА (испанча Reconquista, reconquistar — жанг б-н қайтариб олмоқ) — араблар (аниқроғи маврлар) босиб олган ҳудудларни Пиреней я.о. туб аҳолиси томонидан 8—15-а.ларда жанг б-н қайтариб олиниши. Р. 718 й.даги Ковадонга жанги б-н бошланган. 1212 й. Лас-Навас-де-Толоса жанги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. 13-а. ўрталарига келиб, араблар қўлида фақат Гранада (Гарнота) амирлиги (1492 й. қулаган) қолган, холос. Р. урушдан хароб бўлган ерларга аҳолини кўчириш ва иқтисодий жиҳатдан ўзлаштириш б-н бирга қўшиб олиб борилган. Р. Пиреней я.о.даги давлатларнинг иқтисодий ва сиёсий тараққиётига катта таъсир кўрсатган.

РЕКОНСТРУКЦИЯ (*ре...* ва лот. constructio — қурилиш) — 1) мавжуд нарса (корхона, шаҳар, бино)ни яхшилаш, амалий аҳамиятини ошириш, такомиллаштириш мақсадида тубдан қайта қуриш; 2) қолдиқларига, ёзма манбаларга асосланиб, бирор нарса (мас., меъморий ёдгорлик) қиёфасини, дастлабки кўринишини тиклаш, қуриш. Р. чизма, расм, тасвир, лойиҳа ва ҳ.к. орқали амалга оширилади. Ёдгорликларнинг илмий Р. си унинг кейинги *реставрация*сига боғлиқдир.

РЕКОРДЕР (инг. record — ёзмоқ) — 1) товуш тўлқинларини электр тебранишларига айлантириб берадиган қурилма. *Граммофон* пластинкаларига товуш ёзиш аппаратида ишлатилади. Товуш ёзиб олишда нина босим остида граммофон пластинкасида тўлқинсимон из ҳосил қилади. Р.нинг динамик ва механик турлари бор. Динамик Р. кенг тарқалган. Унинг асосий техник параметрлари: 50—30000 Гц частота диапазонида ишлайди, номинал қуввати бир неча ўн Вт; 2) кема ва қирғоқ гидролокация ст-яларида акс-садо сигналларини қоғозга ёзиб олиш учун фойдаланиладиган қурилма (индикатор).

РЕКТИФИКАЦИЯ (лот. rectus — олдий ва ... *фикация*) — суюқ аралашма компонентларини ректификацион колонналарда ҳайдаш усулида ажратиш. Р. мувозанатда бўлмаган (суюқ ва буғ) фазалар орасида иссиқлик ва модда-ларнинг диффузион алмашинишига асосланган. Р. қайнаш т-ралари яқин бўлган суюқликлар аралашмаларини ажратиш зарурияти бўлганда қўлланади. Ректификацион колоннада кўп тўсиқлар бўлиб, унда суюқ аралашма буғлари конденсатланади ва пастдан чиқаётган буғининг янги қисми кўп марта учрашади. Колонна қарши оқим принципида ишлайди. Юқорига кўтарилаётган буғ учувчи компонент б-н узлуксиз бойиб туради. Бунда буғ қайнаш т-раси паст бўлган компонент б-н бо-йиб, унинг қайнаш т-раси пасайиб боради. Суюқлик эса қайнаш т-раси юқори бўлган компонентлар б-н бо-йиб, унинг қайнаш т-раси юқорилашаверади. Бу жараён то мувозанат ҳолат бунёд бўлгунча давом этади, лекин колоннадан совиткичлар системаси ор-қали буғ фазаси конденсатлаб ажратиб олиниши б-н мувозанат яна бузилади ва бу жараён то тоза компонентлар ёки керакли компонентлар фракцияси тўлиқ ажратиб олингунича узлуксиз давом этаверади. Р. суюқ ҳамда суюлтирилган газ аралашмаларини ажратиш учун қўлланади. Р. жараёнининг т-ра оралиғи (диапазони) ниҳоятда кенг: 1000° (тоза Zn, Pb, Cd каби металларни ажратишда) ва 0° (ҳаво, водород изотоплари каби газларни ажратишда). Р. жараёнининг ишчи босими ўнлаб атмосферадан (этанпропилен аралашмаси учун), то бир неча мм симоб устуни (юқори ёт кислоталари Р.си) атрофида бўлади. Даврий ва узлуксиз Р. мавжуд. Даврий Р.да барча суюқлик колонна кубига бир вақтда солинади. Р. жараёнида дистиллат ажратиб турилса, суюқлик таркибида паст т-рала қайнайдиган компонент кама-йиб боради. Узлуксиз Р.да системага доимий тарзда ҳайдалувчи суюқлик қўшиб борилади. Р. колонналарининг самаралиги, уларнинг узунлиги, диаметри, суюқлик б-н буғ оралиғи контакт вақти б-н аниқланади.

РЕКТОР (лот. rector — бошқарувчи, раҳбар) — олий ўқув юрти, диний семинария раҳбари. Уйғониш даврида Европада кўп синфли мактабларнинг асосий ўқитувчиси ва мудири Р. деб аталган. Францияда ўқув юрти («академия») раҳбари ҳам Р. дейилади.

Ўзбекистонда кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ин-тларининг ҳам раҳбари. Олий ўқув юрти ва малака ошириш ин-ти Р.лари шу олий ўқув юрти ва малака ошириш ин-ти мансуб бўлган вазирлик ва ташкилот томонидан тайинланади. Р. ликка илмий даража ва унвони бўлган ҳамда катта иш тажрибасига эга шахслар тайинланади. Р. олий ўқув юрти ва малака ошириш ин-тидаги таълим-тарбия, ўқув ҳамда илмий ишларни бошқаради. Ўқув режаси ва дастури ҳамда н.т. ишлари режасининг бажарилишини назорат қилади. Олий ўқув юртини тамомлаган ёш мутахассисларнинг халқ хўжалиги соҳаларига тақсимланишини бошқаради. Ўқитувчи-проф.лар таркибини, ўқув машғулотлари жадвали, олий ўқув юрти ички тартиб-қоидаларини ва б.ни тасдиқлайди. Р. корхона ва ташкилотлар билан н.т. ишлари бажарилиши бўйича меҳнат шартномалари тузади, инженер-техник ва раҳбар ходимларнинг малакасини ошириш курсларини келишув асосида ташкил қилади. Ўзи Р.лик қилаётган олий ўқув юрти ёки малака ошириш ин-ти илмий кенгаши раиси ҳисобланади ва унинг қарорларини тасдиқлайди.

РЕКУПЕРАТОР (лот. recuperator — қайта олинадиган) — газ аппаратларида иш бажариб бўлган газлар иссиқлигидан фойдаланиладиган сиртқи иссиқлик алмашинув аппарати. Р.да иссиқлик элтувчи (газ)нинг иссиқлиги ажратиш девори орқали иситиладиган муҳитга узлуксиз узатилади. Р.нинг тўғри, тескари ва аралаш оқимли, ясси ёки цилиндрик сиртли (силлиқ ёки қовурғали), ҳавони, газни, суюқликни иситкичлар, буғлаткичлар, конденсаторлар ва б. хиллари бор.

РЕЛАКСАЦИЯ (лот. relaxatio — кучсизланиш) — термодинамик мувозанат ҳолатдан чиқарилган макроскопик тизимнинг ўз-ўзидан аввалги ҳолатига қайтиш жараёни. Тизимнинг мувозанат ҳолатига ўтиш жараёни маълум тезликда содир бўлиб, бу тезлик фақат термодинамик параметрлар (босим, т-ра ва б.)гагина эмас, тизимнинг микроскопик характеристикаларига, хусусан, тизимни ташкил этувчи заррачаларнинг ўзаро таъсирлашишларига ҳам боғлиқдир. Ўзаро таъсирлашиш кўп жиҳатдан заррачаларнинг эркин югуриш йўли ва эркин югуриш вақтига боғлиқ. Тизимнинг мувозанат ҳолатига ўтишида бирор параметр (мас., чўзилган пружина узунлиги l) нинг ўзгариш тезлиги шу параметр қийматининг мувозанат ҳолатдаги l_0 дан қанчалик фарқ қилишига боғлиқ:

$$\frac{dl}{dt} = -\frac{1}{\tau}(l - l_0).$$

Тенгламани ечиб: $l(t) - l_0 = (l - l_0)_{t=0}\ e^{-t/\tau}$ олинади.

Формуладан кўринадики, $(l - l_0)$ ни l марта камайиши учун кетган вақт τ га тенг бўлиб, у Р. вақти дейилади. Р. вақти муҳим характеристика бўлиб, тизимнинг мувозанатдан чиқарилган ҳолатида қанча узоқ вақт туришини кўрсатади. Мас., электр ўтказувчанликда пштирок этувчи электронларнинг мувозанат ҳолатига қайтишидаги Р. вақти 10^{-13}—10^{-14} с ни ташкил этса диффузия, иссиқлик ўтказувчанлик каби кўчиш ҳодисалари учун у бир неча минут, соат ва ҳатто суткаларга тенг.

Ҳамма Р. жараёнлар мувозанатсиз жараёнлардан иборат бўлиб, *энтропия*нинг ортиб бориши кузатилади ва *кинетика* бу жараёнларни тўла ўрганади.

РЕЛЕ (франц. relayer — алмаштирмоқ) — бирор қурилма ёки жараённинг параметрлари қиймати ёки йўналиши ўзгарганда ижро этиш механизмга таъсир қиладиган автоматик қурилма. Назорат қилинадиган параметрлар (босим, т-ра, кучланиш ва б.) га қараб, акустик, вақт, ҳимоя, механик, оптик, иссиқлик, электромагнит, ўлчамлар Р.си ва б. хилларга бўлинади.

Акустик Р. акустик параметрлар (частота, босим), тебранишлар ёки материалларнинг акустик характеристикалар (ютилиш ёки қайтариш коэффициенти ва б.) ни назорат қилади. Вақт Р.си автоматик қурилма узел-

лари орасида ёки бир қурилмадан иккинчи қурилмага таъсирлар узатишда зарур кечикиш ҳосил қилади. Асосан, сезувчи-қабул қилувчи (бошқариш сигнали келганда Р.ни ишга туширувчи), секинлаштирувчи ва ижро этувчи (бошқарилаётган қурилма ёки схемага таъсир этувчи) қисмлардан иборат. Секинлаштириш усулига қараб, вақт Р.си электр, магнит, механик, электромеханик, термик, гидравлик ва пневматик хилларга бўлинади. Ҳимоя Р.си электр узатиш линиялари ва электр жиҳозларини, саноат ва электр қурилмаларини қисқа туташув ва нотўғри режимдан сақлаш учун қўлланилади. Сезиш органига қараб, ток, кучланиш, қувват, қаршилик ва частота, ҳимоя Р.лари, Р.ни қайта ишга тушириладиган омилга кўра, электромагнит ва индукцион хилларга бўлинади. Механик Р. механик миқдорлар (силжиш, тезлик ва б.) ёки моддаларнинг механик параметрлари (зичлиги ва б.)ни назорат қилади. Асосан, турли механик датчиклардан иборат. Тузилишига кўра, акустик, иссиқлик, оптик, магнит, электр, радиоактив изотопли ва б., ишга тушириш усулига қараб, электр, пневматик, гидравлик хилларга бўлинади.



Реле. *А.* Механик реле (сатҳ релеси): *1* — қалқовуч; *2* — тортқи (шток); *3* — ростлаш гайкаси; *К* — контакт. *Б.* Электромагнит реле: *1* — ўзак; *2* — чулғам; *3* — ярмо; *4* — якорь; *5* — контактлар; *6* — қайтариш пружинаси.

Оптик Р. (фотореле) оптик миқдорлар (ёруғлик оқими ва б.) ўзгаришини назорат қилади. Механик, электр ва фотокимёвий хиллари бор. Одатда, оптик миқдорлар датчикларидан иборат.

Иссиқлик Р.си т-ра, иссиқлик оқими ва б.ни назорат қилади. Механик, электр, оптик ва акустик хиллари бор. Механик иссиқлик Р.си иссиқлик таъсирида элементларнинг чизиқли ёки ҳажмий кенгайишига, моддаларнинг қаттиқ ҳолатдан суюқ ҳолатга ёки суюқ ҳолатдан газ ҳолатига ўтишига, газларнинг зичлиги ёки қовушоқлиги ўзгаришига асосланган. Электр Р.си т-ра ўзгарганда ўтказгич ёки яримўтказгич материалларнинг солиштирма қаршилиги ўзгаришига, диэлектрик доимийси, магнит ўтказувчанлиги ёки иссиқлик э.ю.к. ўзгаришига асосланган.

Электромагнит Р. электр токи ўзгаришини сезади. Сезгир органи — чулғам ва кўзғалувчи қисм (якорь ва ўзак) ли магнит тизим, ижрочи органи — контакт. Чулғамидан ўтаётган ток кучи ўзгарганда якорь ёки ўзагининг тортилиши ҳисобига контактлари уланади ёки узилади. Бундай Р., мас., совиткичларда ишлатилади.

Ўлчамдар Р.си — деталлар ўлчамларининг белгиланган қийматини назорат қилади. Асосан, қўзғалувчан ва қўзғалмас контактлардан иборат. Деталнинг ўлчами ўзгарса, контактлар туташиб ёки ажралиб, сигнал берувчи электр занжирини уланди ёки узади.

Р. энергетика, алоқа, сигнализация, телемеханика ва автоматикада кенг қўлланилади.

РЕЛИКТИВ НУРЛАНИШ (лот. relictum — қолдиқ) — космик электромагнит нурланиш. Р. н. интенсивлиги ва спектри *мутлақ қора жисмнинг* 2,7 К б-н нурланишига мос келади. Р.н.нинг мавжудлиги тўғрисида биринчи марта 1948 й.да америкалик олим Г.А. Гамов (1904—68), «қайноқ Коинот» назариясида тилга олган. Бу моделга кўра, Коинот илк даврда (галактика ва юлдузлар пайдо бўлгунча) ўта зич ва қайноқ (ўта юқори т-рали) бўлган. Бу т-ра водороддан гелийнинг синтезловчи ядро реакцияларининг бўлиши учун етарли бўлган. Синтез туфайли фазо ўта зич электромагнит нурланиш б-н тўйинган бўлиб, кучсиз қолдиқлари Р.н. кўринишида кузатилади. Р.н.ни 1965 й.да Р. В. *Вильсон* ва А. *Пензиас* 7,35 см тўлқин узунлигида кашф этганлар.

Кейинчалик Коинот кенгайиш натижасида совий бошлаган. «Бошланғич» вақтдан бир неча юз минг йил кейин атроф муҳитнинг т-раси 3000—4000К гача пасайган, зичлик эса $\rho \approx 10^{-21}$ г/см^3 бўлган. Шу пайтдан бошлаб кимёвий элементлар пайдо бўла бошлаган. Кенгайиш ҳозирги кунгача давом этмоқда, деб ҳисобланса, Коинот ҳам ўзидаги модда каби совимоқда, деган хулоса чиқади. Ҳозирги замонга $t=10^{10}$ йил бўлган; Коинотнинг ҳозирги зичлиги $\rho=10^{-29}$ г/см^3 деб олинса, Коинот т-раси 2,7 К бўлган Р.н. сочиб туриши керак. Дарҳақиқат, 1965 й.да Бэлл телефон компанияси (Англия)нинг радиоантеннаси 2,7К т-рали Р.н.ни, яъни 7,35 см тўлқин узунликдаги радио нурланишни қайд этди.

РЕЛИКТЛАР (лот. relictum — қолдиқ) — қадимда кенг тарқалиб, кейинчалик қирилиб битган флора ва фаунадан сақланиб қолган ўсимлик ва ҳайвонлар турлари ва б. таксонлари. Ҳамма палеоэндемиклар (қ. *Эндемиклар*) Р. ҳисобланади. Бирмунча кенг тарқалган, лекин яхлит ареалга эга бўлмаган Р. ҳам бор (дода дарахти ва б.). Р. қайси геологик давр фаунаси ёки флорасидан сақланиб қолган бўлса, ўша давр номи б-н аталади. Мас., учламчи давр Р.и (гинкго, секвойя, метасеквойя, игнабарглилар турлари ва б.), музлик Р.и (лакана қанин), мезозой Р.и (дашт сафрануми) ва б.

РЕЛЬЕФ (франц. relief, лот. relevo — кўтараман) *географияда* — ер юзаси, океан ва денгиз тубидаги ташқи кўриниши, ўлчамлари, келиб чиқиши, ёши ва ривожланиш тарихига кўра турли-туман нотекисликлар: тог, текислик, пастекислик, адир, ясситог, теппалик, қир, водий, ботиқ, сойлик, жарлар ва б. паст-баландликлар мажмуи. Р. катталигига кўра қуйидаги тоифаларга ажратилади: *метарельеф* (материк дунликлари, океандар губи), шунингдек, бир қадар кичикроқ бўлган шаклдар (тог системалари, текисликлар); *макрорельеф* (тог тизмалари, тоғлар оралиғидаги ботиқлар, қирлар, пасттекисликлар); *мезо- орельеф* (жарликлар, сув ости канъонлари, теппаликлар); *микрорельеф* (карст чуқурликлари, жарлар, дўнг тепа, дашт теналиклари ва б.); *нанорельеф* (жуда кичик чуқурчалар, дўнгчалар ва б.). Бу бўлиниш шартли равишда ажратилган. Муҳим орографик бирликларни тавсифловчи Р.нинг ташқи ёки морфографик белгилари, шунингдек, унинг миқдорий хусусиятлари Р.ни комплекс баҳолаш учун ҳар доим ҳам ишончли асос бўла олмайди, чунки бир хил ташқи кўринишга эга шаклларнинг келиб чиқиши ва ривожланиши турлича бўлиши мумкин.

Р. *эндоген* (ички) ва *экзоген* (ташқи) кучларнинг биргаликда ҳамда мунтазам ўзаро таъсири натижасида вужудга келади. Шунингдек, Ер юзасининг шаклланишига гравитация жараёнлари, инсон фаолияти ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Эндоген жараёнлар (Ер пўстининг тектоник ҳаракатлари) таъсири натижасида нисбатан йирик миқёсдаги — қуруқлик, денгиз ва океанлар тубида структурали Р. шакллари ҳосил бўлади. Йирик Р. шаклларининг вужудга келиши (сайёравий масштабда), шунингдек, космик кучлар — Ернинг айланиши, Қуёш-Ой тортилиши ва б. билан ҳам боғлиқ. Экзоген кучлар (оқар сувлар, денгиз тўлқинлари, шамол ва ҳ.к.) одатда, нисбатан майдароқ Р. шаклларини юзага келтиради, йирик масштабли Р.ларни емиради, пасайтиради, майда шаклларга бўлиб юборади, пастқам жойларни нураш маҳсулотлари б-н тўлдиради. Эндоген кучлар натижасида юзага келган Р. шакллари морфоструктуралар таркибига киритилади. Уларда Ер пўстининг геологик структураси (тузилиши) аниқ ифодаланади. Р.лари қадимдан горизонтал ётган платформали геологик структураларга текислик чўлдлар, бурмали структураларга тоғли ўлкалар тўғри келади. Р.нинг нисбатан майда, асосан, экзоген жараёнлар таъсирида вужудга келган шакллари (карё воронкалари, жарликлар, барханлар, қатор тепалар ва б.) морфоскульптуралар сифатида ажратилади.

Р.нини келиб чиқиши ва шаклланишини *геоморфология* фани ўрганади. Р.ни ўрганиш натижаларидан бир қатор масалалар: мелиорация, муҳандислик-техник изланишлар, фойдали қазилмаларни қидириш ва ҳ.к.да фойдаланилади. Қуруқлик ва океанлар тубн Р. ҳақида *Ер* мақоласига қ.

РЕЛЬЕФ, бўртма тасвир — *ҳайкалтарошлик*нинг бир тури. Тасвир, шакл текис замин (фон)дан бўртириб ёки ўйиб (чуқурлаштириб) ҳосил қилинади. Композиция табиий асослари ажралмасдан текис сатҳда яратилади: Р. меъморлик бўлакларн безаш, ҳайкалтарошлик асари ва б. композиция таркибига кириши ёки мустақил дастгоҳ асари бўлиши мумкин. Асосий турн — *барельеф* ва *горельеф*. Ўйма Р.да нурсоя жиласида тасвир кўзга ташланади, имконияти чекланган. Р. тасвирий санъатда қадимдан

«Удутбек». Г. Никитин. Я. Кучис ва В. Михновский ишлаган барельеф.

маълум: биноларни безашда, *медаль ясаш санъатида*, металлга зарб бериб безак буюмлари ишлаш ва б.да кенг қўлланилган. Қад. Миср меъморлигида қўлланилган. Бўртма Р. палеолит даврндан маълум. Қад. Миср, Оссурия, Ҳиндистон, Хитойда, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида кенг тарқалган; антик санъат, Уйғониш даври ва кейинги даврларда айниқса ривожланган.

РЕЛЬС (лот. regula — тўғри таёқ) — махсус шаклли пўлат материал. Т. й., трамвай, метро поездлари, корхоналардаги т. й. аравачалари, кранлар, кон вагонеткалари ва б. изларига ётқизилади. Р. тузилиши, асосан, каллак, бўйин ва товондан иборат. Баъзи Р.лар, мас., трамвай Р.лари новли қилиб ясалади. Р. мустаҳкам пўлатдан рельс-балка станда прокатлаб тайёрланади. Р.нинг мустаҳкамлигини ошириш учун унга термик ишлов берилади. Одатда Р.лар икки қатор, баъзан бир қатор (монорельс) қилиб шаллар устига ётқизилади. Р.лар чокли ёки чоксиз қилиб (пайвандлаб) бириктирилади.

РЕЛЯТИВИЗМ (лот. relativus — нисбий) — билимнинг нисбийлиги, шартлилиги, субъективизмини эътироф этувчи, мутлақ ахлоқ меъёрлари ва қоидаларини инкор этувчи фалсафий қараш. Билишда кўпинча агностицизмга олиб боради. Р.ни биринчи марта юнон файласуфи, софист Горгий (Хоронон (мил. ав. тахм. 483—375) баён этиб, барча билимларнинг нисбийлигини таъкидлаган. Релятивистлар билимларни узлуксиз давом этиб ва ўзгариб боришини асос қилиб олиб, уларни ҳақиқий эмас деб исботламоқчи бўладилар, бу б-н билимларнинг объективлигини умуман инкор этадилар. Билимларимиз воқеликни асосан тўғри акс эттиради, лекин бирданига, тўла акс эттирмайдиган нисбий ҳақиқатлардан сўнг бобитилган ва конкретлаштирилган билим — объектив ҳақиқатнинг тўла ва тугал шакли бўлган мутлақ ҳақиқат томон боради. Мутлақ ҳақиқатни эса қотиб қолган, ўзгармайдиган билим деб, нисбий билимни фақат нисбий деб тушунмасдик дозим. Мутлақ ҳақиқатда нисбий ҳақиқатнинг заррадари бўлади. Мас., фанда бир назария ўрнига иккинчиси келганда, эскиси бутунлай улоқтириб ташланмайди, ундаги ижобий, тўғри томонлари ривожлантирилади. Илмий назарияларнинг алмашиниши узлуксиз тараққиётининг натижаси эканлигини билдиради. *Нисбийлик назариясининг* Р. билан ҳеч қандай алоқаси йўқ.

РЕЛЯТИВИСТИК МЕХАНИКА — физика бўлими; тезликлари ёруғликнинг вакуумдаги тезлигига яқин бўлган жисмлар ҳаракатини ўрганади. Р.м. ёки «катта тезликлар механикаси» 1905 й.да А. *Эйнштейн* яратган нисбийлик назарнясида фазо ва вақт тушунчаларини қайта кўриб чиқилиши натижасида вужудга келган. Р.м.да берилган жисм массаси унинг ҳаракат ҳолатига боғлиқ бўлиб, қуйидагича аниқланади:

$$m = \frac{m_0}{\sqrt{1-v^2/c^2}},$$

бунда m_0 — жисмнинг тинч ҳолатидаги массаси; m— шу жисмнинг v тезлик б-н ҳаракатланаётган вақтдаги массаси, уни релятивистик масса деб ҳам аталади. Ньютон иккинчи қонунининг *Лоренц алмаштиришлари*га нисбатан инвариант бўлган ифодасини қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$\vec{f} = \frac{d}{dt}\left(\frac{m\vec{v}}{\sqrt{1-v^2/c^2}}\right).$$

Р. м.нинг асосий тенгламаси ҳисобланади. Бу тенглама тинч ҳолатдаги массаси нолдан фарқли бўлган ҳар қандай жисм тезлигини ёруғлик тезлигига тенглаштириш ёки ундан орттириш мумкин эмаслигини кўрсатади. $v<<c$ бўлган ҳолларда Р. м. *Ньютон*нинг классик механикасига айланади.

РЕМАРК (франц. remarque, remark) Эрих Мария (1898.22.6, Оснабрюк — 1970.25.9, Локарно, Швейцария) — немис ёзувчиси. Гарбда «Йўқотилган авлод» деб аталган адабиётнинг йирик вакили. 1-жаҳон уруши қатнашчиси. Асарларида уруш даҳшатлари, 2-жаҳон уруши йиллари ва ундан кейинги давргдаги ҳаётни, фашизмнинг мудҳиш қиёфаси, маънавий эзилган, ўзини жамиятдан бегоналашган деб ҳис қилувчи кишилар қисмати акс этган: «Гарбий фронтда ҳеч қандай ўзгариш йўқ» (1929) асари учун гитлерчилар Р.ни немис фуқаролигидан маҳрум этган. 1932 й.дан муҳожирликда. Урушда маънавий шикастланган авлоднинг аянчли ҳаёти «Қайтиш» (1931) романининг асосий мазмунини ташкил этади. «Уч дўст» (1938), «Зафар дарвозаси» (1946), «Ҳаёт алангаси» (1952), «Ҳаёт-мамот палласи» (1954), «Қора ҳайкал» (1956), «Осмон ҳеч қандай севиклини билмайди» (1961), «Лис-сабодаги тун» (1963), «Жаннатдаги соялар» (1971) ва б. асарлар муаллифи. «Гарбий фронтда ҳеч қандай ўзгариш йўқ» ва б. асарларидан парчалар ўзбек тилига таржима қилинган.

РЕМАРКА (франц. remarque — белги, изоҳ) — 1) *гравюра*нинг очиқ ҳошиясига ишланган кичик ҳажмдаги тасвир; кўп ҳолларда асар сюжети б-н боғлиқ бўлмайди. Муаллиф гравюра тахтачаси юзасида иш бошлашдан аввал «асбоблари синаш» мақсадида юза чеккасида ишлаган тасвирлар баъзан мустақил мазмун касб этиши ва тасвирнинг асосий гоясини чуқурроқ ҳис этиш ва англашга хизмат қилиши мумкин; 2) драматик асарда муаллиф томонидан



бериладиган изоҳлар. Р.да асар иштирокчиларининг ташқи қиёфаси, ёши, хулқи, хатти-ҳаракати, қилиқлари, интонацияси, саҳна манзараси ва ҳ.к. ёритилади; 3) китоб, қўлёзма, хат ва б. матига муаллиф томонидан (аниқлаш, тўлдириш мақсадида) киритилган изоҳлар, мулоҳазалар.

РЕМБРАНДТ Харменс ван Рейн (Rembrandt Harmensz van Rijn) (1606.15.7, Лейден — 1669.4.10, Амстердам) — голланд рассоми; голланд ва жаҳон реалистик рангтасвирига кучли таъсир кўрсатган мўйқалам, расм ва гравюра устаси. Р. ижоли воқеликни ва инсон ички дунёсини унинг барча руҳий кечинмалари б-н теран фалсафий идрок этиш б-н йўғрилган. Р.нинг новаторлик санъати образларнинг ҳаётийлиги б-н ажралиб туради.

Р. Лейден ун-тида қисқа муддат таҳсил кўргач (1620), ўзини санъатга бағишлади. Лейденда Я. Ван Сваненбюрх (1620—23) ва Амстердамда П. Ластман (1623)дан рангтасвирни ўрганди. 1625—31 йлар Лейденда ишлади, бу давр ижодий изланишлар даври бўлди. «Авлиё Павел» (тахм, 1629—30) ва «Симон ибодатхонада» (1631) асарларида Р. илк бор образларнинг кўтаринки ва ҳиссий жўшқинлигини ифодалашда нурсояни қўллади; портрет устида изланди, кўплаб автопортрет ва портретлар туркумини яратди.

Рембрандт. «Саския билан автопортрет» (тахм. 1635).

1632 йдан Амстердамда яшаган. 30-йлларда яратган асарлари («Доктор Тюлпнинг анатомия дарси», 1632; «Саския б-н автопортрет», 1635 ва б.)да гуруҳ портрет яратиш масаласини янгича ҳал этди, ҳаёт завқи, кишилар кайфиятини катта маҳорат б-н ифодалади. Буюртма портретларни ўта аниқ, ижтимоий хусусиятлари б-н ишлаган рассом якинларининг портретларини чизишда, асарининг руҳий ва таъсирчанлигини оширишда эркин ижод қилди. 40-йларда Р.нинг эркин интилишлари, реализми, демократиклиги голланд киборларининг талабларига зид келади, айниқса, ватанпарварлик кайфияти акс этган асарлари (жумладан, «Тунги соқчилар», 1642)дан кейин зиддият янада кучаяди. 40-йларда Р. ижодидаги ташқи таъсирчанлик ва унга хос бўлган жўшқинлик йўқолди, сокин, илиқлик б-н йўғрилган асарлар яратилди («Давид ва Ионафан», 1642; «Муқаддас оила», 1645 ва б.), уларда ички кечинмалар, меҳнат аҳлининг кўрки, маънавий бойлиги, табиат манзараси жозибадор акс эттирилди. Р. графикасида ҳам рангтасвирида бўлганидек нозик нурсоя ўйини алоҳида эмоционал муҳит яратишда катта аҳамиятга эга бўлди («Беморларни даволаётган Исо» ёки «100 гулденлик қоғоз» графика вараги, тахм. 1642—46; ҳаво ва нур ҳаракатига тўлиқ манзарали «Уч дарахт» офорти, 1643).

«Адашган ўғлининг қайтиши» (тахм. 1668—69).

50-йлардаги ҳаётининг оғир синовлари даврида Р.нинг ижодий баркамол даври намоён бўлди. Кўпроқ портрет жанрига мурожаат қилган рассом ижодида оддий одамлар кени ўрин ола бошлади (2-хотини Хендрикье Стоффельс портретлари; «Ўғлим Титус мутолаада», 1657; «Бургомистр Ян Сикс» 1654 ва б.), армон ва йўқотишларга тўлиқ кексалар ҳаёти унинг диққатини тортди («Рассом аксининг хотини», 1654; «Қизил кийимдаги мўйсафид», тахм. 1652—54 ва б.), қўл ва юз қиёфаларига эътиборини қаратди, образларнинг қоронғиликдан майин нур оғушида чиқиб келиши орқали рассом образларнинг теран руҳий ҳолатини беришга эришади.

60-йларда инжил мавзуидаги композицияларида ўта драматик ҳолатларга мурожаат қилади («Ассур, Аман ва Эсфирь», 1660; «Давид ва Урия», 1665 ва б.), «Адашган ўғлининг қайтиши» (тахм. 1668—69) асарида инсонга хос англаш, қайғуриш ва кечиримлилик ҳисларини ифодалаган. Р. бадиий мероси ўта рангбарандлиги б-н ажралиб туради.

РЕМИНИСЦЕНЦИЯ (лот. reminiscentia — эслаш) (психологияда) — эсга хотирлаш; инсон илгари ҳаётда учратиб ўрганган нарса ва ҳодисаларни, фикрлар, сўзлар, воқеаларни тусмоллаб эслаши. Бунда эслашнинг тўлиқлиги, аниқлиги *хотира*нинг индивидуал хусусиятларига, материални эсда олиб қолинган ёки ёдланган пайтдан кейин ўтган вақтга, материалнинг мазмунига, инсоннинг психик ҳолати ва ёшига, шунингдек, бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

РЕМПЕЛЬ Лазарь Израилевич (1907.7.11, Кишинёв — 1992, Москва) — санъатшунос. Санъатшунослик д-ри (1963), проф. (1966). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1966). Москва санъат ун-тини тугатган (1931). 1937 йдан Бухоро, Самарқанд, Жамбул музейларида, бир қанча археологик экспедицияларда қатнашиб, Ўрта Осиё халқлари санъати тарихини ўрганган. Санъатшунослик и.т. институти меъморлик, тасвирий ва амалий санъат бўлимининг мудири (1954—84). Асосан, Ўзбекистон ва Ўрта Осиё санъати, меъморлиги тарихини ўрганишга бағишланган асарларида Ўзбекистон меъморлиги безаги, тузилиши тарихи ва назарияси масалаларини ёритган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1966).

Ас.: Панджара. Архитектурные решётки и их построение, Т., 1957; Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана, Т., 1958 (в соавторстве); Выдающиеся памятники изобразительного искусства Узбекистана, Т., 1960 (в соавторстве); Архитектурный орнамент Узбекистана, Т., 1961; Резной штук Афрасиаба, Т., 1971 (в соавторстве); Далекое и близкое, Т., 1981.

РЕН, Ренн — Франциянинг ғарбий қисмидаги шаҳар. Иль-и-Вилен департаментининг маъмурий маркази ва Бретань тарихий вилоятининг бош шаҳри. Аҳолиси 212,4 минг киши (1999). Транспорт йўлларининг йирик тугуни, каналлар орқали Ла-Манш бўғози б-н боғланган. Қ.х. ва электротехника машинасозлиги, автомобилсозлик, кимё, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. 2 ун-т, музейлар бор. Р. галларнинг қад. шаҳри. 11—18-а.ларга оид меъморий ёдгорликларидан Адлия саройи, ратуша бинокор сақланган.

РЕНАТУРАЦИЯ (*ре...* ва лот. natura — табиий хусусият) — денатурацияга учраган биополимер (мас., *оқсил* ёки *нуклеин кислота*) молекуласининг биологик натив (фаол) ҳолатга ўтиши (қ. *Денатурация*). Агар денатурацияда оқсид молекуласи ихчам тахланган (тартибли) ҳолатдан тартибсиз ҳолатга ўтадиган бўлса, Р.да бунинг тескариси содир бўлади, яъни оқсил молекуласининг полипептид занжирида аминокислоталарнинг кетма-кетлиги тартиби орқали ифодаланадиган бирламча структураси қайта тикланади. 2 занжирли ДНК молекуласини 100° га қиздирилганида асослар ўртасидаги водород боғлар узилади ва комплементар занжирлар бир-биридан ажралиб, ДНК денатурацияга учрайди. Бироқ, аста-секин совитилганда ДНКнинг комплементар занжирлари яна тикланиши, яъни Р. содир бўлиши мумкин. ДНКнинг бу хусусиятидан сунъий гибрид ДНК олишда фойдаланилади.

РЕНЕ Ален (1922.3.6, Ванн) — француз кинорежиссёри. «Янги тўлқин» (француз киносидаги оқим) вакили. Олий кино маълумот ин-тида ўқиган. Киноpublицистиканинг фашизмга қарши олий намунаси бўлган «Гернika», «Тун ва туман» номли ҳужжатли фильмларни яратди. «Хиросима, муҳаббатим менинг», «Уруш тугади», «Ўтган йили Мариенбадда», «Уйга кетишни хоҳлайман» сингари бадиий фильмлари б-н шуҳрат қозонган.

РЕНЕГАТ (лот. renego — воз кечаман) — ўз маслагидан қайтиб, душман томонига ўтиб кетган одам; муртад, хоин, сотқин.

РЕНЕССАНС (франц. renaitre — қайта юзага келмоқ, янгидан туғилмоқ) — қ. *Уйғониш даври.*

РЕНЕТЛАР, ранетлар (франц. reinette) — қишки олма навлари гуруҳи. Меваси сент.— окт.да. териб олинади, ҳосилини баҳоргача сақлаш мумкин. Ўзбекистонда *Симиренко*, Ландсберг, Мантаунер, *Вайнсап* ва б. навлар етиштирилади (қ. *Олма*).

РЕНИЙ (лот. Rhenium), Re — Менделеев даврий системасининг VII гуруҳига мансуб кимёвий элемент. Тартиб рақами 75; ат. м. 186, 207. Р. табиатда икки изотоп ҳолида учрайди; бири — барқарор изотоп ^{185}Re (37,07%) ва иккинчиси — кучсиз радиактив изотоп ^{187}Re(62,93%, $T_{1/2}=10^{11}$ й.)дир. Р. элементини В. ва И. Ноддаклар 1925 йда колумбит минералидан топдилар. Р. номи Германиядаги Рейн дарёсининг лот. номи (Rhenus)дан олинган. Р. Ер пўстининг масса жиҳатидан $7\cdot10^{-4}$% ини ташкил этади. У тарқоқ элемент, кўпинча молибден, вольфрам, тантал, платина, мис рудаларида, айниқса, молибденит минералида кўп.

Р. оч кулранг оғир металл, суюқланиш т-раси 3180°, қайнаш т-раси 5900°, зичлиги 21,03 г/см³. Р. оддий т-рада ҳавода ўзгармайди, суюлтирилган кислоталар б-н реакцияга киришмайди. Ҳавода юқори т-рада қиздирилса, унинг бир неча оксидлари (ReO_3, Re_2O_7) ҳосил бўлади. Р.нинг ўз бирикмаларидаги валентлиги −1 дан +7 гача. Р. нинг валентлиги 4, айниқса, 7 бўлганида барқарор бирикмалар ҳосил бўлади. Р. қиздирилганида олтингугурт ва галогенлар б-н бирикади, водород б-н бирикмайди, у водороднн ютиши мумкин. Концентрланган HCl, HF ва H_2SO_4 да эрийди. Р.нинг фторидлари (ReF_7, ReF_6, ReF_4) Р.га фтор таъсир эттириб олинади. Р.нинг хлориди $ReCl_3$, металл Р.га хлор таъсир эттириб ҳосил қилинади. Р.нинг 3 та оксиди маълум: ReO_2— қора тусли, ReO_3 — қизил ва кўк тусли, Re_2O_7 — сариқ тусли кристалл модда. Ренний (VI)-оксид ReO_3 ва ренний (VII)-оксид ReO_3 — кислотали оксидлар жумласига киради. ReO_3 га мувофиқ келадиган кислота H_2ReO_4 олинган эмас; лекин унинг барқарор тузлари маълум. Re_2O_7 га мувофиқ келадиган перренат кислота $HReO_4$ фақат сувдаги эритма ҳолида мавжуд. Бу эритма рангсиз. Перренат кислотанинг барқарор тузлари (мас., $KReO_4$, NH_4ReO_4) маълум.

Р.нинг паст валентли (+1, +2) бирикмалари ниҳоятда беқарор бўлиб, фақат кучли қайтарувчилар иштирокида ҳосил бўлади. Р.нинг ReS_2 ва Re_2S_7 таркибли сульфидлари олинган.

Р. комплекслар ҳосил қилишга ниҳоятда мойилдир. У ҳар қандай валентли ҳолатда ҳам комплекслар ҳосил қила олади. Мас., $ReCl_3$ ни концентрланган HCl га солинса, $H_2[ReCl_6]$ таркибли комплекс ҳосил бўлади.

Р. аммоний (ёки калий) перренатини ёхуд Р. оксидларини водород оқимида қайтариш йўли б-н олинади. Ундан ташқари, Р. галогенидларини юқори т-рада вольфрам симда парчалаб ҳам соф Р. олиш мумкин.

Р. электротехника, кимё технологияси, вакуум техникаси ва б. соҳаларда кенг қўлланади. Таркибида Р. бўлган катализаторлар аммиак ва метанни оксидлаш, этиленни гидрогенлаш каби реакцияларни тезлаштиради. Р. турли аниқ асбоблар ясашда, металларнинг сиртини қоплашда ишлатилади.

РЕНТА (нем. rente, лот. reddita — қайтариб берилган) — 1) кенг маънода — мулк эгаларининг тадбиркорлик фаолияти б-н шуғулланмасдан ер, молмулк, капиталдан мунтазам оладиган даромади; ссудага берилган капиталдан фоиз, ер эгаларининг ижарага берилган ер участкасидан, уй-жой эгаларининг ижарага берилган бинолардан мунтазам оладиган даромади. Тор маънода Р. — қатъий даромадли пул капитали ва қимматли қоғозлар эгалари фоиз шаклида оладиган даромад. Аксарият ҳолларда Р. тушунчаси ерни ижарага бериш натижасида олинадиган даромадга нисбатан қўлланилади (қ. *Ер рентаси*); 2) суғурта полиси бўйича *суғурта* ташкилоти томонидан суғурталанган шахсга ҳар йили тўланадиган пул суммаси.

РЕНТА ШАРТНОМАСИ — фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларидан бири, унга кўра бир томон (рента олувчи) бошқа томон (рента тўловчи)га мулкни беради, рента тўловчи эса олинган мулк ўрнига рента олувчига муайян пул маблағи шаклида рента тўлаб туриш ёки уни таъминлаш учун бошқа шаклда маблағ бериш тарзида рента тўлаш мажбуриятини олади. Р.ш. бўйича рентани муддатсиз (доимий рента) ёки рента олувчининг умри давомида (умрбод рента) тўлаш мажбуриятини белгилаш мумкин. Р.ш. нотариал тасдиқланиши, кўчмас мол-мулкни рента тўлаш шарти б-н бошқа шахсга беришни назарда тутувчи шартнома эса бундан ташқари давлат рўйхатидан ҳам ўтказилиши керак. Рента муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси ФК (32-боб)да баён қилинган.

РЕНТАБЕЛЛИК (нем. rentabel — даромадли, фойдали) — корхона ёки тадбиркорликнинг даромаддорлиги, самарадорлиги; микроиқтисодий миқёсдаги иқтисодий фаолиятнинг самарадорлиги. Р. корхона ёки тадбиркорлик фаолиятининг молиявий натижаларини баҳолашда қўлланиладиган асосий кўрсаткич. Р. фойда олиб ишлашнинг қиёсий, яъни сарф-харажатларга нисбатан аниқланадиган кўрсаткичи бўлиб фоизларда ифодаланади. Узоқ муддат-

ли ва жорий харажатлар (машина-ускуна, бинолар, иншоотлар, хом ашё, ёқилғи, материаллар, бутловчи қисмлар, иш кучи ва б. сотиб олиш) мазмунан ҳар хил бўлганидан улар қандай натижа берганлигини билиш учун Р.нинг 4 та асосий кўрсаткичлари қўлланилади: а) мол-мулк Р. ($R_м$) — мулкнинг нақдлар самарали ишлатилишини кўрсатади ва корхонага текан фойда суммасини (F_1) мол-мулкнинг ўртача йиллик қийматига нисбати $\left(\frac{F_1}{W_м}\cdot 100\right)$ б-н ҳисобланади; б) ишлаб чиқариш Р. ($R_ч$) — корхона ихтиёридаги капиталнинг бир қисми бўлган асосий ($A_ч$) ва айланма ($A_ж$) фондларнинг қиймати корхона олган фойда (F_1) б-н солиштириб кўрилади:

$\left(R_ч = \frac{F_1}{A_ч+A_ж}\cdot 100\right)$; в) жорий харажатлар Р. ($R_ж$) — муайян даврда товар ва хизматларни яратиш учун қилинган жорий харажатларнинг ўрнили ёки ўринсизлигини кўрсатади. Корхона олган фойда (F_1) жорий сарфлар ($W_ж$) б-н қиёсланади $\left(R_ж = \frac{F_1}{W_ж}\cdot 100\right)$; г) маҳсулот Р. ($R_м$) — уни аниқлаш учун муайян маҳсулот сотишдан олинган фойда (F_1), шу маҳсулотни сотишдан келган тушум ($W_т$) б-н қиёсланади:

$R_м = \frac{F_1}{W_т}\cdot 100$. Бу кўрсаткич корхонанинг ишлаб чиқариладиган маҳсулот турини оқилона танлови учун хизмат қилади. Р.нинг ёрдамчи кўрсаткичлари жумласига қарз капитали Р., асосий капитал Р., айланма капитал Р., инвестиция Р. киритилади. Улар ёрдамида тегишли капитал ва инвестицияларнинг корхона учун нақадар фойда келтириши аниқлаб олинади, шу йўналишдаги чора-тадбирлар белгиланади.

Бозор иқтисодиёти шароитларида иқтисодий ўсишнинг интенсив омилларини кучайтириш асосида Р.ни оширишга, фойдани максимумлаштиришга зарур шарт-шароитлар яратилади. Бозор талаб қилган харидоргир товарларни ишлаб чиқариш, и.ч.ни модернизациялаш, хом ашё ва материаллар сарфини қисқартириш, ресурсларни тежаб-тергаб ишлатиш асосида жорий харажатларни камайтириш, меҳнат унумдорлигини мутасил ошириб бориш, капитал таркибини шакллантириш (айланма капитал), меҳнат мотивациясини кучайтириш (ишчи-хизматчилар меҳнатини рағбатлантириш меҳнат унумдорлигини оширишга, тежамкорликни таъминлашга интилишини пайдо этади) Р.ни ўстиришнинг асосий омилларидир. Бу омилларни қўллаш корхона даражасида бошқариб борилади. Шу мақсадда Р. мониторинги юритилади.

Аҳмаджон Ўлмасов.

РЕНТГЕН (Rontgen) Вильгельм Конрад (1845.27.3, Леннеп, Дюссельдорф яқинида — 1923.10.2, Мюнхен) — немис физиги. Цюрихдаги (Швейцария) Олий техника мактабида ўқиган (1865—68). Вюрцбург (1870 йилдан) ва Страсбург (1872 йилдан) ун-тида ишлаган. Хоэнхеймдаги Олий қ.х. мактаби (1875 йилдан), Страсбург ун-ти (1876 йилдан), Гисен ун-ти (1879 йилдан), Вюрцбург ун-ти (1888 йилдан, 1894 йилдан ректор). Мюнхен ун-ти (1900—20) проф. Р. янги нурланишни кашф қилиб, уларни «Х-нурлар» деб атади (1895) (кейинчалик бу нурлар рентген деб атала бошланди). Рентген нурлари тиббиёт, фан ва техниканинг турли соҳаларида кенг қўлланила бошланди. Р. биринчи рентген трубкасини яратди. 1897 йилдан бошлаб у кристалларнинг пьезоэлектр ва пироэлектр хусусиятларини ўрганган, кристаллардаги электр ва оптик ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаган, ҳаракатдаги муҳитлар электродинамикаси масалалари б-н шуғулланган. Р.нинг магнетизм бўйича тадқиқотлари Х. А. *Лоренц* электрон назариясининг яратилишида катта аҳамиятга эга бўлган. Р. физиклар ичида дунёда биринчи бўлиб Нобель мукофотига сазовор бўлган (1901).

РЕНТГЕН — рентген ва гамма-нурланишлар экспозиция дозасининг бирликлар тизимига кирмаган бирлиги; улар ҳавони ионлаш таъсирини ифодалайди. В. К. *Рентген* шарафига қўйилган. Р б-н белгиланади. 1 Р рентген ва гамма-нурланишда иштирок этувчи электронлар 0,001293 г ҳавода бир хил ишорали барча ионларнинг йиғиндиси заряди $\frac{1}{3}\cdot 10^{-8}$ Кл га тенг бўлган ионларни ҳосил қиладиган доза. 1 Р 1 $см^3$ ҳавода $2{,}083\cdot 10^9$ жуфт ион ёки 1 г ҳавода $1{,}61\cdot 10^{12}$ жуфт ион борлигини англатади. Р. *Халқаро бирликлар тизими*даги экспозиция дозаси (Кл/кг) б-н қуйидагича боғланган: 1 Р=2,57976·10 $^{-4}$ Кл/кг.

Дозиметрияда Р.нинг физик эквиваленти РФЭ ва биологик эквиваленти РБЭ деган доза бирликлари мавжуд. РФЭ турли ионловчи нурланишини ифодалайди; унда 1 г моддада ютилган энергия миқдори 1 Р дозали рентген ёки гамма-нурланиш 1 г ҳавони ионлаш учун сарф қилган энергияси миқдорига тенг. 1 РФЭ = 85 эрг/г. РБЭ турли ионловчи нурланишнинг биологик тўқимада ютилган шундай миқдорики, унинг биологик таъсири 1 Р дозали рентген ёки гамма-нурланишнинг таъсирига эквивалент. Р. техника, тиббиёт ва б. соҳаларда кенг қўлланади.

РЕНТГЕН АППАРАТИ — *рентген нурларини* ҳосил қилиш ва улардан фойдаланиш учун мўлжалланган қурилма. Р.а. рентгенодиагностика, рентгенотерапия ва рентген анализида ишлатиладиган турларга бўлинади. Р.а.нинг муқим (рентген кабинетларида, лаб. ва б. махсус хоналарда ишланадиган ва б.) ва кўчма (қўлда олиб юриладиган) хиллари бўлади. Р.а. рентген трубкаси, трансформатор ва тўғрилагичдан, Р. а.ни бошқариш ва назорат қилиш пульти, ўрганиладиган объект ва рентген трубкаси ўрнатиладиган штатividан иборат. Рентген трубкаси (расмга қ.) электровакуум асбоб; унда рентген нурлари ҳосил қилинади. Асосий қисмлари: анод (рентген нурлари манбаи), катод (электронлар манбаи) ва қобиқ (колба). Анодга юқори кучланиш берилганда анод сиртида тезланган электронлар оқими туфайли бомбардимон содир бўлади. Ҳосил бўлган кинетик энергиянинг бир қисми рентген нурларига, кўп қисми иссиқлик энергиясига айланади. Р.а. ишлаётганда ҳавфсизликни таъминлаш учун юқори кучланиш остидаги қисмлари муҳофаза қилиб қўйилади, сигнализация тизими бўлади; Р.а.нинг баъзи қисмлари ва аппарат ўрнатилган хона блокировка қилинади, рентген нурларидан ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланилади.



Рентген аппарати: Рентген трубкаси схемаси: *А* — анод; *К* — катод; *АК* — анод кўпгуси; ЭД — электрон даста; РН — рентген нурланиши.

Тиббиётда Р.а. ёрдамида органларни кўриш, суратини олишдан ташқари, флюорография ўтказиш мумкин. Муқим Р.а.га органларни қаватма-қават кузатиш (томография), юрак ва қон томирларини контраст текшириш (ангиография) учун алоҳида мосламалар ўрнатилади. Р.а.даги электрон-оптик ўзгартиргич текширилаётган объектдаги энг майда орган ва б.ни ҳам кўриш, уни кинога олиш ҳамда телевизион йўл б-н кузатиш имконини беради.

РЕНТГЕН АСТРОНОМИЯСИ — *астрофизика* бўлими; тўлқин уз. 0,1 дан 50 *ангстрем*гача бўлган космик рентген нурланишини текширади. Космик асбобларни Ер атмосфераси (рентген нурларини ютадиган) дан ташқарига чиқарувчи космик техниканинг ривожланиши Р. а.ни вужудга келтирди. Рентген нурланиши биринчи марта 1948 й.да Қуёшни кузатиш вақтида аниқланган. Унинг рентген спектрида кўп марта ионлашган ва т-лари 10^6—10^7 К бўлган элементларнинг чизиқлари борлиги сезилган Қуёш чақнаганда рентген нурланиши жадаллиги кескин ортади. 1962 й.дан Қуёш системасидан ташқарида рентген нурланиши кузатилди. Изотроп фонли рентген нурлари ва 500 та яқин рентген нурларининг дискрет манбалари кашф этилди. Улар орасида бошқа галактикаларда кузатиладиганлари ҳам бор. Мас., Андромеда туманлигида 10 га яқин рентген манба кузатилади. Бизнинг Галактикамизда Галактика дискида жойлашган 103—104 та рентген манбалари кузатилади ва уларнинг бир қисми ўта янги юлдуз қолдиқлари б-н боғлиқ. Мас., Қисқичбақасимон туманлик марказида пульсацияланиш даври 0,033 сек. давом этадиган рентген пульсарлари топилган. Қўшалоқ юлдуз системасига кирувчи рентген манбалари кашф этилган. Р.а. осмон жисмларининг яратилиши ва эволюциялари масалаларини ўрганиш б-н боғлиқ бўлган Коинотдаги фаол жараёнларни текширишнинг янги самарали йўналишидир.

РЕНТГЕН НУРЛАРИ — зарядланган зарралар ёки фотонларнинг муҳитни ташкил этувчи атомлари б-н ўзаро таъсирланишлари натижасида вужудга келувчи электромагнит нурланиш. Уларнинг тўлқин узунликлари 10^{-14} м дан 10^{-7}м гача бўлган қийматларга тенг бўлиши мумкин. Р. н.ни 1895 й.да В. К. *Рентген* кашф қилган. Рентген бу нурларни Х-нурлар деб атаган (ҳозирги вақтгача ҳам айрим мамлакатларда Х-нурлар дейилади). Улар катта тезликдаги электронларнинг моддада тормозланиши натижасида пайдо бўлади. Р.н. амалда рентген трубкаси ёрдамида ҳосил қилинади.

Р. н. кашф қилингач, уларнинг табиатини узоқ вақтгача аниқлаш қийин бўлган. Чунки Р. н. электр ёки магнит майдони таъсирида ўз йўналишини ўзгартирмайди, тўлқин узунлиги қисқалигидан тўлқин хусусиятини (мас., дифракциясини) ўрганиш, исботлаш қийин бўлган. 1912 й.да немис физиги М. Лауэ ва унинг шогирдлари кристаллдан Р. н. ўтганида рентген нурлари дифракцияси содир бўлишини кашф қилдилар. Электрон анод моддасига келиб урилганда, ўз энергиясининг маълум қисмини Р. н.ни ҳосил бўлишига сарфлайди. Потенциаллар айирмаси U бўлган электр майдонидан ўтган электроннинг кинетик энергияси $eU = \frac{mv^2}{2}$ бўлади, бунда e — электрон заряди, U — унинг эришган тезлиги. Агар урилиш жараёнида электрон қаттиқ тормозланиб ўз тезлигини нолгача камайтирса, унинг тўла кинетик энергияси Р. н.нинг энергиясига айланади, яъни $\frac{mv^2}{2} = h\nu_{max}$ ёки $\lambda_{min} = hc/eU$; бунда λ—Р. н.нинг тўлқин узунлиги, ν — нурланаётган электромагнит тўлқин частотаси, h— Планк доимийси, c — ёруғлик тезлиги. Демак, потенциаллар айирмаси қанча катта бўлса, Р. н.нинг тўлқин узунлиги шунча қисқа бўлади. Тўлқин узунлиги жуда қисқа Р. н. қаттиқ Р. н., дейилади. Одатда, рентген трубкаларига 50 кВ гача кучланиш берилади. Бундай потенциаллар фарқидан ўтган электрон 0,4 $с$ га яқин тезликка эришади. Бетатронда электронларга жуда катта тезлик берилиши мумкин. Бетатронда тезлатилган электронлар дастасини бирор қаттиқ нишонга юборib, жуда қисқа тўлқин узунликли Р. н. ҳосил қилинади. Тўлқин узунлиги қанчалик қисқа бўлса, нурлар моддада шунчалик кам ютилади. Шунинг учун бетатронда юзага келган Р. н., айниқса, катта ўтувчанлик қобилиятига эга бўлади.

Электронлар тезлиги етарлича даражада катта бўлганида электронларнинг тормозланишидан натижасида юзага келган нурланишдан ташқари, характеристик нурланиш, яъни анод атомларининг ички электрон қобиқларининг уйғониши натижасида вужудга келадиган нурланиш ҳам кузатила бошлайди.

Р.н.нинг оптик хусусиятларида ёруғликнинг барча хусусиятларига ўхшаш синиш ва қайтиш, қутбланиш ва дифракция каби ҳодисалар кузатилади. У ёруғликнинг ютилишига ўхшаш қонунга бўйсунади, яъни $I=I_0e^{-\mu x}$, бунда I_0 — ютувчи қатламга келаётган Р. н. интенсивлиги, I — x қатламдан ўтган Р. н. интенсивлиги, μ — Р.н. интенсивлигининг сусайиш коэффициенти. Р. н. интенсивлигининг сусайишида, уларнинг моддадаги кучли боғланган электронлар (яъни атом ички қобиғидаги электронлар)да, когерент сочилиши, шунингдек, ташқи кучсиз боғланган электронларда когерентсиз сочилиши (Комптон ҳодисаси) ва фотоэлектр ютилиши муҳимдир. Р.н. нинг ютилиш спектрлари атом электрон қобиғининг энергетик сатҳлар структурасини аниқлашда қўлланилади. Р.н.нинг моддада ютилиш коэффициенти ёруғлик ютилиши коэффициентига нисбатан кичик. Шу туфайли Р. н. турли моддалардан осонгина ўта олади.

Р. н. кўзга кўринмайди, уларни қайд қилиш учун махсус усуллар (фотография, ионлаш) ишлаб чиқарилган. Фотография усулида Р. н. фақаттина қайд қилиниб қолмасдан, уларнинг интенсивлиги ҳам аниқланади. Лекин бу усул б-н Р.н. интенсивлигини ўлчашдаги хатолик ионлаш усули б-н ўлчашга нисбатан каттадир. Ионлаш усули Р. н. таъсирида моддадан чиққан электронларнинг газни ионлаштиришни ўлчашга асосланган. Бундай ионлашган газдан ўтаётган ток кучи (газда маълум потенциаллар айирмаси мавжуд бўлганда) Р. н. интенсивлигига тўғри пропорционал.

Р. н. фан ва техниканинг кўпгина соҳаларида кенг қўлланилади. Улар ёрдамида атом молекулалар тузилиши ва кристалларнинг структураси ўрганилади. Р. н.дан тиббиёт, биология, қ. х. ва б. соҳаларда кенг фойдаланилади.

Аброр Нўъмонхўжаев.

РЕНТГЕН НУРЛАРИ ДИФРАКЦИЯСИ — рентген нурларининг кристаллларда ёки суюқлик ва газ молекулаларида сочилиши натижасида экранда ҳосил бўладиган дифракцион манзара. Рентген нурларининг тўлқин табиатини немис олимлари М. Лауэ, В. Фридрих ва П. Книппинглар кашф этган (1912).

Рентген нурларининг тўлқин узунлиги б-н кристалл панжаралар доимийсининг бир-бирига яқинлиги рентген нурларининг кристаллардаги дифракциясини кузатишга имкон беради. Рент-ген нурлари кристаллар орқали ўтганда кўп ўлчамли панжаралар дифракцияси содир бўлади. Дифракцион максимумларни линзасиз кузата олиш учун рент-ген нурлари дастаси гоят ингичка қилиб олинади. Кристалл панжарадаги маълум тўлқин узунлигига тегишли максимумларни ҳисоблаш усулини рус физик кристаллографи Г. В. Вульф ва У. Л. *Брэгг* бир-биридан мустақил равишда таклиф этганлар (1913). Бу усул *Брэгг—Вульф шарти* деб аталади.

Р. н. д.дан кристалл панжара типини ва унинг доимийсини аниқлашда крис-талл панжара типи ва доимийси маълум бўлса, рентген нурларининг тўлқин узунликларини аниқлашда фойдаланилади.

РЕНТГЕН РАСАДХОНАСИ — Ер сунъий йўлдошлари (ЕСЙ) сифатида орбитага чиқарилган аппаратлар; космик ёритқичларни улардан чиқадиган рентген нурларда текширишга мўлжалланган. Қуёш ва б. рентген нур манбаларини текширишда қўлланилади. 1970 й.дан бошлаб турли давлатларда бортига Р. р. ўрнатилган 10 дан ортиқ ЕСЙ учирилган. Мас., CAC, Skylab, XEAO, GOES (АҚШ), Хакутё, Yphkoh (Япония), Астрон (СССР), SoHO (АҚШ ва Европа) типидаги йўлдошлар.

Р.р.га рентген телескоплар ўрнатилади. Булар осмон ва Қуёшнинг барча соҳаларининг рентген суратларини олиб, Ерга узатиб турди. Бу суратларга асосланиб, космик рентген манбалари (Галактикада 100 га яқин, Магеллан булутларида 30 дан ортиқ ва Андромеда туманлигида 10 дан ортиқ) топилди ва ўрганилди. Қуёш атмосферасилаги рентген тузилмалар ва жара-ёнлар магнит табиатга эга эканлиги очилди.

РЕНТГЕН СПЕКТРЛАРИ — тўлқин узунликларининг 10^{-4} дан 10^{3} Å гача соҳасидаги электромагнит нурланишлар, яъни рентген нурланишининг чиқариш ва ютиш спектрлари. Р. с. туташ (яхлит) ва чизиқли (характеристик) бўлади. Туташ Р.с. зарядланган зарралар (электрон, протон, мезон ва ҳ.к.) нинг антикатодга урилиб тормозланиши жараёнида вужудга келади. Чизиқли Р. с. электронларнинг антикатодга урилиб, ўз энергиясини антикатод атомларига бериши натижасида ҳосил бўлади. Чизиқли Р. с. бир-биридан кескин ажралиб турадиган айрим чизиқлардан иборат бўлади.

Туташ Р.с.нинг хусусияти антикатод материалига эмас, зарядланган зарраларнинг массаси ва уларни тезлатувчи потенциалга боғлиқ. Тормозланиш спектрлари интенсивлиги тақсимоти тўлқин узунлигига қараб эгри чизиқ б-н ифодаланади (расмга қ.). Чизиқнинг қисқа тўлқинли чегараси антикатодга урилаётган зарядланган зарранинг энергиясига боғлиқ, мас., электронларни тезлатувчи потенциал U=100 КВ



Рентген спектрига оид диаграмма.
Вольфрам W да ҳосил қилинган тормоз нурланиш интенсивлиги I нинг рентген трубкасидаги кучланиш U нинг турли қийматларида тўлқин узунлиги λ билан тақсимланиши.

га тенг бўлганида, туташ спектрдаги энг қисқа тўлқин узунлиги 0,123 Å бўлади. Уйғотувчи электронларнинг энергияси бирор критик қийматдан ортиқ бўлмаганда, туташ спектр, уларнинг энер-гияси критик қийматга тенг ёки ундан катта бўлса, чизиқли спектр ҳосил бўлади. Чизиқли Р. с.нинг хусусияти эса антикатод материалига боғлиқ. Ҳар бир элементнинг ўзига хос чизиқли Р. с. бор. Инглиз олими Г. Мозли нурланувчи элементларнинг Р.с. ини тадқиқ қилиб (1913), уларнинг спектр чизиқлари частотаси б-н чизиқларни ҳосил қилувчи элементнинг атом тартиб рақами орасидаги боғланишни ифодаловчи қонунни кашф этди (қ. *Мозли қонуни*).

Р. м. рентген спектроскопияси, рентген спектр таҳлили, рентген структура таҳлили ва б. да қўлланилади.

РЕНТГЕН-КОНТРАСТ МОДДАЛАР — организмга киритилганда текшириладиган объект тасвирини аниқ кўрсатадиган кимёвий моддалар. Улар рентген нурлари ютилишини йўналтириб ёки камайтириб, контраст тасвир ҳосил қилади. «Огир» Р.-к.м. (барий сульфат, йод препаратлари) б-н бир қаторда «енгил» Р. -к. м. [ҳаво, кислород, азот (I)-оксид ва б.] ҳам ишлатилади.

РЕНТГЕНОГРАММА (*рентген* ва ... *грамма*) — объектларнинг *рентген нурлари* ёрдамида махсус фотоплёнка ёки пластинкага туширилган тасвири. Р. рентген камерасида ҳосил қилинади. Тиббиётда синган-чиққан, шикастланган, касалланган жойларни аниқлашда, техникада деталларнинг нуқсонли жойларини аниқлаш учун рентген дефектоскопиясида ва б. мақсадларда қўлланилади. Рентген нурларининг кристалл намунада дифракцион сочилишидан ҳосил бўладиган дифракцион Р.дан рентген структура анализида фойдаланилади (қ. *Дефектоскопия*).

РЕНТГЕНОГРАФИЯ (*рентген* ва ... *графия*) — объект (мас., организмнинг бирор қисми) тасвирини *рентгенограмма* ёрдамида текшириш; *рентгенодиагностика*нинг асосий усулларидан бири. Р. пайтида объект рентген нурлари манбаи б-н рентгеноплёнка ёки пластинкали кассета орасида туради. Айрим ҳолларда қуюқ соя бермайдиган ва атрофдаги аъзо ва тўқималардан яққол ажралиб кўринмайдиган аъзоларга рентген контраст моддалар юбориб, рентгенограммаси олинади. Олинган сурат даволаш муассасасида сақланадиган ҳужжат бўлиб, бундан кейинги рентгенограммалар б-н таққослашга хизмат қилади.

РЕНТГЕНОДИАГНОСТИКА (*рентген* ва *диагностика*) — рентгенологик текширувга асосланиб, касалликларни аниқлаш. Рентгеноскопия ва рентгенография усуллари бор (рентгенографиянинг яна бир тури *флюорография*дир). Рентген нурлари одам танасидан ўтаётганда турли ичликлардаги тўқималарга турлича ютилади. Шу сабабли, экран ёки рентгенограммада тасвир турлича, яъни қора фонда оқ доғ, оқ фонда қора доғ бўлиб акс этади, кўкрак қафаси рентген аппаратида текширилганда унинг тасвири экранга уч хил — сариқ (қовурға, умров ва умуртқа суякларн) қуюқ соя, юмшоқ тўқима (тери, ёғ ҳужайралари, мускул, нерв, томирлар) қорамтир соя, ўпка тўқимаси оқиш соя бўлиб тушади. Ялиғланиш, ўсма ҳосил бўлган жой қорайиб, ўпка тўқимасининг емирилиш жойлари (мас., ўпка каверноси) оқариб кўринади.

Рентгенологнинг вазифаси шу тасвирларни таҳлил қилиб, касалликларни аниқлашдир. Р.да баъзи аъзолар (мас., сузик, юрак, ўпка) табиий ҳолича, алоҳида тайёргарлик кўрмасдан текширилаверади, баъзи аъзо ва системалар (мас., меъда, қизилўнгач, ичак ва б.)ни текширишда эса суньий контрастлик ҳосил қилинади, яъни текширилаётган органга *рентген-контраст моддалар*дан юборилади.

Р. усули касалликларни аниқлаш ва профилактик текширишда кенг тарқалган. Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларидаги кўпчилик касалхона ва поликлиникалар Р. аппаратлари б-н жиҳозланган. Республикадаги тиббиёт ин-тларининг тегишли кафедралари ва Ўзбекистон рентгенология ва радиология маркази Р.га оид ишларга ташкилий-методик раҳбарлик қилади. Ҳоз. Ўзбекистонда ўта замонавий янги компьютер ва ядро-магнитли томография усуллари кенг қўлланмоқда.

РЕНТГЕНОЛОГИЯ (*рентген* ва ... *логия*) — тиббиёт соҳаси; аъзолар ва системалар тузилиши ҳамда функцияларини текширишда, касалликлар рентгенодиагностикасида рентген нурларидан фойдаланиш масалаларини ўрганади. Р.рентген нурлари кашф этилиши б-н юзага келган. Р. одам морфологияси, физиологияси ва патологиясига оид бир қанча масалаларни ишлаб чиқишда, шунингдек, соғлиқни сақлашни амалий ривожлантиришда муҳим роль ўйнади. Рентгенологик метод касалликларни аниқлашда етакчи усуллардан ҳисобланади (қ. *Рентгенодиагностика*). Р.нинг 20-а.нинг иккинчи ярмидаги ривожи фан ва техника тараққиёти б-н чамбарчас боғлиқ. Ҳоз. Р. олдида тиббиёт соҳасидаги рентген техникасини ва касалликларни текшириш методикасини такомиллаштириш, касалликларни рентген нурлари б-н аниқлаш назариясини ривожлантириш, турли органларнинг рентгенограммаси ва флюорограммасини ҳосил қиладиган автоматик қурилмаларни яратиш, ангиография ва лимфографияни ривожлантириш, электрорентгенографияни амалда татбиқ этиш, беморларни рентгенологик текширишдан ўтказишда уларни рентген нурларидан муҳофазалашни кучайтириш каби муҳим масалалар турибди.

Р. б-н *радиология* тарихан ўзаро жипс боғланган бўлиб, бу боғлиқлик, мас., ин-тлар, илмий жамиятлар, журнал ва б. (рентгенорадиология тарзида) номланишида ўз аксини топган. Кўпгина мамлакатларда Р. маъносини «радиология» термини ишлатилади. Р.фани тиббиёт ин-тларининг Р. ва радиология кафедраларида ўқитилади.

Ўзбекистонда илк бор 1921 й. Ўрта Осиё ун-ти тиббиёт ф-тида рентген кабинети, 1923 й.дан бу кабинет негизида алоҳида Р. бўлими ташкил этилди. Кейинчалик биринчи ўзбек рентгенологларидан З. Эгамбердиев, С. Носиров ва б. шу соҳада фаолият кўрсата бошладилар. 1958 й. Тошкентда Ўзбекистон Рентгенология, радиология ва онкология и.т. институти ташкил этилиши, ТошТИ, СамТИ, Педиатрия тиббиёт ин-ти, Андижон тиббиёт ин-ти, Республика врачлар малакасини ошириш ин-тида Р. кафедраси очилиши муносабати б-н Р. фани ривожланди. Бунда Ж. М. *Абдурасулов*, Ж. Н. *Махсумов*, Ш. Мирганиев, А. Р. Мансуров, К. Отабекова каби олимларнинг хизмати катта.

Ад.: Илёсов Т. Н., Клиник радиология асослари, Т., 2002.

РЕНТГЕНОМЕТРИЯ (*рентген* ва... *метрия*) — жисмга ёки тирик организмга ютилган рентген ва гамма-нурлар миқдори (дозаси) ни ҳисоблаш ва ўлчаш б-н шуғулланадиган соҳа. Р. да қўлланиладиган усул ва асбоблар (рент-генометрлар) рентген ва гамма-нурланишнинг ионловчи таъсирига асосланган. Р. усуллари тиббиёт, ҳарбий иш, саноатда кенг қўлланилади.

РЕНТГЕНОСКОПИЯ (*рентген* ва ... *скопия*), флюороскопия — объектнинг рентген тасвири рентгеноскопик экранда кузатиладиган рентгенологик тадқиқот; *рентгенодиагностика*нинг асосий усулларидан бири. Одатдаги Р. қоронги хонада олиб борилади. Телевизион Р.да тасвир электроноптик ўзгартиргич б-н кучайтирилиб, телевизион экранга узатилади. Кўп ҳолларда Р. *рентгенография* б-н бирга қўлланади. Р.да органларни ҳаракатда ва ҳар хил проекцияда осонгина кузатиш мумкин. Майда деталларни аниқлашда рентгенография усули Р.га қараганда афзалроқдир.

РЕНТИНГ (инг. renting) — машина ва ускуналарни кейинчалик сотиб олмаслик шарти б-н қисқа муддатга (1 йилгача) ижарага олиш. *Лизинг*га қараганда ижара ҳақи қиммат туради, бу эса Р. компанияларининг ижара харажатлари ва хатари юқори бўлиши б-н боғлиқ (яна қ. *Хайринг*).

РЕНУАР (Renoir) Пьер Огюст (1841.25.2, Лимож — 1919.17.2, Кань-сюр-Мер) — француз рассоми, график ва ҳайкалтарош; *импрессионизм* намояндаси. 50-й.ларда чинни, парда, елпиғичларга расм (гул) ишлаш б-н шуғулланган. 1862—64 й.лар нафис санъат мактабида ўқиган. Шу даврда К. Моне, А. Сислей, Ф. Базиль б-н танишган. Дастлабки асарларини Г. Курбе, Э. Мане таъсирида яратган. 60—70-й.лар чегарасида пленэрда ижод қилишга ўтган Р. инсон шаклини ўзгарувчан нур ҳаво муҳитида тасвирлайди («Сенада чўмилиш», 1869; «Ложа», 1874), табиат б-н уйғун табиий муҳит, инсонлар муносабати, ҳаётий вазиятлар рассомни ўзига тортади, айниқса, байрамона

П. О. Ренуар. «Елпиғичли қиз» (1881).

ҳаёт тарзи (бал, рақс, сайр ва ҳ.к.)да жўшқин ва қувноқ ҳаётни акс эттиради («Мулен де ла Галет», 1876 ва б.); аёллар образи рассом ижодида гўзал мафтункорлиги б-н алоҳида ўрин тутади («Тушликдан сўнг», «Соябонлар» («Тушликдан сўнг», «Соябонлар» — 1879; «Яланғоч аёл», 1876; «Ж. Самори портрети», 1877 ва б.). Р. ҳаёт оқимидан аниқ юлиб олинган, айни пайтда мухрланган лаҳзали асарлар яратиб, импрессионизм асосчиларидан бирига айланди; монохром рангтасвирда ажойиб колорист сифатида намоён бўлди («Қора кийимдаги қизлар», 1883); енгил ва майин чизиғи б-н ажралиб турувчи расмлар яратди.

РЕОЛОГИЯ (юн. rheos — оқиш, оқим ва ... *логия*) — моддалар (жисмлар)нинг оқувчанлиги ва деформацияланиши б-н боғлиқ жараёнларни ўрганиш б-н шуғулланадиган фан. Р. да турли қовушқоқ, пластик материалларнинг қайтмас қолдиқ деформацияси ва оқиши б-н боғлиқ жараёнлар ҳамда силжиш (эластикликнинг кейинги таъсири ва кучланиш релаксацияси) ҳодисалари кўрилади. Р. иборасини илк бор америкалик олим Ю. Бингам киритган ва расман 1929 й.да қабул қилинган. Р. муаммолари техникада турли и.ч. жараёнлари технологиясини яратишда, ҳар хил материаллар (металл, полимер, грунт, бетон, озиқ-овқат маҳсулотлари ва б.)га тааллуқли лойиҳалаш ва конструкторлик ҳисоблаш ишлари ва б.да кўп учрайди.

Р.нинг бир неча бўлимлари мавжуд. Назарий Р. (феномологик Р. ёки макрореология) ни туташ муҳитлар механикасининг бир қисми деб қараш мумкин. У гидромеханика ва деформацияланувчи қаттиқ жисмлар механикаси орасидаги ўринни эгаллайди. Р. жисмга таъсир этувчи механик кучланишлар б-н улар ҳосил қилган деформациялар орасидаги муносабатларни ва уларнинг вақт бўйича ўзгаришларини аниқлайди. Туташ муҳитлар механикасидаги материалларни бир жинсли ва туташ, деган фаразларга биноан назарий Р.да қаттиқ, суюқ ва б. жисмларнинг деформацияланиши ва оқишига тааллуқли турли чегаравий масалалар ечилади. Материалларнинг реологик ҳолатини ифодалаш учун механик моделлар тузилиб, улардан полимерларнинг механик хусусиятларини, қаттиқ жисмлардаги ички ишқаланишни ва реал жисмларнинг бошқа хусусиятларини ўрганишда фойдаланилади. Экспериментал Р. (реометрия) моддаларнинг турли реологик хусусиятларини махсус асбоблар ва синаш машиналари ёрдамида ўрганади. Микрореология микроҳажмлар (мас., дисперс тизимлардаги дисперс фазаси заррачаси) даги деформация ва оқиш жараёнларини ўрганади.

Биореология одам ва ҳайвонлардаги ҳар хил биологик суюқлик (мас., қон ва б.) нинг оқиши, турли тўқималар (мушак, сувк, қон томирлари) даги деформацияларни ўрганади.

Р. асосида И. *Ньютон*нинг қовушқоқ суюқликлар ҳаракатига қаршилик қонунлари, Навье-Стокс, Ж. Максвелл, У. Томсон ва б.нинг тадқиқотлари ётади. Бу фаннинг ривожланишига ўзбек олимлари Ҳ. *Раҳматуллин*, Ж. *Файзуллаев* (суюқликлар Р.си), Т. *Ра-*

шидов, Т. *Ширинқулов*, Ғ. Ҳожиметов (қаттиқ жисм ва грунтлар Р.си) ва б. ҳисса қўшишган.

Ғаибназар Ҳожиметов.

РЕОМЕТР (лот. reos — оқим ва metro — ўлчайман) — газ сарфини ўлчаш учун мўлжалланган асбоб. Ички капиллир найчалари ёки бошқа дроссельловчи (босимни пасайтирувчи) қурилмадаги газнинг сарфи б-н чизиқли (бевосита) боғлиқ бўлган газ босимининг пасайиши (босимлар фарқи) ни ўлчашга асосланган. Босимлар фарқи дифференциал *манометр* б-н аниқланади (сарф бирлиги — $см^3$/мин ёки л/соат). Р. ёрдамида сув ҳозирланадиган аппаратлар ва газлар муайян нисбатда аралаштириладиган асбоблардаги газлар сарфи ўлчанади (10^4 л/соат гача).



Реометр: *1* — капиллир найча; *2* — манометр найчаси; *3* — шкала.

РЕОМЮР ШКАЛАСИ — нормал босимда музнинг эриш т-раси ноль градус, сувнинг қайнаш т-раси эса 80 градус деб олинадиган т-ра шкаласи. Р. ш. бирлиги — Реомюр градуси (°R). У атмосфера босимида музнинг эриш нуқтаси ва сувнинг қайнаш т-ра интервалининг 1/80 қисмига тенг, яъни 1°R=1,25°, француз олими Р. А. Реомюр (1683 — 1757) таклиф этган (1730). Яна қ. *Градус*.

РЕОСТАТ (юн. rheos — оқим ва statos — кўзғалмас) — электр занжиридаги ток ёки кучланишни ростлаб турадиган қурилма. Асосан, фаол қаршиликдан иборат; қаршиликни равон ёки поғонали ўзгартириш мумкин. Вазифасига кўра, Р. ишга тушириш, ишга тушириш-ростлаш, ростлаш ва нагрузка, қаршилик; материалига кўра, металл, лампали, суюқликли ва кўмирли хилларга бўлинади.

Ишга тушириш Р.и электр двигателларни ишга туширишда токни чеклаш учун ишлатилади. Ишга тушириш — ростлаш Р.и электр двигателларини ишга тушириш пайтида токни чеклаш б-н бирга занжирдаги ток ёки кучланишни ростлайди. Ростлаш Р.и электр занжирида ток ёки кучланишни ростлаб туриш учун мўлжалланади. Нагрузка Р.и эса аккумуляторлар батареясини зарядлаш ва б. мақсадларда ишлатилади (мас., лампали Р.). Суюқликли Р. ичига электролит тўлдирилган ва электрод ботирилган идишдан иборат. Унинг қаршилиги электродлар орасидаги масофани ёки электродларнинг суюқликка ботиш чуқурлигини ўзгартириб ростланади. Кўмирли Р. ёпиқ кўмир шайбаларидан устунча кўринишида ишланади. Унинг қаршилиги устунчаларга қўйиладиган босимни ўзгартириб ростланади.

РЕОФИЛ ҲАЙВОНЛАР (юн. rheos — оқим ва ... *фил*) — оқар сувларда: дарё, сойлар, денгизнинг сув кутарилиб қайтадиган саёз ва доимий оқим таъсирида бўлган қисмида яшашга мослашган организмлар. Айрим Р.ҳ. бутун ҳаётини, бошқалари фақат муайян ривожланиш даврини оқар сувларда ўтказади. Мас., айрим қунликлар, булоқчилар, ниначилар, ўткинчи балиқлар личинкаси оқар сув б-н боғлиқ. Р.ҳ.нинг кўпчилиги кам ҳаракат, фильтрлаб озиқланади (говактанлилар, бўшлиқичлилар, кўп тукли ҳалқалилар, мўйловоёқ қисқичбақасимонлар).

РЕПАРАЦИЯ (генетикада) — физик-кимёвий омиллар таъсирида зарарланган ДНК молекуласи табиий (натив) структурасининг ўз-ўзидан қайта тикланиши. Р. барча организмлар ҳужайраси учун хос бўлиб, ҳужайранинг махсус ферментлари иштирокида амалга оширилади. Р. ультрабинафша ва ионловчи нурлар таъсирида зарарланган бактериянинг ДНК молекулаларида яхши ўрганилган. Р.нинг 3 хил асосий механизми: фоторепарация (фотореактивация), эксцизион Р. ва пострепликатив Р. аниқланган. Фоторепарация ультрабинафша нурлар таъсирида ДНК молекуласида ҳосил бўладиган циклобутан дезоксирибопиримидин — фотолиаза ферменти ёрдамида парчаланишидан иборат. Эксцизион Р. — ДНКнинг зарарланган жойини аниқлаш, уни кесиб ташлаш ва матрица асосида кесилган жойни қайта синтез қилиб, ДНК занжирининг изчиллигини тиклаш. Пострепликатив Р. репликациягача ДНКда пайдо бўлган, лекин эксцизион репликацияда барча жароҳатланган жойларни тиклаш имконияти бўлмаган тақдирда ишга тушади. Бундай ҳолларда жароҳатланган молекулаларнинг янгиланиши бир занжирли кемтик (нуқсонли) молекулаларнинг пайдо бўлишига олиб келади; натив (табиий) структурани тиклаш эса рекомбинация орқали амалга оширилади.

Р. жараёнининг ферментлари редупликация, рекомбинация ва мутацион жараёнлар реакцияларини катализ қилишда ҳам иштирок этади. Мутацион жараёнда ҳужайрада хатоликка йўл қўйишга мойил бўлган индукцион Р.нинг ўзига хос типи ишга тушади. Натижада ДНК нинг табиий структураси тикланади, аммо ундаги генетик ахборотда хатоликлар пайдо бўлади. Р.га тескилик қилувчи мутагенлар кўпинча мутацион жараённинг тезлигини ошириши ёки камайтириши мумкин. Бир қатор ирсий касалликлар (пигментли ксеродерма, атаксия — телеангиэктазия, прогерия) Р. системаси нуқсонлари б-н боғлиқ. Р.да нуқсонларга эга бўлган ва жароҳатловчи омилларга нисбатан жуда сезгир бактерия ва замбуруг штаммларидан генетик токсикологияда индикаторлар сифатида фойдаланилади. Радиобиологияда Р. тушунчаси ультрабинафша ва ионловчи нурлардан зарар кўрган биологик объектларнинг қайта тикланишидан иборат. Кўп ҳужайрали организмларда Р. нурланишидан зарарланган орган ва тўқималарнинг регенерацияси шаклида намоён бўлади.

Абдукарим Бисрёев.

РЕПАРАЦИЯ (лот. reparatio — қайта тиклаш) (халқаро ҳуқуқда) — моддий халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик тури; давлатнинг бошқа давлатга етказган зарарини пул б-н ёки бошқача шаклда қоплаши. Р. ни натура шаклида, пул ёки бошқа моддий компенсация шаклида ёки бир вақтнинг ўзида реституция (тайриқонуний эгаллаб олинган ва олиб кетилган мол-мулкни қайтариш) ва зарарларни қоплаш шаклида тўлаш мумкин. Р.ни амалда 1919 й.гача мавжуд бўлган *контрибуция*дан фарқлаш керак. Ҳоз. халқаро ҳуқуққа кўра, давлатнинг агрессия уруш бошлаганлиги учун моддий жавобгарлиги, яъни ҳарбий Р. муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, 1945 й.ги Крим (Ялта) конференцияси ва *Берлин конференцияси* қарорларида Германиянинг Р. тўлаши, 1947 й. сулҳ шартномаларида эса, 2-жаҳон урушида Германия иттифоқчилари бўлган давлатларнинг Р. тўлаши назарда тутилган.

РЕПАТРИАЦИЯ (лот. repatriatio — ватанга қайтиш) — уруш оқибатида ватанидан ташқарига чиқиб қолган ҳарбий асирлар ва фуқароларни, шунингдек, фуқаролик ҳуқуқи тикланган муҳожирларни ўз ватанига қайтариш. Р. одатда, халқаро шартномалар асосида амалга оширилади (мас., ҳарбий асирларни Р. қилиш). Шунингдек, шартномадан ташқари асосда ҳам бўлиши мумкин. Бу ҳолда Р. қилиш имконияти манфаатдор давлат ёки давлатлар қонунларида назарда тутилган бўлиши керак.

РЕПЕЛЛЕНТЛАР (лот. repellens — ўзидан қочирувчи, қайтарувчи) — пестицидлар гуруҳига кирадиган кимёвий препаратлар. Ҳашаротларни улар озиқланадиган ўсимликлардан, шунингдек, ҳайвонлар ва одамлардан қочиришда қўлланилади. Р., асосан, қ.х. ўсимликларини зараркунандалардан, одамларни ва ҳайвонларни қон сўрувчи ҳашаротлардан ҳимоя қилишда ишлатилади. Ҳайвонлар ва ўсимликлардан олинган Р. (ҳидли ўтлар, ўсимлик мойлари ва б.)дан қадимдан фойдаланиб келинган. Ҳозир амалиётда, асосан, узоқ муддат таъсир этадиган кимёвий (синтетик) препаратлар — одий ва мураккаб эфирлар, спиртлар, альдегидлар, эфир мойлари ва б. қўлланилади. Р. ҳашаротларнинг ҳид сезиш, санчиш-сўриш органларига таъсир этиб, уларни издан чиқариш, шунингдек, ўсимликларнинг ҳашаротларни жалб этадиган ҳидларини йўқотиш (мас., лимон мойи) асосида таъсир кўрсатади. Р. иссиқ қонли ҳайвонлар учун кам заҳарли ҳисобланади ва шунинг учун амалда кенг қўлланилади.

РЕПЕР (франц. repere — белги, нишон, дастлабки нуқта) — 1) (геодезияда) — асосий сатҳий юзага нисбатан *нивелирлаш* орқали баландлиги аниқланган нуқтани мақкамлаш белгиси.

Р.нинг фундаментал ва оддий хиллари бор. Фундаментал Р. 1- даражали нивелир йўлларида ҳар 50—80 км оралиқда, 2-даражали йўлнинг муҳим жойларида ва денгиз ҳамда океанлар суви сатҳини ўлчаш жойларида, грунтлар қатламига тик ўрнатилган темирбетон устунлар б-н маҳкамлаб қўйилади. Оддий Р. (девориЙ Р.) барча нивелир йўлларида ҳар 5 — 7 км да грунтлар қатламига, мустаҳкам бино ёки иншоотлар деворига ўрнатилади. Р. баландлигининг узоқ муддатга ўзгармай сақланишини таъминлашда уларнинг асоси, грунтининг мавсумий музлаш чуқурлигини ҳисобга олган ҳолда ўрнатилади. Ўзбекистон ҳудудида Р. баландлиги Кронштадт футштоки (кўприк тўсинида маҳкамлаб қўйилган мис пластинкага туширилган горизонтал штрих)га нисбатан ҳисобланади ва махсус «Баландликлар рўйхати»га ёзиб қўйилади.

Мамлакат ҳудудида ўрнатилган фундаментал ва оддий Р. жами давлат нивелир тармоғини ташкил қилади. Давлат нивелир тармоғининг Р.лари топографик съёмкаларни бажаришда, қурилишда ва турли тадқиқот ишларида ер нуқталарининг баландлигини аниқлашда бошланғич нуқта (таянч) бўлиб хизмат қилади. 2) артиллерияда — мўлжалга олинадиган нишонга тўғрилашда фойдаланиладиган қўшимча нуқта. Бевосита нишонни мўлжалга олишнинг имкони бўлмаган ёки ноқулай бўлган ҳолларда Р.дан фойдаланилади; 3) математикада — маълум тартибда олинган ва умумий бош нуқтадан чиқувчи ҳамда бир текисликда ётмайдиган чизиқли боғланмаган векторлар. Уларнинг сони фазо ўлчовига тенг бўлиши керак. Чизиқли алгебра Р. базис деб юритилади. *Дифференциал геометрия*да фазовий эгри чизиқнинг ҳар бир нуқтаси б-н боғланган кўзгалувчан Р. муҳим. Бу эгри чизиқнинг қаралаётган нуқтасидаги уринмаси, бош нормали ва бинормали бўйича йўналган бирлик векторларидан иборат.

РЕПЕРТУАР (франц. repertoir, лот. repertorium — рўйхат, изоҳлаш) — драма театри, мусиқали театр, эстрада концерти ёки айрим артист томонидан ижро этиладиган асарлар мажмуи. Р. услуби ва жанрига кўра ҳам фарқланади (романтик Р., комедия Р.и), «замонавий Р.», «мумтоз Р.» тушунчалари бўлади.

РЕПЕРФОРАТОР (*ре...* ва лот. perforare — бурғилаш, тешиклар очиш) — телеграф аппаратидан келаётган электр сигналларини қабул қилишда қоғоз лентага ўша сигналларга мос равишда автоматик тарзда тешиклар очиб турадиган телеграф қурилмаси. Р. лентада уни тортиб туриш учун мўлжалланган тешикларни ҳам очиб туради. Тешиклар очиш б-н бирга лентага телеграмма коди белгиларини ҳам босиб турадиган Р. ҳам бор. У телеграмманинг манзилини ўқишни осонлаштиради. Р. телеграммаларни қайта қабул қилиш-узатиш б-н шуғулланувчи телеграф ст-ияларида ишлатилади.

РЕПЕТЕК ҚЎРИҚХОНАСИ — Шарқий Қорақумининг марказий қисмидаги қўриқхона. Туркманобод (собиқ Чоржўй) ш.дан 70 км жанубда. Кумли чўлнинг табиий мажмуини қўриқлаш ва ўрганиш учун 1928 й.да Репетек қумли чўл ст-яси (1912) негизида ташкил этилган. Ўрта Осиёнинг иссиқ жойларидан бири (энг баланд ҳарорати 50°; йиллик ёғин 114 мм). Майд. 34,6 минг га. Бошқа қўриқхоналардан жўяк-жўяк, дўнг барханлар ва улар мажмуи, шунингдек, Қорақум чўлида ўсадиган асосий ўсимлик туркумлари (оқ ва қора *саксовул*, қандим, черкез, қуёнсуяк, боржок, қуёнқўйруқ, ялтирбош, чўлкучала, лолақизғалдоқ, саксоқўқай, илончўп, туяяпроқ, ширач ва б.) б-н ажралиб туради. Ҳайвонот дунёси ҳам хилма-хил. 1000 турдан ортиқ ҳашарот (қўнғизлар, капалаклар, каналар, чумолилар ва б.), судралувчилардан 13 тур калтакесак (агама, геккон, эчкэмар ва б.), 8 тур илон (чархилон, ўқилон, қўлбор илон ва ҳ.к.), дашт тошбақаси, 196 тур қуш (хўжасавдогар, қизилишton, қарға ва б.), сут эмизувчилардан 20 тур (қуён, юмронқозиқ, қўшоёқ, жайрон, қорақал ва ҳ.к.) яшайди.

Репетек қўриқхонасидаги саксовул дарахтлари.

Ад.: Рустамов А. К., Репетекский заповедник. М., 1971.

Абдушукур Хонизаров.

РЕПЕТИЦИЯ (лот. repetitio — қайтариш) — 1) театр, эстрада, цирк томошалари, концерт дастурлари, айрим чиқишлар, саҳналарни (реж. раҳбарлигида) кўп марта (бутунлай ёки қисман) такрорлаш орқали тайёрлашнинг асосий шакли; 2) клавишли ва б. мусиқа асбобларида бир товушнинг тез такрорланиши; 3) фортепиано механизми хусусияти, у бир товушнинг ўзини тез такрорлаш имкониятига эга; оддий (секундига 6—8) ва мураккаб (секундига 12) зарбли Р. қилиш мумкин бўлган фортепианолар мавжуд.

РЕПИН Илья Ефимович [1844.24.7 (5.8), Чугуев, ҳоз. Харьков вилояти — 1930.29.9, Куоккала, Финляндия, ҳоз. Ленинград вилоятидаги Репино] — рус рассоми, 19-а. реалистик санъатининг йирик намояндаси. Петербург БАда ўқиган (1864—71; 1894—1907 й.лар дарс берган, 1898—99 й.лар ректор). Россия бўйлаб ва чет эллларга бир неча бор сафар қилган. 1878 й.дан *передвижниклар* сафида. Р.га ўқиш даврида И. Крамской, танқидчи В. Стасовлар кучли таъсир кўрсатган; инқилобий демократлар эстетикаси б-н таниш бўлган Р.унинг онгли тарафдорларидан бирига айланди. Р. ижоди ўзининг халқчиллиги, инсонпарварлиги юксак ғоявийлиги ва маҳорати б-н ажралиб туради. Р.даги кузатувчанлик ва жўшқинлик, ҳолат, имо-ишоралардан образларининг ҳиссий тасвирлашда моҳирона қўллаш унинг асарларида кўзга ташланади. Кўп қирали ижоди (портрет, жанрли ва тарихий картиналар, офорт, литография, кичик расмлар)да ўз даврининг қарама-қаршиликларини акс эттирди, халқнинг машаққатли турмуши, қудратини тасвирлади: «Бурлаклар Волга бўйида» (1870—73, Рус музейида), «Тавбадан бош тортиш» (1879—85) ва «Кутмаганлидар» (1884— ҳар иккала-

И. Е. Репин. «Бурлаклар Волга бўйида» (1870—73).

си ҳам Третьяков галереясида); «Запорожьеликлар турк султонига хат ёзишмоқда» (1878—91), «Малика Софья» (1879), «Иван Грозний ва унинг ўғли Иван» (1885) каби асарларида тарихий воқеалар таъсирчан ифодаланган; портретларида жамиятдаги турли кишиларнинг кучли ижтимоий ва психологик характеристикаси, ёркин типик образлари яратилган: «В. Стасов» (1873), «А. Ф. Писемский» (1880), «М. П. Мусоргский» (1881), «Л. Н. Толстой» (1887), «И. П. Павлов» (1924) ва б. Шунингдек, Р. нинг юксак маҳорати графикада ҳам намоён бўлди («Қизалоқ Ала», 1882; «Нева проспекти», 1887 ва б.), рассом қалами натурани унинг бор жозибаси б-н бера олган. Р. мемориал музейи бор (1940). Санкт-Петербургдаги Рассомлик, ҳайкалтарошлик ва меъморлик ин-тига Р. номи берилган.

РЕПЛИКАЦИЯ, редупликация (replico — қайтариш) — нуклеин кислоталарнинг ўз-ўзидан ҳосил бўлиш жараёни, Р. туфайли генетик ахборотнинг аниқ кўчирилиши ва наслга ўтиши таъминланади. Р. механизмининг асосида ДНК молекуласининг ДНК матрицаси (қолипи)да ёки РНК молекуласининг РНК матрицасида ферментатив реакциялар ёрдамида синтезланиши ётади. Бу реакцияларни амалга оширадиган ферментлар орасида 1 сек.да 1000 тагача нуклеотидни синтезлайдиган (бактерияларда) ДНК-полимераза ферменти муҳим ўринни эгаллайди. ДНК молекуласи ярим консерватив хусусиятга эга, янги ҳосил бўлаётган 2 та ДНК молекуласидаги занжирларнинг бири «эски», бошқаси «янги» бўлади. Р. бирлиги репликон ҳисобланади. Термин Ф. *Жакоб* ва С. Бреннер томонидан таклиф қилинган. Прокариотлар геноми, одатда, битта, эукариотлар геноми жуда кўп репликонлардан ташкил топган. Тирик организмларда in vivo шароитида борадиган Р. ўта аниқ жараён ҳисобланади. Нуқтали мутацияларни вужудга келтирадиган хатоликлар жуда кам бўлиб, авлодга нисбатан ҳар бир нуклеотид учун 10^{-9} дан юқори бўлмайди. Эукариотларда Р. бирмунча секин (секундига 100 нуклеотид), аммо бир вақтнинг ўзида бир ДНК молекуласининг бир неча нуқтасида амалга ошади. Р.ни хромосомалар сонининг 2 баравар ортиши ҳам дейилади. Бу жараён асосида ДНК Р.си ётади.

РЕПОРТАЖ (инг. report — етказмоқ, хабар қилмоқ) — журналистиканинг информацион жанр тури. Бу жанрда журналист (репортёр) бевосита ўзи иштирок этган, шоҳиди бўлган, кўрган воқеа-ҳодисалар ҳақида зудлик б-н ёркин, атрофлича хабар беради. Бунда, одатда, муаллиф воқеаларни ўз тилидан баён этади. Р.да барча информацион жанрлар (лавҳа, ҳисобот, суҳбат ва ш.к.) унсурлари қўшилиб кетади. Унда бадиий образлар, тарихий далиллардан кенг фойдаланилади.

Оммавий ахборот-алоқа воситалари турига (матбуот, радиоэшиттириш, телекўрсатув) қараб материалларни Р. орқали ёритишнинг айрим ўзига хос хусусиятлари бор. Матбуотда (асосан, газ.да) Р. воқеабанд ва мавзули (турли вақтда бўлган воқеалар бир мавзуга бирлаштирилиб баён этилади) бўлиши мумкин. Бундай Р.лар, одатда, воқеалар бўлиб ўтган жойлардан олинган фотосуратлар б-н безатилади. Матбуотда фоторепортажлар ҳам кенг тарқалган. Радио орқали бериладиган Р.да воқеалар образли, жонли сўзлар б-н тавсифланиб, ҳамма вақт хронологик изчиллик сақланади. Телекўрсатувлардаги Р.да экранда намойиш этилаётган воқеалар шарҳлаб берилади.

РЕПРЕССИЯ (сўнгги лот. repressio — босим, тазйиқ) — давлат органлари қўллайдиган жазо чораси, қатағон қилиш. Асосан, мустабид, тоталитар, мустамлакачи давлат томонидан халққа нисбатан қўлланиладиган жазолаш, қатли ом, қатли нуфус, оммавий тарзда зулм ўтказиш тушунчаларини ифодалайди. Оммавий жазолаш, қиноқҳа солиш чоралари мустабид давлатларнинг халқни асоратда ушлаш, қўрқитиш, босим ўтказиш қуролидир. Мустамлакачи давлатлар ўзларига тобе ўлкаларда халқнинг норозилигини, ижтимоий-сиёсий, озодлик ҳаракатини бостириш, таг-туги б-н йўқотиш учун қарбий, сиёсий, иқтисодий Р. ни қўллаганлиги тарихдан маълум. Мас., чор ҳукумати Туркистонни босиб олган биринчи кунлан халқни кўрқитиш, ваҳимада ушлаш сиёсатини олиб борди. Дастлаб, истилочи генерал М. Черняев 1865 й. Тошкент мудофаасининг раҳбари Мулла Солиҳбек додхоҳ Туёқбий ўғлини 2- шартномага имзо чекишдан бош тортгани учун 8 нафар шериги б-н судсиз, сўроқсиз Томск ш.га сургун қилиб, Р.ни қўллаган эди. Кейин чор ҳукумати 1892 й.ги «Вабо кўзғолони» (Тошкент) даврида ҳам бундай чорани қўллаб, тинч аҳолидан бир қанча кишини отиб ташлади. кўзғолон раҳбарларидан Шарифхўжа қози Пошохўжаев, Инъомхўжа оқсоқол Умархўжаевни сургун қилди. 1898 й. кўзғолони бостирилгач (қ. *Андижон кўзғолони*). Минтепа қишлоғи тўпга тутилиб, аҳолиси қирилди, 22 мингдан ортиқ киши ўлдирилди, сургун қилинди. Шунингдек, 1916 й.ги мардикорга олиш жараёнида кўзғолон кўтарган Тошкент, Жиззах аҳолисига нисбатан репрессив чоралар кўрилди.

Собиқ шўролар ҳукумати ҳам маҳаллий халқларга қарши Р.лар олиб борди. Туркистон мухториятини бостириш, ер ислоҳотини ўтказиш, жамоалаштириш даврида минглаб одамлар қатағонга учради, мол-мулклари тортиб олинди, жазода кўп оилалар Украина, Шим. Кавказ, Сибирга сургун қилинди. Ўзбекистонда 1928, 1929, 1930-й.ларда катта сиёсий жараёнга айланган «Миллий иттиҳодчилар иши», «Бадриддиновчилар», «Қосимовчилар», «Маориф халқ комиссарлиги иши» каби Р.лар ўтказилди. Совет ҳукумати собиқ юстиция комиссарлигининг «Революцион трибунал» (1917 й. 19 дек.) инструкцияси, Халқ Комиссарлари Советининг «Қизил террор» (1918й. 5 сент.), собиқ СССР МИҚ Президиумининг 1932 ва 1934 й.ларда қабул қилган гайриинсоний қонунлари ва қарорлари ҳамда «СССР прокурорининг директиваси» (1935 й. 23 янв.) асосида миллионлаб кишилар ОГПУ коллегияси, махсус, «учлик», НКВД — МГБ — МВД нинг махсус кенгаши, ҳарбий суд томонидан гувоҳ, далил, исботсиз қамалди, отилди, сургун қилинди, қўшимча жазо муддатини ўтамай ватанига қайтиб келишига рухсат берилмади. 1937—38 й.ларда жазога тортилган кишиларнинг мол-мулки мусодара қилинди, ҳатто норасида болалари ҳам турли тўқинғоҳларда сақланди. Шу йилларда амалга оширилган руҳонийлар, миллатчилар иши баҳонасида талайгина адабиёт, санъат, илм-фан, ва дин арбоблари Р. қилинди. Собиқ ҳукумат бу б-н кифояланмай 20-а.нинг 40—50-й.ларида таслимчилик, антисоветчилик баҳонасида ўзбек зиёлиларига қарши навбатдаги Р.ни қўлади. 80-й.ларда катта шов-шув остида «Пахта иши» номи б-н янги Р. бошланиб, минглаб бегуноҳ кишилар қатағонга учради.

Президент И. Каримов Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши арафасидаёқ шўро тузуми давом эттириб келаётган адолатсизликларга барҳам бериш, ҳақиқатни тиклаш, бегуноҳ қатағон қилинганларни оқлаш чораларини кўрди. Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши (1999 й. 12 май)га мувофиқ мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш жамоатчилик комиссияси. Вазирлар Маҳкамасининг «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори (1999 й. 22 июль) ва шу қарорга мувофиқ. «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармасининг тузилиши ва Тошкентда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуининг барпо этилиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги фармони (2001 й. 1 май) ва унга биноан «Қатағон қурбонлари хотираси» музейини ташкил этиш тўғрисида»ги қарор (2001 й. 1 май) Р.га учраган халқимиз асл фарзандлари хотирасини тиклаш ишига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Ҳар йили Мустақиллик байрами арафаси — 31 августда Ўзбекистонда қатағон қурбонларини ёд этиш куни нишонланадиган бўлди.

Сирожиддин Аҳмедов.

РЕПРЕССОР (лот. repressor — чекловчи, тўхтатиб турувчи) — оперондаги генлар транскрипциясини, ҳужайрада ферментлар таъсирини тўхтатадиган регулятор оқсил. Натижада тегишли РНКнинг синтези, бинобарин, оперон кодлаётган ферментларнинг ҳосил бўлиши тўхтайди. Р. регулятор ген назорати остида ҳар бир ҳужайрада 10—20 та молекуладан, фаол, яъни оператор б-н бевосита боғланиш имкониятига эга бўлган ёки нофаол ҳолатда синтезланади. Фаол Р.нинг ҳосил бўлиши индуцитал (ҳужайрага махсус паст молекулали моддалар — индукторлар тушганида синтезланадиган) ферментлар учун хос. Индуктор Р. га боғланганида Р.нинг фаоллиги камайиши туфайли тегишли ферментнинг синтези бошланади (индукция). Нофаол Р.лар (апорепрессорлар) ҳосил бўлиши эса репрессобел ферментлар учун хос. Апорепрессор ҳужайрага паст молекулали моддалар (корепрессорлар) тушиб қолганида фаоллашади. Бунда оперон кодлайдиган фермент синтези тўхтайди (репрессия). Одатда, индикатор б-н корепрессор биргаликда битта умумий термин — эффектор деб аталади.

Президент И. Каримов Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши арафасидаёқ шўро тузуми давом эттириб келаётган адолатсизликларга барҳам бериш, ҳақиқатни тиклаш, бегуноҳ қатағон қилинганларни оқлаш чораларини кўрди. Кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши (1999 й. 12 май)га мувофиқ мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш жамоатчилик комиссияси. Вазирлар Маҳкамасининг «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори (1999 й. 22 июль) ва шу қарорга мувофиқ. «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармасининг тузилиши ва Тошкентда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуининг барпо этилиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги фармони (2001 й. 1 май) ва унга биноан «Қатағон қурбонлари хотираси» музейини ташкил этиш тўғрисида»ги қарор (2001 й. 1 май) Р.га учраган халқимиз асл фарзандлари хотирасини тиклаш ишига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Ҳар йили Мустақиллик байрами арафаси — 31 августда Ўзбекистонда қатағон қурбонларини ёд этиш куни нишонланадиган бўлди.

Сирожиддин Аҳмедов.

РЕПРИВАТИЗАЦИЯ (*ре...* ва лот. privatus — хусусий) — илгари давлат ихтиёрига олинган корхона, банк, акция ва б.ни қайтадан хусусийлаштириш. Бу б-н давлатлаштирилган и.ч.дан хусусийлашган ва соғлом рақобатга таянган иқтисодиётга ўтилади. Р. иқтисоди-ётни эркинлаштириб, иқтисодий ўсишга йўл очиб беришни б-н *бозор иқтисодиёти* талабларига мос тушади.

РЕПРИЗА (франц. reprise — такрорлаш, қайта ижро этиш) — 1) цирк ва эстрадада — комик адабий ёки пантомима номери (баъзан ҳазил; латифа); 2) от циркида муайян вақт давомида отнинг бир хил чопиши; 3) цирканинг бошқа бир хил чопиши; 3) цирканинг бошқа жанрларида Р. деб бир неча марта кетма-кет қайтариладиган трюклар аталади. Цирк санъатида Р. термини 19-а.нинг 1-ярмидан бошлаб юритилган. Ўзбек масхарабоз ва қизиқчилари ҳамда цирк клоунлари (К. Зарифов, А. Юсупов, Н. Нурматов, Э. Парпиев, О. Ҳакимов, Г. Заставников, П. Боровиков ва б.) репертуаридан Р.лар кенг ўрин эгаллаган; 4) мусиқада — мавзунинг (унинг ритм вож босқичидан кейин) ёки мусиқа асари бирон бўлимининг (бошқа бўлимларидан сўнг) такрорланиши.

РЕПРОГРАФИЯ [репро*(дукция)* ва ... *графия*] — матнлар ва график тарздаги асл манбалардан фотография ва б. усулларда нусхалар олиш. Р. да полиграфия усулидагидек босма қолиплар тайёрлашнинг ҳожати йўқ. Р.да нусхалар асл манбага аниқ ўхшаб чиқади, нусхаларини исталган масштабда олиш мумкин, технологик цикл жуда қисқа бўлади. Р. усуллари ва воситаларидан кордон. Р. усуллари ва воситаларидан корхоналар, кутубхоналар, архивлар, лохоналар, кутубхоналар, архивлар, лойиҳалаш ташкилотлари ва б. жойларда йиҳалаш ташкилотлари ва б. жойларда фойдаланилади.

РЕПРОДУКТИВ ОРГАНЛАР (лот. re — тикланиш, такрорланиш маъносида, produco — яратаман) — ўсимлик ва ҳайвонларнинг кўпайиш функциясини бажарадиган органлари. Ўсимликларда Р.о. — вегетатив жинссиз ва жинсий кўпайишни амалга оширадиган ҳар хил тузилмалар. Жинсий жараён ва наел галланиши бўлмайдиган прокариотларда Р.о. тиним давридаги споралар, гормогонийлар ва б.дан иборат. Кўпчилик замбуруғлар, сувўтлар ва наел галланиши (спорофит ва гаметофит) орқали ривожланадиган спорали ўсимликларда Р.о. жинссиз кўпайишда спорангийлар, жинсий кўпайишда гаметангийлардан иборат. Уруғли ўсимликларда наел галланиши яширин ўтади ва қизлик спорофит (уруғкуртак) она спорофитда ривожланади; Р.о.даги микро- ва мегаспоролитлар, чангдон ва тухумнинг генератив ҳужайралари ҳисобланади. Кўпинча Р.о. термини кенг маънода қўлланади; уларга гуллар, мевалар (ёпиқ уруғлилар) ва стробилалар, яъни эркак ва урғочи қуббалар (очиқ уруғлилар) ва б. генератив структуралар комплекси қўшилади. Вегетатив кўпайиш органлари ҳам Р.о.га киритилади. Ҳайвонларда Р.о. жинсий органлар дейилади.

РЕПРОДУКЦИОН ТЕХНИКА — тасвирий мати-расмли асл нусхалар (расмлар-плакатлар ва б.)дан нусхалар кўчириш б-н боғлиқ бўлган техника воситалари. Фотография аппаратлари, фотокатталаштиргичлар, контакт усулида нусха кўчириш аппаратлари, фотография формалари — негативлар, диапозитларни ретушлаш учун мўлжалланган махсус столлар, нусха кўчириш рамалари Р.т. жумласига киради. Фотосуратларни очилтириш, фотография формаларининг нусхаларига кимёвий ишлов бериш қурилмалари, *офсет босма* қолипларини тайёрлаш поток линиялари, намуна нусхаларини олиш дастгоҳлари, босма машиналар ва б. ҳам Р.т. ҳисобланади. Р.т.нинг электрон воситалари ҳам яхши ривожланган; мас., кўп рангли тасвирларни ҳосил қилишда қўлланадиган электрон ранг ажратгичлар, электргравюра аппаратлари (электрон-гравюра автоматлари). Булар босма қолиплар тайёрлаш жараёнини анча соддалаштириш ва тезлаштиришга имкон беради.

РЕПРОДУКЦИЯ (*ре...* ва лот. produco — яратаман) — 1) тасвирлар (тасвирий санъат асарлари, босма матн, харита, ҳужжатлар, фотосуратлар ва б.) ни *фотография* ёки *полиграфия* усулида ҳосил қилиш; 2) полиграфия усулида ҳосил қилинган сурат, расм, фотосурат ва б. Асл нусханинг барча хусусиятлари аниқ ҳосил қилинадиган Р. факсимал Р. деб аталади; 3) психологияда — хотирада қолган нарсани аниқ яратиш жараёни; 4) биологияда — организмнинг ўзига ўхшаш организмларни яратиши, кўпайиши.

РЕРИХ Николай Константинович [1874.27.9 (9.10), Петербург — 1947.13.12, Нагар, Ҳиндистоннинг Панжоб штати] — рус рассоми, археолог, жамоат арбоби. Петербург БАда ўқиган (1893—97). Парижда малакасини оширган (1900—01). Рассомларни рағбатлантириш жамияти котиби (1901 й.дан) ва унинг қошидаги расм мактаби директори (1906—18). Петербург БА акад. (1909 й.дан). «Санъат дунёси» бирлашмаси аъзоси (1910—19 й.лар уюшма раиси). 1918 й.дан хорижда (АҚШ ва Ҳиндистонда) яшаган. Р. ижоди мавзуини унинг археология ҳамда славян ва скандинавия мамлакатларига, 20-й.лардан буддизмга бўлган қизиқиши белгилади («Дозор», 1905; «Тибет. Монастир», 1942; иккаласи ҳам Рус музейида); дастлаб тарихий мавзуларда асарлар яратган Р. ижодида кейинчалик манзара, табиат кўринишлари етакчи ўринни эгаллай бошлади: «Чопар» (1897), «Денгиз ортидан келган меҳмонлар» (1901), «Шаҳар қурмоқдалар» (1902) ва б.

Р., шунингдек, театр декорацияси (И.В.Стравинский, «Муқаддас баҳор» балети, 1913; А.П.Бородин, «Князь Игорь» операси, 1914 ва б.) ва монументал санъатда ҳам ижод қилган. Марказий ва Шарқий Осиёда йирик экспедициялар уюштирган (1924—28 ва 1934—35) ҳамда қимматбаҳо археологик ва этнографик материаллар тўплаган.

20-й.лардан маърифатпарварлик фаолияти олиб борган Р. жаҳон аҳлининг диққатини жаҳон маданий ёдгорликларини сақлашга қаратди; у илгари сурган («Р. пакти» деб аталган) йўналиш асосида 1954 й.да кўп мамлакатлар томонидан маъқулланган «Ҳарбий тўқнашувлар чоғида маданий ёдгорликларни ҳимоя қилиш» Халқаро Гаага конвенцияси имзоланган.

Р.нинг ўғли рассом Святослав Николаевич (1904—1991) 1919 й.дан Лондондаги Қироллик академиясида, сўнг АҚШнинг Колумбия ва Гарвард ун-тларида меъморликдан таълим олган; 1926. й.да илк бор Ҳиндистонга борган, 1936 й.дан эса ушанда муқим яшаган. Отаси Р.нинг ижодий анъаналарини давом эттирган, портрет (отаси Р. портрети, 1937 ва б.), рамзий ва жанрли асарлар, пейзаж, манзаралар («Ҳимолай, қуёшнинг ботиши», 1971 ва б.) яратган. Ўзбекистонда Р. асарлари кўргазмалари ташкил қилинган (1999).

Москвада халқаро Р.лар маркази ташкил қилинган (1991).

РЕСИФИ, Пернамбуку — Бразилиядаги шаҳар, Жан. Америкининг энг шарқий чеккасида. Пернамбуку штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 1,4 млн. киши (2000). Бразилиянинг Атлантика океани соҳилидаги муҳим порти (четга шакар, тропик мевалар, пахта, тери хом ашёси, ёғоч чиқарилади). Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Мамлакатнинг шим.-шарқидаги муҳим иқтисодий маркази. Озиқ-овқат (асосан, шакар-қанд, тамаки), тўқимачилик, машинасозлик, цемент, кимё, кўн-пойабзал саноати корхоналари мавжуд. Ун-тлар, Филология академияси, штат музейи бор. Шаҳарга 1548 й.да балиқчилар қишлоғи ўрнида асос солинган. Мустамлакачилик даврига оид кўплаб меъморий ёдгорликлар (монастирь, қалъа, черковлар) сақланган. Туризм марказларидан.

РЕСПУБЛИКА (лот. respublica, res — иш ва publicus — ижтимоий, умумхалқ) — давлат бошқаруви шакли, унда бар ча давлат ҳокимияти органлари сайлаб қўйилади ёки умуммилий ваколатли муассасалар (парламентлар) томонидан шакллантирилади, фуқаролар эса шахсий ва сиёсий ҳуқуқларга эга бўладилар. Тарихан Р. антик даврда *монархия*нинг зидди сифатида вужудга келган (мас., Афинадаги қулдорлик демократияси). Мил. ав. 5—4-а.ларда Спарта ва мил. ав. 2-а.да Рим давлати аристократлар қисми манфаатларини ифода этган. Ўрта асрларда Р. бош-қарув шаклини қўллаган Венеция ва Генуя сингари шаҳар-давлатлар бор эди.

Н. К. Рерих. «Денгиз ортидан келган меҳмонлар» (1901).

Ҳоз. вақтда жаҳондаги 190 давлатдан 140 дан ортиғи Р. ҳисобланади. Бошқарувнинг Р. шакли қуйидаги турларга ажратилади. 1) президентлик Р.си (АҚШ, Мексика ва б.), бунда президент умумхалқ сайловида сайланиб, бир вақтнинг ўзида давлат ва ижро ҳокимияти бошлиғи ҳисобланади; 2) парламентар республика (Италия, ГФР, Венгрия ва б.), бунда парламент тўлиқ ҳокимиятга эга бўлиб, унинг олдида ҳукумат сиёсий жавобгар ҳисобланади. Парламент президентни сайлайди. Бунда президент фақат давлат бошлиғи бўлиб, ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланмайди; 3) аралаш типдаги республика (ярим президентлик: Франция, Португалия, Финляндия, Европадаги тоталитар тузумдан халос бўлган янги мамлакатларнинг аксарияти), бунда президентлик республикаси ё парламентар республика хусусиятлари қўшилиб кетади. Яъни президент умумхалқ сайловларида сайланиб, юридик ва реал кенг ваколатларга эга бўлади. Бироқ ҳукумат парламент томонидан ташкил этилади ва у нафақат президент олдида, балки парламент олдида ҳам сиёсий жавобгар бўлади. Бунда президент ҳукуматга умумий раҳбарлик қилади, лекин уни бош вазир бошқаради. Президент маълум ҳолатлар юз берганда парламентни тарқатиб юборишга ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси — суверен демократик республика бўлиб, мамлакатимизда президентлик Р.си бошқарув шакли амал қилади (яна қ. *Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси*).

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ — қ. *Кўчмас мулк биржаси.*

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ — қ. *«Маънавият ва маърифат» маркази.*

РЕСПУБЛИКАЧИЛАР ПАРТИЯСИ (АҚШ) — АҚШдаги икки асосий партиядан (*Демократлар партияси* б-н бир қаторда) бири. 1854 й. шим.-шарқий штатларнинг саноат-тижорат намояндалари ва Жан.нинг қуллорилик олигархияси сиёсий ҳокимиятини тутатиш учун курашаётган жамиятнинг бошқа ижтимоий қатламлари иттифоқи асосида ташкил этилган. 1861—85, 1889—93, 1897—1913, 1921—33, 1953—61, 1969—77, 1981—93 й.ларда ҳокимият тепасида бўлган. Р.п. 2001 й.дан яна Оқ уйни эгаллаб турибди.

РЕССОРА (франц. ressor — қайишқоқлик) — транспорт машиналари (автомобиль, вагон, трактор ва б.)да йўлнинг нотекислигидан ҳосил бўладиган силкинишларни юмшатиб берадиган қайишқоқ (эластик) мослама.

Рессора. 1-расм. Автомобиль орқа кўпригининг листли рессораси. *1* — лист; *2* — хомут; *3* — осма.

Металл, гидравлик ва пневматик хиллари бор. Металл Р. кенг тарқалган; у листли, пружинали ва торсион хилларга бўлинади. Листли Р. турли узунликдаги махсус пўлат полосалардан ясалади. Асосан, автомобиль, трактор, вагон ва б.да ишлатилади. Пружинали Р. винтсимон цилиндрик пружиналардан иборат. Енгил автомобиллар, т.в. транспорти ва б.да ишлатилади. Торсион Р. узун эластик пўлат стержендан иборат; у буралишга хизмат қилади. Бир учи рамага маҳкамланади, иккинчи учи рамадаги махсус втулкадан ўтказилади. Шу учидаги ричаг гилдираклардан тушадиган кучларни рамага юмшатиб ўтказади.



2-расм. Темир йўл вагонларининг қайишқоқ осмаси (рессора).

Асосан, автомобилларнинг олд гилдиракларига ўрнатилади. Гидравлик Р.да суюқлик цилиндрнинг бир бўшлиғидан иккинчи бўшлиғига калибрланган тешик орқали ўтади. Пневматик Р.да газ ёки ҳавонинг қайишқоқлик хусусиятидан фойдаланилади.

РЕСТАВРАЦИЯ (лот. restauratio — тиклаш) — бузилган, шикастланган ёки вайрон бўлган тарихий ва маданий ёдгорликлар (алоҳида меъморий иншоотлар ва уларнинг мажмуалари, тасвирий ва амалий безак санъати асарлари, археологик топилмалар ва б.)ни аслига ўхшатиб ёки аслига яқинлаштириб қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш (қ. *Таъмирлаш*).

РЕСУРСЛАР (франц. ressource — ёрдамчи восита) — пул маблағлари, бойлик, захира, имкониятлар; давлат бюджетида даромад манбалари, табиий, иқтисодий, меҳнат, валюта ва бошқа Р. бўлиши мумкин. Кенг маънода — жамият ҳаётида и.ч.ни таъминлашнинг воситалари, манбаларини ифодалайдиган иқтисодий Р. муҳим ўринда туради. Иқтисодий Р. табиий (хом ашё, сув, ўрмон Р.), меҳнат («инсон капитали»), айланма маблағлар (материаллар), ахборот, молия (пул капитали) Р.ига бўлинади. Тор маънода — иқтисодий Р. хўжалик фаолиятида фойдаланиладиган, шу жумладан, юқорида санаб ўтилган Р.ни ҳам қамрайдиган омиллар мажмуини билдиради. Р. тикланадиган, яна қайта ҳосил қилиш мумкин бўлган (иш кучи, жиҳоз-ускуналар) ва тикланмайдиган (мас., хом ашёлар — нефть, кўмир, газ, рудали конлар) Р.га ҳамда и.ч. ва маҳсулот истеъмоли чиқиндилари бўлган иккиламчи Р.га (дастлабки ишлатишдан кейин ич.да асосий хом ашё ёки маҳсулот тарзида фойдаланиладиган материаллар ва буюмлар)га бўлинади. Бундай Р. қўшимча модийтехника Р. манбаи ҳисобланади. Валютада Р.и, яъни эркин алмаштирилади-ган чет эл валютаси захиралари ва унинг тушум манбалари ҳам Р.га киритилади (яна қ. *Тайёт ресурслари*).

РЕСУРСЛАР КАМЁБЛИГИ — жамият ҳаётида эҳтиёжларни қондиришга хизмат қиладиган *ресурс*ларнинг чекланганлиги ва тикланмайдиган ресурсларнинг тобора камайиб бориши. Ресурсларнинг камёблиги умумий ҳодиса бўлиб, инсон эҳтиёжларининг чексизлиги б-н ресурсларнинг чекланганлиги ўртасидаги номутаносиблик иқтисодиётнинг азалий муаммосидир. Эҳтиёжларнинг, ер ости ва ер усти бойликларининг, меҳнатга яроқли аҳоли сонининг чекланган бўлиши, энергия ресурсларининг етишмаслиги ва б.да кўринади. Мас., кемаларни 200 йил ичида Ер курраси-да ишлаган 200 йил ичида Ер курраси-да ишлаган тезмолчилар сони 5 марта кўпайди, аммо ер сатҳи, табиий бойликлар кўпайгани йўқ. Ер курраси-нинг 72% океанлардан иборат, аммо қуруқлик-нинг талай қисмида яшаб бўлмайди. Р.к. ҳодисаси и.ч.да ресурсларни тежовчи технологияларни яратишга туртки беради, ресурслар сарфининг энг тежамли усулларини танланади, маҳсулот бирлигини яратиш учун кетадиган ресурс сарфлари қисқартирилади, эҳтиёжларни қондиришнинг оқилона даражасига амал қилинади (қ. *Эҳтиёжлар*).

РЕТАРДАНТЛАР (лот. retardatio — кечикиш, секинлашиш) — ўсимликлар поялари ва новдаларининг ортиқча ўсиб кетишини тўхтатадиган ва ётиб қолишига чидамини кучайтирадиган турли кимёвий хусусиятли синтетик моддалар (қ. *Гиббереллинлар, Ауксинлар, Ўсишни бошқарувчи моддалар*).

РЕТИКУЛ-ЭНДОТЕЛИАЛ СИСТЕМА (макрофот система) — одам ва умуртқали ҳайвонлар организмидаги ҳимоя ҳужайралари (бириктирувчи тўқима-лар гистиоцитлари, қон моноцитлари, лимфа тугунлари ретикуляр ҳужайралари, қон капиллярлар эндотелийси, жигарнинг Купфер ҳужайралари) мажмуи. Р.-э.с. бактериялар ва турли ёт ёки токсик заррачаларни қамраб олади ва ҳазм қилади, яъни фагоцитоз хусусиятига эга; қон яратилиши ва антителоларнинг вужудга келишида, шунингдек, моддалар алмашинувида қатнашади.

РЕТИКУЛЯР ФОРМАЦИЯ (лот. reticulum — тўр ва formatio — тузилма), тўрсимон тузилма — бош миянинг марказида (узунчоқ ва ўрта миянинг марказида (узунчоқ ва ўрта миянинг марказида (узунчоқ ва ўрта

тонейронлар фаоллигига ҳам Р.ф. таъсир этишини кўрсатади. Бу организмнинг фазода турли ҳолатда бўлиши ва турлича ҳаракатланишини бошқаришда муҳим роль ўйнайди.

Р.ф.нинг юқорига йўналувчи таъсири. Р.ф.нинг оралиқ миядан узунчоқ миягача бўлган турли қисмлари мия пўстлоғининг барча бўлимларига қўзғатувчи таъсир этади, яъни бош мия катта ярим шарларининг барча соҳаларини қўзғатиш жараёнига жалб этади. 1949 й.да италиялик физиолог Ж.Моруши бош миянинг биоэлектрик фаоллигини талқин қилиб, мия устуни Р.ф.си таъсирланганда мияда уйқу вақтида кузатиладиган юқори вольтли секин синхрон тебранишларнинг тетиклик (уйғоқлик)ка хос бўлган паст амплитудали юқори частотали фаолликка ўтишини аниқлади. Бош мия электр фаоллигининг бундай ўзгариши ҳайвонларда уйғониш белгиларига хосдир.

Р.ф. анатомик жиҳатдан марказий нерв системасидаги асосий ўтказувчи йўллар б-н чамбарчас боғлиқ. Унинг қўзғалиши экстероцептив ва интероцептив афферент системалар ёрдамида амалга ошади. Шу сабабли кўпгина олимлар Р.ф.ни бош миянинг носпецифик афферент системаси деб ҳисоблайдилар. Бироқ Р.ф. иштирокида юз берадиган реакцияларга кимёвий препаратлар танлаб таъсир кўрсатишининг кашф этилиши физиолог П.К. Анохинга Р.ф.нинг мия пўстлоғига кўрсатадиган юқорига йўналувчи таъсири специфик эканлиги ҳақидаги қонунларни таърифлашда ёрдам берди. Организмга юборилган наркотик моддалар Р.ф. нейронларини тормозлайди ва бунинг оқибатида уларнинг мия пўстлоғига кўрсатадиган юқорига йўналувчи (фаоллаштирувчи) таъсири йўқолади. Р.ф. хусусиятлари, унинг бошқа пўстлоқ ости структуралари ва мия пўстлоғининг барча соҳалари б-н ўзаро муносабати ўрганилиши оғриқ, уйқу ҳамда уйғоқлик ва б. нейрофизиологик механизмларни аниқлаш имконини беради. Р.ф. тадқиқотида фармакологик моддаларнинг қўлланилиши марказий нерв системасининг қатор касалликларини даволаш мумкинлигини кўрсатади. Бу эса эндиликда тиббиётнинг наркоз ва б. муҳим масалаларга янгича ёндашиш имконини беради.

РЕТИНИТ (лот. retino — тўр парда) — кўз тўр пардаси (ретина)нинг яллиғланиши. Бунда кўзнинг кўриш қуввати пасайиб, кўриш майдони тораяди. Организмдаги умумий касалликлар (инфекцион касалликлар, моддалар алмашинувининг бузилиши, қандли диабет, буйрак, қон ва томир касалликлари) оқибатида пайдо бўлади. Кўз тўр пардасининг баъзи касалликлари, мас., парданинг бозазикдан бошланган пигментли ретенерацияси, шабкўрлик ёки кўриш майдонининг торая бориши натижасида кўзнинг атрофни кўра олмай қолиши, кексаларда учрайдиган кўз тўр пардаси томирларининг атеросклерози ва ҳ.к. ҳам Р.га сабаб бўлади.

Даво мутахассис врач маслаҳати б-н олиб борилади. Касалликка сабаб бўлган асосий омиллар бартараф қилинади. Кўзни зўриқтирмаслик тавсия этилади; офтобдан ҳимоя қилинадиган кўзойнак (қора) тақиш буюрилади.

РЕТИНОЛ (А витамин) — қ. *Витаминлар*.

РЕТИФ ДЕ ЛА БРЕТОНН (Retif de la Bretonne) Николя (1734.22.11, Саси — 1806.3.2, Париж) — француз адиби. *Ж.Ж.Руссонинг* издоши. Париж меҳнат аҳли тўғрисидаги асарлари, айниқса, «Фаншеттанинг оёғи» (1769), «Бузилган деҳқон ёки шаҳарнинг хавфхатарлари» (1775) романларида жамиятдаги аёлларнинг аҳволи, давлат муассасаларини қайта қуриш, тарбия масалалари кўтарилган. Даврнинг муҳим муаммоларига бағишланган «Галати гоялар» китоблар сериясн (5 ж.ли, 1769—89), «Жаноб Николя ёки фош этилган инсон қалби» (16 ж.ли, 1794—97) автобиографик романида француз халқининг 18-а. ҳаёти, урф-одати тасвирланган, психологияси очиб берилган. Р.де ла Б. жаҳон адабиётида сермаҳсул адиблардан бири саналади.

РЕТОРОМАН ТИЛЛАРИ — роман тилларининг Швейцария ҳамда Шим. Италияда тарқалган нисбатан қад. гуруҳчаси. Ушбу термин Қад. Рим вилояти Raetia — Ретия номидан ҳосил бўлган. Р.т.да ретороманлар (романшлар, лидинлар, фриуллар) сўзлашади. Р.т.да сўзлашувчиларнинг умумий сони 750 минг кишидан ортиқроқ; жумладан, бой адабиётга эга бўлган фриул тилида 700 мингдан ортиқ киши сўзлашади. Р.т. асосан, 3 га бўлинади: швейцар (граубюнден) Р.т. (Швейцариянинг Граубюнден кантони), тирол (ладин) Р.т. (Италия) ва фриул (Италия). Баъзи манбаларда ҳар учала тил ягона ретороман тилининг вариантлари деб ҳам қаралади. Баъзи белгиларига кўра, Р.т. типологик жиҳатдан француз тилига яқин бўлиб, итальян тилига қарши қўйилади.

Швейцар Р.т. 1938 й.дан федерациянинг 4-миллий тили деб эълон қилинган. Унинг юқори энгадин ва сурсельв вариантлари мавжуд: улар итальян ва немис тиллари б-н бир қаторда бир йил оралатиб навбатлашиб, кантоннинг миллий тили сифатида қўлланади. Швейцарияда Р.т.нинг бадиий адабиёт ва матбуот тилига айлантиришга ҳаракатлар бўлган.

Герман лаҳжалари тарқалган ҳудуд б-н чегарадош жойларда роман ва герман лугавий унсурларининг аралаш қўлланиш ҳоллари кузатилса, баъзи бошқа жойлардаги Р.т.да халқона лотин тилининг айрим элементлари сақланиб қолган.

Абдумаҳмуд Мавлонов, Нурият Йўлдошев.

РЕТОРОМАНЛАР — Италия (ладинлар ва фриуллар, 740 минг киши, 1990-й.лар ўрталари) ва Швейцария (романшлар, 60 минг киши) даги халқлар гуруҳи. Ретороман тилида сўзлашади. Динлорлари — католиклар ва протестантлар.

РЕТРАНСЛЯТОР (*рс...* ва лот. translator — кўчирувчи) — радиоалоқа (ёки телеалоқа), космик алоқада оралиқ пункт сифатида фойдаланиладиган қурилма, сунъий муҳит (мас., сунъий йўлдош) ёки осмон жисми. Фаол (актив) ва суст (пассив) хилларга бўлинади. Фаол Р. — радиоалоқа линияларининг оралиқ пунктларига ўрнатиладиган қабул қилувчи-узатувчи радиотехник қурилма; қабул қилинган сигналларни кучайтириб узатади. Бундай Р. антенна, радиоприёмник, радиоузаткич, бошқариш қурилмаси ва электр манбаидан иборат. У маълум сондаги алоқа линияларидан иборат алоқа тармоғи учунгина хизмат қила олади. Алоқа *ер сунъий йўлдошлари* (ЕСЙ), мас., «Молния-1, -2, 3-» (СССР), «Телестар», «Интелсат» (АҚШ) ва б.

Ретранслятор. Турли ретранслиторлар занжиридан ҳосил бўлган радиолинияли алоқанинг схемаси: *1* — линиянинг охирги пункти; *2* — қабул қилувчи-узатувчи (ретранслятор) оралиқ радиостанцияси; *3* — ерлаштирилувчи) оралиқ радиостанцияси; *4* — актив ретранслятор ўрнатилган Ер сунъий йўлдоши.

Суст Р. — маълум шаклдаги механик конструкция; сунъий йўл б-н ҳосил қилинган электр ўтказувчи муҳит ёки самовий жисм; радиосигналлар энергиясини сочади ёки қайтаради. Радиоалоқа линияларида оралиқ пункт сифатида ишлатилади. Р. ҳар хил частотали радиосигналларга мўлжал-

ланган кўп сондаги алоқа линияларидан ташкил топган радиотармоққа хизмат қила олади. Мас., алоқа ЕСЙ — «Эхо» (АҚШ), юпланган зарралар булути. Ой юзаси ва б.

РЕТУШЬ (франц. retouchet — тасвирни тузатмоқ) — тасвир (расм, фотосурат, нақш ва ш.к.лни қалам, туш, бўёқ б-н тузатиш, яхшилаш. Ретушчи расм, фотосурат, негативнинг айрим жойларини равшан кўринадиган қилади, тузатади, доғларини йўқотади. Шу мақсадда қайта чизади, бўяйди, қириб ташлайди. Р., айниқса, полиграфия техникасида кенг қўлланилади. Босмахона қолиплари тайёрлаш учун ишлатиладиган оригинал, негатив ва диапозитивлар Р. қилинади.

РЕФЕРАТ (лот. refero — ахборот бераман) — бирор илмий асар, мақола, ўқилган китоб ва ш.к. мазмунининг қисқача ёзма ёки оғзаки баёни; ўрганилган илмий масаланинг натижаси ҳақида ахборот; тегишли адабиёт ва б. манбаларнинг қисқартирилган шарҳи тақлинини ўз ичига олган маълум мавзудаги маъруза. Р., одатда, илмий ахборот вазифасини ўтайди. Унда муайян мавзу ёритилиши б-н бирга, тегишли илмий назариялар, илмий хулосалар таҳлил этилиши ва танқид қилиниши мумкин. Ўзбекистонда Р. илмий талқинот муассасалари, олий ўқув юртлари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, умумий таълим мактабларида кўп қўлланиладиган дидактик воситадир. Умумий ўрта таълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлари талабаларининг факультатив машғулотлардаги махсус ахборотлари ҳам Р. дейилади. Диссертация юзасидан тайёрланадиган Р. (автореферат)да диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари ифодаланади.

Рўзмон Келдиёров.

РЕФЕРЕНДУМ (лот. referendum — билдирилиши керак бўлган) — умумхалқ овоз бериш йўли б-н қонунлар қабул қилиш ва давлат аҳамиятига молик энг муҳим масалаларни ҳал қилиш шакли. Бевосита демократиянинг муҳим воситаси. Р.нинг сайловлардан асосий фарқи шундаки, Р. ўтказилаётганда бирон бир лавозимга номзод ёки номзодлар рўйхати учун овоз берилмайди, балки унда муайян масала — қонун, қонун лойиҳаси, конституция, конституцияга тузатишлар, мамлакат халқаро мақомига тааллуқли ёки ички снёсатига оид бирон бир савол қўйилади. Сайлов натижалари мажоритар тизим бўйича ҳам, пропорционал тизим бўйича ҳам аниқланиши мумкин бўлса, Р. натижалари фақат мажоритаризм (мутлақ кўпчилик овозини ҳисоблаш) тамойилларн асосидагина аниқланиши мумкин. Р. нинг ўзига хос шакли плебисцит ҳисобланади. Айрим мамлакатлар (мас., Франция)да плебисцит Р.га нисбатан бирмунча кенгроқ тушунча ҳисобланади. Баъзи мамлакатлар (мас., АҚШ)да эса плебисцит б-н Р.ни фарқламайдилар. Ҳоз. замон давлатларининг конституциявий ҳуқуқи Р. ва уни ўтказишнинг турли хил кўринишларини назарда тутади. Р.дар бутун давлат ҳудудида ўтказиладиган умумилий Р. ва алоҳида федерация субъектлари ёки маъмурий-ҳудудий бирликларда ўтказиладиган маҳаллий Р.га бўлинади. Конституцияга ёки қонунларга тааллуқли Р. ўтказилиши мумкин. Биринчи ҳолда янги конституция лойиҳаси ёки конституцияга қилинадиган ўзгартириш ва тузатишлар бўйича Р. ўтказилса, иккинчи ҳолатда қонун лойиҳаси ёки кучга кирган қонун бўйича Р. ўтказилади. Ҳуқуқий аҳамияти жиҳатдан маслаҳат Р.лари (халқ сўрови деб ҳам аталади) ва ҳал қилувчи Р.лар бўлади. Масалаҳат Р.лари бирон бир масала юзасидан сайловчиларнинг продасини аниқлаб олиш бўйича ўтказилиб, ана шу асосида давлатнинг бошқа органлари қарор чиқаради (бундай Р.лар Швейцария, Испанияда ўтказилади). Ҳал қилувчи Р.ларда бирон-бир масала узил-кесил қарор чиқариш учун сайловчилар овозига қўйилади. Шунингдек, мажбурий ва факультатив Р.лар бўлади. Р.лар ўтказиш зарурати конституция ёки бошқа конституциявий ҳуқуқий ҳужжатда кўрсатилган бўлса (мас., конституция ўзгартириладиган ҳолда) мажбурий Р. ўтказилади. Факультатив Р.лар тегишли давлат органлари ёки сайлов корпуси ирода сига боғлиқ ҳолда ўтказилади.

«Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги қонун (референдум 1991 й. 18 нояб.да қабул қилинган, 2001 й. 30 авг.да янги таҳрирда қабул қилинган)га кўра, Ўзбекистон Республикасининг Р.и Ўзбекистон Республикасининг қонунларини ва б. қарорларини қабул қилиш мақсадларида жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан фуқароларнинг умумхалқ овоз беришидир. Р.да қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлади ва фақат Р. йўли б-н бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Р. Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ўтказилади. Р.ни ўтказиш ташаббуси б-н: Ўзбекистон Республикаси фуқаролари; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси; Ўзбекистон Республикаси Президенти чиқиши мумкин. Р.да иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган (18 ёшга тўлган) Ўзбекистон фуқаролари умумий сонининг камида 5 фоизини ташкил этган фуқаролар имзоси тўпланган (бунда имзо чеккан фуқаролар миқдори ҳар бир маъмурий-ҳудудий тузилма бўйича бир текис ва мутаносиб равишда тақсимланган) бўлса; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари аъзоларининг учдан икки қисмининг овози б-н, Ўзбекистон Республикаси Президентининг асослантирилган талаби б-н Р. ўтказилиши мумкин. Қуйидаги масалалар Р. предмети бўлиши мумкин эмас: Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлигини ўзгартириш; Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ва солиқлар; амнистия ва афв этиш; жамоат тартибини, аҳоли соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича фавқулодда ва шошилинч чора-тадбирлар ўтказиш; Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш; мансабдор шахсларни тайинлаш ва вазифасидан озод этиш. Р. яширин овоз бериш йўли б-н ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси тарихида 1-марта 1991 й. 29 дек.да Р. бўлган. Бу Р.да «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» ЎзР Олий Кенгашининг 1991 й. 31 авг.даги Конституциявий қонуни тўғри қабул қилинганлигини Ўзбекистон халқи бир овоздан маъқуллади. 2002 й. 27 янв.да Ўзбекистон Республикасида 2 палаталик парламентни шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини 5 йилдан 7 йилга ўзгартиришга бағишланган Р. бўлиб ўтди. Бу Р.лар Ўзбекистонда демократия мустаҳкамланиб бораётганини кўрсатади.

Асқад Саидов, Давран Аҳмедов.

РЕФЕРЕНТ (лот. referens — хабар қилувчи, маълумот берувчи) — 1) *реферат* тайёрловчи, уни ўқиб берувчи, маълумот, хабар берувчи шахс. 2) Муайян масалалар юзасидан ахборот, маълумот, маслаҳат берувчи масъул шахс. Турли вазирлик, концерн, муассаса ва ҳ.к. да Р. лавозими бўлиб, уни эгаллаб турган шахс мунтазам тарзда соҳага оид маълумотлар тўплаб боради ҳамда уни реферат тарзида ўз раҳбарига тақдим этади. Айрим вазирликларда вазир ёрдамчиси лавозимида ишлаётган масъул шахс ҳам Р. деб номланади.

РЕФЕРИ (лот. refero — билдираман) — майдон, майдонча (футбол, баскетбол ва ш.к.), ринг (бокс), гилам (кураш), вишка (волейбол) ва б.лаги спорт ҳакамининг анъанавий халқаро номларидан бири.

РЕФЛЕКС (лот. reflexus — орқага қайтган, шуъла) (*тасвирий санъатда*) — рангтасвир (баъзан графика)да бирор нарсадан қайтган ранг ва нур шуъласи; нарсаларга уни ўраб турган объектлар (қўшни нарсалар, осмон ва ҳ.к.)дан қайтаётган нурнинг акси тушишидан ҳосил бўлади. «Р.» терминини ҳам натуранинг ўзига, ҳам унинг тасвирига бирдай қўллаш мумкин. Р.нинг аниқ ва лозим ифодалаш б-н ҳажмни, ранглар бойлигини ва тасвирланаётган натуранинг тусларини уларнинг ўзаро мураккаб муносабатларида яратишга эришилади.

РЕФЛЕКСЛАР — организмнинг марказий нерв системаси орқали ички ёки ташқи муҳит омиллари таъсиридан *рецепторлар* қўзғалишига жавоб реакцияси. Р.нинг тузилиш механизми рефлектор ёйдан иборат. Бунда рецепторлар таъсиротни қабул қилиб, сезувчи (афферент) нервларга, улар мия марказига, *марказий нерв системаси* қўзғалиши миядан ҳаракат органларига узатувчи (эфферент) нервларга, улардан эффекторлар — мускуллар, безлар ҳамда ички аъзоларга ўтказади. Р. аъзолар ишини ва уларнинг ўзаро таъсирини тартибга келтиришда (қ. *Гомеостаз*), организм бир бутунлигини сақлаш ҳамда яшаш шароитига мослашишда катта аҳамиятга эга.

Р. ҳақидаги дастлабки тасаввурларни француз философи ва табиатшуноси Р. *Декарт* илгари сурган. 18-а.да Р. ва рефлектор аппарат тўғрисидаги таълимотга швейцариялик А. Галлер, чех Й. Прохаска, шотланд Ч. Белл, француз Ф. Мажанди ва б. ўз ҳиссасини қўшди. 19-а.нинг 2-ярмига келиб, рефлектор (автоматик, ихтиёрсиз), шунингдек, ихтиёрий ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар тўпланди. И. М. *Сеченов* ўз асарларида «ҳаётдаги барча онгли ва онгсиз актлар бутун моҳияти б-н Р.дир» деган эди. Бу тушунчани И. П. *Павлов* олий нерв фаолияти тўғрисидаги таълимотда ривожлантирди. И. П. Павлов барча Р.нинг келиб чиқиши, механизми ва биологик аҳамиятини ҳисобга олиб, туғма Р.ни *шартсиз рефлекслар* ва ҳаёт давомида орттирилган Р.ни *шартли рефлекслар*га ажратди.

Р. турига қараб, миллисекунддан бир неча секундгача давом этади. Қўзғалиш рефлектор ёйда фақат бир йўналишда — афферент нейрондан эфферентга томон ўтказилади. Бу хусусият нейронлараро қўзғалишни ушлаш пантида ажралиб, синаптик туташишни вужудга келтирувчи кимёвий моддалар (*медиаторлар*)га боғлиқ. Р. аломида-аломида кечмасдан, маълум функционал ҳамда биологик аҳамиятга эга бўлган мураккаб рефлектор актларга бирлашади (мас., огриқни сезиш натижасида ҳосил бўладиган рефлектор Р. да бир мускул қисқарса, иккинчиси бушашади, нафас ҳамда юрак фаолияти ўзгаради ва ҳ.к.). Ички аъзолар касалликлари натижасида патологик Р. рўй бериши мумкин. Мас., ўпка артерияси ички пардасининг маълум қисмига ёт тана таъсирида юрак ишни тўхтайди (шартсиз патологик Р.), об-ҳаво ёмон пайтда тоққа кўтарилаётганда юрак тож томирларида спазм рўй берали, ҳудди шу ҳолат об-ҳаво яхши вақтда ҳам ҳудди ўша жойда такрорланиши мумкин (шартли патологик Р.). Шартли патологик Р. такрор таъсирот б-н мустаҳкамланмаса-да, узоқ вақтгача сақланади.

РЕФЛЕКСОЛОГИЯ (*рефлекс* ва ... *логия*) — психологиядаги табиий-илмий оқим. Одамнинг бутун психик фаолияти ташқи муҳит таъсирида пайдо бўладиган рефлекслар мажмуидан иборат деб ҳисобланади. В. М. Бехтерев асос солган, 1900—20 й.ларда Россияда тарқалган. Бош мия фаолияти б-н боғлиқ барча рефлексларни тадқиқ этиб, онгнинг психик фаолиятдаги ўрнини инкор этди, организмнинг объектив равишда кузатиш мумкин бўлган реакцияларини ўрганиш б-нгина чекланди. Р. ўзининг айрим ютуқларига қарамай, психик жараёнларни механистик талқин этди. 20-а.нинг 20-й.лари охирида ўз мавқеини йўқотди.

РЕФЛЕКТОР (лот. reflecto — буқаман, қайтараман) — 1) ёруғлик, товуш, иссиқлик тўлқинлари, гидростатик, электромагнит энергия оқимлари йўналиши ва жадаллигини, шунингдек, қайишқоқлик хоссасига эга бўлган қаттиқ жисмлар ҳаракати йўналишини ўзгартириш учун мўлжалланган қайтаргич қурилма; Р.нинг қайтарувчи сирти бир ёки бир неча кўзгудан иборат. Тўлқинлар ёки оқимларни тўплаш учун Р. сирти ботиқ (сферик, параболоидал ва б.) бўлиши лозим. Р. акустика, радиотехника (антенна), ядро физикасида ишлатилади; 2) *астрономияда* — кузатиш объектив б-н жиҳозланган телескоп. Р.да тасвир *оқлар* орқали кузатилади, бошқа ёруғлик қабул қилувчи қурилма б-н суратга олинади ёки қайд қилинади. Р.да асосий кўзгудан ташқари *аберрация* ҳодисасини камайтирадиган қўшимча кўзгу ёки линза ҳам бўлиши мумкин. Р.да юлдузлар, сайёралар, Қуёш ва б.нинг тасвири асосий ботиқ кўзгуда ва қўшимча қавариқ ёки ясси кўзгуларда ҳосил бўлади. Р.нинг Ньютон, Кассегрен, Грегори ва б. шаклли турлари бор (расмга қ.). Дунёдаги энг катта Р. асосий кўзгусининг диаметри 6 м (Россия). Ўзбекистон ФА Астрономия институти Р. кузгусининг диаметри 1,5 м.

РЕФОРМАЦИЯ (лот. reformatio — ўзгартириш, ислоҳ қилиш) — 16-а.да Ғарбий ва Марказий Европада тарқалган ижтимоий ҳаракат. Асосан, камбағалларга қарши характерда бўлиб, католик черкови (камбағалларнинг асосий тоғвий газначи)ига қарши қаратилгани олди. 1517 й. Германияда М. Лютернинг католик черковига қарши чиқиши б-н бошланган. Р. мафкурачилари католик черкови, унинг иерархияси ва умуман руҳонийларнинг зарурлиги амалда инкор қилинган тоғларни илгари сурдилар; католикларнинг Муқаддас ривояти рад қилинди, черковнинг ер бойликлари ва б.га бўлган ҳуқуқлари инкор этилди. Р.нинг асосий оқимлари: биюргер оқими (Лютер, Ж. Кальвин, У. Цвингли); католик черковини йўқотиш талабини тенглик ўрнатиш учун кураш б-н боғлаган халқ оқими (Т. Мюнцер, анабаптистлар); ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва черковга тегишли ерларни тортиб олишга интилган, дунёвий ҳокимият манфаатларини ифодаловчи қирол-князлик оқими. Р.нинг ғоявий байроғи остида 1524—26 й.ларда Германияда Деҳқонлар уруши. Нидерландия ва Англия инқилоблари бўлиб ўтди. Р. *протестантизм*га асос солди (Р. тор маънода — протестантизм руҳида диний ислоҳотлар ўтказиш).

РЕФОРМИЗМ — капитализм доирасида реформа (ислоҳот)лар ўтказиш ёрдамида социализмга ўтиш учун асос яратишга интилувчи сиёсий оқим. 19-а.нинг сўнгги чорагида вужудга келган (Э. *Бернштейн*, Г. Фольмар, А. Мильеран ва б.). Социал-демократик партиялар орасида тарқалган. Окт. тўнтаришидан ва 1-жаҳон урушидан кейин сиёсий оқимга айланиб, демократик социализм тамойилларини ишлаб қилган, коммунистик партияларга қарши турган.



Рефлектор. Телескоп-рефлекторларнинг схемаси: *а* —Ньютон рефлектори; *б* — Грегори рефлектори; *в* — Кассегрен рефлектори; БК — параболик ботиқ кўзгу; Ок — окуляр.

РЕФРАКТОМЕТРИЯ (лот. refractus — синган ва ...*метрия*) — оптик техника бўлими. Қаттиқ, суюқ ва газсимон моддалар ёруғлик спектрининг турли соҳаларидаги синдириш кўрсаткичини ўлчаш асосида уларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш усуллари б-н шуғулланади. Р. миқдорий кимёвий анализ усулларининг энг қулай усули ҳисобланиб, кам миқдордаги (0,001 г) моддани катта аниқликда (0,001%) тез анализ қилишга имкон беради.

Кимёда мураккаб органик бирикмаларнинг тузилишини аниқлашда фойдаланилади. Р. шахталардаги ҳавони анализ қилишда, айниқса, метаннинг (портлайдиган газларнинг) концентрациясини билишда муҳимдир. Р. геологияда минераллар концентрациясини, озиқ-овқат саноатида маҳсулотларнинг сифатини, қ. х. маҳсулотларининг пишиб етилганлик даражасини аниқлашда, тиббиётда эса меъда ширасн ва б. анализида, техникада турли технологик жараёнларни бошқариш ҳамда автоматик назорат қилишда қўлланилади. Ёруғликнинг синдириш кўрсаткичини аниқлаш *рефрактометрлар* ёки махсус интерферометрлар ёрдамида бажарилади.

Ад.: Иоффе Б. В., Рефрактометрические методы химии, 2 изд., Л., 1974.

РЕФРАКТОМЕТРЛАР — қаттиқ ва газсимон моддаларнинг ёруғлик синдириш кўрсаткичи аниқланадиган асбоблар. Лаб. ва саноат Р.и мавжуд. Саноат Р.и *рефрактометрик датчик* ҳам дейилади. Лаб. Р. и модданинг ёруғлик синдириш кўрсаткичи *n* ва дисперсияси *D* (синдириш кўрсаткичи *n* нинг ёруғлик тўлқин узунлиги λ га боғлиқлиги) ни узлуксиз равишда ўлчашда, Р.и фрактометри ишлаб чиқарини жараёни динамикасини автоматик қайд қилишда қўлланади. Физик ва кимёвий тадқиқотларда, лаб.да (суюқликнинг ёруғлик синдириш кўрсаткичини аниқлашда) Аббе рефрактометри кўп ишлатилади.

РЕФРАКТОР — объектини линзали бўлган телескоп. Осмон ёритқичларидан келаётган нурлар Р. объективидан синиб ўтиб, унинг фокус масофасида тасвир ҳосил қилади. Биринчи марта Г. *Галилей* 1609 й.да астрономияда қўллаган. Р.нинг визуал ва фотографик хиллари бор. Визуал Р. объектив ва окулярдан тузилган. Фотографик Р. (*астрограф* ҳам дейилади) катта фотоаппаратдан иборат бўлиб, унинг фокал текислигига фотопластинкали кассета ўрнатилади.

Р.нинг объективида камида 2 та линза — бири (мусбат) синган ва оптик ингичлиги кам шиша — кронлан, иккинчиси (манфий) оғир шиша (флинтдан ясалган линза бўлади. Бунда бир йўла Р.да бўладиган хроматик ва сферик аберрациялар камайтирилади. Объективи икки линзали Р.да комани ҳам тўғрилаш мумкин, лекин *астигматизм* ва майдон эгрилигини тузатиш мумкин эмас, чунки унинг кўриш майдони бурчаги $1/\sqrt{D}$ (градусдан ортмайди, бунда D — объектив диаметри (мм да). Қолдиқ сферик аберрациянинг тўлқин узунлигига боғлиқлиги туфайли йолдуз тасвири атрофида радиуси тах. 40" бўлган бинафша гардиш ҳосил бўлади (одатда, фойдаланиладиган Р.да тешик нисбати 1:15 бўлганда). Хроматик аберрациянинг камайтириш учун Р. объектив линзалари бир-бирига ёпиштирилади.

Р.да сифатли тасвир ҳосил қилиш учун махсус шишалар ишлатилади ва линзалар сони кўпайтирилади. Кичик Р.ларда объективларга линзалар ёпиштирилиб, оқ дог (қўшимча тасвир) ва ёруғлик камайиши қисқартирилади. Дунёда энг катта Р. Йеркс астрономик расадхонасида (АҚШ, D=1,02 м) ўрнатилган. Р. визуал, фотографик, ранг-кам спектрал ёки фотоэлектрик кузатишларда ишлатилади.

РЕФРАКЦИЯ (лот. refractus — синган) — ёруғлик нури ёки электромагнит тўлқинлари атмосферанинг турли қатламлари (зичлиги, т-раси, намлиги, босими, синдириш кўрсаткичи ва б. хусусиятлари турлича бўлган қатламлари)дан ўтишида кузатиладиган ҳодиса. Ёруғлик атмосферанинг ҳар хил қатламларидан синиб ўтиб, эгри чизиқ бўйича тарқалади. Шу сабабли, кузатувчи объектни унинг ҳақиқий ўрни йўналишида эмас, балки кузатиш нуқтасида визирлаш (қараш) нурига уринма чизиқ бўйича кўради. Р. вертикал ва горизонтал хилларга бўлинади. Вертикал Р. — кузатиш нуқтасида визирлаш нурига уринма чизиқ б-н кузатиш нуқтасини туташтирувчи тўғри чизиқ орасидаги вертикал бурчак. Вертикал Р. ёруғлик нури ер атмосфераси чегарасидан ўтса, геодезик Р. (ер Р.си), космик жисмлардан чиқаётган нур бутун ер атмосфераси қатламларидан ўтиб келса, астрономик Р. дейилади.



Атмосферадаги рефракция.

Горизонтал Р. кузатиш нуқтасида визирлаш нурига уринма чизиқ б-н кузатиш жисмига тўғри чизиқ йўналиши орасидаги горизонтал бурчак. Горизонтал Р. визирлаш нури ўтадиган ҳаво қатламларининг зичлиги ва намлигининг ҳар хил бўлиши оқибатида келиб чиқади. Горизонтал Р. қийматн планли геодезик тармоқларда секундининг ўндарча улушидан, токи бир секундгача (ноқулай шароитларда) қийматни ташкил қилиши мумкин. Аниқ ўлчашларда горизонтал Р. таъсирини камайтириш мақсадида ўлчашлар ҳар хил вақт ва шароитларда кўп марта такроран бажарилади. Горизонтал бурчакларни ўлчашда визирлаш нури бино ва иншоотлардан узоқроқдан ўтишини таъминлаш горизонтал Р. таъсирини камайтиришга имкон беради.

Астрономик Р.да ёритқичдан келаётган нур бутун атмосфера қалинлигидан ўтади. Бунда ҳавонинг зичлиги ва у б-н бирга синдириш кўрсаткичи борган сари ортиб боради. Нур траекторияси қавариқлиги зенит томонга қараган бўлиб, унга ўтказилган *AS* уринма чизиқ ёритқичнинг ҳақиқий ўрнини кўрсатувчи *AS* чизиққа нисбатан юқорироқдан ўтади. Ҳақиқий z ва Р. туфайли ўзгарган z' зенит масофалар айирмаси Р. бурчаги r дейилади. Р. зенитда нолга тенг бўлиб, зенит масофа ошиши б-н ортиб боради (расмга қ.).

Ерүглик Р.си кенг маънода ёруғликнинг синишидир; бунда муҳит синдириш кўрсаткичи ўзгариши б-н муҳитдан ўтаётган ёруғлик нурининг йўналиши ҳам ўзгаради. Кўпинча, оптик нурланишнинг синдириш кўрсаткичи нуқтадан нуқтага равон ўзгарадиган муҳитдан ўтаётган ҳолларда «ёруғлик Р.си» термини, икки бир жинсли, лекин турли синдириш кўрсаткичига эга бўлган муҳитлар чегарасидан ўтаётган нурнинг йўналиши кескин ўзгарган ҳолларда «синиш» термини ишлатилади. Оптиканинг бир қатор бўлимларида «Р.» термини қўлланилади. Буларга атмосфера оптикаси, кўзойнак оптикаси, кўз оптикаси ва б. киради. Кўз Р.си — кўзнинг оптик тизим сифатидаги характеристикаси; кўзнинг тинч *аккомодация* ҳолатидаги оптик кучи. Асосий синдириш элемент-лари — кўз соққаси ва тавҳари. Уларнинг оптик кучи 52,59 дан 71,30 диоптриягача ўзгариб, ўрта ҳисобда 59,92

Товуш рефракцияси.

диоптрияни ташкил қилади. Агар кўзнинг оптик кучи ва унинг ўлчамлари бир-бирига мос бўлса, кўзга кираётган ёругликнинг параллел нурлари тўр пардасининг маркази — сариқ доғ қисмида фокусланади. Фақат шу ҳоллагина кўзнинг тўр пардасида кўрилаётган предметнинг аниқ тасвири ҳосил бўлади. Р. бузилса, кўзнинг узоқдан кўриш ва яқиндан кўриш хусусиятлари пайдо бўлади.

Радиотўлқинлар Р.си — радиотўлқинлар диэлектрик киритувчанлиги ёки ионлашиш даражаси турлича бўлган атмосфера қатламидан ўтганда уларнинг траекторияси эгриланиши. Радиотўлқинлар Р.си *ионосферада*, катта масофаларга қисқа радиотўлқинларнинг тарқалишида, *тропосферада* эса ультрақисқа радиотўлқинлар тарқалишида муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Товуш Р.си — бир жинсли бўлмаган муҳит (атмосфера, океан) да тарқалган товуш (тезлиги координатага боғлиқ) нурларининг эгриланиши. Товуш тезлиги градиенти қанча катта бўлса, шунча кучли Р. юз беради. Атмосферада товуш Р.си ҳаво т-раси, шамолнинг тезлигига ва йўналишига боғлиқ. Баландлик ошган сари т-ра пасаяди ва товуш тезлиги камаяди. Шу сабабли, товуш нурлари ер юзаси яқинида жойлашган товуш манбаидан юқори томон эгилади ва маълум масофадан бошлаб товуш эшитилмай қолади. Агар т-ра баландлик ошиши б-н ортиб борса (кўпинча кечаси юзага келадиган т-ра инверсияси), у ҳолда товуш нурлари пастга қараб эгилади ва товуш узоқ масофаларга тарқалади. Шамол йўналишига қарама-қарши тарқалган товуш нурлари юқорига томон, акс ҳолда, пастга қараб эгилади. Иккинчи ҳолда товуш эшитилиши анча яхшиланади. Атмосферанинг юқори қатламларидаги Р. сукунат зонасини ва аномал эшитилиш зоналарини юзага келтиради.

Океандаги товуш Р.си т-ра, шўрлик ва гидростатик босимга боғлиқ. Океандаги Р. товушнинг ўта узоққа тарқалиши, соя зоналар ҳосил бўлиши, товушнинг фокусланиши ва товуш тарқалиши каби бошқа хусусиятларни келтириб чиқаради.

РЕФРИЖЕРАТОР (лот. refrigero — совитаман) — тез бузиладиган маҳсулотлар (гўшт, сут, мевалар ва б.) ташиладиган транспорт воситаси. Мас., Р.-кема, Р.-автомобиль, Р.-поезд ва б.да совитиш қурилмалари бўлади. Р.нинг ички ва сирти дюралюминий листлар ёки рухланган темир б-н қопланади. Изоляция материали сифатида пенопласт ва алюминий зар қоғози (орасида ҳаво қатлами қолдирган ҳолда) ишлатилади. Р.нинг компрессион совитиш машинаси мустақил карбюраторли ички ёнув двигателидан ишлайди. Р.даги ҳаво т-раси +9 дан −18°гача бўлади.

РЕХТА (форс. — сочилган, қуйилган) — Ўрта аср Шарқ маданиятида юзага келган адабий-мусиқий жанр. Дастлаб икки (мас., форс-уйғур ёки араб-турк) тилда битилган шеър, кейинчалик узига ҳос вокал мусиқа шакли сифатида ривож топган. Р. асосан енгил (уфар каби) усулларга боғланиб, сархона, миёнхона ва бозғў каби таркибий қисмлардан ташкил топган, форсча матнга қўшиладиган араб, ҳинд ёки туркча шеърлар б-н айтилган. Кавкабий, Дарвишали Чангий, Ноиний, Даври Суффоча Карамий ва б. мусиқий рисолаларида таъкидлаганидек, Р. 16-а.га келиб Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ҳиндистонда кенг тарқалган.

РЕЦЕПТ (лот. recipio — қабул қиламан, оламан) — врачнинг дорихонага маълум шаклдаги ёзма мурожаати, унда дорини тайёрлаш ва бериш, шунингдек, ундан қандай фойдаланиш ҳақидаги кўрсатмалар бўлади. Р. сиёқ б-н ёзилиши шарт. Унда беморнинг исм-шарифи, ёши кўрсатилиб, ташхилот ва врачнинг муҳри бўлиши лозим. Р. юридик ҳужжат бўлиб, дориларнинг тўғри тайёрланганлиги, муддати ва б.ни текшириш имконини беради.

РЕЦЕПТОРЛАР (лот.receptor — қабул қилувчи) — ташқаридан (экстероцепторлар) ёки организмнинг ички муҳитидан (интероцепторлар) таъсиротни қабул қилиб ва уни нерв импульсларига айлантириб, марказий нерв системасига ўтказиб берадиган сезувчи нерв толалари учлари ёки махсус ҳужайралар.

Экстероцепторлар олам ёки ҳайвон танасининг ташқи юзасида жойлашган бўлиб, ташқи муҳит таъсиротлари (мас., ёруғлик, товуш тўлқинлари ва б.)ни, мономодал Р. фақат бир хил (мас., механик таъсир ёки ёруғликни), полимодал Р. эса ҳар хил (мас., кимёвий ва механик) таъсиротни бир вақтда қабул қилади. Шунингдек, интерорецепторлар, бирламчи Р. ва иккиламчи Р. бор. Бирламчи Р.нинг ташқи таъсирни қабул қилувчи негизи сенсор (сезувчи) нейронда бўлиб, у таъсиротдан бевосита (биринчи) қўзғалади. Иккиламчи Р.да эса таъсирловчи б-н сенсор нейрон оралиғида ташқи таъсирот энергиясини нерв импульсларига ўзгартирувчи қўшимча махсус ҳужайралар мавжуд. Р. таъсирланишидан ҳужайра мембранасида *биоэлектр потенциаллари* рецептор потенциалларига ўзгаради. Бунда рецептор ҳужайра ритмик импульсларни бевосита ҳосил қилади ёки уларни бошқа нейронда *синапслар* воситасида пайдо бўлишига олиб келади. Таъсиротнинг узоқ давом этиши туфайли Р.дан бошланувчи нерв толасида импульслар частотаси камайиб кетади, натижада физиологик адаптация вужудга келади. Ҳар хил Р. функцияси (мас., *вестибуляр аппаратдаги* ва бошқа Р.) ўзаро боғлиқ. Улар фаолиятини марказий нерв системаси бошқаради. Р. функцияси биоэлектр потенциалларини бевосита Р.дан ёки у б-н боғлиқ нерв толасидан, шунингдек, Р. қўзғалишидан ҳосил бўлган рефлектор реакцияларни қайд этиш йўли б-н ўрганилади.

Фармакологик ҳужайравий ёки тўқима) Р. эффектор ҳужайра мембранасида жойлашган. Булар нерв ва эндокрин системанинг бошқарувчи ҳамда ишга туширувчи сигналларини, кўпгина фармакологик препаратларнинг шу ҳужайрага танлаб таъсир этишини қабул қилади, курсатилган таъсирни унинг ўзига хос биокимёвий ёки физиологик реакцияга ўзгартиради. Нерв системасининг фармакологик Р. воситасида юз берадиган иши фанда яхши ўрганилган.

РЕЦЕССИВЛИК (лот. recessus — чекиниш, олиб ташлаш) — гетерозигота, яъни 1 геннинг 2 та ҳар хил аллелига эга бўлган организмларда ген аллелларидан бирининг фенотипик намоён бўлмаслиги. Рецессив аллелдар ёзма кичик ҳарфлар: a, в, c ва б. б-н белгиланади. Рецессив аллел гомозигота (aa) ёки гемизигота (a-) ҳолатга ўтганида фенотипик намоён бўлади (яна қ. *Доминантлик*).

РЕЦИДИВ (лот. recidivus — қайталанувчи, такрорланувчи) (тиббиётда) — бирор касалликка учраган беморда мазкур касалликнинг қайталаниши. Иҷ терлама, паратифлар, вирусли гепатитларда кузатилади. Бемор ўзини енгилроқ ҳис қила бошлаган ва касаллик аломатлари йўқола бораётган даврда касаллик қайтадан авж ола бошлайди. Беморнинг умумий аҳволи ёмонлашади. Юқумли касалликларга нисбатан олинса, пасая бошлаган гавда ҳароратининг қайтадан кўтарилиши Р. бошланишининг даракчиси ҳисобланади. Одатда, Р. дастлабки касалликдан оғирроқ ўтади, чунки бемор бетобликдан сўнг ҳали куч-қувватини тўла тикламаган бўлади. Р. аломатлари пайдо бўлиши б-н врач бемор аҳволига мос келадиган режим тайин қилади ва қўшимча дори-дармон ва муолажалар буюради.

РЕЦИДИВИСТ (лот. recidivus — қайталанувчи, такрорланадиган) — илгари судланиб, айнан шундай ёки ўхшаш жиноят содир этган шахс. Р. жазони учун хавфли бўлганлиги сабабли бирмунча оғир жиноий жавобгарликка тортилади. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқида алоҳида хавфли Р.ни жавобгарликка тортишнинг махсус тартиблари назарда тутилган. Шахсни ўта хавфли Р. деб топишга фақат суд ҳақлидир.

РЕЦИПИЕНТ (лот.recipientis — олувчи, қабул қилувчи) — бошқа бирор организмдан кўчириб олинган аъзо, тўқима ёки ҳужайралар ўтказиладиган одам ёки ҳайвон. Даво (қон қуйиш, юрак ва б.ни кўчириб ўтказиш) аъзо ва ҳужайралар функцияларини экспериментал текшириш, баъзан косметика мақсадларида амалга оширилади.

РЕЧИТАТИВ (итал. recitare — овоз чиқариб ўқимоқ) — оддий ёки бадиий нутқ *интонацияси* ва ритмикасини ифодалашга асосланган вокал мусиқа тури. Одатда, Р. мати тузилишини акс эттириб тугал мусиқа шаклини ташкил этмайди. Унинг келиб чиқиши халқ мусиқий эпик жанрлари (*достон*, қиссахонлик каби) б-н боғлиқ. Композиторлик ижодиётида Р. аввало *опера* жанрида кенг қўлланилади. Унинг имкониятлари, шунингдек, кантата, оратория, романс ва б. жанрларда ўз аксини топган. Ўзбек мусиқа меросининг достон, *катта ашула, рамазон, зикр, марсия* каби жанрларида Р. унсурлари устувор ўрин тутади. Ўзбек композиторлари яратган мусиқали драма, опера ва б. асарларнинг етук намуналарида достон, катта ашула каби жанрларга хос Р. хусусиятлар ҳам учрайди.

РЕШЕТОВ Виктор Васильевич (1910.10.3 — Тошкент — 1979.3.3) — тилшунос-туркийшунос. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1964), филол. фанлари д-ри (1952), проф. (1953), СССР Педагогика ФА акад. (1959). Тошкент давлат ун-ти педагогика ф-тининг тил ва адабиёт бўлимини тугатган (1931). Шу ун-тнинг ишчилар ф-тида ўқитувчи (1929—33), Ўзбекистон ХКС ҳузуридаги Фанлар комитети Тил ва адабиёт ин-тида, сўнгра Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёти ин-тида кичик, катта илмий ходим, илмий котиб, директор ўринбосари ва директор (1934—55), РФ Таълим академиясининг Миллий мактаблар ин-ти директори (1960—63), Республика рус тили ва адабиёти педагогика ин-ти ректори (1963—79). Илмий ишлари туркий тиллар, асосан, ўзбек тили ва унинг фонетикаси, грамматикаси, диалектологияси, ўзбек ва рус тилларини ўқитиш методикаси ва б. масалаларга бағишланган. Р. республика олий ва ўрта мактабларига учун ўқитиладиган ўзбек тили дарсликлари ва ўқув қўлланмаларини яратган.

Ас.: Ўзбек тили грамматикаси. 1-бўлим, Т. — Самарқанд, 1934; Қисқача ўзбекча-русча луғат, Т., 1936; Фонетика. Ўзбек тили фонетикасига доир баъзи масалалар, Т., 1953; Узбекский язык. ч. 1 (Введение. Фонетика), Т., 1959; Ўзбек диалектологияси (ҳамкорликда), Т. 1962, 1978.

РЕШТ — Эрондаги шаҳар. Гилон остонининг маъмурий маркази. Аҳолиси 418 минг кишидан зиёд (1990-й.лар охири). Автомобиль йўллари орқали Теҳрон ш. ва Каспий денгизи соҳилидаги р-ялар б-н боғланган. Ипакчилик маркази (14-а.дан). Тўқимачилик, озиқ-овқат (жумладан, тамаки, чой), ёғочсозлик, электротехника, ойнашиша саноати корхоналари бор. Ҳунармандчилик (металл, ёғоч ўймакорлиги, бадиий каштачилик) ривожланган.

РЕЭКСПОРТ (*ре...* ва лот. exporto — чиқараман) — илгари мамлакатга чет элдан келтирилган товарлар (асосан, хом ашё)ни ишлов бермай ёки қисман ишлов берган ҳолда четга чиқариш. Халқаро савдода қўлланилади. Кўпинча пахта толаси, жун, тери, каучук, нефть ва бошқалар Р. қилинади.

РЕЯ — *Сатурн* сайёрасининг йўлдоши. Диаметри 1530 км. Сайёра марказидан ўртача узоқлиги 527 минг км; сидерик айланиш даври 4 сутка 12 соат 16 мин. Р.ни 1672 й.да француз астрономи Ж. Кассини кашф этган. Юзаси кратерлардан иборат, лекин геологик фаол эмас.

РЖАНКАЛАР, мошаклар (Charadriidae) — балчиқчисимонлар туркумига оиласи. 160 тури, Ўзбекистонда 47 тури, 22 уруғи (лойкистонда 47 тури, 22 уруғи (лойкўраклар, якантовуқлар, мошаклар, бигизтумшуқлар, қизилоёқлар, торғайлар, балчиқчилар ва б.) бор. 2—4 та оқлар, балчиқчилар ва б.) бор. 2—4 та тухум босади. Айрим турлари спорт ови объекти. 9 тури Халқаро Қизил китобга киритилган.

РИБАКОВ Аркадий Андреевич (1897.23.2, Белоруссия, Полоцк уезди — 1991.20.6, Тошкент) — невашунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1958), қ.х. фанлари д-ри (1950), проф. (1951). Тимирязев номидаги Москва қ.х. академиясини тугатган (1923). Белоруссияда (1923—31) ишлаган. 1931—45 й. ларда Ўзбекистон богдорчилик с-злари трести («Узсадсовхозтрест») планлаштириш бўлими бошлиғи ва бош агрономи, 1945—51 й.ларда Шредер номидаги Богдорчилик, узумчилик ва виночилик и.т. ин-тида бўлим мудири ва илмий ишлар бўйича директор муовини. 1951—82 й.ларда Тошкент қишлоқ хўжалиги ин-тининг мевачилик ва узумчилик кафедраси мудири бўлган. Илмий ишлари Ўзбекистонда боғдорчилик ва токчилик, уларни ривожлантиришнинг амалий ва назарий масалаларига бағишланган.

Ас.: Промышленное плодоводство УзССР, Т., 1954; Биологические основы культуры плодово-ягодных растений, Т., 1956; Ўзбекистон мевачилиги (Дарслик), Т., 1967 (ҳамкорликда).

РИББЕНТРОП (Ribbentrop) Иоахим (1893—1946) — Германия ташқи ишлар вазири (1938—45). Немис фашистларининг бош ҳарбий жиноятчиларидан бири сифатида Нюрнбергдаги Халқаро ҳарбий трибунал ҳукмига кўра қатл этилган.

РИБИНСК (1946 й.дан 1957 й.гача Шчербаков, 1984—89 й.ларда Андропов) — РФ Ярославль вилоятидаги шаҳар (1777 й.дан). Т. й. станцияси. Рибинск сув омбори ёнида, Волга бўйидаги порт. Аҳолиси 243,6 минг киши (1998). Машинасозлик (кемасозлик, моторсозлик, «Полиграфмаш» и.ч. бирлашмалари; дизель, оптика-механика, станкосозлик, «Верхневолжскабель» ва б. з-длар); нефть кимёси корхоналари мавжуд. Мебель-ёғочсозлик к-ти, гугурт ф-каси ва б. ишлаб турибди. Авиация-технология ин-ти, 2 театр, тарихий-меъморий ва бадиий музей-қўриқхона бор. 1071 й.дан Усть-Шексна, 1504—1779 й.ларда Рибная Слобода номлари б-н маълум. 18—19 а.ларга оид меъморий ёдгорликлар сақланиб қолган.

РИБИНСК СУВ ОМБОРИ — Волга ва Шексна дарёларидаги сув омбори. Россиянинг Ярославль, Вологда ва Тверь вилоятлари ҳудудида Рибинск гидроузели тўғони қурилиши б-н пайдо бўлган (1941—47). Майд. 4580 км², сув ҳажми 25,4 км³, ўртача чуқ. 5,6 м. *Волга-Балтиқ сув йўлининг* бир қисми. Р.с.о. атрофида Череповец, Весьегонск, Углич, Пошехонье-Володарск ва Рибинск ш.лари жойлашган.

РИБО (Ribot) Теодюль Арман (1839.18.12, Генган, Шим. Франция — 1916.9.12, Париж) — француз психологи ва психопатологи, Францияда олий психик жараёнларни экспериментал тадқиқ қилишнинг бошловчиси. Франциядаги 1-психологик лаб. директори (1889). Хотира, асоссиз диққат, сезгилар муаммолари ва б.га оид асарлар ёзган.

РИБО (араб. — судхўрлик) — пулга фойда (фоиз) олиш; судхўрлик. Исломдан илгари араблар орасида Р. кенг тарқалган эди. Илк исломда савдо қилиш ва у орқали фойда кўриш кенг рағбатлантирилгани ҳолда, пулга эвазсиз фойда олиш қатъиян тақиқланган ва бу тақиқ Қуръонда ҳам ўз ифодасини топган (2:276). Ҳозир ҳам мусулмон мамлакатларидаги банк ва молия ишларида унга амал қилинади.

РИБОЗА — *моносахарид;* барча тирик ҳужайралардаги РНК таркибида бўлади. Р. ҳосиласи — спирт рибит кўпгина витаминлар ва коферментлар таркибига киради. D ва L шаклдаги оптик фаол ва нофаол рацемат ҳолида бўлади. Р. кристалл модда, сувда яхши эрийди; суюқланиш т-раси 86—87° (D шаклдагиси).

РИБОНУКЛЕИН КИСЛОТАЛАР (РНК) — юқори молекулали мураккаб бирикмалар, нуклеин кислоталардан бири, мономерлари нуклеотидлардан иборат. Ҳар бир нуклеотиди таркибига углевод Д — рибоза, азотли асослар, аденин, гуанин, цитозин ва урацилдан бири ҳамда фосфор кислотаси қолдиғи киради. Барча тирик организмлар ва кўпгина вирусларнинг муҳим компоненти. Ирсий ахборотнинг наслдан наслга ўтишида иштирок этади. Р.к. молекуласининг фазовий структураси, асосан, бир ипли полинуклеотид занжирдан иборат бўлиб, таркибида 75 талан 10000 тагача нуклеотид қолдиғи бор. Молекуласининг айрим қисмларида азот асосларининг комплементарлик принципига биноан қўш занжирлар ҳосил бўлади. Функцияси ва структурасига кўра, Р.к. рибосомал (рРНК), транспорт (тРНК), информацион (иРНК) ва кичик молекулали (км РНК)га ажратилади. Тирик ҳужайраларда РНК синтези ДНК матрицасида РНК-полимераза ферменти ёрдамида амалга ошади (қ. *Транскрипция*). Эукариот ҳужайраларда РНК молекулалари 3 хил РНК — полимераза иштирокида синтезланади. Синтезланган ДНК матрицасига комплементар, чунки РНК занжиридаги нуклеотидлар изчиллигини ДНК матрицасидаги нуклеотидлар қатори белгилайди. Муайян ген синтезидаги ДНКнинг комплементар 2 занжиридан фақат биттаси РНК учун матрица вазифасини бажаради. Одатда, РНК молекулалари у синтезлайдиган функционал молекулаларга нисбатан бирмунча катта молекуляр массага эга. Ҳужайрадаги РНК сонининг 80% ини рибосомал РНК ташкил этади. Унинг молекуляр массаси 1,1 — 1,7 млн бўлиб, 4000—6000 мононуклеотид қолдиғидан иборат. РНКнинг бу хили рибосомаларнинг шаклланишида иштирок этади. Шаклланган рибосомаларнинг 60% массасини рРНК ташкил қилади. Транспорт РНК ҳужайрадаги РНКнинг 15% ини ташкил этади, у аминокислоталарни оқсил синтезлайдиган рибосомаларга етказиб беради. Транспорт РНКнинг молекуляр массаси 25000 га яқин бўлиб, 60—90 нуклеотид қолдиғидан иборат. Транспорт РНК бошқа РНКга нисбатан яхши ўрганилган. Унинг структураси бела биргина ўхшайди. Ҳар бир аминокислотанинг ўзига хос тРНКси мавжуд бўлиб, аминоацилсинтетаза ферменти б-н бирга таъсир кўрсатади. Бу фермент ўзига хос келадиган тРНК ва аминокислотани таниш хусусиятига эга. Айрим ҳолларда битта аминокислота икки ва ундан ортиқ тРНК ёрдамида кодланади. Информацион РНК ҳужайрадаги РНК массасининг 2—6% ини ташкил этади. Ҳар хил иРНК молекулалари бир-биридан молекуляр массаси ва нуклеотидлар таркиби б-н фарқ қилади. Ҳужайрада синтезланадиган оқсил молекулалари муайян иРНК ёки унинг бир қисми орқали кодланади. Эукариотлар ҳужайрасида иРНК ядрода синтезланиб, у ердан махсус рибонуклеопротеин заррачалар (информосомалар) таркибида цитоплазмага кўчирилади. Эукариотларда иРНК синтези кодланмайдиган қисм (интронларга эга бўлган жуда узун занжирли про иРНК синтезидан бошланади ва бирмунча ўзгаришлар б-н етилган иРНК ҳосил бўлади. Кодланмайдиган қисмлар про иРНК молекуласининг бутун узунлиги бўйлаб текис тақсимланган. Интронларни ажратиб ташлаб иРНК молекуласининг кодловчи қисм-ларини янгидан жойлаштириш (сплайсинг) махсус ҳужайра механизмлари орқали бошқарилади. Прокариот ҳужайралардаги иРНК синтезида деярли катта ўзгаришлар бўлмайди. Кичик молекулали РНК функцияси, структураси ва ўлчамига биноан ҳар хил. Улар таркибида 30 талан 300 тагача нуклеотид қолдиғи бўлади. Бу турдаги РНК рибосома, ядро ва цитоплазмадаги рибонуклеопротеин заррачалар таркибида учрайди.

Абдукарим Закирёев, Мухсин Закиров.

РИБОСОМАЛАР (*рибонуклеин кислота* ва *...сома*) — ўз таркибида рибонуклеин кислоталарни сақловчи цитоплазманинг доимий, мембранасиз органоидлари. Рибосоманинг кашф этилиши электрон микроскопик тадқиқотларнинг ривожланиши б-н боғлиқ. Ҳар бир Р. диаметри 20 нм дан ошмайдиган катта ва кичик суббирликлардан иборат. Суббирликлар қўшилиши ёки ажралиши мумкин. Прокариотларнинг ҳужайраларида рибосомалар нисбатан кичикроқ бўлади. Р. митохондриялар ва хлоропластлар таркибида ҳам учрайди. Эукариотлар, прокариотлар, митохондриялар ва хлоропластлардаги Р. кимёвий таркиби жиҳатидан ҳам бирмунча фарқ қилади. Мас., прокариотларнинг Р. ида оқсилларнинг 55 хили мавжуд, эукариотларда эса 100 дан ортиқ бўлади. Р. оқсилни синтезлайди. Шунинг учун оқсил синтезини бошловчи, лавом эттирувчи ва тугатувчи Р. мавжуд. Р.нинг А таминокислоталар бириқадиган) ва Р (пептил боғлари ҳосил бўладиган) фаол қисмлари бор. Оқсил синтези жараёнида бир молекула иРНКда бир неча Р. кетма-кет жойланиб, трансляция амалга ошади. Бундан Р. мажмуаси *полисомалар* деилади. Эндоплазматик тур мембранаси б-н боғланган Р.да ҳужайрадан ташқарига секрецияланувчи оқсиллар, гиалоплазмада эркин жойлашган Р.да эса ҳужайранинг ўзи учун зарур бўлган оқсиллар синтезланади. Оқсил синтези жадал кечувчи ҳужайраларда Р. сони жуда кўп бўлади. Эукариот ҳужайраларда Р. ядрочада ҳосил бўлади. Дастлаб ДНК матрицасида рибосомал РНК (рРНК) синтезланади. Сунгра РНК оқсил молекулалари б-н қушилиб, Р. суббирликларини ҳосил қилади ва ядродан цитоплазмага чиқарилади.

РИБОФЛАВИН (B_2 витамин) — қ. *Витаминлар.*

РИВЕРА (Rivera) Диего (1886.8.12, Гуанахуато — 1957.25.11, Мехико) — мексикалик рассом; мексика монументал рангтасвир мактаби асосчиларидан. Мехико (1896—1902), Мадрид (1907) БАла ўқиган. Париж (1909—21)да яшаган. Италияда бўлган (1920—21). 1930—34 ва 1940-й.лар АҚШда яшаган. Р.нинг монументал рангтасвири ташвиқий-тарғибот ва маърифий мазмунга эга; сиёсий ва фалсафий гоялар асосида идрок қилинадиган портрет ёки рамзий тасвирларда акс эттирилган. Р. Италияда Уйғониш даври анъаналари ҳамда қад. Мексика санъатига бўлган қизиқиши асосида ўзининг услубини ишлаб чиққан. Мехикодаги Миллий саройнинг юқори қисмидаги Қад. Мексика кўринишини акс эттирган девория расмларда Европа ва Мексика санъати уйғунлашган (1940—50 й.лар). Сўнгги йилларда яратган асарлари (фреска, мозаика ва б.) ранг-баранг, ахборотларга бой, ундаги ланқа, рамз ва б. ягона бир маънога бирлашган. Бинолар тарзига синтетик материаллардан ишланган рангтасвири (мозаика, рельефларни ўз ичига олган) умумий безак гоясига бўйсундирилган («Инсурзак гояси»га бўйсундирилган «Инсурхентес театри», 1951—53; Мехикодаги Олимпия стадиони, 1952—53 ва б.).

РИВОЖЛАНИШ — табиат ва жамиятдаги қонуниятли ўзгариш; бир сифат ҳолатидан бошқасига, эскидан янгига ўтиш. Р. натижасида объектнинг — тарқиби ёки структурасининг янги сифат ҳолати вужудга келади. Р. табиат, жамият ва билиш тарихини тушунтиришнинг умумий тамойилидир. Р. нинг 2 шакли мавжуд: объектнинг секин-аста содир бўлувчи миқдор ўзгаришлари ва боғлиқ эволюцион Р. ва объект тузилмасидаги сифат ўзгаришларидан иборат инқилобий Р. Эволюцион Р. жамиятда бир тизимнинг аста-секин, кескин портлашларсиз бир сифатий асосдан иккинчи сифатий асосга ўтишини, инқилобий Р. эса кескин портлаш йўли б-н бир сифатий асосдан иккинчи сифатий асосга ўтишини билдиради. Эволюцион Р. жамиятнинг янги босқичга улуқсиз ва талафотларсиз ўтишига имкон беради. Бундай ўтишда муайян вақт зарур бўлади. Инқилобий Р.да жамиятнинг эски асосий танч нуқталари йўқ қилиниб, кескин сифатий ўзгаришлар амалга оширилади. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, янги жамиятга ўтишнинг эволюцион Р. йўлини танлади. Бу йўл жамият аъзоларининг манфаатларига зид келмайдиган, муайян вақтни талаб қиладиган ва пировардида самарали бўладиган йўлдир. Р.нинг прогрессив, тараққиёт тури (қ. *Тараққиёт*) б-н регрессив, таназзул тури (қ. *Инқироз*) фарқланади.

Ҳоз. замон фанида Р.нинг махсус илмий назарияси ишлаб чиқилмоқда, унда асосан, қайтарилувчи жараёнларни қараб чиқувчи классик табиатшуносликдан фарқ қилган ҳолда, ночизиқли, сакрашсимон ўзгаришлар баён қилинади (яна қ. *Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонуни, Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни, Инкорни инкор қонуни*).

Баҳтиёр Тўраев.

РИВОЖЛАНИШ БИОЛОГИЯСИ — биологиянинг ҳайвонлар ва ўсимликларнинг индивидуал ривожланиш (онтогенез) ва ҳаракатлантирувчи кучлари механизмларини ўрганадиган бўлими. Р.б. 20-а. ўрталарида эмбриология асосида, бу фаннинг цитология, генетика, физиология ва молекуляр биол. б-н чегарасида вужудга келди. Бу фанлар соҳасида эришилган муваффақиятлар индивидуал ривожланишда генетик ахборотнинг амалга оширилиши: ҳужайралар, тўқималар ва органлар ихтисослашувининг молекуляр-генетик асослари; ҳужайраларнинг ўзаро таъсири ва ривожланаётган организмнинг бир бутунлигини таъминлайдиган жараёнларнинг бошқарилиш механизмлари, нормал ва ўсмали ўсишнинг молекуляр механизмлари ва б. фундаментал муаммоларни ечишда турли хил ёндашишлар ва усулларни бирлаштириш имконини берди.

Ад.: Зуссман М., Биология развития, пер. с англ., М., 1997.

РИВОЯТ (араб. — ҳикоя қилмоқ) — воқеа ва ҳодисаларнинг, инсон фаолиятини баъзан ўйдирмалар воситасида, баъзан реал тасвирловчи оғзаки ҳикоя; фольклор жанри. Ҳажми қисқа, 2 ёки 3 эпизоддан ташкил топади, анъанавий услубий шаклга эга бўлмайди. Одатда, оддий бир ҳикоячи баёнидан бошланиб, эпизод-эпизодга ўтиш жараёнида эркин талқин қилинади. Р. асосида воқелик ва тарихий шахс б-н боғлиқ ҳодисалар ётади. Ғоявий мазмунига кўра, тарихий Р. ҳамда топоним Р.ларга бўлинади. Тарихий Р. да бирор шахс фаолияти ва халқ қаҳрамонлари б-н боғлиқ ҳодисалар ҳикоя қилинади, ахлоқ ва одобнинг идеал меъёрлари ташвиқ этилиб, муайян фактлар ҳақида ахборот берилади. Бундай Р.лар Навоий, Улуғбек, Ибн Сино, Беруний, Машраб, Амир Темур, Султон Маҳмуд ва б. ҳаёти б-н боғлиқ воқеа ва ҳодисалар асосида ҳам яратилган. Топоним Р.ларда шаҳар, қишлоқ, қўрғон, сарой, мақбаралар номи ҳамда уларнинг юзага келиш сабаблари б-н боғлиқ воқеалар ҳикоя қилинади. Хотимасида одатдаги ҳикоядан мақсад таъкидланади ва ҳикоядан фақт изоҳланади (мас., «Тўрабек хоним мақбараси», «Анда жон қилди», «Одинажоним», «Қўнғирот» ва б.). Р.лар бизгача кўпроқ оғзаки, қисман ёзма шаклда етиб келган. *Восифий*нинг «Бадоеъ ул-вақоеъ», *Хондамир*нинг «Макорим ул-ахлоқ» ва б. асарларда Р.ларнинг қад. намуналари келтирилган. Ўзбекистонда жуда кўп Р.лар ёзиб олинган ва улар халқ тарихи ҳамда маданий-эстетик қарашларини ўрганишда муҳим манбадир.

Рига шаҳрининг умумий кўриниши.

РИВЬЕРА — Ўрта денгизнинг Кани ш.дан (Франция) Специя ш. (Италия) гача бўлган камбар соҳили. Франция Р.си — *Мовий қирғоқ* ва Италия Р.сига бўлинади. Қаттиқ юмшоқ (ўртача т-ра 9—12°), ёзи иссиқ (ўртача т-ра 24°). Йиллик ёғин 500—700 мм. Доим яшил субтропик ўсимликлар ўсади. Токчилик, гулчилик ривожланган. Р. — Гарбий Европанинг энг йирик курорт р-нларидан. Меҳмонхона, пансионат, кемпинг, «дам олиш қишлоқлари» кўп. Йирик курортлари: Канн, Антиб, Ницца, Ментона, Монако, Монте-Карло, Сан-Ремо, Империя, Рапалло ва б.

РИГА — Латвия Республикасидаги шаҳар, Республика пойтахти. Йирик индустриал, илмий ва маданий марказ, т.й. тутуни, денгиз порти. Даугава (Гарбий Двина) дарёси соҳилида, унинг *Рига қўлтиғи*га қуйилиш жойида. Янв.нинг ўртача т-раси —4,5°, июлиники 18°. Йиллик ёғин миқдори — 649 мм. Майд. 307 км. Аҳолиси 764 минг кишидан зиёд (2000). Олти шаҳар туманидан иборат.

Археологик маълумотларга кўра, Р. 10—11-а.ларда вужудга келган. Шаҳар сифатида 1201 й.да тилга олинган. 13—16-а.ларда Рига архиепископлигига бўйсундирилган. 14-а. бошида *Ганза* таркибига кирган. 1561 й.гача *Ливон ордени* таркибида. 1561 й.дан эркин шаҳар, савдо ва ҳунармандчилик марказига айланган. 1581 й.да Речь Посполита ҳукмронлиги остига ўтган. 1621 й. шведлар томонидан босиб олинган. Р.ни



Рига. Православ собори.

Шимолий уруш даврида 1710 й. 14 июлда рус қўшинлари эгаллаган. 1714 й.дан Рига, 1796 й.дан Лифляндия губерниясининг маркази. 18-а. охирида Р. Россиянинг энг йирик порти ва савдо маркази. 19-а. охири — 20-а. бошларида йирик саноат марказларидан бири. Р. 1919 й.дан Латвия Республикаси пойтахти, 1940—90 й.ларда Латвия ССР пойтахти, 1990 й. майдан яна Латвия Республикаси пойтахти.

Машинасозлик ва металлсозлик, шу жумладан, электротехника ва радиоэлектроника, кимё, кимё-фармацевтика, ёғочсозлик, енгил, озиқ-овқат саноатлари бор. Парфюмерия-косметика з-ди фаолият кўрсатади, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади.

Р. — балиқ саноатининг йирик маркази. Консерва-кулинария ва сардина з-длари, балиқчилик портида трал ва рефрижератор флоти базалари ишлаб турибди. Р. порти муҳим аҳамиятга эга. Даугава кемалар қатнайди. 2 аэропорт бор.

Шаҳарнинг Даугава дарёси соҳилидаги қисми.

Шаҳар эски ва янги қисмларга бўлинади. Эски Р. ҳудудида ўрта аср меъморий ёдгорликларидан Дом черкови (13-а.), Екаба (13-а.), Ян (манбаларда ластлаб 1297 й.да тилга олинган) ва Петер (13—15-а. бошлари) черковлари, Орден қасри (14—19-а.лар), 15—18-а.лар турар жойлари, Биродарлик қабристони мемориал мажмуи (1924—36 й.лар) ва б. сақланиб қолган. Р.да 7 олий ўқув юрти (шу жумладан, Латвия ун-ти, Рига техника ун-ти, консерватория), Рига БА (Европада энг кўҳна академиялардан), 21 музей (шу жумладан, Латвия тарихи музейи, Шаҳар тарихи ва денгиз сайёҳлиги музейи, Табиат музейи, Адабиёт ва санъат тарихи музейи, Балиқ музей, Этнография музейи ва б.), 9 театр (шу жумладан, Латвия Миллий операси театри), филармония, цирк, телемарказ, киностудия бор. Шаҳар марказида 2004 й. апр.да Мирзо *Улуғбекка* ҳайкал ўрнатилган. Р. яқинида Юрмала курорти фаолият кўрсатади.

РИГА ҚЎЛТИҒИ — Болтиқ денгизидаги қўлтиқ. Эстония ва Латвия ҳудудида. Қуруқликка 174 км кириб борган. Майд. 18,1 минг км². Болтиқ денгизидан Моонзунд (Ғарбий Эстония) оролларн б-н ажралган. Энг чуқур жойи 62 м. Деклан апр.гача музлайди. Р.қ.га Ғарбий Двина (Даугава), Лиелупе, Гауя дарёлари қуйилади. Сувининг т-раси ёзда 18°, қишда 0—1°. Шўрлиги 3,5 — 6‰ . Йирик порти — Рига. Жан. соҳилида Юрмала курорт ш., шимолида Пярну ш. ва курорти, Саремаа о.да Кингисепп ш. жойлашган.

РИГЕЛЬ, *Орион* β си — Орион юлдузлар туркумидаги энг ёруғ юлдуз. Осмондаги энг ёркин юлдузлардан бири. Визуал (кўринма) юлдуз катталиги 0,1 га тенг. Р. Қуёшдан 330 парсек узоқликда жойлашган, ёркинлиги Қуёш ёркинлигидан 81 минг марта катта. Р. визуал қўшалоқ юлдуз, унинг йўлдоши 7 кўринма юлдуз катталикда юлдуздан 10FF масофада жойлашган (қ. *Парсек*).

РИГОРИЗМ (лот. rigor — қатъийлик, ўта талабчанлик) — фаолият, хулқ-атвор ва фикрда муайян принципга қатъий амал қилиш. У қандайдир келишувчиликка, дастлабки принципдан фарқ қилувчи бошқа принципларни ҳисобга олишга йўл қўймайди. Кўпинча этик формализмнинг ўзига хос ифодаси ҳисобланади. *Кант*нинг этик Р. и қатъий ахлоқни қонунни тан олади ва ахлоқли олам ҳар қандай шароитда бу қонунга риоя этишини талаб қилади. Унингча, худо ёки инсонни шунчаки севиб, уларга саҳоват қиладиган одамдан кўра қонунга астойдил бўйсунувчилар ахлоқли одам ҳисобланади. *Шиллер* Кант Р.ига қарши чиққан.

РИД Томас Майн (1818.4.4, Балдрони, Ирландия — 1883.22.10, Лондон) — инглиз ёзувчиси. 1838—40 й.ларда АҚШда яшаб, журналистика б-н шуғулланган. АҚШнинг Мексика б-н уруши (1846—48)да қатнашган. 1848 й. инқилоблари таъсирида Европага келиб (1849), вентер халқининг миллий озодлик учун курашида иштирок этган. Р.нинг «Эркин ўқчилар» романида (1850) мексикаликларнинг босқинчиларга қарши олиб борган кураши ўз ифодасини топди. Шундан кейин унинг АҚШ жанглари қул савдоси даҳшатлари ҳақида ҳикоя қилувчи «Квартеронка» (1856), ҳиндуларнинг мустамлакачиларга қарши олиб борган курашларини акс эттирувчи «Оқ танли йўлбошчи» (1855) ва «Оцеола, семиноллар йўлбошчиси» (1858) романлари майдонга келди. Р. романларида Осиё, Африка ва Америка мамлакатларидаги ўсимлик ва ҳайвонлар оламининг бадиий тасвири кенг ўрин эгаллайди («Жанубий Африка чакалакзорларида ёки бир деҳқон ва унинг оиласи саргузаштлари» трилогияси, 1856; «Ўсимлик ишқибозлари», «Ёш овчилар», 1859; «Қояга чиқувчилар», 1864; «Жирафа овловчилар», 1867). Р.нинг 70—80-й.ларда яратган «Ажал ўқи» (1873), «Офат белгиси» (1876), «Ғойиб бўлган тог» (1883) сингари романларида авантюра адабиётининг таъсири катта. «Бошсиз чавандоз» (1866) романи нафақат Р. нинг, балки жаҳон саргузашт-авантюра адабиётининг мумтоз намуналари сифатида эътироф этилган ва кўплаб тилларга таржима қилинган. Мазкур асарда Техас аҳолиси маиший ва маънавий ҳаётининг реалистик манзаралари ўзининг ёркин инъикосини топган. Р. романларида тасвирланган ижтимоий ва маънавий масалалар, иродали ва патонатли қаҳрамонлар, қизиқарли ва шиддатли сюжет ҳанузга қадар китобхонлар оммасини мафтун этиб келади.

Ас.: Сочинения, т. 1—6, М., 1956—58; Бошсиз чавандоз, Т., 1957.

РИДБЕРГ ДОИМИЙСИ (R) — спектрларнинг газ ёки металл бўлаги кўринишидаги изолицияланган атомларнинг нурланиш частоталари ва энергия сатҳларини ҳисоблашда қўлланиладиган формулалар таркибига кирувчи асосий физик катталик. R б-н белгиланади. Агар атом ядросининг массаси электрон массасига нисбатан чексиз катта (ядро қўзғалмас ҳолатда) деб олинса, у ҳолда $R=2\pi^2me^4/ch^3 =(1,097373143\pm10)\cdot10^7$ $м^{-1}$, бунда e ва m — электрон заряди ва массаси, c — ёруғликнинг вакуумдаги тезлиги, h — Планк доимийси.

Атом ядросининг ҳаракати ҳисобга олинганда, электрон массаси электрон ва ядронинг келтирилган массасига алмаштирилади:

$$m_{кел}=m_eM/(m_e+M),$$

бунда M — атом ядросининг массаси. 1890 й.да швед физиги И. Ридберг (1854—1919) атом спектрларини ўрганаётганда шу бирликни фанга киритган.

РИЕКА — Хорватиядаги шаҳар. Адриатика денгизи соҳилида. Риека қўлтиғининг шим. қисмида жойлашган. Аҳолиси 167 минг киши (1999). Транспорт йўлларининг муҳим тугуни. Йирик порт. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Мамлакатнинг муҳим саноат маркази. Кемасозлик, моторсозлик, нефтни қайта ишлаш, кимё, ёғочсозлик, кўн-пойабзал, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Музейлар бор. 13—18-а.ларга оид меъморий ёдгорликлардан роман-готика собори, черков, минора сақланган.

РИЁЗИЙ Имомуддин (? — Самарқанд — 1479) — шоир, хаттот ва ҳофиз. Самарқанд мадрасаларидан бирида таҳсил кўрган. Туркий ва форс тилларида ижод қилган. Р. ҳақида маълумот, шеърларидан намуналар «Мажолис ун-нафоис»да учрайди. Р. ёшлигидан шеъриятга қизиққан, саллафлари ижодини қунт б-н ўрганган. Илми мусиқий, илми нужум ва б. фанлар б-н ҳам шуғулланган. Мумтоз адабиёт-нинг анъанавий жанрларида турли мавзуларда шеърлар ёзган. Навоий Р. б-н бир неча бор суҳбатда бўлган ва ижодига юқори баҳо берган. Навоийнинг ёзишича, у ғазаллар ёзиш б-н бирга хаттот, шунингдек, Қуръонни ҳам етти қироат б-н ўқий оладиган ҳофиз бўлган. Ҳозиргача Р.нинг 89 ғазали, 3 қитъаси, 1 рубоий ва 8 фарди аниқланган. Девонларининг 12 нусхаси Лондон, Бангола, Санкт-Петербург, Душанба, Тбилиси фондларида сақланади.

Ад.: Алишер Навоий, Мажолис ун-нафоис, Т., 1961.

РИЁЛ — 1) Саудия Арабистони пул бирлиги. 1928 й. янв.дан муомалага киритилган. 1Р=100 халал. Халқаро ифодаси SAR. Валюталар курси бўйича 1 АҚШ доллари = 3,75 Р. (2003, май). 2) Эрон пул бирлиги. 1930 й.дан муомалага киритилган. 1Р.=100 динор. Халқаро ифодаси IRR.

РИЖОВ Сергей Николаевич (1903, Тула губернияси, Россия — 1981.21.1, Москва) — тупроқшунос олим. Ўзбекистон ФА акад. (1966), проф. (1948). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1944). Тимирязев номидаги Москва қ.х. академиясини тугатган (1931). СоюзНИХИда лаб. мудири (1934—49), директор (1954—57); айни вақтда Ўрта Осиё ун-тининг илмий ишлар бўйича проректори ва агрономия кафедраси мудири (1942—55). Ўзбекистон Қ.х. фанлари академияси вице-президенти (1957—61). ВАСХНИЛнинг Докучаев номидаги Тупроқшунослик ин-ти директори (1962—63). 1966 й.дан Ўзбекистон ФА вице-президенти. Илмий ишлари Ўрта Осиё шароитида ғўзани суғориш, тупроқ хоссаларини ўрганиш масалаларига бағишланган.

Ас.: Орошение хлопчатника в Ферганской долине, Т., 1948; Краткие итоги научных исследований по борьбе с вилтом хлопчатника, Т., 1971 (в соавторстве).

РИЗАЕВ Тожибой (1927.10.5 — Паркент тумани Заркент қишлоғи — 2004.6.4) — қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ташкилотчиси, уста боғбон, Ўзбекистон Қаҳрамони (2001), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими (1991). Тошкент қишлоқ хўжалиги ин-ти агрономия ф-тини тугатган (1960). Меҳнат фаолиятини 1942—50 й.ларда жамоа хўжалигида галлачилик бригадаси бошлиғи бўлиб ишлашдан бошлаган. Тошкент ш.даги хўжалик ресурсларини тайёрлаш мактаби тингловчиси (1950—53), Паркент туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида ҳосилдор (1953—54), туман партия қўмитаси йўриқчиси (1954—56), жамоа хўжалиги раиси муовини (1956—59), Юқо-ри Чирчиқ тумани партия қўмитаси котиби (1959—60). 1960 й. дан Паркент туманидаги «Ленинобод» жамоа хўжалиги (ҳоз. «Заркент» ширкат хўжалиги) бошқаруви раиси.



Р. тоғли минтақаларда мўл-кўл боғдорчилик маҳсулотлари етиштириш борасида ўзига хос тажриба мактабини яратди. Р. раҳбарлигида ширкат хўжалиги иқтисодий бақувват хўжаликлардан бирига айланди. Кўп йиллар давомида хўжаликда тоғолди зонасида лалми ва шартли суғориладиган ерларда тўқ майдонлари 730 гектарга, галла майдонлари 860 гектарга етказилди. Хўжалик республикада лалми галлачиликда ҳар гектар ердан 18,7—20 ц буғдой ҳосили олиб, ҳосилдорлик бўйича олдинги ўринни эгаллайди. Ширкат хўжалиги қишлоғи тўла газлаштирилган, булоқ суви водопроводи, шаҳарлараро автомат телефон ст-яси, вино з-ди қурилиб, ишга туширилди. «Дўстлик» ордени б-н мукофотланган (1996).

РИЗАМАТ — ўртапишар маҳаллий хўраки ва майизбоп узум нави. Шредер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик и.т. ин-тининг Самарқанд филиалида *Каттақўрғон* ва *Паркент* узум навларини чатиштириб

Ризамат узум нави.

чиқарилган (К. В. Смирнов, А. Ф. Герасимова). Машҳур соҳибкор Ризамат *Мусалиҳамедов* шарафига унинг номи б-н аталган. Тупи ўртача ўсади. Барглари ўртача, юмалоқ, беш бўлмали, сал кертикли, тер томони силлиқ. Гули икки жинсли. Узуми авг.-сент.да пишади. Узум боши йирик, тиғизлиги ўртача, конуссимон, вазни 300—550 г, ғужуми йирик, цилиндр шаклида, ёнбош томони пушти. Пўсти юпқа, эти зич, қарсилдоқ, узуми кўринишининг бежиримлиги ва яхши таъми б-н ажраліб туради. Куртаги бўртгандан кейин фаол ҳарорат йиғиндиси 3000° бўлганда 150 кунда пишади. Таркибида 20—22% қанд бор. Ҳосилдорлиги 200—250 ц/га. Новдалари яхши пишади. Совуққа чидамсизроқ, рага, кул касаллигига бардоши юқори эмас.

РИЗО АББОСИЙ, Ризойи Аббосий (1575, Кашан — 1635) — мусаввир; Исфаҳон миниатюра мактабининг йирик намояндаси. Р. А. маиший саҳна-

лар ва алоҳида варақларда портретлар яратган. Р.А.нинг ижодий тараққиёти (Муҳаммадий анъаналарига асосланган) кўтаринки руҳдаги ҳаётбахш композициялардан варақларда ички қудратга тўлиқ тасвирлар яратишга ўтиши б-н кузатилади («Мўйна телпак кийган қиз», «Севишганлар», «Ўсмир ва қўй» ва б.). Асарлари Техрондаги Гулистон саройида, Россия миллий кутубхонасида, Кембриждаги Фицуильм музейи ва хусусий тўпламларда сақланади.

РИЗОИДЛАР (юн. rhiza — илдиз, eidos — кўриниш), содда илдизлар — йўсинлар, лишайниклар ва баъзан сувўтлар ҳамда замбуруғларда илдиз вазифасини бажарувчи қилсимон ипчалар. Сув ҳамда озиқ моддаларни шимиш ва субстрат (тупроқ, тошлар)га ёпишиб ўсиш учун хизмат қилади.

РИЗОКТОНИОЗ — қ. *Илдиз чириши.*

РИЗОСФЕРА (юн. rhiza — илдиз ва *сфера*) — ўсимлик илдизларини бевосита ўраб турадиган тупроқ қатлами. Тупроқнинг бошқа қатламларига қарағанда Р. микроорганизмларга бой бўлганидан, унда тупроқ жараёнлари кучлироқ кечади. Р. *микрофлорасининг* таркиби тупроқ типи, экологик шароитлар ва ўсимлик ёшига боғлиқ. Ўсимликлар илдизлари орқали Р.га турли моддалар (қанд, органик кислоталар, алкалоидлар, фитонцидлар) чиқади ва бу ажратмалар Р. микроорганизмлари учун озуқа бўлади, тупроқ нордонлигини ўзгартиради ва б. (яна қ. *Илдиз*).

РИЗОУДДИН ибн ФАХРУДДИН, Фахретдинов Ризо (1859.4.1, Самара губерняси, Бугульма уезди — 1936.11.4, Уфа) — маърифатпарвар, адиб, шарқшунос, диний арбоб. Асосан, туркий тилда ёзган. Илк йирик асари — «Китоб ат-тасриф» («Морфология ҳақида китоб»), Қозонда нашр қилинган (1887). 1891 й.дан Уфага кўчиб келиб Оренбург мусулмонлари диний кенгашида қози бўлиб ишлаган (1906—22). Россиянинг ички қисми ва Сибирь мусулмонлари Марказий диний бошқармаси муфтийси (1922—32). Россия ва б. мамлакатлардаги мусулмонлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни кучайтириш учун интилган, Ғарбнинг мустамлакачилик сиёсатига қарши курашган. 1906—17 й.ларда 50 га яқин китоби нашр қилинган. Оренбургда нашр этилган «Вақт» газ. (1906—08) муҳаррир ўринбосари ва «Шўро» жур. (1908—18) муҳаррири. Унинг асарлари 20-а. бошларидаёқ Туркистонда кенг тарқалган.

Ас.: Тарбияли хотун (Т., 1991). Тарбияли она. Тарбияли ота. Тарбияли бола. Қозон, 1898; Ақлу аёл. Т., 1994.

Ад.: Творчество Ризы Фахретдинова: исследование, материалы. Уфа, 1988.

РИЗОШОҲ ПАҲЛАВИЙ (1878.16.3, Мозандарон — 1944.26.7, Йоханнесбург) — Эрон шоҳи (1925—41). Паҳлавийлар сулоласи асосчиси. Дастлаб Эрон казак бригадасида ҳарбий мансабдор. 1921 й. 21 февр.да мазкур бригада Р.П. бошчилигида давлат тунтарини уюштирган. 1921—23 й.ларда ҳарбий вазир. 1923 й. окт. — 1925 й. дек.да бош вазир. Қожарлар сулоласи тугатилгач, 1925 й. 12 дек.да тахсис мажлиси Р.П.ни Эрон шоҳи деб эълон қилган. Р. П. даврида демократик ташкилотлар ва матбуот қаттиқ таъқиб остига олинган. 30-й.ларнинг ўрталарилан фашистлар Германияси б-н яқинлашиши сиёсатини олиб борган. Совет ва инглиз қўшинлари Эрон ҳудудига кириши б-н (1941 й. авг.) тахтдан воз кечиб, мамлакатини тарк этган. ЖАРда вафот этган.

РИЗОҚУЛИХОН Ҳилоят (1800.8.6 — 1871.30.6) — тарихчи, дипломат, шоир. Эрондаги дастлабки лицейнинг олий мактаб — дорилфунун директори (1851—64). Хивага юборилган элчилар раҳбари (1851), элчихона ҳақида китоб ёзган. Унинг энг йирик асари «Равзат ус-сафойи Носирий» («Носирининг поклик боғи») бўлиб, тарихчи *Мирхонд* ва *Хондамир* асарларининг давоми ҳисобланади. Асарда Эроннинг 16-а.дан 19-а.нинг 60-й.ларигача бўлган тарихи баён этилган.

РИКАРДО (Ricardo) Давид (1772.19.4, Лондон — 1822.11.9, Глостершир графлиги) — инглиз иқтисодчиси, *классик иқтисодий мактаб* намондаси. Дастлаб 1793—1812 й.ларда тижорат ишлари б-н шуғулланиб катта бойлик орттирди, кейинчалик илмий фаолият б-н шуғулланди. 1819—23 й.ларда Англия парламентининг аъзоси. Р.нинг илмий ишлари иш ҳақи, фойда ва рента масалаларига бағишланган. Унинг иқтисодиёт фанидаги тарихий ўрни, биринчи навбатда, капитализмнинг иқтисодий муносабатларини қийматнинг меҳнат назарияси нуқтаи назаридан тадқиқ этишни бошлаб берганлигидан иборат. Р. товар қийматининг ягона манбаи ишчининг меҳнати бўлиб, аҳолининг даромадлари — иш ҳақи, фойда, фоиз, ренталар шу товар қийматига асосланади, деб қаради. Р. «Сиёсий иқтисол ва солиққа тортиш асослари» (1817) асарида ишчининг иш ҳақи б-н соҳибкорнинг фойдаси ўртасидаги нисбатнинг тескари пропорционаллигини асослаб, ишчи ва капиталист иқтисодий манфаатларининг ид жамлигини кўрсатади. Р. шуғулланган асосий масалалардан бири — яратилган ижтимоий маҳсулотнинг асосий 3 синф — саноатчилар (фонда), ишчилар (иш ҳақи), ер эгалари (рента) ўртасидаги тақсимоти муаммоси бўлган. Р. рента назариясини асослаб берди. Р. назария ва амалиетда эркин савдо тарафдори бўлган. Р. Англиянинг ташқи алоқалари унинг иқтисодиётида катта роль ўйнашини алоҳида ўрганди. У биринчилардан бўлиб аирим товарларни и.ч.нинг эмас, балки мамлакатлар ўртасида халқаро меҳнат тақсимоти ва иқтисослашувининг аҳамияти катта эканлигини кўрсатди, ташқи савдода қиёсий афзалликлар назариясини асослаб берди.

Ас.: Сочинения. т 1—5. М., 1961.

Ад.: Раззоков А., Тошматов Ш., Урмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Т., 2002.

РИККЕТСИЙЛАР (Rickettsiaceae) — бактериялар оиласи. Қовли тоғлар догли иситма касаллиги қўзғатувчисини илк бор аниқлаган америкалик микробиолог Х. Т. Риккетс номи б-н аталган. Одатда, шарсимон ёки таёқчасимон шаклда, ўлчами 0,2—0,6 мкм, ҳаракатсиз, грамманфий; 2 марта бўлиниш орқали кўпаяди; спора ҳосил қилмайди. Бўғимоёқлилар ва иссиқ қонлилар, жумладан, одам организми ҳужайралари ичида паразитлик қилади. Шим. Осиёда одам ва ҳайвонларда тошмали терлама, қовли тоғлар догли иситмаси, қана риккетсиози, Ку иситмаси ва б. касалликларни қўзғатади.

РИККЕТСИОЗЛАР, бактериясимон микроорганизмлар — риккетсиялар қўзғатадиган ўткир юқумли касалликлар. Ҳайвонлар, қон сўрувчи ҳашаротлар (бит, бурга, кана) ва одамда учрайди. Р.га эпидемик тошмали терлама, Ку иситмаси, окоп иситмаси ва б. киради.

Риккетсиялар микрометр улушларидан тортиб, бир неча микрометргача катталикда бўлади. Шакли шарсимон, ипсимон, калта ёки узун таёқчасимон бўлиши мумкин. Риккетсиялар турли хил ҳашаротлар (бурга, бит ва каналар) организмида паразитлик қилади.

Р. қон орқали ўтадиган юқумли касалликлар гуруҳига киради. Р.нинг қўзғатувчилари касал одам (ҳайвон) қони ва лимфасида муайян вақтгача айланиб юриб, ундан қон сўрувчи ҳашаротлар (бурга, бит) ва каналар орқали соғлом киши қонига ўтади, ҳашаротлар риккетсияларни фақат нажаси ёки сўлак безлари секрети орқали ажратади. Айрим ҳолларда, мас., Ку иситмада Р. қорамол сути ва сийдиги орқали юқади.

Табиий шароитда Р. турли хил ёввойи сут эмизувчилар (асосан, кемирувчилар)да учрайди, булардан (риккетсияларининг қонда айланиб юриши давридаёқ) бурга ва каналар касалликни юқтиради. Одамга касаллик кана қонини сўрганида, риккетсиялар бит, бурга, кана нажаси орқали зарарланган терига (мас., терини қашиганда) ёки чанг б-н шилдиқ пардаларга тушганида юқади. Р. орасида эпидемик тошмали терлама ва окоп иситмаси антропоноз касалликдир, булар б-н кўпроқ одам касалланади. Уларнинг қўзғатувчиси бемор қонидан касаллик тарқатувчи (битлар)га қон сўрганида ўтади, улардан эса бошқа кишиларга тарқалади. Қолган Р. — зооноз касалликлардир. Бунда одамга касаллик касал ҳайвонлардан риккетсиялар ўтган бурга ёки каналар чаққанда юқади.

Касаллик тўсатдан бошланади, бемор иситмалайди, боши ва мускуллари оғрийди ва баданига тошма тошади. Қон томирларининг деворлари, шунингдек, марказий нерв системаси зарарланади.

Бемор касалхонада даволанади. Р.нинг олдини олиш учун қон сўрувчи ҳашаротлар (кана, бит, бурга) ва кемирувчиларга қарши кураш олиб борилади лозим.

РИЛЬСКИЙ Максим Фадеевич [1895.7(19).3 — Киев — 1964.24.7] — украин шоири, олим ва жамоат арбоби. СССР ФА (1958) ва Украина ФА (1943) акад. Украина Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви раиси (1943—46). Украина ФА Санъатшунослик, фольклор ва этнография ин-ти директори (1944—64). Илк шеърлар китоби — «Оқ оролларда» (1910). Шеърий тўпламларида халқлар дўстлиги, ватанпарварлик ғоялари акс этган («Кузги қолдузлар остида», 1918; «Чорраҳада», 1929; «Менинг Ватаним», 1936; «Узум йиғиши», 1940 ва б.). «Марина» шеърий қиссасида (1933) қул аёл образи яратилган. «Она Ватан учун» (1941), «Асл қурол» (1942) шеърий тўпламлари ва «Ёшликка саёҳат» достони (1944) уруш мавзуида. «Кўприклар» (1948), «Гуллар ва узум» (1957), «Олис уфқлар» (1959), «Турналар галаси» (1960), «Тўрғай қўланкаси» (1961), «Қишки хотиралар» (1964) ва б. асарлар муаллифи. А. С. Пушкин, М.Ю. Лермонтов, А. Мицкевич, Ю. Словацкий ва француз классикларининг асарларини украин тилига таржима қилган.

РИМ, Қадимги Рим — қад. давлат. Ривоятга кўра, Р. шаҳрига ака-ука Ромул ва Рем томонидан мил. ав. 754/753 й.да асос солинган. Ривоятларда 8 — 6-а.ларда ҳукмронлик қилган 7 подшоҳ қайд этилган. Сўнгги подшоҳ Тарквиний Такаббур қувилгач, республика тузуми ўрнатилган (мил. ав. 510/509 й.). Мил. ав. 3-а. ўрталарига келиб, бутун Италия ҳудудини тобе этган Р. йирик давлатга айланган. У Ўрта денгиз ҳавзасида гегемон бўлишга интилган, бу Р.ни *Карфаген* б-н тўқнашувига сабаб бўлган. *Пуни урушларидан* сўнг мил. ав. 146 й. Карфаген устидан галаба қозонган Р., Ўрта денгиз ҳавзасининг энг йирик давлатига айланган. Йирик ер эгалиги ва қулчиликнинг ривожланиши деҳқонлар оммасини хонавайрон бўлишига, қашшоқ камбағаллари, қуллар қўзғолонининг авж олишига *(Спартак қўзғолони)* сабаб бўлган; Рим ш. кўчаларида фуқаролар уруши бошланиб кетиш хавфи туғилган. Р.нинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида мил. ав. 1-а.да армия ва унинг йўлбошчилари (Л. К. Сулла, Г. Марий, Г. Помпей ва б.) катта роль ўйнай бошлаганлар. 49—45 й.лардаги фуқаролар уруши даврида *Цезарь* давлатининг мутлақ ҳукмдорига айланган; 44 й. республика тарафдорларининг фитнаси натижасида Цезарь ўлдирилган. Фуқаролар урушининг янги даври Октавиан галабаси б-н тугаган. У мил. ав. 27 й. сенатдан Август унвонини олган. Август ҳукмронлиги давридан бошлаб Р. империяга айланган. Мил. 2-а.да Траян даврида империя сарҳадлари ўзининг юқори чўққисига етган. Босиб олинган ерларда маҳаллий аҳолининг қўзғолонлари, айни вақтда варварларнинг мамлакат ҳудудига бостириб киришлари бир қанча провинцияларни мустақил бўлиб ажралиб чиқишига ва империяни Шарқий ва Ғарбий қисмларга бўлиниб кетишига (395) олиб келган. 476 й. герман ёлланма аскарлари сардори Одоакр Ғарбий Рим империясининг сўнгги императори Ромул Августулни тахтдан ағдарган. Шарқий Рим империяси Византия номи б-н яна 1000 й.га яқин мавжуд бўлган.

Рим императорининг шахсий гвардияси (Париж, Лувр).

2-а.нинг 60-й.ларида грамматика, риторика мактаблари ниҳоятда кенгайди. Мил. 1-а.да қизлар учун грамматика мактаблари ташкил топди. Риторика мактабларида 13—19 ёшдаги болалар ўқитилди. Бу мактаблар, асосан, нотиқлик санъатини ўргатар эди. Мактабларда ҳуқуқ, фалсафа, тарих, шеъриятдан таълим берилар эди. 2-а.дан ҳуқуқшунослик гуруҳлари ташкил топди. Император Марк Аврелий даврида (2-а.) Афинада олий мактаблар ташкил этилди. Бундай мактаблар кейинчалик Римнинг ғарбий вилоятларида ҳам вужудга келди. Республика даврида таълим хусусий тарзда олиб борилди, унга давлат аралашмади, бироқ империя даврида у назорат остига олинди. Ўқитувчилар давлат хизматчилари бўлиб, маош оладиган бўлдилар. 362 й.дан бошлаб ўқитувчиларни император тасдиқлади.

Маданияти. Р. шаҳар-давлатдан йирик Ўрта денгиз давлатига айлангун-

Рим легионлари (барельеф).

Тарбия ва маориф. Қад. даврларда болалар оилада тарбияланган. Мил. ав. 5-а.да ибтидоий мактаблар вужудга келган. Болалар мактабга 7 ёшдан қабул қилиниб, 4—5 й. ўқитилган. Ўйин ва мактабдаги лотин, юнон тиллари, ёзиш, ўқиш, ҳисоб ўргатилган. Болалар дастлаб хонадонларда ўқитувчи ёллаб ўқитилган, кейинчалик мактабларда таълим беришнинг янги тизими шаклланди. Мил. ав.

Римдаги Адриан мақбараси (139).

ча мураккаб тараққиёт босқичларини босиб ўтди. Афина, Искандария, Пергам ва б. юнон илмий ва маданий марказлар ҳам шу давлат таркибига кириб, этруск, юнон, шунингдек, эллинизм даври маданиятлари таъсирида бойиди.

Дин ва мифология. Қад. римликлар жуда кўп худоларга эътиқод қилганлар, турли нарсаларнинг, мас., булоқ, ўрмон, дарахт, жойларнинг ва экинларнинг илоҳий ҳомийси — маъбудаси мавжуд деб ишонганлар. Бу маъбуда ва ҳомийлар дастлаб қиёфасиз, кейинчалик этруск ва юнон динлари таъсирида инсон қиёфасида тасвир этилган. Уларга қурбонлик қилиб турилган (мас., ҳосилни оширишни сўраб сигир қурбонлик қилинган). Ибтидоий динларга эътиқод қилган кишилар чакалакзор, тоғ, майдонларда ибодат қилганлар (шу ерларда меҳроблар ишланган). Ибодатхоналар қуриш одати римликларга этруслардан ўтган. Марс (дастлаб дала ва ҳосил худоси, кейинчалик — уруш худоси), Диана (юнонларда — Артемида; ов маъбудаси), Венера (боғ, ҳосилдорлик маъбудаси, кейинчалик — Афродита — муҳаббат ва гўзаллик маъбудаси), Фортуна (қисмат маъбудаси), Ферония (ер маъбудаси) каби худо (маъбудалар)га умуммиллий халқларининг худолари деб қаралган. Айрим худоларга маълум табақалар, маълум касб эгалари кўпроқ эътиқод б-н қараганлар. Мас., чавандозлар Нептунга, савдогарлар Меркурийга, қуллар Дианага кўпроқ эътиқод қилишган. Юнон маданияти таъсирида кўпгина диний урф-одатлар тарқалган. Мил. ав. 3-а.да ер ости худолари шарафига ҳар 100 йилда бир марта ўйинлар, ҳар йили эса экин худоси Сатурн шарафига дала ишлари тугагандан сўнг декабрь байрам ўтказилган. Мил. ав. 2-а. охири — 1-а.ларда Исида (қад. мисрликларнинг ҳосилдорлик ва оналик маъбудаси), Осирис (қад. мисрликларнинг ўсимлик, ой, Нил сувлари худоси, шунингдек, нариги дунёнинг подшоси деб ҳам эътиқод қилинган) каби Шарқ маъбудаларига ҳам эътиқод қилина бошланди. Мил. ав. 1—мил. 1-а.лардан ҳукмронлик қилаётган ва илоҳийлаштирилган марҳум императорларга сиғиниш жорий қилинди. Қуллар ва камбағаллар расмий худолардан ташқари кўпроқ меҳнат аҳли раҳнамоси деб билган Пан (чўпонлар ҳомийси, чорвачилик худоси), Сильван (ўрмон, дала худоси) каби худоларга ибодат қилишарди. Аста-секин Шарқ худоларига эътиқод ва ишонч кучайди. Шу тарзда Р. динлари тушкунликка учраб, 4-а. охирларида император Феодосий I, турли маъжусий урф-одатларни ман қилди, шу б-н Р. динлари барҳам ели.

Фалсафаси. Эллинизм даври Юнонистон фалсафаси таъсирида ривож топди. Р. фалсафасининг илк даври полис мафкурасининг инқирози б-н боғлиқ бўлиб, бу пайтларда тафаккур дин ва мифологиядан халос бўлди (мил. ав. 3—1-а.лар). Кар Лукреций (мил. ав. 99 —55)нинг «Нарсаларнинг табиати ҳақида» поэмасида Эпикур (мил. ав. 342—270) таълимотини ёқлади, атомистик материализмни шеърий шаклда тавсифлади, майда зарралар — атомлардан ташкил топган олам ҳамиша ҳаракатда деб таъкидлади, унинг бу асари материализм ривожида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Империя вужудга келган давр (мил. ав. 1-а. — мил. 1-а.)да империя ва император шахсияти илоҳийлаштирилди, 4—5-а. файласуфлари Платон ва Аристотель асарларини ташвиқ қилдилар.

Табиий - илмий қарашлар. Р. республикаси даврининг лотин илмий адабиёти ёлғизликлари жуда ҳам кам. Мил. ав. 1-а.да Аристотель асарларига шарҳлар яратилган. 1-а. охирларида астрономия ва математикага қизиқиш ортган. Птолемейнинг машҳур «Альмагест» асарида (2-а.) оламнинг геоцентрик системаси баён этилди. Шарқда астрология кенг тарқалган. Диафантнинг «Арифметика» (тахм. 3-а.), 3—4-а.ларда Папп Александрийскийнинг «Математика тўплами» асарлари машҳур бўлган. Илмий-техника адабиётлари, асосан, қ.х., ветеринария, ҳарбий техникага бағишланди. Мил. ав. 1-а. охирида Витрувийнинг «Архитектура ҳақида 10 китоб» асари шуҳрат қозонди. Ҳарбий техника соҳасидаги бой тажриба: лагерь ва қалъалар қуриш масалалари адабиётларда ёритилди. Тиббиёт б-н боғлиқ равишда ботаника ривож топди. Диоскориднинг 600 доривор ўсимлик ҳақидаги баёни ўрта асрларда ҳам кенг фойдаланилди. Врач, анатом, физиолог Гален бутун Европада тиббиёт ривожида катта роль ўйнади. Илмий адабиётлар қизиқарли қилиб бадиий ёзилганлиги б-н ҳам диққатга сазовор. Р. давлатининг ҳудудий ўсиши мил. ав. 3—1-а.ларда геогр. билимлари тараққиётига имкон берди. Император Август даврида жаҳоннинг катта географик харитаси ишланди. Мил. ав. 37-йил 1-январда кутубхонаси ташкил қилинди, империянинг охирги асрида уларнинг сони 28 тага етди.

Ҳуқуқ фани. Қадимги Р.да мил. ав. 3-а. ва мил. 3-а.ларда ҳуқуқ кенг ривож топиб, қонунлар яратишда юристлар катта роль ўйнадилар. 1—3-а. ларда турли ижтимоий табақаларнинг қарашларини акс эттирган 2 ҳуқуқ мактаби — республика тузуми тарафдорлари б-н *принципат* тарафдорлари ўртасида қураш давом этди, бу ноаҳиллик суд ишларига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Августдан бошлаб императорлар йирик юристларни ҳал қилувчи овозга эга қилиб, юридик консультацияларни уларга топширдилар. Император хизматида бўлган бу юристлар ўз навбатида императорларнинг чексиз ҳуқуқларини қимоя қилдилар (яна қ. *Рим ҳуқуқи*).

Тарих фани ривожи йилнинг муҳим воқеалари тавсифланган *анналлардан* бошланади. Мил. ав. тахм. 130-йилда анналлар 80 китобдан иборат бўлиб «Катта анналлар» номи б-н тайёрланган. Илк тарихчилар анналчилар деб аталган. Дастлабки етук тарихчи Полибий (мил. ав. 2-а.) Юнонистон, Македония, Кичик Осиё, Сурия, Карфаген ва Римнинг 40 китобдан иборат тарихини яратди. Тит Ливийнинг «Рим тарихи», Юлий Цезарнинг Галлия урушлари, фуқаролар уруши ҳақидаги китоблари, Саллюстий, Корнелий Непот (мил. ав. 1-а.) каби саркардаларнинг кўп сонли биографик асарлари маълум. Империя даврида Корнелий Тацит (1—2-а. бошлари) баний-дидактик руҳдаги «Анналлар» ва «Тарих» (Августнинг вафотидан Домицианнинг вафотигача, 14-йдан 96-йгача бўлган воқеалар) номли асарларини яратди. 2-а. бошларида тарихий-биографик жанр ривожланди. Плутарх, император Адрианнинг котиби бўлган Светонийлар атоқли кишиларнинг биографикларини яратдилар. Юнон тарихчиларидан Аппиан (2-а.нинг 2-ярми) Римдаги фуқаролар уруши тарихини, Дион Кассий қад. даврлардан 229-йгача бўлган Р. тарихини яратдилар. Антик даврнинг сўнгги йирик тарихчиси Аммиан Марцеллин (4-а.) император Юлиан даври тарихига оид асарлари б-н машҳур. Империянинг сўнгги даврида христиан тарихчилиги вужудга келди.

Лукеор (Мисрдаги Адриан ибодатхонаси.

Адабиёт и нинг энг қад. намуналари (мил. ав. 5—4-а.лар) сақланмаган. Кейинги маълумотларга қараганда у даврларда шеърият (ибодат, никоҳ қўшиқлари, марсиялар) асосий ўрин эгаллаган. Мил. ав. 2-а. охирларидан Р. лирикасининг илк асарлари майдонга келди. Шу даврларда яратилган асарлардан Плавт ва Теренций комедиялари тўла сақланган. Цицерон фаолияти Р. адабиёти услубининг шаклланишида муҳим роль ўйнади. Лукреций, Катулл муҳаббат ва дўстлик мавзуларидаги шеърлари б-н танилдилар. Империянинг равнақи ва инқирози даври (1—3-а.)да Рим маданияти Юнон маданияти б-н параллел, лекин мустақил ривожланди. Бу даврда Овидий «Муҳаббат илми», «Метаморфозалар» каби ўлмас асарлари б-н Р. адабиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Адабиёт янги услублар б-н бойиди. 4—5-а.ларда христиан адабиёти ривожланди.

Театр санъатининг вужудга келиши ҳосил байрамлари тантаналари б-н боғлиқ. Мил. ав. тахм. 33-йларда халқ ҳажвий томошалари вужудга келган. Бундай томошалар — ателланалар кўпинча 4 доимий персонаждан иборат бўлиб, дастлабки пайтларда ниқоб кийган ёшлар, кейинчалик профессионал артистлар ижросида намойиш қилинган. Мил. ав. 240 йларда юнон оригиналлари асосида илк драмалар, кейинроқ юнон муаллифларининг трагедия, комедиялари саҳналаштирилган. Мил. ав. 2—1-а. бошларида қуйи табақаларга мансуб Р. фуқароларининг ҳаёти акс эттирилган томошалар кўрсатила бошлади. Илк тош театр бинои мил. ав. 55—52-йларда қурилди. Артист-лар озод қилинганлар ва қуллардан иборат бўлиб, труппаларга уюшган. Эркаклар аёл ролларини ҳам бажаришган. Республиканинг сўнгги асрида трагик актёр Эзоп ва комик актёр Росций шуҳрат қозонган. 1—2-а.ларда рақслар саҳналаштирилди, сиёсий воқеаларга оид томошалар ҳам кўрсатила бошлади. Аста-секин маиший кичик кўринишлар мукаммал сюжетли спектакларга айлана борди. Цирклларда томошалар, амфитеатрларда гладиаторларнинг жанглари б-н бир қаторда овчиларнинг ҳайвонлар б-н олишувлари, оммавий ов лавҳалари, денгиз жанглари ва б. ҳам кўрсатила бошлади. Империя даврида бадиий драмалар ўрнига қон тўкиладиган томошаларга иштиёқ кучайди. Р. театри, айниқса, драматургияси жаҳон театри ва драматургияси ривожига катта ҳисса қўшди.

Мусиқаси. Эллинизм маданияти таъсирида ривожланган Р. мусиқасида тантанавор (галаба б-н боғлиқ), тўй, зиёфат, диний-маросим қўшиқлари бўлган. Империя даврида пойтахтга кўп мамлакатлардан ижрочилар (юнон, суриялик ашулачи, андалусиялик раққослар ва ҳ.к.) тўпланган. Р.да пуфлама созлардан тибия (лот. авлос), букцина, туба ва б., торли созлардан кифара, арфа типидаги псалтериум тригонон (учбурчак арфа), самбика, лира турларидан барбитос, пектис, магадис, урма созлардан кимвол ва б., шунингдек, гидравлос бўлган. Қад. Р. чолғу мусиқаси ривожида театр жанри — пантомима муҳим роль ўйнаган. Цирк ва театр актёрлари катта хор ансамбллари, оркестрлар жўрлигида чиқишган. Ҳарбий легионларнинг пуфлама созлар оркестр-лари бўлган. Шоир, ашулачи ва созандалар мусобақалари ўтказилган.

Архитектураси, тасвирий ва амалий-безак санъати. Р. диний маданиятнинг сўнгги, якунловчи даври ҳисобланади. Р.да архитектура, ҳайкалтарошлик ва рассомлик санъатида реализм кучайди, уларда Юнонистон санъатидагидек афсона (миф)лар эмас, тарихий шахслар, воқеалар кўпроқ акс эттирилди. Р. санъатининг қад. даврида Этрурия санъатининг таъсири кучли бўлди. Пуни урушлари ва охирги республика даври (мил. ав. 3—1-а.лар) санъатида Буюк Юнонистон (Жан. Италия) ва римликлар истило қилган шарқий юнон шаҳарлари санъати б-н уйғунликда ривож топди. Бинолар улутвор қурилди, турар жойлар табиатга яқинлаштирилиб барпо қилина бошлади (айниқса, шаҳардан ташқаридаги виллалар), мил. ав. 2-а.дан бошлаб бетондан фойдаланилди, бу бинолarни арзон ва тез қуришга, шаклдари турли-туман бўлишига имкон берди. Мил. ав. 2—1-а.ларда томошахоналар, театрлар такомиллаштирилди, томошабинлар ўтирадиган жойлар галерея, зинапоялар б-н саҳнадан, томоша кўрсатиладиган майдан ажратилди.

Тасвирий санъатда мил. ав. 3—1-а.ларда портрет ҳайкал ривож топди, шаҳарлар расмий кишилар ва қаҳрамонларининг ҳайкаллари б-н безатилди. Республика даврида тарихий мавзуларда рельефлар кўп ишланди, монументал безак рассомлиги, мозаика, қимматбаҳо тошларни бадиий ишлаш санъати юксалди. Қадимги Р. меъморлигининг юксак равнақи империя гуллаб-яшнаган даврга тўғри келади. Биноларнинг монументаллигига (аркалар, тоқли, гумбазли бинолар) аҳамият берилди, иморатлар ҳайкалтарошлик, рассомлик санъати асарлари б-н жозибадорлаштирилди. Архитектура император шахсиятини улуғлашга ва империя қудратини кўз-кўз қилишга хизмат қилди

«Денгиз театри» — Тиволи яқинидаги Адриан вилласининг бир қисми (125—135).

Рим императори Септимий Северинг қамоми (терма).

(Р.да Август форуми, мил. ав. 1-а. охири ва мил. 1-а. бошлари). 1-а. ўрталарида саройлар ўта ҳашамдор қилиб қурилди. Улкан гумбазли Пантеон каби улуғвор бинолар, йирик амфитеатрлар бунёд этилди. Императорлардан Траян даврида ҳайкалларда қаҳрамонлик кўпроқ ифодаланган бўлса, Адриан ва Антонин ҳукмронлиги йилларида образларда психологик теранлик кўзга ташланди. Безак рассомлигида енгил нақшлар, кичик сюжетли расмлар ишлашга кўпроқ аҳамият берилди (63-й.гача), кейин мураккаб архитектура композициялари кўпроқ акс эттирилди. 2-а.дан оқ-қора тош мозаикаси кенг тарқалди. Империя даврида амалий безак санъатида металлни бадиий ишлаш, қизил сирли сопол идиш ва буюмлар, шиша буюмлар тайёрлаш авж олди. Империя тушкунликка учраган давр (3—4-а.ларда вилоятларда янги форумлар, йирик ибодатхоналар кўплаб қурилди. Қадимги Р. анъаналари Р. қурилишларида ривожлантирилди. Ҳайкалтарошликда шартлилик кенг ўрин ола бошлади. 3—4-а.ларда миниатюра (юпқа зар қоғозга ишлаб 2 қават шиша орасига

ўрнатиладиган) портретлар ишлаш, христиан афсоналари акс эттирилган сюжетли рельефлар б-н безатилган мармар саркофаглар тайёрлаш санъати ривож топди.

Ад.: Сергеенко М., Жизнь Древнего Рима, М. — Л., 1964; Немировский А. И., Изобразительная культура раннего Рима, Воронеж, 1964; Утченко С.Л., Кризис и падение Римской республики, М., 1965; Соколов Г., Искусство Древнего Рима, М., 1971; Алимухамедов А., Антик адабиёт тарихи, Т., 1975.

Муҳаммаджон Раҳмонов, Абдухалил Маҳмудов.

РИМ — Италиянинг пойтахти. Рим провинцияси ва Лацио вилоятининг маъмурий маркази. Р.нинг ғарбий қисмида *Ватикан* шаҳар-давлати жойлашган. Р. — дунёда энг қад. ва тарихий ҳамда маданий ёдгорликларга бой шаҳарлардан бўлиб, «мангу шаҳар» номини олган. Шаҳар вулканик келиб чиққан сертепа текисликда. Тибр дарёсининг ҳар икки соҳилида, унинг Тиррен денгизига қуйилиш ерида жойлашган. Иқлими Ўрта денгизга хос иқлим, январнинг ўртача т-раси 6,8°, июлники 26°. Йиллик ёғин 500 мм дан энёл (асосан, кузда ёғади). Қишда совуқ трамонтана, ёзда қуруқ ва иссиқ сирокко шамоллари эсади. Р. — Италиянинг аҳолиси энг кўп шаҳри, 2,4 млн. киши (2001). 19-а.гача аҳолиси секин кўпайган, 1871 й.да Р. Италия қироллиги пойтахти деб эълон қилингач, аҳоли тез суръатларда ўсди.

«Р.» номи шаҳарнинг афсонавий асосчиларидан бир бўлган Ромул номи б-н боғлиқ. Қад. манбаларга асосан Р.га мил. ав. 754—753 й.ларда асос солинган. Кичикроқ шаҳар-давлат ҳисобланган Р. Апеннин я.о., кейинроқ атрофдаги ҳудудларни секин-аста ўзига бўйсундирган ҳолда Ўрта денгиз бўйидаги улкан Қад. Рим давлатининг пойтахтига айланди (қ. *Рим*, Қадимги Рим). Антик Р. йирик шаҳар бўлиб, ўзининг жуда кўп ибодатхона, сарой, йўллари ва ҳ.к. б-н машҳур бўлган. Константин I томонидан пойтахтнинг Константинополь ш.га кўчирилишига (330 й.) боғлиқ равишда Р. ўзининг аввалги сиёсий мавқеини йўқотди. Шаҳар Византия б-н остготлар ўртасидаги урушда айниқса вайрон қилинди. 552 й.дан Р. Византия ҳукмронлиги остига ўтди. 568 й.дан 8-а. ўрталаригача шаҳарни рим епископлари — папалар бошқардилар. 756 й.дан Папаликнинг пойтахти бўлиб, шаҳар Ғарбий Европанинг сиёсий-динни марказига, Рим папаларининг қароргоҳига айланди. Ўрта асрлар давомида Р. учун Папа ҳокимияти ва «Муқаддас Рим империяси» императорлари ўртасида кураш давом этган. 11—12-а.ларда Р.да вайрон этилган антик бинолар ўрнида қасрлар, черков қурилишлари бошлаб юборилди. 1143 й.да Папа ҳокимиятига қарши қўзғолонлар натижасида Р.да республика ўрнатилди. Ўрта аср Р.нинг ҳаёти унинг католик дунёси маркази булганлиги б-н бевосита боғлиқ бўлган. Бу ерда «Муқаддас Рим империяси» императорларига тож кийдириш маросимлари ўтказилган. 1309 й.да Папалар қароргоҳининг Р.дан Авинъон ш.га кўчирилишига боғлиқ ҳолда шаҳарда савдо-ҳунармандчилик ривожланиб борди. 15—16-а.ларда Уйғонини даврига келиб Р. янада равнақ топди. Р.даги кўплаб рассом, меъмор ва б. ижод аҳлининг фаолияти айнан шу даврб-н боғлиқ. 1798—99 й.ларда 1-Рим республикасининг, 1848—49 й.ларда Рим республикасининг маркази. 1871 й. 26 январдан Р. — Италия қироллиги пойтахти. 1943—44 й.ларда немис фашистлари қўшини Р.ни босиб олди, 1944 й.да улардан озод қилинди. 1946 й.дан Италия Республикаси пойтахти.

Р. — мамлакатнинг муҳим саноат, молиявий, илмий ва маданий маркази. Италияда энг йирик транспорт йўлларининг тутуни. Халқаро аҳамиятга эга 2 та аэропорт бор. Метрополитен қурилган (1927—38). Саноатнинг етакчи тармоғи — машинасозлик (асосан, электротехника, радиоэлектроника, приборсозлик). Кимё, фармацевтика, полиграфия, тикувчилик, озиқ-овқат, мебель саноати корхоналари мавжуд. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Р. — кино саноати маркази сифатида ҳам машҳур. Бадиий ҳунармандчилик (керамика, кумуш буюмлар ясаш ва б.) ривожланган. Шаҳарда маъмурий бошқарув ва ҳукумат идоралари, сиёсий

Рим шаҳри. Константин зафар арки.

Рим шаҳри. Авлиё Петр майдони.

партияларнинг бошқарув органлари, йирик банклар, савдо ва сугурта компаниялари, хорижий фирмаларнинг идоралари, халқаро ташкилотларнинг штаб-квартиралари жойлашган. Музейлар, жумладан, Миллий Рим музейи, Ватикан музейлари, Миллий галерея, опера ва драма театрлари, консерватория, астрономия расадхонаси, ун-т (1303), академиялар, илмий муассасалар, кутубхоналар бор.

Меъморий ёдгорликлар шаҳарнинг 3 минг йиллик тарихини, унинг мураккаб ва такрорланмас шаҳар экани лигини акс эттириб туради. Шаҳарнинг ҳашаматли текисликларда жойлашганлиги, баҳайбат иморатлар харобалари ва турли даврларга оид мухташам саройлар, черковлар, фаввора, монументлар ва манзарали ҳайкалларнинг кўплиги, майдонларнинг ранг-баранглиги б-н ҳам у ўзига хосдир. Қад. Рим меъморий ёдгорликлари (*Форум, Колизей, Пантеон*), Уйғониш даври ва барокко услубига мансуб иншоотлар (Канчеллерия, Фарнезина, Барберини палацциолари, Пьяцца, Навон, вилла ва б.) Р.ни безаб туради. 4—6-а.ларда Р.да черков базиликалари, 11—13-а.ларда роман услубига хос иншоотлар қурилди. Уларда кўпроқ роман услуби б-н антик меъморлик тамойиллари уйғунлашиб, италъян роман меъморлигининг ўзига хос хусусиятлари шаклланди. 13—14-а.ларда Р. меъморлигида *готика* услуби намуналари пайдо бўлди. 15-а. Илк Уйғониш даври меъморлиги равнақ топди. 16—17-а.ларда *барокко* услубига хос тамойиллар такомиллашди. Иншоотларнинг кенг кўламлиги ва маҳобатлилиги, серҳашамлигига аҳамият берилди. 18-а. ўрталарида Р. меъморлигида классицизмнинг илк намуналари юзага келди. Кўча ва майдонлар классицизм руҳига мослаб реконструкция қилинди. 20-а. бошларида Р. меъморлигида модернизм таъсири семеъморлигида модернизм таъсири семеъморлигида модернизм таъсири семе

ликка асосланган жамиятнинг мумтоз ҳуқуқи ҳисобланган. Кўпгина мамлакатлар Р.ҳ.дан намуна олганлар.

РИМАН Георг Фридрих Бернхард (1826.17.9, Қуйи Саксония — 1866.20.7, Италия) — немис математиги, физикада нисбийлик назарияси вужудга келишига замин яратиб берган олим; мат.да комплекс ўзгарувчилар функциялари назариясини ривожлантирди ва унда геометрик усулларни такомиллаштирди. Риман сиртлари номли тушунчани фанга киритди. Сонлар назариясида фундаментал натижаларга эришди. Р.нинг тўпламлар назарияси ва ҳақиқий ўзгарувчилар функциялари назарияси яратилишида хизмати катта. Р. топологиянинг асосий гояларини илгари сурди. Р. интеграли тушунчаси тўпламлар ва ҳақиқий ўзгарувчилар функциялари назарияларида катта роль ўйнайди. Р. асарлари 19- ва 20-а.лар математикасининг кўпгина соҳалари ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

РИМАН ГЕОМЕТРИЯСИ, эллиптик геометрия — *ноевклид геометрия*лардан бири. Аксиомалари *Евклид геометрияси*нинг аксиомаларидан фарқ қилади. Уч ўлчовли Р.г.нинг асосий объектлари: нуқта, тўғри чизиқ ва текисликлар; асосий тушунчалари: мансублик тушунчаси (мас., тўғри чизиқнинг текисликка мансублиги), нуқталарнинг тўғри чизиқда жойлашиш тартиби ва фигураларнинг конгруэнтлиги. Р.г.га кўра, ҳар қандай 2 нуқта орқали 1 та тўғри чизиқ ўтади, бир текисликдаги ҳар қандай 2 тўғри чизиқ 1 нуқтада кесишади (яъни Р.г.да «параллел» тўғри чизиқлар мавжуд эмас), нуқталарнинг тўғри чизиқда жойлашиш тартиби айланадиган нуқталарнинг жойлашиш тартибига ўхшаш бўлади. Риман текислигида ҳар қандай 2 тўғри чизиқ бир нуқтада кесишади, сферада эса тўғри чизиқлар ролини ўтайдиган ҳар 2 катта доира 2 нуқтада кесишади; текисликда ётган тўғри чизиқ уни 2 соҳага ажратмайди ва ҳ.к.

Р.г. ҳақидаги маълумот Б. *Риман* томонидан 1854 й. эълон қилинган. Бу энг тўла ўрганилган ноевклид геометриядир.

РИМАН ФАЗОСИ (математикада) — бир хил табиатли нарса ва ҳодисаларнинг ҳар қандай туташ мажмуасини фазо деб қараш гояси. Биринчи марта Б. *Риман* 1854 й.да илгари сурган. Бунда қаралаётган ҳодисани бошқаларидан ажратиб турувчи миқдорлар «фазо»даги нуқта координаталари сифатида қабул қилинади. Мас., кук, қизил, сариқ рангларни олсак, талаб қилинган ранг ўша рангларнинг интенсивлигини белгиловчи x, y, z лардан тузилган қуйидаги формула б-н аниқланади:

$$P=xK+yK+zC.$$

Бундай рангларнинг сони n та бўлса, уларни x_1, x_2, ..., x_n б-н ишоралаб, n ўлчовли фазо тўғрисида гапирилади. Турли ранглар «фазоси» уч ўлчовли Р.ф. деб қаралади. Бу фазода чизиқ тушунчаси ва унинг узунлигини ўлчаш (фазода чизиқ узунлигини ўлчаш сингари) масаласини қараш мумкин.

Бу фазо чизиқлари узунликларини ўлчашда (чексиз) кичик қадамлар усулини қўллаш учун чизиқлари бирор нуқтадан унга чексиз яқин исталган бошқа нуқтагача бўлган масофани аниқловчи қонунни билиш кифоя. Масофалар ўлчашнинг бу қонуни *метрика*ни аниқлаш дейилади. Агар бу қонун *Евклид фазосида*ги узунлик ўлчаш қонунидан ҳеч фарқ қилмаса, энг содда ҳол юз беради, яъни бундай фазо ўзининг «чексиз кичик» соҳасида Евклид фазосидир. Бош-қача айтганда, бу фазонинг чексиз кичик соҳаларидагина *Евклид геометриясининг* қонун-қоидалари рўй беради. Масофалар ана шундай қоида бўйича ўлчанган фазо Р.ф. бўлади, унинг геометрияси эса *Риман геометриясидир*. Ички геометрияли исталган силлиқ эгри сирт Р.ф.га энг содда мисолдир. Сиртнинг ички геометрияси (узунлик, бурчак ва юзни ўлчаш, сиртни эгиш) Риманнинг икки ўлчовли геометриясидир, чунки силлиқ сирт ўзининг ҳар бир нуқтасининг кичик фазо атрофида шу нуқтага уринма текисликдан кам фарқ қилади. Уч ўлчовли Р.ф. кичик соҳаларда Евклид фазоси бўлиб, катта соҳаларда унинг хоссалари Евклид фазоси хоссаларидан фарқ қилади. Мас., уч ўлчовли Р.ф.да қаралган шар устидаги айлана узунлиги унинг радиусига пропорционал эмас, уч-бурчакларнинг йигиндиси 180° га тенг бўлмаслиги мумкин ва ҳ.к.

Риман геометрияси ва *Лобачевский геометрияси* Р.ф.га яққол мисол бўлади.

Р. ф. тушунчаси математиканинг турли соҳаларида, механика ва физикада кенг қўлланилади.

РИМСКИЙ-КОРСАКОВ Николай Андреевич (1844.18.3, Тихвин — 1908.21.6, ҳоз. Ленинград вилояти) — рус композитори, педагог, дирижёр, мусиқа-жамоат арбоби. «*Қудратли тўда*»нинг аъзоси. Петербург консерваторияси проф. (1871 й.дан). «Қор қиз» (1881), «Садко» (1896), «Шоҳ Султон ҳақида эртак» (1900), «Олтин хўроз» (1907) каби операларда ривоят, афсона ва эртакларга кенг мурожаат этиб, халқ орзу ва ниятлари, ҳаётбахш табиат гўзаллигини мадҳ этган. Тарихий мавзуларга асосланган «Псковлик қиз» (1872), «Шоҳ қаплони» (1898) ва б. опералари б-н эркесварлик, халқчиллик гояларини олға сурган, рус мусиқали драмасини юксак погонага кўтарган. Р.-К. — гармония ва оркестрлашнинг моҳир устаси. Шарқ мавзуларидаги «Антар» (1868) ва «Шаҳризода» (1888), «Испанча каприччио» (1887) каби асарларида программали симфоник мусиқа тараққиётига катта ҳисса қўшган. Унинг 2 та «Рус халқ қўшиқлари» тўплами (1877, 1882), «Гармониядан амалий дарслик» (1886), «Оркестрлаш асослари» (1913) ва б. асарлари рус ва жаҳон композиторлик ижодиётига самарали таъсир этди.

РИНГ (инг. ring — доира) — *бокс* тушиладиган квадрат майдонча (6×6 м). Атрофи ҳимоя арқонлари б-н ўралган бўлиб, улар бурчакларидаги устунчаларга тортилади. Поли юмшоқ материал б-н қопланади, сирпанмайди. Бал. 75—125 см. 1838 й.дан Англияда расм бўлган.

РИНГГИТ — Малайзия миллий пул бирлиги. 1967 й.дан муомалага киритилган. 1Р. = 100 сен. Халқаро ифодаси — MYR. Валюталар курси бўйича 1Р. =252 сўм 79 тийин; 1 АҚШ доллари = 3,8 Р. (2003, май).

РИНИТ (юн. rinos — бурун) — қ. *Тумов*.

РИНОЛОГИЯ (юн. rhinos — бурун ва ... *логия*) — *оториноларингологиянинг* бурун анатомияси, физиологияси ва патологиясини, шунингдек, бурун касалликлари, уларни даволаш ва олдини олишни ўрганадиган бўлими.

РИНОСКОПИЯ (юн. rhinos — бурун ва ... *скопия*) — бурун бўшлиғи, девори ва ютқинни кўриб текшириш усули. «Р.» терминини чех физиологи И.Чермак (1860) татбиқ этган. Р.да бурункергич ва пешонага тақиладиган махсус ойнакдан фойдаланилади.

РИО-БЕРМЕХО — Жан. Америкадаги дарё, Парагвай дарёсининг ўнг ирмоғи. Уз. 1600 км, ҳавзасининг майд. 133 минг км². Марказий Анд тоғларининг шарқий ён бағирларидан бошланиб, Гранд Чако текислигидан оқади. Ўртача сув сарфи 340 м³/сек. Пресиденсия-Рока ш.гача кичикроқ кемалар қатнайди.

РИО-ГРАНДЕ, Рио-Браво-дель Норте — АҚШ ва Мексикадаги дарё, 2000 км масофада, яъни Эль-Пасо ш.дан қуйилиш жойигача улар орасидаги чегара вазифасини ўтайди. Уз. 2870 км, ҳавзасининг майд. 570 минг км². Қояли тоғлардан бошланиб, қирғоқчил платолардан, баъзида тор даралардан оқади ва Мексика қўлтигига қуйилади. Ўрта оқимида ўртача сув сарфи 570 м³/сек, қуйилиш ерида 15—20 м³/сек. Сувининг деярли ҳаммаси суғоришга сарфланади. Йирик сув омборлари қурилган. Айрим қисмларида кема қатнайди.

Рио-де-Жанейро шаҳрининг умумий кўриниши.

Рио-де-Жанейро шаҳрининг соҳил қисми.

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО — *Бразилия*нинг жан.-шарқий қисмидаги шаҳар. Атлантика океанининг Гуанабара бухтасининг ғарбий соҳилида. Рио-де-Жанейро штатининг маъмурий маркази. Иқлими тропик иқлим. Янв.нинг ўртача т-раси 26°, июлники 21°. Йиллик ёғин 1000 мм дан ортиқ. Аҳолиси 5,85 млн. киши (2000). Атрофидаги шаҳарлар б-н Катта Р.-де-Ж. агломерациясини ташкил қилади.

Шаҳарга бу ерга илк бор 1502 й. 1 январда келган португаллар томонидан 1565 й.да асос солинган ва Р.-де-Ж. — Январ дарёси деб аталган. Сабаби улар Гуанабара бухтасини номаълум дарёнинг қўйилиш жойи деб ҳисобланганлар. 1531 й.да бу ерда форт қурилган. Узоқ муддат кичикроқ қишлоқ бўлган. 17-а. охиридан шаҳар тез ўса бошлади. 18-а. ўрталарига-ча Жан. Американинг қул савдоси маркази эди. 1763 й.дан Португалия мустамлакаси бўлган Бразилия вице-қироллиги. 1822—89 й.ларда Бразилия империяси. 1889 — 1960 й.ларда Бразилия Федератив республикаси пойтахти. Р.-де-Ж. — мамлакатнинг йирик ташқи савдо портларидан. Четга кофе, шакар-қанд, тери, қимматбаҳо ёғоч, руда, пахта, мева чиқарилади, четдан кўмир, нефть, цемент, машиналар келтирилади. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Муҳим т. й. ва автомобиль йўллари шаҳарни соҳилбўйи ва ички р-лар б-н боғлайди. Р.-де-Ж. — иқтисодий аҳамияти бўйича мамлакатнинг Сан-Паулу ш.дан кейин 2-ўриндаги савдо-саноат маркази. Саноатининг етакчи тармоқлари: озиқ-овқат, фармацевтика, тўқимачилик, кимё, металлургия, полиграфия, электротехника, машинасозлик саноатлари. Нефть кимёси, кемасозлик ривожланган. Ёғочсозлик, мебель, кўн-пойабзал, резина-техника, тикувчилик, заргарлик буюмлари и.ч. корхоналари бор. Р.-де-Ж. мамлакатнинг йирик маданий марказларидан. Бразилия фанлар академияси, Бразилия филология академияси, Тиббиёт миллий академияси, 6 ун-т, миллий кутубхона, расадхона, театрлар, музейлар: миллий, нафис санъат, тарих, Бразилия географияси ва б., ботаника ва ҳайвонот боғлари бор. Меъморий ёдгорликлардан собор, ратуша, черков, ибодатхона, саройлар сақланган. Соҳил бўйида замонавий услубда қурилган отел ва пансионат кўп. Шаҳарда дунёда энг катта Маракананя стадиони қурилган.



Шаҳарда бу ерга илк бор 1502 й. 1 январда келган португаллар томонидан 1565 й.да асос солинган ва Р.-де-Ж. — Январ дарёси деб аталган. Сабаби улар Гуанабара бухтасини номаълум дарёнинг қўйилиш жойи деб ҳисобланганлар. 1531 й.да бу ерда форт қурилган. Узоқ муддат кичикроқ қишлоқ бўлган. 17-а. охиридан шаҳар тез ўса бошлади. 18-а. ўрталарига-ча Жан. Американинг қул савдоси маркази эди. 1763 й.дан Португалия мустамлакаси бўлган Бразилия вице-қироллиги. 1822—89 й.ларда Бразилия империяси. 1889 — 1960 й.ларда Бразилия Федератив республикаси пойтахти. Р.-де-Ж. — мамлакатнинг йирик ташқи савдо портларидан. Четга кофе, шакар-қанд, тери, қимматбаҳо ёғоч, руда, пахта, мева чиқарилади, четдан кўмир, нефть, цемент, машиналар келтирилади. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Муҳим т. й. ва автомобиль йўллари шаҳарни соҳилбўйи ва ички р-лар б-н боғлайди. Р.-де-Ж. — иқтисодий аҳамияти бўйича мамлакатнинг Сан-Паулу ш.дан кейин 2-ўриндаги савдо-саноат маркази. Саноатининг етакчи тармоқлари: озиқ-овқат, фармацевтика, тўқимачилик, кимё, металлургия, полиграфия, электротехника, машинасозлик саноатлари. Нефть кимёси, кемасозлик ривожланган. Ёғочсозлик, мебель, кўн-пойабзал, резина-техника, тикувчилик, заргарлик буюмлари и.ч. корхоналари бор. Р.-де-Ж. мамлакатнинг йирик маданий марказларидан. Бразилия фанлар академияси, Бразилия филология академияси, Тиббиёт миллий академияси, 6 ун-т, миллий кутубхона, расадхона, театрлар, музейлар: миллий, нафис санъат, тарих, Бразилия географияси ва б., ботаника ва ҳайвонот боғлари бор. Меъморий ёдгорликлардан собор, ратуша, черков, ибодатхона, саройлар сақланган. Соҳил бўйида замонавий услубда қурилган отел ва пансионат кўп. Шаҳарда дунёда энг катта Маракананя стадиони қурилган.

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО — *Бразилия*нинг жан.-шарқий қисмидаги штат, Атлантика океани соҳилида. Майд. 43,9 минг км². Аҳолиси 14,4 млн. киши (2000), Маъмурий маркази — Рио-де-Жанейро. Йирик шаҳарлари: Нитерой, Нова-Игуасу, Кампус, Петрополис ва б. Бразилия ясситоғлигининг жан.-шарқида жойлашган. Иқлими тропик, нам иқлим. Ўртача ойлик т-ра 20—26°, йиллик ёғин 1200—1500 мм. Нам тропик ўрмонлар бор.

Р.-де-Ж. Бразилиянинг ривожланган штатларидан. Нефть, кокс, чўян ва пўлат и.ч. бўйича мамлакатда етакчи ўринда. Йирик металлургия, цемент, кимё саноати ривожланган. Кемасозлик ва кема таъмирлаш, тўқимачилик, фармацевтика, ёғочсозлик корхоналари мавжуд. Қ.х.да деҳқончилик етакчи. Кофе ва қанд лавлаги, шунингдек, пахта, маккажўхори, шоли, тамаки, какао, банан экилади. Водийларда гўшт-сут чорвачилиги ва чўчқачилик б-н шуғулланилади.

РИО-КОЛОРАДО (испанча — қизил дарё) — Аргентинадаги дарё. Уз. 1200 км дан зиёд, ҳавзасининг майд. 350 минг км². Анд тоғларининг шарқий ён бағридан бошланувчи Рио-Гранде ва Барранкас дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Патагониянинг шим. қисмидаги чуқур қирғоқчил водийни кесиб ўтиб, Атлантика океанининг Эль-Ринкон қўлтиғига дельта ҳосил қилиб қуйилади. Ўртача сув сарфи 140 м³/сек., баҳор ойларида тошади. Қуйилиш еридан бошлаб 320 км масофада кема қатнайди.

РИО-НЕГРО (испанча — қора дарё) — Аргентинадаги дарё. Патагониянинг шим. қисмида. Анд тоғларининг шарқий ён бағридан бошланувчи Неукен ва Лимай дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Узунлиги Неукен ирмоғи бошланган жойидан 1300 км, ҳавзасининг майд. 146 минг км². Патагониянинг қирғоқчил текисликларидан оқиб ўтиб, Атлантика океанига қуйилади. Ўртача сув сарфи 950 м³/сек. Ёз бошларида тошади. Айрим қисмларида кема қатнайди. ГЭС, сув омборлари қурилган.

РИОНИ — Грузиядаги дарё. Уз. 327 км, ҳавзасининг майд. 13400 км². Катта Кавказнинг Бош ёки Сувайиргич тизмасининг жан. ён бағридан бошланади. Кутаиси ш.гача тоғлар орасидан оқиб, сўнг Колхида пасттекислигига чиқади. Қора денгизга қуйилиш жойида дельта ҳосил қилади. Қор ва музликлар, қуйи оқимида ёмғирдан сув олади. Қуйилиш жойида ўртача сув сарфи 405 м³/сек. Дарёга Рионни, Гумат ГЭСлари қурилган. Р. водийсининг бош қисмидан Осетия ҳарбий йўли ўтган. Р. бўйида Они, Кутаиси, Поти ш.лари жойлашган.

РИОНИ ПАСТТЕКИСЛИГИ — Кавказдаги пасттекислик. Грузиядаги Рионни дарёсининг қуйи оқимида (қ. *Колхида пасттекислиги*).

РИНОФИМА (юн. rhinos — бурун ва phyma — ўсимта, шиш) — бурун терисида ўсимта пайдо бўлиши. Кўпроқ бурун учи ва қанотларида юзага келади. Асосан, 40—50 ёшдаги эркакларда учрайди. Р.га алкоголизм, сурункали меъда-ичак касалликлари ва ташқи муҳитнинг зарарли омиллари — чанг, тез-тез совқотиш ва б. сабаб бўлади. Касалликда бурун учида тўқ қизил ёки кўкимтир-қизғиш, ғадир-будур думалоқ ўсма ҳосил бўлади. Беморни операция қилиб даволанади.

РИСБЕРМА (голландча rijs — чивиқ ва berm — дўнг) — канал ёки дарё ўзанининг сув айиргичдан кейинги мустаҳкамланган сув ўтказилган қисми. Бевосита сув ўзанини ювилиб кетишдан асрайди, кучли сув оқимини кучсизлантиради, унинг тезлигини пасайтиради ва бир маромда тутиб туради. Р.нинг сув айиргичга тақалиб турадиган қисми бетон ва темир-бетон плиталардан қилиниб, ялангланган арматура б-н бириктирилади, шунингдек, ичига шағал тўлдирилган сим тўрлардан ҳам қилинади. Р.нинг орқа қисми *габион*, шох-шабба, тош уюми ва б. воситалар б-н маҳкамланади.

РИСЛИНГ (нем. Riesling). Рейн рислинги — винобоп ўртанавлар узум нави. Рейн дарёси воҳасида халқ селекциясида яратилган қад. навлардан бири. Р. жаҳондаги ток экиладиган барча мамлакатларда тарқалган. Ўрта Осиёда, Молдавия, Украина, Қозоғистон ва Озарбайжонда ҳам экилади. Тупи ўртача ўсади. Баргининг диаметри 14—16 см, юмалоқ, беш бўлмали, туси тўқ яшил, арра тишли, тер томони сийрак тукли. Гули икки жинсли. Ҳосили фақат ҳарорат йиғиндиси 2700—3000° бўлганда 155—170 кунда, ави. бошларида пишади. Узум боши цилиндр-конуссимон, буйи 12—15 см, яни 6—8 см, вазни 100—130 г. Ғужуми ўртача, думалоқ, оч яшил, эти сершира, таркибида 17—19% қанд, 8—9% кислота бор.

Рислинг узум нави.

Ҳосилдорлиги 80—100 ц/га (Ўзбекистон шароитида энг юқори ҳосилдорлик 290 ц/га). Қирғоқчилик ва совуққа бардоши юқори, касаллик ва зараркунандаларга чидами паст. Р. узумидан, умуман, овқат устида ичиладиган енгил оқ винолар, машҳур Рейн ва Модель енгил винолари, Ўрта Осиёда эса кучли ва десерт винолар тайёрланади.

РИСОЛА (араб. — хат, хабар) — 1) муайян касб-ҳунар ва унинг тартиб-қоидаларига оид китобча, устав (мас., кулоллик Р.си, новвойлик Р.си); 2) кичик ҳажмли китоб, брошюра; 3) бирор илмий масалага бағишланган асар, трактат.

РИСОРЖИМЕНТО — (итал. Risorgimento, айнан — уйғониш) — итальян халқининг чет эл ҳукмронлигига қарши ва парчаланган Италияни бирлаштиришга қаратилган миллий озодлик ҳаракати. Шунингдек, ушбу ҳаракат содир бўлган давр: 18-а. охири — 1861 й.; Р. 1870 й. Италия қироллигига Римни қўшиб олиниши б-н якунланган. Р.нинг энг муҳим воқеалари — 1848—49, 1859—60 лардаги инқилоб; Р.га раҳбарлик қилиш учун республикачи демократлар (етакчилари Ж. Мадзини, Ж.Гарибальди ва б.) ва либераллар (етакчилари К.Кавур ва б.) оқимлари ўзаро курашганлар. Либерал оқим устун келиб Италия конституцион монархия шаклида бирлаштирилган.

РИСҚИЕВ Руфат Асадович (1949.2.10, Тошкент)— боксчи, хизмат кўрсатган спортчи (1974), 75 кг вазн тоифасида жаҳон чемпиони (1974, Гавана). Олимпиада кумуш медали совриндори (1976, Монреал). Австрия, Болгария, Венгрия, Польша, Чехословакия, Югославияда ўтказилган халқаро турнирлар голиби (1969—76). Куба очиқ чемпионатининг 2 карра чемпиони (1973, 1974). Ўзбекистон жисмоний тарбия ин-тини тугатган (1977). «Динамо» спорт жамиятида мураббий (1967—77), Тошкент политехника ин-тида кафедра мудири (1977—79). Республика олимпия ўринбосарлари бизнес юрисда мураббий (1979—84). Р. боксчи ҳаёти ва фаолиятига бағишланган «Ринга чақирилди» (1979) бадиий фильмида бош роли ижро этган. 1999 й.дан Тошкентда Р. совриги учун ўспиринлар ўртасида бокс мусобақалари ўтказилади. «Эл-юрт ҳурмати» орден б-н мукофотланган (1999).

Ад.: Остонов С., «Йўлбарс»нинг олишуви, Т., 1980; Муҳамедов С., Ринг қироли, Т., 1992; Шарипова Ф., Матонат, Т., 2002.

РИСҚИЕВ Тўхтапўлат Турсунович (1944.3.11, Тошкент) — физик олим, Ўзбекистон ФА акад.(1995), техника фанлари д-ри (1993). ТошДУни тугатган (1970). Ўзбекистон ФА Ядро физикаси ин-тида ишлаган (1970—72). Физика-техника ин-тида илмий ходим, лаб. мудири, директор ўринбосари (1972—92). Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари (1992—93, 1994—97). Ўзбекистон Республикаси Президентининг фан, таълим ва ижтимоий муаммолар масалалари бўйича давлат маслаҳатчиси (1993—94, 1997—2003). 2003 й.дан Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шим. Ирландия Қўшма Қироллигидаги фавқулодда ва мухтор элчиси. Илмий ишлари Ўзбекистонда юқори концен-трациялаштирилган қўйи энергиясидан фойдаланган ҳолда хусусиятлари олдиндан белгиланган янги материалларни яратиш технологияларига оид.

РИСҚУЛОВ Турор [1894. 14(26).12. Еттисув (ҳоз. Олмаота) вилояти Верний уезди Шарқин Тўрғай бўлиси (волостн) — 1938.10.2, Москва] — давлат ва жамоат арбоби. Мерке шаҳри рус-тузем мактаби (1910) ва Пишпек (ҳоз. Бишкек)даги ҳўжалик мактабини тугатган (1914). Туркистонда полшо Россия-сига қарши 1916 й.да кўтарилган миллий озодлик ҳаракатида қатнашган. Тошкентдаги ўқитувчилар семинариясида ўқиган (1916—17). Қозоқ (қирғиз) ёшларининг инқилобий ташкилотини тузишда иштирок этган (1917 й. ёз). Туркистон АССР соғлиқни сақлаш халқ комиссари (1918—19), Туркистон комвартияси Мусулмонлар бюроси раиси (1919—20), Туркистон АССР МИК раисининг 1-ўринбосари (1919 й. окт.дан), раиси (1920). Р. Москвага чақириб олиниб, унга РСФСР Миллий ишлар халқ комиссарлигининг 2-ўринбосари, комиссарликнинг Озарбайжондаги мухтор вакили лавозимлари (1920 й. авг. — 1922 й. июль) берилди. Кейин ўз юртига қайтарилди ва у Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети раиси вазифасида ишлай бошлади (1922 й. сент. — 1924 й. янв.). 1924—25 й.ларда у яна Москвага чақириб олинди, Коминтерн (Коммунистик Интернационал) ижроия қўмитасида, фаолият кўрсатди (Ўрта Шарқ бўлими мудирининг ёрдамчиси, Монголиядаги фавқулодда вакил). Сўнг ВКП (б) Қозоғистон ўлка комитетига юборилиб, «Енбекши казах» газ. масъул муҳаррири қилиб тайинланди (1926 й. 10 апр.дан). РСФСР ХКС раисининг ўринбосари (1926—37).

Р. тарих, иқтисод, сиёсат, журналистика соҳасида ўзбек, қозоқ, рус тилларида асарлар ёзаи. «Еттисув ағалари» (Тошкент, 1923), «Инқилоб ва Туркистоннинг туб аҳолиси» (1917—19) (Тошкент, 1925, 1-қисм), «Ўрта Осиё аҳолисининг 1916 йил қўзголони» (Қизил Ўрда, 1927), «Қозоғистон» (Москва-Ленинград, 1927), «Қирғизистон» (Москва-Ленинград, 1929), «Турксиб» (1930) каби китоблари шулар жумласидандир.

Р. 1937 й. 21 майда ҳибсга олинган. Туркистондаги «Иттиҳоди тараққий» миллатчилик ташкилотига алоқадорлик ва «пантуркизм»да айбланиб, 1938 й. 8 фев.да отишга ҳукм қилинган. 1956 й. оқланди. СССР парчалангач, Р.нинг илмий мероси Туркистон халқларига қайтарилди. Уч жилдли асарлари Олмаотада рус тилида чоп этилди. Тавалludининг 100 йиллиги кенг нишонланди (1994).

Ад.: Мусбюро РКП(б) в Туркестане. 1, 2 и 3-Туркестанские краевые конференции РКП 1919—20 гг. с введением тов. Рискулова, Т., 1922; Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб [Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида], Т., 2000; Ражабов Қ., Ҳайдаров М., Туркистон тарихи (1917—24), Т., 2002.

РИТМ (юн. rheo — оқаман), маром, даврийлик — 1) табиий ҳодиса ва жараёнларнинг муайян вақт давомида такрорланиб туриши. Р. циклли ва вақтли бўлади. Ҳодиса ва жараёнларнинг табиатда муайян тартибда такрорланиб туриши цикллик дейилади. Мас., Қуёш фаоллиги б-н боғлиқ ҳодисалар — Қуёш доғларининг кўпайиб-озайиб туриши, Қуёш чақнашлари, ундаги порталашлар, у б-н боғлиқ ҳолда Ерда рўй берадиган ҳодисалар (магнит бўронлари, қутб шафақлари) ва ҳ.к. Вақтли даврийлик ҳодиса ва жараёнларнинг муайян вақт давомида такрорланиб туриши. Мас., кун б-н тунининг алмашиниши б-н боғлиқ жараёнлар, фаслларнинг алмашиниши, иқлимий тебранишлар; 2) шеърият, мусиқа, рақс, тасвирий санъат, амалий безак санъати ва меъморлик турлари шаклларининг асосий принципи. Шеъриятларнинг Р. товуш асосида пайдо бўлади. Дастлабки шеърларда сатрлар ўлчов жиҳатдан тенг бўлмаган, аммо улар параллел қўйилган, бу эса синтактик параллелизм дейилиб, у шеър тузилишининг фольклор типига хосдир. Хусусан, туркий халқларнинг қад. шеърларидаги мисраларни аллитерация ва сўз такрорлари уюштирган; бунда ички қофия ҳам қатнашган; сўнг қофия мисралар охирига кўчиб, эвфония (оҳангдорлик) вазифасинигина эмас, Р. вазифасини ҳам адо эта бошлаган. Шеър тузилишининг тизимларга ва гуруҳларга ажралиши шундан сўнг рўй берган. Шеър тузилишининг фольклор типидан сўнг квантитатив шеър тузилиши пайдо бўлган, у асосан синкретик давр (санъатнинг аралаш ривожланган даври)нинг шеър техникаси бўлган. Юнон, араб, ҳинд, форс шеър тузилиши ва, жумладан, ўзбек арузи квантитатив шеър тузилишига мансуб. Бу шеър тизимларида товушнинг миқдори — чўзиқлик даражаси ва унинг вақт б-н ўлчаниши Р.ни уюштиришнинг асосий негизи ҳисобланган (қ. *Аруз*). Квантитатив шеър тузилишидан сўнг квалитатив шеър тузилиши ва унга кирувчи кўпчилик шеър тузилишлари пайдо бўлган. Бу шеър тузилишлари бўғинларнинг сонигагина эмас, сифатига (урғули ва урғусиз бўғинларнинг муайян бир тартибда навбатлашиб келишига) ҳам таянади; бунга силлабик, силлабик-тоник ва тоник бўғин тизимлари киради. Квалитатив шеър тузилиши даврида шеърият оғзаки шаклдан ёзма шаклга ўтди ва мусиқадан ажралиб чиқди. Ўзбек бармоқ тизими ҳам шу босқичга мансуб. Бармоқ тизимидаги Р. бўғинлар сонига, оз бўғинларнинг мисраларда мутаносиб бўлишига суянади (қ. *Бармоқ тизими*). Насрда ҳам Р. мавжуд. Аммо у ўлчов (вазн) асосида келиб чиқмайди. Шу туфайли изчил эмас.

Тасвирий санъатда Р. бадиий санъат асарининг ифода воситаларидан бўлиб, асар тузилишининг ўзига хос томонини белгилайди, унинг гоявий-бадиий эстетик мазмунини чуқурроқ очишга хизмат қилади. Р. қурилиши симметриянинг турли унсурларига, шунингдек, бир хил ёки бир-бирига ўхшаш (яқин) шакл ва нарсалар (чизиқ, мухрланган ҳаракат, нуқсон, бўёқ доғлари ва ҳ.к.)нинг тенг ҳажм ва оралиқда текис меъёрда қайтарилиши ёки оралаб келишига асосланади. У ёки бу Р. қурилиши ёрдамида асарга турлича эмоционаллик бахш этиш мумкин.

Амалий безак санъати ҳамда меъморликда асар композициясини яратишда ва образни шакллантиришда Р. муҳим ўрин тутади. Меъморликда ҳажм, шакллар (устун, дарча, балкон ва ҳ.к.) бир маромда қайтарилиши ёки оралаб келиши бинога ўзгача мазмун киритади; нақш мужассамоти ҳам Р.га асосланган ҳолда яратилади: бир ёки бир неча нақш бўлакларининг такрорланиши ёки оралаб келиши натижасида асарга тугаллик ёки чексизлик бағишланади.

Мусиқада Р. асар ривожланиш жараёнининг замон нуқтаи назаридан тартиби; *куй*, *гармония* каби асосий мусиқий ифода воситаларидан бири. Тор маъноda Р. товуш чўзилмаларининг изчиллигидир (бунда товушлар фақат ўзининг давомийлиги жиҳатдан, яъни *баланд-пастлик*, *лад* хусусиятларидан ажралган ҳолда баҳоланади). Халқ мусиқасининг қад. кўринишлари (меҳнат ва маросим қўшиқлари, алла, марсия, достон каби жанрлар, баъзи чолғу машқлари)да мусиқий Р.нинг илк шакли — «оҳангдор» (ёки «эркин») Р. сақланиб қолган. У ритмик тузилмаларнинг ўзаро тенг эмаслиги, ҳар бир ритмик даврнинг «кескин» ва «енгил» босқичлар алмашинувига асосланганлиги б-н фарқланади. Вокал асарларда мусиқавий

Р. маълум даражада шеърий Р.га монанд бўлади. Оғзаки анъанадаги мусиқада (мас., мумтоз ашула, мақом жанрларида), айниқса, квантитатив Р. хусусиятлари кенг ўрин олган. Бунда маълум тартибда жойлашган турли (қисқа ва узун) чўзилмалар муайян ритмик андозаларни ташкил этади, улар негизида мусиқий Р. жараёни юзага келади. Халқ мусиқаси (айниқса, Африка ва Осиё халқлари), композиторлик ижоди (асосан, гомофония услубидаги асарлар)да квалитатив (ургули) Р. тури ҳам кенг ўрин олган. У қисқа ва узун эмас, балки кучли (ургули) ва кучсиз (ургусиз) чўзилмалар нисбатлари орқали юзага келади (мас., *усул*). Ургули Р. кўпинча муайян мусиқий *метр*га бўйсунади. Метр ва Р.нинг ўзаро боғлиқлигига нисбатан метроритм ибораси ишлатилади. Мусиқавий Р.нинг ҳамма турлари катта бадиий кучга эга бўлади. Айниқса, миллий колоритни беришда, турли қаракатларни тасвирлашда, умуман барча давомий жараёнларни ифодалашда унинг имкониятлари чексиз. Кўпгина мусиқа услубларида ҳар хил Р. турлари ўзаро туташган ҳолда намоён бўлади: мас., мумтоз ашула йўлларида текис такрорланувчи усул негизида (ургули-даврий Р.) аруз нисбатларига асосланган куй ривожи (квантитатив Р.) баробар намоён бўлади. Мусиқадаги Р.нинг назарий ва амалий муаммоларини мусулмон Шарқ олимлари *илми мўсиқо* фанида ўрганишган. Ибн Сино, Сафиуддин ал-Урмавий, Жомий, Зайнулобидин ал-Ҳусайний, Кавкабий ва б. мавжуд. Р. тузилмаларини *адвор* (доиралар) шаклида таҳлил қилишган.

РИТМИК ГИМНАСТИКА, аэробика — мусиқа садолари остида ижро этиладиган бир қанча жисмоний машқ-лар (юриш, югуриш, сакраш ва б.). Соғ-ломлаштириш мақсадида қўлланилади. Барча ёшдаги кишилар (эркаклар, аёллар, болалар) шуғулланиши мумкин. Р.г. 1960-й.ларда АҚШда вужудга келди. Ўтган асрнинг 70-й.лари ўрталаридан Ўзбекистонда ҳам оммалаша бошлади.

РИТОН (юн. rhyton, rheo — оқаман дан) — ичимлик ичиладиган шохсимон қад. идиш. Юнон ва Рим тарихчилари Р. Ҳиндистондан тарқалган деб ҳисоблайдилар. Р. бир оз эгилган ва ичи ковак бўлиб, ҳайвонларнинг шохлари, металл, сопол, ёғоч ва б.дан тайёрланган. Баъзи Р.ларнинг пастки учи ҳайвонларнинг бошига ўхшатиб безатилган. Р. Қад. Эрон, Бақтрия ва Римда ҳам машҳур бўлган. Қад. *Нисо* ш.ни қазиш пайтида фил тишидан ясалган Р.лар (2-а.) топилган. Уларнинг пастки учи

Ритон. Қадим Нисо.

га афсонавий ҳайвонлар, авлиёлар тасвири ва оғиз томонида мифологик сюжетлар бўртириб ишланган. Нисо Р.лари парфинлик усталарининг юксак санъат асарларидан ҳисобланади. Кавказда ичимликни Р.да ичиш ҳозир ҳам мавжуд.

РИТОР МАКТАБИ — Юнонистон ва Римда кенг ёйилган олий гуманитар мактаб; 3 босқичли таълим тизимининг юқори чўққиси. Мил. ав. 3-а.да Юнонистонда ва мил. ав. 1-а.да Римда тарқалган. Антик давр охиригача сақланган. Бошланғич ўрта ва грамматик мактабларни сўнг, Р.м.да чиройли сўзлаш санъати, нотиқлик маҳоратини эгаллаш ўргатилган. Уларда нотиқлик санъатидан ташқари ёш нотиқларнинг дунёқарашини шакллантиришга ёрдам берадиган турли фанлар, хусусан, риторика, ҳуқуқшунослик, тарих, адабиёт, фалсафа ўқитилишига эътибор қаратилган. Марк Тулий Цицерон ва Марк Фабий Квинтилианларнинг «Нотиқлик санъати бўйича ўгитлар» китоби Р.м.ни бошқаришда фойдаланилади-ган асосий қўлланма ҳисобланган. Улар Р.м.ни ривожланишининг янги босқичига олиб чиқдилар ва Римда бу мактабларнинг давлат тасарруфига ўтишини таъминладилар. Рим империясининг сўнгги даврларида, сиёсий тузумнинг нотиқлик санъатига боғлиқлик даражаси бир қадар сусайганлиги сабабли Р.м.нинг мавқеи пасайди ва тортишувли масалаларни ҳал этиш воситасига айланиб қолди.

РИТОРИКА (юн. rhetorike — нотиқлик) — нотиқлик санъати; кенг маънода умуман бадиий наср ҳақидаги фан. Мил. ав. 5—4-а.ларда Юнонистонда юзага келиб, мил. ав. 3—2-а.ларда тизимли фан шаклини олган. Мил. ав. 1-а.да Римда тарқалган. 5 қисмдан иборат бўлган: материални топиш, жойлаштириш, сўз б-н ифодалаш (3 услуб: юқори, ўрта, пастки ҳамда услуб кўтаринкилигининг 3 воситаси: сўз танлаш, сўзларни бириктириш ва услубий фигуралар ҳақидаги таълимот), ёдлаш, талаффуз. Қад. даврда (Цицерон, Квинтилиан ижодида) ишлаб чиқилган, ўрта асрларда ва янги даврда (Россияда Ломоносов ижодида) ривожлантирилиб, 19-а.да адабиёт назариясига қўшилиб кетган. Кейинчалик «Р.» термини дабдабали, қуруқ сафсатани англатган (қ. *Воизлик санъати*).

РИУ-ГРАНДИ-ДУ-НОРТИ — *Бразилия*нинг шим.-шарқий қисмидаги штат. Майд. 53,3 минг км². Аҳолиси 2,7 млн. киши (2000). Маъмурий маркази — Натал ш. Йирик шаҳарлари: Мосоро, Макау ва б. Штатнинг жан. ва марказий қисми ўр-қирли платодан иборат бўлиб, шим. ва шарқда Атлантика бўйи текислигига утиб боради. Иқлими субэкваториал, иссиқ, гарб ва жан.да қуруқ иқлим. Ўртача ойлик т-ралар 24—28°, йиллик ёғин гарб ва жан.да 600—700 мм дан шим. ва шарқий қисмида 900—1000 мм гача. Саваннлар, пальма урмонлари, бута-заорлар бор. Иқтисодиётининг асосини қ.х. ва ўрмон хўжалиги ташкил этади. Шакарқамиш, пахта, сизаль экилади. Шунингдек, маниок, маккажухори, шоли, дуккакли экинлар етиштирилади. Чорвачилик суст ривожланган. Балиқ овланади. Озиқ-овқат, тўқимачилик, кўн-пойабзал саноати корхоналари бор.

РИУ-ГРАНДИ-ДУ-СУЛ — *Бразилия*нинг чекка жан. қисмидаги штат. Атлантика океани соҳилида. Майд. 282 минг км². Аҳолиси 10,2 млн. киши (2000). Маъмурий маркази — Порту-Аллегри ш. Йирик шаҳарлари: Пелотас, Риу-Гранди, Санта-Мария. Штат шим. Бразилия иссиқлигининг пастроқ жан. қисмидан, жан. текисликдан иборат. Атлантика океани қирғоқлари бўйлаб чўзилган камбар пасттекисликда кўл кўп. Иқлими субтропик, нам иқлим. Ўртача ойлик т-ралар 15—25°, йиллик ёғин 1250 мм дан 2000 мм гача. Саванна, шим.да субтропик ўрмонлар бор. Р.-Г.-ду-С. мамлакатининг муҳим қ.х. райони. Штат донли экинлар: бугдой, шоли етиштириш бўйича мамлакатда етакчи ўринда. Шунингдек, маккажухори, картошка, ловия, маниок экилади. Токчилик, боғдорчилик, асал-аричилик, ипакчилик ривожланган. Чорвачиликда қорамол, чўчқа, қўй боқилади. Парагвай чойи терилади. Балиқ овланади. Мис, тошкўмир конлари бор. Озиқ-овқат, тўқимачилик, кўн-пойабзал саноати корхоналари бор.

РИФ РЕСПУБЛИКАСИ — Шим. Марокашдаги тоғли Риф вилояти қабилаларининг ҳарбий-сиёсий бирлашмаси. Риф қабилаларининг 1921—26 й.лардаги испан ва француз мустамлакачиларига қарши миллий озодлик уруши жараёнида тузилган. Олий қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият — Миллий мажлис бўлган. Унга президент Абдулкарим раҳбарлик қилган. Ҳукумат аъзолари 5 кишидан иборат бўлган.

Жойлардаги қабилалар маъмурий бирлик бўлиб, уларни қоид ва жамоалар бошқарган. Қоидлар ички ишлар вазирлигига ва қабила ишларини назорат қилувчи Республика кенгашига бўйсунган. Аҳолидан олинган солиқлар, асосан, армияга сарфланган. Р.р. испан ва француз қўшинларига узоқ вақтгача зарба бериб келган. Бироқ уларнинг биргаликда қилган ҳужумларига бардош беролмай мағлуб бўлган (1926 й. 27 май).

РИФЕЙ (лот. Riphaei montes — Рифей тоғлари; қад. географлар Урал тоғларини базан шундай атаганлар) — кечки токембрийга мансуб йирик стратиграфик бўлинма. Геологик ёши 1650—570 млн. йил бўлган, кам ўзгаришга учраган тоғ жинсларидан иборат; кембрий даври [қ. *Кембрий системаси (даври)*] б-н алмашган. Р. 1945 й. рус геологи Н.С. Шатский томонидан Жан. Уралда аниқланган. Тахм. юқори протерозой (қ. *Протерозой «group»*) га мувофиқ келади. Р. таркибида 4 та бўлинма мавжуд: қуйи, ўрта, юқори ва венд. Сўнгги бўлинмага мустақил мажмуа сифатида қаралади ва кўпинча терминал Р., ёки вендоми деб аталади. Шу 4 бўлинманинг ҳар бири таркибида Р. ётқизиқларини бўлимларга ажратиш ва корреляция қилишда асос бўладиган кўк-яшил сувўтлар қолдиқлари (строматолитлар)нинг ўзига хос мажмуини кўриш мумкин.

Р.нинг денгиз ва қуруқликдаги ётқизиқлари барча материкда тарқалган. Платформалар Р.да палеозойдагига нисбатан кичироқ майдонни эгаллаган. Улар ясси қуруқликлар иборат бўлиб, устидаги қад. жинслар ювилиб кетган. Нураган жинслар эса букилмаларда тўпланиб борган. Геосинклиналь системаларнинг ташқи букилмаларида қумтошли жинслар б-н бирга гилли карбонатли, баъзан флиш (Тяньшанда) ётқизиқлари вужудга келган. Океан тубидаги Ер пўсти ички букилмаларида сув ости вулкан маҳсулотлари йиғилган. Р. охирида кенг майдонларда *моласслар* ётқизилган. Р.да арид (қуруқ) иқлим бўлганлиги учун қизил ётқизиқлар тўпланган. Бироқ юқори Р.нинг 2-ярмида ва терминал Р.да кўп ўлкаларда музлик ётқизиқлари учрайди.

Р.нинг кабонатли жинсларида кўпгина строматолитлар мавжуд. Қатламларни ажратишда микрофитолитлар муҳим аҳамиятга эга. Р. чўкиндиларида стратиграфик аҳамиятга эга бўлган акритархлар мавжуд. Р.да умуртқасизларнинг дастлабки типлари пайдо бўлиб, эрта палеозойда равнақ топган. Р.нинг юқори қисмида скелетсиз кўп ҳужайрали ҳайвонлар учрайди. Ҳалқали чувалчанглар яхши намоён бўлган.

Фойдали қазилмалардан Р. чўкиндиларида темир рудаси, фосфоритлар, айрим жойларда кўргошин-рух. Экваториал Африкада мис, кобальт ва уран рудалари мавжуд. Сибирь платформасида терминал Р.да газ-конденсатлар ва нефть уюмлари аниқланган.

РИФЛАР — Шим. Марокашнинг тоғли вилоятидаги барбарлар. 1,25 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Барбар тилида сўзлашадилар. Иккинчи тил — араб тили. Диндорлари — сунний мусулмонлар. 18-а.нинг бошларида Р. арабларнинг томонидан босиб олинди. Улар 17—18-а.лар, айниқса, 19-а. ва 20-а.нинг бошларида француз ва испан мустамлакачиларининг томонидан асоратга солинган. 1921—26 й.лар мустамлакачиларга қарши миллий озодлик кураши олиб борган Риф республикаси тузишган. Асосан, деҳқончилик б-н шуғулланадилар.

РИФЛАР — саёз жойларда денгиз тубининг сув остидаги ёки сув юзасидан кўтарилиб турган баландликлари. Денгиз тубидаги қоялар ёки қирғоқларнинг емирилишидан, маржон қурилмаларидан, оҳакли сувўтлар қолдиқларидан ҳосил бўлади. Р., асосан, экваториал ва тропик денгизларда, сув т-раси 20° дан юқори бўлган, кучли тўлқинлар бўлмайдиган ҳудудларда тарқалган. Тўсиқ Р., қирғоқ Р., ҳалқасимон Р. (атоллар) ажратилади. Австралиянинг шим.-шарқий қирғоғи яқинидаги уз. 200 км ли Катта Тўсиқ рифи энг катта рифдир.

РИФТ (инг. rift — дарзлик, ёриқ, дара) — Ер пўстининг чизиқ бўйлаб йўналган йирик тектоник структуралари. Узунлиги бир неча юз км (баъзан 1000 км дан зиёд) га етади. Кўпгина океан ва континентал Р.ларнинг эни 30—70 км бўлади, бироқ анча тор энли (5—20 км, мас., Ўлик денгиз) ва кенг энли (200—400 км, Қизил денгиз Р.) океан Р.лар ҳам бор. Р.лар, одатда, кенг гумбазсимон кўтарилган жойларда материкларнинг горизонтал чўзилишидан вужудга келади (мас., Шарқий Африка). Бунда Ер пўсти бутун қалинлиги бўйича ёки кўп қисми чўзилади деб тахмин қилинади. Р. аксари бир қанча узилишлардан иборат; улар орасида устки юзаси қия ва пўстининг бир қисми сурилган ташлама-узилма кўпроқ. Ташлама-узилмаларнинг оғиш бурчаги одатда 60—70° бўлиб, силжишнинг вертикал амплитудаси бир неча км ва пўстининг чўзилиши баъзан бир неча ўн км гача етиши мумкин. Р.нинг ички континентал, континенталараро, океан ички типлари фарқ қилинади. Р. чегарасида турли тартибда ётувчи грабен ва горстлар мавжуд. Грабен асосий структуравий шаклдир. Бироқ Р. пўстининг юқорига томон тектоник гумбаз шаклида қияроқ букилишидан ҳосил бўлади; у кейинчалик ёрилиб грабен ва горстга ажралади. Жуда катта Р.лар Р. минтақалари деб аталади. Р.нинг келиб чиқиши ҳақида бир неча илмий фараз мавжуд. Ҳоз. вақтда янги плиталар тектоникаси назарияси пайдо бўлди, унга кўра, Р.лар материкларнинг горизонтал ҳаракати натижасида ҳосил бўлади.

РИФТИН Владимир Александрович [1903.1(13).1, Сарапул ш., Удмурдия — 1987.2.1, Тошкент] — театр рассоми. Ўзбекистон халқ рассоми (1950). Харьков рассомлик ин-тини тугатган (1928). 1941 й.дан Ўзбекистонда яшаб ижод қилган. Р. Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тида Театр декорацияси рассомлиги кафедраси ташкилотчиларидан (1954—80 й.лар кафедра муди-

Рифт. Турли тип рифтларининг чуқурлик бўйича тузилиши: I, II, III — материк ичкарисидаги рифт; IV — материкларо рифт; V — океан ичкарисидаги рифт; VI — периконтинентал рифт; 1, 2 — Ер пўсти юқори қисмидаги қатламлар; 3, 4 — вулканик ва магматик ҳосилалар; 5 — континентал пўст; 6 — океан ости пўсти; 7, 8 — юқори мантия; 9 — чуқур ер ёриқлари; 10 — пўстда чўзилиш йўналиши; 11 — астеносфера моддаларининг жойини ўзгартириш йўналиши.

ри, 1980 й.дан проф.). Р. ҳар бир спектакль жанр ва хусусиятига мос саҳна безакларини яратишга интилди. «Қарға моткаси» (1947, П. Чайковский), «Улуғбек» (1959, А. Козловский) операла-ри; «Балерина» (1952, Г. Мушель), «Семург» (1957, Б. Бровшин) балетлари; «Ҳуррият» (1958, Уйғун), «Фарғона ҳикояси» (1959, Т. Жалилов, Б. Зейлман), «Тошболта ошиқ» (1960, М. Левиев), «Мирзо Улуғбек» (1970, М. Шайхзода) каби драма ва трагедиялар шулар жумласидан.

РИХТАГАРЛИК (форс.-тож. — қуймоқ) — рангли металл (асосан, мис, бронза, қалай) дан турли буюмлар қуйиш касби. Ҳунармандчиликнинг қал. турларидан. Қадимда бронзадан қуроллар, уй жиҳозлари, санъат ва диний маросимларга оид буюмлар қуйилганлиги маълум (Бобил, Миср, Рим, Хитой, Юнонистон). 13—14-а.ларда Византия, Венеция, Генуя, Флоренция ўзининг Р. буюмлари б-н шуҳрат қозонди. 14—15-а.ларда рус давлатида (Уралда) бронза ва чўяндан замбараклар, қўнғироқлар Р. усулида қуйилган.

Археологик қазилмаларда ҳоз. Ўзбекистон ҳудудида мил. ав. 3-минг йилликка доир бронза болта қуйиладиган тош қолип топилган. Мўғуллар истилоси Ўрта Осиёда Р.нинг ривожига салбий таъсир этди. 14-а.дан металл конларининг қайта ишга солиниши муносабати б-н Р. яна тараққий эта бошлади. 1399 й. Амир Темур буйруғи б-н Абдулазиз ибн Шарафиддин томонидан *Аҳмад Яссавий мақбараси* учун бронзадан қуйилган «назир-ниёз қозони» ҳажми, қуйиш услуби ва безаги жиҳатидан ноёб ҳисобланади.

Рихтагарлик. Чироқдон (11—12-а.).

16—18-а.ларда Ўрта Осиёда кўпроқ уруш қуроллари қуйилган. Ўзбекистон халқлари тарихи музейида шу даврларга оид мис ва бронзадан қуйилган замбараклардан намуналар сақланган. 19-а. охирларигача Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент ва б. йирик шаҳарларда, асосан, уй-рўзғор буюмлари қуйиш кенг ўрин эгаллади. Кейинчалик саноат ривожланиши муносабати б-н Р.га унча эътибор қолмади. Қуйма металл буюмлар тайёрловчи уста рихтагар (қуймачи) деб аталади (қ. *Ҳунармандчилик*).

РИХТЕР (Richter) Бертон (1931.22.3, Нью-Йорк) — америкалик физик-экспериментатор. Массачусетс технология ин-тини тугатган (1952). 1956 й.дан Стэнфорд ун-тида ишлаган (1967 й.дан проф.). Илмий ишлари — юқори энергиялар ва элементар заррачалар физикаси, тезлаткичлар техникасига оид. С. *Тинг*дан мустақил тарзда пси-заррани кашф этган (1974). Нобель мукофоти лауреати (1976; С. Тинг б-н биргаликда).

РИХТЕР Святослав Теофилович [1915.7(20).3, Житомир] — рус пианиночиси. Халқ артисти (1961), Меҳнат Қаҳрамони (1975). 20-а. мусиқа ижрочилик санъатининг атоқли намояндаси, улкан ижодий қудрат, ёрқин ўзига хослигига эга санъаткор. Мусиқадан илк сабоқларини отасидан олган. Москва консерваториясини тугатган (1946). Ижодига юксак балний таъсирчанлик, теран мазмундорлик ва балний яхлитлик хос. Ниҳоятда кенг репертуаридан мумтоз ва 20-а. композиторлари асарларини ўрин олган. 1934 йда илк якка концерт берган. *60* йиллик ижрочилик фаолияти давомида Европа, Осиё (жумладан, бир неча марта Ўзбекистонда ҳам), Америка мамлакатларида гастролда бўлган. Давлат мукофоти (1950), Россия Давлат мукофоти (1995) лауреати.

РИХТЕР ШКАЛАСИ —магнитудалар (тебранишлар ёки силкинишлар қиймати) бўйича зилзилаларни таснифловчи жадвал. Зилзила (ёки портлаш) вақтида юзага келувчи сейсмик тўлқинлар энергиясини баҳолашга асосланади. Р.ш.га 9 балли система асос қилиб олинган. Р.ш. бўйича зилзила магнитудаси ва 12 балли шкала бўйича эпицентр (зилзила ўчоғи) даги унинг кучи ўртасидаги нисбат ўчоқнинг чуқурлигига боғлиқ. Шкала 1935 й. америкалик сейсмолог Ч. Рихтер томонидан таклиф этилган, 1941—45 й.ларда Б. Гутенберг б-н биргаликда назарий жиҳатдан асослаб берилган (қ. *Зилзила, Сейсмик шкала*).

РИЦА, Катта Рица — Кавказнинг ғарбий қисмидаги кўл. Лашипсе дарёси водийси (Абхазия)да, Гагра тизмасидан шарқда, 950 м баландликда. Майд. 1,49 км², уз. 2,5 км, энг сербар жойи 1,05 км, ўртача чуқ. 63 м, энг чуқур жойи 116 м. Кўл ва атрофининг гўзал табиати кўплаб туристларни жалб қилади. Р. Қора денгиз соҳилидаги курортлар б-н шоссе йўл орқали боғланган. Кўл ёқасида меҳмонхона ва пансионат бор. Р. яқинида Кичик Рица кўли (майд. 0,2 км²) жойлашган.

РИЦАРЛАР (нем. Ritter, дастлаб — чавандоз) — ўрта асрларда Ғарбий ва Марказий Европа мамлакатларида имтиёзли ижтимоий қатлам: кент маънода — барча оқсуяк мулклорлар (феодаллар), тор маънода — фақат майда оқсуяк мулкдорлар. Вассаллик муносабатлари орқали ўз сеньорларига қарам бўлган. Р. ўлардан ер мулки ёхуд олиб, эвазига қўшинда сувории хизматини ўтаганлар. Р.нинг жанговар от-ғи, қимматбаҳо оғир қуроллари (қалич, қалқон, совут) бўлиши лозим эди, у махсус рицарлик таълимини олган, турнирларда қатнашган. Р. учун қуйидаги ахлоқий нормалар: жасурлик, ормонга садоқат, аёлларга нисбатан олижаноблик шарт бўлган. Шундан (маълум маънода) Р. — фидокор, олижаноб инсонлар. 12—14-а.ларда Р. ҳарбий куч сифатида катта аҳамиятга эга бўлган. 15—16-а.ларда мунтазам армиялар тузилиши ва уқотар қуролларнинг тарқалиши б-н улардан аҳамиятсизланган. Р. дворянлар табақасининг асосини ташкил этган.

РИЦАРЛИК АКАДЕМИЯЛАРИ — 16—18-а.ларда Германияда дворянлар фарзандларини ҳарбий, фуқаролик ва сарой хизматига тайёрловчи табақалашган ўқув юртлари. Ўқув режасига лотин, француз, итальян, кўпинча испан тиллари, мат., физика, генеалогия, ҳуқуқ, тарих ва б. фанлар кирган; қиличбозлик, отда юриш, рақсга тушиш, сарой аҳлларига хос муомалага катта эътибор берилган. Кольберг (1653 й. ташкил этилган), Дюнебург (1655), Вольфенбюттел (1687)даги Р.а. машҳур бўлган. 19-а.да гимназия ва кадет корпусларига айлантирилган.

РИЧАГ — катта кучни кичик куч б-н мувозанатлайдиган оддий механизм. Таянч нуқтасига эга бўлган қаттиқ жисмдан иборат. У таянч нуқтадан ўтувчи текисликдаги кучлар таъсирида бўлади. Агар кучлар таянч нуқтанинг икки томонида жойлашган бўлса, бундай Р. 1-тур, агар кучлар таянч нуқтанинг бир томонида жойлашган бўлса, 2-тур Р. деб аталади. Р. мувозанатда бўлиши учун таянч нуқтага нисбатан олинган кучлар моментлари йиғиндиси нолга тенг бўлиши керак. Р.га икки куч — ҳаракатлантирувчи куч (*P*) ва таъсир кучи (*Q*) таъсир этса, мувозанат шарти: $Pa=Qb$; бунда — *a* ва *b* — ричаг елкалари. Р.нинг *a* елкаси *b* елкасидан қанча катта бўлса, ҳаракатлантирувчи куч қаршилик кучидан шунча кичик бўлади (ричаг қонуни). Бунда кучдан қанча ютилса, масофадан шунча ютқазилади. Машиналар ва асбобларда



Ричаг. Икки звеноли оддий ричаг: *1* — кўзғалмас звено (таянч); *2* — кўзғалувчан звено (ричаг).

Р.ли машиналар кенг қўлланилади. Энг оддий Р.ли механизм икки звено: кўзғалувчан Р. ва кўзғалмас звенодан иборат механизм (расмга қ.). Р. двигателлар, пресслар, болғалаш машиналари ва механизмларда ишлатилади.

РИЧАРДС (Richards) Дикинсон (1895.3.10, Оранж, Нью Жерси — 1973) — америкалик хирург-кардиолог. АҚШ Миллий ФА аъзоси. Колумбия ун-тини тугатган (1922); тиббиёт проф. (1947—61). А. Курнан б-н ҳамкорликда юрак ва ўпканинг нормал ва патологик ҳолатдаги функциясини (жумладан, юракни катетерлашни) тадқиқ этган; травматик шокда юрак фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини ўрганган. Нобель мукофоти лауреати (1956, А. Курнан ва В. Форсман б-н бирга).

РИЧАРДС (Richards) Теодор Уильям [1868.31.1., Жермантаун (Пенсильвания штати) — 1928.2.4] — америкалик кимёгар. АҚШ Миллий ФА аъзоси (1899 й.дан) Америка кимё жамияти президенти (1914). Америка санъат ва фан академияси президенти (1919—21). Гарвард ун-тини тугатган, фалсафа д-ри (1888), проф. (1901 й.дан). Илмий тадқиқотлари кимёвий элементларнинг ат.м.ни аниқлашга оид. Махсус қурилма ясаган ва ўни ишлаб чиққан усули ёрдамида 25 та кимёвий элементнинг ат.м.ни катта аниқликда ўлчаган. Таркибида уран бўлган турли минералларлаги радиоген қўрғошиннинг ат.м.ни ўлчаб қўрғошиннинг изотоплари мавжудлигини исботлаган (1914). Нобель мукофоти лауреати (1914).

РИЧАРДСОН (Richardson) Оуэн Уилланс (1879.26.4, Дьюсбери, Йоркшир — 1959.15.2, Элтон, Гемпшир) — инглиз физиги, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1913 й.дан). Кембриж ун-тини тугатган (1900). Илмий ишлари термоэлектрон эмиссияга бағишланган. Термоэлектрон эмиссиядаги ток зичлигининг металл сиртидаги т-рага боғлиқлигини топган (1901). Фотоэлектр эффект, магнетизмга оид баъзи масалалар, квант назария, спектроскопия, рентген нурлари физикаси ва б.ни ўрганган. Нобель мукофоти лауреати (1928).

РИШ Марк Арнольдович (1918.15.10, Харьков) — биокимёгар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1987), биол. фанлари д-ри (1965), проф. (1966). ЎзДУнинг биол. ф-тини тугатган (1940). СамДУда ассистент (1944—1952). Самарқанд Ўқитувчилар ин-тида катта ўқитувчи (1952—54). Қорақўлчилик илмий тадқиқот ин-ти биокимё лаб. мудири (1954—66), СамДУ илмий ишлар бўйича проректори (1966—75), кафедра мудири (1972—93). Илмий ишлари микроэлементлар биокимёси, биогеокимёвий провинциялар, молекуляр генетикага оид.

РИШЕ (Richet) Шарль (1850.26.8 — Париж — 1935.4.12) — француз иммунологи ва физиологи. Париж ФА аъзоси (1914) ва президенти (1933 й.дан), 1887 й.дан Париж ун-ти физиология проф. Илмий фаолияти овқат ҳазм қилиш физиологиясига оид. 1888 й. фанга «пассив иммунитет» тушунчасини киритган. 1902 й. организмнинг ёт оқсилларга бўлган аллергик реакциясини ўрганиб, уни *анафилаксия* деб ифодалаган. Р. иммунитет ва серотерапия, шунингдек, эпилепсия ва ўпка силини даволаш муаммоларини ўрганган. Нобель мукофоти лауреати (1913).

РИШЕЛЬЕ (Richelieu) Арман Жан дю Плесси (du Plessis) (1585.5.9 — Париж — 1642.4.12) — француз давлат арбоби, кардинал (1622 й.дан). 1624 й.дан қироллик кенгаши раҳбари, амалда Франция ҳокими. Абсолютизмни мустаҳкамлаш йўлида кўп сай-ҳаракатлар қилган. Гугенотларни сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этган; маъмурий, молиявий, ҳарбий ислоҳотлар ўтказган; феодалларнинг исёнлари, халқ қўзғолонларини бостирган. Ташқи сиёсатда Габсбурглар б-н курашишни асосий вазифа деб ҳисоблаган. Франциянн *Ўттиз йиллик уруш* (1618—48)га тортган «Сиёсий васиятнома» асарида француз абсолютизми сиёсатининг асосий тамойилларини баён қилган. Р. француз мумтоз адабиёти ва санъати тараққиётига катта ҳисса қўшган. Франция академиясига асос солган.

РИШТА (Dracunculus medinensis) — тўғарак чувалчанглар (нематодалар) синфига мансуб чувалчанг. Асосан, сут эмизувчилар териси остида паразитлик қилади, дракункулёз касаллигига сабаб бўлади. Тирик личинкалар тугиб кўпаяди. Р. тропик ва субтропик мамлакатларда тарқалган; Ўрта Осиёда баъзан ёввойи йиртқич ҳайвонларда учраб туради.

РИШТОН — Фарғона вилояти *Риштон туманидаги* шаҳар (1977 й.дан). Туманнинг маъмурий маркази. Вилоятнинг ғарбида, Сўх дарёсининг ўнг соҳилида, Қўқон — Фарғона автомобиль йўли ёқасида жойлашган. Яқин т.й. станцияси — Фурқат (12 км). Р.дан Фарғонагача — 52 км. Аҳолиси 30,9 минг киши (2003). Аҳолиси ва хўжаликлари Сўх — Шоҳимардон, Жонобод каналлари ва артезиан қудуқларан сув олади.

Р. 18-а.да йирик ҳарбий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган қалъа. Бу ерда 1732 й.да Эрон шоҳи Нодирнинг Хитой, Ҳиндистон, кейинчалик рус савдогарлари тўхтаб ўтганлар. Р.да ғадимдан кулолчилик ривожланган. Машҳур Р. кулолларининг маҳсулотлари Шарқ бозорларида жуда харидоргир бўлган. Ҳоз. кунда ҳам Р. усталари томонидан ишланган сопол лаган, шокоса, кўзалар ва сополдан ишланган бадиий буюмлар республикадан ташқарида ҳам машҳур. Р.да йигирув тўқув ф-каси, МТП, бадиий кулолчилик буюмлари э-ди ва юзлаб хусусий кулолчилик кичик цехлари, 3 мингдан зиёд якка тартибдаги ҳунармандлар, Ўзбекистон БА тасарруфида «Усто Абдулло» корхонаси ишлаб турибди. Деҳқон ва буюм бозорлари фаолият кўрсатади.

Риштон ш. Бурҳониддин Марғиноний мемориий мажмуаси.

Шаҳарда 6 умумий таълим мактаби, 2 касб-ҳунар коллежи, 1 лицей бор. Туман ҳокимияти биноси, давлат ва маъмурий ташкилотлар, 2 маданият уйи, марказий стадион, марказий касалхона, 2 поликлиника ва б. тиббий муассасалар, бир қанча савдо, маданий хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд.

Бурҳониддин Марғиноний Р. да таваллуд топган (шаҳардаги «Чингарон қабристонида унинг рамзий мақбараси барпо этилган).

РИШТОН НЕФТЬ-ГАЗ КОНИ — Фарғона вилоятидаги кон. Шим. Риштон антиклинали бурмасида жойлашган. Конинг геологик тузилишини дастлаб К.П. Калицкий ўрганган (1914), сўнг О.А.Ряжков раҳбарлигида (1941 й.дан) геологик съемка ишлари олиб борилиб, 1950 й.да бурманинг жан. қанотида, юқори бўр даври ётқизиқларида газ борлиги аниқланди. Шим. Риштон антиклинали бурмаси ғарбдан шарққа йўналган бўлиб, палеозой (оҳактош, сланец), юра (қумтош, гил),

бўр (оҳактош, яшил гил, кулранг қумтош), палеоген (яшил гил, оқ оҳактош, доломит, қумтош) ётқизиқларидан тузилган. Бурмадаги ётқизиқларнинг умумий қалинлиги 1,5 км дан ортиқ. Коннинг юқори бўр даврига мансуб ётқизиқларида нефть, юқори ва қуйи бўр, юра даврларига оид ётқизиқларида газ мавжуд. Кондаги нефтнинг зичлиги 776—779 кг/м³, метан турига мансуб; олтингугурт миқдори 0,16%, парафин 5—5,5%. Газнинг зичлиги 502—750 кг/м³; таркибида 0,08% водород сулфиди, 68,15—89,1% метан, 2,0—17,5% азот ва сийрак газлар, 0,1—4,0% карбонат кислотаси бор.

РИШТОН СВИТАСИ — Фарғона ботиғи ва Ҳисор тоғларининг жан.-ғарбида тарқалган стратиграфик бирлик. Риштон қишлоғи номига қўйилган. О.С.Вялов томонидан ажратилган (1935). Кесмасининг пастки қисми — 4-нефтли қатлам оҳактош, қумли оҳактош, қумтош, чиғаноқтош ва мергеллардан иборат. Қалинлиги 15 м гача. Унда икки тавақали моллюскалар ва гастроподаларнинг тошқотган қолдиқлари учрайди. Кесма устки қисмини қалинлиги 30 м га етадиган чиғаноқтошлар қатламчаларига эга алевритли гиллар ташкил этади ва уларда икки тавақали моллюскалар, гастропозалар ва фораминифераларнинг тошқотган қолдиқлари мавжуд. Р.с.нинг умумий қалинлиги 45 м га етади, остида туркистон, гулизиндон свиталари мувофиқ ётади ва исфара свитаси б-н ёки баъзи жойларда ювилган неоген қатлами б-н қопланган. Таркибида: 1) Liostrea simplex, 2) Platigena asiatica, 3) Chlamys turgaicus қатламлари ажратилган. Ёши ўрта эоцен бўлими (бартон яруси)га мансуб. Стратиграфик аҳамиятга эга.

РИШТОН ТУМАНИ — *Фарғона вилоятида*ги туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. 1959 й. 7 мартда *Сўх тумани* б-н бирлаштирилди. 1990 й. 27 фев.да Сўх тумани ажралиб чиқди. Шим.дан Бағдод, жан.-шарқдан Олтиариқ, ғарбдан Ўзбекистон ва Учкўприк туманлари, жан.дан Қирғизистон б-н чегаралош. Майд. 0,42,1 минг км². Аҳолиси 150,2 минг киши (2003). Туманда 1 шаҳар (Риштон), 11 қишлоқ фуқаролари йиғини (Бешкапа, Бузрукхўжа Усмонхўжаев, Бўстон, Ёйилма, Зохидон, Меҳнатобод, Оқолтин, Оқер, Риштон, Тўда, Қайрагоч) бор. Маркази — *Риштон* ш.

Риштон тумани. Тоғ манзараси.

Табиати. Туман ҳудуди Марказий Фарғона чўлининг жан.да, Сўх дарёси ва Катта Фарғона канали бўйида жойлашган. Ҳудуди, асосан, текисликдан иборат. Фойдали қазилмалардан нефть, газ, соз тупроқ, шағал бор. Иқлими кескин континентал. Янв.нинг ўртача т-раси —6,7°, энг паст т-ра —27°, июлнинг ўртача т-раси 23,6°, энг юқори т-ра 42°. Йилига 180 мм ёғин ёғади. Ҳўжаликлар ва аҳоли ерлари Сўх дарёси ва Усмон Юсупов номли Катта Фарғона, Катта Андижон каналларидан сугорилади. Тупроқлари кўнгир бўз тупроқ ва ўтлоқи тупроқлардан иборат, айрим жойларда шўртупроқ учрайди. Ўсимликлардан шўра, шувоқ, янтоқ, мия, оқ бош, юлғун, қиёқ ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан бўри, тулки, қуён, юмронқозиқ; паррандалардан каклик, бедана, тустовуқ, зоғча, қарға, тўрғай, сассиқпопишак, қалдирғоч; судралувчилардан ўқ илон, чипор илон, калтакесак; кемирувчилардан каламуш ва б. учрайди.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, қирғиз, рус, татар, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 357 киши. Шаҳар аҳолиси 30,9 минг киши, қишлоқ аҳолиси 119,3 минг киши.

Хўжалиги. Туман маркази ва яқин қишлоқларда кулолчилик ривожланган. Қ.х. богдорчилик, токчиликка ихтисослашган. Машҳур Риштон кандак ўриклари, Чўнгара девзираси етиштирилади. Турли соҳалаги юздан ортиқ саноат корхонаси ишлаб турибди. «Фарғонанефтгаз» акциядорлик жамияти, ўзбек-араб «Пайнтс-Керамик» қўшма-корхонаси, пахта тозалаш, бадиий кулолчилик буюмлари, ғишт з-длари, кўплаб хусусий ширапазлик, 1200 дан ортиқ хусусий кулолчилик кичик цехлари, йигирув-тўқув, мебель ф-калари, МТП, босмахона, деҳқон ва буюм бозорлари фаолият кўрсатади. Ўзбекистон халқ усталари И.Комилов, Н.Қодиров, Ўзбекистон БА си аъзоси Ш. Юсуповларнинг ўзига хос услублари бор. Сугориладиган ерлар 20658 га, шу жумладан, пахта 9500 га, дон 7400 га, сабзавот ва полиз 170 га, емхашак экинлари 588 га майдонга экилади. Мевазорлар 5 минг га ни ташкил қилади. Р.т.да 220 км узунликдаги очиқ дренажлар, 245 та вертикал қудуғи бор.

Туман жамоа ва шахсий хўжаликларида 127,5 минг қорамол, 23,7 минг қўй ва эчки, 48,4 минг парранда, 165 от боқилади. 418 та асалари уяси бор (2003). Р.т.да 2 мусиқа, 62 умумий таълим, 1 спорт мактаби, 3 касб-ҳунар коллежи, 2 лицейда 41163 ўқувчи таълим олади. Марказий кутубхона ва унинг филиаллари, маданият уйи, маданият ва истироҳат боғи, 14 клуб, музей, марказий стадион, 4 касалхона, 2 та поликлиника, 24 қишлоқ врачлик пункти, 30 та дорихона, санаторий ва б. тиббий муассасаларда 233 врач, 1843 ўрта тиббий ходим ишлайди. Туманда 5 км т.й. (Тошкент — Андижон), 74 км узунликда

Риштон кулоллари ишлаган буюмлар.

республика, 109 км узунликда вилоят аҳамиятидаги автомобиль йўллари бор. Ички автомобиль йўллари уз. 264 км. Тарихий меъморий обидалардан «Соҳиби-Ҳидоя», «Йигитпирим», «Ҳизрбува», «Хўжа Илғор», «Хўжа Рушной», «Тошкелинчак» ва б. сақланган.

1966 й.дан «Риштон ҳақиқати» туман газ. чиқарилади (адади 8608).

РИҚО (араб. руқъа — мактуб) — *хаттотлик* услуби; араб ёзувидаги хат услубларидан бири. Хат тарихчиси Ибн Надим фикрича, Р. *сулс* ёзувидан келиб чиққан. Кўриниши жиҳатдан Р. *тавқе* хатига ўхшаш, ҳарф ўлчамлари ундан кичик ҳамда нозикроқ. Р.да ўзидан кейинги ҳарфларга қўшилмайдиган кўпчилик ҳарфлар бир-бирига қўшиб ёзилаверади. Р.дан тез ёзишда (мактуб ва б.да) фойдаланилади. Кейинчалик ихчам кўнгилочар ҳикоя ёки қиссалар, баъзан шамс нақшидаги ёзувлар, Қуръон ёки китоблар хотимаси Р.да битилган, алоҳида мустақил қитъаларни ёзишда ҳам қўлланилган.

РКАЦИТЕЛИ, Мамали Ркацители, Дедали Ркацители — ўрта эртаги ва энг кўп тарқалган винобоп грузин узум нави. Қора денгиз ҳавзаси экологик-географик навлар гуруҳига мансуб. Грузия, Арманистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон, Украина, Молдавия ва б. жойларда экилади. Барглари ўртача, тўғарак шаклда, 5 бўлмали. Гули 2 жинсли. Узум боши ўртача, гужуми овал шаклда, олтин-



Ркацители узум нави

ранг-сариқ, қуёш нури тегадиган томони жигарранг тус олади. Пўсти юпқа, таранг. Эти сувли, таркибида 25—28% қанд, 6,8—5% кислота бор. Куртаги бўртгандан кейин фаол ҳарорат йиғиндиси 3000°—3100° да 150 кунда тўла пишиб етилади. Новдалари яхши пишади. Совуққа чидамли. Ҳосилдорлиги 150—200 ц/га (энг юқори ҳосилдорлиги 368 ц/га). Узумидан овқат устида ичиладиган енгил, шампан, кучли ва десерт винолар тайёрланади. Коньяк учун хом ашё сифатида фойдаланилади. 1959 й.дан Ўзбекистоннинг барча вилоятлари учун р-нлаштирилган.

РОББИНС (Robbins) Фредерик Чапмен (1916.25.8, Оберне, Алабама) — америкалик вирусолог. АҚШ Миллий ФА аъзоси. Миссури ун-тини тугатган (1936); Бостондаги болалар касалхонаси ходими (1940—42, 1948—50); Кливленд шаҳар бош касалхонаси педиатрия ва инфекцион касалликлар бўлими раҳбари (1952—66), Кливленд унти тиббиёт мактаби декани (1966 й.дан) Полиомиелит вирусини ундириш техникасини ишлаб чиққан, бу кейинчалик полиомиелитга қарши вакцина яратилишига имкон берди. Инфекцион гепатит, тошмали терлама ва Ку иситма эпидемиологиясини ўрганган. Нобель мукофоти лауреати (1954, Ж. Эндерс ва Т. Уэллер б-н ҳамкорликда).

РОБИА ал-АДАВИЙА (713/714—801) — зоҳидликнинг илк вакиласи. Қашшоқ араб оиласида туғилиб, чўри қилиб сотилган. Кейинчалик художўйлиги ва зоҳидларга хос турмуш тарзига ихлос б-н риоя этгани сабабли озодга ихлос б-н риоя этгани сабабли озодликка чиқарилган. Бир неча йил саҳрода ёлғизликда кун кечирган, кейин Басрада яшаган. Р.А. Аллоҳни севишдан бошқа жамики нарсаларни рад этиш тарафдори бўлган. Аллоҳдан ҳеч бир тама — манфаат кўзламай, уни мутлақ севиш — инсон маънавий ҳаётининг моҳияти эканини зоҳидлар-дан биринчи бўлиб таъкидлаган. Унинг гоялари кейинги авлод суфийлари орасида кенг тарқалиб, Бистомий, Ҳаллож, Ибн Фарид, Ибн Арабий ва б. суфийлар таълимотининг асосини ташкил этган. Р.А. тақводорлик, Аллоҳни севиш намунаси деб билиниб, авлиё сифатида улуғланади.

РОБИНСОН (Robinson) Жоан Вайолет (1903.31.10, Камберли — 1983. Лондон) — инглиз иқтисодчиси. Кембриж ун-тини тугатган. 1965—71 й.ларда шу ун-тда проф. А. *Маршалл* мактабининг таниқли вакили. Р. макроиқтисодий жараёнлар таҳлилидаги умумий ёндошувларда Ж.М. *Кейнс*га, таҳлилнинг асосий категориялари (даромад, иш ҳақи, фонз капитал)га ёндошувда А. Маршалл ва Д. Рикардога таянади. 20-а.нинг 30-й.лари бошида номукаммал рақобат назариясини, 50-й.ларда ўзи-нинг иқтисодий ўсиш назариясини яратди. 1933 й.да нашр этилган «Номукаммал рақобат иқтисодиёти» асари унга катта шуҳрат келтирди. Р.нинг асарлари монополиялар фаолиятида бозорларнинг ўрни муаммоларини аниқлаш ва ўрганишга бағишланган.

РОБИНСОН (Robinson) Роберт (1886.13.9 — Баффора — 1975.24.2) — инглиз органик кимёгари. Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1920) ва президенти (1945—50). Сидней (1912—15), Ливерпуль (1915—21), Манчестр (1922—28), Лондон (1928—30) ва Оксфорд (1930—55) ун-тлари проф. Асосий илмий ишлари физик, органик кимё ва табиий бирикмалар кимёсига оид. Р. илк бор орбитал боғланишли органик молекулалар структурасидаги электронларнинг «электрқутбий» ва «мезомер» кўчиши механизми тўғрисида тасаввурларни олга сурган (1922). Берберин (1925) ва бибикулин (1935) алкалоидларини ҳамда андростеронни синтез қилган (1951). Нобель мукофоти лауреати (1947).

РОБИЯ СУЛТОН БЕГИМ (15-а.) — *Улуғбек*нинг қизи. *Абулхайрхон*нинг хотини. Абулхайрхон 1450 й. Султон Абу Саид б-н иттифоқлашиб Самарқандни эгаллаган ва Р.С.б.га уйланган. Уларнинг никоҳидан *Суюнчхўжахон, Кўчкунчихон* ва Оқ Бурун султонлар туғилган. Суюнчхўжахон ва Кўчкунчихонлар *шайбонийлар* орасида катта нуфузга эга бўлиб Туркистон, Тошкент ва Мовароуннаҳрни идора этганлар. Р.С.б. Аҳмад Яссавий мақбараси ёнида дафн этилган.

РОБИЯ СУЛТОН БЕГИМ МАҚБАРАСИ — Туркистон ш. (Қозоғистон)даги меъморий ёдгорлик (15-а.) *Яссавий мажмуаси* таркибида. Улуғбекнинг қизи *Робия Султон бегим*га атаб қурилган. Мақбара тарҳи 8 қиррали, бош тарзидаги пештоқ бўрттириб ишланган. Ички

Робия Султон бегим саганаси.

қисми ҳам 8 қиррали, унинг ҳар бир қирраси равоқли токчаларга бўлинган. Робия Султон бегимнинг мармар қабр тоши турли ўйма нақш ва ёзувлар б-н безатилган. 1898 й.да мақбара бутунлай бузиб ташланган. 1972—75 й.ларда қайта тиклаш ва таъмирлаш ишлари олиб борилган.

Ад.: Архитектурный комплекс Ахмеда Ясави, Алма-Ата, 1988.

РОБОТ (чехча robota — эрксиз меҳнат, rob — қул) — инсоннинг ҳаёти учун хавфли шароитлар (кучли радиация, юқори т-ра ва б.)да, одам бориши қийин бўлган объектларда (сув остида, космосда) киши функциясини

қисман ёки тўла бажарувчи машина. «Р.» терминини биринчи марта 1920 й.да чех ёзувчиси К. Чапек ўзининг «R. U. R.» пьесасида ишлатган.

Р.лар, асосан, 3 турга бўлинади: қатъий дастур асосида ишлайдиган Р., одам (оператор) бошқарадиган Р. ва сунъий интеллектли (интеграл) Р. Иш бажариш турига қараб, Р. манипуляторлар, ахборот узатувчи Р., одимловчи Р. ва б.га бўлинади. Р.ларнинг ташқи кўриниши ҳам, хатти-ҳаракатлари ҳам одамни эслатади, яъни улар антропоморф (одамсимон) машиналар ҳисобланади ва б. машиналардан шу хусусияти б-н фарқ қилади. Р.лар техникасининг асосий 2 йўналиши мавжуд: саноатда ишлатиладиган ва фавқулодда (экстремал) шароитда ишлатиладиган Р.лар техникаси. Саноатда ишлатиладиган Р., мас., Р.-манипуляторда «механик қўллари» ва ташқи бошқариш пульти ёки ўзига ўрнатилган дастурли бошқариш қурилмаси, ЭҲМ (компьютер) бўлади. Оператор Р. қўлларининг ҳаракатини бевосита ёки телевизор экранидан кузатиб бошқаради. Кўпинча Р. автоматик бошқариш тизими б-н жиҳозланади. Р.-манипуляторлар, асосан, киши саломатлиги учун хавфли бўлган (экстремал) шароитларда қўлланилади. Р.лар жараёнларни автоматлаштиришнинг энг самарали воситаси ҳисобланади.

Р.лардан фойдаланиш соҳалари борган сари кенгайиб бормоқда. Мас., Японияда 6 минг метргача чуқурликда ишлай оладиган Р.-«геолог», нотани «ўқиб» электр гитара чалади ган Р.-«машшоқ», Австралияда қўй жунини қирқадиган Р.-«сартарош», АҚШ да сув остида ишлай оладиган Р.-«гаввос» яратилган. Германияда эса Р.лар полицияда ишлайди (уларга портловчи моддалар ўрнатилган машиналарни очиш вазифаси топширилади). Автомобилсозлик ривожланган барча мамлакатларда (шу жумладан, Ўзбекистонда) Р.лар машиналарни йиғишда (айниқса, пайвандлаш ишларида) қатнашади. Ихтирочилар

Пайванд ишларини бажарадиган робот.

автомобилини бошқара оладиган Р.ни ясаш б-н шуғулланишмоқда. Бундай Р.нинг варианти Volkswagen (VW) т-ида (Германия) яратилган. «Клаус-лақабли ушбу Р. 2000 й.да намойиш қилинган. У бошқа Р.лар каби 2 қўл ва 2 оёқли эмас, балки 3 қўл ва 3 оёққа эга. Бу Р. 2002 й.ги кўргазмада ҳам иштирок этди, лекин ҳали амалда қўлланилганича йўқ. Бундай Р.лар устида Японияда ҳам тажрибалар олиб борилмоқда. «Сони» компанияси (Япония) сунъий интеллектли «Айбо» («Ўртоқ») номли Р.ни яратди (2004). У уйдаги кун ишларини (мебелни суриш, ойнани артиш, телефон жиринглаганда уй эгасини чақириш ва б.ни) бажарали.

Маромхон Мирбобоев.

РОВНО — Украинанинг *Ровно вилояти*даги шаҳар. Вилоятнинг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази (1939 й.дан). Устье дарёси (Припять ҳавзаси) бўйида. Т.й. ва шоссе йуллар тутуни. Аэропорт бор. Аҳолиси 245 минг киши (1997). Шаҳар 1282 й.дан маълум. 14-а.нинг 2-ярмидан Литва ва Польша, 1793 й.дан Россия империяси. 1921—39 й.ларда Польша таркибида. 1939 й.да Ғарбий Украина таркибида УССР б-н бирлаштирилди. 1941—44 й.лар немис фашистлари қўлида, 1944 й. 2 фев.да озод этилди. Р. қустар типидаги корхоналари бўлган уезд шаҳридан Украинанинг саноат марказларидан бирига айланди. Машинасозлик ва металлсозлик (юқори вольтли электрон аппаратура, трактор эҳтиёт қисмлари, станоклар ва б.), кимё («Азот» и.ч. бирлашмаси), енгил (энгир тола қ-ти, тикувчилик ф-каси), озиқ-овқат (сабзавот қуритиш-консерва, гўшт к-тлари, сут э-ди) саноатлари корхоналари бор. Мебель, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Педагогика, сув хўжалиги муҳандислари ин-тлари, Киев Маданият ин-тининг маданият-маърифат ф-ти, 2 театр (шу жумладан, мусиқали драма театри), филармония, 2 музей (шу жумлалан, тарих-ўлкашунослик музейи) бор.

Успение черкови (1756), классицизм услубидаги гимназия биноси (1839) каби меъморий ёдгорликлар, фашизм қурбонлари хотирасига бағишланган ёдгорлик (1968), Жанговар шон-шуҳрат мемориали (1975) мавжуд.

РОВНО ВИЛОЯТИ — Украина таркибидаги вилоят. Украинанинг шим-ғарбида. 1939 й. 4 дек.да ташкил топган. Майд. 20,1 минг км². Аҳолиси 1192,5 минг киши (1997), асосан, украинлар, шунингдек, рус, белорус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Р.в.да 15 туман, 9 шаҳар ва 16 шаҳарча бор. Йирик шаҳарлари: Ровно, Дубно, Заозёрнов, Костополь, Сарни. Маркази — *Ровно ш.*

Р.в. ер юзаси бир оз паст-баланд текислик. Вилоят шим. қисмини *Полесье пасттекислиги*, жан. қисмини Волинь қирларининг шарқий қисми эгаллаган (энг баланд жойи 342 м).

Иқлими мўътадил континентал. Янв.нинг ўртача т-раси —3,8°, июлники 18,5°. Йиллик ёғин 560—620 мм. Дарёлари Припять ва унинг ирмоқлари. Қора тупроқ, сур тусли подзолланган, чимли подзол, ботқоқ, гилли-қумлоқ тупроқлар тарқалган. Вилоят ҳудудининг 34%и урмон. Бўри, тулки, қобон, лось, бўрсиқ, сувсар, тийин, олахўржун, юбр яшайди. Дарё ва кўлларда балиқ кўп. Ондатра, енотсимон ит иқлимлаштирилган.

Вилоят хўжалигида озиқ-овқат саноати етакчи ўринда. 6 шакар-қанд, 2 спирт, 8 сабзавот қуритиш-консерва корхоналари, гўшт к-ти ишлаб турибди. Саноат маҳсулотларининг ҳажми бўйича енгил саноат иккинчи ўринда турали. Ровно, Дубнода тикувчилик, тўқимачилик, трикотаж, пойабзал корхоналари жойлашган. Машинасозлик ва металлсозлик корхоналарида трактор, қ.х. машиналари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади. Ровнода электротехника жиҳозлари, юқори вольтли электрон аппаратура, Дубнода ҳар хил станоклар ишлаб чиқарилалиган корхоналар бор. Ўрмон, ёғочсозлик ва қоғоз саноати корхоналари Сарни, Дубно, Острог, Владимирец, Березно, Ровно атрофларида жойлашган. Қурилиш материаллари саноати, айниқса, цемент, шифер ва йиғма темир-бетон и.ч. ривожланган.

Қ.х.нинг асосий тармоқлари: деҳқончилик ва чорвачилик. Ғалла, техника экинлари, сабзавот-полиз ва картошка, ем-хашак экинлари экилади. Чорвачилиги сут-гўштга ихтисослашган. Қорамолчилик, чўчқачилик етакчилик қилади. Паррандачилик ва қўйчилик ривожланган, қўй ва эчки ҳам боқилади.

Т.й. узунлиги 579 км, автомобиль йўллари 7,8 минг км. Р. ҳаво йўллари орқали Москва, Рига, Киев, Симферополь ва Украинанинг бошқа шаҳарлари б-н боғланган, 2 олий ўқув юрти, Киев маданият ин-тининг маданий-маърифий ф-ти, 2 музей, мусиқали драма театри, 4 санаторий бор.

РОВОЧ, ривоч (Rheum) — торондошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар туркуми, сабзавот экини. Асосан, Осиёда ўсадиган 50 га яқин тури бор. Ўзбекистонда 3 тури ёввойи ҳолда ўсади. Деҳқончиликда сабзавот Р. (R. undulatum) тури Евросиё мамлакатлари, АҚШ, Хитой, Ўрта Осиёда экилади. Илдизи йўғон, сертармоқ, илдизпояли. Поясн тик, бўйи 2 м гача боради. Барги йирик, оддий, банди узун (1,5 м гача), сersув, нордон, ейишли, лимон ва олма кислотасига бой. Гуллари майда, тўпгули рўваксимон. Гултожбарги 6 та, оқиш-пушти ёки қизил. Меваси 3 қиррали, қизил-қўнғир писта. Барг банди кўкламдан бошлаб истеъмол қилинади, ундан сеуслар, компот, кисель, мураббо, конфет, квас тайёрлашда фойдаланилади. Айрим турларининг илдизи қадимдан ошловчи модда сифатида ишлатилади. Илдизи ва илдизпояси таркибида 3—6% антрагликозил, 6—12% ошловчи б. моддалар бор. Панжасимон Р. (R. palmatum) доривор ўсимлик сифатида ўстирилади. Илдизидан тайёрланган препаратлар (қукун, дамлама ва настойкалар) сурункали қабзият ҳолларида сурги сифатида ишлатилади. Р. уруғи, кўчати ва илдиз бачкиларидан кўпайтирилади. Экилганидан кейин 2-йилдан барг банди олиб ишлатилади. Ҳосилдорлиги 6—7-йили 250—400 ц/га.

РОГОВИКЛАР — 1) зич, майда донали тог жинси, ўзига сингдирган жинсга интрузиянинг таъсири натижасида вужудга келади (қ. *Контакт метаморфизм*). Метаморфизмга учраган дастлабки жинслар таркибига кўра фарқ қилади. Гилли жинслар таркибида кордиерит, андалузит, силлиманит, гранат, биотит, дала шпати бўлган Р.га; базальтлар ва уларнинг туфлари, граувакклар — пироксенли, асосий плагиоклазли, шох алдамчи Р.га; мергеллар волластонитли, оливинли, шпинелли, карбонатли Р.га айланади. Карбонат миқдорининг ортиб бориши б-н Р. контактли *мармар*га айланади; 2) гил ва темир гидрооксиллари аралашган, карбонатли ва гилли қатламларда конкреция ва қатламчалар ҳосил қилган кремнийли жинслар (кремний, яшма, меланжлар); кўпинча таркибида карбонатлар ва органик қолдиқлар бўлади.

Ровочнинг экма тури ва ейиладиган поясн.

РОД-АЙЛЕНД — АҚШнинг Атлантика океани соҳилидаги штат, Янги Англияда. Майд. 3,1 минг км². Аҳолиси 1,1 млн. киши (2002). Маъмурий маркази, йирик шаҳри ва асосий порти — Провиденс. Р.-А. ҳудуди бўйича энг кичик, бироқ аҳолиси нисбатан зич, саноати ривожланган штатлардан. Саноатининг етакчи тармоқлари: тўқимачилик, турли хил машинасозлик ва металлсозлик, резина, заргарлик буюмлари и.ч., галантерея, полиграфия саноатлари. Қ.х.да чорвачилик етакчи ўринда. Шаҳар аҳолиси истеъмоли учун сутли маҳсулотлар тайёрланади, паррандачилик, мевачилик б-н шуғулланилади. Балиқ овланади. Туризм ривожланган.

РОДАНИД КИСЛОТА (тиоцианат кислота), HSCN — рангсиз, ўткир ҳидли суюқ модда. Мол. м. 59,09. Р.к. ва ҳосилаларининг 2 та структура шакли маълум.

R—S—C≡N (I) R—N=C=S (II)

R—H ёки металл иони бўлганда, асосан, I шаклда, органик ҳосилалари эса иккала шаклда ҳам учрайди. —90°дан паст т-радагина барқарор, —110° да оқ кристалл, —85°да тример — роданур кислота (HSCN)$_3$ ҳосил қилади. Ундан юқори т-раларда полимерланиш даражаси ортади, сариқ рангдан қизил рангга ва тўқ жигарранга ўтади. 3° атрофида полимерланади. Сув, эфир ва спиртда яхши эрийди. Кучли кислоталар жумласига киради.

РОДАНИДЛАР. тиоцианатлар — *роданид кислота*нинг ҳосилалари. Умумий формуласи RSCN (R — бир валентли металл ёки органик радикал, SCN — родан ёки тиоцианат ион). Анорганик Р. — тузлар, мас., калий родаганик Р. — тузлар, мас., калий родаганик Р. инд, аммоний роданид. Кўпчилик Р. сувда яхши эрийди. Р. цианидларга олтингугурт қўшилиши натижасида ҳосил бўлади. Кокс газини тозалашда ҳам кўпгина миқдорда Р. ажралади. Анорганик Р. аналитик кимёда, органик Р. инсектицид, фунгицит, бактерицид ва гербицидлар сифатида ишлатилади.

РОДАРИ (Rodari) Жанни (1920.23.10, Оменья — 1980.15.4) — италъян ёзувчиси. Қаршилик кўрсатиш ҳаракати қатнашчиси. Илк «Кувноқ шеърлар китоби» (1951) тўпламн болалар ҳаётига бағишланган. Енгил вазнли ҳажвий ўйноқи шеърлари, насрий асарлари фольклор анъаналари руҳида. «Чиполлинонинг бошидан кечирганлари» (1951) эртак-қиссаси айниқса машҳур. Асар қаҳрамонининг афсонавий мамлакатдаги ғаройиб саргузаштлари фантазия ва ҳажв унсурлари воситасида ёритилган. «Фантазия грамматикаси» (1973) китоби муаллифи. «Чиполлинонинг бошидан кечирганлари» (1955), «Салом болалар» (1956), «Жельсомино ёлғончилар мамлакатида» (1962), «Телефонда айтилган эртак» (1971) ва б. асарлари ўзбек тилида нашр этилган.

РОДЕН (Rodin) Роне Франсуа Огюст (1840.12.11, Париж — 1917.17.11, Мёдон, Париж яқинида) — француз ҳайкалтароши; ҳайкалтарошликда *импрессионизм* асосчиларидан. Микеланжело, Донателло ижодини ўрганган ҳамда готика ҳайкалтарошлигидан илҳомланган. Р. ижодига хос бўлган даҳиллик, мураккаб ҳаракатларни ифодалашдаги жонлилик илк асарларидаёқ намоён бўлди («Бронза асри», гипс, 1877; «Калс фуқаролари» ҳайкаллар гуруҳи, бронза, 1895 ва б.). 1880 й.дан умрининг охиригача Дантенинг «Илоҳий комедия»си, антик афсоналар, библия ривоятлари ва б. таъсирида «Дўзах дарвозаси» горельеф композицияси устида ишлади; мустақил асарлар яратди («Мутафаккир», бронза, 1888 ва б.). Р.нинг реалистик портретлари («Ж.Даду», 1883; «В.А.Моцарт», 1910 ва б.), монумен-

Роден. «Мутафаккир» (бронза, 1888).

тал ҳайкаллари («В.Гюго», 1886—1900; «О.Бальзак», 1887 ва б.), инсон гўзаллиги, севги мавзуидаги шоҳ асарлари («Бўса», 1886; «Мангу баҳор», 1897 ва б.) машҳур. Р. ижодига хос бўлган нур ва соя кескинлиги, шакллар тасвирийлиги (баъзан оқувчанлиги) уни импрессионизм асосчисига айлантирди. Асарлари, расм ва офортлари, асосан, Парижлаги Р. музейида сақланади. Р. ижоди 20-а.да турли оқимларда ижод қилган ҳайкалтарошларга жиддий изланишларига туртки берган.

РОДЕНТИЦИДЛАР (лот. rodentis — кемирувчи ва caedo — ўлдираман) — қ. *Пестицидлар.*

РОДИЙ (юн. rhodon — атиргул; лот. Rhodium), Rh — Менделеев даврий системасининг VIII гуруҳига мансуб

кимёвий элемент. Платина гуруҳидаги металлар туркумига киради. Тартиб рақами 45, ат.м. 102,905. 1 та барқарор изотопи (^{103}Rh) бор. Уран емирилганида Р.нинг масса сонлари 95 дан 110 гача бўлган бир неча изотопи ҳосил бўлади. Р.ни инглиз кимёгари Волластон 1803 й.да металл ҳолида ажратиб олган. Р. Ер пўстининг масса жиҳатидан $1\cdot10^{-7}$% ини ташкил қилади, у табиатда платина ва платина гуруҳидаги металлар б-н бирга учрайди. Кумушсимон-кўкиш рангли, коррозияга чидамли қаттиқ металл. Суюқланиш т-раси 1960°, қайнаш т-раси 4500° га яқин, зичлиги 12,42 г/см^3. Р. кимёвий жиҳатдан жуда барқарор. Фақат лаққа чўғ ҳолида металлмаслар б-н реакцияга киришади. Ҳавода 1000° да оксидланиб, Rh_2O_3 га ўтади. Р. ҳеч қайси кислотада ва кислоталар аралашмасида эримайди. Бирикмаларида 2, 3, 4, 5 ва 6 валентли бўлади. Кўпинча 3 валентли. Унинг RhF_3, $RhCl_3\cdot Rhl_3$ таркибли галогенидлари, $Rh(OH)_3\cdot H_2O$ таркибли гидрооксиди, Rh_2S_3, Rh_3S_4, Rh_2S_5, $Rh(HS)_3$ таркибли сульфидлари, $Rh(NO_3)_3\cdot 2\,H_2O$, $Rh_2(SO_4)_3\cdot 15H_2O$ таркибли тузлари маълум.

Р. платина аффинажида ҳосил бўладиган маҳсулотлардан олинади. Р.нинг платина б-н қотишмаси катализатор сифатида, термопаралар, кимёвий жиҳозлар ва б. тайёрлашда ишлатилади. Р. прожектор ва рефлекторлар ясашда, электр контактлар тайёрлашда ҳам қўлланади. Р. тузларидан тиббиётда, чинни сирлари учун қора бўёқ олишда фойдаланилади.

РОДОДЕНДРОН (Rhododendron) — эрикадошлар оиласига мансуб бута ёки кичикроқ дарахтлар туркуми. Ер юзида 600 тури маълум. Асосан, Шарқий Осиё ва Шим. Американинг тоғларида учрайди. Ўзбекистонда ўсмайди. Р. тилла ранг ва сариқ бўлади. Барги қалин, ялтироқ, тескари тухумсимон, қисқа бандли, кетмакет жойлашган. Гули сариқ ёки бинафша рангпушти, тўпгули соябонсимон. Меваси 5 уяли кўсак, барги таркибида арбутин ва б. гликозидлар, флавоноидлар, ошловчи ва б. моддалар бор. Баргининг дамламаси халқ табобатида бод, юрак касалликларида ҳамда сийдик ҳайдовчи дори сифатида ишлатилади. Р.нинг манзарали турлари боғ ва хиёбонларда ўстирилади.

Тилла ранг рододендрон.

РОДОНИТ (юн. rhodon — атиргул) — силикатлар синфининг волластонит-родонит гуруҳига мансуб минерал. Кимёвий таркиби $CaMn_4[Si_5O_{15}]$. Таркиби: 54,15% MnO ва 45,85% SiO_2. Табиий Р. таркибида 14,5% гача FeO (феррородонит), 2—9% гача Ca, Mg, Al ва Zn (фоулерит) бўлиши мумкин. Кристаллари (таблеткасимон, призмасимон) жуда кам учрайди; одатда, майда донали ёки ич монолит массалар ва агрегатлар. Ранги қўшимчаларига қараб пушти, қўнғир-қизғиш, сариғишдан то қулранггача, нураш жараёнида қорагача ўзгарган бўлиши мумкин. Ялтироқлиги шишасимон. Қаттиқлиги 5,5—6,5. Зичлиги 3,5—3,7 г/см^3. Осон нураб, қора ёки тўқ қўнғир марганец гидрооксили (вернадит) ва кремний гидрооксилини ҳосил қилади. Р. паст т-рали регионал ва контакт метаморфизм жараёнлари натижасида ҳосил бўлади, баъзан пегматитлар таркибида учрайди. Минерал йўлдошлари пиломелан, родохрозит, спессартин ва кварц. Йирик Р. конлари: Швеция, Буюк Британия, Италия, ЖАР, Ҳиндистон, АҚШ, Султон-Увайс (Ўзбекистон), Олтинтопкан (Тожикистонда. Р. қурилишда қоплама-безак тош сифатида ишлатилади.

РОДОП ТОҒЛАРИ — Болқон я.о.даги тоғлар. Болгария ва Грецияда. Уз. 240 км. Энг баланд жойи 2191 м. Шарққа томон пасайиб борган бир қатор тог массивларидан иборат. Оҳактош, қумтош, кристалли ва вулкан жинсларидан тузилган. Йиллик ёғин ғарбида 1000 мм гача, шарқий қисмида 650 мм. Дарёлари серостона, гидроэнергия захираларига бой, ГЭС, сув омборлари қурилган. Ён багирларининг қуйи қисмида бутазорлар, шим. ён багирларида кенг баргли ва игна баргли ўрмонлар, 1800—2000 м дан баландда субальп ўтлоқлари бор. Р.т.нинг ғарбий қисмида ўрмончилик ривожланган. Шарқий Р.т.да тамаки плантациялари, токзорлар барпо қилинган. Фойдали қазилмалардан темир, хром, полиметалл рудалари учрайди. Минерал сувли булоқлар бор. Бальнеологик ва иқлим курорти кўп. Туризм ривожланган.

РОДОС — Ўрта денгизнинг шарқий қисмидаги орол, Жан. Спорада архипелагида. Кичик Осиё я.о.дан 18 км, Греция ҳудуди. Майд. 1404 км^2. Қирғоқлари кам парчаланган. Энг баланд жойи 1215 м (Атавирос тоғи). Асосан, оҳактош ва мармардан тузилган. Кенг баргли ва игна баргли ўрмонлар, бутазорлар учрайди. Соҳилбўйи пасттекисликларида токзорлар, боғлар, цитрус мевалар плантациялари, кипарисзорлар бор. Балиқ овланади. Туризм ривожланган. Курорт кўп. Йирик шаҳри — Родос. Р. — эгей маданияти марказларидан. Ўрта аср ёдгорликларидан Византия ибодатхоналари (11—15-а.лар), мусулмонлар меъморлиги обидалари (16—19-а.лар) сақланган.

РОДОХРОЗИТ (юн. rhodon — атиргул, chrosis — ранг), марганецли шпат — карбонатлар синфига мансуб минерал. Кимёвий таркиби $MnCO_3$. Тригонал сингонияда кристалланади. Ранги турли қушимчалар борлиги туфайли тўқ бинафшадан оч саргиш, қулранг тача ўзгарали, оксидланганда қўнғир тусга ўтади. Асосан, ярим шаффоф, баъзан шаффоф бўлади. Ялтироқлиги шишага ўхшаш, салафсимон. Қаттиқлиги 3,5—4. Зичлиги 3700 кг/м^3. Мўрт. Р. кўпинча денгизларда чўкинди йўл б-н ҳосил бўлган марганец конларида, баъзан ўртача т-рали полиметалл ва паст т-рали олтин-полиметалл конларда учрайди. Р., асосан, марганец рудалари таркибига киради. Саноат аҳамиятига эга. Юмшоқлигига қарамасдан баъзи шаффоф турлари зарғарликда ва безактош сифатида қўлланилади.

РОДС (Rhodes) Сесил Жон (1853—1902) — Жан. ва Марказий Африкалаги ҳудудларни инглизлар томонидан босиб олинишининг (1880-й.ларнинг охири — 90-й.лар) ташкилотчиси; бу ҳудудларнинг бир қисмини Родезия (Р. номидан) мустамлакаси ташкил этган. 1890—96 й.ларда Кап мустамлакасининг бош вазири, инглиз-бурлар уруши (1899—1902)нинг асосий ташаббускорларидан бири.

Родос ороли соҳилларида.

РОЖА (санскритча — подшоҳ, ҳукмдор) — Ҳиндистондаги ҳокимлар унвони. Илк ўрта асрларга оид битиклар ва адабий асарларда Р. унвони махарожа унвонига қарши қўйилиб, одатда, вассал ҳокимни англатган.

РОЖАСТҲОН (ҳиндча — рожалар мамлакати), Р о ж а с т о н — Ҳиндистоннинг шим.-ғарбий қисмидаги штат. Майд. 342 минг км^2. Аҳолиси 56,5 млн. киши (2001); 90% ҳинду динига, 7% исломга эътиқод қилади. Маъмурий маркази — Жайпур ш. Р.нинг шим. қисми Ҳинд-Ганг текислигида, жан. қисми Декан ясситоғлигида. Шим.-ғарбида Тар чўли бор. Штатнинг марказий қисмидан Аравали тог тизмаси кесиб ўтган (энг баланд жойи 1722 м). Иқлими тропик, муссонли, шим.-ғарбида қуруқ иқлим. Ўртача ойлик т-ра янв.да 14°, майда 35°. Йиллик ёғин жан.да 600—900 мм, шим.да 130 мм.

Иқтисодиётида қ.х. етакчи ўринда. Қ.х.нинг асосий тармоғи — чорвачилик. Р. ҳудудининг чўл ва чала чўлдан иборат катта қисмида қўй, эчки, қорамол, туя боқилади. 16 млн. га ерга экин экилади. Асосий экинлари: бутдой, тамаки, маккажўхори, оқ жўхори, пахта, шоли, мойли экинлар, шакарқамиш. Боғлар ҳам бор. Деҳқончилик суғоришга асосланган. Чамбал дарёсига йирик гидротехника иншоотлари қурилган. Фойдали қазилмалардан мармар, гипс, асбест, ош тузи, слюда, лигнит, марганец, қимматбаҳо тошлар (Удайпур яқинида йирик олмос кони) қазиб олинади.

Саноати маҳаллий, қ.х. хом ашёсини қайта ишлашга ихтисослашган. Тўқимачилик, озиқ-овқат (шакар-қанд, ёғмой) корхоналари бор. Ҳунармандачилик ривожланган. Кустарь усулда ип газлама, мовут, гилам тўқилади, тош, фил суяги, бронзадан турли буюмлар тайёрланади. Жайпур ҳунармандлари ясаган олтин ва кумуш буюмлар, совуқ қуроллар дунёга машҳур. Кота ш. яқинида АЭС қурилган. Кейинги йилларда замонавий саноат тармоқлари — машинасозлик ва металлсозлик корхоналари (қўрғошин-рух концентратлари, мис эритиш, аниқ приборлар ишлаб чиқарувчи з-длар) ишга туширилди. Штатда цемент, ойна-шиша, натрий, бўёқ, ўғитлар, т.й. вагонлари, олтингугурт кислотаси, телевизор ва сунъий тола ишлаб чиқарувчи 200 дан ортиқ майда корхона бор.

Р. ҳақидаги илк маълумотлар мил. ав. 3-а.ларга оид. 6-а.дан бошлаб рожаликлар тузила бошлаган. 1025 й. Маҳмуд Ғазнавий Р.ни ўз тасарруфига киритган. Ғазнавийларнинг Ҳиндистондаги ноиби Бахлим 1120 й.да Р.нинг ғарбини ўз ҳукмига олган. 11-а.нинг 30—70-й.ларида Калачури давлати ҳукмдори Карна Р.нинг шим.-ғарбий вилоятларини қўлга киритган. Р. ўз номини 13—14-а.ларда Шим. Ҳиндистондаги мусулмонларга қарши курашда раҳнут зодагонларининг таянчи бўлганда олган. 13—19-а.ларда ушбу ҳудуд дастлаб Деҳли султонлиги, кейинроқ Бобурийлар салтанати ва Маратҳалар давлатига тобе бўлган. Бобурнинг невараси *Акбар* биринчилардан бўлиб Р. хонлари б-н қариндошлик алоқаларини ўрнатган. 1818—1947 й.лардаги Англия мустамлакачилиги даврида Р. 22 рожалик ва кичикроқ Аджмер провинциясидан иборат бўлган ва Рожапутана деб аталган. 1956 й.да Р. штати тузилган.

РОЖАСТҲОНЛАР — Ҳиндистондаги халқ. Рожастҳон штатининг туб аҳолиси (19,9 млн. киши, 1990-й.лар ўрталари). 400 минг киши Покистонда яшайди. Ҳинд-эрон гуруҳига мансуб тилда сўзлашадилар. Диндорлари — асосан, ҳиндуизм (ислом ва жайнизм динига ҳам)га эътиқод қиладилар. Р. савдо-сотиқ, деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик (матоларни бўяш, қоғоз майдчилик (матоларни бўяш, қоғоз тайёрлаш, чарм буюмлар и.ч., металлга ишлов бериш), заргарлик, кулолчилик, суяк ва тош ўймакорлиги б-н шуғулланади. Р.нинг ўзига хос бой маънавий маданияти, меъморлиги, рангтасвир санъати, халқ бадиий ижодиёти мавжуд.

РОЖДЕСТВЕНСКИЙ Владимир Леонидович (1897, Владимир ш. — 1949, Тошкент) — график рассом, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1943). Расм чизишни мустақил ўрганган. 1923 й.дан Ўзбекистонда. Газ. ва жур.лар («Вокруг света», «Муштум» жур.лари таҳририятлари)да рассом. Р. яратган карикатура, ҳажвий асарлар, тарихий мавзудаги лавҳалар, плакатлар образларининг таъсирчанлиги, фикр ифодалашдаги аниқлиги б-н диққатга сазовор: «Ҳамза» туркуми (1939); «Ўзбекистон» (30-й.лар), «Ўзбекистон ўтмишидан» (40-й.лар) литографик туркумлари, плакатлари («Ҳарбий хизматга чақирилган йигитнинг қасами», «Ғарбга бор, баҳодир», 1942), 2-жаҳон урушига бағишланган автолитография туркумлари («Жасорат», 1942), рангтасвир асарлари ва б. «Навоий» (1939), «Манон Уйғур», «Аброр Ҳидоятов» (1944) каби портретларида ижодкорларнинг илҳом дунёси ифодаланган.

РОЖДЕСТВО (рус. — туғилиш) (Рождество Христово), И с о н и н г т у ғ и л и ш и б а й р а м и — христиан динининг асосий байрамларидан бири. *Исо* туғилган кун шарафига черков жорий этган. 25 дек.да (айрим мамлакатларда Юлий календари бўйича, бошқаларида Григорий календари бўйича) нишонланади. Рус, болгар, серб ва б. православ черковлари Юлий календаридан фойдаланади, бу календардаги 25 дек. Григорий календаридаги 7 янв.га тўғри келади. Православие анъанасида 12 байрам жумласига киради.

РОЖДЕСТВО ОРОЛИ — 1) Ҳинд океанининг шарқий қисмидаги орол, Австралия иттифоқи бошқаруви остида. Майд. 156 км^2. Энг баланд жойи 356 м. Тропик ўсимликлар ўсади. Фосфат конлари бор; 2) Тинч океандаги йирик атоллардан бири, Лайн о.лари гуруҳида. Кирибати ҳудуди. Майд. 395 км^2. Кокос пальмаси плантациялари бор. Денгиздан марварид олинади. Оролни 1777 й.да Ж. *Кук* кашф қилган.

РОЖИЙ (тахаллуси; асл исм-шарифи Ирисхўжа Маҳдум Бухорий Набирахўжа ўғли) (1880 — Бухоро — 1919) — шоир ва хаттот. Бухоро мадрасаларида таълим олган. Ёшлигидан шеърлар ёзган, хаттотлик б-н шуғулланган, кўлёзма асарларни китобат қилган. Ўз даврида яшаб ижод этган шоир ва хаттотлар ҳақида маълумот берувчи хаттотликка оид «Рисолан хушнависон» асарини яратган. Садр Зиёнинг «Рисолаи хаттотон» («Хаттотлар рисоласи») асарида ёзилишича, Р. «Рисолан хаттотони манзума» («Хаттотлар рисоласи манзумаси») асарини ҳам ёзган. 1907 й.да китобат қилган баёзи қўлёзмаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти фондида сақланади (инв. №3272).

РОЖИЙ (тахаллуси; асл исм-шарифи Муҳаммад Юсуф Маҳзум ибн Ҳўжамберди; 19-а. 30-й.лари — Хива — 20-а. боши) — шоир, таржимон ва хаттот. Шеърларининг етакчи мавзуи — ишқ-муҳаббат. Мумтоз адабиёт анъаналарини ижодий давом эттирган, унга янги мавзу ва образлар олиб кирган. Ғазалларида маърифатпарварлик ғояларини тарғиб қилган, кишиларни саховатпешаликка, камтаринликка ундаган («Чой», «Бел огриқ», «Келур», «Боис» ва б.). Навоий, Фузулий, Ҳусайний, Комил Хоразмий, Зийрак ва б. ғазалларига мухаммаслар боғлаган. Хоразм хони Саид Муҳаммадхон (1856—65), Муҳаммад Раҳимхон II (1865—1910) га бағишлаб қасидалар битган. «Равзат ус-сафо» (Мирхонд)нинг 4—5-бобларини ва бир қанча адабий асарларни форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган. 200 мисрадан ортиқ шеърлари 3 девонида бизгача етиб келган. Хаттотлик қилган, танбурни яхши чалган. Девони қўлёзмалари Ўзбекистон ФА Шарқ-

шуносллик ин-ти қўлёзмалар фондида сақланади (инв. №922, 1119, 1271).

Ад.: Юнусов Ю., Хоразм шоирлари, Т., 1967; Муродов А., Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан, Т., 1971.

РОЖИЙ Марғилоний (тахаллуси; асл исм-шарифи Хўжажон Хўжа Низомиддин Хўжа ўғли, 1834 — Марғилон — 1918) — шоир. Қўқон ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Хушхат ва саводхон бўлганлиги учун мирзалик қилган. Шоирнинг адабий мероси 10 минг мисрага яқин; улар ғазал, мухаммас, маснавий, муаммо, рубоий, туюқ, қитъа, фард, тазриҳ каби адабий жанрларда битилган. Р. лирик шеърларида пок инсоний севгини, олижаноб фазилатни улуғлайди, зулм ва адолатсизликдан нолийди. «Қози сайлов», «Сайлов» ҳажвияларида амалдорларни, порахўр қозиларни танқид қилади, ўз даври сайловининг моҳиятини очиб беради. «Той», «Тойчоқ» каби маснавийларида мустамлакачилик зулми остида қашшоқлашган халқнинг турмушини, очлик, муҳтожлик ҳукм сураётган муҳитни қоралайди. Р. Дузчи эшон воқеаси ҳақида ҳам шеърлар ёзган. Ҳофиз, Жомий, Алишер Навоий, Бедил, Фузулий, Нодира ва Фурқат каби шоирларнинг ғазалларига назира ва тахмислар битган.

РОЖИЙ, Сулаймонқул уста Суярқул ўғли (1871 — Қўқон — 1924.11.11) — шоир, хаттот. Қўқон мадрасаларида таҳсил кўрган. Р. ишқий ғазаллар, сатирик шеърлар, тазриҳлар ёзган. Уларда самимий муҳаббат улуғланган, 1-жаҳон уруши воқеалари акс этган, инсоннинг жамиятда тутган ўрни ва қадр-қимматига баҳо берилган. 880 мисра шеър, 400 дан ортиқ мақол ва ҳикматли сўзларни ўз ичига олган «Зарбулмасал» асарида шоирнинг гуманистик ҳамда дидактик қарашлари, даврнинг ижтимоий масалаларига муносабати акс этган. Р. 20-а. вақтли матбуотида ҳам фаол қатнашган. Жумладан, М. *Бехбудий*нинг «Ойна» жур.ида унинг 2 та шеъри босилган. Р. Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» ва «Ҳамсат ул-мутаҳайирин» асарларини кўчирган. Р. асарларидан баъзиларини ўз ичига олган, Абдулмажид Котиб томонидан тузилган қўлёзма баёз Қўқондаги Ғафур Ғулом номидаги адабиёт музейида сақланади.

РОЖКУТ — Ҳиндистондаги шаҳар, Гужарот штатида. Аҳолиси 790 минг киши (2001). Катхиявар я.о.даги транспорт йўлларининг муҳим тугуни. Аэропорт бор. Қ.х. районининг савдо-саноат маркази. Ип газлама саноати ривожланган. Нефть кимёси, машинасозлик ва электроника саноати корхоналари; ун-т бор. Минерал ўғитлар ишлаб чиқарилади.

РОЖПУТЛАР, ражпутлар — ўрта асрларда Ҳиндистондаги ҳарбий каста—табақа; ҳоз. Шим. Ҳиндистондаги каста. Р. аждодлари мил. 1-минг йиллик ўрталарида, асосан, Рожастҳон ҳудудида яшаганлар. Р. ўзларини қад. ҳинд қаҳрамонлари ва шоҳлари — кшатриялар нинг авлоди (ўзларини Р. ёки рожапутра — шоҳ ўғли деб аташлари шундан) деб ҳисобланишган.



Париждаги Биби Марям ибодатхонасига ишланган роза (1250 й.).

Биби Марям ибодатхонасига ишланган Р. ҳажми — 12.9 м. Ўзбекистонда 19-а. охири — 20-а. бошларида европача типдаги биноларда Р. ишлатилган.

РОЗЕН Виктор Романович [1849. 21.2(5.3), Таллин — 1908.10 (23) 1, Петербург] — рус шарқшуноси, арабшунос. Россияда илмий шарқшунослик нинг янги мактаби асосчиларидан. Петербург ФА акад. (1890). Петербург университети шарқ тиллари ф-тини тугатган (1870). 1872 й.дан шу ф-тда приват-доцент, кейинчалик проф. (1893—1902 й.лардан декан). 1885 й.дан Рус археология жамиятининг шарқ бўлимига бошчилик қилган. «Записки восточного отделения Русского археологического общество» («Рус археология жамияти шарқ бўлимининг ахборотномаси») жур.га асос солган (1896).

Р. араб мамлакатлари халқларининг маънавий маданиятини (бадиий ва илмий адабиётларни) тадқиқ қилишда мамлакатларнинг сиёсий тарихига ҳам эътибор берган, тарихий манбаларни талқин этиш ва танқидий матнларни тайёрлашда ҳоз. замон усулларини жорий этган. Асосан, араб шеърияти, шунингдек, Шарқдаги мусулмон ва христианларининг тарихи ва маданияти тарихига оид асарлар ёзган. Р.нинг бир неча йирик асарлари араб ва форс қўлёзмаларини ўрганишга ва таснифлашга бағишланган.

Ад.: Памяти академика В.Р.Розена, М.—Л., 1947; Крачковский И.Ю., Соч., т. 5, М.—Л., 1958.

РОЗЕНБЛЮМ Леонид Моисеевич (1910, Симферополь — 1983, Ташкент) — ихтирочи олим; *пахта терими машиналари* ихтирочиларидан бири. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1961). Бутуниттифоқ Қ.хо механизациялаштириш ва электрлаштириш ин-тида (Москва) (1930—39), Ўрта Осиё Қ.хо механизациялаштириш ва электрлаштириш ин-тида илмий ходим (1940—58), Ўзбекистон ФА Механика ва иншоотларининг сейсмик мустаҳкамлиги ин-тида катта ходим, бўлим мудири (1958 й.дан). Р. раҳбарлигида пневматик, механик пахта териш машиналарининг тажриба нусхалари тайёрланган, горизонтал ва вертикал шпинделли машиналарни яратиш борасида илмий ва амалий ишлар олиб борилган. Р. Ўзбекистон шароити учун вертикал шпинделли машиналарнинг афзаллигини исботлаган ва бир неча турини яратган. У пахта териш машиналарига тааллуқли 25 дан ортиқ ихтиро муаллифи. Вертикал шпинделли пахта териш машинаси учун муаллифлик гувоҳномасини олган (1937). Давлат мукофоти лауреати (1950).

Ас.: Трёхкратная обработка кустов хлопчатника вертикально-шпиндельным аппаратом, Т., 1967 (ҳамкорликда).

РОЗИЙ (тўлиқ номи Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий) (865.28.8 — Рай — 925.26.10) — шарқнинг қомусий олими, табиб ва мутафаккир. Ўрта аср Европасида ботинча Разес номи б-н танилиб, табобат соҳасида ўз даврининг Жолинус (Гален)и деб саналган. Шунингдек, кимё, ботаника, мат., астрономия, мантиқ ва фалсафа каби фанларни чуқур ўрганган; адабиёт ва мусиқа б-н ҳам шуғулланган. Р. бир қанча вақт Рай ва Бағдод шифохоналарини бошқарган. У Ўрта Осиё, жумладан, Бухоро илм аҳллари б-н илмий мулоқотда бўлган. Кўз касаллигига учраб, умрининг охирида кўр бўлиб қолган.

Р.нинг табобатга оид асарларидан 36 таси бизгача етиб келган. У терапия, хирургия, диагностика, санитария-гигиена, фармакогнозия, фармакология, анатомия, психология каби илмларни янги гоя ва ихтиролар б-н бойитган. Табобат б-н боғлиқ бўлган ботаника, минералогия ва кимё фани соҳасида ҳам анча муваффақиятларга эришган. Р.нинг энг муҳим асарларидан бири «Китоб ал-ҳовий фиттиб» («Тиббиётга оид билимлар мажмуаси») номли тўпламидир. Унда антик даврдан то Р. замонасигача бўлган назарий ва амалий маълумотлар берилган (асарнинг айрим қисмлари Россия ФА шарқшунослик ин-ти Санкт-Петербург қўлёзмалар фондида, Мюнхен, Лондон, Оксфорд, Кембриж, Эскуриал (Испания), Истанбул ва Теҳрон кутубхоналарида сақланмоқда). Р.нинг табобатга оид яна бир йирик асари — «ал-Куннош ал-Мансурий» («Мансурга бағишланган тўплам»)дир. Бу ҳам жуда кўп назарий ва амалий масалаларни ўз ичига олган (қўлёзма нусхалари Россия ФА шарқшунослик ин-тининг Санкт-Петербург фондида, шунингдек, Париж ва Теҳрон кутубхоналарида сақланмоқда). Асар 16-а.гача Шарқ табиблари ва Европа шифокорларининг асосий қўлланмаларидан бири бўлиб, унга кўп шарҳлар ёзилган. Р. «Китоб ал-жударий ва-л-ҳасба» («Чечак ва қизамиқ ҳақида китоб») асарида тиббиёт тарихида биринчи бўлиб, чечак ва қизамиқ касалликларининг бошқа юқумли касалликлардан фарқи ва таърифи берилган; Р. чечак б-н бир марта касал бўлган киши иккинчи марта бу касалликка дучор бўлмаслигини аниқлаган ва чечакка қарши эмлаш керак деган фикрга келиб, уни амалга оширган. Р. ўз даври табобатини диагностика ва даволашнинг янги усуллари б-н бойитди; жарроҳликда биринчи бўлиб кетгут (қўй ичагидан тайёрланган ип) ишлатди.

Р. машҳур кимёгар бўлиб, кимё фанига оид 26 та асар ёзган, бироқ бизгача уларнинг 4 тасигина етиб келган. Булар орасида «Китоб ул-асрор» («Сирлар китоби») ва «Китоб сирр ил-асрор» («Сирлар сири китоби») асарлари алоҳида ўрин тутади; «Китоб ул-асрор»да ўрта аср Шарқ кимёси ўзининг тўла ифодасини топган. Р.нинг бу асарлари унинг назарий жиҳатдан бир металлни иккинчи металлга кимёвий йўл б-н айлантириш мумкинлигига ишонганини кўрсатади (қ. *Алкимё*). Гарчи амалий жиҳатдан унинг назарияси утопик бўлса-да, олтин ва кумуш ҳосил қилиш йўлидаги уринишлари туфайли Р. ҳозирги кимёни бир қанча янги моддалар, асбоблар ва кимёвий амаллар б-н бойитди.

Розий (рассом Малик Набиев асари, 1976).

Р.нинг тиббиёт ва кимё соҳаларига оид асарлари ўрта асрларда Шарқ ва Ғарбда шу соҳаларнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатган.

Фалсафий-ижтимоий қарашлари. Р. ўрта аср Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари фалсафасида мавжуд бўлган таълимотларнинг бирортасига боғлиқ бўлмаган ҳолда борлиқ ва унинг моҳияти ҳақида ўз мустақил таълимотини яратган. Унингча, борлиқ — ягона бир-бирига бўйсунмаган 5 мустақил ва азалий моҳият (яратувчи, жон, бошлангич моҳият (яратувчи, жон, вақт, макон, материя)дан вужудга келган. Буларнинг ҳар бири борлиқнинг вужудга келиши ва мавжуд бўлиб қолишида «зарурий вужуд»лардир. Р. материя, макон, замонни яратувчи ва жон б-н бир хил зарурий моҳият деб ҳисоблаб, моддийликни илоҳийликка, илоҳийликни моддийликка бўйсундирмаслик, моддийликни моддийликка бўйсундирмаслик ин-ти Санкт-Петербург қўлёзмалар фондида, Мюнхен, Лондон, Оксфорд, Кембриж, Эскуриал (Испания), Истанбул ва Теҳрон кутубхоналарида сақланмоқда). Р.нинг табобатга оид яна бир йирик асари — «ал-Куннош ал-Мансурий» («Мансурга бағишланган тўплам»)дир. Бу ҳам жуда кўп назарий ва амалий масалаларни ўз ичига олган (қўлёзма нусхалари Россия ФА шарқшунослик ин-тининг Санкт-Петербург фондида, шунингдек, Париж ва Теҳрон кутубхоналарида сақланмоқда). Асар 16-а.гача Шарқ табиблари ва Европа шифокорларининг асосий қўлланмаларидан бири бўлиб, унга кўп шарҳлар ёзилган. Р. «Китоб ал-жударий ва-л-ҳасба» («Чечак ва қизамиқ ҳақида китоб») асарида тиббиёт тарихида биринчи бўлиб, чечак ва қизамиқ касалликларининг бошқа юқумли касалликлардан фарқи ва таърифи берилган; Р. чечак б-н бир марта касал бўлган киши иккинчи марта бу касалликка дучор бўлмаслигини аниқлаган ва чечакка қарши эмлаш керак деган фикрга келиб, уни амалга оширган. Р. ўз даври табобатини диагностика ва даволашнинг янги усулларини б-н бойитди; жарроҳликда биринчи бўлиб кетгут (қўй ичагидан тайёрланган ип) ишлатди.

Р. машҳур кимёгар бўлиб, кимё фанига оид 26 та асар ёзган, бироқ бизгача уларнинг 4 тасигина етиб келган. Булар орасида «Китоб ул-асрор» («Сирлар китоби») ва «Китоб сирр ил-асрор» («Сирлар сири китоби») асарларни алоҳида ўрин тутади; «Китоб ул-асрор»да ўрта аср Шарқ кимёси ўзининг тўла ифодасини топган. Р.нинг бу асарлари унинг назарий жиҳатдан бир металлни иккинчи металлга кимёвий йўл б-н айлантириш мумкинлигига ишонганини кўрсатади (қ. *Алкимё*). Гарчи амалий жиҳатдан унинг назарияси утопик бўлса-да, олтин ва кумуш ҳосил қилиш йўлидаги уринишлари туфайли Р. ҳозирги кимёни бир қанча янги моддалар, асбоблар ва кимёвий амаллар б-н бойитди.

дийлиги ва объективлиги туфайли улардан вужудга келган моддий олам ҳам объектив ва абадийдир. Р. зарраларнинг ўз-ўзидан ҳаракати масаласини тушунмади ва муайян нарсаларнинг вужудга келиш жараёни асосида материя ётса ҳам, бу жараён жонининг материяга интилиши ва у б-н бирикиши туфайли юз бериши ҳақидаги дуалистик нуқтаи назарда туради.

Р. макон ва замонни ҳам субстанция деб тушунади, бу б-н уларни материядан ва бир-биридан ажратади. Р.нинг бундан мақсади уларнинг объективлигини таъкидлашдир. Р. билиш назариясида моддий олам ҳодисаларининг инсон сезги аъзоларига таъсир этиб унда акс этиши, ташқи олам билиш объекти, инсон эса билиш субъекти эканини таъкидлайди: «Сезги — сезилувчи нарсаларнинг сезувчига таъсири». Р. билишнинг энг кучли қуроли сифатида ақлга юқори баҳо беради. Унингча, инсоннинг ижодий фаолияти фақат ақл туфайлидир. «Ақл бизни олижанобликкга етаклайди, ҳаётимизни гўзаллаштиради, мақсадларимизга етказади». Р.нинг ахлоққа оид 3 асари «Китоб тибб ар-руҳоний» («Руҳий табобат»), «Китоб сийрат ал-фалсафийа» («Фалсафий ҳаёт тарзи»), «Мақола фи аморот ал-иқбол ва-д-давла» («Давлатмандлик ва бахт-иқбол ҳақида») бизгача етиб келган. Р. Суқротни ахлоқ соҳасида ўзининг ва барча файласуфларнинг устози деб ҳисоблайди. Р. рационал (ақлий) *гедонизм* тарафдори бўлиб, дунё неъматларидан ақлга мувофиқ ва меъёр б-н лаззатланишни ёқлайди. Ўрта аср манбаларида Р. динининг айрим ақида ва тамойилларига салбий

муносабатда бўлгани ҳамда пайғамбарлик ҳақида ақидага зид бўлган асар ёзгани таъкидланади. Лекин, унинг табиий-илмий мероси ва фалсафий қарашлари Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари маънавий меросида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Р.нинг илмий меросини биринчи марта ўрганган олим Абу Райҳон Беруний дир. Беруний Р.нинг таржимаи ҳоли, дунёқараши ва асарларини тадқиқ этиб, «Фехрист кутуб Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий» («Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий китобларининг рўйхати») асарини ёзган. Р.нинг асосий асарлари ўрта асрларда ёки Ғарбий Европада машҳур бўлган, баъзилари лотин ва б. Европа тилларига таржима қилиниб, кенг ўрганилган. Кейинги давр олимларининг, жумладан, ўзбекистонлик олимларнинг тадқиқотларида Р. асарларининг илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган қўлёзма нусхалари ва уларнинг таржималари аниқланмоқда, айрим асарлари нашр этилмоқда.

Ад.: Каримов У. И., Неизвестное сочинение ар-Рази «Книга тайны тайн», Т., 1957; Кадыров А.А., Саипов У.Т., Абу Бакр Рази, Т., 1963; Усманов М.А., Закариййа ар-Рази, в книге «Из философского наследия народов Востока», Т., 1972; Абу Бакр Розий ва унинг шогирди ёзиб қолдирган касалликлар тарихи, Т., 1974; Каримов С.У., IX—XI асрларда кимё ва доришунослик фанлари тараққиётида Марказий Осиё олимларининг ўрни, Т., 2002.

Сурайё Каримова, Мирзаолим Усмонов.

РОЗИҚОВ Баҳодир Розиқович (1941.25.1, Зомин тумани — 2002.14.12, Мирзобод тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Тошкент пед. ин-тини тугатган (1964). 1964 й.дан Мирзобод туманидаги 21-мактабда она тили ва адабиёт ўқитувчиси, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, 1969 й.дан директор. У раҳбарлик қилган мактаб 1995 й. «Йил мактаби» республика кўрик танловида 1-ўринни эгаллаган, 1999 й. ЮНЕСКО нинг махсус грантига сазовор бўлган. Р. бир қанча тарихий очерк, рисола ҳамда шеърий тўпламлар муаллифи.

РОЗМАРИН (Rosmarinus) — лабгулдошлар оиласига мансуб ўсимликлар туркуми, эфир мойли экин. Ўрта денгиз ҳавзасида 1—3 тури ўсади. Доим яшил бута. Бўйи 1,5—2 м ча. Барги ва тўпгулидан эфир мойи олинадиган доривор Р. (R. officinalis), асосан, Европа мамлакатларида, шунингдек, Қрим ва Кавказда ўстирилади. Қаламчасидан, камдан-кам уруғидан кўпайтирилади. 2—3 йиллик кўчатлари экилади. Экилгандан кейин 2—3-йиллан бошлаб барги ва тўпгули йиғиб олинади. Ҳосилдорлиги 40—120 ц/га. Барги ва тўпгули таркибида парфюмерия ва тиббиётда ишлатиладиган 1,5—2,5% (қуруқ моддага нисбатан) эфир мойи, 0,5% гача розмаринин ва б. алкалоидлар, урсол ва розмарин кислоталари бор. Буталари 7—9 й.да ёшартирилади. Р. 2 0—25 й. ҳосил беради.

Розмарин.

РОЗМАРИН, Оқ Розмарини — кечпишар қишки олма нави. Италия (Жан. Тиролда чиқарилган. 19-а.нинг охирларида Қрим орқали Ўзбекистонга келтирилган. Дарахти кенг пирамидасимон, шохлари тик ва кучли ўсади. Бал. 13—15 м га боради. Гуллари йирик, оқ. Апр.нинг 2-ярмида гуллайди. Меваси ўртача (75—100 г), сирти силлиқ, чўзиқ, пўсти майин, оқ нуқталари бор, эти оқ, мулойим, сувли, хушхўр. Таркибида 83,6% сув, 0,34% кул, 10,8% қанд, 0,53% к-та, 0,7% пектин моддалари, 2,2 мг (1000 г да) темир модласи мавжуд. Меваси окт. бошларида териб олинади. Ер ости суви чуқур, бўз тупроқли ерларда ҳар тупи 300—500 кг (айрим дарахтлардан 1,5—2 т) ҳосил олинади. 22—25 ёшида мўл ҳосил беради. Бироқ меваларини (айниқса, ҳосил йиғиштирилиши олдидан) кўп тўкилади. Мазаси сақланиши жиҳатдан энг яхши навлардан. Совуққа чидамли. 20-а.нинг 60-й.ларига қадар Ўзбекистонда асосий навлардан бири сифатида кўп экилган.

Розмарин олма нави.

РОЗО — Доминика пойтахти. Доминика о.нинг жан.-ғарбий қисмида, Гудвил ва Шарлот бухталари ўртасида, Розо дарёси бўйида жойлашган. Аҳолиси 15,8 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Денгиз порти; четга эфир мойи, тропик мевалар, сабзавот, зираворлар чиқарилади. Озиқ-овқат, тикувчилик саноати корхоналари бор. Католиклар собори (1841), черков, Ҳукумат уйи ва б. меъморий бинолар, Виктория музейи, ботаника боги бор. Шаҳарга 17-а.да французлар томонидан асос солинган.

РОЙ Бимал (1909.12.7, Дакка — 1967.8.1, Бомбай) — ҳинд кинорежиссёри, оператор, продюсер. Ҳинд киносида реалистик йўналишининг асосчиларидан. «Нью тиэтр» фирмасида операторлик мактабини тугатган (1933). 1935—42 й.лар оператор. 1943 й.дан реж. «Девдас» унинг биринчи мустақил иши. «Икки бигҳа ер», «Ака-укалар», «Сирли киши», «Она муҳаббати», «Таҳқирланган», «Синов», «Маҳбус» каби фильмлари б-н жаҳонга танилган.

РОК — 1) *Шашмақом* таркибидаги Бузрук мақоми ашула бўлимининг иккинчи гуруҳ шуъбаларидан бири. Р.нинг 5 та шохобчаси бўлиб, улар «Рок», «Мустаҳзоди Рок», «Қашқарчаи Рок», «Соқийномаи Рок» ва «Уфари Рок» деб аталади. Булар ўз тузилиши жиҳатидан бошқа 2-гуруҳ шуъбаларидан фарқ қилади. Унинг «Рок» қисми мураккаб чанандоз усулида, 2- қисми талқин доира усулида, 3- қисми қашқарча усулининг ўзгартган шаклида, кейинги қисмлари соқийнома ва уфар доира усулларида ижро этилади. Р.нинг 1- ва 2- қисмларида Уззол намуди авж сифатида қўлланилган. Рок енгил ва шўх янграйди. Р. шуъбаси сурнайда ҳам чалиниб, «Шодиёна» деб аталувчи куйлар туркумининг бир қисмини ташкил этади; 2) уйғур мусиқаларидан бири. Унинг оҳанглари Шашмақомдаги Р.дан бутунлай фарқ қилади.

РОК МУСИҚА (инг. rock music — *рок-н-ролл* сўзидан) — *оммабоп мусиқа* тури. 1950-й.ларда АҚШда тижорат-кўнгилочар санъатининг янги (рок-н-ролл) шакли сифатида юзага келган (Б.Хейли, Ф. Домино, Э. *Пресли*, Ч. Берри). Ўша даврда кенг тарқалган «ширин оҳанг» қўшиқлар (Ф. Синатра ва б.)га қарши ўлароқ Р.м.да жўшқин ритм, баланд товуш (динамика), ғайратли ва эҳтиросли куйлаш услуби, қўшиқ матнларида қўпол (адабсиз) иборалар кенг ўрин олган. Р.м. ансамблар таркиби асосини якка хонанда, электр (соло, ритм ва бас) гитаралар ва урма чолғулар ташкил этади. Ижро услуби, айниқса, электрогитаранинг жарангдор, кучли ва таъсирли овози, кенг техник ва ифодавий имкониятлар ёрдамида шакл топган (Ж. Хэндрикс, Р. Блэкмор ва б.). 60-й.лардан Р.м. Америка ва Европа ёшларининг жамиятдаги ижтимоий, маданий жараён бўлиб ривожланган. Бу даврда Европа (жумладан, Англия) гуруҳлари («The Beatles», «Rolling Stones» ва б.) Р.м. тараққиётига алоҳида ҳисса қўшган. Тарихий ривожи жараёнида Р.м. бир неча услуб ва йўналишларга эга бўлган. «Хард-рок» («оғир, қаттиқ рок» — «Led Zeppelin», «Black Sabbath», «Scorpions», «Nazareth» ва б.), «хэви метал» («оғир металл» ёки «оғир қуроллар» — «Black Sabbath», «Deep Purple», «Led Zeppelin», «Metallica», «Rammstein»), «психоделик рок» («Pink Floyd» ва б.), «арт-рок» (мумтоз мусиқа намуналарига асосланган рок — «Deep Purple», «Uriah Heep», «Queen» ва б.), «фолк-рок» (Боб Дилан ва б.), «глэм-рок» («жозибали, ёқимли рок» — «Kiss», Э. Купер ва б.), «панк-рок» («ёмон, ярамас рок» — «Sex Pistols» каби) ва б. Ўзбекистонда биринчи Р. м. гуруҳлари 1960-й.ларнинг 2-ярмида пайдо бўлган («Кибергилар», 1967, «Сигма», 1968 ва б.). Улар репертуаридан Европа Р.м. намуналари б-н бирга қайта ишланган ўзбек халқ куйлари, Ўзбекистон композиторлари асарлари ҳам ўрин олган. 1970-й.ларда асосан, фолк-рок («Ялла», «Квазарлар», «Наво» ва б.), жаз-рок («Синтез», «Интер», «Сато» ва б.), кейинчалик хэви-метал («Peiic 09», «Дау-метал») каби ва б. услублар ривож топган.

Олимжон Бекпо.

РОКА — Пиреней я.о.даги бурун, Португалияда. Европанинг энг чекка ғарбий нуқтаси (9°34′ г.у. ва 38°47′ ш.к.).

РОКВЕЛЛ УСУЛИ — материаллар (асосан, металлар)нинг қаттиқлигини аниқлаш усулларидан бири. Қаттиқлик материалнинг сиртига олмос конус (учидаги бурчак 120°, шкала А ва С) ёки тобланган пўлат шарча (диаметри 1,588 мм, шкала В) ботириб аниқланади. Қаттиқлик бирлиги миқдори (америка металлурги С. П. Роквелл усули бўйича) конус (ёки шарча)нинг металл сиртига ўқ бўйлаб 0,002 мм ботишига мос миқдорга тенг. Р. у. бўйича синовлар столга ўрнатиб ишлатиладиган асбоб — қаттиқлик ўлчагичда бажарилади. Қаттиқлик миқдори индикаторда ўлчанади (расмга қ.).


Роквелл усули. Қаттиқлик ўлчагич: *1* — маховик; *2* — кўтариш винти; *3* — таглик; *4* — намуна; *5* — олмос конус; *6* — индикатор.

РОКИРОВКА [франц. roguer, асли форсча рох (шахматдаги рух) сўзидан] — шахмат ўйинида шоҳ ва рухни бир вақтда дастлабки жойидан кўзгатиб (ўрнини ўзгартириб) қўйиш (шоҳни — бир катак ташлаб чапга ёки ўнгга, рухни — шоҳ суриб қўйилган катак устидан ўтказиб чап ёки ўнг томонга). Шоҳни ўз томонидаги рух б-н ўрнини ўзгартириб қўйиш кичик Р., фарзин томонидаги рух б-н ўрнини ўзгартириб қўйиш катта Р. ҳисобланади. Р.нинг ҳоз. қоидаси 19-а. ўрталаридан Европада қўлланила бошлаган. «Р.» термини, шунингдек, ўзгартиришлар, жой-жойини алмаштириш (мас., сиёсатдаги Р.) маъносида қўлланилади.

РОК-Н-РОЛЛ (инг. rock and roll — чайқал ва айлан) — *оммабоп мусиқа* жанри, *рок мусиқа*нинг илк шакли. 1950-ри. АҚШнинг турли миллий анъаналари негизида юзага келган. Унда шаҳарда яшовчи қора танли аҳоли орасида оммалашган ритм-энд-блюз (рақсга мослаштирилган *блюз*), кантри-эндгга мослаштирилган фольклор), буги-вестери (фермерлар фольклори), буги-вуги ва б. услублар ўзаро туташган. Р.-н.-р. ўзининг эҳтиросли оҳанглари, жўшқин усуллари, янги ва эркин рақс (айниқса, бел ва тизза) ҳаракатлари б-н тез орада ёшларни ўзига жалб қилиб, *ёшлар мусиқаси*га асос солди. Р.-н.-р. асосида 1950—60 й.ларда янги рок, соул, ска, диско ва б.) рақслар (твист, шейк, мэдисон ва б.) рақслар юзага келган. Р.-н-р.нинг таниқли ижрочилари: Э. *Пресли*; «*Битлз*» гуруҳи ва б. Ўзбекистонда 1960—70 й.ларда *ВИА* (мас., «Наво», «*Ялла*» ва б. гуруҳлар ижодидан ўрин олган.

РОКОКО (франц. rococo), рокайль — 18-а. 1-ярмида Европа нафис санъатида юзага келган услуб (безаклари чиганоққа ўхшатиб гажаксимон ишланган). Дастлаб Францияда пайдо бўлган, кейинчалик Германия, Австрия ва б. мамлакатларга тарқалган. 30—40-й.ларда Р. энг гуллаган даврини бошидан кечирган. Абсолютизм инқирози даврида киборларга хос бўлган хусусиятлар, яъни реал ҳаётдан қочиб, сохта театрлаштирилган ҳаёт тарзига интилиш ва б.ни ўзида акс эттирган. Меъморликда безакка таъсир этиб, жимжимадорликка эътибор кучайди: нозик ҳошияларга олинган ўйма ва бўртма нақшлар, ўрама, картуш, рокайль ва б. кенг қўлланилди; биноларда симметрия ўрнини асимметрия, тартибсизлик эгаллай бошлади. Бинолар ташқи кўриниши жиддий ва сипо ишланган ҳолда хоналарни безашга эътибор ортди, бино, унинг хоналари учун олинган нисбатлар ҳам енгил ва нафисликка эга бўла бошлади, хонанинг ички қисми енгил «пастель» рангида ишланган нақшлар, афсоналардан олинган кичик суратлар б-н безатилди, хоналарнинг бурчаклари йўқ қилиниб овал шаклига эга бўла бошлади. Ички безакларда кўзгуларнинг безак имкониятлари ҳам ҳисобга олинди, мебеллар ҳам хона ва унинг безагига мослаб танланди (меъморлар Ж. М. Оппенер, Ж. О. Мейсонье, Ж. Боффран ва б.).

Рококо. «Раққоси Камарго» (Н. Ланкре асари).

Рангтасвир, графика ва ҳайкалтарошлик Р. асарлари ўта нафис, нозик саҳналар бир оз ўйноқи ва жимжимадорлиги б-н ажралиб туради. Безак ва дастгоҳ санъатида намоён бўлган девор, плафон, эшик тепасига ишланган тасвирлар, гобеленлар кўнгил очишга мўлжалланган мавзулар б-н тўлдирилди; одам қомати безак бўлагига айлана борди; композиция қурилиши енгиллик, майинлик хислатини ифодалашга бўйсундирилди. Расмлар мавзуси ҳам бирмунча чекланган бўлиб, ишқ-муҳаббат, киборларнинг кўнгил очиши ва дам олиши, пасторал мавзуда (табиат қўйнида эркин, фарогатда яшаётган чўпон йигит ва қизлар ҳаётига бағишланган) асарлар яратилди, портретлар чизилди (рассомлар Ф. Буше, А. Ватто, Н. Ланкре, Ж. Фрагонар ва б.). Ҳайкалтарошликда рельефлар, бинолар интерьерини безайдиган ҳайкаллар (ҳайкалча, бюст, терракотадан ясалган нақшланган ёки сирланмаган чинниллар) кенг ўрин эгаллади. Нозик рантлар жилосига бой Р. рангтасвири ҳам безак хусусиятига эга эди. Амалий санъат усталари хом ашёнинг ифода имкониятларини нозик очиб бера олди.

18-а. ўрталаридан Р. услуби композицияларининг ҳаддан ортиқ мураккаблиги, жимжимадорлиги танқидга учрай бошлади. Р. ўрнини *классицизм* эгаллай бошлади.

РОК-ОПЕРА — мусиқали театр жанри. 1960-йлларда *мюзикл* ҳамда *рок мусиқа*нинг ифодавий воситалари негизида юзага келган («Сочлар», Г. Макдермот, 1967; «Кутилиш». Т.Лин, 1969 ва б.). Унда операга хос ария, хор, увертюра каби шакллар, шунингдек, монолог, диалог, замонавий рақс, ёритиш воситалари ҳамда овоз чиқариш электрон мосламалари кенг қўлланилади. Ижрода симфоник оркестр ҳамда рок ансамбль чолғулари қатнашади. Р.-о.ла кўпинча мифологик (диний), тарихий мавзулар замонавий талқинда намоён бўлади (мас., «Исо Масиҳ — суперюллуз», Э.Л. Уэббер, 1971). А. Журбиннинг «Орфей ва Эвридика», А. Рибниковнинг «Юнона ва Авось» Р. -о.лари Ўзбекистонда намойиш этилган.

РОКСОЛАНЛАР (лот. Roxolani) — кўчманчи чорвадор сармат қабилалари номи; кўчманчи қабилалар маркази — Шим. Азов бўйида жойлашган йирик ҳарбий-сиёсий иттифоқни тузганлар. Мил. ав. 2-а. охирида Р. *скифлар* б-н иттифоқда Қримда Понт саркардаси Диофантга қарши урушганлар. Мил. ав. 2—1-а.ларда скифлардан Дон ва Днепр дарёлари оралиғидаги даштни тортиб олишган. Мил. 1-а.да Р. Днепрдан ғарбдаги даштни эгаллашган. Тахм. 70-й.да улар Мёзияга чопқун уюштирганлар. 2—3-а.ларда Р. Дунай бўйида Рим б-н уруш олиб боришган, лекин афтидан уларнинг аксарияти *готлар* босқинига қолар (мил. 4-а.) Қора денгизнинг шим. даги даштларда истиқомат қилганлар. Гуниглар сарматлар иттифоқига барҳам бериб, Р.нинг бир қисмини ўзларига қўшиб, ғарбга юришни давом эттирганлар.

РОКФЕЛЛЕРЛАР — АҚШдаги энг йирик молия-саноат гуруҳларидан бири. 1870 й.да Жон Рокфеллер (1839—1937) «Стандарт ойл» компаниясини тузиб, 19-а. охирида нефть саноати ва сандосини монополия қилиб олиши асосида юзага келди. 20-а.нинг 20-й.ларида АҚШдаги йирик монополистик гуруҳлар ичида *Морганлар*дан сўнг 2-ўринни эгаллади. 1970 й. бошига келиб Р. назоратидаги активлар 124,6 млрд. долларга етди. Р.нинг ҳоз. молия-саноат гуруҳи ўзагини «Эксон» нефть монополияси (активи 1973 й.да 36,8 млрд. доллар) ва «Чейз Манхеттэн банк» тижорат банки ташкил қилади. Р. гуруҳи кўпгина молия-кредит муассасаларига эга. Машинасозлик, электротехника ва озиқ-овқат саноати тармоқларининг бир қанча корхоналари уларнинг тасарруфида.

Р. бошқа молиявий гуруҳлар б-н биргаликда бир қанча йирик саноат корпорацияларини ва банкларни назорат қилади. Р. АҚШ нинг сиёсий ҳаётида ҳам муҳим *роль* ўйнайди.

РОЛЛАН (Rolland) Ромен (1866.29.1, Кламси — 1944.30.12, Везле) — француз ёзувчиси, мусиқашунос, жамоат арбоби. Дастлабки пьесалари Италиянинг Уйғониш тарихига бағишланган. Лекин улар матбуотда чоп этилмаган. Тарихий мавзудаги «Эътиқод фожиаси» номли б-н умумлашган 3 пьесасида ўз ватандошларини эътиқод, мардлик ва ишончга даъват қилган. Р.нинг Шекспир руҳида ёзган 2 тарихий пьесаси (30 йиллан сўнг ёзган) учинчи — «Робеспьер» б-н якун топган. «Жан-Кристоф» (1—10 ж.лар, 1904—12) роман-эпопеясида Бетховен типидаги ҳаҳо мусиқачининг тарихи 20-а. бошларидаги Европа маданияти инқирозининг реалистик картинаси фонида кўрсатилган. «Кола Брюньон» қиссаси (1914, нашри 1918) маркази да эрксевар меҳнаткаш халқ устаси образи туради. Р.нинг кейинги ижтимоий-сиёсий қарашлари «Мафтункор қалб» роман-эпопеяси (1—4 ж.лар, 1922—33)да акс этган. Л. Бетховен (1903), Микеланжело (1907), Л. Н. Толстой (1911), М. Ганди (1923) каби буюк кишиларнинг бадиий биографиясини ёзган. Мусиқашуносликка оид асарлари ўзбек тилига таржима қилинган. Нобель мукофоти лауреати (1915).

РОЛЬ (франц.) — 1) саҳнада, экранда актёр томонидан ижро этилган бадиий образ. Ҳажвий (комедик), фожиавий (трагик), драматик, трагикомедик, шунингдек, биринчи (асосий) ва иккинчи даражали (эпизодик) Р. бўлади; 2) актёрнинг спектакль давомидаги нутқи; 3) кўчма маънода вазифа, аҳамият, мавқе, ҳисса ва ҳ.к.

РОЛЬГАНГ (нем. Rolle — ғўла ва Gang — йўл) — юкларни кичик масофага ташиш учун мўлжалланган қурилма (роликли *конвейер*). Юритмали ва юритмасиз хиллари бор. Юритмали Р.да роликлар гуруҳи ёки хусусий юритма (ҳаракатлантиргич)га эга бўлади. Юритмасиз Р.да ташиладиган юклар (донали, қутига жойланган юклар) рамага бир-бирига яқин қилиб ўрнатилган роликлар устига қўйилади. Юкни қўлда итарганда роликлар думалаб, юкни суради. Юкни махсус итаргичлар ёрдамида итариш (горизонтал Р.), ўз оғирлиги таъсирида силжитиш (қия Р.) ҳам мумкин. Шунда ҳам роликлар думалаб юкни суради. Р. саноат корхоналарида, омборларда ишлатилади. У қ. х., транспорт машиналари ва бошқа бир қисми бўлиши ҳам мумкин.

РОМ (инг. rum) — кучли спиртли ичимлик, шакарқамиш парбатини ёки шакарқамишдан шакар и. ч. чиқиндиларини бижғитиб ва уни ҳайдаш йўли б-н олинадиган спиртдан тайёрланади. Спиртга дистилланган сув (қувват 40—45 ва ундан ортиқ бўлиши мумкин), 1°ғ қанд қўшилади ва аралашмага қўйдирилган қанд қўшиб, ранг берилади. Эман бочкаларда ҳаво намлиги 70—80% ва ҳарорати 18—23° бўлган жойда камида 4 йил сақланади. Р. барча шакарқамиш етиштириладиган мамлакатларда ишлаб чиқарилади. Дастлаб 17-а. да *Вест-Индия*да тайёрланган.

Жаҳонда Ямайка, Куба, Гвадулепа, Мартиника Р.лари машҳур. Ўзбекистонда 20-а.нинг 70-й.ларида Сурхондарё вилоятининг Денов ш.да жойлашган Денов ром (ҳоз. вино-арақ) з-дида «Сурхон» Р. ичимлиги. Самарқанд вино к-тида «Совет Роми» ишлаб чиқарилган.

Одилжон Аҳмедов.

РОМАН (франц. roman) — насрий асар жанри; муайян шахс ёки бир неча шахснинг шаклланиши ва камол топиш жараёни бадиий макон ва замонда тасвирланган асар. Р. ўрта асрларда *роман тилларида* ёзилган ҳар қандай асарни англатган. Р.да шахс ва жамият ҳаёти бир-бирини инкор этмайдиган маълум маънода мустақил олам сифатида таҳлил ва талқин этилади. Худди шу нарса Р. жанри мундарижасининг ўзига хослигини белгилаб беради. Муайян шахс тақдирининг онлавий-маиший, миллий, ижтимоий, маданий ва тарихий муҳит б-н ўзаро узвий алоқада тасвирланиши Р. жанрининг кўлами ва гоявий-бадиий қимматини намойиш этади. Р. жанри марказида бош қаҳрамон образи туради. Бу бош қаҳрамон тақдири унинг жамиятда тутган мавқеи б-н ҳар доим ҳам муштарак бўлавермайди. Аксинча, инсон ўз тақдирига нисбатан катта ёки инсоний фазилатларига кўра кичик бўлиши мумкин. Бинобарин, у б-н унинг тақдири ёки жамиятдаги мавқеи ўртасида муайян зиддият бўлади ва худди шу зиддият Р. жанрининг мундарижасини — сюжет чизиқларини ҳаракатлантириб туради. Бош қаҳрамоннинг шахс сифатидаги фазилатлари ана шу жараёнда, бошқа қаҳрамонлар б-н муносабатида, курашида очилади. Бу муносабатларнинг кескинлиги ва бош қаҳрамон учун фожиали хотима б-н тугаши ёки уларнинг енгил ва ҳажвий оқимда кечиши Р.нинг эпик жанр сифатидаги ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради. Ҳар

иккала ҳолатда ҳам бош қаҳрамон б-н жамият, муҳит ёки урф-одат ўртасидаги зиддият ва кураш ўзида даврнинг ижтимоий ҳамда маънавий-ахлоқий муаммоларини қамраб олган кўзгу сифатида майдонга келади. Кейинчалик Р.нависларининг муайян услубий тузилма ва тасвирий воситалар тизимини синқалаштиришга қаратилган уринишлари ҳам пародия қилинган. Бу ҳол Р.нинг авват-бошланоқ муайян адабий шаклларни қонунлаштиришни ҳеч кўрмайдиган ва ёзувчи қаршисида бадиий тасвирнинг барча имкониятларини очадиган жанр бўлганидан шаҳодат беради.

Мавзу, ҳажм, сюжетнинг мураккаблик даражаси, композицион тузилиш ва тасвир усулларида муайян фарқ бўлишига қарамай, Р. жанрида баъзи бир бадиият унсурларининг (интрига, конфликт, ечим каби) бўлиши талаб этилади. Шу б-н бирга Р. навислар бу унсурларга, шунингдек, бадиий тасвирнинг бошқа шакл ва воситаларига эркин муносабатда бўлишлари мумкин.

Р.лар ўз тарихининг дастлабки даврида тузилишига кўра 2 гуруҳга — «Оқиқ» ва «Ёпиқ» Р.ларга ажралган. «Оқиқ» тузилмали Р.нинг ёркин намунаси М. *Сервантес*нинг «Дон Кихот» и бўлиб, унда жамият ҳаётининг хилма-хил томонлари б-н бирга бош қаҳрамон иштироки характерининг тадрижий ўсиши ҳам муфассал тасвирланган, бош қаҳрамон иштирок этган воқеа ва ҳодисаларга эса кўплаб персонажлар жалб этилган. «Ёпиқ» тузилмали Р.ларнинг дастлабки намуналаридан бири М.М. де Лафайетнинг «Малика Клевская» асаридир. Бу асарда ёзувчи эътибори фақат бир қаҳрамон ҳаёти, бир конфликт ва бир вазият тасвирига қаратилган. Кейинчалик, Р. жанри ички шохобчаларга бўлинган пайтда психологик Р.жанри ана шу «ёпиқ» Р.дан ўсиб чиққан.

Р. антик адабиётда пайдо бўлганида, ёзувчилар кўпинча маиший мавзудаги мифларнинг анъанавий сюжетларидан фойдаланиб, уларга эмоционал олам манзараларини олиб кирганлар. Қаҳрамонларнинг ички олами тасвири бу асарларда воқеабандликнинг соясида қолган. Аммо Лонгининг «Дафнис ва Хлоя» ишқий-буколика Р.ида қаҳрамонларнинг саргузаштларига қараганда уларнинг ҳис-туйғулари тасвирига шу қадар катта ўрин берилганки, натижада бу асар узоқ даврлар мобайнида психологик Р.нинг мумтоз намунаси ҳисобланиб келган.

Р. жанри ана шу тарзда даврма-давр бойиб, бадиий тузилмаси ўзгариб борди. Ўрта асрларда романтик тасвир усулининг етакчилик қилиши натижасида рицар Р.лари («Тристан ва Изольда ривояти»), Уйғониш даврида кичик ҳикоялардан иборат Р.лар (Ж. Боккаччонинг «Декамерон»и), романлашган қисса (М. Боярдо, Л. Ариосто, Т. Тассо) ва драмалар (В. *Шекспир*) майдонга келди. Ана шу тарзда Р. табиатида кечаётган ўзгаришлар инсонпарварлик чақётган ўзгаришлар инсонпарварлик ғоялари устуворлик қилган Маърифатчилик даврида муайян даражада ўз парварлик даврида муайян даражада ўз якунига эришди. А. Ф. *Прево*нинг «Манон Леско» Р. и б-н адабиётга «ўртаҳол характер деб юритилган қаҳрамонлар образи кириб келди ва шу давр Р.ларида руҳият тасвири кенг ўрин эгаллади.

19-а.дан бошлаб жаҳон адабиётида реализм Р. жанри шаклана бошлади. Г. *Стендаль*, О. *Бальзак*, Г. *Флобер* ва б. ёзувчиларнинг бадиий изланишлари Р. жанрининг сюжет доираси кенг-ё Р. жанрининг сюжет доираси кенгайди, кўп планлилик, эпик кўлам ва сюжетининг шиддатли ҳаракати жанрнинг муҳим шартлари сифатида қабул қилинди. 19-а.нинг сўнги чорагида натурализмнинг авж олиши натижасида Р. табиатида турғунлик, ҳатто таназзул ҳолати кўзга ташланди. Аммо 19-а. охири — 20-а. бошларида Ж. *Голсуорси*, Г. *Манн*, Т. *Манн* ва Ж. *Лондон* реалистик асарларининг яратилиши б-н Р. жанри ўз тараққиётининг янги босқичига эришди. Рус адабиётида «Евгений Онегин» (А. С. *Пушкин*) шеърий романининг яратилиши рус Р. навислигининг шаклланишига муҳим туртки берди. Н.В. *Гоголь*, И. В. *Тургенев*, Л. Н. *Толстой*, Ф. М. *Достоевский* Р.ларининг майдонга келиши б-н реалистик рус Р. навислик мактаби вужудга келди.

Ўзбек адабиётида Р. жанрининг пайдо бўлишига Навоий «Ҳамса»сини ташкил этган «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» сингари достонлар, халқ китоблари ва достонлари муҳим манба бўлиб хизмат қилди. Миллий уйғониш адабиёти намояндалари дастлабки ўзбек Р.ларини яратишга киришганларида мазкур миллий адабий тажриба ва анъаналардан самарали фойдаландилар. Ҳамзанинг «Янги саодат ёхуд Миллий роман»и (1914), Мирмуҳсин Шермуҳамедовнинг «Бефарзанд Очилдибой» (1915) асарлари ўйлидаги изланишлар эди. Қодирийнинг «Ўтган кунлар» (1926) асарининг яратилиши б-н ўзбек реалистик Р.и вужудга келди. Қодирий бу асари б-н миллий ўзбек Р.навислик мактабига асос солди. Айни пайтда бу асар катта бадиий полотноларни яратишга қодир янги ўзбек адабий тилининг шаклланганини ҳам намойиш этди. Кейинчалик Қодирий «Меҳробдан чаён» (1928), *Айний* «Қуллар» (1934), *Ғулом* «Кеча ва кундуз», *Абдулла Қаҳҳор* «Сароб» (1935), *Ойбек* «Қутлуғ қон» (1939) ва «Навоий» (1944) асарлари б-н ўзбек Р.навислик мактабининг юксалишига катта ҳисса қўшдилар. Устоз адибларнинг ижодий изланишлари туфайли шаклланган ўзбек Р. навислик мактаби кейинчалик А. Мухтор, Шуҳрат, Мирмуҳсин, Ҳ. Ғулом, Ш. Рашидов, С. Аҳмад, Шукрулло, М. Исмоилий, О. Ёқубов, П. Қодиров, Ў. Ҳошимов, Т. Малик, О. Мухтор ва б. ёзувчиларнинг турли мавзуда ёзган асарлари б-н бойийди. Ўзбек Р. навислигида Р. жанрининг турли кўринишлари (тарихий, тарихий-биографик, тарихий-инқилобий, публицистик, ҳарбий, саргузашт, фантастик Р.лар, шунингдек, Р. -хроника, Р.-новелла, Р.-мунозара) ва шакллари (дилогия, трилогия) пайдо бўлди.

Совет даврида яратилган айрим Р.ларда шу даврнинг ўткинчи ғоялари олға сурилган ва воқеликнинг социалистик реализм талаблари асосида бўяб, хаспўшлаб кўрсатилган. Шунга қарамай, ўзбек Р.и ҳудди шу даврда миллий адабиётнинг етакчи жанрларидан бири сифатида пайдо бўлиб, ўзининг юксак намуналарини берди.

Мустақиллик йилларида Ў. Ҳошимов, Ш. Холмирзаев, Т. Малик, Ҳ. Шайхов, О. Мухтор, Муҳаммад Али, У. Назаров, Тоғай Мурод ва б. ёзувчилар ўзбек Р. навислигини ўзларининг турли мавзу ва жанр кўринишларидаги асарлари б-н бойитмоқдалар.

Ад.: Кожинов В. В., Происхождение романа, М., 1963; Днепров В., Черты романа XX века, М., 1965; Мирвалиев С., Ўзбек романи, Т., 1969; Бахтин М., Эпос и роман, М., 1970; Судьбы романа, М., 1975; Пардаева З., Ўзбек романи поэтикаси, Т., 2003.

Нажм Қаримов.

РОМАН ТИЛЛАРИ — ҳинд-европа тиллари оиласига мансуб қадимий тиллар гуруҳи; уларнинг барчаси лотин тилидан келиб чиққанлиги, умумий ривожланиш қонуниятлари ва тил қурилишидаги кўплаб умумий унсурлар б-н ўзаро боғланади. «Роман» термини (лот. *romanus* — «Римга тегишли», «Рим империясига алоқадор» маъносида) дастлаб, илк ўрта асрларда, классик лотин тилидан ҳамда герман лаҳжаларидан фарқ қилувчи халқ тилини ифодалаган; Испания ва Италияда Р.т. «янги лотин тиллари» деб ҳам аталган. Р.т. 60 дан ортиқ мамлакатда

(мас.: француз тили 30 та, испан тили 20 та, португал тили 7 та, итальян тили 3 та мамлакатда) миллий ёки расмий тил сифатида қўлланади: уларда 600 млн.дан ортиқ киши сўзлашади.

Тилшуносликда Р.т.нинг сони ҳақида ягона фикр йўқ. Ҳоз. тегишли ишларда улар кўпинча 12 та деб кўрсатилади: испан, галиси(я), португал, каталан, окситан (провансаль), француз, итальян, сард, ретороман, румин, молдаван ва 19-а.дан ўлик ҳисобланадиган далмат тиллари. Р.т.нинг бир текис ривожланмаганлиги ҳам уларни чегаралаш, аниқ сонини белгилашни қийинлаштиради.

Р.т.нинг тарқалиш ҳудуди 3 га ажратилади: 1) «Эски Романи» — Европанинг Рим империяси таркибига кирган ва романча нутқни сақлаб қолган қисми. Р.т.нинг шаклланиш маркази (Италия, Португалия, деярли бутун Испания ва Франция, Бельгиянинг жануби, Швейцариянинг ғарби ва жануби, Руминия ва Молдавия республикаларининг асосий қисми. Шим. Греция, Македония кабилар); 2) «Янги Романия» — 16—18-а.ларда мустамлакачилик ҳаракатлари натижасида Европадан ташқарида Р.т.да сўзлашувчи аҳоли пайдо бўлган ҳудудлар (Шим. Америкадаги Канада ва Мексика мамлакатлари, Марказий Американинг асосий қисми, Жан. Америка, Антиль ороллари); 3) мустамлакачилик сиёсати натижасида Р.т. маҳаллий тиллар б-н бирга расмий тилга айланган мамлакатлар (Африканинг каттагина қисми, Жан. Осиё ва Океаниядаги унча катта бўлмаган ҳудудлар).

Р.т. Рим империяси таркибига кирган ҳудудлардаги халқона лотин тилининг давоми ва тадрижий ривожи ҳисобланади. Р.т. ривожида 4 босқич фарқланади: 1) мил. ав. 3-а. -мил. 5-а. — романлашув даври — маҳаллий тилларнинг халқона лотин тили б-н алмашиниши. Бўлажак Р.т. ўртасидаги тафовутлар шу даврдаёқ намоён бўла бошлайди; 2) 5—9-а.лар — Р.т.нинг Рим империяси парчаланиши ва варвар давлатларининг ташкил топиши шароитидаги шаклланиш даври. Р.т.га суперстрат унсурлар (яъни босқинчи германлар, вестготлар, франклар, бургундлар, ломбардлар ва б.)нинг кучли таъсири б-н ажралиб туради. Р.т.нинг лотин тилидан ва бир-биридан аниқ фарқли жиҳатлари кучая боради; 3) 10—16-а.лар — Р.т.да ёзувнинг ривожланиши, ижтимоий вазифаларининг кенгайиш даври. Дастлабки матнлар француз тилида 9-а.да, итальян ва испан тилларида 10-а.да, провансаль, каталан, сард тилларида 11-а.да, португал ва галиси тилларида 12-а.да, ретороман тилида 14-а.да, румин тилида 16-а.да пайдо бўлади. Лаҳжалардан юқори турувчи адабий тиллар шаклланади; 4) 16—19-а.лар — миллий тилларнинг шаклланиши, меъёрлашуви, бойиб бориши даври. Р.т. ривожланиши нотекис бўлган: баъзи тиллар анча эрта миллий тилга айланиб, ҳатто кейинроқ халқаро тил вазифасини ҳам бажарган бўлса (француз ва испан тиллари), баъзилари Ўрта асрларда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, кейинроқ ўз мавқеларини йўқотган ва 19—20-а.ларда қайталаш адабий тил мақомига эга бўлмоқда (провансаль, каталан ва б. тиллар). Европадан ташқаридаги бошқа ҳудудларда Р.т.нинг маҳаллий вариантлари (мас., Канадада француз тилининг, Бразилияда португал тилининг, Марказий ва Жан. Америкада испан тилининг вариантлари) пайдо бўлди.

Р.т. лотин алифбосидан фойдаланади. Болқон-роман тилларида ёзув кириллица асосида шаклланган. 1860 й.дан кейин румин тили, 1989 й.дан молдаван тили лотин алифбосига ўтган. Лотин тилида бўлмаган товушларни ифодалаш учун турли хил ҳарф бирикмалари, диакритик белгилар жорий этилган.

Абдувоҳид Мадвалиев, Исроил Пулатов.

РОМАН УСЛУБИ — Европа (асосан, Ғарбий Европа) санъатида 10-а.дан 12—13-а.лартача ҳукм сурган бадиий услуб. Бу давр санъатида Қад. Рим маданияти ва меъморлигида Қад. Рим меъморлиги услуб ва унсурларидан кенг фойдаланилган («роман» ибораси шартли бўлиб, «римники» маъносини англатади). Р.у. (термин 19-а. 20-й.ларидан ишлатила бошланган) Европада христиан диний тизимининг мустаҳкамланиши ва ёйилиши б-н боғлиқ ҳолда ривожланди, шунинг учун марказлари монастирлар бўлиб, қурувчи, ҳайкалтарош ва тоштарошлари эса монахлар эди. 11-а. охиридан сайёр қурувчилар собор, монастир, черков, қўрғон ва қасрлар қуриб Р.у.ни яратдилар. Бинолар тошдан қурилган (*базилика* тури асосий ўрнини эгаллайди), тузилишининг асосини минора ташкил этади, унинг атрофидаги геометрик шакллар (куб, призма, цилиндр ва б.) бинонинг яхлит мажмуини ҳосил қилади. Р.у. меъморлигига антик санъат, Византия ҳамда араб мамлакатлари санъати сезиларли таъсир кўрсатган, янгига келган меъморлик мактаблари ягона тамойилларга бўйсунган. Бу бинолар тарҳи ва тузилишида, безакдар шакли ва мазмунида кўринади. Р.у. Франция, Германия меъморлигида ёркин намоён бўлган. Жумладан, Нотр-дам ла Гранд ибодатхонаси (11—12-а.лар) кўринишни бирмунча паст, уч нефли (ўртадаги нефи ёнидагилардан бирмунча баланд, тоғи деворлар қалин, унлари кичик тор дарчалар девор қалинлигини бўртириб, салобатини оширади, бино (ички ва ташқи деворлари) рассомлик ва ҳайкалтарошлик асарлари б-н безатилган. Дастлаб деворни расмларга кени ўрин берилган, 11-а. охири — 12-а. бошларидан ибодатхоналар безагида монументал рельефлар етакчи ўрин эгаллайди; бино пештоқ ва олд тарзида, ички безакдардан устун ва унинг капителида кенг ишлатилган. Р.у.да *витраж* ҳам ўз ўрнига эга бўлган.

Амалий санъатда китоб миниатюраси ривожланди. Европанинг кўпгина мамлакатларида миниатюра мактаблари (рассомлар) шаклланди, яратилган асарлар мустақил асар сифатида аҳамиятга эгадир. Жумладан, француз рассомлари ака-ука Лимбурглар 60 дан ортиқ миниатюраларда йил фаслларини, қ.х. б-н банд кишиларнинг ҳаётини жонли ифодалаган.

РОМАН-КЎШ — Қрим я.о.даги энг баланд чўққи. Бабуган-Яйла тоғларида. Қрим тоғларининг Жан. гряласида. Бал. 1545 м. Оҳактошлардан таркиб топган.

РОМАНОВ САРОЙИ, Князь Романовнинг сарой ва ов кўрғонини — Тошкентдаги меъморий ёдгорлик. Роман-Византия меъморлиги услубида қурилган (1883—1906, меъмори А. Бенуа ва В. Гейнцельман). 1907 й.да ҳовли атрофи металл панжара б-н ўралиб, отхона, хизматчилар уйи барпо этилган. Ҳовлида оқу. от ҳайкалларини ўрнатилган. Р.с. П — тарҳни, 2 асосий қисм ва бинонинг бош тарзига бўртириб ишланган портик (пешайвондан иборат. Бош тарзининг марказидаги хона 2 қаватли, томи гумбазли, 4 бурчагига безакли найзасимон миноралар ишланган. Уйнинг пастки қисмини равоқли омборхона ва хўжалик хоналари эгаллаган. 1-қаватда князнинг ҳашаматли уйи, қабулхона жойлашган. Кираверишдаги вестибюль орқали меҳмонхонага ўтилган. Ён қанотидаги айланма зинадан 2-қаватдаги унча катта бўлмаган хонага, ундан болохонага ўтилади. Болохонанинг 2 ёнига овчи ит ҳайкали ишланган. Вестибюлнинг 2 томонидаги хоналар ойнаванд бўлиб, марказдаги хоналар б-н ўзаро боғланган. Ғарбий бурчагидаги гумбазли хона «шарқона», шарқий қанотидаги хона (зал) «европача» безатилган. Бош тарзидаги деразалар равоқли готика услубида ишланган. Шарқий зални безашда Наманган, Бухоро, Самарқанд, Тошкент усталари қатнашган. Р.с.да дастлаб Туркистон халқ ун-ти музейи, кейинчалик Республика марказий бадиий музейи (1924), Республика пионерлар саройи (1934—80), Ўзбекистон заргарлик санъати буюмлари музейи (1980—93) жойлашган. 1993 й.дан таъмирланиб, Ташқи ишлар вазирлигининг қабул маросимларини ўтказиш учун мослаштирилган.

РОМАНОВ ҚЎЙ ЗОТИ — пўстинбоп тери берадиган дағал жунли қўй зоти. 18-а.да Ярославль губернияси (Россия)нинг Волгабўйи ҳудудларида маҳаллий

Роман услуби. Мария Лах монастири черкови (Германия, 1093—1156).

Романов саройи биносининг бир қисми.

шим, калта думли қўйлардан халқ селекцияси асосида яратилган. Қўчқорларининг тирик вазни 65—70, совлиқлариники 45—55 кг. Қўчқорларидан 2—3 кг, совлиқларидан 1,5—1,7 кг жун олинади. Жуни уз. 3—8 см. Жунидан кигиз этик (пийма) босилади. Р.қ.з.нинг жун қопламида қилтиқ толага нисбатан тивит толалар кўп, ўртача нисбати 1:5, 1:6. Тивит толасининг узунлиги бўйича қилтиқ толадан кўп бўлгани учун жун қоплами ошланган терида ётиб (яссиланиб) қолмайди. Р.қ.з.нинг энг муҳим хислати улар табиатан туғма серпуштдир. 100 қўйдан ўртача 225—235 қўзи олинади. Айримлари 4 та, ҳатто 6 тагача қўзи туғади.

20-а.нинг 80-й.ларида Р.қ.з. қоракўл қўйлари пуштини ошириш мақсадларида Ўзбекистон қоракўлчилик и.т. институтида ўрганилган. Қоракўл совлиқларини Р.қ.з. қўчқорлари б-н чатиштиришда эътиборга лойиқ натижалар олинган, лекин тадқиқотлар ҳали якунланмаган.

РОМАНОВА Валентина Николаевна (1938.20.9, Москва вилояти Химки ш. — 2003.14.4, Тошкент) — раққоса, балетмейстер. Ўзбекистон халқ артисти (1977). Тошкент хореография билим юртини (1955), Тошкент маданият ин-тини (1992) тугатган. 1955—57 й.лар Навоий театрида балет раққосаси, 1957—78 й.лар «Баҳор» давлат ашула ва рақс ансамблининг яккахон рақсчиси. Унинг ижросидаги «Кўнгирчоқ», «Жонон», «Фарғонача рез», «Занг», «Андижон полкаси», «Чўпон», «Хоразмча рақс», «Пилла», «Роҳат», «Каштадўзлар», «Салом» каби рақслар ўзининг шўхчанглиги, ҳаракатларининг тез ва аниқлиги, ўзбек рақс мактаби техникасининг устаси эканлиги б-н ажралиб туради. Маданият ин-ти ва Миллий рақс ва хореография олий мактабида педагоглик қилган (1996 й.дан доцент). М. *Турғунбоева* б-н биргаликда Давлат мукофотига сазовор бўлган (1973).

Валентина Романова («Хоразмча рақс»).

РОМАНОВЛАР — 14—16-а.ларда Россиядаги боярлар уруғи, 16-а. бошигача Кошкинлар, 16-а. охиригача Захарьинлар деб аталган. 1613 й.дан подшолар, 1721 й.дан императорлар сулоласи. Р.дан чиққан 1-подшо — *Михаил Фёдорович*, 1-император — *Пётр I*, сўнгги император — *Николай II*; у 1917 й. фев. инқилобида тахтдан туширилган.

РОМАНОВСКАЯ Елена Евгеньевна (1890.24.5. ҳоз. Ленинград вилояти Пушкин ш. — 1947.22.11, Тошкент) — мусиқий фольклоршунос. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1944). 1917 й.дан Ўзбекистонда яшаган. Ленинград консерваториясини тугатгач (1929), Тошкент мусиқа билим юртида (1929—36), Тошкент консерваториясида (1936 й.дан) педагог, «Ўзбек мусиқаси» курсини яратган. Ўзбек аёллар қўшиқлари, Хоразм мақомлари, дутор куйларини нотага ёзиб олиб, нашр эттирган («Хоразм классик мусиқаси», Т., 1939; «Ўзбек лапарлари» Т., 1941; «Ўзбек чолғу мусиқаси», Т., 1948 ва б.). Булар орасида 2 жилдли «Ўзбек халқ қўшиқлари» (Т., 1939, И. Акбаров б-н ҳамкорликда) тўпламининг аҳамияти катта.

Ас.: Романовская Е. Е., Статьи и доклады. Записи музыкального фольклора. Т., 1957.

РОМАНОВСКИЙ Всеволод Иванович (1879.4.12, Олмаота — 1954.6.10, Тошкент) — математик олим, Ўзбекистон ФА акад. (1943), Петербург ун-тини тугатган (1906). Варшава ун-ти проф. (1911—15), Ростов-Дон ун-ти проф. (1915—18), 1918 й.дан умрининг охиригача Ўрта Осиё ун-тида проф.

Р. Тошкент мат. мактаби асосчиси. У *эҳтимоллар назарияси* ва *математик статистика*га катта ҳисса қўшган. *Марков занжирлари*ни чуқур ўрганиб, умумлаштирган, бу соҳада матрицалар усулларини яратган; марказий лимит теоремани кўп ўлчовли ҳолга ўтказган. Математик статистика соҳасида Р. бош тўплам эмпирик характеристикалари тақсимот функцияларига доир ишлари б-н машҳур. Р. ўз ишларида статистик назорат, статистика усулларини халқ хўжалигида қўллашга алоҳида эътибор берган. Ўзбекистонда олий мат. таълимини йўлга қўйиш ва ривожлантиришда, Ўзбекистон ФА Математика ин-тини ташкил этишда (1943) Р.нинг хизматлари катта. Т. А. *Сарымсоков*, С. Ҳ. *Сирожиддинов* ва б. унинг шогирдлари.

Ўзбекистон ФА Математика институтига унинг номи берилган (1954).

Ас.: Избр. Труды, т. 1—2, Т., 1959—1964; Математическая статистика, т. 1—2, Т., 1961—1963; Математик статистиканинг тажрибада қўлланиши, Т., 1950.

РОМАНОВСКИЙ Геннадий Данилович (1830.30.7 — Петербург — 1906.5.5) — рус геологи. Ўрта Осиё геологиясининг илк тадқиқотчиларидан. 1874 й. Ўрта Осиёга келиб, И. В. Мушкетов б-н бирга Ўрта Осиёнинг геологик тузилишини ўрганган, стратиграфиясини тавсифлаган. Кўмир конлари бу ерда юра даврига мансублигини аниқлади. Фарғона водийсида нефть конлари б-н бирга рудали фойдали қазилмалар ҳам мавжудлиги ҳақида фикр билдирди. Р.нинг Ўрта Осиё геологиясига тегишли тадқиқотлари «Туркистоннинг геологиясига оид материаллар» асарида ёритилган.

РОМАНС (испанча romanice — романча, роман тилига оид) — *камер мусиқа* жанри, чолғу жўрлигида ёки-ёхон хонанда ижросига мўлжалланган мусиқий-шеърий асар. Ўрта асрлар ва Уйғониш даврида пайдо бўлган Р. 18-а. охирида кенг тарқалган ва аслзодаларнинг нафис мажлисларида ижро этилиб келган мадригал (ишқий мавзудаги қофиясиз шеър) руҳидаги қўшиқларни сиқиб чиқарган. Р., асосан, кичик ҳажмдаги, банд тизимига асосланган, қисқа сатрлардан иборат лирик шеърларга қуйланган. Европа халқлари шеъриятида Ш. Мильвуа, Э. Парни, рус шеъриятида эса В. А. *Жуковский*, А. С. *Пушкин* шеъриятига ёзилган Р.лар, айниқса, машҳур бўлган. Р. ўзбек шоирлари ва композиторлари ижодига ўтган асрнинг 40—50-й.ларида рус Р.лари таъсирида кириб келди. С. *Юдаков* ва б. композиторлар А. С. Пушкининг ўзбек тилига таржима қилинган (мас., «Куйлама, соҳибжамол, менинг олдимда») шеърларига Р.лар ёза бошладилар. Шундай Р.лардан сўнг ўзбек мусиқасига рус ва Европа мусиқий жанр ҳамда шаклларини олиб кириш жараёни бошланган. 50-й.ларда *Алишер Навоий*, *Хофиз*, *Фузулий*, *Муқимий* газалларига ҳам ёзилган. М. *Бурҳонов*, С. Юдаков, М. *Левиев*, И. *Акбаров*, С. *Бобоев* ва б. композиторларнинг Ойбек, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Зулфия, Туроб Тўла шеърларига ёзган мусиқалари Р.нинг энг яхши намуналаридан. Сўнгги йилларда Р. *Абдуллаев*, М. *Бафоев*, Ф. Алимов, Д. Омонуллаева, Х. *Раҳимов* ва б. композиторлар томонидан *Бобур*, *Нодира*, *Фитрат* ва *Чўлпон* шеърларига ёзилган Р.лар ўзбек романсиналаси тараққиётида янги давр бошланганлиги ҳолат беради.

РОМАНТИЗМ (франц. romantisme) — 18-а.нинг 1-ярми — 19-а.да Европа, шунингдек, Америка адабиёти ва санъатида пайдо бўлган ҳамда жаҳон бўйлаб кенг тарқалган оқим. Р. испанча *романс* сўзидан олинган бўлиб, бу сўз дастлаб лирик ва қаҳрамонлик маъмунидаги қўшиқни, кейинчалик эса романлар ҳақидаги катта эпик асарларни англатган. «Романтик» сифатлоши 17-а.да роман тилларида ёзилган авантюра ва қаҳрамонлик руҳи б-н суғорилган асарларга нисбатан қўллана бошлаган. Инглиз ёзувчилари ва адабиётшунослари 18-а.да Ўрта асрлар ва Уйғониш даврлари адабиёти ҳақида баҳс борганда шу сўздан фойдаланганлар. Англияга Р.нинг кириб келиши арафасида (18-а.нинг 2-ярми) шеъриятнинг муҳим унсури ҳисобланган барча гайриодатий, сирли, ғаройиб ва фантастик нарсалар (туйғулар, ҳолатлар, саргузаштлар) романтик сўзи орқали ифодалана бошлаган. 18-а. охирида Германияда, 19-а. бошларида эса Францияда, шунингдек, Италия, Польша, Россия каби мамлакатларда Р. классицизмдан фарқланувчи адабий оқимнинг номи сифатида истеъмолга кирган.

Р. Европадаги барча мамлакатларни ўз қамровига олган ғайримаърифатпарварлик ҳаракатининг самарасидир. Буюк француз инқилобининг натижаларидан қониқмаслик бу оқимнинг пайдо бўлишида ижтимоий замин бўлиб хизмат этган. Буржуа жамиятидаги турмуш тарзига, жамият аъзоларидаги худбинлик ва ахлоқсизлик кўринишларига қарши кайфият, саноат, сиёсат ва илм-фан соҳаларидаги тараққиётнинг янги-янги зиддиятларни келтириб чиқариши романтикларда мутлақ идеалларга интилиш ҳиссини уйғотди. Улар ҳаётни қисман такомиллаштиришни эмас, балки ундаги барча зиддиятларни бутунлай бартараф этишни орзу қилдилар. Идеал б-н воқелик ўртасида катта фарқнинг борлиги Р.да ўзининг ёркин ифодасини топди ва бу ҳол Р.га хос 2 йўналишнинг моҳиятини белгилаб берди. Агар айрим романтиклар ижолида ҳаётда ақл бовар қилмайдиган, сирли кучлар ҳукмронлик қилади, бинобарин, тақдирга тан бериш керак, деган фикр устуворлик қилган бўлса (У. Вордсворт, С. Т. Колриж, Р. Саути, Ф. Р. Шатобриан, В. А. Жуковский), бошқа бирлари (Ж. Н. *Байрон*, П. Б. Шелли, А. Мицкевич, М. Ю. Лермонтов) ижодида зулм ва ўзбошимчилик дунёсига қарши кураш ва ундан норозилик кайфияти етакчи аҳамиятга эга.

Р.да идеал б-н воқелик ўртасидаги зиддиятни ифодаловчи воситалардан бири кинов (А. *Мюссе*, Г. *Гейне* ва б.). Дастлаб кинов ҳар қандай тарихий воқелик нисбийдир, деган фикрнинг эътироф этилишини англатган бўлса, кейинчалик романтик идеалларнинг руёбга чиқмаслигини англаш ҳисси б-н тўлинган.

Р. намояндалари жамиятдаги рангсиз ҳолларга қарши ўлароқ фантастика, халқ ривоятлари, табиат манзаралари, ўтган тарихий кунлар, олис халқлар ва мамлакатлар турмуши, урф-одатлари ҳамда улуғ ижодкорларини тасвир доирасига тортдилар; катта ишқий эҳтиросларга ва руҳий ҳаёт тасвирига алоҳида эътибор бердилар. Шу сабабдан дин, санъат ва фалсафанинг Р.даги ўрни ва аҳамияти мисли сиз даражада ошди.

Классицизм эстетикасидаги «табиатга тақлид» тамойилига қарши ўлароқ романтиклар санъаткорнинг ижодий фазолигини ўзларининг устувор ақидалари деб билдилар. Санъаткор, Р. эстетикасига кўра, реал оламни ўзгартириш ҳуқуқига эга: у ўзининг гўзал ва ҳақиқий, бинобарин, реал оламини яратади; модомики, санъат бу оламдаги энг юксак қадриятни ташкил этар ва бу оламнинг моҳиятини ифодалар экан, демак, у реалликдир. Санъат асари, Р. эстетикасига кўра, бамисоли тирик организм, бадиий шакл эса мазмунининг пўстлоғи ёки ғилофи эмас, балки шу мазмуннинг ич-ичидан ўсиб чиқувчи ва мазмун б-н узвий равишда боғлиқ ҳолиса. Романтиклар эстетикасидаги меъёнлаштириш ҳолларини, санъатнинг яхши мақсадда бўлса-да, муайян чегара устунлари б-н ўралишини инкор этиб, санъаткорнинг ижодий эркинлигини эҳтирос б-н ҳимоя қилдилар. Шунга қарамай, улар ўзларининг янги эстетик қонун ва қоидаларини ҳам ишлаб чиқдилар (мас., қ. *Услуб*).

Р. даврида янги бадиий шакллар майдонга келди. Тарихий роман, фантастик қисса, лиро-эпик достон жанрлари, саҳна санъатидаги ислоҳотлар шу даврнинг ажойиб самараларидир. *Лирика* худди шу даврда ўзининг иккинчи баҳорини кечирди. Шеърий сўзнинг янги-янги маъно қирралари кашф этилди ва шеърий сўз ҳис ва туйғу силасларини ифодалаш учун истиноравий воситалар б-н бойиди. Шеъриятда мусиқий ва тасвирий ибтидо ўзаро уйғунлашди; санъат, фалсафа ва динининг

омухта кўринишлари пайдо бўлиб, санъат турларининг ўзаро яқинлашиш, оддий ҳодисалар ё-н гайриоддий ҳодисаларнинг, комизм б-н трагизмнинг уйғунлашиш жараёни авж олди. Фантастикага, ҳаёлий муболағаларга, шаклнинг ошкора шартлилигига мойиллик Р. намояндаларининг бадиий тасвиридаги ўзига хослигини белгиловчи омилларга айланди.

Германия Р.нинг классик мамлакати бўлиб, Буюк француз инқилоби шабадаларининг ёу ерда эсиб ўтиши ижтимоий муаммоларнинг фалсафа, этика ва, айниқса, эстетика соҳаларига равон кириб боришига имкон берди. Немис ёзувчилари ва назариётчиларининг Иен мактаби (В. Г. Ваккенродер, Новалис, ака-ука Ф. А. Шлегеллар ва б.) томонидан ишлаб чиқилган романтик эстетика ва дунёни романтик ҳис этиш асослари немис Р.нинг биринчи авлоди вакиллари ижодида ўзининг дастлабки самараларини берди (Тикнинг «Этик кийган мушук» комедияси, Новалиснинг «Тун мадҳиялари» дирик туркуми ва «Генрих фон Офтердинген» романи ва б.). Немис романтикларининг иккинчи авлоди (Гейдельберг мактаби) дин, миллий ўтмиш ва халқ оғзаки ижодига кўпроқ қизиқди (Л. Арним ва Брентано тўплаган «Боланинг сеҳрли шохи» халқ қўшиқлари тўплами, ака-ука Я. ва В. *Гриммларнинг* эртаклари). Шу даврда лирик шеърият ҳам камол топди (Й. Эйхендорф). Фольклористика ва адабиётшуносликдаги биринчи йўналиш — мифологик мактабга асос солинди.

Жамият ва инсоният тараққиёти муаммоларига эътибор қаратиш, тарихий жараённинг зиддиятлилиги, ҳатто ҳалокатли оқибатларга олиб бориши мумкинлигини ҳис этиш инглиз Р.га хос хусусиятлардир. Дунёни ақл-идрок ёрдамида қайта қуриш мумкинлигига ишонмаган шоирлар авлоди (У. Вордсворт, С. Т. Колриж, Р. Саути) инсоннинг ботиний ҳиссиётига чуқурроқ кириши тарғиб қилдилар. Миллий ўтмиш ва халқ оғзаки ижодига қизиқиш *Вальтер Скотт*нинг Европа адабиётларидаги тарихий роман жанрига асос солиши ва ўрта асрлар ҳаётидан олинган романтик асарларнинг майдонга келиши б-н якунланди. «Лондонлик романтиклар» гуруҳи вакили Ж. Китс шеъриятида дунёнинг ва инсон табиатининг гўзаллиги ўз ифодасини топди. Қураш ва норозилик кайфияти б-н йўғрилган Ж. Н. Байрон ва П. Б. Шеллининг романтик ижоди инглиз Р.и ўз тараққиётининг юксак босқичига кирганини намойиш этди.

Францияда классицизм анъаналари узоқ вақтгача ўз кучини сақлаб келди. Шу туфайли Р.нинг француз адабиёти ва санъатига кириб келиши катта қийинчилик б-н кечди. Фақат 19-а.нинг 20-й.ларидагина Р. француз адабиётидан ўзининг қонуний ўрнини эгаллади. Маърифатпарварлик даври мероси ва ўтмишдаги адабий анъаналар б-н узвий алоқа, даврнинг долзарб ижтимоий-сиёсий муаммоларига қизиқиш француз Р.нинг ажралмас хусусиятларидир. Францияда Р.нинг шаклланиши, биринчи навбатда лиро-психологик роман ва қисса жанрларининг яратилиши б-н боғлиқ (Ф. Р. Шатобрианнинг «Атала» ва «Рене», Ж. Сталнинг «Деольфина» ва «Корина ёки Италия», Э. П. Сенанкурнинг «Оберман» асарлари ва б.). Француз Р. и даврида шеърият, айниқса, гуллаб-яшнади (А. Ламартин, В. Гюго, А. Виньи, А. Мюссе, Ш. О. Сент-Бёв ва б.). Эски санъат тарафдорлари б-н қизғин кураш натижасида роматик драма жанри ҳам тантана қилиб, театр саҳналаридан муносиб ўрин эгаллади (А. Дюма, В. Гюго, А. Виньи, А. Мюссе). Роман жанрининг психологик (А. Мюссе), тарихий (А. Виньи, илк О.де Бальзак, П. Мериме) ва ижтимоий (В. Гюго, Жорж Санд, Э. Сю) турлари майдонга келди. Р. адабий танқид соҳасида ҳам ўз ишоналарини бериб, Сент-Бёв асосчиси бўлган биографик методнинг тутилишига замин ҳозирлади.

Россияда Р.нинг туғилиши 1812 й. Ватан урушидан кейинги миллий кўтарилиш даври б-н боғлиқ. Рус адабиётида Р. куртаклари романтик достон жанри (мас., А. С. Пушкин «жанубий» достонлари)нинг юзага келиши б-н аниқлик касб этди. Байроннинг Шарқ достонлари таъсирида ёзилган рус романтик достонларида янги тасвир тамойиллари кўзга ташландики, булар бош қаҳрамон тақдири тасвир этилганлиги, достон матнидаги услубларнинг ранг-баранглиги, ижодкорнинг тарихий ҳақиқатдан чекиниб, ўз бадиий версиясини яратганлигидир. Достон рус Р.и тараққиётида шу қадар муҳим роль ўйнадики, ҳатто романтик наср ва драматургия асарлари уларда-ги етакчи коллизияларнинг ривожлантирилиши ҳисобига майдонга келди. В. А. Жуковский, К. Н. Батюшков, А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов ва б.нинг романтик асарлари).

Романтизм. «Баррикадада озодлик» (Э. Делакруа, 1830; Париж, Лувр).

Р. шу даврда Европанинг бошқа мамлакатлари (Италия, Испания, Австрия, Дания, Швеция, Венгрия, Руминия, Польша)га кириб борди. Миллий мустақиллик ғоясининг етакчилик қилиши маърифатпарварлик анъаналаридан юз ўгирмаган АҚШда ҳам Р.нинг ривож топишига имконият яратди. Р., шунингдек, Осиё мамлакатлари (Ҳиндистон, Хитой, Япония)да ҳам ўзига хос ифодасини топди. Ўрта Осиё мамлакатларида Р., Европа мамлакатлари адабиёти ва санъатидаги сингари, изчил оқим сифатида шаклланмади.

Ўзбек адабиёти ва санъати 18-а.га қадар ва ундан кейинги даврларда ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтгани учун ўзбек Р. и тўғрисида сўз юритиш ўринсиздир. Аммо 20-а.нинг 10—20-й.ларида жадид адабиётида тараққийпарварлик ғояларининг тарғиб этилиши (мас., *Чўлпон*нинг «Дўхтир Муҳаммадёр», *Ҳамза*нинг «Янги саодат», *Абдулла Қодирий*нинг «Ўтган кунлар» асарларида), айниқса, 30-й.ларда ўзбек адабиёти ва санъатига рус маданияти анъаналарининг кириб келиши натижасида миллий адабиёт ва санъатда романтик тасвир услуби шакллана бошлади. Чўлпон («Гўзал»), Ойбек («Ўзбекистон»), *Ғафур Ғулом* («Бог»), шунингдек, *Ҳамид Олимжон*, *Уйғун* ва б. шоирларнинг кўплаб шеърларида ёр, ватан, она, муаллим образлари романтик тасвир бўёқлари ёрдамида яратилди. Худди шундай жараён кино («Қа-

сам», «Тоҳир ва Зуҳра», «Алишер Навоий» фильмлари) ва театр («Тормор», «Уйғониш», «Буюк канал», «Шарқ тонги» спектакллари) ва б. санъат турларида ҳам кечди. Ўзбек адабиёти ва санъатида романтик тасвир услубининг шаклланиши совет мафкурасининг талаби ва рағбати б-н юз берди ҳамда совет воқелигини тасдиқлаш ишига хизмат қилди.

Р. адабиёт ва санъат тараққиётидаги муҳим оқимлардан бири сифатида 19-а. охири — 20-а. бошларида Европа, Америка ва Осиёнинг аксар мамлакатларида ўз ўрнини реализмга бўшатиб берди. Ўзбек адабиёти ва санъатида ўтган асрнинг 20-й.ларида кўрина бошлаган реализм адабий метод сифатида 40—60-й.ларга келиб узил-кесил шаклланди. Р., бошқа айрим миллий адабиёт ва санъатлар қатори, ўзбек адабиёти ва санъати асарларида ҳозир ҳам романтик пафос сифатида яшаб келмоқда.

Тасвирий санъатда яратилган бадиий образлар ва ҳаётий лавҳалар ҳаёт ҳақиқатига яқин бўлиб, ижодкорнинг турмуш тўғрисидаги орзу ва қарашларини акс эттиради. 19-а.нинг 20—30-й.ларида ўзининг энг гуллаган даврини бошдан кечирган Р. рассомлик ва қисман ҳайкалтарошлик ҳамда меъморлик (псевдоготика)да намоён бўлди. Бу йўналишдаги асарларга қайноқ эҳтирос ва ҳаяжон хос бўлиб, унда ранг, шакл ифодалилиги, реал ва хаёлий қиёфалар уйғунлиги муҳим ўрин эгаллайди; ёрқин ранглар, нурсоя ўйинни ва кескинлиги асарларга ўзига хослик бағишлайди, образлар кўтаринки руҳда, тантанавор кайфиятда тасвирланади. Р. ўз тараққиётида расмий академизм, классицизм тамойилларига қарши курашди (француз Э. Делакруа, Т. Жерико, немис Ф. О. Рунге, К. Д. Фридрих, инглиз Ж. Констебл, У. Тернер, рус О. Кипренский, А. О. Орловский ва б.). Р. меъморликда, асосан, боғ-парк санъати ва майда ҳайкалтарошликда кўзга ташланди. Р. турли мамлакатларда турлича намоён бўлди: Францияда эҳтирос ва шижоат, Германия, Австрияда нолиш оҳанглари, йўқолган идеалларни қўмсаш туйғулари, диний зоҳидлик стакчилиги б-н ажралиб туради, Америкада романтик фантастика, зоҳидлик кайфиятидаги асарлар майдонга келди.

Ўзбекистон тасвирий санъатида Р. тамойиллари 20-а.да мунгли лирик кайфиятли Уста Мўмин (А. Николаев), эҳтиросга тўла О. Татевосян, А. Волков, кейинроқ В. Мельников, В. Бурмакин, Ж. Умарбеков, А. Аликулов асарларида намоён бўлди.

Мусиқада Р. ижодий оқим сифатида 19-а. бошларида юзага келган (Ф. Шуберт, Э. Гофман, К. Вебер, Н. Паганини, В. Беллини ва б.). 19-а.нинг 30—50-й.лари (Ф. Шопен, Ф. Мендельсон, Р. Шуман, Ф. Лист, Г. Берлиоз ва б.)да янада ривожланди. Романтик композиторлар одам ҳис-туйғуларини, табиат манзараларини ифодалашдилар, афсонавий-фантастик, қаҳрамонона-романтик опера, баллада, қўшиқ, романс, чолғу миниатюра, рақс куйлари, программали мусиқа жанрларини ривожлантиришдилар. 19-а.нинг 2-ярмида йирик мусиқа жанрлари (Р. Вагнер опералари, Ф. Лист симфоник поэмалари, И. Брамс, Г. Малер концерт ва симфо-ниялари)да Р. гоялари чуқурлашди. Баъзи мамлакатларда мусиқий Р. мустақил услуб сифатида эмас, балки айрим композиторлар ижодида намоён бўлди (Россияда — А. Алябьев, Н. Римский-Корсаков, П. Чайковский ва б.; Чехия-да — Б. Сметана ва А. Дворжак; Норвегияда — Э. Григ, Финляндияда — Я. Сибелиус).

Ўзбекистонда яратилган мусиқали драма ва опералар («Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», «Тоҳир ва Зуҳра» каби афсонавий-романтик асарлар)да, М. Тожиев симфонияларида, М. Бурҳонов, Д. Зокиров, С. Юдаков, Ик. Акбаров, Сайфи Жалил, Т. Содиқов ва б. романслари, камер-чолғу асарларида Р. хусусиятлари кучлидир.

Нашр Каримов, Неъмат Абдуллаев.

РОМБ (юн. rombos — пирилдоқ, айланувчи) — томонлари ўзаро тенг бўлган ясси тўртбурчак (расмга қ.). Р.нинг хоссалари: 1) диагоналлари ўзаро перпендикуляр; 2) Р.нинг диагоналлари унинг бурчакларини тенг иккига бўлади. Р.нинг диагоналлари кесишган нуқта унинг симметрия марказидир. Р.га ички айлана чизиш мумкин. Р.нинг юзи унинг диагоналлари кўпайтмасининг ярмига тенг. Бурчакларидан бири α бўлган Р.нинг юзи $S=a^2\sin\alpha$. Ҳамма бурчаклари 90° бўлган Р. квадратдир.



Ромб.

РОМБОЭДР (*ромб* ва юн. hedra — асос, ён, томон) — ҳамма ёқлари тенг ромблар бўлган *параллелепипед*. Баъзи кристалларнинг, мас., исланд шпатининг кристаллари Р. шаклида бўлади. Параллелепипед фақат учинчи тартибли симметрия ўқига эга бўлгандагина Р. бўлади.

Ромитан шаҳри. Марказий стадион.

РОМИЗ, Маннон Ромиз, Рамзий (тахаллуслари; асл исм-шарифи Абдуллаев Маннон) (1895, Тошкент — 1938, Красноярск) — журналист, ёзувчи, жамоат арбоби. 1918 й.нинг 2-ярмидан 1930 й. 1 сент.гача турли партия-шуро раҳбарлиги лавозимларида ишлаган. Миллий матбуот, нашриёт ва маориф ишларининг ривожланишида фаол иштирок этган. «Туркистон», «Камбағал деҳқон», «Қизил Ўзбекистон» газ., «Ер юзи», «Маориф ва ўқитувчи» жур. муҳаррири (1927—29). Маориф халқ комиссари (1929). Адабий-журналистик фаолияти 1920 й.дан бошланган. Адабий-танқидий ва публицистик мақолалар ёзган. Публицист сифатида ўз даврининг муҳим сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий-маърифий масалалари, муаммолари юзасидан фикрлар билдирган, уларнинг ҳал этилишига муайян ҳисса қўшган. Р. 1924—25 й.ларда Помирда ишлаган. Ўша ердаги фаолияти асосида «Помир Бадахшонга саёҳат» туркум саёҳатномасини яратган (1925). «Октябрь ва халқ маорифи» (1927). «Хаёлдан ҳақиқатга» (1928), «Лотинлаштириш кўрашида» (1928) каби китоблар муаллифи. 1930 й. 5 сент.да «Наркомпрос иши» бўйича қамоққа олинган ва «халқ душмани» сифатида отиб ташланган. Шахсга сиғиниш оқибатлари фош этилгандан сўнг оқланган.

РОМИТАН — Бухоро вилояти *Ромитан туманидаги* шаҳар (1981 й.дан), туманнинг маъмурий маркази. Яқин т.й. станцияси—Когон (30 км). Вилоят маркази (Бухоро)дан 17 км. Аҳолиси 15 минг киши (2003), асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, қозоқ, татар, рус ва б. ҳам яшайди. Р. Ўзбекистоннинг қад. шаҳарларидан бири. Р. номи маҳаллий ривоятга кўра, «Ромитан» — «Тан оромидан дейилади. «Р.» атамаси туркий митан уруғи номидан келиб чиққан деган тахминлар ҳам мавжуд.

Наршахий ёзишича, Р. катта бир кўҳандизга эга ва мустаҳкам бир қишлоқ бўлиб, Бухородан қадимий-роқдир. Баъзи манбаларда бу қишлоқни Бухоро деб атаганлар. Р.да қадимда ҳукмдорлар турар жойлари бўлган. Бухоро ш. вужудга келгандан сўнг улар Р.да фақатгина қиш фаслида яшаганлар.

Ромитан шаҳри. Чорқулбой кўприги.

Араб саркардаси Убайдуллоҳ ибн Зиёд қўшини 674 й.да Р.га бостқин уюштирган. Бухороликларнинг араб қўшини б-н бўлган ҳал қилувчи жанги Р. яқинида *Вардонзе* ҳудудида бўлиб ўтган. Табарийнинг ёзишича, 707 й.да Кутайба Р.ни босиб олган. Хуросон волийси *Абу Муслим* Бухорога ҳар гал келганида ўз қароргоҳини Р.да жойлаштирган. Араб географ ва сайёҳлари 10-а.да Бухоро воҳасидаги 30 га яқин шаҳарлар қаторида Р. номини ҳам тилга олишган.

Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ал-асрор» (17-а.) асарида ёзишича, Р. Бухоро вилоятидаги 10 та туманнинг бири, ўрта асрларда «Самжон» (Р. туманининг 2-номи) деб аталган.

Р. Тошкент—Самарқанд—Урганч, Тошкент—Нукус автомагистраль йўли ёқасида жойлашган. Аҳолиси ва хўжаликлари Аму — Бухоро машина каналидан сув олади. Шаҳарда гишт ва пахта тозалаш з-длари, тўқувчилик ф-каси, босмахона, деҳқон бозори, новвойхона, меҳмонхона, алоқа бўлими, банк, маданий савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. Умумий таълим мактаблари, қ.х. касб-ҳунар коллежи, маданият саройи, кутубхона, стадион, «Галаба» маданият ва истироҳат боғи, касалхона ва дорихоналар мавжуд. «Номаълум аскар» ёдгорлиги қурилган.

Р.да меъморий ёдгорликлардан Мулла Мир Ҳаким хонақоси, Хожа Али Ромитаний (Хожаи Азизон) ва Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий мақбаралари (13—14-а.лар), Зарафшон дарёси устида қурилган Чорқулбой кўприги сақланган. Ҳазрати Хожа Уббон ва Хожа Заъфарон қадамжо (зиёратгоҳ)лари бор.

Ад.: Наршахий, Бухоро тарихи, Т., 1966; История ат-Табари, Т., 1987; Махмуд ибн Вали Море тайн, Т., 1977; Населённые пункты Бухарского эмирата, Т., 2001.

РОМИТАН ТУМАНИ — *Бухоро вилоятидаги* туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Бухоро вилоятининг марказида жойлашган.

Туман ҳудуди шим.-шарқдан катта масофада Пешку, жан.-шарқдан эса Вобкент, Бухоро туманлари, жан.-ғарб-дан Жондор тумани, туманнинг Амударё б-н Қизилравот бўлаги Амударё оққали Туркманистон, шим.-ғарбдан Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси б-н чегарадош. Майд. 1,29 минг км². Аҳолиси 105,5 минг киши (2003). Туманда 2 шаҳар (Ромитан, Газли), 7 қишлоқ фуқаролар йиғини (Боғитуркон, Дўстлик, Ромитан, Чилонғу, Шўрча, Қизилравот, Қўрғон) бор. Маркази — *Ромитан* ш.

Табиати. Туман ҳудудининг рельефи, асосан, текисликдан иборат. Шим.-ғарбий қисми Амударё б-н чегарадош. Тўртдан уч қисми Қизилқум чўли б-н банд, шим. Кулжуқтов этакларидан иборат. Жанубий Зарафшон дарёсининг қуйи этакларидаги Бухоро воҳасида жойлашган. Чўл зонасида ясси текисликлар бағрида алоҳида ифодаланган тепалар (Жагастепа — 226 м, Нортепа — 191 м) бўртиб туради. Аксарият майдонлар қумли, гипсли чўл сарият майдонлар қумли, гипсли чўл сарият майдонлари б-н банд. Жан.дан Зарафшон дарёсининг ирмоқлари оқади. Туманнинг асосий сув манбаи Аму-Бухоро машина каналидир. Иқлими кескин континентал. Янв.нинг ўртача т-раси 0°, —1,5°, Қизилравот атрофида —3°, —4°, энг паст т-ра —29°, июлнинг ўртача т-раси 28°—31,3°, энг юқори т-ра 45°. Вегетация даври 200—205 кунгача кузатилади. Йиллик ёғин 100—130 мм. Тупроқлари, асосан, ўтлоқи, бўз тупроқлар, чўл-қум, тақир бўз тупроқлар, шўрхок ва шўртоблар учрайди. Ёввойи ўсимликлардан боялич, қаврак, шўра-шувоқ, янтоқ, ер ости сувлари яқин жойларда қамиш, қумлоқларда саксовул ўсади. Баҳорда ранг, қўнғирбош, ялтирбош, лола ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан тароқ бармоқли қўшоёқ, ингичка бармоқли юмронқозиқ, қўшоёқ, кумсичқон, қум бўғма илони, чарх илон, калтакесаклар, чаён, қорақурт ва б. бор.

Ромитан туманидаги касб-ҳунар коллежи.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар (78,5%), шунингдек, қозоқ, тожик, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км²га 81,8 киши. Шаҳарликлар 21,1 минг киши, қишлоқ аҳолиси 84,4 минг киши.

Хўжалиги. Пахтачилик, галлачилик, боғдорчилик етакчилик қилади. Чорвачиликда қорамолчилик, қорақўлчилик, паррандачилик, тузчилик, балиқчилик йўлга қўйилган, пиллачилик ҳам ривожланган. 858 фермер хўжалиги бор. 14 та муқобил МТП, 1 МТП акциядорлик жамияти фермер хўжаликларга хизмат кўрсатади. Р.т.да 1667 кичик ва ўрта корхона бор.

Туманда газ саноати (Газли), пахта тозалаш з-ди, ҳунармандчилик тармоқлари фаолият кўрсатади. Автотранспорт асосий ўринда. Туман жамоа ва шахсий хўжаликларида 51,4 минг қорамол, 96 минг қўй ва эчки, 400 га яқин от ва туя, 53,4 минг парранда боқилади (2003).

Р.т.нинг умумий ер майдони қарийб 419 минг га, шундан суғориладиган ерлар майд. 23,1 минг га дан зиёд, экин майд. 20,5 минг га дан зиёд, 12,7 минг га майдонга пахта, 6,2 минг га дан зиёд майдонга галла экилади, шунингдек,

картошка, сабзавот ва полиз экинлари ҳам етиштирилади. 1300 га майдонда мевазор ва токзор бор. Яйловлар қарийб 254,9 минг га майдонни эгаллайди. 45 умумий таълим мактабидан (26 мингдан ортиқ ўқувчи) 2 таси иқтидорли болалар интернат мактабидир. 1 лицей, 3 касб-ҳунар коллежи (1300 ўқувчи) бор. 41 кутубхона, маданият уйи фаолият кўрсатмоқда. Тарих ўлкашунослик музейи ишлаб турибди. 335 ўринли 4 касалхона, 5 поликлиника, ташхис маркази, 3 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 25 қишлоқ врачлик пункти ва б. тиббий муассасаларда 240 врач, 1300 ўрта тиббий ходим ишлайди (2003).

Р.т. б-н қўшни туманлар ўртасида автобуслар қатнайди. 1934 й.дан «Ромитанинома» туман газ. чиқади (адади 1600).

Ад.: Хадимов Т., Қобилов И. Қадимий ва навқирон Ромитан, Т., 1997.

Қаҳрамон Раҳимов, Лола Муҳаммаджонова.

РОМИТАНИЙ Хожа Али, Хожаи Азизон (13-а. ўрталари — Ромитан тумани Кўргон қишлоғи — 1316/1321) — хожагон-нақшбандия тариқати вакили. Тўқувчилик б-н машғул бўлган. Хоразмда бир муддат яшаб, хонақо очган ва хожагонининг мазкур ҳудудда тарқатган. Суфийлик йўлидаги устози Маҳмуд Анжирфағнавийдир. Ўз навбатида, Р. Хожа Муҳаммад Бобойи *Самосий*нинг устози ҳисобланади. Бизгача «Манокибиҳ Хожа Али Азизон Ромитаний» асари етиб келган. Асарда Р.нинг тасаввуф аҳлининг ахлоқ-одоби, хожагон тариқати қонун-қоидалари б-н боғлиқ қарашлари, панд-насиҳатлари жамланган. Хожагонлик тариқатининг 10 шарти баён қилинган «Рисолаи Ҳазрати Азизон» номли кичик ҳажмли асар ҳам Р.га нисбат берилади. Р. Сарибўстон қишлоғи (Кўргон қишлоғи яқини)да дафн этилган. Қабри устида мақбара қурилган, у мустақиллик даврида таъмирланган. Р. қабри зиёратгоҳ ҳисобланади.

РОМУЛ (Romulus) — Рим ривоятига кўра, Рим ш. асосчиси ва 1-подшоси (мил. ав. 754/753 — 717/716). Афсонага биноан, коҳин аёл Рея Сильвия ва уруш худоси Марсдан тутилган Р. ва унинг эгизак укаси Ремни она бўри эмизиб, чўпон тарбия қилган. Рим сенатини таъсис этиш ва аҳолини табақаларга — қуриялларга бўлиш, қўшин ташкил этиш, Рим фуқароларини *патрицийлар*га ва *плебейлар*га ажратиш Р. томонидан ишлаб чиқилган.

Ромул. Капитолий она бўриси. Рим, Капитолий музейи (мил. ав. 5-а.нинг 2-ярми).

РОМУШТЕПА — қад. шаҳар харобаси (мил.ав. 4 — мил. 4-а.лар). Бухоро вилояти Жондор туманида жойлашган. Ўзбекистон ФА Археология ин-тининг Р.Ҳ.Сулаймонов бошчилигидаги Зарафшон археологик отряди томонидан ўрганилган (1973). Ромуш шунинг номи ўрта аср тарихчилари Нишопурий, Наршахий ва Беруний асарларида тилга олинган. Р. 3 та тепадан иборат бўлиб, марказий баланд қисми «Шайхи калон», унга ғарб томондан туташган 2-тепа «Гули санг», 3-си эса, «Хўжа Ромуш» деб аталади. Археологик изланишлар фақат «Гули санг»да олиб борилган. Кўплаб сопол буюмлар чиққан, ёдгорликнинг стратиграфик даври аниқланган.

РОНА —Швейцария ва Франциядаги дарё. Уз. 812 км, ҳавзасининг майд. 98 минг км². Алп тоғларидан бошланиб, Женева кўли, Рона пасттекислигидан оқиб ўтиб, Ўрта денгизнинг Лион қўлтиғига дельта ҳосил қилиб қуйилади. Асосий ирмоқлари: Сона, Изер, Дюранс. Қуйилиш ерига яқин жойда сув сарфи 1780 м³/сек., баҳор ва ёзда тўлиб оқади. Р.нинг гидроэнергетика, транспорт ва ирригация аҳамияти катта. Р. ва унинг ирмоқларида ГЭС каскадлари қурилган. Эна дарёси қуйилиш жойидан бошлаб қуйи қисмида кема қатнайди. Сона дарёси ва каналлар орқали Рейн, Мозель, Марна, Сена, Луара дарёлари б-н туташган. Суғоришда кенг фойдаланилади. Р. бўйида Женева, Лион, Авиньон, Арль ш.лари жойлашган.

РОНАЛДО (Ronaldo) Руис Назарио да Лима (1976.22.9, Рио-де-Жанейро яқинида) — футболчи. «Эйндховен» (Голландия, 1994—96), «Барселона» (Испания, 1996—97), «Интер» (Италия, 1997—2001), «Реал» (Испания, 2001 й.дан) жамоаларининг ҳужумчиси. Бразилия терма жамоаси таркибида ўйнаб жаҳон чемпиони (1994, 2002) ва Олимпиада ўйинлари (1996)нинг бронза медали совриндори бўлган. 1996, 1997, 2002 й.ларда жаҳонининг энг яхши футболчиси сифатида тан олинган. Феномен лақаби б-н машҳур.

РОНДОНИЯ — Бразилиянинг шим.-даги федерал ҳудуд, Малейра дарёси ҳавзасида. Майд. 238,5 минг км². Аҳолиси 1,4 млн. киши (2000). Маъмурий маркази — Порту-Велью ш. Р.нинг катта қисми Бразилия ясситоғлигининг шим.-ғарбий қисми, шим. Амазонка пасттекислигидан иборат. Иқлими экваториал, иссиқ ва нам иқлим. Ўртача ойлик т-ралар 23—24°, йиллик ёғин 2000—2500 мм. Экваториал ўрмонлар, саванналар бор. Иқтисодиётининг асосини ўрмон хўжалиги ташкил қилади: каучук, бразилия ёнғоғи йиғилади, қимматбаҳо ёғоч тайёрланади, ов-чилик қилинади. Саноати ўрмон маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган. Олтин, касситерит қазиб олинади.

РОРАЙМА — Бразилиянинг шим.-даги федерал ҳудуд. Риу-Бранку дарёси ҳавзасида. Венесуэла ва Гайана чегарасида. Майд. 225,1 минг км². Аҳолиси 324,2 минг киши (2000). Маъмурий маркази — Боа-Виста ш. Р.нинг катта қисми Гвиана ясситоғлигининг жан. пастроқ чекка қисмида, қолган қисми Амазонка пасттекислигида жойлашган. Иқлими шим.да субэкваториал, жан.да экваториал, иссиқ ва нам иқлим. Ўртача ойлик т-ралар 26—28°, йиллик ёғин 1300—2300 мм. Қимматбаҳо дарахтлар ўсадиган экваториал ўрмонлар. шим. ҳудудларида саванналар бор. Хўжалигининг асосини ўрмончилик ташкил этади. Балиқ овланади. оғирлик ривожланган. Олмос ва олтин конлари бор.

РОСАРИО, Росарио-де-Санта-Фе — Аргентиналаги шаҳар, Санта-Фе провинциясида. Аҳолиси 906 минг киши (2001). Транспорт йўлларининг йирик тугуни. Р.дан Панамерика шоссеси ўтган. Парана дарёси бўйидаги йирик порт. Денгиз кемалари ҳам кира олади. Четга галла, гўшт, жун чиқарилади. Аэропорт бор. Озиқ-овқат саноатининг йирик корхоналари. цементгишт з-длари, кўн-пойабзал, тўқимачилик ва б. корхоналар ишлаб турибди. Миллий ун-т, кутубхона, тарих музейи, нафис санъат музейи бор. Шаҳарга 1730 й.да асос солинган.

РОСС (Ross) Роналд (1857.13.5, Алмора, Ҳиндистон — 1932.16.9, Лондон) — инглиз паразитолог, микробиолог ва врач. Лондон Қироллик жамияти аъзоси. Лондондаги тиббиёт мактабини тугатган (1879). 1881—99 й.ларда Ҳиндистонда ишлаган. Безгак чивинининг ўрганиш бўйича Ғарбий Африкага уюштирилган инглиз тиббиёт экспедицияси раҳбари (1899), 1926 й.дан тропик касалликлар ин-ти директори. *Безгакни* анофелес уругига мансуб чивинлар тарқатишини аниқлаган. Нобель мукофоти лауреати (1902).

РОСС ДЕНГИЗИ — Тинч океанининг чекка денгизи, Антарктиданинг ғарбий қирғоқлари яқинида. Майд. 440 минг км². Ўрт. чуқ. 3777 м, энг чуқ. 5499 м. Ҳажми 1678 минг км³. Ўрт. т-ра қишда —1,7°, ёзда 0°. Шўрлиги 34,5‰. Сув қўтарилиши 1 м гача. Денгиз Ж. К. Росс кашф қилган.

РОСС ШЕЛЬФ МУЗЛИГИ — Ғарбий Антарктидаги энг катта шельф музлиги. Мэри Бэрд Ери б-н Виктория Ери оралиғида. Жан.дан шим.га 850 км, шарқдан ғарбга 900 км масофага чўзилган. Майд. 500 минг км² дан ортиқ (йиллар давомида ўзгариб туради). Денгиз сатҳидан бал. 30—100 м, музнинг қалинлиги ўрта қисмида 700 м гача. Р.ш.м.га Бирдмор, Бэрд ва б. водий музликлари келиб тутанади. Шим.да Росс денгизига тик тушган. 1841 й.да Ж.К. Росс бошлиқ инглиз экспедицияси томонидан кашф қилинган.

РОССЕЛЛИНИ Роберто (1906.8.5 — Рим — 1977.3.4) — италия кинорежиссёри. Италия киносида неореализм асосчиларидан. «Рим-очиқ шаҳар» фильми шу йўналиш манифести бўлди. «Пайза», «Муҳаббат», «Франциск — илоҳий санъаткор», «Европа, 51», «Хиндистон, 1958», «Генерал Делла Роверс», «Римда тун эди», «Мессия», «Жорж Помпиду номидаги марказ» (ҳужжатли фильм) ва б. фильмлари жаҳонга кенг тарқалди. 60-й.ларда телевидение учун машҳур тарихий шахслар ҳақида бир қанча фильмларни суратга олган.

РОССИНИ Жоаккино Антонио (1732.29.2, Италиядаги Пезаро ш. — 1868.13.11, Пасси, Париж яқинида) — итальян композитори. 14 ёшидан ижод б-н шуғулланган. Унинг композиторлик фаолияти 19-а. итальян мумтоз операси ривожини бошлаб берди. У 39 та опера, диний мавзудаги асарлар, симфония, камер-чолғу пьесалар, романслар ва б. асарлар яратган. Ижодий услуби ранг-баранг, ўзига хос куйлар бойлиги, мусиқий образлар ёркинлиги б-н ажралиб туради. *Буффа операнинг* юксак намунаси — «Севилья сартароши» (1816)да Р.нинг мусиқавий комедияга хос истеъдоди тўла намоён бўлди. «Танкред» (1813), «Отелло» (1816), «Ўғри ҳакка» (1817), «Вильгельм Телль» (1829) операларида ўз халқининг қаҳрамонлик, ватанпарварлик, романтик интилишлари ёркин ифодасини топган. Италия операси анъаналарига риоя қилиб, Шарқ мавзуларига экзотик, баъзан ориентал услубларда ёндашган ва «Италья қизи Жазоирда» (1813), «Турк Италияда» (1814) каби ҳажвий, «Моисей Мисрда» (1818), «Магомед-II» (1820) сингари жиддий (сериа) опералар ҳам яратган.

РОССИЯ, Россия Федерацияси (РФ) — Европанинг шарқида, Осиёнинг шим.да жойлашган давлат. Майдони жиҳатидан дунёда энг катта мамлакат. Қуруқликдаги чегараси 22125,3 км, денгиз чегараси 38807,5 км. Р. ҳудуди 3 океан ҳавзасига қарашли 12 денгиз, жумладан, Болтиқ, Қора ва Азов (Атлантика океани), Баренц, Оқ, Кара, Лаптевлар, Шарқий Сибирь ва Чукотка (Шим. Муз океани), Беринг, Охота, Япон денгизлари (Тинч океан), шунингдек, ҳеч бир океанга туташмаган Каспий денгизи б-н ўралган. Майд. 17,1 млн. км². Аҳолиси 145,3 млн. киши (2002). Пойтахти — *Москва* ш. Маъмурий жиҳатдан 89 субъект: 21 республика [Адиген, Бошқирдистон, Бурятия, Дағистон, Ингушия, Кабарда-Балкария, Карелия, Коми, Марий Эл, Мордовия, Олтой, Саха (Якутия), Татаристон, Тува, Удмуртия, Хакасия, Чечетон, Чувашия, Шим. Осетия, Қалмоқ, Қорачой-Черкасия], 6 ўлка (Краснодар, Красноярск, Олтой, Приморье, Ставрополь, Хабаровск), 49 вилоят (Амур, Архангельск, Астрахон, Белгород, Брянск, Владимир, Волгоград, Вологда, Воронеж, Иваново, Иркутск, Калининград, Калуга, Камчатка, Кемерово, Киров, Кострома, Курган, Курск, Ленинград, Липецк, Магадан, Москва, Мурманск, Нижний Новгород, Новгород, Новосибирск, Омск, Оренбург, Орёл, Пенза, Пермь, Псков, Ростов, Рязань, Самара, Саратов, Сахалин, Свердловск, Смоленск, Тамбов, Тверь, Томск, Тула, Тюмень, Ульяновск, Челябинск, Чита, Ярославль), 2 федерал шаҳар (Москва, Санкт-Петербург), 1 мухтор вилоят, 10 мухтор округ [Агаят (Яҳудийлар), Коми-Пермяклар, Корякбурятлари, Коми-Пермяклар, Коряклар, Ненецлар, Таймир (Долган-Ненец), Усть-Ордынский Бурятлари, Ханти-Манси, Чукотка, Эвенклар, Ямал-Ненец]га бўлинади. Р.да 1091 шаҳар, 1922 шаҳарча бор. 2000 й. Марказий, Шим.-Ғарбий, Жан., Волга бўйи, Урал, Сибирь, Узоқ Шарқ федерал округлари ташкил этилди.

Давлат тузуми. Р. — бошқарувининг республика шаклига эга бўлган демократик федератив республика. Амалдаги Конституцияси 1993 й. 12 дек.да қабул қилинган. Давлат бошлиғи — президент (2000 й.дан В. В. Путин), у умумий, тенг ва тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли б-н Р. фуқаролари томонидан 4 й. муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи органи — 2 палатадан (Федерация Кенгаши ва Давлат думаси)дан иборат Федерал мажлис (парламент). Ижроия ҳокимиятни раис бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади. Ҳукумат раисини Давлат думаси б-н келишган ҳолда президент тайинлайди.

Табиати. Р. ҳудуди меридиан бўйлаб 2.5—4 минг км га, ғарбдан шарққа 9 минг км га чўзилган. Мамлакатнинг энг ғарбий нуқтаси Польша б-н бўлган чегарада (Калининград вилояти), шарқий нуқтаси Беринг бўғозидаги Ратманов о.да, чекка жан. нуқтаси Озарбайжон б-н бўлган чегарада, чекка шим. нуқтаси Франц-Иосиф Ер архипелагидаги Рудольф о.да, Р. ҳудудининг 45% ўрмон, 4% сув, 13% қ.х.га яроқли ерлар, 19% бутазор яйловлари, 19% бошқа ерлардир.

Рельефи. Р. майдонининг қарийб 70% текислик. Ғарбда Шарқий Европа (ёки Россия) текислиги жойлашган. Унда бал. 250—400 м ли Валдай, Ўрта Россия, Волгабўйи, Бугульма-Белебей, Юқори Кама ва б. қирлар Ока-Дон, Каспийбўйи ва б. пасттекисликлар б-н туташ. Ундан шарқда Урал тог тизмаси, сўнг Ғарбий Сибирь текислиги бошланади. Енисей ва Лена дарёлари оралиғида Ўрта Сибирь ясситоғлиги, шарқда Марказий Якутия пасттекислиги бор. Мамлакат шарқи ва жан.да тоғликлар кўпроқ. Европа қисмида Катта Кавказ тоғининг шим. ён бағрида тизма тоғлар (Россиядаги энг баланд нуқта — Эльбрус тоғи, 5642 м) жойлашган. Сибирдаги тоғ тизмалари — Олтой, Кузнецк Олатови, Ғарбий Саян тоғлари, Тува, Байкалбўйи, Байкал ортидаги тоғлар ва Становой тизмаси Р.нинг жан. чегараси бўйлаб ўтади. Сибирнинг шим.-шарқи (Верхоянск ва Чер тизма тоғлари), Узоқ Шарқ (Чукотка ва Коряк тоғлари)да ўртача баландликдаги тизмалар кўпроқ учрайди. Тинч океан соҳили бўйлаб чўзилган Камчатка ва Курил о.ларидаги тоғларда ҳаракатдаги вулканлар отилиб туради.

Геологик тузилиши. Р. ҳудуди Шарқий Европа платформасининг анчагина қисмини, бутун Сибирь платформасини, Ғарбий Сибирь плитасини, Жан. Сибирь, Верхоянск-Чукотка бурмали обл., Коряк ясситоғлиги, Камчатка, Курил о.лари, Приморье ва Сахалин бурмали обл.ларини эгаллайди. Қад. платформалар юқорги протерозой даврига бўлган кристалли фундамент (замин)дан иборат бўлиб, денгиз тубидаги қад. чўкинди ва вулкан жинсларидан ташкил топган ва ке-йинчалик бурмаланиб, *метаморфизм*га учраган. Карелия бурмаланиш даври тугагач, Шарқий Европа ва Сибирь платформалари заминининг юзаси *денудация* натижасида текисланиб, чўкинди жинслар остида қолган. Про-



Россия герби.

Россия байроғи.

терозой даври ўгталаригача қад. платформалари ўраб турган бурмали обл.лар ўрнида океан бўлиб, астасекин *геосинклиналь* тизимлари таркиб топа бошлаган ва турли ёшдаги бурмаланган обл.лар — байкал, каледон, герцин, киммерий бурмаланишлари ҳосил бўлган. Кавказда геосинклиналь ривожланиш жараёни Альп бурмаланиш даврида тугаган. Курил ва Командор о.ларида, Охота, Беринг денгизлари ботиқларида геосинклиналь ривожланиш ҳали тугамаган.

Минерал ресурслари. Р. жуда бой минерал-хом ашё захираларига эга бўлган мамлакат. Дунёдаги 7 та энг йирик кўмир ҳавзасидан 5 таси Р.да жойлашган. Р.да дунёдаги темир руда-си, бериллий захирасининг 30%, нефтнинг 17—18%, газ, олмос, ниобий, танталнинг 70—75%, палладийнинг 50%, никелнинг 40% дан кўпроғи, ураннинг 10% мавжуд. Жумладан, Уралда боксит, Шим. Кавказ, Ўрта ва Жан. Урал, Шарқий Сибирда мис, Красноярск ўлкаси шим.да мис-никель, Забайкалье ва Узоқ Шарқда рух-қўргошин, Урал, Олтой, Забайкалье ва Кола я.о.да қимматбаҳо тошлар, мармар, гранит, базальт, Сахада олмос конлари, шунингдек, турли жойларда вольфрам, молибден, сурма, симоб, олтин, кумуш, платина, кобальт, слюда-московит, асбест ва ш.к. фойдали қазилмаларнинг катта конлари бор.

Иқлими деярли ҳамма жойда континентал (чекка шим.-ғарбда денгиз иқлими), Сибирь ва Узоқ Шарқ шим.да кескин континентал, жан.да муссон иқлим (қиши совуқ, қор кам ёғади, ёзи мўътадил илиқ). Қишда Р. ҳудуди устида юқори атмосфера босими (шарқда Осиё антициклони) ҳукмрон бўлади. Янв.нинг ўртача т-раси Европа қисмининг ғарбида ва Кавказ шим.да 0—5°, Саха шарқида —40°, —50°, жумладан, Оймяконда — 72,2° гача. Ёзда атмосфера босими пасаяди, шу сабабли бу мавсум нисбатан илиқ, жан.да иссиқ. Июлнинг ўртача т-раси 1° дан (Сибирь шим.) 24—25° гача (Каспийбўйи пасттекислигида) етади. Энг кўп ёғингарчилик Кавказ тоғларида (йилига 3200 мм гача), Узоқ Шарқ жан.да (1000 мм гача) ва Шарқий Европа текислигининг ўрмон зонасида (850 мм гача). Каспийбўйи пасттекислигининг ярим чўл жойларида жуда оз — йилига 170 мм га яқин ёғин тушади. Қор қоплами мамлакат жан.да 60—80 кун давом этса, Чекка шим.да 260—280 кунга боради.

Ички сувлари. Р.да узунлиги 10 км дан ошадиган 120 минга яқин дарё бор. Дарёларнинг аксарияти Шим. Муз океани ҳавзасига (Шим. Двина, Печора, Обь, Енисей, Лена, Яна, Индигирка, Колима ва б.), Тинч океан ҳавзасига (Амур, Анадирь, Пенжина ва б.), Атлантика ҳавзасига (Дон, Кубань, Нева ва б.) мансуб. Европанинг энг узун ва серсув Волга дарёси, шунингдек, Урал ва Терек Каспий денгизига қуйилади. Уларнинг кўпи сув транспорти ва ёғоч оқизишда, шаҳар ва саноат корхоналарини сув б-н таъминлашда, экинзорларни суғоришда катта аҳамиятга эга. Р.да 2 мин.дан ортиқ чучук ва ялта эга. Р.да 2 мин.дан ортиқ йириклари: шўр сувли кўл бор. Энг йириклари: Байкал (дунёдаги чучук сув захираси-нинг $^1/_5$ қисми), Каспий денгиз-кўли, Ладога, Онега, Таймир. Р.да 1200 га яқин сув омбори бор. Йирик сув омборлари: Братск, Красноярск, Зея, Усть-Илим, Богучан, Байкал (Иркутск), Волгоград, Рибинск ва б.

Тупроқ ва ўсимликлари текисликларда табиат зоналарига қараб ўзгаради. Шим. Муз океани ороллари ва Таймир я.о. соҳилида ибтидоий арктика тупроғи тарқалган бўлиб, асосан сийрак лишайник, мох ва кўп йиллик ўгалли ўсимликлар учрайди. Тундра зонасида нордон тундра (глейланган) тупроғи тарқалган. Ўсимлик тури кўп: мох ва лишайниклардан ташқари паст бўйли буталар (пакана қайин ва тол), ёввойи ўт, мевали ўсимликлар (брусниқа, голубика) учрайди.

Ўрмон зонасининг шим. қисми (тайга эоначаси)даги подзол тупроқларда игнабаргли дарахтлар — қорақарағай, оққарағай, кедр ва қарағай ўрмонлари, Енисейдан шарқдаги тайга-тўнг тупроқларда игна баргли тайга дарахтлари — сибирь ва даурия тилоғочлари, Узоқ Шарқда эса, қорақарағай ва оққарағай ўсади. Тайга зоначасида (айниқса, Ғарбий Сибирда) ботқоқлик кўп. Тайгадан жан.роқда, Шарқий Европа текислигида аралаш ўрмонлар бор. Чимли подзол тупроқларда оққайин ва тоғтерак, эман, заранг, қайрағоч, Шарқий Европа текислиги ўрмон зонасининг чекка жан.да эман, жўка ва б. кенг баргли дарахтлар ўсади. Шарқий Европа ва Ғарбий Сибирда қора ва тўқ каштан тупроқ, Каспийбўйи пасттекислигида оч каштан ва қўнғир, шўрхок тупроқлар учрайди.

Ҳайвонот дунёси жуда хилмахил. Арктика муз саҳроси ва тундрада шим. тулкиси, лемминг, шим. бугуси, қутб бойқуши, тундра каклиги; ўрмон зонасида лось, қўнғир айиқ, силовсин, сувсар, тулки, тийин, бурундуқ, малла қуён, Узоқ Шарқ жан.да уссури йўлбарси, қора айиқ, харза, енотсимон ит, тўнғиз, қушлардан каркур, қур, қизилиштон, булдуруқ ва б. яшайди. Ўрмонли дашт зонасида кемирувчилар, турли қушлар, ондатра, тулки, сувсар, мўйнабоп ҳайвонларнинг, лось, шим. бугусининг хиллари кўп. Денгизларда балиқ (треска, сельдь, камбала, скумбрия, судак, лосось, осетр ва б.), денгиз сут эмизувчилари (кит, морж, тюлень, денгиз мушуги) оиланади.

Ўзига хос ноёб табиат ҳамда ҳайвонот дунёсини сақлаб қолиш ва ўрганиш мақсадида турли зоналарда 100 та давлат табиий қўриқхонаси (майд. 33,3 млн. гектар) ва 5 та миллий боғ (майд. 6,7 млн. гектар) ташкил этилган. Энг йириклари: Олтой, Астрахон, Баргузин, Кавказ, Печора-Илич, Теберда ва б.

Аҳолиси. Р.да 100 дан ортиқ миллат ва элат яшайди. Р.нинг асосий аҳолиси — руслар жами аҳолининг 81,5% ни ташкил этади. Украинага ёндош вилоятларда, Тюмень вилояти, Москва, Шим. Кавказ, Урал ва Сибирь жан.да украинлар, Калининград вилояти, Москва ва Москва вилояти, Санкт-Петербург ва Карелияда белоруслар, Красноярск ўлкаси, Москва ва Санкт-Петербургда литвалар ва латишлар (шунингдек, Омск вилоятида латишлар, Калининград вилоятида литвалар), Омск, Новосибирск, Оренбург вилоятлари, Красноярск ва Олтой ўлкаларида немислар, Москва, Санкт-Петербург,. Екатеринбург, Самара, Нижний Новгород, Челябинск, Ростов, Саратов, Новосибирск ш.ларида яҳудийлар, Ростов вилояти ва Краснодар ўлкасида молдованлар, Ставрополь ва Краснодар ўлкасида греклар, Краснодар ва Ставрополь ўлкаларида ва Ростов вилоятида арманлар ҳам яшайди. Шунинг-дек, озарбайжонлар, ўзбеклар (1994 й.да 38 минг), грузинлар, қозоқлар ва б. яшайди. Р.нинг Европа қисми шим.-да кареллар, вепслар, ижорлар, саам-

Оқ денгиз соҳили.

лар (лопарлар), коми ва комипермяклар, Ўрта Волга бўйида мари, удмурт ва мордвалар, Волгабўйининг бошқа жойлари ва Жан. Уралда туркий тилларда сўзлашувчи чувашлар, бошқирд-лар, татарлар, шунингдек, қалмоқлар яшайди. Осетин, қорачой, болқор, кўмиқ, нўғайлар Шим. Кавказнинг туб жой аҳолисидир. Сибирь ва Узоқ Шарқ-да туркий тилларга мансуб сахалар, олтой, шор, хакас ва тувалар, монгол тилида сўзлашувчи бурятлар, шунингдек, ханти ва мансилар, ненец, чукча ва эскимослар истиқомат қилади.

Давлат тили — рус тили; Р. таркибидаги миллий республикаларда туб жой аҳолисининг тили ҳам шу республиканинг давлат тили ҳисобланади. Р. аҳолисининг 73% шаҳарларда яшайди. Диндорларнинг аксарияти христианлар (асосан, православлар), қолганлари — мусулмонлар, яҳудолар, буддавийлар ва б. Йирик шаҳарлари: Москва, Санкт-Петербург, Нижний Новгород, Новосибирск, Самара, Екатеринбург ва б.

Тарихи. Р. ҳудудида ўрта палеолит даврида, милодгача 100—35 минг й. авval Қуйи Волга, Ўрта Уралда дастлабки манзилгоҳлар пайдо бўлган. Сўнгги палеолит даврида одамлар кўтб доирасидан ўтиб, Сибирнинг бир қисмига жойлаша бошлаган. Мил. ав. 3—2-минг йилликларда Шим. Кавказда жез, Урал, Ғарбий Сибирь, Юқори Волга бўйларида турли металлардан буюмлар тайёрланган. Дашт, ўрмон-дашт минтақаларида чорвачилик, дарё водийларида деҳқончилик ривожлана бошлаган. Мил. ав. 1-минг йилликда шаҳар-давлатлар, Боспор давлати, Скифлар давлати мавжуд бўлган. Мил. 3-а.да Шарқдан кўчманчи *готлар* ва 4-а.да *гуннлар* бостириб келган. 4—8-а.ларда Шим. Кавказда *аланлар* бирлашган. 552—745 й.ларда Р. ҳудудининг бир қисмини турк халқларининг қабилавий иттифоқидан иборат *Турк хоқонлиги* эгаллаб турган. 7-а. 1-ярмида Азов бўйида Буюк Булғория давлати пайдо бўлди, аммо булғорлар Хазар хоқонлигидан мағлубиятга учраб, Дунай, Волга ва Кама дарёлари бўйига келиб жойлашди. 10-а.да Волга-Кама Булғорияси давлати пайдо бўлди, Ўрта Волга бўйи халқлари шу давлатга бирлашди. 6-а.да Сибирь, Енисей дарёсининг ўрта оқимида ҳоз. хакасларнинг аждодлари ҳисобланган Қирғизлар давлати, 8-а. —10-а. бошларила Узоқ Шарқда Бохай давлати ҳукм сурди.

9-а.да шарқий славян қабилаларининг бирлашуви асосида Қад. Русь давлати ташкил топди; шарқий славянларнинг икки маркази — Новгород б-н Киев Рюриковичлар сулоласига мансуб князлар ҳокимиятига бирлашди. Тахм. 988 й. князь Владимир византия-православ шаклидаги христианликни Р.нинг давлат дини деб қабул қилди, бу воқеа давлатчиликни мустаҳкамлаш ва Шарқий Европадаги славян, балт, угор-фин ва б. қабилаларни жипслаштиришга кўмаклашди. Қад. рус элати таркиб топди. Печенег (бижанак) ва қипчоқлар ҳужумини қайтарган Киев Руси Шарқий Европадаги йирик давлатга айланди. Владимир Святославич ва Владимир Мономахдан кейин давлатни идора қилган Мстислав Владимирович вафоти (1132 й.)дан сўнг Қад. Русь давлати парчаланиб кетди. Киев Русидан Новгород республикаси, Владимир-Суздаль, Галич-Волинь, Рязань князликлари ва б. давлатлар ажралиб чиқди. 13-а.да уларга Шарқдан мўғуллар, Ғарбдан шведлар ва немислар ҳужум қилдилар. 1223 й. рус князликлари мўғуллар б-н Калка дарёси бўйидаги жангда мағлубиятга учради. 1236 й. мўғуллар Волга-Кама Булғориясини, 1237 й. Рязань ва б. шаҳарларни вайрон қилди. 1240 й. эса шведлар бостириб келди. Александр Невский раҳбарлигидаги рус қўшинлари ўша йили Нева жангида шведларни, 1242 й. Муз устидаги жангда немисларни тор-мор қилди. Аммо тарқоқ ҳолдаги рус князликлари салкам 250 й. мобайнида мўғуллар зулми остида қолди.

14-а.нинг 2-ярмида Москва князлигининг мавқеи ошиб, у мўғулларга қарши курашда раҳбарлик қилди ва рус ерларини аста-секин бирлаштириш маркази бўлиб қолди. 1380 й.ги *Куликово жангида Дмитрий Донской* қўмондонлигидаги бирлашган рус қўшинларининг мўғул қўшинлари устидан қозонган ғалабаси Шим.-шарқий рус ерларини бирлаштириш учун замин яратди. Москва буюк князлик ҳокимияти 15-а. охири — 16-а. бошларида рус ерларини бирлаштиришни асосан тугаллади. 1478 й. Новгород, 1485 й. Тверь, 1510 й. Псков, 1514 й. Смоленск, 1521 й. Рязань Москва буюк князлигига қўшиб олинди. 1480 й. мўғуллар зулми барҳам топди.

Биринчи рус подшоси *Иван IV* Васильевич Грозний (1533—84; 1547 й.дан подшо) давлатини марказлаштиришга киришди. Қозон ва Астрахон хонликлари қўшиб олинди, шу тариқа Урал орти ва Ғарбий Сибирни ҳаб этиш учун йўл очилди. 17-а.да Сибирнинг қолган ҳудудлари ҳам бирин-кетин қўшиб олинди. 15-а. охири — 16-а. бошларила рус халқининг шаклланиш жараёни ниҳоясига етди, «Россия» деган ном тарқала бошлади.

Ғарбда Болтиқ денгизига чиқиш учун бўлган *Ливон урушининг* чўзилиб кетиши (1558—83) натижасида мамлакат 16-а. охири — 17-а. бошларида оғир иқтисодий ва сиёсий аҳволга тушиб қолди. Халқ оммасининг аҳволи ёмонлашди. Жамиятнинг турли табақаларида норозилик кучайди. Натижада қўзғолонлар бўлиб ўтди (энг каттаси *Болотников қўзғолони*). Боярлар ва дворянлар ўртасида ҳам кураш кескинлашди. 700 й.дан ортиқ ҳукмронлик қилган Рюриковичлар сулоласи тугади. Мамлакатнинг оғир ички аҳволидан фойдаланган поляклар ва шведлар 1604 й.да Россияга бостириб кирдилар. Польша қўшинлари Москвани эгаллади. Фақат 1612 й. К. З. Минин ва Д. М. Пожарский раҳбарлигидаги халқ лашкарлари Москвани озод қилди, бироқ мамлакатнинг ғарбий ва шим.-ғарбий ҳудуди бир қисми Речь Посполита ва Швеция қўл остида қолди. 1613 й.дан Р.да Романовлар сулоласи ҳукмронлик қила бошлади.

17-а.дан Р. ўз тарихида янги босқичга ўта бошлади. 17-а. охирига келганда ташқи снёсат масалалари ва синфий кураш кескинлашган пайтда давлат ва дворянлар ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун иқтисодиёт, давлат тузуми, маданият тизимини қайта қуришга зарурият туғилди. Бу ўзгаришларни *Петр I* ҳукумати амалга оширди. Петр I нинг ислоҳотлари туфайли (17-а. охири — 18-а. 1-чораги) мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти жадаллашди. Шим. уруш йиллари (1700—21)да мунтазам армия ва ҳарбий денгиз флоти тузилди. Йирик галабалар қўлга киритилди. Р.нинг Болтиқ денгизига чиқиши учун йўл очилди. 1721 й. мамлакат Россия империяси деб эълон қилинди. Саноат ривожлана бошлади, айниқса, Уралдаги кончилик саноати тез ўсди. Савдо-сотиқ ривожланиб, ташқи савдо кучайди. Маданият соҳасида катта ўзгаришлар амалга оширилди, дунёвий мактаблар очилди, Ғарбий Европа маданияти б-н алоқа кенгайди, матбаачилик ривожланди, ФА таъсис этилди (1725), янги календарга ўтилди (1700). 18-а. 2-ярмида товар-пул муносабатлари ривожланди. *Екатерина II* даври (1762—96)да дворян-ян ер эгалиги янада ривожланди. Давлат ер фондини кўпайтириш мақсадида 1764 й. черковга қарашли ерларнинг бир қисми тортиб олинди. Деҳқонларнинг оммавий норозилиги *Пугачёв қўзғолони* ва б. ички можаролар келиб чиқишига сабаб бўлди.

Ташқи снёсат соҳасида подшо ҳукумати дворян ва савдогарларнинг Қора денгиз орқали қулай савдо йўлларига бўлган интилишларини ҳисобга олиб, жан. чегараларнинг хавфсизлиги учун курашни давом эттирди. Туркия б-н бўлган урушларда Р. галабага эришгач, Қрим хонлиги (1783) ва умуман Қора денгизнинг шим. қирғоги Р. империяси тасарруфига ўтди. Чегара Днестр дарёси бўйлаб белгиланди. 70—90-й.ларда Украинанинг ўнг қирғоги ва Белоруссия батамом Р.га қўшиб олинди.

19-а. бошларида *Александр I* император бўлган давр (1801—25)да бир қанча ислоҳотлар ўтказилди, давлат аппаратини замонавийлаштиришга ҳаракат қилинди. Урушлар натижасида ва дипломатик фаолият йўли б-н 1801 й. Шарқий Грузия, 1809 й. Финляндия, 1812 й. Ғарбий Грузиянинг бир қисми ва Бессарабия Р. империяси таркибига киритилди. 1805 ва 1806—07 й.ларда Р. Наполеон Францияси қарши коалиция урушида қатнашди. 1812 й. Наполеон армияси Р.га бостириб кирди, ўша йил 26 авг. (7 сент.)даги *Бородино жангида* француз қўшинлари катта талафот кўрди ва чекинди. 1814—15 й.лардаги *Вена конгресси* қарорларига биноан, Польша қироллиги Р.га ўтди.

Маърифатчилик ғояларининг ёйилиши, 18-а. охиридаги Француз инқилобининг таъсири, рус армиясининг 1813—14 ва 1815 й.лардаги чет эл юришлари даврида Европа мамлакатларидаги давлат ва жамият тузилиши б-н танишув натижасида Р. жамиятида чуқур ижтимоий ва снёсий ўзгаришлар қилиш зарурлиги ҳақидаги фикрлар пайдо бўлди. 1816—23 й.ларда Р.да ти давлат ва ижтимоий-снёсий тузумни қайта қуриш мақсадини кўзловчи яширин жамиятлар вужудга келди. Шим. ва Жан. жамият аъзоларининг қуролли нечилари (1825 й.декабристлар қўзғолони) бостирилди. Кавказ урушининг чўзилиб кетиши ва унда Шим. Кавказ халқларининг қаттиқ қаршилик кўрсатиши. 1853—56 й.лардаги Қрим урушида Р.нинг мағлубиятга учраши император Николай I ҳокимияти снёсий тузумининг инқирозини кучайтирди. Ана шу омиллар тазйиқи остида император *Александр II* бир қанча ислоҳотлар ўтказишга мажбур бўлди. Жумладан, 1861 й. деҳқонлар ислоҳоти ўтказилиб, 17-а. ўрталарида ислоҳоти ўтказилиб, 17-а. ўрталарида жорий этилган крепостнойлик ҳуқуқи бекор қилинди. 1860—70 й.ларда ислоҳотлар мамлакат иқтисодиётидаги ислоҳотлар мамлакат иқтисодиётидаги ислоҳотлар мамлакат иқтисодиётидаги



Сибирдаги Лена дарёси.

собиқ Россия империяси ҳудудида ташкил топган РСФСР, Украина, Белоруссия ва Закавказье республикалари (Озарбайжон, Арманистон ва Грузия) биргаликда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи (СССР)ни тузилар. РСФСР халқлари ҳам СССРнинг бутун тарихи давомида мамлакатни индустриялаш, қ.х.ни коллективлаштириш оғирлигини, 20—40-й.лардаги оммавий қатағонлар қулфатларини бошдан кечирдилар, 2-жаҳон урушидаги ғалабага, 60—70-й.лардаги Техника инқилобига катта ҳисса қўшдилар. 70-й.лар охири ва, айниқса, 80-й.ларда иқтисодиётда салбий тамойиллар сезила бошлади. Кўп жиҳатдан мудофаа маҳсулотлари и.ч.га қаратилган саноат мамлакатнинг оммавий эҳтиёж моллари и.ч.га бўлган талабини қондира олмас эди. Меҳнат унумдорлигининг пастлиги, уни оширишга қизиқтирувчи омилларнинг йўқлиги, бутун жамиятда тўрачилик авж олганлиги ва б. илатлар ўз таъсирини кўрсатди. 1985 й. «қайта қуриш» сиёсати эълон қилинди. Бироқ тез орада рўй берган сиёсий можаролар иқтисодиётга қаттиқ зарба берди. 1990 й. 12 июнда РСФСР нинг давлат суверенитети тўғрисида Декларация қабул қилинди. 1991 й. 25 дек.да РСФСР Олий Кенгаши Р. давлатининг расмий номи Россия Федерацияси (Россия) деб аталишини тасдиқлади. 1991 й. мартида РСФСР президенти лавозими таъсис этилди (1991 й. июнда Б. Н. Ельцин РСФСР президенти этиб сайланди). 1991 й. авг. бўҳронидан кейин ўша йил дек.да РСФСР, Белоруссия ва Украина раҳбарлари *Белая вежа пушчаси* битимини имзолаб, СССР тугатилганини ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) тузилганини эълон қилдилар. Р. СССР нинг ҳуқуқий вориси бўлиб қолди. 1992 й. январда маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтиш мақсадини кўзловчи иқтисодий ислоҳот бошланиши эълон қилинди. Ислоҳотни ўтказишдаги хатолар ва ноизчиллик сабабли иқтисодиёт тармоқларида танглик ҳолатлари рўй берди, бу эса аҳолининг турмуш даражаси пасайишига олиб келди. 1993 й. сент.-окт. инқирози давомида Президент фармони б-н Советлар тизими тугатилди. Ўша йил дек.да Федерал мажлисга сайлов ўтказилди. 1996 й. Б. Ельцин 2-навбатга президент этиб сайланди. 2000 й.да президент лавозимига сайланган В. Путин йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатиш чора-тадбирларини кўра бошлади. У президент сифатидаги хорижий сафарини Ўзбекистондан бошлаганлиги диққатга сазовордир. Р. — СССР нинг ҳуқуқий вориси сифатида 1945 й.дан БМТ аъзоси. ЎзР суверенитетини 1992 й. 20 мартда тан олган ва дипломатия муносабатлари ўрнатган. Миллий байрамлари — 12 июнь — Суверенитет ҳақида декларация қабул қилинган кун (1990), 7 нояб. — Келишув ва

Россиянинг чекка шимолида.

иноқлик куни (1996), 12 дек. — Р. конституцияси куни (1993).

Асосий сиёсий партиялари, касаба уюшмалари ва б. жамоат ташкилотлари. «Ягона Россия» партияси, 2003 й. асос солинган; Либерал-демократик партия, 1992 й. рўйхатга олинган; «Яблоко» демократик партияси, 2001 й. ташкил этилган; «Ўнг кучлар иттифоқи» партияси, 2001 й. тузилган; РФ Коммунистик партияси, 1993 й. рўйхатга олинган; шунингдек, Р. демократик партияси, «Евразия», «Интернационал Р.», Р. консерватив партияси, РФ Халқ партияси, Р. халқ-ватанпарварлик партияси, Р. халқ-республикачилар партияси, «Либерал Р.» партияси, «Тадбиркорликни ривожлантириш партияси», Р. Меҳнат партияси, Пенсионерлар партияси, Р. социал-демократик партияси ва б. партиялар; «Уруш фахрийлари — тинчлик учун», «Аскар оналари», «Қадр-қиймат ва меҳр-мурувват» ва б. ҳаракатлар фаолият кўрсатади. Р. мустақил касаба уюшмалари федерацияси кўпгина тармоқ касаба уюшмаларини бирлаштиради.

Хўжалиги. Р. — индустриал-аграр мамлакат. Унинг ҳудуди 12 йирик иқтисодий р-н (Шим., Шим.-Ғарбий, Марказий, Волга-Вятка, Марказий қоратупроқ, Волгабўйи, Шим. Кавказ, Урал, Ғарбий Сибирь, Шарқий Сибирь, Узоқ Шарқ ва Калининград вилоятини)га бўлинган. Миллий даромадда саноатнинг улуши 44,5%, қ.х. улуши 10%, қурилиш 11,5%, транспорт, алоқа, моддий-техника таъминоти, тайёрлов ва б. тармоқларнинг улуши 34%. Иқтисодиётда давлатга қарашли корхоналар б-н бир қаторда хусусий, аралаш корхоналар ҳам бор.

Саноати. Р. кўмир, нефть, табиий газ қазиб олишда, электр энергия, минерал ўғит, газлама, пўлат, прокат, цемент и.ч.да дунёда олдинги ўринлардан бирида турали. Мамлакат экспорти ва ёқилғи-энергетика балансида нефть ҳамда табиий газнинг аҳамияти катта. Нефтнинг кўп қисми Волгабўйи-Урал регионида, Ғарбий Сибирь, Р. Европа қисми шим., Сахалин ва б. жойларда қазиб олинади. Нефть хом ашёсининг аксарият қисми «ЛУКойл», «Славнефть», «Роснефть», «Башнефтехим» компанияларининг корхоналарида қайта ишланади. Р.да қазиб олинган нефтнинг 99,5% «Транснефть» бирлашмасининг магистрал қувурлари (жами уз. 48,5 минг км) орқали ташиб берилади. Аниқланган газ захиралари бўйича Р. дунёда 1-ўринда (32% дан кўпроқ) турали ва дунёда қазиб олинаётган газнинг 30% ни таъминлайди. Табиий газнинг асосий қисми Ямал-Ненец мухтор округидаги Уренгой, Ямбург, Заполярье, шунингдек, Оренбург конларидан олинади. Жами газнинг 94% ни «Газпром» бирлашмаси қазиб чиқаради. Магистрал газ қувурлари уз. — 150 минг км. Ички бозорга етказиб берилаётган газнинг 15% коммунал-маиший соҳага, шу жумладан, аҳоли эҳтиёжига, қолган қисми саноат и.ч.га ишлатилади. Кўмир захиралари 22 йирик кўмир ҳавзасида ва 115 та алоҳида конда жойлашган. Кузбасс ва Печора, Канск-Ачинск, Жан. Якутия ҳавзалари Р.нинг энг йирик кўмир конларидир. Р.да 72 акциядорлик жамияти ва 6 давлат унитар корхонаси кўмир қазиб олиш б-н шуғулланади. Улар таркибида 114 шахта ва 125 очиқ кон бор. 68 бойитиш ва 1 брикет ф-каси ишлайди. Нефть ва газ б-н бир қаторда кўмир Р.да электр ва иссиқлик энергияси и.ч.нинг асосий манбаларидан бири; металлургия, кимё ва б. саноат тармоқлари учун тенгсиз хом ашёдир. 2001 й. Р.да 888 млрд. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинди. Барча электр станциялар Р. туташ электр энергетика тизимига бирлашган. Унга қарашли магистрал электр линиялари ва электр подстанцияларини Р. энергетика ва электрлаштириш очиқ турдаги акциядорлик жамияти («ЕЭС Россия») бошқаради. Кимё ва нефть кимёси саноатида пластмасса, кимёвий тола, минерал ўғит, сульфат кислота, синтетик смола ва каучук, автопокришка, лок-бўёқ, агросаноат мажмуаси ва тиббиёт саноати учун турли моддалар ишлаб чиқарилади. Унинг йирик корхоналари хом ашё манбаларига яқин жойлар — Пермь вилояти, Кола я.о., Татаристон, Бошқирдистон, Ғарбий Сибирь, Уралда қурилган. Кейинги вақтларда хом ашё манбаларидан узоқроқ бўлса ҳам, истеъмолчиларга яқин жойларда кимё корхоналари қурила бошлади. Бу корхоналар «Акрон» (Новгород вилояти), «Ярославль шина завони», «Ставропольполимер», «Воскресенск минерал ўғит» (Москва вилояти), «Эра» ва «Фосфорит» (Ленинград вилояти), «Куйбишевазот» ва «Волгапромхим» (Самара вилояти) акциядорлик жамиятлари ҳамда Ангара нефть кимёси компанияси ва б.лар таркибига киради. Металлургия мамлакат саноатининг энг ривожланган тармоқларидан биридир. Унинг тўлиқ цикли корхоналари Урал (Магнитогорск, Челябинск, Нижний Тагил), Марказий иқтисодий р-нларида (Липецк, Тула) ва Ғарбий Сибирда (Новокузнецк) жойлашган бўлиб, чўян, пўлат, тайёр прокат ишлаб чиқаради. Қалай, мис, қўрғошин, рух, алюминий, вольфрам, никель, молибден рангли металлургиянинг энг муҳим маҳсулотларидир. Унинг асосий марказлари: Норильск, Красноярск, Иркутск, Саяногорск ва б. Машинасозлик ва металл ишлаш саноати корхоналари Р.нинг ҳамма иқтисодий р-ларида мавжуд. 20-а. охири — 21-а бошларида энергетика, транспорт, кимё, нефть машинасозлиги, авиация ва ракета-космос саноати, радиоэлектроника, электротехника саноати машинасозлиги, приборсозлик, электрон саноати ва кемасозлик айниқса тез ривожланди. Станоксозлик ва асбобсозлик саноати янги турдаги сер-унум асбоб-ускуналар и.ч.ни кўпайтирди. Р.нинг 72 субъектида мудофаа саноати тармоқларининг 1700 корхона ва ташкилоти бор. Дунёдаги ёғоч захираларининг 22% Р.га тўғри келади. Р. ўрмон саноати ёғоч тайёрлаш, ёғочсозлик, целлюлоза-қоғоз, гидроёғочсозлик, целлюлоза-қоғоз тармоқларини ўз ичига олади. Архангельск, Сиктивкар, Енисей, Братск, Амур ўрмон саноати мажмуалари барпо этилган. Қурилиш материаллари саноати марказлари: Урал, Волгабўйи, Шим. Кавказ ва Марказий иқтисодий р-ларидир.

Пушкин шаҳридаги парк.

Енгил саноатда тўқимачилик етакчи ўринда. Унинг йирик марказлари бўлган Иваново, Москва, Ярославль, Орехово-Зуево, Тверь ш.ларида ип, зигир, шойи, жун газламанинг аксарият қисмини ишлаб чиқарилади. Барча иқтисодий р-ларда аҳолининг эҳтиёжларига қараб ва хом ашё манбалари имкониятларига мос равишда озиқ-овқат саноати ривожлантирилган. Гўшт, сариёғ-пишлоқ, консерва, қанд, ёғ з-длари қурилган. Шим. ва Узоқ Шарқда, Қора, Азов ва Каспий денгизлари атрофида йирик балиқ саноати корхоналари мавжуд.

Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар 197,6 млн. гектар; шундан 85,4 млн. гектари ҳайдаладиган ер, қолган қисми пичанзор ва яйлов. Ҳайдаладиган ерларнинг 4/5 қисми Марказий, Волгабўйи, Шим. Кавказ, Урал ва Ғарбий Сибирь иқтисодий р-ларига тўғри келади. Қ.х. ялпи маҳсулотининг 47,2% ни деҳончилик ва 52,8% ни чорвачилик беради. Асосий экинлари: ғалла, қанд лавлаги, кунгабоқар, картошка, сабзавот, зигир ва б. Волгабўйи, Шим. Кавказ, Ғарбий Сибирь, Урал ва Марказий р-ларда буғдой, Шим., Шим.-Ғарбий ва Марказий р-ларда зигир, Шим. Кавказ, Волгабўйи, Марказий р-ларда кунгабоқар, Марказий ва Шим. Кавказда қанд лавлаги етиштирилади. Турли р-ларда мева, резавор ва узумзорлар бор. 4,29 млн. гектар ер суғорилади (асосан, Шим. Кавказ ва Волгабўйида).

Р.нинг иқтисодий ва табиий шароити чорвачиликнинг барча тармоқларини ривожлантириш учун қулай. Волгабўйи, Ғарбий Сибирь, Шим. Кавказ, Урал, Марказий иқтисодий р-ларда қорамол кўпроқ боқилади. Йирик шаҳарлар атрофида сут чорвачилиги ва чўчқачилик. Чекка Шим.да бутучилик ва ҳайвоночилик ривожланган. Кўпгина жойларда паррандачилик, асаларичиликка катта аҳамият берилади. 20-а.нинг 90-й.ларидан қ.хда ҳам ислоҳатлар ўтказила бошлади, ерга эгалик қилишнинг янги шаклларини жорий этишга киришилди.

Транспорти. Р.да замонавий транспортнинг ҳамма турлари ривожланган. Т.й. узунлиги — 139 минг км (86 минг км магистрал т.й.), қаттиқ қопламали автомобиль йўллари уз. — 754 минг км, кема қатнайдиган ички сув йўллари уз. — 84,6 минг км (Беломор—Болтиқ канали, Москва номли канал, Волга—Дон канали, Волга—Болтиқ сув йўли ва б.), магистрал нефть ва газ қувурлари уз. — 213 минг км. Т.й.ларнинг энг серқатнов ва кўп юк ташиладиган магистраллари электрлаштирилган. Мамлакат юк айланмасининг 70% т.й. транспортига тўғри келади. Ички юкларнинг бир қисми автомобиль ва дарё транспортида, ташқи савдо юкларининг аксарияти денгиз транспортида ташилади. Денгиз савдо флотининг ҳажми — 8,3 млн. тонна дедвейт. Энг йирик денгиз портлари: Санкт-Петербург, Ванино, Калининград, Мурманск, Новороссийск, Архангельск, Владивосток. Йирик автомобиль йўллари кесишган шаҳарлар: Москва, Санкт-Петербург, Новосибирск, Хабаровск, Адлер, Минеральние Води. Ҳаво транспортининг аҳамияти катта. Барча иқтисодий р-лар, йирик шаҳарлар ўртасида, яқин ва олис хориж мамлакатлари б-н авиация қатнови йўлга қўйилган. Москва, Санкт-Петербург, Новосибирск, Екатеринбург, Иркутск, Владивостокда

йирик халқаро аэропортлар бор. Москва, Санкт-Петербург, Новосибрск, Нижний Новгород, Самара, Екатеринбург ш.ларида метрополитен қурилган.

Ташқи савдоси. Р. — дунёда қудратли экспорт ва импорт имкониятларига эга бўлган давлатлардан бири. У четга машина ва ускуналар, транспорт воситалари, металл, қимматбаҳо тошлар, нефть, табиий газ, кўмир, кимёвий моддалар, ёғоч, каучук, хом тери, тўқимачилик маҳсулотлари ва б. экспорт қилади. Четдан электроника, рўзғор техникаси, халқ истеъмол моллари, қ.х. маҳсулотлари ва хом ашёси сотиб олади. МДҲ, Болтиқ бўйи мамлакатлари, Италия, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Польша, Нидерландия, Туркия, Хитой ва б. давлатлар б-н савдо қилади. Пул бирлиги — рубль.

Тиббий хизмати. Аҳолининг соғлигини сақлаш тизими 20-а.нинг охирларида ислоҳ қилина бошлади. Давлат поликлиникалари ва касалхоналари б-н бир қаторда хусусий шифохоналар ҳам очилди, муқобил тиббий хизмат шакллари ривожлана бошлади. 90-й.ларининг ўрталарида Р.да 12 мингга яқин касалхона муассасаси бўлиб, уларда 4 млн.га яқин ходим, шу жумладан барча ихтисосдаги 650 минг врач ишлади. Ҳар 10 минг аҳолига касалхоналарда 135 ўрин тўғри келди. Тиббиёт соҳасидаги илмий фаолиятни Р. тиббиёт ФА мувофиқлаштириб туради. Р.да 7 мингга яқин санаторий ва б. дам олиш муассасалари бор. Врачлар ҳар бир иқтисодий р-ндаги тиббиёт олий ўқув юртларида тайёрланади.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Р.да таълимининг барча турларини такомиллаштиришнинг мақсад ва вазифалари 2000 й.да қабул этилган РФ Миллий таълим доктринаси ва 2010 й.гача бўлган даврда таълимни модернизациялаш концепциясида белгиланган. Келгусида ҳам умумий таълим мактаби ёш авлодга таълим ва тарбия беришнинг асосий бўғини бўлиб қолади. 2000 й. мамлакатда 68804 мактаб бўлиб, унинг 635 таси хусусий мактаб эди. Уларда 1748 минг ўқитувчи 20879 минг ўқувчига таълим беради. Р.да ҳунар-техника таълими берадиган техника коллежлари, тижорат билим юртлари, маркетлар, бизнес-мактаблар ва б бор. 2000 й.да 2589 давлат ўрта махсус ўқув юртида 2312 минг ўқувчи таълим олди. Олий ўқув юртлари тармағига ун-т, ўқув академиялари, олий билим юртлари, консерватория ва институтлар киради. 2000/2001 ўқув йили Р.даги 965 олий ўқув юртида 4742 минг талаба ўқиди, шу жумладан, 358 нодавлат олий ўқув юртида 471 минг талаба таълим олди. Москва, Санкт-Петербург, Самара, Екатеринбург ун-тлари энг қад. ва йирик ун-тлар ҳисобланади. Р. Фанлар академияси мамлакатдаги и.т. ишларига раҳбарлик қилади, унинг ин-тлари илм-фаннинг энг муҳим соҳаларида и.т. олиб боради. Бундан ташқари, Р. тиббиёт ФА, Р. таълим академияси, қишлоқ хўжалик ФА, Р. бадиий академияси (1992) ҳам фаолият юритади.

Р.да 130 мингдан кўпроқ кутубхона бор. Энг йириклари: Р. давлат кутубхонаси (42 млн. асар), Р. миллий кутубхонаси (33 млн. асар), М.И.Рудомино номидаги умумроссия давлат чет эл адабиёти кутубхонаси (4,4 млн. асар), Давлат оммавий тарих кутубхонаси (3,2 млн. асар), Давлат ижтимоий-сиёсий кутубхонаси (2,2 млн. асар) ва б. 2000 й. мамлакатда 1664 музей ишлади. Машҳурлари: Эрмитаж, Петергоф, Кунсткамера, Москва Кремли, Давлат тарих музейи, Третьяков галереяси, «Спасск-Лутовиново», «Тарханлар» ва б.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Р.да 5758 номда газ. нашр этилади; шундан 333 таси умумроссия газ.лари бўлса, қолганлари миллий республикалар, мухтор вилоятлар, ўлка ва вилоятлар, округ, шаҳар, туманлар миқёсида чиқадиган ва тармоқ газ.лари ва б. Энг йириклари: «Известия» («Ахборот», 1917 й.дан), «Правда» («Ҳақиқат», 1912 й.дан), «Труд» («Меҳнат», 1921 й.дан), «Комсомольская правда» («Комсомол ҳақиқати», 1925 й.дан), «Независимая газета» («Мустақил газета», 1990 й.дан), «Общая газета» («Умумий газета», 1997 й.дан), «Новые известия» («Янги хабарлар», 1997 й.дан), «Сельская жизнь» («Қишлоқ ҳаёти», 1918 й.дан), «Экономическая газета» («Иқтисодий газета», 1918 й.дан), «Учительская газета» («Ўқитувчилар газетаси», 1924 й.дан), «Литературная газета» («Адабиёт газетаси», 1925 й.дан). 2781 номда жур. чиқарилади; энг йирик адабий журнал: «Новый мир» («Янги дунё», 1925 й.дан), «Знамя» («Байроқ», 1931 й.дан), «Октябрь» (1924 й.дан), «Иностранная литература» («Хорижий адабиёт», 1955 й.дан), «Новое время» («Янги давр», 1943 й.дан; 1899—1943 йларда «Огонёк»), «Работница» («Ишчи аёл», 1923 й.дан), «Крестьянка» («Деҳқон аёл», 1922 й.дан) ва б.

Р. давлат телерадио сектори 110 канал ва 120 та яқин радиост-ялан иборат (2001). Тижорат телеканаллари ва радиост-ялари ҳам бор. РАТА-ТАСС ахборот агентлиги, Россия «Новости» ахборот агентлиги, «Интерфакс» ахборот агентлиги фаолият юритади.

Москва. «1812 йил Бородино жанги» панорамаси биноси.

Адабиёти. Халқ ҳунармандчилиги асосидаги оғзаки ижод 11—17-а.ларда юқори босқичга кўтарилди. Достонлар деҳқонлар меҳнатини ва уларнинг креностнойликка қарши кайфиятини акс эттирувчи асарлар, 18-а.дан шоирлар ҳаётини ифодаловчи қўшиқлар яратилди. Достонларда ватан душманларига қарши курашган Илья Муромец, Добриня Никитич, Василий Буслаев каби.ларнинг қаҳрамонлиги мадҳ этилди.

Қад. рус адабиётининг (10-а. охири — 17-а.лар) дастлабки ёзма ёдгорликлари Киев Русида яратилди. Рус халқининг бирлиги масалалари бу давр адабиётининг асосий мавзуи эди. «Игорь полки жангномаси» 12-а. охиридаги салмоқли адабий ёдгорликдир. 14—15-а.ларда кўпгина афсонавий-тарихий қиссалар яратилди («Новгородлик ва суздалликлар жанги ҳақида афсона», Новгородлик Иони ҳақидаги афсоналар туркуми, «Смоленсклик Меркурий қиссаси», «Темур ҳақида қисса» ва б.). 15—16-а.лар адабиётида сиёсий афсона ва публицистика ривожланди. 17-а.да адабиёт турмуш б-н яқинланди, насрий асарларда инсоннинг аҳвол-руҳиятини таҳлил қилишга асосий эътибор берила бошлади. Рус адабиёти сиёсий турмуш ва ижтимоий курашнинг айрим соҳаларини акс эттириш орқали дунёвий мавзуларни ёритишга ўтди. 18-а.да қисса, севги лирикаси, ижтимоий-сиёсий шеърият ва ҳажвчилик ривож топди (В. Тредиаковский, М.Ломоносов, А. Сумароков ижоди). Д.Фонвизин, И.Крилов ҳаққоний пьесалари, Я.Княжнин, Г. Державин шеърлари, Н. Карамзин ва А. Радищев насри шуҳрат қозонди. 19-а. бошларида В.Жуковский романтизм руҳида ижод қила бошлади. Романтизмнинг исёнкорлик йўналиши ёш А.С.Пушкин ҳамда декабрист-шоирлар К.Рилеев, В.Кюхельбекер, А.Бестужев-Марлинский, А. Одоевский ва б. ижодида намоён бўлди. А. Пушкин янги рус адабиётига асос солди. М. Лермонтов унинг анъаналарини давом эттирди. Н. Гоголь асарлари рус адабиётида танқидий реализм узил-кесил қарор топганлигини тасдиқлади. 19-а.нинг 40-й.ларида В.Белинский илмий-адабий танқидчилик асосларини яратди. А.Герцен, Н. Чернишевский, Н. Добролюбов, Д. Писарев публицистикаси жамият илдизларини фош этди. 19-а.нинг 2-ярмида танқидий реализм барқ урди (Ф.М.Достоевский, А.Ф.Писемский, И.С. Тургенев, И.А.Гончаров, А.П.Чехов ва б. ижоди). Л. Толстой «Уруш ва тинчлик» романида кенг қамровли тарихий воқеалар ва инсоний тақдирлар хилмахиллигининг бадиий тасвири намунасини яратди. А.П.Чехов ижоди ижтимоий ўзгаришларни акс эттирди. 19-а. охири — 20-а. бошларида А.М.Горький, И.А.Бунин, В.В.Вересаев адабиётга кириб келди. Сўнг символистлар, акмеистлар, футуристлар пайдо бўлди. В.Я.Брюсов, А.А.Блок, Н.В.Гумилёв, А.А. Ахматова, О.Э.Мандельштам, С.А.Есенин, Б.Л.Пастернак ва б. ижоди адабиётни гоят жонлантириб юборди. В.В.Маяковский интиқлик шеъриятини юқори погонага кўтарди. 20-а.нинг 1-ярмида М.М.Зощенко ҳикоялари, А.П.Платонов, К.А.Федин, В.А.Каверин, М.А.Шолохов, М.А.Булгаков, А. Толстой романлари наср жанрини ривожлантирди. 2-жаҳон урушн ва ундан кейинги даврда кўпчилик адиблар (И.Г.Эренбург, А.Т.Твардовский, Е.А.Евтушенко) инсоният бошига тушган кулфатларни тасвирловчи ва тинчлик ҳамда инсонпарварликка чақирувчи асарлар яратишди. М.А. Шолохов, М.Калинин, Г.Бакланов, Ю.Бондарев, Б. Васильев асарларида уруш манзаралари кенг кўламда акс эттирилди. 50-й.ларнинг ўрталарида шахста ситишни қоралаш туфайли бошланган «илиқлик» даврида В.Д.Дудинцевнинг «Новнинг ўзи ризқ-рўз эмас» романи, В.В. Овечкиннинг «Районнинг оддий кунлари» қиссаси, А.Я.Яшиннинг «Пишанглар» ҳикояси, П.Ф. Нилиннинг «Шафқатсизлик» ва «Синов муддати» қиссалари, С.Антонов ва В.Ф.Тендряковнинг насрий асарларида мафкуравий ақидалар рад қилинди, тўрачилик таъқиб остига олинди, қишлоқдаги қолоқликлар фош этилди. Аммо сиёсий «илиқлик» ҳақиқий ижодий эркинликка олиб келмади. 60-й.лар ўрталарида адабиёт устидан сиёсий назорат кучайди. Кўпгина қалам соҳиблари (А.Солженицин, В.Войнович, Б.Пастернак, С.Соколов ва б.)нинг сиёсий қатағонлар даври даҳшатларини инсонлар тақдири мисолида тасвирлаган ва жамият иллатларини фош этган асарлари Р.да нашр этилишига ижозат берилмади. Уларнинг айримлари чет эллларда босилган бўлса, «қайта қуриш» даврида Р.да ҳам дунё юзини кўрди. «Қайта қуриш» даврида «фош қилувчи» асарлар кўплаб дунёга келди, айниқса, публицистика ривож топди. Расмий социалистик мафкура қобиғига сиғмайдиган асарлар (Булгаковнинг «Ит юрак» қиссаси, Пастернакнинг «Доктор Живаго» романи, Солженицин, В. В. Набоков ва б. адиблар.нинг асарлари) ҳам нашр этилди.



Москва. Қизил майдон.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Қад. рус санъати шарқий славян қабилаларининг санъати ва маданияти ютуқлари асосида, қўшни давлатлар, айниқса, Византия маданиятининг таъсирида шаклланган. Киевдаги аё-София ибодатхонаси (1030—40) сақланган. 13 гумбазли бу ибодатхона андозасида Новгородда ҳам София собори (1045—50) ундан солдароқ қилиб қурилди. 1036 й.га оид Кўлёсмада Черниговдаги Спас Преображение соборининг тилла олинган. 12—13-а.ларда рус маданияти равнақ топди, йирик бино (ибодатхона, монастир, сарой)лар қурилди, улар фреска, мозаика б-н безатилди, икона санъати, китоб миниатюраси юқори даражага кўтарилди. 19-а.да Москва Кремли дастлаб эмасдан (1339), кейин оқ тошдан (1367) қурилди. 15-а. 2-ярмида марказлашган рус давлатининг ташкил топиши туфайли Москва йирик маданий марказга айланди. 16-а.да бу ерда тош ибодатхоналарнинг ўзига хос шакли — чодирсимон томли миноралар (Коломенское қишлоғидаги Вознесение черкови. Москвадаги Василий Блаженний ибодатхонаси ва б.) барпо этилди. Нижний Новгород, Тула, Коломна, Зарайск, Смоленск, Серпуховда кремлар қурилди. Турар жойларнинг аксарияти ёғочдан ишланди. 14-а. охири — 15-а. бошларида рус рассомлиги янги погонага кўтарилди. Москвада Феофан Грек, Андрей Рублёв каби атоқли рассомлар ижод қилди. 15-а. охири ва 16-а. бошида Дионисий ибодатхона деворига ишлаган авлиёлар расмлари б-н шуҳрат қозонди. 17-а. тасвирий санъати дунёвий мазмун б-н бойиди. Шим. Кавказда тошдан христиан ибодатхоналари, кейинроқ масжидлар кўплаб қурилди, металлни бадиий ишлаш санъати юксак даражага кўтарилди.

18-а. — 19-а.нинг 1-ярмида Европа б-н алоқа кучайиши туфайли у ердан кўпгина рассомлар Р.га келди; рус рассомлари Гарбда таълим олди. 1757 й. Петербургда Европа тонфасидаги бадиий академияга асос солинди. Шаҳарсозликка эътибор кучайди, рус меъморлиги Гарбий Европа услубида ривожланди, барокко, классицизм услубларини кириб келди. Р. шаҳарларини қайта қуришнинг 400 га яқин лойиҳаси ишлаб чиқилди. М.Ф. Казаков, А.Н .Воронихин, А. Д. Захаров, К.И.Росси каби атоқли меъморлар етишиб чиқди. Бу давр тасвирий санъатида портрет жанри юксалди. 18-а.нинг 2-ярмида Д.Г.Левицкий, В.Л.Боровиковский, Ф.И.Шубинларнинг ижоди рус тасвирий санъатида салмоқли ўрин олди. О.А.Кипренский, В.А.Тропинин, К.П.Брюллов каби рассомлар замондошлар аҳвол-руҳиятини зўр маҳорат б-н ифодалади. 19-а. ўрталарида маиший жанр юксала борди. Меъморлик б-н ҳамоҳанг тарзда амалий санъат ҳам ривожланди. Ёғоч ўймакорлиги, керамика, каштачилик соҳасида нафис буюмлар тайёрлаш урфи бўлди. 19-а.нинг 2-ярмида янги бинокорлик материаллари (металл конструкцияларидан фой-

даланиб саноат ва транспорт иншоотлари барпо этила бошлади, банк, касалхона, меҳмонхона, кўп қаватли турар жойлар қурилиши авж олди. 20-а. бошларида тасвирий санъат ривож топди: И. Е. Репин, И. Н. Крамской, Н.А.Ярошенко, С.В.Иванов каби рассомлар жозибадор асарлар яратдилар.

1917 й. окт. тўнтариши санъат аҳлини иккига бўлиб юборди. К.С.Малевич, Е.Е.Лансере ўзларини «инқилоб куйчиси» деб атадилар. А. А. Бенуа, К.А.Сомов каби машҳур рассомлар эса чет элларга бош олиб кетдилар. Совет даврида миллий бисотни сақлаш ҳақидаги декретларга қарамай, фақат инқилобга хизмат қиладиган санъат асарларигина сақлаб қолинди, бошқалари вақтиёна йўқ қилиб ташланди. Инқилоб ҳамда фуқаро уруши воқеалари ва қаҳрамонларини тасвирловчи расм ва ҳайкаллар яратиш рағбатлантирилди. Меъморлар баҳайбат шаҳар ва иншоотлар лойиҳаларини чиза бошладилар. 40-й.ларнинг 2-ярми ва 50-й.ларда 2-жаҳон урушида вайрон бўлган шаҳарларни қайта тиклаш ва янги саноат марказларини барпо этишга киришилди. Сталинград (Волгоград), Смоленск, Курск, Новгород каби шаҳарлар янгидан қурилди. Москвада баланд бинолар (Москва ун-ти, меъморлар Л.В.Руднев, С.Е.Чернишев, П.В.Абросимов, А.Ф. Хряков; меҳмонхоналар), Қишлоқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси каби маҳобатли иншоотлар, меъморий мажмуалар, кўп қаватли турар жойлар барпо этилди. Замонавий лойиҳалар асосида индустриал қурилиш усулларидан, йиғма темир-бетон ва б. янги қурилиш материалларидан фойдаланишга ўтилди.

Рассомликнинг барча жанрлари ривожланди. Маиший жанрда А.А. Мильников, Ф.П.Решетников, А.А.Пластов, портрет жанрида М.С.Сарьян, В.М.Орешников, карикатурада Б.И.Пророков, Кукрыникслар, В.Н.Горяев, эстампда Г.С.Верейский, Ю.И.Пименов, ҳайкалтарошликда Н.В.Томский, Л.Е.Кербель, Е.В.Вучетич, М.К.Аникушин, театр ва кино рассомлигида В. Рындин, Н.Золотарёв, Э.Стенберг, рангтасвирда Н. Андронов, В.Попков, Т. Салахов жозибадор асарлар яратдилар. Кейинги йилларда ижтимоий ҳаётга қизиқиш кучайди. Халқ ҳунармандчилигининг ёғочсозлик, кулолчилик, кандакорлик, сиркорлик, суяк ўймакорлиги, тоштарошлик, каштачилик, гиламдўзлик каби турлари ривожланди.

Мусиқаси. Қад. рус мусиқаси ўз мазмуни, жанри, шакл ва ифода воситаларига кўра хилма-хил бўлиб, меҳнат, маросим, қаҳрамонлик, ҳазил ва севги қўшиқларидан иборат. Халқ хорида *гетерофония*га асосланган кўп овозли

Москвадаги Георгий Победоносец мемориал ибодатхонаси.

мусиқа шакли ривожланди. Асосий мусиқа асбоблари — гусли, домра, кейинчалик балалайка, гитара, гармон, баян ва б. Скоморохлар санъати халқ ижодига яқин бўлган. 10-а. охирида хрис-тианлик қабул қилингач, черков хонандалиги ривожланди, мусиқа ёзуви ўзлаштирилди. 17—18-а.ларда черков хонандалигида кўп овозлилик пайдо бўлиши б-н бирга кўп овозли дунёвий қўшиқлар ҳам тарқалди, жамият ҳаётида мусиқанинг роли ошди, замонавий профессионал мусиқа жанр-лари яратилди. Петербург ва Москвада опера театрлари пайдо бўлди. Е. Фомин, В. Пашкевич, И.Хандошкин, Д.Бортнянский каби композиторлар етишиб чиқди.

19-а.нинг 2-чорагида М. *Глинка* рус мусиқасини жаҳон маданияти ютуқлари даражасига кўтарди. Унинг анъаналарини А. *Даргомижский* давом эттирди. 1859 й. А. Рубинштейн ташаббуси б-н Петербургда Р. мусиқа жамияти тузилди. Петербург (1862) ва Москва (1866) консерваториялари ташкил топди. Композиторларнинг «Қудратли тўда» ижодий гуруҳи (М.Балакирев, А.Бородин, М. Мусоргский, Н. Римский-Корсаков ва б.)нинг фаолиятида давр нафаси акс этди. П. *Чайковский*нинг симфоник ва камер асарлари, опера ва балетлари 19-а. жаҳон мусиқаси ривожида муҳим босқич бўлди. С. *Рахманинов*, *А. Скрябин* ижоди 20-а. бошларига тўғри келди. Улар кетидан етишиб чиққан. С.*Прокофьев*, Д.*Шостакович*, Н.Мясковский, А. *Хачатурян*, Т.Хренников ва б. турли мусиқий жанрларда салмоқли асарлар яратди. 20-а. бошларида ижрочи-хонандалар Ф. *Шаляпин*, Л. Собинов, А.Неждановa, пианиночилар Ф. Сафонов, К. Игумнов, Г. Нейгауз, скрипкачи Л. Ауэр, 20-а.нинг 2-ярмида дирижёрлар — А.М. Пазовский, Н.С. Голованов, Е. Мравинский, Е. Светланов, Г. Рождественский, С.С.Самосуд, пианиночилар — Э. Гилельс, С.Рихтер, скрипкачи — Д.Ф. *Ойстрах*, Л.Б. *Коган*, В.В. Третьяков, В.Т.Спиваков, виолончелчилар — Д.Б.Шафран, М. *Ростропович*, Н. Гутман, хонандалар — Н.А.-Степанова, Е.В.Образцова, И. С.Козловский, С.Я.Лемешев, В.А.Атлантов ва б. машҳур бўлдилар. 20-а.нинг охирги ўн йилликларида Р. Щедрин, А. Петров, Б. Тищенко, Э.В.Денисов, С.А.Губайдулина, А.Г.Шнитке каби композиторлар опера, симфония ва вокал-симфоник жанрларда ижод қилдилар. Г.В. Свиридов рус мумтоз мусиқаси анъаналарини давом эттирди. Эстрада мусиқаси ривож топди. Муаллифлик қўшиғи деб аталган йўналиш (Б. Окуджава, А.Галич, В.*Высоцкий*, Ю.Визбор) шуҳрат қозонди. Энг машҳур эстрада, жаз ва рок қўшиқчилар орасида И. Кобзон, Л. *Зыкина*, А. Градский, А.*Пугачёва*, Ф.Киркоров, Ю. Антонов, Л. Лещенко, В. Цой, Л. Долина, В. Леонтьев ва б. бор.

2-жаҳон уруши йиллари Ленинград консерваторияси Тошкентга эвакуация қилинди. Бу ерда унинг ижрочилари ҳамда маҳаллий ижрочилар томонидан Д. Шостаковичнинг «Ленинградская» симфонияси илк бор (1942 й. 22 июнь) ижро этилди. *Москва консерваторияси* ва унинг ҳузурида фаолият кўрсатган *Москва ўзбек опера студияси* ўзбек миллий опера санъати кадрларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга катта ҳисса қўшган.

Турли даврларда Л. Собинов, А. Неждонова каби опера солистлари, Л. Оборин, Г. Гинзбург, М. Ростропович, Г. Гролберг, Д. Шафран, Ю. Башмет, Л. Коган сингари созандалар, Д. Шостакович, А. Хачатурян, Т. Хренников каби композиторлар, З. Долуханова, И. Архипова, Т. Милашкина, И. Кобзон, А. Пугачёва сингари хонандалар, В. Спиваков шарққа кўчирилди, «Москва виртуозлари» камер оркестри, Е. Светланов раҳбарлигидаги Р. симфоник оркестри, «Катта театр» хонанда ва раққосалари ва б. Ўзбекистонда гастролда бўлишган.

Театри. Театр санъати унсурлари меҳнат жараёни ва диний маросимлар, халқ ўйинлари, байрамлар б-н боғлиқ ҳолда юзага келган. Театр маданиятининг дастлабки намоядалари скоморохлардир (улар биринчи бор 1048 й. йилномаларда тилга олинган). 1648 й. ўларнинг томошаларини черков тақиқлаб қўйди (спектакларда черков ва ҳокимиятни ҳажв қилувчи кўринишлар бўлган). Скоморохларнинг анъаналарини қўғирчоқ театри давом эттирди.

16-а. 2-ярмида мактаб театрига асос солинди, черков, саройтеатрлари вужудга келди. Р.да европача шаклдаги драма театри 17-а. охирида пайдо бўлди. 1703 й. подшоҳ Петр I нинг буйруғи б-н Москва Қизил майдонида театр бинoси қурилди, унда томошалар кўрсатилди. 18-а. бошларида ҳавaскорлик театрлари, Москва ун-ти ҳузурида театр ташкил этилди. А. Сумароков рус профессионал драматургиясига асос солди, унинг назариётчиси ва амалиётчиси бўлди. 1776 й. Петербургда биринчи доимий театр ишлай бошлади, шу театр асосида 1780 й. Петр театри, 1776 й. Москва Большой театри (Катта театр), 1824 й. Малий театр (Кичик театр) ташкил топди. 1832 й. Петербургда Александр (ҳоз. Пушкин номидаги) театр бинoси қурилди. 18-а. охири — 19-а. бошларида крепостной театрлари кенг ёйилди.

1812 й. Ватан урушидан кейин рус саҳнасида У. Шекспир, Ф. Шиллер, Д. Фонвизин, В. Капнист, И. Крилов, В. Озеров асарлари кўрсатилди. Кўнгилочар таржима асарларини А.Грибоедов, Н. Гоголь, А. Пушкин, А. Островский пьесалари сиқиб чиқарди. Г.Н.Федотова, А.И.Южин, В.Н.Давидов каби актёрлар саҳна маданиятини юқори кўтардилар. 1898 й. К.С.Станиславский б-н В.И.Немирович-Данченко томонидан Москва Бадиий театри ташкил этилди. 20-а. бошларида Москва ва Петербургда бир қатор янги театрлар, тажриба театр студиялари, вилоятларда турли йўналишдаги театрлар иш бошлади. 20-й.лар охири — 30-й.лар бошларида ишчи ёшлар театрлари оммалашди. Кўпчилиги ҳаваскор ва ярим профессионал жамоалардан иборат бўлган бу театрлар кейинчалик профессионал театрларга негиз бўлди. Айниқса, 30-й.лар саҳнасида инқилобий-тарихий пьесалар устунлик қилди. 2-жаҳон уруши йилларида кўпгина театрлар шарққа кўчирилди, фронт театрлари ва артистлар бригадалари ташкил этилди. Урушдан кейинги йилларда театр санъатининг ривожи нотекис ва зиддиятли бўлди. Бу соҳага ҳокимиятнинг аралашуви кўпгина театр жамоалари, айрим санъат арбоблари ва актёрлар ижодига асоратли таъсир қилди.

50-й.лар охири — 80-й.ларда рус мумтоз адабиёти ва драматургияси асарларини янгича талқин қилувчи спектакллар пайдо бўлди. Ф.М.Достоевский, Л.Н.Толстой, А.П.Чехов, Ж.Б.Мольер пьесалари б-н бир қаторда Б.Л.Васильев, Ф.А.Абрамов, В.М.Шукшин, В.Н.Войнович қиссалари саҳналаштирилди. 80-й.ларда театрларнинг фаолият шароити тубдан ўзгарди, цензура бекор қилинди, спектакларнинг раҳбар органлар томонидан «қабул қилиниши» барҳам топди. Ю. П. Любимов, Г.А. Товстоногов, Л.Е.Хейфец, Р. Симонов, П.О.Хомский, Ю.И.Ерёмин каби режиссёрлар тарихий ва замонавий мавзулардаги асарларини зўр маҳорат б-н саҳналаштирдилар, актёрлардан — Ю.К.Борисова, К.Ю.Лавров, И.М.Смоктуновский, М.А.Ульянов ва б. театр тараққиётига муҳим ҳисса қўшдилар. Р.да опера ва балет санъати, шунингдек, қўғирчоқ театри, цирк санъати ҳам ривожланган. Юқорида санаб ўтилган театрлардан ташқари Москвада Е. Вахтангов номидаги, Моссовет номидаги, Санкт-Петербургда В. Комиссаржевская номидаги театр, А. Райкин номидаги сатира театри, Москвада С. Образцов номидаги қўғирчоқ театри, «Кремль балети» театри ва б. театрлар машҳур. Театр учун кадрлар Р. театр санъати академияси, Б.Щукин номидаги, М. Щепкин номидаги театр билим юртлари, театр бадиий-техника билим юрти, цирк ва эстрада санъати билим юрти ва б. ўқув юртларида тайёрланади.

Кинoси. 1908 й.дан Санкт-Петербургда А. Дранковнинг, Москвада А. Ханжонков ва И. Ермольевнинг кино фирмалари ташкил этилди. Илк киночилар малари ташкил этилди. Илк киночилар халқ қўшиқлари, мумтоз адабиёт асарлари асосида фильмлар яратишди («Стенька Разин ва князь қизи», реж. В.Ф.Ромашков, 1908; «Севастополь мудофааси», реж. В.М.Гончаров ва А. А. Ханжонков, 1911). 1910-й.ларда «Дворянлар уяси» (реж. В.Р.Гардин), «Қаргатўпа моткаси» (реж. Я. Протазанов) фильмлари суратга олинди. 20—30-й.ларда режиссёрлардан С.Эйзенштейн, А. Ивановский, Г. Рошаль, В. Пудовкин, Д. Вертов тарихий ва ҳаждий фильмларни тошмошабинларга тақдим этди. «Ҳаётга йўлланма» номли биринчи овозли бадиий фильм (реж. Н. Экк) 1931 й. яратилди. Шундан кейин «Александр Невский» (реж. Эйзенштейн), Петр I (реж. В. Петров) каби тарихий, «Қувноқ йигитлар», «Волга-Волга» (реж. Г. Александров), «Трактрчилар» (реж. И. Пырьев) каби ҳаждий фильмлар экранга чиқарилди. 2-жаҳон уруши ва ундан кейинги йиллар кинематографиясининг кўпчилик асарлари ватанпарварлик, фан-техника инқилоби, жумладан, космосни забт этиш мавзуларига бағишланди («У ватанни ҳимоя қилади», реж. Ф. Эрмлер; «Турналар учмоқда», реж. М. Калатозов; «Инсон тақдири», реж. С. Бондарчук; «Оловнинг бўйсундирилиши», реж. Д.Л.Храбровицкий ва б.). Мумтоз адабиёт асарларини экранлаштириш доим катта ўрин олиб келди. Жумладан, Ф. Достоевскийнинг «Жиноят ва жазо» (1970, реж. Л.А.Кулиджанов), М. Горькийнинг «Егор Буличев ва бошқалар» (1973, реж. Ю. Соловьев) ва «Васса» (1983, реж. Г. Панфилов), М. Булгаковнинг «Қочиш» (1971, реж. А.Алов, В. Наумов), Чеховнинг «Дашт» (1977, реж. С. Бондарчук), И. Гончаровнинг «И.И.Обломов ҳаётининг бир неча куни» (1980, реж. Н. Михалков), А. Толстойнинг «Петрнинг ёшлиги» (1981, реж. С.Герасимов) асарлари суратга олинди. Реж. В. Меньшовнинг «Москва кўз ёшларга ишонмайди» ва А. Миттанинг «Экипаж» фильмлари Р. кинематографиясида ижтимоий ва маънавий йўналишга эътибор кучайганидан дарак берди. 60—80-й.ларда Г.Чухрай, В. Шукшин, Г. Панфилов, Н. Михалков, Э. Рязанов каби режиссёрлар баракали ижод қилдилар. 90-й.ларда вояга етган режиссёр авлоди кекса кино арбоблари б-н ижодий баҳс юритиб, мафкура соҳасидагина эмас, бадиий воситалар, ифода усуллари борасида ҳам янги йўлларни излай бошлади. Р.да ҳужжатли, илмий-оммабоп ва мультипликация киноси ҳам ривожланган.

Р.да «Мосфильм», «Ленфильм», «М. Горький номидаги киностудия», «Союзмультфильм» студияси, турли вилоятларда бадиий ва ҳужжатли фильмлар студиялари бор. Реж., оператор ва б. кадрлар Москвадаги Давлат кинематографияи ин-тида, сценарийчи ва реж.лар 2 й.лик олий курсларда тайёрланади. Бундан ташқари, Санкт-Петербург, Ростов-Дон, Қозон, Воронеж, Загорскда кинотехникумлар бор.

Ўзбекистон—Р. муносабатлари. Ўзбекистон — Р. алоқалари узоқ тарихга эга. Олтин Ўрда давлати соҳибқирон Амир Темур зарблари остида барҳам топганидан кейин Русь давлати б-н Ўрта Осиё ўртасида элчилик муносабатлари ўрнатишга ҳаракат бошланди. Мас., 1464 й. Русь ҳукумати ўз элчиларини бу ерга юборди. 1490 й. темурий Султон Ҳусайн Бойқаронинг элчилари Москвага борди. 16-а. ўрталарида Русь давлати Аштархон (Астрахон) ва Қозон хонликларини босиб олганидан кейин иккала томон бир-бирига чегарадош ва қўшни бўлиб қолди. Русь давлати ҳам Бухоро ва Хива хонликлари б-н алоқаларан манфаатдор эди.

16-а.нинг 2-ярми, 17—18-а.ларда икки ўртада дипломатик ва савдо-сотиқ алоқалари фаоллашган. Россия йилномаларида кўрсатилишича, Бухоро амирлиги, Хива, Қўқон хонликларидан элчилар савдо-сотиқни кўпайтириш таклифи б-н Петербургга борган. 19-а.нинг 60-й.ларидан Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олингач, бу ерлар Россиянинг хом ашё манбаи бўлиб қолди. Ўрта Осиёдан пахта, ипак ва б. юбориш ва бу ерга саноат моллари келтириш йўлга қўйилди. 1917 й. окт. тўнтаришидан кейин Ўзбекистон — Р. алоқалари Совет ҳукумати сиёсати доирасида янгича иқтисодиёт режасига биноан, и.ч.ни ихтисослаштириш ва кооперациялаш йўлида амалга оширилди.

20-а.нинг 90-й.ларидан икки мамлакат ўртасида тенг ҳуқуқли алоқалар ўрнатила бошлади. Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг 1998, 2001 ва 2004 й.ларда Р.га қилган ташрифлари, Р. Президенти В.Путининг 2000 ва 2003 й.ларда Ўзбекистонда бўлган вақтида эришилган битимлар ва имзоланган ҳужжатлар икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, илмий ва маданий ҳамкорликка ҳуқуқий асос яратди. 1998—2007 й.ларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш ҳақидаги шартнома бу асосни янада кенгайтирди. РФ билан ЎзР ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия асосий мувофиқлаштирувчи орган вазифасини бажаради. У икки томонлама иқтисодий алоқаларнинг устун йўналишларини белгилаш, қулай ҳамкорлик шарт-шароитларини вужудга келтиришга, хўжалик юритувчи субъектларни хусусийлаштириш жараёнларида иштирок этишига, Ўзбекистон ва Р. регионларининг ҳамкорлигига кўмаклашиш б-н шуғулланади. 2003 й. Ўзбекистон б-н Россия ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 1 млрд. 149,1 млн. АҚШ долларига етди. ЎзР дан Р.га пахта толаси, енгил автомобиль, мева-сабзавот маҳсулоти ва б. юборилади. Р.дан механик ва электр машина-ускуна, транспорт воситалари, қора металл, пластмасса ва ундан тайёрланган маҳсулотлар, дорилармон, ёғоч, кимё саноати маҳсулотлари ва б. келтирилади. Икки мамлакат ишбилармонларининг ҳамкорлиги тўғайли ЎзР да 520 та қўшма корхона барпо этилган. Улар орасида Р. сармояси 100% бўлган ўнлаб корхона бор. Улар озиқ-овқат, тўқимачилик, ёғочни қайта ишлаш, дори-дармон и.ч., машинасозлик, қ.х. маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида фаолият юритади. Р.нинг салкам 40 та компанияси, жумладан, «Аэрофлот», «Автоваз», «Зарубежнефтгаз», «ЛУКойл», «Техмашимпекс» ва б. ўз ваколатхоналарига эга. Р.да ўзбек резидентлари иштирокида ташкил этилган 167 корхона, шу жумладан, 72 қўшма корхона бор. И.ч. соҳасида, айниқса, авиасозликда аввалги кооперация алоқалари сақланиб қолган. Ўзбек газини Р. орқали ўзга давлатларга ўтказиш, шунингдек, янги нефть ва газ манбаларини қидириб топиш, уларни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган. Р.нинг «Газпром» акциялорлик жамиятлари бирлашмаси б-н «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ўртасида стратегик ҳамкорлик қилиш тўғрисида ҳамда «Ўзбекнефтгаз» б-н «ЛУКойл» ўртасида маҳсулотни тақсимлашга оид баённома тайёрлаш ҳақида имзоланган ҳужжатлар бу борада муҳим воқеа бўлди. Икки мамлакат регионларининг иқтисодий ҳамкорлиги узлуксиз ривожланмоқда. Москва ш. ва вилояти, Санкт-Петербург, Ярославль вилояти, Бошқирдистон, Мордовия, Татаристон республикалари, Сибирь ва Урал регионларининг ишбилармон доираларидан ЎзР га делегациялар келиб туради, улар ЎзР хўжалик юритувчи субъектлари б-н ўзаро манфаатли шартномалар тузди. Чкалов номидаги авиация и.ч. бирлашмаси, «ЎзДЭУавто», «Ўзавтойўл» б-н тузилган шартномалар шу жумлага киради.

Илмий ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жиззах вилояти Зомин туманидаги Супа платосида Халқаро радиоастрономия расадхонасини барпо этиш тўғрисидаги ҳукуматлараро шартнома амалга ошириш бўйича олимлар ҳамкорлиги бунга мисол бўлади. Икки мамлакат ФА лари ва уларнинг ин-тлари илмий алоқалари йўлга қўйилган. 2001 й. фев.да Тошкентда очилган Р. халқаро илмий ва маданий ҳамкорлик маркази («Росзарубежцентр»)нинг ваколатхонаси зиммасига аниқ гуманитар масалаларни ҳал қилиш вазифаси юклатилган. «Росзарубежцентр» б-н Ўзбекистон БА ўртасида тузилган шартномага биноан турли тадбир, кеча ва кўргазмалар ўтказиш одат тусига кирган. Маданият ва санъат, хусусан, тасвирий ва амалий санъат вакиллари ўзаро ижодий алоқа қилиб турадилар, жумладан, 2003 й. Москвада Ж. Умарбеков ва б. ўзбек рассомларининг кўргазмаларини уюштирилди. 1997 й.дан бошлаб Ўзбекистон БА Москвадаги Рассомлар марказий уйида ҳар йили ўтказиладиган нуфузли халқаро кўргазманинг доимий иштирокчисидир. ЎзР даги Рус маданият маркази ва «Ўзбекистон—Россия» дўстлик жамиятининг фаолияти маданий алоқаларни ривожлантириш ва кенгайтиришга ёрдам беради.

РОССИЯ АХБОРОТ ТЕЛЕГРАФ АГЕНТЛИГИ (РАТА—ТАСС) — Россиянинг марказий давлат ахборот хизмати. 1904 й. Санкт-Петербург телеграф агентлиги (СПТА) номи б-н ташкил этилган. 1914 й.дан Петроград телеграф агентлиги (ПТА), 1918 й.дан Россия телеграф агентлиги (РОСТА), 1925 й.дан Совет Иттифоқи телеграф агентлиги (ТАСС) деб аталган. 1992 й. янв.да уни Россия ахборот телеграф агентлигига айлантириш ҳақида ТАСС номи дунёга танилгани сабабли РАТА—ТАСС деган атама маъқул топилди. Агентликнинг 134 та минтақавий маркази ва бўлими, 67 хорижий мамлакатда мухбирлик бўлинмаси бор. Улар Россиянинг турли жойларида ва дунёнинг ҳамма бурчакларида содир бўлган воқеаларни тулик б-н Москвага кечаю кундуз ишлайдиган марказий идорага хабар қилади, бу ердан хабарлар, фотосурат ва график тасвирлар оммавий ахборот воситаларига тарқатилади. Бундан ташқари, турли мавзуларда таҳлилий нашрлар, буклетлар, бюллетенлар, маълумотномалар тайёрланиб, обуначиларга етказиб берилади.

РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ — Россия давлати асосида шаклланган давлат. 1721 й. *Пётр I* томонидан империя деб эълон қилинган. Р. и. таркибига Болтиқ бўйи, Ўнг қирғоқ Украина, Белоруссия, Польшанинг бир қисми, Бессарабия, Шим. Кавказ (19-а.дан), шунингдек, Финляндия, Закавказье, Қозогистон, Ўрта Осиё ва Помир кирган. 19-а. охирига келиб Р.и. ҳудуди 22,4 млн. км² га етган. 1897 й.ги аҳоли рўйхатига кўра, империя 128,2 млн. киши, жумладан, Россиянинг Европа қисмида 93,4 млн., Польша подшоҳлигида 9,5 млн., Финляндия Буюк князлигида 2,6 млн., Кавказ ўлкасида 9,3 млн., Сибирда 5,8 млн., Ўрта Осиёда 7,7 млн. киши яшаган. 100 дан зиёд халқлар ушбу ҳудудда истиқомат қилган; аҳолисининг 57% ни рус бўлмаган халқлар ташкил этган. Р.и. ҳудуди 1914 й. 81 губерния ва 20 область га бўлиниб; 931 шаҳар бўлган. Губерния ва областларнинг бир қисми генерал-губернаторликларга (Варшава, Иркутск, Киев, Москва, Амурбўйи, Дашт, Туркистон ва Финляндия) бирлаштирилган. *Бухоро хонлиги* ва *Хива хонлиги* Р.и.нинг расмий вассаллари бўлган. 1914 й. Урянхай ўлкаси Р.и. протекторати (ҳомийлиги) га ўтган. Р. и. теросий монархия бўлиб, уни мутлақ ҳокимиятга эга император бошқарган. Унинг оила аъзолари ва қариндош-уруглари император хонадонини ташкил этган. Ҳукмрон черков-православие бўлиб, уни император Синод орқали идора этган. Барча аҳоли Р. и. фуқаролари ҳисобланган, эркак аҳоли (20 ёшгача) императорга садоқати ҳақида қасамёд этдирилган. Р.и. фуқаролари 4 табақага ажратилган: дворянлар, руҳонийлар, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси. Ўрта Осиё, Қозогистон, Сибирь ва б. минтақаларнинг маҳаллий аҳолиси алоҳида табақага — «гайрирус» аҳолига ажратилган. Р.и.нинг герби — икки бошли бургут, давлат мадҳияси — «Боже, царя храни» («Подшони ўзинг асра, худойим»). Умумдавлат тили — рус тили. 1917 й.даги Февраль инқилоби монархияни агдарган. 1917 й. 1(14) сент.да Муваққат ҳукумат Россияни республика деб эълон қилган.

РОССИЯ МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ, М.Е. Салтиков-Шчедрин номидаги Россия давлат миллий кутубхонаси — РФнинг энг кад. универсал кутубхонаси; жаҳонлаги энг йирик кутубхоналардан бири. Санкт-Петербург ш.да 1795 й.да Император оммавий кутубхонаси ва китоб хазинаси сифатида асос солинган. 1814 й. 2(14) янв.да оммa учун очилган. 1917 й.дан Россия кутубхонаси. 1925 й.дан оммавий кутубхона, 1992 й.дан ҳоз. номида. 1932 й.да М.Е.Салтиков-Шчедрин номи берилган. 1811 й.дан мамлакат нашриининг мажбурий нусхасини олади (шу туфайли 19-а. рус китоби ва даврий нашрининг тўлиқ тўпламига эга). 1914 й. фондида 2 млн.дан зиёд нашрий асарлар бўлган. 1998 й.да 32 млн.га яқин китоб бирлигига етган. Нодир нашрлар фондида *Вольтер*нинг шахсий кутубхонаси (7 мингдан зиёд), *Беҳзод* ижодига мансуб миниатюралар, қўлёзмалар (300 мингдан зиёд; жумладан, Ўрта Осиёда яратилган кўплаб қўлёзмалар) сақланади, улар орасида тошлитга, дарахт пўстлоғи, папирус, пергамент, ипак ва б.дан ёзма ёдгорликлар машҳур.

Кутубхонанинг фан соҳалари ва нашр турлари бўйича 28 та қироатхонаси, библиографик маълумотнома нуқталари, марказий маълумотнома кутубхонаси бор. Кутубхонанинг бой фондини ёритувчи каталоглар, янги китоблар ҳақида ахборот бюллетенлари нашр этилади, библиография ва кутубхонашунослик, китоб тарихи соҳасида йирик илмий методик ва и.т. ишлари олиб борилади. Кутубхона классицизм ва ампир услубида қурилган кўҳна бинога жойлашган (меъморлар: 1796—1801, Е.Т. Соколов; 1828—32, К.И.Росси; 1896—1901, Е.С.Воротилов ва б.).

РОССИЯ ТЕКИСЛИГИ, Рус текислиги — РФ Европа қисмидаги текислик (қ. *Шарқий Европа текислиги*).

РОССИЯ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ — Россия Федерациясининг олий илмий муассасаси. 1991 й. таъсис этилган. Тарихи 1724 й.да ташкил этилган Петербург ФАдан бошланади. 1917—25 й.ларда Россия ФА, 1925—91 й.ларда СССР Фанлар академияси (ўзбек олимларидан О.*Содиқов* академиянинг ҳақиқий аъзоси, С. *Юнусов*, П. *Хабибуллаев*, Э. *Юсупов* мухбир аъзолари этиб сайланган) деб номланган. Академия президиуми 1934 й.дан Москвада. Ўзини ўзи бошқарадиган илмий ташкилот. Собиқ СССР ФА нинг аъзолари ва янги сайланган академ лар Россия ФАнинг аъзоларидир. 440 дан ортиқ ҳақиқий, 600 дан зиёд мухбир аъзоси, 120 дан ортиқ хорижий аъзоси бор. Фан тармоқ ва йўналишлари бўйича 18 бўлими (мат.; умумий физика ва астрономия; ядро физикаси; энергетиканинг физика-техника масалалари; информатика, ҳисоблаш техникаси ва автоматлаштириш; машинасозлик, механика ва бошқарув жараёнлари масалалари; умумий ва техник кимё; ноорганик материаллар физика-кимёси ва технологияси; физиологик фаол бирикмалар биокимёси, биофизикаси ва кимёси; физиология; умумий биол.; геол., геофизика, геокимё ва тог-кон фанлари; океанология, атмосфера физикаси ва геогр.; тарих; фалсафа ва ҳуқуқ; иқтисодиёт; жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар; адабиёт ва тил), минтақавий бўлинмалари (Сибирь, Урал, Узоқ Шарқ) ва илмий марказлари, 300 га яқин илмий муассасаси, 200 дан зиёд илмий кенгаш, И.т. флоти бор. Илмий адабиётлар нашр этади. Илмий кадрлар тайёрлайди. Олимларнинг илмий ишлари учун медаллар ва мукофотлар таъсис этилган. СССР ва Россия ФАнинг акад. лари И.Е. Тамм, И.М.Франк, П.А.Черенков, Н.Г.Басов, А.М.Прохоров, П.Л.Капица, Н.Н.Семёнов, И.П.Павлов, А.И.Солженицин, М.А.Шолохов, А.Д. Сахаров, Л. В. Канторович, Ж. И. Алфёров, А.А.Абрикосов, В.А.Гинзбург турли даврларда Нобель мукофотига сазовор бўлишган. Халқаро илмий алоқалар олиб борди. Президенти — Ю.С.Осипов (1991 й.дан).

РОССИЯ — БУХОРО ШАРТНОМАЛАРИ — Россия империяси б-н Бухоро амирлиги ўртасида 1868, 1873, 1885, 1894, 1900 й. ларда тузилган шартномалар. Бу шартномалар подшо Россиясига Бухоро амирлиги ҳудудидан ҳар томонлама фойдаланиш имкониятини берган.

1868 й. 23 июнь сулҳ шартномаси. Бухоро б-н Россия қўшинлари ўртасида бўлган *Зирабулоқ жанги*дан кейин Самарқандда имзоланган. Бу шартномага биноан, Хўжанд, Ўратепа, Жиззах, Самарқанд ва Каттақўрғон ш.ларидан то Зирабулоққача бўлган Бухоро амирлигининг ерлари Россияга киритилди ва Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Зарафшон округи (кейинчалик Самарқанд вилояти) ташкил қилинди. Бухоро амири *Музаффар* олтин ҳисобида 500 минг рубль ҳарбий товон тўлаган ва рус савдогарларига амирликда эркин савдо-сотиқ қилиш учун қулай шарт-шароит яратиб бериш мажбуриятини олган. Рус моллиридан улар қийматининг атиги 2,5% миқдорида бож олади-ган бўлган.

1873 й. 28 сент. шартномасида Бухоро амирлиги Россиянинг протекторати (тобеси; хомийлиги остидаги ҳудуд) деб эълон қилинган. Зарафшон дарёсининг юқори қисми — Шарқий Бухоро (Бадахшон, Помир)даги айрим вилоятлар кўлдан кетган; Амударёнинг чап соҳилидаги ерлар эса (Балх, Мозори Шариф, Шибиргон, Қундуз ва б.) Афғонистонга берилган. Бухоронинг хорижий давлатлар б-н мустақил алоқа юритиши тақиқланган.

1885 й. 25 июль шартномасида Бухоро амирлиги ҳудудидан т.й. ўтказишга келишилган. Йўл қурилиши учун 6 минг десятина ер ажратилиб, рус мансабдорлари ихтиёрига топширилган. 1885 й. 12 нояб.да Бухоро амирлигида «Россия императорлигининг сиёсий агентлиги» таъсис қилинган (қ. *Бухородаги ваколатхоналар*).

1894 й. 27 май шартномаси иқтисодий хусусиятга эга бўлиб, унга кўра ҳар йили 15 нояб.дан 10 мартгача Зарафшон дарёсининг суви амирлик ерларига тўлиқ, 10 июндан 15 авг.гача (деҳқончилик учун сув энг керак пайт-да) эса фақат 40% оқизиладиган бўлган.

Россия ФА Президиуми биноси. Москва ш.

1900 й. 27 янв. шартномасига кўра, Амударё қирғоғидаги 10514 десятина ер (Термиз ва унинг атрофлари) ҳарбий истеҳкомлар ва чегара тўсиқлари қурилиши учун ажратилиб, мустамлакачилар кўлига берилди. Янги Термиз ш. Россия ихтиёрига ўтган.

Р.-Б.ш. натижасида Бухоро амирлиги ўзининг энг серҳосил ерлари — Зарафшон водийсининг катта қисмидан ажралди, Шарқий Бухородаги мавқеи заифлашди, Амударёнинг чап соҳилидаги ерларини Афғонистонга беришга мажбур бўлди, Россияга сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан тобе бўлиб қолди.

Ад.: Ўзбекистоннинг янги тарихи, 1-китоб [Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида], Т., 2000.

РОССИЯДА 1905—07 ЙИЛЛАР ИНҚИЛОБИ — самодержавиега қарши кураш воқеалари. 1904—05 й.лардаги рус-япон уруши натижасида мамлакатдаги инқирозли ижтимоий-сиёсий вазият кескинлашди. Санкт-Петербургда 1905 й. 9 янв.да ишчиларнинг тинч намойиши ўққа тутилганлиги (Қонли якшанба деб ном олган воқеа) инқилобнинг бошланиб кетишига туртки бўлди; деҳқонлар ғалаёнлари кенгайиб кетди, ишчилар орасида, армия ва флотда норозиликлар кучайди («Потёмкин» броненосецида кўзғолон, Владивосток кўзғолони ва б.). Буржуазия ислоҳотлар ўтказиш талабларини қўйди. Касблар бўйича ва касаба-сиёсий уюшмалар, ишчи депутатлари Советлари пайдо бўлди, сиёсат-демократик партия ва социалист-революционерлар партияси мустаҳкамланди, конституцион-демократик партия, «17 октябрь иттифоқи», «Михаил Архангель иттифоқи» ва б. партиялар ташкил қилинди. 1905 й.ги Окт. Бутун Россия сиёсий стачкаси, либераллар томонидан самодержавиенинг кескин танқид қилиниши император Николай II ни 1905 й. 17 окт. манифестини чиқаришга мажбур қилди. Сиёсий эркинликларни ваъда қилиш, қонун чиқарувчи-маслаҳат берувчи Давлат думасининг чақирилиши ҳукуматга либералларни бетараф этиш имконини берди; Москва, Ростов-Дон, Новороссийск, Екатеринославаги 1905 й. дек. қуролли кўзғолонлари тор-мор қилинди. Бироқ 1906 й. ишчиларнинг забастовка кураши давом этиши б-н биргаликда деҳқонларнинг (айниқса, 1906 й. ёзда), армия ва флотнинг («Память Азова» крейсерида, Свеаборг ва Кронштадтда кўзғолонлар), миллий минтақалар аҳолисининг (Латвияда «ўрмон биродарлари», Грузияда «қизил юзликлар» ва б.) фаоллиги орттиб борди. 2-Давлат думасининг тарқатиб юборилиши (1907 й. Учинчи июнь давлат тўнтариши деб аталган воқеа) инқилоб тугаганлигини билдирарди. Самодержавие парламент вакиллигини ташкил қилиш ва ислоҳотларни бошлаш йўлини тутди (Столипиннинг аграр ислоҳоти).

РОССИЯДА ФУҚАРОЛАР УРУШИ — *Октябрь тўнтариши* натижасида Россияда ҳокимиятни қўлга киритган большевиклар б-н бошқа ижтимоий гуруҳлар ва сиёсий кучлар ўртасидаги уруш (1918—1922). Бу уруш Россияга бостириб кирган 14 та давлатнинг интервенцияси б-н ўзаро қўшилиб кетган.

Россия *Биринчи жаҳон уруши*дан чиққандан кейин Германия ва Австрия-Венгрия қўшинлари унга қарашли Украина, Белоруссия, Болтиқбўйи ва Жан. Россияни босиб олишган (1918 й. фев.). Брест сулҳи (1918 й. март) имзолангандан кейин бу ҳудудларнинг катта қисми Германия ихтиёрига ўтган. 1918 й. мартда Англия—АҚШ— Италия — Канада қўшинлари Мурманскка туширилди; апр.да японлар Владивостокни эгаллашди; май ойида Австрия-Венгрия армиясининг асир олинган 40 минг кишилик чехословак корпуси аскарлари исён кўтарди. Буларнинг ҳаммаси янги ҳокимият учун жиддий хавф туғдирган.

1918 й. ёзи — кузида Россиянинг 3/4 қисмида турли ҳукуматлар, мас., 8 июнда Самарада эсер-меньшевикларнинг Волгабўйи ҳукумати — таъсис мажлиси аъзоларининг комитети (Комуч) (ҳукумат раиси — эсер В. К. Вольский); 23 июнда Томскда Муваққат Сибирь ҳукумати (ҳукумат раиси — П. В. Вологорский); 23 сент.да Уфа Директорияси (раиси — Н. Д. Авксентьев); 28 сент.да Архангельск губерниясида шим. вилоят Муваққат ҳукумати (ҳукумат раиси генерал Е. К. Миллер); Ашхободда Заҳаспий Муваққат ҳукумати (ҳукумат раиси— эсер Фунтиков) тузилган. Бироқ ҳокимиятни зўравонлик б-н эгаллаган большевиклар уни қурол кучи б-н сақлаб қолишга уринишган. 1918 й. фев.да қизил армия ташкил қилинган, большевиклар «ҳарбий коммунизм» сиёсатига ўтишган. Озиқ-овқат тақсимоти (разнёрстка) натижасида озиқ-овқат тўпловчи отрядлар (продотрядлар) ташкил қилиниб, улар аҳоли қўлидаги озиқ-овқат маҳсулотларини тортиб олиш б-н шуғулланган. 1918 й. ёзида қизил армия тузилиши б-н қайта қурилган. 18 ёшдан 40 ёшгача бўлган барча эркаклар учун мажбурий ҳарбий хизмат жорий қилинди, армияда ҳарбий комиссар лавозими таъсис этилди, синфийлик тамойилларига амал қилинди ва марказий бошқарувга утилди (1918 й. июль). Совет режими уз мавқеини сақлашда ҳарбий тавчи бўлган қизил аскарларга кўплаб имтиёзлар берган.

1918 й. 5 сент.да РСФСР ХКС «Қизил террор ҳақида» декрет чиқариб, фронт ва унинг орқасида курашнинг шафқатсиз шакли — оммавий террорни қўллаган. Бутунроссия Фавқулодда Комиссияси (ЧФК) га фуқароларни ҳеч қандай суд ва терговсиз отиш ҳуқуқи берилган. Чекистларнинг шафқатсизлиги совет ҳокимиятининг ўзига хос рамзига айланган. Большевиклар ва советларга қарши кучлар ҳам уларга нисбатан худди шундай чоралар кўришган. Фуқаролар уруши ўзининг бутун даҳшатли қонунларини оммавий равишда намойиш қилган.

Қизил армиянинг қайта қурилиши натижасида у тез орада дунёдаги энг катта ва тажовузкор армиялардан бирига айланган (1918 й. баҳорида 300000; ёзида 600000; кузида 1 млн.; 1920 й.да 5 млн. киши). 1918 й. 2-ярмида у Шарқий фронтда дастлабки галабаларини қўлга киритган. Волгабўйи ва Урални эгаллаган. 1918 й. 13 нояб.да совет ҳукумати Брест сулҳини бекор қилгандан сўнг, Украина, Белоруссия ва Болтиқбўйи Россияга қўшиб олинган. «Ҳарбий коммунизм» сиёсати, казаклар ва бадавлат крестьянлар (деҳқонлар)ни йўқотишга мўлжалланган ҳарбий ҳаракатларга қарши Россиянинг турли минтақаларида крестьянлар ва казакларнинг кўплаб исёнлари ва кўзғолонлари бўлиб ўтган. Бироқ совет ҳокимиятига қарши қаратилган бундай норозилик чиқишлари (1918 й. июнь — Тамбов; июль — Ярославль; авг. — Ливенск ва ҳ.к.) ни қизил армия шафқатсизлик б-н бостирган.

1919 й. март—май ойларида қизил армия Россия шарқида адмирал А. В. *Колчак*, жан.да генерал А. И. Деникин, ғарбида генерал Н. Н. Юденичнинг жуда катта ҳужумларини қайтаришга муваффақ бўлди. Шарқий фронт қўшинларининг май — июль ойларидаги умумий ҳужуми натижасида қизил армия Урал, кейинчалик Сибирни эгаллади. 1919 й. апр.-авг. ойларида хорижий давлатлар Жан. Украина, Қрим, Бокудан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетишга мажбур бўлишган. Қизил армиянинг Жан. фронт қўшинлари Орёл ва Воронеж атрофларида Деникин армиясини маглубиятга учратиб, уларни Қримга суриб чиқарган (1920 й. март). 1919 й. кузида Петроград атрофида Юденич армияси тор-мор қилинган. 1920 й. бошларида Россиянинг Шим. губерниялари ва Каспий денгизи соҳиллари эгалланди. Антанта давлатлари барча қўшинларини бутунлай чақириб олган.

Россия-Польша урушидан сўнг, қизил армия генерал П. Н. Врангель (1878—1928) қўшинларига кучли зарба берган ва уларни Қримдан суриб чиқарган (1920 й. нояб.). Врангель бошчилигида 145693 киши 126 кемада Севастополдан хорижга жўнаб кетишга мажбур бўлган. Украина, Озарбайжон, Грузия, Арманистон республикаларидаги мустақил миллий ҳукуматлар ҳам қизил аскарлар томонидан тор-мор келтирилган. Бу ҳудудларда совет режими ўрнатилиб, улар совет Россияси таркибига киритилган (1920—21). 1921—22 й.ларда Кронштадт, Тамбов губерниясн (А. С. Антонов бошчилигида), Украинанинг кўплаб туманлари ва б. жойларда большевикларга қарши кўтарилган исёнлар ва кўзғолонлар ҳам қизил армия томонидан шафқатсиз равишда бостирилган. Узоқ Шарқдаги оқ гвардиячилар ҳукумати ҳам тугатилгач (1922 й. 25 окт.), Р.ф.у. тугали.

Россиядан фарқли ўлароқ, бу даврда Туркистон минтақасида фуқаролар уруши бўлмаган, хорижий давлатлар бу ҳудудга ўз қўшинларини ҳам киритмаганлар (фақат Заказпий вилояти бундан мустасно). Туркистонда совет режими ўрнатилгач, босқинчи қизил армия ва большевикларга қарши истиқлолчилик ҳаракати бошланган. Кейинчалик баъзи оқ гвардиячи офицерлар Россиядан Фарғона водийсига келиб, кўрбошилар гуруҳларида ҳарбий инструктор сифатида фаолият кўрсатишган. Катта Эргаш, Мадаминбек, Жунайдхон б-н Колчак, А. И. Дутов, Анненков ўртасида айрим алоқалар бўлган. Бироқ Колчак ва б.нинг Туркистондаги бу ҳаракатдан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишини сезган кўрбошилар улар б-н алоқаларни тўхтатишган.

Р.ф.у. катта йўқотишлар келтирган. Очарчилик, турли касалликлар, террор ва ҳарбий ҳаракатларда 8—13 млн. киши (улардан фақат 1 млн. қизил аскарлар) ҳалок бўлган. Бу даврда 2 млн. киши Россияни тарк этган. Халқ хўжалигига келтирилган моддий зарар тахм. 50 млрд. олтин рублни ташкил қилади. Саноат маҳсулотлари н.ч. 1913 й.га қараганда деярли 20%, кўмир қазиб чиқариш 33%, нефть олиш 50%, қ.х. маҳсулотлари етиштириш эса 40% қисқарган.

Ад.: Гражданская война в России: перекресток мнений, М., 1994; История России XX век, М., 2000; История Советской России, Санкт-Петербург, 2001.

Каҳрамон Раҳимбоев.

РОССИЯ—ХИВА СУЛҲ ШАРТНОМАСИ — қ. *Гандимиён шартномаси.*

РОСТ — *Ўн икки мақом, Шашмақом* ва *Хоразм мақомлари*дан бири. Ўрта аср мусиқа рисолаларида кўп куй ва ашулалар Р. товушқаторига мос келгани учун шу ном б-н аталганлиги қайд этилган. Р. мақоми миксолидий гаммага тўғри келади. Шашмақомда Р.нинг чолғу қисмлари Таснифи Р., Гардуни Р., Муҳаммаси Р., Муҳаммаси Ушшоқ, Муҳаммаси Панжгоҳ, Сақили Ислимхон, Сақили рак-раклардан иборат. Ашула бўлимида 2 гуруҳ шўъбалар бўлиб, биринчисига Сарахбори Р., Талқини Ушшоқ, Насри Ушшоқ, Наврўзи Сабо, уларнинг тароналари ва Уфари Ушшоқ ҳамда супориш қисмлари киради. 2- гуруҳ шўъбалари Савти Ушшоқ, Савти Сабо ва Савти калон деб аталиб, ҳар бирида 5 та шюҳобча туркум тарзида ижро этилади. Р. мақоми шўъбалари авжида Ушшоқ, Сегоҳ, Уззол, Муҳайяри Чоргоҳ намудлари ва Зебо пари авжи ишлатилади.

РОСТГЎЙЛИК — ростини, ҳақиқатни гапиришни, ўзини ва ўзгаларни аламасликни англатувчи тушунча; тўғрисўзлик. Ростгўй киши ҳақиқий тўғрисўзлик. Ростгўй киши ҳақиқий тўғрисўзлик. Ростгўй киши ҳақиқий

Иқлими мўътадил континентал. Янв. нинг ўртача т-раси —9° дан (шим.да) —5°гача (жан.да), июлники 23°, 24°. Ўртача йиллик ёғин 400—650 мм. Вегетация даври 165—180 кун. Асосий дарёлари — Дон ва унинг ирмоқлари (Северский Донец, Сал, Манич ва б.).

Қоратупроқ, каштан, шўртоб тупроқлар тарқалган. Ҳар хил бошоқлилар, бетага-чалов, шувоқ ўсади. Тулки, сайғоқ, сассиқкўзан, юмронқозиқ, қўшоёқ, бедана, каклик яшайди. Вилоят ҳудудида Ростов қўриқхонаси жойлашган.

Саноатининг етакчи тармоқлари: машинасозлик ва металлсозлик, шу жумладан, қ.х. (комбайнлар, культиваторлар ва б. — «Ростсельмаш» и.ч. бирлашмаси), энергетика; темирчилик-пресс-лаш («Донпрессмаш» и.ч. бирлашмаси), металлургия, нефть, савдо жиҳозлари, металлсозлик станоклари, асбоблар, электровозлар (Новочеркасск электровоз з-ди), экскаваторлар, оптика-механика, уй-рўзғор электр асбоблари, нефть-газни қайта ишлайдиган жиҳозлар ва б. маҳсулотларни ишлаб чиқариш. Қора ва рангли металлургия, кимё ва нефть кимёси (кимё толаси, пластмасса, техник резина, лок-бўёқ маҳсулотлари), озиқ-овқат (гўшт, ёғ-мой, консерва ва б.) саноатлари ҳам ривожланган. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Тошкўмир қазиб олинади (Донецк ҳавзаси). Новочеркасск ва б. иссиқлик электр станциялари, Цимлянск ГЭС бор. Қ.х.нинг етакчи тармоғи — деҳқончилик. Буғдой, арпа, шоли, кунгабоқар, полиз, сабзавот, картошка, ем-хашак экинлари экилади. Токчилик ва мевачилик ривожланган. Чорвачилиги гўшт-сутга ихтисослашган. Қорамол, қўй ва эчки, чўчқа, парранда боқилади. Азов денгизи, Дон, Северский Донец, Ғарбий Манич дарёларида кема қатнайди. Денгиз порти — Таганрог; дарё портлари — Ростов-Дон, Усть-Донецкий. Т.й.лар уз. 1865 км, қаттиқ қопламали автомобиль йўллар уз. 10988 км (2002). 16 олий ўқув юрти, 8 музей, 7 театр, филармония, цирк, қимиз б-и даволайдиган Манич иқлим курорти, Вёшенская курорти ва 12 санаторий мавжуд.

РОСТОВ-ДОН — РФдаги шаҳар (1796 й.дан), *Ростов вилояти* маркази. Йирик т.й., шоссе ва ҳаво йўллари тугуни. Дарё порти. Дон дарёси бўйида, унинг Азов денгизига қуйилиш жойидан 46 км узоқликда жойлашган. Аҳолиси 1020 минг киши (1998). 7 туманга бўлинган.

Р.-Д. —йирик саноат маркази. Асосий саноат тармоқлари: машинасозлик, шу жумладан, қ.х. («Ростсельмаш» и.ч. бирлашмаси ва б.), станоксозлик, авиасозлик, электротехника, радиоэлектрон, кимё, енгил (кўнпойабзал, трикотаж бирлашмаси, тикувчилик ф-калари), озиқ-овқат (тамаки, кондитер ф-калари, гўшт к-тлари, вино з-длари), ёғочсозлик саноатлари мавжуд.

Дон дарёси соҳили.

Шаҳарда 9 олий ўқув юрти (шу жумладан, ун-т), консерватория, 4 театр фаолият кўрсатади. Ўлкашунослик, тасвирий санъат музейлари бор. Р.-Д.га 1749 й.да Темерницкая божхонаси ва порти сифатида асос солинган. 1761 й.да митрополит Дмитрий Ростовский шарафига «Ростовская» деб номланган қалъанинг қурилиши бошланган. 1806 й.дан Р.-Д. номини олган. 20-а. бошларида Р.Д. ҳудудига Нахичеван-Дон ш. (1778 й.да асос солинган) ҳам киритилган. 2-жаҳон уруши даврида шаҳарни 2 марта немис фашистлари эгаллаган. 1943 й.да озод қилинган.

РОСТОК — Германиядаги шаҳар, Мекленбург-Олд Померания ерида. Аҳолиси 207,4 минг киши (1999). Варнов дарёсининг Болтиқ денгизига қуйилиш жойидаги йирик денгиз порти. Транспорт йўлларининг муҳим тугуни. Данияга паром қатнови йўлга қўйилган. Мамлакатнинг йирик кемасозлик марказларидан. Электротехника, дизель, кимё, тикувчилик, балиқни қайта ишлаш корхоналари мавжуд. Балиқ овлаш базаси. Денгиз курорти. Ун-т (1419), денгизчилик, балиқчилик, кемасозлик ин-тлари бор. Шаҳарга 13-а. бошларида асос солинган. Меъморий ёдгорликлардан 13—15-а.ларда қурилган ратуша, черковлар сақланган.

РОСТОК УНИВЕРСИТЕТИ — Европадаги қад. ун-тлардан бири. 1419 й. ташкил этилган. Германиянинг Росток ш.да. Ўрта асрларда Шим. Германия ва Скандинавия мамлакатлари учун таълим маркази бўлган. 1437—43 й.ларда вақтинча Грейфсвальд, 1487—90 й.ларда Висмар ва Любек ш.ларида жойлашган. Мат. ва табиий фанлар, кемасозлик, тиббиёт, қ.х., иқтисодиёт бўйича мутахассислар тайёрланади. Кутубхонасида 1,5 млн.дан ортиқ асар сақланади. Ун-тда 6 мингдан ортиқ талаба таълим олади.

Ростов-Дон. Темир йўл вокзали.

РОСТРОПОВИЧ Мстислав Леопольдович (1927.27.3, Баку) — виолончелчи, дирижёр, жамоат арбоби. Халқ артисти (1966). 20-а. мусиқа санъати атоқли намояндаси. Дастлабки мусиқа сабоқларини отасидан олган. Москва консерваториясини тугатган (1946). Москва филармониясини ккка соҳидаси (1948—74), айни пайтда Москва (1948—74) ва Ленинград (1967—74) консерваторияларида ўқитувчи, проф. (1968). *Камта театр* дирижёри (1968—71); Вашингтондаги Миллий симфоник оркестри бош дирижёри (1977—94). Ижро услубига кўтаринки рух, теран мазмун, мукаммал композиция ҳиссиёти хос. Репертуаридан виолончель учун барча мумтоз ва йирик замонавий асарлар ўрин олган. 20-а.нинг

эн машҳур композиторлари (жумладан, С. Прокофьев, Б. Бритен, О. Мессиан, А. Шнитке, Д. Шостакович ва б.) унга бағишлаб асарлар ёзишган. С. Рихтер, Э. Гилельс, Л. Коган ва Д. Ойстрахлар б-н турли ансамблда чалган. «Ростроповичфонди», «Вишневская — Ростропович» хайрия жамғармаларининг президенти. Мусиқа ижоли ҳамда хайрия фаолияти учун 30 та яқин Европа, Осиё, Америка давлатларининг олий мукофот ва орденлари б-н мукофотланган. Жаҳон бўйлаб (жумладан, Ўзбекистонда ҳам) гастролда бўлган.

РОТА (полякча rota, нем. Reste — тўда, отрядлан) — кўпгина давлатлар қуролли кучларидаги мотоўқчи (мотопиёда аскарлар, пиёда аскарлар), танк, муҳандислик қўшинлари ва б.даги тактик бўлинма. Дастлаб 15-а. охири — 16-а. бошида Ғарбий Европа давлатларининг ёлланма армияларида тузилган. Ҳоз. замонда Р. бир неча взводдан иборат бўлиб, батальон (полк) таркибига киради, мустақил ҳам бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида Р. гуруҳ деб номланади.

РОТАМЕТР (лот. rotare — айлантирмоқ ва *метр*)— 1) суюқлик ёки газ сарфи ўлчанадиган асбоб. Р. конуссимон вертикал найдан иборат. Суюқлик ёки газ шу найда пастдан юқорига ҳаракатланади. Най ичидаги қалқовуч ўлчаш пайтида суюқлик ёки газ босими таъсирида маълум вазнини эгаллаб, ҳалқасимон тирқиш ҳосил қилади. Қалқовуч эгаллаган вазнини шкалага таққослаб, модда сарфи аниқланади. Кўрсаткичларни узоқдан туриб аниқлаш учун индуктив датчик ва иккиламчи электр асбоб бор. Р. нефтни қайта ишлаш, ёғ з-дларида ва б. соҳаларда ишлатилади; 2) машина узели ва асбоблар деталлари ўлчамлари ўлчанадиган пневматик асбоб. Ўлчаш чегараси 20 мкм дан 10 мм гача; 3) матбаада қолип пластиналарининг ғадир-будирлиги (микротекислиги) аниқланадиган асбоб.

РОТАПРИНТ (лот. roto — айлантираман ва инг. print — босмоқ) — *офсет босма* усулида ишлайдиган ихчам босма машина. Хизматга донр ва ахборот ҳужжатларини, рефератлар, бюллетенлар ва б. нашрларни кичик тиражда кўпайтиришда ишлатилади. Р.да матн ва расмлар туширилган юпқа металл ҳарқоғоз (алюминий, рухдан тайёрланган) босма қолип вазифасини ўтайди. Пластик материалларга электрон йўл б-н кўчириб ҳам қолип тайёрланади. У Р. цилиндрига маҳкамланади. Ундан қоғозга нусха кўчирилади.

РОТАТОР (лот. roto — айлантираман), мимиограф — 1) мати, чизма, расм ва б.дан нуска кўчириладиган аппарат. Р.да босма қолип сифатида ёзув машинасида (ёки махсус перо б-н қўлда) мум фольга (восковка) га ёзилган, шунингдек, фотомеханик, фотоэлектрик ёки гальваник усулларда тайёрланадиган *трафарет* ишлатилади. Трафарет Р.даги бўёқ суркалган цилиндрга таранг тортилади. Цилиндр б-н бирга айланадиган вал трафаретга қоғозни қисади. Шунда цилиндрдаги бўёқ трафаретдаги ёзув ёки тасвир тешикларидан ўтиб, қоғозга тушади. Р.да соатига 6 мингтача кичик форматли нусхалар олиш мумкин; 2) бирор маркиз каз ёки ўқ атрофида бир меъёрда айланадиган жисм.

РОТОНДА (лот. rotundus — юмалоқ) — айлана шаклидаги иншоот [бино, павильон (кўшк), зал, шипшон, айвонча ва ҳ.к.]. Одатда, томи гумбазли қилиб бекилади, периметр бўйича колонналардан тикланади. Юнонистон ва Қад. Римнинг баъзи ибодатхона ва мақбаралари Р. шаклида қурилган. Ўрта асрлар ва Уйғониш даври меъморлигида ҳам учрайди. Кейинчалик бошқа мамлакатлар меъморлигида ҳам тарқалган. Ўзбекистонда Алишер Навоий, ал-Фарғоний, Шаҳидлар хотираси ёдгорликлари ва б. меъморий иншоотларда Р. услуби қўлланган.

РОТОР (лот. rotare — айлантирмоқ) — 1) турбина, компрессор, гидронасос ёки гидромоторнинг айланувчи қисми. Иш жисмидан энергия ҳосил қилувчи ёки энергияни иш жисмига берувчи органлар Р. га жойлаштирилади; 2) электр машиналарининг айланувчи қисми. Одатда, *статор* ичига жойлаштирилади. Р.га ўралган чулғамнинг магнит майдони б-н таъсирлашиб, *электр юритувчи куч* ҳосил қилади; 3) кемага ўрнатиладиган ва кичик двигатель б-н ҳаракатлантириладиган айланувчи вертикал труба (минора); Р. ёрдамида кемани юргизишда шамол кучидан фойдаланилади.

РОТТЕРДАМ (голландча — Ротт дарёсига қурилган кўприк) — Нидерландиянинг ғарбий қисмидаги шаҳар, Рейн дарёси дельтасининг шим.да. Канал орқали Шим. денгиз б-н боғланган. Аҳолиси 595 минг киши, шаҳар атрофи б-н 1,07 млн. киши (2000). Ғарбий Европанинг энг йирик порти. Транспорт йўлларининг йирик тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Мамлакатнинг муҳим савдо-саноат маркази. Саноати четдан келтириладиган хом ашёга асосан ишлайди. ГФР ва Бельгиянинг йирик корхоналарига Р. дан нефть қувурлари ўтган. Йирик нефтни қайта ишлаш ва нефть кимёси корхоналари ишлаб турибди. Турли машинасозлик (кемасозлик ва автомобилсозлик, электротехника ва б.), кимё, енгил, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Метрополитен қурилган. Ун-т, Санъат академияси, кемасозлик ва навигация ин-ти, тарих, денгиз ва этнология музейлари бор. Шаҳар 13-а.дан маълум. Меъморий ёдгорликлардан готика черкови (15-а.) ва б. черковлар, тегирмонлар (17—18-а.лар) сақланган. Р.да миллий ва халқаро савдо операциялари бажарилади.

РОТШИЛЬДЛАР — молия магнатлари сулоласи. 18-а.да франкфурт-майнлик банкир Майер Амшель Ротшильд асос солган. 19-а.нинг 1-ярмида унинг 5 ўғли Париж, Лондон, Вена, Франкфурт-Майн ва Неаполь ш.ларидаги банкларда раҳбарлик қилганда Р.нинг мавқеи анча ошди. Европа банкларининг кўпчилиги Р. банкига молиявий қарам эди. Кейинчалик Вена, Франкфурт-Майн ва Неаполдаги Р. банклари ўз фаолиятини тўхтатди. Париж ва Лондондаги банклар мустақил молиявий иш юритди. Р. гуруҳи инглиз ва француз тармоқларига бўлинади. Буюк Британиядаги «Ротшильд-Сэмюэл-Оппенгеймэр» ва Франциядаги «Банк де Ротшильд» банки, «Сосьете дэнвестисман дю Нор» холдинг компанияси (1972) ҳар икки тармоқнинг асосини ташкил этади. Р. Буюк Британия ва Франция сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутади.

РОУЛИНСОН (Rawlinson) Генри Кресвик (1810.11.4, Чадлингтон, Оксфорд — 1895.5.3, Лондон) — инглиз

Роттердам шаҳри порти.

шарқшуноси ва дипломати, оссурия-шунослигининг асосчиларидан бири. 1827—39 й.ларда Британиянинг Ҳиндистондаги ва кейинчалик Эрондаги Ост-Индия компаниясида зобит бўлиб хизмат қилган. 1840—43 й.ларда инглиз ҳукуматининг Қандаҳор (Афғонистон)-даги махсус вакили, сўнгра Бағдод, кейинчалик Теҳронда консул. Месопотамия (ҳоз. Ироқ)даги қад. шаҳар харобаларида қазиш ишлари олиб борган. 1878—81 й.ларда Осиё қироллик жамияти, 1871—72 ва 1874—75 й.ларда География қироллик жамияти президенти. Қад. форс ва Оссурия-Бобил миххатларини ўқишга ҳисса қўшган. *Бехистун китобаларини* ўқиган.

РОУС (Rous), Раус Фрэнсис Пейтон (1879.5.10, Балтимор — 1970.16.2, Нью-Йорк) — америкалик патолог ва онколог. АҚШ Миллий ФА аъзоси. Жонс Хопкинс ун-ти тиббиёт мактабини тугатган. 1909 й.дан Нью-Йоркдаги тиббий тадқиқот ин-тида ишлаган, 1945 й.дан шу ин-тнинг фахрий аъзоси. У товуқларда саркома пайдо қиладиган онкоген вирусларни кашф этган. Ўсмалар этиологияси ва патогенезида вируслар ва канцероген модда-лар ролини тадқиқ этган. Нобель мукофоти лауреати (1966).

РОФЕ ибн ЛАЙС ҚЎҒОЛОНИ (806—810) — Мовароуннаҳр ва Хуросонда *аббосийлар* халифалигига қарши кўтарилган қўзғолон. Унга *Наср ибн Сайёр*нинг набираси, бухорхудот Тугшоданинг куёви Рофе ибн Лайс бошчилик қилган.

Қўзғолонга Хуросон ва Мовароуннаҳр ноиби Али ибн Исонинг маҳаллий халққа нисбатан ўтказаётган зулми сабаб бўлган. Унда маҳаллий *деҳқонлар, кашоварзлар* ва *кадиварлар*, турк қабилалари (қарлуқлар ва б.) ҳамда айрим араб зодагонлари фаол қатнашган. Қўзғолон 2 босқичдан иборат бўлган. *Табарий*нинг ёзишича, қўзғолон бошланишига маиший ҳолатлар (нуфузли араб оқсуякларининг ўртасидаги ўзаро келишмовчилик ва б.) баҳона бўлган. Қўзғолоннинг 1-босқичида ўзи араб ва Хуросон ноибининг меҳтари бўлган Рофе ибн Лайснинг ҳаракатга етакчилик қилиши унинг қўзғолончилар ўртасида нуфузи ортишига олиб келган. Жангларда Рофе ибн Лайс гуруҳи Самарқанд ҳокими Сулаймон ибн Ҳумайд (806)ни ва Шош туркларидан иборат махсус гуруҳ ноибининг ўғли Исо ибн Али (807 й. сент.)ни ўлдиргач, қўзғолон авж олиб кетган ва Самарқандан ташқари Бухоро, Хоразм, Шош, Ҳўжанд, Усрушона, Насаф, Чағониён, Хутталон, Балх ва Тохаристонга кенг ёйилган. Бухородаги қўзғолонга Рофе ибн Лайснинг укаси Башир ибн Лайс, Ингтихондаги қўзғолонга эса Ужайф ибн Анбас бошчилик қилган. Қўзғолон кўламининг тобора кенгайиб боришидан чўчиган халифа *Ҳорун ар-Рашид* 300 минг кишилик қўшинни Ҳарсама ибн Айён бошчилигида Хуросонга жўнатган (807 й. охири). Ҳарсама Марв ва Амул орқали Бухорога келади ва шиддатли жангларда сўнг уни эгаллайди (809). Башир ибн Лайс қўлга олиниб, Тусла қийнаб ўлдирилган. Кейинчалик Ҳорун ар-Рашид ўғли — *Маъмун* б-н бирга қўзғолончиларга қарши қўшин тортиб келган. Бироқ Тусга етиб келгач, хасталаниб вафот этган (809 й. март). Хуросон ноиби бўлиб олган Маъмун турли йўллар б-н қўзғолонни бостиришга интилган.

Рофе ибн Лайс Самарқандда мустаҳкам ўрнашиб, унда мулофиқ леворлари қурдирган. У қарлуқлар, тўққиз ўғузлар ва б. турк қабилаларидан ҳам ёрдам сўраган. Маъмун маҳаллий мулкдор *Сомонхудот*нинг набиралари — Нуҳ, Аҳмад, Яҳё ва Илёс ибн Асадга мактуб юбориб, лашкарбоши Ҳарсама ибн Айённинг қўзғолончиларга қарши курашида мадад беришини сўрайди.

*Бальъамий*нинг айтишича, Маъмун Хуросон ва Мовароуннаҳр аҳолисини бир йил хирож тўлашдан бутунлай озод қилиб, хирож миқдорини 1/4 қисмга камайтирган. Маъмуннинг акаси — халифа Амин б-н ҳокимият учун бўлган курашларда маҳаллий табақа зодагонлари Маъмунни қўллаб-қувватлайди. Лекин шу пайтдан бошлаб қўзғолон сусаяди ва унинг 2-босқичи бошланади. *Наршахий*нинг ёзишича, Асад ўғилларининг даъватига кўра, Рофе ибн Лайс дастлаб Ҳарсама б-н сулҳ тузган ва улар ўртасида қула-андачлик вужудга келган. Самарқандда Рофе ибн Лайс ва унинг тарафдорлари ўз хоҳишлари б-н таслим бўлгач (809 й. окт.), қўзғолондан араб ва маҳаллий зодагонлар четлашган. Йўлбошчиларсиз қолган қўзғолон тез орада бутунлай бостирилган (810). Рофе ибн Лайснинг ке-йинги тақдири ҳақида бир-бирига зид турли фикрлар (янги халифанинг саройида хизмат қилишдан тортиб то қатл қилинишигача каби) мавжуд.

Р.и.Л.қ. Мовароуннаҳр ва Хуросонда халифалик ҳокимияти инқирозининг тезлашуви ҳамда *сомонийлар* сулоласи вакиллари *Нуҳ ибн Асад*нинг Самарқанд, *Аҳмад ибн Асад*нинг Фарғона (Наршахийнинг ёзишича, Марв), Яҳё ибн Асаднинг Чоч ва Усрушона, Илёс ибн Асаднинг Ҳирот амирлари бўлиши (817)га имкон яратди. Тоҳирийлар сулоласининг асосчиси *Тоҳир ибн Ҳусайн* эса Хуросон амири бўлган (821).

Манба: История ат-Табари, Т., 1987; Наршахий. Бухоро тарихи, Т., 1966.

Қаҳрамон Ражабов.

РОХШАНАК (сўғдча — ёғду сочувчи, ёрқин) (юн. Роксана), Равшанак († — милл.ав. 310) — Туронзамин гўзали, Бақтрия ҳокими Оксиартнинг қизи, *Александр* (Искандар) нинг суюкли хотини. Александр Ўрта Осиёни забт этиши чоғида (мил. ав. 329—327) кўплаб тог қалъаларини қамал қилишига тўғри келган. Александрнинг юриш бошларидаёқ Оксиарт хотини, фарзандларини *Суғд қоясига* яширганди. Александр қалъани забт этгач, кўп асирлар, жумладан, Оксиартнинг хотини, қизи Р. ва б. фарзандлари унинг қўлига тушади. *Арриан*нинг ёзишича, Александр бир кўришдаёқ Р.ка ошиқ бўлиб қолган ва у ўзининг асираси бўлишига қарамай унга уйланишга аҳд қилган. Александрнинг аскарлари Р. *Доро III* нинг хотинидан сўнг «Осиёда энг гўзал аёл» эканлигини айтганлар. Бу никоҳ оқибатида Александрнинг энг кучли рақибларидан бири, Сўғдда катта обрўга эга бўлган Оксиарт «далилланиб» Александр ҳузурига келган, у қайнатасини иззат-икром б-н кутиб олиб, унга Бақтрия сатраплигини топширган. Р.нинг тақдири ҳам қувончли, ҳам аянчли бўлган. *Плутарх*нинг ёзишича, Александр вафот этганда Р. ҳомиладор эди, шу туфайли македонияликлар унга иззат-икром кўрсатишган. Р. улкан салтанат маликаси сифатида 10 йилдан ортиқ давр сурган. Р. кундоши Статира (Доронинг қизи)ни эридан рашк қиларди. У сохта хат ёрдамида Статирани ҳузурига чақиртирган ва у синглиси б-н келганда ҳар иккисини қатл эттирган, жасадларини қулуққа ташлашни, қудуқни эса кўмиб юборишни буюрган. Буларни у Александрнинг сафдоши Перденкка ёрдамида амалга оширган. Мил. ав. 310 й. *диадохлар* қуриши даврида Диадох Кассандр буйруғига кўра, Р. ёш ўғли Александр IV б-н бирга қатл этилган.

Фахриддин Ҳасанов.

РОЧЕСТЕР — АҚШнинг шим.-шарқий қисмидаги шаҳар, Нью-Йорк штати. Аҳолиси 219,7 минг киши (2000). Онтарио кўли ва Эри канали бўйидаги порт. Р. — АҚШда оптика-механика, фото- ва кинематика (фото- ва кинокамералар, проекция аппаратуралари, фотография жиҳозлари, фотореактивлар) саноатининг энг йирик маркази. Радиоэлектроника, приборсозлик, жумладан, нусха кўчирувчи ва полиграфия жиҳозлари, тиббиёт асбоб-ускуналари, ЭҲМ, электрон-оптика приборлари, кўзойнаклар, назорат-ўлчов аппаратуралари и.ч. ҳам ривожланган. Станоксозлик, полиграфия, озиқ-овқат, тикувчилик саноати корхоналари, ун-т, технология ин-ти, музейлар бор.

РОШ — экинларни жўяксиз суторганда полларни бир-биридан ажратиш учун ясалган марка, кўтарма. Бухоро шилоятининг бир нечта туманларида кўп қўлланилади. Р. белдик, чел деб ҳам аталади.

РОЯЛТИ, ройялти (инг. royalty — қирол имтиёзлари) — 1) *лицензия* бўйича товарлар, ихтиролар, патентлар, ноу-хау, фильмлар прокати ва б.дан фойдаланиш ҳуқуқи учун олинган фойдадан даврий ажратмалар шаклидаги лицензия мукофоти; 2) ер ости бойликларини қидириш ва қазиб олиш ҳуқуқи учун ижара ҳақи.

РОЯЛЬ (франц. royal — қирол) — торли урма клавишли мусиқа чолғу асбоби, *фортепиано* тури. Р. торлари, дека (резонанс тахтаси) ва механикаси горизонтал жойлашган, торларининг узунлиги қисқалигига кўра, мосланган қавотсимон корпуси 3 та оёққа ўрнатилган. Катта-кичиклигига кўра, минъон (уз. 1,5 м гача), кабинет (1,6—1,8 м), салон (2 м атрофида) ва концерт (3 м гача) турлари бор. Диапазони 7 ёки $7^1/_4$ (салон ва концерт Р.ларда) октава. Диапазон ва динамик имкониятлар кенглиги, товушлар тембри ранг-баранглиги, гармония ва полифония воситаларининг бойлиги туфайли Р. Европа мусиқа маданиятида мукаммал мусиқа чолғу асбоби сифатида асосий ўрин тутади (18-а. охиридан). Р. ишлаб чиқарадиган энг машҳур фирмалар: «Блютнер», «Бехштейн», «Август Фёретер» (Германия), «Плейель» (Франция), «Стенвэй» (АҚШ), «Петров» (Чехия) ва б. Ўзбекистонда Р. 19-а.нинг 2-ярмидан пайдо бўлган. Ўша давр маҳаллий зиёлилари (Фурқат ва б.) Р.нинг бой ижро ва ифода имкониятларини олқишлаган.

Концерт рояли.

РОҚИМ (тахаллуси; исми номаълум, 1742 — Хоразм — 1814/15) — шоир, хаттот. Ижодда Навоий ва Фузулийга эргашган. Ўзбек ва форс тилларида, мумтоз бадииятнинг деярли ҳамма жанрларида ижод қилган. Анъанавий ишқий лирикаси ва ижтимоий масалаларга оид шеърлари ижодида муҳим ўрин тутади. Уларда давр қийинчиликлари, жабр-зулмдан шикоят анъанавий ишқий кайфиятлар орқали ифодаланган, ёр мадҳи турмушнинг ижтимоий талқини б-н боғланган, ишқий нороволик эса ижтимоий адолатсизликдан шикоят маъносини акс эттган. Р.нинг бизгача 1 девони (6470 мисра) ва девонга кирмаган 30 мухаммас, 6 газали етиб келган. Кўплаб мухаммаслари Навоий, Фузулий, Мунис, Бедил, Ғалиб ва б. нинг ғазалларига боғланган. Р. Хоразм адабий муҳитида марсиячиликка асос солган. Марсияларидаги ҳасратлар ғазал инсоний кечинмаларга асосланган, анъанавий образ ва ифодалар қочиб, янги, ҳаётий образлар яратган. Р. номалар ҳам ёзган, Мунис девони ва б.ни ҳуснихатда кўчирган. Девони қўлёзмаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти фондида сақланади (инв. №7576).

Ас.: Танланган асарлар, Т., 1965.

Ад.: Ўзбек адабиёти тарихи [5 ж.да]. 3-ж., Т., 1978.

РОҒИБ (тахаллуси; асли исм-шарифи Муҳаммад Раҳим Шокир ўғли) (1865 — Хоразм вилояти Урганч тумани Қоровул қишлоғи — 1935) — шоир. Наровул, Ҳофиз, Мунис, Огаҳий, Комил каби шоирлар ижодини ўрганган, газалларига мухаммаслар боғлаган. Шеъриятдаги истеъдодини кўрган Феруз уни саройга таклиф қилган. У ерда Баёний, Аваз, Чокар ва б. шоирлар б-н танишган, ижодий мулоқотда бўлган. Саройдаги мушоираларда қатнашган. Ферузнинг амри б-н шеърларини тўплаб девон тузган, «Девони Рогиб» номида нашр этилган. Феруз вафот этгач (1910), саройдан ўз қишлоғига қайтиб, деҳқончилик б-н шуғулланган. Хоразм инқилобидан сўнг маориф муассасаларида ишлаган.

Р. лирик ва ҳажвий шеърлар ёзган. Лирикасида ишқ-муҳаббат, дўстлик, маърифатпарварлик ғояларини тарғиб қилган, она-Ватан табиати гўзалликларини мадҳ этган («Танбур», «Боғ», «Хивақ», «Ўлсун» ва б.). Ўзи тузган девони (1899, 1221 ғазал, 33 мухаммас, 6 таржеъбанд, 36 рубоий, 12 қитъа ва бир неча маснавий, мустазоддан иборат) ҳамда турли баёзларга кирган шеърлари етиб келган. Девоннинг қўлёзма нусхалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти фондида (инв.№6681) ва Хива тарих музейида (инв. №2038)да сақланади.

Ад.: Асрлар нидоси, Т., 1982; Қаюмов П. Д., Танкиран Қайюмий, 2-дафтар, Т., 1998.

«РОҲАТ» — ўзбек халқ куйи. *Рост* мақомининг Ушшоқ шўъбаси асосида яратилган. Р. дастлаб жозибали дутор куйи сифатида танилди. Кейинчалик танбур, рубоб, чанг каби чолғуларга ҳам мослаштириб оммавийлашган. Р. куйининг мусиқа шакли хона ва бозғўй, шунингдек, пешрав воситалари қўлланиши натижасида ҳосил бўлади. Жўшқин сурятли услубда ижро этиладиган Р. куйи рақсга ҳам жўр бўлиши мумкин. Моҳир ғижжакчи С. Габризлян томонидан Р. ўзбек халқ чолғулари оркестрига мослаштирилган.

РОҲИБЛАР (араб.) — қ. *Монахлар.*

РТВЕЛАДЗЕ Эдвард Васильевич (1942.14.5, Боржоми ш., Грузия) — археолог-тарихчи олим. Ўзбекистон ФА акад. (1995), тарих фанлари д-ри (1989), проф. (1992). ТошДУни тугатган (1967). 1967 й.дан Ўзбекистон санъатшунослик и.т. институтида илмий ходим. Илмий фаолияти Ўрта Осиёнинг қад. ва ўрта асрлар тарихи, археологияси, нумизматикаси, эпиграфикаси, санъати, маданияти тарихини ўрганишга бағишланган. Ўрта Осиё, Кавказ, Кипр, Япония ва Францияда олиб борилган 80 дан ортиқ илмий археологик экспедициялар иштирокчиси. Кўпгина археологик ёдгорликларни очган ва текширган. Р. раҳбарлигида Тохаристон экспедицияси томонидан *Кампиртепада* олиб борилган қазишлар натижасида археологик амалиётда 1-марта Кушонлар даврига оид қад. шаҳар харобаси тўлиқ очилганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди. Р. раҳбарлиги остида шаҳарлар ва таниқли давлат арбоблари юбилейларига бағишланган коллектив монографиялар, шу жумладан, «Амир Темур жаҳон тарихида», «Хива — минг гумбазли шаҳар», «Шаҳрисабз», «Термиз», «Жалолиддин Мангуберди» ва б. тайёрланган. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1985). «Буюк хизматлари учун» (2001), «Меҳнат шуҳрати» (2003) орденлари ва Грузиянинг «Гирсебис» («Рицарлик шарафи») (2001) ордени б-н мукофотланган.

Ас.: Средневековые памятники Сурхандарьи (в соавторстве), Т., 1983; В стране Золотого огня (в соавторстве), Т., 1985; Памятники минувших веков (в соавторстве), Т., 1986; Древние монеты Средней Азии, Т.,

1987; Северная Бактрия — Тохаристан. Очерки истории и культуры (в соавторстве), Т., 1990; Великий шелковый путь, Т., 1999; Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси; давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар (ҳамкорликда), Т., 2001; Древние и раннесредневековые монеты историко-культурных областей Узбекистана, Т., 2003.

РУАН — Франциянинг шим. қисмидаги шаҳар. Денгиз бўйи Сена департаментининг маъмурий маркази ва Нормандия тарихий вилоятининг бош шаҳри. Аҳолиси 108,7 минг киши (1999). Транспорт йўллари тугуни. Сена дарёси бўйидаги денгиз порти. Мамлакатнинг йирик саноат маркази. Тўқимачилик, озиқ-овқат, металлургия, машинасозлик (жумладан, кемасозлик), кимё ва нефтни қайта ишлаш саноати корхоналари, ун-т, музейлар бор. Р. — қад. шаҳар. Шаҳарни мил. ав. 1-а.да римликлар, 5-а. да франклар босиб олган. Р.да 1431 й.да *Жанна Д'Арк* жазога ҳукм қилинган ва қатл этилган. Меъморий ёдгорликлардан Нотр-Дам собори (13—16-а.лар), черковлар, Адлия саройи (1508—09) ва б. сақланган.

РУАНДА (ньяруанда, баньяруанда) — банту гуруҳига мансуб халқ. Руанданиинг асосий аҳолиси (7,1 млн. киши). Шунингдек, Заир (3,4 млн.дан зиёд), Уганда (1,1 млн.) ва б. мамлакатларда ҳам яшайди. Умумий сони — 12,35 млн. киши (1990-й.лар ўртачаси). Диндорлари — асосан, католиклар, анъанавий эътиқодлар ҳам мавжуд.

РУАНДА (Rwanda), Руанда Республикаси (Republique Rwandaise) — Шарқий Африкадаги давлат. Майд. 26,3 минг км². Аҳолиси 7,4 млн. киши (2002). Пойтахти — *Кигали* ш. Маъмурий жиҳатдан 12 префектура (prefecture)га бўлинади.

Руанда гербн.

Давлат тузуми. Р. — республика. Амалдаги конституцияси 1995 й. 5 майда қабул қилинган. Давлат бошлиғи — президент (2000 й.дан Поль Кагаме). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Ўтиш даври миллий мажлиси, ижрочи ҳокимиятни бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

Табиати. Р. ер юзаси водийлар б-н парчаланган ясситоғлик (1500—2000 м), асосан, токембрий кристалли ва метаморфик жинслардан иборат. Ясситоғликнинг 2500—3000 м гача кўтарилган ғарбий чеккаси Киву кўлига тик тушган. Шим.-ғарбда Вирунга вулканли тоғи (энг баланд нуқтаси Карисимби тоғи, 4507 м) жойлашган. Иқлими субэкваториал, мавсумий нам иқлим. Йиллик ўртача т-ра 20—21°, ёғин 1000—1500 мм (Вирунга тоғларида 2000 мм гача). Дарё тармоги зич, йирик дарёси — Катера Нил ҳавзасига мансуб. Тог қизил тупроқларда саванна типидаги ўсимлик кўп, тог ён бағирлари доим яшил ўрмонлар б-н қопланган. Йирик ҳайвонларининг кўпчилиги Кагера (кийикнинг ҳар хил турлари, буйвол, каркидон, зебра, шер, фил, бегемот, тимсоҳ) ва Вирунга (тог горилласи) миллий боғлари ҳамда қўриқхоналарда сақланиб қолган.

Аҳолисининг аксариятини банту тилларида сўзлашувчи руанда, рунди халқлари ва тва пигмейлари ташкил этади. Бундан ташқари, асосан, шаҳарларда суахили, луба ва судан арабларн, ватлонлар ва б. яшайди. Расмий тиллар — киньяруанда, француз ва инглиз тиллари. Аҳолининг 3/5 қисми маҳаллий анъанавий динларга эътиқод қилади. 2/5 қисми — христиан (асосан, католиклар), озроқ сунний мусулмонлар ҳам бор. Шаҳар аҳолиси 5,8%. Йирик шаҳарлари: Кигали, Бутаре, Ньянза, Гисеньи.

Тарихи. Р.нинг қад. ва ўрта асрлар тарихи кам ўрганилган. Талқинотчиларнинг фикрича, мил. 2-минг йиллиқнинг 1-ярмида бу жойга хутулар, тахм. 16-а.да тутси кўчманчи чорвадорлари кўчиб келган. 16-а.да ташкил топган илк давлат тузилмасига олий ҳукмдор (мвами) бошчилик қилган, тутсилар устунлик мавқеида бўлган. Шим.даги хутуларнинг алоҳида мансилгоҳлари мвами ҳокимиятини тан олишлан бош тортган. 19-а. 2-ярмида Р. ҳудудида марказлашган давлат пайдо бўлди. У Кигери Рвабугири қироллиги даври (1853—95)да бирмунча юксалиб, чегараси кенгайди. Унинг вориси Юха Мусинга даври (1895—1931)да мамлакатни мустамлакачилар босиб олди.

1890-й.ларда Р.га немислар кириб кела бошлади. Қирол Мусинга немис резидентлигини тан олди. Р. Германия Шарқий Африкасига қўшиб юборилди. 1-жаҳон уруши йилларида Р.ни Бельгия қўшинлари ишғол қилди (1916). Урушдан сўнг Р. қўшниси Бурунди б-н Бельгиянинг Руанда-Урунди мандатли ҳудудига айлантирилди. 1925 й.да эса у маъмурий жиҳатдан Белыгия Конгоси б-н бирлаштирилиб, алоҳида вице-генерал губернаторликка ажратилди. 1946 й. декд БМТ Руанда-Урундини Бельгия василигидаги ҳудуд деб эълон қилди. 50-й.ларнинг охирида озодлик ҳаракати авж олди. Хуту озодлик ҳаракати (Пармехуту). Руанда миллий итгифоқи ва б. партиялар ташкил топди. 1960 й. охирида Р. муваққат ҳукумати, 1961 й. 28 январда монархия тугатилиб, Р. республикаси тузилди. 1961 й. парламент сайловида Пармехуту партияси галаба қозонди. 1962 й. 1 июлда Р. мустақил давлат деб эълон қилинди.

Руанда байроғи

1990 й. окт.да асосан тутси элатидан ташкил топган Р. ватанпарварлик фронти Уганда ҳудудидан ҳаракат бошлаб, хуту элатига мансуб Ж. Хабиаримана режимини агдариб ташлашга уринди. Бу ҳаракат хуту ва тутсилар ўртасидаги этник можаро гусини олди. 1993 й. президент Ж. Хабиаримана авиация фалокатида ҳалок бўлди. 1994 й. 17 июлда Р. ватанпарварлик фронти ўтиш даври учун миллий бирлик ҳукумати таркибини эълон қилди. Мамлакат аҳолисининг кўпчилигини ташкил этувчи хуту элатига мансуб Пастер Бизимунгу 5 й. муддатга Р. президенти этиб тайинланди. 2000 й. 17 апр.да ҳукумат б-н парламентнинг қўшма мажлисида тутси элатининг вакили Поль Кагаме президент лавозимига сайланди. Р. — 1962 й. дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 1 июль — Мустақиллик куни (1962).

Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари. Демократия ва тараққиёт учун республикачилар миллий ҳаракати, 1975 й. ташкил этилган; Республикачилар демократик ҳаракати, 1957 й. тузилган; Р. ватанпарварлик ҳаракати 1987 й. асос солинган; Христиан-демократик партия, 1990 й. ташкил топган. Р. меҳнаткашлари миллии касаба уюшма бирлашмаси, 1985 й. асос солинган.

Хўжалиги. Р. — аграр мамлакат. Иқтисодиётнинг асосини қ.х. ташкил этади, бу тармоқ экспорт қиладиган экинлар маҳсулоти етиштиришга ва қ.х. хом ашёсини қайта ишлашга ихтисослашган. Саноатнинг кончилик, қайта ишлаш ва гидроэнергетика тармоқлари вужудга кела бошлади. 1997 й. ялпи ички маҳсулотда қ.х. улуши 36%, саноатнинг улуши 24%, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 40%ни ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти мамлакат экспортининг 80%ини ташкил қилади. Айни вақтда қ.х. олдига мамлакатни озиқ-овқат б-н тўла таъминлаш вазифаси қўйилган. Майда хусусий ер эгалиги устун. Мамлакат ҳудудининг 42% (1,25 млн.гектар) ерида деҳқончилик қилинади. Асосий озиқ-овқат экинлари: оқ жўхори, батат, маниок, ловия, маккажўхори, картошка, банан, шоли. Экспорт учун кофе (баланд тоғли жойларда «арабика», пастроқ ва нисиқ жойларда «робуста»), чой, пиретрум, шунингдек, пахта етиштирилади, хин дарахти экилади. Яйлов чорвачилигида қорамол, эчки, қўй, чўчқа, хонаки парранда боқилади. 13 минг га табиий ўрмон, 90 минг га дарахтзор бор. Балиқчилик суст ривожланган.

Саноатида кончилик муҳим ўрин олган. Мамлакат марказий ва ғарбий қисмларида қалай, шим.да вольфрам, Рухенгери атрофида танталит, беридлий, олтин қазиб олинади. Кофе, чой, тамаки қайта ишлайдиган, спиртсиз ичимликлар, қанд-шакар, чарм, тутурт, пойабзал, пластмасса буюмлар, кир ювиш ва косметика воситалари, бўёқлар ишлаб чиқарадиган, тикувчилик, корхоналари бор. Цемент ва гипт з-длари қурилган. Йилига ўртача 166 млн. кВт·соат электр энергия ҳосил қилинади.

Гитарама шаҳри.

Т.йлар йўқ. Юк ташишда автомобиль транспорти асосий роль ўйнайди. Автомобиль йўллари уз. 8,1 минг км. Кигали яқинида Камембе халқаро аэропорти бор. Четга кофе, чой, минерал хом ашё, хинин, пиретрум, хом тери чиқаради, четдан истеъмол моллари, транспорт воситалари ва машина-ускуналар, нефть ва электр энергияси, бинокорлик ашёлари олади. Ташқи савдодаги ҳамкорлари: Бельгия, Германия, Франция, АҚШ ва б. Пул бирлиги — руанда франки.

Тиббий хизмати, маорифи ва илмий муассасалари. Давлат касалхоналари б-н бирга хусусий шифохоналар ҳам бор. Врачлар Бутаре ун-тининг тиббиёт ф-тида тайёрланади. Халқ табобати мафсалалари (асосан, мамлакатдаги шифосалолари) ўрганиш) б-н бахш ўсимликларни ўрганиш) б-н бахш ўсимликларни ўрганиш марказ тузилаётганлиги талқинот маркази ташкил этилган. Давлатга қарашли дастлабки дунёга. Давлатга қарашли дастлабки дунёвий ўқув юртлари 1950-йларда очилди. Замонавий маориф тизими 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар учун мажбурий ва бепул таълимни жорий этиш тўғрисидаги 1985 й. қонунига асосланади. 8 йиллик ўрта мактабда киньяруанда тилида ўқитилади, француз тили ҳам ўргатилади. Олий мактабда таълим француз тилида олиб борилади. Касб-ҳунар ва техника таълими бошланғич мактаб негизида 6 й. давомида амалга оширилади. Олий ўқув юртлари: Руанда ун-ти (1963 й.да асос солинган), Миллий пед. институти (1966), Тиббиёт ин-ти (1969), Техника коллежи (1959), Иқтисодиёт-статистика ин-ти (1975). Ун-т кутубхонаси, Р. Геология маҳкамасининг кутубхонаси, Бутареда Миллий музей мавжуд. Бир қанча илмий тадқиқот ин-тлари ва марказлари, Р. Маданият академияси ишлайди.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. «Киньяматека», («Газета», киньяруанда ва француз тилларида 2 ҳафтада бир марта чиқадиган газ., 1933 й.дан), «Ревю диалог» («Мулоқот журнали», француз тилида чиқадиган ойлик жур., 1967 й.дан), «Релев» («Ўринбосар», ҳукумат ахборот маҳкамаси томонидан француз тилида чиқариладиган ойлик жур., 1976 й.дан). Р. ахборот агентлиги ҳукумат маҳкамаси бўлиб, 1977 й. ташкил этилган. Р. радиоси (1961 й. ташкил этилган) ва Р. телевидениеси ҳукумат назоратида ишлайди.

Адабиёти оғзаки халқ ижодиёти, айниқса, шеърнятдан бошланган. Турли даврларга мансуб таниқли шоирлари: Магута (17-а.), Багозори, Мусаре, Семидорого (18-а.). Баменья, Бикваванья, Секарама, Муньянганзо (19-а.). Р. нинг ёзма адабиёти 20-а.да вужудга келди. Унинг асосчиси — файласуф социолог А. Кагаме халқ оғзаки ижодиёти намуналарини тўплаган, француз, киньяруанда тилларида илмий асарлар нашр этган ва она тилида достонлар ёзган. Француз тилида ижод қилувчи адиб Ж. С. Найгизикининг «Руанда эскападаси», «Ўттиз ёшимдаги кулфатларим» романлари машҳур. 20-а.нинг охирларида адабиёт майдонига кириб келган адиб Виктория Кантенгва, Агнес Нийонкинда француз тилида, шоир Б. Нкийлинингон киньяруанда тилида ижод қила бошлади. Драматургияси илк ривожланиш босқичида турибди (Ж. С. Найгизикининг «Оптимист» пьесаси ва б.).

Меъморлиги ва амалий санъати. Р. халқларининг асосий турар жойлари айлана тархли, ёғоч синчли, қамиш томли гувалак кулбалардан иборат. Айрим жойларда гиштдан икки нишабли, черепица томли, пешайвонли ва деразали уйлар ҳам қурилган. Фақат Кигали ва Бутаре ш.ларида европача уйлар пайдо бўла бошлади. Бадиий ҳунармандчиликда сават, бўйра, гилам тўқиш ва рўзғор анжомлари ясаш, уларга оқ, қора, қизил гуллар солиш, ёғочсозлик, кулолчилик ривожланган.

Мусиқаси. Мусиқа маданияти хуту ва тутсилар ҳамда тва пигмейлари мусиқасини ўз ичига олади, чолғудан кўра товуш устунлик қилиши унинг ўзига хос хусусиятидир. Қўшиқ турлари хилма-хил — яккахонлик б-н ёки кўпчилик бўлиб айтиладиган қўшиқлар, эркаклар ва аёллар қўшиқлари. Чолғулар орасида торли, шу жумладан, 7—8 торли инанга деб аталган цитра, умудули ёки умунахи, 1 торли инингити скрипкаси, қамиш, бамбук ёки ёғочдан ясалган 2 — 4 тешикли умвиронги, кийик шохидан ясаладиган ихембе флейтаси, 1 мембранали нингараба, 2 мембранали нингана барабанлари, шунингдек, турли қўнғироқ, шақилдоқлар бор. Р. мусиқа маданияти кўп жиҳатдан ўз анъаналарини сақлаб қолган ва унда, умуман, Европа мусиқасининг таъсири жуда кам.

РУББИА (Rubbia) Карло (1934) — итальян физиги. Оралиқ вектор бозонлар (W^+ ва Z^0) — кучсиз ўзаро таъсир квантларини, шунингдек, *t*-кваркни очган амалиётчи гуруҳга раҳбарлик қилган. Нобель мукофоти лауреати (1984; С. ван дер *Мер* б-н ҳамкорликда).

РУБЕНС (Рюбенс; Rubens) Питер Пауэл (1577.28.6, Зиген, Германия — 1640.30.5, Антверпен) — фламанд рассоми, барокко даври фламанд рангтасвири мактабининг асосчиси. 1600—08 й.ларда Италияда яшаб Микеланжело, Рафаэль, Тициан асарларини ўрганган. Антверпенга қайтгач, Р. Фландрия ҳукмдори саройида бош рассом бўлган. Р. ҳаётни унинг ижтимоий кўринишларида акс эттиради; асарларида безак кўлами чекланмаган, композициялар мураккаб ритмга бўйсундирилган, шакллар жўшқин ҳаракатда, кескин ракурсларда тасвирланади, нурсоя кескинлиги кенг қўлланилади. Монументал диний композициялар («Хочни ўрнатиш», тахм. 1610—11; «Хочдан олиш», тахм. 1611—14; Антверпендаги Онзе-ливе-Врауэкерк соборида), портретлар («Изабелла Брант б-н автопортрет», 1609; «Мария Медичи», тахм. 1622—25; «Пўстин», тахм. 1638—40 ва б.), афсонавий лавҳалар («Персей ва Андромеда», «Даҳшатли суд», 1612—40 ва б.), манзаралар («Камалакли манзара», 1632—35; «Қуёш ботишидаги манзара», 1635—40 ва б.) яратган. 1617 й. дан Р. устахонасида унинг эскизлари асосида бир қатор туркум монументал безак асарлар тайёрланган («Мария Медичи тарихи», 1622—25, Лувр ва б.), уларни яратишда Р.нинг шогирдлари — йирик рассомлар (А. Ван Дейк, Я. Йорданс, Ф. Снейдерс ва б.) иштирок этган.

Рубенс. «Елена Фаурмент ва болалари» (1637, Лувр).

Р.нинг нозик кузатишлари, мураккаб безак доглари, чизиқлари ва б. б-н ажралиб турувчи эскиз ва расмлари унинг виртуоз маҳоратини намоён этади. Р. ижоди фламанд ва умуминсон рангтасвири ривожида муҳим роль ўйнаган.

РУБЕРОИД (лот. rubes — қизил ва юн. eidos — ўхшаш) — ўрама (рулонли) картон қоғозга нефть маҳсулотлари (битум)ни шимдириб тайёрланадиган қурилиш материали. Чиламлилигини ошириш мақсадида битум қопламага майда тўлдиргичлар қўшилади, сиртига эса талк, майдаланган слюда ёки йирик донали минерал кукунлар сепилади. Бинокорликда қўлланиладиган Р.нинг стандарт кенглиги — 750, 1000 ва 1025 мм, бир рулони 10 ёки 20 м² бўлади. Р. томга ёпишдан ташқари, биноларнинг ер ости қисмларини намдан муҳофаза қилиш мақсадларида (гидроизоляция материали сифатида) ҳам қўлланилади.

РУБИДИЙ [лот. rubidus — қизил, тўқ қизил (спектрнинг қизил қисми чизиқлари бўйича кашф этилган), лот. Rubidium], Rb — Менделеев даврий системасининг I гуруҳига мансуб кимёвий элемент. Тартиб рақами 37, ат.м. 85,4678. Табиий изотопларининг масса сонлари 85 (72, 15%) ва 87 (27,85%). 10 дан ортиқ сунъий радиоактив изотоплари олинган.

Р. *Бунзен* ва Г. *Кирхгоф* 1861 й.да Германиядаги Дюркгейм минерал сувини спектрал анализ қилиб, Р.ни кашф этганлар. Бунзен 1863 й.да металл Р.ни олишга муваффақ бўлган. Р. бирикмалари табиатда калий бирикмалари б-н бирга учрайди, у Ер пўстининг массаса жиҳатидан $3{,}1\cdot10^{-3}$% ини ташкил қилади. Р. нинг ион радиуси калий ва цезийнинг ион радиусларига яқин бўлганлиги учун бу элемент бирикмалари ўзаро изоморфлир.

Р. суюлтирилган рубидий хлоридни электролиз қилиб олинади. Р. ишқорий металлар жумласига киради. Р. жуда юмшоқ, кумуш ранг — оқ металл. Суюқланиш т-раси 39,5°, қайнаш т-раси 685°, зичлиги 1,248 г/см³. Р. саноатда карналлит ва лепидолитдан ажратиб олинади. Кимёвий жиҳатдан жуда фаол; сув ва кислоталар б-н реакцияга киришганида портлаш юз беради. Бирикмаларида +1 валентли. Кислород б-н рубидий пероксид Rb_2O_2 ва рубидий гипероксид RbO_2 ҳосил қилади. Р.нинг гидроксиди RbOH кучли ишқорлар жумласига киради. Р. жуда кўп элементлар б-н бевосита бирикади. Р. гидрид RbH беқарор бирикма. Унинг нитриди Rb_3N билвосита йўл б-н ҳосил қилинади. Р.нинг Rb_2C_2 таркибли карбиди, Rb_2S таркибли сульфиди бор. Р. баъзи металлар б-н қотишмалар ҳосил қилади. Қиздирилса ёки ёритилса, ўзидан электронлар чиқаради. Металл ҳолатдаги Р. ҳавосиз муҳитда берк идишларда сақланади. Қаттиқ ҳолатдаги Р. гидроксидга озон таъсир эттирилса, жуда кучли оксидловчи Р. озонид RbO_3 ҳосил бўлади. Р. 300°да графит б-н қиздирилганида RbC_8 ва RbC_{16} таркибли Р. графитидлар келиб чиқади.

Р., асосан, кунгузги лампалар ич-да, вакуум техникасида (газоттич) ва б. соҳаларда ишлатилади, поянли ракеталар учун *цезий* каби келажаги порлоқ «ёнилғи» ҳисобланади.

РУБИН (лот. rubinus — қизил) — қ. *Ёқут*.

РУБЛЁВ Андрей (тахм. 1360—1370—1427, баъзи манбаларга кўра, тахм. 1430, Москва; Андроников монастирига дафн этилган) — рус рассоми; Москва рангтасвир мактабининг асосчиси. Киборлар муҳитида тарбияланган. Р. ижоди Москва Руси бадиий анъаналари заминида шаклланган, шунингдек, у Византия ва жан. славянлар бадиий амалиётларини ҳам яхши билган. Р. асарлари фалсафий теранлиги ҳамда бадиий шаклининг мукаммаллиги б-н ажралиб туради; рассом уларда инсоннинг маънавий гўзаллиги ва ахлоқий куч-қудратини янгича талқин этади (Звенигороддаги соборлар учун «Спас», «Ҳаворий Павел», «Архангел Михаил» ва б. иконалари, 14—15-а.лар чегарасида). Р. ижодининг чўққиси «Троица» санами (14-а. охири — 15-а. бошида) ангъанавий библия сюжети кўтаринкилик ва фалсафий мазмун б-н бойитилган. Москва, Владимир ва б. шаҳарлар соборларидаги иконостаслар учун иконалар яратган («Қиёмат куни» ва б.).

РУБЛЬ — Россия Федерацияси пул бирлиги. 1992 й.дан муомалага киритилган. 1₽. = 100 копейка. Халқаро ифодаси RUR. Халқаро валюталар курси бўйича 1 АҚШ доллари = 34,04 ₽. (2004, 20 янв.).

₽. 1917 й.даги Октябрь тўнтаришига қадар Россия империяси, 1919—91 й.ларда собиқ СССР (шу жумладан, 1924—91 й.ларда Ўзбекистон)да амалда бўлган. «₽.» атамаси 13-а.да Новгородда гривна [уз. 20 см, оғирлиги 200 г га яқин бўлган кумуш қуймасининг кесилган (русча «рубленный»)] ярим бўлаги номи тарзида пайдо бўлди. 1704 й. дан бошлаб мунтазам ҳолда вазни 28 г бўлган кумуш ₽.лар зарб қилина бошланди, шунингдек, мис ва олтин ₽.лар ҳам зарб қилиниши давом этди. 1843 й.дан эса ₽. давлат хазинасининг қоғоз билетлари кўринишида чиқарила бошланди. 1897 й.га келиб олтин ₽. асосий пул бирлигига айланди ва 1914 й.гача муомалада бўлди.

Дастлабки Совет ₽. 1919 й.да кредит билети, инфляция чиқарилган. *Собик*

Иттифоқ даврида ₽. банкноталари бутун мамлакат миқёсида ягона пул бирлиги сифатида тўлиқ амал қилган. Ўша даврда ₽. Ўзбекистон Республикасининг ҳам расмий пул бирлиги бўлган ва унинг ҳудудида «сўм» деб номланган. СССР мустақил давлатларга бўлиниб кетганидан сўнг ₽. Россия Федерациясининг *миллий валютаси* сифатида сақланиб қолди. 2) Белоруссия Республикаси пул бирлиги. 1992 й.да муомалага киритилган. 1₽. = 100 копейка. Халқаро ифодаси — BYR. Халқаро валюталар курси бўйича 1 АҚШ доллари = 2042 ₽. (2003, май).

Ашур Қодиров.

РУБОБ (араб.) — торли чолғу мусиқа асбоби. Ноҳун (медиатор) б-н чертиб чалинади. Ўрта асрдан Шарқ (Эрон, Афғонистон, Ўрта Осиё) халқларида кенг тарқалган. Баъзи олимлар фикрига кўра, қад. 2 торли камонли ребабдан замонавий скрипка юзага келган. Ҳозир, асосан, 3 хили маълум: қашқар Р.и, афғон (ёки бухоро) Р.и ва помир Р.и.

Қашқар рубоби нинг уз. 80—100 см, чўмичсимон косаси тут ва б. қаттиқ дарахт гўлачаларидан ўйиб ясалади ва устига тери қопланади. Дастаси узун, учи орқасига қайрилган бўлиб, косадан бошланадиган жойида қўчқор шохига ўхшаш 2 та гажаги мавжуд. Дас-ташлаш пардалари (19 талаи 23 гача, олдини ичакдан, ҳозир металлдан қилинади) хроматик товушқаторини ташкил қилади. Қашқар Р. нинг 5 та тори, одатда, кварта-квинта оралиғида созланади. Диапазони 3 октавага яқин. Товуши жарангдор. Ижрочиликни ўзлаштириш бирмунча енгиллиги, моҳир Р.чи — созандалар (М. *Мирзаев* ва б.)нинг етишиб чиқиши бу сознинг 1940-й.лардан Ўзбекистон ва Тожикистонда ҳаваскор ва профессионал созандалар орасида оммавийлашувига сабаб бўлган. Қашқар Р.нинг қайта ишланган замонавий тури Р.-прима ўз имкониятлари б-н рус домрасига яқин, 4 металл тори квинта оралиғида созланади. Оркестрда ва якка соз сифатида ишлатилади.

Ўзбек бастакорларидан М. Мирзаев, созандаларидан А. Бобохонов, Н. Қулабдуллаев, композиторлардан И. Ҳамроев, М. Бафоев ва б. қашқар Р.и учун турли жанрларда асарлар яратишган.

Афғон рубоби нинг дастаси калта (8—10 см), учи бир оз қайрилган. Резонатори ниҳоятда катта (кенглиги 20 см гача, чуқ. 30 см гача, умумий уз. 80 см гача). Корпуси б-н дастаси бир бутун ёғоч бўлагидан ўйиб ишланади. Корпусининг ўрта қисмининг 2 ёни ўйилган. Пастки қисми тери б-н, юқориси тахтача б-н қопланади. Дастасига, одатда, 4—5 та асосий парда, тахта қопламасига 6—7 та қўшимча хас-

1-қашқар; *2*-помир, *3*-афғон рубоблари.

пардалар ўрнатилади. Квартага созланадиган 5 та асосий торлан ташқари, ён қулоқларга тортилган 10—11 ёрдамчи (акс садо берувчи) торлари бор. 2 октава диапазонидаги диатоник товушқаторига эга. Асосан, профессионал созандалар томонидан якка соз сифатида ва турли ансамбллар таркибида қўлланилади.

Помир рубобининг косаси қашқар Р.идан бир оз каттароқ, дастаси калтароқ ва йўғонроқ бўлиб, унга парда-дар боғланмайди. Дастаси косаси б-н бир бутун ёғоч бўлагидан йўнилади. Косасининг пастки қисми юпқа тахтача б-н беркитилади. Кварта-квинта оралиғида созланадиган 5 та асосий торларидан ташқари ён қулоққа боғланадиган тори бўлади. У баланд созланиб, маълум тасвирий восита сифатида фойдаланилади.

РУБОИЙ (араб. — тўртлик) — Шарқ халқлари шеъриятида кенг тарқалган поэтик жанр. Тайин ғоявий-бадиий ва шаклий шартларга биноан яратилган 4 мисрадан иборат фалсафий, ахлоқий, таълимий ёки ишқий мавзудаги шеър. Р. ҳазаж баҳрида (ахрам ва ахраб вазнларида жами 24 та) ёзилади. Бошқа баҳрларда ёзилган тўртликлар дурона деб аталади. Р. қофияланиш тартибига кўра икки хил бўлади. Биринчи хил Р.ларнинг 1—2—4-мисралари ўзаро қофияланади (аааа шаклида). Мас.:

Кўнглим бериким ёру диёрим йўқтур,
Бир лаҳзау бир нафас қарорим йўқтур.
Келдим бе сори ўз ихтиёрим бирла,
Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур.
Бобур.

Иккинчи хил Р. да тўртала мисраси ҳам қофияланади (аааа шаклида). Мас.:

Андин берким қошимда ёрим йўқтур,
Ҳижронда жуз нолаи зорим йўқтур.
Дашт узра қуюн каби қарорим йўқтур,
Сарғашталикимда истиёрим йўқтур.
Навоий.

Р.даги 4 унсур 4 мисрада айтилмоқчи бўлган фикрнинг тўғри, бадиий юксак, композицион жиҳатдан пишиқ бўлишини таъминлайди. 1-мисра — тезисда шоир айтмоқчи бўлган фикр ўртага ташланади; 2-мисра — антитезисда биринчисига қарама-қарши фикр айтилади, бироқ у тезисни исботига хизмат қилади; 3-мисра — моддан рубоий 4-мисрада айтилмоқчи бўлган хулоса учун кўприк вазифасини ўтайди; 4-мисра — синтезда аввалги 3 мисрадан ғоявий хулоса чиқарилади, бу шоирнинг асосий ғояси ҳисобланади.

Р. шаклидаги шеърлар халқ оғзаки ижодида пайдо бўлган, намуналари «Девону луғотит турк»да учрайди. Дастлабки Р.ларни Рудакий ва Шаҳиди Балхий яратган. Бадриддин ал-Қавомий (12-а.) араб, форс ва туркий тилларида Р. ёзган. А. Руний, С. Салмон, Ибн Сино, Умар Хайём ва бошқалар Р.нинг моҳияти ва услуб жиҳатдан юксак намуналарини ижод қилганлар. Навоий ижодида эса юқори босқичга кўтарилган. Навоий Р.ларида ҳаётий таассурот, ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-ахлоқий мулоҳазалар юксак бадиий шаклда ўз ифодасини топган. Кейинроқ Бобур бу жанрни ривожлантирган. 19-а.да Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмий ва бошқалар Р.нинг гўзал намуналарини яратганлар. Ҳоз. давр ўзбек адабиётида Шайхзода, Шуҳрат, Рамз Бобожон, Толиб Йўлдош каби шоирлар Р. ёзганлар. Бироқ уларнинг баъзилари Р. вазнида ёзилмаганлиги учун дубайтий ёки тўртлик деб аталади.

Ад.: Орзибеков Р., Лирикада кичик жанрлар, Т., 1976; Носиров О., Жамолов С., Зиёвиддинов М., Ўзбек классик шеърияти жанрлари, Т., 1979; Ҳаққулов И., Ўзбек адабиётида рубоий, Т., 1981.

Бегали Қосимов.

РУБРУК, Рубруквис Виллем (1215 ва 1220 й.лар ораси — 1293) — фламанд сайёҳи, роҳиб. 1253—55 й.ларда француз қироли Людовик IX томонидан Мўғулистонга юборилган элчиларга раҳбарлик қилган. Р. Франциядан Фаластинга йўл олган, сўнгра Константинополь, Қрим, Дон даштлари, Ўрта Осиё, Марказий Мўғулистондан ўтиб 1254 й. Қорақурум ш.га етиб борган; қайтишда Кавказ ва Кичик Осиёда бўлган. Р.нинг ўз саёҳати ҳақидаги ҳисоботида у босиб ўтган мамлакатлар тарихи, этн. ва геогр.си ҳақида қимматли маълумотлар бор.

Ас.: Путешествие в Восточные страны, М., 1957.

РУБЦОВСК — РФ Олтой ўлкасидаги шаҳар (1927 й.дан). Алей дарёси бўйида. Т.й. станцияси. Аҳолиси 165,1 минг киши (1998). Р. — қ.х. машинасозлигининг йирик маркази. «Алтайтрактор», «Ад-

тайсельмаш» машинасозлик з-длари ва б. ишлаб турибди. Озиқ-овқат, енгил саноатлари мавжуд. Драма театри, телемарказ фаолият кўрсатади.

РУБЪ УЛ-ХОЛИ, ар-Рубъ ул-Холи [араб. — чорак саҳон ер (ярим оролга нисбатан)] — Арабистон я.о.нинг жан.-шарқий қисмидаги қумли чўл. Ярим оролнинг ғарбий, жан. ва шарқий соҳиллари бўйлаб чўзилган тоглар оралиғидаги тектоник ботиқда. Майд. 650 минг км² (Ер юзидаги энг йирик чўллардан бири). Ер юзаси текис, баландлиги шарқий қисмида 100—200 м, ғарбида 500—1000 м. Ҳудудининг 80% кўчма қум барханлари, жўяк ва уюмлардан иборат. Шарқида кенг шўрхоклар, қум майдонлари оралиғида тошлоқлар бор. Йиллик ёғин 50 мм дан кам, бир неча йиллар умуман ёғмаслиги мумкин. Доимий оқар сувлари йўқ, грунт суви жуда чуқур. Ўсимликлар (янтоқ, шўра ва б.) пастқам жойларда ўсади. Аҳолиси, асосан, кўчманчи арабlар. Туя боқилади. Чўлнинг чеккаларида аҳён-аҳёнда воҳалар учрайди.

РУБЪИ МАСКУН (араб. — аҳоли яшайдиган чорак ер) — юнон ва ўрта аср Шарқ фанида мавжуд тарихий-географик тушунча. Қад. юнон олимлари ернинг улар тасаввуридаги аҳоли яшайдиган обод қисмини «эйкумена» ёки «ойкумена» (юнончa «ойкео» — обод қилмоқ) деб атаганлар. Ўрта асрларда Араб халифалигида мазкур географик тушунча юнон илмий алабиётининг арабча таржималари орқали «маъмура» — обод (ерлар) ва Р.м. шаклларида Шарқ геогр.сига ҳам ўтди. Р.м. тушунчасининг ишлатилиш сабаби шуки, юнон олимлари ер юзини тўрт чоракка бўлганлар ва шундан бир чораги обод, яъни одамлар яшаши учун яроқли, қолган учта чоракни эса, одатда сув деб тахмин қилганлар. Шарқ фанидаги «маъмура» ёки Р.м.ни юнон фанидаги «ойкумена» б-н айнан бир хил деб бўлмайди. Зеро, тарихий тараққиёт жараёнида географик тасаввурлар ойдинлаша бориб, ернинг обод қисми ҳақидаги тушунчага ҳам талайгина аниқликлар киритилган. Кейинги даврда мазкур тушунча янада бойиб борди. *Беруний* Р.м. тушунчасига жилдий ўзгариш киритган ва «Ҳиндистон» асарида қолган чораклардан ҳам қуруқлик бўлиши мумкинлигини таъкидлаган. Беруний қайд этган ғарбдаги қуруқлик алоҳида қитъа (Америка) эканлиги Х. Колумб саёҳатидан сўнг амалда тасдиқланди (яна қ. *Етти иқлим*).

Отажонов Бўрибой.

РУДА — таркибида металл ёки унинг бирикмалари кўп миқдорда бўлган табиий минерал ҳосилалар. Баъзан нометалл минерал хом ашёлар (асбест, барит, графит, олтингугурт) ҳам Р. деб юритилади. Р. табиий бой ва камбағал турларга ажратилади, шунга қараб уни бойитиш зарурлиги белгиланади. Р. бир фойдали минерали — мономинерал ёки кўп фойдали минерали — полиминерал, жумладан, таркибида саноат аҳамиятига эга бўлмаган (яъни кам миқдорли) минераллар ҳам бўлади. Таркибида фойдали йўлдоши минераллар (компонентлар) бўлганлари комплекс Р.лар деб юритилади. Р.нинг таркибида бўлган минераллар миқдорига қараб силикатли, оксидли, сульфидли, карбонатли ва аралаш турлари фарқ қилинади. Барча туб чўкинди, магматик ва метаморфик тог жинслари таркибида бўлган Р.лар туб Р.лар дейилади; ларё, кўл, денгиз ва океан чўкиндиларидан олинадиганлари сочма Р. деб юритилади. Қазиб олиш ва қайта ишлаш учун Р.ларнинг қатор хоссалари аҳамиятга эга: қаттиқлиги, дарзлилиги, ҳажмий оғирлиги, эриш ҳарорати, магнит ва электромагнитлиги, электр ўтказувчанлиги, радиоактивлиги, эриш ва сорбцион хусусиятлари, гранулометрик таркиби ва б. Бир жойда жойлашиб, атрофлари эса бошқа тог жинсларидан иборат уюм Р. танаси (жисм) деб аталади ва у турли (япалоқ, штокверк, томирсимон) шаклларга эга. Яқин жойлашган бир неча Р. таналари Р. майдони ёки конини ҳосил қилади, Р. кони битта Р. танасидан иборат бўлиши ҳам мумкин. Р. конлари қора (темир, марганец, хром, титан, ванадий), рангли (мис, кўргошин, рух, никель, сурма), енгил (алюминий), ноёб (қалай, вольфрам, молибден, симоб, берилий, литий, тантал, ниобий), асл (олтин, платина, кумуш), радиоактив (уран, торий, радий), тарқоқ (актиний, гафний, галлий, германий, индий, кадмий, протактиний, рений, рубидий, селен, скандий, таллий, теллур, цезий ва б.) ва нодир металлар конларига ажратилади.

Бир неча Р. конлари катта масофага чўзилиб жойлашганда рудали минтақа деб номланади. Мас., Американинг Буюк кумушли минтақаси Мексикадан Перу ва Боливиягача давом этган, Марказий Африканинг мисли минтақаси Замбия ва Конго Демократик Республикасида 450 км масофага чўзилиб, 150 дан ортиқ мис конларини қамраб олган; Жан. Американинг мисли минтақаси 4 минг км га чўзилиб, Колумбия, Эквадор, Перу, Аргентина, Чили мамлакатларида жойлашган Р. конларидан иборат. География ва геологик жиҳатдан алоҳида ажралиб турган якка ёки бир неча Р.ли формацияларга эга бўлган минтақа Р.ли район деб аталади (мас., Фарғона сурма-симоб р-ни, Ангрен-Олмалиқ р-ни, Қизилқум олтин Р.ли райони).

РУДАКИЙ Абу Абдулло Жаъфар (858, ҳоз. Тожикистон Республикаси Панжакент тумани Панжрудак қишлоғи — 941) — форс-тожик шоири. Форс-тожик шеъриятн асосчиларидан бири. Ёшлигидан шеърият ва мусиқага ихлос қўйган, адабиётни, араб тилини ўрганган. Замонасининг машҳур чолғучиси Абул Аббос Бахтиёрдан мусиқа бўйича таълим олган; барбат, чанг, уд, руд каби чолғу асбобларини чалиш-

ни ўрганган. Р.нинг шеърият ва мусиқадаги маҳоратини эшитган Бухоро ҳокими *Наср ибн Аҳмад* Сомоний уни саройга таклиф этган. Р. Бухорода вазир Абул Фазл Балъамий ҳомийлигида ижод қилиб, санъатда катта обрў қозонган. Р. 40 йил саройда шоирларга бошчилик қилган. Унинг туғма кўр бўлганлиги ҳақида нақллар бор. Аслида саройдаги ғийбат ва фитналар туфайли душманлари Р.нинг кўзларига мил тортиб кўр қилган, мол-мулкини талаб, ўзини Бухородан баларга қилишга эришганлар. Қариган чоғида Р. ўз қишлоғига қайтиб, фақирликда умр кечирган.

Манбаларда Р. шеърияти 100 000 байтдан иборатлиги қайд этилган. Лекин бизга қадар унинг 1000 байт асари (2 қасида, 50 рубоий, шеър ва достонлари) етиб келган. Р. Моваро-уннаҳрда ўз шеърларидан девон тузган илк шоир ҳисобланади. «Бўи жўи Мўлиён ояд ҳаме» («Мўлиён ариғининг иси келмоқдадир») мисраси б-н бошланадиган газали унга шавқолодда шуҳрат келтирган. Унга 120 шоир тазмин битган, лекин бирортаси Р. даражасига кўтарила олмаган. «Модари май» («Майнинг онаси») қасидаси ҳам машҳур. Р. форс-тожик шеъриятининг деярли барча шаклларини ишлаб берган. Шеърлари газал, рубоий, қасида, мадҳия, марсия, панд-насиҳат, ҳажв, ҳазл, мазаммат, ҳажв ҳамда чистон жанрларида ёзилган. «Синдбоднома» (933), «Қариликдан шикоят» автобиографик асарлари тўла ҳолда, «Калила ва Димна», «Даврони фалак» ва б. бир неча маснавийларидан парчалар етиб келган. Қад. манбаларда Р.нинг «Ароиснан-нафоис» («Нафис кўргазмалар») достони бўлганлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Р. ва унинг издошлари форсий шеъриятда бир неча аср ҳукмронлик қилган Хуросон (ёки Туркистон) услубига асос солиб, уни ривожлантирганлар.

Р. арузни чуқур ўрганиб, уни халқ орасида кенг тарқалган қўшиқларга татбиқ қилиш натижасида 9 та янги вазнлар каниф этган. Уларнинг кўпчилиги халқ қўшиқларининг бармоқ вазнлари асосида тузилган. Р. рубоийлари жанрининг барча талабларига жавоб берадиган дастлабки рубоийлардир.

Дунёнинг тузилиши, ҳаёт ҳодисалари, инсон феъл-атвори, хатти-ҳаракатлари ҳақида фалсафий хулосалар чиқариш, панд-насиҳат шоир шеъриятининг етакчи хусусияти ҳисобланади. Р. ишқу муҳаббатни ҳам баланд парвозларда куйлаган, дунёвий севгини улуғлаган. У пейзаж лирикасининг ҳам устозларидан. Дунё, замон, инсон маънавуси, турли иллатлардан шикоят мотивлари ҳам Р. ижодида, хусусан, умрининг охирида яратган шеърларида кўп учрайди. Шеърлари Мунирхон Мунизода (1957) ва Ш. Шомуҳамедов (1988, 1994) томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. Шоир ҳақида «Рудакий» драмаси ва «Шоирнинг қисмати» кинофильми яратилган. Р. номида Тожикистон Давлат мукофоти таъсис этилган.

Ас.: Рудакий, Т., 1957; Инжулар уммони, Т., 1988.

Ад., Абдураҳмон Жомий, Баҳористон, Т., 1997; Давлатшоҳ Самарқандий, Шоирлар бўстони, Т., 1981; Айний С., Асарлар, 8-ж., Т., 1967; Шомуҳамедов Ш., Одамийлик нишоси, Т., 1984.

Эргаш Очилов.

РУДАКОВ Григорий Михайлович (1925.25.9, Қарши —1991.21.1, Тошкент) — муҳандис-механик, Ўзбекистон хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1975), ВАСХНИЛ акад. (1972), проф. (1970). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор (1964). Тошкент ирригация ва қ.х.ни механизация-лаш муҳандислари ин-тини тугатган (1950). Ўрта Осиё қ.х.ни механизациялаш ва электрлаштириш и.т. ин-ти лаб. раҳбари, бўлим мудири, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари (1953—72 ва 1975 дан); ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими акад.-секретари (1972—75), президиум аъзоси (1975 дан). Р. ишлари янги қх. машиналарини яратиш ва жорий қилиш, тупроқни ишлаш технологияси, ўғит ва гербицидларни қўллаш, пахтачиликда машиналар системасини ишлаб чиқиш ва прогнозлаш масалаларига бағишланган.

Ас.: Механизация хлопководства, М., 1975; Зональная система машин для комплексной механизации растениеводства в Среднеазиатском регионе, кн. 1—2, Т., 1982.

РУДАЛАРНИ БОЙИТИШ — фойдали минералларни кераксиз тог жинслари (қум, оҳактош ва б.)дан тозалаш. Махсус цехлар ва бойитиш фабрикаларида бажарилади. Табиий рудалардан бевосита фойдали компонентларни ажратиб олиш кўпинча иқтисодий самара бермайди ва ажсари ҳолларда техник жиҳатдан мумкин эмас. Шунинг учун металлургия, кимё ва б. саноат жараёнлари фойдали компонентлар — ўз-н бойитилган махсус маҳсулотлар — концентратлар ни қайта ишлашга асосланган. Мас., кўргошин рудасидаги кўргошин 1,5% ни ташкил этиши мумкин, металлургия шароитида эритиш учун эса рудадаги кўргошин миқдори 30-70% бўлиши зарур ва ҳ. к. Р. б. натижасида руда концентрат ва дезярли кераксиз тог жинсларидан иборат чиқиндига ажралади. Р.б. фойдали компонентлар миқдори (концентрацияси) ундан бир неча юз баробаргача ортади. Мас., таркибида 0,1% молибден бўлган руда бойитилиб, 50 фоизли концен-трат олинади.

Р.б.да аввал руда маълум даражада майдаланади, сараланади, физик-кимёвий жиҳатдан бойитилади. Физик-кимёвий бойитишнинг гравитацион, магнит, электростатик, қизидириш, флотацион ҳамда майда-йириклиги, шакли бўйича саралаш ва б. усуллари бор.

РУДАЛИ ТОҒЛАР, Крушне-Гори — Европадаги тоғлар, Чехия тог массивининг шим.-ғарбий чеккаси. Уз. 150 км. Энг баланд жойи 1244 м. Гнейс, гранит, филлит, слюдали сланец жинс-ларидан тузилган. 800—900 м гача баландликдаги ён бағирлари аралаш ўрмонлар, қия, тўлқинсимон тог тепалари ўтлоқлар б-н қопланган. Вольфрам, висмут, рух ва б. металл рудалари топилган (нови ҳам шундан). Иссиқ бузоқлар бор. Қишки спорт мусобақалари ўтказилади. Иқлимий ва бальнеологик курортлар кўп.

РУДЕРАЛ ЎСИМЛИКЛАР, ўсиш-ривожланиши учун зарур бўлган органик моддаларни ахлат тўпланган, ташландиқ ерлардан олувчи ўсимликлар. Р.ў. ўсимликларга ёввойи ўтлар, ёввойи сабзавот ва полиз экинлари киради. Р.ў. ўсимликлар ўсимлик қопламининг ажралиб чиқиши ва ўзгаришида муҳим роль ўйнайди. Р.ў. ўсимликлар ўсимлик қопламининг ажралиб чиқиши ва ўзгаришида муҳим роль ўйнайди.

Улар ғўзанинг ибтидоий (примитив) шаклларидан ўсиш жойининг ўзгариши натижасида пайдо бўлган. Р.г. толаси юқори сифатли (кўпинча оқ), барглари ва чигитлари йирик бўлиб, одамлар яшайдиган жойларга яқин ерларда ярим ёввойи ҳолда ўсаверади. Ҳар бир маданийлаштирилган ғўза турининг ўзига хос рудерал шакллари мавжуд (мексика ғўзасида ноқтали ғўза кенжа тури, африка-осиё ғўзасида соҳта арбореум кенжа тури ва ҳ.к.).

Рудерал ғўзалар. Ява оролида ўсадиган нусхаси — Gossypiym hirsutum L., ssp. Punctatum (Schum. et Thonn.) Mauer: *1*-новда; *2*-гул; *3*-кўсаги; *4*-очилган пахтаси; *5*-чаноги.

Барча Р.г. полиморфизмнинг маълум даражада ўзгарувчанлиги, тезпишарлиги, чигитининг тукланиши, катта-кичиклиги, барги ҳамда кўсагининг шакли ва ҳ.к. б-н ажралиб туради. Р.г. орасида амалий селекция учун қимматли шакллари мавжуд, мас., мексика ғўзасининг Норі (Хопи) шакли чигитида госсипол моддаси кам янги ғўза навларини яратишда асос бўлиб хизмат қилган.

Абдумажид Абдуллаев.

РУДЗУТАК Ян Эрнестович [1887.3 (15).8, Курляндия губернияси Гольдингенск уезди (ҳоз. Латвия) — 1938.28.7, Москва] — Туркистонда большевикча режимни мустаҳкамлашда қатнашган совет сиёсатчиларидан бири. РКП (б) МК Туркбюро раиси (1921 й. март—окт.), РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси раиси (1922—23), РКП(б) МК котиби (1923 й. апр. — 1924 й. май). Г.К.*Орджоникидзе* б-н биргаликда Туркбюро ўрнида Ўрта Осиё бюроси (Средазбюро) тузилишининг ташаббускори. Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) ҳукумати таркибидан миллий раҳбар ходимларни чиқарган ва Бухородан сургун қилдирган (1923 й. июнь). БХСР ва ХХСР ни советлаштириш жараёнига раҳбарлик қилган. Кейинчалик СССР темир йўллар халқ комиссари (1924—30), СССР ХКС ҳамда СССР

Меҳнат ва мудофаа кенгаши раисининг ўринбосари (1926—37). Совет режимига садоқат б-н хизмат қилса ҳам қамоққа олинган (1937 й. 24 май) ва отиб ташланган.

РУДИМЕНТЛАР (лот. rudimentum — муртак, негиз), рудимент органлар — филогенез жараёнида организмда ўз аҳамиятини йўқотган, аждодлар ва яқин турлардагига нисбатан соддалашган, кам ривожланган органлар. Р. эмбрионал ривожланиш даврида шакллана бошлаб, тўла-тўкис ривожланмайди. Р.га қушларнинг кичик болдир суяги, горда ва тупроқ ичида яшовчи ҳайвонлар (протей, кўрсичқон)нинг кўзлари, китсимонларнинг жун қопламаси ва чаноқ суяклари қолдиқлари, одамнинг дум умуртқалари, танадаги жунлари, қулоқ мускуллари, *аппендикс* ўсимтаси ва б. мисол бўла олади.

РУДНИЙ — Қозоғистон Республикаси Қўстанай вилоятидаги шаҳар. Тобол дарёси (Обь ҳавзаси) чап соҳилида. Т.й. станцияси (Железорудная). Қўстанайдан 50 км жан.-ғарбда жойлашган. Аҳолиси 109,5 минг киши (1999; 1975 й. 107 минг киши, 1959 й., 33 минг киши). 1957 й.да темир руда кони ишга туширилиши ва Соколовск-Сарбайск кон бойитиш к-тининг ишга туширилиши муносабати б-н вужудга келган. Кимё толаси з-ди, озиқ-овқат саноати корхоналари, индустриал ин-ти бор.

РУДОЛЬФ ОРОЛИ, Рудольф Ери — Франц Иосиф Ери архипелагидаги энг шим. орол (РФ Архангельск вилояти таркибида). Асосан, қумтош ва базальтдан таркиб топган. Майд. 297 км²га яқин. Деярли бутунлай муз б-н қопланиб ётади. 1936 й.дан Қутб станцияси бор. Тадқиқотчи Ю. Пайер томонидан Австрия валиаҳди номига қўйилган. Бир неча бор Шим. қутбга борувчи экспедицияларнинг базаси сифатида фойдаланилган.

РУЖИЧКА (Ruzicka) Леопольд (Лавослав) Стефан (1887.13.9 — Вуковар, Югославия — 1976.26.9) — швейцариялик органик-кимёгар. 1912—25 ва 1929—57 й.ларда Цюрихдаги Олий техника мактабида ишлаган. Утрехт университети (Голландия) проф. (1929). Асосий илмий ишлари алициклик (полиметилен), хусусан, терпеноид бирикмаларнинг тузилиши ва биосинтезини ўрганишга оид. Ҳалқасида 8 тадан 34 тагача углерод атомлари тутган алициклик кетонларни синтез қилган (1920—34). Сантонин (1930) ва абиетин кислотанинг (1932) тузилишини аниқлаган. Илк бор холестерин асосида андростерон (1934) ва тестостерон (1935, А.Ф. Бутенандт б-н бир вақтда) гормонларини синтез қилган. Нобель мукофоти лауреати (1939).

РУЗВЕЛЬТ (Roosevelt) Теодор (1858.27.10, Нью-Йорк — 1919.6.1, Сагамор-Хилл, Ойстер-Бей, Нью-Йорк штати) — АҚШнинг 26-президенти (1901—09); Республикачилар партиясидан. Лотин Америкасига нисбатан босқинчилик сиёсати олиб борган («катта тўқмоқ» сиёсати, 1906—09 й.ларда Кубани оккупация қилиниши, Панама канали зонасининг эгаллаб олиниши ва б.). 1904—05 й.лардаги рус-япон уруши даврида Р. ҳукумати Японияни қўллаб-қувватлаган. Портсмут сулҳини имзоланишидаги хизматлари туфайли халқаро Нобель тинчлик мукофотини олган (1906).

РУЗВЕЛЬТ (Roosevelt) Франклин Делано (1882.30.1, Хайд-Парк, Нью-Йорк штати — 1945.12.4, Уорм-Спрингс, Жоржия штати) — АҚШнинг 32-президенти (1933—45). Демократлар партиясидан (4 марта президентликка сайланган). Гарвард ва Колумбия ун-тларини тугатган. Нью-Йорк штати губернатори (1928 й.дан), ҳуқуқ-шунос. Р. ижтимоий соҳада меҳнаткаш омма манфаатини кўзлаб бир неча ислоҳотлар ўтказган («Янги курс»). 2-жаҳон уруши бошланғач, фашистлар Германиясига қарши бўлган Буюк Британия, Франция ва СССР ни қўллаб-қувватлаш (1941 й. июндан) тарафдори, гитлерчиларга қарши коалицияни тузишда муҳим ҳисса қўшган. БМТни тузишга ва урушдан кейинги халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга катта аҳамият берган.

РУКН (араб. — асос, устун) — 1) *арузда* қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқ ҳижо (бўтин)ларнинг мисраларда муайян тартибда гуруҳланиб такрорланиши. Р.лар жузв(қисм)лардан, жузвлар эса қисқа-чўзиқлик сифатларига эга бўлган ҳижолардан иборат бўлади. Р.лардан вазнлар ҳосил бўлади. Муайян шеър вазнини аниқлашда байтдаги ҳижоларнинг қисқа (V), чўзиқ (—) ёки ўта чўзиқ (— V ёки –) эканлиги тегишли белгилар б-н чизиб кўрсатилади (қ. *Аруз*); 2) газета, журнал ва ш.к.да бирор бўлимнинг, умумлаштирувчи мавзунинг сарлавҳаси; рубрика.

РУКН — исломда энг муҳим саналган 5 та вазифа. Унга *калимаи шаҳодат, намоз, закот, рўза* ва *ҳаж* ибодатлари киради. Р. талабларини бажариш исломда ҳар бир мусулмон учун фарз ҳисобланади. Лекин баъзи истисно ҳолатларда бу мажбурият имкондан соқит бўлади. Мас., бойлиги шариат белгилаган маълум миқдор (нисобга етмаган киши закот бермайди ёки имкони бўлмаган мусулмон учун ҳаж ибодатини амалга ошириш шарт ҳисобланмайди.

РУКНИДДИН САМАРҚАНДИЙ. Абу Ҳомид Муҳаммад ал-Амидий (? — 1218.15.9, Бухоро) — файласуф олим, диний арбоб. Бир неча вақт Ҳиндистонга кетиб султон Алоуддин Мардон I (ҳукмронлик даври 1208—1211) ҳузурида Бенгалиянинг пойтахти Лаҳнати Ғаврда қозилик қилган. Умрининг кейинги қисми Бухорода ўтган. Р.С. диалектика соҳасида бир қанча асарлар ёзган. Унинг араб тилида ёзилган «Иршод фи илм ал-хилоф ва-л-жадал» («Ихтилоф ва диалектика учун қўлланма»), «ан-Нафоис фи-л-жадал» («Диалектика ҳақида нафис фикрлар») асарлари Шарқда машҳур бўлган. Ҳожи Халифанинг ёзишича, Р.С. диалектика бўйича биринчи бўлиб асар ёзган олим ҳисобланиб, Шарқда унинг китобларига кўплаб шарҳлар битилган.

Ад.: Абдуллаев И., Ҳикматуллаев Ҳ., Самарқандлик олимлар, Т., 1969.

РУКНИДДИН ҒУРСАНЧТИ (тахм. 1206—1222) — *Муҳаммад* Хоразмшоҳнинг ўғли. Отаси унга Ироқ вилоятини бошқаришни топширган. Хоразмшоҳ Муҳаммад Ғур вилояти босиб олинганлиги шарафига унга «Ғурсанчти» номини берган. У ҳусниҳат соҳиби бўлиб, ўсмирлик чоғидаёқ Қуръони каримни ўз қўли б-н қайта кўчирган. Р.Ғ. олийҳиммат, адолатли бўлган. Мўғуллар истилоси даврида Р. Ғ. *Субутой баҳодир* ва *Жебе нўён* қўшинларидан қочаётган отасига ёрдам бериш учун 30 минглик қўшин б-н Ғаррозин қалъаси яқинида пешвоз чиққан, сўнгра уни Қорун, Саржаҳон қалъаларигача кузатиб борган. Р.Ғ. Исфаҳон ноиби Жамолиддин Муҳаммад ибн Ой-Оба исёнини бостириш б-н банд бўлиб турганида унга қарши мўғуллар қўшини келаётганидан хабар топган. Р.Ғ. Устунаванд қалъасига ўрнашиб олган. Мўғуллар қалъани қамал қилиб эгаллашган ва Р.Ғ.ни қатл этишган.

Ад.: Шихаб ад-Дин Муҳаммад ан-Насавий. Жизнеописание Султана Джалал ад-Дина Манкбурны. Баку, 1973; Ануштагин хоразмшоҳлар давлати (1097—1231). Т., 1980.

РУЛЬ (голландча — roer) — кема, учиш аппарати ва рельссиз тилдиракли машиналарни бошқариш қурилмаси: 1) кема рули — вертикал ўқ атрофида айланадиган суйри пластина. Кемани курсда ушлаб туриш ва сузиб кетаётган пайтда буриш учун хизмат қилади. Кеманинг қуйрутига (баъзан, олд қисмига) ўрнатилади. Сув оқими кемаларида бундан вертикал Р.дан ташқари кеманинг тумшуғи ва қуйрутида горизонтал Р.лар ҳам бўлади; 2) учиш аппарати рули — ҳаво ва газ Р.ларига бўлинади. Ҳаво рули — ҳавода аэродинамик куч ва аэродинамик момент ҳосил қилиб, учиш аппаратини бошқарадиган ҳаракатланувчи сирт. Газ рули — газ оқими вужудга келтирадиган тортиш кучи йўналишини ўзгартирадиган қурилма. Учиш давомида ҳаво рули иш бермаган жойларда газ рули ишлатилади. У газ оқимининг тортиш кучи йўналишини ўзгартирадиган пластиналардан иборат бўлиши, ҳатто мураккаб сопло аппаратини ташкил этиши мумкин. Тик кўтарилаётган ва қўнаётган самолётларда газ рули кўтарилиш ва қўниш режимларида, ракета ва космик кемаларда эса учишнинг бош участкаларида ва ҳавосиз бўшлиқда ишлатилади; 3) рельссиз тилдиракли машиналар (автомобиль, трактор ва б.) да рулни бошқариш (йўналишни ўзгартириш механизми)нинг бураш элементи.

РУМ — қадимда айрим Шарқ мамлакатларида Римнинг, кейинчалик Рим империясининг кенг тарқалган номи. Рим империясининг бўлинишидан кейин (мил. 4-а.) Р. номи фақат *Византия*га нисбатан ишлатилган. Кичик Осиё салжуқийлар томонидан босиб олингач даврда Р. номи б-н аталган (шундан Салжуқийлар ёки *Кўния султонлиги*нинг бошқа номи — Рум султонлиги олинган). Усмонли туркlар Византияни босиб олгач, Болқон я.о.даги вилоят шу ном б-н атала бошлаган (қ. *Румелия*).

РУМБ (инг. rhumb — айланма ҳаракат) — дунё томонлари (ғарб, шарқ, шимол ва жанубга нисбатан кўринма уфқ нуқталарига қараган йўналиш ёки шундай 2 йўналиш орасидаги бурчак. *Навигация*да кемалар, самолётлар ва б. йўлини ёки маёқ, бурун ва ҳ.к.га томон йўналишни, *метеорология*да шамол йўналишини, океанография да денгиз оқимлари, тўлқинлари ва музларнинг сузиб юриши йўналишини белгилаш учун ишлатилади. Денгиз навигациясида кўринма уфқ айланаси 32 Р.га (икки Р. орасидаги бурчак 11°15′ га тенг), метеорологияда ҳамма уфқ 16 Р.га бўлинади. Бундаги шимол, шарқ, ғарб ва жануб йўналишига мос келган Р. бош Р.лар дейилиб, лот. N, E, W, S ҳарфлар б-н белгиланади. *Геодезия*да бирор белгиланган йўналишнинг географик меридиан б-н ҳосил қилган ва 0 дан 90° гача бўлган бурчаги ҳам Р. дейилади.



РУМЕЛИЯ (туркча Румэли) — 14—15-а.ларда Усмонли турк империяси томонидан Болқон я.о.даги босиб олинган ерларнинг умумий номи. 16-а. охиридан 19-а.гача маркази София бўлган турк вилояти (Болгария, Сербия, Герцеговина, Албания, Македония, Эпир ва Фессалиянинг ҳам ўз таркибига олган). Туркиянинг, Истанбулдан ташқари, Европа қисмининг ҳоз. номи.

РУМИЙ Жалолиддин (1207, Балх — 1273, Қўния) — шоир ва мутафаккир. Тасаввуфдаги мавлавия тариқатининг асосчиси. Араб, форс ва туркий тилларида ижод қилган. Отаси Баҳоуддин Валад суфийлар ва фиқҳ донишманди бўлган. Шу боис ҳам султон Муҳаммад Хоразмшоҳ (1199—1220) саройга таклиф этган. Лекин Валад унинг таклифини рад этиб, мактабдорлик ҳамда илмий-ижодий иш б-н машғул бўлган. Хоразмшоҳ б-н келишолмаган Валад ҳаж сафари баҳонасида оиласи б-н Балх ш.ни тарк этган. Р. Макка йўлида *Фаридиддин Аттор* б-н учрашган. 1220 й. Рум султони Алоуддин Кайқубод I нинг даъвати б-н Қўния (Кичик Осиё) га келган. Р. Ҳалаб, Дамашқ ва Бағдод мадрасаларида ўқиган, муаррислик қилган.

Р. шахсияти камолотида шоир ва шайх Шамси Табризийнинг ўрни катта. У 3 йил Р.га дарс беради: фалсафа, хусусан, суфийлик таълимотини ўргатади. Шоирнинг ўзи ҳам бир байтида «Агар Аттор менга руҳ бахш этган бўлса, Шамси Табризий тилсим калитини тутқазди», деган. 1244 й. Р. устозини ниҳоятда ҳурмат қилгани учун ўз ғазалларида «Шамси Табризий», «Шамси» тахаллусларини қўллай бошлаган. Шоир ғазалларининг «Шамси Табризий девони» номи б-н шуҳрат қозонишининг боиси ҳам шунда [42 минг байтли «Девони Кабир» («Улуғ девон»)нинг иккинчи номи «Девони Шамси Табризий»].

Р. ижоди усмонли турк адабиётининг сарчашмаси ҳисобланади.

Р.дан шеърлар девони, «Макотиб», «Ичиндаги ичиндадир» («Фиҳи мо фиҳи») ҳамда «Маснавийи маънавий» китоблари мерос бўлиб қолган. «Ичиндаги ичиндадир» насрий асар бўлиб, олимнинг турли мажлис ва суҳбатлардаги фалсафий нутқларининг мажмуасидир. «Макотиб» эса, муаллифнинг замондошлари ва устозлари б-н бўлган турли ёзишмалари — мактубларидан иборат. Ҳар 2 асарда муаллифнинг ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-таълимий мушоҳадалари, тасаввуфга доир назарий қарашлари ўз ифодасини топган. Шоир девони турли жанрлардан иборат 25 минг байтдан зиёд шеърларни ўз ичига олган.

Р. шеърияти, асосан, ишқий ишқ б-н боғланган. У ўзининг барча асарларида ер кўкининг соҳиби бўлмиш Аллоҳ ва унинг заминдаги халифаси ҳазрати инсонни улуғлайди. Р.нинг машҳур асари «Маснавийи маънавий»дир. Асарда Қуръони карим ва Ҳадиси шариф маъноларини ўзига сингдирган, инсон ҳаёти б-н боғлиқ барча масалалар бадиий йўсинда баён этилган. 6 жилд (дафтар)дан иборат асарнинг дастлабки қисмларини адабнинг шогирди Ҳисомиддин Чалабий устози оғзидан ёзиб олиб, таҳтидан ўтказган. Чалабий вафотидан сўнг муаллиф асарининг давомини 10 йил ёзиб тугатади. Қуръони карим оятларининг 70 фоизи моҳиятини ўзида мужассамлаштирган, 270 дан зиёд ҳикояларни, юзлаб панду ҳикматларни ўз ичига олган бу китоб ўз вақтида ва кейинчалик ҳам ёзувчи номининг дунёга кенг тарқалишига сабаб бўлган. Чунки Р. маснавийда ўзигача бўлган Шарқу Ғарб донишманд-лариннинг фалсафий қарашларини, исломий фарзларни содда бир услубда, шеърий йўл б-н бадиий ифодалаган. Агар Р. «Ҳар эрталаб беморлар шифо топаб Исо алайҳиссалом эшигига боришгани», «Лочиннинг ўрдакларни сақрога чиқаргани», «Зарвон аёли қиссаси», «Мажнун Лайли кўйида юрган итни ўпиб, эркалагани», «Бўёқчининг хумга тушган шакарнинг товуқлик дарво этгани», «Хорут ва Морут қиссаси» сингари қисса ва ҳикояларида пайғамбарлар ҳаётидан турли мўъжизалар келтириб, исломий-тасаввуфий гояларни тарғиб этган бўлса, бошқа туркум ҳикояларида бевосита инсоннинг кундалик турмуши, илм-маърифат касб этиши, ҳунар ўрганиши йўлидаги риёзатларини бадиий тасвирлаб, чуқур фалсафий хулоса чиқаришга ундаган.

Р. ижоди юксак бадиияти б-нгина эмас, балки мантиқ кучи, фалсафий фикрларга бойлиги б-н ҳам катта таъ-

сир кучига эга. Унинг табиат ва жамият ҳодисаларининг доимий ўсиш, ўзгаришда экани, эскининг йўқолиб, янгининг пайдо бўлиши — «дунёнинг зиддиятлар бирлигидаги зиддиятлар жанги»дан иборатлиги тўғрисидаги қарашлари, немис файласуфи *Гегел*нинг эътирофича, унинг диалектик методни яратишига ёрдам берган.

Р. асарлари кўпчилик форсигўй ва туркигўй шоирлар ижодига катта таъсир кўрсатган, маснавийхонлик ҳалқимиз ўртасида кенг тарқалган. Ўзбекистон ФА Беруний номидаги Шарқшунослик ин-тида Р.нинг «Маснавийи маънавий» асари сақланади. Истиқлол йилларида Р. ҳаёти ва ижодига қизиқиш янада кучайди. Ш. Шомуҳамедов, А. Маҳкам ва б. шоирнинг турли жанрлаги шеърларидан намуналарни ўзбек тилига таржима қилишди. Шоир Жамол Камол «Маснавийи маънавий» таржимасини ниҳоясига етказди, 6 китобдан иборат бу йирик асарнинг 4 жилди босилиб чиқди (2002, 2003). «Ичиндаги ичиндадир» асари ҳам ўзбек ўқувчиларининг маънавий мулкига айланган.

Ас.: Ўчмоққа қанот йўқ вале учгайман [девоятлар ва рубоийлар]. Т., 1994; Инжулар уммони, Т., 1988; Ичиндаги ичиндадир, Т., 1997; Ишқ дафтари [рубоийлар]. Т., 2000; Маснавийи маънавий [6 ж.ли], 1—4-ж.лар, Т., 2002—2003.

Ад.: Фитрат Р., Жалолиддин Румий, Т., 1986; Жумаев Р., Мавлоно Жалолиддин Румий, Т., 2003.

Ҳамиджон Ҳамидов, Эргаш Очилов.

РУМИЙ Қозизода (Салоҳиддин Мусо ибн Муҳаммад) [тахм. 1360, Кичик Осиёдаги Брусса ш. (ҳоз. Туркиянинг Бурса ш.) — 1437, Самарқанд] — математик ва астроном. Хуросон ва Мовароуннаҳрда билим олган. Тахм. 1400 й.да Самарқандга ўқиш ва илмий фаолиятини давом эттириш учун келган. Амир Темур саройининг бош астрономи Мавлоно Аҳмад қўлида ҳам ўқиган. Улуғбек илмий мактабининг яратилишида Р.нинг иштироки катта. Хусусан, Р. ташаббуси б-н Ғиёсиддин Жамшид *Коший* ва б. олимлар Самарқандга таклиф этилган. У Улуғбек мадрасасида мат. ва астрономиядан маъруза ўқиган. Р.ни замондошлари «Афлотуни замон» (ўз даврининг Платони) деб аташган. Улуғбек расадхонаси қурилишининг раҳбарларидан бири. Коший вафотидан сўнг умрининг охиригача унинг нозири. Р. Улуғбекнинг барча илмий тадбирларида, жумладан, «Зижи Кўрагоний» тузишда иштирок этган.

Р. арифметикага оид тенгламаларни ечишнинг Коший таклиф қилган итерацион усулига оид рисола ва б. асарлар ёзган. Кошийнинг бу муҳим ихтироси бизгача фақат Р. ва Мирам Чалабий асарлари орқали (ҳар иккисида турлича баёнда) етиб келган. Шунингдек, Маҳмуд ал-Чағминийнинг «Астрономиянинг қисқа баёни», Жамшидни Самарқандийнинг геометрия асосларига доир, Масъуд Тафтазонийнинг «Илмлар калити» асарларига Р. ёзган шарҳлари кенг тарқалган. Р.нинг ўғли Ҳасан Чалабий, невараси Мирам (Мириам) Чалабий ҳам таниқли олим бўлишган.

Ад.: Қори-Ниёзий Т. Н., Улуғбек ва унинг илмий мероси, Т., 1971.

РУМИН ТИЛИ — *роман тилларининг* болқон-роман гуруҳига мансуб тил, *Руминия* Республикасининг расмий тили. Руминиядан ташқари Молдавия, Украина, Венгрия, Македония, Болгария, Греция, Германия, Словакия, Албания, АҚШ ва Канадада тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 25 млн. кишига яқин. Р.т.да банат, кришан, валаш-молдаван, марамуреш; Руминиядан ташқарида македон-румин, меглан-румин, истрорумин лаҳжалари мавжуд.

Р.т.да флектив ва аналитик унсурлар бирлашиб келган. Унли товушлар қатлиқ ва юмшоқ талаффуз этилади. Аниқлик артикли отдан кейин келади; аниқлик ва ноаниқлик артикллари турланади; отларда жинс (род) категорияси 3 та: мужской, женской, средний. Р.т.да славян тилларига хос сўз ясовчи қўшимчалар ишлатилади; лексикасида ҳам жан. славян тилларининг таъсири кучли.

Р.т.даги дастлабки ёзма ёдгорликлар (мактублар, расмий иш қоғозлари, диний матнларнинг таржималари) 16-а. бошларига тааллуқли. Адабий Р.т.нинг шаклланиши 17-а.дан бошланган, бадиий адабиёт эса 18-а. охирида пайдо бўлган. Дастлабки давр лард кирилл алифбосидан фойдаланилган, 1860 й.да у лотин алифбоси б-н алмаштирилган.

РУМИНИЯ (Romania) — Европанинг жан.-шарқида жойлашган давлат. Майд. 237500 км². Аҳолиси 22,3 млн. киши (2002). Пойтахти — *Бухарест*. ш. Маъмурий жиҳатдан 40 уезд (iudet) ва уезд-га тенглаштирилган Бухарест муниципиясига бўлинади.

Давлат тузуми. Р.— республика. Амалдаги конституцияси 1991 й. 8 дек.даги умумхалқ референдумида маъқулланган. Давлат бошлиғи — президент (2000 й. 20 дек. дан Ион Илиеску). У аҳоли томонидан умумий тўғри, тенг ва яширин овоз бериш йўли б-н 4 й. муддатга сайланади ва 2 муддатдан ортиқ сайланиши мумкин эмас. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни 2 палатали парламент, ижрочи ҳокимиятни ҳукумат амалга оширади.

Табиати. Р. ҳудудининг аксари қисмини тоғлар ва текисликлар (ўртача бал. 800 м) эгаллайди. Асосини тог тизмаси — Карпат мамлакат ҳудудида катта ёй шаклини ҳосил қилади (энг баланд нуқтаси — Молдавиу тоғи 2544 м). Карпат тоғларида кучли интилдлар бўлиб туради. Трансильвания платоси ва Ғарбий Руминия тоғлари ҳам Карпат тизмасига мансуб. Жан.да Қуйи Дунай пасттекислиги ва Ғарбда Ўрта Дунай пасттекислиги жойлашган. Дунай этаклари б-н Қора денгиз оралиғида Добружа платоси чўзилган. Р. ҳудудида Қора денгиз соҳилининг уз. 245 км. Константадан шим. рокда киргоқлари аксари қисми паст, айрим жойлари ботқоқ, қум тиллари ва лиман (қўлтиқчалар б-н парчаланган, киргоққа яқин жойларда орол кўп. Фойдали қазилмалардан нефть ва газ, тошкўмир, темир, полиметалл, мис ва олтин рудалари, боксит, тоштуз конлари топилган. Иқлими — мўътадил континентал иқлим.

Энг катта дарёси — Дунай. Унинг асосий ирмоқлари: Прут, Сирет, Олт, Яломица. Пасттекисликларда, асосан, унумдор қора тупроқ, баландликларда қўнғир ва кулранг ўрмон, тоғларда, асосан, тог-ўтлоқ тупроқлар тарқалган. Дарё қайирларида ўтлоқ, қамишзор, ўрмонлар бор. Трансильвания платоси, Молдавия қири, Добружанинг энг баланд жойлари ва Карпат тоғ олдида (400—700 м баландликкача) қорақайин ва аралаш эманзорлар мавжуд. Карпат тоғларида (800—1200 м баландликкача) қорақайинлар, баландроқда (1500—1800 м гача) игна баргли дарахтлар ўсади. Тоғларнинг энг баланд жойлари субальп ва алъп ўтлоқлари б-н банд.

Ҳайвонот дунёси хилма-хил. Ўрмонларда бўри, тулки, қоплон, бўрсиқ, қўён, олмахон, қушлардан бойўғли, тог қизилиштон, какку ва б. яшайди. Тог эчкиси, тўнғиз, айиқ, бугу, даштларда суғур, юмронқозиқ, дала сичқони учрайди. Р. ҳудудида Ретезат миллий боғи ва бир неча қўриқхона ташкил этилган.

Аҳолисининг 90%га яқини руминлар. Венгер, немис, лўли, украин, серб ва руслар ҳам яшайди. Расмий тил—румин тили. Шаҳар аҳолиси 55,4%. Диндорларининг аксарияти—православ-христианлар. Йирик шаҳарлари: Бухарест, Клуж-Напока, Тимишоара, Ясси, Брашов, Галац, Крайова, Констанца, Плоешти.

Руминия герби.

Тарихи. Р. ҳудудида одам илк палеолит давридан яшайди. Трансильвания, Молдова ва Валахияда дак қабилалари яшаган. Мил.ав. 1-а. ўрталарида гет-даклар қабила иттифоқи шаклланиб, кейинчалик унинг асосида давлат пайдо бўла бошлаган. Мил. 2-а. бошларида даклар яшайдиган ҳудудни Рим босиб олиб, Дакия номи б-н ўз вилоятига айлантирди, даклар эса романлаштирилди. 271 й. Рим империяси инқирозга учраши натижасида римликлар Дакиядан чиқиб кетишга мажбур бўлди. Кейинроқ бу ерларга *гунлар*, гепидлар, *аварлар* кириб кела бошлади. 6—7-а.ларда славянлар кўчиб келиб ўрнашди. 8—10-а.ларда Р. ҳудудининг талайгина қисми *Биринчи Булғор подшолиги* таркибига кирди. 10—11-а.ларда бижанаклар, қипчоқлар, 13-а.да мўғуллар бостириб келди. 14-а.да икки мустақил давлат — Валахия ва Молдова князликлари ташкил топди. 16-а.га келиб, улар Усмонли турк империяси қўл остига ўтди. 1688 й. Трансильвания Габсбурглар давлатига қўшиб олинди. 17—19-а.даги Россия — Туркия урушлари натижасида Усмонли турк империяси заифлашди, бу эса Валахия ва Молдова халқларининг миллий озодлик курашига қулай шароит яратди. Валахия ва Молдова князликлари мухториятга эришди, уларнинг халқлари ягона давлат (1861 й.дан Руминия)га бирлашдилар. 1862 й. Бухарестда миллий мажлис чақирилиб, ягона ҳукумат тузилди. 1877 й. Р. тўла мустақилликка эришди ва 1881 й қироллик деб эълон қилинди.

1-жаҳон уруши бошларида Р. Антанта давлатлари б-н иттифоқ тузиб, Австрия-Венгрия ҳудудининг бир қисмини қўшиб олди ва урушга киришди. Уруш натижасида Р. ҳудуди ва аҳолиси икки баравар кўпайди: 1918 й. унга Трансильвания қўшиб берилди. Шу йили Бессарабия ва Шим. Буковинани босиб олди.

1929—33 й.лардаги жаҳон иқтисодий бўҳрони Р. саноати (нефтдан ташқари) ва қ.х.га салбий таъсир қилди. 1928—33 й.ларда ҳукумат тепасига вақти-вақти б-н миллатчи-царанистлар партияси келиб, мамлакат иқтисодиётини ғарбга тобе қилиб қўйди. Натижада Р.нинг ғарбга қарам бўлиши кучайди. Чет эл балларга қилинган (1926) тахт вориси Кароль 1930 й. мамлакатга қайтиб келди ва Кароль II номи б-н тахтга чиқди. 1931 й. «Темир гвардия» деган фашистик ташкилот тузилди. 1939 й. мартда Р. б-н Германия ўртасида тузилган иқтисодий битим мамлакат иқтисодиётини асоратга солди.

2-жаҳон урушн бошланишида Р. ҳукумати бетарафлик сиёсатини эълон қилди, лекин 1940 й. ёзида бундан воз кечди. Мамлакат фашизм йўлига ўтди. Ўша йил 23 нояб.да Р. Берлин пактига қўшилди ва 2-жаҳон урушида қатнаша бошлади. 1944 й. 23 авг.да Р. ҳукумати ағдариб ташланди. Мамлакатнинг янги ҳукумати 24 авг. куни Германияга уруш эълон қилди. 1944 й. 25 окт.да Р. ҳудуди батамом озод этилди. 1947 й. монархия тугатилиб, Р. Халқ Республикаси эълон қилинди (1965 й. 21 авг.дан 1989 й. 22 дек. гача Социалистик Республика деб аталган).

1948—89 й.ларда Р. Компартияси (1921 й. ташкил этилган, 1948—65 й.ларда Р. Ишчи партияси деб номланган) ҳукмронлиги даврида мамлакат Совет Иттифоқи таъсирида бўлди. Айниқса, Н. Чаушеску диктаторлик режими (1965—89) давлат ривожига ҳалокатли таъсир қилди. 1989 й. кўзғолони натижасида ҳукумат ағдариб ташланди, Чаушеску қатл этилди, Руминия КП тугатилди, мамлакат номи ўзгартирилиб, «Руминия» деб атала бошлади. Ҳокимият тепасига Миллий қутқариш фронти келишув кенгаши келди. 1990 ва 1992 й.ларда биринчи марта демократик сайлов ўтказилди. Р. — 1955 й.дан БМТ аъзоси. ЎзР суверенитетини 1991 й. 20 дек.да тан олган ва 1995 й. 6 окт.да дипломатия муносабатлари ўрнатган. Миллий байрами — 1 дек. — Р. миллий куни (1918).

Руминия байроги.

ратик партияси қўшилиши натижасида ташкил топган; Р. венгерлари демократик иттифоқи, 1989 й. тузилган; «Буюк Руминия» партияси, миллатчи партия. Р. эркин касаба уюшмалари миллий конфедерацияси, 1993 й. тузилган; Миллий касаба уюшма блоки; «Альфа» миллий касаба уюшма картели.

Хўжалиги. Р. — индустриал-аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 41%, қишлоқ ва ўрмон хўжалигининг улуши 19%, хизмат кўрсатиш тармоғи улуши 40%.

Саноати. И.ч. воситалари ишлаб чиқарувчи тармоқлар устун. Ёқилғи-энергетика базасининг негизини газ, кўмир ва нефть ташкил этади. Электр энергия (1 й.да ўртача 55 млрд. кВт-соат) нинг кўп қисми иссиқлик электр ст-яларида ҳосил қилинади. Нефть конлари, асосан, Жан. ва Шарқий Карпат этакларида жойлашган. Темир, боксит, полиметалл рудалари, мис, олтин, тоштуз ва ҳ.к. қазиб олинади. Нефтни қайта ишлашнинг асосий марказлари — Плоешти, Брази, Питешти, Дэрмэнешти. Металлсозлик, қора ва рангли металлургия ривожланган. Слатинада алюминий, Копша-Микэда қўрғошин ва рух, Бая-Мареда мис эритилади. Машинасозлик, асосан, нефть қазиб олиш ва уни қайта ишлаш, кимё саноати, енгил ва озиқ-овқат саноати, энергетика учун технология машина-ускуналари ва электр-техника маҳсулотлари и.ч.га ихтисослашган. Автобуслар, т.й. транспорти воситалари, қури-



Бухарест шаҳри.

лиш машиналари, кемалар ва тракторлар ҳам ишлаб чиқарилади. Кимё саноатининг асосий маҳсулотлари: сода, хлор, олтингугурт кислотаси, минерал ўғит, синтетик каучук, пластмасса, смола, кимёвий тола, лори-дармон, бўёқ, лок ва б. Биноқорлик материаллари и. ч., целлюлоза-қоғоз, ёғочсозлик (айниқса, мебель), тўқимачилик тармоқлари ривожланган. Озиқ-овқат (мева ва сабзавот консервалари, ёғ, вино, пишлоқ) саноатининг ҳам салмоғи катта. Асосий саноат марказлари: Бухарест, Констанца, Ясси, Тимишоара ва б.

Қишлоқ хўжалигига яроқли барча ерлар салкам 15 млн. гектар. Шундан салкам 2,5 млн. гектари суғорилади. Деҳқончилик устун. Асосий экинлари: маккажўхори, буғдой, арпа, сули. Техника экинларидан қанд лавлаги ва кунгабоқар етиштирилади. Сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик (асосан, винобоп навлар) ривожланган. Гўшт чорвачилиги етакчи: қорамол, чўчқа, қўй, эчки боқилади. Балиқчилик, парандачилик, асаларичилик, пиллачилик, ўрмон хўжалиги ривожланган. Қ.х. мамлакатнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини 60% қондиради.

Транспорти. Р.нинг Марказий Европа мамлакатларидан Қора денгиз ва Дунайга ўтиладиган транзит йўлларидаги аҳамияти катта. Мамлакатнинг умумий юк айланмасида т.й.нинг улуши қарийб 39,5%, денгиз транспортининг улуши 48,8%, автомобиль транспортининг улуши 7,1%, трубопровод транспортининг улуши 3,2%, дарё транспортининг улуши 1,4%. Т.й. узунлиги 11,4 минг км, автомобиль йўллари 153 минг км. Асосий денгиз порти — Констанца, дарё портлари — Брэила, Журжу ва Галац. Бухарест (Отопень) ва Констанцада халқаро аэропортлар бор.

Ташқи иқтисодий алоқалари. Р. четга трактор, автомобиль, транспорт воситалари, кимёвий ўғит ва нефть маҳсулотлари, қора металлар прокати, қувур, мебель, цемент, пойабзал, газлама, товуш ёзиш аппаратлари, минерал хом ашё ва б. чиқаради. Четдан турли машина-механизмлар, кимёвий моллар, ёқилғи ва хом ашё, озиқ-овқат, кенг истеъмол моллари келтиради. Ташқи савдода Германия, Италия, Россия, Франция б-н ҳамкорлик қилади. Пул бирлиги — лей.

Тиббий хизмати. Давлатга қарашли поликлиника ва касалхоналар б-н бир қаторда хусусий шифохоналар ҳам бор. Врач ва фармацевтлар 5 та тиббиёт-фармацевтика ин-тида, ўрта тиббиёт ходимлари тиббиёт мактаблари ва лицейларда тайёрланади. Р.да 100 дан ортиқ бальнеология ва 23 иқлимий курорт бор. Энг машҳурлари: Эфория, Мангалия, Констанца, Синая, Пояна-Брашов ва б.

Маориф, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Р.да таълим тизими қуйидагича: 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар учун болалар боғчалари мавжуд. 6 ёшдан 8 йиллик мактабда таълим-тарбия берилади, сўнг 2 йиллик лицей босқичи бошланади. 10 йиллик мактаб негизида ҳунар-техника тайёргарлиги амалга оширилади. Лицейни битирганлар олий ўқув юртига ўқишни давом эттириши мумкин. Йирик олий ўқув юртлари: Бухарест ун-ти (1864), Клуж-Напока, Брашов, Крайова, Галац, Ясси, Тимишоара ш.ларида ун-тлар, политехника ин-тлари ва б. ўқув юртлари бор. Р.да Фанлар академияси, Тиббиёт фанлари, Қ.х. фанлари ва ўрмон академияси, ижтимоий-сиёсий ФА, уларнинг филиаллари ва и.т. институтлари, идоравий и.т. институтлари бор. ФАнинг кутубхонаси, Марказий давлат кутубхонаси, Бухарест ун-тининг марказий кутубхонаси, политехника институтининг кутубхонаси ва б. кутубхоналар, шунингдек, тасвирий санъат, тарих, этнография, археология, ёлғорлик музейлари мавжуд.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Р.да кўпгина газ., жур. ва бюллетенлар нашр этилади. Энг муҳимлари: «Адевэрул» («Ҳақиқат», мустақил кундалик газ., 1989 й.дан), «Азь» («Бугун», кундалик газ., 1990 й.дан), «Викторул романеск» («Руминия келажаги», кундалик газ., 1990 й.дан), «Вяца капиталей» («Пойтахт ҳаёти», кундалик газ., 1990 й.дан), «Демократия» («Демократия», ҳафтанома, 1990 й.дан), «Дрептатя» («Адолат», кундалик газ., 1990 й.дан), «Лумя азь» («Бугунги дунё», мустақил ташқи сиёсат ҳафтаномаси, 1963 й.дан), «Романия либер» («Озод Руминия», кундалик мустақил газ., 1943 й.дан), «Трибуна экономик» («Иқтисодий минбар», ҳафталик жур., 1990 й.дан). А. М. Прес — Мустақил ҳусусий агентлик, 1991 й. асос солинган; Миллий ахборот агентлиги — Ромпрес, 1990 й. «Ажерпрес» агентлиги қайта ташкил этилиши натижасида тузилган. Радио ва Эркин румин телевидениеси, 1989 й. Румин радио ва телевидениеси асосида барпо этилган.

Адабиёти. Асрлар давомида маросим, дойна (ашқия) ва гайдук қўшиқлари миллий адабиёт шакли, румин тилининг такомиллашув воситаси бўлиб келган. Бояр Никунинин хати (1521) ластлабки ёзма ёдгорлик ҳисобланади. 16-ада дунёвий мазмундаги дидактик асар яратилиши, диний китоблар румин тилига таржима қилиниши таржимачилик ва ноширлик ривожига туртки бўлди. Румин тили ва адабиётининг қарор топишида Г. Урекє (1590—1647), М. Костин (1633—91), Й. Некулче (1672—1745) ва б. ижодининг аҳамияти катта. Уларнинг қаламига мансуб йилнома ва хроникалар адабий мавзу ва услуб намунаси бўлди. 18-а. охири ва 19-а. 1-ярмида Д. Кантемирнинг аллегорик насри, Е. А. ва Н. Вэкэрескуларнинг лирик ва эпик шеърияти адабиёт ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Г. Асаки б-н Й. Элиаде-Рэдулеску халқ ижодиётига асосланувчи янги румин адабиётини яратдилар. 19-а. 1-ярми адабиётига ёркин романтизм руҳи сингта бошлади. В. Кирлови, Г. Александреску, А. Пани, А. Русео каби ёзувчилар миллий тарих ва фольклорга алоҳида эътибор бердилар. 19-а. охири ва 20-а. бошларида, айниқса, 1-жаҳон урушидан сўнг ҳаётни ҳаққоний акс эттирувчи адиблар (Й. Агирбичану, Л. Ребряну, К. Петреску, Ж. Кэлинеску) ижод қила бошлади. Хусусан, М. Садовяну асарларида қад. ва янги давр румин турмушининг турли қирралари ўз ифодасини топди. 2-жаҳон урушидан сўнг, айниқса, мамлакат социалистик ривожланиш йўлига ўтгач, адабиётда социалистик реализм зўрлаб тиқиштирилди, натижада адабий асарлар бир ёқлама, саёз тус олди.

Меъморлиги. Р. ҳудудида фракийлар, скифлар, кельтларнинг маданият ёдгорликлари, Қора денгиз бўйларидаги антик шаҳарлар (Каллатия, ҳоз. Мангалия; Истрия; Томи, ҳоз. Констанца) қолдиқлари. Трансильвания тоғларида даклар қалъаларининг харобалари сақланган. Трансильвания ўрта асрлар маданияти Марказий Европа мамлакатлари, Валахия маданияти эса Византия-Сербия меъморлиги б-н бирга, молдован меъморлиги ўзига хос тарзда ривожланган. 14—17-а.ларда тош ва гиштдан уйлар, маҳобатли минора ва дарвозали истеҳкомлар қурилган. Халқ турар жойлари очиқ галереялар б-н, ўймакорлик, нақшинкорлик ва кошинкорлик усулида қурилди. 16—18-а.ларда барпо этилган маҳобатли иншоотлар (Куртя-де-Арджашдаги епископ черкови, 1512—17; Бухарестдаги Ставрополис черкови, 1724—30; Бухарест яқинидаги Моғошоая саройи, 1700—02 ва б.) ҳам шундай усулларда безатилди, ҳашамдорликка интилиш кучайди. 18-а. охири меъморлигида классицизм урф бўлди. 19-а. 2-ярмида саноат ва шаҳарлар ривожланиши б-н қоришиқ меъморлик руҳида жамоат бинолари (Бухарестдаги Атенеум, Адлия саройи ва б.) ва халқ меъморлиги анъаналари асосида бинолар (Бухарестдаги Буфетул) қуриш авж олди. 20-а. 30-й.ларида неоклассицизм белгилари устунлик қилган бўлса (Бухарестдаги Республика саройи), асрнинг 2-ярмида индустриал усуллар жорий этилди, янги шаҳарлар барпо қилинди.

Тасвирий санъати *Эгей маданиятига* яқин. Неолит даврига мансуб гулдор сопол идишлар, ҳайкалчалар, 4-а.га мансуб заргарлик буюмлари топилган. 12-а.дан бошлаб Трансильвания санъати Марказий Европа санъати б-н ҳамоҳанг ривожланган (14—15-а. деворий расмлари, дастгоҳ рангтасвири, 17-а. қабр ҳайкалтарошлиги). 18-а. деворий рассомлиги ва ҳайкалтарошлиқда барокко услуби сезилади. 14—18-а.лар амалий безак санъатида металлга бадиий ишлов бериш урф бўлди. Валахия ва Молдованинг ўрта асрлар санъати Византия, Сербия, Болгария таъсирида бўлди. 16-а. черковлари деворий расмлари б-н, 17—18-а.ларда эса ўймакорлик б-н безатилди. 14—15-а.ларда миниатюра (уста Гаврил Урик) ва рангтасвир (Куртя-де Арджашда акаинё Николай черковидаги расмлар) пайдо бўлди. 16-а. рангтасвирида дунёвий рух юзага келди. 17—18-а.лардаги Валахия рангтасвирида фольклор руҳи (Фелинешти-де-Пэдурдаги черков расмлари, 1692 , рассом П. Муту) устунлик қилади. 18-а. охири — 19-а. бошларида дунёвий санъат юксалди. 20-а. бошларидаги рассомлар ижодида фовизм, кубизм ва экспрессионизм анъаналари халқчил миллий идеаллар б-н қўшилди (Ш. Лукьян, Т. Паклади, К. Рессу ва б.). Сиёсий графика юқори даражага кўтарилди (Н. Тоница, А. Жикиди ва б.). 20-а. 2-ярмида амалий безак санъатининг ҳар хил турлари — кулолчилик, бадиий ойначилик, каштачилик ривож топди. Бу соҳда янги шаклларни излашга, қад. анъаналардан, ноёб ифода воситаларидан фойдаланишга қизиқиш кучайди.

Добружа платоси.

Руминия табиати манзараси.

Мусиқаси. Маросим, меҳнат (чўпон), муҳаббат қўшиқлари, алдалар, баллада ва *дойналар*, лапарлар ўзига хослиги б-н ажралиб туради. Халқ чолғу асбоблари: скрипка, кобза, цимбала, флуер, флейта (най) ва б. Лэутар деб аталган моҳир мусиқачилар фольклор-этник оммалаштиришда катта иш қилдилар. Р. давлати юзага келиши б-н (1862) профессионал румин мусиқаси ривожланди. А. Флехтенмахер, Э. Кауделла, Ч. Порумбеску, Ж. Штефэнеску, К. Димитреску, Г. Дима, Г. Музическу дастлабки миллий саҳна, хор қўшиқларини ижод қилдилар. 20-а. 1-ярмида бу мактаб гоят равнақ топди. Композиторлик мактаби асосчиси Ж. Энеску, шунингдек, М. Жора, С. Драгой, М. Андрику, П. Константинеску каби истеъдодли композиторлар етишиб чиқди. 1920 й. румин композиторлар жамияти тузилди, мусиқашунослик ривожланди. 20-а. 2-ярмида оратория, кантата, оперетта, оммавий қўшиқ, эстрада, театр ва кино мусиқаси каби жанрлар юзага келди. Р.да 10 та мусиқа театри, 20 та симфоник оркестр, халқ мусиқа ансамблари, хор жамоалари, 2 та консерватория бор. М. Бакараб, К. Сильвестри, М. Бредичану каби дирижёрлар, З. Палли, Н. Херля, А. Флореску, Т. Лукачу каби хонандалар, Ш. Георгиу, Й. Войку, Ш. Руха каби созандалар машҳур.

Театри қад. ўйин ва маросимлардан бошланган. Улар орасида «келушарий» (никоҳ маросими) ва «брезая» (янги йил маросими) айниқса ўзига хос. Р.да дастлабки мактаб театрлари пайдо бўлди. 1841 й. Яссида театр биноси қурилди. 1852 й. Бухарестда Катта театр (1877 й.дан Миллий театр) иш бошлади. Сўнгра бир қанча шаҳарларда турли йўналишдаги театрлар очилди. 19—20-а.ларда Г. Манолеску, А. Романеску, К. Ноттара, А. Прутяну, кейинчалик уларнинг изчиллари А. Деметриаде, Т. Буландра ва б. реалистик анъаналарни давом эттирдилар. Улар жаҳон мумтоз драматургияси асарларини ва маҳаллий муаллифларнинг пьесаларини саҳналаштирдилар. Энг машҳур актёрлари: Р. Белиган, А. Бузеску, Г. Василиу-Бирлик, К. Антониу, М. Бачу, Д. Кочя, режлари: М. Гелертер, Л. Журжеску, С. Александреску, Й. Пола, Л. Чулей ва б.

Кинои. Фильмлар 1897 й.дан суратга олина бошлаган. 1911 й. биринчи фильм — «Пешонага ёзилган муҳаббат» ишлаб чиқарилди. 1950 й. «Водий жаранги», 1952 й. «Митря Кокор» фильм-лари яратилди. 20-а.нинг 2-ярмида «Ташналик», (реж. М. Дрэган), «Дунай тўлқинлари» (реж. Л. Чулей), «Панжарасиз осмон» (реж. Ф. Мунтяну), «Ҳокимият ва ҳақиқат», «Фитна» (реж. М. Маркус), «Девор» (реж. К. Ваени), «Лаҳза» (реж. Витанидис) каби фалсафий, ахлоқий фильмлар яратилди. Й. Попеску-Гопонинг мультфильмлари жаҳонга машҳур. Таниқли актёрлари — Р. Белиган, М. Погонат, М. Барбу, И. Петреску ва б. 1963 й. кино ходимлари жа-

мияти тузилган. Кино мутахассислари Й.Л.Каражале номидаги театр ва кино санъати ин-тида тайёрланади.

Ўзбекистон — Р. муносабатлари. 1994 й. Ўзбекистон Республикаси билан Р. ўртасида «Савдо иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида» имзоланган битим ва ЎзР Президенти И. Каримовнинг 1996 й. Р.га қилган расмий ташрифи вақтида имзоланган икки томонлама ҳужжатлар икки давлат ўртасидаги иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик учун ҳуқуқий асос яратди. Ўзбекистон Р.га пахта толаси, газлама, калава ип ва турли хизматлар экспорт қилади. Р. эса пластмасса ва ундан тайёрланган маҳ-сулотлар, мой ва ўсимлик ёғи, дори-дармонлар юборади. Эндиликда мамлакатларимиз ўртасида пахтани қайта ишлаш, тўқимачилик, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қ.х. хом ашёсини қайта ишлаш, нефть ва газ саноати соҳаларида ҳамкорлик йўлга қўйилган. ЎзР Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Р.нинг бир қанча етакчи банклари б-н шериклик муносабатлари ўрнатган. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ускуналар етказиб бериш ҳақида Р. компаниялари б-н битимлар тузган. Р. саноати иштирокидаги спирт-ли ичимликлар ишлаб чиқарадиган «Афсар Компани» қўшма корхонаси барпо этилган. Ўзбекистон — Р. ҳукуматлараро иқтисодий кенгаши самарали фаолият кўрсатмоқда. 2002 й. якунига кўра, икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси 5,4 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Ҳар икки давлатнинг ТРАСЕКА транспорт йўлагини барпо этиш дастури доирасидаги ҳамкорлиги муҳимдир. Р. Президенти Ион Илиескунинг 2003 й. апр.да Ўзбекистонга ташрифи чоғида туризм соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳақида ҳамда иккала мамлакатнинг дипломатик ва хизмат паспортлари бўлган фуқароларига визаларни бекор қилиш тўғрисида консуллик конвенцияси каби янги ҳужжатлар имзоланди. ЎзР билан Р. БМТ, Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, НАТО каби ташкилотлар доирасида халқаро терроризм, диний экстремизм, уюшган жиноятчилик, қурол-ярог ва наркотик моддалар контрабандаси, миллий, минтақавий хавф-сизликка таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарларга қарши биргаликда курашиш ҳақида келишиб олган.

РУМИНИЯ АКАДЕМИЯСИ — Руминиянинг олий илмий муассасаси. 1948 й. Бухарест ш.да ташкил топган. Ўтмишдоши 1866 й.да ташкил этилган Руминия академиясидир. Турли фан соҳалари бўйича бир нечта бўлими, 100 га яқин аъзоси, 20 дан ортиқ и.т. институти ва илмий маркази, кутубхонаси мавжуд. Илмий журнал нашр этади.

РУМИНИЯ ЗИЛЗИЛАСИ. Вранча зилзиласи — 1977 й. 4 мартда Шарқий Карпат тоғларининг Вранча массиви (Руминиянинг Вранча уезди)да рўй берган. Эпицентрда зилзила кучи 8 балл бўлган. Зилзила ўчоғи 100—110 км чуқурликда жойлашганлиги учун силкинишлар жуда катта майдонга тарқалган. Сейсмик тебранишлар Европанинг бир қанча мамлакатларига, жумладан, Финляндияга қадар етиб борди. Руминия пойтахти Бухарест ш.даги турар жой биноларн ва б. иншоотлар жиддий зарар кўрди. Биргина Бухарест ш.нинг ўзида 1600 га яқин киши харобалар остида қолиб ҳалок бўлди. Зилзиладан Молдавия, Украина, РФ шаҳарлари ҳам шикастланди. Сейсмик тебраниш Ясси ш.да 7—8 балл, Кишиневда 7 балл, Одессада 6 балл, Виннницада 5 балл, Киев ва Львовда 4 балл, Москвада 2—3 балл бўлди. Сейсмик тўлқинларнинг ер устида тарқалишини ўрганиш натижасида Р.з.га Вранча тоғ массивидаги ёриқлар бўйлаб тог жинсларининг кескин силжиши сабаб бўлган дейилади.

РУМИНЛАР (ўзларини — романлар деб аташади; лот. романус — «римлик» дан) — халқ, Руминиянинг асосий аҳолиси (20,55 млн. киши). Умумий сони 21 млн. киши (1990-й.лар ўрталарида 6 минга яқин киши. Румин тилида сўзлашади. Динлорлари — асосан, православлар. Румин халқининг шаклланишида собиқ Қад. Рим империясининг провинциялари (вилоятлари) Дакия ва Мёзияда яшаган ва Рим ҳукмронлиги даврида (106—271 й.лар) романлашган қабилалар (лакияликлар, гетлар ва б.), шунингдек, романлашмаган эркин даклияликлар ва 6-а.дан славянлар қатнашганлар. 10-а.дан Византия, славян, сўнгра венгер тарихий манбаларида Р. «влахлар», «волохлар» номи б-н қайд этилган. 1862 й. ягона Руминия давлати барпо этилган. Аҳолисининг асосий қисми қ.х. ва саноат корхоналарида банд.

Руминлар. Анъанавий кийимда.

РУМШЕВИЧ Леонид Владимирович (1905.13.5, Петербург — 1953.30.5, Тошкент) — селекционер олим. Ўрта Осиё пахтачилик ва шакчилик институтини тугатган (1932). СоюзНИХИ Марказий селекция ст-ясининг «Пахталикўл» тажриб пункти мудири (1932—37), СоюзНИХИ нинг Фарғона қишлоқ хўжалиги тажриба ст-яси (ҳоз. Ўзбекистон пахтачилик и.т. институтининг Л. В. Румшевич номидаги Андижон филиалида) илмий ишлар бўйича директор ўринбосари ва айни вақтда ғўза селекцияси бўлими мудири (1938—53). Илмий фаолияти ғўза селекциясига бағишланган. Р. серҳосил, вилтга чидамли юқори технологик кўрсаткичларга эга бўлган ўрта толали ғўза навлари (108-Ф, 137-Ф, 147-Ф, 152-Ф, 153-Ф, 159-Ф)ни яратди. У яратган 108-Ф нави (қ. *Бир вт саккиз* -Ф) жаҳон пахтачилигида энг яхши ҳосилдор, касалликларга чидамли ва юқори сифатли тола берадиган нав сифатида қабул қилинган ва ҳозир ҳам кўпгина мамлакатлар (Сурия, Хитой, Эрон, Афғонистон ва б.)да экилади.

РУНГ, рунглар — туркий халқларнинг қад. хитой манбаларидаги номи. Дастлаб мил. ав. 2-минг йилликка оид манбаларда қайд этилган. Р. этнонимини ёзиш учун қўлланилган иероглиф «одам», «жангчилар» каби маънони англатган. Мил.ав. 15—8-а.ларга оид хитой манбаларида Р. куйрунг (гуйрунг, кунрунг ёки кун чиқар томондаги Р.), шурунг (гарбий Р.) каби қисмларга бўлинган. Кейинчалик шим.даги туркилар рунги ёки дирунг (турк жангчилари) деб номлана бошланган.

Мил. ав. 2-а.да ёзилган «Шижи» («Тарихий хотиралар») асарининг Шия хонлари (тахм. мил. ав. 2197—1766 й.) тазкирасида ғарбий Р.нинг Кунлун, Шичжи, Чусўв, Чжипи каби 4 хонлиги борлиги кўрсатилган. Кейинчалик Дали, Йичу каби ғарбий Р. давлатларининг то 3-а.га қадар Гансу (Кенгсу) ўлкасида мавжуд бўлганлиги айтилган. Р. -ди, (турк жангчилари) атамаси мил. ав. 4-а.дан истеъмолдан чиқиб «ху» атамаси ишлатилган. Ҳунлар хоқонлиги ташкил топгач, шим.да яшаган хулар, яъни Р.-дилар «ҳун» («шэнну», «сюнну») деб номланган.

РУНДИ (ўзларини барунди деб аташади) — банту халқлари гуруҳига мансуб халқ; Бурундининг асосий аҳолиси (4,5 млн. киши), шунингдек, Конго, Уганда ва Руандада ҳам яшайди. Умумий сони 8 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Динлорларининг бир қисми анъанавий эътиқодларни сақлаб қолган, қолгани — христианлар (асосан, католиклар).

РУНИК ЁЗУВ — германларда 2—3-а.лардан то ўрта асрлар охиригача қўлланган алифбо; лотин ёзуви тарқалиши муносабати б-н истеъмолдан қолган. Р.ё белгилари, яъни руналар, асосан, металлга, тошга ва ёғоч ўйиб ёзилган, шунинг учун улар ўзига мос учи, найсимон кўринишга эга бўлган. Англия, Исландия ва Гренландияда, Скандинавияда, Шим. Европанинг бир қанча ҳудудларида тарқалган. Катта (умумерман) руналари ҳамда кичик (скандинав) руналари ўзаро фарқланади. Катта Р.ё.нинг тили бирон-бир қад. герман тилига ўхшамайди, ундаги битиклар (150 та яқин), асосан, қурол ва тақинчоқларга, шунингдек, тошларга ёзилган. Кичик Р.ё эса қад. скандинав тиллари ёдгорликлари ҳисобланади, уларни, асосан, тошлардаги бир неча жумладан иборат хотира ёзувлари (ёдномалар) ташкил этади. Катта руналар 24 та, кичик руналар 16 та бўлган.

Қад. туркий ёзувлар, яъни *урхун-енисей ёзувлари* ҳам фин ва б. европалик олимлар томонидан «Р.ё.» деб аталган.

РУПИЯ —1) Ҳиндистон Республикаси пул бирлиги. 16-а.дан бошлаб муомалага киритилган. 1Р.=100 пайса. Хал-қаро ифодаси INR. Халқаро валюталар курси бўйича 1 АҚШ доллари = 46,89 Р. (2003, май); 2) Покистон Республикасининг пул бирлиги. 1948 й.дан муомалага киритилган. 1Р.=100 пайса. Халқаро ифодаси PKR. 3) Индонезия пул бирлиги. 1950 й.дан муомалага киритилган. 1 Р. = 100 сен. Халқаро ифодаси IDR.

РУПОР (голландча георег — бақирмоқ) — товуш тўлқинларини маълум йўналишда кучайтириб тарқатадиган ҳамда товуш тўлқинини қабул қиладиган қирнай. Юмалоқ ёки тўғри тўртбурчак (конуссимон) шаклда, учи томонга кенгайиб борадиган қилиб ясалади. Р. радиотехникада, товуш кучайтиргичлар ва б.да қўлланилади.

РУР КЎМИР ҲАВЗАСИ, Куйи Рейн-Вестфалия кўмир ҳавзаси — Германиядаги Рур дарёси (Рейн дарёсининг ўнг ирмоғи) соҳилида жойлашган кўмир ҳавзаси. 13-а.дан маълум, 19-а.нинг ўрталаридан фаол равишда ўзлаштирилган. Майдони тахм. 6200 км². Кўмир карбон даврига мансуб 125 кўмир қатламларини ташкил қилган, улардан 30—40 таси саноат аҳамиятига эга (қалинлиги 0,8 — 4 м). Кокс бўладиган кўмирлари 65% ни ташкил этади. Р.к.ҳ.да кўмир ер ости усулида қазиб олинади. Кўмирнинг сифати юқори: ўртача кулдилиги 3—8%, олтингугурт 0,5—1,5%, ёниш иссиқлиги 36,2 МЖ/кг. Умумий захиралари (2000 м чуқурликкача) тахм. 214 млрд. т, саноат захиралари (1500 м чуқурликкача) 20,3 млрд. т миқдорида баҳоланган.

РУС АЛИФБОСИ — русча нутқнинг товуш таркибини ифодалашда ҳамда миллий рус тилининг ёзма ва босма шаклини ҳосил қилувчи белги-ҳарфларнинг изчил қатори. Р.а. аста-секин қад. славян ёзуви кириллица (қ. *Кирилл ёзуви*)дан келиб чиққан. 1918 й.да ҳоз. кўринишга эга бўлган. 33 ҳарфдан иборат: уларнинг 20 таси ундош товушларни (б, п, в, ф, д, т, з, с, ж, ш, ч, ц, щ, г, к, х, м, н, л, р), 10 та ҳарф унлиларни — а, э, о, ы, и, у соф унлиларни ва «й+унли» (я, е, ё, ю) бирикмаларни ифодалайди. Й ҳарфи «бўғин ҳосил қилмайдиган и» ни ёки j ундошини билдирса, ъ, ь — айриш ва юмшатиш белгилари алоҳида товушни билдирмайди. Р.а. собиқ СССРдаги (ва ҳоз. Россия Федерациясидаги) кўплаб халқларнинг алифболарига асос бўлган (мас., 1940 й. май ойида қабул қилинган ва ҳозиргача амалда бўлган ўзбек алифбоси Р.а. асосида, унга муайян ўзгартишлар киритиш йўли б-н яратилган).

Аа	Бб	Вв	Гг	Дд	Ее	Ёё	Жж	Зз	
Аа	*Бб*	*Вв*	*Гг*	*Дд*	*Ее*	*Ёё*	*Жж*	*Зз*	
Ии	Йй	Кк	Лл	Мм	Нн	Оо	Пп		
Ии	*Йй*	*Кк*	*Лл*	*Мм*	*Нн*	*Оо*	*Пп*		
Рр	Сс	Тт	Уу	Фф	Хх	Цц	Чч		
Рр	*Сс*	*Тт*	*Уу*	*Фф*	*Хх*	*Цч*	*Чч*		
Шш	Щщ	Ъъ	Ыы	Ьь	Ээ	Юю	Яя		
Шш	*Щщ*	*Ъъ*	*Ыы*	*Ьь*	*Ээ*	*Юю*	*Яя*		

Рус алифбоси.

Дастлаб (11-а.) қабул қилинган Р.а. узоқ вақт ҳоз. кўринишидан ҳарфлар таркиби ва уларнинг номланиши б-н тарқиби ва уларнинг номланиши б-н фарқланиб турган. Ҳарфларнинг тартиби эса кўп асрлар мобайнида деярли ўзгаришсиз қолган. Алифбо таркиби нинг 20 таси ундош товушларни (1708—10) ва Фанлар академиясининг (1735, 1738 ва 1758) нодлоҳотлари б-н боғлиқ (бунда ҳарфларнинг шакллари соддалаштирилиб, бир қисмидан белги-ҳарфлар алифбонеча эскирган белги-ҳарфлар алифбодан чиқарилган; я, й сингари ҳарфлар киритилган). Бунга қадар бўлган ўзгаришлар ҳақида фақат рус тили ёзма ёдгорликларини кузатиш орқалигина ҳукм чиқариш мумкин.

РУС ЁШ ТОМОШАБИНЛАР ТЕАТРИ — қ. *Ўзбекистон ёшлар театри.*

РУС ПЛАТФОРМАСИ — қ. *Шарқий Европа платформаси.*

РУС ТИЛИ — рус халқи тили, жаҳонда кенг тарқалган тиллардан. Аввал СССРда, сўнг РФ ва МДҲ да миллатлараро ва давлатлараро алоқа воситаси. Р.т. Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги 6 расмий тилдан бири саналади. Украин ва белорус тиллари б-н биргаликда ҳинд-европа тиллари оиласига кирувчи *славян тилларининг* шарқий гуруҳини ташкил этади. Ўтган асрнинг 80-й.ларидаги маълумотларга кўра, Р.т.да сўзлашувчиларнинг умумий сони 250 млн. кишидан, жумладан, ҳоз. РФ ва МДҲ мамлакатларида 185 млн. кишидан иборат. Бундан ташқари, мазкур ҳудудлардаги 60 млн.дан ортиқ киши Р.т.да эркин сўзлаша олади.

Р.т. жуда узоқ ва мураккаб ривожланиш тарихига эга. Энг қад. рус адабий тили Киев Русида шаклланган бўлиб, у 14-а.гача шарқий славянлар учун умумий тил ҳисобланган. 14—15-а.ларда қад. Р.т. 3 тилга — великорус (рус), украин ва белорус тилларига бўлиниб кетади. Шу даврдан бошлаб Р.т. бошқача айттанда, великорус тили маркази Москва бўлган Рус давлати ҳудудида ривожлана бошлайди.

Р.т. лаҳжа ва шевалари 2 га: шим. великорус («о» ловчи) ва жан. великорус («а» ловчи) гуруҳларига бўлинади; ўрта рус шевалари мазкур ҳар иккала гуруҳ хусусиятларини ўзида акс эттиради. 16—17-а.ларда шим. ва жан. лаҳжалар чегарасида бўлган Москвада ўзига хос койне (умумий лаҳжа) шаклланиб, у намунали тилга айланади.

Қад. Р.т. хусусиятларини сақлаб қолган адабий тил б-н сўзлашув тили ўртасида сезиларли тафовутлар пайдо бўлиб, 17-а.дан бошлаб рус миллати ва рус миллий тили шакллана бошлайди. 17-а. охири —18-а. бошидаги адабий тил бой ва ифодали, кўплаб ғарбий европа ўзлашмаларига эга эса-да, барқарор бўлмаган. Уни тартибга солиш ва барқарорлаштиришда М. В. Ломоносовнинг хизматлари катта бўлган. 19-а. бошларида адабий тилнинг халқчиллиги бош муаммо ҳисобланиб, бу муаммонинг ечимида И. А. Крилов, А.С. Грибоедов, айниқса, А. С. Пушкин ижоди алоҳида ўрин тутади. Айни Пушкин ижодида умуммиллий рус адабий тилининг шаклланиши якун топади. Пушкиннинг буюк хизмати шундаки, унинг ижодида адабий Р.т.нинг умуммиллий меъёрлари ишлаб чиқилган ва мустаҳкамланган ҳамда бу меъёрлар Пушкиннинг замондошлари ва ундан кейинги авлод томонидан қабул қилинган.

Адабий тилнинг бойишига 19—20-а.лардаги рус адабиётининг мумтоз вакиллари улкан ҳисса қўшилар; 19-

а.нинг 2-ярмидан бошлаб унинг ривожланишига ёзувчилар б-н бир қаторда жамоат арбоблари, фан ва маданият намояндалари ҳам катта таъсир кўрсатиб келмоқдалар. Окт. тўнтаришидан сўнг ўзгача ижтимоий тузум ҳамда фан ва техниканинг ривожланиши туфайли Р.т.да, айниқса, унинг лексикасида сезиларли ўзгаришлар пайдо бўлди, адабий тилнинг умумий демократлашуви кучайди.

Р.т. флектив-синтетик тиллардан бўлиб, унда 3 та грамматик жинс категорияси, отларнинг 3 хил турланиши, феълларнинг 2 хил туслашиши мавжуд; кўмакчилар предлог кўринишида, яъни ўзи боғланаладиган сўзлар олдидан жойлашади.

Ҳоз. рус алифбоси кирилл ёзуви (кириллица)га асосланган (қ. *Рус алифбоси*). Унда битилган энг қад. ёлғорликлар 11-а.га тааллуқлидир.

20-а. ўрталаридан бошлаб бутун жаҳонда Р.т.ни ўрганиш кенг тарқалади. Р.т. дунёдаги 100 дан ортиқ мамлакатда ўқитилади. 1967 й.да Рус тили ва адабиёти ўқитувчиларининг халқаро ассоциацияси, 1973 й.да А. С. Пушкин номидаги Рус тили ин-ти ташкил этилган. Шўро даврида Ўзбекистонда ва МДҲнинг бир қанча мамлакатларида Р.т.ни ўқитиш-ўргатишга алоҳида эътибор берилган, ҳатто бу жараён мажбурий асосда олиб борилган. Ҳоз. пайтда ҳам республикамизда Р.т.ни ўргатиш, аввалгидай мажбурий бўлмаса-да, ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Ад.: Виноградов В. В., Русский язык. Грамматическое учение о языке, 2 изд., М., 1972; Русская грамматика, т., 1—2, М., 1980.

Абдувоҳоб Маҳкамов.

РУСА I — Урарту подшоси (мил. ав. 730—714). Сардури II нинг ўғли. *Оссурия* б-н бўлган урушда Урарту енгилгач, тахтга ўтирган. Давлатни мустаҳкамлаган, Севан ва Урмия кўллари атрофидаги ерларни босиб олиши ҳисобига унинг ҳудудини бир қадар кенгайтирган. Оссурия ва *киммерийлар* б-н кураш олиб борган, улардан енгилган. Р.I даврида Урарту зодагонларининг йирик қўзғолонлари содир бўлган.

РУСАНОВ Фёдор Николаевич (1895.25.5, Челябинск уезди — 1979, Тошкент) — ботаник олим. Ўзбекистон ФА акад. (1966), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1965), биол. фанлари д-ри (1944), проф. (1955). Омск қ.х. институтини тугатган (1927). Ўзбекистон ФА ботаника боғи асосчиси ва директори (1943—76). 1976 й.дан илмий консультант. Илмий ишлари Устюрт, Мангишлоқ, Муюнқум, Қизилқум, Чу-Или водийларининг флораси, ўсимликлар қоплами ва хом ашёсини ўрганишга бағишланган. Р. маълум иқлим шароитида ўсадиган ўсимликларни иқлими бошқача жойда ўстириш (интродукция) ва иқлимлаштириш усулларини ишлаб чиққан. «Туркум комплекси» ва «Умумфлора интродукцияси» усули шулар жумласидандир. Р. чатишгириш йули б-н тибискус, гокк, пирамидасимон дуб сингари мангарали ўсимлик навларини яратган. Р. раҳбарлигида 14 жилдли «Ўзбекистон дендрологияси», «Ўзбекистон интродукцияси» номли 27 тўплам чоп этилган.

Ас.: Грунтовое цветоводство в Узбекистане, Т., 1948; Озеленение в архитектуре городов Узбекистана, Т., 1951; Гибридные гибискусы, Т., 1965; Теория и опыт переселения растений в условиях Узбекистана, Т., 1974.

РУСАФИЙ (ар-Русафий), Маъруф ибн Абд ал-Ғани (1875, Бағдод — 1945.16.4) — араб шоири ва адабиётшуноси. Янги араб шеъриятидаги «ижтимоий мактаб» асосчиси. Диний мактабни тугатиб (1899), Истанбул, Дамашқ, Қудусда араб адабиётидан дарс берган. Ижоди 1910 й.дан бошланган. Р.нинг «Фақирлик ва касаллик» (1915), «Етим байрамда» (1928), «Етимхона» (1932) шеърлари ижтимоий-сиёсий мавзуда. «Урушга» (1911), «Триполида» (1944) шеърларида Триполи халқининг итальян босқинчиларига қарши олиб борган кураши акс этган. «Биз ва халқаро аҳвол» (1942), «Ал-Жавоҳирийга ном» (1944) достонларида ватанпарварлик мотивлари ифодаланган. Р. асарлари «Девони ар-Русафий» тўпламига жамланган (1959). «Араб тили ва адабиётидан маърузалар» (1928), «Араб адабиётидан маърузалар» (1932) каби китоблар муаллифи.

РУС—АФҒОН МОЖАРОСИ (1885 й. 18 март), Панди воҳаси ёхуд Тошқўрғондаги қўролли тўқнашув — амалда 19-а.нинг 80-й.ларида рус-афғон чегараси ўтказилиши муносабати б-н Буюк Британия ва Россия ўртасида келиб чиққан можаро. 19-а.нинг 80-й.лари бошида Буюк Британия Афғонистон б-н 1878—80 й.лардаги уруш (қ. *Инглиз—афғон урушлари*) натижасида бу давлатнинг ташқи сиёсати устидан назорат қилишни ўз қўлига олиб ўз таъсир доирасини Шим. Афғонистонга тарқатиш ва Россияни Ўрта Осиёда кучайиб, мустаҳкам ўрнашиб олмаслиги учун ҳар қандай йўл ё-н ҳаракат қилган. Шу мақсадда Афғонистонни Россияга қарши гиж-гижлаган. 1884 й. ёзида инглиз юбилари бош бўлган афғонлар отряди Туркманистон ҳудудига кириб Панди воҳасини эгаллаган. Тошқўприк (Тошкепри) ёнидаги қўролли тўқнашув натижасида афғон қўшинлари бу ерни тарк этган. 1885 й. 10 сентдаги битимга кўра, Эрон-Афғонистон чегарасидан то Амударёгача бўлган оралиқдаги Россия ва Афғонистон чегараси белгиланди. Россия-Афғонистон чегараси ҳақидаги рус-инглиз протоколини имзоланиши ё-н (1887) ҳал бўлган.

РУСЕ — Болгариядаги шаҳар. Русе округининг маъмурий маркази. Аҳолиси 162,1 мин киши (2001). Мамлакатнинг Дунай дарёси бўйидаги йирик порти. Транспорт йўллари тутуни. Т.й ва автомобиль йўли кўприги орқали Руминиянинг Журжу шаҳри б-н боғланган. Машинасозлик (хусусан, оғир, қ.х. машинасозлиги, электротехника), кемасозлик, приборсозлик, кимё, озиқ-овқат, енгил саноат корхоналари мавжуд. Мебель ишлаб чиқарилади. Опера ва драма театрлари, тарих музейи, қ.х. ин-ти бор. Шаҳарга 1-а.да римликлар асос солган, 6-а.дан ҳарбий марказ бўлган.

РУСИНОВ Владимир Алексеевич (1925.12.2, Ростов вилояти) — актёр. Ўзбекистон халқ артисти (1985). Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини тугатган (1950). 1950—61 ва 1963 й.дан Ўзбекистон рус академик драма театрида. 1961—63 й.лар Польша театрида ишлаган. Р. кенг диапазонли актёр бўлиб,

Владимир Русинов Муллаёўст ролида («Майсарининг иши»).

бу нарса унга комедиями, драмадами ёки фожиада ролларни ишонч б-н ўйнашга кенг йўл очиб берди. Андрей («Хайрли соатда»), Яков, Алёша, Актёр («Сўнггилар», «Тубанликда»), Герострат («Номи ўчсин»), шоҳ Фёдор («Шоҳ Фёдор Иоаннович»), Гаев, Сорин («Олчазор», «Чайка»), Кўзиев («Шоҳи сўзана»), Риккардо («Филумена Мартурано»), Маҳмуд («Катта севги»), Муллаёўст («Майсарининг иши»), Садиқхон («Қонли сароб»), Жадов («Сердаромад жой»), Контролёр («Ўлдир мени, жонгинам!») каби ролларни ижодида алоҳида ўрин тутади. «Эл-юрт ҳурмати» ордени (1998), «Шуҳрат» медали (1995) б-н мукофотланган.

РУСЛАР — халқ. Россия Федерациясининг асосий аҳолиси (тахм. 120 мин. киши). Украинада 11,35 мин. киши, Қозоғистонда 6,23 мин. киши, Ўзбекистонда 1,65 мин. киши, Белоруссияда 1,34 мин. киши, Қирғизистонда 916,6 минг киши, Латвияда 900 минг киши, Молдавияда 560 минг киши, Эстонияда 475 минг киши, Озарбайжонда 390 минг киши, Тожикистонда 390 минг киши, Литвада 345 минг киши, Грузияда 340 минг киши, Туркманистонда 330 минг киши, Арманистонда 51 минг киши, шунингдек, Америка мамлакатларида (асосан, АҚШда 1 млн. киши, Канада ва б. мамлакатларда жами тахм. 1,4 млн. киши) ва Ғарбий Европада яшайдилар. Умумий сони 146,5 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Рус тилида сўзлашади. Диндорлари — асосан, православлар. Р., украин ва белоруслар каби, уруғ-қабилачилик муносабатларининг емирилиши ва Киев атрофида Қад. Русь давлати вужудга келиши жараёнида шарқий славян қабилаларидан шаклланган қад. рус элатидан пайдо бўлган.

Руслар. Архангельск губерниясидан.

РУССКИЙ ОРОЛИ — Шим. Муз океани ва Тинч океандаги бир неча оролнинг номи. Энг йириклари: 1) Кара денгизидаги Норденшельд архипелагида (уз. 38 км, эни 14 км гача). Майд. 309 км². 1935 й.дан қутб станцияси бор. Тундра ўсимликлари б-н қопланган; 2) Япон денгизидаги Буюк Петр қўлтиғида, Владивосток ш.дан жан.да (уз. 18 км, эни 13 км гача). кенг барги ўрмонлар б-н қопланган.

РУССО (Rousseam) Жан Жак (1712.28.6, Женева — 1778.2.7, Эрменонвиль, Париж яқинида) — француз файласуф-маърифатпарвари, ёзувчиси, композитори. Француз *сентиментализми*нинг йирик вакили. Малай, хаттот, мураббий, мусиқа ўқитувчиси ва б. ишларда ишлаган. Парижда Д. *Дидро* раҳбарлигида таҳёрланган энциклопедиянга мусиқага оид мақолалар ёзган. 1741 й.гача Швейцарияда яшаган, кейин Парижга кетган 1762 й. «Эмиль, яъни Тарбия тўғрисида» номли педагогик романи ва «Ижтимоий шартнома тўғрисида» спёсий рисоласи чоп этилгач, диндорлар томонидан тақибга олинган Р. Францияни тарк этган. 1770 й. у яна Парижга қайтиб келиб нотаналарни кўчириш б-н шуғулланган. «Фанлар ва санъатлар ҳақида мулоҳазалар» (1750) асарида тенгсизлик ва зулмга асосланган ўз давридаги тамаддунни танқид қилиб, унинг ўрнига «табиий ҳолат»ни қўйган. Унинг ғоялари кейинчалик «Одамлар орасида тенг-сизликнинг келиб чиқиши ва асослари ҳақида мулоҳаза» (1755) асарида ўз ифодасини топган. «Ижтимоий шартнома тўғрисида» рисоласида (1762) идеал жамият манзарасини тасвирлаган. Р. инглиз парламентаризмини қоралаб, халқ суверенитетини, халқ ҳокимиятини ҳимоя қилган. Пед. масалаларига бағишланган «Эмиль, яъни Тарбия ҳақида» (1762) асарида эҳоластик таълим ва тарбия усулларини танқид қилдим ва тарбия энг биринчи вазифаси ҳақиқий инсон ва фуқаронн тарфаси ҳақиқий инсон ва фуқаронн тарфаси ҳақиқий инсон ва фуқаронн тарбияланишдир деб уқтирган. Болаларда мустақил фикрлаш тарафдори бўлган.

Р.нинг асарлари («Ҳарбий асирлар», 1743; «Юлия, яъни Янги Элоиза», 1761; «Иқрор», 1766—69; «Ёлғиз хаёлпарастнинг сайри», 1777—78 ва б.) Европа адабиётида психологизмнинг вужудга келишида сабаб бўлган. Шеърлар, достонлар, опералар («Қишлоқлик жодугар», 1752—53) ёзган, бир пардали лирик саҳна асари «Пигмалион» — мелодрамаларнинг илк намунаси ҳисобланади. Р. ғоялари кўпгина мамлакатлар ижтимоий тафаккурига ва адабиётига таъсир кўрсатган.

РУСТАВЕЛИ Шота (12-а.) — грузин шоири. Янги грузин тили асосчиси. Биографиясига оид маълумотлар «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» достони (1712) муқаддимасида учрайди. Шоир Грузияда Тамара (1184—1213) ва унинг эри Давид Сослани ҳукмронлиги даврида давлат хазиначиси бўлган. «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» достони жаҳон адабиёти дурдоналаридан бири. Унда ижтимоий, ахлоқий масалалар адиб-нинг юксак идеаллари б-н кўшиб талқин қилинган. Асарда қаҳрамонлик, чин инсоний муҳаббат, олий-ҳиммат-лик, покдик улуғланган, зулмкорлик қораланган. Турли халқ вакиллари — Автандил (араб), Таризл (ҳинд) образлари ор-қали халқлар дўстлиги мадҳ этилган. Нестон — Дарижон мисолида эса аёлларга хос ажойиб инсоний фазилатлар умумлаштирилган. Асар қаҳрамонлари бахт ва адолат тантанаси учун курашувчи кишилар бўлиб, уларда 12-а.да Грузияда яшаган илғор кишиларнинг энг яхши фазилатлари мужассамлашган. Шоир кўркоқ ва иккиюзламачи шоҳларни қоралаган. Аммо инсонпарвар подшо бошчилигидаги ягона, бирлашган, кучли давлат тузилишини орзу қилган.

Р. жаҳон адабиётида биринчи бўлиб, савдогарлар ҳаётининг реал картинасини чизган ва уни идеаллаштирилган сарой ришарлари ҳаётига қарама-қарши қўйган. Шахс эркинлиги, фикр ва туйғулар эркинлиги мадҳ этилган. Умумбашарий ғояларни биринчи ўринга кўйиб, қаҳрамонлар психологизми, воқеалар моҳиятини чуқур очи билган. Қад. миллий маданиятни, фольклорнинг энг яхши анъаналарини ўзлаштириб, грузин шеъриятини юқори погонага кўтарган. Р.нинг поэтик нутқи мажозийлиги, ҳикматларга бойлиги б-н ажралиб туради. Асари жаҳон халқлари тилларига, жумладан, ўзбек тилига таржима қилинган (*Мифтемир, Шайхзода* ҳамкорликда, 1959). Тошкентнинг марказий кўчаларидан бирига Р. номи берилган.

Ас.: Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон, Т., 1959.

Ад.: Барамидзе А., Шота Руставели, М., 1966; Иногомов Р., Грузин адабиётининг кўёши, Т., 1966.

РУСТАВИ — Грузиядаги шаҳар (1948 й.дан). Кура дарёси бўйида. Тбилиси ш.дан 27 км жан.-шарқда. Т.й. станцияси. Аҳолиси 162 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Р.да қора ва рангли металлургия корхоналари, «Азот» ва «Химволокно» кимё и.ч. бирлашмалари, крансозлик, қурилиш ва йўл машиналарини таъмирлаш, таъмирлаш-механика, металл конструкциялар, цемент, «Центролит» з-длари, уйсозлик, темир-бетон буюмлар, қурилиш материаллари, ёғочсозлик корхоналари, озиқ-

овқат, енгил саноат корхоналари фаолият кўрсатади.

Бир неча ўрта махсус билим юрти, драма театри, ўлкашунослик музейи, стадион, спорт мажмуи мавжуд. Р. ёнида Тбилиси иссиқлик электр ст-яси бор. Шаҳар металлургия з-ди қурилиши муносабати б-н вужудга келган. Шаҳарнинг Кура дарёси чап соҳилидаги қисмида 13-а.да мўғуллар томонидан вайронага айлантирилган қал. шаҳарнинг қолдиқлари аниқланган.

РУСТАМ — Ўрта Шарқ халқлари оғзаки ва ёзма адабиётидаги анъанавий образ; мардлик, паҳлавонлик ҳақидаги мифологик тушунча ва эпик идеалнинг рамзий ифодаси. Бу образ форс афсоналари ва «Шоҳнома»да Эрон ҳимоячиси сифатида нақл этилса, турки халқлар эпоси ва афсоналарида Афросиёбнинг бобоси — Турнинг авлод-аждодидан деб таърифланади ва у Туронни чет эл босқинчиларидан ҳимоя қилади. Р. образида тўғрилик, меҳрибонлик, адолатпарварлик ҳамда содлалиқлик каби ахлоқ меъёрлари мужассамлашган.

РУСТАМ МЕҲТАР Юсуфалиэода (1860 — Андижон — 1933) — созанда (сурнай), *меҳтар*. Соз чалишни отаси Юсуфали меҳтардан ва бухоролик Ҳожимат меҳтардан ўрганган. Ёшлигидан ноғора, карнай ва дуторда машқ қилган бўлсада, асосан, сурнайда моҳир ижрочи бўлган. Репертуаридан «Ҳаққоний», «Вой, жоней», «Лайзонгул», «Кўча боғи», «Чарх» каби куйлар ҳамда ўнлаб мақом йўллари ўрин олган. Андижон ноғорахонасининг меҳтари ҳам бўлган. Р.м. ижрочилик анъаналарини унинг шогирдлари — *Ашурали меҳтар* ва ўғли О. *Рустамов* давом эттиришган.

РУСТАМ МИРЗО (1381—1424) — *темурийлардан*, Умаршайх Мирзонинг 2-ўғли. Ироқ ва Форс ҳукмдори (1414—24). 1403 й. Амир Темур Р.М.га Исфаҳон ҳукмронлигини берган. 1406 й.да у акаси Пирмуҳаммад Мирзо Шерозий (1379—1410) ва Умар Мирзо б-н биргаликда Абубакр Мирзога қарши уруш қилган. Харбурда мавзеида бўлган бу жангда унинг қўшини мағлубиятга учрайди. Кейинчалик ака-укалар ўртасида пайдо бўлган ихтилофга Р.М. нинг бекларидан амир Санд Барлос ўз «ҳиссаси»ни қўшган. Р.М. укаси Искандар Мирзо б-н иттифоқ тузиб, акаси Пирмуҳаммад Мирзога қарши уруш ҳаракатларини бошлайди. Бироқ тезда у Искандар Мирзо б-н ҳам ихтилофга боради ва жангда мағлубиятга учраб (1410), Қора Юсуф туркман ҳузурига ёрлам сўраб кетади. 1412 й.да у Табриз орқали Исфаҳон, сўнгра Ҳиротга келган. 1414 й. *Шоҳрух* уни Искандар Мирзо ўрнига Ироқ ва Форс ҳукмдори қилиб тайинлайди. Фурсатни ғанимат билган Р.М. ўз укаси Искандар Мирзонинг 2 кўзига мил тортгириб, кўр қилади ва кейинчалик қатл қилдиради (1415 й. июнь). Р.М.нинг 2 ўғли бўлиб, улар отаси тириклигида вафот этишган.

Манба: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Т., 1969.
Ад.: Файзиев Т., Темурийлар шажараси. Т., 1995.

РУСТАМОВ Алибек (1931.15.5, Янгийўл ш.) — манбашунос-тилшунос олим. Ўзбекистон ФА акад. (1995), филол. фанлари д-ри (1968), проф. (1968). Ўрта Осиё ун-ти шарқ ф-тининг эроншунослик бўлимини тугатган (1955). Шу ун-тининг тилшунослик кафедрасида лаборант (1956—57), аспирант (1957—59), ўқитувчи (1960). Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-ти катта илмий ходими (1960—61), ТошДУ шарқ ф-ти доценти (1961—65). Республика рус тили ва адабиёти педагогика ин-ти умумий тилшунослик кафедрасининг мудири (1965—90), Тошкент шарқшунослик ин-ти туркийшунослик кафедрасининг мудири (1991—99), кафедра проф. (2000 й.дан). Р. асарлари туркийшунослик ҳамда умумий тилшуносликнинг амалий ва назарий масалаларига, қад. турки (ўзбек) тили ва ёзуви, Навоий асарлари тилини ўрганишга, услуб ва услубшунослик, аруз шеър тизими, мумтоз адабиёт терминлари тадқиқига бағишланган; у, шунингдек, илмий ва бадиий таржима б-н шуғулланади (мас., Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг «Бадоеъ ус-саноеъ» асарининг форсчадан ўзбекчага, Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асарининг русчага таржимаси); «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»ни (1981) тузишда қатнашган.

Ас.: Маҳмуд Замахшарий, Т., 1971; Навоийнинг бадиий маҳорати, Т., 1979; Қадимги турки тил (ҳамкорликда), Т., 1982; Навоий тилининг грамматик хусусиятлари (ҳамкорликда), Т., 1984; Сўз хусусида сўз, Т., 1987; Алибобур одобидан алабдар, Т., 2003.

РУСТАМОВ Бобоқул (1928.20.10—Самарқанд — 2004.10.3) — терапевт ва паразитолог. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1989), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач (1968), тиббиёт фанлари д-ри (1968), проф. (1968). СамТИни тугатган (1948). Шу ин-т госпиталь терапия кафедрасида ординатор (1948—51), ассистент (1951—55), доцент (1957—68), илмий ишлар бўйича проректор (1964—66), тиббиёт паразитологияси и.т. институти директори (1966—75), СамТИ госпиталь терапия кафедраси мудири (1977—95), 1995 й.дан проф. Илмий ишлари гастроэнтерология ва паразитологиянинг долзарб масалаларига бағишланган. Гипертония касаллигида меъда ва меъда ости безининг функционал ўзгаришларини тадқиқ қилган.

РУСТАМОВ Одилбек (1895 — Андижон — 1968) — созанда (сурнай, ноғора), *меҳтар*, *Рустам меҳтар* Юсуфалиэоданинг ўғли. 1927—60 й.ларда (турли вақтларда) Андижон театрида ишлаб, ёш хонанда, созанда, раққоса(а)ларга таълим берган. Бузрук, Сегоҳ, Дутоқ, Ироқ мақомларининг сурнай йўлларини, шунингдек, «Адолй», «Мискин», «Гул ўйин» каби оммабоп рақс куйларини маҳорат б-н ижро этган. Ўзбекистон радио қўмитаси (1956) ва Санъатшунослик и.т. институтида (1963) Р. ижросида 70 дан ортиқ куй ёзиб олинган.

РУСТАМОВ Тошпемир (1906, Чимкент вилояти, Қорабулоқ қишлоғи — 1943.18.8, Смоленск обл. Дорогобуж р-ни, Алексино қишлоғи) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси, оддий аскар. 1942 й.дан фронтда. 1083-ўқчи полки (Ғарбий фронт 5-армиясининг 312-ўқчи дивизияси)нинг ўқчиси. Р. 1943 й. 18 авг.да Смоленск обл.нинг Дорогобуж р-нидаги Борисовка қишлоғи учун бўлган жангда ўз танаси б-н душман дзоти амбразурасини беркитган. 1944 й. 3 июнда (ўлимидан сўнг) Қаҳрамон унвони берилган. Тошкент ш.ва Сайрам туманидаги мактабларидан бирига Р. номи берилган.

РУСТАМОВ Ҳусни Рустамович (1910.21.3, Тошкент) — кимёгар олим. Ўзбекистон ФА акад. (2000). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1967). Кимё фанлари д-ри (1954), проф. (1955). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1932). Уруш қатнашчиси (1941—45). Тошкент Политехника ин-ти физик-кимё кафедраси мудири(1945 —86), проф-консультант (1987 й.дан). Асосий илмий иш-лари кислота-асос каталитик реакцияларининг кинетикаси ва механизми ҳамда адсорбция жараёнларини ўрганишга онд. Р. металларни экстракция ва чўктириш йўли б-н ажратиш жараёни мувозанати, кинетикаси ва механизмини текширш натижасида кобальт, никель ва вольфрамни турли қўшимчалардан тозалаш ва уларни бир-биридан ажратиш технологияларини ишлаб чиқди. Мактаб ва олий ўқув юртлари учун кимёдан дарслик ва қўлланмалар муаллифи.

Ас.: Умумий химия [дарслик], 2-нашр, Т., 1969; Д.И.Менделеевнинг даврий қонуни ва элементлар даврий системаси, Т., 1969; Физик кимё [дарслик], Т., 2000; Технологик жараёнларнинг физик-кимёвий асослари [дарслик], Т., 2001; Физик кимёдан масалалар ва мисоллар тўплами, Т., 2003.

РУСТАМОВА Абера Рузиевна (1953.12.8, Ромитан тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2000). Бухоро педагогика ин-тини тугатган (1974). 1974 й.дан Коғон туманидаги 1-мактабда мат. ўқитувчиси. Дарсда янги педагогик технологиялардан фойдаланади.

«РУСТАМХОН» — ўзбек қаҳрамонлик-романтик достонлари туркумига мансуб асар. Тахм. 15—16-а.ларда яратилган. Маълум гоя ва воқеликка асосланган эпик сюжет негизида яратилган 5 та достон («Муродхон», «Рустамхон», «Султонхон», «Офтоб пари», «Рустамнинг яраланиши»)дан иборат. Улар бош қаҳрамон Рустамхон ва унинг қарилошлари (онаси Ҳуройим, хотини Офтобой, отаси Султонхон, боболари Муродхон), юрти (Оқтош) атрофида бирлашган. «Р.» достонларида ватанпарварлик ғоялари илгари сурилган, мардлик, чин севги, адолат улуғланган. «Р.» туркуми достонларидан «Муродхон» (1928) ва «Рустамхон» (1937) *Фозил Йўлдош ўғли*дан ёзиб олиниб, нашр этилган (1965). «Р.»нинг Маллабой Ҳошимов, Мелиш Эрматов, Олим Ҳаққулов каби достончилардан ёзиб олинган варианглари ҳам бор. Улар Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институтининг фольклор архивида сақланади.

Ад.: Обидова М., «Рустам» туркумидаги достонлар, Т., 1982.

РУСТИКА (лот. rusticus — оддий, деҳқон) — меъморчиликда девор тури. Бинони бўртмали қилиб териш ёки тўғри бурчакли дағал тарошланмаган тош (квадра)лар б-н қоплаш. Бинони ҳашаматли ва маҳобатли қилиб кўрсатади. Р.нинг маҳаллий намуналари *Исмоил Сомоний мақбараси*, *Мир Саид Баҳром мақбараси*, Сайфиддин Боҳарлиқларда сақланган.

РУСТОҚ (форс. — қишлоқ) — Ўрта Осиё, Эрон ва қисман араб мамлакатларида қўлланилган тарихий-географик тушунча. Қишлоқ, шаҳар, овул, бозор, ўзлаштирилган ўлка, ўтроқ аҳоли яшайдиган жой, экин майдони, ободонлаштирилган шаҳар каби маъноларга эга. Ўрта Осиё ва Эрон мўғуллар томонидан истило этилгач, Р. ўрнига «туман» атамаси қўлланила бошлаган.

РУС-ТУЗЕМ МАКТАБЛАРИ (рус. туземец — маҳаллий аҳоли) — Туркистонда Окт. тўнтаришига қадар маҳаллий аҳоли болалари учун очилган бошланғич рус мактаблари. Уни очишдан асосий мақсад ўлкани руслаштириш эди. Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман «мусулмон ва рус мактабларининг ажралиб туриши»ни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан зарарли деб ҳисоблади. Бу ғояни Кауфманнинг издоши генерал-лейтенант Н.О. Розенбах давом эттириб, ибтидоий турдаги янги мактаблар — Р.-т.м. тармоғини яратиш лойиҳасини ишлаб чиқди. Биринчи рус-тузем мактаби 1884 й. 19 декда Тошкентда очилган. Унда 41 бола ўқиган. 1891 й. Хивада, 1894 й. Бухорода ҳам очилган. Уларнинг сони 19-а. охирида 100 дан ошган. Р.-т.м.да таълим муддати 4 й. бўлган. Р.-т.м. русча ва маҳаллий синфларга бўлинган. Рус тили, ўқиш, ёзиш, ҳисоб, геом., тарих, бошланғич ўзбек тили, араб тили ва ислом дини асослари ўқитилган. Рус тили, дини асослари ўқитилган. Рус тили, ҳисоб, ёзув, геом., тарих дарсларини рус ўқитувчиси, ўзбек тили, араб тили, ислом дини асосларини ўзбек муаллими ўқитган. Сандрасул Сандазюзнинг «Устоди аввал» (1902), Алиаскар Канлининг «Муаллими соний» (1903), С.М.Граменщикийнинг 3 қисмдан иборат ўқиш китоблари Р.-т.м. ўқувчиларининг асосий дарсликлари бўлган. Айрим Р.-т.м. қошида катталар учун (рус грамматикаси асосини ўргатиш мақсадида) кечки мактаблар, кўчманчи аҳоли учун эса интернатлар ташкил қилинган. Ке-йинчалик 2 й.лик ва аёллар учун ҳам Р.-т.м. очилган. Р.-т.м. маҳаллий аҳолининг бир қисмига ўша давр учун илғор бўлган маданият ютуқларидан баҳраманд бўлиш имконини яратган.

РУС—ТУРК УРУШЛАРИ (18—19-а.лар) — Россия б-н Туркия ўртасида Қора денгиз ва унинг атрофидаги ҳудудларга эгалик қилиш учун олиб борилган урушлар:

1) 1735—39 й.лардаги уруш. Қора денгизга чиқиш ва қримтатарларнинг талончилик юришларига чек қўйиш учун Россия (Австрия б-н иттифоқликда) томонидан олиб борилган. Рус қўшинлари Азов, Очаков, Хотин, Яссини, 2 марта Қримни эгаллаган. Белград сулҳ шартномаси (1739)га кўра, Россия Азовни ўзига қайтариб олган;

2) 1768—74 й.лардаги уруш. Россия ўз қўшинларини Польшадан олиб чиқиб кетишни рад этгандан кейин Туркия томонидан бошланган. Руслар томонидан Ларга ва Кагулда турк қўшинлари ва Чесма жангида турк флоти тор-мор этилган, Қрим эгалланган. Кучук—Қайнаржа сулҳ шартномасига кўра, Россия Жан. Украинанинг Жан. Буг дарёсигача бўлган ҳудудини ва Қора денгизга эркин чиқиш ҳуқуқини олган;

3) 1787—91 й.лардаги уруш. Туркия томонидан Қрим ва б. ҳудудлари қайтариб олиш мақсадида бошланган. А.В.*Суворов* қўмондонлигидаги рус қўшинлари Кинбурн, Фокшана, Римник, Измаилда, Ф.Ф.Ушаков қўмондонлигидаги рус флоти Калиакрияда галаба қозонган. Ясси сулҳи (1791)га кўра, Қримнинг Россияга қўшилиши тасдиқланган ва рус-турк чегараси Днестр дарёсидан деб белгиланган;

4) 1806—12 й.лардаги уруш. Шим. Қора денгиз бўйи ва Кавказдаги собиқ мулкларни қайтариб олиш ва Болқонда Россия таъсирининг ёйилиши муносабати б-н Туркия томонидан бошланган. Рус қўшинларининг галабалари ва М.И.*Кутузовнинг* дипломатик санъати *Бухарест тинчлик шартномаси* (1812)ни имзоланишига олиб келган. Унга кўра, Бессарабиянинг Россияга қўшилганлиги тасдиқланган;

5) 1828—29 й.лардаги уруш. Греция миллий озодлик инқилоби (1821—29) туфайли Усмонли турк империясида вужудга келган сиёсий инқироз натижасида келиб чиққан. Рус қўшинлари Закавказьеда Карс ва Арзирумни эгаллаган, Болгарияда турк қўшинларини тор-мор этиб, Константинополга яқинлашиб келган. *Адрианополь сулҳ шартномаси* (1829)га кўра, Кавказнинг Қора денгиз соҳиллари (Батумидан ташқари), Ахалцих р-ни Россияга ўтган. Греция мустақилликка эришган. Молдова, Валахия ва Сербияга мухторият ҳуқуқи берилган.

6) 1877—78 й.лардаги уруш. Болқонда миллий озодлик ҳаракатининг кучайиши ва халқаро муносабатларнинг кескинлашуви натижасида бошланган. Асосий воқеалари: Шипкадаги жанг, рус қўшинлари томонидан Плевна ва Карс (Закавказье)нинг қамал қилиниши ва эгалланиши, 1878 й. қишида рус армиясининг Болқон тоғлари орқали ўтиб, Шипка-Шейново-да, Филиппополда галаба қозониши, Адрианополнинг эгалланиши. Сан-Стефано сулҳи (1878) б-н уруш тугаган. Сулҳ қарорлари Берлин конгресси (1878)да қайта кўриб чиқилган. Унга

кўра, Руминия, Сербия ва Черногория мустақилликка эришган. Болгария турк мустамлакасидан озод бўлган. Жан. Украина, Бессарабия, Қрим, Шим.-Ғарбий Кавказ, Кавказнинг Қора денгиз бўйлари, Жан.-Ғарбий Грузия ва Туркия Арманистоннинг шим. қисми Россияга қўшиб олинган.

РУСУДАНА — Грузия маликаси (1222—45). Малика Тамара (1184—1213)нинг қизи. Р. Грузиянинг б-салиб юришида қатнашиши хусусида Рим папаси б-н келишиб олганди, лекин бу режани амалга ошишига 1225 й.да хоразмшоҳ *Жалолиддин Мангуберди* бошчилигидаги қўшининг Грузияга кириб келиши халақит берган. Жалолиддин Р.га киши юбориб, унга уйланмоқчи эканлигини, ўзини подшоҳ деб тан олишларини ҳамда биргаликда мўғулларга қарши курашишлари лозимлигини билдиради.

*Насавий*нинг ёзишича, Р. Жалолиддин насроний динига ўтсагина унинг таклифини қабул қилажагини шарт қилиб қўяди. Хоразмшоҳ бу шартни қатъиян рад этган ва жангни бошлаб юборган. У Шарқий Грузияни 1225 й.да забт этган. Мўғуллар истилоси даврида Р. мўғул қоонига тобе бўлган (1235). Грузия ўлпон тўлаб, мўғулларнинг ҳарбий юришларида қўшин юбориш мажбуриятини олган.

РУС—ФОРС УРУШЛАРИ (19-а.) — *Закавказмед*а ҳукмронлик қилиш учун Россия б-н Эрон ўртасидаги урушлар: 1) 1804—13 й.лардаги рус қўшинларини Закавказьедан олиб чиқиб кетиш ҳақидаги ультиматум рад этилгач, Эрон томонидан бошланган. Рус қўшинлари бир неча ғалабаларга эришган ва Шим. Озарбайжон ҳудудини эгаллаган. 1813 й. окт.да Эрон Гулистон сулҳ шартномасини тузишга мажбур бўлган. Унга кўра, Эрон Дағистонни, Шим. Озарбайжоннинг Россияга қўшилганлигини тан олган; 2) 1826—28 й.лардаги Шарқий Закавказьени қайтариб олиш мақсадида Эрон томонидан бошланган. Рус қўшинлари Нахичеван, Ереван, Табризни эгаллаган. 1828 й. фев.да Россия б-н Эрон ўртасида Туркманчой шартномаси тузилган. Унга кўра, Ереван ва Нахичеван хонлиги Россияга ўтган.

Р.-ф. у. натижасида Шим. Озарбайжон ва Шарқий Арманистон Россияга қўшилган.

РУСЬ, Русь ери — Днепр дарёси соҳилининг ўрта қисмида ташкил топган шарқий славян давлатининг дастлабки номи (9-а.). 12-а. бошигача Киев Руси ҳудудининг номи. 12—13-а.ларда Қад. Русь ерлари ва князликларининг номи. 13-а.дан Белая Р., Малая Р. ва б. жой номлари пайдо бўлган. «Р.» атамаси собиқ Қад. Русь давлатининг шим.-шарқий ерлари номини англатиб, «руслар» тушунчасининг асосига айланган.

РУС—ЯПОН УРУШИ (1904—1905) — Узоқ Шарқда ҳукмронликни қўлга олиш учун Россия б-н Япония ўртасидаги уруш. Корея ва Хитойни бўлиб олишга интилган давлатлар ўртасидаги кураш натижасида келиб чиққан. Япония томонидан бошланган. 1904 й.даги асосий воқеалар: япон флотининг Порт-Артурга ҳужуми; Порт-Артур мудофааси. Россиянинг Ялу, Ляоян, Шаҳэ дарёларидаги жангларда енгилиши; 1905 й.даги воқеалар: Мукденда рус армияси. Цусимада рус флотининг тормор этилиши. Уруш АҚШ воситачилигида Портемут сулҳ шартномаси (1905.18.5) б-н якунланган. Шартномага биноан, Россия Кореяни Японияниг таъсир доирасида деб эътироф қилган, Сахалининг жан. қисми Японияга ўтган. Япония Ляодун я.о.дан (Порт-Артур ва Дальний б-н бирга) ижарага фойдаланиш ҳуқуқини олган. Россия учун оғир маглубият, катта қурбонлар олиб келган. Р.-я.у. 1905—07 й.лар инқилоби бошланишини тезлаштирган.

РУТА (Ruta) — тошбақатол оиласига мансуб ўсимликлар туркуми. Кўп йиллик ўт ва чала бута. 60 га яқин тури бор, асосан, Ўрта денгиз атрофида учрайди. Барги 2—3 марта патсимон қирқилган, кетма-кет жойлашган. Гуллари саргиш-яшил, майда, тўпгули рўваксимон. Меваси думалоқ қўсак. Қуритилмаган Р. заҳарли бўлиб, ёқимсиз ҳиди бор. Қуритилган гуллари атиргул ҳидини эслатади. Ер устки қисми таркибида эфир мойи (0,1—0,15%), рутин ва б. моддалар бор. Доривор ўсимлик сифатида ўстирилади.

Рута.

РУТА — икки томонга уланувчи нақш *тақсими*; нақш мужассамотини ўраб турадиган ҳошия нақш. Амалий безак санъатининг деярли барча турлари (наққошлик, ганч ва ёғоч ўймакорлиги, мискарлик, гиламчилик ва ҳ.к.)да кенг қўлланади. Р.нинг кенглиги нақш мужассамотида турлича бўлиши мумкин, унинг кетма-кет ҳамда тўнкарма усулда уланадиган хиллари мавжуд. Кетма-кет уланувчи Р.лар 1, 2, 3 йўналишли бўлиб, ҳар бир йўналиш бир-тадан чиқиш нуқтасига эга бўлади. Тўнкарма Р.нинг тақсим асосини уста 2 букланган қоғозга чизади, букланган қисмни очганда тўнкарма Р. ахта (узлуксиз ҳосил бўлади; унда 1—2, баъзан 3 чиқиш нуқтаси бўлиши мумкин, бундан Р.да 3-чиқиш нуқтаси (одатда, ўртада бўлади) бўш жойларни тўлдиришга хизмат қилади. 2 чиқиш нуқтали Р.ларда «ариқча нуска» деб аталадиган композиция ҳам учрайди (яъни 2 нуқтадан чиққан новдалар ҳалқа ҳосил қилади), тўлдирувчи бўлаклар ҳам новдаларнинг ўралиши жоиига мослаб чизилади.

РУТЕНИЙ (лот. Ruthenium), Ru — Менделеев даврий системасининг VIII гуруҳига мансуб кимёвий элемент. Тартиб рақами 44, ат. м. 101,07. Табиий Р. масса сонлари 96, 98—102 ва 104 бўлган 7 та барқарор изотопдан иборат, энг кўп тарқалгани ^{102}Ru (31,61%). Р. 1844 й.да Қозонда К. Клаус томонидан кашф этилган ва Россия шарафига Р. деб аталган. Р. Ер пўстининг масса жиҳатидан 5-10 $^{-7}$% ини ташкил қилади. Р., асосан, платина гуруҳидаги металлар б-н бирга учрайди. Тутма платинали 0,02% атрофида Р. бўлади. Урал конларидан олинадиган осмийли иридийда 20% гача Р. бор. Р. кумуш ранг, жуда қаттиқ металл, суюқланиш т-раси 2250°, қайнаш т-раси 4900°, зичлиги 12,2 г/см^3. Р.нинг аморф ва кристалл модификацияларн мавжуд. Аморф Р. қора тусли кукун, у Р. бирикмаларини эритмаларда қайтариш натижасида ҳосил бўлади. Аморф Р.ни суюқ ҳолатда эритиб, қайта кристаллаш йўли б-н кристалл Р. олинади.

Р.нинг ўз бирикмаларида валентлиги 0 дан 8 гача. Р.нинг металл бўлаги ҳаво сувида ҳам эримайди, лекин кузар сувида ҳам эримайди, лекин кузар сувида ҳам эримайди, лекин кун ҳолатдагиси сульфат ва перхлорат кислоталар б-н реакцияга киришади. Р.нинг RuO_4 таркибли оксиди, $Ru(OH)_3 \cdot nH_2O$ таркибли гидроксиди, $RuCl_2$, $RuCl_3$, $RuCl_4$, $RuBr_3$, RuI_3, RuF_5 таркибли галогенидлари, Ru_2S_3 таркибли сульфиди ва $Ru(NO_3)_3 \cdot 6H_2O$ таркибли кристаллогидрати маълум.

Р. жуда кўп комплекс бирикмалар ҳосил қилади. Осмий б-н Р. қотишмасидан перо, баъзи асбобларнинг магнит хоссаларга эга бўлмаган деталлари тайёрланади. Р.нинг никель, кобальт, молибден, вольфрам, бор ва кумушли қотишмаларидан электр лампаларининг чўғланиш толалари, заргарлик буюмлари, лаб. жиҳозлари, контакт материаллар ва симлар ишланади. Катализатор сифатида, чинни ва сопол учун бўёқ сифатида, $K_2[RuCl_6]$ таркибли комплекс тузи фотографияда қўлланади.

РУТИЛ (лот. rutilus — саргиш-қизил) — TiO_2 оксидлар синфига мансуб минерал. Титан оксидининг 3 полиморф модификациясидан бири. Изоморф шаклида Fe, Cr, Nb, Ta, V, Sn қўшимчалари бўлади. Ta_2O_5 қўшимчаси 47% гача бўлса стюверит; Nb_2O_5 (42% гача) — ильменорутил, темир қўшилса — ниграин деб аҳратилади; Тетрагонал сингонияда кристалланади. Кристаллари призматик, устунсимонлан ниначасимон шаклгача. Ранги қизғиш-қўнғир, тўқ қўнғир, сариқ, кўкимтир, қора, бальзан ишил бўлади. Қаттиқлиги 6,5. Зичлиги 4200 кг/м^3. Мўрт Р. — титан рудаларининг муҳим компоненти, лок-бўёқ ва электрод ишлаб чиқаришда қўлланилади.

РУТУЛЛАР (ўзларини миx абдир деб аташади) — лакк. Дағистон (Рутул ва Ахта туманлари) ва Озарбайжон (Нуха туманида яшайди. 20 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Рутул тилида сўзлашади. Диндорлари — сунний мусулмонлар.

РУФИЖИ — Танзаниядаги дарё. Ньяса кўлидан шарқда жойлашган тоғлардан бошланган Лувегу ва Киломберо дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Узунлиги Лувегу ирмоғининг бошланиш жойидан 1400 км, ҳавзасининг майд. 178 минг км^2. Ҳинд океанининг Мафия денгизига қўйилади. Ўртача сув сарфи 1100 м^3/сек. Мартдан май ойигача суви кўпаяди. Қуйи қисмида кема қатнайди.

РУХ (лот. Zincum), Zn — Менделеев даврий системасининг II гуруҳига мансуб кимёвий элемент. Тартиб рақами 30, ат. м. 65,39. Р. табиатда 5 та барқарор изотоп (^{64}Zn, ^{66}Zn, ^{67}Zn, ^{68}Zn, ^{70}Zn)дан иборат аралашма ҳолида учрайди. Энг кўп тар-қалгани ^{64}Zn (48,89%). Р.нинг 9 та сунъий радиоактив изотопидан фақат ^{65}Zn ($T_{1/2}$=245 кун) илмий текшириш мақсадлари учун саноат миқёсида олинади. Қадимда мис парчасини рух карбонат ва кўмир б-н бирга қиздириб жез тайёрлашган. Р. дастлаб Ҳиндистонда олинган. Р. Европада 17-а.да саноат миқёсида ишлаб чиқарила бошланган. Ер пўстининг масса жиҳатидан 3·10^{-2}%ни ташкил қилади. Р.нинг муҳим минерали сфалерит — аралашма рух ZnS дир. Олтой, Шим. Кавказ, АҚШ, Австралия, Польша ва б. мамлакатларда йирик Р. конлари бор.

Р. оч зангори рангли, кумуш каби ялтироқ металл; нам ҳавода Р.нинг сирти оксид парда б-н қопланади. Р.нинг суюқланиш т-раси 419,5°; қайнаш т-раси 907°, зичлиги 7,133 г/см^3. Р. - кимёвий жиҳатдан фаол металлар жумласига киради. Кислоталарда яхши эрийди; қиздирилса, ишқорларда ҳам эрийди. Йод ва олтингугурт б-н хона т-расида бирикади. Қиздирилганда Р. фаол металлмаслар б-н шиддатли реакцияга киришади, металлар б-н қотишмалар ҳосил қилади. Унинг жез (60% Cu, 40% Zn), томпак (90% Cu, 10% Zn), нейзелбер (65% Cu, 20% ва 15% Ni) қотишмалари кенг қўлланади.

Р. ўз бирикмаларида 2 валентли. Рух оксид ZnO ва рух гидроксид $Zn(OH)_2$ амфотер хоссага эга. Рух гидроксид ишқорлар б-н реакцияга киришганида цинкатлар, мас., $K_2[Zn(OH)_2]$, кислоталарда эриб рух тузларини ҳосил қилади. Рух пирометаллургия ва гидрометаллургия усуллари б-н олинади.

Бутун дунёда ишлаб чиқариладиган рухнинг 40%и пўлатни коррозиядан сақлаш учун сарфланади. Рух кукуни ёрдамида кадмий, мис ва нодир металлар бирикмаларидан ажратиб олинади. Р.дан ишланган листлар конструкцион материал сифатида, шунингдек, қуруқ элементларнинг идишларини тайёрлашда қўлланади.

Рух бирикмалари. Рух оксид, ZnO — рухнинг кислород б-н бирикмаси. Оқ рангли кристалл модда. Зичлиги 5,7 г/см^3; 1800° да сублимацияланади. Суюқланиш т-раси 1975°. Сувда эримайди, кислоталарда эриб тегишли туз ҳосил қилади. Ишқорларда эриб цинкатлар ҳосил қилади. Табиатда цинкит (қизил рух рудаси) минералида учрайди. Сирлар тайёрлашда, оқ бўёқ, каучук, целлюлоза, пластмасса, резина тўлдиргичлари, тиббиётда малҳам ва сепма дори сифатида ишлатилади. Заҳарли, уни ҳидлаганда иситма чиқаради, бош оғрийди, кўнгил айнийди ва йўтал тутади.

Рухнинг 2 та силикати маълум: метасиликат $ZnSiO_3$ — оқ рангли гексагонал ёки ромб панжарали кристалл модда. Суюқланиш т-раси 1429°, зичлиги 3,52 г/см^3. Ортосиликат Zn_2SiO_4 (виллемит) — оқ рангли гексагонал панжарали кристалл модда. Суюқланиш т-раси 1510°, зичлиги 4,2 г/см^3. Рух силикатлари рух оксиди б-н кварц қумини бирга юқори т-рада (1350—1400°) куйдириш йўли б-н олинади. Шаффоф, бўғиқ рангли, махсус ишша ва сирлар и.ч.да қўлланади.

Рух сульфат, $ZnSO_4$ — рангсиз орторомб панжарали кристалл модда; зичлиги 3,74 г/см^3, 800—900° да ZnO ва SO_2 га ажралади. Сувдаги эритмаларидан сувли кристаллогидрат $ZnSO_4 \cdot 7H_2O$ — рух купороси кўринишида ажралиб чиқади. Вискоза и.ч.да, бўёқчиликда, чигларга гул босишда, электролитик усулда рух метали олишда, микроўғит сифатида ва тиббиётда ишлатилади.

Рух сульфид, ZnS — рухнинг олтингугурт б-н бирикмаси. 2 та модификацияси бор: α - ZnS (сфалерит) — куб панжарали кристалл модда. β - ZnS (вюрцит) — гексагонал панжарали кристалл модда. Суюқланиш т-раси 1850° (150 атм босим остида), зичлиги 3,98—4,092 г/см^3. 1185° да сублимацияланади. Сувда эримайди, кислоталарда яхши эрийди. Сфалерит рух олишда муҳим хом ашё ҳисобланади. Люминофорлар компоненти, барий сульфат б-н аралашмаси оқ бўёқ — литопон олишда, кадмий сульфид б-н аралашмаси телевизор кинескоплари тайёрлашда ишлатилади.

Рух хлорид, $ZnCl_2$ — рухнинг хлор б-н бирикмаси, рангсиз кристалл модда. Суюқланиш т-раси 318°, қайнаш т-раси 732°, зичлиги 2,91 г/см^3. Сувда яхши эрийди. Рух концентратига ош тузини қўшиб қиздириш, ҳайдаш ва уни чанг ҳолида тутиб йиғиш, шунингдек, рух оксиди ёки металл бўлакларига хлорид кислота таъсир эттириш, сўнгра буғлатиш усуллари б-н олинади. Ёғочни чиришдан сақлашда шимдирилувчи таркиб сифатида, металларни пайванд-лашда (оксид пардалардан тозалашда), пергамент и.ч.да қўлланади.

Ad.: Раҳимов Х.Р., Аноргапик химия, Т., 1984; Парпиев Н.А., Раҳимов Х. Р., Муфтахов А. Г., Аноргапик кимё, Т., 2003.

Рустам Мавлонов.

РУХ ҚОТИШМАЛАРИ — асосий қисми рухдан иборат бўлган қотишмалар. Таркибида қўшилмалар сифатида алюминий, мис ва магний бўлган Р. қ. муҳим саноат аҳамиятига эга. Рух-алюминий ва рух-алюминий-мис системалари асосидаги Р.қ. таркибида алюминий 3,5 дан 22% гача, магний 0,02 дан 2% гача; уларда β-қаттиқ эритма (жуда оз миқдордаги алюминийнинг рухдаги қаттиқ эритмаси) б-н α-қаттиқ эритма (рухнинг алюминийдаги қаттиқ эритмаси) ҳосил бўлиши мумкин. Рух-мис системаси асосида саноат аҳамиятига эга бўлган Л60 (мис 60%, рух 40%) ва Л15 (мис 85%, рух 15%) русумли жезлар олинади. Рух-алюминий системаси асосидаги Р.қ.нинг механик хоссалари рух-мис системасидаги қотишмаларникидан юқорироқ. Таркиби 22% алюминий ва 78% рухдан иборат қотишма ўта пластиклик хусусиятига эга. Бу қотишма юк таъсирида 1000% гача чўзилиши мумкин. Бошқа оддий металл материалларга нисбатан бу кўрсаткич 20—50 марта ортиқ. Ундан тайёрланган листларга паст (260—270°) т-раларда осонликча ишлов бериб, турли шаклли буюмлар олиш мумкин. Рух-алюминий-мис системасидаги қотишмалар рухнинг энг пухта қотишмаларидир. Р. қ.га кўргошин, қалай ва кадмий салбий таъсир этади, чунки улар рух б-н паст т-раларда суюқланадиган эвтектик таркиблар ҳосил қилиб, қотишма заррачалари четарасида жойлашади. Жуда оз миқдордаги темир ҳам Р. қ. қаттиқлигини ва мўртлигини оширади, уларга ишлов берилишини қий-

инлаштиради. Юқори сифатли Р.қ. таркибидаги қалай, кўрғошин, кадмий ва темирнинг миқдори тегишлича: 0,005, 0,01, 0,005 ва 0,1% дан ошмаслиги зарур. Саноатда ЦА15, ЦМ1, ЦАМ02-4, ЦАМ2-5, ЦАМ4-1, ЦАМ10-2, ЦАМ10-5 русумли Р.қ. ишлатилади. (Ц ҳарфи қотишмалардаги рухни, А. алюминийни, М мисни, рақамлар эса алюминий ва мисининг % ҳисобидаги миқдорини кўрсатади). Р.қ. осон суюқланадиган ва суюқ ҳолатда яхши оқувчан бўлганлигидан карбюраторлар, насослар, подшипниклар қисмлари ва б. турли мураккаб шаклли деталларни босим остида қуйишда, шунингдек, безак буюмлар тайёрлашда қўлланилади.

РУХЛИ ЎҒИТЛАР — таркибида ўсимликлар ўзлаштира оладиган *рух* бўлган минерал ёки органик-минерал макроўғитлар. Р.ў. сифатида рух сульфат, рухли полимикроўғит (ПМУ-7), рухли кукун ҳамда таркибида ўсимликлар ўзлаштира оладиган рух бўлган саноат чиқиндилари қўлланилади. Уруғликни дорилашда ва экинларни барги орқали озиқлантиришда рух сульфатнинг 0,05—0,1% ли эритмаси ишлатилади. Рухли полимикроўғитлар (ПМУ-7) таркибида 20—25% рух, 1% MgO, 0,4% MnO, 13% CuO ва б. элементлар бўлади. Уруғликни дорилаш ҳамда мевали экин майдонларига гектарига 3—5 кг ҳисобида солиш учун қўлланилади. Рухли кукун чигит ва маккажўхори донига 200 г/ц, қанд лавлаги уруғига 500 г/ц, бодринг ва полиз экинлари уруғига 200 г/кг ҳисобида экиш олдидан ишлов беришда қўлланилади.

Тупроқнинг ҳаракатчан рух б-н таъминланишини ҳисобга олган ҳолда Р.ў. қўллаш қўшимча ҳосилни таъминлайди.

РУШДИЙ Муҳаммад Сиддиқ (17-а., Қўқон) — шоир ва ёзувчи. Умрининг охирги йилларини Қашқарда ўтказган. Р.нинг бизга қадар ихчамгина ахлоқий-таълимий мазмундаги достони ҳамда катта ҳажмдаги «Тазкират ул-авлиёи туркий» асари етиб келган. «Тазкират ул-авлиёи туркий»да Мансур Халлож, Боязид Бистомий, Робия Адавия, Абу Туроб Нахшабий, Ат-Термизий, Жунаид Бағдодий, Иброҳим Адҳам сингари Шарқнинг 88 машҳур шайхи ҳақида маълумот берилади. Р. бу асарини ёзишда араб ва форс тилларидаги 14 манбадан, шунингдек, халқ оғзаки ижоди дурдоналаридан фойдаланган. Китоб туркий тилда ёзилган, авлиёлар — суфизм таълимоти даҳолари ҳақида энг мукаммал маълумот берадиган ягона тазкирадир. Тазкиранинг бирдан-бир нусхаси Низомий номидаги Тошкент педагогика университини қўлёзмалар фондида сақланади.

РУШОН ТИЗМАСИ — Ғарбий Помирдаги тоғ тизмаси (Тожикистон). Уз. 120 км. Энг баланд жойи Патхор чўққиси — 6080 м. Р.т. гранитоид, метаморфик ва гилли сланецлар, кварцит, қумтош, оҳактош, гнейслардан таркиб топган. Ён бағирлари тош уюмларидан, субтропик даштлар ва шувоқли чала чўл ҳамда чўл водийси ландшафтларидан иборат. Дарё водийларида тол, жийганоқ, терак, арғлана, қайин ўсади.

РУЪБ, Руб — ўрта асрлардаги Тохаристон шаҳарларидан бири. Арабларнинг истилоси даврида (7-а.) Р. Симинжон ш. б-н ягона мулкни ташкил этиб, унинг шоҳи туркийча Руъбхон унвони б-н аталган. Халифаликка 826—827 йилларда 12600 дирҳам миқдорида хирож тўлаган. Р.да маҳаллий ҳукмдор — Руъбхоннинг қароргоҳи бўлган.

РУҚИЯ БЕГИМ (15-а.) — темурий маликалардан. *Шоҳрухнинг ўғли Иброҳим Мирзонинг хотини*. Уларнинг никоҳидан 3 ўғил фарзанд: Султон Абу Исҳоқ Мирзо (1419—27), Исмоил Мирзо (1423—32), *Абдулло Мирзо* (1433—51) дунёга келган. Р.б. Эри вафотидан сўнг, Форс вилоятига ҳоким қилиб тайинланган Абдулло Мирзо ёш бўлгани туфайли отабек Шамсуддин Шерозий б-н бирга давлатни идора этган.

РУҲ (араб. — жон) — гайримоддий асосни англатувчи тушунча. Инсон ва ҳайвонлар танасида яшовчи, уйқу ва ўлган пайтда танани қисман ёки бутунлай тарк этувчи ўзига хос куч (қ. *Анимизм, Жон*). Р. тушунчасининг тал-қини тарихан ўзгариб борган. Юнон фалсафасида Р. олам асосида ётувчи пневма, нус (ақл), логос деб тушунилган. Аристотель «нус»ни тартибсиз материяни шакллантирувчи куч деб билган. Ўрта аср мутафаккирлари Р.ни табиатдан олдин мавжуд бўлган ва уни яратувчи куч деб ҳисоблаганлар. Форобий, Ибн Сино, Газолий ва б. файласуф, мутафаккирлар Р.ни турлича тал-қин қилишган. Форобий Р.ни бир танадан иккинчи танага кўчиб юришини рад этган. Шарқ табиблари Р.ни «латиф бут» деб тушунишган. Материалистик фалсафага кўра, Р. деганда юқори даражада уюшган материянинг маҳсули деб қаралувчи онг, тафаккур тушунилади, материяга нисбатан иккиламчи ҳисобланади. Идеалистик фалсафага кўра, Р. деганда материяга нисбатан бирламчи деб ҳисобланадиган ва бутун борлиқнинг негизини ташкил этган гайримоддий асос, илоҳий куч тушунилади. И. *Кант* Р.ни ғоя сифатида, *Гегель* борлиқни дунёвий Р.нинг ривожланиш босқичлари сифатида қаради. Р. идеалистик таълимотларда маркази ури тутиб, тушунча (панлогизм), субстанция (пантеизм), шахс (теизм) сифатида намоён бўлади.

Христианликда «муқаддас Р.» — *муқаддас уч.*ликдаги 3-шахс. Диний тушунчага кўра, Р. — киши ҳаётида у б-н бирга, вафотидан кейин эса, танадан чиқиб абадий қоладиган кўзга кўринмас парса. Баъзи уламолар Р.ни қон, бошқалари нафас деб ҳисоблайди. Айримлари эса, Р.ни латиф ва нафис ҳаводан иборат деб, уни модий парсалар қаторига қўяди. Курьонга кўра, Аллоҳ одам зотини яратмасдан олдинроқ қиёмат қаҳрига қолдирган одамларнинг Р.ларини пайдо қилган. Ислом динида Р.нинг моҳияти ҳақида баҳс юритиш ман этилади. Курьонда (ал-Исро сураси, 85-оят) Р. Аллоҳнинг илмига ҳавола этиладиган сир экани, Р. тўғрисида одамлар жуда оз маълумотга эга эканликлари таъкидланган.

Кўчма маънода — инсоннинг ички ҳолати, ҳис-туйғулари, кайфияти. Шунингдек, иш-ҳаракат, воқеа ва ҳодисаларнинг кечишидаги белгили хусусиятни ҳам англатади. Мас., замон Р.и, қонун Р.и, таълимот Р.и ва б.

РУҲИ ЖУВАНОН — жайдари ўрик нави. Халқ селекциясида яратилган. Дарахти кучли ўсади. Бал. 8 м. гача боради. Барглари йирик, оч яшил. Меваси июнь охири — июлнинг бошларида пишади, ўртача 35—40 г, чўзиқ-думалоқ. Пўсти силлиқ, юпқа, эти сариқ, таъми хушхўр, суюл. Таркибида 14—16% қанд, 0,8% к-та, 60,38 мг% витамин С бор. Данагидан қийинроқ ажралади. Данаги йирик, магзи ширин.

Руҳи жуванон ўрик нави.

Кўчати ўтқазилгач, 5—6-йили ҳосилга киради. Совуққа чидами ўртача. Нам б-н етарли таъминланган тупроқларда яхши ҳосил беради. 10—12 ёшида дарахтидан 30—55 кг, 20—25 ёшида 60—70 кг ҳосил олинади. Меваси ҳўлигича ейилади, мураббо, компот, турли консервалар қилинади, шарбат тайёрланади. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида экилади.

РУҲИЙ КАСАЛЛИКЛАР — қ. *Психик касалликлар*.

РУҲИЙ ҲАЯЖОН — шахснинг ўз ҳаракатлари аҳамиятини тушуниш ёки уларни бошқариш қобилиятини пасайтирадиган ҳолати; жиноят ҳуқуқида жабрланувчининг ноқонуний ҳаракатларига сабаб бўлган қаттиқ руҳий ҳаяжонланиш енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Ҳаяжонланиш ҳолати қатор ўзига хос белгиларга эга. Мазкур алломатлар фақат мутахассислар томонидангина аниқланиши лозим. Шу боис, айбдор шахсга берилган психологик экспертиза хулосаси ишга оид ҳужжатлар б-н бирга суд томонидан ишобатга олинади (ина қ. *Аффект*).

РУҲИЛЛО Сидқий [тахаллуси; асл исми Руҳилло Фатали ўғли Охундов; 1886.28.3(9.4), Боку яқинидаги Бузовна қишлоғи — 1959.5.5, Боку] — озарбайжон актёри. Халқ артисти (1949). Озарбайжон ҳамда янги ўзбек театрининг шаклланишида хизмати катта. 1924—59 йилларда М.Азизбеков номидаги Озарбайжон давлат драма театрида ишлаган. Гажи Қори («Гажи қори»), Фахриддин («Фахриддиннинг қайтуси»), Кажар («Вагиф»), Нодир («Нодиршоҳ»), Кирол Лир, Яго, Отелло, («Кирол Лир», «Отелло») каби образлар унинг ижодида алоҳида ўрин тутади. У шунингдек, опера, оперетталарда чиққан бир қанча фильмларда суратга тушган. 1916 й. Ўзбекистонда бўлиб, ўзбек ҳаваскорлари б-н «Лайли ва Мажнун» спектаклини саҳналаштириб, ўзи Мажнун ролини ижро этган. Кейинчалик ҳам у бир неча бор Ўзбекистонда бўлиб, ижодий ҳамкорликни фаол олиб борган. А.Авлоний, М. Уйғур ва бошқалар б-н ижодий алоқада бўлган.

РУҲИЯТ — қ. *Психика*.

РУҲОБОД МАҚБАРАСИ, Руҳобод — мажмуий ном, аслида аллома авлиё шайх Бурҳониддин Соғаржий (Сағарж—Самарқанд яқинидаги қад. кент) мақбараси. Амир Темур салтанатининг дастлабки даврида (14-а.нинг 70-йиллари) шаҳар Арки (Кўк сарой, Бўстон сарой, Нуриддин Басир мақбараси) томонидан жан.даги Тошкўрғон—чақар (Кичик оқсарой, Муҳаммад Султон меъморий мажмуи, ҳоз. Амир Темур мақбараси) орасини боғловчи машҳур Шоҳроҳ-шоҳ кўчани очиш ва тартибга солиш давомида юзага чиққан Соғаржий қабрига боғлаб, маҳобатли баланд мақбара тиклланган. Амир Темур мақбара таъминоти учун махсус вақфнома (куйиб кетган вақфнома қолдиқлари таржимаси Ўзбекистон давлат архивида сақланмоқда) чиқарган. Ундан маълум бўлишича, мақбара ва ёнидаги боғ йирик даромад манбаи бўлган.

Мақбара биноси ҳоз. шаҳар маркази томонидан кўзга ташланади, галдаги реконструкция давомида мақбара атрофидаги кейинги давр бинолари бузиб ташланади, натижада мақбара қадди-қоматини яққол кўрсатди. Мақбара чорсихона, устидаги 8 қиррали пойгумбаз ва олдинги гумбаздан иборат. Ичкарида номаълум қабр-дахмалар бор. Ташқи томондан (жануб) авлиё қабрига туташ девор сиркори сопол б-н пештоқ шаклида ҳошияланган. Ичкарида нақшин безак қолдиқлари сақланган. Кириш эшигининг (Бухоро амири номидан 19-а. ўрнатилган) ўймакор бемидан 19-а. ўрнатилган) ўймакор бемисли кулолчилик жамияти аъзоси (1873 йдан). Кембриж ун-тини тугатган (1865). Ж.К. *Максвелл* ўлимидан кейин шу ун-т проф. (1879 йдан) ва Кембриж ун-ти қошидаги Кавендиш лаб. директори. Британия Қироллик ин-ти проф. (1887 йдан).

Илмий ишлари акустика, тебраниш назарияси, оптика, электр ва физиканинг бошқа соҳаларига оид. У гуруҳли ва фазавий тезликлар фарқини тушунтириб берди ва гуруҳли тезлик формуласи (Рэлей формуласи)ни яратди. Р. мутлақ қора жисм нурланишининг қонунларидан бири — шу жисм нур-



Руҳобод мақбараси.

баз ва оддий гумбаздан иборат. Ичкарида номаълум қабр-дахмалар бор. Ташқи томондан (жануб) авлиё қабрига туташ девор сиркори сопол б-н пештоқ шаклида ҳошияланган. Ичкарида нақшин безак қолдиқлари сақланган. Кириш эшигининг (Бухоро амири номидан 19-а. ўрнатилган) ўймакор бемисли кулолчилик жамияти аъзоси (1873 йдан). Кембриж ун-тини тугатган (1865). Ж.К. *Максвелл* ўлимидан кейин шу ун-т проф. (1879 йдан) ва Кембриж ун-ти қошидаги Кавендиш лаб. директори. Британия Қироллик ин-ти проф. (1887 йдан).

Илмий ишлари акустика, тебраниш назарияси, оптика, электр ва физиканинг бошқа соҳаларига оид. У гуруҳли ва фазавий тезликлар фарқини тушунтириб берди ва гуруҳли тезлик формуласи (Рэлей формуласи)ни яратди. Р. мутлақ қора жисм нурланишининг қонунларидан бири — шу жисм нур-

Ислом дини эндигина ёйилаётган даврда давлат ва диний жамоа бир-биридан ажралмаган учун махсус Р. бўлмаган. Маъмурий-сиёсий ишлар б-н шуғулланган кишилар Р.лар вазифасини ҳам бажарган. Маълум вақт ўтгандан сўнг Р.лар қатлами вужудга келган ва табақаланиш бошланган. *Суннийлик*да олий руҳоний муфтий ҳисобланади, *шиалик*да оятуллоҳ, ҳужжат ал-ислом, шайх ул-ислом ва ҳ.к. Шариат ишларини бошқарувчи фақиҳ, қози, аълам ва б., дарс берувчи мударрислар ҳам Р.лар табақасига киради. Ўзбекистонда ислом дини учун руҳоний кадрлар *Тошкент ислом институти*, *Мир Араб мадрасаси* ва б. турли диний билим юртларида тайёрланади. Р. жамиятнинг маънавий ҳаётига муайян таъсир кўрсатади.

Кейинги пайтларда «Р.» атамаси исломдан бошқа дин арбобларига қўлланиладиган бўлди. Исломда бу сўз ўрнини уламо сўзи эгаллаган.

РЭКЕТ (инг. racket — қўрқитиш, дўқ-пўписа) — товламачилик, қўрқитиш, дўқ-пўписа, зўравонлик ва б. йўллар б-н бирор нарса ундириш. Оламларни гаровга олиш орқали, автомобилларни ўғирлаб эгаларидан катта пул талаб қилиш кабилар Р.га киради.

Р. дастлаб Италиянинг Сицилия оролида пайдо бўлиб, сўнг бутун Европа мамлакатларига ёйилди. АҚШда зўравон тоғламачи гангстерлар Р. дейилган. Собиқ СССР ҳудудида 80-й.ларнинг 2-ярмидан бошлаб якка тартибдаги тадбиркорлар, кооперативлар, хусусий корхоналар, биржалар, савдо уйлари, тижорат дўконлари пайдо бўлиши б-н Р. вужудга келди. Р. оғир жиноятлар гуруҳига киради. Ўзбекистонда унга қарши кескин кураш олиб борилиши натижасида Р. б-н боғлиқ жиноятлар анча камайди.

РЭЛЕЙ, Рейли (Rayleigh) Жон Уильям [лорд унвонини олгунча (1873) — Стретт (Strutt); (1842.12.11, Лэнгфорд-Гров — 1919.30.6, Тирлинг-Плейс] — инглиз физиги, тебраниш назарияси асосчиларидан бири; Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1873 йдан). Кембриж ун-тини тугатган (1865). Ж.К. *Максвелл* ўлимидан кейин шу ун-т проф. (1879 йдан) ва Кембриж ун-ти қошидаги Кавендиш лаб. директори. Британия Қироллик ин-ти проф. (1887 йдан).

Илмий ишлари акустика, тебраниш назарияси, оптика, электр ва физиканинг бошқа соҳаларига оид. У гуруҳли ва фазавий тезликлар фарқини тушунтириб берди ва гуруҳли тезлик формуласи (Рэлей формуласи)ни яратди. Р. мутлақ қора жисм нурланишининг қонунларидан бири — шу жисм нур-

ланиш спектрида энергия тақсимотининг т-рага боғлиқлигини ифодалайдиган қонун (Релей — Жинс нурланиш қонуни)ни ишлаб чиқди (1900), бу қонун квант назариясининг яратилишида муҳим ўрин эгаллади. Р. ёруғлик сочилишининг молекуляр назариясига асос солди. У У. *Рамзай* б-н биргаликда *аргонни* кашф этди (1894). Нобель мукофоти лауреати (1904).

РЭЛЕЙ — СГС бирликлар тизимидаги солиштирма акустик қаршилик бирлиги. Ж.У. *Рэлей* шарафига қўйилган. $1 Р_л = 1$ дина·с/см^3 = 10Н·с/м^3 = 10Па·с/м.

РЭЛЕЙ ҚОНУНИ — муҳитдаги сочилаётган ёруғлик интенсивлиги I нинг ёруғлик тўлқин узунлиги λ нинг 4-даражасига тескари мутаносиблигини ифодалайдиган қонун: $I \sim \lambda^{-4}$. Бу қонун зарра ўлчамлари, сочилаётган нурланиш λ дан анча кичик бўлган диэлектрик муҳит учун ўринлидир. 1871 йл Ж.У. *Рэлей* топган.

РЭНД — Жан. Африка Республикаси пул бирлиги. 1961 й.дан муомалага киритилган 1 Р. = 100 цент. Халқаро ифодаси ZAR. Валюталар курси бўйича 1 АҚШ доллари = 7,9 Р. (2003, май).

РЮЙТЕЛЬ (Rüütel) Арнольд Фёдорович (1928.10.5, Саарема уезди) — Эстония давлат арбоби. Эстония қх. академиясини тугатган (1964). Қх. фанлари д-ри. Меҳнат фаолияти 1949 йлдан бошланган. Эстония чорвачилик ва ветеринария и.т. институтининг тажриба базасида бош зоотехник, шу ин-т директори ўринбосари (1957—63), «Тарту» с-зи директори (1963—69), Эстония қх. академияси ректори (1969—77), Эстония КП МК котиби (1977—79), Эстония Вазирлар Кенгаши раисининг 1-ўринбосари (1979—83), Эстония Олий Кенгаши Президиуми (1983—90), Эстония Олий Кенгаши (1990—92) раиси. 2001 й. сент.дан Эстония Республикаси президенти. Шунингдек, Жаҳон «Яшил хоч» ташкилотининг Эстония бўлими ва «Эстония соҳили ва денгизи» ҳаракати раиси.

РЮКЮ, Нансей — Япониядаги ороллар архипелаги. Кюсю ва Тайвань о.лари оралиғида. Шарқий Хитой денгизини Тинч океандан ажратиб туради. Шим.-шарқдан жан.-ғарбга ёй шаклида 1200 км масофага чўзилган. Р. 98 оролни ўз ичига олган 6 та йирик ороллар гуруҳидан иборат. Умумий майд. 4,8 минг км^2. Йирик ороллари — Окинава ва Амами. Ороллар. жан.-шарқий қисми асосан, мезозойнинг карстли оҳактошларидан, шим.-ғарби вулкан жинсларидан тузилган. Сейсмик фаол зона, тез-тез зилзила бўлиб туради, 3 та ҳаракатдаги ва бир неча сўнган вулкан бор. Ер юзаси плато ва паст тоғлардан (бал. 300—500 м), шунингдек, паст соҳилбўйи террасаларидан иборат. Энг баланд жойи 1935 м (Яку о.да). 29° ш.к.дан жанубда ороллар маржон рифлари б-н ўралган. Фосфорит ва тошкўмир конлари бор. Иқлими шим.да субтропик, жан.да тропик, муссонли (йиллик ёғини 2000—3500 мм), вақт-вақти б-н тайфунлар бўлади. Ўртача т-ра январда 14—18°, июлда 27—28°. Доим яшил тропик ўрмонлар бор. Шоли, батат, шакарқамиш экилади. Балиқ овланади. Шойи тўқилади. Энг катта шаҳри — Наха.

РЯБИНА (Sorbus) — атиргуллдошлар оиласига мансуб дарахтлар ва буталар туркуми, мевалари ўсимлик. Шим. ярим шарининг мўътадил минтақаларида 100 га яқин тури ўсади. Меваси 2—5 уйли майда олма. Айниқса, кўпроқ оддий Р. (S.aucuparia) экилади. Дарахти (бал. 15 м гача) ёки бутасининг пўстлоғи силлиқ, кулранг, меваси юмалоқ-шарсимон, қизил. Қушлар учун озиқ ҳисобланади. Меваси таркибида 4—8% қанд (фруктоза, глюкоза, сахароза), 2,7% гача олма, лимон, узум ва каҳрабо к-талари, пектин ва ошловчи моддалар, аскорбин к-та (200 мг% гача), каротин (20 мг%) ва витамин РР мавжуд. Пўстлоғида 14% танин, уруғида эса 22% гача мой мавжуд. Сент.-окт. ойларида пишади. Р. вегетатив усуллар (пархиш, илдизидан, бачкисидан, пайвандлаш) б-н кўпайтирилади. Меваси янгилигида истеъмол қилинади. Қандолат и.ч.да, мармелад, пастила, мураббо, шунингдек, вино, ликёр, сирка, квас тайёрлашда ишлатилади.



Рябина: *1* — дарахти; *2* — тупгуллари; *3* — меваси.

Европанинг Шим.-Ғарбида ва Сибирда сибирь Р.си (S. sibirica) ўсади. Қрим, Жан.-Ғарбий Европа, Ўрта денгиз атрофларида боғ Р.си (S. domestica) боғларга экилади.

РЯБИЧЕВ Дмитрий Борисович (1926.1.9, Малин, Украина — 1995.25.4) — ҳайкалтарош, Ўзбекистон (1976) ва Россия Федерацияси (1978) халқ рассоми. Ленинград муҳандислик қурилиши ин-ти (1949) ва Москва бадиий саноат билим юрти (1954) ни тугатган. Асосан ҳайкалтарошликнинг монументал ёдгорлик соҳасида ижод қилади, асарларида композицион яхлитлик, шакл ифодалилиги ва улуғворликка эришган: «Владимир шаҳрининг 850 йиллиги» (бронза, 1959, Владимир ш.да), «Ойбек» (гранит, 1971, Тошкент), «Жасорат» (бронза, гранит, 1976, Тошкент), «Халқлар Дўстлиги» (бронза, гранит, 1982, Тошкент) ва б. монумент ва ёдгорлик ҳайкалларининг муаллифи. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1984).

РЯЗАНЬ — РФдаги шаҳар, Рязань вилояти маркази. Ока дарёси бўйида. Йирик пристань. Т.й. тугуни. Аҳолиси 533,1 минг киши (1998). Машинасозлик (станоксозлик, «Тяжпрессавтоматы», «Рязсельмаш») и.ч. бирлашмалари, автомобиль агрегатлари, автомобиль аппаратураси, электрон приборлар, ҳисоблаш-аналитик машиналар, асбоблар приборлари, нефтни қайта ишлаш, кимёвий толо, картон-руберонд з-длари, қурилиш материаллари и.ч., озиқ-овқат, енгил ва ёғочсозлик саноати корхоналари ишлаб турибди. 2 олий таълимот ин-ти, 4 олий ўқув юрти, 3 театр, тарихий-меъморий музей-қўриқхонаси, бадиий музей, И.П. *Павлов* уй-музейи бор. Р. йилномаларда биринчи марта 1095 й.дан тилга олинган. Дастлаб Рязань князлиги маркази Р. деб аталган ва ҳозирги Р.дан 50 км жан.-шарқда бўлган. Шаҳар 1237 й.да мўғуллар томонидан вайрон қилинган. 14-а. ўрталарида князлик маркази Переяславль—Рязанский шаҳрига кўчирилган (бу князлик 1521 й.да Москва давлати таркибига қўшилди). Шаҳар 1778 й. дан Р. деб атала бошланган. 1778—1929 йй.ларда Рязань ўлканси маркази. 19-а. ўрталарида Р.да берияси маркази. Ока дарёси бўйида. Йирик пристань. Т.й. тугуни. Аҳолиси 533,1 минг киши (1998). Машинасозлик (станоксозлик, «Тяжпрессавтоматы», «Рязсельмаш») и.ч. бирлашмалари, автомобиль агрегатлари, автомобиль аппаратураси, электрон приборлар, ҳисоблаш-аналитик машиналар, асбоблар приборлари, нефтни қайта ишлаш, кимёвий толо, картон-руберонд з-длари, қурилиш материаллари и.ч., озиқ-овқат, енгил ва ёғочсозлик саноати корхоналари ишлаб турибди. 2 олий таълимот ин-ти, 4 олий ўқув юрти, 3 театр, тарихий-меъморий музей-қўриқхонаси, бадиий музей, И.П. *Павлов* уй-музейи бор. Р. йилномаларда биринчи марта 1095 й.дан тилга олинган. Дастлаб Рязань князлиги маркази Р. деб аталган ва ҳозирги Р.дан 50 км жан.-шарқда бўлган. Шаҳар 1237 й.да мўғуллар томонидан вайрон қилинган. 14-а. ўрталарида князлик маркази Переяславль—Рязанский шаҳрига кўчирилган (бу князлик 1521 й.да Москва давлати таркибига қўшилди). Шаҳар 1778 й. дан Р. деб атала бошланган. 1778—1929 йй.ларда Рязань ўлканси маркази. 19-а. ўрталарида Р.да берияси маркази. Ока дарёси бўйида. Йирик пристань. Т.й. тугуни. Аҳолиси 533,1 минг киши (1998). Машинасозлик (станоксозлик, «Тяжпрессавтоматы», «Рязсельмаш») и.ч. бирлашмалари, автомобиль агрегатлари, автомобиль аппаратураси, электрон приборлар, ҳисоблаш-аналитик машиналар, асбоблар приборлари, нефтни қайта ишлаш, кимёвий толо, картон-руберонд з-длари, қурилиш материаллари и.ч., озиқ-овқат, енгил ва ёғочсозлик саноати корхоналари ишлаб турибди. 2 олий таълимот ин-ти, 4 олий ўқув юрти, 3 театр, тарихий-меъморий музей-қўриқхонаси, бадиий музей, И.П. *Павлов* уй-музейи бор. Р. йилномаларда биринчи марта 1095 й.дан тилга олинган. Дастлаб Рязань князлиги маркази Р. деб аталган ва ҳозирги Р.дан 50 км жан.-шарқда бўлган. Шаҳар 1237 й.да мўғуллар томонидан вайрон қилинган. 14-а. ўрталарида князлик маркази Переяславль—Рязанский шаҳрига кўчирилган (бу князлик 1521 й.да Москва давлати таркибига қўшилди). Шаҳар 1778 й. дан Р. деб атала бошланган. 1778—1929 йй.ларда Рязань ўлканси маркази. 19-а. ўрталарида Р.да берияси маркази. 19-а. ўрталарида Р.да чўян қ.-йиш ҳамда ёғ корхоналари ва б. қурилган. 1929—30 йй.ларда Р. Москва вилояти округ маркази, 1937 й.дан вилоят маркази. Меъморий ёдгорликлардан Кремль ансамбли таркибида: Архангельский (16-а.), Успение (17-а.) соборлари, Архиепископ палаталари (17-а.), Спас монастири мажмуи (17—18-а.лар), 17-а.га оид бир қанча черковлар, классик услубдаги бинолар, касалхоналар (19-а. бошлари), савдо расталари (19-а.нинг 1-ярми) ва б. сақланган.

Рязань. Кремль

РЯЗАНЬ ВИЛОЯТИ — РФ таркибидаги вилоят. 1937 й. 26 сент.да ташкил этилган. Россия Европа қисмининг марказида жойлашган. Марказий федерал округига киради. Майд. 39,6 минг км^2. Аҳолиси 1228 минг киши (2002), асосан, руслар (96,1%), шунингдек, украин (1,2%), мордва (0,6%) ва б. миллат вакиллари (2,1%) ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси — 68,9%. 25 маъмурий туман, 12 шаҳар ва 26 шаҳарчадан иборат. Маркази — *Рязань* ш. Бошқа йирик шаҳарлари: Скопин, Касимов.

Вилоят Ока дарёсининг ўрта ва қуйи қисмларида жойлашган, ер юзаси текислик. Шим. қисми Мещёра пасттекислиги ҳудудида (бал. 80—130 м). Оканинг ўнг соҳилида Ока-Дон текисликлари (энг баланд жойи 180 м). Ғарбий қисми Ўрта Россия қирлари б-н банд (энг баланд жойи 236 м). Оқактош, тил, қум, қўнғир кўмир, торф конлари бор. Иқлими мўътадил континентал. Январнинг ўртача т-раси —11°, июлники 19°. Йиллик ёғини 550 мм (асосан, ёзда ёғади). Вегетация даври 180 кун. Асосий дарёси — Ока ва унинг ирмоқлари (Пра, Гусь, Проня, Пара, Мокша, Ранова, Цна). Мещёра пасттекислигида Дубовое, Великое, Чёрное, Белое ва б. кўллари бор. Тупроғи подзол, сур тусли ўрмон тупроғи, қоратупроқ. Ҳудудининг 35% ўрмон. Тийин, тулки, қуён, бўри, қобон, лось яшайди. Вилоят ҳудудида Мещёра миллий боғи. Ока қўриқхонаси жойлашган.

Саноатининг асосий тармоқлари: электроэнергетика, нефтни қайта ишлаш, кимё (кимё толаси ва иплари), машинасозлик (Россияда ишлаб чиқарилаётган металл кесувчи станокларнинг 9%; телевизорларнинг 18%; картошка қазиш комбайнлари, ҳисоблаш техникаси воситалари), тўқимачилик саноатлари мавжуд. Йирик корхоналари: нефтни қайта ишлаш, станоксозлик з-длари, «Виско-Р» (кимё толаси ва иплар), ҳисоблаш аналитик машиналари корхонаси, автоагрегатлар з-ди, «Сафьян» (кўн маҳсулотлари), «Комбайн», «Кортекс» (ипак газламалар) корхоналари, Рязань радио з-ди. Рязань иссиқлик электр станцияси ва б. ишлаб турибди.

Қ.х. нинг муҳим тармоғи — гўшт-сут йўналишидаги чорвачилик. Қорамол, қўй, чўчқа, парранда боқилади. Наслдор йилқичилик ривожланган (2 от з-ди бор). Арпа, бугдой, сули, қанд лавлаги, ем-хашак экинлари экилади, мева ва резавор мева етиштирилади. Ока, Мокша, Цна дарёларида кема қатнайди. Т.й. узунлиги — 943 км. Автомобиль йўллар уз. 6475 км (1997). 4 олий ўқув юрти, и.т. институти, 3 театр, 8 музей (шу жумладан, тарихий-меъморий музей-қўриқхонаси, Константиново қишлоғида С.А.*Есенин* адабий мемориал музейи), 20 дан зиёд санаторий, курорт ва дам олиш уйлари (шу жумладан, Солотча иқлим курорти) бор.

РЎВАК (panicule) — ўсимлик тўпгулининг бир тури. Бундай тўпгулининг бош ўқида гул шохчалари жойлашади; мас., оқсўхта, сули, шоли ва б.

РЎВАКЎТ (Calamagrostis) — бутдойдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўтлар туркуми. Ер юзида 150 га яқин тури бор. Ўрта Осиёда 16, Ўзбекистонда 3 тури ўсади. Р. ўрмонларда, чўл ва адирларда, дарё ва сой соҳилларида тарқалган. Ҳамма туридан ем-хашак тайёрланади.

РЎЗА (фарс.) — исломдаги 5 та *рукн* (мажбурият)дан бири. Р. тутиш вақти тонг ёришмасдан аввал бошланиб, кун ботишига қадар давом этади. Бу вақтда ейиш, ичиш, жинсий яқинлик қилиш, номаъқул ишлардан тийилиш зарур. Қуръонда Аллоҳ Муҳаммад (сав)га Қуръонни рамазон ойида вақий қилиб юборгани, ҳар йили шу ойда Р. тутиш фарзлиги қайд этилган (2:183—187). Исломга кўра, рамазон ойида Р. тутиш балоғат ёшига етган, соғлом мусулмонларга фарз қилинган. Ҳомиладор, эмизикли аёллар, сафарда юрганлар, оғир беморлар, қийин шароитларда ишловчилар Р. тутишдан озод этилган, уни имконият туғилганда адо этишларига рухсат берилган. Р.га тоқати етмайдиган кексалар, сурункали беморлар Р. ўрнига фидя садақаси бериши (бир мискинни бир марта тўйдириши) мумкин. Агар бунга қодир бўлмаса, Аллоҳга истиғфор айтади ва дуо қилади. Ҳар бир Р.дор кишига рамазон ойи давомида фақиру мискинларга хайру эҳсон қилиш, барча ёмон хулқ ва феълу атворлардан сўкиниш, қарғаш каби одатлардан сақланиб юриш шарт ҳисобланади. Р. ҳажланинг 2-йили фарз қилинган, деб саналади. Мусулмонлар Ой тақвимига риоя этганлари учун Р. йилнинг турли вақтларига тўғри келади. Шунингдек, бошқа вақтларда ҳам, чунончи, ражаб, шаъбон ва муҳаррам ойларида Р. тутиш (мас., ашуро Р.си) маъқул ҳисобланади. Улар турли хил муддат давом этади.

Р. тутиш одати қад. динлар ва халқларда ҳам турли шаклларда мавжуд бўлган.

РЎЗА ҲАЙИТИ — қ. *Ҳайит*.

РЎЗБЕХОН — қ. *Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон*.

РЎЗИ ҚОДИРИЙ (тахаллуси; асл исм-шарифи Рўзиев Рўзи) (1925.6.6, Қашқар — 2001.11.8, Тошкент) — ўйғур шоири ва адабиётшуноси. Қашқар шаҳридаги гимназияда (1942—45), кейин Урумчи шаҳаридаги миллий ин-тда (1945—47) ўқиган. Совет фуқаролигини олиб, Гулжада ўқишини давом эттирган (1947—49). «Жанубий Тяньшан» газ.да бўлим мудири, Жан. Син-Цзян адабиёт ва санъат ходимлари уюшмасининг масъул котиби, Гулжа, Жан. Син-Цзяндаги совет фуқароларининг «Бизнинг йўл» газ. муҳаррири бўлиб ишлаган (1950—55). 1955 йлда Ўзбекистонга келиб, Тошкент ун-тини тугатган (1961), Тил ва адабиёт ин-тида илмий ходим (1985 й.дан). «Даҳшатли изғар», «Лола ва Қурбон» (1948—49) достонлари, «Зулмат ва тонг», «Қураш ва ўғи», «Аминахонимнинг ўғли» (1950—55) драмалари бор. Р.Қ. Ўзбекистонга кўчиб келганидан кейин уйғур тилида «Учқун» (1956), «Уйғур эртаклари» (1956), ўзбек тилида эса «Қураш изҳомлари» (1959), «Уйғур қўшиқлари» (1960), «Баҳодир ўғлон» (1962), «Қашқар қўшиғи» (1965), «Қутлуғ диёр» (1969), «Хива туллари» (1972), «Ғурурим» (1978), «Ҳуррият саболари» (2001) сингари шеърий тўпламларини эълон қилган.

Ас.: Уйғур реалистик адабиётининг ривожланиши, Т., 1979.

РЎЗИБОЕВ Дамир Солижонович (1939.16.4, Самарқанд) — ҳайкалтарош, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1985). Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртини тугатган (1959). Ўзбекистон бадиий фондининг кулоллик з-ди (1959—61), Санъатшунослик и.т. институти (1961—65)да ишлаган; Ўзбекистон Давлат санъат музейи директори (1988—97). Р. ижодига ўзбек бадиий меросининг таъсири кучли бўлиб, унда миллийлик ўзига хос тарзда намоён бўлди (Навоий ш. аэровокзали биноси деворларини безаган рельефлар, 1985). Р. портретлар (Беруний сиймоси тасвирланган «Мутафаккир» асари, шамот, 1979; «Рассом В.Савицкий», бронза, 1980 ва б.), халқ вакиллари ва турмуши тасвирланган асарлар («Буви ва невара», шамот, 1975; «Сайрамлик қиз», шамот, 1978 ва б.) муаллифидир. Рамзий образлар (жумладан, «Наврўз маликаси», 2001 ва б.) ҳамда Семурғ қуш тасвири Р. ижодида алоҳида ўрин тутади. «Тўн-

(шамот, 1977), «Хонанда» (шамот, 1982), «Мусиқа» (бронза, 1988) ва б.

РЎЗИЕВ Бўрон (1941, Қизилтепа тумани Вангази қишлоғи) — газ кони оператори, Ўзбекистон Қаҳрамони (1995). 1962—64 й.ларда турли ташкилотларда ишчи. 1964—72 й. ларда «Бухоробурғинефть» ва «Қашқадарёгаз» бошқармаларида бурғи устаси ёрдамчиси, нефть ва газ конлари оператори. 1972 й.дан ҳоз.гача «Мубораказ» газ конлари бошқармасига қарашли Мубо-

рак газ конида нефть ва газ қазиб олиш бўйича оператор. У Муборак, Шўртепа, Шим. Майманак газ ва нефть конларидаги нефть қудуқларини ишга тушириш ва ўзлаштиришда, конларда янги техникани жорий этишда, республиканинг нефть мустақиллигини таъминлаш учун курашда жонбозлик кўрсатган.

РЎЗИЕВ Собиржон Собитович (1953.15.6, Қирғизистон, Москва тумани) — қиличбоз, хизмат кўрсатган спортчи (1978). Қиличбозликнинг рапира тури бўйича 3 карра жаҳон чемпиони (1974, Гренобль; 1979, Мельбурн; 1981, Клермон-Ферран), 3 марта жаҳон кубоги голиби (1974, 1975, 1977, Бонн), 2 марта Жованнини кубогида голиб чиққан (1974, Болонья; 1979, Венеция), олимпиада кумуш медали совриндори (1980, Москва). Р. Ўзбекистон жисмоний тарбия ин-тини (1975), ТошДУнинг юридик ф-тини (1986) тугатган. Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиси (1974 –92). ЎзР Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси (1992—95), ЎзР Миллий олимпиада қўмитаси президенти (1995—2003). Ўзбекистон қиличбозлик федерацияси президенти (2003 й.дан). Р. Халқаро Олимпиада қўмитасининг кумуш ордени (1998), Миллий Олимпиада қўмиталари ассоциацияси олтин ордени (2002) б-н мукофотланган.

РЎЗИЕВ Эркин Маҳамедович (1936.16.2, Паркент тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Тошкент педагогика ин-тини тугатган (1960). 1959 й.дан Паркент туманидаги 57-, 44-мактабларда, 5-интернат мактабида, Юқори Чирчиқ туманидаги 45, 57-мактабларда, 1982—96 й. ларда Паркент туманидаги 10-мактабда мат. ўқитувчиси.

РЎЗИМАТОВ Ваҳоб (1921.17.11, Тошкент) — журналист ва таржимон. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1976). Ёзувчилар уюшмасида масъулятчи (1955—60), «Шарқ юлдузи» жур.да адабий ходим, бўлим мудири (1945—55), бош муҳаррир ўринбосари (1960—71), «Гулистон» жур.да масъул котиб, бош муҳаррир ўринбосари (1971—81), «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газ.да бўлим мудири (1881—82). Ижодий фаолияти 30-й.лар охирида таржимонлик б-н боғланган. М. Шолохов, К. Симонов, романлари, А.Конан-Дойл, Ж. Свифт, Л.Н.Толстой, А.Н. Островский, Н.Ҳикмат пьесалари, шунингдек, А.С. Пушкин, А.П.Чехов, Ф.М.Достоевский, М.Горький, Б.Полевой, О.Гончар, Г. Севунц, О'Генри, М. Твен, Р. Тагор, Ж. Родари ва б. ёзувчилар асарларини ўзбек тилига ўгирган. Р.нинг «Катта оила» (ҳамкорликда, 1942), «Уч ўртоқ» (ҳамкорликда, 1943), пьесалари бор. Р. Ғафур Ғулом-нинг 10 жилдли «Асарлар» тўпламини (1970—78) нашрга тайёрлаган. «Эл-юрт ҳурмати» ордени б-н мукофотланган (1999).

Ас.: Қандозчилар, Т., 1965.

РЎЙЖО (форс. — юз, юза ва жой), *жойпўш* — *чопишаб* тури; асосан, оқ ва малла бўздан П. шаклида кашта тикиб тайёрланади (пастки оёқ қисми бежиксиз). Р. қизларнинг сепига кирган, дастлаб келин-куёвларнинг ўрнига ёнилган. Биринчи фарзанд дунёга келгунига қадар ёш келин-куёвларнинг уйини безаб турган, кейинчалик фақат байрамларгагина осилган. Ҳозирда сидирга рангли матолардан попоп машинасида кашта тикиб тайёрланади. Р.ни қўлда кашта тикиб безаш анъанаси ҳоз. кунда ҳам давом этмоқда (мас., Самарқанд вилояти Ургут тумани ва б.).

РЎЙИ ИРОҚ — қ. *Ўн икки мақом.*

РЎМОЛ — аёллар бош кийими; бошга ўраладиган тўртбурчак шаклидаги мато. Жун, ип, ипак, сунъий толалардан тўқиб, матолардан тикиб тайёрланади; Дока Р., шол Р., гижим Р., тивит Р. ва б. хиллари бор. Амалий безак санъатида мурабба шаклдаги матога ип, ипакда кашта тикиб ҳам тайёрланади; Ўрта Осиё халқлари орасида, шунингдек, катта Р. ичидан ўраладиган *пешанабанд* тури ҳам мавжуд.

РЎЯНДОШЛАР (Rubiaceae) — икки уруғпаллалилар синфига мансуб дарахт, бута ва лианалардан иборат ўсимликлар оиласи. Барги қарама-қарши. Гули икки жинсли, тўғри (актиноморф), баъзан зигоморф. Меваси кўсакча ёки резавор. Ер юзида 500 га яқин туркуми (6500 га яқин тури) бор. Деярли ҳамма қитъаларда, айниқса, тропик ва субтропик ҳудудларда кўп учрайди. Ўзбекистонда 8 турларда кўп учрайди. Ўзбекистонда 8 турларда кўп учрайди. Ўзбекистонда 8 тур

САЛР-ЛОТАРИНГИЯ КЎМИР ҲАВЗАСИ — ГФР (Саар) ва Франция (Лотарингия) ҳудудларида жойлашган кўмир ҳавзаси. Кўмир 19-а. бошидан қазиб олинади. Майдони тахм. 7 минг км². Кўмир юқори карбон даврига мансуб, умумий қалинлиги 140 м гача бўлган 550 дан зиёд қатламдан иборат. Улардан 50—100 та қатлам (умумий қалинлиги 70—85 м) саноат аҳамиятига эга. Захиралари тахм. 10 млрд. т. Қазиб олинадиган захираси тахм. 3 млрд. т. Кокс бўладиган кўмир қазиб олина-ётган кўмирнинг 43% ни ташкил этади. Ёниш иссиқлиги 31,5—35,7 МЖ/кг. Йилига 28 млн. т га яқин кўмир қазиб олинади.

САБА, Саба подшолиги — Жан. Арабистондаги қад. давлат (мил. ав. 1-минг йиллик — мил. 1-минг йилликнинг 1-ярми). Мил. ав. 1-минг йиллик ўрталаридан (танаффус б-н) Жан. Арабистонининг бутун ҳудуди унга қарам бўлган. Мил. 4-а.дан бошлаб Ҳимьярий подшолиги таркибига кирган.

САБАБ ВА ОҚИБАТ — нарса ва ҳодисалар ўртасидаги умумий зарурий алоқани ифодаловчи тушунчалар. Ҳодисалар занжирида ўзидан бошқа яна бир ҳодисани келтириб чиқарадиган *сабаб*, пайдо бўлган ҳодиса эса *оқибат* дейилади.

С. ва о. ўртасидаги алоқадорлик сабабият саналади. Сабаб, биринчидан, вақт жиҳатдан оқибатдан олдин келади, иккинчидан, оқибатни туғдирувчи, яъни оқибатнинг вужудга келишида зарурий шарт бўлиб хизмат қилади. Мас., фарзандининг сабабчиси ота-она. Фарзанд ота-онадан илгари дунёга келиши мумкин эмас, яъни ота-она шу фарзандининг вужудга келишидаги зарурий шарт ҳисобланади. Сабаблар турли кўриниш, шакл ва ҳолатларда намоён бўлиши мумкин. Фалсафа тарихида нарса ва ҳодисалар ўзаро сабабий боғланишда деб билувчилар детерминистлар (қ. *Детерминизм*), буни инкор этувчилар индетерминистлар (қ. *Индетерминизм*) деб аталади. Сабабнинг асосий ва асосий бўлмаган, ташқи ва ички, объектив ва субъектив шакллари бор. Сабаб оқибатни вужудга келтирганидек, оқибат ҳам сабабга таъсир кўрсатиши мумкин. С. ва о. алоқадорлиги бўйича Аристотель, Форобий, Ибн Синолар махсус асарлар ёзишган. Диний таълимотларда эса, бирламчи сабаб ёки ҳамма нарсанинг сабабчиси худо деб таъкидланади.

САБАБИ ТАЪЛИФ (араб. — ёзилиш сабаби) — бадиий ижодда услуб шаклларидан бири. Форс ва туркий халқлар адабиёти тарихида эпик шеърий асарларнинг боши ёки охирида кичик боб тарзида берилган анъанавий қисм. Унда асарнинг ёзилиш сабаблари баён қилинган. С.т. баъзан «Китоб назм қилмоққа сабаб баён аюр» (Қутб), «Китоб назмининг сабаби» (Дурбек, Муҳаммад Солиҳ), «Мусаннифнинг васф ул-ҳоли» (Саид Аҳмад) ва б. тарзида ҳам номланган.

САБАНТЎЙ (туркийча сабан — темир омоч ва тўй — байрам) — татар ва бошқирд халқларида баҳорги дала ишлари тугаши муносабати б-н ўтказиладиган байрам.

САБАНЧА, дала мушуги (Felis libyca) — йиртқичлар туркумига мансуб сут эмизувчи ҳайвон. Уй мушукларининг насл боши бўлса керак. Африка, Ўрта денгизнинг баъзи ороллари, Шим.-Ғарбий Хитой, Ўрта Осиё, Қозоғистон, Закавказьеда тарқалган. Гавдаси 63—70 см, думи 23—33 см. Жуни кулранг-сариқ, қора доғли, думида бир нечта қора халқасимон чизиқлар бор. Кўпайишида тулки, бўрсиқ, жайра ва б. ҳайвонларнинг инидан фойдаланади. Апр.—майда 3—5 та бола туғади. Саван-

Сабанча.

на, саҳро ва чўлларда, тог этакларида, тўқайларда яшайди. Оилатра, юмрон-қозиқ, қушлар, камдан-кам қўён ва б. ҳайвонлар б-н озиқланади. Муйнасининг сифати паст, кам ишлатилади.

САБАТЬЕ Пол (1854.5.11, Каркассон — 1941.14.8) — француз кимёгари. Париж ФА аъзоси (1913 й.дан). Тулузадаги Олий педагогика ин-тини тугатган (1877). Парижлаги де Франц коллежида ассистент (1878—80), Борло (1881), Тулуза (1882—90) ун-тлари ходими (1884 й.дан проф.). Асосий илмий ишлари термокимё ва катализга оид. Илк бор органик бирикмалар синтезида асл металлар ўрнига катализатор сифатида никель, мис, кобальт ва темирдан фойдаланган. Нобель мукофоти лауреати (1912).

САБЗА — Оқ кишмиш навли узумдан тайёрланадиган майиз. Ранги сариғимтир-оч яшил тусда бўлгани учун шундай ном олган. С. олиш учун узум бошлари савотта солиниб, қайнаб турган 0,3—0,4% ли ишқор (каустик сода) эритмасига 3—5 сек. ботириб олинади ва сомонли лой б-н суваланган хирмонда 10—12 кун давомида қуритилади. С.нинг тилларанг турини тайёрланда ишқор эритмасига ботириб олинган узум бошлари тахта патнисларга бир қатор терилиб, махсус дудхона (шкафида олтингугурт дуди б-н ишлов берилади, сунгра 15—18 та патнис устма-уст тахланади, қуритиш соя жойда (бостирма остида) 14—24 кун давом этади. Майиз чиқиши 28—32% ни ташкил этади. Асосан, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида тайёрланади.

САБЗАВОТ (форс.-тож. сабза — ям-яшил ўт, майса) — резавор ва полиз экинлари ва уларнинг овқатга ишлатиладиган маҳсули. Улар жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида экилади. С. табиий ёки қанга ишланган ҳолида истеъмол қилинади. Сларнинг барчаси озиқлик, доривор ва парҳез хусусиятига эга. Овқатга ва ингилигида истеъмол қилиш учун Сларнинг меваси, ёш новдаси, илдизи, илдизмеваси, тугунаги, уруғи, тўпгули, барги ва б. ишлатилади. Инсоннинг бир кунлик овқат рационида С. 600 г ни ташкил этиши керак. Снинг таркиби ва озуқалик сифати маҳсулот турига, етиштириш шароитига ва сақланишига қараб ўзгариб туради. Шунинг учун уларни кўпроқ ингилигида истеъмол қилинади. С. маҳсулотлари қуруқ моддасининг асосий қисмини углеводлар — крахмал, қанд, клетчатка ҳамда пектинли моддалар ташкил этади. С. таркибида қанд (0,5—2,5%), органик кислоталар, хушбўй моддалар, кул элементлари (0,4—3%), витаминлар (5—50 мг%С витамини, шунингдек, каротин, B_1, B_2, PP ва б.) бор. С. таркибида мой бўлмайди, оқсил кам миқдорда (1—2%, дуккакларда 5—6%), сув 65—96% ни ташкил қилади. Шу сабабли уларнинг энергетик қиймати унчалик юқори эмас. (2 дан 2 минг кж/кг гача). Аммо С.да биологик фаол бирикмалар (калий, магний, темир, фосфор тузлари), микроэлементлар ҳам мавжуд. Сларнинг муҳим физиологик хусусиятлари уларнинг иштаҳани қўзғатиши, бошқа маҳсулотларнинг ҳазм бўлишини яхшилашидир. Ўзбекистонда Сларнинг барча турлари март-октябрь ойидан то кеч кузгача, қиш-баҳор фасилларида (иссиқхона ва парниклардан) етиштирилади. Айрим Слар қайта ишланганда ёки овқатга солинганда витаминлар ва хуштаъмлик хусусиятлари бирмунча йўқолади. Тузлаш, маринадлаш, тез музлатиш, вакуумда қуритишда витаминлар ва б. моддалар кўпроқ сақланиб қолади.

Абдуназар Хакимов.

САБЗАВОТ БЎЗТИКАНИ, полиз бўзтикани (Sonchus oleraceus L.) — мураккабгулдошлар оиласига мансуб бир йиллик бегона ўт. Пояси тик, суст шохланади, бўйи 30—80 см. Барглари патсимон кесилган, яшил. Гуллари сариқ, саватча тўпгулга йиғилган. Майсалари эрта баҳорда униб чиқади. Апр.-майда гуллайди, май—июнда мевалайди. Уруғлари жуда унувчан. Униши учун энг қулай ҳарорат 15—25°, лекин бундан юқорироқ ҳароратда (35° гача) уруғи яхши унади. Илдизи ўқ илдиз. Ўқ илдизидан кўплаб ён илдизлар чиқаради. Ўрта Осиёда тарқалган. Суториладиган барча экинзорларда (кўпроқ бедазорларда)бегона ўт тариқасида учрайди.

Сабзавот бўзтикани.

Курош чоралари: ерни кузда шудгорлаш; маккажўхори далаларида симазин ва пахта майдонларида гербицидлардан *которан*, *котофор* ёки прометрин пуркалади.

САБЗАВОТ КОНСЕРВАЛАРИ — қ. *Мева-сабзавот консервалари.*

САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ, КАРТОШКАЧИЛИК ИНСТИТУТИ. Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий талқинот институти — Ўрта Осиёда сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик соҳасидаги энг йирик илмий ва методик марказ. Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги илмий-и.ч. маркази таркибида. 1960 й.да

Сабзавот, полиз экинлари, картошкачилик институти. Қовун селекцияси даласи.

ВАСХНИЛ Ўрта Осиё филиали таркибидаги Ўзбекистон сабзавот ва картошка экинлари тажриба ст-яси (1934) базасида мустақил и.т. ин-ти сифатида ташкил этилган. 1992 й.дан ҳозирги номда. Тошкент вилояти Тошкент тумани Кўксарой қишлоғида жойлашган.

Ин-тда 9 лаборатория: сабзавот ва полиз экинлари селекцияси, уруғчилиги; ўсимликларни ҳимоя қилиш; агрокимё; картошка экинлари селекцияси ва уруғчилиги; биотехнология; ўсимликлар физиологияси ва сифати; қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва уни ташкил қилиш; сабзавот-полиз экинларини ва картошка етиштириш технологияси; ҳимояланган майдон сабзавотчилиги мажмуа (2004). Ин-т таркибида Марказий тажриба хўжалиги ва республиканинг турли тупроқ-иқлим минтақаларида жойлашган Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида ташкил этилган тажриба хўжалиги ва ташкил бўлимлари бор. Тажриба хўжалиги ва ташкил бўлимларининг барча суториладиган ер майд. 800 га дан ортиқ. Ин-тда республикамизнинг турли тупроқ-иқлим шароитига мос сабзавот-полиз ўсимликларининг 25 га яқин тури бўйича селекция, уруғчилик, картошка уруғлигини етиштириш ишлари олиб борилади. Ўтган давр мобайнида ин-т олимлари томонидан 150 дан ортиқ сабзавот-полиз экинлари навлари яратилиб, улардан 96 нав Давлат реестрига киритилди.

Ўзбекистоннинг иссиқ иқлим шароитида картошканинг эртаги ва кечки муддатда истеъмол учун ва уруғлик мақсадида етиштириш, яъни маҳаллий нав яратиш, туганакларнинг айниб кетишини бартараф этиш, навлар бўйича минтақаларда жойлаштириш, экиш муддатларини аниқлаш, юқори ҳосил олиш технологияси ишлаб чиқилди. Сабзавот, полиз ва картошка экинларида учрайдиган зараркунанда ва касалликлар биологияси ўрганилиб, уларга қарши курош чоралари и. ч.га кенг жорий қилинди. Ин-т Покистон, АҚШ, Корея, Голландия, Туркия, Ҳиндистон, Хитой, Қозоғистон давлатларининг илмий муассасалари б-н ҳамкорлик қилади. Ин-т фаолияти олимлардан Г. О. Земан, А. К. Каримов, В. Н. Ермохин, П. Н. Дудко, М. Н. Кулакова, К. Юсупов, Н. Г. Кузнецова, О. Я. Фомина, В. Я. Волков, А. А. Абдукаримов, С. К. Кўчқоров, Н. Р. Бакулас, А. С. Шчукина, А. Обидов, А. Б. Бобиев, А. С. Ҳакимов ва б. номлари б-н боғлиқ. Ин-тда Р.А. Ҳакимов, А. М. Аббосов, Х. З. Умаров, Е. В. Ермолова, М. Х. Аромов, В. В. Брежнева, А. И. Расулов ва б. долзарб муаммолар устида тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Ин-т 400 дан ортиқ, шу жумладан 40 та халқаро кўргазмаларда иштирок этган. Ин-тда аспирантура, музей, илмий кутубхона бор.

САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИ — асосан, *сабзавот* олиш учун етиштириладиган маданий ўсимликлар гуруҳи. 120 дан ортиқ экиладиган тури маълум. 10 оилага мансуб 90 тури кўп тарқалган. С.э. карамдошлар (карам, шолғом, редиска, турп ва б.), соябонгулдошлар (сабзи, сельдерей, петрушка, укроп ва б.), шўрадошлар (лавлаги ва б.), қовоқдошлар (бодринг, тарвуз, қовун, қовоқ), томатдошлар (помидор, бақлажон, қалампир), бурчоқдошлар (мош, нўхат, ловия), мураккабгулдошлар (салат ва б.), пиёздошлар (пиёз, саримсоқ), торондошлар (ровоч, отқулоқ) бошоқдошлар (ширин дони маккажўхори) ботаник оилаларига бўлинади. Пиёздошлар ва бошоқдошлар бир паллали, қолганлари икки паллали ўсимликларга мансуб. С.э. ўсиши ва ривожланиши давомийлиги типига кўра, бир йиллик (бодринг, помидор, қалампир, бақлажон), икки йиллик (сабзи, карам, пиёз, саримсоқ ва б.) ва кўп йиллик (шовул, отқулоқ ва б.) экинларга бўлинади. Маҳсулдор органлари (ейиладиган қисми)га кўра 5 гуруҳга: *илдизмевалилар* (сабзи, лавлаги, шолғом, турп, редиска), *пиёзлилар* (пиёз, саримсоқ), *мевали сабзавотлар* (помидор, бақлажон, қалампир, бодринг, тарвуз, қовун ва б.), *барглисабзавотлар* (карам, укроп, исмалоқ, сельдерей, петрушка), *дуккакли сабзавотлар* (кўк нўхат, ловия, жандиқ)га бўлинади. Икки йиллик С.э. да 1-йили овқатга ишлатиладиган ҳосил органлари етишади. 2-йили улар уруғ (пиёз, саримсоқ, карам ва б.) беради. Кўпчилик С.э. иссиқсевар, тупроқ унумдорлиги ва намга талабчан (яна қ. *Сабзавотчилик*). С.э. жаҳондаги барча деҳқончилик минтақаларида етиштирилади.

САБЗАВОТЧИЛИК — 1) деҳқончиликнинг *сабзавот экинларини* етиштириш б-н шуғулланадиган тармоғи. С. деҳқончиликнинг бошқа тармоқларидан кўп жиҳатдан фарқ қилади. жумладан, С.да экинлар очиқ ва ҳимояланган (ёпиқ) ерларда етиштирилади, аксарият бир мавсумда ҳосил берадиган экинлар экилади. Дала ва ҳимоя-

лантан ердаги (қ. *Парник. Иссиқхона экинлари*) С.ка бўлинади. Сабзавот экинлари очиқ майдонларда (баҳор-ёз ва куз даврларида) сабзавот ҳамда уруғ, ёпиқ ерларда (мавсумдан қатъи назар) сабзавот олиш учун етиштирилади. Ҳимояланган ерларда ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши учун (мас., иссиқхоналарда) жами омиллар сунъий яратилади ва уни бошқариш мумкин. Бу эса қиш, эрта баҳор, кеч кузда ҳам сабзавот етиштириш имкониятини яратади. С.да етиштириладиган экинлар турининг кўплиги, биологик хусусиятларининг хилма-хиллиги б-н ҳам ажралиб туради. Ўзбекистонда 70 га яқин турдаги С. экинлари етиштирилади ва қ.х.да салмоқли ўринни эгаллайди. Ўрта Осиёда қовуннинг 2000 йил илгари, тарвуз, қовоқ, бодринг, пиёз, сабзи, қалампир, турп ва б.нинг ундан ҳам илгари экилгани маълум. Халқ селекцияси да сабзавот экинларининг дунёга машҳур навлари яратилган. Асрлар давомида сабзавот экинларининг тур таркиби ўзгариб борди. Мас., 19-а.нинг 2-ярмидан Россия орқали помидор, картошка, карам, гулкарам, болгар қалампири, Хитойдан эса редиска, патиссон, пекин карами ва б. кириб келди ҳамда асосий экинлар қаторидан жой олди.

Ўзбекистонда С. 20-а.нинг 30-й.ларидан бошлаб кескин ривожланди, экиладиган экин турлари ва майдони кўпайди. 1934 й.да Ўрта Осиё сабзавотчилик тажриба ст-яси ташкил этилди. 1940 й.да сабзавот экинлари майдони 25,3 минг га, ялпи ҳосили 315,2 минг т., ҳосилдорлиги 125 ц/га ни ташкил этди.

Урушдан кейинги йилларда катта шаҳарлар ва саноат марказларига яқин ерларда ихтисослашган йирик С. хўжаликлари ташкил этилди, С.ни механизациялаш муаммолари ҳал қилинди, ҳимояланган ерларда сабзавот етиштириш майдонлари кенгайди, комбинат типидаги йирик иссиқхоналар қурилиши бошланди. Тошкент, Самарқанд, Андижон ва б. шаҳарларда сабзавотларни қайта ишлаш саноати барпо этилди.

1960 й.да Ўрта Осиё сабзавотчилик тажриба ст-яси негизида Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик и.т. ин-ти иш бошлади. И.ч.га юқори сифатли маҳсулот берадиган, ҳосилдор, касалликлар ва зараркунандаларга чидамли, турли муддатларда пишадиган сабзавот экинларининг янги навлари жорий этилди. Сабзавот экинлари уруғчилиги ва уруғшунослиги йўлга қўйилди.

1980 й. га келиб Ўзбекистонда сабзавот экинлари майд. 104,3 минг га, ялпи ҳосили 2459,1 минг т., ҳосилдорлиги 221 ц/га ни ташкил этди.

21-а. бошидан Ўзбекистонда аҳоли жон бошига йиллик сабзавотлар истеъмолининг физиологик нормаларини (жами 113,3 кг; шундан карам 2,1, помидор 25,6, бодринг 5,5, пиёз ва саримсоқ 18,3, сабзи 18,3, лавлаги 5,5, бошқа сабзавотлар 20,0 кг) таъминлаш мақсадида С. жадал ривожлантирилмоқда. Йирик шаҳарлар ва саноат марказлари атрофларидаги туманлар, асосан, С. б-н шуғулланади. Ширкат, деҳқон ва фермер хўжаликларида очиқ далада полиэтилен плёнкалар остида эртаги сабзавотларни етиштириш йўлга қўйилган. Республиканинг жан. вилоятларида эртаги сабзавотлар етиштириш ривожланиб бормоқда. С.да чет эл навлари ва тажрибалари кенг қўлланилмоқда. 2000 й.да Ўзбекистонда сабзавот экинлари майдонлари 130,4 минг га, ялпи ҳосили 2637,3 минг т, ҳосилдорлиги 173,1 ц/га бўлди.

Чет элларда С. қишлоқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Шарқий Европада — Болгария, Венгрия, Руминияда ривожланган, бу ерда етиштириладиган сабзавотларининг аксарият қисми экспорт қилинади. Италия, Нидерландия (асосан, ёпиқ ерларга экиш ривожланган), Испания, Франция (жон бошига йиллик сабзавотлар истеъмоли 150—200 кг ни ташкил этади), Буюк Британия, ГФР, Польша ва б. мамлакатларда С. катта майдонларни эгаллайди. С. АҚШ, Япония, Хитой, Мексика, Африка мамлакатларда муҳим ўринда туради.

2) Сабзавот экинлари биологияси ва уларни етиштириш усулларини ўрганадиган, сабзавот маҳсулотлари етиштириш интенсив технологияларини ишлаб чиқадиган фан. Ўзбекистонда С.ка оид и.т. ишлари Ўзбекистон *сабзавот, полиз экинлари, картошкачилик институтида*, Ўзбекистон *ўсимликшунослик институти*, Самарқанд қ.х. ин-ти, Тошкент давлат аграр ун-тида олиб борилади. Бу и.т. ва ўқув муассасаларида кўплаб маҳаллий ва б. мамлакатлардан келтирилган сабзавот, полиз экинлари намуналари ўрганилади ва коллекциялари сақланади. Ўзбекистон илмий муассасаларида олимлар 1990—2002 й. давомида сабзавот экинларининг жами 100 дан ортиқ нав ва дурагайларини яратдилар. Бу навларнинг кўпчилиги республикадан ташқари бошқа мамлакатларда ҳам экилмоқда.

Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик соҳаларини ўрганиш ва ривожлантиришга Р.Р. Шредер, Н.Н.Балашев, Н. С. Бакурас, К.И.Пангало, А.К. Каримов, В.И. *Зуев*, Е.В.Ермолова, А.С. Шчукина, С.Қ.Қўчқоров, Б.Ж.Азимов, А.Б.Бекиев, А.С.Ҳакимов, А.М. Аббосов, Х.З. Умаров, Д.Т.Абдукаримов, О.Я.Фокина, И. Эсанов, А. Нуритдинов ва б. олимлар ишлари б-н, шунингдек, селекционерлар А. Обидов (картошка), К. Юсупов (помидор) ва халқ селекционерлари Ўринбой Каримжонов, Матвафо Юсупов, Абдасмон Алиев-ҳаров кабилар амалга оширган ишларнинг ҳам катта ҳиссаси қўшилган. С. учун олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар Тошкент давлат аграр ун-ти ва қ.х. коллежларида тайёрланади.

Ад. Балашов Н.Н., Овощеводство. Т., 1982. Рубцов М. И., Овощеводство, 3 изд. М., 1985.

Рафиқжон Ҳакимов.

САБЗИ (Daucus) — соябонгуллошилар оиласига мансуб икки, қисман бир йиллик ўтсимон ўсимликлар туркуми, сабзавот экини. С.нинг 60 дан ортиқ тури бор. Бир тури (D. carota) — маданий С. экилади. Бу тур Ғарб (Ўрта Ер денгизи ҳавзасидан келиб чиққан 4 турхил — каротинли, сариқ, оқ, бинафшаранг, қизил, тўқ бинафшаранг, пушти, оқ С.лар) кенжа турига бўлинади.

Жаҳондаги деярли барча мамлакатларда каротинли навлари етиштирилади. Деҳқончиликда мил. ав. 2-минг йилликдан маълум. Хитой, Франция, Италия, Россия ва б. мамлакатларда кўп экилади. Жаҳон бўйича С. экин майд. 861 минг га, ялпи ҳосили 18,4 млн. т, ҳосилдорлиги 214,3 ц/га (1999). С. 1-йили барг чиқариб, илдизмева беради, 2-йили гулпоя чиқариб уруғ беради. С. намсевар (айниқса, униш, гуллаш ва илдизмева тугиш даврида), ёруғсевар, совуққа чидамли ўсимлик (майсалари — 2° га чидайди). Уруғи 4—5° да униб чиқади. 18—20° да яхши ривожланади. Ўсув даври 80—110 кун. Осиё кенжа турига кирадиган С. барглари япроқли, 3 карра патсимон қирқилган. Гули 2 жинсли, тўпгули мураккаб соябон, ҳаштаклар ёрламида чангланади. Уруғи майда, 1000 донаси 1—1,5 г. Илдизмеваси серсув, навига қараб думалоқроқ, цилиндрсимон, ранги сариқ, оқ ва баъзан қизғиш, оч қизил, уз. 8—17 см, вазни 30—200 г ва ундан ортиқ. Сабзиси (илдизмеваси)да 10—12 % қанд, 9,2% углеводлар, 1,1% азотли моддалар ва *С*, B_1, B_2, РР витаминлари, 9,0 (20—25 гача) мг% каротин бор. С. инсон озиқ-овқат рационида муҳим ўринда туради. Хашаки навларининг илдизмеваси ранги оқ, асосан, чорвачиликда озуқа сифатида ишлатилади. 100 кг



Сабзи: *1* — тўпгули; *2* — барги. Навлари: *3* — Мушак 195; *4* — Мирзоқи 304; *5* — Нант 4.

илдизмевасида 14 озуқа бирлиги, 0,8 кг ҳазм бўлувчи протеин, 80 г кальций, 50 г фосфор бор. С. озиқ-овқат ва ширали озуқа сифатида, шунингдек, боши-қа маҳсулотлар олишда хом ашё сифатида ишлатилади. С. бир йилда 3 марта экилади. Эртагиси фев. охири—март бошларида, ёзгиси 15 июнь—15 июлда, қишкиси нояб. охири — дек. бошларида экилади. Уруғи 4° да 12—20 кунда униб чиқади. Униб чиқишига қадар сувга жуда талабчан. Қатор ораси 60, қаторлаги тасмалар оралиги 15—20 см схемада экилади. Иккинчи ягнаган кейин ўсимликлар оралиги 5—7 см бўлиши керак. 1 га ерга 6—7 кг уруғ сарфланади. Ўсув даврида ўтоқ қилинади, яганаланади, қатор ораси юмшатилади, озиқлантирилади, 7—12 марта суғорилади. С. ялпи кавлаб олинади. Ҳосилдорлиги 25—35 т/га. Янгилигида истеъмол қилинади, консервалар, тиббиётда эса С.дан турли дорилармонлар тайёрланади. Шим. районларда ва Европа мамлакатларида, асосан, қизил, Марказий Осиё мамлакатларида сариқ С. экилади. Ўзбекистонда халқ селекциясида С.нинг жуда кўп навлари яратилган. Ҳоз. даврда С.нинг *Мушак* 195 (эртапишар) ва Нурли (ўртапишар), *Мирзоқи* қизил 228, Мирзоқи сариқ 304 (ўрта эртаги), *Нант* 4, Шантанэ 2461 (ўртаги) ва Зийнатли, Каскаде F_1, Пума F_1 ва б. навлари ва дурагайлари экилади.

Зараркунандалари: сабзи пашшаси, куялар, ўтлоқ парвонаси.

Касалликлари: фомоз, альтернариоз, склеротиниоз ва б.

Ад.: Балашев И.Н., Земан Г.О., Сабзавотчилик, Т., 1982; Бўриев Ҳ.Ч., Абдуллаев А., Томорқа сабзавотчилиги, Т., 1989.

Абдушаби Ҳакимов.

САБИНЛАР — Тибр, Атернус ва Аниодарёлари оралиғидаги ҳудудда яшаган италий қабилалари. Рим тепаликларида яшаган С.нинг бир қисми Рим халқининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган.

САБЛУКОВ Гордий Семёнович (1804, Уфа яқинида — 1880.29.1, Қозон) — рус шарқшуноси. Руҳоний оиласида туғилган. Оренбург диний семинарияси (1826) ва Москва диний академияси (1830)ни тугатган. С. Саратов диний семинарияси (1830—49) ҳамда Шарқ ва классик тиллар бўйича Қозон диний академияси (1849—62)да ўқитувчи. С. Волгабўйи, қипчоқлар ва Олтин Ўрда тарихи, нумизматикаси, археологияси, этн.сига оид асарлар муаллифи. Қуръонни араб тилидан рус тилига таржима қилган ва нашр эттирган (1878). *Абулғозий Баҳодирхоннинг* «Шажарайи турк» асарини русчага таржима қилган, 1906 й.да Қозонда чоп этилган.

Ас.: Приложение к переводу Корана, Казань, 1879, 1898.

САБО. Наврўзи сабо — 1) *Ўн икки мақом* тизимидаги Наврўз номли *овоза*га асосланган шўъба номи; 2) *Шашмақом* таркибидаги Рост мақомининг *наср* шўъбаларидан. Сегоҳ мақомининг Наврўзи хоро. Наво ва Дугоҳ мақомининг Хусайний шўъбаларига оҳангдош. Мазкур асар *Домла Ҳалим* ижросида юксак бадиий талқин ифодасини топган.

САБОТАЖ (франц. *sabotage* — ёғоч кавуш б-н тақиллатмоқ) — 1) шахс ёки шахслар гуруҳи томонидан онгли ҳолда ўз хизмат вазифасини атайлаб бажармаслик ёки сифатсиз ва бепарволик б-н бажариш, ишдан бош тортиш; 2) бирон-бир тадбирни ўтказишга зимдан қаршилик, онгли ҳолда зараркунандалик.

САБОҲ, шайх Жобир Ал-Абдулмажид Ал-Жобир Ас-Сабоҳ (1928.29.6, Кувайт ш.) — Кувайт давлат арбоби. Кувайтдаги ҳукмрон Аслат арбоби. Сабоҳлар оиласининг 13-амири. Хусусий тартибда араб тили ва адабиёти, тарих, инглиз тили ва б. фанларни ўқиган. Фаолиятини 1949 й.да Аҳмади вилояти ҳокимлигидан бошлаган. Сўнг молия ва саноат бошқармаси раҳбари (1959—61), Кувайт молия ва иқтисод вазири (1961—63), бош вазир ўринбосари (1963—65), бош вазир (1965—77). 1966—77 й.ларда Кувайт Давлати валиаҳди, 1977 й. 31 дек.дан амири.

САБОҲИДДИН АЛИ (1907.7.2, Эгридере қишлоғи — 1948.24, Киркларели) — турк ёзувчиси. Германияда ўқиган (1928—30). Немис тили ўқитувчиси бўлиб ишлаган. Маориф нозирлигида, кейинчалик Анқара консерваториясида хизмат қилган. Ижоди 1928 й.дан бошланган. Шеърлари турк халқ қўшиқларини руҳида ёзилган бўлиб, уларда муҳаббат наволари эрксеварлик ғоялари билан уйғун ҳолда ифодаланган. Ҳикоя, қисса ва романларида эса романтик кайфият б-н бирга танқидий реализмга хос хусусиятлар устуворлик қилган. Сўнгги йўналишдаги асарларида Туркия ҳаётидаги зиддиятлар бутун кескинлиги б-н очиб ташланган. С.А. турк адабиётида ҳикоя жанрининг устаси сифатида шуҳрат қозонган. «Тоғлар ва шамол» (1934) шеърлар тўплами, «Тегирмон» (1935), «Янги дунё» (1943), «Ойнаванд саройи» (1947) ҳикоя тўпламлари ҳамда «Кукюжаклик Юсуф» (1937), «Ичимиздаги шайтон» (1940), «Мўйна либосли хоним» (1943) романлари муаллифи. С.А. руҳан *Навоий Ҳикмат*га яқин бўлиб, 1945 й.да тараққийпарвар нашрларда ҳамкорлик қилган ва ўзи ҳам «Марко Поша» ҳажвий-сиёсий газ.ни нашр этган. Туркиядан чиқиб кетаётган пайтида хонларча ўлдирилган. С.А.нинг айрим ҳикоялари ўзбек тилига таржима қилинган.

Ас.: Кичкина Хасан [ҳикоялар], Т., 1954; Ҳикоялар, Т., 1959; Враги [рассказы], М., 1971.

Ад.: Фиш Р., Сабахиттин Али, М., 1959; Кямилев Х.К., Анатолия глазами Сабахиттина Али, Т., 1965.

САБР — ғам-кулфат, азоб-мусибатларга чидаш, тоқат қилиш; ўз ихтиёри б-н нафсни тийиш; қаноатли бўлиш. Исломда тўғри йўлдан адашмасдан бориш учун киши ўз майлларини сўндириши лозимлиги таъкидланади. С.ли бўлиш мусулмонларнинг асосий фазилатларидан бири ҳисобланади. Қуръоннинг бир неча оятларида мусулмонларнинг С.ли бўлишига даъват бор. Ҳадисларда инсон учун С.дан яхшироқ ва улуғроқ неъмат ато этилмагани баён қилинган. Киши оғир пайтда бардош б-н, неъмат етганида шукр ва яхшилик б-н С. қилиши керак. *Тасаввуф*да С. турлича талқин этилади.

САБРОН, Савронн — Туркистон ш.нинг шим.да мавжуд бўлган қад. шаҳар ва вилоят. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, С. йирик турк қабиласи — ўғузлар қўлида бўлган. С. 10-а.да кучли чегара қалъа ҳисобланган. Мақдисийнинг ёзишича, у 7 қатор девор б-н ўралган. 11-а.дан шаҳар бир неча аср ўз аҳамиятини йўқотган, чунки Чингизхон юришлари ҳақидаги асарларда С. умуман тилга олинмайди. Ёқут Ҳамавий (13-а.) ҳам унинг ажамлар (араб бўлмаган халқлар), яъни туркий халқлар шаҳри бўлганлигини таъкидлайди. С. ўғузлар ҳудуди б-н қўшни туркий қабила — кимаклар (қипчоқларнинг бир тоифаси) ери чегарасида жойлашган бўлиб, баланд деворлар б-н ихота қилинган. 1065 й. С. салжуқий султонлардан бўлган Алп Арслон томонидан забт этилган. 13-а.да Жўжи улусининг шарқий қисми — Оқ Ўрдага тобе бўлган. Амир Темурнинг Олтин Ўрдага қилган юришлари даврида қаттиқ шикастланган.

Шайбонийлар даврида муҳим стратегик қалъа ҳисобланган. 16-а.га келиб баланд девор ва чуқур хандақлар б-н ўралган мустаҳкам қалъа сифатида қайд этилган. Машҳур авлиё Мир Араб С.лик бўлган. 200 та ҳинд қуллари кавлаган, лунёда тенги йўқ 2 та кориз қурилирган. С.дан 1 фарсах нарида бўлган кориз-нинг бошланиши устига қалъа қурилган. Сув, ҳўкиз б-н айлантирилган чигир орқали юқорига олиб чиқилган. 1582 й. Абдуллахон II шаҳарни эгаллаган, канал қазиш, деҳқончилик ишларини яна йўлга қўйган, лекин С. оз фурсатдан сўнг қозоқлар ҳукмронлигига ўтган. Россия империясининг босқини пайтида қалъа сифатида мавжуд бўлмаган.

САБУКТЕГИН, Сабуқтакин, Абу Мансур Носируддин вал-давла Сабуктакин (940, Иссиққўл атрофидаги Барсхон ш. — 997, Балх) — давлат арбоби ва саркарда, *ғазнавийлар* сулоласи ва *Ғазнавийлар давлати* асосчиси. С. асли қарлуқ туркларидан бўлиб, унинг отасини Қора Баккам (туркча Қора Ҳўкиз; асл исми Жук) дейишган. Ўзаро уруш-ларнинг бирида ўсмир С. асир тушган. Тарихчи *Байҳақий*нинг ёзишича, Наср ҳожи номли қулжаллоб томонидан у Бухоро бозоридан сотиб олиниб, Жўзжон (Ғузғонон)га олиб келинган ҳамда Нишопурда *сомонийлар*нинг Ғазналаги нойиби *Алптегин*га сотиб юборилган. С. довюраклиги ва жасурлиги боис Алптегин ҳузурида мавқеи тез ошиб, унинг қизига уйланган (бу никоҳдан унинг валиаҳди Исмоил туғилган. Зобулистон ҳокимининг қизи бўлган хотинидан эса Маҳмуд дунёга келган). Ҳиндистонга қилинган бир қанча юришларда фаол қатнашган. Оддий гуломликдан *сипоҳсолор* даражасига кўтарилган. Алптегин вафот этгач (963), Сомонийларнинг Ғазнадаги нойиблари ҳузурида хизмат қилган. Қўшинининг талабини кўра, Ғазна вилояти амири бўлган (977 й. 1 март). Бу даврда Ғазна вилоятига Буст, Гардиз, Парвон, Кобул, Заминдовар, Кусдар, Бомиён, Тохаристон, Ҳирот ва Ғур вилоятлари қўшиб олинган. Шим. Ҳиндистонга ғазнавийларнинг илк юришларини бошлаб, ҳинд рожаси Жайпални мағлубиятга учратган. Пешовар ва Ламғон ўртасидаги ҳудуд фатҳ этилган. Орадан кўп ўтмай Ғазна вилояти сомонийлардан ажралиб чиқиб, мустақил давлат (пойтахти — Ғазна ш.)га айланган.

С. б-н сомонийлар амири *Нуҳ ибн Мансур* ўртасида Кеш ва Нахшабга ўзаро учрашув бўлиб, унда С. сомонийларни қўллаб-қувватлашга ваъда берган. *Гардизий*нинг ёзишича, С.нинг 20 минг кишилик қўшини сомонийларнинг Хуросондаги нойби исёнкор Абу Али Симжурий (Абулҳасан Симжурийнинг ўғли) ва Фойиқ аскарларига Ҳирот атрофида кучли зарба берган (994).

994 й. С. қўшини Ҳиндистонда ҳам талабаларга эришган ва маҳаллий аҳолининг бир қисми ислом динини қабул қилган. Ўша йили Абивардда ҳокимиятни ўз қўлига олган Абу Али Симжурий ва Фойиққа С. ўғли Маҳмуд б-н биргаликда сўнгги зарбани берган (995 й. 21 июль). Бу жангда душманнинг хазинаси ва филлар ўлжа олинган, номдор лашкарбошилар асир тушишган. Хоразмга қочиб кетган Абу Али Симжурий ўзининг 3 сафдоши б-н кейинчалик С. томонидан ўлдирилган.

Мовароуннаҳрга қорахонийлар ҳужуми бошлангач (996), С. ўғли Маҳмуд ва биродари Бўтрочиқ бошчилигида Бухорога 20 минг кишилик қўшин жўнатган. Улар б-н қорахоний Бугрохоннинг вориси Наср Илоҳхон ўртасида сомонийлар амирининг иштирокисиз шартнома тузилиб, сомонийларга Мовароуннаҳр маркази қолдирилган ва Амударёнинг жан. қисми — бутун Хуросон ҳудудида ғазнавийларнинг ҳукмронлиги тан олинган.

С. ҳукмронлик даврида пойтахт Ғазна ш. йирик сиёсий ва маданий марказга айланган. Ғазнага бораётганда (Балх яқинида) вафот этган ва Ғазна атрофидаги Афғон-Шолида дафн этилган. Қабри устига мақбара қурилган (11-а.). Байҳақий ўзининг «Тарихи Масъудий» номли асарида С.ни ақлли ва адолатли, андишали ҳукмдор сифатида кўрсатиб, унга юқори баҳо берган.

Манба: Абу-л-Фазл Бейхаки. История Мас'уда (1030—1041), Т., 1962. М., 1969; Абу Са'ид Гардизи, Зайн ал-ахбар, Т., 1991.

Ад.: Ҳамиджон Ҳомидий, Кўҳна Шарқ лаҳзалари, Т., 1999; Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари, Т., 2001.

Қаҳрамон Раҳмабов.

САБУР — *алоэ* баргидан олиниб, қуритиладиган шира. Тиббиётда сурги, биоген стимулятор сифатида, шунингдек, жароҳатларни даволашда ишлатилади. Таркибида антрагликозидлар бор.

«САБЪАИ САЙЁР» («Етти сайёра») — «Хамса» (Алишер Навоий)нинг тўртинчи достони (1484), ишқий-саргузашт характерда. 37 боб (5000 байтдан ошиқ). Шарқда кенг тарқалган «Баҳром Гўр» афсонаси асосида. Афсона Эроннинг сосонийлар ҳукмдори Баҳроми V (420—438 ҳукмронлиги) номи б-н боғлиқ (Баҳроми — лаҳжача Баҳром). У гўр—қулон овига ўчлиги учун Баҳром Гўр номи б-н машҳур. Афсонани ёзма адабиётга дастлаб *Фирдавсий* олиб кирган. Сўнг Низомий, Хисрави Деҳлавий ва б. шу мавзуда асарлар ёзганлар. Навоий бу ғаройибаларни умумлаштириб, мукаммал оригинал достон яратган. Достон Шарқда «Баҳром ва Гуландом», «Баҳромнома», «Ҳафт манзари Баҳром» номлари б-н шуҳрат қозонган. «С.с.» анъанага кўра, ҳамд, муножот ва наът б-н бошланган, сўнг воқеалар баён этилган. Мундарижаси «Хамса»даги бошқа достонлардан фарқ қилади, ҳикоя ичида ҳикоя усулида ёзилган. Баҳром ва Диларом воқеаси асарда қолипловчи ҳикоя бўлиб, унинг ичида яна 7 ҳикоя келтирилган. Улар асарнинг умумий ғоявий-бадиий б-н чамбарчас боғланиб, яхлит бир баланд асарнинг ривожи ҳисобланади. Ҳар бир мустақил ҳикоя эса, ўз навбатида, ўзлар даврининг, халқ турмушининг муҳим томонларини қамраб олади; халқ ҳаёти, тинчлик ва осойишталик, адолат ва қатағонларлик, савоб ва жазолаш, муносиблик ва ноинсоф қораланади.

Баҳром — 7 иқлим шоҳи. Овда ўн йилдан кейин Мисрга қайтаётган Мисрий хитойлик гўзал Диларом ҳақида хабар беради, ўзи чиндан қизнинг сурратини кўрсатади. Шоҳ суратни кўриб телбаларча ошиқ бўлади. Хитойнинг 1 йиллик хирожини тўлаб, қизни саройга келтиради. Шоҳ қизга бутунлай маҳлиё бўлиб, мамлакат ишларини унутади. Мастлик б-н севгилисидан ҳам ажралади, сўнг узлатга берилади. Ундаги савдойиликни даф этмоқ учун 7 иқлим шоҳи 7 рангдаги 7 қаср қурдиради. Баҳром уларнинг ҳар бирида ҳар куни 1 мусофирдан ҳикоя тинглайди, тушлар бошлайди. Ниҳоят 7-кун оқ қасрда Диларомнинг дарагини эшитади ва уни топади. Яна овга, айш-ишратга берилади ва навбатдаги ов пайтида бутун аркони давлати б-н ер ютади.

Навоий Баҳром образига жуда катта маъно-мазмун юклаган. Унинг тимсолида ошиқлик ва шоҳликнинг бир танга сиғмаслигини кўрсатган. Навоий асар воқеаларини Хуросону Мовароуннаҳр ҳаёти б-н боғлашга ҳаракат қилиб, қиссага туркона руҳ берган. «С.с.» воқеалари, қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатлари юксак баланд маҳорат б-н тасвирланган. Навоийдан сўнг огзаки ва ёзма адабиётда «С.с.»нинг бир неча варианлари яратилди | *Сайқалий*, Шишкили «Баҳром ромгурийни» достонлари; К.Яшин «Меҳр ва Суҳайл» мусиқали драмаси, К. Яшин, М.Муҳамедов «Диларом» операси либреттоси, Фарибий (19-а.) «Шоҳ Баҳром ва Диларом», *Умар Бақий* «Қиссаи ҳафт манзари Баҳром», Фозил Йўлдош ўғли «Баҳром ва Гуландом» ва б.].

Нашр.: Сабъаи сайёр, Т., 1956, 1977.

Бегали Қосимов.

САВА — Гарбий Европадаги дарё, *Дунай* дарёсининг энг серсув ўнг ирмоғи. Уз. 940 км, ҳавзасининг майд. 95 минг км². Алпы тоғларидан бошланиб, ўрта ва қуйи оқимида Ўрта Дунай текислигидан оқади. Йирик ирмоқлари: Купа, Уна, Дрина ва б., асосан, Динара тоғлигидан оқади. Ўртача сув сарфи 1670 м³/сек. Қуйилиш жойидан 600 км масофада кема қатнайди. С. водийсида Любляна, Загреб ш.лари, қуйилиш ерида Белград ш. жойлашган.

САВАННА (испанча Sabana) — тропик ўрмонлар ва чўллар оралиғида тарқалган ўтлоқ ва сернам мавсумлар аниқ алмашинадиган ва йиллик ёғин 250—2000 мм бўлган шароитларда ривожланади. Африкада материкнинг 40% С.дан иборат. С.да бўлиқ ўтлар (1 м дан 3 м гача ва баъзан ундан ҳам баланд, асосан, галла гуллилар) орасида якка ва тўп-тўп дарахтлар ҳамда буталар ўсади. Улар соябонсимон кўринишга эга. Африка С.сига ўхшаш зоналар Жан. Америка (кампос, льянос), Жан. Осиё ва Австралиянинг шим.-шарқида ҳам учрайди (яна қ. *Саванна зоналари*).

САВАННА ЗОНАЛАРИ — асосан, субэкваториал, камроқ тропик ва субтропик минтақаларда жойлашган табиат зоналари. Иқлими мавсумий сернам, қуроқчил ва ёмғирли мавсумлари аниқ ажралиб туради. Ёмғирли давр экватор томонга узайиб бориб 8—9 ойгача етади. Ёғин миқдори 250 мм дан 2000 мм гача. Дарёларда сув миқдори фасларга қараб кескин ўзгаради. Тупроқлари қизил-қўнғир, қизил тупроқ. Ўсимликлар қуроқчил бута ва ўт ўсимликларидан сернам жойларда бўлиқ ўтли ўрмонларгача ўзгаради. С.да йирик ўтхўр ҳайвонлар (антилопа, жирафа, бегемот, зебра, фил ва б.), йиртқичлар ва турли қушлар яшайди. Кўп ерлар инсон томонидан ўзгартириб юборилган. Ҳайдаладиган ерларда пахта, ер ёнғоқ, шакарқамиш ва б. экилади.

САВАР (Savart) Феликс (1791.30.6, Мезьер — 1841.16.3, Париж) — француз физиги. Париж ФА аъзоси (1827 й.дан). Маълумоти бўйича врач. Париждаги хусусий ўқув юртида физика бўйича проф. (1820 й.дан). Илмий ишлари акустика, электромагнетизм ва оптикага оид. 1820 йда Ж.Б.*Био* б-н бир-га ток ҳосил қилаётган магнит майдони кучланганлигини аниқлайдиган қонун (П.*Лаплас* кейинчалик уни умумлаштирган, қ. *Био— Савар — Лаплас қонуни*) ни топди. Турли жисмларда товушнинг тарқалишини ва резонанс ҳодисасини тажрибада ўрганган, горли асбобларни ясашнинг физик асосини ишлаб чиққан.

Африка саванналари.

САВАРЕНСКИЙ Фёдор Петрович (1881.11.2, Гороховец, ҳоз. Владимир вилояти — 1946.8.10, Москва) — рус гидрогеологи, *муҳандислик геологияси*га асос солганлардан бири. Акад. (1943), Москва ун-тини тугатган (1909). Илмий ишлари гидрогеология, грунтлар механикаси ва муҳандислик геологиясига бағишланган. С. раҳбарлигида СССР ер ости сувларининг биринчи маълумотномаси тузилган (1933). С. гидрогеология ва муҳандислик геологияси бўйича бир қанча дарсликлар муаллифи.

Ас.: Гидрогеология, М., 1933; Инженерная геология, М., 1937.

САВАТ — рўзғор буюми; новдалар (тол, тут, турангил, юлғун ва б.), бугдой пояси, кейинчалик сим ва б.дан тўқиб тайёрланади. Ўрта Осиёда қадимдан кенг тарқалган. Шакли ва вазифасига кўра турлича бўлади: кажава С., нон С., гулдор С. ва б. Йирик новдалардан тўқилган С.лар қалимда қурилишда (тупроқ, гишт, тош, қум, ганч ташишда), нозик новдалардан тўқилган С.лар мева-чева, нон ва б. нарсалар солишда ишлатилган. Ҳоз. кунда С.нинг бадиийлиги ва турли кўпайди (яна қ. *Савачилик*).

Саватлар.

САВАТЧА (Calathidium) — ўсимликларнинг моноподиал тўпгули. Майда гуллар шохчаларининг учида ликобчасимон ёки шарсимон С. ҳосил қилади. Асосан, қоқиўтдошлар (мойчечак, қоқиўт, кунгабоқар), баъзи зиradош (кўктикан) ва б.га хос. С. ўрама баргли барглар б-н ўралган.

САВАТЧИЛИК — бадиий ҳунармандлик тури; Ўрта Осиёда қадимдан мавжуд бўлган. *Сават* тўқишда ҳом ашё сифатида тол, тут, турангил, юлғун новдалари, бугдой пояси, қамиш ва б.дан фойдаланилади. Новдаларни маълум вақт (сент.—окт.)да йиғиб олинади, бир неча кун салқин жойда сақланади, мустаҳкамлигини ошириш учун вақт-вақти б-н сув сепиб турилади, шунда улар яхши букилиб, синмайдиган бўлади. Айниқса, қора тол новласидан тўқилган саватлар қадрланган. Баъзан новдаларнинг пўсти тозаланиб ҳам сават тўқилади. С. Ўзбекистоннинг барча вилоятлари (жумладан, Фарғона, Тошкент ва б.)да тар-қалган. С. бўйича мутахассислар уста-шогирд усулида, ҳоз. кунда турли бадиий билим юрти, тўгаракларда ҳам тайёрланади.

САВАҒИЧ, савачўп (Frianthus purpurascens) —бугдойдошлар оиласига мансуб қисқа илдиз пояли ўт. Пояси қаттиқ, силлиқ, бўйи 1,5—4 м, диаметри 1—1,3 см. Дарё ва канал бўйларида, тўқайларда ўсиб, қалин ўтлоқ ҳосил қилади. Ўрта Осиё, Кичик Осиё, Эрон ва Ҳиндистонда тарқалган. Таркибида 21—22% клетчатка, 5,5—6% протеин, 1,8—2% ёғ, 39—40% дан кўпроқ целлюлоза бор. Поясидан маҳаллий халқ томларни ёпиш ва девор қилиш мақсадида фойдаланади. Барглaридан тозаланган, пишган ва қуруқ поясидан юнг ва пахтани савашда фойдаланиш мумкин (номи шундан олинган).

САВДО Абдулқодирхўжа (1824 — Бухоро — 1873) — шоир ва адиб, жамоат арбоби. Бобоси Бухоро қозикалони бўлган. Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Мусиқа илми, илми нужум ва астрономияни чуқур ўрганган. Амир *Музаффар* уни саройга тортиб, ўзига надим (ҳамсуҳбат) қилиб олган.

С. «Бенул» тахаллуси б-н ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Унинг 1450 байт шеърлари (ғазаллар, масна-

вийлар, қасидалар ва б.) бизгача етиб келган. Шунингдек, насрда ёзган 7 ҳикояти ҳам мавжуд. С. алабий мероснни 3 қисмга: ишқий шеърлар, қасида ва маросимлар; таомлар тарихига бағишланган шеърлар; ҳажвияларга бўлиш мумкин. С.нинг асарлари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти фондида сақланади.

Ад.: Садриддин Айний, Эсдаликлар [8-ж.дан], 6-ж., Т., 1965; Қори Раҳматуллоҳ Бухорий [Возеҳ], Туҳфат ул- аҳбоб фи тазкират ул-асҳоб, Бухоро, 2001; Алиев С., Бухорода битилган байтлар, Т., 1992.

САВДО — 1) товар муомаласининг бир тури, меҳнат маҳсулотлари ва хизматларни олди-сотди йўли б-н айирбошлаш шакли. Бунда товар харидн миқдори, товар сифати, сотишдан олдин ёки кейин хизматлар кўрсатиш, сотиб олинган товар ёки хизмат ҳақини ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва б. шартлашилади; 2) сотувчилар ва харидорлар ўртасидаги қиймат алмашувига доир муносабатлар. Товар и.ч. пайдо бўлиши б-н товарларни пул воситасида айирбошлаш, яъни С. вужудга келган. Халқ хўжалигининг ижтимоий меҳнат тақсимоти натижасида ажралиб чиққан ва товарларни олиш-сотиш ва улар б-н боғлиқ хизматлар кўрсатишда воситачилик фаолиятини амалга ошираднган тармоғи. *Ишлаб чиқариш* б-н *истеъмолни* ўзаро боғлайди, товарларни сўнгги истеъмолчи (аҳоли)га етказишни таъминлайди. Улгуржи ва чакана савдога бўлинади. Улгуржи С. — товарларни и.ч. истеъмоли ёки қайта сотиш учун йирик партияларда сотиб оладиган ёки сақлайдиган, уларни чакана С.га, истеъмолчи ёки б. савдо ташкилотларига сотадиган муассасалар мажмуи. Чакана С. — бевосита истеъмолчининг пул даромадларига айирбошлаш йўли б-н якка ёки кичикроқ миқдордаги товарларни сотиб охирги истеъмолчига хизмат кўрсатади. С. ички ва ташқи С.га бўлинади. Ички С. бир мамлакат доирасида товар муомаласига хизмат кўрсатади. Таш-қи С. мамлакатлараро товар муомаласини қамрайди. *Сугурта, туризм, фрахт*, банк фаолияти «кўринмас» (жорий ҳаракатлар бўйича сезилмас) С.га киради (яна қ. *Маркетинг*).

САВДО КАПИТАЛИ — товар муомаласи соҳасида амал қилувчи капитал, саноат капиталининг алоҳидалашган қисми. Унинг ҳаракат шакли П—Т—П′ бўлиб (бунда П-пул, Т-товар, П′-ортган пул суммаси), товарларни сотиб олиб, қайтадан фойдасига сотишни билдиради. С.к. айирбошлашни кенгайтириб, бир тармоқнинг бошқа бир тармоқ маҳсулотларига бўлган талабини қондиради; сотишни, товарларнинг ўтишини кўпайтириш орқали и.ч.ни кенгайтиради ва рағбатлантиради. Тарихан С.к. саноат капиталидан қадимийроқ бўлиб, судхўрлик капитали б-н бир қаторда эркин ҳаракат қилувчи капитал шакли бўлган. С.к.нинг фойдаси ноэквивалент айирбошлаш ва харидорлар ҳисобига юзага келади. Натурал хўжаликнинг емирилиб, товар-пул муносабатларининг ривожланишида, капиталнинг дастлабки жамғарилиши жараёнида, капиталистик и.ч. муносабатларининг вужудга келиши ва ривожланишида катта роль ўйнади. Савдо аҳли ва мулкдорлар қўлида катта миқдорда пулнинг жамғарилиши уни йирик капиталистик и.ч. учун имлатиш имконятини туғдирди. С.к. эгалари бўлган *савдогарлар*нинг катта қисми кейинчалик саноатчиларга айланди. С.к. турли тузумларда ҳам товарларнинг «мувраб ётган негизи»ни ривожлантиради, аммо товар ҳосил қилмайди. Ҳозир С.к. таркибида қўшимча харажатларнинг улуши тобора кўпайиб бормоқда. Бу ҳол и.ч.нинг савдо соҳасида давом этаётган жараёнлари — товарларни қадоқлаш, ўраш, сақлаш ва ташиш сингари ишларга қилинаднган харажатларнинг, *реклама* йўналишларидаги сарфларнинг кўпайишида кўринади.

САВДО КЎРГАЗМАЛАРИ — қ. *Кўргазма.*

САВДО ПАЛАТАСИ — иқтисодиёт ва савдони, биринчи навбатда, мамлакатлар ўртасида ташқи савдони ривожлантиришга кўмаклашувчи халқаро жамоат ёки давлат ташкилоти. С.п. аксарият ҳолларда фирмаларнинг ишбилармон доираларини бирлаштиришга, савдо алоқаларини ўрнатишга, савдо-сотиқ ишторокчиларига зарур ахборотларни тақдим этишга хизмат қилади. Фаолияти миқёсига қараб, халқаро, аралаш, миллий С.п.ларига бўлинади.

Халқаро С.п. (ХСП) (International Chamber of Commerce, ICC) — жаҳон ишбилармон ва тадбиркорлар доналари ва бирлашмалари федерацияси. 1919 й. Атлантик Сити (АҚШ)да ўтказилган халқаро савдо конференциясида тузилган. 1920 й.дан бошлаб фаолият кўрсатади. 100 дан ортиқ мамлакат миллий С.п.ларини бирлаштиради. Собиқ СССРда 1932 й.да тузилган Бутунгиттифоқ савдо палатаси ХСП га аъзо бўлган ва 1959 й.да бошқа иттифоқдош республикалар каби Ўзбекистонда ҳам бу палатанинг республика бўлими тузилган (1972—90 й.ларда савдо-саноат палатаси). ХСП халқаро тижорат фаолияти стандартларини, халқаро иқтисодий сиёсат ва тажрибалар асосида тавсияларни ишлаб чиқади, турли мамлакатлар ишбилармонларининг ҳамкорлигини йўлга қўяди, халқаро иқтисодий муаммоларни ҳал этишга кўмаклашади ва б. ХСП таркибида 15 халқаро комиссия, ихтисослашган махсус органлар (халқаро арбитраж суди, халқаро савдо палаталари бюроси ва б.) ишлаяди. Идораси Парижда жойлашган. Аралаш С.п. икки мамлакат ишбилармонларини бирлаштиради ва мамлакатлараро савдо шароитларини яхшилаш, талбиркорлар ва корхоналар ўртасида самарали ҳамкорликни кенгайтириш ва б. хизмат кўрсатади. Миллий С.п. бир мамлакатда ташқи савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун тузилган талбиркорларнинг жамоат ташкилоти, баъзан савдо-саноат палатаси ҳам деб юритилади. Чет элларда мамлакат савдо-саноат кўргазмаларини ташкил этиш, мамлакатда хорижий давлатлар савдо-саноат кўргазмаларини ўтказишга ёрдам бериш, янги истеъмол товарларини саноат ўзлаштиришига ва савдога чиқаришга ёрдамлашиш, маҳсулотлар сифатини экспертиза қилиш ва б. вазифаларни бажаради. 20-а.нинг 90-й.ларидан айрим мамлакатларда миллий С.п. ўрнига саноатчилар ва тадбиркорлар палатаси (Россия), *Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси* (Ўзбекистон) каби ташкилотлар тузилди ва фаолият олиб борали.

Нуриддин Йўлдошев.

САВДО УЙИ — 1) катта миқёсда савдо операцияларини олиб бораднган кўп тармоқли савдо компанияси. Ўз капитали ва жалб этилган капиталлан фойдаланади. Аксарият ўз номидан ва ўз ҳисобидан экспорт-импорт, товар айирбошлаш ва б. ташқи савдо алоқаларини амалга оширади. С.у. савдо корхоналарини сотиб олиш, жиҳоз-ускуналарни ижарага топшириш, кредитлар бериш, ички улгуржи ва чакана савдо операцияларини амалга ошириш, транспорт, сугурта ва б. соҳаларда хизматлар кўрсатиш б-н молия ва и.ч. фаолятлар ҳам қатнашади. С.у. тарихан олнятида ҳам қатнашади. С.у. тарихан *савдо капитали* маҳсули, шу сабабли 20-а.нинг 20-й.ларига қадар собиқ СССР ҳудудида бундай уйлар савдогарлар оилаларига қарашли бўлган.

Япониянинг «Мицубиси», «Мицуи», «Сумито» каби 9 та бирлашма компаниялари жаҳондаги энг йирик савдо уйларига киради. Корея Республикаси, Ҳиндистон, Бразилия, Сингапур, Туркия ва б. мамлакатларда ҳам савдо уйлари кенг тарқалган. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг бошларида давлат универсал магазинларини акциядорлик савдо уйларига айлантириш ҳамда давлат савдо корхоналарини фуқароларга ёки фуқаро жамоаларига сотиш йўли б-н пайдо бўлди. 1991 й. сент.да Тошкент ш.да «Ўзбек савдо уйи», 1992 й. март ойида «Осиё континентал» халқаро савдо уйи акциядорлик жамияти ва б. ташкил топди. Шунингдек, Москва, Санкт-Петербург, Анқара, Берлин ва б. шаҳарларда Ўзбекистонлик ишбилармонларнинг савдо уйлари очилган; 2) савдо корхонасининг махсус тури: ихтисослашган (мас., уст кийим, пойабзал, газлама ва ҳона) ёки универсал (ҳар хил товарлар) савдо уйлари бор.

«САВДОГАР» — иқтисодиёт ва савдо-тижорат ҳафталик газетаси. 1992 й. 19 авг.дан Тошкент ш.да чиқали. Муассислари «Ўзбекбирлашув» ва «Ўзбекхавдо» акциядорлик компаниялари. Газ.да иқтисодиёт, и.ч., савдо-тижорат, ҳизмат кўрсатиш, талбиркорлик ва б. мавзулари ёритилади, реклама эълонлари берилади. Адади 4 минг нусхадан кўпроқ.

«САВДОГАРБАНК» — Ўзбекистонлаги акциядорлик тижорат банкларидан бири. 1994 й. 12 майда савдо ва тижоратга кўмаклашувчи «Савдогар» акциядорлик тижорат банки сифатида ташкил этилган. Бошқаруви Тошкент ш.да. Банк таъсисчилари: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компаниялари. Акциядорлари 8079 юрилик ва жисмоний шахслардан иборат. «С.» кенг тармоқли универсал банк-лардан бири бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда, туманларда 50 та бўлими, 24 минибанкат ишлайди. Банк республикадаги турли тармоқ корхоналарига банк хизматларини кўрсатади. Жумладан, савдо корхоналари б-н халқ хўжалигининг барча тармоқлари корхоналари ўртасидаги савдо-кредит операциялари ва ҳисоб-китобларни маблағ б-н таъминлаш, лизинг, факторинг, ҳужжатли инкассо ва ҳужжатли аккредитивлар, экспорт-импорт битимларини расмийлаштириш, «банк-мижоз» масофадан туриб ҳисобрақамларга хизмат кўрсатиш, автокредитлар бериш каби хизматларни амалга оширади. «С.» томонидан и.ч. микрофирмалари, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, кичик ва ўрта бизнес корхоналари, деҳқон ва фермер хўжаликларига ҳамда якка тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида кредитлар ажратишга алоҳида эътибор қаратилади. Мижозлар (22815 та; 2004 й. 1 янв.) б-н ишлаш услублари унтазам такомиллаштирилиб, банк хизматларининг замонавий шаклари амалиётга жорий этилмоқда. Банк республика қимматли қоғозлар бозорида фаол қатнашади. АБН Амробанк, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Германиянинг «Банк Гезельшафт Берлин» банклари б-н вакиллик алоқалари ўрнатилган. Банк устав капитали 2,5 млрд. сўм, ўз капитали 4,2 млрд. сўм, йиллик фойда 1 млрд. сўм, жами активлари 44,5 млрд. сўм, тизимда 2 минг-дан ошиқ ходим ишлайди (2004, 1 янв.).

Мусулмон Нурмаматов.

САВДОГАРЛАР — *савдо* б-н шуғулланувчи ижтимоий табақа. С. товарларни ўз истеъмоли учун эмас, балки уни сотиб фойда олиш мақсадида харид қилади, ишлаб чиқарувчи (ёки товар эгаси) б-н истеъмолчи ўртасида (баъзан турли хил товарлар ишлаб чиқарувчилар ўртасида) воситачилик вазифасини бажаради. Товарларни и.ч. маконининг уларни истеъмол қилиш маконларига ҳамиша ҳам мос келавермаслиги савдогарликни объектив заруратга айлантирган. Савдо воситачилари ибтидоий жамоанинг емирилиш даврида вужудга келиб, жамиятнинг кейинги тарихий тараққиёти давомида ижтимоий меҳнат тақсимоти ва айирбошлашнинг ривожланиши б-н боғ С. ва майнинг ривожланиши б-н боғ С. ва майда С. гуруҳларига бўлинган ҳолда жамият ижтимоий тузилмасининг зарурий унсурига айланди. С. қадимги Рим ва б.) иқтисодиётида муҳим роль ўйнади. Илк ўрта асрларда араб мамлакатлари, айниқса, Ҳиндистон, Хитой-да савдогарлик жуда ривож топди. Карвонлар тузиб, юртма-юрт кезиб савдо қилиш савдогарчиликнинг кенг тарқалган кўриниши бўлиб қолди.

11—12-а.ларда Ғарбий Европада ҳунармандчиликнинг қ.х.дан ажралиб чиқиши ва шаҳарларнинг тобора ривожланиб бориши б-н йирик савдо-ҳунармандчилик марказлари (Венеция, Генуя ва б.) пайдо бўлди ва С. ижтимоий табақа тарзида шаклланди. С. ўз савдо манфаатларини ҳимоя қилиш учун алоҳида корпорациялар (гильдия ва б.)га бирлашдилар. 15-а.га келиб Ғарбий Европада савдо операцияларида *вексел*лар, ёзма ҳисоботлар қўлланила бошлади. С. савдо қилишдан ташқари *судхўрлик* б-н ҳам шуғулланадилар.

Капитализмнинг шаклланиши давомида майда товар ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини сотиб олиш ва сотиш ҳамда уларни хом ашё б-н таъминлаш ишида С. ҳақиқатда капиталист соҳибкорларга, мануфактура эгаларига айландилар. Буюк географик кашфиётлардан кейин С.нинг бир ва бир неча мамлакатда савдо монополияси ёки ҳатто ҳарбий-сиёсий ҳукмронлик ўрнатган йирик савдо компаниялари (мас., *Вест-Индия, Ост-Индия*) пайдо бўлди. Капиталистик муносабатларнинг қарор топиши даврида С. буржуазиянн шаклланнрган манбалардан бири бўлди. Ривожланган капиталистик жамиятда С. ўз мустақил аҳамиятини йўқотди, чунки бу жамиятда саноат капитали ва саноатчи ишбилармонлар вакиллари етакчи ўринни эгаллайди.

Шарқ мамлакатлари, шу жумладан, Ўрта Осиёда, С. қадимги касбларидан ҳисобланади, улар кўчманчи чорвадорлар, деҳқонлар ва косиблар ўртасида товар айирбошлашда воситачилик қилганлар. Мусулмон мамлакатларида *шариат* қонунларига кўра ва ҳадисларда *судхўрлик* ҳаром иш, савдогарлик обрўли касб, фақат ростгўй, ҳалол, юксак ахлоқ соҳибларигина савдогар номига лойиқ ҳисобланган. Мас., Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида С.ни илғор фикрли киши, улар ҳалол ризқ топиш йўлида бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга товарларни келтириш борасида машаққат чекали, товарларнинг тақчиллиги ва ортиқчалигини бартараф этишда иштирок этиб, иқтисодий мувозанатни таъминлайди, илғор фикрларни тарқатади, деб таърифлайди. Ўрта осиёлик С. Эрон, Ҳиндистон, Хитой, Миср, Туркия, Россия, Европанинг бошқа мамлакатлари б-н савдо алоқалари олиб боргандар. Мил. ав. 2-а.дан то мил. 15-а.гача Шарқни Ғарб б-н боғлаган ва Ўрта Осиё орқали ўтган асосий савдо йўли — *Буюк ипак йўли*нинг аҳамияти жуда катта бўлган. Амир Темур савдо-сотиққа катта эътибор берган. Темур ҳокимияти қарор топган жойларда карвон йўлларн қўриқланган ва бехатар бўлган. Амир Темур С.га катта имтиёзлар берган, карвон йўлларида карвонсаройлар қурдирган.

Ўрта Осиёни чор Россия империяси босиб олганидан кейин ўртаосиёлик С. банклар савдо-саноат фирмалари б-н алоқалар ўрнатиб, капиталистик савдо усулларини ўзлаштира бошладилар (қ. *Оренбург савдо йўли*). Октябрь тўнтаришидан сўнг Ўзбекистонда майда ва ўрта ҳол С. вақтинча сақланиб қолди. 20-а.нинг 20-й.лари охирида Ўзбекистонда давлат ва кооператив савдонинг ривожланиши б-н С. улгуржи ва чакана савдо соҳаларидан сиқиб чиқарилди. 1930—32 й.ларда С. ижтимоий табақа сифатида буткул тугатилди.

Ўзбекистонда давлат мустақиллигига эришилганидан кейин бозор иқтисодиётига ўтиш даврида савдогарлик тадбиркорлик фаолиятининг бир йўналиши тарзида қайта пайдо бўлди ва

ижтимоий қатлам сифатида шаклланиб, сон жиҳатдан кўпайиб бормоқда. С.лар-га кўмаклашувчи «*Савдогарбашқ*» акционерлик тижорат банки ташкил этилган, «*Савдогар*» газ. чиқади.

Ad.: Тўхлиев Н., Осиё ва бозор. Т., 1992; Йўлдошев Н., Ўрта Осиёда бозор назарияси ва тажрибаси, Т., 2002; Ал-Фақиҳ Абу Лайс ас-Самарқандий, Танбеҳул ғофилин, 3 китоб, Т., 2003.

Нуриддин Йўлдошев.

САВИРЛАР, саварлар — Каспий бўйида яшаган кўчманчи қабилалар (мил. 1-минг йиллик). Шим. Кавказ, Кичик Осиё (6-а.)га босқинчилик юришлари қилиб турган. Аварлар томонидан тор-мор қилинган.

САВИЦКИЙ Игорь Витальевич (1915.4.8, Киев — 1984.27.7, Нукус) — график рассом, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1964), Қорақалпоғистон халқ рассоми (1974). Москва рассомлик ин-тини тугатган (1946). С. ижоди бадиий тасвир услубининг дадиллиги, бўёқ қатламини дағал ётқизиши б-н ажралиб туради; оқиш ранглар уйғунлиги (жигарранг, қовоқ ҳамда сабзи ранг ва б.)ни афзал кўрган рассом асарларида жануб табиати, Қорақалпоғистон манзаралари ўзининг ёркин аксини топган: «Оқ қалъа. Умумий кўриниш» (1954); «Қорақумда», «Чимбой оқшоми», «Кегейли канали» — ҳаммаси 1956; «Қайрағочлар» (1959) ва б. С. асарлари Ўзбекистон санъат музейи, Ўзбекистон халқлари тарихи музейи, Қорақалпоғистон санъат музейида сақланади. Рассомнинг саъй-ҳаракатлари натижасида ташкил топган Қорақалпоғистон санъат музейига С.нинг номи берилган. Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти лауреати (1983). «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2002).

Ас.: Резьба по дереву. Народное прикладное искусство Каракалпакии, Т., 1963.

И. В. Савицкий. «Чимбой оқшоми», 1956.

САВМАК ҚЎЗҒОЛОНИ — Боспор подшолигида Савмак раҳбарлигида скиф-лар кўтарган қўзғолон. С.қ.ла Боспор подшоси Перисад V б-н Понт лашкарбошиси Диофант ўртасида Боспор подшолигини Митридат VI (Понт подшоси)га топшириш тўғрисидаги шартнома сабаб бўлган. Қўзғолон пайтида Боспор скифларининг йўлбошчиси Савмак подшо Перисад V ни ўлдирган. Диофант эса Херсонесга қочган (тахм. маълумотларга кўра, аслида Савмак қул бўлган, Перисад V саройида улғайган). Қўзғолончилар Боспорнинг бутун Европа қисмини эгаллаганлар. Қўзғолонда қарам деҳқонлар, ҳунармандлар ва қуллардан иборат скиф халқи қатнашган. Боспор давлатининг йирик қуллорлари ҳукмронликни сақлаб қолиш учун ҳокимиятни Митридат VI га топшириш б-н мустабид режимни ўрнатмоқчи бўлганлар. Уларнинг бу режасини амалга оширишга С.қ. тўсқинлик қилган. Савмак бир йилгача Боспор подшолигини бошқарган. Митридат VI Синопга Диофантнинг катта жазо экспедициясини юборган. Қримда унга Херсонес отрядлари қўшилган. Диофант қўшинлари Феодосияни ишғол қилиб, Керчь я. о.дан ўтиб, Пантикапейни босиб олганлар. Қўзғолон бостирилган. Савмак асир олиниб, Синопга юборилган. Боспор давлати эса Митридат VI қўл остига ўтган.

САВОБ (араб. — яхшилик, эзгулик, ажр) — диний эътиқодга кўра, худонинг марҳаматига лойиқ иш ва шундай иш учун худонинг марҳамати. Инсоннинг хатти-ҳаракати ва фаолияти яхшилик ва ёмонликдан иборат бўлиб, бу исломда С. ва *гуноҳ* деб аталади. Исломга кўра, диний кўрсатмаларни бажариш, инсон манфаати йўлида фаолият кўрсатиш кабилар С. ҳисобланиб, инсоннинг иш китоби (номаи аъмоли)га фаришта воситаси б-н ёзиб борилади. Охиратда инсонларнинг С. ва гуноҳлари тарозуда тортилиб, натижалар Аллоҳнинг ҳукмига ҳавола этилади. Лекин, ҳадиси шарифда таъкидланишича, инсоннинг ҳар қанча С. ишлари жаннатга киришга етарли бўла олмайди. Унга кириш Аллоҳнинг фазли, марҳамати ва эҳсони ҳисобланади. Аллоҳ кўп С.ли ишлар қилган бандаларнинг жаннатдаги даражаларини баланд қилади. С. сўзи барча яхши ва эзгу ишларга нисбатан ҳам ишлатилади.

САВОДЛИЛИК, саводхонлик — 1) аҳоли маданий савияси кўрсаткичларидан бири; 2) одамнинг адабий тил нормаларига мувофиқ келадиган оғзаки ва ёзма нутқ малакаларига эгалиги; 3) оддий матнларни ўқий олиш ёки уларни ўқиш ва ёза олиш кўникмасига эгалик; 4) муайян соҳа бўйича билимга эгалик (сиёсий С., техник С., тиббий С.). «С.» тушунчасининг мазмун-моҳияти жамият тараққиётининг турли босқичларида унинг ижтимоий, сиёсий, илмий, маданий ҳамда руҳий савиясига боғлиқ равишда ўзгариб турали. Сиёсий қарашларнинг шаклланиши ва миллий камситиш руҳидаги ёндашувлар бирор мамлакат ёки миллат С. даражасини белгилашда салбий таъсир кўрсатади. Чунончи, чор Россиясида чиқарилган Декретда 8 ёшдан 50 ёшгача бўлган ўқишни билмайдиган ҳар бир одам ўз хоҳиши б-н она тили ёки рус тилида савод чиқариш лозимлиги белгилаб қўйилди. Бу тадбир аҳолининг С. даражасини юксалтиришга ижобий таъсир кўрсатди. Айни вақтда, сездирмай амалга оширила бошланган руслаштириш снёсатининг кўриниши ҳам бўлди. 1920 й.да мамлакатниши Маориф халқ комиссарлиги қошида Саводсизликни тугатиш комиссияси тузилди. Мамлакатдаги барча вилоят, шаҳар ва туманларда бу комиссия шўъбалари вужудга келтирилиб, савод чиқариш мактаблари ҳамда курслар ташкил этиш б-н шуғулланди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг аҳолининг С. даражасини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Чунки жамият аъзоларининг С. даражаси мамлакат тараққиётини таъминлайдиган асосий омиллардан бири эканлиги англаб етилди. Шунинг учун ҳам Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинишин (1997) муносабати б-н мажбурий таълим муддати бир йилга узайтирилди. Энг муҳими, таълимнинг мазмуни, ўзи ташкил этиш йўли, таълим моҳиятини белгилаш борасида янги концепцияга амал қилина бошланди. Миллий истиқлол гоясини сингдириш умумлавлат аҳамиятига эга тадбир сифатида қаралаётган бўлиши б-н С.нинг аҳамияти ҳам сезиларли даражада ортди. Мамлакатимизда таълим тизими шундай уюштирилганки, бирор соғлом киши ўқишдан четда қолмайди.

«С.» тушунчаси турли жойларда турлича белгиланади. Айрим мамлакатларда оддий матнларни ўқишни билган одам саводли ҳисобланган бўлса, баъзи юртларда ўқиш б-н бирга ёзишни ҳам билган одам саводли ҳисобланган. Шунинг учун ҳам «С.» тушунчаси моҳиятини тайин этиш масаласи демографик статистика ва аҳоли рўйхати дастурларига доир халқаро йиғилишларда бир неча бор кўриб чиқилган. ЮНЕСКО нинг 1958 й. Парижда бўлиб ўтган 10-сессиясида барча мамлакатларда С. тушунчасини бир хиллаштириш мақсадида ёзувни тушуниб ўқий оладиган ва ўзининг кундалик ҳаётини ёзма равишда баён қила биладиган кишиларни саводли ҳисоблашга келишилган.

Илм-фан тинимсиз ривожланаётган, ахборот технологияси такомиллашиб, инсон тафаккурининг имконияти юксалиб бораётган айни кунларда ҳам С. даражаси дунё миқёсида у қадар юқори эмас. ЮНЕСКОнинг тегишли тизимлари берган маълумотларга кўра, ривожланаётган мамлакатларда аҳолининг тез кўпайиши, болаларнинг таълим тизимига тўлиқ жалб этилмаслиги сабабли С.нинг пасайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Ҳатто юксак даражада ривожланган мамлакатларда ҳам саводсиз кишилар миқдори аҳоли қатламининг каттагина фоизини ташкил этади. Шунинг учун ҳам 1966 й. ЮНЕСКО нинг Бош анжуманида 8 сент. Халқ-аро савод тарқатиш куни эканлиги белгилаб қўйилди.

САВОЙ КАНАЛИ — Фарғона водийсидаги давлатлараро канал. 1930 й. Сардой дашгини ўзлаштириш учун Қамиррозот гидроузелидан Оқбўра дарёсигача қазилган. 1932—33 й.ларда кейинги навбати қурилган. Уз. 53 км. Шундан 30 км дан ортиқроғи Қирғизистонининг Ўш вилояти ҳудудида, қолган қисми Андижон вилояти ҳудудидан ўтади. Каналнинг бошланиш қисмидаги сув сарфи 20 м³/сек. Канал жами 34 та сув чиқариш қурилмалари (шундан 3 таси Қирғизистонда) б-н жиҳозланган. Канал 29-км да Оқбўра дарёсини диюкер орқали кесиб ўтади. С.к. суви б-н Андижон вилоятининг Қўрғонтепа ва Хўжаобод туманларида 15,2 минг га, Ўш вилоятида 3,7 минг га ер суторилади. Каналда сел сувлари учун ташламалар қурилган.

САВОЙЯ ГЕРЦОГЛИГИ — 1416—1720 й.да мавжуд бўлган давлат (11-а. — 1416 й.да графлик мақомига эга бўлган). Дастлаб пойтахти Шамбери ш. (Францияда), 1563 й.дан Турин ш. (Италияда) бўлган. С.г. таркибига Пьемонт кирган. Лондон шартномаси (1720)га кўра, Сицилия бадалига Сардиния С.г.га ўтди. Шунга кўра, бу давлат Сардиния қироллиги деб аталди.

САВР (араб.) — 1) Зодиак юлдуз туркумларидан бири. Белгиси ♉. Ўрта аср юлдуз хариталарида Овчи Орионга ташланаётган бақувват буқа шаклида тасвирланаётган бақувват буқа шаклида тасвирланарди. Бу юлдуз туркумида оддий кўзга кўринади; 2) шамсия йил ҳисобида 2-ойнинг номи. 22 апр.дан 21 майгача бўлган даврга тўғри келади.

САВРИ СУРХОНИ — эртапишар маҳаллий гилос нави. Шох-шаббаси ғуж, асосий шохлари ўртача йўғонликда. 20 ёшида бал. 10 м дан ортади. Барглари ўртача, тухумсимон, гуллари йирик, тўпгулда 2—3 тадан жойлашган. Меваси апр. охири — майнинг 1-ўн кунлигида пишади. Меваси юмалоқ, юраксимон, ширали, пўсти юпқа, ялтироқ, тўқ қизил. Таркибида 18% гача қанд, 0,32—1,28% кислота ва С витамини бор, вазни 3—3,5 г. Кўчати ўтқазилгач, 4-йили ҳосил беради. Совуққа чидами ўртача. Ўзбекистонда апр. бошларида гуллайди. Тўлиқ ҳосилга кирган дарахти 50—60 кг гача ҳосил беради. Янгилигида истеъмол қилинади, компот, мураббо тайёрланади. Касалликларга ва зараркунандаларга чидамли. Асосан, томорқа боғларга экилади.

САВРОМАТЛАР — скифларга қардош бўлган чорвадор кўчманчи қабилалар. Волгабўйи ва Уралбўйи чўлларида яшаганлар (мил. ав. 7—4-а.лар). Ижтимоий ҳаётларида аёллар (йўлбошчи, қоҳин) катта роль ўйнаган. С. бошқа қабилалар б-н аралашиши натижасида сарматлар деб атала бошлаган.

САВТ (араб. — овоз, товуш) — бирор чолғу ёки вокал мусиқа асари парчаларини ва куй оҳанги асосида яратилган куй ёки ашула. Ўзбек мусиқасида муайян куй ва ашулалар ўзгача доира усулларига тушириліб, уларнинг ҳар хил вариантлари яратилган ва муайян мақом, халқ куйи ёки ашулаларининг савти деб аталган. «С.» сўзи 16-а.дан бошлаб мусиқа ёзма манбаларида кенг қўлланилиб, *Ўн икки мақом* тизимида кичик шаклли ашулалар сифатида шарҳланади. *Шашмақом*да эса С.лар мақомларнинг 2-гуруҳ шўбаларидан бўлиб, йирик шаклдаги ашула туркумларини ташкил қилади ва Савти Сарвиноз (Бузрук мақомида), Савти Ушшоқ, Савти Калон, Савти Сабо (Ростда), Савти Наво (Навода), Савти Чоргоҳ (Дугоҳда) деб номланади. Шашмақомдаги С.ларнинг шохобчалари Талқинча, Қашқарча, Соқийнома ва Уфар деб аталади ва шу номли доира усулларида ижро этилади. С.лар турли, айниқса, туркумли куй ва ашулаларнинг муайян қисмини ҳам билдиради: Савти Ажам — Ажам туркумининг 2-қисми; Савти Муножот — Муножот туркумининг 2-қисми (мазкур С.нинг сурнай йўли ҳам машҳур); Савти Суора — Суораларнинг 2-қисми; Савти Сурнай Дугоҳи — Сурнай Дугоҳининг 2-қисми.

САГАМИХАРА — Япониядаги шаҳар. Канагава префектурасида. Хонсю о.нинг жан.-шарқий қисмида, Доси дарёси бўйида. Аҳолиси 605 минг киши (2000). Мамлакатнинг электромашинасозлик ва автомобилсозлик ҳамда ядро тадқиқотлари маркази. Озиқ-овқат, тўқимачилик саноати корхоналари бор.

САГАТОВ Серикбай Жузжасарович (1949.14.9, Томди тумани) — илғор қорақўлчи чорвадор, Ўзбекистон Қаҳрамони (2003). Ўрта мактабни тамомлаганидан кейин меҳнат фаолиятини 1964 й.да Томди туманидаги «Бирлик» жамоа хўжалигида ёрдамчи чўпон бўлиб бошлаган. 1970 й.дан шу хўжаликда (2000 й.дан ширкат хўжалиги) бош чўпон. Қизилқум чўли шароитларида қорақўлчиликни тиклаш ва ривожлантириш ишларига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Қорақўл қўйлари зотини яхшилаш, қорақўл қўйлари зоотехникаси, замонавий ветеринария-санитария амалиётини такомиллаштириш ва жорий этиш бўйича муҳим ютуқларни қўлга киритди. Кўп йиллар

давомида ҳар 100 совлиқдан 114—120 бош қўзи олиб, уларнинг 75—95%ини ўстиришга қодиришга (2003 й.дан ҳар 100 совлиқдан 120 талаи қўзи, 95% ини ўстиришга қодирди), сотиладиган қоракўл терилари навларини оширишга эришди.

САГОВНИКСИМОНЛАР, цикадасимонлар (Cycadopsida) — очиқ уруғли ўсимликлар синфи. Танаси тугунаксимон ёки турпсимон, баъзилариники устунсимон; бўйи 18—20 м. Танасининг юқори қисмида қирққулоқсимон, патсимон қаттиқ барг (уз. 3 м гача) боғламлари бор. Барги 1—2 й.дан кейин тўкилади. С. икки уйли, мегаспоралар ва микроспоралардан кўпаяди. Қуббаси ўзак, 9—10 туркумга бўлинган 100 тача тури маълум. Асосан, тропик ва субтропик мамлакатларда тарқалган.

САДАТ Анвар, Муҳаммад Анвар ал-Садат (1918.25.12, Минуфия вилояти, Мит Абу ал-Кум қишлоғи — 1981.6.10, Қоҳира) — Миср-нинг давлат ва сиёсат арбоби. 1938 й. ҳарбий билим юртини тугатган. Ж. А. *Носир* бошқарган «Озод зобитлар» инқилобий ташкилот аъзоси (1950). Миллий демократик партия раиси (1978). 1952 й. июль ин-қилобида қатнашган. Миср вице-президенти (1964—66, 1969—70), президенти (1970 й.дан). С. мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини либераллаштириш юзасидан чоратадбирлар ўтказган. Мисрда «очиқ эшиклар» сиёсатини жорий қилган. 1973 й. 6 окт.да Исроилга қарши уруш бошлаган. СССР б-н Миср ўртасида тузилган Дўстлик ва Ҳамкорлик ҳақидаги битимни бекор қилган (1976, март). С. Исроил бош вазири М. Бегин б-н АҚШ воситачилигида Кэмп Дэвид (АҚШ) тинчлик шартномасини имзолаган (1979 й. 26 март). Унга биноан, Исроил 3 й. мобайнида ўз қўшинларини Синай я.о.дан олиб чиқиб кетишга ваъда берган. Ўз навбатида С. Исроил б-н сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатларни тиклашга розилик берган. Нобель тинчлик мукофоти лауреати (1978 й. дек.). Қоҳирада бўлган ҳарбий намойиш пайтида отиб ўлдирилган.

Ад.: Князев А. Г., Египет после Насера, 1970—1981, М., 1986; Примаков Е. М., История одного заговора, М., 1985.

САДАФДОРЛАР (Unio) — икки тавақалилар синфига мансуб моллюскалар уруғи. Чиганоғининг уз. 13,7 см гача. Европа, Шим. Африка ва Шарқий Осиёда тарқалган. Дарёларда, кўл қирғоқларида яшайди. Сувдаги органик модлалар б-н озиқланади. Пояксимон оёғи ёрдамида ҳаракатланади. Айрим

Одмий сарафлор.

жинсли; уруғланган (400 мингтача) тухумини уруғчиси жабрасига қўяди. Тухумидан балиқларда паразитлик қилувчи личинка (глохидий) ривожланади. Чиғаноғидан садаф олинади.

САДАҚА (араб. — хайр-эҳсон) — мискин, бечораҳол, қашшоқ ва муҳтож кишиларга берилаиган мажбурий ёки ихтиёрий хайр-эҳсон. С.нинг мажбурий турига *закот, хирож, ушр,* фитр, *кафорат,* ихтиёрий турига ҳудойи, пул, зиёфатлар, хайрия ташкилотларига, жамғармаларга берилаиган молдий ҳамда ёрдамлар киради. Одатда, С. леганда фақат муҳтожларга, гадоларга берилаиган нарса тушунилади. Лекин диний истилоҳда С. хайр-эҳсоннинг барча турлари учун қўлланилаверади. Исломда С. қилишга кўп тарғибот қилинади. Унинг савоби, фазилати ва фойдаси тўғрисида Қуръон ва ҳадисларда таъкидланган.

САДАҚАЙРАҒОЧ (Ulmus densa) — қайрағочдошлар оиласига мансуб манзарали дарахт. Бўйи 10—20 м, шох-шаббаси шарсимон ёки эллипссимон. Барги йирик, уз. 3—7 см, эни 1,5—3 см, тухумсимон, чети арра тишли, усти туксиз ёки юмшоқ туклн. Барг банди қисқа — 6—7 мм, сийрак тукли, шох-

Садақайрагоч.

чалари сертук. Гули калта новдаларда тўп-тўп ўрнашган. Гулқўрғони 4—5 бўлакли, чанғичлари 4 та. Меваси қанотчали, 2 см. Февраль— мартда гуллайди. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистоннинг тоғлик ҳудудларида ўсади. Манзарали ўсимлик, қалимдан экилади.

«САДДИ ИСКАНДАРИЙ» («Искандар девори») — *«Ҳамса»* (Навоий)нинг якунловчи достони (1485). Асар 89 боб, 7215 байтдан иборат бўлиб, Навоий ижодидаги ҳажман энг йирик эпик асардир. Достон арузнинг мутақориб баҳрида туркийда ёзилган. Хамсанависликнинг буюк намояндалари: Низомий Ганжавий, Хисрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийлар Искандар тўғрисида достон ёзиб, уз «Ҳамса»ларига киритганлар. Дастлаб муқаддас дунёсида Қуръони каримнинг Каҳф сурасида номи зикр этилган ҳукмдор Зул-қарнайн (Икки шоҳли, 18-сура, 83—98-оятлар) ҳамда юнон саркардаси ва давлат арбоби *Александр*нинг битта шахс деб билишган ва у шарқда Искандар Зулқарнайн номи б-н машҳур бўлган. Мазкур Искандарномаларга Искандар тимсолидаги Александр фаолияти мавзу қилиб олинган. Аммо асарларда Искандар тимсоли тарихийликдан тобора узоқлашиб, бадиий тўқима образга айлана борган. Ҳар бир замонавис Искандар тимсолида ўз идеалларини талқин этишга ҳаракат қилган.

Навоий ўз асари аввалида, салафларидан фарқли ўлароқ, тарихийликка, кўпроқ тарих китобларига таянибиш кўрганини ёзади. Навоий бу ўринда ўз асарида Искандар ҳақидаги бобларнинг ичиллигининг Қуръондаги Зулқарнайн ҳақидаги оятларга ҳамда тарихий шахс Александр фаолиятига мувофиқ келишини назарда тутган. Достоннинг «С. И.» деб номланишида ҳам Қуръони каримнинг Навоий учун бирламчи манба бўлганлиги сезилади.

Навоий талқинида Искандар одил шоҳ, у дунёни куфрдан, жаҳолатдан тозалаб, бутун дунёда адолатни жорий этиш, башарий тартиб-қоидаларни катта оламдаги тартиб-қоидаларга мувофиқлаштириш мақсадида халқлар устига юришлар қилган. Бу эса суфиёна талқин бўлиб, достондаги муқаддима боблар, Искандар воқеалари ҳикоя қилинган боблар ҳамда унга илова бобларда ҳам шоирнинг тасаввуфий қарашлари устуворлигини кўриш мумкин. Мас., Искандар шиша сандиқ ясаб, денгиз тубига тушади, турфа ажойиботларни кўриб, ватанига қайтади. У вафот этар экан, бир қўлини тобутдан чиқариб қўйишларини сўрайди. Асарда Навоий инсонни бу фоний дунё ҳою ҳавасларига ортиқча ружу қўймасликка чақириб, гарчи Искандар жаҳонгир бўлса-да, у нн эгаллаган жаҳонгир бўлса-да, у нариги дунёга ҳеч нарсасиз кетаётганлигига ишора қилади.

Достон туркий адабиётда кўплаб назиралар ёзилишига туртки бўлган (Абай, «Искандар», 19-а.; Шайхзода, Искандар Зулқарнайн», 20-а. ва б.). Искандар образи шеърнятда анъанавий образга айланган.

Абдумажид Хайитов.

САДДИ ЧИНИЙ — қ. *Буюк Хитой девори.*

САДИЗМ, фаол алкоголгния (тиббиётда) — сексуал бузуқликнинг бир тури; жинсий қониқиш, жинсий алоқа қилувчи шеригига жинсий яқинлик вақтида изтироб бериш ва жисмонан оғриқ етказиш б-н ифодаланади. «С.» термини ўз асарларида кўплаб жинсий жиноятларни таснрлаган француз ёзувчиси Маркиз де Сад (1740—1814) номидан олинган. Бундай садистик хатти-ҳаракатлар кўлами жуда кенг бўлиб, оддийгина руҳий изтироб беришдан жинсий алоқа қилаётган (партнёр) шерикларини ўлдириб қўйиш даражасигача етади. С.нинг олдини олишда *жинсий тарбия* ва жинсий бузуқликларга қарши кураш олиб боришнинг аҳамияти катта (қ. *Жинсий жиноятлар*). Кенг маънода С. — бировни азоблаб роҳатланиш, бировнинг озор чекишидан лаззатланиш.

САДИРОВ Муфтулло (1952.19.5, Косон тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Қарши педагогика ин-тини тугатган (1973). 1973 й.дан Муборак туманидаги 12-, 1981 й. дан 9-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси. Дарсда янги педагогик технологиялардан фойдаланади.

«САДОИ ТУРКИСТОН» («Туркистон овози») — жадидларнинг ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий газетаси. 1914 й. 4 апр.дан 1915 й. 10 апр.га қадар Тошкентда ўзбек тилида нашр қилинган. Газ. Убайдулла *Асадуллаҳўжаев* (Хўжаев) томонидан ташкил этилган ва унинг муҳаррирлигида фаолият кўрсатган.

«С.Т.» В. М. Ильининг хусусий босмахонасида, ҳар бир сони ўртача 1000 нусхадан чоп қилинган, обуна ва чакана савдо йўли б-н тарқатилган. Газ. ни ҳафтада 2 марта чиқариш кўзланган бўлса-да, аммо бунга эришилмаган. Газ. ҳафтада 1 марта 4 саҳифада босилган.

Газ. таҳририятининг ўзагини 20-а. бошидаги ўзбек маърифатпарвар адабиётн ва публицистикасининг етакчи намояндалари *Мунавварқори* Абдурауф Музаффаровлар ташкил этган. Улар бош муҳаррир У. Асадуллаҳўжаевга газ. фаолиятини йўлга қўйишда фаол кўмаклашганлар. Газ. қиёфасини белгилайдиган асосий мақолаларни ҳам шулар ёзишган. «С. Т.» да даврнинг Тўлаган Ҳожамёров (Тавалло), Абдулҳамид Сулаймонов (Чўлпон), Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Мирмуҳсин (Шермуҳаммадов), Абдулла Қодирий, Холид Саид, Саидносир Миржалилов, Мўминжон Муҳаммаджонов, Абдулла Эргашев, Нўшириван Ёвушев, Сиддиқий, Лутфулла Олимий, Шокиржон Раҳимий каби миллатпарвар адиб ва зиёлилари фаол ҳамкорлик қилганлар.

Туркистоннинг маънавий-маърифий юксалишига кўмаклашиш мақсадида чиқарилган бу газда миллий таълимни замонавийлаштириш, миллат дардини акс эттирувчи адабиёт ва санъат яратиш, миллат онгини юксалтиришга хизмат қилувчи матбуотни ривожлантириш, аёлларни ижтимоий ҳаётга жалб қилиш, ахлоқий тарбияни кучайтириш ва б. давр учун долзарб муаммолар кенг ёритилган.

«С.Т.» юртпарварлик, миллатпарварлик, маърифатпарварлик каби олижаноб ғояларни изчил тарғиб қилган, Туркистон истиқлоли ва истиқболининг маънавий-ахлоқий негизларига дахлдор муаммоларни дадил кўтариб чиққан. Газ. асосий эътиборни миллий тараққиётни юзага чиқаришга қодир бўлган маърифатли, инсофли, диёнатли инсонларни тарбиялашга йўналтирган. «С. Т.» да даврнинг Тўлаган Ҳожамёров (Тавалло), Абдулҳамид Сулаймонов (Чўлпон), Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Мирмуҳсин (Шермуҳаммадов), Абдулла Қодирий, Холид Саид, Саидносир Миржалилов, Мўминжон Муҳаммаджонов, Абдулла Эргашев, Нўшириван Ёвушев, Сиддиқий, Лутфулла Олимий ... Иброҳим Даврон, Сафёров (Тавалло), Иброҳим Даврон, Сидиқ Ҳожиаҳмад Васлий ва б. шеър ва мақолалари б-н фаол ҳамкорлик қилганлар.

«С.Ф.»да публицистик ва адабий жанрларда ёзилган асарлардан ташқари, Россия фирмалари, шунингдек, Қўқондаги тижоратчиларнинг моллларини реклама қилувчи эълонлар ҳам босилган (3 ва 4- саҳифаларда). Газ.да маданий-маърифий мавзу марказий ўрин тутган. «С.Ф.» ёшларга дунёвий билимларни ўргатувчи замонавий (усули жадид) мактабларни изчил ташвиқ қилган, бу масала юзасидан мунозаралар уюштирган, миллатнинг ижтимоий онгини юксалтиришга хизмат қилувчи янги бадиий адабиёт, матбуот яратиш, халқ оммасига тушунарли адабий тилни шакллантириш, ёшлардан билимдон, маънавий баркамол мутахассислар етиштириш каби миллий тараққиётга доир долзарб муаммолар ҳақида баҳс юритган. Жами 122 сони чиқиб, сўнг тўхтатилган.

Ад.: Абдуазизова Н. А., Туркистон матбуоти тарихи (1870—1917), Т., 2000.

САДОИЙ Мирҳасан (18-а. 2-ярми — Фарғона — 1820) — шоир. Ҳаёти ва ижодига оид айрим маълумотлар *Лутфий Отиннинг* «Тарихи мухожирон» асарида учрайди. *Ҳувайдо*нинг шогирди, кўпчилик шеърлари унинг газалларига ҳамоҳанг. Ҳофиз, Навоий, Машраб адабий анъаналарини давом эттирган, газалларига назиралар битган. Шеърларида дунёвий севги, дўстлик, ахлоқий фазилатлар, илм-маърифат кўланган, ижтимоий ноҳакликлардан шикоят қилган. Лирикаси ҳам ижтимоий мавзуда («Салом», «Бўлмади» ва б.). Бизгача 168 газал, 1 мухаммас, 1 мусаддас, 1 мувашшаҳ, 2 чистон — 1800 мисрадан иборат девони (Тошкент, 1916) етиб келган, қўлёзмаси топилмаган.

Ад.: Қаюмов А., Қўқон адабий муҳити, Т., 1961; Асрлар нидоси, Т., 1982.

САДР (араб. — қалб, кўкрак) — 1) мотам одати. Махсус куй (усул) б-н ижро этилган. Аксарият йигит, келинчак, вояга етган қиз вафот этганда 1—7 кунлари «қирқи»гача дам-бадам ўтказилган. Унга таъзия учун аёллар қатнашган. Мотамзадалар — мархумнинг яқинлари ўртага тушганлар ва гоҳ олдорқага, гоҳ икки ёнга солланиб таъсирли иборалар айтиб, мархумни эслаганлар. Мас., эр вафот этганда мархумнинг хотини эрининг дўпписини кийиб, белбоғини боғлаб, елкасини чопонини ташлаган ҳолда ўртага тушган. Мотамзадалар ҳар бир байт ёки иборани айтганда даврдошлари икки ёнга солланиб «Ҳув! Ҳув!» деган овоз чиқариб турганлар. Йиғи сўзларини

ғўзида, баъзи жойларда марҳумнинг яқинлари айтган. С. охирида марҳум хотирасига фотиҳа ўқилган; 2) маълум доира усули ва унга мос чолғу куйлар номи. «Шодиёна» куйлар туркумининг 5-қисми ҳам С. деб аталади. Мақомлар асосида яратилган Садри Дутоқ мураккаб чапандоз доира усулида ижро этилиб, Бузрукдаги Талқинчан Наврўзи Сабо шоҳобчасига оҳангдош. Хоразмда машҳур дутор мақомларидан бири эса Садри Ироқ деб аталади; 3) *Зикр*да энг жўшга келган ҳолат; жазава (гир айланиш, сакраш) ҳам С. деб аталади.

САДР ЗИЁ— қ. *Зиё*.

САДРИ АЪЗАМ — олий лавозимдаги киши, 1-вазир, *Усмонли турк империяси* (16-а.)нинг ва Эрон (19-а.)нинг ҳукумат бошлиғи. Усмонли турк империясида олий вазир лавозимига тенг. С. а. Эронда 1905—11 йилларда, Туркияда эса 1922 йилда тугатилган.

САДРИ ЖАҲОН — 12—13-а.ларда Бухорода ҳукмронлик қилган *бурҳонлар* хонадони унвони. «Китоби муллазода» асарининг муаллифи Аҳмад ибн Маҳмуднинг ёзишича, бурҳонлар хонадонига Абдулазиз ибн Умар асос солган. С.ж. унвони унга султон *Санжар* томонидан берилган. Абдулазиз ибн Умар вафотидан сўнг бу лавозим ўғли, кейинчалик невараларига берилган. Уларнинг авлодлари 1207 йилгача Бухорода мустақил ҳукмронлик қилган. Сўнгги С.ж. Бурҳониддин Муҳаммад ибн Аҳмад ўша йили Муҳаммад хоразмшоҳ томонидан мансабдан туширилган. Бурҳонларнинг айрим намояндалари илғаригидек нуфузга эга бўлмасалар-да, имтиёзлари мўғуллар даврида ҳам сақланиб қолган. Улар вақф ерларни назорат қилишган; ўз ерлари, савдо-ҳунармандчилик корхоналари бўлган, карвон савдоси б-н шуғулланишган. 13-а.да Малик Санжар С.ж.ларга қарши халқ қўзғолонини бошқарган (яна қ. *Малик Санжар қўзғолони*).

САДРИДДИН АЙНИЙ —қ. *Айний*.

САДРИЕВА Зайнаб (1914.25.10, Астрахон — 1991.31.10, Тошкент) — Ўзбекистон халқ артисти (1952). 1930—33 йиллар ўзбек ишчи-ёшлар театрида, 1933—87 йиллар Ҳамза театрида, 1987—91 йиллар Аброр Ҳидоятов номидаги театрда ишлаган. Актрисанинг ўзига хос истеъдоди қисмати оғир, лекин ижодаси кучли аёллар характерини яратишда монументал образлари очилди. Крючинина («Айбсиз айбдорлар»), Любовь Яровая («Любовь Яровая»), Христина («Рўйхатларда йўқ») ва б. шулар жумласидан. Шунингдек, С. ижодида қатиққўл, ҳукмини ўтказишга ўч аёллар образи алоҳида ўрин тутади: Гавҳаршод бегим («Мирзо Улуғбек»), Тангабека («Ой тутилган тунда»), Ҳожиона («Бой ила хизматчи») ва б. Мумтоз асарлардаги Мильфордхоним («Макр ва муҳаббат»), Гертруда («Ҳамлет»), Васса, Глафира («Васса Железнова», «Сўнгги қурбон») каби образлари ижтимоий ва психологик жиҳатдан теран ва тугаллиги б-н ажралиб туради. Айниқса, С. яратган Фармонбиби («Келинлар қўзғолони») миллий бўёқларга бойлиги, ҳаётийлиги б-н катта муваффақият қозонди. У бир қанча фильмлар [«Ганг дарёсининг қизи» (Чата Патхаяхоним), «Сувончи» (Анзират), «Армон» (ошпаз аёл) ва б.]да ҳам суратга тушган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1979).

Зайнаб Садриева Фармонбиби ролида (ўртада, «Келинлар қўзғолони»).

САЁЗЛИК — сув ҳавзалари (океан, денгиз, кўллар) тубининг атрофига нисбатан чуқурлиги камроқ бўлган қисмлари. Денгизларда трансгрессия натижасида юзага келган С. қуруқликнинг сув остидаги давоми. Океанларда улар маржон полиплари ёки вулканик келиб чиқишга эга. С.ларда қумли оқизиқ жинслар оқим таъсирида ўз шакли ва ўрнини ўзгартириб туради. Қуёш нурлари сув остигача етиб борганлигидан С.да органик ҳаёт ривожланиши учун шароит қулай: балиқ ва сув ўсимликларига бой, бироқ кема қатновн мураккаброқ бўлади.

САЁҲАТНОМА — бадиий адабиётдаги жанр. Саёҳат таассуротлари ва тафсилотлари тасвирига бағишланган асар. С.ларнинг тарихий-бадиий қиммати муаллиф мақсади, услуби ва маҳоратига боғлиқ. Адабиёт тарихида саёҳат таассуротларининг насрий ва шеърий тасвиридан иборат ўнлаб асарлар мавжуд. Насрий С.ларда жой ва воқеаларнинг изчил тафсилоти етакчи ўрин тутса, шеърий С.ларда тасвир ихчам ва умумлашма характерда бўлади. *Носир Хисравнинг* «Сафарнома»си бу жанрнинг дастлабки намунаси бўлиб, унда 7 йиллик саёҳат таассуротлари насрий йўл б-н баён қилинган. Ўзбек адабиёти тарихи учун, асосан, шеърий С.лар характерлидир. Мас., *Мукимий*нинг *мураббаъ* шаклида ёзилган «Саёҳатнома»си ғоявий-бадиий хусусиятлари б-н бу жанрнинг оригинал намунаси ҳисобланади. Нодимнинг Самарқанд ва Тошкентга қилган сафари натижасида юзага келган С.си эса *қасида* шаклида ёзилган.

Ҳоз. давр адиблари ва публицистларининг турли мамлакатларга қилган сафарлари натижасида ҳам бир қатор насрий С.лар юзага келди. Улар услубида *очерк* ва *публицистика* учун характерли хусусиятлар кўпроқ. Мас., *Ойбек*нинг «Покистон таассуротлари» асарида С. мавзусининг кенгайганлиги, баён ва тасвир шаклларининг ўзига хослиги кўзга ташланади.

САЖЪ (араб. — қумри, булбул, тўтиларнинг сайраши) — бадиий сўз санъатларидан бири: бир ёки бир неча гапдаги айрим сўзларнинг вазн ёки равийда (ёки ҳар иккаласида) мос келиши. С. санъати дастлаб халқ оғзаки ижодида пайдо бўлган, кейинчалик ёзма адабиётга ўтган. С. ўзбек халқ эртаклари, *достон* ва *мақол*ларда кўп учрайди. Сажъланган мати равон ўқилади, оҳангдорлик ва кучли эмоционаллик туғдиради, киши хотирасида мустаҳкам сақланиб қолади. С. санъати ишлатилган наср — *насри мусажжаъ*, назм эса *назми мусажжаъ* деб юритилади. С. тузилиши жиҳатидан 3 хил бўлади: 1. Тўлиқ С. (мутавозий С.) — бир ёки бир неча гапдаги айрим сўзлар вазнда ҳамда равийда мос бўлади. Мас., «Жаллодлар сўйиб қўймасин, телроқ бориб қўлидан олинглар, зиндонга соларф С.) — бир ёки бир неча гапдаги айрим сўзлар равийда мос бўлиб, вазнда тенг бўлмайди. Мас., «Зоти бевафо, димоғи пўлод ва кўнгли хоро» («Маҳбуб ул-қулуб»). 3. Ваздош С. (мутавозин С.) — бир ёки бир неча гапдаги айрим сўзлар ҳамвазн бўлиб, равийда мос бўлмайди. Мас., «Аввош ва арсол мусулмонларидин аларга не маош ва не ҳисол» («Маҳбуб ул-қулуб»).

С. шоҳларнинг сарой ёзишмалари, тарихий, илмий ва бадиий насрда ҳам қўлланилган. Мумтоз адабиётда Навоий, Бобур, Гулханий каби санъаткорлар С.дан унумли фойдаланишган. Навоий ўзбек насрида С. санъатини энг юқори чўққига кўтарди. Ўзбек адабиётида Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Ойбек ва б. ижодида ҳам С. намуналари бор.

Ад.: Саримсоқов Б., Ўзбек адабиётида сажъ, Т., 1978.

САЗАН — қ. *Зоғора балиқ*.

САЗАҒОН МАКОНИ — Самарқанд ш. яқинидаги Сазағон қишлоғидан топилган неолит даври ёдгорлиги. 1964 й.да М. Жўрақулов бошлиқ археолог-олимлар томонидан топилган. Ҳоз. кунга қадар давом этаётган тадқиқотлар натижасида маконидан тоғли жамоаларга хос бўлган кўплаб тош қуроллар топиб ўрганилган. улар фанда «Сазағон маданияти» деб ном олган. Ушбу маданиятни ўрганиш натижасида Зарафшон воҳаси тог олди минтақаларида яшаган неолит жамоаларининг турмуш тарзи, маънавий дунёси, хўжалиги, маданий алоқалари масалалари бўйича кўплаб маълумотлар тўпланган. Хусусан, С.м.дан топилган ёргучоқ, қаламатоши (ўроқ) тишлари зироатчиликдан, кўй, эчки суяклари эса, чорвачиликдан далолат беради. Аммо, топилмаларнинг умумий таҳлили — бу жамоаларнинг асосий хўжалиги овчилик ва теримчилик бўлганлигини кўрсатади. С.м. жамоалари кўни-кўшни қабилалар б-н кенг кўламда маданий алоқалар ўрнатганлиги аниқланган. Мас., тош саноати таркибидаги меҳнат қуролларини ясашда қўлланилган технологик усуллари, сопол парчалари — қуйи Зарафшон воҳасидаги Дарвозақир, Марказий Фарғона воҳасидаги неолит жамоалари ҳамда Тожикистондаги Тутқовул-Ҳисор жамоалари маданиятини эслатади.

САЗАҒОНСОЙ — Самарқанд вилоятидаги сой. Зарафшон тизмаси шим. ёнбағридан, Ўртабел довони (бал. 1780 м) ёнидаги булоқдан бошланади. Уз. 27 км, ҳавзасининг майд. 32,8 км². Юқори қисмида дарё ва унинг кўп сонли ирмоқлари қурийди. Бошланишидан 9 км ўттач (Сазағон қишлоғи ёнида), суви асосан, суғоришга сарфланади. Фақатгина серсув йилларда дарё суви қуйилиш жойи Эски Аиҳор каналига етиб боради. Қор-ёмғир сувларидан тўйиниган. Ўртача кўп йиллик сув сарфи Сазағон қишлоғи ёнида 0,381м³/сек., ўртача оқим модули 14,2 л/сек.км². Ўртача йиллик сув сарфи 0,830 м³/сек. дан (кўп сувли йилда) 0,068 м³/сек. гача (кам сувли йилда) ўзгаради. Ёғин кўп бўлган даврда (март—май ойларида) дарёдан сел келади.

САЗЕРЛЕНД (Sutherland) Эрл Уилбур (1915.19.11, Берлингейм, Канзас — 1974, Нашвилл, Теннесси) — америкалик биокимёгар ва фармаколог. АҚШ миллий ФА аъзоси. Клавеленд

(Огайо)даги Ғарб ун-ти тиббиёт мактабида бўлим мудири ва проф. (1953—63). 1963 й.дан Нашвилдаги Вандербилт ун-ти тиббиёт мактабида физиология проф. Илмий фаолияти углеводлар алмашинувига онд. Ҳайвонлар тўқимасида циклик 3', 5'- аденозинмонофосфат (цАМФ)ни кашф этган (1957) ва унинг гормонлар таъсири механизмида аҳамияти борлигини аниқлаган. Нобель мукофоти лауреати (1971).

САИД АБДУЛЛАХОН (? — 1933, Кривой Рог ш., Украина) — Хива хони (1918—20), қўнғиротлардан. *Феруз*нинг ўғли. Укаси *Асфандиёрхон* суиқасд натижасида ўлдирилгач, *Жамшидхон* томонидан Хивага хон қилиб кўтарилган (1918 й. 3 окт.). С.А. жисмоний жиҳатдан заиф ва продажсиз бўлиб, Хива хонлигидаги барча ишларни амалда вазирвузбоши Давлатмурод махрам орқали Жунайдхон бошқарган. Жунайдхон ўз кишилари: Чориқбой (Тошҳовуз), Сафар Депмечи (Илялы), Қилич Қора (Порсу), Гоклан бола (Мангит), Анна Гелдибек (Тахта), Халил Махсум (Урганч), Шихим Султун (Хива)ларни ҳоким қилиб тайинлаган.

Хива хонлиги қизил аскарлар томонидан босиб олингач, С.А. тахтдан воз кечишга мажбур бўлди (1920 й. 2 фев.) ва илтимосига кўра, у Хивада қолдирилган. Бироқ, Хивадаги Муҳаммад Аминхон мадрасасида қозикалон Иброҳим Охун бошчилигида бўлган уламоларнинг қизил аскарларга қарши кўтарган исёни (1920 й. 23 июнь) дан кейин, бу исёнга ҳеч қандай алоқаси бўлмаса ҳам С.А. ва унинг ҳарами, яқин қарендошлари, 10 тўра ҳамда Ҳикматилла Охун (қозиаскар), Обид Охун ва б. Хоразм Халқ Совет Республикаси (ХХСР)дан бадарға қилинган (1920 й. ёзи). Дастлаб Москвадаги Лубянка — 2; Новоспасск, Иваново монастирларидаги қамоқхоналарда ташланган. 1923 й.да С.А. ва унинг авлодлари Украинанинг Екатеринослав губернясига сургун қилинган. У сургунликда 10 й. яшаган. Сўнгра касалланиб, вафот этган. Хоразмлик адиб Қўзи Давват С.А. ҳақида «Хусумат» (Нукус, 2001) тарихий романини ёзган.

Ад.: Давлатёр Раҳим, Шиҳназар Матрасул, Феруз. Шоҳ ва шоир қисмати, I-китоб, Т., 1991; Худойберганов К., Хива хонлари шажараси, Хива, 1996; Хоразм тарихи, 2-ж., Урганч, 1997; Полвонниёз Ҳожи Юсупов, Ёш зиволиқлар тарихи (хотиралар), Урганч, 2000.

САИД АБДУЛЛОҲ БУХОРИЙ (16-а. охири, Бухоро — 1647, Ҳиндистон) — хаттот; «Дарвиш Абдий» ва «Мавлавий» лақабларн б-н маълум. Дастлаб Бухородаги, сўнгра исфаҳонлик хаттот Мир Имод Ҳусайнийдан таълим олган. У Истанбул, Исфаҳон ш.ларида, Миср да бўлган. Истанбулда настаълиқ хатини жорий қилган, Султон Муҳаммад IV буйруғи б-н «Шоҳнома»ни кўчирган. Ҳаж сафаридан кейин умрининг охиригача Ҳиндистонда яшаган.

Ад.: Муродов А., Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан, Т., 1971.

САИД АЛОВИДДИН МАҚБАРАСИ — *Ичан қалъа*даги меъморий ёдгорлик (14-а.). Сўфи Амир Кулол томонидан устози шайх Аловиддин қабри устига қурилган. Мақбара (13,0×10,4 м) пештоқли, зиёратхона ва гўрхонадан иборат. 14-а. 1-ярмида пештоқи жан.га қаратиб гўрхона бунёд этилган. Гўрхонанинг ғарбида зиёратхона (18-а.) қад ростлаган. Хоналар гумбаз томли, зиёратхонага пойгумбаз дарчасидан ёруғлик тушиб туради. Ичкариси ганч сувоқ қилинган. Гўрхонадаги саганалар бўртма кошинкор нақшлар б-н безатилган. Уларнинг бирида араб ёзувида Саид Аловиддиннинг вафоти ёзилган (1303 й. 18 март). Сағана супа шаклида бўлиб, бурчакларида бежирим устунчалар бор, улар пиромони банди румий деб аталувчи ҳандасий шаклга эга. Супа деворларидаги мадоҳилсимон намоён нафис ишланган. 1825 й.да меъмор Ҳуббикулихўжа ўғли Ҳамидхўжа томонидан қулаб тушган пештоқи қайта тикланиб, гумбаз, сағана, зиёратхона деворлари таъмир қилинган. Зиёратхона деворларида форс тилида (арабча настаълиқ ёзувида) бинонинг қурилиши ва меъморлари тўғрисида маълумотлар берилган. 1957 й.да И.Нотқин ва В.Булатова томонидан илмий жиҳатдан ўрганилган. Хива ш.нинг 2500 йиллик юбилейи арафасида мақбарада таъмирлаш ишлари ўтказилди.

Саид Аловиддин сағанаси.

САИД АҲМАД, Саидий (14-а.нинг охири — Ҳирот — 15-а.нинг 1-ярми) — шоир. Темурий шаҳзодалардан *Мироншоҳ*нинг ўғли, давлат ишларида қатнашмаган. Туркий ва форсийда шеърлар ёзиб, девон тартиб берган ҳамда нома жанрида «Таашшуқнома» («Ошиқлар мактублари», Навоий таъбирича, «Латофатнома») достонини яратган (1435—36). Достонни амакиси Шоҳрух мирзога бағишлаган. Асар Хоразмий «Муҳаббатнома»си ва Хўжандий «Латофатнома»сига татаббу қилинган. Назира қонуниятларига кўра, асар тузилиши, мактублар сони (10 та) жиҳатидан ҳам юқоридаги асарларга ўхшаш; маснавий мактублар ғазал ва б. лирик жанрлар б-н қоришиқ. С. А. достонида ҳар бир ғазалнинг маълум бир мақом б-н боғланганлиги ва иккинчи номанинг барча мисраларида тажнисли қофия ишлатилганлиги б-н Хоразмий ва Хўжандий асарларидан ажралиб туради. Мактублар туркий тилда. Асар ранг-баранг поэтик шаклларга бой. Достон ўзбек адабиёти тарихида нома жанрининг ривожланиш йўлларини, 15-а. ўзбек адабий тилини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Асарнинг ягона кўлёзма нусхаси Лондондаги Британия музейида, фотонусхаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади.

Ад.: Рустамов Э., Узбекская поэзия в первой половине XI века, М., 1973; Мадаев Н., Ўзбек адабиёти тарихи, Т., 1976; Навоийнинг нигоҳи тушган..., Т., 1986.

САИД АҲМАД (тахаллуси; асл исм-шарифи Ҳусанхўжаев Саидаҳмад) (1920.10.6, Тошкент) — Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1980). Ўзбекистон Қаҳрамони (1999). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1968).

Тошкент рассомлик билим юртида, Тошкент педагогика ин-тида ўқиган (1940—43). «Муштум» жур. (1938—39; 1955—57), «Ёш ленинчи» газ. (1940—41), Ўзбекистон радиоқўмитаси (1941—43)да, «Қизил Ўзбекистон» газ. (1943—47) ва «Шарқ юлдузи» (1948—50; 1957—59) жур.да адабий ходим.

Саид Аҳмад ва Санда Зуннунова. 1963 й.

Биринчи ҳикоялар тўплами — «Тортиқ» (1940). «Эр юрак» (1942), «Фарғона ҳикоялари» (1948), «Чўл бургути» (1960), «Чўл оқшомлари», «Одам ва бўрон» тўпламларига кирган ҳикояларида замондошларининг мураккаб тақдири, руҳий кечинмалари эҳтирос б-н акс эттирилган. С.А. ўз ҳикояларида Ойбекнинг психологик тасвир маҳорати, Ғафур Ғуломнинг юмори, Абдулла Қаҳҳор баёнидаги лаконизмдан ўрганишга интилган ва улар ижоди С.А.нинг ёзувчи бўлиб етишишида «дарслик» вазифасини ўтаган. Айни пайтда у ҳажвчи, юморист сифатида танилган. Ижодининг катталгина қисми ҳажвий-юмористик ҳикоялар, қиссалар, комедиялардан иборат. Романларида ҳам юмористик йўналиш муҳим ўрин тутади. Унинг юмористик маҳорати «Келинлар қўзғолони» (1976), «Куёв» (1986) комедияларида ёрқин намоён бўлган. «Келинлар қўзғолони»даги халқона юмор б-н йўғрилган Фармон биби миллат менталитетини, ўзлигини, кучли ва ожиз жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган бетакрор образ даражасига кўтарилган.

«Уфқ» трилогияси (1964—74), «Жимжитлик» романи (1988) адиб ижодида алоҳида ўрин тутади. «Уфқ» романи 20-а. миллат ҳаётининг ўн йиллик даври — 2-жаҳон уруши, уруш ва урушдан кейинги йиллар воқеаларини ўз ичига олади. Трилогияда ўша йиллари халқ бошига тушган мусибатлар, одамлар кўксидаги армонлар, шу мусибатларни енгишга қодир мислсиз матонат ва шижоатлар ёзувчи истеъдодига хос эҳтирос, зўр илҳом б-н акс эттирилган. Асарда Икромжон, Жаннат, Азизхон, Дилдор, Асрора каби теран, халқчил, ёрқин миллий образлар яратилган. «Жимжитлик» романида эса сиртдан тинч, сокин кўринган шўро даврининг ички драмалари, тузум ин-қирози бутун кескинлиги, шиддати б-н кўрсатилган. Асардаги деярли барча етакчи персонажлар фожеий қисмат эгаларидир. Роман ўзининг асоси, «бебошлик» ифода тарзи б-н жозибалидир.

С.А. истиқлол йилларида ҳам ҳаётдаги ўзгаришлар ҳақида кўплаб мақола, баёнлар ёзди, аввалгидек қувноқ юмористик, жўшқин лирик ҳикоялар яратди. «Хандон писта» (1994), «Бир ўпичнинг баҳоси» (1995) ҳажвий тўпламлари, «Йиғлаганларим ва тонганларим» (1998), «Қоракўз маҳзун» (2001), «Киприкла қолган тонг» (2003) китоблари, 3 жилдли «Танланган асарлари» (2000) чоп этилди. «Йиғлаганларим ва тонганларим»да Ғафур Ғулом, Ойбек, Миртемир, Шайхзода, Санда Зуннунова ва б. бир қатор забардаст ўзбек ёзувчи ва шоирларининг жонли қиёфасини бадиий бўёқларда ифодалаб берди. Истиқлол туфайли одамлар қисмати ва руҳиятидаги эришилган ўзгаришлар ҳақида баҳс этувчи «Қоракўз маҳзун», «От билан сухбат», «Аэропл ўтган йўлларда» ҳикоялари, қатағон даври хотиралари б-н боғлиқ «Борса келмас дарвозаси», «Тақдир...», «Офтоб ойим» ҳикоялари, адибнинг ўзи яқиндан мулоқотда бўлган устоз адиблар, тенгдошлари, шогирдлари ва, ниҳоят, ўз ҳаёт ва ижод йўли ҳақидаги хотира-эсселари мустақиллик даври ўзбек адабиётида муҳим ҳодиса бўлди. С.А.гагина хос юмор кўламлилиги, эркин, асов бир руҳ, ҳам ҳазил, ҳам ирония, покиза туйғулар, бегубор ҳазил-мутойибалар б-н йўғрилган хотира-эсселар бу жанрнинг замонавий ўзбек адабиётидаги энг ноёб намуналари қаторида туради. Фельетон жанрида ҳам самарали ижод қилган. 1947 й. «халқ душмани» сифатида қибрга олинган. Сталин вафотидан сўнг оқланган. «Келинлар қўзғолони», «Куёв» комедиялари ҳоз. Ўзбек миллий академик театрида, «Келинлар қўзғолони» дунёнинг кўплаб мамлакатларида саҳналаштирилган. «Уфқ» асари асосида драмалар, «Ўзбекфильм» киностудиясида «Муҳаббат мажароси» фильми (1970) ва б. яратилган. «Дўстлик» (1996), «Буюк хизматлари учун» (1997) орденлари б-н мукофотланган.

Ас.: Уфқ, Т., 1976; Сайланма [3 жилд], 1982; Танланган асарлар [3 жилд], Т., 2000; Қоракўз маҳзун, Т., 2001; Киприкла қолган тонг, Т., 2003.

Ад.: Норматов У., Саид Ахмад [Адабий портрет], Т., 1971; Ғафуров И., Прозанинг шоири, Т., 1984.

Ўзбегим Нуриддинов.

САИД АҲМАДХЎЖА МАДРАСАСИ — Марғилондаги меъморий ёдгорлик (19-а. охири). Мадраса тарҳи 42,3×44,0 м. Ҳовли (31,6×28,4 м) шим.-шарқий ва жан. томондан ҳужралар б-н, гарбдан қўш синчли, олди айвонли масжид б-н ўралган. Ҳовли ўртасидан эни 1,5 м ариқ ўтган. Ариқ яқинида кекса чинор қад кўтарган. Мадраса ташқи томондан текис бўлса-да, лекин ҳовли томондан қурилган кунгуразор деворлар б-н ажратиб ишланган қатор меҳробий равоқлар ҳужраларни янада салобатлироқ кўрсатади. Хонақоҳ (14×7 м) туташ харилар б-н ёпилган, шифти қизил ва яшил чизиқлар б-н ажратилиб, орасига гуллар ва чирмавиган новдалар тасвири ишланган. Тоқи ва тўсинлардаги гул нақшлар майдароқ хона деворн ганчдан занжира ҳамда «қирма» услубидаги арақи сарров б-н безатилган. 1985 йлда таъмирланган.

САИД АҲРОРИЙ, Муҳаммад Саид Абдурашидхўжа ўғли Аҳрорий (1895, Макка — 1931.25.4, Москва) — жамоат арбоби, журналист. Асли хўжандлик бўлиб, Туркистон руслар томонидан забт этилгач, ота-онаси Маккага, ундан Туркиянинг Истанбул ш.га кўчиб борган. С.А. 1911—12 й.ларда «Турон таъмими атфол» жамиятида маъсул котиб. Исмоил Гаспринский ва Маҳмудхўжа Беҳбудий б-н учрашди (1912). 1-жаҳон урушида иштирок этди. 1917 й. Февраль инқилобидан кейин Тошкентга келиб, мактабларда дарс бера бошлади. «Турк сўзи» газ. муҳаррири (1917). С.А., Муҳаммад Саид, Тайфун, Қобилл тахаллуслари б-н газ. ва журналларда шеър, мақолалар ёзди. Бухоро давлат нашриёти раҳбари, «Озод Бухоро» газ. маъсул муҳаррири, БҲСРнинг Озарбайжондаги сиёсий вакили (1920—21). Унинг «Бухоро жўғрофияси» (Ш. Ёқубов б-н ҳамкорликда, 1923), «Хотин-қизларга тортиқ» (1924), «Ўзбек атамалари луғати» (1926) китоблари чоп этилган, драмаси (1929) ўзбек драма театрида қўйилган. 1930 й. «Миллий иттиҳод» ташкилотига аъзоликда айбланиб ҳибсга олинган. 1989 й. оқланган. Истиқлол муносабати б-н С.А.нинг Танланган асарлари нашр этилди (2001).

Ад.: Аҳророва Ҳ., Изларини излайман, Т., 1998.

Саид Маҳруйжон мажмуаси.

САИД МАҲРУЙЖОН МАЖМУАСИ — Хивадаги меъморий ёдгорлик (1884). Саид Муҳаммад Маҳруйжон мақбараси атрофида барпо этилган мадраса, қорихона, мақбара ва б.дан иборат мажмуа. Саид Маҳруйжон мадрасаси (40,0×53,0 м)га гарбдан 2 кичик мадраса (Кичик Маҳруйжон); қорихона ва Кичик Маҳруйжон мақбараси (11,0×14,1 м) туташ. Катта ҳовлига жан.дан 3 гумбазли миёнсарой орқали кирилади. Мадраса бурчакларидаги анъанавий дарсхона ва масжид ўрнига ҳужра ва қўшимча хоналар жойлашган. Ҳужралар олди равоқли. Мадрасанинг шим.да ҳовли ичкарисига Саид Маҳруйжон мақбараси қурилган. Ундаги Муҳаммад Раҳим II ва Темурғози тўра саганаларини уста Б.Воисов кўтўра саганаларини безаган Мажмуанинг б-н серҳашам ишнинг жан.-шарқида, ички ҳовли атрофида олти гумбазли масжид, дарвозахона, энергатхона, мақбара ва ҳужралар жойлашган. Масжид ва мақбара (36,0×35,0 м) чорси гумбазли, ҳужралар балхи гумбазли. Мажмуанинг ғарбида 2 катта ва 3 кичик хона мавжуд.

Саид Аҳмадхўжа мадрасаси шифтидаги безак.

САИД ОТА МАСЖИДИ — Хоразм вилояти Хонқа туманидаги меъморий ёдгорлик (1766). Масжид устн ёпиқ ҳовли (14,0×7,0 м), хонақоҳ (7,0×7,0 м), айвон ва унга кираверишдаги қўшимча хоналар (қоровулхона, отхона ва б.)дан иборат. Масжид олдини қатор устунли айвонлар эгаллаган. Ҳовли марказида қудуқ сақланган. Хонақоҳ гумбаз томли, гумбаз асосига гиштин шарафлар, остки қисмига 8 та равоқли дераза ишланган. С.о.м. безаксиз, ёғоч ўймакорлигида безатилган устун, эшик ва деразалар диққатга сазовор. Дарвозадаги араб ёзувлари орасида масжиднинг қурилган йили қайд этилган.

САИД ОТА МАСЖИДИ, Ёрмуҳаммад Девон масжиди — Хивадаги меъморий ёдгорлик (18-а.). *Ичан қалъа*нинг жан.-гарбий қисмига Ёрмуҳаммад Девон қурдирган. Умумий тарҳи 8,95×13,5 м, хонақоҳ мурабба тарҳли (6,3×6,3 м), гумбаз томли, айвони олди бироз тортиб чиққан. Ички деворидаги равоқлар хонани кенг кўрсатади. Масжид безаксиз, сирти ганч б-н сувалган. Айвон меҳробига сирли ўйма парчинлар қопланган. Ёғоч ўймакорлигида ишланган устунлар диққатга сазовор. 1983 й.да қайта таъмирланган.

САИД ОТАЛИҚ МАДРАСАСИ — Сурхондарё вилояти Денов ш.даги меъморий ёдгорлик (16-а.). Хожа Алоуддин Атторга атаб қурилган. Айтишларича, бу зот Баҳоуддин Нақшбандининг куёв-лари бўлиб, у кишининг икки халифаларидан бири. Бу киши дафн қилинган қабрлари ҳозир «Шайх Аттори Валий» ёки «Остона бува» дейилади. Мадраса у кишининг ўғиллари ва невaралари томонидан 26 й. давомида қурилган. Қурилишда уста Аҳмад Мамат Бухорий бош-қош бўлган. Пойдеворининг чуқ. 5,5 м. Мадраса шим.-жан.га томон чўзилган тўғри тўртбурчак тарҳли (46×64 м), бурчакларига гулдасталар ишланган. Пештоқининг 2 ён томонида 2 қаватли 3 равоқли пешайвони бор. Пештоқ орқали кираверишда миёнсарой (бир неча бўлимдан иборат), унинг 2 ёнида чортоқ тарҳли масжид ва дарсхона бор. Миёнсарой гумбази қалқонсимон қаноларга, масжид ва дарсхона гумбазлари тоқиларга таянган. Ҳовли (40×29,5 м) атрофида олди чуқур равоқли, 2 қаватли ҳужра-

Саид Оталиқ мадрасаси.

лар жойлашган. Пастки қаватдаги ҳужралар ҳажми 4,75×2,75 м ва юқорисидаги ҳужралар ҳажми 2,75×2,25 м, томи балхи гумбазли. Пештоғи ва ички хоналарида миёнсарой равоқларида ганчкори безаклар ва ички бўртма қобирғасимон, муқарнас нақшлар сақланган. Ҳужра деразаларига ганчдан панжаралар ишланган. 1956—60 ва 1972—73 й.ларда илмий ўрганилиб, лойиҳа асосида таъмирланмоқда.

Ад.: Аршавская З.А., Ртвеладзе Э.В., Хакимов З.А., Средневековые памятники Сурхандарьи, Т., 1982.

САИД ШОЛИКОРБОЙ МАЖМУАСИ — Хивадаги меъморий ёдгорлик. Савдогар Саид Шоликорбой қурдирган (1842). Мажмуа (33,0×32,0 м) 2 ҳовли, масжид, мадраса, айвон ва миноралан иборат. Масжид тўғри тўртбурчак тарҳли (24,4×21,2 м), бал. 12 м., 9 гумбазли, 4 устунли марказий гумбази равоқсимон бағалларга таянган, диаметри (4,8 м)нинг кенглиги б-н ажралиб

Саид Шоликорбой мажмуаси.

туради. Масжидга айвон орқали 3 бўлмали 3 эшикдан кирилади. Айвондаги устунларда маҳаллий ёғоч ўймакорлигининг энг яхши анъаналари акс эттирилган. Устунлардан бирида 1797 й. санаси сақланган. Айвон деворларига ганчдан ўймакори усулда намоёнлар ишланган. Масжидга шим.дан ҳовли тўғаш бўлиб, ҳовлининг ярмисини айвон эгаллаган. Мадраса (14,6×4,2 м) масжид шарқидаги кичик ҳовли атрофидаги тартибсиз жойлашган бир неча хонадан иборат. Шарқий ва шим. томонидаги ҳужралар 2 қаватли. 1-қавати токчали, 2-қавати деразали. Мадраса ва масжидга кираверши оралигида минора (диаметри — 4,5 м) қад кўтарган. Танази безакларга бой. Тепасидаги шарафасининг остига равоқсимон мезана ишланган. Бош тарзидаги пештоқ безагида «бантак» услуби қўлланилган. 1983 й.да қайта таъмирланган. Ҳоз. кунда мажмуада Хива жоме масжиди жойлашган.

САИДАЗИЗОВ Саидрасул (1866 — Тошкент — 1933.3.2) — маърифатпарвар, шоир, таржимон. Тошкентда Маҳмуд дастурхончи мадрасасида таҳсил кўрган, рус-тузем мактабини тугатган (1900). Ўзи ўқиган мадрасада мударрислик қилган, рус-тузем мактаби, ўқитувчилар семинариясида «шарқия муаллими» бўлиб ишлаган (1900 й.дан). Москва ва Петербургга саёҳат қилган (1910). Таассуротлари «Туркистон вилоятининг газети»да босилган (1910—11). В. В. Бартольд, А. Н. Самойлович, С. М. Граменицкий каби рус зиёлилари б-н дўстона муносабатда бўлган. А. ўзбек, тожик ва араб тилларида ижод қилган. Газал, фард, рубоий, таърих ва б. жанрлардаги шеърлар, публицистик мақолалар, «Устози аввал» дарслиги (1902) муаллифи. Ғазаллари ишқий мавзуда, бошқа шеърларида илм-маърифатли бўлиш, одоб, ахлоқлилик улуғланган. Тошкентда янги усулдаги мактаблар очган, уларни рус-тузем мактабларидаги таълим-тарбия методикаси асосида ишланган дастур ва дарсликлар б-н таъминлаган, ўқитувчилик ҳам қилган. «Товуш усули» («Усули савтия») методидаги «Устози аввал» дарслиги 17 марта нашр этилган. У И. А. Крилов («Тулки билан узум», «Зулук билан илон» ва б.), Л.Н. Толстой («Қишлоқи бирла боласи», «Фотонат» ва б.), асарларини ўзбек тилига илк бор шеърий таржима қилган.

Ад.: Шарипов Ж., Бадиий таржималар ва моҳир таржимонлар, Т., 1972; Юсупов Ш., Фурқат изларида, Т., 1984. Қосимов Б., Долимов У., Маърифат дарғалари, Т., 1990.

Бегали Қосимов.

САИДАЗИМОВА Турсуной (1911, Тошкент — 1928.10.5, Бухоро) — биринчи ўзбек актрисаси. Москва ўзбек драма студиясида ўқиган (1924—27); 1927 й.дан Ўзбек драма труппасида актриса. Қисқа умри давомида ўзбек ва чет эл драматургиясидан ёрқин образлар яратди: Мария Антоновна («Ревизор»), Турандот («Маликаи Турандот», 1927), Клариче («Икки бойга бир малай») ва б. F. Зафарийнинг «Ҳалима» мусиқали драмасида Ҳалима образини яратиш б-н ўзбек мусиқали саҳна ижрочилигида янги саҳифа очди. С. бу спектаклда мусиқали драма жанрида илк бор драматик ва вокал компонентларни бир-бири б-н уйғунлаштирган ҳолда образ психологиясини, унинг ички дунёсини чуқур очишга эришди. 17 ёшида вақтинча ўлдирилган. Х.Х.Ниёзий унга атаб «Турсуной марсияси»ни яратган.

САИДАХМАД СИДДИҚИЙ — қ. *Ажзий.*

САИДАҲМЕДОВ Анвар Аҳрорович (1912.15.6 — Тошкент — 1983) — педиатр-фтизиатр. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1968), тиббиёт фанлари д-ри (1960), проф. (1961). ТошТИни тугатган (1935). Бекобод қасалхонасида бош врач (1936—41), уруш қатнашчиси (1941—42). Республика руҳий касалликлар касалхонасида бош врач (1944—46). ТошТИ болалар клиникасида ординатор (1946—50), ассистент (1950—51). Сил и.т. институтида болалар сил касаллиги бўлими бошлиғи (1952—60), Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-ти болалар сил касаллиги кафедраси мудири (1961—81), консультант (1981—83). Илмий ишлари Ўзбекистон шароитида болалардаги сил касаллигини аниқлаш, унинг клиникаси, олдини олиш ва даволашга онд.

Ас.: Болаларни сил касаллигидан сақлаш чоралари, Т., 1962; Мия сили ва унинг олдини олиш, Т., 1968.

САИДБЕКОВ Амирали (1920.15.5, Фаргона вилояти Риштон тумани — 1945.8.4, Польша, Рибник ш.) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси. 1939—40 й.лардаги Совет-Финляндия уруши қатнашчиси. 1941 й. июндан 325-гвардиячи ўқчи полкнинг рота командири, гвардиячи катта лейтенант. 1945 й. 8 апр.да бўлган жангда маррани мустаҳкамлик б-н сақлаб, жасорат кўрсатган ва шу жангда ҳалок бўлган. 1945 й. 29 июнда (ўлимидан сўнг) Қаҳрамон унвони берилган. Фарғоналлари кўчалардан бири унинг номи б-н аталган. Риштон туманидаги Сариканда қишлоғида ёдгорлик ўрнатилган.

САИДЖОНОВ Мусожон Йўлдошевич (1893, Бухоро — 1937.25.10, Тошкент) — Бухорода *жадидчилик* ҳаракатининг намоёндаси, маърифатпарвар, тарихчи олим, проф. (1935). Бухородаги Мир Араб мадрасасида таҳсил кўрган. Кўгондаги рус-тузем мактабини тугатган (1908). 1913 й.дан *Ёш бухороликлар* партияси сафида. *Колесов воқеасидан* кейин Бухоронн тарк этган. Тошкентда ўқитувчилар ин-тини тугатгач, Хўжандда муаллимлик қилган ва театр тўгаракларида қатнашган.

Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) тузилгач, С. озиқ-овқат нозири (1920 й. сент. —1921 й. март), иқтисодиёт нозири муовини (1921 й. март — авг.), давлат назорати нозири (1921 й. окт. — 1922 й. янв.), ЧК (Фавқулодда комиссия) раиси (1921 й. авг. — сент.), молия нозири (1922 й. фев.—апр.), Халқ Хўжалик Олий Кенгаши раиси муовини (1922 й. окт. — 1923), маориф нозири (1923 й. июнь — 1924). Бухоролик талабаларни Германиянга ўқишга юбориш ташаббускорларидан бири. «Миллий иттиҳод» ташкилоти фаолиятида қатнашиб, А. З. *Валидий* б-н яқин алоқада бўлган.

С. Бухоро илмий жамиятини тузиш (1921) да фаол қатнашган ва БХСР да маориф муассасаларини ташкил қилиш, меъморий обидаларни муҳофазалаш, тарихий қўлёзмаларни тўплаб, уларни тартибга солиш, халқ ижоди намуналарини тўплаш каби ишларда жонбозлик кўрсатган. Ўзбекис-тон тарихий ёдгорликларини муҳофаза қилиш қўмитаси раиси, унинг Самарқанд бўлими илмий ходими (1925—36). С. ўзбек олимларидан биринчи бўлиб шарқшуносларнинг Ленинградда бўлган 3-конгресси (1935)да қатнашган ва Кўчкунчихон мақбараси ҳақида илмий маъруза қилган. Илмий фаолияти учун олимга профессор унвони берилган. «Шаҳрисабз меъморий ёдгорликлари тарихи», «Самарқаднинг меъморий ёдгорликлари», «Шайх Сайфиддин Боҳарзийнинг вақфномаси» номли асарлар муаллифи. С. ўзбек давлатчилиги тарихи масалаларини холис талқиқ қилгани, маданий меросга ҳурмат б-н ёндошгани, «Миллий иттиҳод» ташкилотининг Бухоро шўъбасида фаолият кўрсатган (1920—22). Ўрта Осиёда миллийҳудудий чегараланиш ўтказилгач, Зарафшон округ ижроия қўмитаси раиси (1925). «Ўн саккизлар гуруҳи»нинг фаол иштирокчиси сифатида ВКП (б) МК Ўрта Осиё бюросининг Ўзбекистондаги фаолиятини кескин қоралаганлиги учун 1925 й. охирида лавозимидан олиб ташланди. Кейинчилик «Ўзбеккино» трести бошқарувчиси (1936 й.гача). С. совет режими томонидан қамоққа олиниб (1937 й. 20 март), акаси Мусожон Саиджонов ва бухоролик бошқа миллий раҳбарлар б-н биргаликда (жами 17 киши) отиб ташланган. 1965 й. 2 дек.да оқланган.

Ад.: Хўжаев Ф., Бухоро инқилобининг тарихига материаллар, Т., 1997; Эргашев Б. Х., Идеология национально-освободительного движения в Бухарском эмирате, Т., 1991; Ражабов К., Бухорога қизил армия бостқини ва унга қарши кураш, Т., 2002.

САИДЖОНОВ Мухторжон Йўлдошевич (1893, Бухоро — 1937.25.10, Тошкент) — Бухорода *жадидчилик* ҳаракатининг намоёндаси, сиёсат ва жамоат арбоби. Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. *Ёш бухороликлар* партияси МК аъзоси (1917 й.дан). *Колесов воқеасидан* сўнг, Ёш бухороликлардан ажралиб чиққан. БХСР ички ишлар нозири (1920 й. сент. —1921 й.май; 1922 й. март — 1923 й. авг.), давлат назорати нозири (1920 й.ноябрь — 1921 й.май), БХСРнинг РСФСР ҳукумати ҳузуридаги махсус вакили (1921 й. май — 1922 й.март), БХСР МИК масъул котиби (1923 й. авг. — 1924 й. окт.). «Миллий иттиҳод» ташкилотининг Бухоро шўъбасида фаолият кўрсатган (1920—22). Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилгач, Зарафшон округ ижроия қўмитаси раиси (1925). «Ўн саккизлар гуруҳи»нинг фаол иштирокчиси сифатида ВКП (б) МК Ўрта Осиё бюросининг Ўзбекистондаги фаолиятини кескин қоралаганлиги учун 1925 й. охирида лавозимидан олиб ташланди. Кейинчилик «Ўзбеккино» трести бошқарувчиси (1936 й.гача). С. совет режими томонидан қамоққа олиниб (1937 й. 20 март), акаси Мусожон Саиджонов ва бухоролик бошқа миллий раҳбарлар б-н биргаликда (жами 17 киши) отиб ташланган. 1965 й. 2 дек.да оқланган.

Ад.: Хўжаев Ф., Бухоро инқилобининг тарихига материаллар, Т., 1997; Эргашев Б. Х., Идеология национально-освободительного движения в Бухарском эмирате, Т., 1991; Ражабов К., Бухорога қизил армия бостқини ва унга қарши кураш, Т., 2002.

САИДЖОНОВ Ўлмас (1951.10.1, Қизилтеп тумани) — Ўзбекистон халқ ҳофизи (1993). Қарши давлат пед. ин-тини (1974), Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш му-

ҳандислари ин-тини тугатган (1981). 1994 й.дан Муҳиддин Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси (1996 й.дан академик ва халқ бадиий жамоалар дирекцияси)нинг директори, айни пайтда, 1996—2001 й.лар «Ўзбекнаво» бирлашмаси бош директори ўринбосари. Кучли, ёрқин ва жозибали овоз соҳиби. Репертуаридан ўзбек мумтоз ашулалари («Феруз», «Гулузорим», «Мустаҳзод», «Гиря» ва б.) ва замонавий бастакорлар асарлари («Онажоним», «Фурқат нидоси», «Темур бобом», «Боғи жаҳоннома», «Беминнат», «Нигорим», «Суратинг» каби) ўрин олган. 2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ЮНЕСКОнинг махсус мукофоти совриндори. С. ижодига бағишланган телефильм («Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўлмас Саиджонов қуйлайди») ишланган (1996, Ўзбекистон телевидениеси). «Эл-юрт ҳурмати» орзени б-н мукофотланган (1998).

САИДМУРОД ПАНОҲ ЎҒЛИ (1858 — Бухоро вилояти Қизилтепа тумани Кенагас қишлоғи — 1945) — ўзбек достончиси. Ёшлигидан достон ёдлаш, соз чалишни ўрганган. 1888—1903 й.ларда Қизилтепа т. й. қурилишида, 1930 й.дан к-зда ишлаган. Эл орасида Мурод жиров номи б-н танилган. С.П.ў. «Алломиш», «Гўрўғли» туркум достонлари, «Одилхон», «Ширин ва Шакар», «Кунтуғмиш», «Аҳмадхон», «Юсуф б-н Аҳмад», «Санобар», «Ошиқ Ғариб», «Мастон кампир», «Чўпон қиз» каби 20 га яқин халқ достонларини моҳирона куйлаган. Унда «Алломиш», «Одилхон», «Гўрўғлининг Қримга бориши» достонлари ва бир қанча термалар шоирнинг ҳамқишлоғи Шамси Муродов (1925—45) томонидан ёзиб олинган. «Амирнинг ўлпончиларига қарши», «Кунларим», «Гулзорим бор» ва б. асарлар муаллифи.

Ас.: Одилхон [достонлар, термалар], Т., 1972.

САИДМУРОДОВ Жонмурод (1939. 12.1, Термиз тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2002). Қарши педагогика ин-тини тугатган (1965). 1965 й.дан Термиз ш.даги 2-мактабда биол. ўқитувчиси, мактаб директори ўринбосари, 1973 й.дан 12-

мактабда биол. ўқитувчиси. У жиҳозлаган замонавий биол. кабинети вилоятдаги энг яхши кабинет ҳисобланади.

САИДНОСИРОВА Зарифа (1908.31.9, Туркистон ш., Қозоғистон — 1986.16.8, Тошкент) — кимёгар олима. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1968), проф. (1970). Кимё фанлари номзоди (1945). Биринчи ўзбек аёл рассоми. Таниқли маърифатпарвар С. *Миржалилов*нинг қизи, Ойбекнинг рафиқаси. Тошкентда «Пестолоши» мактаби (1922—26), Навоий номидаги таълим-тарбия техникуми (1924—36) ва айни пайтда Розанов тасвирий санъат студияси (1924—26)да ўқиган. Сўнг Ўрта Осиё ун-ти физика-мат. ф-тининг кимё бўлимини тугатиб (1926—30), ўрта мактаблар, хотин-қизлар билим юрти ва ишчилар ф-тида физика, мат. ва кимё фанларидан дарс берган. Қишлоқ хўжалик ин-тида ўқитувчи, доцент ва кафедра мудири (1930—86), Тошкент тиббиёт ин-тида ўқитувчи (1932—37), Ўқув-педагогика нашриётида муҳаррир (1934—35). Ўрта мактаблар ва техникумлар учун «Кимё» дарслиги (1933) муаллифи. С., педагогик фаолиятидан ташқари, вольфрам комплекс бирикмалари ва кимё терминларининг русча-ўзбекча луғати устида илмий иш олиб борган. С. Ойбек аларбий меросини сақлаш, тартибга солиш ва нашр этиш ишига катта ҳисса қўшган. У адибнинг ўзбек тилидаги 2 жилдлик «Мукаммал асарлар тўплами»ни (1975—85)ни, рус тилидаги 5 жилдлик «Асарлар»ни (1985—87)ни нашрга тайёрлашда фаол иштирок этган. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1985). Тасвирий санъатга оид ишлари Ойбек уй-музейида сақланади.

Ас.: Химиядан русча-ўзбекча қисқача изоҳли луғат (ҳамкорликда) Т., 1975; Ойбегим мениng (хотиралар). Т., 1994.

САИДОВ Жўра Камолович (1909, Қўқон ш. — 1999.9.4, Тошкент) — ботаник олим. Ўзбекистон ФА акад. (1968), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1977), биол. фанлари д-ри (1960), проф. (1967). Самарқандаги Ўзбекистон педагогика академиясини тугатган (1932). Қўқон ш. пахтачилик ин-ти ботаника кафедраси ассистенти (1932—35), Самарқанд қ.х. институти ботаника кафедрасида доцент ва мудир (1941—43), ин-т директори (1943—52), ботаника ва ўсимликлар физиологияси кафедраси мудири (1952—60), Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ФА ла акад.-котиб (1960—61). Ўзбекистон ФА Ботаника ин-тида ўсимликлар морфологияси, анатомияси ва эмбриологияси лаб. мудири (1962—88), ин-т директори (1964—86), 1988 й.дан бош илмий ходим. Илмий ишлари ўсимликлар анатомияси, морфологияси ва физиологиясига оид. С. карбонат ва магнийли, хлорид ва сульфатли тузлар б-н шўрланган тупроқнинг ғўза ва маккажўхори анатомияси ҳамда физиологиясига таъсирини тадқиқ қилган. Ўргимчаккана б-н зарарланган ғўза барги-нинг анатомия ва морфологиясидаги ўзгаришларни ўрганган. Ўзбекистон фойдали ёввойи ўсимликлари анатомияси, цитоэмбриологияси ва чўл яйловларининг фитомелиорацияси мактаби асосчиси. С. раҳбарлигида 12 жилдли «Фойдали ўсимликлар морфобиологияси» (Т., 1964—93) нашр этилган.

Ас.: Ботаника ўсимликлар физиологияси асослари билан (ҳамкорликда), Т., 1972; Чўл ўсимликларининг экологик анатомияси (ҳамкорликда), Т., 1991.

САИДОВ Маннон Абдусамадович (1923.21.4 — Тошкент — 2001.27.7) — рангтасвир устаси, педагог, Ўзбекистон БА акад. (1999), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1968). Тошкент бадиий билим юртини (1947) ва Ленинградлаги Репин номидаги рассомлик, ҳайкалтарошлик ва меъморлик ин-тини (1953) тугатган. 1953 й.дан Беньков номидаги Республика рассомлик билим юрти, 1956 й.дан Тошкент пед. ин-тида педагог; 1960 й.дан Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тида педагог, доцент (1968), проф. (1985). С. асарларида ўзбек деҳқонлари ва ишчиларининг турмуши ва меҳнати, уларнинг ўзига хос қиёфаси ёрқин реалистик ифодасини топган: «Ишчи Муҳиддинов портрети» (1959), «Узум узиш» (1964), «Сабодсизликни тугатиш» (1967), «Аския» (1969), «Оила» (1970), «Хирмонда» (1974), «Концертга» (1977), «Биринчи » (1983) ва б.

Маннон Саидов. «Аския» (1969).

САИДОВ Муродулла (1935.25.4, ҳоз. Миришкор тумани Жейнов қишлоғи) — қ.х. ишлаб чиқаришни ташкилотчиси. Ўзбекистон Қаҳрамони (2002). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими (1999). Самарқанд қишлоқ хўжалиги ин-ти агрономия ф-тини тугатган (1957). 1957—70 й.ларда Бешкент, Денов туманларидаги жамоа хўжаликларида агроном. Қарши тумани ижроия қўмитаси раиси (1970—72). Қашқадарё вилояти қ.х. бошқармаси бошлиғи (1972—73). Касби тумани партия қўмитасининг 1-котиби (1973—75), 1975—86 й.ларда турли хўжаликларда раҳбарлик лавозимларида ишлади. 1986 й.дан У. Юсупов (ҳоз. Миришкор) туманидаги Жейнов ширкат хўжалиги бошқаруви раиси. С. раҳбарлигида хўжалик катта иқтисодий ютуқларга эришди. Хўжалик юритишнинг янги усулларидан фойдаланиш, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш ва фаровонлигини оширишда муҳим ишлар амалга оширилди. Хўжаликда сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган қўшма корхона, ўрта мактаб бинолари, маданият саройи, ёшлар спорт мажмуаси, болалар боғчалари, чойхоналар, деҳқон касалхона, савдо марказлари, деҳқон бозори, маиший хизмат кўрсатиш уйи, 100 оилага мўлжалланган кооператив уй-жой бинолари қурилди. Қишлоқларни ободонлаштириш, табиий газ ва тоза ичимлик сув б-н таъминлаш ишлари бажарилди. Амир Темур номидаги 60 гектарли боғ барпо этилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг депутати (1990—94). «Меҳнат Шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (1999).

САИДОВ Мухтор Сафарбоевич (1930.26.11, Мангит ш.) — физик олим, Ўзбекистон ФА акад. (1984), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1980), физика-мат. фанлари д-ри (1970), проф. (1982). Ўзбекистон ФА Электроника ин-ти директори (1978—85), Ўзбекистон ФА Президиуми физика-мат. фанлари бўлимининг акад. котиби (1985—89), Ўзбекистон ФА Физика-техника ин-ти лаб. мудири (1960 й.дан). Асосий илмий ишлари кўп компонентли икки фазали тизимларда кимёвий элементларнинг ўзаро таъсирлари ва тақсимланиш қонуниятларини аниқлашга; эритмаларнинг молекуляр-статистик назариясини, яримўтказгич материалларди кремний-ни, кремний-германийнинг қаттиқ эритмалари ва б.ни ўрганишга; ёруғланувчи, нурларни сезувчи, қўёш энергиясини электр энергиясига айлантирувчи яримўтказгич асбоблар физикаси ва технологиялари муаммоларини ечишга бағишланган. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1992).

САИДОВ Рустам Тўхтасинович (1978.6.2, Душанба) — боксчи, халқаро миқёсдаги спорт устаси (1999). «Ўзбекистон ифтихори» (2001). 91 кг дан юқори вазнда Ўзбекистон чемпиони (1999—2002). Марказий Осиё ўйинлари (1999, Бишкек; 2003, Душанба) голиби, Осиё чемпиони (1999, Тошкент; 2002, Серембан; 2004, Пузрто-Принцесса), Осиё ўйинлари голиби (2002, Пусан), жаҳон чемпионати (2003, Бангкок) ва олимпиада (2002, Сидней) бронза медали совриндори. Ўзбекистон жисмоний тарбия ин-тини тугатган (2003). Чирчиқ ш. ички ишлар бўлимида ишлайди.

САИДРИЗО АЛИЗОДА (1887 — Самарқанд — 1945, Владимир ш.) — маърифатпарвар олим, журналист, таржимон. Асарларини, асосан, ўзбек ва тожик тилларида ёзган. Илк таҳсилни Самарқандлининг Чорраҳа даҳасида Абулқосим Алиҳонийнинг жадид мактабида олган. Сўнг шу мураббий кўлида мадрасани тугатган. 1924 й.дан «Зарафшон» нашриётида мудирлик қилган. 30-йилларда Самарқанд Педакадемиясида араб ва форс тилларидан дарс берган. Мустақил мутолаа б-н шуғулланиб, рус, француз, араб, итальян, яҳудий, курд, арман, инглиз, урду тилларини ўрганган. 17—18 ёшларидаёқ «Нязомнома» (1904), «Рисолат ул-иттиҳодия» (1906) каби рисолалари б-н танилган. Айни пайтда 1905—07 й.ларда Димуровлар босмахонасида ҳарф терувчилик қилган, мақолалар ёзган. Жадид мактаблари учун «Илми ҳисоб» (Самарқанд, 1906) дарсликларини тузган. Мақолалари «Бақдарелигини тузган. Мақолалари «Бақдарелигини тузган. Мақолалари «Бақдарелиг

манидаги 10-мактабда геогр., 1979 й.дан Тошкент қ.х. техникумида биол., 1982 й. дан Зангиота туманидаги 8-, 45- мактабларда геогр. ва биол. ўқитувчиси. Мактабда «Ўлкашунослик» музейини очган.

САЙДАЛИЕВ Убайдулла Асқарович (1950.18.4, Тошкент) — театр рассоми, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1988). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1974). 1972 й.дан Ҳамза театри (ҳоз. Ўзбек миллий академик драма театри)да рассом, бош рассом. С. ижодида шартли, рамзий усуллардан фойдаланиб спектакллар руҳини очиб беришга хизмат қиладиган саҳна безаклари яратади: «Майсаранинг иши» (Ҳамза), «Истеҳком» (И. Султон), «Шошма, қуёш» (Ў. Умарбеков), «Куёв» (С. Аҳмад), «Оқ кема» (Ч. Айтматов) ва б.

САЙДАЛИЕВА Фазилат Шариповна (1917.2.9, Олмаота) — кашталўз, Ўзбекистон халқ рассоми (1950). «Ўзбекистон рассоми» артелида нусха кўчирувчи (30-й.лар), «Ўзпромсовет»га қарашли тажриба лабораториясида каштачи-рассом (1945—48). С. тасвирий санъатнинг рангтасвир, графика, театр декорацияси жанрларида ижод қилди, айниқса, бадиий каштачилик ривожига салмоқли ҳисса қўшди; у тиккан палак, дўппи, намоёнларида каштадўзнинг ўзига хос услуби кўзга ташланади. «Алишер Навоий» (1945) портрети чеварга катта шуҳрат келтирди; «Ойбек», «С. Айний», «F. Ғулом», «С. Эшонтўраева» — ҳаммаси 50-й.лар; «Бобур» (1974), «Автопортрет» (1985) каби портретлар б-н бир қаторда мавзули намоёнлар («Ўзбекистон бойлиги», 1958 ва б.) ҳам яратди. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1977). «Эл-юрт ҳурмати» ордени б-н мукофотланган (1999).

Ф. Сайдалиева тиккан «Бобур портрети».

САЙЁД (араб. – овчи), саётлик — туркий уруғлардан бири. Кенагас ва мангит қабиласи таркибида ҳам С. номли уруғ учрайди. С.лар Амударё бўйларида, Чоржўй ш. жан.-шарқидаги Сайёт қишлоғида истиқомат қилганлар. 19-а.нинг охири — 20-а.нинг бошларида ўзбеклар таркибидаги С. уруғ-қабилалари 1200 га яқин кишини ташкил этган. Хоразмда (450 киши), Қорақалпоғистонда (300 киши), Зарафшон дарёсининг қуйи оқимларида — Бухоро ва Қоракўл воҳасида 350 киши ва озроқ қисми эса юқори Қашқадарёда (100 га яқин киши) яшаган. С.лар ўзбек, туркман, тожик халқи таркибига батамом сингиб кетган.

САЙЁДИЙ, Сайёдий ўғли, Сайёдий ўғли Харобий (тахаллуслари; исми Сайфиа Муҳаммад) (17-а.нинг 2-ярми, Балх яқинидаги Хайробод қишлоғи) — шоир. Овчи (сайёд) оиласида туғилган, ўзи ҳам шу касб б-н шуғулланган. Шоирнинг айрим шеърлари ҳамда «Тоҳир ва Зуҳра» достонигина етиб келган. Достонда халқ оғзаки ижодида кенг тарқалган сюжет ёзма адабиёт анъаналари асосида баён қилинган. Унда ҳақиқий муҳаббат ва инсонийлик куйланган, зўрлик ва адолатсизлик қораланган. Достонга 50 дан ортиқ ғазал шаклидаги шеърий парчалар киритилган. Достон асосида мусиқали драма (1938, Собир Абдулла) ва кинофильм (1950) яратилган.

Ас.: Тоҳир ва Зуҳра, Т., 1960.
Ад.: Нишонбоева Т., Поэма Сайяди «Тахир и Зухра», Т., 1965.

«САЙЁДХОН ВА ҲАМРО» — ўзбек, туркман, озарбайжон ва қорақалпоқ халқлари орасида кенг тарқалган иш-қий-романтик достон. Унинг бир неча варианти Хоразм бахшиларидан ёзиб олинган. 19-а.нинг 2-ярми — 20-а.нинг бошларида қўлёзма ва литографик нашрлари тарқалган. Достонда Озарбайжон ҳукмдорининг ўғли Ҳамро б-н Қизилолма юртининг маликаси Сайёдхон орасидаги севги саргузаштлари ҳикоя қилинган. Асарда севги, садоқат туйғулари, тўғрилик, ростгўйлик, вафо каби хислатлар улуғланган. Тошкентда (1914, араб ёзувида), Туркманистонда (1960) босилган. Достон 1964 й.да ўзбек тилида нашр этилган.

САЙЁР СЮЖЕТЛАР НАЗАРИЯСИ, миграцион назария — халқ оғзаки поэтик ижодидаги назария. Ўзлаштириш назарияси деб ҳам юритилади. 1859 й.да немис файласуфи, Гёттинген университетининг проф. Т. Бенфей (1809—1881) асос солган. Россиядаги тарафдорлари: А. Н. Пипин (1833—1904), В.Ф. Стасов (1824—1906) ва б. С.с.н. турли халқлар фольклоридаги сюжет, мотив, услуб ва образлардаги ўхшашликларни ўзгаси ва китобий йўл б-н бир ёки бир неча манбадан тарқалгани б-н изоҳлаб, уларни бир халқдан иккинчи халқнинг шунчаки ўзлаштирини деб, бир ёқлама талқин қилган. Бу назария тарафдорлари Европа ва б. халқлар эртакларининг ҳинд эртакларига ўхшашлигига таянib, уларнинг асосида «Гитопадеша» ва «Панчатантра» номли қад. ҳинд тўпламлари ётади, деган хулосага келганлар. Аниқ фактларга асосланиш, фольклор асарларининг тарқалиш ареалини ўрганиш, сюжет ва мотивларнинг ҳар бир халқ томонидан қайта ишланишини қайд этиш, халқлар ўртасида ўзаро маданий алоқаларнинг мавжудлигини тақкослаш С.с.н.нинг ютуқлари бўлиб, Аммо ҳар бир халқ ижодидаги фольклор асарларининг фақат бошқа, нисбатан қадимийроқ халқлар поэтик ижодининг таъсири, деб кўрсатиш мазкур халқларнинг миллий ютуқларини, ижод қобилиятини инкор қилади. Бу камчиликни Антропологик мактаб тарафдорлари маълум даражада тузатдилар.

САЙЁР ТЕАТР — ўзининг доимий саҳнасига эга бўлмаган, турли жойларга кўчиб юриб спектакллар кўрсатадиган театр. Кўп мамлакатларда халқ театрлари (мимлар, гистрионлар, скоморохлар, жумлалар, масхарабозлар, қизиқчилар ва б.) сайёр бўлган. 19-а. охири — 20-а. бошлари Европа ва Америка мамлакатларида С.т.лар профессионал томоша санъатининг алоҳида шакли сифатида кенг тарқалган. 30-й.ларда С.т. *шатри-ёшлар театри*, к-з — с-з театрлари мисолида ривожланди. 2-жаҳон уруши йилларида С.т.лар (фронт театр-лари) қисмларда маданий хизмат кўрсатган.

1918 й. Фарғонада Ҳамза бошчилигида ташкил қилиниб, 1919 й. Ўлкага снёсий сайёр труппасига айлантирилган театр ҳам С.т. эди. У «Қизил Шарқ» агитпоезди таркибида Тошкент, Самарқанд, Андижон, Наманган, Фарғона, Қарши, Чоржўй, Ашхобод ва б. шаҳарларда томошалар кўрсатиш б-н бирга маданий-маърифий,. тарғибот ва ташвиқот ишларини ҳам олиб борган. 60-й.ларга келиб С.т.лар фаолияти тўхтатилди, уларнинг айримлари вилоят театрларига айлантирилди, баъзилари давлат театрларига қўшилиб кетди. С.т.лар фаолиятининг ҳамма босқичларида катта снёсий ва маданий-маърифий роль ўйнаган.

САЙЁРАЛАР — Қуёшнинг тортиш кучи таъсирида унинг атрофида айланувчи йирик шарсимон жисмлар. С. Қуёш атрофида айланувчи минглаб

Сайёралар.



майда сайёра (астероид) лардан фарқ қилади. Уларни жуда қалин-дан кўзгалмас юлдузлар фонида силжиб юришидан сезиб «аланган юлдузлар», яъни С. деб аташган. Қуёш атрофида айланувчи йирик С. 8 та (*Меркурий, Венера, Ер, Марс, Юпитер, Сатурн, Уран, Нептун*). Улардан 5 тасини оддий («қуролланмаган») кўз б-н кўриш мумкин.

Қадимда барча С. ва Қуёш Ер атрофида айланади деб нотўғри талқин қилинган. 16-а. бошларида поляк астрономи Н. *Коперник* С.нинг Қуёш атрофида айланиш тартибини аниқлади. Итальян олими Г. *Галилей* ўзи ясаган телескопда С.ни кузатиб, улар шарсимон жисмлар эканлигини аниқлади. У Венерани ҳам худди Ой каби турли фазаларда кўринишини кузатиб, С. ўзидан нур чиқармаслигини, балки Қуёш нурларини қайтариши ҳисобига юлдузларга ўхшаб равшан кўринишини аниқлади. Телескоп ихтиро қилингач, Қуёш системасида яна 3 та йирик сайёра топилди: 1781 й.да инглиз астрономи В. Гершель Уранни, 1846 й. француз астрономи У. Леверье ҳамда инглиз астрономи Ж. Адамс Нептунни кашф этди.

С. физик табиатига кўра, Ер типидаги С. ва гигант С.ларга бўлинади: Ер типидаги С.га Меркурий, Венера, Ер, Марс, гигант С.га эса Юпитер, Сатурн, Уран, Нептун киради. Ер типидаги С.нинг физик таснифларида бир қанча умумийлик бўлиб, уларнинг ўлчами ва массаси унча катта эмас (Ер — улар ичида энг каттаси), қаттиқ сирт қобиғига ва атмосферага (Меркурийдан ташқари) ҳам эга С.дир. Уларнинг ўртача зичликлари нисбатан юқори бўлиб, Ер зичлигига (5,5 г/см³) яқин.

Гигант С. ўлчами ва массаси жуда катталиги б-н Ер типидаги С.дан фарқ қилади, ўртача зичликлари уларникидан анча кичик. Гигант С. нисбатан тез айланиши, қаттиқ сиртга эга эмаслиги ва жуда қалин гелий ҳамда водородли (қисман метан — CH_4 ва аммиак — NH_3 аралашмали) атмосфера қобиқларининг мавжудлиги б-н ҳам Ер типидагилардан кескин фарқ қилади. Қуёш атрофида бу икки гуруҳга кирувчи С. дан ташқари ўн минглаб майда С. (астероидлар) ҳам айланади. Улар Қуёшдан ўртача 2,8 астрономик бирлик масофада. Қуёш атрофида айланади; бу зона астероидлар минтақаси деб юритилади.

С. кўриниш шартларига кўра ҳам 2 гуруҳга бўлинади: орбиталари Ер орбитасининг ички қисмида жойлашгани — ички (Меркурий ва Венера), ташқарида жойлашгани эса ташқи С. (Марс, Юпитер, Сатурн, Уран, Нептун) деб аталади. Ички С. Қуёш чиқишидан олдин (шарқ томонда) ва Қуёш ботгандан сўнг (ғарб томонда) даврий кўриниш ҳолатларида бўла олади, ташқи С. тунда турли пайтларда, жумладан, бутун тун давомида кўриниш ҳолатларида ҳам бўлиши мумкин.

С.нинг физик табиати 20-а. 2-ярмидан бошлаб, сайёралараро автоматик ст-лар ёрдамида мунтазам ўрганила бошлади. Хусусан, Меркурий *«Маринер»*, Венера *«Венера»*, Марс — *«Марс»*, *«Викинг»*, гигант С. эса АҚШнинг «Катта тур» дастури бўйича учирилган. «Пионер-10, -11», *«Вояжер»* автоматик ст-лари ёрдамида самарали тадқиқ қилинди. Меркурий ва Венерадан бошқа бар-

Сайёралар йўлдошлари ҳақида маълумотлар

Сайёралар	Қуёшдан ўртача узоқлиги (млн км)	Қуйи атрофида айланиш даври (сутки, соат)	Орбита бўйлаб ўртача ҳаракат тезлиги, км/сек	Диаметри, км		Ҳалқаи (Ер ҳажми бирлигида)	Ўз ўқи атрофида айланиш давр
				экваториал	қутбий		
Меркурий	57,91	0,241	47,9	4860	4860	0,055	58,65 сутка
Венера	108,21	0,615	35,0	12105	12105	0,861	243,0 сутка
Ер	149,60	1	29,8	12713	12756	1,0	23 соат 56 мин.
Марс	227,94	1,881	24,1	6800	6746	0,150	24 соат 37 мин.
Юпитер	778,3	11,862	13,1	141700	133100	1344,0	9 соат 50 мин.
Сатурн	1429,3	29,458	9,6	120200	109110	770,5	10 соат 14 мин.
Уран	2875,0	84,015	6,8	52300	48200	60,9	10 соат 49 мин.
Нептун	4504,4	164,788	5,4	50200	47000	56,65	15,8 соат

Катта сайёраларнинг баъзи физик кўрсаткичлари

Сайёралар	Массаси		Ўртача зичлиги, г/см³	Юлдуз катталиги		Кўринма сферик ялпоқлиги	Температураси, К			Йўлдошларининг сони
		Ер массасига		энг	мин.		Диск бўйича ўртача	Инфрақизил, ёруғлик	Радио спектрида	
Меркурий	$3,304\times10^{23}$	0,056	5,52	−1,7	3,4	0,07	700	613	290	—
Венера	$4,872\times10^{24}$	0,815	5,22	−4,40	−3,1	0,76	750	22-240	700	—
Ер	$5,976\times10^{24}$	1	5,52	—	—	0,39	290	—	—	1
Марс	$6,443\times10^{23}$	1,107	3,97	−2,6	−2,0	0,16	216	306	180	2
Юпитер	$1,899\times10^{27}$	317,82	1,30	−2,5	−1,2	0,45	110	126	149	16
Сатурн	$5,684\times10^{26}$	95,28	0,68	−0,2	−1,1	0,50	80	85-125	217-196	17
Уран	$8,676\times10^{25}$	14,56	1,32	+5,6	+5,4	0,66	60	55	100-128	15
Нептун	$1,029\times10^{26}$	17,28	1,84	+7,6	+7,8	0,62	51	—	115	2

ча С.нинг йўлдошлари топилган. Ердан туриб олиб борилган бевосита кузатишлар орқали топилган С.нинг йўлдошлари қуйидагилар: Ерда 1 та (Ой), Марсда — 2 та, Юпитерда — 12 та, Сатурнда — 9 та, Уранда — 5та, Нептунда — 2та, Плутонда — 1та. Кейинчалик космик аппаратлар ёрдамида гигант С. атрофида яна ўнлаб янги йўлдошлар топилди (қ. *Сайёраларнинг йўлдошлари*).

С.нинг айримлари (Ер ва Юпитер) сезиларли магнит майдонига эга. Ер магнит майдонининг кучланганлиги унинг геомагнит қутбларида 0,63 эрстедни, геомагнит экваторида эса 0,31 эрстедни ташкил этади. Коинот қаъридан ва Қуёшдан келаётган космик нурлар ва зарралар оқими (асосан, электронлар ва протонлар) ни Ер магнит майдони тутиб қолади. «Қафасга тушган» бундай зарраларнинг энергияси ва концентрацияси уларнинг Ер сиртидан узоқлиги ва геомагнит кенглигига боғлиқ бўлади. Бундай зарралар охир-оқибатда Ер атрофида, геомагнит экваторни ўровчи ҳалқа ёки камар шаклини олади.

Ер ва Юпитер атрофида турли баландликларда ҳосил бўлган ва радиацион камар деб аталувчи ана шундай қувватли электрон ҳамда протонлардан ташкил топган камарлардан бир нечтаси охирги йилларда кашф этилди.

Ад.: Ксанфомалити Л. В., Планеты открытые заново, М., 1978; Куликовский П. Г., Справочник любителя астрономии, М., 1971; Силкин Б.И., В мире множества лун, М., 1982; Маматазимов М., Қуёш системаси ҳақида очерклар, Т., 1984.

САЙЁРАЛАРАРО АВТОМАТИК СТАНЦИЯ — сайёралараро космик фазони, Ой ҳамда сайёраларни тадқиқ этиш ва осмон жисмларига илмий аппаратларни олиб чиқиш учун мўлжалланган космик учиш аппарати. Аппарат бортига турли илмий асбоблар ўрнатилади. Уларнинг ўлчаш натижалари радиосистемалар ёрдамида Ерга узатилади. Осмон жисмлари сиртлари тасвирини Ерда қабул қилиш учун телевизион системадан фойдаланилади. С.а.с. бортидаги асбоблар энергияни қуёш батареясидан олади. Баъзи С. а.с.ларда кўниш аппаратлари бор. Бу аппаратлар ёрдамида улар бошқа сайёралар сиртига («Венера-3» — «Венера-7», «Викинг-1» ва -2») ёки парвоздан қайтгач, Ерга («Зонд-5» — «Зонд-7») юмшоқ қўна олган.

1972 й. АҚШ гигант сайёралар ва уларнинг йўлдошларини тадқиқ этиш мақсадида янги и.т. дастурини ишлаб чиқди. Бу дастур бўйича 1972 й.да учирилган «Пионер-10» ст-яси Юпитер сайёраси яқинидаги *астероидлар* минтақаларини биринчи марта учиб ўтиб (Юпитерни тадқиқ қилган) ва 3-космик тезлик б-н Қуёш системаси чегарасидан чиқиб кетган (1987). 1973 й.да учирилган «Пионер-11» ст-яси Сатурн сайёрасидан учиб ўтиб, Қуёш системаси чегарасидан чиқиб кетган (1993).

С.а.с. ёрдамида *Венера* сайёраси ва космик фазо ўрганилди (*«Венера-»*), *Марс* талқиқ қилинди (*«Викинг-»*), *Юпитер, Сатурн* ҳамда уларнинг йўлдошлари текширилди (*«Вояжер-»*), космик фазони ўрганиш ва узоқ космик масофаларга парвоз қилиш техникаси такомиллаштирилди. *Ой*нинг тескари томони суратга олинди ҳамда Ер — Марс оралиғидаги космик фазо ўрганилди («Зонд-»). Ой талқиқ қилинди ва унга аппаратлар қундирилди ҳамда Ерга Ой тупроғи келтирилди (*«Луна»*). Венера, Марс, Меркурий сайёралари ва космик фазо талқиқ қилинди (*«Маринер-»*). Марс ва космик фазо ўрганилди, Марс атмосфераси, сиртғи қатламининг тараси, сув буғи ўрганилди, суратлари олинди («Марс-») ва унга юмшоқ қўндирилди. Ой сиртининг рельефи ҳақида телетасвирлар Ерга узатилди ва унга автоматик станция юмшоқ қўндирилди (*«Рейнжер-»*). Ой тупроғининг кимёвий таркиби ўрганилди (*«Сервейер-»*). Америкининг 2004 й. 4 январда Марсга туширилган Марсда ҳаракатланувчи «Спирит» («Spirit») С.а.с.си 200 дан ортиқ рангли суратларини Ерга узатди. Марслаги жинсларни таҳлил қилади (яна қ. *Сайёралар*).

САЙЁРАЛАРАРО МУҲИТ — *Қуёш сис-темаси* сайёралари орасидаги фазони тўлдирган модда. Бундай сайёраларнинг ташқи атмосфераси, кометалар, *Қуёш тожи*нинг қуёшга яқин қисми, Қуёшдан чиқиб турадиган космик нурлар С. м. тушунчасига кирмайди. С.м.да тортиш майдони, магнит ва электростатик майдонлар мавжуд. С.м. зодикал ёғдуланиш ва Қуёш тожи F- ва К-компонентларида кузатиладиган ҳодисалар б-н узвий боғлиқ. Газсимон (нейтрал ва ионлашган) ва қаттиқ компонентларга бўлинади. С.м.нинг газсимон аралашмалари Қуёш тожининг ионлашган газлар оқимидан, сайёралар атмосфераси газлари, кометалардан ажралиб чиқадиган газ ва протокуёш газлардан иборат бўлади (қ. *Протомолдуглар*). Ер орбитаси б-н Қуёш ўртасидаги сайёралар-аро газ яхши ўрганилган. С.м.нинг чанг-симон компонентлари кометалар, сайёралар йўлдошлари, метеор жисмлар, кичик сайёралар ва протокуёш модлаларнинг эволюцион маҳсулотларидан ташкил топган.

20-а.нинг 50-й.ларигача Қуёш системаси мувозанатлашган ионизацияли станционар газ б-н тўлган деб тахмин қилинар эди. Кейинчалик С.м.нинг динамик назарияси яратилди. Унга кўра, С.м.нинг газсимон компоненти Қуёш тожи модласининг кенгайишидан ва модлага илашувчи магнит майдонидан иборат. 1958 й.да Қуёш тожи модласи кенгайишининг математик назарияси яратилиб, унда Қуёш шамоли термини кенг қўлланилади. Қуёш шамоли ион ва электронлардан иборат бўлиб, электр жиҳатидан нейтралдир.

60-й.лардан бошлаб С.м. Ер сунъий йўлдошлари ва *космик зондлар* ёрдамида мунтазам равишда ўрганилмоқда. Асосан, плазмали зондлар, жуда сезгир магнит ҳамда электростатик анализаторлар ва магнитометрлар ёрдамида Қуёш шамоли заррасининг энергетик, умумий ва заряд спектрларига оид ва б. катталиклар, *Венера* ва *Марс* орбиталари оралиғидаги магнит майдони топографиясининг микро ва макроструктураси ўрганилади, шунингдек, бу катталикларнинг вақт ўтиши ва Қуёш активлигига боғлиқ ҳолда ўзгаришлари кузатилиб борилади. Қуёш шамолининг тезлиги ва зичлиги радиолокация усули б-н текширилади. Қуёш шамолининг ўртача энергияси 15эВ бўлган электрон компоненти қариб изотроп бурчак бўйича тақсимланади.

С.м.магнит майдони, асосан, Қуёш шамолининг майдонидир. Ер орбитаси яқинида сайёраларо майдон кучланганлиги 10^{-3} — 10^{-5} гс. С.м. магнит майдони сектор структураси: бир секторда магнит майдони Қуёшдан келаётган, бошқасида Қуёшга кетаётган йўналишга эга, кучланганлиги $3\cdot10^{-5}$—$5\cdot10^{-5}$ эрстед.

С.м. магнит майдонининг мунтазамлиги турли хил плазма бекарорагиликларининг турли хил ривожланиши, Қуёш чақнашлари вақтида ҳосил бўладиган тез зарралар оқими тарқалиши ва зарба тўлқинларининг ўтиши натижасида бузилиши мумкин. Қуёшда юз берадиган ҳар қандай жараёнлар — чақнашлар, доғ ва протуберанслар ҳосил бўлганда, Қуёш космик нурлари тар-қалганда магнит майдон муҳим роль ўйнайди. С.м.нинг чангли компоненти истероид ва кометаларнинг бўлинишидан бўён сақланиб қолган газ-чанг булутларидан иборат бўлиши мумкин. С.м.нинг қаттиқ компоненти, асосан, майда метеор моддалардан иборат. С.м.даги қаттиқ жисм ва зарраларнинг кўпчилиги Қуёш атрофида худди эклиптика текислигига йиғилгандек бўлиб ҳаракатланади. Қуёшнинг ёруглик босими ва тортиши натижасида кичик зарралар орбитаси аста-секин қисқаради: шунинг учун С.м.нинг чанг-

ли компоненти ички Қуёшга яқинлашган сари ортади.

60—70-й.лардаги кузатишлар Ер атрофида чангли булутлар бор деган тахминни рад қилди. Чангли компонентларни улардан спектр олиб текширилади. Ер сиртини С.м. таъсиридан атмосфера ва ер магнит майдони муҳофаза қилади (яна қ. *Сайёралар*).

Ад.: Паркер Е. Н., Динамические процессы в межпланетной среде, пер. с англ., М., 1965; Солнечный ветер, пер. с англ., М., 1968.

САЙЁРАЛАРНИНГ ЙЎЛДОШЛАРИ — сайёраларнинг тортиш кучи таъсирида уларнинг атрофида айланувчи космик жисмлар. Ернинг 1 та (Ой), *Марс*нинг 2 та, *Юпитер*нинг 16 та, *Сатурн*нинг 17 та, *Уран*нинг 15 та, *Нептун*нинг 2 та ва *Плутон*нинг 1 та йўлдоши бор. *Меркурий, Венера*нинг йўлдошлари топилмаган. С.й. кашф этилиш вақтига қараб улар рим рақамларн б-н белгиланган. Юпитернинг энг йирик ва ёруғ йўлдошлари *Ио, Европа, Ганимед, Каллисто*лар 1610 й. *Галилей* томонидан кашф этилган.

С.й., асосан, эллипсга яқин орбиталар бўйлаб ғўтри йўналишда, яъни сайёранинг Қуёш атрофида айланиш йўналишида (эклиптиканинг шимолий қутбидан қараганда соат стрелкасига қарамақарши) ҳаракатланади. Уранинг йўлдошлари, Юпитернинг VIII, IX, XI, XII лари, Юпитернинг IX, Нептун йўлдошлари, Сатурнининг IX, Нептуннинг I йўлдоши тескари ҳаракатланади.

С.й. сайёранинг орбитал ҳаракатига кучсиз бўлса-да таъсир кўрсатади, натижада унинг траекториясида жуда кам миқдорда четланишлар кузатилади. Бу четланишларнинг қиймати С. й. массасини ҳисоблашга имкон беради. С.й.нинг энг катталари Сатурннинг Титан, Юпитернинг Ганимед, Каллисто йўлдошлари бўлиб, уларнинг ҳар бири массасига кўра, Ойдан катта, диаметри бўйича эса ундан салкам 1,5 марта катта. Улкан С.й. диаметрларининг Ердан кўриниш бурчагига қараб, кичикларининг диаметрлари эса, ўз сайёралари б-н тўсилганда, тўсилаш вақтига кўра ҳисобланади. С. й.дан фа-

Сайёралар йўлдошлари ҳақида маълумотлар

Сайёра	Йўлдош	Сайёрадан ўртача узоқлиги, минг км	Сидерик орбитал айланиш даври, суткаларда	Эксцентриситет	Орбитасининг сайёра экваторига оғиш бурчаги (градусларда)	Диаметри км ларда	Массаси (Ой массаси бирлигида)	Кашф қилинган йили, кашфиётчиси
Ер	Ой	384,4	27,3	0,055	23,4°	3476	1,00	—
Марс	I Фобос	9,4	0,3	0,016	1,1	27	—	1877, А. Холл
	II Деймос	23,5	1,3	0,001	1,8	15	—	» »
Юпитер	V Амальтея	181	0,5	0,003	0,45	220	—	1892, Барнард
	I Ио	421,6	1,8	0,004	0,04	3640	0,99	1610, Галилей
	II Европа	671	3,6	0,009	0,47	3100	0,64	» »
	III Ганимед	1070	7,2	0,002	0,21	5270	2,11	» »
	IV Каллисто	1880	16,7	0,007	0,51	5000	1,32	» »
	XIII Леда	11100	239	0,15	26,1	10	—	1974
	VI Гималия	11500	251	0,16	28	180	—	1904, Перрен
	VII Лиситея	11720	260	0,11	29	20	—	1905, » »
	X Элара	11750	260	0,21	25	80	—	1938, Никольсон
	XII Ананке	21200	625	0,17	147	20	—	1951, » »
	XI Карме	22600	700	0,21	164	30	—	1938, » »
	VIII Пасифае	23500	740	0,38	145	40	—	1908, Меллот
	IX Синопе	23700	755	0,28	153	30	—	1914, Никольсон
	XIV Теба	221,4	0,675	0,013	0,9	110	—	1979
Сатурн	XV Адрастея	129	0,3	0,0	0,0	24	—	1979
	XVI Метис	128	0,3	0,0	0,0	40	—	1979
	X Янус	160	0,7	0,007	0,1	220	—	1966, О.Дольфус
	I Мимас	158,5	0,94	0,020	—	400	0,001	1789, В.Гершель
	II Энцелад	238	1,4	0,04	1,52	500	0,001	» »
	III Тефия	295	1,9	0,000	0,0	1000	0,009	1684, Ж. Кассини
	IV Диона	378	2,7	0,002	0,0	1150	0,014	» »
	V Рея	572	4,5	0,001	1,86	1600	0,03	1672, » »
	VI Титан	1222	15,95	0,129	0,02	5150	1,92	1655, Гюйгенс
	VII Гиперион	1481	21,3	0,104	0,4	350	—	1848, Д.Бонд
	VIII Япет	3561	79,3	0,028	0,33	1460	0,019	1671, Ж.Кассини
	IX Феба	12950	550,4	0,163	0,43	220	—	1898, В.Пикеринг
Уран	Атлас	138	0,602	0,002	7,52	38	—	1980
	Эпиметей	151,4	0,7	0,009	175	140	—	1966
	Телесто	294,7	1,89	—	0,3	24	—	1980
	Калипсо	294,7	1,89	—	0,3	30	—	1980
	S 6	377,4	2,74	0,005	—	36	—	1980
	S 26	141,7	0,63	0,004	—	110	—	1980
	S 27	139,3	0,613	0,004	0,2	140	—	1948, Кейпер
	V Миранда	130	1,4	0,027	0,1	480	—	1851, Лассель
	I Ариель	192	2,5	0,003	0	1160	—	» »
	II Умбриель	265	4,14	0,005	4,2	1185	—	1787,Е.Гершель
	III Титания	434	8,7	0,024	0,31	1586	—	» »
	IV Оберон	582	13,5	0,001	0,36	1546	1,8	1846, Лассель
Нептун	I Тритон	354	5,9	0,000	0,14	4000	—	1949, Кейпер
	II Нереида	5510	365,0	0,750	0,10	600		
					160			
					28			

қат Титан ва Тритонда (Нептуннинг йўлдоши) атмосфера борлиги аниқланган. Титаннинг атмосфераси, асосан, метан, аммиак ва қисман азотдан ташкил топган. Катта йўлдошлар шар шаклида, *Фобос* ва *Деймос* (Марснинг йўлдошлари) каби кичикроқ йўлдошлар эса бирор геометрик шаклга эга эмаслиги ва улар улкан тош қоя шаклидалиги аниқланган.

С.й.нинг тузилиши ва ҳаракатини ўрганиш *космогония*да катта аҳамиятга эга.

Ад.: Ксанфомалити Л. В., Спутники внешних планет, М., 1987.

САЙЁҲ, Абдураҳмон Сайёҳ ибн Ҳожи Муҳаммад Солиқов (1879, Тошкент — 1918, Қўқон) — маърифатпарвар, ношир. Арабистон, Туркия, Ҳиндистон, Афғонистон, Япония мамлакатларига саёҳат қилгани учун ўзига «Сайёҳ» тахаллусини олган. Ўн ёшида ота-онаси, ака-синглиси б-н Маккага кетади, ўша ерда оила аъзоларининг барчасидан айрилади. Кейинчалик Ҳиндистоннинг Ражпур ш.га келиб, 5—6 й. мадрасада таҳсил олади. 1906 й.да заргарлик буюмлари б-н савдо қилиб, Пекин (Хитой)га боради. Хитойдан Манжурия орқали Бухорога келмоқчи бўлади. Аммо Россия ва Япония ўртасида уруш бораётгани сабабли Япония ҳукумати уни Мукден ш.да ҳибсга олади ва Порт-Артур ш.да сақлайди. Уруш тугагач, Гонконг орқали Ҳиндистоннинг Калькутта ш.га юборилади. У Бомбей ш.га келиб, Россия бош консулига мурожаат қилади. Ҳинд, хитой, араб, форс, турк тилларини билгани учун 1907 й. консулхонага ишга олинади. 1908 й.да Тошкентга қайтиб келади ва Туркистон ҳарбий округи штабида ишлайди. Шу орада *Мунавварқори* Абдурашидхонов б-н танишади. 1915—18 й.ларда «Ал-ислоҳ» жур.га муҳаррирлик қилади. 1912—13 й.ларда ношир ва муаллиф сифатида ислом одоб-ахлоқи, муқаддас шаҳарлар тарихи, шунингдек, кезиб чиққан мамлакатлари ҳақида кўплаб «Саёҳатномалар» чоп эттирган.

Ад: Тарихи изолатал ғайи ан-қиссайи Зулқарнайн, Т., 1913.

Сирожиддин Аҳмедов.

САЙЁҲЛАР ДАРАХТИ (Ravenala madagascariensis) — стрелитзиядошлар оиласига мансуб дарахт. Бўйи 10 м гача, барглари йирик, ўрта томирларигача бўлакларга бўлинган, товусининг ёйилиб турган патларини эслатади. Гули бошоқсимон тўпгулда ўрнашган, қушлар воситасида чангланади. Меваси резавор, бодринга ўхшайди. Мадагаскар ва Реюньон оролларида ўсади. Чўл ва саҳроларда

Сайёҳлар дарахти.

сайёҳлар унинг совсила офтобдан сақланишади; барг қўлтиғида шудринг ва ёмғир томчиларидан ҳосил бўладиган сувдан ичиб, чанқоқларини қондиришади.

САЙЁҲЛИК — қ. *Туризм.*

САЙИД МУҲАММАДХОН (1823—1864) — Хива хони (1856—64). Қўнғиротлар сулоласидан. *Муҳаммад Раҳим I* нинг ўғли, Муҳаммад Раҳим II *Феруз*нинг отаси. Унинг даврида Хивадаги ички низоларга барҳам берилган, хонликда тинчлик-осойишталик барқарор топган. С.М. 1858 й. Хивага келган Н.П. *Игнатьев миссиясини* қабул қилган. Шу йили 28 авг.да Хивада рус элчихонаси очилган. 1863 й. венгер сайёҳи Г. *Вамбери* ҳам С.М. қабулида бўлган. С.М. даврида Хивадаги *Кўҳна арк* саройидаги кўринишхона қайта тикланган ва унинг шипи, айвон устуни хоразмча нақшлар б-н безатилган. 1859 й.да Хиванинг *Дишан қалъа* қисмида, Нуруллабой боғида янги кўринишхона қуриб битказилган. *Ого-ҳий* «Гулшани давлат» тарихий асарида С. М.нинг хонлик даврини таърифлаган. С. М. хонликни бошқаришда бошқа давлатлар, айниқса, Россия б-н муносабатларида ўзини мустақил ва тенг ҳуқуқли давлат ҳукмдори сифатида тутган. С.М.нинг жасади Хивадаги Саид Моҳи рўйи жаҳон (Саид Маҳрўйжон) мақбарасига қўйилган.

Ад.: Бобожонов П., Атаев А., Хива тарихига бир назар, Урганч, 1977; Абдурасулов А., Хива, Т., 1997; Худойберганов К., Хива хонлари шажараси, Хива, 1996.

САЙИДО НАСАФИЙ (тахаллуси; исми Миробил) (1637—Насаф — 1710) — шоир. Бухоро мадрасаларида ўқиган. Тўқувчилик б-н кун кечирган. Турли-да ижоди камолга етган. Дастлаб асарларида аштархоний ҳукмдорларини мадҳ этган, уларга мадҳиялар ёзган. Лекин ижтимоий тенгсизлик, адолатсизликлар моҳиятини тушунгач, мадҳиябозлигидан узоқлашган. Асарларида жабру зулмга қарши норозилик асосий ўринни эгаллаган. «Шаҳр ошуб» манзумасида 212 хил касб-ҳунар эгаси ҳақида фикр юритган, ҳунар аҳлини улуғлаган. «Баҳориёт» («Ҳайвонотнома») мажозий-мунозара асарида, айрим ғазалларида ўз даврининг ижтимоий-сиёсий муҳити танқид қилинган. Асарлари нафис, содда тилда ёзилгани учун тез оммалашган.

Ад. Раҳмонов П., Адабий сиҳфалар, Т., 1985.

САЙИЛ — йилнинг маълум фаслларида ўтказиладиган сайиллар, сайр-томошалар. С.лар одатда *Наврўз* ва диний байрамлар (Рўза ва Қурбон ҳайитлари)да ва йилнинг қулай пайтларида ташаббускор кишилар томонидан ташкил этилган. С. шаҳарларда, регистон майдонларида, чорсу ва расталарда, шаҳар ташқарисидаги сайилгоҳларда, шунингдек, қадамжоларда ўтказилиб, бир икки ҳафта давом этган. Сайилгоҳларда ошхона, чойхона, нонвойхоналар қурилган, мева-чева, атторлик, баққоллик дўконлари очилган. Пойга, улоқ, кўпкари, кураш, чавгон мусобақалари, дарвоз, ҳофиз, соқанда, раққос, масхарабоз, қизиқчиларнинг чиқишлари, айиқ, илон ўйинлари, туя, қўчқор, хўроз, ит уриштириш, мушакбозлик томошалари кўрсатилган.

Ўзбекистон мустақиллигидан сўнг халқ С.лари мазмуни ўзгариб, кўпроқ миллий тус олди. Умумхалқ байрамлари: Мустақиллик куни, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунларида С.лар уюштирилмоқда. Баҳорда ўтказиладиган Наврўз сайли, сумалак сайиладиган Наврўз сайли, сумалак сайли, чучли, гул сайли, бойчечак сайли, ҳўлмома сайли, тут сайли, ёзнинг бошида сув сайли, ўрик сайли, олма сайли, узумли, куз фаслида қовун сайли, узум сайли ва бошқа С.лар мавжуд.

Ад.: Қорабоев У., Ўзбек халқи байрамлари, Т., 2002.

САЙИС (араб. — отбоқар) — Ўрта Осиё хонликларида ҳарбий ва хўжалик эҳтиёжлари учун сақланган отларни парвариш қилувчи шахс. С.лар бевосита отхоналар ёнига қурилган махсус уйлар — сайисхоналарда истиқомат қилишган. С.лар бошлиғи *мирохур* деб аталган.

САЙИД, саид (араб. — жаноб) — 1) Муҳаммад пайғамбар (ас) авлодларига мансуб кишининг унвони. Араблардa исломга қадар қабиланинг сайланадиган раҳбарлари унвони — бошлиқ, масъул шахс деган маънони англатган. *Али*нинг отаси Абу Толиб бир вақтлар қурайш қабиласининг С.ларидан бўлган. Шунинг учун бу унвон Алининг ўғиллари Ҳасан ва Ҳусайннинг бутун авлодлари исмига қўйиладиган

фахрий унвон ҳисобланган. С.ларининг қизига уйланган кишининг фарзандлари ҳам С. ҳисобланган. Шунинг учун ҳам мусулмонлар дунёсида, жумладан, Мовароуннаҳрда кўпинча ҳукмдорлар ўз авлодлари мавқеини кўтариш мақсадида С.лар қизига уйланишга ҳаракат қилишган. Ўрта асрларда, янги ва энг янги даврларда кўпгина ҳукмдорлар, шу жумладан, Бухоро амирлари, Хива хонлари ҳамда турли ижтимоий табақаларга мансуб бўлган шахс ҳам пайғамбар авлодидан ҳисобланмаса-да, ўзларини С. деб атаверганлар. 2) ҳўжа, бошлиқ, раҳбар.

САЙИД БАРАКА, Мир Сайид Барака (? — 1404) — *Амир Темур*нинг пири. Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, асли Макка шаҳри бўлиб, Амир Темур б-н дастлаб Термиз шаҳрида учрашган. Макка ва Мадинанинг вақф (Макка ва Мадина шаҳари ислом оламида муқаддас шаҳарлар деб аталгани сабабли ислом давлатлари ҳукмдорлари ҳар йили бу шаҳарларга вақф маблағи, яъни белгиланган миқдордаги маблағни юбориб туришни шарафли бурч деб билганлар) ларини ундириш учун Балхга Амир Ҳусайн ҳузурига келган. Амир Ҳусайн у талаб қилган маблағни бериш у ёқда турсин, ҳатто С.Б.га илтифот ҳам кўрсатмайди. У бундай совуқ муносабатдан хафа бўлиб Термизга қараб кетади ва Термиз яқинида Амир Темур б-н учрашади. Амир Темур у талаб қилган маблағни ортиғи б-н беради. С.Б. Амир Темурга ноғора б-н байроқ тортиқ қилади. Амир Темур 1370 й. салтанатни қўлга олгач, Андхўй (Афғонистон) волийлигини барча қишлоқлари б-н С.Б.га «иқтоъ» тарзида инъом қилади. С.Б. Соҳибқироннинг Мозандарон, Дашти Қипчоқ ҳарбий юришларида унга ҳамроҳ бўлган, қўшинининг руҳини кўтарган. С.Б. ҳарбий сафарларга қатнашмаган пайтда Самарқанд ва Андхўйда яшаган. 1404 й. қишда С.Б. оғир касалликдан сўнг вафот этади. Бу ҳақда эшитган Амир Темур С.Б. нинг барча эшитган Андхўйда дафн этишни буюради. 1409 й. Шоҳрух Мирзо Мовароуннаҳр тахтини Халил Султондан тортиб олгач, С.Б.нинг хокини Андхўйдан Самарқандга келтириб, *Амир Темур мақбарасига* дафн эттиради.

САЙИД МИР КУЛОЛ Бухорий [13-а. охири, Бухоро яқини (ҳоз. Коғон тумани)даги Сухор қишлоғи — 1370] — ҳожагон-нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси, бухоролик 7 пирнинг тўртинчиси. *Самосий*дан таҳсил олган. Кулолчилик б-н шуғулланган (номи шундан). Унинг 114 халифаси бўлиб, Баҳоуддин Нақшбанд, Шамсуддин Кулол (Амир Темурнинг пири), Хожа Ориф Деггароний энг машҳурлари саналган. С.М.К. ҳафий (овоз чиқармай) *зикр* б-н бирга жаҳрий (баланд овозда) зикрдан ҳам фойдаланган. У жаҳрий зикр тарафдори эди. С.М.К. тугилган қишлоқда дафн этилган. Қабри устида мақбара ўрнатилган.

Ад.: Алишер Навоий, Насойим ул-муҳаббат (Мукаммал асарлар тўплами, 17-ж.), Т., 2001; Дурдона, Мир Кулол ва Шоҳи Нақшбанд мақоматлари, Т., 1993.

САЙЙИД ҚОСИМИЙ (15-а.) — шоир. Асарларидан маълум бўлишича, С. Қ. муҳтожликда кун кечирган. Шарқ классиклари ижодини чуқур ўрганган. Шоирнинг бизгача 4468 мисралан иборат «Мажмаъ ул-ахбор» (1456—57), «Ҳақиқатнома» (1458—59), «Садоқатнома», «Гулшани роз» дидактик асарлари салаларни акс эттан. «Мажмаъ ул-ахбор» достони Низомий ва Ҳайдар Хоразмийнинг «Махзан ул-асрор»ига назира сифатида ёзилиб, Султон Абдусаид Мирзо (ҳукмронлиги: 1451—69)га бағишланган. Фаридиддин Атторнинг «Илоҳийнома» сига жавоб тариқасида ёзган. «Гулшани роз» шаҳар ҳокими Жамолиддин Саййид Мазид ҳақида, унда Саййид Мазид мазҳабпарвар, адил, халққа ва илм аҳлига ғамхўр киши сифатида умидлари баён этилган, унинг ёзишича, инсон ўзидан сўнг икки нарса — ширинсўзлик ҳамда тўғрилик, поклик б-н қилинган иш қолдириши керак. Токи у ўлгандан кейин кишилар яхши инсон сифатида эслаб юрсинлар. Асарларни кўлёзмаси Ҳиндистоннинг Рампур ш.да ги «Ризо» кутубхонасида (инв. №753, 48, 85), фотонусхаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади.

Ас.: Маснавийлар мажмуаси, Т., 1992.

Ад.: Қосимхонов Б., Саййид Қосимийнинг адабий-дидактик достонлари, Т., 1987.

САЙЛИ — кечпишар қовун нави. Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик ин-тида яратилган (И. Ашеров, С. Кўчқоров, Ш. Муҳитдинов). Шакли узунчоқ, тухумсимон. Оғирлиги 4—5 кг, сирти бурмали, туси яшил. пўсти қаттиқ, кесасида тўқ яшил доғлари бор. Этининг қалинлиги 4—4,5 см, оч яшил, мулойим, сершув, ширали. Уругхонаси ўртача катталикда. Таркибида 5,6% қанд бор, қуруқ модда миқдори 7,8%. Уруғи униб чиққандан кейин 100—120 кунда пишади. Бир тупи 1—2 та мева беради. Ҳосилдорлиги 240—330 ц/га. 1982 й.дан Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида р-нлаштирилган.

САЙЛОВ — овоз бериш орқали давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва б. тузилмаларни ташкил этиш воситаси. Фуқароларнинг *ўз сайлов ҳуқуқини* амалга ошириши — уларнинг давлатни бошқаришда иштирок этишининг энг муҳим шаклларидан бири. С. ўтказиш тартиби ва қоидалари, одатда, ҳар бир давлатнинг конституцияси ва б. конституциявий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланади. С. турли кўринишда бўлади. Унда аҳоли қатнашиши ёки уларнинг вакилларигина иштирок этиши мумкин. С. очиқ ёки яширин овоз бериш йўли б-н ўтказилади. Қайси орган сайланаётганлигига қараб парламентга ёки президентликка С., парламентнинг умумий ёки бир қисми учун С. ўтказилишига қараб яппи ёки қисман С. бўлиши мумкин. Ҳудудига қараб умумдавлат ёки маҳаллий; ўтказилиш вақтига қараб навбатдаги ёки муддатдан олдинги; бир партияли, кўп партияли ёки партиясиз; муқобиллик асосида ва номуқобил (агар ягона номзод кўрсатилса); тўғри ёки кўп босқичли; асосий ёки қўшимча С. ўтказилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига биноан, мамлакат Президент сайлови, ЎзР Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига С. тегишлича уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда — декабрь ойи 3-ўн кунлигининг 1-якшанбасида ўтказилади. С.лар умумий, тенг, тўғридан-тўғри С. ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли б-н ўтказилади (яна қ. *Сайлов тизими, Сайлов ҳуқуқи*).

САЙЛОВ КОМИССИЯСИ (ЎзРда) — мамлакат президенти ва вакиллик органларига ўтказиладиган сайловларни ташкил этувчи махсус коллегиал орган. Сайлов комиссиялари тизими, уларни ташкил этиш тартиби ва ваколатлари, одатда, сайловлар тўғрисидаги қонунлар б-н белгиланади. Мас., «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга кўра, ЎзР Президенти сайловини ташкил этиш ва уни ўтказиш қуйидаги сайлов комиссиялари томонидан амалга оширилади: ЎзР Марказий С.к.; ЎзР Президенти сайловини ўтказувчи округ С.к.; ЎзР Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи сайлов комиссиялари тизими қуйидагича: Марказий С.к.; округ сайлов комиссиялари; участка сайлов комиссиялари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатаси — Сенатга сайлов ўтказиш учун Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоятда Марказий С.к. томонидан биттадан фақат округ С.к. тузилади.

Халқ депутатлари, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказиш учун халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят С.к.; халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман С.к.; халқ депутатлари шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар С.к.; шунингдек, шаҳар ва туман халқ депутатлари Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссиялари тузилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар вақтида фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш вақтида сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман ва шаҳар комиссиялари, шаҳарча, мавзе, қишлоқ, овул, маҳалла ишчи гуруҳлари тузилади.

Ўзбекистонда Марказий С.к. доимий ишловчи орган. Бошқа комиссиялар фақат сайлов ўтказиш учун тузилади ва сайлов тугагач, фаолияти тўхтайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов комиссиялари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи сайлов комиссиялари тузилиши ва таркиби жиҳатдан бир хил бўлиши таъминланади. Биринчи ҳолатда округ С.к. сайлов тайинлангандан кейин Марказий С.к. томонидан 20 кундан кечиктирмай раис, унинг ўринбосари, котиб ва камида 6—8 нафар аъзодан тузилади. Иккинчи ҳолатда эса округ С.к. Марказий С.к. томонидан сайловга камида 70 кун қолганда раис, раис ўринбосари, котиб ва яна камида 6 нафар аъзодан иборат таркибда тузилади.

Округ С.к. аъзолигига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент ш. Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ва Марказий С.к.га тасдиқлаш учун тавсия этилади. Участка С.к. аъзолигига номзодлар халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ва тегишли округ С.к.га тасдиқлаш учун тавсия этилади. С.к. аъзолари жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан тайинланади.

САЙЛОВ ОКРУГИ — давлат бошқаруви ёки ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайлов ўтказиш учун тузиладиган аҳоли ҳудудий ташкилотининг асосий бўғини. С.о. унда қанча депутат сайланишига қараб, бир мандатли ва кўп мандатли бўлиши мумкин. Ҳар бир округдан қонунда белгиланган миқдорда (вакиллик нормаси) депутатлар сайланади. Дунё давлатлари тажрибасига кўра, сайловни демократик тамойилларга мувофиқ ўтказилишини таъминлаш мақсадида турли хил миллий-маъмурий бўлинишга мос равишда сайлов округлари тузилади. Яъни давлатнинг маъмурий-ҳудудий бўлиниш бўйича истиқомат қилаётган аҳолининг ўз вакилларини давлат ҳокимияти органларига сайлаш шартлари сайлов округларида белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ЎзР Президенти сайловни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунлар асосида Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов тайинлангандан кейин сайлов округлари рўйхати уларнинг чегаралари ва сайловчилар сонини кўрсатилган ҳолда эълон қилинади. Сайлов округлари ҳар бир сайлов вақтида Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида сайловчилар сони тенг миқдорда қилиб белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш учун 120 та ҳудудий С.о. тузилади. Халқ депутатлари вилоят ва Тошкент ш. Кенгашларига депутатлар сайлашда 60 тадан кўп бўлмаган, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига депутат сайлашда — 30 тадан кўп бўлмаган ҳудудий С.о. тузилади. Ҳар бир С. о.дан Олий Мажлисга, тегишли халқ депутатлари Кенгашига битта депутат сайланади. Сайлов округларининг чегаралари вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг маъмурий-ҳудудий тузилишини инобатга олган ҳолда белгиланади.

Абдужаббор Тўлаганов, Абдуғани Чўлиев.

САЙЛОВ ТИЗИМИ — *сайлов* ўтказиш тартибларининг ҳамда уларни ўрнатувчи ҳуқуқий нормаларнинг мажмуи. С.т. давлат вакиллик органларини шакллантириш юзасидан мавжуд бўлган ва фуқароларни сайловга жалб этиш, сайловларни ташкил қилиш ва депутатларнинг сайловчилар б-н ўзаро муносабатларини белгилайдиган тартибини, фуқароларнинг барча сайлов ҳуқуқларини ўз ичига олади (қ. *Сайлов ҳуқуқи*). Жаҳон мамлакатларининг давлат қурилиши тажрибасида С.т.нинг мажоритар, пропорционал ва аралаш турлари қўлланилади. Мажоритар сайлов тизими деганда (франц. majorité — кўпчилик сўзидан) вакиллик органларига сайловларда овоз бериш натижасини аниқлаш тушунилади. Унда қонун б-н белгиланган кўп овозни олган номзод (ёки номзодлар рўйхати) муайян округ бўйича сайланган ҳисобланади. Ҳоз. замон конституциявий ҳуқуқида нисбатан, мутлақ ва малакали кўпчилик овозига асосланган мажоритар сайлов тизимлари қўлланилади. Мас, АҚШ, Буюк Британия, Ҳиндистон, Мексика ва б.да. Мутлақ кўпчилик овозига асосланган мажоритар тизимда берилган ва ҳақиқий деб топилган овозларнинг умумий сонидан мутлақ (ёки оддий) кўп овоз (яъни 50% +1 та овоз) олган номзод сайланган ҳисобланади. Агар номзодлардан бирортаси ҳам етарлича овоз олмаса, қайта овоз бериш ўтказилади, бунда номзодлар рўйхатида нисбатан кўп овоз олган 2 та номзод қолдирилади. Баъзан қайта овоз бериш ўрнига 2-тур овоз бериш ўтказилади, бунинг натижалари бошқача тизим бўйича аниқланади (мас., Францияда Миллий мажлис — парламентга сайловларда мутлақ кўпчилик овозига асосланган мажоритар тизим, 2-тур овоз беришда эса нисбатан кўпчиликнинг овозига асосланган мажоритар тизим қўлланилади). Нисбатан кўпчилик овозига асосланган мажоритар тизим энг содда тизим бўлиб, бунда номзодлар орасидан ўз рақибларининг ҳар бирига нисбатан кўп овоз олгани сайланган ҳисобланади. Бу тизимда кўпинча сайловчиларнинг қўллаб-қувватлашига эга бўлмаган партия парламентда кўп ўринга эга бўлиши мумкин. АҚШ, Буюк Британия ва б. бир қанча давлатларда мажоритар тизимнинг ана шундай шакли қўлланилади. Шунингдек, мажоритар тизимнинг камданкам ҳолларда қўлланиладиган яна бир тури-малакали кўпчилик овозига (умумий овозларнинг 2/3, 3/4 қисмига) асосланган мажоритар тизим ҳам мавжуд (мас, Чилида парламентнинг қуйи палатаси — Депутатлар палатасига сайловларда шундай тизим қўлланилади). Бироқ, бунда фақат жуда оз номзодлар сайловчиларнинг 65% овозини олиши мумкин бўлганлиги учун, мандатлар, одатда, вакилликнинг пропорционал тизими бўйича тақсимланади. Ҳар бир сайлов округидан сайланадиган депутатларнинг сонига қараб бир мандатли ёки кўп мандатли мажоритар сайлов тизимлари бўлиши мумкин. Бир мандатли мажоритар тизимда бир округдан бир депутат сайланади. Кўп мандатли мажоритар тизимда бир округдан бир неча депутат сайланади.

Пропорционал С. т. овоз бериш натижаларини аниқлашнинг бирмунча мураккаб тартиби бўлиб, бунда мандатлар ўз номзодларини вакиллик органларига қўйган сиёсий партиялар ва б. оммавий ҳаракатлар ўртасида улар томонидан олган овозларнинг сонига мос равишда тақсимланади. Пропорционал С.т.да катта-катта сайлов округлари тузилиб, уларда ҳар бир партия ўз вакилларининг рўйхатини илгари суради, сайловчилар эса тегишли партиялар ёки оммавий ҳаракатлар томонидан кўрсатилган вакилларининг рўйхати учун овоз беради. Овоз бериш натижаларини аниқлаш учун сайлов мезони (ёки квота), яъни бир депутатлик мандатини олиш учун керак бўлган овозлар миқдори (одатда, камида 4—5% қилиб) ўрнатилади. Бунда, шартга кўра, муайян жамоат бирлашмаларининг номзодлари ана шу белгиланган овозларни олтанган ке-йингина мандатларни тақсимларда қатнашади. Аввало сайловчилар берган овозлар миқдоми депутатлик ўринларининг сонига бўлинади. Шунда битта мандат доирасидаги овозлар сони маълум бўлади. Кейин ҳар бир партия олган овозлар алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқилади. Бу миқдор депутатнинг бир мандати учун зарур бўлган овозлар миқдорига бўлинади. Шунда мазкур сиёсий партия ёки оммавий ҳаракатга берилган депутатлик ўринлари сони келиб чиқади. Бундай тизимда сайловчи амалда номзод учун эмас, балки сиёсий партия учун овоз беради. Сайловчиларнинг овози белгиланган мезёр доирасида ва мутаносиб равишда депутатлар мандатлари сонини келтириб чиқаради. Бу ўринлар партия раҳбар органлари томонидан партиявий рўйхатнинг бош қисмидан жой олган номзодларга берилади. Пропорционал С.т. Исроил, Венгрия, Австрия, Дания, Испания, Польша ва б. мамлакатларда мавжуд.

Аралаш С.т. ўзида ҳам мажоритар, ҳам пропорционал сайлов тизимлари элементларини мужассам этади. Мас., Германияда Бундестагга сайловларда аралаш тизим қўлланилади. Унинг депутатларининг ярми бутун мамлакат ҳудудини қамраб олган бир мандатли сайлов округларида нисбатан кўпчилик овозига асосланган мажоритар тизим бўйича, 2-ярми эса, кўп мандатли сайлов округлари ҳисобланган ерлар (федерация субъектлари)да сиёсий партиялар томонидан илгари сурилган номзодлар рўйхати асосида пропорционал тизим бўйича сайланади. Аралаш сайлов тизими Болгария, Грузия, Литва, Италия ва б. мамлакатларда ҳам қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг С.т. мамлакат Конституцияси ва сайлов тўғрисидаги тегишли қонунлар б-н тартибга солинади. Уларга биноан, Ўзбекистонда мажоритар С.т. қўлланилади. Мас., Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод сайлов округи бўйича овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг ярмидан кўпининг овозини олиши керак. Агар сайловчиларнинг рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ярмидан ками сайловда иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб ҳисобланади. Агар сайлов округи бўйича 2 тадан ортиқ номзод овозга қўйилган бўлса ва улардан биронтаси ҳам кўпчилик овозини ололмаса, яъни депутат бўлиб сайлангай қолса, округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган 2 нафар номзодни округда такрорий овозга қўйиш тўғрисида қарор қабул қилади. Бу қарор Марказий сайлов комиссиясининг қарори асосида 2 ҳафта ичида такрорий овоз бериш ўтказилади.

Ҳайдарали Муҳаммедов.

САЙЛОВ УЧАСТКАСИ (ЎзР да) — сайловда овоз бериш ва овозларни ҳисоблаш учун ташкил этиладиган ҳудудий бирлик ва бино. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида» (янги таҳрири, 2003 й. 29 авг.), «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида» (1991 й. 18 нояб.), «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида» (1994 й. 5 май), «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида» (янги таҳрири, 2001 й. 30 авг.), «Ўзбекистон Республикасида депутатни чақириб олиш тартиби тўғрисида» (1996 й. 26 апр.)ги қонунларда сайлов участкалари тузиш тартиби алоҳида моддада белгиланган. С.у. туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда, сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида ташкил қилинади. С.у. ҳарбий қисмларда, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги колатхоналари ҳузурида, шунингдек, олис ва бориш қийин бўлган ерларда ҳам тузилади. С.у., қоида тариқасида, камида 20 нафар ва кўпи б-н 3 минг нафар сайловчидан иборат этиб, округ сайлов комиссияси томонидан сайловга камида 60 кун қолганда, алоҳида ҳолларда эса, истисно тариқасида сайловга камида 5 кун қолганда тузилади.

Абдужаббор Тўлаганов, Абдуғани Чўлиев.

САЙЛОВ ЦЕНЗЛАРИ — конституция ёки сайлов тўғрисидаги қонунларда белгиланган *сайлов ҳуқуқини* амалга оширишда ўрнатилган шарт ва чекловлар. Цензлар турли хил бўлиши мумкин; жинс ва ёш цензи (аёлларнинг сайлов ҳуқуқини амалга оширишига рухсат бериш ёки чеклаш; муайян ёшга тўлганда сайлов ҳуқуқини амалга ошириш); иқтисодий ва мулкий ценз, маълумотлилик, ўтроқлилик, фуқаролик цензи ва б. Цивилизация ривожлана борган сари, у ёки бу цензлар инкор этила борган. Мас., дастлаб сайлов ҳуқуқи фақат эркакларга берилган, лекин 20-а.га келиб эркаклар ва аёллар ҳуқуқи тенглаштирилган. 19- ва 20-аларда табақавий ва мулкий цензлар кенг қўлланилди. Муайян табақа вакиллари (ишчилар, деҳқонлар, ҳарбий хизматчилар ва б.)нинг сайловларда иштирок этишига йўл қўйилмаган, муайян мулк ва даромадга эга бўлган шахсларгина сайлаш ҳуқуқига эга бўлган. Мулкий, жинсий, ирқий цензлар демократия тамойилларига тўғри келмаслиги учун улардан воз кечилди. Ҳоз. вақтда ҳар бир давлатнинг сайлов тўғрисидаги қонунларида С.ц. белгиланган доирада амалда мавжудлир.

Сафриддин Хайдаров.

САЙЛОВ ҲУҚУҚИ — 1) давлат бошқаруви, вакиллик органлари ва б. ни сайлаш тартибини белгилаб берувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси. Конституциявий ҳуқуқ тармоғига киради. С.ҳ., одатда, конституция ва сайлов тўғрисидаги махсус қонунлар б-н белгиланади. Уларда номзодлар кўрсатиш тартиби, вакиллик нормалари, овоз бериш натижаларини аниқлаш тартиби ва б. белгилаб берилади.

Ўзбекистон Республикасида С.ҳ. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида» (1991 й., 18 нояб.), «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида» (янги таҳрири, 2001 й. 30 авг.), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида» (янги таҳрири, 2003 й. 29 авг.), «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида» (1994 й. 5 май), «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» (1999 й. 14 апр.), «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида» (1994 й. 5 май), «Ўзбекистон Республикасида депутатни чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги (1996 й. 26 апр.) қонунлар ва б. ҳужжатларда ўз ифодасини топган; 2) Фуқароларнинг сайловда овоз беришда иштирок этиш, сайлаш ҳуқуқи (фаол С.ҳ.) ва сайлов асосида ташкил этиладиган давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайланиш ҳуқуқи (пассив С.ҳ.). Ўзбекистонда фу-

қароларининг фаол С.ҳ. умумий, тенг, тўғридан тўғри ва яширин овоз бериш принциплари асосида амалга оширилиши белгиланган. Ўзбекистонда сайлаш ҳуқуқига ЎзР Конституциясининг 117-моддаси 2-бандига биноан, 18 ёшга етган барча Ўзбекистон фуқаролари эгадирлар. Бу умумий овоз бериш ҳуқуқи ҳисобланади. Тенг сайлов ҳуқуқида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг овоз беришда иштирок этиши тушунилади. Тўғридан тўғри С.ҳ.да Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайловда шахсан ўзи иштирок этиб, бирон бир шахснинг кўрсатмасисиз ўз хоҳиш иродасини ифода этиб овоз бериши таъминланади. Яширин овоз бериш С.ҳ.да Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайловда овоз бераётганда бошқа бирон бир шахснинг иштирокисиз ўз хоҳишини яширин билдириш имконияти таъминланиши тушунилади. Ўзбекистон фуқароларининг пассив С.ҳ. қуйидагича белгиланган: фуқаролар халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатлигига сайланиш учун 21 ёшга, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига ва Сенатга сайланиш учун 25 ёшга, республика Президентлигига сайланиш учун эса 35 ёшга етган бўлиши керак. Президент бўлиб сайланиш учун номзод сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган бўлиши ва давлат тилини яхши билиши, Олий Мажлиснинг қуйи ва юқори палаталарига депутатликка сайланиш учун камида сўнгги 5 йилда Ўзбекистонда доимий яшаган, жиноят қонунчилиги бўйича олдин оғир жиноят содир этиб судланмаган бўлиши керак.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг раислиги (оқсоқол)га тавсия этилаётган шахс, қонда тариқасида, олий маълумотли бўлиши, ташкилотчилик қобилиятига, раҳбар лавозимида иш тажрибасига, аҳоли ўртасида ҳурмат ва обрў-эътиборга эга бўлмоғи зарур.

С.ҳ. сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва б. нодавлат нотижорат ташкилотларини шакллантиришда ҳам амал қилувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари тизимига киради. Бу ЎзРнинг Конституцияси ва қонунлари б-н кафолатланган.

Абдужаббор Тўлаганов.

САЙМА — Финляндиянинг жан.-шарқий қисмидаги кўллар системаси. Майд. 4400 км² (энг каттаси — Сайма кўли, майд. 1800 км²), энг чуқур жойи 82 м. Қирғоқлари кучли емирилган, тик; ороллари кўп. Декдан майгача музлайди. Вуокса дарёси орқали Ладога кўлига оқади. Ороллларда миллий парклар ташкил қилинган. Кема қатнайди, ёғоч ташилади. Сайма канали орқали Фин кўлтиғи б-н боғланган. Лапперанта, Савонлинна ва б. портлар бор.

САЙМОН (Simon) Герберт Александр (1916.15.6, АҚШ, Миллуоки, Висконси штати — 1985) — америкалик иқтисодчи. Чикаго ун-тини тугатган. Иллинойс технологик ин-ти ва Карнеги-Меллон ун-тларида ўқитувчи (1949 й.дан). Унинг илмий талқиқотлари ҳоз. замон иқтисодиёт фанининг ташкилот (фирма)ларда қарорлар қабул қилиш назарияси, менежмент, эвристик дастурлаштириш соҳаларига бағишланган. «Маъмурий хулқ» (1947) асарида фирма назариясини ривожлантирди ва қарорлар қабул қилиш назариясини асослаб берди. Амалда замонавий фирма бошқарувчилар гуруҳи томонидан бошқариладиган, мулк ҳам, назорат ҳам тақсимланган йирик иқтисодий бирликдан иборат. Фирма қарорлари, янги даврда классик якка тадбиркор ўрнига ўзаро ҳамкор раҳбарлар гуруҳи томонидан қабул қилинади ва бундай қарорларда ҳар бир аъзонинг манфаати ётади. Алоҳида фирмалар фойдани максималлаштиришга эмас, балки муаммоларнинг мақбул ечимларини топишга интиладилар. Қарорлар қабул қилувчи гуруҳ энг муқобил ечимни танлай олмагани сабабли қониқарли муқобил қарорлар б-н қаноатланишлари лозим. Нобель мукофоти лауреати (1978).

Ас.: Наука об искусственном, М., 1972.

САЙО ЖАНГИ (1241) — *Ботухон*нинг Венгрия қироли *Бела IV* б-н қилган жанги. Пешт ш. қамалини бўшатиб қайтаётган мўғуллар йўлини тўсиш, Сайо дарёси кўпригини кўриқлаш мақсадида венгер қўшини қўйиллари 7 та манжаниқдан ўққа тутиб қувиб юборган ва дарёдан ўтиб венгер қароргоҳини қуршовга олган. Венгерлар саросимага тушиб қолганлар, уларнинг қуршовни ёриб чиқиш учун қилган икки ҳужуми натижа бермаган. Венгерлар истеҳкомларини ташлаб қоча бошлашган. Мўғуллар уларга дахл қилмай ўтказиб юборавершган, бошқа венгер жангчилари омон қолишнинг бирдан-бир йўли қочиш деб ҳисоблаб олдингилар кетидан қочишга тушган. Буни кўрган Бела ҳам қароргоҳни тарк этган. Мўғуллар уларни маълум ергача кузатиб бориб, улар ҳолдан тойганларини сўи бир ҳамла б-н янчиб ташлашган. Бу жангда венгер армиясининг катта қисми қирилиб кетган. Қирол ўз отининг чопқирлиги туфайлигина жон сақлаб қолган. Мўғуллар жангда тушган улжалар ичидан қирол муҳрини топиб оладилар. Бегумон саводхон асирлар топтириб, уларга қирол номидан ўйлаганиш тарк этмасликлари ҳақида сохта хат ёздирадилар. Венгерлар бу ҳийлага учиб уйларида ўтириб ёлғонининг қурбони бўладилар. Бу галабадан сўнг мўғуллар Пештга юриш қилиб, уни ялпи ҳужум б-н қўлга олишган, аҳолисини қириб ташлаб, шаҳарни вайрон этишган.

Ад.: Иванин М., Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур, Т., 1994.

САЙРА (Cololabis saira) — саргансимонлар туркумига мансуб тўда бўлиб яшовчи денгиз балиғи. Уз. 36 см гача, вазни 200 г гача, Тинч океанининг шим. қисми ва Япон денгизида тарқалган. 5—6 й. яшайди; 3—4 ёшида вояга етади. Январь — июнь ойларида Япон денизи жан. қисмига 9—23 минг уюлдирик ташлайди. Уюлдириқлари ёпишқоқ иплар ёрдамида сув ўтларига илашиб қолади. Планктон б-н озиқланади. Овланади.

САЙРАМ — қадимги шаҳар ва вилоят. Арис дарёси водийсида (Чимкент ш.дан 8 км узоқликда) жойлашган. Тарихда *Исфижоб*, Ўрунгкент, Еттикент, Мадинат ул-байзо, Сарём номлари б-н ҳам аталган. С. қалъасининг қад. ўрни қайд этилади. С. қалъасининг қад. ўрни 28 га дан кўпроқ жойни эгаллаган. Қалъа биринчи марта 840 й.да сомонийлар амири *Нуҳ ибн Асад* томонидан бунёд этилган. Кўчманчилардан сақланиш учун девор жуда қалин қилиб қурилган. Шаҳарнинг барпо этилган яқин пайтларгача 1,5 минг йилдан кўпроқ вақт ўтган деб юритиларди. 1988 й.ги археологик қазишмалар шаҳарнинг анча илгари бунёд қилинганлигини исботлади. Қад. аждодлар яшаган манзилгоҳдан 1-а.га оид буюмлар топилди. 6—19-а. давомида С. 13 марта босқинчилар ҳужумининг гувоҳи бўлган. Манбаларда С. номи биринчи марта Хитой сайёҳи Сюань Цзан (7-а.) томонидан тилга олинади. Араблар босиб олгунига қадар, С. халқи буддизм, зардуштийлик, христианлик динларига эътиқод қилган. Мас., унинг кўҳна дарвозаларидан бирининг номини будда ибодатхонаси сифатида таржима қилиш мумкин. Муҳаммад Шайбонийхон 15-а. охирида Ўтрор, Ясси ва С. шаҳарларини ўз қўлига олади. Бу давр-даги тарихий ёдгорликлардан Абдул Азиз бобо ва Қорасоч мақбараси диққатга сазовор.

дир. 1510 й. қозоқ хони Қосимхон шайбонийлар қўшинини тор-мор қилиб, С.ни Тошкентга борадиган муҳим тараянч манзилига айлантирди. Бу ва ундан кейинги султон Абулхайр даврларида С.дан 3 км узоқликда жойлашган Мортепада қозоқлар давлатининг Кичик жуз, Ўрта жуз ва Катта жуз вакиллари ҳар йили май ойида тўпланишиб, қарорлар қабул қилишган, кейин уни Туркистонда тасдиқлашган. Улар эъзоз б-н С.ни она шаҳар, Туркистонни ота шаҳар деб билишган. 1683 й. С. Абулхайр ихтиёрида бўлган бир пайтда жунғорлар (қалмоқлар) ҳужуми бошланган. Қалмоқ хони Хунтайжи С.ни талаган, 40 минг асир ҳайдаб кетилган. Асирлар бир йил мобайнида Или дарёси бўйида ушлаб турилган, сўнгра қал. Турфанга ҳайдаб кетилган. Кейинчалик асирлар Қашқарда ўзларининг бой С. шаҳарини барпо этишган. 1758 й. С. Қўқон хонлиги ҳудудига қўшиб олинди. 1864 й. Россия босиб олган. 1917 й.га қадар С.да 35 та масжид бўлган. Ҳоз. кунга келиб сақланиб қолган тарихий ёдгорликлар: Қози Байзово мақбараси, жоме масжидн қолдиқлари, Хизр масжид ёнидаги мезана, Мирали бобо мақбараси, шунингдек, шаҳар марказидаги ер ости йўли (уз. 3 км дан ортиқ). Душман ҳужум қилган пайтда аҳоли ушбу ер ости йўлидан фойдаланган. Шаҳар эски қалъасини бузиш пайтида 13-а.га оид танга пуллар, бир-бирига ҳеч ким кийдирилган сопол қувурлар, сопол буюмлар, эски ўчоқ ўрни ва б. топилган.

Аҳмад Зргашхўжаев.

САЙРОҚИ ҚУШЛАР (Oscines) — чумчуқсимонлар кенжа туркумига мансуб қушлар. 40 га яқин оиласи бор. Оилалар бир-биридан фақат ташқи тузилиши б-н фарқ қилади. С.қ. кекирдаги пастки қисмида жойлашган овоз пайлари ўзига хос мураккаб тузилганлиги жарангдор сайраш хусусиятига эга (*булбул*, қораялоқлар, *канарейкалар* ва б.). С.қ.нинг асосан, нари, баъзан модаси ўз жуфтини жалб қилиш, хавф-

Сайроқи қушлар: *1* — қалдирғоч; *2* — яшил кўргалак; *3* — олачипор пашшатутар; *4* — оқ жағбилажибон.

дан огоҳлантириш учун сайрайди. Ўзбекистонда 30 га яқин тури учрайди.

САЙФИ ЖАЛИЛ (тахаллуси; асл исми-шарифи Жалилов Жалил) (1932.20.6, Самарқанд — 2003.11.2, Тошкент) — композитор, созанда, дирижёр. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1977). Ўзбекистон халқ артисти (1988).

Тошкент консерваториясини тугатган (1967). Ўзбек давлат филармонияси халқ чолғу асбоблари оркестри созандаси ва дирижёр (1950—66), «Шодлик» ансамбли бадиий раҳбари (1970—71), консерваторияда ўқитувчи (1967 й.дан), проф. (1990 й.дан), кафедра мудири (1992—98). Ижодини лирик қўшиқлар («Кел, эртароқ», «Она юртим» ва б.), романс-лар («Айт», «Кечалар юлдуз сароман» ва б.), камер-чолғу ва оркестр пьесалари, сюита ва квартетлардан бошлаган. Кейинчалик, симфоник оркестр учун яратган «Тошкент манзаралари» (1966), «Қалам қошларим» (1967) мусиқали комедияси, «Наво-бий Астрободда» (1967, Ю. Ражабий б-н) мусиқали драмаси ва, айниқса, танбур ва ўзбек чолғу асбоблари оркестри учун «Қалбимда» поэмасида ўзбек анъанавий бастакорлик услубини европача композиторлик ижодиёти тамойиллари б-н узвий уйғунлаштиришга эришган. Скрипка ва оркестр учун 2 концерт (1974, 1995), Ўзбекистонда биринчи виолончель ва оркестр учун концерт (1975), 2 та симфония (1978, 1983), «Зебуннисо» (1986) ва «Маликаи айём» (1987) опералари, «Шарқ фрескалари» (1988) балети муаллифи. «Лақма», «Тўланой», «Юлдузлар жамоли», «Шайтон муридлари», «Кампир кетармиш» каби асарлари б-н ўзбек мусиқали комедияси ва драмаси ривожига катта ҳисса қўшган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати (1979).

САЙФИ САРОЙИ (1321, Хоразм вилояти Сариқамиш қишлоғи — 1398, Искандария) — шоир, таржимон. Мардиказий Осиёда мўғуллар истилоси даврида яшаган, ўз ватанини тарк этишга мажбур бўлган, умри дарбадарликда кечган. Кейинчалик Олтин Ўрда (Сарой ш.), Миср ва Туркияда яшаган. Форс, араб тили, адабиёти, тарихи ва халқ оғзаки поэтик ижодини мукаммал ўрганган, дирик шоир, қасиданавис, эпик достончи ва таржимон сифатида танилган. Бизгача унинг 10 дан ортиқ газал, қасида, қитъа, рубоий, «Суҳайл ва Гулдурсун» достони, «Гулистони бит-туркий» асари етиб келган. «Синдбоднома»ни ўзбек тилига қилган таржимаси сақланмаган. Шеърларида ватанпарварлик, одамийлик, инсон қадр-қиммати, дўстлик, муҳаббат мотивлари б-н бирга ижтимоий мавзу ҳам куйланган («Кўнгул», «Топилмас», «Эрур» ва б.).

С. С. *Саъдий*нинг «Гулистон» асарини ўзбек тилига биринчи бўлиб таржима қилиб, ярим оригинал, фалсафий-ахлоқий «Гулистони бит-туркий» асарини яратган (1391). Саъдий асарининг асосий мазмуни олиб, уни замона руҳини ва маҳаллий муҳитни акс эттирувчи янги ҳикоятлар, қитъа ва байтлар б-н тўлдирган. Асар 8 боб, ҳар бир бобда ҳикоятлар бор. Ҳикоятларнинг кўпчилиги дидактик мазмунда. Шоир панд-насиҳат қилиш йўли б-н адолат ва осойишталик ўрнатиш, золим подшо ва амалдорларни инсоф ва адолатга чақириш, давлатни қатъий қонун-қоидалар асосида бошқариш, кишилар хулқ-атворини яхшилаш мумкин, деб ўйлайди. Шу мақсадда тўғрилик, ростгўйлик, садоқат ва марҳамат каби фазилатларни тарғиб этади. Асар катта адабий ёдгорлик, қад. туркий тилни ўрганишда ҳам муҳим манбадир. Унинг ягона қўлёзмаси Голландиядаги Лейден ун-тида (инв. №1355), фотонусхаси, «Суҳайл ва Гулдурсун» дос-тони қўлёзмаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади.

Ас.: Шеърлар, Гулистон, Т., 1968.

Ад.: Маллаев Н., Ўзбек адабиёти тарихи, 1-китоб, Т., 1976; Ўзбек адабиёти тарихи [5 жилд], 1-ж., Т., 1977.

Бегали Қосимов.

САЙФИ ҚУДАШ (тахаллуси; асл исм-шарифи Қудашев Сайфи Фаттахович) [1894.21.9 (3.10) — Бошқирдистон Республикаси, Чишма тумани Кляшево қишлоғи —1994] — Бошқирдистон халқ шоири (1964). Уфадаги «Олия» мадрасасида таҳсил кўрган. Сўнг Қозогистонда ўқитувчи бўлиб яшлаган. Июдан 1913 йлдан бошланган. Дастлабки шеърларида бошқирд халқи чеккан азоб-уқубатлар туфайли мустамлакачиларнинг зулм ва зўравонлигига қарши норозилик («Мен яшаган муҳит», «Дунё», «Қачон тугайди?» ва б.), ҳақсиз-ҳуқуқсиз хотин-қизлар қисматига хайрихоҳлик («Салима», «Бечора Муслима» ва б.) оҳангларни ўз ифодасини топган. «Озодлик қўшиғи» (1917), «Омоч қўшиғи» (1926), «Кураш қаҳрамони» (1928), «Республика куйлайди» (1940), «Чин қалбдан» (1944), «Севгим» (1956),

«Япроқлар тўкилганда» (1960), «Менинг боғчамда» (1964), «Шеърлар» (1974) сингари ҳаётсеварлик гоялари ёритилган шеърий тўпламлар, бошқирд халқининг совет давридаги ҳаётини тасвирлашга бағишланган «Чаманзорда», «Темирчи дўконида» (1920), «Хат» (1930) достонлари, «Қўшқайин» (1936) шеърий романи ва «Ёшлик изидан» (1964) хотиралар китоби муаллифи. «Баҳорни қаршилаганда» тарихий биографик қиссаси (1954) А. Тўқай ва М. Гафурийнинг дўстлиги тарихига бағишланган. «Хотирга келган дақиқалар» китоби (1957) ушбу қиссанинг давоми бўлиб, ундан Бошқирдистон, Татаристон ва Қозоғистоннинг 1910—30 йиллардаги адабий ҳаётига оид хотиралар ўрин олган. С. Қ. *Гафур Ғулом* каби ўзбек шоирлари ёритган яқин ижодий алоқада бўлган. Айрим шеърлари ўзбек тилига таржима қилинган.

САЙФИДДИН БОҲАРЗИЙ (1190.8.9, Хуросонининг Боҳарз қишлоғи — 1261.20.10, Бухоро) — *кубровийлик* тариқатининг йирик намояндаси, мутасаввиф ва шайх. Ҳирот ва Нишопур мадрасаларида таҳсил олган. Макка ва Мадинага сафар қилган. Кейинчалик Хоразм ва Бухорода муқим яшаган. Кўҳна Урганчда Нажмиддин *Кубродан тасаввуф* таълимотини ўрганган ва унинг халифаси сифатида кейинчалик кубровийлик тариқатини ривожлантирган. С. Б.дан кубровийликнинг ҳинд шохобчаси — фирдавсия бошланади.

*Жомий*нинг ёзишича, С. Б. Кубро томонидан Бухорога юборилган ва у бу ерда 40 йилдан ортиқ яшаган. У мўғуллар босқинига қаттиқ қаршилик кўрсатган. С. Б. нинг халқ ўртасидаги кучли нуфузидан чўчиган мўғул ҳукмдорлари у б-н ҳисоблашишга мажбур бўлишган. «Тарихи Банокатий» (15-а.) асарида келтирилишича, мўғул хоқонлари Мункэхон (1251— 60), Ҳулагухон (1256—65), Хубилайхон (1260—94)ларнинг онаси — Суюркўктани бека (Тулуйнинг беваси) Бухорода Хония мадрасаси ва хонақоҳ қурдириб, унга жуда кўп қишлоқларни вақф қилган ҳамда шайх С.Б. ни муаррис ва мутавалли қилиб тайинлаган. Туркистондаги ижтимоий-сиёсий ҳаётда шайхнинг ўрни катта бўлган. *Олтин Ўрда* хони *Беркахон* ҳам унга эътиқод қилиб Бухорога келган ва пирга мурид тушиб, ислом динини қабул қилган (13-а.нинг 50-йиллари). Беркахон мусулмон бўлгач, ўзига Баракахон номини олган ва Шим. Кавказдан то Сибиргача чўзилган улкан давлати ҳудудида ислом динини жорий қилиб, масжид ва мадрасалар қурдирган. Бу воқеадан сўнг С.Б.га Шайх ул-олам (Олам шайхи) унвони, Бухоро ш.га эга, Бухорои шариф мақоми берилган. С. Б. араб ва форс тилларида «Шарҳ ал-асмо ал-ҳусно» («Аллоҳнинг гўзал исмлари шарҳи»), «Рисола дар ишқ» («Ишқ ҳақида рисола»), «Воқеан хилват» («Хилватлари воқеа»), «Рубоиёт», «Рўзнома», «Васиятнома» ва б. асарлар ҳамда тўртликлар ёзган. С. Б. Фатҳобод мавзеида (Қарши ларвозаси рўпарасида) дафн этилган. Қабри устига мақбара қурилган (қ. *Сайфиддин Боҳарзий мақбараси*).

Ад.: Алишер Навоий, Насойим ул-муҳаббат (Мукаммал асарлар тўплами, 20 жилд, 17-ж., Т., 2001; Тримингэм Дж., Суфийские ордена в исламе, М., 1989; Гафурова Р. Л., Китоби Муллазаде, Т., 1992; Бухоро Шарқ дурдонаси, Т., 1997.

Қаҳрамон Раҳабов.

САЙФИДДИН БОҲАРЗИЙ МАҚБАРАСИ — Бухородаги меъморий ёдгорлик (13—14-а.лар). Бухоронинг шар-қий қисми (эски Фатҳобод мавзеида) 2 мақбара — *Баёнқулихон мақбараси* ва С.Б.м. бунёд этилган. С.Б.м.нинг кичик гўрхонаси (13-а. 2-ярми) ва зиёратхонаси (14-а. 2-ярми) чархи гумбазли. Бош тарзидаги пештоқ чуқур равоқли, 2 ёнига гулдасталар ишланган. Пештоқ ва гулдаста оралиғидаги ясси меҳробий токчаларга туйнуклар қилинган. Пештоқ юқорисида равоқли дарчалар бор. Зиёратхона ва гўрхона ичидаги гумбаз ости бағали 8 ва 16 қиррали муқарнас безаклар б-н тўлдирилган. Мақбарага Шайх *Сайфиддин Боҳарзий*, унинг 2 ўғли Жамолиддин Муҳаммад ва Мазҳариддин Мутаҳҳар, шунингдек, невараси Абу Муфахир Яҳё, эваралари Хованд Бурҳониддин, Руҳиддин Шайх Довудлар дафн этилган. Амир Темур Бухорога ташриф буюрганида Шайх қабрини албатта зиёрат қилган. Унинг фармони б-н мақбара обод қилиниб, зиёратхона ва шарқий пештоқ қурилган. Шайх қабри устидаги ёғоч сағананинг жалили услуби, зарҳал безаклари Амир Темур даври ёғоч ўймакорлиги санъатининг ноёб ёдгорлиги ҳисобланади. Сағанада тутилган ва вафот этган сана. Қурьонлар оятлар, Шайхни мадҳ этувчи мадҳиялар, ранг-баранг нақшлар ўзаро уйғунлашган. Мустақилликдан кейин С.Б.м. қайта таъмирланиб, ёдгорлик атрофида гўзал Фатҳобод боғи бунёд этилди.



Сайфиддин Боҳарзий мақбараси.

Ад.: Немцева Н. Б., Ханака Сайф ад-дина Бохари в Бухаре, Бухара, 2003.

САЙФИЙ БУХОРИЙ, Мавлоно Сайфий, Сайфий Арузий Бухорий (14-а. 2-ярмида — Бухоро —1503) — шоир, адабиётшунос олим. Бухоро ва Ҳирот мадрасаларида таҳсил олган. Султон Ҳусайн Бойқаро Хуросон ҳукмдори бўлгач, 15-а. 70-йилларида Ҳиротга борган ва у ердаги адабий муҳитда ном қозонган. «Саноеъ ул-балоеъ» номли китоби Ҳиротда шуҳрат қозонган бўлиб, ундаги юз ғазалнинг ҳар бири битта касб ва санъат соҳасига бағишланган.

С.Б.нинг 2 та девони ҳамда «Рисолан аруз» ва «Рисолан мусиқий» асарлари мавжуд. 1-рисолада шеър ва шоирлик, аруз қонун-қоидалари, баҳри ва доиралари анчайин содда ва равон тил ҳамда услубда талқин этилган. У ўз ғазалларида деҳқонлар ва касб-ҳунар эгаларини мадҳ этган.

С.Б. Мовароуннаҳрга қайтгач (1487), бир неча мудлат Самарқанд ҳокими Бойсунқур Мирзога мураббийлик қилган. 1498 й.да у Бухорога қайтган ва шу ерда вафот этган.

Ад.: Алишер Навоий, Мажолис ун-нафоис [Мукаммал асарлар тўплами, 20 жилд, 13-ж., Т. 1997; Бобур З. М., Бобурнома, Т., 2002; Ҳасанхожа Нисорий, Музаккири аҳбоб, Т. 1993.

САЙФУДДИН, Ҳожи Сайфуддин (? — 1401, Нишопур) — Амир Темурнинг яқин сафдоши ва атоқли саркардаларидан бири. Нукуз уруғи вакили. Соҳибқироннинг тахт тепасига келишида, мўғулларни Мовароуннаҳр сарҳадларидан қувиб чиқаришда С. Жокулар, Довуд Аббос баҳодир, Сулаймоншоҳ, Довуд каби беклар қатори жонбозлик кўрсатган. 1365 й.да юз берган *Жанги лойда* С. Амир Темур қўмондонлик қилган жанговар — сўл қанотнинг қўл-маркази-дан ўрин олган. 1365 й. Соҳибқироннинг 243 нафар сафдоши, 12 минг кишилик лашкари б-н Нахшабда турган амир Ҳусайнга қарши юриш қилади. Ушбу юришда бошқа хос беклар қатори С. ҳам жасорат кўрсатган. С.га амири лашкар ва тавочи мансаби берилади. 1371 й. С. Соҳибқирон томонидан Самар-қанд дорус-салтана доругаси этиб та-йинланган (1371—75). 1377 й.нинг қишида ҳаж амалини бажо келтирган. Илми ҳарб, илми нужум, илми шариатдан мукаммал хабардор бўлган С.ни Соҳибқирон дипломатик музокараларга олиб боришга жалб этган. 1383—87 й.ларда С. Эрон, Озарбайжон, Ироққа қилинган ҳарбий ҳаракатларда *Мироншоҳ* қўшинини сафида қатнашган. 1388 й.нинг ноябрда Амир Темур С.ни *ўтуруқ*(обоз)ка қўмондон қилиб тайинлаб уни Самарқандга узатган. 1391 й.даги *Қундузча жангида* С. Мироншоҳ бошчилигидаги ўнг қўл қисм қунбузлиги сарлорлик қилган. Жангдан сўнг Соҳиб-қирон ўтуруқни пойтахтга етказишни яна С.га юклаган. 1393 й. С. Гуржистон юришида иштирок этган. С.нинг саркардалик истеъдоди, матонати, тадбиркорлиги 1395 й. *Терек дарёси бўйидаги жанг*да яққол намоён бўлган. Боязид Йилдиримга қарши юриш даврида, Амир Темур қўшинига қўшилиш мақсадида Самарқандлан *Муҳаммад Султон* мирзо б-н сафарга чиққан С. Нишопурга етгач, бетоб бўлиб вафот этади.

Ад.: Низомиддин Шомий, Зафарнома, Мовароуннаҳр воқеалари, 1360—1370, Т., 1994.

Ҳамидулла Дадабоев.

САЙФУЛЛАЕВ Фуат Хатипович (1911.17.8, Оқтўба ш., Қозоғистон — 1989.26.2, Тошкент) — ҳуқуқшунос олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1964), проф. (1983). Ўзбекистон МИК қошидаги Совет қурилиши ва ҳуқуқ ин-тини тугатган (1936). С. Тошкент юридик ин-ти (факультети)нинг фуқаролик ҳуқуқи кафедраси проф. бўлиб ишлади. Унинг раҳбарлиги ва бевосита иштирокида фуқаролик ҳуқуқига оид бир қатор қонун лойиҳалари тайёрланган, дарсликлар ёзилган.

САЙХУН (1991 й.гача Верхневолинское) — Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидаги шаҳарча (1984 й.дан), туман маркази. Яқин т.й. станцияси — Бахт (14 км). С.дан вилоят маркази (*Гулистон* ш.)гача —42 км. Аҳолиси 5439 киши (2003). «Ўнг тармоқ» каналидан сув олади. С.да, асосан, енгил саноат корхоналари фаолият кўрсатади. Шаҳарчада туман ҳокимияти биноси, давлат ва маъмурий ташкилотлари, 2 умумий таълим мактаби, лицей-мактаб, 2 касб-ҳунар коллежи, марказий кутубхона ва унинг 3 та тармоғи, марказий касалхона (160 ўрин), марказий поликлиника ва болалар поликлиникаси, шунингдек, 4 дорихона, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд.

САЙХУНОБОД ТУМАНИ — Сирдарё вилоятидаги туман. 1952 й. Верхневолинское тумани номи б-н ташкил қилинган. 1959 й. Сирдарё ва Гулистон туманлари таркибига қўшилган. 1970 й. 7 декда Ворошилов тумани номи б-н қайта ташкил этилди. 1984 й.дан С.т. номи б-н юритилади.

Шим.да Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон, шарқда Бўка туманлари, шим.-ғарб ва ғарбда вилоятнинг Сирдарё, жан.да Гулистон туманлари б-н чегарадош. Майд. 0,55 минг км². Аҳолиси 61,9 минг киши (2003). Туманда 1 шаҳарча (Сайхун), 7 қишлоқ фуқаролари йиғини (Гулистон, Истиқлол, Иттифоқ, Нурота, Шўрўзак, Янгиҳаёт, Ўзбекистон) бор. Туман маркази — *Сайхун* шаҳарчаси.

Табиати. С.т. Мирзачўлининг шарқида жойлашган. Рельефи пасттекислик. Грунт сувлари шўр. Туман ҳудудидан «Ўнг тармоқ» канали оқиб ўтади (туман ҳудудидаги уз. 31 км). Ундан суғориш учун экин майдонларига кичик тармоқлар чиқарилган (Шўрўзак канали — 15 км ва б.). Шўр сизот сувлар ариқ ва зовурлар орқали Бош Қайир, Шўрўзак ва б. коллекторларга оқади. Туман шарқда Сирдарёга туташган. Паст жойларда баъзан кичик кўллар (Шўркўл, Қолгансир, Кўркўл) учрайди. Иқлими континентал. Ўртача т-ра июлда 28°, янв.да — 2°дан —4° гача. Йиллик ёғин 200—250 мм. Вегетация даври 195—200 кун. Дастлабки кузги совуқ окт. ўрталаридан туша бошлайди, апр.нинг биринчи ярмигача совуқ бўлиши мумкин. Тупроқлари лёсс қатлам устида пайдо бўлган оч тусли бўз тупроқ ва ўтлоқи аллювиал тупроқлардан иборат. Еввойи ўсимликлар (қамиш, янтоқ, ажрик ва б.) ўсл, ариқ, зовур ва кўл четларида учрайди. Ҳайвонлардан еввойи ўрдак, қашқалдоқ, илон, калтакесак, сув қавзаларида балиқлар бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, қозоқ, татар, рус, корейс ва б. миллат вакилари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км²га 121,6 киши (2003). Қишлоқ аҳолиси 56461, шаҳар аҳолиси 5439 киши

Хўжалиги. Деҳқончилик, асосан, пахтачилик — туман хўжалигининг негизини ташкил қилади. Ширкат хўжаликлари пахтачиликдан ташқари ғаллачилик, полизчилик, сабзавотчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Туманда 5 қўшма, 15 кичик, 56 хусусий корхоналар, 24 акциядорлик жамиятлари мавжуд. Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа корхоналари бор. Шулардан пахта тозалаш э-ди, «Оқолтиндон» корхонаси, МТП, автокорхона, туман матлубот жамияти ва ишчилар кооперацияси ишлаб турибди, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд.

Тумандаги экин майдонларига пахта, дон, сабзавот, полиз, ем-хашак экинлари, картошка, беда экилади. С.да 11 ширкат, 795 фермер хўжаликлари фаолият кўрсатади. Туман ширкат ва шахсий хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, от, парранда боқилади. Туман ҳудудидан Катта Ўзбекистон тракти ўтади. Умумий таълим мактаблари, гимназия, лицей, касб-ҳунар коллежи мавжуд. Марказий кутубхона ва унинг тармоқлари, маданият уйлари, болалар мусиқа мактаби бор. Касалхона, тутруқхона, болалар ва катталар поликлиникалари ва б. тиббий муассасалар аҳолига хизмат кўрсатади. «Янги ҳаёт» туман газ. чиқади.

«САЙҚАЛ» — икки қисмли, асосан, танбур, гижжак ва дуторда, 20-а. ўрталаридан созандалар ансамбли томонидан ижро этиб келинаётган ўзбек мумтоз чолғу куйларидан. Уфар доира усулига боғланган. Шашмақомдаги Сегоҳ мақоми йўлларининг вариантн бўлиб, «Сегоҳ» ва «Гиря» ашулаларига ҳамоҳанг. Куй ривожида *пешрав* услуби муҳим роль ўйнайди. Бастакорлар Т. Жалилов ва Ю. Ражабийлар мусиқали драма асарларида С.дан фойдаланган. С.нинг сурнай йўллари кенг тарқалган.

САЙҚАЛИЙ, Ҳисорий, Собирий (тахаллуслари: исми Собир) (1730— Ҳисор — 1798) — шоир. «Қиссан Иброҳим», «Рангноман имом Муҳаммад Ҳанафия», «Ахтамнома», «Равзат уш-шуҳадо» каби диний-дидактик асарлари бор. Уларда Шарқда машҳур айрим сюжетлар қисқа баён этилган. Ғазал, мухаммас, мусаддас, мусамман ва маснавийларида замонасидан, ҳақсизлик ва қашшоқликдан шикоят қилган, инсонни, унинг севгисини улуғлаган. С. ижодида ишқий-саргузашт мазмундаги «Баҳром ва Гуландом» дос-

тони алоҳида аҳамиятга эга. Асар маснавий ва лирик жанрларда аралаштириб ёзилган. Кириш қисмида 20 дан ортиқ ишқий сюжетларни санайди. Унинг асарида халқ оғзаки ижодидаги Баҳром образи асосий қаҳрамон қилиб олинган. Рум шаҳзодаси Баҳромнинг Чин маликаси Гуландомга ошиқ бўлиши ва уларнинг саргузаштлари асарнинг асосий сюжетини ташкил этади. Асарда мардлик, ватанпарварлик, садоқат, мақсадга интилишда собитқадамлик каби олижаноб инсоний фазилатлар тараннум этилган. С. асарлари Марказий Осиё, Қозоғистон, Татаристон ва б. жойларда кенг тар-қалган, бир неча бор нашр этилган. Қўлёзма нусхалари Санкт-Петербург, Тошкент, Ашхобод, Душанба, Самарқанд каби шаҳарлардаги қўлёзмалар фондларида сақланади.

Ас.: Баҳром ва Гуландом, Т., 1960.

Ад.: Абдуллаев В., Ўзбек адабиёти тарихи, 2-китоб, Т., 1967; Ўзбек адабиёти тарихи [5 ж.ли], 4-ж., Т., 1978.

САЙҒОҚ, оққуйруқ (Saiga tatarica) — қувушоҳлилар оиласига мансуб жуфт туёқли ҳайвон. Эркаги гавдасининг уз. 110—140 см гача, бўйи 80 см, оғирлиги 40 кг гача. Урғочиси эркагидан кичик. Шохи оч сариқ, уз. 40 см гача. Урғочиси шохсиз. С. Монголия, Ғарбий Хитойнинг чала чўлларида, Қозоғистон, Қалмиқ чўллари ва Қуйи Волга, Ўрта Осиёнинг шим.да тарқалган. Катта-катта пода бўлиб яшайди, ҳаракатчан,. 70—80 км/соат тезликда югуради. С. — чўл ва даштнинг типик ҳайвони.

Сайғоқ.

У ўтлар б-н озиқланади, қишда жануб томонга қараб кўчади. С. қор қалин тушганда кўплаб ҳалоқ бўлади. Нояб.—дек. да жуфтланади. Бўғозлик даври 5 ойча, бошқа туёқли ҳайвонлардан фарқ қилган ҳолда кўпинча 2 талаи бола туғади. Гўшти ва териси учун овланади. 20-а.нинг бошларида С.нинг сони кескин кама-йиб кетганлигидан 1919 й.дан бошлаб овлаш ман этилган. 1954 й.дан лицензия бўйича овлашга рухсат этилган. Мавсумий овланади. Ўзбекистонда *Сайғоқли давлат буюртма ҳудудида* кўпайтирилмоқда.

САЙҒОҚЛИ ДАВЛАТ БУЮРТМА ҚЎРИҚХОНАСИ (заказники) — сайғоқларни ва улар кўпайдиган ҳудудларни муҳофаза қилиш мақсадида 1991 й.да ташкил этилган. Қорақалпоғистон Республикасининг Қунғирот туманида, Устюрт платосининг шим.-ғарбий қисмида жойлашган. Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига қарайди. Майд. 1 млн.га. Буюртмахонанинг шарқий чегараси Қозоғистон Республикасининг давлат чегарасигача, ғарбий чегараси Атеров (Гурьев) ва Оқтўба вилоятлари чегараларига қадар боради. Устюртда яшайдиган сайғоқлар Қорақалпоғистон ҳудудининг Устюрт қисмида кўпайиб, ёзда Қозоғистон чўлларига кўчади, кузда яна Устюртга қайтади. Бу ҳудудда Ўзбекистон Қизил китобига киритилган туялоқ ва б. ҳайвонлар ҳам яшайди. Буюртма ҳудудида сайғоқларнинг умумий сони 30 мингга яқин (2003).

САК ҚАБИЛАЛАРИ МАДАНИЯТИ — Осиёнинг (жумладан, Ўрта Осиёнинг) дашт, чўл ва тог олди ҳудудларида яшаган кўчманчи аҳоли маданияти. Сак тиллида ёзилган энг қад. манба — Олмаота атрофидаги *Иссиқ* мозорқўрғонидан топилган кумуш идишдаги ёзув бўлиб, у мил. ав. 5-а. б-н саналанади. Сак тилларида битилган ҳужжатларнинг асосий қисми Шарқий Туркистоннинг Хўтан воҳасидан топилган. Улар 7—10-а.ларга оид. Бу ёзувларни ўрганишда Г. В. Бэйли, М. Ж. Дрезден, Л. Г. Герценберг, И. М. Оранскийлар катта ҳисса қўшганлар. Саклар ёдгорликларидан жез ва темирдан ишланган ҳарбий қуроллар, зебузийнат буюмлари, меҳнат қуроллари ва сопол идишлар учрайди. Сакларнинг ўқлари баргсимон, 2 ёки 3 қиррали бўлган, ханжар ва қилич дастасининг боши ёйсимон қайриб қўйилган. *Геродот* сакларнинг ярим-аслаҳа ва от анжомлари ҳақида аниқ маълумотлар келтиради. Сакларнинг от анжомлари, ўқлари ва ханжарлари скиф ярим-аслаҳаларига ўхшайди. Жездан ишланган санъат буюмларида ҳам яқин хусусиятлар ва катта ўхшашликлар бор. Мустаҳкам маданий алоқалар кўчманчиларни бир-бирлари б-н боғлаб турган. Шунинг учун ҳам маданий анъаналари ва урф-одатлари уларнинг яшаш шароитидан келиб чиқиб, бир-биридан унча фарқ қилмаган (яна қ. *Скифлар маданияти*).

Баҳодир Эшов.

САКАИ — Япониядаги шаҳар. Хонсю о.нинг жан. қисмида Аҳолиси 792 минг кишн (2000). Транспорт йўллари тугуни. Йирик порт. Рангли металлургия саноатининг қад. марказларидан. Металлургия ва нефть кимёси, турли машинасозлик, тўқимачилик саноати корхоналари, иссиқлик электр ст-яси бор. С.да қалимдан гилам тўқилади, металл буюмлар тайёрланади. С. қўлёзмаларда 716 й.дан тилга олинган. Музейларида қад. япон ҳунармандчилигининг нодир ёдгорликлари сақланган.

САКАРИЯ — Туркиянинг шим.-ғарбий қисмидаги дарё. Уз. 790 км, ҳавзасининг майд. 65 минг км². Анадолу ясситоғлигидан бошланиб, Қора денгизга қуйилади. Ўртача сув сарфи 200 м³/сек.. қишда тошади. ГЭСлар қурилган. Суғоришда фойдаланилади. С. бўйида Алапазари ш. жойлашган.

САКАТЕКАС — Мексиканинг марказий қисмидаги штат. Майд. 75 минг км². Аҳолиси 1,3 млн. кишн (2000). Маъмурий маркази — Сакатекас ш. С. Мексика тоғлигида жойлашган. Иқлими тоғ-тропик, қуруқ иқлим. Ўртача ойлик температура 9—25°. Йиллик ёғин 500 мм гача. Ксерофит ўсимликлар ўсади. Ҳўжалигида қ.х. етакчи тармоқ. Мевазорлар бор. Тоғ этакларида чорвачилик ривожланган. Полиметалл руда конлари бор. Рангли металлургия, озиқ-овқат, тўқимачилик саноати корхоналари ишлаб турибди. С. орқали Мехико ш.ни мамлакатнинг шим. штатлари б-н боғловчи т.й. ва автомобиль йўллари ўтган.

САКЕН САЙФУЛЛИН (тахаллуси; асл исми Саидваққос) (1894.12.6, Оқмўла вилояти Нилда волости — 1939.3.2, Олмаота) — қозоқ ёзувчиси ва давлат арбоби. Омскдаги ўқитувчилар семинариясида ўқиб юрган кезларида (1913—16) шеърлар ёза бошлаган ва бу шеърлар 1914 й.да Қозонда «Ўттан кунлар» номи б-н нашр этилган. С.С. Омскда большевиклар б-н танишиб, улар таъсирига берилган. Февраль воқеаларидан кейин (1917) Оқмўлада «Ёш қазақ» шаҳар ёшлари ҳаракатини ташкил этиб, «Тирикчилик» газ.ни нашр эттирган. Қозоғистон АССР маориф халқ комиссари (1922), ХКС раиси (1922—25). С. С. кейинчалик ижодий-педагогик соҳаларга ўтиб, «Энбекши қазақ» («Меҳнаткаш қозоқ») газ. ва «Адабиёт майдони» жур.да муҳаррир (1922—25), Қизилўрда халқ маориф ин-ти (1925—28), Тошкент (1927—28), ҳамда Қозоқ педагогика ин-тларн (1930—37)да ўқитувчилик қилган. С. С. «Асов тулпор» (1922), «Дўмбира» (1922), «Экспресс» (1926), «Турмуш тўлқинида» (1928) шеърий тўпламлари, «Кўкчетов», «Чўлоқ сайғоқ» (1924), «Айрилган оққушлар» (1925), «Чжан Цао-лин» (1927) достонлари, «Бахт йўлида», «Қизил шуиқорлар» (1920) пьесалари, «Тор йўл, тойғоқ кечув» тарихий-меъмуар романи (1927), «Ойша» (1922),



Саккиз ёқли мақбара.

«Ер қазувчилар» (1928), «Мевалар» (1935) қиссалари, қозоқ адабиёти ва фольклори ҳақидаги мақолалар муаллифи. С.С. «манковскийча» эркин шеър тузилишини қозоқ шеъриятига олиб кирган. Асоссиз репрессия қилинган; ўлимидан сўнг оқланган.

САККИЗ ЁҚЛИ МАҚБАРА — Самарқанддаги меъморий ёдгорлик (15-а.). *Шоҳизинда* ансамбли таркибида. Самарқанд меъморлигига хос бўлмаган (озарбайжонлик меъмор қурган деб тахмин қилинади) услубда, 8 равоқли (номи ҳам шундан), томонлари очиқ қилиб қурилган. Тагида доира тарҳли дахма — гўрхона жойлашган. Ташқи қирралари сопол гиштчалар б-н қопланган. Равоқ тепасидаги қанослари ёрқин ложувард рангда терма кошинлар б-н безатилган. Гумбази (диаметри — 6,3 м) қайта тикланган. Ички безагида қизил, кўк ва оқ рангдаги нақшлар қўлланилган.

САККИЗ ЙИЛЛИК МАКТАБ — тўлиқсиз ўрта маълумот берган умумий таълим мактаби. Таянч мактаб деб юритилган бу ўқув муассасалари 1958 й.дан етти йиллик мактаб ўрнида ташкил этилган. Ўзбекистонда етти йиллик умумий мажбурий таълимга ўтиш 1959/60 ўқув йилида бошланиб, 1962/63 ўқув йилида тўлиқ тугалланган. С.й.м. 7 ёшдан 15—16 ёшгача бўлган ўқувчилар таълим-тарбиясини уюштирувчи ўқув-тарбиявий маскан ҳисобланган. Уларда ўқув-тарбиявий ишлар меҳнат тарбияси ва амалиёт б-н боғлиқ ҳолда олиб борилган. С.й.м.ни битирган ўқувчи саккиз йиллик маълумот олганлиги тўғрисида шаҳодатнома умумий ўрта таълим мактабининг 9-синфига, ўрта махсус ҳамда ҳунар-техника ўқув юртларида ўқишни давом эттириш ҳуқуқини берган. 1984 й.дан *умумий ўрта таълим мактабларига* айлантирилган.

САККИЗОЁҚЛИЛАР — қ. *Осьминоглар.*

САККОКИЙ (15-а.) — шоир. Исми, туғилган ва вафот этган йиллари номаълум. Самарқандда Халил Султон (1405—09) ва Улуғбек (1409—49) ҳукмронлиги даврида яшаб, ижод этган. Алишер Навоий С. ижодига юксак баҳо берган: «Туркий алфозининг булағосидин Мавлоно Саккокий ҳам Лутфийларким, бирининг ширин абётининг иштиҳори Туркистонда бағоят ва бирининг латиф газаліётининг интишори Ироқ ва Хуросонда бениҳоятдудур» («Хутбаи давовин»). С. хал-қининг бой оғзаки ижодини, салафлари асарларини пухта ўрганган ва ижодий озиқланган. Туркий тилда асарлар яратиш, унинг бой ички имкониятларидан фойдаланиш борасида кўп иш қилган. Асарларида инсон муҳаббати, орзу-тилакларини, дард-аламларини, табиат гўзалликларини тасвирлаган. Газалларнинг ранг-баранглигига эришган, ғазалларда ички бирлигини сақлаб, сўз ўйинлари ва қофиялардан кенг фойдаланган. Унинг лирикасида жаҳолат ва нодонликка қарши ўлароқ ғоялари илгари сурилган. Бундай ғоялар С.нинг қасидаларида очиқроқ намоён бўлган.

С. ўзбек адабиётида қасида жанрига асос солган шоирлардан. Хожа Муҳаммад Порсо, Халил Султон, Улуғбек ва Арслон Хожа Тарҳонларга бағишлаб қасидалар ёзган. Қасидаларидан бирида Улуғбекни халқнинг меҳрибон ҳукм-дори, маърифатпарвар ва буюк олим сифатида улуғлайди. Шундай маърифатпарвар подшоҳ б-н замондош бўлганидан фахрланади ва:

Фалак йиллар керак сайр этсин келтирса илкига,
Менингдек шоири турку сенингдек шоҳа донони,

деган мисраларини ёзган.

С.нинг адабий фаолияти замондошлари Лутфий, Гадоий, Атоий каби Навоий ижодига ҳам катта таъсир кўрсатган; ўзбек дунёвий лирикасини ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатдан бойитган. Шоир ғазаллари ва қасидалари девони қилиб тўпланган бўлса-да, тўлиқ нусхаси бизгача етиб келмаган. С. девони Лондонда, Британия музейида ва Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида (инв. № 7685) сақланади.

Ас.: Танланган асарлар, Т., 1960.

Ад.: Рустамов Э., Узбекская поэзия в первой полозине XV века, М., 1963; Мадаев Н., Ўзбек адабиёти тарихи, 1-китоб, 2-нашр, Т., 1976; Маънавият юлдузлари, Т., 2001.

САККУЛИНА (Sacculina carcini) — умуртқасиз ҳайвонларнинг илдизбошлилар кенжа туркумига мансуб паразит денгиз ҳайвони. Гавдаси халтача кўринишида бўлиб, илдизсимон ўсиқлари бор. Бу ўсиқлар краб танасига тешиб киради. С. тухумидан олти оёқли личинкалар — науплиус ривожланади. Личинкалар 4—5 кундан сўнг икки тавақали чиғаноққа ўралади ва паразит ҳаёт кечиришга ўтади. Бу вақтда улар тана ва чиғаноғини ташлаб юборади. Қолган бош қисми крабга ўсиб киради ва ундан вояга етган гермафродит (қ. *Гермадрофитизм*) индивид ривожланади.

САКЛАР, шаклар — Осиё даштларининг чорвадор аҳолиси. Археологик адабиётларда бу давр «Илк темир даври», «Илк кўчманчилар даври», «С. даври» сифатида маълум. *Геродот*нинг ёзишига қараганда, Евросиё чўлларининг кўчманчилар дунёси шим. ва шарқий Қора денгиз бўйи қабилаларидан бирининг номи б-н скуда кейинроқ сколотлар деб аталган. Юнонлар эса уларни *скифлар* деб юритганлар.

Археологик материаллар таҳлилига кўра, мил. ав. 8—2-а.ларда Хитойнинг Хуанҳэ дарёсидан то Дунайгача кенгликда яшаган дашт қабилаларига тегишли «ҳайвон тасвирлари услуби»да ишланган ноёб санъат асарлари скиф санъати, скиф маданияти номи б-н машҳур. Мана шу дашт аҳолиси — С.нинг кундалик турмуш тарзи, қуроллари ва от анжомларининг типи, скифларга хос кийим-кечак ва уй-рўзғор асбоб-ускуналари жуда бир-бирига ўхшашки, бу яқинлик скиф-саклар этномаданий ҳётининг туб маъно ва мазмунини ташкил этади. Ахоманий ҳукмдорларининг *Бисютун китобаларида* Сирдарё ортидаги қабилалар С. деб аталган. Геродот, «Тарих» асарида «форслар барча скифларни саклар деб атайдилар» деб ёзади. Подшо Доронинг *Нақши Рустам* ёзувида С. «Парадрайа», («Тиайтара-дарайя», яъни денгиз ортидаги С.) деб тилга олинган. «Сак» атамаси аслида манбаларда ахоманийларгача маълум. Мас., *Оссурия* пойтахтидаги Иштар ибодатхонасини қазиш вақтида мармар тахтага подшо *Ашшурбани-*

Жез қозон (мил. ав. 7—6-а.лар. Катта Фарғона канали).

Доро I га совға келтирган саклар (барельеф).

пал (мил. ав. 669—631) ёздирган хат топилган. Хатда *киммерийлар* ва уларнинг сардори Тугдаммани Киликиядаги жангда ҳалок бўлгани, уни С. подшоси эканлиги эслатилади. Бисҳистун китобаларининг Аккадча нусхасида форслар ўзларига яқин қўшинлари С. ни «киммерийлар» атамаси б-н тилга олади. Манбалар таҳлилидан тарихий ҳулоса шуки, сак ва киммерийларнинг бирлашган қўшинлари иттифоқи асосида ташкил топган бу янги сиёсий куч қайси бир етакчи қабила номи б-н аталмасин, манбаларда уларнинг жанговар кўчманчи орийлар эканлиги кўзда тутилган. Қад. тарихда С. довруғи-нинг бошланиши мил. ав. 8—7-а.ларда киммерий ва скиф қабилаларининг Қора денгиз бўйлари ва Олд Осиёга юриши даврида юз берди. Унинг давоми Аму ва Сирдарё орти С.нин ахаманий подшолари *Кир II* ва Доро б-н бўлган жангу жадалларида намоён бўлди. Худди мана шу воқеалар асносида С.нинг ватани, ҳаёти ва урф-одатлари, уруғ-аймоқлари ва уларнинг шиор ва шарқий қўшинлари ҳақида дастлабки маълумотлар пайдо бўлди. Тарихчи Элиан (3-а.) С.да бир одат борлигини, унга кўра уйланишни истаган киши қиз б-н ер остидаги бинода қолиб беллашиши лозимлиги, агар қизни енголмаса, у қизнинг асири бўлиб қолиши ҳақида маълумот беради. Сак аёллари эркаклар б-н бир қаторда жангларда иштирок этишган. Улар ёвни аллаш учун ёлғондан қочишга, худди эркаклардек от устида чопиб кета туриб орқаларига ўгирилиб камондан ўқ отишга моҳир бўлишган.

Тигрaхауда («Чўққи қалпоқли» ёки «камондан ўқ отувчи») С.и б-н жангга киришда Доро катта сувдан кема ва соллар ёрдамида сузиб ўтганлиги ҳақида ҳикоя қилади, тадқиқотчилар катта сув — бу Сирдарё бўлиши керак деб тахмин қиладилар. Доронинг тилла ва кумуш тахтачаларга ёздириб қолдирган тарихий лавҳаларида Доро салтанатининг шим.-шарқ-қий четараси сутлар мамлакатининг ортидаги С. юрти дейилган. Демак, С. мамлакати сута ерларидан Сирдарё орқали ажралган. Доро ва унинг вориси *Ксеркс* (мил. ав. 486—464 й.) лавҳаларида ахаманийларга тобе яна бир сак қабила иттифоқи тилга олинади, улар хаумаварка (муқаддас хаома ичимлиги ичувчи) С. и бўлиб, улар эгаллаган юртлар «Михр-Яшта» мадҳияларига кўра, Фаргона водийси ва Шарқий Туркистонга тўғри келади. Ксеркснинг *Персеполь* лавҳаларида тигрaхауда ва хаумаварка С.и б-н бир қаторда уларга қарши ва тилсиз *дасслар* ҳақида гап боради. Ахаманий ёзувларида Эрондан шарқда бош-қа сак қабилалари ҳақида хабар учрамайди. Аммо, юнон-рим муаррихлари С.нинг бошқа турлари ҳақида кўп маълумотлар қолдирган. Мас., Геродот ортокарибант С.и (учли қалпоқли С.), амиргия («дарё орти») С. и ва даҳлар ҳақида сўз юритади. Алабиётларда уларнинг биринчиларини ахаманийларнинг тигрaхауда ва хаумаварка С.и б-н ўхшашлиги тақидланади. Фанда бу масалада турлича қарашлар мавжуд. Мас., А. Херман ва Б. Литвинскийлар, юнон муаллифларни тигрaхауда С.ини *массагетлар* иттифоқи б-н бир эканлигини тахмин қилқалар, С. Г. Кляшторний *Арриан*га иқтибос қилиб, массагетларни даҳлар б-н бир халқ деб талқидлайди. Арриан мил. ав. 4-а.да даҳлар Танаис ортида, яъни Сирдарё ортида ва Танаис бўйлаб яшаганлигини қайд қилиб ўтади. Арриан массагетларни айнан скиф-сак эканлигини *Спитамен* курашлари муносабати б-н ихшн баҳолаган. Арриан учун массагетлар Амударёнинг чап соҳилида истиқомат қилувчи ноюнон қабила жамоалари эди, Суғд б-н ғарбий чегарадош эди. Даҳлар эса, аксинча, Суғдиёнанинг шим.-шарқий қўшниси, Танаис (Сирдарё) водийсининг аҳолиси эди. Арриан даҳларни совутларга ўралган жанговар суворий жангчилар, Доро қўрбий юришларининг сараланган отлиқ аскарлари сифатида таърифлайди. Демак, массагетлар чорвадор саклариниг камбағал қатламини ташкил этса, даҳлар уларнинг бадавлат қатлами — орийлари эди. Геродотнинг ёзишича, С. аскарларининг бошларида қалин кигиздан тикилган, чўққи қалпоқлари бўлган. Улар сак ўқ ёйлари, калта қиличлар (акинаклар), ойболталар (сагарийлар) б-н қуролланганлар. С. ўзларининг ҳарбий маҳоратлари, асосан, ўқ ёй отишга ўсталиклари б-н доим чиқарганлар. Қад. дунё муаррихлари С.ни дунёдаги энг моҳир мерганлар деб таърифлашган. Мил. ав. 238 йл.да даҳ қабилаларидан бири парнлар *Парфия* давлатини тузган. Археолог К. Акишев Марказий Қозоғистонда ўрганган «Тасмўла маданияти»-сак қабила иттифоқига кирувчи *исседонларга* тегишли эканлигини ёзади.

Мил. ав. 2-а.дан бошлаб С.нинг турли қабилалари жанга (Ҳиндистон ва Эрон) силжиб *Юнон-Бақтрия подшолигини* тор-мор этишда қатнашган. Эронда С. қад. Дрангиёна вилоятида, Хамун кўли атрофига жойлашиган, бу ер Сакастон — саклар мамлакати, кейинчалик Сейистон, Систон деб аталган. Ҳиндистоннинг шим.-ғарбида, Гандхара вилоятида улар мил.ав. тахм. I-а.да олимлар томонидан Ҳинд-сак давлати деб аталган сиёсий бирлашма барпо этишган, бу давлатга мансуб тангалар топилган. Давлат асосчиси подшоҳ Мауэс бўлиб, унинг ворислари Азилис каби немга эга бўлишган. Ҳинд-сак давлати ҳинд-парфян сулоласи томонидан босиб олинган. кейинчалик *Кушон подшолигига* кириб юборилган. Ҳинд ёзма манбаларида сак этноними шака сифатида берилган, Ҳиндистонда Шака эрати мавжуд бўлгани маълум. Хитой ёзма манбаларида С. ёз халқи деб қайд этилган. С. аста-секин Ҳиндистон, Эрон, Ўрта Осиёдаги халқлар, қабилалар таркибига сингиб кетганлар.

Саклар: 1— ҳаёт дарахти (олтин, мил. ав. 3—2-а.лар). 2 —икки гриффон тажовузини даф қилаётган сак акси туширилган феруза ва ёқут кўзли олтин боллоқ.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон сак қабилалари маданияти ҳақидаги маълумотлар археологик тадқиқотлар туфайли қўлга киритилган. Мас., Или водийсида ўрганилган *Бесшатир* ёки *Таласкен* ва *Иссиқ* кўрғонлари, Сирдарёнинг қуйи ҳавзасида ўрганилган *Уйғарак* кўрғонлари, Еттисув водийсининг сакараукийлари (сакаравлар ёхуд сакаравакслар) ва б. Хуллас, Ўрта Осиё ва Қозоғистон чўлларида, асосан, чорвачилик хўжалиги б-н шуғулланган дашт-лилар С. этносини ташкил этган. Ўз даврида сутдларнинг бобокалонлари ҳам Ўрта Осиё икки дарё оралиғи С.и бўлган. Массагетлар эса хоразмийларнинг бобокалонлари эди. Авестода тилга олинган турлар Турон заминнинг С.и бўлганлиги шубҳасиз. Шунингдек, Қозоғистон С.нинг бобокалонлари *Андронино маданияти* аҳолиси (орийлар, даҳлар ва Авестодаги турлар) бўлган.

«С.» атамаси «Саха» кўринишида Саха Республикасининг расмий номида сақланган.

Ад.: Геродот. История (в девяти книгах). Пер.с греческого, т.I, книга IV, VII, Л., 1972; Акишев К. А., Кушаев Г. А., Древняя культура саков и усуней долины р. Или, Алма-Ата, 1963; Страбон. География. В 17 книгах, XI. Пер. Г.А. Стратановского, М., 1964; Ставиский Б. Я., Средняя Азия и ахеменидский Иран. Сб. «История Иранского государства и культуры», М., 1971; Дандамаев М. А., Данные вавилонских документов VI—V вв. до н. э. о саках, ВДИ, 1, 1977; Дьяконов И. М., К методике исследований этнической истории («киммерийцы»). Сб. «Этнические проблемы истории Центральной Азии в древности», М., 1981; Кляшторный С. Г., Султанов Т. И., Государства и народы Евразийских степей. Древность и средневековье. Санкт-Петербург, 2000.

Аҳмадали Асқаров.

САКРАМЕНТО — АҚШнинг ғарбий қисмидаги шаҳар. Калифорния штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 407 минг кишн (2000). Сакраменто дарёси бўйидаги порт. Транспорт йўллари тугуни. Катта Калифорния водийси шим. қисмининг саноат маркази. Ракета-космик, радиоэлектроника, озиқ-овқат саноатлари ривожланган. Калифорния ун-ти бўлими бор. Шаҳарга 1848 йлда асос солинган.

САКРАШ (спортда) —1) айрим спорт турининг асоси (қ. *Парашют спорти, Батут*); 2) маълум бир спорт турида мустақил машқ. Мас., узунлик ва баландликка С., баландликдан сувга сакраш, чангида трамплиндан С. (қ. *Чанги спорти*); 3) спортнинг муайян тури (мас., бадиий гимнастика, конькида фигурали учиш)да машқлар элементи.

САКРАШ (фаласафада) — миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиш жараёни (қ. *Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонуни*).

Кўчма қумларни мустаҳкамлаш учун экилган саксовуллар. Қоракўл ўрмон хўжалиги.

САКСОВУЛ (Haloxylon) — шўрадошлар оиласига мансуб бута ва дарахтлар туркуми. Бўйи 1,5—12 м, танасининг диаметри 1 м гача боради. Гули майда, икки жинсли, қарама-қарши, тангачасимон, гулолди қўлтиғида биттадан ўрнашган. Барглари учли, ривожланмаган, тангачасимон, гул ҳосил қилувчи новдачалари қари шохлардан ўсиб чиқади. С.нинг яшил новдалари органик модда тўплашга хизмат қилади. Йиллик ёш новдаларининг кўп қисми куда, айниқса, совуқ тушиши б-н тўкилиб кетади, озроқ қисми эса ёғочга айланиб сақланиб қолади. Апр.дан гуллай бошлайди, окт.да уруғлайди. Осиё (Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон, Хитой, Монго-лия)да 10 тури учрайди. Ўзбекистоннинг Қизилқум чўлларида ўрмонларни ҳосил қилувчи асосий турлар — оқ ва қора С.дир. Қора С. (H. aphyllum) — баргсиз бута ёки дарахт, бал. 4—9 (12)м гача. Асосан, Осиёнинг чўл ва чала чўлларида, шўрхок ерларда, шўрланган қумларда, тақирларда кўп тарқалган. Уруғидан кўпаяди. Йўлларда ихотазорлар барпо этишда фойдаланилади. Қора С. катта дарахтзорлар ҳосил қилади, оқ С.дан тана ва шох-шаббасининг қорамтир бўлиши, баргининг тузлилиги б-н ажралиб туради. Оқ С. (H.persicum) — йирик бута. Бал. 2,5—

Саксовул ўрмонлари. Қизилқум чўли.

САКСОВУЛ (Haloxylon) — шўрадошлар оиласига мансуб бута ва дарахтлар туркуми. Бўйи 1,5—12 м, танасининг диаметри 1 м гача боради. Гули майда, икки жинсли, қарама-қарши, тангачасимон, гулолди қўлтиғида биттадан ўрнашган. Барглари учли, ривожланмаган, тангачасимон, гул ҳосил қилувчи новдачалари қари шохлардан ўсиб чиқади. С.нинг яшил новдалари органик модда тўплашга хизмат қилади. Йиллик ёш новдаларининг кўп қисми куда, айниқса, совуқ тушиши б-н тўкилиб кетади, озроқ қисми эса ёғочга айланиб сақланиб қолади. Апр.дан гуллай бошлайди, окт.да уруғлайди. Осиё (Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон, Хитой, Монго-лия)да 10 тури учрайди. Ўзбекистоннинг Қизилқум чўлларида ўрмонларни ҳосил қилувчи асосий турлар — оқ ва қора С.дир. Қора С. (H. aphyllum) — баргсиз бута ёки дарахт, бал. 4—9 (12)м гача. Асосан, Осиёнинг чўл ва чала чўлларида, шўрхок ерларда, шўрланган қумларда, тақирларда кўп тарқалган. Уруғидан кўпаяди. Йўлларда ихотазорлар барпо этишда фойдаланилади. Қора С. катта дарахтзорлар ҳосил қилади, оқ С.дан тана ва шох-шаббасининг қорамтир бўлиши, баргининг тузлилиги б-н ажралиб туради. Оқ С. (H.persicum) — йирик бута. Бал. 2,5—

Саксовул ўрмонлари. Қизилқум чўли.

САКРОВЧИ БАЛИҚЛАР (Periophthalmidae) — олабутасимонлар туркумига мансуб балиқлар оиласи. 10 га яқин тури бор. Ҳинд ва Тинч океанининг тропик ва суви чучуклашган қисмларида, Мангро ўрмонлари ботқоқликларида кўп учрайди. Уз. 27 см гача. С.б. бир неча соат сувсиз яшай олади. Танаси йўғон ва калта, кўкимтир-кулранг ёки сарғиш тусда, қора холлари бор. Кўзи сувда ва қуруқликда кўришга мослашган. Қуруқликда ва дарахт шохларида мускулли дум ва кўкрак сузгичлари ёрдамида ўрмалаб ҳаракатланиб олади. Инга увилдириқ ташлайди. Майда қисқичбақасимонлар, ҳашаротлар, чувалчанглар ва б. умуртқасизлар б-н озиқланади. С.б.ни туб аҳоли овлайди. Акваримларда боқилади.

САКСИН — Волга дарёсининг қуйи оқими бўйидаги ўрта аср шаҳри. Араб географлари (10—14-а.лар) томонидан катта савдо шаҳри сифатида қайд этилган. Аниқ жойлашган ери номаълум. Баъзи олимлар уни илгари Итил ш. б-н қиёсласалар, бошқалари уни *Сарой-Бату* ёхуд *Сарой-Берке* ўрнида бўлган деб биладилар. С. Итилдан сўнг *Хазар хоқонлиги*нинг пойтахти бўлган. 11-а.да вайрон қилинган. 12-а.да қайта тикланган ва 14-а.да ҳам мавжуд бўлган. С. ва Булғордан хорижий мамлакатларга мўйна чиқарилган.

САКСЛАР — герман қабилалари гуруҳи. Рейн ва Эльба дарёларининг қуйи оқими бўйларида яшаган. 5—6-а.ларда С.нинг бир қисми Британияни инглиз-саксlар томонидан босиб олинишида қатнашган. Қиргалари С. 772—804 й.ларда франклар томонидан тобе эттирилган.

6 м. Илдизи 10—11 м чуқурликка боради. Қозоғистон, Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон, Ироқ, Саудия Арабистони, Ғарбий Хитойнинг чўл ва сахроларида ўсади. Оқ С. қумликларни мустаҳкамлаш учун экилади. Зайсан С.и (H.ammodendron) тури Қорақалпоғистоннинг айрим жойлари (Устюрт)да учрайди.

С.нинг халқ хўжалигида аҳамияти катта. Ундан, асосан, ўтин (ёқилғи), қўйлар ва туялар учун тўйимли озуқа, қумларни мустаҳкамловчи, шамолни тўсувчи восита сифатида фойдаланилади. С. ўрмонлари тупроқни эрозиядан сақлашда муҳим ўринда турали. С. 50—60 й. яшайди. Асосан, уруғидан кўпаяди ва 5—7-йили нормал уруғлай бошлайди. Ўрта Осиё ва Қозоғистонда С. ўрмонлари 22 млн. га атрофида. Ўзбекистонда С. ўрмонлари 1229 минг га, шундан оқ С. 976 минг га, қора С. 253 минг га ни эгаллайди.

Ўзбекистонда чўл ва яйловларга экиш учун 1991 й.да чиқарилган Нортуя нави р-нлаштирилган. Сўнгги йилларда С.ни кўпайтириш мақсадида бир қатор ўрмон хўжаликлари ташкил этилиб, сунъий саксовулзорлар барпо қилинмоқда.

Абдушукур Хонғаров.

САКСОНИЯ — 1) сакслар яшаган тарихий вилоят, улар бу ерда герцогликка асос солганлар (9-а. охири — 1180; Германиянинг Қуйи Саксония ҳудудига тўғри келади). 2) Германиянинг ўрта қисмидаги ўрта асрлар князлиги (15-а.дан курфюрстлик), 1806—1918 й.ларда қироллик (пойтахти — Дрезден); 1815 й. қироллик ҳудудининг тахм. 1/2 қисми Пруссия тасарруфига ўтган ва унга қарашли Саксония провинциясининг асосий қисмини ташкил қилган, сўнг ер.

САКСОНИЯ — Германия ери (федератив бирлик). Мамлакатнинг жан.-шарқий қисмида, Чехия б-н чегарадош. С. ҳудудидан Эльба дарёси оқиб ўтади. Майд. 18,4 минг км². Аҳолиси 4,38 млн. киши (2001). Маъмурий маркази — Дрезден ш.

С. ГФР ери сифатида янги ташкил қилинган бўлса-да, узоқ тарихга эга. Қадимда у тарихий вилоят бўлган. 10-а.да тузилган Мейсен маркази С.нинг негизи бўлган. 1806 й.дан қироллик. 1918 й.да С.да қироллик ағдарилиб, республика эълон қилинди. 2-жаҳон урушига қадар С. ҳудудида жойлашган Дрезден, Лейпциг ва Хемниц ш.лари мамлакатнинг индустрия марказлари бўлган. 1952 й.да ҳудуд ГДР таркибидаги бир неча округга бўлинган. 1990 й.да ушбу округлар ер сифатида бирлашиб ГФР таркибига кирди. С. — Германиянинг аҳоли энг зич жойлашган ва саноати ривожланган ерларидан. Етакчи саноат тармоғи — машинасозлик (хусусан, автомобилсозлик, радиоэлектроника ва электротехника саноатлари), тўқимачилик саноати учун машина ва станоклар, совитқич ва фотоаппаратлар ишлаб чиқарилади. Кимё, полиграфия, тўқимачилик, тикувчилик саноати корхоналари бор. Дрезден ш. туризм марказларидан (йилига 5 млн. сайёҳ келиб кетади). Лейпцигда қадимдан ноширлик иши ривожланган. Бу ерда ҳар йили халқаро китоблар ярмаркаси ўтказилади.

САКСОНИЯ-АНХАЛЬТ — Германия ери (федератив бирлик). Эльба дарёси ҳавзасида. Майд. 20,4 минг км². Аҳолиси 2,5 млн. киши (2001). Маъмурий маркази — Магдебург ш. С.-А. ҳудудининг катта қисми Магдебург текислигида жойлашган бўлиб, жан.-ғарбда Гарц тоғларига ўтиб боради. Флеминг тоғлари С.-А.нинг шарқий чегараси ҳисобланади. С.-А. мустақил ер сифатида қисқа тарихга эга. У 1947 й.дан 1952 й.гача мавжуд бўлган ва 1990 й. 3 окт.да Германия бирлашганидан сўнг қайта ташкил этилган. С.-А. таркибидаги баъзи ҳудудлар Германиянинг қад. маданият марказларидан ҳисобланади. С.-А.нинг шим.даги Альт-марк Бранденбург кўл остида бўлган. Жан. ва шарқида Саксония ҳукмронлик қилган. Анкольт ери 1212 й.да юзага келган.

С.-А. — мамлакатнинг энг шим. узумчилик р-ни. Магдебург текислигининг унумлор тупроғида донли экинлар, қанд лавлаги, картошка, сабзавотлар экилади. С.-А.да озиқ-овқат саноати корхоналари, хусусан, қанд з-ди кўп. Оғир ва транспорт машинасозлиги, кимё саноатлари ривожланган. Дессауда самолёт ишлаб чиқарилади.

САКСОФОН (инг. saxophone) — пуфлама тилчали мусиқа чолғу асбоби. Бельгиялик мусиқа чолғулари устаси А. Сакс ихтиро қилгани (1841) учун унинг номи б-н аталган. Турли (жез, рух ва б.) металлар қоришмасидан тайёрланади. Мунштуги якка тилли. Ғалғич-бармоқ тешиклари клапанлар б-н беркитилади. Асосан, 7 тури (сопранинодан контрабасгача) маълум. Ёркин, кучли ва ширали товуши, кенг техник (виртуоз) имкониятларга эга бўлган С. *жаз* мусиқасида асосий чолғуларидан ҳисобланади. Пуфлама созлар оркестри, эстрада оркестри, баъзида симфоник ва опера оркестрлари таркибига киради. Якканавоз концерт мусиқа чолғуси сифатида ҳам фойдаланилмоқда (К. Дебюсси, Рапсодия; А. Глазунов, С. ва торли оркестр учун концерт ва б.).

Альт-саксофон.

Ўзбекистонга 19-а.нинг охирги чорагида рус ҳарбий оркестрлари б-н бирга кириб келди. Ҳозирда Ўзбекистон Қуролли Кучлар оркестрлари, турли эстрада оркестр ва ансамбллари таркибидан ўрин олган. 1990 й. Ўзбекистон давлат консерваториясида, кейинчалик, мусиқа коллежларида С. синфи очилган. Ш. Эсонбоев, Б. Шукуров, Ю. Живаев, Б. Муртазоев, Ю. Гулзаров каби С. ижрочилари танилган.

САЛАВАТ — РФ Бошқирдистон Республикасидаги шаҳар (1954 й.дан). Оқ Идил (Кама ирмоғи) дарёси бўйида. Уфадан 188 км жан.даги т.й. станцияси. Аҳолиси 155,6 минг киши (1998). Нефтни қайта ишлаш, нефть кимёси ва кимё машинасозлиги саноатлари бор. Қурилиш материаллари корхоналари фаолият кўрсатади. Уфа нефть институтининг кечки ф-ти, бир неча ўрта махсус билим юртлари, драма театри мавжуд. Шаҳар *Салават Юлаев* номига қўйилган.

САЛАВАТ ЮЛАЕВ (1752.5.6, Текеево қишлоғи, ҳоз. Бошқирдистон республикаси, Салават р-ни — 1800.26.9, Рогервик, ҳоз. Палдиски ш., Эстония) — бошқирд халқининг миллий қаҳрамони, бадиҳагўй шоир. Деҳқонлар уруши қатнашчиси (1773—75). Е. *Пугачёв* сафдоши. Волость оқсоқолининг ўғли. 1773 й.нинг кузида Пугачёвга қарши курашга юборилган. Лекин, С.Ю. 2 минглик отряди б-н қўзғолончиларга қўшилган. Ўзини иқтидорли ташкилотчи ва сардарда эканлигини намоён қилган. 1773 й.нинг охирида Бошқирдистоннинг шим.-шарқида 10 минглик отряд тўплаб Красноуфимск ва Кунгур р-нларида қатор муваффақиятли жанглар ўтказган. 1774 й. ноябрда асир олинган. 1775 й. сент.да отаси (деҳқонлар уруши қатнашчиси) б-н биргаликда Болтиқбўйидаги Рогервик қалъасига умрбод *каторгага* ҳукм қилинган. С.Ю. поэзияси бошқирд огзаки шеъриятининг энг яхши намуналаридан саналади. Бошқирдистондаги р-н, шаҳарга номи берилган ва Давлат мукофоти таъсис этилган.

САЛАВК I Никатор (юн. Seleukos Nikator — «Музаффар») (мил. ав. 358/354—281/280) — *Салавкийлар давлати* ва сулоласи асосчиси. Македониялик

машҳур Антиохнинг ўғли. 326 й. Александрнинг Ҳиндистонга қилган юришларида машҳур саркарда сифатида ном чиқарди. Александр ўлгандан кейин унинг сафдошлари (*диадохлар*) б-н тахт учун шафқатсиз кураш олиб борди. 321 й. Бобил сатраплигини бошқариш унга топширилган. 312 й.га келиб («салавкийлар эраси»нинг бошланиши) бу ерда мустаҳкам ўрнашиб олгач, Мидия, Сузиана ва Форсия (Персида)ни, кейинчалик Бақтрияни ҳам ўз мулкига қўшиб олди ва ўзини шоҳ деб эълон қилди. Тахм. 305 й.да Ҳиндистонга муваффақиятли юриш қилди, лекин Ғарб-дан ташвишли хабар олгандан сўнг, ҳинд шоҳи Чандрагупта б-н 500 фил эвазига сулҳ тузди ва эгаллаб олган ҳудудни қайтариб берди. Ипсдаги жанг (мил. ав. 301) натижасида (диадохлар ўртасида ер бўлинганда) Месопотамия ва Сурияни олди. 281 й. Лисимахни тор-мор қилиб Кичик Осиёнинг деярли ҳамма ҳудудини эгаллаб олди. С. I Македониянинг полиси бўлиш мақсадида Фракия ва Македония томон юриш бошлаган. Лекин, Птолемей Лагнинг ўғли Птолемей Керавн томонидан ўлдирилган. С. I 70 га яқин шаҳарга асос солган. Бу шаҳарлар Салавкийлар давлатининг таянчига айланган.

САЛАВКИЙЛАР — Яқин ва Ўрта Шарқ (асосан, Сурия ҳудудин)да ҳукмронлик қилган шоҳлар сулоласи (мил. ав. 312 — 64). Унга *Александр*нинг саркардаси *Салавк I* асос солган. Машҳурлари: Салавк I Никатор (312—280), Антиох I Сотер (280—261), Антиох II Теос (261—246), Салавк II Каллиник (246—226), Салавк III Сотер (226—223), Антиох III Буюк (223—187), Салавк IV Филопатор (187—175), Антиох IV Эпифан (175—163) ва б.

САЛАВКИЙЛАР ДАВЛАТИ — Яқин ва Ўрта Шарқдаги йирик давлат (мил. ав. 312—64). *Александр* тузган салтанат таназзулга учрагач пайдо бўлган. Асосчиси *Салавк I*. Пойтахтлари — Дажла дарёси бўйидаги Салавкия (300 й.гача), Антиохия бўлган. Давлатнинг номи ҳукмронлик қилган сулола номидан олинган. Баъзан, асосий ҳудудининг номи б-н Сурия подшолиги деб ҳам юритилган. Салавк I Мидия, Сузиана, Форсия (Персида) кейинчалик Ўрта Осиёнинг жан. — *Бақтрияни* босиб олган. Мил. ав. 301 й. Месопотамия ва Сурия, мил. ав. 281 й. Кичик Осиё ҳам С.а.га қўшиб олинган. С.д. ҳудудидан ўтган савдо йўллари (Кичик Осиё ва Ўрта Осиё, Ҳиндистон ва Хитой б-н боғлаган) ички ва транзит савдонинг кучайиши ва ҳунармандчиликнинг ривожланишига сабаб бўлди. Салавк I мил. ав. 293 й.да ўғли Антиох I ни Ўрта Осиё ерларига ҳоким этиб тайинлайди. Ўрта Осиёнинг бир қанча муҳим сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий воқеалари Салавк I, айниқса, Антиох I ҳукмронлиги б-н боғлиқ. Бу даврда Бақтрия қаётида дастлабки тангалар — олтин, кумуш, мис драхма ва тетрадрахмалар зарб қилина бошланади. Салавкийлар даврига оид тангалар Термиз, Тахти Сангин, Денов, Кампиртепа, Афросиёбдан топилган. С.д. марказидан четда бўлишига қарамай, Ўрта Осиё ушбу давлатнинг энг муҳим қисми бўлиб, ҳарбий-стратегик ва иқтисодий аҳамиятга эга эди. Ўрта Осиё иқтисодий ўсишининг асосий йўллари бўйида шаҳарлар ва қишлоқлар қурдирилгани бежиз эмас. Маъмурий бошқарув жиҳатдан давлат сатрапияларга (манбалар 20—30 та дан 72 тагача сатрапия бўлганлиги ҳақида маълумот беради) ва нисбатан ғ ҳақида маълумот беради) ва нисбатан ғ ҳақида маълумот беради) ва нисбатан ғ

ҳилида. Саламанка провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 349,5 минг киши (1998). Транспорт йўллари тутуни. Озиқ-овқат, тўқимачилик, кўн-тери саноати корхоналари. 2 ун-т (қ. *Саламанка университети*) бор. Шаҳар мил. ав. 5-а.дан маълум. С. карфагенликлар (мил. ав. 3-а.), римликлар (мил. ав. 2-а.), араблар (8—11-а.лар) қўл остида бўлган. Меъморий ёдгорликлардан 12—18-а.ларга оид собор, ун-т биноси ва б. сақланган.

САЛАМАНКА УНИВЕРСИТЕТИ — Европадаги қад. ун-тлардан бири. 1218 й. Испаниянинг Саламанка ш.да ташкил топган. Ўрта асрлар ва Уйғониш даврида Болонья, Париж, Оксфорд ун-тлари қатори Европадаги йирик маданий марказлардан бири бўлган. Бу даврда ун-тда табиий фанлар ўқитилган, араб маданияти анъаналари ривожлантирилган; Ибн Сино, Ибн Рушд ва б. машҳур олимларнинг асарлари илк бор таржима қилинган, дастлабки энциклопедик нашрлар тайёрланган. Инквизиция ҳукмронлиги даври (16-а.)да Коперникнинг гелиоцентрик системаси ўқитилган ягона ўқув юрти бўлган. Испаниянинг иқтисодий тушкунлиги муносабати б-н 17-а. бошларидан, айниқса, 19-а.нинг 60-й.ларидан Мадрид ун-ти испан фанининг марказига айлангандан сўнг С.у. маъқеи пасайди. Ун-т фалсафа ва филол., ҳуқуқ, тиббиёт, табиий фанлар бўйича мутахассислар тайёрлайди. 24 минг га яқин талаба таълим олади; кутубхонасида 200 мингдан ортиқ асар сақланади.

САЛАМИН ЖАНГИ — *юнон-форс урушлари* даври (мил. ав. 500—449) да Эгей денгизидаги Саламин о. яқинида бўлиб ўтган жанг (мил. ав. 480 й. 28 сент). Бу жангда юнон флоти (Эврибиад қўмондонлигидаги 350—380 триер — эшкакли кема) форс флотини (Ксеркс қўмондонлигидаги 800 дан ортиқ кема) маглубиятга учратган. Юнонлар кемаларини қулай жойлаштирганлари, жанговар қуроллар ва жанг қилиш усулларидан моҳирлик б-н фойдаланганлари туфайли ғалаба қозонишган. Форслар 200 та, юнонлар 40 та кема йўқотган. С.ж. натижасида форслар денгиз алоқа йўлларидан ажралган, бу эса урушнинг боришида бурилиш нуқтаси бўлган.

САЛАТ (пазандачиликда) — турли сабзавотлар ва мевалардан, тухум, гўшт ва б. қўшиб тайёрланадиган яхна таом. С.нинг алоҳида турларига гўшт, қази, тухум, қаймоқ, қатиқ, зиравор, ошкўки ва б. ҳам қўшилади. С. таом ҳазмини енгиллаштиради, уни витаминлар б-н бойитади. Ўзбек пазандачилигида махсус технология б-н тайёрланадиган турлари — гўштли, сабзавотли, пиширқоқли, мевали ва бошқа С.лар бор. Булардан *энг оммалашгани: аччиқ-чучук* (шакароб). Тошкент С.и — ўсимлик мойи қолдириб пиёз қалампири ва хона ҳароратигача совитилади, турп сомонча усулида нафис тўғралиб, иссиқ суюқ бир чойқаб юборилади ва 1—2 соатча сувга солиб қўйилади. Қайнатиб пиширилган мол гўшти сомонча усулида тўғралади. Гўштни ва пиёзларни турпга аралаштириб туз ва мурч сепиб, таъми ростланади. Дастурхонга салат идишларида устидан қаймоқ қуйиб, юзини гўшт, турп ва тухум бўлаклари б-н безаб, чакилган ошқуқлар сепиб тортилади; *сузмали С.* — барра пиёз, райҳон, кашнич, укроп совуқ сувда ювилиб, майда қирқилади, сузмага бир оз қўйиб, яхшилаб эзилади; устидан туз, туйилган зира, қаламбир сепилади ва сузмага аралаштирилади.

САЛАТ, салат латук (Lactuca sativa L.) — мураккабгуллошлар оиласига мансуб бир йиллик ўсимликлар тури, сабзавот экини, 5 хили: барг С., узунбарг С., бошли С., ромэн ёки рим С.ти ва сарсабил С. бор. Жаҳонларги барча деҳқончилик минтақаларида экилади. Ёш барглари, пояси, бошчаси истеъмол қилинади. Барги витаминлар (B, C, PP), каротин, калий, фосфор, темир тузларига бой. Илдизи ўқ илдиз. Аввал тўпбарг, гул, сўнг 60—120 см узунликда сершох гулпоя ҳосил қилади. Гуллари икки жинсли, майда, сариқ, рўваксимон тўпгулга йиғилган, ўзидан чангланади. Совуққа чидамли, ёруғсевар, сувга талабчан. Уруғи 2—4° да униб чиқади. С. бир йилда 2 марта

Салат.

февр.— март ва сент.— окт.да сепилади. Намгарчилик юқори бўлса чириб кетади. Гектарига 3—5 кг уруғ сарфланади. Ўзбекистонда, асосан, барг С.нинг Йирик бошли ва 2002 й.да Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик н.т. ин-тида чиқарилган Кўк шох навлари экилади.

Касалликлари: сохта унсимон, қора, оқ чириш. Зараркунандалари: сабзавот шираси.

САЛВАДОР, Баия — Бразилиянинг шим.-шарқий қисмидаги шаҳар. Тодуз-ус-Сантус кўлтиғи соҳилида. Баия провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 2,4 млн. киши (2000). Транспорт йўлларининг йирик тутуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Атлантика океани соҳилидаги порт (четга какао, кофе, тамаки, шакар-қанд, техник олмос ва б. чиқарилади). Кимё, озиқ-овқат, тўқимачилик, кун-пойабзал, ёғочсозлик, цемент саноати корхоналари мавжуд. Шаҳар яқинидан техник олмос, нефть ва газ қазиб олинади. С.дан шимолроқда нефтни қайта ишлаш, нефть кимёси, қора металлургия, машинасозлик саноати корхоналари ишлаб турибди. 2 ун-т, бадиий ва б. музейлар бор. Шаҳарга 1549 й.да асос солинган ва 1763 й.гача Бразилия пойтахти бўлган. Меъморий ёдгорликлардан 16—18-а.ларга оид сароий, собор ва монастирлар сақланган.

САЛЕ (араб. Сла, Сала) — Мароккашлаги шаҳар, Атлантика океани соҳилида. Пойтахт агломерацияси (Работ-Сале префектураси) таркибида. Аҳолиси 300 мини киширдан иборат (1990-й.лар ўртаси). Т.й. станцияси. Транспорт ва савдо-ҳунармандчилик маркази. Озиқ-овқат, ёғочсозлик саноати корхоналари мавжуд. Ҳунармандчиликда гилам тўқилади ва кулолчилик буюмлари тайёрланади. Шаҳарга 11-а.да асос солинган. Меъморий ёдгорликлардан 11—14-а.ларда қурилган Катта масжид, бир нечта мадраса, ўрта асрларда қурилган девор дарвозалари б-н сақланган. С. яқинида халқаро аҳамиятга эга аэропорт бор.

САЛЕРНО — Италиянинг жан. қисмидаги шаҳар. Тиррен денгизининг Салерно кўлтиғи соҳилидаги порт. Салерно провинцияси ва Катания вилоятининг маъмурий маркази. Аҳолиси 144 минг киши (2001). Денгиз курорти. Машинасозлик, кимё, озиқ-овқат, тамаки, тўқимачилик саноати корхоналари мавжуд. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Ун-т бор. Шаҳар қўлёзмаларда мил.ав. 197 й.дан тилга олинган. Шаҳар 11—13-а.ларда ўзининг тиббиёт мактаби (9-а., Европанинг биринчи дунёвий тиббиёт мактаби) б-н машҳур бўлган. 12—13-а.ларда савдо ва ҳунарманчилик марказига айланган.

САЛЕХАРД (1933 й.гача Обдорск) — шаҳар, РФ Тюмень вилояти Ямал Ненецлари мухтор округи маркази. Полуй дарёси Обь дарёсига қуйиладиган жойдаги дарё порти. Шим. қутбий доира яқинида. Обнинг қарама-қарши соҳилида Лабытнанги т.й. станцияси бор. Аҳолиси 30,5 минг киши (1998). Балиқ консерва, сут з-длари, уйсозлик к-ти мавжуд. Қурилиш деталлари ишлаб чиқарилади. Ёғоч ортиш-тушириш база-

си, зооветеринария техникуми, тиббиёт ва пед. билим юртлари, маданият-маърифат билим юрти, ўлкашунослик музейи ишлаб турибди. Шаҳарга 1595 й.да асос солинган. С.нинг аввалги номи Обдорск — Обь дарёси ва коми тилида «дор» — ёни сўзларидан келиб чиққан; лекин, ненецлар шаҳарни аввалдан «Салехард», яъни, сув ёқасидаги манзилгоҳ деб атаб келадилар.

САЛЖУҚ, Салжуқбек ибн Дўқақ (тахм. 9-а. охири —10-а. охири, Жанд) — ҳарбий саркарда, *салжуқийлар* сулоласи бобокалони; *ғузлар*нинг қиниқ уруғидан. Отаси амир Дўқақ (туркча Тўқақ — темир ўқ) хазарлар хоқони ҳарбий хизматида бўлган.

С. ёшлигидан жасур саркарда бўлган. *Рашидуддин*нинг ёзишича, С.нинг 5 та ўғли: Исроил (Арслон ябғу), Микоил, Мусо ябғу, Юсуф ва Юнус бўлган. С. ўғиллари ва ўзига тобе уруғдошлари (жами 100 жангчи) б-н 1500 туя, 50000 қўй ва кўплаб отларини олиб, Жанд атрофларига кучиб ўтган (985) ва чорвадорлик б-н шуғулланган. 992 й.да Жанд ҳукмдори б-н иттифоқ тузиб, ўз уруғдошлари б-н биргаликда ислом динини қабул қилган ва ўғуз ябғуларига қарши курашган. Чорвадорлар ўртасида ислом динини тарқатганлиги учун С.қа «Малик ал-Ғозий» унвони берилган. У Янгикент ва Жанд атрофларини Али ябғу ҳукмронлигидан халос қилиб, ўз ҳокимиятини ўрнатган.

*Ибн ал-Асир*нинг ёзишича, С. 107 (баъзи манбаларда 100) ёшга кириб вафот этган. Унинг вафотидан сўнг ўғиллари: Миконил, Мусо, Арслон (Исроил) каби амирлар бошчилигидаги салжуқийлар сомонийларнинг ижозати б-н Зарафшон водийсидаги Нури Бухоро (Нурота) атрофларида кўчиб юрганлар (10-а. охирлари). *Гардизий* (11-а.) ўз асарида сўнгги сомонийлар *Мунтасир*нинг *қорахонийлар*дан Наср Илекхонга қарши олиб борган курашига 1003—04 й.ларда салжуқийлар ёрдам берганлигини таъкидлайди. С. авлодлари — Миконилнинг ўғиллари: *Тўғрулбек* ва Чағрибек 11-а. 30-й.ларида салжуқлар — ғузларнинг ҳарбатига бошчилик қилиб, *Салжуқийлар давлати*ни тузишган.

Манба: Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк, 1-ж., Т., 1960; Садриддин Али ал-Ҳусайни. Ахбар ал-давлат ас-сельджукийа (Зубдат ат-таворих), М., 1980; Абу-л-Фазл Байхаки. История Мас'уда (1030—1041), М., 1969.

САЛЖУҚИЙЛАР — Хуросон, Яқин ва Ўрта Шарқ, Кичик Осиё, қисман Мовароуннаҳрдаги бир неча давлатларда ҳукмронлик қилган туркий сулола (1038—1308). Сулола номи чорвадор туркий қавм —ғузлар бошлиғи *Салжуқбек* ибн Дўқак номидан олинган. Сулолага Салжуқнинг невараси султон Тўғрулбек асос солган.

Сирдарёнинг қуйи оқими — Жанд ш. атрофлари (ҳоз. Навоий вилояти ҳудудида) янаган ғузлар Салжуқ бошчилигида ислом динини қабул қилишган (992). Салжуқнинг вафотидан сўнг улар Нур-ота атрофларида жойлашган. *Маҳмуд Газнавий* Амударёдан ўтиб, Бухорога бораёт-ганда салжуқларининг қўзбошчиси амир Арслон (Исроил)ни чақириб, уларга Бухородан Хуросонни кўчишни буюрган (1025). Тарихчи *Ҳусайний*нинг ёзишича, 4000 ўтовли салжуқлар Йағмур, Буғ, Кўктош, Қизил, Мансур, Анас ўғли каби амирлар бошчилигида Амударёдан ўтиб, Хуросоннинг Сарахс, Обивард, Фарова, Нисо, Дандонақон каби турли манзараларида қўним топганлар. Қорахонийлар б-н ғазнавийлар ўртасидаги курашдан фойдаланган С. ҳарбий кучларини бирлаштириб, аста-секин Хуросонни эгаллаб, *Салжуқийлар давлати*ни барпо этганлар. Кейинчалик бу давлат жаҳондаги энг қудратли салтанатлардан бирига айланган. Сулола вакилларини (ҳукмдорлари) *султон* деб аташган ва улар қуйидагилардан иборат.

Хуросондаги С. (1038—1157): *Тўғрулбек* (1038—63), *Алп Арслон* (1063—72), *Маликшоҳ* (1072—92), Маҳмуд (1092—94), *Барқиёруқ* (1094—1104), Маликшоҳ II (1104—05), Ғиёсиддин Муҳаммад (1105—18), *Санжар* (1118—57); Кермондаги С. (1041—1187): Кермон вурбек (1041—73), Кермоншоҳ (1073), Ҳусайн (1073—74), Султоншоҳ I (1074—85), Туроншоҳ I (1085—97), Эроншоҳ (1097—1101), Арслоншоҳ I (1101—41), Муҳаммадшоҳ I (1141—56), Тўғрулшоҳ (1156—67), Баҳромшоҳ (1167—68), Арслоншоҳ II (1168), Туроншоҳ II (1168—74), Муҳаммадшоҳ II (1174—87), Муборак (1187);

Шом (Сурия)даги С. (1074—1117): Тутуш (1074—95), Ридвон (Ҳалаб-да; 1095—1113); Дукак (Дамашқ-да; 1095—1104), Алп Арслон Аркас (Ҳалаб-да; 1113—14), Султоншоҳ (1114—17);

Ироқдаги С. (1118—94): Маҳмуд (1118—31), Довуд (1131—32), Тўғрул I (1132—33), Масъуд (1133—52), Малик-шоҳ (1152—53), Муҳаммад (1153—59), Сулаймоншоҳ (1159—61), Арслоншоҳ (1161—77), Тўғрул II (1177—94);

Кўния (Анатолия ёҳуд Рум)даги С. (1077—1308): Сулаймон I (1077—86), Қилич Арслон I (1086—1107), Маликшоҳ I (1107—16), Масъуд I (1116—56), Қилич Арслон II (1156—88); Маликшоҳ II (1188—92), Кайхусрав I (1192—1200; 1205—10), Сулаймон II (1200—04), Қилич Арслон III (1204—05), Кайковус I (1210—19), *Алоуддин Кайқубод* (1219—36), Кайхусрав II (1236—45), Кайковус II (1245—47), Қилич Арслон IV (1257—65), Кайхусрав III (1265—83), Масъуд II (1283—96), Кайқубод III (1296—1307), Масъуд III (1307—08) ва б. сулолалар.

Манба: Рашид-ад-Дин. Сборник летописей. М. — Л., 1952.

Ад.: Босворт К. Э., Мусульманские династии, М., 1971; Стэнли Лэн-Пуль. Мусульманские династии. М. — Т. — Бишкек, 1996.

САЛЖУҚИЙЛАР ДАВЛАТИ — Яқин ва Ўрта Шарқ, қисман Мовароуннаҳрда салжуқийлар сулоласи бошқарган давлат (1038—1308). С.дла *Салжуқ*нинг невараси Султон *Тўғрулбек* асос солган. Салжуқ туркларн 11-а.нинг 20-й.ларида ҳарбий хизматлари эвазига Хуросонда *Маҳмуд Газнавий*дан кўплаб мулклар олганлар. Бироқ кейинчалик *газнавийлар* уларга қарши лашкар жўнатиб, Арслон Исроил ибн Салжуқни асир олишган ва Ҳиндистондаги ҳарбий қалъада тут-қунликда сақлашган (1032 й. у ҳибсда ўлган). Салжуқийлар газнавийларга қарши олиб борган кўплаб муваффақиятли жангларидан сўнг Нишопурни эгаллаб, ўз раҳбарлари Тўғрулбекни султон деб эълон қилдилар (1038). *Дандонақон* жангидаги ғалабадан сўнг, у Хуросон ҳукмдори деб эълон қилинди. Аста-секин салжуқийлар Хуросон, Хоразм, Ғарбий Эрон, Озарбайжон, Ироқ (Бағдод б-н биргаликда) ўзларига бўйсундирдилар. Бағдодда Тўғрулбек номига хутба ўқитилган. *Аббосийлар* халифаси ал-Қоим (ҳукм-ронлик даври: 1031—75) ҳокимиятни Тўғрулбекка топшириб, уни султон ҳамда «Шарқ ва Ғарб подшоҳи» деб тан олишга мажбур бўлган ва қизини унга хотинликка берган. Тўғрулбек Райни, унинг укаси Чағрибек Довуд (990—1060) Марвни ўзларига пойтахт қилдилар. 1050 й.да Тўғрулбек пойтахтни Райдан Исфаҳонга кўчирган.

Алп Арслон ва *Маликшоҳ* ҳукмронликлари даврида салжуқийлар Кичик Осиё ва Яқин Шарқда мустаҳкам ўрнашиб олишган. Улар Византия императори Роман IV Диогеннинг 200 минг кишилик қўшинини енгиб (1071), бутун Кичик Осиёни (1071—81), кейинчалик Сурия ва Фаластинни забт этишган. Арманистон, Грузия, Ширвон ҳам бўйсундирилган. Шу даврда Балх, Термиз (1044), Бухоро, Самарқанд (1089), кейинчалик Фарғона водийси салжуқийлар қўл остида бирлашган.

Ҳатто Шарқий Туркистондаги *қорахонийлар* ҳам уларнинг устунлигини тан олишган. Алп Арслон пойтахтни Исфаҳондан Марвга кўчирган. Салжуқийлар қўшинлари Арабистон я.о.даги Яман ва Баҳрайн ерларини ҳам ўз тасарруфларига олишган. Маликшоҳ ҳукмронлиги даврида С.д. ҳарбий-сиёсий жиҳатдан жуда кучли бўлган. Бу вақтда пойтахт яна Исфаҳонга кўчирилган. 11-а. охирларида С.д. Шарқий Туркистондан Ўрта ер ва Мармар денгизларигача бўлган катта ҳудудни ўз ичига олган. Бу давлат Хитой б-н Византия ўртасида жойлашган. Салибчиларнинг Шарққа қилган юришларини тўхтатишда салжуқийларнинг хизмати катта бўлган.

11-а. охирларидан бошлаб, С.д. парчалана бошлайди. Чунки 1-салиб юриши натижасида С.д. Грузия, Ширвон ҳамда Кичик Осиёнинг соҳил бўйи ҳудудларидан, Сурия ва Фаластиннинг бир қисмидан ажралган (1096—99). С.д.дан бир неча мустақил султонликлар ажралиб чиққан. Мас., Кермон султонлиги (1041—1187), Шом (Сурия) султонлиги (1074—1117), *Кўния султонлиги* ва б. салжуқий султонлар ўғуз ва б. туркий уруғлар бошлиқлари, жасур жангчиларга *иқто* инъом қилганлар. Мас., Маликшоҳ салтанатини 12 та вилоят — мулкка ажратиб, уларни амирлар ва лашкарбошиларга иқто тариқасида берган. Катта-катта мулкларга эга бўлган иқтодорлар эса мустақил бўлишга ҳаракат қилганлар. Маликшоҳ вафоти (1092)дан сўнг, унинг ўғиллари ўртасида тахт учун кураш авж олди. Ака-ука султонлар Маҳмуд (ҳукмронлик даври: 1092—94), *Барқиёруқ*, Маликшоҳ II (ҳукмронлик даври: 1104—25), Ғиёсиддин Муҳаммад (ҳукмронлик даври: 1105—18) айрим ҳокимларнинг исёнларини бостириш б-н бирга *исмоилийлар* ҳаракати, хусусан, *ҳашшошийларга* қарши кураш олиб боришга мажбур бўлганлар.

Буюк С.д. тахт учун курашлар оқибатида шарқий ва ғарбий қисмларга бўлинган. Ғарбий қисмга кирган Ғарбий Эрон, Ироқ ва Озарбайжонни Ироқ султонлиги (1118—94) номи б-н султон Ғиёсиддин Муҳаммаднинг ўғли султон Маҳмуд (ҳукмронлик даври: 1118—31) бошқаришни бошлаган. У Ҳамадонни ўзига пойтахт қилган. Шар-қий қисм, асосан, Хуросон, Сейистон, Хоразм ва Мовароуннаҳрдан иборат бўлиб, унга султон Маликшоҳнинг кенжа ўғли султон *Санжар* ҳукмронлик қилган ва пойтахти Марв бўлган. Санжарнинг қудрати авжга чиққан даврларда ғарбий салжуқийлар ҳам унинг сиёсий таъсири остида бўлишган, Ғазнавийлар давлати эса унга 1117 й.дан тобе бўлган. Бироқ Шарқдан *қорахитойларнинг* Мовароуннаҳрга бостириб кириши, Самарқанд яқинида бўлган маш-ҳур *Қатвон жанги* (1141 й. 9 сент.) да улар қарлуқлар б-н биргаликда салжуқийлар ва қорахонийларнинг бирлашган қўшинини тор-мор қилиши натижасида Санжарнинг куч-қудрати заифлана бошлаб, у Мовароуннаҳр, кейинчалик Хуросоннинг асосий қисмидан ажралади. *Ануштегинийлардан Қутбиддин Муҳаммад*, хусусан, *Отсиз* даврларида Хоразм ҳам С.д.дан ажралиб чиқиб, ўз мустақиллигини тиклаган. Отсиз, ҳатто салжуқийлар пойтахти Марвни эгаллаб, Нишопурни қамал қилган (1141—42). Санжарнинг вафоти (1157) дан сўнг салжуқийларнинг Хуросондаги ҳокимлиги тугаган. Хуросон ғузлар (ўғузлар) тасарруфига кирган. 1117 й. салжуқийларнинг Шом (Сурия) султонлиги, 1187 й. Кермон султонлиги ҳам тугатилган. Хоразмшоҳлар 12-а. 2-ярмидан бошлаб ғарбий салжуқийларнинг Ироқ султонлигига кучли зарбалар беришган. Хоразм-шоҳ *Такаш* Ироқ султонлигини ҳам тор-мор қилиб, ўз давлатига қўшиб олган (1194). Фақат Кичик Осиёдаги Кўния (Анадолу ёҳуд Рум) султонлиги 14-а. бошларигача ҳукм сурган.

Давлатни бошқариш. С.д. тепасида олий ҳукмдор — султон (султон ул-аъзам) турган. Унинг номидан хутба ўқилиб, танга зарб этилган. Тахт отадан болага мерос сифатида ўтган. Мулк, ер-сув тақсимлаш, муҳим давлат ва бош-қарув мансабларига тайинлаш, амалдорлар ишини назорат қилиш ва б. султоннинг ваколатлари доирасига кирган. Салжуқийларнинг бошқарув тизими *сомонийлар*, қорахонийлар, ғазнавийларники сингари иккита: *дарғоҳ* ва *девонлар*га бўлинган. Улуғ ҳожиб, ҳорис амири (амири ҳорис), салоҳдор, хос ваканд, *аламдор*, жондор, таштдор, сарҳанг, *мироҳур* дарғоҳдаги асосий лавозимлар саналган. Бош вазир девони аъло — марказий бошқарув тепасида турган. Девони тутро, девони истифо(молия девони), девони ишраф (назорат девони), девони арз (ҳарбий вазирлик) каби расмий девонлар бўлган. Вилоят бошлиқлари (волийлар) ҳам ўз девонларига эга бўлишган. Волийлар султон томонидан тайинланган бўлиб, улар вилоят ҳаёти б-н боғлиқ барча соҳалар: молия, солиқ, суд, ҳарбий ишлар, жазо идораларига раҳбарлик қилган. Туман ва шаҳар миқё-сидаги бошқарув тизими ҳам деярли шундай бўлган.

С.д.да, айниқса, Буюк салжуқийлардан Тўғрулбек, Алп Арслон, Маликшоҳ, Санжар даврларида иқтисодий ва маданий ҳаётда катта кўтарилиш юз берган. Ҳунармандчилик тараққий қилган: тўқимачилик, кулоллик, заргарлик, ойнасозлик, темирчилик, кўнчилик ва гилам тўқиш ривожланган. *Буюк ипак йўли* улкан салтанатнинг марказий шаҳарлари орқали ўтган. Шарқий Европа, Византия, Ҳиндистон, Хитой мамлакатлари б-н савдо алоқалари гуркираб ривожланган. Маликшоҳ Шарқ ва Ғарб ўртасидаги савдони жонлантириш учун Хуросон ва Ироқ савдогарларини бож тўловидан озод қилган. Каспий денгизи орқали Туркистонга нефть маҳсулотлари келтирилган. Ички савдо ҳам ривожланган. Мамлакатда соф олтиндан зарб этилган динор (қизил динор) жорий этилган. Бундан ташқари, маҳаллий динор (рукний) ва мис дирҳамлар ҳам бўлган.

Маданияти. С.д.да илм-фан ва маданият ривожланган. Айниқса, Эрон, Ироқ ва Мовароуннаҳрда маданий юксалиш юқори бўлган. Нишопур, Исфаҳон, Басра, Ҳирот, Марв, Бухоро, Самарқандда мадрасалар бунёд қилинган. Хусусан, буюк вазир *Низомулмулк* қурдирган Бағдоддаги Низомия мадрасаси (1067) бутун жаҳонга машҳур бўлган. Низомулмулк давлатни бошқариш асослари ҳақида «Сиёсатнома» асарини яратган. Мунаджжим ва риёзиётчи олим *Умар Хайём* лойиҳасига кўра, Исфаҳонда расадхона қурилган. У Маликшоҳ топшириғига кўра, расадхонада кузатув ишларини олиб борган ва *солномаларнинг* шамсий тақвимини ислоҳ этиб, Янги тақвим («Маликшоҳ тақвими» ёхуд «Жалол эраси») ни тузган (1079). Низомий Ганжавий, Жалолиддин *Румий*, Саъдий Шерозий, Умар Хайём форс шеъриятининг сўнмас дурдоналарини яратишган. Муҳаммад Ғазолий, Фаридиддин Аттор, Ҳожа Юсуф Ҳамадоний каби ислом уламолари ва сўфийлар ижод қилишган.

С.д.да риёзиёт ва илми нужум (Бараҳовуддин Абубакр Марвазий, Шарафиддин Тусий, Абулҳасан Али Марвазий, Абулҳотам Музаффар Исфизорий, Заҳириддин Ғазнавий), тиббиёт ва кимё (Исмоил Журжоний, Фахриддин Розий), тарих (Заҳриддин Нишопурий, Садриддин Ҳусайний, Анушервон Кошоний, Абу Бакр Равондий), адабиёт (адиб *Собир Термизий*, *Носир Хусрав*, Анварий, Асириддин Ахсикатий, Рафъий Марвазий ва б.) соҳаларига оид кўплаб бебаҳо асарлар яратилган. Бу даврда Нишопур, Марв, Исфаҳон, Рай, Ҳамадон каби пойтахт шаҳарлар, шунингдек, Бухоро, Самарқанд, Термиз-да кўплаб меъморий ёдгорликлар қурилган. Марв гуллаб яшнаган, у «Марвни Шоҳижаҳон» — «Шаҳарлар шоҳи» деб улуғланган. Тарихчи ва саёҳ Ёқут Ҳамавий Марвда бўлганида бу ерда 10 та йирик кутубхона борлигини кўрган ва улардан фойдаланган. Термиз яқинидаги Пайғамбаророл-да Зулкифл мажмуаси (11—12-а.лар), Султон Саодат меъморий мажмуи (11—18-а.лар), *Жарқўрғон минораси* (1109), Марвда Султон Санжар мақбараси (12-а.) ва б. меъморий обидалар қурилган.

Салжуқийларнинг Кўния султонлигида ҳам маданият тараққий этган. Кичик Осиёнинг исломлашиш жараёни кучайиб, *тасаввуф*нинг мавлавийлик, *бектошия* каби тариқатлари шаклланган, ахийлик (жавонмардлик) ва қаландарлик кучайган. Жалолиддин Румий, Юнус Эмро (1240—1320), Ҳожа Бектош Вали (1248—1338), Садриддин Кўнёвий, Шаҳобиддин Суҳравардий сингари машҳур мутасаввифлар етишиб чиққан. Кўния (Иконий), Сивас, Қайсария, Никея шлари йирик маданий марказлар ҳисобланган. Бу варианти шаклланган, *латифада* Ҳўжа Нас-риддин (Афанди) образи (Туркистон ва Анадолуда) яратилган.

Манбалар: Садриддин Али ал-Ҳусайни, Ахбар ад-даулат ас-сельджукийа (Зубдат ат-таварих), М., 1980; Абу-л-Фазл Бейҳаки, История Масъуда (1030—1041), Т., 1962. 2-нашри, М., 1969; Рашид-ад-Дин, Сборник летописей, т.1, кн. 1, М.-Л., 1952; Фазлаллах Рашид ад-Дин, Огуз-наме, Баку, 1987; Низомулмулк, Сиёсатнома ёки сияр ул-мулук, Т., 1997.

Ад.: Городецкий В. А., Избранные сочинения, т. 1(Государство Сельджукидов Малой Азии), М., 1960; Агаджанов С. Г., Государство сельджукидов в Средней Азии в XI—XII вв., М., 1991; Азамат Зиё, Ўзбек давлатчилиги тарихи, Т., 2000; Термиз — буюк чорраҳадаги кўҳна ва янги шаҳар, Т., 2001; Рахманалиева Р., Империя тюрков, М., 2002.

Қаҳрамон Ражабов.

САЛИБ ЮРИШЛАРИ — 1096—1270 й.ларда Ғарбий Европа зодагонлари ва католик черкови томонидан Яқин Шарққа (Сурия, Фаластин, Шим. Африка) қилинган босқинчилик урушлари. С.ю.нинг босқинчилик моҳияти [Ғайридин (мусулмонлар)ларга қарши кураш ва «худо қабрини» ҳамда «муқаддас ер» (Фаластин)ни озод қилиш] б-н ниқобланган.

Салибчилар, одатда, кийимларига салиб (хоч) белгисини тикиб олишган (юришларнинг номи шундан). 11-а.нинг сўнги чорагида *салжуқийлар* томонидан Византиянинг Кичик Осиёдаги ерларини ҳамда диний аҳамя бўйича «муқаддас шаҳар» бўлган Қуддусни эгаллаб олишлари салибчиларнинг Ўрта денгизнинг шарқидаги ерларга бостириб киришига сабаб бўлган. Византия салжуқийларга қарши курашни учун Ғарбдаги давлатлардан бир неча бор ҳарбий ёрдам сўраган. С.ю. нинг бевосита ташкилотчиси бўлган Рим папаси бундан фойдаланган. Папалар католик черковининг таъсирини кучайтириш ва кенгайтириш, православ черковини Римга бўйсундириш мақсадида диний фанатизмни авж олдиришган. Салибчиларнинг кўпчилигини қашшоқлашиб қолган ришарлар, йирик сеньорлар ҳамда деҳқонлар ташкил қилган.

1-С.ю. (1096—99) 1095 й. Клермонда папа Урбан II томонидан эълон қилинган. 1099 й. июлда салибчилар салжуқийлардан Қуддус (Иерусалим) ш.ни тортиб олишган ва Қуддус қироллигини ташкил этишган;

2-С.ю. (1147—49) га 1144 й. салжуқийларнинг Эдесса ш.ни босиб олишлари баҳона бўлган. Бу юриш мағлубиятга учраган;

3-С.ю. (1189—92)нинг бошланишига 1187 й. Миср султони Салоҳиддин томонидан Қуддуснинг эгаллаб олиниши сабаб бўлган. Бу юриш ҳам барбод бўлган;

4-С.ю. (1202—04) ни 1199 й. папа Иннокентий III уюштирган. Унинг натижасида француз, немис ва итальян салибчилари дастлаб Мисрга мўлжалланган юришнинг йўналишини ўзгартириб, христианлар яшайдиган шаҳарлар — Задар (Далмация, 1202 й. нояб., Константинополь (Византия пойтахти, 1204 й., апр.)ни босиб олиб, *Лотин империясини* тузишган.

5-(1217—21), 6-(1228—29), 7-(1248—54), 8-(1270) С.ю. самарасиз бўлган. 1291 й.да Акра ш.нинг мусулмонлар қўлига ўтиши натижасида салибчилар Шарқдаги мулкларини бутунлай йўқотганлар.

Немис зодагонларининг 12—13-а.ларда славянлар ва б. Болтиқбўйи халқларига қарши юришлари ҳамда 1209—29 й.ларда папалик ташаббуси б-н Шим. Франция рицарларини Жан. Франциядаги диний ҳаракат қатнашчилари — альбигойчиларга қарши Альбигой урушларини ҳам кўпинча С.ю. деб аташади.

САЛИМ I Ёвуз (1477—1520.20.9) — *Усмонли турк империяси* султони. Султон Боязид II нинг ўғли. 1512 й.нинг қишида яничарлар ёрдамида отасидан тахтни тортиб олган. С.I нинг буйруғига мувофиқ, унинг ака-укалари, жиянлари қатл этилган. Шиаликка қарши кураш шиори остида 1513 й. унинг ҳукмига биноан, салтанатда яшовчи 40—45 минг атрофидаги шиалар қатл қилинади. Бундай қирғиндан асосий мақсад Эрон шоҳига қарши қилиниши режалаштирилаётган юриш олдидан Эрон б-н чегарадош вилоятларни шиалардан тозалаш эди. Шоҳ *Исмоил I* ва султон С.I ўртасида Чолдирон водийсида 1514 й.нинг 23 авг.да содир

Салиб юришлари. Салибчилар томонидан 1204 й. Константинополнинг штурм қилиниши (Я. Тинторетто, 16-а; Венеция).

бўлган жангда ҳар бири тахм. 120 минг аскардан иборат 2 қўшин тўқнашади. Ўт сочар қурол, яъни тўп, замбарак ва мил-тиқлар б-н қуролланган турк армия-си Исмоил I қўшинини бутунлай яксон этади. Жанг майдонида шоҳнинг 50 минг аскари нобуд бўлади, қароргоҳи тўлалигича туркlар қўлига асир тушади. Шоҳ пойтахти Табризда бир неча кун қўним топган С. I улкан ўлжа б-н Истанбулга равона бўлади. Шундан сўнг С.I Жан.-Шарқий Анадўлу ҳамда Курдистонни забт этади. Диёрбакр, Мўсул, Мардин ш.лари унга таслим бўлади. Оз фурсат ўтмасдан С.I Миср мамлуклари томон йўлга чиқади. 1516 й.нинг 24 авг.да Марж Добик майдонида туркларнинг турли калибрдаги тўпларига бардош беролмаган мамлукларнинг 60 минг кишилик армияси тор-мор этилади. Ушбу жангдан сўнг Ҳалаб, Айнтоб (Айнтоб) сингари қатор Шом ш.лари С.I га бўйсундирилади. 1516 й.нинг 28 авг.да Ҳалабда жума намозида С.I га «Икки муқаддас шаҳар хизматчиси» фахрий унвони берилади. Мана шу кундан эътиборан Усмонли султонлар халифа деб номлана бошлаган. 1516 й.нинг сент.да С.I бутун Сурия ҳудудини деярли қаршиликсиз қўлга киритади, нояб. охирида турк армияси Фаластинни таслим этади. 1516 й.нинг 25 дек.да мамлукларнинг янги султони Туманбой қўшинлари Синон Юсуф пошо қўмондонлигидаги туркlар томонидан мағлубиятга учратилади. Бир ой ўтгандан сўнг Миср Усмонийлар салтанатининг бир қисмига, яъни ўлкасига айлантирилади.

1516 й. Шим. Африканинг йирик порти ҳисобланган Жазоир ва унинг атрофидаги ерлар туркlар тасарруфига киритилади. Натижада туркларга тегишли юртлар қаторидан Болқон, Жан.-Шарқий Анадўлу, Арабистон ҳамда Шим. Африка ерлари ўрин олади. Венгрия чегаралари ҳамда Адриатика денгизидан Форс кўрфазигача бўлган ҳудудлардан ўтувчи савдо йўллари бевосита туркlар назоратига киради. 1519 й. жалолийлар кўзғолонини бостирган. Миср да мамлуклар давлатининг тугатилиши, Эроннинг сезиларли даражада кучсизланиши, султон С.I ўз нигоҳини такрор Европага қаратиш имконини берди. 1520 й. С.I янги босқинчилик юришларига (Родос ва Ҳиндистонга) тайёргарлик чогида 43 ёшида вафот этади.

Ад.: Петросян Ю. А., Османская империя. Могущество и гибель, М., 1990; Иванов Н. А., Османское завоевание арабских стран (1516—74), М., 1384; Книга законов султана Селима I, М., 1969.

Ҳамидулла Дадабоев.

САЛИМ III (1761.24.12 — 1808.28.6) — Туркия султони (1789—1807). Мамлакатни парчаланишдан сақлаш учун ислоҳотлар ўтказган. Унинг топшириғига биноан, «Низоми жадид» («Янги низом») ишлаб чиқилган ва қисман амалга оширилган. 1792—96 й.ларда С. III ҳарбий мажбуриятларини адо этишдан бош тортган иқтодорларнинг ерларини тортиб олиш ва қўшинларнинг европача янги корпусини вужудга келтириш ҳақида фармон чиқарган. Ҳарбий муҳандислар ўқув юрти очилган, янги ҳарбий флот тузилган. Мулкдорлар ва уламоларнинг аксарияти, шунингдек, *яничарлар* бу ислоҳотларга қаттиқ қаршилик кўрсатган. Яничарлар галаёнлари бошланганда С. III ўз маслакдошларини фаол қувватлашда ожизлик қилган. Натижада 1807 й. 28 майда С. III тахтдан агдарилган ва бир йилдан сўнг сарой тўдаси ёллаган қотиллар томонидан ўлдирилган.

Ад.: Миллер А.Ф., Краткая история Турции, М., 1948; Новичев А.Д., История Турции (1792—1839), М., 1968.

САЛИМИЯ МАСЖИДИ — Туркия (Эдирне ш.)даги меъморий ёдгорлик (1569—75). Меъмори Хожа Синон. С.м. ўзига хос ташқи кўринишга эга. Мураббa тарҳли, хонақоҳи улкан гумбазли (диаметри 31,28 м). Гумбаз 8 та равоқли устунларга таянган. Хонақоҳ 3 томондан галереяли, равоқли, томи гумбазли хоналар б-н ўралган. Ҳовли ўртасида катта мармар фаввора бор. Масжидга кириладиган 7 та мармар пештоқли эшикларнинг 4 таси залнинг ён тарэларида жойлашган. С.м.да кошини ва мармар безаклар кенг қўлланилган. Унинг 4 бурчагидаги 4 минора (бал. 70 м) масжидга салобат бахш этган. С.м.да турк меъморлигининг миллий қирралари ёрқин акс этган.

Салимия масжиди.

САЛИМОВ Даврон Исмоилович (1941.17.3, Тошкент) — оператор, реж. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1981). ВГИК (Бутуниттифоқ Давлат кинематография ин-ти)ни тугатган (1965). 1961 й.дан Ҳужжатли фильмлар киностудиясида оператор (1986—93 й.лар директор). «Тошкентда шундай қиз яшайди», «13 қалдирғоч», «Устоз, сенга таъзим қиламиз» каби қисқа метражли, «Йўлда ва она юртда», «Тошкент. Зилзила», «Санъатга бахшида умр», «Олтин Бенгалия» каби тўламетражли публицистик ҳужжатли фильмларни, «Олмос», «Командирнинг қайтиши», «Умилимиз қушлари» каби бадиий фильмларнинг оператори. «Бобо» («Кумуш аждар» совриниси олган, Краков), «Ота-оналар уйи» каби қисқа метражли, «Сув келди», «Кизилқумни дашт-биёбон деманг!» каби тўла метражли поэтик, публицистик ҳужжатли фильмларнинг муаллиф — реж., жатли фильмларнинг муаллиф — реж., оператори. «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (2001).

САЛИМОВ Дамир Исмоилович (1937.19.7, Самарқанд) — кинорежиссер. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1983). ВГИК (Бутуниттифоқ давлат кинематография ин-ти)ни тугатган (1960). С. биринчи ўзбек мультипликация фильмларининг («6×6 квадратида»; «Сеҳрли сандиқ») муаллиф ва реж.и. Кейинчалик «Балкон», «Дўстингни эҳтиёт қил» ва б. мультфильмларни ишлаган. У «Йўлдоши Охунбобоев», «Нон, туз ва қўшиқ», «Ёруг йўл» каби ҳужжатли, «Сахро узра осмон», «Ҳаёт «Тоғлар чорлайди», «Шум бола», «Ҳаёт мазмуни» сингари бадиий фильмларга режлик қилган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1983).

САЛИМОВ Зокиржон (1940.31.12, Ўш) — кимёгар олим, Ўзбекистон ФА ак.д. (1987), Техника фанлари д-ри (1976), проф. (1979). Тошкент политехника ин-тини тугатгач (1962), аспирант (1964—67), катта ўқитувчи (1967—70), доцент (1970—77), проф. (1977—80), кафедра мудири (1980—85). Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари (1985—87), Ўзбекистон ФА вице-президенти (1987—90). Кимё ин-ти (ҳоз. — Умумий ва ноорганик кимё ин-ти) директори (1990 й. дан). Айни вақтда лаб. мудири (1989 й.дан). Асосий илмий ишлари кимёвий технологиянинг гидродинамик, иссиқлик ва модлалар алмашинуви, каталитик жараёнларини

турли омиллар таъсирида жалаллаштириш назарияси ва амалиётига оид. С. рақобатчилда юқори самарали мавҳум қайнаш қатламли чанг ушлагичлар, пневмотранспорт ва сепарацион қурилмалар ихтиро қилинган, табиий ёг кислоталарини ректификацион йўли б-н ажратиш ва пластинкали иссиқлик алмашинуви қурилмалари юзасини тозалаш усуллари ишлаб чиқилган.

Ас.: Кимёвий технологиянинг асосий жараёнлари ва қурилмалари [2 жил]. Т., 1994, 1995; Полифункциональные катализаторы и гидрогенизационные процессы нефтепереработки, (в соавторстве) Т., 2000.

САЛИМОВ Олимжон (1947.30.8, Наманган вилояти Косонсой ш.) — реж., актёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1990). Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг ак-тёрлик (1969), реж.лик (1993) ф-тларини тугатган. 1969—84 й.лар Қўқон шаҳар мусиқали драма театрида актёр, кейинчалик реж. 1984—93 й.лар Фар-гона театрида бош реж., 1993 й.дан Ёш томошабинлар театрида бадиий раҳбар. Реж. сифатида «Бир хонада қўш ҳинтома» (А. Вампилов), «Соҳил ёқалаб чопаётган олампар» (Ч. Айтматов), «Жафога вафо» (Алп Жамол), «Темир хотин» (Ш. Бошбеков, «Гран-При» мукофоти, 1988, 1989), «Тошкентга саёҳат» (Ҳамза), «От йиғлаган томонда» (Т. Мурод), «Уфқ» (С.Аҳмад), «Боз масхарабоз» (О.Салимов), «Соҳибқирон» (А. Орипов), «Турна патлари» (Дзунидзи Киносито), «Икки мўъжиза» (К. Гоцци), «Дала сайли» («Пикник», Ф. Араббал), «Учар табиб» (Мольер) каби спектаклларини саҳналаштирган. Унинг спектакллари халқчиллиги, миллийлиги, анъаналарни янгича, замонавий қарашларга мос ифода воситаларида уйғунлаштирилиши б-н ажралиб туради. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1990).

САЛИМОВ Оқил Умрзоқович (1928.24.12, Тошкент) — техника соҳасидаги олим, давлат арбоби. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1978), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги ФА акад. (1990), техника фанлари д-ри (1978), проф. (1978). Ўрта Осиё индустриал ин-тини тугатган (1950), Москва автомобиль з-ди (ЗИЛ) да муҳандис-технолог (1950—53). Тошда ассистент, доцент, кафедра мудири, декан, проректор (1953—65), ректор (1992—94). Ўзбекистон КП Марказий Комитети фан ва ўқув юрт-лари бўлими мудири ўринбосари, мудири (1966—70), МК котиби (1971—84), Ўзбекистон Олий Совети Президиуми раиси (1984—87), Тошкент ирригация ва қ.хни механизациялаш муҳандислари ин-тида (1987—92), Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири (1994—98). Илмий ишлари автомобилсозликка доир. С. тадқиқотлари автомобиль двигателининг қотлари автомобиль двигателининг қувватини ошириб бориш, юқори ҳимоя роль ўйнади. Ўзбекистонда олий ўқув юртларини ривожлантиришга таълим тизимини ривожлантиришга ва б.да мутахассисларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга маҳаллий кадрлар етиштиришга С. муайян ҳисса қўшди. С. «Дўстлик» (1996), «Эл-юрт ҳурмати» (1999) орденлари б-н мукофотланган.

САЛИМОВА Равила Наджимовна (1941.8.9, Шўрчи тумани) — баскетболчи, 3 карра жаҳон чемпиони (1964—67). Хизмат кўрсатган спорт устаси (1964), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи. Ўзбекистон жисмоний тарбия ин-тини тугатган (1965). 1959—71 й.ларда баскетбол бўйича СССР терма жамоаси ва Ўзбекистон мастерлар жамоаси ўйинчиси. «Меҳнат» жамоасининг саркори. 6 марта Европа чемпиони, 4 марта жаҳон универсиадасининг ғолиби (1960—68). 1971—87 й.ларда баскетбол бўйича спорт устози. Тошкент ш. касаба уюшмалари қарамоғидаги Равила Салимова номидаги баскетбол бўйича махсус болалар-ўсмирлар спорт мактаби директори (1987 й.дан).

САЛИМОВА Сулув (1956.10.2, Бахмал тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Жиззах педагогика ин-тини тугитган (1979). 1975—2001 й. лар да Бахмал туманидаги 1-мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси. Дарсларни ноанъанавий усулда, янги педагогик технологиялар асосида ўтган.

САЛИЦИЛ КИСЛОТА, *о* - оксибензой кислота, *о* - карбоксифенол, $C_7H_6O_3$ — оддий ароматик оксикислота, рангсиз кристалл модда. Мол. м. 138,12. Суюқланиш т-раси 159°, қайнаш т-раси 211°. Сувда оз, органик эритувчиларда яхши эрийди. Табиатда гликозид сифатида кенг тарқалган. С.к.ни спиртлар (феноллар) б-н қиздириб, С.к. эфирлари олинади. Аниллин б-н реакцияга киришганда салицил-анилид ҳосил бўлади. С.к. саноатда фенолни карбоксиллаб синтез қилинади. Антисептик хоссага эга бўлганлиги учун тиббиётда ва озиқ-овқат, мевалар-ни консервалашда кўплаб ишлатилади. Аналитик кимёда ҳам қўлланади. С.к.нинг метил, изоамил, бензил, фенил каби эфирлари муҳим аҳамиятга эга.

Тиббиётда антисептик, оғриқни қолдирувчи восита сифатида, сепма (2—5%), суртма (1—10%), паста ва спиртдаги эритма (1 ва 2%) ҳолида ишлатилади. С.к. ва сирка кислотанинг мураккаб эфири — *аспирин.*

САЛЛА (форс. — тугун) — мусулмон эркакларнинг бош кийими. Сидирга (оқ, яшил, қулранг ва б.) мато (асосан, дока)дан тайёрланади, эни 0,5 м, уз. 1,5 — 3 м дан 7 м гача ўлчамда бўлади. С.ни дўппи, кулоҳ, телпак устидан, айрим жойлар (Ҳиндистон, Покистон ва б.)да бош кийимсиз ҳаниг бошга ўралади. Шоҳ, вазир, амалдорларнинг унвони ва лавозимига қараб С.га қимматбаҳо тошлар (гавҳар, ёқут ва б.), укпар ҳам тақилган. С.нинг ўрамлар сони ва ўралиш усули, матоси диний мазҳабларни ҳамда кишиларнинг ижтимоий мансублигини билдирган (мас., сайд, ҳожилар яшил рангли С. ўраган).

САЛЛАГУЛ, пион (Paeonia) — саллагулошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар, баъзан чала бута ва буталар туркуми, экма гул. Европа, Евросиё ва Шим. Америкада 40 га яқин, Ўзбекистонда 2 тури маълум. Ўтсимон хитой ёки сутранг С. (P. lactiflora, P. chinensis), доривор С. (P. officinalis) ва б. турларига мансуб жуда кўп навлари экилади. Илдизи кучли ривожланган, йўғон. Новдалари тик, 30—120 см, кўпинча шохланмаган. Барги кетма-кет жойлашган, яшил ёки кўкимтир, куза қизғиш ёки тўқ бинафша ранг. Гули йирик (диаметри 20 см гача), якка, оқ, сарғиш, пушти, қизил, кўпчилиги хушбўй. Асосан, авг. охири — сент. бошларида илдизини бўлиш йўли б-н экилади. Янги экилган ўсимлик экил-

Саллагул.

ганидан кейин 2—3-йили май—июнда гуллайди. Ҳовли ва дала боғларда ўстирилади. Бутасимон турларидан ярим бута С. (P. suffruticosa) экилади, ўтсимон С. турлари илдизларига пайвандлаш, пархиш қилиш, қаламчаси ва уруғидан кўпайтирилади. Апр.—июнда гуллайди.

САЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ (сав) — қ. *Алайҳиссалом.*

САЛМАНАСАР — Оссурияда ҳукмронлик қилган шоҳлар номи.

С. I — шоҳ (анъанавий санага кўра, мил. ав. тахм. 1280—60). Митанни давлатига қарши отаси Аладнирари I томонидан бошланган урушни давом эттирган. Митанни қўшинлари ва кўмакчи хетт ва оромий отрядларини тор-мор қилиб, амалда Митаннини йўқ қилган. С. I қўшинларини Кархемишга юриши хетт-лар ва Миср-га хавф туғдирган. Бу Хетт подшоси Хаттусили III ва Миср фиръавни Рамсес II ўртасида сулҳ тузилишини, шунингдек, Хетт-Бобил иттифоқини қайтадан тикланишини тезлаштирган. Шим.да С. I Урарту қабилалари уюшмасини мағлубиятга учратган.

С. III — шоҳ (мил. ав. 859—825 ёхуд 824). Ашшурнасирпал II (Ашшурнасирапал)нинг ўғли ва вориси. Бит-Адини подшолигини (Фрот дарёсини ўрта оқими бўйлари) тобе этган ва Шим. Суриядаги бир қатор давлатларга ўлпон тўлаш мажбуриятини юклаган. С. III нинг Дамашқ подшолигини эгаллаш учун қилган ҳаракати зое кетган. С. III Финикиянинг савдо шаҳарлари ва Исроил подшолигидан ўлпон олиб турган. Шарқда Мидия ва Урартуга қарши талончилик юришлари қилган.

С. V — шоҳ (мил. ав. 727—722). Тиглатпаласар III нинг ўғли ва вориси. Айни вақтда Бобил подшоси (Улулай номи б-н) бўлган. Тир ва Исроил подшолигига қарши ҳарбий юришлар қилган. Муқаддас ибодатхоналар жойлашган шаҳарларнинг (Ашшур, Сиппар, Ниппур ва Бобил) даҳлсизлигини бекор қилган, улар зиммасига солиқ тўлаш ва турли мажбуриятларни юклаган. 722 й. *Самария* қамали чоғида тахтдан ағдарилган.

САЛМОН ал-ФОРИСИЙ, Абу Абдуллоҳ Салмон ал-Форисий (?, Исфаҳон — 658) — саҳоба; Муҳаммад (сав)нинг мавлоларидан. Отаси мажусий динида бўлгани учун ундан кетиб қолган. Аввал насроний динига кириб, бир неча вақтдан кейин Мадинага бориб, ислом динини қабул қилган. 627 й.даги *Хандақ жанг*ида айнан С. ал-Ф. Муҳаммад (сав)га Мадина ш. атрофида хандақ қазишни ва унга камончиларни жойлаштиришни маслаҳат берган. Арабистонда илгари кўрилмаган бу янги тактик усул мушрикларнинг ҳарбий кучининг асосини зарбдор қисмини ташкил этган балавийлар отлиқ қўшинининг жанговарлик имкониятларини анча пасайтирган. Бу кутилмаган ҳол бўлиб, уларни саросимага солган, натижада мусулмон қўшини зафар қозонган. С. ал-Ф. *тасаввуф*нинг асосчиларидан бири ҳисобланади. Шиалар С. ал-Ф.ни *Аминни содиқ* сифатида жуда қадрлайдилар. С. ал-Ф. Мадоин ш. (Ироқ)га ҳоким бўлганда, бўйра тўқиб, сотиб, ўз меҳнати эвазига тирикчилик ўтказган; маошини эса муҳтожларга тарқатган. Кўплаб ҳалислар ривоят қилган.

САЛМОНХЎЖА САМАРҚАНДИЙ (19-а.) — тарихчи олим. Самарқанд қозикалони Абдулҳай хонадонида туғилган. Самарқанд ва Бухорода мадраса таҳсилини олган. Бухоро амири *Музаффар*нинг фармони б-н «Тафсил ва баёни давлати жамоа Мангит аз-замони Раҳимхон» («Раҳимхон давридан бошлаб Мангитлар давлатининг тафсили ва баёни») асарини ёзиб, унда *мангитлар* сулоласи тарихи *Муҳаммад Раҳим* давридан бошлаб то полно Россияси босқини — 1868 й.гача мухтасар баён қилинган. Асарнинг қўлёзма нусхаси Санкт-Петербургдаги Шарқшунослик ин-ти фондида сақланади.

Ад.: Абдуллаев И., Ҳикматуллаев Х., Самарқандлик олимлар, Т., 1969.

САЛОМ (Salam) Абдус (1926.29.1, Жанг) — покистонлик назариётчи-физик, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1959 й.дан). Кембриж ун-тини тугатган (1951). 1951—54 й.ларда Лоҳурдаги коллеж проф., 1957 й.дан Лондон ун-ти проф. 1964 й.дан Триест (Италия) даги Халқаро назарий физика маркази директори. Асосий илмий ишлари майдонлар назарияси, гравитация ва элементар зарраларга оид. Электромагнит ва кучсиз ўзаро таъсирларнинг умумий назариясини ишлаб чиққан. Нобель мукофоти лауреати (1979; Ш. Глэшоу ва А. Вайнберг б-н ҳамкорликда).

САЛОМ (араб. — сулҳ, дўстлик, омонлик) — 1) кишиларнинг кўришганда бир-бирлари б-н ўзаро сўраниш ифодаси. Жаҳондаги кўпгина халқларда С. сўз орқали бажарилади. Ҳар қандай одамга мурожаат ёки муомала қилишдан олдин С. бериш ва алик олиш инсоний фазилатдир (қ. *Ассалому алайкум*); 2) хонамирлар б-н учрашув (аудиенция) ҳам С. деб аталган. Амир, хонларнинг қабулхонаси саломхона деб аталиб, унинг хизматчиси салом оғаси деб юритилган; 3) келин куёв хонадонига келгандан кейинги биринчи кун эрталаб уни куёв оталарига ва яқин қариндошларига таништирга олиб чиқиш маросими ёки умуман келинчак таъзими (қ. *Келин салом*).

САЛОМ — Ҳиндистоннинг жан. қисмидаги шаҳар. Шарқий Гат тоғлари этагида. Тамилнад штатида. Аҳолиси 915 минг киши (2001). Аэропорт бор. Ипак, ип газлама, кимё саноатлари ривожланган. Металлсозлик ва металлургия корхоналари бор. Боксит қазиб олинади. Алюминий ишлаб чиқарилади. С. яқинида йирик магнезит кони очилган.

САЛОМАЛАЙКУМ (Cyperus rotundus L.) — ҳилолдошларга мансуб илдизпояли кўп йиллик бегона ўт. Пояси ингичка, уч қиррали, ялангоч, бўйи 15—50 см. Барглари ясси, кулранг, эни 5 мм гача. Гуллари соябонсимон, тўпгулга йиғилган. Меваси уч қиррали ёнғоқча (уз. 1,5—1,8 мм). Илдизпояларидан кўплаб туганакли новдалар чиқади. Ўсимлик уруғидан ва ингичка илдизпояларидан кўпаяди. Ёш ўсимликнинг пояси асосида бирламчи илдизпоя ривожланади, илдизпоя учида эса туганак ҳосил бўлади, ундан янги илдизпоялар ён атрофга ёйилиб кетади ва уларда туганаклар ҳосил бўлади. Булардан янги новдалар ўсиб чиқали. Ҳар бир ўсимлик тупроқ шароитига қараб ён, қўшимча илдизпоялар ҳосил қилади, улардан ҳам ер устига янги поялар ўсиб чиқади. Илдиз-пояси крахмалга бой, таркибида 0,5—1% гача эфир мойлари бор. Илдизпоясидан тайёрланган дамлама халқ табобатида терлатувчи ва сийдик ҳайдовчи дори сифатида ишлатилади. С. Ўзбекистонинг барча суғориладиган ҳудудларида сабзавот ва б. экинлари орасида бегона ўт сифатида кўп учрайди.

Саламалайкум.

Кураш чоралари: кузда ерни чуқур ҳайдаш, экин экишдан олдин бегона ўт илдизпояларини йиғиштириб олиш, чуқур культивация ўтказиш.

САЛОМАТЛИК ИНСТИТУТИ — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли муассаса. 2001 й. 1 апрелда Тошкентда ташкил этилган. С.и.нинг асосий мақсади аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, барқарорлаштириш, барқамол авлодни тарбиялаш, жисмоний тарбия ҳамда оммавий спорт ҳаракатларини профилактик тиббиёт б-н уйғунлаштириш, саломатлик учун хавфли бўлган омилларни аниқлаш, аҳоли саломатлигини таҳлил қилиш ва шу асосда соғлиқни сақлаш ривожлантиришнинг бош йўналишини аниқлаб беришдан иборат. Ин-тда 6 бўлим (ташкилий-услубий, таҳририят-нашриёт, соғлом турмуш тарзи тарғиботи ва уни ўқитиш, оммавий-ахборот, аҳоли саломатлиги ҳолати мониторинги ва уни башорат қилиш, ахборот-таҳлил; халқаро ва нодавлат ташкилотлар б-н алоқалар ва уларнинг ишларини мувофиқлаштириш), 14 филиал (12 вилоят, Тошкент ш. ва Қорақалпоғистон Республикаси), 161 та туман, 15 та шаҳар ва 1 та Навоий кон-металлургия к-ти Саломатлик марказлари мавжуд.

Ин-тда 2 фан д-ри, проф. (О.М. Миртазаев, О.Б.Қутлумуратов), 465 врач, 474 ўрта тиббий ва б. соҳа мутахассислари фаолият кўрсатади. Ин-тда илмий ишлар тўплами, монография ва б. услубий қўлланмалар чоп этилади.

САЛОМХОНА — қ. *Кўрпачахона.*

САЛОН (франц. Salon) — 1) Европача (ўтмишда) меҳмонхона, қабулхона; 2) кўргазмалар ташкил этиладиган бино, бадиий буюмлар дўкони ва б.; 3) автобус, самолётларнинг йўловчилар ўтириладиган ички хонаси.

САЛОНИКИ, Фессалоники — Грециядаги шаҳар. Эгей денгизининг Термаикос кўлтиғи соҳилидаги йирик порт (йилига 10 млн. т юк ортиб-туширилади). Болқон я.о. давлатлари учун транзит порт. Салоники номи (вилоят)нинг маъмурий маркази. Аҳолиси 378 минг киши, шаҳар атрофи б-н 749 минг. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Иқтисодий аҳамияти бўйича мамлакатда Афина ш.дан кейин 2-ўринда. Нефтни қайта ишлаш ва нефть кимёси, металлсозлик, машинасозлик (хусусан, кемасозлик ва кема таъмирлаш), тўқимачилик, озиқ-овқат, кўн-пойабзал, целлюлоза-қоғоз саноати корхоналари мавжуд. С.да ҳар йили кузда халқаро ярмарка ўтказилади. Ун-т, археология музейи бор.

С.га мил. ав. 315 й.да Македония шоҳи Кассандр томонидан асос солинган.

Салоники шаҳрининг умумий кўриниши.

Мил. ав. 148 й.да римликлар қўл остига ўтди. Византия даврида аҳамияти бўйича Константинополдан кейин 2-ўринда турган. 1430 й.дан Усмонли туркlар салтанати тасарруфига ўтган, 1912—13 й.лардаги Болқон урушидан кейин Греция таркибида. Меъморий ёдгорликлардан қад. Рим сарой ансамблари, қалъа деворлари ва миноралар, қаср (14-а.), черков (4-а.) сақланган.

Салор каналининг Тошкент ш.дан ўтган қисми.

САЛОР — Тошкент вилоятидаги канал. Қибрай тумани ҳудудида *Бўзсув* каналидан сув олади. С.к.нинг бош қисми *Салор ГЭС* нинг қуйи чиқариш ўзанида жойлашган. Тошкент ш. ҳудудидан ўтади. Зангиота туманининг жан.дан ўтиб, Янгийўл туманида тугайди. Умумий уз. 60 км. Каналнинг кенглиги 10—15 м, чуқ. 1—2 м. Бош сув олиш иншооти 20 м³/сек сув ўтказишга мўлжалланган. Каналдан Дам ва Полвон каналлари сув олади. Тошкент ш.нинг бир нечта саноат корхоналари, жумладан, Тошкент иссиқлик электр марказининг сув таъминоати учун фойдаланилади.

С. қазимда Бўзсувнинг чап соҳилидан, ҳозирги Салор ГЭС нинг қуйироғидан қазилган. С.га Бўрижар, Қорасув оқовалари ҳам келиб қўшилган. Натижада С.нинг суви бирмунча кўпайиб, ундан Қуркулдак ва Ниёзбошн ариқлари чиқарилган. С., Қуркулдак ва Ниёзбошн қадимда кўп учрайди. Бу даврда С. ва унинг шохобчалари бўйларида турли иншоотлар (Қовунчитепа, Куйгантепа, теҳкомлар (Қовунчитепа, Куйгантепа, Ниёзбоштепа ва б.) пайдо бўлган. 4—11-асрларда С. бўйида *Мингўрик*, Тошкентнинг қадимий маркази — *Бинкат*, шунингдек, *Данфигантсет*, Шутуркент ва б. шаҳарлар вужудга келган. 11—12-а.ларда С. бирмунча кенгайтирилган, суви кўпайган; лекин 13-а.да мўғуллар ҳужумидан кейин қарийб қолган. Кейинчалик (19-а.) канал ўзани яна ишлатилган.

Сўнгги йилларда канал ўзанининг аксарияти тозаланиб, айрим қисмлари қайта қурилмоқда. Каналнинг Тошкент ш.да Пушкин кўчаси б-н темир йўл бекати кўпригигача бўлган қисми тўлиқ қайта тозаланган, ободонлаштирилди ва истироҳат боғлари ташкил этилди. Каналнинг сув ўтказиш қобилиятини ошириш (50 м³/с гача етказиш), ўзанини бетонлаш ишлари олиб борилмоқда. С. суви б-н Зангиота ва Янгийўл туманларида 3,5 минг га ер суторилади.

Зиёвиддин Артиқметов, Баҳодир Солиев.

САЛОР — Тошкент вилояти Қибрай туманидаги шаҳарча (1978 й.дан). Туманнинг шим.-ғарбида жойлашган. Майд. 1600 га. Аҳолиси 26 минг кишидан зиёд (2004). С.да 18 саноат корхонаси бор, шунингдек, турли маҳсулот берувчи 151 кичик ва ўрта корхоналар ҳам мавжуд. Булардан: «Ўзэнергиятаъминот», «Ўзэнергиятаъмир», автотранспорт бирлашмаси, Шарқий иссиқлик изоляцияси, Тошкент иссиқлик электростанцияси, «Роҳат» акционерлик жамияти. Тошкент консерва к-ти, Лимончилик ширкати, Селекция тажриба хўжаликлари, «Буюк Турон» хусусий корхонаси, Яланғоч гишт з-ди, енгил. қурилиш саноати корхоналари ишлаб турибди. «СероКО» Ўзбекистон—Корея, «СМАК» Ўзбекистон—Россия ва «Имкон плюс» Ўзбекистон — Германия қўшма корхоналари фаолият кўрсатади. 45 савдо, 40 маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси мавжуд. 5 умумий таълим мактаби, 2 касб-ҳунар коллежи, 2 академик лицей, Тошкент аграр ун-ти, Ўзбекистон гўза селекцияси ва уруғчилик, Ўсимликларни ҳимоя қилиш и.т. ин-тлари, 3 кутубхона, 3 стадион, 1 теннис корти бор. Республика болалар ортопедия, поликлиника, Тошкент педиатрия ин-ти клиник касалхоналари

ри, вилоят наркология маркази, сил касалликлари касалхонаси: 2-ҳудудий поликлиника, 2 қишлоқ врачлик амбулаторияси бор.

С. ҳудудидан Тошкент—Май қишлоғи, Тошкент—Чирчиқ автомагистралари, Хўжакент т.й. ўтади.

САЛОР ГЭС — Ўзбекистонда дастлабки қурилган гидроэлектр ст-яларидан бири. Чирчиқ—Бўзсув сув-энергетика трактида Тошкент вилояти Қибрай туманида қурилган, 1944 й.нинг март ойида қурилиши тугалланган. Асосан, ҳашар йўли б-н барпо этилган. «Ўзбекэнергия» давлат-акциядорлик компаниясининг «Қодрия ГЭСлар каскади» шўъба корхонаси таркибида. 11,2 МВт қувватли бир агрегат ўрнатилган. Электр энергияси 35 кВ кучланишда узатилади. 2003 й.да 73 млн. кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқарди. ГЭС Тошкент саноат корхоналари, шаҳар транспорти ва аҳолини электр энергияси б-н таъминлашда аҳамиятга эга. Ҳозир ГЭС тўла автоматлаштирилган, ягона диспетчерлик пунктидан бошқарилади.

САЛОР ТИЛИ — туркий тилларидан бири. ХХРнинг бир қатор ғарбий вилоятларида, асосан, Цинхай вилоятининг Сюнхуа-Салор мухтор уездида тарқалган. Сўзлашувчилар сони 22 минг кишидан ортиқ. Диалектал жиҳатдан бўлиниши деярли сезилмайди; ғарбий, шарқий ва оралиқ шева гуруҳлари фарқланади. Таркибидаги анчагина қад. унсурлар С.т.ни туркий тилларнинг қипчоқ гуруҳи б-н алоқадорлигини кўрсатади. Қад. ўғуз қатлами б-н қипчоқ унсурлари қатлами қўшилиши натижасида С.т.да жўналиш келишиги аффикслари иккита тармоқланиб (а/э, га/га), қаратқич ва тушум келишиклари эса бир шаклга (-ни) бирлашади, ўтган замон феъли -ган ва -миш шаклларига эга бўлади. Бундай параллелликлар лексикада ҳам учрайди. 14-а. да салорлар Хитойга кўчганларидан кейин С.т.га қипчоқ тилларининг таъсири тўхтаб, бошқа тизимдаги тилларининг (хитой, тибет) таъсири бошланади. С.т.да 15 — 17-а.ларга мансуб диний ва тарихий мазмундаги асарлар (араб графикасида) сақланиб қолган. Ҳоз. С.т. оддий сўзлашув тили ҳисобланади.

САЛОРИЙЛАР, мусофирийлар — 10—11-а.ларда Озарбайжонда ҳукмронлик қилган эронийклар сулоласи. Дастлаб араблар истилоси даврида Дайлам вилоятини мустақил бошқарганлар. 10-а.нинг 40-й.ларида Марзубон Салорий Озарбайжонни ва Арроннинг бир қисмини босиб олиб С. сулоласига асос солди. 971 й. қўралларнинг шаддодийлар сулоласи С.ни Аррондан ҳайдаб чиқарди. 981 й. равводийлар сулоласи Иброҳим Салорий устидан ғалаба қозониб, Табриз ш.ни пойтахт деб эълон қилди. Шу б-н С. сулоласи барҳам топди.

САЛОРЛАР, солурлар (ўзларини салир деб атайдилар) — Хитойдаги туркий халқ. Асосан, Цинхай вилоятининг Сюнхуа ноҳиясида яшайдилар (90 минг киши, 1990-й.лар ўрталари). *Салор тилида* сўзлашади. Диндорлари — мусулмон суннийлар.

Хитой йилномаларида С. 14-а.дан тилга олинган. В. В. Бартольд С.нинг Туркманистонда яшайдиган туркманлар (ўғузлар) таркибида бўлган салор (салир) қабиласи б-н тарихан боғлиқлигини исботлаб берди. *Абулғозий Баҳодирхоннинг* ёзишича, Ўғузхоннинг ўғли Тоғхоннинг 4 ўғли бўлиб, каттасининг исми Салур эди. Ҳозир ХХРда яшайдиган С.нинг ҳаётида туркистонликлар, айниқса, ўзбеклар урф-одати сақланиб қолган. Мас., улар уйларининг атрофини, кўчаларини ва ҳовлиларини мевали дарахтлар экиб боғга айлантиришади, уй-жой қуришда тўсинларни безатишади, ҳовлига қаратилган катта айвон барпо этишади, маҳаллаларда масжид солишга алоҳида эътибор беришади. Биргина Сюнхуа ноҳиясида катта-кичик 79 та масжид мавжуд. Рўза ва Қурбон ҳайитларини катта тантана б-н ўтказишади. Хитой халқи б-н яқин яшашига қарамай ислом бўйича ҳаром ва макруҳ деб кўрсатилган нарсалар ейилмайди. Эркаклар оқ ёки қора дўппи киядилар. Ёш йигитлар оқ кўйлак, унинг устидан нимча кийишади, белларига қизил белбоғ боғлашади. Катта ёшдагилар тўн кийишади. Қизлари қизил кўйлак, унинг устидан қора нимча, дўппи кийишади, қулоғига бир неча ҳалқадан иборат бўлган зирак тақади. Ёш аёллар яшил, ўрта ёшдагилар қора, катта ёшликлар оқ рангли рўмол ўрайдилар. Никоҳ ва мотам маросимлари ўзбек ва уйғурларга ўхшайди. Сўнгги йилларда С. ҳаётида, айниқса, кийинишида анча ўзгаришлар пайдо бўлган бўлсада, миллийлик қаттиқ сақланиб қолган.

С. қадимдан деҳқончилик ва чорвачилик б-н шуғулланишган. Савдогарлик, боғбонлик, олтин қазиш каби касблар улар ҳаётида катта ўрин тутади. Кўп оилалар ҳунармандчилик б-н шуғулланади. 1954 й. 24 фев.дан ўз мухторият уездига эга.

САЛОТ (араб.) — қ. *Намоз*.

САЛОҲИДДИН ТОШКАНДИЙ, Мулло Салоҳиддин ибн Мулло Алоуддин хожа (19-а.нинг 2-ярми — Тошкент — 20-а. бошлари) — олим. Ҳаётига оид маълумотлар деярли сақланмаган. «Темурнома» (1908) бадиий асарига етиб келган. С.Т. «Темурнома»ни яратишда кўпгина тарихий, бадиий ва диний асарлардан фойдаланган. Асар анъанавий ҳамдан бошланган. Сўнг Мовароуннаҳрда ҳукм сурган сулолалар тилга олинган. Асосий қисм 47 достондан иборат. Амир Темурнинг болалигидан тортиб бутун ҳаёти, Марказий Осиёни мўғуллар зулмидан озод қилиши, Дашти қипчоқ, рус ерлари, Урал сари қилинган юришлар, Эрон, Туркия, Шом ва Ироқ ҳиндистонга қўшин тортишлар, Боязид Йилдирим б-н бўлган жанглар, улар б-н боғлиқ сарғузаштлар қизиқарли ҳикоя қилинган. Муаллиф Амир Темурга беқиёс ҳурмат б-н ёндашиб, бадиий жонлантирган. Китобда ислом ва унинг вакилларига ҳам кенг ўрин берган. Мовароуннаҳрда мўғуллар истибдоди йилларида ҳам ислом сиёсатига, босқинчилар феъл-атворига таъсир ўтказиб турганини таъкидлаган. Унда 500 дан ортиқ тарихий шахслар номи тилга олинган. Камол Хўжандий, Саид Аҳмад, Абдулла Зотифий, Исмат Бухорий каби шоирлар ҳамда ўз шеърларидан 1030 мисра шеър берилган. Асар жаҳонгир шоҳ ҳаёти мисолида кишиларни меҳр-оқибатли бўлишга, ўтмишда юз берган қирғинлардан сақланишга, тинчликнинг қадрига етишга даъват этади.

Ас.: Темурнома. Т., 1990.

САЛОҲИДДИНОВ Маҳмуд Салоҳиддинович (1933.23.11, Наманган ш.) — математик олим, Ўзбекистон ФА акад. (1974), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1984), физика-мат. фанлари д-ри (1967), проф. (1969). Ўрта Осиё ун-тининг физика-математика ф-тини тугатган (1955), шу ун-тда аспирант (1955—58) ва математик анализ кафедрасида ўқитувчи (1958—59), дифференциал тенгламалар кафедраси мудири (1980—86, 1993—96). Ўзбекистон ФА Математика ин-тида илмий ходим, бўлим мудири, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари (1959—67), директори (1959—85), Ўзбекистон ФА вице-президенти (1984—85), Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири (1985—88), Ўзбекистон ФА президенти (1988—94). Ўзбекистон ФА физика-математика фанлари бўлими раиси (1994—97). Ўзбекистон ФА Математика ин-тида бўлим мудири (1974 й.дан), ЎзМУ проф. (2000 й.дан).



Илмий ишлари чизиқли бўлмаган хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар тизими учун *Коши масаласини* ҳал қилишга, четарада бузиладиган дифференциал тенгламалар учун қўйилган чегаравий масалалар назариясига, назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган аралаш ҳамда аралаш-қўшма типли тенгламалар назариясига оид. С. аралаш-қўшма типли дифференциал тенгламалар назариясини ривожлантириб, уларнинг тўла тадқиқи ва каноник кўринишларини топган, ҳар бир ҳол учун бир қанча янги масалалар қўйиб текширган. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1974).

Ас.: Комплекс ўзгарувчининг функциялари назарияси, Т., 1970 (ҳамкорликда); Уравнения смешанно-составного типа, Т., 1974; Математик физика тенгламалари, Т., 2002.

САЛОҲИДДИНОВ Ҳусниддин Қозоқович (1914.1.12 — Тошкент — 2004.16.3) — невропатолог олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1964), тиббиёт фанлари д-ри (1958), проф. (1959). ТошТИни тугатгач (1939), шу ин-т нерв касалликлари кафедраси ассистенти (1941—50), доценти (1951—57), Андижон тиббиёт ин-ти нерв касалликлари кафедраси мудири (1958 й.дан). Илмий ишлари периферик нерв устунларининг вегетатив касалликлари, шунингдек, орқа миядаги турли патологик жараёнларда юрак-томир системаси функционал фаолиятининг ўзгариши масалаларига бағишланган.

Ас.: Состояние сердечно-сосудистой системы при очаговых поражениях спинного мозга, Т., 1961; К вегетативной патологии травм периферических нервов, Т., 1965.

САЛОҲИЯТ (араб.) — қ. *Қобилият*.

САЛОҲУДДИН ал-АЙЮБИЙ, Салоҳиддин, Юсуф ибн Айюб (1138—1193.4.3, Дамашқ) — Миср ҳукмдори (1171 й.дан), *айюбийлар* сулоласи асосчиси. Кура қавмидан. Сурия султони Нуриддиннинг салибчилар б-н муваффақиятли кураштан лашкарбошиларидан бири Айюб ибн Шодининг ўғли. 1164—69 й.ларда Мисрга қилинган ҳарбий юришларда қатнашган. 1169 й. Миср вазири этиб, 1171 й. *фотимийлар* сулоласининг сўнгги халифаси вафотидан сўнг эса Мисрдаги ҳокимиятни эгаллаб олиб *аббосийлар* ҳомийлигини тан олган ва улардан султон унвонини олган (1174). Нуриддин вафотидан кейин 1174—86 й.ларда унинг Суриядаги ермулкларини ва Ироқдаги айрим майда ҳокимликларга тегишли ерларни тобе эттирган. 1187 й. 3—4 июлда С. ал-А. қўшини салибчиларни Хиттин яқини (Фаластинда тор-мор қилган, 1187 й. 2 окт.да Қуддусни эгаллаган, сўнгра салибчиларни Сурия ва Фаластининг катта қисмидан қувиб чиқарган. С. ал-А.нинг ички сиёсати ҳарбий лен тизими (қ. *Иқто*)ни ривожланганлиги, солиқларни бирмунча камайтирилиши, сунна мазҳаби таълимотининг мустаҳкамланиши б-н аввалги ҳукмдорлардан фарқланади.

САЛТАНАТ (араб.) — 1) султонлик, ҳукм ёки подшо ҳукмронлиги ҳамда уларнинг мавқеи; 2) мустамлакалари ёки тобе ўлкалари бўлган йирик давлатлар; *империя*.

САЛТАНАТТЕПА (СЕТАЛАНТЕПА) ГАЗ КОНИ — Бухоро вилоятидаги кон. Когон т.й. станциясидан 35—40 км жан.-шарқда. 1976 й.дан фойдаланилади. Кон рельефи кичик гумбазсимон сойликдан иборат, атрофи Бухоро свитаси оҳактошлари б-н ўралган.

Структураси шим.-шарқ йўналишида чўзилган асимметрик брахиантиклинал иборат. Унинг жан.-шарқий линалдан иборат. Унинг жан.-шарқий қаноти ётиқ (30—40°), дизъюнктив дискантиклинали 12-локацияга учраган. Апт ярусининг 12-локацияга учраган. Апт ярусининг 12-маҳсулдор горизонти бўйича Салтанатмаҳсулдор горизонти бўйича Салтанат-тепа брахиантиклинали ўлчами 6×3 км, тепа брахиантиклинали ўлчами 6×3 км, зонт, асосан, оҳакли қумтошдан тарқиб зонт, асосан, оҳакли қумтошдан тарқиб топган, қалинлиги 6,3 м, ғоваклилиги топган, қалинлиги 6,3 м, ғоваклилиги 14,17%. Уюм типи 16- горизонтники б-н 14,17%. Уюм типи 16- горизонтники б-н бир хил. Уюм ўлчами 3×1 м, бал. 2,5 м, газ дебити 101,6 минг м³/сутка, қатлам босими 10,5 МПа, т-раси 50°. Уюм режими сув босимли.

Очилган ҳамма горизонтлардаги газнинг физик-кимёвий таркиби бир-бирига яқин: метан 88,2%, карбонат ангидрид гази 0,34%, оғир углеводлар 4,69—10%, водород сульфид 0,027%, зичлиги 0,641. Конденсат миқдори 0,77 см³/м³. Кондан ҳоз. вақтда фойдаланилмоқда.

САЛТИКОВ Михаил Евграфович, Салтиков-Шчедрин (асл фамилияси Салтиков; таҳаллуси — Н. Щедрин) [1826.15(27).1, — Спас—Угол қишлоғи, Калязин тумани— 1889. 28. 4 (10.5), Петербург] — рус ёзувчиси. Москвадаги Дворянлар ин-тида (1836—38) ва Александр (собиқ Царское село) лицейида (1838—44) таълим олган.

Дастлаб шеърлар ёзган. «Лира» шеъри (1841) *Пушкин* ва Державинга бағишланган. 15 шеъри бизгача етиб келган. «Зиддиятлар» (1847), «Чалкаш иш» (1848) асарлари натурализмга хос характерда бўлиб, чуқур ижтимоий масалалар акс эттирилган. Асар ҳукмрон доиралар газабини қўзғатган. 1848 й. апр.да қамоққа олиниб, Вяткага сургун қилинган. 1855 й. сургундан қайттач, «Губерния очерклари»ни (1856—57) ёзган. С. ижодий фаолиятини давлат ишлари б-н бирга олиб борган. 1856—58 й.ларда Ички ишлар вазирлигининг алоҳида топшириги б-н чиновник бўлиб хизмат қилган, деҳқонлар реформасини тайёрлашда қатнашган. 1858—62 й.ларда Рязань ва Тверь губерняларининг вице-губернатори. Истеъфога чиққач, «Современник» жур.да ишлаган (1862). *Некрасов* вафотидан сўнг (1877) С. «Отечественные записки» жур.га раҳбарлик қилган. Кўпгина очерк ва сценарийлари «Кичик ҳикоялар» ва «Насрдаги ҳажвия» (1863) китобига киритилган. «Пазухининг ўлими», «Насрдаги ҳажвия» пьесаларида подшо амалдорлари танқид қилинган. «Жаноб Головлёвлар» (1875—80), «Монрепо бошпанаси» (1878—79), «Йил бўйи» (1879—80), «Ҳаёт икир-чикирлари» (1886—87), «Эртаклар» (1882—86) ва б. асарларида реформадан сўнгги Россия ҳаётидаги ижтимоий қарама-қаршиликлар акс этган. «Бир шаҳар тарихи» (1869—70), «Жаноб тошкентликлар» (1869—72) асарлари ҳам бор. Тугалланмай қолган «Унутилган

гаплар» китоби муҳим ҳаётий масалаларга бағишланган. Ҳаётни идрок этиш, чуқур билиш ва халққа бўлган меҳрли муносабат алифбни муросасиз, ўткир сатирик даражасига кўтарган. С.нинг сатираси подшо Россиясининг бюрократ аппаратини танқид қилишга қаратилган. У ўз асарларида кишилардаги бюрократизм ва оппортунизмни, сотқинлик, мансабпарастликни қаттиқ танқид қилган. Асарлари рус танқидий реализмининг ёрқин намуналаридир. Асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

Ас.: Жаноб Головлёвлар, Т., 1952; Эртаклар, Т., 1954; Бир мужик икки генерални боққани ҳақида қисса, Т., 1973.

Ад.: Макашин С.А., Салтыков-Щедрин, Биография, т. 1,2., М., 1951; Бушмин А.С., М.Е.Салтыков-Щедрин в воспоминаниях современников, т. 1–2, М., 1975; Турков А., Салтыков-Щедрин, М., 1981.

САЛТОВО-МАЯЦК МАДАНИЯТИ — Дон дарёси ва Азов денгизи бўйидаги чўл, ўрмон-чўлларида яшаган кўчманчи ва ярим кўчманчи халқлардан қолган археологик ёдгорликлар. С.-М. м. Маяцк ш. харобаси ва Салтово қабристони номидан олинган. Хазар хоқонлиги (7—8-а.лар) таркибига кирувчи кўчманчи қабилалар (бузғор ва аланлар) ўтроқлашиб, улар орасида мулкчилик муносабатлари шаклланаётган даврда пайдо бўлиб, *бижанаклар* (печенеглар) зарбаси (9—10-а.лар оралиғида) натижасида инқирозга юз тутган даврга тўғри келади. 19-а.да С.-М. м.нинг 10 га яқин ёдгорлиги топилган. 1900 й.да ўқитувчи В.А.Бабенко Салтово қабристони (Харьков вилоятидаги Верхное Салтово қишлоғи)дан бир неча *катакомба*ни қазиб ўрганган. 1906 й.да Маяцк ш. харобаси (Тихая Сосна дарёсининг Дон дарёсига қуйиладиган жойида, Воронеж вилояти) ўрганилган. Омоч, ўроқ, чалғи, кўза, тоғора, қозон, тувак ва б. топилган. Сопол идишлар қўлда ва кулолчилик чархида ясалган. Ҳозиргача С.-М. м.га оид 200 дан ортиқ манзилгоҳ, қишлоқ, кўрғон, шаҳар ва қабристонлар маълум. С.-М. м.да марҳумлар уч хилда: гузанак ҳолда, чалқанча ётқизиб ва куйдириб кўмилган. С.-М. м.нинг энг катта қабристони Салтово ҳисобланиб, 300 дан ортиқ катакомбали қабр очилган. Дахмалар, асосан, тепаликларда қазилган ғорлардан иборат бўлиб, марҳумлар кўпинча эркак ва аёл ёки болалар б-н бирга кўмилган қабрлар ҳам учрайди. Жангчиларнинг қабрларига қилич, пайкон ва болталар қўйилган. С.-М. м.га хос маданият қолдиқлари аланлар ва бўлғорлар яшаган р-нлар: Шарқий Қрим, Ўрта Волга ва Қуйи Дунайдан топилган.

САЛУИН, Салуэн (тибетча Наг-Чу, хитойча Нуцзян) — Хитой ва Мьянмадаги дарё, қисман Мьянма б-н Таиланд ўртасида чегара вазифасини ўтайди. Уз. 3200 км, ҳавзасининг майд. 325 минг км². Тангла тизмасидаги музликлардан бошланади. Юньнан ва Шан тоғликларидаги чуқур дараларда шаршара ва остоналар ҳосил қилиб оқади. Қуйи қисмида соҳил бўйи текислигида оқиб, Андаман денгизига қуйилади. Ўртача сув сарфи 6700 м³/сек., ёзда суви тошади. Қуйи оқимда кема қатнайди. Қуйилиш ерида Моламьяйн денгиз порти жойлашган.

САЛЬВАДОР (Salvador), Эль-Сальвадор Республикаси (Republica de El Salvador) — Марказий Америкада, Тинч океан соҳилида жойлашган давлат. Майд. 21,4 минг км². Аҳолиси 6,3 млн. киши (2002). Пойтахти — *Сан-Сальвадор* ш. Маъмурий жиҳатдан 14 департамент (departamento)га бўлинган.

Давлат тузуми. С. — республика. Амалдаги конституцияси 1983 й. лек.да қабул қилинган, унга 1991 й. тузатишлар киритилган. Давлат бошлиғи — президент (1999 й.дан Франсиско Флорес Перес), у умумий тўғри овоз бериш йўли б-н 5 й. муддатга сайланади ва навбатдаги муддатга қайта сайланиш ҳуқуқига эга эмас. Қонун чиқарувчи органи — Қонун чиқарувчи мажлис (бир палатали парламент). Ижрочи ҳокимиятни президент ва у тайинлайдиган вазирлар амалга оширади.

Табиати. С. тоғли мамлакат, унинг катта қисмини 600—700 м баландликдаги вулкан тоғлари эгаллайди (энг баланд жойи Санта-Ана вулкани, 2381 м). Жан.да Тинч океан соҳили бўйлаб 10—30 км кенгликдаги пасттекислик чўзилган. Тез-тез зилзила бўлиб туради. Олтин, кумуш, рух, қўрғошин, мис ва темир руда, оҳактош, гипс, олтингугурт, туз конлари бор. Иқлими тропик, пассатли. Ўртача ойлик т-ра Сан-Сальвадор ш.да 21—22°. Йиллик ёғин 1500—1800 мм, шим.да 2500 мм, тект оник ботиқда 600—700 мм. Қисқа, жўшқин дарё, вулканли кўллар кўп. Асосий дарёси — Лемпа. Асосан, жигарранг-қизил ферралитлашган тупроқлар тарқалган. Табиий тропик ўсимликлари деярли йўқ қилиб юборилган, тоғларда қарағай ва эман ўрмонлари сақланган, иккиламчи саванна майдонлари бор. Қушлар, судралиб юрувчилар ва ҳашаротлар кўп. Монтекристо, Эл-Импосибле миллий боғлари бор.

Сальвадор гербн.

Аҳолиси, асосан, сальвадорликлар; уларнинг кўпчилиги испан-индейс метислари. Расмий тил — испан тили. Диндорлари, асосан, католиклар. Аҳолининг 55% шаҳарларда яшайди. Йирик шаҳарлари — Сан-Сальвадор, Санта-Ана, Сан-Мигель.

Тарихи. 7-а.гача С. ҳудудида индейсларнинг майя, нахуа қабилалари яшаган. 16-а.да мамлакат тарби ва марказини индейсларнинг пипиль, шарқини эса ленка қабилалари эгаллаган. 1524 й.дан 1821 й.гача Испания мустамлакаси. 1560 й.дан Гватемала генерал-капитанлиги таркибида бўлган. Америкадаги испан мустамлакаларининг 1810—26 й.лардаги мустақиллик учун уруши давомида 1821 й. мустақилликка эришди. 1823—39 й.ларда Марказий Америка Қўшма провинциялари таркибида. 1841 й.дан мустақил давлат. Мамлакатда ўтказилган ислоҳотлар натижасида иқтисодиёт ривожланиб, 19-а. охири — 20-а. бошларида саноат корхоналари барпо этила бошлади. 1-жаҳон уруши арафасида дастлабки ишчи ташкилотлари, касаба уюшмалари вужудга келди. 1931 й. мамлакатда давлат тўнтариши бўлиб, террорчи диктатура ўрнатилди ва у 1932 й. А. Фарабундо Марти бошчилигидаги қўзғолонни бостирди. С. 2-жаҳон уруши вақтида 1941 й.дан фашизмга қарши коалицияга қўшилди. 1944 й.ги ялпи иш ташлаш натижасида диктатура агдарилиб ташланди. 1969 й. С. ҳукмрон доиралари Гондурасга қарши уруш бошлади. 5 кун давом этган уруш мамлакат иқтисодиётига путур етказди. Бир неча йил мобайнида С.да сиёсий беқарорлик ҳукм сурди. 1979 й. ҳокимиятни қўлга олган ҳарбий хунта халқни қирғин қилиш сиёсатини ўтказди. 3 й. давомида 40 мингдан кўпроқ киши ўлдирилди, 100 мингдан ортиқ киши ватанини тарк этди. 1980 й. Фарабундо Марти номидаги миллий озодлик фронти ташкил этилди. 1980—92 й.ларда хунтага қарши фуқаролар урушида 75 минга яқин киши қурбон бўлди, 1 млн.га яқин киши қочоққа айланди. Ниҳоят, 1991 й. янв.да сулҳ шартномаси тузилиб, демократик ривожланиш йўлига ўтилди. 1994 й. умумий сайлов ўтказилди, унда барча сиёсий партиялар иштирок этди. С. — 1945 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 15 сент. — Мустақиллик куни (1821).

Сальвадор байроғи.

Сиёсий партиялари на касаба уюшмалари. Миллатчи республикачилар иттифоқи, 1981 й. тузилган; Миллий араш партияси, 1961 й. ташкил этилган; С. халқ партияси, 1966 й. асос солинган; Фарабундо Марти номидаги миллий озодлик фронти. Сиёсий партия сифатида 1992 й. рўйхатга олинган; Христиан-демократик партия, 1960 й. тузилган. Касаба уюшмалари умумий конфедерацияси, 1958 й. ташкил этилган; Умумий меҳнат конфедерацияси, 1983 й. тузилган; С. уинтар касаба уюшма федерацияси, 1965 й. асос солинган.

Хўжалиги, С. — аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қ.х. улуши 15%, саноатининг улуши 24%, хизмат кўрсатиш соҳаси 61%. Аҳолининг аксарияти қ.х.да банд. Йирик товар хўжаликлари б-н бир қаторда майда деҳқон хўжаликлари ҳам бор. Деҳқонларнинг кўпчилиги ерсиз. Қ.х.га яроқли ерларнинг 50% да деҳқончилик қилинади. Асосий экспорт экинлари: кофе (дунёда 6-ўрин), пахта, шакарқамиш; озиқ-овқат экинларидан маккажўхори, оқ жўхори, ловия, шоли, сабзавот, мевалар; техника экинларидан хенекен, кунжут, индиго, тамаки етиштирилади. Чорвачилиги заиф. Қорамол, чўчқа боқилади, балиқ овланади. Ўрмонларда ёғоч тайёрланади, балзам олинади.

Саноати суст ривожланган. Оз миқдорда олтин ва кумуш, қўрғошин, рух ва мис рудалари, оҳактош, гипс қазиб олинади. И.ч. саноати кофе, қанд-шакар, шоли оқлаш, ун, ёг, вино, тўқувчилик, кўн-пойабзал, ёғочсозлик, ойна корхоналаридан иборат. Нефть ҳайдаш, металлургия, машинасозлик (автойиғув), қимё, цемент, целлюлоза з-дларининг айримлари четдан келтирилган хом ашё ва чала тайёр маҳсулотлар асосида ишлайди. Қимё, фармацевтика, нефтни қайта ишлаш, ёғочсозлик, металлургия саноати ривожланмоқда. Халқ ҳунармандчилиги (қўлда қалпоқ, сават тўқиш ва б.) ривожланган. Йилига ўртача 3,3 млрд. кВт-соат электр энергияси, асосан, ГЭС ларда ҳосил қилинди. Т.й. узунлиги — 562 км, автомобиль йўллари — 12,3 минг км. Панамерика катта йўли С. орқали ўтади. Асосий денгиз портлари: Акахутла, Ла-Унион, Ла-Либертад. Сан-Сальвадор яқинида Илопангода. Сан-Сальвадор аэропорти бор. С. четга пахта, қанд хом ашёси, кофе, қимёвий маҳсулотлар чиқаради, четдан машина-ускуналар, кенг истеъмол моллари, ёқилғи ва мойлаш материаллари олади. АҚШ, Марказий Америка мамлакатлари, ГФР, Япония б-н савдо қилади. Пул бирлиги — сальвадор колони.

Сан-Сальвадор шаҳри.

Тиббий хизмати, маорифи ва илмий-маърифий муассасалари. Касалхоналарнинг кўпи давлат қарамоғида. Врачлар Эль-Сальвадор ун-тининг тиббиёт ф-тида тайёрланади. Умумий таълим мактаблари 11 йиллик бўлиб, у 9 йиллик бошланғич ва 2 йиллик ўрта мактабдан иборат. Ўрта мактаб ўқувчиларининг ярми хусусий ўқув юртларида таълим олади. Бошланғич мактаб ўқитувчиларини нормал мактаблар, ўрта мактаб ўқитувчиларини ўқитувчилар тайёрлаш колледжлари ва ун-тларнинг пед. бўлимлари тайёрлайди. Индустриал ва қ.х. билим юртлари ҳунар-техника таълими беради. Сан-Сальвадорда 3 та ун-т, 4 коллеж ва б. олий ўқув юртлари бор. Илмий муассасалари: С. Фанлар академияси, С. тарихи академияси (1925), ядро энергияси комиссияси, геотехника тадқиқотлари маркази ва б. Миллий кутубхона (1870), Миллий музей (1883), ҳайвонот боғи ва ботаника боғи мавжуд.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Асосий газ. ва жур.лари: «Венсеремос» («Галаба бизники», кундалик газ., 1981 й.дан), «Диарио де ой» («Бугунги газета», кундалик газ., 1936 й.дан), «Унидад обрера» («Ишчилар бирлиги», газ.), «Диарио официаль» («Расмий газ.», кундалик газ., 1875 й.дан), «Культура» («Маданият», ҳар чоракда чиқадиган жур.), «Милитанте» («Фаол», ҳафтанома). Миллий ахборот агентлиги йўқ. С. радиост-ялари ушшмасига 1965 й.да асос солинган. 64 тижорат радиост-яси бор, телекўрсатувлар 1956 й.дан бошланган, тижорат асосида ишлайди.

Адабиёти. Майя-киче индейсларининг қад. ёзувлари ҳали ўрганилмаган. С. мустақилликка эришгандан кейин испан тилида миллий адабиёт яратилди. 19-а. ўрталарида романтик шеърият ривожлана бошлади (М. Альварес Кастро, Э. Ойос, И. Руис Араухо, миллий мадҳия муаллифи Х. Х. Каньяс). Кейинчалик модернизм йўналишидаги шоирлар Р. Дарио ва Ф. Гавидиа шеърлари машҳур бўлди. 20-а. бошларида яратилган насрий асарларда маиший турмуш акс эттирилди (Э. Альварадо, А. Амброжи ва б.), бу давр шеърияти шаклбозлик ва декадентлик йўлига кириб кетди. С. Саласар Арруэнинг ҳикоя ва романларида халқ ва аввало индейслар ҳаёти ҳаққоний тасвирланди. 2-жаҳон урушидан кейин М. А. Эспиноннинг «Одамлар ва ўлим», К. А. Кастронинг «Ҳақиқий эртаклар», Ф.

Сальвадордаги кўча бозорларидан бири.

Кофе плантацияларн.

Мачон Виланованинг «Қизил тўлқин» романлари салмоқли асарлардир. Р. Дальтон Гарсиа, Р. Армихо, М. де Сельва ва б.нинг шеърияти ижтимоий мавзуни ривожлантирди.

Меъморлиги ва санъати қадимдан Мексика, Гватемала, Гондурас, Никарагуа ва Коста-Рика маданияти б-н муштарак. Мустамлака даврида бир қаватли уйлар, ёғоч ўймакорлиги б-н безатилган пастқам черковлар қурилди. 1940-й.лар охирида С. шаҳарларида замонавий бинолар (банк, меҳмонхона, идоралар) барпо этила бошлади (меъморлар А. Соль, Е де Сола ва б.). Тасвирий санъати 20-а.дан Европа ва Мексика санъати таъсирида ривожлана бошлади. С. Салярруэ, Х. Мехиа Видес, Н. Канкура, Р. Элас Рейес, Х. Диас, К. А. Каньяс каби рассомлар, В. Эстрада, Н. Ночес Авенданьо, Х. Агилар Гусман каби ҳайкалтарошлар машҳур. Халқ санъати турларидан керамика, тошбақа косаси ва пойдан безак ашёлар, ипшилар ясаш ривож топган.

Оммавий санъат турларидан байлес ёки серейтес ашула ва рақслари ривожланган. Халқ мусиқа асбоблари — гитара, маримба (ксилофоннинг бир тури), флейта, зарбли асбоблардан уеуетль, тесто-наустле ва б. 1980 й.да суратга олинган «Сальвадор — халқ ғалаба қозонади!» ҳужжатли фильми миллий кино санъати юзага келганидан дарак берди.

САЛЬВАДОР АЛЬЕНДЕ — қ. *Альенде Госсенс.*

САЛЬВАДОРЛИКЛАР — халқ. Сальвадорнинг асосий аҳолиси (4,84 млн. киши). Умумий сони 5,3 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Асосан, метислар. *Испан тилида* сўзлашадилар. Диндорлари — христиан католиклар.

САЛЬВЕЙ — кечпишар шафтоли нави. АҚШ да чиқарилган. Ўзбекистон ва Тожикистонда тарқалган. Дарахти баланд ўсади, 8 ёшлигида бал. 5—6 м га етади, шох-шаббасининг кенглиги 4,5—5 м, қалин, кенг пирамидасимон. Барги майда, тўқ яшил, банди қисқа. Гули майда. Меваси йирик, вазни ўртача 120 г, юмалоқ, тўқ сариқ. Пусти қалин тукли, юпқа, этидан қийин ажралади. Эти сариқ, данаги атрофи қирмизи, ширази ўртача, нордон-ширин, ёқимли. Данаги ўртача, магиз таҳир. Меваси сент. ўртасларида пишади. Таркибида 8—10% қанд, 0,75% кислота бор. Кўчати ўтказилгандан кейин 3-йилдан мунтазам ҳосил бера бошлайди. 6—7 ёшида ҳар тупидан 60—70 кг, яхши парвариш қилинганда 100 кг ҳосил беради. Ҳосилдорлик даври 12—15 йил. Совуққа бардоши ўртача. Янгилигида истеъмол қилинади, қоқи қилинади. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида энг кечпишар навларидан бири сифатида р-нлаштирилган.

САЛЬВИНИ Томмазо (1829.1.1, Милан — 1915.31.12, Флоренция) — итальян актёри. 19-а. санъатининг йирик намояндаси. 1843 й.дан Г. Модена раҳбарлигидаги труппала ишлаган, 1848 й. миллий озодлик курашида қатнашгани сабабли 2 марта қамоққа олинган. 60-й.лардан ўзи ташкил этган труппага раҳбарлик қилган. 1869 й.дан доимий гастролларла (Европа, жан. ва шим. Америка, Россия ва б.) бўлган. У, асосан, Шекспир драмаларидаги қаҳрамонлар (Ҳамлет, Макбет, Лир ва б.) образи б-н шуҳрат қозонган.

САЛЬВИНИЯ (Salvinia) — қирққулоқдошлар оиласига мансуб сув ўсимликлари туркуми. Бир ёки кўп йиллик ўсимлик, илдизи йўқ, барги 3 талан бўлиб, 2 таси сув бетида қалқиб, 3-си ингичкалашиб, бўлиниб сувга ботиб туради. Спорокарпийсида микро ва макроспорангийлари бўлади. 10 тагача тури, асосан, Америка ва Африканинг тропик иқлимли ерларида тарқалган. Россия Европа қисмининг жанубидаги чучук сувларда сузувчи С. ўсади.

САЛЬДО (итал. saldo — ҳисоб-китоб; қолдиқ) — 1) бухгалтерия ҳисобида муайян давр учун пул тушумлари ва харажатлар ўртасидаги айирма. Бухгалтерия ҳисобида қўлланиладиган ҳисобварақларда С. ҳар ойнинг биринчи санасидаги ҳолат бўйича аниқланади. Жами суммалар фарқи *дебет* ва *кредит, актив* ва *пассив* бўйича ҳисобланади. С. мазмуни ҳисобварақ мазмунига боғлиқ, мас., **касса ҳисоби** С.си — корхонада кассасидаги нақд пуллар қолдиги; **савдо балансн** С.си — мамлакат экспорти ва импорти қийматлари ўртасидаги фарқ; **мамлакат тўлов балансн** С.си — чет элга берилган тўловлар б-н чет элдан маблағ тушумлари ўртасидаги фарқ. Тушумларнинг харажатлардан ортиқ бўлиши ижобий, аксинча бўлса, салбий С. ҳисобланади; 2) биржа операцияларида мижознинг брокерлик фирмасидан ёки брокерлик фирмасининг мижоздан қарзи.

САЛЬМОНЕЛЛЁЗЛАР — одам ва ҳайвонларда сальмонеллалар қўзғатадиган юқумли ўткир ичак касаллиги. Меъда-ичак йўллари жароҳатланиши б-н кечади. Қўзғатувчиси энтеробактериялар оиласига мансуб, граммманфий Сальмонелла таёқчалари. Инфекция манбаи бемор одам ва ҳайвон. Бемор ёки бактерия ташувчи ҳам инфекция манбаи бўлиши мумкин. Ўзбекистонда С., асосан, спорадик (алоҳида қайд қилинадиган), баъзан чекланган касаллик сифатида кузатилади. Касаллик йил давомида, кўпинча ёз-куз ойларида учрайди. С.га катталарга нисбатан болалар кўпроқ мойил бўлишади. Сунъий овқатлантириладиган болалар касалланадиган гуруҳ ҳисобланади. Микроб одам организмига оғиз орқали тушади. Организмга тушган сальмонеллалар оғиз бўшлиғи, ичак шиллиқ қавати ва лимфоид тўқималар орқали қон ва лимфага ўтиб, бошқа аъзоларга тарқалади. Улар организмнинг ҳимоя кучлари таъсирида нобуд бўлиб, эндотоксемия рўй беради. Касаллик клиник аломатларининг намоён бўлиши шу икки омилга боғлиқ. Шу сабаб С. баъзи ҳолларда ўткир гастроэнтероколит кўринишида огир кечса, бошқа ҳолларда клиник аломатларсиз ўтиши ҳам мумкин. Касалликнинг яширин даври бир неча соатдан 1—2 кунгача. Хасталик, одатда, ўткир бошланади. Овқат орқали юққанида касаллик овқатдан бўладиган ўткир токсикоинфекция кўринишида огир кечади. Умумий доҳаслик, иштаҳа йўқолиши, кўнгил айниши, ҳарорат кўтарилиши кузатилади. Сўнгра ўткир гастроэнтерит, ҳатто гастроэнтероколит аломатлари қўшилади. Ботбот қусиш, ич суриши кузатилади. Қорин мижғилаб оғрийди. Огир кечган ҳолларда организм сувсизланиб қолади—дегидратация рўй беради. Огир ҳолларда гиповолемик шок ривожланади.

Даволаш эрта бошланса, 2—3 кун давомида беморнинг аҳволи яхшиланади. Баъзи беморларда тузалгандан сўнг бактерия ташувчилик ҳолати кузатилади. С.га диагноз қўйишда касаллик аломатлари ва эпидемиологик маълумотлар эътиборга олинади.

Олдини олиш. Озиқ-овқат саноати тизимида маҳсулот тайёрлаш, ташиш ва сақлаш жараёнида санитария-гигиена талабларига қатъий риоя қилиш ва шу соҳа ходимларини вақт-вақти б-н бактериологик текширишдан ўтказиб туриш лозим.

Ҳайвонларда. От, қорамол, чўчқа, қўй ва эчкилар, паррандалар, мўйнали ҳайвонлар, асаларилар ва б. да учрайди. Септимия, токсемия, ҳазм органлари ва нафас йўлларининг касалланиши б-н тавсифланади. Инфекция қўзғатувчиси манбаи — касал ва касалликдан тузалган ҳайвонлар, шунингдек, кемирувчи ва ёввойи паррандалар. Касаллик бактерия б-н ифлосланган озуқа, сув, атрофдаги анжомлар орқали юқади. С. ўткир, ярим ўткир ва сурункали кечади. Ўткир шаклида тана ҳарорати кескин кўтарилади (40—42° гача). Ҳайвон ҳолсизланиб, кўпроқ ётади. 2—3-кунлари ахлат б-н қон аралаш ичи кетади; даволанмаганда касаллик кучайиб, 5—10 кунда нобуд бўлади. Қўзилар ўлими 45—50%, чўчқа болалари ўлими 50—70% га боради. Касал бўлиб, сўнг тузаладиган ҳайвонларда иммунитет ҳосил бўлади.

Даволаш: синтомицин, левомицетин, хлортетрациклин, тетрациклин, гидрохлорид, террамицин сингари антибиотиклар берилади. Мускул орасига қўшимча пенициллин, сульфаниламидлар (норсульфазол, этазол ва б.) юборилади. Даволовчи зардоблар ва бактериофаг қўллаш ҳам яхши самара беради.

Олдини олиш: зоогигиена ва ветеринария-санитария, зоотехния қоидаларига амал қилиш, янги туғилган молларга бактериал (ацидофилин, ПАБК), тетрациклинли препаратлар бериш, махсус эмламалар қўллаш, карантин эълон қилиш, хўжаликка четдан олинадиган ҳайвонларни ветеринария кўригидан ўтказиш ва б.

САЛЬПИНГИТ (юн. salpinx — най) — бачадон (Фаллопий) найининг яллиғланиши; одатда, тухумдоннинг яллиғланиши (**оофорит**) б-н бирга кечади. Найга сўзак, сил инфекцияси ва б. микроблар тушиши натижасида рўй беради. Инфекция кўпинча бачадондан ёки қон ва лимфа орқали киради. Дастлаб бачадон найининг шиллиқ қаватлари, кейинчалик бошқа қаватлари ҳам яллиғланади. Бачадон найи беркилиб қолиши ёки чандиқланиши мумкин. С. кўпинча *бачадондан ташқари ҳомиладорлик* ёки *бепуштлик*ка сабаб бўлади. Касаллик, одатда, ўткир ва сурункали кечади. Яллиғланиш бачадон ортиғига ҳам ўтиши мумкин (**сальпингоофорит** ёки *аднексит*). Беморни мутахассис врач даволайди. Касаллик сурункали кечган ҳолларда совқотишдан сақланиш керак.

САЛЬПИНГООФОРИТ (юн. salpingos — найча ва oophoron — тухумдон) — қ. *Аднексит.*

САЛЬПЛАР (Salpae) — қобиқлилар кенжа типига мансуб синф. Колония бўлиб эркин сузиб юрувчи денгиз ҳайвонлари. Волга етган даврида думи ва хордаси бўлмайди. Танаси бочкасимон; узунлиги бир неча мм дан 33 см гача; қалин шаффоф қобиқ б-н қопланган; қобиқ орқали ичаги ва қалқонсимон мускуллари кўриниб туради. Оғиз ва клоака тешиклари танасининг қарама-қарши томонларида жойлашган. Ҳалқумида 1 жуфт жабра ёриқлари бор. Ҳалқуми устида нерв ганглийси ва унинг устида ёруғлик сезадиган кўзчаси жойлашган. Жинссиз ва жинсий кўпайиши галланиб туради. Жинссиз индивиди курткасимон, ундан муртак ривожланади. Личинкаси бўлмайди. 25 тури маълум. Кўпчилик турлари океанларда (Шим. Муз океанидан ташқари) тарқалган.

САЛЬТА — Аргентинанинг шим. қисмидаги шаҳар. Сальта провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 462 минг киши (2001). Транспорт йўллари тугуни. Қ.х. районининг (шакарқамиш, тамаки, шоли) савдо маркази. Озиқ-овқат, енгил, нефтни қайта ишлаш корхоналари, ун-т бор. Шаҳарга 1582 й.да асос солинган. Меъморий ёдгорликлардан 17—18-а.ларнинг ёдгорликлардан собор, черков ва да қурилган черков, монастирь ва соборлар сақланган.

САЛЬТИЛЬО — Мексиканинг шим.-шарқий қисмидаги шаҳар. Коаунла штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 577 минг киши (2000). Транспорт йўлларининг муҳим тугуни. Мексика шим. даги кончилик р-ни маркази. Рангли металлургия, оғир ва қ.х. машинасозлиги, кимё, тўқимачилик, жун, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Мексика қўлтиғи соҳилидан қувурлар орқали нефть ва газ келтирилади. Интерамерика ун-ти бор. Меъморий ёдгорликлардан собор, черков ва боғлар (18-а.) сақланган. Шаҳарга 16-а. охирларида асос солинган.

«САЛЮТ» — Ерга яқин орбитада учиришга мўлжалланган совет орбитал станциялари номи; уларни яратиш дастури. Максимал массаси 18,9 т, бўлмаларининг ҳажми 100 м³. Ерга қайтариб қўндириш мўлжалланмаган. Космонавтларни Ерга тушириш ва экипажни алмаштириш «Союз» космик кемаларида амалга оширилади; ёнилғи, жиҳозлар ва б. юклар «Прогресс» юк кемаларида ташилади. 1971—83 й.ларда 7 та «С.» учирилган.

САМАД ВУРҒУН (тахаллуси; асл исм-шарифи Самад Юсуф ўғли Векилов) (1906.12.5, Юхари Салахли қишлоғи — 1956.27.5, Боку) — озарбайжон шоири, драматурги ва жамоат арбоби. Озарбайжон халқ шоири (1955), Озарбайжонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1943). Озарбайжон ФА акад. (1945). Ижоди 1924 й.дан бошланган. С.В. ижодининг дастлабки даврида озарбайжон шеъриятига кириб келаётган формализм кўринишларига қарши курашган. «Шоирнинг қасами» (1930), «Фонар» (1932) шеърий тўпламлари, «26» (1935), «Баст» (1937), «Толистон» (1938) ва «Муған» (1940) достонларида 30-й.лардаги меҳнат ва кураш романтикаси ўз ифодасини топган. С.В.нинг шу даврдаги ижодида «Воқиф» шеърий драмаси (1937) алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унда 18-а.да яшаган озарбайжон шоири *Воқиф*нинг машаққатли ҳаёти ва ижодий фаолияти катта маҳорат б-н тасвирланган. «Фарҳод ва Ширин» драмаси (1941) Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» достони асосида ёзилган. У «Ҳанлар» (1939) шеърий драмаси, «Она сўзи» (1941), «Ойгун» (1951), «Негр сўзлайди» (1948) достонлари ҳамда «Ёндирилган китоблар» (1947) шеърий туркуми мualлифи. Инсонпарварлик, ватанпарварлик ва байналмиллаллик С.В. ижодининг етакчи асосларини ташкил этади. С.В. озарбайжон шеъриятида замонавий тил ва услубнинг шаклланишига катта ҳисса қўшган. Низомий Ганжавий, Алишер Навоий, Ш. Руставелли, А. С. Пушкин, Т. Шевченко, М. Горький асарларини озарбайжон тилига таржима қилган. Унинг бир қанча шеър ва достонлари ўзбек тилида нашр этилган.

Ас.: Танланган асарлар, Т., 1958.

САМАДОВЛАР ОИЛАСИ — инсонпарварликнинг юксак намунасини кўрсатган оила. 2-жаҳон уруши даврида турли миллатнинг қаровсиз қолган болаларини фарзандликка олиб, таълим-тарбия берган. Оила бошлиғи

Ҳамид Самадов (1910 й. Каттақўрғон ш.да туғилган, 2002 й. вафот этган) 2-жаҳон урушида армия сафида алоқачи, пулемётчи бўлиб хизмат қилган. Сталинград, Днепр бўйларидаги жангларда иштирок этган. 1944 фев.да жанглардан бирида яраланиб, ногирон бўлиб уйга қайтган. Урушдаги жасорати учун орден ва медаллар б-н мукофотланган. Ҳ.Самадов уруш туфайли бошпанасиз қолган етим болаларга ҳомийлик қилган. Ҳали уйланмаган бўлишига қарамай, у 13 болани фарзандликка олган. Булар турли миллат болаларидир: Кўчқор — туркман, Нурмуҳаммад — тожик, Донат, Иван, Лиза — рус, Женя — белорус, Керим — татар, Арслон, Рашид, Нурали, Карим, Мурод — ўзбек, Суннат — миллати номаълум. Болаларни тарбиялашда Ҳамидга унинг ота-онаси — уста Самад бува ва Мангит момо кўмаклашган. У уйлангач (1945), турмуш ўртоғи Санобар етим болаларни ўз болаларидек парвариш қилган. 1946 й. С.о. қариндошларидан бирида етим қолган 3 болани ҳам ўз бағрига олган. Санобар ҳам 6 фарзанд кўрган. Оилада 22 бола камол топиб, мустақил ҳаётга йўл олган. С.о. тошкентлик *Шомаҳмудовлар оиласи* каби инсонпарварликнинг юксак намунасини кўрсатган байналмилал оила сифатида қадрланади.

Ад.: Кодиров С., Одамдан яхши ном қолсин, Т., 1975.

САМАРА (1936—91 й.ларда Куйбишев) — РФдаги шаҳар, Самара вилояти маркази. Волга дарёсининг чап соҳилидаги порт. Волгага Самара дарёси қуйилган жойда. Т.й. тутуни. Аҳолиси 1160,3 минг кишн (1998). Машинасозлик ва металлсозлик (авиакосмик техника, нефть саноати жиҳозлари, моторсозлик, радиоэлектроника, приборсозлик ва б.; подшипник, автотрактор электр жиҳозлари, электротехника ва б. и.ч.); нефтни қайта ишлаш ва нефть кимёси, кимё, металлургия, озиқ-овқат (гўшт ва ёғ к-тлари, «Россия» шоколад ф-каси, пиво з-ди ва б.), енгил саноатлари мавжуд. ГЭС ва иссиқлик электр ст-ялари ишлаб турибди. Метрополитен (1987 й.дан), 10 олий ўқув юрти (шу жумладан, ун-т), 4 театр (шу жумладан, опера ва балет театри), 5 музей (шу жумладан, ўлкашунослик ва бадиий музейлар) бор.

Шаҳар 1586 й.да шарқ ва жан.га тобора кенгайиб бораётган Россиянинг чегара истеҳкоми сифатида бунёд этилган. 19-а.да дон ҳамда чўчқа ёғи, жун, тери савдосининг йирик маркази. 1851 й.дан Самара губерняси, 1928—29 й.ларда Ўрта Волга вилояти, 1929—35 й.ларда Ўрта Волга ўлкаси маркази.

САМАРА ВИЛОЯТИ — РФдаги вилоят. Россия Европа қисмининг жан.-шарқида жойлашган. Волга бўйи федерал округига киради. 1928 й. 14 майда (Ўрта Волга вилояти сифатида) ташкил қилинган. 1929 й.дан Ўрта Волга ўлкаси, 1935 й.дан Куйбишев ўлкаси, 1936 й.дан 1991 й.гача Куйбишев вилояти деб аталган. Майд. 53,6 минг км². Аҳолиси 3239,8 минг кишн (2002), асосан, руслар, шунингдек, чувашлар, татар, мордва, украин ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси — 80,6%. Маркази — *Самара* ш. Бошқа йирик шаҳарлари: Тольятти, Сизрань, Новокуйбишевск. Таркибида 27 маъмурий туман, 11 шаҳар, 23 шаҳарча бор.

Вилоят Шарқий Европа текислигининг жан.-шарқида, Волга дарёсининг ўрта оқимида, ўрмонли дашт ва дашт зоналари чегарасида жойлашган. Волга дарёси икки (ўнг ва чап соҳили) қисмга бўлиб туради. Ўнг соҳил қисмида Волга бўйи қирлари (энг баланд жойи 370 м) бор. Чап соҳили ҳам паст-баланд. Фойдали қазилмалари: нефть, табиий газ, битум, ёнувчи сланец, соф олтингугурт, гипс, оҳактош. Иқлими континентал қуруқ. Янв.нинг ўртача т-раси —14°, июлиники 20°—22°. Йилик ёғин 300—400 мм. Вегетация даври 180 кун. Асосий дарёси — Волга. Ирмоқлари: Уса, Сизрань, Катта Черемшан, Сок, Самара, Чагра, Катта Иргиз ва б. Куйбишев ва Саратов сув омборлари бор. С.в. ҳудудининг 12% ўрмон. Тупроқлари: тўқ сур тусли тупроқ, қоратупроқ, каштан, подзолланган тупроқлар. Вилоятда бўри, тулки, лось, қобон, олмахон, қуён, бўрсиқ, кемирувчилар, сув каламуши ва б.; қушлардан — қур, чил каклик, каркур учрайди. Дарё, кўл ва б. сув ҳавзаларида балиқ турн кўп. С.в. ҳудудида Самарская Лука миллий боғи, Жигули қўриқхонаси бор. Йирик иссиқлик электр станциялари, ГЭСлар мавжуд. Етакчи саноат тармоқлари: машинасозлик ва металлсозлик (енгил автомобиллар — Волга автомобиль з-ди; самолётлар — «Авиакор»; станоклар — Ўрта Волга станоксозлик з-ди, «Солитон» корхонаси; қ.х. машиналари — Сизрань қ.х. машинасозлик з-ди; цемент саноати учун жиҳозлар — «Волгоцеммаш» и.ч. бирлашмаси, кончилик ва энергетика саноатлари учун жиҳозлар — «Тяжмаш» корхонаси, нефть қазиб олиш учун жиҳозлар — Самара долото з-ди; трансформатор подстанциялари — «Электрощит» з-ди; подшипниклар — «Шар» ва б. корхоналари). Нефтни қайта ишлаш, нефть кимёси ва кимё саноатлари (Самара, Новокуйбишевск ва Сизрань нефтни қайта ишлаш з-длари); синтетик спирт, фенол, ацетон и.ч. — «Синтезспирт» з-ди; «Синтезкаучук» и.ч. бирлашмаси; минерал ўғитлар и.ч. — «Куйбышевазот», «Тольяттиазот», «Куйбышевфосфор» и.ч. бирлашмалари, кимё ўғитлари з-ди; «Углерод» корхонаси — синтетик смолалар; «Пластик» корхонаси — полимер плёнкалар, қурилиш материаллари (цемент, асбоцемент қувурлари, шифер ва б.), озиқ-овқат (ун, гўшт, сут, ёғ-мой корхоналари), енгил саноатлари ривожланган.

Қ.х. галлачилик-чорвачиликка ихтисослашган. Тариқ, кузги жавдар, арпа, гречиха, қанд лавлаги, луккаклилар экилади. Асосий техника экини — кунгабоқар. Картошка, сабзавот, ем-хашак экинлари ҳам етиштирилади. Мевазорлар бор. Асаларичилик ривожланган. Чорвачилик гўшт-сут ва гўшт-жунга ихтисослашган. Қорамол, чўчқа, қўй ва эчки боқилади. Волгада кемалар қатнайди. Автойўллар уз. 7227 км, т.й.лар узунлиги 1388 км. Берёза қишлоғида «Курумоч» халқаро аэропорти бор. 11 олий ўқув юрти, 8 музей, 5 театр, цирк, филармония, Сергиев Минерал Сувлари курорти мавжуд.

САМАРАДОР ҲАРОРАТ — ўсимлик фаол ўсиши, ривожланиши ва ҳосилининг шаклланиши учун зарур бўлган ҳаво ёки тупроқ ҳарорати. Шу чегарадан паст ҳароратда ўсимликнинг ривожланиши, уруғнинг унниш тўхтайди, гуллаши кечикади. Кўпгина ўсимликлар учун С.ҳ.нинг қуйи чегараси 5° тропик экинлар (ғўза, шоли) учун 12°—15° га тенг. С.ҳ. ҳавонинг ўртача суткалик ҳарорати (фаол ҳарорат) б-н муайян ўсимлик учун биол. минимум бўлган ҳарорат айирмасига тенг. Бу, ўз навбатида, ўсимликнинг ривожланишида ҳар бир кунининг ҳиссасини аниқлашга тенг имкон беради. Мас., ҳавонинг ўртача суткалик ҳарорати 22° бўлса, ривожланишининг биологик минимуми 10° га тенг бўлган экин тури учун С.ҳ. 12° ни ташкил этади, яъни шу кундаги ўртача суткалик ҳароратнинг 10° дан юқори қисми экининг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Агрометеорологияда С.ҳ. экинларнинг ўсиши ва ривожланиши асосий кўрсаткичларидан бири тарзида қабул қилинган. С.ҳ. йиғиндиси вегетация даври ёки унинг маълум қисми учун кундалик ҳароратнинг 10° дан юқорисини жамлаш орқали топилади. Чунончи, ғўза майсалари ёпиласига униб чиқиши учун чигит экилган кундан бошлаб 95—100° С.ҳ. йиғиндиси зарур (тупроқда намлик етарли бўлган шароитда). Экиш — гуллаш давридаги С.ҳ. йиғиндиси 970° га етганда эртапишар ўрта толали ғўза навлари, 1000° да ўртапишар навлари ва 1100° да ингичка толали пахта навлари гуллайди. С.ҳ. йиғиндиси кўрсаткичидан ҳудуднинг иссиқлик ресурсларини, яъни экинни ўстириш учун иссиқлик б-н таъминланганлик даражасини баҳолашда фойдаланилади. Иссиқлик б-н таъминланганлик вегетация давридаги ўртача кўп йиллик С.ҳ. йиғиндисини экининг тўлиқ ривожланиш цикли ёки унинг айрим фазаларининг ўтиши учун зарур бўлган С.ҳ. йиғиндисига нисбати б-н аниқланади ва % ларда ифодаланади. Ўртача кўп йиллик С.ҳ. йиғиндиси экининг иссиқлик ресурслари б-н таъминланганлигининг 50% га, яъни 10 й. нинг 5 й.га тенг келади. Экининг ҳар йили иссиқлик ресурслари б-н (яъни 10 й.нинг ҳаммасида) таъминланганлиги энг ноқулай йиллари таъминланганлик даражасига қараб топилади. Ўрта Осиё шароитларида бу кўрсаткич экининг етилиши (ёки ривожланишининг керакли фазасига етиши) учун талаб қилинадиган ўртача С.ҳ. йиғиндисини 20% кўпайтириб олинган қийматига мос келади. С.ҳ. йиғиндиси, яъни иссиқлик б-н таъминланганлик кўрсаткичларига қараб муайян ҳудудларда, мамлакатларда экин турлари ва навлари етиштирилади. С.ҳ. йиғиндиси агрометеорологияда, қ.х. фенологиясида (экинларнинг ривожланиши ва ҳосил етилишининг асосий фазалари муддатларини прогнозлашда, шунингдек, *агроиқлимий районлаштиришда* фойдаланилади (яна қ. *Фаол ҳарорат*).

Ольга Рейтих.

Самара ш. Шон-шуҳрат майдонининг Волга дарёси томонидан кўриниши.

САМАРИЙ (лот. Samarium), Sm — Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент. *Лантаноидлар*га киради. Тартиб рақами 62, ат. м. 150,36. С. — кумуш каби оқ металл, суюқланиш т-раси 1072°, зичлиги 7,54 г/см³. Илк бор 1879 й.да Уралда топилган самарскит минералидан ажратиб олинган. ^{149}Sm изотопи ядроси суст нейтронларни ўта кучли ютиш хусусиятига эга бўлганлиги сабабли С. ядро реакторларининг мословчи ўзакларида ишлатилади. С.нинг кобальт б-н интерметалл бирикмаси $SmCo_5$ асосида жуда қувватли ўзгармас магнитлар тайёрлаш мумкин.

САМАРИНДА — Индонезиядаги шаҳар. Шарқий Калимантан провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 537 минг кишидан зиёд (1990-й.лар охири). Калимантан о.нинг шарқий қисмидаги порт. Нефть ва кўмир қазиб олинади. Четга кўмир, нефть, ёғоч, каучук экспорт қилинади. Ёғочсозлик корхоналари, кема верфи, ун-т бор.

САМАРИЯ (яҳудийча — Шомрон) — Фаластиндаги қад. шаҳар. Исроил подшолиги пойтахти. Мил. ав. тахм. 880 й.да барпо қилинган. Мил. ав. I-а.нинг охирларида Ирод I томонидан юнон Себаста (ҳоз. Себастия) деб ўзгартирилган.

«САМАРИЯ» — *Абу Тоҳирхожа Самаркандий*нинг Самарқанд ш. тарихига оид асари. «С.» 11 боб, муқаддима ва хотимадан иборат бўлиб, Самарқандининг бунёд этилиш тарихи, шаҳарнинг Самарқанд деб аталиш сабаблари, географик ҳолати, об-ҳавоси ва 19-а.нинг 3-чорагига қадар сақланиб қолган осори атиқалари, шунингдек, масжид ва мадрасалар, кўшклар ва мозорлар ҳақида маълумот беради. Бундан ташқари, асарда машҳур тарихий шахслар, исломнинг кўзга кўринган намояндалари ва уларнинг ҳаётига оид ахборотлар ҳам кўп. Асар ўтган асрнинг сўнгги чорагида В.Л. *Вяткин* томонидан 1-марта рус тилига таржима қилиниб, 1898 й.да Самаркандда чоп қилинган. Н.И. *Веселовский* томонидан асарнинг кўҳна кўлёзма нусхалари асосида 1904 й. Санкт-Петербургда форс-тожикча танқидий матни босилган. Веселовский «С.»нинг мазкур нашрига К.П. *Кауфман* амри б-н Нуриддин Басир (Кутби чаҳордаҳўм номи б-н машҳур бўлган, 1878 й.нинг авг. ойида портлатиб юборилган) мозорининг расми ва лойиҳасини ҳамда мозорга вақф қилинган ер-сув ва мулк ҳақидаги вақфномани илова қилган. Асар 1921 й. форсчадан ўзбек тилига Абдулмўмин Сатторий томонидан таржима қилинган. 1925 й. С.Айний таҳрири б-н нашрга тайёрланганича қолиб кетган, 1991 й. «С.»нинг шу нусхаси (нашрга тайёрловчилар Б. Аҳмедов, А. Жувонмардиев) ўзбек тилида Тошкентда нашр этилган. Қўлёзма нусхаси Ўзбекистон ФА Беруний номидаги шарқшунослик ин-тида сақланмоқда. (инв. №600).

Ад.: Абу Тоҳирхожа, Самария, Т., 1991.

САМАРҚАНД — Самарқанд вилоятидаги шаҳар. Вилоятнинг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази (1938 й.дан). 1925—30 й.ларда Республика пойтахти. Ўзбекистоннинг жан.-ғарбида, Зарафшон водийсининг ўрта қисмида (Дарғом ва Сиёб каналлари орасида) жойлашган. Ўртача 695 м баландликда. Тошкентдан 300 км. С.дан Тошкент—Душанба, Тошкент—Туркманбоши, Тошкент—Учқудуқ—Кўнғирот т.й.лари, *Катта Ўзбекистон тракти* (Тошкент—Термиз йўли) ўтади. Шаҳар аҳолиси ва хўжаликлари Шовдор, Боғишамол ариқларидан сув олади. Июлнинг ўртача т-раси 25,9°, энг юқори т-ра 40—42°, янв.нинг ўртача т-раси 0,2°, энг паст т-ра —26°. Майд. 0,09 минг км². Аҳолиси 383,3 минг кишн (2004); 1975 й. 299 минг, 1970 й. 267 минг, 1959 й. 196 минг, 1939 й. 136 минг, 1897 й. 55 минг.





Самарқанд. Марказий кўчаси.

1865 й. 26 минг. С. шаҳар Кенгашига қарашли 4 шаҳарча (Ингичка, Кимёгарлар, Фарҳод, Хишров) мавжуд.

Тарихий ёзма манбаларда С.нинг ёши қадимийлиги тўғрисида маълумотлар бор. Муҳаммад ан-*Насафий* «ал-Қанд фий зикри уламои Самарқанд», Ҳайдар ас-Самарқандий (12-а.) «Қандлияи Хурд», Абу Тоҳирхожа Самарқандий «*Самария*», Хитой тарихчиси Чжан Цян, юнон ва римлик тарихчилар Арриан, Курций Руф ва б. кўплаб муаллифларнинг асарларида бу ҳақда ёзиб ўтилган. Шу боис ўрта асрлардан Шарқда оммалашиб кетган мақоллардан бирида «Гарбда Рим, Шарқда Самарқанд» дейилган. Самарқанд ва Рим инсоният тақдиридаги буюк хизматларини назарда тутиб «Боқий шаҳарлар» номини олганлар. Халқ ибораси «Самарқанд сайқали рўйи заминаст» [Самарқанд ер юзининг сайқали (жилоси)] беҳуда айтилмаган. *Амир Темур* С.ни ўзганинг сайқалига айлантирди.

«С.» сўзининг келиб чиқиши тўғрисида бир қанча тахмин ва гипотезалар мавжуд. Шарқ муаллифлари «Самарқанд» сўзининг биринчи қисми, яъни «Самар» сўзи шу шаҳарга асос солган ёки шаҳарни босиб олган кишининг номи деб ҳисоблаб, бир қанча сунъий таърифларни таклиф этдилар. Бироқ тарихда бундай исмли киши тўғрисида маълумотлар аниқланмаган. Сўзнинг иккинчи қисми «кент» (қанд) — қишлоқ, шаҳар деган маънони билдиради. Баъзи европалик олимлар, бу ном қадимдан қолган, санскритча «Samagya»га яқин, яъни «йиғилиш, йиғин» сўзидан келиб чиққан деб изоҳлайдилар. Антик муаллифларнинг асарларида шаҳар *Мароканда* деб аталган. Бу ҳақиқатга анча яқин бўлиб, Мароканда — Самарқанд атамасининг юнонча айтилишидир. 11-а. олимларидан Абу Райҳон Беруний ва Маҳмуд Кошғарий шаҳар номининг келиб чиқишини «Семизкент», яъни «семиз қишлоқ» сўзининг бузиб талаффуз қилиниши деб тушунтирадилар.

Самарқанд шаҳар ҳокимияти биноси.

С. жаҳоннинг энг қад. шаҳарларидан бири — 2700 й.дан ортиқ тарихга эга. С. мил. ав. 4-а.дан мил. 6-а.гача Суғд давлатининг пойтахти бўлган. Археологик қазишмалардан маълум бўлишича, юқори палеолит даврида ҳам С. ҳудудида одамлар яшаган (қ. *Самарқанд макони*). Рим тарихчиси Квинт Курций Руфининг (мил. ав. 1-а. охири — мил. 1-а.) ёзишича, С. қалъаси деворининг айланаси тахм. 10,5 км бўлган. Мил. ав. 329 й. македониялик *Александр* (Искандар Мақдуний) қўшинлари С.ни вайрон қилган. С. 6-а.да *Турк хоқонлиги* таркибига кирган ва маҳаллий ҳокимлар томонидан бошқарилган. 7-а. бошидан Зарафшон водийси С. ҳокимлари қўл остига ўтган. Бу даврда С. Ҳиндистон, Эрон, Миср ва Византия давлатлари б-н савдо-сотиқ қилган. *Қутайба ибн Муслим* бошчилигидаги араб қўшинлари 712 йилда С.ни эгаллаган. Кўзғолон кўтарган шаҳар аҳолисининг бир қисмини қириб ташлаган. Ат-Табарий келтирган маълумотга кўра, самарқандликлар шаҳристон (ички шаҳар)ни арабларга бўшатиб беришга мажбур бўлганлар. Араблар шаҳристонда масжид ва минбар қурганлар. Маҳаллий аҳолидан тортиб олинган қимматбаҳо буюмлар ва олтин, кумуш б-н безатилган санамлар (хилат ул-асном) ни эритиб 10 минг миқол қимматбаҳо металл олинган. 776—83 й.ларда арабларга қарши Муқанна бошчилигида кўзғолон кўтарилган (қ. *Муқанна кўзғолони*). Арабларга қарши кўтарилган кўзғолончиларни бостиришга фаол қатнашган маҳаллий заминдор аҳоли вакиллари 9-а. 20- й.ларидан Моваруннаҳр ва вилоятларини бошқаришга тортилди, жумладан, С.ни бошқарган Сомонийлар қўлига ўтди. Ўша вақтдан С. — Сомонийлар давлатининг пойтахти бўлди. 887 й.дан биринчи марта сотилган Сомонийлар кумуш тангалари С.да зарб қилина бошлади. Сомонийлар пойтахти Бухорога кўчирилгандан (889) сўнг ҳам С. Моваруннаҳрнинг энг йирик ҳунармандчилик ва савдо марказларидан бири бўлиб қолди. 11-а.дан С. *Қорахонийлар давлати* таркибига кирган. 11-а.да С.ни *Салжуқийлар* босиб олган. 12-а.дан Қорахитойларга тобе бўлган. 1210 й.дан Муҳаммад Хоразмшоҳ давлати таркибида. 1212 й. самарқандликлар Хоразмшоҳга қарши кўзғолон кўтарган. 1220 й. Чингизхон қўшинлари С.га бостириб кириб, шаҳарга ўт қўйган ва аҳолининг кўп қисмини қирган, қолганлари шаҳарни тарк этиб қайта тиклана бошлаган. 13-а.нинг 2-ярмида С.га келган венециялик сайёҳ *Марко Поло* «Сонмаркон катта ва машҳур шаҳар» деб ёзган. Мўғуллар ҳукмронлиги даврида С. *Чиғатой улуси* таркибида бўлган.

14-а. ўрталарида Моваруннаҳрда мўғулларга қарши халқ ҳаракатлари бўлиб ўтди. *Сарбадорлар кўзғолони* натижасида шаҳарда бир неча ой халқ ҳокимияти ўрнатилди. 14-а. охири ва 15-а.да С.нинг иқтисодий-сиёсий ва маданий ҳаёти анча юксалди. *Амир Темур* салтанати пойтахти сифатида С. жаҳонга машҳур бўлди. Бу даврда С. кўпгина Шарқ ва Европа давлатлари б-н савдо алоқалари ўрнатган. С.да кўплаб ҳашаматли меъморий иншоотлар қурилган. Йирик шарқшунос олим В.В.Бартольд таъкидлаганидек, Амир Темурнинг фикрига кўра, С. жаҳоннинг биринчи шаҳри бўлиши керак эди. Амир Темур вафоти (1405)дан сўнг С. тахтини Улуғбек эгаллади. Улуғбек даврида С.да қурилишлар авж олди. Қўшни давлатлар б-н алоқалар кучайди. 15-а. охирида С.ни Заҳириддин Муҳаммад *Бобур* эгаллади (1497). 1500 й. *Шайбонийхон* С.ни деярли урушсиз босиб олди. 16-а. ўрталаригача С. *Шайбонийлар* давлатининг пойтахти бўлиб турди. Ўша вақтдан рус босқинига қадар (1868) Бухоро хонлиги (амирлиги) таркибида бўлиб келди. 1723—30 й.ларда қозоқлар босқини даврида қаттиқ талофат кўрди. 1740—47 й.ларда Нодиршоҳга тобе бўлди. 17-а.нинг 1-ярмида олчин уруғидан чиққан ўзбек ҳарбий-заминдорларининг йирик вакили Ялангтўш Баҳодир С. ҳокими бўлган. 1758—1868 й.ларда эса С. Бухоро амирлигига итоат қилган.

1868 й. 1 майда С. яқинидаги Чўпонота тепалигида рус подшоси қўшинлари б-н самарқандликлар ўртасида қаттиқ жанг бўлди. С. аҳолиси шаҳарни босқинчилардан мардонавор ҳимоя қилдилар. Ниҳоят руслар катта талофатлар бериб шаҳарни 2 майда эгаллади-лар. Кейинчалик С. ва Каттақўрғон бекликлари бирлаштирилиб, Зарафшон округи тузилди. Сўнгра унга Панжакент ва Зарафшон водийси юқорисидаги тоғли р-нлар ҳам қўшилди. 1886 й. Зарафшон округи С. вилоятига айлантирилди. С. унинг маъмурий ва савдо марказига айланди. Ўша вақтдан бошлаб, шаҳарда янги типдаги бинолар қурила бошлади, янги саноат корхоналари қад кўтарди. 20-а. бошига келиб С.даги корхоналар, т.й. устахоналарида ишчилар сони кўпайди. 1917 й. 5 дек.да С.да ҳокимият шўролар қўлига ўтди. 1918 й. 11 апр.да С.да шўроларнинг вилоят съезди бўлиб, съездда Туркистон Мухтор Республикаси тузилиши эълон қилинди. 1925—30 й.ларда С. Ўзбекистон пойтахти бўлиб турди. 1991 й. Ўзбекистон мустамлакачилик асоратидан қутилиб, мустақилликка эришгач, С. республиканинг йирик маданий марказига айланди.

Самарқанд шаҳри. Амир Темур ҳайкали.

С.ни археологик жиҳатдан ўрганиш ишлари 19-а.нинг охирларида бошланган эди. 1895 й.да шарқшунос олим В.В. *Бартольд*нинг ташаббуси б-н тузилган «Туркистон археология ҳаваскорлари тўгараги» аъзолари С.даги *Афросиёб*ни кўп асрлар хазинаси деб қараб, унда кенг кўламдаги археологик қазишма ишларини олиб бордилар. В.Л. *Вяткин*, Н.И. *Веселовский*лар ўтказган археологик қазишмалар натижасида турли хилдаги қад. буюмлар топилиб музейга берилди. 1908 й.да В.Л.Вяткин С. чеккасида жойлашган Улуғбек расадхонасининг ўрнини аниқлади ва қазиш ишларини ўтказди. Натижада расадхона харобаси ҳамда унинг ер остидаги бутун қолган қисми қазиб очилди. Ўша даврдан бошлаб Ўрта Осиё халқларининг қад. маданий меросини ўрганишда дастлабки қадамлар қўйилди. 1912—13, 1929—30 й.ларда В.Л.Виткин, 1912 й. М.Е. *Массон* Афросиёбда қазиш ишларини олиб бордилар. А.И. Терешожкин олиб борган 1945—48 й.ларда С. 2500 йиллик тарихга эга деб белгилади; шаҳар тарихи даврлаштирилди.

1950-й.лардан бошлаб Афросиёбда мунтазам археологик қазишмалар ўтказиш, айниқса, 1958 й.дан В.А. *Шишкин* раҳбарлигида, 1966 й.дан бошлаб эса Я.Г. *Гулямов* бошчилигида фаоллашди. Афросиёбни ўрганиш ишлари кўламини кенгайтириш мақсадида, 1966 й.да доимий ҳаракатдаги Афросиёб комплекс археология экспедицияси ташкил этилди. 1970 й.да С.да Ўзбекистон ФАнинг мустақил Археология ин-ти ташкил этилиши С.даги археологик қазишмаларни янада кенг кўламда олиб боришга имконият яратди. Археологик қазишмалар натижасида С.нинг ёши аниқланди ва 1970 й.да шаҳарнинг 2500 й.лик юбилейи кенг нишонланди. 1971—77 й.ларда Ш. Тошхўжаев, 1978—85 й.ларда Г.В. Шишкина қазишма ишларини олиб бордилар. Мустақиллик йилларида археологик қазиш ва н.т. ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида франциялик акад., шарқшунос археолог Поль Бернар ва Франц Грене, ўзбек археолог олимлари проф. М. Исомиддинов, А.Анорбоев ва талқинқотчи А. Отахўжаевлар б-н ҳамкорликда ишладилар. Натижада, Афросиёбдаги энг қуйи маданий қатламларни ўрганиш жараёнида ер сатҳидан 10—15 м чуқурликда мил. ав. 9—7-а. ўрталарига оид ашёлар топилди. Булар қўлда ясаб рангли нақш берилган сопол идишлар-

Суғдиёна микрорайонидаги турар жой бинолари.

Самарқанд шаҳри. Алишер Навоий ҳайкали.

нинг парчалари ва шуниндек, гувалдан тикланган 7 м қалинликдаги мудофаа девори қолдиқларидир. Афросиёбнинг 19 гектарлик арк қисми девор б-н бутунлай ўраб олинган. Афросиёбнинг бошқа жойлари ҳам текширib кўрилганда қуйи қатламларидан шунга ўхшаш ва мил. ав. 9—8-а.ларга оид ашёлар топилди.

Афросиёбдан топилган ушбу намуналар Франциядa радиокарбон талқиқот усулида ўрганилиб, улар мил. ав. 8-а.га, аниқроғи 2750 ёшга тааллуқлиги исботланди.

С. бунёд бўлганидан буён у Ўрта Осиёнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида катта мавқега эга бўлиб келди. Шаҳарнинг Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашганлиги, бу ерда қадимдан ҳунармандчиликнинг шойи тўқиш, машҳур Самарқанд қоғози и.ч., кулолчилик, темирчилик, новвойлик, қандолатчилик, бадиий каштачилик ва б. турлари ҳамда савдо-сотиқ ишларининг ривожига туртки бўлди. С.да қадимдан равнақ топган ҳунармандчилик турлари маҳалла-гузарларининг номларида сақланиб қолган, мас. «Сўзангарон» (игна тайёрловчилар), «Камонгарон» (ўқ-ёй ясовчилар) ва б. номлар ҳоз. кунгача етиб келган.

1841—42 й.ларда Бухорога Россия элчиси қилиб юборилган шарқшунос Н.В.Ханиковнинг ёзишича, ўша вақтда С. баланд девор б-н ўралган бўлиб, унинг 6 та дарвозаси: Бухоро, Пайкобод, Шоҳизинда, Қаландархона, Сўзангарон, Хожа Аҳрор бўлган. Кечалари шаҳарга кириб-чиқиш тақиқланган. Шаҳар деворининг айланаси 13,9 км, унинг умумий майдони эса 10,4 км²ни ташкил қилган. Шаҳарда жуда кўп боғ, ариқ-зовур ва ҳовузлар, иккита гиштин карвонсарой ва учта ҳаммом (2 таси Хожа Аҳрор ҳаммомлари, биттаси Мири ҳаммоми) фаолият кўрсатган. Кўчалар шаҳарнинг 6 та дарвозасини Регистон майдони б-н боғлаган. Бибихоним масжиди б-н Чорсу ўртасидаги кўча энг серқатнов бўлган. Кўргон шаҳарнинг ғарбий қисмида бўлиб, унинг уз. 3,2 км ли ташқи девори ва иккита дарвозаси бўлган. Кўргонда ҳоким саройи, сипоҳилар яшайдиган уйлар жойлашган. Шаҳар аҳолисининг сони 25—30 минга етган.

С.нинг европача типдаги қисмини қуриш ишлари 1871 й.да бошланди. Ўша вақтда округ губернатори генерал Абрамовичнинг буйругига мувофиқ, маҳаллий аҳолининг ер участкалари мусодара қилиниб ва сотиб олиниб, офицерлар ҳамда амалдорларга, кичик ҳарбий лавозимдаги оилали кишиларга, ва, мустасно тариқасида, рус савдогарлари ҳамда мещанларга бўлиб берилган. Кичик лавозимдаги ҳарбийларга «Солдатская слободка» деб аталувчи шим.-ғарбий булуқ ажратилган. Ўша даврда Эски ва Янги шаҳар ўртасида хиёбон ва боғ барпо этилди, ҳарбий губернатор уйи, казармалар, офицерлар мажлис ўтказадиган бино қурилди. Подшо Россияси мустамлакачилиги даврида С.да бир нечта қайта ишловчи майда корхоналар вужудга келди. Шаҳарда 34 пахта тозалаш, 20 вино, бир неча спирт, пиво з-длари, тегирмонлар ишлаган. Металлни қайта ишлаш з-дида бир қанча пресслаш, 2 та йўнувчи, 2 та винт кесиш станоги бўлиб, чўян буюмлар, занжир, ўроқ, паншаха, кетмон, болта каби буюмлар ишлаб чиқарилган.

Самарқанд тўқимачилик комбинатида.

С. — аҳолисининг сони ва саноатининг кўлами бўйича Ўзбекистонда етакчи ўринлардан бирида. 1930-й.ларда пиллакашлик ва шойи тўқиш

Самарқанд университети бош корпусининг янги биноси.

ф-калари, мева консерва з-ди, чой қадоқлаш ф-каси қурилди. 1940—70 й.ларда С.да «Красный двигатель», «Кинап», тамаки-ферментация з-длари, йиғирув ф-каси, суперфосфат з-ди, пойабзал ва тикувчилик ф-калари, уйсозлик к-ти, чинни з-ди ва б. корхоналар қуриб ишга туширилди.

Шўро даврида шаҳарнинг европаликлар яшайдиган қисми обод қилинди, аҳолиси ҳам кўчиб келувчилар ҳисобига ортиб борди. Эски шаҳар қисми эса ўз ҳолича ташлаб қўйилди, кўп меъморий ёдгорликлар қаровсиз қолиб, хароба ҳолига келиб қолди.

Мустақиллик йилларида С.да саноат корхоналари қайта жиҳозланди. Уларда бозор талабига мос маҳсулотлар и.ч. амалга оширилди. Саноатнинг асосий қисми хусусийлаштирилди. Аксарият йирик, ўрта корхоналар негизида акциядорлик жамиятлари тузилди. Кўплаб қўшма корхоналар ташкил қилинди. Самарқанд вилоятидаги мулкчиликнинг барча турига оид 135 йирик саноат корхоналарининг асосий қисми С.да жойлашган. Булар «СамКочАвто» (автобус ва юк машиналари ишлаб чиқарилади), «Алпомиш» (тракторлар, гильза-поршенлар), «Тажриба-механика» (паршалаш ускуналари), «Кинап» (кинопроекция аппаратура), автомобиллар учун электротехника асбоб-ускуналари з-длари, уй-рўзғор совитгичлари корхонаси, суперфосфат, аммофос ўғитлари, сульфат кислотаси ишлаб чиқарадиган суперфосфат з-ди, лифтсозлик, мармар тахталар, гипс, асфальт-бетон з-длари бор.

Шаҳардаги енгил саноат корхоналаридан пиллакашлик, шойи тўқиш, трикотаж, тикувчилик, мебель, пойабзал ф-калари, чинни з-ди фаолият кўрсатади. Озиқ-овқат саноатида: ун-тегирмон, макарон, чой қадоқлаш, сутмой, мева-консерва, вино, пиво, спирт-арақ ва алкоголсиз ичимликлар, қандолат ширинликлари ишлаб чиқарадиган корхоналар мавжуд.

Самарқанд вилоятида мустақиллик йилларида қурилган қўшма корхоналарнинг асосий қисми С.да жойлашган. Булар: Ўзбекистон—Туркия «СамКочАвто», Ўзбекистон—Америка—Англия «UzBAT», Ўзбекистон—Чехия «Прага» (минерал сув қадоқлаш), Ўзбекистон—Латвия «Бравосут» қўшма корхоналари ва б. Шаҳар корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларининг аксари қисми чет эллларга экспорт қилинмоқда. Шаҳарда минглаб кичик ва ўрта бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлик фаолияти б-н шуғулланувчилар бор. С.да 25 дан ортиқ йўналишда автобуслар қатнайди. Троллейбус қатнови йўлга қўйилган. Шаҳар Тошкент халқаро аэропорти авиалинияларн орқали Республика вилоятлари ва хорижий давлатлар б-н боғланган. 2003 й. 30 декабрдан йўловчилар ташувчи Тошкент — Самарқанд электр поезди ишга туширилди.

С. қадимий тарихи ва меъморий ёдгорликлари туфайли бутун дунё тан олган ҳақиқий музей шаҳрига айланди. Шу боис республика ҳукумати қарори б-н 1982 й.да С.нинг Афросиёб шаҳристони, ўрта асрларда бунёд этилган меъморий ёдгорликлар ва 19—20-а.ларда қурилган «Янги шаҳар»даги бинолар, тарих ва ўлкашунослик музейлари асосида «Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий музей-қўриқхонаси» тузилди. Ўша йилда шаҳарнинг тарихий қисмнин муҳофазалаш чегаралари белгиланди.

С.нинг меъморий-тарихий ёдгорликлари 2001 й.да ЮНЕСКОнинг Финляндияда ўтказилган 25-сессиясида Жаҳон мероси рўйхатига киритилди.

С.да 73 та йирик тарихий меъморий ёдгорлик: *Регистон ансамбли, Шоҳи Зинда ансамбли, Амир Темур мақбараси, Улуғбек расадхонаси, Бибихоним жоме масжиди, Руҳобод мақбараси, Абдидарун мажмуаси,* Хожа Аҳрор масжидан, *Ҳазрати Хизр масжиди* ва б. сақланган. Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримов ташаббуси б-н С.да Абу Мансур *ал-Мотуридий* ас-Самарқандий дафн этилган Чокардиза қабристони ҳудудида Мотуридий ёдгорлик мажмуи мозорига мақбара қурилди. Қабристон обод этилди, *Бурҳониддин Марғиноний* вафотининг 800 йиллиги (1997), таваллудининг 910 йиллиги (ҳижрий сана бўйича) (2000) кенг нишонланди (Самарқанд шаҳри Чокардиза қабристонига дафн этилган). С.нинг марказий майдонига Амир Темур ҳайкали ўрнатилди. Шаҳардаги тарихий обидалар Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон (Афина), Италия (Рим) ёдгорликлари каби ўзининг гўзаллиги б-н эътиборни ўзига тортади. С.га ҳар йили дунёнинг турли мамлакатларидан минглаб сайёҳлар келиб кетадилар. Меҳмон ва сайёҳларга хизмат кўрсатувчи: «Афросиёб», «Самарқанд», «Зарафшон», «Босиёб», «Самарқанд-Гишамол», «Марказий», «Президент отель» каби меҳмонхоналар қурилган. Сайёҳларга «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг Самарқанд бўлими ходимлари хизмат кўрсатадилар.

Бибихоним масжиди.

С.даги олий ўқув юртлари (ун-т, тиббиёт, қ.х., иқтисодиёт ва сервис, меъморлик-қурилиш ва чет тиллар ин-тлари). 2002/03 йилда шаҳардаги 36 та ўрта махсус билим юрти, коллеж, академик лицей ва интернат мактабларида 25,7 минг, 67 умумий таълим мактабида 76,7 минга яқин ўқувчи таълим олди.

Шаҳар республиканинг йирик фан марказларидан бири. С.да педагогика академияси асосида ташкил топган СамДУ катта мавқега эга. Қорақўлчилик, Исаев номидаги паразитология ва гельминтология (1925), Шредер номидаги боғдорчилик, токчилик ва виночилик, археология ин-тлари, Ўзбекистон ФАнинг Самарқанд бўлими турли йўналишдаги и.т. ишларини олиб бормоқдалар.

С.да 4 оммавий кутубхона, *Самарқанд бадиий музей-кўргазмахонаси*, 3 театр (Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилояти ўзбек давлат мусиқали драма театри, А.П.Чехов номидаги рус драма театри, қўғирчоқ театри), шаҳар телестудияси фаолият кўрсатади. «Самарқанд» газ. чиқади. Шаҳарда 1566 ўринли 11 касалхона, 348 стационарда 1561 малакали врачлар хизмат кўрсатадилар. Чўпонота тепалиги ёнида дам олиш уйи, Марказий, Сўғанёна маданият ва истироҳат боғлари, болалар «Афсона» аквапарки, кўплаб стадион, теннис кортлари, «Дельфин» сузиш мажмуи бор.

Амир Темур мақбараси.



Имом ал-Мотуридий мақбараси.

С. заминида машҳур донишмандлар, алломалар вояга етган, жумладан, Улуғбек С.да мунажжимлар мактабига асос солди, мадраса ва расадхоналар қурди. Унинг атрофида бутун бир илмий маскан — Улуғбек академияси таркиб топди. Бу академияда Ғиёсиддин Жамшид Коший, Қозизода Румий, Али Қушчи каби машҳур олимлар етишиб чиқди. Улуғбек академиясида амалга оширилган ишлар жаҳон фан оламида тан олинди.

16—17-а.ларда С.да Мирам Чалабий, Мулло Абдулали Назмуддин ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн Биричандий, Амир Акбар Самарқандий, Дўстий Самарқандий, Кошифий Самарқандий, Мир Жалолиддин Хоразмий, Мавлоно Абдулхайр Самарқандий ва ш.к. кўплаб фан ва маданиятнинг машҳур намояндалари ижод этганлар.

С. шаҳрида ҳоз. кунда халқаро миқёсдаги турли анжуманлар ўтказилмоқда. Айниқса, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг С.да ўтказилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Ватанимиз тарихида тутган беқиёс ўрни, самарқандликларнинг асрлар давомида миллий фан ва маданиятимизни ривожлантиришга қўшган буюк ҳиссасининг эътирофи сифатида С. «Амир Темур» ордени б-н мукофотланди (1996 й. 28 авг.). Ордени 1996 й. 18 окт.да ЎзР Президенти И.А. Каримов топширди.

Манбалар ва ад.: Самарқанд тарихи, Т., 1—2 ж., 1971; Самарқанд (проф. З.М.Акрамов таҳрири остида), Т., 1961; Самарқанд шаҳри тўғрисида статистик маълумотлар, С., 2002; Умников И.И., Алескеров Ю.Н., Самарқанд (справочник-йўлкўрсаткич), Т., 1968; Пугаченкова Г.А., Очиқ осмон остидаги музей, Т., 1981; Зоҳидов П., Самарқанд меъморлик мактаби (19—20-аср бошлари), Т., 1965; Бартольд В.В., История Самарканда при Тимуридах. Соч., том 6, М., 1966; Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И., Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана, Т., 1959; Якубовский А.Ю., Из истории археологического изучения Самарканда, Самарканд, 1927; Шишкин В.А. Калаи Афрасиёб, сб. «Афрасиёб», вып. №1, Т., 1969; Шишкин В.А., Афрасиёб — сокровищница древней культуры, Т., 1966.

Аҳмадали Асқаров, Тоғаҳўжа Жумабоев, Ориповурод Расматуллаев.

«САМАРҚАНД» — жадидларнинг ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий газетаси. 1913 й. 15 апр.дан Самарқанд ш.да ҳафтада 2 марта ўзбек, форс ва рус тилларида чиққан. Нашири ва муҳаррири — Маҳмудхўжа Беҳбудий (1874—1919). «С.»да Туркистон ўлкаси халқларининг тараққиёти кўзланган ва жамиятдаги ислоҳотларни ёқловчи мақолалар ва шеърлар чоп этилган.

Европа ва АҚШда нашр этиладиган газ.лар ва уларнинг ўқувчилари ҳақида ҳам хабарлар берилган. Ҳожи Муин, Мунавваркори, Фитрат, Камий, Сидқий-Ажзий, Мунавваркори, Фитрат, Камий, Садриэддин Ализода, Сидқий-Ажзий, Нусратилла Қудратилла ўғли (Мирзо Бедил), Рожий ва б. жалид адибларининг асарларини эълон қилиб турилган. Алади 400—600 нусхалан иборат бўлган. 1913 й. 17 сент.да 45-сони чиққач, модднй қийинчилик сабабли тўхтаган. Бу вақтда М. Беҳбудий *«Ойна»* жур.ни чиқаришни бошлаган.

Ад.: Абдуазизова Н. А., Туркистон матбуоти тарихи (1870—1917), Т., 2000.

«САМАРҚАНД» — меҳмонхона; Самарқанд ш. Охунбобоев кўчасида жойлашган (1967, меъмори О.Айдинова). Амир Темур мақбараси яқинида. Меҳмонхона 9 қаватли ётоқхона ва бир қаватли жамоатхонадан тузилган. «С.»нинг ҳовуз ва фавворали марказий хиёбонга қараган бош тарзи айвончалардан, Охунбобоев кўчасига қараган тарзи ёзги енгил балконлардан ташкил топган. 320 ўринли 1 ва 2 кишилик хоналардан иборат бўлган 9 қаватли ётоқхонанинг ҳар бир хонаси барча қулайликларга эга, девор ичи меҳроб шаклида ишланган шкафлар б-н жиҳозланган. Жамоатхона қисми интерьери кошинкори, ганч ва ёғоч ўймакорлиги б-н жозибали безатилган; унда хизмат кўрсатиш бўлими, ресторан-кафе, банкет зали, дўкончалар жойлашган ва у ички ҳовли б-н узвий боғланган. Ётоқхона қисмининг томи, яъни 10-қавати шаҳар манзарасини томоша қилиш учун мослаштирилган майдончага айлантирилган.

САМАРҚАНД АВТОМОБИЛЧИ КОМАНДИР-МУҲАНДИСЛАР ОЛИЙ ҲАРБИЙ БИЛИМ ЮРТИ — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига ҳарбий командир-муҳандислик мутахассислар тайёрловчи билим юрти. 1969 й. 20 ноябрда ташкил топган. Билим юртида олий ҳарбий-махсус маълумотга эга автомобиль бўлинмалари командирлари, автомобиль техникаларининг эксплуатацияси ва таъмирланиши бўйича командир ўринбосарлари, сапер-муҳандислик бўлинмалари командирлари, таъминот ишлари бўйича офицер мутахассислар, шахсий таркиб б-н ишлаш ва маданий-маърифий ишлар бўйича офицерлар тайёрланади.

САМАРҚАНД БАДИЙ МУЗЕЙ-ҚЎРИҚХОНАСИ, Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадиий музей-қўриқхонаси — Самарқанд ш. ва Самарқанд вилоятида музейларни марказий бошқариш, тарихий, маданий ва санъат ёдгорликларини сақлаш ва рўйхатга олишни назорат қилиш, ёдгорликларни таъмирлаш ва консервациялашни бошқарувчи ягона ташкилот. 1982 й. *Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихи музейи* ва унинг бўлимлари, шунингдек, Самарқанд ш. ва Самарқанд вилоятидаги меъморий ёдгорликлар негизида ташкил қилинган. Музей-қўриқхона таркибига 8 та музей — Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихи музейи (бош музей), *Самарқанд вилоят ўлкашунослик музейи*, Самарқанд ш. (Афросиёб) тарихи музейи. *Улуғбек расадхонаси* ёдгорлик тарихи музейи, Садриддин Айний ёдгорлик уй-музейи, Каттақўрғон ш. тарихлик уй-музейи, Каттақўрғон ш. тарихшунослик музейи, Иштихон туман ўлкашунослик музейи, Пахтачи туман тарих музейи ва 6 та меъморий обидалар — *Амир Темур мақбараси, Бибихоним жоме масжиди, Шоҳизинда ансамбли, Ҳазрати Хизр масжиди, Ҳўжа Доби, Ҳазрати Хизр масжиди, Ҳўжа Довонбеги мадниён мақбараси, Нодир Девонбеги мадрасаси* киради. Музей-қўриқхона Самарқанд вилояти ҳудудида жойлашган музейлар хазинасидаги ноёб осори атиқалар ва тарихий обидаларни аваайлаб асрайди, илмий жиҳатдан ўрганади, уларни янги топилмалар б-н бойитади, улар асосида янги экспозиция ва кўргазмалар ташкил қилади; шунингдек, улар ҳақида китоблар, каталог, буклет, йўл кўрсаткичлар нашр этади, тарихий обидаларда музейлаштириш ишларини олиб боради, музей-қўриқхона ҳудудида амалга ошириладиган қурилиш ва таъмирлаш ишларини назорат қилади. Тарихий, маданий ва санъат ёдгорликларини сақлаш бўйича мавзули (жумладан, Ўзбекистон санъати ва б.) кинолекторий ва халқ ун-ти машғулотларини ўтказади.

Музей-қўриқхона хазинасида ўзбек халқи маданияти ва санъати тарихининг барча даврларини тараққиётини акс эттирадиган асл ёдгорликлар — 206 мингдан зиёд экспонатлар сақланади (2003). Музей-қўриқхона маъмурияти Регистон майдони (Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихи музейи биносида) жойлашган.

Раҳим Қаюмов.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИ — маданий-маърифий муассаса. 1979 й. Самарқанд ш.да Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихи музейи ғўпламлари негизида тузилган. 1983 й.дан Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморлик ва бадиий музей-қўриқхонаси бўлими. Музейда табиат ва тарих бўлимлари бор. Экспозицияларда вилоят ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, шу жумладан, «Қизил китоб»га киритилган йўқолиб бораётган ҳайвон ва ўсимлик турлари ҳам кўйилган; вилоят тарихи асл ҳужжатлар, нодир фотосуратлар ва б. воситалар да ёритилган. Музей биноси (собиқ савдогар А. Калонтаров уйи)нинг ўзи нодир меъморий обидадир; унда 19-а. охири — 20-а. бошлари Самарқанд меъморлари ва усталарининг анъанавий санъати ва маҳорати (ганч ўймакорлиги, наққошлик ва б. санъатлар) намоён бўлган. Музей маданий-маърифий ишлар, турли тадбирларни амалга оширади, кўргазмалар ташкил қилади. 2001 й.дан видеолекторий ишлаб турибди.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ — *Туркистон генерал-губернаторлиги* таркибидаги вилоятлардан бири. 1887 й. 1 янв.да собиқ *Зарафшон округи* ўрнида тузилган. Таркибига Самарқанд, Каттақўрғон, Жиззах ва Хўжанд уездлари кирган. Майд. 68962 кв.км. С.в. аҳолиси 1897 й.ги аҳоли рўйхатига кўра, 857847 кишидан иборат бўлиб, шундан эркаклар — 472915, аёллар — 384932, шаҳар аҳолиси — 135568 кишини (умумий миқдорнинг 15,7%) ташкил этган. Аҳолисининг тахм. 68% ўзбеклар, 23% қозоқлар ва тожиклардан иборат бўлиб, шунингдек, руслар, яҳудийлар, лўлилар, татарлар, афғонлар, ҳиндлар ва б. яшаган. Ўтроқ аҳолининг асосий қисмини ўзбек ва тожиклар, кўчманчи аҳоли эса қозоқлардан ташкил топган. Ўтроқ аҳоли, асосан, деҳқончилик, кўчманчи аҳоли эса чорвачилик б-н машғул бўлган.

С.в. шаҳарларида кустар ҳунармандчилик яхши, ф-ка-завод саноати эса, суст ривожланган. Вилоятда 24 та пахта тозалаш з-ди, 5 та вино, 2 та пиво з-ди бўлган (1897). С.в.дан четга шоли, пахта, майиз, қуруқ мева, ун, тери, чорва, жун, ипак, ёнтоқ, вино чиқарилган. С.в. аҳолиси Россия империясининг мустамлакачилик сиёсатига қарши кўпгаб чиқишлар қилган. Айниқса, 1916 й.ги Ўрта Осиё кўзголонида вилоят аҳолиси фаол иштирок этган (қ. *Жиззах кўзголони*). 1924 й. Ўрта Осиё республикаларида миллий давлат чегараланиши ўтказилиши муносабати б-н С.в. тугатилган.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ — ЎзР таркибидаги вилоят. 1938 й. 15 янв.да ташкил этилган. Шим. ва ғарбдан Навоий вилояти, жан.дан Қашқадарё, жан.-шарқдан Жиззах вилояти б-н чегарадош. Майд. 16,8 минг км², Аҳолиси 2824,9 минг киши (2004). Таркибида 14 туман (Булунғур, Жомбой, Иштихон, Каттақўрғон, Нарпай, Нуробод, Оқдарё, Пайариқ, Пастдаргом, Пахтачи, Самарқанд, Тойлоқ, Ургут, Қўшработ) (туманлар ҳақида алоҳида мақолаларга қаранг; мас., *Булунғур тумани*), 11 шаҳар (*Булунғур, Жомбой, Жума, Иштихон, Каттақўрғон, Нуробод, Октош, Пайариқ, Самарқанд, Ургут, Челак*), 12 шаҳарча (Даҳбед, Зиёвуддин, Ингичқа, Кимёгарлар, Лойиш, Митан, Мирбозор, Пайшанба, Сув Ҳовузи, Фарҳод, Хишров,Чархин), ва 125 та қишлоқ фуқаролари йиғини бор. (2004). Марказ — *Самарқанд* ш.

Табиати. С.в. Помир-Олай тоғларининг ғарбий чеккасида, Зарафшон дарёсининг ўрта қисмида жойлашган. Рельефи, асосан, кенглик бўйлаб чўзилган ва шим.дан Туркистон тоғ тизмаларининг тармоқлари (Нурота тоғи, бал. 2169 м), Оқтоғ, 2003 м, жан. дан Зарафшон тоғ тизмалари б-н ўралган Зарафшон дарёси водийсидан иборат. Водий шарқдан (750—800 м) ғарбга қараб (350 м) пасайиб боради. Водийдан шим.га ва жан.га томон қия текисликлар жойлашган ва тоғларга яқинлашганда адирлар бошланади. Зарафшон тизмаси (ғарбий қисми) жан. да Қашқадарё вилояти б-н бўлган чегара бўйлаб чўзилади. Бу тизма (2388 м), асосан, палеозойнинг кристалли сланецлари ва оҳактошларидан таркиб топган. Ғарбга томон тизма аста-секин пасаяди ва Каттақўрғон жан.да пастбаланд текисликлардан иборат текислик б-н қўшилиб кетади. Асосан, қумтош, сланец ва магматик жинслардан ташкил топган Нурота тоғи бир неча йирик орографик бирликларга тармоқланган. Энг баланд чўққиси Чўпонота (2169 м). Тоғ тизма

Зарафшон тоғ тизмаси.

ғом, Нарпай (54 км), Ўнг қирғоқ (64 км), Чап қирғоқ (169,3 км), Марказий магистрал (39,5 км), Зарафшон, Эски Анҳор каналлари ва Каттақўрғон сув омборидан ҳам экинларни суторишда фойдаланилади. Вилоятнинг жан.-ғарбий қисмида оқадиган сойлар ёзда қуриб қолади. Тупроғи асосан, бўз тупроқ. Текисликлар ва 500 м гача баландликлардаги тоғ этакларида сур-қўнғир оч бўз тупроқлар (суторилади-ган ерларда ўтлоқи бўз тупроқлар), 1500—1700 м баландликда тўқ бўз тупроқлар, чўл зонасида қумоқ, тақир, бўз-қўнғир тупроқлар ва шўрхоклар тарқалган. Ёнғоқзорлар ва арчазорларда қўнғир тупроқлар, янада баландроқ қорамтир тупроқлар бўлиб, ундан юқорида тоғ-ўтлоқи тупроқлар учрайди.

Ёввойи ўсимликлардан чала чўл ва чўл ўсимликлари асосий ўринни эгаллайди. Тоғ ён бағирларига яқин текисликларда шувоқ, эфемерлар (ранг, қўнғирбош ва б.) ўсадиган ўтлоқлар бор. Дарё водийларида, даштларда, шўра-галофит ўсимликлар ўсади; Зарафшон дарёси водийсида терак, жийда, тол, турангил, маймунжон, юлғун, оқтикан тўқайзорлари бор. Тоғларда 1100—2700 м баландликда писта, бодом, тошлоқ ён бағирларида арчазорлар учрайди. Самарқанд яқинидаги Омонқўтонда ёнғоқзорлар бор. Ёввойи ҳайвонлардан тулки, чиябўри, бўри, текисликларда жайран, тоғларда қўнғир айиқ, дарё сувсари, қушлардан тустовуқ, туздолоғ, тоғларда каклик, дарёларда балиқлар учрайди.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, украин, озарбайжон, арман, корейс, белорус, татар, месхети туркlари, яҳудийлар, лўлилар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км²га 168 киши. Аҳоли вилоятнинг суторилади-ган ерларида зич (1 км²га 340—512 киши) жойлашган, чўл ва тоғ ҳудудида сийрак (1 км²га 20—40 киши). 732,3 минг киши шаҳарда, 2092,6 минг киши қишлоқда яшайди.

Хўжалиги. Вилоят ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича Тошкент ш., Фарғона, Тошкент ва Андижон вилоятларидан кейин 5-ўринни эгаллайди. С.в. Ўзбекистон саноати маҳсулотининг 5%, қ.х. маҳсулотларининг 1,3%, мол айланишининг 8,6%, пулли хизмат кўрсатиш ҳажмининг 7,9% ни беради.

Самарқанд вилоят ҳокимияти биноси.

Вилоятни электр энергияси б-н Толлигулон, Иртешар, Хишров ГЭСлари ҳамда қисман Навоий иссиқлик электр станцияси таъминлайди. Ургут туманида Сугдиёна ГЭС қурилмоқда. Вилоят ҳудудида фойдали қазилмалардан нодир металлар (Ингичка кони), бинокорлик материаллари (мармар, оҳактош, гранит, мергель, графит) топилган. Омонқўтон ва Жомла мармар қазиб олинмоқда.

Саноати кўп тармоқли. Озиқ-овқат, енгил, машинасозлик, кимё саноати ривожланган. Қурилиш материаллари и.ч. ҳам салмоқли ўрин тутади. Озиқ-овқат саноати вилоят ялпи саноат маҳсулотининг 31,8%, енгил саноат маҳсулоти 22,6%, аралаш-ем и.ч. 18,9%, машинасозлик ва металлсозлик 8,4% ни ташкил қилади.

Вилоятда лифтсозлик, киноаппаратура и.ч., чой қадоқлаш, совиткич, автомобилсозлик, тамаки ферментация корхоналари бор. Кейинги йилларда ип-газлама и.ч. ривожланмоқда. Мустақиллик йилларида вилоят иқтисодиёти шаклига кириб бормоқда. Аксарият йирик ва ўрта корхоналар негизида акциялорлик жамиятлари ташкил этилди.

Вилоятда мулкчиликнинг барча турига оид 80 та асосий саноат корхонаси бор, уларда 41,6 минг ишчи ва муҳандис-техник ходим ишлайди. Мустақиллик йилларида вилоят саноат маҳсулот и.ч. ҳажми (солиштирма нархда) 1,5 маротаба кўпаяди. Вилоятда 2002 й.да 2,1 млн. м² шойи газлама, 113 минг м ип-газлама, 14—15 минг т ўсимлик ёғи, 72 минг т пахта толаси, 12—13 минг т тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Асосий саноат корхоналари Самарқанд ш.да жойлашган. Бунга оғир саноат корхоналаридан: трактор-лар учун гильза-поршенлар ишлаб чиқарадиган «Алпомиш» машинасозлик з-ди, «Самарқанд тажриба-механика» з-ди (бурғилаш машиналари), «Кинап» з-ди (киноаппаратура, автомобиллар учун электр асбоб-ускуналари), лифтсозлик, уй-рўзғор совиткичлари, мармар, гишт, асфальт-бетон з-длари киради. Самарқандниинг Хишров йўлдоши шаҳарчасидаги суперфосфат з-дида фосфат ва аммофос ўғитлар ҳамда сульфат кислотаси ишлаб чиқарилади. Самарқанддаги енгил саноат корхоналаридан: пиллакашлик, шойи тўқиш, трикотаж, тикувчилик, мебель, пойабзал ф-калари ва чинни з-ди мавжуд; озиқ-овқат саноати корхоналаридан: қадоқлаш, сут-мой, консерва, вино-коньяк, спирт-арақ ва алкоголсиз ичимликлар ҳамда қандолатчилик корхоналари фаолият кўрсатади. Каттақўрғон шла пахтачилик машинасозлиги (пахта тозалаш корхоналари учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқарилади) з-длари, Жомбой шда вилоятдаги энг йирик дон маҳсулотлари к-ти, «Самжинтекс» ип газлама қўшма корхонаси, Булунғурда вино ва гишт з-длари ишлаб турибди. 1991—2003 йлар давомида С.в.да жаҳон андозаси даражасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи 135 қўшма корхона ташкил этилди. Бу корхоналарда 7,8 минглаи ортиқ ишчи ва хизматчи ишлайди. Биргина 2003 й.да 19 та қўшма корхона ишга туширилди. Қўшма корхоналардан энг йириклари: Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигида қурилган «СамКочАвто», Америка—Англия б-н ҳамкорликда ишлаётган «UZBAT» акциядорлик жамияти корхоналари (тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарилади), «Сампластик», Жомбойдаги «Самжинтекс», Ўзбекистон—Германия «Музлён» (пиво ишлаб чиқарилади), «Самарқанд парранда», Челак шдаги Ўзбекистон—Россия «Балтимор» (томат пастаси ва кетчуп қайласи ишлаб чиқарилади), Ўзбекистон—Чехия «Прага» (минерал сув қадоқлаш) корхоналаридир.

«СамКочАвто» қўшма корхонасида йилига 400 дан ортиқ замонавий автобуслар ва юк автомашиналари ишлаб чиқарилади. Яқин келажакда бу кўрсаткич янада кўпаяди. Вилоятда 2822 та кичик корхона фаолият кўрсатмоқда (2003).

С.в. қадимдан ўзининг ҳунармандчилиги б-н машҳур. Бу ерда шойи ва гилам, сўзана тўқиш, заргарлик, кулолчилик, ёғоч, ганч, тош ўймакорлиги ва б. халқ амалий санъати турлари тараққий этиб келмоқда. Самарқанд ноннлари, айниқса, Самарқанд қоғози бутун дунёга машҳур.

7-а.нинг бошларидан — 19-нинг 1-ярмигача Самарқандда ишлаб чиқарилган қоғоз, А.Вамберининг ёзишича, Туркистондагина эмас, балки қўшни мамлакатларда ҳам машҳур бўлган. 15-а.да Самарқандда Обираҳмат сувининг жувозларида тайёрланган турли нав қоғозлар б-н савдо қилувчи махсус дўконлар бўлган. О.Г.Большаков асарларида Самарқанд қадимдан қоғоз и.ч.га ихтисослашган ва уни тараққий этганлигини ёзади. Самарқанд қоғози номи б-н машҳур бўлган қоғоз шаҳарда эмас, балки унинг атрофида жойлашган ҳунармандчилик устахоналарида ишланган. Бобурнинг ёзишича, «Қоғоз тегирмонларининг барчаси Конигилдан келур. Андоқким Кони гил Сиёҳоб дарёси яқосинда жойлашган. Дунёда энг яхши қоғоз Самарқандан келтириладур». Қоғоз шаҳар бозорларида сотилган, ҳатто узоқ юртлардан келган савдогарлар ҳам уни сотиб олишган.

Самарқанд қоғози қоғоз ватани бўлган Хитойда ҳам машҳур бўлган. Қуръон, Ҳадис, Ҳамса, Шоҳнома каби асарлар олий нав қоғозда битилган. Самарқандда тайёрланган қоғозининг энг сараси — қоғози султоний деб юритилган. Қоғозгар усталар (қоғоз тайёрловчи бош уста — қоғозгар, оҳорловчи уста — муҳрқаш деб аталган) муайян ташкилотга бирлашган ҳолда ишлашган. Мас., шундай ташкилотлардан бирига Хожа Аҳрор бошчилик қилган. Самарқанд бозорларида «қоғоз бозори» деб юритиладиган расталар бўлган. Ҳунармандлар ўз билимларини сир сақлашган. Улар сода ишланган асбоб ускуналари ва билимларини авлоддан авлодга қолдириб келганлар. Ҳоз. кунда Самарқанд ҳунармандлари қад. Самарқанд қоғози шуҳратини янгидан тиклаш мақсадида илмий изланишлар ва тажриба ишларини ўтказмоқдалар.

Самарқанд шаҳрининг умумий кўриниши.

Қишлоқ хўжалиги кўп тармоқли. С.в. республика агросаноат мажмуида муҳим ўринни эгаллайди. Вилоят хўжаликларида мамлакатда етиштирилган қ.х. маҳсулотларининг қарийб 1/10 қисми тайёрланади. Етакчи тармоқлар — деҳқончилик ва чорвачилик. Пахтачилик, галлачиликдан ташқари богдорчилик, токчилик, сабзавот ва полиз маҳсулотлари, тамаки етиштириш анча ривожланган. С.в. узумчилик бўйича Тошкент вилояти б-н биргаликда Ўзбекистонда етакчи ҳисобланади.

СамДУ академик лицейининг янги биноси.

Вилоятнинг жами экин майдонлари 442 минг га (шу жумладан, 183 минг га ер ландшкор) (2004), шунинг 147 минг гектарига галла экилади (шундан 70 минг га ер ландшкор) (С.в. галла етиштириш бўйича Ўзбекистонда 2-ўринда). 103 минг га ерга пахта, 19,8 минг га ерга сабзавот ва полиз экинлари, 10,3 минг га ерга картошка, 13 минг га ерга тамаки, 35,2 минг га ерга ем-хашак экинлари экилади. Боғлар 19,9 минг га, тутзорлар 7,8 минг га, токзорлар 26,4 минг га ни эгаллайди. 801,7 минг гектар ер яйловлар б-н банд. Самарқанд ш. атрофида, хусусан, Тойлоқ ва Самарқанд туманларида шаҳар атрофи қ.х. яхши ривожланган. Вилоят қ.х. да 200 ширкат, 8,6 минг фермер хўжалиги, 10 акциядорлик жамияти фаолият кўрсатади.

С.в.даги барча шахсий ва жамоа хўжаликларида 877,3 минг қорамол (шундан 404,9 минг сигир) ҳамда 1031,6 минг қўй ва эчки, 2327,2 минг парранда, 15,1 минг от боқилади (2003). Бир йилда етиштириладиган қоракўл тери 60 мингдан зиёд (2002), пилла 1459 т ни ташкил этади (2003).

Транспорти. Вилоятда барча турдаги транспорт воситалари яхши ривожланган. Ўзбекистон ҳудудида биринчи т.й. 1888 й. Фороб станциясидан (Туркманистон) Самарқандгача қурилган. С.в. ҳудудидан Тошкент—Туркман-

Самарқанд вилояти. Қишлоқ профилактория.

шунослик илмининг ривожига туртки бўлди. Мавлоно Юсуф Андижоний *муаммо* жанрига доир ўз рисоласини яратди. Самарқанд маданий-адабий ҳаётига бевосита Хожа Аҳрор Валий (15-а.), Маҳдуми Аъзам Косоний сингари нақшбандия пирларининг таъсири ҳам бор. Улар ўзларининг тариқат, адабиёт ва бадиий ижод соҳасидаги асарлари б-н адабиётнинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшдилар. Маҳдуми Аъзам Косоний бир қанча бошқа асарлар б-н «Шарҳи ғазалиёти Убайдуллахон», «Шарҳи рубоиёти Убайдуллахон» сингари рисолаларни ҳам яратган. Муҳаммад Шайбонийхон, Убайдуллохон (16-а.), адабий фаолиятида ҳам Самарқанд адабий ҳаёти б-н алоқадор. 19-а. 2-ярми — 20-а. бошларида Самарқандда адабий ҳаёт янги тараққиёт босқичига кўтарилди. Бу даврда Абдулкарим Сипандий, Назриддин Ҳодий, Сандризо Ализода, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мирзо Акрам Фикрий, Абдужалил Писандий, Иброҳим Журъат, Саидаҳмад Васлий, Абдулқодир Шакурий, Саидаҳмад Сиддиқий, Ҳожи Муъин Шукуров, Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат ва б.нинг шеърий ва наср ий асарларида маърифатпарварлик, миллий истиқлол учун кураш гоялари ўз ифодасини топди. Айниқса, Садриддин Айний, Абдурауф Фитратларининг адабиётшунослик ва адабиёт тарихига доир тадқиқотлари, насрий ва шеърий асарлари ўзбек адабиётида янги мавзу, шакл ва гояларнинг ўрин эгалланишига сабаб бўлди. Садриддин Айнийнинг «Дохунда», «Қуллар», «Эсдаликлар» романлари романнависликнинг янги бир тараққий босқичи бўлди. А. Фитратнинг «Ўзбек адабиёти намуналари» асари мумтоз адабиётимиз тарихини изчил ўрганишга бағишланган дастлабки мажмуалардан бўлди. Самарқанд Республика марказига айланган йилларда адабий ҳаёт жонланди, ижодий ташкилотлар юзага келди, шоирлар, ёзувчилар, адабиётшунос олимлар бу ерга тўпланди.

20-а.нинг 1-ярмида Эргаш Жумабулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Ислом шоир Назар ўғли, Пўлкан шоир каби халқ шоирларининг ижодий фаолияти бутун Ўзбекистон адабиётининг кўркига айланди. Садриддин Айний, Абдураҳмон Саъдий, Отажон Ҳошим, Абдулҳамид Мажидий, Ҳамид Олимжон, Усмон Носир, Шокир Сулаймон, Ойдин Собирова, Раъно Узоқова, Саид Назар, Музайяна Алавия, Темур Маъруфий, Вадуд Маҳмудий, Ҳасан Пўлат каби адабиётшунос олим, шоир ва ёзувчилар Самарқандда яшаб ижод этдилар, адабий ҳаётдага фаол иштирок этдилар. 20-а.нинг 2-ярми Самарқанд адабий ҳаётининг кўтарилиши ва янги ижодкорлар б-н бойиш даври бўлди: акад. Воҳид Абдуллаев, акад. Ботир Валихўжаев, проф.лардан Р. Р. Мукумов, О. Икромов, С. Мирзаев, Н. Шукуров, Ш. Шукуров, С. Саъдиев, Ш. Холматов, Р. Орзибеков, М. Муҳиддинов, Исроил Мирзаев, Ибодулла Мирзаев ва б.; шоирлар: Душан Файзий, Б. Бойқобилов, Ҳамида Каримова, Бибисора Туробова, Ҳ. Ҳасанова, Ҳ. Бобомуродова, Ж. Сирожиддинов (Ҳумий), Олқор Дамин, Мардонқул Муҳаммадқулов, Ёдгорбахши Исоқов, Ҳайдар Яҳёев, Раҳим Фарҳодий, Ядгор Ҳудойқулов, Нусрат Раҳматов, Хуршид Даврон, М. Бобоев, Азим Суюн, Мурод Муҳаммад Дўст ва б.; ёзувчилар Болта Ортиқов, Бобомурод Даминов, Саид Назар ва б.нинг илмий ва бадиий асарлари адабиётнинг тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Миллий истиқлол Самарқанд адабий ҳаётининг тараққиётини бошлаб берди. Бу даврда адабийшунослик кўлга киритган ютуқлар сифатида Ботир Валихўжаевнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» (2002), проф. С. Мирзаевнинг «Ҳаёт ва адабиёт (2001), проф. Ҳ. Умуровнинг «Адабиёт назарияси» (2002), сингари китобларини кўрсатиш жоиздир.

С.в.да Ўзбекистон ижодий уюшмалари (ёзувчилар, рассомлар, меъморлар, журналистлар ва б.)нинг вилоят шўъбалари фаолият кўрсатмоқда.

Матбуот, радиоэшиттириш ва телевидениеси. С.в.да 3 вилоят газ. («Зарафшон», 1917 й.дан чиқарилади, адади 5000; «Самаркандский вестник», 1917 й.дан чоп қилинади, адади 1200—1300, «Овози Самарқанд» тожик тилида 1989 й.дан чиқарилади, адади 3500), 14 турнал газ., 1 шаҳар газ. («Самарқанд») чиқади. Вилоятда, шунингдек, бир қанча тармоқ газ. нашр этилади. Жами 42 номдаги газ. ва 9 номдаги журналлар чоп этилади.

Самарқандда 1894 й.да дастлабки босмахона ташкил этилиб, ўзбек, тожик ва рус тилларида бадиий ва илмий адабиётлар, қўлланмалар нашр қилина бошлади. Хусусан, 1907—11 й.ларда А.Шакурийнинг ҳикоялар («Жомеъ ул-Ҳикоёт») ва шеърлар (Зубдат ул-ашъор) тўпламлари, 1914 й. Саидаҳмад Сиддиқий асари («Миръоти Ибрат»), 1913 й. тараққийпарвар педагоглар И.Раҳматуллаев («Раҳбари мактаб»), Ҳўжа Муъин Шукуров («Раҳнамои савод») алифболари ва б. асарлар нашр этилди. 1904 й. 1 майдан «Самарқанд» газ. чиқарилади. 1917—20-й.ларда ўзбек, тожик, рус тилларида бир қанча газ. ва журналлар, оммавий-сиёсий адабиётлар нашр этилди.

Самарқандда биринчи радиоэшиттиришлар 1926 й.дан бошланган. С.в. радиоси ойига 30 соатлик ҳажмда эшиттиришлар беради. Вилоят бўйича телекўрсатувлар 1955 й.дан бошланган. 1991 й.дан Самарқанд ш. телевидениеси фаолият кўрсатмоқда.

Меъморий ёдгорликлари. С.в. маданий, тарихий ва меъморий ёдгорликларга бой. Самарқанд ш.даги Шоҳизинда меъморий ансамбли, Бибихоним жоме масжиди, Регистон майдонидаги меъморий мажмуа, Амир Темур мақбараси, Улуғбек расадхонаси ва б. бутун дунёга машҳур.

Вилоятда 291 меъморий, 1452 археологик, 36 тарихий, 188 монументал санъат ва ҳайкалтарошлик ёдгорлиги бор. С.в.даги меъморий ёдгорликлардан Каттақўрғондаги Қаландархона масжиди (1909—10 й.лар), Оқдарё туманидаги Маҳдуми Аъзам меъморий мажмуаси (16—20-а.лар), Пахтачи туманидаги Имом Баҳри ота мақбараси (15—16-а.лар), Нуробод тумани Тим қишлоғидаги Аработа мақбараси (977 й.), Пайариқ тумани Хартанг қишлоғидаги Имом *Бухорий ёдгорлик мажмуи*, Самарқанд ш. атрофида Хожа Абди Бирун меъморий ансамбли (15—18-а.лар), Хожа Аҳрор меъморий мажмуи (15—20-а.лар), Нодир Девонбеги мадрасаси (1630—31-й.лар) ва б. сақланиб қолган.

Мустақиллик йилларида маданий меросни тиклаш, тарихий ва меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ишларига Ўзбекистон ҳукумати томонидан катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси б-н С.в.даги Хартанг қишлоғи яқинида Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи ўз ўрнида қайта тикланди, шунингдек, Самарқанд ш.даги Имом Абу Мансур ал-*Мотуридий* мақбараси, Самарқанд ш. яқинидаги Даҳбед қишлоғида Маҳдуми Аъзам масжидлари ва б. тўла таъмирланди.

472—473-бетлар орасидаги Самарқанд вилоятининг табиий ва иқтисодий рангли харитасига қ.

Ад.: Каримов И.А. , Ўзбекистон 21-аср га интилмоқда, Т., 1999; Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти, Т., 1998; Ўзбекистон Республикаси. Т., 2002; Буряков Ю.Ф., Сандов К.С., Тўхлиев И.С., Шевченко Л.С., Самарқанд асрлар бўсағасида, Т., 2001; Ртвеладзе Э., Мусульманские святыни Узбекистана, 1996;

Тошпўлат Жумабоев, Ориностод Раҳматуллаев, Қобилжон Тоҳиров.

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ (СамДЧТИ) — немис филологияси, француз, немис ва корейс филологияси ф-тларида 2003—04 ўқув йилида 240 ўқитувчи (жумладан, 10 фан д-ри, 5 проф. ва 40 фан номзоди ва доцентлар) 1800 талабага дарс бермоқда. Ин-тда, шунингдек, италян, япон, турк, араб тиллари ҳам ўқитилади.

Самарқанд чет тиллари институти биноси.

Ин-тда фразеология, лексикография, қиёсий типология, лингводидактика каби филол. тармоқлари кенг ритика қаби филол. тармоқлари кенг ритвожланган. Ўтган 10 йил ичида ин-тда жойнинг микрорельефидан келиб чиққан ҳолда эгри-бугри чизиқ кўринишида бўлиб, бу деворларни ўз кўзи б-н кўрган *Бобурнинг* маълумотига кўра, унинг устида отлиқ бемалол юролган. Шаҳар 2 қисм: ғарб томонда жойлашган ва ҳисобланган иборат бўлган. Умумий майдони тахм. 4,1 км² бўлган. Шаҳар арқида 2 дарвоза бўлиб, асосий дарвоза шарқ томонда бўлган. Кейинчалик лубий марказига айланди. СамДЧТИ да кичик, катта курслар инглиз филологияси, француз, немис ва корейс филологияси ф-тларида 2003—04 ўқув йилида 240 ўқитувчи (жумладан, 10 фан д-ри, 5 проф. ва 40 фан номзоди ва доцентлар) 1800 талабага дарс бермоқда. Ин-тда, шунингдек, италян, япон, турк, араб тиллари ҳам ўқитилади.

Ин-тда фразеология, лексикография, қиёсий типология, лингводидактика каби филол. тармоқлари кенг ритика қаби филол. тармоқлари кенг ритвожланган. Ўтган 10 йил ичида ин-тда жойнинг микрорельефидан келиб чиққан ҳолда эгри-бугри чизиқ кўринишида бўлиб, бу деворларни ўз кўзи б-н кўрган *Бобурнинг* маълумотига кўра, унинг устида отлиқ бемалол юролган. Шаҳар 2 қисм: ғарб томонда жойлашган ва ҳисобланган иборат бўлган. Умумий майдони тахм. 4,1 км² бўлган. Шаҳар арқида 2 дарвоза бўлиб, асосий дарвоза шарқ томонда бўлган. Кейинчалик ин-тда чет тиллари (инглиз филологияси, француз, немис ва корейс филологияси ф-тларида 2003—04 ўқув йилида 240 ўқитувчи (жумладан, 10 фан д-ри, 5 проф. ва 40 фан номзоди ва доцентлар) 1800 талабага дарс бермоқда. Ин-тда, шунингдек, италян, япон, турк, араб тиллари ҳам ўқитилади.

Ин-тда фразеология, лексикография, қиёсий типология, лингводидактика каби филол. тармоқлари кенг ритика қаби филол. тармоқлари кенг ритвожланган. Ўтган 10 йил ичида ин-тда жойнинг микрорельефидан келиб чиққан ҳолда эгри-бугри чизиқ кўринишида бўлиб, бу деворларни ўз кўзи б-н кўрган *Бобурнинг* маълумотига кўра, унинг устида отлиқ бемалол юролган. Шаҳар 2 қисм: ғарб томонда жойлашган ва ҳисобланган иборат бўлган. Умумий майдони тахм. 4,1 км² бўлган. Шаҳар арқида 2 дарвоза бўлиб, асосий дарвоза шарқ томонда бўлган. Кейинчалик

САМАРҚАНД ДАРВОЗАЛАРИ — Самарқанд ш.даги тарихий дарвозалар. Самарқанд ўрта аср шаҳар қурилиши анъаналари асосида бунёд этилган. Ҳоз. Самарқанд ш. ўрнида (қад. Самарқанд — Афросиёб ёдгорлиги мўғуллар томонидан вайрон этилмасдан анча олдин) 10-а.даёқ турли касбдаги аҳоли яшайдиган маҳаллалар мавжуд бўлган. 11-а.да бу маҳаллалар бир нечта дарвозалари бўлган девор б-н ўралган. Араб сайёҳи *Ибн Баттута* ўз асарида Самарқандни Ўрта Осиёдаги энг катта, гўзал ва обод шаҳарлардан бири сифатида таърифлаган. *Мўғуллар истилоси* натижасида вайрон қилинган шаҳар (қ. *Самарқанд мудофааси*) *Амир Темур* томонидан тикланган. Мудофаа деворининг кўриниши жойнинг микрорельефидан келиб чиққан ҳолда эгри-бугри чизиқ кўринишида бўлиб, бу деворларни ўз кўзи б-н кўрган *Бобурнинг* маълумотига кўра, унинг устида отлиқ бемалол юролган. Шаҳар 2 қисм: ғарб томонда жойлашган ва ҳисобланган иборат бўлган. Умумий майдони тахм. 4,1 км² бўлган. Шаҳар арқида 2 дарвоза бўлиб, асосий дарвоза шарқ томонда бўлган. Кейинчалик у Оқ дарвоза номи б-н аталган. 2-дарвоза жан. томонда бўлган.

Шаҳарнинг 6 та дарвозаси бўлиб, 1-дарвоза — Шим. томонда жойлашган Намозгоҳ деб аталиб бу дарвоза 15-а.да Шайхзода деб ҳам номланган. Ундан Кўйи Малик (Шоҳ йўл) деган йўл ўтган бўлиб Бухорога кетилган. 2-дарвоза Боб ул-Ҳадид деб аталиб, у 15-а.да Оқанин ёки Темир дарвоза деб аталган. Ундан Қусам ибн Аббос мозори томон йўл ўтган. Шунинг учун шу ном б-н ҳам аталган. Яна Қариш дарвозаси номи б-н ҳам юритилган. Шарқ томондаги 3-дарвоза Машҳад деб номланган бўлиб, темурийларга мансуб бўлган аслзодалардан Феруз шоҳ номи б-н Феруз дарвозаси деб аталган. Жан. томонда 4—5-дарвозалар жойлашган. 4-дарвоза игна ясовчилар (сўзангарон) маҳалласи номи б-н Сўзангарон деб аталган. 5-дарвоза эса аввал Коризгоҳ, кейинчалик эса Хожа Аҳрор номи б-н аталган. 6-дарвоза ғарбий деворда арқдан жан.роқда жойлашган бўлиб Чорсу дарвозаси деб, кейинчалик Чорраҳа деб аталган.

Шаҳар дарвозалари бадиий жиҳатдан замон руҳига мос тарзда улуғвор кўринишда қурилган бўлиб, пештоқларининг 2 тарафида мустаҳкам миноралар бўлган, деворлари эса турли рангларда товланувчи ҳашамдор қопламалар б-н безатилган. Дарвозалар орқали илон изи кўринишида йўналган ва шу дарвозалар номи б-н аталган йўллар шаҳар марказида жойлашган бозорга олиб борган. Бу йўлларни кенгайтириш ва тўғри чизиқ кўринишида қайта таъмирлаш мақсадида Амир Темурнинг 1404 й.берган буйруғи натижасида бир қанча ишлар амалга оширилган, лекин шу йили қиш қаттиқ совуқ бўлиб, қалин ёққан қор ва Амир Темурнинг бевақт вафоти натижасида қурилиш тўхтаб қолган.

Гарчи 15-а.ларга келиб, шаҳар асл ҳолатини йўқотса-да, *Абу Саид* ва унинг ўғли Султон Аҳмад даврида қурилиш завоб этди. Оқанин дарвозасидан Регистон томонга ва ундан Чорсу дарвозаси томон равон йўллар, атрофларида сотув расталари қад. кўтарган. 17-а.га келиб янги қурилишлар, таъмирлаш ишлари суст рок бўлса ҳам яна давом этади. 18-а.нинг 20-й.ларида шаҳар инқирозга учраб узоқ вақт бўшаб қолди. Шаҳардаги меъморий ёдгорликлар, жумладан, дарвозалар ҳам харобага айланди. Туркистоннинг Россия томонидан босиб олиниши натижасида Самарқандниинг жан.-ғарбий қисмида рус шаҳарсозлиги анъаналари асосида қурилишлар бошланди. Қад. бино ва иншоатнинг кўпи бузилиб кетди, шу жумладан, дарвозалар ҳам бутунлай йўқ қилинди.

Ўткир Алиев.

Самарқанд вилояти. Аработа мақбараси, 977 й.

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ — хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқлари иқтисодиёти ва уни ташкил этиш бўйича мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2004 й. 26 мартдаги «Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори б-н *Самарқанд кооператив институти* негизида ташкил этилган (мазкур ин-т 1931 й.да Тошкент ш.да ташкил этилган; 1935 й.да Самарқанд ш.га кўчирилган). Ин-тда менежмент ва маркетинг масалалари бўйича ихтисослашган иқтисодиёт; халқаро туризм, туризм менежменти, туризм бўйича операторлик хизматлари бизнеси; хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқлари иқтисодиёти ва уни ташкил этиш; молия; банк ва сугурта хизматлари соҳасини ташкил этиш ва бошқариш бўйича юқори малакали бакалаврлар ва магистрлар тайёрлайди, соҳага оид илмий тадқиқот ишларини олиб боради, илмий ва педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш вазифаларини бажаради.

Ин-т йўналиши бўйича диссертацияларда асосий соҳа мутахассисларига доир диссертациялар ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган илмий кенгаш бор.

САМАРҚАНД КИМЁ ЗАВОДИ — кимё саноатининг йирик корхоналаридан бири. «Ўзкимёсаноат» давлат-акциялорлик компанияси таркибига киради. Аммофос, оддий суперфосфат, бойитилган суперфосфат ва б. фосфорли ўғитлар, сульфат кислота ишлаб чиқаради. Самарқанд ш.дан 12 км ғарбда, Кимёгарлар шаҳарчасида жойлашган. Дастлаб «Самарқанд суперфосфат заводи» номи б-н корхона қурилиши 1950 й.да бошланган. 1980 й.дан ҳозирги номда. 1954 й.да сульфат кислота цехи, 1955 й.да суперфосфат цехи ишга туширилган. Оддий суперфосфат, аммонийлашган суперфосфат, техникада қўлланиладиган сульфат кислота, техник кислород, рўзғорбоп кимёвий маҳсулотлар и.ч. ўзлаштирилган. 3-д 1965 й.да реконструкция қилиниб, и.ч. қувватлари 2 марта оширилди. 1975 й.да йирик сульфат кислота цехи фойдаланишга топширилди. 1978 й.дан жаҳон тажрибасида биринчи марта таркибида 24,5% P_2O_5 бўлган паст навли Қоратов (Қозоғистон) фосфоритини қайта ишлашга ўтди. 1979 й.да 3-данинг 2-навбати қурилди, йиллик қуввати 450 минг т моногидрат бўлган сульфат кислота цехи, 136,4 минг т экстракцион фосфор кислота ишлаб чиқаралиган фосфор кислота цехи ишга туширилди. 3-данинг аммофос и.ч. бўйича 3-навбати 1982—84 й.ларда қурилиб, 3-экстракцион фосфор кислота цехи фойдаланишга топширилди. 1994 й.дан 3-да аммоний сульфат ўғитини и.ч. ўзлаштирилди. Корхонанинг диаммонийфосфат ўғити бўйича йиллик қувватини 200 минг т га етказиш учун қайта қуриш ишлари олиб борилмоқда. Йилига 500 минг т сульфат кислота, аммофос ва б. ўғитлар и.ч. қувватларига эга (2003). Корхона маҳаллий хом ашё базасида ишлашга ўтказилган. Корхонада ишлаб чиқарилган ўғитлар Хитой, Эрон, Туркманистон ва б. давлатларга экспорт қилинади.

САМАРҚАНД ЛИФТСОЗЛИК ЗАВОДИ — коммунал машинасозлиги саноати корхонаси. Юк ва одамларни ташишга мўлжалланган турли модификациядаги лифтлар, лифтларга эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаради. Корхона қурилиши 1967 й.да бошланган. 1971 й.дан корхона замонавий русумдаги лифтларни сериялаб ишлаб чиқара бошлади. 1975 й.дан дарё ва денгиз кемалари учун юк ва йўловчилар ташишга мўлжалланган лифтларни и.ч. ўзлаштирилди. 1987—89 й.ларда 3-д реконструкция қилинди ва йиллик қуввати 8 минг дона лифтга етказилди. Собиқ Иттифоқда 3-д асосий лифтсозлик корхоналаридан бири бўлган. 1995 й.да корхона очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилди.

Самарқанд кимё заводи.

САМАРҚАНД МАКОНИ — сўнгги палеолит даврига оид ёдгорлик (мил. ав. 40—12 минг йиллик). Самарқанд ш.да, унча катта бўлмаган Чашмасиёб сойининг ўнг қирғоғида жойлашган. 1939 й.да Н. Г. Харламов томонидан очилган. Шундан сўнг турли йиллар (1958 й.дан 1967 й.гачалда Д. Н. Лев, М. Ж. Журақулов, Б. Х. Бегиров, Ю. П. Холюшкин ва В. А. Холюшкина каби тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Сўнгги палеолитга оид 3 та — юқори, ўрта ва қуйи маданий қатламлар аниқланган. Тадқиқотлар натижасида 6 мингдан зиёд қайвон суяклари, жуда кўплаб тош қуроллар топилган. Бу топилмалар аҳолининг, асосан, овчилик б-н шуғулланганлигидан далолат берали. Найза ўқ учлари, асосан, тош ва суяклан, қисман ёғочдан ишланган. С.м. жамоаси хўжалигида ёғоч ва суякни қайта ишлаш ҳамда тош қуроллар тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга бўлган. Тош, суяк ва чиганоқдан тақинчоқлар ясашган. Маконда ҳунармандчилик б-н шуғулланиш учун махсус майдон бўлган. Тош қуроллар ясаш учун хом ашё Чўпонотадан келтирилган. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг асоси бўлган меҳнат қуроллари аста-секинлик б-н такомиллашиб борган. Макондаги ҳар учала қатламдан топилган топилмалар шундан далолат берали.

САМАРҚАНД МЕЪМОРЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ, Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат меъморлик-қурилиш институти — меъморлик ва қурилиш соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрловчи олий ўқув юрти. 1966 й. Самарқанд ш.да ташкил топган.

Ин-т бакалавриатурасининг кундузги ва сиртқи бўлимларида 14 йўналишда 2200 дан ортиқ талаба таълим олади, 8 йўналиш магистратура, 10 ихтисослик бўйича аспирантура ва 3 йўналиш бўйича докторантура фаолият кўрсатади. Ин-тда 6 та ф-т, 33 та кафедрада 274 проф.-ўқитувчи (жумладан, 1 ЎзбекистонФА акад., 1 БА академиги, 21 фан д-ри ва проф., 137 фан номзоди ва доцент) ишлайди (2004). Ин-тда, шунингдек, малака ошириш ф-ти, «Бизнес инкубатор», «Минтақавий иқтисодий таълим маркази», «Бизнес — интеллект» халқаро бизнес мактаби, лицей интернати, техник лицей, масофавий ўқитиш ва компьютер технологиялари маркази, лойиҳалаш тадқиқот устахонаси, Талабалар конструкторлик бюроси, Қурилиш материаллари ва конструкцияларининг мустаҳкамлигини аниқловчи синов маркази, 3 та илмий лаб., тадқиқотлар полигони, кутубхонаси, спорт зали, сузиш ҳавзаси ва б. бор. «Меъморлик ва қурилиш муаммолари» илмий-техник жур. (2000 й.дан) ва «Бинокор» кўп тиражли газ. (1998 й.дан) нашр этилади. Ин-т фаолияти А. Оқилов, Э. Атиқулов, И. Жумаев, Т. Ширинқулов, Т. Холматов, З. Юсупов, Н. Шодиев каби олимлар номлари б-н боғлиқ. Ин-т биноси тарҳи 110×14 м, 8 қаватли, ассиметрик мужассаматга эга. Бош ўқув корпуси ин-т қошидаги лойиҳа эксперименталустахонаси (1972 й.да ташкил бўлган)да лойиҳаллаштирилган (1984, меъмори О. Иброҳимов, Ю. Зоқирова). Кошин, тозғон мармари ва табиий тошлар, шунингдек, қуёш нурилан сақловчи мосламалар б-н жиҳозланган. Ҳудудида Улуғбек ҳайкали ўрнатилган (1968).

САМАРҚАНД МИНИАТЮРА МАКТАБИ — ўрта асрларда Самарқандда шаклланган тасвирий санъатдаги услубий йўналиш. Энг ривожланган даври 14-а. 2-ярми — 15-а. ва 17-а.ларга тўғри келади. Темурийлар даврида Самарқанд йирик маданият марказига айланган, меъморлик ва *китобат санъати* бекиёс даражада тараққий этган. Ёзма манбалар, сақланиб қолган санъат ёдгорликлари Самарқандда тасвирий санъат қадимдан ривожланганлигини кўрсатади (қ. *Афросиёб деворий расмлари*). Амир Темур боғларидаги саройлар деворларига маҳобатли расмлар ишланган, шоҳона чодирлар тасвирлар б-н безатилган, кейинчалик Мирзо Улуғбек даврида ҳам бинолар тасвирий лавҳалар, сюжетли асарлар б-н безатилган: шоҳ, унинг яқинлари ва сафдошлари портретлари, қабул маросимлари, зиёфат, сафар ва жанг лавҳалари, ов ва б. манзаралар акс эттирилган; айниқса, Мирзо Улуғбек расадхонаси деворларига осмон гумбази, юлдузлар олами тасвирлари ишланган. Худди шундай тасвирлар б-н олим Абдураҳмон ас-Сўфийнинг астрономияга оид рисоласи ҳам С.м.м. вакиллари томонидан безатилган. С.м.м. усталари яратган расмларда воқеалар, асосан, манзара заминида ўрта Осиё табиатига хос манзаралар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, маҳаллий халқ қиёфалари ўз аксини топган. Мужассаматдаги оригиналлик, безак тузилиши ва бадиий ифода воситаларидаги аниқлик, йирик шакли, кенгликни симметрик тузилиши, сокин ритми ва б. ўзига хос хусусиятларга эга бўлган. С.м.м.да қиёфалар рўпарадан чизилган, воқеалар паст-баланд адирларда, кўшк, чодир заминида тасвирланган; айниқса, заррин оч сариқ — оч бинафша рангли газмин колорит диққатни тортади. Устод Гунг, Ғиёсиддин, Амир Темур саройида яшаган Хожа Абдулҳай, унинг шогирди Пир Аҳмад Боғишамолий, *Муҳаммад Мурод Самарқандий* ва б. С.м. м.нинг йирик вакилларидан. Низомийнинг «Хамса» (1446—47, Истанбулдаги Тўпқопу саройида), «Мирзо Улуғбек ўз аъёнлари б-н» алоҳида миниатюра (тахм. 1442, Вашингтондаги Фрир галереясида), Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти фондида сақланаётган Муҳаммад Шодининг «Фатҳнома» (тахм. 16-а.нинг 10—20-й.лари), «Тарихи Абулхайрхоний» (тахм. 16-а. 40-й.), Фирдавсийнинг «Шоҳнома» (1556), Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» (1628) ва б. қўлёзма китоблар С.м.м. вакиллари томонидан бадиий безатилган.

Эльмира Исмоилова.

Самарқанд миниатюра мактаби. «Тарихи Абулхайрхоний» асарига ишланган миниатюра (1541).

САМАРҚАНД МУДОФААСИ (1220) — *мўғуллар истилоси* даврида шаҳар аҳолисининг қаҳрамонона кураши. 1220 й. 10 фев.да Чингизхон Бухорони эгаллагач (қ. *Бухоро мудофааси*), ўз қўшинини хоразмшоҳлар давлатининг 2-пойтахти бўлган Самарқандни эгаллаш учун ташлайди. *Муҳаммад* Хоразмшоҳ С.м.га алоҳида эътибор қаратган. Шаҳар мудофаасида 110 минг жангчи, 20 ҳар мудофаасида 110 минг жангчи, 20 та жанговар фил турган. С.м.га Тоғайхон, Борсмасхон, Сирсиғхон, Улоқхон (Ўлтонхон), Алп Эрхон, Шайххон ва Болохон каби амирлар бош бўлган. Мўғуллар ҳужуми 8 мартда бошланган. Қамал пайтида Чингизхон ҳарбий ҳийла ишлатган. У шаҳар қамали учун қўшинининг озгина қисмини ажратган, асосий кучларни эса пистирмага қўйган. С.м. раҳбарлари бу ҳийлага учиб, мўғулларнинг озлигини кўриб шаҳардан қўшинининг катта қисмини ташқарига чиқарганлар. Мўғуллар ёлғондан чекинишган, самарқандликлар уларни таъқиб эта бошлашган. Пистирмага дуч келган Самарқанд қўшини қуршаб олиниб гор-мор қилинади. *Ибн ал-Асир*нинг ёзишича, мўғуллар 70 минг жангчини, Жузжонийнинг хабарига кўра, эса 50 минг жангчини ўлдирганлар. Сўнгра шаҳар деворлари тагига сон-саноқсиз асирларни ҳайдаб келтириб (қ. *Ҳашар*) уларни жанговар тартибда юзлик ва ўнликларга ажратиб, ҳар бир бўлинмага байроқ топширганлар. Самарқанд мудофаачиларининг жанговар филлар б-н иккинчи бор шаҳардан чиқиб жанг қилишлари ҳам самарасиз чиққан. Мўғуллар ҳужумини кучайтириб, шаҳарни манжаниқлардан тўпга тутганлар. Шаҳарда саросималик бошланган ва ниҳоят Чингизхон ҳузурига шаҳар қозиси, шайхулислом ва б. эътиборли шахслар бошчилигида вакиллар жўнатилган. Мўғуллар шаҳарга Намозгоҳ дарвозасидан (шаҳарнинг шим.-ғарбий томонидан) бостириб кириб (12 март) шаҳар истеҳкомларини бузишга киришганлар. Бироқ шаҳар аҳолиси қаршилик кўрсатишни давом эттирган. Алатхон бошлиқ 1000 кишилик қўшин мўғуллар сафини ёриб ўтиб, кейинчалик Муҳаммад Хоразмшоҳга бориб қўшилган. Қолган жангчилар (20 минг киши) Тоғайхон, Борсмасхон ва Улоқхон бошчилигида қалъага яширинib олиб, 17 мартгача қаршилик кўрсатишган. Мўғуллар Жўйи Арзиз каналини бузганларидан сўнггина қалъани олишга муваффақ бўлган. Сув

арқининг атрофини босиб, унинг деворларининг бир қисмини ювиб кетган. Қалъа таслим бўлгандан кейин тирик қолган ҳимоячилар (1000 кишига яқин) Муҳаммад Хоразмшоҳ томонидан 1212—14 йй.арда қурдирилган Жоме масжидига яшириниб олишган. Мўғуллар масжидга нефть қуйиб, у ердаги барча одамлар б-н бирга уни ёндириб юборишган. 30 минг турк-қанғли 20 та амирлари б-н қатл этилади. Қози, шайхулислом ва уларга тегишли кишилар (50 мингдан ортиқ киши) дан бошқа Самарқанд аҳолисининг катта қисми қамал ишлари учун ҳайдаб кетилади. Шаҳарнинг деярли барча ҳунармандлари (30 минг киши) асир қилиб олиб кетилади. Тирик қолган шаҳарликларга 200 минг динор товон тўлаш шарти қўйилган.

Ад.: Самарқанд тарихи, т.1, Т., 1971.

Фахриддин Ҳасанов.

САМАРҚАНД «НАФИС» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — енгил саноат корхонаси, «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси таркибига киради; миллий чинни буюмлар (лаган, коса, пиёла, чойнак, кўза, совғабоп чинни тўпламлари) ишлаб чиқаради. 1970 й.да «Самарқанд чинни буюмлари з-ди» номи б-н ишга туширилган, йиллик қуввати 22 млн. дона чинни буюмлар.

1994 й.дан ҳозирги номида. 1990 й.дан корхонада маҳаллий хом ашё ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди — Ангрен каолинидан ва Лангар пегматитидан фойдаланила бошланди. Оммабоп чинни буюмлардан «Узум», «Оқ олтин», «Товус», «Наврўз» номли шарқ буюмлари тўплами, «Сабрина», «Семурғ» номли безатилган кўзалар ишлаб чиқарилади.

Корхонада 1500 га яқин ишчи фаолият кўрсатади, 13500 минг дона ёки 2 миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилди (2002). Корхона маҳсулотлари чет элларга экспорт қилинади.

Самарқанд «Нафис» акциядорлик жамияти. Гул чизиш цехи.

САМАРҚАНД РУС ДРАМА ТЕАТРИ, А.П.Чехов номидаги Самарқанд рус драма театри — Ўзбекистондаги дастлабки рус театрларидан бири. Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларига хизмат қилишга мўлжалланган. 1917 й. А. Юреньев-Лимонтов раҳбарлигидаги «Самарқанд рус театр студияси» халқ театрига айлантирилган. Давлат театри сифатида ўз фаолиятини 1918 й. «Момақалдироқ» (А. Островский) спектакли б-н бошлаган. Труппа Н. Рубенская-Емельянова, Ф. Раневская, В. Ржевская, А. Клавдина-Телегина, Н. Нагорний-Галиков, Н. Москвин, Ф. Горький, А. Рибаков, А. Нерашова-Ежёва, А. Брановский каби махсус театр таълимотига эга актёрлардан ташкил топди. А. Юреньев-Лимонтов бош реж. ва директор этиб тайинланади. Тез орада театр репертуаридан бадиий жиҳатдан анча етук «Сердаромад жой» (А. Чехов), «Тубанликда», (М. Горький), «Қароқчилар» (Ф. Шиллер) каби асарлар б-н бир қаторда шакллашиб келаётган ён драматургларнинг асарларидан «Қирол сартароши» (А. Луначарский), «Икки дунё» (Е. Вольний), «Тоғ олдидан» (А. Юреньев-Лимонтов) ва б. спектакллар жой олди. Театр йил сайин ўсиб, ривожланиб борди, унинг таркиби Гарнизон театри актёрлари (М. Белин-Белинович, К. Шоритейн ва б.) б-н тўлдирилди. 1925 й.дан (Ўзбекистон пойтахтининг Самарқандга кўчирилиши муносабати б-н) Ўзбекистон халқ маорифи комиссарлиги қошидаги Республика рус драма театри деб юритила бошланди. Жамоа «Дегаевнинг сотқинлиги» (В. Шкваркин), «Константин Терёхин» (В. Киршон) каби пьесаларни муваффақият б-н саҳналаштирди.

1930 й. Республика пойтахти яна Тошкентга кўчирилиб, театр Самарқанд вилоят театрига айлантирилди. 1933 й. ўзбек театри б-н, 1935 й. Самарқанд ёш томошабинлар театри б-н бирлаштирилиб Самарқанд вилоят бирлашган театр номини олди. Рус труппаси Россиянинг марказий шаҳарларидан таклиф қилинган И. *Шкволов*, Ю. *Алибьев* каби актёр ва реж. лар, М. *Есипов*, В. Зотов, А. *Патрашкин*, кейинчалик А. Ларин каби рассомлар б-н тўлдирилди. Бу даврда театр ўзига хос репертуар яратишга ҳаракат қилиб, «Дарз» (Б. Лавренёв), «Любовь Яровая» (К. Тренёв), «Аристократлар» (Н. Погодин), «Таня» (А. Арбузов) ва б. асарларни саҳналаштирди.

Самарқанд рус драма театри.«Тўполончи совчи» спектаклидан кўриниш (2001).

Иккинчи жаҳон уруши йиллари театр жамоаси кишилар қалбларини ватанга муҳаббат ва садоқат, фронт ҳаётини ифодаловчи «Батальон Гарбга боради» (Г. Мдивани), «Ҳамшаҳар йигит» (К. Симонов), «Ҳаётбахш ўлим» (Вс. Вишневский), «Фронт» (А. Корнейчук), «Ҳамла» (Л. Леонов) каби асарларни саҳнага қўйди. 1944 й. жамоа ўзбек труппасидан ажралиб чиқди. Урушдан кейин театрнинг ижодий йўлини Н. *Мартинова*, М. *Любанский*, В. Веровская, Н. *Балаев*, Е. Соколова, Е. Карельская каби актёрларнинг истеъдоди белгилаб берди. 50—60-й.лар театр репертуарида ўзбек драматурглари нинг асарлари салмоқли ўрин эгаллади: «Юрак сирлари» (Б. Раҳмонов), «Навбаҳор» (Уйғун), «Бой ила хизматчи», «Майсаранинг иши» (Ҳамза), «Имон» (И. Султон), «Лўлининг алдаб бўлмайди» (Р. Бобожон), «Юлдузлар жимоли» (С. Азимов), «Ватан ишқи» (Ш. Саъдулла, З. Фатхуллин), «Мирзо Улуғбек» (М. Шайхзода), «Қизбулоқ» (Т. Тўла) ва б. шулар жумласидан. 1957 й. Самарқанд вилоятлараро рус драма театрига айлантирилди. 1959 й. театр қошида «драма студияси» ташкил қилиниб, ёш актёрларнинг шаклланиши ва ижодий камолотида муҳим роль ўйнади. 1964—87 й.лар театрга А. *Гринберг* бош режлик қилди. Жамоа ижодий изланишларда давом этиб, репертуари бойитиб борди. 1977 й. театрга А. П. Чехов номи берилди. 80-й.лар театрга олий ўқув юртларини тугатган иқтидорли реж.лар, изланувчан актёрлар қабул қилинди, янги режлик талқинлари пайдо бўлди. «Вишневый сад» (А. Чехов), «Сўнгги лар» (М. Горький), «Қутурган пуллар» (А. Островский), «Эзоп» (Г. Фигейреду), «Зўлдир» (А. Иброҳимов), «Қиёмат қарз», «Ўз аризасига кўра» (Ў. Умарбеков), «Тошкентда туман» (И. Тўхтаев) ва б. асарлар қўйилди.

Мустақиллик йилларида театр ўз анъаналарини давом эттириб миллий ва жаҳон драматургиясининг сара намуналарини саҳналаштирди. Театрга яқин ижодий кучлар қўшилди, иқтидорли ижодкорлар В. Басалаев, В. Шлейкин, М. Хачатуров, С. Капрелов, С. Генкин, А. Тарасовлар бош режлик қилдилар. «Париждик келин», «Даоген» (В. Константинов), «Насриддиннинг беш хотини» (И. Содиқов), «Бир стакан сув» (А. Скриб), «Норасо» (Д. Фонвизин), «Айбсиз айбдорлар» (А. Островский), «Мария Стюарт» (Ф. Шиллер), «Медея» (Еврипид), «Остона» (А. Дударев), «Темир хотин» (Ш. Бошбеков), «Ёлғончининг хотини» (Ж. Эннекён), «Севги кетчуни» (М. Задорнов), «Кошкин уйи» (С. Маршак), «Ёввойининг севгиси» (А. Кассоне) каби спектакллар сўнгги йиллар маҳсулидир. С. Барашева, А. Тарасов, С. Шамсутдинов, С. Иваргизов, Р. Ханров ва б. театрнинг етакчи актёрларидир. Бош реж. — В. Бродянский, бош рассом — Н. Султонов (2004).

Эркин Ўринов.

САМАРҚАНД «СИНО» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — машинасозлик саноати корхонаси. Маиший совиткичлар ва музлаткичлар, кондиционерлар ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Дастлаб корхона «Самарқанд совиткичлар заводи» номи б-н 1973 й. дек.да ишга туширилган. 1974 й.дан КШ-180 типидаги «Самарқанд» рўзғор совиткичлари ишлаб чиқара бошлади. 1985 й.дан «Снежинка», 1991 й.дан «Сино» русумли совиткичларни и.ч. ўзлаштирилди. 1994 й.дан ҳозирги номда. 2002 й.дан «Парвина» компанияси б-н ҳамкорликда корхонани қайта қуриш ишлари амалга оширилди, корхонада 18 турдаги совиткичларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхона Италиядаги «Конион», «Галилео» компанияларининг энг замонавий технологиялари б-н жиҳозланган. Корхонада йиллик қуввати 250 минг дона совиткич, шунингдек, кондиционерлар ҳам ишлаб чиқарилади. Маҳсулотлари чет элга экспорт қилинади.

САМАРҚАНД ТЕАТРИ, Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоят ўзбек давлат мусиқали драма театри — Ўзбекистондаги кўҳна театрлардан бири. 1914 й. 15 янв.да М. Беҳбудийнинг «Падаркуш» спектакли б-н очилган (спектаклни Беҳбудий ва А. Бадрий раҳбарлигидаги труппа саҳналаштирган). 1918 й. маърифатпарварлар тўдаси кўп тилли Самарқанд халқ театрининг ўзбек труппасига, 1920 й. «мусулмон агитгруппаси»га айланади. 1930 й. Ўзбекистоннинг Самарқандаги пойтахт театри мақомида ишлаётган Ўзбек давлат драма труппаси янги пойтахт — Тошкентга кўчирилиши муносабати б-н «Мусулмон агитгруппаси» ва «Кўк кўйлак» ҳаваскор театр тўдаси асосида Самарқанд вилоят ўзбек давлат мусиқали драма театри ташкил топди. Театрга Ҳ.*Нарзиқулов* бошлиқ, С. Жўрабоев бош реж., Собир Абдулла адабий эмакдош этиб тайинланди. Труппанинг қолган аъзолари Аҳмад Сулаймонов, Тожибжон *Содиқов*, Бурҳон Тўраев, Асрор *Жўраев*, Рустам *Мансуров*, Мардон Розиқов, Юсуф Комилов, Қаюм Ғаффоров, Шамси Маъруфий, Эътибор Кўзибоева, Ҳанифа Мавлонова, Шариф Акромов, Мавлон Муҳиддинов, Истат Худойбердиева, Мўминжон Маҳмудов, Бако *Тожиев*, Ҳалима Зуфарова, Зуҳра Файзиева, Фотима Шайдуллина, Тўти Ғаффорова, Мавлуда Аъзамова сингари санъаткорлардан иборат эди. Кўп ўтмай жамоага Зоҳид *Содиқов*, *Зайнаб Содиқова*, Рауф *Болтаев*, Кифоят *Муслимова*, Азим Насимов, Икрома *Болтаева*, Р. Аюпова ва б. келиб қўшилади.

Театр ўз фаолиятини 1930 й. С. Абдулланинг «Бойбон қизи» (Т. Содиқов; реж. С. Жўрабоев) мусиқали драмаси б-н бошлади. Кетма-кет «Ҳалима», «Ўртоқлар», «Ўт б-н ўйнашмангиз» каби спектакллар саҳналаштирилди. «Ғунчалар» (З. Фатхуллин; Д. Зокиров) спектакли театр ҳаётида бурилиш бўлди. «Любовь Яровая», «Платон Кречет», «Бегона бола», «Макр ва муҳаббат» сингари чет эл ва жаҳон мумтоз асарлари ҳам 30-й.ларнинг охирларида саҳналаштирилди. Театрда профессионализм, ижрода маҳорат рухсумларини чуқурроқ қарор топтириш мақсадида Ҳамза театри шекспирхонлик ва реж.лик лабораториясининг аъзоси Бобо *Ҳўжаев* Самарқанд театрининг бадиий раҳбари этиб тайинланди (1938). «Фарҳод ва Ширин», «Гулсара», «Чегарачилар» каби спектакллар миссолида бадиий образ даражаси кўтарилди. Театрнинг 30-й.лардаги фаолияти 1939 й. Тошкентда намойиш этилган «Аҳолат», «Гулсара», «Номус», «Макр ва муҳаббат», «Насриддин афанди» ҳисобот ижодий сафари б-н якунланди.

«Бир ўлиб кўрайчи» спектаклидан кўриниш.

Якунга биноан А. Жўраев, З. Содиқов, И. Болтаева, У. Абдуллаев, И. Шкваловларга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист фахрий унвони берилди. Бу театрга берилган биринчи унвонлар эди.

1940 й. «Тоҳир ва Зуҳра» спектаклини саҳналаштириш жараёнида театр илк бор нотаналаштирилган оркестрга ўтади. Жамоага таклиф этилган асар мусиқасининг муаллифи Т. *Жалилов*, театр дирижёри Д. Зокиров, малакали созандалар, Н. Ҳошимов ва Нонла Ҳошимова, Қамара Бурнашева Москва консерваторияси қошидаги опера студиясини битириб (1940) театрга келадилар ва мусиқали драмаларда бош ролларни ижро этадилар.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ватанпарварлик мавзуидаги асарлар театр репертуаридан ўрин олди: «Қурбон Умаров», «Даврон ота», «Ҳамшаҳар йигит», «Фронт бўйлаб буйруқ», «Ўдим босқинчиларга!», «Фарзанд» ва б. 40-й.ларнинг 2-ярмидаги спектакллар орасида «Ҳаёт қўшиғи», «Навбаҳор», «Бой ила хизматчи» алоҳида ўрин тутади. Бу даврга келиб театр Ўзбекистоннинг етакчи театр жамоалари сафига қўшилди ва 1953 й. Тошкентда навбатдаги ижодий сафарини амалга ошириб, «Алишер Навоий», «Сенсиз қиз», «Оила», «Шамсиқамар», «Шоҳи сўзана», «Сепли тўй», «Лайли

«Самарқанднома» спектаклидан кўриниш.

ва Маҳнун» спектаклларини намойиш этди. Бунда А. Жўраев, З. Содиқова, З. Содиқов, Р. Мансуров, Б. Нуриддинов, Т. Нуриддинова, Ў. Султонов, Ш. Бобохонов, Ю. Комилов, К. Муслимова, Б. Тожиев сингари артистлар саҳна усталари даражасига кўтарилгани, мусиқали драма жанри бўйича О. *Мавлонова*, С. Шукурова, Л. Эгамбердиева, О. Муқимова, М. Эрматов, Ў. Султонов, У. Маҳмудов сингари ижрочилар театрнинг етакчи вокал кучлари экани кўзга ташланди. 50—60-йлар театрга Юрий Станкевич (реж.), И. Пўлатов, П. *Саидқосимов*, Т. Қурбонов, Г. Нурхонов, Ш. Самандаров, Н. Тошканбоева, А. Тошканбоев, М. Аҳмедов, О. Беганжиев, К. Насриддинов, Р. Жўрақулова, Т. Қудратов, Н. Комилов, Т. Ҳакимов, С. Ҳакимовларнинг келиб қўшилиши театр ижодий баркамоллигини таъминлади. «Гирдоб», «Парвона», «Аяжонларим», «Дилором», «Тўй», «Нодира», «Қиз қалъаси», «Фарогат», «Фарғона ҳикояси», «Қалтис ҳазил», «Оқпадар», «Ганг парёсининг қизи», «Отелло», «Қиёмат қарз», «Қароқчилар», «Одам туғилди», «Серташвиш кексалик», «Сарвқомат дилбарим», «Эзоп», «Тентак», «Хийлаи шаръий», «Майсаранинг иши», «Меҳмон», «Бандаи гумроҳ» («Она кураж»), «Сада остидаги муҳаббат» («Муҳаббат фожиаси»), «Тубанликда», «Иқсирт сатанг», «Инсонликка номзод», «Номи ўчсин!», «Беш кунлик куёв», «Прокурор» каби мусиқали ва соф драматик асарлар 60—70-йлардa яратилди. Бу асарларни З. Содиқова, М. Толибов, Ж. Маҳмудов каби реж.лар саҳналаштирдилар ва Қ. Насриддинов, Б. Исмоилов, А. Даминова, Ш. Самандаров, О. Жўраев, Р. Жўрақулова, М. Аҳмедов, Т. Қурбонов каби артистлар етакчилик қилдилар. Театр 1991 й.да Давлат опера ва балет театри б-н бирлаштирилиб мусиқали драма театри деб юритила бошлади.

«Самарқанд афсонаси» балетидан кўриниш.

Мустақиллик йиллари «Сарҳовузнинг бўйларида», «Гуноҳсиз гуноҳкорлар», «Имом Бухорий», «Қитмир», «Самарқандномa», «Беҳбудий», «Синтамен», «Оқибатли қўшинлар» каби йирик драмалар б-н бирга «Нодирабегим», «Алпомиш», «Чимилдиқ», «Равшан ва Ўдхумор», «Фарҳод ва Ширин» мусиқали драмалари, «Самарқанд афсонаси», «Ишқ йўли», «Хоним ва безори» балетлари, болалар учун «Кичкинтой ва Карлсон», «Гўзал Василиса», «Уч чўчақча», «Ақлли қўёнча», «Сеҳрли сандиқ», «Чандининг саргузаштлари» мусиқали эртаклар давр руҳи асосида саҳналаштирилди. Труппада Р. Жўрақулова, Б. Раҳимов, А. Қурбонов, Т. Очилтошев, Т. Парпаев, З. Тургунбоева, С. Санзова, Б. Исломов, Д. Раҳимова, М. Ҳакимова, Ш. Санақулов, Ж. Еркулов ва б. театрнинг етакчи актёрларидир. Театрнинг бош дирижёри — Шарофиддин Жумабоев. Театрнинг бош рассоми — Давron Сафоев.

Тошпўлат Турсунов, Бурҳон Исломов.

САМАРҚАНД ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ (СамТИ), Самарқанд давлат тиббиёт институти — тиббиёт олий ўқув юрти. 1930 й.да ташкил этилган. 1933 й. Ўзбекистон университети ф-тига айлантирилган, 1935 й.да яна мустақил ин-т бўлиб ажралиб чиқди ва ўша йили унинг ихтиёрига Самарқанд клиник касалхонаси ўтказилди. СамТИ да 3 ф-т (даволаш, педиатрия ва врачлар малакасини ошириш), 2 бўлим (олий малакали ҳамшира, тиббий педагогика), 56 кафедра, клиника, шунингдек, анестезиология, нейрохирургия, урология ва б. соҳалар бўйича мустақил курслар ҳамда марказий илмий тадқиқот лаб.си бор (2004). Лаб.да морфологик, иммунологик тадқиқот бўлимлари мавжуд. Ин-тда 490 дан ортиқ ўқитувчилар фаолият кўрсатади, шулардан 68 киши фан д-ри, 49 киши проф., 172 нафари фан номзоди, 119 нафари доцент, 5 киши хизмат кўрсатган фан арбоби ва 6 киши Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими унвонига эга.

СамТИ да ўлка патологияси, жумладан, иссиқ иқлим шароитида меъдаичак, юрак-томир касалликлари ва б. мавзуларда тадқиқот ишлари олиб борилади. Ин-т ҳозиргача 28742 врач ва 27 та олий маълумотли ҳамшира тайёрлади, шунингдек, 20210 врач ўз малакасини оширди ва қайта тайёрланди (2004).

Самарқанд тиббиёт институти.

САМАРҚАНД ТУМАНИ — Самарқанд вилоятидаги туман. 1926 й. 29 сентябрда Юқори Дарғом номи б-н ташкил этилган. Шим.дан Оқдарё, шим.-шарқдан Жомбой, шарқдан Булунғур, жан.дан Ургут, ғарбдан Нуробод, Пастдарғом туманлари б-н чегарадош. Майд. 0,48 минг км². Аҳолиси 256,2 минг киши (2004). Туманда 8 қишлоқ фуқаролари йиғини (Боғибаланд, Даштакиболо, Каттақўрғонариқ, Кулбаноён, Охунбобоев, Оғалиқ, Улуғбек, Қайнама) бор (2004). Маркази — Гулобод қишлоғи.

Табиати. Туман ҳудуди вилоятнинг жан.-шарқий қисмида жойлашган. Зарафшон дарёсининг чап соҳилидаги таш. Туман асосан, тоғ олди рельефига эга, Оҳакли, Миронкўл ва қисман Сарикўл баланд текисликларидан иборат. Зарафшон дарёси туманнинг шим. қисмини қўшни Оқдарё туманидан ажратиб туради. Ўртача бал. 445 м. Адир, қир ва қисман қумли ерлардан иборат. Фойдали қазилмалардан тоғларда оҳактош, мармар, гранит, гипс, слюда ва вольфрам бор. Иқлими кескин континентал. Ўртача йиллик т-ра 13,4°. Янв.нинг ўртача т-раси 0,2°, июлники 25°. Энг юқори т-ра 42°—44°, энг паст т-ра —26°. Йиллик ёғин 321 мм. Вегетация даври 215 кун. Тупроқлари оч тусли бўзўтлоқи, ўтлоқи-ботқоқ, аллювиал тупроқлар. Бу ерлар қадимдан обикор деҳқончилик р-нидир. Табиий ўсимликлардан қамиш, савағич, қиёқ, барди, ғумай, бугдойиқ, ажриқ, юлғун, шувоқ, янтоқ ва б. ўсади. Тоғларда арчазорлар, писта, ирғай, зирк учрайди, тоғ ўтлоқлари ва яйловлар бор. Ёввойи ҳайвонлар кам қолган: қушлардан какликлар, буллуруқ, қирғий, лочин, бургут, калхат ва ҳ.к. бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус татар, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км²га 533 киши (2004).

Хўжалиги. Туман хўжалиги, асосан, Самарқанд ш. аҳолисини сабзавот ва полиз экинлари, боғ, токзор, чорвачилик ва паррандачилик маҳсулотлари б-н таъминлашга ихтисослашган. Саноат, транспорт, алоқа корхоналари бор. С.т.да 828 хусусий корхона бўлиб шулардан 88 таси йирик, 27 таси ўрта, 93 таси кичик ва 620 таси микрофирмадир. Улар савдо, умумий овқатланиш, кийим тикиш, пойабзал, телерадиоаппаратура, автомобиль ва мебелларни таъмирлаш, маиший хизмат кўрсатиш б-н шуғулланади.

Қ.х.нинг етакчи тармоғи—деҳқончилик. Туманда 9 ширкат ва 1 жамоа, 419 фермер, 2 хусусийлаштирилган чорвачилик фермер хўжаликлари мавжуд. Суғориладиган ерлар 17,8 минг га, шундан 7,8 минг га ерга пахта, 2 минг га ерга сабзавот, 2,9 минг га ерга озуқа экинлари экилади, шунингдек, картошка, полиз экинлари ҳам етиштирилади. Хўжаликлари Чап Қирғоқ, Магистрал, Дарғом каналлари ва Зарафшон дарёсидан сув олади. Туманда қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади.

С.т.да 2002/2003 ўқув йилида 66 умумий таълим мактабида 55 мингдан зиёд ўқувчи, 3 ўрта махсус ўқув юртида 1270 ўқувчи таълим олди. 78 кутубхона, маданият уйлари, 73 спорт майдони, Оғалиқ тоғи сойлари атрофларида дам



Самарқанд тумани. Оғалиқ иқлимий курорти.

олиш масканлари бор. Туманда 6 каолиш масканлари бор. Туманда 6 салхона, 10 даволаш муассасаси, 17 фельдшер-акушерлик пункти, 15 қишлоқ врачлик пункти мавжуд бўлиб, уларда 222 врач ишламоқда.

1947 й.дан туман «Шарқ тонги» газ. нашр қилинади (адади 1000).

САМАРҚАНД УНИВЕРСИТЕТИ, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети (СамДУ) — Ўзбекистонда илмий ва педагог кадрлар тайёрлайдиган йирик олий ўқув юртларидан бири. 1927 й. 22 янв.да Самарқандда Олий педагогика ин-ти сифатида ташкил этилган. Дастлаб 3 бўлим (физика-мат., табиий-геогр. ва ижтимоий-иқтисодий), 11 ўқитувчи, 4 кафедра б-н иш бошлаган ин-тда таълим 4 йилик бўлган. Ин-т қошида 1929 й. нояб.да ишчилар ф-ти, 1930 й. янв.да ишчилар ун-ти (кечки ва сиртқи) ҳамда 1- ва 2-даражали мактаб ўқитувчилари учун малака ошириш ин-ти ташкил этилди. 1930 й. 22 янв.да Олий педагогика ин-ти *Ўзбекистон педагогика академияси* (педакадемия)га айлантирилди ва у таълимнинг ф-т тизимига ўтди.

1933 й. 20 янв.да Ўзбекистон давлат пед. академияси Ўзбекистон давлат университети (ЎзДУ)га айлантирилди. Мактаблар учун ўқитувчилар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда ун-т қошида ташкил этилган кечки педагогика ин-ти муҳим роль ўйнади. Кейинчалик бу ин-т негизида Самарқанд педагогика ин-ти (1992 й. СамДУ б-н бирлаштирилди), 1935 й. тиббиёт ф-ти негизида Самарқанд тиббиёт ин-ти ташкил этилди. Шунингдек, ун-т негизида Самарқандда Қ.х., Тижорат, Чет тиллар ин-тлари ҳам ташкил топди. 1941 й. ун-тга Алишер Навоий номи берилди. 2-жаҳон уруши даврида (1941 й. нояб.дан 1944 й. окт.гача) Тошкентда Ўрта Осиё давлат ун-ти таркибида фаолият кўрсатди. 1960 й.дан ЎзДУ Самарқанд давлат ун-ти (СамДУ) деб атала бошлади.

Ун-т таркибида тарих, ҳуқуқшунослик, иқтисодиёт, ижтимоий-сиёсий фанлар, ўзбек филол.си, рус филол.си, тожик филол.си, геогр., кимё, механика-мат., физика, биол., информатика ва информацион технологиялар, пед. ва бошланғич таълим, касбий таълим, мусиқа, жисмоний маданият ф-тлари, 73 ўқув лаб., 13 компьютер синфи, бизнес мактаб, тестга тайёрлов курси, ахборот технологиялари ва иқтидорли талабалар б-н ишлаш маркази, ўқув диагностика маркази, махсус сиртқи бўлим, метрология, патентшунослик бўлимлари, 8 қироатхона ва интернетга уланган компьютер залига эга кутубхона (3 млн. асар), Алишер Навоий, зоол., археология, геогр., университет тарихи музейлари бор. Ун-тда 34 йўналиш бўйича аспирантура (1930 й. ташкил этилган) ва 4 йўналиш бўйича докторантура мавжуд.

Ун-тда 30 йўналиш бўйича (мат., механика, ҳуқуқшунослик, ўзбек, рус, тожик филол.си, кимё, иқтисодиёт, менежмент, физика, электроника, биол., экология, тупроқшунослик, геогр., бошланғич таълим, пед.-психология, меҳнат таълими, дефектология, тарих, фалсафа, ҳуқуқ ва маънавият асослари, мусиқа, амалий мат., информатика ва б.) бакалаврлар, 61 ихтисослик бўйича (информатика, мусиқий таълим, пед., психология, бошланғич таълим, диалектика ва билиш назарияси, умумий тарих, ижтимоий фалсафа, сиёсат фалсафаси, Ватан тарихи, археология, тарихшунослик, аҳолишунослик ва меҳнат иқтисодиёти, зоол., ботаника, ўсимликлар физиологияси, одам ва ҳайвонлар физиологияси, био-

Самарқанд университетининг асосий биноси.

кимё, биотехнология, назарий физика, иссиқлик физикаси ва молекуляр физика, квант электроникаси, гелиофизика ва қуёш энергиясидан фойдаланиш, назарий механика, суюқлик, газ ва плазма механикаси, ноорганик кимё, органик кимё, физик геогр., математик таҳлил, дифференциал тенгламалар, математик мантиқ, эҳтимоллик назарияси ва математик статистика, геом. ва топология, мат. фанини ўқитиш методикаси, амалий мат. ва ахборот технологияси, ҳисоблаш мат.си, математик моделлаш, оптималлаштириш ва оптимал бошқарув, қаттиқ жисмли электроника, микроэлектроника, тупроқшунослик, агротупроқшунослик ва агрофизика, экология ва б.) магистрлар тайёрланади. 2003/2004 ўқув йилида 9320 талаба таълим олди, 930 ўқитувчи, жумладан, 88 фан д-ри ва проф., 468 фан номзоди ва доцент ишлади. СамДУ ни битирганлар орасида олимлардан И. *Мўминов*, С. *Умаров*, У. *Орифов*, Я. *Гуломов*, А. Баҳовуддинов, Қ. *Зокиров*, В. *Абдуллаев*, М. Осимов, А. Нарзиқулов, А. Алҳамов, А. *Отахўжаев*, Б. *Валихўжаев*, Ш. Воҳидов, ёзувчи ва шоирлардан Ҳасан Пўлат, *Миртемир, Амин Умарий, Ойдин*, Ш. *Рашидов, Ҳамид Олимжон, Асқад Мухтор, Душан Файзий, Озод Матжон*, Н. *Нарзуллаев*, Б. *Бойқобилов* ва б. бор.

Ун-тда 1930 й.дан «Илмий асарлар» тўплами (1998 й.дан «СамДУ илмий тадқиқотлар ахборотномаси»), 1957 й.дан «Самарқанд университети» газ. нашр этилади.

Ибодулла Мирзаев.

«САМАРҚАНД УШШОҒИ» — *Ушшоқ*нинг Ҳожи Абдулазиз Расулов қайта ишлаб басталаган йўли. «Ушшоғи Ҳожи», «Даромади Ушшоқ» деб ҳам юритилади. «С. У.»га Уззолининг оҳанглари даромад қилиб олинган ва кейинги ашула жумлалари Ушшоқ оҳангларига уланиб кетган. Авжида Ушшоқ ва Уззол намудлари ишлатилган. «С.У.»нинг йирик ва қисқароқ вариантлари мавжуд бўлиб, дастлаб Зебуннисонинг «инжост» радифли ғазали, кейинчалик Масиҳо, Комил, Огаҳий ғазаллари б-н ҳам айтила бошланган. «С.У.» куйидан Т. Содиқов ва Р. Глиэр «Лайли ва Мажнун», А. Козловский «Улуғбек» операларида фойдаланишган.

САМАРҚАНД ЧОЙ ҚАДОҚЛАШ ФАБРИКАСИ — энг тўнғич саноат корхоналаридан бири. Ўзбекистон ёғмой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси таркибида фаолият кўрсатади. Давлат корхонаси. Ф-ка 1923 й.да ташкил этилган. У пайтда чой 200 г ли қилиб, қўлда қадоқланган. 1938 й.да фабриканинг янги биноси ишга туширилган. 2-жаҳон уруши даврида кенгайтирилган. 1950—60 й.ларда йилига 12—15 минг т чой ишлаб чиқарилган. 1980—90 й.ларда қўшимча замонавий чой қадоқлаш ускуналари ўрнатилиб, йиллик чой ишч. қуввати 28—30 минг т га етказилди.

1996 й.да корхонада Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган технологик ускуналар ўрнатилиб, чой қадоқланда янги рангли полимер плёнкалардан фойдаланиш жорий этилди. Фабрикада қадоқланаётган чой маҳсулотлари ва ёрдамчи маҳсулотлар, асосан, Ҳиндистон ва Хитойдан келтирилади. Маҳсулотлар мамлакатимиз ички бозорида сотилади. 2002 й.да 2238 т қадоқланган чой ишлаб чиқарилди.

САМАРҚАНД ШАРОБ КОМБИНАТИ (Самарқанд вино заводи) — вино-арақ саноатининг энг йирик корхоналаридан бири. «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компанияси таркибига киради. Херес ва Мадера типидаги маркали узум винолари, бальзамлар, коньяклар ва коньяк ичимликлари, ликёр-арақ маҳсулотлари, этил спирти ва б. ишлаб чиқаради.

Корхона тарихи 1868 й.да истеъфодаги рус офицери Д.Л. Филатов томонидан кичик вино з-ди қурилиб, маҳаллий узум навларидан вино маҳсулотлари ишлаб чиқарилган даврдан бошланади. 1919 й.да барча вино з-длари, шу жумладан, Филатовнинг вино з-ди ҳам давлат тасарруфига олинган, 1922 й.дан 1-сонли вино з-ди сифатида «Турквино» (1926 й. дан «Ўзбеквино») давлат трести таркибига кирган. Ўша даврда и.ч. қуввати 60 минг декалитрга етган. 1940 й.да з-дга проф. М. А. *Ховренко* номи берилган. 1981 й.да вино к-тига айлантирилди. 1994 й.дан очиқ турдаги акциядорлик жамияти. Самарқанд вилоят туманларида вино тайёрлаш пунктларига эга. Корхонада ишлаб чиқарилган «Тиллакори», «Самарқанд», «Афросиёб», «Сутлиёна» коньяклари, «Самарқанд» бальзами, «Ўзбекистон» портвейни, «Вермут», «Фўлакандоз», «Боғи майдон», «Боғи Шоҳрух» ошхона, десерт винолари халқаро ярмаркаларда олтин ва кумуш медаллар олган. 2002 й.да 302 минг дал узум виноси, 49 минг дал коньяк, 5 минг дал ликер-арақ маҳсулотлари, 17 минг дал ректификацияланган спирт маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. 553 минг дал вино-коньяк маҳсулотлари экспорт қилинди.

САМАРҚАНД ЭРТАГИСИ — энг эртапишар маҳаллий олма нави. Халқ селекциясида Самарқанд шаҳри атрофларида чиқарилган. Дарахти баланд, шох-шаббаси кенг, бал. 8—10 м га боради. Гул куртаклари бир йиллик новдаларда ҳосил бўлади. Гуллари йирик. Апр. бошларида гуллайди. Меваси майда, вазни ўртача 30—35 г, ноҳида 50 г гача боради, юмалоқ, сирти текис, тарам-тарам, қизил. Пусти юпқа, эти оқ, суюли, ширин, ёқимли. Меваси июнь ўрталарида пишиб етилади. Кўчати ўтказилгач, 4-йиллан мунтазам ҳосилга киради. Ҳар тун дарахтидан 50—200 кг гача ҳосил олинади. Совуққа чидамли. Қўпроқ томорқа боғларда экиш тавсия этилади.

Самарқанд эртагиси олма нави.

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ — аграр соҳа бўйича мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. 1929 й.да Ўзбекистон давлат пахтачилик ин-ти ва Ўзбекистон зооветеринария ин-ти базасида ташкил этилган. 1933 й.дан Ўзбекистон қ.х. ин-ти. 1961 й.дан ҳоз. номда. Ин-т таркибида (2004): агрономия, инженерлик, ветеринария, зоотехния, қоракўлчилик, иқтисодиёт, касбий таълим ф-тлари ва магистратура бўлими, 40 га яқин кафедра бор. 1995 й.дан Республика лицей-интернати фаолият кўрсатади (2004 й.да 222 ўқувчи таълим олди). Ин-т қошида махсус виварий, дала участкалари, ўқув тажриба хўжалиги, паррандачилик бўйича микроферма, ветеринария поликлиникаси, жаҳон қоракўл тери намуналари махсус музейи, ин-т музейи, илмий кутубхона (530 мингдан ортиқ асар) мавжуд. 2003/04 ўқув йилида ин-тда агрономия, селекция, агрокимё ва тупроқшунослик, мевасабзавотчилик, узумчилик, қоракўлчилик, ветеринария, зоотехния, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодиёт, муҳандис-механика, тери ва мўйна технологияси ва б. мутахассисликлар бўйича 3768 талаба ўқиди, 283 ўқитувчи, шу жумладан, 31 фан д-ри ва проф., 155 доцент ва фан номзоди ишлади. Ин-т ташкил топгандан бери 30 мингдан ортиқ мутахассис тайёрлади. Аспирантураси, диссертациялар ҳимояси бўйича 2 ихтисослашган илмий кенгаш бор. Ўз босмахонасига эга. Дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва «Илмий ишлар тўпламлари» нашр этади.

Самарқанд шароб комбинатининг винолар коллекцияси.

САМАРҚАНД ҚЎЗҒОЛОНИ — маҳаллий ҳукмдорлар ва рус подшо ҳукуматига қарши кўтарилган халқ қўзғолони (1868 й. 1—8 июнь). 1868 й. 1 майда рус подшо қўшинлари Самарқандни эгаллагач, генерал К. П. *Кауфман* шаҳар ва унинг атрофида жойлашган вилоятлардаги маҳаллий амалдорлар ўз ўринларида қолдирилганини, халқ бунгача мавжуд бўлган солиқларни подшо Россияси хазинасига топширмоғи лозим эканлигини эълон қилган. Ўша йилги солиқлар тўла ундирилганига қарамай, подшо ҳукумати аҳолига қайта солиқ солишни талаб қилган. Самарқанд вилоятида генерал Н.Н. Головачёв бошлиқ ҳарбий-бюрократик ҳокимият ташкил қилиниб, механизаци аҳоли маҳаллий амалдорлар ва подшо маъмурияти томонидан эзилиши С.ҳ.га сабаб бўлган. 1 июнь куни амир *Музаффар*нинг тўнғич ўғли *Абдулмалик* тўра бошчилигидаги қўшинлар Шаҳрисабздан Самарқандга йўл олишган. Уларнинг етиб келиши б-н руслларга қарши қўзғолон бошланган. Қўзғолонда хитой-қипчоқлар, найманлар, тўқ.лар, ургутликлар, панжакентликлар, қоракалпоқлар ва шаҳарликлар қатнашган. Қўзғолончилар дастлаб Чўпонота тепалигида йиғилганлар. 2 июнь куни қалъага ҳужум бошланган. Ўша даврда Самарқанд қалъасининг иккита дарвозаси бўлган. Асосий жанглар жан.да Рухобод мақбараси тарафида жойлашган Бухоро дарвозаси атрофида бўлган. Баъзи мулумотларга қарағанда жангларда ватанпарварлардан 6 мингдан зиёд одам қатнашган.

Қўзғолонга дастлаб Шаҳрисабз ва Китоб беклари Жўрабек ва Бобобекдлар, кейинчалик Абдулмалик тўра раҳбарлик қилишган. Қўзғолончилар рус аскарлари жойлашган қалъага қаттиқ ҳужумлар уюштиришган. Бутун шаҳар аҳолиси қўзғалган. Бироқ амир қўшинларидан *Зирабулоқ жангида* руслар томонидан тор-мор келтирилганини эшитгандан сўнг эса 4 июнь куни руслар Шаҳрисабзга юриш бошлаганлиги тўғрисида ёлғон миш-мишга ишонган Китоб ва Шаҳрисабз беклари Самарқандни чиқиб кетишган. Кейинчалик қўзғолонни Ибод Салимбоев, Тўхтахўжа Наългар, Зокирбой Раззоқбоев, Абдушароф Абдулфатовлар бошқаришган. Кучларнинг заифлашишига қарамай самарқандликлар қўзғолонни тўхтатмай 7 июнгача давом эттиришган, лекин қўзғолончилар уюштирган ҳужумлар ижча сусайган. 2 кун мобайнида подшо қўшинининг 150 кишиси сафдан чиққан. 8 июнь куни подшо қўшинига ёрдамга илгор қисмлар етиб келгандан кейин қаттиқ жанг бўлиб, Самарқанд руслар томонидан ишғол қилинган.

1868 й. 8 июнда Кауфман буйруғи б-н Самарқанд бирваракайига тўпга тутилади. Шаҳарни батамом ёқиб юборишдан олдин қўзғолончилар ҳақида буйруқ олган аскарлар қирғин бошлайдилар. 9 июнда минглаб кишининг ёстиғини қуритган Самарқанд фожиаси бошланади. Қатли ом 3 кун давом этади. Юзлаб одамлар ҳеч қандай терговсиз, сўроқсиз отиб ташландилар. 19 киши, жумладан, қўзғолон фаоллари Сибирга сургун қилинган. Умуман олганда С.ҳ. тарихда муҳим ўрин тутади. С. *Айний*нинг фикрича, Абдулмалик тўранинг ҳаракати ва қўзғолончилар-нинг жасорати туфайли Кауфман Бухорога ҳужум қилишдан воз кечишга ва сулҳ тузишга мажбур бўлган.

Манба: Мирза Абдуазазим Сами. Тарихи салатин-и манғитийа, М., 1962. *Ад.:* Ўзбекистоннинг янги тарихи, 1 китоб [Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида]. Т., 2000.

Азим Маликов.

САМАРҚАНД ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ, Асрор Жўраев номидаги Самарқанд вилоят қўғирчоқ театри — болалар театри. 1978 й. 1 сент.да Ғайратийнинг «Али кичкина» спектакли б-н очилган. Театр жамоаси театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган 18 нафар ёшлардан ташкил топди. Янги театрга Одил Норбоев бош реж., Б. Рубинов бош рассом этиб тайинланди. «Қақилдоқ» (Л. Бобоховов), «Сатирик миниатюралар қўғирчоқлари ўйнаганда» (Ю.Ласский), «Қишки эртак» (В. Иогельсон, А. Аниси-мов) ва б. биринчи мавсум спектакллари бўлди. Булар орасида томошабинларга манзур бўлган «Далавой данғаса» (Д. Маҳмудов) 1000 мартаба қўйилган. Театр ўзбек ва рус гуруҳидан иборат. Ёш театр жамоасининг юксалиши, репертуарини шакллиши, актёр ва реж.ларни тўғри йўналтириши В. С. Иогельсон, З. Л. Атибековаларнинг хизмати катта. «Тимсоҳ гена», «Ажойиб эртак», «Паҳлавонлар қаерга кетишди», «Алижон сеҳргар» каби спектакларни ўзбек ва рус тилларида В. Иогельсон саҳналаштирди. Опа-сингил Злобиновалар, О. Абдуллаев, С. Ризозода, Н. Волокитина, Р. Низомбоев, М. Мирзаахмедов, М. Муҳиддинова каби актёрлар спектакллар муваффақиятини таъминладилар. «Самар ва Қанд» М. (Халил), «Оби ҳаёт» (М. Ашурова), «Бахилнинг боғи кўкармас» (Ж. Маҳмудов), «Ўрмондаги воқеа», «Качал Ботир ҳангомаси», «Флейтачи Санта», «Яхши ва ёмон», «Учар гилам», «Сеҳр салтанати» (А. Бобоалиев), «Морозко», «Дюймовочка» (В. Днёрова), «Маккор тулки-ча», «Биз Винни Пух бўлиб ўйнаймиз» (А. Миль), «Ҳожи там-там ҳангомаси» (Б. Муҳаммадиев) каби спектакллар театрда сўнгги йиллар қўйилган энг яхши асарлардир. 2002 й. Япония ва Жан. Кореяда ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионатига бағишлаб ЮНЕСКО томонидан ташкил этилган «Дейжон қўғирчоқ театри ва кўча ижрочилиги» фестивалида «Ҳожи там-там ҳангомаси» спектакли б-н қатнашиб соврин олган. Театр ҳоз. кунда ижодий жиҳатдан юксалиш йўлида. 1992 й. Ҳ. Олимжон номидаги театр биносига кўчиб ўтган. А. Муҳаммаджонов, Н. Ҳожиметова, М. Маликов, А. Абдураззоқов, Ж. Жабборов, Е. Хўжаева ва б. етакчи актёрлардир.

Эсон Ўринов.

«Ҳожи там-там ҳангомаси» спектаклидан кўриниш.

САМАРҚАНД—АЙНИЙ АВТОМАГИСТРАЛИ (А377) — халқаро аҳамиятли автомобиль йўли, умумий уз. 311 км. Самарқандни қўшни Тожикистон Республикасининг Айний шаҳри б-н боғлайди. Йўлнинг Ўзбекистон ҳудудидаги қисми 37 км, II—III тоифали, асфальт-бетон қоплама ётқизилган. Йўлдаги транспорт ҳаракати жадаллиги 1000—4600 автомобиль/кунни ташкил қилади (2003).

САМАРҚАНД—АНДИЖОН ТЕМИР ЙЎЛИ — чор Россияси томонидан 1880—1890 й.ларда ҳарбий мақсадлар-

да қурилган Закаспий ҳарбий темир йўли (Красноводск—Жебел—Чоржўй—Самарқанд —Тошкент ва Андижон) нинг давоми. Уз. 530 км. 1895—99 й.ларда қурилган. Дастлаб ҳарбий, яъни Ўрта Осиёда Англия таъсирининг олдини олиш мақсадларда қурилган, кейинчалик сиёсий-иқтисодий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлди. Закаспий т.й. Самарқандга етказилгач (1988), Чор Россияси ҳукумати уни Фарғона водийси ва Тошкент томон узайтиришга қарор қилди. 1895 й. 27 майда С.—А. т.й.ни ва унинг Тошкент ва Янги Марғилон (ҳоз. Фарғона ш.) га олиб борадиган тармоқларини қуришга киришилди. Қурилишга 2 та т.й. батальони ҳамда аҳолидан 13 минг ишчи жалб қилинди, уларга инженер А. И. Урсати бошчилик қилди. Қурилиш материалларининг аксарияти Андижон, Қўқон, Марғилон ва Тошкентдан, қолган қисми Россиядан келтирилди ва қурилиш ишлари жуда оғир шароитларда олиб борилди. С.—А.т.й., дастлаб, Урсатьевская (ҳоз. Ховос)гача, кейин 1898 й.да Андижонгача етказилди. 1899 й. Самарқанд—Тошкент тармоғи қуриб битказилди. 1899 й. апр ойидан бу йўлда поездлар мунтазам қатнай бошлади. Шу йили Закаспий т.й. Ҳарбий вазирлик ихтиёридан олиниб, Темир йўллар вазирлиги ихтиёрига ўтказилди. Ҳоз. даврда бу йўл «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг бўлимларига қарайди. Унинг Самарқанддан Тошкентгача бўлган қисми тўла электрлаштирилган ва электропоездлар қатнайди.

Ад.: Суворов В. А., Историко-экономический очерк развития Туркестана (По метериалам ж.-д. строительства в 1880—1917 гг.). Т., 1962.

Тоҳирҳон Мирзаев.

САМАРҚАНД—АШХОБОД—ТУРКМАНБОШИ АВТОМАГИСТРАЛИ (М37) — халқаро аҳамиятли магистрал автомобиль йўли. Умумий уз. 1581 км. Йўл Самарқанд ш.дан бошланиб, Бухоро— Туркманобод (Чоржўй) — Мари орқали Каспий денгизи қирғоғида Туркманбоши портида тугайди. Йўлнинг Ўзбекистон ҳудудидаги уз. 365 км, шундан 283 км I тоифали, 82 км II тоифалидир. Йўлнинг 62 км цемент-бетон, қолган қисми асфальт-бетон қопламали. Йўлдаги кунлик транспорт ҳаракати жадаллиги 13438 автомобиль/ кунни ташкил қилади (2003). Йўлнинг ўтмиш тарихи 1928 й.лардан бошланади. Дастлаб шағалтош қопламали бўлиб, Самарқанд—Навоий—Бухоро вилоятларини ўзаро боғловчи асосий йўл бўлган. 1950—63 й.ларда йўл қаттиқ қора қопламали қилиб қайта қурилган (қ. *Замарафшон тракти*). Кейинчалик собиқ Иттифоқ даврида йўл қўшни Туркманистоннинг Красноводск (ҳоз. Туркманбоши) порт ш.гача давом эттирилиб, М37 халқаро автомагистрали деб қайта номланган. Ҳозир бу автомагистрал Европа Иттифоқининг Кале ш. (Франциядан бошланиб Бельгия, Германия, Польша, Украина, Россия, Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон орқали ўтиб, қўшни Қозоғистоннинг Олмаота ш.да тугайдиган катта Е40 халқаро автомагистралининг республикамиз ҳудудидан Бухоро—Навоий—Самарқанд орқали ўтувчи қисмига киради.

Ад.: Стрелцов И. В., Семенов Д. И., Опыт строительства автомобильных дорог в Узбекистане, Т., 1965.

Тоҳирҳон Мирзаев.

САМАРҚАНДИЙ Муҳаммад ибн Абдужалил (12-а.) — ҳанафий муҳаддис. Абу Ҳафс Нажмиддин Умар ибн Муҳаммад ан-*Насафий*нинг шогирди. С.нинг «Мунтахаб китоб ал-қанд фи зикр уламои Самарқанд» («Самарқанд уламолари хотирасига доир қанд (дек ширин) китобининг сайланмаси») китоби бор. Унда самарқандлик 200 га яқин муҳаддис, фақиҳ, уламо ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Ўзига хос ҳадис тўпламн ҳисобланалиган бу асарнинг ягона ва тўлиқ бўлмаган нусхаси Париждаги Франция миллий кутубхонасида сақланади. Фанда ҳозиргача форс тилидаги «Қандия» асари С. «Мунтахаб»ининг араб тилидан таржимаси, деган хато тасаввур мавжуд.

Дурбек Раҳимжонов.

САМАРҚАНД—ҚАРШИ АВТОМАГИСТРАЛИ (А378) — Ўзбекистон ҳудудидаги халқаро аҳамиятли автомобиль йўли, умумий уз. 138 км. Йўл I—III тоифали, асфальт-бетон қопламали. Йилнинг куз-қиш фаслларида Тошкент—Термиз (М139) халқаро автомагистралининг (қ. *Катта Ўзбекистон тракти*) Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари оралиғидаги Тахтақорача довонидан ўтувчи қисмида оғир юкли автопоездларининг қатновини таъминлаш, Самарқанд—Қашқадарё вилоятлари ўртасида автобус ҳаракатини йўлга қўйиш ва халқ хўжалик юкларини ташишда муҳим ўрин тутади. Йўлдаги транспорт ҳаракати жадаллиги 4000—6000 автомобиль/кунни ташкил қилади (2003).

САМБИТГУЛ (Nerium oleander) — кендирдошлар оиласига мансуб доимяшил бута ёки кичикроқ дарахт. Ватани — Кичик Осиё. Ўрта денгиз бўйида ва Осиёнинг субтропикларида 5 тури учрайди. Қрим ва Кавказда, Қора денгиз бўйларида, Ўрта Осиёда манзарали ўсимлик сифатида экилади. Бўйи 2—5 м, барги қалин, тўқ ёки оч яшил наштарсимон. Гули 3—7,5 см катталикда, оқ, қизил, қатма-қат бўлиб, оқ, пушти ёки қизил, баъзан сариқ, хушбуй, июлда учида тўп-тўп гул ҳосил қилади. Июль—авг.да гуллайди. С.нинг ҳамма қисми заҳарли. Пустлоғи ва барглари юрак касалликларида ишлатиладиган нерин, нерианти, олеандрин ва б. гликозидлар бор. С. қалин шохлардан бери кўпгина мамлакатларда уйда ва парк-хиёбонларда манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади. Уруғи ва қаламчасидан осон кўпаяди.

Самбитгул

САМБО (рус. — қуролсиз ўзини ҳимоя қилиш) — спорт кураши тури. Унга курашининг миллий турларидаги энг самарали усуллар асос қилиб олинган. 20-а.нинг 30-й.ларида СССРда пайдо бўлган. С.нинг спорт (кураш) ва жанговар турлари мавжуд. С. курашида курашчилар махсус белбоғли калта якгак киядилар. С.да рақибининг қўл ва оёқларидан олиш, оёқлар б-н оёқларига, қўлига ва гавдасига қарши ҳаракатлар қилиш рухсат этилган. С.да ўз оёгида тик туриб рақиб курагини ерга теккизса ёки огритувчи усул қўлланганда рақиб ўзини мағлубиятга учраганлигини тан олса, шунингдек, баллар бўйича фарқ 12 тага етса, рақиб ман этилган усулни қўллаб жазоланса соф галаба қайд қилинади. Рақиблардан бири соф галабага эриша олмаса, олишув натижаси спортчиларнинг тўплаган балларига қараб аниқланади. Жанговар С.да курашчилар бошга шлем, қўлларига бармоқлари очиқ қўлқоп кийиб, огизга капа (тишни ҳимоя қилиш учун) солиб мусобақалашадилар. Жанговар С.да тепиш, уриш, огритувчи усуллар қўллаш ва бўғиш мумкин. Кураш 10×10 м дан 13×13 м гача катталикдаги гиламда ўтказилади. Курашчиларнинг олишув майдони 6×9 диаметрли бўлиши керак. Кураш танаффуссиз 4—5 мин. давом этади. С.нинг спорт турида: ёшлар (20 ёшгача) ва эркаклар: 52, 57, 62, 68, 78, 82, 90, 100, 100 кг дан ортиқ; қизлар (20 ёшгача) ва аёллар: 48, 52, 56, 60, 64, 68, 72, 80, 80 кг дан ортиқ; ўсмир ўғил болалар (16—18 ёш): 48, 52, 56, 60, 65, 70, 75, 81, 87, 87 кг дан ортиқ; ўсмир қизлар (16—18 ёш): 40, 44, 48, 52, 56, 60, 65, 70, 75, 75 кг дан ортиқ вазнларда беллашадилар. Фахрийлар (35 ёшдан юқори) ва С.нинг жанговар турида эса 62, 68, 74, 82, 90, 100, 100 кг дан юқори вазн тоифасида мусобақалашадилар. С. бўйича Халқаро ҳаваскорлик федерацияси (ФИАС; 1985 й. ташкил этилган)га 80 га яқин мамлакат аъзо. 1980 й.дан Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган. 1973 й.дан С.нинг спорт тури бўйича, 2001 й.дан жанговар С. бўйича жаҳон чемпионати ўтказилади. Ўзбекистон С. федерацияси 1964 й. тузилган. Аёл С.чиларнинг федерацияси дунёда фақат Ўзбекистонда ташкил этилган (1996) ва у ҳам Жаҳон ҳамда Осиё федерациясига аъзо бўлиб кирган. 1971 й. Тошкентда халқаро турнир, 1972 й. 1-Европа чемпионати, 1998, 2001 ва 2002 й.да эса ўсмирлар, ёшлар ва эркаклар ўртасида Осиё чемпионати, 2001 ва 2003 й.ларда илк бор аёллар С. қоллузларининг жаҳон чемпионати мусобақалари ўтказилган. Ўзбекистон С. терма жамоаси жаҳон чемпионатида 1-ўринни эгаллади (1993, Омск). Осиё чемпионатида бир неча марта жамоа ҳисобида (аёллар ва эркаклар, қизлар ва ўсмирлар) голибликни қўлга киритган. С. бўйича спорт устаси Ж. Шарапатов Осиё С. федерациясининг президенти (2001 й.дан), халқаро тоифадаги спорт устаси Фазлиддин Пўлатов вице-президенти ва Осиёда С. курашини ривожлантириш қўмитаси раиси (2003 й.дан) ҳисобланади. Собир *Қурбонов*, Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган, 1973 й.дан С.нинг спорт тури бўйича, 2001 й.дан жанговар С. бўйича жаҳон чемпионати ўтказилади. Ўзбекистон С. федерацияси 1964 й. тузилган. Аёл С.чиларнинг федерацияси дунёда фақат Ўзбекистонда ташкил этилган (1996) ва у ҳам Жаҳон ҳамда Осиё федерациясига аъзо бўлиб кирган. 1971 й. Тошкентда халқаро турнир, 1972 й. 1-Европа чемпионати, 1998, 2001 ва 2002 й.да эса ўсмирлар, ёшлар ва эркаклар ўртасида Осиё чемпионати, 2001 ва 2003 й.ларда илк бор аёллар С. қоллузларининг жаҳон чемпионати мусобақалари ўтказилган. Ўзбекистон С. терма жамоаси жаҳон чемпионатида 1-ўринни эгаллади (1993, Омск). Осиё чемпионатида бир неча марта жамоа ҳисобида (аёллар ва эркаклар, қизлар ва ўсмирлар) голибликни қўлга киритган. С. бўйича спорт устаси Ж. Шарапатов Осиё С. федерациясининг президенти (2001 й.дан), халқаро тоифадаги спорт устаси Фазлиддин Пўлатов вице-президенти ва Осиёда С. курашини ривожлантириш қўмитаси раиси (2003 й.дан) ҳисобланади. Собир *Қурбонов*, Бобомурод *Файзиев* (2 мартадан), Шуҳрат *Ҳўжаев*, Акобир *Қурбонов*, фахрийлар ўртасида эса Фазлиддин Пўлатов, Ўрол Жуманиёзов, Остон Чўлиев (2 мартадан) жаҳон чемпиони бўлишган. Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятларида болалар ва қизлар С. билан мунтазам шуғулланадилар. Республика олий спорт маҳорати мактаби, вилоятлар спорт маҳорати мактаблари, шунингдек, Олимпия захиралари коллежларида С. кураши бўлимлари бор.

САМДУ (Самарқанд давлат университети) — қ. *Самарқанд университети*.

«САМКОЧАВТО» ҚЎШМА КОРХОНАСИ — автомобилсозлик саноати корхонаси. «Ўзавтосаноат» уюшмаси таркибига киради. «Ўзавтосаноат» ва «Коч холдинг А.Ш.» (Туркия) компаниясининг ҳамкорлигида ташкил этилган. Ўрта ҳажмли автобуслар ва юк машиналарни ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги иқтисодий муносабатлар асосида қўшма корхонани қуриш тўғрисида 1995 й.да битим, 1996 й.да таъсис ҳужжатлари имзоланди. Корхона қурилиши Республикаси (50%), Туркия томонидан «КочАвтоинвест ЛТД» (40%), «Рамзин тижорат А.Ш.» (5%), «Коч холдинг А.Ш.» (5%), компаниялари қатнашган. 1999 й. март ойида з-дининг дастлабки маҳсулотлари — шаҳар ичида ва шаҳарлараро йўловчи ташишга мўлжалланган ўрта ҳажмли автобуслар, ишлаб чиқарилди. 2000 й.дан 2 т дан 5 т гача юк кўтарадиган машиналар ишлаб чиқарила бошлади. 2002 й. шаҳарлараро йўловчи ташувчи турбодизелли двигатель ўрнатилган автобуслар ва 10 тонна юк кўтарадиган юк машиналари ишлаб чиқарила бошлади. 2002 й.да, шунингдек, ўт ўчириш, ассенизатор, эвакуатор, ёқилғи, ичимлик сувн, чиқинди, нон ва нон маҳсулотларн ташувчи махсус автомобиллар ишлаб чиқарилди. 2003 й.да шаҳар ичида 50 йўлга қўйилди. 2003 й.да шаҳар ичида 50 йўловчи ташишга мўлжалланган автобус, 20 тонна юк кўтарадиган «Форд» русумли юк машинаси ишлаб чиқариш бошланди. Корхонада Япония, Германия, Италия, Англия ва Туркияда ишлаб чиқарилган энг замонавий технологик ускуналар ўрнатилган. Корхонада ишлаб чиқарилаётган автомобиллар таннархини камайтириш, уларнинг бутловчи ва эҳтиёж қисмларини маҳаллий корхоналарда н.ч. чора-тадбирлари кўрилмоқда.

«Самкочавто» қўшма корхонасининг автобуслари йиғув цехи.

Корхонада 2002 й. 414 та автомобиль ишлаб чиқарилди. Корхона маҳсулотлари Ўзбекистон ички бозорида сотилади, шунингдек, Россия, Украина, Қозоғистон, Афғонистонга экспорт қилинади. Экспорт салмоғини ошириш мақсадларида шу давлатларда корхоналарнинг ваколатхоналари очилган.

САМНЕР (Sumner) Жеймс Бетчеллер (1887.19.11, Каптон, Огайо штати— 1955.12.8) — америкалик биокимёгар. АҚШ Миллий ФА аъзоси (1948 й.дан). Гарвард ун-тини тугатгач (1910), ассистент (1914—29), Корнелл ун-ти тиббиёт коллежи проф. (1929 й.дан). Асосий илмий ишлари ферментлар ёки энзимлар кимёсига оид. Иляк бор уреаза энзимини кристалл шаклда ажратиб олган. Юқори даражада фаол ферментлар препаратларини синтез қилган ва бу кристалл ферментларнинг соф оқсиллар эканлигини исботлаган. Нобель мукофоти лауреати (1946).

САМОА, Денгизчилар оролларн — Тинч океандаги вулкан оролларн, Полинезияда, 13—14° ж.к.да. Энг йирик оролдари — Савайи, Уполу, Тутила. Мустақил давлат — *Самоа* ва АҚШ мулки бўлган Шарқий Самоага бўлинган. Қадимда С.га полинезлар келиб ўрнашган. Европаликлардан оролга илк бор (1722 й.да) голландиялик Я. Роггевен борган. 1768 й.да француз денгизчи сайёҳи А. Бугенвиль оролга келиб, унга Денгизчилар ороллари деб ном берган.

САМОА (Samoa), Самоа Мустақил давлати (The Independent State of Samoa) — Тинч океанининг жан.-ғарбий қисмида, Полинезияда жойлашган давлат. Самоа архипелагининг ғарбий қисми— Савайи, Уполу, Аполима, Маноно, Фануатану, Намуа, Нутеле, Нуулуа ва Нуусафее о.ларини эгаллайди. Майд. 2,8 минг км². Аҳолиси 178,6 минг киши (2002). Пойтахти — Апиа ш. Маъмурий жиҳатдан 14 округ (district)га бўлинади.

Давлат тузуми. С. — Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига кирувчи мустақил давлат. Амалдаги конституцияси 1962 й. 1 янв.да қабул қилинган, унга 1997 й. тузатишлар киритилган. Давлат бошлиғи — 1963 й.дан йўзбошчи Малиетоа Танумафили II, конституцияга биноан, қабилаларнинг бошлиқлари томонидан умрбод сайланган, унинг вафотидан кейин давлат бошлиғи Қонун чиқарувчи ассамблея томонидан 5 й. муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Фоно (Қонун чиқарувчи ассамблея), ижрочи ҳокимиятни бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

Самоа герби.

Самоа байроғи.

Табиати. Ороллар вулкан отилиши натижасида вужудга келган тоғлик бўлиб, асосан, базальтдан иборат. Энг баланд жойи 1858 м (Савайи о.даги Силисили тоғи). Қирғоқлари баланд ва қояли. Иқлими субэкваториал ва тропик, пассатли, сернам иқлим. Ўртача ойлик т-ра 25—27°. Нам тропик ўрмонлар б-н қопланган. Йиллик ёғин 2000—4000 мм; кучли бўронлар бўлиб туради. Оқар сувлари йўқ. С. да 600 га яқин ўсимлик тури бўлиб, уларнинг 25% эндемик. Ҳайвонот дунёсида сут эмизувчилар кам, қуш кўп.

Аҳолисининг 98% самоалар, қолганлари — Океаниянинг бошқа оролларидан кўчиб келганлар ва қисман европаликларнинг авлодлари. Расмий тиллар — самоа ва инглиз тиллари. Шаҳар аҳолиси 21%. Диндорларнинг 80% протестант; католиклар ҳам бор.

Тарихи. С. ҳудудида қадимдан *полинезияликлар* яшаб келган. 18-а.дан европаликлар бу ерга кела бошлаган. 1899 й. С.ни Германия, 1914 й. Янги Зеландия босиб олди. 1920-й.ларда ташкил этилган «Мау» ватанпарварлик ташкилоти мустамлакачиларга қарши курашга раҳбарлик қилди. 1962 й. 1 янв.дан С. мустақил давлат деб эълон қилинди. 1970 й. Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстликка қўшилди. Мамлакат 1997 й.гача Ғарбий Самоа деб аталди. С.

Самоа аҳолисининг турар жойи.

1976 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 1 июнь — Мустақиллик куни (1962), об-ҳаво шароити ноқулай бўлганлиги учун 1 янв.дан 1 июнга кўчирилган.

Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари. С. либерал партияси, 1994 й. асос солинган; Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш партияси, 1979 й. тузилган; С. миллий тараққиёт партияси, 1985 й.да Христиан-демократик партия номи б-н ташкил этилган, 1988 й.дан ҳоз. номда. Мамлакатда бир қанча тармоқ касаба уюшмалари фаолият юритади.

Хўжалиги. Иқтисодиётининг асосини қ.х. (плантацион деҳқончилиги) ташкил этади. Мамлакат ҳудудининг 32% ишланади, 66% га яқини ўрмон. Экспорт учун банан, кокос пальмаси, какао етиштирилади. Маҳаллий эҳтиёж учун батат, ямс, маккажўхори, шоли, таро, апельсин ва ананас экилади. Чорвачилигида қорамол, чўчқа, парранда боқилади. Балиқ овлаш ривожланган. Ўрмонда қимматбаҳо нав ёғоч тайёрланади. Саноати қандолатчилик ва мебель ф-калари, кийим-кечак, пойабзал, кокос ёғи ва совун и.ч., ёғочсозлик ва кофе туйиш корхоналаридан иборат. Автомобиль эҳтиёт қисмлари ҳам мавжуд. Автомобиль йўллари уз. салкам 800 км. Апиа ш.да денгиз порти ва халқаро аэропорт бор. Четга копра, какао, банан чиқаради, четдан озиқ-овқат ва саноат моллари, бензин, транспорт воситалари келтиради. Асосан, Янги Зеландия, АҚШ ва Австралия б-н

Полинезиялар Самоа аҳолисининг кўпчилигини ташкил этади.

савдо қилади. Сайёҳлик ривожланган. Пул бирлиги — тала (С. доллари).

Маорифи. С.да давлат мактаблари б-н бир қаторда хусусий ва миссионерлик ўқув юртлари ҳам бор. 6 йиллик бошланғич мактабда дарслар инглиз ва самоа тилларида, 6 йиллик ўрта мактабда инглиз тилида олиб борилади. Апиа ш.да 2 ун-т, қишлоқ хўжалик ва пед. колледжлари, расадхона, халқ кутубхонаси бор.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. «Савали» (ҳукуматга қарашли оилик нашр, 1904 й.дан самоа ва инглиз тилларида чиқади), «Самоа ньюс» («Самоа янгиликлари», инглиз тилида чиқадиган кундалик газ., 1994 й.дан), «Самоа обсервер» («Самоа кузатувчиси», самоа ва инглиз тилларида ҳафтасига 5 марта чиқадиган газ., 1979 й.дан), «Самоа уикли» («Самоа ҳафтаномаси», инглиз тилида чиқадиган ҳафтанома, 1977 й.дан). Мамлакатда ахборот агентлиги йўқ. С. радиоэшиттириш хизмати ҳукуматга қарашли тижорат маҳкамаси бўлиб, 1948 й. ташкил этилган. С. телевизион корпорацияси ҳукумат қарамоғида, 1993 й. ташкил этилган.

Меъморлиги. Маҳаллий аҳоли соҳил яқинидаги 400 қишлоқда, чўзиқроқ доира шаклидаги фале деб аталувчи анъанавий чайлаларда яшайди. Деворсиз чайлалар ёғоч қозиқлар устига қурилиб, томига кокос ёки панданус япроғи ёпилади. Европаликлар Апиа ш.да истиқомат қилади. Шаҳар марказида 1—2 қаватли европача уйлар қурилган, уларнинг тепасида черков қўнғироқхоналари қад кўтарган. Бу ерда меҳмонхоналар, майда корхоналар, хорижий компанияларнинг идоралари, шунингдек, ҳукумат муассасалари жойлашган.

САМОА, самоа тили — *полинез тилларидан* бири. Ғарбий Самоанинг расмий тили (инглиз тили б-н бирга); Шарқий Самоада расмий мақомга эга бўлмаса-да, унда даврий матбуот нашр этилади, радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар олиб борилади. Унда 240 мингдан ортиқ киши сўзлашади. Билинмайдиган диалектал тафовутлари бор. Фонетикасида ундошлар тизимининг 2 тури: адабий ва сўзлашув турлари фарқланади. Лексика соҳасида бир қатор предметлар, ҳаракат-ҳолат ва тана қисмлари олдин ва «ҳурматли» номларга эга. Ёзуви 1834 й.да миссионерлар томонидан лотин графикаси асосида ишлаб чиқилган.

САМОАЛАР — Полинезия халқи. Самоа о.нинг асосий аҳолиси (190 минг киши). Янги Зеландия, Австралияда

ҳам яшайдилар. Умумий сони 335 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Диндорлари, асосан, христиан протестантлар.

САМОДИЙ ТИЛЛАРИ, самоед тиллари — урал тиллари оиласи таркибидаги тиллар гуруҳи; ҳоз. ненец, энец, нганасан ва селькуп, шунингдек, аслида йўқолиб кетган, «ўлик» камасин, мотор, карагас каби тилларни қамраб олади. Россия Федерациясининг шим. Европа қисмида, Сибирь ғарбида Енисей ва Обь дарёларининг ўрта оқимида тарқалган. Сўзлашувчилар сонининг камайиб бориши кузатилади: улар 1970 й.да 34 минг кишидан ортиқроқ, 1980 й. бошларида 27 минг кишн бўлган. Синтактик қурилиши, яъни гап бўлакларининг тартиби кўп жиҳатдан туркий тилларданга ўхшайди (эга — тўлдирувчи — кесим; аниқловчи — аниқланмиш каби). Лексикасида тунгус-манжур, мўғул, туркий ва рус тилларидан ўзлашган сўзлар кўп учрайди.

С.т. нинг ҳаммаси учун ҳам ёзув яратилмаган; рус графикаси асосидаги ёзув ненец тилида ўтган асрнинг 30-й.ларидан мавжуд; селькуп тилида бир қанча муддат шундай ёзувда ўқув адабиётлари чоп этилган бўлса-да, бошқа С.т. ўз ёзувига эга эмас.

САМОДИЙ ХАЛҚЛАРИ (самодийлар; эски номи — самоедлар) — халқ. Ненецлар, энецлар, нганасанлар, селькупларнинг умумий номи. Самодий тилида сўзлашади. Кўпгина талқиқотчиларнинг фикрича, Жан. Сибирь С.х.нинг қад. ватани бўлиб, улар бу ердан мил. 1 ва 2-минг йилликнинг бошида аста-секин Шим.га тарқалганлар. Бугунчилик, мўйначилик, балиқ овлаш ривожланган.

САМОЙ (араб. тинглашга оид), само — 1) қад. доира ва ноғора усулларидан бири. *Соқийнома* усулининг жонлироқ тури; 2) унга боғлиқ мумтоз куй ҳамда ашула йўллари («Андижон самоси» ва б.). Шашмақомдаги Дугоҳ мақомида «Самойи Дугоҳ» номли чолғу қисми мавжуд.

САМОЙЛОВИЧ Александр Николаевич [1880.17(29).12, Нижний Новгород — 1938.13.2, Москва] — туркийшунос олим, акад. (1929). Санкт-Петербург ун-ти шарқ ф-тини тугатган (1903). Шу ун-тда ўқитувчи, приват-доцент (1907—17), проф. (1917—22). Ленинград Шарқ тиллари ин-ти проф. (1920—37), ректори (1922—25). СССР ФА гуманитар фанлар бўлими акад.-котиби (1929—33), Шарқшунослик ин-ти директори (1934—37). С. туркман, усмонли турк, ўзбек, қримтатар тиллари, фольклори, этнографияси, адабиёти бўйича талқиқотлар олиб борган. Хусусан, ўзбек адабий тили ва мумтоз адабиёти, фольклори ва этнографиясига оид 100 дан ортиқ асар ёзган, ўзбек адабий тилининг шаклланиш йўлларини тадқиқ этган («Чиғатой адабий тилида «жўқчилик» унсурлари», 1930; «Ўзбек адабий тилининг қурилиш йўллари ҳақида», 1932). Унинг «Навоий туюқлари» (1917), «Чиғатойлик Амирий туюқларидан» (1926), «Лутфийнинг чиғатойча туюқлари» (1926), «19-аср Хива туюқлари» (1927) асарларида ўзбек адабиётида *туюқ* жанри ўрганилиб, унинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган. Атоий, Бобур асарларини ўрганиш ва нашр этиш бўйича ҳам бир қанча ишларни амалга оширган. 1937 й.да ноҳақ қамоққа олинган ва отиб ташланган.

Лит.: К истории литературы среднеазиатско-турецкого языка. — «Мир Али-Шир», Л., 1928; Собрание стихотворений императора Бабура, ч. 1 Текст, Петроград 1917.

САМОЛЁТ (рус. сам — ўзим ва летать — учмоқ), аэроплан — ҳаводан оғир — учиш аппарати. Двигатель ёрдамида учиш ва ҳаракатланганда қанотларидаги ҳаво қаршилиги кучини да вужудга келадиган *кўтариш кучи* таъсирида ердан кўтарилади. Двигатель ҳосил бўладиган тортиш кучи (поршенли двигателлар ўрнатилган С.да) ёки совуқ оқим катта тезликда чиқадиган газларнинг итариш кучи (реактив двигателли С.да) таъсирида олдинга ҳаракатланади (учади).

Қанотларининг бир ёки икки текисликда) ва *биплан* (қанотлари икки текисликда), двигателлари сонига қараб, 1, 2, 3 ва 4 моторли (бармоқ, беш ва олти моторли); двигателлари турига қараб, винтли (поршенли ва турбовинтли), *реактив двигателли* (қ. *Авиация двигатели*), йўловчилар ўринлари сонига қараб, бир, икки ва кўп ўринли; қўлланилишига қараб, ҳарбий ва фуқаро, санитария, юк ва махсус турларга бўлинади. Қуруқликдан, сувдан (гидросамолёт), шунингдек, ҳам сувдан, ҳам қуруқликдан кўтарила оладиган (самолёт-амфибия, яъни гилдиракли шасси б-н жиҳозланган гидросамолёт) С.лар бор.

С.нинг асосий қисмлари: фюзеляж — одамлар, жиҳозлар, қуроллар (бир моторли С.да двигатель) учун мўлжалланган корпус, қанот; элерона — С.ни кўндаланг текисликда бошқариш учун мўлжалланган қўзғалувчан сирт, қанотнинг бир қисми; қуйруқ қанот. Қуйруқ қанот қўзғалмас сиртлар: горизонтал қисм — стабилизатор ва вертикал қисм — киль ҳамда қўзғалувчан сиртлар, баландлик рули ва буриш рулидан иборат. Учувчи С.ни элеронлар, баландлик ва буриш рулари ёрдамида бошқаради.

Бир моторли (двигателли) С.да ички ёнув двигатели фюзеляжнинг тумшуқ қисмига, реактив двигатель ўрта ёки орқа қисмига ўрнатилади. Кўп моторли С.да двигателлар қанотлардаги мотор гондолаларига маҳкамланади. Гилдиракли шасси учиш олдидан ва қўнгандан кейин С.нинг югуриши учун хизмат қилади. С.га ҳаво кўрсатадиган рўпара қаршиликни камайтириш учун учиш пайтида шасси букланиб, гилдираклар қанот ичига тортилади, қўниш пайтида яна чиқарилади. С. тезлиги унга ўрнатилган двигателга боғлиқ бўлади.

Реактив фуқаро самолётининг кирқими: *1* — олд гилдирак; *2* — жиҳоз хонаси; *3* — қарши жинги; *4* — фюзеляж; *5* — олд йўловчилар салони; *6* — асосий гилдираклар; *7* — қанот; *8* — двигателлар; *9* — салони; *10* — стабилизатор; *11* — антенна; *12* — киль (ҳуд техник бўлма; *13* — орқа йўловчилар салони; *14* — буфет; *15* — гардероб.

Ҳарбий самолёт (СУ-32; ҳавода узлуксиз 10 соат уча олади, бортига 8 т гача бомба ва ракеталар сигади, 250 км гача масофадаги нишонни шикастлайди, Россия, 2003).

Мас., винт-моторли С. —320 км/соат-гача; турбовинтли ва турбореактив С. — 1000 км/соат гача; товушдан тез учар С. — 2500—3000км/соат. Жаҳонда «Боинг» (АҚШ), ЯК, АН, ИЛ, ТУ (Россия), «Караведла» (Франция), «Харриер» (Англия) ва б. русумли самолётлар ишлаб чиқарилади.

С.лар Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқарилади. Тошкент авиация з-ди (ҳоз. «Тошкент авиация и. ч. бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти) да ИЛ-14 (1940), АН-10, АН-8, АН-12, АН-22, «Антей» (1956 й.дан), суперлайнер ИЛ-76 (1973 й.дан) ишлаб чиқарилган; 1992 й.дан ИЛ-114 самолёти ишлаб чиқарила бошлади (С.нинг тарихи, тараққиёт босқичлари ва б. маълумотлар ҳақида *Авиация* мақоласига қ.).

САМОЛЁТ СПОРТИ — спортнинг ҳарбий-техник тури; оғирлиги ва двигатели турлича бўлган самолётларда учиш тезлиги, баландлиги, узоқлиги, давомийлиги, тез кўтарилиши ва юк кўтариши бўйича рекордлар ўрнатиш, шунингдек, спорт самолётларида учувчилик маҳорати бўйича мусобақалашиш. С.с. 20-а.нинг бошларида вужудга келган. Халқаро авиация федерацияси (ФАИ, 1905 й. ташкил этилган) га 80 га яқин мамлакат аъзо. Жаҳон чемпионатлари фақат учувчилик маҳорати бўйича ўтказилади (1960 й.дан). Яна қ. *Авиация спорти*.

САМОЛЁТСОЗЛИК — қ. *Авиация*.

САМОРИ (Samory) Туре (тахм. 1840—1900) — Африка давлат ва сиёсат арбоби, лашкарбоши. Юқори Нигер ҳавзасидаги малинка халқининг Уасулу давлати асосчиси (19-а.нинг 70—90-й.лари). Ғарбий Африка халқларини бирлаштиришга ҳаракат қилиб, Европа мустамлакачиларига қарши курашган. Французлар томонидан 1898 й.да асирга олинган ва Нджоле (Габон) қишлоғига сургун қилинган, ўша ерда вафот этган.

САМОСИЙ, Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий (13-а. охири, Ромитан туманидаги Самос қишлоғи — 1354) — хожагон-нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси, бухоролик 7 пирнинг бешинчиси. Хожа Али *Ромитанийдан* таҳсил олиб, унинг вафотидан сўнг хожагонлик тариқатини бошқарган. Баҳоуддин Нақшбанд тугилганда уни маънавий фарзандликка қабул қилиб, *Сайиид Мир Кулолга* Баҳоуддин тарбияси б-н шугулланишни топширган. С. боғбонлик б-н кун кечирган. С. кулоҳини Баҳоуддинга ҳдя этиб, унга *муршидлик* қилган. Баҳоуддин Нақшбанд ана шу кулоҳ шарофатидан балогардонлик карочатига эга бўлган, дейилар. С. тугилган қишлоғида дафн қилинган. Қабри устидаги мақбара, атрофдаги масжид ва тошқудуқ мустақиллик йилларида таъмирланган.

Ад.: Ориф Усмон. Бухоронинг шарифлари сияси пири. Т.,2003.

САМОҲ (араб. — эшитмоқ, тинглamoқ) — 1) мусулмон маданиятида шоирларнинг ҳалис ва б. диний асарларни ўзлаштириш йўли, уларни ёзув матнга қараб эмас, балким муршидлардан эшитиб олиб ёдлаш усули; 2) 9-а.дан суфийларнинг диний газалларни оҳангга солиб ўқиш услуби; 3) (зикру - С.) — Ўрта ва Яқин Шарқда *тасаввуф* мазмунидаги асарларни мусиқий, баъзида эса (мас., Жалолиддин Румий асос солган мавлавия тариқатида ва б.да) тана ҳаракатлари воситасида ҳам ижро этиш анъанаси. 9—10-а.ларда шаклланган бўлиб, кейинчалик деярли барча тариқат (қодирия, кубровия, яссавия, нақшбандия ва б.)да турли кўринишларда кенг тарқалган. С. амалиётида мусиқий чолғулар (танбур, дутор, рубоб, най, чанг, уд ва б.) б-н биргаликда ўйин усуллари («чорзарб», «самоий», «як қарс», «беш қарс» ва ҳ.к.) ҳам жалб қилинган. 18—19-а.ларда С. анъаналари *зикр, катта ашула* (хонақоий, ҳаққоний), *катта ўйин* туркумлар таркибига, турк *мақамлари*га («Оғир Самоий», «Йурук Самоий», «Соз Самоий-си»), араб мумтоз мусиқаси («Самои дарж», «Самои башраф» ва б.) га сингиб кетган. С. масалалари Ғазолий, Калободий Бухорий, Хужвирий ва б. тасаввуф назариётчилари асарларининг алоҳида боб ва фасларида батафсил шарҳланган.

Абдумаъмин Назаров.

«Самоъга тушаётган Жалолиддин Румий» (Ҳусайн Бойқаронинг «Мажолис ул-ушшоқ» асарига ишланган миниатюра, 1606 й.).

САМПАЙЮ (Sampaio) Жоржи (1939.18.9, Лиссабон) — Португалия давлат арбоби. Лиссабон ун-тининг юридик ф-тини тугатган (1961). Португалия академияларо уюшмаси кенгаши бош котиби (1961—62), 1962—69 й.ларда Лиссабонда адвокатлик б-н шугулланган. Сўл социалистик кучлар ҳаракати асосчиси (1974). Португалия муваққат ҳукуматининг давлат котиби (1975—78). Европа Кенгашида инсон ҳуқуқлари бўйича Европа комиссияси аъзоси (1979—84). Социалистик партияда халқаро муносабатлар учун масъул (1986—87). Парламентда Социалистик партия гуруҳининг раиси (1987—88). Социалистик партия бош котиби (1989—91). Лиссабон ш. мэри (1989—95). 1996 й. 14 январдан Португалия Республикаси президенти. 1979—95 й.ларда Португалия парламенти депутати.

САМСУН — Туркиянинг шим. қисмидаги шаҳар. Самсун элининг маъмурий маркази. Аҳолиси 362,7 минг киши (2000). Қора денгизнинг Самсун қўлтиғи соҳилидаги порт. Тамаки етиштириладиган р-ннинг савдо-транспорт маркази. Озиқ-овқат, тамаки, кимё саноати корхоналари мавжуд. Минерал ўғитлар ишлаб чиқарилади. Мис эритиш з-ди, ун-т бор. Балиқ овланади. Шаҳар мил.ав. 6-а.да бунёд этилган ва Амисус деб аталган.

САМУМ (араб. — иссиқ шамол) — Арабистон я.о. ва Шим. Африка чўлларидаги қуруқ иссиқ шамолнинг номи. С. кучли қумли бўрон, баъзида момақалдироқ б-н бирга кузатилади.

САМУРАЙЛАР (японча самурай — хизмат қилмоқ) — ўрта асрларда Японияда зодагонлар, майда дворянларнинг ҳарбий табақаси. Минамото сулоласи даврида (1192—1333) алоҳида табақа бўлиб кўзга кўринган, сёгун (ҳарбий зодагон ҳукмдорлардан келиб чиққан. Токугава сулоласи вақтида (1603—1867) эса, батамом табақа сифатида шаклланган. С.нинг энг имтиёзли катламини хатамото (маъноси «байроқ остида») ташкил қилиб, улар сёгунларнинг бевосита вассаллари бўлган. С.нинг асосий қисми кишиларнинг вассали эдилар, уларнинг ўз ери бўлмаган, кишлаш маоши сифатида гуруч олганлар. С.нинг қонуни — бусидо (маъноси «жангчи йўли») ўз эгаси бўлмиш йирик зодагонларга содиқликни талаб қиларди. С. учун шарафли машғулот фақат ҳарбий хизмат бўлиб, улар меҳнаткаш оммани менсимаслик, писанд қилмаслик руҳида тарбияланган эдилар. Токугава қонунига биноан, С. ҳарбий табақа аъзоларига нисбатан ўзини номуносиб тутган оддий фуқарони техник б-н ўлдириши мумкин эди. Токугава сулоласи ҳукмронлиги даврида ички урушлар тўхтаганда, С.нинг ҳарбий отрядлари деҳқон кўзғолонларини бостириш б-н машғул бўлган. Кейинчалик С.га эҳтиёж камайиб борган ва уларнинг аксарияти ҳунармандчилик ва савдо б-н шугуллана бошлаган. С. 1867—68 й.лардаги инқилобда (*Мэйдзи исин*) муҳим роль ўйнаган. Мазкур инқилобдан сўнг С. табақаси расман бекор қилинса-да, улар ўзларининг имтиёзли мавқеларини сақлаб қолган. 1872—73 й.лардаги аграр қонунлар эълон қилинганидан сўнг, С. янги заминдорлар қаторига ўтган. Армия ва флотдаги зобитларнинг аксарияти собиқ С.дан иборат эди. С.нинг «жасорати», анъаналари (душманга асир тушмаслик учун ўзини ўзи ўлдириш — харакири)ни улуғловчи қонун, янги-янги урушларни қўмсаш, ирқчилик, босқинчилик ташвиқоти япон ҳукмрон доираларининг гоявий қуролига айланган. Япон милитаристларининг С. деб аталган одат тусига кирган. «С.» атамаси япон ҳарбий доираларига нисбатан ишлатилади.

Ад.: Очерки новой истории Японии (1640—1917). М., 1958; Спеваковский А. Б., Самураи — военное сословие Японии. М., 1981; Кузнецов Ю. Д. и др., История Японии. М., 1988.

Темур Ғиёсов.

САМУЭЛЬСОН (Samuelson) Бенгт (1934) — швед биокимёгари. Асосий тадқиқотлари простагландинларни ажратиб олиш, кимёвий тузилиши ва биокимёвий хусусиятларини ўрганишга оид. Нобель мукофоти лауреати (1982, С. Бергстрём ва Ж. Р. Вейн б-н ҳамкорликда).

САМУЭЛЬСОН (Samuelson) Пол Энтони (1915.15.5, Гэри, АҚШ, Индиана штати) — америкалик иқтисодчи. 1940 й.дан Массачусетс технология институти проф-ассистенти, 1966 й.дан шу институт проф. 1941 й.дан бошлаб ўқитувчилик б-н бирга давлат муассасаларида маслаҳатчилик ҳам қилган (1961—68 й.ларда Оқ уйнинг иқтисодиёт бўйича маслаҳатчиси). Халқаро иқтисодий уюшма президенти (1965—68). С.нинг илмий ишлари ҳоз. замон иқтисодиёт фанининг деярли барча соҳаларини қамрайди. Иқтисодий динамика назарияси, иқтисодий циклар, истеъмолчи талаби назарияси, фаровонликнинг иқтисодий назарияси, халқаро иқтисодиёт назариясига муҳим ҳисса қўшган. С.нинг иқтисодий қарашлари қисқача неоклассик синтез деб аталади ва даромадларнинг тақсимланиш қонуни ҳоз. замон маржиналистик гояларининг «классик» принциплар б-н биргаликда таҳлил этилади. С. аралаш иқтисодиёт назарияси тарафдори, яъни давлатнинг иқтисодиётга қисман аралашувини маъқуллайди. С.нинг «Экономикс» дарслиги (1945) ва «Иқтисодий таҳлил асослари» (1948) асари бир неча бор нашр этилган. Нобель мукофоти лауреати (1970).

САМЪОНИЙ, Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас- Самъоний ал-Марвазий (1112, Марв — 1167) — тарихчи, этнограф, географ олим. Кўп юртларни кезган, 50 га яқин илмий асарлар яратган. Унинг 1156 й.да Самарқанд ш.да ёзиб тугатган «Китоб ал-ансоб» («Нисбалар китоби») номли тарихий-географик ва этн. асари жуда муҳим манба. Ушбу китоб 8 жилддан иборат бўлиб, муаллифнинг Ўрта Осиёдан то Арабистонгача бўлган кўп йиллик саёҳати натижасида ёзилган. Китобда тарихий ва географик номлар, қабила бошлиқлари, тарихий шахслар, вилоятлар, шаҳарлар ва қишлоқлар, дарёлар, кўллар, тоғлар номлари алифбо тартибида берилиб, уларга анча батафсил изоҳлар берилган. С. ўз асарида Эрон ва Мовароуннаҳрдаги шаҳар ва қишлоқларнинг деярли барчаси ҳақида қимматли маълумотлар берган. Мас., Насаф ш.нинг 3 маҳалласи, 4 кўча-работи ҳақида сўз юритади.

Ас.: Насабнома (Ал-Ансоб) (арабчадан Абдулғафур Раззоқ Бухорий ва Комилжон Раҳимов таржимаси). Бухоро, 2003.

Ад.: Камаладдинов Ш. С., «Китаб ал-ансаб» Абу Саъда Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Самъани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. Т., 1993; Ҳасанов Ҳ., Ўрта Осиёлик географ ва сайёҳлар. Т., 1964.

САН, Асан Самъоқан — Афғонистоннинг шим.даги Гузганон вилоятидаги ўрта аср шаҳарларидан бири. 9-а.да С. катталиги жиҳатидан вилоятда Анбар ш.дан кейин турган. 737/738 й. С. яқинидаги чуқур сой бўйида арабларб-н турк хоқони қўшини ўртасида жанг бўлган. 10-а.да С. тоғдаги кичик шаҳар (мадина) эканлиги, унда кўплаб ариқлар ва боғлар борлиги, айниқса, ёнғоқзорлари б-н машҳурлиги, 11-а.да С. яқинида феруза кони борлиги, уни хорижий давлатларга чиқарилганлиги манбаларда қайд этилган. 12-а.да С.да мис кони ҳам бўлган.

САНА (араб. — йил) — *ой* ва кун ҳисобини англатувчи атама. Бирор ҳодисанинг содир бўлган календарь вақтини билдиради. Тарихий ёзувларда, жумладан, китоблар, ҳужжатларда ҳодиса рўй берган вақт С. сифатида белгиланади. Ибтидоий даврларда С. ҳисобини олиб боришга эҳтиёж бўлмаган. Жамият тараққий этиши б-н деҳқончилик, чорвачилик ва денгизда сузиш ишлари вақт ҳисобини аниқроқ олиб боришни талаб қилди. Вақт ўлчов бирлиги қилиб табиий ҳодиса, яъни *Ернинг* ўз ўқи атрофида бир марта айланиб чиқиши учун кетган вақт — *сутка* олинди ҳамда узоқ вақтлар ҳисобини олиб бориш учун *календарь* вужудга келди.

САНА ЎЗГАРАДИГАН ЧИЗИҚ — Ер юзасида 180° ли меридиан орқали ўтказилган шартли чизиқ. Бу чизиқдан ғарбдан шарққа ўтилса, эртасига ҳам ўша сана (кун) ҳисобланa беради. Агар шарқдан ғарбга ўтилса, бир кун ташлаб ҳисобланади. Мас., 25 март куни ғарбдан шарққа ўтилса, эртаси куни 26 март эмас, 25 март бўлади. Агар шарқдан ғарбга ўтилса, 26 март ташлаб юборилиб, 27 март деб ҳисобланади.

САНАМ — уйғур мумтоз мусиқаси жанри. Анъанавий созандалар — хонандалар ансамбли ҳамда раққос(а)лар томонидан асосан тўй, сайил ва турли давраларда ижро этилган. Шарқий Туркистоннинг барча ҳудудларида тарқалган бўлиб, қашқар С.и, или С.и, кумул С.и, ёрканд С.и каби турларга бўлинади. С.лар бир неча қўшиқ (мас., или С.ида — «Чонг санам», «Йўлан», «Машугум», «Сувар», «Чим-чим айтдим» каби) ва тезлашиб бораётган рақслардан таркиб топиб, туркум тарзида ижро этилади. С. қўшиқлари банд—нақарот шаклида бўлиб, халқ тўртликларига асосланади. Улар «санам», «қашқарча» каби усулларга боғланиб жозибали янграйди. Уйғур С.ларининг чолғу (мас., сурнай ёки урма созлар томонидан ижро этилган) йўллари ҳам мавжуд.

САНАМ — қ. *Бут*.

САН-АНТОНИО — АҚШнинг жан. қисмидаги шаҳар, Техас штатида. Аҳолиси 1,14 млн. киши (2000). Транспорт йўлларининг йирик тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Йирик чорвачилик р-нининг савдо-молия маркази. Машинасозлик, металлсозлик, озиқ-овқат, цемент, кимё, тикувчилик, кўн-пойабзал саноати корхоналари мавжуд. Бальнеологик иқлим курорти. Ун-тлар, музейлар бор. Шаҳарга 1718 й.да асос солинган. 18—19-а.ларга оид меъморий ёдгорликлари сақланган. Шаҳар атрофида АҚШнинг ҳарбий базалари жойлашган.

САНАТОРИЙ (лот. sano — даволайман, соғайтираман) — даволаш-профилактика муассасаси. С.ларда табиий даволаш омиллари (иқлим, минерал сувлар, шифобахш балчиқ ва б.) б-н бир қаторда даво бадан тарбияси қўлланилади, парҳез овқатлар берилади, даво ва дам олиш тартибига амал қилинади. Саноат корхоналарига яқин жойларда ишчи-хизматчилар учун санаторий-профилактирийлар ташкил қилинади (қ. *Профилакторий*). Санаторий-профилактирийлар корхона маъмурияти ва касаба уюшмалари назоратида бўлади. Ўзбекистон С.ларида иқлим, қуёш, бальнео-балчиқ б-н даволаш, даволаш физкультураси ва терренкурдан кенг фойдаланилади. С.лар курортларда ва иқлими, табиати, санитария-гигиена шарт-шароитлари қулай бўлган ерларда (маҳаллий С.) жойлашади. Буларга Шоҳимардон, Оқтош, Чорвоқ дам олиш зоналари киради (қ. *Курорт*).

Юртимиз аҳолисини ўзи яшаб турган одатдаги иқлим шароитларида соғломлаштириш учун ноёб табиий иқлим омилларига эга бўлган С.лар бор. Буларга «Оқтош», «Зомин», «Косонсой», «Мироқи» С.лари киради. Шунингдек, республикада минерал сувларнинг барча турларини ўз ичига олган бой гидроминерал ресурслар мавжуд. «Чимён» С.сида «Мацеста» сувига ўхшаш сульфидли (водород сульфидли) сув, «Чортоқ», «Ниҳол» С.сида йод ва бром миқдори юқори бўлган йод-бромли сув, «Чинобод», «Турон», «Бўстон», «Ботаника», «Ситораи Моҳи Хоса», «Косонсой» С.ларида Саки, Евпатория курортларининг сувидан қолишмайдиган кам минералланган гидрокарбонат, натрий хлоридли сув, «Абу Али ибн Сино» С.сида табиий радионли сув бор. Бу шифобахш сувлардан беморлар ичадилар, ванна (душ) қабул қиладилар ва даво мақсадларида фойдаланадилар. Бу С.лар ҳар кун талабига жавоб берадиган замонавий даволаш-диагностика базасига эга. С.ларда даволаш-диагностика муолажаларини олиб бориш учун малакали шифокорлар, тиббий асбоб-ускуналар б-н жиҳозланган хоналар ва лаб.лар мавжуд. Ўзбекистонда катталар, болалар ва оилавий С.лар бор. Тиббий йўналишига қараб С.лар сил б-н оғриган беморлар учун (бу С.ларга йўлланма берилади), қон айланиш аъзолари, овқат ҳазм қилиш аъзолари, нафас олиш аъзолари касалликлари, моддалар алмашинувининг бузилиши, асаб тизими ва таянч-ҳаракат аъзолари, эндокрин касалликларини даволашга мўлжалланган бўлади. С.лар бир ва кўп профилли бўлиши мумкин. Республикамиздаги бир профилли С.ларга «Умид гулшани» (гинекологик ва андрологик); «Ситораи Моҳи Хоса» (буйрак-тош), «Оқтош», «Зомин» (нафас олиш аъзолари) киради.

Санаторий-курортда даволаш самарадорлиги ва натижаларининг барқарорлиги беморларни С. ва курортларга тўғри танлаб юборишга боғлиқ. С.га беморлар даволаш-профилактика муассасаларида тиббий кўрикдан ўтказилиб, кейин юборилади. Врач беморга санаторий-курорт картасини тўлдириб беради. С.га, асосан, касалликларнинг бошланғич даврида, шунингдек, стационарда даволашга эҳтиёжи бўлмаган сурункали касалликлар б-н касалланган ҳамда турли касалликлар ва операцияларни бошидан кечирган беморларни тузалиш босқичида юборилади.

Болалар С.лари сурункали касалликлар ривожланишининг олдини олишда касал болаларни комплекс даволашнинг муҳим томонларидан ҳисобланади. Болаларни С.га врач кўрсатмасига мувофиқ юборилади. Ревматизм, сил, таянч-ҳаракат аъзолари функциясининг бузилиши, нафас аъзолари, овқат ҳазм қилиш аъзолари, буйрак, сийдик чиқариш йўллари ва моддалар алмашинувининг бузилиши касалликлари, психоневрологик касалликлар, тери касалликлари, остеомиелит, ревматоидли артрит б-н оғриган болалар С.лари мавжуд. Ихтисослаштирилган болалар С.ларидан ташқари «Она ва бола» С.лари бор. Барча болалар С.ларида тарбиявий-педагогик ишлар олиб борилади. Даволаш муддати ўзгартирилган С.да болалар мактаб дастури бўйича ўқийди.

САНАХАНОВ Пўлат Раҳимович (1935.20.6, Самарқанд) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). СамДУни тугатган (1960). 1960 й. дан Самарқанд ш. даги 10-мактабда биол. ўқитувчиси, 1966 й.дан 20-мактабда директор ўринбосари, Самарқанд ш. халқ таълими бўлимида назоратчи, 1970—97 й.ларда Самарқанд ш. даги 46, 29-, 14-, 6-мактабларда директор.

САНАЦИЯ (лот. sanatio — соғломлаштириш, даволаш) — *банкротлик* капиталлар қутқариш, корхоналар, фирмалар, компания ва б.нинг молиявий аҳволини яхшилашга қаратилган давлат ва банк чора-тадбирлари тизими. Асосий йўналишлари — ночор корхоналарни кредитлаш, қайта ташкил этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ёки фаолият турларини ўзгартириш, ўз хомийлигига ўтказиш ва б. С. бозор иқтисодиёти учун табиий нарса, чунки бозор қонунларига кўра, бир корхонанинг гуллаб-яшнаб кетиши, бошқасининг танг аҳволга тушиши юз беради. С. орқали давлат бозор иқтисодиётига таъсир этади.

Ўзбекистонда С. талабирлари Ўзбекистон Республикасининг, «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида» қонуни (1997 й. 25 дек.)га мувофиқ, 1998 й.дан қишлоқ хўжалигида С.га тушган (банкрот бўлган ёки унинг арафасида турган) қ. х. корхоналарига нисбатан давлат томонидан молиявий ёрдам ва ташқи иқтисодий молиявий нисбатан давлат томонидан молиявий ёрдам ва ташқи иқтисодий ёрдам тайинлаш шаклида амалга оширилади ва қонунларни натижалар берди.

САНГАРДАКДАРЁ — *Сурхондарёнинг* ўнг ирмоғи. Ҳисор тизмасининг жан.-ғарбий ён бағридан (3800 м) бошланади. Уз. 114 км, ҳавзасининг майд. 948 км². Сув йиғиш майд. 889 км², ўртача бдл. 2286 м. Юқори оқимида (Қизилсой қўшилгунга қадар) Дегиканқора деб аталади. Шу қисмда дарё жуда тор ва ён бағирлари тик воийдан оқади. С.га бир қанча катта-кичик сойлар қўшилади: ўнг томондан Қизилсой (15 км), Шўрwork (11 км) ва Мозонгўр (23 км); чап томондан Хондиза (25 км) ва Нилу (11 км). С. асосан, мавсумий қор ва ер ости сувларидан тўйинади. Максимал сув сарфи 44 м³/сек. (май ойида), нояб. — янв. да 4,38—4,04 м³/сек. С.нинг ўртача кўп йиллик сув сарфи 15 м³/сек., ўртача оқим модули 17,0 л/сек. км². Дарё водийси Сурхондарё вилоятининг хушманзара жойларидан бири, шаршаралар бор. Ўрмон хўжалиги мавжуд.

САНГВИНИК (лот. sanguis, sanguinis — қон) — қ. *Мизож*.

САНГГАРДАК, Санкарда — илк ўрта асрларда Кеш вилоятига қарашли рустоқ ва шаҳар номи. С. шаҳри *Сангардакдарё*нинг ўрта оқими водийсида. Чағониён пойтахти (ҳоз. Денов)дан 30—35 км масофада, ҳоз. Сангардак қишлоғи ўрнида бўлган. Бу қишлоқнинг эски маркази ҳозиргача «Хондиза» деб аталади, бу унинг кўҳна қишлоқ эканлигидан далолат беради. Суғдча «диза» — қалъа сўзи бўлаги борлиги уни илк ўрта асрларга оидлигини билдиради. Қишлоқ яқинидаги ўрта аср қабристонини С. дарёси ювиб кетган. 19-а.ла С. аҳолисининг асосий машғулоти чорвачилик бўлган. Ёзда аҳоли дарёнинг ўнг қирғоғи бўйидаги боғларга чиқиб, ўтовларда яшаганлар.

Ўрта асрларда С. шаҳри шу номдаги рустоқнинг маъмурий маркази бўлган. Ибн ал-Асирнинг ёзишича, С. рустоқида Муқаннанинг қалъаси жойлашган. 19-а. охирида Юрчи қишлоғи қаршисидаги тоғ қоясининг номи «Сака» ёхуд «Санам» аталиб, бу тоғларда шу номдаги қишлоқ ҳам бўлган.

«Ботаника» санаторийси сайлгоҳи.

Сангардакларё.

Сангардакларё шаршараси.

Ад.: Камалиддинов Ш. С., Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX — нач. XIII вв., Т., 1996.

САНГЗОР — Жиззах вилоятидаги дарё. Туркистон тоғ тизмасидаги Гуралаш довони яқинида 3400 м га яқин баландликдаги булоқлардан бошланади ва Жиззах ш.дан 70 км шим.-ғарбда, Қизилқум чўлининг жан.-шарқий чеккасидаги Тузкон кўлига қуйилади. Уз. 198 км, ҳавзасининг майд. 3220 км² (тоғлиқ қисми).

Бош қисми Гуралашсой номи б-н аталади. Кичик Қорашақшақ қишлоғи ёнида Жонтекасой кўшилгандан сўнг у С. номини олади. Жиззах ш.дан қуйида эса С. Қизи номи б-н маълум. Ёрғоқ қишлоғига қадар С. Туркистон тоғ тизмаси б-н унинг тармоғи ҳисобланган Молгузар тоғлари оралиғида кенг водий бўйлаб тошлоқ, серостона ўзанда шим.-ғарбга оқади. С. — камсув дарё. Унинг ўртача кўп йиллик сув сарфи 4 м³/сек. Жиззах воҳасидан ўтгандан сўнг С.нинг ўзани кўпинча қуриб ётади ёки ундан жуда оз миқдорда суғоришдан ортган партов сувлар б-н сизот сувлар оқади. Қор ва ёмғир сувларидан тўйинади. Йиллик сув миқдорининг катта қисми март—июнь ойларида оқиб ўтади, кўпинча май ойида тўлиб оқади. С. сувини тартибга солиш ва ундан тўлавроқ фойдаланиш мақсадида Жиззах сув омбори қурилган.

С.га 80 дан ортиқ сой ва жилғалар (Хўжасой, Бойқўнғирсой, Кўкжарсой, Оққўрғонсой, Тангатопдисой, Сутарик, Бахмазарсой, Навқасой ва б.) қўшилади. Бу сойларнинг айримлари С.га етмай тугайди.

САНГРУНТОВ ТОҒЛАРИ — Қизилқум чўлининг жан.-шарқи (Навоий вилояти)даги тоғлар. Қозоқтов тоғларининг баланд қисми. С.т. шим.-ғарбдан жан.-шарққа 25 км чўзилган. Бал. 350—400 м, энг баланд жойи 613 м (шим.-ғарбий қисмида). Жан.-шарқ томон пасайиб боради. Тоғлар денудацион жараёнлар таъсирида кучли емирилган. Тектоник жиҳатдан антиклиналь структура. С.т.нинг баландлиги қисмлари палеозой даври сланец, қумтош, конгломерат, алевролит, оҳактош, мергель, гил, қум каби тоғ жинсларидан ташкил топган. Улар орасида гранит, диорит, гранодиорит ва б. тоғ жинслари тарқалган.

Иқлими кескин континентал, қиши совуқ, ёзи иссиқ. Йилига 100—150 мм ёғин тушади. Доимий оқар дарёлар йўқ. С.т. ён бағир ва этакларида сур-қўнғир тупроқлар бор. Ўсимликлардан шувоқ, бурган, терескен, тошбурган, саксовул ўсади. Яйлов сифатида фойдаланилади.

САНГТАРОШЛИК — қ. *Тоштарошлик*.

САНД (Sand) Жорж (тахаллуси; асл исм-шарифи Аврора Дюпен) (1804.1.7, Париж — 1876.8.6, Ноан, Эндр департаменти) — француз ёзувчиси. Романлари («Индиана», 1832; «Валентина», 1832; «Лелия», 1833; «Жак», 1834; «Саёқ шогирд», 1840; «Ян Жижка», 1843; «Ёш қизнинг эътирофи», 1864; «Сўнгги муҳаббат», 1867) да ижтимоий адолат ва шахс эркинлиги, хусусан, аёллар ҳуқуқи масалалари унинг ижтимоий-утопик қарашлари б-н уйғунлашган.

Француз демократ романистлари анъаналарини давом эттирган С. 30-йилларнинг ўрталаридан бошлаб сенсимончилар ғоялари, сўл республикачилар қарашлари б-н қизиққан. Унинг «Мопра» (1837), «Орас» (1841—42) романлари шу руҳда ёзилган. Исёнкор романтизм, миллий озодлик кураши пафоси «Консуэло» (1842—43) романида ўз ифодасини топган. С., шунингдек, «Қор одам» (1858), «Римлик Жан» (1859) каби романлар, «Ҳаётим тарихи» кўп жилдли мемуар ҳам ёзган (1854—55).

САНДАЛ, танча — маҳаллий иситиш воситаси. Қадимдан Ўрта Осиёда, Афғонистон, Эрон, Туркия, Япония ва б. Шарқ мамлакатларида ишлатилиб келинган. С. учун хонанинг бир четига чуқурча қазилиб, ичи махсус шаклда ишланиб,



Сандал. а — курсиси; б — ўтхонаси.

сувалади. Унга курси (хонтахта) ўрнатилиб, усти кўрпа б-н ёпилади. Кўмир ёки саксовул чўғи б-н иситилади. Замонавий иситиш воситалари туфайли С.га эҳтиёж қолмаётир.

САНДАЛ ДАРАХТИ, сантал дарахти (*Santalum album.*) — маржонўтлошлар оиласига мансуб доим яшил ўсимлик. Бўйи 10 м, айланаси 1—2 м. Сўрувчи органи (гаусторлар) ёрдамида бамбук, шакарқамиш, кокос пальмаси каби ўсимликлар илдизига бирикиб, ярим паразитлик қилади (мустақил ўсиши ҳам мумкин). Барги чўзиқ, туксиз, қарама-қарши жойлашган. Гуллари майда, дастлаб сариқ, кейин тўқ қизил тусда бўлади. Тўпгули рўваксимон. Меваси бир уругли ёнғоқ. Малакка ярим ороли, Малайя архипелаги ва Ҳиндихитойда тарқалган. Жан. Ҳиндистоннинг тропик қисмида ўстирилади. Поя ва илдизида атир-упа саноатида ишлатиладиган 3—6% эфир мойлари бор. Ёғочи ҳар хил мақсадларда ишлатилади.

Сандал дарахти: *а* — гули; *б* — меваси.

САНДВИЧ ОРОЛЛАРИ — қ. *Гавайи ороллари.*

САНДЕРЛЕНД — Буюк Британиядаги шаҳар, Англиянинг шим.-шарқий қисмида. Тайнсайд конурбациясида. Аҳолиси 297,2 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Шим. денгиз соҳилидаги порт. Йирик кемасозлик, кема двигателлари и.ч., электротехника, ойна-шиша, тикувчилик, қоғоз саноати корхоналари бор.

САН-ДИЕГО — АҚШдаги шаҳар, Калифорния штатида, Мексика чегарасига яқин. Аҳолиси 1,22 млн. киши (2000). Тинч океан соҳилидаги порт. Транспорт йўллари тугуни. Цитрус меваларни етиштириладиган р-нининг савдо маркази. Кемачилик учун аппаратлари ишлаб чиқарилади. Радиоэлектроника ғумлади. ЭҲМ ва ҳарбий саноат учун жиҳозлар и.ч.), кемасозлик, приборсозлик, металлсозлик, кимё, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Ун-т, ҳайвонот боғи, дельфинарий, музейлар, аквариум, консерватория, расадхона, кутубхоналар бор. Иқлим курорти. Шаҳарга 1769 й.да асос солинган. АҚШнинг Тинч океан соҳилидаги ҳарбий базаси.

САНДИНО (Sandino) Аугусто Сесар (1895.18.5 — 1934.21.11) — Никарагуа миллий қаҳрамони. Никарагуани 1912 й.да босиб олган АҚШ қўшинларига қарши курашни бошқарган (1926 й.дан). С. бошчилигидаги кураш натижасида 1933 й. янв.да мамлакат озодликка эришган. С. «миллий гвардия» бошлиги А. Сомоса томонидан хоинона ўлдирилган.

САНДИҚ — рўзғор буюми; ичида уй анжомлари, кийим-кечак, зеб-зийнат буюмлари ва б. сақланади. Асосан, ёғочдан, шунингдек, темир ва б.дан ҳам тайёрланади. Шакли тўртбурчак, усти қопқоқли бўлиб, зулфин ҳамда ушлаб кўтариш учун икки ёнига қалқа ўрнатилади, ердан кўтарилиб туриши учун ости (4 бурчаги)га поя қоқилади. С.нинг олд, орқа ва остки тахталари бир-бирига қўшиб михланади, юзаси пардозланади, бурчаклари жилвир б-н силиқланади, сўнг олд томони (бети)га гули чизиб олинади, шу чизиқларга тунука ўлчаб қоқилади, сўнгра ҳар хил рангларда бўялади, ҳошияларига чакич чекиб гуллар ҳам туширилади. Кўчқорак, шаш, найзали, бодомча ва б. нақш мужассамотли С. амалий санъатнинг юксак намунаси ҳисобланади. Қалимда ҳайвон терисидан, ёғоч ўймакорлиги, нақшинкор ва бурама тунука б-н қопланган. Бироқ ғузалар С.га катта иззат-ҳурмат кўрсатиб, уни Балхда султон сифатида фахрий тутқунликда ушлаб туришган. *Жувайнийнинг* ёзишича, Термиз ҳукмдори Аҳмад ибн Абу Бакр (амир Кўмачнинг невараси) минг кишилик махсус чавандозлар гуруҳини жўнатиб, С.ни ғузалар қўлидан қутқарган ва Термизга олиб келган (1156 й. окт.). Мовароуннаҳр, Хоразм ва Хуросоннинг асосий қисми қўлдан кетганлигини кўрган С. давлати қудратини тиклашга беҳуда уринган. 1156 й. июнь.да у Термиздан Марвга келган ва пойтахт яқинидаги Андарободда қалъасида яшаган.

Сандиқ (20-аср).

Сан-Диего шаҳри. «Коронадо кумуш соҳили».

САНДИҚЛИ ЧЎЛИ — Ўзбекистоннинг Қашқадарё, Бухоро вилоятлари ва Туркманистоннинг Лебап вилояти ҳудудидаги қумли чўл. С.ч. Қизилқумнинг жан. давоми. Шим.да Қоракўл воҳаси, шим.-шарқ ва шарқда Қарши дашти ва Қашқадарё воҳаси, ғарбда Амударёгача пасайиб боради. Ғарбдан шарққа 50—70 км, шим.дан жан.га 70—90 км га чўзилган. Бал. 200—300 м. Ер юзасининг тузилиши ҳар хил, катта қисмини эол релъеф шакллари: қум тепалар, дўнг қумлъеф шакллари: қум тепалар, дўнг қумлар, қум текисликлари, барханлар эгаллаган бўлиб, уларнинг узунлиги, эни, баландлиги турличадир. Чўлда туби шўрхок ва тақирлар б-н банд товоқсимон ботиқлар, шунингдек, қир, қум массивлари, платосимон тепаликлар, ер юзасига чиқиб қолган. Амударёга яқин қисмида силжиб юрувчи барханлар бор. Иқлими кескин континентал, июлнинг ўртача т-раси 28—31°, янв.-нюки —1,4°. Йиллик ёғин 120—160 мм. Чўлда бўз-қўнғир, тақир, қумли, шўрхок, оч бўз тупроқлар тарқалган. Ўсимликлардан саксовул, қуёнсуяк, қандим, шўра, шувоқ, эфемерлар ўсади. Ҳайвонлардан калтакесак, илонлар, қум сичқонлари, жайран, тулки, бўри, қўшоёқ, юмронқозиқ ва б. учрайди.

С.ч.дан баҳорги ва ёзги яйлов сифатида фойдаланилади. Газ, нефть захиралари ва шўрхокларда шифобахш балчиқлар бор.

САНДОН — қиздирилган металлга ишлов бериш (босқон ва болға б-н уриб ёйиш, чўзиш, букиш, қирқиш ва ҳ.к.) да унинг остига қўйиладиган темир кунда. Асосан, темирчилик, мискарликда ишлатилади. Шакли ва катталиги хар хил бўлади. Темирчилик С.и катта, чорқирра, тепа қисми кенг бўлиб, аксарият йўғон ёғоч кундага (гўлага) ўрнатилади. Унга пўлат ёки темирнинг каттароқ бўлакларини қўйиб болғаланади, устида кетмон, белкурак, чоқ каби асбоблар ясалади. Мискарликда тумшуқли С. ишлатилади. Бундай С.да, кўпинча мис идишлар тузатилади, пардозланади, текисланади. С.нинг зардоблари ва бўямаларини ҳам ишлатиладиган хиллари ҳам бор. С. пишиқ пўлатдан ясалади.

САНЖАР, Султон Санжар, Султон Муиз ад-дунё вад-Дин Абул Ҳорис Санжар ибн Маликшоҳ [1086.6(27).11, Жазира вилояти Санжар ш. — 1157.26.4(7.5), Марв] — *Салжуқийлар давлати* султони (1118—57), *Маликшоҳ*нинг кенжа ўғли. Акаси султон Ғиёсиддин Муҳаммад вафоти (1118 й.)дан сўнг тахтга ўтирган.

С. Салжуқийлар давлатининг шарқий қисми таркибига дастлаб Мозандарон, Табаристон, Сейистон, Кумис, Рай ва Дамғонни қўшиб олган ва пойтахтни Марвга кўчирган. Мовароуннаҳр ва Хоразмни ҳам ўз салтанатига бирлаштирган. С.нинг қудрати авжига чиққан вақтларда Ғарбий салжуқийлар султонлиги (Ғарбий Эрон, Ироқ, Озарбайжон) ва *Қорахонийлар давлати* унинг сиёсий таъсири остида бўлган. С.нинг номи Қашқардан Ямангача, Ғазналдан Уммонгача, Кавказ ва Анатолиядан Макка ва Мадинагача хутбага қўшиб ўқилган.

12-а.нинг 40-й.ларидан бошлаб С.нинг куч-қудрати заифлаша бошлаган. 1141 й.да Мовароуннаҳрга шарқдан *қорахитойлар*нинг бостириб кириши б-н С.нинг ҳам кучи қирқилган. *Қатвон жанги*да салжуқийлар ва қорахонийлар С. бошчилигида ўзаро бирлашиб қорахитойлар ва қарлуқларга қарши курашсалар-да, жилдий маглубиятга учрашган. Жанг майдонидан атиги 6 та отлиқ б-н зўрга қочиб қутулган. Марвга етиб борган. С. Мовароуннаҳрдан ажралган.

Балх ва Хутталон атрофларида кўчиб юрувчи ғузлар (ўғузлар) С.га навбатлаги жиддий зарбани беришган. Аслида бу маглубиятга С.нинг очкўз амирлари ва лашкарбошилари сабаб бўлган. Балх ҳокими амир — сипоҳсолор Кўмач 10 минг кишилик кўшин б-н солиқларнинг кўпайганлигига қарши қўзголон кўтарган ғузларга қарши юриш қилиб, маглубиятга учрайди. Амир Кўмач ва унинг тарафдорлари С.ни ғузларга қарши юриш қилишга кўндиришган. 100 минг кишилик улкан лашкар тўплаган С. ғузларнинг узри ва товон тариқасида 50 минг от ва туя, 200 минг қўй, 200 динор ва бир йиллик хирож тўлаш таклифига рози бўлаётганда, урушқоқ амирлар жанг бошлашни талаб қилганлар. Балх атрофида бўлган катта жангда султон С. лашкарлари маглубиятга учраб (жангда амир Кўмач ҳам ҳалок бўлади), унинг ўзи асирга олинган (1153 й. июль). Ғузлар Хуросонни эгаллаб, Марв, Нишопур, Машҳад, Тус ва б. шаҳарларни талаш-

САНЖАР СИДДИҚ (тахаллуси; асл исм-шарифи Сиддиқов Босит) (1900—Тошкент—1938.8.10) — таржимон ва журналист. Меҳнат фаолияти 1919 й.да бошланган. «Ер юзи» жур.да масъул котиб (1925). Ўзбекистон Давлат нашриётида адабий ходим ва муҳаррир (1930—31), «Китоб ва инқилоб» (1932—33) ва «Гулистон» (1934—37) жур.ларида масъул котиб. «Биров», «Бир киши», «Газетачи», «Калтадум», «Китобхон», «Қўзкулоқ», «С.С.», «Сиддиқов», «Тошкентлик» тахаллуслари б-н асарлар ёзган. «Адабий таржима санъати» (1936) китоби муаллифи. С.С. адабий таржима масалаларига бағишланган мақолалари ва китоби б-н ўзбек таржимашунослик илмига асос солган. У Лope де Веганинг «Қўзибулоқ қишлоғи», Н. В. Гоголнинг «Ревизор», Н. Погодининг «Менинг дўстим», В. Киршонининг «Ажойиб қуюлма» пьесалари ҳамда Ас-Ҳабиб Вафонинг «Бомбей», Убайд Зоконийнинг «Мушук ва сичқон қиссаси», Л. Н. Толстойнинг «Кавказ асири» қиссаси, П. Павленконинг «Шарқда» романини ўзбек тилига таржима қилган.

САНИДИН (юн. sanidos — тахтача) — жинс ҳосил қилувчи минерал, ишқорли *дала шпатлари*нинг тури. (K, Na) $[Si_3O_8]$. Кристаллари моноклин сингонияли, таркибида $KAlSi_3O_8$ 37% дан кам бўлмаган ҳолатда триклин структура (юқори т-рали *альбит*)га ўтиб боради. Шаффоф, рангсиз. Қаттиқлиги 6. Зичлиги 2600 кг/м³. Мўрт. Пайдо бўлиши магматик. Эффузив ва гипабиссал нордон ва ишқорли тог жинсларида кенг тарқалган. Сопол буюмлар и.ч.да қўлланилади.

САНИТАРИЯ (лот. sanitas — соғлиқ) — атроф муҳитни соғломлаштиришга қаратилган амалий тадбирлар мажмуи. Эпидемияга қарши ҳамда С.-гигиенага оид талаб ва меъёрларни ишлаб чиқади ва амалга татбиқ этади. Турар жой, саноат, озиқ-овқат С.си фарқ қилинади.

С.нинг и.ч. ва меҳнат бўлими қулай ҳамда хавфсиз меҳнат шароитини яратиш учун С. -соғломлаштириш тадбирлари комплексини амалга оширади. И.ч. корхоналари ва турар жой-маиший хоналарини гигиена талабларига кўра озода сақлаш, ҳавосини алмаштириб туриш, ёритиш, иситиш (микроиқлим) меъёрларига мослиги масалалари б-н шуғулланади.

С.нинг турар жой, коммунал бўлими аҳоли пунктларини режалаштириш, қуриш, кўкаламзорлаштириш, сув таъминоти, чиқиндилардан тозалаш ва канализация, турар жой ва умумий фойдаланиш объектлари (ҳаммомлар, умумий яшаш жойлари, сартарошхоналар ва дам олиш-соғломлаштириш масканлари)ни назорат қилиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза этиш, транспорт ва и.ч. шовқинларига қарши курашиш масалаларини ўз ичига олади.

С.нинг озиқ-овқат бўлими озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлаш корхоналари ҳамда тегишли савдо ташкилотлари, шунингдек, ушбу объектлардаги ходимлар саломатлиги устидан назорат ўрнатади. Рационал овқатланиш усулларини амалиётга киритади. Озиқ-овқат токсикоинфекцияси ва интоксикациясидан огоҳлантиради.

С.нинг *радиацион гигиена* бўлими радиация хавфсизлигини назорат қилишни таъминлаш масалаларини ўрганади ва талабирлар ишлаб чиқади.

С.нинг мактаб гигиенаси бўлими болалар муассасаларида: мактаблар, болалар ясли-боғчалари, лицейлар, коллежлар, санаторий ва дам олиш масканларида мунтазам равишда С. назоратини ўрнатиш ҳамда С.-эпидемиология тадбирлари самарадорлигини аниқлаш вазифаларини бажаради.

Ўзбекистонда С. талабирларини Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги давлат санитария-эпидемиологии назорати департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг шу соҳага ихтисослаш-

ган марказлари амалга оширади. С. тадбирларини ўтказиш ва уларни назорат қилиш барча тиббиёт ходимларининг, жумладан, С. врачларининг мажбурияти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг С. қонунлари умумий ва юқумли касалликларни камайтириш ва йўқотиш, турар жой пунктларини режалаштириш С. талаб-меъёрларини бажариш, сув ҳавзалари, тупроқ ва атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга қаратилган кенг миқёслаги режали соғломлаштириш, эпидемияга қарши санитария тадбирларини назарда тутади ва белгилайди, шунингдек, С. қонунлари муассасалар, қурилишлар, озиқ-овқат объектлари, болалар муассасаларида соғломлаштириш тадбирларини ўтказишни ва озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ хўжалиги эҳтиёж молларини ишлаб чиқиш, сақлаш, ташиш, шунингдек, чегараларнинг санитария муҳофазасини белгилаб беради.

САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ ИНСТИТУТИ — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли и.т. муассасаси. 1934 й.да Тошкент ш.да ташкил этилган. Дастлаб Санитария и.т. институти деб номланган. 1940 й.да Меҳнат гигиенаси ва касб касалликлари ин-тига айлантирилди. 1956 й.дан ҳоз. номда. Ин-тда 4 илмий бўлим, 12 лаб., 100 ўринли клиник касалхона, диспансер бўлими, аспирантура, виварий, кутубхона бор (2004).

Ин-т ходимларидан 35 киши фан д-ри, проф., 171 киши фан номзоди, жумладан, 1 киши Ўзбекистон ФА акад. (*Т.И. Искандаров*), 1 киши (Ш. Т. Отабоев) Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати, 2 киши Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач.

Ин-т ходимлари томонидан иссиқ иқлим шароитида ташқи муҳитни зарарли омиллардан муҳофаза қилиш, ташқи муҳитнинг ифлосланиш даражасини олдиндан башорат этиш, қ.х ва саноат корхоналарида меҳнат шароити ҳамда режимини яхшилаш, касалликларни камайтириш, болалар ва ўсмирлар соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, овқатланишнинг гигиеник асосларини ишлаб чиқиш каби долзарб масалалар устида талқиқот олиб борилади. Ин-т монография, дарслик, услубий қўлланмалар ва илмий ишлар тўплами нашр этади.

САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИЯ СТАНЦИЯСИ (СЭС) (ЎзРда) — санитария-эпидемиология хизматининг асосий ихтисослаштирилган муассасаси. 1952 й.да ташкил этилган. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1999 й. 2 дек. буйруғи асосида қайта ташкил қилинди.

1955 й.да Ўзбекистонда санитария-эпидемиология хизмати таркибига ўзгартиришлар киритилди. Давлат санитария инспекцияси, СЭС, *бензак* ва *врачлик пункт*ларини (қора оқсоқолга қарши иш олиб борган муассасалар бирлаштирилиб, ягона ҳудудий СЭС ташкил этилди. 1967 й.да Ўзбекистонда санитария эпидемиология хизмати фаолиятини такомиллаштириш мақсадида туман СЭС ларининг мустақиллигини тиклаш тўғрисида қарор қабул қилинди ва 1956 й.да туман марказий касалхонасига бириктириб қўйилган туман СЭС лари мустақиллиги таъминланди. СЭС таркибига санитария-гигиена, эпидемиология ва дезинфекция бўлимлари киради. СЭС ташқи муҳитни (айниқса, саноат корхоналари жойлашган ҳудудларда) соғломлаштириш тадбирлари устидан санитария назорати ўрнатиш, юқумли, паразитар ва касб касалликларининг олдини олиш ва йўқотиш каби тадбирларни амалга оширади. Баъзи СЭС ларда ўта юқумли, огир инфекцияларнинг олдини олиш бўлимлари; радиологик гуруҳ ва б. бор. Ҳоз. Ўзбекистонда 237 та СЭС бўлиб, унда 3622 врач ва 9767 ўрта тиббий ходим хизмат қилади (2004).

САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ХИЗМАТИ (ЎзР да) — *давлат санитария-эпидемиология назорати*нни амалга ошириладиган, санитария-профилактика ва эпидемияга қарши чоралар ишлаб чиқиш ва уларни амалда татбиқ этиш б-н шуғулланадиган давлат муассасалари тизими. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш вазирлигининг давлат санитария-эпидемиология назорати департаменти-дан, ҳудудий санитария-эпидемиология ст-ялиридан, айрим соҳа вазирликлари қарамогидаги санитария-эпидемиология хизматидан ташкил топган. Хизматни давлат бош санитария врачи — ЎзР соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари бошқаради.

С.-э.х.ни бошқарувчи шахслар эпидемияга қарши санитария тадбирларини ўтказилишини талаб қилиш, бажарилиши лозим бўлган барча гигиеник масалалар юзасидан тегишли хулосалар бериш, истеъмолга яроқсиз деб топилган озиқ-овқат маҳсулотларини йўқотиш ҳақида қарор чиқариш ва б. ҳуқуқларга эга. Шунингдек, улар юқумли касаллик б-н оғриган кишиларни касалхонага ётқизишини, *дезинфекция* ўтказилишини таъминлайди, зарур ҳолларда *карантин* эълон қилади. С.-э.х. муассасалари аҳолини *иммунлаш* масалалари б-н ҳам шуғулланади (қаранг. *Санитария-эпидемиология станцияси*).

САНКТ-ПЕТЕРБУРГ (Петербург) (1914—24 й.ларда Петроград, 1924—91 й.ларда Ленинград) — РФдаги шаҳар, *Ленинград вилояти* маркази, федерал аҳамиятга эга шаҳар. Россиянинг иқтисодий, илмий ва маданий марказларидан бири, мамлакатнинг энг йирик транспорт тугуни. Т.й. ва автовокзаллар, халқаро аэропорт бор, денгиз порти, қаҳрамон шаҳар, Волга — Балтийск сув йўлининг охирги пункти. Нева бўйи пасттекислигининг тарбий қисмида, Фин кўлтигига Нева дарёси қуйиладиган ерда ва Нева дельтасидаги 42 оролда жойлашган. Иқлими денгиз иқлими, қиши юмшоқ, ёзи нисбатан салқин, об-ҳавоси ўзгарувчан. Янв.нинг ўртача т-раси —7,9°, июлники 17,7°. Йиллик ёғин 585 мм. Ёзнинг 1-ярмида «оқ тунлар» ҳодисаси кузатилади. С.-П. ҳудуди 570 км² (Санкт-Петербург шаҳар маъмуриятига қарашли шаҳарлар ва шаҳарчалар ҳудуди б-н бирга 1350 км²дан зиёд). Аҳолиси 4188,6 минг киши (С.-П. шаҳар маъмуриятига қарашли аҳоли пунктлари б-н 4748,5 минг киши, 1998). Шаҳар чегараси доирасида 40 дан зиёд дарё ва 20 дан зиёд канал мавжуд (умумий уз. 160 км дан ортиқ). Нева дарёсининг шаҳар ҳудудидаги эни 340—650 м, чуқ. 14—23 м. С.-П. ҳудудининг анча қисми денгиз сатҳидан 1,2—3 м дан баланд бўлмаган текисликларда жойлашган. Шу боис шаҳарнинг бу туманларида, асосан, Фин кўлтигининг шарқий қисмида шамол таъсирида сув босиши хавфи бор. С.-П.ни сув босишидан ҳимоялаш учун Нева ва Фин кўлтиқлари чегарасида 1980—90 й.ларда гидротехник мажмуа қурилган.

Санкт-Петербург. Сарой майдони.

Бош штаб аркаси.

С.-П. жойлашган ҳудуд 9—10-а.ларда новгородликларга қарашли (13-а.дан Ижора ери номи б-н машҳур) бўлган. 15-а.да С.-П. ўрнида Новгород Республикасига қарашли қишлоқлар жойлашган. 1478 й.да Рус давлати таркибида. 17-а. бошларида шведлар Нева соҳилларини ишғол қилиб, Охта дарёсининг қуйилиш жойида Ниеншанц қалъасини бунёд этдилар. Рус қўшинлари 1703 1 (12) майда бу қалъани ишғол қилдилар ва 16 (27) майда Пётр I Заячий о.да Санкт-Питербурх (кейинроқ Петропавловск) қалъасига асос солди. 1703—04 й.ларда Котлин о.да Кронщлот қалъаси бунёд этилган (1723 й.дан *Кронштадт*). 1704 й. Неванинг чап соҳилида Бош Адмиралтействога асос солинди. 1705 й.да унинг атрофида Адмиралтейство қалъаси қад кўтарди.

С.-П.га асос солиниши Россиянинг Болтиқ денгизига ва у орқали Европага чиқиш учун олиб борган кўп йиллик кураши самараси бўлди. Шаҳар саноат маркази сифатида тез ўсди. 18-а. охиридаёқ шаҳарда 160 саноат корхонаси бор эди. 1708 й.дан С.-П. Ингерманланд, 1710 й.дан С.-П. губерняси маркази. 1712—28 ва 1732—1918 й.ларда — Россия пойтахти. Бу ерда подшо саройи (1712 й.дан), Сенат (1713 й.дан), коллегиялар (1718 й.дан; 1802 й.дан вазирликлар) ва б. давлат муассасалари жойлашган.

Шаҳар мамлакатнинг сиёсий, саноат, илмий ва маданий маркази сифатида ривожланди. 1710 й.да Троица ва Мукаддас Александр Невский монастирига асос солинди (1797 й.дан Александр Невский лавраси). 1712—13 й.ларда Россия императорларининг хилхонасига айланган Петропавловск собори қурилди. 1711 й.да Россиядаги биринчи ҳукумат босмахонаси очилди. 1714 й.да Пётр I нинг шахсий коллекцияси асосида Россиядаги биринчи музей — Кунсткамера фаолият кўрсата бошлади. 1725 й.да мамлакатнинг бош илмий маркази Петербург ФА таъсис қилинди. 1756 й.да Россиядаги биринчи доимий, оммавий театр ташкил этилди. 1757 й.да Россия тасвирий санъатининг тараққиётида катта мавқега эга бўлган Петербург тасвирий санъат академиясига асос солинди. 18-а. ўрталарида Смольний монастири ансамбли, қишки сарой қад кўтарди. 1814 й.да мамлакатда биринчи бўлган жамоат кутубхонаси (ҳоз. *Россия миллий кутубхонаси*) очилган.

19-а.да ва 20-а. бошларида С.-П. — саноат-жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларининг бош маркази. 1825 й. 14 дек. да шаҳрнинг Сенат майдонида подшо ҳукуматига қарши қаратилган биринчи қуролли чиқиш — декабристлар қўзғолони бўлиб ўтди. 1881 й. 1 мартда «Народная воля» террорчилари томонидан император Александр II отиб ўлдирилди. 1905 й. 9 янв.да халқ намойиши қатнашчилари отиб ташланди. 1-жаҳон урушини бошланишидан кейин 1914 й.нинг 1 авг.да шаҳарга янги «Петроград» номи берилди. 1917 й.да Петроградда Февраль инқилоби ва Октябрь тўнтариши содир бўлди. Чор ҳукумати ағдарилгандан кейин шаҳарда Россия Вақтли ҳукумати органлари жойлашган. 1917 й. окт.да Петроградда шўролар ҳокимияти ўрнатилди. 1918 й.дан пойтахт Москвага ўтказилиши б-н шаҳар ўз мавқеи бўйича мамлакатнинг 2-шаҳри бўлиб қолди. 1924—91 й.ларда Ленинград деб юритилди. 1927 й.дан Ленинград вилояти маркази. 2-жаҳон уруши йилларида шаҳар немис фашистлари ва фин қўшинлари томонидан қамалда бўлди (1941 й. 8 сент. — 1944 й. 27 янв.). Уруш даврида Ленинград оғир талафот кўрди. Расмий маълумотлар бўйича очликдан 641 минг (тарихчилар ҳисоби бўйича 800 мингга яқин) ленинградлик халок бўлди 1945 й.да Ленинградга «Қаҳрамон шаҳар» унвони берилди. 1991 й.да шаҳар қайтадан ўзининг тарихий «Санкт-Петербург» номи б-н аталди.

С.-П. — йирик машинасозлик ва фантехника б-н боғлиқ саноат тармоқлари маркази (кемасозлик, энергомашинасозлик, приборсозлик, радиоэлектроника ва мудофаа б-н боғлиқ саноат корхоналари мавжуд); қора ва рангли металлургия, кимё, енгил, озиқ-овқат, полиграфия саноатлари бор. 1955 й.дан метрополитен ишлайди.

С.-П.да Россия ФАнинг илмий маркази, кўп сонли илмий тадқиқот ин-тлари, 43 олий ўқув юрти (шу жумладан, ун-тлар, консерватория фаолият кўрсатади. Шаҳарда 20 театр (шу жумладан, Мариинский, М. П. Мусоргский номидаги опера ва балет театрлари, Катта драматик театр ва б.), филармония, цирк, 47 музей (шу жумладан, Эрмитаж, Рус музейи, Санкт-Петербург тарихи музейи, Россия ФАнинг Буюк Пётр номидаги антропология ва этнография музейлари) ишлаб турибди. С.-П.да 18—19 а.ларга оид меъморий ансамблар: Петропавловск қалъаси мажмуаси, Александр Невский лавраси, Смольний, Василий ороли ёйи (Биржа биноси б-н бирга), Қишки сарой, Александр устуни ва Бош штаб аркаси б-н бирга Сарой майдони, Пётр I га ўрнатилган ҳайкал ва Исаакиевский собор б-н бирга Декабристлар (аввалги Сенат) майдони; Невский проспект ансамбли: Қозон собори, меъмор Росси кўчаси б-н бирга Россия академик драма театри ва Россия миллий кутубхонаси, Марс майдони, Ёзги боғ ва мухандислик қисри мавжуд. Классицизм ва ампир услубида қурилган ёдгорликлардан: Тасвирий санъат академияси, Кунчилик ин-ти, Нарва дарвозалари бинолари, кўприклар сақланган. 1960 й.да Пискарёв қабристонида меъморий-мемориал мажмуа бунёд этилди. С.-П. атрофида Пётр I ҳайкали.

Санкт-Петербург. Пискарёв қабристонидаги мемориал ансамбль.

рофида: *Петродворец* (Петергоф), Пушкин (Царское Село), Павловск, Гатчинада сарой-парк ансамбллари (18—19-а.лар) бор. С.-П. — Россия ва халқаро туризмнинг муҳим маркази. 2003 й.да С.-П.нинг 300 й.лик юбилейи кенг нишонланди.

САНКТ-ПЕТЕРБУРГ УНИВЕРСИТЕТИ — Россиядаги йирик олий ўқув юртларидан бири, илмий марказ. 1819 й. Бош педагогика ин-ти негизида ташкил этилган. 1820 й. очилган. Дастлаб фалсафа-юридик, тарих-филол., физика-математика ф-тлари бўлган. 1854 й. шарқ тиллари ф-ти ташкил этилган. Ун-т подшо Россиясининг етакчи илмий ва маданий марказларидан бири ҳисобланган. Ун-тда Н. Г. Чернишевский, Д. И. Писарев, И. П. Павлов, К. А. Тимирязов, И. И. Мечников, Н. Н. Миклухо-Маклай, В. В. Вересаев, А. А. Блок, Д. Бедний, А. С. Серафимович, А. Н. Бенуа, М. А. Врубель, М. И. Глинка, А. К. Глазунов, В. И. Качалов ва б. таълим олган. 20-а.нинг 60-й.ларидан 2 ўқув-илмий мажмуа (Васильев о. ва Петродворец) тизимидир. Физика, мат., кимё, биол., геология, геогр., тарих, фалсафа, психология, филол., шарқшунослик, сиёсатшунослик, ҳуқуқ ва б. ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди. Ун-тда 17 ф-т, 200 га яқин кафедра, 10 и.т. институти, 200 и.т. лаборатория ва ст-я, расалхона, 2 музей, илмий кутубхона (4 млн.дан ортиқ асар), нашриёт, рус тили маркази, бир нечта ин-т, олий пед. курси, гимназия, интернат-мактаб бор. Ун-тда 17 мингга яқин талаба таълим олади, 4 мингдан ортиқ илмий педагогик ходим ишлайди.

САНКХЬЯ (санскритча, айнан — сон, ҳисоблаш) — ҳинд фалсафасидаги 6 ортодоксал (*ведаларни* эътироф этувчи) тизимдан бири. Тахм. мил. ав. 7-а.да донишманд Капила асос солган. У «Санкхья сутра» асарини ёзган, лекин бизгача етиб келмаган. С. 3—4-а.лардан 8—9-а.ларгача ривожланган (классик С. деб аталган). С. таълимотига кўра, олам асосида 2 ибтидо — пракрити (материя) ва пуруша (руҳ) ётади. Пракрити барча нарсаларнинг асосини ташкил этувчи модднй субстанция бўлиб, у алабий ва бир бутундир. Унинг боши ҳам, охири ҳам йўқ. У ҳеч ким томонидан яратилган эмас. Пуруша — руҳий субстанциядир. У пассив, ҳеч нарсани яратишга қодир эмас. Табиатдаги барча ҳодисалар сатва (онг), ражас (фаоллик), тамас (пассивлик) деб аталувчи учта куч (гуна)нинг ўзаро муносабатига боғлиқдир. С. таълимоти *вайшешика, ньяя, миманса* таълимотларига таъсир кўрсатган.

САНКЦИЯ (лот. sanctio — қатъий қарор) — 1) ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланиладиган ва унинг учун муайян оқибатлар келтирувчи чора. С. характери ва қайси орган томонидан қўлланилишига қараб жиноий-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий, интизомий-ҳуқуқий С. га бўлинади. Жиноий-ҳуқуқий С. (озодликдан маҳрум қилиш, сургун ва ҳ.к.) фақат суд томонидан қўлланилади; маъмурий-ҳуқуқий С. (жарима, маъмурий қамоқ) милиция, полиция, давлат инспекцияси ва ш.к. томонидан; интизомий-ҳуқуқий С. (лавозимини пасайтириш, ишдан бўшатиш) — *мансабдор шахслар* ва маъмурият томонидан; мулкий С. (мас., қонда бузувчининг жабрланувчига етказилган зиённи тўлаши ёки жабрланувчи фойдасига ундириб берилиши, битим, шартнома ёки контрактни ҳақиқий эмас деб топиш, неустойка тўлаш ва ш.к.) суд, хўжалик суди томонидан алоҳида чора сифатида ёки бошқа чоралар б-н биргаликда қўлланилади; 2) умумий ҳуқуқий норманинг мазкур нормани бузувчига нисбатан таъсир кўрсатиш чорасини ичига олган бир қисми; 3) жиноятда гумон қилинган шахсга нисбатан мажбурий чора (қамоққа олиш, тинтув ва б.) кўриш учун прокурор томонидан бериладиган рухсат; 4) халқаро ҳуқуқда — ўз халқаро мажбуриятларини ёки халқаро ҳуқуқ нормаларини бузган давлатга нисбатан қўлланиладиган таъсир чораси (қамал, бойкот, эмбарго, репрессалиялар, реторсиялар ва нарсани тасдиқлаши, ижозати.

САН-ЛАВРЕНТИЙ ДАРЁСИ — Канададаги дарё, қисман Канада б-н АҚШ чегарасида. Буюк кўллар системасини боғлаб туради. Уз. 1200 км (Онтарио кўлидан оқиб чиқиб Сан-Лаврентий кўлтиғига қуйилади). Юқори кўлга қуйиладиган Сен-Луи ирмоғидан бошлаб уз. 3350 км. Квебек ш.дан қуйироқда уз. 400 км, кенглиги 50 км ли эстуарий ҳосил қилади. Ҳавзасининг майд. 1290 минг км². Асосий ирмоқлари: Оттава, Ришелье. Кўл ва тўғонлар сув оқимини тартибга солиб туради. Ўртача сув сарфи 14 минг м³/сек. Декдан апрелгача музлайди. С.-Л.д.да Буюк кўллар б-н биргаликда АҚШ ва Канаданинг ички ҳудудларини Атлантика океани б-н боғлаб турувчи муҳим сув йўли ўтган. Кўл ва каналлар орқали Гудзон дарёсига туташган. Онтарио кўли б-н Монреаль ш.гача бўлган қисмида гидроузеллар ва сув омборлари каскади, йирик ГЭСлар қурилган. Йирик шаҳар ва портлари: Кингстон, Корнуолл, Монреаль, Квебек ва б.

САН-ЛАВРЕНТИЙ ҚЎЛТИҒИ — Атлантика океанидаги кўлтиқ. Канаданинг шарқий қирғоқлари яқинида. Ньюфаундленд ва Кейп-Бретон о.лари С.Л.қни океандан ажратиб туради. Гидрологик режимига кўра, ярим ёпиқ денгиз. Майд. 249 минг км². Чуқ. 538 м. Сан-Лаврентий дарёси қуйилади. Сув қалқиши ярим суткалик (2 м гача). Декдан майгача муз б-н қопланади. Айсберглар сузиб юради. Балиқ овланади. Соҳилида Сеть-Иль, Квебек ш.лари жойлашган.

САН-ЛУИС — Бразилиянинг шим.-шарқий қисмидаги шаҳар. Сан-Луис о.да, материк б-н Сан-Маркус бўғозига қурилган кўприк орқали боғланган. Маранъян штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 867,7 минг киши (2000). Транспорт йўллари тугуни. Атлантика океани соҳилидаги порт (четлантика пахта, пальма ёнғоғи ва мойи чиқарилади). Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Озиқ-овқат, тўқимачилик, полиграфия саноати корхоналари; ун-т бор. Шаҳарга 1612 й.да асос солинган.

САН-ЛУИС-ПОТОСИ — Мексикадаги штат. Майд. 62,8 минг км². Аҳолиси 2,3 млн. киши (2000). Маъмурий маркази — Сан-Луис-Потоси ш. Мексика кўлтиғидан Шарқий Сьерра-Мадре тоғлари б-н ажратилган берк ҳавзадан иборат. Иқлими ёзи иссиқ ва қиши совуқ тоғ-тропик, қуруқ иқлим. Ўртача ойлик т-ралар 9—25°. Йиллик ёғин 400 мм дан зиёд. Иқтисодиётида қ.х. етакчи тармоқ. Қўйчилик, сут чорвачилиги ривожланган. Ёввойи ўсадиган ўсимликлар терилади. Полиметалл рудалар қазиб олинади. Рангли металлургия, озиқ-овқат, тўқимачилик корхоналари бор.

САН-ЛУИС-ПОТОСИ — Мексиканинг марказий қисмидаги шаҳар. Мексика тоғлигида, 1877 м баландликда жойлашган. Сан-Луис-Потоси штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 669,3 минг киши (2000). Транспорт йўллари тугуни. Кончилик (кумуш, қўрғошин, рух, мис) р-нинг қад. маркази. Қора ва рангли металлургия, қ.х. машинасозлиги, кимё, озиқ-овқат, тўқимачилик саноати корхоналари, т.й. устахоналари; ун-т бор. Шаҳарга 16-а. охирларида асос солинган, 17—18-а.ларга оид меъморий ёдгорликлари сақланган.

САН-МАРИНО (San Marino), Сан-Марино Республикаси (Repùblika di San Marino) — Жан. Европада, Апеннин я.о.да, Адриатика денгизи соҳилидан 13 км узоқликда жойлашган давлат. Италия ҳудуди б-н ўралган. Майд. 61 км². Аҳолиси 27730 киши (2002). Пойтахти — *Сан-Марино* ш. Маъмурий жиҳатдан 9 округ (қўрғон)га бўлинган.

Давлат тузуми. С.-М. — республика. Амалдаги конституцияси («Статут» — С.-М. Республикаси давлат тузилиши тўғрисидаги қонунлар мажмуаси) 1600 й. 8 окт.да маъқулланган. Кейинчалик унга тузатишлар киритилган. Катта Бош Кенгаш томонидан 6 ой муддатга сайланадиган икки капитан-регент давлат бошлиғи вазифасини бажаради. Қонун чиқарувчи олий орган — Катта Бош кенгаш (бир палатали парламент). Ижроия ҳокимиятини капитан-регентлар Давлат конгресси (ҳукумат) б-н биргаликда амалга оширади.

Табиати. С.-М. — тоғли мамлакат. Апеннин тоғлари этагидаги Титано тоғи (бал. 738 м) ён бағрида жойлашган. Олтингугург кони бор. Иқлими Ўрта денгизга хос, субтропик (энг иссиқ ойда ўртача т-ра 23°, энг совуқ ойда 2,5°), қишда баъзан қор ёғади. Ўртача йиллик ёғин — 800—900 мм. Субтропик ўсимликлар, эман ва каштанзорлар бор. Қуш кўп.

Аҳолиси — асосан, санмариноликлар. Расмий тил — итальян тили. Аҳолисининг 15%га яқини чет элларда, асосан, Италияда, шунингдек, Францияда ва АҚШда яшайди. Шаҳар аҳолиси 89,3%. Диндорлари — католиклар. Йирик шаҳарлари: Сан-Марино, Серравалле, Борго-Мажоре.



Сан-Марино герби.

Сан-Марино байроғи.

Тарихи. С.-М. Европадаги қад. давлатлардан ҳисобланади: тарихи 301 й.дан бошланади. Ривоятларга қараганда, унга Далмациядан қочиб келган христиан динидаги тошкесар Марино асос солган (кейинчалик уни авлиё деб аташган, «сан» олд қўшимчаси шундан келиб чиққан). Биринчи бор Сан-Марино Республикаси номи 10-а. ҳужжатларида қайд этилган. 1740 й. Рим папаси республика мустақиллигини тан олган. Ягона Италия давлати ташкил этилгач (1861), С.-М. 1862 й.да Италия б-н дўстлик ва тотув қўшничилик тўғрисида шартнома тузган. 1923 й. С.-М.да ҳокимиятни фашистлар эгаллади. 2-жаҳон урушида С.-М. бетарафлик эълон қилган бўлса-да, 1944 й. 4 сент. да немис фашистлари уни босиб олди, аммо тез орада озод қилинди. Урушдан кейинги йилларда мамлакат муҳим халқаро туризм масканларидан бирига айланди. С.-М. — 1992 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 3 сент. — Республика асос солинган кун (301).

Асосий сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари. С.-М. социалистик партияси, 1896 й. тузилган; С.-М. христиан демократик партияси, 1945 й. ташкил этилган; Демократлар партияси, 2000 й. тузилган; С.-М. коммунистик ўзгартириш партияси; С.-М. тараққийпарвар демократик партияси, 1990 й. асос солинган; С.-М. миллий уюшмаси, 2001 й. ташкил этилган. С.-М. меҳнаткашлари демократик конфедерацияси, 1957 й. тузилган; С.-М. меҳнат конфедерацияси, 1945 й. асос солинган.

Хўжалиги. С.-М. саноати ва ҳунармандчилиги ички эҳтиёж ва чет эл сайёҳларига хизмат қилишга ихтисослашган (1 й.да 3 млн. сайёҳ келиб кетади). Бундан ташқари, тўқимачилик, цемент, қоғоз, кўнчилик, металл ишлаш, кимё, мебель, керамика, виночилик, ун, ёғ н.ч. корхоналари ҳам бор. Ҳунармандчилик (эсдалик совғалар, қимматбаҳо тош ва ёғоч буюмлари и.ч.) ривожланган. Нумизматлар учун тангалар ва почта маркалари чиқарилади. Италиянинг машинасозлик ва б. фирмалари филиаллари бор. Қишлоқ аҳолиси, асосан, галлачилик (буғдой, маккажўхори), токчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Электрлаштирилган т.й. ва автомобиль йўли С.-М.ни Италиянинг Римини ш. ва порти б-н боғлайди, мамлакатнинг ташқи савдоси шу шаҳар орқали амалга оширилади. Четдан саноат хом ашёси, энергия манбалари, озиқ-овқат олади, четга вино, машинасозлик ва кимё маҳсулотлари, сувенирлар чиқаради. Пул бирлиги — Италия лираси.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Нашр этиладиган асосий газ.лар: «Аргоменти» («Далиллар», ойлик газ.), «Нуово Титано» («Янги Титано», 2 ҳафтада бир марта чиқадиган газ., 1902 й.дан), «Прогрессо» («Тараққиёт», ойлик газ., 1944 й.дан), «Сан-Марино» (2 ҳафтада бир марта чиқадиган газ., 1948 й.дан). Миллий ахборот агентлиги йўқ. «Сан-Марино РТВ» радиотелевизион хизмати (1991 й.дан) ва «Радио Титано» радио ст-яси бор.

Меъморлиги ва санъати. Девор б-н ўралган пойтахтдаги ёнма-ён қурилган 1—3 қаватли уйлар тог қияликларида терраса ҳосил қилиб жойлашган. Сан-Марино ш.да 13—16-а.ларга оид минорали шаҳар деворлари (Иль Монтале, 13-а.), Ла Рокка (11-а.) ва Ла Честа

Сан-Марино шаҳридаги қалъа.



(15-а.) қўрғонлари қолдиқлари сақланган. Ўрта асрлар ва Уйғониш даврига оид бино ва черковлар; 18—19-а.ларда кўп марта таъмирланганлиги сабабли дастлабки қиёфаси ўзгариб кетган. 14—17-а.ларда яратилган санъат асарлари намуналари сақланиб қолган. Тош ўймакорлиги ва керамика амалий безак санъатининг анъанавий турларидир. С.-М.да Давлат кутубхонаси, Давлат архиви; Давлат музейи, Давлат расмлар галереяси, Қад. қуроллар музейи бор.

САН-МАРИНО — *Сан-Марино* давлати пойтахти. Аҳолиси 3,4 минг киши. Монте-Титано қирларида жойлашган. С.-М.да ҳукумат ва давлат муассасалари, типография, газ. таҳририятлари жойлашган. Музей, кутубхона бор. Туризм ривожланган. Меъморий ёлғонликлардан черков, монастирь, ҳукумат саройи, собор сақланган.

САН-МАРТИН (San Martin) Хосе де [1778.25.2, Ямео, Корриентес провинцияси — 1850.17.8, Булонь (Франция)] — Жан. Америкадаги испан мустамлакаларида мустақиллик учун олиб борилган уруш (1810—26) раҳбарларидан бири, Аргентина миллий қаҳрамони, генерал, Анд армияси бош қўмондони. Аргентина, Чили ва Перу ҳудудларини испан мустамлакасидан озод қилган. Перунинг биринчи ҳукуматини бошқарган (1821—22). Мамлакатнинг иқтисодий ва ҳарбий ҳолатини мустаҳкамловчи ислоҳотлар ўтказган.

САН-МАРТИН — Патагония Анд тоғларининг шарқий ён бағирлари ва Патагония платосидаги музлик кўли. Чили ва Аргентина чегарасида. Майд. 1010 км². Қирғоқлари фьордасимон. Жан.-ғарбида кўлга О'Хиггинс музлиги келиб тушади. Паскуа дарёси орқали Тинч океанга оқади. Аргентинанинг миллий қаҳрамони Х. *Сан-Мартин* номи б-н аталган.

САНО — Яман давлати пойтахти. Мамлакатнинг ғарбий қисмида, 2400 м баландликдаги водийда жойлашган. Аҳолиси 450 минг киши (1998). Иқлими тропик иқлим, янв.нинг ўртача тераси 13,7°, июлники 21°. Йиллик ёғин 600 мм гача. С. — мамлакатнинг савдо-транспорт ва саноат маркази. Автомобиль йўли орқали Ҳудайда порти (Қизил денгиз), Адан ва Макка ш.лари б-н боғланган. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Тўқимачилик, қурол-аслаҳа, мебель, тамаки, озиқ-овқат, цемент, пойабзал корхоналари бор. С. — ҳунармандчиликнинг йирик маркази: заргарлик ва уй-рўзғор буюмлари, газлама ва б. ишлаб чиқарилади. Шаҳар 1-а.дан маълум. 5—6 а.лардан Яманнинг сиёсий маркази. Ўрта асрларда С. орқали муҳим савдо йўллари ўтган. 7-а. ўрталаригача араб халифалиги нойибларининг қароргоҳи, 9-а. ўрталаридан 11-а.гача мустақил давлат пойтахти. 1546—1628 ва 1871—1911 й.ларда Туркия кўл остида бўлган. 1918—62 й.ларда Яман қироллиги, 1962—90 й.ларда Яман Араб Республикаси, 1990 й.дан бошлаб Яман Республикаси пойтахти. Меъморий ёлғонликлардан шаҳар кўрғони, Жоме ал-Кабир масжиди, карвонсаройлар сақланган. 1982 й.дан эълзилада шаҳар кучли зарар кўрган.

Сано шаҳри. Ҳукумат саройи.

САНО (Cassia), маккан сано, сенна — цезальжиндошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўт, бута ёки кичик дарахтлар туркуми. Поясн шохланган, пастки қисмидаги шохлари ерга тегиб ўсади. Барги мураккаб, жуфт патсимон, 5—10 жуфт ингичка барғчали; гули оқ ёки қизғиш, тўпгули шингилсимон. Чангчиси 10 та, шундан 3 таси кўпинча редукцияланган. Асосан, тропик ва субтропикларда (айниқса, Америкада) ўсадиган 500—600 тури бор. Тўмтоқ барғли, ингичка барғли ва ўткир барғли С. доривор. Арабистонда тарқалган. Ўрта Осиё, Қозоғистон, Закавказье, Украинанинг жан.да ўстирилади. Ўткир барғли С. нинг барги таркибида ични юмшатувчи антрагликозидлар бор. Баргидан порошок тайёрланади, қайнатиб суви ичилади.

Ўткир барғли сано: 1 — ўсимликнинг гуллаб турган қисми; 2 — меваси; 3 — уруғи.

САНОАТ, индустрия — халқ хўжалигининг жамият ишлаб чиқарувчи кучлари тараққиёти даражасига ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган етакчи тармоғи; С.нинг ўзи учун ҳамда халқ хўжалигининг бошқа соҳалари учун меҳнат қуроллари ва б. маҳсулотлар и.ч., шунингдек, хом ашё, ёқилғи қазиб олиш, энергия и.ч., ёғоч тайёрлаш, С.да ёки қ.х.да олинган маҳсулотларга ишлов бериш ва уларни қайта ишлаш б-н банд корхоналар (ф-каллар, з-длар, электростанциялар, шахталар, конлар ва б.) мажмуи. С. кенгайтирилган *такрор ишлаб чиқариш*нинг асосини ташкил этади ва *индустриал ўсиш*ни таъминлайди. 20-а.нинг 80-й.ларида қабул қилинган таснифлашга кўра, С. йириклаштирилган 18 тармоққа бўлинади: электроэнергетика; ёқилғи С.и; қора металлургия; рангли металлургия; кимё ва нефть кимёси С.и; машинасозлик ва металлга ишлов бериш; ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз С.и; қурилиш материаллари С.и; қурилиш-конструкциялари ва деталлари С.и; ойна ва чинни-фаянс С.и; енгил С.; озиқ-овқат С.и; микробиология С.и; ун-ёрма ва аралаш ем С.и; тиббиёт С.и; полиграфия С.и. Бу саноат тармоқлари ҳам ўз навбатида — *ишлов берувчи саноат* ва *ундирувчи саноат* турларига гуруҳланади.

С.нинг ижтимоий и.ч.нинг мустақил тармоғи сифатида вужудга келиши ҳунармандчиликнинг қ.х.дан ажралиб чиқиши — иккинчи энг йирик меҳнат тақсимоти б-н боғлиқ. Капиталистик С. Ғарбий Европа мамлакатларида 14—15-а.ларда пайдо бўлди ва оддий капиталистик кооперация, мануфактура ва йирик машина индустрияси — *фабрика* босқичларини босиб ўтди, 18-а. охири — 19-а. бошларида мануфактурадан машина индустриясига ўтиш дастлаб Англияда, кейинроқ бошқа Европа мамлакатларида *саноат тўнтариши* туфайли юзага келди. Россия ва б. айрим мамлакатларда С. 18-а. бошидан мануфактура кўринишида ривожланди, 19-а.нинг 2-ярмидан машина индустрияси тараққий этди.

Ўзбекистон ҳудудида С. тараққиёти илдизини узоқ тарихга эга бўлган ҳунармандчилик ташкил этган. Самарқанд, Бухоро, Урганч, Тошкент, Қўқон, Марғилон, Наманган, Андижон каби шаҳарларда майда ва йирик ҳунармандчилик ривож топди. Ўзбекистонда ҳақиқий маънодаги С.нинг пайдо бўлиши 19-а.нинг 2-ярмига тўғри келади. Ўрта Осиёнинг чор Россияси томонидан босиб олинишн натижасида ўлкага рус саноатчилари ва Россия капитали ҳам кириб келди ва хом ашёга бирламчи ишлов берадиган С. тармоқлари (пахта тозалаш, вино, арақ, консерва, пахта мойи з-длари) пайдо бўлди ва Ўзбекистонда С. Россия саноати ва иқтисодиёти б-н боғлиқ ҳолда ривожланди.

1913 й.да Ўзбекистон ҳудудида ялпи маҳсулот и.ч.да *оғир саноат*нинг улуши 2%ни, металл ишлаш 1%ни, енгил саноат 0,8%ни, озиқ-овқат С.и 14%ни ташкил этган эди. Кейинги салкам 100 йил давомида Ўзбекистон саноатида электроэнергетика, газ, нефть, кўмир, қора ва рангли металлургия, қ.х. машинасозлиги (тракторлар, пахта териш машиналари), автомобилсозлик, кабель, электроника, пахта тозалаш саноати машинасозлиги, самолётсозлик, ирригация-қурилиш машинасозлиги, кимё, цемент, қурилиш материаллари, тиббиёт, ёғ-мой, тўқимачилик, тикувчилик, озиқ-овқат ва б. саноат тармоқлари шакллланди.

20-а.нинг 20-й.ларидан бошлаб Ўзбекистонда С. 1-жаҳон уруши ва фуқаролар уруши натижасида инқирозга учраган майда, кустарь корхоналарни тиклаш асосида ривожлана бошлади. Пахта тозалаш з-длари, пиллакашлик, йигирув-тўқув, тикувчилик, пойабзал ф-каллари қурила бошлади (қ. *Енгил саноат*). 1937 й.да Тошкент тўқимачилик к-ти ишга туширилди. 20-а.нинг 40—50-й.ларидан *кўмир саноати, газ саноати, нефть саноати* жадал ривожлана бошлади.

1941—45 й.лардаги уруш даврида Ўзбекистонга 90 та саноат корхонаси кўчириб келтирилди, уларнинг кўпи машинасозлик, асбобсозлик корхоналари эди. Урушдан кейинги йилларда кўпгина корхоналар қурилиши натижасида машинасозлик тармоқлари кўпайди, самолётсозлик, асбобсозлик, моторсозлик, электроаппарат, электр двигатель, экскаватор, компрессор з-далари қурилди. Тошкент, Олмалиқ, Чирчиқ, Самарқанд, Навоий, Фарғона, Янгийўл, Наманган, Шўрсув ва б. шаҳарлар кимё индустрияси марказига айланди (қ. *Кимё саноати*). Бекобод, Чирчиқ, Тошкент ш.да қора металлургия, Навоий, Зарафшон, Олмалиқ, Учқудуқ ш.лари рангли металлургия марказлари ҳисобланади (қ. *Рангли металлургия*).

Ўзбекистонда йўловчи ва юк ташувчи самолёт ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан кейин С.да туб ислоҳотлар амалга оширилди, кўпгина тармоқлардаги С. корхоналари давлат тасарруфидан чиқарилди ва хусусийлаштирилиб, давлат-акциядорлик, корпоратив, жамоа, хусусий ва б. ташкилий-ҳуқуқий мулк шаклларига айлантирилди. Республика иқтисодиётида муҳим ўринда турадиган С. тармоқларида тузилмавий қайта тарқиблаш амалга оширилди, кўплаб кичик ва ўрта корхоналар ташкил топди (2000 й.да 6,4 минг ўрта, 20,4 минг кичик корхона ишлади). Чет эл капитали б-н ҳамкорликда кўпгина С. тармоқларида қўшма корхоналар ташкил этилди (қ. *Асака автомобиль заводи, «Бритиш Американ Тобакко», «Зарафшон-Ньюмонт», «Самкочбут-текстайл», «Кока-кола», «Самкочавто» қўшма корхонаси* ва б.). С. тармоқларига, айниқса, маҳаллий хом ашёни қайта ишлайдиган тармоқларга чет эл инвестицияларини жалб этиш фаол давом этмоқда. Республика саноатида тармоқларнинг тутган ўрни ҳар хил. С. тармоқлари орасида қ.х. маҳсулотларини қайта ишловчи ва агросаноат мажмуига хизмат кўрсатувчи тармоқлар таркибан етакчи мавқега эга. Булар пахта тозалаш, шойи тўқиш, консерва, ёғ-мой ва б. саноат тармоқларидир. Кимё ва нефть кимёси, машинасозлик, электроника, энергетика, металлургия, енгил ва қурилиш материаллари саноати жадал суръатларда ривожланмоқда. С. тараққиётида ёқилғи-энергетика комплексининг ўрни алоҳида. Унинг таркибига газ, кўмир, нефть ва нефтни қайта ишлаш саноати, энергетика киради. Ўзбекистон жаҳондаги 10 та йирик газ ишлаб чиқарувчи мамлакатлар жумласига киради.

Ўзбекистонда С. тармоқларида мулк шаклларини ўзгартириш ва таркибий ўзгартиришларни амалга оширишга қаратилган туб ислоҳотлар мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашни, Ўзбекистоннинг келажакда ривожланган мамлакатлар қаторга чиқишн ва жаҳон ҳамжамиятига қўшилишини таъминлайди.

2002 й.да Ўзбекистон С.да 1467 та ўрта ва йирик и.ч. бирлашмалари ва корхоналар ишлади. Бу корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар салмоғи умумий и.ч. ҳажмининг 88,5%ни ташкил этди. 396 дан ортиқ номдаги янги маҳсулотларни и.ч. ўзлаштирилди. Давлат корхоналари сони салмоғи 4,6%, нодавлат саноат корхоналари сони 95,4% ни ташкил этди. Саноат-и.ч. ходимларининг 20,5% давлат корхоналарида, 79,5% нодавлат корхоналарида банд бўлди. С. маҳсулотларини и.ч.нинг умумий ҳажмида давлат корхоналари ҳиссаси 28,6%ни, нодавлат сектор корхоналари ҳиссаси 71,4% дан иборат бўлди (яна *Автомобиль саноати, Енгил саноат, Ёғ-мой саноати, Машинасозлик саноати* каби саноат тармоқлари тўғрисидаги алоҳида мақолаларга қ.).

Чет эллларда С.нинг ривожланиши саноат жиҳатидан ривожланган мамлакатларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу мамлакатларда иқтисодиёт тараққиёти катта ҳажмда жамгарилган техника жиҳатидан илғор капитал асосида ва мавжуд юқори малакали ишчи

Автомобилсозлик Ўзбекистоннинг янги саноат тармоғи. «ЎзДЭУ авто» ва «Самкочавто» корхоналари йиғув цехлари.

кучи б-н таъминланади. Узарга АҚШ, Канада, Япония, кўпгина Ғарбий Европа мамлакатлари кирали.

Ад.: Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари, Т., 1997; Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда, Т., 1999; Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти, Т., 1998; Экономика Узбекистана и стран СНГ, Т., 2001; Ўзбекистон Республикаси, Т., 2001.

Нуриддин Мусаев.

САНОАТ ГРАФИКАСИ — амалий бадиий графика тури; саноат корхоналарининг маҳсулотлар и.ч. ва сотиш (товар ёрлиқлари, фирма белгилари, нашрий маркалар, ўров қутичалари, турли рекламалар) ҳамда и.ч.ни бошқариш (бланка, конверт ва ҳ.к.) соҳаларига бадиий хизмат кўрсатади. Ўз вазифасига кўра, савдо-саноат рекламасига жуда яқин, кўпинча унинг таркибий қисмига айланади. Замонавий С.г. бадиий лойиҳалаш (дизайн-графика) тизими таркибига кирали ва махсус бюроларда унга хос усуллардан кенг фойдаланади. С.г. бўйича кўргазмалар ҳам уюштирилади.

САНОАТ КАПИТАЛИ — саноат соҳасига қўйилган ва шу соҳада ишлатиладиган капитал. Тарихан С.к. қишлоқ хўжалиги, савдо, *судхўрлик*да қўлланилган капиталнинг саноатга кўчиши натижасида пайдо бўлган. Саноатдаги иқтисодий ресурсларнинг таркибан ҳар хил бўлиши сабабли С.к. 2 қисмга — *асосий капитал* ва *айланма капитал*га бўлинади. Бу қисмларнинг нисбати саноат и.ч. хусусиятларига қараб фарқланади. И.ч.нинг капитал сиғими катта бўлган тармоқларда, мас., машинасозлик ва кончиликда асосий капитал ҳиссаси, қимматбаҳо хом ашё ва бутловчи қисмларни ишлатувчи тармоқларда (заргарлик, электроника ва б.) айланма капитал ҳиссаси юқори бўлади. С.к. доиравий ҳаракат қилади. С.к.нинг доиравий айланиши пул шаклида (П) бошланади ва бу пулга бозордан зарурий ресурслар сотиб олиниб, корхонада қўлланилганда и.ч. омилларига айланади, улар ёрдамида товарлар яратилади, С.к.нинг қиймати товар (Т) шаклига киради. Товарлар бозорида сотилгандан кейин товар қиймати товар шаклидан пул шаклига (П′) айланади ва П′ дастлабки П дан катта бўлади. С.к.нинг доиравий айланиши шундай давом этади ва и.ч.нинг узлуксизлиги таъминланади. С.к. ўз доиравий айланиши натижасида *фойда* яратади, бу фойдани унинг эгаси тадбиркорлик даромади шаклида олади. Фойданинг бир қисми капиталлашади, яъни инвестицияга айланиб С.к.га қўшилади ва унинг ўсиши юз беради.

19-а. охири — 20-а. бошларида *монополия*ларнинг пайдо бўлиши натижасида С.к. банк капитали б-н қўшилиб кетди ва молия капитали вужудга келди (қ. *Капитал, Молия капитали, Пул капитали*).

Ҳамидхон Ўлмасов.

САНОАТ ТЎНТАРИШИ, саноат инқилоби — қўл меҳнатига асосланган мануфактура саноатидан машиналашган йирик индустрия (ф-ка, з-д)га ўтиш жараёнини ифодаловчи иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар тизими. Бу тушунча 19-а.нинг 2-ярмида А. *Тойнби* томонидан киритилган. С.т. ишлаб чиқариш машиналарининг ихтиро қилиниши ва қўлланилиши б-н бошланди, машиналарни машина томонидан и.ч., яъни машина саноати *(оғир саноат)* пайдо бўлиши б-н якунланди. С.т. фақат техникавий эмас, балки ижтимоий-иқтисодий бурилишдир, чунки у капитализм муносабатларининг тўла шаклланишига олиб келди. *Мануфактура* машина индустриясининг пайдо бўлиши учун шарт-шароит яратиб берди. С.т. қатор мамлакатларда капитализмнинг саноатдаги маълум ривожланиш босқичини ифодаловчи умумтарихий ҳодиса ҳисобланади, аммо мануфактурадан йирик машина индустриясига ўтиш шарт-шароитларининг етилиши жаҳон мамлакатларида ниҳоятда нотекис кечган.

С.т. 18-а.нинг 60-й.ларидан дастлаб Буюк Британияда бошланди. Бу мамлакатда 17-а.да юз берган буржуа инқилоби янги жамият ривожи учун кенг йўл очди. Англиянинг кенг мустамлакачилик тизими ҳам С.т.га катта таъсир кўрсатди, мустамлака бойликлари саноатга қўйилди. С.т. барча мамлакатларда енгил саноатда бошланиб, оғир саноатнинг шаклланиши б-н якунланган. Англияда ҳам дастлаб йигирув, кейинроқ тўқув машинаси ихтиро қилинди ва ип-газлама корхоналарида қўлланилди ва саноат ривожида машиналар даврини бошлаб берди. Машиналар сони ўсиши металлга бўлган талабни кескин оширди. Металлургияда янги усулда чўян ва пўлат олиш ривожланди (домна печлари). Машиналарнинг катта иш тезлиги янги энергия манбаини талаб этди (аввалги энергия қўл, оёқ кучи, оқар сувлар). 1780—1820 й.ларда тўқимачилик саноати ҳажми 16 мартадан ортиқ ўсди. Тўқимачилик саноатида бошланган бу ўзгаришлар жун, каноп, ипак саноатига ҳам ўтди. Буг машинасининг ихтиро қилиниши саноат энергетикасида бурилиш нуқтаси бўлди. Саноат ривожи, бозор алоқаларининг янада кенгайиши транспорт воситаларини такомиллаштиришни талаб этди. 19-а.нинг биринчи чорагида (1811) буг двигателига асосланган энг арзон ва қулай пароход транспорти ишга тушди, 1814 й. Ж. Стефенсон паровозини ихтиро қилди, 1825 й.дан темир йўллар ишлай бошлади.

19-асрнинг 20—30 й.ларида машина индустрияси мануфактура ва ҳунармандчилик устидан тўла ғалабага эришди. Англия йирик индустриал мамлакатга, яъни «дунё устахонаси»га айланди. Англияда бошланган С.т. кейинчалик байналмилал тус олди. Бу жараён Англиядан кейин Францияда (Буюк француз инқилобидан сўнг) бошланди, иккала давлат жаҳонда етакчи ўринни эгаллади. 19-а.нинг 60-й.ларида Италия, Германия, АҚШ, Россия ва Японияда ҳам йирик саноатнинг ривожланиши тезланди. 19-а. охирида АҚШ ва Германия жаҳонда етакчи ўринни эгаллади.

Саноат соҳасида и.ч. машиналар тизимига кўчганидан кейин етакчи мамлакатларда қ.х. ҳам тўла механизациялаштирилди. С.т. кўпгина (айниқса, мустамлака) мамлакатларда анча кейин рўй берди. С.т. объектив, кўп жиҳатдан стихияли ривожланиш оқибати бўлиб, биринчидан, иқтисодиётнинг кескин ўсишига олиб келди, йирик саноат етакчи ўринга чиқди, иккинчидан, йирик синфий ва ижтимоий ўзгаришларга сабаб бўлди. Феодал ва ярим феодал муносабатлар емирилди, капитализм тизими узил-кесил қарор топди.

Ад.: Экономическая история, М., 1967; Чет эл капитализм мамлакатларининг иқтисодий тарихи, Т., 1976.

Абдухалил Раззоқов, Эркин Алиқулов.

«САНОАТКОНТЕХНАЗОРАТ» — Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги кон саноатида ишларни бехатар олиб бориш, ер ости бойликларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, минерал хом ашёни сарфлашга оид қонунларга, меъёрий-техник, ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширувчи давлат инспекцияси. «С.» ваколатига кирувчи меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган тартибда кўриб чиқади ва мувофиқлаштиради, алоҳида иш турларига рухсатнома беради. Хавфсизлик техникасига доир меъёрий ҳужжатларни тайёрлайди ва тасдиқлайди; ҳарбийлаштирилган конъюктура қисмларига тезкор ва услубий раҳбарлик қилади.

Кўмир, кон-руда ва норуда, фойдали қазилмалар, нефть, газ қазиб олиш ва қайта ишлаш, кимё, металлургия саноатида, геол.-қидирув ташкилотларида, магистрал нефть-газ қувурларида, и.ч. жараёнида газдан фойдаланиш, портлаш ва ёнғин хавфи бўлган объектларда; ер ости транспорти ва гидротехника иншоотлари қурилишида, портлаш ва ёнғинга хавфли бўлган объектлар қурилиши ва б. тармоқларнинг ўта хавфли объектларида хавфсизликни таъминлашнинг назорат қилади.

«С.» Давлат кончилик техника назорати («Гостортехнадзор») давлат қўмитасининг Ўрта Осиёдаги регионал тармоги сифатида ташкил этилган (1950). 1953 й.дан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати таркибидаги Давлат қўмитаси, 2000 й. апр.дан агентлик, 2003 й. 9 дек.дан «С.» Давлат инспекцияси.

Давлат инспекциясида 12 тармоқ, 16 регионал ва ҳудудий инспекция ҳамда 4 мустақил хўжалик фаолият юритади. «С.»нинг ривожига Т. Р. Тошмуҳамедов, А. Г. Аҳмадбоев, Р. Т. Саидов ва б. мутахассислар салмоқли ҳисса қўшдилар.

САНОБАР — Марғиёна вилояти ҳокими (мил. 1-а.нинг 2-ярми). Унинг номидан мис чақалар зарб қилинган. Чақанинг олд томонида С.нинг ёндан кўриниши ва орқа томонида унинг ўтирган шакли тасвирланган. С. исмининг маъноси — «душманни қайтарувчи» бўлиб, у Шарқий Эронда кенг тарқалган. Кушон подшоларидан Герайнинг унвони (эпитети) Санаб (ёхуд С.) бўлган.

Санобар зарб этган жез танга (1-а.).

Ад.: Ртвеладзе Э. В., Великий шёлковый путь, Т., 1999.

САНОБАР (Pinus pinea), италия қарағайи — қарағайгуллилар оиласига мансуб чиройли доим яшил дарахт. Ватани — Шим. Америка ва Мексика. Очиқ уруғликларга киради. Танаси тўғри, бўйи 15—25 м, диаметри 1 м ча. Шох-шаббаси ёшлигида конуссимон, қариганда ясси соябонсимон. Игна барглари тўқ яшил, уз. 10—15 см, эни 15—20 мм, 1 жуфтдан тўп бўлиб, асосан, чўзиқ новдалар учида жойлашади. Уруғи (ёнғоқчаси) йирик, қорамтир, уз. 1—2 см. Қора денгиз соҳилларида ёнғоқмевали ўсимлик ва манзарали дарахт сифатида ўстирилади. Уруғидан кўпаяди. Ёғочи смолали, пишиқ. Уруғи (кедр ёнғоқларига қараганда ғоят мазали, пиниоли деб аталади) ёғ (50%) ва оқсиллларга бой бўлиб, тўғридан-тўғри ва қовуриб истеъмол қилинади. Уруғидан овқатга ишлатиладиган мазали ёғ олинади.

САН-ПАУЛУ — Бразилиянинг жан.-шарқий қисмидаги штат. Майд. 248,8 минг км². Аҳолиси 36,6 млн. киши (2000), 90% дан ортиғи шаҳарликлар. Маъмурий маркази — Сан-Паулу ш. Бразилия асситоглигининг жан.-шарқий қисмида жойлашган. Иқлими тропик, ўртача ойлик т-ралар ички ҳудудларда 14—16° дан 22°гача, соҳил қисмида 18—26°. Йиллик ёғин 1200—2500 мм. Сернам тропик ўрмонлар бор. С.-П. — мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган штатларидан. Мамлакат саноат маҳсулотининг 1/2 қисми шу штатда ишлаб чиқарилади. Саноатининг етакчи тармоқлари: автомобилсозлик, электротехника, қоғоз-целлюлоза, пўлат прокати. Озиқ-овқат, тўқимачилик, кимё, фармацевтика саноатлари ҳам ривожланган. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Фойдали қазилмалардан слюда, каолин, оҳактош қазиб олинади. Қ.х.да кофе, пахта, шакарқамиш, цитрус мевалар, шоли, донли экинлар экилади. Гўшт-сут чорвачилиги, паррандачилик ривожланган. Балиқ овланади.

САН-ПАУЛУ — Бразилиянинг жан.-шарқий қисмидаги шаҳар, Тьете дарёси водийсида. Сан-Паулу штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 10,4 млн. киши (2000). Атрофидаги 37 та йўлдош шаҳар б-н Катта С.-П. агломерациясини ташкил қилади. Транспорт йўлларининг йирик тугуни. Мамлакатнинг муҳим савдо-тақсимот маркази. Кофе бозори. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Мамлакатнинг муҳим саноат р-ни (и.ч.нинг ва саноатда банд аҳолининг 2/5 қисми) маркази. Қора ва рангли металлургия, металлсозлик, автомобиль ва самолётсозлик, электротехника, кимё ва резинатехника саноати корхоналари, асосан, шаҳар атрофида жойлашган. С.-П.да озиқ-овқат, тамаки, тўқимачилик, тикувчилик, кўн-пойабзал, мебель, ойна-керамика, атторлик ва фармацевтика саноати корхоналари мавжуд. Метрополитен қурилган. 3 ун-т, музейлар, спорт иншоотлари бор. Шаҳарга 1554 й.да асос солинган. 1822 й.да шаҳарда Бразилия мустақиллиги эълон қилинган.

Сан-Паулу шаҳри. Марказий кўча.

САН-ПЕДРО-СУЛА — *Гондурас*даги шаҳар. Кортес департаментининг маъмурий маркази. Аҳолиси 384 минг киши (1990- й.лар охири). Транспорт йўлларининг йирик тугуни. Қ.х. (банан, шакарқамиш, чорвачилик) р-нининг савдо маркази. Озиқ-овқат, тўқимачилик саноати корхоналари бор. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Шаҳарга 1536 й.да асос солинган.

САН-САЛЬВАДОР — Сальвадор пойтахти. Мамлакатнинг иқтисодий ва маданий маркази. Амакас дарёси водийсида, Сан-Сальвадор вулкани этагида, 700 м баландликда жойлашган. Иқлими тропик иқлим, ўртача ойлик т-ралар 22—24,6°, йиллик ёғин 1700 мм. Аҳолиси 423 минг киши (шаҳар атро-

Сан-Сальвадор шаҳри. Плаза де Либертад.

фи б-н 1,5 млн. киши, 1990-й.лар ўрталари). Транспорт йўллари тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Озиқ-овқат, тўқимачилик, металлсозлик, кўнпойабзал, ёғочсозлик, керамика саноати корхоналари бор. Кимёвий ўғитлар ишлаб чиқарилади. Ҳунармандчилик ривожланган. С.да ун-тлар, Сальвадор академияси, техника ин-ти, миллий кутубхона, музейлар, ботаника ва ҳайвонот боғлари бор. Шаҳар 1525 й.да испанлар томонидан индейсларнинг Кускатлан ш. ўрнида бунёд этилган. 16—19-а. бошларида Гватемаланинг Сальвадор генерал-капитанлиги маъмурий маркази. 1834—39 й.ларда Марказий Америка бирлашган провинциялари федерацияси. 1841 й.дан Сальвадор Республикаси пойтахти. Меъморий ёдгорликлардан черков (1783), собор, миллий театр биноси, сарой (1902—07) ва б. сақланган.

САНСАРА (санскритча, айнан — қайта тугилиш) — ҳинд дини ва фалсафасининг асосий тушунчаларидан бири. Унга кўра, жон (ортодоксал браҳманизм-ҳиндуийлик тизимларида) ёки шахс (будизмда) қайта тугилиш занжирида янги шаклда (одам, худо, ҳайвон қиёфасида) гавдаланади; *карма* қонунига биноан амалга оширилади.

САН-СЕБАСТЬЯН — Испаниядаги шаҳар. Басклар мамлакати мухтор вилоятида. Гипускоа провинциясининг маъмурий маркази. Бискай қўлтиғи соҳасидаги порт. Аҳолиси 178,2 минг киши (1998). Металлсозлик ва машинасозлик ривожланган. Озиқ-овқат, кимё саноати корхоналари бор. Денгиз иқлим курорти. Туризм ривожланган. Халқаро кинофестивallар ўтказилади.

САНСКРИТ (қад. ҳиндча сам скрта — мукаммал, сайқалланган) — ҳинд-европа тиллари оиласига кирувчи қад. ҳинд тилларидан бири. Қад. ҳинд лаҳжалари асосида шаклланган ва мил. ав. 1-а.да Шим. Ҳиндистонда тарқалган. С.нинг бир неча тури бор: эпик С. («Маҳабҳарата» ва «Рамаяна» тили), классик С. (қатъий меъёрга туширилган тил, мил. ав. 4-а.да яратилган Панини грамматикасида ўз ифодасини топган), будда (ёки гибрид) С. (будда дини б-н боғлиқ адабиёт тили), жайн С. (жайн динига оид адабиёт тили), веда тили ёки веда С. (қ. *Ведалар*).

С.да 7 та келишик, 3 та жинс ва 3 та грамматик сон категориялари мавжуд. Феълда замон ва майл тизими ниҳоятда ривожланган. Нутқда сўз ва морфемаларнинг қўшилиши қоидалари (сандҳи) турли-туман. Қўшма сўзлар кенг қўлланади. Баъзи ҳолларда битта қўшма сўз бутун бир гапга тенг келади. С.да жуда кўп диний, фалсафий, илмий асарлар яратилган, айниқса, бадиий адабиёт кенг ривожланган. С. Ҳиндистонда гуманитар фанлар ва ибодат тилидир. Тор доирада олий браҳманлар С. дан сўзлашув тили сифатида фойдаланадилар. С. ва С. тилида яратилган маданий мерос қўшни минтақалар (Жан.-Шарқий ва Марказий Осиёга, 18-а. охирларидан бошлаб эса Европа ва Америкага ҳам таъсир ўтказган. Қиёсий-тарихий тилшуносликнинг бошланиши С.нинг қанчалик этилиши ва ўрганилишига б-н боғлиқ.

С.даги матнларни ёзувда ифодалаш учун асли браҳми ёзувидан келиб чиққан бир қатор алифболардан (кадрўнтҳи, гупта, нагари, кушон ёзуви ва б.) фойдаланилган. С.ни ўрганиш 2500 й. бурун бошланган (Панини ва унинг салафлари).

Ад.: Иванов В. В., Топоров В. Н., Санскрит, М., 1960; Барроу Т., Санскрит, М., 1976.

САНСКРИТ АДАБИЁТИ — Ҳиндистон халқларининг умумий қад. давр адабиёти. С.а. ҳинд талқинотчиларининг фикрича, мил. ав. 4-минг йилликлардан бошлаб шакллана бошлаган. Ушбу адабиётнинг ривожланиш тарихини шартли равишда 3 йирик даврга ажратиш мумкин: 1) «Веда-лар»нинг яратилиш даври (мил. ав. 4-минг йилликдан бошлаб то 1-минг йилликда уларга изоҳлар ёзилиши б-н тугайди); 2) эпослар даври. Икки буюк ҳинд эпоси: «Рамаяна» ва «Маҳабҳарата» эпосларининг яратилиш даври (мил. ав. 2-минг йилликдан то уларнинг ёзма адабиётга кириб келиши, яъни мил. 1-а.ларгача бўлган давр); 3) эртак, масаллар, роман жанри, шеъриятга оид рисолалар ҳамда қад. ҳинд драматургиясининг шаклланиш даври (мил. бошларидан то 12-а. гача бўлган давр).

С.а.га Веда адабиёти ва у б-н боғлиқ эстетик адабиёт, санскритдаги эпик обидалар киради. Бу адабиёт халқ оғзаки ижодининг бой анъаналари таъсирида вужудга келган. Шоир ва драматург Ашвагҳоша, драматург Бҳаса унинг илк намояндаларидир. Мил. 1-минг йиллик ўрталари ва охирларида С.а. да Калидаса драмалари, Бҳартриҳари ва Амару шеърияти, Бана ва Дандин насри пайдо бўлди. Машҳур «Панчатантра» («Калила ва Димна»), «Бриҳаткатҳа», «Веталапанчавиншати», «Шукасаптати» каби асарлар С.а. шуҳратини оламга ёйди. С.а. Ҳиндистон халқлари илғор ижтимоий тафаккурини ўзида ифодалаган адабиётдир.

С.а. жаҳон тарихий-адабий жараёнида муҳим ўрин тутади. «Панчатантра», «Веталанинг 25 ҳикояси», «Тўтининг 70-ҳикояси» каби халқ китоблари жаҳон халқлари адабиётида қайта ишланди; улар Ж. Лафонтен, И. Гёте, Г. Гейне ва б. ижодига таъсир кўрсатди. С.а. намуналари 10-а. бошларидаёқ Ўрта Осиёда маълум бўлган (Беруний «Калила ва Димна» таржималари ҳақида фикр юритган). «Маҳабҳарата», «Калила ва Димна» асарлари ўзбек тилига таржима қилинган (1966).

Ад. Сребряков И. Д., Очерки древнеиндийской литературы, М., 1971; Челышев Е. П., Литература хинди, М., 1968.

Ахсануддин Шарафиддинов.

САНТА-АНА (Santa Ana) Антонио Лопес (1795.21.2, Халапа, Веракрус штати — 1875.21.6, Мехико) — Мексика президенти (1833—35, 1841—44, 1846—47, 1853—55), генерал, амалда диктатор (1833—55). 1853 й. 30 декда АҚШ б-н Гаделена партномасини тузган. Унга кўра АҚШ Мексиканинг тахм. 120 минг км² ҳудудини 10 млн. долларга сотиб олган.

САНТА-АНА — Сальвадорнинг ғарбий қисмидаги шаҳар. Санта-Ана вулкани этагида. Санта-Ана департаментининг маъмурий маркази. Аҳолиси 202 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Т.й. тугуни. Шаҳар Панамерика шоссеси бўйида жойлашган. Иқтисодий аҳамияти ш.дан кейин 2-ўринда. Кофе етиштириладиган р-н маркази. Озиқ-овқат, тўқимачилик, гугурт саноати корхоналари бор. Шаҳарга 1569 й.да асос солинган. Мустамлакачилик даврида қурилган меъморий ёдгорликлари сақланган. Театр бор.

САНТА-ГЕРТРУДА ҚОРАМОЛ ЗОТИ — АҚШ нинг Техас штатидаги Санта-Гертрудис фермасида 20-а. ўрталарида шортгорн сигирларини зебу буқалари б-н чатиштириб яратилган. 1940 й.да зот сифатида тасдиқланган. Тана тузилиши мустаҳкам, гавдаси катта, тусн асосан қизил. Сигирларининг вазни

Санта-гертруда зоти буқаси.

550—650 кг, буқаларники 900—1200 кг. Ғўштга парваришланган новвослар 15 ойлигида 500—550 кг га етади. Йилов шароитида боқилганда ўртача кунлик семириши 1000—1200 г ни ташкил этади. Сўйим чиқими 60—66%. С.-т.қ.з. Америка, Африканинг 40 дан ортиқ мамлакатларида тарқалган. Россия ва Қозоғистонга 1956 й. ва Ўзбекистонга 1967 йили биринчи бор (80 бош) олиб келинган. Жиззах вилоятининг Бахмал тумани «Бахмал» (ҳоз. А. Усанов номидаги) хўжалигининг тоғ олди ҳудудларида проф. У. *Носиров* раҳбарлигида С.-г.к.нинг соф ҳолда урчитиш ва маҳаллий моллар б-н чатиштириш ишлари олиб борилган. Ўзбекистонда наслчилик подаси яратилиб, молларнинг сони 3,5 минг бошга етказилди. Буқаларнинг 3 та қариндош гуруҳлари ва сигирларнинг 20 дан ортиқ оилалари яратилди. Олинган янги авлодлар Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона ва Андижон вилояти хўжаликларида боқилади.

Қозоғистоннинг Олмаота ва б. шарқий вилоятлари хўжаликларида С.-т.қ.з. соф ҳолда урчитилади. Улар иссиқ иқлимга, қон-паразит касалликларига чидамли, йиловда боқиш шароитларига яхши мослашган.

САНТА-КАТАРИНА — Бразилиянинг жан.даги штат. Майд. 95,4 минг км². Аҳолиси 5,3 млн. киши (2000). Маъмурий маркази — Флорианополис ш. Бразилия иссиқтоғлигининг жан.-шарқий қисмида (бал. 200—1000 м). Уругвай дарёсининг бошланиш ерида жойлашган. Шарқда Атлантика океани соҳили камбар пасттекислик. Иқлими тропик сернам, йиллик ёғин 1200 мм дан 2200 мм гача. Хўжалигида етакчи тармоқ — қ.х. Асосан, донли экинлар: маккажўхори, шоли, бутдой, тариқ, сули ва б. экилади. Соя, буккакллар, маниок, батат, пиёз, тамаки, узум, сабзавот, мевалар етиштирилади. Чорвачиликда қорамол, чўчқа боқилади. Асаларичилик ривожланган. Чой плантациялари бор. Фойдали қазилмалардан тошкўмир, оҳактош, каолин, мармар қазиб олинади. Озиқ-овқат, ёғочсозлик, кўн-пойабзал, тўқимачилик саноати корхоналари мавжуд. Йирик портлари: Имбитуба, Лагуна ва б.

САНТА-КЛАРА — Кубанинг марказий қисмидаги шаҳар, Кубаникай ва Белико дарёлари бўйида. Вилья-Клара провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 205,4 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Транспорт йўлларининг йирик тугуни. Қ.х. (шакарқамиш, тамаки, ғўшт-сут чорвачилиги) р-нининг саноат маркази. Қора металлургия, электротехника, машинасозлик, озиқ-овқат, тамаки, тўқимачилик, кўн-пойабзал саноати корхоналари; ун-т бор. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Шаҳарга 1689 й.да асос солинган.

САНТА-КРУС (Santa Crus) Андрес (1792.30.11, Ла-Пас — 1865.25.9, Сен-Назер, Франция) — Боливия президенти (1829—39), маршал, Перу ва Боливия Конфедерацияси протектори (1836—39). С.-К. бир қанча маъмурий ва молиявий ислоҳотлар ўтказган ва марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаган. 1820-й.ларда Х. *Сан-Мартин* ва С. *Боливар* армиясида Америкадаги испан мустамлакаларининг озодлиги учун жанг қилган.

САНТА-КРУС — Боливиянинг марказий қисмидаги шаҳар. Санта-Крус департаментининг маъмурий маркази. Аҳолиси 914,8 минг киши (1997). Транспорт йўллари тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Мамлакатнинг муҳим иқтисодий маркази. Озиқ-овқат, кўн-тери саноати корхоналари, шаҳар четида нефтни қайта ишлаш з-ди бор. Деҳқончилик (пахта, шакарқамиш, тамаки, шоличилик) р-ни маркази. Ун-т бор. Шаҳарга 1560 й.да асос солинган.

САНТАЛЛАР — Ҳиндистондаги мунда гуруҳига мансуб халқ. Умумий сони 6,3 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Асосан, Биҳар штати ва Ғарбий Бенгалия (6,2 млн. киши)да, шунингдек, Бангладеш, Непал ва Бутанда яшайди. Santal тилида сўзлашади. Анъанавий динний эътиқодлар сақланган, бир қисми — ҳиндуизмга эътиқод қилади. С. — деҳқончилик, ҳунармандчилик, овчилик, балиқ овлаш б-н шуғулланади.

САНТА-МАРТА — Колумбиянинг шим. қисмидаги шаҳар. Магдалена департаментининг маъмурий маркази. Аҳолиси 309,3 минг киши (1990-й.лар охири). Кариб денгизи соҳилидаги порт (четга банан, кофе, чорвачилик, маҳсулотлари чиқарилади). Аэропорт бор. Озиқ-овқат, тўқимачилик саноати корхоналари мавжуд. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Балиқ овланади. Шаҳарга 1525 й.да асос солинган. Меъморий ёдгорликларидан 17—18-а.ларда қурилган қалъа ва соборлар сақланган.

САНТАНДЕР (Santander) Франсиско де Паула (1792.2.4, Кукута — 1840.6.5, Богота) — Колумбия (собиқ Янги Гранада) давлат ва сиёсат арбоби, Буюк Колумбия вице-президенти (1819—28), Янги Гранада республикаси президенти (1832—37), генерал. *Боливар*нинг сафдоши. Америкадаги испан мустамлакалари мустақиллиги учун олиб борилган уруш раҳбарларидан бири (1810—26).

САНТАНДЕР — Испаниянинг шим. қисмидаги шаҳар. Кантабрия провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 184,2 минг киши (1998). Бискай қўлтиғи соҳилидаги порт. Металлургия, кемасозлик ва самолётсозлик, электр жиҳозлари и.ч., тўқимачилик, озиқ-овқат саноати корхоналари, ун-т бор. Иқлим курорти. Готика собори (13-а.) сақланган.

САНТА-ФЕ — Аргентинанинг шарқий қисмидаги шаҳар. Санта-Фе провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 368,4 минг киши (2001). Транспорт йўллари тугуни. Рио-Салядо дарёсининг Парана дарёсига қуйилиш еридаги порт, денгиз кемалари ҳам кира олади. Галлачилик ва чорвачилик р-нининг савдо-саноат маркази. Озиқ-овқат, кўн-пойабзал, металлсозлик саноати корхоналари, иссиқлик электр станси мавжуд. Ун-т, тарих музейи, табиий фанлар музейи бор. Шаҳарга 1573 й.да асос солинган.

САНТИ... (франц. cent, лот. centum — юз) — қўшма сўз бўлаги. Улуш бирлиги номини ҳосил қилади; ўлчами жиҳатдан бошланғич бирликдан 100 марта кичиклигини билдиради; с б-н белгиланади. Мас., 1 см = 0,01 м; 1 сет — 0,01 стокс.

САНТИМЕТР (*санти...* ва *метр*) — СГС бирликлар тизимида қабул қилинган асосий узунлик ўлчов бирлиги. Қисқача см б-н белгиланади. Ўлчамлиги L орқали ифодаланади. С. *Халқаро бирликлар тизими* СИда асосий бирликлар сифатида қабул қилинган *метр*нинг юздан бир улушига тенг.

САНТИМЕТРЛИ ТЎЛҚИНЛАР — тўлқин узунлиги (λ) 1 см дан 10 см гача (частотаси 30—3 ГГц) бўлган радиотўлқинлар. Ер атмосферасидан ўтади, *тропосфера*дан қайтади. Тропосферада сув буғлари ва ёмғир томчилари фақат уз. 3 см дан қисқа (λ<3 см) тўлқинларни ютади, *ионосфера*дан эса деярли қайтмайди. Ер шароитида С.т. тўғри чизиқ бўйлаб тарқалади, уларни узоқ масофага тропосфера воситасида тарқатиш мумкин.

САНТО-ДОМИНГО (1936—61 й.ларда Сьюдад-Трухильо) — Доминикана Республикаси пойтахти. Ганти о.нинг жан.-шарқий қисмида, Кариб денгизи соҳилида жойлашган. Иқлими тропик,

Санто-Доминго шаҳри. Д. Колумб қаср-саройи.

пассатли иқлим. Ўртача ойлик т-ралар 25—27°. Йиллик ёғин 1500 мм. Аҳолиси 1.6 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Мамлакатнинг асосий порти; четга шакар-қанд, кўн-тери, қиммматбаҳо ёғоч чиқарилади. 3 йирик шоссе йўллари тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Озиқ-овқат тўқимачилик, кўн-пойабзал, ёғочсозлик, цемент саноати корхоналари бор. Халқаро курорт ва туризм маркази. С. — европаликлар томонидан асос солинган Ғарбий ирим шарзаги қад. шаҳарлардан. Шаҳар Х. Колумбнинг укаси Б. Колумб томонидан қурила бошлаган ва Янги Италелла деб номланган. 1844 й.дан Доминикана Республикаси пойтахти. 1916—24 й.ларда АҚШ қўшинлари оккупация қилиб турган. 1930 й.да С.-Д. кучли довул натижасида вайрон бўлган. 1936 й.гача қайта тикланган. Меъморий ёдгорликларидан минора, қаср-сарой, Х. Колумб дафн қилинган собор, монастирлар ва ҳ.к. сақланган. С.-Д.да мухтор ун-т, миллий ун-т, консерватория, Мусиқа академияси, миллий музей, Нафис санъат мактаби ва галереяси, театр, меҳмонхоналар бор.

САН-ТОМЕ — Сан-Томе ва Принсипи давлати пойтахти. Сан-Томе о.нинг шим.-шарқий қисмида. Аҳолиси 93,4 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Атлантика океани соҳилидаги порт (четга банан, кофе, какао, пальма мойи ва кокос ёнғоғи чиқарилади). Қ.х. маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар, аэропорт бор.

САН-ТОМЕ ВА ПРИНСИПИ (Sro Tome e Principe), Сан-Томе ва Принсипи Демократик Республикаси (Republica Demokratica de Sro Tome e Principe) — Гвинея қўлтиғидаги Сан-Томе ва Принсипи о.лари ва уларга ёндош майда ороллардан жойлашган давлат. Африка ғарбий соҳили яқинида. Майд. 964 км². Аҳолиси 170,4 минг киши (2002). Пойтахти — Сан-Томе ш. Маъмурий жиҳатдан 7 округ (distrito)га бўлинади.

Сан-Томе шаҳри маркази.

Сан-Томе ва Принсипи герби

Сан-Томе ва Принсипи байроғи

Давлат тузуми. С.-Т. ва П. — республика. Амалдаги конституцияси 1990 й.да қабул қилинган. Давлат бошлиғи — президент (2001 й.дан Ф.Б. Мелу де Менезеш), у умумий тўғри ва яширин овоз бериш йўли б-н 5 й. муддатга сайланади ва яна бир марта қайта сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни бир палатали парламент — Миллий мажлис ва ижроия ҳокимиятни президент тайинлайдиган бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

Табиати. Ороллар вулкан фаолияти натижасида ҳосил бўлган. Энг баланд жойи Пико-де-Томе — 2024 м (Сан-Томе о.да). Иқлими Сан-Томе о.да тропик (қуруқ ва ёмғир мавсумлари б-н). Принсипи о.да экваториал, доим нам. Ўртача ойлик т-ра 23—27°. Йиллик ёғин 1000—3000 мм гача. Деярли йил бўйи ёмғир ёғиб туради. Нам тропик ўрмонлар ва мангро чакалакзорлари бор. Ҳайвонлардан маймун, турли қушлар, калтакесак, буқаламун, илонлар учрайди. Денгизда балиқ, қисқичбақа, креветка, лангуст, устрица кабилар бор.

Аҳолиси, асосан, сантомеликлар бўлиб, улар Африкадаги банту тилида сўзлашувчи турли халқлар (овимбунду, амбунду ва б.)нинг ўзаро ва қисман португаллар б-н чатишуви натижасида ҳосил бўлган. Португаллар ҳам яшайди. Расмий тил — португал тили. Диндорларнинг 90% га яқини христиан (католик)лар, шунингдек, мусулмонлар ва анъанавий динларга эътиқод қилувчилар ҳам бор. Шаҳар аҳолиси 44,1%. Муҳим шаҳарлари: Сан-Томе, Санту-Антонью, Порту-Алегри, Рибейра-Афонсу.

Тарихи. 1470—71 й.ларда Сан-Томе о.ларига португал денгиз сайёҳлари келиб, бу ерларни Португалия мулки, деб эълон қилдилар. 1485 й. дан одамлар кўчиб кела бошлади. Улар Европадан сургун қилинган португаллар ва африкалик қуллар эди. 16-а. бошларида қалин ўрмонлар кесилиб, шакарқамиш юқлар барпо этишга киришилди. Аср охирига бориб шакар экспорт қилишда Сан-Томе Африкада биринчи ўринга чиқди. 1517 й. ва ундан кейинги йиллардаги қуллар қўзғолони натижасида 16-а. охирида Амазор бошчилигида қуллар давлати қисқа муддат мавжуд бўлди. 1735 й. Принсипи о. ҳам Португалия империясига қўшиб олинди. 18—19-а.ларда С.-Т. ва П. ороллари да қуллар кучи б-н кофе ва какао плантациялари барпо этилди. 1951 й. Португалияси барпо этилди. 1951 й. Португалия С.-Т. ва П.ни ўзининг денгиз орти вилояти деб эълон қилди. 1953 й. маҳаллий аҳоли қўзғолони кўтарди («Батеп кўзғолони»), бироқ у шафқатсизлик б-н бостирилди. 1960 й. мухожирлик б-н бостирилди. 1960 й. мухожирликда С.-Т. ва П.ни озод қилиш қўмитаси (1972 й.дан С.-Т. ва П. ни озод қилиш ҳаракати) тузилди ва у мустақиллик учун кураш бошлади. 1972 й. Португалия С.-Т. ва П. га маҳаллий мухторият мақомини берди. С.-Т. ва П. 1975 й. 12 июлдан мустақил республика, 1975 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 12 июль — Мустақиллик куни (1975).

Сиёсий партиялари ва касаба уюшмаси. С.-Т. ва П. ни озод қилиш ҳаракати — Социал-демократик партия, 1960 й. асос солинган; Мустақил демократик ҳаракат партияси, 1992 й. тузилган; Демократик конвергенция партияси — «Мушоҳада» гуруҳи, 1990 й. ташкил этилган. С.-Т. ва П. меҳнаткашлар миллий ташкилоти касаба уюшмаси, 1989 й. тузилган.

Хўжалиги. С.-Т. ва П. — иқтисодий жиҳатдан заиф, аграр мамлакат. Иқтисодиётининг асосини қ.х. ташкил этади. Экспорт учун какао, кофе, мойли ва кокос пальмалари, банан етиштирилади. Ички эҳтиёж учун тариқ, маккажўхори, ямс экилади. Чорнок, маккажўхори, ямс экилади. Чорвачилик суст ривожланган (қорамол, чўчқа, қўй, эчки, хонаки паррандабоқилади). Денгиздан балиқ, тошбақа ва б. ҳайвонлар овланади. Саноати қ.х. хом ашёси ва балиқни қайта ишлайдиган, оҳак ва алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқарадиган ҳамда ёғочсозлик корхоналаридан иборат. Керамика ва пишт э-даари, тикувчилик ф-каси ҳам қурилган. С.-Т. ва П. да тор изли т.й. ва аэропорт бор. Асосий денгиз портлари: Сан-Томе, Санту-Антонью ва Порту-Алегри. Четга қ.х. маҳсулотлари чиқарилади, четдан озиқ-овқат ва нефть маҳсулотлари, цемент, автомобиль ва б. саноат моллари келтирилади. Португалия, Испания, Нидерландия, АҚШ, ГФР, Ангола б-н савдо қилади. Пул бирлиги — добра.

САН-ТОМЕ ВА ПРИНСИПИ
1 : 8 330 000
Принсипи о.
Педраш-Тиньозаш о-лари
Г в и н е я
қ ў л т и ғ и
Сан-Томе о.
Сан-Томе
Экватор
6° шк.у
0°

Сан-Томе оролидаги ўрмон.

Маорифи. 6—12 ёшдаги болаларнинг ўқиши мажбурий. Давлат қарамоғидаги ўқув юртларидан ташқари хусусий ва диний мактаблар ҳам бор. Бошланғич мактаб 4 й.лик, ўрта мактаб 7 й.лик. Охирги 2 й.да болалар чет эл олий ўқув юртларига киришга тайёрланади. Дарслар португал тилида олиб борилади. Ҳунар таълими бошланғич ёки тўлиқсиз ўрта мактаб негизида 5—6 й. давомида амалга оширилади. Бошланғич мактаб ўқитувчилари пед. ўқув юртларида, ўрта мактаб ўқитувчилари чет эллларда тайёрланади. Врачлар чет эллардаги олий ўқув юртларида тайёрланади. Миллий тарих музейи (1976) ва ўлкашунослик музейи бор.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Асосий газ.лари: «Диариу да Республика» («Республика газетаси», ҳукумат ҳафтномаси, 1836 й. дан), «Лабор» («Меҳнат», ойнига 2 марта чиқадиган газ., 1990 й. дан), «Нотисиаш» («Янгиликлар», ҳукумат нашр этаднган газ., 1991 й. дан). СТП Пресс ахборот агентлиги 1985 й. тузилган. С.-Т. ва П. телевидениеси, ҳукумат телекўрсатуви.

Адабиёти. Гарчи форро деб аталувчи маҳаллий креол тили мавжуд бўлса ҳам, адабиёт португал тилида 19-а.нинг 2-ярмида юзага келди. Шеъриятнинг асосчиси — К. да Кошта Алегри. Унинг «Шеърлар» китобида ирқий хурофотлардан норозилик ғоялари акс этган, «Қора дунё» қаҳрамонлари маҳ қилинган Ф.Ж.В. Тенрейру бу мавзуларни ривожлантирди. 20-а. нинг 50—60-й.ларида ижодий изланишлар олиб борган Ж. Лопеш, Ф. Кейруш, Ж. Вентура, Ж. Тенрейру ва А. Т. Мелейруш миллий Эспириту ва А. Т. Мелейруш миллий озодлик ҳаракатида фаол иштирок этдилар. Улар ўз ижодида халқ оғзаки ижоди анъаналарини замонавий бадиий ифода шакллари б-н қўшишга интилдилар. Аср охирларида яратилган қисса, роман ва пьесалар халқ қаётини акс эттирди (Ф. Рейшнинг «Плантация» романи, «Қоғозбой тўра» пьесаси ва б. асарлар).

САНТУ-АНДРЕ — Бразилиянинг жан.-шарқий қисмидаги шаҳар, Катта Сан-Паулу таркибида. Аҳолиси 648,4 минг киши (2000). Транспорт йўллари тугуни. Аэропорт бор. Оғир саноат, хусусан, рангли металлургия, машинасозлик, техник резина, кимё саноатлари ривожланган. Кўн-пойабзал, тўқимачилик, озиқ-овқат, полиграфия саноати корхоналари бор. Шаҳарга 1549 й.да асос солинган.

САНТУР, сантури — кўп торли урма мусиқа чолғу асбоби, чанг турн. Кавказ минтақаси, Эрон, Шим. Ҳиндистон, Туркия ва б. мамлакатларда профессионал мусиқа сози сифатида кенг тарқалган. Қути шаклида, 2 та чўп б-н уриб чалинади. Хроматик товушқаторга эга. Товуши майин ва ёқимли. С., ёзма манбаларга кўра, Ўрта Осиёда (жумладан, Бухоро амирлигида) 16-а.дан маълум бўлган.

Ҳинд сантури.

САНТЬЯГО — *Чили* пойтахти. Анд тоғлари этагида, 540 м баландликдаги сойликда, Мапочо дарёсининг ҳар икки соҳилида жойлашган. Иқлими субтропик иқлим, янв.нинг ўртача т-раси 19,7°, июлиники 7,7°. Йиллик ёғин 363 мм. Аҳолиси 4,64 млн. киши (1997). С. — мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий маркази. Транспорт йўлларининг йирик тугуни. 4 аэропорт бор. С. орқали Панамерика шоссеси ўтган. Вальпараисо порти б-н т.й. орқали боғланган. Металлсозлик, машинасозлик, электротехника, кимё, тўқимачилик, тикувчилик, кўн-пойабзал, полиграфия, фармацевтика, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. С.да йирик хорижий ва миллий компаниялар идоралари ва банклар жойлашган.

Шаҳарга 1541 й. 12 фев. да испан мустамлакачилари томонидан асос солинган. 19-а. бошларигача испан генерал-губернаторлигининг маъмурий маркази. Чили мустақиллиги эълон қилинган даврдан (1818) С. — мамлакат пойтахти. С.да мустамлакачилик даврида қурилган меъморий ёдгорлик кўп. Шаҳар марказидаги Плаза де Армас майдони атрофида собор, ратуша ва б. сақланган. 3 ун-т, ҳарбий билим юрти, амалий санъат мактаби, консерватo-

Сантьяго шаҳри. Плаза де Армас майдони.

рия, Чили Фанлар академияси ва б. академиялар, илмий тадқиқот ин-тлари, кутубхоналар, музейлар, театрлар ва расадхона бор. Метрополитен қурилган.

САНТЬЯГО, Сантьяго-де-лос-Кабальерос — Доминикана Республикасининг шим. қисмидаги шаҳар. Вега-Реаль водийсида жойлашган. Сантьяго провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 365 минг киши (1990- й.лар ўрталари). Т.й. тугуни. Қ.х. (кофе, какао, тамаки, шоли, чорвачилик) р-нининг савдо маркази. Қ.х. маҳсулотларини қайта ишлаш, озиқ-овқат ва пойабзал корхоналари бор. Шаҳар яқинидан олтин қазиб олинади. Шаҳарга 1495 й.да Х. *Колумб* томонидан асос солинган. Католик ун-ти, театр, музейлар бор.

САНТЬЯГО-ДЕ-КУБА — Кубанинг жан.-шарқий қисмидаги шаҳар, Сантьяго-де-Куба провинциясининг маъмурий маркази. Мамлакатнинг *Гаванадан* кейин 2-ўриндаги иқтисодий ва маданий маркази. Аҳолиси 430,4 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Кариб денгизининг Сантьяго-де-Куба бухтасининг шим.-шарқий соҳилидаги йирик порт (четга нефть, шакар-қанд, ром, кофе чиқарилади). Транспорт йўлларининг муҳим тугуни. Аэропорт бор. Озиқ-овқат, металлсозлик, тўқимачилик, кўн-пойабзал саноати корхоналари, кема верфи мавжуд. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Шаҳар яқинида нефтни қайта ишлаш з-ди қурилган.

САН-ФРАНСИСКУ — Бразилиядаги дарё, Бразилия ясситоғлигидан бошланиб, Атлантика океанига қуйилади. Уз. 2800 км, ҳавзасининг майд. 600 минг км². Қуйи оқимида остона ва шаршаралар ҳосил қилган. Ўртача сув сарфи 3300 м³/сек. Ноябрь ва май ойларида суви кўпаяди. Юқори оқимида йирик сув омборлари, Паулу-Афонсу шаршарасида ГЭСлар қурилган. Қуйи оқимида кема қатнайди.

САН-ФРАНЦИСКО — Тинч океандаги қўлтиқ, Шим. Америка қирғоқлари яқинида. Океан б-н Олтин дарвоза бўғози орқали туташган. Уз. 88 км, эни 20 км. Энг чуқур жойи 19 м. Сакраменто, Сан-Хоакин дарёлари қуйилади. Ғарбий соҳилида Сан-Франциско, шарқида Окленд, Беркли, Ричмонд ш.лари жойлашган. Қўлтиқнинг икки соҳилини бирлаштирувчи кўприклар (жумладан, дунёда энг узун кўприк — 14,4 км) қурилган.

САН-ФРАНЦИСКО — АҚШнинг ғарбий қисмидаги шаҳар, Тинч океан соҳилида, Калифорния штатида. Сертепали ярим оролда жойлашган. Сан-Франциско қўлтиғи ва Олтин Дарвоза бўғозига қурилган кўприклар уни атрофидаги шаҳарлар б-н боғлайди. Аҳолиси 776,7 минг кишн (2000). АҚШ ғарбидаги йирик савдо-молия ва маданият маркази. Мамлакатнинг Тинч океан соҳилидаги бош порти (йили 45 млн. т юк ортиб-туширилади). Транспорт йўлларн тугуни. 3 аэропортидан бири халқаро аҳамиятга эга. С.-Ф.да йирик банклар, фирмалар идоралари фаолият кўрсатади. Металлсозлик, кемасозлик, тикувчилик, озиқ-овқат, полиграфия саноати корхоналари бор. Ракета-космик, радиоэлектроника, нефтни қайта ишлаш, кимё, металлургия саноати корхоналари шаҳар четида жойлашган. Метрополитен қурилган. 3 ун-т, консерватория, илмий тадқиқот ин-тлари, театрлар, музейлар, кутубхоналар бор. Ҳарбий денгиз базаси. Шаҳарга 1776 й.да асос солинган. 1945 й.да С.-Ф.да бўлиб ўтган халқаро конференцияда БМТ ташкил этилган.

Сан-Франциско шаҳридаги викторнан услубидаги ва замонавий бинолар.

САН-ФРАНЦИСКО ЗИЛЗИЛАСИ — АҚШнинг энг чекка ғарбида, Сан-Франциско ш. ёнида 1906 й. 8 апр.да маҳаллий вақт б-н соат 5 дан 12 мин. ўтганда содир бўлган. С-Ф.з. Ер юзида энг ҳалокатли ер силкинишларидан бири ҳисобланади. Зилзила кучи 10—11 баллга етган; магнитудаси 8,25. Қирғоқ бўйи тизмасидаги Сан-Андриас ёриғи бўйлаб тоғ жинсларининг бир неча км масофада тўсатдан узилиб силжиши натижасида рўй берган. Сейсмик тўлқинлар ҳар томонга йўналиб, Калифорния ва Невада штатлари ҳудудларида 1 млн. км² майдонни ларзага келтирган. Меридиан бўйлаб 430 км га чўзилган ер синиғи ёнида сейсмик тўлқинлар 6—11 балли изосейст зоналарни ҳосил қилган. Сан-Франциско ва Санта-Роза ш.лари энг кўп вайрон ноти иншоотлари қаттиқ шикастланган. Сан-Франциско ш. кучли ёнғин ичида қолган. Сан-Андриас узилмаси бўйлаб шаҳарларда иморатлар бир-бирига нисбатан 6,5 м гача силжиган ва баъзи жойларда 1 м гача кўтарилган. Жами 28,2 мингта яқин уй-жой вайрон бўлиб, 700 киши қурбон бўлган.

САН-ФРАНЦИСКО КОНФЕРЕНЦИЯСИ — 1945 й. 25 апр. — 26 июнда Сан-Франциско ш. (АҚШ)да бўлиб ўтган конференция. АҚШ, Буюк Британия, СССР ва Хитой номидан чақирилган. БМТ устави (50 давлат таъсис этган)ни қабул қилган.

САН-ХОСЕ — *Коста-Рика* пойтахти. Ирасу ва Поас ҳаракатдаги вулканлари яқинида. Марказий водий платосида, 1170 м баландликда жойлашган. Аҳолиси 324 минг кишн (1990-й.лар охири). Иқлими субэкваториал иқлим, ўртача т-ра янв.да 18°, июлда 21°, йиллик ёғин 1850 мм. Трансамерика шоссесидаги йирик транспорт йўллари тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Озиқ-овқат, кўн-пойабзал, тўқимачилик, тамаки саноати корхоналари мавжуд. Миллий театр, миллий музей, ун-т, Тарих ва Тил академиялари, кутубхоналар бор. Шаҳарга 1737—38 й.ларда асос солинган. 18-а.да тамаки саноатининг йирик маркази бўлган. Тез-тез зилзила бўлиб туради. Меъморий ёдгорликлардан собор, Президент саройи, Миллий сарой, театр бинoси ва б. сақланган. Туризм ривожланган.

САН-ХОСЕ, Сан-Хозе — АҚШнинг ғарбий қисмидаги шаҳар, Калифорния штатида. Аҳолиси 894,9 минг киши (2000). Т.й. тугуни. Ракета-космик ва радиоэлектроника саноатининг йирик маркази. ЭҲМ, ярим ўтказгичли приборлар ва ҳарбий мақсадлар учун турли жиҳозлар ишлаб чиқарилади. Приборсозлик, электротехника, автомобиль йиғиш, мева-консерва саноати корхоналари; ун-т бор. Шаҳарга 1777 й.да асос солинган.

САН-ХУАН — *Пуэрто-Рико*нинг маъмурий маркази, Пуэрто-Рико о.нинг шим. соҳилида жойлашган йирик порт. Аҳолиси 438 минг киши (1995, шаҳар атрофи б-н 1 млн. киши). Мамлакатнинг саноат, савдо ва маданий маркази. Иқлими тропик иқлим, янв.нинг ўрта-ча т-раси 24°, июлники 28°. Йиллик ёғин 1550 мм. Транспорт йўллари тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга.

Сан-Хуан шаҳри. Сан-Херонимо қалъаси, орқада Эль-Конладо райони.

Порт орқали четга шакар-қанд, ром, тамаки, кофе, сабзавот ва мевалар экспорт қилинади. Озиқ-овқат, кўн-пойабзал, тўқимачилик, машинасозлик, цемент, нефтни қайта ишлаш ва кимё саноати корхоналари бор. Шаҳарга 1508 й.да асос солинган ва дастлаб Капарра, 1521 й.дан янги жойга кўчирилиб Пуэрто-Рико (испанча — бой порт) деб номланган. Кейинчалик оролни Пуэрто-Рико, шаҳарни эса С.-Х. деб атай бошлаганлар. Меъморий ёдгорликлардан қасрлар (1533), собор (1540—87), черков (1929) сақланган. Ун-т, Испан тили академияси, Пуэрто-Рико маданияти ин-ти, кутубхона, музей ва театрлар бор.

САНЧИҚ — қорин бўшлиғи аъзолари касалланганда тўсатдан пайдо бўладиган оғриқ хуружи. Бунда шу аъзолар мускуллари узоқ вақт қисқариши натижасида қисилиш вужудга келиб, кучли оғриқ кузатилади. Ичак, жигар, меъда ости бези, буйрак С.лари фарқ қилинади.

Кўпроқ ичак санчиғи учрайди. Бадҳазм овқатларни кўп истеъмол қилиш, ички аъзолардаги яллиғланиш жараёнлари, операциялардан кейин ҳосил бўлган чандиқ, гижжалар бўлиши, ичакда ачиш ва бижғиш жараёнларининг кучайиб, ел тўпланишидан пайдо бўлади. Кўричакнинг чувалчангсимон ўсимтасига хос соҳа ва тўғри ичак санчиғи тафовут қилинади. Ўсимтага хос соҳа санчиғида қориннинг пастки ва ўнг томонида кучли оғриқ бўлади; тўғри ичак санчиғида тез-тез такрорланиб турувчи оғриқ, ич келишига сохта мойиллик кузатилади. Ичак санчиғи кўнгил айниши, қусиш, қориннинг дам бўлиши ва деворининг тарангланиши, тўлғоқсимон оғриқ б-н кечади.

Жигар санчиғида оғриқ қовурға ости соҳасида пайдо бўлиб, қорининг юқори қисмига, ўнг курак суяги остига тарқалади. Оғриқ хуружлари оғиз қақраши ва аччиқ тахир маза сезилиши, кўнгил айниши, қусиш, гавда т-расининг кўтарилиши б-н ўтади. Бу — бир неча минутдан бир неча соатгача давом этиши мумкин (қ. *Ўт-тош касаллиги*).

Меъда ости бези санчиғида бел оғриб, орқага ҳам тарқалади (қ. *Панкреатит*). Буйрак санчиғида қорин ва бел соҳасида кучли оғриқ пайдо бўлиб, чов ва жинсий аъзоларга тарқалади, беморнинг тез-тез сийгиси қистаб, сийганида ачишиб оғрийди. Оғриқ кучлилигидан бемор «ўзини қўйгани жой тополмай қолади». Бу хуружлар кўпинча оғир жисмоний иш қилгандан кейин, транспортдаги силкиниш, чайқалишдан сўнг кузатилиши мумкин.

Кучли оғриқ хуружлари вақтида врач чақириш, у келгунча оғриқ қолдирувчи дорилар ичирмаслик, иссиқ қилмаслик лозим.

САНЧИҚЎТ (Thalictrum minus) — айиқтовондошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўт. Бўйи 80—100 см. Илдизи попуксимон сершох. Баргининг уз. 7—30 см, 3—4 карра патсимон қирқилган. Гули майда, қизғиш, тўпгули рўвак-симон. Меваси майда, тухумсимон, учи илмоққа ўхшаб қайрилган. Май ойида гуллайди, июнда мева тугади, июлда поя ва барглари қовжирайди. Ўзбекистонда 5 тури тоғларнинг шим. ён бағирларида, хусусан, арчазорларда кўп учрайди. Илдизида таликмин, таликмидин, глаукин, пояси ва барглари да тальмин ва тальмидин алкалоидлари борлиги аниқланган. С.нинг экстрактлари қонни тўхтатиш ва қон босимини кўтариш хусусиятига эга.

Санчиқўт.

САНЪАТ — ижтимоий онг ва инсон фаолиятининг ўзига хос шакли. С. қадимий тарихга эга бўлиб, у жамият тараққиётининг илк босқичларида меҳнат жараёни б-н, кишилар ижтимоий фаолиятининг ривожланиши б-н боғлиқ ҳолда вужудга кела бошлаган. Ибтидоий С.нинг дастлабки излари сўнгги палеолит даврига, тахминан мил. ав. 40—20-минг йилликка бориб тақалади. У даврда ҳали С. инсон фаолиятининг мустақил шакли сифатида ажралиб чиқмаган эди. Чунки маънавият моддий и.ч. билан қориштк ҳолатда эди. Кейинчалик маданиятнинг ўсиши натижасида С. алоҳида соҳа сифатида аста-секин ажрала борди.

С. одамларнинг эстетик талабларини қондириш б-н бирга, ўз тараққиётининг турли даврларида жамият аъзоларини маълум руҳда тарбиялаш, уларни ақлий ва ҳиссий жиҳатдан ривожлантириш воситаси сифатида хизмат қилиб келган, уларнинг турли мақсад, ҳис-туйғу, манфаат, идеалларини ифода этган. С. ижтимоий онгнинг бошқа шаклларидан ўзининг предмети, мазмуни, воқеликни ифода этиш усули ва услуби, ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ҳамда вазифалари жиҳатидан фарқ қилади. С. инсоннинг моддий ва маънавий фаолиятидаги билими, тажрибаси, маҳорати ва қобилиятларини намоён этувчи бадиий ижодиёт маҳсулидир. Эстетик тафаккур тарихида С. нарса ва ҳодисаларни қандай бўлса шундай акс эттириш ва ҳаётни гўзаллик қонунлари асосида бадиий ифодалаш ғоялари сари юксалиб борди. Табиат, жамият ва инсоннинг ижтимоий, маънавий, миллий дунёси С. предмети ҳисобланади. Воқелик қайси шаклда бадиий ифода этилмасин, ижодкор унга маълум ижтимоий-эстетик идеал нуқтаи назардан муносабат билдиради ва ўз эстетик баҳосини беради.

С.ни тушуниш, унинг кишилар ҳаётидаги ўрнини аниқлаш масаласи бутун маданият тарихи давомида жиддий баҳсларга сабаб бўлган. Шунга кўра, С. мазмуни объектив ва субъектив, ҳаётий ва хаёлий омиллар бирлигидан ташкил топади. С.нинг ижтимоий-эстетик вазифалари жуда кенг ва хилма-хил. С. — инсон учун эстетик завқ-шавқ манбаи; инсон ҳаётига гўзаллик бахш этади; одамларда воқеликка нисбатан ҳиссий муносабатни шакллантиради; ҳаётни кузатиш, ўрганиш ва билиш воситаси; ҳаётни инсон орзу қилган томонга ўзгартиришда ёрдам беради; тарбия воситаси; ҳаётдаги гўзалликдан илҳомланишга, хунукликдан нафратланишга чорлайди; одамлар орасидаги маънавий кўприк, мулоқот воситаси; одамларнинг бадиий-эстетик дидини тарбиялайди, уларда маълум дунёқарашни шакллантиради ва ҳ.к. С. жамият маънавий ҳаётининг бошқа ҳодисалари (фан, мафкура, ахлоқ) б-н маълум даражада боғлиқдир. С.нинг мақсади дунёни бадиий ўзлаштириш, одамга даззат бахш эта оладиган, уни маънавий бойита оладиган асарлар яратиш йўли б-н кишиларнинг эстетик

эҳтиёжларини қондиришдан иборат. С. асарларининг диққат марказида инсонлар, уларнинг ижтимоий алоқаси ва ўзаро муносабатлари, муайян тарихий шароитлардаги ҳаёти, фаолияти туради. Шунинг учун ҳам С. асарлари берадиган маърифий билим муайян мамлакат, миллат ёки бир тарихий даврнинг ва шахслар ҳақидаги илмий асарлардан олинган маълумотлардан фарқ қилади. С.нинг тарбиявий кучи унда ифода этилган кечинма ва образларнинг ҳар бир ўқувчи, томошабиннинг қалбига кириб бориши, уларда завқий ҳиссиётларни уйғотишидадир.

С. турли кўринишлари б-н ўзига хос бадиий-эстетик қадриятларни тўплаш, сақлаш ва бошқаларга узатиш хусусиятига эга бўлган эстетик тизимни ташкил этади. С. *тасвирий санъат, меъморлик, рассомлик, ҳайкалтарошлик, мусиқа, театр, кино, ашқ*, бадиий *адабиёт, хореография* ва б.ни ўз ичига олади. С.нинг турлари ўз предмети, тасвир воситалари ва ифода имкониятлари жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Мас., алабиётда асосий ифода воситаси бўлиб тил хизмат қилади; тасвирий С.да бўёқлар орқали конкрет-ҳиссий образ гавдалантирилади; театрда пьеса қаҳрамонларининг сиймоси актёрларда ўз аксини топади. С. барча ижтимоий онг шакллари сингари ўз тараққиёт қонуниятларига эга. Бу қонуниятлар С.нинг ўз ички хусусиятларидан келиб чиқса-да, ижтимоий тараққиёт б-н боғлиқ бўлган халқ, миллат, элат, мамлакат ва жаҳон цивилизацияси даражаси бу қонуниятларда ўз ифодасини топади. С. қонуниятларини *эстетика, санъатшунослик* ўрганади.

Кўчма маънода — фаолиятнинг барча соҳаларига хос юксак маҳорат «С.» деб тушунилади. Мас., баҳс юритиш С. и, уруш олиб бориш С.и, раҳбарлик С.и, нотиқлик С.и ва ҳ.к.

Ад.: Аристотель. Поэтика (русчадан М. Маҳмудов ва У. Тўйчиев таржимаси), Т., 1980; Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И.. История искусств Узбекистана, М., 1965; Маҳмудов Т., Эстетика и духовные ценности, Т., 1992.

Тилоб Маҳмудов.

«САНЪАТ» — илмий-амалий, маънавий-маърифий, рангли журнал. Ўзбекистон БА нашри. 1997 й.дан Тошкент ш.да 3 ойда бир марта ўзбек, рус, инглиз тилларида чоп этилади. Жур. Ўзбекистон ҳамда Ўрта Осиё халқлари қад. ёдгорликлари, санъат ва халқ ҳунармандлигининг анъанавий турлари, меъморлик, рангтасвир, мусиқа, театр ва кино тарихи, Ўзбекистон санъати намояндалари фаолияти ҳамда уларнинг хорижий ҳамкасблари б-н ҳамкорлиги, республикада ва хорижий давлатларда уюштирилаётган кўргазмалар, илмий анжуманлар ҳақида маълумотлар беради. Ўзбекистон БА, шунингдек, унинг ўқув юртлари ва бўлимлари фаолиятини ёритади, эстетик тарбия ва б. масалалар бўйича нуқтаи назарларни баён қилади.

САНЪАТ ИНСТИТУТИ, Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти — драма, мусиқали драма ва қўғирчоқ театрлари учун актёр, режиссёр ҳамда кино учун киноактёр, оператор, кино режиссёр, театр ва киношуносларни ва б. юқори малакали санъат мутахассисларини тайёрловчи олий ўқув юрти. 1945 й. Тошкент ш.да Ўрта Осиё давлат театр санъати ин-ти сифатида ташкил этилган. 1948 й. рус драматурги А. Н. Островский (1823—86) номи берилган. 1991 й.дан ўзбек театр арбоби Маннон *Уйғур* номида. 1954 й. ин-т ҳузурида рассомлик ф-ти очилиб, Театр ва рассомлик санъати ин-тига айлантирилган. 1987 й.дан ин-тда мутахассис тайёрлаш доираси янада кенгайиб, махсус кино-телевидение реж. лиги, операторлик, санъат журналистикаси ихтисосликлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. 1997 й.дан рассомлик санъати ф-ти мустақил ин-т мақомида ажралиб чиқди (қ. *Миллий рассомлик ва дизайн институти*) ва ин-т ҳозирги номи б-н атала бошлади. Ин-тда 5 та ф-т (театр санъати; кино, телевидение санъати ва радио; санъатшунослик ва қўғирчоқ театри санъати; сиртдан ўқиш; малака ошириш) мавжуд; магистратура, аспирантура, илмий кенгаш фаолият кўрсатади. 2002/03 ўқув йили 765 та талаба таълим олди; 100 дан зиёд педагог, шу жумладан, 9 фан д-ри, 10 профессор, 42 фан номзоди ва доцент ишлайди (2004). Ин-т фаолияти турли йилларда ишлаган Маннон Уйғур, Я. *Бобожонов, С. Табибуллаев*, Л. Хўжаева, Қ. *Хўжаев*, А. *Гинзбург*, Н. *Тимофеева*, Ю. Иоффе, И. Рубинштейн, И. *Акбаров*, С. Векслер каби етакчи олим-педагоглар номи б-н боғлиқ. Ин-тда таълим олган режиссёрлардан Т. Хўжаев, О. *Чернова*, Ш. *Аббосов*, Б. *Йўлдошев*, театршунослардан М. *Раҳмонов*, М. *Қодиров*, Т. *Турсунов*, Т. *Баширов*. Т. Исломов, С. Турсунбоев, М. Тўлахўжаева, актёрлардан З. *Муҳаммаджонов*, Р. *Ҳамроев*, Я. *Абдуллаева*, Т. *Алиев*, Б. *Закиров*, Н. *Ансатийев*, Р. *Ибрагимова*, Ё. *Ахмедов*, Э. *Комилов*, П. *Саидҳасанов*, Г. *Жамилова* ва б. республика санъати ривожига муносиб ҳисса қўшди.

Тошпўлат Тўрсунов.

САНЪАТ САРОЙИ — Тошкентдаги Алишер Навоий номли кино-концерт зали (1964, меъморлари В. Березин, С. Сутягин, Ю. Халдеев, Д. Шуваев. Ҳамза номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти, 1964). Кенг ҳажмли кинофильмлар намойиш қилиш, ижтимоий-сиёсий йиғинлар ўтказиш, концертлар бериш учун мўлжалланган. Катта зали (1964, 2300 ўринли), кичик зали (1976; 590 ўринли), қаҳвахона, бар ва буфет бор. С.с. конструктивизм ва функционализм услубида қурилган. Нур ва соядан самарали фойдаланилган. Катта зал акустик асбоблар б-н жиҳозланган. Интерьери «Насриддин афанди саргузаштлари» мавзуида ишланган намоён, совет даври (рассом А. Ганва А. Кедрин), «Мелодия» ҳайкалли мужассамот (ҳайкалтарош Ю. Киселев) б-н безатилган. Шифтидаги безакли металл қандиллар деворлари қандиллар (меъмор С. Сутягин) ёғоч ва гипт безаклар б-н ўзаро уйғунлашган. 1978 йда интерьери тўла реконструкция қилинган.

САНЪАТЛАР СИНТЕЗИ — бир бадиий асар ёки яхлит ансамблни яратишда турли санъатлар ва санъат асарларининг ўзаро узвий боғланиши; инсоннинг моддий ва маънавий муҳитини эстетик жиҳатдан тузишга хизмат қилади. С.с. тушунчаси сифат жиҳатдан янги бадиийлик яратишни назарда тутади. С.с.да ҳар бири ўзининг чекланган ифода ва таъсирий имкониятига эга бўлган санъатлар бирлашуви натижасида ифодаси беқиёс янги бадиий асар юзага келади. Бадиий асар гояси, образ ва композицион бутунлиги, макон ва замонни яратишдаги умумий ният-

Санъат саройи.

роки, кўлами, ритмидаги монандлик санъатда уларни идрок этишни кучайтириб, сифат ўзгаришларини юзага келтиради; бадиий гоялар ривожига кўп планлилик, серқирралик бахш этиб, инсонга ҳар тарафлама тўла ҳиссий таъсир кўрсатади. Театр, кино ва унга яқин фазовий санъатлар табиатан мужассамлаштирувчи бўлиб, булар драматург (сценарийчи), актёр, реж., рассом, кинода, шунингдек, оператор ижодини бирлаштиради; мусиқали театрда драматик санъат, вокал ва чолғу асбоблари мусиқаси, хореография ва ҳ.к. бир бутунликка намоён бўлади. *Режиссёрлик санъати* бадиий театр ёки кинематография асарларини янги бутунликка бирлаштиради.

Санъат тарихида синтезининг милмахил турлари маълум. *Тасвирий санъат, амалий санъат* асарлари ва меъморлик ҳамиша ўзаро боғланишга, бирлашишга мойилдир. Бунда *рангтасвир, ҳайкалтарошлик* асарлари ўз вазифасини бажариш б-н бирга меъморий образни бойитади. Бу нафис уйғунликда, одатда, амалий безак санъати, дастгоҳ санъати асарлари (картина, ҳайкалча ва ш.к.) иштирок этади. Синтез санъат турлари (мас., кинода — хроника, репортаж ва ҳ.к. усулларни бадиий фильмда қўллаш) ва санъатлараро (мас., театр воқеаларига кинематография тасвирини киритиш) турли даражада амалга оширилади. С.с.да иштирок этаётган санъатлар орасидаги мувозанат турлича бўлади, санъатнинг бирига алоқадор бўлган сифат ҳам (мас., классицизмда нафис санъатларининг мутаносиблиги, юнон санъатидаги «нафислик», барокко санъатидаги «тасвирийлик» ва б.) умумий ахамият касб этади. Санъатнинг бир турн қолганларини ўзига бўйсундириб (мас., Қад. Миср меъморлиги ҳайкалтарошлик ва рангтасвирни) тўлиқ ҳукмронлик қилиши назарда тутилади. Рассом (ҳайкалтарош)нинг гояси туфайли санъат турлари ўзаро чатишиб кетиши бирбирини тўлдириши ва бир-бирига кескин қарама-қарши қўйилиши мумкин.

Ибтидоий жамоа тузумида санъатлар турларга бўлинмаган, қоришиқ ҳолда бўлиб, инсон фаолияти ва унинг маросимлари б-н бевосита қўшилиб кетган. Санъатлар ўз хусусиятлари ва ўзига хослигини намоён этиб бўлина бошлаганда тескари жараён — уларнинг синтезига интилиш юзага келди. Қад. Шарқ маданиятидан бошлаб ибодатхона диний маросимлари б-н ягона гояга бўйсундирилган меъморий элементлар, тасвирий ва амалий безак санъати, ёзғаки ва ёзма ижодиёт, шунингдек, маросим ҳаракатлари С.с.нинг дастлабки кўринишлари сифатида майдонга чиқди. Маҳобатли Миср эҳромлари меъморий унсурларининг рамзий кўринишларига юнон маданияти инсоннинг юксаклигини ифодаловчи меъморлик ва ҳайкалтарошликнинг уйғун ҳолдаги бирикувини қарама-қарши қўйди. Уйғонини даврида санъатнинг бўлиниши юзага келди; синтезининг ҳар бир санъатининг ўз мустақиллигига асосланган янги шаклари пайдо бўлди. Уйғониш даври усталари (Браманте, Рафаэль, Микеланжело ва б.) ижодида санъатнинг яхлит, уйғунлашган ансамблга бирикишининг умумий қонуниятлари ҳосил қилинди. 20-а. С.с.га оид муҳим ишлар илгор ижтимоий ва инқилобий ҳаракатлар таъсирида (Д. Ривера, Д. Сикейрос, Х. Оррисо ва б.) жамоат қурилишлари, меъморий иншоотлар ва кўргазмалар мажмуаларн яратилиши, шунингдек, муаллари ҳаётга йўналтирилган байрамлар, халқ юришлари, фестивалларн ва ҳ.к.ни беташ б-н боғлиқ.

Шарқда (Қад. Ҳиндистон, Хитой), Ўрта Осиёда қадимдан яражумладан, Ўрта Осиёда қадимдан яратилган ибодатхона, саройлар, бутун бир шаҳарлар — Холчаён, Варахша, Тупроққалъа, Афросиёб саройлари Тупроққалъа, Афросиёб саройлари С.с.нинг хилма-хиллигини кўрсатади. С.с.нинг хилма-хиллигини кўрсатади. *Навоий театри, Мукимий театри,* Тошкент метрополитени бекатлари, *Халқлар дўстлиги саройи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Бухорий ёдгорлик мажмуи* ва б. биноларчиниакам халқ санъатининг ажойиб уйғунлашган санъат намунасидир.

Абдусалай Ўнаров.

САНЪАТШУНОСЛИК — кенг маънода *санъатни* ўрганадиган ижтимоий фанлар мажмуи; умуман олганда жамиятнинг бадиий маданиятини тўлиқ ҳолда ва санъатнинг алоҳида турлари, уларнинг вужудга келиши ва тараққиёт қонуниятлари, ўзига хослиги ва воқеликка муносабати, ижтимоий онгнинг тарихдаги роли, ижтимоий ҳаёт ва маданиятнинг бошқа жараёнлар б-н алоқаси, бадиий асарнинг мазмун ва шакл б-н боғлиқ барча масалалари йиғиндисини ўрганади. С. фани *адабиётшунослик, мусиқашунослик, театршунослик, киношунослик, тасвирий санъат* ва *меъморлик* каби мустақил фанларга ажралиб чиқиши билан кўп қўлланиладиган маънодаги С., яъни нафис (пластик) ёки фазовий санъатлар ҳисобланган *меъморлик, рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика, амалий санъат, безак санъати* кабиларни ҳам ўз ичига олади. Хусусан, тасвирий санъат, меъморлик, амалий безак санъатининг кўп жиҳатлари ва дизайнни махсус ўрганади. Пластик санъатлар доирасида С.нинг санъат назарияси, санъат тарихи ва бадиий танқид каби турлари мавжуд. Улар ўзаро узвий алоқада бўлиб, ҳар бири ўзининг махсус вазифасига эга. Санъат назарияси нафис санъатга нисбатан гоявий мазмун, бадиий шакл, услуб, ифода воситалари, санъатнинг тур ва жанрларига хос махсус хусусиятлари ва б. масалаларни уларнинг ўзаро алоқасида ўрганади; шунингдек, умумий қонуниятларни, санъат тараққиётининг объектив мантиқи, унинг жамият б-н муносабати, жамоа ва шахсга нисбатан таъсирини кўриб чиқади. Санъат тарихи эса санъатнинг умумий тараққиёти («умумсанъат тарихи»)ни бирор мамлакат ёки алоҳида даврда ўрганади ва тадқиқ қилади. санъатининг бирор тур ёки жанри, оқими, йўналиши ривожини, айрим рассомнинг ижодий услубини таҳлил қилади. Бадиий танқид замонавий бадиий ҳаётни таҳлил қилади, унинг йўналиши, тур ва жанрларини, айрим санъат усталарининг ижоди ва уларнинг алоҳида бадиий асарларини текширади ва баҳолайди; санъат ҳодисаларини ҳаёт ва ижтимоий давр идеали б-н қиёслайди. Шулар асосида С.нинг асосий соҳалари ва адабий жанрлари белгиланади: назарий рисола, рассомлар учун қўлланма, назарий ва тарихий, умумий ва махсус (монография) тадқиқотлар, мақола ва нутқлар, танқидий умумлашмалар шулар жумласидан. С. жамиятшунослик ва қатор аниқ фанлар услубидан фойдаланади; шунингдек, бадиий ижод тадқиқот объекти бўлганлиги туфайли унн эстетик баҳолаш, муайян давр услуби ёки санъатшуносининг шу жараёнлар б-н боғлиқ индивидуал дидн ҳақида мулоҳаза юритади. С.нинг илмий фаолияти кенг ва хилма-хил: ўрганилаётган соҳа бўйича аниқ далилларни тўплаш, уларни атрофлича ўрганиш ва умумлаштириш; санъат ёдгорликларини экспедициялар ёрдамида очиш, таъмирлаш турлари; ёдгорликларни аниқлаш, рўйхатга олиш ва тартибга солиш; рассом ва унинг асарлари ҳақида маълумот тўплаш, илмий музейлар каталогини тузиш, биографик ва б. маълумотномалар яратиш, рассомлар адабий мероси (эсдалик, хат, мақолалар ва б.)ни нашр қилиш кабилар киради. С.нинг ижтимоий аҳамияти унинг хулоса ва якунларининг илмий аҳамияти б-н бирга санъатни оммалаштириш ва ташвиқ қилиш (илмий оммабоп адабиётлар, маъруза, экскурсиялар уюштириш), кенг китобхонларни санъат асарига жалб қилиш ва уни тушунтиришни б-н белгиланади. С. жамиятшу-

навий эстетик тамойиллар миқёсида ва бадиий мерос соҳасида у ёки бу баҳолаш тизимини белгилаши б-н ўз замонасининг ижодий жараёнига чуқур таъсир кўрсатади.

С. фан сифатида 16—19-а.лар мобайнида шаклланган. Бунга қадар, фалсафий, диний ва б. фанлар таркибида ёки айрим маълумот, қўлланмалар баёни кўринишида бўлган. Илк намуналари Юнонистон (Аристотель, Платон, мил. ав. 4-а.), Қад. Рим (Цицерон, Витрувий, мил. ав. I — мил. 1-а.), Осиё мамлакатларида санъат назарияси ва тарихининг кўплаб ҳолатлари баён қилинган яхлит ва универсал кўринишдаги рисолалар битилган. Уларда меъмор ва рассомларга айрим қўлланмалар, диний мифологик афсоналар фалсафий, ахлоқий ва б. тасаввурлар, санъат тарихи элементлари қўшилган ҳолда баён қилинган. Шарқда ўрта асрларда яратилган рисолаларда тажрибали мусаввир ва хаттотларнинг тавсияномалари, ислом ақидалари ва маърифий инсонпарварлик анъаналари жамланган (*Султонали Машҳадий*, Дўст Муҳаммад, 16-а.), С.нинг фан сифатида шаклланишида Уйғониш даври муҳим босқич бўлди (Л. Гиберти, Л. Альберти, Леонардо да Винчи, А. Дюрер ва б.), маърифатчилик даврида мустақил фан сифатида ажралиб чиқа бошлади (француз Д. Дидро, немис Г. Лессинг ва б.).

Ўзбекистонда С. фан сифатида 20-а. 20-й.ларидан шаклланди. Дастлаб бадиий танқидчилик жадал ривожланди; 40-й.лардан миллий маданият ва унинг меросига эътибор кучайди, санъатда ватанпарварлик ғоялари ўз ифодасини топди. 50—80-й.ларда долзарб масалалар, реалистик кўп қиррали изланишларга кенг йўл очилди (Б. Никифоров, Л. Жадова, С. Круковская, М. Мюнц, А. *Умаров*, Р. *Тоқтош*, Д. Фахретдинова, Т. Маҳмудов, Л. Шостко, А. *Ҳакимов*, Н. Абдуллаев ва б.). Ўзбекистон БА *Санъатшунослик институтида* тарихчи-санъатшунослар томонидан қад. ва ўрта асрлар санъатининг янги-янги қатламлари ўрганилмоқда (Г. Пугаченкова, Л. Ремпель, П. Зоҳидов, Ш. Тошхўжаев ва б.).

Абдунаби Эгамбердиев.

САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон Банинг Санъатшунослик илмий тадқиқот институти — ўзбек миллий санъати назарий ва амалий масалалари б-н шуғулланувчи илмий марказ. 1928 й.да Самарқанд ш.да Ўзбекистон мусиқа ва хореография и.т. институти номи б-н ташкил қилинган. 1932 й. Тошкент ш.га кўчирилган. Маданият министрлиги (1943—57 ва 1963—97), Ўзбекистон ФА (1957—63) қошида бўлган; 1997 й.дан Ўзбекистон БА таркибида. С.и.да тасвирий санъат, амалий санъат, мусиқа тарихи, фольклор ва замонавий мусиқа, театр ва хореография, меъморлик, кино ва телевидение, маданиятшунослик, санъат ва меъморлик тарихи, Ўзбекистон санъатшунослик экспедициясининг бўлимлари, қад. ёдгорликларни реставрация қилиш, фотокино, овоз ёзиш лаб.лари, ихтисослашган кутубхона бор. Ин-т кўргазма тўпламида археологик қазилмалар жараёнида топилган муҳим ашёвий манбалар хазинаси, халк ва магнит тасмаларига ёзиб олинган нодир ва ноёб халқ мусиқа ижодиёти намуналари, санъатшунослик и.т.ларининг асл қўлёзмалари, фотоматериаллари ва архив материаллари сақланади. 1978 й.дан номзодлик ва 1992 й.дан д-рлик диссертациялари ҳимояси ҳуқуқига эга Ихтисослашган кенгаш фаолият кўрсатади.

Санъатшунослик институти биноси.

С.и.да ўзбек миллий санъати — тасвирий ва амалий безак санъатининг назарий услубий жиҳатлари, мусиқий мерос ва замонавий ижодиёт, анъанавий ва замонавий театр муаммолари, қадимшунослик топилмалари, маданиятшунослик ва б. масалалар бўйича и.т. ишлари олиб борилади. Илмий тўпламлар нашр этилади. Ин-т 1989 й.дан Японияниинг Сока ун-ти б-н илмий ҳамкорлик ўрнатган, Японияниинг Ипак йўли ин-ти б-н Кушан даврига оид *Далварзинтепа* маданий ёдгорлигида, япон ва рус археолог олимлари б-н ҳамкорликда *Кампиртепа* харобаларида қазилма ишлари олиб борилмоқда. 2002 й.дан ЮНЕСКОнинг фольклор ва анъанавий маданиятни ўрганиш минтақавий маркази тузилиб, Бойсун мажмуавий экспедицияси ўз ишини бошлаган.

Ин-тда санъатшунослик тараққиётига улкан ҳисса қўшган олимлардан Г. А. *Пугаченкова*, Л. И. *Ремпель*, М. С. *Булатов*, И. Ражабов (қ. *Ражабийлар*), М. К. *Раҳимов*, Т. С. *Визго*, Л. Ю. Маньковская, Д. А. Фахретдинова, С. Маҳкамова, А. *Умаров* ва б. ишлаган; М. *Раҳмонов*, М. *Қодиров*, П. *Зоҳидов*, Э. В. *Ртвеладзе*, Р. *Тоқтош*, Т. *Гафурбеков*, Ф. Каромatов (*Карoматли*), Ж. *Тешабоев*, А. *Ҳакимов*, Р. Абдуллаев, Б. Турғунов ва б. ижодий фаолият кўрсатмоқда.

Давлат Муллажонов.

ўзини озод инсон сифатида қайта кашф этиши, имкониятларини намоён қилишига руҳий мададкор вазифасини бажармоқда. Унда ўзбек аёлларининг турмуш тарзи, уй тутиши, саломатлиги, бола тарбияси, маданий-маиший эҳтиёжлари ва б. масалалар ёритилиши б-н бирга ўзбек маданий мероси ва миллий қадриятларидан, жаҳон адабиётидан, ёш ижодкор қизларнинг асарларидан намуналар, дунёнинг машҳур хотин-қизлари ҳаётидан қизиқарли лавҳалар бериб борилади. 1999 й.дан «С.» жур.га илова сифатида «Гулчеҳралар» газ. нашр этилмоқда. Ойига 1 марта — йилига 12 марта чоп қилинадиган бу газ. кўпроқ ёшлар мавзуини ёритади.

Алади 40000 (2003). Муҳаррири — Ойдин Ҳожиева (1994 й.дан).

САОЛИБИЙ, Абу Мансур Абдулмалик ибн Муҳаммад ибн Исмоил ас-Саолибий (961 — Нишопур — 1038) — ёзувчи, адабиётшунос, тилшунос ва тарихчи олим. Арабистон, Ироқ, Испания, Хуросон ва Мовароуннаҳр бўйлаб саёҳат қилган. 992 й.да Бухорога, сўнг Хоразмга келган. Хоразмшоҳ Абул Аббос Маъмун (ҳукмронлик даври: 1009—17) саройида хизмат қилган, унга атаб асарлар ёзган. С.нинг «Йатимат уд-даҳр фи маҳосин аҳл ал-аср» («Аср аҳлининг фозилларига ҳақида замонасининг дурдонаси») тазкираси машҳур бўлиб, у ўша давр Мовароуннаҳр, Хоразм, Хуросон ва араб адабиёти ҳақидаги ноёб манбадир. Асарнинг илк нусхаси 994—1000 й.ларда ёзилган бўлиб, муаллиф 1011—17 й.ларда уни қайта ишлаб тўлдирган ва хоразмшоҳ Абул Аббос Маъмунга тақдим этган. Тазкира муқаддима ва 4 қисм (40 боб)дан иборат бўлиб, унда 10-а. ҳамда 11-а. бошларида араб тилида ижод қилган мовароуннаҳрлик ва бир қанча хуросонлик шоирлар ҳаёти ҳамда ижоди ёритилган. «Татиммат ал-Йатима» («Ягона дурдонага қўшимча», 1032—38) асарида эса «Йатимат уд-даҳр» га кирмай қолган ёки кейинчалик танилган яна 209 шоир (улардан 104 нафари Мовароуннаҳр ва Хуросондан) ҳақида маълумот берилган. С.нинг «Китоб латоиф ал-маориф» («Ажойиб маълумотлар ҳақида китоб») асари бувайҳийлар сулоласи вазири ас-Соҳиб (995 й. в.э.)га бағишланган. С. исломгача ва ислом даврида ўтган кўплаб шоирлар, машҳур кишилар, халифалар, лашкарбошилар ва уларнинг тахаллуслари тўғрисида нодир маълумотлар келтирган. Асарда муҳим тарихий-этнографик маълумотлар, С. ва унга замондош арабийнавис шоирларнинг шеърларидан парчалар мавжуд. «Ғурар ахбор мулук ал-фурс ва сияръҳим» («Эрон подшоҳлари ҳақидаги хабар ва ҳикоялар сараси») номли тарихий асар, «Шоҳнома» ва бир шеърий девон ҳам яратган. «Ат-Тамассул валмухозарат» ва «Мубҳиж» асарларини Қобус ибн Вушмгир (ҳукмронлик даври: 978—1012) га бағишлаган. С.нинг кўплаб асарлари Исматулла *Абдуллаев* томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

Ас.: Йатимат уд-даҳр [4-ж.]. Т., 1976; Татиммат ал-Йатима («Йатимат уд-даҳр» 4-қисмининг қўшимчаси). Т., 1990; Китоб латоиф ал-маориф. Т., 1987; Ажойиб маълумотлар, Т., 1995.

Ад.: Абдуллаев И., Абу Мансур ас-Саолибий, Т., 1972.

САПАЕВ Эшмурод (1923, Кўҳна Урганч) — кулол, Хоразм кулоллик мактабининг қад. анъанавий усулларини ривожлантирган. Хоразм воҳасида катта ҳажмли хумлар яратадиган ягона уста; у яратган хумлар қатъий бир шаклуста; у яратган хумлар қатъий бир шаклда нафис ишланиб (бал. 1 м дан ортиқ), фероза тусли сир б-н сирланган, ҳандасий нақш ва ҳайвон тасвирлари (қўчқор шохи ва б.) ўзига хослиги б-н ажралиб туради. С. шунингдек, бодия, чойнак, коса, пиёла, қўшқулоқ ва б. бадиий идишлар яратади, хом ашёни қад. усулда (тоғ минераллари — тошқал, ўсимлик кукуни қўшиб) тайёрлайди. Ўсимлик кукуни қўшиб) тайёрлайди.

САПАЕВА Мирзагул (1962.13.2, Қорақалпоғистон, Чимбой тумани) — актриса, хоненда. Ўзбекистон халқ артисти (2002). Қорақалпоғистон халқ артисти (1994), Туркманистонда хизмат кўрсатган артист (1998). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1985). 1985 й.дан Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театрида ишлайди. Она («Она»), Майсара («Майсаранинг иши» операсидаги), биринчи қорақалпоқ операси «Ажинияз»да Айборек, Ойсанам («Суймаганга суйканма»), Шоҳсанам («Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам»), Ҳонума («Ҳонума хонним»), Гулнора («Шарьяр») каби ролларни б-н шуҳрат қозонди. С. ижоди бетакрор, ёқимли ва жарангдор овози, вокал имкониятларини бойитиб бориши, янгилиққа интилиши, миллийлиги б-н ажралиб туради.

САПАРБОЕВА Зиёда (1938.10.8, Гурлан тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1997). Тошкент педагогика ин-ти (1964) ва Хоразм педагогика ин-ти (1983)ни тугатган. 1957 й.дан Янгибозор, Гурлан туманларидаги мактабларда бошланғич синф ўқитувчиси, Гурлан туманидаги 15-мактаб директори (1977—79), «Нуроний» жамғармаси Янгибозор тумани бўлими раиси (1999—2002). Ноанъанавий дарс усулларидан фойдаланган.

САПАРОВА Аноргул Сейтназар қизи (1958.1.12, Хўжайли тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1997). Хўжайли пед.билим юртини тугатган (1977). 1977 й.дан Хўжайли ш.даги меҳрибонлик уйида тарбиячи, бошланғич синф ўқитувчиси. Хўжайли ш.даги мактабларда чизмачилик ва тасвирий санъат ўқитувчиси (1979—92). Дарсларни янги педагогик технологиялар асосида ўтган.

САПАРОВА Зулайҳо (1930.23.2, Тўрткўл) — қорақалпоқ раққосаси. Ўзбекистон халқ артисти (1969). 1954—76 й.лар Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат филармониясида якқахон раққоса. 1976 й.дан балетмейстерлик қилган. «Тинчик кабутари», «Юрак торлари», «Намабаси», «Нозли» каби қорақалпоқча, ўзбекча «Занг», «Лазги», «Дилдор», «Пилла», «Ногинғим» каби рақслари б-н танилган. Унинг рақслари шўхчанлиги, айни пайтда майин ва миллийлиги, жозибадорлиги б-н ажралиб турган. С., шунингдек, ҳинд, туркман, тожик ва б. халқлар рақсларини ҳам моҳирона ижро этган. Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти лауреати (1968).

САПАРОВА Райҳон (1948.15.7, Нукус) — актриса, хоненда. Ўзбекистон халқ артисти (1998). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1971). 1971—86 й.лар Қорақалпоқ давлат мусиқали драма ва комедия театрида, 1986 й.дан Қорақалпоғистон ёш томошабинлар театрида актриса (1986—2000 й.лар бадиий раҳбар). Асосий роллари: Турдигул («Жумагул»), Хошша («Суймаганга суйканма»), Ҳурлиқо («Ошиқ Ғариб»), Фатма-Исмоил («Абу Райҳон Беруний»), Зумрад («Ўз аризасига кўра»), Клементино («Оти ўчсин»), Баҳор («Юрак ўти сўнмасин»), Ойша («Келин»), Гулзийра («Онлар»), Зубаржат («Ой тутилган тунда»).

САПЕРАВИ — ўртапишар, қад. грузин винобоп узум нави. Қора денгиз бўйи экологик-географик навлар гуруҳига киради. Грузия (Кахетия), Озарбайжон, Ўзбекистон, Қрим, Россия жан.да тарқалган. Тупи кучли ва ўртача ўсади, барги йирик, тухумсимон ёки тўғарак, 3—5 бўлмали, орқаси тукли. Гули 2 жинсли. Узум боши 150 г атрофида, конуссимон, гужуми қавол, ўртача зич, тўқ яшил, қора мумғубор б-н қопланган. Пўсти юпқа, эти суюл. Фаол ҳароратлар йиғиндиси 3000° да 140—150 кунда (июлда) етилади. Новдалари яхши пишади. Ҳосилдорлиги 90—160 ц/га. Замбурутли касалликларга чидами ўртачи. Совуққа чидамли. Узумидан десерт, ўртача ширин, овқат устида ичиладиган ҳамда шампан винолари тайёрланади.

САПОНИНЛАР (лот. saponis — совун) — глюкозидлар гуруҳига мансуб азотсиз мураккаб органик бирикмалар. С.нинг таъми аччиқ, ҳиди ўткир, чайқатилганда (концентрацияси 0,001 г/л бўлгандаёқ) совунга ўхшаб кўпиради. Соф С. — рангсиз ёки сарғиш аморф моддалар. Сувда эритилганда коллоид эритмалар ҳосил бўлади. Сувли эритмаларн мойлар ва смолалар б-н барқарор эмульсиялар беради. Кислота ёки ферментлар гидролиз натижасида С. *моносахаридларга* ва углевод бўлмаган қисм — агликон (сапогенин) га парчаланади. Раънодошлар, чиннигулдошлар оиласига мансуб ўсимликларда айниқса кўп. Таркибида С. бўлган ўсимликлар (мас., совундарахт, қизилмия, ипомея, етмак ва б.) тиббиётда балғам кўчирадиган ва сийдик ҳайдайдиган восита сифатида ишлатилади. Озиқ-овқат саноатида турли ичимликлар, қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлашда қўлланади. Баъзи С. (сапотоксинлар) ўта заҳарли.

САПОТЕКЛАР — Мексиканинг Оахака штатида яшовчи индейс халқи. 350 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Сапотек тилида сўзлашади. Америка катта монголоид ирқига мансуб. Диндорлари — католиклар. С.нинг Монте — Альбан ш. Мексиканинг қад. маданий маркази ҳисобланган. С. маданияти Мексика тарихида энг қад. ҳисобланади (мил. ав. 4-а. — мил. 16-а.нинг бошлари). 150 га яқин 4 камерали лахмалар, саройлар, эҳромлар, жуда кўп деворий ёзувлар, расадхона, 120 қаторли улкан амфитеатр, 40 м кенгликдаги тош зина, тўп ўйнаш учун мўлжалланган стадион ва б. очилган. Миштеклар сардори қабридан катта миқдорда ноёб тилла заргарлик буюмлари топилган. С., асосан, қ.х., ҳунармандчилик, чорвачилик, балиқ овлаш б-н шуғулланади.

САППОРО — Япониядаги шаҳар, Хоккайдо о.нинг жан.-ғарбий қисмида. Аҳолиси 1,8 млн. киши (2000). Оролнинг энг муҳим иқтисодий ва маданий маркази. Отару порти бор. Қ.х. маҳсулотлари, балиқ, ёғоч қайта ишланади. Нефть кимёси, резина, машинасозлик (жумладан, авиасозлик), металлсозлик, кўн-тери, полиграфия саноати корхоналари мавжуд. Метрополитен қурилган. Ун-т, ботаника боғи, ботаника ва этнография музейлари бор. Қишки спорт ўйинлари маркази. С.да 1972 й.да 11-қишки Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтган.

САПРОПЕЛИТЛАР, сапропел кўмирлар (юн. sapros — чириган ва pelos — балчиқ лой) — қазиб олинаётган ва сода микроорганизмлар қолдиқларининг кўл суви ва лагуналар тубига чўкиб тўпланишидан ҳосил бўлади. Ранги кўнгир, кўнгир-кулранг, қора. С. таркибидаги сапропел микрокомпонентлар (альгинит) ва гумус микрокомпонентлар (витринит, фюзинит, лейптинит)нинг ўзаро миқдорини нисбатига кўра, хусусий С. (богхед, гумит -С. (кеннель-богхед, кеннель-касьянит, черемхит), С.-гумит (кеннель, касьянит) синфларига бўлинади. С.да учувчан моддалар (60—90%), бирламчи қатрон (50% дан ортиқ), водород (7—12%) миқдори гумолитлардагига нисбатан кўп. Қимматли кимёвий хом ашё ҳисобланади, ундан суюқ ёнилғи олинади. Москва ёни, Иркутск (Россия) ва Рур (Германия) кўмир ҳавзаларида С. мавжуд. Захираси кам бўлганлиги ва кўмирнинг бошқа турларидан (кўпинча кўнгир кўмирдан) ажратиб қазиб олиш қийин бўлганлиги туфайли саноат миқёсида қазиб чиқарилмайди.

САПРОТРОФЛАР (юн. sapros — чириган ва phyton — ўсимлик) — ўлик объектлардан озиқ манбаи сифатида фойдаланадиган микроорганизмлар. С. табиатда кенг тарқалган бўлиб, тупроқ, ҳаво, сувда, одам ва ҳайвонлар организмида учрайди. Одатда, С. касаллик қўзғатмайди. Лекин одамларда касаллик қўзғатиш хусусиятига эга бўлган сапрофит ҳаёт кечирувчи микроблар ҳам учрайди. Соғлом одам организмида ҳам С. кўп бўлади. Табиий иммунитет механизми бузилганда баъзи С. ўзи яшаб турган аъзолардан организмнинг бошқа тўқима ва аъзоларига ўтиб, касаллик (мас., *сепсис, менингит*) қўзғатиши мумкин.

САПСАН (Falco peridrinus) — *йиртқич қушлар* туркумининг *лочинсимонлар* оиласига мансуб қуш. Еткази, боши тўқ қорамтир, танасининг остки қисми оқ. Уз. 35—50 см, вазни 500— 1500 г. Ҳамма материкларда тарқалган. Ўзбекистонда қушлар учиб ўтиш даврида ва қишлаб қолганда учрайди. Уясини қоялларга, қариларнинг эски уяларига қуради. 3—4 та тухум қўйиб, урғочиси 30 кунда яқин босади. Болалари 35—40 кунда учирма бўлади. Асосан, қушлар (каптар, балчиқчи, ўрдак, балиқчи, қарға, чўғурчуқ-турғай ва б.)ни овлайди. Аэропорт, бог ва узумзорларини қушлардан қўриқлашда фойдаланилади. 20-а. ўрталарида сони камайиб кетганлиги туфайли АҚШ, Канада, Германия, Швеция ва б. мамлакатларда С.ни тутқинликда кўпайтириш йўлга қўйилди. Табиатда камёб тур мақоми б-н Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига ва «Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турларининг халқаро савдоси тўғрисида»ги Конвенция (CITES)нинг II иловасига киритилган (яна қ. *Лочин*).

Сапсан.

САПУН— *ички ёнув двигатели* картерини атмосфера б-н туташтирувчи қурилма. С. *поршень* ҳалқалари зич бўлмаганлиги туфайли поршень б-н *цилиндр* орасидаги тирқишдан картерга ўтган газларни чиқариб юбориш ва картерни шамоллатиш учун хизмат қилади. Картердаги мой газ б-н бирга ташқарига чиқиб кетмаслиги ва ташқаридан картерга ифлос ҳаво киримаслиги учун С.га махсус фильтрли мой қайтаргич ўрнатилади.

САПФИР (қад. яхудийча сапир — кўк тош) — корунднинг Al_2O_3, таркибли шаффоф, тиниқ кўк рангли хили. Заргарликда бошқа рангли турларига (қизил гули — ёқутлаш ташқариси) С. деб ном берилган. Ранги изоморфли аралашмаларга боғлиқ: алюминийнинг турли миқдорда титан ва темир (Fe^{2+} ва Fe^{3+} фарқ қилади) алмашувидан ҳосил бўлади. Тригонал сингонияда кристалланади. 1-тоифали қимматбаҳо тош ҳисобланади. Шишасимон ялтироқ. Қаттиқлиги 9; зичлиги 3,5—3,6 г/см³. Конлари Шри-Ланка, Ҳиндистон, Таиланд, Россияда бор. Тарихда машҳур бўлган С. тошлари Британия империясининг тожида (104 карат), овал шаклли (258,8 карат) бриллиант брошкада ўрнатилгани Россия *Олмос фонди*да сақланмоқда. С. саноатда сунъий йўл б-н ҳам олинади. С.нинг зумрад, топаз, сафсар (аметист) ва б. хиллари заргарликда, сунъий рантгени — лейкосапфир микроэлектроникада, квант электроникаси, оптика ва б.да ишлатилади (қ. *Корунд*). Ўзбекистонда «корунд минтақаси» Томди тоғларидан Олай тоғларигача 1000 км га чўзилган бўлса ҳам сифатли С. ҳануз топилмаган.

Сапфир.

САРАГОСА — Испаниянинг шим.-шарқий қисмидаги шаҳар, Эбро дарёси бўйида. Арагон мухтор вилояти ва Сарагоса провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 841,4 минг киши (1998). Машинасозлик (жумладан, т.й. ва қ.х. машинасозлиги, станоксозлик, автомобилсозлик, электр жиҳозлари в.ҳ.), озиқ-овқат, кимё, тўқимачилик, ёғочсозлик, цемент, кўн-тери саноати корхоналари мавжуд. Ун-т (1533), нафис санъат музейи бор. Шаҳарга мил.ав. 27 й.да римликлар асос солган. 714 й.да араблар ҳукмронлиги остида бўлган. 1118 й.дан Испания таркибида. Меъморий ёдгорликлардан 11—17-а.ларда қурилган собор, минора, черков, саройлар сақланган.

САРАЕВО — Босния ва Герцеговина пойтахти. Тог оралиғидаги сойликда, Миляцка дарёси бўйида жойлашган. Аҳолиси 360 минг киши (1997). Транспорт йўлларининг муҳим тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Мамлакатнинг йирик савдо ва саноат маркази. Машинасозлик (автомобилсозлик, электротехника, радиоэлектроника), кимё, тўқимачилик, кўн-пойабзал, ёғочсозлик, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Ҳунармандчилик ривожланган, гилам тўқилади. Фан ва санъат академияси, ун-т (1946), илмий тадқиқот ин-тлари, кутубхоналар, картиналар галереяси, музей ва театрлар бор. Туризм маркази. Шаҳар яқинида Илиджа курорти жойлашган. Шаҳар 1244 й.дан Врхбосна номи б-н маълум. 1435 й.дан Усмонли турклар қўл остида бўлган. 1507 й.дан С. (туркча Saray — сарой) деб аталган. С.да Шарқ меъморлиги услубида қурилган Хисравбек масжиди (1531), Алипошшо масжиди (1561) сақланган. Замонавий маъмурий ва турар жой биноси кўп. С. қишки спорт ўйинлари маркази. 1984 й.да 14-қишки Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтган.

Сараево шаҳри. Эски шаҳар қисми.

САРАЕВОДАГИ ҚОТИЛЛИК — Австрия-Венгрия тахтининг вориси Франц Фердинанд ва унинг хотинини Сараево ш. (Босния)да ўлдирилиши (1914.28.6). «Ёш босниялик» махфий миллатчилар гуруҳи томонидан амалга оширилган. С.қ. Австрия-Венгрия ва Германия томонидан Сербияга ҳарбий ҳужум учун баҳона бўлган, натижада Биринчи жаҳон уруши бошланган.

САРАЖИ ҚЎЙ ЗОТИ — ярим дағал жунли думбали қўй зоти. Ватани — Туркманистон. Номи Мари ш. яқинидаги Сари Жа овули номидан. Чорвадорлар томонидан узоқ танлаш ва саралаш орқали яратилган. Қўчқорларининг вазни 80—90 кг, совлиқлариники 50—65 кг. Думбаси ўртача (6—7 кг), серпушт-лиги 110—115%. С.қ.з. думбали қўй зотлари орасида жун маҳсулдорлиги бўйича энг яхши зот ҳисобланади. Совлиқларидан 3—3,5 кг, қўчқорларидан 3,5—4,5 кг жун қирқиб олинади. Жунининг туси оқ, оч кулранг кокилчалардан иборат, уз. 12—20 см, таркибида уз. 7—9 см тенги бор. Соф жун чиқиши — 55— 60%. Жуни туркман гиламлари ишлаб чиқаришда хом ашё ҳисобланади. Соф ҳолда Туркманистонда кўпайтирилади. Йил бўйи яйловда боқишга мўлжалланган. С.қ.з. дан Ўзбекистонда думбали жайдари қўйлар зотини яхшилашда фойдаланилади. Тошкент вилояти Чиноз ва Янгийўл туманлари хўжаликларида С.қ.з. дурагайлари урчитиб кўпайтирилади.

Саражи қўй зоти.

САРАЗМ — Зарафшон водийсининг *энеолит* ва илк *жез даври*га оид қад. деҳқончилик маданиятига тегишли археологик ёдгорлик. Унинг асосида кейинчалик С. қишлоғи таркиб топган. У Зарафшон дарёсининг тоғлар орасидан кенг водийга чиқиш жойида, Ойимқўл ёнида жойлашган. Сутшунос олим В.А.Ливщицнинг фикрига кўра, «С.» атамаси сутдча «саризами», яъни «ернинг бошланиши», «воҳанинг бошланиши» демакдир. Ёдгорлик ясси тепачалар кўринишида, 100 гектарга яқин жойни эгаллаган. Унда 1976 й.дан тадқиқот ишлари олиб борилади. Археологик тадқиқот натижаларига қараганда, С. Зарафшон водийсининг энг қад. бобо деҳқонлари маскани бўлиб, бу жойда ҳаёт энеолитнинг ривожланган босқичидан то илк жез даврига қадар (яқин 1,5 минг йил) давом этган.

Саразм топилмалари.

С.да 7 йил давомида археологик қазиш ишлари олиб борилди ва 10 нуқтада қад. қишлоқ ҳаётининг давомийлигини ўрганиш учун шурфлар қазилди. Натижада ёдгорликда 4 та тарихий босқич аниқланди. Археологик материаллар таҳлилига кўра, 1-босқич (С.1) мил. ав. 3400—3200 й.лар, 2-босқич (С. 2) мил. ав. 3200—2900 й.лар, 3-босқич (С. 3) мил. ав. 2900—2700 й.лар, 4-босқич (С. 4) мил. ав. 2700—2000 й.лар б-н белгиланди.

С. I даври жамоа оилалари бир хонали уйларда яшаган, жамоа хилхонаси бор. Жамоа кварталн атрофи эса мудофаа деворлари б-н ўраб олинган. Жамоа турар жой қолдиқларини қазиш жараёнида сиртига рангли гул солин-

ган сопол парчалари, хилхонадан эса мис ойна, олтин ва кумушдан ясалган мунчоқлар топилди. Топилмалар кўп жиҳатдан Жан. Туркманистоннинг қад. Гёксур воҳаси материалларига айнан ўхшаб кетади.

С. 2 даврида бир-бирларидан тор кўчалар б-н ажратилган кўп хонали турар жой массивлари пайдо бўлади. Уларнинг қошида айлана шаклида қурилган топиниш маскани — оиланавий оташпарастлик алтарлари шаклланади. Йирик уй-жой массивлари доирасида жамоа ибодатхоналари (икки жойда) қад кўтаради. Ибодатхоналарнинг деворларига қизил рангда нақш берилган ва уларнинг қоқ ўртасида мурабба шаклида алтар жойлашган. Хўжаликда тошдан ишланган меҳнат қуроллари, тўқимачилик дастгоҳининг қисмлари, урчуқ тошлар, мис пичоқлар, ханжар, қармоқ, игна ва бигизлар кўплаб учрайди.

С. 3 даврида ижтимоий характердаги монументал бинолар пайдо бўлади. Улар уруғ жамоаларининг маъмурий бино ва ибодатхоналаридан иборат эди. Бу даврда патриархал оила ҳовли-жойлари кенгаяди, бу ҳовлилар майдонида кулолчилик хумдонлари ва металлни эритиш устахоналари пайдо бўлади. Бу босқичда и.ч.нинг қатор соҳаларида ҳунармандчиликнинг турли йўналишлари бўйича ихтисослашув жараёни кечади. Кулолчиликда ички ва сиртига сайқал берилган сополлар кескин камаяди. Уларнинг ўрнини маҳаллий анъанавий шакллаги нақшлар эгаллайди. Маҳаллий нақшлар б-н ибодатхоналарнинг деворларини безаш одати вужудга келади. Бу босқичда маҳаллий хом ашё базасида металл эритиш ва металлдан турли хил қуроллар ясаш кучаяди. Шундай қилиб, қад. саразмликлар ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида туб ўзгаришлар юз беради.

С. 4 даврига келиб, демографик ўзгаришлар б-н боғлиқ ҳолда аҳолининг водий бўйлаб тарқалиши, гўё унинг «инқирози» кузатилади. С.да аҳоли сийраклашиб, аввалги монументал маъмурий иморатлар ўрнини оддий кулбалар эгаллайди. Эҳтимол, С. 4 даври ёдгорликнинг энг юқори қатламлари бўлгани учун давр тақозоси б-н унинг қурилиш қолдиқлари бизгача шу ҳолатда етиб келгандир. Эҳтимол, бу таназзул жез даврининг маълум бир босқичида (мил. ав. 2-минг йилликнинг 2-ярмида) орийларнинг жан.га томон кўчиши муносабати б-н Ўрта Осиёнинг шим. ва марказий вилоятлари модий маданиятида юз берган ўзгаришлар б-н боғлиқдир. Бу давр акси кулолчиликда яққол кўзга ташланади, яъни, бир томондан кулолчиликда қизғиш оқ тиниқ ангоб б-н пардозланган сополлар сиртида, иловларнинг гардиши бўйлаб оддийгина рангли нақш солиш кузатилса, иккинчи томондан сопол идишларининг кулолчилик чархида ясаш технологияси кашф этилади. Ижтимоий-иқтисодий табақаланишининг айрим белгилари сифатида терракота, тош ва жездан ишланган муҳрлар пайдо бўлади. Қишлоқ жамоаси сардори, қабила бошлиғининг ҳукмдорлик белгиси бўлмиш жамоа нишони янги мазмун ва мазмун касб этади. Демак, С. 4 даврида ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётда юз берган ўзгаришлар С. жамиятининг сўнгги босқичида мулкий табақаланиш жараёни жалол кечаётганлигидан далолат беради. С.да ўрганилган ягона хилхона, юқорида таъкидлаганимиздек, унинг илк босқичига дахлдор бўлиб, у доира шаклида ишланган тошговлар б-н ўраб олинган, унинг диаметри 15 м, ичига 5 та қабр жойлашган. Тош говнинг марказий қабрига 3 киши (аёл, эркак ва ўспирин) кўмилган. Аёлга тегишли ашёвий далилларга қараганда у ўз жамоасида катта нуфузга эга бўлган. Унинг кийимларига феруза, лазъл, ёқут ва яшма каби қимматбаҳо тошлардан ясалган мунчоқлар қалалган. Аёлнинг бош кийими ҳам тақинчоқлар б-н безатилган. Соч толаларига олтин мунчоқ шодалари осиб қўйилган. Қўлларига денгиз чиғаноғидан ишланган билагузуклар тақилган. Аёл скелети ёнидан дастали мис кўзгу, суякдан қилинган бигиз, 5 та урчуқ тош, 2 та аёл маъбуласи (терракота) топилган. Демак, С. 1 даврида аёлларнинг жамоадаги ижтимоий нуфузи ҳали юқори бўлган.

С. аҳолисининг иқтисодий ҳаётини суғорма ва лалмикор деҳқончилик ҳамда хонаки чорвачилик ташкил этган. Зарафшон тоғ тизмаларидаги қад. маъдан (мис, кўрғошин, қалай, олтин, кумуш, симоб ва феруза) конларининг яқинлиги С.да ҳунармандчиликнинг металлургия ва металл и.ч. соҳасини ривожланишига ҳамда ундан турли меҳнат ва ҳарбий қуроллар и.ч.га кенг имкониятлар берган. С.дан топилган 150 дан ортиқ буюмлар — пичоқ ва ханжарлар, болта ва бигизлар, пайкон ва мухрлар, металл эритиш қозонлари (тигиллар), асбоб-анжом қуйиш қолиплари, металл эритиш печлари, металлхом ашё ёмбилари бундан далолат беради. Ёдгорликни қазиш жараёнида нафақат тошдан ишланган меҳнат қуроллари, балки оғирлик ўлчов тошлари, тўқимачилик дастгоҳининг қисмлари ҳам учратилган. Аммо, саразмликлар кулолчиликда металлургия ва тошга ишлов беришдек юксакликка эриша олмаганлар.

Хуллас, С. ёдгорлиги Зарафшон водийсининг энг қад. деҳқончилик маданияти бўлиб, кейинги асрлардаги Суғд ўлкасида шаклланган шаҳар маданиятининг илдизлари бир жиҳатдан шу ёдгорлик б-н боғлиқ эди.

Ад.: Исаков А., *Саразм* (К вопросу становления раннеземледельческой культуры Зарафшанской долины). Душанбе, 1991; Исамиддинов М. Х., Генезис городской культуры Самаркандского Согда, Самарканд, 2000.

Аҳмаджон Асқаров.

САРАЛАШ (чорвачиликда) — эркак ва урғочи наслдор ҳайвонлар ва паррандаларни мақсадли йўналишда режа асосида чатиштириш. *С. таклаб* б-н чамбарчас боғлиқ бўлиб, наслчилик ишларида ота-онага хос бўлган селекцион белгиларни авлоддан авлодга ўтиши хусусиятини сақлаб қолиш мақсадларида ўтказилади. Селекция амалиётида урғочи ҳайвонларга эркак ҳайвонларни жуфтлаш бўйича якка, ялпи ва ялпи-якка С. шаклларини қўлланилади. Якка тартибда С.да ҳар бир она молга якка тартибда маълум бир тизим ва оилага мансуб эркак ҳайвон жуфтланади. Наслчилик хўжаликларида қўлланилади. Ялпи С.да гуруҳдаги она моллар, асосан, 2 эркак ҳайвонга бириктирилади. Бу шакл наслчилик бўлмаган хўжаликларда ишлатилади. Якка-ялпи С.да подадаги ҳар бир гуруҳ она ҳайвонларга 1 эркак ҳайвон жуфтлантирилади ва наслчилик ст-ларида амалга оширилади. С.да белгиларнинг ўхшаш ёки ўхшаш бўлмаслиги бўйича гомоген ва гетероген турлар мавжуд. Гомоген С.да тана тузилиши, йўналиши, маҳсулдорлик даражаси яқин бўлган ота ва она ҳайвонлар жуфтланади. Гетероген С.да эса типи, келиб чиқиши ва маҳсулдорлик хусусиятлари ҳар хил эркак ва урғочи ҳайвонлар танлаб олинади. Гетероген С. *гетерозиготалик* ҳолатини кучайтиради. Зот ичида гетероген С.ни қўллаш кроссларни яратишда муҳим аҳамиятга эга. С.да ҳайвонларнинг ёши ҳам муҳим ва етук ёшдаги ҳайвонлар жуфтлаштирилганда улардан олинадиган авлодлар ҳар томонлама бақувват бўлади. С.да қариндошлик даражаси бўйича қариндош (*инбридинг*) ва ўзаро қариндош бўлмаган (*аутбридинг*) ҳайвонларни жуфтлаштириш усуллари мавжуд.

Чорвачилик селекциясида С. усулларидан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган. Мас., *Санта-гертруда қорамол зотини* яратишда дастлаб шортгорн зотини Хиндистондан келтирилган зебу б-н гетероген саралланган. Кейинчалик «ўз ичида» қариндошлик уруғитиш натижасида фойдали белгилар юзага чиқиб, зотга хос биологик хусусиятлар ирсиятда мустаҳкамланган. Ўзбекистонда бу зотнинг бир неча тизимлари ва 20 дан ортиқ сигирлар оиласи яратилган. Йилқичиликда гетероген С. усулларидан фойдаланиб англия зоти б-н қорабайир ва англия зоти б-н ахалтака зотини С. орқали улардан англия-қорабайир ва англия-ахалтака дурагайлари олиниб, от спортида самарали фойдаланилмоқда.

Ибатулла Эшматов.

САРАМАГО Жозе (тахаллуси; асл исм-шарифи Жозе Мария Феррейра де Кастро) (1922, Португалия) — португал ёзувчиси ва шоири. Илк романи — «Гуноҳкорлар ери» 25 ёшида чоп этилган. Ушбу асаридан кўнгли тўлмаган С. 19 й. давомида ҳеч қандай асар ёзмаган. 1966 й. «Эҳтимолий шеърлар» поэтик тўпламини нашр этилган. «Ердан униб чиққанлар» (1980) романида ҳеч қачон ўз ери бўлмаган деҳқон оиласининг 3 авлоди тарихи ҳикоя қилинган. «Монастир хотиралари» (1982) романи бир қараганда оддийгина асарининг давомидек туюлса-да, бироқ бу — бошланғич тасаввурот. Роман тарихий мавзуда бўлиб, 18-а.нинг 1-ярми воқеаларига бағишланган. Нобель мукофоти лауреати (1998).

САРАМАС (араб.) — тери (камдан-кам ҳолларда шиллиқ пардалар)нинг яллиғланиши. Ўткир юқумли касаллик. С.ни патоген *стрептококклар* кўзғатади. Терининг тирналган, қаварган, жароҳатланган жойига микроб тушишидан келиб чиқади. С. йирингли жароҳат, карбункулнинг асорати сифатида, таркибида стрептококклар бўлган йирингтўпланган жой атрофида пайдо бўлиши мумкин. Касаллик тўсатдан титраш, бош оғриғи, аксари қайт қилиш б-н бошланади, ҳарорат 39—40° гача кўтарилади, гоҳо бемор алақлайди. Терининг зарарланган қисми қизаради (эритема), қизарган жой соғлом тери сатҳидан бир оз кўтарилиб туради, чегаралари кўзга яққол ташланади ва жуда тез кенгайиб, ачишиб оғрийди.

Эритематоз С. баъзан 3—7 кунда ўз-ўзидан (даволанмаса ҳам) тузалиб кетади, лекин чўзилиб, гавданинг бир жойидан бошқа жойига ўтиши ҳам мумкин (сайёр С.). С.нинг бирмунча оғир хили — буллёз С.да қизарган терида йирингли ёки тиниқ суюқлик б-н тўла пуфақчалар ҳосил бўлади. Буидан ҳам оғир флегмоноз хилида тери остида *флегмона* вужудга келади. Энг оғир хили — гангреноз С.да терининг зарарланган жойлари ўлади. Лекин С.нинг энг енгил хили — эритематоз С.дан ҳам асоратлар қолиши мумкин, мас., қон зарарланиши (сепсис); юз соҳасидаги С.дан эса мия пардаларининг яллиғланиши (*менингит*) сингари хавфли асоратлар қолади.

С.га шубҳа туғилганда дарҳол врачга мурожаат қилиш лозим.

С.нинг олдини олиш терини тоза тутиш, майда жароҳатларни антисептик воситалар б-н артиб тозалашдан иборат. С. жуда камдан-кам ҳолларда юқади. Лекин С.га чалинган одамнинг терисига тегмаслик керак, тегилганда қўлни яхшилаб ювиш, одеколон ёки спирт б-н артиш, терининг зарарланишига йўл қўймаслик зарур.

Ҳайвонларда, асосан, чўчқаларда, шунингдек, қўй, қуён, паррандаларда учрайди. Касаллик сурункали, ўткир ёки ярим ўткир кечади. Ўткир кечганда касал ҳайвон ҳарорати 41—42° га кўтарилади, юрак уриши, нафас олиши тезлашиб, дармонсизланади, иштаҳаси йўқолади, кўзидан ёш оқади, ичи кетади, баъзан қусади. 1—2 кундан сўнг ҳайвон қорнида, соннининг ички томонида қизил доғлар пайдо бўлади. Даволанмаса, 3—5 кунда ўлади. Ярим ўткир кечганда ҳайвон 10—15 кун ичида оғирлашади, зайфлашиб, қулоқ, қорин териси кўкаради, бўғимлари шишади. Аста-секин оза бошлайди ва ўлади. Паррандалар С. б-н оғирганда дон емайди, ичи кетади, нафас олиши қийинлашади, зайфлашади, ўпка яллиғланиб, бўғимлари шишади.

Даволаш: С.га қарши гиперимун қон зардоби, антибиотиклар, юрак касалликларига қарши препаратлар ва б. тавсия этилади.

Кураш чоралари: ветеринария-санитария қоидаларига қатъий амал қилиш, дезинфекциялаш, кемирувчиларни йўқотиш, чўчқаларни 2 ойлигидан бошлаб вакцина б-н даврий эмлаш, хўжаликлардаги С. б-н касалланган ҳайвонларни ажратиб қўйиш ва даволаш; сўйилган касал ҳайвон гўштини пиширib истеъмол қилиш тавсия этилади.

САРАНГИЙ — торли камонли қўбиз-симон ҳинд мусиқа чолғу асбоби. Дастаси калта, косаси тери б-н қопланади.

Сарангий.

Кварта-квинтага созланадиган 3—4 асосий торларидан ташқари 11—15 қўшимча (акс-садо берувчи) торлари мавжуд. С.нинг садоланиши кучсизроқ бўлсада, майин ва ёқимлидир. Якканавоз соз сифатида ҳамда турли ансамбларда қўлланилади.

САРАНДОЗ, тўр—тўй ёпинчиғи; тўйда, саломда келиннинг бошига ёпиладиган тўр; нафис оқ матодан тикилади. Зарафшон водийсидаги шаҳар ва қишлоқларда кенг тарқалган. Дастлаб безаксиз бўлган, кейинчалик С. атрофи гир айлантириб ҳошия нақшли кашталар тикиб, четига уқалар тутиб безатила бошлаган; нақш мужассамоти ёрқин рангли гуллар уйғунлашган сершох новдалардан иборат; гулларида каштадўзликлари анъанавий (чойшаб, сўзана) буюмлар безагининг таъсири сезилади. 20-а. ўрталаридан Самарқанд—Бухоро ва б. минтақаларда атрофига пишиқ матодан тикиб каштаси қўлда ҳамда машинада тикиб ингичка ва кенг жияклар б-н безатилган С. кенг тарқалган.

Сарандоз (20-а.).

САРАНСК — РФдаги шаҳар (1651 й.дан), Мордва Республикаси пойтахти (1990 й.дан). Инсар дарёси (Волга ҳавзаси)нинг чап соҳилида. Т.й. станцияси. Автомобиль йўллари тугуни. Аҳолиси 317,7 минг киши (1998). С. 1641 й.да Рус давлатининг жан.-шарққа кенгайиб боришида чегарадаги қалъа сифатида вужудга келган. 1651 й.дан уезд шаҳри. 1670 й. С.Т. *Разин* қўшинларининг таянч пункти бўлган. 1774 й. шаҳарга Е. И. *Пугачёв* кириб келган. 1801 й. дан Пенза губерниясининг уезд маркази. 1893 й. С. орқали т.й. ўтган. С.да 1917 й. 5(18) дек.да шўролар ҳокимияти ўрнатилган, 1928 й.дан С. Мордва миллий округи, 1930 й.дан Мордва мухтор вилояти маркази, 1934—90 й.ларда Мордва Мухтор Республикаси, 1990 й.дан Мордва Республикаси маркази. Машинасозлик, металлсозлик (шу жумладан, электротехника саноати, приборсозлик, экскаватор, автосамосвал, телевизор ва б. ишлаб чиқариш), кимё-фармацевтика ва кимё, енгил, озиқ-овқат, қурилиш материаллари саноатлари бор. 2 олий ўқув юрти (шу

жумладан, Мордва ун-ти), и.т. институтлари, 3 театр, суратлар галереяси, ўлкашунослик, ҳайкалтарош С.Д. Эрзя музейлари, телемарказ мавжуд. Меъморий ёдгорликлардан Иоанн Богослов черкови (17-а. охири), гиштин палаталар (17-а.) сақланиб қолган.

САРАПУЛ — РФнинг Удмуртия Республикасидаги шаҳар (1780 й.дан). Кама дарёсининг ўнг соҳилидаги йирик порт. Т.й. станцияси. Аҳолиси 107,4 минг киши (1998). Иқтисодий аҳамияти жиҳатидан Республиканинг Ижевскдан кейинги 2-шаҳри. Кўн ва пойабзал саноатининг қад. маркази. Машинасозлик (мулофаа маҳсулоти, радиостанциялар, автомобиль радиоприёмниклари, уй-рўзғор электр асбоблари, нефть саноати жиҳозлари ва б. ишлаб чиқариш) ривожланган. Ёғочсозлик, енгил ва озиқ-овқат саноатлари корхоналари бор. Ижевск механика ин-тининг филиали, бир неча ўрта махсус билим юрти, драма театри, ўлкашунослик музейи ишлаб турибди. 19—20-а. бошлари меъморий ёдгорликлари сақланган.

САРАТЕПА — илк ўрта аср қаср харобаси (7-а. охири — 9-а. ўртаси). Самарқандининг жан.-ғарбий чеккасида, Хожа Саъд ва Саратепа қишлоқлари яқинида жойлашган. Тўртбурчак тарҳли (50×60 м), бал. 6 м гача етган. 1980-й.ларда қазиш ишлари олиб борилган. С. пахсадан ҳамда йирик хом ғиштдан (45—48 × 25—28 × 7—10 см) ишланган. Қаср йўлакларининг уз. 12, кенглиги 2,3 м бўлган. Шарқий томондан қаср мудофаа деворига туташган. 8-а. охири — 9-а. бошларида С. жанубида қишлоқ вужудга келган. 9-а. ўртасида қаср таназзулга учраб, 10-а.да кимсасиз, ташландиқ ҳолга келган. Қишлоқдаги ҳаёт эса, 13-а.га қадар давом этган.

САРАТОВ — РФдаги шаҳар (1780 й.дан), Саратов вилояти маркази. Волга дарёсининг ўнг соҳилидаги йирик дарё порти (Волгоград сув омбори). Т.й. ва автомобиль йўллари тугуни. Аҳолиси 886,1 минг киши (1998). С. 1590 й.да қалъа сифатида барпо қилинган. 1670—71 й.лардаги деҳқонлар уруши даврида саратовликлар шаҳарни С.Т. *Разин*га топшириб унга фаол ёрдам бердилар, 1774 й.да С.ни Е. И. *Пугачёв* қўшинлари босиб олди. 1780 й.дан Саратов ноиблигининг, 1797 й.дан Саратов губерняси, 1928 й.дан Қуйи Волга, 1934—36 й.ларда Саратов ўлкаси маркази. Ҳозирги С. — РФнинг йирик саноат маркази. Машинасозлик (станоксозлик, дизель, энергетика машинасозлиги, электр термик жиҳозлар, подшипник ва б. з-длар), нефтни қайта ишлаш, кимё, ёғочсозлик, озиқ-овқат саноатлари корхоналари, техник шиша з-длари бор. 10 олий ўқув юрти (шу жумладан, ун-т, консерватория), цирк, филармония, 4 театр (шу жумладан, опера ва балет театри), ўлкашунослик, А. Н. Радищев номли музейлари, ёзувчилар Н. Г. Чернишевский (С.да тутилган ва вафот этган), К.А. Федин музейлари мавжуд.

Меъморий ёдгорликлардан Троица собори (17-а.) ва турар жой бинолари (19-а. 1-ярми) сақланган.

САРАТОВ ВИЛОЯТИ — РФ таркибидаги вилоят. 1934 й. 10 январда ташкил этилган. Майд. 100,2 минг км². Аҳолиси 2669,3 минг кишн (2002) асосан, руслар (85,6%), шунингдек, украин, татар, қозоқ, мордва, чуваш, белорус, немис ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси — 73,2%. С.ида 38 маъмурий туман, 18 шаҳар, 30 шаҳарча бор. Маркази — *Саратов* ш.

С.в. Шарқий Европа текислигининг жан.-шарқида, Қуйи Волга бўйида, Волга дарёсининг ҳар иккала соҳилида жойлашган. Энг баланд жойи 370 м. Фойдали қазилмалардан табиий газ, нефть, ёнғувчи сланецлар, қурилиш материаллари бор. Иқлими континентал. Янв.нинг ўртача т-раси—12°, июлники 22°. Йилига 250—450 мм ёғин ёғади. Вегетация даври 127—150 кун. Асосий дарёси — Волга ва унинг ирмоқлари: Терешка, Катта Иргиз; Волгоград ва Саратов сув омборлари бор. С.в. ўрмонли дашт ва чала чўл зоналарида жойлашган.

Тупроқлари асосан, қоратупроқ, тўқ каштан ва каштан тупроқлар. Ҳудудининг 5% ўрмон (қайрағоч, дуб, қайин). Ёввойи ҳайвонлардан юмронқозиқ, дала сичқони, қўшоёқ, олахуржун, малла товушқон, тулки, бўри, сассиқкўзан, ўрмонларда лось, даштларда сайғоқ яшайди. Ондатра, енотсимон ит, бобр, ондатра, ҳонхоль, қобон, норка, ҳолдор буту иқлимлаштирилган. Дарёларда лаққа, лещ, судак ва б. балиқлар бор. Вилоят ҳудудида Хвалин миллий боғи жойлашган.

Саноатининг асосий тармоқлари: машинасозлик ва металлни қайта ишлаш (авиация з-ди; троллейбус, подшипник з-длари, автотрактор прицеплари, совиткич ва музлаткич, металл кесувчи станоклар, приборлар, автоматлаштириш воситалари ва улар учун эҳтиёт қисмлар, йўл машиналари и.ч.), озиқ-овқат, кимё ва нефть кимёси (минерал ўғитлар, сульфат кислотаси, кимё толаси ва иплари, «Балаково» ва «Химволокно» корхонаси), техник резина буюмлари («Балаково-резинотехника» корхонаси), енгил (тикувчилик, трикотаж, пойабзал, ипак ва ип газламалар) саноатлари корхоналари ишлаб турибди. Қурилиш материаллари, тахта тайлаш ва ёғочсозлик, тўқимачилик саноати тармоқлари мавжуд. Нефть ва газ қазиб олинади. Саратов ГЭС, Балаков АЭСлари қурилган. Асосий саноат марказлари: Саратов, Балаково, Балашов, Вольск ш.лари.

С.в. — Россиянинг муҳим қ.х. районларидан бири. Ғалла, техника экинлари (кунгабоқар, қанд лавлаги), картошка, сабзавот, полиз, ем-хашак экинлари экилади. Чорвачилиги гўшт ва сут етиштиришга ихтисослашган. Қорамол, чўчқа, қўй, парранда боқилади. Волга дарёси ва Волгоград сув омборида кемалар қатнайди. Саратов — Москва, Саратов —Пенза, Нижний Новгород — Череповец, Ўрта Осиё — Марказ газ қувурлари ўтган. Т.й. узунлиги 2299 км, қаттиқ қопламали автомобиль йўллари уз. 9998 км (2002). Саратов ш.да халқаро аэропорт бор. 12 олий ўқув юрти, 13 музей, 7 театр, филармония, цирк фаолият кўрсатади. Курорт бор.

САРАТОВ УНИВЕРСИТЕТИ, Н. Г. Чернишевский номидаги Саратов университети — илмий ва педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. Россиядаги қадимги ун-тлардан бири. 1909 й. Саратов ш.да ташкил этилган. 1921 й. Н.Г. *Чернишевский* номи берилган. Геол., физика, мат., кимё, биол., тарих, филол. ва б. ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди. Бир қанча и.т. институти, илмий кутубхонаси (2,5 млн.дан ортиқ асар) бор. 10 мингга яқин талаба таълим олади.

САРАТОН (араб.) — 1) *ҳодиса* юлдуз туркумларидан бири; осмоннинг Шим. ярим шарида. Силовсин. *Эгизаклар, Кичик Ит, Гидра, Асад* ва Арслон юлдуз туркумлари орасида жойлашган, белгиси σ_{1}. Энг равшан юлдузи 4-юлдуз катталигида. С. ўрта кенгликларда куз, қиш ва эрта баҳорда кўринади. Ернинг тропик минтақаларидан бири С. номи б-н аталган; шу минтақада ёзги қуёш турини вақтида Қуёш зенитдан ўтади. Қуёш С. юлдуз туркумида июль ойида бўлади; 2) шамсия йил ҳисобида тўртинчи ойнинг номи (қ. *Календарь*). 22 июндан 21 июлгача бўлган даврга тўғри келади.

Саратонгул.

САРАТОНГУЛ (Hemerocallis fulva) — пиёзлошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўт. Европанинг ўрта қисми, Осиёнинг ғарбида ўсади. Илдиз бўғизи тўпбарғли яшил, тарновсимон, туксиз. Поядагилари эса майда бўлиб, гулёнбарғчаларга ўхшайди. Гуллари йирик, қизғиш-сариқ, ҳидсиз. Тўпгул сийрак, чочоқ. Июннинг бошидан гуллайди. С. совуққа чидамли, манзарали ўсимлик. Асосан, ёз охирида илдизини бўлиш йўли б-н кўпайтирилади. Соврок ерларда, ариқ ва ҳовузлар бўйида яхши ўсади. Илдизпоясн халқ табобатида ишлатилади. Зираворн сифатида овқатга солинади. Ўрта Осиёда айни саратонда гуллай бошлаганн туфайли С. деб аталади.

САРАТОНИЙ — эртапишар ёзги олма нави. Богдорчилик, узумчилик, виночилик ин-тининг Самарқанд филиалида Ландсберг ренети навини Самарқанд эртагиси нави б-н чатиштириб чиқарилган (В. В. Кузнецов, А. А. Лепливская). Дарахти ўрта бўйли, шох-шаббаси бақувват, кўчати ўтқазилгандан сўнг, 4-йили ҳосил беради. Барглари юмалоқ-чўзиқ, тўқ яшил, четлари майда қирралн. Гуллари йирик. Меваси ўртача катталикда, вазни 100—150 г, баъзан 200 г, ясси юмалоқ. Пўсти юпқа, пишганда сариқ рангга киради, сирти пушти, тарам-тарам қизил. Эти оқ, мулойим, сершув, нордон-ширин, хуштаъм. Таркибида 11,5% қанд, 0,7% кислота мавжуд. Меваси июнь ойининг ўрталарида узилади, 7 ёшида тупидан 50—60 кг ҳосил олинади. Ҳосилдорлиги 34,5—122,1 ц/га. Сифатли қоқи тайёрланади. Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида экилади.

Саратонн олма нави.

САРАТОНЛАР, жизилдоқлар, цикадалар (Cicadinea) — тенгқанотлилар туркумига мансуб ҳашаротлар кенжа туркуми. 17 минг тури маълум. Ўзбекистоннинг Фарғона водийсида 342 тури аниқланган (Г. К. Дубовский, 1966). Ғўза, беда, мевали дарахтлар, ўрмон дарахтлари ва б.га зарар келтирадиган ўнлаб турлари бор. С. жуда серҳаракат. Таноси уз. 25—50 мм, боши кўкрак қисмига ҳаракатсиз бирикқан. Мураккаб кўзларидан бошқа бирикқан. Мураккаб кўзларидан бошқа яна 2—3 та оддий кўзи ҳам бор. Қанотлари бир-бирига тахланиб ётилади; олдинги жуфт қанотлари орқа қанотларга нисбатан қалинроқ. Мўйловли ва панжаси уч бўғимли. Личинкалик давридаги 5 ёшдан иборат, тупроқда яшаб, ўсимлик илдизлари б-н овқатланади, кўпчилик турлари бир йилда 1—2 авлод беради. Ривожланиши цикли 4 йил [ғўза саратони (*C. ochreata* Mel.)], баъзиларники 17 йил (куйловчи саратон) давом этади. Дарахт, бута, ўсимликларнинг барг ширасини сўриб зарар келтиради. Айрим турлари ўсимлик поясн-ларидан кейин келадиган *фузариоз* қўзғатувчи замбуруғларнинг ўтказувчи найларини тилиб, инфекциянинг кўпгина вилоятларида учрайди. Ғўза, беда, мевали дарахтлар, ўрмон дарахтлари ва б.га зарар келтирадиган ўнлаб турлари бор. С. жуда серҳаракат. Таноси уз. 25—50 мм, боши кўкрак қисмига ҳаракатсиз бирикқан. Мураккаб кўзларидан бошқа яна 2—3 та оддий кўзи ҳам бор. Қанотлари бир-бирига тахланиб ётилади; олдинги жуфт қанотлари орқа қанотларга нисбатан қалинроқ. Мўйловли ва панжаси уч бўғимли. Личинкалик давридаги 5 ёшдан иборат, тупроқда яшаб, ўсимлик илдизлари б-н овқатланади, кўпчилик турлари бир йилда 1—2 авлод беради. Ривожланиши цикли 4 йил [ғўза саратони (*C. ochreata* Mel.)], баъзиларники 17 йил (куйловчи саратон) давом этади. Дарахт, бута, ўсимликларнинг барг ширасини сўриб зарар келтиради. Айрим турлари ўсимлик поясн-ларидан кейин келадиган *фузариоз* қўзғатувчи замбуруғларнинг ўтказувчи найларини тилиб, инфекциянинг кўпгина вилоятларида учрайди. Натижада ўсимликнинг айрим қисмлари нобуд бўлади. С.нинг кўп турлари ҳар хил вирусли касалликларни тарқатиши мумкин. 10 дан ортиқ турн ғўзага зарар етказади. Айниқса, *сариқ жингалак* хавфли.

Кураш чоралари: зараркунанда личинкаларн улгайдиган макон (ниначорлар, қизилмия чакалакларн)ни йўқ тоқзор, қизилмия чакалакларини йўқ қилиш, экинларга эҳтиёткорлик билан ишлов бериш, инсектицидлар б-н ишлов бериш.

САРАХБОР (форс.—араб. — бош хабарлар) — 1) *Шашмақом*нинг ҳар бир мақомларн) — 1) *Шашмақом*нинг ҳар бир мақомда ашула бўлими бошланадиган биринчи, бош шўъба. С.лар мақом номи б-н қўшилиб, С.и Бузрук, С.и Рост каби аталади. Ўз навбатида, ҳар бир С.нинг бир неча (6 тагача) тароналари мавжуд. Асосий С.лардан ташқари Дугоҳ мақомининг 2-гуруҳ шўъбаларн таркибига С.и Оромижон деб номланган шўъба ҳам кирган. С.лар 2 чорак такт ўлчовидаги оддий равон (бак-бум) доира усулида ижро этилсада, қуй тузилиши жуда мураккаб. Улар *даромад, мушоҳат, дунаср, авж* ҳамда ундан кейин келадиган *фуровард* куй тузилмаларидан таркиб топган. С.лар авжида эса бир нечтадан намуд ишлатилади (мас., С.и Бузрукда Уззол ва Муҳайяри Чоргоҳ, С.и Ростда Сегоҳ, Уззол ва Муҳайяри Чоргоҳ намудлари ва ҳ.к.). С.лар одатда, 15 ва 14 ҳижолн музоре, мужтасс, мутақориб ва рамал вазнларидаги ғазаллар б-н яккахон хонандалар ва ашулачилар ансамбли томонидан (чолғулар жўрлигида) айтилади. С.лар мақомларнинг бош мавзуи сифатида бошқа шўъбалар оҳанг ва таркибий тузилишига сезиларли таъсир кўрсатган; 2) тожик мумтоз мусиқа меросида бир неча қисмдан иборат бўлган, турлича номланувчи куй ва ашулалар номи (жумладан, «Сарахбори Кўҳистоний»).

САРАХС, Серахс — Туркманистондаги Тажан дарёси водийсида жойлашган шаҳарча: Аҳолиси 10,2 минг кишн (1991). Гилам ишлаб чиқариш ва б. ривожланган. Қад. С. шаҳар харобаси мил. ав. I-минг йилликка оид. 10-а.даги С.ни эски шаҳар харобаларидан майдон жиҳатиб турган. Исломиятдан аввалги С.нинг катталиги ҳақида маълумотлар сақланмаган. Араб халифалигининг дастлабки асрларида С. гарчи Марвдан 2 баробар кичик бўлса-да, анча йирик шаҳар саналган. Араб тарихчиларидан Яъқубийнинг ёзишича, С.да канал, булоқлар бўлмаган, аҳоли қудуқлардан сув ичган; бошқа хабарларга кўра эса канал бўлган, унинг тўғони шаҳардан 2 фарсах олисда жойлашган. Мақдисийнинг ёзишича, канал шаҳарни ўртасидан кесиб ўтган. Шаҳарнинг анча обод эканлигини унинг қулай савдо йўлида жойлашганлигини б-н изоҳлаш мумкин. С.да Нишопурдан Ҳирот ва Марвга борадиган йўллар туташган, шу туфайли С. бирмунча қарбий (Хофизи Абру унн кучли қалъа дейди) ва саноат аҳамиятига (Ёқут Ҳамавийнинг ёзишича, С.да чачвон ва саллалар моҳирона тайёрланган) эга бўлган. Ўрта асрларда С.да илм-фан, маданият, савдо, ҳунармандчилик анча тараққий этган, кўплаб олиму фузалолар етишиб чиққан. С.даги меъморий обидалардан Абул Фазл мақбараси (тахм. 1024 й.). С. дан 9 км жан.-шарқда Ёрти-Гумбаз мақбараси (1098) сақланган. Тажан-Сарахс т. й.нинг қуриб битказилиши (1996) шаҳарнинг эътиборини оширди. Бу йўл орқали Яқин Шарқ мамлакатларига чиқиш имконияти пайдо бўлди.

САРАХС БОБО МАҚБАРАСИ — қ. *Абулфазл мақбараси*.

САРБАДОРЛАР — мўғуллар зулмига қарши халқ қўзғолони қатнашчилари. Қўзғолонга кенг халқ оммаси — зироатчи, ҳунарманд, зиёли, майда ер эгалари, камбағаллар иштирок этишган. 1337 й. Сабзавор вазири (ҳокими)нинг жиннн Бошгин қишлоғига келиб, аҳолидан шароб ва паричеҳралар талаб қилди. Шу кечаси уни қўлга олиб улари-

дилар. Тонг оттач, Боштин қишлоғи чеккасида дор тиқдилар. Марҳумнинг салла ва тақя (дўппи)сини дорга илиб, тошбўрон қилдилар, ўққа тутдилар. Бу золимларнинг боши дорда бўлғуси, деганлари эди. Қасоскорлар ўзларини **сарбадорлар** деб атадилар; шу ерда 700 киши қасамёд қилди. Хон юборган қўшинларни енгиб С. Сабзаворни эгаллаб, бу ерда ўз давлатларини тузадилар. С. давлати 50 йилча ҳукм сурди. С. ҳукмдорлари: Абдураззоқ (1337—38), Хожа Масъуд ибн Фазлуллоҳ Боштиний (1338—44), Оғамуҳаммад Темур (1344—46), Колу Исфандиёр (1346—47), Хожа Шамсиддин ибн Фазлуллоҳ (1347—49), Хожа Али Шамсиддин Чашмий (1349—55), Амир Яҳё Курробий (1355—58), Хожа Заҳириддин Курробий (1358—59), Паҳлавон Ҳайдар қассоб (1359—60), Амирзода Лутфуллоҳ ибн Хожа Масъуд (1360—61), Паҳлавон Ҳасан Домғоний (1361—65), Хожа Нажмиддин Али Муайяд (1365—86).

Самарқандда (1365—66) ва Кермонда (1373—74) С. қўзғолонлари бўлиб ўтган (яна қ. *Сарбадорлар қўзғолони*).

САРБАДОРЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ — Эрон ва Ўрта Осиёда мўғуллар зулмига қарши кўтарилган халқ қўзғолони (14-а.). Биринчи йирик қўзғолон 1337 й. Сабзавор ҳокимининг жияни Бошгин қишлоғига келиб, аҳолига зулм қилиши натижасида кўтарилган. Ўзларини *сарбадорлар* деб Сабзаворни эгаллаб Сарбадорлар давлатини тузадилар ва Нишопур, Тусни ҳам забт этадилар. 1353 й. охирида мўғул элхонини ўлдириб, ўрдасини яксон қилиб Гургон (Астробод)ни ҳам ўз давлатларига қўшиб олдилар. Бу даврга келиб Сарбадорлар давлатига бутун Жан. Хуросон ҳам кирган.

1365 й. Самарқандда мўғул босқинчиларига қарши С.қ. бошланади. Қўзғолонга *Маъланозода* раҳбарлик қилди. *Абу Бакр Кулуий* (*Калавий*) *Наддоф*, Хўрлақ Бухорий унга ёрдамчи бўлдилар. Шаҳарни мудофаа қилиш мақсадида шаҳарнинг барча дарвозаларини беркитиб, кўчалар, боғлар атрофига говлар қурдирдилар. Мўғуллар икки кун ҳужум қилиб Самарқандни ололмадилар. Учинчи куни Самарқанд атрофи қишлоқларини талаб, Мовароуннаҳрни тарк этдилар. Сарбадорларнинг ғалабаси Амир Ҳусайнни хавотирга солди. Амир Ҳусайн Балх, Бадахшон, Қундуз, Бағлон, Андхуд, Шибирғон вилоятларидан қўшин тўплаб Самарқанд сари юрди. Амир Ҳусайн Конигил майдонига етиб келгач, сарбадорлар тортиқлар б-н унинг ҳузурига келдилар. Амир Ҳусайн уларни зиёфат қилиб, совға-салом лар берган. Эртаси куни сарбадорлар вакилларини Карбос мавзеида ҳибсга олган ва дорга осган. Фақат шу куни Конигилга етиб келган Амир Темур Мавлоно зодани дор тагидан сақлаб қолган.

1373 й. маҳаллий мулкдорларга қарши Кермонда С.қ. бошланган. Мулкдорларнинг мол-мулкини мусодара қилинган, амалдорларни ҳибсга олишган. 1374 й. шоҳ Шужо Музаффар томонидан қўзғолон бостирилган.

Ад.: Низомиддин Шомий. Зафарнома, Т., 1996; Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони, Т., 1981.

Наим Норқулов.

САРБАСТ (форс. — озод, эркин) — ўзбек шеъриятидаги 3 шеърий тизимнинг бири. 20—30-й.ларда, янги бадиий изланишлар жараёни кечган бир вақтда турк, татар ва рус шеърияти таъсирида ўзбек алабиётига кириб келган. Ўрта асрлардаги диний-литургия шеъриятига хос бўлган озод шеър шакли дастлабки немис романтиклари, У. Уитмен ва француз символистлари томонидан қайта тикланиб, 20-а. жаҳон шеъриятида оммавий тус олган. Франциуз шеъриятида «верлибр», рус шеъриятида «свободний стих» деб аталган бу шеър шаклига ўзбек шоирлари «С.» деб ном берилар. Бармоқ шеър тизимининг кўринишлари бўлган *оқ шеър* ва эркин шеърдан фарқли ўлароқ, бу шеър шаклларига хос ритмик бирлик, вазн, қофия, туроқ ва б. унсурларга эга эмас. С.да ҳис-туйғунинг образлашган ифодаси бўлиши, шеърий оҳанг (интонация), сўз ва ибораларнинг ўзига хос қурилиши, шеърий синтаксис ва шеърий санъат восита (такрор, акстакрор, товуш товланмалари ва б.)ларидан маҳорат б-н фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Шеърий нутқнинг бундай унсурлари мазмун б-н уйғун бўлган ҳолдагина С. эмоционал таъсир кучига эга бўлади. Ўзбек шеъриятида Ойбек, Миртемир, Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим каби шоирлар С.нинг ёрқин намуналарини яратганлар.

Ад.: Маматова А. Н., Ўзбек шеъриятида сарбаст, Т., 2000.

САРБОЗ (форс. — бош ва ўйнамоқ) — ҳарбий аскар, амир, хон қўшинининг оддий аскари. Эронда ва Ўрта Осиё хонликларида мунтазам қўшин аскари. Хива хонлигида С.лар уруш вақтида тўпланган ва уларнинг сони 30 — 100 минг оралиғида бўлган. С.лар, асосан, пиёда қўшинларни ташкил этган.

САРВ (Cupressus) — сарвдошлар оиласига мансуб игна баргли ўсимликлар туркуми, бир уйли, доим яшил манзарали дарахт ва буталар. Евросиё, Шим. Америка, Шим. Африка, Жан.-Шарқий Осиёнинг субтропик минтақаларида 15 тури тарқалган. Қрим, Кавказ ва Ўрта Осиёда 11 тури манзарали дарахт сифатида ўстирилади. Бўйи 30 м дан ортиқ, танасининг диаметри 50—60 см, 200—300 йил, баъзи маълумотларга кўра 2000 й.гача яшайди. Уруғкуртаги кўп. Тўпгули 2-йили етилади. Ингабарглари яшил ёки ҳаворанг. Пўстлоғи қалин, қорамтир-кўнгир. Кўпроқ доим яшил С. турининг пирамидасимон (*C. sempervirens*) хили кўп экилади. Манзарали богдорчиликда экиладиган хиллари кўп. Уруғидан, манзарали хилларидан тиббиётда қўлланиладиган эфир мойи олинади. С. турларидан иҳота ўрмонлар, истироҳат боғлари барпо этишда фойдаланилади. Ёғочи мебель саноатида ишлатилади. Чиройли шаклда ўсиши туфайли Шарқ шеъриятида мажозий маънода сарвқомат ёр образини тасвирлашда кўп қўлланилган.

Сарв.

Абдушукур Ҳамдамов.

САРВАКСОЙ (Сардак, Мишик) — Наманган вилоятининг ғарбидаги сой. Қурама тизмасининг жан. ён бағрида, Камчиқ довони яқинидаги булоқдан (бал. 2240 м) бошланади. Сувининг кўп қисми сугоришга сарфланиши туфайли С. Сарвак қишлоғидан пастда ёзда қуриб қолади. Қор-ёмғир сувларидан тўйинади. Уз. 38 км, ҳавзасининг майд. 100 км². Сарвак қишлоғи ёнида ўртача кўп йиллик сув сарфи 0,611 м³/сек., оқим модули 6,10 л/сек. км². Ўртача сув сарфи 1,44 м³/сек.дан 0,115 м³/сек. гача ўзгаради. Март—апр.да серсув, баъзан тошади.

САРВОНТЕПА — илк темир даврига оид археологик ёдгорлик. Андижоннинг шим.-ғарбий қисмида. Эски шаҳарнинг Тутзор ва Сужоат кўчалари кесишган ерда жойланган. Дастлаб, ўтган асрнинг 50-й.ларида ёдгорлик рўйхатга олинган, сўнгра 70-й.ларда кичикроқ археологик қазишмалар ўтказилган ҳамда 5—8-а.лар б-н саналанган эди. 2001 й. шаҳарда иш олиб борилаётган археологлар С.ни унча катта бўлмаган 30×20 м катталикдаги сақланган қисмида қазиш ишлари ўтказдилар (Матбобоев Б.Х.). Натижада ҳоз. шаҳар кўчалари кесишган жойдан 3—4 м чуқурликда яхши сақланган қад. маданий қатламлар қайд этилди. Қатламлардан мил. ав. 6—4-а.ларга тўғри келадиган гуллор сопол идишлар ва тош буюмлар мажмуаси олдин маиший ўчоқ яқинидан ажратиб олинди. Археологик н. т.ларга кўра, С. қадимда катта бўлган, аниқланган чегараси бўйича ҳоз.ги майд. 1 га га боради. С. илк темир даврига (мил. ав. 6—4-а.лар) тааллуқли бўлиб фанда биринчи топилган ёдгорлик номи б-н аталувчи Эйлатон маданияти мажмуига киради. С.ни ўрганиш водий тарихи учун ўта муҳимдир. Сабаб, биринчидан, Фарғона водийси қадим шаҳарлари ҳудудида (хусусан, Андижонда) илк бор 2400—2600 йиллик археологик комплекс аниқланди; иккинчидан, Андижонсойни бунёд этилиш тарихини янада қадимийлаштиради. Чунки С. ушбу канал бўйида жойлашган ва унинг сувидан фойдаланган шак-шубҳасиз. Ниҳоят, С. Андижон ш.ни илк (дастлабки) ўрни бўлгани ҳақидаги фикр ҳақиқатга яқин. Айнан ушбу ҳудудда кейинроқ ўрта асрлар арки ва шаҳристони жойлашгани ҳам бежиз эмас.

Боқижон Матбобоев.

САРГАРДОН (форс. сар — бош; гардон — айлантирмоқ) — 1) бекорга оворан сарсон бўлиб юриш, оворан сарсонлик; 2) бошидан ўгириб садақа қилиш; Ўзбекистоннинг айрим туманларида огир ётган бемор ёки ўзининг бошидан айлантириб фақирларга берилган пул, мол ёки бошқа қимматбаҳо нарсалар; 3) 20-а.нинг 30-й.ларигача тўй ва базмларда раққос ва раққосалар ўйинга тушганда уларнинг бошларидан айлантириб, сўнг кўлларига берилган пул ёки бошларидан сочилган танга-чақалар.

САРГАРДОН ВОЛЬФРАМ-ҚАЛАЙ КОНИ — Тошкент вилоятида, Чатқол рудали р-нидаги кон. Захиралари кам бўлса ҳам лекин таркиби бой рудали конларга киради. Кон қуйи карбон даврига мансуб карбонат жинслари ва уларни ёриб чиққан гранит интрузивлари, кварцли порфир ва сиенит порфир дайкаларидан таркиб топган. Карбонат жинслари, асосан, оҳактош, бир оз доломит ва доломитли оҳактошлардан иборат. Кон интрузив массивининг ички контакт зонасида жойлашган бўлиб, кварц-грейзенли вертикал томирлардан ташкил топган. Томирларнинг қалинлиги бир неча м, уз. 100 м гача. Грейзенларнинг гранитлардаги дала шпатларининг кварц ва мусковит б-н алмашувидан иборат. Кондаги асосий руда вольфрамит ва кассиеритдир. Руда б-н бирга кварц, флюорит ва мусковит, бир оз халькопирит ва пирит, баъзан олтин учрайди. Истиқболли конлардан бири.

САРГАССО ДЕНГИЗИ — Атлантика океанининг шим. қисмидаги денгиз. Канар, Шим. Пассат ва Гольфстрим оқимлари б-н чегараланган. 23—35° ш.к. ва 30—68° г.у. лар оралиғида. Майд. 6—7 млн. км². Энг чуқур жойи 7110 м. С.да шамол ва сув оқимлари кучсиз, доимий эмас. Денгизда Бермуда о.лари жойлашган. Сувларининг т-раси қишда 18—23°, ёзда 26—28°. Шўрлиги 36—37‰. Ҳайвонот дунёсига бой. Денгиз сувининг юза қатлами ва унга яқин қисмларида сузиб юрувчи ва *саргассо сувўтлари* номини олган денгизга шундай ном берилган.

САРГАССО СУВЎТЛАРИ — қўнғир сувўтлар бўлимига мансуб денгиз сувўтлари. Бутасимон шохланган. 1—2 м, баъзан 10 м гача. Асоси ва пояси кўпинча кўп йиллик, шохлари 1 йиллик. Илиқ сувли денгиз қирғоқларида ўсади. 150 дан ортиқ тури ва 6 туркуми бор. Атлантика океанининг ғарбий қисмида йирик сузувчи қопламлар ҳосил қилади. С.е.дан алъгинат олинган баъзи турлари ейилади.

САРГОДҲА, Саргода — Покистоннинг шим.-шарқий қисмидаги шаҳар, Панжоб вилоятида, Қуйи Жалам канали бўйида. Аҳолиси 455,4 минг киши (1998). Транспорт йўллари тугуни. Қ.х. (пахта, буғдой, цитрус мевалар, сут чорвачилиги) р-нининг савдо маркази. Ип газлама, озиқ-овқат, кўн-пойабзал, машинасозлик ва металлсозлик саноати корхоналари бор. Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Ҳунармандчилик ривожланган: ёғоч ўймакорлиги, металлдан буюмлар ясалади, кўлда гилам тўқилади.

САРГОН II — *Оссурия* подшоҳи (мил.ав. 722—705). Салманасар V тахтдан агдарилгач, ҳокимият тепасига келган. Ўз сиёсатида қоҳинлар ҳамда Оссурия ва Бобилнинг имтиёзли шаҳарлари манфаатларини ҳарбийлар манфаати б-н уйғунлаштиришга ҳаракат қилган. Исроил (722) ва Сурияни босиб олган (Карқемишнинг эгалланиши, 717); 714 й. *Урарту* подшоҳи Руса I ни тор-мор этган. Кичик Осиё я.о.нинг шарқидаги, шунингдек, Мидиядаги бир қанча вилоятларни босиб олган; 710—709 й..ларда Бобилни эгаллаган.

САРД ТИЛИ — *роман тилларидан* бири. Сардиния о. ва унга яқин бошқа оролларда тарқалган. 1,5 млн.дан ортиқ киши сўзлашади. 11—14-а.ларда Сардиниянинг расмий тили бўлган. 20-а.да оддий сўзлашув тили, матбуот ва шеърият тили сифатида қўлланади. (С.т. да бадиий наср яратилмаган). С.т. энг қад. роман тилларидан бўлиб, у кўпроқ итальян тилининг жан. лаҳжаларига яқин туради. Ўз навбатида, бир неча лаҳжалари бор. Фонетик ва морфологик жиҳатлари б-н бошқа роман тилларидан бирмунча фарқ қилади. Лексикасида католан, испан ва итальян тилларининг таъсири сезилади. С.т. ягона адабий тил меъёрига эга эмас. Ёзуви лотин графикасига асосланган. Ундаги илк матнлар 11-а.га мансуб.

САРДИ (Туркиядаги ҳоз. Сарт қишлоғи) — қадимги шаҳар. Лидия давлатининг пойтахти (мил. ав. 7-а. боши —546 й.). Подшоҳ Крез даврида равнақ топган. 546 й. ахоманийлар томонидан босиб олинган. 1402 й. Амир Темур забт этган. Археологик қазишлар (20-а.) натижасида Артемисий ибодатхонаси ва некрополь аниқланган; қад. битиклар (Мидия тилида) чиққан.

САРДИНАЛАР — сельдсимонлар оиласининг 2 уруғи (сардиналар, сардинопслар)ни ўз ичига оладиган балиқлар гуруҳи. Танаси 2 ёндан сиқилган, уз. 30—35 см гача. Танасининг ён томонлари бўйлаб қора доглар, дум сузгичи асосида 1 жуфт узун тангачалар бўлади. Ҳар бир уруғи бир неча тур ва кенжа турларни ўз ичига олади. Жан. ва Шим. Америкасининг шарқий соҳилларидан ташқари, барча илиқ ва субтропик денгизларда тарқалган. Узоқ Шарқ сардинаси, яъни иваси Узоқ Шарқ денгизларида, европа сардинаси Ғарбий Европа денгизларида тарқалган. Планктонхўр, 8—14 йил яшайди; 2 ёшида вояга етади. Увилдиригини (25—29 минг) сувининг юза қисмига (пелагик) қўяди. Овланади.

САРДИНИЯ — Ўрта денгиздаги орол, Апеннин я.о.дан ғарбда. Корсика о.дан Бонифачио бўғози орқали ажралган. Италия ҳудуди. Майд. 24 минг км². Шарқий қирғоқлари тик, ғарби нисбатан қия. Рельефи шарқида тоғли (энг баланд жойи — Ла-Мармор тоғи, 1834 м), асосан, гранит ва кристалли сланецлардан тузилган. Ғарби ва шим.-ғарби лавали ва туфли плато, жан.-ғарби Кампидано пасттекисликлари иборат. Иқлими субтропик, ўрта денгиз иқлими. Янв.нинг ўртача т-раси 7—10°, июлиники 24—26°. Йилига текисликларда 600 мм дан

тоғларда 1000 мм гача ёғин ёғади. Ёзи қуруқчил. Дарёлари қисқа, қишда тўлиб оқади. Суви суғоришга сарфланади. Доим яшил ва барг тўкувчи ўрмонлар, маквис чакалакзорлари бор. Хўжалигида қ.х. ва кончилик ривожланган. Картошка, дуккакли ва донли экинлар экилади, митрус мевалар, узум етиштирилади. Балиқ овланади, қўй боқилади. Йирик шаҳри ва порти — Кальяри.

САРДИНИЯ ҚИРОЛЛИГИ (Пьемонт) — Италияда мавжуд бўлган давлат (1720—1861). *Савойя герцоглиги*га Сардиния о.ни қўшилиши б-н барпо этилган. С.қ.ни Савойя сулоласи бошқарган. Парчаланган Италияни 19-а.да бирлаштириш жараёни С.қ. негизида содир бўлган.

САРДОБ НЕФТЬ-ГАЗКОНДЕНСАТ КОНИ — Қашқадарё вилояти Миришкор туманидаги кон. Қоравулбозор т.й. станциясидан 65 км жан.-шарқда. 1979 й.да очилган, 1985 й.дан фойдаланишга топширилган. Кон 290—310 м баландликдаги текис чўлда, Чоржўй тектоник погонасининг марказий қисмидаги Денгизкўл кўтарилмасида жойлашган. Палеоген ётқизиқларининг тузилишига кўра, Сардоб структураси моноклиналдан иборат. Ўртабулоқ антиклиналининг жан.-шарқий йўналишидаги ботиқликка мос келади. Сардоб бурмаси юқори юра карбонатли ётқизиқларининг шипи бўйлаб умумий структуравий кўтарилмада жойлашган, қанотлари асимметрик тузилган антиклиналдан иборат. Бурма ўлчами «-2420 м» берк изогипс чизиғи бўйича 4×2 км, баландлиги 120 м.

С.н.к.да юра, бўр, палеоген, неоген ва тўртламчи давр жинсларида жами 8 қудуқ қазилган. Улар қалинлиги 455—653 м ли юра даврининг кимериж-титон туз-ангидритли қатлами б-н ажратилиб, 2 структуравий-тектоник қаватни ташкил этади. Туз-ангидритли қатлам регионал қопқоқ вазифасини ўтайди ва унинг остида юқори юра карбонат ва қуйи-ўрта юра терриген формацияларига мансуб коллектор жинсли ётқизиқлар жойлашган. Карбонат жинсли коллектор қатламнинг (рифсиз тури) умумий қалинлиги 205—337 м бўлиб, 16- (73—86 м), 15-а (58—79 м), 15- (90—173 м) горизонтларга ва қора сланецли горизонтга (12—15 м) ажратилади. 15-горизонт (2664—2743 м чуқурликда очилган) органоген детрит жинсларга бойиган зич оҳактошлардан тузилган, улар ичида қалинлиги 0,8 дан 5 м гача, таркибида сувўтлар ва органоген-чақиқ материаллари бўлган коллекторлар учрайди.

Карбонатли ётқизиқлар шипида сланецсимон текстурали, битумлашган карбонат-терриген жинслардан таркиб топган қора сланецли горизонт (2580—2731 м) мавжуд. Қалинлиги 0,8—2 м бўлган коллекторларда саноат миқёсида нефть ва газ уюмлари жойлашган.

Қатлам босими 32,6 МПа бўлиб, газ-нефть туташ юзаси эса шартли равишда «-2436 м» сатҳда жойлашган деб қабул қилинган. Газ уюмининг ўлчами 3,7×0,9 км, бал. 146 м. Газ дебити 74—534 минг м³/сутка. Газ ярим қуруқ, метанли. Таркиби (ҳажмига нисбатан %ҳисобида): метан —90,22; этан —4,2; пропан —1,78; изобутан —0,2; мўътализ пентан —0,18; водород сульфид —0,015; карбонат ангидрид гази — 1,61; азот —1,29; гелий —0,25; водород —0,32; нисбий 0,625 г/см³. Конденсат ўртача оғирликда (0,7500—0,7568 г/см³), юқори олтингугуртли (0,3%). Бензин ва керосин фракциялари тегишлича 37—66% ва 23—33%. Конденсат тури метан-нафтен-аромати. Сув-нефть туташ юзаси «-2482 м» сатҳда. Нефть уюмининг ўлчами 2,8×1,4 км, бал. 46 м. Қатлам босими 35,1 МПа. Нефть дебити 85,7 м³/сутка. Нефть ўртача оғирликда (0,8795 г/см³), олтингугуртли (1,76%). Таркиби: асфальтенлар 4,79%, парафин 0,78%. 150° ҳароратда қайнайдиган фракциялар миқдори 6%, 200° гача —13,6%. Кондан ҳоз. вақтда фойдаланилмоқда.

САРДОБА (форс. -тож.-сард — совуқ ва об — сув) — сув танқис ҳудудларда уни тўплаш ва сақлаш учун махсус қурилган гумбазли ҳовуз. Ўрта Осиё ва Шарқдаги бошқа мамлакатларда қурилган. С.нинг девори цилиндр шаклида, диам. 12—13 м, чуқ. 10—15 м, ҳовуз юзаси ер сатҳи б-н бир текис бўлган. С. гумбази сиғатли пишиқ ғишт ва ганчдан ишланган, тепаси туйнукли, атрофларида ҳовузга сув тушадиган тешиклар қилинган. Кириш учун С.га эшик ҳам ўрнатилган, унинг олди сувни тоза сақлаш мақсадида девор б-н ўралган. С. ёнига молларни суғорадиган оҳур қилиниб, унга ҳовуздан махсус тарнов орқали сув оқизилган. Баъзи С.ларда уларни назорат ва тозалаб турувчи мироблар учун хоналар ҳам бўлган.

Сардоба. Сирдарё вилояти Шароф Рашидов тумани Пахтаобод шаҳарчаси (тазмирланган кўриниши, 2002 й.).

С.лар географик жойлашуви, жойнинг табиати, рельефига кўра, бир неча хил (қор-ёмғир сувлари, анҳорлар сувлари, ер ости сувлари (*қоризлардан*) ишлатилган С.лар) бўлган. Тарихни маълумотларга қаранганда Мовароуннаҳрда 44 та С. бўлган. Улардан 29 таси Қарши чўлида, 3 таси Мирзачўлда, 3 таси Тошкент б-н Фарғона ўртасидаги қалимчи савдо йўлида, 1 таси Кармана яқинида — Чўли Маликда қурилган (қ. *Работи Малик*). 19-а. охиригача ишлатилган С.лардан бири ҳоз. Туркманистондаги Сандиқли чўлида 17-а. ўрталарида Керки ва Қарши шаҳарини боғловчи карвон йўлида қурилган, ҳовузининг диам. 17 м бўлган Санги сувлоқ С.сидир. С.лар қалимда дашт ва чўлларда чорвани ва савдо карвонларини сув б-н таъминлашда муҳим ўринда турган. Ҳоз. сақланиб қолган С.лар тарихий-этнографик аҳамиятга эга.

Ад.: Кудратов., Сардобалар ўлкаси, Т., 2001.

Мухторий Бақоев.

САРДОБА — Сирдарё вилояти *Оқолтин тумани*даги қишлоқ, туман маркази. Яқин т.й. станцияси — Ержар (26 км). С.дан вилоят маркази (Гулистон ш.)гача — 45 км. Аҳолиси 15,3 минг киши (2003). С.да туман ҳокимияти биноси, ланкат ва маъмурий ташкилотлар, пахта тозалаш з-ди, леҳком бозорлари, 4 умумий таълим мактаби, 2 касб-ҳунар коллежи, кутубхоналар, маданият уйлари, Хотира майдони, поликлиника, касалхона, дорихоналар, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор.

САРДОБА БОТИҒИ — Мирзачўлнинг шим.-шарқий қисмида жойлашган берк ботиқ. Тубининг бал. 261 м, уз. 27 км, эни 9—10 км. Шим. ён бағри нисбатан тикроқ. Ён бағирлари қумли, ости гипслашган лойтош ва қумоқ тоғ жинсларидан иборат.

Ботиқнинг келиб чиқиши ҳақида турли фикрлар мавжуд. Баъзи олимлар ўни юқори плиоцен даврида Сирдарёнинг қад. ўзани ёки дарё суви вақт-вақтида ётқизиқ тўлиб турган кўл ўрни деб ҳисоблайдилар. Ботиқда шўрланган оч бўз, ўтлоқи-бўз, шўрхок тупроқлар тарқалган. Ер ости сувлари 1—5 м чуқурликда жойлашган, минераллашганлиги 1л да 3 граммдан 30 граммгача. Ер ости сувларининг ҳаракати жуда суст. Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ундан қ.х.да фойдаланиш учун вертикал зовурлар қурилган.

САРДОР — 1) Эрон, Афғонистонда йирик амалдор, қабила бошлиғи; 2) Ўрта Осиёда қўшин қўмондони; 3) Усмонли турк империясида дала армияси қўмондони; 4) Мисрда инглизлар ҳукмронлиги даврида Миср ҳукмдори қўшинларига қўмондонлик қилган инглиз зобити; 5) Ҳиндистонда жотлар кастасига мансуб сиҳҳлар раҳнамоси.

САРДУРИ I — Урарту подшоси (мил. ав. 9-а.нинг 2-ярми); Лутипри ўғли. Оссурия подшоси Салманасар III нинг замондоши; мил. ав. 833 й. воқеалари ҳақидаги битиқларда Седури номи б-н қайд этилган. С. даврида давлатнинг пойтахти Тушпа шаҳ кўчирилган. С. Оссурия б-н урушлар олиб борган. С. даврида Урарту подшолиги кучли давлатга айланган.

САРЕЗ ЗИЛЗИЛАСИ — Помирда 1911 й. 18 февр.да соат 18 дан 4 мин. ўтганда содир бўлган дунёдаги кучли зилзилалардан бири. Зилзила тектоник жараёнларнинг фаоллашуви ва Бартанг—Пишарт Ер ёзилмаси бўйича қатламларнинг кескин силжиши натижасида вужудга келган. Магнитудаси 7,4, зилзила кучи 9 балл ва чуқ. 20 км бўлган бу зилзила ўчогидан тарқалган сейсмик тўлқинлар ер устини ларзага келтирган. Эпицентр зонасининг рельефи бутунлай ўзгарган. Мургоб дарёсига тоғ бағрининг жуда катта қисми бир зумда қулаб тушган, натижада бал. 700 м, уз. 7 км ва кенглиги 4 км ли катта кўл ҳосил бўлган. Сарез, Ўзбой қишлоқларини сув остида қолган, атрофдаги бир қанча қишлоқлар вайрон бўлган. 200 га яқин киши иморатлар тагида қолиб ҳалок бўлган. Зилзила туфайли пайдо бўлган *Сарез кўли*да (ҳоз. шу ном б-н аталади) ҳажми 18—20 км³ сув йиғилган, бу эса Чарвоқ сув омборидаги сувдан 10 марта кўп. Сарез зилзиласи дунёнинг кўп жойида сезилган бўлишига қарамай, унинг эпицентр зонаси унча катта бўлмаган жойни эгаллаган.

САРЕЗ КЎЛИ — Тожикистон Республикаси Тоғли Бадахшон мухтор вилояти ҳудудидаги кўл. *Полшкда*, Шим. Аличур ва Музкўл тизмалари орасида, 3239 м баландликда жойлашган. Майд. 79,6 км², сув сиғими ҳажми 16,07 км³, уз. 55,8 км, энг кенг жойи 3,3 км. Ўртача чуқ. 190 м гача, энг чуқур жойи 500 м. 1911 Сарез кўли.

йдаги зилзила оқибатида Мургоб дарёсининг чуқур водийсини Усой қишлоғи яқинида тоғ жинслари тўсиб қўйиши натижасида пайдо бўлган. Ўрта Осиёдаги энг катта увомли сув ҳавзаси. Сув тўплаш майд. 18 минг км². Мургобдан ташқари кўлга 16 доимий ва 20 дан зиёд вақтинча сув оқимлари қуйилади. Асосан, муз сувларидан тўйинади. Кўлга қуйиладиган ўртача кўп йиллик сув миқдори 1,48 км³. Уюм орқали сувнинг сизиб ўтиши содир бўлмоқда. Булоқлар кўринишида сувнинг кўлдан кўп йиллик ўртача оқиб чиқиш миқдори 1,46 км³ни ташкил қилади. Суви чучук. Кўл сатҳи ўзгариб туради. Кейинги 60 йил мобайнида сув сатҳининг ўртача ўсиши йилига 20 см ни ташкил қилди. Йил орасидаги сув сатҳи ўзгаришининг энг катта амплитудаси 12 м, энг ками 2 м ни ташкил қилади. Кўл суви дек. охири — янв.нинг 1-ярмида музлайди, март охири — май бошларида муздан бўшайди.

Ад.: Агаханянц О. Е., Сарез, Л., Гидрометеоиздат, 1989; Газзарин Г. Е., Никитин А. М., Шчетинников А. С., Водный баланс Сарезского озера. Тр. САНИГМИ, 1986, Вып. 113 (194); Гронская Г. П., Иванов Ю. Н. ва б., Гидрологический режим Сарезского озера. Тр. ГГИ, 1977, Вып. 246; Асадов С. М., Горелкин Н. Е., Гидрометеорологический мониторинг Сарезского озера, Т., Изд. отдел САНИГМИ, 2002.

САРЖА (лот. sericus — шойи) — 1) тайний ёки кимёвий толалардан саржа (шойисимон) ўрилишда тўқиладиган газлама. Силлиқ бўлиб ёки гул босиб ишлаб чиқарилади. Аёллар кўйлаги тикиш учун, астарлик, техник газлама ва б. сифатида ишлатилади; 2) саржа ўрилишнинг қисқача номи (қ. *Ўрилиш.*)

САРЖИН, сажень (славянча сань — қадам, одим) — 1) сажень — қад. рус узунлик ўлчов бирлиги. Халқаро метрик ўлчовлар тизими киритилгунга қадар (1918 й.) ишлатилган. 1С.=3 газ=48 вершок=2,13360 м. Юза ўлчов бирлиги — *десятина* (2400 кв. сажень); 2) С. — ҳажм ўлчов бирлиги. Жуда қалимдан пахса девор ва палён ўтинларнинг ҳажмини ўлчашда қўлланиб келинган, мас., бўйи уч газ, эни 0,6—0,75 газ, баландлиги бир ярим газ қилиб терилган палён ўтин ёки урилган пахса 1 С. ҳисобланади.

САРИ — ҳинд аёлларининг миллий кийими. Уз. 4,5—9 м, эни 1 м бўлган мато. Йўл-йўл гулли, ҳошияли қилиб махсус тўқилади. С. ичидан калта енгли калта кофта кийилади. С.нинг бир учи юбкага маҳкамланиб, белга 2 марта айлантириб олинади, қолган қисми елкага (жоат жойларида бу қисми бошга шарф каби) ташлаб қўйилади. Ҳиндистоннинг турли вилоятларида, шунингдек, аҳолининг турли гуруҳларида С. кийиш усулида айрим фарқлар бор. Одатда, С.нинг қуйи қисми юбкага ўхшаш, баъзан узун ёки калта иштон тарзида тикилади.

САРИБАНД (форс. — тўғон боши) — ўрта асрларга оид тўғон (16-а.). Сурхондарё вилоятидаги Бандихон қишлоғидан 7 км шим.-шарқдаги Ўргузсой ўзанига қурилган. Унинг пишиқ ғиштдан (25×25×5 см) ишланган айрим қисмлари сақланиб қолган. Тўғондан бир оз баландликда Ўргузсойнинг чап қирғоғида С. номли тепа бор; у баланд ҳисор (30×30 м) ва атрофи девор б-н ўралмаган қишлоқ харобаси бўлиб милоднинг бошларига оид. Шу ерда дарё ўзанидан қадимда турли тарафларга каналлар чиқарилган. Кушонлар даврида ҳам бу ерда тўғон бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас.

САРИЁҒ — асосан, сигир сути қаймогидан олинадиган озиқ-овқат маҳсулоти. Биологик хусусияти, таъми ва сифати жиҳатидан бошқа ёғлардан устун туради, инсон организмида енгил (95% гача) ҳазм бўлади. Таркибида сут ёғи камида 72—82,5% (эритилган С.да 98—99%) ни ташкил этади, ёғ кислоталари мажмуи, фосфатидлар ва ёғда эрийдиган витаминлар, сутда бўлган оқсил, углеводлар, айрим сувда эрийдиган витаминлар, минерал моддалар ва сув бор. 18—23° да қотади, 27—36° да эрийди. С. эритилмаган ва эритилган хилларга бўлинади. Илгари С. кувда пишиб олинган. Саноатда эритилмаган С., асосан, 2 усулда: 30—45% ли қаймоқни қувлаб ва серёғ қаймоқни қайта ишлаб тайёрланади. Қувлаб олинадиган С. қаймоғи 85—90° да пастерланади (қ. *Пастеризация*), сўнгра 4—8° гача тез совитилади. Натижада сут ёғи диаметри 1—3 мм ли доналарга ажралади, улардан ёғсиз қисми ажратилгач, тайёр С. прессланади. Серёғ (80% гача) қаймоқдан С. ишлаб чиқаришда пастерланган қаймоқ босим остида мой ажраткичга узатилади, унда жадал аралаштириб турилади ва 12—14° гача тез совитилади. Пастерланган қаймоққа қанд, какао ва ванилин каби хушбўй моддалар (шоколадли С.), табиий мева шарбати ва шакар (мевали С.), асал (асалли С.) қўшиб, аралаштирилади С. тайёрланади. Эритилган С.нинг тузсиз, тузли ва б. хиллари бор. Эритилмаган С.ни эритиб ва қўшимча аралашмалардан тозалаб, эритилган С. олинади. Эритилган С. бузилмайди. С.

юқори калорияли маҳсулотдир. 100 г С.нинг калорияси ўртача 770 ккал ёки 3,06 Мж га тенг.

САРИЖАЗ — Марказий Тяншандаги тоғ тизмаси (асосий қисми Қирғизистоннинг шарқий чеккасида). Шим.да Сарижаз, жан.да Иниличиқ дарёлари оралиғида жойлашган. Уз. 110 км га яқин. Энг баланд жойи ғарбида — 4799 м. Марказий қисмидаги довон (бал. 4001 м) ҳар икки дарё водийсини боғлайди. Жан. ён бағри дарё водийсидан тик кўтарилган, шим. ён бағри эса нишаброқ. Сарижаз дарёсининг кўплаб чап ирмоқлари б-н кесилган. Тизмала музлик таъсири натижасида ҳосил бўлган рельеф шакли кўп. Тизма тектоник жиҳатдан антиклиналь структура бўлиб, сланец, мармарлашган оҳактош, отқинди гранит ва б. тоғ жинсларидан тузилган. Тизманинг шим. ён бағрида Семёнов ва Мушкетов музликлари, жан. ён бағрида Шим. Иниличиқ музлиги жойлашган. Ён бағирларида баланд тоғ ўтлоқлари мавжуд.

САРИМСОҚ (Allium sativum) — пиёздошлар оиласи пиёзлар туркумига мансуб икки ва кўп йиллиқ ўтсимон ўсимликлар тури, сабзавот экини. Ватани — Ўрта Осиё. Ёввойи ҳолда Ҳиндистон, Ўрта денгиз атрофларида, Қозоғистон, Сибирь, Кавказ ва Ўрта Осиёда учрайди. Ўзбекистонда ёввойи С. (A. longicuspis Pgl.) тоғли минтақаларда ўсади. Жаҳондаги деярли барча мамлакатларда етиштирилади. Маданий С.нинг 2 тури мавжуд бўлиб, бири гулпоя чиқармайди, иккинчиси гуллаб, уруғ ҳосил қилади. С.нинг Ўзбекистонда тарқалган гулпоя чиқарувчи навлари серҳосил, қишга чидамли. Барги лентасимон, илдизи патак. Гуллари майда, икки жинсли, қўнғироқсимон, оқ ёки бинафшаранг. Пиёзи мураккаб, парадасимон умумий қобиқ ичида 7—30 дона майда пиёзчалари бўлади. Таркибида қанд, С, В витаминлари, эфир мойи, фитонцидлар бор. Озиқ-овқатга, тиббиётда, ветеринарияда, сабзавотларни консерваланда ишлатилади.

Саримсоқ: 1 — тўпгули; 2 — пиёзи; 3 — пиёзи бўлакчалари; 4 — пиёзининг кўндаланг кесими.

С. бошқа сабзавотларга нисбатан тез ўсади. —7, —8° совуққа чидамли. 10—12° иссиқда яхши ўсиб ривожланади. 20—25° да пишиб, етилади. С. икки марта — баҳорда ва, асосан, кузда экилади. Кузда экилганидан келгуси йили баҳорда ҳосил олинади. Маданий С. уруғ бермайди, балки пиёзидан ташқари гулпоясн тўпгулида 10 дан 45 тагача поясаримсоқчалари ҳосил қилади. С. вегетатив йўл б-н, кузда ва баҳорда пиёзини бўлакларга ажратиб экиб кўпайтирилади. 100 м² ерга шундай пиёзчалардан 10—15 кг сариф қилинади. Суторилади ган унумдор ерларга қатор ораларини 45 см, ўсимлик оралиғини 4—8 см қилиб, 4—6 см чуқурликка кўмилади. Экиб бўлингач, тупроқ, сомонли гўнг, чиринди б-н мульчаланади. Ўсув даврида 5—6 марта суторилади, озиқлантирилади, парваришп пиёзга ўхшаш. Баҳорда ўсиб чиққан гулпоя (карнай) лари юлиб ташланади. Ўзбекистонда эртапишар (Майский) навлари ойининг охирларида, кечпишар (Бинафшаранг, Жан. бинафшаранг, Андижон) навлари июль бошларида етилади. Ҳосилдорлиги 50—150 ц/га.

Касалликлари: вилт, асосий зараркунандаси — пиёз нематодаси.

САРИМСОҚОВ Тошмуҳаммад Алиевич (1915.10.9, Андижон вилояти Шаҳрихон қишлоғи — 1995.17.12, Тошкент) — математик олим ва жамоат арбоби, Ўзбекистон ФА акад. (1943). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1960), Меҳнат Қаҳрамони (1990). Физика-мат. фанлари д-ри (1942), проф. (1942). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1936), шу ун-тда ассистент, доцент, проф. ва кафедра мудири (1931—42; 1983—88), 1943—45, 1952—58 ва 1971—83 й.ларда ун-т ректори. Ўзбекистон ФА вице-президенти (1943—46), президенти (1946—52), Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири (1959—71). 1988 й.дан Ўзбекистон ФА Президиумида маслаҳатчи. Илмий ишлари эҳтимоллар назарияси, геофизика метеорологиясига бағишланган. Топология ва функционал анализ бўйича Тошкент илмий мактаби асосчиси. Ярим майдонлар назарияси ва унинг эҳтимоллар назариясига татбиқини ишлаб чиққан. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1967, 1992). «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2002).



Асл.: Основы теории процессов Маркова. М., 1954; Топологические алгебры Буля. Т., 1963 (в соавторстве; Ҳақиқий ўзгарувчининг функциялари назарияси. Т., 1968; Топологические полугруппы и теория вероятностей. Т., 1969.

САРИМСОҚОВА Лутфихоним (1896.8.5, Фарғона вилояти Риштон тумани — 1991.14.1, Тошкент) — актриса, хонанда. Ўзбекистон халқ артисти (1937). Ижодий фаолиятини 1924 й. Қўқон хотин-қизлар ҳаваскорлик гуруҳасида бошлаган. Қўқон (1926—28), Андижон (1928—31), Марғилон (1931—34) театрларида, Ўзбек давлат мусиқа театрида (1934—39), Мукимий театрида (1940—73) ишлаган. Ўзбекистон давлат филармонияси қошидаги дуторчи хотин-қизлар ансамблининг ташкилотчиси ва бадиий раҳбари (1939—40). Халқ санъатига хос бўлган соддалик ва мукаммаллик, ўткир ҳажв ва заковат, самимият ва қудрат, мазмунлорлик ва таъсирчанлик каби хислатлар С. ижодий услубининг асосини ташкил қилади. С. ҳам лирик, ҳам фожиавий, ҳам ҳажвий актриса бўлиб, халқ қўшиқларининг моҳир ижрочиси, ҳозиржавоб аскиячи, уста раққоса ва яхшигина дуторчи сифатида ҳам таниллан. Қўқон театрида саҳналаштирилган «Аршинмол-олон» (У.Ҳожибеков) мусиқали комедиясида дастлаб Зебо, кейинроқ Жаҳон хола, Гулчеҳра, «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» (Хуршид) спектаклларида Лайли ва Ширин образларини яратган. Тугма истеъдод, ўз касбига муҳаббат, ҳаракатшижоат, ўз касбига муҳаббат, ҳаракатчанлик натижасида Адельма (К. Гоцци), «Маликаи Турандот»), Смеральдина (К.Гольдони, «Икки бойга бир малай»), Турсун (В.Ян, «Ҳужум») каби образларни маҳорат б-н яратди. Актриса ижодида, асосан, 2 йўналиш етакчилик қилди: бири лироэпик тарздаги муштипар оналар образи бўлса, иккинчиси салбий ва сараз тирик роллардир. Иккала йўналишда ҳам С. чинакам маҳорат чўққиларини эгаллади. Ойсара (К.Яшин, «Гулсара»), Она (F. Зафарий, «Ҳалима»), Ёсуман (Хуршид, «Фарҳод ва Ширин») роллари бунга мисолдир. С., айниқса Ёсуман образини халқ санъати воситалари ёрдамида юксак бадиий умумлашма даражасига кўтарди. Уни ёвузлик, разиллик, макр-ҳийла тимсоли сифатида гавдалантирди. «Майса-раниши» (Ҳамза) комедиясидаги Майсара образида ўз имкониятларини аёл эрки ва қадр-қимматини ҳимоя қилишга қаратган бўлса, «Паранжи сирлари»даги Мастура сатанг образида, аксинча, ақл-идроки ва куч-қудратини аёлларнинг ҳуқуқ ва туйғуларини поймол қилишга сарфлайди. Халча хола («Қурбон Умаров»), Хайри хола («Офтобхон»), Жамол опа («Олтин кўл»), Рисолат чевар («Муқимий»), Хадича хола («Фарғона тонг отгунча») каби муштипар, мунис оналарнинг ранг-баранг образлари б-н ўзбек театри ва актёрлик санъати ривожига катта ҳисса қўшган. Айниқса, С. ижросидаги Кимё («Нурхон») образи ўз жигарбандининг эркин нафас олиши учун ҳар қандай қийинчиликларга бардошли, оқ кўнгил оналар образининг мумтоз намунаси бўлиб, ижроси соддалиги, гўзаллиги б-н ажралиб туради.

С. ўзбек кино санъати тараққиётига улкан ҳисса қўшган. Унинг кино ролларн саҳна фаолиятининг давоми бўлиб, бу ерда ҳам меҳрибон, мунис, жафокаш ўзбек оналари образини яратган. Она («Қасам»), Шарофат («Опасингил Раҳмоновалар») ва б. образларда актриса ўзига хос қиёфа касб этди. С. энг кичик ролни ҳам ниҳоятда моҳирлик б-н ижро этиб, унга улкан мавзу ва ҳаётий ҳақиқатни мужассамлаштирган, мустақил ва йирик образ яратa олиш мумкинлигини телба аёл («Фарзандлар») роли б-н исботлади. Актрисанинг кино санъатидаги ҳақиқий истеъдоди ва маҳорати Меҳринисо («Маҳаллада дув-дув гап»), Фотима опа («Сен етим эмассан») образларида тўла намоён бўлди. Меҳринисо образи орқали оддий оналарнинг феъл-атвори ва руҳиятини табиий бўёқлар б-н ифодалаган бўлса, Фотима опа образида 14 етим болани ўз бағрига олиб тарбиялаган ўзбек аёлининг оқ кўнгил, куюнчаклиги, саховати, оламийлиги ва

Лутфихоним Саримсоқова Фотима ролида («Сен етим эмассан» фильмида).

буюк продасини юксак маҳорат б-н еткази олди. С. хонанда сифатида «Кулинг», «Ўзгача», «Ёр-ёр», «Ҳаккалакам ўйнасам ман», «Жамбилхон», «Ёргинам», «Омон бўлайлик», «Қилпиллама» каби ўзбек хотин-қизларининг халқ ашула, қўшиқ ва лапарларини маҳорат б-н ижро этган.

С. ҳаёти ва ижодига бағишланган «Ая» (1976), «Лутфихон ая» ҳужжатли фильмлари ишланган. Вафотидан сўнг «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2001).

Маҳина Авазова.

САРИМСОҚТИ — Жан. Олтойдаги тоғ тизмаси. Қозоғистон Республикасида. Уз. 60 км. Энг баланд жойи 3373 м (Бурқитовул тоғи). Эффузив, туф, гилли сланец, қумтош, гранитлардан таркиб топган. Шим. ён бағри тик, 1900—2100 м баландликкача ўрмонлар бор. Жан. ён бағри қия, ўтлоқзор ва тоғ тундраси б-н қопланган.

САРИОСИЁ — Сурхондарё вилоятидаги шаҳарча. *Сариосиё тумани* маъмурий маркази. Яқин т.й. станцияси Сариғий маркази. Яқин т.й. станцияси Сариғий (7 км). Аҳолиси 14,3 минг киши (2000). Хўжаликлари ва аҳолиси Тўполондарёдан сув олади. Шаҳарча ёнида Тўполон сув омбори бор. Маҳаллий тонимистларнинг фикрича, туман номи «сар—бош ва осиё — тегирмон, яъни «тегирмон боши» маъносини англатади. С.да саноат, транспорт, алоқа корхоналари, деҳқон бозори, савдо мақобчалари мавжуд.

Паррандачилик корхонаси ишлаб турибди. Умумий таълим мактаблари, коллеж, махсус интернат-мактаб, маданият уйлари, стадион, касалхоналар, дорихона ва б. тиббий муассасалар фаолият кўрсатади.

САРИОСИЁ ТУМАНИ — Сурхондарё вилоятидаги туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. 1959 й.дан Денов, 1962 й.дан Узун туманлари таркибида, 1964 й. 22 фев.дан С.т. номи б-н қайтадан тузилган. Жан.-шарқдан Узун, жан.-ғарбдан Бойсун, жан.дан Денов, Қумқўрғон туманлари, шим. ва шарқдан Тожикистон Республикаси, шим.-ғарб ва ғарбдан Қашқадарё вилояти б-н чегарадош. Майд. 3,15 минг км². Аҳолиси 147,8 минг киши (2003). Туманда 1 шаҳарча (Сариосиё), 1 шаҳар (Шаргун), 9 қишлоқ фуқаролари йиғини (Бўстон, Дашнобод, Наврўз, Сангардак, Сариосиё, Сўфиён, Тоқчиён, Хуфар, Ўзбекистон) бор. Марказн — *Сариосиё* шаҳарчаси.

Табиати. Туман вилоятнинг шим. қисмида жойлашган. Рельефи хилмахил. Шим. Ҳисор (энг баланд жойи — Хўжапирях тоғи — 4303 м) тоғ тизмалари ва улар орасидаги Сурхондарё, Тўполондарё ва ирмоқларининг водийларидан иборат. Жан.-ғарбий қисми Боботог ва Бойсунтоғ тизмалари (энг баланд жойи — Заркоса тоғи, 2290 м) ва улар орасидаги паст-баланд адирлар б-н банд. Хуфор, Хондиза, Исток, Вочах, Маланд, Зохона қишлоқлари 2500—2800 м баландликда жойлашган. Ер устн тузилишининг хилма-хиллиги иқлим, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига ҳам таъсир этган. Иқлими қуруқ субтропик иқлимга хос, қиши қисқа, ёзи эса давомли. Йиллик ўртача т-ра 15,6°. Текислик қисмида янв.нинг ўртача т-раси 2,5, июлники 28°. Энг юқори т-ра 44°. Вегетацин даври 270—280 кун. Йиллик ўртача ёғин миқдори

Тог этакларида.

Тоғлари қишлоқ.

200—300 мм. Тоғларда 790 мм. Жан.-ғарбдан эсувчи, қуруқ, чанг-бўронли афғон шамоли салбий таъсир кўрсатади. Туманнинг ҳудудидан ўтувчи энг узун ва серсув Тўполондарё Сурхондарёга қуйилади, шунингдек, Обизаранг, Сангардакдарёлар ҳам бор. Ёзда дарё ва сойларда сув кескин камаяди. Тўполон сув омбори Сурхондарё вилоятининг 10 та туманини сув б-н таъминлайди.

Ҳисор тоғи этакларида олдинй ёки типик бўз, қўнғир бўз тупроқлар, Боботоғ этакларида оч бўз, шағалли бўз, дарё водийларида эса аллювиал ўтлоқи, ўтлоқи-ботқоқ, текисликларда оч бўз тупроқлар тарқалган. Ёввойи ўсимликлардан: тоғларда заранг, ёнғоқ, арча, бодом, қатранги; буталардан писта, дўлана, итбуруни, чия; ксерофитлардан тиканли каврак, бетага, чайтаб, оқ-момиқ, тўнғизсирт, суваранг, чойўт, чалов, қизилтикан, астрагал ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан: бўри, суғур, тулки, қора ва қўнғир айиқ.

Сариосиё шаҳарчасидаги савдо гузари.

қоплон, силовсин, қабон, жайран, жайра, каламуш, қушоёқ, курсичқон; уқалон. Ўрта Осиё кобраси (кузовнакли илон), бўғма ва қора илонлар, текқон калтакесаги; қушлардан тог лочини, корка, калхат, бўргут, суфитўраги, чил, хилзот, кақлик, кантар; балиқлардан шоҳбалиқ, илонбалиқ, лаққабалиқ ва б. бор. Ўзбекистонда ягона кокланувчи кўмир олинадиган Шаргун кўмир кони, Хондиза полиметалл кони, қурилиш материаллари, нефть, газ мавжуд.

Аҳолиси, асосан, узбеклар, шунингдек, тожик, рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 47 киши тўғри келади. Қишлоқ аҳолиси 115,3 минг киши, шаҳар аҳолиси 32,5 минг киши (2003).

Хўжалиги. Қ.х.да пахтачилик, галлачилик, чорвачилик тараққий этган. Саноати ҳам салмоқли ўрин тутади. Шаргун тошкўмир кони, мармар, фосфор конлари, рух фойдали қазилмалари мавжуд. 3 та қўшма корхона, 34 кичик корхона, 2 темир-бетон буюмлари, 2 шағал-саралаш з-длари, Сариосиё паррандачилик корхонаси бор. Қўшма корхоналардан «Мифтох» Ўзбекистон—Россия, «Лажер-Ўзбекистон—Тожикистон (пиво ишлаб чиқарилган) корхоналари ишлаб турибди. Туман ҳудудидан Каляф — Термиз — Сариосиё — Тожикистон «Дўстлик» табиий газ қувури, т.й. ўтган.

Туманда 11 ширкат, 229 фермер деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсатади. Узун ўрмон хўжалиги, Ҳисор доривор ўсимликлар хўжалиги, асалчиликка ихтисослашган хўжалик бор. 5765 га майдонга пахта, 3300 га майдонга галла, шунингдек, сабзавот, беда, ем-хашак экинлари экилади (2003). Мева ва узум етиштирувчи хўжаликлар ҳам бор. Ўрмон хўжалигида боботог пистаси ва кўпгина доривор ўсимликлар тайёрланади. Туман жамоа ва шахсий хўжаликларида 51 минг қўй ва эчки, 7 минг от боқилади, шунингдек, қорамол, паррандачилик фермалари ҳам бор. Йирик ҳисор қўйлари етиштирилади. Экинзорлар Ҳасанхон канали, Катта ва Кичик Дамариқ каналларидан суғорилади.

Туманда 71 умумий таълим мактаби (31 минг ўқувчи), 2 та гимназия, 3 та махсус интернат мактаб, 3 та касб-ҳунар коллежи (3 мингга яқин ўқувчи) фаолият кўрсатади. С.т.да 41 та кутубхона, 3 маданият уйи, 11 клуб, халқ театри, дирула ва рақс ансамбли ишлаб турибди. Стадион ва б. муассасалар мавжуд. Касалхона, поликлиника, тутруқхона, қишлоқ врачлик пунктлари, Хондиза дам олиш маскани аҳолига хизмат кўрсатади. Туман ҳудуди орқали Тошкент — Душанба, Узун — Шаргун йўналлари ўтади. «Сариосиё» туман. газ. 1932 йдан чиқади (аввали 2000).

САРИОҒОҶ — Қозоғистон Республикаси Жан. Қозоғистон вилоятидаги шаҳар (1968 й.дан). Келес дарёси соҳилида. Тошкент — Арис йўналишидаги т.й. станцияси (Тошкентдан 20 км шим.да). Аҳолиси 28,5 минг киши (1990-йлар ўрталари). Вино, сут, ёғ, «Сариоғоч» минерал суви қалоқлаш, керамзит з-длари, галантерея ф-каси, зооветеринария ўрта махсус билим юрти бор. С.дан жан.-ғарбда балнеологик курорт мавжуд.

САРИСУВ — Қозоғистон Республикасининг Қарағанда ва Қизилўрда вилоятларидаги дарё. Уз. 671 км, ҳавзасининг майд. 81600 км². Жаман Сарисув ва Жақси Сарисув дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Дастлаб Қозоғистон паст тоғларининг жан.-шарқий қисмлари бўйлаб, кўйи оқимида эса Бетпақдаланинг ғарбий чеккаси бўйлаб оқади. Юқори қисмида водийси тор, қуйи қисмида эни 5—10 км гача. Қор суvларидан тўйинади. Ўртача сув сарфи қўйилиш жойидан 382 км да 7,3 м³/сек. Юқори ва қуйи қисмида иоддан анча гача қурийди. Саноат сув таъминоти ва суғориш учун фойдаланилади.

САРИТЕПА — Чатқол тизмасидаги чўққи. Тошкент вилоятининг жан.-шарқида. Бал. 1963 м. Чўққи палеоген ва неоген жинсларидан (гранит, кумтош ва оҳактошдан) ташкил топган.

САРИТОШ-ҚОРОВУЛБОЗОР ГАЗ-НЕФТЬ КОНИ — Бухоро вилояти. Когон т.й. станциясидан 30 км жан.-шарқдаги кон. Ўзаро боғлиқ 2 структурада жойлашган. Уларда газлилик чегараси умумий, шунга кўра бу кон биргараси умумий, шунга кўра бу кон бирга-ликда тавсифланади. Кон 1963 й. фойдаланишга топширилган.

Қоровулбозор антиклинали кенглик бўйича чўзилган бўлиб, асимметрик кўринишга эга, уз. 10 км, эни 3—4 км. Структура 2 ёриқ б-н кесилган, ундан бири жан. қанотдан ўтади ва палеозой ётқизиқлари бўйича амплитудаси 150 м ли, иккинчиси шим. қанотдан ўтиб амплитудаси 50 м гача бўлган ташлама-узилмани ҳосил қилади. Саритош антиклинали Қоравулбозор антиклиналидан ғарб-жан.-ғарбда жойланган. У ҳам асимметрик брахиструктуралан иборат, уз. 10—12 км, эни 6—8 км. Шим. қанотидан амплитудаси 25—30 м дан 60 м гача бўлган ташлама-узилма ўтади.

С.-Қ.г.к.да жами 38 та қудуқ қазилган. Палеозой, мезозой ва кайнозой ётқизиқлари очилган. Маҳсулдор горизонтлар юра даври ётқизиқларидаги оҳактошлар, бўр-кумтош, гравелит, чиганоқтошларда жойлашган. Саноат аҳамиятига молик газ уюмлари Қоравулбозор структурасида 12- ва 13- (неоком-апт) ҳамда 15- ва 15а-горизонтларда (келловей-оксфорд), Саритош структурасида 15-горизонтда учрайди.

12 а.- горизонтда газ уюми 950—1000 м чуқурликда очилган, қалинлиги 31—40 м, кумтош жинсларининг говаклиги 13%. Уюм қатлам, гумбаз типига мансуб. 13-горизонт алевролит, гил жинслари б-н қопланган ҳар хил зарралн кумтошлардан иборат. Қалинлиги 70—100 м, фойдали қалинлиги 15 м гача. Жинсларининг говаклиги 14,3—15,8%. Уюм ўлчами 3,5×0,9 км. Газ уюми Саритош структурасида 1200—1250 м чуқурликда очилган. Қоровулбозор ва Саритош структуралари қуббасида кичик нефть хошияси мавжуд. Кон сув босимли режимда ишлатилади.

Кондани қатлам босими ва т-раси 10,2 МПа ва 47°. Газ таркиби (ҳажмига нисбатан %да): метан — 90,5; карбонат ангидрид гази 0,2%, азот 3,8%, зичлиги 0,629—0,641 г/см³, газ дебити 35 минг м³/сутка. Нефть зичлиги 0,776—0,840 г/см³, олтингугурт 0,32%, асфальтенлар 0,018—0,72%, акциз смоласи 2—32,5%, парафин 0,92—1,54%, кокс 3,54%. Енгил фракциялар миқдори (3000 гача) 0,86%. Нефть дебити 2,6 т/сутка. Қатлам сувлари (13-горизонт) зичлиги 1,003—1,014 г/см³, минераллашганлиги 190,46—203,4 мг/л. йод миқдори 2,1—8,4 мг/л, бром 16,8—60,0 мг/л. Сув типи хлор-кальцийли. Ҳоз. вақтда кондан фойдаланилмоқда.

САРИЧА НЕФТЬ-ГАЗ КОНИ — Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги кон, Ғузор ш.дан 50 км шим.да. 1969 й.да очилган, 1987 й.да фойдаланишга топширилган.

С.н.к. Тошли бурмалари гуруҳига мансуб бўлиб, 12-горизонт шипи бўйича 3 қуббали антиклиналдан иборат, тектоник ёриқ таъсирида мураккаблашган. Бурмалар қаноти қиялиги 4—8°. Шим. қанот бўйлаб амплитудаси 100—170 м ли кўтарилма-узилма ўтади. 12-горизонт бўйича бурма ўлчами 8,4×3,5 км, бал. 110 м.

С.н.к.да жами 10 та қудуқ қазилган бўлиб, асосан, мезозой, кайнозой ётқизиқлари очилган. Неоком ва апт ярусларн ётқизиқларида маҳсулдор 13- ва 12-горизонтлар ажратилган.

12-горизонтнинг умумий қалинлиги 38—43 м, фойдали қатлам 3—10 м. Жинсларнинг говаклилиги 15,7%. Уюм ўлчами 7,2×2,2 км, бал. 90 м. Дастлабки газ дебити ва қатлам босими 12 минг м³/сутка ва 10,74 МПа. Газ зичлиги (ҳавога нисбатан) 0,582 г/см³, карбонат ангидрид гази 1,0%, метан 97,5%, азот 1,5%.

13-горизонтнинг умумий қалинлиги 195 м, говаклилиги 14,6%, очиқ говаклилиги 0,17, газга тўйинганлиги 0,58. Газ уюмининг ўлчами 1,2×1 км, бал. 36 м. Газнинг дастлабки дебити 53 дан 181,4 минг м³/суткагача ўзгарган. Дастлабки қатлам босими 10,9 жорий 10,4 МПа. Газнинг зичлиги (ҳавога нисбатан) 0,578 г/см³. Таркибида карбонат ангидрид гази 0,5%, метан 95,4%, азот 2,8%. Кондан ҳоз. вақтда фойдаланилмоқда.

САРИЧЕЛАК — Чатқол тизмасининг жан. ён бағридаги чучук сувли кўл. Қирғизистонда. Аркит дарёси бошлаш қисмида, денгиз сатҳидан 1925 м баландликда тоғ қулаб, даранинг тўсиб олдин ҳосил бўлган. Уз. 7,5 км, энг кенг жойи 2280 м, майд. 4,9 км². Энг чуқур жойи 244 м. Қирғоқлари аксари тик, баъзи жойларида кўлтиқ ва бухталар бор. Қирғоқ чизиғининг уз. 21 км. С.га Саричелак дарёси қуйилиб, Тошкўл дарёси оқиб чиқади. Май ойида суви кўпаяди. Дек.дан апрелгача музлайди. Сувининг т-раси авг.да 19,8°, фев.да 0°. Сувининг минераллашганлиги 1 г/л, ҳажмий массаси 1,0 г/см³. Сувининг ион таркиби: гидрокарбонат-сульфат-хлорид-натрий-кальцийли. Сувининг қаттиқлиги 3,5 мг-экв/л. Кўлда сазан, карп, саричелак, маринкаси, сувилон бор. С. *Саричелак қўриқхонаси* таркибида.

САРИЧЕЛАК ҚЎРИҚХОНАСИ — Қирғизистон-Жанубий-Ғарбий Тяншань, Қирғизистондаги қўриқхона. 1960 й.да тог ёнғоқзорлари ва мевазор ўрмонларни асраш мақсадида ташкил этилган. 1978 й.дан биосфера қўриқхонаси. Майд. 23,9 минг га, шу жумладан, 7148 га. Чатқол тизмасининг шим.-шарқий қисмида жойлашган. Қуйи чегараси денгиз сатҳидан 1200 м баландликдан ўтади, энг баланд нуқтаси — 4247 м (Мустур тоғи). Энг йирик кўли — майд. 507 га бўлган *Саричелак* кўли. С.қ.да 1000 дан зиёд ўсимлик шу жумладан, 150 дарахт ва бўталар тури бор. 2100 м баландликкача ёнғоқзор ва олмазорлар учрайди. 2100—3000 м балаандликда субальп минтақаси бўлиб, оққарағай ва қорақарағай ўрмонлари, ундан юқорида ҳар хил ўтбошоқли ўтлоқлар бор. Ҳайвонларнинг 40 дан ортиқ, қушларнинг 160 дан ортиқ тури яшайди. Ҳайвонлардан ёввойи чўчқа, елик, тог эчкиси, архар, оқ тирноқли айиқ, бўрсиқ, жайра, суғур, қушлардан улар, кақлик, кўк қуш ва б. бор. Баҳор ва кузда кўлларга сув паррандалари учиб келади. Олдиндан қорабалиқ бўлган кўл ва дарёларида сазан ҳамда карп иқлимлаштирилган. Тог ўрмонлари ва ўтлоқларининг экотизимларини илмий ўрганиш, ёнғоқзорлар ва мевазорларни тиклаш ишлари олиб борилади.

Абдуғаффор Ҳомидов.

САРИЭШИКЎТОВ — Балхаш кўлидан жан.роқдаги қумли чўл. Қозоғистон Республикаси ҳудудида, Или ва Қоратол дарёлари оралиғида. Ғарбий қисмида Или дарёсининг қад. ўзанлари, шимда мавсумий сой-жилғалар учрайди. Жўяқли қум тепалари кўп. Ғарбий қисмида саксовулзорлар, шарқида тарескен, жузғун, шувоқ, қизилча ўсади. Или ва Қоратол дарёлари водийларида тўқай ўсимликлари учрайди. С.дан қишки яйлов сифатида фойдаланилади. Қад. қуруқ ўзанларда шоликорлик қилинади.

САРИҚ, сариқлар, шари — Ўрта Осиёдаги туркий халқлар таркибига кирган қабила номи. Илк ўрта асрларда Жан. Сибирь, Еттисув ва Сирдарё бўйларида усун, аблаз, қай(хун) қабилалари б-н бирга яшашган. 8—10-а.лардаги хитой манбаларида шэ-ли, шари (сари, сариқ) номи б-н қайд этилган. С. Шарқий Турк хоқонлиги таркибига кирган. К. *Шониёзов*нинг фикрича, Сэнинг гарбга дастлабки силжиш жараёни 8-а.нинг 60-й.ларида содир

Саричелак қўриқхонаси.

бўлган. Айни шу вақтда *қарлуқлар* Етисувни эгаллаганлар. С.нинг катта қисми улар б-н бирга Чу водийсига келиб ўрнашган. 10-а. ўрталарида С. *Қорахонийлар давлати* таркибида бўлиб ўзбек элатининг шаклланишида бевосита қатнашган. 10—15-а.лар ва кейинги даврларда Дашти Қипчоқда яшаган. С. қурашлар ва ўзаро низолар туфайли кичик бўлакларга бўлиниб ўзбек, туркман, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, бошқирд халқлари таркибига кирган. С.нинг Жунгория ва Тарбағатойда қолган қисми Сибирь халқлари таркибига кирган. С.нинг Шим. Хитойда қолган гуруҳлари шу ерда яшовчи уйғурлар б-н қўшилиб, улар ичида сариқ-уйғур этник гуруҳини ташкил этган.

16-а.дан бошлаб С. туркманлар таркибида қабила сифатида маълум бўлиб, Мангишлоқ ва Ғарбий Туркманистонда така ва ёмутлар б-н бирга яшаган. 1897 й. аҳоли рўйхатида бу ҳудудларда С.дан 31 минг хўжалик ҳисобга олинган. Шунингдек, С. Туркманистоннинг Тахтабозор, Йўлўтан туманларида ҳам истиқомат қилган. Туркман-С. бир қанча уруғларга бўлинган: суқти, байрач, хуросонли, алаша, херзет. Туркман-С.нинг бир қисми Ўзбекистоннинг Олот ва Муборак туманларида ҳам яшашган. Уларнинг қуйидаги этник гуруҳлари маълум: кўса, жўйжони, сапча ва бек. 1926 й.ги аҳоли рўйхатига кўра, Сурхондарёнинг Шеробод туманида С.га мансуб 1190 киши яшаган. С. Қирғизистон, Афғонистонда ҳам бор. Ўтмишда С. чорвачилик, бир қисми деҳқончилик б-н шуғулланган. 20-а.нинг 30-й.ларидан С. хўжалигида деҳқончилик, хусусан, пахтачилик ва яйлов чорвачилиги етакчи ўрин тута бошлаган.

Ад.: Карпов Г.И., К истории туркменсарыков, Ашхабад, 1996; Шониёзов К., Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни, Т., 2000.

САРИҚ — Сурхондарё вилояти Қизириқ туманидаги шаҳарча (1992 й.дан), туман маркази. Яқин т.й. станцияси — Сурхон (32 км). Вилоят маркази (Термиз ш.)дан 70 км, Катта Ўзбекистон трактидан 20 км. Ангор — Сариқ автомобиль йўли шаҳарчани кесиб ўтган. Аҳолиси 13,7 минг кишидан зиёд (2003). Аҳолиси ва хўжаликлари Сурхондарёдан сув олади.

«Сариқ» номи ушбу ерда ўзбекларнинг қўнғирот-қўштамғали уруғининг «сариқ» шохобчаси вакиллари яшаганини б-н боғлиқ. С.да давлат ва маъмурий ташкилотлар, пахта тозалаш з-ди, савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. 6 умумий таълим мактаби, интернат-мактаби, касб-ҳунар

Сариқ шаҳарчаси. Туман ҳокимияти биноси

коллежи, 10 кутубхона, 2 клуб мавжуд. Марказий туман касалхонаси, болалар касалхонаси, тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўлими, катталар поликлиникаси, соғломлаштириш маркази, юқумли касалликлар касалхонаси ва 9 та дорихона аҳолига хизмат кўрсатади.

САРИҚ АРИЛАР (*Polistes*) — пардақанотлилар оиласига мансуб ҳашаротлар уруғи. Оила бўлиб яшайди, ин қуради. Оиласи инга асос солган урғочиси, бир қанча эркак ва кўп сонли ишчилардан иборат. Ишчилари она арилан фақат бир оз кичикроқ бўлиши б-н фарқ қилади. Ишчилари орасида ин қўриқчилари, ин қурувчилари, қуртларини боқувчилари ва озиқ йиғувчилари бўлади. Лекин С.а. оиласида меҳнат тақсимоти қатъий бўлмайди. Инлари жуда кўп катакчалардан иборат, кўп қаватли бўлади. С.а. инни жағлари ёрдамида майдалаб, сўлак б-н аралаштирилган ёғоч толасидан тайёрланган қоғоздан қуради. С.а. оиласи қишда ҳалок бўлади, фақат урғочилари қишлаб қолади.

Сариқ ари.

Эрта баҳорда урғочи С.а. якка ўзи ёки баъзан бир нечтаси биргаликда бир неча уядан иборат ин қуради. Ҳар бир уяга она ари биттадан тухум қўяди. Уяси ярим доира шаклида, пояча ёрдамида субстратга ёпишган, катакларининг огзи пастга қараган бўлади. Етилган қуртлар уяларини ёпиб, унинг ичида гумбакка айланади. Уялардан чиққан ишчилари уя қуриш ва насли боқишни давом эттиради. С.а. гул нектари ва ўсимлик шираси б-н озиқланади.

С.а. мўътадил ва тропик иқлимда кенг тарқалган. Ўрта Осиёда Каспий полистаси кўп учрайди. Бу тур касаллик қузғатувчи микроблар, гижжалар тухуми ва бир ҳужайралилар спораларини юқтириб ҳамда уларни б. мевалари сб. шеи келтиради.

САРИҚ ДАРЁ — Хитойдаги дарё, қ. *Хуанхэ*.

САРИҚ ДЕНГИЗ, Хуанхай — Тинч океанининг ярим берк денгизи. Осиёнинг шарқий қирғоқлари ёнида, Корея я.о.нинг ғарбида. Майд. 416 минг км². Энг чуқур жойи 106 м. Йирик қўлтиқлари: Бохайвань, Ляодун, Ғарбий Корея, С.д.га Хуанхэ, Хайхэ, Ляохе, Ялуцзян дарёлари қуйилади. Иқлими мўътадил, муссонли иқлим. Қишда совуқ ва қуруқ шамоллар эсади. Денгизининг шим.-ғарбий қисми ноябрдан мартгача музлайди. Сувининг т-раси фев.да шим.-ғарбида 0° дан паст, жан.да 6—8°, авг.да шим.да 24° дан 28° гача. Сувининг шўрлиги 26—34‰. Сув кўтарилиши ярим суткали (3—4 м дан 9 м гача). С.да илонбалиқ, треска, сельд ва б. яшайди. Денгизнинг балиқ овлаш ва транспорт аҳамияти катта. Йирик портлари: Хэфэй, Тяньцзинь, Циндао, Инкоу, Люйшунь, Далянь, Кореяда — Инчхон.

САРИҚ ЖИЗИЛДОҚ, ғўза цикадаси, катта ғўза саратони, (Cicadatra ochreata Mel.) — қуйлочи жизилдоқлар оиласига мансуб ҳашарот; қ.х. экинлари зараркунандаси. Воянга етган С.ж.нинг қанотлари заргалдоқ тусли. Танасининг уз. 30 мм ча. Мўйловлари 3 бўғимли; орқа оёқлари сакровчи. Чала ўзгариш б-н ривожланади (тухум, личинка, нимфа, имаго). Урғочиси ўсимлик поясининг юқори қисмини тешиб, шу жойга 10—15 тадан (ҳаммаси 200 га яқин) тухум қўяди. Нимфа босқичига қадар ривожланиши 3 йил давом этиб, бу 5 ёшни ташкил этади, нимфа ҳолида қишлайди. Воянга етган индивидлари май ойининг охири — июнь бошларида, ғўзанинг шоналаш даврида пайдо бўлади. С.ж., асосан, янтоқзорларда яшайди. Ўзбекистонда Бухоро вилоятида кўп тарқалган.

Курош чоралари: партов ва ташландиқ ерларни ўзлаштириш; С.ж. доимий учрайдиган ерлардаги янтоқларни эрта ўриб олиш; С.ж.нинг учиш ва личинкаларининг чиқиш даврида зарарланган ғўзага 20% ли суминдин (0,5 л/га) пуркаш.

Султон Ашурметов.

САРИҚ ИЛОН (Ophisaurus apodus) — қурчуқсимонлар оиласига мансуб калтакесаклар тури. Танаси илонсимон, оёқсиз, орқа оёқ рудименти сақланган.

Сариқ илон.

Уз. 1,2 м (оилада энг йирик тур). Тангачалари остида суяклашган пластинкаси бор. Жан. Европа ва Осиёда, жумладан, Қозоғистон ва Ўрта Осиёда тарқалган. Ранги кўнгир, сарғиш ёки қизғиш, ялтироқ. Асосан, қуруқ жойлар, кўпинча жарликлар, ўрмонлар ва боғларда яшайди. Сувда яхши сузади. Умуртқасиз ҳайвонлар (асосан, ҳашаротлар, моллюскалар), баъзан майда умуртқали ҳайвонлар (кемирувчилар) б-н озиқланиб, қ.х.га катта фойда келтиради. Июнь — июль ойларида 8—10 та тухум қўяди ва тухумларини қўриқлайди. Беозор ҳайвон, тутқунликда яхши яшайди.

САРИҚ КАСАЛЛИГИ — жигарда ҳосил бўладиган билирубин — ўт пигментининг (қ. *Ўт*) тўқималарда тўпланиши туфайли тери, кўз оқи ва шиллиқ пардаларининг сариқ тусга кириши. С.к. қонда билирубин миқдорининг ошиб кетиши натижасида пайдо бўлади. Келиб чиқиш сабаблари ва ҳосил бўлиш механизмига кўра, С.к. жигарда пайдо бўлувчи, механик ва гемолитик хилларга бўлинади. Жигар (паренхимага оид) С.к. жигар ҳужайраларининг инфексион ёки токсик заҳарланиши натижасида пайдо бўлиб, жигарда турли хил ўзгаришлар келтириб чиқаради, билирубинни ичакка ўтказади: ахлат ранги оқариб, сийлик тўқлашади. Жигар С.к. аксарият ўткир гепатит касаллиги (қ. *Вирусли гепатит*) туфайли, шунингдек, жигар ҳужайраларининг алкоголь таъсирида заҳарланиши оқибатида келиб чиқади. Механик С.к. ўт (сафро)нинг ўт йўлларидан ўта олмаслиги, мас., ўт пуфагида тошлар пайдо бўлиши натижасида ўтнинг ичакка ўта олмаслиги ва шу туфайли ўт йўлларида тўхталиб қолган сафродаги билирубин тўғридан-тўғри қонга ўтиб кетиши сабабли келиб чиқади.

Одатда, аввал кўз оқи, кейин юмшоқ танглайнинг шиллиқ пардаси, тил ости, тери сарғаяди. Сариқликнинг кучли-кучсизлиги қондаги билирубин миқдорининг кўп-озлигига боғлиқ. С.к.да кўпинча тери қичишади, чунки ўт кислота теридаги периферик нерв охирларини қўзғатади.

С.к. пайдо бўлганида дарҳол врачга мурожаат қилиш лозим.

2—3 кунлик чақалоқларда кўпинча жигар функциясидаги вақтинчалик етишмовчилик натижасида бадан сарғайиши — физиологик сариқлик кузатилади. Бу ҳолат махсус давони талаб қилмайди ва 1—2 ҳафтада ўтиб кетади. Баъзан она б-н боланинг қони бир-бирига мос келмаса, яъни она қони резус-манфий бўлиб, ҳомиланики эса резус-мусбат бўлса, у ҳолда она б-н ҳомила ўртасида «резус-рақобат» юзага келиши натижасида С.к. чақалоқлардаги гемолитик касалликлар б-н бирга давом этади (қ. *Чақалоқларнинг гемолитик касалликлари*). С.к. гоҳида ҳомиладорлик истисқосида ҳам юз беради (қ. *Ҳомиладорлик токсикозлари*).

Шоназар Шониёзов.

САРИҚ ТАНА — одам ва сут эмизувчи ҳайвонлар ички секрециясида вақтинча пайдо бўладиган без. Тухумдонда тухум ҳужайра етилиб чиққанидан (овуляциядан) сўнг ҳосил бўлади. Ўзгарлашиядан) сўнг ҳосил бўлади. Ўзгарган фолликулар ҳужайрадан иборат. Тухум ҳужайра уруғланганида С.т. бўғозлик (ҳомилалорлик)ни сақлаш ва унинг нормал кечишини таъминлаш учун зарур бўлган гормон — *прогестерон* ажратади. С.т. уруғланган тухум ҳужайранинг бачадон деворига ёпишувига, сут безларининг ривожланишига ёрдам беради, наабатдаги овуляцияни тўхтатиб туради. Агар уруғланиш рўй бермаса, С.т. сўриліб кетади.

Айрим умуртқасиз (ҳашаротлар) ва кўпчилик сувда ва қуруқликда яшовчилар, судралиб юрувчилар ва қушлар тухумдонида етилган тухум ҳужайра узилганидан сўнг унинг ўрнида ҳосил бўлган фолликуляр ҳужайралар тўпламидан ҳам баъзан С.т. дейилади.

САРИҚ УЙҒУР ТИЛИ — шарқий туркий тиллардан бири; асосан, ХХРнинг Гансу вилоятидаги Минҳуа минтақасида тарқалган. Сўзлашувчилар сони тахм. 4—5 минг кишидан иборат. Аниқ диалектал бўлинишга эга эмас; тотлик ва даштлик аҳоли шеваларида фонетика ва лексика соҳаларида айрим тафовутлар кузатилади.

С.у.т. лексикаси туркий ва нотуркий (санскрит, тибет, мўғул, хитой) тилларга хос унсурлар қоришмасидан иборат, лекин грамматик қурилиши асл туркийлигича сақланиб қолган. С.у.т. нинг ўтмишда қад. уйғур тилига яқин бўлганлиги ҳақида тахминлар бор. Сариқ уйғурлар 18-а. охирларигача қад. уйғур адабий тилидан фойдаланиб келган ва кейинчалик тибет тилининг таъсирида қад. уйғур ёзуви унутилган бўлса керак. С.у.т. оддий сўзлашув тили бўлиб қолмоқда.

САРИҚ ЧОЙ (Agrimonia asiatica Tuz.) — раънодошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўт. Пояси 50—130 см; сершох. Барглари патсимон, мураккаб, тухумсимон япроқчадан (7—9 та) тузилган. Гуллари тўқ сариқ, майда, 2 жинсли, узун бандли; тўпгули бошоқсимон. Гултожи ва гулкосачаси 5 тадан. Меваси илмоқли, туклар б-н қопланган. Ўзбекистоннинг деярли ҳамма суғориладиган ерларида, экинлар орасида, йўл ёқаларида, боғларда ва тоғли ҳудудлардаги ўрмонларда кенг тарқалган. Халқ табобатида меъда касалликларини даволашда ишлатилади.

Сариқ чой.

САРИҚАМИШ ГАЗ-НЕФТЬ КОНИ — Фарғона вилояти Сариқамиш антиклиналида жойлашган кон. Кон геологияси 1930-й.ларда ўрганилган. Бургилаш натижасида бўр, юра ҳамда палеозой даврларига мансуб ётқизиқлар тараққиёти аниқланди. Юра ётқизиқлари оч кулранг ҳар хил донали қумтош ва гиллардан ташкил топган, умумий қалинлиги 280 м гача. Бўр ётқизиқлари 400 м қалинликда бўлиб, қумтош, гил, оҳактош, мергель ва чиғаноқлардан иборат. Палеоген ётқизиқлари доломитлашган оҳактош ва яшил, қизғиш гил қатламларидан тузилган, умумий қалинлиги 360 м гача. Бурманинг чекка қисмларида қалинлиги 40 м ли неоген ётқизиқларини учратиш мумкин; улар қизғиш, жигарранг гил ва оч пушти қумтошлардан иборат.

Кондаги газнинг с.ог. 0,681—0,685; газда 81,1—82,8% метан, 0,3% оғир-гутурт, 4,2—11,2% азот ва сийрак газлар, 0,3—1,05% карбон кислота бор. Нефтнинг с.ог. 0,765, олтингугуртсиз, парафин 5,2% бўлиб, метан нефтлари типига мансуб.

САРИҚАМИШ КЎЛИ — Сариқамиш сойлигидаги кўл. Уз. 100—120 км, эни 30—40 км, чуқ. 30—40 км. Шим.дан жан.-шарққа чўзилган. Ғарбий қирғоғи тик. Кўлнинг сув сатҳи Хоразм воҳасини кесиб ўтадиган Озёрний (Кўллар бирлашмаси) коллекторидан келиб қуйиладиган сув миқдорига қараб ўзга-

риб турали. Кўл сувининг шўрлиги шарқида 6—7‰, ғарбида 12‰. Майдони шарқий қирғоқ ҳисобига кенгайиб, чуқурлиги ортиб бормоқда. Кулда сазан, лаққа балиқ, илонбош ва б. турли хил балиқ кўп.

САРИҚАМИШ СОЙЛИГИ, Сариқамиш ботиғи — Ўрта Осиёдаги чўл иқлимли берк ботиқ. Устюрт платоси ва Қорақум чўли орасида (Туркманистонда, шим.-ғарбий қисми Қорақалпоғистон Республикасида). Уз. 125 км, эни 90 км. Энг чуқур жойи денгиз сатҳидан 38 м паст. Марказий қисмида тахир-шўр Сариқамиш кўли жойлашган. С.с. овал шаклда бўлиб, қад. кўл чўкиндиларидан таркиб топган ва устн шўрхок ҳамда шамолда тўзувчи қум б-н қопланган. Баъзан, Амударё сувн қуйилган даврларда С.с. кўлга айланган. Амударё қайта Орол денгизига қуйилганда С.с. яна қуриган. Неоген охирида, юқори тўртламчи даврда (сатҳи 58 м), 14—16-а.ларда (сатҳи 50—62 м) кўл бўлган. Охирги марта Амударё 1878 й. ёзида сойликка етиб келган. 1971 й. Дарёлиқ орқали сойликка сув келган ва майд. 1000 км² дан ортиқ, сув ҳажми 12 км³, чуқ. 30 м келадиган кўл ҳосил бўлган.

САРИҚСУВ — Фарғона вилоятидаги ариқ. Рапқон қишлоғи яқинида. Усмон Юсупов номли Катта Фарғона каналидан сув олади. Уз. 28 км. С.дан баҳор ва ёз ойларида сув оқади. Қолган даврда ташлама вазифасини бажаради. Ариқдан Бешариқ ва Данғара туманлари экин майдонлари суғорилади.

САРИҚ-ЯШИЛ СУВЎТЛАР (Xanthophyta) — тубан ўсимликлар гуруҳи. Морфологик ва экологик жиҳатдан хилма-хил: бир ҳужайрали, кўп ҳужайрали, ёпишиб ўсувчи, эркин сузиб юрувчи, амёбасимон, коккисимон, ипсимон, пластинкасимон ва б. Ранги оч яшил, тўқ яшил, баъзан яшил, мовий. Рангининг турли хиллиги ҳужайрасидаги пигментлар (хлорофилл α ва β, α ва β -каротинлар, ксантофиллар) комбинациясига боғлиқ. Вегетатив кўпайиши бўлиниш, жинссиз кўпайиши зооспоралар ҳосил қилиш б-н боради. Айрим турлари жинсий изогамия орқали кўпаяди. Бир неча юз тури бор. Асосан, чучук сувларда, баъзан денгизларда планктон яшайди; айрим турлари нам тупроқларда учрайди.

САРИҚЎЛ ТИЗМАСИ — Шарқий Помирдаги тоғ тизмаси. Тожикистон Республикаси Тоғли Бадахшон мухтор вилояти ва Хитой чегаралари бўйлаб чўзилган. Тизма шим.да Маркансув дарёсидан бошланиб, жан.да Беик довонигача (бал. 4762 м) давом этади. Уз. 350 км. С.т. Тарим ва Панж (Амударё) дарёлари ҳавзасини бир бирндан ажратиб туради. С.т., асосан, кенглик бўйлаб чузилган. Энг баланд жойи 6351 м (Лавирдир тоғи). Тизмала Амударё ва Тарим водийларини боғлайдиган бир қанча довонлар (Учбел, Ўзбел, Будабел, Арамит, Қулма, Тузқўчи ва б.) бор.

Рельефи мураккаб. Сувайиричқисми, ён бағирларида эрозия, денудация жараёнлари ва музликлар таъсири натижасида вужудга келган рельеф шакллари мавжуд. Асосан, кристалли сланец ва гранитоидлардан тузилган. Шим. қисмида музликлар бор. Тизманинг ён бағирларида баланд тог чули ўсимликлари ўсади.

САРИҚЎРҒОН — Фарғона водийсидаги Сўх дарёсининг ўнг қирғоғида, Қўқон шдан 25 км жанда жойлашган муҳим археологик ёдгорлик. Режаси деярли квадрат шаклга эга (60×60 м). Дастлаб, милод бошларида унча катта бўлмаган қалъа, сунгра 7—8-а.ларда у кенгайтирилиб, ҳоз. сақланган ҳолатдаги қалъа-қўрғон қурилган. Қурилишда пахса ва хом гиштлардан фойдаланилган. Ёдгорликнинг 4 бурчагида ва 2 ён деворида оралиқ бурҷлар (жами 6 та) яққол кўриниб туради. Демак, шаҳар мудофаасида асосий эътибор 4 томонлаги деворлар ва улардаги бурҷлар мустаҳкамлиги ва мукаммаллигига қаратилган; девор ва бурҷларда икки қатор шинақлар ясалган. С. Сўх воҳасининг асосий сув манбаи бошланишида қурилган қалъа бўлиб, унинг вазифаси сув захираларини назорат қилиш ва қўриқлаш эди. Бундай иншоотларни водийнинг Қорапарё, Қувасой, Исфарасой бўйларида ҳам тиклаганлар. С. нафақат Фарғона водийси, балки Ўрта Осиё қалъа-қўрғонлар меъморлигини ўрганишда муҳим муҳандислик обидасидир.

САРИҚЎРҒОН ТЎҒОНИ — Сўх дарёсидаги гидротехник иншоот. Уз. 850 м, бал. 6,3 м, эни 5 м. Тўғон 6 дарвозадан иборат; дарвозаларнинг умумий уз. 38 м. Тўғонга 106° бурчак остида ўнг қирғоққа 3 та, чап қирғоққа 2 та дарвозали ростлагичлар ўрнатилган. Ўнг қирғоқдаги ростлагичлан ўнг каналга секундига 60 м³, чап қирғоқдаги ростлагичдан чап каналга секундига 38 м³ сув чиқаради. Тўғон қурилиши 1948 й.да тугалланган. С.т. қум, оқизиқ ва чўкиндиларни каналга чиқармайдиган қилиб ишланган. Табиий айланма, циркуляция натижасида катта фракциядаги чўкинди ва оқизиқлар тўғоннинг пастки қисмига ўтиб кетади. С.т. Фарғона водийсидаги 170 минг га ерни сув б-н таъминлайди.

САРКАЗМ (юн. sarkasmos, sarkazo — аччиқ гуштни пичоқлайман, порапора қиламан) — комиклик турн, баъзан услуб воситаларидан бири; масхаралаб фош этувчи муросасиз кулги асосида қурилган фикр-мулоҳаза. Ҳажвдан, истеҳзодан аччиқ *киноя*. Бирок С.да объектга муносабат киноядагидек «жилоли, беозор», «ҳазил» шаклида бўлмайди, аксинча қаҳр-газаб, нафрат оҳанги сезилиб туради. Унда объектни ер б-н яксон этувчи, беомон, ҳақоратомуз баҳо очиқ ва аланғоғ ифодаланади. С.да киноядан хос 2 маънолилик мавжуд бўлади ва шу хусусияти б-н тўғридан-тўғри айланувчи ёки ҳақорат этувчи нуқталардан фарқланади. Фош этиш С.нинг характерли хусусиятларидан бўлса-да, рол этиш унинг асосий моҳияти. Бунга кўра, С. киноядан ва унинг *аския*, маинабозчилик, мазахбачилик, таҳқирловчи кулги каби турларидан юқори туради. С. лирик ва драматик жанрларда, публицистика, юмористик ва ҳажвий асарларда, шунингдек, нотиқлик санъатида кенг қўлланилади. Адабиётшуносликда С. антик даврдан маълум. Ж.Свифт, Сервантес, Гоголь, Салтиков-Шчедрин, Маяковский, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Саид Аҳмад ва бошқалар С.дан самарали фойдаланганлар.

САРКАНД — Қозоғистон Республикаси Олмаота вилоятидаги шаҳар. Жунси Олатови шим. ён бағрида, Толғарни Олатови шим. ён бағрида. Толдиқўрғондан 155 км шим.шарқда жойлашган. Аҳолиси 21,5 минг кишн (1990-й.лар ўрталари). Ёг-пишлоқ, пиво, вино з-длари, маданий-маърифий ўрта махсус билим юрти бор. Шаҳарга 1870 й. асос солинган.

САРКАРДА (форс. — бошлиқ, бошлаб борувчи) — 1) қўмондон, лашкарбоши; 2) *Хива хонлигида* ҳарбий мансаб. С.лар қўшин уруш сафарига чиққан даврда тайинланган. Улар қонда бўйича ўз уруғларидан тайинланмаган. Хонлар буни эҳтиётқорлик деб ҳисоблашган. С.лар бевосита хоннинг ёрлиғи б-н тайинланиб, ҳарбий маҳкама кишиларн бўлмаслиги ҳам мумкин бўлган (мас., *мироблар* С. бўлиши мумкин эди); 3) амир, шаҳар ҳокими, бек, мингбоши ва юзбоши ҳам баъзан С. деб юритилган; 4) Эронда қўшин бошлиғи.

САРКИСОВ Акоп Абрамович (1907.15.12, Елизаветполь губерняси Зангезур уезди Хнзирак қишлоғи — 1971.26.7, Тошкент) — сув хўжалиги қурилиши, қ.х. ишлаб чиқаришни ва Мирзачўлни комплекс ўзлаштириш ташкилотчиларидан бири. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи (1965). 1923 й.дан Партия органлари ва турли хўжалик ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Фарҳод ГЭС қурилиши бошлиғи (1937—48), РСФСР даги турли қурилиш ташкилотларида раҳбар (1948—57). 1957 й.дан Ўзбекистон Министрлар Совети ҳузуридаги Мирзачўлни суториш ва ўзлаштириш бўйича Бош бошқарма («Главголодностепстрой», 1963 й.дан «Главсредазирсовхозстрой») бошлиғи. Бу йилларда Ўрта Осиё ва Қозоғистонда 400 минг га яқин кўриқ ерлар ўзлаштирилди, йирик ирригация-мелиорация системалари қурилди, ерларни ўзлаштиришда янги техник чнмлар кашф этилди, пахтачилик ва шоликорлик хўжаликлари ташкил этилди. Сирдарё вилояти Дўстлик туманидаги хўжаликка, *Жанубий Мирзачўл канали* ва б.га С. номи берилган.

САРКИСЯНЦ Георгий Павлович (1925.4.8 — Тошкент — 1999.17.6) — ҳуқуқшунос олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1989), юридик фанлари д-ри (1967), проф. (1969). Тошкент юридик ин-тини тугатган (1947). Прокуратура (1947—51) ва адлия (1959—61) соҳаларида ишлаган. Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ ин-тида катта илмий ходим (1961—70), ТошДУ жиноят процесси кафедраси мудири (1970—99). С. судлар, прокуратура тўғрисидаги қонунларни, Ўзбекистон Республикаси ЖПКни тайёрланида иштирок этган.

САРКОДАЛИЛАР, сохта оёқчалар (Sarcodina) — саркомастигофоралар типига мансуб бир ҳужайрали ҳайвонлар синфи. Танаси сиртдан цитоплазматик мембрана б-н қопланган; ҳужайра қобиғи бўлмайди. Кўпчилик турлари танаси оҳак ёки кремний чиганоқ ичида жойлашган; чиганоқ тешикларидан цитоплазмаси ўсимталари (сохта оёқлар) чиқиб туради. Сохта оёқлар (псевдоподийлар) ҳаракатланиш ва озиқни қамраб олиш вазифасини бажаради. Сохта оёқлар ясси парракесимон, ипсимон ёки нурсимон бўлади. Ядроси битта ёки бир нечта. Чучук сувда яшайдиган С.нинг қисқа-рувчи вакуолалари бор. Бактериялар, сувўтлар, шунингдек, бир ҳужайрали ҳайвонлар б-н озиқланади. Кўпчилик С. ноқулай шароитда циста ҳосил қилади. 2 га ёки кўп марта бўлиниш (шизогония) ва куртакланиш орқали жинссиз ҳам бир хил типдаги гаметалар (изогаметалар) ёки ҳар хил типдаги гаметалар (анизогаметалар) ҳосил қилиш орқали жинсий кўпаяди. 4 та кенжа синф (илдизоёқлилар, нурлилар, кўёшлилар, акантариялар)га бўлинади. 11000 дан ортиқ тури маълум. Кўпчилик С. ленгизлар ва чучук сувларда, бир қанча турлари тупроқда ёпсинли ботқоқликлар ва ўрмонларда яшайди. Айрим турлари (мас., инфузуруг аметбаси) паразит.

САРКОМА (юн. sarkos — эт ва опа — ўсма маъносини ифодаловчи қўшимча) — асосан, бириктирувчи тўқималар (юмшоқ тўқималар ва суяк саркомалари), баъзан суяк кўмигидан (ретикулосаркома) пайдо бўладиган хавфли ўсма.

Сабабчи омиллари ва ривожланиш молекуляр механизми ракка ўхшаш (қ. *Рак*). С.нинг бир неча тури ажратилади. С. ракдан кам учраши (ҳамма хавфли ўсмаларнинг 3% идан кам), асосан, ёш кишилар юмшоқ тўқималари ва суякларининг зарарланиши, атроф тўқималарнинг эмирилиши, ўзидан узоқроқдаги аъзоларга тез *метастаз* бериши, кучли оғриқлар (кўпроқ кечаларн) ва даволаш натижаларининг кам нэф бериши б-н фарқ қилади.

САРКОМАСТИГОФОРАЛАР, сохта оёқ хивчинлилар (Sarcomastigophora) — бир ҳужайрали ҳайвонлар типи. Якка ёки колония бўлиб яшайди. Сохта оёқ (псевдоподий)лар ёки хивчинлар ёрдамида ҳаракатланади. Айрим турларида бу икки хил органоид ҳам учрайди. С. нам тупроқ, тинч оқадиган ва кўлмак сувлар, денгиз ва океанлар тубида ва планктонда яшайди. Айрим турлари одам ва ҳайвонларда паразитлик қилади. 20000 га яқин тури маълум. *Саркодалилар* ва *хивчинлилар* синфларига ажратилади.

САРКОПТОИД КАНАЛАР — қ. *Қичитма каналар*.

САРКОР (форс. — ишбоши, назоратчи, бошқарувчи) — 1) Темурийлар салтанатида қурилиш ва оммавий ҳашарларда ишбоши бўлган мансабдор. «С.» сўзи Алишер Навоий асарларида тез-тез қўлланилган бўлган; 2) Хива хонлигида С. зиммасида бўлган; 3) Қўқон хонлигида С. заррур пайтларда ҳарбий ҳаракатларда широк этган ва кўп ҳолларда душман мудофаа истеҳкомлари ва қалъалари деворлари ёнида барпо этиладиган *саркўб*ларни қуриш, улар устига ўт сочар қурол-тўпни олиб чиқиш ишларига бошчилик қилган; 3) Қўқон хонлари тарихига оид архив ҳужжатларидан маълум бўлишича, С. аҳолининг турли қатламларидан солиқ — хирож ундириш, муайян шахсни солиқдан озод қилиш, юқори мансабдор тавсиясига ёки бирор киши аризасига биноан, фуқароларни ёхуд аскарларни донадун б-н таъминлаш вазифасини ҳам бажарган; 4) Эронда маҳаллий ер эгалари ихтиёридаги махсус қўролли бўлинма бошлиғи; 5) Туркияда 18—19-а.ларда олий бош қўмондон.

Ҳоз. пайтда ҳам халқ жонли сўзлашув тилида ҳашар йўли б-н ариқ ва зовурлар қазиш, иморат қуриш сингари ишларга бошчилик қилувчи ёки тўй-маъракаларга бош-қош бўлувчи шахс баъзан С. деб номланади.

САРКОСПОРИДИЯЛАР, гўшт споралилар (Sarcocystis) — бир ҳужайралиларга мансуб ҳайвонлар типи (баъзи маълумотларга қарағанда синф). Узунлиги бир неча мкм дан 20 мм гача. Ҳужайра ичида паразит. Ҳайвонлар, баъзан одамларда оғир саркоспоридиоз касаллигини пайдо қилади. 90 га яқин тури бор. Оралиқ хўжайини (ўтхўр ҳайвонлар) спороцисталарини озиқ б-н еб зарарланади. Ооцисталари ичида 4 та спорозоитли 2 та споропистаси бўлади. Спорозоитлари ўсиб ўтхўр ҳайвонлар организмида шизонтларга айланади. Шизонтлар кўп марта бўлиниб, мерозоитларни ҳосил қилади. Мерозоитлар мускулларга ўтиб, цисталарга айланади. Асосий хўжайинлар (йиртқич сут эмизувчилар, қушлар, судралиб юрувчилар) цисталн гўштини еб зарарланади. Цисталар асосий хўжайин ичаги ҳужайраларида ўсиб, гамонтларни ҳосил қилади. Гамонтлар ривожланиб, ооцисталарга айланади; улар ичида эса 4 та спорозоитли спороцисталар ривожланади. Ташқи муҳитга, асосан, спороцисталар (ўлчами 8—16×9—11 мкм) чиқарилади.

САРКОФАГ (юн. — гўштни ютувчи), саркофа — тобут тушларидан бири. Асосан, тош, мармар, ёғочдан тўғри тўртбурчак, баъзан қайиқсимон қопқоқли қилиб ясалган.

С.га жасад қўйиш Қад. Мисрда фиръавнлар сулоласи даври (мил. ав. 3-минг йиллик)да кенг расм бўлиб, Сурия, Финикия орқали Шарққа, шунингдек, Греция ва Римга тарқалган. Марказий ва Шарқий Олтойдаги қад. скиф кўргонларини очиш жараёнида ёғоч тўладан ўйиб ишланган С.лар топилган. С.га кўпинча жасад мумиёлаб қўйилган. Амир Темур жасади ҳам С.га солинган (бу С. Самарқандлаги Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъати тарихи музейида сақланмоқда). С.лар ўзининг бадиий безак ва суратлари, шунингдек, ҳар хил қад. ёзувлари б-н санъат ҳамда эпиграфика ёдгорлиги саналади.

Саркофаг: «Сидонлик Александр» саркофаги. Мармар. Мил. ав. тахм. 325—310 й. лар. Археология музейи. Истанбул.

САРКЎБ (форс. — бош янчувчи, урувчи; боши янчилган) — мудофаа жанги олиб борилаётган ғанимга қирғин келтириш мақсадида сунъий йўл б-н барпо этилган тепа, қалъа ёки ҳисорсимон баланд жой, қурилма. Шарқ халқлари, хусусан, Амир Темур, Шайбонийхон, Хива хонлари армиясида қамал чоғида фаол қўлланилган тактик усуллардан бири. Ўрта асрларда кўплан-кўп қалъа ва қўрғонлар баланд девор, *бурж* ва бору (ўқ отиш учун мўлжалланган шинакларга эга бўлган. Мустаҳкам қалъа ва қўрғонлар узоқ муддатли мудофаа учун зарур қурол-яроғ, озиқ-овқат, ем-хашак б-н таъминланган. Бундай иншоотларни бир ҳамла б-н қўлга киритиш мумкин бўлмаган. Ана шундай кезларда муҳосара қурол-яроғлари ишга солинган. Мудофаадаги қалъа ёки қўрғон деворлари ёнида ундан баланд бўлалиган тупроқ уюми — С. тиклашга киришилган. Минглаб аскарлар теварак-атрофдан ўтин, ёғоч, шох-шабба тўплаб, устидан тош, шағал ва тупроқ тўкиб С. барпо этишган. Айни чоғда дарахт ходаларидан ясалган шотилар орқали жангчилар қалъа деворига чиқа бошлаган. Қад ростлаган С.га камончилар чиқишган, манжаниқ, тўп, раъб каби оғир қуроллар ҳам олиб чиқилган ва улардан қамалдагиларга қарши ўт очилган.

САРМАТЛАР — қад. кўчманчи чорвадор қабилалар бирлашмаси. С. мил. ав. 1-минг йилликнинг 2-ярми — мил. 1-минг йилликнинг бошларида Марказий Осиёнинг шим.дан то Дунайгача бўлган кенг дашт ҳудудларини эгаллаган. С. илк марта *Геродот* томонидан эслатилган *савроматлар* б-н боғлиқ бўлиб, улар аввал Жан. Уралолди ва Шим. Каспий бўйида яшашган. С. таркибига кўплаб қабилалар (аорслар, аланлар, савроматлар, роксоланлар, язиглар ва б.) кирган. *Диодор*нинг маълумотларига кўра, мил. ав. 2-а.да С. *Скифия*га бостириб кириб Шим. Қора денгиз бўйида ўз ҳукмронликларини ўрнатган. Қад. давр географлари Европани Сарматия ва Германияга бўлиб, Висла ва Карпат бўйлаб уларнинг чегараларини белгилайдилар. Шим. Қора денгиз бўйидаги *Бистор подшолиги* ҳам С. зарбаларидан қулайди. Закавказьедаги давлатлар ва Рим б-н урушлар олиб борган. Мил. 4-а.да *гунлар* томонидан тор-мор келтирилган. С. кейинчалик славянлар, Шим. Кавказ халқлари ва аксарияти туркий тилларда сўзлашувчи қабилалар б-н аралашиб кетган. Сўнгги йилларда Қуйи Волгабўйи, Дон ва Кубандан С.га оид кўплаб мозор-қўрғонлар очилиб, улардан ноёб санъат буюмлари топилган. Мас., «Новочеркасск хазинаси» деб номланган мозорқўрғонда сармат маликаси дафн этилган бўлиб, ундаги олтин буюмлар скиф мозорқўрғонларидан чиққан ноёб дурдоналардан қолишмайди.

Ад.: Ртвеладзе Э., Великий шёлковый путь, Т., 1999.

САРМИЧ ОЛТИН КОНИ — Нурота туманида, Қоратоғнинг марказий қисмида жойлашган кон. 1968—73 й.ларда конниng учта участкасида 15 руда таналари ўрганилиб, истиқболлилиги аниқланган. Руда таналари кварцли томирсимон, баъзан диорит ва порфирит дайкаларидан иборат, уз. 50 м дан 250 м гача, қалинлиги 0,6 м дан 6,0 м гача. Рудали минераллар пирит, арсенопирит, галенит, камроқ миқдорида пирротин, халькопирит, марказит, олтин ва кумуш теллуридларидан ҳосил бўлган. Атрофдаги жинслар, асосан, кварц, кальцит, альбитъ, хлорит, серицит каби минераллардан таркиб топган. Рудаларда фойдалаш компонентларнинг маълум қисми (олтиннинг 80—90%, кумушнинг 50—66%) эркин ҳолда бўлганлиги туфайли уларни ажратиб олиш жараёни осонлашади. С.о.-к.ла олтин ва кумушдан ташқари камроқ миқдорда кўргошин ҳам саноат аҳамиятга эга бўлган компонент деб белгиланган. С.о.к. 1980 й.гача қисман қазиб олинган.

САРМИШ ДАВЛАТ БУЮРТМА ҚЎРИҚХОНАСИ — Навоий вилоятининг Навбаҳор туманида, Қоратоғнинг марказий қисмида жойлашган. 1991 й.да ташкил этилган. Ум. майд. 5000 га. Ўсимликлар ва ҳайвонот олами, ноёб қоятош расмлари ва тарихий-маданий ёдгорликларини муҳофаза қилиш, муҳофаза объектларидан маърифий ва илмий мақсадларда фойдаланиш вазифаларини бажаради. Ҳудуди Сармишсой ҳавзаси ва Қорауңурсойининг бир қисмини эгаллайди, денгиз сатҳидан 1000 м баландликда жойлашган, рельефи Қизилқумнинг типик паст тоғларидан иборат.

Қўриқхонада шамол эрозияси натижасида ҳосил бўлган турли одам ва ҳайвонларга ўхшашлиги қоятош шаклларини кўп. Сармишсойи дарасида, айрим олимларнинг фикрича, неолит даврига хос бўлган 3 мингдан 8 минггача қад. қоятош расмлари, петроглифларнинг ҳатто жаҳон даражасида ноёб бўлган намуналари. Ўзбекистон Қизил китобига киритилган Ўрта Осиё кобраси, эчкимар ва б. судралиб юрувчилар бор. Петроглифларни ўрганиш бўйича и.т. ишлари олиб борилган.

САРМИШСОЙ РАСМЛАРИ — Қоратоғ (Навоий вилояти)нинг жан. ён бағридаги Сармишсой дараси қоятошларига ўйиб ишланган расмлар. 1958 й.да Х.Мўҳамедов томонидан топилган. 1966 й.дан и.т. ишлари олиб борилмоқда (дастлаб Н. Тошканбоев, кейинроқ А. Кабиров, 1960—70-й.лар; 1993 й.дан М. Хўжаназаров ва б.). Мил. ав. 4—1-минг йилликка ва ундан кейинги даврлар (мил. 1—7-а.лар)га мансуб 4 минтақа яқин расмлар бронза, темир ва тош б-н уриб-чўқиб ишлаб схематик, контур, соя ва нақшлар услубда ишланган. С.р.да ёвойи ҳайвонларни ов итлари ёрдамида овлаш, ҳайвонларнинг ўзаро уруши, чорвачилик, рақс тушаётган одамлар, диний маросимларнинг ижро этилиши б-н боғлиқ манзаралар тасвирланган. Хонаки ва ёвойи ҳайвонлар, ўқ-ёй, ханжар, қилич, найза каби турли буюмлар, кийимлар (дубулға, учли қулоқчин, калта чопон, оёқ кийими ва б.) тасвири ўзига хос тарзда юксак маҳорат б-н ишланган. С.р. ибтидоий санъатнинг ноёр ёдгорлиги ҳамда шу ҳудудда яшаган қад. халқларнинг ҳаёти, ҳайвонот дунёси тарихини ўрганишда муҳим археологик ёдгорлик обидаси сифатида қимматлидир.

Сарматлар. Новочеркасск хазинасидан топилган тиллақош.

Сармишсой расмларидан намуна.

САРМОЯ (форс.-тожик. — бош ва маблағ) — асосий савдо маблағи. С. ўзининг келиб чиқиши жиҳатдан савдо капитали ёки савдо маблағидир. Шарқ мамлакатларида товар-пул муносабатлари ривожланиб, савдо капитали пайдо бўлиши б-н юзага келган. Бу мамлакатларда саноат капитали қосибчиликдан ёки майда деҳқон хўжалигидан эмас, балки савдо ва судхўрлик капиталидан, йирик ер эгалигидан ўсиб чиққан. Шунга кўра, саноатга кўчиб ўтган капитал, асбоб-ускуна, бино, жиҳозларда тақдланган асосий капитал ҳам С. деб юритилади (қ. *Капитал*).

САРОБ — атмосферадаги оптик ҳодиса; бунда узоқдаги нарса (ёки осмоннинг бир қисми) б-н биргаликда унинг мавҳум тасвири ҳам бошқа жойда кўзга кўринади. Агар нарса уфқдан пастда бўлса, унинг мавҳум тасвиригина кўринади. С. нарса тагида, нарса устида (расмга қ.), унинг ён томонида кўриниши мумкин. С. атмосферанинг пастки қатламларида ҳаво зичлиги (шунингдек, т-раси)нинг нотекис тақсимланиши таъсирида, яъни унинг одатдан ташқари катта вертикал ёки горизонтал градиентларидан келадиган ёруғлик нурлари қийшаяди, атмосферадаги ёруғликнинг синдириш кўрсаткичи аномал тақсимланади. Устки С., кўп ҳолларда юқори кенгликларда, зичликнинг баландлик бўйлаб тез пасайиши, яъни совуқ ер юзасида т-ранинг инверсияси пайтида (юқорига кўтарилган сари т-ранинг ортиши) рўй беради. Пастки



Саробнинг ҳосил бўлиш схемаси.

С. исиб турган текис ер (чўл, йўл) устида т-ранинг жуда катта вертикал градиенти (яъни баландга кўтарилган сари т-ранинг тез пасайиши) натижасида пайдо бўлади. Осмоннинг тасвири Ер юзасида сувга ўхшаб кўринади. Ён томондаги С. жуда қизиб кетган қоятошлар ёки деворлар ёнида кўринади.

САРОЙ — ўзбеклар таркибига кирган йирик қабилалар уюшмаси. С.лар этник бирлашма сифатида 14—15-а.лар даномида Дашти Қипчоқда шаклланган бўлиб, 16-а.да бошқа ўзбек қабилалари б-н ҳоз. Ўзбекистон ҳудудига келиб жойлашган. С.ларнинг кичик бир гуруҳи қозоқларнинг арғин қабиласи таркибида ҳам мавжуд бўлган. 1924—26 й.ларда ўтказилган аҳоли рўйхатида Ўзбекистон ҳудудида яшовчи С.ларнинг сони 50 мингдан ортиқ бўлиб, улардан 18 минг киши Бухоро воҳасида (Ҳарқонрул, Вобкентдарё, Шаҳрул, Султонравот, Пойкент, Пирмант ариқлари бўйлаб), 20 минг киши Кармана воҳасида, Нарпай ва б. ариқлар бўйида яшаганлар. С.ларнинг катта бир қисми (15,5 минг киши) Қашқадарё водийсида (Шаҳрисабз ва Қарши воҳаларида, Самар тоғининг жан. ён бағирларида, Қашқадарёнинг юқори оқимида) яшашган. С.ларнинг айрим гуруҳлари Жом чўлида (6 минг), Қўқитанг тог ён бағирларида (1 минг), Миёнколда (3 минг), Самарқандининг жан.-ғарбида (1,5 минг), Нурота тоғининг жан. ён бағирларида (3 минг) Жиззах атрофида (1,7 минг) яшаган. С.ларнинг кичик гуруҳлари Фарғона водийсида ҳамда Афғонистонда, Мозори Шариф ва Балх атрофида истиқомат қилганлар.

С.ларнинг таркибида бир қанча кичик ва катта қабилалар мавжуд бўлган. Мас., аз-сарой, қипчоқ-сарой, қирғиз-сарой, найман-сарой ва б. Буларнинг ҳар бири, ўз навбатида, яна бир қанча уруғларга бўлинган. Юқорида келтирилган бўлим (қабила) номларидан маълумки, С.лар таркибига С. бўлмаган жуда кўп бошқа этник гуруҳлар (аз, мажар, қипчоқ, қирғиз, қўнғирот, ва б.) кирган. С.лар 20-а.нинг бошларида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар сабабли бир-бири б-н аралашиб ўзбек халқи таркибига сингиб кетган.

САРОЙ — 1) дастлаб ҳукмдорлар (хон, подшоҳ, амирлар ва б.) қароргоҳи бўлиб хизмат қилган ҳашаматли улкан бино, қаср. Кейинчалик турли серҳашам ҳовлили бинолар ҳам С. номини олган. Қад. Мисрда илк подшолик даври (мил. ав. 3-минг йиллик)даёқ фиръавнлар ўз хонадонлари учун саройсимон бинолар, серҳашам ибодатхона С.лари қурилишига аҳамият берганлар. Месопотамия ва Бобилдаги С.лар қатъий лойиҳа асосида маҳобатли қилиб қурилган, кошинлар б-н безатилиб, осма боғлари бўлган. Араб мамлакатлари, Эронда, Хитой (қ. *Император саройи*), Японияда ҳам С.ларнинг дабдабали бўлишига аҳамият берилган.

Европада ўрта аср шаҳар-республикалари ривожланиши б-н маъмурий бошқарув органлари ҳамда мансабдорлар С.лари пайдо бўлди. Италияда Сиенадаги Публико палацциоси, (1297—1310); Венецияда *Дожлар саройи*, Испанияда *Ал-ҳамро саройи* шулар жумласидандир. Дин арбоблари ҳам ўзлари учун С.лар қурдирдилар (Орвиетода папа саройи. 13-а., Россияда патриарх ва архиерейлар С.лари). 15—16-а.лардаги маҳобатли С.лар кенг ички ҳовлилари, кутубхоналари, деворий безакларги ва ноёб нарсалар сақланадиган заллари б-н шаҳарнинг бутун бир қисмини эгаллаган. Бу турдаги С.лар қирол, император С.ларининг шаклланишига кучли таъсир кўрсатган (Мадрид яқинидаги Эскориал, 16-а.; Парижлаги *Лувр*, 16—18-а.лар. Бу давр С.лари мужассамотининг характерли хусусияти *анфилада*ларида, тарзи *галерея*лар б-н безатилишида, бино б-н муҳитни боғловчи ризалитларда кўринади.

Ўрта Осиё С. меъморлиги ўзига хос услубда бунёд этилганлиги б-н ажралиб туради. *Туркоқ қалъа*даги С.нинг 300 га яқин хоналари, кенг тантанавор заллари, қабулхоналари, хазинахоналари бўлган. *Варахша*, *Афросиёб*,

Афросиёб саройи (Л.И.Альбаум қайта тиклаган қабулхона лойиҳаси).

Шёнбрунн сарой боғи (1759–1760; Вена, ҳоз. Бадиий-тарихий музей).

Ҳолчаён С. безакларида тасвирий санъат асарлари-ҳайкалчалар ўйма нақшлар ва ранг-баранг деворий расмлар ишланган. Амир Темур ҳукмронлиги даврида (14-а.) қурилган Шаҳрисабздаги *Оқ сарой*, Самарқандаги Бўстонсарой, Кўксарой ҳамда *Амир Темур боғлари*даги кўплаб С.ларнинг меъморий тузилиши, улардаги серҳашам безаклар ўзига хос нафислиги б-н ажралиб турган. *Бухоро арки*, *Кўҳна арк* Қўқон ўрдаси ва б.хон С.ларининг меъморий шаклида Самарқанд, Фарғона меъморий мактаблари услублари ўз ифодасини топган. Уларда халқ усталарининг қуриш анъаналари, нақшинкорлик безаклари миллий услублар намоён бўлган. *Ситораи Моҳи Хоса*, *Нурилабоғ саройи*, *Рўзанов саройи*да Европа ва миллий меъморлик ўзаро уйғунлашган. 19-а. охири — 20-а. бошларида кўҳна С. биноларидан музей, кутубхона, дам олиш уйлари сифатида фойдаланилган; 2) ўрта асрларда Шарқда карвонлар тўхтаб ўтадиган работ (қ. *Карвонсарой*); 3) замонавий меъморликда муайян мақсадда бунёд бўлган муҳим иншоотлар (*Маданият саройлари ва уйлари*, кино-концерт, никоҳ уйлари, спорт С.лари ва б.). Ўзбекистонда *Санъат саройи*, *Халқлар дўстлиги саройи* шундай иншоотлардандир.

САРОЙ-БЕРКА. Янги Сарой — *Олтин Ўрда*нинг пойтахти. Беркахон томонидан бунёд этилган (тахм. 1260). 14-а.нинг 1-ярмида равнақ топган. С.-Б. нафақат Олтин Ўрда, балки бутун ўрта аср Европасининг энг катта шаҳарларидан бири сифатида шуҳрат топган. 1333 й. С.-Б.га келган *Ибн Баттута*нинг гувоҳлик беришича, С.-Б. кафтдай текисликда қурилган шаҳарлар сирасига кириб, одамлар б-н тўла бўлган, ажойиб бозорлари, кенг кўчалари кишини ҳайратга солган. С.-Б.нинг аҳолиси 75 минг киши атрофида бўлиб, улар мўғул, алан(ос), қипчоқ, черкас, рус ҳамда византияликлардан иборат бўлган. Шаҳарда ҳунармандчилик устахоналари, турли туман корхоналар, савдо-сотиқ расталари, карвонсаройлар ишлаб турган. Шаҳарнинг бутунлай харобага айланиш вақти ҳақида аниқ маълумот йўқ. Шарқ ва Ғарбни боғловчи *Буюк ипак йўли*да жойлашган С.-Б.нинг кўпдан кўп бинолари рус подшоси Федор Иановичнинг 1578 йилги фармонига кўра, бузилган ва Астрахон ш. қурилиши учун ишлатилган. Харобалари Волгоград вилоятидаги Царев қишлоғида сақланган. С.-Б.га А.В.Терещенко (1843–51), Ф.Б.Баллод (1922), Г.А.Фёдоров-Давидов (1959–67) қазиш ишлари олиб борилган.

Ад.: Федоров-Давыдов Г.А., Общественный строй Золотой Орды, М., 1973; Егоров В.Л., Историческая география Золотой Орды в XIII–XVI вв., М., 1985.

Ҳамдамали Ғиёсов

САРОЙ-БОТУ, Эски Сарой (йилномаларда — Катта сарой) — *Ботухон* томонидан қурдирилган шаҳар (1254). Дастлаб *Олтин Ўрда*нинг асосий сиёсий маркази ҳисобланган. С.-Б.да кўплаб саройлар, масжидлар, ҳунармандчилик даҳалари (Черепяное поле) ва б. бўлган. С.-Б. атрофида катта *некрополь* жойлашган. Олтин Ўрда ҳокимларининг ўзаро кураши ва Амир Темурнинг юриши (1395) натижасида қаттиқ шикастланган. 1480 й. умид-кесил вайронага айланган. 18-а. шаҳар ўрнида селитра (ўғит) цехи жойлашган. Шаҳар харобалари ҳоз. Астрахон вилояти Харабали туманидаги Селитренное қишлоғида сақланиб қолган. Ф.Б.Баллод (1922), П.С.Рыков (1931)лар томонидан қазиш ишлари олиб борилган.

Сарой-Берка: 1. Араб ёзуви битилган мармар шамдон. Мисрда ишланган (14-а). 2. Ўрдак тасвири туширилган лаган. 3. Жездан ишланган одам ҳайкалчаси (тумор тури). 4. Терракотадан ишланган сайғоқ ҳайкалчаси. 5. Нақшинкор кўзалар (13–14-а. лар). 6. Мозаика услубида терилган сирли кошин намунаси (13–14-а.лар).

САРОЙМУЛКХОНИМ — қ. *Бойбеҳбуд*.

САРОЙЧИҚ — *Олтин Ўрда* шаҳарларидан бири. Гурьев шидан 60 км жанубда, Урал дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган (13-а.нинг 2-ярми). Шаҳарнинг номи кўлёзма манбалар ҳамда 14-а.да шу ерда зарб қилинган тангалар орқали яхши маълум. С. 1395 й. *Амир Темур* ва *Тўхтамиш* ўртасида бўлиб ўтган урушдан зарар кўрган. Шаҳар аҳолиси Волга дарёси бўйидаги кўчманчи халқлар б-н савдо-сотиқ қилган. С. на шаҳарлар б-н савдо-сотиқ қилган. С. анча муддат давомида Олтин Ўрда ва Ғарбий Европа тожирлари учун Осиё мамлакатлари б-н пиҳорат ашёларини ювритишга ўзига хос кўприк вазифасини ўтаган. С. бир томондан Олтин Ўрда хонлигининг Сарой-Берка б-н, 2-томондан эса Хоразм маркази Урганч б-н а..ларда Шарқ ва Ғарбни бирлаштирувчи бош карвон йўли ҳисобланган. С.дан Урганчгача бўлган йўлнинг ҳар 30 км ида қудуқлар қазилган, карвон саройлар барпо этилган. Ушбу савдо-сотиқ йўли Олтин Ўрданинг бир қанча йирик шаҳарлари, хусусан, Урганч орқали С.қа ўтказилтирилган. Бу ерда йўл ҳақи, ва жан. томонларга қараб бўлинган. Йўлнинг ҳақи, қисми Сарой-Берка (Сарой ал-жадид), жан. қисми эса Ҳожитархон орқали Мозар ҳамда Азов б-н боғланган. Манбаларнинг далолат беришича, 1580 й. Ёйиқ казаклари ҳужуми пайтида бутунлай вайрон қилинган.

Ад.: Егоров В.Л., Историческая география Золотой Орды в XIII–XVI вв., М., 1983.

САРОС (юн. saros — такрорланиш) — Қуёш ва *Ой тутилишлари*нинг бир хил кетма-кетликда янгидан такрорланиши орасидаги давр; Қуёш ва Ой тутилишлари моҳ равишда Қуёш марказининг Ойнинг Янги ой ва тўлин ой фазалари пайтида Ой тутилари (Қуёшнинг йиллик кўринма йўли б-н Ой орбитасининг кесишган нуқталари)га яқин бурчак масофадан ўтаётганда рўй беради. С. тахминан 18 йил 11 сутка 7 соат 42 минутга тенг. Бир С. давомида 41 та Қуёш, 29 та Ой тутилиши бўлади. С. Юнонистон ва Мисрда қадимдан маълум.

САРПАРДА (форс. — бош *парда*) — 1) мусиқа асари бошланадиган парда; 2) *чапандаст* доира усулида ижро этиладиган куй ва ашуланинг номи. «Карим-қулбеги» деб ҳам аталади; 3) ўзбек сурнай йўлларидан бири.

САРРОВ — бино ва иморатларнинг тўсинлари ёки том ёпмаси ёғочлари (стропилалари) тагига қўйиладиган узун тўсин; синчли ёки каркасли иморатларнинг тепасидаги узун олд тўсини (қ. *Cunei*). С. учун диаметри 15–30 см ли ғўлалар ёки томонлари 15×30 см ли тўртбурчак ёғочлар танланади. С., одатда, узунасига яхлит бўлади. Агар иморат узун бўлса, бир неча қалта тўсинлар бир-бирига учма-уч қилиб бириктирилади. С.га тўсинлар, стропила ва том ёпмалари (тунука, шифер ва б.)нинг оғирлиги тушади. Шунинг учун С.лар бақувват материалдан қилинади. Синчли иморатларда С. ёғочдан, каркасли (металл) биноларда металлдан бўлиши мумкин.

САРРОФ (араб. — пул алмаштирувчи, йирик пулларни майда қилувчи) — шаҳар кўчалари ва расталарида ўтириб, кишиларнинг йирик пулларини майдалаб, қимматбаҳо буюмларини пулга алмашлаб бериб фойда кўрувчи шахс. С.лар хориждан келган савдогарларнинг пулларини маҳаллий пулларга алмаштириб бериш, қимматбаҳо тошлар, олтин, кумуш ва б.ни аниқлаш, уларнинг баҳосини белгилаш, айрим кишиларнинг омонат пулларини, буюмларини маълум муддатгача сақлаб бериш каби ишлар б-н шуғулланиб, банк, омонат кассалари, гаровхоналар вазифаларини бажаришган. С.лар судхўрлик иши б-н ҳам шуғулланган. С.лар хизматлари эвазига кишилардан маълум миқдорда ҳақ олган. Илғари ҳар бир шаҳарда С.лар фаолият юритган. Мас.: Бухорода С.ларнинг алоҳида маҳалласи ва асосий иш жойи — Тоқи Саррофон мавжуд эди. Ҳоз. даврда Шарқ мамлакатларида С. банк эгаси ҳисобланади.

САРСАБИЛ, спаржа (Asparagus) — лолагуллилар оиласига мансуб ўсимликлар туркуми; сабзавот ва манзарали экин. Европа, Осиё ва Африкада 150 тури бор. Ўзбекистонда 2 тури ёввойи ҳолда учрайди. Калтабарг С. (A. brachyphyllus Turcz.), форс (A. persicus Baker.) кўп йиллик, чирмашиб ўсадиган ўт. Иккала тури ҳам бошқа белгилари б-н бир-бирига ўхшаш, бўйи 50–150 см, барглари майда, барг қўлтиғида ниначимон кўринишда. Шакли ўзгарган шохчалар — кладодийлар ҳосил қилади. Меваси резавор, ранги қизил. Май ойида гуллаб, июнда мева беради. Тўқайларда ўсади. Доривор С. (A. officinalis) Европанинг марказий ва жан. қисмида, Закавказье ва Шим. Кавказда кенг тарқалган. Сабзавот сифатида экилади; унинг ёш новдаларн овқатга ишлатилади. Таркибида 2% оқсил, 2,4% углеводлар (клечаткадан ташқари), витаминлар B_1, B_2, РР, провитамин А мавжуд. С.дан *аспарагин* олинади. Ҳосилдорлиги 30–35 ц/га. С. экилган майдонлардан 10–15 йил ҳосил олинади. С. аспаргус номи б-н манзарали ўсимлик сифатида ҳам ўстирилади.

Сарсабил:
1 — илдизи ва ёш новда
2 — мевали шохчаси.

САРСЕКБОЕВ Бахит Абдураҳмонович (1981.29.11, Чирчиқ) — боксчи, халқаро миқёсдаги спорт устаси (2002). «Ўзбекистон нефтихори» (2002). Чирчиқдаги Республика олимпия ўринбосарлари билим юртини тугатган (1999). 63,5 кг вазнда Ўзбекистон чемпиони (2001, 2002). Осиё чемпиони (2002, Семиран). Афро-Осиё ўйинлари голиби (2003, Ҳайдаробод) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ҳарбий хизматчиси (2004 й.).

САРСЎЗАН (форс. — бош ва игна) — заргарлик буюми; аёлларнинг бош кийимига тақиладиган тўғноғич. Бошга ёпиладиган рўмол-ёпинчиқни аёлнинг бош кийими (икки чакка)га С. ёрдамида мустаҳкамланган. С. турли шаклдаги асосий ва шоҳила қисмдан тузилган. Қадимда суякдан ясалган, кейинчалик бронза тўғноғичлар б-н алмашиниган. 19-а.га келиб С. шабака усулида шарча (феруза кўзлар қадалгани «анор» С.) ҳамда қушча шаклида ишланган ёки шоҳиладари қушча б-н якунланган. Баъзи жойларда санчоқ ҳам деб аталган.

Сарсўзан (Бухоро, 20-а. боши).

САРТАБУТКОН ОЛТИН КОНИ — Қурама тоғларининг Олмалиқ рудали ҳудудида жойлашган кон. 1931–34 й.ларда очилган. Кон гершн бурмаланиш даврида Шим. Қорамозор брахиантиклиналининг шим. қанотида гидротермал шароитда ҳосил бўлган, С.о.к. ўрта девон — қуйи карбон оҳактошлари ва уларни ёриб чиққан ўрта карбон даври сиенит-диорит интрузив жинсларидан таркиб топган. Томирлар шаклидаги руда сиенит ва оҳактошлар б-н бирга ҳамда интрузивларда жойлашган (қалинлиги 20–30 м). Кондаги асосий фойдали қазилма бўлган олтин ҳар хил бирикмалар таркибида бўлиб, баъзан соф ҳолда учрайди. Рудада маълум миқдорда кумуш ҳам бор. Шунингдек, кварц (оз миқдорда пирит), халькопирит, галенит, сфалерит, молибденит каби минераллар ҳам мавжуд.

САРТЕПА — қадимги қатъа-қўрғон харобаси (мил. 1–8-а.лар). Андижон вилояти Балиқчи тумани марказидан 1,5 км жанубда Қорадарё ўзанида жойлашган. Илк бор *Довон* подшолиги пайтида пайдо бўлган, сўнгра кенгайиб деҳқончилик воҳасининг ўзига хос марказига айланган. Бунга унинг қулай географик ҳудуда — Қорадарёнинг унумлор ўзанида жойлашгани сабаб бўлган бўлиши керак. Ҳоз. ёлғонликдан арк қисм ва унинг яқинида иккита

майда тепа сақланиб қолган. Арк майд. 1,7 га бўлиб, ундаги маданий қатлам қалинлиги 6,5 м ни ташкил этади. С. 4 томондан қалин пахса девор б-н ўраб олинган. Шарқий девор томонда дарвоза ўрни кўриниб туради. Археологик қазишлар натижасида учта қурилиш даврига оид меъморий қолдиқлар ва ашёвий далиллар аниқланган. Ёзғорлик 8-а. бошларида араблар босқини пайтида бузиб юборилган.

САРТР (Sartre) Жан Поль (1905.21.6 — Париж — 1980.15.4) — француз ёзувчиси, файласуф ва публицист. Француз экзистенциализми намояндаси. 1941—44 й.ларда Франция Қаршилик кўрсатиш ҳаракатида қатнашган. С.нинг сиёсий-мафкуравий қарашларидаги зиддият ва ўзгаришлар унинг «Ҳолатлар» номли 9 та китобида кўрсатилган. 1952 й. тинчлик тарафдорларининг ҳаракатига қўшилиб, колоннал тузум ва ирқчиликка қарши маърузалар ўқиган. Социалистик мамлакатларни қўллаб-қувватлаган. 1952 й. Венгрия воқеаларидан сўнг С.нинг Совет давлати ва умуман социалистик мамлакатларга бўлган муносабати кескин ўзгарган. С.нинг идеалистик фалсафаси инсон мавжудлигининг таҳлилига қаратилган атеистик экзистенциализмнинг кўриниши бўлган. С. инсон ва табиат ўртасидаги тафовутни инсоннинг мавжудлиги ва ўз олдидаги мажбуриятлари доирасидан чиқиб кета олмаслигига боғлайди. С.нинг инсон маънавияти ва моддий олам ўртасидаги тафовутни енгишга қаратилган ҳаракатлари аслида антропология ва психоаналитик усулларнинг йигиндисидан иборат. Ўзининг нафосат ва адабиётга бағишланган «Адабиёт нима» (1947), «Бодлер» (1947), «Авлиё Жене, масхарабоз ва жафокаш» (1952) каби асарларида С., оз-моз бўрттириб бўлса ҳам, ёзувчининг ҳоз. замон тарихида рўй бераётган барча ҳодисалар учун жавобгар эканлигини қатъий таъкидлаб ўтган. «Кўнгил айнаш» (1938), «Девор» (1939), «Озодлик йўллари» (1945—49), «Ёпиқ эшик ортида» (1945), «Иблис ва Худо» (1951), «Альтона маҳбуслари» (1960) каби асарларида фалсафий фикрларини қаётий тажриба б-н, афсонани журналистларга хос бўлган реалистик қарашлар б-н бирлаштиришга ҳаракат қилган. С.нинг ижоди Франция ва б. мамлакатларнинг маънавий қаётига ўз таъсирини кўрсатган. Нобель мукофоти лауреати (1964).

САРХОНА (форс. — бошхона, бошланиш) — мусиқада куй ва ашулаларнинг бошланғич тузилмаси. Одатда, мусиқа асарининг дастлабки икки жумласини ташкил қилади. Шашмақомда, шунингдек, сарҳат ашуласининг биринчи жумласи), сароҳанг (оҳангнинг бошланғич тузилмаси) атамаларида ҳам қўлланилади.

САРҒИНАЛАР (лот. sarcina — боғлам, ўрам, той) — шарсимон бактериялар, бўлинишдан кейин ажралиб кетмасдан қопчиқ шаклдаги тўплам ҳосил қилади. С. тўпламига 8 тадан 64 тагача ва ундан ҳам кўпроқ ҳужайралар киради. Ҳаракатсиз. Ҳар хил систематик гуруҳга мансуб бактериялар орасида учрайди. Шунингдек, Sarcina туркумига мансуб грамусбат анаэроб бактериялар ҳам мавжуд. С. углеводларни бижғитади.

САРҲАД — Эроннинг жан.-шарқий қисмидаги ясситоғлик. Шарқий Эрон тоғлари таркибида. Уз. 400 км чамасида, эни 200 км гача. Ўртача бал. 2500—3000 м, уларни ажратиб турувчи кенг ботиқларнинг бал. 1500 м, энг баланд жойи — 4042 м (Тафтан вулкани). Тог дашти ва чала чўл ўсимликлари ўсади. Ётиқ ён бағирларида деҳқончилик қилинади. Буюртма қўриқхоналар ташкил этилган.

САРҲАДОБОД (1999 й.гача Кушка) — Туркманистоннинг Мари вилоятидаги шаҳар (1967 й.дан). Сарҳадобод тумани маркази. Кушка дарёси водийсида. Туркманистон б-н Афғонистон сарҳо йўлидаги муҳим аҳоли пункти. Сарҳадобод — Мари — Ҳирот — Қандаҳор халқаро автомобиль трактида. Мари — Сарҳадобод йўналишидаги т.й. станцияси. Аҳолиси 11,6 минг киши (1999). С.да маҳаллий, озиқ-овқат саноатлари корхоналари, савдо, маданий, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, мусиқа, умумий таълим мактаблари, кутубхона, клуб, касалхона бор.

С.нинг жан.-шарқида Туркманистоннинг энг жан. чеккаси бўлган Қирққиз (тож. Чилдухтарон) мавзеси жойлашган. Шаҳар яқинида писта ўрмон хўжалиги ва Бодхиз қўриқхонаси бор. С. 1885 й.да рус мустамлакачилари томонидан Кушка ҳарбий истеҳкоми сифатида бунёд этилган.

САРҲАНГ (форс. — қўшин бошлиғи) — 1) Хоразмшоҳлар давлатида 500 отлиқ аскардан ташкил топган ҳарбий гуруҳ қўмондони. С. салтанат олдидаги буюк хизматлари эвазига малик даражасига кўтарилиши ҳамда муайян вилоятга ҳокимлик қилиш имкониятига эга бўлган; 2) *Хива хонлигида* қалъалар атрофига душман отлиқлари йўлини тўсиш мақсадида ёғоч қозиқлар қоқилган. Мазкур вазифани бажарувчиларга раҳбарлик қилувчи шахс С. деб аталган; 3) *Усмонли турк империясида* С. ўз мавқеига кура бўлукбошидан юқори лавозим ҳисобланган.

Мумтоз форс-тожик ва ўзбек тили тарихини-бадиий обидаларида С. умуман «лашкарбоши, саркарда, бошлиқ» маъноларини англатган. Хусусан, соқчилар бошлиғи сарҳанги девон, дарвозабонлар раҳбари сарҳанги навбат бирикмалари б-н ифодаланган.

САСАКЛАР — Индонезиядаги (Ломбок о.) халқ. 1,75 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Сасак тилида сўзлашади. Динлорлари — асосан, мусулмон сунийлар, бир қисми анъанавий эътиқодларга риоя қилади.

САСКАЧЕВАН — Канаданинг маркази қисмидаги провинция. Майд. 651 минг км². Аҳолиси 1,01 млн. киши (2002). Маъмурий маркази — Ржайна ш. С. ҳудудининг аксари қисми Лаврентий қирларида, жан. эса Буюк текисликларда жойлашган. Энг катта дарёси — Саскачеван. Шим.-шарқи игна барглн ўрмонлар, жан.-ғарби ўрмон-дашт ва даштдан иборат. Мамлакатдаги қ.х.га яроқли ерларининг 1/3 қисми С.да. Қ.х.да экспорт учун бугдой етиштирилади. Чорвачиликда қорамол, чўчқа боқилади; паррандачилик ривожланган. Калий тузлари, нефть, гелий, мис, уран рудалари қазиб олинади. Озиқ-овқат, кимё, нефтни қайта ишлаш, қора металлургия, қ.х. машинасозлиги, ёғочсозлик, целлюлоза-қоғоз саноати корхоналари бор. С. орқали Транс-Канада т.й. ва автомобиль йўллари, нефть ва газ қувурлари ўтган.

САССАПАРИЛЬ, сассапарель, сарсапарель (Smilax) — пиёздошлар оиласига мансуб тиканли доим яшил лианалар туркуми. Асосан, Ўрта денгиз атрофларида, шунингдек, Осиё ва Шим. Американинг тропик ва субтропик ва мўътадил ҳудудларида ўсадиган 200 дан ортиқ тури маълум. Қавказда С.нинг (S. excelsa), Приморье ўлкасида (S. oldhamii — Ольдгем С.) турлари ўсади. Мексикада ўстирилади-ган тиббиёт С.и (S. medica), хитой С.и (S. china) ва шифобахш (C. S. utilts) қадимдан тиббиётда ишлатилади. Гуллари бир жинсли, майда. Меваси қизил, 1—3 уруғли резавор. Гажаги б-н ўралиб ўсади. Май-июнда гуллаб, меваси окт.-нояб. ойларида пишади. Уруғи ва илдизидан кўпаяди.

САССИҚ ПОПИШАКЛАР (Lepidae) — кўккарғасимонлар туркумига мансуб қушлар оиласи. Бир тури — сассиқ попишак маълум. Евросиё ва Африкада тарқалган. Қишлаш учун Шим. ҳудудлардан жан.га учиб кетади. Ўзбекистоннинг дашт, тог ва тог олди ҳудудларида учрайди. Танасининг уз. ўртача 28 см, қанотлари 13,5—15 см, вазни 70 г гача. Пати оқ-қора йўл-йўл, сарғиш жигарранг. Бошида тожи (попуги) бор. Тумшуги ингичка, бир оз пастга эгилган. Март ойида учиб келади. Уясини эски дарахтлар, иморатлар, коваклар, қоялар ва б. ерларга қуради. Балбўй ҳид тарқатади (номи шундан олинган). Апр.—майда 4—6 та тухум қўяди. Тухумини 15—20 кун босади. Болаларини 22—23 кун давомида ҳашаротлар ва уларнинг личинкалари б-н боқади. Кейинги йилларда эски ковакли дарахтларнинг кесиб йўқ қилиниши С.н. сонининг камайиб кетишига олиб келди. Муҳофаза қилиниши лозим.

Сассиқ попишак.

САССИҚ ТУМОВ, озена — бурун бўшлиғининг сурункали касаллиги. С.т., одатда, бурун чиғаноқлари шиллиқ пардаси ва суяк скелетининг жуда юпқалашиб кетиши (*атрофия*) ва бурун шиллиқ пардасидан ажралиб, тезда қалоққа айланувчи балбўй қуюқ шилимшиқ чиқиши б-н кечади. (қ. *Бурун*). Бунда бурундан нафас олиш қийинлашади, бурун ва томоқ қичийди, йўтал пайдо бўлади, *ҳид билиш* пасаяди ёки бутунлай йўқолади. Атрофия кўз ёши — бурун канали шиллиқ пардасига ҳам тарқалгани учун кўз ёши халтачасига инфекция кириб, *дакриоцистит* юзага келади; Евстахий найи шиллиқ пардасига ўтганда эса отит (қ. *Қулоқ*) рўй беради, жараён қиқилдоқ ва трахеяга (қ. *Нафас*) тарқалганда овоз хириллаб чиқиб, нафас олиш қийинлашади. Касаллик кўпинча болалар ва ўсмирларда учрайди. Бемор, албатта, врачга мурожаат қилиши шарт.

САССИҚКОВРАК (Ferula foetida) — зирадошлар оиласига мансуб монокарп ўт. Пояси йўғон, бўйи 1,5—2 м. Ўрта Осиёдаги чўл ва ярим чўлларда, шунингдек, Эрон ва Афғонистонда ўсади. Апр.да гуллаб, май ойида мева тугади ва қурийди. Ҳар тупи 200 г гача уруғ беради. Пишган меваси таркибида протеин, азотсиз экстрактив моддалар, илдизида крахмал, елим-смола бор. С. доривор ўсимлик. Елим-смоласи заҳарли ҳашаротларни йўқотишда қўлланади.

САССИҚҚЎЛ — Қозоғистондаги кўл. Балхаш кўлидан шарқроқда, 347 м баландликдаги Балхаш-Олакўл сойлигида жойлашган. Майд. 735 км², ўртача чуқ. 3,3 м, энг чуқур жойи 4,7 м. Сув сатҳи 3 м гача ўзгариб туради. Нояб.да музлаб, апр. бошларида эрийди. Кўлга Тентак ва Қоракўл дарёлари қуйилади. С.дан Узун кўлига сув қуйилади. Балиқ, ондатра овланади.

САССИҚҚЎНҒИЗЛАР (Carabidae) — йиртқич кўнғизлар кенжа туркумига мансуб кўнғизлар оиласи. 20 мингдан ортиқ тури маълум. Узунчоқ танасининг уз. 2—3 мм дан 50—80 мм гача. Ранги, одатда, қора, металлсимон товланади. Мўйлови қилсимон ёки ипсимон; оёқлари югурувчи, панжалари 5 бўғимли. Кўпчилик турлари ер устида ёки тупроқнинг юза қатламларида яшайди. Тунда фаол. Личинкалари тупроқда яшайди. С. кўпгина қ.х. зараркунандалари (ҳашаротлар, моллюскалар, шиллиқлар, чувалчанглар, тунлам қуртлари ва б.) б-н озиқланиб, улар сонини тартибга солишда самарали натижа беради. Сапрофог (ўсимлик қолдиқлари б-н озиқланувчи) С. тупроқ ҳосил бўлиш жараёнида фаол иштирок этади. Баъзи С. ўсимликхўр (фитофаг) бўлиб, қ.х. ўсимликларига зарар етказади. Ўрта Осиёда 40 дан ортиқ тури учрайди, жумладан, энг кўп тарқалганлари: Bembidon guadripustulatum, B. almum, Tachys angustulus, Tachyura tetraspila, Colosoma daserticola, C. auropunctatum drungaricum, Broscus punctatus, Pterostichus cupreus ва б. Биологик қарши кураш тизимида танлаб ишлатиладиган Colosma ва Pterostichus; гажакотлиларга Colosma ва Pterostichus; кўк қурт (кузги тунлам) ва б. тунламларга Broscuspunctatus ва B. semistriatus уруғининг вакилларидан, тоқ ипак қуртга қарши Colosoma sycophantadan фойдаланилади.

САТИ — ҳиндларнинг ҳурофий одати. Унга кўра, бева аёллар вафот этган эри б-н бирга ўтда куйдирилган. Ж. *Неру* ёзишича, бу одат қад. скиф қабилаларида урф бўлган. Қад. санскрит қонунларида С.ни расман қоралаган. *Акбар* уни ман этишга астойдил ҳаракат қилган. Ҳинд маърифатчиси ва файласуфи Рам Мохан Рой (1772—1833) ва Бенгалия жамоат арбоби Дварҳант Тагор С.ни қонун йўли б-н бекор қилишга эришдилар (1829). Ҳиндистон Республикасининг конституциясига биноан, эски қад. ҳурофотлар қаторида С. одати ҳам мутлақо қонунга зид деб эълон қилинган.

САТИН (франц. satin) — пахта ипи ёки кимёвий толадан тўқиладиган газлама. Худди *атлас*га ўхшаб тўқилади, лекин атласнинг ўнгига *танда* иплари кўпроқ чиқиб туради, яъни С.нинг ўнгида *арқоқ* иплари кўпроқ бўлади. Ҳар метр С.нинг оғирлиги —90—150 г. С. аёл ва эркаклар кўйлаги, астарлик ва б. учун ишлатилади.

САТИРА (лот. satira — қурама, ҳар хил нарса) — комиклик тури, тасвир объектини аёвсиз кулги воситаси орқали англаш. Воқеликни бадиий акс эттиришнинг ўзига хос усули бўлиб, унда жамиятдаги бемаъни, асоссиз, нотўғри ҳодисалар, иллатлар фош қилинади. Воқеаларнинг реал кўринишини ўзгартириб, ошириб, бўрттириб, муболаға қилиш, кескинлаштириш ва шартлиликнинг бошқа кўпгина турлари ёрдамида яратилган образ орқали С. объектига «нишон» берилади. С. муаллифи комикликнинг бошқа турларидан (*юмор, ҳажв* ва б.) ҳам фойдаланиши мумкин, бироқ С. учун салбий туе бериб, кескин ифодаланган эстетик объект характерли ҳисобланади.

С. Қад. Римда лириканинг фош қилувчи жанри сифатида тан олинган. Кейинчалик ўзининг жанрий хусусиятларини йўқота бориб, кўпгина жанрлар (*масал, эпиграмма, бурлеска, памфлет, фельетон, комедия* ва сатирик *роман*)нинг ўзига хос усусиятини белгиловчи адабий жинсга ўхшаб қолади. С. ижтимоий курашнинг энг муҳим воситаси бўлиб, унга тарихий шароит, миллий ва ижтимоий тараққиёт фаол таъсир кўрсатади. С.нинг маънавий таъсир кучининг ўткирлиги унда инкор қилувчи кулги орқали яратилган идеалнинг умумлиқ ва универсал бўлиши б-н белгиланади. С.нинг эстетик вазифаси тубанлик, нодонлик ва б. ижтимоий иллатларга қарама-қарши тарзда кишиларда юксак инсоний туйғуларни уйғотиш ва қайта тиклашдан иборат. С.да муаллифнинг индивидуаллиги кулги остига олинган объект ҳақида муросасиз фикр айтиш, унга аниқ ғоявий муносабат билдириш орқали намоён бўлади.

Сатирик анъаналар Шарқ халқлари ижодида қадимдан мавжуд. Жаҳон маданиятига ҳиссе бўлиб қўшилган ва Шарқ адабиёти шуҳратини кент ёйган асарлар дастлаб фольклорда «*Минг бир кеча*» заминида, санскритча «*Панчатантра*», форсча халқ қиссалари, туркуми. Насриддин ҳақидаги турк ва ўзбек латифалари асосида яратилган. Китобий (ёзма адабиётдаги) С.лар ҳам Шарқда кўплан машҳур. Унинг гоялари хитой новеллалари, форс адабиёти рубоийлари ва ҳинд қиссалари мотивлари б-н суғорилган. Рус адабиётида Н.В.*Гоголь*, М.Е. *Салтыков-Щедрин* ва б. С.ни юксак босқичга кўтарганлар. Ўзбек адабиётида С.нинг илк намуналари дастлаб халқ ижодида (терма ва айтишувлар, Насриддин Афанди, Алдар кўса образларида) яратилган, кейинчалик ёзма адабиётда тараққий этган. Навоий, Тур-

ди, Махмур, Гулханий, Ҳозиқ, Муқимий, Завқийлар С. жанрида ижод қилдилар. С.нинг кейинги тараққиётн Ҳамза, Қодирий, Ғози Юнус, Сўфиёла, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Н.Аминов, С. Сиёев ва б. номи б-н боғлиқ. С. тасвирий санъатла ҳам қадимдан маълум. Қад. Рим, Хитойда сатирик терракота ҳайкаллар, вазаларга сатирик тасвирлар ва б. ишланган. Рассомлик санъати (жумладан, графика)да ривожланган. Ф. Гойя, О. Домье, Х. Бидструп ва б. рассомлар ижоди С. ривожида муҳим роль ўйнаган. Ўзбекистонда С. тараққиётнга «Муштум» жур., «Жанговар қалам», «ЎзТАГ ойнаси» катта ҳисса қўшган. Яна қ. *Карикатура, Ҳажв.*

САТИРА ТЕАТРИ, Абдулла Қаҳҳор номидаги Республика сатира театри — Ўзбекистондаги ягона ҳажв театри. Тошкент ш.да жойлашган. 1986 й. «Ғаз эгасини топади» дастури б-н очилган. «Тобутдан товуш» (Абдулла Қаҳҳор) театрнинг биринчи спектакли. М.Ҳужаев, Х.*Саъдиев*, Н. *Отабоевлар* театр ташкилотчиларидир. Т.Содиқов, Л.Саъдуллаев, Г.Саъдуллаева, Ҳ.Мусабоев, Ш.Расулов, Ш. Рўзиохунов, А.Иботулиналар театрнинг биринчи актёрлари. Ҳаётдаги салбий иллатларни, шахслар характеридаги нуқсон ва камчиликларни фош қилиш ва масхаралаш, янгилик ва яхшиликка ундаш театр ижодининг асосий хусусиятидир. «Сабил қолди» (Ф.Мусажонов), «Жанжал» (Шукрулло), «Майиз емаган хотин» (А.Қаҳҳор асари асосида М. Бобоев асари), «Қулоғ ва қароқчи» (Меҳмон Бахти), «Афанди ва азроил» (Ю.Алиев), «Темир хотин» (Ш.Бошбеков), «Давлат болалари» (Р.Муҳаммаджонов), «Олтин жўжа саргузаштлари» (В.Орлов), «Қовурилган ўрдак парвози» (Тафук аль Ҳаким, Тўра Мирзо), «Ойболта ва Тошпўлат» (Р.Қодиров, А.Қаюмов), «Ёлғончи даркор» (Д.Псафос), «Адашганлар» (Т. Муҳидлиги), «Беш кунлик қуёв» (Шукрат), «Ё шох, ё Афанди, ё ...» (Ш.Аминжода) ва б. театрда саҳналаштирилган энг яхши спектакллардир. Театр жамоаси тез-тез вилоятларга чиқади ва спектакллари ташқари театрлаштирилган сатирик томошалар уюштириб туради. Х. Саъдиев, *Э.Каримов*, Р. Каримова, Ь. *Ихтиёров*, С.*Девонов*, Т.Содиқов, М.Нурматов, З.Исмоилова, А.Иботулина, Б.Умурзоқова, О.Эгамбердиева, Э.Жўлдиев кабилар театрнинг етакчи актёрларидир. Бадиий раҳбари ва директори — Мавлон Ҳужаев.

Маҳмуд Ашурова

САТИФ — Жазоирнинг шим.-шарқий қисмидаги шаҳар. Сатиф вилоятнинг маъмурий маркази. Аҳолиси 170 минг кишидан зиёд (1990-й.бошлари). Т.и. станцияси. Озиқ-овқат, цемент, кимё саноати корхоналари бор. Гилам тўқилади. Шаҳарга мил. ав. 1-а.да асос солинган.

САТЛАЖ (куйи қисмида Панжнад) — Покистон, Ҳиндистон ва Хитойдаги дарё, Ҳинд дарёсининг энг катта (чап) ирмоғи. Уз. 1450 км, ҳавзасининг майд. 395 минг км². Тибет тоғлигидаги Кайлак тизмасидан бошланади. Ҳимолай тоғларининг шим. этагидаги тор дарҳалардан ўтгач, Панжоб текислигидан оқади. Йирик ирмоқлари: Бияс ва Чиноб. Ўртача сув сарфи Рупар ш. яқинида 500 м³/сек., ёз ойларида 20 минг м³/сек.га етади. Сув оқимини тартибга солиш мақсадида тўғонлар, тоғлардан текисликка чиққан қисмида Бхакра-Нангал гидротехника комплекси қурилган. Дарё сувидан суғоришда фойдаланилади. Айрим қисмларида кема қатнайди. С. бўйида Нангал, Баҳавалпур ш.лари жойлашган.

САТО (*сетор* сўзининг бузилган шакли) — *танбур*нинг камон б-н чалинадиган тури. Ўзбек, тожик, уйғур, эрон, афғон халқларида тарқалган. Косаси танбурга нисбатан каттароқ ва юпқароқ, қопқоғи кенгроқ бўлади. Тут ёғочидан ўйиб ясалади. Умумий уз. 110—120 см. Айрим созандалар танбурни ҳам С. сифатида камон б-н ёки, аксинча, С.ни танбур сифатида ноҳун б-н чалишади. С.да 3—4 асосий тор бўлиб, ўртадагиси иккн ёнидагиларга нисбатан кварта, кивинта, баъзида секунда оралиғида созланади. Улардан ташқари, ён қулоқларга тортиладиган акс садо берувчи 11 тагача торлар ҳам бўлади. С.да, одатда, куйчи, оҳангдор асарлар турни полини ва қочиримлар б-н бошланиб чалинади. У ҳозир турли ўзбек халқ ансамбларида ҳамда якка-кон чолғу сифатида кенг қўлланилади.

Сатира театри. 1. «Майиз емаган хотин». 2. «Қароқчи ва қулоғ» спектакларидан кўринишлар

САТРАП (юн. *satrapes*, қад. форс. *хшатрапаван* — вилоят ҳазиначиси) — қад. ва илк ўрта асрда Эрондаги (вилоят) *сатрапия* бошлиғи. Форслардан тайинланган. Сатраплардаги барча расмий-маъмурий ишларни бошқарган, солиқларни ўз вақтида йиғиб, подшоҳ ҳазинасига топширин, аҳолини турли қўрилиш ишларига мажбуран жалб этишни таъминлаган. С. сатрапининг олий судьяси вазифасини ҳам ўтаган. У кумуш ва мис танга, чақа пуллар зарб этиш ҳуқуқига эга бўлган.

САТРАПИЯ, сатраплик — айрим қадимги давлатлар (Ахоманийлар, Салавкийлар, Парфия ва Сосонийларда сатраплар бошқарган ҳарбий-маъмурий ўлка. С.га сатраплардан ташқари ҳарбий бошлиқлар ҳам тайин этилган, улар четлара, йўлларни қўриқлаган, ўғрилик ва босқинчиликка қарши курашган. Мас., *Кир II* ва *Дорё I* даврида Ахоманийлар давлатига кирган ўлкалар алоҳида С.га бўлиб идора этилган. Дорё I С.нинг тўла рўйхатларини *Бехистун китобалари* ҳамда *Нақши Рустам* китобаларида мижат б-н ёздирган. Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудларида ҳам алоҳида С.лар бўлган. Ҳар бир С. белгиланган миқдорда солиқ тўлашга мажбур бўлган. Кўпчилик С.ларнинг ўз қонуни, урф-одати бўлган, ўз тилида сўзлашган.

Ад.: Геродот. История в девяти книгах. Л., 1972.

САТТОРОВ Жўрақул Сатторович (1938.1.10, Каттақўрғон тумани Қалақўрғон қишлоғи) — агрокимёгар, тупроқшунос олим. Ўзбекистон ФА акад. (1994), қ.х. фанлари д-ри (1980), проф. (1982). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими (1990). ТошДУ биол.-тупроқшунослик ф-тини тугатган (1962). Шу ин-тда аспирант (1962—65), ассистент (1966), катта ўқитувчи (1967), доцент (1968), кафедра мудири (1968—95). Ўзбекистон ФА Тупроқшунослик ва агрокимё ин-ти директори (1987—95). Самарқанд ун-ти ректори (1955—99). 1999 й.дан Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари Давлат қўмитаси Тупроқшунослик ва агрокимё ин-тида бўлим мудири.

Илмий ишлари тупроқ мелиорацияси, тупроқшунослик, агрокимё ва экология, глобал муаммо бўлган чўлланиш жараёнининг тупроқ қатламига таъсири, сув омборларининг чўкинди лойқаларидан қ.хда ўғит сифатида фойдаланиш масалаларига бағишланган. С. сульфат тузлари б-н шўрланган ерларни кўз-қиш ойларида ювишнинг илмий асосини яратди, гўза ва унинг навига қараб ўғит бериш системасини ишлаб чиқди, «нав» агрокимёси» йўналишига асос солди.

Ас.: Мелиорация — тупроқ унумдорлигининг гаровидир, Т., 1970; Сорт, почва, удобрение и урожай, Т., 1988; Интратрелуктивная активность и отзывчивость хлопчатника на азотные удобрения, Т., 1991; Агрохимия фосфора, Т., 1992; Почва — удобрение в хлопководстве Узбекистана, Т., 1994.

САТТОРОВ Муҳаммад — қ. *Маматбува ҳофиз.*

САТТОРОВ Ҳамза (1949.1.8, Оҳангарон тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2002). Тошкент вилоят педагогика ин-тини тугатган (1979). 1979 й.дан Оҳангарон туманидаги 27-мактабда геогр. ўқитувчиси. Мактабда геогр. фани кабинетини ташкил этган ва кўргазмали қуроллар б-н бойитган.

САТТОРОВА Марьямой Сандовна (1964.14.5, Шаҳрисабз) — хонанда. Ўзбекистон халқ артисти (2000). Мусиқадан илк сабоқни Э. Бойmуродовдан олган. Тошкент консерваториясини анъанавий хонандалик ихтисослиги бўйича (Ф. Мамадалиев синфида) тугатган (1990). Ўзбек давлат филармонияси (1988—2000), «Ўзбекнаво» бирлашмасида (2000 й.дан) якка хонанда. Диапазони ва нафаси кенг, кучли ва ёркин овоз соҳибаси. Репертуаридан ўзбек мумтоз ашула йўллари («Чоргоҳ», «Феруз», «Самарқанд ушшоғи», «Сувора», «Сарахбори Дугоҳ» каби), 20-а. бастакор («Муножот», Н. Икромов; «Согинурман», «Ёр ўлмасин», Ф. Мамадалиев; «Тенги йўқ», О. Ҳотамов ва б.) ва композиторлар («Айриллқ», Д. Омонуллаева ва б.) асарлари ўрин олган. С. ижро этган ашулалар 2 та грампластинка (1983, 1984) ва 3 та компакт диск (1996, 2003)га ёзилган. Унинг ижодига бағишлаб Ўзбекистон телевидениеси томонидан 2 та телефильм суратга олинган (1997, 2000). Европа мамлакатларида гастролда бўлган.

САТТОРХОН (1867/68, Қорабоғ — 1914.17.11, Теҳрон) — Эрон халқ қаҳрамони. Ёшлик чоғлариданоқ шоҳга қарши қураш олиб бораётганлар сафига қўшилган. С. бир неча марта қувғинга учраган. У 1905 й.да Эронда кўтарилган инқилобий ҳаракатнинг фаол иштирокчиси ва илҳомчиси бўлган. 1908—09 й.ларда бўлиб ўтган Табриз инқилобига бошчилик қилган. С. моҳир ҳарбий ташкилотчи ва йўлбошчи сифатида кенг халқ оммаси орасида шуҳрат қозонган.

САТТОРХОН Абдуғаффоров (1843, Чимкент — 1901, Тошкент) — маърифатпарвар, тарихчи. Йирик уламо (мударрис) оиласида туғилган. Тошкентдаги Шукурхон мадрасасини тугатган (1862). Араб ва форс тилларини яхши билган, рус тилини ўрганган. 1864 й.гача Чимкент ш. муфтийси, 1873—76 й.ларда Чимкентдаги биринчи рус-тузем мактаби ўқитувчиси. 1876 й. апр.да Қўқон ш. қозиси этиб тайинланган. С. қозилик лавозимидан маърифатпарварлик ғояларини тарғиб қилиш йўлида фойдаланган, дунёвий билимларни тарғиб қилган, натижада руҳонийлар томонидан қаттиқ таъқиб остига олинган. 1881 й. С. Қўқонни тарк этишга мажбур бўлган. 1883 й. «Туркистон вилоятининг газети»га ишга кирган. Европа маданияти ва дунёвий билимларни тарғиб қилувчи бир қанча мақолалар ёзган. 1884—89 й.ларда Тошкент ўқитувчилар семинариясида ўзбек ва форс тилларидан дарс берган. С. рус императорининг маориф соҳасидаги айрим тадбирларини танқид қилган. 1899 й.гача Чимкент қозиси бўлиб ишлаган, кейин Тошкентга қайтиб келган. С. ўзининг маърифатпарварлик фаолиятини *Фурқат, Муқимий, Завқийлар* б-н ҳамкорликда олиб борган. С.нинг ижтимоий қарашлари унинг «Мусулмон эшонлари», «Россия истилосига қадар Қўқон хонлигининг ички аҳволи ҳақида қисқача очерк» номли рисолаларида, кўпгина мақола ва нутқларида ўз ифодасини топган.

Ад.: Олим Усмон, Ўзбекистонда рус тилининг илк тарғиботчилари, Т., 1962; Савицкий А. И., Сатторхан Абдулгаффаров просветитель-демократ, Т., 1965.

САТУРН, Зуҳал — Қуёш системасидаги 9 та катта сайёралардан бири; Қуёшдан узоқлиги бўйича 6-сайёра. Астрономик белгиси Ц. Қуёшдан ўртача узоқлиги 9,58 *астрономик бирлик* (1429,3 млн. км) га тенг. Катталиги жиҳатидан *Юпитер*дан кейин 2-ўринда. Орбитасининг эксцентриситети 0,056 бўлгани туфайли бу масофа *перигелий*да қисқариб, *афелий*да узайиб туради. С. Қуёш атрофини ўз орбитаси бўйлаб 29 йилу 167 кунда бир марта тўла айланиб чиқади. Унинг ўз ўқи атрофидаги айланиш даври экваторида 10 соат 14,5 мин. бўлса, қутбларига томон Юпитердаги сингари ортиб боради. С.нинг ўртача радиуси 58 минг км, экваторида 60 минг км га яқин. С.нинг зичлиги 0,72 г/см³ (бу Ер зичлигининг 0,13)га, унинг массаси $568 \cdot 10^{27}$ г (Ер массасидан 95,28 марта катта)га тенг. У, асосан, водород ва гелийдан иборат. Сайёра экваторининг ўз орбита текислигига оғмалиги 26°45'ни ташкил этади. С. спектрида экватори бўйлаб чўзилган қора минтақалар ва оқ доғлари кузатиш мумкин. Спектроскопик текширишлар С. атмосфераси, асосан, водород (H_2) ва метан (CH_4) дан иборатлигини кўрсатган бўлса, кейинчалик унда ацетилен (C_2H_2) ва этан (C_2H_6) топилган. Инфрақизилларда кузатиш С.даги т-ра кескинлигини (95 К) кўрсатди. С. мунтазам радионурланишга ва ўз магнит майдонига эга. С. атмосферасида шундай паст т-рада ҳам музламайдиган метан ва аммиак топилган. С.ни илк бор Галилей 1610 й.да кашф этган. С.нинг ажойиботлиги атрофидаги ҳалқасидир. С.нинг экватор текислиги бўйлаб жойлашган бу ҳалқа, асосан, 3 та алоҳида концентрик ҳалқадан иборат. Улардан сайёрага энг яқини *С*, ўртадагиси *В* ва ташқиси *А* б-н белгиланган. Ҳамма ҳалқалар деярли шаффоф бўлиб, улар орқасидаги юлдузларни кўриш мумкин. *А* ҳалқа б-н *В* ҳалқа оралиғини Кассини номли қора бўшлиқ ташкил этади. Ҳалқаларнинг қалинлиги бир неча км, диамет-

Сатурннинг Ердан кўриниши

ри 250 минг км, ёши 100 млн. йил атрофида. 20-а.нинг бошларидаёқ халқлар яхлит қаттиқ жисмдан иборат эмаслиги, улар С. атрофида Кеплер қонуни асосида айланадиган айрим-айрим қаттиқ зарралардан ташкил топганлиги аниқланган. Ҳалқаларнинг инфрақизил спектрлари, асосан, муз ва қиров спектрларига ўхшайди. С. 22 та табиий йўлдошга эга. Улардан энг катталари: Мимас, Энцелад, Тефия, Диона, Рея, Титан, Гиперион, Япет, Феба, Янус. Титан массаси ва катталиги (4850 км) жиҳатидан Қуёш системасидаги улкан (у Ойдан ҳам катта) йўлдош ҳисобланади. Титан метан ва водороддан ташкил топган атмосферага эга. С. йўлдошларидан фақат Феба ўз орбитасида бошқаларга нисбатан тескари томонга ҳаракатланади.

«САТУРН» — Америкаининг 1964—67 й.ларда яратилган 2 ва 3 босқичли серияли элтувчи ракеталари (ЭР) номи ва уларни ишлаб чиқиш дастури; *«Аполлон»* космик кемаси, *«Скайлэб»* орбитал станцияси ва баъзи ер сунъий йўлдошларини учиришда қўлланилган. «С.-1» ва «С.-1Б» — икки босқичли ЭР. «С.-1Б» — «Аполлон» космик кемаларини Ер атрофидаги орбитага учиришда қўлланилган. Старт олди массаси 590 т, диаметри 6,5 м, узунлиги 68,3 м. Максимал фойдали юки 18,1 т. «С.-5» — уч босқичли ЭР, «Аполлон» космик кемаларини Ер атрофи ва Ой атрофи орбиталарида ҳамда космонавтларни Ойга элтишда қўлланилган. Старт олди массаси 2950 т, максимал фойдали юки 140 т га яқин, диаметри 10,1 м, уз. 85,6 м.

САТУРН — Қад. Рим мифологиясида экинлар худоси, деҳқончилик ҳомийси. С. Италиянинг жуда қад. подшоси ҳисобланган, у халқни деҳқончиликка, соҳибкорликка ўргатган. Унинг даври ялпи тенглик, маъмурчилик ва тинчлик барқарор бўлган «олтин аср» замонаси эди. С. шарафига ҳар йили дек. ойида дабдабали ва қувноқ *сатурналия* байрами ўтказилган. С. узун соқолли ва қўлида ўроғи бўлган олам шаклида тасвирланган. Мил. ав. 3-аср охири ва 2-а. бошидан С.га сиғиниш юнонлар худоси Кронюсга сиғиниш б-н қўшилиб кетди.

САТУРНАЛИЯ (лот. Saturnalia) — Қад. Римда ҳар йили *Сатурн* шарафига нишонланадиган байрам. Қишки тенг кунлик чоғида ҳосил йиғиб олингач, ўтказилган. Байрам карнавал тусида бўлиб, унда қуллар хожалари б-н «тенг» ҳисобланганлар, ҳатто хожалари уларга музлозамат ҳам қилган, фақир-фуқароларга пуллар тарқатилган. С. маросими, бир-бирига совға бериш одати христианларнинг Рождество байрами улумларида сақланиб қолган.

САТЬЯГРАХА (санскритча — ҳақиқат қатъийликда) — ҳинд халқининг инглиз мустамлакаси давридаги кураш шаклларидан бири. М. *Ганди* томонидан 20-а. бошида ишлаб чиқилган. Бунда курашнинг турли хил усуллари, мутлақо тинчлик воситалари — митинглар ўтказиш, ҳукуматга арзномалар б-н мурожаат қилиш, иш ташлашлар уюштириш, ҳукумат фармонларини бажармаслик, солиқларни тўламаслик, ҳокимият б-н ҳамкорлик қилмаслик, унга итоат этмаслик ва умуман куч ишлатмасдан курашишни билдирали. С. дастлаб М. Ганди томонидан 20-а. бошида Жан. Африкадаги ҳиндларни таққирлаш сиёсатига қарши ўтказилди. Ганди 1915 й.да Аҳмалобод ш.да С. ғояларини тарғиб этувчи марказ «Сатьяграха ашрам»ни тузди. 1918—22 й.ларда мамлакатда кўтарилган халқ озодлик ҳаракати давридан бошлаб С. ўтказиш кенг тус олди. С. туфайли Ганди Ҳиндистонининг сиёсий ҳаётида катта нуфузга эга бўлди. Мамлакатда халқ миллий озодлик ҳаракатининг галаба қилишида Гандининг С. усули муҳим роль ўйнади.

САУДИЙЛАР — 1) Саудия Арабистонидаги ҳукмдор сулола; асосчиси — Сауд ибн Муҳаммад ибн Миқрин. 1927 й.гача С. — Нажд амирлари; 1927—32 й.ларда — Ҳижоз ва Нажд ҳамда уларга қўшилган вилоятлар қироллари; 1932 й.дан — Саудия Арабистони қироллари (подшолари); 2) Саудия Арабистони араблари — халқ. Саудия Арабистонининг асосий аҳолиси (13,25 млн. киши, 1990-й.лар ўрталари). Шунингдек, Кувайтда (50 минг киши) ҳам яшайдилар. Араб тилида сўзлашади. Диндорлари — мусулмонлар (суннийлар ва шиалар).

САУДИЯ АРАБИСТОНИ, Саудия Арабистони Подшоҳлиги (Ал-Мамлака ал-Арабия ас-Саудия) — Осиёнинг жан.-гарбида жойлашган давлат. Арабистон я.о.нинг тахм. 2/3 қисмини ва Қизил денгиз ҳамда Форс қўлтиғилари қатор қирғоқбўйи оролларини эгаллайди. Майд. 2,25 миллион км². Аҳолиси 23,5 млн. киши (2002). Бу-лардан 5,3 млн. киши мамлакат фуқароси ҳисобланмайди. Пойтахти — Ар-Риёд ш. Маъмурий жиҳатдан 14 вилоятга бўлинади.

Саудия Арабистони герби.

Давлат тузуми. С.А. — мутлақ теократик монархия. Давлат бошлиғи — подшоҳ, айни вақтда бош вазир ва қуролли кучлар олий бош қўмондони ҳамдир. У ҳукумат (Вазирлар Маҳкамаси)ни тузади. 1992 й. 1 мартда подшоҳ фармони б-н 4 йиллик муддатга Шўро (Маслаҳат) Кенгаши ташкил этилган. 1997 й.да Шўро Кенгаши аъзоларининг сони 60 кишидан 90 кишига етказилди. Подшоҳ Шўро Кенгашини тарқатиб юборишга ва қайта тузиш мумкин. Подшоҳ вазирларни тайинлаш, ҳукуматни тарқатиб юборишга ва янгидан тузиш ваколатига эга. Ҳукумат, асосан, подшоҳ олдида ъволардан тузилади.

Сиёсий партия ва касаба уюшмалари фаолияти расман ман этилган.

Табиати. С.А. жан.-гарбда Қизил денгиз, шим.-шарқда Ҳинд океанининг Форс қўлтиғи б-н ўралган. Қирғоқларидан кўп жойда паст, қумлоқ, баъзан қирғир-қийшиқ. С.А. кўп қисмини (1 миллион км² га яқинини) чўл ташкил қилади. Платосимон текисликлар кенг тарқалган (ғарбга томон 1000—1300 м га, шарққа томон 200—300 м гача пасайиб борали). Ер юзаси қуруқ дарё водийлари б-н сел-сел ажратилган. Мамлакатнинг каттагина қисмини лавали майдонлар, тоқлоқ чўллар (хамадалар) ташкил қилади. Қумли чўлларининг энг йириклари — Нефуд, Даҳна. *Рубъ-ул-Холи*нинг шим. қисми барханлар (200 м баландликкача), тизмали дўнг қумликлардан иборат. Зилзилавий қир кўп. Ғарбда Қизил денгизга параллел ҳолда бал. 2500—3000 м бўлган Ҳижоз ва Асир тоғлари чўзилиб кетган. Форс қўлтиғининг соҳили бўйлаб айрим жойлари ботқоқлик ёки шўрхок қатлам б-н қопланган Ал-Хасаъ пасттекислиги жойлашган (кенглиги 150 км гача).

Ғарбда Африка — Арабистон платформаси фундаментининг тутиб чиққан ери — Нубия-Арабистон қалқони жойлашган бўлиб, у архей — қуйи протерозой даврларига мансуб гнейс ва мигматитлар, шунингдек, юқори протерозойга оид *геосинклиналь* чўкинди комплексларидан (қалинлиги 10 км дан ортиқ) иборат. Юқори ва қуйи протерозой даврига оид интрузивлар кенг ривожланган: шим.-шарқий йўналишда қалқон жинслари платформа қопламасининг қатламлари остига чўккан, бу жинслар венд ва палеозойдан бошланиб, мезозой ва палеогенни ўз ичига олади. Форс қўлтиғининг ён бағри бўйлаб Месопотамия чекка эгилмасининг неоген даврига мансуб қалин моласелари ривожланган бўлиб, унинг жан. чеккасида йирик нефть конлари жойлашган. Рубъ-ул-Холи синеклизаси иккинчи нефть минтақаси ҳисобланади. Қалқоннинг токембрий даври жинслари орасида темир, хром, мис, кўргошин, рух, олтин рудалари, нодир ер элементлари, бериллий ва қалай конлари бор.

Мунтазам оқиб турадиган дарёлар йўқ. Сув уч хил йўл б-н: қудуқлар, ёмғир ёки сув тошқини вақтида ҳовузларга йиғиш ва махсус мосламалар ёрдамида денгиз сувини чучуклаштириш орқали олинади. С.А.да дунёда энг кўп чучук сув (дунёда олинаётган чучук сувнинг 30%) ишлаб чиқарилади. Ёмғир ва тошқин сувларидан тўлиқ фойдаланиш мақсадида 186 та дамба ва умумий ҳажми 775 млн.³ бўлган ҳовузлар қурилган. Сизот сувлар эҳтиёжнинг 1/3 қисмини қондиради. Тупроғи оддий чўл типидан иборат, ҳудудининг катта қисмида тупроқ қатлами ўрнини туз қоплами эгаллайди. Шим.да дағал субтропик бўз тупроқ, жан.да шўр тупроқ ва ўтлоқ-шўрхок тупроқлар мавжуд.

Саудия Арабистони байроғи.

Ўсимлиги, асосан, чўл ва чала чўл ўсинликларидан иборат. Айрим жойларда оқ саксовул, янтоқ, тошлоқ чўлларда лишайниклар, лавали майдонларда шувоқ, астрагал, водий ўзанларида яккатерак, акациялар, шўр ерларда жулғун, сув бўйларида ва шўрроқ жойларда галофитлар ўсади. Кўчиб юрувчи қумли чўлларда деярли ўсимлик ўсмайди. Намгарчилик кўп бўлган йилларн ва баҳор пайтида кўпроқ эфемер ўсимликлар ўсади. Жан.даги тоғларда саванна кўп. Ўрмон ва яйловлар ҳукумат томонидан муҳофаза қилинади. Ўрмонлар С.А. нинг жан.-ғарбий қисмида жойлашган ва 2,29 млн. гектар майдонни эгаллайди. Кўчувчи қумлардан сақлаш учун табиий ҳимоя чизигини шакллантириш мақсадида дарахтлар экилади. Ҳар йили кўчат экиш хафталиги ўтказилади. Ҳайвонлардан бўри, чинбўри, сиртлон, тулки, қулон, кийик, гизол, даман, қуён, араб йўлбарси, туякушлар учрайди. Кўпгина кемирувчилар, судралувчилар ва қушлар яшайди. С.А. чигирткалар макони ҳисобланади. Қизил денгизда турли хил балиқ, тошбақа ва б. денгиз ҳайвонлари учрайди. Денгиз ва қуруқликда ёввойи табиатни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш мақсадида Табиатни муҳофаза қилиш ҳамда ривожлантириш миллий қўмитаси томонидан умумий майд. 90 минг км² бўлган 15 қўриқхона ва Асир миллий боғи ташкил этилган.

Аҳолисининг 90% ини араблар ташкил қилади. Ҳиндлар, мисрликлар ва покистонликлар, бир неча юз минг эронлик, филиппинлик, бангладешлик, яманлик, индонез, суданлик, суриялик, иорданиялик ва б. ҳам яшайдилар. С.А. да 200—800 минг ўзбек истиқомат қилади, деб ҳисобланади. Йирик қабила бирлашмалари — унайза ва шаммар; қабилалар — ҳарб, мутайр, ҳутайл, кахтан, жуҳайна, муаҳиб, шарарат, манасир, бану асад, тануҳ, қурайш, бану шайбон. Расмий тил — араб тили; инглиз тили ҳам кенг тарқалган. Давлат дини — ислом. *Ислом* динининг муқаддас зиёратгоҳ шаҳарларининг *Макка* ва *Мадина* С.А. дадир. Ҳар ри — *Макка* ва *Мадина* С.А. дадир. Ҳар йили бу шаҳарларда 2 млн. дан ортиқ мусулмон ҳаж ва умра сафарида бўлади. Шаҳар аҳолиси 80,2%. Йирик шаҳарлари — Ар-Риёд, Жидда, Маккаҳ, Мадина.

Жидда шаҳридаги подшоҳ саройи.

Тарихи. С.А. ҳудудида қадимдан (мил. ав. 2-минг йиллик) кўчманчи араб қабилалари яшаб келган. Мил. 7-а.да Арабистон я.о.нинг ғарбий қисми (Ҳижоз)да *ислом* пайдо бўлиб, пойтахти Мадина ш. бўлган илк мусулмон теократик давлати — *Араб халифалиги* юзага келди. 7—8-а.ларда С.А. ҳудудининг кўп қисми Умавийлар, 8-а. 2-ярми — 9-а.ларда *Аббосийлар* халифалигига қараган. 10—12-а.ларда Арабистон я.о.нинг бир қисмида мустақил амирлик, султонликлар пайдо бўлган. Ҳижоз *Фотимийлар*, сўнгра *Айюбийлар*, 13-а.нинг ўрталари — 16-а. нинг бошларида *мамлукларга* қарам бўлган. Ҳижознинг иқтисодий ва диний-сиёсий жиҳатдан мавқеи юқорилиги туфайли халифалар бу ерда ўз ҳукмронликларини сақлаб қолишга уринишган. 16-а. бошларида Ҳижозни Усмонли турклар ўз тасарруфига олган. 18-а.га келиб Нажда *ваҳҳобийлик* диний-сиёсий оқими пайдо бўлди. Нажд ўзининг нисбатан мустақиллиги б-н ажралиб турган. Нажд амирликларидан бири Дирия ҳокими Муҳаммад Ибн Сауд (Саудийлар сулоласи бошлиғи) 1745 й. Арабистонни ваҳҳобийлик ғояси остида бирлаштиришга ҳаракат қилди. 19-а.нинг бошларига келиб Арабистоннинг талай қисми Саудийлар давлатига бирлаштирилди. Бу давлат — биринчи Саудийлар давлати (1745—1811) ҳисобланади. 1811—18 й.ларда Арабистон я.о.нинг кўп қисми Миср пошоси Муҳаммад Али қўшинлари томонидан эгаллаб олинди ва Саудийлар давлати парчалаб юборилди. 1843 й. Файсал ибн Турки бошчилигида саудийлар маҳаллий қабилалар кўмагида Нажни иккинчи марта эгаллашди. Ар-Риёд ш. пойтахтга айлантирилди. Барпо этилган давлат — саудийларнинг иккинчи давлати ҳисобланади (1843—65). 1840 й.дан сўнг ҳм

Ҳижоз туркlар қўлида қолаверди. 19-аснинг 2-ярмида ваххобийлар давлати Шаммар ҳукмдори бўлган Рашидийлар томонидан босиб олинди. 1902 й. амир Ибн Сауд Кувайт ҳукмдори Муборак ёрдамида Ар-Риёдни эгаллаб, Рашидийларга зарба берди, кейинчалик Наждда Саудийлар ҳукмронлигини тиклади. Абдулазиз ибн Абдурaҳмон (Ибн Сауд) Ол Саудларнинг учинчи давлатига асос солди (1902 й.дан). Мустамлакачилик мақсадларини кўзлаган Буюк Британия 1915 й. декда Англия — Саудия битимининг имзоланишига эришди. Битимга мувофиқ, Буюк Британия Нажд мустақиллигини тан олиб, Ибн Саудга субсидия, қурол-ярог б-н ёрдам берадиган бўлди. Бироқ Наждни Туркияга қарши уруштиришга муяссар бўлмади. Айни вақтда (1915) Мисрдаги инглиз комиссари Мак-Магон б-н Макка (Ҳижоз) шарифи Ҳусайн ўртасидаги махфий ёзишмалар натижасида бир битимга келишилиб, унга мувофиқ, Ҳусайн арабларни Туркияга қарши отлантиришга ваъда берди. Бунинг эвазига Буюк Британия Ҳусайн бошчилигидаги бўлажак араб давлатининг мустақиллигини тан олмоқчи бўлди. 1916 й. Ҳусайннинг ўғли амир Файсал қўшинлари инглиз разведкачиси Т. Э. Лоуренс раҳбарлигида Туркияга қарши ҳарбий ҳаракат бошлади. 1918 й. Ҳусайн «араблар подшоси» деган унвонни олди. Лекин Антанта давлатлари уни фақат Ҳижоз подшоси деб тан олишди. 1-жаҳон уруши тугагач, Ибн Сауд Арабистонни бирлаштиришни давом эттираверди. 1920 й. у Асирнинг бир қисми устидан ҳукмронлик ўрнатди (Асирнинг ҳаммаси 1930 й. бўйсундирилди). 1921 й. Шаммарни бўйсундирди. Янги давлатнинг кучайишини хоҳламаган Буюк Британия 1922 й. ўзининг гумашталари (шариф Ҳусайннинг ўғиллари) — Ироқ қироли Файсал ва Мовароурдуния (Трансиордания) амири Абдуллоҳни Ибн Сауд давлатига қарши чиқишга ундади. Саудийлар маглубиятга учрадилар ва бу Ибн Саудни 1922 й. Уқайрада Ироқ б-н Кувайт ўртасидаги чегарани белгилаш ҳақидаги шартномани имзолашга мажбур этди.

Саудия Арабистони табиати мангараси.

Натижада четара, яъни бетараф минтақа барпо этилди. 1924—25 й.ларда Ибн Сауд Ҳижозни Наждга қўшиб олди. Бирин-кетин Тоиф, Макка, Жидда ва Мадина қўлга киритилди. 1926 й. янада у ўзини Ҳижоз подшоси, Наждва б. қўшиб олинган вилоятларнинг султони деб эълон қилди. 1927 й. Буюк Британия янги Саудийлар давлатини тан олишга мажбур бўлди. 1932 й.дан бошлаб мамлакат С.А. Подшоҳлиги деб аталадиган бўлди. 1934 й. С.А. ва Яман ўртасида бўлиб ўтган ва Яманнинг маглубияти б-н тугаган уруш натижасида С.А. Асир, Жизанва Наджнинг бир қисмини ўз таркибига киритди.

2-жаҳон уруши даври (1939—45) да С.А. Германия (1941) ва Италия (1942) б-н дипломатик алоқани узди, аммо урушда қатнашмади. Уруш охирида келиб С.А. да АҚШ таъсири кучая бошлади. 1943 й. АҚШ Саудия Арабистони б-н дипломатик алоқа ўрнатди ва С.А. га ленд-лиз (бирор шарт б-н қарз бериш) қонунини жорий этди. АҚШнинг АРАМКО нефть компанияси 1972 й.га қадар нефть қазиб олиш ишларини бажариб келди. 1962 й. Саул амалдаги ҳокимиятни амир Файсалга топширишга, 1964 й. 2 ноябрда эса Файсал фойдасига тахтдан воз кечишга мажбур бўлди. Файсал ҳукумати халқ хўжалиги (янги саноат корхоналарини барпо этиш ва ҳ.к.), халқ таълимни соҳасида бир қанча ислоҳотлар ўтказди. 1960-й.ларнинг 2-ярмидан С.А. ташқи сиёсати 2 хил йўналишда бўлди. Бир томондан мусулмон давлатлари ташкилоти — Ислом пактини тузиб (1966), коммунизмга қарши ҳаракатни қўллаб-қувватлаган бўлса, иккинчи томондан Исроил агрессиясига дучор бўлган араб мамлакатлари (Миср, Сурия ва Иордания)га молиявий ёрдам бера бошлади. 1973 й.ги Яқин Шарқдаги ҳарбий тўқнашув пайтида С.А. ўз қўшинлари б-н араб мамлакатлари томонида туриб урушда қатнашди ва Миср ҳамда Сурияга қайтариб олмаслик шарти б-н молиявий ёрдам берди; Исроилни қувватлаётган мамлакатлар — АҚШ, Голландияга нефть сотишни вақтинча тўхтатиб қўйди. 1974 й. окт. ойида Работда бўлиб ўтган араб мамлакатлари раҳбарларининг конференциясида С.А. Фаластин Озодлик ташкилотини тан олди. 1975 й. 25 мартда подшоҳ Файсал ўлдирилгач, унинг ўрнига Халид ибн Абдулазиз подшоҳ бўлди. 1982 й. июнда Подшоҳ Халид бин Абдулазиз вафотидан кейин унинг ўрнига Фаҳд бин Абдулазиз тахтга ўтирди. С.А. — 1945 й.дан БМТ аъзоси. ЎзР б-н дипломатия муносабатларини 1992 й. февр.да урнатган. Миллий байрами — 23 сент. — Подшоҳлик эълон қилинган кун (1932).

Хўжалиги. Иқтисодиётининг асоси — нефть ва газ саноати. 2-жаҳон урушига қадар С.А. хўжалигида чорвачилик устун бўлган. Урушдан кейин нефть қазиб олиш ва экспорт қилиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Нефть ва нефть маҳсулотларидан келадиган даромад 5 йиллик режалар доирасида саноатни ривожлантиришга катта маблағ ажратиш имконини берди. Ялпи ички маҳсулотда саноат улуши 53%, қ.х. улуши 6%, хизмат кўрсатиш тармоғи улуши 41% ни ташкил этади. И.ч. ялпи ҳажмининг 35% хусусий секторга тўғри келади.

Саноати. С.А. нефть захиралари бўйича дунёда 1-ўринда (35,8 млрд. тонна), нефть қазиб чиқариш бўйича 2-ўринда (АҚШдан кейин) туради. Нефтнинг 95% «Сауди АРАМКО» миллий компанияси томонидан қазиб чиқарилади. С.А. да кунига 7,5 млн. баррель (2002 й. 308 млн. тонна) нефть қазиб олинади. Газ захиралари бўйича дунёда 4-ўринни эгалласа-да, уни қазиб олиш бўйича Яқин Шарқда 1-ўринда туради. 1960-й.ларнинг охиридан нефть кимёси саноати кенг ривожланди. Металлургия (Жидда), қоғоз (Даммам), озиқ-овқат (Маккадаги ёғ з-ди, кондитер ф-каси, Ар-Риёддаги сабзавот консервалари ва Жиддадаги мева шарбати ишлаб чиқарадиган ф-ка ҳамда Ҳуфуф ва Мадинадаги хурмони қайта ишлаш ф-каси), тўқимачилик, қурилиш материаллари саноати ҳам ривожланган. Жидда, Даммам ва Ар-Риёдда цемент з-длари, Даҳронда ойна-шиша з-ди бор. Бу корхоналарнинг кўпчилиги тўлиқ ёки қисман (70%га) «Сабик» давлат концернига қарашли ва у томонидан назорат қилинади. Йилига ўртача 66,8 млрд. кВт-соат электр энергияси ҳосил қилинади. С.А. да ҳунармандчилик, шу жумладан, заргарлик корхоналари салмоқли ўрин эгаллайди.

Қишлоқ хўжалиги бундан чорак аср муқаддам иқтисодиётнинг энг қолоқ тармоғи ҳисобланган. 1990-й.лардан у жуда тез сурьатлар б-н ривожланди ва даромадли тармоқлардан бирига айланди. Экин экиладиган умумий майдон 1990-й.ларнинг охирида 1,8 млн. гектарга етди. Асосий қ.х. экини — гала, шоли. Хурмо, кофе, узум, мандарин, банан, сабзавот ва мевали ўсимликлар ҳам ўстирилади. Кўчманчи чорвачилик ривожланган: туя, қўй, эчки, қорамол, шунингдек, товуқ боқилади. Балиқ овлаш б-н шуғулланилади. Йилига ўртача 698 минг т сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Мамлакат ўз аҳолисини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари б-н тўлиқ таъминлайди. Денгиздан марварид ва маржон олинади. Ҳар йили Макка ва Мадинага келувчи 2 млн.дан ортиқ зиёратчига хизмат кўрсатилади.

Темир йўллар уз. 1400 км ни ташкил этади. Энг йирик т.й. йўналишлари Даммам—Даҳрон—Ар-Риёд (562 км), Ҳуфуф—Ар-Риёд (322 км). Автомобиль йўллари уз. 159 минг км, ундан 100 минг км асфальтланган; нефть қувури уз. — 3,7 минг км. С.А. Яқин Шарқда энг кучли денгиз флотига эга. Мамлакатдаги асосий денгиз портлари: Жидда, Янбо, Жизон, Рас-Таннура, Даммам, Жубайл, Дэба ва б. Мамлакатдаги 25 аэропортдан 3 таси халқаро аэропортдир. Ҳаво алоқаси «Сауди-Арабиен эрлайнс» авиакомпанияси орқали амалга оширилади. Халқаро аэропортлари Даҳрон, Жидда ва Ар-Риёдда.

С.А. четга, асосан, нефть ва нефть маҳсулотлари, бутдой, хурмо чиқаради. Четдан машина жиҳозлари, автомобиль, истеъмол моллари, транспорт воситалари, металл, тўқимачилик буюмлари, қурол-ярог олади. Асосан, Япония, АҚШ, Буюк Британия, Корея Республикаси, Сингапур, Франция, Германия б-н савдо қилади. Пул бирлиги — С.А. риёли.

Тиббий хизмати. Сўнгги 30 й. ичида мамлакатда касалликларни даволаш ва олдини олишга қаратилган кенг кўламли инвестиция дастурларини амалга ошириш туфайли ижобий ўзгаришлар рўй берди. Илгари аҳоли орасида кўп учрайдиган сил, безгак, тери ва трахома касалликлари деярли барҳам топди. Мамлакатга ҳар йили келадиган зиёратчиларга юқори савияда тиббий хизмат кўрсатилади. Бунинг учун Маккада 7 касалхона, 40 тиббий марказ, Миноада 4 касалхона ва 24 тиббий марказ, Арофатда 3 касалхона ва 43 тиббий марказ, Муздалифада 6 тиббий марказ, Мадинада 8 касалхона ва 48 тиббий марказ мавжуд. С.А. да 42625 ўринли 290 касалхона бор. Тиббий марказ ва диспансерлар сони 4000 дан ошади. 2000 й. 30 544 врач, 61 214 ҳамшира ва 31977 техник ассистент ишлади. Врачларнинг 17% С.А. фуқаролари, қолганлари мисрлик, покистонлик, малайзиялик ва б. мутахассислардир. Энг чекка вилоятлардаги беморларни марказий ихтисослашган касалхоналарга телекорлик б-н келтириш мақсадида 22 самолётдан иборат ҳаво амбулаторияси мавжуд. С.А. Қизил Ярим Ой жамиятининг 154 маркази ва 500 кўчма амбулаторияси, 27000 хизматчиси ҳам аҳолига фавқулодда ёрдам кўрсатади. Мамлакат ва чет эл фуқаролари учун тиббий хизмат бепул.

Маорифи ва маданий-маърифий муассасалари. 1926 й. бошланғич мажбурий таълим ва дунёвий мактаблар очиш, 1960 й. қизларни мажбурий таълимга жалб этиш ҳақида қонунлар қабул қилинган. Таълим тизими давлат қарамоғида бўлиб, мамлакат фуқаролари ва чет элликлар учун ҳам бепул. Мактабга 6 ёшдан қабул қилинади. Бошланғич мактаб 6 йиллик, ўрта мактаб 2 босқичли бўлиб, тўлиқсиз ўрта (3 й.) ва тўлиқ ўрта (3 й.) мактабдан иборат. Бошланғич мактаб негизида ҳунар-техника мактаблари (4 йиллик), тўлиқсиз ўрта мактаб негизида ҳунар-техника билим юртлари (2 йиллик) ишлайди. Мактабларда ўғил болалар ва қизлар алоҳида-алоҳида ўқитилади. С.А.да ўғил болалар учун 11191 ва қиз болалар учун 11441 мактаб бўлиб, уларда 4,15 млн. бола ўқийди, 292 минг ўқитувчи ишлайди. Ҳар бир ўқитувчига 15 ўқувчи тўғри келади. Бу — дунёдаги энг юқори кўрсаткичлар. Ундан ташқари, мамлакатда хусусий таълим муассасалари ҳам мавжуд. Мамлакатда бир қанча олий ўқув юртлари бор. Энг йириклари: Ар-Риёддаги подшоҳ Сауд ун-ти (1957), Жиддадаги Абдул Азиз ун-ти (1967), Мадинадаги Ислом таълимоти ун-ти (1961), Ар-Риёддаги Имом Муҳаммад ибн Сауд ислом ун-ти (1974), Шарқий вилоятлардаги подшоҳ Файсал ун-ти (1974), Маккадаги Умм ал-Қура ун-ти (1981), Даҳрондаги подшоҳ Фаҳд номидаги нефть ва минераллар ун-ти (1963), Ар-Риёддаги Олий технология ин-ти ва Техника ин-ти. Олий таълим берадиган ун-т, институт ва коллежларда 297 830 талаба таълим олади.

Йирик кутубхоналари: Миллий кутубхона (1968), Сауд кутубхонаси, Ар-Риёд ун-ти кутубхонаси, Маҳмудия кутубхонаси, Ориф Ҳикмат кутубхонаси, Мадина ун-ти кутубхонаси. С.А. да 153 маданий марказ, маданият ва санъат жамияти, адабиёт клублари фаолият кўрсатади. 12 та музей бор. Уларнинг энг йириклари: Ар-Риёддаги археология ва халқ мероси миллий музейи, Ал-Масмак қалъаси музейи, Даммамдаги Минтақавий музей ва б.

Кўча бозори.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. С.А. да 100 дан ортиқ кундалик газ. ва жур. нашр этилади. Йириклари араб тилида: «Ал-Билад» («Мамлакат», кундалик газ., 1934 й.дан), «Ан-Надва» («Клуб», кундалик газ., 1958 й.дан), «Ал-Мадина-Ал-Мунаввара» (кундалик газ., 1937 й.дан), «Ар-Риёд» (кундалик газ., 1964 й.дан), «Ал-Жазира» («Орол», кундалик газ.), «Аш-Шарқ-ал-Аусат» («Яқин Шарқ», газ., 1978 й.дан); инглиз тилида: «Араб Ньюс» («Араб янгиликлари», кундалик газ., 1975 й.дан). Энг йирик ва нуфузли нашрлёт «Ал-Ямама» ҳисобланади. Радиоэшиттириш 1948 й.дан бошланган, 23 давлат радиост-яси мавжуд. Эшиттиришлар 4 канал орқали араб ва инглиз тилларида, чет элларга француз, турк, урду, бенгал, форс, ўзбек, суахили ва индонез тилларида узатилади. С.А. да миллий телекўрсатув фаолияти 1965 й.дан бошланган.

Макка (1967), Мадина (1967), Даммам (1969) да йирик телевизион марказлар мавжуд. Телеэшиттиришлар 2 канал орқали олиб борилади. Сунъий йўлдош орқали телекўрсатувлар асосий ахборот манбандир. 70% телетомошабинлар ундан фойдаланади.

Адабиёти. Ҳозирги С.А. ҳудудидаги қад. ва ўрта аср адабиёти араб маданияти ўзанида ривожланди. Ҳижозда 5—7-а.ларда бадавийлар шеърияти (Имрул-Қайс) ривожланди, 7-а. нинг 1-ярмида эса «Қуръон» хатга туширилди. Бадавийлар шеърияти намуналари ва «Қуръон» мумтоз араб тилини намоён этувчи буюк манба ҳисобланади. Араб халифалиги ташкил топиши, 7-аснинг 20-й.ларида адабий ҳаёт марказларининг ўзгариб туриши (Дамашқ, Бағдод, Қоҳира ва б.) С.А. да адабиёт ривожини бирмунча сустлаштирди. Ваххобийлар мафкураси ва консерватив жамият тузилиши янги адабиёт ривожини узоқ

вақтгача тўхтатиб қўйди. Қўшни араб мамлакатларининг таъсирида 20-а.нинг 20-й.ларидан бир қанча шоир, журналист, ёзувчилар етишиб чиқди. Уларнинг асарларида маърифатпарварлик, романтик ва реалистик йўналишлар уйғунлашган эди. Муҳаммад Сурур ас-Саббон ва Муҳаммад Ҳасан Аввад романтик йўналиш асосчилари ҳисобланади. Ҳусайн Сирхан, Муҳаммад Ҳасан Фики, Муҳаммад ал-Амир ар-Румейха каби шоирлар мазкур йўналишда ижод қилган шоирлардир. Меҳнаткаш халқ ҳаётини, жамиятдаги ижтимоий адолатсизликларни фош этиш Аҳмад Абд ал-Ғафур Аттор ижодида муҳим ўрин тутади. 2-жаҳон уруши (1939—45) дан кейинги давр насрида Амин Салом Румайҳа, Абдулла Мунаа, Юсуф бин аш-Шайх Яъқуб ҳикоялари, Ҳасан Носиф, Абд ас-Салом Ҳошим Ҳофиз қиссалари реалистик йўналишга эга. Реалист ёзувчилар асарларида сентиментализм руҳи кучли. 1957 й. Абд ас-Салом Ҳошим Ҳофизнинг хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоя этишга бағишланган «Ҳижоблик Самро» номли биринчи романи нашр этилди. 50-й.лардаги публицистика ва адабий танқидда Муҳаммад Ҳасан Аввад, Абдулла бин Халис, Саод ал-Боваридий, Абдулла Абд ал-Жаббор ва б. ижоди муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳикоя жанри яқинда пайдо бўлган бўлса ҳам, С.А. адабиётида етакчи ўринни эгаллайди. Аҳмад ас-Сибои, Ҳамид Даманҳури ҳикоя жанрининг асосчилари ҳисобланади. Аҳмад Ас-Сибоининг «Эгизаклар» асари бу жанрда яратилган биринчи асардир. Новелла жанри ҳам янги жанрлардан ҳисобланади. Ҳусайн Али Ҳусайн, Муҳаммад Улвон, Али Хасуна, Сибои Уесмон, Муҳаммад ал-Мансура аш-Шакка мазкур жанрда самарали ижод қилмоқдалар. 80-й.лардаги публицистика ва адабий танқидда Аҳмад Абд ал-Ғафур ал- Аттар, Муҳаммад Абдо Йаманинни алоҳида кўрсатиш мумкин.

1980 й.дан подшоҳ фармони б-н адабиёт бўйича давлат мукофоти таъсис этилган.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Одам юзи тасвирланган тош ҳайкалчалар, ҳайвонлар тасвирланган тош рельефлар С.А. ҳудудидаги қад. ёдгорликлардан ҳисобланади (мил. ав. 7—2-а.лар). Макка ва Мадинада ўрта аср араб меъморлиги ёдгорликлари (масжит, мадраса, миноралар) сақланган. Ҳижоз шим.да мил. ав. 2- ва мил. 1-а. ларга оид набатияликлар шаҳри вайроналари ва қабрлар топилган. Аҳоли турмуш даражасининг юксалиб бориши б-н анъанавий лой ва хом гиштлар ўрнига замонавий қурилиш материалларидан маҳаллий иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда вилла ва кўшклар қурилди. Кўчманчиларнинг турар жойлари эса эчки териси б-н ёпилган чайлалардан иборат. Йирик шаҳарлар (Макка, Ар-Риёд, Мадина, Жиддада жаҳон андозаларига мос даражада кўп қаватли уйлар, меҳмонхона, стадион, аэропортлар мавжуд. Замонавий қурилишларда араб миллий меъморлиги анъаналари ўз аксини топган. Йирик иншоотларнинг девори кўни мармар б-н қопланган.

Киноси. С.А.да ҳаёт тарзи ислом дини арконлари асосида қурилгани сабабли кинотеатр ва театрлар йўқ. Шунга мувофиқ, кинематография санъати ривожланмаган. Асосан, спорт ва ижтимоий характерга эга фильмлар яратилади. Оммавий тарзда кинофильм ва спектакллар намойиш этилмайди.

Ўзбекистон — С.А. муносабатлари. 1992 й. фев.да С.А. ташқи ишлар вазири шаҳзода Сауд ал-Файсал бин Абдулазиз Ол Сауднинг Ўзбекистонга, ўша йил апр.да ЎзР Президенти И. А. Каримовнинг С.А. га ташрифидан сўнг 1992 й. нояб.да Жидда ш.да ЎзР консулхонаси, май ойида Ар-Риёдда элчихонаси, 1997 й. 27 мартда Тошкентда С.А. элчихонаси очилди. 1995 й. нояб. да ЎзР Ташқи ишлар вазирининг С.А. га қилган ташрифи давомида Ўзбекистон б-н С.А. ўртасида савдо, иқтисод, инвестициялар, техника, маданият, спорт ва ёшлар ишлари соҳаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим имзоланди.

1996 й. апр.да Ар-Риёдда ЎзР Президенти И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларини чуқурлаштириш йўлида», 1998 й. мартда «Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарлари араб тилидаги нашрининг расмий тақдимоти ўтказилди.

1996 й.да С.А.нинг «Дельта ойл» ширкати б-н ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Жумладан, Ўзбекистон ҳукумати АҚШ — С.А. нинг «Юникол» ва «Дельта ойл» ширкатлари консорциуми б-н нефть ва газ қувурлари лойиҳаларини тўғрисида битим, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси эса Ўзбекистонда нефть разведкаси ҳамда уни қазиб чиқариш ҳақида англашув баённомасини имзолади. 1996 й. янв.да «Ўзбектуризм» компанияси «Ал-Марва» ширкати б-н туризм ва авиачипталарни сотиш тўғрисида битим имзолади. 2002 й.да Ўзбекистон — С.А. ўртасидаги товар айланмаси 3,9 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонинг С.А. га экспорти, асосан, савдо ва унга алоқадор хизматлардан иборат. Айни пайтда, С.А.дан ширинликлар, дон, гилам ва полни қоплайдиган маҳсулотлар, ўсимлик ва мол ёғи, мебель ва чойшаблар, спиртсиз ичимликлар, оптика жиҳозлари, пойабзал, бўёқлар, ўйинчоқ ва спорт анжомлари олинади.

Мадина шаҳри. Муҳаммад (сав) қабрининг яшил гумбази.

Жидда шаҳри.

Ўзбекистонда С.А. иштирокидаги 14 корхона рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 10 таси қўшма корхона, 4 таси 100% С.А. сармоясидаги корхоналардир.

Икки давлат ўртасида таълим ва дин соҳаларида ҳам ҳамкорлик ривожланган. 1997 й. С.А. олий таълим вазири Халид ал-Анқарий Ўзбекистонга С.А.нинг бир неча ун-тлари ректорларидан иборат делегацияни б-н ташриф буюрди. Мустақиллик даврида республикамизнинг 45 мингдан ортиқ фуқароси ҳаж, 35 мингдан зиёд фуқароси умра сафарларида бўлдилар (2004).

Носир Ориф(ўғли)ев.

САУНА (инша). фин ҳаммоми — ҳаммомнинг қуруқ иссиқ ҳаволи тури. Қад.дан Финляндияда мавжуд бўлган; С. қуриш 20-а. 70-й.ларидан Ғарбий Европада, кейинроқ бошқа ерларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам расм бўлди. С.нинг одам организмига таъсири т-ралар фарқига асосланган: иссиқхонадаги қайноқ қуруқ ҳаво (т-ра 90—140°, ҳаво намлиги 5 — 15%) сунъий ҳовуз ёки табиий сув ҳавзаси (кўл ёки дарё) сувининг совуқ ҳавоси б-н алмашинади. Иссиқхонада яхшигина қизиб терлаган киши бирданига совуқ сувга тушгач, т-ралар фарқи ҳисобига капиллярлардан организмдаги зарарли моддалар тирсиллаб чиқиб кетади. Шунда одам енгил нафас ола бошлайди. С.да ювиниш киши организмини чиниқтиради ва маълум даражада даволайди. С.даги юқори т-рани киши организми бутун ўта нам бўлган (намлик 80—90%, т-ра 70—90°) рус ҳаммомидагига нисбатан осонроқ қабул қилади. С.да ювиниш киши организми учун жуда фойдали ва ёқимли муолажа, лекин унинг ҳам ўз меъёри бор: ювиниш мобайнида иссиқхонага 2—3 мартадан ортиқ кирмаслик керак: ҳар бир кириш олдидан камида 15 мин. танаффус қилиш лозим. Айниқса, соғлиги унча яхши бўлмаганлар: ошқозон яраси борлар, юраги хасталар, қон босими баланд ёки паст кишилар, астма хасталигига дучор бўлганлар, семиз ва қари кишилар жуда эҳтиёт бўлишлари лозим. Оғироёқ аёллар ва болалар С.да ювиниши мумкин эмас. С.да спиртли ичимликлар (ҳатто пиво) ичиш зарарли.

С. иссиқхонасининг деворлари ва терлаш супалари игна барғли дарахт ёғочидан қилинади. Шунинг учун С.да ўзига хос ўрмон ҳавосининг ҳиди уфуриб туради. С.газ, ўтин, кўмир ва, асосан, электр печь б-н қиздирилади. Печь устига ўртача катталикдаги қора тошлар терib қўйилади. Тошлар қизигач, чатнаб кишини шикастламаслиги учун уларнинг устига сим тўр ўраб қўйилади. С.да бир ҳафтада бир марта ювиниш яхши самара беради.

Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистондаги қад. ҳаммомларда ҳам худди С.дагидек қуруқ ҳаволи иссиқхона бўлган, лекин сувли ҳовуз бўлмаган (яна қ. *Ҳаммом*).

САУТПОРТ (собиқ Голд-Кост) — Австралиянинг денгиз бўйи иқлим курорти. Тинч океан соҳилида, Брисбен ш.дан жанубда. Австралияда энг йирик ш.дан жанубда. Австралияда энг йирик ш.дан жанубда. Австралияда энг йирик

солган. Исмоил I (1502—24); Таҳмасп I (1524—76); Исмоил II (1576—77); Муҳаммад Худобанда (1578—87); Аббос I (1587—1629) ва б. йирик намояндаларидан бўлган.

САФАВИЙЛАР ДАВЛАТИ — Ўрта Шарқда *сафавийлар* бошқарган давлат (1502—1736). Ардабил ҳукмдори Исмоил *оқ қўюнлилар* ва уларнинг иттифоқлошлари устидан галаба қозонишни натижасида барпо этилган. С. д. таркибига Озарбайжон, Арманистоннинг бир қисми, Эрон, ҳоз. Афғонистон (Балх вилоятидан ташқари), Араб Ироқи (вақт-вақти б-н) ва б. ҳудудлар кирган. Сафавийлар, асосан, *қизилбошиларга* таянган. 16-а.гача пойтахт Табризда бўлиб, 1548 й. Қазвинга кўчирилган. Давлат дини шиалик бўлган. Шоҳ *Таҳмасп I* даврида кўчманчи қабилалар таъсири кучайиб, С.д.да халқ қўзғолонлари авж олган. 1535 й. Хуросондаги халқ қўзғолонидан фойдаланган Бухоро хони Убайдуллахон Ҳиротни босиб олган. Таҳмасп I Кавказорти, Курдистон, Ироқни қайтариб олиш учун турклар б-н тинимсиз урушлар олиб борган. Таҳмасп I вафотидан сўнг бошланган ўзаро урушлар натижасида С.д. инқирозга учраб, майда мулкларга бўлиниб кетган. Бундан фойдаланган Туркия С.д.нинг шим. қисмини, ўзбек хонлари Хуросонни босиб олди. Бу вақтга келиб қизилбошлилар *Аббос I* атрофига бирлашган. 1597 й. Хуросон ўзбеклардан тортиб олинган. Ҳарбий ислоҳот ўтказилган. Пойтахт Исфаҳонга кўчирилиб, унда ва б. шаҳарларда қурилиш ишлари олиб борилган. 1603—07 й.лар Луристон, Арманистон, Грузия, Озарбайжон Туркиялан қайтариб олинган. 1623 й. Бағдод ҳам қўшиб олинган. Савдо ва ҳунармандчилик тараққий этган. Аббос II нинг вафотидан сўнг С.д. яна инқирозга учрай бошлаган. 18-а. бошларида Афғонистондаги сафавийлар ҳокими Мир Вайс ўзини мустақил деб эълон қилган. 1722 й. унинг ўғли Маҳмуд С.д. нинг анча қисмини босиб олган. Сафавийларнинг афғонлар ва туркларга қарши муваффақиятли кураш олиб борган саркардаси Нодир (қ. *Нодиршоҳ*) сафавийлар сулоласини тахтдан ағдариши б-н С.д. барҳам топган.

САФАВИЯ — суфий-дарвишлик тариқати. 13-а. охирида Эрон Озарбайжонида пайдо бўлган. Асосчиси — шайх Сафиуддин Исҳоқ (1252—1334). С. дастлаб ўз тарафдорларини ҳукмдорларнинг жабр-зулмларидан ҳимоя қиладиган диний жамоа сифатида шаклланган. 15-а.да С. раҳбарлари Ардабил ҳукмдорларига, С. эса улар ҳокимиятининг таянчига айланди. Қизилбошлилар С. шайхларининг ҳарбий тайчи бўлган. С. тарафдорлари шиаликдан мафкурасини қўрол сифатида фойдаланган. 1499 й. Исмоил I (1487—1524) бошчилигида С. тарафдорларининг Оқ қўюнли давлатига қарши ҳаракатлари ғалаба қилгандан сўнг сафавийлар давлати (1502—1736) ташкил топди, шиалик бу давлатнинг расмий дини деб эълон қилинди. Сафавийлар давлати таркибига Озарбайжон, Арманистоннинг бир қисми, Эрон, ҳоз. Афғонистон (Балх вилоятидан ташқари), Ироқ Арабистони (вақт-вақти б-н) ва б. ҳудудлар кирган эди. Бу давлат Усмонли турк империяси ва ўзбек хонлари б-н узлуксиз уруш олиб борган.

САФАР ОЙИ — *қамарий* йил ҳисобида, яъни Ой тақвимида, шунингдек, мусулмонларнинг ҳижрий-қамарий йил ҳисобида 2-ойнинг арабча номи; 29 кунга тенг. Бу ойнинг хусусияти йилнинг бошқа ойлари б-н бир хилдир. Исломга кўра, бу ойда ҳам маросимлар, тўйлар, сафарларни амалга ошириш мумкин. Ойнинг хосиятсиз экани тўғрисидаги баъзи фикрлар асоссиз.

САФАРОВ Назир (1905.9.1, Жиззах — 1985.1.4, Тошкент) — Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1975). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1950). 2-жаҳон уруши қатнашчиси. Эски ва янги усул мактабларида ўқиган. Самарқандда қишлоқ ўқитувчиларини тайёрлаш курсини тугатгач, Жиззах ва Митан (ҳоз. Иштихон) туманларида ўқитувчилик қилган (1920—24). Жиззах уезд маориф тизимида (1925—27), «Қизил Ўзбекистон» газ. бўлим мудири, «Ишчи» газ. (1929—32) ва Ёзувчилар уюшмасида масъул котиб (1932—35), адабий маслаҳатчи (1947—53), Республика к-з-совхоз сайёр театрида адабий эмаклош (1938—39), Ўзбекистон Давлат нашриётида (1939—41), Тошкент киностудиясида директор (1946—47). Илк мақолалар тўплами — «Янги турмуш учун кураш» (*Зиё Саид* б-н ҳамкорликда, 1930). Шундан кейин С.нинг «Қора кунлар кўланкаси» (1931), «Унутилмас кунлар» (1932) тўпламлари чоп этилган. Дастлабки пьесаси — «Тарих тилга кирди» (1931, Зиё Саид б-н ҳамкорликда). «Уйғониш» (1938), «Шарқ тонги» (1948) пьесаларида 1916 й. Жиззах қўзғолони, Ўзбекистонда шўролар тўзуми ўрнатилиши акс эттирилган. С. «Ҳаёт мактаби» (1954), «Кимга гул, кимга ғам» (1963), «Тўкаев бобир» (1974, Е. Ҳувайқулов б-н ҳамкорликда) каби пьесалар муаллифи.

С. ўрушдан кейинги йилларда «Очерклар» (1950) тузади. «Олимхон Султонова», «Халича Аҳророва» (1953), «Катта карвон йўлида» (1960), «Узоқни кўзлаган қиз» (1961), «Инсон иши» (1971) синтари қисса ва очерклари ёзган. С.нинг «Кўрган-кечирганларим» (1968) автобиографик қиссаси ва «Наврўз» (1973) романида 20-й.лардаги Самарқанд ва Жиззах шаҳарларидаги қизилоқ кишилари ҳаёти тасвирланган. С. иштирокида «Уйғониш» (1957) ва «Ер фарзанди» (1961) фильмларининг сценарийлари яратилган.

Ас. Танланган асарлар [4 жил.]. 1—4-жилдар, Т., 1974—77.

Ад. Убайдуллаев Ш., Назир Сафаров, Т., 1976.

САФАРОВ Рубен Акопович (1930.16.1, Андижон ш.) — ҳуқуқшунос, ёзувчи. Ўзбекистон ФА академ. (2000), тарих фанлари д-ри (1982), проф. (1983). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1980). Москва юридик ин-тини тугатган (1953). «Андижанская правда» вилоят газ.да адабий ходим, бўлим мудири, муҳаррир ўринбосари (1953—64), муҳаррир (1964—72). Ўзбекистон КП МК тарғибот-ташвиқот бўлими мудири ўринбосари (1972—79). Ўзбекистон нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат қўмитаси (кейинчалик Давлат матбуот қўмитаси) раисининг ўринбосари (1979—88). «Правда Востока» газ. бош муҳаррири (1988—96), «Ўзқишлоқмашхолдинг» компаниясининг иш бошқарувчиси (1996 й.дан).

С. бадиий ижод б-н шуғулланиб, «Уста ва амир» (1985), «Устанинг тақдири» (1987), «Подшоҳ мунажжим» (1994), «Йўқотилган умидлар» (1997) каби тарихий романлар, бир қанча қиссалар яратган.

САФАРОВ Фирудин Саттор ўғли (1933.1.8, Боку) — опера режиссёри. Ўзбекистон халқ артисти (1986). Озарбайжон давлат консерваториясини (1957), Ленинград давлат консерваториясини (1968) тугатган. 1953—64 й.лар Озарбайжон симфоник оркестрида ишлаган. Озарбайжоннинг биринчи профессионал опера реж.и. С. кенг диапазонли реж. бўлиб, асарнинг гоявий-бадиий мазмунига чуқур кириш, ёркин саҳна тили ва юқори саҳна маданияти б-н ажралиб туради. 1969—77 й.лар М.Ф. Охундов номидаги Озарбайжон давлат опера ва балет театрида, 1977—86 й.лар Навоий театрининг бош реж.и, 1986 й.дан постановкачи-реж. «Лайли ва Мажнун», «Гўрўғли», «Пётр I», «Фауст», «Садоқат», «Карга мотками», «Отелло», «Майсаранинг иши», «Ҳаётбахш ўлим», «Саят-Нова», «Бўрон», «Иоланта», «Она юраги», «Хива ордени» каби операларни саҳналаштирган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1981). «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (2003).

САФЕДКЎҲ — Афғонистондаги тог тизмаси. Паропамиз тог системасининг ўқ қисми. Энг баланд жойи — 3642 м. Кенглик бўйлаб 350 км га чўзилган. Мургоб ва Ҳерируд дарёлари водийларини ажратиб туради. Асосан, оҳактошлардан тузилган. Жарлар б-н ўйилган; ён бағирларида чала чўл ўсимликлари ўсади, арчазор ва пистазорлар бор.

САФИ, Асфи — Марокашнинг ғарбий қисмидаги шаҳар. Сафи вилоятининг маъмурий маркази. Аҳолиси 262,3 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Атлантика океани соҳилидаги балиқ овлаш ва савдо порти (четга фосфорит, балиқ консервалари, суперфосфат чиқарилади). Т.й. орқали Юсуфия, Маррокаш ва б. шаҳарлар б-н боғланган. Жаҳонда йирик фосфор кислотаси и.ч. марказларидан. Балиқ консервалаш, тўқимачилик саноати корхоналари, кема верфи бор. Балиқ овланади. Шаҳарга 11-а.да асос солинган.

САФИУДДИН ал-УРМАВИЙ, Сафиуддин Абдулмўъмин бин Юсуф ал-Урмавий (1215, Эрон Озарбайжони, Урмия — 1294, Бағдод) — Шарқ мусиқа назариётчиси, бастакор, созанда ва хонанда. С. ал-У. Бағдодда вафот этганлиги сабабли Ғарб олимлари ал-Бағдодий деб ҳам юритадилар. Маҳмуд аш-Шерозийнинг ёзишича, ўз замонасининг Шарқ мусиқа назарияси бўйича тенгсиз олими бўлган. Унинг «Куй яратишга доир Шарафия (Шарафуддин) рисоласи» («Рисолат уш-Шарафийя ф-ин-нисбат-ит-таълифийя»), «Мусиқа ва ритм доираларн китоби» («Китоб ул-адвор») асарларн Шарқ мусиқа назарияси тараққиёти тарихида алоҳида ўрин тутади. С. ал-У. бу рисолаларида *Ўн икки мақом*, олти овоза, 24 шўъба ва усул доира (туркум)ларини биринчи бўлиб яхлит тизимга солиб ўрганиб чиқди. Шунингдек, мазкур асарларида *нағма* ҳосил этиладиган манбалар, *бўғдлар*, *жинслар*, *жамлар*, *алҳон*, чолғу асбоблар, *айқо* масалаларини таҳлил қилган. С. ал-У. назарий қарашларини, мусиқа ижросига доир фикрларини исботлаш учун Шарқ халқлари куйларидан 2 тасини жадваллаштириб, дастлабки нота ёзувларини яратган. С. ал-У.нинг мусиқага доир рисолалари Шарқ халқлари, жумладан, Ўрта Осиё халқлари мусиқа маданиятида алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг иккала китобини француз олими Д.Р.Эрланже француз тилига таржима қилиб, нашр эттирган.

Ад.: Ражабов И., Мақомлар масаласига доир, Т., 1963.

САФО-ГАРАЙ (1510—1549) — Қозон хони (1524—49). Қрим шаҳзодаси Фотиҳ-Гарайнинг ўғли. Қозон тахтини амакиси Соҳиб-Гарайдан сўнг эгаллаган. С.-Г. ҳокимияти йирик мулкдорлар томонидан чекланган эди. Қрим хонлиги ва Нўғай Ўрда б-н мустаҳкам алоқада бўлиб, Россияга қарши ҳарбий юришлар қилган (1535—37, 1541—42). Халқ ҳаракатлари (1532, 1545—46, 1549), мулкчилик жараёнининг чуқурлашуви ва Қрим мулкдорларининг саройлари мавқеларини кучайиши С.-Г. ҳокимиятини заифлаштирган. Ўзи икки марта тахтдан ағдатирган. С.-Г. даврида Қозон хонлигининг «тоғлик томони» аҳолиси (чувашлар, тоғли марийлар ва б.) рус фуқаролигини қабул қилган.

САФОЕВ Даврон Искандарович (1932.30.12, Самарқанд) — театр рассоми, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1975). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1961). 1951—71 й.лари Тожикистонда ишлаган. 1971 й.дан Самарқанд давлат опера ва балет театри (ҳоз. Ҳамид Олимжон номидаги мусиқали драма театри)да бош рассом. Ижодини «Хорпуштак» (Тожикистон) сатирик жур.да бош рассомлик б-н бошлаган (1953—55). С. бесаган спектаклар: «Гулсанам», «Тог қизи», «Шоир қалби», «Комде ва Мунаван», «Асрга тенг кун», «Уйғониш», «Самарқанд афсонаси», «Муҳаббат тароналари», «Алпомиш» ва б. С. шунингдек, портретлар («Ҳофиз Шерозий», «Абдураҳмон Жомий», «Ота портрети» ва б.), ҳажвий асарлар («Раис пахта тераги», «Дангасалар», «Никоҳ ва суд» ва б.) муаллифидир.

САФОИЛ, сапан — урма чолғу асбоби, иккита таёқчага бўш қилиб ўрнатилган темир ҳалқаларга кичик ҳалқачалар киягизилган шақилдоқ. Ижрочи С.ни елкасига салгина уриб олиш ва силташ йўли б-н муайян усулларни ижро этади. Асосан, уйғур, қисман бошқа Ўрта Осиё халқларида тарқалган. Ўзбек халқи орасида машҳур уйғурча рақс куйларида кенг қўлланилган. Ўтмишда С. дарвишларнинг жўрнавоз чолғуларидан бўлган. С. миллий ансамблар ва халқ чолғу асбоблари оркестрларида ҳам фойдаланилади.

САФРО — *Ўт.*

САФРОЎТ — қ. *Авран.*

САФФОРИЙЛАР — *Саффорийлар давлатида* ҳукмронлик қилган сулола. Улар 9-а.нинг 2-ярмида Ўрта Осиёнинг жануби б-н Эрон чегараларида яшаган. С. номи унинг асосчиси *Яъқуб ибн Лайс* ас-Саффор номидан олинган. С.нинг йирик ҳукмдорлари: Яъқуб ибн Лайс (867—879); *Амр ибн Лайс* (879—902).

САФФОРИЙЛАР ДАВЛАТИ — Эронда *саффорийлар* сулоласи ҳукмронлик қилган давлат (861—900). Сейистонлик деҳқон Яъқуб ибн Лайс ас-Саффор асос солган. 9-а.нинг 2-ярмида Ўрта Осиё ва Эрон чегарасида халқ ҳаракатлари кучайиб кетади. Бу халқ ҳаракатларидан мистар ака-ука Яъқуб ва *Амр ибн Лайс*лар ўз ниятларини амалга оширишда фойдаландилар. Аввал улар қароқчилик қиладилар, сўнгра Сейистондаги «гозийлар» («эътиқод учун курашувчилар») қўшинига қўшиладилар. Яъқуб тез орада бу қўшиннинг бошлиғи бўлиб олади. У 861 й.да Сейистоннинг пойтахти Заранж ш.ни *тоҳирийлардан* тортиб олди. 873 й.да уларга сўнгги зарбани бериб пойтахт Нишопурни эгаллайди. Натижада араб халифаси Хуросон нойблигини Яъқубга топширишга мажбур бўлади. 876 й.да Яъқуб катта қўшин б-н Бағдод томон йўл олди. Бу жангда Яъқуб халифа қўшинидан мағлубиятга учради ва у орқага қайтди. 879 й.да Яъқуб вафот этиб тахтга укаси Амр ибн Лайс ўтирди ва халифага ўз вассаллигини билдирди. Бунга жавобан халифа Амр ибн Лайсни Хуросон ва Эроннинг нойби эканлигини қайд қилувчи ёрлиқ юборди. Бу даврга келиб Мовароуннаҳрда *сомонийлар* сулоласи кучайиб

бораётган эди. Халифа ал-Муътазид (892—902) Исмоил Сомоний Мовароуннаҳр ҳокимлигидан туширишни ва у ерга Амр ибн Лайсни ҳоким қилиб тайинлаганини эълон қилди. Мовароуннаҳр ноиблиги тўғрисидаги ёрлиқни олган Амр ибн Лайс Исмоилга қарши қўшин тортди. 900 й.да Бухоро остонасида Амр ибн Лайс қўшинлари тор-мор этилди. Тоҳир ибн Муҳаммад бир неча марта ҳаракат қилиб Саффорийлар давлатини тиклай олмади. 9-а. бошларида Сомонийлар мулкига қўшиб олинди.

САХА (Saha) Мегнад (1893.6.10, Дакка, ҳоз. Бангладеш — 1956.16.2, Янги Деҳли) — ҳинд физиги ва астрофизиги. Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1927 й.дан). Калькутта ун-тини тугатган (1915). Калькуттадаги фанлар бўйича Миллий ин-т аъзоси ва президенти (1937—39). Калькуттадаги Ядро физикаси ин-ти асосчиси (1951) ва унинг фахрий аъзоси. Илмий ишлари термодинамика, статистик физика, ионлаш назарияси, нурланиш назарияси, астрофизика, радиотўлқинлар тарқалиши назарияси, ядро физикаси ва б.га оид. Газларнинг юқори т-рада ионланиш назариясига ва уларни юлдузлар атмосферасини ўрганишда қўллашга оид ишлари фанда катта аҳамиятга эга.

САХА (Якутия), Саха Республикаси — Россия Федерацияси таркибидаги республика. Шарқий Сибирнинг шим.да, ҳудудининг 1/3 қисмидан кўпроғи Шим. қутб доирасида жойлашган. Новая Сибирь о.ларини ўз ичига олади. Майд. 3103,2 минг км². Аҳолиси 948,1 минг киши (2002). Пойтахти — Якутск ш. 33 туман, 13 шаҳар ва 62 шаҳарча бор.

Давлат тузуми. С. — республика. Республика раҳбари ва ижроия ҳокимият бошлиғи — президент. Ҳокимиятнинг олий ижроия органи — раис бошчилигидаги ҳукумат. Қонун чиқарувчи орган — икки палата (республика палатаси ва вакиллар палатаси)дан иборат Давлат мажлиси (Ил Тумэн).

Табиати. С. ҳудудининг 2/3 қисмидан кўпроғини тоғ ва ясситоғликлар эгаллаган. Энг йирик тоғлари: Юқори Яна, Черский (Победа тоғи 3147 м — С. даги энг баланд нуқта), улар орасида Яна-Оймякон тоғлиги бор. Жан.да Алдан тоғлиги, ғарбида Ўрта Сибирь ясситоғлиги, шим. ва марказида Яна-Индигирка, Колима ва Марказий Якутия (Вилюй) пасттекисликлари жойлашган. Фойдали қазилмалардан олтин, олмос, темир рудаси, исланд шпати, ёнувчи газ, нефть конлари бор. Иқлими кескин континентал; қиши совуқ, 8 ой давом этади. Янв.нинг ўрта т-раси С. марказида —34°дан —50 гача. Шим. ярим шарнинг энг совуқ жойлари: Верхоянск-Оймякон (—72,2° гача). Ёзи қисқа, илиқ. Июлнинг ўртача т-раси 18—19°. Йиллик ёғин —200—700 мм.

С. ҳудудининг ярмидан кўпи Лена ларёси ва унинг ирмоқлари — Алдан, Вилюй, Олёкма ҳавзасида. Шим.да Анабар, Оленёк, Яна, Индигирка, Алазея, Колима дарёлари оқади. Дарёлардан кема қатновида, ёғоч оқизишда, гидроэнергия олишда фойдаланилади. С.нинг кўп қисми *абадий музлоқ* ерлардан иборат. Тоғли (музлаб ётган) жойларда тайга тупроқлари ва тог тундра тупроқлари учрайди. Марказий С.да чимли ўрмон, қумоқ, аллювиал-ўтлоқи тупроқлар, қолган жойларда тог-ўрмон ва тундра-глейли тупроқлар тарқалган. Ҳудудининг 9/10 қисми ўрмон (ҳаскари тилоғоч) б-н қопланган. Қутб тулкиси, олмахон, оқ қуён, тулки, соболь каби мўйнали ҳайвонлар овланади, сувларида балиқ кўп. С. ҳудудида Олёкма табиий қўриқхонаси, Мом, Синий, Усть-Вилюй, Лена табиий боғлари бор.

Аҳолиси. Саха (33,4%), рус (50,3%), украин (7%), татар (1,6%), эвен, эвенк, юкагир, чукча ва б. яшайди. Шаҳар аҳолиси 64,2%. Республиканинг давлат тили — саха ва рус тили. Динлорларнинг аксарияти православлар. Йирик шаҳарлари — Якутск, Нерюнгри.

Тарихи. С.да юқори палеолит даврилан одам яшайди. Мил. ластлабки асрларда С. ҳудудига эвенкларнинг аждодлари кўчиб келган. 10—15-а.ларда Байкал атрофидан келган туркий қабилалар б-н туб аҳолининг аралашувидан саха халқи таркиб топган. 17-а.нинг 30-й.ларида С. Россияга қўшиб олинди. 1632 й. руслар Якутск қалъасини қуриб, ўлкани бошқариш марказига айлантирди. 19-а. 40-й.ларида Олёкма ва Витим дарёлари бўйида олтин конлари топилди. 19—20-а.ларда подшо ҳукумати С.ни сиёсий маҳбуслар сургун қилинадиган жойга айлантирди. 1922 й.да Россия Федерацияси таркибида Якутия мухтор совет республикаси ташкил этилди. Совет ҳокимияти бу ўлканинг бебаҳо табиий бойликларини бутун мамлакат иқтисодиётига хизмат қилдирди. 1990 сент.да республиканинг давлат суверенитети эълон қилинди. 1991 й. окт.да президент лавозими таъсис этилди, 1991 й. декда номи ўзгартирилиб, С. (Якутия) Республикаси деб аталадиган бўлди.



Хўжалиги. Кончилик ва ич. саноати иқтисодиётнинг асосини ташкил этади. Умумроссия ва жаҳон бозорига ноёб хом ашё — мамонт сўнги ва бўғу шохи етказиб беради. 1990—2000 й.ларда ялпи маҳсулотда саноатнинг улуши 53,5%, қ.хнинг улуши 2,9%, қурилишнинг улуши 4,1%, транспортнинг улуши 3%, савдонинг улуши 7,1% бўлди. Барча корхоналарнинг 65,3% хусусий, 11,5% давлатга қарашли.

Саноатнинг асосий тармоқлари: рангли металлургия (саноат ч.х. умумий ҳажмининг 77,4%), ёқилғи (10,3%), электр энергетика (7,4%), озиқ-овқат (2,2%), ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз (0,7%), биноқорлик материаллари саноати (0,6%), машинасозлик ва металл ишлаш (0,4%), енгил саноат (0,2%). Энергетика маҳаллий кўмир, табиий газ, гидроэнергия захиралари ва келтирилган нефть асосида ишлайди (Вилюй ГЭС, Якутия, Нерюнгри ва Чульман ГРЭСлари). Кончилик саноатида олмос, олтин, қалай, сурма, симоб, вольфрам, кўмир қазиб олинади. Жатай шаҳарчасида кемасозлик ва кема таъмирлаш з-ди. Лена ва Олёкма туманларида ўрмон саноати ривожланган.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 27,8% деҳқончиликка, 72,2% чорвачиликка тўғри келади. С. ҳудудининг тахм. 900 минг гадан фойдаланилади. Бу ерларнинг асосий қисми яйловзор ва яйлов, 1/10 қисми ҳайдалади. Чорвачилигида қорамол, от, бўғу боқилади, мўйнабоп даррандачилик ва овчилик (олмахон, тулки, оқ сувсар, ондатра, оқ қуён, соболь боқиш ва овлаш) ривожланган; балиқ овланади. Деҳқончиликда галла (бугдой, арпа, сули), картошка, сабзавот экилади.

Транспортнинг барча турлари мавжуд. Т.й. узунлиги — 165 км, қаттиқ қопламали автомобиль йўллари уз. 7190 км. Ички сув йўллари уз. — 11,7 минг км. Лена ва Колима дарёлари қуйилиш жойида 2 та денгиз порти (Тикси ва Зеленый Мис). Якутскда халқаро аэропорт, Таас—Тумус—Якутск—Покровск газ қувурлари бор. Шим. денгиз йўли бўйлаб кемалар қатнайди.

Тиббий хизмати, маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. 1990-й.лар охирида С.да 5187 врач аҳолига тиббий хизмат кўрсатди. С. сил касалликлари и.т. институти бор. 711 умумий ўрта таълим мактабида 198 минг, 20 ўрта махсус ўқув юртида 10,8 минг ўқувчи, 2 олий ўқув юрти — С. давлат ун-ти ва Қ.х. академиясида 8,1 минг талаба таълим олди. Россия ФА Сибирь бўлимининг Илмий маркази тарих, тил ва адабиёт, биология, Шим. физикатехника муаммолари, Шим. кончилиги ин-тларини бирлаштиради. Россиялаги ягона музлоқшунослик илмий тадқиқот ин-ти шу ерда жойлашган. 10 санаторий-курорт муассасаси бор. Телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар саха ва рус тилларида олиб борилади. Якутскда телемарказ ишлайди.

Адабиёти саха халқининг қаҳрамонлик эпоси — олонхо (достонлар туркуми), эртак ва қўшиқлар, тарихий ривоятлардан бошланади. Уларда сахаларнинг 8—9-а.лардаги ҳаёти, бошқа туркий халқлар б-н қўшничилиги, душманга қарши курashи акс этган. Саха ёзма адабиёти 20-а. бошларида пайдо бўлди. А.Кулаковский, А.Софронов, Н.Неустроев асарларида саха халқининг укубатли ҳаёти, оғир меҳнати тасвирланган. 20-й.ларда дастлабки замонавий достон ва қиссалар босилиб чиқди, ҳикоянавислик ривожланди (П.Ойунский, Н.Неустроев, А.Иванов-Кюндэ ва б.). 30-й.ларда Эллэй (С.Кулачиков), Аммаччигийа (Н.Мординов), Эрилик-Эристин (С.Яковлев), Омоллон (Д.Сивцев), А. Кудрин (Абачинский) каби ёзувчиларнинг воята етиши саха адабиётини равнақ топтирди. Улар ўзларининг назмий ва драматик асарларида халқнинг меҳнати ва ҳаётини ҳақконий тасвирладилар. 50—90-й.ларда саха адабиёти Болот Боотур, П.Тобуроков, С.Тарасов, С.Руфов, И.Данилов асарлари б-н бойиди.

Саҳалари кўл.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Саҳаларнинг қад. турар жойлари тўғри бурчакли режадаги ёғоч ўтовлар ва «буоржие» деб аталган бостирмалардан иборат бўлган. Ёзда синчдан тикланиб, томи қайин пўстлоғи б-н ёпилган «ураса» (чайла)да яшаганлар. 19-а.дан ёғоч деворли уй (изба)лар урф бўлди. 17-а.да тик қалалган учли ходалардан қалъа (остроғ)лар қурилди. Кейинчалик улар ўрнида Якутск, Вилюйск, Олёкминск, Верхоянск, Среднеколимск шлари пайдо бўлиб, 18-а.да тошдан бинолар қурила бошлади. 19—20-а.ларда С. ер ости бойликлари ўзлаштирилиши муносабати б-н Алдан, Ленск, Мирный, Нерюнгри шлари қад. кўтарди, улардаги бино ва иншоотлар йирик блок, панель ва пишиқ тошдан қурилди. 20-а.нинг 2-ярмида Якутскда Рус драма театри (1957, меъмори И. Бондарев), аэровокзал (1963, меъморлари Н. Суханов), ун-т (1967, меъмори И.Бондарев) ва б. қурилди.

С. ҳудудида неолит, жез ва илк темир даврларига оид сопол идишлар, бугу шохидан ясалган бадиий буюмлар, қояларга ишланган ов манзаралари тошларга ишланган от ва ов сахналари сақланган. Халқ ижодкорлигининг ҳар хил турлари (ёғоч ўймакорлиги, каштачилик, заргарлик, мамонт суяги ва мюрж тишидан бадиий буюм ҳамда ҳайкалтошидан бадиий буюм ҳамда ҳайкалтошлар, мўйнадан нақшли кийим ва гиламлар ясаш кабилар) б-н қадимдан шуғулланиб келинган. Кейинги даврда профессионал тасвирий санъат ривожлана бошлади. 20-а.нинг 30-й.ларида рассомлардан Н.Носов, И.Попов, В.Кандинский, П. Романов, ҳайкалтарош П. Добринин, 50—80-й.ларда рангтасвирчилардан Л.Ким, Л.Габишев, Ф.Павлов, А.Осипов, графиклардан В.Васильев, Л.Неофитов, ҳайкалтарошлардан С.Егоров, К.Пшенников, К. Герасимов, Т.Аммосов ва б. ижод қилди. Амалий безак санъати турлари қайта тикланди.

Мусиқаси ўзига хос яккахонлик, давра қўшиқларидан иборат. Олонхосут деб аталувчи оқинлар мураккаб олонхо достонларини зўр маҳорат (гоҳ эртаксимон чўзиб, гоҳ жанговар жазава) б-н ижро этадилар. Ишқий ва рақсбоп қўшиқлар эса шўхчан оҳангда айтилади. Давра бўлиб тушиладиган рақслар осуоҳай деб аталади. Чолғу асбоблари: киримпа (саҳача чижжак), хомус (саҳача чанг қўбиз), кюпсюр (барабан) ва б. 1920 й. Якутскда симфоник оркестр, 1921 й. мусиқа студияси, 1936 й. С. миллий театри ҳузурида хор ташкил этилган. Г.Григорян, Г.Литинский, Л.Вишкарёв, Г.Комраков, Ж.Батуев ва б. композиторлар турли мусиқа жанрларини ривожлантирдилар. Ижрочилар орасида дирижёрлар М.Бенедиктов, А.Кулешов, Г.Кривошапко, Г.Таннгин, опера реж. А.Егорова, хонандалар М.Лобанов, А.Ильина машҳур. Бир неча мусиқа билим юрти бор.

Театри. Саха фольклорида, айниқса, олонхо эпосида театр ҳаракати унсурлари бўлган. 20-а. бошларида бадиий ҳаваскорлик ривожланди. Саха тилидаги биринчи спектакль 1906 й. ҳаваскор халқ оқинлари ижросида саҳналаштирилди. 1920 й. Якутскда рус драма театри (ҳоз. Давлат драма театри) ташкил этилди. 1925 й. шу театр қошида

Марказий Саха.

саха труппаси ишлай бошлади, бу труппа 1926 й. миллий театрга айлантирилди. Унда маҳаллий ёзувчилардан Н.Неустроев, П.Ойунский, Д.Сивцев, С.Ефремов ва б.ларнинг пъесалари, халқ қаҳрамонлик эпослари асосидаги асарлар қўйилди. Якутскда П. Ойунский номидаги драма театри, Нюрбада сайёр драма театри бор. Таниқли театр арбоблари: В.Местников, Д.Ходулов, С.Григорьев, Д.Слепцов, Г.Колесов ва б.

САХА ТИЛИ — туркий тилларнинг шарқий тармоғига мансуб тил; РФнинг Саха Республикасида, қисман Амур, Магадан, Сахалин вилоятларида, Таймир ва Эвенк мухтор вилоятларида тарқалган. С.т.да 430 мингдан ортиқ киши сўзлашади (1993). Марказий, шимол, шим.-ғарбий ва таймир шева гуруҳлари фарқланади. Морфологияси агглютинатив характерда бўлиб, сонлар, олмошлар ҳамда келишиклар бўйича бошқа туркий тиллардан бир қадар фарқланади. Лексикасида ўз фонетик қиёфасини сақлаб қолган мўғулча ўзлашмалар, шунингдек, эвенк ва рус тилидан кирган сўзлар кўплаб учрайди.

С.т.нинг умумхалқ ёзуви 1922 й.да С.А.Новгородов томонидан яратилиб, 1924 й.да такомиллаштирилган; 1929 й.дан лотин графикаси асосидаги, 1939 й.дан эса рус графикаси асосидаги ёзувга алмаштирилган. Адабий тил Саха Республикасининг марказий ҳудудидаги сўзлашув тили асосида ривожланган.

САХА ФОРМУЛАСИ — газнинг термик ионланиши даражасини аниқлашда татбиқ қилинадиган формула. М. *Саха* юлдузлар атмосферасининг ионланишини тушунтириш учун келтириб чиқарган:

$$K_e = \frac{\alpha^2}{1-\alpha^2} =$$

$$= \frac{2g_i}{g_o}\left(\frac{2\pi m}{h^2}\right)^{1.5}\frac{(kT)^{\frac{3}{2}}}{p}e^{-W_i/kT}$$

бунда K_e — мувозанатдаги газ ионланиши доимийси; m — электрон массаси; Wi — ионланиш энергияси; k — Больцман доимийси; T — мутлақ т-ра; h — Планк доимийси; p — газнинг парциал босими; α — ионланиш даражаси; g_o ва g_i — нейтрал атом ва ионнинг статистик оғирлиги.

Бу формула статистик мувозанатдаги газга ҳам татбиқ қилинади ва амалда ундан кенг фойдаланилади.

САХАЛАР (рус манбаларида якутлар) — халқ. Саха Республикасининг туб аҳолиси (365 минг киши, 1990-й.лар ўрталари). Россияда жами 380 минг киши. *Саха тилида* сўзлашади. Диндорлари — православлар. С. этногенези жуда мураккаб. С. Байкал бўйидан Лена дарёсининг ўрта оқими бўйига кўчиб келиб (10—14—15-а.лар), ҳуб аҳоли *Эвенклар*, *юкагирлар*) б-н қўшилиб кетишган. С. туркий забон халқлардан узоқлашиб кетсаларда, чорвачилик б-н шуғуллансаларда, лекин уз қўшнилари — Шим.да яновчи, овчилик хўжалиги юритувчи кичик халқлардан кескин фарқ қилишади. С., шунингдек, деҳқончилик, полизчилик, балиқ овлаш, бугучилик ва ҳунармандчилик б-н шуғулланади.

Сахалар. Аньанавий ёпиғ турар жой.

САХАЛИН — Осиёнинг шарқий қирғоқлари ёнидаги орол. РФ Сахалин вилояти таркибида. Уз. 948 км, эни 100 км га яқин, майд. 76.4 минг км². С.ни материкдан Татар бўғози ажратиб туради. Охота ва Япон денгизлари б-н ўралган. Қирғоқлари бўйлаб чўзилган тоғлар (энг баланд жойи — Ломатин тоғи, 1609 м) орасида пасттекисликлар жойлашган, шим. қисми текислик. Тоғлар, асосан, қумтош, сланецлар, метаморфланган жинслар ва қум гиллардан таркиб топган. Оролда тошкўмир (ғарбий қисмида) ва нефть (шим.-шарқида) конлари бор.

Иқлими мussонли иқлим. Жан.-ғарбий соҳили Цусима оқими таъсирида анча илиқ. Йилига 400—750 мм ёғин ёғади. Асосий дарёлари — Тимь ва Поронай. Тупроқлари подзол, ботқоқ ва аллювиал тупроқлар. Ер юзасининг аксари қисми ўрмон (оққарағай, қорақарағай, пакана кедр, тилоғоч). Ўрмонлар тагида бўлиқ ўтлар ўсиб ётади. Орол ғарбида курил бамбукзорлари учрайди. Ҳайвонот дунёси Сибирникига ўхшаш, лекин бирмунча камбағалроқ. С. европаликларга 17-а.дан маълум бўлса ҳам унинг орол эканлиги фақат Г.И.Невельский экспедицияси вақтида (1848—49) аниқланди. 1855 й. тузилган Россия—Япония шартномасида С. икки давлат ўртасидаги умумий мулк деб белгиланди. 1875 йил келиб С.ни Россия бутунлай эгаллади. Россиянинг мағлубияти б-н тугаган Россия—Япония урушидан сўнг икки ўртада тузилган Портсмут сулҳ шартномасига (1905) кўра, Жан. С. (50° ш. кадан жан.) Японияга ўтди.

1920—25 й.ларда оролнинг шим. қисми ҳам Япония тасарруфида бўлди. 1925 й. мандан ина Россия таркибида. 1932 й.дан дастлаб Узоқ Шарқ ўлкаси таркибига, 1938 й.дан Хабаровск ўлкаси таркибига кирган *Сахалин вилояти* ташкил этилди. 1945 й. Жан. Сахалинни ҳам Россия эгаллади. Крим (1945) ва Потсдам (1945) конференцияларининг қарорларига биноан Жан. Сахалин Россияга берилган эди.

САХАЛИН ВИЛОЯТИ — РФ таркибидаги вилоят. 1932 й. 20 октда ташкил қилинган. Россиянинг энг чекка шарқий қисмида жойлашган. Таркибига Сахалин о., Курил, Монерон ва Тюлений о.лари киради. Охота ва Япон денгизлари б-н ўралган. Майд. 87,1 минг км². Аҳолиси 546,5 минг киши (2002), асосан, руслар (81,6%), шунингдек, украин, корейс, белорус, татар, мордва; шимол халқлари — нивх, ороч, эвенк ва б. яшайди. Шаҳар аҳолиси 85,7%. Маркази — Южно-Сахалинск ш. Бошқа йирик шаҳарлари: Холмск, Корсаков. Вилоят таркибида 17 маъмурий туман, 18 шаҳар, 31 шаҳарча бор.

Ҳудудининг катта қисмини Сахалин о. эгаллайди. Анива, Терпение қўлтиқлари, Шмидт, Терпение, Тонино-Анива, Крильон о.лари бор. Соҳил бўйлаб Ғарбий Сахалин тоғлари (баланд 1330 м гача. Онор тоғи) ва Шарқий Сахалин тоғлари (энг баланд жойи Ломатин тоғи, 1609 м). шим.да Шим. Сахалин тоғлари жойлашган. Фойдали қазилмалардан нефть, газ, тошкўмир, олтин ва б. бор. Иқлими мўътадил, мussонли.

Тинч океани соҳили. Итуруп ороли.

иқлим. Январнинг ўртача т-раси —6° дан (жан.да) —24° гача (шим.да), августники 19° дан (жан.да) 10° гача (шим.да). Тоғларда йилига 1200 мм гача ёғин тушади (текисликларда 600 мм гача). Асосий дарёлари — Тимь ва Поронай. Кўл ва ботқоқлик кўп. Тупроқлари подзол, ботқоқ ва аллювиал тупроқлар. Тоғларда қорақирғай, оққарағай, тош қайин, кедр, тилоғоч ўсади, шунингдек (жан.-ғарбида), лиана ли кенг барглн ўрмонлар (актинидия, лимонник, узум) учрайди. Ҳайвонлардан айиқ, тулки, росомаха, Сибирь сувсари, олмахон, бўрондуқ, шим. бугуси; қушлардан қайра, топорқа, қоравойлар ва б. манжур. Денгиз ҳайвонларидан сивуч, денгиз мушуги; дарёларда лосось балиғи бор. Поронай кўриқхонаси ташкил қилинган (С.н. тарихи ҳақида *Сахалин, Курил оролари* мақолаларига қ.).

Саноатининг етакчи тармоғи — балиқ ва денгиз ҳайвонларини овлаш ва денгиз маҳсулотларини қайта ишлаш. Ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз, енгил, озиқ-овқат, қурилиш материаллари саноати корхоналари бор. Кўмир («Сахалинуголь»), нефть ва газ қазиб олинади. Сахалин иссиқлик электр стяси ишлаб турибди. Асосий саноат марказлари: Южно-Сахалинск, Корсаков, Невельск, Холмск, Оха, Углегорск, Шахтёрск ш.лари, Ноғликн шаҳарчаси.

С.в.да картошка, сабзавот, ем-хашак экинлари экилади. Гўшт-сут чорвачилиги, паррандачилик, даррандачилик; шим.да бугучилик ривожланган. Денгиз портлари: Корсаков, Холмск, Невельск, Углегорск, Поронайск, Александровск, Сахалинск ва б. Т.й. узунлиги 957 км, қаттиқ қопламали автомобиль йўллар уз. 1813 км (2002). Педагогика ин-ти, драма театри, филармония, ўлкашунослик музейи ишлаб турибди. Синегорск минерал суви (Южно-Сахалинск ш.да), Горячий Пляж (Куншир о.да) курортлари бор.

САХАРИМЕТРИЯ (рус. сахар — қанд, шакар ва *метр*) — эритмадаги қанд миқдорини аниқлаш усули. Эритмадан ўтказилган ёруғлик қутбланиш текислигининг бурилиш бурчагини ўлчашга асосланган. Махсус асбоб сахариметрдан фойдаланилади. Сахариметр, асосан, анализатор ва поляризатор каби асбоблардан иборат. Эритма солинган найча шулар орасига қўйилади. Бурилиш бурчагини ўлчаш учун анализаторнинг икки (эритмали ва эритмасиз) вазиятлари фарқини аниқлаш керак. Эритмали найча б-н анализатор орасига махсус компенсатор қўйилади. С.да ўлчаш шартлари стандартлаштирилади, сахариметр шкаласи эса % ларда даражаларга бўлинади. С. қанд саноати, биол. ва тиббиётда қўлланади.

САХАРИН (*о* - сульфобензой кислота имиди) — рангсиз, ширин таъмли кристалл модда. Мол. м. 183,25. Суюқланиш т-раси 224—226°, сувда оз эрийди. Сув қўшиб қайнатилса, бемаза модда — *о* - сульфамидбензой кислота ҳосил бўлади. Металлар б-н туз ҳосил қилади. Ишқорий металли тузлари сувда яхши эрийди С. натрийли тузининг 3 молекула сувли кристаллогидрати шакардан 400—500 марта ширин; тиш пастлари, баъзи атир-упа маҳсулотларини ширин таъми қилиш учун ишлатилади. С. *о*-толуолсульфоамидни $KMnO_4$ б-н оксидлаш усулида олинади. Организмда ҳазм бўлмайди, сийдик б-н чиқиб кетади. Диабет б-н касалланганлар овқатига шакар ўрнига қўшиб берилади.

САХАРОВ Андрей Дмитриевич (1921.21.5 — Москва — 1989.20.12) — рус назариётчи физиги, жамоат арбоби, СССР да водород бомбасини яратганлардан бири (1953), акад. (1953), 3 марта Меҳнат Қаҳрамони (1953, 1956, 1962). Москва ун-тини тугатган (1942). СССР ФА нинг П.Н. Лебедев номидаги Физика ин-тида ишлаган (1945 й.дан). Илмий ишлари магнит гидродинамикаси, плазма физикаси, *бошқариладиган термоядро синтези*, элементар зарралар, астрофизика, гравитацияга онд. Бошқариладиган термоядро реакциясини юзага келтириш учун магнит майдонида қизиган плазмани қўллаш ғоясини таклиф этган (Н.Е. *Тамм* б-н ҳамкорликда). 50-й.ларнинг охирида ядро қуролларининг синашни тўхтатиш кераклиги ни синашни тўхтатиш кераклиги тўғрисида фаол иштирок этган. 60-й.ларнинг охири — 70-й.ларнинг бошида ҳуқуқни ҳимоя қилиш ҳаракатининг етакчиларидан бири (қ. *Дистинг сидентлар*). С. «Тараққиёт, тинч-тотув ишаш ва интеллектуал эркинлик тўғрисида мулоҳазалар» (1968) асарида бир-бирига қарама-қарши турган социализм ва капитализм системада ядро уруши, очлик, экологик ва демографик ҳалокат, жамият маънавиятининг инқирози, ирқчилик, миллатчилик, диктаторлик режими каби инсониятга солаётган таҳдидлар устида фикр юритди. Жамиятни демократлаштириш ва қуролсизлантириш, икки системани яқинлаштиришга олиб борадиган интеллектуал эркинлик, социал ва илмий-техника тараққиётнинг барқарор этиш масалаларини кўтарилди. Мана шу асар Ғарбда эълон қилинганидан сўнг С. ҳамма махфий ишлардан четлаштирилди. Афғонистонга совет қўшини киритилишига очиқдан-очиқ норозилик изҳор қилгани учун 1980 й. январда барча мукофотларидан маҳрум этилди ва Горький ш.га сургун қилинди. У ерда ҳам С. ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятини давом эттирди. Сургундан 1986 й.да қайтган. Тинчлик бўйича Нобель мукофоти лауреати (1975).

Ас.: Воспоминания, М., 1990.

САХАРОЗА (ҳиндча sakkhara — қум, шакар қуми) — дисахаридлар гуруҳига мансуб углевод, $C_{12}H_{22}O_{11}$, рангсиз кристалл модда. Мол. м. 342,296. *Фотосинтез*да ўсимлик барглларида ҳосил бўладиган қанд. С. барг шираси б-н бирга поя, мева ва илдизга оқиб тушиб тўпланади. С. қанд лавлагида (20—24% гача) ва шакарқамиш поясида (26% гача) бўлади. Суюқланиш т-раси 185—186°; 200° дан юқори т-рада парчаланади, сувда яхши, спиртда ёмон эрийди. Асосан, озиқ-овқат саноатида, шунингдек, *сирт фаол моддалар* олишда хом ашё сифатида ишлатилади.

САХТИЁН — эчки ва қўй терисини ўсимлик мойлари б-н ошлаб олинадиган чарм; юпқа, юмшоқ, одатда, ёркин рангларга бўялади. Мебелларга қопланш, пойабзал тикиш, атторлик буюмлари ва б. тайёрлашда ишлатилади.

САЧРАТҚИ, импетиго, шаринча — терининг юқумли йирингли касаллиги; стрептококклар ва стафилококклар қўзғатади. Аксарият ёш болаларда учрайди. Кўпинча юз, оғиз-бурун атрофи, оёқ-қўлда бўлади. Дастлаб ичида сариғимтир суюқлик бор пуфакчалар пайдо бўлиб, бир неча соат мобайнида суюқлик йирингга айланади. Бир неча кундан кейин яралар битиб, кейинчалик улар қуриб қотади ва изи қолмайди.

САЧРАТҚИ, оддий сачратқи (Cichorium intybus L.) — мураккабгулдошларга мансуб кўп йиллик бегона ўт. Пояси шохланади, сербарг, бўйи 30—130 см, пастки қисми оқ тукли. Барглари кетма-кет жойлашган. Гуллари ҳаворанг, барг қўлтиқларида калта гулбандда тўп-тўп бўлиб, поя учида эса якка савatчасимон тўпгулга йиғилган. Илдизи ўқ илдиз.

Сачратқи.

тупроққа 1,5 м чуқ. гача киради. С. илдизида 20% гача инулин бор (Европа мамлакатларида доривор экин сифатида экилади). Март—майда ўса бошлайди, июль—окт.гача гуллайди ва мевалайди. Уруғидан кўпаяди. Асосан, суторилаштирилган экинлар орасида (белазорларда жуда кўп) учрайди. Шунингдек, ташландиқ ерлар, йўл, дала, ариқ ёқалари, боғларда ўсади. Зараркунандаларга макон. Халқ табобатида офтоб урганда ва сачрама тошмаларни даволашда пояси қайнатмаси ва кулидан фойдаланилади.

Қ у р а ш ч о р а л а р и: беда уруғини тозалаш, пахта ва б. чопиқ қилинадиган, донли экинлардан бўшаган майдонларни беда экишга ажратиш, беда ни эрта ўриш ва б.

САЪВА (*Carduelis carduelis*) — чумчуқсимонлар туркуми вьороклар оиласига мансуб сайроқи қуш. Танасининг уз. 13—16 см, вазни 20 г га яқин. Пешонаси ва томоғи қизил, қаноти сариқ йўлли қора. Орқаси жигарранг, бошининг тепа қисми оқ, энсаси атрофи қора. Европа, Осиё ва Шим. Африкада тарқалган. Ўрмон, тўқай ва боғларда яшайди. Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларида учрайди. Увсини дарахт шохларига илдиз толалари, от қили ва ўсимлик толалари, жун ва патлардан қуради. 4—6 та тухум қўяди. Тухумини модаси 12—13 кун босади. Болалари 13—15 кундан кейин уясидан учиб чиқади. Уларни ота-оналари яна 6—8 кун боқади. 1 йилда 2 марта кўпаяди. Ҳашаротлар ва ўсимлик уруғлари б-н озиқланади. Қафасда боқилади.



Саъва.

САЪДИ МАХСУМ (1825 — Марғилон — 1899) — ўзбек анъанавий театрининг атоқли намояндаси, машҳур қизиқчи. *Зокир эшон* раҳбарлигида Қўқонда ташкил топган қизиқчилар тўдасида ишлаган. «Мозор», «Заркокил», «Қаландарлар», «Атторлик», «Ёзиб ўтириш», «Сичқовлик», «Уловқичилик» номли комедияларнинг яратилишида С.м.нинг ўрни катта. У гавдалантирган образлар орасида Аттор («Атторлик»), Домла («Бола ўқитиш»), Чавандоз («Уловқичилик») алоҳида ажралиб турган. С.М. образ яратишда фақат сўздан эмас, балки қўл ва тана ҳаракатлари, мимикадан жуда усталик б-н фойдаланган. Айниқса, деҳқон ва ҳунармандларнинг қиёфаларини гавдалантиришда катта ютуқларга эришган. С.м. ўқимишли бўлгани сабабли Зокир эшон тўласича корфармонлик қилган. 1892 й. Зокир эшон кафтидан сўнг, Марғилонга қайтиб келиб, ўз тўласини тузди ва ўз репертуари, тажрибасини маҳаллий қизиқчиларга ўргатади. *Юсуфжон қизиқ* Шакаржонов, Мамажон Махсум Умурзоқов, Сулаймон қори Мирзамаҳмудов, Усмон қори Раимбоев ва б. унинг шогирдларидир.

САЪДИЕВ Ёлғор Ҳабибович (1946.12.6, Тошкент) — актёр, реж. Ўзбекистон халқ артисти (1998). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1971). 1968 й.дан ҳоз. Ўзбек миллий академик драма театрида ишлайди. Шу-

Ёлғор Саъдиев Асадбек ролида («Шайтанат»).

нингдек, 1998 й.дан Ўзбекистон ички ишлар вазирлиги бирлашган таҳририяти қошидаги «Қалқон» студиясининг бадиий раҳбари. С. ижоди ижтимоий, фалсафий ва ғоявий мазмун ила йўғрилган бўлиб, қаҳрамонлар хусусиятини, ижтимоий муҳит б-н муносабатларини, ички дунёси ва кечинмаларини психологик ўткир тарзда талқин этиши б-н ажралиб туради. Қаҳрамонга драматик хатти-ҳаракат, оҳанг, имо-ишора топа олиши, унинг ички ва ташқи томонини уйғунлаштира олиши б-н диққатга сазовор. «Мирзо Улуғбек» спектаклидаги Франция элчиси саҳнадаги илк образидир. Карл Морр («Қароқчилар»), Кочкарёв («Уйланиш»), эртакчи («Қор маликаси»), Фофир («Бой ила хизматчи»), Прометей («Оловни ташлама, Прометей»), Кичик ўғил («Фариблар»), Бобур («Юлдузли тунлар»), Климков («Рўйхатларда йўқ»), Арслон («Ойна»), Абдурахмон («Меҳробдан чаён»), Филипп («Рўё», 1983 й. шу роль учун йилнинг энг яхши эркак ролини олган), Аброр Ҳидоятов («Томоша давом этади») каби роллари б-н машҳур. С. кинода «Дилбарим»да Абдусалом, «Ўн уч терак кўчаси»да Олимжон, «Армон»да Дадабўри, «Енгилмас»да Шайх Жаъфар, 20 қисмли «Шайтанат»да Асадбек роли б-н шуҳрат қозонди. «Шайтанат»нинг 7 дан 20)-қисмигача С. реж.-лик ҳам қилган. Шунингдек, телефильм, видеофильм ва телеспектакллар («Абу Али ибн Сино»да Ибн Сино, «Диснат»да Жаббор, «Гирзобола Йўлдош, «Алишер Навоий»да Бадиуззамон, «Имон»да Орифжон, «Ичкуёв»да Ўринбой, «Сўнгги ўқ»да Жаҳонгир ва б.)да ҳам ўйнаган. Реж. сифатида «Аллагани хотин яхши» (Ж.Пуаре), «Тунги меҳмон» (Ф.Богданов), «Ҳаёт яшик ортида» (С.Сирожиддинов) каби спектакларни саҳналаштирган. Дубляжда 700 та яқин фильмда овоз берган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1989).

САЪДИЕВ Ҳайрулла Ҳабибович (1940.6.12, Тошкент) — Ўзбекистон халқ артисти (1990). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1963). 1963—86 й.ларда Ёш томошабинлар театрида, 1986 й.дан Сатира театрида актёр. С., асосан, комик актёр бўлиб, драматик, характерли роллар-ни ҳам меъёрига етказиб ижро этиши, ўткир сатирик ва лирик портретлар устаси сифатида ажралиб туради. Маънеко («Полициядаги воқеа») унинг саҳнада яратган илк образидир. Кейинчалик Хлестаков («Ревизор»), Дартаньян («Уч мушкетёр»), Конфетвой («Сувон («Уч мушкетёр»), Конфетвой («Сукатой Конфетвой»), Али («Али ва Вали»), Мушук («Этик кийган мушук»), Мишка Дадоне («Тошкент — нон шаҳри»), Шум бола («Шум бола»), Афанди («Афандининг ёшлиги»), Юсуф («Тобутдан товуш») каби роллар-ни ижро этиб шуҳрат қозонди. Кино («Акмалнинг саргузаштлари»да эртакчи чол; «Шилдат»да Мамат; «Хоразм афсоналарида масхарабоз;

Ҳайрулла Саъдиев Шум бола ролида («Шум бола»).

«Тўйлар муборак»да куёвнинг дўсти; «Арслоннинг саргузаштлари»да Кўрқинч; «Хумча»да чойхоначи; «Маргиёна»да масхарабоз; «Адлоният»да Тойчахон; «Мешполвон»да Райҳон қизиқ ва б.), телевизион спектакль ва фильмларда (Шум бола, «Шум бола»; Анвар, «Излайман»; Собир, «Учрашув», Жалил, «Шайтанат» каби) ҳам суратга тушган. Махсус театрлашган дастурларда Афанди, асабий одам, лектор каби образлар яратган. С., шунингдек, телевизион миниатюралар театрининг доимий қатнашчиси.

САЪДИЙ Шерозий (тахаллуси; асл исм-шарифи Муслиҳиддин Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Мушрифиддин) (1203/1210 — Шероз — 1292.9.12) — форсигўй шоир, адиб ва мутафаккир. Шарқ халқлари орасида Шайх Саъдий номи б-н машҳур. Отаси Шероз атабеги Саъд бинни Занжийнинг мулозимларидан бўлган. Отадан ёш етим қолган С. бошлангич маълумотни тутилган шаҳри Шерозда олгач, таҳсилни халифаликнинг пойтахти, илм ва маданият маркази бўлган Бағдодда давом эттирган. «Низомия» ва «Мустансирия» мадрасаларида диний, филологик, табиий ва аниқ фанларни ўрганган. Ўз даврининг донгдор мутасаввифи ва файласуфи Шаҳобиддин Суҳравардий ҳамда йирик илоҳиётшунос Абдулфараж Абдураҳмон ибн Жавзий қўлида таҳсил олган.

Мадрасани тугатган С. Шарқ мамлакатлари бўйлаб 20 йиллик сафарга равона бўлган. Кичик Осиё ва Озарбайжон, Миср, Хуросон, Шарқий Туркистон, Ҳиндистон каби мамлакатларни бағдан уловда, баъзан пиёда кезиб чиққан. Қийинчиликлар б-н кечган бу сафарларида С. ҳаёт илмини чуқур ўрганиб, инсон феълини бутун мураккаблиги б-н англаб, ўз даврининг кўпин кўрган донишманд кишиси бўлиб етишган. 13-а. ўртасларида Шерозга қайтиб келган С. дунё ташвишларидан ўзини четга олиб, шаҳар чеккасидаги шайх Абу Абдуллоҳ Ҳафиф хонақосида фақирона ҳаёт кечирган.

Форс-тожик адабиётида С. мақоми жуда юксак. Хусусан, Дамашқда «Бўстон» («Саъдийнома», 1257) ва Шерозда «Гулистон» (1258) асарларини ёзган ва шерозлик ҳукмдор Абубакр ибн Саъд (1226—60) га тақдим қилган. С. ғазални мустақил жанр даражасига кўтарган. У ғазалчилигидаги ўзигача олиб борилган тажрибаларни ривожлантириб, такомилга етказган, кейин бу жанрни *Ҳофиз Шерозий* юксак чўққига олиб чиқди. С. ғазаллари 4 девондан иборат бўлиб, улар «Тайиббот» («Латиф ғазаллар»), «Бадоеъ» («Янги ғазаллар»), «Хавотим» («Хотима ғазаллар») ва «Ғазалиёти қадим» («Эски ғазаллар»)дан иборат. С. 2 тилда ёзиладиган шеър тури — муламмаъ (ширу шакар)нинг ҳам асосчиси. Араб тилини яхши билганлигидан у арабча мисра ва байтларни форсий б-н уйғунлаштириб, ушбу шаклни ихтиро қилган. С. таржеъбанд жанрини ҳам ривожлантирган. С. форс-тожик бадиий насрининг ҳам асосчиси ҳисобланади. Унгача фақат мактублар, ҳужжатлар, илмий ва тасаввуфий асарлар, адабий характерлаги тарихий лавҳаларгина насрда ёзилган. Бундан

ташқари, шоирнинг «Сохибия» асари, арабча ва форсча қасидалари, қитъа, рубоий ва фардлари ҳам машҳур. Унинг асарлари ўша даврда яратилган 2 «Кулливёт»и орқали сақланган. Бири шоир вафотидан 37 й. сўнг Али бинни Аҳмад бинни Абубакр Бесутун томонидан тузилган «Кулливёт» бўлиб, 19 бўлимдан иборат. Китобнинг кириш қисмида тўпловчи «Кулливёт» устида 7 й. ишлаганлигини, кўпчиликнинг маслаҳати ва ёрдами б-н бу ишни амалга оширганини ёзади. Иккинчи «Кулливёт» 13-а.га оид бўлиб, ким томонидан тўпланганлиги ёзилмаган. Шу 2 манба асосида Эрон олими Муҳаммадали Фурўғий С. «Кулливёт»ини нашр эттирган (1941). «Кулливёт»га, диний-фалсафий, насрий асарлардан ташқари, «Гулистон», «Бўстон», «Араб қасидалари», «Форс қасидалари», «Таржиббанд», шунингдек, 4 девони киритилган. Асар 18 дек. 4 девони киритилган. Асар 18 бўлимдан иборат бўлиб, 10 дан ортиқ жанрдаги асарларни ўз ичига олади.

Бир умр халқ ичида яшагани, ҳаётнинг бутун аччиқ-чучугини тотгани учун ҳам С. асарлари бошқа Шарқ шоирларидан ҳайратланарли даражада ҳаётийлиги б-н алоҳида ажралиб туради. «Бўстон» ва «Гулистон» ҳаётий ҳикоятлардан ташкил топгани, донишманд шоирнинг бу ҳикоятлар сўнгида қисқасадан ҳисса тарзида келтирган шеърлари реал турмушдан чиқарилган хулосалар эканлиги б-н жаҳон илму адаб аҳлини бирдай ўзига тортиб келмоқда. БМТ нинг Тинчлик Кенгаши биноси пештоқида «Гулистон»дан олинган қуйидаги мисралар битилган: «Одам боласи ибтидода бир гавҳардан бино бўлганлари туфайли яхлит бир вужуд кабидирлар. Бинобарин, замон унинг бир аъзосига жароҳат етказса, бошқа аъзолари ҳам ўз тинчини йўқотади».

С. ўзидан кейинги Шарқ адабиётига кучли таъсир кўрсатган. Шоир асарлари қадимдан ўзбек халқи орасида ҳам машҳур. «Бўстон» ва «Гулистон» мадрасаларда асосий дарсликлар қаторида ўқитилиб келган. Навоий «Девони Фоний»да С. ғазалига 22 та татаббуъ қилган. Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб», Аволийнинг «Туркий гулистон» асарлари бевосита С. таъсирида яратилган. «Гулистон» 1390—91 й.даёқ Сайфи Саройи томонидан «Гулистони бит-туркий» номи б-н ўзбек тилига ижодий таржима қилинган. 19-а. 2-ярмида Огаҳий, 1909 й. Муродхўжа домла, шунингдек, Сидқий Хондайлиқий, Ғафур Ғулом, Мунизода, Шоислом Шомуҳамедов, Рустам Комиловлар ўзбек тилига таржима қилганлар. «Бўстон» асари *Ғустай* таржимасида нашр этилган.

1958 й. Бутунжаҳон Тинчлик қўмитасининг қарори б-н «Гулистон»нинг 700 й.лиги халқаро миқёсда кенг нишонланган.

Ас.: Бўстон, Т., 1960; Гулистон, Т., 1968; Саъдий Шерозий шеъриятидан, Т., 1976; Гулистон (Огаҳий таржимаси), Т., 1993.

Ад.: Шомуҳамедов Ш., Саъдий Шерозий, Т., 1964; Шомуҳамедов Ш., Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм, Т., 1968.

Эргаш Очилов.

САЪДУЛЛАЕВ Азимбой (1947.9.1, Хоразм вилояти) — математик олим, Ўзбекистон ФА. акад. (1995), физика-мат. фанлари д-ри (1982), проф. (1985). Москва ун-тини тугатган (1969), ТошДУ да кафедра мудири (1983—92), декан (1985—92). Урганч ун-тида ректор (1992 й.дан), Хоразм Маъмун академияси раиси (1997—2002). Илмий ишлари кўп аргументли функционаллар назариясига оид. Комплекс потенциаллар назариясини яратган муаллифлардан бири. Бу назарияни амалиётда қўллаб, бир неча йирик илмий муаммоларни ечган. Фундаментал ишларининг бир қанчаси чет элларда нашр қилинган, дарслик ва монографияларида чоп этилган. 1- ва 2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати. «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (2003).

Ас.: Олий математика асослари, Т., 1998; Математик анализдан мисол ва масалалар тўплами, Т., 2000.

САЪДУЛЛАЕВ Лутфулла (1940.18.12, Тошкент) — актёр, реж. Ўзбекистон халқ артисти (2001). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1965). 1963 й.дан Ёш томошабинлар

Лутфулла Саъдуллаев Ибн Сино ролида («Донишмандининг ёшлиги»)

театри актёри. С. ижро этган роллари инсон қалбига яқин бўлиб, томошабинни ўзига ҳамдард қила олиши, образлар характери, дунёқараши, қаҳрамонлар ички дунёсининг ранг-баранглиги, бой ва кенглиги б-н ажралиб туради. Мусо Жалил («Мусо Жалил»), Бунёд («Семург»), Ибн Сино («Донишмандининг ёшлиги»), Ҳамза («Қалдирғочлар»), Қори («Тобутдан товуш»), Шоғулом («Жанжал»), Омон («Шум бола»), Миркосим («Заҳарли томчилар»), Ибн Маъъун («Минг бир кеча») каби роллари б-н танилган. У кўпгина телефильм, видеофильм ва телепостановкаларда ҳам кўплаб роллар ўйнаган: Берди («Қисмат»), Абдулла («Одам бўлиш қийин»), Алимардон Тўраев («Баҳор қайтмайди»), Маҳкам («Уч илдиз») ва б. Шунингдек, С. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатувининг фаол иштирокчиларидан. Реж. сифатида ҳам ижод қилиб, «Аламзадалар» (Т. Қозоқбоев), «Тиниб-тинчимас бувижон» (Л. Саъдуллаев), «Гап йўқ, кўзичоқ» (С. Сирожиддинов), «Болалар ШОУ», «Зумраша», «Ривоят» (Ҳ. Низомиддинов) каби спектакларни саҳналаштирган. 2003 й. у кинорежиссёр сифатида «Мунис онам» фильмини экранлаштирди.

САЪДУЛЛАЕВ Мансур Муҳаммаджонович (1931.14.1, Коғон ш.) — реж., педагог. Қорақалпоғистон (1981) ва Ўзбекистон халқ артисти (1985). Тошкент консерваториясида таълим олган (1953—58), Москва театр ин-тини тугатган (1967). Ўзбек давлат эстрадаси уюшмасида созанда (1954—55), *Навоий театрида* хонанда (1951—61), постановкачи-реж. (1967—72). Тошкент консерваториясида ўқитувчи (1964 й.дан), опера тайёргарлиги кафедраси мудири (1972—85), проф. (1985—96). Навоий театрида Б. Зейдман («Ўн иккинчи кеча», 1968), И. Ҳамроев («Ойжамол», 1969), С. Бобоев («Ёриқтош», 1971), Р. Ҳамроев («Тонг олдидан», 1972) ва б. Ўзбекистон композиторлари операларини саҳналаштирган.



САЪДУЛЛАЕВ Раҳмон (1934.1.5, Ҳазорасп туманн). — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2003). Туркманистон педагогика ин-тини тугатган (1956), 1956 йдан Туркманистондаги мактабда кимё фани ўқитувчиси. 1963 йдан Ҳазорасп туманидаги 1-мактабда ўқув бўлими мудири, 1994 йдан 1-иқтидорли болалар лицейида кимё фани ўқитувчиси. Дарсда янги педагогик технологиялардан фойдаланади.

САЯН ТОҒЛАРИ — Жан. Сибирь тоғларининг ўрта қисмида жойлашган тог ўлкаси. С. 2 тог системаси: Ғарбий Саян ва Шарқий Саянга бўлинади. Красноярск ўлкаси, Иркутск вилоятининг жан., Тува ва Бурятия Республикасининг шим.даги ҳудудни эгаллайди. Ўзаро параллел чўзилган бир неча тизмадан иборат. Тизмалар орасида ботиқлар мавжуд. Тизмаларнинг баландлиги шим.да 500 м, жан.да 900 м ва ўрта қисмида 2500—3000 м ва ундан ҳам баланд (Мунку—Сардик тоғларининг энг баланд жойи 3491 м).

Ғарбий Саян шим.-шарқий йўналишда тахм. 650 км га чўзилган ва Кизир ва Уда дарёлари бошланадиган жойда Шарқий Саянга туташади. Шарқий Саян Енисей ғарёсининг чап соҳили, Красноярск шдан жан.-ғарброқдан бошланади ва 1000 км узунликлан жан.-шарқ томонга чўзилади ва Тунка ботиғи орқали Байкалбўйи ва Байкалорти тоғларидан ажралади. Ғарбий Саян ва Шарқий Саян туташган жойдан ғарбда Чулим-Енисей ва Минусинск, жан.да эса Тува ва Тожин сойликлари жойлашган. 2000 м баландликда тог тайгаси тарқалган ва чуқур даралар б-н кесилган. 2500—3000 м баландликларда тог ён бағирлари жуда тик, кучли парчаланган ва қад. музликлар қолдиқлари (карр, морена ётқизиқлари, троглар) мавжуд. Шарқий Саяннинг ғарбий қисми текис юзалардан (Ман, Кан ва б.) иборат бўлиб, уларни ёзда ҳам қор қоплаб турганлиги сабабли «Белогорье» деб аталади.

С.т. Ғарбий Сибирь каледон бурмаланиши даврида пайдо бўлган ва, асосан, палеозой даври сланецлари, кумтошлар ва вулканоген тог жинсларидан ташкил топган. С.т. ҳозирги баландлигига неогенининг охири ва тўртламчи даврда сезир бўлмаган янги тектоник ҳаракатлар натижасида кўтарилган. Бу даврда Шарқий Саянда вулканлар отилган ва уларнинг конуслари (Кропоткин, Переточин) сақланиб қолган. Тўртламчи даврда С.нинг катта қисми 2 марта музлик б-н қопланган. Ҳоз. замон музликлари ҳам учрайди.

С.т.да темирли кварцит, темир ва мис рудалари, боксит, олтин, графит, асбест, минерал ва термал сувлар каби фойдали қазилмалар бор. Иқлими кескин континентал, қиши совуқ, узоқ давом этади, ёзи қисқа. Тоғларнинг ён бағирларида январнинг ўртача т-раси −20° га яқин, тог оралиғидаги ботиқларда −30°, июлнинг ўртача т-раси тоғларда 10—12°, ботиқларда 20—27°. Йиллик ёғин тоғларнинг шим. ён бағирларида 700—1200 мм, ботиқларда эса 250—300 мм. С.т.да кўп йиллик музлоқлар кенг тарқалган. Асосий дарёлари: Енисей, унинг ирмоқлари (Абакан, Губа, Кантунинг ирмоқлари (Абакан, Губа, Кантегир, Казир, Ман, Кан, Бирюса ва б.). С.т. нинг 60% ҳудудида тог тайгаси ўсимликлари, тог оралиғидаги ботиқларда дашт ўсимликлари ўсади. Баланд қисмида альп. субальп ўтлоқлари ва тог тундраси учрайди. Ўрмонларда лось, марал, елик, қўнғир айиқ, олмахон, қобон, қуён, тулки; қушлардан булдуруқ, каркур ва б., сойликларда кемирувчи (узун думли юмронқозиқ, сиқилқўзан ва б.) кўп, дарёларида балиқлар (хариус, таймень ва б.) бор. С.т. ўрмон, йилов ва б.)га бой.

Ғарбий Саян тоғлари тармоқлари.

САЯН-ШУШЕНСК ГЭС — Россиядаги энг йирик гидроэлектр станция. Енисей дарёси водийсининг юқори қисмида, Красноярск ўлкаси, Шушенское посёлкаси яқинида қурилган. ГЭС қурилиши 1968 йда бошланиб, биринчи агрегати 1978 йда ишга туширилган. Ўрнатилган қуввати 6,4 млн. МВт, 640 минг МВт электр энергия ишлаб чиқарадиган 10 та агрегат ўрнатилган. Ўртача йиллик электр энергия ишлаб чиқариш қуввати 23,3 млрд. кВт.-соат. ГЭС қурилиши б-н мавсумий бошқариб турилаётган сув омбори ҳосил бўлган. ГЭС ишлаб чиқарган электр энергияси юқори кучланишли узаткичлар орқали Бирлашган Сибирь энергия тизимига юборилади ҳамда Саян ҳудудий и. ч. мажмуини ва Кузбасени электр энергияси б-н таъминлайди.

САЯТ-НОВА (тахаллуси; асл исм-шарифи Арутюн Саядян) (1712— Тбилиси — 1795) — арман шоири, ўрта аср арман дунёвий адабиётининг йирик вакилларидан бири. Арман, грузин ва озарбайжон тилларида қўшиқлар ёзган. «Севгинигдан бетобман», «Камончи», «Хоҳламайман шундай яшашни», «Бузбулга» ва б. бир қанча асарларида маҳлумларни ҳимоя қилган, ноҳақликка қарши курашган. Севги ва муҳаббатга тўла С.-Н. лирикаси ижтимоийлик б-н ҳамоҳанг бўлиб, халқ ҳаётига сингиб кетган. Шоир ижоди арман, грузин ва озарбайжон шеъриятн тараққиётига кучли таъсир этган.

САҚИЛ (араб. — оғир, вазмин) — 1) Шарқ мусиқа назариясида паст (йўғон) товушнинг ифодаси (қ. *Асговут-тагам*); 2) қад. машҳур доира усулларининг номи (мас., Сақили аввал, Сақили соний ва б.); 3) *Шашмақом* таркибидаги мақомларнинг *мушкилот* бўлими якуний қисми (мас., Бузруқ мақомида С. и Исломхон, С. и Султон, Ростда С.и вазмин, С.и Рақ-рақ ва б.). Шашмақомлаги С.ларнинг доира усуллари жуда мураккаб ва кенг ҳажмли бўлиб, $^2/_4$ ўлчовда 24 такт давомида ижро этилади. Шунга қарамай, С.лар жозибали ва ёқимли куйлардан ташкил топиб, тингловчига осон етиб боради.

САҚЛАНИШ ҚОНУНЛАРИ — баъзи бир физик катталикларнинг сон қийматлари исталган жараёнларда вақт ўтиши б-н ўзгармай қоладиган физик қонуниятлар. С. қ.дан энг муҳими масса, энергия, импульс, ҳаракат миқдори моменти, электр ва барион зарядларининг С.қ.дир. Бундай қатъий С.қ.дан ташқари, тақрибий С.қ. ҳам мавжуд. Булар фақат маълум доирадаги жараёнлар учунгина ўринли, мас., жуфтликнинг сақланиши фақат заиф ўзаро таъсирларда бузилиши мумкин.

САҚМОН, сақмол — қўзиларининг ёши ва ривожланиши бир хил бўлган эмизикли она қўйлар гуруҳи. С.лар, одатда, янги қўзиларни бут сақлаш, парваришлаш масқасида тузилади. Қўзиларнинг ёшига, яъни туғилган кунига кўра кичик, ўрта ва катта С.ларга бўлинади. 1—10 кунлик қўзиси бўлган она қўйлар гуруҳи кичик, қўзиси 11—20 кунликлари ўрта; қўзиси 21—30 кунликлари катта С.га киради. Ҳар бир С.га чўпон вазифасини бажарувчи «сақмончи» тайинланади. Қўзиларнинг чиниқиши, ривожланиши ва б. белгиларига қараб тўл мавсуми даврида қўзили қўйлар кичик С.дан катта С.га кўчирилади. Тўл мавсуми тугагач, С.лар ягона сурувга бириктирилади ва қўзилар ўз она-ларн б-н 4—5 ойгача бирга парваришланади.

Абдуғаффор Аюпов.

Амир Темур мақбарасидаги сағаналар.

САҚОҚУШЛАР, мешкобчи қушлар, бир қозонлар (Pelecanidae) — куракоёқлилар туркумига мансуб қушлар оиласи. Тумшуги узун, пастки қисмида чўзилувчан тери халтаси (мешкоби) бор. Танасининг узунлиги 130—180 см, қанотлари ёйилганда 2,7 м гача, вазни 10—13 кг. Патлари оқ, пушти ёки кулранг тусда товланади. Йирик патлари тўқ қўнғир, баъзан қора. Ҳаво халтаси ҳамда скелети говак бўлиши туфайли яхши сузади ва учади. Колония бўлиб денгиз, дарё ва кўл ороларидаги қамишзорларда тўпланади. Дарахт ва ерга уя қуради. Одатда, 2—3 та тухумини нари ва модаси 35—40 кун навбатлашиб босади. Болалари 70—75 кунда учурма бўлади. Фақат балиқлар б-н озиқланади. 1 уруғи, 7 тури маълум; ер шарининг иссиқ ва илиқ зоналарида тарқалган. Ўзбекистонда 2 тури — пушти ва жингалак сақоқуш учрайди. Сони қисқариб бораётган турлар мақоми б-н Ўзбекистон Қизил китобига киритилган. Жингалак сақоқуш Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқининг қизил рўйхатига ва «Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турларининг халқаро савдоси тўғрисида»ги Конвенциянинг (CITES) 1-иловасига киритилган.

Жингалак сақоқуш.

САҒАНА, соғона — Ўрта Осиё халқларида марҳумларни дафн этиш б-н боғлиқ дафн иншоотн; 1) ер ости сувлари ер бетига яқин, тошлоқ жойларда ер устига пишиқ ғишт ёки тошдан ишланган, шакли бешикка ўхшаш, ичига бир, баъзан бир неча (биринкетин) жасад қўйилган қабр; 2) қабр устига ўрнатиладиган ёдгорлик тури.

Ўрта Осиёда 14—15-асрларда қабр устига С. қўйиш расм бўлган, нақш ўйиб, китобалар ёзилган. С.лар пишиқ ғиштдан, тошдан, қора ёки кулранг мармардан ишланиб, баъзан усти сирқори қошин, ўйма нақшлар б-н безатилган, 2 ёки равоқсимон бўлган. Темурийлар қабрларига қўйилган С.лар бадиий ишланганн б-н диққатга сазовор.

САҒАНАҚСОЙ (Қорақушсой) — Самарқанд вилоятидаги сой, Қорасув дарёси ирмоғи. Уз. 30 км, ҳавзасининг майд. 100 км². Қўйтош тизмасининг жан. ён бағридаги булоқдан (бал. 1700 м) бошланади. Юқори оқимида Угат қишлоғигача Нучкалисой деб аталади. Кийким қишлоғидан пастда ёзда қуриб қолади. Қор-ёмғир сувларидан тўйинади. Ўртача кўп йиллик сув сарфи 0,258 м³/сек., оқим модули 5,8 л/сек.км². Ўртача йиллик сув сарфи 0,609 м³/сек. дан (сersув йилда) 0,047 м³/сек.гача (камсувли йилда). Баҳорда сersув, баъзан тошади.

САҒИТОВ Исмоил Танатарович (1908.2.8, Қорақалпоғистон, Хўжайли тумани — 1993, Нукус) — қорақалпоқ адабиётшуноси. Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1966). Филол. фанлари д-ри (1963), проф. (1965). Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1969). «Қизил Қорақалпоғистон» газ.да бўлим мудири (1935), муҳаррир (1936—37). Қорақалпоғистон давлат нашриётида бўлим мудири (1941), директор (1943) ва бош муҳаррир (1952—55). Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши қошидаги санъат ишлари бошқармаси бошлиғи (1943—46). Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистондаги Комплекс иқтисод ва маданият и.т. институтида илмий ходим

(1946—52), директор ўринбосари (1955—58), Н. Даниқараев номидаги Тарих, тил ва адабиёт ин-тида бўлим мудири. Илмий фаолияти Қорақалпоқ қаҳрамонлик эпоси мавзуига бағишланган.

Ас.: Бердақ — буюк шоир—ватанпарвар. Нукус, 1943; Бердақ ижоди. Нукус, 1958; Қорақалпоқ халқ қаҳрамонлик эпоси. Т., 1963; Замон ва адабиёт. Нукус, 1969.

САҒОНИЁН — қ. *Чағонийён.*

САҒРОН, Суғрон — *Помир* шим.-ғарбидаги музлик. Пётр I тизмасининг шим. ён бағрида. Уз. 24 км. Майд. 48 км², 2880 м баландликда тугайди ва ундан Муксувнинг чап ирмоғи Сағрон (Суғрон) дарёси бошланади.

САҲИҲ (араб. — тўғри, чин, соғлом) — энг ишончли деб ҳисобланган *ҳадис* тўпламларининг номи. *Муҳаддислар* ҳадисларни ҳақиқий ва ноҳақиқийга ажратиш (яъни, кодификация қилиш) б-н шуғулланиб, *иснод*ни текшириш йўли б-н С. (ишончли), ҳасан (яхши) ва даиф (заиф, кучсиз)дан иборат 3 тоифага бўлганлар, улардан асосан С.ларини тўплашга интилганлар. Шу муносабат б-н баъзи тўпламларнинг номи ҳам С. деб аталган (мас., *«Саҳиҳи Бухорий», «Саҳиҳи Термизий»*).

«САҲИҲИ БУХОРИЙ» (асл номи «ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» — «Ишончли тўплам») — 6 та ишончли ҳадис тўпламидан бири. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-*Бухорий*нинг 4 жилддан иборат бу ҳадислар тўплами ислом оламидаги бошқа муҳаддислар тўплаган ҳадис тўпламлари орасида энг ишонарли ва мукаммалидир. Тўпламда фиқҳ, оила, никоҳ, мерос, илм-маърифат, имон, эътиқод, ахлоқ-одоб, таълим-тарбия ва б. масалалар ёритилган. Унда ислом арконларига алоқадор мавзулар б-н бирга ўша давр тарихи ва этнографиясига оид кўплан-кўп маълумотлар мавжуд. Имом ал-Бухорий 600 мингга яқин ҳадис тўплаб, улардан такрорланадиганлари б-н 7275 тасини ишончли деб ҳисоблаб китобига киритган. Тўпламда такрорланмайдиган ҳадислар сони 4000 тадан иборат. «Саҳиҳ», яъни ишонарли ҳадисларни бошқа ҳадислардан ажратиб, алоҳида тўплам шаклига келтириш анъанасини биринчи бўлиб Имом ал-Бухорий бошлаб берган. Шундан кейин Имом Муслим, Имом ат-Термизий, Имом ан-Насоий, Имом Абу Довуд, Ибн Можа каби йирик муҳаддислар ҳам унинг изидан бориб, саҳиҳ ҳадисларни алоҳида тўплам шаклида таснифлашни бошлаганлар. Имом ал-Бухорийнинг бу шоҳ асари дунё юзини кўрганига қарийб 1200 й. бўлди. Лекин у то шу вақтгача ҳам ислом манбалари

«ал-Жомиъ ас-саҳиҳ»нинг қўлёзма китоби (9-аср, Абдулҳамид Абдулвакиб ибн Мусин кўчирган нусха).

бўйича Қуръони каримдан кейин иккинчи ўринни эгаллаб келмоқда. Ушбу асарнинг кўплаб нусхалари ислом олами бўйлаб кенг тарқалган. Ҳатто ўрта асрда яшаган айрим олиб ва хаттотлар учун бу асардан нусха кўчириб бериш анъанаси бўлган. Асарнинг асрлар оша бизгача етиб келган турли араб ёзуви услубида битилган қўлёзма нусхалари мамлакатимизда ва хорижий юртларда мавжуд. «С.Б.» асарига кўплаб-кўп шарҳлар ёзилган. Муҳим манба сифатида у қайта-қайта нашр этилиб келинмоқда. 1974 й. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари ташаббуси б-н мамлакатимизда ислом дунёси вакиллари иштирокида асар муаллифи — Имом ал-Бухорийнинг 1200 йиллик юбилейи нишонланган эди. Шу муносабат б-н «С.Б.» араб тилида Тошкентда қайта нашр этилди. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнгина тўлалигича ўзбек тилига ўгирилди: ҳоз. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти томонидан 4 жилдда (1-ж. — 1991, 2-ж. — 1996, 3-ж. — 1994, 4-ж. — 1992), 2-нашри эса 1997 й.да чоп этилди. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, асарда ҳадиснинг нақл қилувчи ровийларига катта аҳамият берилган. Лекин ҳадислардан олинадиган шаръий ҳукмлар тўғрисида муаллиф аниқ кўрсатма бермаган. Шунинг учун асарлари барча ҳадисни китобхон ўзича ҳаётга татбиқ этмасдан, ислом ҳуқуқига оид фиқҳий китоблар орқали

«Саҳиҳи Бухорий»нинг ўзбекча нашри.

амал қилишлари тавсия этилади. Мас., мазмуни бир-бирига зид бўлган икки ҳадиснинг, албатта, бири кейинроқ айтилган бўлиб, олдингисида айтилган ҳукмни бекор қилади; яъни амалдан қолдиради. Лекин қайсиниси биринчи, қайсиниси иккинчи экани тўпламда кўрсатилмаган. Уни фақат фиқҳшунос мужтаҳид олимларгина ажрата оладилар. Бундан ташқари, тўпламда мамлакатимиз мусулмонлари амал қилиб келаётган ҳанафийлик мазҳабига тўғри тушмайдиган, балки бошқа уч мазҳабга асос сифатида хизмат қиладиган ҳадислар ҳам талайгина. Бинобарин, ибодат қоидаларига доир ҳадислар ичида шунга ўхшашлари учраб қолганда, мазҳабимизга шубҳа қилмаслик, балки бизнинг қилаётган амалларимиз учун бошқа ҳадис тўпламларида асос бўладиган ҳадислар борлигини унутмаслик лозим.

Абдусаттор Мансур.

«САҲИҲИ ТЕРМИЗИЙ». «Сунани Термизий» — 6 та ишончли ҳадис тўпламидан бири. Абу Исо Муҳаммад *Термизий* ёзган. «ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» («Ишонарли тўплам»), «ал-Жомиъ ул-кабир» («Катта тўплам») номлари б-н ҳам юритилади. «С.Т.» Термизийнинг 20 й. давомида ўзга юртларда ҳадисларни ўрганиб, йиғиб, сўнг устози ва замондоши *Бухорий* б-н маслаҳатлашиб йиққан тўпламидир. У тартиби энг ихчамлиги, такрори энг озлиги б-н ажралиб туради. Унда бошқа ҳадис китобларида учрамайдиган хусусиятлар бор. Чунончи, ҳар бир бобининг ҳадиси зикр қилингандан кейин, худди шу бобга тегишли ҳадис ривоят қилганларнинг номлари санаб ўтилади; фиқҳий масалаларда фақиҳларнинг фикр-қарашларини зикр қилинади; ҳар бир ҳадиснинг ишонарлилик ва заифлик даражаси аниқлаб берилади ва «саҳиҳ» устига «ҳасан» белгиси («жуда саҳиҳ», «бешак саҳиҳ» маъносида) киритилади. «С.Т.» китобида Имоми Аъзам мазҳаби жиҳатлари эътиборга олинган. 6 жилддан иборат «С.Т.» 1-жилдининг ўзбекча таржимаси 1999 й. Тошкентда нашр этилди.

САҲНА — 1) театр биносининг томоша кўрсатиладиган қисми. Биринчи театр бинолари, жумладан, Қад. Хитой, Ҳиндистон, Турон, Юнонистонда пайдо бўлиб, асрлар давомида ўзгариб борган. Ҳоз. театрлар, одатда, уч қаватли қутисимон шаклда қурилади. 1-қавати С. ости (трюм)дан иборат. Ўрта қавати томошабинларга яққол кўриниб, асосий воқеалар шу ерда акс эттирилади. Бу жой «саҳна ойнаси» деб юритилади. С. майдони (планшети), одатда, томоша залидан 0,8—1,1 м баланд бўлади.

С.нинг асосий четараси — пардадан томоша залига туриб чиққан олд С. (қ. *Авансцена*) олдида ёки остида оркестр ёки чолғучилар жойлашади. Драма театрларида бу ердан ҳам айрим воқеаларни кўрсатиш, қаҳрамонларни чоҳдан чиқариш ёки унга киритиб юборишмақсадида фойдаланилади. Юқорида С. ўрта С. ва пастоқидан бошланади. Унинг ҳаммаёни панжаралантан бўлиб, бу ерда декорацияларни тушириб-кўтариладиган техник мосламалар ўрнатилган. С. тепасида махсус жойларга С. ишчилари, ёритувчиларнинг бир қисми ўрналади. С. ёнида ёки орқа томонида декорацияларни турадиган «С.чўнтаги» деб аталувчи хоналар ҳам бўлади.

Ўзбекистон ҳудудидаги Хоразм, Бақтрия, Кушон, Суғд, Паркана давлатларида қад. юнон театрига ўхшаш ёки бўлмаса шоҳсупа шаклида ўртада қурилган томошагоҳлар бўлганлиги маълум. Ўрта асрларда созанда, хонанда, рақс ва куни усталари — масхара ва мукаллидлар томоша кўрсатувчи тарафхоналар, айвонлар ва кўшклар пайдо бўлиб, улар С. вазифасини ўташи ҳам кўзда тутилган. 20-а.га келиб, замонавий шаклдаги ўзбек театри учун қишки ва ёзги театр бинолари қурилди. Аста-секин С.нинг техник жиҳозлари, пардалари мураккаблаша борди. Шу кунларда давлат тасарруфидаги 36 театр турли кўринишдаги бинолар ва С.га эга. Ўзбек миллий академик драма театри биноси ўз жойида қайта қурилди ва С.си энг замонавий техник воситалар б-н жиҳозланди; 2) кенг маънода — театр.

Муҳсин Қодиров.

САҲНА НУТҚИ — театрда бадиий образ яратиш, қаҳрамон хатти-ҳаракатлари, ҳис-туйғуларини томошабинга етказишда асосий ифода воситаларидан бири. С.н. техникаси актёрлик маҳоратининг муҳим унсурларидан бўлиб, унда актёр овозининг ёқимлилиги, жарангдорлиги, талаффузининг тўғри ва аниқлигига амал қилган ҳолда, турли давр, турли касб кишиларининг тил хусусиятларини, характерларининг ижтимоий-психологик, миллий, маиший хислатларини ифодалайди. С.н.нинг талаффузи ва оҳанги ижро этилаётган асарнинг жанри ва услубига боғлиқ. Театр тараққиёти тарихида турли актёрлик мактаблари ва йўналишларида С.н. услуби ва хусусиятлари ҳам ўзгариб, ривожланиб келган.

Ўзбекистонда ўтмишда халқ актёрлари-масхарабозлар, мукаллидлар, қиссагўйлар, воизлар, мадҳхўлар; қўғирчоқ театри усталари аксарият ҳолларда очиқ майдонларда томоша кўрсатганлари сабабли ҳаракатлари каби нутқлари ҳам баланд овозда, бўрттирилган бўлган. Ҳар жойда ўз шеваларида фаолият кўрсатишган. Янги шаклдаги ўзбек профессионал театри 20-а. аввалидан эътиборан ёзма драма асосида, бино ичида, махсус саҳналарда томоша кўрсатилар экан, С.н.нинг драматург матни, воқеалари образларига мос босиқ жаранглаши, характерларини психологик жиҳатдан асосланишига эътибор берилди. Миллий театримиз шаклланиши даврида (1916—27) реж. Маннон Уйғур актёрлар ижодида ижона-адабий тилни ўрнатиш учун кураш олиб борди. Образ характери талаб қилган ўринлардагина шева ва лаҳжалардан фойдаланиш мумкин. Миллий театрнинг С.н ривожланиш босқичларидан давом эттирилган ва б. театр труппалари томонидан ўзлаштирилган. *Санъат институтида* фан сифатида ўқитилади. «Саҳна нутқи» кафедраси бор.

Муҳсин Қодиров.

САҲОБАЛАР (араб. — ҳамроҳ, дўст) — *Муҳаммад* (сав)нинг сафдошлари, яқин ёрдамчилари. Кейинчалик Муҳаммад (сав)ни лоақал бир маротаба, ғарчи ғўдаклик чоғида бўлса ҳам кўрган барча кишилар С. деб атала бошлаган. С.ча Арабистондан ташқаридаги ўлкаларни фатҳ этишга кириштан илк мусулмон қўшинининг ўзагини ташкил этган. С.нинг олий қатламини муҳожирлар ва *ансорлар* ташкил қилган, улар дастлабки халифаларни сайлашга таъсир кўрсатганлар, уларни ноиблик ва олий даражадаги лашкарбошилик мансабларига тайинлашган. С.нинг ислом тарихдаги алоҳида аҳамияти шундаки, Муҳаммад (сав) вафот этганидан сўнг, унинг таълимотини ҳаммалари бир бўлиб сақлаганлар. С.нинг Пайғамбар сўзлари ва ишлари ҳақидаги ҳикоялари (*ҳадислар*), шунингдек, шахсий ўрнаги ва фикри ислом аслоқий таълимоти — *суннат*нинг энг муҳим таркибий қисмини ташкил этди. С.га бўлган ҳурмат, эҳтиром кейинчалик уларнинг қабрларини эъзозлашга ва фазилатлари ҳақида асарлар пайдо бўлишига олиб келди.

САҲОБИДДИНОВ Сирож Саҳобиддинович (1906 — Тошкент — 1994) — ботаник олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1970), проф. (1958). Ленинград ун-тини тугатган (1932). Ўрта Осиё ун-ти биология ф-ти ассистенти (1932—36), доценти (1936 й.дан). Ўзбекистоннинг ўсимлик бойликларини қидирув экспедицияси бошлиғи (1932—49), Андижон ўқитувчилар ин-ти табиёт кафедраси мудири (1940—46). Ўзбекистон ФА Ботаника ин-тида катта илмий ходим (1946—50). Фарғона педагогика ин-ти ботаника кафедраси мудири (1950—1984). Илмий ишлари Ўрта Осиё ёввойи доривор ўсимлари ҳамда ўсимликлар систематикасига оид. Ботаника терминларини илмий асосда ишлаб чиқишга муайян ҳисса қўшган.

Ас.: Дикорастущие лекарственные растения Средней Азии, Т., 1948; Ўрта Осиё фойдали ва зарарли ўсимликларининг илмий ва маҳаллий номлари луғати Т., 1953; Ўсимликлар систематикаси [2-нашри]. 1—2 жлар. Т., 1957—66.

САҲРО — 1) Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, хусусан, араб ва форс тилларида *чўл* маъносида ишлатиладиган атама. Жой номлари сифатида ҳам қўлланилади, мас., Саҳрои Кабир, Ўзбек тилида, хусусан, бадиий адабиётларда баъзан чўл сўзининг синоними сифатида ҳам ишлатилади; 2) Арктика ва Антарктикадаги совуқ, қор ва муз қоплаган ерлар.

САҲРО ЧИГИРТКАСИ — қ. *Чўл чигирткаси.*

САҲРОИ КАБИР (араб. — Катта чўл) — Ер юзидаги энг катта тропик чўл. Африканинг шим.да. Майд. 7 млн. км² дан зиёд (Африка ҳудудининг 25%). Ғарбдан шарққа 5700 км га чўзилган, эни 2000 км гача. С.К.да Марокаш, Тунис, Жазоир, Ливия, Миср, Ғарбий Саҳрои Кабир, Мавритания, Мали, Нигер, Чад, Судан давлатлари тўлиқ ва қисман жойлашган. Ер юзасининг 80% текисликдан иборат бўлиб, бал. 200—500 м. Шарқий ва шим. қисмида берк ҳавзалар бор, баъзиларининг ер юзаси денгиз сатҳидан анча паст, мас., Каттара (—133 м), Ал-Файюм ва б. Марказида Аҳаггар (энг баланд жойи Тахат чўққиси, 3003 м) ва Тибасти (энг баланд жойи 3415 м, С.К.да энг баланд) вулканик массивлар жойлашган. С.К.нинг ландшафти жуда хилма-хил. Ҳудудининг 70% тошлоқли чўл, рег, серир, қумли чўл (эрг) ва шўрхоклар б-н банд, тоғли ерлар ҳам чақиртошлардан иборат. Чўлнинг шим. ва шим.-шарқий қисмида қум уюмлари шамолда кўчиб юради. Катта майдонларни ксерофит ўсимликлар иллизи б-н мустаҳкамланган жўяқли қум уюмлари (бал. 200—300 м) эгаллаган.

С.К. геологик жиҳатдан Африка-Арабистон платформасининг шим.-ғарбий қисмидир. Унинг кембрийгача бўлган замини тоғлик қисмида ва Нубия-Арабистон қалқонининг ғарбий чеккасида ер юзига чиқиб қолган. Бошқа жойларида қад. жинслар устини денгиз ётқизиқлари қоплаган. Фойдали қазилмалардан нефть ва таз, темир ва мис рудалари, олтин, вольфрам, уран конлари бор.

С.К.нинг катта қисмида тропик, қуруқ ва иссиқ, шим.да субтропик иқлим. Ҳудудининг аксари қисмида йил давомида шим.-шарқий пассат шамоллари эсиб туради. Музланиш даврида С.К.да иқлим сернамроқ бўлган. С.К.нинг соҳил қисмидан бошқа жойларида ҳаво қуруқ. Ёғин чўлнинг шим.да, асосан, қишда, жан.да ёзда ёғади. Йиллик ёғин С.К.нинг текислик қисмида 50 мм дан, тоғликларда 100 мм дан кам, чеккаларида 100—200 мм. Ички р-нларда йиллаб ёғин ёғмайди, лекин айрим вақтларда тоғларда жала ёғиб сел келади. Аҳаггар ва Тибасти тоғликларининг тепаларида қишда қисқа муддат қор ёғади. Ҳавонинг суткали ва йиллик т-раси фарқи катта. Айрим жойларда т-ра 56—58° га етади. Июль ойининг ўртача т-раси 37,2°, янв.ники 10°. Қишда ҳамма қисмида кечаси тупроқ музлайди. Энг паст т-ра (—18°) Тибасти тоғида кузатилган. Йилнинг салқин ойларида кучли шамол (тезлиги 50 м/сек. гача) эсиб чанг ва қум бўронлари (самум) бўлади.

С.К.да оқар сувлар кам. Чўлни кесиб ўтувчи энг йирик дарё — Нил. Баъзан кучли ёмғир ёққандан сўнг қуруқ ўзанлар қисқа муддат сувга тўлади. Тоғларда суви жуда минераллашган кичик қолдиқ кўллар учрайди. С.К. ер ости сувларига бой. Булоқ ва қудуқлар атрофида воҳалар вужудга келган. Чўлнинг шим.да ер ости сувлари ер юзига яқин, артезиан қудуғи кўп.

Тупроғи С.К.нинг аксари қисмида тропик чўл ва чала чўлга хос олдий тупроқ. Оҳак-гипсли қатламлари кўп учрайди. С.К. ўсимликлари Голарктика флора областига мансуб. Юксак ўсимликларнинг 1200 тури мавжуд. Ўсимликларининг аксари қургоқчиликка чидамли бошоқли ўтлар ва бутазорлардан иборат. Ёмғирдан кейин эфемерлар ўсали. С.К.да ўсимлик жуда сийрак, каттагина майдонларда эса умуман ўсимлик ўсмайди. С.К.нинг шим. қисмида Ўрта денгиз атрофига хос ўсимликлар, жан.да эса акация, кизил, чаканда ва б. ўсали. Тоғли ерларда қал. ўсимлик вакиллари учрайди, ялемик турлари ҳам кўп. Чўллари воҳаларда ва Нил водийсида хурмо, анжир, майтун ва мевали дарахтлар, цитрус ўсимликлар ўстирилади, сабзавот етиштирилади.

Ҳайвонот дунёси Голарктика ва Эфиопия зоогеографик областларига мансуб, 4000 тур ҳайвон яшайди. Жами ҳайвон турларининг 40% фақат Африкада учрайди, лекин С.К. учун эндемиклари 10—12% дан ошмайди. Сут эмизувчиларнинг 60 тури маълум. Ҳайвонларнинг аксари қисми тунги ҳаёт кечиради.

С.К. аҳоли энг сийрак жойлардан. Унинг Нил водийси ва дельтасидан ташқари қисмида аҳоли жуда кам. Аҳоли доимий яшамайдиган жойлар б-н бир қаторда 1 км² га 1000 кишигача тўғри келадиган жойлар ҳам бор. Аҳолининг этник таркиби ҳам хилма-хил. С.К. аҳолиси қадимдан кўчманчи чорвачилик, фойдали ёввойи ўсимлик ва меваларни териш, воҳаларда деҳқончилик қилиш б-н шуғулланади. Асосан, хурмо ўстирилади, донли экинлар ва сабзавот ҳам етиштирилади. Қўй, эчки ва туя боқилади. Чўл жан.да йирик нефть ва газ конларининг топилиши ва ишга туширилиши С.К.нинг иқтисодий аҳамиятини тубдан ўзгартириб юборди. Дунёда нефть қазиб чиқарилаётган йирик р-нлардан бирига айланди. С.К.нинг ички р-нларидан хом ашёни ташиб чиқиш учун автомобиль йўллари қурилган.

Саҳрои Кабир манзараси.



САҲҲОФ (араб.) — *китобни* муқоваловчи уста, муқовасоз. Аслида яхлит катта ўлчамдаги қоғозни буклаб саҳифага ажратувчи шахс — саҳифаловчини билдирган. С. кейинчалик варақларни жамлаб муқовага олувчи устани англатган (яна қ. *Муқовасозлик*).

САҲҲОФЛИК — 1) ҳунармандлик тури, қоғозни саҳифалаш ва китобни муқоваланш касби. Қ. *Муқовасозлик, Китобат санъати;* 2) шарқ бозорида саҳҳофлар (ёки уларнинг дўкони) жойлашган раста.

СВАЗИЛАР (ўзларини — ама-свази, ама-нгване деб аташади) — банту халқлари гуруҳига мансуб халқ. Свазиленд (660 минг киши) ва ЖАРнинг қўшни р-нларининг асосий аҳолиси (1,2 млн. киши). Шунингдек, Мозамбикда ҳам яшайдилар. Умумий сони 1,87 млн. киши (1990-й.лар, ўртачаси). Свази тилида сўзлашади. Анъанавий эътиқодлар сақланган, бир қисми баптистлар.

СВАЗИЛЕНД (Swaziland). Свазиленд Қироллиги (Kingdom of Swaziland) — Жан. Африкада жойлашган давлат. Майд. 17,4 минг км². Аҳолиси 1,12 млн. киши (2002). Пойтахти — Мбабане ш. Ҳукумат Мбабане шда, Қирол қарорлари ва қонун чиқарувчи органлар Лобамба шда жойлашган.

Давлат тузуми. С. — конституцияли монархия. Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига киради. Мамлакатда қирол томонидан имзо қилинган ва давлат тузуми асосларини мустаҳкамлаштан бир қанча конституциявий ҳужжатлар амал қилади. Давлат бошлиғи — қирол (1986 й.дан Мсвати III). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни 2 палатали парламент (Маджлисгини қирол томонидан тайинланадиган бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

Табиати. Ер юзасини гарбдан шарққа томон пасайиб борувчи Велд платоси (бал. 1445 м гача) эгаллаган. Асбест, тошкўмир, темир ва полиметалл рудалари, барит, олмос конлари бор. Иқлимни қургоқчил. Субтропикдан тропикка ўтиб турувчи иқлим ҳукмрон. Ўртача ойлик т-ра қишда 12—15°, ёзда 20—24° гача. Йиллик ёғин шарқда 500—700 мм, гарбда 1200—1400 мм. Серостона дарё кўп, улар катта гидроэнергия захираларига эга. Қизил ва сариқ тупроқларда саванна ва ксерофит буталар ўсади. Ҳайвонот дунёси Шарқий Африка савапналарига хос. Сут эмизувчилардан «кўк» буйвол, бурама шохли қийик, зебра, бегемотлар. Қуйи Велд дарёсида тимсоҳлар бор. Миллий боғи ва Малотож шарпараси машҳур.

Аҳолисининг асосий қисмини банту тилларида сўзлашувчи халқлар — свазилар ва зулулар, шунингдек, тсонгалар ташкил этади. Қолганлари — европалик

Свазиленд герби.

Свазиленд байроғи.

ва африканер (бурлар. Расмий тил — инглиз ва свази тиллари. Диндорларининг аксарияти христиан, салкам $^1/_3$ қисми маҳаллий анъанавий динларга эътиқод қилади. Шаҳар аҳолиси 34%. Муҳим шаҳарлари: Мбабане, Манзини.

Тарихи. 1830-й.лар охирида С. ҳудудида йирик свази қабилалари шаклланди. Кейинчалик улар б-н зулу ва б. қўшни қабилалар ўртасида тўқнашувлар бўлиб турди. 1836 й.ги галаба натижасида свазилар мустақиллиги сақланиб қолди. 30-й.лар охирида мамлакат шим.да янги ерлар қўшиб олинди ва свази уруғлари бирлаштирилди. 1840-й.лар бошида европалик мустамлакачилар — инглизлар, бурлар, португаллар С.га кўз олайтира бошладилар. Бурлар, айниқса, фаол ҳаракат қилиб, қирол Мсватидан каттагина ерларни арзон нархда сотиб олдилар. 1894 й. мамлакат ҳудуди бурларнинг Трансвааль республикаси таркибига киритилди. 1899—1902 й.лардаги инглиз-бурлар урушидан сўнг Буюк Британия мулки. 1903 й.дан эса унинг протекторати деб эълон қилинди. С. аҳолиси миллий озодлик учун тўхтовсиз курашди. 1920-й.лар охири — 1930-й.лар бошида маҳаллий зиёлиларнинг дастлабки ташкилотлари пайдо бўлди. 50-й.лар охири — 60-й.ларда мустамлакачиларга қарши кураш янада кучайди. 1963 й. Буюк Британия С.га чекланган ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини берди. 1968 й. 6 сент. куни С. Ҳамдўстлик таркибидаги мустақил конституцияли монархия деб эълон қилинди. С. — 1968 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 6 сент. — Мустақиллик куни (1968).

Уарту дарёси.

Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари. Нгване миллий озодлик конгресси, 1962 й тузилган; Имбокодво миллий ҳаракати, 1964 й. асос солинган; С. бирлашган фронти, 1962 й. ташкил этилган; С. тараққийпарвар партияси, 1960 й. тузилган. С. касаба уюшмалари федерацияси 1980 й. тузилган.

Хўжалиги. С. — иқтисодий жиҳатдан заиф ривожланган аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қ.х. улуши 10%, саноат улуши 42%, хизмат кўрсатиш соҳаси улуши 48%. Қ.х.да деҳқончилик устун. Маккажўхори, шакарқамиш, цитрус мевалар, шоли, оқ жўхори, туккакплар, ер ёнғоқ, ананас, пахта, тамаки етиштирилади. Чорвачилигида қорамол, эчки, қўй, чўчқа боқилади. Ўрмон хўжалиги ривожланган, ёғоч тайёрланади. Асбест, тошкўмир ва батерит қазиб олинади. И.ч. саноати қишлоқ ва ўрмон хўжалиги хом ашёсини қайта ишлайди. Қанд-шакар, тўқимачилик, ёғочсозлик, целлюлоза, мева консервалаш, ун-ёрма корхоналари бор. Суяк уни и.ч. фабрикаси, электр асбоблари, минерал ўғит и.ч., телевизор йиғув з-длари, босмахона барпо этилган. Ҳунармандчиликда сайёҳлар учун эсдалик совғалар тайёрлаш ривожланган. Йилига ўртача 415 млн. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Т.й. узунлиги 301 км, автомобиль йўллари уз. 3,8 минг км. Четга қанд-шакар, минерал ўғит, ёғоч-тахта, пахта, цитрус мевалар, ананас, шоли, асбест чиқаради. Четдан машина, ускуна ва транспорт воситалари, нефть маҳсулотлари олади. АҚШ, Буюк Британия, ЖАР б-н савдо қилади. Пул бирлиги — лилангени.

Маорифи, маданий-маърифий ва илмий муассасалари. Бошланғич мактабда ўқиш муддати 7 й. (6 ёшдан), ўрта да ўқиш муддати 7 й. (3 й. қуйи ўрта ва 2 й. юқори мактабда 5 й. (3 й. қуйи ўрта ва 2 й. юқори ўрта мактабда ўқитилади). Бошланғич мактабнинг кичик синфларида дарслар свази тилида, юқори синфларида ва ўрта мактабда инглиз тилида олиб борилади. Ўрта мактабни битирганлар университетга кириш ҳуқуқига эга бўладилар. Бошланғич ва тўлиқсиз ўрта мактаб негизида ҳунар-техника таълими ташкил этилган (1—3 й.). Манзинидаги 2 та пед. коллежи бошланғич мактаб ва қуйи ўрта мактаб учун ўқитувчилар тайёрлайди. 1964 й. Квалусеинида (Манзини яқинида) С. давлат ун-ти ташкил этилган. Манзинида миллий кутубхона (1972), Лобамба шда Миллий музей (1972) ва б. бор. Илмий тадқиқотлар б-н Лоуфелд (1964 й.да асос солинган), Малкернедаги қ.х. (1959), Мписндаги чорвачилик тажриба ст-лари, шунингдек, Мбабанедаги геол. департаменти шуғулланади.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. С. да нашр этиладиган асосий газ.лар: «Ньюс фром Свазиленд» («Свазиленд янгиликлари», ҳафтанома), «Свази ньюс» («Свази халқи янгиликлари», ҳафтанома, 1983 й.дан), «Свазиленд обсервер» («Свазиленд кузатувчиси», инглиз тилида чиқадиган кундалик газ., 1981 й.дан), «Таймс оф Свазиленд» («Свазиленд вақти», инглиз тилида чиқадиган кундалик газ., 1897 й.дан), «Тиххатси Темасвати» (свази тилида чиқадиган кундалик газ., 1983 й.дан), «Умбики» («Репортёр», инглиз ва свази тилларида ҳафтасига 2 марта чиқадиган газ., 1968 й.дан). Миллий ахборот агентлиги йўқ. С. радиоэшиттириши ва ахборот хизмати 1966 й.да ташкил этилган; ҳукумат томонидан назорат қилинади. С. телевизион корпорацияси, 1978 й. асос солинган.

Маданияти. Свазилендликларининг миллий кийимлари гуллор газлама ва ҳайвон терларидан тикилади, маржонлар б-н безатилади. Мусиқа асбоблари хилма-хил: камончали (кўпинча ош қовоқ пўстига ўрнатилган торлар), пуфлаб чалинадиган (қийик шохидан ясалган) асбоблар, барабанлардан иборат.

Свази аёлини ўзининг анъанавий жангчи кийимида.

СВАНЕТИЯ ТИЗМАСИ — Грузиядаги тог тизмаси. Ингури ва Цхенисцкали дарёларининг юқори қисмлари оралиғида. Уз 85 км. Энг баланд жойи 4008 м (Лайла тоғи). Гилли сланецлар, қисман кварцитлардан таркиб топган. Пастки ён бағирлари дуб-қорақайин ўрмонлари. 2000 м баландликдан бошлаб альп ўтлоқлари б-н қопланган. Музликлар майд. 30 км².

СВЕДБЕРГ Теодор (1884.30.8, Вальбо — 1971.26.2) — швед физик кимёгари. Швед Қироллик ФА аъзоси (1934). Упсал ун-тини тугатган (1907). 1921 й.дан проф. Упсалдаги Ядро кимёси ин-ти директори (1949 й.дан). Асосий илмий тадқиқотлари коллоид кимё, молекулаларнинг ўлчамлари ва шаклларини аниқлаш ҳамда электрофорезга оид. С. молекулаларнинг мавжудлигини ва замонавий молекулар-кинетик тасаввурларни асослаб берган (1907). Эритмалардан коллоид заррачаларни ажратиб олишнинг ультрацентрифугалаш усулини кашф этган (1919) ва юқори дисперс золларни текшириш учун ультрацентрифугалар ясаган (1923). Нобель мукофоти лауреати (1926).

СВЕРДЛИН Лев Наумович (1901.16.11, Астрахон — 1969.29.8, Москва) — Халқ артисти (1954). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1944). 1921 й. Туркистон Сиёсий бошқармаси қошидаги театр студиядан С. Москвага ўқишга жўнатилган. Ўқишни тугатгач (1926), 1937 й.гача Мейерхольд, 1937—40 й.лар Вахтангов театрларида, Москва драма театри, 1954—67 й.лар В. Маяковский номидаги театрда ишлаган. С. ўзбек профессионал актёрларининг биринчи муаллимларидан. У 1924—30 й.лар Москвада биринчи ва иккинчи ўзбек драма студияларида дарс берган («Қоровул уйқуси», «Ёркиной» спектаклларини саҳналаштирган). Тихон («Момақалдироқ»), Полоний («Ҳамлет»), Хлебников («Номус қонуни»), Мелоди («Шоир қалби») ва б. саҳнада яратган энг яхши ролларидан. «Москвадан йироқда» (Залкинд), «Мовий денгиз ёнида» (Юсуф), «Тоққа қочган Алитет» (Алитет), «Йўл» (Бекмбетов) каби фильмларда суратга тушган. Тошкентда онаси яшагани туфайли у Ўзбекистонга тез-тез келиб турган ва миллий киномизнинг шаклланишига муносиб ҳисса қўшган. 1943 й. С. «Насриддин Бухорода» фильмида Хўжа Насриддин образини яратган. Шунингдек, Тошкент киностудиясида яратилган «Унинг исми Сухэ-Батор» («Монголкино», 1942) фильмида ҳам Сухэ-Батор ролини ўйнаган.

СВЕРДЛОВСК ВИЛОЯТИ — РФ таркибидаги вилоят. 1934 и. 17 январда ташкил қилинган. Майд. 194,8 минг км². Аҳолиси 4489,8 минг киши (2002), асосан, руслар (88,7%), шунингдек, татар, украин, бошқирд, мари, немис ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 87,5%. Маркази — Екатеринбург ш. Бошқа йирик шаҳарлари: Нижний Тагил, Каменск-Уральский, Первоуральск, Асбест, Серов. 30 маъмурий туман, 47 шаҳар ва 100 шаҳарча бор.

С.в. Ўрта Уралда, Шим. Уралнинг шарқий ён бағирларида ва ёнбоғи текисликларда, асосан, Уралдан шарқда жойлашган. Вилоят ҳудудининг 1/4 қисми Урал тоғлари б-н банд. Энг баланд жойи (1569 м) Шим. Уралда. Шарқда Ғарбий Сибирь текисликлари бошланади ва вилоят ҳудудининг 2/3 қисмини ташкил этади.

Фойдали қазилмалардан темир рудаси (Качканар, Високое, Благодать тоғлари), мис рудалари, боксит (Шим. Урал боксит ҳавзаси), олтин, платина, асбест, ўтга чидамли материаллар, сульфат колчедани, асл тош конлари бор. Қўнғир кўмир ва тошкўмирнинг катта захиралари мавжуд. Иқлими континентал, текисликларда янв.нинг ўртача т-раси —20°, июлиники 16—19°. Вегетация даври 130 кун. Йилига 500—350 мм ёғин ёғади. Дарёлари Тобол ҳавзасига мансуб. Гидроэнергиянинг умумий ресурслари 0,7 млн. кВт. Тоғларда, асосан, игна баргли тайга (асосан, қорақарағай), қайин ўрмонлари ҳам бор. Урал шарқининг шим.да подзол тупроқларда қарағай ўрмонлари ўсади, пастқам жойларда қорақарағай аралаш кедр тайгаси мавжуд. Ҳудуднинг 61% ўрмон. Ёввойи ҳайвонлар (тийин, тулки, сувсар, қуён, соболь ва б.) овланади. Вилоят ҳудудида Пишмабўйи борзор миллий боғи, Висим, Денежкин Камень қўриқхоналари бор. Ботқоқлик кўп.

Саноатининг асосий тармоқлари: қора металлургия (С.в.да Россиядаги қора металлар прокатининг 12% ва пўлатнинг 13% ишлаб чиқарилади), рангли металлургия (асосан, мис, алюминий, никель и.ч.), машинасозлик (коншахта ва металлургия жиҳозлари, турбиналар, Россия ем-озуқа йиғиш комбайнларининг 72%, катта юк ташувчи Россия вагонларининг 43%, генераторлар, юқори вольтли аппаратура, компрессорлар, минорали кранлар, металл кесувчи станоклар, кимё, ўрмон ва ёғочсозлик саноатлари учун асбоб-ускуналар; ҳарбий буюмларидаги маҳсулотлар и.ч.нинг ичида қисми, авиация оптикаси, ракета мажмуалари, танклар ва б.; халқ истеъмоли моллари — кир ювиш машиналари, радиоаппаратура, чангсўргичлар, ошхона комбайнлари ва б.), кимё (пластмассалар, минерал ўғитлар, техник резина буюмлари, шу жумладан, автомобиль шиналари; олтингугурт кислотаси, кимё реактивлари ва б.), ўрмон ва ёғочсозлик (фанера, целлюлоза, қоғоз, қурилиш материаллари, енгил (тўқимачилик, тикувчилик, пойабзал, мўйна), озиқ-овқат саноатлари корхоналаридир.

Корхоналардан энг йириклари: «Уралвагонзавод», «Уралмаш» «Уралэлектротяжмаш», «Уралхиммаш» и.ч. бирлашмалари, машинасозлик, турбомотор, электротехника, «Свердлеспроект», Атанаев механика, Кушва ёғочсозлик станоклари, «Лесхозмаш», Урал оптика-механика з-длари, «Автоматика» илмий и.ч. бирлашмаси ва б. Енгил саноат корхоналари Екатеринбургда жойлашган. Белоярск АЭС, Рефтя, Ўрта Урал, Юқори Тагил, Қуйи Тура, Серов иссиқлик электр ст-ялари ишлаб турибди.

Қ.хнинг етакчи тармоғи — чорвачилик. Асосан, қорамолнинг сут ва гўштлик, сут зотлари боқилади, паррандачилик, тўқачилик, қўйчилик ва эчкичилик ривожланган. Озуқа, дон экинлари, сабзавот (йирик шаҳарлар атрофида), картошка экилади. Дарёларида кема қатнайди. «Кольцово» халқаро аэропорти ва маҳаллий аҳамиятдаги «Уктус» аэропорти (Екатеринбург) бор. 1991 й.дан Екатеринбургда метрополитен ишлаб турибди. Т.й.лар узунлиги —3570 км. Қаттиқ қопламали автомобиль йўллар уз. 10317 км. Уренгой — Помари — Ужгород транзит газ қувури ва Сургут — Пермь — Нижний Новгород нефть қувури ўтади. Курьи, Нижние Серги, Самошвет, Молтаево Озеро ва б. курортлар мавжуд. 14 олий ўқув юрти (шу жумладан, Урал ун-ти), 10 театр, 22 музей бор.

Екатеринбург. Шаҳарининг марказий кўчаси.

СВЕТОФОР (рус. свет — ёруғлик ва юн. phoros — элтувчи) — ёруғлик сигнали берадиган электр қурилма. Пиёдалар ва транспорт воситаларининг кўчада, йўлда ва т.й.дан ўтиш жойларидаги ҳаракатини ҳамда т.й. таркиби қатнашини тартибга солиб туриш учун ишлатилади. *Семафор* тарзида С. биринчи марта 1868 й. Лондонда ўрнатилган. Кўлда бошқариладиган биринчи электр С. 20-а. бошида АҚШ да пайдо бўлган (унда фақат яшил ва қизил чироқлар бўлган). Дастлабки 3 рангли (яшил, сариқ ва қизил) С. 1918 й. Нью-Йоркда, 1930 й. Москвада ишлатилган. С.дан т.й.да фойдаланиш 20-а.бошларида расм бўлган. С.ларни ўрнатиш ва улардан фойдаланиш қоидалари Венада 1968 й. қабул қилинган «Йўл белгилари ва сигналлари ҳақида конвенция» ва бу конвенцияни тўлдирувчи Европа келишуви (1971, Женева) талабларига кўра белгилаб қўйилган. Ўзбекистонда 2001 й. халқаро меъёрлар асосида ишлаб чиқилган «Йўл ҳаракати қоидалари»га риоя қилинади (қ. *Йўл белгилари*).

С.нинг 1, 2 ва 3 секцияли ҳамда қўшимча секцияли хиллари бор. Бир секцияли С.да фақат бир хил — сариқ ёки қизил чироқ ёнади. Сариғи ўчиб-ёниб, ҳайдовчиларни огоҳлантириб туради. Агар транспорт воситасини тўхтатиш лозим бўлса (мас., т.й.дан ўтиш жойларида, ўт ўчириш автомобиллари чиқаётган жойларда ва ҳ.к.), қизил чироқ ёнади. Икки секцияли С.да 2 хил — яшил ва қизил чироқ ёнади. Асосан, шаҳарларда т.й.дан ўтиш жойларига ўрнатилади. Уч секцияли С.да уч хил — яшил, сариқ ва қизил чироқ ёнади. Тик ва ётиқ жойлашган хиллари бор. Асосан, йўл (кўча) чорраҳаларига ўрнатилади.

Яшил чироқ ёнганда рельссиз транспорт воситалари барча йўналишларда, трамвай эса тўғрига ва чапга ҳаракатланиши мумкин. Қизил чироқ ёнганда барча транспорт воситаларининг ҳаракати тўхтайди, трамвай эса ўнгга бурилиши мумкин. Сариқ чироқ ёнганда чорраҳага яқинлашаётган транспорт воситалари тўхтайди, чорраҳага кирганлари чорраҳани бўшатади, сигнал ўзгаришини кутиб турганлари ҳаракатланишга тайёрланади. Ўчиб-ёниб тураётган сариқ чироқ ҳайдовчиларни огоҳлантиради.



Светофор.1. Уч секцияли ва қўшимча секцияли светофор. **2.** Темир йўлдан ўтиш жойларига ўрнатиладиган светофор.

Қўшимча секцияли С. чапга бурилишни, ўнга бурилишни, иккала томонга бурилишни ва 3 томонли чорраҳаларда тўғрига ҳаракатланишни кўрсатади. Бундай С.лар серқаракат чорраҳаларга ўрнатилади. Қўшимча секциядаги «стрелка» сигнали ёнганда (С.даги қайси асосий чироқ ёнганидан қатъий назар) транспорт ёнган стрелка йўналишида ҳаракатланиши мумкин.

С.лар чорраҳа четига, ўртасига осиб қўйилиши, махсус устунга ёки бино деворига ўрнатилиши мумкин. Улар, асосан, автоматик тарзда ёниб ўчади. Шу мақсадда ЭҲМ дан ҳам фойдаланилади. Ҳаракатни автоматик бошқаришнинг уйғунлаштирилган тизими борган сари кенгроқ қўлланилмоқда. Бунда, мас., бир йўналишда ўрнатилган С.лардан бирининг яшил чироғи да ўтган транспорт маълум тезликда (мас., 45 км/соат) ҳаракатланса, навбатдаги С.нинг ҳам яшил чироғига тўғри келади ва ҳ.к. Қандай тезликда ҳаракатланиш кераклиги ҳақидаги белги ҳар қайси С. яқинига осиб қўйилади. Бундай тизим «яшил тўлқин» деб аталади. С.дан саноатда диспетчерлик (бошқариш) да ҳам фойдаланилади.

Т.й. светофори ст-ялар ва ўтиш жойларига ўрнатилиб, т.й. таркибининг ҳаракатини тартибга солади ва унинг тезлигини белгилайди. Бундай С.да яшил, қизил, кўк, сариқ ва сутранг-оқ чироқлар бўлади. Т.й.нинг автоматик ёки ярим автоматик блокировка б-н таъминланган бир қисмини бошқаради.

СВИРИДОВ Георгий Васильевич [1915.3(16)12, ҳоз. Курск вилояти Фатеж ш. — 1998, Москва] — рус композитори ва жамоат арбоби. Халқ артисти (1970). Меҳнат Қаҳрамони (1975). 20-а. мусиқа санъатининг йирик намояндаси. Ленинград консерваториясини тугатган (1941). Россия композиторлар уюшмаси бошқаруви раиси (1968—73). Ижодий услуби рус мусиқа фольклори, шунингдек, 20-а. мусиқа анъаналари б-н узвий боғланган; асарлари мазмунидорлиги, равшан ва содда ифодаси б-н ажралиб туради. Айниқса, вокал ва вокал-симфоник жанрларга кенг мурожаат қилган: «Есенин хотирасига» вокал-симфоник поэмаси, «Патетик оратория», «Курск қўшиқлари», «Баҳор кантатаси», «Пушкин гулчамбари», романс туркумлари ва б. Симфоник, камер-чолғу асарлар, спектакль ва кинофильмлар учун мусиқалар ёзган. Давлат мукофоти (1946, 1968, 1980), Россия давлат мукофоти лауреати (1994).

СВИТА (геология) — бирор р-нининг геологик кесимида асосий регионал стратиграфик аҳамиятга эга бўлган таксонометрик бирлик, чўкинди, вулканоген ёки метаморфик тог жинслари қатламлари мажмуи. Таркибига кўра, бир хил жинслардан, баъзида турли типдаги жинсларнинг кетма-кетлигидан иборат бўлади. С.нинг чегаралари баъзан умумий *стратиграфия* шкаласи чегарасидан фарқ қилиши мумкин, лекин унинг ичида стратиграфик номуносиблик бўлмайди. Горизонтал йўналишда С. структура-фациал зона ёки геологик регион ҳамда чўкинди йиғилиши ҳавзаси чегаралари б-н ажратилади. С.нинг ёши энг тўлиқ бўлган кесим (стратотип) ёки бир нечта кесимлардан (улар бир биридан фарқ қилиши мумкин) аниқланади. С.лар юқори, ўрта, қуйи каби кичик свиталарга бўлинади, улар номига географик жойнинг номи қўшиб айтилади. Бир нечта С.лар *серия*га бирлаштирилади.

СВИФТ (Swift) Жонатан (1667.30.11 — Дублин — 1745.19.10) — инглиз ёзувчиси, жамоат арбоби. 1682—88 й.ларда Дублин ун-тининг Тринити-колледжида таҳсил кўрган. Илк асарлари — «Вильям Сэнкрофтга қасида» (1690) ва «Конгревга қасида» (1693). «Китоблар жанги» (1697) памфлетининг давоми «Бочка ҳақида эртак» ҳажвияси (1704)да католик, англикан ва пуритан черковлари орасидаги кураш пародия руҳида тасвирланган. «Мовутчининг хатлари» (1723—24) ва «Камтарин таклиф» (1729) памфлетларида ирланд халқи бошидан кечираётган зулм қораланган. «Дунёвий суҳбатчилар» (1738), «Малайларга ўгитлар» (1745) каби ҳажвиялари ҳам бор. С. ижодидаги энг муҳим ва ягона роман — «Гулливернинг саёҳатлари» (1—2-ж.лар, 1726) инглиз жамиятидаги иллатларни фош этувчи аччиқ сатира, ўткир айбномадан иборат. Гулливернинг хаёлий ўлкалар — лилипутлар (митти одамлар), бробдингнеглар (улканлар), гуингнимлар (ақлли отлар) мамлакатларига қилган саёҳатлари б-н

боғлиқ ҳолда олиб реал воқеликдаги янгича муносабатлар, босқинчилик урушлари, давлат идораларидаги сотқинлик, судьяларнинг адолатсизлиги ва б. қабоҳатларни ҳажвий-мажозий образларда акс эттирган.

С. сатираси унинг ижодига хос бўлган маърифатпарварлик асосида ривожланиб, хусусий ва ижтимоий иллатларни тугатиш зарурлигини таъкидлаган гуманистик пафос б-н чамбарчас боғлиқ.

Ас.: Гулливернинг сайёҳатлари. Т., 1948.

СВЯТОСЛАВ I (? — 972) — Киевнинг улуғ князи. Князь Игорнинг ўғли. 964 й.дан бошлаб Киевдан Ока, Волга бўйи, Шим. Кавказ ва Болқон в.о.га юришлар қилган; витичларни *хазарлар* ҳукмронлигидан озод этган, Волга Булгарияси б-н урушган, *Хазар хоқонлиги*ни тор-мор келтирган (965), 967 й. Болгария б-н Дунай бўйига эгалик қилиш учун курашган. Венгерлар, болгарлар ва б. б-н иттифоқ бўлиб, Рус—Византия урушини олиб борган (970—971). Киев давлатининг ташқи сиёсий аҳволини мустаҳкамлаган. Днепр остоналарида *биҳевакслар* томонидан ўлдирилган.

СДР (инг. Special Drawing Rights, SDR), махсус қарз олиш ҳуқуқлари — халқаро захира ва тўлов воситаси, Халқаро валюта фонди (ХВФ) томонидан чиқарилган. Биринчи марта 1970 й.да 9,5 млрд. доллар, 1978—81 й.ларда умумий миқдори 21,3 млрд. доллар миқдорида чиқарилган. СДР тизимида фақат ХВФ га аъзо давлатларгина иштирок этишлари мумкин. СДР фақат расмий, давлатлараро даражада амал қилади ва Марказий банклар ва халқаро ташкилотлар томонидан муомалада қўлланилади. СДР эмиссияси ХВФ Ижроия кенгашининг халқаро ликвид захиралар етишмай қолганлиги ва уларга Фоднинг махсус ҳисоббарақларида кредит қайдлари кўринишида эҳтиёжларни баҳолаш тўғрисидаги хулосасига кўра амалга оширилади. СДРга аъзо мамлакатлар ўртасида уларнинг ХВФ даги квоталарига мутаносиб ҳолда тақсимланади. Мамлакатларга СДР берилиши улардан олтин ёки валюта бадалларини талаб этмайди, СДР нинг амал қилиши давлатлараро келишувларга асосланади. Шунинглек, ХВФ ва унинг бошқарувчилари кенгаши қарорига кўра, ХВФ га аъзо бўлмаган мамлакатлар, расмий мақомга эга бўлган бошқа халқаро, минтақавий ва миллий муассасалар ҳам СДР дан фойдаланишлари мумкин. Тижорат банклари ва хусусий шахслар СДР эгалари бўла олмайди.

Дастлаб СДР қиймати АҚШ доллари олтини миқдорига тенглаштирилган 1974 й. июнь ойидан унинг курси ён кўп товар ва хизматлар экспорти ҳажмига ҳамда расмий олтин валютаси захираларига эга бўлган 16 мамлакат валюталарининг ўртача курси асосида белгиланадиган бўлди. Валюта савати таркиби ва миқдорини курсаткичлари ҳар 5 йилда қайта кўриб чиқилади.

СДР қиймати ва валюта савати таркибини аниқлаш охири марта 2000 й. окт. ойида ўтказилган ва 2001 й. янв. ойидан кучга кирди. 2001—2005 йлар учун СДР қиймати 4 асосий валюта (АҚШ доллари, Буюк Британия фунт-стерлинги, *евро* ва Япония иенаси) бўйича ҳар куни Лондон биржасида белгиланади. 2003 й. 4 ноябрда 1 СДР расмий курси 1,43 АҚШ долларига тенг бўлди. Ўзбекистон Республикаси валютаси — сўмга нисбатан СДР курси: 1 СДР =1460 сўм 35 тийин (2004, 20 янв.).

Фарҳод Қурбонов.

СЕАРА — Бразилиянинг шим.-шарқий қисмидаги штат. Майд. 146,3 минг км², Аҳолиси 7,4 млн. киши (2000). Маъмурий маркази — Форталеза ш. Шим.да Атлантика океани соҳил бўйи пасттекислигига ўтиб борувчи Бразилия ясситоғлигининг шим.-шарқий ён багирларида (бал. 300—600 м) жойлашган. Иқлими субэкваториал иқлим, ўртача т-раси январда 27°, июлда 25°. Йиллик ёғин 1000—1300 мм. Ўрмонлар, саванналар, дарё водийларида пальмазорлар бор. Хўжалигининг етакчи тармоғи — қ.х. ва ўрмон хўжалиги. Асосан, пахта, банан, шакарқамиш, маниок, маккажўхори, дуккакли экинлар, кофе, тамаки, цитрус мевалар етиштирилади. Ички ҳудудларда экстенсив чорвачилик, шаҳарлар атрофида сут чорвачилиги ривожланган. С. карнауб пальмаси толаси тайёрлаш, кешью ёнғоғи, какаочук йиғиш бўйича мамлакатда 1-ўринда. Озиқ-овқат, тўқимачилик саноати корхоналари бор. Гипс, қурилиш шағаллари, магнезит, денгиздан туз олинади. Асосий портлари: Форталеза, Мукурипи, Аракати.

СЕБАРГА (Trifolium) — дуккакдошларга мансуб бир, икки ва кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар туркуми, ем-хашак экини. 200 га яқин тури Шим. ярим шарнинг мўътадил, шунинглек, субтропик минтақаларида, қисман Жан. Америка ва Африкада учрайди. Қизил (T.pratense L.), пушти С. (T. hubridum), оқ С. (T. repens), миср С.си (T. alexandrinun L.), эрон С.си (T. resupinatum L.) турлари деҳқончиликда кенг тарқалган. Ўзбекистонда, асосан, қизил С., миср С. си (берсим) ва

Қизил себарга

эрон С.си экилади. Қизил ёки углоқ С.си икки йиллик ўтсимон ўсимлик. Илдизи ўқ илдиз, 30—40 см чуқурликда жойлашади, айримлари 1 м гача боради; илдизида 1—3 мм ли туганаклар ҳосил бўлади. Пояси тик ўсади, шохланади. Барги 3 бўлакли, четлари текис, бандининг уз. 12—20 см. Гули майда, қизил, оқ, бинафша. Гултўпламлари думалоқ, баъзида шингилсимон. Бир тупламда 100—135 гул мавжуд. Меваси 3—6 урутли дуккак, ранги сариқ, қунғир. Уруғи сариқ, бинафша; майда, 1000 та уруғи вазни 1,2—2 г. Уруғи 1—2° ҳароратда униб чиқади. 15—29° да яхши ўсиб ривожланади. Мўътадил нам иқлимга мослашган. Экилганидан кейин 6—7 кунда униб чиқади. Майсаси 65—80 кунда гуллайди, 110—120 кундан кейин уруғи пишади. Қизил С.дан юқори туйимли кўкат, пичан, силос, витаминли ўт уни тайёрланади. 100 кг кўкатида 20 озуқа бирлиги, 2,7 кг оқсил, 380 г кальций, 340 г фосфор, 2500 мг каротин мавжуд. С. тупроқни азот б-н бойитади. 1 га да 100—200 кг ҳисоб-да соф азот тўплайди. Бир далада С. 2—3 йил давомида ўстирилади. Ҳар ўримда 1—3 марта сугорилади. Тўйимли пичан, кўкат олиш учун гуллаган даври бошланиши б-н ўриб олинади. Ўзбекистонда қизил С.нинг Ўзбекистон шоличилик и.т. ин-тида УзРос (1954) ва Ўзбекистон 3 (1981) навлари чиқарилган ва барча вилоятлар учун р-нлаштирилган.

Касалликлари: антракноз, рак, фузариоз, аскохитоз, занг.

Зараркунандалари: узунтумшуқ, шилимшиқ.

Ад.: Отабоева Х. ва б., Ўсимликшунослик, Т., 2000.

Халима Отабоева.

СЕБАРГА ТУНЛАМИ [Discestra trifollii Hufn. (Scotogramma trifollii Rott.)]— тунламлар оиласига мансуб капалак. Қулранг-қўнғир ёки сарғиш-қўнғир тусли. Қанотлари ёзилганда 34—38 мм. Қанот четлари оқиш, яққол кўринадиган М-шаклидаги нақши бор. Ғумбаги қизғиш-сариқ. С.т. апр.дан окт.гача учади, тухумини (25 тагача) ўзи озиқланадиган ўсимлик барглари(нинг уст)и ёки остига қўяди. Тўлиқ ривожланиш цикли ҳароратга қараб 27—74 кун. Ўрта Осиёнинг сугорма деҳқончилик минтақаларида йилига 3 авлод беради. 40 га яқин маданий ўсимликлар, шу жумладан, ғўза, каноп, зиғир, тамаки, беда, себарга, нўхат, маккажўхори, қовоқсимонлар ва б.ни зарарлайди.

Кураш чоралари: 80% ли хлорофос (0,8—1,5 кг/га) ёки пиретроид эмульсияларини пуркаш. Тухум қўйиш бошланган даврда 1 га майдонга 60—80—60 минг ҳисобида *трихограммани* 3 навбатда қўйиб юбориш ва б.

СЕБЗОР — ўтмишда Тошкентдаги даҳа номи. Шаҳарнинг шим.-ғарбий қисмида жойлашган. Тошкентнинг 4 даҳасидан бири. Ҳудуди жиҳатидан энг кичиги. Чегараси ғарбдан Сағбон ва Қорасарой кўчаларининг оралиғидан (ҳоз. Зарқайнар кўчасининг ғарбидан), жанлан Жангоҳ ариғидан ўтган. Шаҳарнинг шим. ва шарқ томондаги мавзеларида (Алвастикўприк, Ҳасанбой, Кўктерак, Бойқўрғон, Болтамозор, Гурунчариқ ва б.) себзорликларнинг дала ҳовлилари, боғлари бўлган. Тошкентнинг энг қад. ариқларидан бири — Кайковус С. ҳудудидан ўтган. Шайбонийлардан *Сунчихўжахон* томонидан бунёд этилган (1525 й.) *Кайковус чорбоғи* унинг бўйида жойлашган. 19-а. ўрталарида С.да 65 та маҳалла, 3 мадраса (Бароқхон, Мўйин Муборак, Беклярбеги), 78 масжид бўлган, шаҳарнинг 3 дарвозаси (Лабзак, Тахтапул, Қорасарой), Эскижува бозорининг катта қисми, асосан, С. ҳудудида жойлашган. Аҳолиси (1870-й.ларда 18650 киши), асосан, ҳунармандчилик, шаҳар ташқарисидаги ерларида деҳқончилик б-н шуғулланган. *Муҳаммад Салиҳ*нинг «Тарихи жадидаи Тошкант» асарида С. Ҳазрат Имом Қаффол Шоший даҳаси номи б-н қайд этилган. С.да Қаффол Шоший (Хасти Имом) мақбараси, *Бароқхон мадрасаси* ва б. меъморий ёдгорликлар жойлашган.

С. аҳолиси, айниқса, косиблари б-н шуҳрат қозонган, уларнинг маҳсулотлари Туркистон ўлкасининг бошқа шаҳарларига ҳам тарқалган. Аҳоли, шунинглек, ип газлама тўқиш ва читга гул босиш б-н машғул бўлган. Тахтапул, Чувалачи, Қорасарой, Ёв, Себзор ва Қозиқўча маҳалла ва мавзелари аҳолиси ғалла экинлари ҳам экишган; мол жаллобларни даҳа аҳолисининг ўзига тўқ табақасини ташкил этган.

Ад.: Маллицкий Н.Г., Тошкент маҳалла ва мавзелари, Т., 1996; Муҳаммаджонов А., Қадимги Тошкент, Т., 2002.

Маҳсура Шарипова.

СЕБОРЕЯ (лот. sebum — ёғ ва юн. rhoia — кечмоқ) — тери касаллиги. Ёғ безлари функциясининг бузилиши б-н кечади. Асосан, гипофиз безининг фаоллиятига, ёғ алмашинуви ва тери ёғ безлари ишининг бузилишига боғлиқ. С.да ёғ безларидан ажралиб чиқадиган ёғ кўпайиб ёки камайиб кетиб, сифати ҳам ўзгаради. Кўпинча балоғатга етаётган ўсмирларда учрайди. Кишн қарнганида С. аломатлари камаяди ёки йўқолиб кетади.

С., асосан, юз, бош, кўкракнинг юқори қисми ва елкада, яъни ёғ безлари кўп жойлашган ерларда учрайди. С. ён б-н огриган кишилар териси устида ёғ-ишқорий муҳит бўлиб, у йирингли касалликлар пайдо бўлишига олиб келади. Бундай беморлар юзига *ҳуснбузор* тошади, соч тўкилиб, сийраклашади.

Мойли ва қуруқ С. бор. Мойли С.да тери ялтираб туради. Тери ёғ безларининг тешиклари кенгайиб кетганлигидан, бурун катакларн атрофидаги тери апельсин пўстига ўхшаб қолади. Ана шу кенгайган ковакларга мугуз қават ҳужайралари, ёғ, чанг ва кир йиғилишидан тери кулранг тусга киради.

Бошдаги сочлар ёғлиқ, ялтироқ, баъзи ерларда бир-бирига ёпишган, таги қизғоқ йиғилади. Тери қаттиқ қичишқасмоқли бўлади. Тери қаттиқ қичишиши тирнаб юборади, ҳатто *сезгинч*, ширинча каби йирингли касалликлар кузатилади.

Қуруқ С.да, аксинча, ёғ кам чиқади, тери юпқа ва қуруқ бўлади. Бошга қизғоқ йиғилади. Баъзан қизғоқ бир-бирига ёпишиб, кулранг тангачалар ҳосил қилади. Қизғоқ ва тангачалар остидаги терининг ранги ўзгармайди. Сочлар қуруқ, нозик, мўрт, хира ва учидан иккига айрилган бўлади. Бемор баданига кир айрилган бўлади. Бемор баданига пушти-қизил, ути қичишли, катталиги ва шакли ҳар хил доғлар тушади.

Баъзи бир беморда С.нинг ҳар иккала хили, яъни баданнинг ёғ безлари кўп жойлашган қисмида ёғли С., терининг бошқа ерларида қуруқ С. учраши мумкин.

С.да аччиқ, ёғлиқ овқатлардан парҳез қилиш, спиртли ичимликлар ичмаслик керак. Спорт б-н шуғулланиш, кўпроқ витаминларга бой овқатлар истеъмол қилиш, дам олиш, сайр қилиб, организмни чиниқтириш зарур. Терининг ҳолатига қараб парвариш қилиш (қ. *Тери*), зарур бўлса, врачга кўрсатиб даволатиш керак.

СЕБУ — Филиппиндаги шаҳар. Себу провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 662 минг киши (2000), Себу о.нинг шарқий қисмидаги порт. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Мамлакатнинг Манилядан кейин 2-йирик иқтисодий ва маданий маркази. Қ.х. райончнинг савдо-тақсимот маркази. Нефтни қайта ишлаш, озиқ-овқат (шакарқанд, ёғ-мой) саноати корхоналари; унт бор. Меъморий ёдгорликларидан 16—17-а.ларда қурилган форт, черков ва б. сақланган. Шаҳар яқинида мис кони бор.

СЕВАН, Гўкча — Арманистон ва Кавказдаги энг катта кўл, 1900 м баландликда. Майд. 1360 км². Ўртача чуқ. 28,5 м. Энг чуқур жойи 83 м. С.ни 2 та бурун шим.-ғарбий (Кичик С.) ва жан.-шарқий (Катта С.) қисмларга ажратиб туради. Кўлга 28 сой қуйилади, кўлдан Раздан (Занга) дарёси оқиб чиқади. Бу дарёга 6 та ГЭС қурилган. С.да хонбалиқ ва б. балиқлар овланади. Кўл суви ва Раздан дарёсининг суви дан Севан ГЭС каскадида фойдаланилади. Арпа дарёсининг суини кўлга қуйиш учун Арпа — Севан тоннели (уз. 49 км) қурилган. С. соҳилида Севан ш. жойлашган. Кўл атрофи дам олиш зонасига айлантирилган. Туризм ривожланган.

СЕВАСТОПОЛЬ (1784 й. гача Ахтиар) — Украинанинг Қрим Республикасидаги шаҳар. Қора денгизнинг Севастополь қўлтиғи соҳилида. Денгиз порти, т.й. станцияси. Автомобиль йўллари тугуни. Аҳолиси 360 минг киши (1997 й.) Қадимда С. ўрнида антик Херсонес ш. бўлган. Қримни Россия босиб олгандан кейин (1783) шаҳар ва портда қурилиш ишлари авж олдирилди ва 1784 й.дан С. деб аталди. 1802 й.дан Таврия губерняси таркибида. 1804 й.да Қора денгизнинг асосий ҳарбий порти деб эълон қилинди. 1875 й.да С. — Лозовая т.й. қурилди ва шаҳар Симферополь б-н боғланди. 1941—42 й.ларда С. ва унинг

Севан кўли соҳили.

Севастополь. «Чўктирилган кемалар» ёдгорлиги.

атрофида қаттиқ жанглар бўлган. 1945 й.да С.га қаҳрамон шаҳар унвони берилди. Шаҳар уруш ҳаракатлари даврида деярли бутунлай вайрон қилинган эди. «Севастополь мудофааси» панорамаси (1902—04 й.лар, рассом Ф.А.Руббо) тикланди, 1944 й. 7 майда «Сапун-Горани штурм қилиш» панорамаси барпо этилди (1959).

С. — Қора денгиз ҳарбий флотининг асосий базаси. Кемасозлик ва кема таъмирлаш, приборсозлик, «Химпром» ва б. корхоналар, озиқ-овқат, енгил, ёғочсозлик саноатлари бор. Приборсозлик ин-ти, 2 театр, бир қанча музей, жумладан, Қора денгиз флоти, балиқий музейлар, Жан. денгизлар биологияси ин-ти аквариуми мавжуд. С.да тарихий ва меъморий ёдгорликлардан Петропавловск черкови (1843—48), Граф пристани (1846) сақланган.

СЕВЕРОДВИНСК (1938—1957 й.ларда — Молотовск) — РФ Архангельск вилоятидаги шаҳар (1938 й.дан). Оқ денгиз соҳилида, Северная Двина дарёсининг денгизга қуйилиш жойида. Т.й. станцияси. Аҳолиси 233,8 минг киши (1998). Мудофаа, ёғочсозлик, озиқ-овқат саноатлари корхоналари мавжуд. Йўл машиналари, қурилиш материаллари и.ч. корхоналари, тикувчилик ва паррандачилик ф-калари, ўрта махсус билим юрти, драма театри бор.

СЕВЕРОДОНЕЦК — Украинанинг Луганск вилоятидаги шаҳар (1958 й.дан). Северский Донец водийсида, Лисичанск т.й. станциясидан 6 км. Аҳолиси 135 минг киши (1990-й.лар ўрталари). «Азот», «Стеклопластик» и.ч. бирлашмалари, ёғочсозлик, уйсозлик к-тлари, приборсозлик, электрон ҳисоблаш машиналари, озиқ-овқат саноати корхоналари ва б. бор. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Бир неча и.т. ин-ти, кимё-механика, мусиқа ўрта махсус билим юртлари мавжуд.

СЕВЕРСКИЙ ДОНЕЦ — Украина ва РФдаги дарё. Дон дарёсининг ўнг ирмоғи. Уз. 1053 км. Ҳавзасининг майд. 98,9 минг км². Ўрта Россия қирларининг жан. ён бағирларидан бошланади. Юқори оқимида (Белгород ш.гача) тутонлар қурилган. Ўнг соҳили баланд ва тик. Ҳавзасида эски ўзан ва ботқоқлик кўп. Асосий ирмоқлари: Оскол, Айдар, Калитва. Қор сувларидан тўйинади. Март—апр.да тошади. Ўртача сув сарфи 160 м³/сек. Дек.—янв.да музлаб, мартнинг охирида музлан бошланди. Донецк ш.гача кема қатнайди (222 км масофада). С.Днинг қуйилиш жойида йирик Усть-Донецк порти бор. Дарё бўйида Белгород, Чугуев, Изюм, Лисичанск, Счастье, Донецк, Каменск-Шахтинский, Белая Калитва ш.лари жойлашган.

СЕВЕРЦОВ Николай Алексеевич (1827.20.10, Воронеж — 1885, 26.1) — рус зоологи, зоогеографи ва сайёҳи, Москва ун-тини тугатган (1846). Ўрта Осиёга бир неча марта сайёҳат қилиб (1857—1879), Тяньшан ва Помир тоғлари ҳамда Қизилқум чўлини тадқиқ қилган; уларнинг фаунаси, географияси ва геологиясини ўрганган; Помир орографияси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига оид бой материал йиққан; Россия ва Туркистон қушларининг тарқалиши ва ҳаётига оид талқинотлар олиб борган; қушлар коллекциясини тўплаган. С. Палеарктикани зоогеографик р-нларга ажратиш принципларини ишлаб чиққан. Ўрта Осиё тоғларидаги чўққи ва музликлар унинг номига қўйилган.

СЕВЕРЦОВ МУЗЛИГИ — Ўзбекистондаги энг йирик музлик. Қашқаларёнинг ирмоғи — Оқсув дарёсининг юқори оқимида. Ҳисор тизмаси ғарбий қисмининг шим. ён бағрида. Майд. 1,38 км². Н.А. *Северцов* номи б-н аталган. С.М.да гидрометеорологик ст-я ишлаб турибди.

СЕВЕРЦОВ ЧЎҚҚИСИ — Пётр I тизмасининг шим. ён бағридаги чўққи. Музгаза дарёсининг бошланиш жойида. Чўққи Н.А. *Северцов* номига қўйилган. Альпинистлар С.ч.га 1974 й.дан чиқа бошлаган.

СЕВИЛЬЯ — Испаниянинг жан. қисмидаги шаҳар. Андалусия мухтор вилояти ва Севилья провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 702 минг киши (1998). Гвадалквивир дарёси бўйидаги порт, денгиз кемалари ҳам кира олади. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Мамлакатнинг муҳим савдо, саноат ва маданий маркази. Машинасозлик (жумладан, электротехника, кемасозлик ва авиасозлик, қ.х. машиналари и.ч.), озиқ-овқат, тўқимачилик, кимё ва нефть кимёси саноатлари корхоналари мавжуд. Археология, нафис санъат музейлари, ун-т (1502) бор.

Севилья шаҳри. Кафедрали собор.

С. қалъаси Гистералис деб аталган. 3-а.да римликлар, 712 й.да араблар босиб олган, 1248 й.да Кастилия ва Леон қироллигига қўшилган. 15-а.да С.дан Колумбнинг 1-экспедицияси йўлга чиққан. 15—17-а.ларда С. Европада энг йирик савдо шаҳарларидан эди. Меъморий ёдгорликларидан Ал-Қаср саройи (12-а. охири), готика черкови (13—14-а.лар), кафедрали собор (собиқ Жоме масжиди), «Ла Хиралда» қўнғироқхонаси (12-, 16-а.лар) ва б. сақланган.

СЕВР СУЛҲ ШАРТНОМАСИ (1920) — Версаль—Вашингтон тизими шартномаларидан бири. 1-жаҳон урушини якунлаган. 1920 й. 10 авг.да Севр ш.да (Франция) Антанта мамлакатлари ва унга қўшилган давлатлар б-н Туркия ўртасида имзоланган. Усмонли турк империясининг, шу жумладан, Туркия ҳудудининг бўлиб олинишини расмийлаштирган. Лозанна конференцияси (1923)да бекор қилинган.

СЕВРЮГА (Acipenser stellatus) — осётрсимонлар оиласига мансуб балиқ. Уз. 220 см гача, вазни 80 кг гача. Танасида беш қатор суякчалар жойлашган бўлиб, улар орасида иллдузсимон пластинкалар бор. Мўйлови калта. С. шаталли сув губига 20—630 минг увилдириқ ташлайди. Эркаклари 5—13, урғочиси 10—17 ёшида жинсий етилади. 30 йилгача яшайди. Қора, Азов, Каспий, Орол денгизи ҳавзаларида тарқалган. Умурткасизлар ва майда балиқлар б-н озиқланади. Орол денгизида яловчи С.лар кўпайиш учун Сирдарё ва Амударёга чиққач, гўшти ва увилдирғи учун овланади. Сузиш пуфагидан елим

Севрюга.

тайёрлашда фойдаланилади. Сунъий кўпайтирилади. Гидротехник иншоотлар қурилиб, дарёлар оқимининг ўзгариши С. сонининг кескин камайишига олиб келди. Осётр, стерлядь, *бақрабалиқ* б-н дурагайи олинган.

СЕГЕД — Венгриянинг жан. қисмидаги шаҳар. Чонград мельесининг маъмурий маркази. Аҳолиси 166,1 минг киши (1997). Тиса дарёси бўйидаги порт. Мамлакатнинг иқтисодий ва маданий марказларидан. Йирик озиқ-овқат, тўқимачилик, тикувчилик, ёғочсозлик, кўн-пойабзал, машинасозлик саноати корхоналари, резинатехника буюмлари з-ди мавжуд. Ун-т, ФАнинг Биология ин-ти, музей ва театрлар бор. 13—16-а.ларга оид меъморий ёдгорликлари сақланган. С. яқинида нефть ва газ конлари топилган.

СЕГИЗБОЕВ Султон (1899.15.7, ҳоз. Оққўрғон тумани — 1938.15.6) — сиёсат ва жамоат арбоби. Аввал қишлоқ мактабида, сўнг Тошкент гимназиясида ўқиган. Иқтисод фанлари бўйича проф. (1930). С. 1916 й. Туркистондаги миллий озодлик ҳаракатида қатнашган. 1918 й.дан хўжалик соҳасида раҳбарлик лавозимларида. Туркистон ўлка «Қўпчи» ташкилоти масъул котиби (1921—22). Фарғона вилояти партия комитети котиби (1923), Туркистон КП МК ташкилий бўлими мудири, Тошкент уезди партия комитети котиби (1924), Украина Старобельск округ партия комитети йўриқчиси (1925). 1925—30 й.ларда Қизил профессура ин-ти (Москвада ўқиган, шу ин-т ҳузуридаги кечки ун-т декани. Бутуниттифоқ қ.х. академиясининг Ўрта Осиё филиали ва Пахтачилик ин-ти директори, Ўрта Осиё унитида кафедра мудири (1930—31). ВКП (б) Қозоғистон ўлка комитетида бўлим мудири (1932—36).

Шим. Қозоғистон вилоят партия комитети 1-котиби (1937), Ўзбекистон ХКС раиси, СССР Олий Совети Иттифоқ раиси, СССР Олий Совети Президиуми (1937—38). Газ., журларга муҳаррирлик қилди, иқтисод ва тарихга оид кўплаб мақолалар ёзди. 1938 й. Тошкентда қамоққа олиниб, қатағон қилинди. Ўлимидан сўнг оқланди. С. хотираси абадийлаштирилган. Оққўрғон туманидаги ширкат хўжаликлари (2 та), мактаб, маҳалла, кўча, Мирзачўл туманидаги ширкат хўжалиги, Гулистон ш.даги тиббиёт коллежи, Тошкент ш.даги кўчалардан бири унинг номи б-н аталган, Мирзачўл ва Оққўрғон туманларида С. бюсти ўрнатилган.

Ад.: Ўзбекистон тарихи (1917—1991 й.), Т., 2000; Муҳиддинова Ф.П., Ҳасанов К, Султон Сегизбоев. Т., 1978.

СЕГМЕНТ (лот. segmentum — кесма, seco — кесаман) — 1) текисликдаги С. — эгри чизиқ ва шу ёй учларини туташтирувчи ватар б-н чегараланган текислик шакл. Доиравий *AmB* С. юза (расмга қис. шакл. Доиравий *AmB* С. юза (расмга қис. шакл. Доиравий *AmB* С. юза (расмга қис.

Севастополь. «Чўктирилган кемалар» ёдгорлиги.

атрофида қаттиқ жанглар бўлган. 1945 й.да С.га қаҳрамон шаҳар унвони берилди. Шаҳар уруш ҳаракатлари даврида деярли бутунлай вайрон қилинган эди. «Севастополь мудофаси» панорамаси (1902—04 й.лар, рассом Ф.А.Руббо) тикланди, 1944 й. 7 майда «Сапун-Горани штурм қилиш» диорамаси барпо этилди (1959).

С. — Қора денгиз ҳарбий флотининг асосий базаси. Кемасозлик ва кема таъмирлаш, приборсозлик, «Химпром» ва б. корхоналар, озиқ-овқат, енгил, ёғочсозлик саноатлари бор. Приборсозлик ин-ти, 2 театр, бир қанча музей, жумладан, Қора денгиз флоти, балиқ музейлар. Жан. денгизлар биологияси ин-ти аквариуми мавжуд. С.да тарихий ва меъморий ёдгорликлардан Петропавловск черкови (1843—48), Граф пристани (1846) сақланган.

СЕВЕРОДВИНСК (1938—1957 й.ларда — Молотовск) — РФ Архангельск вилоятидаги шаҳар (1938 й.дан). Оқ денгиз соҳилида, Северная Двина дарёсининг денгизга қуйилиш жойида. Т.й. станцияси. Аҳолиси 233.8 минг киши (1998). Мудофаа, ёғочсозлик, озиқ-овқат саноатлари корхоналари мавжуд. Йўл машиналари, қурилиш материаллари и.ч. корхоналари, тикувчилик ва паррандачилик ф-калари, ўрта махсус билим юрти, драма театри бор.

СЕВЕРОДОНЕЦК — Украинанинг Луганск вилоятидаги шаҳар (1958 й.дан). Северский Донец водийсида, Лисичанск т.й. станциясидан 6 км. Аҳолиси 135 минг киши (1990-й.лар ўрталари). «Азот», «Стеклопластик» и.ч. бирлашмалари, ёғочсозлик, уйсозлик к-тлари, приборсозлик, электрон ҳисоблаш машиналари, озиқ-овқат саноати корхоналари ва б. бор. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Бир неча и.т. ин-ти, кимё-механика, мусиқа ўрта махсус билим юртлари мавжуд.

СЕВЕРСКИЙ ДОНЕЦ — Украина ва РФдаги дарё. Дон дарёсининг энг ирмоғи. Уз. 1053 км. Ҳавзасининг майд. 98,9 минг км². Ўрта Россия қирларининг жан. ён бағирларидан бошланади. Юқори оқимида (Белгород ш.тача) тутоқлар қурилган. Ўзи соҳили баланд ва тик. Ҳавзасида эски уван ва ботқоқлик кўп. Асосий ирмоқлари: Оскол, Айдар, Калитва. Қор сувларидан тўйинади. Март—апрел тошади. Ўртача сув сарфи 160 м³/сек. Дек.—янв.да музлаб, мартнинг охирида музлан бушайди. Донецк шлача кема қатнайди (222 км масофада). С.Донни қуйилиш жойида йирик Усть-Донецк порти бор. Дарё бўйида Белгород, Чугуев, Изюм, Лисичанск, Счастье, Донецк, Каменск-Шахтинский, Белая Калитва ш.лари жойлашган.

СЕВЕРЦОВ Николай Алексеевич (1827.20.10, Воронеж — 1885. 26.1) — рус зоологи, зоогеографи ва саёҳи. Москва ун-тини тугатган (1846). Ўрта Осиёга бир неча марта саёҳат қилиб (1857—1879), Тяньшан ва Помир тоғлари ҳамда Қизилқум чўлини тадқиқ қилган; уларнинг фаунаси, географияси ва геологиясини ўрганган; Помир орографияси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига оид бой материал йиққан; Россия ва Туркистон қушларининг тарқалиши ва ҳаётига оид тадқиқотлар олиб борган; қушлар коллекциясини тўплаган. С. Палеарктикани зоогеографик р-нлаштириш принципларини ишлаб чиққан. Ўрта Осиё тоғларидаги чўққи ва музликлар унинг номига қўйилган.

СЕВЕРЦОВ МУЗЛИГИ — Ўзбекистондаги энг йирик музлик. Қашқаларёнинг ирмоғи — Оқсув дарёсининг юқори оқимида. Ҳисор тизмаси ғарбий қисмининг шим. ён бағрида. Майд. 1,38 км². Н.А. *Северцов* номи б-н аталган. С.М.да гидрометеорологик ст-я ишлаб турибди.

СЕВЕРЦОВ ЧЎҚҚИСИ — Пётр I тизмасининг шим. ён бағридаги чўққи. Музгага дарёсининг бошланиш жойида. Чўққи Н.А. *Северцов* номига қўйилган. Альпинистлар С.ч.га 1974 й.дан чиқа бошлаган.

СЕВИЛЬЯ — Испаниянинг жан. қисмидаги шаҳар. Андалусия мухтор вилояти ва Севилья провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 702 минг киши (1998). Гвалалквивир дарёси бўйидаги порт, денгиз кемалари ҳам кира олади. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Мамлакатнинг йирик саноат, савдо ва маданий маркази. Машинасозлик (жумладан, электротехника, кемасозлик ва авиасозлик, қ.х. машиналари и.ч.), озиқ-овқат, тўқимачилик, кимё ва нефть кимёси саноатлари корхоналари мавжуд. Археология, нафис санъат музейлари, ун-т (1502) бор.

Севилья шаҳри. Кафедрали собор.

С. қадимда Гиспалис деб аталган. 3-а.да римликлар, 712 й.да араблар босиб олган. 1248 й.да Кастилия ва Леон қироллигига қўшилган. 15-а.да С.дан Колумбининг 1-экспедицияси йўлга чиққан. 15—17-а.ларда С. Европада энг йирик савдо иқтисодиётидан эди. Меъморий ёдгорликларидан Ал-Қаср саройи (12-а. охири), готика черкови (13—14-а.лар), кафедрали собор (собиқ Жоме масжиди), «Ла Хиралда» қўнғироқхонаси (12-, 16-а.лар) ва б. сақланган.

СЕВР СУЛҲ ШАРТНОМАСИ (1920) — Версаль—Вашингтон тизими шартномаларидан бири, 1-жаҳон урушини якунлаган. 1920 й. 10 авг.да Севр ш.да (Франция) Антанта мамлакатлари ва унга қўшилган давлатлар б-н Туркия ўртасида имзоланган. Усмонли турк империясининг, шу жумладан, Туркия ҳудудининг бўлиб олинишини расмийлаштирган. Лозанна конференцияси (1923)да бекор қилинган.

СЕВРЮГА (Acipenser stellatus) — осётрсимонлар оиласига мансуб балиқ. Уз. 220 см гача, вазни 80 кг гача. Танасида беш қатор суякчалар жойлашган бўлиб, улар орасида юлдузсимон пластинкалар бор. Муйлови калта. С. шаҳалли сув тубига 20—630 минг увилдириқ ташлайди. Эркаклари 5—13, урғочиси 10—17 ёшида жинсий етилади. 30 йилча яшайди. Қора, Азов, Каспий, Орол денгизи ҳавзаларида тарқалган. Умуртқасизлар ва майда балиқлар б-н озиқланади. Орол денгизида яловчи С.лар кўпаниш учун Сирдарё ва Амударёга чиққач, тўшти ва увилдириғи учун овланади. Сузғич пуфагидан елим

Севрюга.

тайёрланида фойдаланилади. Сунъий кўпайтирилади. Гидротехник иншоотлар қурилиб, дарёлар оқимининг ўзгариши С. сонининг кескин камайишига олиб келди. Осётр, стерлядь, *бакрабалиқ* б-н дурагайи олинган.

СЕГЕД — Венгриянинг жан. қисмидаги шаҳар. Чонград медьесининг маъмурий маркази. Аҳолиси 166,1 минг киши (1997). Тиса дарёси бўйидаги порт. Мамлакатнинг иқтисодий ва маданий марказларидан. Йирик озиқ-овқат, тўқимачилик, тикувчилик, ёғочсозлик, кўн-пойабзал, машинасозлик саноати корхоналари, резинатехника буюмлари з-ди мавжуд. Ун-т, ФАнинг Биология ин-ти, музей ва театрлар бор. 13—16-а.ларга оид меъморий ёдгорликлари сақланган. С. яқинида нефть ва газ конлари топилган.

СЕГИЗБОЕВ Султон (1899.15.7, ҳоз. Оққўрғон тумани — 1938.15.6) — сиёсат ва жамоат арбоби. Аввал қишлоқ мактабида, сўнг Тошкент гимназиясида ўқиган. Иқтисод фанлари бўйича проф. (1930). С. 1916 й. Туркистондаги миллий озодлик ҳаракатида қатнашган. 1918 й.дан хўжалик соҳасида раҳбарлик лавозимларида. Туркистон ўлка «Кўпчи»-ташкилоти масъул котиби (1921—22). Фарғона вилояти партия комитети котиби (1923), Туркистон КП МК ташкилий бўлими мудири, Тошкент уезди партия комитети котиби (1924), Украина Старобельск округ партия комитети йўриқчиси (1925). 1925—30 й.ларда Қизил профессура ин-ти (Москва)да ўқиган, шу ин-т ҳузуридаги кечки ун-т декани. Бутуниттифоқ қ.х. академиясининг Ўрта Осиё филиали ва Пахтачилик ин-ти директори, Ўрта Осиё ун-тида кафедра мудири (1930—31). ВКП (б) Қозоғистон ўлка комитетида бўлим мудири (1932—36).

Шим. Қозоғистон вилоят партия комитети 1-котиби (1937). Ўзбекистон ХКС раиси, СССР Олий Совети Иттифоқ Совети раиси ўринбосари (1937—38). Газ., журналларга муҳаррирлик қилди, иқтисод ва тарихга оид кўплаб мақолалар ёзди. 1938 й. Тошкентда қамоққа олиниб, қатлаган қилинди. Ўлимидан сўнг оқланди. С. хотираси абадийлаштирилган. Оққўрғон туманидаги ширкат хўжаликлари (2 та), мактаб, маҳалла, кўча, Мирзачўл туманидаги ширкат хўжалиги, Гулистон ш.даги тиббиёт коллежи, Тошкент ш.даги кўчалардан бири унинг номи б-н аталади, Мирзачўл ва Оққўрғон туманларида С. бюсти ўрнатилган.

Ад.: Ўзбекистон тарихи (1917—1991 й.), Т., 2000; Муҳиддинова Ф.П., Ҳасанов К., Султон Сегизбоев, Т., 1978.

СЕГМЕНТ (лот. segmentum — кесма, seco — кесаман) — 1) текисликдаги С. — эгри чизиқ ва шу ёй учларини туташтирувчи ватар б-н чегараланган текис шакл. Доиравий *AmB* С. юзи (расмга қис. шакл. Доиравий *AmB* С. юзи (расмга қ.) *OAmB* сектор юзи б-н *AOB* учбурчак юзининг айирмасига тенг; 2) фазовий С. — фазовий жисмни текислик б-н кесганда ундан ажратиб олинган шаклнинг сирти б-н шу текислик орасидаги қисми;

Сегмент.

3) С. ёки кесма — тўғри чизиқнинг *A* ва *B* нуқтаси орасидаги нуқталарининг *A* ва *B* нуқталарини ҳам ўз ичига олган тўпламн. Бошқача айтганда, С. тўғри чизиқнинг координаталари $a \le x \le b$ шартни қаноатлантирадиган нуқталар тўпламн.

СЕГНЕТ ТУЗИ, $C_4H_4O_6KNa\cdot4H_2O$ — вино кислотанинг калий-натрийли қўшалоқ тузи. Рангсиз кристалл модда. 100° да 3 молекула сувини йўқотади, тўртинчи молекула суви эса 130°да ажралади. Сувда яхши эрийди. С.т. фелинг рективи таркибига киради. Тиббиётда сурги сифатида ишлатилади.

СЕГНЕТОЭЛЕКТРИКЛАР — ташқи майдон таъсири бўлмаганда ҳам майдон т-ра интервалида спонтан (ўз-ўзидан) қутбланиш қобилиятига эга бўлган диэлектрик кристаллар. С.нинг бу хоссаси электр майдон, деформация, т-ранинг ортиши ёки камайиши каби таъсирлар остида кучли ўзгаради. «С.» термини биринчи марта 1655 й.да синтез қилиш йўли б-н вино кислотанинг натрий-калийли қўшалоқ тузи (сегнет тузи) — $NaKC_4H_4O_6\cdot4H_2O$ ни кашф қилган француз доришуноси Э. Сеньет (E. Seignette, 1632—98) номи б-н аталади. С.нинг ўз-ўзидан қутбланиш хусусиятини дастлаб 1920 й.да сегнет тузлари кристалларида Ж. Валашек, 1930-й.ларда рус олимлари В. М. Вул, И.В.Курватов ва П.П. Кобеколар аниқлаган. С.нинг электр хоссалари кўп жиҳатдан ферромагнетикларнинг магнит хоссаларига ўхшашлигидан хорижий адабиётларда С. ўрнида ферроэлектриклар термини ишлатилади. Сегнет тузи, барий титанат, триглицинсульфат, дигидрофосфат калий ва *Менделеев даврий системаси* элементларининг турли мураккаб бирикмалари С. ҳисобланади.

Сегнетоэлектрик хоссага эга бўлган кристалларда симметрия маркази бўлмайди, бутун мусбат ионлар маркази б-н манфий ионлар маркази мос тушмайди. Бу эса спонтан қутбланишнинг ҳосил бўлиши учун физик шароитни яратади.

С. бошқа диэлектриклардан қуйидаги характерли хоссалари б-н фарқ қилади: 1) оддий диэлектрикларда диэлектрик киритувчанлик ε бир неча бирликка (мас., сув учун ε = 81) тенг бўлса, С. учун ε бир неча минг тенг бўлиши мумкин; 2) ε нинг қиймати маълум т-ра интервалида кучли ўзгариб боради. Мас., барий титанат учун т-ра 120° дан 80° гача пасайишида ε нинг қиймати 2000 дан 6000 гача ортиб боради ва сўнгра яна камайиб кетади; 3) С. диэлектрик киритувчанликлари ташқи электр майдон кучланганлигига боғлиқ равишда ўзгариб боради, бошқа диэлектрикларда эса ε моддани характерловчи катталик бўлиб, майдон кучланганлигига боғлиқ эмас; 4) электр майдон ўзгарганда қутбланиш вектори *P* нинг қийматлари майдон кучланганлиги *E* нинг қийматларидан кечикиб ўзгаради. Натижада *P*, *E* нинг айни вақтдаги қийматлари ғалтагина боғлиқ бўлмай, илгариги қийматларига ҳам боғлиқ бўлади. Сегнетоэлектрик кристаллардаги зарядларнинг ўзаро таъсирлашиши натижасида шу зарраларнинг диполь моментлари спонтан равишда бир-бирларига параллел жойлашади. Диполь моментларининг бир хил йўналиши бутун кристаллга тарқалиши жуда кам учрайдиган ҳолдир. Одатда, кристалл бир қанча соҳаларга бўлиниб, ҳар бир соҳадаги диполь моментлар бир-бирларига параллел жойлашган бўлади. Лекин турли соҳаларнинг қутбланиш йўналишлари ҳар хил бўлади, натижада бутун кристалл бўйича олинган натижавий диполь моменти нолга тенг бўлиши мумкин. Спонтан қутбланиш соҳалари домен-

лар деб аталади. Доменларнинг қалинлиги ўн микрометрдан, юзаси эса бир неча сантиметр квадратдан ортиқ бўлади. Доменлар сони кристалл симметриясига боғлиқ. Ташқи электр майдон таъсирида доменларнинг моментлари яхлит момент сифатида бурилади ва майдон йўналишига мос жойланади.

Ҳар қандай С. учун шундай т-ра мавжудки, бу т-радан юқорироқ т-рала модда ўзининг ажойиб хусусиятларини йўқотади ва оддий диэлектрикка айланиб қолади. Бу т-рани Кюри нуқтаси T_c деб аталади. Сегнет тузининг иккита Кюри нуқтаси бор: —15° да ва +22,5° да; бу туз шу т-ра интервалидагина сегнетоэлектрик хусусиятга эга бўлади. Агар т-ра —15° дан паст ва +22,5° дан юқори бўлса, электр хоссалари оддий диэлектриклан фарқ қилмайди. Кюри нуқтасида спонтан қутбланган ҳолат (қутбли фаза) дан спонтан қутбланиши йўқ бўлган ҳолат (қутбсиз фаза)га ёки акс йўналишида фаза ўтиши юз беради.

С.нинг пьезоэлектрик хоссасидан ультратовуш нурлатгич, товуш сигналларини электр сигналларига айлантирувчи асбоблар, босим датчиклари, катта сиғимли конденсаторлар тайёрлаш ва б.да фойдаланилади.

СЕГОҲ (форс. — уч ўрин, уч *парда*) — 1) *Ўн икки мақом* тизимида маълум шўъба номи. Манбаларда кўрсатилишича, С. 3 поғонали товушқатор бўлиб, пардалари 2 та бутун тон оралиғида жойлашган; 2) *Шашмақом* ва *Хоразм мақомлари* таркибида бешинчи мақом. Товушқатори эолий (минор) *гаммата* тўғри келади. Шашмақомдаги С.нинг *мушкилот* бўлими — Таснифи С., Хафифи С., Гардуни С., Мухаммаси С., Мухаммаси Ажам, Мухаммаси Мирза Ҳаким, Сақили Бастанигор, *наср* бўлими — 1- ва 2- гуруҳ шўъбаларидан иборат. Улардан биринчиси Сарахбори С. (6 та таронаси ва супориши б-н), Талқини С. (тароnаси б-н), Наср и С. (тароnаси б-н), Наврўзи Хоро (учта тароnаси ва супориши б-н), Наврўзи Ажам (тароnаси б-н) ҳамда Уфар ва Супориш қисмларидан иборат. С.нинг 2- гуруҳ шўъбаси Мўғулчан С. деб номланиб, Талқинча, Қашқарча, Соқийнома ва Уфар қисмларини ўз ичига олган. С. мақом пардалари асосида жуда кўп ашула ва чолғу йўллари яратилган: «Сегоҳ», «*Гиря*» I-II, «Илгор», «*Гулузорим*», «Фиғон», «Нимчўпоний» ашулалари, «Мушкилоти Сегоҳ» куйи ва унинг уфари ва б. С. йўлларидан Ўзбекистон композиторлари баракали фойдаланишган (мас., Р.Глиэр ва Т. Содиқовнинг «Лайли ва Мажнун» операси; Ю. Ражабий ва Б. Надежднинин ҳамда С. Бобоевнинн «Сегоҳ» симфоник поэмалари, М. Тожиевнинн 3-, Т. Қурбоновнинн 5-симфониялари ва б.).

СЕГРЕ (Segre) Эмилио Жино (1905.1.2, Тиволи — 1989) — италиян талқиқотчи-физиги. АҚШ ва Италия Миллий академиялари аъзоси. Рим ун-нини тугатган (1928), 1935 й.дан шу ун-тда, 1938 й.дан Калифорния ун-тида (1946 й.дан проф.) ишлаган. 1943—46 й.ларда АҚШ даги Лос-Аламос Миллий лаб.сида. Илмий ишлари атом спектроскопияси, ядро физикаси ва ядро кимесига оид. 1934—36 й.ларда Э. *Ферми* гуруҳида протонларнинг секинлашишн ҳодисасини ўрганган. Ҳолимлари б-н бирга техеций (1937), астат (1940) ва плутоний-239 (1940—41)ни очган. О. *Чемберлен* ва б. б-н ҳамкорликда антипротонни кашф этган (1955). Нобель мукофоти лауреати (1959; О. Чемберлен б-н ҳамкорликда).

СЕГРЕГАЦИЯ (лот. segregacio — ажратиш) — бирон ирқ ёки этник гуруҳни чегараланган ҳудудга мажбурлаб ёки ихтиёрий йул б-н кўчириш ёҳуд алоҳида мактаблар, транспорт воситалари, хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этиш ёки бўлмаса, бошқа *дискриминация* чоралари орқали ажратиб қўйиш. С. — дискриминациянинг алоҳида кўринишидир. Тарихда қонунлаштирилган С. ҳоллари бўлган. Чунончи, С. АҚШ жанубида 19-а. 2-ярмининг бошида негрлар озод қилинганлан сўнг 20-а.ла ҳам узоқ вақт сақланиб турди. ЖАРда 20-а.нинг 90-йиллари бошигача С.нинг энг ёмон шакли — *апартеид* мавжуд эди. Ирқий камситишнинг ҳар қандай шаклини тугатиш тўғрисидаги 1965 й.ги халқаро конвенцияга мувофиқ, унда иштирокчи давлатлар ирқий С. ва апартеидни қоралаш б-н бирга ўз ҳудудларида бундай тусдаги ҳар қандай ҳаракатга йўл қўймаслик, тақиқлаш ва йўқотиш мажбуриятини олдилар.

СЕГРЕГАЦИЯ (металлургияда) — қотишма совитилганда суюқ фаза таркибининг ўзгариши ва қотиш жараёнида шу ўзгариш туфайли қаттиқ қотишмада ҳар хил таркибли жойлар пайдо бўлиши. С. кристаллитлараро, солиштирма оғирлик бўйича (қаватлн) ва зонал турларга бўлинади. Кристаллитлараро С.ни микроскоп остидагина пайқаш мумкин, солиштирма оғирлик бўйича С.ни қотишма қуймасининг бўлама кесимидан тайёрланган микрошлифда микроскопсиз ҳам кўрса бўлади, зонал С.ни ҳам микроскопсиз кўриш мумкин.

Сегрегация. Сегрегацияларнинг хили: *а* — кристаллитлараро; *б* — солиштирма оғирлик бўйича; *в* — зонал сегрегация.

Кристаллитлараро С.да дастлаб ажралиб чиққан қўшнни кристаллитлари б-н шу кристаллитлар орасида жойлашган эвтектик аралашма (суюқ қотишмадан бир вақтнинг ўзида кристалланган икки ёки ундан ортиқ хил кристаллларнинг механик аралашмаси) бир-биридан фарқ қилади. Солиштирма оғирлик бўйича С. ҳосил бўлишига ажралиб чиқадиган қаттиқ фазонинг солиштирма оғирлиги б-н қолган суюқ фазанинг солиштирма оғирлиги орасида фарқ ва қотиш вақтида секин совишн сабаб бўлади. Зонал С.га сабаб шуки, қолипга қуйилган суюқ қотишма қотаётганда қуйма қобиғидан ичкари томонга узунчоқ кристаллитлар ўсиб чиқиб, сиртқи девор ҳосил қилишн туфайли суюқлик қуйма ичига тўпланади, натижада С. юз беради. С. металлар ва қотишмаларда нуқсонлар келиб чиқишига сабаб бўлади, уларга механик ишлов беришни қийинлаштиради, уларнинг структураси ва хоссаларини ёмонлаштиради, С.нинг олдини олиш ва бартараф қилиш учун металл ва қотишмалар рафинацияланади, легирланади, қўшимчалар қўшилади ва б.

Ад.: Тўрахонов А.С., Металлшунослик ва термик ишлаш, Т., 1968.

СЕГУ — Малининг жан. қисмидаги шаҳар, Нигер дарёсининг ўнг соҳилида. Аҳолиси 90,9 минг киши (1998). Транспорт йўллари тугуни. Қ.х. (шоли, ер ёнғоқ, шакарқамиш, манго, чорвачилик) р-нининг савдо маркази. Пахта тозалаш, гилт з-длари, тўқимачилик к-ти бор. Кустарь-ҳунарманчилик корхоналарида гиламлар тўқилади.

СЕДАН (Франциядаги Седан шаҳри номи б-н боғлиқ, деб тахмин қилинади) — енгил автомобиль кузовининг номи. С.нинг 4 эшиги ва орасида тўсиғи бўлмаган камида 2 қатор ўриндиқлари бўлади. С. жуда мустаҳкам юк кўтарувчи конструкцияни ҳосил қилишга имкон беради. Мас., ВАЗ-2101, ГАЗ-31 («Волга»), «Нексия» ва б. автомобилларнинг кузови С. типида ясалган.

СЕДАНА (Nigella L.) — айиқтовондошлар оиласига мансуб бир йиллик ўтсимон ўсимликлар туркуми; зираворэкин.

Асосан, ёввойи С. (N. integrifolia Rgl.), маданий экма С. (N. sativa) тури Кавказ ва Ўрта Осиёнинг адир ва тоғларида учрайди. Зиравор ўсимлик сифатида экилади. Бўйи 20—75 см, пов тубидаги барглари бутун, юқоридагилари панжасимон бўлинган. Барги (меваси) туклар б-н қопланган. Апр.—май ойларида гуллаб уруғланади. Яхши асал беради. Унинг қорамтир хушбўй уруғларида эфир мойи бор. Нон пиширишда, карам ва бодринг тузлашда, ветеринария ва табобатда ишлатилади. Уруғи очиқ майдонларга эрта баҳорда сепилади. Дамаск С.си (N. damascena L.) тури мангарали ўсимлик сифатида экилади. Уруғи таркибида дамасценин алкалоиди ва эфир мойи бор.

Седана.

СЕДИМЕНТАЦИОН АНАЛИЗ — *дисперс системалардаги* заррачаларнинг ўлчамини ва полимерлар эритмасидаги макромолекулалар мол. м ни седиментация тезлиги бўйича аниқлаш усуллари мажмуи. Бу усуллар дисперсликнинг ўртача тавсифини, шунингдек, заррачаларнинг ўлчами ёки массаси бўйича тақсимланиш эгрисини (полимерлар учун молекуляр-массавий тақсимланишни) аниқлашга имкон беради. Заррачалар ўлчами 1 мкм.дан катта бўлган дағал дисперс системалар (суспензия, эмульсия) учун гравитацион майдондаги *седиментация*, коллоид системалар ва полимерлар эритмаси учун марказдан қочма куч майдонидаги седиментация қўлланади; марказдан қочма тезланиш 100 000 га яқин тенглашиб, ультрацентрифугаларда роторнинг айланиш тезлигини минутига бир неча ўн мингдабгача етказади.

СЕДИМЕНТАЦИЯ (лот. sedimentum. — чўкинди) — дисперс фаза заррачалари (қаттиқ донача, суюқлик томчиси, газ пуфакчалари)нинг суюқ ёки газсимон дисперс муҳитда гравитацион майдон ёки марказдан қочма куч майдонида чўкиши ёки юзага сузиб чиқиши. Агар заррачаларнинг йўналган ҳаракати оғирлик кучи ёки марказдан қочма куч таъсирида заррачаларнинг тартибсиз (хаотик) иссиқлик ҳаракатидан устун келса, С. содир бўлади (қ. *Броун ҳаракати*, *Диффузия*). С. тезлиги заррачанинг массаси, ўлчами ва шаклига, муҳитнинг қовушоқлиги ва зичлигига, шунингдек, майдон кучининг заррага таъсиридан юзага келувчи кучланишга боғлиқ. Бир-бири б-н ўзаро таъсирлашмайдиган майда сферик заррачалар С.си *Стокс формуласи* бўйича аниқланади.

Табиатда С. чўкинди тог жинслари ҳосил бўлишига, ҳавзаларадаги сувнинг тиниқишига, атмосферадаги сузоқ томчи ва қаттиқ заррачаларнинг ажралишига олиб келади. Ил.ча С. кукунларни фракцияларга ажратишда, кимё-технологияда турли маҳсулотларни чўкма ҳолида ажратиб олишда қўлланади. С. саноатда фойдали қазилмаларни бойитишда, кимё ва нефткимё технологияси маҳсулотларини ажратишда, сувни тозалашда ва б.да ишлатилади. С. центрифугалаш, ультрацентрифугалаш, седиментацион анализда кенг қўлланади (яна қ. *Седиментацион анализ*).

Тиндириш, *Седиментацион анализ*).

СЕДИМЕНТОГЕН КОНЛАР — қ. *Гипероген конлар*.

СЕДИМЕНТОГЕНЕЗ (лот. sedimentum — чўкиш ва ... *генез*) — кенг тарқалган табиий жараён, табиий шароитда барча турдаги чўкиндиларнинг ҳаракатланиш ёки муаллақ ҳолатидан (сув ва ҳаво муҳити ҳолатидан (сув ва ҳаво муҳитида) ҳаракатсизлик ҳолатига ўтиши. Чўкиндилар кўпинча қуруқлик юзасида, дарё, денгиз, океанларда ташқарида, дарё, денгиз, океанларда ташқаридан олиб келинган тайёр терриген (аллотиген) материаллар ҳамда турғун ва оқувчи (тог ён бағирларидан оқиб тушувчи дарёлар, сойлар) сув ҳавзаларишинг дарёлар, сойлар) сув ҳавзаларидаги органик (ва ҳаёт фаолияти билан боғлиқ) ҳолда биоген ва хемоген йўл б-н чўккан бирикмалар (одатда, қийин эрувчан) бирикмалар ҳисобига шаклланади. Баъзи тадқиқотчилар (Н.Б. Вассоевич, 1957, 1962) С. деганда, чўкманн сув ҳавзасининг тубига тушишидан бошлаб то диагенез босқичигача, яъни сув ҳавзаларида мувозанат ва сув оралиғида ҳеч қандай кимёвий қарама-қаршиликка учрамайдиган даҳсасигача бўлган жараён-ни тушинадн. Рус геологи Н. М. Страхов (1953, 1960) С. тушунчасига чўкманинг ривожланиш даврини ҳам киритади. МДҲ давлатларида чўкинди тог жинслари ҳақидаги фан «литология», бошқа давлатларда эса «седиментология» деб аталади.

СЕЗГИ — оламдаги нарса ва ҳодисалар айрим хоссаларининг миядаги инъикоси. Материянинг С. аъзоларига таъсир кўрсатиб, бош мия пўстлоғи нерв марказини қўзғатиши асосида пайдо бўлади. С. дунёни билишнинг биринчи босқичи ва таркибий қисмидир. С.лар асосида ҳиссий билишнинг *идрок*, *тасаввур* каби шаклари юзага келади. Ташқи кўзғовчиларнинг ўзига хос хусусиятларига қараб, барча С.лар бадан С.си (туйиш), кўриш С.си, эшитиш С.си, ҳид билиш С.си, таъм билиш С.си ва б. турларга бўлинади. С. физик, физиологик, психологик жараёнларда пайдо бўлади. Физик жараёнда ҳар қандай нарса ва ҳодисалар С. аъзоларига таъсир этиб, тегишли сезувчи нервнинг чекка учларини қўзғайди. Физиологик жараёнда қўзғалиш нервнинг ўтказувчи йўли орқали бош мия пўстининг тегишли марказий қувайралар тизимига ўтади. Психологик жараёнда нерв қўзғалишида бизга таъсир этган қўзғовчининг анализи пайдо бўлади ва у синтезга айланади — С. пайдо бўлади. С. аъзолари мия катта ярим шарлари фаолияти б-н боғлиқ. Инсонда воқеликни билишда кўриш С.си етакчи ўринни эгаллайди. С.ларни қаерда жойлашганлигига қараб 3 га ажратиш мумкин: 1) экстерорецепторлар — булар организм сиртида бўлади, уларга кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш, туйиш С.лари киради; 2) интерорецепторлар — танамиз ичидаги С.лар, буларга ичак, жигар, ўпкадаги С.лар киради; 3) проприорецепторлар — мускул, пай, бойламларда бўлади. С.ларнинг ҳаммаси ўзига хос хусусият ва қонуниятларга эга.

СЕЗГИ ОРГАНЛАРИ — организмга таъсир қилаётган ташқи таъсиротларни қабул қилиш ва идрок этишни таъминлайдиган ихтисослашган периферик тузилмалар. Улар организм ташқи ва ички муҳитдан оладиган турли қўзғалишларни қабул қилиб, бу ҳақдаги информацияни марказий нерв системасига узатади. С.о. организмнинг атроф муҳитга янада мослашишига имкон беради. Ўта ихтисослашган қўзғалувчанлик туфайли С.о. фақат маълум турдаги таъсиротнинг идрок этилишини таъминлайди. Одамда *кўриш органлари*, *эшитиш органлари*, *ҳид билиш органлари*, *мазза билиш*, *туйғу органлари* фарқ қилинади. С.о. таркибига рецепторлар таъсирланганда қўзғалишга қобилиятли сезгир нерв толаларининг учи ҳисобланган спецнфик нерв тузилмалари киради. Ҳар қандай сезги органи фақат *анализаторларнинг* периферик бўлими ҳисобланади (яна қ. *Сезги*).

СЕЗЕР Ахмет Неждет (1941.13.9, Афьён ш.) — Туркия давлат арбоби. Анқара университнинг ҳуқуқшунослик ф-тини тугатган (1962). 1962 й.дан Анқара, Дижла ва Еркой ш.ларидаги суд органларида ишлаган. 1983 й.дан Туркия Олий суди аъзоси, 1988 й.дан Конституцион суди ҳақиқий аъзоси, 1998 й.дан Туркия конституцион суди раиси. 2000 й. 16 майдан Туркия Республикаси президенти.

СЕЗУВЧАНЛИК, сезгирлик, таъсирчанлик — тирик организм-

нинг ташқи ва ички муҳит таъсирини қабул қилиш хусусияти; тор маънода *анализаторлар*нинг қўзғатувчиларга жавоб қайтариш қобилияти. Нерв системасига эга ҳайвонларда ихтисослашган сезиш ҳужайра (рецептор)лари турли қўзғатувчиларга нисбатан юқори даражада танлаш сезувчанлигига эга. Мутлақ ва дифференциал С. фарқ қилинади. Анализаторлар қўзғатувчиларнинг минимал даражалари энг кучсиз таъсири (сезгининг мутлақ чегараси)ни сезиш қобилияти мутлақ С.ни ифодалайди. Сезгининг мутлақ чегараси б-н мутлақ С. бир-бирига тескари пропорционалдир. Мас., бир стакан чойлаги ширинликни сезиш учун бир одам 1 қошиқ шакар солиши етарли бўлса, бошқаси 2—3 қошиқ солиши мумкин. Анализаторларнинг қўзғатувчилар орасидаги билинар-билинмас фарқлар, ўзгаришларни сезиш қобилияти дифференциал С. деб аталади. Сезишда қўзғатувчининг билинар-билинмас ўзгарини тутдирадиган миқдорининг ошина ўсиши сезгининг дифференциал чегараси дейилади. Дифференциал С. ҳам дифференциал чегара б-н тескари пропорционалдир.

Сезги чегаралари ва С. *кўзғалиш* ҳамда *тормозланиш* жараёнлари б-н белгиланади.

Нерв системаси қанчалик қўзғалувчан бўлса, С. шунчалик юқори бўлади ва аксинча. Қўзғалиш жараёни мия пўстлоғининг бирор қисмида ҳосил бўлиб, бошқа қисмларга тарқалади. Кейинчалик машқ қилиб бориш туфайли қўзғалиш маълум нерв ҳужайраларида дифференциалланади, фарқланади.

Қўзғатувчининг таъсири ўзгариши б-н С. ҳам ўзгаради; қўзғатувчилар суст таъсир этганда С. ошади, кучли таъсир этганда С. камаяди. С. анализаторларнинг ўзаро таъсири натижасида ҳам ўзгаради. Шунингдек, С.даги ўзгариш ҳаёт шароити, инсон фаолияти б-н узвий боғлиқ. Айрим касалликлар таъсирида С. ўзгариши (камайиши ёки ортиши), издан чиқиши ёки бутунлай йўқолиши мумкин.

СЕИТОВ Хожабек (1917.25.8, Қорақалпоғистон Қораўзак тумани — 2001.20.4, Нукус) — қорақалпоқ ёзувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1972). Қорақалпоғистон Ўқитувчилар ин-тида ўқиган (1938—41). Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши қошидаги Радиоэшиттириш қўмитаси (1947—58) ва Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси (1952—58). «Совет Қарақалпақстаны» газ. бўлим мудири (1958 й.дан). Поэтик асарларида («Бахтли ҳаёт», 1947; «Гуллаётган овул», 1955, Н. Жапақов б-н ҳамкорликда; «Тоғи шуъласи», 1968 ва б.) қорақалпоқ халқи турмуш тарзи тасвирланган. Ўзбек тилида «Ҳаёт тонги» (1954), «Тўлқинлар» (1956), «Янгилик йўллари» (1968) каби асарлар сезган. «Машаққатли бахт» (1959), «Кучли шамол» (1973) романлари муаллифи. *Мартеширнинг* «Қорақалпоқ лафтари» асарини қорақалпоқ тилига таржима қилган (1959).

Ас.: Машаққатли бахт [роман]. Т., 1962. Янгилик йўллари [ҳикоялар ва лавҳалар]. Т., 1968.

СЕЙВАЛ (Balaenoptera borealis) — *йелпўзлилар китлар* оиласига мансуб сут эмизувчи. Узунлигининг ўр. 18,8 м гача. Эркаги кичикроқ. Усти тўқ, бинафша қисми оч кулранг, қорни кулранглари оқ рангда. Қишда урчийди. Бутунлик лаври бир йилча. Икки йилда бир марта битта, баъзан иккита бола туғади. 5—7 ойлик жинсий етилади. Арктикадан Антарктикагача бўлган денгизларда, жумладан, Узоқ Шарқ ва баъзан Болтиқ денгизларида учрайди. Қисқичбақасимонлар, бошоёқли моллюскалар ва балиқлар б-н озиқланади. Сони камаймоқда. Овланмаи этилади.

СЕЙИСТОН, Сакистон (қадимда — *Арангиёна*) — Эрон ва Афғонистон чегарасида жойлашган тарихий вилоят. Арангиёна номи 1-марта *Бехистун китобаларида* эслатилган. Арангиёнага сак қабилалари келиб жойлашгани учун (мил.ав. 2-а.) Сакистон, кейинчалик С. деб аталган. С. *Маурийлар империяси, Юнон-Бақтрия подшолиги* (мил.ав. 3—2-а.лар да) таркибига кирган. *Парфия* (мил. ав. 3-а.—мил. 3-а.), *Сосонийлар давлати* (3—7-а.лар.), *Араб халифалиги*га тобе бўлган. 8—9-а.ларда *хорижийлар* ҳаракати марказларидан бири. Йирик шаҳарлари: Забол (Зобул) (Эронда), Заранж (Афғонистонда). Аҳолиси (форслар, афғонлар, балужлар ва б.) деҳқончилик (бутдой, арпа, пахта) ва чорвачилик (туя, қўй, эчки) б-н шуғулланади.

СЕЙИСТОН — Эрон ва Афғонистондаги гилли чўл текислиги. Ўртача бал. 500 м. Иқлими қуруқ, субтроник иқлим. Ҳузудидан Ҳилманд, Ҳашруд, Фарруҳрул, Ҳарирул ва б. дарёлар оқиб ўтади. Марказий қисмида Ҳамун кўллари жойлашган. Шўрхок, тақир, ботқоқликлар бор. Чўл ўсимликлари, волғун, саксовул ўсади. Кўчманчи чорвачилик, воҳаларда деҳқончилик қилинади.

СЕЙИТНИЯЗОВ Нарбай (1948.5.9, Тўрткўл тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2003). Тошкент чет тиллар педагогика ин-тини тугатган (1970). 1970 й. дан Тўрткўл туманидаги 32-, 1991 й. дан 8-мактабда француз тили ўқитувчиси. Нонъанавий дарс усулларидан фойдаланади.

СЕЙИТОВ Ризамбай (1915, Қўнғирот ш.т — қорақалпоқ актёри. Ўзбекистон халқ артисти (1957). 1936 й. к-з театрида, 1944—92 йиллар Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театрида ишлаган. «Ким тўғри» (Қосимжон), «Аршин мол олиш» (Султонбек, Аскер), «Бойлагул» (Шамшит бўлис), «Қора ўраклар» (Давлатназарбой), «Аллар қуса» (Сакеев), «Ғариб ошиқ» (Ғариб, Айбержуза), «Аномиш» (Аномиш), «Сувматанга суйканма» (Кушкинбой), «Олтин кўл» (Турсунали), «Юрак сирлари» (Сатор), «Оғриқ тишлар» (Заргаров), «Ўтирланган бахт» (Михаил Гурман), «Бердақ» (Эрназар олақуш), «Талвас» (Ибодеган домла), «Қорақалпоқ қизи» (Тожим), «Аҳмоқ подшо» (подшо), «Сўна» (Монтанелло) каби спектакллардаги рант-бариг образлари б-н танилди. С. ишлаётган, серқирра актёр бўлиб, у соф драма жанридаги спектакларда ҳам, мусиқали драма жанридаги спектакларда ҳам бир хил ижод қилган. Унинг қаҳрамонлари ички ҳиссиётларга бойлиги, турли характердаги ролларни меъёрига етказиб ижро этиши б-н шуҳрат топди. Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти лауреати (1969). «Дўстлик» ордени б-н мукофотланган (1991).

СЕЙМ — РФ Курск вилояти ва Украинанинг Сумы ва Чернигов вилоятларидаги дарё. Десна дарёсининг чап ирмоғи. (Днепр ҳавзаси). Уз. 748 км, ҳавзасининг майд. 27,5 минг км². Ўрта Россиянинг ёйлик текислигидан бошланади. Кенг водий бўйлаб ёйилиб оқади. Асосан, қорлан тўйинади. Нояб.—декабрь оҳирларида музлаб, март — апрдa музлан бошлайди. Ўртача сув сарфи (қуйилиш еридан 105 км юқорида). Қуйи оқимида кемалар қатнайди. С. соҳилида Курск, Льгов, Рильск, Путивль шаҳари жойлашган.

СЕЙМ (полякча — *sejm*) — 1) Польша, Литва, Чехия ва Шарқий Европанинг бошқа айрим давлатларидаги табақавий-ваколатли органлар; 2) Польша, Литва (1922—40 й.. 1992 й.дан) ва Латвияда (1922—34) олий қонун чиқарувчи органининг номи.

СЕЙСМИК БАЛЛ — зилзиланн ер юзасида сезиш ва унинг оқибатида иморатларнинг бузилиш даражасини сейсмик асбоблар ва макросейсмик усуллар б-н белгилайдиган шартли бирлик (рақамли баҳолаш). Ўзбекистонда зилзила кучини белгилайдиган 12 балли MSK-64 жадвали қабул қилинган. Бундан ташқари, жаҳонда С.б.ни аниқланда Меркаллининг модификацияси (ММ), Рихтернинг магнитуда жадваллари (*Рихтер шкаласи*) ишлатилади.

Зилзила кучининг атрофга сейсмик балл кўринишидаги таъсири.

СЕЙСМИК КАРОТАЖ — бурғи қудуқларида эластик тўлқинларнинг ўтиш тезлиги, қайтиш, тарқалиш ва ютилиш коэффициентлари ёрдамида тог жинсларининг сейсмик хоссаларини ўрганиш. Олинган натижалар сейсмик разведка ишлари натижаларини ўрганиш, тог жинслари таркиби ва физик ҳолатини таҳлил қилиш, бурғи қудуғининг техник ҳолатини аниқлашда ишлатилади. С.к.нинг интеграл ва дифференциал усули бор. Интеграл усулда сейсмик тўлқин ҳосил қилувчи манба қудуқнинг юзага яқин жойда, уни (тўлқинни) ёзиб олувчи приёмник эса бурғи қудуғи ичида жойлаштирилади, дифференциал усулда манба ва приёмник бурғи қудуғи бўйлаб бирга кўчирилади. Интеграл усул 50—100 м чуқурликдаги қатламларнн бурғи қудуқларини ўрганувчи махсус сейсмик ст-ялар ёрдамида вертикал сейсмик зондлаш б-н ўрганилади. Бунда 20—150 Гц частотали сейсмик тўлқинлар ёзиб олинади. Дифференциал усулда қалинлиги 1—2 м ли қатламлар частотаси 10—100 кГц ли сейсмик тўлқинлар ёрдамида ўрганилади.

СЕЙСМИК РАЗВЕДКА — кон қидиришнинг геофизик усулларидан бири. У портлатиш ва зарба манбаларидан ҳар томонга тарқалган эластик тўлқинларни ўрганишга асосланган. Ер пўстида бу тўлқинлар энг чуқурда жойлашган тог жинсларигача бориб етади ва уларга уриліб қисман синади, қисман акс этиб қайтади. Ер устида бу тўлқинларни сейсмограммалар сифатида С.р. станциялари ёзиб олади. Сейсмограммаларни ЭҲМ ва компьютерларда таҳлил қилиб, тўлқинлар ўтган қатламларнинг геологик тузилиши, структура ва узилмаларнинг чуқурлиги, ташкил этган тог жинсларининг таркиби ва улар б-н боғлиқ бўлган конлар катта-кичиклигини билиш мумкин.

С.р.нинг бир қанча методлари маълум: қайтган тўлқинлар, синган тўлқинлар, чуқурликни зоналаш методлари, умумий чуқурликлар нуқтаси кабилар. Бу Ер пўстининг геологик тузилишини, айниқса нефть ва газ конлари геологиясини ўрганишда ва бу конларни ташкил қилган турли хилдаги тектоник структураларни қидириб топишда, шунингдек, муҳандислик геологияси ва гидрогеологик масалаларни ечишда кенг қўлланилади.

СЕЙСМИК ТЎЛҚИНЛАР — зилзила ўчоғи, портлаш, кучли зарба ва б. тебранишн ҳамда силкиниш манбаларидан тарқаладиган тебранишлар. Кучли зилзила ўчоғига яқин жойларда С.т. секундининг 1/10 улушига тенг вақтда вайронкилувчи кучга эга бўлади. Эпицентрдан анча узоқ масофадаги С.т. эластик тўлқинлар ҳисобланади. Деформация турига кўра, бўйлама, кўндаланг ва сиртки тўлқинлар; тарқалишига кўра, тўғри, акс этадиган, синган, рефракцион, дифракцион ва алмашинувчи тўлқинлар; тарқалиш вақтига кўра, мунтазам ва номунтазам тўлқинлар; сейсмик разведкада фойдаланилишига кўра, фойдали ва халақит берувчи тўлқинларга бўлинади. Энг кўп тарқалгани бўйлама тўлқинлар ва кўндаланг тўлқинлардир. Бўйлама С.т. ҳаракатни натижасида муҳитнинг ҳажми ўзгаради — сиқилади ҳамда чўзилади. Мурад — сиқилади ҳамда чўзилади. Мурад — сиқилади ҳамда чўзилади. Мурад

мамлакатлар миқёсида кучли сейсмик тебраниш хавфини баҳолаб, қурилишлар учун меъёрий қоидаларини ишлаб чиқишда кенг фойдаланилади. Хариталарнинг масштаби 1:2 500 000 бўлиб, тахм. ҳар 10 йилда 1 марта тузилади. 1978 й.да Ўзбекистон ФА Сейсмология ин-ти томонидан, Геология ва геофизика ин-ти ва Ўзбекистон Миллий ун-ти б-н ҳамкорликда Ўзбекистонни сейсмик ҳудудлаштириш харитаси нашр этилди. Махсус иншоотларни қуриш учун йирик масштабли (1 000 000 — 200 000 гача) хариталар тузилади. Батафсил сейсмик ҳудудлаштириш хариталаридан мураккаб ва экологик жиҳатдан хавфли бўлган технологик объектлари (АЭС, иссиқлик электр ст-яси, сув омборлари, кимё, нефтни қайта ишлаш корхоналари ва б.) лойиҳалашда фойдаланилади. Бу хариталарда бўладиган кучли зилзилаларнинг жойи, магнитудаси ва ер устида тўлқин тарқалишининг сўниб бориши балларда кўрсатилади (561- бетдаги схематик харитага қ.). Сейсмик микрорайонлаштириш (СМР) хариталарда зилзила ўчогидан тарқалган сейсмик тўлқинларга рельеф, геологик муҳит, грунт сувлари ва б. омилларнинг таъсири балларда белгиланади. СМР хариталари 5 000 — 100 000 ли масштабларда бўлиб, асосан, шаҳар, қишлоқ, шунингдек, баъзи бир конкрет объектлари лойиҳалашда ишлатилади.

Рашод Иброҳимов.

СЕЙСМИК ХИЗМАТ — Ер юзидаги зилзиларни доимий равишда кузатиб турадиган хизмат. С.х.нинг асосий вазифаси дастлаб сейсмостанцияларда сейсмографлар ёзиб олган сейсмограммаларни синчиклаб ўрганиб, зилзила ўчогидаги параметрлар (вақти, чуқурлиги, магнитудаси)ни аниқлашдан иборат. Бу маълумотлар асосида тебранишларнинг эпицетрдаги координаталари ва б. кўрсаткичлари аниқланади ва каталоглари тузилади. Каталоглар (зилзила параметрлари рўйхати) сейсмик бюллетенларида умумлаштирилган ҳолда тўпланади ва тегишли ташкилотларга юборилади.

С.х. бир қанча мамлакатларда, шунингдек, ЮНЕСКО, НАТОда амалга оширилади. Бундан ташқари, Россияда сейсмик кузатувлар ягона системаси, АҚШда миллий сейсмик хизмати, Японияда метеорология агентлиги, ХХРда давлат Сейсмологик бюроси, Европада Европа сейсмологик комиссияси ва Канада, Янги Зеландияда С.х.ни бажарувчи ташкилотлар мавжуд. Улардан олинган зилзилалар ҳақидаги маълумотлар Буюк Британиядаги Халқаро сейсмология марказида тўпланади ва таҳлил этилади. Бу марказ жаҳондаги барча С.х. маълумотларини координациялаш қилади. С.х. кузатувидан олинган маълумот натижаларидан Ер пўсти ва ундан ҳам чуқурроқ қатламларда булаётган геодинамик жараёнларни, умуман Ернинг тузилиши ва унинг геофизик хусусиятларини ўрганишда фойдаланилади.

СЕЙСМИК ШКАЛА — *зилзила* пайтида ер сиртида вужудга келадиган тебранишлар кучи (жалалилигини баҳолаш (ўлчаш) учун ишлатиладиган жадвал. Тебранишлар кучи грунтдаги қолдиқ деформация (ўзгариш) кўлами ва шаклига, бино ва иншоотларнинг шикастланиш даражасига ва б. ташқи кўрсаткичларга қараб баҳоланади. С.ш.нинг тури кўп. Улардан бири 1917 й. Халқаро сейсмик ассоциация томонидан қабул қилинган 12 балли Меркалли — Канкани — Зиберг шкаласи (ҳоз. баъзи Европа мамлакатларида қўлланади). 1931 й. АҚШ да Вуд ва Ньюман томонидан қабул қилинган 12 балли ММ шкаласи, 1964 й. С. В. Медведев (Москва) томонидан тавсия этилган 12 балли шкала ҳам бор. 1964 й. Парижда ЮНЕСКО давлатлараро йиғилишида тавсия этилган 12 балли МШК-64 шкала С. В. Медведев (Москва), В. Шпонхойер (Германия) ва В. Карник (Прага) томонидан тузилган. Ер сиртидаги тебранишлар кучини балларда ўлчаш б-н бирга зилзилаларни магнитуда (тебранишлар ёки силкинишлар қиймати) бўйича таснифлаш усули ҳам ишлатилади (қ. *Рихтер шкаласи*). Магнитуда зилзила ўчоги тарқатилган энергия логарифмига мутаносиб (мос) бўлади (мас., 1966 йилги Тошкент зилзласининг кучи 8 балл деб баҳоланиши, магнитудаси эса 5,3 га тенг бўлган). Баъзи мамлакатлар (мас., Япония) да 7 балли шкала қўлланади. С.ш. бўйича зилзила оқибатларининг ташқи кўринишлари (шикастланиш, емирилиш, ўпирилиш, ёрилиш, ларзлар ва б.)дан ташқари тебраниш жараёнлари (силжиш, сурилиш, тезлик, тезланиш ва б.)ни ҳам ҳисобга оладиган махсус асбоблар (сейсмограф, акселерограф ва б.) ёрдамида ҳам аниқланади. С. ш. зилзиланинг ташқи аломатларини ўрганиш, сейсмик хариталар тузиш, сейсмик ҳудудлаштириш ва чекланган ҳудудларни микроҳудудлаштириш ва б. мақсадларда қўлланади.

Ад.: Рихтер Ч., Элементарная сейсмология, М., 1963; Абдуллабеков К., Зилзиладан сақланиш мумкинми?, Т., 1992.

СЕЙСМИК ҲУДУДЛАШТИРИШ — сейсмик жиҳатдан фаол жойларни сейсмик хавфлилик даражаси бўйича ҳудудлар (зоналар)га ажратиш (қ. *Зилзила*). Илгари бўлиб ўтган зилзилалар, жойнинг геологик, тектоник, сейсмик ва геофизик хусусиятларини асбоблар ёрдамида текшириш натижалари ҳамда макросейсмик маълумотларга асосланиб амалга оширилади. Зилзилаларнинг иншоотларга таъсири кучини сейсмик хавфли ҳудудларнинг муайян участкасини маълум муҳандислик геологияси, гидрогеологик шароитларига кўра баҳолаш сейсмик микроҳудудлаштириш деб аталади. Уларда ҳар қандай географик пункт учун ўртача грунтли шароитларда тебранишлар интенсивлиги ҳақидаги маълумотлар балл ҳисобида акс эттирилади. Қурилиш меъёрлари ва қоидаларига биноан, ўртача грунтли шароитларга гил, қумоқ тупроқ, қум, йирик чақиқ тош грунтли шароитлар киради.

С.ҳ. харитаси расмий ҳужжат ҳисобланади (қ. *Сейсмик харитлар*). Ўзбекистонда 9 балли зона Чатқол тог тизмасининг марказий қисмини эгаллаб, Фарғона водийсининг шарқий қисмигача давом этади. Бу зонанинг ғарбий четараси Наманган ва Фарғона шаҳарлари яқинидан ўтади. Зона жанубий ва жан.-ғарбий йўналишларда Тожикистонга ўтади ва Сурхондарё вилоятининг шим.да Шарғун шаҳри атрофларидаги кичикроқ ҳудудни ўз ичига олади. Бу зонада 9 балли зилзиларнинг эпицентри жойлашган (Чатқол зилзиласи, 1946 й; Андижон зилзиласи, 1902; Қоратоғ зилзиласи, 1907). 8 балли зона шим.да Қоржонтов, Угом ва Писком тог тизмаларини қамраган. Жанубироқда бу зона Тошкент (Тошкент зилзиласи, 1966), Наманган ва Фарғона ш.лари орасидан тор полоса шаклида ўтади, сўнгра Тожикистонга, у ердан Сурхондарё вилоятига ўтиб, ғарбдан Бойсунтог тизмасининг шим. қисмида 9 балли зона б-н туташади. Бухоро вилоятининг Газли ш. атрофи ҳам 8 балли зонага киради (1976 ва 1984 й.ги Газли зилзилалари), 7 балли зона Чимкент ш. (Қозоғистон) яқинидан жан.га томон йўналиб, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳудудини, Қашқадарё вилоятининг ғарбий қисмини ва Сурхондарёнинг асосий ҳудудини ҳамда Навоий вилоятининг шарқий қисмини, Бухоро вилоятини, Хоразм вилоятининг жан. қисмини ўз ичига олади.

Ад., Рихтер Ч., Элементарная сейсмология, М., 1962; Абдуллабеков К., Зилзиладан сақланиш мумкинми?, Т., 1992.

Қаҳҳорбек Абдуллабеков.

СЕЙСМО... (юн. seismos — ер силкиниши, қимирлаши) — ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми; ўзи бирга келган сўзнинг ер қимирлашига, ер ости силкинишларига алоқалорлигини кўрсатади, мас., *сейсмограф, сейсмологик.*

СЕЙСМОБАРДОШ ҚУРИЛИШ, зилзилабардош қурилиш — сейсмик (зилзила бог-бот содир бўлиб турадиган ҳудудларда бунёд этиладиган бино ва иншоотларни зилзила кучи (сейсмик кучлар) таъсирига бардошли қилиб қуриш. Ер қуррасининг қайси ҳудудида қандай куч б-н зилзила содир бўлиши мумкинлиги *сейсмик ҳудудлаштириш* хариталарида белгилаб қўйилган. Ўзбекистон ҳудуди ҳам сейсмик ҳудудлар жумласига киради, унинг учун ҳам сейсмик ҳудудлаштириш хариталари тузилган. Мазкур хариталарда Тошкент, Андижон 9 балли, Фарғона, Наманган ва Самарқанд 8 балли, Бухоро 7 балли ҳудуд (зона)га киритилган ва ҳ.к. Бино ва иншоотлар ўша ҳудудда содир бўлиши мумкин бўлган зилзила кучига бардошли қилиб лойиҳаланиши ва қурилиши керак. Бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш учун махсус антисейсмик чора-тадбирлар қўлланилади (бунинг натижасида бино ва иншоотларнинг таннархи 3—10% ортади).

Зилзилабардош бино, иншоотлар ва метрополитен лойиҳасида уларнинг тарҳидаги кўринишн ложи борича содда бўлиши керак, чунки тарҳи айлана, квадрат ёки тўғри тўртбурчак шаклидаги биноларнинг мураккаб шаклли бино ва иншоотларга нисбатан зилзилабардошроқ бўлади. Агар меъморлик ёки фойдаланиш талабларига кўра, мураккаб шаклдаги бино ва иншоотлар қуриш лозим бўлса, у ҳолда уларни антисейсмик чоклар воситасида оддий шаклли қисмларга ажратилади.

Ғиштин деворли биноларда барча юк кўтарувчи конструкциялар (бўйлама ва кўндаланг деворлар, ёпмалар) бир-бири б-н мустаҳкам боғланган ҳолдагина бино яхлит фазовий конструкция сифатида зилзила кучларига қаршилик кўрсатади. Агар бу боғланиш мавжуд бўлмаса ёки заиф бўлса, бўйлама деворлар кўндаланг деворлардан ажралиб кетиши ва баъзи ҳолларда қулаб тушиши мумкин. Девор қулатач, ораёпмалар ҳам бутунлай ёки қисман босиб қолади. Антисейсмик чоралар қўлланмаган биноларда бундай ҳодисалар кўплаб учрайди. Биноларни зилзиладан бешикаст асраб қолиш учун махсус чоралар кўрилади. Мас., бинонинг перметри бўйлаб антисейсмик камарлар ишланади, ёпмалар бир-бирига ва деворларга пухта боғланади, девор бурчакларига ҳамда кесишув ерларига арматура қўйилади ва ҳ. к. Ғиштин деворларни тиклашда девор орасига вертикал йўналишда темир-бетон элементлар — ўзаклар қўйиб, комплекс конструкция ҳосил қилинади. Ғиштин деворлар остига қўйиладиган гидроизоляция қатлами цемент қоришмадан ишланади; бу мақсадда толь ишлатиш тавсия этилмайди.

Йирик панелли биноларни юқори даражада механизациялаштириш имконияти катта бўлганлигидан бинокорликнинг бу усулъби сейсмик ва носейсмик ҳудудларда кенг қўлланилади. Бино вазнининг енгиллиги (ғиштин деворли биноларга нисбатан 1,2—2 баравар енгил), девор материалининг мустаҳкамлиги, юк кўтарувчи конструкцияларининг соддалиги ва юк (куч) нинг бутун сиртга бир меъёрда тарқалганлиги туфайли сейсмик зоналарда шундай бинолар кўплаб қурилади.

Сейсмик ҳудудларда қўлланиладиган ташқи девор панелларининг конструкцияси 1 ва 3 қатламли бўлиши мумкин. Бир қатламли панеллар керамзит бетон ёки енгил бетонларнинг бошқа турларидан тайёрланади. Уч қатламли панелларнинг 2 четки қатлами темирбетондан ишланиб, ўрта қатлами минерал пахта, кўпик-бетон сингари иссиқ-совуқ ўтказмайдиган материалдан тайёрланади. Ёпма панеллари ғовак ўлчамида ясалиб, тўғритала қирраси б-н деворга таянади.

Тарих синовларидан ўтган зилзилабардош конструкциялардан бири синчли иморатлардир. Бундай иморатлар ўрта Осиёда жуда қадим замонлардан бери қурилиб келинган. Синчлар турли ёғоч материаллардан ишланган. Энди-ликда кўп қаватли биноларда ёғоч синчлардан эмас, пўлат ёки темир-бетон синч (каркас)лардан қурилмоқда. Янги материалларнинг механик хоссалари ёғоч материаллардан анча фарқ қилганидан бундай ишланадиган синчларнинг конструктив схемалари ҳам бошқача бўлади. Бино синчи устун, тўсин ва ёпмалардан ташкил топади; улар ўзаро мустаҳкам бириктирилгач, яхлит фазовий тизимни ҳосил қилади. Тизим элементлари ҳам вертикал, ҳам горизонтал (сейсмик) кучларни қабул қилади. Синчлар орасига ғишт девор урилади.

Ўзбекистонда ҳам темир-бетон каркасли бинолар қуриш кенг тарқалган. Сейсмик ҳудудларда металл каркаслардан фойдаланиш ҳам яхши иқтисодий самара беради. Металл конструкциялар мустаҳкам ва енгил бўлганлигидан зилзилабардош бинолар бунёд этишда жуда қўл келади. Лекин металл конструкцияларнинг занглаш, юқори т-раларда юк кўтариш хусусиятини йўқотиш каби камчиликлари ҳам бор. Зилзила пайтида ёнғин чиқиши мумкин, шунинг учун металл қисмлар ўтга чидамли материаллар б-н қопланади. Мас., Тошкентнинг Амир Темур хиёбонида-ги 17 қаватли «Ўзбекистон» меҳмонхонасининг 1- ва 2- қавати ёпмалари монолит, 3—17 қаватларинники йирма темир-бетондан ишланган. Ички деворлар йирма темир-бетон, ташқи деворлар эса керамзит-бетон панелларидан қурилган.

Чет эл бинокорлигида ташқи деворлар учун енгил осма панеллар кенг қўлланилади. Енгил панеллар кам қаватли биноларда ҳам, кўп қаватли осмонўпар биноларда ҳам жуда кенг тарқалган. Хорижий мамлакатларда осма панеллар, одатда, кўп қатламли қилиб тайёрланади. Панелнинг юк кўтарувчи қисми алюминий ёки пўлат каркас бўлиб, ташқи ва ички томонидан юпқа листлар б-н қопланади. Ўртасига пластмасса, ойна ёки минерал пахтадан изоляция қатлами жойланади. Бундай панеллар енгил (50 кг/м²) бўлганлигидан катта ўлчамли (мас., 2—3 қават баландликда) қилиб ишланади. Енгил панеллярни таъмирлаш жараёнида уларни осонгина алмаштириш мумкин. Панель жуда тез монтаж қилинади, чунки панель каркасга болтлар ёрдамида бириктирилади.

Сейсмик ҳудудларда қуриладиган бино, иншоотлар ва метрополитенни лойиҳалаш жараёнида улар одатдаги статик кучлардан ташқари, қўшимча равишда сейсмик кучлар таъсирига ҳам ҳисобланади. Ўзбекистонда 1996 й.гача собиқ умуиттифоқ миқёсида амалда бўлган СН ва П II—7—81 (қурилиш меъёрлари ва қоидалари)дан фойдаланиб келинди. 1996 й. 1 мартдан эътиборан республикада янги қурилиш меъёрлари ва қоидалари жорий этилди. 1997 й.да зилзила кучини аниқлаш учун сейсмик шкала — Ўзбекистон Республикаси стандарти (Ўз РСТ 836—97) қабул қилинди. С.қ.га доир и.т. ишларига К.С. Завриев (Тбилиси), М. Т. *Ўрозбоев*, Т. Р. *Рашидов* (Тошкент), А. Г. Назаров (Ереван), Е. Ф. Савваренский, С. В. Поляков ва И. Л. Корчинский (Москва) ва б. олимлар катта ҳисса қўшган. Ўзбекистонда С. қ.га М. Т. Ўрозбоев асос солган. С.қ. соҳасида Ўзбекистон ФА Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ин-ти, Сейсмология ин-ти ва баъзи акциядорлик жамиятларида и.т. ишлари олиб борилади.

Ад.: Руководство по проектированию сейсмостойких зданий и сооружений, т. 1—4, М., 1968—71; Сейсмостойкое строительство зданий, М., 1971; Рашидов Т., Мураккаб тизимли ер ости иншоотлари зилзила бардошлигининг динамик назарияси, Т., 1972; Ҳобилов Б. А., Иншоотлар динамикаси ва зилзилабардошлиги, Т., 1988; Рашидов Т. (Энионҳужаев А. А. б-н бирга), Сейсмостойкость тоннельных конструкций метрополитена мелкого заложения, Т., 1993.

Турсун Рашидов, Баҳтер Ҳобилов.

СЕЙСМОГЕН ЗОНАЛАР — кучли зилзилалар бўлиб турадиган ҳудудлар. Ер пўстидаги кучланишлар таъсирида ўзгараётган фаол геологик структура узилишларидан ташкил топади. Бу зоналарда тектоник ҳаракатларнинг муайян даврида юқори магнитудали ер қимирлашлар содир бўлади. С.з. аввал ҳосил бўлган зилзила ўчоқлари, эпицентрлари, плейстосейм майдонлари ва улар б-н боғлиқ бўлган сейсмоузилмалар, сейсмодеформация қолдиқлари, келажакда кучли тебраниш манбаи шаклланиш эҳтимоли бор ҳудудларни ўз ичига олади. С.з. ер ости чуқур қатламларида бўлаётган геодинамик жараёнларни ва бу қатламларни ташкил этган жинсларнинг тузилишини, уларга таъсир этадиган тектоник хусусиятларни, шунингдек, қайси жойларда зилзила хавфи юқори бўлиши мумкинлигини, кучли ва кучсиз ер қимирлашлар келиб чиқиш қонуниятларини ўрганиш натижасида аниқланади. Катта кучга эга бўлган зилзила ўчоғи муайян геологик муҳит б-н боғланган сейсмоген узилишларда шаклланади ва тектоник ҳаракатларнинг фаоллашуви пайтида тебраниш манбаларига айланади. Кучсиз зилзилалар ҳамма ерда тоғ жинсларининг дарз кетишидан пайдо бўлади. Кучли зилзила ҳар гал янги жойда, яъни С.з.даги маълум бўлган ер қимирлаш ўчоқларининг давомида ёки улар орасидаги сейсмоген узилмаларда содир бўлади. Зилзила кучи узилмаларнинг катта-кичиклигига, уларда бўладиган тектоник ҳаракатлар амплитудаси, тезлигига боғлиқ. С.з.да геодинамик жараённинг тез ривожланиши натижасида ер қимирлаш манбаидаги йиғилган тектоник кучланишлар сейсмик тўлқинлар энергиясига айланади. Шу сабабли, С.з.ни кучли зилзилалар генератори дейиш мумкин. Ўзбекистон ҳудудида кучли зилзила ўчоқларининг шаклланиши эҳтимоли бўлган С.з. концепцияси илк бор яратилди.

Сейсмотектоник шароитларга қараб сейсмик хавф бўлган ҳар бир ҳудудда битта ёки бир нечта С.з. бўлади. Улар ҳоз. замон тектоник ҳаракатларнинг фаол сейсмоген узилмаларининг ўлчами, зилзилаларнинг параметрлари (магнитудаси, чуқурлиги, интенсивлиги ва б.) га бўлинади. Ўзбекистонда ишлаб чиқилган С.з. концепциясига кўра, улар 3 тоифадан иборат. Биринчи тоифали С.з.да магнитудаси 7,5, интенсивлиги 9 балл, иккинчисида — магнитудаси 6,5, интенсивлиги 8 балл ва учинчисида — магнитудаси 5,5, интенсивлиги 7 баллгача зилзилалар содир бўлади. Изланишлар натижасида биринчи марта С.з.нинг янги типдаги харитаси тузилди (561-бетдаги схематик харитага қ.). Ўзбекистоннинг шарқи ва унга ёндош ҳудудлар учун тузилган бу харита 1976 й. ялон қилинганидан кейин 1977 йда 8 балли Исфара-Боткен, 7 балли Ҳайдаркон, 7 балли Товоқсой, 1980 йда 7 балли Конибодом, 8 балли Назарбек, 1982 йда 8 балли Чимён, 1984 йда 8 балли Поп ва 1985 йда 8 балли Қайроққум, 1988 йда 7 балли Шомотли, 1990 йда Ўзган, 1992 йда 8 балли Избоскан зилзилалари содир бўлди. Уларнинг жойи, кучи ва магнитудаси баъзаратта тўла мос келди. С.з. концепцияси асосида Вьетнам, Лаос, Яман мамлакатлари ва Туркиянинг Эгей системаси грабенлари учун сейсмик районлаштириш хариталари тузилган, шунингдек, АҚШнинг зилзилаларни ҳалокатли оқибатларини камайтириш дастурида ҳам ўз аксини топди.

Ад.: Ибрагимов Р.Н. Сейсмогенные зоны Восточного Узбекистана и сейсмичные районирование. М., 1976.

СЕЙСМОГРАММА (*сейсмо...* ва *...грамма*) — зилзила ёки портлаш натижасида вужудга келадиган ер тебранишлари ёки силкинишларини махсус асбоб (сейсмограф)ларда қайд этилган ёзуви. Ер қимирлаганда (ёки портлаш пайтида) грунт зарралари силжийди, бу силжишнинг тезлиги ва тезланиши бўлади. Силжишлар графиги С., тезликлар ёзуви велосиграмма, тезланиш ёзувлари эса акселерограмма деб аталади. Зилзилани қайд этиш муаммолари б-н олимлар (мас., Хитой олими Чжин Хэн, 78—139 йиллар) милоддинг бошидан бошлаб шуғулланган, аммо тебранишларни ёзиб олишнинг мукаммал гальванометрик усули 20-а.да яратилди. С.дан фойдаланиб зилзиланинг кучи (балл) ва энергияси (магнитуда)ни аниқлаш мумкин. С. асосида сейсмик тўлқинлар тарқалган муҳитнинг тузилиши ҳақида маълумотлар олинади.

Зилзила (ёки портлаш) манбаидан 3 хил: бўйлама, кўндаланг ва сиртки тўлқинлар тарқалади. Сейсмик тўлқинлар бир-бирилан хусусиятлари ва тарқалиш тезлиги б-н фарқ қилади. Бўйлама тўлқинларнинг тарқалиш тезлиги катта (~ 8 км/с) бўлганлиги сабабли, Ер тўлқинлар даракчи ролини ўйнаб, кейинги тўлқинларнинг келишидан огоҳлантиради (расмда С.нинг бошланғич қисми). Кўндаланг тўлқинларнинг тарқалиш тезлиги (~ 5 км/с) кичикроқ бўлганлиги сабабли, сейсмост-ярга кечроқ етиб келади. Бу тўлқинларнинг тебраниш амплитудалари ва тезланиши катта бўлади, шу сабабли бино ва иншоотлар учун кўпдаланг тўлқинлар хавфли ҳисобланади (С.нинг ўрта қисми). Сиртки тўлқинларнинг тезлиги авваггиларинникидан кичикроқ бўлади (С.нинг охирлари). С. ёрдамида турли сейсмик тўлқинларнинг кузатилаётган пунктга келиш вақти, зилзила пайдо бўлган вақт, зилзила ўчоғи ва кучи аниқланади. С. зилзила (ёки портлаш) натижасида тўлқинлар тарқалган муҳитнинг тузилишини акс эттиради.

СЕЙСМОГРАФ (*сейсмо... ва ...граф*) — зилзила ёки портлаш пайтида вужудга келадиган ер тебранишлари ва силкинишлари (сейсмик сигналлар) ни қайд қилиш учун мўлжалланган асбоб. Сейсмик сигналларни қабул қилувчи асбоб — сейсмометр ва бу сигналларни қайд қиладиган қурилмадан иборат. С.нинг гальванометрик, электродинамик, пьезоэлектрик ва б. турлари бор. Гальванометрик С.нинг асосий қисмлари — таглик ҳамда унга бириктирилган эластик юк (маятник). Асбоб тагликка нисбатан ҳаракатланади; бу ҳаракат сейсмометрда электр сигналларга айлантирилади ва механик ёки фотографик усулда ёзиб олинади. Электродинамик С.да тебранишлар асбоб корпуси орқали қайд қилинади. Корпусга пружиналар б-н бириктирилган инерт юкка нисбатан С.нинг силжиши туфайли ер тебранишлари (силкинишлари) электр сигналларга айланади ва қайд қилувчи қурилмада ёзиб олинади. Пьезоэлектрик С. ёрдамида суюқ муҳит (денгиз ва бургилаб очилган қудуқлардаги сув) да зилзила ёки портлашлар таъсирида вужудга келадиган ҳажмий сиқилиш тўлқинлари қайд қилинади.

СЕЙСМОЛОГИЯ (*сейсмо... ва ...логия*) — *зилзилалар*, уларнинг содир бўлиш сабаблари ва оқибатларини ўрганадиган *геофизика* бўлими. С. *физика* ва *геология* фанлари б-н узвий боғлиқ. Зилзилаларни Ернинг геологик тузилишига боғлаб ўрганади. С. вазифаси ва тадқиқот усулларига кўра, хусусий, сейсмометрия ва амалий С.га бўлинади. Хусусий С. зилзила, унинг сабаблари, зилзилалар б-н боғлиқ ҳодисаларини физик ва геологик томонларини ўрганади. Сейсмометрия тебранишлар назарияси, зилзила вақтида ер юзасидаги тебранишларни ўлчаш усуллари, зарур асбоблар ишлаб чиқиш каби масалаларни ўз ичига олади. Амалий С. зилзилабардош иншоотлар қуриш масаласи б-н шуғулланади. Сейсмологик тадқиқотлар сейсмик ст-лардан олинадиган ва илмий марказларда умумлаштириладиган маълумотлар асосида ўтказилади. Ернинг сейсмик ҳолатини ўрганиш натижасида ҳар бир ҳудуднинг сейсмик харитаси тузилади, кичик, майдонлар (қурилиш объектлари) учун *сейсмик ҳудудлаштириш* амалга оширилади. С.нинг сейсмик зондлаш, сейсмик каротаж, сейсмик разведка каби усуллари маълум. Зилзила жараёнида вужудга келган сейсмик тўлқинларни ўрганиш натижасида Ернинг ички тузилишини билиш мумкин.

С. кучли зилзилаларнинг сабабларини аниқлаш ҳамда зилзилабардош бинолар қуриш (қ. *Сейсмобардош қурилиш*) йўлларини қидириб топиш б-н боғлиқ ҳолда вужудга келди. С. мустақил фан сифатида 19-а. 2-ярмида геол. ва физика фанлари эришган ютуқлар натижасида ривожлана бошлади. 19-а. охирларидан бошлаб С.да асбоблар ёрдамида кузатиш ҳамда физик-математик тадқиқот усуллари қўлланила бошлади. С.нинг шаклланишида рус олими Б. Б. Голицин, немис геофизиги Э. Вихерт (19-а. охири 20-а. боши), Б. Гутенберг, инглиз олимлари Ж. Милн (19-а. 2-ярми), Х. Жеффис, югославиялик геофизик А. Мохоровичич, япониялик Ф. Омори (20-а. боши) ва б. катта ҳисса қўшдилар. Россияда 1888 й. Россия География жамиятининг Сейсмик комиссияси тузилган. Собиқ СССРда С.га оид асосий талқиқотлар СССР ФА Ер физикаси ин-тида олиб борилган. Тошкентда биринчи сейсмик ст-я 1901 й. ишга туширилди ва Ўзбекистонда мунтазам инструментал сейсмологик кузатишлар бошланди. *Тошкент зилзиласи* (1966) Ўзбекистонда С.нинг ривожланишида муҳим туртки бўлди. Ўзбекистон ФА қошида *Сейсмология институти* ташкил этилди, Тошкент зилзиласининг сабаб ва оқибатлари ўрганила бошлади. Ўзбекистонда зилзила ҳақидаги билимлар доираси кенгайди, зилзила даракчиларини аниқлашга доир и. т. ишлари амалга оширилди. Сейсмик ст-ялар сони кўпайди, Тошкент геодинамик полигони (табиий лаб.) ташкил этилиб, зарур асбоб-ларб-н жиҳозланди. Бу полигонда турли усуллар ёрдамида кузатиш олиб борилади. Ўзбекистонда Ернинг ички тузилишини, зилзила физикасини ўрганиш зилзилани олдиндан билиш, сейсмик аппаратлар яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш, 1966 йилги Тошкент зилзиласи сабабларини илмий жиҳатдан ўрганиш ва б. масалалар б-н шуғулланилади. Сейсмология ин-тида ер ости сувлари таркибидаги турли инерт газлар ва кимёвий элементлар миқдорининг зилзиладан олдин кескин ўзгаришлари кашф этилди (Мавлонов Ғ. О., Султонхўжаев А. Н., Уломов В. И. ва б., 1973 й.), ер ости сувларидаги радон гази миқдорини ўлчайдиган асбоб яратилди, Ўзбекистон ҳудудини сейсмик ҳудудлаштириш ва сейсмотектоник хариталар тузилди. Зилзила жараёнида ер ости сувларининг кимёвий таркиби ўзгариши илмий жиҳатдан исботланди. Ўзбекистонда С. фани тараққиётига Ғ. О. *Мавлонов*, К. *Абдуллабеков*, Е. М. *Бутовская*, В. И. *Уломов* ва б. катта ҳисса қўшишган.

Каххорбек Абдуллабеков.

СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон ФА Ғ. Мавлонов номидаги Сейсмология институти — зилзилалар, уларнинг содир бўлиш сабаблари ва оқибатлари, уларни олдиндан билиш ва б. сейсмик масалалар б-н шуғулланадиган и. т. муассаса. 1966 й. ташкил этилган, 1990 й. унга Ғ. О. *Мавлонов* номи берилган. Ин-т олимлари зилзила даракчиларини ўрганиш асосида зилзила содир бўлишини олдиндан билиш, *сейсмик ҳудудлаштириш* ва микроҳудудлаштиришнинг илмий асослари ва усулларини яратиш, техноген сейсмиклик, сейсмик хабарни баҳолаш борасида илмий ва амалий ишлар олиб боради. Ин-т таркибида 11 та и.т.лаб. (ҳудудий сейсмиклик ва сейсмик ҳудудлаштириш; сейсмотектоника; геодинамика; ҳудудий муҳандислик геологияси; гидрогеосейсмология; геофизик майдонлар ўзгариши; муҳандислик сейсмологияси; зилзила ўчоғи физикаси, техноген сейсмиклик, математик модуллаш ва сей-смик изланишларни автоматлаштириш), комплекс экспедиция, география бўлими, илмий техника маълумотлари ва патент-лицензия бўлимлари, кутубхона (50 мингга яқин асар), Ғ. О. Мавлонов музейи (1990) бор. Шунинг-дек, ин-т таркибида «Тошкент» марказий сейсмик ст-яси (1901), Паркент магнитонооофера расадхонаси (1924), республиканинг барча вилоятларида жойлашган 22 та сейсмик,10 та комплекс прогноз ва 32 та турли кузатув ст-ялари мавжуд. Ин-т олимлари томонидан Ўзбекистон ҳудудини умумий ва мукаммал сейсмик ҳудудлаштириш, кўпгина шаҳарлар, йирик гидротехника иншоотлари ва қурилиш майдонларини ҳудудлаштиришнинг хариталари тузилди, 1966 йилги Тошкент зилзиласи сабаблари илмий жиҳатдан ўрганилди, зилзилалардан олдин ер ости сувлари таркибидаги газ ва турли кимёвий элементлар миқдори ўзгариши кашф этилди, ер ости сувларидаги радон гази миқдорини ўлчайдиган асбоб яратилди ва б. Ин-тда 370 ходим, жумладан, 2 Ўзбекистон ФА акад., 15 фан д-ри ва 30 фан номзоди ишлайди. Ин-т фаолияти Ғ. О. Мавлонов, К. Н. *Абдуллабеков*, А. Н. Султонхўжаев, В. И. *Уломов*, М. Х. Бокиев, С. М., Мақсудов, Р. Н. Иброҳимов, С. М. Қосимов ва б. олимлар номи б-н боғлиқ.

СЕЙСМОМЕТРИЯ (*сейсмо... ва ...метрия*) — зилзила пайтида грунт, бино ва иншоотларнинг тебранишларини ёзиб олувчи асбоблар ва усулларни яратиш б-н шуғулланадиган *сейсмология* бўлими. С. 20-а. бошларидан ривожлана бошлади. Ўша пайтларда грунтнинг тебранишлари 3 усулда — механик, оптик ва гальванометрик усулларда қайд қилинарди. Бу усулларнинг ичида гальванометрик усул анча самарали бўлиб, ундан ҳозир ҳам фойдаланилади. Сейсмик тебранишларни қайд қилувчи асбоб *сейсмограф*, қайд қилиш натижасида пайдо бўлган ёзув *сейсмограмма* деб аталади. Ер қимирлашлари, ядро портлашлари ва б. қайишқоқ тўлқинлар манбаларни таъсирида вужудга келадиган сейсмик тўлқинлар сейсмик ст-яларда узлуксиз қайд қилиб турилади. С. газ ва нефть конларини сейсмик разведка қилишда; муайян ҳудуднинг геологик тузилишини сейсмик эондлашда муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистонда С.га доир и.т. ишлари, асосан, Ўзбекистон ФА Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ин-тида, Сейсмология ин-тида олиб борилади.

СЕЙСМОТЕКТОНИКА (*сейсмо... ва тектоника*) — зилзиланинг вужудга келиш геологик шароитларини ўрганувчи мустақил фан соҳаси. С. 20-а.да вужудга келган, асосий вазифаси сейсмик хавфни камайтириш мақсадида зилзилалар генезисини ўрганиб, қаерда, қандай куч б-н содир бўлишини башорат қилишга қаратилган. Шу сабабдан С. Ер остида бўлаётган геодинамик жараёнлар оқибатида зилзила ўчоқларининг шаклланиш хусусиятларини ўрганади. Бу хусусиятлар кўпроқ тебранишлар бўладиган жойнинг геологик тузилишига, қатламларнинг деформациясига, тектоник структура ва узилмаларнинг ривожланиш шарт-ша-



Сейсмограмма графиги.

ронтларига боғлиқ. С.нинг асосий тадқиқот ҳудудларига Алп даври ва ҳоз. замон тектоник ҳаракатларининг фаоллиниши натижасида ривожланаётган Ўрта денгиз тизма тоғлари, Тинч океан бурмаланиш областлари, қитъаларда жойлашган эпиплатформа, эпигеосинклиналь орогенлари, рифт зоналари киради. Ўрта Осиё ҳудудида олиб борилган изланишлар натижасида континентал Ер пўстидаги тектоник зилзилалар энергияси сейсмоген геологик структураларнинг типлари б-н боғлиқлиги қонунияти кашф этилди. Бу кашфиёт «Губиннинг сейсмотектоника қонуни» деб аталади. Энг кучли зилзилалар Ер шарининг ана шу ҳудудларида намоён бўлади. Зилзилалар генезисини ўрганишда олинган маълумотлар асосида сейсмик ҳудудлаштириш харитлари тузилади (қ. *Сейсмик харитлар*).

Ад.: Ибратимов Р. Н., Сейсмотектоника Ферганской впадины, Т., 1970.

СЕЙТЖОНОВ Тожетдин (1924.8.4, Қорақалпоғистон, Кегейли тумани — 1998.16.7, Нукус) — Қорақалпоғистон халқ шоири (1985) ва драматург. Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1959). Ўқитувчилар ин-тини тугатган (1948). «Жас ленинши» (1954—56), «Совет Қарақалпақстаны» (1967—73) газ. ва «Амударья» жур.да (1962—64; 1978 й.дан) ва б. ташкилотларда ишлаган. Қорақалпоғистон Радио ва телевидение давлат қўмитаси раиси ўринбосари (1973—78). Илк шеърлар тўплами — «Азамат йигитлар» (1956). «Зебо» (1957), «Қанотли ёшлар» (1961), «Муҳаббатнома» (1971), «Ҳаёт фалсафаси» (1979) шеърий китобларида қорақалпоқ халқи ҳаёти акс этган. «Қорли сўқмоқлар» (1959), «Абу Райҳон Беруний» (1973), «Нукус афсонаси» (1981) ва б. пьесалар муаллифи. «Денгиздан эсган шамол» шеърлар тўплами ўзбек тилида нашр қилинган (1981).

СЕЙФЕРТ (Seifert) Ярослав (1901.23.9, Прага яқинидаги Жижков ш. — 1986.10.1) — чех шоири. 1920 й. «Тўққизлар гуруҳи» номли авангардизм кайфиятидаги адабий тўгарак очган. «Поэтизм» услуби С.нинг дастлабки китобларида сезилади («Кўзлари ёшли шаҳар», 1921; «Муҳаббатнинг ўзи», 1923; «Асал ойи», 1925; «Булбул ёмон куйлаяпти», 1926). Кейинчалик унинг асарлари мавзуси ўзгариб, пролетар шеъриятидан чекинган. 1929 й.да компартиядан чиққан, манифест ёзиб, унда компартиянинг цензура сиёсатини қоралаган, сиёсий нашриётлар б-н ҳамкорликни тўхтатган ва социал-демократик партияга кирган. Шундан сўнг сиёсатдан танқиридаги мавзулар умуминсоний қадриятлар, муҳаббат, болалик ва б. ҳақида ижод қилган. 1977 й. яна сиёсий жараёнларга аралашиб, цензурани йўқотиш, ёзувчиларнинг эълиқод учун таъқиб қилинишин, шунингдек, уларни ноқонуний равишда қамоқхоналарга ташланини қоралаб чиққан. 1980—83 й.лар С.нини асарлари, асосан, инглиз тилига таржима қилиниб, Англия ва АҚШда тарқатилган. «Божена Немцова елигияси» (1940), «Лоннинг дубулғаси» (1945) ва б. тупламлари Прага кўзголони, Чехословакиянинг фашистлар истилосидан озод қилинишига бағишланган. Урушдан кейинги асарлари — «Монарт Прагда» (1946), «Онажон» (1954), «Бола ва воллудлар» (1956), «Қўнғироқлар жаси» (1967) ва б. Нобель мукофоти лауреати (1984).

СЕЙФЕРТ ГАЛАКТИКАЛАРИ — ўзаги кўпинча воллуэсимон бўлиб, унинг нурланиш спектри кучли кенг чизиқлардан иборат бўлган галактикалар. америкалик олим Сейферт кашф қилган. С.г. марказий қисмилари кенг чизиқларнинг тезлиги, бир неча минг км/с б-н ҳаракатланувчи газ булутлари б-н боғлиқ. С.г., асосан, спиралсимон тузилишга ва ультрабинафша тўлқин узунликларида орттирма нурланишга эга. Спирал галактикаларда 1% С.г. бўлиб, уларда ёрқинлик марказ томон кескин ортиб боради. Одатда, улар галактикалар гуруҳлари ва қўшалоқ галактикаларда учраб, галактикалар тўдаларида эса деярли кузатилмайди.

С.г. ўзагининг ўлчамлари, асосан, 0,1 парсек атрофида, нурланишлари вақт давомида ўзгариб туради. Бу ўзгарувчанлик даври нурланишнинг тўлқин узунлиги қийматига боғлиқ. Ўзак нурланиши оптик, радио, рентген ва гамма тўлқинларида жуда кучли. Нисбатан олинганида эса, хусусан, оптик узунликдаги ушбу давр радионурлар ўзгариш давридан анча кичик.

СЕЙШЕЛЬ ОРОЛЛАРИ (Seychelles), Сейшель Оролларн Республикаси (Republic of Seychelles) — Ҳинд океанида, Африканинг шарқий соҳили яқинидаги Сейшель ва Амирант о.лари, Альдабра, Фаркуар ва б. ороллларда жойлашган давлат. Майд. 405 км². Аҳолиси 80,1 минг киши (2002). Пойтахти — Виктория ш. (Маэ о.да).

Давлат тузуми. С.О. — республика. Амаллаги конституцияси 1993 й. 18 июнда маъқулланган ва унга кейинчалик тузатишлар киритилган. Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига киради. Давлат бошлиги — президент (1977 й.дан Франс Альбер Рене), у тўгри умумий сайлов йўли б-н

Сейшель Оролларн гербн.

5 й. муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий мажлис, ижрочи ҳокимиятни президент б-н ҳукумат амалга оширади.

Табиати. С.О. материклан, айримларн маржонлардан ҳосил бўлган. Энг бал. жойи 905 м (Маэ о.да). Йирик ороллари — Маэ, Силуэт, Праслен, Ла-Диг. Иқлими субэкваториал, денгиз иқлими. Ўртача ойлик т-ра 26—28°. Йиллик ёғин 4000 мм гача (асосан, ёзда). Маржон ороллари тарқибидаги оҳактошлар намни ушлаб сақламайди, шу сабабли уларни ҳўжалик жиҳатидан ўзлаштириб бўлмайди. Йирик ороллариинг ички ҳудудларида доим яшил тропик ўрмонлар сақланиб қолган, уларда фақат маҳаллий жайлари ўсимликлар (жумладан, сейшель пальмасининг қад. турн) ўсади. Бохибат филсимон тошбақа ва қуш кўп. Альдабра, Кулен ва б. резерватлар, Сент-Анн денгиз миллий боги бор.

Аҳолисининг аксарияти сейшеллилар ёки креоллар (асосан, кўчиб келган французлар ва африкалик қулларнинг авлодлари, умумий сони 65 минг киши); ҳиндлар, малагасилар, хитойлар, инглизлар ҳам яшайди. Расмий тиллар — креол, инглиз ва француз тиллари. Аҳолининг 90% христиан-католик, қолганлари — мусулмон, ҳиндулар ва конфуцийчилар. Шаҳар аҳолиси 55,3%.

Тарихи. С.О. қад. араб ва ҳинд денгиз сайёҳларига маълум бўлган. 1609 й. бу ороллярга инглиз денгиз сайёҳлари келиб тушган. 18-а. ўрталарида французлар босиб олиб, Франция молия вазири Моро де Сешелл номи б-н аташган. 1794 й. уни инглизлар эгаллаб олган. 1903 й.дан Буюк Британия мустамлакаси. Маҳаллин халқ мустамлакачиларга қарши тинимсиз кураш олиб борди. 20-а. ўрталарида сиёсий партия ва касаба уюшмалари тузилди, улар халқнинг озодлик нулидаги курашига бошчилик қилди. 1970 й. С.О.га ички мухтория берилиб, Қонун чиқарувчи ассамблея тузилди, 1976 й. 29 июнда мустақилликка эришди. С.О. 1976 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 18 июнь — Миллат куни (1993).

Сейшель Оролларн байроғи.

Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари. Демократик партия, 1992 й. тузилган; Сейшель халқи тараққиёт фронти, 1978 й. ташкил этилган; Сейшель миллий партияси, 1993 й. асос солинган. Сейшель ишчилари иттифоқи федерацияси касаба уюшма бирлашмаси, 1978 й. тузилган.

Хўжалиги. С.О. — аграр мамлакат. Балиқ овлаш ва хорижий сайёҳлик муҳим аҳамиятга эга. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, балиқ овлаш улуши 4,1%, сайёҳлик улуши 12,3%, саноат ва қурилишнинг улуши 20,5%. Қ.х. мамлакат иқтисодиётининг асосини ташкил этади. Кокос пальмаси, кофе, тамаки, мева, сабзавот, мойли экинлар, зираворлар, чой етиштирилади. Қорамол, чўчқа боқилади. Копра ва ванилни қайта ишлайдиган, эфирли мойлар, кокос толасидан турли буюмлар, совун ишлаб чиқарадиган ва чой қадоқлайдиган кичик корхоналар, ёғоч тилиш з-ди, бир қанча озиқ-овқат корхоналари бор. Йилига ўртача 126 млн. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Т.й. йўқ. Автомобиль йўллари уз. 345 км. Ороллар орасида маҳаллий кемалар қатнайди. Маэ о.да халқаро аэропорт бор. С.О. четга копра, шунингдек, долчин ёғи ва долчин, ванель, музлатилган ва консервланган балиқ, тошбақа косаси, гранит чиқаради, четдан саноат моллари, озиқ-овқат олади. АҚШ, Франция, Буюк Британия, Хитой, ЖАР, Япония, Сингапур б-н савдо қилади. Пул бирлиги — сейшель рупияси.

Виктория шаҳри.

Маорифи. Халқ таълими тизими инглиз, қисман француз тизимлари таъсирида шаклланган. 1980 й. 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар учун мажбурий 9 йиллик таълим жорий этилган, у 6 йиллик бошланғич ва 3 йиллик тўлиқсиз ўрта мактабни ўз ичига олади. Замонавий таълим тизими 6 йиллик бошланғич, 3 йиллик тўлиқсиз ўрта ва 2 йиллик тўлиқ ўрта мактабдан иборат. Тўлиқ ўрта мактабда ўқувчилар илмий билимларни ўрганишдан ташқари умумий меҳнат б-н ҳам шуғулланади. Тўлиқ ўрта мактаб негизида пед. коллежи, 9 йиллик мажбурий мактаб негизида ҳунар-техника билим юртлари ишлайди. Ёшлар олий таълимни чет элларда оладилар.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Газ. ва жур.лари: «Нейшн» («Миллат», креол, француз ва инглиз тилларида чиқадиган ҳукумат газ.), «Эко дез иль» («Ороллар акс садоси», француз, креол ва инглиз тилларида чиқадиган диний жур.). Сейшель матбуот агентлиги, миллий ахборот агентлиги. 1979 й. тузилган. 1941 й.дан инглиз, француз ва креол тилларида радиоэшиттириш олиб борилади. Ҳукумат назоратидаги Сейшель радио ва телевидениеси хизмати 1983 й.да тузилган.

СЕКАНС (лот. secare — кесувчи, кесиб ўтган) — 1) *тригонометрик функция* дардан бири. С. sec каби белгиланади. 2) тўғри бурчакли учбурчак ўткир бурчаги секанси гипотенузанинг шу ўткир бурчакка ёнашган катетига нисбатидир.

СЕККИМ — Ҳиндистон таркибидаги штат. Шарқий Ҳимолай тоғларида. Непал, Бутан ва Хитой б-н чегарадош. Майд. 7,3 минг км². Аҳолиси 576 минг киши (2001), асосан, бхотия, лепча, непали, инглиз тилида сўзлашади. Лепча ва бхотиялар (30,8%) буддизм (ламаизм) динига, қолган халқларнинг кўпчилиги (66,7%) индуизм динига эътиқод қилади. Маъмурий маркази — Гангток ш.

С. ҳудуди Катта Ҳимолай тоғларининг жан. ён бағрида, 1500 м дан баландда жойлашган. Энг баланд жойи 8585 м. Чуқур дарё водийси кўп. Энг йирик дарёси — Тиста. Иқлими субэкваториал, сернам, тог иқлими. Йиллик ёғин 3000—4000 мм, шимол 500 мм гача. Гангтокда январнинг ўртача т-раси 1°, июлники 19°.Баландлик минтақалари яққол кўзга ташланади. 4000 м баландликкача барг тўкувчи ва игна барглн ўрмонлар, ундан юқорнси алп ўтлоқлари.

Маэ ороли денгиз соҳили.

16-а.охиридан С. ҳудудига тибетликлар кириб келган. 18-а. охиригача С. Тибетга тобе бўлган. 19-а. 2-ярмидан 1946 й.гача Англия мустамлакаси. 1949 й.дан Ҳиндистон протектората. 1950 й.да Секким—Ҳиндистон шартномасига мувофиқ, Ҳиндистон ҳукумати С.нинг мудофааси ва ҳудуд бутунлигини таъминлашни ўз зиммасига олди. 1973 й.дан барча маъмурий фаолиятлар Ҳиндистон ҳукумати ихтиёрига берилди. 1974 й. апредла 1-умумий сайлов ўтказилди. 3 июлда конституция қабул қилинди. 1974 й. сент.да С.га Ҳиндистоннинг ушоган штати мақоми берилди. 1975 й. майдан С. — Ҳиндистоннинг 22-штати.

С. — аграр штат. Аҳоли деҳқончилик, чорвачилик ва қисман ёғоч тайёрлаш б-н шуғулланади. Тог оралиғидаги водийлар ва дарё қайирларида шоли, маккажўхори, батат, соя, зираворлар экилади. Богдорчиликда анелсин, олма, ананас, банан ўстирилади. Чой плантациялари бор. С. жаҳон бозорига қарамон етказиб бериш бўйича 1-ўринни эгаллайди. Чорвачиликда қорамол, қўй боқилади. Ҳунарманчиликда уй-рўзғор буюмлари, қоғоз тайёрланади, гилам тўқилади. Ёғоч ўймакорлиги ривожланган, кумуш буюмлар ясалади. Фойдали қазилмалардан кўпгина, рух, мис

рудалар қазиб олинади. Рангидаги к-тда полиметалл рудалар қайта ишланади. Қимматбаҳо тошларга ишлов берувчи, озиқ-овқат корхоналари мавжуд. Давлат кустарь саноат ин-тида анъанавий саноат тармоқларини ривожлантириш соҳасида талқиқотлар олиб борилади. ГЭС-лар қурилган. Туризм ривожланган.

СЕКРЕТЛАР (лот. secretus — ажратилган) — без ҳужайралари ишлаб чиқарадиган ва ажратадиган модда. Физиологик аҳамиятига кўра, секреция маҳсулотлари инкретлар (гормон) ва экскретларга бўлинади. Кимёвий таркибига кўра, кўпчилик С. оқсил (меъда-ичак йўлидаги ва меъда ости бези ферментлари), полипептид (мас., гипофиз гормонлари), стероид (жинсий ва буйрак усти бези гормонлари) бўлиши мумкин. Шунингдек, С. таркибига ноорганик бирикмалар (меъда безлари ишлаб чиқарадиган хлорид кислота тузлари ва ҳ.к.) ҳам киради. С.лар нордон ва кислотали реакцияга эга бўлади. Организмнинг нормал ҳаёт фаолияти учун С. муҳим аҳамиятга эга.

СЕКРЕЦИЯ (лот. secretio — ажратиш) — без ҳужайраларида организмнинг ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган махсус маҳсулотлар — *секретлар* ҳосил бўлиши ва чиқарилиши. Организм ҳаёт фаолияти давомида ҳар бир ҳужайрада ички ёки ташқи муҳитга ажратиладиган *метаболизм* маҳсулоти ҳосил бўлади. Агар секрет ажратиш махсус ҳужайраларнинг асосий функцияси бўлса, бу функция С. деб аталади. Ташқи ёки экзокрин С. (без ҳосил қилган маҳсулот ташқарига чиқарилади), ички ёки эндокрин С., ёхуд инкреция (синтезланган моддалар қон ёки лимфага ажратилади) бўлади. Ҳар қандай безнинг секретор циклида икки: секрет биосинтези ва секрет ажратилиши фазалари бор. Баъзи безларда иккала фаза бир вақтда, айримларида эса бошқа пайтда содир бўлиши мумкин. С. — ҳужайра ичида синтез қилинган маҳсулотнинг аста-секин етилиб, кетмакет бир органоиддан бошқасига ўтказилиб турадиган изчил жараёндир. Бошланғич маҳсулотлар (аминокислоталар, моносахаридлар, ёғ кислоталари, тузлар) қон ва тўқима суюқлигидан без ҳужайраларига ютилади. Секрет биосинтези (айниқса, оқсил маҳсулотлари) эндоплазматик тўрда бошланади. Бунда ҳужайра мембранасида адсорбланган аминокислоталар (рибосома) рибонуклеин кислота (РНК)си белгиланган кетма-кетлик асосида бир-бири б-н бирикади. Синтезланган бошланғич маҳсулот эндоплазматик тўр тирқишлари ва лакуналарда йиғилади, сўнг *Гольжи комплекси*га ўтиб, у ерда етилади. Без ҳужайраларидаги жуда кўп *митохондриялар* бу жараён учун энергия беради.

Секретор циклнинг иккала фазаси регуляцияси ҳам бир неча бошқарувчи (нерв ва гуморал) омилларнинг ҳамкорликда ёки бирин-кетин таъсири б-н белгиланади (қ. *Нейро-гуморал регуляция*). С. нейрогормонларни ишлаб чиқарадиган баъзи нейрон (нейросекреторлар) ва махсус моддалар — *медиаторлар*ни ҳосил қиладиган оддий нерв ҳужайралари учун ҳам хос.

СЕКРЕЦИЯЛАР (лот. secretio — бўлиниш) (геология да) — тог жинсларидаги бўшлиқларнинг кристалл ш-клолид моддалар б-н тўлиши натижасида ҳосил бўладиган минерал агрегатлар. Алоҳида қаватлари ранги ва таркибига кўра бир-биридан фарқ қилади. Одатда, С. учун минерал моддаларнинг бўшлиқлар деворларидан марказга томон концентрик қаватланиш кетма-кетлиги хос. Бунда *друзалар* ҳосил бўлади. Баъзан С. ўртасида турли минераллардан ҳосил бўлган ковак қолади. Диаметри 10 мм гача бўлган С. бодомтошлар, ундан катталари жеодалар дейилади. Асосан, С. гидротермал ёки гиперген жараёнларда ҳосил бўлади. С.лан кўпинча музейлар учун юқори баҳоли коллекция сифатида фойдаланилади.

СЕКС (лот. sexus — жинс) — жинсий майлни ифодалаш ва қондириш б-н боғлиқ психик реакциялар, кечинмалар ва хатти-ҳаракатлар мажмуи.

СЕКСОЛОГИЯ — инсоннинг жинсий ҳаёти физиологиясини ўрганадиган фан; *жинсий ҳаёт* тўғрисидаги билимлар ва и.т.лар соҳаси. С.га оид дастлабки билимлар қад. афсоналар ва қадимий тиббиётда ҳам бўлган. Жинсни объектив ўрганиш Европада Уйгониш даврида бошланган. Турли тадқиқотлар мажмуи — биол., тиббиёт, ижтимоий-тарихий ва психологик йўналишларни ўз ичига олган ҳоз. замон С.си 40-й.ларнинг ўрталарида шаклланди. С. муаммолари б-н турли соҳа мутахассислари: психиатрлар, психологлар, социологлар, биологлар ва б. шуғулланадилар.

Ҳоз. С.нинг биологик-табиий йўналиши жинснинг биологик асосларини ўрганади; бунда жинснинг шаклланишида биологик ва маданий-ижтимоий омиллар мутаносиблиги (психосексуал ўзгаришларни аниқлаш ва бартараф этишда амалий аҳамияти бор), турли жинсий белгилар, жумладан, жинсий гормонларнинг эркаклар ва аёллар психикаси ва хулқ-атворига таъсири, жинсий функциялар (сексуал ўзгаришларнинг диагностикаси ва давоси учун асос бўлади) талқиқ қилинади.

Талқиқотларнинг ижтимоий-тарихий йўналиши эркаклар ва аёлларнинг ижтимоий функциялари ва фаолият шакл-ларининг ўзига хослигини ўрганади; сиз, касб-ҳунар, синф, регион, миллат ва ш.к.га боғлиқ жинсий хулқ-атвор ва маънавий анъаналар ҳақида маълумот тўплайди ва умумлаштиради; жинсий хулқ-атвор меъёрларининг тарихий эволюциясини аниқлайди, жинсий тарбия ва маърифат усулларининг таъсирчанлигини текширади.

С.нинг психологик йўналиши ёшга қараб бўладиган сексуал хусусиятларни, жумладан, ўсмирлар ва ёшлар сексуал ҳолатини, жинсий атворининг индивидуал хусусиятларини ва у б-н боғлиқ сезги ҳаяжонларни (сезги-эротик ва маънавий ахлоқ компонентларини), шунингдек, сексуал ҳолатнинг ижтимоий-психологик ҳамда солиштирма-психологик масалаларини ўрганади.

СЕКСТ ЭМПИРИК (Sextus Empiricus) (тахм. 200—250) — юнон файласуфи, шифокори, қад. классик *скептицизм* вакили. Александрия ва Афинада ишлаган. Пирронлан тортиб Энесидемгача бўлган юнон скептикларининг фикр-мулоҳазаларини тўплаган ва тизимга солган, мантиқнинг дастлабки тарихчиларидан. «Математикларга қарши» асарида С.Э. грамматика, риторика, геом., арифметика, астрономия, мусиқа назариясини танқид қилади, шунингдек, айрим мантиқий, физика ва ахлоққа оид таълимотлар, ҳатто худо тушунчаси ва барча диний эътиқодларга эътироз билдиради. У ҳаётда бепарво бўлишни,. табиий эҳтиёжлар, майллар, маижуд тартиб ва удумларга бўйсунишни тарғиб қилган. Унинг фикрича, бахт — руҳий хотиржамлик ва мўътадил хоҳишдан иборат.

СЕКСТАНТ (лот. sextans — олтинчи) — уфқ устидаги осмон ёритқичларининг баландлигини белгилаш ёки кузатувчи жойи координаталарини аниқлаш мақсадида кўринадиган жисмлар орасидаги бурчакларни ўлчаш учун мўлжалланган кўзгули-қайтаргичли асбоб. Унинг ёрдамида 140° гача бурчакларни ўлчаш мумкин. С.нинг ишн ёруғликнинг ясси кўзгулардан қайтиш қонунига асосланган. Асосан, корпус, кузатув трубкаси (оптик трубка) ва шкаладан иборат. *Лимби* айланаининг 1/6 қисми (60°) ни ташкил қилади (номи шундан). С. ёрдамида, мас., космонавт осмондаги ориентирлар орасидаги бурчак масофани ёки Ой сиртига қўнганда уларнинг маҳаллий уфқдан баландлигини аниқлайди. С. қадимдан кўпгина расадхоналарда (мас., *Улуғбек расадхонасида*) қўлланиб келган.

СЕКСТАНТ — экваториал юлдуз туркуми; *Асад, Гидра* ва *Коса* юлдуз туркумлари орасида жойлашган; равшан юлдузлари йўқ. Ер шарининг шим. кенгликларида қиш ва баҳорда кузатилади.

СЕКСТЕТ (лот. sexta — олтинчи) 1) олти ижрочи (созанда ёки хонанда)дан иборат ансамбль; 2) шу ансамбль ижросига мўлжалланган мусиқа асари. Илк намуналарини итальян композитори Л. Боккерини (1743—1805) яратган. Чолғу С. камер мусиқа тури бўлиб, одатда, *соната* туркуми шаклида ёзилади(мас., П. Чайковскийнинг «Флоренция хотиралари» торли С.и). Вокал С.лар, асосан, операда учрайди (мас., В. Моцартнинг «Дон Жуан» операсидаги С.). Ўзбекистон композиторларидан Ик. Акбаров ва б. С. яратган.

СЕКТОР (лот. seco — қирқилган) — 1) эгри чизиқ ёйи ва бу ёй учларини эгри чизиқла ётмаган нуқта (сектор учи)га туташтирувчи кесмалар б-н чегараланган ясси шакл (текисликдаги С.). Мас., доира сектори икки радиус ва уларга тиралган ёй б-н чегараланган бўлиб, унинг юзи $S = \frac{1}{2} lr = \frac{\pi r^2 \alpha}{360^\circ}$ (*r*— айлана радиуси, *l* — ёй узунлиги, α — ёй тиралган марказий бурчак, градус б-н ўлчанади, расм, *а*); 2) жисмнинг учи жисм ичида бўлган конус сирти ва шу конус сирт кесиб ажратган жисм сирти б-н чегараланган қисми (фазовий С.). Мас., учи шар марказида, ўқ кесимида α бурчак ҳосил қилган доравий конус шардан С. ажратади (*R* — шар радиуси, расм, *б*).



Сектор: а) доира сектори; б) шар сектори.

СЕКУНД, секунда (лот. secunda divisio — иккинчи бўлиш) — 1) *вақт* ўлчов бирлиги. с, сек б-н белгиланади. С. ўртача Қуёш суткасининг 1/86400 қисмига тенг: 1 сек = 1/60 мин = $\frac{1}{3600}$ соат. 20-а. 30-й.ларида *кварц соати* ёрдамида Ернинг ўз ўқи атрофида нотекис ҳаракатланиши исботланди. Шу асосда, Халқаро астрономия кенгашининг тавсиясига кўра, 1960 й. октябрь ойида Парижда бўлиб ўтган 11-Халқаро ўлчов ва оғирлик бош конференцияси вақтининг асосий ўлчов бирлиги — эфемерид С.нинг янги таърифини қабул қилди. Унга кўра, С. ўлчови қилиб 1900-тропик йил (қ. *Йил*)нинг 0-январь, эфемерид вақт б-н соат 12 даги 1/31556925,9747 қисми қабул қилинди. Молекуляр ва атом соатлари пайдо бўлиши б-н 1967 й. 13-Халқаро ўлчов ва оғирлик бош конференциясида атом С.нинг давомлилиги қилиб, ташқи майдоннинг тўлқинланиши ноль бўлганда ягона барқарор изотоп цезий ^{133}Cs атомларининг маълум энергетик сатҳлар орасида ўтишига мос нурланишининг 9192631770,0 даври олинди (вергулдан кейинги ноль бу сонинг келгусида ўзгармаслигини билдиради); 2) ясси бурчак ўлчов бирлиги (қ. *Градус*). 60^{-2} градуса ёки 60^{-1} минутга тенг, 1 С. (″) б-н белгиланади.

СЕКУНДОМЕР — вақт оралиғини соат, минут, секунд ва секуниднинг улушларида ўлчайдиган асбоб. С.нинг асосий механизмлари *соатник*ига ўхшаш. Биринчи С. 19-а. охирида пайдо бўлган; унда фақат битта секунд милли бўлиб, вақт оралиғи секундда ўлчанган (номи шундан). Чўнтакда олиб юриладиган, қўлга тақиладиган Сибирь тоғларида кузатилади. С. ларга; физик турига кўра қовушоқ ва ноқовушоқ турларга бўлинади. Ўрта Осиёда С. тоғ олди-тоғли зоналарда кўп учрайди. Ўзбекистонда Фарғона водийси, Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзаси дарёларининг тоғли қисмлари; Қирғизистонда Талас, Чу, Норин дарёлари ҳамда Иссиққўл ҳавзалари, Чатқол ва Олай тоғларининг ён бағирлари; Тожикистонда Зарафшон, Сурхоб, Обихингов, Варзоб, Вахш, Панж ва б. дарё ҳавзалари; Туркманистонда Катта Балхан ва Копетдоғ ён бағирлари хавфли С. минтақалари ҳисобланади.

1 *2*

Секундомер. 1 — механик (икки милли ва уч шкалали) секундомер; 2 — электр (икки шкалали) секундомер.

С. халқ хўжалигига катта зарар етказади; аҳоли пунктлари, гидротехника иншоотлари, йўл, кўприк ва ҳ.к.ни вайрон қилади, қ.х. экинзор, боғ ва йўлларига лойқа аралаш тош, тошшагал чиқариб ташлайди, тупроқ қатламини ювиб кетади. С.га қарши курашиш учун ташкилий-хўжалик, агрўрмон мелиорацияси ва гидротехника тадбирлари комплексидан иборат *селдан ҳимоя воситалари* қўлланилади (қ. *Сел омбори*).

СЕЛ ОМБОРИ, селхона, сел сақлагич — сел оқимларини тартибга солиш ва ҳудудни сел вайронгарчилигидан муҳофаза қилиш учун мўлжалланган гидротехника иншооти; селдан ҳимоя воситаларининг асосий тури. С.о. аксарият сой ўзанларини тўғон б-н тўсиб барпо қилинади. Тўғонлар тупроқ, қумлоқи ва шағалли тош-тупроқлар, темир-бетон конструкциялар ва б.дан қурилади. Кичик С.о. сиғими минг ва ўн минг м³, катталарининки эса бир неча млн. м³ бўлиши мумкин. С.о. сел оқимларини тутиб қолади, тош ва лойқани чўктиради, тинган сувни махсус сув чиқаргич орқали ташлама тармоққа ўтказиб юборади. Сув чиқаргичлар (очиқ ёки ёпиқ) автоматика б-н жиҳозланиб, лойқалик даражаси қандай бўлишидан қатъи назар, сувни ўтказиб юборишни таъминлайди.

Катта муваққат оқимга эга бўлган сойларда мустақил сув ташлаш йўлига эга бўлган махсус С.о. қурилган (Наманган вилоятида сиғими 3,4 млн, м³ бўлган Гирвон, Тожикистоннинг Суғд вилоятида 5,6 млн. м³ ли Ўткенсой С.о.). Унча катта бўлмаган сойларда қурилган кичик омборлар ягона системага бирлаштирилади (ҳар бир системада 40—50 тагача С.о. бўлиши мумкин). Йирик замонавий ҳимоя системалари ўнлаб С.о.ни бирлаштиради. Андижон вилоятида 16 дан 42 гача омбори бўлган селдан ҳимоя системаси қурилган.

Ад.: Исмоилов Х. А., Сел ва ундан сақланиш, Т., 1988.

СЕЛДАН ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИ — аҳоли пунктлари, саноат корхоналари ва экинзорларни сел вайронгарчили-

гидан ҳимоя қилишга мўлжалланган ўрмон-мелиоратив, гидротехник ва б. тадбирлар мажмуи. Асосий ўрмон-мелиоратив тадбирлар: тоғ ёнбағирларида, сунъий терассалар ва ўзан бўйларида ёпасига ёки қисман ўрмон дарахтлари экиш, ихота дарахтзорлари барпо қилиш (қ. *Агроўрмон мелиорацияси*). Бу тадбирлар, асосан, сел оқимлари ҳосил бўлишига йўл қўймаслик, муайян ҳавзанинг сел фаоллигини пасайтириш ва унинг кучини қир-қишга қаратилган. Ўрмон мелиорацияси самарадорлиги, одатда, анча вақт ўтгандан сўнг сезилади. Мас., Оқтош (Тошкент вилояти), Омонқўтон (Самарқанд вилояти)да ўрмон мелиорацияси тадбирлари натижасида сув режими анча яхшиланди, тупроқ эрозияси ва сел оқимларининг вайронгарчилик хавфи камайди. Селга қарши асосий гидротехника иншоотлари: бетон, темир-бетон ва б. материаллардан қуриладиган қирғоқ ҳимоя қопламалари, сел ўтказгич, нов, сел ташлагич, қувур, сел ва сув омборлари, сел тўсгич ва б. Уларнинг асосий вазифаси — сел оқимларини тўсиб қолиш, четга буриб ёки безарар ўтказиб юборишдан иборат. Иншоот тури жой хусусиятлари ва сув оқими турига қараб танланади. Дарёлар йўлида сув омборлари қурилиб, оқим тартибга солинади, сел оқимлари тўсилади. Майда ва мавсумий сув оқимларида *сел омбори* қурилади, сувни йиғиб, бир қисмидан суторишда фойдаланишга имкон беради. Тоғ олди р-ларидаги адирларда мавсумий сув оқимлари йўлида омборлар ва махсус сувбурғич каналлар, сел ташлагич йўллар (трактлар) барпо этилади. Сел ўзанларининг ирригация ва б. каналлар б-н кесишган жойларида сел оқимларини ўтказиб юборадиган сел ўтказгич, дюкер, сел ташлагич ва ш. к. иншоотлар қурилади. Сел хавфи катта бўлган ҳавзаларда 40—50 ва ундан ҳам кўп сел омборларидан иборат бўлган селга қарши системалар қурилади (мас., Андижон ш.ни селдан ҳимоя қилиш системаси ва б.). Селга қарши курашда ўрмон-мелиоратив ва гидротехника усулларидан бирга фойдаланиш юқори самара беради.

Ҳамидулла Исмоилов.

СЕЛДАРА — тоғларда, тоғ олди қирларида сел ҳосил бўладиган, сел келадиган дара, сой. Одатда, унча узун бўлмайди, кўл-ирмоқлари кўп ҳамда калта бўлади. С. тоғдан чиқишда тор ўзанли бўлиб, кенг водийга, текисликка чиққанда ёйилма конус ҳосил қилади.

СЕЛЕКТОР (лот. seligo — саралайман, танлайман) — 1) маълум ўзгармас ток импульсларини сезадиган электромеханик қурилма. Телефон аппаратлари параллел уланган абонентлар б-н диспетчерлик пункти орасида (купчича, т.в. транспортида) телефон алоқа ўрнатишда (селектив алоқада), телесигнализация, телебошқариш, автоматик бошқариш тизимларининг электр алоқа занжирларида ишлатилади; 2) секин нейтронлар дастасидан маълум энергияли нейтронларни ажратиш учун қўлланиладиган асбоб.

СЕЛЕКЦИЯ (лот. selectio — танлаш, саралаш) — юқори маҳсулдор ўсимликлар навлари ва дурагайларини, ҳайвонлар зотларини ва микроорганизмлар штаммларини яратиш ҳақидаги фан ва амалиёти. С.нинг илмий-назарий базаси *генетика* ҳисобланади. Ўсимликлар С.си ботаника, цитология, эмбриология, гистология, физиология, фитопатология, энтомология, экология, биокимё, ўсимликшунослик ва қ. х. маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси б-н чамбарчас боғлиқ. Ибтидоий С. кўринишлари (беихтиёр танлаш) деҳқончилик пайдо бўлган даврлардан бошланган. Бундай С. аста-секин мавсум мақсадли йўналишларда олиб борилган.

Халқ селекцияси Ўрта Осиёда ҳам ривожланиб, ғўза, шоли, лон, беда, сабзавот-полиз экинлари, ток ва мевали дарахтларнинг қимматли навларини яратилган. 3—4-а.ларда *африка-осиё ўзгасининг* қаттиқ қуруқ иқлимга мослашган эртапишар шаклари чиқарилган. Юмшоқ бутлойнинг Қизил бутлой, Туятиш навлари ҳосилдорлиги, қурғоқчилик ва касалликларга чидамлилиги ҳамда донининг сифати б-н машҳурлар. Ток (Сояки, Соҳиби, Паркент ва б. навлари), ўрик (Кўрсоқир, Обиноввот), арпа (Тошкаллак), шоли (Арпа шоли, Ҳўжаҳмад, Қозоқи), жўхори (Ҳўраки, Каттабош), қовун (Жўжабурун), тарвуз (Қизилов), сабзи (Мирзоқ, Мушак), пиёз (Оқ пиёз) ва б.нинг сифатли маҳсулот берадиган, меваси узоқ сақланадиган кўпчилик навлари ҳозир ҳам экилади. *Беда* селекцияси соҳасида, айниқса, катта ютуқларга эришилган. Хоразм ва Самарқанд бедалари бутун дунёга машҳур бўлиб, ҳозир ҳам жуда қимматли навлар ҳисобланади. Чорвачиликда узоқ танлаш йўли б-н қоракўл, ҳисори қўй зотлари, қорабайир, лақай от зотлари ва б. яратилди. Кейинчалик кўпгина муҳим хўжалик хусусиятларга эга бўлган бу навлар ва зотлардан С. ишларида қимматли бошланғич материал сифатида фойдаланилди.

Ч. Дарвин ўзининг «Турларнинг келиб чиқиши» (1859) асари б-н С.нинг илмий асосини яратди (қ. *Эволюцион таълимот*). Ҳайвонлар ва ўсимликлар популяцияларида янги шаклларнинг пайдо бўлишида *танлашнинг* аҳамиятини курсатиб берди.

С.нинг кейинги ривожланиш босқичларида *ирсият* қонунларининг кашф этилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, С.нинг ривожланишида И.В. *Мичуриннинг* ишлари ҳам муҳим роль ўйнади. Ирсий ўзгарувчанликнинг *генетик қаторлар қонуни* ҳамда *маданий ўсимликларнинг келиб чиқиш маркazлари* тўғрисидаги таълимот муаллифи Н. И. *Вавилов* С.нинг ривожига катта ҳисса қўшди.

Европа ва Америкада С. 19-а.да ривожлана бошлади. Францияда Л. Вильморен кўп марта танлаш йўли б-н қанд лавлагининг танлаб олинган шакллари қандлилигини 3 ҳисса оширишга эришди. Швед селекционери Г. Нильсон-Эле ўзидан чанланувчи ўсимликларда якка танлаш усулини қўллаб, сулининг қимматли навини яратди. АҚШда Л. Бёрбанк дурагайлашиш қатъий танлаш б-н қўшиш ҳолда мевали ўсимликлар ва б. жиҳозининг энг яхши навларини яратди. Россияда С. ишлари 19-а. охиридан ривожлана бошлади.

Ўзбекистонда илмий С.нинг бошланиши 20-а. бошларига тўғри келади. Россия империяси саноатининг пахтага ҳом ашёсига бўлган катта эҳтиёжлари таъсирида дастлаб ғўза С.си б-н шуғулланадиган муассасалар ташкил этилди. 1898 й.да иш бошлаган Туркистон қ.х. тажриба ст-яси (ҳоз. Шредер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик и.т. ин-ти) Р. Р. Шредер қ.х. соҳасида кўп қиррали илмий фаолият б-н бирга ғўза, галла, шоли С. ишларига асос солди. 1899 й.да Андижон тажриба даласи, 1900 й.да *Мирзачўл тажриба даласи*, 1913 й.да Наманган ш. яқинидаги Пахталикўлда ғўза бўйича махсус Фарғона селекция ст-яси ташкил этилди. М.М. *Бушуев*, Г. С. *Зайцев*, Е. Л. *Навроцкий* каби олимлар ғўза, галла экинлари, қорамолчилик бўйича С. ишларини фаол олиб боришди ва ғўзанинг янги маҳаллий 169 (Деҳқон), 182 (Оқ жўра), Америкадан келтирилган Русель навидан «Навроцкий», Триумф навидан «Навроцкий зафари» навлари, *Бушуев қорамоғ зоти* яратилди.

20-а.нинг 20-й.ларидан бошлаб Ўзбекистонда ўсимликшунослик, чорвачилик, йилқичилик, қорақўлчилик, пиллачилик ва б. йўналишларида тажриба ва С. ст-ялари, и.т. муассасалари ташкил этила бошлади. 1922 й.да Туркистон селекция ст-яси (1965 й.дан Бутуниттифоқ ғўза селекция ва уруғчилиги и.т. ин-ти), 1924 й.да Бутуниттифоқ ўсимликшунослик ин-тининг Ўрта Осиё тажриба ст-яси, 1925 й.да Миллятин (ҳоз. Ғаллаорол галла экинлари) тажриба ст-яси, 1927 й.да Ўрта Осиё ипакчилик ин-ти, 1929 й.да Бутуниттифоқ пахтачилик ин-ти (Союзнихи), 1932 й.да Ўзбекистон шоличилик тажриба ст-яси, 1934 й.да Ўзбекистон сабзавот ва картошка экинлари тажриба ст-яси, 1935 й.да Бутуниттифоқ қоракўлчилик ин-ти, 1940 й.да Ўзбекистон чорвачилик ин-ти ва уларнинг республиканинг турли ҳудудларида жойлашган кенг тармоқли ст-ялари иш бошлади.

Чорвачиликда С. молларнинг маҳсулдорлик ва маҳсулотлари сифати, касалликларга бардошли, шароитларга мослашиши, ем-хашакдан самарали фойдаланиши бўйича олиб борилади. Ялпи, якка, якка-қариндошлик, гуруҳи-қариндошлик белгилари мажмуи бўйича танлаш С.нинг асоси ҳисобланади (қ. *Дурагайлаш, Наслчилик, Саралаш*).

Ўсимликлар С.да навнинг асосий ироқчилик белгиси унинг ҳосилдорлиги ва ҳосили таркибида кўзланган зарур моддалар (мас., бутдойда оқсил, картошкада крахмал)нинг кўплиги ҳисобланади. Шунингдек, танлашда ўсимликларнинг ноқулай омилларга (қурғоқчилик, совуққа чидамлилик, касалликлар ва зараркунандаларга) бардошлик, механизация б-н ишлов беришга қулайлик, агротехнологияга мойиллиги ҳам муҳим белгилар ҳисобланади.

Ўсимликлар С.си бошланғич материал яратиш ёки танлашдан бошланади. Улар табиий ва дурагай популяциялар, илгари яратилган навлар, ўзидан чанглантан линиялар, полиплоидлар, мутантлар бўлиши мумкин. Бошланғич материалдан танлаб олинган ўсимликлар авлоди дастлабки баҳолаш, баъзан қайта танлаш учун селекцион кўчатзорларга экилади. Уларнинг энг яхшилари нав синаш учун (дастлабки, станцион, конкурс) танлаб олинади. Сўнгра улар якуний баҳолаш ва р-нлаштириш учун Давлат синовига ўтказилади (қ. *Давлат нав синаш тармоғи, Нав*). Мақкажўхори С.да гетерозисни юқори бўлган линияларо ва нав линияларни дурагайлари яратилади. Қанд лавлагининг юқори гетерозисли шаклларини яратиш учун диплоидлар тетраплоидлар б-н чатиштирилади. Сорго, помидор, гармдори, пиёз, полиз ва бош-қа экинлар. С.сида ҳам гетерозис дурагайлари чиқарилади.

Ғўза С.си ялпи танлаш, якка танлаш усуллари б-н серҳосил ва тезпишар навлар яратиш йўналишида олиб борилади. Бунда навларнинг сифат белгиларига (касаллик ва зараркунандаларга, қурғоқчиликка, шўрга чидамлилиги, тола чиқиши, машинада териш-лиги, тола чиқиши ва б.) эътибор берилади. Бошланғич материал сифатида чет эл С. навларидан, тур ичида ва турлараро маданий, ёввойи, ярим ёввойи нусхаларини ва турларни чатиштириш йўли б-н олинган популяцияларидан, радиоактив нурланишлар ва кимёвий мутагенлар таъсирида чиқарилган популяциялардан фойдаланилади. Бир қанча мамлакатларда гетерозис самарадорлигидан ёки турлараро ва тур ичидаги дурагайлар биринчи бўғинининг юқори биологик-хўжалик маҳсулдорлигидан фойдаланилади. Ғўза С.сида оддий ёки жуфт, погонали, дурагайлар ичида, дурагайлараро, такрорий (беккросс), мураккаб чатиштириш усуллари қўлланилади.

20-а.да Ўзбекистон олимлари С.нинг назарий ва амалий масалаларини ишлаб чиқишга муносиб ҳисса қўшдилар. Ғўза С.сида С. С. Каныш, А. И. Автономов, Л. В. Румшевич, А. Дадабоев, Д. М. *Мирзаев*, М. С. *Журавель*, А. М. *Несруль*, субтропик экинлар (лимон) С.сида З. *Фахриддинов*, сабзавот, полиз экинлари картошка С.сида Д. Абдукаримов, А. Обилов, К. Юсупов, Е. В. Ермолова, А. С. Ҳакимов ва б., қорамолчилик С.сида У. *Носиров*, парранда (товуқ) С.сида С. Г. Азимов, қўйчилик С.сида И.Н.*Дьячков*, ипак қуртининг янги зотлари ва дурагайларини яратишда Б.Л.Астауров, В.А. Струнников, У. Насриллаев ва б.нинг хизматлари катта.

Ўзбекистонда С. ишлари Ўзбекистон ФА *Генетика ва ўсимликлар эксперименталь биологияси институти*, Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги илмий-ишлаб чиқариш Марказининг пахтачилик; ғўза селекцияси ва уруғчилиги; ўрмон хўжалиги; шоличилик; ўсимликшунослик; боғдорчилик, узумчилик ва виночилик; сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик; суториладиган ерларда зон ва дукканли экинлар; чорвачилик; қорақўлчилик; ипакчилик и.т. ин-тларида; луб экинлари тажриба ст-ясида; Қорақалпоғистон деҳқончилик и.т. ин-тида; Тошкент аграр ун-ти, Андижон, Самарқанд қишлоқ хўжалиги ин-тлари С. кафедраларида олиб борилади. Ўзбекистонда С. амалиёти, уни ташкил этиш ва С. ютуқлари ўсимликлар нави, ҳайвонлар зоти)га доир ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Селекция ютуқлари тўғрисида» қонуни (1996 й. 30 авг.) б-н тартибга солинади.

Чет эл мамлакатларида С. ишларини давлат селекция-тажриба муассасалари ва хусусий уруғчилик фирмалари амалга оширади. Мексикала яратилган калта поялн баҳори бўғдой нави (Сонора 63, Лерма Рохо ва б.) бошқа мамлакатларда баҳори бўғдой С.сида фойдаланилади. Бундай навларни яратиш бўғдой ҳосилдорлигини анча ошириш имкониятини берди. Миссисипи дарёсининг (АҚШ) юқори ҳосилли дурагайлари, қанд лавлагининг линияларо дурагайлари (АҚШ, Швеция), калта поялн жавдар-бўғдой амфидиплоидлари (Канада), серкрахмал картошка навлари (Голландия, ГФР, Польша), уй паррандалари инбред линиялари (АҚШ) муҳим ўринда туради.

Ад: Симонгулян Н. Г., Шафрин А. Н., Мухаммадхонов С.Р., Ғўза генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги, Т., 1974; Мирахмедов С., Миржураев М., Качество волокна и селекция сортов хлопчатника, Т., 1986; Йигиталиев М., Мухаммадхонов С., Дала экинлари селекцияси ва уруғчилиги, Т., 1981; Абдукаримов Д., Сафаров Т., Остонақулов Т., Дала экинлари селекцияси, уруғчилиги ва генетика асослари, Т., 1989; Селекция ютуқларига оид қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар тўплами, Т., 2001; Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари таърифи, Т., 2001.

Баҳодир Йўлдашов.

СЕЛЕКЦИЯ КЎЧАТЗОРИ — қиёсий баҳолаш, кўпайтириш ва айрим энг яхши ўсимликларнинг наслларини танлаб олиш учун дурагайларнинг учинчи ва ундан кейинги авлодлари экиладиган майдон. Биринчи, иккинчи ва учинчи йилги С.к. бўлади. С.к. барча селекция муассасаларида барпо этилади. Биринчи йилги С.к.га иккинчи йилги биологик кўчатзордан танлаб олинган энг яхши селекция материали экилади. Бу кўчатзордан ажратиб олинган оилаларни иккинчи йилги С.к.га экилади. С.к. учун соғлом ва касаллик юқтирилган майдонлар танлаб олинади. Мазкур кўчатзорда ҳар бир оила 40—50 уяли қаторга экилади, уяларда биттадан ниҳол қолдирилади. Қиёсий баҳолаш учун ҳар 9 қатордан Қиёсий стандарт нав экилади. Ўсув даврида 3—5 марта дала кўриклари ўтказилади, ниҳолларнинг 50% униб чиққиш, гуллаш ва пишиш жадаллиги олинади. Материал морфологик ва хўжалик белгилари бўйича ўрганилади, шунингдек, оилаларнинг пишиш муддати, ҳосилдорлиги, касалликларга чидамлилиги ва б. белгиларига қараб ирокезизлари ажратиб олинади.

Сўнгра селекция материали назорат кўчатзорига, навни дастлабки кўпайтириш кўчатзорига ва ст-ялаги нав синови далаларига ўтказилади.

Баҳодир Норматов.

СЕЛЕМЖА — РФ Амур вилоятидаги дарё, Зея дарёсининг (Амур ҳавзаси) чап ирмоғи. Уз. 647 км, ҳавзасининг майд. 68,6 минг км². Ям-Алинь ва Эзоп тоғлари туташган жойдан бошланади. Қуйи оқимида Зея-Бурея текислигининг шим. чети бўйлаб оқади. Ёмғир ва қор сувларидан тўйинади. Ўртача кўп йиллик сув сарфи 715 м³/сек. Ноябрда музлаб, май бошларида музлан бўшайди. Нора дарёси қуйиладиган ердан бошлаб қуйилиш жойигача (326 км) кема қатнайди. С.нинг юқори оқимида олтин кони бор.

СЕЛЕН [юн. Selene — Ой (аввалроқ кашф этилган теллурнинг аналоги сифатида номланган), лот. Selenium], Se — Менделеев даврий системасининг VI гуруҳига мансуб кимёвий элемент. Тартиб рақами 34, ат. м. 78,96. Табиатда 6 та барқарор изотопи мавжуд: ^{74}Se(0,87%), ^{76}Se(9,02%), ^{77}Se(7,58%), ^{78}Se(23,52%), ^{80}Se(49,82%), ^{82}Se(9,19%). 16 та радиоактив изотопларидан фақат ^{75}Se($T_{1/2}$=121 кун) амалий аҳамиятга эга. С.ни Й. Я. *Берцелиус* 1817 й.да кашф этган.

С. Ер пўстининг масса жиҳатдан $5\cdot10^{-6}$% ини ташкил қилади. Муҳим минераллари жумласига кумуш, қўрғошин, симоб ва мис селенидлари AgSe — науманит, PbSe — клаусталит, HgSe — тиманит, Cu_2Se — берцелианит, Hg(Se, S) — онофрит ва селенит кислотанинг мисли тузи $CuSeO_3\cdot2H_2O$ — халькоменит киради. С. жигарранг тусли тўқ кулранг модда. Бир неча модификацияси бор. Улардан оддий шароитда энг барқарори кристалл ҳолдаги кулранг С. Суюқланиш т-раси 217°, қайнаш т-раси 685°, зичлиги 4,81 г/см³.

С.нинг энг ажойиб хусусияти шундаки, ёруғлик нури таъсирида унинг электр ўтказувчанлиги кескин ўзгаради. С. металлмаслар жумласига киради; кимёвий хоссаларига кўра, олтингугуртга ўхшаш, лекин фаоллиги олтингугуртникидан паст. С. ўз бирикмаларида, асосан, –2, +2, +4 ва +6 валентли.

С. сульфат кислота ва целлюлоза-қоғоз э-дларининг «балчиқларидан» ва мисни электролиз йўли б-н тозалашда электролизёр тубига чўкадиган «балчиқдан» олинади.

С. яримўтказгичлар техникасида, қизил ва сариқ рангли шиша и.ч.да, металлургия, кимё, фармацевтика ва резина саноатида қўлланади. Бирикмалари заҳарли. Кўпчилик тирик организм тўқимасида 0,01 дан 1 мг/кг гача С. бўлади. Баъзи ўсимликлар учун С. ҳаётий зарур элемент. Инсон ва ҳайвонларнинг С.га бўлган эҳтиёжи 50–100 мкг/кг. Ҳайвонларнинг кунлик озуқасида С.нинг миқдори 2 мг/кгдан кўп бўлса, кучли заҳарланиш кузатилади.

Селен бирикмалари. С.нинг SeO, SeO_2 ва SeO_3 таркибли оксидлари мавжуд. С. (II) - оксид SeO фақат юқори т-раларда бут ҳолатида барқарор. С.(IV)-оксид SeO_2 — оқ рангли ялтироқ тетрагонал панжарали кристалл модда. Зичлиги 3,954 г/см³, сублимацияланади, уни фақат кашпарланган идишлардагина суюқлантириш мумкин (суюқланиш т-раси 340–390°). Қизитирилганда 1000° атрофида диссоциацияланади: $SeO_2 \rightleftarrows SeO + {}^1/_2O_2$. Гигроскопик, сувда 25° да 68,8% эриб селенит кислота H_2SeO_3 ҳосил қилади. Кучли оксидловчи, эркин ҳолдаги С.га осон қайтарилади.

С. (VI) - оксид SeO_3 нинг суюқланиш т-раси 118,5°. Атмосфера босимида 185°да парчаланади. Селенат кислота H_2SeO_4 ни легидратлаш йўли б-н олинади. Сувда эриб, H_2SeO_4 ҳосил қилади. Кимёвий жиҳатдан жуда фаол, кучли оксидловчи: олтингугуртни SO гача; қизил фосфорни P_2O_5 гача оксидлайди.

С. галогенлар б-н реакцияга киришиб SeF_6, SeF_4 $SeCl_4$ $SeBr_4$ Se_2Cl_2 ва б. бирикмалар ҳосил қилади.

С. тексафторид SeF_6 — хона т-расида рангсиз газ, суюқланиш т-раси —34,6°; —46,6° да сублимацияланади.

С. тетрафторид SeF_4 — рангсиз суюқлик, суюқланиш т-раси 13,2°, қайнаш т-раси 93°. С. тетрахлорид $SeCl_4$ — рангсиз кристалл модда, суюқланиш т-раси 305° (босим остида), 196° да сублимацияланади. С. тетрабромид $SeBr_4$ — беқарор сариқ рангли модда, кучсиз қиздирилганда тўқ қизил рангли Se_2Br_2 га айланади. Қуйи хлорид Se_2Cl_2 — жигарранг-қизил суюқлик (суюқланиш т-раси —85°, қайнаш т-раси 127–130°).

С. дигалогенидлар $SeCl_2$ ва $SeBr_2$ фақат буг ҳолатда мавжуд. С.нинг SeF_2, $SeOCl_2$ ва $SeOBr_2$ таркибли оксигалогенидлари олинган. С. фторокисид $SeOF_2$ — хона т-расида суюқлик, суюқланиш т-раси 4,6°, қайнаш т-раси 124°. С. хлороксид $SeOCl_2$ — сариқ рангли оғир суюқлик, суюқланиш т-раси 11°, қайнаш т-раси 179°, зичлиги 2,44 г/см³. С. бромоксид $SeOBr_2$ — сариқ-қизил рангли қаттиқ модда, суюқланиш т-раси 41,6°, кейинги қиздирилганда парчаланади.

С.нинг углерод б-н CSe, азот б-н $(SeN)_x$ фосфор б-н P_2Se_3, P_4Se_3, P_2Se_5 каби бирикмалари олинган. С. водород б-н бевосита бирикиб сувда эрувчан кўланса ҳидли, заҳарли газ — водород селенид H_2Se ҳосил қилади. Бу кислотанинг тузлари селенидлар техникада муҳим аҳамиятга эга. Рух ва кадмий селенидлари ёрқин қизил рангли пигмент ва пигментсимон материаллар, фотоэлементлар, фотоқаршиликлар, телевизор трубкаларининг ёруғликка сезгир қатламларини тайёрлашда, галлий селенид лазер техникасида, симоб селенид магнит майдони кучланишини ўлчайдиган асбобларда қўлланади. Оралиқ металлар (шунингдек, лантанид ва актиноидларнинг селенидлари юқори т-рага чидамли яримўтказгич қурилмаларда, машина пишқаланиш қисмларида қаттиқ суркама сифатида ишлатилади.

Рустам Мавлонов.

СЕЛЕНГА — Монголия ва Бурятиядаги дарё. Идэр ва Мурэн дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Уз. 1024 км, ҳавзасининг майд. 447 минг км². Асосан, паст тоғлар ва сертепа текисликлардан оқиб ўтиб, Байкал кўлига дельта ҳосил қилиб қуйилади. Асосий ирмоқлари: Эгийн-Гол, Жида, Орхон, Чикай ва б. Ўртача сув сарфи 900 м³/сек., ёз—куз ойларида суви кўпаяди. С. Байкал кўли ҳавзасидаги энг йирик дарё. Нояб.дан апрелгача музлайди. С. ҳавзасида умумий майд. 616 км² га тенг 5,5 мингдан ортиқ кўл бор. Сухэ-Батор ш.гача кема қатнайди. С. бўйида Улан-Удэ ш. жойлашган.

СЕЛЕНИТ (юн. selene — Ой) — гипс тури, минерал. Одатда, тоғ жинслари ёриқларида деворларга перпендикуляр жойлашган ингичка толасимон минерал агрегатлар ҳосил қилади. Уз. 10—15 см гача бўлиб, ёруглик нурларини ипак сингари чиройли акс эттиради. Турли аралашмаларига қараб рангги оқ, зангори оқдан сариқ ва пушти ранггача бўлади. С. безактош сифатида кенг қўлланилади (яна қ. *Гипс*).

СЕЛЕНОДЕЗИЯ (юн. selene — *Ой* ва daio — бўламан) — Ой ўлчамлари ва шакллари ўрганиладиган фан соҳаси. С. тадқиқотлари, асосан, 3 йўналишда олиб борилади: 1) Ой инерцияси эллипсоиди ўрганилиб, унинг ички тузилишига доир бир неча кўрсаткичлари аниқланади; 2) сатҳий сиртлардан бирида оғирлик кучининг параметрлари аниқланади; Ой ҳажмига тенг ҳажмга эга бўлган сатҳий сирт селеноид дейилади. Инерция эллипсоиди ва селеноид Ойнинг динамик шаклларини ифодалайди; 3) Ойни унинг ташқи физик сирти б-н аниқланадиган шаклда тасвил қилинади. Бундай шакл геометрик шакл деилади ва унинг параметрлари *аэрофотосъёмка* ва *космик геодезия* ўлчашларига ўхшаш аниқланади. Ойга космик аппаратларнинг учирилиши Ой атрофидаги космик фазода ва бевосита унинг сиртида ўлчашлар олиб бориш имконини берди.

СЕЛЕНОЛОГИЯ (юн. selene — Ой ва ... *логия*) — *Ой* сиртининг тузилишини ва кимёвий-минералогик таркибини ўрганиш б-н шуғулланадиган фан. Ой шакли ва рельефларининг ўлчамларини С. соҳаси — *селенодезия* ўрганади. С. Ойни унинг сунъий йўлдошлари ва сиртига туширилган асбоблар («Луна», «Зонд», «Аполлон», «Лунар Орбитер», «Сервейер») ёрдамида тўғридан-тўғри текширишдан пайдо бўлган. С.да астрофизик усуллар б-н бир қаторда геофизика, геокимё усулларидан ҳам фойдаланилади.

СЕЛЕТИТЕНГИЗ — Қозогистоннинг Шим. Қозогистон вилояти (қисман Павлодар вилояти четараси)даги тахир-шўр оқмас кўл. Майдони йилнинг сернам ёки қурғоқчил келишига қараб ўзгариб туради (777 км²). Энг чуқур жойи 3,2 м. Қор сувларидан тўйинади. Селети дарёси суви тошган вақтда кўлга қуйилади.

СЕЛИГЕР — РФ Тверь ва Новгород вилоятларидаги кўл. Валдай қирларининг шим.-шарқида. 205 м баландликда. Майд. 212 км². Ўртача чуқ. 5,8 м, энг чуқур жойи 24 м. Узунлиги шим.дан жанубга 100 км. Бир-бирига ирмоқлар орқали қўшилган бир неча алоҳида қисмдан иборат. Қирғоқлари эгри-бугри. Шим. қисмида 160 га яқин орол бор. Нояб.—декда музлаб, апр.—майда музлан бўшайди. Кўлга 110 та дарё қуйилади: асосийлари: Черёмуха, Крапивенга, Сорока, Моменга. Кўлдан Селижаровка дарёси оқиб чиқади. Балиқ овланади. Туризм ривожланган С.нинг шим. соҳилида Осташков ш. жойлашган.

СЕЛИШЛАР — Канаданинг жан.-ғарбий ва АҚШнинг шим.-ғарбидаги индейс халқлари гуруҳи. 20 минг кишидан ортиқ (1990-йлар ўрталари). Селиш тилларида сўзлашади. Динлорлалари — христианлар. С. балиқ овлаш, денгиз овчилиги б-н шуғулланади.

СЕЛЛАР — қад. латиш қабила иттифоқи; 13-а.да ҳоз. Латвиянинг жан. ҳудуди, Литванинг шим.-шарқидаги кўшни р-ларнинг шим.-шарқидаги кўшни р-ларда истиқомат қилганлар. 1208 й. салиб-чилар томонидан босиб олинган. Латиш ва литва элатлари таркибига кирган.

СЕЛУНГУР ҒОРИ — Фарғона водийси Сўх туманидаги қад. манзилгоҳ. С.г. Фарғона шидан тахм. 100 км жан.-ғарбида, Ҳайдарконнинг ғарбий чеккасида жойлашган. Бу улкан ғорнинг чуқ. 120 м, кенглиги 34 м ва бал. 25 м. Археологик қазиш ишлари 1980 й.дан буён олиб бориляпти. Ғорда 20—40 см қалинликдаги бешта маданий қатлам аниқланди. Улар бирон археологик қолдиқларсиз тоза қатламлар (30—100 см) билан бўлинган. Бу шундан далолат берадики, ибтидоий одамлар мазкур ғорда 5 марта яшаганлар ва вақт-вақти б-н ўз масканларини узоқ муддатга тарк этишган. Бу ердан тош қуроллар, ҳайвон суяклари қолдиқлари ва архантроп типидаги одам қолдиқлари (10 та тиш ва елка суягининг бўлаги) нинг бой коллекцияси топилди. Ушбу коллекцияда кўл чўкмори, йирик тош қирғичлар ва пичоқлар, кўп миқдорда ўйиб-кертиб ишланган тишсимон қуроллар мавжуд. Улар, асосан, яшма, кремнийли чақмоқтош, кремнийли оҳактошлардан тайёрланган. Маданий қатламлардан 32 турдаги йиртқич, туёқли, майда сут эмизувчи ва кемирувчи ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари топилиб, тадқиқ этилди. Тадқиқотлар натижасида қад. даврдаги шароити, иқлими хронологик даврини аниқлашга эришилди.

С.ғлан топилган материаллар комплекс ўрганилиб, пастки қатламларининг санаси 1,5 млн. йил деб белгиланди. Бунга қадар Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон тарихи ўрта палеолит давридан (мил. ав. 100 минг йилдан) бошланарди.

Ўткир Исломов.

СЕЛЬДЕРЕЙ, қафас (Apium) — соябонгуллдошлар оиласига мансуб бир, икки ва кўп йиллик ўсимликлар тури; сабзавот экини. Европа, Осиё, Африка, Америка ва Австралияда 20 тури тарқалган. Хушбўй С. (A. graveolens) жаҳондаги барча деҳқончилик минтақаларида экилади. Унинг барги С. (A. graveolens var. secalinum), илдизмевали С. (A.g. var. praceum) ва бандли С. (A.g. var. dulce) хиллари бор. Асосан, икки йиллик С. экилади. Биринчи йили 80–100 см поя чиқариб, барг тўплами, 2-йили поя чиқариб тўпгул ҳосил қилади. Гуллари майда, оқ, четдан чангланади. Пояси сершох. Барги ва илдизида 4,3% қанд, С, B_1, B_2 витаминлар, А провитамини, эфир мойи, минерал тузлар бор. Совуққа чидамли, ёруғсевар, сувга талабчан. Уруғи февр.-март ойларида сепилади. Ошкўки сифатида истеъмол қилинади, гўшт, сабзавот, консервалашда ишлатилади.

СЕЛЬДСИМОНЛАР (Clupeiformes) — сувкли балиқлар туркуми. Узунлиги, одатда, 5–75 см, фақат дораба балиғи —3,7 м, вазни (дорабадан ташқари) — 4 кг гача. Жабра нурлари 5–20 та. Сузгич пуфаги очиқ, унинг ўсимталари эшитиш капсуласи ичига киради. Сузгичлари тикансиз. Орқа сузгичи битта. Қорин сузгичлари 6–8 нурли. Тангачалари циклоидсимон. Ён чизиқлари бўлмайди, аммо жабра қопқоғида сенсор пайлари яхши ривожланган. 3 оиласи (сельдлар, анчоуслар, дорабалар); 70 уруғи ва 300 га яқин тури маълум.

Сельдсимонлар туркуми.

Тропик, илиқ ва баъзан совуқ сувли денгизларда яшайди. Айрим турлари чучук сувларда учрайди ёки увилдириқ ташлаш учун дарёларга ўтади. Тўда бўлиб ва пелагик яшайдиган балиқлар планктон б-н озиқланади. Кўпчилик турлари овланади. Яшаш шароитининг ўзгариши ёки кўп овланиши туфайли

Селунгур ғори.

айрим турлари (каспий С.) кескин камайиб бормоқда. С.лан Орол денгизда салака яшаган.

СЕЛЬСИН [инг. self — ўзим ва юн. synchronos — бир вақтда, синхрон] — бир-бирига механик тарзда бириккан қурилма валининг бурилиш бурчагини маълум масофадаги иккинчи валга синхрон узатадиган индукцион электр машина. Етакчи валнинг бурилиш бурчаги датчиги сигналларини узаталиган С.-*датчик*, етакланувчи вални худди шу бурчакка буладиган С.-*қабул қилгич*лдан иборат. Ҳар бир С.нинг бирламчи чулғамида ҳосил бўладиган бир фазали ўзгарувчан оқим иккиламчи чулғамда фазалари мос келадиган, аммо қиймати бўйича фарқ қиладиган уч хил э.ю.к. ни индукциялайди. Датчик ва қабул қилгич роторлари син-



Сельсинининг узаниш бурчаги.

фаз (бир хил) ҳолатда бўлганда иккала С. нинг иккиламчи чулғамдаги э.ю.к. ўзаро мувозанатлашади, натижада иккинчи занжирда ток бўлмайди. Датчик ротори қабул қилгич роторига нисбатан бурилганда иккиламчи чулғамлардаги э.ю.к. ўзгаради, натижада роторни бир хил ҳолатга келтиришга интиладиган, мослаштирувчи ток ҳосил бўлади. С. технологик жараёнларни назорат қилиш ва бошқариш, ўлчаш асбоблари кўрсатган маълумотларни масофага узатиш учун ишлатилади.

СЕМА (юн. sema — белги) — мазмун, маъно жиҳатининг энг кичик бирлиги, семема (лексик маъно)нинг таркибий қисми. Мас., «атроф» лексемасининг маъноси (семемаси) «ҳамма» ва «томон» С.ларидан иборат. Ёки «дарахт» лексемасининг семемаси «предмет», «ўсимлик», «ерда ўсувчи», «танали», «илдизли», «шохли», «баргли» ва бошқа С.лардан ташкил топади. Маълум лексик-семантик гуруҳга онд семемалардаги С.лар шу семемалар учун умумий ёки хусусий эканига кўра, 2 асосий турга бўлинади; умумий, бирлаштирувчи (интеграл) С. ва фарқловчи (дифференциал) С. Умумий С. — бир семантик майдондаги семемаларнинг туташтирувчи С.си. Мас., ака, опа, сингил кабилардаги «қариндошлик» С.си. Чопмоқ, оқмоқ, сакрамоқ кабилардаги «ҳаракат» С.си. Фарқловчи С. — кўп маъноли сўз семемаларидан ҳар бирининг ўзига хос бўлган, улар семемасини бир-биридан фарқлайдиган С. Мас., ака, ука сўзлари катта-кичиклик С.си б-н, опа, ака сўзлари эса жинс С.си б-н фарқланади.

СЕМАНТИКА (юн. semantikos — билдирувчи, ифодаловчи) — 1) тил ёки унинг бирон-бир бирлиги (сўз, сўзнинг грамматик шакли, фразеологизм, сўз бирикмаси, гап) орқали ифодаланган бутун мазмун, маъно, эҳборот; 2) турли тил бирликларининг маъновий томонини ўрганувчи тилшунослик бўлими; *семасиология*. Айрим лугавий унсурлар тушунчаларни билдиради, бу тушунчаларни эса фақат тўлиқ гаплар ва уларнинг кўпилмалари ифодалаши мумкин. Бинобарин, С.нинг ўрганиш объекти ҳам, асосан, тўлиқ, мустақил маъноли сўзлар ва гапларнинг маъновлар тизимидир. С. фан сифатида 19-а.нинг 2-ярмидан ривожлана бошлаган ва ҳозиргача бир-биридан сифат жиҳатидан фарқланувчи бир неча бос-қични ўтган.

СЕМАРАНГ — Индонезиядаги шаҳар. Марказий Ява провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 1,4 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Ява о.нинг шим. соҳилидаги ташқи савдо ва балиқ овлаш порти. Транспорт йўллари тугуни. Қ.х. маҳсулотларини қайта ишлаш, ёғочсозлик, тахта тилиш, тўқимачилик, кема таъмирлаш корхоналари бор. Миллий мусиқа асбоблари ишлаб чиқарилади. Иссиқлик электр ст-яси, ун-т бор. Четга кофе, чой, шакар-қанд, каучук, копра, тамаки чиқарилади.

СЕМАСИОЛОГИЯ (юн. semasia — маъно, мазмун ва ... *логия*) — 1) тилнинг, тил бирликларининг ҳиссий идрок қилинадиган томонига, товуш, акустик ёки график кўринишига қарши қўйиладиган маъновий томонини ўрганадиган тилшунослик бўлими. С. нафақат алоҳида олинган лексик унсурлар — *морфема* ва сўзларнинг, балки грамматик унсурлар — сўз шакллари, грамматик морфемаларнинг ҳам *семантикасини* ўрганади. Жаҳондаги барча тилларни параллел ўрганишда тил ва тафаккур муносабати муаммосини ўрганувчи умумий С. керак бўлади; 2) лексик унсурлар — морфема ва сўзларнинг семантик мазмуни ҳақидаги фан, шу маънода, асосан, *лексикология* б-н мувофиқ келади. Айрим олимлар С.ни лексик унсурларнинг маъновий ўзгаришлари (маъно тараққиёти) ҳақидаги таълимот б-н — ички (аффикссиз) сўз ясалиши б-н чегаралаб қўядилар. Бу ҳолатда С., этимология сингари, лексикология б-н чамбарчас боғлиқ бўлади ва сўзларнинг кўчма маънолари, шакл ва маъно муносабатига кўра турлари (омонимлар, синонимлар, антонимлар, паронимлар) С.нинг тал-қинот объекти бўлиб ҳисобланади.

Абдуқодир Мадвалиев.

СЕМАФОР (франц. semaphore, юн. sema — белги ва phoros — элтувчи) — 1) ер.даги муқим (стационар) сигнал қурилмаси. Мачта, қанотлар (1—3 та) ва қанотларнинг вазиятини ўзгартириб турадиган юритмадан иборат. Қанотларнинг ҳар бир вазияти локомотив (тепловоз ёки электровоз) машинистини ҳаракатланишга рухсат бериш, ҳаракатлантиришни тақиқлаш ёки тезликни ўзгартириш тўғрисида огоҳлантиради. Мас., 2 қанотли С.нинг юқори қаноти горизонтал вазиятда турса ва тақиқловчи қизил чироқ ёнса, поезд тўхташи керак. Агар пастки қанот мачта ўқи бўйлаб тик турса ва сариқ чироқ ёнса, тезликни камайтириш керак бўлади. Агар юқори қанот мачта ўқига 135° бурчак остида турса ва яшил чироқ ёнса, поезд белгиланган тезликда ҳаракатини давом эттириши мумкин. Кечаси ёки яхши кўринмайдиган шароитда (туман тушганда, қор ёки ёмғир ёғаётганда) қўшимча равишда сигнал чироқлари ҳам ёнади; 2) ҳарфлар, рақамлар ва хизматга доир сигналлар махсус алифбо (рус, лотин ва б.) ёрдамида кўлдаги ранглар байроқлар орқали узатиладиган визуал (кўринма) алоқа воситаси. Бу усулда 2,5 км гача узоққа сигналларни минутига 60—70 белги тезликда узатиш мумкин. Бундай С. флотда (асосан, ҳарбий флотда) ва қуруқликдаги қўшинларда қўлланади; 3) денгиз (дарё) С.и

Темир йўл семафори.

Флотда ишлатиладиган семафор алифбоси.

— тахтача (рейли сигнал мачтаси. Денгиз ёки дарёнинг кемалар фақат бир йўналишда сузиши лозим бўлган жойига ўрнатилади.

СЕМЕСТР (лот. sex — олти, mensis — ой) — олий ўқув юрти, касб-ҳунар коллежи, академик лицейларда ўқув йилининг ярми. Бир С., одатда, 16—18 ўқув ҳафтасидан иборат бўлади. Ҳар С. охирида *имтиҳон сессияси* ўтказилади. С.лар оралиғида таътил белгиланади. Бир ўқув йили давомида қишки ва ёзги имтиҳон сессияси мавжуд. Қишки сессия январь-фев., ёзги сессия эса май-июнь ойларига тўғри келади.

СЕМЁНОВ Александр Александрович (1873.16.9, Тамбов губернияси — 1958.16.11, Тошкент) — тарихчи, шарқшунос. Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1943), Ўзбекистон (1944)да хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби. Тожикистон (1946)да хизмат кўрсатган фан арбоби, Тожикистон ФА акад. (1951), тарих фанлари д-ри (1942), проф. Тамбов ўқитувчилар семинариясини (1894)ни. Лазарев Шарқ тиллар ин-тини тугатган (1900). С. Закаспий вилояти статистика қўмитаси котиби (1900—06), Туркистон Ўлка бош бошқармаси бошлиги (1906—08), Туркистон генерал-губернаторлиги қабулхонасида бошлиқ ўринбосари (1908—11), генерал-губернатор қошида лицомат (1911—16), Россиянинг Бухородаги резидент-маслаҳатчиси (1917—18). 1919 й.да Ўрта Осиё ун-тида, сўнгра Туркистон Шарқшунослик ин-тида ўқитувчи. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти (1943—51)да илмий ходим, шу ин-т директори (1943—48). Тожикистон ФА Тарих, археология ва этнография ин-ти директори (1951—58). Тошкентда очилган ун-т ташкилотчиларидан бири. Туркистон археологияси ёдгорликларини ва ёзма манбаларини ўрганган ва қатор тарихий асарларни рус тилига таржима қилиб, чоп эттирган. С.нинг илмий ишлари Хуросон, Мовароуннаҳр, Ҳиндистон тарихи, эти. си, археологиясига бағишланган. С. 15-а. тарихи, Навоий, Жомий, Дарвеш Али Чангийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган асарлар муаллифи.

Ас.: Гератская художественная рукопись эпохи Навои и ее творцы. М.-Л., 1946; Средневековый трактат по музыке Дервиша Али (XVII в.). Т., 1946.

СЕМЁНОВ Михаил Николаевич (1901.2.12, Ложма ш., Польша — ?, Ленинград) — композитор, хор дирижёри, педагог. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1949). Москва консерваториясини тугатган (1930). Тошкент консерваториясида ўқитувчи (1936—38), кафедра мудири (1944—55), проф. (1952 й.дан). Бухоро мусиқа билим юртида ўқитувчи (1938—39), Санъатшунослик н.т. институтида илмий ходим (1939—40). 1955 й.дан Ленинградда ишлаб консерватория ва Маданият ин-тида (1964 й.дан) дарс берган. Асарлари орасида «150 ўзбек халқ қўшиқлари» тўплами, «Ўзбек халқ шеърлари асосида болалар учун 4 қўшиқ» ва б. мавжуд.

СЕМЁНОВ Николай Николаевич [1896.3 (15.4), Саратов — 1986) — рус физиги ва физик-кимёгари, кимёвий физика фани асосчиларидан, акад. (1932). Меҳнат Қаҳрамони (1966, 1976). Россия ФА Кимёвий физика ин-ти асосчиси ва директори (1931 й.дан), бир вақтнинг ўзида Москва ун-ти проф. (1944 й.дан). С. занжир реакцияларининг умумий миқдорий назариясини яратган (1934). Кўпгина мураккаб занжирли жараёнлар механизмини ишлаб чиққан, эркин атомлар ва радикаллар хоссаларини ўрганган. Нобель мукофоти лауреати (1956).

Ас.: Цепные реакции. М. — Л., 1934; О некоторых проблемах химической кинетики и реакционной способности. М., 1958.

СЕМЁНОВ МУЗЛИГИ — Марказий Тяншандаги (Қирғизистон) музлик. Сарижаз тизмасининг шим. ён бағрида, Сарижаз дарёси (Тарим ҳавзаси)нинг юқори қисмида жойлашган. Уз. 21 км, эни 1,5 км, майд. 36 км². Музликнинг учи 3320 м баландликда. 1857 й.да П.П. Семёнов *(Семёнов-Тяньшанский)* томонидан ўрганилган.

СЕМЁНОВ ЧЎҚҚИСИ — Сарижаз тизмасидаги чўққи. Марказий Тяншанда (Қирғизистон). Бал. 5816 м. П.П. *Семёнов-Тяньшанский* номи б-н аталган. Катта Ашутўр, Адиртўр тизмаларн б-н Сарижаз тизмаси қўшилган жойда. Семёнов музлигидан яққол кўриниб туради.

СЕМЁНОВ-ТЯНЬШАНСКИЙ (1906 й.гача Семёнов) Пётр Петрович (1827.2.1, ҳоз. Липецк вилояти — 1914.26.2, Петербург) — рус географи, жамоат арбоби. Петербург ФА-нинг фахрий аъзоси (1873). Россия Геогр. жамияти вице-раиси (1873—1914). Давлат кенгаши аъзоси (1897). Петербург ун-тининг табиий бўлимини тугатган (1848). 1849 й.дан Шарқий Европа текислигида экспедиция ишлари олиб борган. А. Риттернинг «Осиё ер билими» асарини рус тилига таржима қилган. 1856—57 й.ларда Тяншан (Тангритоғ) тоғларини ўрганиб, унинг дастлабки орографик ва вертикал зоналлик схемасини тузган, катта баландликдаги қор чегарасида катта музлик борлигини аниқлаган ва буни иқлимнинг қуруқлигига боғлиқ эканлигини тўғри тушунтирган (Тяншанни илмий ўрганганидан 50 йил ўтгач, унинг фамилиясига «Тяньшанский» деб қўшиб айтиладиган бўлди). Марказий Осиёни тадқиқ қилиш бўйича йирик экспедицияларни уюштиришга С.-Т. бевосита ёрдам кўрсатган. Россия географиясига оид кўп жилдли асарлар яратишга раҳбарлик қилган, 700 минтга яқин ҳашарот тўплаб, коллекция тузган. Ўрта Осиё ва Марказий Осиё, Кавказ, Аляска ва Шпицбергендаги бир неча географик объектлар; 100 га яқин янги топилган ўсимлик ва ҳайвонлар С.-Т. номига қўйилган; Геогр. жамияти томонидан С.-Т. номли олтин медаль таъсис этилган.

Ас.: Мемуары, т.1, 3—4, Петербург, 1915—1917 (т. 2 переиздание, под названием Путешествие в Тянь-Шань. Москва, 1946).

Ад.: Петр Петрович Семёнов-Тян-Шанский. Его жизнь и деятельность, сб., Л., 1928.

СЕМИЗЎТ (Portulaca oleracea L.) — семизўтдошларга мансуб бир йиллик бегона ўт. Пояси серэт, ётиб, баъзан тик ҳам ўсади. Барглари майда, этли, цилиндирсимон, тўпбарг ҳосил қилади. Гуллари сариқ, оддий ёки гултожибарглари қат-қат. Май — нояб.гача гуллайди, мевалайди. Бир тупи 50—75 минтгача уруғ беради. Ўрта Осиёда суғорма деҳқончилик зоналарида кўп тарқалган. Намгарчилик юқори бўлганда чиринди ва бой ерларгаги экинзорларда кўп ўсади.

Қураш чоралари: ўтоқ қилиш; экин экиладиган майдонларга аввал, трефлан (4—6 г/га), бороналаш вақтида тупроққа аралаштирилади; которон (1—1,6 кг/га), котофор (0,8—1,3 кг/га) ёки прометрин (1,3—2,5 кг/га) экиш вақтида бир йўла лентасимон қилиб сепилади.

Семизўт.

СЕМИЗЎТДОШЛАР, (Portulacaceae) — икки уруғпаллали ўсимликлар оиласи. Ўтлар, камдан-кам бутача ва ярим буталар. Гуллари икки жинсли: косачаси иккига бўлинган, гултожбарглари беш, баъзан 4—9 та, чангчилари кўп, устунчаси битта. Барглари кўпинча серэт, ёнбаргчали. Мева тугунчаси устки ёки ярим остки; кўсакчаси кўп уруғли. Ер юзида кенг тарқалган. Иккала ярим шарда 30 туркуми ва 600 га яқин тури бор. Асосан, иссиқ ва мўътадил ҳудудларда учрайди. Ўзбекистонда 2 тури ўсади. Portulaca grandiflora турн манзарали ўсимлик сифатида кўп экилади. С.нинг баъзи турлари истеъмол қилинади.

СЕМИНАР (лот. seminarium — кўчатхона; мактаб) —1) олий ёки ўрта махсус мактаб талаба (ўқувчи)ларининг муайян назарий курсни қанчалик ўзлаштирганликларини аниқлаш усули, мутахассислар тайёрлашга йўналтирилган ўқув амалиётининг муҳим турларидан бири. Талаба томонидан бажарилган реферат, маъруза, и.т.нинг муҳокамасидан иборат. С., албатта, мавзуни илмий тадқиқ этган проф.-ўқитувчи ёки тегишли мутахассислар раҳбарлигида амалга оширилади. Ўқув предмети характери, машғулот мақсади, ўқув юрти йўналишига кўра айрим ўзига хосликлар б-н университет, ин-т ҳамда халқ хўжалиги соҳаларида кенг тарқалган. Баъзан маърузага боғлиқ бўлмаган ҳолда, муайян мавзудаги мустақил таълим шакли сифатида ҳам ўтказилади.

Таълимнинг С. шакли дарслар, асосан, баҳс-мунозара тарзида уюштириладиган Юнонистон ва Қад. Рим мактабларида вужудга келган. 17-а.дан бошлаб Ғарбий Европа ун-тларида гуманитар йўналишда ўқийдиган талабаларнинг асл манбалар б-н ишлаш усули таълимнинг асосий шакли сифатида қўлланилганлиги С.нинг тараққиёти ва ҳоз. шаклга келишида муҳим ўрин тутади.

Замонавий С.лар муайян предметни чуқур ўрганишга йўналтирилган. С. машғулотлари давомида талаба (ўқувчи)лар илмий иш юритиш тажрибаси, ўз хулосаларини оғзаки ва ёзма равишда ифодалай олиш ҳамда нуқтаи назарларини асосли ҳимоялаш малакасига эга бўладилар. Бу хил машғулотларнинг 3 тури мавжуд: муайян курсни чуқурлаштириб ўргатишга йўналтирилган С.; курс доирасида асосий ва муҳим ҳисобланган мавзуларни ўрганишга қаратилган С.; илмий изланишга йўналтирилган, маъруза мавзусига алоқадор бўлмаган семинар. С. машғулоти ўтказишнинг асосий шартларидан бири барча иштирокчилар учун мавзу ёки мутахассисликка боғлиқ адабиётлар, манбалар, архив материаллари ва қўлланмалардан фойдаланишда бирдек имконият яратилишидир. С. мавзулари тегишли проф.-ўқитувчилар томонидан тузилиб, кафедра мажлисида тасдиқланади. С. мавзусини қизиқишларига кўра, талаба (ўқувчи)ларнинг ўзлари танлашлари мумкин. С. раҳбари ўтказиладиган С.нинг мақсади, мавзу-мундарижаси, унинг методологик йўналишини маъруза, маърузасўҳбатлар воситасида тушунтириб беради. Ундан кейин ҳар бир мавзу бўйича аниқ талаблар белгилаб берилади, адабиётлар рўйхати илова қилинади. С. раҳбари эса бунда маслаҳатчи сифатида иштирок этади. С. машғулотларининг маҳсули, одатда, реферат бўлади. Рефератлар машғулот давомида тингланади ва муҳокама этилади. Рефератлар мавзуга мос келиши, методологик асоси тўғри бўлиши, мантиқан изчил ва аниқ ифодаланиши, илмий хулосалар асосли ҳамда амалиётга алоқадор бўлиши керак. Муҳокама жараёнини фикр алмашув тарзида, барча саволларга жавоб топа олиш имконини берадиган даражада ташкил этиш С. раҳбарининг асосий вазифасидир. С. мавзулари кейинчалик талаба (ўқувчи)ларнинг курс, диплом ишлари мавзусига айланади. Улар ҳатто диссертация мавзуси даражасигача ҳам чиқиши мумкин; 2) муайян агротехник тадбир бўйича ўтказиладиган маслаҳат йиғилиши. Ўзбекистонда қ.х.даги бирор агротехник тадбир бўйича пайдо бўлган янгиликларни тегишли мутахассисларга таништириш мақсадида ўтказиладиган С.лар кенг ёйилган. Мас., чигит ёки бутдой экиш, пахта ёки лоп ҳосилини йиғиб олиш бўйича ўтказиладиган С.лар; 3) Ўзбекистонда номзодлик ёки д-рлик илмий даражасига даъвогарнинг тайёргарлигини синаб кўриш учун и.т. муассасаси ва олий ўқув юрт-ларидаги олимларни ўз ичига олувчи илмий тузилма. Назарий С. деб аталадиган бу тузилма мажлисида даъвогар ўз диссертациясидаги асосий ғояни баён этиб беради. С. аъзолари эса турли саволлар б-н унинг тайёргарлик даражасини синовдан ўтказадилар.

Қозоқбой Йўлдошев, Рўзмон Келдиёров

СЕМИНАРИЯ — ўрта махсус ўқув юртларининг бир тури. 16-а.нинг 2-ярмидан Ғарбий Европанинг қатор мамлакатларида диний ўқув юртларини С. деб атай бошладилар. 17-а.да Ғарбий Европада ўқитувчилар тайёрловчи С.лар ташкил этилган (1684 й. Франциянинг Реймс ш.да, 1695 й. Германиянинг Галле ш.да). С. 19-а.нинг 1-ярмида швейцариялик педагог И.Г. Песталоцци ғояси асосида ривожланди. 1917 й. гача Россия ва Украинада бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрланган пед. ўқув юртлари ўқитувчилар С.си деб аталган.

СЕМИНОЛЛАР (ўзларини сим-а-нол деб аташади) — АҚШнинг Оклахома ва Флорида штатларида яшовчи мускоглар гуруҳига мансуб индейс халқи. 4 минг кишидан ортиқ (1990-й.лар ўрталари). Хока-сиу оиласига мансуб мускоги ва ҳитчити тилида сўзлашади. 18-а.нинг 2-ярмида Флоридаининг шимол-ғ.ни қўлга келган индейс-криклар европаликлардан С. номини олганлар. 19-а. бошида криклар-нинг 2-тўлқини келиши б-н С.нинг сони 4 минг дан 6 мингга етган. 1812 ва 1817—18 й.ларда АҚШ та қарши урушганлар (1-Семинол уруши). Натижада С. катта ҳудудларидан ажралиб, Флоридаининг жан. ва шарқига кўчишган. АҚШ томонидан С.ни Шимол-ғ Аркансасга кўчиришга қаратилган снёсат 2-Семинол урушини (1835—42) келтириб чиқарган. Урушдан сўнг С.нинг катта қисми

Семинолдар чайласи.

индейслар ҳудудига (ҳоз. Оклахома штати) кўчирилган, бир қисми Флоридаининг жан.-шарқидаги Эверглейдс ботқоқликларига яширинган. 1870 й.ларнинг охиридан Флориданинг барча индейс аҳолиси С. деб аталади. С.да анъанавий эътиқодлар — аждодлар руҳи, ўтга топиниш (ҳар бир қишлоқда муқаддас гулхан ёниб турадн) сақланган. 1950-й.ларнинг бошидан христианлик кенг тарқала бошлаган. С. деҳқончилик, овчилик, балиқ овлаш, миллий ҳунармандчилик ва кулоллик б-н шуғулланади.

СЕМИОТИКА (юн. semeiotikos — белгилар ҳақидаги таълимот). семиология — 1) ахборот, маълумотларни сақлаш ва узатиш учун хизмат қиладиган белгилар ва белги тизимларининг умумий хусусиятларини ўрганадиган фан соҳаси; 2) у ёки бу объектнинг маънодаги С. нуқтаи назаридан ўрганиладиган тизими (мас, муайян фильм ёки бадиий асар С.си, муайян халқдаги муомала-мурожаат С.си ва б.).

Лингвистик С.даги асосий тушунча лисоний белги бўлиб, у муайян матнлардаги ва муомала вазиятидаги шакл ва маъмунининг диалектик бирлиги сифатида намоён бўлади. Белги ўзи шартли равишда алоқалор бўлган нарса ҳақида муайян жамият вакилларига хабар беради. Белгиларнинг энг муҳим ва мураккаб тизими тилшунослик ўрганадиган тиллар. Белги тизимлари табиий (инсон тили, ҳайвонларнинг белги тизимлари) ва сунъий (ясама, сунъий тиллар, дастурлаш тили, физика, кимё, математика ва мантиқдаги рамз-лар тизими) бўлади. Белгилар ва белги тизимларини ўрганишда синтактика, семантика ва прагматика ўзаро ажратилади. Синтактика нутқ занжирида ёки муайян матнда кетма-кет, изчил қўлланадиган тил бирликлари ўртасидаги ўзига хос муносабатларни ўрганади. Семантика белгиларнинг улар ифодалайдиган объектлар б-н муносабатини ўрганади. Прагматика эса белгилар, улар ифодалайдиган объектлар ҳамда белгилар тизимидан фойдаланувчилар ўртасидаги муносабатни ўрганади.

С.нинг «белгилар ҳақидаги фан» сифатида умумий қоидалари, хусусиятларни дастлаб америкалик мантиқшунос Ч.С. Пирс ва швейцариялик тилшунос Ф. де Соссюр асарларида бир вақтнинг ўзида ва мустақил равишда қайд этилган. Ушбу тушунча учун Ч.С. Пирс «С.» терминини, Ф. де Соссюр эса «семиология» терминини, қўллаган. С. ғояси ке-йинчалик америкалик файласуф Ч. У. Моррис томонидан тартибга солиниб ривожлантирилди. Бир қанча европа ва рус олимлари ҳам С.нинг ривожига ҳисса қўшганлар. Фалсафий фанлардан ҳисобланадиган умумий С. ва махсус семиотик фанлар, жумладан, тил С.си (глоттосемиотика ёки лингвосемиотика) фарқланади. С. тараққиёти функционал структур тилшунослик тараққиёти б-н узвий боғлиқдир. С. муаммоларини ишлаб чиқиш математик мантиқ, математик лингвистика, информатика ва б. учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ад.: Степанов Ю. С., Семиотика, М., 1971.

Абдувоҳоб Мадвалиев, Ибодулла Мирзиев.

СЕМИПАЛАТИНСК — Қозоғистоннинг Шарқий Қозоғистон вилоятидаги шаҳар (1782 й.дан). Иртиш дарёсининг ҳар иккала соҳилида, ўнг қирғоқдаги пристань. Т.й. тутуни. Аҳолиси 345 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Рус ҳарбийлари Қозоғистоннинг шу ҳудудларини эгаллаш мақсадида, 1718 й.да ҳарбий истеҳком сифатида қурган (Иртиш дарёси бошланган жойдан 18 км қуйида). 18-а.да транзит савдо марказн. 1776 й.дан ҳоз. ўрнида. 1782 й.гача Семипалатка деб аталган. (қалъа ёнида 7 та уй бўлган, номи шундан). Ўша йиллан уезд шаҳри. 1796 й.дан Томск губерниясида, 1854 й.дан вилоят маркази. 19-а. охирида С. Россиянинг сиёсий сургун жойи бўлган. 1920—28 й.ларда губерния, 1928—32 й.ларда округ, 1932 й.дан Шарқий Қозоғистон вилояти, 1939—90 й.ларда Семипалатинск вилояти маркази, 1929 й.да С.дан Туркистон — Сибирь т.й. ўтган. Енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқлари етакчи ўринда. «Казахкабель», дарё кемасозлиги, кема таъмирлаш, газ аппаратураси, арматура, цемент з-длари бор. Металлсозлик, руда бойитиш, «Алтайзолото» к-тлари, қурилиш материаллари корхоналари ишлаб турибди.

Ф.М. Достоевский ва қозоқ шоири Абай Қўнонбоев адабий-мемориал музейлари бор. С. атрофидаги ҳудудда 1997 й. гача ядро қуроли ер ости синовларининг ўтказиш полигони бўлган (синовлар 1991 й.да тўхатилган).

СЕМИРАМИДА (юн. Шаммурамат, ассурийча — Саммурамат) — Ассурия подшоси (маликаси) (мил. ав. 9-а. охири), Шамшиадад V (мил. ав. 823—811)нинг хотини. Асли Бобилдан. Эри вафот этгач, Ададнерари III балоғатга етмаган даврида (мил. ав. 810—806 й.лар) давлатни амалда васий сифатида ўзи бошқарган. Унинг ҳукмронлиги даврида шим.даги халқлар ва мидияликлар б-н тез-тез урушлар содир бўлиб турган. Шу туфайли мазкур халқларда С. ҳақида афсона тўқилган. Унга кўра, С. ва унинг эри Нин Скифия, Эрон, Арабистон, Бақтрия, Ҳиндистон, Миср ва б. мамлакатларга улкан ҳарбий юришлар қилишган, *Ниневия* ва *Бобил* каби пойтахт шаҳарлар бунёд этишган. С. Ҳиндистон юришидан қайтиб келгач, Нин томонидан уюштирилган фитнадан хабардор бўлади ва ўз ихтиёри б-н унга тахтни топшириб капитарга айланади ва бир гала калтарлар б-н саройни тарк этиб учиб кетади. Геродот ва Ктесий С.ни дунёдаги мўъжизалардан бири — Бобилдаги сарой тоғмида яратилган машҳур «осма боғлар» бунёдкори сифатида таърифлашган (қ. *Ёғоч мўъжиза*).

Ад.: Ртвеладзе Э.В., Великий шелковый путь, Т., 1999.

СЕМИРИБ КЕТИШ, семизлик — қ. *Ёғ босиш.*

СЕМУРГ — шарқ халқлари оғзаки поэтик ижодидаги афсонавий қуш образи; осмонда учиш, узоқ манзилни яқин қилиш ҳақидаги асрий орзу-умидларнинг рамзий ифодаси. Дастлаб Эрон мифологиясида пайдо бўлган. «Авесто»да сенемург шаклида ишлатилган. С. ўзбек халқ эртак ва афсоналарида ижобий қаҳрамоннинг дўсти, ҳимоячиси, ҳамроҳи, уни «етти зулмат ичи»дан олиб чиқувчи фантастик қуш сифатида гавдаланади. Туркий халқларда

Семург. Номаълум мусаввир ишлаган миниатюра (Лондон, 1590—1600).

Семургнинг рамзий монументи (Тошкент).

С.нинг Ҳумо, Анқо, Давлат қуши, Бахт қуши, Марқумомо, Қунтубулғон, Булбулигўё ва б. вариантлари бор. С. образи «Қаҳрамон», «Ойнаи жаҳоннамо», «Рустам», «Кенжа ботир» каби эртакларда кенг тасвирланган. Бу образ ёзма адабиётда ҳам учрайди (мас., Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асари ва б.). С. ҳақидаги афсоналар асосида Ҳамид Олимжон «Паризод ва Бунёд» асарини ёзган. Уларда афсонавий образ шартли восита сифатида муаллифларга қадимги ўтмишдаги реал воқелик ҳақида фикр юритиш имконини беради. Ўзбекфильм киностудияси «С.» фильмини яратган (1974). С.нинг Ҳумо варианти Ўзбекистон Давлат гербига асос қилиб олинган, шунингдек, Тошкентдаги «Туркистон» саройи олдида унинг рамзий монументи ўрнатилган.

СЕН (Sen) Амарта (1933, Ҳиндистон, Бенгалия штати) — асли ҳиндистонлик бўлган америкалик иқтисодчи. Кембриж (Буюк Британия) ун-тида-ги Тринти коллежида ўқитувчи, Гарвард (АҚШ) ун-тининг хизмат кўрсатган проф. Америка иқтисодий уюшмасининг президенти (1994). С.нинг 1981 й. ёзилган «Камбағаллик ва очлик: ютуқ ва муаммолар тўғрисида очерк» номли китоби унга катта шуҳрат келтирди. С. бу асарида ўзи бошидан кечирган ва кўрган, очлик ва камбағаллик муаммоларини ҳамда ижтимоий ёрдам масалаларини ҳар томонлама тадқиқ қилди. Нобель мукофоти лауреати (1998).

СЕНА — Франциядаги дарё. Уз. 776 км, ҳавзасининг майд. 78,6 минг км². Париж ҳавзаси текислигидан оқиб ўтиб, Ла-Манш бўғозининг Сена бухтасига қуйилади. Асосий ирмоқлари: Марна, Уаза. Ўртача сув сарфи 450 м³/сек., қишда суви кўпаяди. Труа ш.дан бошлаб кема қатнайди. Каналлар орқали Шельда, Маас, Рейн, Сона, Луара дарёлари б-н боғланган. С. Франциянинг энг муҳим сув йўли. С. бўйида Париж, Руан ш.лари жойлашган. Эстуарийсида Гавр денгиз порти бор.

СЕНАЖ (рус. сено — пичан) — намлиги 50—55% га қадар сўлитилган кўк пояларни герметик шароитда консервалаш йўли б-н тайёрланадиган озуқа. С.ни пичан ва силос учун фойдаланиладиган барча турдаги ўтлар ва уларнинг аралашмасидан тайёрлаш мумкин. Кўпроқ дуккакли ўтлардан тайёрланади. Ўтларни ўриш, сўлитиш, майдалаш, траншеяга босиш, шиббалаш ва устини ёпиш жараёнларини қамрайди. Устига икки қават полиэтилен плёнка ёпилиб, 30 см қалинликда тупроқ б-н кўмилади. Молга бериш учун 20 кунда тайёр бўлади. С. очиғгач, кундалик рационга лозим миқдори олиниб, ларҳол усти ичи ёпиб қўйилиши лозим. Акс ҳолда ҳаво таъсирида оксидланиб сифати бузилади. Усти очилмаган С.ни 1—2 йил сақлаш мумкин. С. бостириш учун усимликлар тунчалаш ва гуллай бошлаш даврида урилади. 100 кг беда С.и да 35—40 озуқа бирлиги, 4—5 кг ҳазм бўладиган протеин, 450—460 г каротин бор. 1 кг С.нинг тўйимлилиги 0,33—0,35 озуқа бирлиги (3,6 Мж алмашинувга энергия)га тенг.

СЕНАТ (лот. senatus — кекса) — 1) Қад. Рим Республикаси даврида олий ҳокимият органи; 2) Россияда 1711—1917 й.ларда ҳокимлик қилувчи С. — қонун чиқарувчи ва давлатни бошқарувчи олий давлат органи. 19-а.нинг 1-ярмидан олий суд органи; 1864 й.дан эса олий кассация инстанцияси. Бош прокурор томонидан бошқариб турилган (унинг ўзи 1802 й.дан аддия вазири). Сенаторларни император тайинлаган; 3) бир қанча давлатларда (Италия, Франция, АҚШ, шунингдек, Ўзбекистонда ҳам) парламент юқори палатасининг номи. Одатда, қуйи палатага нисбатан бошқача тартибда сайланади. Федерацияларда (мас., АҚШда) ҳар қайси штатдан 2 талан сенатор сайланади; одатда, сенаторларнинг ⅓ қисми ҳар 2—3 йилда алмаштириб турилади. Баъзи ҳолларда С. муайян суд ваколатларига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикасида С. аъзолари (сенаторлар) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли б-н Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент ш.дан тенг миқдорда — 6 кишидан сайланади. С.нинг 16 нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, и.ч. соҳасида, давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси С.ининг (жами 100 сенатор) ваколат муддати 5 й. Унинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги (2002 й. 4 апр.), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги (2002 й., 12 дек.) конституциявий қонунларга, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги (2003 й. 29 авг.) қонунга мувофиқ ташкил этилади.

СЕНГЕР (Senger) (Сангер) Фредерик (1918.13.8, Рендкомбе) — инглиз биокимётари. Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1954 й.дан). Кембриж ун-тини тугатган (1939). 1951 й.дан Тиббиёт тадқиқотлари кенгаши аъзоси ва шу кенгашнинг молекулар биология лаб. раҳбари. Асосий илмий ишлари оқсиллар кимёсига оид. Инсулининг тузилишини (1945 й.дан) текширии натижасида унинг умумий формуласи — $C_{254}H_{377}N_{65}O_{75}S_6$, 3 та сульфид кўприк ва 2 та занжирдан иборатлигини: А занжир 21 та, В занжир эса 30 та аминокислота қолдигидан ташкил топганлигини исботлаган (1949—54). ДНКнинг бирламчи структурасини таҳлил қилиш усулини таклиф этган (1977). Нобель мукофоти лауреати (1958; 1980, П. Берг, У.Гилберт б-н ҳамкорликда).

СЕНДАЙ — Япониядаги шаҳар. Хонсю о.нинг шим.-шарқий қисмида. Аҳолиси 1 млн. киши (2000). Мияги префектурасининг маъмурий маркази. Аванпорти — Сиогама. Мамлакатнинг йирик саноат шаҳарларидан. Нефтни қайта ишлаш, электротехника, ёғочсозлик, электроника машинасозлиги, тўқимачилик, озиқ-овқат, полиграфия саноати корхоналари; ун-т бор. Кустарь усулда бадиий буюмлар тайёрланади.

СЕНДАСТ [инг. sendust (Япониядаги *Sendai* шаҳри номидан) ва dust — чанг, кукун] — *темир* асосидаги қотишма. Энг оптимал таркиби: 85% Fe (темир), 9,6% Si (кремний), 5,4% Al (алюминий). С.нинг магнит ўтказувчанлиги, электр қаршилиги ва механик мустаҳкамлиги юқори, лекин мўрт бўлади, осонгина кукунга айланиб кетиши мумкин. С. радиотехникада, магнит каллаклар ва трансформаторларнинг ўзакларини ясашда ишлатилади. Баъзан *алсифер* деб ҳам аталади.

СЕН-ДЕНИ — шаҳар, Реюньон о.нинг (Франция мулки) маъмурий маркази. Аҳолиси 110 минг киши. Ҳинд океанидаги порт (чегта шакарқанд экспорт қилинади). Шакар-қанд. ром з-длари, тиббиёт тарихи ва санъатшунослик музейи бор. Шаҳарга 1671 й.да асос солинган.

СЕНЕГАЛ — Ғарбий Африкадаги дарё, Гвинея, Мали, Сенегал, Мавритания ҳудудларидан оқади. Узунлиги Бафинг ирмоғидан бошлаб 1430 км, ҳавзасининг майд. 441 минг км². Юқори қисмида серостона, шаршара кўп. Қуйи қисмида текисликлан оқади ва Атлантика океанига дельта ҳосил қилиб қуйилади. Ўртача сув сарфи 1500 м³/сек., сент. ойида суви кўпаяди. Суғоришда фойдаланилади. ГЭСлар қурилган. Балиқ овланади. Қаес ш.гача кема қатнайди. Йирик шаҳарлари: Каес (Мали), Подор, Матам, Бакель (Сенегал) ва Сен-Лун порти.

СЕНЕГАЛ (Senegal), Сенегал Республикаси (Republique du Senegal) — Ғарбий Африкада жойлашган давлат. Майд. 196,2 минг км². Аҳолиси 10,6 млн. киши (2002). Пойтахти — Дакар ш. Маъмурий жиҳатдан 10 вилоят (region)га бўлинади.

Сенегал герби.

Давлат тузуми. С. — республика. Амалдаги конституцияси 2001 й. 7 янв.да маъқулланган. Давлат бошлиғи — президент (2000 й.дан Абдулай Вад), у умумий тўғри яширин овоз бериш йўли б-н 5 й. муддатга сайланади ва яна бир марта қайта сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллат мажлиси (парламент) ва ижрочи ҳокимиятни бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

Табиати. С. ҳудудининг аксарият қисми Атлантика океани соҳилига қараб пасайиб борадиган паст-баланд текисликдан иборат. Шим.даги соҳил чизиғи текис, жан.да дарёларнинг *эстуарий*лари б-н бироз парчаланган. С. ҳудудида темир руда, фосфорит, алюмофосфат, қалай, мис, оҳактош, вольфрам, тантал, тоштуз, боксит, нефть, ниобий, мармар конлари топилган. Иқлими субэкваториал, шим.да қуруқ ва жан.да нам иқлим. Ўртача ойлик т-ра йил давомида деярли ўзгармайди (янв.да 23°, июлда 28°). Йиллик ёғин шим.да 250—300 мм дан жан.да 1500 мм гача. Йирик дарёлари — Сенегал, Гамбия ва Казаманс. Қизил-қўнғир тупроқлар кўпроқ учрайди. Шим.да чала чўл ўсимликлари ўсади, қолган жойларда саванналар ва сийрак ўрмонлар бор. Ҳайвонот дунёси: саванналарда кийик, миллий боғларда чиябўри, сиртлон, қоплонлар яшайди. Кемирувчилар, қушлар, судралиб юрувчилар ва ҳашарот кўп. Қирғоқ бўйи сувлари балиққа бой. Табиатни сақлаш мақсадида Жуж, Ниокколо-Коба, Дельта-Салума ва б. миллий боғлар ташкил этилган.

Аҳолисининг кўпчилик қисмини (87%) ғарбий атлантика тиллари оиласига кирувчи волоф, фульбе, серер, диола ва б. халқлар ташкил этади; араблар, европаликлар (асосан, французлар) ҳам яшайди. Расмий тил — француз тили. Шаҳар аҳолиси 42,3%. Аҳолининг аксарияти мусулмонлар. Католиклар ҳам бор. Йирик шаҳарлари: Дакар, Каолак, Тиес.

Сенегал байроғи.

Хўжалиги. С. — иқтисодий заиф аграр мамлакат. Ялпи маҳсулотда қ.х.нинг улуши 19%, саноатнинг улуши 17%, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 64%. С. экспорти қийматининг ярмига яқини қ.х.га тўғри келади, меҳнатга лаёқатли аҳолининг 3/4 қисми шу соҳада банд. Ер ёнғоқ етиштириш ва уни қайта ишлаш муҳим аҳамиятга эга (дунёда етакчи ўринлардан бири). Тариқ, маниок, шоли, батат, маккажўхори, мойли пальма, пахта ҳам етиштирилади. Мевачилик ва сабзавотчилик б-н шуғулланилади. Қорамол, қўй, эчки, уй паррандаси боқилади. Балиқ овланади. Саноатида фосфорит (асосан, экспортга), ош тузи, мармар қазиб олинади. Йилига ўртача 769 млн. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. И.ч. саноати, асосан, ер ёнғоқни қайта ишлашга ихтисослашган. Бундай корхоналарнинг аксарияти Яшил Бурун я.о.да жойлашган. Енгил саноат тармоқларидан тўқимачилик ва пойабзал (Дакарда) и.ч. ривожланган. Цемент, мебель, тахта тилими, металлсозлик, кимё саноати (фосфорит асосида ўғит и.ч.) ва нефтни қайта ишлаш корхоналари бор. Ҳунармандчилик қад. соҳа ҳисобланади. Темир йўллар уз. 0,9 минг км, автомобиль йўллари уз. 14,6 минг км. Сенегал дарёсида кема қатнайди. Денгиз порти ва халқаро аэропорти — Дакар. Четга ер ёнғоқ мойи, кунжара, фосфорит чиқаради, четдан озиқ-овқат, машина ва асбоб-ускуна, тўқимачилик маҳсулотлари, пойабзал, нефть келтиради. Асосан, Франция, Камерун, Италия б-н савдо қилади. Пул бирлиги — африка франки.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Таълим тизими французча услубда ташкил топган. Би-

Суғулар қишлоғи.

ринчи бошланғич мактаб 1816 й., биринчи коллеж 1843 й. очилган. Мустақиллик эълон қилинган пайтда аҳолининг 95% саводсиз эди. 1963 й. 6 ёшдан 12 ёшгача мажбурий бошланғич таълим тўғрисида қонун қабул қилинди. Бошланғич мактаб 6 й.лик. Ўрта мактабда ўқиш 7 йил: 4 й. тўлиқсиз ўрта (коллеж) ва 3 й. тўлиқ ўрта (лицей). Ҳунар-техника таълими бошланғич мактаб негизидаги ҳунар мактабида (3 й.), техника коллежида (4 й.), техника лицейида (7 й.) амалга оширилади. Олий таълим тизимида Дакар ун-ти (1949), Гор мутация ун-ти фаолият кўрсатади. Уларда ўқиш муддати 4 й.дан 6 й.гача. Шунингдек, олий коллежлар: Дакарда ветеринария тиббиёт мактаби, миллий маъмурий мактаб, Тиесда политехника мактаби ва б. бор. Кутубхоналари: Дакарда С. архиви кутубхонаси б-н (1913), Қора Африка фундаментал ин-тининг кутубхонаси (1938), ун-т кутубхонаси (1952), Тиесда Политехника мактабининг кутубхонаси. Музейлари: Дакарда Африка санъати музейи (1936), Қора Африка Фундаментал ин-ти музейи, Горда Тарих музейи, Денгиз музейи (1959) ва б.

Илмий муассасаларнинг кўпи Дакар ун-ти таркибига киради, уларнинг энг йириги Қора Африка Фундаментал ин-ти. Бундан ташқари, Миллий архив (1913), Миллий санъат ин-ти (1972), Фан-техника тадқиқотлари бюроси, Қ.х. институти (1974, 10 илмий марказ ва лаб.лари б-н бирга), Пастер ин-ти (1896), Африка минтақавий технология маркази (1977), Африка иқтисодиётини ривожлантириш ва режалаш муаммолари ин-ти (1963), Тропик ўрмонни ўрганиш маркази (1966), илмий жамиятлар ва б. бор.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телакўрсатуви. Энг муҳим газ. ва журлари: «Солей» («Қуёш», кундалик умуммиллий газ., 1970 й.дан), «Журналь офисьель де ла Репюблик дю Сенегаль» («Сенегал Республикасининг расмий газетаси», ҳукуматга қарашли ҳафталик расмий хабарнома, 1856 й.дан), «Сопи» (ҳафталик газ.), «Даан дооле» («Меҳнаткаш», ойлик газ., 1982 й.дан), «Карфур» («Чорраҳа», 2—3 ойда бир марта чиқалиган газ., 1984 й.дан), «Политисьен» («Сиёсатчи», ойлик ҳажвий газ., 1977 й.дан), «Юните Африкэн» («Африка бирлиги», ойлик газ., 1974 й.дан), «Африка» (ойлик жур., 1962 й.дан), «Гесту» («Талқиқот», 2 ойда бир марта чиқадиган назарий жур.), «Такусау» («Кўзгол», ойлик жур., 1977 й.дан), «Этиопик» (ойлик ижтимоий-сиёсий ва адабий жур., 1975 й.дан). С. ахборот агентлиги — САА — ҳукумат ахборот агентлиги; С. радиоэшиттириш ва телекўрсатув бошқармаси — ҳукумат маҳкамаси, 1972 й. тузилган.

Адабиёти француз ва маҳаллий тилларда. С.да бахши-гриотлар ижро этадиган қад. оғзаки шеърий анъана мавжуд. Мустақиллик эълон қилингандан кейин маҳаллий миллий тилларда ёзув пайдо бўла бошлади. Бакари Диалло-нинг ўз ҳаёти асосида ёзган «Куч-Саҳоват» қиссаси (1926, биринчи адабий асар ҳисобланади)дан сўнг Усмон Сосе Диоп-нинг «Карим» (1935), «Париж сароблари» (1937) романлари босилиб чиқди. 2-жаҳон урушидан сўнг адабиётнинг ривожи жадаллашди. Л. Сенгор-нинг чуқур миллий шеърияти халқни озодлик курашига руҳлантирди. 50—60-й.ларда Абдулай Сажи, Шайх Хамиду Кан, У. Сембен романлари дунё юзини кўрди. У. Сембен «Ватаним менинг, ўктам халқим менинг», «Харматтан — иссиқ шамол» романларини миллий озодлик курашн мавзуига бағишлади. Ёш авлодга мансуб шоирлардан Малик Фалл ва Иброҳим Соуранг, драматурглардан Ламин Диаккате, Амаду Сиссе Диа, Мамаду Траоре Диоп ва Шейк Ндаолар ижтимоий муаммоларга, халқ-нинг қаҳрамонона ўтмишига кўп эътибор бердилар.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Ўрта асрлар маданият ёдгорликларидан унчалик баланд бўлмаган доирасимон дахмалар, тўғри бурчакли ва доира кесимли мегалит-менгирлар (12—14-а.лар, Тамбакунда яқинида), зўр маҳорат б-н ишланган заргарлик буюмлари: кумуш ва тилла маржонлар, турли зеб-зийнатлар, сопол ва мис идишлар сақланиб қолган. Аҳолининг турар жойлари шох-шаббадан тўғбурчак шаклда ишланган томи тўрт нишабли чайлалар бўлиб, сирти ва ичи лой б-н суваладн (гарбий туманларда), айланма шакллаги кулбалар томи конус тарзида ўт-ўлан б-н ёпилади, тўғри бурчакли бостирма кулбалар ҳам учрайди (шарқий туманларда). Пешайвон б-н ўралган чўзиқ доирасимон турар жойлар жан. туманларга хосдир. Уларнинг олд томони қизил ва кўк рангга жонлантирилган. Замонавий техника — самолёт ворлар ва замонавий техника — самолёт ҳамда пароход расмлари б-н безатилади. С.га ислом дини кириб келиши туфайли мачитлар қурила бошлади. Удар орасида Тубадаги тақасимон равоқли мачит диққатга сазавордир. У ҳовлисининг атрофи пешайвонлар ва тўрт тарафи 8 қиррали миноралардан иборат қилиб, Шим. Африканинг ўрта асрлар меъморлиги услубида қурилган. 20-а.да шаҳарларда (асосан, Дакарда) замонавий турар жойлар, ф-ка, меҳмонхона, маъмурий бинолар қуришга киришилди. Кўп қаватли уйлар офтоб тўсқинқурилмалар б-н тропик иқлимга мослаб француз функционализми руҳида қурилди. 1960 й.дан кейин 1—2 қаватли бетон уйлардан иборат ишчи шаҳарчалари барпо этиш авж олди. Мамлакатда анъанавий бадиий ҳунармандчилик (ёғочдан рўзғор анжомлари ва мебель, сополдан турли идиш ва безак буюмлари, новдадан сават, сумка, белбоғлар, тимсоҳ ва илон терисидан буюмлар ясаш), бадиий тўқувчилик урф бўлган. Улар «Дакар рассомлик мактаби» услубида зийнатланади.

Мусиқаси. С. мусиқаси қадимдан Гвинея, Мали, Сьерра-Леоне ва б. мамлакат халқлари мусиқаси б-н бирга ривожланиб келган. 12-а.дан араб, 15—16-а.лардан европаликлар мусиқаси таъсири сезила бошлаган. С. халқининг тадиғу асбоблари: юмалоқ қовоқ пўстидан ясалган барабанлар, қум соат шаклидаги 2 мембранали барабан, шақилдоқ, тартарак, қўнғироқ; турли кесилофон, балафон, флейталар ҳам кенг тарқалган. Меҳнат, севги қўшиқлари, болаларга аталган ашулалар, аждодлар руҳини улуғловчи тарихий эртак қўшиқлари, рақсга мослаб айтиладиган маросим қўшиқлари мавжуд. Аксарият бир овозлилик, фақат жан. халқларида кўп овозлилик С. мусиқасига хос хусусиятдир. Анъанавий мусиқининг асосий ижрочилари гриотлардир. 20-а.нинг 60-й.ларидан мусиқа санъати муаммоларини б-н шуғулланувчи ўқув ва илмий муассасалар пайдо бўла бошлади. Радиоэшиттириш (1926 й.дан) ва телекўрсатув (1964 й.дан) мусиқий эшиттиришларга катта эътибор беради. Дакарда турли санъат фестиваллари ўтказиб турилади.

Театрининг ривожланишида халқ бахшилари — гриотлар кўп ижодий меҳнат қилдилар. Дастлабки театрлар мактабларда ташкил этилди. 1933 й. Дакардаги Ульям Понти номидаги мактаб театрида Африка ҳаётидан ҳикоя қилувчи спектакллар француз тилида саҳналаштирилди. Мамлакат мустақилликка эришгач, С. театри ривожланиб, Африка мамлакатлари орасида етакчи бўлиб қолди. 1961 й. Миллий балет ансамбли ташкил этилди, унинг дастурида рақс, пантомима, мусиқали драма ва вокал саҳналар бор. 1965 й. Дакарда миллий театр биноси қурилди. Ҳаваскорлик театри ривож топди. 1969 й. Ҳаваскорлик театри федерациясига айлантирилди.

Киноси. 20-а.нинг 50-й.ларида Францияда таълим олаётган африкалик талабалар ҳаётини тасвирловчи «Сенегалги Африка» (1955, реж.лар П. Вьейра, М.Сарр) фильми С. кинематографияси бошланишига туртки бўлди. С. мустақиллиги эълон қилингач, «Миллатнинг туғилиши» (1961) ва «Ламб» (1963, реж. П. Вьейра), «Тубадаги катта ибодатхона» (1961, реж. Б. Сенгор) ва б. ҳужжатли фильмлар яратилди, уларда халқнинг мустақиллик ва миллий маданий анъаналар учун кураши акс эттирилди. Ёзувчи ва реж. У. Сембеннинг «Аравачали киши» (1963) фильми халқаро жамоатчиликнинг эътиборини қозонди. «...лик қоратанли» (1966), «Мандат» (1968), «Седда» (1977) ва б. фильмларида реж. эски ва янги мустамлакачиликка қарши кураш жараёнида миллий онгнинг ўсиши муаммоларини кўтариб чиқди. Кейинги йилларда «Аёл» (реж. М. Траоре), «Безори» (реж. Ж. Мамбети), «Карим», «Бакс» (реж. М. Тиам), «Сертификат» (реж. Т.Ав), «Гэтигэй» (реж. С.Ньий) бадиий фильмлари яратилди.

СЕНЕКА (Seneca) Луций Анней (тахм. мил. ав. 4, Кордова, Испания — мил. 65, Рим) — Рим файласуфи, ёзувчи, давлат арбоби. Рим императори Нероннинг тарбиячиси ва маслаҳатчиси; унга суиқасд қилишда айбланган ва ўзини ўлдирган. С. *стоицизм*нинг йирик вакилларидан бири. У табиат ва инсон моҳияти ҳақида кенг билимга эга бўлган, адабий услубни жуда яхши эгаллаган. С.нинг фалсафий қарашлари зиддиятли. У фалсафани ҳаётда ахлоқий-диний қўлланма деб билган. «Луцилийга хатлар» фалсафий асари, «Ҳиммат ҳақида», «Раҳм-шафқат ҳақида», «Руҳий хотиржамлик ҳақида» ва б. рисолаларида тарқидунё қилиш, ўлим ва тақдирни назар-писанд қилмаслик, эҳтирослардан холи бўлиш, кишиларнинг ахлоқий тенглиги масалалари ёритилган.

СЕН-ЖОН ПЕРС (Saint-John Perse) [тахаллуси; асл исм-шарифи Алекси Леже (Leger)] (1887.31.5, Гваделупа — 1975.20.9, Жьен, Вар департаменти) — француз шоири. Бордо ун-тини тугатган (1914). Қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг йирик вакилларидан. Илк шеърий тўпламн — «Эклогалар» (шеърий диалог, 1910). Табиат олами, миллий анъаналар, умуминсоний маънавий қадриятлар ҳақида куйлаган («Анабасис» достони, 1924). «Қувғун» (1942), «Шамоллар» (1946) шеърий туркумлари ва «Йўналиш» (1957), «Қушлар» (1963) достонларида ватанпарварлик руҳи кучли. Нобель мукофоти лауреати (1960).

СЕНКЕВИЧ (Sienkiewicz) Генрик (1846.5.5, Воля-Окшейска —1916.15.11, Веве, Швейцария) — поляк ёзувчиси. Дастлабки асари — «Беҳуда» (қисса, 1872). 1876—78 й.ларда «Сафар», «Қора эскизлар» каби асарлар ёзган. С. ижодида гуманизм юксак даражага кўтарилган («Янко — мусиқачи», 1879; «Бартек — голиб», 1882). 1882 й.дан С. ижодининг 2-даврига мансуб тарихий-ватанпарварлик мавзуидаги («Ўт ва қилич б-н», 1883—84; «Тошқин», 1884—86; «Пан Володиевский», 1887—88) роман-трилогиясида Польшанинг Швеция, Украина ва Туркия б-н тарихий урушлари давридаги воқеалар, тақдирлар акс этган. «Хоч кўтарганлар» (1900) роман-эпопеяси тарихий салиб юришлари мавзуида. С. ижодининг чўққиси «Камо грядеши» (1896, «Қаёққа кетаяпсан?» иборасининг лотинча номи бўлиб, Исо Масиҳга қарата айтилган) романидир. Асарда император Неron даврида энлигина юзага келаётган насронийлик оқими тарафдорларини қатаған қилиш воқеалари тасвирланган. Психологик романлари («Диний ақидапарсиз», 1889—90), ҳикоя ва қиссалари бор. Нобель мукофоти лауреати (1905).

СЕН-ЛУИ — Сенегалнинг шим.-ғарбий қисмидаги шаҳар. Сен-Луи вилоятининг маъмурий маркази. Аҳолиси 132,5 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Транспорт йўллари тугуни. Сенегал дарёсининг Атлантика океанига қуйилиш еридаги порт. Савдо-тақсимот маркази. Балиқ овланади. Озиқ-овқат, полиграфия саноатлари ривожланган. Кустарь усулда турли буюмлар тайёрланади. Унт бор. Шаҳарга 1659 й.да асос солинган. 1958 й.гача Сенегал ва айни вақтда Мавританиянинг маъмурий маркази бўлган.

СЕН-ПЬЕР ВА МИКЕЛОН — Атлантика океанидаги ороллар гуруҳи, Канаданинг шарқий қирғоқлари яқинида, Ньюфаундленд о.дан жан.да. Франция мулки. Умумий майд. 242 км² бўлган 8 оролдан иборат. Энг йирик ороли — Микелон, 216 км². Иқлими мўътадил океан, нам иқлим; ўртача тра янв.да —6°, июлда 14°. Йиллик ёғин 1000 мм гача. Иқлими ва тошлоқли сертепа рельефи қ.х.ни ривожлантириш учун ноқулай. Аҳоли, асосан, балиқ овлаш ва уни қайта ишлаш б-н шуғулланади. Даррандачилик фермалари (мўйнали ҳайвонлар боқилади) бор. Четга балиқ, балиқ маҳсулотлари, мўйна экспорт қилинади.

Дакар шаҳри яқинидаги қишлоқ.

Серерлар қишлоғи.

СЕН-САНС (Saint-Saens) Шарль Камиль (1835.9.10, Париж — 1921.16.12, Жазоир, Парижда дафн этилган) — француз композитори, ижрочи ва жамоат арбоби. Франция ин-ти аъзоси (1881), Кембриж ун-ти д-ри (1893). Миллий мусиқа жамияти асосчиларидан (1871). Париж консерваториясида таълим олган (1848—52). 1853—77 й.ларда Париж соборларида органчи бўлиб, ўзининг мукаммал балиқа ижролари б-н шуҳрат қозонган. 1870-й.лардан бошлаб Европа, Шим. Африка ва Америка мамлакатларида пианиночи ва дирижёр сифатида концертлар берган. Композиторлик ижодида дилкаш ифодалилик ва гармоник нафислик, оркестр колоритининг рангбаранглиги, ўзгаришларга бой ритмикаси, халқ мусиқасига яқинлик хусусиятлари кўзга ташланади. С.-С. 12 опера (жумладан, ориентал услубда яратилган «Самсон ва Далила», 1868), 5 та фортепиано, 3 та скрипка, 2 та виолончель концертлари, бир неча симфоник ва вокал-симфоник асарлар, камер-чолғу пьесалар (жумладан, маш-ҳур «Ҳайвонлар карнавали» сюитаси) ва б. асарлар ёзган. У Шарқ мусиқасига изчил қизиқиб, «Арабча каприс», «Жазоирча сюита», «Форс тароналари» каби асарлар яратган.

СЕНСИБИЛИЗАЦИЯ (лот. sensibilis — сезувчанлик) — қ. *Аллергия*.

СЕНСИЛЛАЛАР (sensilla) — умуртқасиз ҳайвонларнинг сезгир тукчалари; ташқи ва ички рецепторлар вазифасини бажаради. Бўғимоёқлилар, айниқса, ҳашаротларда хилма-хил бўлади. Кутикула қисмининг тузилишига кўра, трихоид, базиконоид, қўнғироқсимон, хордотонал ва б. хилларга ажратилади. С.нинг кутикула қисми ичи бўш қилга ўхшаш ёки тана қопловчи остига ботиб кирган бўлади. Қилсимон С. — механо- ва хеморецепторлар ҳисобланади; базиконоид С. ҳарорат, намлик ва б. таъсирларга сезгир. С. ҳайвон танасининг ҳамма қисмида учрайди, айниқса, мўйловлар (асаларилар эркагида фақат ҳид билиш С.нинг ўзи 30 000 га яқин), оғиз органларининг (хемо-, термо-, гигра- ва механорецепторлар), дум ўсимталари ва оёқларда (механо- ва хеморецепторлар) кўп бўлади. С. тарқоқ ёки тўп бўлиб жойлашиши; ўзаро бирлашиб, мураккаб (тимпанал, жонстонов ва б.) органларни ҳосил қилиши мумкин. С. трихоген (қил ҳосил қилувчи) гормоген (мембранали) ва аксонли сезгир нейрон ҳужайралардан иборат. Нейрон аксони марказий нерв системаси б-н боғланган. Механорецепторларда электр импульс генерит учи қисмининг сиқилиши, хеморецепторларда модда молекуласининг филаментлар б-н контакти туфайли пайдо бўлади. С. нейрони таъсирни қабул қилиб, нерв импульсларига айлантиради.

СЕНСИТОМЕТР (лот. sensitivus — сезгир ва *метр*) — фотоматериалларнинг ёруғлик сезгирлиги ва б. курсаткичларини (мас., ёритилиш миқдорини аниқлайдиган асбоб. С.да текириладиган материал (фотопленка, кинопленка, аэропленка) 0,02 дан 0,10 сек гача бўлади. Текириш натижасида материалда ҳосил қилинган тасвир сенситограмма дейилади. Сенситограммага қараб фотоматериалнинг қандай ёруғлик б-н ёритилиши аниқланади.



Сенситометр. Оптик схема: 1 — ёруғлик манбаи; 2 — затвор кожухи; 3 — затвор пардаси; 4 — ёруғлик фильтри; 5 — ёруғлик сезгирликни аниқлаш фильтри; 6 — диафрагмалар; 7 — фотометрик пона; 8 — синалаётган фотоматериал.

Фотоматериаллар *жесткилиги*ни аниқлаш учун спектросенситометр ишлатилади. Фотоматериалларни ҳар томонлама ўрганишда махсус С. — изоонакометрлардан фойдаланилади. Текириладиган фотоматериалларнинг турига қараб, С. оқ-қора ва рангли материаллар, ионловчи нурланишларни қайд қилиш учун мўлжалланган фотографик қоғозлари ва материалларини текиришда қўлланадиган турларга бўлинади.

СЕНСИТОМЕТРИЯ — фотографик метрологиянинг ёруғлик сезгир материалларнинг фотографик хоссаларини ўрганиш б-н шуғулланадиган соҳаси. Кейинчалик С.нинг ўрганиш соҳалари кўпая борди (фотометрия усуллари астрономия, спектроскопия ва б. соҳаларга татбиқ қилинади). С. 3 асосий бўлим: *денситометрия*, интеграл С. ва спектрал С.дан иборат. Интеграл С. фотографик материалга табиий ёруғлик ёки бошқа хил ёруғликлар таъсирини текириш б-н, спектрал С. турли тўлқин узунликдаги ёруғликнинг фотоматериалга бир текис таъсир қилишини аниқлаш б-н шуғулланади. Текиришлайётган фотоматериалларнинг хилига қараб, С. оқ-қора материаллар, рангли фотоматериаллар, фотоқоғозлар ҳамда ионлаштирувчи нурланишларни қайд қиладиган С.га бўлинади. С.да *денситометр*, микрофотометр, *сенситометр*, спектросенситометр ва б. асбоблар ишлатилади.

СЕНСУАЛИЗМ (лот. sensus — сезги, ҳис) — билиш назариясида сезгиларни билишнинг асосий манбаи деб эътироф этувчи йўналиш. Билишнинг моҳиятини сезги органларининг фаолиятига боғлаб тушунтиради. С. *рационализм*га қарама-қарши бўлиб, ҳиссий ва рационал билимларнинг ўзаро алоқадорлиги, имкониятларини ўзича талқин этади. С. вакиллари билимлар одамга тўғма равишда берилмаган, у ҳаётий тажриба давомида шаклланиб, ривожланиб боради, деб ҳисоблайди. илмий билиш жараёнида индуктив хулоса чиқаришни дедуктив хулоса чиқаришдан устун қўяди. С.нинг «ҳиссларда бўлмаган нарса ақлда бўлмайди» деган асосий тамойилига ҳиссий билишлар объектив дунё б-н боғлиқ деб ҳисоблаган материалистлар (П.Гассенди, Т. Гоббс, Ж.Локк, К.Гельвеций, Д.Дидро, П. Гольбах ва б.) ҳам, ҳиссий билиш ташқи дунё б-н боғланмаган, ўзидан мавжуд соҳа деб билган идеалистлар (Ж.Беркли, Д.Юм) ҳам қўшилганлар. Шарқ фалсафаси, хусусан, Форобий ва Беруний асарларида ҳам сенсуалистик фикрлар мавжуд. С. шунингдек, *гедонизм*, *утилитаризм*, *эмотивизм*да намоён бўлади. 20-а. фан фалсафасида ҳам С.нинг эмпиризм йўналишидаги талқинлари учрайди.

СЕНТ Дьёрдьи (Szent Gyorgyi) Альберт (1893.16.9, Будапешт — 1986) — америкалик биокимёгар (миллати венгер), тиббиёт (1937 й.дан) ва фалсафа (1956 й.дан) ва Америка фан ва санъат академияси аъзоси (1957 й.дан). Будапешт ун-тини тугатган. 1922—26 й.ларда Нидерландияда, кейинчалик Буюк Британияда (Кембриж ун-тида) ишлаган. 1930 й. Венгрияга қайтган; Сегед (1931—45) ва Будапешт ун-ти (1945—47) проф. 1947 й.дан АҚШ денгиз биол. лаб. ва мускулларни ўрганиш ин-ти ходими. Илмий фаолияти биологик оксидланиш жараёни, тўқималарнинг нафас олиши, мускул таркибидаги оқсиллар (актин ва миозин) ни ўрганишга оид. Мускуллар қисқаришининг молекуляр механизмига оид назариялар муаллифи. Нобель мукофоти лауреати (1937).

СЕНТ-ВИНСЕНТ ВА ГРЕНАДИНА (Saint Vincent and Grenadines) — Кариб денгизидаги Сент-Винсент о. ва Гренадина о.ларининг шим. қисмида жойлашган давлат. Майд. 389 км². Аҳолиси 116 минг киши (2002). Пойтахти — Кингстаун ш. Маъмурий жиҳатдан 5 туманга бўлинади.

Сент-Винсент ва Гренадина герби.

Давлат тузуми. С.-В. ва Г. — Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига кирувчи конституцияли монархия. Амалдаги конституцияси 1979 й. кучга кирган. Давлат бошлиғи — Буюк Британия қироличаси бўлиб, унинг номидан генерал-губернатор иш юритади. Қонун чиқарувчи олий ҳокимият органи — бир палатали парламент (Мажлис палатаси). Ижрочи ҳокимиятни генерал-губернатор томонидан тайинланадиган бош вазир амалга оширади.

Табиати. Сент-Винсент о. вулкан отилишидан ҳосил бўлган. Энг бал. жойи 234 м — Суфриер вулкани. Ҳозир ҳам ҳаракатда. Эски вулканлар тизмаси шим.дан жан.га томон пасайиб боради. Гренадина о.лари маржон рифлари б-н ўралган. Иқлими тропик, пассатли. Ўртача ойлик т-ра 18—32°. Дек.дан апр.гача қуруқ мавсум, йиллик ёғин 1500—3700 мм; унинг 70% майдан ноябгача ёғади. Тез-тез бўрон бўлиб туради. Сент-Винсент о.нинг марказий қисми ўрмон б-н қопланган, бутазорлар ҳам учрайди. Ҳайвонот дунёси анвойи қушлар (тўти, колибри), турли-туман тропик балиқлар ва ҳашаротлардан иборат. Бир неча қўриқхона бор.



Кингстаун шаҳрининг Кариб денгизи томонидан кўриниши.

Сент-Винсент ва Гренадина байроғи.

Аҳолисининг асосий қисми сентвинсентликлар бўлиб, улар плантацияларда ишлатиш учун мустамлакачилар томонидан келтирилган эфрикалик неграр б-н индейслар аралашувидан ҳосил бўлган мулатлардир. Диндорларининг аксарияти — христиан (протестант)лар. Расмий тил — инглиз тили.

Тарихи. Сент-Винсент о.га 1498 й. Х. Колумб авлиё Винсент кунида етиб борган. 17-а.гача Испания мулки ҳисобланган, 1783 й.гача гоҳ французлар, гоҳ инглизлар қўлига ўтиб турган, ниҳоят ўша йили Буюк Британия мустамлакасига айлантирилган. 1958—62 й.ларда ороллар Вест-Индия Федерацияси таркибида бўлган. 1969 й. «Буюк Британия б-н уюшган давлат» мақомини олди. 1979 й. 27 окт.да мустақилликка эришган. 1980 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 27 окт. — Мустақиллик куни (1979).

Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари. Халқ тараққиёти ҳаракати партияси, 2000 й. тузилган; Янги демократик партия, 1975 й. асос солинган; Бирлашган лейбористлар партияси, 1994 й. ташкил этилган. Меҳнаткашлар миллий ҳаракати касаба уюшмаси; Ишчилар ҳаракати касаба уюшмаси, 1962 й. тузилган; С.-В. ва Г. меҳнаткашлари иттифоқи, 1943 й. асос солинган.

Хўжалиги. Қ.х. ва хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатиш иқтисодиётнинг асосини ташкил этади. Ялпи ички маҳсулотда хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши (шу жумладан, туризм) 71,9%, қ.х.нинг улуши 10,6% ва саноат улуши 17,5% дан иборат. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг 60% қ.х.да банд. Асосий қ.х. маҳсулотлари — банан, кокос ёнғоғи, манго, мускат ёнғоғи, какао, маниок, цитрус мевалар, илдизидан аррорут крахмали ажратиб олинадиган ўсимликлар. Қорамол, чўчқа, қўй боқилади. Балиқ овлаш ривожланган. Йилига ўртача 73,2 млн. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Маҳаллий қ.х. ҳом ашёсини қайта ишлайдиган, тўқимачилик, пойабзал, фармацевтика корхоналари бор. Т.й. йўқ. Автомобиль йўллари уз. — 1020 км. Асосий денгиз порти ва аэропорти — Кингстаун. Четга банан, аррорут, ҳом шакар, копра ва б. чиқаради, четдан кенг истеъмол моллари, озиқ-овқат, ёқилғи, транспорт воситалари келтиради. Асосан, Кариб ҳавзаси мамлакатлари, АҚШ, Буюк Британия б-н савдо қилади. Пул бирлиги — шарқий кариб доллари.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Газ. ва жур.лари: «Гавернмент газетт» («Ҳукумат газетаси», 1868 й.дан), «Нью таймс» («Янги вақт», ҳафталик газ., 1984 й.дан), «Винсентиан» («Винсентлик», ҳафтанома, 1919 й.дан), «Гавернмент буллетин» («Ҳукумат бюллетени»), «Юнити» («Бирлик», 2 ҳафтада бир марта чиқадиган жур.). «Нешнл бродкастинг корпорейшн оф Сент-Винсент энд Гренадинс» ҳукумат радио ва телекўрсатув хизмати мавжуд.

Кингстаунда педагогика ин-ти, техника коллежи, Миллий музей, англикан собори, ботаника боғи (1763 й. ташкил этилган), Шарлотт қалъаси (инглизларнинг 18-а.даги истеҳкоми) бор.

СЕНТ-ЖОНС — Антигуа ва Барбуда давлати пойтахти. Антигуа о.нинг шим.-ғарбий соҳилида. Аҳолиси 36 минг киши (1990-й.лар бошлари). Иқлими тропик, пассатли иқлим, ўртача ойлик т-ра 15° дан 33° гача. Йиллик ёғин 1300 мм. Кариб денгизи бухтасидаги йирик денгиз порти. Четга шакар-қанд, ром чиқарилади. Нефтни қайта ишлаш, шакар-қанд, ром ва пахта тозалаш з-длари, ботаника стяси бор. Туризм ривожланган. Шаҳарга 1632 й.да асос солинган.

СЕНТ-ЖОРЖЕС — Гренада пойтахти. Аҳолиси шаҳар атрофи б-н 40 минг киши. Иқлими субэкваториал денгиз иқлими, ўртача ойлик т-ра 25—28°. Йиллик ёғин 1500 мм. Кариб денгизи

соҳилидаги порт (четга какао, мускат ёнғоғи, банан чиқарилади). Автомобиль йўллари тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Озиқ-овқат саноати корхоналари, Вест-Индия ун-ти факультети бор. Туризм ривожланган. Шаҳарга 1650 й.да асос солинган.

СЕНТИМЕНТАЛИЗМ (франц. sentiment — ҳис-туйғу) — 18-а. 2-ярми — 19-а. бошида Европа ва АҚШ адабиёти ва санъатидаги оқим. С.да ҳиссиёт яхшилик ва ёмонликни белгиловчи, инсоннинг қадр-қимматини аниқловчи асосий меъёр сифатида талқин қилинади. Дастлаб сентиментал кайфиятлар Ж. Томсон («Йил фасллари», 1730), Э. Юнг («Тунги йўллар», 1742—45), Т. Грей («Қишлоқ қабристонида ёзилган марсия» 1751) кабилар шеъриятида ва О. Голдсмит, С. Стерн насрида кўзга ташланади. С.нинг Франциядаги йирик вакиллари — А.Прево, Ж.Ж.Руссо ва б. С. ақл-идрокдан кўра ҳис-туйғуни устун қўйиш асосида инсон шахсини тасдиқлашнинг янги шакли эди. С. руҳидаги асарларда инсон ҳис-туйғулари ҳар томонлама бадиий талқиқ қилиниб, психологик таҳлилга кенг ўрин берилади. Айниқса, ҳис-туйғуларнинг табиийлиги улуғланади. С. йўналишидаги асарларда ҳис-туйғунинг устувор қўйилиши инсоннинг нафақат ўз олами, балки табиатга бўлган муносабатини ҳам ўзгартирди. С.да табиат инсон кечинмаларига ҳамоҳанг тарзда, унинг ички дунёсини чуқурроқ очишга ёрдам берувчи восита сифатида намоён бўлди. Л. Стерннинг тугалланмаган «Сентиментал саёҳат» (1768) асаридан таъсирланган Д. Юм инсоннинг ўз-ўзига қайтиши, ўз-ўзини англаши тўғрисида иррационал назариялар яратди.

Россияда С. 18-а.нинг 90-й.ларида Н.М. Карамзин ижодида ўз аксини топди. Унинг «Бечора Лиза» (1792), «Юлия» каби асарларида оддий кишиларга, деҳқонларга хайрихоҳлик туйғулари ифодаланади. Бу асарлар рус адабиётига психологик бадиий таҳлилни олиб кирди. Сентименталчилар адабиётда мактуб, саёҳатнома, марсия, қасида, идиллия, масал сингари жанр-ларни тараққий эттирдилар. С. ўзининг энг юксак намуналарида ҳаётга исёнкорона, танқидий муносабатда бўлишни ўргатди, инсоннинг ички оламини, кечинмалари ва ҳиссиётларини эъзозлашни тарғиб қилди.

Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда 20-а. бошларида жадидчиликнинг шаклланиши, рус ва Европа адабиётидан таржималарнинг кўпайиши, татар, озарбайжон, турк адабиётлари таъсирида янги маърифатчилик ғояларининг ўсиши натижасида Беҳбудийнинг «Паларқуш», Ҳамзанинг «Янги саодат», «Заҳарли ҳаёт»; Қодирийнинг «Бахтсиз куёв», «Жинлар базми» асарларида, Фитрат ва Чўлпоннинг айрим драматик ва лирик асарларида сентиментал кайфиятларга мойиллик, кучли ҳиссиётларга берилиш, ҳиссий-маърифий танқид нишоналари ва майллари яққол кўзга ташланди. Бу майллар 20-й.ларнинг ўрталарига қадар давом этди, лекин С. ўзбек адабиётида мустақил оқим тусига кирмади. С. вакиллари (А. С. Гретри, К.Ф. Бах, К.Ф.Д.Шубарт) мусиқага — инсон туйғуларини бевосита акс эттириб, тингловчиларга кучли таъсир эта оладиган санъат тури сифатида алоҳида ўрин ажратган. С.да мусиқий жанрлар ва образлар мажмуаси кенгайди. Ҳажвий операга драматизм унсурлари кириб келди (Н.Пиччинни, П. Монсиньи, А. Гретри опералари), янги — *мелодрама* жанри қарор топди, чолғу жўрнавозлигида ижро этиладиган яккахон қўшиғи (Берлин мактаби вакиллари, рус композиторлар ижодида) ривожланди. Шунингдек, С. *Мангейм мактаби* ижодкорлари, қисман И. Гайдн, В.А.Моцарт, кейинчалик Ф. Шуберт, П. Чайковс-кий ва б. композиторлар асарларида ўз ифодасини топган.

Ад.: Троицкая М., Немецкий сентиментально-юмористический роман эпохи Просвещения, Л., 1965; Кочеткова Н.Д., Поэзия русского сентиментализма. Н.М. Карамзин, И.И.Дмитриев, в кн., История русской поэзии, т. 1, М.—Л. 1968.

Дилдора Рашидова.

СЕНТ-КИТС ВА НЕВИС (Saint Kitts and Nevis), Сент-Китс ва Невис Федерацияси (Federation of Saint Kittis and Nevis), Сент-Кристофер ва Невис Федерацияси (Federation of Saint Kristopher and Nevis) — Кариб денгизининг шарқий қисмидаги Кичик Антил о.лари архипелагида жойлашган давлат. Майд. 261 км². Аҳолиси 38,7 минг киши (2002). Пойтахти — Бастер ш. (Сент-Китс о.да). Маъмурий бўлиниши 2 бирликдан иборат.

Давлат тузуми. С.-К. ва Н. — конституцияли монархия. Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига киради. Амалдаги конституцияси 1983 й. 19 сент.да кучга кирган. Давлат бошлиғи — Буюк Британия Қироличаси номидан иш юритувчи генерал-губернатор. Қонун чиқарувчи ҳокимият органи — бир палатали парламент (Миллий мажлис). Ижроия ҳокимиятни бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

Табиати. Оролларнинг вулкан отилишидан ҳосил бўлган. Энг йирик орол Сент-Кристофер (кўпинча Сент-Китс деб юритилади). Невис о. ундан 3 км жан.да жойлашган. Иккала орол гўзал

Сент-Китс ва Невис герби.

Сент-Китс ва Невис байроғи.

ҳосилдор водийлардан иборат бўлиб, ўртасида тоғ чўққилари бор (энг баланд жойи — Мизери, 1156 м). Иқлими тропик, иссиқ иқлим. Ўртача ойлик т-ра 18—24°. Йиллик ёғин 700—1200 мм. Тоғларнинг қуйи ён бағирларига шакарқамиш ва гўза экилади, баландроқда тоғ тропик ўрмонлар ўсади. Ҳайвонот дунёси ранг-баранг қуш ва турли балиқлардан иборат.

Аҳолисининг деярли ҳаммаси африкалик қулларнинг авлоди бўлган сенткитслар (негрлар ва мулатлар)дир. Аҳолининг аксарияти соҳилда яшайди. Диндорлари — протестантлар ва католиклар. Расмий тил — инглиз тили.

Тарихи. Оролларга 1493 й. Х. Колумб келган. 17-а. бошларидан Буюк Британия б-н Франция ўртасида талаш бўлган. Бу ерда француз ва инглиз манзилгоҳлари барпо этилган. Инглизлар 1628 й. Невис, 1783 й. эса Сент-Китс о.ни мустамлакага айлантирди. Мустамлакачилар оролларнинг туб аҳолиси—аравакларни шафқатсиз эксплуатация қилиб, қириб юборди ва шакарқамиш плантацияларида ишлатиш учун африкалик қулларни келтирди. 1882 й. Сент-Китс, Невис ва Ангилья (Ангуилла) о.лари федерацияси тузилди, у 1958—62 й.ларда Вест-Индия федерациясига кирди. 1967 й. фев.дан у «Буюк Британия б-н уюшган давлат» мақомини



олди (май ойида Ангилья федерациядан чиқди). 1983 й. сент.дан С.-К. ва Н. мустақил давлат. 1983 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 19 сент. — Мустақиллик куни (1983).

Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари. Халқ фаолияти партияси, Сент-Кристофер о.да 1965 й. тузилган; Серташвиш фуқаролар ҳаракати, Нёвис о.даги тўрт партия уюшмаси; Лейбористлар партияси, 1932 й. асос солинган; Невис исломотчилар партияси, 1970 й. ташкил этилган. Сент-Китс—Невис касаба ва ишчи иттифоқи, 1940 й. тузилган.

Хўжалиги. Иқтисодиётнинг асоси қ.х. ва хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатишдан иборат. Ялпи ички маҳсулотда қ.х. улуши 5,5%, саноат улуши 22,5%, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва сайёҳлик улуши 72%ни ташкил этади. 8 минг га ерда деҳончилик қилинади, унинг 1/3 қисмига Сент-Китсда шакарқамиш экилади, қолган қисми тропик мевазор (манго, авокадо, папайя ва б.) б-н банд. Невисда пахта, кокос пальмаси, ананас етиштирилади. Аҳоли қалимдан балиқ овлаш б-н шуғулланади. Қ.х. мамлакатнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини 50% қондиради. Саноати қанд-шакар, чигит ва кокос ёғи, газлама, пойабзал, дори-дармон ишлаб чиқарувчи ҳамда электр аппаратлари йиғувчи кичик корхоналардан иборат. Йилига 86 млн. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Автомобиль йўллари уз. 310 км, тор изли темир йўл уз. —36 км. Асосий денгиз порти ва аэропорти — Бастер. Четга хом шакар, пахта, чигит ҳамда кокос ёғи ва б. чиқаради, четдан озиқ-овқат, машина ва ускуна, кимёвий маҳсулот, нефть маҳсулотлари олади, АҚШ, Буюк Британия, Нидерландия, Антигуа ва Барбуда б-н савдо қилади. Пул бирлиги — шарқий кариб доллари.



Бастер шаҳрининг умумий кўриниши.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Газ.лари: «Демократ» (ҳафтаномa, 1948 й.дан), «Лейбор споуксмен» («Ишчи нотиқ», ҳафтада 2 марта чиқадиган газ., 1957 й.дан). Радио ва телевидение ҳукумат хизмати мавжуд, радиоэшиттиришлар 1961 й.дан, телекўрсатувлар 1972 й.дан олиб борилади.

СЕНТ-ЛУИС — АҚШнинг марказий қисмидаги шаҳар. Миссури штатида. Аҳолиси 348,2 минг киши (2000). Миссури дарёсининг Миссисипи дарёсига қуйилиш жойидаги порт. АҚШнинг йирик саноат, савдо-молия марказларидан. Транспорт йўллари тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Авиация, ракета-космик, радиоэлектроника, электротехника, металлсозлик, нефтни қайта ишлаш, кимё, ҳарбий саноат ривожланган. Қора ва рангли металлургия корхоналари бор. Т.й. вагонлари ишлаб чиқарилади. Озиқ-овқат, кўнпойабзал, полиграфия саноати корхоналари, 2 ун-т бор. Шаҳарга 1764 й.да асос солинган. Шаҳар яқинида кўргошин рудаси қазиб олинади.

СЕНТ-ЛЮСИЯ (Saint Lucia) — Кариб денгизидаги Сент-Люсия о.да жойлашган давлат; Кичик Антил о.лари архипелагининг жан.-шарқий қисмида. Майд. 616 км². Аҳолиси 160,1 минг киши (2002). Пойтахти — Кастри ш. Маъмурий жиҳатдан 11 туманга бўлинади.

Давлат тузуми. С.-Л. — конституцияли монархия. Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига киради. Амалдаги конституцияси 1978 й.да ишлаб чиқилган. Давлат бошлиғи — Буюк Британия қироличаси номидан иш юритувчи генерал-губернатор. Қонун чиқарувчи ҳокимият органи 2 палатали (Сенат ва Мажлис палатаси) парламент. Ижроия ҳокимиятни бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

Табиати. Орол ер юзаси тоғ ва водийдан иборат. Марказий қисмида унча баланд бўлмаган тоғлар (энг баланд жойи Жими тоғи — 959 м) бор. Тоғлардан оқиб тушувчи сой ва жилғалар шаршаралар ҳосил қилади. Иқлими тропик, пассатли. Ўртача ойлик т-ра 26°. Янв.дан апр.гача қуруқ мавсум, май—авг. ёғингарчилик мавсуми. Йиллик ёғин 1500—3000 мм. Оролнинг кўп қисми тропик ўрмонлар б-н қопланган бўлиб, унда орхидея кўп ўсади. Хайвонот дунёси анвойи қушлар (тўти, колибри), турли-туман ҳашарот ва судралиб юрувчилардан иборат.

Сент-Люсия герби.

Сент-Люсия байроғи.

Аҳолисининг асосий қисми сентлюсияликлар (негрлар ва мулатлар) бўлиб, улар банан плантацияларида ишлатиш учун мустамлакачилар томонидан келтирилган африкалик қулларнинг авлодларидир. Аҳолининг 2/3 қисми шаҳарларда яшайди. Диндорлари — асосан, католиклар. Расмий тил — инглиз тили.

Тарихи. Орол европаликларга 1502 й. Х. Колумб саёҳатидан кейин маълум бўлган. 17-а. ўрталарида Буюк Британия б-н Франция ўртасида талаш бўлган ва бир неча марта гоҳ инглизлар, гоҳ французлар қўлига ўтиб турган. 1814 й.дан Буюк Британия мустамлакаси. 1958—62 й.ларда Вест-Индия федерацияси таркибида. 1967 й. 1 мартда «Буюк Британия б-н уюшган давлат» мақомини олган. 1979 й. 22 фев.дан С.-Л. мустақил давлат. 1979 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 22 фев. — Мустақиллик куни (1979).

Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари. С.-Л. Лейбористлар партияси, 1946 й. асос солинган; Бирлашган ишчи партияси, 1964 й. ташкил этилган; Тараққийпарвар лейбористлар партияси, 1981 й. тузилган. Меҳнаткашлар миллий иттифоқи касаба уюшмаси, Жаҳон касаба уюшмалари федерациясига кира-

Сент-Люсия табиати манзараси.

ди; С.-Л. денгизчи ва порт ишчилари касаба уюшмаси, 1945 й. ташкил этилган; С.-Л. ишчилар уюшмаси, 1939 й. тузилгаан.

Хўжалиги. Иқтисодиётнинг асоси қ.х. ва хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатишдан иборат. Ялпи ички маҳсулотда қ.х.нинг улуши 10,7%, саноат улуши 32,3%, хизмат кўрсатиш тармоғи улуши 57% ни ташкил этади. Асосий қ.х. маҳсулотлари — банан, кокос ёнғоғи, манго, какао, цитрус мевалар, шакарқамиш. Қорамол, чўчқа, қўй, эчки боқилади. Ёғоч тайёрланади. Унча катта бўлмаган саноат корхоналари, асосан, қ.х. хом ашёсини қайта ишлаш б-н шуғулланади. Электрон қисмларни йиғувчи, картон, сигарет, газлама, кийим, ўйинчоқ ишлаб чиқарувчи корхоналар бор. Йилига ўртача 112 млн. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Мамлакатда т.й. йўқ. Автомобиль йўллари уз. 820 км. Асосий денгиз порти ва аэропорти — Кастри. Четга банан, копра, кокос ёғи, какао, цитрус мевалар, ром, кийим, ўйинчоқ чиқарилади. Четдан саноат моллари, хом ашё, ёқилғи олади. Буюк Британия, АҚШ, Кариб ҳавзаси мамлакатлари б-н савдо қилади. Пул бирлиги — шарқий кариб доллари.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Газ. ва жур.лари: «Войс оф Сент-Люсия» («Сент-Люсия овози», ҳафтада 2 марта чиқадиган газ., 1885 й.дан), «Католик кроникл» («Католик хроника», ойнома, 1957 й.дан), «Крусейдер» («Салибчи», ҳафтанома, 1934 й.дан), «Миррор» («Ойна», ҳафтанома, 1994 й.дан). «Сент-Люсия бродкастинг корпорейшн» радиоэшиттириш ҳукумат хизмати мавжуд. «Хемен телевижн систем» тижорат телевидение хизмати 1967 й. ташкил этилган.

СЕНТ-ПОЛ — АҚШнинг шим. қисмидаги шаҳар. Миннесота штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 287,1 минг кишни (2000). Миссисипи дарёси бўйидаги порт. Полиграфия, озиқ-овқат, кимё, радиоэлектроника, электротехника, автомобилсозлик ва металлсозлик, ҳарбий саноат, металлургия корхоналари; ун-т бор. Шаҳарга 1841 йилда асос солинган.

СЕНТ-ЭТЬЕН — Франциянинг марказий қисмидаги шаҳар. Луара департаментининг маъмурий маркази. Аҳолиси 183,5 минг кишни (1999). Сифатли пўлат ярим, қурол-аслаҳа ишлаб чиқ., турли машинасозлик, трикотаж саноати корхоналари, ун-т бор. Шаҳар яқинидан кўмир қазиб олинади.

СЕНТЯБРЬ (лот. september, septem — етти) — янги йил ҳисоби — *Григорий календарида* йилнинг 9-ойи; 30 кунга тенг. Қадимги Римда март йилнинг 1-ойи. С. эса 7-ойи бўлган.

СЕНУФО, сенуфо, сенна — Мали, Буркина-Фасо ва Кот-д' Ивуарда яшовчи халқ. Умумий сони 3,8 млн. кишни (1990-й.лар ўрталари). Сенуфо тилида сўзлашади. Анъанавий динларга эътиқод қилиш сақланган, сунний мусулмонлар ҳам бор. С. деҳқончилик, чорвачилик, теримчилик ва ҳунармандчилик б-н шуғулланади.

СЕНЬОР (лот. senior — катта) — ўрта асрларда Ғарбий Европада: 1) ихтиёрида қарам деҳқонлари (кўпинча шаҳарликлар ҳам) бўлган ер эгаси (феодал); 2) шахсан қарамлигида майда феодал-вассаллари бўлган мулкдор (қ. *Вассаллик*); 3) Испанияда эркакларга С., аёлларга эса сеньора деб мурожаат қилинади.

СЕП — қиз узатишда унга ота-онаси, қариндош-уруғлари томонидан тортиқ этиладиган мол-мулк. С. тайёрлаш оиланинг тарихий тараққиётида патрилокал никоҳ ва моногам оила вужудга келгандан сўнг шаклланган. Ҳар бир тарихий даврнинг турмуш шароитлари, тирикчилик тарзи С.нинг таркибига таъсир кўрсатган ва ота-онанинг моддий имкониятлари б-н белгиланган. С. жаҳондаги кўп халқларда, жумладан, ўзбекларда учрайди. Қиз учун С. тайёрлаш жуда эрта бошланган ва таомилга кўра, у то балоғатга етгунча тайёр бўлиши лозим. С., асосан, кўрпа, кўрпача, гилам, рўмол, лўппи, кийим-кечаклар, тақинчоқлар, уй-рўзғор анжомлари ва б.дан иборат бўлган. С. солиш учун махсус бўғжома ёки сандиқ тайёрланган. Табиийки, С. никоҳда муҳим ўрин эгаллаган. Чунки келин куёв хонадонига тушириб келинганидан сўнг ўтказиладиган сеп ёниш маросимида унинг мазмунини аёллар бирма-бир синчиклаб кўришган. Шу боис қиз ўз С.идаги белбоғ, дастрўмол, дўппи ва б.ни кўпинча ўз қўли б-н тикишга ҳаракат қилган. С. келининг шахсий мулки ҳисобланган ва янги рўзғорни оёққа туриб олишига ва иқтисодий жиҳатдан ривожланишида муҳим восита ролини ўнаган.

Ҳоз. даврдаги ўзбек келинларининг С.лари замонавий кийим-кечаклар, уй-рўзғор буюмлари ва б. турли жиҳозлардан иборатдир. Табиийки, халқимиз удумига кўра, келининг С.ига эмас, балки унинг инсонийлик фазилатларига ва маънавиятига асосий эътибор қаратилади.

Ас. Бурнев О. ва б., Ўзбек оиласи тарихидан, Т., 1995.

СЕПАРАТ СУЛҲ (лот. separatus — алоҳида) — уруш олиб бораётган мамлакатлар коалициясига кирган давлатлардан бирининг ўз иттифоқчиларини огоҳлантирмай ёки уларнинг розилигини олмай, душман б-н тузган сулҳ шарт-номаси ёки вақтинча яраш битими.

СЕПАРАТИЗМ (франц. separatisme — ажратилган) — ажралишга, алоҳидаликка интилиш; давлатнинг бир қисмини миллий, диний, этнографик, сиёсий, иқтисодий сабабларга кўра, ажратиб олиб янги давлат тузилмаси тузиш ёки мамлакатнинг бир қисмини мухториятга айлантириш ҳаракати. С.нинг кучайиши ёки пасайиши ташқи ва ички омилларга боғлиқ бўлади. Мамлакат ҳудудида ҳар бир миллат, элат, халқнинг манфаатидан келиб чиқиб сиёсат юритилса, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши, ўзини шу мамлакатнинг тенг ҳуқуқли фуқароси сифатида ҳис қилиши учун ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий шарт-шароитлар яратилган бўлса, С.га ўрин қолмайди ва аксинча. Кўпинча ички сабабларни кучайтирувчи, гижгижловчи, ўз мақсадлари йўлида фойдаланувчи кучлар С.нинг пайдо бўлиши ва кучайишига олиб келади.

Тарихда С. ҳаракатлари кўп бўлган, улар аксарият ҳолларда можароларга, низоларга олиб келган ва фуқаролар уруши орқали кечган. Ҳоз. вақтда Россиянинг Чеченистонидаги, Туркиянинг курдлар, Испаниянинг басклар яшайдиган ҳудудлари, Канада Квебекидаги ҳаракатларни С.нинг кўринишларидан ҳисобланади. С. миллий озодлик ҳаракатидан фарқланади.

Сайфиддин Жўраев.

СЕПАРАТОР (лот. separator — ажратқич) — 1) газдан суюқ ва қаттиқ зарраларни, суюқликдан қаттиқ зарраларни ажратиш, қаттиқ ёки суюқ аралашмаларни таркибий қисмларга ажратиш учун мўлжалланган қурилма. Иши суюқлик ёки қаттиқ жисм компонентларининг физик хусусиятлари (заррачаларининг шакли, массаси, солиштирма оғирлиги, магнит хоссаси ва б.) орасидаги фарққа асосланган. С.нинг марказдан қочма, магнит, тиндирма, пневматик, ишқаланма, электр ва б. хиллари бор. Марказдан қочма С.лар (центрифугалар) да суюқлик ичидаги оғирроқ заррачалар ва суюқликлар марказдан қочма куч таъсирида ажралади. Мойни сув ва механик аралашмалардан тозалаш, сутни қаймоқ ва ёғсиз сутга ажратишда қўлланилади. Магнит С. фойдали минералларни говак жинслар ва кераксиз аралашмалардан ажратиш учун ишлатилади. Иши магнит майдонининг турли минерал заррачаларига турлича таъсир этишига асосланган. Тиндирма С. бир-бири б-н аралашмайдиган 2 суюқликни резервуарда тиндириш йўли б-н ажратади, бунда бир-бирига нисбатан паст-баланд жойлашган 2 та труба бўлиб, юқорисидан енгил, паст-кисидан оғирроқ суюқлик чиқади. Пневматик С. тегирмонда майдаланган материалнинг майда-йириклигини ҳаво



Сепаратор. Сут сепаратори. *1* — сут келадиган труба; *2* — қаймоқ чиқиши; *3* — ёғсиз сут чиқиши; *4* — ажратувчи тарелка; *5* — оралиқ тарелкалар; *6* — сут ўтадиган канал; *7* — вертикал вал.

оқими таъсирида ростлаш, уни бойитиш ва б.да ишлатилади. Ишқаланма С. фойдали қазилмаларни бойитишда қўлланади. Газ С.ида газ суюқ ва қаттиқ зарралардан тозаланади. Бунинг гравитацион (газ тезлигини кескин пасайтиришга асосланган), инерцион (марказдан қочма кучга асосланган) хиллари бор. С. халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида, мас., ун тортиш корхоналарида, газ саноатида, пахта териш машиналари ва б.да ишлатилади; 2) подшипникларда шар ёки роликларни бир-биридан ажратиб турадиган деталь (қ. *Подшипник*).

СЕПИОЛИТ — силикатлар синфига мансуб гилли минерал. Мураккаб занжирли, қат-қат структурали. Кимёвий формуласи $Mg_4[Si_6O_{15}]\cdot 6H_2O$. Баъзан Mg ионни Fe^{2+}, Fe^{3+}, Ni, Al, Cu ионлари б-н алмашади ва у ҳолда феррисепиолит, алюмосепиолит, никельсепиолит ва б. номлар б-н юритилади. Қаттиқлиги 2—3; зичлиги 2,1—2,2 г/см³. Ипаксимон, мумсимон ялтирайди. Ромбик системада кристалланади. Ундан ташқари зич ёки говак, жуда енгил агрегатлар («денгиз кўпиги») шаклида ҳам учрайди. Аридли ва ярим-аридли иқлим шароитида тупроқда, денгиз ва б. шўр сувли ҳавзаларда, гилли карбонатлардан таркиб топган чўкинди жинсларда ҳамда серпентинитларни емирилишидан ҳосил бўлади. Никелга бой С. турлари силикатли никель рудаларни таркибига киради. Ўзбекистонда кенг тарқалган.

СЕПКИЛ — теридаги сариғиш, қўнғир, қорамтир, шаклн ҳар хил доғлар. Улар соғ терида пайдо бўлиб, кишини мутлақо безовта қилмайди. Кўпроқ 4—6 ёшар болаларга тушиб, киши қарнганда йўқолиб кетади ёки умрлик билинмайдиган бўлиб қолади. Кўпинча оқ-сариқ, малла бўлиб қолади. С. насллнган кишиларда пайдо бўлади. С. наслланнасла ўтади. С. доғлари, асосан, терининг очиқ, яъни қуёш нури тушадиган ерларига: юз, бўйин, кўкракнинг юқори қисми ва қўлнинг ташқи томонига тушади. С. доғлари баҳор ва ёзда кўпайиб, куз ва қишда билинмайдиган бўлиб қолади ёки йўқолиб кетади.

С. тошишига мойил кишилар ўзларини мумкин қадар қуёш нури таъсиридан сақлашлари керак. С.ни йўқоридан сақлаш тугилса, албатта, врачга тиш истаги тугилса, албатта, врачга мурожаат этиш зурур.

СЕПКИСОЙ — Самарқанд вилоятининг ғарбида Қашқадарё ҳавзасидаги дарё. 1100 м баландликдаги бўлоқдан бошланади. Юқори оқимида Жинчка номи б-н маълум. Қашқадарёгача етиб бормайди. Хонуй қишлоғидан 2 км ғарбда тугайди. Уз. 39 км, ҳавзаси.м.-ғарбда тугайди. Уз. 39 км, ҳавзасининг майд. 180 км². Қор-ёмғир сувларидан тўйинади. Ингичка шаҳарчаси ёнида кўп йиллик ўртача сув сарфи 0,36 м³/сек., оқим модули 2 л/сек. км². Ўртача йиллик сув сарфи 1,13 м³/сек.дан (серсув йилда) 0,025 м³/сек.гача (камсувли йилда) ўзгаради. Сув тошқини январь ўртасидан бошланади. Сувнинг энг кўп суткалик сарфи шу ойда (баъзида мартда) кузатилади. Сув тошқини апр. бошларида тугайди. Окт.—дек.да (ҳар йили эмас) ёмғир сувлари тўпланиб қолади. Ингичка шаҳарчасидан пастроқда дарё суви экин майдонларини суғоришга сарфланади ва Сепки қишлоғидан пастда қуриб қолади.

СЕПОЯ (форс.-тож. се — уч ва поя) — тўғон, дамба қурилиб, дарё ва анҳорларнинг қирғоқларини сув ювиб кетишдан сақлашда ишлатиладиган мосламалар. Сепоя ёнига қурилган сепоялар. 20-а.нинг 30-й.лари.

лама. Учта поя бир-бирига учбурчак шаклида мустаҳкамланади. Ҳосил бўлган учбурчакнинг ораси харсанг тош ва б. материаллар б-н тўлгазилиб, сув йўли тўсилади, қирғоқ мустаҳкамланади. С.ни ясовчи усталар сепоячи деб аталган. 20-а.нинг 40-й.ларигача Ўзбекистон ирригациясида кўп қўлланилган. Йирик темир-бетон тўтоклар қурилиши б-н ўз аҳамиятини йўқотди.

СЕПСИС (юн. sepsis — чириш, ириш) (қонга микроблар кириши, умумий йирингли инфекция, қонга йиринг тушиши) — йиринглатувчи микробларнинг маҳаллий инфекция ўчоғидан қон оқимига, лимфа йўлларига, улардан эса беморнинг ҳамма тўқима ва аъзоларига тарқалишидан келиб чиқадиган умумий инфекцион касаллик. Инфекция тушган жароҳат ва турли соҳада жойлашган йирингли касалликлар (*чипқон, ҳўппоз, флегмона* ва б.) С. манбаи бўлиши мумкин. Кундикнинг йирингланиши чақалоқлар С.ига сабаб бўлади. Бачадон бўшлиғининг йирингланиши натижасида туғруқдан кейинги С. пайдо бўлади. Одатда, стафилококк, стрептококк, камроқ пневмококк, гонококк, ичак таёқчаси ва б. микроблар С.ни қўзғатади.

С. ривожланишига, биринчидан, йирингли жараённи келтириб чиқарган микроблар вирулентлиги (касаллик қўзғатиши)нинг юқорилиги, иккинчидан, беморнинг озиб кетиши, витамин етишмаслиги ва б. касалликлар оқибатида организм ҳимоя кучининг пасайиб кетиши сабаб бўлади.

С.нинг энг оғир турида микроблар қонда кўпайиб, уни ўз заҳари маҳсулотлари (токсинлар) б-н заарлайди, қизил қон ҳужайралари (эритроцитлар)ни емиради. С.нинг бу турида гапла тераси 39—40° гача кўтарилади, беморнинг эти увушади, бу ғарқ-ғарқ терлаш б-н алмашиниб туради. Баъзан тери сарғаяптир тусга кириб, унга тошмалар тошади. С.нинг бирмунча енгил ҳолларида микроблар қонда кўпаймай, қон оқими б-н

турли аъзо ва тўқималарга тарқалади, натижада уларда кўп сонли йирингли ўчоқлар ҳосил бўлади. Бундай ҳолларда С. узоқроқ кечиб, йиринг бойлаган жой ҳосил бўлаётган пайтда оғирлашиб, мадда ёрилгандан сўнг ёки операциядан кейин бир қалар енгиллашиб туради.

С.га фақат касалхонада даво қилинади. С. профилактикаси ҳар қандай йирингли жараёнда — жароҳат йирингланганда, ҳасмол, флегмона пайдо бўлганда ўз вақтида врачга мурожаат этишдан иборат. Турмушда шикастланишларнинг олдини олиш, майда шикастларни, айниқса, жароҳатларни ўз вақтида даволаш зарур. Чақалоқни парвариш қилаётган она асептика қоидаларига қатъий амал қилиши керак (қ. *Антисептика Асептика*).

СЕПТЕТ (лот. septem — етти) — 1) етти ижрочи (созанда ёки хонанда)дан иборат ансамбль. Чолғу С. кўпинча аралаш таркибига эга бўлиб, торли, пуфлама мусиқа чолғулари, фортепианодан ташкил топади; 2) шу ансамбль ижросига мўлжалланган мусиқа асари. Операда, одатда, финал саҳналарида учрайди (мас., В. Моцарт-нинг «Фигаронинг уйланиши» операсининг 2-акт финалидаги С.). Чолғу С. камер мусиқа тури бўлиб, *сюита*, баъзида *соната* туркуми шаклида ёзилади (Л. Бетховен, П.Хиндемит, И. Стравинский С.лари).

СЕРАПИС, Сарапис — эллинизм даврининг худоси. Унга сиғинишни Александрияда Птолемей I (мил. ав. 305—283) юнонлар ва мисрликларни диний асосда бирлаштириш мақсадида жорий этган. Мисрликлар С.ни ҳосилдорлик худоси Осирисга, баъзан Аписга, юнонлар *Зевс*га қиёс қилганлар.

СЕРБИЯ (Србија, Sradije) Сербия Республикаси — *Сербия ва Черногория* таркибига кирувчи республика. Дунай ҳавзасида жойлашган. Майд. 88,4 минг км². Аҳолиси 9,8 млн. киши (1997). Пойтахти — Белград ш. 2 мухтор ўлка — Воеводина ҳамда Косова ва Метохияни ўз ичига олади. Маъмурий жиҳатдан С. туманларга, туманлар жамоаларга бўлинади. Серб (65,4%), албан (16,5%), венгер (3,3%) ва б. халқлар яшайди. Расмий тил — серб тили. Аҳоли христиан (православ ва католик), ислом ва б. динларга эътиқод қилади. С.нинг ўз конституцияси, парламенти (скупщина) ва ҳукумати бор.

Табиати. С.нинг шим.-ғарбий қисмини Ўрта Дунай текислигининг жан. чеккаси эгаллайди. Унинг ёнида Фрушка-Гора тоғ массиви (бал. 539 м гача) жойлашган. Сава дарёси ва Дунайнинг кенгайиб оқалиган қисми ўнг соҳили бўйлаб Серб тоғ тизмалари ва массивлари ҳамда Шарқий Серб тоғлари ўтади. Чекка жан.-ғарбда Косово майдони ва Метохиянинг бепоён пасттекислиги ястанган. С.нинг энг баланд нуқтаси (2764 м) Албания чегарасидаги Кораби тоғ тизмасида жойлашган. Иқлими мўътадил, континентал. Янв.нинг ўртача т-раси 0—1°, июлиники 18—23°. Йиллик ёғин 500—800 мм (тоғларда 1000 мм гача). Асосий дарёлари — Дунай, Сава, Тиса, Морава, Дрина. Тоғлар оралиғидаги водийлар ва пасттекисликларда мевали боғлар барпо этилган. С. ҳудудининг 1/4 қисмига яқини ўрмон, асосан, бук дарахтзорларидан иборат. Косово мухтор ўлкасида кўрғошин-рух рудалари, Моравaнинг ўнг соҳилида тошкўмир ва қўнғир кўмир, Шарқий Серб тоғларида мис, Воеводинада нефть ва газ конлари бор. Ҳайвонот дунёси хилмахил: текисликларда кемирувчи, қуён, тоғларда буғу, ёввойи эчки, тўнғиз, силовсин ва б. бор. Турли қушлар, жумладан, ёввойи ва сувда сузувчи қушлар, тошли қояларда калтакесак, илонлар учрайди. Денгизда балиқ тури кўп.

Тарихи. С. ҳудудида одам палеолит даврidан яшай бошлаган. Жез даврида иллирий, фракий, кейинроқ келт қабилалари яшаган. Болқон я.о. римликлар қўлига ўтиши (мил. ав. 229 й. — мил. 106 й.) маҳаллий қабилаларнинг романлашувига олиб келди. 6—7-а.ларда бу ерга славянлар келиб ўрнашди. 10-а. ўрталарида давлат — Серб князлиги пайдо бўлди. 1217 й. қиролликка айланди. Стефан Душан идора қилган йиллар (1331—55)да йирик Сербия-Греция давлати барпо этилди. 1389 й. Косово майдонидаги жангда турк қўшинлари сербларни мағлубиятга учратгач, С.ни ўзига қарам қилиб олди, 1459 й. эса Туркия таркибига қўшиб олинди. 18-а. охиридаги Россия-Туркия урушлари серб халқининг миллий озодлик ҳаракатига туртки бўлди. 1804—13 й.ларда биринчи серб қўзғолони серб давлатини қайта тиклаш йўлидаги ҳаракатнинг бошланиши бўлди. 1815 й. иккинчи серб қўзғолони озодлик курашини давом эттириш учун негиз яратди. Туркия султонининг 1830 ва 1833 й.лардаги фармонларига кўра, С. Туркия паноҳи остидаги ўзини ўзи идора қиладиган мухтор князлик деб эълон қилинди. С. 1878 й. Берлин конгрессининг қарорига биноан, тўла мустақилликка эришди ва ўз ҳудудини бирмунча кенгайтириб олди (1882 й.дан қироллик). 1903 й. Сербия социал-демократик партияси ягона касаба уюшма ташкилоти тузилди. С. 1912—13 й.лардаги Болқон урушларида қатнашди. 1915—18 й.ларда Австрия-Венгрия қўшинлари томонидан оккупация қилиб турилди. 1918 й. собиқ Австрия-Венгрия таркибидаги жан. славян ерларининг кўп қисми С. билан бирга Серблар, хорватлар ва словенлар қироллиги (1929 й.дан Югославия)га бирлашди. 1941 й. С.ни Германия босиб олди. Немислар генерал М.Недич бошчилигида Серб ҳукумати деб аталган ҳукумат туздилар. 1944 й. окт.да С. озод қилинди. 1945 й. нояб.дан С. Югославия таркибидаги олти республиканинг бири бўлди. 1991 й.да Югославия Социалистик Федератив Республикаси парчаланиб, ундан Словения, Хорватия, Босния ва Герцеговина, Македония чиқиб кетгач, Сербия б-н Черногория Югославия Иттифоқ Республикасини туздилар. 2003 й. 4 февдан бу давлат Сербия ва Черногория деб атала бошлади.

Хўжалиги. С. — Сербия ва Черногория давлатининг иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган қисми. Маҳаллий фойдали қазилма конлари негизида кўнғир кўмир ва лигнит (Колубар, Костолацкий, Косово ва б. ҳавзаларда), нефть (Воеводинада), мис (Бор, Майданпек ва Шарқий Серб тоғларида), кўрғошин, рух (Светозарево ва Севойнода), сурма корхоналари барпо этилган. Смедеревода қора металлургия к-ти бор. Электр энергия иссиқлик ва гидрост-ялари ҳамда Дунай бўйида қурилган «Темир дарвоза» гидромажмуасида ҳосил қилинади. Рангли металлургия б-н бирга кимё (асосан, минерал ўғит, кислота, заҳарли кимёвий моддалар) ва электротехника (аккумулятор ва кабель и.ч.) саноати ривожланган. Кўп тармоқли машинасозлик (электрон, кон, қ.х. машинасозлиги, автомобилсозлик), тўқимачилик, ёғочсозлик, кўн-пойабзал, озиқ-овқат саноати тармоқлари мавжуд. Асосий саноат марказлари — Белград, Крагуевац, Ниш, Нови Сад ва б.

Қ.х. дон (буғдой, маккажўхори, сули), техника экинлари (қанд лавлаги, зигир, кунгабоқар) етиштиришга ва чорвачиликка ихтисослашган. Қорамол, чўчқа, парранда, тоғли жойларда қўй боқилади. Боғдорчилик, токчилик ривожланган. Ўрмон хўжалигига алоҳида эътибор берилади. Т.й. ва сув транспортининг кенг тармоғи барпо этилган.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Таълимнинг асосий тури — 8 й.лик мактаб. Тўла ўрта таълимни гимназия беради. Малакали ишчи, техник ва мутахассислар тайёрловчи мактаблар ва махсус мактаблар ташкил этилган. Белград (1863), Ниш (1965), Нови Сад (1960), Приштина (1970) ун-тлари бор. Серб фанлар ва санъат академияси (1886 й.да асос солинган), ядро физикаси (1947), ўсимликшунослик (1945), қ.х.ни механизациялаш (1947), сейсмология (1906) и.т. институтлари, кўпгина илмий жамият ва уюшмалар, ун-тлар ҳузурида и.т. институтлари бор. 1102 халқ кутубхонаси, 433 илмий ва махсус кутубхона мавжуд. Белградда амалий санъат, хориж санъати ва замонавий санъат, этнография музейлари, расмлар галереяси очилган.

Кундалик газ.лари: «Борба», «Политика», «Политика экспресс», «Вечерне новине», «Рад», «Мадьяр со» ва б. 40 дан ортиқ радиост-я, Белградда (1958 й.дан), Приштина ва Нови Садда (1972 й.дан) телемарказлар ишлайди.

Адабиёти. С. адабиётининг дастлабки намуналари 9-а.нинг 2-ярмида пайдо бўлган. Ўрта асрлар адабиёти диний-насиҳат руҳида бўлган. Константин Философнинг «Золим Стефан Лазаревич ҳиссаси» (1431—35) асарида ҳукмдорларнинг ўзаро кураши ва хорижий босқинчиларга қарши жанг манзаралари тасвирланади. 15-а. охири — 16-а. бошларида серб тилида китоб нашр этила бошлади. Турклар тасарруфидаги даврда серб халқининг маънавий ҳаёти халқ оғзаки ижодиётидагина ифодаланди. Дунёвий адабиётга асос солган Доситей Обрадович (1742—1811) сербларнинг маданий уйғониш жараёнини акс эттирувчи асарлар яратди. 19-а.да Европа халқлари адабиёти б-н ҳамоҳанг ривожланган С. адабиётида ҳам классицизм (Л. Мушицкий), сентиментализм (М. Видакович, Й. Вуйич), романтизм (Ж. Якшич, Л. Костич ва б.) каби оқимлар руҳидаги асарлар дунёга келди. Бу давр адабиёти ривожида Нови Сад адабий маркази, «Даница», «Явор» ва «Матица» жур.лари муҳим роль ўйнади. 60-й.ларда адиб ва публицист С. Маркович мақолалари адабиётда реализмга асос солди. Дастлабки реалистлар — М.Глишич, Л. Лазаревич, Я.Веселинович ижодиёти (19-а. охири — 20-а. бошлари) кўпроқ ижтимоий-маиший наср жанрларига мансублиги сезилади. Я.Игнятович, С. Матавуль, С. Ранкович романларида реализмнинг бадиий мазмуни доираси кенгайтирилиб, мураккаб ижтимоий-тарихий муаммолар ўртага қўйилади. Сатира жанрида ижод қилган Р. Домановић, Б. Нушич (наср), В. Илич (назм) реализмни ривожлантирдилар.

1-жаҳон урушидан кейин А. Андрич, М. Црнянский, С. Винавер каби экспрессионист шоирлар адабиёт майдонига кириб келдилар. Уларнинг баъзи бирлари халқ кечинмаларини тасвирлаш орқали урушни лаънатласа, айримлари халқ қаҳрамонларини улуғлайди. Б.Нушичнинг «Таржиман ҳолим» қиссаси, «Вазирхоним», «Мистер долар» ва б. ҳажвий комедиялари айниқса шуҳрат қозонди. Фашистлар оккупацияси даврида кўпгина адиблар (Зогович, Попович, Б. Чопич, М. Палич, Мендерович ва б.) озодлик курашида қатнашиш б-н бирга адабий фаолиятни давом эттирдилар.

С. озодликка эришгач, Серб ёзувчилари жамияти тузилди. 50-й.ларнинг бошларида халқ озодлик уруши ва янги ҳаёт мавзулари адабиётда асосий ўрин олди. О. Давичо, М. Деланац, С. Вукосављевић, Э. Кош шеърияти, И. Андричнинг насрий асарлари эътибор қозонди. Янги жанр — радиодрама вужудга келди.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. С. ҳудуди Ўрта денгиз, Яқин Шарқ, Эгей денгизи бўйи мамлакатлари ва Европа маданияти бир-бирига туташган жой бўлгани туфайли унда қад. дунё ва ўрта асрлар маданияти ўз акс-пастқам турар жойлар, хилма-хил шаклдаги сопол идишлар, одам ва жониворларнинг гуллдор ва сайқалланган ҳайкалчалари сақланиб қолган. Жез даври маданияти Эгей бўйи мамлакатлари маданияти б-н боғлиқ бўлса-да, унда маҳаллий анъаналар (чиройли чизиқлар б-н безалган сопол кўзалар, қуш бошли маъбудалар) ҳам акс этган. Мил. ав. 1-минг йилликка мансуб истеҳкомли манзилгоҳлар, *фракийлар, иллирийлар, кельтлар*нинг заргарлик буюмлари, майда жез ҳайкалчалари учрайди. Мил. ав. 2-а. — мил. 4-а.да римликларнинг ҳарбий истеҳкомлари ва улар ёнида жамоат бинолари, саройлар, ҳаммомлар қурилиб, Сингидунум (ҳоз. Белград), Наиссус (ҳоз. Ниш) барпо этилган. 5—6-а.ларда Византия шаҳарлари (Царичин-Град), уларда ибодатхона ва саройлар, турар жой ва савдо бинолари қурилди. 6—9-а.ларга оид византияликлар ва ҳд. славянларнинг олтин тақинчоқлари ва кумуш анжомлари диққатга сазовар. 9—10-а.ларда ёғоч, тош қалъалар, христианларнинг деворларга диний расмлар ишланган гумбазли ибодатхоналари ва шоҳона бинолар қурила бошлади. Ўрта асрларда С. шаҳарлари марказида савдо майдони, радиал кўчалар, 2—3 қаватли

иморатлар бўлган. Ёғоч, тош, сомон уйларнинг икки нишабли томи тахта ёки тош плиталар б-н ёпилган. Шаҳар ва монастирлар тош деворлар б-н ўралган. 14-а. 2-ярмида ихчам шаклли хочгумбазли ибодатхоналар қурилди (тўрт устунли Манасия монастири, 1407—18 ва устунсиз Каленич монастири, 1405—13), улар фольклор руҳидаги ғаройиб расмлар б-н безатилган, ғиштли жимжимадор қилиб терилган, тарашланган ва сирланган сопол б-н нақшланган. Шу даврда ёғоч ўймакорлиги, зардўзи кашталчилик, кулолчилик ривожланган. 15-а.дан бошлаб турклар бу ерда мачит, минора, карвонсарой, тим ва ҳаммомлар қуришди. 2—3 қаватли синчли уйлар барпо этиш урф бўлди.

19-а.да мунтазам шаҳарсозлик унсурлари пайдо бўлди, маҳаллий ўрта аср меъморлиги анъаналари асосида (Белградлаги князь қизи Любица уйи, 1829—36, меъмор Х.Н.Живкович), европача эклектика руҳида (Белградлаги Халқ театри, 1868—69, меъмор А. Бугорский), 20-а. бошларида «Модерн» услубида (Белградлаги «Москва» меҳмонхонаси, 1906, меъмор Й. Илкич) ва янги византияча усулда (Белградлаги Александр Невский черкови, 1918, меъмор Е. Надич) бинолар қурилди. 19—20-а.лар рассомлари халқ ҳаётини, табиат гўзаллигини, миллий озодлик курашини тасвирловчи гўзал асарлар яратишди. А. Теодорович, Д. Аврамович, Ж. Якшич, У.Предич, Н.Петрович рангтасвир, К. Данил, М. Пьяде портрет жанрида ижод қилдилар. Халқ ҳунармандчилигида каштадўзлик, гилам тўқиш, ёғоч ва тош ўймакорлиги, кулолчилик муҳим ўрин олган.

Мусиқаси. Серблар мусиқаси турли славян халқлари, Византия, Қад. Рим ва мусулмон Шарқ мусиқа анъаналари негизида қарор топган. Серблар ҳаётида, асосан, қўшиқ ижодкорлиги ривожланган. Эпик қўшиқларни халқ бахшилари қўбизсимон гусле чолғу асбо-

Сербия табиати манзараси.

би жўрлигида ижро этган. Айниқса, севги қўшиқлари мусиқий ва назмий гўзаллиги б-н ажралиб турали, лавра ўйин (коло) қўшиқлари ҳам оммалашган. С.нинг дастлабки композиторлари — Й. Шлезингер ҳарбий оркестрда капельмейстерлик қилган. Н. Журкович эса хонанда, актёр ва хормейстер бўлиб, илк мусиқали спектакларни яратишган. 1838 й. Панчевода биринчи хор тўгараги, 1853 й. Белград қўшиқчилик жамияти вужудга келди. Мазкур жамиятнинг ва «Корнелие» черков қўшиқчилик жамиятининг раҳбари композитор ва пианиночи К. Станкович миллий мусиқа маданиятини шакллантиришга катта ҳисса қўшди. Театр мусиқаси ва ватанпарварлик қўшиқлари муаллифи Д.Енко, серб яккахон қўшиғи ва романси ижодкори Й.Маринкович, мусиқий фольклор тўпловчиси, хор ва черков мусиқалари муаллифи С. Мокранац унинг ишини давом эттирдилар. 1902 й. Б.Йоксимович биринчи миллий опера — «Милош Обиличнинг уйланиши»ни ёзди. Шундан кейин С. Биничка, И. Баич, П. Крстич, В.Вучкович, М. Ристич серб мусиқа маданиятини ривожлантирдилар. Кейинги йилларда композиторлар П.Бергамо, П. Озгиян, Э.Иосиф, Д.Радич, В. Мокранац, дирижёр Ж. Здравкович, пианиночи З. Марасович, скрипкачи Л. Марьянович, хонандалар Н. ва Б. Цвеичлар, В. Хейбал машҳур бўлдилар. С.да бир неча симфоник ва камер оркестр, 3 та опера театри, хор жамоалари, Мусиқа академияси ва б. мусиқа ўқув юртлари фаолият кўрсатали.

Театри ҳақидаги дастлабки маълумот 13-а.га тааллуқлидир. Ўша пайтдаги байрам кунлари кўчаларда томошалар кўрсатилган. 18-а. Воеводинада Э. Козачинский пьесалари саҳналаштирилди. Мактабларда спектакллар кўрсатилди. Актёр, драматург ва таржимон Й.Вуйич С. ва Воеводина ҳудудларида бир неча труппалар ташкил этди (1810) ва лунёвий театрга асос солди. 1825 й. Нови-Садда С. Стефановичнинг «Подшо Урош V нинг ўлими» пьесасини ҳаваскорлар труппаси саҳнага қўйди. 19-а.нинг 40-й.ларидан мунтазам ишлайдиган театрлар пайдо бўлди. 1861 й. шу шаҳарда Серб миллий театри, 1868 й. Белградда Миллий театр («Народно позориште») барпо этилди. Уларда В. Шекспир, Ф. Шиллер каби мумтоз ёзувчиларнинг асарлари б-н бир қаторда Ж. Якшич, Л.Костич, Б. Нушич каби маҳаллий муаллифларнинг пьесалари қўйилди. 1950 й. Белградда Академик театр ташкил этилди. 20-а. охирларидаги таниқли театр ва кино арбоблари: реж.лар Х.Клайн, Б.Бороэан, Б.Ступина, Б.Ханауска, актёрлар С.Селерова, Д.Милутинович, М. Ступина, Л.Бобич, Л.Раваси, В. Животич ва б.

Киноси. 1905 й. фотограф М.Маншки биринчи қисқа метражли «Кирчи эзл» фильмини суратга олган. Дастлабки ҳужжатли ва хроника фильмлари Болқон урушлари ва 1-жаҳон уруши воқеаларини тасвирлади. 1910 й. «Карагеоргиевич»леб аталган биринчи бадиий фильм яратилди (реж. И. Станоевич-Чича). «Гуноҳсиз гуноҳкор» (1928, реж. К. Новакович) овозсиз кино давридаги энг машҳур фильм бўлди. 2-жаҳон уруши ва ундан кейинги йилларда миллий озодлик жанглари ва тинч ҳаёт манзараларини ифодловчи ҳужжатли фильмлар дунёга келди. 1945—48 й.ларда «Звезда-фильм» ва «Авала-фильм» киностудиялари ташкил этилди. Фашизмга қарши кураш кўп йилгача С. кинематографиясининг етакчи мавзуларидан бири бўлди. «Бу халқ ишайверали» (1947, реж. Н.Попович), «Катта ва кичик» (1956, реж. В.Погачич), «Тўққизинчи доира» (1960, реж. Ф.Штиглиц), «Нереткадаги жанг» (1969, реж. В. Булайич) ва б. шу жумлага киради. Мумтоз ва замонавий адабиёт асарларини экранлаштиришга ҳам аҳамият берилди, замонавий мавзуда асарлар яратилди. 70—80-й.ларда янги авлод кинематографичилари (Р.Глич, С. Каранович, Г. Маркович ва б.) кино санъатини янги мавзулар ва ифода усуллари б-н бойитдилар.

СЕРБИЯ ВА ЧЕРНОГОРИЯ (сербча Srbije u Crna Gore, инг. Serbia and Montenegro) — Болқон я.о.нинг шим.-ғарбий қисмида жойлашган давлат. Майд. 102,2 минг км². Аҳолиси 10,65 млн. киши (2002). Пойтахти — Белград ш. Маъмурий жиҳатдан 2 республика: *Сербия* ва *Черногория*га бўлинади.

Давлат тузуми. С. ва Ч. — парламентли республика. Амалдаги конституцияси 2003 й. 4 фев.да қабул қилинган. Давлат бошлиғи — президент (2003 й. 7 мартдан Светозар Маровић). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни парламент (скупштина), ижрочи ҳокимиятни ҳукумат амалга оширади.

Аҳолиси. Серб (62,6%), албан (16,5%), черногор (5%), венгер (3,3%)лар яшайди. Расмий тил — серб тили. Аҳолининг 95% серб тилида, 5% албан тилида сўзлашади. Кўпчилик диндорлар — христиан (православ ва католиклар), қолганлари — мусулмонлар. Йирик шаҳарлари: Белград, Подгорица, Нови Сад, Приштина, Ниш, Крагуевац.

Тарихи. 1-жаҳон урушидан кейин Болқон я.о.да 1918 й. дек.да Сербия ва Черногория

Сербия ва Черногория герби

хорватлар, словенлар қироллиги ташкил топиб, Черногория, Македония, Босния ва Герцеговина ҳам унинг таркибига кирди. 1929 й.дан бу давлат Югославия, 1963 й.дан Югославия Социалистик Федератив Республикаси деб аталди. 1992 й.дан Словения, Хорватия, Босния ва Герцеговина, Македония федерация таркибидан чиқиб кетгач, Югославия Иттифоқ Республикаси деб аталди. 2002 й. 14 мартда бу давлат ҳуқуқий жиҳатдан тугатилди ва 2003 й. фев.да федерация асосидаги Сербия ва Черногория деб аталган янги давлат ташкил топди. С. ва Ч. Югославия Иттифоқ Республикасининг ҳуқуқий ворisi сифатида 2000 й. 1 нояб.дан БМТ аъзоси ҳисобланади. Миллий байрами 27 апр. — Республика куни (1992). Ўзр мустақиллигини 1991 й. 31 дек.да тан олган ва 1995 й. 18 янв.дан дипломатия муносабатлари ўрнатилган.

Асосий сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари. Сербия социалистик партияси, 1990 й. тузилган; Серб янгиланиш ҳаракати, 1990 й. ташкил этилган; Сербларбирлиги партияси; Сербия демократик мухолифати, 2003 й. тузилган; Серб радикал партияси, 1991 й. ташкил этилган; Черногория социалистлари демократик партияси, 1991

Сербия ва Черногория байроғи.

й. асос солинган; Черногория демократик партияси; Черногория халқ партияси, 1990 й. тузилган; Косово демократик партияси, 2000 й. ташкил этилган; «Югославия сўллари» ҳаракати.

Хўжалиги. С. ва Ч. — индустриал-аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши — 41,3%, қ.х. улуши 22,9%.

Саноатнинг асосий тармоқлари: кончилик, рангли металлургия, машинасозлик, тўқимачилик. Кончилик саноатида литит, кўнғир кўмир, нефть, шунингдек мис, кўрғошин ва рух, уран рудалари қазиб олинади. Йилига ўртача 35,3 млрд. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. И.ч. саноатида машинасозлик ва металл ишлаш (станкосозлик, транспорт воситалари, шу жумладан, автомобиль, қ.х. машинасозлиги, электроника ва радиоэлектроника саноати) устун. Рангли металлургияда алюминий, мис, кўрғошин, рух эритиш корхоналари бор. Қора металлургия, кимё, фармацевтика, металлургия, кимё, фармацевтика, нефтни қайта ишлаш, шунингдек, тўқимачилик, кўнбель, шунингдек, тўқимачилик, кўнпойабзаал. озиқ-овқат саноати тармоқлари ривожланган.

Қишлоқ хўжалиги нинг асосий тармоғи — деҳқончилик. Донли экинлар (асосан, маккажўхори, буғдой), қанд лавлаги, кунгабоқар, зидой), қанд лавлаги, кунгабоқар, зигир, тамаки, картошка ва сабзавот етиштирилади. Мевачилик (айниқса, қора олхўри), токчиликка катта аҳамият берилади. Чорвачилигида қорамол, чўчқа, қўй, уй паррандаси боқилади.

Сербия ва Черногориянинг Адриатика денгизи соҳили.

Т.й. узунлиги 4 минг км, автомобиль йўллари уз. 49,6 минг км. Денгиз порти — Бар. Белград ва Подгорицада халқаро аэропортлар бор. Дунай ва Сава дарёларида кема қатнайди (йирик дарё порти — Белград). Четга хом ашё ва чала тайёр маҳсулотлар, саноат ва озиқ-овқат моллари, машина ва саноат ускуналари, тирик чорва моллари чиқарали. Четдан машина ва транспорт ускуналари, ёнилғи-мойлаш материаллари, саноат моллари, кимёвий моддалар, озиқ-овқат маҳсулотлари олади. МДҲ мамлакатлари, Германия, Италия, Венгрия, Босния ва Герцеговина, Македония б-н савдо қилади. Пул бирлиги — Сербияда динор, Черногорияда 1999 й. дан немис маркаси, 2002 й.дан евро.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. С. ва Ч. да кўпгина газ. ва журн.лар нашр этилади. Муҳимлари: «Борба» («Кураш», серб тилида чиқадиган мустақил кундалик газ., 1922 й.дан), «Вечерне новости» («Оқшом янгиликлари», серб тилида чиқадиган мустақил кундалик газ., 1954 й.дан), «Мађар со» («Венгер сўзи», венгер тилида чиқадиган кундалик газ., 1944 й.дан), «Рад» («Меҳнат», серб тилида чиқадиган ҳафталик газ., 1945), «Жена данас» («Хозирги аёллар», 1936 й.дан), «Меҳнат» («Халқаро сиёсат», дународна политика» («Халқаро сиёсат», серб, рус, инглиз, француз, немис ва испан тилларида 2 ҳафтада чиқадиган жур., 1950 й.дан), «Международни проблеми» («Халқаро масалалар», серб тилида ҳар чоракда чиқадиган жур., 1949 й.дан), «Экономски политика» («Иқтисодий сиёсат», серб тилида чиқадиган ҳафталик жур., 1952 й.дан). Радиоэшиттириш 1926 й.дан, телекўрсатув 1958 й.дан олиб борилади.

Ўзбекистон — С. ва Ч. муносабатлари. 1999—2001 й.ларда Ўзр билан С. ва Ч. ўртасида фаол иқтисодий ҳамкорлик амалга оширилди. 2002 й.да икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси 1,8 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзр дан рангли металлар ва улардан тайёрланган буюмлар, механика асбоб-ускуналари, ип газлама ва калава ип, хизматлар экспорт

Белград шаҳри.

қилинди. С. ва Ч. дан тош ва гипс, доридармон, мебель, керамика маҳсулотлари, транспорт воситалари ва б. келтирилди. Ўзр да С. ва Ч. инвесторлари иштирокидаги 14 қўшма корхона ва серб сармояси 100% бўлган 4 та корхона рўйхатга олинган. Жумладан, С. ва Ч.нинг ташқи савдо фаолияти б-н шуғулланувчи «Прогресс», қ.х. хом ашёсини қайта ишлаш ва сотишга ихтисослашган «Компания БК», саноат ва фуқаро объектлари меъморлиги, дизайни, лойиҳалаш ва қуриш ишлари комплексини амалга оширувчи «Энерго-проект холдинг» фирмаларининг ваколатхоналари фаолият юритади.

Ўзр да 2 қўшма корхона — енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Гама—Қамалак» ва ташқи савдо б-н шуғулланувчи «МНМ» барпо этилган. 2003 й. сент.дан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиация компанияси б-н С. ва Ч. нинг авиация компанияси ўртасида тузилган битимга мувофиқ, ўзбек авиакомпаниясининг «Тошкент—Белград—Нью-Йорк» маршрути бўйлаб ҳафтасига 2 марта бориб келадиган тижорат рейслари амалга оширилмоқда.

СЕРБЛАР (ўзларини серб деб аташади) — халқ. Сербия ва Черногориянинг асосий аҳолиси. Умумий сони 10,16 млн. киши, жумладан, Сербияда 6,7 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Серб-хорват тилида сўзлашади. Этногенезига кўра, хорватларга яқин. Уларнинг аждодлари мил. 6—7-а.ларда Болқон я.о.га келиб илирий ва фракий аҳоли б-н аралашган жан. славян қабилаларидир. С. 12-а.да халқ сифатида шаклланган. Сербия 14-а. охирида турклар томонидан босиб олингач, кўпчилик С. мамлакат шим.га кўчиб кета бошлаган. 1878 й.да Сербия тўла мустақилликка эришган. Дин-

Серблар анъанавий кийимда.

дорлари — православлар, католик ва протестантлар, сунний мусулмонлар ҳам бор. С. деҳқончилик, боғдорчилик, узумчилик, чорвачилик, балиқ овлаш, ҳунармандчилик ва овчилик б-н шуғулланади.

СЕРБ-ХОРВАТ ТИЛИ — жан. славян тилларидан бири; айрим олинган халққа нисбатан хорват тили ёки серб тили деб қўлланиши мумкин. Сербия, Хорватия, Черногория, Босния-Герцеговинада, шунингдек, Америка ва Австралияда тарқалган. Сўзлашувчилар сони 17 млн. кишидан ортиқ. Бу тилнинг, асосан, 3 лаҳжаси бор: штокав, чакав, кайкав; улар орасидаги тафовутлар славянларда ҳали ёзув бўлмаган даврда пайдо бўлган.

С.-х.т.нинг унлилар тизими чўзиқ ва қисқа унлиларнинг мавжудлиги, унлилар сифатининг ургули ҳамда ургусиз ҳолатларда ўзгармаслиги, бўғин ҳосил қилувчи р товушининг борлиги б-н ажралиб туради. 25 та ундошдан 20 таси қаттиқ, 5 таси юмшоқ хусусиятга эга. Исмлар (от, сифат, сон, олмош) келишик б-н турланади, феъл замонлари мураккаб тусланиш шаклларига эга; тусланадиган ва тусланмайдиган феъллар мавжуд. Гапда сўз таркиби эркин. С.-х.т.нинг луғат бойлигида умумслав-ян сўзлар б-н бирга итальян, румин, юнон, турк, араб, форс тиллардан ўзлашган сўзлар ҳам анчагина.

Ҳоз. адабий С.-х.т. 19-а.нинг 1-ярмида штокав лаҳжаси асосида яратилган. Адабий тилда кўплаб фонетик, морфологик ва лексик вариантлар учрайди. Адабий тил ҳудудий миллий хусусиятларнинг мажмуи сифатида яшаса ҳам, унда хорватча унсурлар ўзининг бар-қарорлиги б-н ажралиб туради.

Глаголица ва кириллицада битилган энг қад. ёдгорликлар 12-а.га мансуб. С.-х.т. да лотин ва кирилл графикалари асосидаги 2 алифбо тенг даражада қўлланади.

СЕРВАНТЕС Сааведра (Cervantes Saavedra) Мигель де (1547, 9.10, Алькаладе-Энарес — 1616.23.4, Мадрид) — испан ёзувчиси. Иезуитларнинг Вальядолида ш.даги коллегиясида (1557—61), кейин Мадрилда таҳсил кўрган. Папа муридлари б-н бирга 1569 й.да Италияга борган. Европа флотининг Лепанто яқи-нида туркларга қарши олиб борган жангида (1571 й. 7 окт.) яраланган; ватанига қайтишда (1575) денгиз қароқчилари қўлига тушиб, Жазоирда 5 й. асирликда яшаган.

С. 1585 й. Мадрилда нашр этилган «Галатея» романи б-н танилган. Шундан кейин у гарчанд 20—30 та пьеса ёзган бўлса-да, бу асарлар изсиз кетган. Қалам ҳақи эвазига турмуш тебрата олмаган С. 1587 й.да Севильяга кўчиб бориб, 1603 й.гача дастлаб ҳарбий, кейин олий фуқаро сифатида хизмат қилган. Испаниянинг энг йирик портларида яшаш ва турли табақадаги кишилар б-н мулоқотда бўлиш унинг сўнгги давр ижодига катта таъсир ўтказган. 1602 й. Севилья қамоқхонасида бошлаган «Дон Кихот» романи (1-қисми) нашр этилиши б-ноқ (1603) С. Европа миқёсида машҳур бўлиб кетади. Романнинг катта шовшув қозонганига ҳавас ва ҳасад қилган А. Фернандес де Авельянеда тахаллуси қаламкаш 1614 й.да «Дон Кихот»нинг сохта давомини ёзиб, нашр этади. Бундан газабланган С. 1615 й.да романнинг ҳақиқий давоми — 2-қисмини эълон қилади. С. «Дон Кихот»нинг ҳар иккала қисми орасида «Пандиома ҳикоялар» (1613) ва «Парнасга саёҳат» достони (1614)ни ёзган. «Персилес ва Сихизмундаанинг саргузаштлари» (1617 й. нашр этилган) романи эса С.нинг хас-талик пайтида ёзиб тугатган сўнгги асаридир. Умрининг ақсар қисми хорлик ва зорликда кечган С. ўлими олдида роҳибликка ўтган.

С.нинг адабий меросида ҳажвий ва ишқий шеърлар, ишқий қаҳрамонлик ва ҳаётий-маиший мавзудаги драма ва комедиялар ҳамда кўплаб ҳикоялар мавжуд. Бу асарларга хос энг муҳим ҳолат ва вазиятлар, ният ва ғоялар «Дон Кихот»да ўзининг ёрқин бадиий тажассумини топган. Асардаги тақдир б-н муроса қила олмайдиган, ҳар қандай адолатсизликка қарши курашга шай бўлган қаҳрамон образи ўз илдизлари б-н 16-а.даги испан «янги рицарь романлари», шунингдек, Италиядаги Уйғониш даври достонлари ва чўпонлар ҳақидаги кўплаб ҳикояларга бориб тақалади. Аммо С. бу асарларга хос қаҳрамон образини яратиш анъаналарини давом эттиришни эмас, балки ўзи яшаган даврда кенг тарқалган «янги рицарь романлари» устидан кулишни, уларга пародия қилишни ўзига мақсад қилиб олган. Айни пайтда С. воқеликка реалист ёзувчи сифатида ёндашиб, инсонпарварлик ғояларини тараннум қилган.

«Дон Кихот» 19—20-а.ларга келиб оламшумул шуҳрат қозонди. Худди шу даврларда асарнинг трагикомик ва умуминсоний аҳамияти илк бор кашф этилди; унда тасвирланган идеал ва реал ҳодисалар, сохта қаҳрамонлик б-н ҳақиқий жасорат, орзу-армон б-н реал воқелик ўртасидаги кескин фарқ шу асрларда кечган ижтимоий пўртаналар ва ҳаётий вазиятлардаги таназзул моҳиятини ўзида ифодалаш қудратига эга бўлди. Ушбу роман асосида жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида саҳна (опера, балет, драма), кино (кинофильм, телесериал), мусиқа (фантастик вариациялар) ва тасвирий санъат (ҳайкал ва б.) асарлари яратилган.

Ас.: Дон Кихотнинг саргузаштлари, Т., 1990.

Ад.: Франк Б., Сервантес, М., 1960; Диес—Плаха Г., От Сервантеса до наших дней, М., 1981.

Наим Каримов.

«СЕРВЕЙЕР» (инг. surveyor — изланувчи, тадқиқотчи) — АҚШнинг Ойга учириладиган автоматик ст-ялар ва шу ст-яларни яратиш ҳамда учириш дастури номи. Ст-янинг диаметри 4,27 м, бал. 3 м. «С.»нинг Ердаги массаси 1 т, Ойга қўнгандан кейинги массаси 285 кг. Автоматик бошқариш системаси Ойга қўндириш учун мўлжалланган ракета двигатели б-н таъминланган. Бортига и.т. асбоблари, Ой сиртини кузатиш учун телевизион камера ўрнатилган. Қуёш батареясидан электр энергия олади. Ст-янинг асосий вазифаси — «Аполлон» космик кемасини яратишнинг илмий ва техник масалаларини ҳал қилиш б-н боғлиқ; унда бажарилган тадқиқотлар: Ой тупроғи таҳлил қилинди, қўниш пайтида суюқ ёнилғили ракета двигателидан чиқадиган ёнилғи маҳсулотлари оқими Ой тупроғига таъсири ўрганилди ҳамда юмшоқ қўндириш тизими синовдан ўтказилди. 1966—1968 й.ларда 7 та «С.» учирилган.

СЕРВИС (инг. service — хизмат) — жисмоний ва юридик шахсларга, умуман кенг аҳолига хизмат кўрсатиш; и.ч.-техника мақсадларидаги маҳсулотларни, маданий-маиший, хўжалик ва б. саноат маҳсулотларини сотиш ҳамда уларни ишлатиш б-н боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш соҳалари. С. техника воситалари, маиший-рўзғор аппаратураси, коммунал техникани созлаш ва таъмирлашга нисбатан ҳам қўлланади. С.нинг қуйидаги турлари мавжуд: сотувга қадар ва сотувдан кейин С. (кафолатли, кафолатдан кейинги). Сотувга қадар С. маҳсулотларни ташиш вақтида содир бўлган нуқсонларни бартараф этиш, товарни иш ҳолатига келтириш, товарнинг ишлашини харидорларга намойиш этиш ва б.ни қамрайди. Сотувдан кейинги (кафолатли) С. товарнинг норматив-техник ҳужжатида ёки шартномада шартлашилган муддатларда юз берган нуқсонларини ўз вақтида бартараф этишдан иборат. Бунга харидорни буюмни ишлатиш қоидалари б-н дастлабки таништиришни киритиш мумкин. Кафолатли С. хизмати харажатлари сотиш нархига киритилгани учун бундай хизматлар текинга кўрсатилади. Кафолат муддати ўтгандан сўнг С. созлаш ва зарур қисмлар б-н таъминлаш, буюмдан фойдаланиш бўйича маслаҳат бериш ва б., одатда, шартнома асосида ҳақ олиб амалга оширилади.

СЕРВОМЕХАНИЗМ (лот. servus — хизматкор, қул ва *механизм*) — автоматик ростлаш тизимларида қўшимча манба энергияси ҳисобига бирламчи ҳаракатнинг механик энергиясини кучайтириб берадиган қурилма. С.нш қисми ва бошқариш қурилмасидан иборат. Кичик энергияли бирламчи ҳаракат С.нинг бошқариш қурилмаси — золотник *а* ни силжитади, иш қисми — гидравлик цилиндр *б* (сервомотор) ташқи (қўшимча) энергия истеъмол қилгани учун С. бирламчи ҳаракатни кучайтириб такрорлайди. С.ни ишлатиш



Сервомеханизм. Двигателдаги сервомеханизм схемаси: *а* — золотник, *б* — гидравлик цилиндр (сервомотор); *в* — поршень; *г* — ричагли механизм.

учун двигателнинг киритиш тизимидаги сийраклашиш (вакуум С.), ҳаво босими (пневматик С.) ва мой босимидан (гидравлик С.) фойдаланилади. С. бошқариш тизимларида, автомобиль, трактор ва танкларнинг тишлашиш муфтаси, узатмалар қутиси, руль бошқармаси ҳамда тормозларида қўлланилади.

СЕРГЕЛИ, сирғали — ўзбек ва қозоқ халқи таркибига кирган қабилалар уюшмаси. *Катта жуз* таркибига кирган. Сларнинг бир қисми Зарафшон воҳаси қипчоқлари ва Жиззах вилояти юзларининг таркибига майда уруғ сифатида қўшилганлар. Тошкент уезданинг Еттикент, Оқжар, Зангиота, Қўшқўрғон, Ниёзбек волостлари ва Тошкент воҳасида Слар 1074 хонадон (8125 киши)ни ташкил этган (1920 йда ўтказилган аҳоли рўйхатига кўра). 19-а. ва 20-а. бошларида Қозиқурт, Қаржов, Чимён тоғларининг этакларида, Бодом, Келес, Чирчиқ, Оқсоқота дарёлари воҳаларида яшаган. Слар таркибида 12 қабила (бойжигит, шалдар, ботир, жайдақ, қайчили, қоракунгирдак, оққунгирдак, қароботир, тутамғали, элибой, жанабой, айтбўзим) мавжуд бўлган. Бу қабилалар, ўз навбатида, бир қанча майда уруғларга бўлинган. Сларнинг ўз тамғаси ва уроши (сурони) мавжуд бўлган. Улар этногенезига кўра, дўғлат, уйсун қабилалари б-н қардош ҳисобланади. Слар, асосан, ярим кўчманчи чорвачилик, қисман деҳқончилик, ҳунармандчилик (алача, шол тўқиш, кигиз босиш) б-н шуғулланган. Сларнинг авлодлари Тошкент вилоятининг Янгийўл, Юқори Чирчиқ туманларида ва Чимкент вилоятида яшаб келмоқда. Айрим туманлар топонимида Слар таркибидаги уруғ номлари сақланиб қолган. Тошкент ш.даги туманлардан бири С. деб аталади.

Ад.: Шониёзов К. Ш., Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни, Т., 2001.

СЕРГИЕВ ПОСАД (1925—30 й.ларда Сергиев, 1930—91 й.ларда Загорск) — РФ Москва вилоятидаги шаҳар (1925 й.дан). Москвадан 70 км шим.-шарқдаги т.й. станцияси. Аҳолиси 112,4 минг киши (1998). Троица Сергиев монастири ёнидаги қишлоқ ва слободалар (1340 й.дан маълум; 1744 й.дан Троица Сергиев лавраси) 1782 й.дан бирлашди. Машинасозлик, «Автоспецоборудование», электромеханика, лок-бўёқ, оптика-механика, қурилиш материаллари, кимё з-длари, трикотаж ва мебель ф-каларн бор. Ўйинчоқлар ишлаб чиқарилади. Зотли товуқлар боқилади. Зоотехника, кино, ўйинчоқлар бадиий-саноат ўрта махсус билим юртлари, ўйинчоқ музейи мавжуд. Лавра ҳудудида Москва Диний академияси ва семинарияси, Введенская ва Пятницкая посад черковлари (16-а.), Питницкий қудуги (17—18-а.лар) бор.

СЕРДОЛИК (юн. sardonyx), карнеол — минерал, *халцедон*нинг бир тури. Рангги пушти, қўнғир-қизил ва сариқ. Рангги Fe гидрооксиди сорбциясига боғлиқ. Қаттиқлиги 7; зичлиги 2,5—2,8 г/см³. Синиши чиғаноқсимон. Кўпинча яхлит массалар, донадор агрегатлар, конкрециялар кўринишида учрайди. Агатнинг оч қизил ёки қизил-сариқ ва оқиш ранг қатламли кўринишини ҳам сердоликли оникс деб атайдилар. С. ва сердоликли оникс табиатда кенг тарқалган ва безак тоши сифатида мил. ав.дан Миср, Бобил ва б. жойларда ишлатилиб келинган. Конлари Ҳиндистон, Бразилия, Уругвай, Қрим я.о. ва б. жойларда бор.

СЕРДЮКОВ Иосиф Ильич (1906. 10.10, Белгород вилояти Вейделвка тумани — 1973, Тошкент) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси. Тошкентдаги мевани қайта ишлаш з-дида ишлаган. 1942 й.дан 99-алоҳида сапёрлар батальонининг сапёри. 1943 й. 15 окт. да Днепр дарёсини кечиб ўтаётганда биринчи бўлиб ўнг соҳилга чиққан; 16 окт.га ўтар кечаси дарёни 7 марта кечиб ўтган. 1943 й. 30 окт.да Қаҳрамон унвони берилган. 1946 й.дан Тошкентда ишлаган, маъмурий-хўжалик лавозимларида ишлаган.

СЕРЕНАДА (итал. sera — оқшом сўзидан) — 1) Европада эшик ёки дераза ортида туриб маъшуқага бўлган ҳисларни ифодаловчи ишқий қўшиқ. Италияда пайдо бўлиб (16-а.), жан. роман халқлари орасида кенг тарқалган. Ке-йинроқ камер вокал мусиқа жанрига айланган ва операда ҳам қўлланилган (М. Глинканинг «Болеро» романси, В. Моцартнинг «Дон Жуан» операсидаги С. ва б.); 2) С. қўшиқларининг ўзига хос томонларини ифодаловчи чолғу пьеса; 3) 17—18-а.ларда чолғу ансамблари учун яратилган туркум асарлар; 4) 17—18-а.ларда тантанавор йиғинлар учун ёзилган асар (кўпинча яккахонлар учун кантата кўринишида бўлган).

СЕРЕР — Сенегал (1,32 млн. киши, 1990-й.лар ўрталари) ва Гамбия (10 минг кишидан ортиқ) даги халқ. Серер тилида сўзлашади. Анъанавий эътиқодлар сақланган. С. деҳқончилик, чорвачилик б-н шуғулланади.

СЕРЖАНТ (лот. serviens — хизматчи) — кўпгина хорижий давлатлар қуролли кучларида кичик командирларга бериладиган ҳарбий унвон ҳамда шу унвонга эга бўлган киши. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳамда Ички ишлар вазирлиги муассаса ва қўшинларида кичик С., С., катта С. унвонлари мавжуд.

СЕРЖИПИ — Бразилиянинг шим.-шарқий қисмидаги штат. Майд. 22 минг км². Аҳолиси 1,7 млн. киши (2000). Маъмурий маркази — Аракажу ш. Бразилия иссиқлигининг шарқий ён бағир-

ларида жойлашган, шарқий қисми Атлантика бўйи пасттекислигидан иборат. Иқлими тропик, пассатли, қуруқ иқлим. Ўртача т-раси январда 27°, июлда 24°. Йиллик ёғин 600—1000 мм. Йирик дарёси — Сан-Франсиску. Ғарбида саванна ва сийрак ўрмонлар бор. Хўжалигининг етакчи тармоғи — қ.х. Соҳил бўйида шакарқамиш, апельсин, тамаки, маниок, маккажўхори, дуккакли экинлар, шоли, қўрғоқчил Бразилия ясеногулигида пахта экилади. Қорамол боқилади. Кокос ёнғоғи йиғилади. Ип газлама, пахта тозалаш, озиқ-овқат, кўн-пойабзал саноати корхоналари бор. Асосий порти — Аракажу.

СЕРЖУН ЭЧКИ ЗОТИ — бир хил толалардан иборат ярим майин жун берадиган эчки зоти. 1937—62 йилларда Ўрта Осиёда маҳаллий дағал жунли эчкиларни ангор зоти такалари б-н такрорий чатиштириш усули орқали чиқарилган. Тана тузилиши чоғроқ. Такалари ўртача 55—56 кг, эчкилари 38—40 кг келади. Қирқиб олинадиган жун чиқими такаларидан 3—4 кг, эчкиларидан 1,2—2 кг. 4—5 ой эмизиш даврида эчкилари 120 кг гача сут беради.

Сержун эчки зоти.

Жуни ангор типида, ярим майин, оқ, товламувчан, уз. 18—22 см. Тоза жун чиқими 75—80%. С.э.т. баланд тоғ ва дашт яйловларида йил давомида боқишга мослашган. Уни такомиллаштириш бўйича наслчилик ишлари давом этмоқда (2004). Бу эчки зотидан маҳаллий дағал жунли эчкиларнинг жун сифатини яхшилашда фойдаланилади. Ўзбекистон (Наманган, Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари), Тожикистон (Суғд вилояти), Қирғизистон (Ўш, Жалолобод вилоятлари), Қозоғистон (Семипалатинск вилояти), Шим. Кавказ ва б. жойларда боқилади.

Ад.: Воробьев П. А. и др., Овцеводство, козоводство и технология производства шерсти и мяса, М., 1988.

СЕРИН, α-амино - β-оксипропион кислота, $HOCH_2$—$CH(NH_2)COOH$ — табиий аминокислота. Мол.м. 105,10. Сувда эрийди, спирт ва эфирда эримайди. С.ни немис кимёгари Э. Кремер 1865 й.да ипак елимидан ажратиб олган. 2 оптик фаол: *L* ва *D* ҳамда рацемик — *DL*. Ипакда бўлади. *L*-С барча оқсиллар таркибида, ипак фибрионида (16% гача) ва елимида (40% гача) аниқса кўп. Организмда аминосланиб пироузум кислотага айланади. С. — алмашинадиган аминокислота. Синтез йўли б-н олиш мумкин. С. биологик мембраналар ва нерв тўқимаси бўладиган серинфосфатидлар таркибий қисми ҳисобланади. Азосерин ва циклосерин каби антибиотиклар С.нинг ҳосилаларидир. С. одам ва ҳайвон организмида моддалар алмашинувида муҳим аҳамиятга эга.

СЕРИЦИТ (лот. sericus — ипаксимон) — минерал, оқ слюдалар синфига мансуб мусковитнинг майда тангачасимон тури. Кимёвий формуласи $KAl_2[AlSi_3O_{10}](OH)_2$. Таркибида K_2O нинг камлиги ҳамда SiO_2, MgO, H_2O кўплиги б-н тавсифланади. Метаморфик сланецларда ва кўпчилик алюмосиликатларнинг нураш маҳсулотларида плагиокласлар, ишқорли дала шпатлари, лейцитлар, нефелинларнинг кристалларида аралашма кўринишида учрайди. Гидротермал ўзгарган отқинди ва метаморфик тоғ жинсларида иккиламчи минерал сифатида кенг тарқалган. Яна қ. *Серицитланиш*.

СЕРИЦИТЛАНИШ — серицитнинг паст т-рали гидротермал эритмалар таъсирида плагиоклаз ва б. минераллар ўрнини эгаллаш жараёни. Бунда серицит кўпинча юпқа дисперсланган калийли гидрослюдалар ва иллитлар кўринишида ҳосил бўлади. Бу ўзгаришлар бирламчи (айниқса, дала шпати) ва иккиламчи (андалузит, хлорит ва б.) алюмосиликатли минералларда кўпроқ ривожланади. Гидротермал С. кварцланиш ва пиритланиш б-н бирга намоён бўлиб, мис, рух, қўрғошин, кумуш, симоб каби сульфидли, баъзан нодула фойдали қазилмалар б-н чамбарчас боғлиқ. Березит, лиственит, пропилит, кварцит, грейзен каби нордон ва ўрта жинсларда ўзгаришлар учун хос.

СЕРИЯ (лот. series — бир қанча) — 1) бир жинсли ёки умумий белгили нарсалар гуруҳи, туркуми (мас., илмий-оммабоп адабиётлар С.си); 2) қимматбаҳо қоғозларнинг (мас., облигациялар С.си), ҳужжатларнинг (мас., паспорт С.си) қамлар ёки ҳарфлар б-н ифодаланадиган разряди, категорияси; 3) фильмнинг мустақил намойиш этиладиган қисми.

СЕРИЯ (геологияда) — маҳаллий ёки регионал стратиграфик шкала бўлимининг геологик свиталарга нисбатан йирик таксонометрик бирлиги. С. 2 ва ундан кўп *свиталарни* бирлаштиради; қуйидаги белгилар: тоғ жинсларининг ҳосил бўлиш шароитининг ўхшашлиги (денуд., континентал, вулканик ва б.), баъзи бир жинсларнинг устунлиги (чўкинди, метаморфик, вулканик), структурасининг ўзига хослиги (минерал зарраларни бир маромда жойлашиши ва б.) кабилар б-н свиталардан фарқ қилади. С.нинг геологик кесимидаги свиталарнинг ётиш шароити ва нисбати турли кўринишда бўлади. С. ҳажми бўйича ягона шкаланинг геологик бўлимига мувофиқ келиши мумкин. С.лар кўпинча бир-бири б-н ширик стратиграфик бўлим орқали жараёни ёки катта бўрчак остида номувофиқ ётади. С.нинг одатда стратотипи бўлмайди. Ҳажми уни ташкил этган свиталар ҳажми йиғиндисига тенг. С. географик жой номи б-н аталади. Мас., Ашина С.си (Урал рифейида), Аравалли С.си (Ҳиндистондаги Аравалли тоғ тизмаси номидан), Ватерберг С.си (Жан. Африкадаги Ватерберг р-ни) ва ҳ.к. Фарғона ботиғида қалинлиги 1030—1220 м ли массагет ва бақтрия С.лари ажратилади. Хоразмда С. (serie) геологик бўлимни ифодалайди.

СЕРКАЛИСОЙ (Теракисой) — Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги сой. Оқбулоқ дарёсининг ўнг ирмоғи. Унга чап қирғоқдан (бошланишидан 7,4 км да) қуйилади. Уз. 35 км, ҳавзасининг майд. 440 км². Чатқол тизмасининг шим.-ғарбий ён бағридан бошланади. Бошланишидан Зимноисой, қуйилиш жойигача Теракисой деб аталади. Асосан, қордан, қисман ёмғирдан тўйинади.

Ўртача кўп йиллик сув сарфи қуйилишда 8,05 м³/сек., оқим модули 17,9 л/сек. км². Ўртача кўп йиллик сув сарфи 12 м³/сек.дан (серсув йилда) 6,66 м³/сек. гача (кам сувли йилда) ўзгаради. Сувининг суткалик энг кўп сарфи майда, баъзида апр.да кузатилади. Март ойидан июль охиригача серсув бўлади, баъзан тошади. Тошқин даврида суткалик энг кўп сув сарфи 10—20 марта кўп бўлиши мумкин. Қиш совуқ келганда сувнинг қирғоққа яқин жойларини музлайди ва сув юзида майда муз парчаларининг оқиши кузатилади.

СЕРОВ Валентин Александрович [1865.7(19).1, Петербург — 1911. 22.11(5.12), Москва] — рус рассоми, рангтасвирда реализмнинг йирик намояндаси. Петербург БА да таҳсил кўрган (1880—85). С. ижодига И.Е.*Репин* (ёшлигида ундан таълим олган) ҳамда рассомларнинг Россия ва Ғарбий Европа музейларида кўрган асарлари кучли таъсир кўрсатган. Илк асарларидаёқ нур ва рангни ишлаши, мураккаб ракурслар уйғунлигини бериши, ҳаво б-н тўйинган муҳит (олам) ни тасвирий жозибаси б-н акс эттириши

В.А. Серов. «Шафтоли тутган қиз» (1887).

диққатга сазовор («Шафтоли тутган қиз», 1887; «Офтобда турган қиз», 1888, иккаласи ҳам Третьяков галереясида ва б.), 1890 й.дан портрет жанри С. ижодида асосий ўрин тутади, кишиларнинг ўткир руҳий ҳолатини бериш олдинга чиқди, артист, рассом, ёзувчилар унинг севимли *моделига* айланадис «А. Мазини» (1890), «К.А. Коровин» (1891), «И.И.Левитан» (1893), «Н.А. Римский—Корсаков» (1898), «М. Морозов» (1902), «М. Н. Ермолова» (1905) ва б. Давр руҳини, қаҳрамонлар вазифасини беришда ранг туслариии маҳорат б-н қўллайди («Петр I», темпера, 1907 ва б.). Қад мифология мавзуларида ҳам асарлар яратган. С.нинг энг яхши асарлари рус реалистик санъатининг чўққисидир.

СЕРОВ (1934 й.гача ва 1937—39 йилларда Надеждинск, 1934—37 й.ларда Кабаковск) — РФ Свердловск вилоятидаги шаҳар (1926 й.дан). Қаква дарёси соҳилида. Т.й. тугуни. Аҳолиси 100,4 минг киши (1998). Уралдаги металлургия саноати марказларидан бири. Қора металлургия, ёғочсозлик ва б. саноат корхоналари, темир-бетон буюмлари, таъмирлаш-механика з-длари бор. Сеpов нассиқлик электр ст-яси ишлаб турибди. Бир неча ўрта махсус билим юрти, Урал политехника ин-ти филиали, драма театри, ўлкашунослик музейи мавжуд. Шаҳар 1894 й.да Сибирь т.й. магистрали учун рельслар ишлаб чиқарадиган з-д барпо этилиши муносабати б-н бунёд этилган. Қаҳшш муносабати б-н бунёд этилган. Қаҳрамон учувчи А.К.Серов (1910—39) номи б-н аталган.

СЕРОДИАГНОСТИКА (лот. serum — *зардоб* ва *диагностика*) — қон зардобини текшириш йўли б-н касалликни аниқлаш усули. С., антиген ва унга гомологик антителоларнинг ўзаро таъсирлашуви натижасида юзага келадиган серологик реакция натижаларига асосланган (қ. *Иммунодиагностика*).

СЕРОЗ ПАРДА — одам ва ҳайвон танаси бўшлиғи ва ички аъзоларини ўраб турадиган парда. Ўрнига қараб қорин пардаси, плевра, перикард, эпикард деб номланади. Мезодерма ҳосилалари — спланхнотомадан ривожланади. С.п. ички аъзолар ҳаракатини осонлаштиради, ҳимоя функциясини бажарадиган сероз суюқлик ишлаб чиқаради. Одатда, силлиқ, ялтироқ, тиниқ ва эластик С.п. яллигланганда (*перитонит, плеврит*, перикардит) қалинлашади, хира, ғадир-будур бўлиб, функцияси бузилади.

СЕРОЛОГИЯ (лот. serum — *зардоб* ва *...логия*) — *иммунология* фанининг бир бўлими; қон зардобининг иммун хоссаларини ўрганади. Серологик реакциялар агглютинация, пассив гемагглютинация, преципитацияга ва нейтраллаш реакцияси (мас., микробни), гемагглютинациянни тормозлаш реакциясига бўлинади. Бир қанча «оддий» реакциялардан мураккаб серологик реакциялар: *бактериолиз*, комплемент боғлаш реакцияси вужудга келади. Микроорганизм-ларнинг ҳаракатчан турларини аниқлаш (мас., захмда рангсиз трепонемаларни иммобилизация қилиш реакцияси), серологик реакцияларнинг алоҳида турлари. Серологик реакциялар инфекцион ва ноинфекцион иммунологияда илмий ва диагностика (қ. *Серодиагностика*) мақсадида қўлланади. Улардан қон қуймашда, қон группасини, оқсилларнинг индивидуал ва ўзига хос хусусиятларини аниқлашда фойдаланилади. Иммун ва диагностик зардобларни олиш, уларнинг фаоллигини аниқлаш ҳамда таъсир этиш механизмини ўрганиш усулларини ишлаб чиқиш С.нинг асосий вазифасидир.

СЕРОПРОФИЛАКТИКА (лот. serum — *зардоб* ва *профилактика*) — юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида организмга нормал ва иммун зардоблар юбориш усули. Бунда 1—4 ҳафта давом этадиган пассив *иммунитет* ҳосил бўлади. Тиббиёт амалиётида С. учун *гамма-глобулин* кенг қўлланилади. С. эпидемик касалликлар (мас., қизамиқ, кўкйўтал)га чалинган беморлар б-н мулоқотда бўлганлар, шикастланганда (қоқилоқнинг олдини олиш учун), ҳайвонлар тишлаганда (қутуришнинг олдини олиш учун) ва ҳ.к.да ўтказилади. Инфекцион *гепатитга* қарши курашишда режали С. олиб борилади (яна қ. *Иммунопрофилактика, Иммун зардоблар*).

СЕРОТЕРАПИЯ (лот. serum — *зардоб* ва *терапия*) — касалликларни нормал ва *иммун зардоблар* ёрдамида даволаш усули. С.да даво организмда пассив иммунитет ҳосил қилиш — зардоб таркибидаги *антителолар* ёрдамида микроблар (токсинлар)ни зарарсизлантиришга асосланади. Зардобдар ҳайвонларни (кўпроқ отларни) *иммунлаш* йўли б-н олинади. Шунингдек, С.га тозаланган ва концентрланган гетероген (иммунланган ҳайвон зардобидан олинган) ва гомологик (иммунланган ёки касалланиб, соғайган одам зардобидан олинган) *гамма-глобулинлардан* ҳам фойдаланилади. Иммун зардоблар дифтерия, ботулизм, шунингдек, илон, ари, баъзи ҳашаротлар чаққанда, гамма-глобулин грипп, қуйдирги ва б. юқумли касалликларни даволашда қўлланади. С. асоратларининг олдини олиш учун зардобни юборишдан олдин (15—30 дақиқа, баъзан 1—2 кун илгари), унинг озроқ миқдорн юборнб кўрилади (яна қ. *Иммунотерапия*).

СЕРОТОНИН, 5-окси - 3-β-аминоэтилиндол, 5-окситриптамин, $C_{10}H_{12}N_2O$ — биологик фаол модда. Мол.м. 176,21. Одам ва ҳайвонлар қони ҳамда тўқималарида бор. С. периферик нерв марказлари медиатори ҳамдир. Илк бор 1947 й.да буқа зардобидан ажратиб олинган. С.бўшлиқчилар, моллюскалар, бўғимоёқлилар, сувда ва қуруқда яшовчиларнинг захарида, шунингдек, ўсимликларда учрайди. С организмда *триптофан* аминокислоталаридан синтезланади. Тўқималарда С. 5-оксиндолэтансирка кислотага айланиб, организмдан буйрак орқали ажралади. С. томирларни торайтиради, марказий нерв системаси ҳамда ҳазм қилиш, ажратиш, эндокрин системалар фаолиятининг *гуморал регуляциясида* муҳим роль ўйнайди. Қонда (асосан, тромбоцитларда) 0,02—0,6 мг/л С. бор. С. алмашинувининг бузилиши миокард инфаркти, ярa касалликлари ва баъзи руҳий касалликларга сабаб бўлади.

СЕРПЕНТИН (лот. serpens — илон) — қат-қатли силикатлар кичик синфига мансуб минерал. С.нинг морфологияси ва кристалл панжараси б-н фарқланувчи 3 асосий тури бор: антигорит (варақсимон), кризотил (толали) ва лизардит (массив). Кимёвий формуласи $Mg_6[Si_4O_{10}](OH)_8$. MgO 43%, SiO_2 44,1%, H_2O 12,9%. Қўшимча сифатида FeO, Fe_2O_3 ва NiO учрайди. Қаттиқлиги 2,5—3, зичлиги 2550 кг/м³. Қўшимчаларига қараб ранги оқ, сариқ, яшил, яшилсимон кўк бўлади, баъзи С.ларнинг ранги илон терисини эслатади (номи ҳам шундан). С. гуруҳидаги ми-

нераллар серпентинитнинг асосий компоненти ҳисобланади. С.нинг ўзига хос хусусиятлари — юмшоқлиги, қовушқоқлиги, синиш юзасининг ёғсимон ялтироқлиги, сирпаниш ойнасининг мавжудлигидир. С.дан хўжаликнинг турли соҳаларида, хусусан, термал ва электроизоляцияда ҳамда ўтга чидамли кийим-кечаклар тайёрлашда фойдаланади.

СЕРПЕНТИНИТ — ўта асосли тоғ жинси, доғли ва йўл-йўлли тузилишга эга. Бу хусусияти б-н илон терисини эслатади. Шунинг учун офиолитлар (офис — илон) деб ҳам аталади. Осон ишлов берилиши сабабли улардан безак буюмлар ва тақинчоқлар, қора металлургия учун оловбардош ғиштлар тайёрланади. С., асосан, толали хризотил, варақли антигорит ва массив лизардитдан иборат. Доимо карбонат ва магнетит қўшимчаларига эга. Кам миқдорда тальк, актинолит, тремолит, брусит, хлорит, кварц, халцедон ва б. минераллар учрайди. С.даги минераллар сони 70 дан ошади. С. дунит-гарцбургит таркибли ўта асосли жинсларнинг босқичли ўзгариши (серпентинланиш) туфайли вужудга келади. Серпентинланишнинг дастлабки босқичида лизардит, кейинчалик хризотил ва якунида антигорит шаклланади. С. асосида хризотил-асбест, антофиллит, тальк ва б. конлар ҳосил бўлади. С. массивлари Урал, Шим. ва Жан. Кавказ ва Помир, Жан. Фарғона водийси, Жан. ва Шим. Нурота чўқур ер ёриқлари зоналарида, Томдитоғ ва Султон Увайс тоғларида ривожланган. Султон Увайсдаги С. ўзгаришидан йирик Қизилсой, Зенилбулоқ, Қазғантоғ ва тальксимон жинслар ҳамда вермикулит конлари вужудга келган.

СЕРПЕНТИНЛАНИШ — ўта асосли тоғ жинсларининг термал сувли эритмалар таъсирида ўзгариши. Бунда сувсиз магнезиал силикатлар ўрнини серпентин гуруҳига мансуб минераллар эгаллайди. С. натижасида *серпентинит*лар ҳосил бўлади. Т-ра 400—450° дан 90—100° га тенг бўлган оралиқда С. ҳодисаси кузатилади. Метаморфик С. ва метасоматик С. фарқланади. Метаморфик С. офиолитли чуқур минтақалар учун хос бўлиб, регионал метаморфизм жараёнлари б-н узвий боғлиқ ва у бошқа компонентлар миқдори кам даражада ўзгарган ҳолда жинсда H_2O нинг ортиши б-н тавсифланади (бу эса жинснинг дастлабки ҳажмининг ортиб кетишига олиб келади). Метасоматик С. юқори кимёвий агрессив эритмалар б-н боғлиқ бўлиб, жинслардан MgO ва SiO_2 ни (жинс ҳажмининг 30% га яқини) ажратиб чиқаради, лекин бунда жинсларнинг дастлабки ҳажми сақланиб қолади. У маҳаллий жараён бўлиб, унча чуқур бўлмаган гипербазитларнинг интрузивлари учун хосдир. С. кўпгина фойдали қазилмалар (хризотил-асбест конларини топишда дарак берувчи белги ҳисобланади.

СЕРПУЛИДЛАР (*serpulidae*) — куп тукли чувалчанглар оиласи. Уз. 15 см га яқин. Гавдасининг олдинги қисми оҳак най ичида жойланган; унда рангли йирик жабра нурлари дастаси жойлашган. Нурлардан бири оҳак қопқоқчага айланган. Бирор ҳайвон ҳужум қилганида ана шу қопқоқча най оғзини ёпади. С. кўпинча найлари б-н бирбирига ёпишиб яшайди. 500 га яқин тури маълум; барча денгизларда тарқалган. Сувни фильтрлаб озиқланади.

СЕРПУХОВ — РФ Москва вилоятидаги шаҳар. Т.й. станцияси. Ока дарёсидаги пристань. Аҳолиси 136,5 минг киши (1998). Шаҳар 14-а.дан маълум. 1341—1456 й.ларда Серпухов удел князлиги маркази. Тош кремль (16-а. ўрталари) қурилиши б-н Рус давлатининг жан. чегарасидаги муҳим истеҳком. 16—17 а.ларда йирик савдо маркази. 1708 й.дан Москва губерниси таркибида, 1781 й.дан уезд шаҳри. 19-а. ўрталарида Москва губерниясининг энг йирик тўқимачилик маркази. Машинасозлик ва металлсозлик, кимё, тўқимачилик, озиқ-овқат саноатлари корхоналари, электромеханика, чарм з-длари, мебель ва қоғоз фкалари, уйсозлик к-ти бор. Бир неча и. т., ўрта махсус билим юртлари, тарихий-бадиий музей мавжуд.

Меъморий ёдгорликлардан: Кремль деворлари (16-а.) ва Троицк собори (17-а.), Владичний (16—17 а.лар) ва Высоцкий монастирлари (16—17-а.лар) ансамбллари, черковлар (17—18-а.лар), турар жой хос уйлари (18—19-а.лар) сақланиб қолган. С. яқинида — Приокско-Террасний қўриқхонаси фаолият кўрсатади.

СЕРПУШТЛИК — ҳайвонларда ҳар бир тур учун хос бўлган, табиий ўлим ўрнини қоплаш учун зарур бўлган пушт қолдириш хусусияти. С. ҳайвонларнинг турли гуруҳида ҳар хил. Узоқ яшайдиган ва насли ҳақида кўп ғамхўрлик қиладиган ҳайвонлар бир йилда, кўпинча бир неча йилда 1 марта 1—2 талан болалайди. Қисқа умр кўрадиган ҳайвонлар (мас., кемирувчилар) 1 йилда бир неча марта 10—15 талан болалайди. Тухум қўйиб кўпаядиган ҳайвонлар серпуштлиги юқори бўлади. Айрим ҳашаротлар бир неча юз минглаб, ҳатто млн.та, ойбалиқ бирданига 300 млн гача тухум қўяди. С. ҳайвоннинг ёши, йил мавсуми, озиқ хили ва миқдори, иқлим шароити, популяция ичлиги ва б. омиллар таъсирида ўзгариб туради. С.ни ошириш чорвачиликда катта аҳамиятга эга. Яқин қариндошлар ўртасида узоқ вақт давомида ўтказиладиган дурагайлаш серпуштликни камайтиради, ҳатто пуштсизликка олиб келиши мумкин. Кўпинча узоқ формаларни чатиштириш ҳам қисман ёки бутунлай пуштсизликка олиб келади.

СЕРТИФИКАТ (лот. *certum* — аниқ ва *facere* — қилмоқ) — 1) давлат органларининг молиявий мажбурияти, заёми; 2) сугурта С.и — сугурта шартномаси шартларини ифодалайдиган ҳужжат; сугурта полиси ўрнига ўтади; 3) омонат (депозит) С.и — банкка қўйилган омонат суммасини тасдиқловчи қимматбаҳо қоғоз ва белгиланган муддат ўтгач, омонатчи (С. сақловчи)нинг омонат суммасини ва С.дан ҳартланилган фоизларни С. берган банкда ёки унинг бошқа исталган шохобчасида олиш ҳуқуқи; 4) маҳсулот сифатига гувоҳлик берувчи ҳужжат, унда маҳсулотнинг сифати, хусусиятлари, фойдаланишга оид баъзи кўрсатмалар, маҳсулот ишлаб чиқарилган жой ёки фирма номи, шунингдек, маҳсулотнинг хавфсизлиги ва яроқлилигига оид маълумотлар акс этган бўлади. Шунинг учун ҳам кўп ҳолларда сифат С.и деб ҳам аталади.

СЕССИЯ (лот. *sessio* — йиғилиш) — 1) ваколатли органлар (мас., *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси*, вилоят кенгаши), суд, илмий муассаса, жамоат ташкилотларининг йиғилиш ўтказаётган даври. Ваколатли органларнинг С.лари бир йилда неча марта чақирилиши қонун б-н белгиланади. Бундан ташқари навбатдан ташқари, фавқулодда С.лар ҳам чақирилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг 10-моддасига кўра, Қонунчилик палатасининг навбатдаги С.лари, қоида тариқасида, сентябрнинг биринчи иш кунидан бошлаб келгуси йилнинг июнь ойи охирги иш кунига қадар ўтказилади; 2) биржалар фаолиятининг ташкилий шакли. Кун давомида савдо қилиш учун белгиланган қатъий вақт биржа С.лари дейилади. С.лардан олдин ёки кейин тузилган савдо битимлари ҳақиқий ҳисобланмайди ва рўйхатдан ўтказилмайди. Ушбу қоидаларни бузган савдо қатнашчиларига жарима солинади.

СЕССИЯ — олий, ўрта махсус ва касб-ҳунар ўқув юртларида муайян мутахассислик бўйича ўқув режасида белгиланган имтиҳонларни топшириш даври (қ. *Имтиҳон сессияси*).

СЕТАРИОЗЛАР — сут эмизувчиларда учрайдиган инвазион касалликлар. Қорин бўшлиғи, бош ва орқа мия, кўз, қонда паразитлик қиладиган Setaria уругига мансуб нематодаларнинг турли шакллари қўзғатади. Кўпроқ отлар, қорамол, қўй, буғулар касалланади. Оралиқ хўжайинлар — қонсўрар пашша ва чивинлар тарқатади. Касаллик баҳор ва ёзда ҳайвонлар яйловда боқилганда уларга хартумида сетарийларнинг инвазион личинкалари бўлган пашша ва чивинлар ҳужум қилганда пайдо бўлади.

Қўйларда ва буғуларда С.ни қўзғатувчи сетарийлар бош ва орқа мияда тўпланади. Касалланган ҳайвонда айланчиқ касаллиги ва парез пайдо бўлиб, юрганида чайқалади. Ташхис қонда микроб-ларнинг топилишига қараб қўйилади. Давоси ишлаб чиқилмаган.

Олдини олиш: чивинларга қарши репеллентлар (бензимин, оксамат) ёки инсектицидлар (дибром ва б.) қўлланилади.

СЕТОР (форс. — уч торли) —1) Эронда 20-а.гача кенг тарқалган 3 симли торсимон торли-тирнама мусиқа чолғу асбоби; 2) Ўзбекистон ва Тожикистонда *сато*нинг иккинчи номи.

СЕУЛ — Корея Республикасининг пойтахти. Ханган дарёси бўйида, Сариқ денгиз қирғоғидан 100 км ичкарида. Иқлими муссонли иқлим, янв.нинг ўртача т-раси –6,2°, июлники 24,7°. Йиллик ёғин 1200 мм. Аҳолиси 10,6 млн. киши (1998). С. аванпорти — Инчхон б-н биргаликда провинция ҳуқуқига тенглаштирилган алоҳида маъмурий бирлик ва йирик иқтисодий р-нни ташкил этади.

С. илк ўрта асрларда ҳарбий қалъа сифатида вужудга келган. 14-а. охирига қадар кичикроқ савдо шаҳри бўлган. Мамлакатда Ли сулоласи ҳукмда келгач (1392), С. — Корея пойтахти. 1592—93 й.ларда С.ни японлар босиб олиб, вайрон қилган. 1905 й.дан С. Японининг Кореядаги бош резидентининг, 1910 й.дан генерал-губернаторининг, 1948 й.дан Жан. Корея ҳукумати бош қароргоҳи.

С. — транспорт йўлларининг йирик тутуни, дарё порти. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Инчхон ш. билан биргаликда мамлакатда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг деярли 50% ни беради. Электротехника, радиоэлектроника, кимё, тўқимачилик, озиқ-овқат, полиграфия саноати корхоналари мавжуд. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Металлургия саноати ривожланган. Метрополитен бор. Меъморий ёдгорликлардан 3 ярусли мармар Хёнмётхап ибодатхонаси (1085), 8 дарвозали шаҳар девори қолдиқлари (19-а. охиригача С. баланд мудофаа девори бўлган эди), Кёнбоккун сарой мажмуаси (1394), Вонгакс ибодатхона пагодаси (1467) ва б. сақланган. С. — мамлакатнинг маданий маркази: Давлат унлакатнинг маданий маркази: Давлат университети (1946), хусусий ун-тлар, ин-тлар, театр ва хореография ин-тлари, Миллий ФА, илмий тадқиқот ин-тлари, кутубхоналар, музейлар, картиналар галереяси, театрлар бор. 1988 й.да С.да 14-Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтган.

Сеул шаҳри. Осёнёнинг материк қисмидаги энг баланд бино.

СЕУТА — Марокашнинг Ўрта денгиз соҳилидаги шаҳар, Гибралтар бўғозининг шарқий қисмида. Атрофидаги ҳудудлар (20 км²) б-н Испания бошқаруви остида. Аҳолиси 71,5 минг киши (2001). Эркин савдо порти, ташқи савдо ва воситачилик операциялари муҳим аҳамиятга эга. Балиқ овланади. Озиқ-овқат (балиқ консервалаш, ун тортиш) ва парфюмерия-косметика саноатлари ривожланган. Кема таъмирлаш корхоналари бор. Шаҳарга мил. ав. 7-а.да асос солинган. Испаниянинг ҳарбий денгиз базаси.

СЕФЕРИС (Sepheres) (тахаллуси; аслида Сефериадис) Георгос (1900.19.2, Измир ш. — 1971.20.9, Афина) — грек шоири. 1926—62 й.ларда турли мамлакатларда Грециянинг элчиси ва консули бўлиб ишлаган. 2-жаҳон уруши даврида Қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг иштирокчиси. Илк шеърий тўплами — «Строфалар» (1931)да дабдабали ортиқча сўзлардан чекиниб, аниқ ва тежамкор бандлар, мураккаб поғонали қофияларга ва франсуз символистларининг образлилик услубларидан фойдаланган. «Афсоналардаги тарих» (1935), «Тажрибалар китоби» (1940), «1-вахта журнали» (1940), «2-вахта журнали» (1955) шеърий тўпламлари, «Цистерна» достони (1932) ва б. асарларида С.ни эрксевар халқ куйчиси сифатида танитган. Эсселар ҳам ёзган. Нобель мукофоти лауреати (1963).

СЕЧЕНОВ Иван Михайлович [1829.1(13).8, Россия, ҳоз. Нижний-Новгород вилояти, Теплий Стан (Сеченово) қишлоғи —1905.2(15).11, Москва] — рус табииётшуноси, Россияда физиология мактаби ва психологияда табиий-илмий йўналиш ва бош мия рефлекслари тўғрисидаги таълимотнинг асосчиси. Петербург ФА фахрий акад. (1904), мухбир аъзоси (1869). Москва ун-тининг тиббиёт ф-тини тугатган (1856). Петербург хирургия академиясининг физиология кафедрасини бошқарган (1860 й.дан), физиология даб. сини ташкил қилган. Москва ун-ти физиология кафедраси приват-доценти (1889), проф. (1891 й.дан). С. гомеостаз орқали ўз-ўзини бошқариш ҳақидаги фикрни илгари сурди (1861). Бош мия марказларининг ҳаракат активлигига таъсири тўғрисида тажриба ўтказиб, бақа узунчоқ миясини ва кўриш дўмбоқчаларига ош тузи б-н таъсир этилганда оёқларнинг рефлектор йўл б-н ҳаракатланиш реакцияси тўхтаб қолиши сабабларини талқин этади ва психик жараёнларнинг физиологик асосларини очиб беради (1862). С. *доминизм*ни тарғиб қилиб, уни физиология ва психология масалаларига ҳам татбиқ этди. 1890 й.да у психофизиология ва билиш назарияси масалаларига оид муаммоларни ўрганди.

Ас.: Избр. философские и психологические произведения, М., 1947; Избранные произведения, т. 1, М., 1952; Рефлексы головного мозга, М., 1952.

СЕШАНБА — қафтанинг душанбадан кейинги, чоршанбадан олдинги иккинчи куни (қ. *Хафта*).

СЕЯЛКА (рус. сеять — экмоқ), экиш — қ.х. экинлари ва дарахтлар уруғини муайян чуқурликда текис экиш, экинларни ўтказиш учун мўлжалланган қ.х. машинаси. Экиш усулига кўра, қаторлаб, уялаб, уруғни аниқ танлаб (нуқтир) ва сочиб (ўт уруғи ва ўтгинни) экадиган турларга бўлинади. Вазифасига кўра, чигит, сабзавот, полиз экинлари, дон (арпа, бугдой, нўхат, тариқ, гуруч ва б.), маккажўхори, богдорчилик С.си фарқланади. Тракторлар б-н ишлатиш усулига кўра, С.лар тиркама ва осма; экиш аппаратлари типига кўра, галтакли ва дискли; сошниклари типига кўра, дискли ва анкерли турларга бўлинади. Барча С.лар ишлаш жараёни ва тузилиши жиҳатдан ўхшаш бўлади, уруғни экиш чуқурлиги, қатор

Чигитни аниқ экиш сеялкаси (СТВ-8М).

оралари, қаторлар сони ва шакли бўйича бир-биридан фарқланади. Мас., чигит С.си чигитни қаторлаб, квадрат-уялаб ва зич-уялаб экишга мослаштирилади, сабзавот С.си уруғни қаторли ва лентали усулларда экади ва ҳ.к. С., асосан, уруғ солиналиган яшик, экиш аппарати ва сошниклардан иборат.

Ўзбекистонда чигит, бошоқли дон (арпа, бугдой), сабзавот экинлари (саб-

Дон сеялкаси (СМЗ-24).

зи, пиёз, реписка ва турп), картошка экиш, богдорчилик (узум, анор, анжир ва б. мевали дарахт кучатлари экиш) С.лари ишлатилади. «Ўзбекқишлоқмаш» АЖ да чигит экиш С.си (СМХ-4), пахта-маккажўхори С.лари (СМХ-3,6/4,2 ва СМХ-5,4), қанд лавлаги, маккажўхори, карам, бақлажон, ср ёнғоқ, қунжут экиш учун мўлжалланган пневмомеханик С.лари (СХМ-4-0,4, СХМ-4-04-01), дон С.си (СМЗ-24), картошка С.си (КС-2, КС-4), манда сабзавот экинлари С.лари (НР.30-2, НР.30-02-01); «Урганчўзқамаш» АЖ да чигитни аниқ экиш С.си (СТВ-8М), «Кимёқишлоқмаш» АЖ да чигитни экиш оллидан намланич аппарат (УСИ-4) ва б. ишлаб чиқарилади.

Эрта куклампа чигит экишни униб чиққанда нихолларни совуқдан асраш, қатқалоқнинг олдини олиш мақсадида экинзорлар устига плёнка ёпиш учун мўлжалланган мослама (ПРП-4) («Ўзбекқишлоқмаш» АЖ) С.лар СМХ-4, СТХ-4, СЧХ-4 ва СХУ-4 ларга ўрнатилади. Барча С.лар тракторлар б-н агрегатлаб ишлатилади.

СЕҲРГАРЛИК, жодугарлик — халқ эътиқодига кўра, айрим одамларнинг зиён етказиш ёки улардан халос этиш, касалликларни тузатиш борасидаги мўъжизавий қобилияти. С.нинг пайдо бўлиши ибтидоий дин шаклари — *анимизм, фетишизм,* аждодлар руҳига сиғиниш ва б. билан боғлиқ. С.ка ишониш деярли ҳамма халқларга хос. Этнографлар фикрича, зиён етказадиган С.нинг ижтимоий асоси қабилалар ўртасидаги ўзаро душманликдан келиб чиққан. Бошқа қабила кишисига касаллик, ўлим тилаб афсун ўқиш, ёвуз руҳларга эътиқод қилишнинг манбаларидан бири бўлган. С.га ишониш буддизм, христианлик, ислом динида ва б. динларда сақланиб қолган, қисман улар б-н аралашиб кетган. Ўрта асрларда Европада христиан черковида С. — иблис хатти-ҳаракатидир деган қараш мавжуд бўлган. Черков ва дунёвий ҳокимият С.да шубҳа қилинган барча кишиларни қаттиқ таъқиб этган. Исломда С. б-н шуғулланиш оғир гуноҳ ҳисобланади.

СЕҲРЛИ КВАДРАТ — натурал сонлардан иборат квадрат. Натурал сонлар *n* та қатор ва *n* та устунга бўлинган ва ҳосил бўлган n^2 катакларга махсус усулда ёзилади. Бунда ҳар бир қатор, ҳар бир устун ва икки бош диагоналдаги сонлар йиғиндилари бир хил сонга

Плёнка ёпиш мосламаси (ПРП-4).

тенг, яъни бу йиғинди $\frac{1}{2}n(n^2+1)$ дан иборат ва *n* сони С.книнг тартиби дейилади. *n*=3 дан бошлаб ҳар қандай *n* учун С.к. қуриш мумкин. Бу квадратлар мил. ав. 2200 йилча илгари пайдо бўлиб, араблар бу квадратларни сеҳрли ёки муъжизали деб аташган. С.к., асосан, қ.н.ларни математикала қўлланилади.

n=3

4	9	2
3	5	7
8	1	6

СЕҲРЛИ ЯДРОЛАР —2, 8, 20, 28, 50, 82, 126 протон ва нейтронни ўз ич.га олган атом ядролари (2,8 ва х.к. сеҳрли сонлар дейилади; бошқа ядролар ичида энг катта тургунлиги б-н фарқ қилувчи атом ядроларидаги нуклонлар сони). С.я.нинг кўпини атом ядроларга нисбатан барқарорлиги юқори, улар табиатда кенг тарқалган.

Протонлари ва нейтронлари сони сеҳрли сон бўлган ядролар қўшалоқ сеҳрли ядролар деб аталади (мас., $_2He^4$, $_8O^{16}$, $_{20}Ca^{40}$ ва $_{82}Pb^{208}_{126}$).

С. я. атом ядросининг қобиқ модели ҳақидаги тоянинг вужудга келишига сабаб бўлди. Бу моделга асосан, ядродаги протон ва нейтрон қобиқларининг ҳар бири маълум сондаги нуклон (протон ва нейтрон) лар б-н тўлдирилади. Сеҳрли сонлар шу нуклонлар сонига тенг.

СИ (франц. — интернационал система) — *Халқаро бирликлар тизимининг* қисқача номи.

СИ-АЙЛЕНД ҒЎЗАСИ — қ. *Перу ғўзаси.*

СИАЛК — Кошон ш. (Эрон) яқинида жойлашган кўп маданий қатламли манзилгоҳ харобаси (мил. ав. 5—1-минг йиллик). С.дан турар жой қолдиқлари, қабрлар, сопол идишлар, мис ва жездан ясалган қуроллар ва б. топилган.

СИАМЛАР (кхонтай) — тай гуруҳига мансуб халқ. Таиландининг асосий аҳолиси (29,5 млн. киши). Умумий сони 29,7 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Сиам тилида сўзлашади. Динлорлари — буддавийлар. С. шоликорлик, чорвачилик, балиқ овлаш б-н шуғулланади. Кемасозлик азалдан ривожланган.

СИАНУК Нородом (1922.31.10, Пномпень ш.) — Камбоджа давлат арбоби. Сайгондаги лицейда ва Францияда ўқиган. 1941 й. 23 апр.дан Камбоджа қироли, 1955 й. тахтни отаси — Нородом Сурамаритга топширган. 1955 й.дан мамлакат бош вазири. Отаси вафоти (1960)дан сўнг давлат бошлиғи (1960—70; 1975—76), 1979—90 й..ларда муҳожирликда яшаган. 1991 й. 14 ноябрда Пномпенга қайтган ва Камбоджа ҳукумати уни давлат бошлиғи сифатида тан олган (расмий равишда 1993 й. 14 июнь). 1993 й. 24 сент.дан Камбоджа Қироллиги қироли.

СИАНЬ — Хитойнинг марказий қисмидаги шаҳар. Вэйхэ дарёси (Ҳуанхэ дарёси ирмоғи) водийсида жойлашган. Шэньси провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 6,7 млн. киши (1998). Транспорт йўллари тугуни. Металлургия, кўп тармоқли машинасозлик (станок, прибор, автомашина, трактор ва самолётлар и.ч.), керамика, тўқимачилик, фармацевтика, лок-бўёқ, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Университет, музейлар бор.

С. — қад. шаҳар. Шаҳарга мил.ав. 202 й.да Хан империяси пойтахти сифатида асос солинган ва Чанъань деб аталган. 3—6-а.ларда Чанъань Шим. Хитой давлатлари пойтахти бўлган. 583 й.да ҳоз. С. ўрнида Ян Цзян империяси даврида Хитойнинг янги пойтахти — Дасин ш. қурилган ва кейинроқ Чанъань деб қайта номланган.

10-а.дан бошлаб, С. аввалги мавқеини йўқота борган. 14-а.да янгитдан ташкил этилган Сиань округининг маъмурий маркази бўлган ва ўша вақтдан С. деб атала бошлаган. Меъморий ёдгорликларидан 3 ярусли минаралар (14-а.), шаҳар девори қолдиқлари, пагодалар (707—709) ва б. сақланган.

СИБАГАТУЛЛИН Лутфулла Сибаевич (1912.15.3, Пермь вилояти Уинское тумани — 1976, Паркент) — 2-жаҳон урушн қатнашчиси. Наманган вилоятидаги Норин туманида ўқитувчи, халқ маорифи бўлимида ишлаган. 1938 й.дан армияда. 1943 й. 22 сент.да Десна ва Припять дарёларини кечиб ўтишда жасорат кўрсатган. 1943 й. 16 окт.да Қаҳрамон унвони берилган. Тошкент вилоятининг Паркент қишлоғида мазмунрий-хўжалик ишларида ишлаган. Паркент қишлоғидаги кўчалардан бирига номи берилган.

СИБЕЛИУС (Sibelius) Ян (Юхан Кристиан) (1865.8.12, Хименлинна — 1957.20.9, Ярвентя, Хельсинки яқинида) — фин композитори. Миллий композиторлик мактаби асосчиларидан, мусиқий *романтизм* вакили. Хельсинкидаги мусиқа ин-тини тугатган (1889). С. ижоди халқчиллик б-н суғорилган, ёрқин миллий колорит, улуғворлик, самимийлик, куйчанлик ва гармоник бойлиги б-н ажралиб туради. Симфоник мусиқа устаси сифатида танилган С. 7 симфония, «Калевала» эпоси мавзулари асосида «Лемминкяйнен» сюитаси (4 симфоник афсона — «Туонела оққуши» ва б.дан иборат), поэмалар («Финляндия» ва б.), «Хазин вальс», 3 сюита, скрипка ва оркестр учун концерт, шунингдек, «Миноралари қиз» операси, «Скарамуш» балети, вокал, камер ва б. асарлар муаллифи.

Хельсинкидаги Мусиқа академиясига С. номи берилган (1939). 1950 й.дан Хельсинкида ҳар йили «Сибелиус ҳафталиги» мусиқа фестивали ўтказилади. С. номида халқаро мукофот таъсис этилган.

СИБИЗҒА, сибизиқ, чўпон най — 1) тилчали-пуфлама ўзбек халқ мусиқа чолғу асбоби. Ҳозирда, асосан, чўпонлар орасида тарқалган. Қамишдан ясалади. Диаметри, одатда, 5—6 мм, уз. 140—150 мм бўлади. Устки томонида, пуфланадиган учининг 10—15 мм паст-роғида тилчаси, ундан қуйида учта тешикчаси бўлади. Диапазони, одатда, секста. С.да кўпроқ оддий чолғу машқлар, халқ қўшиқлари куйлари чалинади; 2) қозоқ пуфлама мусиқа чолғуси. Узун (80—90 см), тўғри ушлаб чалиниган найнинг тури. 5—6 бармоқ тешиклари мавжуд. Диапазони 1,5 октава атрофида. Профессионал чолғулар қаторидан ўрин олган қозоқ С.сида ривоят куйлар, халқ лирик қўшиқларининг куйлари ижро этилади.

СИБИРЬ — РФ Осиё ҳудудининг катта қисмидаги табиий ўлка. Ғарбда Урал тоғлари, шарқда Тинч океан сувайирғичи тоғ тизмаларигача ва шим.да Шим. Муз океани қирғоқларидан, жан. да Қозоғистоннинг сертепа даштлари ҳамда Монголия ва Хитой чегарасигача давом этади. Шим.дан жанубга 3500 км, ғарбдан шарққа 7000 км дан кўпроқ масофага чўзилган. Майд. 10 млн. км².

С. ҳудудида Саха (Якутия), Тува, Бурятия Республикалари, Олтой ва Красноярск ўлкалари, Тюмень, Курган, Омск, Новосибирск, Томск, Кемерово, Иркутск ва Чита вилоятлари жойлашган.

Табиати. С.нинг асосий табиий областлари: *Ғарбий Сибирь текислиги, Ўрта Сибирь эгатоғлари,* Жан. Сибирь ва Шим.-Шарқий Сибирь тоғлари. Жан. Сибирь тоғлари тармоғига *Олтой,* Ғарбий Саян, Шарқий Саян, Тува Республикаси тоғлари, Байкалбўйи ва Байкалорти (Забайкалье) киради. Шим.-Шарқий С. тоғларини Юқори Яна тизмаси ва Колима тоғлари ўраб туради.

С.нинг иқлими кескин континентал. Энг совуқ ой (янв.) ва энг иссиқ ой (июль)нинг ўртача т-раси орасидаги фарқ 35° дан 68° гача. Деярли ҳамма ерда ўртача йиллик т-ра 0° дан паст, шим.-шарқда —15°, —18° гача. Қиши давомли ва совуқ. Янв.нинг ўртача т-раси —16°, —20°дан (Ғарбий Сибирь текислигининг жан.да) —40°, —48° гача (Саханинг шарқида). Верхоянск ва Оймяконда айрим кунлари —70° гача совуқ бўлади. С.нинг ёзи бирмунча илиқ, жан.да эса ҳатто иссиқ. Июлнинг ўртача т-раси 2°—5° дан (С.нинг шим. соҳилида) 22°—23° гача (Ғарбий Сибирь даштларида). Йиллик ёғин 150—250 мм дан 1000—2000 мм гача. Қор қоплами 170 кундан 300 кунгача сақланиб туради.

С.да тўнгиб ётган тоғ жинслари ва тупроқлар кенг тарқалган. Асосий дарёлари: Обь (Иртиш б-н бирга), Енисей ва Лена. Муҳим кўллари: Байкал, Таймир, Телец, Чани.

Хакасия. Енисей дарёси.

Буряти я. Байкал қўриқхонаси.

Тупроқ-ўсимлик қоплами, асосан, шим.дан жанубга ўзгариб бориб, арктика муз саҳроси, тундра, ўрмонли тундра, ўрмон (тайга), Ғарбий Сибирнинг жан.да эса, ўрмонли дашт ва дашт зоналарини ҳосил қилади. Шим.да тундра ва ўрмонли зоналарида ҳар хил ботқоқ глейли ва глейли-подзол тупроқларда йўсин ва лишайниклар, бута ва кўп йиллик ўтлар ўсади. Шим.да ўрмон (тайга) зонаси ўсимликлари энг кўп тарқалган. Тайга зонасининг эни айрим жойларда 200 км га етади. Ўрмонларда игна барглари дарахт кўпроқ, сибирь тилоғочи (ғарбида) ва даурия тилоғочи (шарқида), оққарағай, сибирь кедри, қарағай, қорақарағай; кенг барглилардан қайин, тоғтерак, қандағоч; шим.-шарқидаги дарё водийларида терак, тол ўсади. Ўрмон зонасидан жан.да Ғарбий С. атрофида ўрмонли дашт ва дашт зоналари жойлашган бўлиб, сур тусли подзоллашган, қора тупроқли-ўтлоқ, ювилган ва типик қора тупроқлар тарқалган. Дашт ва ўрмонли даштларнинг ўсимлик қоплами аҳоли томонидан ўзгартириб юборилган. Даштлар ҳайдалган, ботқоқлашган ўтлоқлар пичанзорларга айлантирилган. Жан. С. тогларининг этаклари дашт ўсимликлар б-н қопланган. Ундан юқорида тоғ тайгаси бошланади.

Ўрта Сибирь ясситоғлиги. Тоғ тундраси.

Сининг тундра зонасида ҳар хил кемирувчилар (асосан, лемминг), сут эмизувчилардан шим. бутуси ва қутб тулкиси яшайди. Ёз бошланиши б-н сузувчи паррандалар (гоз, ўрдак, лойхўрак, гага) учиб келади. Тайга зонаси фаунаси анча бой (тийин, соболь, колонок, бўри, тулки, айиқ, лось, ва б.). Тайга зонасида қушларнинг 200 га яқин тури, асосан, қарқур, чил, қизилиштон яшайди. Ўрмонли дашт ва даштларда дала сичқони, олахуржун, қўшоёқ, юмронқозиқ, бўрсиқ, бўри, тулки, қарсоқ тулки учрайди. Сув ҳавзаларида ондатра, норка иқлимлаштирилган. Дарёларида қимматбаҳо балиқ кўп. С. РФнинг овчилик хўжалиги ривожланган ва мўйна тайёрланадиган муҳим р-ни. Фойдали қазилмалари: тошкўмир, нефть, табиий газ, темир рудаси, олмос, олтин, графит, полиметалл ва б.

Асосий шаҳарлари: Новосибирск, Омск, Красноярск, Новокузнецк, Иркутск, Барнаул. Аҳолисининг кўпчилигини кўчиб борган руслар ташкил қилади. Туб аҳоли: хантилар, мансилар, эвенклар, буряглар, сахалар, хакаслар ва б.

Тарихи. Одам фаолиятининг излари Жан. С.да — Тоғли Олтойдан Амур дарёси ҳавзасигача бўлган ҳудудда топилган. С. халқининг маданияти ва ижтимоий системасининг ўзгаришида энеолит даврида рудадан металл эритиб олишнинг ривожланиши катта аҳамиятга эга бўлган. Мил. ав. 1-минг йилликнинг охирида Жан.С.да ҳуни қабила уюшмалари яшаган. Мил. ав. 1-минг йилликнинг 1-ярмида уларнинг туркий халқлар, 7—8-а.ларда мўғуллар (монголлар) ажралиб чиққан. Турк хоқонлиги, Бохай ва б. давлатлар мавжуд бўлган.

13-а. бошида Жан. С. Мўғуллар давлати таркибида. Унинг ғарбий қисмида 15-а. бошида Олтин Ўрда парчалангач, Сибирь хонлиги тузилган. 15-а.дан Москва давлатида С.га юриш бошлаган. 17-а. бошларида Ғарбий С., аср ўрталарида Ғарбий Бурятия, сўнгра Байкал кўлидан шарқдаги ерлар ва Амур дарвси бўйларини Россия эгаллаб олган. 18-а.нинг 20-й.лари охири — 30-й.лари бошида Олтой тог ён бағрида мануфактура типидаги дастлабки металлургия корхоналари қурилди. Деҳончилик ривожланди. Экинлар майдони кенгайди. 19-а.нинг 1-ярмида С.да саноатнинг янги соҳаси — олтин қазиб чиқариш пайдо бўлди. 19-а.нинг 50-й.ларида Россия таркибига Қуйи Амур бўйлари, Уссурий ўлкаси, Сахалин ороли кирди. 19-а.нинг 2-ярмида С.нинг шим.-шарқий р-нларида олтин саноати кенгайди. С. Россия империясининг кишиларни сургун ва қаторгага жўнатадиган асосий жойи бўлиб қолди. 1900 й.да фақат сургун қилинганларнинг сони 287,2 мингни ташкил қилади.

С.нинг иқтисодий тараққиётида 1891—1905 й.ларда қурилган т.й. — Улкан Сибирь магистрали катта аҳамиятга эга бўлди. 1923 й. Бурят-Монгол Мухтор Республикаси (1958 й.дан Буряти я Мухтор Республикаси), 1922 й. Якутия Мухтор Республикаси ва Ойрот мухтор вилояти, шунингдек, миллий округ ва туманлар тузилди. С. тарихида сибирлик ўзбекларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эгалир. Уларнинг асосий қисми Ўрта Осиё ўзбеклари вакиллари. Сибирлик ўзбекларнинг аждодлари С.га 16—17-а.ларда (асосан, савдо-сотиқ ва б. йўллар б-н) бориб қолганлар. 16-а. ўрталарида Русь давлати Астрахон, Қозон, сўнгра Сибирь хонлигини босиб олгандан ке-йин ҳам бу ерларнинг Ўрта Осиё б-н қадимги алоқалари давом этаверди. Чунки, Русь давлати янги босиб олган жойларни зарур моллар, хусусан, газлама ва кийимбош б-н таъминлашга эга бўлмаган. Шу боис Россия ҳукумати ўзбек хонликлари б-н алоқа ўрнатиш ва савдони ривожлантиришга ҳаракат қилди. Тез орада элчилик алоқалари ўрнатилиб, савдо ривожлана борди. Бу борада Россия давлати фаол ҳаракат қилиб ўзбек савдогарларига бир қанча имтиёзлар бериб, уларни С.га жалб қилиш чораларини кўрди. Ўз навбатида ўзбек хонликлари С.га ип ва ипак газламалар, кийим-бош ва моллар келтириш мақсадида барча имкониятларни ишга солдилар.

Шу тариқа Ўрта Осиё ва С. ўртасида савдо алоқалари яхши йўлга қўйилиб, 17-а.дан бошлаб С.да ҳоз. Ўзбекистондан савдогарлар, деҳқонлар, ҳунармандлар ва дин пешволари бориб жойлашдилар. Улар, асосан, Тюмень, Тобольск, Тара ва С.нинг бошқа жойларига ўрнашдилар. Бу ишни биринчи навбатда савдогарлар, шунингдек, Семипалатинск, Петропавловск ва б. ерларга кўчиб борганлар бошлаб бердилар. С.даги ички ва ташқи савдо кўпроқ ўзбекларнинг қўлида тўпланиб, улар Ўрта Осиё, Хитой, Эрон сингари

Ўрта Сибирь ясситоғлиги. Путоран платоси.

Шимоли-Шарқий Сибирь. Урап платосидаги бўлоқ водийси.

мамлакатларнинг моллари б-н савдо қилдилар, С.да биринчи бўлиб кўнчилик ва гилам тўқиш ҳамда бутдой экишни жорий этдилар. Сибирлик ўзбеклар маҳаллий татарлар орасида ислом динини тарқатиш ва ривожлантиришда қатнашдилар, масжидлар қуриб, мактаб ва кутубхоналар очдилар. Улар асрлар давомида ўзларининг тили, кийими, миллий овқати ва урф-одатларини сақладилар. Умуман, ўзбеклар С. ҳаётида муҳим ўрин эгаллаб унинг ривожига муносиб ҳисса қўшдилар. Россия ҳукумати уларнинг хизматини эътиборга олиб имтиёзлар бериш б-н бир қаторда Тобольск, Тюмень, ва Тарала маҳаллий бошқарув идораси — Бухоро волость (бўлис)ларини тузишга ижозат берди. 1917 й.дан кейин бу бўлислар Бухоро ижроия қўмиталарига айлантирилди. Вақтлар ўтиши натижасида ўзбеклар иқлимлашиб ва маҳаллийлашиб, аввалги ватанлари б-н алоқалари узилди. С.га аёлларга нисбатан эрлар кўпроқ борганликлари учун улар татар қизларига уйланганлар. Гарчанд бундай оилаларда туғилганлар ўзларини ўзбек деб юрган бўлсалар-да, лекин, 20-а.нинг бошларига келиб уларнинг татарларга аралашиш жараёни кучайди. Шунга қарамай 1926 й.даги умумхалқ рўйхати бўйича ўзбекларнинг сони 15.000 киши ҳисобланиб улар ўзларининг миллий номини сақлаганлар. Кейинги йилларда ўзбекларнинг татарларга аралашиш жараёни ниҳоясига етиб улар номи б-н юритиладиган бўлди.

Иқтисодиёти. Урушдан кейинги йилларда С.да Ангара ва Енисейнинг гидроэнергия ресурслари ўзлаштирила бошлади. Иркутск, Братск ва Красноярск ГЭСлар қурилди. Абакан — Тайшет ва Тайшет — Лена т. й.лари, Туймазидан Ангарекка нефть қувури ўтказилди. Москвадан Байкалгача борадиган Транссибирь т.й. магистрали электрлаштирилди. Саха (Якутия)да олмос конлари топилди.

Ғарбий С.нинг шимолида нефть ва табиий газ захиралари аниқланди ва шу конлар асосида 19-а.нинг 60-й.ларида, қисқа муддат ичида нефть ва газ саноатларига асос солинди.

С.да қора металлургиянинг Кузнецк к-ти ва Ғарбий Сибирь э-дини ўз ичига олган 3-базаси вужудга келтирилди. Новосибирск, Иркутск, Красноярск ва б. шаҳарлардаги э-длар ғалла комбайнлари, тракторлар, трактор плуглари, радиоприёмник ва радиолалар, совитқичлар, кир ювиш машиналари ишлаб чиқаради.

Рангли металлургиянинг муҳим марказлари: Норильск, Белово, Новокузнецк, Красноярск, Братск, Шелехов. С. ва Узоқ Шарқнинг кончилик саноати олмос, олтин, платина, нодир металлар, асбест, слюда, графит, дала шпатлари ва б.лни беради.

Жанубий Сибирь. Убсунур сойлиги.

С.даги ўрмон саноати корхоналарида ёғоч, ёғоч-тахта, целлюлоза ишлаб чиқарилади. Россиядаги йирик ўрмон саноати марказлари Братск ва Усть-Илим ҳамда Лесосибирск, целлюлоза з-ди Байкальска барпо этилди.

Экин майдонлари, асосан, С.нинг жан. қисмида. 1950—60 й.ларда С.да қўриқ ерлар ўзлаштирилди (Ғарбий С.да 7 млн. га дан ортиқ). Экин майд. 26,7 млн. гектар. С.да товар галла (асосан, баҳори бутдой), гўшт, мол ёғи етказиб берилади. Чорвачиликда қорамол, қўй ва эчки боқилади. Т.й. узунлиги 14 минг км [шундан ярми электрлаштирилган. Байкал—Амур магистрали (БАМ) уз. 3145 км] мавжуд. Қувур йўллари (жумладан, Туймазн — Ангарск) ва йирик денгиз портлари (Диксон, Дудинск, Игарка ва б.) қурилган.

Ад: Зиёев Ҳ., Сибирь, Волга ва Урал бўйидаги ўзбеклар, Т., 2003.

СИБИРЬ ПЛАТФОРМАСИ — Шим. Осиёнинг ўрта қисмида жойлашган қад. (рифейгача бўлган) йирик платформалардан бири. С.п. ғарбда Енисей водийси, шим.да Бирранга тогларининг жан. чеккаси, шарқда Лена дарёси этаклари б-н чегараланади.

С.п.да архей-протерозойга оид бурмаланган кристалли фундамент ва уни қопловчи рифей-фанерозой даврларининг чўкинди жинслари қатлами ажралиб туради. Шим. (Анабар массиви ва Оленек кўтарилмаси), жан.-шарқ (Алдан қалқони) ва жан.-ғарб (Байкал олди ҳамда Шарқий Саян чекка кўтарилмалари)да фундамент ер юзасига чиққан. С.п.нинг бошқа ҳудудларида фундамент 10—12 км қалинликдаги чўкинди ётқизиқлар б-н қопланган ва турли чуқурликка тушган блоклар системасига бўлинган. Ер пўстининг (Мохоровичич юзасигача) умумий қалинлиги 25—30 км дан (Вилюй ва Тунгусска синеклизаларида) 40—45 км га (Алдан қалқони ва жан.даги фундаментнинг чекка кўтарилмалари ҳамда Каннинг ер юзасига чиқиб қолган жойларида) етади.

Фундаментда архей ва протерозой даврларига мансуб мутлақ ёши 2,3 — 3,7 млрд. йилга тенг кучли метаморфлашган кристалли жинслар (гнейс, кристалли сланец, амфиболит, чарно-

кит, мармар) мавжуд. Чўкинди қопламлар таркибида юқори тоқембрийдан антропогентача ҳосил бўлган ётқизиқлар бор. Рифей, кембрий ва ордовик даврларида ҳосил бўлган жинслар (чақиқ жинс-лар, карбонатли ва тузли қатламлар) кенг тарқалган. С.п. нинг энг сербар синеклизаси — Тунгусска синеклизаси карбон ва пермь даврларига мансуб терриген-кўмирли ётқизиқлар, юқори пермь, триас даврларига оид туфоген жинслардан иборат; синеклиза чеккаларида отқинди жинс жуда кўп. Иркутск букилмаси ҳамда қатор ботиқлар юра даври ётқизиқларидан ҳосил бўлган. Енисей-Хатанга ва Лена букилмалари, Вилюй синеклизаси юра, бур даврлари ва кайнозой ётқизиқларидан таркиб топган.

С.п.га магматик тог жинсларининг кенг тарқалиши хос бўлиб, траппли магматизм уларнинг энг ривожланганидир. Траппларда б-н Норильск мис-никель конлари, Улоканда мисли қумтошлар, кимберлит найчаларида эса олмос конлари учрайди.

Платформа фундаментида жуда йирик темир конлари, слюдалар (флогопитлар), пьезокварц ва апатит конлари; чўкинди қопламда нефть, ёнувчи ва битумли сланецлар, газ, тоштуз, гипс, темир рудаси, фосфорит, марганец, магнетит рудалари, нодир металлар, графит, исланд шпати ва б. фойдали қазилма конлари бор. С.п. қопламларида ётқизиқларида дунёдаги энг йирик кўмир ҳавзалари жойлашган.

СИБИРЬ ХОНЛИГИ — 15-а. охирларида ташкил топган давлат. 1495 й. Тюмень хони Ибоқ ўлдирилганидан кейин, унинг авлоди Тайбуго Махмет (Маҳмудак) татар улуслари сиёсий иттифоқига бош бўлди ва хонликни ўзининг асосий қароргоҳи — Сибирь (Қашлиқ) номи б-н атади. Волга бўйидаги Олтин Ўрда давлати ички ва ташқи урушлар орқасида заифлашиб ва парчаланиб кетди. Натижада бир-бирларидан мустақил Астрахон, Қозон, Сибирь ва б. хонликлар юзага келди. Уларнинг орасида С.х. энг чекка ва совуқ жой бўлиб ўрмонлар ва дарё сувларига бой ўлка ҳисобланган. У ерда туркий тилли аҳоли яшаб чорвачилик, деҳқончилик ва ҳунармандчилик б-н шуғулланган. Хонликнинг пойтахти даставвал ҳоз. Тюмень ш. ўрнидаги Чинги-тура деган жой эди. Кейинчалик пойтахт Иртиш дарёси бўйидаги Қашлиқ (рус манбаларида — Искар) номли шаҳарга кўчирилган.

1555 й.да татар юқори табақа вакиллари Сибирь тахтини эгалладилар. Аммо, 1563 й.да *шайбонийлар* сулоласига мансуб *Кўчумхон* Бухоро хони *Абдуллахон II* нинг ҳарбий ёрдами туфайли тахтни қўлга киритдилар. Бухородан Сибирга ҳарбий қисм б-н бир қаторда савдогарлар ва дин пешволари бориб ўрнашдилар. Кўчумхон ўз қўли остидаги ерларда ўзбек дин пешволарининг бошчилигида ислом динини тарқатишга ҳаракат қилди.

Шу тариқа С.х. Абдуллахоннинг таъсир доирасига тортилди. У ерга ўзбеклар бориб савдо ва деҳқончилик б-н шуғулландилар. Улар ҳокимиятни бош-қаришга ҳам кўмаклашдилар.

Бухоро хонлигининг Сибирь б-н алоқани яхшилашга қаратилган ҳаракати бежиз бўлмаган. Сибирнинг Ўрта Осиё б-н сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалари чуқур тарихий даврлардан бошланиб кўп асрлар мобайнида давом этган. У ерда ўзбек талабалари, қиммбошлари ва б. мол-ларига талаб катта эди. Ўз навбатида, Ўрта Осиёда Сибирнинг қимматли мўйналарига эҳтиёж зур бўлган. Бухоролиқлар ислом динини тарқатиш воситаси б-н ҳам Сибирда ўзларининг мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилганлар. Хусусан, нақшбандия тариқатининг 361 кишидан иборат муридлари Сибирга бориб ислом динининг тарқалишига асос солганлар. Бу ишда Оқслабиби, Аннабиби, Халичабиби, Солиҳабиби ва б. ўзбек аёллари ҳам қатнашган. 1581 й.да *Ермак* ва Кўчумхон аскарлари ўртасида жанг бўлиб Ермак пойтахт Искарни эгаллайди. Шундан кейин ҳам улар ўртасидаги урушлар давом этиб улардан бирида Ермак ҳалокатга учрайди. Аммо, хонлик 1598 й.да рус қўшини томонидан тамомила босиб олиниб Сибирь Россияга қўшиб олинади.

Ад.: Зиявев Ҳ., Сибирь, Волга ва Урал бўйларидаги ўзбеклар, Т., 2003.

Ҳамид Зиёев.

СИБИУ — Руминиянинг марказий қисмидаги шаҳар. Сибиу жудеши (вилояти) нинг маъмурий маркази. Аҳолиси 169,6 минг киши (1998). Транспорт йўллари тугуни. Машинасозлик (хусусан, оғир ва транспорт машинасозлиги, станоксозлик ва приборсозлик), кимё, парфюмерия-косметика, ёғочсозлик, тўқимачилик (матолар, трикотаж, гилам), кўн-пойабзал, полиграфия, озиқ-овқат саноати корхоналари, музейлар бор. Туризм ривожланган. Меъморий ёдгорликларидан 13—18-а.ларда қурилган черков, сарой, миноралар сақланган.

СИБОИЙ, Юсуф ас-Сибоий (1917.10.6 — Қоҳира — 1978) — араб ёзувчиси, МАР жамоат арбоби. Олий ҳарбий маълумот олган. Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилотининг (1958 йилдан) ҳамда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари уюшмаси доимий бюросининг (1958 й.дан) бош котиби. Миср ёзувчилар уюшмасини бошқарган ва маданият вазири бўлган (1973 й.дан). Халқаро «*Нилуфар*» жур. бош муҳаррири. Асарлари 1947 й.дан нашр этила бошлаган («Шарпалар» ҳикоялар тўплами ва «Азролнинг ноибе» романи). Ҳоз. гурмуш мавзуларидаги 50 та йирик китоб, жумладан, «Тарсакилар ва бусалар» танқидий мақолалар тўплами (1959), «Биз ёлғиз эмасмиз» (1959), «Ҳаёт кўз очиб юмгунча ўтади» (1973) романлари муаллифи. «Даврдан кучли» пьесаси (1966) Асвон тўғони қурилишига бағишланган. С.нинг бир қанча асарлари экранлаштирилган, хорижий тилларга таржима қилинган. Жолио-Кюри номидаги Тинчлик медали (1960) ҳамда халқаро «Нилуфар» мукофоти (1974) б-н тақдирланган.

СИБОРГ (Seaborg) Гленн Теодор (1912.19.4, Ишпеминг, Мичиган штати — 1999) — америкалик физик ва кимёгар, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1948). Лос-Анжелес ун-тини тугатган (1934). Калифорния ун-тида ишлаган (1937 й.дан; 1945 й.дан проф., 1958—61 й.дан президенти). 1942—46 й.ларда Чикагодаги Металлургия лаб.сида, 1954—61 ва 1971 й.дан Беркилидаги Радиацион лаб.нинг иккинчи директори. 1961—71 й.ларда АҚШ атом энергияси бўйича комиссия раиси. Илмий ишлари радиокимё, ядро кимёси ва ядро физикасига оид. Э. *Макмиллан* б-н ҳамкорликда плутонийни синтез қилган (1940—41), бошқа олимлар б-н ҳамкорликда америций, кюрий (1944), берклий (1949), калифорний (1950), эйнштейний (1952), фермий (1953) ва менделеевийни (1955) очган. Кейинги йилларда анча оғир элементларни синтез қилишда иштирок этган. Нобель мукофоти лауреати (1951; Э. Макмиллан б-н ҳамкорликда).

СИВАЛИК, Олд Ҳимолай тоғлари — Ҳимолай тоғлари системасидаги нисбатан пастроқ тизмалар. Ҳиндистон ва Непал ҳудудида, Пир-Панжал ва Маҳабҳарат тизмалари оралиғида, кенг маънода — Ҳимолай тоғларининг Кашмирдан Тиста дарёсигача бўлган қисмининг жан. чекка қисми. Шим.-ғарбдан жан.-шарққа 1700 км масофага чўзилган параллел тизмалардан иборат, энг баланд жойи 2591 м. Катта Ҳимолай тоғларидан водийлар б-н ажралган. Қумтош, конгломератлардан тузилган. Ён бағирлари дарёлар б-н ўйилган. Тропик ўрмонлар ўсади. Чой плантациялари бор.

СИВАР, Сибир — Хитой манбаларида мил. 2—5 а.ларда «теле» (турк сўзининг айни замондаги хитойча талаффузи) деб номланган 44 та турк қабилаларидан бирининг номи. Хитой манбаларида сури деб аталади. *Турк хоқонлиги* ташкил топгунча бўлган 2 асрдан ортиқ давр давомида аниқ, ҳаҳар, бўлтор, бижанак, қутой, басмил, қипчоқ, емак каби қабилалар б-н бирга ҳоз. Шим. ва Ғарбий Қозоғистон ҳудудида яшаган. Турк хоқонлиги ташкил топгандан сўнг унинг фуқаролигига ўтиб *турк* деб атала бошланган.

СИВАС — Туркиянинг марказий қисмидаги шаҳар. Сивас элининг маъмурий маркази. Аҳолиси 250,3 минг киши (2000). Қ.х. (донли экинлар, чорвачилик) р-нининг савдо маркази. Вагонсозлик, цемент, озиқ-овқат, ёғочсозлик саноати корхоналари мавжуд. Гилам тўқилади. Ун-т бор. Слинг қад. номлари Кабира, Диастолис, Себастия. 4-а. охирларидан — 11-а.нинг 2-ярмигача Византия таркибида бўлган. 11—14-а.ларда Салжуқийлар, хусусан, 12-а. охири —14-а. бошларида Кўния султонлиги қўл остида бўлган. 14-а.дан Усмонли турк салтанати таркибида.

СИВУЧ (Eumetopias) — қулоқли тюленлар уруғи. Битта тури — сивуч (E. jubatus) Тинч океан шим. сувлари ва субарктика қисмида тарқалган. Курил, Командор ва Россиянинг б. ороллари, Камчатканинг шарқий соҳилларида учрайди. Уз. 385 см гача, вазни 1120 кг гача. Жуни дағал, тўқ сариқдан қўранг-гача. Балиқлар ва моллюскалар б-н озиқланади. Бир неча юзталан пода бўлиб яшайди. Ёзда дам олиш учун қояли соҳилларга чиқади. Полигам (қ. *Полигамия*). Урғочилари ҳар йили битта бола туғади. Бўғозлик даври 1 йилгача, 3—8 ёшда балоғатга етади. Териси, ёғи, гўшти учун овланади. Сони жуда камайиб кетганидан ҳозир овлаш ман этилган.

СИВУШ МОЙИ — хом этил спиртни ректификация қилиш жараёнида ажралиб чиқадиган мойсимон суюқлик. Бу усулда спиртдан 0,4—0,6% С.м. ажратиб олинади. Зичлиги 830—840 кг/м³ (20°да), ранги оч-сариқдан қўнғир-қизилгача, ҳиди қўланса, нафис ёйли шаклдаги парларига таъсир этади. Кимёвий таркиби, асосан, амил ва изоамил (68—80%), изобутил (16—25%), нормал пропил, шунингдек, оз миқдорда гексил спирт, эркин ёғ кислоталари, эфирлар, фурфурол, терпенлар ва терпенгидратлар аралашмасидан иборат.

С.м.нинг кўп қисми сутдаги ёғ миқдорини аниқлашда аввал қўлланган амил спирти ўрнида реактив сифатида ишлатилади. Амил ацетат и.ч.да амил, изоамил, изобутил ва б. спиртлар олишда қўланади. С.м. заҳарли.

СИГБАН, Зигбан (Siegbahn) — ота-ўғил швед физиклари: Карл Манне Георг (1886.3.12, Эребру — 1978.24.9, Стокгольм) — швед талқинқотчи-физиги, ядро спектроскопияси асосчиси. Швеция Қиролллик ФА аъзоси (1922 й.дан), Лондон Қиролллик жамияти аъзоси (1933 й.дан). Лунд университетини тугатган (1911), шу ун-тда ишлаган (1920 й.дан проф.). Упсала ун-ти проф. (1924—37), Нобель физика институти (Стокгольм) директори (1937—64). Илмий ишлари рентген спектроскопияси, ядро физикаси ва ядро спектроскопиясига оид. Биринчи марта рентген нурлари дисперсиясини аниқлаган ва уни ўлчаган. 1 мм да 1800 бўлимли дифракцион панжарани ясаган ва унинг ёрдамида юмшоқ рентген нурларини ўлчаган. Даврли барча кимёвий элементларнинг рентген спектрини ўрганган ва янги спектрал чизиқларнинг катта миқдорини аниқлаган. Нобель мукофоти лауреати (1924). Кай Манне Сигбан (1918.20.4, Лунд) — швед физиги. К. М. Г. *Сигбан*нинг ўғли. Упсала ун-тини тугатган (1939), Упсала ун-ти проф. (1954 й.дан). Илмий ишлари ядро ва фотоэлектрон спектроскопиясига оид. Кимёвий таҳлил учун электрон спектроскопия усулини ишлаб чиққан. Нобель мукофоти лауреати (1981).

СИГИЗМУНД I (1368—1437) — «Муқаддас Рим империяси» императори (1410 й.дан), 1387—1437 й.ларда Венгрия қироли, шунингдек, 1419—21, 1436—37 й.ларда Чехиянинг Люксембурглар сулоласидан бўлган қироли; Рим папаси б-н гуманистларга қарши курашга раҳбарлик қилган.

СИГИЗМУНД II Август (1520—72) — Польша қироли (1547 й.дан; 1530 й. тож кийдирилган), Литванинг Ягеллонлар сулоласидан бўлган улуг князи (1529 й.дан). 1558—83 й.лардаги Ливон уруши қатнашчиси. С. II даврида 1569 й.ги Люблин унияси имзоланган.

СИГИР — бузоқлаган урғочи қорамол. Урғочи бузоқлар зотига ва ўсишига қараб 18—20 ойлигида гунажин бўлиб етишади ва қочиришга қўйилади. Бўғозлик даври ўртача 282—285 кун. Бу-нажинлар туққандан кейин С.лар гуруҳига киритилади. С.лар, асосан, *сут* ва бузоқ олиш (подани тўлдириш) учун боқилади. Уларнинг *согим даври* 300—305 кун. Ўзбекистонда боқиладиган қизил чўл, бушуев, қора-ола, швиц зотли С.лар бир йилда 3000—6000 кг ва ундан кўп сут беради. С.лар ўртача 20 (баъзан 35) йил яшайди. Ҳўжаликларда С.лардан 5—6, айрим сермаҳсул, ўртача йиллик соғими 9—12 минг кг бўлган рекордчиларидан 9—10 марта тугишига қадар фойдаланилади. Қисир қолган, қариган, нуқсонли С.лар семиртириб гўштга топширилади.

СИГИР ЙИЛИ — мучал йили ҳисобида иккинчи йил номи (қ. *Мучал*).

СИГИРҚУЙРУҚДОШЛАР (Scrophulariaceae) — икки уруғпалламлилар синфига мансуб ўсимликлар оиласи. Кўпчилиги ўт ва ярим бута, айримлари бута ва дарахт (дарахтсимон турлари тропик ва субтропик районларда учрайди). Тўпгули шингилсимон, рўваксимон. Гуллари ҳар хил, чангчилари 2—5 та, уруғчиси битта. Тутунчаси икки увол. Кўпчилигининг меваси кўсакча. 5000 дан ортиқ тури (300 та туркуми) бор. Аксарияти ўрта минтақаларда тарқалган. Ўзбекистонда 25 туркумга мансуб 226 тури бор. Баъзилари экинлар орасида бегона ўт сифатида ўсади. Кўпчилиги заҳарли бўлгани учун моллар емайди. *Ангиспермалар*, сигирқуйруқ ва б. тиббиётда ишлатилади. *Дасдарлар, итбинафша* манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади. Ўзбекистоннинг адир

Сигирқуйруқ.

ва тог ён бағирларида тарқалган сигир-қуйруқнинг бўйи 60—150 см, барглари бандсиз, меваси ва пояси тук б-н қопланган, сариқ шингилсимон тўпгулли, меваси кўсакча. Июндан сентябргача гуллайди. Сигирқуйруқни мол емайди. Таркибида сапонин ва С витамини бор. Баргидан тайёрланган қайнатма халқ табобатида жароҳатни даволашда ишлатилади.

СИГНАЛ (лот. signum — белги) — 1) ахборот, маълумот ва б.ни муайян масофага узатиш учун ишлатиладиган шартли белги. Механик, иссиқлик, ёруғлик (мас., сфетофор С.и), электр, электромагнит, товуш ва б. турлари бўлади. «С.» тушунчаси *кибернетика* фанида аниқ ифодалаб берилди. Шунга кўра, аниқ бир ҳодиса тўғрисидаги ахборотни элтувчи С. 4 таркибий қисм бирлигидан иборат. Булар: С.нинг физик воситаси (элтувчиси), С.ни ифодалаш шакли (синтаксис); интерпретация мазмуни (семантика); айни бир С.га ҳар хил

маъно бериш қоидалари (прагматика). С.ларни ўзгартириш ва узатишга оид умумий қонуниятларни *информация назарияси* ўрганади; 2) *геодезияда триангуляция* пунктларида ўрнатиладиган ёғоч ёки металл белги (минора). Бир минорадаги С. иккинчисидан кўриниб туриши керак. Жойларда бурчак ўлчаш пайтида *теодолитни* ўрнатиш ва б. геодезик ўлчаш ишлари учун қўлланади (яна қ. *Геодезик пункт*).

СИГНАЛИЗАЦИЯ — диққатни жалб қилиш, хабар ёки буйруқ бериш ва икки томонлама гаплашишда *сигнал* узатиш учун ишлатиладиган шартли белги, қурилма ва мосламалар мажмуи. Вазифасига қараб, авариянинг олдини олиш, чақириш, буйруқ бериш, ўт ўчириш, қилириш, огоҳлантириш учун мўлжалланган С.ларга бўлинади. Сигнал қурилмалари, механик, гидравлик, пневматик, электр ва радио тизимлар б-н ишга туширилади. Сигналларни электр орқали узатиш усули кенг тарқалган. У автоматик воситалар б-н бажарилади; визуал ёки акустик хиллари бор. Визуал С.га лампочкали таблонинг ёниши, мнемосхемада авария юз бериши мумкин бўлган участка тасвирининг ёритилиши ва б. кирадя. Авариянинг олдини олиш учун, кўпинча, ёниб-ўчадиган қурилмадан фойдаланилади. Акустик сигналлар сифатида сирена, қўнғироқ, гудок ишлатилади.

СИГНАТУРА (лот. signo — белгилайман, кўрсатаман) (матбаада) — 1) китобдаги ҳар бир босма табоқнинг тартиб рақами. Унинг 1- ва 3-бетларига ёзилади. Китоб варақларини тартибга солиб тикиш (жузлаш)да фойдаланилади; 2) *литера*нинг пастки қисмидаги ўйиқ. Унинг терилган қаторга тўғри тушишини текшириш имконини беради; 3) врач ёзиб берган дори рецептининг нусхаси. Дорихонада дорига қўшиб берилади.

СИГНАТУРА (математикада) — иккинчи даражали бир ҳадли кўпҳад (квадратик форма)нинг сонли ифодаси. Ҳақиқий коэффициентли ҳар бир квадратик формани чизиқли алмаштириш ёрдамида ушбу шаклга келтириш мумкин:

$$x_1^2 + x_2^2 + \ldots + x_p^2 - y_1^2 - y_2^2 - y_3^2 - \ldots - y_q^2.$$

Бундаги мусбат ва манфий ҳадлар сонларининг $p - q$ айирмаси квадратик форманинг С.си дейилади (p ва q сонлар квадратик формани юқоридаги шаклга келтириш усулларига боғлиқ эмас).

СИДДИҚ МУҲАММАД — Балх хони (1683—85). *Аштархонийлардан. Субҳонқулихоннинг* ўғли. Акаси Абул Мансурхонга қарши уюштирилган фитнага бош бўлиб, тахтни эгаллаган (1683 й. авг.). С. М. га қарши бир қанча қўшинлар (минг, қўнғирот, олчин ва б.) сардорлари бош кўтаришган. С.М. Шибиргонлари мини қабиласи исёнини шафқатсиз суратда бостирган. Балхга қайтишда Балх мирохур бошчилигидаги қўнғиротлар унга ҳужум қилишган, бироқ мағлубиятга учрашган. С.М. ўзи сафарларидаги Балх вилоятига бостириб кирган Баёт қора туқсаба бошчилигидаги олчинларни тор-мор қилиб Хўжа Хайронгача уларнинг қишлоқларини талон-торож қилган. 1686 й. окт. — нояб.да Субҳонқулихон Балхга қўшин тортган. Бунга сабаб Хоразмлан *Анушахон* Бухорога қўшин тортиб келиб Самарқанд ва Шаҳрисабзни эгаллаган чоғда Субҳонқулихон ўтлидан мадад сўраган. С.М. Балх ва Балахшон қўшини б-н Калифгача келиб, отасига ёрдамга озгина лашкар юборган, бу лашкар ҳам аслида ёрдам учун эмас, балки вазиятни аниқлаш мақсадида юборилган эди. С.М., Калифда бир неча кун тургач, Анушахонинг Самар-қандни олгани ва Бухорони қамал қилганидан хабар топгач, Балхга қайтиб кетган. Субҳонқулихон шунда *Маҳмудбий* отаниқдан ёрдам олиб Анушахонни қувиб юборган (1683). Субҳонқулихон қўшини Калифдан ўтиб Хонободда тўхтаган. С.М. Балх мулофаасига шайланган. Отаси С.М.ни қон тўкмасдан ҳийла б-н даф этишга аҳд қилган. Шу мақсадда Балхга Муҳаммад Юсуф хожа нақшбандийни элчи қилиб жўнатиб, яхши ният б-н келаётганини билдирган. Хожа Самандар Термизийнинг ёзишича, ота-бола ўртасида узоқ мукокаралар бўлган. Ниҳоят Балх аркига кирган Субҳонқулихон зудлик б-н С.М.ни банди қилиш ва уни қатл этишга фармон берган. Субҳонқулихон Балх тахтига Муҳаммаджон оталиқ юзни белгилаб, 1687 й. март ойининг бошларида Бухорога қайтиб келган.

Ад.: Ахмедов Б., История Балха, Т., 1982.

СИДЕРАТЛАР (франц. sideration) — тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида тупроққа қўшиб ҳайдаб юбориладиган экма ўсимликлар (қ. *Кўкат ўғит*).

СИДЕРИК АЙЛАНИШ ДАВРИ (лот. sidus — юлдуз, осмон ёритқичи); юлдуз даври — сайёраларнинг Қуёш атрофини бир марта тўла айланиб чиқишида ўтган вақт (қ. *Синодик айланиш даври*).

СИДЕРИК ЙИЛ — Қуёшнинг осмон сферасида юлдузларга нисбатан кўринма ҳаракатида 2 марта кетма-кет бир хил вазиятдан ўтиши оралиғида ўтган вақт, яъни Ернинг Қуёш атрофида тўлиқ бир марта айланиш даври. У 365,25636 ўртача қуёш суткасига тенг.

СИДЕРИК ОЙ — Ойнинг осмон сферасидаги кўринма ҳаракати давомида 2 марта кетма-кет битта вазиятдан (юлдузларга нисбатан) ўтиши орасидаги давр. Ой ҳаракатининг нотекислиги туфайли С.о. доимий бўлмай, бир неча соатгача ўзгариб туради. Ойнинг осмон сферасида тўлиқ битта айлана ҳосил қилиши учун керак бўлган давр 27,321661 сутка (27°07'43"11,5') га тенг.

СИДЕРИТ (юн. siderítis — темир) — карбонатлар синфига мансуб минерал. Синоними — темир шпати. Кальцит гуруҳидаги темир карбонати. Кимёвий формуласи $FeCO_3$. Таркибида 62% FeO, 38% CO_2 бор. Табиатда $FeCO_3$—$MnCO_3$; $FeCO_3$—$MgCO_3$; $FeCO_3$—$CaCO_3$ ва $FeCO_3$—$CoCO_3$ каби изоморф қаторларни ташкил этади. Кристаллари ромбоэдрик, призматик ва таблеткасимон бўлади. Кристалл структураси анкеритникига ўхшаш. Агрегатлари донали оолитли, тупроқсимон; қизғиш-жигарранг, саргиш ва яшилсимон кулранг. Нураганда тўқ қўнғир рангга ўтади. Қаттиқлиги 4—4,5; зичлиги қарийб 4 г/см³. Шишасимон ялтироқ. Қиздирилганда NaCl да эрийди. Катод нури таъсирида ёркин пушти рангда товланади. Гидротермал, метаморфик ва чўкиндан йўллар б-н тиклоичи геокимёвий шароитларда ҳосил бўлади. Муҳим темир рудаси ҳисобланади. Ўзбекистоннинг деярли барча рудали р-нларида учрасада, амалда ишлатилмайди.

СИДЕРОФИЛ ЭЛЕМЕНТЛАР (юн. sideros — темир ва phileo — ёқтираман) — В.М. Гольдшмитнинг геокимёвий таснифидаги кимёвий элементлар гуруҳи. Буларга Fe оиласи ва жами 11 элемент (Co, Ni, Mo, Ru, Rh, Pd, Rd, Re, Os, Ir ва Pt) киритилган. Сидерофиль гуруҳидан ташқари халькофил, литофил ва атмофил элементлар гуруҳлари ҳам ажратилган. Ҳоз. вақт-да ҳар бир элемент нафақат маълум битта, балки турли даражадаги барча геокимёвий хусусиятларга эга ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб қайд этилган гуруҳлар қаторига биофил, гидрофил, нейтрал (бетараф) галогенофиллари қўшилди. У ёки бу геокимёвий хусусиятларни намоён бўлиши элементнинг қандай табиий шароитдалигига боғлиқдир. Мас., олтин деярли барча геокимёвий хусусиятларга эга бўлиб қолмай, балки тубдан фарқланувчи — сидерофилдан тортиб то атмофил генетик турдаги концентрациялар (йиғилмалар, бирикмалар) ҳосил қилади.

СИДИ-БАЛ-АББОС — Жазоирнинг шим.-ғарбий қисмидаги шаҳар. Оран вилоясида. Аҳолиси 152 минг кишидан иборат. Қ.х. (донли экинлар, токзор, зайтунзорлар) р-нининг савдо-саноат маркази. Озиқ-овқат, кўн-пойабзал саноатлари ривожланган. Қ.х. машиналари ва жиҳозлари ишлаб чиқарилади. Тайёр қисмлардан радио ва телевизор йиғиш корхоналари бор.

СИДИҚБЕКОВ Тугалбой [1912.1(14).5, Кенсу тумани —1998, Бишкек] — Қирғизистон халқ ёзувчиси (1968). Қирғизистон ФА акад. (1954). Илк шеърлар тўплами — «Қўраш» (1933). «Баҳодирлар» (1936), «Инсонга» (1969), «Довонда» (1980) шеърий китоблари, «Кебекнинг ўлими» (1935), «Хасис ота» (1940) достонлари бор. Романларида қишлоқ ҳаёти («Кен-Су», 1—2-китоб, 1937—38; қайта нашри — «Тоғлар орасида», 1958), қирғиз халқининг фронт ортидаги қаҳрамонона меҳнати («Замонамиз кишилари», 1948) ҳикоя қилинган. «Аёллар» трилогиясида (1—2, 1962—66) қирғиз аёлларининг жамиятда тутган ўрни ва роли, уларнинг жўшқин фаолияти акс этган. «Бўронда», «Дўстлик», «Дугоналар» ҳикоялар тўплами (1949) ва «Тоғ болалари» (1953), «Тенгдошлар» (1977) романлари муаллифи. Асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

Ас.: Замонамиз кишилари, Т., 1951; Тоғ болалари, Т., 1954; Тоғлар орасида, Т., 1961; Исповедь Букенгай [роман], М., 1980.

СИДНЕЙ, Сидни — Австралиянинг жан.-шарқий қисмидаги шаҳар. Порт-Жексон қўлтиғининг ҳар икки соҳилида. Мамлакатнинг савдо-молия маркази. Янги Жан. Уэльс штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 4,04 млн. киши (1999), аҳоли сони бўйича мамлакатда 1-ўринда. Мамлакатнинг йирик ноқтисодий маркази, бош порти. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Транспорт, электротехника машинасозлиги, радиоэлектроника, қора ва рангли металлургия, нефтни қайта ишлаш, кимё, тўқимачилик, полиграфия, озиқ-овқат, қоғоз саноати корхоналари мавжуд. Саноат корхоналари, асосан, қўлтиқдан шим.да ва шаҳар атрофларида, молиявий муассасалар эса жан.да жойлашган. Қўлтиқнинг ҳар икки соҳили равоқли кўприк (уз. 2 км) орқали боғланган. Метрополитен қурилган. Ун-т (1850), консерватория, расадхона, кутубхоналар, Австралия, геол., амалий санъат музейлари, бадиий галерея, опера ва б. театрлар, ҳайвонот боғи бор. Шаҳарга 1788 й.да инглизлар томонидан асос солинган ва Англия ички ишлар вазири номи б-н Сидни деб аталган.

СИДНЕЙ УНИВЕРСИТЕТИ — Австралиянинг энг қад. ва йирик ун-ти. 1850 й. ташкил этилган. Қ.х., меъморлик, гуманитар фанлар, ноқтисодиёт, ҳуқуқшунослик, муҳандислик иши, тиббиёт, стоматология, ветеринария бўйича мутахассислар тайёрлайди. Расадхонаси, кутубхонаси (2 млн.га яқин асар) бор. 19 мингдан ортиқ талаба таълим олади.

СИДОН — Финикиядаги шаҳар-давлат. Ўрта денгизнинг шарқий соҳилида жойлашган (ҳоз. Ливандаги Сайда ш.). Мил. ав. 4-минг йилликда барпо этилган. Мил. ав. 2—1-минг йилликда халқаро савдонинг йирик маркази; Финикияда гегемонлик қилиш учун Тир б-н кураш олиб борган.

СИДРА, Катта Сирт — Ўрта денгизнинг Ливия қирғоқлари яқинидаги қўлтиқ. Уз. 115 км, эни кираверши жойида 465 км. Энг чуқур жойи 1374 м. Сув ҳар ярим суткада кўтарилади (бал. 0,4 м). С. соҳилида Бингози, Марса-ал-Брейга, Ас-Сидр портлари жойлашган.

СИДҚИЙ ХОНДАЙЛИҚИЙ (тахаллуси ва ном-шарифи Сирожиддин Маҳсум Мирзоҳидхожанд ўғли) (1884 — ҳоз. Бўстонлиқ тумани Хондайлиқ қишлоғи — 1934) — шоир, хаттот, таржимон. Араб, форс тилларини ўрганган. Хаттотликка қизиққан, замонасининг машҳур қилқалами Муҳаммад Шоҳмурод котиб (1850—1922)га шогирд тушган. С. тош йўниб, унга ишлов бериш, турли безаклар туширш, суратлар ишлаш, муҳр ясаш б-н ҳам шуғулланган. Айни пайтда цеър машқ қилган. Шоир сифатида шаклланишида *Камий*нинг хизмати катта бўлган. У бошлиқ адабий давраларда фаол иштирок этган. Илк шеърларини «Шуҳрат», «Шеван» (нола, фиғон) тахаллуслари б-н ёзган («Туҳфаи Шавкат», 1913; «Савғоти Шавкат», 1914 — тўпламлар). Кейинроқ барча асарларини С.Х. тахаллуси б-н чоп эттирган. Лирик шеърларида мумтоз адабиётимиздаги ҳаётий, инсоний муҳаббат, одамийлик сингари яхши анъаналарни давом эттирган. Поэтик меросининг салмоқли қисмини ҳажвиёт ва ижтимоий шеърлар ташкил қилади. Ижтимоий-сиёсий шеърлари эса даврнинг муҳим воқеаларини бағишланган («Муҳораба», «Яшасун ёшлар», «Тоза ҳуррият» ва б.). Мардикорлик воқеалари ҳақида асарлар ёзган [«Рабо(т)чилар намойиши», «Рабо(т)чилар келиши», 1917].

С.Х.нинг «Русия инқилоби» достони (1917, март) Русия инқилоби воқеаларини кенг эпик планда тасвир этувчи дастлабки асар. Достоннинг ҳажми 1502 мисра. Шундан 72 мисраси форс-тожик тилида, қолгани ўзбекчада ёзилган. Воқеалар 23 фев. — инқилобнинг биринчи куни тасвиридан бошланади, сўнг кунма-кун берилади. С. Х. Февраль инқилобини кучоқ очиб қарши олса-да, унинг натижаларидан қаноатланмаган. Достон инқилобдан кейинги шароитни жиддий ва атрофлича таҳлил этиш, барчани бирликка, ҳамжиҳатликка чорлаш б-н якун топган. Бу гоя «Умиди иттифоқ» (1918) таржиъбандида давом этади. С. Х. «Тазкиран имоми Аъзам», «Сад иршоди мулла Сидқий Хондайлиқий» («Мулла Сидқий Хондайлиқийнинг юз насиҳати»), «Мезони шариат» (1915, 1917, 1992), «Зарбулмасали Сидқий», «Ҳолоти Сидқий» каби насрий асарлар ҳам ёзган. Уларнинг кўпчилиги диний-ахлоқий мавзуда. «Ҳикояи латифа», «Баҳром ва маликан Гуландом», «Ажойиб ул-махлуқот», «Ўғри ва қози», «Бўстон» (Саъдий) каби асарларни таржима қилган. С. Х. кўчирган девон, баёз ва рисолалар, ясаган муҳрлари нусхалари, тошлавҳалар ҳамда чизган Тўйчи Ҳофиз ва Тавалло суратлари ҳусусий ва давлат кутубхоналарида, шунингдек, 20 дан ортиқ босма ва қўлёзма асарлари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади (Р—7629), 7631, Р—7629—III).

«Ас.: Навбаҳор, Т., 1984; Танланган асарлар, Т., 1998.

Ад.: Муродов А., Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан, Т., 1971.

Бегали Қосимов.

Сиднейнинг шаҳрининг соҳил қисми.

СИЕНИТ (Syenite — Сиена, қад. Мисрдаги Суни ш., ҳоз. Асвон) — интрузив магматик тоғ жинси; асосан, ишқорли дала шпатларидан (60—90%) ҳамда бир ёки бир неча рангли минераллардан (энг характерлиси амфибол, 10—12% гача) ташкил топган кварцсиз, бутунлай кристалланган тоғ жинси. Олатда, кам миқдорда плагиоклаз (олигоклаз, андезин) учрайди. С.ларда бальзда 5% гача акцессор минераллар (апатит, сфен, циркон, магнетит) бўлади. Ишқорларининг миқдорига қараб С.лар 3 гуруҳга — нормал ва юқори ишқорли ҳамда ишқорли С.ларга бўлинади. Структураси тўлиқ кристалли ва текис донали ёки порфирсимон. Агарда нефелин қатнашса тоғ жинси нефелинли С., кам миқдорда кварц бўлса кварцли С. бўлади. Ишқорий дала шпатларига (ортоклаз ва б.) нисбатан плагиоклаз миқдори юқори бўлган ҳолда тоғ жинси С.дан сиенит-диорит ва монцонит орқали габброга ўтади (асосли плагиоклазга боғлиқ). Зичлиги 2600—2800 кг/м³. Рангли минералларни ортиши б-н нормал С. меланократи С.га ва яна шонкинитга айланади. Безак тоши сифатида ва қурилишда ишлатилади.

СИЕБ МАКОНИ — Самарқанд шаҳрига Сиёб анҳори чап қирғоғида жойлашган сўнгги палеолит даврига оид қароргоҳ. Ўзбекистон ФА нинг археологик экспедицияси томонидан топилган (1969). С.м.ни қазиш натижасида бир неча жойдан сўнгги палеолит даврига оид кўпгина тош қуроллар чиққан. Улар, асосан, 2 гуруҳга бўлинади: 1-гуруҳ қуроллари сарғиш, оқ, жигарранг ва кўк рангли чақмоқтошлардан тай-ёрланган; 2-гуруҳга мансуб тош қуроллар, асосан, *диорит*дан йириқроқ қилиб ясалган. С.м. тош қуролларининг кўпи призматик ва б. шаклдаги *нуклеус*лардан уриб, учириб олинган тош парчаларидан тайёрланган. С.м.нинг асосий қуроллари: турли хилдаги *пичоқсимон* тош кескичлар, тош қирғичлар, ботиқ тиғли қуроллар ва б.

СИЁВУШ (Авестода Сиёваршан, Сиёвахш — «қора от») — «Шоҳнома» эпоси қаҳрамонларидан бири. *Каёнийлардан*. Ўрта Осиё халқларининг мифологик тасаввурларига кўра, Қуёшга тенг қилиниб, умри сўнаётган ва қайта тирилаётган маъбуд рамзи. Берунийга кўра, Хоразмда ҳукм сурган *афригийлар* шажараси С.дан бошланган. Хоразм-да мил. 1—7-а.ларда зарб этилган тангалардаги чавандоз сурати айрим тадқиқотчилар (С.П.Толстов ва б.) томонидан С.нинг тасвири деб қабул қилинган. «Шоҳнома»га кўра, С. *Кайковуснинг* ўғли бўлиб, уни баҳодир *Рустам* тарбия қилган. Ўғли онаси Судоба С.га шаҳзоданинг меҳр қўйган, бироқ, ундан рад жавобини олгач, С.ни ўзининг номусига тегмоқчи бўлганликда айблаган. Бироқ С. тузлаи синовлардан ўтиб ўзини пок, айбсизлигини исбот қилган. Шундан сўнг С. Турон подшоси Франгрисан (Афросиёб) ҳузурига борган. Афросиёб дастлаб уни яхши қабул қилиб, қизи Фаранисни берган, сўнгра маккорлик б-н уни ўлдирган. С.нинг қасоскори сифатида ўғли Кайхусрав Туронга отланган. С. Ўрта Осиё халқлари орасида катта шуҳрат қозонган. У ҳақида қиссалар, қўшиқлар (Бухорода С.га бағишланган туркум қўшиқлар Кини С. — «С. учун қасос» ёхуд «Мулла шписи» деб аталган), халқ афсоналари тўқилган. Нишопурининг ёзишича, ўлдирилган С. жасади Бухоронинг шарқий дарвозаси (Ғўриён) олдига кўмилган. Ҳар йили Янги йил куни қўён чиққунига қадар ҳар бир эркак С.га атаб ҳуроз сўйиши лозим бўлган. Аждарҳо дарахтининг муми «С. қони» деб аталади.

Эдвард Ртвеладзе.

СИЁВУШИЙЛАР — ўзларини *Сиёвуш* авлоди деб ҳисоблаган қад. Хоразм шоҳлари. 1940 й. Тупроққалъадан топилган кумуш танга Хоразм С.нинг энг қад. тангаси ҳисобланади (мил. ав. 2-а.). Танганинг олд томонида соқол қўйган шоҳнинг боши ва галаба маъбудаси — Никанинг тасвири туширилган. Танганинг орқа томонида чавандоз ва С.нинг

Сиёвушийлар тангаси.

тамғаси туширилган. С. рамзлари туширилган тангалар мил. 8-а.га қадар муомалада бўлган.

Ад.: Толстов С. П., По следам древнехорезмийской цивилизации, М.—Л., 1948.

СИЁЛКАТ — Покистоннинг шим.-шарқий қисмидаги шаҳар, Панжоб вилоятида. Ҳиндистон четарасига яқин. Аҳолиси 417,6 минг киши (1998). Йирик савдо-саноат маркази. Транспорт йўллари тугуни. Машинасозлик (электротехника) ва металлсозлик, тўқимачилик, озиқ-овқат, кўн-пойабзал саноати корхоналари бор. Тиббиёт (жарроҳлик) ва мусиқа асбоблари, спорт анжомлари ишлаб чиқарилади. Ҳунармандчиликда металл идишлар тайёрланади, гилам тўқилади, ёғоч ва металл ўймакорлиги ривожланган. С.да сиқ динига асос солган Гуру Нанакнинг мақбараси ва б. меъморий ёдгорликлар сақланган.

Сиенит ва Ғулоба. Миниатюра. 1446. Лондон. Британия музеи.

СИЁМ ҚЎЛТИҒИ — Жан. Хитой денгизидаги қўлтиқ. Малакка ярим ороли б-н Ҳиндихитой ярим ороли орасида жан.-шарқий қисми орқалитида. Уз. 720 км, эни кенглиги жойида 400 км чамасида. Энг чуқур жойи 70 м. Сув кўтарилиши қар ярим суткада такрорланади (бал. 4 м). С.қа Менам-Чао-Прая дарёси қуйилади.

СИЁСАТ— *давлатни* бошқаришга оид соҳа. С. турли ижтимоий-сиёсий ин-тлар, ижтимоий қатламлар, табақа ва гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар б-н боғлиқ. Унинг моҳиятини давлат ҳокимияти шакллари, уни амалга ошириш ва бошқариш ташкил этади. С. кенг маънода жамиятнинг сиёсий тизими, сиёсий ҳаёти, давлат ҳокимияти, унинг ички ва ташқи фаолияти, сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатларининг ҳокимиятга муносабати, уни бошқаришда сиёсий манфаатларни амалга оширишнинг устувор йўналишларини ўзида ифода этади. Шунга кўра адолатли ва адолатсиз, холис ва нохолис, инсонпарвар ёки инсон манфаатларига зид С., демократик ва авторитар С. кўринишларини бошқарувда кузатиш мумкин.

Қадимда С.га жамият ва шаҳар-давлат (полис)ни бошқариш тўғрисидаги фан (Платон ва Аристотель) сифатида қаралган бўлса, ҳоз. вақтда С. деганда давлатни бошқаришнинг назифа ва мақсадларини ҳамда бу мақсадларни амалга ошириш учун мавжуд ёки зарур бўладиган ижтимоий-сиёсий ин-тлар, жамоат бошқаришдаги иштироки тушунилади. Амалий С. одамларнинг сайловчи, депутат ва вазир ва ш.к. сифатида давлат ҳаётида фаол иштирок этишини англатади.

С. ўз таъсир этиш объектига кўра 2 га: ички ва ташқи С.га бўлинади. С. ижтимоий ҳодиса сифатида жамият ҳаёти соҳалари: иқтисодий, ижтимоий, миллий, илмий-техникавий, экологик, маданият, ҳарбий ва б. соҳаларни қамраб олади. Шу тарзда иқтисодий С., ижтимоий С., миллий С., демографик С., аграр С., техникавий С., экологик С., маданий С., кадрлар С.и, ҳарбий С. ва б. йўналишларда намоён бўлади. С. субъектлари орқали ҳам ифодаланади. Мас., давлат С.и, партиялар ва жамоат бирлашмалари ва ҳаракатлари С.и ва ҳ.к.

С.ни тушунишга турли хил ёндошувлар бор. Улар теологик, табиий, социал, рационал-танқидий йўналишларга С. нини табиатини тушуниш ва тушунтириш б-н боғлиқ қарашлардир. Мустабид Совет даврида С.ни ижтимоий-синфий нуқтаи назардан тушуниш, унинг устувор йўналишини белгилашда муайян ижтимоий қатлам (пролетариат) манфаатидан келиб чиққан ҳолда баҳолаш одат бўлган. Бундай ёндошув С.нинг моҳиятини нохолисона тушунишга олиб келди ва инсон С.нинг пассив объектига айлантирилди. Натижада инсон С. б-н эмас, балки С. инсон б-н шуғулланиб қолди. Охир оқибатда С. синфий манфаатлар асосида ҳалдан ташқари мафкураланиб кетди. С. демократик, умуминсоний тамойиллардан ажратилиб, миллий-маънавий хусусиятларни ҳисобга олмайдиган ҳолга келтирилди, асл моҳиятига зид бўлган маъно касб этди. С. «бошқариш санъати»га эмас, аксинча, ўғрлик, таъқиб этиш воситасига айланди. Давлат бошқарувида манфаатлар уй-гунлиги бузилди. Сиёсий ҳаётда «давлат — жамият — инсон» муносабати қарор топиб, давлат манфаати жамият ва инсон манфаатидан устун бўлиб қолди.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон Республикасининг давлат С.и янгича маъно ва мазмун касб эта бошлади. Бу С., аввало, *Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига* асосланмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Олий Мажлис сиёсий ин-тлар фаолияти орқали амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда демократиянинг умуминсоний принципларига риоя қилиниши, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва б. дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Бу ҳол бугунги Ўзбекистон олиб бораётган С.нинг асосий моҳиятини, унинг инсонпарвар С. эканлигини белгилайди.

Ад.: Каримов И.А., Ўзбекистон – келажаги буюк давлат, Т., 1993; Левитин Д., Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида, Т., 2001.

Шоҳрух Эргашев.

«СИЁСАТНОМА» — Абу Али ал-Ҳасан ибн Али ибн Исҳоқ ат-Тусийнинг форс тилида ёзган тарихий асари (қ. *Низомулмулк*).

СИЁСИЙ ИҚТИСОД. Политэкономия (юн. политея — давлат тузуми ва ойкос — хўжалик) — қ. *Иқтисодиёт назарияси*.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР — ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифодаловчи, уларнинг энг фаол вакилларини бирлаштирувчи сиёсий ташкилотлар. С.п. жамият сиёсий тизимининг муҳим қисми, улар давлатнинг сиёсий йўналишини белгилашда иштирок этади, ҳукуматнинг вакиллик ва ижро этувчи муассасаларини шакллантиради. Дастлабки С.п. 17—18-а.лар инқилоблари даврида пайдо бўла бошлаган бўлса-да, С.п.га ўхшаш жамоа, ташкилотлар қадимдан мавжуд эди. Афина гетериялари, Рим оптимат ва популярлари антик даврда С.п. вазифасини бажарган. С.п.нинг универсал шакли асосан, қарама-қарши гуруҳи ва маҳфий ташкилотлар бўлган жиҳатдан етук С.п. шаклланиб улгурмади. Окт. тўнтариши арафасида ва ундан кейин ўзини намоён эта бошлаган сиёсий ташкилотлар ва уларнинг раҳбарлари қатағонга учради, баларга ва сургун қилинди (қ. *«Миллий иттиҳод»*, *Ёш бухоролик-лар*, *Ёш хивачилар*). Шўролар даврида эса ҳукмрон коммунистик партиядан бошқа бирон-бир партиянинг тузиш тақиқланди.

Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлганидан сўнг С.п.нинг шаклланиши ва фаолият олиб боришига имконият яратилди. Мамлакатда ҳоз. пайтда 5 та сиёсий партия (*Ўзбекистон Халқ демократик партияси*, *Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси*, *Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси*, *Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси*, *Ўзбекистон либерал-демократик партияси*) мавжуд. Бу С.п. ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (1992 й. 8 дек.), Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуни (1996 й. 26 дек.), бош-қа қонун ҳужжатлари, шунингдек, ўз устави асосида амалга оширади. С.п. ташкил этиш ҳуқуқи Конституциянинг 34-моддасида мустаҳкамланган. Қонунга кўра, С.п. фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш мақсадида, ҳокимиятдаги эркин биллашув, партияга ихтиёрий равишда кириш ва ундан чиқиш, аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги, ўзини ўзи бошқариш, қонунийлик ва ошкоралик асосида тузилади ва фаолият кўрсатади. Лекин конституциявий тузумни зўрлик б-н ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи; Ўзбекистон Республикаси суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи; урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи; халқнинг соғлиги ва маънавиятига таҳдид қилувчи; миллий ва диний руҳдаги партияларни тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши тақиқланади. С.п. тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни бўйича, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда хизмат қилувчи шахслар (судьялар, прокурорлар ва прокуратура терговчилари); ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати ходимлари, ҳарбий хизматчилар, хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар С.п.га аъзо бўла олмайдилар. С.п.га аъзолик фақат якка тартибда қайд этилади. Бир партиянинг аъзоси айни вақт-да 2-партияга аъзоликка қабул қилинмайди. С.п.ни тузиш учун камида 8 та ҳудудий субъектда (вилоятда), шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент ш.да яшаётган ҳамда партияга бирлашиш истагида бўлган камида 20 минг фуқаронинг имзоси бўлиши талаб этилади. С.п. сайлаб қўйилган давлат органларидаги ўз вакилларини орқали тегишли қарорларни тай-

ёрлашиш, қонунда белгилаб қўйилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти. давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этади. Ўз партияларининг сиёсатини уюшқоқлик б-н ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Сиёсий фракциялари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти шакллак органларида партия гуруҳлари тузилади. «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунда Сиё. фаолиятининг кафолатлари, уларни тузиш, рўйхатга олиш, партиялар мулки, улар фаолиятини тўхтатиш тартиби ва б. масалалар тўлиқ кўрсатиб берилган.

Акмал Саидов.

СИЁСИЙ ТИЗИМ — жамиятда сиёсий ҳокимиятни амалга оширувчи ижтимоий муассасалар мажмуи. С.т., айни вақтда, турли сиёсий гоялар, қарашлар, тасаввурларни, сиёсий хатти-ҳаракатни тартибга солувчи ва белгилочи сиёсий нормалар, ахлоқий принциплар, анъаналарни ҳам ўзида ифода этади (қ. *Жамиятнинг сиёсий тизими*).

СИЁСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР — фуқароларнинг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бир гуруҳи (*фуқаролик, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, мулкчилик ҳуқуқ ва эркинликлар*, жумладан б-н бир қаторда). С.ҳ. ва э. фуқароларга мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиш, давлат бошқарувида қатнашиш ҳуқуқи, *сайлов ҳуқуқи*, қонунларга мувофиқ, жамият бирлашмаларига уюшиш, митинглар, йиғилишлар ва намойишлар ўтказиш, ахборот эркинлиги, оммавий характердаги ишларда иштирок этиш, ариза, таклиф ва шикоятлар бериш орқали давлат органлари, мансабдор шахслар ёки халқ вакилларига мурожаат қилиш ҳуқуқи кабилларни ўз ичига олади. Ўзбекистон фуқароларининг С.ҳ. ва э. и Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (8-боб), «Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида» (1994 й. 5 май), «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида» (1991 й. 18 июнь, (2001 й. 30 августда янги таҳрирда) қабул қилинган), «Сиёсий партиялар тўғрисида» (1996 й. 26 дек.), «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» (1991 й. 14 июнь (1998 й. 1 майда янги таҳрирда) қабул қилинган), «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» (1992 й. 2 июль), «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида» (1991 й. 15 фев.) каби бир қанча конунлар ва қонун кучига эга бўлган ҳужжатлар б-н белгилаб қўйилган.

СИЁСИЙ-МАЪМУРИЙ ХАРИТАЛАР — давлатлар ёки уларнинг айрим қисмларини ҳам. қитъаларни умуман сиёсий маъмурий тузилишларини акс эттирувчи харитолар. С.-м.ҳ.да хариталаниш предметидан қатъий назар сиёсий ва маъмурий бўлинишлар (қўшлаш. сиёсий ва маъмурий бирликларнинг жойлашуви, чегаралари, давлат пойтахтлари ва бошқалар), сиёсий, стратегик ва маъмурий марказлар, халқлар, давлат ва маҳаллий ҳокимиятга эга коммуникациялар тасвирланади. С.-м.ҳ.лар маълумотлилик сифатида, тайинлаш-ҳужжатлик, умумий мақсадларига ва б. мезонларга кўра хариталарни турларга ажратиш анча мураккаб. Ўзбекистонда чиқарилган умумий давлат харитаси 1:30 000 000, Республикамиз 1:1 000 000 ва 1:1 500 000, Қорақалпоғистон Республикаси ва алоҳида вилоят ҳамда туманларнинг 1:200 000 дан 1:1 00 0 000 гача масштабли С.-м.ҳ. лари мавжуд.

СИЁҲ ҚАЛАМ — пақш чизиқларини муайкалаш б-н бўёқда чизиб чиқиш. Пақшлар учиш пайтидаги ажралиб, аниқ курилишини таъминлашни ҳамда пақш чизмаларини ягона, аниқлик бўйича этади.

СИЖИСТОНИЙ, Абу Довуд Сижистонлий Сулаймон ибн Аш'ас ибн Исҳоқ ибн Башир ибн Шаддод ибн Амр ал-Азадий ас-Сижистоний) (817, Сижистон — 888/889, Басра) — муҳаддис, имом. Ёшлигидан ҳадис илмини ўрганган. Ўзининг йирик тўпламини ҳозирги Афғонистон ҳудудий. сиёсий ва маъмурий бирликларининг жойлашуви, чегаралари, давлат пойтахтлари ва бошқаларни акс эттирувчи харитолар. Бир қанча улуғ муҳаддислар (Бухорий, Аҳмад ибн Ҳанбал, Қутайба ибн Саид, Термизий) б-н учрашган. У қаландарни нақл қилиш ва уларнинг сабабларини суриштириш бўйича мураккаб уламоларнинг улуғларидан бири саналади. С. ўзининг айтишича, 500 минг ҳадис ёзиб олган. Шулардан 4800 тасини маълум бир шартлар асосида танлаб, «*Сунани Абу Довуд*» тўпламини тузган. Унинг «Носих ул-Қуръон ва мансух» («Қуръоннинг носх қилувчи ва насх қилинган оятлари») ва «Ҳалоллар ва нубувват» («Пайғамбарлик далиллари») асари қам бор. Сининг асарлари *ақт ва-сунаҳ* эътиқодини учун муҳим манба ҳисобланган туфайли исломда Мовароуннаҳрда кенг тарқалган.

СИЗИГИЯ (юн. *syzygia* — қўшилиш, жуфтлик) — Ойнинг икки фазаси — янги ой ва тўлин ойнинг умумий номи. Бу даврда Ерлан қараганда Ой янги ой пайтида Қуёшга жуда яқин бўлгани туфайли шундай ном олган. С. пайтида Қуёш ва Ой Ер б-н бир тўғри чизиқда ётади. Ўзаронит Ер сиртига берилган кўтарилишлари максимум қийматга эга бўлади. Қуёш ва Ой тортишишлари ҳисобига С. даврида тўғри келади. С. атамаси Қуёш б-н ойларнинг ва улите рўйхат тузиш мақсадида сиёрталарга нисбатан ҳам қўлланилади.

СИЗИФ, Сисиф (лот. *Sisyphus*) — юнон мифологиясида шоҳ. маъбуд. Эолнинг ўғли. Коринф ш. асосчиларидан бири. Ваҳшиёна сўнг ер ости ҳукмдори Аидни (қ. *Аид*) ни ҳеч қачон қайтиб чиқмайдиган қилиб ташлаб кетади. Оғир, тутқунлик. самарасиз иш ва азоб-уқубатлар ҳақида «Сизиф мехнати». «Сизиф тошни юборди» иборалари пайдо. С.нинг мана шундай адолатсизлик ҳақида ҳукмдор Аидни ғазабга келтирган сабаби ҳақида мифларнинг турли хил вариантлари сақланиб қолган (кўпчиликнинг фикрлари онкор қилиб қўйганлиги ва б.). С. образи жаҳон драматургияси (Эсхил, Софокл, Еврипидларнинг сақланмаган асарларида) ҳамда даврлар ўтиши билан алабиётида (А. Камю, Ф. Мерль) ва тасвирий санъатда (Тициан) сақланган.

СИЗЛОРИЧ, фолланкулинг — тук (соч) халтачаси ички эпителийларининг ўсишдан пайдо бўлган. *Сизофилококлар* қўзғатади. Тери тозалиги ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилмаслик, терининг тирналиши ва чиқиндиларнинг органимда моддалар алмашинувининг бузилиши, А ва С витаминлари етишмаслиги, қўп терлаш ва бошқалар С.га сабаб бўлади. Факт юзаси соч халтачаси (қ. *Соч*) қолипланиши *сикоз* рўй беради ва сурункали кечади. Терининг қисмида: юз, бўйин. соч ва б. қисмларда учрайди. Юза С.да майда (0,5 см ча), қизғиш, Юзаси С.да майда (0,5 см ча), думалоқ қизил тугунча ҳосил бўлади, унинг атрофи бир оз қичишади, тез орада шу тугунчадан ўртасида соч бор ўсиқ ёки ўсиқ деган тож пастга қулаб кета беради. Оғир, тутқанак. саноқсиз ва ялиғ-уқубатлар антагонисти «Сизаир механати». «Сизиф тошни юборди» ибораси шундан. Сизиф мана шундай адолатсизлик ҳақида Ҳаққа ёлворган. Унинг «Носих ул-Қуръон ва мансух» («Қуръоннинг носх қилувчи ва насх қилинган оятлари») ва «Ҳалоллар ва нубувват» («Пайғамбарлик далиллари») асари қам бор. Сининг асарлари *ақт ва-сунаҳ* эътиқодини учун муҳим манба ҳисобланган туфайли исломда Мовароуннаҳрда кенг тарқалган.

СИЗИГИЯ (юн. *syzygia* — қўшилиш, жуфтлик) — Ойнинг икки фазаси — янги ой ва тўлин ойнинг умумий номи. Бу даврда Ерлан қараганда Ой янги ой пайтида Қуёшга жуда яқин бўлгани туфайли шундай ном олган. С. пайтида

сонга кўп бўлса, зарҳол ярага учраши эҳтим. Сиз (хусусан, юздаги С.ни) ситиш ярамас. акс ҳолда инфекция тарқалиб кетиши мумкин. С. сўнгакни кечанда парҳез сақлаш. ачиқ, ширин, шўр овқатлар истеъмол қилмаслик; сут ва ферментланган сутли маҳсулотлар истеъмол қилиш тавсия этилади. Сиёнг сувдан олишда тери тозалигига доимий эътибор бериш зарурлиги эслатилади.

СИЗОТ СУВЛАР — ер остидан оқиб чиқадиган сув. зах сув (қ. *Грунт сувлари*)

СИЗРАНЬ — Самара шаҳрида шаҳар. Вокзалдан яратилиш. Т.ш. тугуни. Аҳолиси 168,1 минг киши (1998). Машинасозлик (оғир машинасозлик, «Сизранькомплект», турбосозлик ва б. ҳарбкомлар), шунингдек, нефть ва сланецни қайта ишлаш, нефть ҳайёси саноати корхоналари мавжуд. Қурувчи ишлаб чиқариш марказ. Саноқ-оқсит, енгил саноат, қурилиш материаллари корхоналари бор. Олий ўқув юртлари, ўнга яқин ўрта махсус билим юрти, драма театри, ўлкашунослик музейи мавжуд.

СИЙДИК, пешоб — одам ва умуртқали ҳайвонлар *жийдаги* ажратиладиган маҳсулоти (*секрет*); буйракларда ишланиб сийдик йўллари орқали чиқариб юборилишдан сўнгдик. Организмдаги С. б-н бирга сув, тузлар ва б. чиқарилади. Шунингдек, организмга кирган ёки унинг ўзида ҳосил бўлган турли заҳарли моддалар чиқиб кетади. Одамдаги миқдори С. тизими, спреси ранги, С. от. ЖИФ—1025 г/см³; pH=4,8—8,0 (С. реакцияси оқсилга бой овқат истеъмол қилинганда кислотали. Ўсимлик озиқалар ёки гидан кислотали. Сийдик оқсилга бой озиқалар ёки гидан

Ҳар хил ўсимликлар (бўтакўз, латтачой, лимонўт, сариқчой, тоғрайхон, қариқиз, чучукмия ва б.) таркибига кирувчи моддалар ҳам сийдик ҳайдовчи восита сифатида қайнатма ёки ламлама шаклида азалдан халқ табобатида қўлланиб келинган. Бундан (беҳи, гарвуз, пиёз, саримсоқ, узум ва б.) ташқари, маълум бир мева-сабзавотлар ҳам шундай хоссага эга С.ҳ.дан қабул қилганда сийдик б-н бошқа ионлар (хлор, калий ионлари) ҳам ташқарига кўп чиқиб кетади, бу — организм баъзи функцияларининг бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Буннинг олдини олиш мақсадида С.ҳ.д. б-н даволашда таркибида калий кўп бўлган ўрик, сабзи ва б.ни ҳам истеъмол қилиш буюрилади.

С.ҳ.дни фақат врач кўрсатмасига кўра қўллаш лозим, чунки бу дориларнинг бир қанча ножўя таъсирлари мавжуд (гипо- ва гиперкалиемия, гипер-уремия, алкалоз, ацидоз, юрак аритмиялари, гинекомастия, аллергик реакциялар, нефротоксиклик ва б.).

СИЙДИК-ТАНОСИЛ СИСТЕМАСИ — ривожланиши, жойлашиши ва функцияси жиҳатидан бир-бири б-н боғлиқ бўлган сийдик ҳосил қилиш, сийдик чиқариш ва жинсий аъзолар мажмуи. Эркакларда сийдик йўли ва жинсий йўллар сийдик чиқариш каналига туташади, аёлларда эса умумий бўшлиққа — қин даҳлизига очилади. Ҳоз. замон анатомиясида С.-т.с. 2 та аъзолар системасига ажратилади, булардан бири — сийдик ажратиш системаси — сийдик ҳосил бўлишини ва унинг организмдан ташқарига чиқарилишини таъминлайди. Иккинчи система ташқи ва ички *жинсий аъзолардан* иборат бўлиб, кўпайиш функциясини ўтайди.

СИЙРА, сира (араб. — ҳаёт йўли, таржимаи ҳол) — *Муҳаммад* (сав) ҳаёт йўлини баён қилишга бағишланган, илк ислом даврида вужудга келган диний-тарихий асарларнинг умумий номи. Дастлабки С.лар кўп бўлган, уларнинг анчаси йўқолиб кетган. Улардан Воқидий (747—823)нинг «Китоб ал-мағозий» («Ҳарбий юришлар китоби») ва аввалги С.ларни умумлаштирган *Ибн Исҳоқ* ва Ибн Ҳишом (834 й.в.э.)нинг «Сийрат Расул Аллоҳ» («Аллоҳ элчисининг ҳаёт йўли») асарлари бизгача етиб келган. С.лар илк ислом тарихини тадқиқ қилишда асосий манба ҳисобланади.

СИЙРАК ЭЛЕМЕНТЛАР — қ. *Нодир элементлар.*

СИЙҒОҚЛИК, сийдик тута олмаслик — сийиш эҳтиёжи бўлмаган ҳолда сийдик чиқариш каналидан беихтиёр сийдик ажралиши; турли урологик, гинекологик ва неврологик касалликларда кузатилади. Доимий (мутлоқ), қисман (нисбий) ҳамда тунги С. тафовут қилинади. Доимий С.да сийдик қовуққа йиғилмай, тухтамасдан оқиб турaверади. Бу қуйидача қовуқ ва сийдик чиқариш каналининг нуқсонларида бўлади. Қисман С.да сийдик беихтиёр оз-оздан келади. Кишни қаттиқ йўталганда, кулганда, аксирганда ёки оғир юк кўтариб юрганда сиқиб юборади. Бундан ҳолат қушнча аёлларда тутруқ чоғида сийдик йўллари шикастланиши оқибатида рўй беради. Тунги С. — уйқуда беихтиёр сийиб қўйиш, асосан, ёш болаларда учрайди. Буни *фимоз, шистит,* сийдик-таносил органлари касалликлари, шунингдек, марказий нерв системасидаги вақтинча функционал ўзгаришлар сабаб бўлади ва бола 12—16 ёшга етганда барҳам топиши ҳам мумкин. Бироқ буни бефарқ бўлмай, иложи борича тунги С. сабабини ўз вақтида аниқлаш ва, зарур бўлса, даво тадбирларини кўриш лозим; бу қанча барвақт бошланса, натижа шунча яхши бўлади. С.нинг ҳар қандай турида ҳам ихчам мурожаат қилиш зарур. у С.га сабаб бўлаётган омилларни аниқлайди ва тегишли даво муолажаларини буюради.

СИКЕЙРОС (асли Альфаро Сикейрос, Alfaro Siqueiros) Хосе Давид (1898.29.12, Чиуауа — 1974.6.1, Куэрнавака) — мексикалик рассом, мексика монументал рангтасвир мактаби асосчиларидан бири ва унинг йирик намояндаси; жамоат арбоби. Мехико БА (1911) ва Сан-Анит (1913)да таълим олган. С. сиёсий фаолиятини профессионал рассомлик б-н бирга олиб борган. Президент В. Каррансо армияси офицери бўлган. Д. Ривера, Х.К.Ороско б-н Мексикада давлат томонидан қўллаб-қувватланган «Инқилоб рассом, ҳайкалтарош ва граверлари синдикати»ни ташкил этган (1922; 1922—25 йлар бош секретари). 1932—34 ва 1935—36 йлар АҚШда ишлаган, Нью-Йоркда тажриба устахонасига асос солган (1936). Лотин Америкаси мамлакатларида (Аргентина, Чили, Куба ва б.)да монументал санъат тараққиётига катта ҳисса қўшган. С. асарларига жўшқинлик, экспрессивлик, катта пластик куч бағишлаб, халқни асарининг оммага актив таъсирининг янги тамойилларини ишлаб чиққан. С. Мехикодаги Миллий ганерлов мактаби (1922—23), Нафис санъатлар саройи (1945 ва 1950—51), Тарих миллий музейи (1959 й. дан бошларидаги деворни расмлари, Ун-т шаҳарчаси ректорат биноси пардаги мозаика ва рельефлари (1952—54) ҳамда достоҳ жарлари («Пролетарий очаси», 1929—30; «Ж. Гериван портрети», 1936 ва б.), қуплаб литографиялар, расмлар яратган.

С. 20-аснинг йирик санъаткори сифатида рассомлар (жумладан, Ў. Тансиқбоев, Н. Қаҳҳор, Ь. Жалолов, Ж. Умарбеков ва б.)на кучли таъсир кўрсатган.

СИКОЗ (юн. sykosis — узум гужуми) —соч фолликулларининг яллиғланиши. Асосан, яркакларда кўпроқ юзнинг соч соқол, мушоюли қисмида учрайди. Кечиб чиқишига кўра, стафилококкли (одатда) ёки замбуруғли (паразитар) С. фарқ қилинади. Стафилококкли ёки одатий С. сурункали кечади ва бот-бот қўзиб туради. С.да ўртаси тўқин кичик маддалар пайдо бўлиб, баъзи жойларини йирингли қасмоқ босиб, сувланиб туради, бир оз ғирийди. 2—3 кундан сўнг йирингқотиб пўст б-н қопланади, кейинчалик пўст тушиб кетиб, ўрнида яна йирингли маддалар пайдо бўлади. Стафилококкли С. терининг инфосланиши, бурун-томоқ бўшлиғидаги турли сурункали касалликлар, шунингдек, эндокрин безлар ва нерв фаолиятининг бузилишларидан келиб чиқади. Касаллик ойлаб, баъзан йиллаб давом этади. Бунда беморнинг терисн тортишиб, ачишиб оғрийди. Айниқса, зарарланган соҳа юзда бўлганида беморнинг руҳий ҳолати ўзгаради. Касалликнинг кечиши ва белгиларига қараб даво тайинланади.

Х. Д. Сикейрос. «Ин ташлаш». Тарих миллий музейи биносига ишланган деворий расмдан лавҳа (Мехико).

СИКТИВКАР (1930 й. гача Усть-Сисольск) — РФ даги шаҳар, Коми Республикаси пойтахти, Сисола дарёсидаги пристань (Вичегда дарёсига қуйилиш жойида). Т.й. станцияси. Аҳолиси 230,8 минг киши (1998). 16-а. охирида С. ўрнида қишлоқ бўлган. 1921 й.дан Коми (Зирян) мухтор вилояти маркази. 1936 й. дан Коми Мухтор Республикаси, 1992 й.дан РФ таркибидаги Коми Республикаси пойтахти.

Саноат корхоналари ёғочни қайта ишлаш, йирик ўрмон-саноат комплекси (целлюлоза-қоғоз ва картон и.ч., гидролиз-хамиртуруш з-лари ва б.)дан иборат. Тахта тилиш-ёғочсозлик к-ти, кемасозлик-кема таъмирлаш, тажриба механика, автотаъмирлаш, гишт, йирик панелли уйсозлик з-лари, мебель ва тикувчилик ф-калари, кўн-пойабзал к-ти, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Россия ФА Коми бўлими, 2 олий ўқув юрти (пед. ин-т, ун-т), 2 театр, бадиий ва тарих-ўлкашунослик музейи фаолият кўрсатади.

СИКҲИЗМ — Ҳиндистондаги монотеистик дин; *ҳиндуийлик*даги диний-ислоҳотчилик ҳаракатининг тоғавий шаклларидан бири. 16-а. бошларида Панжобда пайдо бўлган. С. асосчиси — Нанак (1469—1539). Илк С. шаҳарда яшовчи савдогар-ҳунармандлар доираларн мафкурасини ифодалаган. С. барча одамларни ҳудо олдида тенг ҳисоблайди, таркидунёчилик (аскетизм), монахликни қоралайди, маънавий устоз — гурута сўзсиз тобеликни тариб қилади. 18-а. бошида заминдорларга қарши ҳаракатнинг мафкураси бўлган, бироқ 18-а. 2-ярмига келиб соф диний оқимга айланди. Ҳоз. вақтда сикҳлар ўртасидаги ижтимоий зиддиятларнинг кучайиши боис уларнинг ичида турли оқимлар ва сиёсий партиялар вужудга келган. С.нинг диний марказн Амритсар ш. ҳисобланади.

Ad.: Гиёсов Т. Ғ., Ҳиндистоннинг янги тарихи, Т., 1999; Семёнова Н. И., История сикхского движения в Индии, М., 1963.

СИКҲЛАР — 1) Ҳиндистондаги *сикҳизм* тарафдорлари. Бобурийлар б-н узоқ вақт урушлар олиб боришган (17—18-а.ларнинг бошн) ва Панжобда ўз давлатини тузишган (1765—1849). С.ни ташқи кўринишига қараб Ҳиндистоннинг бошқа халқларидан ажратиш осон. Эркаклари соқол ўстиради, сочларини олкаклари соқол ўстиради, сочларини олмайди. Сочларини бош кийим — пагрий (салла)га тароқ б-н турмаклаб қўядилар, соқолларини никларига ўзига хос равишда боғлаб қўйишади. С. доимо белларига ханжар (ёки қилич) ва қўлларига билагузук тақиб юришади. С. — деҳқончилик, ҳунармандчилик, темирчилик б-н шуғулланади, айримлари саноатда банд; 2) панжобиларнан ажралиб чиққан халқ. Умумий сони 16,7 млн. киши (1990-й.лар ўрталари), шу жумладан, Ҳиндистонда 16,5 млн. киши. С. панжоби тилида сўзлашади. Динларни сикҳизм-га эътиқод қилади.

СИКҲЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ — Панжоб (Ҳиндистон)даги деҳқонлар ва шаҳар аҳолисининг *Бобурийлар давлати*даги амалдорлар ва заминдорлар зулмига қарши кураши (17-а. охири — 18-а.нинг 1-чораги). Панжобдаги оғир ижтимоий вазият, мулкдорлар томонидан уни талон-торож этилиши натижасида ижтимоий таназзулга юз тутиши сабаб бўлган. Деҳқонларнинг сикҳлар жамоасига келиб қўшилиши натижасида (қ. *Сикҳизм*) қўзғолонлар авж олди. Панжобдаги ҳукмрон доираларга нисбатан адоватда бўлган сикҳлар б-н бир неча марта ҳарбий тўқнашувлар рўй берди ва бу 1687 йда узоқ давом этган деҳқонлар урушига олиб келди. 1699 й. сикҳларнинг гуруси (устози) Говинд Сингҳ жамоани демократик ҳарбий ташкилот (халса)га айлантирди. 1705 й. Бобурийлар қўшини сикҳлар устидан галаба қозонди. Говинд Сингҳ ўлдирилди (1708). Қўзғолонга раҳбарлик қилишни деҳқон Банда ўз қўлига олди (1710). Бу вақтга келиб сикҳлар армиясининг сони 10 мингга етди, у тўплар ва ўқ отар қуроллар б-н қуролланган эди. Шарқий Панжобнинг катта қисми сикҳлар қўл остига ўтди. 1710 й. 5 дек.да *Баҳодиршоҳ I* қўшини Банда қўзғолончилар қўл остига ўтди. 1710 й. устидан галаба қозонди. Лекин, қўзғолон тезда р-ларда яна 5 й.гача давом этди. Бандининг қатл этилиши б-н ҳам қўзғолон тўхтамади.

18-а.нинг 30—40 й.ларида сикҳлар Панжобда ҳукмрон куч бўлиб қолди. 1765 й. улар мустақил давлат туздилар. 1849 й.да эса бу давлатни инглизлар босиб олган.

СИЛ, туберкулёз — турли аъзолар, асосан, ўпкада ўзига хос яллиғли ўзгаришлар рўй бериши б-н тавсифланадиган юқумли сурункали касаллик. Одамларда учрайдиган С.ни *фтизиатрия* ўрганади. Немис микробиологи Роберт *Кох* (1882 й.) сил қўзғатувчисини аниқлади (бу қўзғатувчи унинг шарафига Кох таёқчаси деб номланади). С. касаллиги қадимдан маълум. Қадимги Ҳиндистон, Миср, Юнонистон ва Рим асарларида ҳам тасвирланган.

С. б-н одамлардан ташқари, уй ҳайвонлари (асосан, қорамол), уй паррандалари (товуқ, курка) касалланади.

Одамларда касалликнинг асосий манбаи ўпка сили б-н оғриб, микобактериялар аралаш балғам ташлаб юрадиган беморлардир. С. ҳаммадан кўп ҳавотомчи йўли б-н тарқалади; йўталганда, аксирганда микобактериялн балғам ва шиллиқ заррачалари ҳавога тарқалиб атрофидаги буюмларга тушади. С. микобактерияси, асосан, нафас йўллари орқали киради. У бошқа микробларга нисбатан ташқи муҳитнинг турли таъсирларига жуда чидамли бўлиб, ўзининг яшаш ва кўпайиш хусусиятларини узоқ муддат давомида сақлаб қолади. Қуруқ ҳолдаги С. микобактерияснга 36° ҳароратда таъсир этилса, у 180 кунгача, +70° қиздирилса 7 соат давомида, оқар сувларда 150 кун, кўча чангида 10 кун ичида ҳаёт кечиришн ва кўпайиш хусусиятларини йўқотмайди. Айниқса, қуёш нури тушмайдиган зах ерларда узоқ муддат сақланиб қолади. С. микобактерияларининг атроф-муҳитда узоқ вақт сақланиши С. касаллигининг идиш-товоқ, кийим-кечак, ўрин-кўрпа ва б. орқали юқиш эҳтимолини туғдиради. С.нинг очиқ ва яширин шакли фарқ қилинади. С.нинг очиқ шаклида бемор балғамида С. микобактериялари топилади; бемор гигиена қоидаларига риоя қилмаса, бошқаларга касал юқтирувчи бўлиб қолиши мумкин. С.нинг яширин шаклида микобактериялар балғамда топилмайди, бундай беморлар атрофдагиларга учун юқумли бўлмайди. С. б-н оғриган бемор барча гигиена қоидаларига риоя қилса, амалда атрофдагилар учун хавфли бўлмайди. С. микобактерияларн, фақат ўпкани эмас, балки организмда соч ва тирноқдан бошқа бўғимлар, суяклар, мия пардалари, буйраклар ва б. аъзоларни зарарлайди. С. касаллигига аксари ёш болалар (чунки уларда ҳали *иммунитет* суст ривожланган бўлади), балоғатга етиш даврндаги ўсмирлар (нерв-эндокрин бош-қарувининг беқарорлиги туфайли), шунингдек, организмнинг инфек-цияга чидами сусайган ёши катта одамлар чалинади. Ўпка силига хос белгилар касаллик шаклига, ёшга ва б.га боғлиқ.

Бирламчи С.да касаллик аломатлари яққол намоён бўлмайди. Бироқ тери остига туберкулин юбориб ўтказиладиган Манту синамаси мусбат чиқса ва беморда касалликнинг умумий белгилари (ранг кетиши, қуватсизлик, уйқу ва иштаҳа бузилиши, тез толиқиш, гавда ҳароратининг кўтарилиши, тунда терлаш) пайдо бўлса, бу сил интоксикациясидан дарак беради. Ёш болаларда касаллик мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларга қараганда оғирроқ ўтади, аксари асоратлар кузатилади. С. интоксикацияси болалар-

ла рўй-рост начеён бўлади; болалари ранги сиёнқади, ингичка бўлиб қолади, ингичкаси йўқолиб, тез-тез ингиллаб туради. Врачга ўз вақтида борилмаса, болани тўғри парвариш қилинса, оилада, бутунлай соғайиб кетади.

Иккиламчи С. — ўпка силларига камдан кўп учрайдиган шакли. У ўпкада ва лимфа тугунларида сақланиб қолган инфекция «қўзғолон келиб чиқади: нокуш шароитларда С. қўзғатувчи фаоллашиб, жараённи зўйайтиради (фиол шакли). С. микобактерияси бор бемор б-н узоқ вақт мулоқотда бўлганда С. қайталанишга қон мумкин. Бунга организмнинг чидамлигини, сифатсиз овқатланиш, стрессдар, зарарли одатлар (чекиш, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик), сурункали касалликлар, ўпканинг носпецифик касалликлари, қандли диабет, гастрит, меъда-ичак яралари, СПИД, шунингдек, хомиладорлик ва туғруқдан кейин организм қарши қобилиятининг камайиши ва б. сабаб бўлади. Одатда, иккиламчи С. биринчиси ва ўта ёшда лайдо бўлади, ўз вақтида даво қилинмаса, касаллик аста-секин, лекин тўхтамай ривожланади. Аксари ўпканинг юқори бўлакларида майда ўчоқлар пайдо бўлади (С. нинг ўчоқли шакли), баъзан йирингли инфильтратлар (С.нинг эрланган шакли) кузатилади.

Касаллик баъзан узоқ вақтгача ҳеч қандай аломатларсиз кечади, бироқ, ўпка сили ривожланганда, яъни С. микобактерияси кўпайиши бошланганда организмда заҳарланиш аломатлари пайдо бўлади: ҳолсизлик, тез чарчаш, тунда терлаш, оқиб кетиш ва б., борабора беморда йўтал кўзғалиб, қонсирайди, ғизиллаш бўлиб қолади. Зўр бериб даволанишга қаралса-да касалликнинг олдини олади. Ўпкадан ташқаридаги С. (ҳиқилдоқ, ичак, буйрак, тери, суяк, бўғим ва б.) ўпка силига қараганда анча кам учрайди. Сил бармоқ аниқлаш касалликни тўла-тўкис даволаш имконини беради.

Давоси. Даволаш, асосан, касалхона шароитида, врач назорати остида олиб борилади. С.га қарши ишлатиладиган кесалликнинг гури ва оғир-енгиллигига қараб танланади. Одатда, бу дорилар узоқ вақт давомида (бир неча ойлаб) қўлланади. Сил дорихонаси фойдаланиладиган кимётерапевтик дорилар икки гуруҳга бўлинади: изониазид ва унинг аналоглари, фенфизидин; этамбутол, протионамид (этионамид, пиразинамид), стрептомицин, канамицин, флоримицин ва б.

Оғирлик даражасига қараб, касалларни, енгилроқ ва махсус қабулхоналарда ўз ичида олади. Ахлат анализлари жойларни обилоқилаштириш масалаларини ҳал қилишда катта аҳамиятга эга. Врач буюрган куп партибога амал қилиш, тўла-тўкис овқатланиш, иложи борича очиқ ҳавода бўлиш, хонани бот-бот шамоллатиб туриш лозим. С. б-ғи орттан беморларни касалликнинг ҳам бошқаларга энгиқувчи мақсадида ҳарбий-врачлик комиссияси ўзига хос тартиб-қоидалар асосида ҳарбий хизматга яроқлилик тўғрисида қарор чиқаради. (Қаранг 2 жадвал.) Мартал ўлкаларда жиддий натижа беришн. С. ни биринчилар да барвақт аниқлаш учун барча профилактик чора-тадбирлар кўрилади. Болаларда, мактабларда туберкулин синамаси ўтказилади. Ўзбекистонда барча янги тўпланган чақалоқлар вакцинация қилинади: ёшга-вақти б-н (7,12 ёшда) ревакцинация ўтказилади.

Ад.: Турсунов Ф. И., Ибрагимов М. А., Солиқов А. С., Сил, Т., 1999

Абдулла Ўзбекжонов

СИЛ ДИСПАНСЕРИ — даволаш-профилактика бўлими қасалларини махсус тиббий муассаса. Ўз соҳасида оғир бемирлар сонини аниқлаш, ҳисобга олиш, даволаш шароитларини ўргатиш, шуғилланиш, бу касалликка қарши кураш, олдини олиш чораларини б-ғ бостиқ санитария-маорифий масалаларини ишлаб чиқиш, тарғиб этиш С.нинг асосий лавифасилар. Ўзбекистонда биринчи С.д. 1922 й. Тошкентда ташкил этилган. Кейинчалик барча вилоятлар, шаҳар ва туманларда ҳам С.д. фаолият кўрсата бошлади. С.д. ўз ҳудудидаги эпидемиологик ҳолатни мунтазам назорат қилиб боради, ғиз аниқлаганда тақдирда, даврда беморни хис ва мос даволаш йўлларини аниқлайди, врач назорати остида олиб боришни ташкил қилади. Дорихонадан ажратиб берилади, зарур бўлган ҳолларда беморни касалликхонага; санаторийга жойлаштиради. С.д. ходимлари *санитария-эпидемиологик станциялар* (СЭС), туғруқхоналар ва б. тиббий муассаса ходимлари б-н ҳамкорликда назоратчил, ревакцинацил, БЦЖ, шуғилланиш, аҳолини флюорографик текширувдан ўтказиш ишларига ҳам амалга оширади.

СИЛАЛ (лот. silisium — кремний ш инг. silon — қотишма) — таркибида Si (кремний) кўп (5—6%) бўлган легкқ-ҳом ва шарсимон графитли С. бор. С.ли

жоғил ёғлар бўлиши мумкин. Ўнг томонларда С. бўлиб, ўзларнинг биринчи турида қизатувчи қўшилмаларга бнок ўнг томонда ва иккинчисида эса чап томонга сурилган бўлади. Суриташ юзага бўлиб ҳаракатланувчи гидротермал эритмаларнинг рудали минералларнинг чўкишга ўтишни сабабли фойдали қазилма конларни ҳосил бўлиши мумкин. Силжиларда бокларнинг сирланиш амплитудаси бир неча м дан бнлаб км ача бўлиши мумкин. Ўрта Осиёдаги энг йирик С. структура Талас-Фарғона чўкур ер ёрилиши.

СИЛИКАГЕЛЬ (лот. silex — чақмоқтош ва gelo — нвиқ) — полисиликат кислотанинг қуритилган гидратлари (силикқ қаттиқ гидрофил сорбент қ. *Сорбентлар*) С. натрий ёки калий силикат эритмасига сульфат ёки хлорид кислота қўшиб ҳосил қилинади. Ортосиликат кислотанинг ортосиликатларини гидролитик парчалаш йўли б-н юқори сифатли С. олинади. С. минерал моддаларни тозалашда, катализаторлар сифатида, сорбент, енгилгичлар, органик суюқликларни қуритишда ишлатилади.

СИЛИКАТ БЕТОН — қурилиш материали, бетоннинг бир тури. Оҳакқарамтирлаш боғловчи модда ва анорганик тўлдиргични сувда қориб тайёрланадиган хавосли автоклавда термик ишлов бериб олинади. Хоссаларни жиҳатдан портландцементли бетонга ўхшайди (сув ютқирмайди, кислоталар таъсирига чидамли, пластиклиги юқори ва ҳ.к.). Қурилишда юк кўтарадиган ички деворларни, лоджияларни, айвонлар ва бинонинг ички қисмларини тайёрлаш учун ишлатилади.

СИЛИКАТ ГИШТ — қурилиш материалн. Кўринишн ва ўлчамлари оддий пишиқ ғиштга ўхшайди. Одатий сортлари рақдаш эмас, яъни қуми (90—92%) ва сўндирилган оҳак (8—10%) қоришмасини тайёрланади. Ғишт ҳосиласи ишлаб чиқарилади. Юқори (200 ат ғача) босимда пресслангач, ўртача автоклавда бугда 8 ат босимда қотирилади. Қуриқ, ҳаво алмашинуви 1700—1900 куб. Одатий ғишт сингари бинокорларнинг фақат ер ости қисмларини ва пастқаварали ер ости тунелларини тиклашда ишлатилади. С.г. пухталигини ошириш учун уларнинг сиртига ишқалаш ва қўрқам бўлишларга чидамлилик талаб қилинади. Фақат ғишт қаторлари орасидаги (қоришни) чокларга ишлов берилади. Сувга чидамлилиги одатий ғиштникидан юқори, т-раси 500° дан ошиқ ғиштникидан паст, т-ра 900° дан ошганда қуп деформацияланиш хусусиятига эга.

СИЛИКАТЛАР (лот. silex — чақмоқтош) — силикат кислоталарнинг тузлари. С. асосини $[SiO_4]^{4-}$ тартибли тетраэдрлар ташкил қилган. Тетраэдрлар ўзаро умумий учларидаги кислород атомлари орқали бирлашиб, турли структурали силикатларни ҳосил қилади. Силикатларнинг кристалл панжарасида Si^{4+} ионн бўлиб, уни 4 та кислород ионн қуршаб олган. С. таркибида кислород ионлари билан бирга металл ионлари (темир, алюминий, магний, кальций, натрий, калий ва б.) ҳам бўлади. Силикатларнинг хоссалари уларнинг таркибига ва структурасига боғлиқ. Силикатларнинг кўпчилиги сувда эримайди, кислоталарга чидамли, юқори т-рада суюқланади. Силикатларнинг кристалл панжарасида ионлар ўзаро маълум миқдорий нисбатларда бирикиб, электр жиҳатдан нейтрал комплекслар ҳосил қил

сирида парчаланади, бошқа С.лар сув ҳам, суюлтирилган кислоталар ҳам таъсир этмайди. Аксари С. — ярим ўтказгичлар.

СИЛИЦИЙЛАШ — пулат ва б. металл деталлар юзасини кремний (Si) б-н тўйинтириш. Қийин эриладиган металлар (W, Mo, Ta, Ti ва б.) ни оксидланишдан сақлаш ва кислоталар таъсирига чидамлилигини оширишда қўлланилади.

СИЛИЦИТЛАР — қ. *Кремнийли жинслар*.

СИЛЛАБИК ЁЗУВ (юн. syllabe — бўғин), *бўғинли ёзув* — график белгилари (силлабограммалар) бўғин ҳосил қилувчи фонемалар ва фонема қўшилмалари б-н боғлиқ бўлган ёзув тури; умумий ёзув тарихида С.ё. сўз ёзуви (идеографик ёки логографик ёзув) дан кейин, мил. ав. 3—2-минг йилликлар оралиғида, шумер тилида пайдо бўлган ва фонография ривожидаги биринчи босқич ҳисобланади. Икки дарё орасидаги бир қанча *махкамат* ёзувлари, крит ва ғарбий сом ёзувлари «ундош+ҳар қандай унли» бирикмаси тарзидаги бўғин ифодаловчи белгиларга эга бўлган. С.ёнинг кейинги (мил. ав. 1-а. ва мил. 1-а.лар) да) шаклланиши ва ривожланишини Эфиопия, Ҳиндистон, Жан.-Шарқий Осиёдаги бўғинли ёзувларда кўриш мумкин. Қад. ҳинд ёзуви *брахмилан* келиб чиққан *деванагари* (ҳоз. умумҳинд расмий ёзуви) С.ёнинг ёрқин намунасидир. Бунда, одатда, ҳар бир белги муайян унлининг а унлиси б-н қўшилмаси (мас., па, ба, та, ма каби) тарзида намоён бўлади. Тегишли унлошдан кейин а дан бошқа унлини ўқиш учун ўша ҳарфнинг остига ёки устига керакли унлини ифодаловчи махсус белги қўшилади. Энг кейин шаклланган С.ёлардан япон ва корейс ёзувларини кўрсатиш мумкин. С.ёдаги график белгилар ҳарф деб эмас, балки *силлабема* деб аталади (левагари алифбосидаги 33 та белги, ҳоз. рус ва ўзбек алифболаридаги е, ё, ю, я белгилари силлабемалардир).

СИЛЛАБИК ШЕЪР ТИЗИМИ (юн. syllabikos — бўғинли) — ҳар сатрда бўғинлар сони тенг бўлишига асосланган шеър тизими. С.ш.т., асосан, турғун урғули тиллар — француз, немис, поляк тиллари ва б.ға хос. Туркий тилларнинг деярли ҳаммасида урғу, асосан, турғун — сўзнинг охирги бўғинига тушади (мас., китуб — китобдб — китобдагй каби). С.ш.т.да шеърий оҳанг ҳар мисрада бўғинларнинг баравар жойлашишидан ташкил топади. Демак, С.ш.т. ўзбек шеъриятига хос бўлган асосий шеърий тизимдир. Уни *бармоқ вазни* леб ҳам аташади. Албатта, шеърда оҳанг яратиш учун бўғинларнинг бир миқдорда бўлиши етарли эмас, улар ҳар мисрада муайян тартибда жойлашиши ҳам керак. С.ш.т.да оҳанг яратишнинг асосий омили сифатида *турок* (цезура) катта аҳамиятга эга. Мас., Соғинилим, \ ул йодмон \\ тунгулар билан. — Кўксимга \ тирмашиб \\ усали бир гул... Ҳар 2 мисрада ҳам ластлабки 5 бўғин б-н кейинги 5 бўғин орасида пауза (бош турок) бор. Ластлабки 6 бўғин ҳам ўз ичида 3 бўғинли 2 гуруҳга ажралади — улар урғисида ҳам қисқа пауза — турок бор. Бўғинларнинг сони ва жойланиши тартиби шеър охиригача ўзгармайди, яъни С.ш.т.да туроқнинг ўрни доимий бўлади. С.ш.т.да бўғинларни тартиблаш ёки туроқларни жойлаштириш имкониятлари тенг кели, бу эса бир хил миқдордаги, мас., 11 бўғинли *вазн*ла ҳар хил оҳанглар яратишга ёрдам беради.

С.ш.т.га асосланган ўзбек шеъриятида 5 бўғинлидан 16 бўғинлигача бўлган вазнлар тизимлари мавжуд. М. Шайхзода «Тошкентнома» достонида бўларнинг ҳаммасидан фойдаланган. С.ш.т. балки кўчма урғуга эга бўлган тилларда ҳам учраши мумкин. Мас., 17-а.да рус шеъриятида С.ш.т.га амал қилинган. Бироқ бу тизим рус тилининг грамматик хусусиятларига мос келмагани учун 18-а.нинг 30-й.ларидан бошлаб унинг ўрнини силлабик-тоник шеър тизими эгаллаи бошлаган (яна қ. *Бармоқ вазни*).

СИЛЛАБИК -ТОНИК ШЕЪР ТИЗИМИ (юн. syllabй — бўғин ва typos — ургу) — *тоник шеър тизими* турларидан бири; мисрада урғули ва урғусиз бўғинларнинг ҳамда ҳижоларнинг изчил алмашиниб келишига асосланади. Мисраларни ритмик жиҳатдан уюштириш ва шеърий оҳанг яратишда урғули ва урғусиз бўғинлар комбинацияси муҳим роль ўйнайди. Урғули ва урғусиз бўғинларнинг тартибли жойланишини натижасида ҳижо (стопа)лар ҳосил бўлади. [Шартли равишда урғусиз ҳижони қисқа ҳижога (◡), урғули ҳижони чўзиқ ҳижога (—) тенглаштириш мумкин]. Улар рус шеъриятида, асосан, бешта (ямб, хорей, дактиль, амфи-брахий, ананест) бўлиб, ҳар бири ўзига хос тузилишига эга.

СИЛЛАНПЯ (Sillanpдd) Франс Эмиль (тахаллуси — Э. Сювяри, Сарви) (1888.16.9, Хяменкюрё — 1964.3.6, Хельсинки) — фин ёзувчиси. I-роман — «Қуёш ва ҳаёт» (1916). «Алолатли камбағаллик» (1919) романи Финляндиядаги фуқаролар уруши фожиалари мавзуида. Асарда муаллиф фин ёзувчиларидан биринчи бўлиб, «қизиллар» ва «оқлар» ўртасидаги қуролли курашнинг лаънатли жанини ҳолис тасвирлаган. Роман мамлакатнинг шарқидан чиқиб олиши учун биринчи туркий бўлиб, финларнинг руҳи жароҳатдан даво топишларига ёрдам берди, шу сабабли 1929 и.дан Финляндия ҳукумати С.га умрбод стипендия тайин этган. «Ёпилмас кафан» (1931) романи машҳур. «Ёз тунидаги одамлар» (1934) С.нинг энг яхши асари бўлиб, унинг композицияси ёпилиб кетгани ва ўта ҳиссиёт ё-н ёпилгани учун достонга ўхшаб кетди. «Август» (1941), «Инсон ҳаётининг гўзаллиги ва азоблари» (1945) асарлари ҳам бор. Нобель мукофоти лауреати (1939).

СИЛЛИМАНИТ [америкалик олим Б. Силлиман (B. Silliman; 1779—1864) номидан] — силикатлар синфига мансуб минерал. Юқори даражада метаморфизмланган доломитли тог жинсларида учради ҳамда метаморфизм жараёнини силлиманитли зонасини белгилайди. Кимёвий таркиби Al_2SiO_5 бўлиб, кианит ва андалузитларнинг юқори тўрали полиморф туридир. Ромб сингонияли кристаллари игнасимон бўлиб, тола-тола агрегатлар ҳолида учрайди. Ранги кулранг, оч қўнғир, оч яшил, шишадек ялтироқ. Толасимон агрегатлари рангсиз ва тиниқлигича; қаттиқлиги 6,5 —7,5; зичлиги 3,27 г/см³. Юқори (1545°га яқин) т-рада муллит ва кремний (II) оксид (SiO_2)га парчаланади. Алюминий оксид (Al_2O_3) ли хом ашё бўлиб, ўтга ва кислоталарга чидамли чинни буюмлар, махсус изоляторлар, пулат қуйиш учун тигель ва б. асбоблар тайёрлашда ишлатилади. С. Ўзбекистоннинг тарбий ва жан. қисмларида жуда кенг тарқалган бўлиб, метаморфик сланецлар б-н биргаликда учрайди. Чатқол — Қурама минтақасида нисбатан кам тарқалган. Ҳиндистонда С.нинг йирик конлари маълум.

СИЛЛИҚЛАШ — турли материаллар (металл, тош, ёғоч ва б.) га жилвир қоғоз, жилвир тош, *абразив материаллар* ёрдамида ишқалаб ишлов бериш. Металларга, асосан, *силлиқлаш станокларида* ишлов берилади. Металл сирти рисолладагидек силлиқ чиқиши учун унга бир неча марта ишлов бериш керак (ҳар гал 0,005—0,05 мм чамаси қатлам сидирилади). Тошлар сирти ҳар хил йирикликлаги абразив доира, плита, брусоклар б-н силлиқлаш станоклари, электр асбоблар ёрдамида силлиқланади. Ёғочни С.дан олдин уни рандалаб, сирти шаклёвкалаб олинади, кейин турли майинлик ва қаттиқликдаги (яъни ҳар хил йирикликлаги) жилвир қоғоз б-н ишқалаб силлиқланади. С. натижасида материаллар кўркамланади, коррозиябардошлиги ва мустаҳкамлиги ортади. Силлиқланган сиртларни абразив масса (элпиратадиган таркиб) суркаб, жилвир қоғоз, абразив доира ёрдамида қўлда ва станокларда элтиратиш жилдаш деб аталади.

СИЛЛИҚЛАШ СТАНОГИ — металл, тош ва ёғоч деталь ва буюмларга жилвир қоғоз, жилвир тошлар (абразив доралар) б-н ишлов берадиган станок. Ишланадиган сиртга қараб, доиравий, ички ва ташқи юзаларни силлиқлайдиган милларга бўлинади. Силлиқлаш лонраси маҳкамланадиган шпиндель электр двигатель б-н бевосита ёки тасмали узатма орқали, ишланадиган буюмлар эса алоҳида электр двигатель ёки гидроцилиндр б-н айлантирилади. Йўниш чуқурлиги механик ёки гидравлик юритма б-н ростлаб турилади; абразив доира қўлда ёки автоматик тарзда тўғриланади, деталлар механик ёки автоматик тарзда киритилади. Ёғоч ишлашда жилвир қоғоз маҳкамланадиган иш органининг турига қараб, ленталн, цилиндрик (барабанли), дискли, бобинали, чўткали ва б. хил С.с. ишлатилади. Тошга ишлов беришда С.с. билан кичик ўлчамли қоплама мармар буюмларни силлиқлаш ва жилолаш; йирик қопламa буюмларга ялпи ишлов бериш ва б. ишлар бажарилади (бунда рельси изда ҳаракатланувчи П-симон портал кранга айланма абразив асбоб ўрнатилган шпиндель маҳкамлаб қўйилади).



Силлиқлаш станоклари ишлаш схемаси: *а* — жилвирий силлиқлаш; *б,в* — ташқи силлиқлаш; *г* — ички силлиқлаш; *д* — планетар ички силлиқлаш; *е, ж* — ички силлиқлаш станоклари: *1* — абразив доира; *2* — часпак; *3* — силлиқланиган деталь; *4* — патрон; *5* — стаканчаи доирча; *6* — тавиш ғилдиқ; *7* — роликлар.

СИЛЛОГИЗМ (юн. syllogismos — ҳисобга оламан, хулоса чиқараман) — дедуктив хулоса чиқариш тури. Унда ўзаро мантиқий боғланган икки қатъий мулоҳазадан учинчи — янги қатъий мулоҳаза ҳосил бўлади. Мас., «барча металлар электр токини ўтказади; мис — металл; демак, мис электр токини ўтказади». Ҳосил қилинган янги мулоҳаза дастлабки мулоҳазалардан умумийроқ бўлмайди. Шунга кўра, С.ни умумийликка асосланган хулоса чиқариш, деса бўлади. Бу жиҳатдан С.дан одатдаги фикрлаш ва илмий хулоса чиқаришда *исбот* шакли сифатида кенг фойдаланилади. С.нинг таркиби хулоса асослари ва хулосадан ташкил топган. Хулоса асослари ва хулосадаги тушунчалар терминлар деб аталади. С.нинг 4 та асосий фигураси (шакли) мавжуд. С. асослари олдиё қатъий ҳукмлардан иборат бўлиб, уларнинг икки асос ва хулосада ўзига хос тартиб (тўплам)да келиши модус деб аталади. С. фигураларининг 19 та модуси мавжуд. Ҳар бир фигуранинг тўғри модусларини аниқлашда С.нинг умумий ва махсус қоидаларига амал қилинади. Слар оддий қатъий, мураккаб ва мураккаб қисқартирилган турларга бўлинади. Хулоса чиқаришнинг бу усулини *Арастотель* «Биринчи аналитика» асарида таърифлаб берган. Силлогистик хулоса чиқариш мантиқда ўрганилади.

СИЛЛОГИСТИКА — анъанавий формал мантиқнинг бўлими. Дедуктив хулоса чиқариш қоидаларини ўрганади. *Силлогизмнинг* мантиқий назарияси сифатида биринчи марта *Арастотель* таърифлаб берган. Замонавий математик мантиқда С. алоҳида бўлим сифатида ажратилмайди.

СИЛОВСИН (Lynx lunx) — мушуксимонлар оиласига мансуб сут эмизувчи ҳайвон. Танасининг уз. 82—109 см, думи 20—40 см, вазни 8—19 (баъзан 32) кг. Қулоқларида бир тутам узун туклардан иборат шоқиласи бор. Мўйнаси қалин ва юмшоқ, малла ёки кизғиш-сариқ, баъзан ҳолдор. Евросиё, Америка ўрмонларида, баъзан ўрмон-ўтлларида тарқалган. Ўзбекистон жан.-ғарбларининг ўрта ва юқори қисмларидаги тоғларнинг ўрта ва юқори қисмларида учрайди. Асосан, тунда фаол. Январь—март ойларида жуфтлашади. Май — июнда болалайди. Болалар 2—3 йилда жинсий вояга етади. Куён, сичқон каби кемирувчилар, қушлар, туёқлилар б-н озиқланади. Соғи узлуксиз камайиб бораяпти. «Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турларининг халқаро савдоси тўғрисида»ги Конвенция (CITES)нинг I-иловасига ва Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган.

Силовсин.

СИЛОС (испанча silos — ертўла, дон сақланадиган ўра) — чорва моллари учун ўсимлик (маккажўхори, картошка, кунгабоқар, вика-сули аралашмалари, илдизмевалар, табиий пичанзорлар ўтлари, полиз экинлари палакларн ва б.) кўк поялрини ҳаво кирмайдиган қилиб консервалаш йўли б-н тайёрланадиган озуқа. Таркибида каротин, витамин С сақланади. Тўғри тайёрланган С. таркибида органик кислоталар, хусусан, сут (2% гача), сирка (0,6% гача) кислоталари, айрим турларида пропион, валериана кислоталари мавжудлиги туфайли ўзига хос ёқимли ҳид ва нордонроқ мазага эга. С. бостириш технологияси бузилганда ва нотўғри сақланганда ёғ кислотаси пайдо бўлади. С. сифати унлаги водород ионларининг миқдори (pH)га қараб аниқланади. Сифатли С. таркибида pH 4—4,2 бўлади. С.нинг озуқали қиммати ўсимлик тури, ўриб олиш вақтидаги ривожланиш фазаси, тайёрлаш технологияси ва сақланиш шароитига боғлиқ. Юқори сифатли С. тайёрлаш учун маккажўхори дони сут-мум пишиш даврида, кунгабоқар гуллаб бошлаши, дуккакдилар дуккак тугишининг бошланиши б-н ўрилади. 100 кг маккажўхори силосида 20 озуқа бирлиги, 1,4 кг ҳазм бўладиган протеин, 150 г кальций, 50 г фосфор, 1500 мг каротин, 100 кг кунгабоқар С. ида 16 озуқа бирлиги, 1,4 кг протеин бор.

Ўзбекистонда С. бостириш 20-а.нинг ўрталаридан қўлланилади. С., асосан, маккажўхори, оқ жўхори поясидан ёки пояси ва донидан тайёрланади. С. ҳайвонларда овқат ҳазм бўлишини яхшилайди. Бузоқларга дуккакли, юмшоқ бошоқдош ўтлардан, чўчқаларга қанд лавлаги, сабзи, картошка, полиз экинлар, маккажўхори сўтаси ва б. аралашмасидан, паррандаларга дуккакли ўтлар, сабзи, қанд лавлаги ва б.дан тайёрланган С. бериш тавсия этилади. С., асосан, қишда, қуртқочил р-нларда ёзда берилади.

С. бостиришда кўк пон силос комбайни ёрдамида ўрилади, 2—4—7 см узунликда майдаланади, сўнг силос иншоотларига жойланади. Бостирилган С. оғир трактюрлар б-н зичланади, устига полиэтилен плёнка ёпилиб, кейин 30—35 см қалинликда тупроқ б-н кўмилади. Тўғри тайёрланган С.нинг озуқалик қиммати ва витаминлар деярли тўла сақланиб қолади. С. бостириш техникаси бузилса (айниқса, зич бостирилмаса), аэроб микроорганизмлар жадал ривожланади, озуқа ўз-ўзидан тез қизийди; озуқалик қиммати кескин пасаяди.

С. ичалгат, кундалик рационга лойиқ миқдори олиниб, кўп дарахт усти энч олиб қўйилиши лозим. Акс ҳолда ҳаво таъсирида оксидланиш жараёни бошланиб, озуқа сифати бузилади. Совитилган ва сўриғич бақтериялар қўшилган қорамолларга силосланган С. тўйимлилик бўйича 30% гача, чўчқалар рационида 20% гача бўлиши мумкин. Катта ёшдаги қорамолларга 1 кунлик ўртача 15—20 кг, отларга 10—12 кг, қўйларга 3—4 кг берилади.

Ўзбек Жамолов, Рустамов Ҳамроқулов.

СИЛОС ИНШООТЛАРИ — силос бос-тирилиб, сақлаш учун фойдаланиладиган қурилмалар. Асосий вазифаси — силос массасини ҳаво, сув киришидан, мунтазам қолишдан сақлаш. Ассосан, траншеялар ва минoралар кўпинчасида, чорвачилик фермаларига яқин жойда қурилади. Жойнинг гидрогеологик шароитларига қараб ер усти, ярим чуқур ва чуқур траншеялар (ғарбий бал. 1,6 м. туби эни 9 м; ҳажми 500—4000 м³) ер ости суви чуқур сатҳда қурилади. Баъзи фермаларда диаметри 9,15 м, бал. 24 м, ҳажми 1600 м³ бўлган БС -9,15 маркали темир-бетон минoралар қурилади. Бу силос минoраларга пневмотранспортёр орқали тепа қисмидан силос (сенаж) массаси босим б-н юборилади, босим натижасида у ўз оғирлиги б-н зичланади.

Траншеяларнинг карго-кичиклиги бостирилаётган силоснинг миқдорига, чорва молларининг сонига қараб белгиланади. Бир траншеяга силос бостириш 4—5 кунда тугалланиши керак. Карго-кичиклигига қараб 250—3000 т қуқ массе кетади. С.ни-нинг конструкцияси сув ўтказмайдиган, сут ва сирка кислоталари таъсирига чидамли бўлиши керак. Ички деворлари бетон, темир-бетон, ғишт ва б.дан, ости албатта бетондан қилинади. Ер ости суви юза бўлган (2—3 м) жойларда ер устига бетон траншеялар ўрнатиб, унинг сирт томонидан тирговлар қўйилади ва тирговлар орасини силос қопда мунтаб қолмаслиги учун тупроқ бостирилади. Қишлоқлари пахта етиштиришга ихтисослашган туманларда траншеяларни Ўзбекистонда кам кенг фойдаланилади. 20-асрнинг 90-йилларидан Ўзбекистонда ўтказилган иқтисодий ислоҳотлар ва хусусийлаштириш жараёнида йирик чорвачилик комплекслари ўрнида кичик фермалар пайдо бўлди. Шунга мувофиқ ҳолда тубининг эни 4—5 м, юқори эни 5—6 м. бал. 2,5—3 м. ус 25 м бўлган траншеялар ишлатилмоқда.

Рустамов Ҳамроқулов.

СИЛОС КОМБАЙНИ — механизмлар ва б. ускуналар ўзи юрар шасси ва кузовдан иборат. У силос ва кўкатларни ўриб, майдалаш ва транспорт воситасига ортиш учун мўлжалланган машина. Чорва молларини учун озуқа - силос тайёрлашда ишлатилади. Ундан ташқари, кўк озуқа, ўт унг тайёрлашда ҳам фойдаланиш мумкин. Асосан, ўрим қисмлари ва майдалаш аппаратлари, маҳсулотни аралашмани ташиш қурилмаси ва ҳаракат узатиш механизмларидан иборат. Ўрагич қисми 4 хил бўлиши мумкин: спиралсимон ёки тор қиличсимон ялтоқ пичоқли ва ротор. С.к.нинг ўрим қисми ўрилган, майдалаш аппаратларига майдаланган аралашмани ташиш комбайн б-н ёнма-ён ҳаракатланаётган транспорт воситасига юклаш С.к.нинг трактор б-н бирга ишлатиладиган тирговли ва ўзиюрар (шасси-сиз) хиллари бор.



Силос комбайни. Схема: *1* — ўрувчи транспортёр; *2* — пичоқли барабан; *3* — майдалаш аппарати қисми; *4* — ўрагич мосламаси; *5* — узатиш ғилдираги; *6* — қирқиш аппарати; *7* — транспортёр; *8* — тақсимлаш аппарати заслони; *9* — текшириш тешиги; *10* — қириш тизими.

СИЛОСИЛА (араб. — занжир) — аёлар тақинчоғи. Юзни ўраб турадиган бешона, чакка ва ёноқ қисмларининг иборат қўйи қисмига япроқли (шарнирли) катта занжирлар осилган 2—3 қатордан майда халқаланган кумуш тўрунжларнинг тўр ҳосил қилиб ўзаро бириккан звеножирларни тузилган; чакка қисми узун занжирларга бириктирилган япроқча ёки учбурчак тузор)лардан, ёноқ қисми ҳам бир неча шундай қатламлардан тузилган. С.нинг чакка қисми ёноқ ости илгакларига б-н бирга бош кийимга тақилган.

СИЛУР ДАВРИ (СИСТЕМАСИ), силур (Буюк Британиянинг Уэльс вилоятида яшаган қад. келт қабиласи — силурлар номидан) — Ер геологик тарихи палеозой эрасининг учинчи даври. Ордовик даридан кейин, девон даридан олдин ётади. Радиометрик усуллар б-н аниқланишича, С.д. бошлари 435±5 млн. йил олдин бошланиб, тахм. 25±8,5 млн. йил давом этган. С.д. ётқизиқлари Англиядаги типик жинслар сифатида стратиграфик схемаси тузилган. Классик кесмалари Буюк Британия, Чехия, Швеция, Марказий Шим. Америка, Урал, Сибирь, Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Қувала ўрталарида. С.д.да Ер пўсти турғунлиги комбинацияси ва ярусларга ажратилган. С.д.да геосинклиналь тараққиёт ўрнини платформа режими эгаллаган. Ер пўсти турғунлиги натижасида

СИМА ЦЯНЬ, Симо Чян (боладик лавридаги исми — Зичжанг, Шяянг) (мил. ав. 145, ҳоз. ХХР нинг Шэнси ўлкаси, Ханчэн ш. — мил. ав. тахм. 86) — қад. хитойлик тарихчи; Хитойнинг 1-умумлашган тарихи — «Ши цзи» («Тарихий хотиралар») муаллифи. Хон саройининг бош воқеанависи — Сима Таннинг ўғли. Ёшлигидан мамлакат бўйлаб сафар қилиб тарих, урф-одатлар ва халқ ҳаётига оид маълумотлар, ривоятлар ва ҳикоялар йиғиш б-н шуғулланган. Мил. ав. 108 й.да Ханъ империяси саройида котиблар маҳкамаси бошлиғи (тайшилин) лавозимида ишлаган. Мил. ав. 100—97 й.лар оралиғида ҳунлар асири бўлган Ли Лин исмли амалдорни жазодан қутқариш масаласида ўртага тушганлиги туфайли қамалган. Мил. ав. 96 й.да қамоқдан озод этилган. Шундан сўнг у хоқон учун тайёрланадиган ҳужжатларни ёзиш б-н шуғулланувчи сарой котибияти маҳкамаси бошлиғи (чжуншулин) лавозимига тайинланган. Саройда ишлаб юрган чоғида отаси б-н тарихий асарлар ёзиш б-н шуғулланган. Мил. ав. 1-а.нинг 90-й.ларида — «Ши цзи» асарини ёзиб тугатган. Асар 130 бобдан иборат бўлиб, Хитойнинг қадимдан мил. ав. 2-а.нинг охиригача бўлган тарихини ўз ичига олади. С.Ц. Хитойда 1-бўлиб воқеаларни хронологик баён этиш («Анналлар»), жамият ҳаётининг турли томонларини тематик ёритиш («Трактатлар») ва биографик жанрларни уйғун ҳолда комплекс ўрганиш тамойилини қўллаган.

СИМБИОЗ (Symbiosis — биргаликда яшаш) — икки ва ундан ортиқ турларнинг бир-бирига фойда келтириб бирга яшаши. Симбиотик муносабатлар ўсимлик б-н ўсимлик, ўсимлик б-н ҳайвон, ҳайвон б-н ҳайвон, ўсимлик ва ҳайвонлар б-н микроорганизмлар, микроорганизмлар б-н микроорганизмлар ўртасида бўлиши мумкин. «Симбиоз» терминини немис олими А. де Бари (1879) таклиф этган.

Ўсимликлар б-н микроорганизмлар ўртасидаги С.га *микориза* мисол бўлади. Бунда замбуруғ миселийси юксак ўсимликлар илдизи б-н С. яшайди. Ўсимлик илдизи сув ва минерал озиқни тупроқдан шимиб олади. Замбуруғ эса тупроқдаги органик бирикмаларнинг парчаланишига ёрдам беради. Азотобактериялар дуккакли ўсимликларнинг илдизида яшаб, ҳаводаги эркин азотнинг ўсимликлар томонидан ўзлаштирилишига ёрдам беради. Ҳайвонлар б-н ўсимликлар орасидаги С.га мисол тариқасида бир ҳужайрали сувўтлар, айрим бир ҳужайрали ҳайвонлар, бўшлиқичлилар (гидралар, коралл полиплар), киприкли чувалчанглар ўртасидаги муносабатларни кўрсатиш мумкин. Сувўтлар қоралл полиплар ҳужайраларига жойланиб олиб, уларнинг ўсиши ва ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Ҳайвонлар (шу жумладан, одам) б-н микроорганизмлар ўртасида ҳам С. кенг тарқалган. Ичак микроорганизмларининг овқат ҳазм қилишда иштирок этиши бунга яққол мисол бўлади. Айрим ҳашаротларнинг целлюлозани ҳазм бўлиши ичакда яшайдиган энтакт амбуруғлари ажратиб чиқарадиган ферментлар б-н боғлиқ. Ҳулди шунга ўхшаш С. каби қатлардаги сут эмизувчилар б-н улар ошқозонида яшайдиган инфузориялар орасида ҳам мавжуд.

Организмлар ўртасидаги симбиотик муносабатлар эволюция жараёнида катта аҳамиятга эга. 19-а.нинг 60-й.ларида рус олими А.С.Фаминцин лишайникларни С. яшайдиган организмлардан иборат экани-лигини аниқлаган. 20-а. бошларида К. С. Мережковский бу хилдаги эволюция жараёнини симбиогенез деб атаган. Ҳоз. замон биол.сида С.га ҳар хил турларга мансуб организм-лар ўртасидаги ҳар қандай муносабатлар (*паразитизм, комменсализм,* мутуализм) тарзида қаралади.

Абдусаттор Ботиров

СИМВОЛИЗМ (юн. symbolon — белги, рамз, тимсол) — 19-а. охири — 20-а. бошларида дастлаб Францияда, кейин Европанинг бошқа мамлакатларида пайдо бўлган адабий оқим. «С.» янги шеърий йўналишни ифодаловчи термин сифатида илк бор Ж. Мореасснинг «Кантилёналар» (1886) китоби сўз боши-сида қўлланган ва у ёзган «Символизм манифести» (1886)да асослаб берилган. С.нинг юзага келиши Париж Коммунаси тугатилгандан кейин француз воқелигида вужудга келган ижтимоий-тарихий шароит б-н боғлиқ. Шу даврда воқеликни инъикос эттириш реалистик тамойилларининг француз адабиётидаги парнасчилар ва натуралистлар оқими томонидан қадрсизланиши ва рад этилиши С.нинг пайдо бўлишига замин ҳозирлади. Мореас ўз манифестида натурализмни фақат инкор этувчи оқим сифатида таърифлаган ва С.нинг натурализмни сиқиб чиқариш мақсадида юзага келганини айт-ган. Унинг фикрига кўра, «панд-насиҳат бериш, деклямация, сохта ҳиссиёт, мукаммал тасвир» С.га ёт ҳодисалардир. У С.нинг дастлабки намояндалари сифатида У. Шекспир, ўрта асрлардаги мистиклар, француз адабиётида эса энг аввало Ш. Бодлер номини тилга олган. С. эстетикасининг асосий ақидалари 60—70-й.лар сўнгида П. Верлен, А. Рембо, С. Малларме ижодида шаклланган ҳамда П. Валери, М. Метерлинк, А. де Ренье ва б. шоирлар ижодида ўз ифодасини топган. Француз символистлари лавркси 80-й.ларнинг ўрталарида Малларменнинг улими (1898)га қадар давом этиб, сўнг парчаланиб кетган. Аммо уларнинг эстетик ақидалари Франциядан ташқи мамлакатларга ҳам ёйилган.

С.нинг илк-лари *романтизм* б-н бирга немис идеалистик фалсафаси намояндалари А. Шопенгауэр ва Э. Гартман асарларига ҳамда Ф. Ницше гояларидан таъсирланиб бўлган Э.По ва Р. Вагнер ижодларига бориб тақалади. С. натурализмнинг ҳужжатпарастлик ва ижтимоий-физиологик ақидаларига, шунингдек, реализмнинг ижтимоий-тарихий аниқлик ҳақидаги талабларига қарши ўлароқ идеал—чин дуне-ни ботиний бир тарзда яратаётган, шунинг учун ҳам моддий дунё қонунлари б-н чекланмаган поэтик тасаввурнинг эркинлиги учун кураш олиб борди. С. «тайинатуралистик» сифатида моддий ва ижтимоий «муҳит»нинг натуралистик назариясидан эркинроқ ижодий ҳурлиги гояси-нинг қатъий тарафдори ҳисоб-ланди.

Символистларнинг фикрларига кўра, кундалик турмушда учровчи нарсалар ва ҳодисалар сирида фақат санъат, энг аввало мусиқа, шунингдек, нутқнинг мусиқий воситаларидан фойдаланувчи шеърнинггина идрок этиши мумкин бўлган сир — *Гоя мажуд;* шеърнинг энг муҳим хусусияти ана шу сирни сезишдир; шеърият дунёни билишнинг энг олий шакли сифатида дина ақидаларидек, барчабарини, ижодкор (шоир) илоҳий куч сохибидир. Символистлар шеърнинг асосий вазифаларидан бирини гўзаллик гоясини топиш ва инъикос эттиришда ҳамда бу гоя орқали эзгуликни тараннум этишда кўрдилар. Символистлар назарида, Бодлернинг «Мувофиқлик» сонети (1855)да Платонга бориб тақалувчи гоя ифодаланган бўлиб, бу гояга кўра, ҳид, ранг ва товуш (оҳанг) бир-бири орқали ифодаланиши мумкин. Шоир Бодлернинг фикрига кўра, чексиз-чегарасиз қиёслар олами мавжуд бўлган ўхшатиш, сифатлаш, истиорадан, ҳудди шунга ўхшаш, фойдаланувчи таржимондир. С.да *белги* (символ) — поэтик образлилигнинг чўққиси, гояниг энг мукаммал ифодаси сифатида намоён бўлади.

С.нинг моҳиятини ифодаловчи барча шартлар С. Малларме ижодида ўзининг тўла ифодасини топган. Символистларнинг руҳий олами қандай бўлишидан қатъи назар (мас., Рембода ҳулосизлик, Э. Верхарнда ижтимоийлик, П. Клоделда эса католицизм ақидаларига мойиллик кучли бўлган), С. адабиёт ва санъатдаги оқим сифатида дунё ва маданиятнини Платон ва христиан таълимотларига хос рамзий конценциялари б-н чатишиб кетди.

С. жамият ва маданият тарихидаги таназзул даврининг маҳсули бўлишига қарамай, унинг энг йирик намояндалари ижодида умуминсоний қадриятлар — жамиятдаги инсон руҳини синдиришга қаратилган жараёнлардан норозилик, руҳий эркинлик, асрий маданий қадриятларга ишончи ва ҳурмат туйғулари маҳорат б-н ифодаланган.

С. адабий-маданий оқим сифатида 20-а.нинг 20-й.ларига қадар давом этди. Аммо айрим шоир ва ёзувчилар собиқ совет жамиятида рўй берган ижтимоий-сиёсий воқеаларни тасвирлашда С. эришган тажриба ва воситалардан фойдаланиб келдилар. С.нинг 30—60-й.ларда ўзбек шоирлари ижодида кўзга ташланган айрим унсурларни ҳудди шу ҳолат б-н боғлиқ.

Ас.: Иззат Султон. Адабиёт назарияси, Т., 1986.

Нажот Каримов.

СИМДЎЗИ — *зардўзликда* тикиш усули. Бадиий буюмларнинг кашта гулларини оқ ёки зарҳалланган қумуш ипда қоплаб тикилади (яна қ. *Гулдўзи, Заминдўзи*).

СИМЕНОН (Simenon) Жорж (1903. 13.2, Льеж — 1989) — француз ёзувчиси. Бельгия қиролдик академияси аъзоси (1952 й.дан). 1921 й.да Жорж Сим тахаллуси б-н «Аркали кўприк» дастлабки романини эълон қилган. 1931 й.да «Питер-латиш» романи босилган. Полиция комиссари Мегрэнинг саргузаштлари ҳақидаги «Мегрэнинг ёзишмалари» (1950). «Мегрэ сафҳат қилади» (1958), «Мегрэ ва дайди» (1963), «Мегрэ иккиланмоқда» (1968), «Мегрэ ва Шарль» (1972) туркум романлари чоп этила бошлаган. Мазкур романлар детектив сюжети б-нгина эмас, балки, биринчи навбатда, инсон характерининг бадиий талқини, жиноятни келтириб чиқарувчи сабабларни очиши б-н аҳамиятлидир. С. бу романлари б-н жаҳон детектив-саргузашт адабиётининг машҳур вакиллари қаторидан ўрин олган. С. комиссар Мэгрэ ҳақидаги романларидан ташқари, «Бир қашшоқ ҳаётининг тўрт куни» (1949), «Президент» (1958), «Қамоқхона» (1968) сингари ижтимоий-психологик, мустамлакачилик сиёсати ва фашизм мафкурасини қораловчи «Оёқ зарбаси» (1933), «Ҳабашлар маҳалласи» (1935), «Қор устида губор» (1948), «Ака-ука Риколар» (1952) романларини ёзган. С., шунингдек, автобиографик «Хотирлаймаи» (1945), «Ибтидо» (1948), «Онамга хат» (1974) ва б. китоблар муаллифи. С. асарлари жаҳондаги кўплаб тилларга таржима қилинган.

Ас.: Первое дело Мегрэ [романы, повести, рассказы]. М., 1968.

Ад: Шрайбер Э. Л., Жорж Сименон, Л., 1983.

СИМИРЕНКО, Симиренко ренети — кечпишар олма нави. Мичев тажриба ст-яси (Черкасси вилояти)да украин олими ва помологи Л. П. Симиренко (1855—1920) томонидан яратилган. Ўрта Осиёга 20-а. нинг бошларида келтирилган. Дастлаб Тошкент, Самарқанд ш. атрофларида экилган. Дарахти қанд ш. атрофларида экилган. Дарахти ўртача бўйли, кучли пайвандтагда бал. 6—7 м га боради. Шох-шаббаси кенг, ўртача шохланган. Меваси йирик, ўртача вазни 120 г (400 г гача боради). Пўсти ишил, оқ нуқталари бор, офтобга қараган томони сариқ ранг, эти кўкимтир-оқ, қатгиқ, сершув, мулойим, нордонроқ ширин, хушбўй. Таркибида 12,7% қанд, 0,63% кислота мавжуд. Ўзбекистонда С. нави 20-а.нинг 70-й.ларида боғларда ўстирилиши жиҳатидан 1-ўринни эгаллаган (жами боғларнинг 36,6%). Меваси сент. охири — окт. бошларида узилади. 4—6 ой яхши сақланади. Еввойи олмага пайванд қилинган кўчати 5—6 йилп, паст пайвандтагда 3—4 йили ҳосил беради, 8—9-йили тўлиқ ҳосилга киради. Тупидан 145—300 кг гача ҳосил олинади. Қишки олма навлари орасида товар маҳсулоти сифати бўйича биринчи ўринда туради. Дарахти совуққа чидамли (—26° гача чидайди). Ўзбекистоннинг барча вилоятларида экилади ва мўл ҳосил олинади.

Симиренко олма нави.

СИМЛА. Шимла — Ҳиндистоннинг шим. қисмидаги шаҳар. Ҳимачал-Прадеш штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 65 минг киши (2001). Ҳимолай тоғи этакларида. 2200 м баландликдаги тоғ иқлим курорти. Ёз ойларида т-ра 19—28°, қишда 0° дан паст. Автомобиль ва т.й. ўтказилган. Саноат корхонаси йўқ. Илмий маркез, марказий н.т. институти, ун-т, шаҳар яқинида аэропорт бор. Туризм маркази.

СИМЛИ АЛОҚА — ахборотларни электр сигналлари воситасида сим орқали узатиш ва қабул қилиш. Узоқ (шаҳарлараро) ва маҳаллий (шаҳар ичидаги) турларга бўлинади. Ахборотлар товуш орқали узатилиши ва эшитиб қабул қилиниши (телефон алоқа), шартли белги ёки ҳарф ва рақамлар тарзида ёзиб олиб, эшиттирувчи аппаратлар ёрдамида узатилиши ҳамда қабул қилиниши (телеграф алоқа), кўзғалмас тасвирлар — фотосуратлар, чизмалар, расмлар (факсимил алоқа) ёки кўзғалувчан тасвирлар тарзида (*телевидение*) узатилиши мумкин. С. а.да ер ости алоқа кабеллари, сигналларни электрон кучайтиргичлар ва б. аппаратлардан фойдаланилади. С. а. кўпинча радиоалоқа б-н бирга қўлланади.

СИММЕНТАЛ ҚОРАМОЛ ЗОТИ (нем. Simmental — Зимменталь водийси номидан) — сут-гўшт йўналишидаги қорамол зоти. Швейцарияда маҳаллий ва 5-а.да келтирилган Скандинавия қорамолларини яхшилаш йўли б-н чиқарилган. Европа мамлакатларида кенг тарқалган С.қ.з., асосан, мала-ола, боши ва думи учи оқ, йирик, тана тузилиши мустаҳкам. Сигирларининг вазни 500—600 кг, буқаларинiки 900—1000 кг. Новвослар бўрдоқига боқилганда тез семиради, 12 ойлигида 400—420 кг, 18 ойлигида 500—600 кг га боради. Юқори сифатли гўшт беради. Сўйим чиқими 58—62%. Сигирларнинг сут соғими ўртача 5000—6000 кг, ёғлилик даражаси 3,8—3,9%.Зотнинг рекорд-чи сигирлари бир йилда 14—15 минг кг сут берган. С.қ.з. ўзининг маҳсулдорлиги ва турли иқлим шароитларига мослашганлиги туфайли кўпгина мамлакатларга кенг тарқ-

Симментал қорамол зоти.

алган. Россия ва Уралнинг 19-а.нинг бошларида олиб келинган. Ўзбекистонга 1942—55 й.ларда кўплаб келтирилган ва соф ҳолда урчитилган. 1970 й.дан бошлаб С.қ.з. р-нлаштирилган бошқа зотлар б-н чатиштирилган.

СИММЕТРИКЛИК — бинар (икки ўринли, икки ҳадли) муносабатларнинг хоссаси. Бу муносабатларнинг барчарилиши (ечилиши) унда иштирок этувчи элементлар жуфтларининг қандай тартибда киришига боғлиқ бўлмай-

ни. Агар аниқланиш соҳасида олинган ҳар қандай никта x ва y элемент учун xRy муносабатдан yRx муносабат келиб чиқса, R муносабат симметрик муносабат дейилади. Тенглик типидаги (мас., айният, эквивалентлик, ўхшашлик) муносабатлар ҳам симметрик бўлади. С.нинг тескариси — антисимметрик лик бўлиб, унда $x \neq y$ бўлганда xRy ва yRx нинг никори келиб чиқади, яъни xRy ёки yRx дан, албатта, $x=y$ деган хулоса келинади. Мас., сонлар тўпламлари тартибланиш муносабати (катта-кичик) антисимметрик лар. Логик-математик анализларга нисбатан С. коммутативлик деб аталади. Мас., сонларни қўшиш. кўпайтириш, тўпламларга бирлаштириш ва кесиштириш натижалари қўшилувчи. кўпайтувчи ва б. тартибга боғлиқ эмас.

СИММЕТРИЯ (юн. symmetria — ўлчовлилик) (математикада) — 1) тор маънода — С. фазонинг α текислик (текисликдаги a тўғри чизиқда) нисбатан ўзга ягона шундай M' нуқтани мос қўювчи алмаштиришки. MM' кесма α текисликка (a тўғри чизиққа) тик бўлиб, текислик (тўғри чизиқ) бн кесишиш нуқтасида тенг иккига бўлинади. α текислик (тўғри чизиқ) С. текислиги (ўқи) дейилади; 2) кенг маънода — С. геометрик Φ шаклнинг шундай хоссасики, ҳаракатланиш ва қайтишлар натижасида Φ нинг шакл-кўриниши ўзгармай қолади. Аниқроғи, Φ шаклни ўз-ўзига айлантирувчи ортогонал алмаштиришлар мавжуд бўлса, бу Φ шакл С.га эга (симметрик) деб юритилади (1-расм). С.нинг марказий ўққа нисбатан ва кўчирма С.си мавжуд. O нуқтага нисбатан марказий С. (инверсия) натижасида Φ шакл бир-бирига перпендикуляр ўқлар атрофида 180° га бурилиб, ўзига ўтади. Кўчирма С.си ўқ (тўғри чизиқ) атрофида 360°/n га тенг бурчакка айланиб, ўзига ўтади. Бунда n — тартибли С.га эга шаклни шу ўқ (тўғри чизиқ) атрофида 360°/n га тенг бурчакка айлантириш натижасида ўз-ўзи б-н устма-уст келтирилади. Кўчирма С.ли шаклни ўз-ўзига уст-ма-уст келтириш учун у бирор тўғри чизиқ (кўчириш ўқи) бўйлаб белгили кесмага қадар силжитилади (2-расм). 3) Умумий маънода С. математик (ёки физик) объект структурасининг унинг алмаштиришларга нисбатан

2-расм. Кўчирма симметрия — шаклни ўзига ўтказиш учун бажарилиши лозим бўлган ҳаракатлар.

ривиантлигини ифодаловчи инвариантлигини билдиради. Мас., нисбийлик назариясида қонунлари С.си ўзларининг *Лоренц алмаштиришларига* нисбатан инвариантлигини б-н белгиланади.

СИММЕТРИЯ принциплари — ҳодисалар, моддалар тузилиши ва ўзаришни физик хоссалари, қонуни ва сақланиш қонунларининг айрим алмаштиришларга нисбатан ўзгармай сақланиш фундаментлик хусусиятининг ифодаланиши тушунча. Мас., дор ўқуни ёки муаллақ ойна, барг ёки гул, кристалл ёки аслаари ўсиш, кристаллар ва б. тузилишида қандайдир муганяйлик, тартиб, қонуний такрорийлик рўй беради. Ана шу такрорийлик С. ҳақибатидир. Фазо ва вақт С.си — турли нуқталар ва йўналишларда физ хусусиятларининг ўзгармаслан сақланишни. Турли нуқталарда физ хусусиятларининг бир хиллиги эса фазонинг изотроплиги дейилади. Вақт С.си энергия, ҳаракат миқдори ва ҳаракат миқдори моментининг сақланиш қонунлари б-н боғлиқ. Энергиянинг сақланиш қонуни вақт-нинг бир жинслилиги б-н, ҳаракат миқдори моментининг сақланиш қонуни эса фазонинг изотроплигн б-н боғлиқ. Физикалар нисбийлик назариясининг вақт ва фазо С. ларининг деб қараш мумкин.

С. ташқи шаклларда мавжуд бўлиб, геометрик тасаврлар: нуқта, тўғри чизиқ, текислик ва б.ли нисбатан алмаштириш кўлаб. физик қолиссалар ва қонунлар С.си тавсиф этилади. Бу қолиссалар ва қонунлар фазо-вақтни узлуксиз ва дискрет алмаштиришларга, айлий зарраларни ўрин алмаштиришларига нисбатан симметрик бўлиши мумкин. Мас., фазо модаси симметрик NH_3 бўлган қолнт генераторида бир жуфт аммиак молекулалари шу текдаги бошқа аммиак молекулаларн б-н алмаштирилганда, тенгсувор чиқарабтган 1.24 см ли электромагнит нурланиш параметрлари ўзгармайди. Умумий ҳолда бир хил зарраларни ўрин алмаштиришларга нисбатан С.ни ўзаришга доимий ҳолда қонунлар ифодалайди. Фазо-вақтни у ёки бу ўзгаришларга нисбатан С.ли деб қараш

майди, калий йодида эрийди, заҳарли. С. (II)- кумуш йодид HgAgI, сариқ майда кукун, сувда эримайди. С. (II)-сульфат $HgSO_4$. С. (II)-сульфит $HgSO_3$. С. (I)-сульфат Hg_2SO_4. С. (II)-ацетат $Hg(C_2H_3O_2)_2$. С. (II)-хромат Hg_2CrO_4. С. (II)-цианид $Hg(CN)_2$. С. (II)-цианат $Hg(ONC)_2$ ва б. бирикмалар кимё саноатида, тиббиётда, фотографияда ва б. соҳаларда қўлланади.

Ад.: Ахмеров К., Жалилов А., Сайфутдинов Р. С., Умумий ва анорганик кимё, Т., 2003.

Қўдрат Ахмеров.

СИМОБ ЛАМПАСИ — газ (буғ) ҳолидаги симоб қўлланиладиган ёруғлик манбаи. Симоб буғининг ҳар босимига қараб, паст ва юқори босимли хилларга бўлинади. Паст босимли (~0,7 Н/м²) С. л. 185 ва 254 нм (нанометр) тўлқин узунлигидаги резонанс нурлатгич манбалари. Булардан *люминесцент лампалар* кенг тарқалган. Юқори босимли (10^4— 10^6 Н/м²) С. л. 248—1014 нм тўлқин узунлиги интервалида ультрабинафша ва кўринадиган ёруғлик нурлари ҳосил қилади. Унинг колбаси қийин эрийдиган шаффоф кварц шишадан тайёрланиб, инерт газ ва симоб б-н тўлдирилади. Ёритишда, тиббиётда ва б. мақсадларда ишлатилади. Ўта юқори босимли (10^6 Н/м² дан юқори) С.л. — ультрабинафша ва кўринадиган нурларнинг жуда ёруғ манбаи. Табиий ва сув б-н совитиладиган хиллари бор. Турли ёруғлик-оптика қурилмаларида қўлланади. Барча С.л. электр тармоғига махсус қурилмалар ёрдамида уланади.

СИМОБ РУДАЛАРИ — таркибида иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ концентрацияда симоб бўлган ва уни саноатда фойдаланишнинг техник имконияти мавжуд бўлган табиий минерал ҳосилалар. Асосий руда минерали — HgS — киноварь (таркибидаги симоб 86,2%). Симобнинг иккинчи даражали руда минераллари — метациннабарит, туғма симоб, ливингстонит, кордероит, макдермитит ҳамда таркибида симоб бўлган мис, сурма, мишьякнинг сульфатузлари. С.р. сифатига қараб жуда бой, бой ва камбағал бўлиб, ҳар бир симоб конида ҳам уларнинг ўзаро салмоги турлича бўлади. С.р. (конлари) генезиси, морфологик тузилиши ҳамда саноат тури кўрсаткичлари бўйича жуда хилма-хил. Охирги таснифга бўйича (Федорчук, 1990) эндоген, плутоноген, телетермал, вулканоген, экзоген ҳамда гетероген симоб конлари мавжуд. Улардан телетермал рудали конлар симоб қазиб чиқаришнинг асосий манбаи ҳисобланиб, кварц-аниқитли (Альмаден — Испанияда, Никитовка — Украинада), жаспероид (Хайдаркон, Чаувай — Қирғизистон), карбонатли (Алираков, Бирлик — Қирғизистон, Зветашили (Чункон — Қирғизистон, Тамчатгаси — Сахалин, Нью-Альмаден ва Нью-Идрия — АҚШ) турлари маълум. Ўзбекистонда Туркистон тизмасининг тарбий қисмида С.р.нинг карбонатли тури ҳос. Қорасув кони маълум.

СИМОБ УСТУНИ МИЛЛИМЕТРИ — босимнинг тизимга кирмаган бирлиги; қисқача мм симоб устуни б-н белгиланади. 1 мм симоб устуни = 133,322 Па = 1,35951·10⁻³ кгк/см²=13,5951 мм сув устуни.

СИМОБОРГАНИК БИРИКМАЛАР — молекуласидаги симоб атоми б-н углерод атоми бевосита боғланган органик бирикмалар (С—Hg). С.б. алифатик, ароматик, гетероциклик ва аралаш комплекс бирикмаларга бўлинади. 2 асосий кўринишни — тўлиқ алмашинаган (симметрик) R—Hg—R ва симоборганик R—HgX (*R* — органик радикаллар, X — кислота қолдиғи) кўринишлари турлари маълум. Улар бир-бирига осон айланади. С.б.нинг асосий қисми қаттиқ моддалар, алифатик қаторлагилари суюқликлардир. Улар турли металлорганик бирикмалар олишда, тиббиётда инсектицид ва фунгицидлар сифатида ишлатилади. Барча С.б. заҳарли, организмда йиғилади. Ундан заҳарланишнинг олдини олиш мақсадида олтингугурт б-н тўйинтирилган сув (мас., «Нафтуся» минерал суви) ичиш тавсия этилади.

СИМОН (Simon) Клод (1913.10.10, Мадагаскар ороли Антананариву ш.) — француз ёзувчиси. Француз романчилигига эстетик жиҳатдан янгича руҳ олиб кирган адиблардан саналади. Зобит бўлган. 2-жаҳон урушида асирга тушган, у ердан қочиб, Қаршилик кўрсатиш ҳаракатига қўшилган. Биринчи романи — «Муттаҳам» (1945). Кейинги романлари («Тараҳҳум», 1947; «Гулливер», 1952; «Мансабга кўтариш», 1954; «Шамол», 1957) автобиографик мотивларда ёзилган. С. уруш йилларида француз рассоми Раул Дюфи б-н танишиб, умри давомида унинг насиҳатларига амал қилган. Асарларини ҳам рассомларнинг «коллаж» усулида ёзиб, ёзувчи ўзи учун китобни «картина сифатида ёзиш лозим, ҳолбуки, ҳар бир картина — энг аввало композиция», деган қоида каши қилмунаққидлар томонидан «янгича роман» деб қабул қилинган. «Триптих» (1973) романи очиқ шаҳвоний йўналишда ёзилган. «Бувимлар сабоги» (1975) романининг тили мураккаб бўлиб, С. тажриба композициясидан фойдаланган. Унинг «Муқаддас баҳор» (1954), «Майса» (1958), «Фландрия йўллари» (1960), «Меҳмонхона» (1962), «Тарих» (1967), «Ибратли дарс» (1976), «Георгиклар» (1981) каби романлари ҳам бор. Нобель мукофоти лауреати (1985).

СИМОНОВ Константин (Кирилл) Михайлович [1915.15(28).11, Петербург — 1979.28.8, Москва] — рус ёзувчиси ва жамоат арбоби. Меҳнат Қаҳрамони (1974). М. Горький номидаги Адабиёт институтини тугатган (1938). СССР

Ёзувчилар уюшмаси бош котиби ўринбосари (1946—54), котиби (1954—59; 1967—79), «Новый мир» («Янги дунё») жур. (1946—50; 1954—58) ва «Литературная газета», 1938; 1950—54) нинг бош муҳаррири. 2-жаҳон урушида қадр Н. Островскийнинг батальонида «Голиб» (1937), «Павел Чёрний», «Муз устидаги жанг» (1938), «Суворов» (1939) достонлари, «Чин инсонлар» (1938), «Йўлда ёзилган шеърлар» (1939) шеърий тўпламлари нашр этилган. 1939 йдан уруш мавзуси С. ижодининг устувор йўналишига айланган («Бир севги тарихи», 1940; «Шаҳримиздан чиққан йигит», 1941, пьесалар). Уруш мавзуси, айниқса, лирикасида катта маҳорат б-н акс эттирилган («Лирик кундалик»; «Сен б-н ва сенсиз»; «Фронт шеърлари», 1942, тўпламлари). С., лирик шеърлардан ташқари, «Рус кишилари» (1942) ва «Шундай бўлажак» (1944) пьесалари, «Кунлар ва тунлар» (1944) қиссасини ёзган. Урушдан кейинги йилларда халқаро муносабатларнинг кескинлашиши С.нинг «Прага каштанлари тагида», «Рус масаласи» (1946) пьесалари ҳамда «Дўстлар ва душманлар» (1948) шеърлар китобида ўз ифодасини топган.

С. назарида уруш нафақат кишиларнинг инсоний фазилатлари, руҳий кучи ва иродаси учун, балки давлат ва сиёсий тузум учун ҳам даҳшатли бир синов бўлди. Аммо, агар давлат ҳам, сиёсий тузум ҳам туғилиш ва ўлишга маҳкум этилган экан, ер юзидаги бирдан-бир абадий қадрият инсон бўлиб қолади. С. ана шу ақидадан келиб чиқиб, умрининг сўнгги нафасига қадар уруш ва инсон мавзусига содиқ қолди ҳамда «Қуролдош дўстлар» (1952), «Тирикларва ўликлар» (1959), «Солдат бўлиб туғилмайдилар» (1964) ва «Сўнгги ёз» (1971) роман-трилогиясини яратди. С., шунингдек, «Бетона сон» (1949), «Туршинчи» (1961) пьесалари, «Ватан узра дуд» (1947), «Лопатиннинг ёшималаридан» (1957), «Урушдан кейинги биринчи кун» (1972), «Биз сен б-н учрашмаймиз», «Шахсий ҳаёт, деган» (1978) ва б. қўплаб қисса, очерк, публицистик мақолалар тўпламлари муаллифи. Унинг асарлари асосида фильмлар суратга олинган. С. уруш қатнашчиларининг хотираларидан иборат 2-жаҳон урушининг кўп сериялн кинофилмномасини яратган. 1958—61 йларда Тошкентда яшаган. Ойбек, Абдулла Қаҳҳор ва б. ўзбек ёзувчиларининг асарларини рус тилига таржима қилган. Мирзачўл ҳақидаги ҳужжатли фильм сценарийсини ёзган. С.нинг кўпгина асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

Ас.: Кундар ва тунлар, Т., 1948; Танланган шеърлар, Т., 1960; Солдат бўлиб туғилмайдилар. Т., 1971.

Ад.: Фиик Л., Константин Симонов, М., 1983.

СИМОНОСЕКИ, Каммон — Хонсю ва Кюсю о.лари ўртасидаги бўғоз. Ички Япон денгизини Корея бўғози б-н бирлаштириб туради. Уз. 21 км, энг камбар жойининг эни 0,6 км, энг саёз жойининг чуқурлиги фарватерида 11 м. С. орқали кўприк (уз 1068 м) қурилган, тагидан 2 тоннель ўтган. С. соҳилида Симоносеки, Модзи, Кокура портлари жойлашган.

СИМПАТИК НЕРВ СИСТЕМАСИ (юн. sympathia — сезувчан, таъсирга берилувчан) — одам ва умуртқали ҳайвонлар вегетатив нерв системасининг бир қисми. *Парасимпатик нерв системаси* б-н бирга ички аъзолар фаолиятини бош-қаради (қ. *Вегетатив нерв системаси*).

СИМПЛАСТ (юн. syn — биргаликда ва plastos — ясалган, ташкил этилган) — 1) ҳайвонларда — тўқимада ҳужайралар орасидаги чегарапнинг йўқолиб, ядронинг бутунлай цитоплазмада жойлашиши. С. тузилиши кўндаланг чизиқли мускул толалари, айрим инфузо-рилар, бир қанча ҳашаротлар эмбрионал ривожланишининг дастлабки давр-лари учун хос. Айрим тўқималар (мас., моллюскалар ва ҳашаротлар ичаги эпителийси) озиқат ҳазм қилишнинг ҳар хил даврларида ҳужайравий ёки С. тузилишга эга бўлади. С. ҳужайраларнинг бир-бири б-н қўшилиб кетиши ёки ядроси бўлиниб, ҳужайранинг бўлинмаслиги (*цитотомия*) туфайли юзага келади; 2) усимликларда — ҳужайравий тузилишга эга бўлган кўп ядроли протопласт; ўзаро қўшилиб кетган ҳужайралар протоплазмаси; протоплазматик ипчалар ёрдамида ўзаро туташган протопластлар.

СИМПЛЕКС (лот. simplex — содда) — нуқта, кесма, учбурчак, тетраэдр (уч бурчакли пирамида) ва уларнинг фазодаги кўп ўлчовли аналоги умумий номи. Уч ўлчовли С. тетраэдр, икки ўлчовли С. учбурчак, бир ўлчовли С. кесма ва ноль ўлчовли С. эса нуқта бўлади, *n* ўлчовли С.нинг *n*+1 та учи, $\frac{n(n+1)}{2}$ та қирраси ва ҳар бири (*n*—1) ўлчовли С.дан иборат *n*+1 та ёқлари бор. С.нинг учлари $x_0, x_1, ..., x_n$ векторлар учларида жойлашган бўлса, ихтиёрий нуқтаси $x=\lambda_0 x_0+\lambda_1 x_1+...+\lambda_n x_n$ векторнинг учидан иборат бўлади. $\lambda_0, \lambda_1, ..., \lambda_n$ сонлар манфий эмас ва йиғиндиси бирга тенг бўлиб, *x* нуқтанинг барицентрик координаталари дейилади. Хусусан, $x=\frac{1}{n+1}(x_0+x_1+...+x_n)$ нуқта С.нинг барицентри (оғирлик маркази) дейилади. Кесманинг барицентри унинг ўрта нуқтасидан иборат.

Геометрия ва топологияда мураккаб объектлар С.лардан бўлиб ўрганилади.

СИМПЛЕКС АЛОҚА (лот. simplex — оддий) — икки томонлама электр алоқа усули; бунда хабарлар ҳар қайси пунктда навбатма-навбат узатилади ва қабул қилинади, яъни бир пунктга хабар узатилаётганда иккинчи пункт хабарни фақат қабул қилади, кейин иккинчи пункт хабар узатганда биринчи пункт хабарни қабул қилади. С.а. пункт хабарни қабул қилади. С.а. пункт-ларининг ҳар бирида узатиш ва қабул қилиш занжирлари бир-биридан ажратилган битта аппарат бўлади. С.а. матбуот агентликларида, метеорология хизматларида, кемалар ва б. пунктлар орасида қўлланади.

СИМПЛОН — Швейцариядаги тоғ довони. Пеннин тоғлари б-н Лепонтин Альп тоғлари туташган жойда. Бал. 2005 м. Берн — Милан автомобиль йўли ўтган. С. яқинида 700 м баландликда т.й. тоннели (уз. 19,8 км, бир қисми Италияда) қурилган.

СИМПОДИЙ (юн. syn — биргаликда ва podos — оёқ, бу ерда ўқ) — ўсимликларнинг ўқ органи (поя, шох, илдизпоя); бир неча учки меристема тўқималарининг навбат б-н фаолият кўрсатиши туфайли шаклланади. С. — кўпчилик барглн дарахтлар, буталарнинг пояси ва шохлари; кўпчилик кўп йиллик ўтларнинг илдизпояси.

СИМПСОН ЧЎЛИ — Австралиянинг марказий қисмидаги чўл. Майд. 3000 км². Асосан, шим.-ғарбдан жан.-шарққа чўзилган параллел қумтепалардан иборат. Энг баланд жойи 30 м. Ўртача т-ра январда 30°, июлда 12—5°. Йиллик ёғин 130 мм гача. Ер ости сувларига бой. Ксерофит буталар, акация ва эвкалиптлар ўсади. Миллий боғлар ташкил этилган.

СИМПТОМ (юн. symptome — белги, аломат) — бирор касаллик ёки патологик ҳолатнинг белгиси. Тиббиётда носпецифик (умумий) — келиб чиқиши турлича бўлган касалликларда учрайдиган С. (мас., дармонсизлик, гавда т-расининг кўтарилиши) ва патогномик — маълум бир касалликка хос С. (яъни, мезда яраси ёрилиб кетганда кўкрак остида пичоқ санчгандек оғриқ туриши), субъектив (бемордан сўраб олинган) ва объектив (беморни турли йўллар б-н текшириб билинган) С. фарқланади. Касаллик бошланишидан дарак берадиган дастлабки С. (мас., зотилжамда дастлаб кўкрак қафасида оғриқ сезилиши) ҳамда кейинги С. (холециститда қорин пардасининг йиллиланиши) ҳам бўлади. Ҳар қандай касаллик С.лар йиғиндиси (*симдром*)га қараб белгиланади.

СИМФЕРОПОЛЬ — Украинанинг Қрим Республикасидаги шаҳар, республика маркази. Салгир дарёси соҳилида. Т.й. станцияси, автомобиль ва ҳаво йўллари тугуни. Аэропорт бор. Аҳолиси 344 минг киши (1997 й.). С. ўрнида мил. ав. 3—мил. 4-а.ларда Скифлар давлатининг пойтахти (Скифлар Неаполи), сўнг татарлар қалъаси (Керменчик), 15-а.дан Оқмачит қишлоғи жойлашган. 1784 й.да Таврия вилоятининг маъмурий маркази сифатида бунёд этилган. 1874 й. С. дан Лозовая — Севастополь т.й. ўтган. 1921—45 й.ларда С. Қрим Республикаси пойтахти. 1941 й.да немис фашистлари томонидан босиб олинган.

Симферополь. Шаҳар маданият ва истироҳат боғи.

Симферополь шаҳрининг марказий кўчаси.

1944 й.да улардан озод қилинган. Урушдан сўнг йирик саноат марказига айланди. Машинасозлик ва металлсозлик (озиқ-овқат саноати учун асбоб-ускуналар, телевизорлар ва.ч., қ.х. машиналари учун эҳтиёт қисмлар, автотаъмирлаш ва б. з-лар), кимё (пластмасса буюмлар, машиний кимё з-лари), енгил (трикотаж, тикувчилик, ип газлама, тўқимачилик, кўн-пойабзал), озиқ-овқат (парфюмерия-косметика, консерва, вино, эфир мойлари, гўшт-сут, тамаки) корхоналари ишлаб турибди. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Иссиқлик электр ст-яси бор. 3 олий ўқув юрти (шу жумладан, ун-т), 3 театр, бадиий, ўлкашунослик музейлари, туристик база мавжуд. Крим я.о.нинг жан. соҳили б-н С. ўртасида троллейбус қатнайди.

СИМФОНИЗМ (*симфония* сўзидан) — мусиқий-эстетик категория; 18—19-а.лар композиторлик санъатида қарор топган бадиий усул. Тугал тушунча сифатида илк бор Б. *Асафьев* томонидан таҳлил этилган. Турли мусиқий мавзу (куй)ларининг узлуксиз, ўзгаришларга бой мукаммал ривожи, бадиий образларнинг ўзаро таъсир этиш жараёнларини ифода этади. Симфоник жанрлар б-н бирга камер-чолғу, мусиқали театр (опера, балет), вокал-симфоник (оратория) ва б. жанрлардаги намуналарга нисбатан ишлатилади. Тарихий ривожида бир неча мусиқий драматургия турларини келтирган: халқ-чил-жанрли (Й. Гайдн), драматик-фожиавий (Л. Бетховен), лирик (Ф. Шуберт), эпик (А. Бородин) ва б. Ўзбекистонда дастлаб Ик. Акбаров, Р. Ҳамроев, Т. Қурбонов ва б.нинг асарларида намоён бўлган. Кейинчалик М. Тожиев, М. Маҳмудов, Н. Гиёсов ва б.нинг асарларида ўзбек мумтоз мусиқа (жумладан, мақом, катта ашула) хусусиятлари б-н узвий боғланиб, миллий С. қарор топди.

Ўзтатасин Ғафурбеков.

СИМФОНИК МУСИҚА — асосан, *симфоник оркестр* ижросига мўлжалланган мусиқа асарлари. Муҳим жанрлари: симфония, увертюра, концерт, симфоник сюита, симфоник поэма, рапсодия, фантазия.

Симфоник оркестр пайдо бўлгунгача, 17-а.да ва 18-а.нинг 1-ярмида оммалашган турли рақс сюиталари, концерто-троссо чолғу концерти (ансамбль-оркестр концерти), опера увертюралари оркестр мусиқасининг асосий жанрлари бўлган (улар *фақат* шарти равишда С. м. га киритилади). 18-а. охирида симфоник оркестр, янги С. м. жанрлари (*биринчи навбатда симфония* яратилиши б-н) юзага келди. Жанр жиҳатидан С. м. фантазия, каприччио, поншури, скерцо, марш, турли рақс мусиқалари, шунингдек, опера, балет, спектакль ва кинофильмларга ёзилган мусиқалар энагига бойди. С. м. ривожига кўп композиторлар ўз улушини қўшган (*Мангейм мактаби, Вена классик мактаби* вакиллари, Ф. Шуберт, Ф. Лист, М. Глинка, А. Дворжак, П. Чайковский, Н. Римский-Корсаков, Г. Малер, Р. Штраус, Я. Сибелиус, Д. Шостакович, А. Онеггер, С. Прокофьев, Б. Мартину, И. Стравинский ва б.).

Ўзбекистонда 1920- (В. Успенский ва б.) ва 1930-й.ларда (В. Золотарёв, Р. Глиэр, С. Василенко ва б.) яратилган илк симфоник асарлар симфоник оркестр учун қайта ишланган халқ куйлари ёки улар асосида ёзилган сюита, поэма, увертюра ва б. дан иборат бўлган. 1930-й.ларнинг 2-ярмида ўзбек композиторларидан М. Бурҳонов, М. Ашрафий, М. Левиев, шунингдек, А. Козловский, Г. Мушель ўзларининг дастлабки С.м. асарларини ёзилар. Кейинчалик Ўзбекистонда С.м. нинг барча турлари ривож топди. М. Ашрафий, Д. Зокиров, С. Юдаков, Р. Ҳамроев, Б. Гиенко, Ик. Акбаров, Р. Вильданов, Сайфи Жалил, Н. Зокиров, М. Тожиев, Р. Абдуллаев, А. Латифзода ва б. С.м.нинг турли жанрларида ижод қилишди.

Ад.: Янов-Яновская Н., Узбекская симфоническая музыка, Т., 1979.

СИМФОНИК ОРКЕСТР — торли, пуфлама ва урма чолғу асбоблардан тузилган энг бой ва мураккаб турдаги *оркестр*. Унинг шаклланишида Европада тарқалган чолғу асбоблари ҳамда халқ ва профессионал чолғу ансамбллари муҳим роль ўйнаган. 18-а.нинг 2-ярмида классик С.о. ташкил топган; у кичик С.о. деб ҳам юритилади. Унга 8—10 биринчи ва 4—6 иккинчи скрипка, 2—4 альт, 3—4 виолончель, 2 контрабас, 2 талай флента, гобой, кларнет, фагот, валторна, кенинчалик, 2 труба ва литаврлар кирган. 19-а.да мазкур оркестрга бошқа чолғулар (мас., тромбонлар, туба ва б.) қушилиши ҳамда ижрочилар сони (мас., биринчи скрипкалар 14—16 тагача) кўпайтирилиши натижасида катта С.о. пайдо бўлган. 19- ва 20-а.да С.о. таркиби ўзига хос тембр ва ифодавий имкониятларга эга бўлган бошқа (мас., кичик ва бас-кларнетлар, арфа, челеста, орган, фортепиано, аййиқса, турли урма чолғулар ва б.) мусиқа асбоблар ҳисобига кенгантирилган.

Ўзбекистонда С.о. 19-а.нинг охирида пайдо бўлди. Ҳозир Ўзбекистон миллий симфоник оркестри, Ўзбекистон давлат консерваторияси қошидаги мусиқали театр-студиясининг С.о.лари чет эл мумтоз ҳамда замонавий композиторлар асарларининг тарғиботчилари сифатида танилган. Булардан ташқари, Навоий театри, Мукимий театри ва б. мусиқали драма ва комедия театрларида С.о.лар мавжуд.

СИМФОНИЯ (юн. symfonia — оҳанг-дошлик) — *симфоник мусиқанинг* етакчи жанри, композиторлик ijодининг олий шакли. *Симфоник оркестр* ижросига мўлжалланган; баъзи С.ларда хор ва якkaхон ҳонандалар ҳам жалб этилади. Бундан ташқари, торли оркестр, пуфлама созлар оркестри ва б. оркестрларга мўлжалланган С.лар ҳам учрайди. С.нинг мумтоз шакли умумий ғоя ва яхлит драматургияга асосланган 4 қисмли туркумни ташкил этади: 1-қисми — мавзуларининг қарама-қаршилиги ҳамда жадал ривожи б-н боғлиқ бўлади; 2-қисми — лирик чекиниш вазифасини бажаради; 3-қисми — менуэт ёки *скерцо* характерида ёзилади; 4-қисми — кўпинча тантанавор, жўшқин хотималар.

«С». атамаси Европа мамлакатларида турли маъноларда қўлланилган. Й. Гайдн, В. Моцарт ва, айниқса, Л. Бетховенлар С.нинг классик намуналарини яратди. 19-а. композиторларидан Ф. Шуберт, Г. Берлиоз, И. Брамс, А. Дворжак, С. Франк, А. Брукнер, Г. Малер, А. Бородин, П. Чайковский, А. Скрябин ва б. С. ривожига муҳим ҳисса қўшган, жанрнинг мавзу ва мазмунини бойитган. 20-а. композиторлари ижодида С. янги босқичга кўтарилди. Н. Мясковский, Д. Мийо, С. Прокофьев, Я. Сибелиус, П. Хиндемит, Д. Шостакович, И. Стравинский, Б. Мартину, А. Онеггер, А. Шниттке-лар С. усталари сифатида танилган.

Ўзбекистонда 1930-й.лардан симфоник мусиқанинг жадал ривожланиши С.нинг пайдо бўлишига замин бўлди

(Г. Мушельнинг 1-С.си, 1938). Кейинги й.ларда йирик мавзулар, фалсафий гояларни мужассамлантирувчи жанр сифатида С.га қизиқиш кучайди (Мушельнинг 2- ва 3- С.лари, М. Штейнбергнинг 5- С.—рапсодияси, М. Ашрафийнинг 1-ва 2-С.лари ва б.). 1960-й.ларнинг 2-ярмида Ўзбекистонда дастурли С. равнақ топиб, Б. Зейдман, Р. Ҳамроев, Б. Гиенко ва бошқалар С.лар ижод қилишди. 1970—2000-й.ларда Р. Вильданов (4 та), Сайфи Жалил (2 та), Т. Қурбонов (10 та), М. Тожиев (19 та), Ик. Акбаров (3 та), М. Маҳмудов (3 та), Н. Гиёсов (12 та) ва б. композиторлар С. яратганлар.

С.га ихчам услубда яратилиб, ундан ҳажман кичиклиги, мазмуни ва баёни соддалиги б-н фарқ қилувчи асар с и м ф о н е т т а деб аталади.

СИМҚУРТЛАР — қ. *Кирсилдоқ қўнғизлар*.

СИНАГОГА (юн. synagoge — йиғилиш) — иудаизм ибодатхонаси ва яҳудийлар жамоаси. С.лар Фаластинда мил. ав. 4-а.да вужудга келган. С.да *Тавротни* ўқиб шарҳлашади. С.ларда, одатда, диний мактаблар очилади.

Ўзбекистонда ҳоз. 7 та — Тошкентда 3 та, Самарқанд ва Бухорода 2 тадан С. фаолият кўрсатади.

СИНАЙ ЁЗУВИ — Синай ярим оролидаги тоғларда тошларга битилган 50 га яқин устёзувнинг белгилар тизими. Устёзувларнинг 16 таси 1905 й.да инглиз олими Ф. Питри томонидан топилиб, археологик маълумотлар асосида мил. ав. 15-а.га мансуб деб белгиланди; қолганлари эса 1927—35 й.лар оралиғида топилди. Инглиз мисршуноси А. Гардинер, айрим белгиларнинг ташқи ўхшашлигига асосланиб, С.ёзни миср ва қад. сом ёзувлари ўртасидаги боғловчи халқа, унинг яратувчилари эса сомийлардир, деб ўйлайди. Гардинер ва унинг издошлари ушбу ёзувни ўқишга уриниб кўрганлар ва 32 та бирбирига ўхшамаган белгини аниқлаганлар (демак, С.ёзув ҳарфий ёзув бўлган). Лекин С.ёзнинг тўғри ўқилганлиги (дешифровкаси) масаласи ҳанузгача мунозарали бўлиб қолмоқда. Унинг турли олимлар томонидан турлича (жиддий фарқлар б-н) ўқилиши сабабли, кўпчилик мутахассислар (мас., немис олимлари Г. Бауэр ва И. Фридрих) бу ёзув ҳали тўғри ўқилмаган, деган фикрдалар. Баъзи манбаларда С.ёзнинг мил. 2—4-а.ларда Синай ярим оролида қўлланган оромий ёзувининг бир кўриниши дир, деган фикр ҳам учрайди.

СИНАЙ ЯРИМ ОРОЛИ — Гарбий Осиёдаги ярим орол, Қизил денгизнинг Суэйш ва Ақаба қўлтиқлари оралиғида, Миср ҳудуди. Майд. 25 минг км² чамасида. Жан. гранит, гнейс, кристалли сланецлардан тузилган тоғлар б-н банд. Энг баланд жойи 2637 м, Мисрда энг баланд нуқта. Шим.га томон ер юзаси 500—1000 м гача пасайиб боради. Кучли бурмаланган тошлоқ платолар бор. Суэйш қўлтиғи соҳили камбар пасттекислик. Нефть, марганец конлари бор. Иқлими субтропик иқлимдан тропик иқлимга ўтувчи иссиқ ва қуруқ иқлим. Йилига 50 мм гача ёғин тушади. Дарёлари мавсумий. Чала чўл ва чўл ўсимликлари ўсади. Аҳоли кўчманчи чорвачилик, воҳаларда деҳқончилик б-н шуғулланади. С.я.о.да қад. меъморий ва санъат ёдгорликлари сақланган.

СИНАЛОА — Мексикадаги штат. Тинч океан соҳилининг марказий қисмида. Майд. 58,09 минг км². Аҳолиси 2,54 млн. киши (2000). Маъмурий маркази — Кульякан ш. Соҳил бўйлаб камбар пасттекислик, шарқий қисми Ғарбий Сьерра-Мадре тоғларидан (энг баланд жойи 2192 м) иборат. Иқлими субтропик ва тропик, шим.да қуруқ, жан.да сернам иқлим. Ўртача ойлик т-ра 18—26°. Чала чўл ўсимликлари ўсади, тоғларда сернам барг тўкувчи ўрмонлар бор. Иқтисодиётининг асосини деҳқончилик ва плантация хўжалиги ташкил этади. Пахта, шакарқамиш, соя, шоли, бугдой экилади. Экспортга помидор, эртапишар сабзавотлар чиқарилади. Жан. да субтропик мевачилик ривожланган. Кемасозлик, пахта тозалаш саноати корхоналари бор. Бош порти — Масатлан.

СИНАНТРОП ОРГАНИЗМЛАР (юн. syn — биргаликда ва anthropos — одам) — ҳаёти одам, унинг турар жойи ёки у яратган ландшафт б-н боғлиқ бўлган ўсимлик ва ҳайвонлар. С.о. орасида о б л и г а т с и н а н т р о п л а р (уй сичқони, кулранг каламуш, тўшак қандаласи, сувараклар) ҳаёти одам турар жойи б-н бевосита боғлиқ бўлиб, бошқа жойда учрамайди. Факультатив С.о. одам ёки унинг турар жойи б-н доимий боғланган эмас; экин экилган далалар ва боғларда яшайди. Синантроп ўсимликлар *бегона ўтлар* дейилади.

СИНАНТРОПЛАР (лот. Sina — Хитой ва юн. anthropos — одам) — энг қадимги одамлар (*архантроплар*)га мансуб қазилма одамлар. Жуда кўп суякларини (калла қутиси, пастки жағлар парчалари, оёқ ва қўл суяклари) ўрта плейстосен қолдиқларидан илк бор 1927—37 й.ларда Хитойдан топилган (номи шундан олинган). С. морфологик жиҳатдан *питекантропларга* яқин, лекин улардан мия ҳажмининг катталиги (1000 см³ га яқин), пешонасининг бирмунча кенг-лиги б-н фарқ қилади. С.нинг суяк қолдиқлари б-н бирга улар фойдаланган, илк палеолит даврига мансуб содда тош қуроллар, уларнинг оловдан фойдаланилганига гувоҳлик берувчи кул ва ҳайвонларнинг куйган суяк қолдиқлари топилган.

СИНАПСЛАР (юн. synapsis — уланиш, туташиш) — нерв ҳужайралари (нейронлар)нинг ўзаро ва ижрочи органлар ҳужайралари б-н туташган жойи. С. сигналларни *импульс*ларга айлантиради ва узатади. «С.» терминини биринчи бўлиб инглиз физиологи Ч. Шеррингтон нейронлараро алоқани тушунтириш учун қўллаган (1897). С. ёрдамида нейронлар бир-бири б-н боғланади. Натижада нерв системасининг активлиги ва бош миянинг интегратив фаолияти кучаяди. С.га синаптик учлар, икки ҳужайра оралиғидаги синаптик тирқиш (бу 200 Е, баъзи С.да 1000 Е ва ундан ортиқ) ва синаптик учларга тегиб турувчи ҳужайра қисми киради. Нейронлараро С.ни, одатда, бир нерв ҳужайраси аксонининг тармоқлари ва тана, дендритлар ёки бошқа нейрон аксони ишҳузга келтиради; ҳужайралар оралиғида С. тирқиши бўлиб, бу тирқиш орқали қўзғалиш *медиаторлар* (кимёвий С.), ионлар (электр С.) ёки иккаласи (аралаш С.) ёрдамида узатилади. С. функционал аҳамиятига кўра, ҳужайра фаолиятини активлаштиради ёки тормозлайди. Электротоник С.да қўйи молекуляр бирикмалар бир ҳужайра цитоплазмасидан иккинчисига тўғридан-тўғри ўтиш имкониятига эга. Электротоник С. сигналларнинг тез ва ўзгармаслан, кимёвий С. эса фақат бир томонга узатилишини таъминлайди. Ҳужайрани тормоз ҳолатига олиб келадиган С. ҳам бор. Булар тормозловчи С. деб аталади ва шулар ёрдамида қўзғалган ҳолат гўё «йўқотилади». Бу б-н нерв ҳужайралари ўта қўзғалишдан сақланади.

Ҳужайралар ўртасидаги синаптик алоқа нерв ҳужайраларининг функционал бирлашишида, қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг йўналишини, шунингдек, организмнинг таъсирловчига нисбатан бўлган реакциясини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

СИНА-ТИБЕТ ТОҒЛАРИ, С и ч у а н ь Альп тоғлари — Хитойдаги тоғлар. Уз. 750 км, эни 400 км гача. Гарбдан шарққа 5000—6500 м дан 1000—1200 м гача пасайиб боради. Энг баланд жойи 7590 м. Салуин, Меконг ва Янцзи дарёларининг чуқур тор водийлари б-н ажратиб юборилган бир неча тизмалардан иборат. Ён бағирлари тик, қояли. Гнейс, сланец, қумтошлардан, баъзи жойлари оҳактошлардан тузилган. Сейсмик фаол зона. Фойдали қазилмалар-

дан олтин, темир ва мис рудалари топилган. Баландлик ошган сари субтропик иқлим кескин континентал совуқ иқлимга ўтиб боради. Йиллик ёғин жан. тог этакларида 1200 мм, шимолга қараган ёнбағирларида 2000 мм ва ундан ортиқ. Тибет тоғлигига яқин ерларда 600 мм гача. Тоғларнинг юқори минтақаси (4000 м дан баланд)да алпы ўтлоқлари ва лаштлар, 2000—4000 м да игна барглы ўрмонлар, 2000 м гача аралаш ўрмонлар бор. Бу ўрмонлар пастда доим яшил субтропик ўрмонларга ўтиб боради.

СИНГ (Синж) Ричард Лоуренс Миллингтон (1914.28.10, Ливерпул — 1994), инглиз биокимёгари. Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1950 й.дан). Кембриж ун-тини тугатган (1936). 1941—43 й.ларда жун саноати бирлашмасида, 1943 й.дан Лондондаги Листеров ин-тида, 1948 й.дан Абердиндаги Роуэт н.т. институтида. 1967—76 й.ларда Норвичдаги Озиқ-овқат ин-тида ишлаган. Илмий ишлари биологик муҳим бирикмаларни ажратиб олиш ва парчалаш жараёнларини ўрганишга, оқсиллар аналитик кимёсига оид. А. Ж. *Мартин* б-н ҳамкорликда янги оқсиллар ва антибиотикларни ўрганишда аналитик мақсадда қўлланилган қоғозли хромато-графия усулини ишлаб чиқди (1944). Турли полисахаридлар, электрокинетик ультрафильтрлаш бўйича тадқиқотлар ўтказди (1946—50). Нобель мукофоти лауреати (1952, А. Ж. Мартин б-н ҳамкорликда).

СИНГАЛ ТИЛИ — ҳинд (ҳинд-орий) тилларидан бири. Шри Ланка Республикасининг давлат тили. Сўзлашувчилар 12 млн. кишидан ортиқ. С.т.нинг алабий ва сўзлашув шаклларида жиддий фарқ бор. Урғу сўзнинг биринчи бўғинига тушади, сингармонизмга мойиллик бор. Морфологик тузилишида агглютинация ва янги флексиянинг аниқ белгилари мавжуд. Алабий тилда феълнинг шахс, сон, жинс (умумий ва муаннас), замон, ўтимлилик-ўтимсизлик категориялари мавжуд. Гапда сўзларнинг муайян тартиби бор. Отлаки нутқда от-гаплар кўпроқ ишлатилади. Лексикасида санскрит, тамил, инглиз, португал, малайи, араб, форс ва б. тиллардан ўтган сўзлар кўпчиликни ташкил этади.

Ҳоз. С.т. жан. ҳинд ёзувларидан бири — грантҳи алифбосидан фойдаланади. Мил. ав. 3-а.га маънсуб қоятош ёзувлари С.т.нинг энг қад. ёдномаларидир. 13-а.да С.т.нинг классик грамматикаси яратилган. С.т. нинг янги адабий шакли жонли сўзлашув тили асосида шаклланмоқда.

СИНГАЛЛАР, синхаллар (ўзларини шер авлоди деб аташади) — халқ. Шри Ланка Республикасининг асосий аҳолиси. 13,2 млн. киши (1990-и.лар ўрталари). С. воҳийлик ва тоғлик (кандийлар) гуруҳларга бўлинади. С. аждодлари мил. ав. 5-а.да Шим Ҳиндистондан кўчиб келиб маҳаллий ведоид қабилалари б-н аралашган. С.нинг шаклланишида тамиллар, малайлар, араблар, қисман португаллар, голландлар, инглизлар иштирок этган. Сингал тилида сўзлашади. Динларни — буддистлар, христианлар ҳам бор. С. деҳқончилик, боғдорчилик, балиқ овлаш ва ҳунармандчилик б-н шуғулланади.

СИНГАПУР (Singapore), Сингапур Республикаси (инг. Republic of Singapore; малайча Republic Singapura) — Жан. -Шарқий Осиёдаги давлат. Сингапур о. ва унга туташ майда ороллар ҳамда Малакка я.о.нинг жанубий чеккасида жойлашган. Майд. 640 км². Аҳолиси 4,45 млн. киши (2002). Пойтахти — *Сингапур* ш.

Давлат тузуми. С. — Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига кирувчи республика. Амалдаги конституцияси 1963 й. қабул қилинган (кейинчалик тузатишлар киритилган). Давлат бошлиғи — президент (1999 й.дан С. Р. Натан), у умумий тўғри овоз бериш йўли б-н аҳоли томонидан 6 й. муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни парламент, ижрочи ҳокимиятни бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

Сингаллар. Тоғдаги қишлоқ.

Табиати. Сингапур о. Жохор бўғози орқали Малакка я.о.дан, Малакка ва Сингапур бўғозлари орқали Индонезия о.ларидан ажралиб турали. Соҳиллари пасттекислик, бир оз ботқоқлашган, жан.-ғарбий соҳилларида маржон рифлари бор. Рельефи текислик (бал. 176 м гача). Иқлими экваториал, муссонли. Ўртача т-ра янв.да 26°, июлда 27°. Йиллик ёғин 2500 мм. Катта дарёси — Сингапур.

Сингапур гербн

Ичимлик сув етишмайди, у Малайзиядан келтирилади. Қунинг майда оролларда оқим энламайди, уларда тропик ўсимликлар сақланиб қолган. Айрим соҳиллари мангрзорлар б-н банд.

Аҳолисининг кўпчилиги хитойлар (76%). Малайлар (14%), Ҳиндистон, Бангладеш, Покистон, Шри Ланкадан келганлар (7%), европаликлар ва б. яшайди. Расмий тиллар — хитой, инглиз, малайи, тамил тиллари. Динлорлари буддавийлик, конфутийлик, ислом, ҳиндуийлик, христиан динларига эътиқод қилади.

Тарихи. С.нинг илк тарихи маълум эмас. 14-а.га оид Хитой ва Ява йилномаларида бу орол Тумасик (яъни «масек» — денгиз) деб аталган. 1275 й. С.га Ява қироли Кертанагар қўшинлари, 1349 й. Сиём ҳарбий кемалари ҳужум қилган. 1377 й.дан орол Явага қарам бўлган. 15-а. бошларида эса Тан давлатининг қироли Сўкотан ўзини Сингапур, Малакка ва Малайя ҳукмлори деб юритган, сўнг Жохор султонлиги қўлига ўтган. 1819 й. орол инглизларнинг Ост-Индия компаниясига қарам бўлиб қолган. 1826—1946 й.ларда С. — Стрейтс-Сетлмент таркибидаги инглиз мустамлакаси. 2-жаҳон уруши вақтида С.ни япон қўшинлари эгаллаб турган (1942—45). 1959 й.дан Ҳамдўстлик таркибидаги «ўзини ўзи бошқарувчи давлат». 1963—65 й.ларда *Малайзия* Федерацияси таркибига кирди. 1965 й. 9 авг.да ундан ажраб чиқиб, алоҳида мустақил республикага айланди. 1965 й. сент.дан БМТ аъзоси. ЎзР суверенитетини 1992 й. 2 янв.да тан олган, 1997 й. 8 апр.да дипломатия муносабатларини ўрнатган. Миллий байрами — 9 авг. — Миллий кун (1965).

Сингапур байроғи.

Сиёсий партиялари ва касаба уюшма ташкилотлари. С. демократик партияси, 1980 й. тузилган; С. халқ партияси, 1994 й. ташкил этилган; Халқ ҳаракати партияси, 1954 й. асос солинган; Ишчи партияси, 1957 й. тузилган; Бирлашган халқ фронти, 1974 й. 5 партиянинг қўшилиши натижасида ташкил топган. Касаба уюшмалари миллий конгресси, 1961 й. асос солинган.

Хўжалиги. С. — Жан.-Шарқий Осиёда иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган давлат. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 28%, транспорт ва алоқанинг улуши 13,1%, қ.х. улуши 0,2%.

Саноатининг етакчи тармоқлари — аниқ машинасозлик, электроника, электротехника, оптика, кенг истеъмол моллари ва мураккаб аппаратлар (шу жумладан, космик тадқиқотлар учун экспортга мўлжалланган аппаратлар) ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Четдан келтирилган хом ашё асосида нефтни қайта ишлаш саноати ривожланган. С. заводлари йилига 50 млн. тонна нефтни қайта ишлаш имкониятига эга. Кемасозлик, кема таъмирлаш, самолётсозлик, металлургия, кимё, турли асбоб-ускуна ишлаб чиқариш, ёғочсозлик, қурилиш материаллари, тўқимачилик, резина, кўн-пойабзал, озиқ-овқат корхоналари бор. Ҳунармандчилик ривожланган. Йилига 20,7 млрд. кВт·соат электр энергия ҳосил қилинади. Асосий саноат марказлари — Сингапур, Журонг.

Қишлоқ хўжалиги. Экин экиладиган ер камлиги сабабли қ.х. ишлаб чиқариш ривожланмаган ва мамлакатнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондирмайди. Мамлакат ҳудудининг 20% га экин экилади. Асосан, шаҳар аҳолиси учун сабзавот ва мева, зиравор, тамаки, кокос пальмаси етиштирилади. Чўчқа ва парранда боқилади. Балиқ овлаш ва денгиз овчилиги б-н шуғулланади. Т.й. узунлиги ~83 км, автомобиль йўллари — 3 минг км. Денгиз порглари — Сингапур, Журонг. Сингапур ш. яқинида халқаро аэропорт бор. Ташқи савдосида қайта экспорт қилиш катта ўрин олган. Хорижий сайёҳлик ривожланган. Четга машина ва асбоб-ускуна (ташқилий техника, телерадиоаппаратлар), нефть маҳсулотлари ва б. чиқарали. Четдан турли хом ашё, озиқ-овқат келтиради. АҚШ, Малайзия, Япония, Ўзбекистон б-н савдо қилади (2002 й.да Ўзбекистон б-н товар айланмаси ҳажми 13,6 млн. АҚШ долларини ташкил қилди). Пул бирлиги — Сингапур доллари.

Сингапур шаҳри.

Тиббий хизмати, маорифи, илмий-маърифий муассасалари ва маданияти. С.да давлатга қарашли тиббий муассасалар б-н бирга хусусий шифохоналар ҳам бор. Врач ва фармацевтлар ун-тини тиббиёт, стоматология ва фармацевтика ф-тларида тайёрланади. 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг ўқиши мажбурий. Бошланғич мактабда ўқиш муддати 6 й., ўрта мактабда 6 й. (3+3). Мактабларнинг бир қисми давлатга қарашли, қолган қисми хусусий бўлиб, давлат ўрта мактабларида пул тўлаб ўқилади. Дарс, асосан, инглиз тилида олиб борилади, хитой, малайи, тамил тиллари ҳам ўқитилади. Турли касбларни ўргатувчи ҳунар-техника таълими тизими мавжуд. 1980 й.да Наньян ва Сингапур ун-тлари негизида Миллий ун-т ташкил этилди. Политехника ин-ти, техника ва пед. коллежлари ҳам бор. Кутубхоналари: Миллий кутубхона, С. Миллий ун-ти кутубхонаси, Техника коллежи кутубхонаси; Миллий музей (1848—49), Бадиий музей ва галерея (1955) мавжуд. Илмий ишлар олий ўқув юртлари ҳузуридаги жамиятларда, минтақавий н.т. муассасаларида, Денгиз жониворлари биол.сини ўрганиш марказида, Жан.-Шарқий Осиёни ўрганиш ин-тида олиб борилади. Сингапур ш.да 19-а.га хос эклектика иншоотлари кўпроқ учрайди. Унинг европача қисмида замонавий меъморлик намуналари. Хитой даҳасида тор кўчалар ва кам қаватли уйлар, Малайя даҳасида қозиқлар устига ўрнатилган турар жой ва мачитлар бор. С. мусиқий маданиятида *малайлар*нинг анъанавий санъати (донданг сайенг ашула услуби, жотет рақси ва б.) б-н бир қаторда ҳинд ва хитой қўшиқ-рақс услублари ҳам урф бўлган. 60-й.лар охиридан буён санъат фестивалларн ўтказиб келинади. Мусиқа арбоблари орасида — скрипкачи ва педагог Го Сун Тё, анъанавий мусиқа композиторлари Наварро Хоо, Николас Сат, Тони Леонг ва б. бор.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. С.да бир қанча газ. ва жур. нашр этилади. Асосийлари: «Берита харианн» («Кундалик янгиликлар», малайя тилидаги кундалик газ., 1957 й.дан), «Бизнес таймс» («Ишбилармонлар вақти», инглиз тилидаги кундалик газ., 1976 й.дан), «Ляньхэ вань бао» («Бирлашган кечки газета», хитой тилидаги кечки кундалик газ., 1983 й.дан), «Ляньхэ цзао бао» («Бирлашган тонгги газета», хитой тилидаги кундалик газ., 1983 й.дан), «Сингапур бизнес» («Сингапур бизнеси», инглиз тилидаги ойлик жур., 1977 й.дан). Миллий ахборот агентлиги йўқ. «Сингапур интернэшнл медиа», С. радиоси (1936), С. телевидениеси (1963) каби радио ва телекўрсатув ҳукумат хизмати мавжуд.

Сингапур шаҳридаги Хитой даҳаси.

СИНГАПУР — Сингапур давлатининг пойтахти. Жан.-Шарқий Осиёнинг йирик иқтисодий маркази. Аҳолиси 4,1 млн. киши (2001). Сингапур бўғози соҳилидаги дунёда энг йирик денгиз портларидан (йилига 130 млн. т дан зиёд юк ортиб-туширилади). Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Т.й. ва шоссе йўллар ор-қали Малакка я.о. билан боғланган. С. — халқаро-молия ва хом ашё товарлари (табиий каучук, кокос пальмаси маҳ-

Сингапур шаҳри. Олий суд биноси.

сулотлари, ёғоч, шираворлар, мевалар, кофе, қалай) савдосининг йирик маркази. Нефтни қайта ишлаш, электротехника, нефть кимёси, машинасозлик, кема таъмирлаш, резина, озиқ-овқат ва б. саноат корхоналари бор. Балиқ овланади. Шаҳар марказида кўп қаватли замонавий бинолар қурилган. Сингапур ун-ти, 2 политехника ин-ти, музейлар, кутубхоналар, ботаника боғи, денгиз аквариуми, театр ва б. бор. Шаҳарга 1299 й.да асос солинган, 1365 й.дан С. Малай давлатлари савдосида муҳим аҳамиятга эга бўлган. 1832 й.дан Британия Малайяси мустамлакасининг, 1946—59 й.ларда инглизларнинг Сингапур мустамлакасининг бош шаҳри. 1959 й.дан «Ўзини ўзи бошқарувчи Сингапур давлати»нинг, 1965 й.дан мустақил Сингапур Республикасининг пойтахти.

СИНГАПУР БЎҒОЗИ — шим.да Малакка я.о.нинг энг жан. чеккаси б-н Сингапур о. ҳамда жан.да Риау архипелаги оралиғида. Жан. Хитой денгизини Андаман денгизи б-н Малакка бўғози орқали бирлаштириб туради. Уз. 114 км, эни 12 дан 37 км гача. Энг саёз жойининг чуқурлиги фарватёрида 22 м. С.б. орқали халқаро аҳамиятга эга бўлган денгиз йўллари ўтган. Сингапур о.да шу номли шаҳар жойлашган.

СИНГАРМОНИЗМ (юн. syn — бирга ва harmonia — оҳанглошлик, уйғунлик), унлилар гармонияси (оҳанглошлиги) — асосан, туркий тилларда, қисман мўғул, тунгус-манжур, фин-угор, палеосиёё тилларида учрайдиган фонетик ҳодиса; бунда муайян сўз шаклининг (ҳам асос, ҳам аффикслари-нинг) барча унлилари талаффуз (артикуляция) жиҳатдан бир турли: олд ё орқа қаторга мансуб (танглай гармонияси) ёки лабланган ё лабланмаган (лаб гармонияси) бўлади. С.нинг танглай гармонияси қонунига асосан сўзнинг бошида (ўзакда) тил олди унлиси келса, сўз ўртасидаги ва охиридаги унлилар ҳам тил олди бўлади. Аксинча, сўз бошида тил орқа унлиси келса, кейинги бўғинларда ҳам тил орқа унлиси келади. Мас., ўзбек тилининг Кўқон шеваси-да бдзд сўзидаги унлилар олд қатор бўлганидан унга фақат шундай унлиси бўлган қўшимча қўшилади: бдздлар, шунингдек, қозоқ, тилидаги қ,г,ғлар ва қ,ғлар сўзлари танглай гармонияси асосида талаффуз қилинади ва ёзилади. С.нинг бу тури ўзбек тилининг айрим шевалари (деярли барча қипчоқ шевалари, ўғуз шевалари, шим. ўзбек шеваларида ҳоз. кунгача тўлиқ сақланиб қолган. Лаб гармониясида унлилар ҳам тил олдилик ва тил орқалик, ҳам лабланиш нуқтаи назаридан мослашади. Бундай мослашишни ҳоз. қирғиз тилида учратиш мумкин: қоллор, кўллар, қрлқстар каби. Лаб гармонияси ўзбек тилида деярли учрамайди. Умуман, ҳоз. ўзбек адабий тили С. қонларига бўйсунмайди. Эски ўзбек адабий тилида эса С. қонуни анча изчил ва айрим ҳолларда тўлиқича амал қилган.

СИНГЕНЕТИК КОНЛАР (юн. syn — бирга ва genetos — тугма) — бир хил геологик жараёнларда ёндош жинслар б-н биргаликда ҳосил бўладиган фойдали қазилма конлари. Одатда, қатлам ва қатламсимон шаклга эга бўлиб, тўшама ва қоплама қаватлардан иборат. С.к.га чўкинди темир ва марганец конлари, сетрегацион ва ликвацион магматик конлар мисол бўлади. С.к. седиментогенез ва дастлабки диагенез босқичларида рудали минералларнинг чўкмага ўтиши туфайли шаклланади. Ёндош жинслар б-н ягона стратиграфик горизонтларни ташкил этади. Шу туфайли стратиформали конлар деб ҳам аталади. Жан. Қозоғистон ва Ўрта Осиёдаги юқори девон — қуйи карбон доломитларида ва оҳакли доломитларда кенг тарқалган. Йирик конлари: Миргалимсой (Қозоғистон), Қулчўлоқ ва Учқулоқ (Ўзбекистон). Уларда кўргошин ва рух захираси саноат аҳамиятига эга.

СИНГОНИЯ — қ. *Кристаллографик сингониялар.*

СИНД — Покистоннинг жан.-шарқий қисмидаги вилоят. Майд. 140,9 минг км². Аҳолиси 29,9 млн. киши (1998). Маъмурий маркази — *Карачи* ш. Ер юзасининг аксари қисми текислик. Иқлими тропик иқлим, янв.нинг ўртача т-раси 16—17°, июлники 29—35°. Йиллик ёғин 75—200 мм. Тез-тез қум бўронлари бўлиб туради. Энг катта дарёси — Ҳинд. Тупроғи бўз тупроқ. Катта майдонлар шўрхоклардан иборат. Чала чўл ва чўл ўсимликлари ўсади.

С — иқтисодий жиҳатдан ривожланган вилоят. Мамлакат ҳудудининг 18,8%, аҳолисининг 21% дан иборат. С.да тўғри келади. Мамлакатнинг энг йирик иқтисодий маркази ва денгиз порти бўлган Карачида умуммиллий саноат ишчиларининг 50% жойлашган. Тўқимачилик, озиқ-овқат, кимё, машинасозлик ва металлсозлик корхоналари бор. Металлургия к-ти қурилган. Ҳ.ҳ.да товар маҳсулоти ишлаб чиқарилади. С.да шоли, буғдой, шакарқамиш, пахта экилади. Чорвачиликда қўй, эчки, туя, қорамол боқилади. Денгизда балиқ овланади. Ҳинд дарёсида кема қатнайди. Йирик шаҳарлари: Карачи (денгиз порти), Ҳайдаробод ва Суккур.

Мил. ав. 3-минг йиллик ўртасидан мил. ав. 2-минг йиллик ўртасигача С. ҳудудида *Хараппа маданияти* равнақ топган. С.нинг маркази *Моҳенжо-Даро* бўлган. Қадимда ва ўрта асрларда С. иқтисодида денгиз ва карвон йўллари орқали олиб борилган транзит савдо муҳим аҳамиятга эга бўлган.

СИНД ДАРЁСИ БЎЙИДАГИ ЖАНГ — *Жалолиддин Мангуберди* ва *Чингизхон* қўшинлари ўртасидаги жанг (1221 й. 24—26 нояб.). *Парвон жанги*да мағлуб бўлган мўғуллар Чингизхон бошчилигида улкан лашкар тўплаб Жалолиддинга қарши отланган. Сон жиҳатдан мўғуллар бир неча баробар нисбатда бўлган, шу туфайли хоразмликлар Синд (Ҳинд) дарёси томон чекинишган. Жалолиддин Парвонда анвал уни тарк этган Сайфуддин Игроқ, Аъзам малик ва Музаффар малик каби амирлар б-н бирлашиб, Чингизхонга қарши жанг қилишга қарор қилади. Аммо, ўйланган режанинг амалга оширишга ёв имкон бермайди. Илдам етиб келган Чингизхон Жалолиддиннинг ўрхон бошлиқ ўгруқига ҳужум қилиб, уни яксон этади. Душманнинг лашкари б-н Синд дарёси орасида қолган Жалолиддиннинг жанга киришдан ўзга чораси қолмайди. С.д.б.ж. 1221 й.нинг 24 нояб. эрта саҳарда бошланади ва 3 кун давом этади. Дастлабки кун Жалолиддин хос аскарлари б-н ёвнинг Чингизхон жойлашган марказига шиддат-ли ҳужум уюштиради ва уни 2 бўлакка ажратиб юборади. Аммо, 10 минг кишилик мўғуллар пистирмаси унинг йўлини тўсади. Бу пистирма Жалолиддиннинг қайнотаси Амин ул-Мулк қўмондонлигидаги ўнг қанотни тор-мор этади, қолган-қуттанларини эса Жалолиддин

ўр шижоат б-н жанг олиб бораётган марказга қувиб боради. Хоразмликларнинг сўл қаноти мўғулларга бардош беролмай енгилади. Огир аҳволда қолган Жалолиддин 700 га яқин отлиқ аскарлари б-н марказга қаршилик кўрсатади. Чингизхон уни тириклайин қўлга олишни буюради. Душман султонини қуршовга олади, улар ўз ниятларига етай деб турганда Жалолиддиннинг тенгсизлиги ва хос амирларидан бўлган Ахос малик уни ҳалқа ичидан олиб чиқишга эришади. Жанг вақтида султоннинг тўлақ ўғли ёв қўлига асир тушади. Чингизхон уни қатл этишга ҳукм қилади. Жангтоҳдан чиққан Жалолиддин қариндош-уруғлари ё-н видолашади ва уларни Синдга гарқ қилишга изжозат беради, сўнгра қайта ҳужумга ташланади, ноилож аҳволда қолгач, 10 газ балдан оти б-н дарёга сакрайди. Дарёнинг нариги қиртогига соғ-саломат ўтиб олган султоннинг бу қаҳрамонлигини кўрган Чингизхон Жалолиддинни таъқиб этишни ман қилади ва ўз аъёнлари ҳамда фарзандларига қарата шундай дейди: «Отага шундай ўғил зарурки, у икки гирдоб — олов ва сув гирдобидан озодлик майдонига чиқа олди!» (Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Т., 1994). Жалолиддин Синддан сузиб ўтишга муваффақ бўлган 4 минг-га яқин аскарлари б-н бирлашади ва Ҳиндистоннинг шим. ҳудудлари томон йўл олади.

Ад.: Шихаб ал-Дин Мухаммад ан-Насави. Жизнеописание султана Джалал ад-Дина Манкбурны. [Перевод с арабского, предисловие, комментарии, примечания и указатели З. М. Буниятова]. Баку, 1972.

Ҳамдамжон Давлатов.

СИНДЕСМОЛОГИЯ (юн. syndesmos — бойлам ва ...логия) — суякларнинг ўзаро бириқуви, бўғим ва бойламлар ҳақидаги фан, *анатомия*нинг бир бўлими. Умумий С. суяк бириқмаларининг хилларини, хусусий С. ҳар бир бўғимнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганади. С. усуллари суякларни препаратлаш, бўғимлар тузилишини микроскоп ва рентген ёрдамида текширишдан иборат.

СИНДИКА — 1) Тамань я.о. ва Қора денгизнинг шим.-шарқий соҳилидаги ҳудуд ва давлат (мил. ав. 5—4-а.лар). Шаҳарлари: Синд гавани (пойтахт), Горгиппия деб аталган.

СИНДИКАЛИЗМ (инг. syndicate — уюшма, бирлашма) — 19-а. охири — 20-а. бошларида ишчилар ҳаракатидаги марксизм-ленинизм мафкурасига муҳолиф йўналиш. С. ижтимоий инқилобни амалга оширишда даъво қилинган синфий курашдан, ишчилар синфи диктатурасидан кўра касаба уюшмаларининг «бевосита ҳаракати» — яъни иш ташлашларни афзал деб ҳисоблади. Бу оқим шу йўл б-н ишлаб чиқариш воситаларини умумлаштириб уларни и.ч. ширкатлари (синдикатлар) га мулк қилиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. С. ўз даврида марксизм-ленинизм тарафдорлари томонидан *анархо-синдикализм*, прудонизм, ревизионизм сингари номлар б-н қораланган. Ҳоз. қатор мамлакатлардаги сўл партия ва ҳаракатларнинг гоялари ва мафкураларида С. таъсири сезилади.

СИНДИКАТ (лот. sindicatus — ишончли, вакил) — 1) бир турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар бирлашмаси. Маҳсулотни ягона савдо тармоғи орқали биргалашиб сотишни ташкил этиш мақсадларида тузилади. С. таъсис этган умумий савдо ширкати С.нинг ҳар бир аъзоси б-н савдо-сотиқ тўғрисида шартнома тузади. Банклар ҳам С. ташкил этишлари мумкин. Банк С.и аъзолари гуруҳининг ҳар қандай аъзоси чиқарган қимматли қоғозларини сотиб олади; 2) инвестиция даллерлари гуруҳи; инвесторлар ўртасида тарқатиш учун қимматли қоғозларнинг навбатдаги ёки янги эмиссиясини сотиб олишга розилик билдирганларидан кейин С. тузилган ҳисобланади.

СИНДЛАР — Тамань я.о. ва Қора денгизнинг шим.-шарқий соҳилида яшаган меот қабиласи (мил. ав. 1-минг йиллик). Мил. ав. 5—4-а.ларда *Синдика* давлатини тузишган. Мил. ав. 4-а.дан Боспор подшолиги таркибида. Милоднинг бошида сарматлар б-н аралашиб кетишган. С. деҳқончилик, балиқ овлаш ва ҳунармандчилик б-н шуғулланган.

СИНДРОМ (юн. syndrome — йиғилиш, бирга кечиш) — ягона *патогенез* б-н боғлиқ касаллик белгиларининг биргаликда юзага чиқиши. Келиб чиқиш сабабларини бир неча хил бўлгани учун касалликнинг нозологик (муайян касаллик, бир хил патогенезли ва ҳ.к.) шаклларидан фарқ қилади, мас., менингеал С. (мия пардалари яллиғланиши) мияда қон айланишининг бузилиши ва менингококк инфекцияси оқибатида рўй беради; *уремия* синдроми кўпгина буйрак касалликларининг охирги босқичидир ва ҳ.к. Тиббиётнинг ривожланиши, энг аввало, касалликнинг этиологик омиллари аниқланиши б-н С. диагностикаси ва патогенетик терапия усулига нисбатан нозологик йўл б-н касалликни аниқлаш ва унинг ўзига хос сабаблари асосида даволаш кўпроқ қўлланиладиган бўлди.

СИНДҲ, синдҳ тили — ҳинд (ҳинд-орий) тилларидан бири. Асосан, Покистоннинг Синд вилояти (тахм. 10 млн.дан ортиқ киши сўзлашади) ҳамда Ҳиндистоннинг Маҳораштра, Гужарат ва Ражастҳан штатларида (2 млн.дан ортиқ киши гаплашади) тарқалган. 6 лаҳжага бўлинади: ичиоли, сирайки, джи, лари, тҳарели, качеҳи. Адабий тил ичиоли лаҳжаси асосида шаклланган. Бир қатор инъектив жарангли ундошларнинг сақланиб қолганлиги ва б. хусусиятлари б-н қардош тиллардан фарқ қилади. Морфологияда бошқа замонавий ҳинд-орий тилларига қараганда флектив шакллар кўпроқ учрайди.

С.да адабиёт 17—18-а. лардан бери ривожланиб келмоқда. Покистонда С. учун анчагина янги белгилар қўшилган араб ёзуви ишлатилади. Ҳиндистонда эса деванагари алифбоси қўлланади.

СИНДҲ АДАБИЁТИ — синдҳ халқи адабиёти, Покистон ва Ҳиндистон адабиётларидан бири. С.а. қад. халқ оғзаки ижоди анъаналарига эга. «*Маҳабҳарата*»нинг синдҳ тилидаги варианти С.а.нинг энг қад. ёдгорлиги ҳисобланади (9—10-а.лар). Синдҳ ёзма адабиётининг қадимий намуналари Самар сулоласи ҳукмронлиги даври (1051—1351)га тўғри келади (бу давр шоирлари орасида машҳури Шайх Ҳамад бин Рашидиддин Жамолийдир). Илк синдҳ шеърияти, асосан, диний-мистик руҳда бўлиб, анъанавий ҳинд шеър тизими (шлока)да ёзилган.

16-а.да Синдда аргунлар, сўнгра тарҳонлар сулоласи ҳукмронлик қилиб, форс тили расмий тилига айланган. Синдҳ тили эса ўз мавқеини йўқота бошлаган. Адабиёт халқ оғзаки ижоди б-н яна ҳам яқинлашган. Ҳинду-мусулмон маданий синтези Шоҳ Абдулкарим Буларий, Маҳдум Нўҳ Ҳалакундий каби шоирларнинг шеърларида яққол акс этган. 18-а.да маҳаллий қалҳарлар сулоласи ҳокимиятга келгач, синдҳ тилида ижод қилувчи шоирларга ҳомийлик қилди. Шу даврда синдҳ адабиётининг классиги Шоҳ Абдуллатиф Бҳитайнинг ижоди гуллаб яшнади. У Сачал Сармаст, Самай ва б. б-н бирга ўрта аср С.а.ни юксак чўққиларга кўтарди. Асл синдҳий шеър шаклдари кафий ва дўҳа ўрнини форс шеърий жанрлари эгаллай бошлади. Инглизлар Синдни забт этганидан кейин (1843) форс тилининг таъсири айниқса кучайди.

19-а.нинг охирларида Синдда маърифатчилик ҳаракати пужудга келди. Форс, урду, бенгал ва инглиз тилларидан таржималар пайдо бўлди. Салаф тажрибаларини ижодкорларча ҳаётга татбиқ этиш жараёни кучайди. Мирзо Қиличбек (1853–1929) синд, тилида дастлабки «Ғунчатлиқ» (1890) романини яратди. У. Шекспир, Р. Шеридан, Г. Ибсен пьесаларини, Умар Хайёмнинг рубоийларини бу тилга таржима қилди. Бироқ, профессионал театрнинг йўқлиги драматургиянинг ривожига жиддий тўсқинлик қилди. Синг ижодий мактабларининг шаклланиши 20-а.нинг 30-йилларида Синд тараққиётларнинг реалистик йўналишга пужудга келди. Унга Ҳинд тараққиётларнинг ўзгаришлари ассосланган катта таъсир кўрсатди. Ҳиндистон тақсимланганидан кейин (1947) шу пайтгача ягона бўлган Синд 2 дастлабки ривожланиш босқичини бошдан кечирди. Покистонда синд адабиётининг асосий «Мехран» жур., Ҳайдарободдаги «Ҳиндвасий», «Нави дунё», «Какаши» ва б. журналлар теварагига жипслашди. Ҳиндистондан Нарайан Шиам, Ачгал, Маҳбубий, Гувинд Малҳий, Покистондан Бешс, Асп Шайх, Мурад Али Козим, Ҳайдар Бахш Жатўй каби ноширлар, Жамилуддин Абро, Таҳир Аббосий, Қурбон Али Буттий, Рашид Бхаттий ва б. адиблар ҳоз. замон Синдининг йирик вакилларидир.

Абдурашид Ибрагимов.

СИНДХЛАР — асосан, Покистоннинг Синд вилояти (16,8 млн. киши, 1990). Асосан ўрталарида, шунингдек, Ҳиндистон (2 млн. киши) ва ғарбда ишайлигин халқ. Антропологик жиҳатдан европеоид ирққа мансуб. Синдк тилида сўзлашади. Динидорлари — суннийлик мусулмонлар Ҳиндистондаги С., асосан, ҳиндуизмга эътиқод қилади. Сиднинг асосий машғулоти деҳқончилик: чорвачилик, балиқ овлаш ва ҳунармандчилик б-н ҳам шуғулланади. Гилам тўқиш ривожланган.

СИНЕКДОХА (юн. *synekdoche* — бирга ишорада тутмоқ, бирга ўйламоқ) — *метонимия* (мажозининг кўринишларидан бири; Сўз ҳам маъно кўчиши ўхшашлик, боғлиқликка асосланса-да, бу ерда кўчиш объектлари ўртасидаги миқдорий белги етакчилик қилади; бутун нарсанинг номини унинг қисми номи б-н ва, аксинча, қисм номини бутун нарсанинг номи б-н аташ, кўплик сондаги сўз ўрнига бирлик сондаги сўзни қўллаш ёки аксинча ишлатиш. Баъзан жипс-тур муносабатидаги сўзларнинг бир-бирн ўрнида қўлланиши ва б. Мас., «тирноққа зор бўлмоқ» ибораси тирноқ (қисм) сўзи билан, фарзанд (бутун) маъносида. «Бир қўл билан бир ғалвир ишқаланса ҳеч қўл бехабар» мақолидаги сўзи барлоқ, қисми маъносида қўлланган; М. Шолоховнинг «Инсон тақдири» деб номланган ҳикояси ҳам асосланган ғоясини ўрнида умуминсоний тушунчалар бутун бир халқ тақдири ўрнида келган. «Соқчи» ҳарбий б-н шуғулланиш бутун қўшинларни, «Ҳарбий» ҳарбий ишларни, «Ҳарбий» ҳарбий ишларни ва ҳоказоларни англатиш ҳам С.га мисол бўлади. Синекдоха ва метонимия ўхшаш ҳодисалар бўлиб, улар ўртасидаги фарқ ҳақидаги масала ҳозирга қадар ҳал этилмаган. Баъзи олимлар С.ни метонимиянинг бир тури деб ҳисоблайдилар. Бу масала ҳақида ҳозирча ягона фикр йўқ.

Абдурашид Ибрагимов.

СИНЕКЛИЗА (юн. *synklisis* — эгилиш — «ёпалиш») — платформаларга хосланувчи йирик структура. Ер пўстининг асосий элементларидан бири. С. ҳосилларида ётқизиқлар кам қалинлик ҳосил қилади. Минерал хомашёларнинг ҳосил этувчи генетик формацияларининг асосини, чўкинди ва, баъзан, вулканоген — чўкинди жинсларнинг ифодаланган С.лари ташкил этади. Қатламларнинг қалинлиги унинг қанотларидан (1—3 км) марказ қисмига ортиб боради. Қатламлар ётиш элементлари ҳам С.нинг марказий қисмига ортиб боради

ли, ҳусндор, хушрўй, кўҳли, зебо, сулув, соҳибжамол... С. қаторида чиройли сўзи шундай белгиларга эга ва бош сўз ҳисобланади. Қолган сўзлар эса ҳар бири ўзига хос белги-хусусияти б-н бошқаларидан фарқланади: гўзал сўзи белгини кучли (юқори) даражада б-н ифодалайди; барно, зебо сўзлари кўпроқ китобий услубга эга, сулув сўзи эса нисбатан кам қўлланади ва ҳ.к. Нутқда синонимларнинг ҳар биридан уларга хос белги-хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Азиз Ҳожиев.

СИНОПТИК МЕТЕОРОЛОГИЯ, синоптика (юн. synoptikos — барча нарсани кўра олувчи) — *метеорология* бўлими. Макроқўламдаги атмосфера жараёнларини ўрганиш ва улар асосида *об-ҳавони олдиндан айтиш* ҳақидаги таълимот. Бу жараёнларга *циклон* ёки *антициклон*ларнинг пайдо бўлиши, эволюцияси, ҳаракатлари киради ҳамда улар ҳаво массалари ва фронтлар ҳаракати ҳамда эволюцияси б-н узвий боғланишда қаралади. Бу синоптик жара-ёнларни талқиқ этишда синоптик хариталар, атмосфера вертикал қирқими, аэрологик диаграммалар муттасил таҳлил қилинади. Бу тақиқотлар ҳаво хоссаларининг ўзгариши ва унинг ҳаракатларини белгиловчи физик қонунларга таянади. Бунда жойнинг кенглиги, хусусан, у б-н боғлиқ қуёш энергияси миқдори ва шу энергия таъсир қилувчи юзанинг хусусияти (сув, қуруқлик, рельеф ва б.) ҳисобга олинади. Энергия таъсир қилувчи юза б-н атмосфера орасида узлуксиз иссиқлик, намлик алмашиниб туради. Шу туфайли Ернинг турли қисмларида *тропосфера*нинг ҳар хил хоссали ҳаво массалари ҳосил бўлади, маълум шароитларда улар орасидаги чегара зоналари кескин *атмосфера фронтлари*га айланади. Бу фронтларда юзлаб ва минглаб км узунликдаги атмосфера тўлқинлари вужудга келиб, бу тўлқинлар келгусида паст ва юқори атмосфера босимига эга бўлган қуюнларга — циклон ва антициклонларга айланади. Циклон ва антициклонларнинг юзага келиши, зўрайиши, кўчиши сабабли, ҳаво массалари тақсимоти ўзгаради, натижада атмосфера фронтлари кўчади ва ривожланади. Циклон, антициклон, ҳаво массалари ва фронтлар б-н биргаликда булутлар ва ёғинли жойлар ҳам силжийди, натижада шамол, ҳаво намлиги т-раси ҳамда атмосферанинг бошқа хоссаларида маҳаллий ўзгаришлар юзага келади. Атмосфера умумий циркуляцияси характеридаги узлуксиз ўзгаришларга олиб келадиган циклонлар фаолиятини олдиндан билиш об-ҳавонинг камида бир неча суткалик прогнозини бериш имконини туғдиради. Атмосфера умумий циркуляцияси турларининг бирин-кетин алмашинишини ўрганиш эса об-ҳавонинг узоқ муддатли прогнозини беришга имкон туғдириши мумкин. С.мда атмосфера жараёнларининг жуда катта фазодаги ривожланиши айни бир вақтда таҳлил қилинади. Бундан таҳлил Ер юзасида ва атмосферанинг турли баландликларида олиб борилган кузатишлар асосида тузилган синоптик хариталар (қ. *Об-ҳаво хариталари*) асосида олиб борилади. Шунингдек, булутларнинг *Ернинг метеорологик сунъий йўлдошлари*, космик кемалар ёрдамида олинган телевизион фотосуратлари, метеорологик радиолокатор ёрдамида кузатиш маълумотлари ва б. материаллардан ҳам фойдаланилади. Бу эмпирик материаллар циклонлар, антициклонлар, ҳаво массалари ва атмосфера фронтларининг структураси, эволюцияси ва ҳаракатини аниқлашга имкон беради. Уларни ўрганишда аниқланган қонуниятларга асосланиб, гидродинамик назария асосида (кўпинча миқдорий ҳисобланлар ёрдамида) об-ҳаво прог-ноллари берилади (яна қ. *Метеорология*). Циркуляция шароитларини синоптик таҳлилидан уларнинг прогнози ва об-ҳаво шароитларини олдиндан айтишга экстраполяция ва динамик метеорология сифатий хулосаларига таянади. Талқиқотлар ривожида бир неча даврларни ажратиш мумкин, уларнинг ҳар бири метеорология тараққиётининг йирик босқичларига мос келади. Изобарик синоптиканинг ривожи, фронтологик таҳлил соҳасидаги серунум талқиқотлар, Ўрта Осиёнинг синоптик жараёнларини жуда катта фазодаги ривожланиши айни бир вақтда таҳлил қилинади. Бундан таҳлил Ер юзасида ва атмосферанинг турли баландликларида олиб борилган кузатишлар асосида тузилган синоптик хариталар (қ. *Об-ҳаво хариталари*) асосида олиб борилади. Шунингдек, булутларнинг *Ернинг метеорологик сунъий йўлдошлари*, космик кемалар ёрдамида олинган телевизион фотосуратлари, метеорологик радиолокатор ёрдамида кузатиш маълумотлари ва б. материаллардан ҳам фойдаланилади. Бу эмпирик материаллар циклонлар, антициклонлар, ҳаво массалари ва атмосфера фронтларининг структураси, эволюцияси ва ҳаракатини аниқлашга имкон беради. Уларни ўрганишда аниқланган қонуниятларга асосланиб, гидродинамик назария асосида (кўпинча миқдорий ҳисобланлар ёрдамида) об-ҳаво прог-ноллари берилади (яна қ. *Метеорология*). Циркуляция шароитларини синоптик таҳлилидан уларнинг прогнози ва об-ҳаво шароитларини олдиндан айтишга экстраполяция ва динамик метеорология сифатий хулосаларига таянади. Талқиқотлар ривожида бир неча даврларни ажратиш мумкин, уларнинг ҳар бири метеорология тараққиётининг йирик босқичларига мос келади. Изобарик синоптиканинг ривожи, фронтологик таҳлил соҳасидаги серунум талқиқотлар, Ўрта Осиёнинг синоптик жараёнларининг

калий дигидрофосфат (KH_2PO_4), алюмо-иттрийли гранат ($Y_3Al_5O_{12}$), иттрий-темирли гранат ($Y_3Fe_5O_{12}$), гадолиний-галлийли гранат ($Gd_3Ga_5O_{12}$), оловли (C), литий ниобат ($LiNaO_3$), нафталин ($C_{10}H_8$), калий бифталат ($C_8H_5O_4K$), кальцит ($CaCO_3$), кадмий сульфид (CdS), рух сульфид (ZnS), галлий арсенид (GaAs), галлий фосфид (GaP), *ноёб элементлар молибдатлари* [$Y_2(MoO_4)_3$ ва б.], цирконий диоксид (ZrO_2), гафний диоксид (HfO_2), кальций вольфрамат ($CaWO_4$), иттрий алюминит ($YAlO_3$), алюминий (Al) чуғи ажратиб эга.

Кварцнинг синтетик кристали гидротермал шароитда олинади. Кварц табиатда кўп тарқалган бўлса ҳам, унинг табиатдаги ташқараси техника эҳтиёжини қоплай олмайди ва унда турли киришмалар кўп. Массаси 15 кг гача бўлган кварц кристаллари автоклавларда бир неча ой мобайнида, ўта тоза кристаллар (синтетик кварц) эса бир неча йил давомида ўстирилади.

20-а. бошида *рубин*нинг синтетик кристали қисқа қилинди. Лазерлар учун диаметри 20—40 мм ва уз. 2 м гача бўлган тиёқча шаклидаги рубиннинг С.к.ини олиш учун махсус қурилма ихтиро этилди, кейинчалик у такомиллаштирилди.

3й-й.да Ni аралашган графит кукунидан *олмос* кристаллари олинди. Аралашма 2—3 см ли дисклар кўринишида пресланади, сўнгра 100—200 минг атм босимда 2000—3000° гача қиздирилади. Шундай шароитда графит олмосга айланади.

50-й.лари нафталин, стильбен, толан, витаценн ва б. органик С.к. саноати ривожланди. Кенг қўлланадиган яримўтказгич кристаллар (Ge, Si, Ga, As ва б.) ҳам табиатда учрамайди. Улар сунъий йўл б-н диаметри 10—20 см ва уз. 30—50 см бўлган тиланлар шаклида ўстирилади.

Алюминий оксидига титан, кобальт, никель тузларини қўшиб сапфир, топаз ва б. қимматбаҳо тошлар кўринишидаги С.к. ўстириш мумкин. Лаб. лаборатория ферроэлектриклар ва тумоналарнинг С.к.ни ўстирилади. Саноат миқёсида атмосферанг С.к. ишлаб чиқарилмоқда.

СИНТЕТИК СЕЛЕКЦИЯ — *селекция*да танлаш учун дурагайлаш йўли б-н чиқарилган (синтезланган) бошланғич материаллардан фойдаланишга асосланган усул. С.с.да ота-она жуфтларини уларнинг келиб чиқиш жойи ва муҳит шароитлари бўйича узоқлигига қараб танлаш муҳим аҳамият эгаллайди. Бир-бирига яқин навларни четлаштириш қийинлашгани сабабли, шунингдек, полиплоидия, анеуплоидия, интергенер, линияларарп дурагайларини яратишга қаратилган усуллар ишлаб чиқилган. С.с. усулларини селекциядаги асосий усул. Ҳар хил навларни жуфт-жуфт олиб дурагайлаш усулларидан фойдаланилади.

СИНТЕТИК СМОЛАЛАР асосан *макромолекулалар* таркибидаги полимерланган олигомерлар. Масс. м. катта бўлган синтетик полимерларни аниқлаш қийин. Аниқ смолалар, *карбинол смолалар*, *фенол-альдегид смолалар* каби С.с. гидрокарбонлар [к. *Углеводороды*].

СИНТЕТИК ТИЛЛАР (юн. *synthetikos* — қўшилувчи, бирикувчи) — тилларнинг типологик синфи; бунда бир сўз таркибида бир қанча морфемалар (лексик, сўз ясовчи ва сўз ўзгартирувчи, бириктирувчи, лексик ва грамматик маънолар бирлашмаган, қўшилмаган) тиллар. Ушбу синтезлашиш - сўз ичидаги грамматикалик ифодаланиш усулларига қараб флексия, аффиксация, сўз такрори, сўз қўшиш ва ўрнини киритиш мумкин. Масс., ўзбек тилидаги *ишлайдилар* сўз ичида синтетик ҳолатда бўлиб, унда ҳам лексик (ишла ва -ид), ҳам грамматик (-лар ва -ди) маънолар ифодаланган. С.т. синтезлашиш борлиқдаги жараёнлар *аналитик тиллар*га, ортиқ-камлиги жиҳатидан *полисинтетик тиллар*га қарши қўйилган. Лекин С.т. б-н аналитик тиллар орасида қатъий четара қўйиб бўлмайди, чунки С.т. маълум даражада аналитик усул воситаларидан, аналитик тиллар эса синтетик усул воситаларидан фойдаланади. С.т. *флексия ва агглютинация тиллари*га ўз ичига олади. Қад. Ғарбий Осиё тилларидан санскрит, қад. юнон, лотин, қад. славян тиллари, ҳоз. рус, инглиз, немис тиллари сер. намунали С.т. ҳисобланади; турк, мўғул, сом, фин-угор тиллари эса кўпинча синтетик шакллари эга бўлса ҳам, уларда бир қатор аналитизм белгилари ҳам учрайди.

Исмоил Ёқубов.

СИНТОБ ОЛТИН КОНИ — Нурота тоғларининг janubida Синтобсойнинг ўнг соҳилида жойлашган. 1934—35 йилларда очилган. 2000 йилга кейин кенг қамровли қидирув ишлари бошланган. Кон майдони ердинг даврида қазиб бўлган Шимолий Нурота брахиантиклинали-нинг марказий қисмида, бесалтасевитасининг қумтош-сланецли ётқизиқларидан. Кўйи карбоннинг қора углеродли қумтош ва алевролитлари қалин қатлами б-н қопланган қуйи девоннинг карбонатли жинсларидан ташкил топган ва бу ётқизиқлар ўрта карбоннинг оҳактошларини б-н ёпилган. Олтин-сульфидли минерализация гидротермал генезисга мансубдир. Рудалар ҳосил бўлиши кварцлашиш, серицитланиш, карбонатланиш каби ўзгаришлар б-н боғлиқ. Бу ўзгаришлар оралиқ ёки ўрта температурали шароитда ҳосил бўлган. Рудалар минерал таркиби жиҳатидан кварц-пирит, кварц-пирит-арсенопиритли, кварц-полиметаллли, кварц-сульфидли, кварц-карбонатли, кварц-барит, кварц-антимонит, кварц-пирит-полиметаллли, кварц-пирит-арсенопиритли

ва автомобилнинг бирламчи вали б-н боғланган тишли ғилдиракларнинг бурчак тезликларини тенглаштириб туришга асосланган. С. тишли ғилдиракларнинг ишлаш муддатини узайтиради; 2) иккита синхрон генераторни ёки ўзгарувчан токнинг бир неча электр тизимини автоматик улаш қурилмаси; машина ва механизмларнинг айланиш тезлигини.



Юк автомобилининг синхронизатори (узатмалар қутисида).

даврий жараёнларнинг ўзгаришини, кинофильм яратишда тасвир б-н товушни вақт жиҳатдан мослаш (синхронлаш) учун ишлатиладиган машина. Мас., киноаппарат б-н кинопленкага тасвирни тушириш пайтида товуш ёзиб олувчи аппарат ёрдамида товуш *фонограммага* ёзиб олинади ва ҳ.к.

СИНХРОНИЯ (юн. synchronos — бир вақтли, бир даврли) — 1) бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлган, ўзаро боғлиқ ва алоқадор унсурлар тизими бўлган тилнинг (ёки бошқа бирор ижтимоий-гуманитар фаннинг) муайян ривожланиш давридаги ҳолати; тил ривожланиши жараёнида муайян ўзгаришларнинг мавжудлиги ёки уларнинг аҳамиятсиз эканлиги белгиси асосида ажратилган давр; 2) тилни кўрсатилган ҳолатда, яъни давр, вақт омили ва лисоний ўзгаришларга боғлиқ бўлмаган ҳолда текшириладиган аниқ муносабатлар тизими сифатида ўрганиш. С. ёрдамида тилнинг нафақат ҳоз. даври, балки ўтмишдаги даврлари ҳам алоҳида ўрганилиши мумкин. Мас., ўзбек адабий тилидаги унлилар тизимини 15-а.нинг ёки 20-а.нинг ўзидаги аҳволини алоҳида, бирбирига қиёсламай талқин этиш С.дир.

С. тушунчаси *диахрония* тушунчаси б-н бирга, унга қарама-қарши қўйилган ҳолда француз тилшуноси Ф.де Соссюр томонидан фанга киритилган. Бу тушунчаларнинг Соссюр бўйича ўзаро фарқланиши, бир-биридан ажратилиши статика б-н динамиканинг, тил б-н нутқнинг, системалилик б-н системасизликнинг, фонетика б-н грамматиканинг қарама-қарши қўйилишига мувофиқ бўлади. Лекин моломики тил ўз табиатига кўра, доим ҳаракатдаги, ўзгаришдаги объект сифатида тавсифланар экан, динамика тилнинг ҳар қандай мавжудлик даврида, жумладан, С.да тилнинг ажралмас қисми бўлиб қолади, бинобарин, С.да диахрония унсурлари ҳам учраши мумкин.

СИНХРОФАЗОТРОН (юн. synchronos — бир вақтдаги ва *фазотрон*), протонлар синхротрони — ўзгармас радиусли орбита бўйича ҳаракатланувчи протонларнинг циклик резонанс тезлаткичи. С.нинг вакуум камераси ҳалқасимон, унинг магнит тизими ҳалқа бўйлаб қўйилган 4 ёки ундан ортиқ магнит секциялардан иборат. Тезлатилаётган протонлар С.га киритилишидан олдин махсус тезлаткичларда 50—100 млн. эВ гача тезлатиб олинади, чунки шу энергияда протонларнинг тезлиги нисбатан тез ўсали. Бундай энергиягача тезлатиб берувчи тезлаткичлар инжекторлар деб аталади. Қўшима, инжекторлар сифатида чизиқли резонанс тезлаткичлардан фойдаланилади. С.лар кучсиз ва кучли фокуслаш асосида ишлайди. Ҳозирги С.лар фақат кучли фокуслаш асосида ишлайди. С.да тезлатиладиган протонларнинг максимал энергияси 500 ГэВ гача (қ. *Тезлаткичлар*).

СИНХРОЦИКЛОТРОН — оғир зарядланган зарра (протон, дейтрон ва б.) лар тезлаткичи; бунда магнит майдони вақт давомида ўзгармас, тезлатувчи электр майдонининг частотаси ўзгарувчан бўлади (қ. *Фазотрон*).

СИНЧ — бино ва иншоотлар деворининг таглик ёғоч (тагсинч) б-н тепа ёғоч (сарров) ўртасига қалаладиган ёғочлар; уйнинг «скелети». Уйнинг мустаҳкамлиги, турғунлиги, зилзилабардошлигини оширади. С.нинг тагсинч, устун, ҳовон, тепасинч (сарров), бачкисинч ва б. хиллари бор. Биноларнинг якасинчли ва қўшсинчли қилиб қурилади. Қўшсинчли девор хона иқлимини мўътадил тутади, турли токча, тахмонлар ясашга имкон беради. Одатда, юк тушувчи ташқи деворлар қўшсинч, ички девор — тўсиқлар эса якка синч қилиб ишланади. Тагсинч сарровга С. б-н ўйиқ ва тирноқлар ёрдамида қимирлайдиган қилиб (зилзилабардош қилиш учун) бириктирилади. Ҳовонлар (тирак С.лар) иморатни мустаҳкам ушлаб туради. С.лар орасига ғишт, гувала ва б. уриб девор ҳосил қилинади. Ўрта Осиё меъморлигида С. деворлар кенг қўлланилган. С.лар қад. даврлар меъморий ёдгорликларида ҳам учрайди. Ҳозир ҳам якка уй-жой қурилишида С. девор конструкциялари катта ўрин тутади.



Синч. Деворда синчларнинг жойлашиши: *а*) яхлит девор синчлари: *1* — пуштак; *2* — ҳовон; *3* — ҳона; *б*) яник ва дераза уринлари қолдирилган девор синчлари.
1 — пойдевор; *2* — тагсинч; *3* — устунлар; *4* — сарров; *5* — ҳовонлар; *6* — синчлар; *7* — кашак; *8* — яник урин; *9* — дераза урин.

Баъзи замонавий маъмурий ва савдо бинолари, иморатлар металл С.лардан каркасли қилиб қурилади. Олдин металл С.лар пайвандлаб бириктириб олинади (яъни «скелет» ҳосил қилинади), кейин оралиғи ғишт уриб чиқилади.

СИНЧАЛАКЛАР, пеночкалар (Phylloscopus) — чумчуқсимонлар туркуми, майнгутлар оиласига мансуб қушлар уруғи. Майда қушлар, 10—14,5 см, вазни 6—12 г. Патлари кулранг ёки кўкимтир товланади. Европада тарқалган 30 тури маълум. Ўрта Осиёда 12 тури баҳорда ва кузда қушлар учиш даврида учрайди. Ерга, дарахт ва буталарга уя қурали, 4—8 та тухум қўяди; 13—15 кун тухум босади. Болаларини 15—18 кун боқади. Ҳашаротлар, ўргимчаклар, мевалар б-н озиқланади.

Синчалак.

«СИНЬХУА» («Янги Хитой») — ХХР нинг давлат ахборот агентлиги. 1938 й.да Яньань ш. да Хитой КП ахборот агентлиги сифатида ташкил топган. 1940 й.дан Пекинда жойлашган. Мамлакат матбуоти, телевидение ва радиосига мамлакат ва хориж ҳаётига оид турли мазмундаги хабар ва маълумотлар етказиб беради. Айни пайтда турли мазмундаги ахборот, маълумотларни хорижга тарқатади.

СИНЬЦЗЯН-УЙҒУР МУХТОР РАЙОНИ, Синьцзян (маҳаллий талаффузда Шинжон) — ХХРнинг шим.-ғарбий қисмидаги миллий ўлка (1955 й. 1 окт.да расмий ташкил этилган). Тарихий манбаларда Шарқий Туркистон, Дўғи Туркистон; Хитой адабиёт-ларида Синьцзян (1760 й.дан). 14-а.га оид ҳужжатларда ва 16—17-а.ларга оид форс тилидаги қўлёзмаларда Уйғурия, Уйғуристон деб номланган. Мухтор р-н Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия, Монголия, Афғонистон, Ҳиндистон б-н чегарадош. Майд. 1646,9 минг км². Аҳолиси (расмий маълумотларга кўра) 17,5 млн. киши (1998), уйғурлар (8 млн.), хитойлар, шунингдек, 2 млн.га яқин қозоқ, қирғиз, монғол, дунган ва б. миллат вакиллари яшайди. Аҳолиси, асосан, Тарим-лари воҳаларда ва Жунғариядаги дарё водийларида жойлашган Қашқар, Хўтан, Ёркенд, Оқсу, Кучар, Гулжа шаҳари ва улар атрофидаги вилоятларда истиқомат қилади. Бош шаҳри — *Ўрумчи*.

Табиати. Ер юзасининг кўп қисми Жунғария текислиги ва Қашқар текислиги (Тарим ботиғи) б-н банд. Қашқар текислигининг марказини Такламакон чўли эгаллаган. Шарқий Тяньшан (Тангритог) тоғлари (бал. 7000 м дан ошд) Жунғария ва Қашқар текисликларини ажратиб туради. Мухтор р-нининг шим.да Монголия Олтойи, жан.да Куньлуннинг шим. тизмалари, жан.-ғарбида Қорақурум тоғлари (Чоғори чўққиси 8611 м) жойлашган. Шарқий Тяньшан тизмалари орасида Марказий Осиёнинг энг паст ери — Турфон ботиғи (—154 м) жойлашган. Иқлими қуруқ, кескин континентал, текисликларда иқлимнинг ўртача т-раси 20—25°, қиши совуқ, қорсиз. Урумчида янв.нинг ўртача т-раси —15°, энг паст т-ра —40°. Йиллик ёғин текисликларда 200 мм дан тоғларда 800 мм гача. Йирик дарёлари: Тарим, Или, Иртишнинг юқори оқими, Урунгу ва Манас. Йирик кўллари — Лобнор, Оби-Нур, Баграшкўл, Улунгу, Богдо ва б. Тупроғи бўз-кўнғир, чўл тупроғи. Чала чўл ва чўл ўсимликлари ўсади. Тоғ этаклари дашт. Тоғларда баландлик минтақалари мавжуд. Баланд тизмаларда қор ва музликлар бор.

Урумчи шаҳри яқинидаги Боғдо кўли.

Хўжалигида етакчи тармоқ — қ.х. Ишланадиган ерлар майдони ҳудудининг 2% ни ташкил қилади. Жами экин майдонининг ярмига бугдой, мака-жўхори ва шоли, қолган қисмига пахта, индов ва б. экинлар экилади. Районнинг шим. қисмида чорвачилик ривожланган. Қадим ипакчилик б-н шуғулланилади. Фойдали қазилмалардан нефть, кўмир, иодир металларга бой. Темир рудаси, графит, нефрит, уран, симоб, олтин конлари топилган. Нефтни қайта ишлаш, металлургия, машинасозлик, кимё, тўқимачилик саноати корхоналари бор. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Ҳунармандчилик ривожланган: газлама, шойи ва гилам тўқиш, металл, кўн ва чармдан турли буюмлар тайёрлаш, қоғоз н.ч. билан шуғулланилади. Ҳудуд Хитойнинг нефть ва кимё саноатларининг йирик базасига айланиб боряпти. Саноатининг ривожланишига йўл қурилиши ишлари ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шарқий Тяньшан бўйлаб қурилган т.й. С.-У.м.р.ни шарқда Хитойнинг ички ҳудудлари ва Вьетнам б-н, ғарбда Қозоғистон орқали Россия б-н, Ўзбекистон, Туркманистон орқали Эрон ва Европа б-н боғлаб туради. Ҳозирда т.й. Турфондан Қашқарга олиб борилган. Халқаро шоссе йўллар ҳам қурилган.

Тарихи. Такламакон чўли атрофидаги археологик қазилмалар бу ерда 4—5 минг йил муқаддам энча юксак маданият эга ҳаёт мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Қад. Хитой манбаларида ўлка Синой (Ғарбий юртлар) деб номланган бўлиб, бундан 3—4 минг йил аввал мавжуд бўлган. Кейинги даврларда ҳам бир қанча хонликлар қаторида Турфон давлати (Гауаочан) (460—640 й.лар) ҳам юзага келган. Ўша вақтда Хитойда мавжуд бўлган Ғарбий ва Шарқий Хан империялари ўлкани қўлга киритиш ва Хитойдан ғарбга борадиган йўлни ўз назоратига олиш учун бир неча бор уринган. Шарқий Туркистон Буюк ипак йўлида бўлганлиги сабабли, у доим йирик давлатлар эътиборини тортиб турган. Мил. 3-а.да Шарқий Туркистоннинг шим. қисми — Жунғария сянби, 5—6-а.ларда жужан, 6-а.нинг 2-ярмида турк қабилалари назоратида бўлди. Турк хоқонлиги тузилгандан сўнг, унга Шарқий Туркистоннинг шаҳар-давлатлари кирган. Ўша вақтда буддизм ривожланиши юксалди. 7-а.да Шарқий Туркистон ва Жунғарияда Тан сулоласининг назорати ўрнатилди. 7-а.нинг 70-й.ларида унинг жан. қисми (ҳоз. Кучор, Хўтан, Қорашаҳар, Қашқар) тибетликлар қўл остига ўтди. 9-а.да Уйғур хоқонлиги емирилгандан сўнг, Урхун ва Селенга дарёлари ҳавзасида яшаган уйғурларнинг бир қисми бу ерга кўчиб ўтди. Уйғур давлати тузилди ва у бир неча йил *Қорахўжайлар*нинг вассали бўлган. 13-а.нинг 10—20 й.ларидан Чингизхонга тобе бўлди. 1251 й. Ғарбий Жунғария ва Қашқар ҳудудлари Чиғатой улусига, шим. қисми Тарбағатой б-н бирга Ўқтой улуси таркибига кирган. Уйғур давлати эса Мўғул хонлари қўл остига ўтган. 1465 й.да дўлот авлоди вакили бўлган Абу Бакр бошчилигида мароканди Ёркенд ш. бўлган хонлик ташкил топди. Кейинроқ Хўтан ва Қашқар вилоятлари, 1499—1504 й.ларда Оқсув, Учтурфон вилоятлари ушбу хонлик доирасига кирди. 1514 й.да Ёркенд тахтига Тўғлуқ Темур авлодларидан бўлган Саидхон ўтирди. Кейинги икки йил давомида Шарқий Туркистоннинг

Лобнор кўли яқинида топилган қадимги қабристон (мил. ав. 20-а.).

Урумчи шаҳрининг марказий кўчаларидан бири.

қолган қисми ҳам шу хонлик ихтиёрига ўтиб, шарқда унинг чегараси Буюк Хитой девори бошланган жой (Цзяюйгуан) гача етди. 16 —17-а.нинг 1-ярмида Ёркенд хонлиги ҳар тарафлама юксалган. 1635 й.дан Ёркенд давлати шим. да, яъни Жунгариядаги ойрот қабилалари кучайиб, *Ойрот хонлиги*ни туздилар. 17-а. охирида ойротлар *Офоқхўжа*ни Ёркенд хонлиги тахтига ўтказдилар, шундан сўнг Ёркенд хонлиги хўжалар сулоласи қўлига ўтди.

Манжурларнинг Цин сулоласи 18-а.нинг 60-й.ларида Шарқий Туркистонни босиб олгач, бу ҳудул хитой тилида Синьцзян («Янги чизиқ» ёки «Янги чегара») деб атала бошланган. Цин сулоласининг Шарқий Туркистонни босиб олиши б-н бирга бу ерда ўша вақтдаги тузумга қарши қўзғолонлар кучайди. Уйғур ва дунганларнинг қўзғолони натижасида (1862—77) бир неча мақаллий хонликлар (Кучар, Қашқар, Хўтан, Урумчи ва Или султонлиги) тузилди. Кейинчалик тахт учун кураш кучайиб, олдинги хонликлар бирлаштирилиб, 2 давлат — *Ёқуббек* бошчилигида *Еттишаҳар Уйғур давлати* ва дунганларнинг шаҳар иттифоқи (1864—72) вужудга келди. Қўзғолон бостирилгач, бу ҳудул Синьцзян номи б-н Хитой провинцияси (музофот)га айлантирилди. 1911—13 й.ларда миллий озодлик ҳаракати натижасида Синьцзянда Цинлар ҳукмронлиги тугатилди. Кейинги 40 йил давомида ҳокимият тез-тез ўзгариб турди. 1944 й.да бошланган «Уч вилоят инқилоби» натижасида ўша йили 12 ноябрда Шарқий Туркистон жумҳурияти эълон қилиниб, *Алихонтўра* Муваққат инқилобий ҳукумат раислигига сайланди ҳамда Миллий қўшинга қўмондон этиб тайинланди. 1949 й. сент.да ушбу жумҳурият-нинг аксарият раҳбарлари Пекинга музокарага учиб кетаётган вақтида авиаҳалокатга учрадилар. 1955 й. окт.да Синьцзян вилояти С.-У.м.р. деб ўзгартирилди ва ХХР таркибига киритилди.

Осиёнинг қад. машҳур Буюк ипак йўли шу жойдан ўтганлиги сабабли унинг маданияти ривожига самарали таъсир кўрсатган. Шим.да Турфон, Қорашаҳар, Қашқар, жан.да Миран, Хўтан, Ёркенд шлари вужудга келиб, ўлка Ғарб б-н Шарқ маданияти ўртасида кўприк вазифасини ўтади. Шим. шаҳарларда қад. маданият ёдгорликлари ҳам сақланган. Мил. ав. 1-а.да Хиндистон таъсирида будда дини тарқалиб, серҳашам тош ибодатхоналар қурилган. Халқ амалий санъати асарларида Олтой, Сибирь халқлари маданиятининг таъсири кўзга ташланади. Қад. (3-а.) рассомлик санъати асарлари — деворий расмларда ҳинд ва суғдийлар маданияти таъсири сезилади. Бу расмлар техникаси ва услуби жиҳатдан Ўрта Осиёдан топилган деворий расмларга анча ўхшайди. 6—7-а.лар санъатида суғдийлар санъатининг таъсири кучли. Ислом дини тарқалган жойларда масжид ва мақбаралар қурилган. 10—11-а.ларда ипак матога, қоғозга расм ишлаш, китоб миниатюраси ривож топган. 13—14-а.ларда шаҳар ансамбллари, серҳашам саройлар (Ёркендаги Хон саройи ва Омонисаҳон мақбараси, Қашқардаги хон уруғи, Ҳайитоҳ мажмуаси, Офоқхўжа мақбараси ва б.) қурилган. Уларда Ўрта Осиё меъморлиги таъсири кўзга ташланади.

Адабиёти. Ўлка адабиёти узоқ тарихга эга, бироқ адабий меросларнинг аксари қисми сақланмаган. Ҳудудда 24 хил ёзувда ва 17 хил тилда кўлёзмаларнинг топилиши бу ердаги адабий жараён турли маданиятлар таъсирида бўлганлигини кўрсатади. 10-а.да араб алифбоси жорий этилиши б-н ислом маданияти таъсири кучаяди. Қорахонийлар даврида фан ва адабиёт соҳасида бир қанча ютуқларга эришилди. Бунда *Кошғарий*, *Юсуф Хос Ҳожиб*, *Юнакий* ва б.нинг ҳиссаси катта бўлди. 9-а.дан ошиқлик театр (пантомимо), рақсли театр, ибтидоий драма театрлари тузилди, улар учун саҳна асарлари ёзилди. Уларда маҳаллий халқнинг тарихи, маданияти, урф-одати, ахлоқ ва б. масалалар ёритилди. Ҳикоя, шеър, қўшиқ, достон, афсона, латифа, мақола, тафсил каби жанрлар муҳим ўрин тутади. Қад. асарлардан «Пир чанги», «Тангриқут ҳақида ривоят», «Бўкехон ҳақида ривоят», достонлардан «Ўғузнома», «Далад қўр-қут», «Олип арғантғу» кабилар шулар жумласидан. Улар 6-а.да тошилган тош битикларда сақланган. Хорижлик олимлар томонидан нашр этилган 10 жилдли турли тилларда ёзилган қад. Турфон битиклари тўпламида Шарқий Туркистон адабиёти ўз аксини топган. Мазкур битикларда, шунингдек, ўлкадаги фалакиётшунослик, мунажжимлик, йил, ой ва кунлар жадвалини тузиш, табобат соҳасидаги билимлар акс эттирилган. «Эрқ битик», «Икки текинниng ривояти», «Чоштоний элик-бек», «*Олтин ёруқ*» каби битиклар ўша тўпламдан ўрин олган. Қад. ижолкорлардан Қўғирсур Олтин, Опринчур Текин, Отсанг кабилар машҳур. 10-а.да «Майтрисимт» тоҳар тилидан уйғур тилига

Муқом. Ғози Аҳмад асари (1984).

таржима қилинган. «Монига матҳия», «Ўлум тасвири» каби асарлар ёзилган. 13—16-а.ларда Сакковий, Убайдулло Лутфий, Алишер Навоий каби ишрик адиблар ижоди ўзбекдаги адабий жараённи янги ривожланиш босқичига кўтарди. Ёркенд хонлиги даврида Асёбек, Қошғар, Султон Саидхон, Абдурашидхон, Омонисаҳон, Қилдирхон Ёркандий кабилар ватан туйғуси, ошиқлик, ишқ-муҳаббат каби мавзуларда асарлар яратдилар. 19—20-а.ларда Муҳаммад Имин Хўжамқули, Муҳаммад Имин Абдулла Хаработий, Мулла Билол ибн Юсуф Хўтаний, Шоир Қаландар, Мулланиёз Қори Собир, Мулло Мусо Саййрамий ва б. ёзувчи ва шоирлар етишиб чиқди. 20-а.нинг 10-й.ларидан ўзбек ёзувчилари Туркистонда ўқишлари ва ўзбек адибларини б-н мулоқотда бўлишлари сабабли ўзбек адабиёти таъсири сезилади. 1980—90 й.лар янги уйғониш даври деб аталди. Бу даврда Тавфиқ Алиев, Турғун Олмос, Зуҳриддин Собир, Абдураҳим Ўткир каби адиблар етишиб чиқди. Ўша даврда хитой адабиёти таъсири кучайди.

Мусиқаси. Ўлка мусиқаси уйғур, хитой, қозоқ ва б. халқларнинг мусиқа анъаналаридан қарор топган. Хитойлар нашр эттирган санъатшуносликка оид асарларда келтирилган маълумотларга кўра, С.-У.м.р. мусиқаси бир неча минг йиллик тарихга эгадир. Мил. ав. 2—1-а.ларда «28 нағма», «Сариқ лайлак қуши садоси» каби Шарқий Туркистон мусиқалари Хитой пойтахтида ҳам ижро этилган. Турфонда топилган тош битикларда ҳам бу ўлкада юксак мусиқа санъати мавжудлиги акс эттирилган. Манбаларда, ёзилишича, 3—4-а.ларда Шарқий Туркистонда катта ансамбллар бўлган. Мас., будда олимни Кумрожува (344—413) Хитойга асир қилиб олиб кетилганда, у б-н бирга 28 кишидан иборат ансамбль ҳам бўлган. Су Жаф, Багмантур каби мусиқачилар элга танилган. Ўша вақтда мусиқа соллари хилма-хил бўлиб, улар рубоб, най, бўламон, сурнай, дала ноғораси, ёндўмбоғ, жалла доира, тунғқо, ёлғузак, дап (доира), комончалардан иборат бўлган. Кейинроқ улар қаторига дутор, тамбур, гижжак, сато ва чанг қўшилган. Уларда турли чолғу йўллари, айниқса халқ ва мумтоз рақс куйлари ижро этилмоқда. Уйғур анъанавий мусиқаси узоқ даврлар давомида қарор топган шаклларни ўз ичига олади: қад. парихон айтимлари («Перре уссули»), деҳқон қўшиқлари («Қош», «Сучи», «Ома» ва б.)дан тортиб, мумтоз мусиқа (*муқом*, сама ва б.) жанрларигача. Вокал жанрлардан қўшиқ, ялла, айтишув каби халқ қўшиқчилик ижодиёти шакллари, профессионал йўналишдаги, туркум тарзида ижро этиладиган *самом*, нахшалар кенг ўрин олган. 20-а.да Турли оҳун ал-нағма, Рўзи танбур, Хусанжон Жомий, Зикри Алпатто, Ғиёсиддин Барот каби мусиқачилар танилган. С.-У.м.р.да «Муқом жамияти» фаолият кўрсатмоқда. Уйғур достончилигида ишқий-лирик («Фариб ва Санам», «Тоҳир ва Зуҳра», «Лайли ва Мажнун»), қаҳрамонлик («Сеит ночи», «Абдураҳмон хонхўжа»), диний («Султоний Жамжама») асарлари муҳим ўрин тутади. Уйғур анъанавий мусиқасида бир неча маҳаллий услуб ажратилади: или, хўтан, кумул-турфон, долан ва б.

Тасвирий санъати. Мил. 1—7-а.ларда ўлкада будда дини кенг ёйилиши натижасида будда ибодатхоналари деворларига диний расмлар чизиш ва ҳайкалтарошлик санъати юксалди. Турфон, Кучар яқинидаги Қизил минг уйларидаги расмлар шулар жумласидан. 7-а.да яшаб ўтган мусаввир Ваиса Ирасанғу будда ва миниатюра ривожлана бошлади. Ўша давр расмларида табиат манзаралари ва ҳайвонот дунёси акс эттирилган. 20-а.да рассомлик санъатида халқ ҳаёти ва йирик шахслар портретларини чизиш расм бўлди. Бу соҳада 1935 й.да Қашқарда туғилган Ғози Аҳмаднинг асарлари алоҳида эътиборга лойиқ.

Абдуқаюм Ҳўжаев.

СИОНИЗМ (Қудусдаги Сион тепалиги номидан олинган; Библия ривоятларига кўра, бу ерда Довуд подшонинг қароргоҳи ва худо Яҳванинг уйи бўлган) — яҳудийларни Фаластинга келишини рағбатлантириш ва у ерда яҳудийлар давлатини тузиш ғоясини англашини тиклашга қаратилган ўзини англашини мафкура. 19-а. охирида вужудга келган. 1948 й.дан кейин Исроилни дунё миқёсида ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга мўлжалланган. Социалистик ва либерал оқимлардан тортиб то шовинистик руҳдаги бир қанча оқимларни ўз ичига олади. Сионистик ташкилотлар 60 дан ортиқ мамлакатда иш олиб боради. Етакчиси — Жаҳон сионистлар ташкилоти (1897 й.да тузилган), қароргоҳи Исроил ва АҚШда.

СИПОҲИЙ, сипоҳ (форс.— жангчи, аскар) —1) Салжуқийлар салтанатида унча катта бўлмаган мулкка эгалик қилган, эркин мулкдор отлиқ қўшин вакили; 2) Усмонли турк империяси армиясида аниқ шартнома асосида ҳарбий хизматни ўтовчи шахс. С. хизмати эвазига ер — тимар берилган. 14—16-а.ларда С.лар турк армиясининг асосий қисмини ташкил қилган. Турк С.си жангга тўқаюқ, ойболта, икки қилич, найза ва ўқ-ёй б-н отланган. 17-а. сўнгида С. Дамашқ пўлатидан ясалган зирҳ ва дубулға б-н таъминланган; 3) Эрон, Ўрта Осиё хонликларида суворий аскар. *Амир Темур*, *Бобур* қўшинида С. термини фаол қўлланган. Ўрта асрларда қишлоқ ва шаҳарларда ҳарбий қолиқни ундирувчи кичик мансабдор ҳам С. деб аталган. Ҳозир Эронда маориф ва соғлиқни сақлаш масалалари б-н шуғулланувчи ярим ҳарбий корпус аъзоси; 4) 18-а. ўрталари — 20-а.нинг 40-й.ларида Ҳиндистондаги ёлланма аскар. С.лар мустамлакачилар қўшинига маҳаллий аҳоли сафидан жалб қилинган. Инглизлар С.лардан Ҳиндистонни мустамлака қилишда кенг фойдаланган. 1857—59 й.лар бўлган Ҳиндистон халқ қўзғолонида С.лар ҳам иштирок этганлари боис бу қўзғолон сипоҳийлар қўзғолони деб номланган.

СИПОҲИЙЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ — қ. *Ҳиндистон халқ қўзғолони* (1857—59).

СИПОҲСОЛОР (форс. — қўшин бошловчи, лашкар етакчиси) — 1) Сомонийлар салтанатида энг олий ҳарбий унвон. У Нишопурдан Амударёнинг жан. гача Сомонийларга тегишли барча ерларга ҳукмронлик қилган Хуросон вилайсита берилган; 2) Қорахонийлар қўшинида «бош қўмондон, саркарда» маъносида С. асл туркий *субоши* атамаси б-н параллел қўлланган; 3) Амир Темур қўшинида бу истилоҳ қўлланишда бўлмаган. Бобур қўшинида бош қўмондон мирсипоҳ деб юритилган. Бироқ С. Алишер Навоийнинг насрий ва назмий асарларида «лашкарбоши, бош қўмондон» маъносида истеъмолда бўлган; 4) Хива хонлигида жами отлиқ ва пиёда қўшинга С. қўмондонлик қилган.

СИПУНКУЛИДЛАР (Sipunculida) — денгиз умуртқасиз ҳайвонлари типи. Уз. 1 дан 50 см гача. Чувалчангсимон, сегментларга бўлинмаган танасининг учи (хартумча)да пайпаслагичлар б-н ўралган оғиз тешиги бор. Оғзидан кейинроқда (орқа томонида) анал тешиги жойлашган. Ичаги узун, халқасимон

Сипоҳий. Темурийлар даври жанчилари (Бехзод миниатюралари асосида чизилган).

ўралган. Айириш органи — нефридийлар. Қон айланиш системаси кучсиз ривожланган. Нерв системаси ҳалқум усти нерв тугуни («мия») ва қорин нерв устунидан иборат. Мускулларининг қисқариб-бўшашиши натижасида ҳаракатланади. Айрим жинсли. Ривожланиши, асосан, метаморфоз орқали (тухумидан трохофора личинкаси чиқади), баъзан ўзгаришсиз боради. 1 синф (сипункулидлар) дан иборат. Денгизларда сув тубида, кўпинча моллюскаларнинг бўш чиғаноқлари, чувалчанглар ва б. қайвонлар инларида яшайди. Баренц ва Узоқ Шарқ денгизларида кўп учрайди.

СИПХАНДОН Ҳамтай (1924.8.2, Чампасак вилоятининг Хуакхонгина қишлоғи) — Лаос давлат арбоби. 1947 й.дан инқилобий ҳаракатда. Лаос Халқ инқилобий партиясининг аъзоси (1956). Жан. районлар штаби зобити (1947—48). Жан. районларда Лаос озодлиги ҳукумати аъзоси. Лаос жанда инқилобий озодлар-нлар тузиш учун масъул (1948—50). Лаос озодлиги фронти МК аъзоси (1950—52). Марказий р-н қўмитаси раиси (1952—54). Патет Лао (Миллий фронт) армияси штаби аъзоси (1955—56), партия МК бўлими мудири (1957—59), 1959 й.дан Патет Лао фронти радиоэшиттириш, партия МК ҳарбий сектори учун масъул, 1975 й.дан Лаос бош вазири ўринбосари ва Лаос халқ армияси бош қўмондони, 1991 й.дан Лаос бош вазири, 1992 й.дан Лаос Халқ инқилобий партияси МК раиси, 1972 й.дан Лаос Халқ инқилобий партияси Сиёсий бюроси аъзоси, 1982—90 й.ларда МК котиби, 1998 й. фев.дан Лаос Халқ Демократик Республикаси президенти.

СИР — қ. *Давлат сири*.

СИР (рус. сырой — хўл, нам) — сутдан тайёрланадиган озиқ-овқат маҳсулоти (қ. *Пишлоқ*).

СИРАКУЗА — Италиянинг жан. қисмидаги шаҳар, Сицилия о.да. Аҳолиси 121 минг киши (2001). Транспорт йўллари тугуни. Ионн денгизи соҳилидаги порт; порт-саноат мажмуаси таркибида. Нефтни қайта ишлаш ва нефть кимёси саноатлари ривожланган. Машинасозлик, цемент саноати корхоналари бор. Балиқ овланади. Шаҳарга мил. ав. 734 й.да юнонлар томонидан асос солинган. С. аҳолисининг асосий машғулоти деҳқончилик ва денгиз савдоси бўлган. Дионисий I ва *Агафокл* ҳукмронликлари даври (5—4-а.ларнинг охири)да С. Сицилиянинг деярли ҳамма ҳудудини ўзига тобе этган. Мил. ав. 211 й.да римликлар томонидан эгалланган. Мил. ав. 6—5-а.ларда қурилган иншоотларнинг қолдиқлари сақланган. С. — *Архимед* ватани.

СИРАНУШ — кечинишар хўраки узум нави. Арманистон узумчилик, виночилик ва мевачилик и.т. институтида *Каттақўр-ғон* ва *Пушти канишми* навларини чатиштириб чиқарилган (Е. А. Ерекян). Тупи кучли ўсади, барглари ўртача, ялмоғлоқ, 5 бўлмали, сел кертикли, гер томони силлиқ. Гули 2 жинсли. Узуми ани-сентда пишади. Узум боши йирик, конуссимон, ўртача зичлиги. Ғужуми ўртача ёки йирик, ялмоғлоқ, оқ-сариқ, ургуссиз, губор б-н қопланган. Пусти юпқа. Эти ғуштдор, сершув. Таркибида 20—22% қанд бор. Қурғоқ бўлмаган кейин фаол ҳарорат йиғиндиси 3450° бўлганда — 150—165 кунда пишади. Ҳосилдорлиги 150—180 ц/га. Янгилигида истеъмол қилинади, майиз тайёрланади.

СИРДАРЁ — Ўрта Осиёдаги энг узун ва *Амударё*дан кейинги энг серсув дарё. С. турли номлар б-н аталган. Қадим юнон тарихчиларининг асарларида Яксартес (Яксарт), баъзан, Танаис, зардуштийларнинг муқаддас китоби Авестода Дану, хитой транскрипциясида Янша, 10-а.да ёзилган географик асар — «Ҳудуд ул-олам»да Хашарт, рунии (туркий) ёзувларида Енчуўтиз, Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида ва Ҳамдуллоҳ Қазвинийнинг «Нузҳат ул-Қулуб» асарида Гулзаррион, араблар келгандан кейинги кўпгина солномаларда Сайҳун, араб географларидан Ибн Хурдодбеҳ асарларида (9—10-а.лар) Хашарт ва Қанқар, Берунийнинг асарларида Хасарт шаклларида тилга олинган. Айни вақтда у қайси ердан оқиб ўтишига қараб Оби Фарғона (ёки Фарғона дарёси), Ўзган дарёси, Оби Хўжанд (Хўжанд суви), Наҳр оши-Шош (Шош дарёси), Банокат дарёси деб ҳам аталган.

«С.» атамаси дастлаб Рим тарихчиси Плиний асарида (мил. 1-а.) «Силис» шаклида учрайди. «Силис» ёки «Сирсўзи бу дарё атрофида яшаган қабила номидан олинган бўлса керак.

Фарғона водийсининг шарқий чеккасида, Балиқчи қишлоғи ёнида Норин дарёси б-н Қорадарё қўшилган жойдан С. деб аталади. Ўзбекистоннинг Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент, Сирдарё вилояти, Тожикистоннинг Суғд вилояти ва Қозоғистоннинг Жан. Қозоғистон ва Қизилўрда вилоятлари бўйлаб аввал ғарб, жан.-ғарб томон, сўнгра эса шим., шим.-ғарбга оқиб бориб, Орол денгизига қуйилади.

Уз. 2272 км, Норин дарёсининг бошланиш жойидан —3018 км. Дарё ҳавзасининг майдони тахм. 462000 км², унинг асосий сув ҳосил бўладиган қисми эса 219000 км².

С. ҳавзасининг тоғли қисмида Оқбийрак, Бурқулдон, Отбоши, Олай, Туркистон ва Нурота тизмалари бўйлаб, шим.-ға эса Терскей Олатови бўйлаб оқади. Тизмаларининг чўққилари кўпинча қор ва муздиклар б-н қопланиб ётади. Бу тизмаларда 1600 дан ортиқ музлик бўлиб, уларнинг умумий майд. 2200 км²дан ошроқ. Бу ерларда эриб улгурмаган қорлик ҳам кўп.

Фарғона водийсида С.нинг ўзани ниссабан чуқур, қаирн ҳам анча пастга жойлашган. Фарғона водийсидан чиқаверишда (Бекобод шаҳ.дан 4 км юқорироқда) С. Фарҳод ГЭС учун қурилган тупон ё-н туташган. Йилнинг кўп қисмида дарё суви ана шу ГЭСга сув берадиган Фарҳод каналн орқали оқади. Бекобод шаҳ.дан қуйироқда каналдан сувнинг бир қисми яна қайтадан дарёга қуйилади. Бошқа бир қисми эса «Дўстлик» канали орқали Мирзачўл ерларини суғоришга сарф бўлади. Фарҳод ГЭС тугунидан юқорида дарё ўзанида қатламина Фарҳод сув омбори барпо этилган.

1956 й. Хўжанд шаҳ.дан 12 км юқорида, С. ўзанида Қайроққум сув омбори ва «Халқлар дўстлиги» ГЭС қурилди. Фарғона водийси қисмида С.га жуда кўп ирмоқ келиб қуйилади. Улардан энг ирилклари ўнг томондан — Чатқол ва Қурама тоғ тизмаларидан оқиб келадиган Поччатопасой, Косонсой, Говасой, Чодаксой, чап томондан — Олай ва Туркистон тоғ тизмаларидан сув оладиган Исфайрамсой, Шоҳимардонсой, Сўх, Исфара, Хўжабақирғон ва Оқсув. Бу ирмоқлар баланд тоғлардан оқиб тушадиган кичик, лекин, жуда ишлаб оқалиган тоғ дарёларидир. Уларнинг уз. 80—160 км, сув тўплаш майд. 400—2500 км², ўртача йиллик сув сарфи эса 10—15 м³/сек., Сўх дарёсиники эса 40 м³/сек.дан бир оз ортиқ. Сувн кам бўлишига қарамай бу дарёлар Фарғона водийсидаги ерларни суғоришда муҳим аҳамиятга эга. Фарғона водийсидан чиққандан сўнг С.га чап томонлан ҳеч қандай ирмоқ қўшилмай-

Сирдарё. Қуйи оқими.



Сирдарёнинг гидрографи (Бекобод ш. ёнида, 1942 й.).

ди, ўнг томондан эса унга Оҳангарон, Чирчиқ, Келес ва Арис дарёлари келиб қуйилади. С.нинг бу ирмоқлари ҳам, айниқса, Чирчиқ ё-н Арис дарёлари тоғдан оқиб келади. Тоғлардан чиқаверишда Чирчиқ дарёсининг ўртача кўп йиллик сув сарфи 227 м³/сек., Арис дарёсиники 65 м³/сек. Оҳангарон дарёсиники 23 м³/сек. Тоғлардан текисликларга чиқиши б-н дарёларнинг сувлари канал ва ариқлар орқали суғоришга олинади. Уларнинг фақат суғоришдан ортган сувларигина С.га келиб қуйилади. Ўрта ҳисобда С. сувининг 78% Норин сувидан, қолган 22% Қорадарё сувидан ташкил топади.

Тоғларнинг пастки қисмидаги мавсумий қорлар эрийдиган апр. ойидан сув кескин кўпая бошлайди, бу кўпайиш июнь ойининг охирларига қадар давом этади. Июнь ойида энг кўп миқдорда (йиллик сув миқдорининг 17%идан зиёд-роқ қисми) оқиб ўтади. Июлдан бошлаб, янв., фев. ойларигача дарёнинг суви камая боради. Кам сув оқиш даври окт. ойидан май ойи охирларига қадар давом этади, бу даврда ўртача ойлик сув миқдори 5—6% ни ташкил этади. Энг кўп сув сарфи май—июнь ойларига, энг кам сув сарфи эса янв. — фев. ойларига тўғри келади.

Кўп йиллик (1910—75) кузатишларга қараганда, Фарғона водийсидан чиқаверишда (Бекобод ш. яқинида) С.нинг ўртача йиллик сув сарфи 278—1080 м³/сек. орасида ўзгариб туради, ўрта ҳисобда эса у 568 м³/сек.га (ёки йилига қарийб 18 млрд. м³га) тенг. Оҳангарон ва, айниқса, Чирчиқ ирмоқларининг суғоришдан ортган сувлари қўшилгандан сўнг, С.нинг суви анчага кўпаяди. Қўқбулоқ кузатиш ст-яси ёнида (Чирчиқ дарёси қўшилган жойдан 27 км қуйида) дарёнинг ўртача кўп йиллик сув сарфи 724 м³/сек. ёки йилига 23 млрд. м³ни ташкил этади. Қўқбулоқдан ўтгач, С.кенг ўзанда ёйилиб, осойишта оқади, шунинг учун суви кўпроқ бугланишга ва қисман суғоришга сарфланади. Натижада дарё суви этагига томон камая боради. Қизилўрда ш.га борганда дарёнинг ўртача сув сарфи 673 м³/сек.га, Газали ш.га етганда 492 м³/сек.га ва ниҳоят, Орол денгизига борганда 420 м³/сек.га тушиб қолади.

Сирдарёнинг энг кўп сув сарфи Бекобод ш. яқинида кўпинча 1500—2000 м³/сек. ўртасида бўлади, энг кўп сув сарфи 3340 м³/сек.га етган йиллар ҳам бўлган (1934 й. 17 июнда). Энг кам сув сарфи 150 м³/сек., ҳатто ундан ҳам камроқ бўлиши мумкин. Фарғона водийсидан чиқиш еридан Чирчиқ дарёси келиб қўшилган жойга қадар С. кенглиги 15 км гача бўлган кенг водийда оқади.

Дарёнинг қирғоқлари ёпиқ, қайири кенг. Шу сабабдан кам сувли йилларда дарё эни 0,3—0,5 км бўлади, сершув йилларда эса айрим жойларда 5—7 км, ҳатто 11 км га қадар тошиб чиқади.

Дарё ўзани эгри-бугри ва кўп жойларда ороллар ҳосил қилиб, тармоқларга ажралиб кетган. Ювшоқ жинсларда тузилганлиги сабабли дарё қирғоқлари кўпинча ўпирилиб тушиб, ғоқлари кўпинча дарёнинг ирмоқлари пастки қисмида (Чордара қишлоғи ёнида) бор барпо этилган. Сув омбори ёнида қуввати 100 минг кВт га тенг бўлган ГЭС ҳам қурилган. Тўменариқ қишлоғидан қуйида дарёнинг ирмоқлари пастки қисмида (Чордара қишлоғи ёнида) сатҳи б-н тенглашиб қолади. Қизилўрда ш.дан бир оз юқорироқда С.да сув кўтарилиб тўғон қурилган. Бу тўғон дарёнинг ўнг ва чап соҳилларидаги суғориш каналларига сув чиқариб беради. Тўменариқ ГЭС'дан бир оз пастроқда С.дан сув кўтарилиб чиқади. Улардан энг кўҳнаси Қизилўрда ш.дан бир қанча тармоқлар ажралиб, зилқум чўлларн оралаб кетган Жанадарё б-н Қувондарё тармоқларидир. Бир замонлар сувга тўлиб тошган бу тармоқлар аллақачон қуриб битган. Фақат кейинги йилларда уларнинг айрим қисмлари тозаланиб, суғориш каналларига айлантирилди. Қўксув, Чийли, Саврамбой, Чиркейли ва Қорағўзак тармоқлари ҳоз. мавжуд тармоқлардир. Бундан энг йириги — Қорағўзак тармоғи С.дан Қорағўзак т.й. станцияси ёнида ажралиб чиқади ва 131 км оқиб боргач, Жусали т.й. станцияси ёнида яна С.га қўшилади. Ҳоз. вақтда Қорағўзак дарёнинг бош ўзанига айланган, дарё сувининг кўп қисми шу тармоқ орқали оқади. Қорағўзакдан бошқа тармоқлари ҳам муҳим хўжалик аҳамиятига эга. С.нинг қуйи оқимидаги 70 минг га дан ортиқроқ ерни суғорадиган 400 га яқин ариқ-каналлар ана шу тармоқлардан сув олади.

С. анча лойқа дарёдир. Бекобод ш. яқинида унинг ҳар 1 м³ сувида ўрта ҳисобда 2,17 кг лойқа оқизиқ бўлади (оқизиқларнинг йиллик миқдори қарийб 37 млн. т). Бу оқизиқларнинг 72,3% март — июнь ойларида, 20,3% июль — сент. ва қолган 7,4% окт. — фев. ойларида оқиб ўтади.

Фарғона водийсида С. деярли музламайди. Дарёнинг бу қисмида музлаш ҳодисалари, асосан, шовуш оқимидан иборат бўлиб, бу ҳодиса ўрта ҳисоб б-н 10—15 кун давом этади. Фарғона водийсидан чиқиб, шим.га томон борган сари С.нинг оқиш тезлиги сусайиб, сувнинг ёпқасига музлаши камдан-кам содир бўлса, этак қисмида (Газали ш. ёнида) дарё 80—140 кун давомида қалин муз б-н қопланиб ётади.

С. ва унинг кўпчилик ирмоғида қурилиб ишга туширилган гидротехник иншоотлар, айниқса, йирик тўғонлар, сув омборлари, катта-катта каналлар ва коллекторлар тизими натижасида С.нинг оқим миқдори ва гидрологик режими анча ўзгарди. Мас., кейинги йиллардаги кузатиш маълумотларига қараганда, С.нинг ўртача йиллик сув миқдори Хўжанд яқинида 476 м³/сек. га, дарёнинг этак қисмида (Газали ш. ёнида) эса 158 м³/сек.га, тушиб қолган.

С. ҳавзасида обикор деҳқончилик жуда қадимдан мавжуд бўлган. Лекин, 20-а.нинг 2-ўн йиллигигача ўзлаштирилган ерлар, асосан, Фарғона водийси б-н Тошкент воҳасида бўлган. Бу ерлар С.нинг Фарғона водийсидаги ирмоқларидан сув оладиган Андижонсой, Шаҳрихонсой, Қувасой, Марғилонсой, Олтинариқсой ҳамда Чирчиқ ва Оҳангарон дарёларидан чиқарилган Зоҳарик, Қорасув, Бўзсув, Таначибуқ

Сирдарё. Чиноз шаҳри ёнида.

ва Ердон каби қад. канал ва ариқлар орқали сув олган. 1920 й.да С. ҳавзасида ҳаммаси бўлиб 1200 минг га чамасида ер суғорилган.

Суғориладиган ерлар майдонини кенгайтириш ва уларнинг сув таъминотини яхшилаш борасида кейинги 60 йил давомида катта сув хўжалик қурилиш ишлари амалга оширилди: Андижонсой, Шаҳрихонсой, Қорасув ва Бўсув сингари қад. каналларни янгилаш ва кенгайтириш б-н бирга С. ҳавзасида мураккаб гидротехник иншоотлар системасига эга бўлган Катта Фарғона, Шим. Фарғона, Жан. Фарғона, Катта Андижон каналлари, Охунбобоев номли канал каби ўнлаб йирик ва юзлаб кичироқ ариқ-каналлар қазилди. Натижада С. ҳавзасидаги ариқ-каналларнинг умумий уз. қарийб 65 минг км га етди. Бу каналларга муттасил сув бериб туриш учун Сирдарё ва унинг ирмоқларида жуда кўп тўғон ва гидротўгунлар қурилган. Норин дарёсидаги Учқўрғон, Қоралардаги Кампирравот, Тешиктош, Куйганёр, С.даги Фарҳод Қизилўрда ва Ғазали гидроузеллари шулар жумласидандир.

Йилдан йилга тобора кўпроқ ерлар суғорилиши натижасида айрим пастқам жойларни шўр ва ботқоқ боса бошлади. Ана шундай жойларнинг захини қочириш ва йиғилган сизот сувлар б-н суғоришдан ортган партов сувларни дарёларга ташлаш мақсадида С. ҳавзасида 300 дан ортиқ коллектор ва зовурлар ҳам қазилган (32 минг км). Энг йирик коллекторлар Шим. Бағдод, Сўх-Исфара, Сарижўға, Сариқсув, Ёзёвон, Улуғнор, Замбаркўл, Шўркўл, Асака, Шўрўзак, Марказий Мирзачўл ва Қорасув. Сув хўжалиги соҳасида амалга оширилган тадбирлар натижасида (1970-йлар охирида) С. ҳавзасида суғорилаётган ерлар майд. 2,4 млн.га дан ортиб кетди (2001 й.да 2887 минг га).

С. ҳавзасидаги суғориладиган ерларда, асосан, пахта экилади. Шунингдек, дон, сабзавот, мева ва полиз экинлари ҳам етиштирилади. Норин дарёсида улкан Тўхтағул сув омбори, Қорадарёда Андижон сув омбори, Чирчиқда Чорвоқ сув омбори, С.да Қайроққум сув омбори қурилди, Катта Наманган ва Қизилқум каналлари каби магистрал суғориш каналлари қазилди.

С., айниқса, унинг баланд тоғлардан оқиб тушадиган ирмоқлари катта гидроэнергетика захирасига эга. Уларнинг умумий потенциал гидроэнергетика захираси қарийб 22 млн. кВт. Бу ҳавзада 63 ГЭС қурилган. Уларнинг умумий қуввати 2,8 млн. кВт.

С. ва унинг ирмоқлари кўплаб қишлоқ ва шаҳарларни, Фарғона водийси, Тошкент, Чирчиқ, Бекобод ва Қизилўрда каби шаҳарларни ичимлик ва ф-каларни, кўп сонли саноат корхоналарини сув б-н таъминлайди.

Дарёнинг унинг қанирила қолиқ ўзанлар ўрнида ҳосил бўлган кўпгина кўллар б-н биргаликда Ўзбекистон ва Жан. Қозоғистонда балиқчиликнинг ривожланишидаги аҳамияти ҳам катта. Бу соҳада, айниқса, С.нинг қуйи оқими ва, шунингдек, Бекобод, Далварзин ва Арнасой атрофидаги кўллар муҳим. С.нинг қуйи қисми балиқчиликда алоҳида ўрин тутади, у ердаги Орол денгизида овланадиган осётр, мойбалиқ, сўвага, турта балиқ, сазан ва вобла каби қимматбаҳо балиқларнинг асосий уруғи жойларидан бири эди. С.да 40 дан ортиқ балиқ тури яшади.

Ад.: Шульц В. Л., Машрапов Р., Ўрта Осиё гидрографияси, Т., 1969; Захидов А. З., Водохозяйственные системы Средней Азии, Т., 1971.

СИРДАРЁ — Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги шаҳар, туман маркази. 1971 й.гача шаҳар посёлкаси. Тошкентдан 80 км жан.-ғарбда, Тошкент — Ховос т.й.даги станция. Сирдарёнинг чап соҳилида жойлашган. Вилоят маркази (Гулистондан 40 км. Аҳолиси 30 минг кишидан иборат (2002). С.да туман ҳокимияти бинокн, саноат, транспорт, алоқа, қурилиш корхоналари, банклар мавжуд. Пахта тозалаш, сут, нон, гишт з-лари, МТП, 3 қўшма, 80 хусусий ва кичик корхона, 50 дан иёд фирма, қандолатчилик, квас ва лимонад и.ч. корхоналари фаолият кўрсатади. Деҳқон бозори, супермаркет, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. Умумий таълим мактаблари, пед. коллежи, болалар санъат мактаби, спорт мактаблари, касб-ҳунар мактаби, марказий стадион, туман марказий касалхонаси, шошилинч тиббий ёрдам бўлими, 3 маданият уйи, туман марказий кутубхонаси ва унинг тармоқлари бор. Янги қурилган автовок.кл, каскмона, дорихона ва б. савдо, маиший объектлар ишлаб турибди.

Сирдарё шаҳри. Педагогика коллежи.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ — *Туркистон генерал-губернаторлиги*нинг 5 вилоятидан бири. 1867 й. ташкил этилган. Таркибида Ғазали, Перовский, Чимкент, Авлиёота, Тошкент (1887 й.гача Курама номида), Хўжанд (1887 й.гача), Жизақ (1872 й.гача) уездлари, Тошкент ш. ва 1886 й.дан Амударё бўлими кирган. 1910 й.ги маълумотга кўра, С.в. майдони 439428 кв чақирим; аҳолиси 1911464 киши бўлган (1867 й. 675 000, 1917 й. 2155 500).

С.в.даги аҳоли ўтроқ, ярим ўтроқ кўчманчи, ярим кўчманчиларга бўлинган. 20-а. бошларида вилоят аҳолисининг 1/3 қисми ўтроқ ва 2/3 қисми кўчманчи бўлган. С.в.нинг шим.-ғарбий қисми (Перовский, Ғазали, Чимкент, Авлиёота ва Амударё бўлимининг катта қисмида), асосан, кўчманчилар, қозоқлар, киргизлар, қорақалпоқлар, туркманлар, лўлилар яшаган. Ўтроқ аҳоли таркибида: ўзбек, сарт, тожик, бухоро яҳудийлари, татарлар, Россиядан кўчириб келтирилган рус деҳқонлари ва б. киргач. Ўтроқ аҳоли деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо б-н, кўчманчилар эса, асосан, чорвачилик, ярим кўчманчилар деҳқончилик ва чорвачилик б-н шуғулланишган.

С.в. уездлари участка, волость, шунингдек, айрим қишлоқ ва овуллардан таркиб топган овул ва қишлоқ жамоаларига бўлинган. Кўчманчиларга доимий фойдаланиш учун берилган барча ерлар давлат мулки ҳисобланиб, бу ерларни улар бошқа шахсларга бериб туришлари ёки сотишлари ман қилинган. 1915 й. С.в.да экин экиладиган 1079713 десятина ер, фойдаланилмайдиган 33855811 десятина ер бор эди. 1915 й С.в.да умумий уз. 17151 чақиримдан иборат 3006 та ариқ бўлган. 1900 й.да С.в.да 49 та мадраса (1099 талаба), 1809 мактаб (19453 ўқувчи) бўлган.

С.в. Туркистон ўлкасининг Россия ички бозорлари б-н савдо алоқаларида муҳим роль ўйнаган. С.в.дан четга, асосан, пахта, тери, жун, бугдой, мева, чорва жўнатилган. Россиядан эса газлама, ёғоч-тахта, керосин, темир, пўлат, чўян, мис ва мис буюмлар, атторлик ва баққоллик товарлари, чой, қанд, пойабзал, бугдой, балиқ ва б. келтирилган. 1908 й. С.в. да 156 та кустар типидаги ф-ка ва з-лар (1460 ишчи) бўлган. С.в.да 1884 й. 300 десятина ерга, 1914 й.га келиб эса 83906 десятина ерга америка пахта нави экилган. С.в.да чоракорлик кенг тарқалган.

20-а. бошларига келиб С.в. да полвон ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатига қарши озодлик ҳаракати авж олган. 1916 й.ги *мардикорликка олиш* ҳақидаги полвон фармонига жавобан вилоятнинг барча уездлари ва Амударё бўлимида ғалаёнлар бўлиб ўтган. Кўп қишлоқларда деҳқонларнинг ғалаёнлари полиция ва қўшинлар б-н тўқнашувга айланган. Бундай тўқнашувлар 12 июлда Янгибозор қишлоғида, 13 июлда Тўйтепа қишлоғида, 14 июлда Троицк, Хонобод ва Пискент қишлоқларида бўлиб ўтган. Бундан ташқари, қўзғолонлар Жалолтепа, Хитойтепа, Қўшқўрғон, Оққўрғон, Жоустўм, Олтин водостларига ҳам ёйилган. 1924 й. С.в. Ўрта Осиё республикаларида миллий чегараланиш ўтказилиши туфайли тугатилган.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ — ЎзР таркибидаги вилоят. 1963 й. 16 февр.да ташкил этилган. Шим.дан Қозоғистон Республикаси, шарқдан Тошкент вилояти, жан.дан Тожикистон Республикаси ва ғарбдан Жиззах вилояти б-н чегарадош. Майд. 5,3 минг км². Аҳолиси 667748 киши (2003). Таркибида 9 туман (Боёвут, Гулистон, Мехнат-обод, Мирзаобод, Оқолтин, Сайхун-обод, Сирдарё, Ховос, Шароф Рашидов) (туманлар ҳақида алоҳида мақолаларга қаранг, мас. *Боёвут тумани*), 5 шаҳар (Гулистон, Баҳт, Сирдарё, Ширин, Янгиер), 6 шаҳарча (Боёвут, Деҳқонобод, Дўстлик, Пахтаобод, Сайхун, Ховос) ва 75 Пахтаобод, Сайхун, Ховос) ва 75 қишлоқ фуқаролари йиғини бор (2004). Маркази — *Гулистон* ш.

Табиати. Рельефи, асосан, тўлқинсимон текислик бўлиб, жан.дан шим.-гармон текислик бўлиб, жан.дан шим.-гармонинг бир қисми вилоят ҳудудига кирган. Бал. шим.да 230 м, марказий қисмида 400—450 м, жан. ва жан.-ғарбда 600—650 м. Шарқида кенг Сирдарё водийси жойлашган. Мезозой ва кайнозой даврида, асосан, чўкинди жинсларининг қалин қатлами б-н қопланган. Шўрўзак, Мирзаработ, Сардоба каби ботиқлар мавжуд. Текислик қисми дарё-дар оқизиб келтирган ётқизиқлардан ҳосил бўлган, баъзи жойларини кўл, ботқоқ ва шўрхок ерлар эгаллаган. С.в.да янги каналлар, зовурлар қазилиб, чўл ўзлаштирилди ва экин майдонларга айлантирилди. Текислик қисмида ирригация иншоотлари қурилиб, пахтазор, боғ ва токзорлар барпо қилинди. Адирлар лалмикор ерлар ва яйловлардан иборат.

Об-ҳавоси кескин ўзгарувчан ва қуруқ. Йиллик ўртача т-раси 14°. Янв.нинг ўртача т-раси шим.да —6°, жан.да —2°. Қишда ҳаво тез совийди ва т-ра —30° гача (Гулистонда —35°) пасаяди. Баъзан, қиш ўрталарида ҳаво бирданига исиб, кейин совиб кетади. Кеч кўкламда ва эрта кузда ҳам қора совуқ тушиб ўсимликнинг ўсиш даврини қисқартиради. Ёзи қуруқ ва иссиқ. Июлнинг ўртача т-раси 27—29°. Ёзда т-ра 32—45° гача кўтарилади. Кўпинча иссиқ шамол (гармсел) тупроқни қуритади ва ўсимликлар ривожланишига ёмон таъсир қилади. Вегетация даври 218 кун. Йиллик ёғин 180—220 мм, асосан, қишда ёғади. Ёзда кучли бўланиш сабабли ер ости сувлари юза майдонларнинг (Шароф Рашидов, Оқолтин, Гулистон туманлари) тупроғигача, Гулистон туманлари) тупроғигача шўр босади. Ноябрдан мартгача тез-тез эсиб турадиган «Бекобод шамоли» тезлиги 20—25 м/сек. (Боёвут туманида 40 м/сек.)га етади. Баҳорда эсадиган бу хилдаги шамол униб чиқаётган ғўзаларни баъзан нобуд қилади. Кейинги йилларда нихога дарахтзорлари барпо қилинди. Тупроқлари, асосан, оч тусли кучсиз жойлашган бўз тупроқ бўлиб, кам ва ўртача шўрланган, механик таркибига кўра, қумоқ ва соз тупроқлардир. Текисликларда шўрхок ва шўрхоксимон тупроқлар учрайди. Ер ости сувининг чуқ. 5—6 м. Шўрўзак массивида, ҳали ўзлаштирилмаган пастқам жойларда шўрхоклар кенг тарқалган. Суғориладиган ерларнинг 32% шўрланган, 25% кучсиз шўрланган, 16% шўрхоклардан иборат. Ўсимликлардан лолақизғалдоқ, бойчечак, чучмома, қоқи ялпиз, исмалоқ, янтоқ, шўра, шувоқ, қўнғирбош, қўзиқулоқ, туятовон, қуёнсуяк, жузгун, қовул, оққурай, қилтиқ, каррак, ранг, илоқ, бетага, қиёқ, қамиш, юлғун, оқбош, қушқўнмас, наъматак, мингбош, читир, гумай, печак, саксовул, ҳар хил буталар, жийда, дўлана, тол, терак, қайрағоч, оқ акация, заранг, шумтол ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан: жайра, тулки, бўри, чиябўри, қобон, жайрон, кулан, ёввойи мушук, қирғовул, ёввойи ғоз, ўрдак, ғоз, қирғий, ўрмон ва ўрмон-дашт ландшафтларида кабан, қуён

Гулистон шаҳри. Бокс саройи.

Шарқий Цао (суви йўқ) деб юритилади. Унинг бундай номланиши ҳудудда кўшни Чоч ва Суғдан фарқли равишда дарёларнинг кўп бўлмаганлиги б-н изоҳланади. Нисбатан ўлканинг тўлароқ номланиши Таншу йилномаларида («Шуайдушана», «Суйдушана» номлари б-н) берилган. Тан императорлари саройида ўлка номи, шунингдек, Лайвий (мағрурлигини сезган ҳолда бўйсунмоқ) деб ҳам юритилган. Вилоят қад. аҳолисининг тили суғд тилига ўхшаш тилда сўзлашувчи Сирдарё ва Амударё оралиғида яшаган аҳоли тилига яқин бўлган. Хан даври ёзма манбаларида Довон (Фарғона)дан то Аньси (Бақтрия)гача бўлган ҳудуд аҳолиси турли шеваларда гаплашсалар-да, бир-бирига яқин тилда гаплашганлар ва ўзаро бир-бирини тушунганлар дейилади.

Мил. б-а.да Турк хоқонлиги даврида маҳаллий аҳолининг турк қабилалари б-н муносабатлари ривожланади. Қула-андачилик муносабатлари ўрнатилади. Уструшона афшини Ҳасан ибн Ҳайдар турк лашкарбошисининг қизига уйланган. 8-а.га оид Хитой ёзма манбаси Сюань-дзанда ёзилишича, ўлка «Сутулисэн» деб номланади. Шунингдек, унда шим.-ғарб-да катта чўл (Мирзачўл) жойлашганлиги,

Янгиер шаҳридаги стадион.

ўлка ҳукмдори Боси тоғи (Туркистон тоғ тизмаси)нинг шим. ён бағрида яшаганлиги ҳақида маълумотлар бор. Ўлкада ғарб қилинган 6—8-а.ларга оид танғалар Уструшонанинг илк ҳукмдорлари Чирлмиш, Сатағари, Раҳанг ҳақида маълумот беради.

Ҳокимият шу даврда отадан болага ўтган. 8-а. бошида Уструшонага араблар бостириб кирган. Уструшона араб ва Тан сулоласи ўртасидаги кураш майдонига айланган. 749 й.да хитойликлар юриш қилган бўлса, 751 й.да Уструшонани араблар босиб олган. Фақатгина 9-а. бошларидан Ҳайлар ибн Қавус араб халифаси хизматига кирали.

893 й.да афшинлар сулоласи ағдариб ташланиб Уструшона Сомонийлар давлати таркибига киритилди. Ўрта асрлардаги Уструшона ҳақида бирмунча тўлиқ маълумотлар араб ёзма манбаларида мавжуд. Уларда айтилишича, ўлка ҳудуди Хўжандлан Самарқандгача, Сирдарё дарёси ва Мирзачўллан то Ҳисор тизма тоғларигача бўлган. Истахрий (10-а.) маълумотига кўра, Уструшонанинг кўпгина қисмини тоғлар эгаллаган бўлиб, унда «кемалар сузиши мумкин бўлган дарё ҳам, кўл ҳам йўқ». Ҳавқалга биноан, Мовароуннаҳрнинг бошқа вилоятлари қатори Уструшона ҳам қ.х. маҳсулотлари б-н ажралиб турарди. Бу маҳсулотлар вилоят ташқарисига, жумладан, Хўжандга чиқарилган. Айрим шаҳарларда бозорлар бўлган. Уструшоналикларнинг фахри Минк ва Марсмандала ишлаб чиқарилган темир қуроллар бўлиб, улар Хуросонда ишлатилган ва Ироққача шу қурол-яроғ б-н қуролланганлар. Уструшона пойтахти Бунжикат ш. бўлган. Ўрта Осиёдаги бошқа давлатлар қатори Уструшона ҳам кейинги ҳаётида қорахонийлар, мўғуллар, темурийлар, шайбонийлар ва б. давлатлари таркибидаги тарихий даврларни бошидан кечирган.

Қад. вилоят аҳолиси, асосан, сой ва чашмалар бўйларида воҳа-воҳа бўлиб ҳаёт кечиришган. Вилоят ҳудудида Хўжамушкентсой, Шўрбулоқсой, Муғолсой, Тағобсой, Сармичсой сингари сув манбалари бўлган. Сув балансининг бузилиши манзилгоҳларнинг йўқ бўлиб кетишига ёки бошқа жойга кўчиб ўтилишига олиб келган.

С.в. да қад. каналларнинг излари, сардобалар мавжуд. 70 км узунликдаги Ўринбоғутғ. Искандариқ, Бухороариқ жуда қад. каналлардир. 15-а.да Шоҳрух ва Улуғбек Сирдарёдан Мирзачўлга канал орқали сув чиқартирган. Кейинчалик Мирзачўлнинг жан.-шарқида Бўзариқ, Сирдарёнинг ўнг томонида Далварзинариқ барпо этилган. Қиёт кўли ёнида Сирдарёдан сув оладиган майда ариқлар бўлган. 1872 й.да Бекобод ёнида Кауфман канали (13 км), 1878—82 й.ларда Тунгизариқ (6 км) қазилди. 1883—85 й.ларда Искандариқ ва Бухороариқ қайта кавланди. 1891—95 й.ларда Фарҳод тоғи ёнида махсус тўғон (Шоҳтўғон) қурилди. 1896 й.да ҳоз. Дўстлик канали қазилиб Мирзачўлнинг ичкарисига сув юборилди. 1897 й.да Мирзачўлда биринчи марта 6 га ерга пахта экилди. 1899 й.да 8 минг га, 1907 й.да 9,09 минг га, 1910 й.да 12,2 минг га, 1915 й.да 34,5 минг га ер суғорилиб, 19 минг га ерга пахта экилди. 1926 й.да 180 км ариқ ва каналлар қазилди, суғориладиган майдонлар 53 минг гектарга етди. 1927 й.да 60 минг га (шундан пахта 27 минг га). 1929 й.да 68 минг га, 1934 й.да 134 минг га, 1938 й.да 154 минг га (шундан пахта 40 минг га) ер суғорилди. 1942 й.да 180 минг га ер (шундан 70 минг га ер пахта) суғорилди. 1943—48 й.ларда Фарҳод ГЭС, бош тўғон Дўстлик каналига туташтирилди. Боёвут канали ва Фарҳод сув омбори қурилди. Натижада Мирзачўлнинг жан. қисми ва Далварзин чўлини суғориш масаласи ҳал қилинди. 1956—59 й.ларда Қайроққум сув омбори ва ГЭС (қуввати 126 минг кВт)

Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими биноси.

қурилди. 1956 й.ларда суғориладиган ерлар майд. 280 минг гектар ерга етди. 1960 й.ла Жан. Мирзачўл канали (уз. 128 км) қазилди. 1958 й.да шўр сувларни оқизиш учун 90 км узунликдаги Марказий Мирзачўл коллектори қурилиб, Боёвут ва Еттисой коллекторларига қўшилди. Вилоят ҳудудидан Сирдарё оқиб ўтади.

Аҳолиси. С.в.да, асосан, ўзбеклар (60%), шунингдек, қозоқ, тожик, рус ва б. 70 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. 1 км² га 126 киши тўғри келади (2003). Қишлоқ аҳолиси 455,9 минг киши, шаҳар аҳолиси 211,9 минг киши.

Хўжалиги. С.в. республиканинг йирик пахтачилик базаларидан бири. Вилоят хўжаликлари, асосан, пахта етиштиришга ихтисослашган. Саноати пахтани ва бошқа қ.х. маҳсулотларини қайта ишлашга қаратилган.

Саноати. 20-а. бошларида вилоятда бир неча майда корхона бор эди. 1970-й.ларда 8 пахта тозалаш з-ди, 29 пахта қабул қилиш пункти бўлган. Пахта з-дларидан чиққан пахта толаси Болгария, Польша, Куба, Чехословакия, Туркия, Африка мамлакатларига жўнатилган.

С.в. даги 10774 та корхонадан 10129 таси кичик ва ўрта бизнес корхонаси, шундан 8557 таси микрокорхона ва 1282 таси кичик ва 290 таси ўрта корхоналардир.

Вилоятда хорижий инвестиция иштирокида 39 та корхона фаолият кўрсатади. Улардан 35 таси қўшма корхоналардир. Қўшма корхоналардан: Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигидаги «Туркистон - С» (кондитер маҳсулотлар ишлаб чиқаради), Ўзбекистон — Чехия «Лечива» фармсаноат қўшма корхонаси (тиббий спирт, дори-дармон тайёрлайди), чет эл парфюмерия фирмаси, Ўзбекис-тон — Австрия «Сирларё», «Лола-модель» (трикотаж буюмлар ишлаб чиқаради), «Сарбонтекс» (тиббий бинт, дока, жарроҳлик салфеткалари), Ўзбекистон — Эрон «Сайхун ПАЯ» (томат пастаси ишлаб чиқаради), Ўзбекистон — Хитой «Пахтакор ЛТД» (иссиқхона), Ўзбек — Араб «Оқ-олтин ПМБ» (пахта толаси ишлаб чиқарали) ва б. корхоналар, айниқса, самарали фаолият кўрсатмоқда. 9 пахта тозалаш з-ди, Сирдарё иссиқлик электр стяси, Фарҳод ГЭС, «Момиқ», «Зилола», «Шуҳрат», «Гулистоннон», «Ховосдон», «Оқ олтиндон» акциядорлик жамиятлари, «Сайхунсут» хусусий корхонаси, «Бунёд» корхонаси (темирбетон буюмлар ишлаб чиқарали) ва б. ишлаб турибди.

Пахтаобод шаҳарчасидаги ҳаммом бинояси.

Қишлоқ хўжалиги. Пахтачилик, ғаллачилик, пиллачилик, меначилик, сабзавот-полизчилик ва чорвачиликка ихтисослашган. С.в.да 30 ширкат ва 6170 фермер хўжалиги фаолият кўрсатади (2004). Вилоятнинг жами экин майдонлари 245,0 минг га, шундан 115,3 минг га ерга пахта, 86,3 минг га ерга ғалла, 6,0 минг га ерга шоли, 1,9 минг га ерга сабзавот, 2 минг га ерга полиз, 450 га ерга картошка, 19,5 га ерга ем-хашак экинлари экилади. 1233 га боғ ва токзор б-н банд. Шунингдек, суғориладиган ерларга беда, нўхат, мош, кунжут, тариқ, ловия, кунгабоқар ва б. экилади. Гулистон ва Ховос туманлари сабзавот ва полиз экинлари экиладиган асосий жойлардир. Вилоятда етиштириладиган қовун, тарвуз, пиёз Урал, Сибирь ва Узоқ Шарқдаги шаҳарларга ҳам жўнатилади. Боғдорчилик ва токчилик ривожланган. С.в.даги жами жамоа ва шахсий хўжаликларида 181,1 минг қорамол (шундан 75,9 минг сигир), 120,5 минг қўй ва эчки, 376,3 минг парранда, 6,1 минг от боқилади (2004). Вилоятда 2 та балиқчилик хўжалиги мавжуд.

Транспорти. Вилоят ҳудудидаги т.й. узунлиги 172 км, қаттиқ қопламали автомобиль йўллари уз. 1,6 минг км. С.в. ҳудудидан Тошкент—Китоб, Тошкент — Нукус, Тошкент — Бухоро, Тошкент — Термиз, Тошкент — Самарқанд, Тошкент — Андижон, Тошкент — Ховос поездлари ўтади. Тошкент — Самарқанд, Тошкент — Гулистон электр поездлари қатнови йўлга қўйилган. Катта Ўзбекистон тракти ҳам вилоят ҳудудидан ўтган. С.в. орқали Тошкент-дан Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Термиз, Китоб, Шаҳрисабз, Урганч, Нукусга қатнайдиган автобуслар ўтади. Бундан ташқари, вилоят маркази б-н туман марказлари ўртасида ҳамда Гулистон ва Янгиердан Тошкентга автобуслар қатнайди.

Маданий-маориф, соғлиқни сақлаш ва спорт. Сирдарёда 1914 й.да битта, 1916 й.да 13 та рус-тузем мактаби фаолият кўрсатди. 1917—23 й.ларда мактаблар сони 52 та, ўқувчилар сони 2030 га етди.

2003/2004 ўқув йилида С.в.да 308 умумий таълим мактаби бўлиб, 156 минг ўқувчи, шу жумладан, 14 та ихтисослаштирилган мактабда 3659 ўқувчи таълим-тарбия олди. Вилоятдаги 14 мусиқа ва санъат мактабида 1300 ўқувчи, 22 спорт мактабида 11 мингта яқин ўқувчи таълим олди.

Халқ таълими тизимида халқаро ҳамкорлик борасида ҳам маълум ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Мирзаобод туманидаги 21-мактаб ЮНЕСКО мактаби Кенгашига аъзо, ЮНИСЕФ ташкилоти б-н ҳамкорликда вилоятда 5 та хонадон-богча ташкил этилган.

Пахтаобод шаҳарчасидаги маданият саройи.

Шароф Рашидов туманидаги «Ғолиблар» чойхонаси.

Гулистон шаҳри. «Алпомиш» спорт маркази.

2003 й.нинг сентябрь ойида «Озодликни қўллаб-қувватлаш» (АҚСЕЛС) Дастури бўйича Тошкент ш.да бўлиб ўтган кўрик-танловда вилоятнинг 110 иқтидорли мактаб ўқувчилари иштирок этиб, 1-турдан 43 нафари мунаффақиятли ўтдилар.

Вилоят шаҳар ва туманларида 1998—2003 й.ларда 22 касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлари бинолари қурилиб ишга туширилди. Улар замонавий дастгоҳ ва техника б-н жиҳозланди. 2004 й.да С.в.даги 22 касб-ҳунар коллежида 12483 ўқувчи, 2 академик лицейда 1186 ўқувчи таълим олади. *Гулистон университети* мавжуд.

С.в.да 1 музей (Гулистон ш.даги «Мирзачўлни ўзлаштириш тарихи музейи»), 198 жамоат кутубхонаси (1659,8 минг нусха асар), 103 клуб ва маданият уйи, 1 театр (қ. *Сирдарё театри*), вилоят расмлар галереяси фаолият кўрсатади. Вилоят Маънавият ва маърифат маркази, халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар вилоят маркази, Гулистон санъат билим юрти, 2 та маданият ва истироҳат боғи, «Ўзбекнаво», «Ўзбекракс» вилоят бўлимлари бор. «Сирдарё наволари» ашула ва рақс ансамбли, 9 та халқ ҳаваскорлиги жамоалари республика ва вилоят оммавий-маданий тадбирларида фаол иштирок этмоқдалар.

«Сарбонтекс» қўшма корхонаси ип-йигирув цехи.

С.в. дан Ш. Раҳматуллаева каби Ўзбекистон халқ артистлари, А. Ғофуров, Ғ. Ҳамидуллаев, М. Нурманов, Р. Ҳасанов, Т. Қосимова, А. Юсуқалиев, А. Абдуллаев, О. Абдуллаева, А. Холиқов, Р. Каримов, Ш. Жумаев каби Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар етишиб чиққан.

Соғлиқни сақлаш. Вилоятда 4,1 мин ўринли 110 мин киши 63,2 ўрин) 32 касалхона, 10 туғруқхона, 131 амбулатория, поликлиника, 130 қишлоқ врачлик пункти, 108 зорихона ва б. тиббий муассасаларда 1522 врач, 7616 ўрта тиббий ходим ишлайди (2004). Гулистон ш.да республика шошилинч тиббий ёрдам маркази ишлаб турибди. Унинг 9 та туманда бўлимлари ташкил этилган.

Спорт. С.в. спортчилари спортнинг 33 тури бўйича турли даражалари мусобақаларда иштирок этмоқдалар. Шулардан кикбоксинг, кураш, белбоғли кураш, бокс, акалемик яккакурош, армрестлинг, таэквондо, енгил атлетика, шахмат, шашка, карате, велоспорт ва б. турлари бўйича ҳар хил турдаги медаль совриндорлари бўлишди.

Вилоят спортчилари вакиллари Республика терма жамоаларининг 19 таркибида иштирок этмоқдалар. С.в. спортчилари 2003 й.да жаҳон, халқаро ва Осиё мусобақаларида қатнашиб совринли ўринларни эгаллашди. Жумладан, кикбоксинг бўйича Грецияда ўтказилган жаҳон чемпионатида Жаҳонгир Кўчмуродов, Алишер Абдулаевлар олтин медаллар, Собир Қолиров бронза медали, Россияда армрестлинг бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида Фарид Усманов кумуш медаль, шашка бўйича Хиндистонда ўтказилган Осиё чемпионатида Алишер Ортиқов кумуш медаль, бокс бўйича Италиядаги жаҳон чемпионатида Шерзод Абдураҳмонов кумуш ҳамда Боку ш.даги халқаро турнирда бронза медаль совриндорлари бўлишди. Италияда академик эшкак эшиш бўйича халқаро турнирда Сергей Тянь, Юрий Шахсуварян, Сергей Якубов ва Виталий Силаевлар бронза медалларини, Россиядаги халқаро шахмат турнирида Собир Умаров 1-ўринни, Англиядаги кураш бўйича «Ислом Каримов» халқаро турнирида Алишер Бурхонов 1-ўринни қўлга киритдилар. 2003 й.да вилоят спортчилари 6 та жаҳон, 16 та халқаро, 40 та дан ортиқ республика мусобақаларида қатнашиб, муносиб ўринларни эгаллашди. Вилоятда теннис бўйича халқаро «Фьючерс» турнирини ўтказиш анъанага айланган. С.в. да спортнинг теннис турлари (картинг) бўйича Республика чемпионатлари ўтказилиб келинмоқда.

Вилоятда 22 болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатади. Уларда 11 мингга яқин ўқувчи спортнинг ҳар хил турлари б-н шуғулланади. Гулистон ш.да вилоят спорт қўмитасига қарашли Олимпия ўринбосарлари болалар ва ўсмирлар махсус спорт мактаби ишлаб турибди.

С.в.да спортчилар ва аҳоли ихтиёрида 1493 спорт иншоотлари (шу жумладан, «Алпомиш» спорт мажмуи, «Бокс» саройи, «Ёшлар спорт маркази», теннис кортлари ва б.), 1230 спорт майдончаси, 11 сувли ҳавзаси, 12 стадион бор. Вилоятда барча турдаги спорт ташкилотлари спорт секцияларида 181,3 минг-дан иёл бола шуғулланиб келмоқда. Болалар спортини ривожлантириш бўйича умумий таълим мактаблари, коллеж ва лицейлар бўйича ўқув дастурлари ишлаб чиқилди, тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Таълим муассасаларини, спорт мактабларини малакали кадрлар б-н таъминлашда Гулистон давлат ун-тида очилган бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий ишлар, жисмоний-тарбия ва жисмоний маданият йўналишлари бўйича сиртқи бўлимининг муайян ўрни бор.

Адабиёти. С.в. адабий муҳитининг юксалишида «*Сирдарё ҳақиқати*» газетининг ташкил этилиши (1963) муносабати б-н бу ерга юборилган бир гуруҳ ёзувчи ва журналистларнинг таъсири катта бўлди.

Сирдарё адабиёти республика адабиётининг таркибий қисми сифатида фаолият кўрсатмоқда. Вилоятда «Зиё» нашриёти ташкил этилган. Мустақиллик йилларида ўнлаб ёш, иқтидорли шоирлар ўз ижоди б-н вилоят шеърият мухлисларга танилиб келмоқда.

Ўзбекистон халқ шоири *Тўра Сулаймон* ўзининг 20 дан ортиқ шеърий тўпламлари ва достонлари б-н ўзбек адабиётига ҳисса қўшган. Унинг «Истар кўнгил», «Ҳамқишлоқларим», «Қорасоч»

Гулистон шаҳридаги «Асакабанк» бўлими биноси.

ва б. китоблари адабиёт мухлисларининг мулкига айланган.

Шоира *Халима Худойбердиева* поэзиясининг мавзуи ватан, дала, боболеҳқон, аёл, муҳаббат, мангуликдир. «Ўзимизнинг боғлар», «Она, сени шарафлайман», «Қалбингга чорлайсан» туркум шеърлари, «Оқ олмалар», «Чаман» ва б. шеърий тўпламларида инсоннинг руҳий дунёси акс этган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳамроқул Ризо (Ризоқулов) Сирдарёнинг меҳнаткаш кишилари матонатини куйлаб адабиётга кириб келган. Унинг «Сирдарё қасидаси», «Чўл қалдирғочи», «Умид қарвонлари» шеърий тўпламлари, «Ўгирланган болалик», «Ойнинг ўн беши ёруғ» қиссалари ўз мухлисларини топган.

Шоира Ҳаётхон Ортиқбоева, ҳажвчи адиб Жўра Умарқулов, ва б. ижодкорлар Сирдарё воҳасининг мустақиллик йилларидаги камолотини, сирларёликларнинг ижодий меҳнатини ўз асарларида акс эттирмоқдалар.

Адабиётшунос Анқабой Қулжонов, Раҳшанбек Маҳмудов, Умрзоқ Ўлжабоев каби олимларнинг бир қанча асарлари нашр этилган.

С.в. да Ўзбекистон ижодий уюшмалари (ёзувчилар, рассомлар, меъморлар, журналистлар ва б.)нинг вилоят ташкилотлари фаолият кўрсатади.

Матбуоти, радио ва телевидениеси. С.в.да 2 вилоят газ. («Сирдарё ҳақиқати», «Сырдарьинская правда»), 9 туман газ., 5 шаҳар газ. («Гулистон янгиликлари», 1989; «Гулистанские новости», 1989; «Янгиер тонги», 1967; «Ширин Салоси», 1995; «Бахтнома», 1996 й.дан) чиқади. Вилоятда, шунинг-дек, 14 тармоқ, 1 хусусий газ. («Ёғду плюс», 1994 й.дан чиқади), 1 журнал («Университет ахборотномаси», 2001 й.дан чиқади) нашр этилади.

С.в. да дастлабки радиоэшиттиришлар 1963 й.дан бошланган. Вилоят радиоси ойнга 21 соат 20 мин. ҳажмида эшиттиришлар беради. Шунингдек, Ўзбекистон радиосининг биринчи «Ўзбекистон» каналида радиоэшиттиришлар ретрансляция қилинади.

1996 й.да вилоят телестудияси ташкил этилиб, телекўрсатувлар бера бошлади. С.в.да, шунингдек, «Алоқа чорлайсан» туркум шеърлари, «Оқ олмалар», «Чаман» ва б. шеърий тўпламларида инсоннинг руҳий дунёси акс этган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳамроқул Ризо (Ризоқулов) Сирдарёнинг меҳнаткаш кишилари матонатини куйлаб адабиётга кириб келган. Унинг «Сирдарё қасидаси», «Чўл қалдирғочи», «Умид қарвонлари» шеърий тўпламлари, «Ўгирланган болалик», «Ойнинг ўн беши ёруғ» қиссалари ўз мухлисларини топган.

Шоира Ҳаётхон Ортиқбоева, ҳажвчи адиб Жўра Умарқулов, ва б. ижодкорлар Сирдарё воҳасининг мустақиллик йилларидаги камолотини, сирларёликларнинг ижодий меҳнатини ўз асарларида акс эттирмоқдалар.

Алабиётшунос Анқабой Қулжонов, Раҳшанбек Маҳмудов, Умрзоқ Ўлжабоев каби олимларнинг бир қанча асарлари нашр этилган.

С.в. да Ўзбекистон ижодий уюшмалари (ёзувчилар, рассомлар, меъморлар, журналистлар ва б.)нинг вилоят ташкилотлари фаолият кўрсатади.

Матбуоти, радио ва телевидениеси. С.в.да 2 вилоят газ. («Сирдарё ҳақиқати», «Сырдарьинская правда»), 9 туман газ., 5 шаҳар газ. («Гулистон янгиликлари», 1989; «Гулистанские новости», 1989; «Янгиер тонги», 1967; «Ширин Салоси», 1995; «Бахтнома», 1996 й.дан) чиқади. Вилоятда, шунинг-дек, 14 тармоқ, 1 хусусий газ. («Ёғду плюс», 1994 й.дан чиқади), 1 журнал («Университет ахборотномаси», 2001 й.дан чиқади) нашр этилади.

Лит: Алимов У. А., Свечкова Д. М., Археологическое исследования Сырдарьинской обл., ИМКУ. Вып. 21, Т., 1987; Сырдарьинская область — открытое пространство для инвестиций, Т., 1998; Кудратов. С., Сарлобалар ўлкаси, Т., 2001.

Абдуҳаким Абдураҳмонов, Салижон Қуфратов, Ибодулла Каримов.

СИРДАРЁ ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ — Ўрта Осиёдаги йирик энергетика иншоотн. Янгиер ш.дан 30 км шарқда, Ўзбекистон ва Тожикистон чегарасидаги Ширин ш.да қурилган. Ст-я қурилиши 1966 й.да бошланган. Қуввати 300 МВт бўлган биринчи энергоблок 1972 й.да, охиргиси — 10-энергоблок 1981 й.да ишга туширилган. Таянч қозон з-дида тайёрланган буг қозонлари ўрнатилган, конденсация турбиналари Ленинград «Электросила» з-дидан келтирилган. Асосий ёқилғиси — Шўртан газ конларидан олинадиган табиий газ, эҳтиёт ёқилғиси — мазут. Сирдарёнинг Фарҳод гидроузели юқори бьефидан бошланадиган канал орқали сув б-н таъминланади.

Сирдарё иссиқлик электр станцияси.

Ст-яда ўрнатилган қувватлар 3000 МВт бўлиб, ст-я «Ўзбекэнергия» давлат-акциядорлик компанияси таркибидаги электр станциялар ҳосил қиладиган умумий электр энергиясининг 33% га яқинини ишлаб чиқаради. 2003 й.да 15168 млн. кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқарди. Қувватлар 220 ва 500 кВ ли электр узатиш тармоқлари орқали Марказий Осиё Бирлашган энергетика системасига берилади. Ҳозирги даврда ст-я ускуна-жиҳозларнинг ишончли ва тежамкор ишлашини ошириш мақсадларида реконструкция ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда.

СИРДАРЁ ТЕАТРИ, Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилояти мусиқали драма театри — ўзбек театрларидан бири. 1974 й. ташкил бўлган. Театр «Муҳаббат» (А. Қаҳҳор) спектакли б-н ўз мавсумини бошлаган (1975). Рихсивой *Орифхонов* бош реж., Гофир Ҳамидуллаев реж. этиб тайинланганлар. Труппа асосини театр ва рассомлик санъати ин-тини битирганлар ташкил этди. Театр репертуарини белгилашда И. Раззун, Ф. Шамсудинов, П. Дроздов, Р. Орифхонов, Р. Ҳамроевларнинг хизмати катта бўлди. О. Абдуллаева, Ш. Жумаев, А. Ҳабибтова, З. Эшмуродова, Ш. *Раҳматуллаева*, Т. Қосимова, Р. Ҳамдамов, М. Одилов ва б. театрнинг дастлабки ижодкорларидир. 1977 й. театрга Олим Хўжаев номи берилди. 1984 й. театр жамоаси янги бинога кўчиб ўтди. Театр биноси 730 ўринли бўлиб, замонавий жиҳозланган катта ва кичик томоша залларига эга. 80-й.ларнинг охирларига келиб жаҳон драматургияси б-н биргаликда ўзбек ёзувчиларининг ҳам асарлари

Сирдарё театри. «Алишер Навоий» ва «Тарослик ёвуз» спектакллардан кўринишлар

муваффақиятли саҳналаштирилди: «Ричард III», «Қирол Лир» (У. Шекспир), «Сохта оқсуяк» (Ж. Мольер), «Чорбоғдаги ҳангомалар» (А. Чехов), «Ҳаммом» (В. Маяковский), «Бой ила хизматчи», «Майсаранинг иши» (Ҳамза), «Лайли ва Мажнун» (Хуршид), «30 ёшлилар» (М. Бобоев), «Оғриқ тишлар» (А. Қаҳҳор), «Аёллар фарёди» (Ж. Маҳмудов) ва б. Кейинги йиллар миллий санъатни барқарорлаштириш, тарихий воқеа-лар ҳамда урф-одатлар, қишлоқ ҳаётини акс эттириш асосий мавзу бўлиб хизмат қилди. «Маъмура кампир» (Жан Саррон), «Тентак фаришталар» (Ш. Бошбеков), «Амир Темур» (Ҳ. Жовид), «Тарослик ёвуз» (А. Несин), «Тўй ҳангомалари» (Ш. Жумаев), «Марварид таққан аёл» (К. Аваз), «Алишер Навоий» (И. Султон, Уйғун), «Чет эллик куёв» (А. Папаян), «Минг бир кеча» (И. Турсунов), «Меҳрибонлар» (А. Жамол), «Хотинимнинг уч ошиғи» (Ҳ. Хурсандов), «Шум бола» (Ғ. Ғулом), «Тўй» (Қ. Муҳаммадризо) каби спектакллар б-н театр ўз мавқеини мустаҳкамлади. А. Юсувалиев, О. Абдуллаева, А. Ҳайитова, Ш. Жумаев, А. Абдуллаев, Р. Каримов, З. Эшмуродова, Р. Юнусова, Н. Ўринов, Р. Пардаева, И. Қосимов ва б. театрнинг етакчи ижодкорларидир. Бадиий раҳбари — Равшан Ражабов, бош реж. — Гулруҳ Нажидова.

СИРДАРЁ ТУМАНИ — *Сирдарё вилоятидаги* туман. 1939 й. 10 фев.да ташкил этилган. Шим.-шарқдан Тошкент вилояти, жан.-шарқдан Сайхунобод, жан.дан Гулистон туманлари, ғарбдан Қозоғистон Республикаси б-н чегарадош. Майд. 0,55 минг км². Аҳолиси 110,5 минг киши (2003). Туманда 2 шаҳар (Сирдарё, Бахт.), 9 қишлоқ фуқаролари йиғини (Малик, Пахтазор, Сирдарё, Турон, Усмон Юсупов, Халқобод, Чолтўқай, Шоликор, Ҳақиқат) бор. Маркази — *Сирдарё* ш.

Табиати. Ер юзаси паст-баланд текисликлардан иборат (ўртача бал. 240 м), шим.-шарқ томонга бир оз қия. Ер ости сувлари юза, шўр. Туман ҳудудининг шим. шим.-шарқ томонидан Сирдарё, ғарб томонидан Киров номли каналнинг ўнг тармоқлари ўтади. Оқова шўр сувлар чиқариб юборилади-ган канал, ариқ-зовур бор. Иқлими кескин континентал. Июлнинг ўртача т-раси 27°—29°, энг юқори т-ра 42°, янв.нинг ўртача т-раси —4°, энг паст т-ра —33°. Вегетация даври 195—200 кун. Йиллик ёғин 260—280 мм. Тупроқлари бўз, аллювиал, ўтлоқи ботқоқ ва шўрхок тупроқлар. Ёввойи ўсимликлардан шувоқ, янтоқ, шўра, қўнғирбош, қиёқ, қорақусан, оқбош, қамиш, ҳар хил бута-лар, тол, жийда терак ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан, чиябўри, тулки, бўрсиқ, қуён, ондатра, каламуш, калтакесак, илон; паррандалардан ўрдак, тустовуқ, калхат, чўғурчиқ; сув ҳавзаларида ҳар хил балиқлар бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, татар, қозоқ, рус, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км²га 201 киши. Қишлоқ аҳолиси 75,7 минг киши, шаҳар аҳолиси 34,8 минг кишидан зиёд (2003).

Хўжалиги. Туман хўжалиги, асосан, қ.х.га ихтисослашган. С.т.да 160 кичик ва хусусий корхона, 3 қўшма корхона бор. Саноат корхоналаридан Тошкент машинасозлик з-дининг филиали, қурилиш ташкилотлари, 5 автокорхона, РеФ.Депо мактаб ва спорт жиҳозлари, сут, гуруч, 2 пахта тозалаш ва ион т-ялари, Янгийўл пойабзал ф-касининг филиали, босмахона, қандолатчилик, квас ва лимонад ц.ч. корхоналари, Сирдарё ш. бозори фаолият кўрсатади.

Қ.хнинг етакчи тармоғи — пахтачилик. 12 ширкат, 793 фермер хўжалиги бор. Тумандаги суғориладиган ер майдони 27502 га, шу жумладан, 14760 га ерга пахта, 8666 га ерга дон, 890 га ерга беда, 68 га ерга сабзавот ва полиз, 1241 га ерга ем-хашак экинлари экилади. 1051 га ер мевазор ва токзор. Туман жамоа ва шахсий хўжаликларида 24990 қорамол (шу жумладан, 10152 сигир), 10610 қўй ва эчки, 4,4 минг парранда, 834 от боқилади.

С.т.да 32 кутубхона (296 минг китоб), 16 клуб ва маданият уйи ишлаб турибди. 45 умумий таълим мактаби [(шу жумладан, 1 бошлангич, 6 тўлиқсиз тавнч, 38 ўрта умумий таълим (шундан 1 ихтисослашган ўрта мактаб)] бўлиб, уларда 24456 ўқувчига 1813 ўқитувчи таълим-тарбия бермоқда. Касб-ҳунар лицейи, 2 касб-ҳунар колежи, Сирдарё педагогика коллежи, 2 касб-ҳунар мактаби, мусиқа ва санъат, 3 спорт мактаби мавжуд. Марказий стадион, бир қанча спорт майдонлари ва спорт иншоотлари бор. Туманда марказий касалхона, туғруқхона, шошилинч тиббий ёрдам бўлими, фельдшер-акушерлик пунктлари, қишлоқ врачлик

Сирдарё тумани. Тез тиббий ёрдам бўлими.

Малик агросаноат коллежи.

амбулаторияларн, дорихона ва б. тиббий муассасаларда 201 врач, 1005 ўрта тиббий ходим ишлайди. Туман ҳудудидан Катта Ўзбекистон тракти ўтади. 2004 й.дан Тошкент — Самарқанд йўналишида қатнай бошлаган электр поезди. Гулистон — Тошкент электр поезди, Сирдарё станси орқали Тошкент — Андижон — Наманган, Тошкент — Жизах, Москва — Душанбе поездлари ўтади.

1963 й.дан «Сирдарё» туман газ. чиқади (адади 2635).

«СИРДАРЁ ҲАҚИҚАТИ» — ижтимоий-сиёсий, иқтисодий газета. Муассиси Сирдарё вилояти ҳокимлиги. 1963 й. 1 июндан Гулистон шаҳ ўзбек ва рус тилларида нашр этилади. Газ. фаолиятининг шаклланишида Султон Акбарий, О. Кўчқорбеков, Т. Жамолов, С. Қодиров, Ҳабиб Нўъмон, М. Қодиров, Аббос Муҳиддин, Ҳамид Ғулом, Раҳмат Файзий каби журналист ва ёзувчилар яқиндан ёрдам берганлар. Газ.га турли даврларда Акмал Пўлат ва И. Сулаймонов, С. Боқиев муҳаррирлик қилишган. Мирзачўлни ўзлаштириш, вилоят иқтисодиёти ва маънавиятини кўтаришда газ.нинг ҳиссаси катта бўлган. Саҳифаларида Сирдарё вилояти ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаёти, дунёда рўй бераётган воқеалар, янгиликлар кенг ёритиб борилади. Адади 8000 (2003).

СИРЕНА (франц. sirene) — катта интенсивликдаги товуш тўлқинлари тарқатадиган акустик асбоб. Унда куч б-н оқими тешик-тешик диск б-н ёки бошқача усулда тўсилади. Шунда чийилаган ёки чинқирган товуш ҳосил бўлади. Иш тарзига кўра, С. динамик (айланувчи) ва пульсланувчи хилларга бўлинади. Динамик С. кенгроқ тарқалган. Бундай С.нинг радиал ва ўқавий хиллари бор. Радиал С.да газ (ҳаво) оқими ўққа перпендикуляр равишда радиус бўйича йўналади, ўқавий С.да оқим айланиш ўқига мос келади. С.нинг қуввати ўлчарча кВт га етиши мумкин. С. маёқлар, кемалар, паровозлар ва б.да, аҳолини хавф-хатардан огоҳлантириш учун ишлатилади.

СИРЕНЛАР, денгиз сигирлари (Sirenia) — сувда яшайдиган сут эмизувчи ҳайвонлар туркуми. Гавдаси урчуқсимон, дум сузгичи горизонтал жойлашган. Уз. 6 м гача, оғирлиги 400 кг гача. Олдинги оёқлари курак шаклида, орқа оёқлари бўлмайди; боши кичик, тумшуғи тўмтоқ; эшитиш ва ҳид билиш органлари яхши ривожланган. Бурун тешикларида клапан бор, қулоқ супраси ва жун қопламн бўлмайди. Тишлари редукцияга учраган; фақат ясси озиқ тишлари (2 та дан 8 та гача) ривожланган. Айрим турларининг тишлари бутунлай йўқ. Ошқозони 2 қисмдан иборат. Сут безлари сўрғичи бир жуфт. Тери ости ёғ қатлами анча қалин. С. тропик денгизларининг қирғоқларида, Африка, Австралия ва Америкадаги айрим дарёларда яшайди. 2 та оила (лаймантилар, люгонлар)га мансуб 4 тури учрайди. Сув тубидаги ўсимликлар б-н озиқланади. Ғўшти, ёғи ва териси учун овланади. Сони камайиб бормоқда. Барча турлари Халқаро Қизил китобга киритилган. 1741 й.да акад. Стеллер Командор ороллари да С.нинг бошқа йирик турини топган. Бу ҳайвон унинг номи б-н стеллер сигири деб аталган. Ғўшти ва ёғи учун кўплаб овланиши туфайли йўқ бўлиб кетган. Охирги стеллер сигири 1768 й.да, яъни Стеллер уни топгандан сўнг атиги 27 йил ўтгач, отиб ўлдирилган.

СИРЕНЬ — қ. *Настарин.*

СИРИУС — Катта Ит юлдуз туркумининг α юлдузи. Осмон сферасидаги энг ёруғ юлдуз, катталиги 1,46; Қуёшга энг яқин юлдузлардан бири (узоқлиги 2,67 парсек). С. қўшалоқ юлдуз бўлиб, компонентлари бир-бирининг атрофида 50 йил давр б-н айланиб турали. С.нинг йўлдоши 8-катталикдаги оқ карлик типидаги юлдуз.

СИРКА (овқат сиркаси) — озиқ-овқатга ишлатиладиган *сирка кислота*нинг сувдаги (3—15%) эритмаси; саноатда сирка эссенцияси (савдога чиқариладиган озиқ-овқат сирка к-таси-нинг 80% ли сувли эритмаси; саноатда вино, пиво, кучсиз этил спиртн эритмасини бижғитиш йўли б-н олинади)



Сирена. Динамик сирена схемаси: *а* — ўқавий; *б* — радиал: *1* — тешикли диск (ротор); *2* — электр двигатели; *3* — камера; *4* — рупор; *5* — рефлектор; *6* — статор.

га сув қўшиб тайёрланади. Ўзбек пазандачилигида уй шароитларида С.ни узум, анжир, олма ва б. ширин меваларнинг шарбатидан тайёрланади. Узум С.си тайёрлаш учун яхши пишган узум шарбати сопол кўза ёки хумчага солинади, ҳар 1 л га 100 г эски С.дан ачитқи сифатида қўшилади. Идиш оғзини зич ёпиб, қайнаш учун қуёш тушадиган жойга қўйилади. 10—15 кундан сўнг қайнаши тўхтаб С. етилади. Тайёр С. сузиб, идишларга қуйилади. Консерва, маринадлар, зиравор тайёрлашда, овқатга иштаҳабахш маза киритиш, кабоб сиркалашда, тиббиётда ва б.да ишлатилади (қ. *Консервалаш*).

СИРКА АЛЬДЕГИД — қ. *Ацетальдегид.*

СИРКА АНГИДРИД (*сирка кислота ангидриди*), $C_4H_6O_3$ — ўткир ҳидли, рангсиз суюқлик. Суюқланиш т-раси — 73,1°, қайнаш т-раси 139,5°, бензол, эфир, тетрагидрофуран ва хлороформда эрийди. Сирка альдегидни кислород б-н оксидлаб, сирка кислотани кетонга таъсир эттириб ва этилидендиацетатни парчалаб олинади. Турли нуклеофил бирикмаларни ацетиллашда кўплаб ишлатилади.

СИРКА КИСЛОТА (метанкарбон кислота), CH_3COOH — ўткир ҳидли, рангсиз, нордон, бир асосли карбон кислота. Сувсиз (аниқроғи 98—99% ли) С.к. музга ўхшаганлиги учун «муз» кислота деб ҳам аталади. Суюқланиш т-раси 16,75%, қайнаш т-раси 118,1°, зичлиги 1055 кг/м³ (15°да). Сув, спирт, эфир ва бензолда яхши эрийди, углерод сульфидда эримайди. С.к. — инсоният-га қадимдан маълум бўлган кислоталардан (вино ачиганда сирка ҳолида ҳосил бўлади). *Ацетальдегидни* оксидлаб олинади. С.к. турли соҳаларда, мас., ацетилцеллюлоза, пластмасса, сирка эфирлари, органик эритувчилар, *инсектицидлар*, фармацевтик препаратлар (*аспирин*, фенацетин), *ацетон*, синтетик бўянгичлар и.ч.да ва газламаларни бўяшда ишлатилади. С.к. буглари нафас йўллари шиллиқ пардасини аллергантирадн. 30% дан ортиқ концентрацияли С.к. терини куйдиради.

СИРКАДАРАХТ (Rhus coriaria L.) — пистадошлар оиласига мансуб бута ёки дарахт. Бўйи 0,5—5 м. Барглари мураккаб, тоқ патсимон, яшил, кузда қизил рангга киради. Гули новдаларининг учида рўваксимон ёки шингилсимон гуж жойлашган. Июнь — июлда гуллаб, сент — окт.да мевалайди. Уруғи, новдаси ва илдиз бачкисидан кўпаяди. Жан. мамлакатларда, Ўзбекистонда Сурхондарё вилоятидаги дарёларнинг сершағал қирғоқларида ўсади. Манзарали ўсимлик. Меваси

нордон ва хушбуй, иштаҳа очади, овқатни тез ҳазм қилади. Халқ табобатида оғиз ва милк жароҳатлари, томоқ оғригида ишлатилади. Барглари, илдизлари, пўстлоғи, ёш новдалари ва меваларида терига, юнга, ипакка ва ҳар хил газмолларга ранг беришда қўлланиладиган таннин (13—22%), галлат, пирогаллат, вино ва сирка кислоталари, кварцетин, рамнетин, мирицетин ҳамда витамин С бор.

СИРЛИ МАСЖИД — Наманганлаги меъморий ёдгорлик (19-а.). Масжид тарҳига кўра номутаносиб бўлиб, тўғри тўртбурчак тарҳли, 2 устунли хонақоҳ (11,35 × 8,0 м) ва сатҳи ундан анча катта бўлган 2 томонлама қурилган айвонлар иборат. Айвон ва хонақоҳ деворларига чўққисимон меҳроблар ишланган. Хонақоҳ безакдор, аммо айвон турли нақшлар б-н серқирим безатилган (номи ҳам «сирли» — сирланган, ҳалланган деган маънода). Айвон шифти ҳаводан ва устунлар тепаси муқарнаси қошлар, ранго-ранг гулли нақшлар ва безакли пойўстунлар б-н зийнатланган. Деворларининг юқори томонлари эли ҳанасий нақшлар б-н қошияланган. Айвон безагида халқ санъатининг энг гўзал намуналари, фарғоналик халқ усталарининг ижодий имкониятлари кенг намойиш этилган. Масжид олдидаги чор атрофи тўсилган ҳовлида тарҳи тенг томонли ҳовуз (10,0 × 19,0), кекса чинор ва хом ғиштдан қурилган синчли бино бор.

Сирли масжиднинг айвон шифти безаги.

СИРОЖ ҲАКИМ, Мирзо Сироджиддин Ҳаким Бухорий ибн ҳожи Мирзо Абдурауф (1877.23.10, Бухоро — 1914.17.1) — маърифатпарвар олим ва шоир; табиб, сайёҳ. Форс, араб, француз ва рус тилларини мукаммал билган. Техрондаги Америка тиббиёт коллежи ва Берн университети (Швейцария) тиббиёт ф-тида ўқиган. 1902—09 йилларда у Европа ва Шарқ мамлакатларига 3 марта сафар қилган. Техронда Америка тиббиёт коллежи ва шифохонасида ишлаган. Бухорога қайтгач (1909 йил охи), бу ерда европача усуллаги шифохона очиб, уни хоражи келтирилган тиббиёт ускуналар б-н жиҳозлаган. Кўп йиллик сафарлари натижасида яратган «Туҳфаи аҳли Бухоро» («Бухоро аҳлига туҳфа») асарида Усмонли турк султонлиги, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Европа мамлакатларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлар, маданий ҳаётни таҳлил қилган.

С.Ҳ. ўзбек ва тожик тилларида ғазал, қасида, мухаммас ва рубоийлар ёзган. 200 дан ортиқ шеърлари киритилган 2 та тўплам ва «Туҳфаи аҳли Бухоро» асарининг кўлёзмаси Тошкентдаги Шарқшунослик ин-ти фондида сақланади.

Ас: Қори Раҳматуллоҳ Бухорий [Возех]. Туҳфат ул-аҳбоб фи тавориҳ ул-адабо. Бухоро, 2001; Ниғомиддинов И. Сиёҳларнинг ёғдулари. Т., 1960.

СИРОЖИДДИН САЙИД (тахаллуси; асл исм-шарифи Саидов Сироджиддин) (1958.30.10, Сариосиё тумани Кундажувоз қишлоғи) — шоир. Тошкент ун-тининг журналистика ф-тини тугатган (1979). «Тошкент оқшоми» (1980—89), «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» (1989—90; 1991—96) газ.лари ва «Мушгум» жур.да (1990—91) адабий ходим, бўлим мудири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувида раис ўринбосари (2001—03), биринчи ўринбосари (2003 й.дан). Илк шеърлар тўплами — «Руҳим харитаси» (1985). Шундан кейин унинг «Салқин харсанглар кафтида» (1987), «Севги мамлакати» (1989), «Асрагил», «Меҳр қолур, муҳаббат қолур» (1990), «Қуйдим» (1994), «Ватанни ўрганиш» (1996), «Ватан абадий» (2001) ва б. тўпламлари нашр этилган. С.С. шеъриятида ўзбек мумтоз шеърияти анъаналари б-н бирга халқ оғзаки ижодига хос хусусиятлар — халқчиллик, соддалик, тилнинг ширалиги. Сурхондарё шевасига хос лексик ва мусиқий товланишлар етакчилик қилади. Шунинг учун унинг аксарият шеърлари ашулага айланган. Айни пайтда С.С. ўз ижодида ўзбек шеъриятининг сўнгги бадиий ютуқларини ўзлаштирган ҳолда ҳоз. воқеликда ва кишиларнинг руҳий оламида юз бераётган ўзгаришларни акс эттирмоқда. «Дўстлик» ордени б-н мукофотланган (1999).

Ас: Устимизлан ўтган ойлар. Т., 2003.

СИРОЖИДДИНОВ Бурҳон Ҳасанович (1917.24.12, Конибодом — 1994.9.4, Тошкент) — генерал-лейтенант (1982). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган енлар мураббийси (1990). 1939 йилдан армия сафида. Фрунзе (ҳоз. Бишкек) пех. билими (1939), Москвадаги ҳарбий ин-т-ни (1953) тугатган. 2-жаҳон урушида Марказий, Ғарбий, Белоруссия, 2-Белоруссия фронтларида жанг қилган. Тошкентда жойлашган артиллерия билим юртида ўқитувчи (1946—49). Ўзбекистон маҳсулот ҳамда ҳужумдан ҳимоя қилиш хизмати штаби бошлиғи (1953—60). Ички ишлар вазирлиги ички қўшинларида дивизия командири (1960—79). Ички ишлар вазирлиги олий ҳарбий курси бошлиғи (1985—89). Уруш фахрийлари Тошкент шўъбаси раиси (1989 йилдан).

СИРОЖИДДИНОВ Насриддин Абдуровоич (1932.19.1, Тошкент) — кимёгар олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1983). Кимё фанлари д-ри (1974), проф. (1981). Ўрта Осиё политехника ин-тини тугатган (1956). Новгород вилояти «Пролетарий» чинни з-дида бош технолог-механик (1956—58), Тошкент изолятор з-дида цех бошлиғи (1959—60). Ўзбекистон ФА Кимё ин-ти илмий ходими (1963—75), Силикатлар кимёси лаб. мудири (1975—96), айни вақтда директор муовини (1975—91), етакчи илмий ходим (1996—99). Асосий илмий ишлари юқори т-раларда суюқланадиган мураккаб оксид бирикмалар ва силикат материаллар кимёсига оид. С. ишқорий-ер металларининг алюмосиликатлари ва уларнинг галло-германатли аналогларини синтез қилиш жараёнидаги қаттиқ фазалараро реакциялар, улардаги изоморфизм ва гетероген мувозанатни ўрганган, илк бор фазавий мувозанат диаграммаларини тузган.

Ас: Алюминаты и галлаты щелочноземельных металлов (в соавторстве). Т., 1986; Регулирование свойств силикатных материалов (в соавторстве). Т., 1987; Глушёные титаносодержащие глазури (в соавторстве). Т., 1988.

СИРОЖИДДИНОВ Саъдан Ҳасанович (1920.10.5, Қўқон — 1988.29.4, Тошкент) — математик олим ва жамоат арбоби, Ўзбекистон ФА акад. (1966), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1971), физика-мат.фанлари д-ри (1953), проф. (1956). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1942). Москва ун-тида катта илмий ходим (1953—56). Ўрта Осиё ун-тида проф. (1956 й.дан). 1958 й.дан, кафедра мудири. Ўзбекистон ФА математика ин-ти директори (1957—67), ТошДУ ректори (1966—70; 1983—87), Ўзбекистон ФА вице-президенти (1970—1983). Илмий ишлари кўп ўзгарувчили классик

қўпҳадларнинг муҳим хоссаларига бағишланган. Унинг Марков занжирлари учун лимит теоремаларни умумлаштириш ва асимптотик ёйилмалар соҳасидаги тад-қиқотлари 50-йл. ларда Тошкент мат. мактабининг янада юксалишига олиб келди.

С. эҳтимоллар назарияси соҳасидаги изтуқларини математик статистикага қўллади. 60-йиллардa С. ва унинг шогирдлари ўзаро боғлиқ бўлмаган ва Марков занжирини ташкил қилувчи тасодифий миқдорлар ҳамда тасодифий векторлар йиғиндиси учун лимит теоремаларига доир муҳим масалаларни ҳал қилдилар; шу масалалар б-н боғлиқ текис баҳолашларга оид тадқиқотлари катта татбиқий аҳамиятга эга. С. оммавий хизмат кўрсатиш назарияси, статистиканинг турли соҳалари, станионар жараёнлар назарияси ва б. соҳаларда ҳам кенг кўламда тадқиқот олиб борган. Ўрта Осиё мутафаккирларининг илмий меросини ўрганишда, Ўрта Осиё, айниқса, Ўзбекистон учун юқори малакали математик мутахассислар тайёрлашда С.нинг хизматлари катта. С., шунингдек, ёш математиклар мактабини ташкил этиш, Республика ёш математиклар олимпиадасини ўтказишда муайян ҳисса қўшган.

С. Бернулли номидаги халқаро математик статистика ва эҳтимоллар назарияси жамияти (Голландия)нинг ҳақиқий аъзоси (1966). Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1973), «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2002).

Ас: Предельные теоремы для марковских процессов. Т., 1955; Комплекс ўзгарувчини функциялари назарияси. Т., 1970 (ҳаммуаллифликда); Аддитивные задачи с растущим числом слагаемых. Т., 1975 (ҳаммуаллифликда).

СИРОЖИДДИНОВА Зулфияхон (1951.5.8, Конибодом тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Ҳоз. Хўжанд педагогика ин-тини тугатган (1972). 1974 й.дан Ховос туманидаги 7-мактабда бошлан-ғич синф ўқитувчиси. Дарсларни замонавий педагогик технологиялар асосида ноанъанавий усулда ўтади.

СИРОТ (араб. — йўл) — ислом мавзоларида қиёмат куни жаҳаннам узра тортилганган қилқўприк; форс ва туркийзабон халқларда Пулсирот («Сирот кўприги») деб юритилади. Диний эътиқодга кўра, жаннатга элтувчи ягона йўл мазкур («соч толасидан ингичка, шамширдан ўткир») Пулсирот бўлиб, ҳар бир банда ундан юриб ўтишга мажбур этилади. Баъзилар тез, баъзилар секинроқ ўтса, баъзилар қулаб, жаҳаннамга равона бўлади.

СИРТ (туркий) — 1) Тиншан тоғларидаги 3500—4000 м баландликда жойлашган юзаси текис ёки салгина тўлқинсимон юза. Қад. музликлар қолдирган морена текисликлари ҳисобига тўлқинсимон рельефга эга. С. тоғларининг мезозой даврида текисланиши, кейинги даврларда тектоник ҳаракатлар натижасида кўтарилиши оқибатида юзага келган. Сиртлар юзаси кенг ва эни дарё водийлари б-н кесилган. Ланшафти баланд тоғ дашти, совуқ чўллар ва алп ўтлоқларидан иборат. Доимий музлоқ ерлар ҳам бор. Иқлими салқин, ёғин йилов сифатида фойдаланилади; 2) Волга дарёси ва Урал тоғлари оралиғидаги ер юзаси салгина ўйдим-чуқур кенг сувайиргичлар. Мас., Ялгиз Сирт, Ўрта Сирт ва б.

СИРТ (математикада) — фазонинг икки қўшни соҳасидаги умумий қисм; геометриянинг асосий тушунчаларидан бири. Мактаб геом. курсида фақат текислик, кўпёқлик ва айрим эгри С.лар қаралиб, уларнинг ҳар бири аниқ шартлар асосида таърифланади. Мас., шар сирти берилган нуқтадан бирор аниқ масофадаги нуқталар тўплами деб қаралади. Математик жиҳатдан С.нинг қатъий таърифи *топология* тушунчаларига асосланади; бунда содда С. тушунчаси асосий роль ўйнайди. Содда С. деганда, узлуксиз деформация (чўзилиш, қисилиш, эгилиш)га учраган оддий текислик бўлагини тасаввур этиш мумкин. Мас., квадрат ички юзларининг гомеоморф (ўзаро ўзаро ва узлуксиз) акси содда С.дир. Ярим сфера ҳам содда С.га мисол бўлади. Лекин бутун сфера содда С. бўла олмайди. Бунда мунтазам С. тушунчасидан фойдаланилади. Мунтазам С. — ҳар бир нуқтасининг етарлича кичик атрофи содда С. бўлган сиртдир.

Дифференциал геомет.да мунтазам С.лар текширилади, уларнинг силлиқлиги (яъни ҳар бир нуқтасида аниқ уринма текисликнинг мавжудлиги) ва аниқ эгрилikka эгалиги аниқланади. Аналитик геометрия б-н алгебраик геом.да С. координаталари $\varphi(x, y, z)=0$ шаклидаги тенгламани қаноатлантирувчи нуқталар тўплами сифатида таърифланади. Бундай таърифланган С. одатий тасаввур қилиб бўлмайдиган геометрик образни ҳам аниқлаши мумкин. Мас., $x^2+y^2+z^2+1=0$ тенглама мавҳум сферани ифода этади, чунки ҳақиқий фазода координаталари шу тенгламани қаноатлантирувчи битта ҳам нуқта йўқ.

СИРТ ЁЙИЛМАСИ — берилган сирт нуқталарини бирор текисликка туширганда чизиқларнинг узунлиги ўзгармай қоладиган шакл. Расм, а да конус, расм, б да винт чизиғи ўтказилган цилиндр ёйилмаси кўрсатилган.

Сирт ёйилмаси.

СИРТ ИНТЕГРАЛИ — бирор S сиртда берилган $f(x, y, z)$ функциядан олинган интеграл. S сирт силлиқ эгри чизиқлар ёрдамида $s_1, \dots, s_n$ бўлакчаларга ажратилади. S_i даги ихтиёрий $M_i(x_i, y_i, z_i)$ нуқтани олиб,

$$\sum_{i=1}^{n} f(M_i)\,ds_i \qquad (1)$$

йиғинди тузилади, бунда ds_i миқдор s_i бўлакчанинг сирти. Агар s_i бўлакчалар диаметрларининг энг каттаси нолга интилганда йиғинди (1) бирор чекли лимитга эга бўлса, бу лимит $f(x, y, z)$ функциядан S сирт бўйича олинган биринчи турдаги С. и. дейилади ва $\iint_S f(x, y, z)ds$ каби белгиланади. Мас., S да сирт зичлиги f га тенг бўлган масса тақсимланган бўлса, f дан S бўйича олинган интеграл S сиртнинг умумий массасини ифодалайди. Физика ва механиканинг айрим масалаларида, мас., суюқликнинг сирт орқали ўтувчи оқимини аниқлашда, S_i юзачалар ўрнига уларнинг 3 та координата текисликларидаги проекцияларининг юзалари қаралади. Бу ҳолда S сирт ориентирланган (яъни сиртга ўтказилган нормаллар йўналишларининг қайси бири

Турли сиртлар.

мусбат ҳисобланиши кўрсатилган) бўлиши керак. Бундай йиғиндиларнинг лимитлари иккинчи турлаги С. и. дейилади ва

$$\iint Pdydz + Qdzdx + Rdxdy$$

каби белгиланади. Ориентацияланган сиртларда, фақат, биринчи турлаги С. и. қаралади. Математика ва унинг татбиқларида биринчи турлаги С.и.ларни эгри чизиқли интеграллар б-н боғловчи Стокс формуласи, иккинчи турдаги С.и.ларни ҳажм интеграллар б-н боғловчи Остроградский формуласи муҳим аҳамиятга эга.

СИРТ ТАРАНГЛИК — икки хил фаза (жисм) лар чегараланиш сиртининг термодинамик тавсифи. Суюқликнинг ҳажми ўзгармаган ҳолда қайтар изотермик шароитда унинг сиртини бир бирликка ошириш учун сарфланган иш б-н ифодаланади. Бу катталик Ж/м^2 ёки Н/м ларда ўлчанади. Янги сиртни ҳосил бўлишида бажарилган иш сирт қатламидаги молекулаларнинг ўзаро тутиниш кучларини енгиб, суюқлик ичкарисидан янги молекулаларни сирт қатламига ўтиб қўшилишларига сарф бўлади. Натижада суюқликнинг сирт қатламига қўшилган молекулалар қўшимча *потенциал энергия*га эга бўлади. Мувозанат ҳолат потенциал энергиянинг энг кичик қийматига мос келгани учун, ўз ҳолига қўйиб берилган суюқлик сирти энг кичик бўлган шакл — шар шаклига эга бўлиш учун интилади, яъни суюқлик ўзини қисқаришга интиладиган эластик чўзилган парда ичига солиб қўйилгандек тутади. Одатда, «ўз ҳолига қўйиб берилган» суюқликлар эмас, балки Ернинг тортишиш кучи таъсири остидаги суюқликлар кузатилади. Бундай ҳолда суюқлик тортишиш кучлари майдонидаги энергия ва сирт энергияси йиғиндисидан иборат бўлган умумий энергия энг кичик бўладиган шаклни олади. Суюқликнинг майда томчиларида сирт энергияси устунлик қилади ва томчилар шакли сферик шаклга яқин бўлади. Агар сиртни ҳосил қилувчи фазалар ҳажми молекула ўлчамларига қараганда етарли даражада катта бўлса, С.т. сиртнинг катталиги ва шаклига боғлиқ бўлмайди. Аралашмалар С.т.ига кучли таъсир кўрсатади. Мас., сувда совун эритилганда унинг С.т.и (0,073 Н/м) камайиб 0,045 Н/м гача тушиб қолади. Металл эритмаларининг С.т.и кўпчилик суюқликларга нисбатан катта бўлади, мас., платинанинг С.т.и 2300 К да 1,82 Н/м га, симобники эса уй т-расида 0,484 Н/м га тенг. Фтор-углеродли суюқликларнинг С.т.и энг кичик қийматга эга. Т-ра кўтарилган сари суюқликнинг зичлиги б-н унинг тўйинган бугининг зичлиги ўртасидаги фарқ камайиб боради. Шунга мос равишда С.т. ҳам камайиб боради. Критик т-рада С.т. нолга тенг.

Суюқлик-газ (буг) ёки суюқлик-суюқликларнинг осон ҳаракатлана олувчи ажралиш чегараларида С.т.ни бир неча усулда, мас., вертикал найча учидан узилаётган томчи массасига кўра, суюқликка ботиши мумкин бўлган газ пуфагининг максимал босимига кўра, ясси сирт устидаги суюқлик томчиси ёки газ пуфаги шаклига кўра бевосита аниқлаш мумкин. Қаттиқ жисмларнинг молекулалари (ёки атомлари) эркин силжий олмаслиги туфайли, уларнинг С.т.ини ўлчаш қийинроқ. Шунинг учун қаттиқ жисмларнинг С.т.и молекулалар ёки атомларнинг ўзаро таъсирини ўрганиш йўли б-н билвосита аниқланади. Тирик организмларда С.т. бутун ҳужайра ёки унинг бўлакларига муайян шакл берувчи омиллардан биридир. С.т.нинг катталиги ва унинг турли шароитларда ўзгариб бориши кўпчилик ҳодисаларни, мас., *капиллар ҳодисаларни* вужудга келишига сабабчи бўлади.

СИРТ ФАОЛ МОДДАЛАР — сатҳлар (фазалар) чегарасига адсорбцияланиб, сатҳ энергиясини (сирт таранглигини) пасайтирадиган моддалар. Моддаларнинг фазалар чегарасига адсорбцияланиб, ҳажмий концентрацияга боғлиқ тарзда сирт таранглигини пасайтириш хоссаси сирт фаоллик дейилади. У Гиббснинг адсорбция тенгламаси $\Gamma=-(C/RT)(d\sigma/dc)$ таркибига кирувчи $G=-d\sigma/dc$ қийматб-н ифодаланади. Юқоридаги тенгламага мувофиқ С.ф.м. учун Гиббс адсорбцияси нуллан катта бўлиши ($\Gamma>0$) лозим. Натижада адсорбцион қаватдаги модда концентрацияси эритма ҳажмидаги концентрациядан юқори бўлади. С.ф.м. молекуласи дифил тузилишга эга бўлиб, 2 қисм: қутбланмаган — гидрофоб (сувдан қочувчи) ва қутбланган — гидрофил (сувга тортилувчи) қисмлардан иборат. Шу туфайли С.ф.м. і та эритувчининг ўзида шароитга қараб, ҳам чин, ҳам коллоид эритма ҳосил қила олади:

чин эритма $\rightleftarrows$ коллоид эритма.

Қутбланмаган гуруҳлар сувли шароитда ўзаро гидрофоб таъсирланишга учрайди. Агар гидрофоб қисм занжирида 10—22 углерод атоми сақланса, уларнинг гидрофоб таъсирланиши туфайли, шунингдек, қутбланган гуруҳларнинг сув б-н кучли таъсирланиши оқибатида С.ф.м. молекулаларининг ўзаро ассоциаланиши (бирлашиши) рўй беради, натижада йирикроқ зарралар ҳосил бўлади. Коллоид С.ф.м. эритмасида мицеллалар ҳосил бўлиши термодинамик жиҳатдан қулайдир. Бир хил қутбланмаган гуруҳларнинг ўзаро таъсирланишни Гиббс энергиясининг ўз-ўзидан камайишига олиб келади. Ҳосил бўлган мицеллалар ядросини қутбланмаган радикаллар, ташқи қобиғини эса қутбланган гуруҳлар ташкил этади. Бу, ўз навбатида, гидрофоб гуруҳларнинг сув б-н энг кам таъсирланишини таъминлайди.

Коллоид С.ф.м.нинг мицелла ҳосил қиладиган энг кичик концентрацияси мицелла ҳосил қиладиган критик концентрация дейилади. Эритма концентрациясига қараб мицеллалар шакли ўзгаради. Кичикроқ концентрацияда дастлаб сферик (шарсимон) мицеллалар ҳосил бўлади, концентрация ортиши б-н мицеллалардан С.ф.м. молекулаларининг сони ортиб, шакли цилиндр, сўнгра пластинка шаклига ўзгариб боради. Критик концентрация қиймати С.ф.м. табиатига, т-рага, ёт моддалар ва, айниқса, электролитлар мавжудлигига боғлиқ. С.ф.м. молекуласидаги гидрофоб гуруҳлар узунлиги ортса, критик концентрация қиймати кичиклашади. Бу қиймат эритманинг кинетик фаол заррлари сони ва ўлчамига боғлиқ хоссалари, мас., сирт таранглик, электр ўтказувчанлик, оптик хоссалари бўйича аниқланади.

Коллоид С.ф.м. эритмасининг муҳим хоссаси — солюбилизация. С.ф.м. ишторикида эримайдиган ёки оз эрийдиган кичик молекулали бирикманинг сув фазасига ўз-ўзидан ўтиши солюбилизация дейилади. Солюбилизация механизми қутбланмаган моддаларнинг мицелланинг гидрофоб ядросида эришидир. Солюбилизация ҳодисаси озиқ-овқат саноатида, фармацевтика амалиётида кенг қўлланади.

Организмда ҳам С.ф.м. мавжуд. Улар сурфактантлар деб аталади. С.ф.м.нинг ионли, ионсиз; анион фаол, катион фаол, амфолит турлари мавжуд. Улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида эмульгатор, солюбилизатор, стабилизатор, ҳўлловчи, флотореагент, ювувчи восита сифатида ишлатилади. Ўзбекистонда С.ф.м. бўйича К. С. *Аҳмедов* ташкил қилган илмий мактабда катта изланишлар олиб борилади.

Ад.: Аҳмедов К., Аминов С., Сиртактив моддалар, Т., 1972; Зимон А.Д., Лешенко Н.Ф., Коллоидная химия, М., 2001.

Собиржон Аминов.

СИРТЛАР НАЗАРИЯСИ — *дифференциал геометрия*нинг сиртлар хоссаларини ўрганадиган бўлими. Асосий вазифаларидан бири сирт устида бажариладиган ўлчашлар; бу ўлчашлар натижасида ҳосил қилинадиган маълумотлар сиртнинг ички геометриясини ташкил этади. Мас., сирт устидаги чизиқ узунлиги, икки чизиқ орасидаги бурчак, соҳа юзи, геодезик чизиқлар, чизиқнинг геодезик эгрилиги ва б. ички геометрияга тегишли тушунчалардир. Ички геометрия сирт устидаги чизиқ ёйининг дифференциали квадратини ифодаловчи биринчи (асосий) квадратик форма:

$$ds^2 = Edu^2 + 2Fdudv + Gdv^2 \qquad (1)$$

асосида ўрганилади. Бунда

$$E = r_u^2,\ F = r_u r_v,\quad G = r_v^2,\ r = r(u,v)$$ —

сиртдаги ўзгарувчан нуқта радиус-вектори, u, v — шу нуқтанинг эгри чизиқли координаталари.

Сиртнинг ҳар бир нуқтаси атрофидаги фазовий тузилишини унинг иккинчи (асосий) квадратик формаси:

$$2h = Ddu^2 + 2D'dudv + D''dv^2 \qquad (2)$$

аниқлайди. Бунда $D=r_{uu}n$, $D'=r_{uv}n$, $D''=r_{vv}n$; $n=\frac{[r_u r_v]}{[r_u r_v]}$ — сиртга ўтказилган бирлик нормал вектор.

Сиртнинг фазовий тузилишини яниқроқ текшириш учун нормал эгрилик тушунчаси киритилади. Сиртни унинг берилган нуқтасидаги нормали орқали ўтувчи текислик б-н кесганда нормал кесим ҳосил бўлади. Нормал кесим эгрилиги сиртнинг нормал эгрилиги дейилади. Кесувчи текислик йўналишида ўтган бўлса, нормал эгрилик даражаси

$$k = \frac{Ddu^2 + 2D'dudv + D''dv^2}{Edu^2 + 2Fdudv + Gdv^2}$$

формула б-н топилади.

Агар 2 сирт нуқталари орасида бирма-бир мослик ўрнатилиб, тегишли чизиқлар узунликлари тенг бўлса, улар изометрик сиртлар дейилади. Изометрик сиртларнинг ички геометрияси бир хил бўлса-да, уларнинг фазовий тузилиши бошқача бўлиши мумкин (мас., текисликлари нуқтанинг атрофи цилиндрдаги нуқта атрофига изометрик, аммо текислик б-н цилиндр фазовий тузилиши жиҳатдан бир-биридан катта фарқ қилади).

С.н.нинг муҳим тушунчаларидан бири сиртнинг ўрта эгрилиги деб аталувчи миқдор бўлиб, у бош эгрликлар йиғиндиси: $\kappa_1+\kappa_2$ дан иборат. Ҳар бир нуқтасида ўрта эгрилиги нолга тенг сирт минимал сирт дейилади, бундай сиртларнинг физикада ва б. фанлардаги аҳамияти катта.

СИРТЛОНЛАР (Hyaenidae) — йиртқичлар туркумига мансуб сут эмизувчилар оиласи. Ташқи кўриниши бўрига ўхшайди. Гавдасининг уз. 55—165 см. Олдинги оёқлари орқадагисига нисбатан узунроқ. Оёқлари 4 бармоқли (ер бўриси олдинги оёқлари 5 бармоқли), бўйни йўғон, боши катта, тишлари йирик. Думи пахмоқ, калта (уз. 20—22 см). Кўпчилигининг бўйни устида ва қисман яғринида узун юнги (ёли) бўлади. Қўнғир ёки кулранг тусли юнги йўл-йўл ёки холдор. Анал тери безлари ўткир ҳидли секрет ажратиб чиқаради. 3 уруғи; йўл-йўл С., холдор С., ер бўрилари) ва 4 тури бор. Африка, Олд ва Ўрта Осиё, Жан.-Ғарбий Осиёда тарқалган. Ўзбекистон жан.да (Сурхондарё вилояти) йўл-йўл сиртлон 20-а. ўрталаригача учраган.

Йўл-йўл сиртлон.

С. ярим чўл ва чўлда яшайди, кечаси ов қилади. Якка ёки жуфт-жуфт бўлиб юради. Йилига 1 марта 2—4, баъзан 6 тадан болалайди. Ҳайвонлар мурдаси б-н озиқланади; гуруҳ бўлиб бирмунча йирик туёқли ҳайвонлар (антилопалар), баъзан уй ҳайвонларига ҳам ҳужум қилади. 1 тури ва 1 кенжа тури Халқаро Қизил китобга киритилган.

СИРТЛОНСИМОН ИТ (Lycaon pictus) — бўрисимонлар оиласига мансуб сут эмизувчи ҳайвон. Уруғининг ягона тури. Гавдаси енгил, боши йирик, қулоқлари катта, думи жингдор. Танасининг уз. 76—100 см, думи 30—40 см, бал. 60 см га яқин. Жуни сийрак, оқ, қора ва сариқ ола-була тусда. Оёқлари узун, 4 бармоқли. Африканинг дашт ва саванналарида яшайди. 6—8 та бола туғади. Тўда бўлиб антилопалар, қўйлар ва б. туёқли ҳайвонларни овлайди. Халқаро Қизил китобга киритилган.

Сиртлонсимон ит.

СИРТОРДУШ, шиеянто, сиеянто, сеяньто — қадимги туркий қабила. Хитой манбаларида теле деб номланган қабилалар бирлашмасига кирган. 7-а.нинг ўрталарига қадар Марказий Осиёдаги туркий қабилалар орасида катта нуфузга эга бўлган. Қадимда сир ва тордуш қабилалари ёнма-ён яшаган. Улар ўртасида ҳукмрон бўлиш учун курашлар натижасида сир қабиласи голиб чиқиб тордушларни ўзига қўшиб олган. Шу тариқа С. этноними пайдо бўлган. С.ларнинг тили, урф-одати, қурол-яроғлари, ҳатто ҳарбий ва маъмурий тузумлари *Турк хоқонлиги*нин ташкил этишда етакчи бўлган турк (тужюэ) қабиласидан фарқ қилмаган. С.лар 7-а. бошигача Ғарбий турк хоқонлиги, 621 й.дан Шарқий турк хоқонлиги тасарруфида бўлган. Мустақилликка интилган С.ларнинг катта қисми илгари яшаган жойлари — Тангритог этакларини ташлаб Шим. Олтойдаги Ибор тоғлари (хитойча Танхан-шан) шим.идаги ерларга кўчиб келиб *Сиртордуш хонлигини* барпо этганлар. 7-а. ўрталарида С. уйғурларга қўшилиб кетган.

СИРТОРДУШ ХОНЛИГИ — илк ўрта асрда Мўғулистон ҳудудида ташкил топган давлат (628—646). 7-а.нинг 20-й.ларида *Шарқий турк хоқонлиги*да рўй берган табиий офат, очарчилик, ўзаро низолар чуқур ижтимоий-сиёсий таназзулга сабаб бўлган. Сиртордушлар, уйғур, чибин, тува, қувирқон, тлон-гут, буқу, байирғу, тунгро, хун, изгил, қурсу, қумиқ, адиз, булсар (байсар) каби 15 қабила хоқонга бўйсунишдан бош тортиб, исён кўтаришган. 628 й. сиртордушлар мустақил хонлик ташкил этишган. С.х. ҳудуди шарқда тан-гут-лар (хитойча мохэ) юрти, ғарбда *Ғарбий турк хоқонлиги*, жан.да *Тан* сулоласига мансуб ҳудудларгача етган. С.х.га уйғур, байирғу, адиз, тунгро, буқу, барсуқ каби қабилалар уюшмаси ҳам тобе бўлган. С.х. аҳолиси 140 минг оиладан ошган. Ташқи сиёсатда С.х. асосий эътиборини Тан давлати б-н тинчсий эътиборини ташлаб Шим. Олтойдаги Ибор тоғлари (хитойча Танхан-шан) шим.идаги ерларга кўчиб келиб *Сиртордуш хонлигини* барпо этганлар. 7-а. ўрталарида С. уйғурларга қўшилиб кетган.

СИРТОРДУШ ХОНЛИГИ — илк ўрта асрда Мўғулистон ҳудудида ташкил топган давлат (628—646). 7-а.нинг 20-й.ларида *Шарқий турк хоқонлиги*да рўй берган табиий офат, очарчилик, ўзаро низолар чуқур ижтимоий-сиёсий таназзулга сабаб бўлган. Сиртордушлар, уйғур, чибин, тува, қувирқон, тлон-гут, буқу, байирғу, тунгро, хун, изгил, қурсу, қумиқ, адиз, булсар (байсар) каби 15 қабила хоқонга бўйсунишдан бош тортиб, исён кўтаришган. 628 й. сиртордушлар мустақил хонлик ташкил этишган. С.х. ҳудуди шарқда тан-гут-лар (хитойча мохэ) юрти, ғарбда *Ғарбий турк хоқонлиги*, жан.да *Тан* сулоласига мансуб ҳудудларгача етган. С.х.га уйғур, байирғу, адиз, тунгро, буқу, барсуқ каби қабилалар уюшмаси ҳам тобе бўлган. С.х. аҳолиси 140 минг оиладан ошган. Ташқи сиёсатда С.х. асосий эътиборини Тан давлати б-н тинчсий эътиборини ташлаб Шим. Олтойдаги Ибор тоғлари (хитойча Танхан-шан) шим.идаги ерларга кўчиб келиб *Сиртордуш хонлигини* барпо этганлар. 7-а. ўрталарида С. уйғурларга қўшилиб кетган.

СИРТОРДУШ ХОНЛИГИ — илк ўрта асрда Мўғулистон ҳудудида ташкил топган давлат (628—646). 7-а.нинг 20-й.ларида *Шарқий турк хоқонлиги*да рўй берган табиий офат, очарчилик, ўзаро низолар чуқур ижтимоий-сиёсий таназзулга сабаб бўлган. Сиртордушлар, уйғур, чибин, тува, қувирқон, тлон-гут, буқу, байирғу, тунгро, хун, изгил, қурсу, қумиқ, адиз, булсар (байсар) каби 15 қабила хоқонга бўйсунишдан бош тортиб, исён кўтаришган. 628 й. сиртордушлар мустақил хонлик ташкил этишган. С.х. ҳудуди шарқда тан-гут-лар (хитойча мохэ) юрти, ғарбда *Ғарбий турк хоқонлиги*, жан.да *Тан* сулоласига мансуб ҳудудларгача етган. С.х.га уйғур, байирғу, адиз, тунгро, буқу, барсуқ каби қабилалар уюшмаси ҳам тобе бўлган. С.х. аҳолиси 140 минг оиладан ошган. Ташқи сиёсатда С.х. асосий эътиборини Тан давлати б-н тинчсий эътиборини ташлаб Шим. Олтойдаги Ибор тоғлари (хитойча Танхан-шан) шим.идаги ерларга кўчиб келиб *Сиртордуш хонлигини* барпо этганлар. 7-а. ўрталарида С. уйғурларга қўшилиб кетган.

СИРТҚИ ТАЪЛИМ — олиндаб чиқа-рилган ажратилган ҳолда олий ва ўрта махсус маълумот олиш шакли. Қишлоқ-ги таълим шаклидан талаби ўқувчи-ларнинг мустақил укиши б-н фарқ қилади. С.т. муайян соҳада маълумот олиш шакли сифатида 19-аср охир-ларида Германия, АҚШ. Буюк Британия ва б. давлатларда жорий этилган бўлиб, улар дастлаб ахборот-тарқатиш воситаси сифатида газета ва журналлар орқали ўқитишни ташкил этган. Кейинчалик С.т. ўқитишнинг мустақил шакли сифатида ривожланган. Ҳозирги кунда С.т. дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларида мавжуд. Масалан, Буюк Британия-да С.т. тизимида 200 мингдан ортиқ, Германияда 50 мингдан ортиқ, АҚШ-да 3 миллиондан ортиқ талаба таълим олади. Ўзбекистонда С.т. 1991 йилдан ривожлана бошлаган. Ҳозирги кунда С.т. тизимида 10 дан ортиқ ўқув юртлари фаолият кўрсатмоқда. Улар-да 100 мингдан ортиқ талаба таълим олмоқда. Ўзбекистонда С.т. тизимини ривожлантириш мақсадида 2000 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида сиртқи таълим тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Ушбу махсус ҳужжатда С.т. тизимини ривожлантириш бўйича қатор муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ўзбекистонда айрим фанлар бўйича кўп-лаб янги дарсликлар, ўқув қўлланма-лар, методик кўрсатмалар, тавсиянома-лар ва бошқа ўқув-услубий адабиётлар яратилган. Ўзбекистонда С.т. тизимини ривожлантириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўқув-методик ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Сиртқи таълимни ривожлантириш республика маркази ташкил этилган. Ушбу марказ ўқув-методик ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, ўқув-услубий адабиётлар яратиш, ўқитишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, ўқитувчилар малакасини ошириш, С.т. тизимида ўқитиш сифатини назорат қилиш, С.т. тизимини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва бошқа вазифаларни бажаради.

Ахмедов Ғ.

СИРТҚИ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ↗ *Олий ўқув юртлари*

СИРФИДЛАР (*Syrphidae*) — икки қа-нот-ли кискакўзлилар оиласи. Ер юзида 3000 дан ортиқ турлари маълум. Ўрта Осиё ҳудудида 300 га яқин турлари учрайди. Танасининг уз. 4–25 мм, оқими ва қора рангли шўхламали ялтироқ. Ривожланиши тўла ўзгариш билан боради. Личинкаси ҳаракатчан, оёқсиз. Соғлом ҳолда ғумбакадан чиқади. Сирфид личинкалари ҳар хил паразитлик ва ҳаёт кечириш тарзига эга. Ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш усулида шартли С. катта аҳамиятга эга. жумладан, ярим об С. (*Syrphus corollae* F.), тасмали С. (*Sphaerophoria scripta* L.) ва б. С. личинкаси ўсимлик битларк. капалакларнинг кичик ўпалак-ли личинкаларп. эрпелар. шунингдек, кокилар ҳамда жониворларнинг баъзи турлари б-н озиқланади. Барча тур С. пекдофаг (ҳашарот ушлагичлари б-н озиқланувчи) ва сапрофаг (ўсимлик қолдиқлари б-н озиқланувчи) ҳамда фитофаг (ўсимликлар б-н озиқланувчи) бўлиши мумкин. айримлари эса жавоб бўлиб яшашдан ҳашаротлар (мас.. чумоли-лар) уясига улар пошлага шарпчалик қилади.

СИРЧУМЧУҚЛАР (*Saxicolae*) — қора-ялоқлар оилаига мансуб қушлар уруғи. Ф турк бор. Танасининг уз. 12,5—20 см, вазни 15- 16 г. Европа ва Африкада учрайди. Ўзбекистон чўлларида қора бошли сирчумчуқ, қора сирчум-чуқ ув қуралы.

Ўзаклари ўлар орасидаги чу-қурликларга. бағзан бинокпи-ган ларзаси ялаи ковак остига қуради. 4—7 тухум қўяли.

Қора сирчумчуқ

Личинкалари бўйича қабул қилинади. Ўрта махсус ва олий ўқув юртларига сиртқи таълим шаклидаги ўқув ишлари лекция ва амалиятлари билан-ган ҳолда ташкил этилади. Ўқув юртларида сиртқи таълим бўлими ёки сиртқи таълим факультети ташкил этилади. Сиртқи таълим шаклида ўқитиш ўзига хос хусусиятларга эга. Ўқитишнинг асосий шакллари: мустақил ишлаш, ўқитувчи билан маслаҳатлашиш, семестр якунида имтиҳонлар топшириш. Сиртқи таълим шаклида ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ўқитувчи ўқитиш жараёнида ўқитишнинг ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиши лозим. Сиртқи таълим шаклида ўқитишда

Ситор.

қопланган бўлиб, қўшимча косачаси ҳам бўлади. Ноталарга бой овози, жарангдорлиги, виртуозлик имкониятлари кенглиги туфайли ҳинд мумтоз мусиқа (*рага*) ансамбларида С.лан асосий чолғу сифатида фойдаланилади. Манбаларда кўрсатилишича, С.ни такомиллаштирган ва илк моҳир ижрочиси Хусрав Деҳлавий ҳисобланади. 20-а.да С. ижрочиларидан Ғулом Муҳаммад Хон, Баркат Али, Оллоуддин Хон, Рави Шанкар ва б. машҳур.

СИТОРА (форс. — юлдуз) — *тарғаллик* буюми; диаметри 2,5—5 см бўлган айлана шаклидаги кумуш нишон, тўғноғич ҳамда аёллар кўкрак безаги — тумор. Босма усулида қуёш, юлдуз, 4 япроқли гул ва бошқалар б-н безатилган. Аёллар кўйлаги олд ўйиғига (эни кенг қора жиякка 2—4—6 ва ундан ортиқ қаторли қилиб) бўйидан этаккача узунликда тақилган ёки кўйлакнинг белигача тикиб мустаҳкамланган, қолган қисми эркин осилиб турган. Эркаклар чопонининг олди, енг учлари, этак ва кўлтиқ остига (кам ҳолларда орқа елка қисмига) С. қатори тикилган. С. кийимга тикилган-

Ситора (19-а., Қарши).

да ҳамда атрофи нақшли кашта б-н ҳошия ўраб безатилганда, у янада ҳажмдор кўринади. С. ҳимояловчи тумор сифатида қадимдан маълум бўлган; терракота ҳайкаллари, маъбуда ва жангчилар кийимларида, Варахша деворий расмларида учрайди. Бухоро амири Саид Музаффар Баҳодирхон кийимлари қимматбаҳо тошлар қадалган С. б-н безатилган.

СИТОРАИ МОҲИ ХОСА — Бухородаги манғитлар сулоласининг 3 авлодига мансуб сарой — боғ. Бухородан 4 км шимолда. Дастлабки бинолар *Нас-рулло хон* (1826—60) ва *Музаффархон* (1860—85) ҳукмронлиги даврида қурилган. *Абдулаҳадхон* ҳукмронлиги даври (1885—1910) да сарой ва ҳушманзара боғ барпо этилган. Амир *Олимхон* ҳукмронлиги даври (1910—20)да янги сарой қурилган. С.М.Х. майдони 6,7 га бўлиб, эски сарой, гишт тўшалган 3 ҳовли ва кўпгина хоналардан иборат. Бу ердаги амир Музаффархон меҳмонхонаси кенг, баланд зали, икки томондаги болохонали айвонлари, европача эшик ва деразалари б-н ажралиб туради. Уч қисмга бўлинган мурабба тарҳли хонани ташкил этувчи Абдулаҳадхон хонаси бир-бирига қарама-қарши жойлаштирилган ва бир хилда безатилган 2 ял ўртасидаги баланд суна орқали бирлаштирилган. Супанинг ғарб томонига шоҳнишин тахт ўрнатилган. Эски сарой шарқидаги амир Олимхоннинг бош қароргоҳи — янги саройга равоқли муҳташам дарвоза ўрнатилган. Дарвоза устидаги равоқ Ўрта Осиё биноларига хос бўлмаган шаклда ишланган, ён қисмлари сирланган, тўқ қизил, кўк, гунафша ва ҳаво ранг кошин б-н қопланган. Анъанавий сиркори парчинлар б-н бирга Россиядан келтирилган кафель қопламалардан ҳам фойдаланилган. Дарвозанинг тепа қисмига ғанчдан гулдон шаклидаги безаклар ишланган. Ёғочдан қилинган икки табақали дарвозага миллий нақшлар ўйилган ва мис гул михлар б-н мустаҳкамланиб, нафис гулдор зулфин ўрнатилган. Дарвозахонадан ташқи ҳовлига ўтилади. Ҳовлининг 3 томони айвон б-н ўралган. Дарвозадан киришда ўнг кўлда кичкина фаввора бор. Катта айвон ҳовлининг шим. томонида, ғарб томонида оқсарой, жан. томонида эса ойнаванд айвон, кутиш хонаси ва амирнинг қабулхонаси жойлашган. Бинога кираверишда Ғозғон мармаридан уста Абдураҳим йўниб ишлаган шер ҳайкаллари бор. Амир қабулхонаси даҳлизи деворлари ганчдан нақшдор қилиб безатилган. Намоёнларига наққош уста

Кўшк.

Ситораи Моҳи Хоса саройининг ҳовли томондан кўриниши.

Ҳасанжон гулдон ва гуллар шаклини ишлаган.

Оқсарой ичкариси Шарқнинг жимжимадор, нафис нақшлари жозибадор гуллари б-н уйғунлашган. Деворнинг кўзгулардан иборат бўлиши ва гулганчлан ишланган безакларнинг кўзни қамаштирадиган даражада оқлиги хонани кўркам қилиб кўрсатади. Оқсарой 2 йил мобайнида *Уста Ширин* раҳбарлигида (25—30 киши томонидан) қурилган ва пардозланган. Янги саройрус муҳандислари Сакович ва Маргулис раҳбарлигида қурилган. Қабулхона Европа услубида биридан иккинчисига ўтиладиган қилиб қатор жойлаштирилган. Янги саройнинг кираверишибоққа туташиб кетган. Боғнинг шим. қисмида ҳарам жойлашган. Унинг гарбида ҳарам хизматкорлари учун хоналари бўлган кичик ҳовли бор. Ҳарам 2 қаватли ва ярим доира шаклида қурилган. Маҳаллий меъморлик анъаналарини ўзида сақлаб қолган. Боғнинг қоқ ўртасида 8 хонали кўшк бор. Унинг хоналари 8 қиррали қилиб қурилган меҳмонхона атрофида жойлашган. Ошхонанинг деворлари тилла ва кумуш суви югуртириб безатилган. Кўшкнинг жан.да тўғри бурчакли деворитомонли катта хона бўлган. Қолган бошқа хоналар ётоқхона ва хизматкорлар учун мўлжалланган. Боғнинг жан.да икки қаватли масжид, катта ҳовуз қурилган (1917—18). Ҳовуз кулранг Ғозғон мармари б-н қопланган. Бинонинг ичида узун йўлак бўлиб, хоналари фақат бир томондан шамоллатилган. Ҳоз С.М.Х.да *Бухоро давлат меъморий-бадиий музей-кўриқхонаси*, дам олиш уйи ва болалар санаторийси жойлашган.

Ад.: Зоҳидов П. Ш., Меъмор олами, Т., 1996.

Пўлат Зоҳидов.

СИТЬ ЖАНГИ — Владимир буюк князи Юрий Всеволодович қўшини б-н мўғул туманбошиси Бурундой қўмондонлиги остидаги қўшинлар ўртасида Сить дарёси бўйида бўлиб ўтган жанг (1238.4.3). Владимир-Суздаль князлигига бостириб кирган мўғуллар Угличдан Сить дарёси томон ҳаракат қилиб, тўсатдан руслар қўшинига ҳужум қилганлар. Жангда Юрий Всеволодович ва унга иттифоқчи бўлган бошқа князлар ҳалок бўлишган. С.ж. оқибатида Шим.-Шарқий Русь князларининг қаршилиги тугатилган.

СИУ — АҚШ ва Канада резервацияларида яшовчи индейс қабилалари (дакота, ассинибойнлар, кроулар, осежлар ва б.) гуруҳи. Умумий сони 70 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Сиу тилида сўзлашади. Диндорлари — христианлар, анъанавий динларга эътиқод қилишади. С. деҳқончилик б-н шуғулланади.

СИФ (инг. CIF, cogt — нарх, insurance — суғурта, freight — фрахт сўзларининг бош ҳарфларидан) — халқаро савдола товарларни етказиб беришнинг асосий шартларидан бири. С. шартларига кўра, сотувчи товарни суғурта қилдириши ва фрахт (кира) ҳақини тўлаши, келишилган муддатда товарни портга етказиб келиши ва кемага ортиб бериши, харидорга коносамент (товар паттаси)ни ва суғурта полисини топшириши лозим. Товар кемага ортилгандан бошлаб, жами харажатлар ва мажбуриятлар, товарнинг эҳтимолдаги бузилиши ёки тасодифий йўқолиши б-н боғлиқ жами хатарлар сотувчидан харидор зиммасига ўтади.

СИФАТ (тилшуносликда) — предмет белгисини билдирувчи сўзлар туркуми. Грамматикада белги сўзи кенг тушунчали бўлиб, у белгини ранг-тус, ҳажм, шакл-кўриниш, хусусият ва ш.к.га кўра билдиради: қизил, кенг, ёқимли ва б. Шу хусусиятларига кўра, С.лар маъносига қараб бир неча турга бўлинади: ранг-тус билдирувчи С.лар — оқ, сариқ, қизил, нимранг каби; маза-таъм билдирувчи С.лар — ширин, нордон, аччиқ, бемаза каби; хушсоддда, муғамбир, ювош каби; шакл-кўриниш билдирувчи С.лар — гавдали, новча, узунчоқ, ясси каби; ҳажм-ўлчов билдирувчи С.лар — кенг, тор, катта, оғир, енгил каби ва б.

С. туркуми ўзига хос сўз ясалиши ва морфологик тизимига эга. Ўзбек тилида ясама С.лар, асосан, сифат ясовчи аффикслар ёрдамида ҳосил қилинади: ақлли (ақл+ли), ҳосиллор (ҳосил+дор), серқирра (сер-қирра) ва ш.к. С.нинг морфологик белгиси — даража категориясига эгалигидир. С. билдирадиган белги даража нуқтаи назаридан 3 хил бўлиши мумкин: меъёрий, меъёрдан ортиқ (юқори) ва меъёрдан оз (кучсиз, паст). Шунга кўра, сифатнинг 3 хил даража категорияси фарқланади: оддий даража —махсус кўрсаткичи йўқ ва у белгининг меъёрий (ортиқ — камлик, кучли — кучсиз ва ш.к.га бефарқ) ҳолатини билдиради: яхши, катта, ширин, ҳунук каби; орттирма даража — бу даражанинг ҳам махсус морфологик кўрсаткичи йўқ. Белгининг ортиқлиги маъноси ўзбек тилида бир неча усул б-н ифодаланади. Мас., фонетик усул: сап-сариқ, кўм-кўк, баланд (ундаги чўзиқ талаффуз этиш); лексик усул (махсус сўзлар ёрдамида): жуда кучли, ниҳоятда гўзал каби; аналитик усул: ширин-дан ширин, кўполдан кўпол каби; озайтирма даража шакли -роқ аффикси ёрдамида ясалади: яхшироқ, баландроқ, шўрроқ каби. С.лар отлашуви мумкин (қ. *Отланув*): Яхши тошиб гапирар, ёмон қопиб гапирар. Қопиб гапирар, ёмон қопиб гапирар. Қораси юқар; зонга яқин юрсанг, қораси юқар; ёмонга яқин юрсанг, базоси юқар.

Алим Ҳожиев.

СИФАТ (фалсафада) — объектнинг муҳим белгиларини ифодалайдиган фалсафий тушунча. С. объект таркибий қисмларининг ўзаро турғун муносабатларини акс эттиради, бу муносабатлар бир объектни иккинчи объектдан ажратиб туради ва ўзига хос томонларнинг англатади. Шу б-н бирга С. бир турдаги объектларга хос умумийликни ҳам ифодалайди. С. тушунчасини дастлаб Аристотель таҳлил қилган. У С.ни нарсаларга нисбатан *акцидепция* деб таърифлайди. Ибн Сино эса С.ни нарсаларнинг ажралмас хусусияти, ўз-ўзидан мавжуд эмас деб ҳисоблайди. Янги давр фалсафасида *бирламчи ва иккиламчи сифатлар* тушунчаси шаклланган. Гегель С.га борлиқ б-н айнан бўлган муайянлик деб таъриф берган. Унинг фикрича, С. йўқолиши б-н предметнинг ўзи ҳам йўқолади. Объектив оламдаги нарсалар ўзгаришда ва ривожланишда бўлиши б-н бирга, улар нисбатан барқарор яхлитликка эга бўлиб, муайян буюм ёки нарса кўринишн (сифат)да намоён бўлади. Бирон нарсанинг айнан шу нарса эканлигини кўрсатувчи жиҳати унинг С.идир. С. предметнинг ички моҳиятини, ички ва ташқи алоқаларидаги бирлигини ифодалайди. С. предметнинг миқдор хусусиятлари б-н чамбарчас боғланган. Мас., сувнинг физик хоссасига кўра у 0° дан +100° гача бўлган ҳароратда ўзининг суюқлик сифатини сақлайди, 0° дан паст ҳароратда музга айланади, +100° дан юқори ҳароратда буғ, яъни газ ҳолатига ўтади. Бу ерда миқдор ўзгаришининг сифат ўзгаришига айланишини кузатиш мумкин. Ҳоз. замон фалсафасида С. нарсаларнинг ички ва ташқи муайянлиги, нарсанинг бир қатор хосса, белги, хусусиятлари бирлигини ифодалайди, деб таърифланади. С.ни предметнинг хоссалари, белги ёки хусусиятлари б-н аралаштирмаслик лозим. С. предметнинг нисбий барқарорлигини, доимийлигини, умумийлигини ифодаласа, хосса ва хусусиятлар предметнинг муайян томон ва белгиларини, бошқа предмет ва ҳодисалар б-н алоқадорликларида намоён бўладиган жиҳатларини ифодалайди. Фалсафада С.лар табиий С.лар ва ижтимоий С.ларга ажратилади. Табиатда нарса ва ҳодисаларнинг муайян жиҳатларини, жисмийлигини, фазо-вақт тузилишини, энергетик ҳолатини, таркибини ифодаловчи С. табиий С. дейилади. Инсон фаолияти б-н боғлиқ бўлган, кишиларнинг бир-бири ва табиат б-н алоқадорликлари натижасида вужудга келган С. ижтимоий С. дейилади. Ижтимоий С. индивидуал ва ижтимоий онг воситасида инсоннинг меҳнат фаолияти туфайли вужудга келади. Ижтимоий С. ўз навбатида функционал ва системавий С.ларга бўлинади. Функционал С.га эга бўлган объектлар мажмуаси иккинчи табиат деб ҳам аталади. Унга инсон томонидан яратилган нарсалар (уй, мих, трактор, самолёт ва б.) киради. Кишиларнинг муайян ижтимоий муносабатлари мажмуини ифода этувчи С. системавий С. дейилади. Бундай С. муайян буюмда ижтимоий алоқадорликлар шароитидагина мавжуд бўлади, бундай алоқадорликлардан ташқарида эса у йўқолади. Олам нарсаларнинг вужудга келиш, ривожланиш, емирилиш, яъни бошқа С.ларга эга бўлган янги нарсаларга айланиш жараёнларидан иборат. С.нинг ўзгариши муайян объектнинг бошқа объектга айланганлигини билдиради. С. тушунчаси инсоннинг объектив реалликни билишидаги маълум босқични ифодалайди. Билиш С.дан *миқдорга* ва сўнг уларнинг бирлиги — *меъёрга* қараб борали. Ҳар қандай предмет С. ва миқдор бирлигидан иборат (ана қ. *Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонуни*).

Ад.: Ибн Сина, Данишнаме, М., 1980; Фалсафа (манғузалар матни), Т., 2000.

Баҳтиёр Тўраев.

СИФАТ АНАЛИЗИ — *аналитик кимё*нинг асосий бўлимларидан бири: анализ қилинаётган модда ёки моддалар аралашмасидаги элементлар, радикаллар, функционал гуруҳлар ва бирикмаларни кимёвий, физик-кимёвий, физикавий аниқлаш ва идентификациялаш усуллари мажмуи. С.а.нинг муҳим таснифли усуллари: 1) ўзига хослик (селективлик) — қидирилаётган элементни бошқа элемент иштирокида аниқлаш усули ва 2) сезгирлик — ниҳоятда оз миқдордаги элементни, яъни бир томчи (0,01—0,03 мл) эритмалаги элементни аниқлаш. С.а.нинг ҳоз. усулларида сезгирлик 1 мкг га боради. Анорганик моддаларнинг классик С.а. «қуруқ» ёки «ҳўл» усулда олиб борилади. С.а.нинг «қуруқ» усули бир оз миқдорда бура (танакор) ёки «фосфор тузи» ($NaNH_4HPO_4{\cdot}4H_2O$) қўшиб текширилаётган модда кукуни (одатда, металл тузлари ёки оксидлари) қиздирилганда газ горелкаси аланғаси рангининг ўзгаришига ва рангли шиша-симон қотишмалар ҳосил бўлишига асосланган. С.а.нинг «ҳўл» усули макро-,«ярим макро»-, «ярим микро»-, микро- ва ультрамикро- усулларга асосланган (яна қ. *Ультрамикроскопик анализ, Томчи анализ*).

Сувли эритмалардаги анорганик бирикмаларнинг С.а. ион реакцияларига асосланган. С.а.нинг кимёвий усули б-н бир қаторда физикавий, физик-кимёвий усуллари ҳам кенг қўлланади. Бу усуллар текширилаётган моддаларнинг оптик, электр, магнит, иссиқлик, каталитик, адсорбцион ва б. хоссаларини ўрганишга асосланган (қ. *Спектрал анализ, Полярография*).

Ад.: Миркомилова М., Аналитик кимё, Т., 1996.

СИФАТДОШ — феълнинг функционал шаклларидан бири. Сифатлар каби предметнинг белгисини кўрсатишга хосланган ва худди шу хусусиятига кўра С. деб юритилади. С. шакли ҳоз. ўзбек тилида, асосан, -ган, -вчи аффикслари ёрдамида ясалади: ўқиган китобларим, қурашга тушувчи йигитлар. -ган аффикси феълнинг замон кўрсаткичига эга бўлмаган шаклига қўшилганда, ўтган замон маъносини; феълнинг ҳоз. замон кўрсаткичи бўлган шаклига қўшилганда, ҳоз. замон маъносини; феълнинг ҳоз.-келаси замон кўрсаткичи бўлган шаклига қўшилганда, ҳоз. -келаси замон маъносини билдиради: келган одам, келаётган одам, келадиган одам. С.нинг замони бевосита нутқ вақтига нисбатан эмас, балки феълнинг аниқлик майлидаги шахссон б-н туслангач шакли билдирган вақтга, ташнинг кесимидан англашилган вақтга ёки матндаги бирор сўз билдирган вақтга нисбатан белгиланади. Шу сабабли С. билдирган замон нисбий замон ҳисобланади. Кучала келаётган йигит атрофга бир қараб қўйди. Менинг сизга айтадиган анчагина гапларим бор. Бундан кўрсаткичли С. шакллари феълнинг ўтган замон шаклларини ҳосил қилишда ҳам қатнашади: келган эди, кетаётган эди каби.

С.нинг -вчи аффикси б-н ясалувчи гури предмета доимий хос бўлган одатдаги ҳаракат белгисини, бажан ва келгусида оид ҳаракат белгисини билдиради: Кишини сеҳрловчи оҳанглар. Бу ерга келувчи мехмонларни кутиб олдиниз. С. гапда аниқловчи вазифасида келди. С.лар отлашганда (қ. *Отлашув*), отларга хос синтактик вазифаларни бажаради.

Анвар Ҳожиев.

СИФАТЛАШ, эпитет — стилистика ва поэтика термини; антик даврдан маълум бадиий-тасвирий воситалардан. Нарса ва ҳолисаларга, тушунча ва ҳ.к.га хос хусусиятларни образли тавсифлаш. Аксарият сифат, шунингдек, равиш, от, сон, феъл воситасида ифодаланади (мас., зар дуппи, қутлуғ кун, ҳовлиқиб гапирди каби). С. тагин, ибора-рани шунчаки безаш воситаси эмас, балки у мазмун б-н алоқадор бўлиб, нутқнинг мантиқий, психологик, лингвистик, адабий ва б. жиҳатларида намоён бўлади. Предметни унинг бошқа турларидан ажратиб кўрсатувчи («мурғак шеър» каби) оддий мантиқий таърифлан фарқ қилиб, С. предметнинг ё бирон-бир хусусиятини ажратиб кўрсатади («четан арава») ёки истиорали эпитет сифатида унга бошқа бир предметга хос хусусиятни кўчирали («кумуш қиш», «зумрад баҳор», «учқур от» каби). Халқ оғзаки поэтик ижодида содда ва доимий С.лар кўп қўлланилади («паҳлавон йигит», «чўри қиз», «учар гилам» каби). Шарқ ва, жумладан, ўзбек мумтоз адабиётида ҳам айрим С.лар («бодомқовоқ», «пистадаҳан», «сарвқомат» каби) кўп такрорланиб, доимо учраши оқибатида қўшма сифатларга — мураккаб С.ларга айланиб кетган («бодомқовоқ қиз», «сарвқомат жувон» каби). Адабий-тарихий тараққиётнинг ҳар бир босқичига хос С.лар бўлади. С.лар тизимида муайян адабий даврнинг, йўналишнинг, ёзувчининг услуби ўз аксини топади.

СИФИЛИС (syphilis; итальян врачи Ж. Фракасторо достонининг қаҳрамони чўпон Сифилус номидан) — қ. *Зах.*

СИФОН (юн. siphōn — найча, насос)— 1) суюқликни бир идишдан сатҳи пастроқ иккинчи идишга қуйиш учун ишлатиладиган қурилма. Турли узунликдаги тирсаклари бўлган букик най.



Сифон схемаси. P — атмосфера босими; h_1 — устки идишдаги суюқлик сатҳи; h_2 — пастки идишдаги суюқлик сатҳи.

Ташнинг юқори кесими устки идишдаги суюқлик сатҳидан юқори турали (расмга қ.). С. ишлаши учун найга суюқлик тулдирилиб ва учларини шундай суюқлик тулдирилган турли баландликдаги идишларга ботириш керак. С. турли гидравлик қурилмаларда ишлатилади; 2) пайчасининг учи тубигача етадиган жумракли идиш. Босим остидаги турли қуюрувчи ичимликларни сақлаш, сақлаш, ташиш ва бир идишдан иккинчисига қуйиш учун ишлатилади; 3) сув омбори, канал ва б.дан ортиқча сувни чиқариб юборишга учун ишлатиладиган автоматик асбоб.

СИФОНОФОРАЛАР (Siphonobora) — гидрозойлар синфига мансуб *бўлакчалилар* кенжа синфи. Колонияси бўлиб эркин сузиб юрувчи денгиз ҳайвонлари. Колонияси умумий поядан ўрнашган полипоид ва медузоид индивидуалардан иборат. Кўпчилик С. насл алмашинмасдан кўпаяди. С. колонияси шакли ўзгарган медузалар — нектофорлар, озиқлантирувчи гастрозоитлар, узун пайпаслагичлар — арқончалар, жинсий гонозоидлар, ҳимоя қилувчи пальпонлардан иборат. Нектофорлар қисқариб, колонияни ҳаракатга келтиради. Гастрозоидлар озиқни ҳазм қилади. Арқончалар озиқни тутиш ва ҳазм қилиш, гонозоидлар жинсий кўпайиш вазифасини бажаради. Колония тепасида жойлашган сузувчи пуфак — пневматофорга махсус безлардан газ ажралиб чиқади. Пневматофор колониянни тик ушлаб туради. Жинсий кўпайиди; куртакланиб колония ҳосил қилади. 170 га яқин тури бор. Барча океан ва очиқ денгизларда, сув юзасидан бошлаб 5000 м чуқурликкача яшайди.

СИХОТЭ-АЛИНЬ — РФнинг жан.-шарқидаги тоғли ўлка. Хабаровск ва Приморье ўлкалари ҳудудида. Шарқда Япон денгизи, ғарбда Ханка — Уссури, шим.-ғарб ва шим.да Қуйи Амур пасттекисликлари оралиғида жойлашган. Шим.дан жан.га 1200 км чўзилган, эни 300 км га яқин. Ўртача бал. 700—1000 м, энг баланд жойи — 2078 м. (Тардоки-Яни). С.-А. бир-бирига параллел ҳолда чўзилган чуқур дарасимон дарё водийлари б-н ажралган 8 та

Сихотэ-Алинь. Марказий қисми.

тизмадан иборат. Уларнинг сувайиргич қисмида яланг қоялар, шим. қисмида қад. музликлар рельеф шаклида (карр, цирк ва троглар, морена тепаликлари) сақланиб қолган. Шарқда денгизга тик тушади, кўплаб қўлтиқлар б-н кесилган. Ғарбий қисми қиялоқ. Тектоник жиҳатдан антиклинорий. Мезозой ва кайнозой бурмаланиши даврида шаклланган. Мезозой ва қуйи тўртламчи даврларида вулканлар отилган. С.-А.нинг сувайир-гич қисми палеозойгача ва палеозой даври, катта қисми мезозой ва кайнозой даврлари тог жинсларидан тузилган. Фойдали қазилмаларидан тош-кўмир, қалай, олтин, полиметалл рудалари, минерал ва термал сувлар бор. Муссон иқлимига эга. Игна барги ва аралаш ўрмонлар б-н қопланган. Энг баланд қисмларда тог тундра ўсимликлари учрайди. Сихотэ-Алинь қўриқхонаси бор.

СИХОТЭ-АЛИНЬ МЕТЕОРИТИ — *Сихотэ-Алинь* тогининг ғарбий тармоқлари устига 1947 й. 12 февр.да тушган метеорит. Оғирлиги 70 т; асосан, темирдан иборат. Кимёвий таркиби (массага нисбатан % ҳисобида): темир (Fe) — 93,29, никель (Ni) — 5,94, кобальт (Co) — 0,38, мис (Cu) — 0,03; фосфор (P) — 0,56, олтингугурт (S) — 0,28 ва б. Тушган пайтида Хабаровск ва Приморье ўлкаларида жуда ёрут *болид* ҳолида кўринган. Болиднинг ҳаракат йўналишида қуюқ чанг ли из қолган. Ер сатҳидан тахм. 6 км баландликда болид портлаб, майда (1 мм дан 1 м гача) бўлакларга метеорит ёмғири сифатида тушган. Бу ерда умумий оғирлиги тахм. 27 т бўлган 350 та ҳар хил метеорит бўлаклари топилган (1970).

СИЦЗЯН, Чжуцзян, Марваридли дарё — Хитойнинг жан.-шарқий қисмидаги дарё. Уз. 2160 км, ҳавзасининг майд. 437 минг км². Юньнан тоғлигидан бошланиб, Наньнин тоғларининг жан. этаклари бўйлаб оқади ва Бэйцзян ҳамда Дунцзян дарёлари б-н майд. 16,9 минг км² ли дельта ҳосил қилиб Жан. Хитой денгизига қуйилади. Ўртача сув сарфи 8 минг м³/сек., ёзда серсув. Тез-тез сув тошқинлари бўлиб туради. Суғоришда фойдаланилади. Учкоу шдан бошлаб кема қатнайди. Дельтасида Гуанчжоу денгиз порти жойлашган.

СИЦИЛИЯ — Ўрта денгиздаги энг йирик орол, Италия таркибида. Майд. 25,4 минг км². Апеннин в.о.дан жан.да жойлашган, ундан Мессина бўғози б-н ажралган. Қирғоқлари тик, кам парчаланган. Рельефи тог ва қирлардан иборат. С.да Европада энг баланд ҳаракатдаги Этна вулкани (3340 м) ва бир нечта сўнган вулканлар бор. Шарқий ва ғарбий соҳил қисми аккумулятив текислик. Тез-тез зилзила бўлиб туради. Олтингугурт, нефть, газ ва б. фойдали қазилма конлари топилган. Иқлими субтропик, Ўрта денгизга хос иқлим. Соҳилбўйи текисликларда ўртача т-ра янв.да 11—12°, июлда 27—28°, тоғларда 4—8° ва 20—24°. Этна чўққисида йилнинг 9 ойида қор сақланади. Текисликларда йиллик ёғин 400—600 мм, тоғларда 1200—1400 мм. Тупроқлари тог жигарранг ва қизил тупроқ. Табиий ўсимликлари дезрли қолмаган. Маквис чакалакзорлари ва ўрмонлар учрайди.

С. қадимда юнон маданияти марказларидан бири эди. Илк ўрта асрларда С. вандаллар (5-а.), остготлар (6-а.), Византия (535 й.дан), араблар (9-а.), 11-а.да норманнлар қўл остида бўлган.

СИЦИЛИЯ ҚИРОЛЛИГИ — 12—13-а.да Жан. Италия ва Сицилияда норманнлар томонидан 11-а.да босиб олинган ҳудудларда барпо этилган давлат. 1-қироли Рожер II. 1268 й.да С.қ. қироли Карл I Анжуйский бўлган. 1282 й.да бўлиб ўтган халқ қўзғолони («Сицилия кечки ибодати») дан кейин бўлиниб кетган. 1302 й.да арагон сулоласи тасарруфидан кейин Сицилия Арагоннинг лен (мулкларнинг вассалинга берган мулки) мулкига айланган.

СИЦИЛИЯДАГИ ҚУЛЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ — Сицилия о.даги қўзғолон. 1-қўзғолон (мил. ав. 136—132) маркази Энна ва Агригент ш.ларида бўлиб, унинг раҳбарлари Еви ва Клеон номли қуллар бўлган. 2-қўзғолон (мил. ав. 104—99) қишлоқларда, Сицилиянинг жан.-ғарбида Сальвий, ғарбида Афинион номли қуллар раҳбарлигида бошланган. Қўзғолончилар бутун оролни босиб олишган. С.қ.қ. Рим армияси томонидан бостирилган.

СИЧАНҚУИ — Қашқадарё вилоятининг ғарбидаги кўл. Исоқбобо тоғидан (354 м) 20 км жан.-шарқда, барханлар орасидаги ботиқда, шўрхок тупроқлар орасида 208 м баландликда жойлашган. Майд. 2,54 км². Асосан, грунт ва ер ости сувларидан тўйинади. Суви нордон-шўр, хлорид-кальцийли.

СИЧУАНЬ — Хитойдаги провинция, Янцзи дарёсининг юқори оқимида. Майд. 488 минг км². Аҳолиси 84,93 млн. киши (1998). Маъмурий маркази — Чэнду ш. С.нинг шарқий қисмида *Сичуань сойлиги* бор, бу ернинг тупроғи унумдор, аҳолиси зич. Ғарбида *Сима-Тибет тоғлари* жойлашган. Иқлими субтропик иқлим. Дарёлари серсув, гидроэнергия захирасига бой, энг йирги — Янцзи. Тог ён бағирлари ўрмон, тог тепалари субалпи ўтлоқлари. Чуқур водийларда субтропик ўсимликлар ўсади. С. — Хитойнинг хўжалиги ривожланган провинцияси. Мамлакатда етиштириладиган галланинг 12% ни беради. Асосий экинлари: шоли, маккажўхори, бугдой, гаолян, рапс, арпа, батат, Шакарқамиш, тамаки, пахта, чой ва

Сицилия оролининг соҳил қисми.

цитрус мевалар ҳам экилади. Қалимдан ипак қурти боқилади. Чорвачилик маҳсулотлари экспорт қилинади. С.да кон саноати ривожланган. Тошкўмир, темир руداси, тош тузи, асбест, олтин, сурма, нефть, табиий газ қазиб олинади. ГЭСлар қурилган. Қора металлургия, машинасозлик, кимё, тўқимачилик, қурилиш материаллари, озиқ-овқат корхоналари бор. Хунармандчилик ривожланган.

СИЧУАНЬ СОЙЛИГИ, Қизил ҳавза — Хитойдаги сойлик, асосан, Янцзи дарёси ўрта оқимининг чап соҳилида. Майд. 200 минг км². Бал. 400—500 м (чекка қисми 1000 м гача). Қизил рангли қумтошлар ва б. чўкинди жинсларнинг қалин қатлами б-н тўлган. Кўмир ва тош тузи конлари бор. Жан. га қараган зинапоясимон амфитеатр кўринишида. Иқлими субтропик муссонли иқлим, янв.нинг ўртача тераси 10°, июлиники 29°. Йиллик ёғин 800—1750 мм. Атрофидаги тоғлар ён бағирлари кенг баргли ва игна баргли ўрмонлар б-н қопланган. Кўриқхоналар ташкил этилган. Мамлакатнинг муҳим қ.х. райони (шоли, бугдой, чой, тамаки, цитрус мевалар экилади). Йирик шаҳарлари — Чунцин, Чэнду.

СИЧҚОН ЙИЛИ — мучал йил ҳисобида 1-йил номи (қ. *Мучал*).

СИЧҚОН ҚУШЛАР (Coliformes) — қушлар туркуми. 6 турни бирлаштирган битта оиласи бор. Узундум С.қ. танаси 38 см ча (думи б-н), оғирлиги 42—56 г. Тумшуги ва оёғи қизил, елкасидаги патлари яшил тусда товланади. Танасининг бошқа қисмларида патлари кулранг ёки қўнғир тусда. Энсасида кўк доғи, бошида кокили бор. Оёғидаги тўртта бармоғи ҳам олдинга қараган, бироқ 1- ва 4-си орқага қайрилиши мумкин. Дарахтда тўғи қушларга ўхшаб тумшуги б-н шохларга илашиб олиб юради, ерда ҳам чаққон ҳаракатланади. Уясини дарахт ва буталарга қуради, 2—3 та тухум қўяди, тухумларини иккала жинс навбат б-н 12—15 кун босади. Африканинг Сахрои Кабиридан жан.роқда жойлашган ҳудудларида тарқалган. Бута-зорлар, ўрмон четлари ва боғларда гала бўлиб яшайди. Ўсимлик уруғи, меваси, куртаги ва б. б-н озиқланади. Баъзи С.қ. мевалар-ни еб боғларга зиён келтиради.

Узун думли сичқон қуш.

СИЧҚОНЛАР (Mus) — *сичқонсимонлар* оиласига мансуб кемирувчилар уруғи. Гавдасининг уз. 12 см гача, думи деярли гавдасининг узига тенг. Ер юзида жуда кенг тарқалган. 25 га яқин тури бор. Ўзбекистонда уй сичқони кўп учрайди; уз. 7—11 см, думи 4—10 см. Танасининг орқа томонида юнги кулранг, малларанг ёки қум рангида; қорни очиқроқ тусда. С.нинг дастлабки ареали Евросиёнинг жан. ва шим. ҳудудлари; ҳоз. Ер юзининг барча қисмида учрайди. Уй С.и хонадонлар, бог, полиз, дала ва б. жойларда тарқалган, 30—40 см чуқурликда уя қазиб яшайди.

Уй сичқони.

Ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотлари, хусусан, одам истеъмол қиладиган маҳсулотлар, қ.х. ўсимликлари доналари ва б. б-н озиқланади. Уй С.и 2 ойда воята етади, бўғозлик даври 18—24 кун, 1 йилда 4—7 марта 5—8 талан болалайди. 1,5—3 йил яшайди. С. одам ва ҳайвонларнинг бир қанча хавфли касалликлари (*ўлат, туляремия* ва б.)ни тарқатади.

СИЧҚОНСИМОНЛАР (Muridae) — кемирувчилар туркумига мансуб сут эмизувчилар оиласи. Гавдасининг уз. 5 см дан 48,5 см гача. Думи узун, кўпчилигида юнгсиз. 120 га яқин уруғи, 480 га яқин тури маълум. Ўзбекистонда 10 уруғи (сичқонлар, каламушлар, қумсичқонлар, дала сичқонлари ва б.) ва 19 тури учрайди. Жумладан, уй сичқони, кулранг каламуш ва туркистон каламуши кенг тарқалган. Сичқонлар ва каламушларнинг айрим турлари синантроп. Барча С. ин қазийди, қишки уйқуга кетмайди. Қиши иліқ минтақаларда йил давомида болалаб, бир неча марта 1 тадан 22 тагача бола туғади. Табиий шароитда 1—3 йил яшайди. Тунда ва шомда фаол ҳаёт кечиради. Қ.х., ўрмончилик ва озиқ-овқат захираларига зиён келтиради. С. 20 га яқин инфекцион касалликлар, жумладан, *ўлат*, сичқон иситмаси, лептоспироз каби касалликлар қўзғатувчиларининг табиий ташувчиси. Кўпчилик турларидан генетик ва этологик тадқиқотларда фойдаланилади. Сичқонлар ва каламушларнинг соф линиялари — лаб. ҳайвонлари.

Сиэтлнинг осмонўпар биналари.

СИЧҚОНЧЎП — қ. *Қизилқиёқ*.

СИЭТЛ — АҚШнинг шим.-ғарбий қисмидаги шаҳар. Вашингтон штатида. Аҳолиси 563,4 минг киши (2000). Тинч океанининг Пьюжет-Саунд қўлтиғидаги порт. Транспорт йўлларининг йирик тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. АҚШ шим.-ғарбининг йирик саноат, савдо-молия, илмий ва маданий маркази. АҚШнинг авиация ва ракета-космик саноатининг йирик марказларидан (йўловчи ташувчи авиалайнерлар, ҳарбий-транспорт самолётлари, баллистик ракеталар ишлаб чиқарувчи «Боинг» фирмасининг бошқармаси, и.т. лабораториялари ва з-длари). Кемасозлик, радиоэлектроника, приборсозлик ва автомобилсозлик саноатлари ривожланган. Нефть саноати учун жиҳозлар, йўл қурилиш машиналари, т.й. вагонлари ишлаб чиқарилади. Қора металлургия, нефтни қайта ишлаш, ёғочсозлик, қоғоз, озиқ-овқат, полиграфия саноати корхоналари. 2 та ун-т бор. Балиқ овланади. Шаҳарга 1851 й.да асос солинган. 1973 й.да Тошкент ва Сиэтл шаҳарининг биродарлашуви тўғрисида қарор қабул қилинган.

СИҚИЛИШ ВА ЧЎЗИЛИШ (материаллар қаршилигида) — буйлама (сиқувчи ва чўзувчи) кучлар таъсирида стержень (тўсин)нинг деформацияланиши (қ. *Деформация*). С. ва ч.да стерженнинг Δl га қисқариши (ёки узайиши) кўндаланг ўлчамларига унча таъсир қилмайди. Стерженнинг кўндаланг (ўқига тик) кесимларида фақат нормал кучланишлар σ пайдо бўлади. Оддий (ўқ бўйлаб) С. ва ч.да бу кучланишлар стержень кесимида текис тақсимланади: $\sigma = \frac{P}{F}$ (P — бўйлама куч, F — кўндаланг кесим). С. ва ч. материалларининг муҳим механик хоссалари бўлиб, халқ хўжалигининг барча тармоқларида (маҳсулотлар тайёрлаш, бино ва иншоотлар, кўприклар қуриш, машина ва станоклар ясаш учун материаллар танлашда) албатта ҳисобга олинади.

СИҚИЛУВЧАНЛИК — ҳар томонидан таъсир этувчи кучлар таъсирида модда (газ, суюқлик ва қаттиқ жисм)нинг ўз ҳажмини ўзгартириш хусусияти. Табиатда мавжуд моддаларнинг барчаси С. хусусиятига эга. Агар моддани қисиш натижасида унда кимёвий, тузилиш ва б. жиҳатдан ўзгаришлар юз бермаса, ташқи таъсир тўхтатилганидан кейин у дастлабки ҳолатига қайтади (қайтар С.). Газлар (бутлар) ва суюқликларда С. қайтмас бўлиши мумкин. Пневматик ва гидравлик асбобларнинг иши ана шу хоссага асосланади. Қаттиқ жисмларда ковакдар, дарзлар ва тузилишидаги бошқа нуқсонлар бўлса, қайтар С. фақат юқори босимда юз беради (мас., тог жинслари учун юқори босим — 2 — 5 *кбар*; 1 *кбар* = 10^8 *Н/м*²). С. — моддаларнинг хоссалари уларнинг атом-лараро (молекулалараро) масофаларга боғлиқлиги тўғрисида фикр юритишга имкон беради ва муҳим кўрсаткич. Иссиқлик машиналарининг ишини ҳисоблашда, кимёвий-технологик жараёнлар, портлаш ҳодисаси, аэро ва гидродинамик эффектлар ва б. ҳодисаларни ўрганишда газлар (бутлар), суюқликлар ва қаттиқ жисмларнинг С. хоссасини билиш жуда зарур.

СИҒАЛОН — тоғларда тик ён бағирларнинг ўрта ва қуйи қисмида тўпланган силлиқланмаган парча тошлар. Туб тог жинсларининг нураши ва нураш жинсларининг юқоридан қуйлаб тушиши натижасида ҳосил бўлади. С.лаги жинсларнинг катта-кичиклиги уларнинг тарқибига, иқлим шароитига боғлиқ. Слакибига, гранит С.лар майда тошли, оҳактош С.лар йирик тошлидир. Қуруқ ва совуқ иқлимда йирик тошли, сернам иқлимда майда тошли бўлади.

СИҒИНИШ — 1) илоҳий кучга эга деб ҳисобланган нарсаларга, ҳақиқий ёки хаёлий мавжудотларга сажда қилиш. Ҳар қандай динниг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Ибодат, тиз чўкиш, дуо ўқиш, илтижо қилиш, чўкиниш, сажда қилиш каби хатти-ҳаракатларда намоён бўлади. Турли диний маросимларни бажариш ҳам С.нинг кўринишидир; 2) бирон нарса ёки одамни ҳаддан ташқари улуғлаш (шахсга С.).

СИҒНОҚ, субо — мил. 2—5-а.лардаги хитой манбаларида теле деб номланган 44 та турк қабиласидан бирининг номи. *Турк хоқонлиги* ташкил топгунча чибин, бўржи, азиз, ўтуз, қиргиз, иртиш, униғур каби қабилалар б-н бирга Тангритог (Тяньшан) этакларидаги яйловларда яшаган. Турк хоқонлиги ташкил топгач, унинг фуқаролигига ўтиб турк деб атала бошлаган.

СИҒНОҚ, Сунах, Сугноқ, Сўноқота, Сўнақ кўрғон — Сирдарёнинг қуйи оқими бўйларида, Қизилўр-да (Қозоғистон)нинг жан.да жойлашган қад. шаҳар. Ўтроқ маданий вилоятлар б-н дашт ўртасидаги чегарада мил. ав. 3-а.да бино этилган. У 10-а.да ўғузларга тегишли бўлган. 11-а. ўрталаридан йирик савдо шаҳри, қипчоқлар пойтахти сифатида машҳур. 1219 й. етти кунлик қамалдан сўнг С. мўғулларнинг Жўжихон бошчилигидаги қўшини томонидан вайрон қилинган, лекин 14-а.да қайта тикланиб, 14-а. ўртасида Оқ Ўрда пойтахтига айланган. 15-а.да С. ўзбек хонларининг пойтахт шаҳри сарруфига ўтган. 14—16-а.ларда С.да ишланган иморатлар (мадраса, масжид, мақбаралар) қурилган. Манбаларда С. ҳақида 18-а.дан кейин маълумот учрамайди. Шаҳристон (10 га)ни ўраган мудофаа девори ва унинг 15 минораси хароба-лари ва работ (тахм. 13 га) ни муҳофаза қилган тупроқ тепа, шунингдек, 14—16-а.ларга оид бир қанча биноларнинг қолдиқлари сақланган.

СКАБИОЗА (Scabiosa) — тўғнизтароқдошлар оиласига мансуб ўсимликлар туркуми. Бир ёки кўп йиллик ўт, баъзан бута. Барги қарама-қарши. Гуллари майда, каллаксимон тўпгулда тўпланган. Меваси — пистача. Асосан, Ўрта денгиз мамлакатларида 100 тача тури ўсади. Айрим турлари Шарқий Осиё ва Африканинг жан.да учрайди. 7 тури Ўзбекистоннинг кўпинча қумли ва соз тупроқли адир ва тог этакларида ўсади. Айримлари (мас., кўп йиллик кавказ С.си бир йиллик С.) манзарали ўсимлик.

СКАГЕРРАК — Болтик денгизини Шим. денгиз б-н бирлаштирувчи бўғоз, Ютландия я.о.нинг шим.-ғарбий қирғоги б-н Скандинавия я.о. оралигида. Уз. 225 км, эни 60—150 км, энг чуқур жойи 809 м (Норвегия нови). Жан. қисмида саёзликлар бор. Балиқ овланади. С. бўйида Осло ш. жойлашган.

СКАДАР КЎЛИ, Шкодер — Болқон я.о.даги энг катта кўл. Майд. 356—398 км² (мавсум бўйича ўзгаради). Энг чуқур жойи 44 м. С.к.дан Буна дарёси оқиб чиқиб, Адриатика денгизига қуйилади. Кема қатнайди. Балиқ овланади. Кўлнинг жан.-шарқий соҳилида Шкодер ш. (Албания) жойлашган.

«СКАЙЛЭБ» (инг. skylab — Sky laboratory — осмон лабораторияси) — бортида астронавт-учувчиси бўлган, космик фазода, Ер атрофида учишга мўлжалланган америка орбитал ст-яси номи. 1973 й. «С.» «Сатурн-5» ЭР ёрдамида (учинчи босқичсиз) орбитага чиқарилган. «С.»ни учиришдан мақсад уни орбитада «Аполлон»га туташтириш, инсоннинг узоқ муддат космик учиш шароитига адаптациясини ва Ерга тортилиш реадаптациясини

«Скайлэб» орбитал станцияси.

ўрганишга мўлжалланган тиббий-биологик текширишлар ўтказиш, Қуёшни кузатиш, Ернинг табиий ресурсларини ўрганиш, техник эксперимент ўтказиш. Дастлабки орбитанинг перигейи 434 км, апогейи эса 437 км га тенг бўлиб, экваторга оғмалиги 50°, даври 93,2 минутни ташкил этади. «С.»нинг массаси 77 т, уз. 25 м, максимал диаметри 6,6 м. Ст-я блокида яшаш бўлмаси, лаб., ётоқхона, тиббиёт, дам олиш хоналари, ошхона, овқатланиш хонаси, турли машқ ва тажрибалар ўтказиш бўлмалари мавжуд.

СКАЛЬПЕЛЬ (лот. scalpellum — пичоқча) — жарроҳлик амалиётида тўқима ва аъзоларни кесишда ишлатиладиган кичикроқ махсус металл пичоқча. Уз. 12—15 см, кесадиган қисми калта ва дастаси узунроқ бўлади. С. кесувчи юзасининг тузилишига қараб ясси қоринчали С., кўз скальпели, ўткир учли С., тўғри С., стоматологик С. фарқ қилинади. Ҳоз. лазер ва ультратовуш С.лари ҳамда «электрскальпеллар» мавжуд. С. ўткир, ушлашга қулай, осон тозаланадиган ва стерилланадиган бўлиши керак.

СКАЛЯР (лот. scalaris — поғонали) — физик миқдор. Йўналишга эга бўлмаган (*вектор* катталикларидан фарқли равишда) ва фақат сон б-н ифодаланадиган физик катталик. Мас., юза, вақт, масса, т-ра, ҳажм ва б.

СКАЛЯР КЎПАЙТМАСИ — нолга тенг бўлмаган $\vec{a}$ ва $\vec{b}$ векторлар узунликлари б-н улар орасидаги бурчак

кўпайтмасига тенг миқдор. $\vec{a}$ ва $\vec{b}$ векторларининг С. к.си $(\vec{a}, \vec{b})$ ёки $\vec{a}\,\vec{b}$ каби белгиланади. С. к. $\vec{a}\,\vec{b} = |\vec{a}|\cdot|\vec{b}|\cos\varphi$ формула ёрдамида аниқланади. Векторларнинг С.к.си сондир. С. к. ушбу хоссаларга эга:

1) $\vec{a}\vec{b} = \vec{b}\vec{a}$; 2) $\vec{a}(\vec{b}+\vec{c}) = \vec{a}\vec{b} + \vec{a}\vec{c}$;

3) $(\lambda\vec{a})\vec{b} = \lambda(\vec{a}\vec{b})$, λ — ҳақиқий сон;

4) $\vec{a}\ \vec{a} > 0\,(\vec{a} \neq \vec{0})$, $\vec{a} \perp \vec{b}$ бўлса, у ҳолда С. к. нолга тенг. Фазодаги Декарт координаталар тизимининг Ox, Oy, Oz ўқларидаги бирлик векторлар $\vec{i}$, $\vec{j}$, $\vec{k}$ бўлса, у ҳолда $\vec{a} = x_1\vec{i} + y_1\vec{j} + z_1\vec{k}$, $\vec{b} = x_2\vec{i} + y_2\vec{j} + z_2\vec{k}$ векторларнинг С.к.си $\vec{a}\ \vec{b} = x_1x_2 + y_1y_2 + z_1z_2$ бўлади, яъни координаталари б-н берилган векторларнинг С. к.си векторлар мос координаталарининг кўпайтмалари йиғиндисига тенгдир. С.к. тушунчасини векторлардан бошқа каталлик (объект)лар учун ҳам киритиш мумкин. Мас., $[\vec{a}\ \vec{b}]$ кесмала квадрати б-н интегралланувчи функциялар тўпламида С.к.ни $(f,g) = \int_a^b f(x)g(x)\,dx$ каби киритиш мумкин. (f, g) учун С.к.нинг 1) — 4) хоссалари бажарилади.

СКАЛЯР МАЙДОН — ҳар бир $P(x, y, z)$ нуқтасига бирор $\varphi(P)$ сон (скаляр) мос келган фазо соҳаси. Мас., жисмнинг ҳар бир нуқтасидаги т-ра, суюқликнинг ҳар бир нуқтасидаги босим, зичлик, электр-ланган муҳит нуқталаридаги заряд ва ҳоказолар С.м. ҳосил қилади.

$\varphi(P)$ С.м.ни ўрганишда унинг *градиенти* $grad\ u = \frac{\partial\varphi}{\partial x}\vec{i} + \frac{\partial\varphi}{\partial y}\vec{j} + \frac{\partial\varphi}{\partial z}\vec{k}$ дан фойдаланилади.

Бирор $\varphi(P)$ С.м.нинг градиентидан иборат *вектор майдон* потенциал майдон, $\varphi(P)$ эса унинг потенциали дейилади.

СКАНДЕРБЕГ (Scanderbeg, Skënderbeu) Георг Кастриоти (Kastrioti) (тахм. 1405—1468.17.1) — албан халқининг усмонли туркларга асоратига қарши озодлик кураши раҳбари, Албаниянинг миллий қаҳрамони. Князь Кастриоти хонадонига мансуб бўлган. Ғўдаклигида турк султони Мурод II га гаров-омонат қилиб берилган, кейинчалик унинг қўшинида хизмат қилган. Саркардалик иқтидори туфайли бен унвонини ва Искандар Мақдунийи шарафига Искандар (Искандарбеи ёхуд бузилган шаклда — С.) номини олган. Султонга қарши курашни унга янгидан сўратла тайёргарлик кўриб, унинг ички ва ташқи душманлари б-н алоқа урнатган. Я. Хуньяди б-н музокаралар олиб борган. Ниш яқинидаги жангда (1443 и. 3 нояб.) венгер қўшинлари султон қўшини устидан галаба қозонгандан сўнг, С. 300 суворий б-н туркдан қароргоҳини тарк этиб Дибруга келган ва озод деҳқонларни турк мустамлакачиларига қарши озодлик курашига даъват этган. Петреля, Петралъба, Стелюши, Торчан, Светиград қалъаларидан турк гарнизонларини қувиб юборган. Албан мулкдорларини бирлаштиришга ҳаракат қилган, кўнгилли халқ лашкарларини асосини деҳқонлар ташкил этган мунтазам армияга айлантирган. С. раҳбарлигида албан халқи 24 йил мобайнида усмонийларга қарши курсатган. С. Леж шла вафот этган. Албанияда унинг номида орден таъсис этилган. Тиранадаги марказий майдон С. номи б-н аталади.

СКАНДИЙ (лот. Scandium), Sc — Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент; ат. рақами 21, ат. м. 44,9559. Табиатда С.нинг фақат бир изотопи ^{45}Sc борлиги маълум. С.нинг 10 та сунъий радиоактив изотоплари ичида β-нурланувчи изотоп ^{46}Sc ($T_{1/2}$=83,9 кун)нинг аҳамияти муҳим. У радиоактив индикатор сифатида ва тиббиётда ишлатилади. С. *нодир ер элементлар* жумласига киради. С.ни 1879 й.да швед олими Л.Нильсон Скандинавияда (лот. scandia, элементнинг номи ҳам шундан) гадолинит минералидан олган. Ер пўстининг масса жиҳатдан 6·10^{-4}% ини ташкил қилади.

С.нинг асосий минераллари тортвейтит Sc_2SiO_7 ва стерреттит — $Sc(PO_4)\cdot 2H_2O$ ниҳоятда кам учрайди. Улардан С. олинмайди.

С. оч сариқ гусда товланиб турадиган енгил, юмшоқ, болғаланувчан металл. Зичлиги 3,020 г/см^3, суюқланиш т-раси 1539±5°, қайнаш т-раси 2700° атрофида.

С. кимёвий хоссалари жиҳатидан фаол металлар жумласига киради. Ҳавода оксидланиши туфайли хиралашади. Хлорид ва сульфат кислота эритмаларида яхши эрийди, ўз бирикмаларида, асосан, 3 валентли, аммо алоҳида шароитларда С.нинг 2 валентли бирикмаларини ҳам олиш мумкин. С. 450° да водород б-н гидрид (ScH_3), 400—600° да галогенидлар б-н галогенидлар (мас., $ScCl_3$) ҳосил қилади. Ажи б-н 600° дан юқори т-рада реакцияга киришади. 800° да нитрид ScN вужудга келади. Оғирлигуғи, селен ва теллур б-н фақат юқори т-рада реакцияга киришади. С. тарқоқ ҳолда нодир-ер минералларидан бериллъ, вольфрамитда ва б. минералларда ҳам учрайди. Шунинг учун С. вольфрам, қалай, уран ва чуян ич. корхоналарининг чиқиндиларини қайта ишлаш йўли б-н олинади. Соф С. металл олиш учун $ScCl_3$ ёки ScF_3 ни калъций б-н қайтарилади; бу жараён натижасида ҳосил бўлган маҳсулот 1600—1700° да вакуумда ҳайдалади. С.ли ферритлар ЭҲМ учун хотира элементлар тайёрланида ишлатилади. С.нинг енгил кичик, суюқланиш т-раси юқори бўлганлиги сабабли ундан ракета ва самолёт ясаш материали сифатида фойдаланиш мумкин. С. ва унинг бирикмалари радиотехника ва радиоэлектроникада, термоэлектр генератор, оксид катод ва б. тайёрланда, ядро техникасида, металлургияда, шиша, кераминка, кимё саноатида, тиббиётда қўлланади.

СКАНДИНАВИЯ ТИЛЛАРИ — герман тилларининг шим. гуруҳчаси, дан (дат), швед, норвег (букмол ва нюнорск вариантлари), исланд, фарер тилларини қамраб олади. Дания (жумладан, Фарер ороллари) ва Швецияда, Финландиянинг гарбий қисмида, Норвегия ва Исландияда, қисман, Канада ва АҚШда тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 20 млн. кишидан ортиқ.

С.т. илк ёзма ёдгорликлари 3-а.дан маълум бўлган ва умумскандинав тили деб аталган қариндош лаҳжалар гуруҳидан келиб чиққан. Уларнинг ўзаро фарқланиши ва алоҳида тиллар пайдо бўлиши 9—11-а.ларда бошланиб, 15-а. ўрталарида ниҳоясига етган. Шу б-н бирга, муайян ўхшаш ва фарқли жиҳатлари бўйича С.т.нинг 2 та тарқалиш минтақаси: континентал (дан, норвег ва швед тиллари) ва ороллар (исланд ва фарер тиллари) минтақаси мавжуд бўлган.

Ҳоз. С.т. ўхшашлик асосида бир гуруҳни ташкил этса-да, улар тилининг барча сатҳларида муайян фарқларга эга. Мас., фонологик жиҳатдан швед ва норвег тиллари жуда яқин бўлиб, мусиқий урғуга эга бўлса, дан тилида айрим ундошларнинг унлиларга яқинлашуви кузатилади, исланд ва фарер тилларида эса урғусиз унлилар редукцияси учрамайди. Морфологик жиҳатдан дан, швед, норвег тилларида аналитизм белгилари, исланд ва фарер тилларида эса синтетизм белгилари яққол сезилиб туради; улар, шунингдек, грамматик жинс, келишик, сон категорияларининг миқдори ва қўлланиши, сифат ва феъл туркумларидаги ўзгача хосликлар б-н ҳам ўзаро фарқланади. Континентал ва ороллардаги С.т. лугат таркиби жиҳатидан ҳам муайян фарқларга эга: норвег, швед, дан тилларида лотин, немис, француз ва инглиз тилларидан ўзлашган сўзлар кўплаб учраса, исланд ва фарер тилларида бундай ўзлашмалар ўрнига ўз сўзлари мавжуд.

С.т. 3—11-а.ларда, асосан, руник ёзувдан фойдаланган. 12—16-а.ларда руник ёзув ўрнини аста-секин лотин ёзуви эгаллай бошлаган. Ҳоз. С.тининг барчаси лотин графикасига асосланган алифболарга эга. Лотин ёзувидаги энг қад. қўлёзмалар 12-а.нинг 2-ярмига тааллуқли.

СКАНДИНАВИЯ ТОҒЛАРИ — Скандинавия я.о.даги тоғлар, асосан, Швеция ва Норвегия ҳудудида. Шим.-шарқдан жан.-ғарбга 1700 км масофага чўзилган. Эни 600 км гача. Энг баланд жойи 2469 м (Гальхёпиген чўққиси). С.т. тектоник ёриқлар ўрнида юзага келган чуқур водий ва фьордлар б-н ажратилган алоҳида тоғлик, ассиметрик ва тизмалардан иборат. Рельефи қад. музликлар фаолияти натижасида анча текисланган. Ҳоз. рельефининг шаклланишида сув эрозияси, нивель минтақада эса қор ва музликлар ҳаракати етакчи роль ўйнайди. С.т.да Европанинг материк қисмидаги энг йирик музликлар жойлашган. Тоғлар қалеюн бурмалари жинслари ва Болтиқ қалқонининг ғарбий қисмига мансуб жинслардан тузилган. Темир, мис рудалари, титан, пирит конлари бор. Иқлими сернам денгиз иқлими. Дарёлари қисқа ва сершув. Тектоник ҳаракатлар ва музлик натижасида пайдо бўлган кўп тоғ ёнбағирлари жанд 900—1100 м гача, шим.да 300—500 м гача тайга ўрмонлари б-н қопланган. Ғарбий ёнбағирларида намлик катталиги сабабли ботқоқлик ва торфли ерлар кўп. Тог тайгаси минтақасидан юқори қисми тог тундраси ва ўтлоқлар. Улардан ёзги яйлов сифатида фойдаланилади.

СКАНДИНАВИЯ ЯРИМ ОРОЛИ — Европанинг шим.-ғарбидаги ярим орол. Шим.дан жан.га қарийб 1900 км га чўзилган, эни 800 км гача (Европада энг йирик ярим орол). Болтиқ, Шимолий, Норвегия ва Баренц денгизларини суви ўраб туради. Материкдаги чегараси шартли равишда Ботник қўлтигидан Варангер-фьорд қўлтигигача бўлган жойдан ўтган. С.я.о.да *Норвегия, Швеция* ва *Финляндиянинг* шим.-ғарбий қисми жойлашган. Шим. ва ғарбий қирғоқлари фьордлар б-н кучли парчаланган, архипелаг ва орол кўп. Ярим оролнинг жан. қисми Скагеррак бўғози ва Бохус қўлтиғи орқали иккита ажралган. Шарқи ва жанд.даги паст, қия соҳил қисми кичикроқ бухталар б-н парчаланган. С.я.о.нинг ғарбий ва шим. қисмида Скандинавия тоғлари (энг баланд жойи — 2469 м, Гальхёпитген тоғи), шарқида пастроқ Норланд ясситоғи), шарқида пастроқ Норланд ясситоғлиги (энг баланд жойи 800 м), жанд морендали пастекислик, ундан жануброқда ғарб, шарқ ва жанд.дан соҳилбўйи пастекисликлари б-н чегараланган гумбазисимон Смоланд қири (энг баланд жойи 377 м) бор. С.я.о. Болтиқ қалқони ва каледон бурмали структурасида жойлашган. Материк музланишининг Европадаги марказий хисобланган С.я.о.даги музининг қалинлиги айрим жойларда 1500 м га етган. Фойдали қазилмалардан темир, мис рудалари, титан ва кўргошин, шельф қисмида нефт конлари бор. С.я.о.нинг аксари қисми субарктика минтақа, чекка шим. қисми субарктика минтақасида. Ғарбида қиши юмшоқ денгиз иқлими (янв.нинг ўртача т-раси шим.да —4° дан жан.да 2° гача), ёзи биринчига (8—14°). Йиллик ёғин 1000—3000 мм. Скандинавия тоғлари тепаларида янв.нинг ўртача т-раси —16° гача, июлда 6—8°. Тахм. 5000 км^2 майдон муз б-н қопланган. С.я.о.нинг шарқий қисмида мўътадил иқлим континентал иқлимга ўтиб боради, янв.нинг ўртача т-раси шимда —15° дан жан.да —3° гача, июликси 10—17°, йиллик ёғини 300—800 мм. Дарё кўп, сершув, серостона, пироэнергия захирасига бой. Кўл кўп, улар тектоник ҳаракатлар ва музлик натижасида вужудга келган. 40% дан ортиқ майдони ўрмон. Ғарбида торф ботқоқликлари, жанд.да аралаш ва кенг баргли ўрмонлар бор. Чекка шимолий тундра. Ярим оролда ўрмон ҳайвонларидан лось, тулки, қуён, шим.да бугу яшайди. Қуш кўп. Қирғоққа яқин сувлари балиққа бой.

Скандинавия тоғларининг Норвегиядаги қисми.

СКАПОЛИТ (юн. skapos — ўқ, ўзак, устун ва lithos — тош) — силикатлар синфига мансуб минераллар гуруҳи. Чекка натрийли тури мариалит, кальцийли тури мейонит ва оралиқ аъзоси дипир (мейонит компоненти 20—50%), мицонит (50—80%). Асосан, мармар, гнейс, сланец тог жинсларида, ҳудди шунингдек, пневматолит жара-ёнларда вулкан жинслари бўшлиқларида, баъзан контакт-метасоматик жара-ёнларда нордон ва ишқорли магматик жинсларнинг оҳактош ва доломитлар б-н туташган жойлари (скарнлар)да яхши кристалланган минераллар шаклида учрайди. Мазкур гуруҳ минераллари Ўзбекистон ғарбидаги Лангар конида, Қурама тизмасидаги биметасоматик скарн жинсларида ўлчами 3—5 см гача узунликдаги кристаллар ҳосил қилади. Кристаллари призматик шаклда бўлиб, вулкан жинсларида рангсиз, сланец ва оҳактошларда кулранг, баъзан тўқ ҳаво рангладир. У шишалек ялтироқ, уланиш текислиги бўйича салгафаек товланади. Ушбу гуруҳ минераллари нураш жараёнида ўзгариб, баъзан иккиламчи минералларга айланади. С.дан безак тоши (главколит) сифатида фойдаланилади. Нураш жараёнида С.дан каолин ҳосил бўлади.

СКАРИФИКАЦИЯ (лот. scarifico — тирнаман, тиламан), уруғни скарификациялаш — униб чиқишини тезлаштириш мақсадида қобиғи қаттиқ уруғлар пўстини механик шикастлаш ёки юмшатиш. Асосан дуккакдошларга мансуб ўтлар уруғи, дарахт ва буталарнинг сув ўтказмайдиган қобиқли уруғлари С. қилинади. Скарификатор машиналарда бажарилади, айрим уруғларга қучли олтингугурт кислотаси б-н ёки бошқача усулларда ишлов берилади (мас., полизчиликда қовун, қовоқ, тарвуз уруғлари, пахтачиликда чигит унишини жадаллиги учун экиш олдидан ивитилади, намланади). С. экишга қадар бир ой ёки ундан камроқ қолгунда ўтказилади, чунки уруғ қобиғи шикастланганидан ёки жимагандан кейинги даврулуғларнинг ҳаёт фаолигига салбий таъсир кўрсатади.

СКАРЛАТИНА (лот. scarlatum — оч қизил ранг) —экссудат болаларда учрайдиган инфекцион касаллик. Иситма, умумий интоксикация, муртак безлари ва томоқнинг яллиганиши, терига майда тошмалар тошиши ва ҳ.к.

б-н кечади. Қўзғатувчиси А гуруҳига мансуб гемолитик стрептококклар. Касаллик манбаи — бемор, шунингдек, бошқа стрептококкли инфекция (ангина, фарингит)лар б-н оғриган кишилар. Инфекция ҳаво-томчи йўли орқали юқади. Баъзи бемор фойдаланган ўйинчоқ, идиш-товоқлар ва б. ҳам С. тарқалишига сабаб бўлади. Кўпроқ 2—6 яшар болаларда куз-қиш ойларида учрайди. Яширин даври ўртача 2—7 кун. Одатда, тўсатдан бошланади. Гавда ҳарорати тез 39—40° гача кўтарилиб, бемор ҳолсизланади, боши ва томоғи оғрийди, кўпинча қусади. Касалликнинг дастлабки кунларида терида қизил, майда нуқтасимон тошмалар пайдо бўлади. Томоқда С.га хос *ангина* аломатлари кўзга ташланади, қизарган юмшоқ танглай қаттиқ танглайнинг оқиш шиллиқ қаватида яққол ажралиб туради. Тил қалин караш б-н қопланади. Жаг ости безлари катталашади ва пайпаслаганда оғриқ сезилади. Касалликнинг авж олган даври 4—5 кун давом этади. Бу даврда ангина, лимфа безларининг катталашиши, тошмалар ортиб боради. Гавда ҳарорати 39° ва ундан ҳам юқори бўлади. Беморнинг эсҳуши хиралашиши, алаҳлаш ҳоллари кузатилиши мумкин. 4—5 кундан сўнг ҳарорат пасайиб, бемор ўзини яхшироқ ҳис қилади. Тил учи томонидан каштандан тозаланиб боради. Ундан мусаффо бўлгач, тил малинага ўхшаб қип-қизил бўлиб қолади. Касалликнинг 6-кунларидан соғайиш даври бошланади. 10-кунларига келиб касалликнинг барча аломатлари йўқолади. Касалликнинг иккинчи ҳафтасидан бошлаб терида пўст ташлаш кузатилади, баданда майда кепаксимон, қўл ва оёқ кафти, панжалардан пўст палаҳса бўлиб кўчади. С.нинг енгил, ўртача оғир ва оғир турлари ажратилади. Касалликнинг дастлабки кунларидан бошлаб қонда яққол ифодаланган *лейкоцитоз*, эозинофилия, ўзгаришлар рўй беради. Эритроцитларнинг чўкиш тезлиги (ЭЧТ) ҳам ортиб, соатига 30—50 мм ни ташкил қилиш мумкин. С.нинг барча турларида ҳам турли асоратлар: нефрит, лимфаденит, синусит, юрак-томир системасининг жароҳатланиши ва б. кузатилади. С. б-н оғриган бола, албатта, ўринкўрпа қилиб ётиши шарт, уни касалхонага ётқизиш-ётқизмасликни врач ҳал қилади. Касаллик енгилроқ кечганида беморни уйда даволаш мумкин.

Давоси. Беморнинг оғзи ва томоғи 2%ли сода эритмаси ёки 1:5000 нисбатдаги фурацилин эритмаси б-н чайиб турилади. Эритромицин, пенициллин, бицилллин-5 ва б. антибиотиклар 7 кун давомида берилади. Аллергияга қарши препаратлар қўлланади.

СКАРЛАТТИЛАР —итальян композиторлар оиласи. Алессандро Скарлатти (1660.2.5, Палермо — 1725.22.10, Неаполь) — Неаполитан опера мактаби асосчиси. Турли капеллалар, Рим ва Неаполь консерваторияларида дарс берган. Жами 130 га яқин опера, 600 дан зиёд диний ва дунёвий кантата ва б. асарлар яратган. Опера-серия (жиддий, катта опера) ва симфония жанрлари шаклланишига катта таъсир кўрсатган. Ўзининг бир қатор операларида шарқона мавзуларга мурожаат қилган. Хусусан, «Тиберий, Шарқ императори» (1702) ва «Буюк Темурланг» («Il gran Tamerlano», 1706 йил Римда катта муваффақият б-н саҳналаштирилган) каби асарлари б-н мазкур анъананинг Италияда пухта ўрин олишига асос солган. Доменико Скарлатти (1685.25.10, Неаполь — 1757.23.7, Мадрид) — композитор, созанда (орган, клавир). А. Скарлаттининг ўғли. Опера, кантата ва б. асарларнинг муаллифи. 500 дан зиёд клавир (асосан, қад. соната) асарларида мураккаб ижро усулларини қўллаб, янги клавир услубини яратган, классик соната жанрига замин тайёрлаган.

СКАРНЛАР (шведча scarn, айнан — лой, чиқинди) — метасоматик тог жинслари. Оҳактошли магнезиал-темирли силикатлар ва алюмосиликатлардан таркиб топган; магматик тог жинсларининг юқори т-рали контакт ореоли зонасида карбонатли жинсларнинг қайноқ магматоген эритма воситасида магма, интрузив ёки бошқа алюмосиликат жинслар б-н ўзаро кимёвий таъсири натижасида ҳосил бўлади. Ca-Mg-Fe силикатлари ва алюмосиликатлари (диопсид-геденбергит қаторининг пироксенлари ва гроссуляр-андрадит қаторининг гранатлари)дан тузилган оҳактошли С. ва таркибида магнийли минераллар (форстерит, диопсид, шпинель, флагопит) бўлган магнезиал С. фарқ қилинади. Оҳактошли С. оҳактошларнинг алюмосиликат жинслари б-н туташган жойида 10—12 км гача чуқурликда магматик босқичдан кейин ҳосил бўлади. Магнезиал С. доломитларнинг магма б-н ўзаро таъсири натижасида ёки катта (10—12 км дан зиёд) чуқурликда магматик босқичдан сўнг алюмосилат жинслар б-н туташган жойида вужудга келади. С. кўпинча контакт (туташган) линзасимон ва қатламсимон ётқизиқларда, баъзан карбонат ёки алюмосиликат жинсларда найсимон ёки томирсимон жинслар шаклида учрайди; скарн жинслар кўпроқ зонал тузилишга эга. С.да руда (вольфрам, молибден ва б.) ва нометалл фойдали қазилмалар (флюорит, боратлар ва б.нинг йирик тўпламлари бўлади. Шунга кўра, конларнинг ажралиш тури — скарн конлари фарқ қилинади; бундай конлар саноат аҳамиятига эга.

С. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистонда кенг тарқалган. Нурота, Зирабулоқ, Қоратепа, Чатқол, Қурама тоғларидаги вольфрам, молибден, полиметалл ва темир конлари С. б-н боғлиқ. Хорижда РФ (Магнитогорск темир рудаси кони), Қозоғистон (Соколов-Сарбай темир рудаси кони), Кавказ (Тирнауз вольфрам-молибден кони) ва б. жойларда; норуда конлардан боратлар, флагопит конлари мавжуд.

СКАТЛАР (Batomorpha яъни Batoidei) — тоғайли балиқлар синфига мансуб балиқлар катта туркуми (баъзан туркум). Танаси ясси, кенг дискисимон ёки ромбсимон, узунлиги бир неча см дан 6—7 м гача, вазни 2,5 т гача. Териси ялангоч ёки пихлар б-н қопланган. Жабра ёриқлари 5 та, қорин томонида жойлашган. Кўкрак сузгичлари қирраси, бошни ва танаси ёнига туташган. Орқа сузгичлари думи устида ёки бўлмайди. Анал ва кўпинча дум сузгичлари йўқ; кўкрак сузгичлари жуда кенгайган. Тишлари ўзаро тиғиз жойлашиб, кучли қирғични ҳосил қилади. 5 туркум, 14 оила ва 350 тури ўзи ичига олади. Сув тубида, айримлари (мантолар ва қозиқдумлилар) сув қатрида яшайди. Асосан, денгизлар ва океанларда 2700 м чуқурликкача яшайди. Айрим турлари тропик минтақалардаги дарёлар (Амазонка дарёси ҳавзаси)да учрайди. С. сув тубидаги организмлар б-н озиқланади; бир қанча турлари йиртқич. Тирик туғали ёки тухумдан тирик туғади; фақат ромбсимон скат мугуз капсулага ўралган йирик тухумларини сув тубига қўяди. Ҳар бир урғочиси организмида 1 та дан бир неча 10 тагача эмбрион ривожланади. Электр скатнинг танаси икки ёнида электр органлари жойлашган. Қозиқдумнинг думидаги ўткир пихида заҳар бези бўлади. Бир қанча турлари Қора ва Азов денгизида ҳам учрайди. Овланади. Айрим турлари одам учун хавфли.

СКАФАНДР [юн. skaphe — қайиқ ва aner(andros) — одам] — учувчи, космонавт, астронавт ва ғаввосларнинг герметик кийими. Одамнинг ҳавоси сийрак атмосферада, космик фазо ва сув остида ишлашига имкон беради, атмосфера режимини (босим, т-ра, намлик ва газ таркибини) маълум даражада сақлаб туради. С.нинг қутқарув

ишлари ва космик парвозлар учун мўлжалланган хиллари бор. Қутқарув С.и самолёт ёки космик кема кабинасининг герметиклиги бузилганда, жуда баландда катта техник б-н учиш пайтида катапульталанганда ҳамда юқори ва паст т-рали шароитда учувчи ва космонавтларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун ишлатилади. У юмшоқ герметик кийим-бош, қаттиқ шлем, этик ва қўлқопдан иборат. Ҳаво С. ичига сиқиқ ҳаво манбаи (мас., двигатель компрессори)дан келади. Ҳаво берк контур бўйлаб айланиб юрадиган (регенерацион) С. ҳам бор. Бунда ҳаво махсус мосламалар б-н тозаланиб турилади. Космик С. космонавтнинг очиқ космик фазода ёки бошқа сайёра сиртида узоқ муддат бўлишини таъминлайди. Бундай С.қаттиқ ёки юмшоқ бўлиши мумкин. Космонавт мустақил тизимдан ёки космик кема бортидаги тизимдан шланг орқали кислород б-н таъминланади. Бундай С.да т-ранинг кескин ўзгариши ва радиациядан космонавтни асровчи қобиқ бўлади. У ҳаракатланиш ва



Космик скафандр: 1 — бош қисми; 2 — ҳаётни таъминлаш панели; 3 — кислород юбориш қўчимчаси; 4 — фонар; 5 — кожух; 6 — кислород, сув найчалари, алоқа сими; 7 — қўлқоп; 8 — чўнтак; 9 — пойабзал тилофи; 10 — сийдик йиғгич; 11 — ташқи қобиқ; 12 — оёқ тизим трослари ўтказиладиган халқа; 13 — кислород найчаси; 14 — ҳаётни таъминлайдиган автоном тизим; 15 — қора кўзойнак чўнтаги; 16 — кислород захираси.

ориентация воситалари б-н, космонавтнинг аҳволи ва асосий физиологик кўрсаткичларини Ердан туриб назорат қилиб боришга имкон берадиган биотелеметрик тизим б-н таъминланиши шарт. Ғаввослар киядиган С. резиналанган матодан тикилади, шлеми металлдан ясалади; у жуда чуқур сувда ишлашга имкон берадиган зирҳли аппарат б-н таъминланади.

СКВОРЦОВ Юрий Александрович (1898.23.3 — Тошкент — 1968.21.2) — геолог ва геоморфолог. Геол.-минералогия фанлари д-ри (1948), проф. (1949). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1961). Ўрта Осиё ун-тининг қишлоқ хўжалиги ф-тини тугатиб (1929), шу ун-т қошидаги Тупроқшунослик ин-тида ишлай бошлаган. 1944 й.дан ун-т география ф-тининг табиий география кафедрасида проф. Илмий ишлари тўрламчи давр геологияси, геоморфологияси, дала тадқиқотлари методикасига бағишланган.

Ас: Геология степь (в соавторстве), Т, 1957.

СКЕЛЕТ (лот. skeletos — қуриб қолган) —одам ва ҳайвонлар организмида таянч ва ҳимоя функциясини бажарадиган қаттиқ тўқималар мажмуи. Бир қанча умуртқасиз ҳайвонларда чиғаноқ ёки кутикуладан иборат ташқи С. ривожланган. Ташқи кутикула С. чувалчанглар ва *бўғимоёқлилар* учун хос. Бўғимоёқлилар кутикула С.ига оҳак шимилган. Гидроид полиплар колонияси умумий С. — перисарк б-н қопланган. Тропик денгизларда кенг тарқалган мадрепор коралларининг оҳак С.и ҳам ташқи ҳимоябланади. Ички С. говактанлиларда ривожланган бўлиб, оҳак ёки кремний ниналардан иборат. *Нотатеризимлар* С.и тери ости бириктирувчи тўқимасида жойлашган, оҳак мезодермада ҳосил бўлади. Бошоёқли моллюскларда бош мияни ҳимоя қилиб турадиган ички тоғай С. мавжуд. Тубан хордалилар (бош кутисизлар)нинг ички С.и хордадан ташкил топган. Умуртқалиларнинг ички С.и жуда мураккаб тузилган бўлиб, бош, тана, ўқ С. (хорда ёки умуртқа поғонаси, қовурғалар) ва оёқлар С.идан иборат. Тўғрак оғизлилар ва тоғайли балиқларн

Айрим ҳолларда ҳаракат органлари бутунлай йўқолиб кетади (оёқсиз сувда ва қуруқликда яшовчилар, илонлар, айрим калтакесаклар).

Одам С.и 200 дан ортиқ суяклан иборат бўлиб, тузилиши одамсимон маймунларникига ўхшайди. Одам С.и одамсимон маймунлар С.идан калла суяги ҳажмининг катта бўлиши, оёқ ва қўллар, умуртқа поғонаси, чаноқ суягининг бошқача тузилганлиги б-н фарқ қилади. Бундай фарқ тик юриш ва мия ҳажмининг катта бўлиши б-н боғлиқ. Эркаклар С.и оёқ ва қўл суякларининг нисбатан йириклиги, чаноқ суяклари орасидаги тешик кичиклиги, кўкрак қафасининг кенгроқ бўлиши б-н хотин-қизлар С.идан фарқ қилади (қ. *Одам, Калла суяги, Умуртқа поғонаси*).

Соҳиб Рустамов.

СКЕПТИЦИЗМ(юн. skeptikos —кўриб чиқувчи, талқиқ қилувчи) — ҳақиқатнинг бирон ишончли мезони мавжудлигига шубҳа б-н қарайдиган фалсафий нуқтаи назар. Унинг вакиллари объектив воқеликни идрок қилиш мумкинлигига шубҳа қиладилар. С. антик жамият инқирозга юз тутган даврда юзага келди. С.нинг ўта шакли *агностицизм*дир. Унинг ривожланишини 3 даврга ажратиш мумкин: илк С. (*Пиррон*), Платон академияси С.и (Аркесилай, Карнеад), сўнгги давр С.и (Энесидем, *Секст Эмпирик* ва б.). С.нинг йирик намояндаларидан бўлган Д. Юм фикрича, гарчи объектив реаллик мавжуд, деган ишонч кучли бўлса-да, бу ишончни на фан, на амалиёт тасдиқлади. Юм табиат ва ундаги ҳодисаларни билишда шубҳаланади. Унингча, табиат ўз сирини одамлардан узоқда тутади. Янги давр (16—18-а.лар)да С. ҳурфикрлилик, диний ва фалсафий ақидаларнинг танқиди (М. Монтень, П. Вейль ва б.) синонимига айланган.

СКЕРЦО (итал. scherzo — ҳазил) —даставвал (16—17-а.ларда) ҳазил матнларга ёзилган вокал ҳамда ўйноқи характерли чолғу пьесалар номи (мас., К. Монтеверденинг «Scherzi musicale», 1607). Кейинчалик чолғу сюита (И. С. Бах клавир партиталари) ҳамда соната-симфоник туркуми (Й. Гайдн, Л. Бетховен асарлари)нинг таркибий қисми. С.га 3 ҳиссали ўлчов, жадал суръат, қарама-қарши (кўпинча, ўйноқи, ҳажвий ёки ҳазил) образларнинг кескин алмашинуви хос. 19—20-а.ларда С. мустақил асар сифатида (Ф. Шопен, Р. Шуман, И. Брамс, П. Чайковскийларнинг фортепиано С.лари, П. Дюканинг «Сеҳргар шогирди», И. Стравинскийнинг «Фантастик С.»си каби оркестр С.лари) ҳам кенг ривож топди. А. Брукнер, Г. Малер, Д. Шостакович симфониялари драматургиясида С. қисмлари алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон композиторлари ижодида С. нинг барча турлари учрайди. Ик. Акбаров, Г. Мушель, М. Тожиев, Н. Раҳимов ва б. симфония, концерт, соната каби туркумли асарларида, А. Козловский, Ф. Назаров, Б. Гиенко ва б. айрим созлар учун мўлжалланган С.лар яратганлар.

СКИАТРОН [юн. skia — қуланка ва (электрон] — қора тасвирли электрон нурли трубка. Экранда оқ фондаги қора чизиқлардан иборат тасвир пайдо бўлади. Ини баъзи кристаллар (мас., содалитнинг электронлар б-н бомбардимон қилинганда уларнинг ўз рангини ўзгартиришига (қорайтиришига асосланган. С. маълумотларни узоқ вақт сақлашга ва қайд қилинган тасвирларни кузатиш равиши ёруғликка ҳам одини кўз б-н кузатишга, тасвирни катта экранга проекциялаб туширишга имкон беради. С. маълумотларни радиолокацион ва телевизион қурилмаларда акс эттиришда қўлланади. Мас., Ой сирти тасвирини катта экранда кузатишда С.дан фойдаланиш мумкин.

СКИКДА — Жазоирнинг шим.-шарқий қисмидаги шаҳар. Скикда вилоятининг маъмурий маркази. Аҳолиси 130 минг кишидан иборат. Ўрта денгиз бўйидаги порт. Нефть кимёси, нефтни қайта ишлаш, озиқ-овқат (зайтун мойи, мева ва балиқ консервалари ва ҳ.) саноати корхоналари, нефтни электр ст-яси бор. Пластмасса ишлаб чиқарилади. С.га қувурлар орқали келтирилган нефть ва газ экспорт қилинади.

СКИЛ (юн. Skyles) — скифлар подшоси (мил.ав. 5-а.). *Геродот*нинг ёзишича, С. скифлар подшоси Ариапейт (Ариапиф) ва Истрополь ш. дан бўлган юнон қизининг фарзанди бўлган. Онаси С.га юнон тили ва ёзувидан таълим берган. С. Ольвия ш.да катта уй солдирган, унда барча нарсаларда эллинларга тақлид қилиб, эллинча яшаган ва эллинлар уруми бўйича маъбудларга қурбонлик қилган. Бундан хабар топган скифлар С.га қарши исён кўтарган. У Фракия подшоси Ситалк ҳузурига қочиб борган. Скифлар ва фракияликлар ўртасидаги уруш даврида С. биродари Октамасадга топширилган ва қатл этилган.

СКИЛУР (юн. Skiluros) — скифлар подшоси (мил.ав. 2-а.). С. даврида Скифия таркибига Жан. Буг ва Днепр дарёларининг қуйи оқими бўйидаги ерлар ва пойтахти Скифлар Неаполи (ҳоз. Симферополь ҳудуди) бўлган Қрим давлатлари кирган (қ. *Неаполь*). Скифларга тобе этилган Ольвияда С. танга зарб эттирган, маҳаллий савдогарлар ерламида галла (бўғдойнни хорижий мамлакатларга чиқарган, давлат ҳудудини кенгайтиришга, қад. шаҳар-давлат — Херсонеслан Қрим соҳили ва б. мулкларни тортиб олиб, денгизга чиқишга ҳаракат қилган. Бунга эришиш учун у сарматларга мансуб *роксоланлар* б-н ҳарбий иттифоқ тузган, бироқ Херсонес Понт подшоси Митридат Евпатор ҳомийлигига утган. Митридат б-н бўлган уруш даврида С. қафот этган, Скифия мил.ав. тахм. 108—107 йилларда мағлубиятга учраган.

СКИН-ЭФФЕКТ (инг. skin — тери, қобиқ ва *эффект* (сиртий эффект) — ўзгарувчан ток ва у б-н боғлиқ бўлган электромагнит тўлқинларнинг муҳит ичига кириш сари сўна боришни. Бунинг натижасида, мас., ўзгарувчан ток ўтказгичнинг кундалант кесими бўйича ёки магнит оқими магнит ўтказгичнинг кундалант кесими бўйича бир текис тақсимланмайди. Етарлича юқори частоталарда ток, асосан, ўтказгичнинг юзқа сиртки қатлами (скин-қатламида оқади ва амалда унинг чуқур қатламлари (ичида) бўлмайди. Ўтказгич қанча йўғон ва ўзгарувчан ток частотаси қанча юқори бўлса, тақсимлаш шунча кескин фарқ қилади. Электромагнит тўлқинининг амплитудаси *e* марта камаядиган масофа кириш чуқурлиги ёки скин-қатлам дейилади.

С.-э. электромагнит тўлқинлар ўтказувчи муҳитда тарқалаётганда *уюрма токлар* вужудга келиб, электромагнит энергияси бир қисмининг иссиқликка айланишига асосланган. Бу электр ва магнит майдонлари кучланганлиги ва ток зичлигининг камайишига, яъни тўлқинининг сўнишига олиб келади.

Электромагнит майдон частотаси ν ва ўтказгичнинг магнит сингдирувчанлиги μ қанча юқори бўлса, ўзгарувчи магнит майдони вужудга келтираётган уюрма токнинг электр майдони ҳам шунча кучли бўлади. Ўтказгич ўтказувчанлиги σ қанча катта бўлса, ток зичлиги ва ҳажм бирлигидан ажраладиган қувват ҳам шунча юқори бўлади. ν, μ, ва σ қанча катта бўлса, сўниш шунча кучли бўлади, С.-э. аниқ кузатилади.

Ток частотаси ва материалнинг хусусиятлари б-н боғлиқ бўлган скин-қатламни қалинлиги δ ва ток элтувчи (электрон)ларнинг эркин югуриш йўли l орасидаги муносабатга қараб, нормал С.-э. ($\delta >> l$) ва аномал С.-э. ($\delta << l$) хилларга бўлинади. Аномал С.-э.да электромагнит тўлқинларнинг сўниши миқдор жиҳатдан бошқача бўлади. Сўниш экспоненциал бўлмайди:

$R/X = \sqrt{3}$ (R — ўтказгичнинг актив қаршилиги, X — индуктив қаршилик). С.-э. металлар, плазма ва б.да содир бўлади. Амалда ундан кенг фойдаланилади. Хусусан, электромагнит экранларининг ички, пулат буюмларнинг юзаларини тоблаш С.-э.га асосланган.

СКИПИДАР — терпен углеводородларидан иборат мураккаб аралашма (қ. *Терпенлар*). Рангсиз, тиниқ, учувчан, ўзига хос ҳидли суюқлик. Қайнаш т-раси 153—225°, ичлиги 850—870 кг/м³. Сувда эримайди, кўпгина органик эритувчилар б-н ҳар қандай нисбатда аралашади. Ёнувчан; ҳавода, айниқса, ёруғликда оксидланади ва қуюқлашади. Кислоталар ва нейтрал таъсирида осон изомерланади ва полимерланади. Игна барглн дарахтлардан сув бути ишторкида ҳайдаш, ёғочни қуруқ ҳайдаш ёки эритувчилар б-н экстракциялаш йўли б-н олинади. Лок, бўёқ, ёғларни эритишда, камфора синтезида, тиббиётда ва б. соҳаларда ишлатилади.

СКИФ ТИЛИ — ҳинд-европа тиллари оиласидаги эроний тилларнинг шим.-шарқий гуруҳига мансуб тил; мил. ав. 8—7-а.лардан мил. 4-а.гача Қора денгизнинг шим. қирғоғидан шарққа Хитой чегарасигача бўлган чўл-дашт ҳудудларда яшаган қад. скифлар тили (бунгача скифларнинг аждодлари турки забон бўлган). С.т.да қад. яхлит ёзув ёдгорликлари сақланиб қолмаган. Юнонча матнларда учраган ва атоқли отлар, жой номлари, қабила, уруғ номлари С.т.нинг эроний тилларга мансублигини кўрсатади. Уларни таҳлил қилиш учун эроний тиллар, энг аввало, С.т.нинг давомчиси ҳисобланган осетин тили материаллари асос, воситя бўлиб хизмат қилади.

СКИФИЯ — Қора денгизнинг шим.-гарбий соҳиллари, Азов денгизи атрофидаги дашт ва Қрим чўлларининг илмий адабиётлардаги номи. Мил. ав. 7—мил. 3-а.ларда С. кўчманчи скиф қабилалари яшаган юрт сифатида тилга олинади. *Геродот* С.нинг чегараси 20 кунлик йўлга тенг жой, деб таърифлайди, аммо, археологик материаллар скифларга тегишли маданият ёйилган ҳудудлар доираси жуда кенг эканлигидан далолат беради. Геродотнинг маълумотига кўра, улкан С. ичида «Аэлий Скифия» бўлиб, у Дунай дарёсининг қуйи ҳавзаси ҳудудларини ўз ичига олган, унинг географик марказий қисмида (ҳоз. Николаев ш. яқинида жойлашган) Ольвия ш. (Борисфен) бўлган. *Страбон* эса «Кичик Скифия» сифатида Қрим дашт ларини ва Қора денгизнинг шим.-гарбий соҳилларини тилга олади. Мил. ав. 4-а.дан бошлаб С. ҳудудлари сармат қабилалари сиқуви остида қисқара бошлайди. Мил. 3-а.га келиб, Қора денгизнинг шим. бўйлари Сарматия деб аталадиган бўлди.

СКИФЛАР — Қора денгиздан шим.-гарбда, Дунай ва Дон, Днепр ва Днестр дарёлари қуйи ҳавзаларидан то Волгадарёлари қуйи ҳавзаларидан то Волгага қадар бўлган ҳудудларда яшаган чорвадор аҳоли (мил. ав. 7—мил. 3-а.). Евразия аҳоли (мил. ав. 7—мил. 3-а.). Европа адабиётида С. ҳақида шим. эрон тилларининг турли лаҳжаларида сўзловчи қабилалар сифатида тасаввур шаклланган. Аслида эса бу ҳудудларда скифларга қадар яшаган *киммерийлар* эрон забон бўлган. *Геродот*нинг ёзишича қараганда, бу юртларга С. Осиёдан кўчиб келганлар ва ерли аҳолининг тил муҳити таъсирида эронлашганлар. Асл ватани Волгадан шарқда, яъни Осиёнинг Қозоғистон чўллари, Жан. Урал ва Олтой ҳамда Жан. Сибирь ҳудудлари бўлиб, скиф қабилалари аслида туркий тилларнинг турли лаҳжаларида сўзлашувчи орийлар эди. Чунки, шу минтақалар аҳолисининг моддий маданияти ва антропологик типи жез давридан бошлаб бир-биридан фарқ қилмайди. Илк Шим. Хитой подшоликлари (мил. ав. 2205—1766 й.ларда «Ша», мил. ав. 1766—1122 й.ларда «Шанг» сулолалари)дан қолган ёзма манбаларга кўра, «ди» турк сўзининг хитойча транскрипциясидир. Улар Хитойдан шим.да ва шим.-гарбда яшашган. Қад. хитойчада «бэй» сўзи шимни кўрсатган. «Бэй»га «ди» қўшилиб, ҳосил бўлган «бэйди» сўзи эса илк Хитой подшоликлари даврида улардан шим.да яшовчи чорвадор туркий тилли ҳунну қабилаларига нисбатан ишлатилган. Демак, жез даврида Жан. Урал, Марказий ва Шарқий Қозоғистон, Олтой ва Жан. Сибирь минтақаларида яшаб, археологик адабиётларда *Андроново маданияти* номи б-н юритилган қад. чорвадор аҳоли туркий забон бўлган. С. Евросиё чўллари аҳолисига эрондилар томонидан берилган умумий ном бўлиб, эрон манбаларида уларни *сакалар* деб юритилган. Геродот «форслар скифларни сақлар» деб атайди деб ёзади. Махсус археологик адабиётларда Қора денгизнинг шим. ва шарқий соҳиллари аҳолисига скиф атамаси ишлатилса, Ўрта Осиё, Еттисув ва Қозоғистон чўллари ҳамда Тоғли Олтой аҳолисига нисбатан кўпроқ сак атамаси ишлатилиб келинади. Геродотнинг ёзишича қараганда, осиёлик С. дастлаб шим. ва шарқий Қора денгиз соҳилларини эгаллаб, ерли туб аҳоли — киммерийлар устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатгач, киммерий суворийларини Кичик Осиёга қувадилар, сўнг Мидия, Сурия ва Фаластин ҳудудларини, Шим. Месопотамияни эгаллайдилар.

Мил. ав. 7-а. бошларида Мидия давлати кучайиб, С.ни у ердан ҳайдаб чиқаради. С. Қора денгизнан шим. ва шарқда, Днепрдан Донгача бўлган чўлларда ўрнашиб, энди маҳаллий киммерий қабилалари б-н иттифоқларда яшай бошлайдилар. Эллинлар эса бу жойларни *Скифия* деб атайдилар. Мил. ав. 7-а.да Скифия жуда катта сиёсий-ҳарбий куч эди. Геродотнинг ёзишича, Доро босқинч қудратли Форс давлати мил. ав. 513 й.да С. устига юриш қилиб, ўз мақсадига эриша олмаган. Аксинча С. ахоманийларга тобе ерларга жавоб ҳужумлари уюштириб, уларни даҳшатга солдирлар. Барча скифларнинг тили, дини ва урф одатларининг бир хил эканлиги манбаларда таъкидланади.

С. давлати мил. ав. 5—4-а.ларда Азов денгизидан Дунай дарёсигача ҳудудларни бирлаштирган кучли ҳарбий-демократик давлат бўлсада, мил. ав. 3-а.нинг охирларида Дон ортидан келган сарматларнинг ҳужуми натижасида бир қисм ҳудудидан ажраб, анча заифлашади. Мил. 1-а.нинг 2-ярмида С. бир неча бор Боспор подшолиги б-н урушлар олиб бориб, ўзининг аввалги жанговарлик руҳини йўқотади ва инқонт мил. 3-а.да Скифия *готлар* томонидан тугатилди. *Халқларнинг буюк кўчиши*

Ритон тутган икки скиф жангчиси. Кулоба мозорқўрғони (мил. ав. 7—5-а.лар).

Тамань ярим оролидаги скиф мозорқўрғонидан топилган амфора (мил. ав. 4—2-а.лар).

даврида С. бошқа қабилалар таркибига сингиб, нафақат мустақиллик, балки этник хусусиятларини ҳам йўқотадилар.

Ад.: Геродот, История в девяти книгах, пер. с греческого, т.1, кн. 1—4, Л., 1972; Граков Б. Н., Скифы, М., 1971; Григорьев В. В., О скифском народе саках, СПБ, 1871.

Аҳмадали Асқаров.

СКИФЛАР МАДАНИЯТИ —Қора денгизнинг шим.-ғарбий ҳудудларидан то шим.-шарқий Хитойгача чўзилган даштларда (Дунай ва Дон, Днепр ва Днестр қуйи ҳавзалари, Азов ва Қрим даштлари, Қуйи Волга, Қозоғистон чўллари, Жан.-Шарқий Урал, Тоғли Олтой, Жан. Сибирь даштлари) кўчманчи чорвачилик б-н шуғулланувчи қабилаларнинг хўжалик ва этномаданий ҳаёти, кундалик турмуш тарзи, эътиқоди, урф-одат ва удумлари маънавий дунёсининг мажмуаси (мил. ав. 7—мил.нинг дастлабки асрлари).

С.м. ва уларнинг нафис санъати ҳақидаги бой материаллар скиф подшолари ва қабила сардорларининг мозорларини археологик қазишлар туфайли қўлга киритилди. Чунки, юнон муаррихларининг хабарлари ва скиф мозорқўрғонларида ўтказилган археологик қазиш натижаларига кўра, скиф подшолари, қабила сардорлари вафот этганда, уларнинг ҳаётлик чоғидаги даблабали турмуш тарзидан нишона сифатида, улар б-н бирга бойлигининг бир қисмини, севимли хотини ва хизматкорларидан айримларини, қабила сардорининг жанговарлик ҳолатидаги қурол-аслаҳалари ва бир неча отлари б-н бирга кўмиш одат бўлган. Скифлар ер юзасига каттагина ёғоч уй-хона тиклаб, унинг ўртасига ёғоч тобутда жанговар ҳарбий ҳолатдаги кийим-кечаги б-н скиф сардори жасадини қўйишган. Ёғоч тобут атрофига марҳумга тегишли ҳар хил буюмлар: қурол-аслаҳа, сопол, жез, олтин ва кумуш идишларда овқатлар ва ичимлик қўйилган. Чунки, скифлар эътиқодига кўра, марҳум у дунёда ҳам яшашда давом этади, леган

Костромская мозорқўрғонидан топилган олтин бутун. Эрмитаж (мил. ав. 7—6-а.ларнинг 1-ярми).

Толстая могила (Бовқабрдан топилган пектораль (бўйин тақинчоқ). Қоракўл суртерисини муҳокама қилаётган икки скиф

тасаввур мавжуд бўлган. Марҳум оёқ томонига хотинларидан ва унга хизмат қилувчи чўриларидан баъзилари ўлдирилиб, маликанинг бойлиги ва унга аталган олтин арава ҳам қўшиб кўмилган. Қабрхона (ёғоч уй) деворлари гулли кигиз ёки гиламлар б-н безатилган. Қабрхона ташқарисига марҳум отларидан унинг мавқеига кўра, 3 тадан то 15 тагача жанговар отлари ўлдириб кўмилган. Сўнг қабр устига хас-чўплар босиб, устидан тош уюми ҳосил қилишган. Сўнг унинг устига қалин тупроқ босилган. Натижада, бал. 15-30 м дан кам бўлмаган мозорқўрғонлар қад кўтарган. Ана шундай мозорқўрғонларнинг кўпи афсуски қадимда ўғирланган, қимматбаҳо буюмлар талаб кетилган, уларнинг қиш фаслида ўғирланганлари ичига сув кириб — музлаб қолган ва бизгача шу ҳолатда етиб келган. Мил. ав. 5—4-а.ларга оид Олтойнинг *Позирик мозорқўрғонлари* бунга мисол бўла олади. Мас., «хайвон тасвирлари услуби» номи б-н машҳур ноёб топилмалар Кулоба, Чертомлик, Солоха, Позирик, Башадар, Аржан каби скиф мозорқўрғонларидан топилган бўлиб, ҳозир улар жаҳон маданият хазинаси сифатида Эрмитаж ва Киев санъат музейини безаб турибди.

Ад.: Геродот, История в девяти книгах, пер. с греческого, том 1, кн. 1—4, Л., 1972; Граков Б. Н., Скифы, М., 1971; Хазанов А. М., Золото скифов, М., 1975; Григорьев В. В., О скифском народе саках, СПБ, 1871; Грязнов М. П., Аржан-царский курган раннескифского времени, Л., 1980.

Аҳмадали Асқаров.

СКИФЛАР ПОДШОЛИГИ, Скифлар давлати — Шим. Қора денгиз бўйларида ташкил топган кўчманчи қабилаларнинг конфедератив сиёсий уюшмаси (мил. ав. 4-а.нинг ўртаси — мил. 3-а.нинг 2-ярми). Юнон-рим манбаларининг хабар беришича, Скифия ҳудуди 3 қисмга бўлиниб, уларнинг ҳар бири мустақил қабила — подшолик бўлиб, уларнинг ўз тудаси ва ҳарбий қабила сардори бўлган. Қабила — подшолик қошида оқсоқоллар кенгаши бўлиб, у қонун чиқарувчи олий орган вазифасини бажарган. Унинг ҳуқуқий доираси чексиз бўлиб, қабила сардорини жазолаши ва ҳатто ўлимга маҳкум этиши мумкин бўлган. Подшолик ҳарбий-демократик асосда бошқарилган. Қабилавий сиёсий уюшмалар тепасида *Геродот* хабарига кўра, «скиф подшолари» турган ва улар скиф фуқароларига қул сифатида қараган.

Мил. ав. 5-а.да скифларда мулкий табақаланиш жараёни жадал кечаётган бўлсада, аммо, ижтимоий ҳаётда ҳали ибтидоий жамоачилик анъаналари ҳукмрон эди. Мил. ав. 4-а. ўрталарида скиф сардорларидан *Атей* барча скиф қабилаларини ўзига бўйсундириб подшолик барпо этган, лекин у мил. ав. 339 й. македониялик Филипп II б-н бўлган жангда ҳалок бўлади. Атей даврида Қуйи Днепр бўйларида Скифиянинг пойтахти қурилган эди. *Сарматлар*нинг сиқуви б-н мил. ав. 3—2-а.ларда пойтахт Қрим н.о.га кўчади (қ. *Неаполь*, Скифлар Неаполи). Айнан шу вақтларда С. п. Қора денгиз бўйларидаги юнон шаҳар-давлатлари б-н иқтисодий ва маданий алоқаларни кучайтиради. Аммо, скифлар юнон шаҳар-давлатлари устига ҳарбий юришлар ҳам уюштириб турадилар. Мил. ав. 2-а. охирида юнон шаҳар-давлатлари б-н бўлган навбатдаги ҳарбий тўқнашувлардан бирида скиф подшоларидан Скилур ва Палаклар ҳалок бўладилар. Аммо, С. п. ҳарбий жиҳатдан ҳали қудратли эди. Улар б-н ҳатто Рим империяси миллоднинг бошларида ҳам ҳисоблашишга мажбур эди. Мил. 1-а.нинг 2-ярмида С. п. подшолар Фарзой ва Иниқмей даврида яна кучайиб, *Боспор подшолиги* б-н бир неча марта уруш қилган. С. п.нинг қудрати то мил. 3-а.нинг 2-ярмигача ўз мавқеини сақлаб келди, сўнгра С.п. *готлар* томонидан тор-мор этилган.

Аҳмадали Асқаров.

СКЛЕРА (лот. skleros — қаттиқ) — кўз соққасининг ташқи зич, оқ пардаси; таянч ва ҳимоя функциясини бажаратаянч ва ҳимоя функциясини бажаради. С.га кўзни ҳаракатлантирувчи мускулларнинг пайлари бирикади (қ. *Кўз*).

СКЛЕРЕНХИМА (юн. scleros — қаттиқ, мустаҳкам ва echyma — тўлдирилган, қуйилган; бу ерда — тўқима) — ўсимликларнинг механик тўқимаси. Қалин қобиқли ёғочланган 2 типдаги ҳужайралар: толалар ва склереидлардан тузилган. Толалар жуда чўзиқ, уз. бир неча ўн мм дан 1 см (қичитқиўт), ҳатто 4 см (рами)гача бўлади. С.нинг ёғочланмай целлюлозалигича қолган толаси тўқимачилик саноати учун қимматбаҳо хом ашё ҳисобланади. С. толаси мустаҳкам ва жуда таранг. С. мустаҳкамлик жиҳатдан пўлатдан, қайишқоқлик жиҳатдан каучукдан қолишмайди. Деярли ҳамма қуруқлик ўсимликларининг, асосан, ёғочи ва пўстида бўлади.

СКЛЕРИТ — *склера*нинг яллиғланиши. *Ревматизм, сил, подагра, брушелёз* ва б. юқумли касалликлар оқибатида пайдо бўлади. Чуқур ва юза С. фарқ қилинади. Чуқур С.да склеранинг чуқур қатламлари яллиғланади ва турли жойларида тугунлар кўзга ташланади. Яллиғланиш жараёни кўзнинг шох (мутуз) пардасига ва янада чуқурроқ қатламларига тарқалиши мумкин. Тутунлар ўрнида кулранг доғлар қолади. Юза С.да кўз оқи қизаради, шишади ва баъзан шох пардага ҳам ўтади. Кўз ёшланади, бемор ёруққа қарай олмайди, лекин кўриш фаолияти бузилмайди. Баъзан склера *абсцесси* кузатилади, бунда кўз қаттиқ отрийди, қизаради ва склеранинг айрим жойлари шишади. Касаллик абсцессининг ёрилиши б-н тугайди. С. ўз вақтида даволанмаса, *кератит* ҳамда иридоциклитга сабаб бўлиши мумкин. Беморни мутахассис врач даволайди.

СКЛЕРО... (юн. sklero — қаттиқ, берк) — ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми; қотиш, қаттиқлашиш, зичлашиш каби маъноларни билдиради (мас., *склеродермия, склерометр*).

СКЛЕРОДЕРМИЯ (*склеро ... ва дерма*) — терининг қотиб қолишидан иборат касаллик. *Қолганлар касалликлар* туруҳига хос. С.нинг чекланган (ўчоқли), диффуз (тарқалган), системали турлари бор. Ўчоқли С. пилакча шаклида, йўл-йўл ва юзаки бўлиши мумкин. Пилакча шаклли С.да терининг турли жойида қизғиш, думалоқ ёки узунчоқ доглар юзага келади. Кейинчалик улар қотиб, тери сарғимтир тусга киради ва ундаги туклар тўкилиб кетади. Бу даврда бемор ҳеч қандай оғриқ сезмайди. Бир неча ой ёки йилдан сўнг терининг қотган жойи атрофияланади. Йўл-йўл С.да юз ва қўл-оёқ тераси зарарланади. Кўпроқ болаларда учрайди. Юзаки С. аёлларда кўп кузатилади, бунда кўкрак, орқа ва жинсий аъзолар терисида майда, қаттиқ, кўкиш-оқ доглар пайдо бўлиб, кейин тери юзаки атрофияга учрайди. Тарқалган С.да юз, қўл-оёқ, тана ва б. тераси шишиб, қаттиқлашади, атрофияланади. Беморнинг юзи мумдек қотиб туради, бармоқларини ҳаракатлантирмайди, Системали С. (системали авж олувчи *склероз*)да организмнинг барча бириктирувчи тўқималари ва майда томирларда склеротик ўзгаришлар юз беради. С.га тез-тез совқотиш, жисмоний, руҳий шикастланиш ва б. сабаб бўлади. Организм бириктирувчи тўқималари микроциркуляцияси ва функциясининг ўзгариши касалликнинг авж олишига имкон беради. Касаллик секин-аста, қўл-оёқ томирларининг спазми (тортишиши), умумий ҳаракатнинг чекланиши, бўғимларнинг оғриши ва терининг зарарланиши б-н бошланади. Касаллик оралиқ тўқима ва ички аъзолар томирларига ўтганда, ўпка, юрак ва ҳ.к. фаолияти бузилади.

Давоси. Кортикостероидлар, томир кенгайтирувчи моддалар, физиотерапия, шунингдек, санаторийларда даволаниш буюрилади.

Ад.: Арифов С., Эшбоев Э., Тери ва таносил касалликлари, Т., 1996.

СКЛЕРОЗ (юн. sklerosis — қотиш, қаттиқлашиш) — аъзолар, томирлар специфик функ. ва тўқималарнинг ўзгариши натижасида ўзларига хос элементлари (без ҳужайралари, мускул толалари ва б.) ўлиб, ўрнини бириктирувчи тўқима эгаллаши натижасида уларнинг қаттиқлашиши. Склеротик ўзгаришларнинг ривожланиши шикастланган аъзо функциясининг пасайишига олиб келади. Юрак мускуллари С.и (кардиосклероз) юракнинг қисқаришини камайтиради. Ўпка тўқималари С.и (пневмосклероз) қоннинг кислород б-н тўйиниши камайишига сабаб бўлади. Артерия томирлари С.и (атеросклероз) томирларда қоннинг ҳаракат қилишини, шунингдек, кислород ва озиқ моддаларнинг аъзо ва тўқималарга етказилишини қийинлаштиради.

Кўп ҳолларда турли яллиғланиш жараёнлари б-н кечадиган касалликлар (*сил, захм*, сурункали яллиғланиш жараёни ва б.), шунингдек, турли хил сабабларга кўра, моддалар алмашинувининг бузилиши (тўқималарда узоқ вақт кислород етишмаслиги, эндокрин аъзолар функциясининг бузилиши ва б.). С.га сабаб бўлади. С. одам организмининг барча тўқима ва аъзоларида пайдо бўлиши мумкин.

С.нинг олдини олиш учун унга сабаб бўлган касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш керак.

СКЛЕРОСКОП (*склеро...* ва юн. skopeo — қараяпман, кузатяпман) — металл ва б. материалларнинг қаттиқлигини ўлчаш учун мўлжалланган асбоб. С.да қаттиқлигини аниқлаш учун синаладиган жисм сиртига маълум баландликдан қаттиқ (олмос) учлиги бўлган ургич туширилади. Ургичнинг сакраш баландлигига қараб, қаттиқлик аниқланади. С.да қаттиқлик ургичнинг сакраш баландлигига мутаносиб бўлган шартли бирликда аниқланади.

СКЛЕРОТИНИОЗЛАР, склероцияли чириш — ўсимликларнинг замбуруғли касаллиги. Sclerotinia graminearum замбуруғи қўзғатадиган кунгабоқар, сабзи, бодринг, сариқсоқ, карам (айниқса, сақлаш даврида) оқ чириши, кузги ғалла экинларини С.и. катта зарар келтиради. Замбуруғ споралари кузги ёш ниҳоллар барглларига тушиб, барг оғизчалари орқали тўқималарига киради ва споралар ҳосил қилади. Баҳорда 1—6 мм катталикда қора қаттиқ юмалоқ ёстиқчалар — склероцийлар пайдо бўлади. S. roefsii замбуруғи қўзғатадиган жануб С.и ерёнғоқ, тамаки, картошка ва б.ни зарарлайди. Ғўзада касалликни S. gossypii Jacz. замбуруғи қўзғатади. Касалланган кўсакдаги толанинг технологик сифати бузилади.

Кураш чоралари: ўсимликларнинг ётиб қолишига йўл қўймаслик, кеч кузда сутормаслик. Кузги экинлар экиладиган майдонлар чуқур шудгор қилинади, бегона ўтлар йўқотилади, уруғлик экишдан олдин дориланади, полиз ва бодринг экилган майдонларда роваг, ронилан ёки сумилексин бўр ёки оҳак б-н аралаштириб қўллаш (чанглатиш, пуркаш) тавсия этилади.

СКЛОДОВСКАЯ-КЮРИ (Sklodowska-Curie) Мария (1867.7.11, Варшава — 1934.4.7, Сансельмо, Париж яқинидаги Со ш.да дафн этилган) — француз ва поляк физиги ва кимёгари. *Радиоактивлик* ҳақидаги таълимот асосчиларидан бири. Париж тиббиёт академияси аъзоси (1922 й.дан). Полик ўқитувчиси оиласида туғилган. Париж ун-тини тугатган (1894). 1895 й.да П. *Кюри*га турмушга чиққан ва Индустриал физика ва кимё мактабидаги унинг лаб.,сида ишлаган. 1897 й.дан П. Кюри б-н биргаликда А.А.*Беккерель* очган (1896) уран тузларининг нурланиши устида тадқиқотлар олиб борган ва бу ҳодисага «радиоактивлик» деб ном берган. П. Кюри б-н биргаликда полоний ва радийни очган (1898). У радийнинг металл намунасини олган (1910; француз кимёгари А. Дебьерн б-н ҳамкорликда) ва унинг хоссасини ўрганган. Радиоактивликнинг ўлчаш усулларини ишлаб чиққан. Унинг бевосита иштирокида Париж радий ин-ти ва Варшава радий ин-ти ташкил этилган (1914). 1923 й.дан С.-К. унинг фахрий директори. С.-К. 2 марта Нобель му-

кофоти лауреати (1903, физика бўйича, П. Кюри ва А. Беккерель б-н ҳамкорликда; 1911, кимё бўйича).

СКОБЕЛЕВ Михаил Дмитриевич (1843.17.9, Санкт-Петербург — 1882.25.6, Москва) — Россия империясининг Туркистондаги босқинчилик урушларида фаол иштирок этган рус ҳарбий арбоби, инфантерия генерали (1881). Бош штаб академиясини тугатган (1868). 1869 йлда Ўрта Осиёга капитан унвони б-н келиб, 8 йил ичида генерал-майор унвони б-н Россияга қайтган. С. Хива хонлигини босиб олиш (1873) ва «Пўлатхон» кўзғолони (1873—76)ни бостиришда К.П. *Кауфман*нинг энг яқин ёрдамчиларидан бири бўлган. Андижонни вайрон қилиб аҳолисига 3300 рубль товон тўлатган. *Кўқон хонлиги* тугатилгач, 1876 й. 19 февр. тайинкил қилинган Фарғона вилоятининг биринчи ҳарбий губернатори. С. томонидан вилоят маркази Кўқон шаҳри *Янги Марғилон*га кўчирилади. Туркистонда подшо Россиясининг мустамлакачилик сиёсатини жорий қилишда қатъий фаоллик кўрсатган. Россия-Туркия уруши (1877—78) қатнашчиси. *Ахалтака ҳарбий юришлари* пайтида 2-Ахалтака экспедициясига раҳбарлик қилган. Кўктепа (Геоктепа) қалъаси ва Денгилтепа рус аскарлари томонидан эгалланган (1881 й. 12 янв.). С.нинг буйруғи б-н тирик қолган барча қалъа аҳолиси: 45000 киши (аёллар, қариялар, болалар) ёппасига қириб ташланган, уларнинг мол-мулки таланган ва Кўктепа ер б-н яксон қилинган. С. ашаддий шовинист ва мустамлакачи сифатида Туркистондаги туб халқларга паст назар б-н қараган. С. ҳақида маҳаллий аҳолида наф-ратли хотиралар сақланиб қолган. С. 1882 йда Санкт-Петербургда фожиали ўлдирилган. Фарғона вилоятининг маъмурий маркази бўлган Янги Марғилон (ҳоз. Фарғона) ш. 1907—1924 йларда С. номи б-н аталган.

Ад.: Ўзбекистоннинг янги тарихи. I-китоб [Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида]. Т., 2000.

СКОЛИОЗ (юн. skolios — қийшиқ, эгри) — умуртқа поғонасининг ён томонга қийшайиши. Рахит, қаддиқоматнинг норасо бўлиши, умуртқа поғонасининг шикастланиши, нерв системасининг баъзи касалликлари сабаб бўлади. С. кўкрак қафаси шаклининг ўзгариши букриликкa олиб келади. Келиб чиқишига кўра, туғма ва орттирилган С. фарқ қилинади (яна қ. *Умуртқа поғонасининг қийшайиши*).

СКОЛИЯЛАР, қовоқариялар (Scoliidae) — парпақанотлилар туркумига мансуб ҳашаротлар оиласи. Эни йирик (улкан қовоқариниқи уз. 45 мм гача) ва кучли парпақанотлилар. 450 та яқин тури маълум. Кўпчилик турлари тропик минтақаларда тарқалган. Ўрта Осиё ҳудудида 20 га яқин тури учрайди. Ургочиси тупроқ, тош ёки чиритган дарахт пустлоғи остидан пластинка мўйловли қўнғизлар қуртларини қидириб топиб, уларни найчари ёрдамида фалажлайди ва қурт танасига тухум қўяди. Тухумдан чиққан қурт қўнғиз ҳосил гемолимфаси ва тўқималари б-н озиқланади. С. зараркунанда қўнғизлар қуртларини қириб, кўпгина фойда келтиради.

СКОЛОПЕНДРАСИМОНЛАР, катта қирқоёқсимонлар (Scolopendromorpha) — энг йирик кўп оёқлилар туркуми. Уз. 10—25 см гача, танаси 21—23 та бир хил тузилган бўғимлардан иборат. 900 га яқин тури, асосан, тропик, субтропик ўлкаларда тарқалган. Кундузи тош ва ёғочлар остида ва ёриқларга кириб олади; тунда ов қилади. Йиртқич; ҳар хил ҳашаротлар б-н озиқланади. Жан. Америка ва Ямайка о.ла тарқалган гигант сколопендра майда умуртқалилар (қурбақалар, калтакесаклар, қушларга ҳам ҳужум қилади. С.нинг эркаги кўпайиш даврида ер ости йўлларига ҳалқа тўр тортиб, унга уруғ ҳужайралари тўлдирилган халтаси (сперматофор)ни қўйиб кетади. Ургочи С. уруғ халтани олиб, ўзининг жинсий бези йўлига киритади. Ўрта Осиёда тарқалган ҳалқали қирқоёқ *партеногенез* кўпаяди. С. қўйган тухумларини калавага ўхшаб ўраб олиб, йиртқичлардан ҳимоя қилади. Йирик С., жумладан, ҳалқали қирқоёқ заҳарли. С. чаққан жой шишиб кетади, лекин шиш 1—2 кундан сўнг қайтади. Гигант сколопендра заҳари одам учун айниқса хавфли. Жан. ҳудудларда тарқалган чўл сўқир қирқоёғи доим тупроқ ичида яшайди; кўзлари бўлмайди. С. зараркунанда ҳашаротлар ва канналарни қириб, фойда келтиради.

СКОПАС (Skopas) (мил. ав. 4-а.) — юнон ҳайкалтароши ва меъмори. Парос о.да туғилган. Греция ва Кичик Осиёнинг Тегея (ҳоз. Пиали), Галикарнас (ҳоз. Бодрум, Туркия) ва б. шаҳарларида ишлаган. С. Тегеядаги Афина Алея ибодатхонаси (мил. ав. 350—340) ва Галикарнасдаги мавзолей (мақбара, мил. ав. 4-а. ўрталари)ни барпо этишда меъмор сифатида қатнашган. С. классика анъаналарини давом эттириб, монументал, қаҳрамонлик руҳи б-н суғорилган ҳайкалтарошлик асарлари яратди, уларда сержилғат, кўч-қувватга тўла, ички ҳис-ҳаяжонини яширa олмаётган, қураш руҳи б-н тўлиб-тошган кишиларнинг қиёфасини гавдалантирди. Галикарнасда ҳайкалтарошлик *Бриаксис*, *Леохар*, *Тимофеевлар* б-н ҳамкорликда яратган рельефларидан парчалар Британия музейида сақланади. С.нинг кўп асарлари жаҳон музейларида сақланаётган Рим нусхаларидан маълум: «Менагр», «Менада», «Потос», «Навкирон Гераклга» ва б. С.нинг драматизм б-н тўла ижоди эллин даври маданияти ҳайкалтарошлигига кучли таъсир кўрсатган.

СКОПИН Павел Алексеевич (1902.22.2, Киров вилояти Оричи тумани, Саничи қишлоғи — 1967, Фар-тона) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси. 1938 йдаги Халхин-Гол жанги қатнашчиси. 6-танк бригадасининг танк батальони комиссари. Танклар ҳужуми вақтида душманнинг мудофаа иншоотларини яксон қилиб, ўзи оғир яралар бўлган. 1939 й. 17 нояб.да Қаҳрамон унвони берилган. Уруш йилларида ҳарбий педагогика ин-тини тугатган. Ўрта Осиё ҳарбий округидаги ҳарбий сиёсий билим юрти бошлиғи. Полковник С. 1950 йдан истеъфода. Фарғонада яшаган. Шаҳар маиший хизмат кўрсатиш комбинатида ишлаган. Фарғоналаги кўчаларининг бирига унинг номи берилган.

... СКОПИЯ (юн. skopeo — кўраман, қараяман, кузатаман) — ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи қисми: кузатиш, визуал ўрганиш каби маъноларни ифодалайди (мас., *спектроскопия, эндоскопия*).

СКОПЬЕ, Скопле — Македония пойтахти, Вардар дарёси бўйида. Аҳолиси 444,2 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Мамлакатнинг саноат маркази, транспорт йўллари тугуни. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 1/2 қисми С.га тўғри келади. Металлургия, машинасозлик, кимё (пластмасса, синтетик тола, минерал ўғитлар), фармацевтика, тўқимачилик, кўн-пойабзал, озиқ-овқат (тамаки, мева-сабзавот консерваси), ёғочсозлик саноати корхоналари мавжуд. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Гилам тўқилади. С. — Македония маданияти маркази: Македония фанлар ва санъат академияси, университет, археология ва этнография музейлари, театр бор. Шаҳарга 6-а.да антик Скупи ш. яқинида асос солинган. 9—10-а.ларда С.да 1-болгар қироллиги. 13-а. охиридан Серб давлати ҳукмронлик қилган. Шаҳар 1392—1912 йларда турклар қўл остида бўлган. 1913 йда Сербия Қироллиги, 1918 йдан Серб, хорват ва словенлар қироллиги (1929 йдан Югославия) таркибида. 2-жаҳон уруши даврида немис фашистлари босиб олган. 1963 йдан Югославия таркибидаги Македония, 1991 йдан мустақил Македония Республикаси пойтахти.

Скопье шаҳри кўринишларидан бири.

СКОПЬЕ ЗИЛЗИЛАСИ — 1963 й. 26 июль эрта тонгда, маҳаллий вақт б-н соат 5 дан 17 мин.ўтганда ҳоз. Македониянинг пойтахти — Скопье ш. яқинида содир бўлган. Зилзила натижасида шаҳарнинг қариб 10% иморатлари бутунлай бузилиб, 65% ига қайта тиклаб бўлмас даражада шикаст етган. Вайронлар остида 1200 киши қурбон бўлган. Зилзила магнитудаси 6,0 кучи 8 балларга етган. Шаҳар атрофларида ёриқлар пайдо бўлиб, улардан кум-тошлар отилиб турган. Зилзила ўчоғи шаҳардан бир неча км узоқда бўлишига қарамай, эпицентрга нисбатан Скопье ш. катта зарар кўрган. Бунга, биринчидан, ҳамма иморатлар қурилаётган пайтда, илгари бўлиб ўтган 20 дан ортиқ кучли зилзилалар оқибатидан сабоқ олинмаганлиги бўлса, иккинчидан, грунт суюлишининг ер юзасига яқинлиги, умуман сейсмобардош қурилиш учун қонун-қоидаларнинг ишлаб чиқилмаганлиги сабаб бўлган. Тарихдан маълумки, 518 й. бўлган кучли зилзилалардан Скопье яқинидаги Скупи ш. бутунлай ер б-н яксон бўлиб, тикланмаган.

СКОПЬЕ УНИВЕРСИТЕТИ, Кирилл ва Мефодий номидаги Скопье университети — Македониядаги энг йирик ун-т. 1949 й. ташкил этилган. Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, меъморлик, иқтисодиёт, ҳуқуқ, электромеханика, тиббиёт, адабиёт, табиий фанлар ва мат., технология бўйича мутахассислар тайёрлайди. 28 минтқа яқин талаба таълим олади. Кутубхонасида 500 мингдан ортиқ асар бор.

СКОРБУТ (scorbutus) — қ. *Авитаминоз*.

СКОРОДИТ (юн. skorodon — саримсоқ; зарб б-н урилганда саримсоқ хиди чиқади номи шундан) — арсенатлар синфига мансуб минерал, таркиби $Fe\{AsO_4\}\cdot 2H_2O$. Таркибида 7,1% гача Al_2O_3 бўлган хиллари — алюмоскородит, 16% гача P_2O_5 бўлган хиллари фосфоскородит деб номланади. Ромбик сингонияда кристалланади. Ранги оч яшилдан қўнғир тусгача. Қаттиқлиги 3,5—4,0. Зичлиги 3,1—3,3 г/см³. Кристаллари дипирамида, таблетка, призма шаклларида; одатда зич, тупроқсимон агрегатлар; пўстлоқ, сферолитлар майда кристалли друзалар ҳолида учрайди. Одатда, кўпинча олтинни ўзида йиғувчи минерал — арсенопиритнинг оксидланиш натижасида ҳосил бўлади. С. олтин конининг даракчиси сифатида маълум. Ўзбекистоннинг кўп ҳудудларида учрашига қарамай, фақат Бурчмуллада муфассал ўрганилган. Хорижда Германия (Саксония), АҚШ, Бразилия, Байкалорти ва Уралда С. конлари маълум. Тожикистоннинг Такели, Мосриф жуд. конларида учрайди.

СКОТТ (Scott) Вальтер (1771.15.8, Эдинбург — 1832.21.9, Абботсфорд) — инглиз ёзувчиси, тарихий роман жанрининг асосчиси. 1799 й.дан Селкирк графлигида шериф, 1806 й.дан суд котиби бўлиб ишлаган. Илк асари — «Иван оқшоми» (романтик баллада, 1800). Шотланд халқ балладаларини тўплаб, 3 ж.ли «Шотланд ҳудудларининг тўпламини» (1803) нашр эттан. С. 9 достон, 26 роман, бир неча қисса ҳамда адабий-танқидий ва тарихий асарлар муаллифи.

С.нинг 1745 й.да Англияда рўй берган тарихий воқеа — якобитлар қўзғолонига бағишланган «Уэверли» романини (1814) унга катта шон-шуҳрат келтирган. С. романлари орасида шотланд халқи ҳаётидан олинган «Пуританлар» (1816) ва «Роб Рой» (1—3-ж.лар, 1818) асарлари алоҳида аҳамиятга эга. Агар 1-романида 1660 й.да тарих саҳнасига қайта чиққан стюартлар сулоласига қарши 1679 й.да кўтарилган қўзғолон тасвирланган бўлса, «Роб Рой»да «шотланд Робин Гуди» — халқ қасосчиси образи яратилган. С. романларидаги Уэверли ва Рой Рой образлари, гарчанд марказий қаҳрамонлар ҳисоблансалар-да, аслида бир-бири б-н қиёсланиши керак. Ҳар иккаласи ҳам ўз даврининг ижобий қаҳрамонлари. Уларнинг ҳар бири ўз синфининг ижобий вакили. Уэверли — ер эгаларининг, Рой Рой — деҳқонларнинг. Уэверли ўз синфининг ижобий вакили сифатида ўзи мансуб синфнинг ёмон томонларини ҳам кўрсатади. Рой Рой эса

б-н 1912 й. 18 янв.да (Р. Амундсендан 33 кун кейин) Жан. қутбга етиб борди. Орқага қайтишда йўлда 5 кишининг ҳаммаси ҳалоқ бўлди. С. номига Эндеерби Ердаги тоғ, иккита музлик 110° ш.қ у ва 150° ғ.у ва Жа. океандаги орол қўйилган

СКОТТЛАР, скотлар (сўнгги лот. Scotti, Scoti) — келт қабилалари гуруҳи. Илк бор Рим муаррихлари асарларида, С. ва пикт қабилалари Римнинг Британия провинциясига чопқунлари муносабати б-н тилга олинган. Дастлаб Ирландияда яшаганлар (шундан Ирландиянинг Рим манбаларидаги номи — Скоттия олинган), кейинчалик (мил. 1-минг йиллик ўрталарида) С.нинг бир қисми Британиянинг шим.га кўчиб ўтишган ва у ерда пиктларни тобе этиб, 9-а. ўрталарида Шотландия (Scotland, айнан — С. мамлакати) деб номланган қироллик барпо этганлар.

СКОУЛС (Scholes) Майрон (1941, АҚШ, Калифорния штати) — америкалик иқтисодчи. Чикаго ун-тида иқтисодиёт д-ри (1969), Станфорд ун-ти проф. Ф. Блэк б-н ҳамкорликда фонд бозорида акциядорлар опциони қийматини аниқлашнинг принципиал янги усулини ишлаб чиқди. Бу усул кўпгина соҳаларда иқтисодий параметрларни баҳолашга янгича ёндашувларга, шунингдек, молия дастакларининг янги турларини яратиш ва жамиятда тавакkалчиликни тартибга солишнинг янада самаралироқ усулини қўллашга имконият яратди. Нобель мукофоти лауреати (Р. *Мертон* б-н биргаликда; 1997).

СКРЕПЕР (инг. scrape — қириш) — 1) ер қазиш-тупроқ суриш машинаси. Асосий иш органи — ковш. Ерни қатламқатлам қилиб қазиш, ковшни тупроққа тўлдириб белгиланган жойга тўкиш, суриш ва текислаш учун ишлатилади. Трактор тиркаладиган ва ўзиюрар хиллари бор. Асосан, йўл қурилиши ва кончиликда ишлатилади. С. ковшининг ҳажми 3—25 м³, грунт (тупроқ)ни суриш (ташиш) масофаси 0,1—5 км. Кончиликда ишлатиладиган С. ковшининг тубн ва олди очиқ бўлади. С. чигир (лебёдка), сим арқон ва йўналтирувчи роликлар ёрдамида ҳаракатланиб, фойдали қазилмани ортилаётган жойга суради; 2) ер сиртида, ер остида ва сув тагида қазиш, суриш ва текислаш ишларини бажаришда қўлланиладиган сим арқонли-скреперли қурилмаларнинг иш органи — ковши. С. чигир ёрдамида сим арқонлар ва блоклар тизими орқали ҳаракатлантирилади.



Скрепер. Д-354 русумли скрепер: *1* — гидравлик (мойли) бошқаргич; *2* — мой шланги; *3* — гидравлик цилиндр; *4* — ковш.

СКРИПКА (славянча скри — гижирламоқ) — торли камонли мусиқа чолғу асбоби. Скрипкасимон чолғу асбоблари орасида (С., альт, виолончель, контрабас) етакчи, энг баланд регистрли соз. 4 та тори квинта интервали бўйича созланади. Диапазони 4 октавадан ошиқ. Умумий уз. — 600 мм. С.нинг классик шакли 15—16-а.ларда Италия ва Францияда юзага келган. 17—18-а.ларда Шим. Италия, айниқса, Кремона усталари А. ва Н.Амати, Ж. Гварнери, А. Страдивари ва бошқалар С.нинг мукаммал намуналарини яратишган. С.лар симфоник оркестр ва чолғу ансамбллар асосини ташкил қилади. 17—18-а.лардан С.да якканавозлик санъати ривожланиб келмоқда, С. мусиқаси яратилмоқда. Бу соҳада 19-а.да виртуоз скрипкачи ва машҳур композиторлар Н. *Паганини*, П. Сарасате ва б.нинг хизмати катта бўлди. 20-а. скрипкачиларидан Ф.Крейслер (Австрия), И. *Менухин* (Англия), И. Стерн, И. Перельман (АҚШ), А.С.Муттер (Германия), Ш. Минш (Исроил), Г. Шеринг (Мексика), Д. *Ойстрах*, Л. *Коган*, М. Венгеров (Россия), Г. Кремер (Латвия) ва б. машҳур. Ўзбекистонда М. Рейсон, Н.Повер, В. Юденич ва б. скрипкачилар танилган. Ҳозирда ёш авлод ижрочиларидан Д.Холиқов, Н. Ҳошимов, Т.Яхшибоев ва б. халқаро танловларда ғалабаларга эришган. Ўзбекистон композиторлари С. учун концертлар (Ик. Акбаров, С.Жалил ва б.), сонаталар (Г. Мушель, Н.Зокиров ва б.) каби асарлар яратишган. 20-а. бошидан ўзбек (Андижон мактаби ва б.) созандалари баъзида С.дан гижжак ўрнида фойдаланишади.

Скрипка (Ж. Гварнери, 1735).

СКРЯБИН Александр Николаевич [1871.25.12(1872.6.1) — Москва — 1915.14(27)4] — рус композитори ва пианиночи. Мусиқа иелоҳотчиларидан. Москва консерваториясини тугатган (1892) ва унда дарс берган (1898 й.дан). Асосан, фортепиано (прелюдия, этюд, соната ва поэмалар) ва симфоник (3 та симфония, фортепиано ва оркестр учун концерт, «Орзулар», «Жазава поэмаси» ва б.) асарларини ижод қилиб, ўзига хос образлар дунёси ҳамда ифодавий воситалар мажмуини яратган. Кичик шаклдаги асарларига мусиқий *романтизм* ва *импрессионизм* хусусиятлари, йирик асарларига жўшқинлик, фалсафий мазмундорлик хос. Мусиқа амалиётида биринчилардан бўлиб рангли нурлардан фойдаланган, «рангли мусиқа» (цветомузыка)га асос солган («Прометей» — «Олов поэмаси», 1910).

СКРЯБИН Константин Иванович (1878.7.12, Санкт-Петербург — 1972.17.10, Москва) — рус гельминтолог ва паразитолог олими, СССР ФА (1935), Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик ФА (1935) ва тиббиёт ФА (1944) акад., Россия (1927), Қирғизистон (1954) ва Ўзбекистонда (1962) хизмат кўрсатган фан арбоби. Меҳнат Қаҳрамони (1958). Юрьев (ҳоз. Тарту ш., Эстония) ветеринария ин-тини тугатган (1905), Туркистон ўлкаси ветеринария врачи (1905—11), Новочеркаск шлаги Дон ветеринария ин-ти (1917—20), Москва ветеринария ин-ти (1920—72) проф., Давлат экспериментал ветеринария ин-тида (1920—56) ва Е.И. Марциновский номидаги Тиббиёт паразитологияси ва тропик тиббиёт ин-тида (1921—49) гельминтология бўлими мудири, Бутуниттифоқ қ.х. фанлари академияси гельминтология лаб. мудири (1942—72), СССР ФА Қирғизистон филиали президиуми раиси (1943—52), Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик ФА вице-президенти (1956—61). С. раҳбарлигида гельминтлар морфологияси, биол.си, филогенияси, систематикаси, экологияси, эпизоотологияси ва эпидемиологиясига оид тадқиқотлар ўтказилган. С. гельминтларнинг 200 дан ортиқ янги турларини топди ва 120 авлодини тавсифлаб берди. У ишлаб чиққан дегельминтизация ва девастация таълимотлари одам ва қ.х. ҳайвонлари гельминтозларига қарши курашда асос бўлиб ҳисобланади. Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда гельминтология

ф-тининг ривожланишига катта ҳисса қўшган. С. Ўзбекистонда бир қанча гельминтологик экспедициялар уюштирган; гельминтология лаб.лари ташкил этган; Ўзбекистонда кўплаб етук гельминтолог мутахассислар (М.А. *Султонов*, А.Т. *Тўлаганов*, Ш.А. *Азимов*, Э.Ҳ. *Эргашев*, Н.М. *Матчонов*, ва б.) тайёрлаган. Москвадаги Россия гельминтология ин-ти, Бишкекдаги Қирғизистон қ.х. ин-ти ва Самарқандлаги Ўзбекистон ветеринария илмий тадқиқот ин-тига С. номи берилган.

СКУМБРИЯСИМОНЛАР (Scumbridae) — окунсимонлар туркумига мансуб сувқуяклн балиқлар оиласи. Уз. 40—60 см (баъзан 3 м гача), вазни 1,5—8 кг. Думининг асоси ингичкаланган, унда 4—9 қўшимча майда сузгичлар бор. Тангачалари майда, 15 уруғи, 40 дан ортиқ тури тропик, субтропик ва илиқ

Скумбрия.

сувли денгизларда тарқалган. С. тўда бўлиб, соҳил яқинида сузиб юради. С.нинг бир тури — оддий скумбрия Қора денгизда учрайди. Улар 2—4 йил Қора денгизда учрайди. Улар 2—4 йил да вояга етади; ёзда денгизнинг унча чуқур бўлмаган жойига 200—500 минг увилдириқ ташлайди. Овланади.

СЛАВЯН ТИЛЛАРИ — ҳинд-европа тиллари оиласи таркибидаги қариндош тиллар гуруҳи. Асосан, Марказий ва Шарқий Европада, Шим. Осиёда ва жаҳоннинг бошқа кўплаб мамлакатларида тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 300 млн. кишига яқин. С.т.нинг бир-бирига юқори даражадаги яқинлиги сўз ўзакларн ва аффикслар-да, сўз структурасида, грамматик категориялар қўлланишида, гап қурилиши ва маънолар тизимида, изчил товуш ўзгаришлари тизимида ва б.да намоён бўлади. Бу яқинлик С.т.нинг келиб чиқиш манбаи ягоналиги, шунингдек, уларнинг адабий тиллар ва лаҳжалар даражасидаги узоқ йиллик алоқалари туфайли ҳам ривожланиб келаётгани сабабли улар орасида моддий, функционал ва типологик характердаги бир қанча тафовутлар ҳам мавжуд.

С.т. ўзаро яқинлик даражасига кўра, 3 гуруҳга ажратилади: шарқий славян (рус, украин, белорус тиллари), жан. славян (болгар, македон, серб-хорват, словен тиллари) ва ғарбий славян (чех, словак, поляк, юқори ва қуйи лужица тиллари) гуруҳлари. Мазкур гуруҳлардан ҳар бирининг ички бўлинишлари ҳам ўзига хосликларга эга. С.т.нинг ҳар бири адабий тил б-н бирга ўз ҳудудий лаҳжаларини қамраб олади; бу унсурларнинг ўзаро нисбати С.т.да турлича намоён бўлади.

Замонавий С.т. ягона тил (энг қад., кейинроқ қад. ва эски славян тили)нинг узоқ тарихий тараққиёти ва бўлиниши натижасида пайдо бўлган. 10—11-а.ларда қабила тиллари асосида айрим славян халқлари тиллари вужудга келган. Жан. ва ғарбий С.т.да бўлиниш юз берган. 14-а.да шарқий С.т.нинг ажралиши натижасида рус, белорус ва украин тиллари юзага келади. Турли тарихий даврларда С.т.нинг миқдори ва ўзаро нисбати турлича бўлган. Мас., 14-а.гача шарқий С.т. мустақил тиллар эмас, балки лаҳжалар даражасида ўзаро фарқланган. Сербларда ва хорсида ўзаро фарқланган. Сербларда ва хорватлар тил жиҳатдан 19-а.нинг 1-ярмигача бирлашганлар ва уларнинг умумий тили серб-хорват ёки хорват-серб деб атала бошлаган. Македон тили эса 20-а.дагина шаклланган.

Славян халқлари (тиллари) 2 алифбодан фойдаланадилар. Барча шарқий славян тиллари, болгар, серб-хорват ва македон тиллари кирилл алифбоси асосидаги, барча ғарбий славян тиллари, хорват ва словен тиллари эса лотин алифбоси асосидаги ёзувларга эга. Славянлар нутқидаги айрим товушлар учун лотин алифбосида тегишли ҳарфлар бўлмаган ҳолатлар турли сатр усти белгиларини қўллаш ёки ҳарфларни қўшиш орқали бартараф этилган. С.т.лари дастлабки ёзма ёдгорликлар, уларнинг шаклланиш ва ривожланиш вақтларига кўра, 11-а.дан 19—20-а.даргача бўлган даврларга тааллуқлидир.

Ad.: Бернштейн С.Б., Очерк сравнительной грамматики славянских языков. Введение. Фонетика, М., 1961; Нахтигал Р., Славянские языки, перевод со словенского, М., 1963; Бошкович Р., Основы сравнительной грамматики славянских языков. Фонетика и словообразование, перевод с сербскохорватского, М., 1984.

Абдураҳмон Мадаминов.

СЛАВЯНЛАР — келиб чиқиши бир ва тиллари ўзаро яқин бўлган Европа халқларининг энг йирик гуруҳи. Унинг таркибига: шарқий С. (*руслар, украинлар, белоруслар*); ғарбий С. (*поляклар, чехлар, словаклар, лужичанлар*); жанубий С. (*болгарлар, сербларда, хорватлар, словенлар, македонлар, боснияклар, черногорияклар*) киради. Умумий сони 293,5 млн. киши (1990-й.лар ўрталари), шу жумладан, РФда 125,5 млн. киши. *Славян тилларида* сўзлашади. Диндорлари — православлар, католиклар, бир қисми протестантлар. С. ҳақида қад. манбаларда кўра, улар мил. 1—2-а.ларда венедлар номи б-н маълум бўлган. 6-а. ўрталарида Прокопий, Иордан ва б.нинг асарларида учрайди. 7-а.нинг 2-ярмида С. араб муаллифи Абу Малик ал-Ахталнинг асарларида тилга олинган. С.нинг аждодлари — славян қабилалари ҳинд-европа тиллари оиласига мансуб тилларда сўзлашган. Улар бодрич, лютич, полян, северян, кривич, улич, дулеб, тивер, хорват, радимич, дреговнч, вятич ва б. қабилалардан иборат. Мил. 2—4-а.ларда герман қабилалари (*готлар, гепидлар*)нинг жан.га силжиши оқибатида С. яшаган ҳудуд 2 қисмга бўлиниб кетган. Бу воқеа С.нн шарқий ва ғарбий гуруҳларга бўлинишида катта роль ўйнаган. 5-а. охирида гуннларнинг кучсизланиши оқибатида С. жан.га силжий бошлаган. Улар Дунай дарёси, Қора денгизнинг ғарбий соҳиллари, Византиянинг Болқон я.о.даги вилоятларига кириб борган. Шу тариқа С.нинг жан. гуруҳи вужудга келган. Жан. С.да илк давлат — *Биринчи булғор подшолиги*, ғарбий С.да Само давлати, кейинчалик Буюк Моравия салтанати ташкил топган. 10-а.да Одра ва Висла ўртасида Польша, 9—10-а.нинг 1-ярмида марказн Киев ш. бўлган Киев Руси давлати вужудга келган. Давлатларнинг пайдо бўлиши славян халқларининг шаклланишига имкон берган.

Славян халқларининг ўз миллий давлатидан маҳрум бўлиши (жан. ва ғарбий С.нинг катта қисми Австрия, кейинроқ Австрия-Венгрия ва Усмонли турк империясига қўшиб олинган), миллий тараққиётидаги қийинчиликлар, оғир иқтисодий аҳвол 19-а.нинг охири — 20-а.нинг бошида уларнинг Европа мамлакатлари, АҚШ ва Канадага кўчишларига сабаб бўлган. Жан. ва ғарбий С. ўртасидаги миллий ҳаракат, *Россия-Туркия уруши*, Биринчи Болқон уруши (1912)даги Австрия-Венгриянинг мағлубияти натижасида С.нинг этник ҳудудлари қайталан бирлаштирилган.

С. деҳқончилик, чорвачилик, овчилик ва балиқ овлаш б-н шуғулланади.

СЛАЙД (инг. slide) — шаффоф асос (ингша пластинка ёки плёнка)га туширилган оқ-қора ёки рангли фотографик тасвир (қ. *Диатасвир*).

СЛАЛОМ (норвегча slalam — пастга тушадиган из) — 1) тог-чанги С.и — ўтиш жойлари (дарвозалари) байроқчалар б-н белгилаб қўйилган махсус йўл бўйлаб тоғдан тушиш. 500—700 м ли ва қарийб 2000 м ли (С. — гигант) масофадан иборат; 2) эшкак эшиш С.и

— байларка ва каноэда тез оқадиган, табиий ёки сунъий тўсиқлар бўлган дарё ёки каналларда сузиш; 3) сув чангилари С.и — бир хил тезликда муайян узунликдаги шатак арқони б-н махсус трассани босиб ўтиш.

СЛАНЕЦЛАР — турли хил таркибдаги метаморфик тог жинслари. Таркибига кирувчи жинслар деярли параллел ҳолда жойлашган чўзиқ ёки варақсимон минераллар мажмуидан иборат бўлгани учун юпқа варақларга осон ажралади. Регионал метаморфизм даражасига кўра, С. 2 йирик гуруҳга ажратилади: кучсиз метаморфланган тог жинслари — гилли С. ва чуқур метаморфлашган кристалли С. Гилли С. кўпроқ гилли минераллар, гидрослюдалар, баъзан монтмориллонитдан таркиб топган бўлади. Кристалли С. орасида таркибидаги минераллар (слюдалар, амфиболлар, дала шпатлари ва кварц)га кўра, слюдали С.га (биотитли, мусковитли, баъзан парагонитли) ажратилади; бу С.да дала шпатлари ва кварцнинг ортиши б-н *гнейс*ларга, амфиболитли С.да *амфиболит*ларга айланади. Баъзан кристалли С. таркибидаги нисбатан кам учрайдиган минерал номи б-н аталади: гранатли, ставролитли, кианитли С. ва ҳ.к. Фиолитлар, хлоритли С. ва яшил С. гилли ва кристалли С. оралиғидаги тоғ жинсларидир, юзароқ чуқурликларда яшил-сланец фация деб аталадиган шароитда метаморфизмга учраган, уларнинг таркибида, слюдалардан ташқари, яшил рангли минераллар (хлорит, эпидот ва турли амфиболлар) кўп. Яшил С. чўкинди ва вулкан жинсларидан ҳосил бўлади. Мукаммал қават-қаватланган гилли С. томларни ёпишда ишлатилади. Гнейсларга яқин бўлган кристалли С.дан қурилиш материали, оловбардош маҳсулотлар и. ч.да хом ашё сифатида фойдаланилади. Органик модалар б-н бойиган гилли С. *ёнувчи сланецлар* сифатида қўлланилади. Қора рангли ва таркибида ванадий, фосфор, бор каби микроэлементлар бўлган С. қишлоқ хўжалигида табиий ўғит сифатида ишлатилади. Ўзбекистоннинг Зирабулоқ, Зиёвудин, Нурота, Қизилқум, Султон Увайс тоғларида С. кенг тарқалган. С.ни ўрганиш улар б-н боғлиқ фойдали қазилмаларни топишга имкон беради.

СЛИВЕН — Болгариядаги шаҳар, Стара-Планина тоғларининг жан. этагида. Аҳолиси 100,6 минг киши (2001). С. — мамлакатнинг қад. тўқимачилик марказларидан (1830 й.дан). Машинасозлик (станоксозлик, автомобиль эҳтиёт қисмлари, электролампалар ва бошқалар и.ч.), озиқ-овқат, ойна-чинни, мебель саноати корхоналари бор. Гилам тўқилади. С. яқинида Сливенски-Минерални-Бани балнеологик курорти жойлашган.

СЛОВАК ТИЛИ — ҳинд-европа тиллари оиласига мансуб славян тилларининг ғарбий гуруҳидаги тил; Словакия Республикасининг расмий тили. Асосан Словакияда, қисман АҚШ, Чехия, Венгрия, Сербия, Канада, Польша ва Руминияда тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 5,6 млн.кишидан ортиқроқ. Лаҳжалари 3 гуруҳга бўлинади: ўрта словак, ғарбий словак ва шарқий словак. Ўрта словак лаҳжаси адабий С.га асос бўлган. С.г. яқин қариндош тиллардан чех тилига яқин туради, кўплаб грамматик ва лексик умумийликларга эга, лекин фонетик жиҳатдан ўзига хос чўзиқ унлилар ва дифтонгларнинг қўлланиши б-н фарқланади. С.г. лотин графикаси асосида унга қўшимча диакритик белгилар қўшиш б-н яратилган ёзувга эга. Словакияда 18-а.гача расман чех тили қўлланган. С.г.даги ластлабки матнлар 16-а. охирларида, ластлабки китоблар эса 18-а. охирларида пайдо бўлган.

СЛОВАКИЯ (Slovensko), Словакия Республикаси (Slovenska Republika) — Марказий Европада жойлашган давлат. Майд. 49 минг км². Аҳолиси 5,4 млн. киши (2002). Маъмурий жиҳатдан 8 ўлкага бўлинади. Пойтахти — *Братислава* ш.

Давлат тузуми. С. — республика. Амалдаги конституцияси 1992 й. 1 сент.да қабул қилинган (1999 й. тузатишлар киритилган). Давлат бошлиғи — президент (2004 й.дан Иван Гашпарович), у умумий тенг ва тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли б-н 5 й. муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни бир палатали парламент — Миллий кенгаш, ижрочи ҳокимиятни ҳукумат амалга оширади.

Табиати. С. —тоғли мамлакат. Ҳудудининг аксарият қисми Ғарбий Карпат тоғлари доирасида (Словакия Рудали тоғлари ва б.) жойлашган. Лисец ш.даги Злати Врх базальтли текалиги табиат ёдгорлигидир. Герлаховски-Штит тоғи (2655 м) — Ғарбий Карпат тоғларининг энг баланд нуқтаси. Жан. ни Ўрта Дунай текислигининг бир қисми эгаллаган. С.да қўнғир кўмир, темир, марганец, полиметалл рудалари, сурма, магнезит конлари бор. Иқлими мўътадил, континентал. Текисликларда ўртача т-ра январда −1° дан −4°, Карпат тоғида −10° гача, июлда 19—21°, тоғларда 4° гача. Йиллик ёғин текисликларда 450—700 мм, тоғларда 2100 мм гача. С. дарёлари (Дунай ва унинг ирмоқлари, Морава, Ваг, Грон ва б.) гидроэнергиянинг муҳим манбаларидир. С. тоғлари ўрмонлар б-н қопланган (мамлакат ҳудудининг 1/3 қисми). Жан. қисмларда кени барги ва аралаш, шим. қисмларда игна барги дарахтлар усади. Текисликларда деҳқончилик қилинади. Ҳайвонлардан қунғир аюқ, бури, силовсин, тунгиз қуён, олмахон, типратикан, турли қушлар бор, дарё ва кўлларда балиқ кўп.

Аҳолисининг кўпчилиги — словаклар (87%), шунингдек венгер, чех, украин ва б. ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 56,8%. Расмий тил — словак тили. Динорларининг аксарияти — христиан (католиклар). Йирик шаҳарлари: Братислава, Кошице, Прешов.

Тарихи. С. ҳудудида *палеолит* даврида маскан ҳоҳлар бўлганлиги маълум. Мил. 3—4-а.ларда славянлар кўчиб келган ва I-минг йиллик ўрталарида етакчи этник гуруҳ бўлиб қолган. 7-а.да С. илк славян Само давлати таркибига, 9—10-а.ларда *Буюк Моравия давлати* таркибига кирган. 11-а. ўрталарида С.ни венгерлар босиб олиб, чех-морава ва словак қабилалари асосида ягона элат ҳосил бўлиш жараёнига халақит берилар. 13—14-а.ларда С. немислар қўлига ўтди. 16-а. ўрталарида С.нинг жан.ни туркlар босиб олди, қолган ҳудуди 17-а. охирида Габсбурглар монархияси таркибига киритилди. 17-18-а. бошларида С.да бир неча бор деҳқонлар қўзғолони (1618, 1631—32, 1648, 1660, 1711), ҳунарманд ва шаҳар йўқсилларининг норозилик чиқишлари (1606, 1609, 1626, 1632, 1640) бўлди. С. деҳқонлари Ракоши Ференц ҳаракатида (1703—11) қатнашдилар. 1848—49 й. Австрия инқилоби вақтида С. миллий ҳаракати арбоблари демократик ўзгаришларни амалга оширишни, словак халқининг миллий тенг ҳуқуқлилигини талаб қилиб чиқдилар, аммо Венгрия ҳукумати бу талабни рад қилди. Австрия-Венгрия давлати ташкил топиши (1867) б-н Венгрия таркибида С.да чет эл ҳукмронлигига қарши миллий озодлик кураши кучайди. 1919 й. 16 июнда Прешовда Словакия Совет республикаси эълон қилинди, бироқ 7 июлда интервенциячи қўшинлар томонидан тормор этилди. Австрия-Венгрия барбод бўлгач, С. 1919 й. 30 окт.да Чехия ва Словакиянинг ягона давлатга бирлашуви натижасида 1918 й. ташкил топган Чехословакия давлати таркибига кирди. 1938 й. *Мюнхен битими*га кўра, С.нинг жан. туманлари Чехословакиядан Венгрияга олиб берилди, қолган ҳудудда 1939 й. словак фашистлари Германия паноҳидаги «мустақил» С. давлати ташкил этилганини эълон қилдилар. Шу йилдан С.да Қаршилик кўрсатиш ҳаракати авж олди. 1944 й.га С. миллий қўзғолони С.нинг 2/3 қисмига ёйилди. 1945 й. майда С. бутунлай озод қилинди. Словак ва чех ерлари Чехословакия республикаси доирасида қайта бирлаштирилди. С. 1948 й. 9 майдан Чехословакия Халқ Демократик Республикаси, 1960 й. 11 июлдан Чехословакия Социалистик Республикаси, 1990 й. 29 мартдан Чехословакия Федератив Республикаси, 1990 й. 20 апрелдан 1992 й. 31 дек.гача Чехия ва Словакия Федератив Республикаси таркибида бўлди. 1992 й. 17 июндаги Декларацияда республика суверенитети эълон қилинди. С. — 1993 й.дан БМТ аъзоси. 1992 й. 24 январда ЎзР суверенитетини тан олган ва 1993 й. 1 янв. дан дипломатия муносабатлари ўрнатган. Миллий байрамлари — 29 авг. — Словакия миллий қўзғолони куни (1944), 1 сент. — Конституция куни (1992).

Словакия гербн.

Асосий сиёсий партиялари, касаба уюшма ташкилотлари. Демократик С. учун ҳаракат — Халқ партияси, 1991 й.да асос солинган; С. демократик иттифоқи, 1995 й. тузилган; С. деҳқонлар партияси, 1990 й. ташкил этилган; С. ишчилари бирлашмаси, сиёсий партия сифатида 1994 й. рўйхатга олинган; Сўл демократлар партияси, 1991 й. тузилган; С. миллий партияси, 1989 й. асос солинган; Венгер христиан демократик ҳаракати, 1990 й. ташкил этилган; С. христиан-демократик иттифоқи партияси, 2000 й. рўйхатга олинган. С. Республикаси касаба уюшмалари конфедерацияси, 1990 й. асос солинган.

Хўжалиги. С. — индустриал-аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 33,4%, қ.х.нинг улуши 4,8%, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 61,8%.

Саноатида, асосан, маҳаллий минерал хом ашё (қўнғир кўмир, литнит, темир руда) негизида кончилик ва металлургия саноати ривожланган. Чўян, пўлат ва прокатнинг кўп қисми Кошице шаҳридаги металлургия к-тида, алюминий (четдан келтирилган бокситдан) Жьяр-над-Грономда, мис Кромпахида ишлаб чиқарилади. Машинасозлик саноати ривожланган: радиоприёмник, телевизор, совитқич, мотоцикл, кема, подшипник, юк вагонлари, станок, электротехника ускуналари ва б. ишлаб чиқарилади. Кимё ва нефть кимёси саноати (нефть маҳсулотлари, минерал ўғит, пластмасса, синтетик тола ва б.) четдан олинган нефть ва газ асосида ишлайди. Йирик ўрмон, ёғочсозлик, қурилиш материаллари саноати барпо этилган. Тўқимачилик, кўн-пойабзал, озиқ-овқат корхоналари бор. Асосий саноат марказлари — Братислава ва Кошице. Йилига ўртача 24,7 млрд. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Унинг кўпчилик қисмини ГЭСлар беради, Яловска-Богунишеда АЭС бор.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи — деҳқончилик. Бугдой, маккажўхори, арпа, қанд лавлаги, картошка экилади. Боғдорчилик ва токчилик ривожланган. Гўшт-сут, гўшт-жун чорвачилигига асосий эътибор берилади (чўчқа, қўй, қорамол, парранда боқилади).

Т.й. узунлиги 3,7 минг км, автомобиль йўллари уз. 17,9 минг км. Дунайда Кема қатнайди. Дарё портлари: Братислава, Комарно. Четга машина ва ускуналар, нефтни қайта ишлаш, кимё ва ёғочсозлик, қ.х. маҳсулотлари ва б. сотади. Четдан нефть ва табиий газ, озиқ-овқат, машина ва ускуналар олади. Чехия, Германия, Россия ва б. б-н савдо қилади. Пул бирлиги — Словакия кронаси.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Маорифи бошлан-ғич ва ўрта мактаб таълимидан иборат. 6-14 ёшдаги болалар учун мажбурий таълим жорий этилган. Касб таълими ўрта ҳунар-техника мактабларида берилади. 14 олий ўқув юрти бор. Йириклари: *Братислава университети*, Словакия олий техника мактаби, Олий иқтисодий мактаб, консерватория — ҳаммаси Братиславада; П. Шафарик номидаги ун-т, Олий ветеринария мактаби, Олий техника мактаби — Кошицеда; Олий транспорт мактаби — Жилинда ва б. Асосий илмий муассасаси — Словакия ФА. Братиславада Вирусология ин-ти, пайвандлаш ва пед. илмий-тадқиқот ин-тлари ва б., Жилинда гидрология и.т. маркази ва геол. маҳкамаси, Мартинда С. матнаси (маданий-маърифий маркази) бор. Йирик кутубхоналари: С. матнаси кутубхонаси (1863), Братиславадаги ун-т кутубхонаси (1919), Кошицедаги Давлат илмий кутубхонаси (1657) ва б. Асосий музейлари: Братислава ва Мартиндаги С. миллий музейлари, Кошицедаги Шарқий С. музейи, Банска-Бистрица музейи ва б.

Словакия байроғи.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Асосий газ. ва журлари: «Правда» («Ҳақиқат», словак тилида чиқадиган мустақил кундалик газ., 1920 й.дан), «Глас люду» («Халқ овози», словак тилида чиқадиган кундалик газ., 1954 й.дан), «Народна оброда» («Миллий тикланиш», словак тилида чиқадиган кундалик газ., 1990 й.дан), «Рольницке новини» («Деҳқонлар газетаси», словак тилида чиқадиган кундалик газ., 1946 й.дан), «Смена» («Ўринбосар», словак тилида чиқадиган кундалик ёшлар газ., 1948 й.дан), «Уй со» («Янги сўз», венгер тилида чиқадиган кундалик газ., 1948 й.дан), «Беседа» («Гурунг», словак тилида чиқадиган ҳафтанома, 1990 й.дан), «Вечер» («Оқшом», словак тилида чиқадиган кечки газ., 1990 й.дан). С. Республикаси телеграф агентлиги, ахборот маҳкамаси, 1992 й. тузилган. С. радиоси 1926 й.дан, телевидениеси 1956 й.дан ишлайди.

Адабиёти. С. ёзувининг пайдо бўлиши ака-ука Кирилл ва Мефодийларнинг Буюк Моравия давлати ҳудудидаги фаолияти б-н боғлиқ (9-а.нинг 2-ярми). Қад. адабиёт инсонпарварлик ва озодлик руҳи б-н суғорилган. 17—18-а.ларда Я. Вавринец, М. Раковский, Ш. Пизарик ва Г. Гавлович каби ёзувчилар ижод қилди. Миллий уйғониш бошланиши б-н Маърифатпарварлик адабиёти ривожланди (18-а. охири — 19-а. бошлари). Ёзувчи Й. Байза, Ю. Фандли, филолог А. Бернолак бу даврнинг таниқли вакилларидир. Б. Таблиц ва Я. Голлий шеъриятида, Я. Халупка драматургиясида, П. Й. Шафарик ва Я. Коллар адабий-илмий фаолиятида славянлар бирлиги ифодаланган. 19-а. 40—70-й.ларида миллий озодлик ҳаракатининг ғоявий раҳбари Л. Штур бошқалар инқилобий романтикларнинг ижодида ватанпарварлик ғоялари фольклор ва халқ оғзаки ижодига қизиқиш кучайган. Ёзувчи Я. Краллнинг ижодида ҳам шу ғоялар ривожланган. Ёзувчи Ф. Карманскан



Братислава шаҳри.

клюр анъаналари усулида тарғиб қилинди. Й. Заборский насри ва драматургиясида, П. Гвездослав, С. Ваянский, М. Кукучин назми ва насрида реализм услуби қиёмига етказилди. 20-а. бошларида словак модерни деб аталган адабий гуруҳ (И. Краско, В. Рой, И. Галл) шаклланиб, реализм, модернизм, символизм ижодий принципларини умумлаштирди. Ф. Краль, Л. Ондрейов, Я. Есенский насри, Я. Поничан назми танқидий реализмнинг юксак намуналаридир. 2-жаҳон урушидан кейин халқнинг фашизмга қарши кураши тарихи ва янги ҳаёт қурилиши муаммолари адабиётнинг етакчи мавзуи бўлди. Ф. Гечко, Р. Яшик, А. Беднар, К. Лазарова, В. Минач романлари, А. Плавка, П. Горов, В. Мигалик, Я. Костра шеърлари 20-а.нинг 2-ярмидаги энг машҳур асарлардир.

Лисец шаҳридаги табиат ёдгорлиги — Злати Врх базальтли тепалиги.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. С. ҳудудида Кад. Рим империясининг қолдиқлари сақланиб қолган. Диний иншоотлар ва роман услубидаги қасрлар (Нитрадаги 1200 йлга оид авлие Эмерам базиликаси, 12-аср оид Скалицадаги 2 ярусли капелла-ротонда, 1228 йлга оид Дьяковна, 12-аср оид Дражовца черковлари, 12-аср оид Оравский қасри ва б.) словак меъморлигининг дастлабки обидаларидир. 14—15-а.ларда *готика* услуби урф бўлди (Кошицедаги кафедрал собор,1382—1499; Братиславадаги соборлар, 14—15-а.лар ва б.). 16-а.да *Уйғониш* даври меъморлиги тарқала бошлади (Банска-Бистрицадаги ратуша, 1510; Пресов, Левоч, Бардеёв ва б. жойлардаги ун-жон бинолари). 17—18-а.ларда *барокко* услуби, айниқса, сезиларли из қолдирди. Братиславадаги Троица черкови (1717—35), илк классицизм иншоотлари бўлган Бош сарой (1778—81, меъмор М. Гефеле), Кошицедаги ратуша (1756) шу жумлага киради. 18-а. охири ва 19-а. бошларида заминдорларнинг ҳовли-жойлари, шаҳар ва қишлоқлар қурилишида *классицизм*, 19-а. охири ва 20-а. бошларида *модерн* услуби устун бўлди. Турар жойлар ва черковлар ёғоч, тош ва пишиқ гиштдан қурилди. 20-а.нинг 2-ярми қурилишида замонавий материаллардан фойдаланилди (Братиславадаги Олий техника мактаби биноси, Дунай устидаги кўприк, «Киев» меҳмонхонаси ва б.).

С. ҳудудида ибтидоий санъат ёдгорликлари (палеолит даврига хос аёллар ҳайкалчалари, неолит сополи, фракий, скиф, кельт, қад. славян ва б. қабилалардан қолган буюмлар) сақланган. 4-а.га оид қабрлардан жез анжомлар, олтин ва кумуш буюмлар топилган. 14—15-а.лар рангтасвир асарлари (Спишска-Капитулдаги авлиё Мартин черкови, 1317) диққатга сазовор. 16-а. бошларида Уйғониш даври, 17-а.да барокко санъати ривожланди. 19—20-а.ларда Й. Чаусич, К. Либай, В. Климкович, Й. Ганула, Л. Чордак, Ф. Упрка, М. Бенка, О. Дубай каби рассом ва ҳайкалтарошлар ижод қилдилар. Замонавий тасвирий санъат усталари орасида В. Глубучек, Я. Кулих, Й. Кузьма, Я. Яношка ва б.ларни кўрсатиш мумкин.

Мусиқаси. С. халқ мусиқа ижодиёти жанрларга бой. Улар орасида ишқ, севги, диний ва маросим қўшиқлари, балладалари учрайди. Қўшиқлар бир овозли, 4 ва 5 товушқаторли диатоникага асосланган. Фрипка ва одемок рақслари машҳур. Чолғу асбоблари — фуяра, чўпон найлари, най ва б. 9—10-а.ларда профессионал мусиқанинг илк шакллари черков битимларин.15-а.дан кўп овозли мусиқа пайдо бўлди. Миллий композиторлик мактабининг асосчиси Я.Л. Белла «Тақдир ва идеал» симфоник поэмаси (1878), «Темирчи Виланд» операси (1890)ни яратди. 20-а. бошларида турли опера ва хор жамоқдари ташкил этилди. 1919 й. ташкил этилган мусиқа мактаби 1928 й. Мусиқа ва драма академиясига, 1941 й. консерваторияга айлантирилди. Братислава словак камер оркестри (1960), Олий нафис санъат мактаби (1949) ташкил топди. Композиторлар Э. Суҳонь, А. Мойжес, дирижёрлар Л.Словак, Л. Райтер, пианиночилар М. Карин, К Гавликова, П. Товерпер, скрипкачилар А. Можи, Т. Гашпарек, хонандалар Ю. Мартвонь, Э. Китнарова, Г. Беничкова машҳур.

Театри. 12-а.да покулятор деб аталадиган халқ актёрлари томошалар кўрсатишган. 15—16-а.ларда Брезно, Банска-Штьявница ва б. жойларда мактаб драмаси пайдо бўлди. 17—18-а.ларда халқ театри ташкил топиб, унда диний мавзудаги пьесалар қўйилди. С.да профессионал театр санъатининг вужудга келишида ҳаваскорлик тўгаракларн муҳим роль ўйнади. 19-а.нинг 1-ярмида ҳаваскорларнинг драма тўгаралари тузила бошлади, улар У. Шекспир, Ф. Шиллер, Н. Гоголь асарларини саҳналаштирди. 1890 й. Мартинда қурилган Миллий уй саҳнасида маҳаллий муаллифлардан Я. Ҳанасида, Я. Паларик, П. Гвездослав, Й. Лупка, Я. Паларик, П. Гвездослав, Й. Тайовский пьесалари қўйилди. 1920 й. Братиславада биринчи словак профессионал театри барпо этилди. 20-а.нинг 2-ярмида Братислава, Жилин, Кошице, Банска-Бистрица, Прешовда янги театрлар ишлай бошлади. Й. Будский, И. Лихард, Т. Раковский каби реж.лар, М. Краловичова, К. Махата, Ю. Пантик, М. Грегор каби актёрлар машҳур. Театр кадрлари Братиславадаги Олий театр мактабида тайёрланади.

Ўзбекистон — С. муносабатлари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 1997 й. янв.да С.га қилган ташрифи чоғида имзоланган икки томонлама ҳужжатлар ЎзР билан С.нинг ўзаро ҳамкорлиги учун ҳуқуқий асос яратди. Бу ҳужжатлар орасида ўзаро муносабат ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги шартнома, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш ҳамда савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий

ҳамкорлик ҳақидаги битим алоҳида ўрин олади. Кейинги йилларда Ўзбекистон — С. муносабатлари ҳукуматлар, парламентлар, экспертлар, тадбиркорлар даражасида ривожланиб келди. Ўзбекистон — С. ҳукуматлараро қўшма комиссияси ишлай бошлади. Ана шуларнинг натижаси ўлароқ икки томонлама товар айланмаси 2002 й. 8,2 млн. АҚШ долларини ташкил этди. 2003 й. мартда С. Президенти Р. Шустернинг Ўзбекистонга ташрифи натижасида имзоланган икки томонлама солиқ солиш ва мулкдан келадиган даромаддан солиқ тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан С. «Эксибанк»и ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум икки мамлакатнинг ўзаро муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

СЛОВАКИЯ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ —Словакия Республикасининг олий илмий муассасаси. 1953 й. Братислава шаҳрида ташкил этилган. Дастлаб 14 илмий муассасаси бўлган. 50 дан ортиқ акад., 60 дан зиёд мухбир аъзоси, 50 га яқин илмий муассасаси бор. Бир қанча жур. нашр этади.

СЛОВАКЛАР (ўзларини словацлар деб аташади) — халқ. Словакия Республикасининг асосий аҳолиси. 5,6 млн. киши, жумладан, Словакияда тахм. 4,5 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Словак тилида сўзлашади. Диндорлари — католиклар, протестантлар ва униатлар ҳам бор.

Археологик тадқиқотлар С.нинг аждодлари — ғарбий славян қабилалари эканлигини кўрсатади. С. 11-а. дан 20-а.га қадар Венгрия таркибида яшаган, лекин ўз миллий маданиятини сақлаб қолган. 19-а.да миллат бўлиб шаклланган. 1918 й.да Чехословакия таркибига кирган. С. 1992 й. 17 июлдан мустақил давлат барпо этганлар. С. деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, кулолчилик б-н шуғулланади; бир қисми саноатда банд.

Словак қизлари анъанавий кийимда.

СЛОВАЦКИЙ (Slowacki) Юлиуш (1809.4.9, Кременец, Тернополь вилояти яқинида — 1849.9.4, Париж; 1927 й.да унинг хоки Краковга кўчирилган) — полък шоири. Вильнюс ун-тини тугатган (1828). Дастлабки достонлари («Гуго», 1829; «Ян Белецкий», 1830 ва б.) романтик руҳда. 1831 й.дан муҳожирликда яшаган. Яқин Шарқ мамлакатларига сафари таассуротида «Неаполдан мукаддас жойларга саёҳат» (тугалланмаган, 1836—39)нини ёзган. «Ангелли» (1838), «Швейцарияда» (1839) каби поэтик асарларида халқ қудрати ва келажагига ишончи ифодаланган. С. полък романтик театри репертуарини яратган («Кордиан», 1834; «Горштинъский», 1835; «Хэлот», 1841 ва б.). «Бен-ёвский» достони (тугалланмаган, 1841) кўп йиллик ижодий изланишларининг чўққиси бўлиб, С.нинг фалсафий-тарихий қарашларини, С.нинг фалсафий-тарихий қарашларини ифодалаган. С.т.даги дастлабки касига асосланган. С.т.даги дастлабки касига асосланган. Ёзуви лотин графикасига асосланган. С.т.даги дастлабки ғояларига мансуб.

СЛОВЕНИЯ (Slovenija) Словения Республикаси (Republika Slovenija) — Болқон я.о.нинг шим.-ғарбида жойлашган давлат. Майд. 20,3 минг км². Аҳолиси 1,93 млн. киши (2002). Пойтахти — Любляна ш. Маъмурий жиҳатдан 62 туманга бўлинган.

Давлат тузуми. С. — республика. Амалдаги конституцияси 1991 й. 23 дек.да қабул қилинган; унга 1997 ва 2000 й.ларда тузатишлар киритилган. Давлат бошлиғи — президент (2002 й.дан Янез Дрновшек). Қонун чиқарувчи ҳокимияти 2 палатали парламент — Давлат мажлиси ва Давлат Кенгаши, ижрочи ҳокимиятни ранс бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

Табиати. С. — асосан, тоғли мамлакат. Шим.-ғарб ва шим.да Шарқий Алп тизмаси, жан.да Динара ясситоғлигининг шим. чеккаси, жан.-ғарбда ғаро-йиб ғорлари б-н машҳур бўлган Карст платоси бор. Шарқда ва Адриатика денгизининг Триест қўлтиғи соҳилида чоғроқ пасттекисликлар жойлашган. Қўрғошин-рух рудалари, симоб, бир оз миқдорда қўнғир кўмир, лигнит, нефть, барит, бинокорлик материаллари конлари мавжуд. Иқлими мўътадил, континентал. Асосий дарёлари — Сава, Драва (Дунай ирмоқлари). Тоғларда муз ва карст кўллари бор. С. ҳудудининг 46% га яқини ўрмон, баланд тоғларда бук ва эман ўрмонлари, тог ёнбағирларида аралаш ва игнабарғли ўрмонлар б-н алмашинади. Каттагина майдонлар — яйлов. Ҳайвонот дунёси қўнғир айиқ, бўғу, тог эчкиси, кемирувчилар ва турли паррандалардан иборат. Триглав миллий боғи ташкил этилган.

Аҳолиси. Асосий аҳолиси словенлар (90%); хорват, серблар ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 51,5%. Динларининг аксарияти христиан (католик)лар. Расмий тил —словен тили. Йирик шаҳарлари: Любляна, Марибор.

Тарихи. С. ҳудудида қадимдан кельтиллирий қабилалари яшаган. Мил. ав. 1-а.да Рим давлати босиб олган. 6—7-а.ларда бу ерга славян (словен)лар кедиб ўрнашган. 7-а.да Каринтания деб аталувчи илк давлат пайдо бўлган. 11—13-а.ларда С. ҳудудида Каринтия, Штирия, Крайна ва б. князликлар пайдо бўлди. 1282 й. С.нинг катта қисми *Габсбурглар* ер-мулки таркибига кирди ва 16-а. бошларига келиб, барча словен ерлари қўшиб олинди. 1478, 1515, 1573 й.ларда деҳқонларнинг қўзғолонлари бўлди. 18-а.нинг 2-ярмида ўтказилган ислоҳотлар туфайли иқтисодий жонланиш рўй берди. 1848—49 й.ларадги инқилоблар натижасида ер-сув муносабатлари емирилиб, пул-товар муносабатлари ривожлана бошлади. 1914—18 й.ларда миллий ҳаракат авж олди. 1918 й.дан С. ерлари Серб, хорват, словенлар қироллиги (1929 й.дан Югославия қироллиги)га бирлашди. 1941 й. Юго-

Словения гербн.

славия фашистлар босқинига дучор бўлиб, С. ерларини Италия б-н Германия бўлиб олди. 1945 й. 15 майда озод қилинди. 1946 й.ги Париж сулҳ шартномасига биноан, Югославия б-н қайта қўшилиб, 1991 й.гача унинг таркибидаги республикалардан бирига айланди. 1991 й. 25 июнда республика Скупщинаси С.нинг давлат мустақиллигини эълон қилди ва Югославия таркибидан чиққанлигини билдирди. С. — 1992 й.дан БМТ аъзоси. ЎзР суверенитетини 1991 й. 27 дек.да тан олган ва 1995 й. 16 янв.дан дипломатия муносабатлари ўрнатган. Миллий байрами — 25 июнь — С. давлатчилиги куни (1991).

Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари. Либерал демократия партияси, 1913 й. асос солинган С. либерал партиясининг давомчиси сифатида 1989 й.да қайта тикланган; С. демократик партия-си, 1992 й. тузилган; Социал-демократлар Ягона рўйхати партияси, 1992 й. асос солинган; Кўкатпарварлар партияси, 1992 й. ташкил этилган; С. халқ партияси, 2000 й. тузилган; С. миллий партияси; С. социал-демократик пар-тияси, 1989 й. асос солинган; С. пенсионерлар демократик партияси. С. мустақил касаба уюшмалари бирлашмаси; С. мустақиллиги янги касаба уюшмалари конфедерацияси.

Хўжалиги. С. — индустриал-аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноатининг улуши 35%, қ.х. нинг улуши 5%, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 60%.

Саноати. Қўғошин-рух, полиметалл рудалар, қўнғир кўмир, боксит, сурма, симоб қазиб олинади. Есенице, Шторе, Равнеда қора металлургия, Межице, Кидричевода рангли ва қора металлургия корхоналари бор. Машинасозлик, неллюлоза-қоғоз саноати ва металл ишлаш — саноатнинг етакчи тармоғи. Марибор, Любляна, Целе, Крандаги з-дларда гидротурбиналар, юк автомобиллари, автобус, мотоцикл, рўзғор асбоблари, электротехника буюмлари ва б. ишлаб чиқарилади. Кимё ва электр-кимё саноати (жумладан, карбид калъяни ч.ч.) ривожланган. Ёғочсозлик, кемасозлик, тўқимачилик, полиграфия, қ.х. машинасозлиги, кўн-пойабзал, озиқ-овқат, жумладан, виночилик саноати корхоналари бор. Электр энергияси ГЭС ларда ҳосил қилинади (йилига ўртача 12,6 млрд. кВт-соат). Асосий саноат марказлари: Любляна, Марибор.

Қишлоқ хўжалиги сермаҳсул. Гўшт-сут чорвачилиги ривожланган. қорамол, чўчқа, от, қўй боқилади. Деҳқончиликда картошка, бугдой, маккажўхори, сули, арпа, тариқ, хмель, қанд лавлаги, зигир экилади. Богдорчилик ва токчилик ривожланган.

Транспортида т.й. узунлиги 1,2 минг км, автомобиль йўллари уз. 14,7 минг км. Денгиз порти — Копер. Хорижий сайёҳлик яхши йўлга қўйилган. Четга юк автомобиллари, автобуслар, тўқимачилик, кимё саноати ва қ.х. маҳсулотлари чиқаради. Четдан автоматика ва алоқа воситалари, машина ва ускуналар, истеъмол товарлари олади. Пул бирлиги — толар.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. С.да 8 йиллик мактаб таълимининг асосий бўғини ҳисобланади. Тўлиқ ўрта маълумотни гимназия беради. Малакали ишчилар таёёрлайдиган мактаблар, қ.х., техника ва б. соҳаларга ихтисослашган мактаблар бор. 26 олий ўқув юрти мавжуд. Йириклари: Любляна ун-ти (1595—96), Олий пед. мактаби ва б. Кўп илмий муассасалар — С. Фан ва санъат академияси (1921), Геол., Табиат ва тарих ёдгорликларини сақлаш, Ишчилар ҳаракати тарихи и.т. институтлари, Любляна ун-ти ҳузуридаги Ядро тадқиқотлари ин-ти, минтақавий илмий ва маданий-маърифий жамиятлар Люблянада жойлашган. 168 та йирик кутубхона (жумладан, Миллий ва ун-т кутубхонаси), 94 та музей (жумладан, миллий ва қомонавий галереялар, миллий, эт. ва шаҳар музейлари) бор.

Словения табиати манзараси.

Словения байроғи.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Асосий газ.лари: «Дело» («Иш», мустақил кундалик газ., 1959 й.дан), «Дружина» («Оила», ҳафтанома, 1952 й.дан), «Ин» («Словенияда хабарлар», инглиз ва словен тилларида чиқадиган ҳафтанома), «Младина» («Ёшлар», ҳафтанома, 1942 й.дан), «Словенец» («Словениялик», кундалик газ., 1991 й.дан), «Словенске новице» («Словения янгиликлари», кундалик газ., 1991 й.дан), «Вечер» («Оқшом», кундалик газ., 1945 й.дан). С. телеграф агентлиги (СТА) С. Республикаси ахборот агентлиги бўлиб, 1991 й. асос солинган. С. Радио ва телевидениеси фаолият кўрсатади; радиоэшиттириш 1928 й.дан, телекўрсатув 1958 й.дан бошланган. 3 давлат радио дастури ва 2 давлат телеканали мавжуд. Эшиттириш ва кўрсатувлар словен, венгер, итальян тилларида олиб борилади.

Адабиёти. С. ёзма адабиёти 10-а.дан бошланган. Унинг ривожланишида бой халқ оғзаки ижодиёти муҳим роль ўйнаган. Руҳоний П. Трубар (1508—86) словен алифбосини ишлаб чиқиб, словен тилида диний адабиётлар нашр эттирди. С. Крель, Ю. Далматин, А. Бохорич унинг ишини давом эттирди. 18-а.да Европа Уйғониш даври ғоялари таъсирида дунёвий адабиёт вужудга келиб, ривожланди. Драматург А. Т. Линхарт ва шоир В. Водник ижодиёти шу даврга тўғри келди. Ф. Прешерн (1800—49) ижоди («Поэзия», 1847) словен ва европа адабиётида муҳим воқеа бўлди, унинг асарлари С.да романтизмнинг қарор топишида катта роль ўйнади. Ф. Левстик словен назми, насри ва адабий танқидчилигида реалистик оқимни бошлаб берди. Унинг издошлари — аввало тарихий қисса ва романлари б-н танилган Й. Юрчич, ёзувчи ва шоирлардан Й. Стрирар, И. Тавчар, Я. Керсник, С. Енко, С. Грегорчич, А. Ашкерц реализмни юқори погонага кўтардилар.

19-а. охири — 20-а. бошларида «Словен модерни» ижодий гуруҳи (насрда Й. Цанкар, Д. Кетте, назмда О. Жупанчич ва б.) адабий жараённи ривожлантирди. Гуруҳ аъзолари ўша пайтда Европада урф бўлган натурализм, импрессионизм, символизм шеърий усулларидан фойдаланиб, ижтимоий ва миллий тенгсизликка қарши норозилик кайфиятини ифодаладилар. 20—30-й.ларда шоирлардан О. Жупанчич, А. Градник, ёзувчи ва драматурглардан Ф. Бевк, Ю. Козак, Б. Крефт, П. Воранц халқ ҳаётини ҳаққоний акс эттирдилар. 2-жаҳон урушн йилларидаги озодлик курашн даврида шеърият етакчи жанр бўлди. Партизан шоирлар М. Бор, К. Дестовник-Каюх, Т. Селишкар, Э. Коцбек ва б. ўз шеърлари б-н халқни курашга даъват этдилар. Урушдан кейинги йилларда Я. Менарт, Л. Кракар, Т. Панчек, К. Кович шеъриятида, М. Мелчич, П. Зидар, В. Кайчич қиссa ва романларида, П. Козак, Д. Смоле, П. Божич пьесаларида инсон аҳвол-руҳияти чуқур таҳлил қилиниб, воқеалар силсиласи жўшқин ифодалаб берилди, гурли ғоялар курашн холисона акс эттирилди.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. С. ҳудудида мил. ав. 1-а. ва мил. 4-а.ларда Кад. Рим шаҳарлари (Эмона, ҳоз Любляна; Петовио, ҳоз. Птуй) мавжуд бўлган. Улардаги истеҳкомлар, ибодатхоналар, осма қувурларнинг қолдиқлари ҳозиргача сақланган. Ўрта асрлардан роман услубидаги (Стичнадаги черков, 1136—56), готика услубидаги (Птуйдаги черков, 1260—70, Птуйск-Гора қишлоғидаги черков, 15-а. боши) ибодатхоналар қолган. 15—16-а.лар меъморлигида *Уйғониш* даври белгилари сезилади. 17—18-а.ларда барокко услуби ёйилди, бу услуб черковлар (Люблянадаги авлиё Яков черкови, 1613—15; Урсулин черкови, 1718—26), ратушалар, фавворалар (Любляналаги Ф. Робба фаввораси, 1751) ва ш.к.лар қурилишида намоён бўлди. 19-а. охири — 20-а. бошларида Й. Плечник, И. Вурник, В. Шубиц каби меъморлар ижодида миллий анъаналар ва қад. меъморий услублар б-н бир қаторда «модерн» услубидан ҳам фойдаланилди. 1945 й.дан кейин эркин режали янги шаҳарлар, саноат р-нлари, кўп қаватли турар жой мажмуалари, жамоат марказлари, Копер, Пиран ва б. курорт-шаҳарлар, сайёҳлик масканлари қурила бошлади. Денгиз бўйларида дераворлари тошдан тикланиб, томи черепица б-н ёпилган, шарқий ва тоғ олди жойларида ёғоч ва гувалдан тикланиб, томи пахол ва тахталар б-н ёпилган уйлар кўпроқ учрайди.

Юла Алъп тоғлари.

С. ҳудудида палеолит даврига оид суб суякдан ясалган буюмлар, неолит даврига оид чорпоя устига қурилган биноларнинг қолдиқлари, жимжимадор нақшланган сопол идишлар топилган. Жез даврidan жез ҳайкалчалар, нақшин шамшир ва б. сақланган. 9—12-а.лар славян қабрларидаги кумуш зарғарлик буюмлари ўйма нақш б-н зийнатланган. 12—13-а.ларда черковлар тош ўймакорлиги ва бўртма гуллар б-н безатилган. 14-а.да ёғоч ҳайкалтарошлиги пайдо бўлди (Сольчавадаги «Биби Марям» черкови). 16-а.да портрет ва дунёвий рангтасвир санъати ривожланди, черков девороларига расм солиш урф бўлди. Металл, ёғоч ва сопол буюмлар ясашга киришилди. 18-а. охири — 19-а. бошларида Ф. Ковчич расмлари, Л. Янша манзаралари, И. Томинц портретлари машҳур бўлди. 20-а. рассомларидан Ф. Тратник, Г. Кос, Ф. Михелич, ҳайкалтарошлардан Ф. Бернекер, Л. Долинар ижоди диққатга сазовор. Амалий безак санъати турлари ривожланган.

Мусиқаси. Кўпгина халқ қўшиқларига немис-австрия ҳамда венгер халқ мусиқа анъаналарининг яқинлиги хос. С.да мавсум, маросим (коледалар), таърихий, қаҳрамонлик, севги, ҳазил қўшиқлари мавжуд. Кўп овозли қўшиқлар кенг тарқалган. Халқ чолғу асбобларидан лаб гармоникаси, скрипка, кларнет ва б. мавжуд. Профессионал мусиқа санъати монастирларда (12-а.дан) ҳамда черковлар ҳузуридаги ашула мактаблари (13-а.дан)да ривож топди. Илк композиторлар орасида Я. Галлус (диний ва дунёвий кўп овозли асарлар яратган) алоҳида ажралиб туради. 17-а. композиторларидан вокал ва чолғу асарлар муаллифлари Г. Плавец (Плауц), Я. Б. Долар, И. Пош (Похиус) баракали ижод қилдилар. 18-а.да Любляна Филармония академияси ташкил этилди. Я. Зупан, Я. Новак дастлабки операларини ёздилар. 1892 й. Любляна С. театри очилди, 1919 й. консерватория (1939 й.дан Мусиқа академияси), 1934 й. Мусиқа тарихи ин-ти, 1939 й.да филармония иш бошлади. 20-а.нинг 2-ярмида С. радио ва телевидениеси ҳузурида хор ва эстрада оркестри, Любляна ун-ти ҳузурида мусиқашунослик ин-ти ташкил этилди. Замонавий композиторлардан Д. Швара, П. Рамовш, И. Петрич; дирижёрлардан С. Хубад, Д. Жебре, созандалардан Д. Томишич, М. Липовшеш, И. Озим, хонандалардан Л. Коросец, В. Буковецлар машҳур.

Театри. 17-а.да немис ва лотин тилларида дастлабки томошалар — «мактаб драмаси» ва диний мавзудаги драмалар кўрсатила бошлаган, сўнг дунёвий театрлар ҳам пайдо бўлган. 1765 й. Любляната донимий ишлайдиган Табақа театри очилиб, унда немис тилида А. Иффланд, А. Коцебу, 19-а.дан Ф. Шиллер ва б. муаллифларнинг пьесалари кўрсатилган. 1789 й. биринчи словен пьесаси — А. Линхартнинг «Миша — жупан қизи» пьесаси саҳналаштирилди. 1867 й. ташкил этилган Театр жамияти, асосан, словен драматурглариннинг асарларини кўрсата бошлади. 1- ва 2-жаҳон урушлари ўртасидаги даврда Словен миллий театр труппаси қайтадан ташкил этилди, 20-а.нинг 2-ярмида янги театрлар барпо этилди. Любляната Эксперимент.ал (1956 й.дан), болалар театрлари, кўғирчоқ театр, Театр санъати академияси, Словен театр музейи ишлайди.

Ўзбекистон — С. муносабатлари. 2003 й. окт.да С. Ташқи ишлар вазирининг Ўзбекистонга ташрифи вақтида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида битим ҳамда икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорликка оид баённома имзоланди. Икки мамлакат ўртасида товар айланмаси 2002 й.да 2,1 млн. АҚШ долларини ташкил этганлиги таъкидланиб, келгусида ҳукуматлар, парламентлар ўртасидаги алоқаларни ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ҳақида келишиб олинди.

СЛОВЕНЛАР, словинлар — Словения Республикасидаги халқ, 2,3 млн. киши (1990-й.лар ўрталари), жумладан, Словенияда 1,7 млн. киши. Словен тилида сўзлашади. Динлорлари — католиклар, протестантлар ва православлар ҳам бор. Ҳоз. С. ҳудудлари мил. 6—7-а.ларда Дунай дарёсининг ўрта

Словенлар. Антананави турар жой.

оқими бўйлари. Паннония паст текислиги, Шарқий Альп (Карантания)да яшаган. 8-а.да карантаниялик С. германларга тобе бўлиб қолганлар. 13-а.дан словен ерларининг катта қисми Австрия (1867 й.дан Австрия-Венгрия) таркибида. 1918 й. Серблар, хорватлар ва словенлар қироллиги (1929 й.дан — Югославия) барпо этилган. 20-а.нинг 1-ярмида миллат бўлиб шаклланган. Югославия таркибидан ажралиб чиққан С., 1991 й. 25 июндан мустақил давлат барпо этганлар.

С. деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик, узумчилик, асаларичилик ва ҳунармандчилик б-н шуғулланади.

СЛЮДАЛАР — жинс ҳосил қилувчи минераллар (алюмосиликатлар) гуруҳи; қат-қатсимон силикатлар кичик синфига мансуб, мураккаб ва беқарор таркибли: R_1, $R_{2-3}[AlSi_3O_{10}](OH,F)_2$, бунда R_1=K, Na; R_2, =Al, Mg, Fe, Li. Бу гуруҳ кенг тарқалган интрузив, метаморфик ва чўкинди тоғ жинсларининг жинс ҳосил қилувчи минералларидан бўлиб, муҳим фойдали қазилма ҳисобланади. Ер пўстидаги умумий миқдори 3,8%га етади. С. моноклин (сохта тригонал) сингонияда кристалланади. Табиатда турли отқинди ва метаморфлашган тоғ жинслари орасида, йирик кристаллари пегматитларда, баъзан юқори ва ўртача т-рларда юзага келган вольфрам, молибден ва б. фойдали қазилмаларнинг гидротермал конларида учрайди. С. ёпишқоқлиги ва эгилувчанлиги туфайли шаклини тез ўзгартиради, енгил жилоланади. С. гуруҳига кирадиган минералларнинг кимёвий таркиби ўзгарувчан. Бир хил катионларнинг бошқа бир катионлар б-н алмашиниш ҳоллари жуда кўп учрайди. Кимёвий таркибига кўра, С. қуйидаги турларга бўлинади: алюминийли С. — мусковит, парагонит; магнезиал темиртошли С. —флогопит, биотит, лепидомелан; литийли С. — липидолит, циннвальдит, тайниолит; шунингдек, ванадийли С. — роскоэлит; хромли С. — хромли мусковит ёки фуксит ва бош-қалар. С. таркибида кўпинча камёб элементлар (Be, B, Sn, Nb, Ta, Ti, Mo, W, U, Th, Y, TR, Bi) бўлади. Минералнинг қат-қатсимон кўриниши, жуда юпқа, эгилувчан ва мустаҳкамлигини сақлаб қолувчи қатламларга бўлиниши С.нинг пакетлараро алоқасининг кучсизлиги б-н боғлиқ. Қаттиқлиги 2,5–3; зичлиги 2,8 г/см³ (мусковит), 3,3 г/см³ (биотит), 2,2 г/см³ (флогопит). Мусковит ва флогопит рангсиз, юпқа қатламлари шаффоф; кучсиз қўнғир, бинафша, яшил туслари Fe^{2+}, Mn^{2+}, Cr^{3+} ва б. бирикмалар б-н боғлиқ. Темирли С.нинг қўнғир, жигарранг, тўқ яшил ва қора бўлиши таркибидаги Fe^{2+}, Fe^{3+}, Cr^{3+} ва б. нисбатига боғлиқ. С. электротехника саноатида изолятор сифатида ҳамда слюда қоғози, ўтга чидамли материаллар, гулқоғозлар, слюдали картон, иссиққа чидамли бўёқ, ҳар хил керамик маҳсулотлар тайёрланда ишлатилади. С. конлари ҳорижда РФ (Иркутск вилояти, Карелия, Мурманск вилояти, Кола я.о., Саха), Ҳиндистон, Бразилия, АҚШ ва Канадада маълум.

СЛЯБ (инг. slab, айнан —плита) — металлургия саноатининг чала маҳсулоти; кесими тўғри тўртбурчак шаклдаги ясси пўлат заготовка. С. пўлатни узлуксиз қуйиш қурилмаларида ёки *слябингга*, баъзан эса *блумингга* олинади. С.нинг эни 400—2500 мм гача, қалинлиги 75—600 мм гача бўлади. Ундан лист прокат ишлаб чиқарилади.

СЛЯБИНГ (инг. slab) — йирик (45 т гача) пўлат қуймалардан *слиб* ишлаб чиқариладиган *прокат стани*. С. жиҳозларининг таркиби ва жойлаштирилиши *блумингни*кидан фарқ қилади: С.да вертикал валли клетлар (катаклар) ҳам бўлади. Икки клетли универсал С.



Слябинг схемаси: *1* — иш клети; *2* — устки горизонтал валик юритмаси; *3* — пастки горизонтал валик юритмаси; *4* — вертикал валиклар юритмаси; *5* — юк.

кўпроқ ишлатилади. Биринчи клети иккита горизонтал валдан, иккинчиси иккита вертикал валдан иборат. Валларни ўзгармас ток б-н ишлайдиган учта реверсив электр двигатель ҳаракатлантиради.

СМАЛЬТА (нем. Smalt ёки Schmalte, Schmelzen — эритиш, суюқлантириш) — мозаика ишлари учун қўлланиладиган кичик ўлчамли куб (1—2 см³) ёки пластинка (1—2 см³) шаклидаги рангли ўтиқ шиша. С. бундан шишани пиширш жараёнида қолипларга қуйиш ёки иссиқ ҳолатда пресслаш (баъзан қўшимча кристаллаш) сўнг иссиқ ҳолдаги шишанинг 2 қатлами орасига юпқа рангли зар қоғоз жойлаштириб пресслаш йули б-н тайёрланади.

СМЕТА (рус.) — олдиндан тузилган кирим-чиқим ҳисоби. 1) харажатлар С.си — маҳсулот и.ч., иш, хизматларни бажариш бўйича тузиқ харажатлар ҳисоби; 2) даромадлар ва харажатлар С.си — корхона, ташкилот, муассасанинг ҳужалик фаолиятини молиялаштиришда фойдаланиладиган пул маблағлари гуруҳлари ва уни сарфлаш бўйича ҳужжатлаштирилган бухгалтерия режаси. Баъзан и.ч.га, объектларни қуришга алоҳида харажатлар С.си тузилади; 3) С. бўйича молиялаштириш — харажатларни қоплаш учун тақдим этилган харажатлар ҳисобларига кўра, давлат бюджетидан пул маблағлари ажратиш.

СМЕТАНА (Smetana) Бедржих (1824. 2.3, Литомишль — 1884.12.5, Прага) — чех композитори, пианиночи, дирижёр, мусиқа жамоат арбоби. Миллий опера ва симфоник мусиқа асосчиси. 1830 й.дан пианиночи сифатида концертлар берган. 1850—70 й.ларда дирижёр, педагог, мусиқа танқидчиси. Прагада мусиқа мактаби (1849), опера мактаби (1872)ни ташкил этган. С. миллий руҳда яратилган «Бранденбургликлар Чехияда» (1863), «Далибор» (1867), «Либуше» (1872) каби тарихий ва, айниқса, шоҳ асари — «Сотилган келин» (1866) ҳажвий опералари, «Менинг Ватаним» симфоник поэмалар туркуми ва бошқалар б-н чех мусиқасини жаҳонга танитган. «Сотилган келин» операси Навоий театрида саҳналаштирилган (1952). Чехияда С. жамияти (1930 й. дан), Чехия ва Швецияда С. музейлари фаолият кўрсатмоқда. Прагадаги «Мусиқа уйи», концерт залига С. номи берилган.

СМЕТАНА (рус.) — суюқ қаймоққа ивитқи — сут ачитқи бактериялари қўшиб тайёрланадиган маҳсулот. Сут з-дларида ёғлилиги 10, 20, 25, 30, 36 ва 40% бўлган С. ишлаб чиқарилади. Суюқ қаймоқ 85—95° ҳароратда пастеризацияланади, сўнгра 25—27° га қадар совитиб томизги солинади, ивитиш 14—16 соат давом этади. Ивиган С. 2—8° га қадар совитилади ва етилиши учун 24—28 соатгача сақланади. С. таркибида сут ёғидан ташқари оқсил, сут қанди, органик кислоталар, минерал тузлар, шунингдек, А, Е, B_1, B_2, С ва РР витаминлари мавжуд. С.нинг калорийлилиги таркибидаги сут ёғининг миқдорига боғлиқ.

СМИРНОВ Владимир Иванович (1910.31.1 — Москва — 1988.16.6) — рус геологи, акад. (1962). Меҳнат Қаҳрамони (1980). Тожикистон—Помир экспедицияси (1934—37) геологик партияси бошлиғи, Ўрта Осиё Ҳайларкон симоб к-тининг бош геологи (1941—44). 1949—52 й.ларда Москва рангли металлар ва олтин ин-тининг (1949—52), 1951 й.дан Москва ун-ти проф. Илмий ишлари руда конлари геологиясини ўрганиш б-н боғлиқ. С. ер остида фойдали қазилмалар шаклланиши ва уларни миқдорий баҳолаш назариясини асослаб берди. Руда конларининг материклар ва океанларда шаклланиши ва жойлашишининг регионал қонуниятларини аниқлади. Ер пўсти ривожланиш тарихида руда ҳосил бўлишининг эндоген босқичини белгилаб берди, руда конлари ҳосил бўлишининг палеовулканизм б-н боғлиқлигини исботлади.

Ас.: Геология ртутных месторождений Средней Азии, М., 1947; Очерки металлогении, М., 1963; Геология полезных ископаемых, 2 изд., М., 1969.

СМИСЛОВ Василий Васильевич (1921. 24.3, Москва) — шахматчи, халқаро гроссмейстер (1950), хизмат кўрсатган спорт устаси (1948), жаҳоннинг 7-чемпиони (М.М. *Ботвинник* б-н бўлган матчда галабага эришган, 1957—58), шахмат назариётчиси. «Ўйлашни ўйлаш йўлида» (1979), «Рухгунликни излаш йўлида» (1979), «Рухлар б-н ўйинни якунлаш назарияси» (1986) китобларининг муаллифи.

СМИТ (Smith) Адам (1723.5.6, Керколди, Шотландия — 1790.17.7, Эдинбург) — шотландиялик инглиз иқтисодчиси, классик сиёсий иқтисод мактабининг таниқли вакили. Глазго ва Оксфорд ун-тларида ўқиган. Глазго ун-тида проф. (1751—63). 1778 й.да Эдинбургда божхона комиссари. 1787 й.да Глазго ун-ти ректори. 1759 й.да босилиб чиққан «Ахлоқий ҳиссиётлар назарияси» китоби ахлоқ, ҳулқ қоидаларига бағишланган. 1776 й.да энг асосий иқтисодий асари «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот» нашр этилди. Асар 5 китобдан иборат. Асарда ўша даврдаги мавжуд бўлган жами иқтисодий қарашлар изчил тартибга келтирилди, сиёсий иқтисод фани иқтисодий билимлар тизимига айланди. С. фикрича, ҳар бир одам хўжалик фаолиятида дастлаб ўз шахсий манфаатини кўзда тутади, аммо бу ҳолатда ҳам кўп ҳолатлардаги каби, «кўринмас қўл» уни бошқа мақсад сари йўналтиради. «Кўринмас қўл» — бу объектив иқтисодий қонунларнинг стихияли ҳаракати. С. фойда (манфаат) кетидан қуриш ва рақобатни бутун жамиятга наф келтирувчи фаолият деб қарайди. С. қарашларида капиталистик жамият табиий тузум; жамият 3 синфга: капиталист, ишчи ва ер эгаларига ажратилади. Ҳар бир синф и.ч. омиллари (капитал, меҳнат, ер) ва даромад (фойда, иш ҳақи, рента)га эга бўлиб, улар ўртасида ҳеч қандай қарама-қаршилик йўқ деб изоҳланади. С. қийматнинг меҳнат назариясини янада ривожлантириб жамият (халқ) бойлиги и.ч. жараёнидагина меҳнат туфайли пайдо бўлади, иқтисодий ривожланиш (прогресс)нинг муҳим омили меҳнат тақсимотидир, деган хулосага келади.

С.нинг таълимоти кейинги иқтисодий тафаккур ривожига катта таъсир кўрсатди (асосий асари олим ҳаётлиги даврида 5 марта қайта нашр этилган). С.нинг илмий гоялари классик сиёсий иқтисоднинг асосини ташкил этади (қ. *Классик сиёсий иқтисод мактаблари*).

Ас.: Исследование о природе и причинах богатства народов. Пер. с англ., М., 1962.

Ад.: Раззоқов А. ва б., Иқтисодий таълимотлар тарихи, Т., 2002.

Абдухалил Раззоқов.

СМИТ (Smith) Вернон (1927, АҚШ, Вичита, Канзас штати) — америкалик иқтисодчи. Калифорния техника ин-ти бакалаври (1941), Канзас ун-ти магистри (1951), Гарвард ун-ти д-ри (1955). Жорж Мейсон ун-тида проф. С. иқтисодий тажрибада эмпирик усуллардан фойдаланишни олга сурган. Мукобил бозор механизмларини кенг ўрганган. Нобель мукофоти лауреати (2002; Д. Канеман б-н биргаликда).

СМИТ (Smith) Хамилтон (1931.23.8) — америкалик молекуляр биолог ва генетик. Берклидаги Калифорния ун-ти (1952) ва тиббиёт коллежини тугатган (1956). Вашингтон ун-тидаги Барнс, Детройтдаги (Мичиган штати) Г. Форд шифохонасида, Саломатлик миллий ин-тида, Мичиган ун-тида, Ж. Хопкинс коллежининг микробиология бўлимида проф. Цюрих ун-тидаги (Швецария) молекуляр биология ин-тида илмий ходим. Илмий ишлари бактериялар иришяти, нуклеин кислоталар биокимёси, бактериофаглар иришяти ва профагларининг функционал механизмларини ўрганишга оид. Ҳамкасблари б-н биринчи бўлиб H. influenzae бактериясининг рестрикцион эндонуклеазасини соф ҳолда ажратиб олишга муваффақ бўлди, бу фермент бактерия ДНКсини маълум бир нуклеотидлар кетма-кетлиги бўйича таркибий қисмларга ажратади. С. бу кетма-кетликни аниқлаш усулини ишлаб чиқди. Нобель мукофоти лауреати (1978, В.Арбер ва Д. Натанс б-н ҳамкорликда).

СМИТСОНИТ [инглиз кимёгари ва минерологи Ж. Смитсон (1765—1829) номидан] — табиий карбонатлар синфига мансуб минерал. Таркиби — $ZnCO_3$(ZnO — 64,9%, Co_2 — 35,1%). Рух ўрнини изоморф аралашмалар сифатида кўпинча Fe, Mn, Mg, баъзан Co, камдан-кам Cd, Ln ва б. элементлар эгаллайди. Кристаллари гексагонал сингонияли, ромбоэдрик. Ёнлари кўпинча эгилган ва силлиқ эмас. Одатда, тупроқсимон ёки зич яширин кристалланган агрегатлардан бўлиб, кўпинча оқиқ ва пўстлоқсимон, шунингдек, қобиқсимон, катак-катак ва говак массалар шаклида ҳам учрайди. Қаттиқлиги 4,5—5; ўртача зичлиги 4,3 г/см³. С. оҳактошларда жойлашган кўргошин-рух сульфиди конларининг оксидланиш зонасида учрайди. С. рудалари рух олинадиган муҳим хом ашё ҳисобланади. Ўзбекистондаги деярли барча кўргошин-рух конларининг (Кўргошинкон, Учқулоч, Навгарзон) оксидланиш зонасида учрайди. Хорижда Шим. Мексика, Греция (Лаврион), Польша (Олькуш), Жан.-Ғарбий Африка (Цумеб)да, Байкалорти (Нарчинск), Қозоғистоннинг Ачисой (Турлан) ва Тожикистоннинг Такели, Олтинтопган, Қуруқсой, Айгирбулоқ конларида кенг тарқалган.

СМОЛА (рус.) — юқори молекулали органик бирикма. Аморфлилик, ишқалганда аста-секин юмшаши, эритилганда ёпишқоқ ҳолга келиши, органик эритувчиларда эриганда парда ҳосил қилиши ва сувда эримаслиги кўпчилик

С.ларнинг таснифли хоссаларидандир. С. табиий ва синтетик С.га бўлинади. Канифоль, даммара, копал, сандарак, каҳрабо ва битумлар табиий С.га киради. Илгари табиий С. лок, елим, қоғоз, граммофон пластинкалари ва б. и.ч.да кенг қўлланган. Ҳоз. замонавий саноатда табиий С. ўрнини истиқболли синтетик С. эгалламоқда. Фенолформальдегид, поливинилхлорид, карболид, меламин-формальдегид, полиамид ва б. С. синтетик С.га таалуқлидир. Синтетик С. пластмасса, лок, елим, синтетик тола, плёнка, электр изоляция материаллари, органик шиша ва б. олишда ишлатилади.

СМОЛЕНСК — РФдаги шаҳар. Смоленск вилояти маркази. Днепрнинг ҳар иккала соҳилида жойлашган. Т.й. ва автомобиль йўллари тугуни. Аҳолиси 355,9 минг киши (1998). 862 й.дан савдо ва ҳунармандчилик маркази сифатида маълум. 882 й.дан Киев Руси таркибида. 12-а.дан Смоленск князлигининг маркази. 1404—1514 й.ларда Литва князлиги, сўнгра Москва давлати таркибида. 1609—67 й.ларда Польша тасарруфида бўлган. 1667 й.да Андрусов сул-ҳи бўйича Россияга берилган. 1708—19 ва 1796—1929 й.ларда Смоленск губерняси. 1776—96 й.ларда Смоленск ноиблиги маркази. 1812 й.да Смоленск ёнида рус қўшинлари б-н Наполеон қўшинлари ўртасида катта жанг бўлган. 1941—43 й.ларда С. атрофида немис-фашист қўшинлари б-н шиддатли жанглар олиб борилган. 2-жаҳон уруши даврида С. бутунлай вайрон қилинган. Урушдан сўнг шаҳар қайтадан тикланган. С.га қаҳрамон шаҳар унвони берилган.

Машинасозлик (автоматлаштириш воситалари, ҳисоблаш машиналари, электр лампалар, совиткичлар ва б.), енгил (трикотаж, зигир, пойабзал), озиқ-овқат саноатлари ривожланган. «Кристалл» з-ди (бриллиантларга сайқал бериш), олмос асбобларини и.ч. корхонаси мавжуд. 4 олий ўқув юрти, 2 театр; Смоленск зигири музейи, С.Т. Конёнков номидаги ҳайкалтарошлик музейи, тарихий ва меъморий-бадиий музей-қўриқхонаси, бадиий галерея бор.

Қад. меъморий ёдгорликлардан Пётр ва Павел (1146), Иоанн Богослов (12-а.), Михаил Архангел (1191—94) черковлари, Успение собори (1677—79), Кремль (16-а. —17-а. бошлари) сақланган. «Мотамсаро она» ҳайкали (1965), «Мангулик қўрғони» мемориали (1970) ўрнатилган.

СМОЛЕНСК ВИЛОЯТИ — РФ таркибидаги вилоят. Россия Европа қисмининг ғарбида жойлашган. Марказий федерал округга киради. 1937 й. 25 сент.да ташкил қилинган. Майд. 49,8 минг км². Аҳолиси 1050,5 минг киши (2002), асосан, руслар (93,7%), шунингдек, белорус, украин ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 70,2%. Маркази — *Смоленск* ш. Бошқа йирик шаҳарлари—Рославль, Вязьма. 25 маъмурий туман, 15 шаҳар, 15 шаҳарчалар иборат.

С.в. Шарқий Европа текислигида, Днепр ва Ғарбий Двина дарёларининг юқори оқимида, Волганинг ҳавзасида жойлашган. Кенглик бўйлаб Смоленск қирлари, шим.-шарқида Вязьма қирлари бор (энг баланд жойи 319 м). Фойдали қазилмалари: қўнғир кўмир, торф, фосфоритлар, оҳактош ва б. қурилиш материаллари. Иқлими мўътадил континентал. Январнинг ўртача т-ра-си ғарбида —8°, шарқида —10°. Июлиники шим.-ғарбда 7°, жан.-ғарбда 18°. Вегетация даври 180 кун. Асосий дарёлари: Днепр ва унинг ирмоқлари Десна ва Сож. Шим.-ғарбида кўллар бор. Подзол ва чимли подзол, дарёлар ҳавзаларида аллювиал тупроқлар учрайди. 40% ҳудуди ўрмонзор. Ўрмонларида бўри, қўнғир айиқ, лось, қобон, тулки, олмахон, оқ қуён, сувсар ва б.; қушлардан бойўғли, қоратўлоқ, каркур ва б.; балиқлардан дарё ва кўлларида лещ, олабуға, чўртан ва б. мавжуд. Вилоят ҳудудида Смоленское Поозерье миллий боғи бор.

С.в.да саноат ривожланган ва қ.х. интенсив. Йирик электр ст-ялари (Смоленск ТЭЦ-2, Смоленск АЭС ва б.) ишлаб турибди.

Машинасозлик (энергетика жиҳозлари, автомобиль дизель, двигатель ва агрегатлар, ҳисоблаш техника воситалари, совиткичлар, енгил саноат учун электр лампа жиҳозлари ва б.), кимё, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Энг йирик корхоналари: «Измеритель» авиазаводи, «ЗИЛ» автоагрегат, «Айсберг» (уй-рўзғор совиткичлари), «Кристалл» (олмосга сайқал бериш, олмос асбоблари), «Двигатель» з-длари; «Авангард», «Дорогобужкотломаш» (иситиш қозонлари), «Минудобрения» и.ч. бирлашмалари, «Шарм» (трикотаж маҳсулотлари) корхонаси.

Асосий саноат марказлари: Смоленск, Вязьма, Рославль, Сафоново, Гагарин, Ярцево ш.лари.

Қ.хининг етакчи тармоғи — чорвачилик, асосан, гўшт-сут чорвачилиги ва чўчқачилик, шунингдек, паррандачилик, асаларичилик, картошкачилик, сабзавотчилик муҳим ўрин эгаллайди.

Т.и. ул. 1258 км. Муҳим т.и. магистраллари Москва—Смоленск—Минск, Брянск—Смоленск—Витебск. Йирик т.й. тугунлари: Смоленск, Вязьма, Рославль. Қаттиқ қопламали автомобиль йуллари 8828 км. Москва—Минск автомагистрали Смоленскдан 7 км нарида утади. Днепрда кемалар қатнайди. 5 олий ўқув юрти (шундан 1 педагогика ин-ти, Москва Энергетика ин-ти, Тимирязев номидаги Москва Қ.х. академияси филиаллари), 4 музей [тасвирий ва амалий санъат, вилоят ўлкашунослик, тарихий-бадиий музейлари, Гагариндаги Ю.А.Гагарин музейи (космонавт тутилган Клушино қишлоғида)], 2 театр, вилоят телевидениеси ва радиоэшиттириш таҳририяти фаолият кўрсатади. 10 санаторий, 2 дам олиш уйи бор.

СМОРОДИНА, қорақат (Ribes) — қорақатдошлар оиласига мансуб бутасимон кўп йиллик ўсимликлар туркуми, резавор мева. Ватани — Европа. С.нинг Евросиё, Шим ва Жан. Америкасининг совуқ ва мўътадил, Африкасининг мўътадил минтақаларида ўсадиган 150 ёввойи тури бор. Европа, Осиё ва Шим. Америкада экилади. Ўзбекистонда R. janczewskii A. Pojar (Янчевский С.и), R. meyeri Maxim (Мейер С.и), тоғли ҳудудларда бутазорлар орасида; сойларда, тоғ ён бағирларида ёввойи ҳолда ўсади. С.нинг қора (R. nigrum L.), қизил

Смоленск шаҳри. Успение собори.

С. (R. rubrum), тилларанг С. (R. aureum) ва б. турлари экилади. Новдалари силлиқ, баъзан, тиканли, барги бандли, гуллари майда, янги ўсиб чиққан новда кўлтигида пайдо бўлган гулининг ранги оқ, тўпгули шингил. Меваси майда, юмалоқ, шингилли, баъзан доначали, бандидан осон узилади. Таъми ширин, нордон. Меваси янгилигида истеъмол қилинади, ундан мураббо, жем, шарбат, вино ва б. тайёрланади.

Смородина: *1* — гулли шохи; *2* — қора смородина; *3* — оқ смородина; *4* — қизил смородина.

Кўпроқ қора С. экилади. Меваси авг.—сент.да бирин-кетин пишади. Таркибида 4,5—12,8% қанд, 2—4,5% лимон ва олма кислоталар, 80—100 мг% хушбўй моддалар, кальций, фосфор ва B_2 витаминлари, пектин моддалари мавжуд. С. кўк қаламчаларидан ва пархини йўли б-н кўпайтирилади. Кўчати ўтқазилгач, 2-кўпайтирилади. Кўчати ўтқазилгач, 2-йилни ҳосилга киради. Ўзбекистонда симбағазларга кўпириб ўстирилади. Ҳосил шохлари 1—3 йил яшайди. 6—7 йиллик шохлари кесиб ташланади. 18—20° да яхши ўсиб ривожланади. Қаттиқ совуқларга чидамли. Намсевар, тупроқ унумдорлигига талабчан. С. озиқ моддаларга бой, сернам, сувни яхши ўтказадиган, ер ости сувлари камида 1,5 чуқурликда бўлган ерларда яхши ўсади. С. кўчатлари эрта баҳорда ёки кузда қатор оралиғи 2,5 м, туп оралари 1—1,5 м схемада экилади. Ёз давомида қатор оралари юмшатилади, 6—12 марта суғорилади. Ҳар тупидан 6—8 кг дан ҳосил олинади.

Ўзбекистонда Боғдорчилик, узумчилик, виночилик и.т. ин-тида қатнашкэтли, Ўзбекистон навлари чиқарилган (1959).

Касалликлари: антракноз, занг, зараркунандалари: барг, новда, гунча галлицалари, смородина куртак канаси, битлар, қалқондорлар.

Ад.: Абдуллаев Р., Ятуднна С., Тошкент, 1989.

СНАЙПЕР (инг. sniper — панадан отмоқ) — махсус мўлжалга олиш мосламаси б-н жиҳозланган қуролдан отиш, душмандан паналаниш ва уни кузатиш сир-асрорларини эгаллаган мерган. С. номи 1-жаҳон уруши даврида инглиз армиясида пайдо бўлган, 2-жаҳон урушида кенг қўлланилган. С. махсус жиҳозланган пана жой (позиция)дан туриб отади. Айрим ҳолларда С. қоронғида кўриш ва кузатиш асбоби б-н ҳам таъминланади. С. 800 м гача узоқликдаги нишонни пойлаши мумкин. Артиллерия, танк қўшинлари ва авиациядаги моҳир отувчилар ҳам С. деб аталади. Ўзбекистонда қад. қўшинлардаги моҳир камончилар ва овчилар *мерган* деб аталган.

СНАРЯДЛАР, артиллерия снарядлари (рус. снаряд — асбоб) — тўплар, миномётлар, реактив артиллерия қуроллардан отишга мўлжалланган ўқ-дорилар. С., асосан, тана (корпус), трассер, ёқилғили двигатель ҳам бўлади; айрим артиллерия С.ига стабилизатор (йўналишни тўғрловчи) ҳам қўйилади. Артиллерия С.и калибрига кўра, кичик калибрли (20—76 мм), ўрта калибрли (76—152 мм) ва йирик калибрли (152 мм дан юқори) турларга, қўлланилишига кўра, асосий, махсус ва ёрдамчи гуруҳларга бўлинади. Асосий гуруҳдаги С.га фугасли, осколкали, фугас-осколкали, кумулятив (портлаш таъсири бир йўналишда жамланган), зирҳтешар, бетонтешар С. киради. Улар душманнинг жонли кучлари, жанговар техникаси, мудофаа иншоотларини шикастлаш учун отилади. С.нинг махсус турлари (ёритувчи, тутун тарқатувчи ва актацион С.) жанговар вазифаларни бажаришни таъминлаш учун мўлжалланган. С.нинг ёрдамчи гуруҳларидан эса полигон-синов ва ўқув машқларида фойдаланилади. С.нинг ички қисми портловчи модда (заряд), фугас, фугас-осколка, кумулятив, тутун ҳосил қилувчи моддалар ва б. б-н тўлдирилади. С.нинг қуввати зарядининг тури ва массасига боғлиқ бўлади. Қувват снарядининг тўлалик коэффициенти (портловчи модда портлаш заряди массасининг тўлиқ зарядланган снаряд массасига нисбати) б-н аниқланади. Бу коэффициент фугасли С. учун 25%, фугас-осколкали ва кумулятив С. учун 15%, зирҳтешар С. учун 2,5% гачани ташкил қилади. Осколкали С.нинг қуввати шикастловчи осколкаларнинг сони ва шикастлаш зонаси радиуси б-н ҳам ифодаланади.

Артиллерия снарядлари: *а*-фугасли; *б*-зирҳтешар (калибрли); *в*-зирҳтешар (кичик калибрли); *г*-кумулятив; *д*-тутун ҳосил қилувчи; *е*-ракетали; *1*-портлатгич; *2*-калак; *3*-портловчи модда; *4*-маркази-гич; *5*-тана (корпус); *6*-етакчи белбоғ; *7*-балластик учлик; *8*-трассер; *9*-поддон; *10*-ўқлик; *11*-воронка; *12, 13*-детонатор; *14*-туб; *15*-найча; *16*-сегмент; *17*-кистирма; *18*-секинлаткич; *19*-диафрагма; *20*-заряд; *21*-қўшимча детонатор; *22*-портловчи қисм корпуси; *23*-алангалатгич; *24*-электр-запал; *25*-ёнғин канали; *26*-порох заряди; *27*-сим; *28*-стабилизатор.



говар вазифаларни бажаришни таъминлаш учун мўлжалланган. С.нинг ёрдамчи гуруҳларидан эса полигон-синов ва ўқув машқларида фойдаланилади. С.нинг ички қисми портловчи модда (заряд), фугас, фугас-осколка, кумулятив, тутун ҳосил қилувчи моддалар ва б. б-н тўлдирилади. С.нинг қуввати зарядининг тури ва массасига боғлиқ бўлади. Қувват снарядининг тўлалик коэффициенти (портловчи модда портлаш заряди массасининг тўлиқ зарядланган снаряд массасига нисбати) б-н аниқланади. Бу коэффициент фугасли С. учун 25%, фугас-осколкали ва кумулятив С. учун 15%, зирҳтешар С. учун 2,5% гачани ташкил қилади. Осколкали С.нинг қуввати шикастловчи осколкаларнинг сони ва шикастлаш зонаси радиуси б-н ҳам ифодаланади.

СНЕЙК, Илондарё — АҚШнинг шим.-ғарбидаги дарё, Колумбия дарёсининг чап ирмоғи. Уз. 1670 км, ҳавзасининг майд. 282,3 минг км². Йеллоустон миллий паркидаги Қоялитоғлардан бошланиб, Колумбия платосининг шарқий чеккасидан оқади. Бир қанча жойларда каньонлардан ўтади, шаршаралар ҳосил қилади. Ўртача сув сарфи 1390 м³/сек. Бир нечта ГЭС қурилган. Суғоришда фойдаланилади. Льюистон шлюз кема қатнайди. С. бўйида Айдахо-Фолс ва Туэн-Фолс ш.лари жойлашган.

СНЕЛЛ (Snell) Жорж Дейвис (1903. 19.12) — америкалик биолог ва иммуно-генетик. Дартмут коллежи ва Гарвард ун-тида ўқиган. Гарвард ун-ти, Дартмут коллежи, Техасс, Сент-Луисдаги Вашингтон ун-ти, Бар-Харбордаги Жексон лаб.да ишлаган. Идмий фаолияти сут эмизувчилар ирсияти, кўчириб ўтказиш (трансплантация)-нинг ирсий қонуниятларига онд. С. ҳужайра сиртида жойлашган ва иммун реакцияларнинг бошқарадиган генетик структураларни кашф этган. Нобель мукофоти лауреати (1980 , Б. Бенасерраф ва Ж. Доссе б-н ҳамкорликда).

СОАТ — 1) халқаро бирликлар тизимига кирмайлиган вақт ўлчов бирлиги, қиймати 60 минут ёки 3600 *секунд*га тенг вақт оралиғи (қ. *Вақт*); 2) вақтни ўлчаш учун ишлатиладиган асбоб. Одамлар вақтни ўлчаш б-н қадимдан шуғулланиб келишган. Улар Қуёш, Ой ҳаракати ва б. ҳодисаларнинг муайян вақтларда такрорланиб туришини сезганлар ва улардан вақтни ўлчашда фойдаланганлар. Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши — сутка. Ернинг Қуёш атрофида айланиши — йил вақтини ўлчашда асосий мезон бўлади. Юнон астрономи К. *Птолемей* (мил. ав. 2-а.) суткани соат, минут ва секундларга бўлган (қ. *Календарь*). Вақтни жуда аниқ ўлчаш учун махсус астрономик кузатишлар ўтказилган. Дастлаб, *қуёш соати*, кейинчалик *сув соати*, ўрта асрларга келиб, *қум соати* пайдо бўлди. 15-а. 1-ярмида *Улуғбек* Самарқандда бал. 50 м ли қуёш соати ясаган (ҳозир сақланмаган). Қум соати фотография, тиббиёт ва б. соҳаларда ҳозир ҳам ишлатилади. Илгари Ўрта Осиёда ҳам қуёш, сув ва қум С.идан фойдаланилган.



Қуёш соатлари: *а* — горизонтал; *б* — вертикал; *1* — тик тахтача (Ер Қуёш атрофида ҳаракатланган сари тахтачанинг соясн циферблатдаги бўлинмаларга тушади); *2* — циферблат.



Сув соати (юн. олими Ктесибий мил. ав. 150 й. қурган): *а* — ташқи кўриниши; *б* — қирқими; *1* — сув келадиган найча; *2* — сув томиб турадиган ҳайкалча; *3* — сув найчаси; *4* — сув қуйиладиган идиш; *5,6* — тиқинли ҳайкалча; *7* — цилиндрик циферблат; *8* — сифон найчаси.

Механик С.лар ҳақидаги маълумотлар юнон кулёзмаларида (мил. ав. 6-а.) учрайди. 936 й. монах Герберт, келинчалик пош Сильвестр II замон механик соат ясашган. Г. *Галилей* 1640 й. С.да маятник ишлатишни таклиф қилган (лекин маятникли С.ни ўзи яратишга улгурмаган, ўғли Винсенцио 1649 й. ясаган). Голланд олими Х. *Гюйгенс* ҳам 1657 й.да маятникли соат ясади ва маятник тебранишининг математик назариясини ишлаб чиқди. Дастлабки чунтак С. 16-а.да ихтиро қилинди. Х. Гюйгенс чунтак соатига балансир спираль тизимини (ҳозирги С.нинг асосий механизмини) киритди ва С.нинг аниқ юриши анча яхшиланди. И.П. *Кулибин* 18-а.да тонуқ гўхумилек келадиган мураккаб механизмли механик С. ясади. Ў ҳар чорак соатда қанғурали. Россияда биринчи занги соат 1404 й. Москвада Благовещенск собори иқинига ўрнатилган. Уни византиялик монах Лазар Сербин ясаган.

19-а.да кўл С. пайдо бўлди; бундан С. чўнтак С.дан фарқ қилмайди; уларда қўшимча қисмлар, мас., календарь кўрсаткичи, секундомер, ўз-ўзидан бураш механизми ва б. бўлиши мумкин. Дастлабки электр С. Россияда 1840 й. ясалди. 20-а.да электр-механик, электрон-квари, молекуляр, атом С.лари яратилди. Тошкентда 1947 й. қурилган *Тошкент куранти* минорасига 4 циферблатли занги электр С. ўрнатилган.

Вазифасига кўра, С.ни шартли равишда маиший ва махсус хилларга бўлиш мумкин. Маиший С.лар: аёллар ва эркаклар кўл соати, чўнтак С., қўнғироқли С. (будильник), стол С., осма С., полга қўйиладиган С. Махсус С.лар: шахмат С., секундомер, хроноскоп ва б. Энергия манбанга кўра, атом, кварц, механик, молекуляр ва электр; тебраниш тизими бўйича маятникли, балансирли ва камертонли хилларга бўлинади.

Механик С.нинг асосий механизмлари: двигатель (пружина), узатувчи механизм (ангренаж), юргизиш (бўшатиш) механизми, ростлагич, пружинани

И.П.Кулибинниинг механик соати

Электрон ва электрон-механик соатлар

бураш, мил ҳстрелкасини тўғрилаш ва ҳит механизми. Двигателининг энергияси пишли узатмалар орқали ростлагичга келади. Ростлагич тебранишларни сундирмай туради. Маятник ва балансир бир текис тебраниш ҳосил қилади (юргизиш механизми ва пишли узатмалар орқали милларни дилантиради). С.нинг барча қисмлари юқори сифатли пўлатдан ясалади, еқут тошлар С.да подшипник вазифасини бажаради. С.нинг қуллари 16—17 тошли, баъзилари 23, 29 тошли бўлади. С. махсус мойлар б-н мойланади (шу қ. *Атом соати, Кварц соати*).

СОАТ (лот. Horologium) — *осмон сферасининг Жан. ярим шаридаги юлдуз туркуми. Эридан, Жанубий Гидра, Оғтин Балиқ* ва *Нескага* юлдуз туркумлари орасида жойлашган. Ер шарининг жан. кенгликларида кўз ва қинда кузатилади.

СОАТОВ Талъат Соатович (1940.15.2, Тошкент) — биокимёгар олим. Ўзбекистон ФА акад. (2000). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1996). Биология фанлари д-ри (1974), проф. (1984). ТошТИни тугатган (1962). Ўзбекистон Ўлка тиббиёт ин-тида аспирант (1962—65), кичик илмий ходим (1966—67), Ўзбекистон ФА Биокимё ин-тида катта илмий ходим (1967—75), лаб. мудири (1975 й. дан), директор (1979 й. дан). Асосий илмий ишлари қалқонсимон без протеинлари, мембрана липидлари биокимёси, шунингдек, липосомалар, уларнинг ҳужайра б-н ўзаро таъсирини ўрганишга оид. С. қалқонсимон без таркибидан йод сақловчи тиреоглобулин ва тиреоальбумин оқсилларини соф ҳолда ажратиб олди, уларнинг таркиби, физик-кимёвий хоссаларини ўрганди, буқоқ пайдо бўлишининг генетик нозсликлар б-н боғлиқлиги ҳақидаги гипотезани илгари сурди, организмнинг инсулинга сезгирлигини аниқлаш усулини ишлаб чиқди. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1985).

Ас.: Йодпротеины щитовидной железы (в соавторстве), Т., 1974; Циклические нуклеотиды и регуляция клеточного метаболизма (в соавторстве), Т., 1983; Биосинтез и функциональная роль липопротеидов крови (в соавторстве), Т., 1987.

СОАТҚУЛОВ Дадахон (1917, Пон тумани — 1985, Тошкент) — композитор, созанда (най), мусиқа жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ артисти (1967). Тошкент консерваториясини тугатган (1953). Отасидан най чалишни ўрганган. Тўйчи ҳофиз, Юнус ва Ризқи Раҳабий, И. Икромовлардан ўзбек мусиқа меросини ўзлаштирган. Чust — Пон туманларо к-т — с-т театрида (1930—33), Қўқон театрида созанда, мусиқа раҳбари (1934—40). Ўзбекистон радиоси халқ чолғулари оркестрида созанда, дирижёр ва бош дирижёр (1940—1953), Ўзбек давлат филармониясида директор ва бадиий раҳбар (1953—59, 1960—63, 1969—70), Ўзбек радиосида бадиий раҳбар (1959—60), бош муҳаррир (1971—72), Муқимий театрида директор (1963—69). Ижодида ўзбек мусиқа мероси (Фарғона йўллари)га таянган. «Зарафшон қизи» (1960, янги таҳрири, 1963), «Гули сиёҳ» (1964), «Маҳтумқули» (1966, Б. Гиенко б-н ҳамкорликда), «Фарғона тонг отгунча» (1967), «Ошиқлар» (1973), «Юсуф ва Зулайҳо» (1979) каби мусиқали драмалар, «Пахтакорлар —тинчлик учун» кантатаси (1953—54), най ва халқ чолғулари оркестри учун «Чўли Ироқ» поэмаси (1950), «Саийлга юриш» каби сюиталар, «Фарғонача квартет», қўшиқлар («Меҳнгул», «Чўпон қиз») ва романслар («Айлади», «Зебосидан», «Кўк чашмаси», «Навбаҳор», «Гул боққа», «Гулистоним менинг») яратган, шунингдек, «Стадионда учрашамиз» (Г. Мушель б-н ҳамкорликда) каби кинофильм ва радиопостановкаларга мусиқа ёзган.

СОБИР (тахаллуси; асл исм-шарифи Мирза Алекпер Тоирзода) [1862.19(31).5, Шемаха ш. —1911.12(25).7] — озарбайжон шоири. Шоир Саид Азим Ширвоний очган янги усул мактабида ўқиб, унинг таъсирида шеърлар ёза бошлаган. Ижодининг дастлабки даврида ишқий ғазаллар ёзган. 1906 й.да «Мулла Насриддин» ҳажвий журн.да Хўп-хўп (Сассиқпопишак) тахаллуси остида ҳажвий шеърлари чоп этилган. Ҳажвий асарлари ижтимоий тенгсизлик ва адолатсизликка қарши, ўз ҳақлик ва адолатсизликка қарши, ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун кураш туйғуси б-н йўғрилган. С. қаламига мансуб ҳажвиларининг мавзу доираси кенг бўлиб, шоир маҳаллий воқелик муаммолари б-нгина чекланиб қолмай, ҳатто Россия Давлат думасининг тарқатиб юборилиши, Эрон шоҳи ва турк султонининг кирдикорларини ҳам ҳажв қилувчи асарлар яратган. С. «Мулла Насриддин» жур. муҳаррири Жалил Мамадқулизода ва б. муаллифлар б-н бирга ҳажвиётнинг жамият ижтимоий ҳаётидаги аҳамиятини кучайтирган. С.нинг ҳажвий асарлари Эрон, Ўрта Осиё ва Волгабўйи шоирлари, жумладан, *Ҳамза, Сўфизода, Собир Абдулла* ва б. ўзбек шоирлари ижодига таъсир кўрсатган. С. нинг «Ҳўпҳўпнома» асари 20-а. бошларида ўзбек халқининг севимли китобларидан бўлган.

Ас.: Нолинома., т. 1—3, Баку, 1962—65; Избранное, Баку, 1962.

Ад: Шариф А., Жизнь и поэтическое творчество Собира (1862—1911), М., 1951.

СОБИР АБДУЛЛА (тахаллуси; асл исм-шарифи Абдуллаев Собир) [1905.5 (18).9, Қўқон — 1972.24.10, Тошкент] — шоир, ёзувчи ва драматург. Ўзбекистон халқ шоири (1965). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1944). Дастлаб эски мактаб, сўнг «усули жадид» мактабини тугатгач, Қўқондаги пед. билим юрти (1922—24), Тошкентдаги маҳаллий кадрларни тайёрлаш курси (1924—26) да ўқиган. 1926—48 й.ларда «Янги Фарғона», «Ёш ленинчи» газ.ларида адабий ходим, «Муштум» журн.да бўлим мудири, Андижон вилоят театри, Ўзбек давлат филармонияси ва Муқимий номидаги театрда адабий эмакдош (1936).

Илк шеърлар тўплами — «Эрк илҳомлари» (1931). Шундан кейин унинг «Навбаҳор» (1931), «Кўклам наъраси», «Завқ» (1932), «Гулшан» (1939), «Сўз ва соз» (1943), «Давр қўшиқлари» (1949), «Ҳаёт гулшани» (1959), «Ҳаёт қўшиқлари» (1962), «Девон» (1965; Ҳамза мукофоти, 1971) каби шеърий тўпламлари нашр этилган. С. А.нинг шеърий ижоди лирика, ҳажвиёт ва достонлардан иборат. С.А. ижодининг қаҳрамони кураш ва умумий бахт йўлида мафкуралаштириш жараёни кечган бир даврда ўзбек адабиёти классикларининг бой поэтик анъаналарини давом эттириб, мумтоз адабиётимиз б-н замонавий адабиёт ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтаган. С.А. воқеликда рўй берган воқеа ва ҳодисаларни ифодалашда ижодий фойдаланган, айниқса, ғазал жанрида кишиларга завқ-шавқ бағишлайдиган, улардаги эзгулик ва нафосат туйғуларига руҳий озиқ берадиган кўплаб асарлар ёзган. Унинг бастакорлар томонидан куйга солинган энг яхши ғазаллари ўзбек қўшиқчилик санъатининг равнақига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. С. А. айни пайтда ҳажвий шеърлар ҳам ёзган. Лиро-эпик жанрларда ҳам самарали ижод қилган («Манёвр», 1931; «Ўртоқ Ёқубова», 1934; «Катта Фарғона канали», «Остона Полвон ўғли», 1940; «Гул ва санам», 1957; «Қуралай кўз бир келинчак», 1958; «Тун ва тонг», 1971, достонлар).

С.А.нинг ўзбек адабиёти тараққиётига қўшган катта ҳиссаси унинг драмаларидир. «Муҳбирга ҳужум» дастлабки пьесаси 1927 й. Қўқон драма труппаси томонидан саҳнага қўйилган. Шундан сўнг С.А. «Боғбон қиз» (1926, достон асосида), «Бўстон» (1937) бир пардали пьесаси ҳамда «Тоҳир ва Зуҳра» (1939) пьесаларини ёзди. 1940 й.да илк бор саҳна юзини кўрган ва ҳанузга қадар ўзбек мусиқий театрлари репертуарларини безаб келаётган «Тоҳир ва Зуҳра» асари С.А. ижодининг гултожидир. С.А. драмаси б-н Тўхтасин Жалиловнинг мусиқаси ўзаро уйғунлашган ҳолда севги ва муҳаббат ҳақидаги Шарқ афсонасининг «Ромео ва Жульетта», «Лайли ва Мажнун» сингари жаҳон адабиётининг машҳур ишқий асарлари даражасига яқинлашишига имконият яратди. С.А.нинг ушбу асари асосида «Тоҳир ва Зуҳра» кинофильми (режиссёр Н. *Ғаниев*) ва опера спектакли (композиторлар Т. *Жалилов* ва Б. Бровцин) ҳам яратилган. С.А. уруш йилларида ҳамкорликда «Кўчқор Турдиев» (1941), «Даврон ота» (1942), «Ўзбекис-тон қиличи» (1943), урушдан кейинги йилларда эса замонавий ҳамда тарихий-эфсонавий мавзуларда «Алпомиш», «Гул ва Наврўз», «Истеъдод», «Менинг жаннатим», «Ҳижрон ва висолдон» сингари пьесаларни ҳам ёзди. Бу асарларнинг аксари пойтахт ва вилоят театрларида саҳналаштирилган.

С.А.нинг адабий меросида насрий асарлар ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Унинг 1931 й.да нашр этилган «Нав-баҳор» тўпламидан шеърлар б-н бирга даврнинг долзарб мавзуларида ёзилган ҳикоялар ҳам ўрин олган. С.А. насрий жанрларидаги изланишларини давом эттириб, «Узфат» (1939), «Сояларнинг тажрибасини ўзбекчининг «Мажнун» романи (1965) устилоно Муқимий» романи (1965) устида олиб борган ижодий ишлари, айниқса,

қўл келди. С.А. Муқимий ва унинг замондошларини кўрган кишилар хотиралари асосида романда шоир ҳаёти ва у яшаган тарихий давр манзараларини ҳаққоний акс эттирди. Кейинчалик С.А. тарихий ўтмиш мавзуида ёзилган «Беш саргузашт» қиссасини (1971), Ҳамза, Ғ. Ғулом, А. Умарий, М. Уйғоқов каби адабиёт ва санъат намояндаларига бағишланган хотираларини ёзди. С.А. «Тоҳир ва Зуҳра», «Майсаранинг иши» опералари либреттосининг ҳам муаллифларидан бири. Қўқон ва Тошкентдаги бир неча кўча, мактаб ва кутубхонага шоир номи берилган.

Ас.: Асарлар [4 жилд]. 1–4-жилдлар. Т., 1975–80.

Ад.: Абдурахмонова М., Собир Абдулла. Ҳаёти ва ижоди ҳақида очерк. Т., 1965; Абдурахмонова М., Замин ва замон куйчиси. Т., 1975.

СОБИР ТЕРМИЗИЙ — қ. *Адиб Собир Термизий*.

СОБИРОВА Малика (1942.22.5 — Душанба — 1982) — тожик балеринаси. Халқ артисти (1974). Ленинград академик хореографик билим юртини тугатган (1961). 1962–82 йиллар С. Айний номидаги опера ва балет театрида ишлаган. Энг яхши партиялари: Жизель («Жизель»), Суюмбеке («Шурале»), Жульетта («Ромео ва Жульетта»), Китри («Дон Кихот»), Лайли («Лайли ва Мажнун») ва б. Рудакий номидаги Тожикистон Давлат мукофоти лауреати (1967).

СОБИТОВ Зоҳид (Загид) Зарифович (1909.21.10, Татаристон Республикаси — 1982.11.7, Тошкент) — кинорежиссёр. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1964). Ўзбекистон халқ артисти (1970). Фаолиятини 1929 й. «Шарқ киноси» студиясида реж. ёрдамчисилигидан бошлаган. 1930–32 йиллар «Мосфильм»да, 1933–35 йиллар «Шарқ киноси»да реж. ассистенти бўлиб, «Бўлат Ботир», «Думли юлдуз», «Самара гули», «Янги ҳаёт» фильмларини ишлашда қатнашган. 1937–82 йиллар «Ўзбекфильм» реж. и. «Оддий иш» (1940) кинноповелласи С.нинг илк бадиий фильмидир. Уруш йиллари «Фронтдаги дўстлар», «Ватанга совға» (К. Ерматов б-н ҳамкорликда), «Беш республика концерти» каби бадиий-ҳужжатли фильмлар яратди. «Огоҳ бўл!», «10 йил», «Чўлдаги йўл» синтари ҳужжатли ҳамда «Стадионда учрашамиз», «Саҳродаги воқеа», «Фарзандлар», «Ҳамза», «Самолётлар қўна олмади», «Фидойи», «Генерал Раҳимов», «Чинор», «Фавқулодда ҳолиса», «Икки жангчи ҳақида қисса» каби бадиий фильмлари б-н ўзбек киноси ривожига муносиб ҳисса қўшди. С. ўзбек киносида биринчилардан бўлиб детектив жанрда фильм яратганлардан, унинг фильмлари қаҳрамонлик, дўстлик ва инсонийликни тараннум этади. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1977).

СОБОЛЬ (Martes zibellina) — йирт.-қичлар туркумининг сувсарсимонлар оиласига мансуб сут эмизувчи ҳайвонлар тури. Уз. 32–58 см, уруғчиси эркагидан кичикроқ. Думининг уз. 19 см гача. Жуни қалин, майин, чиройли, қорақўнғир рангда. Тинч океан соҳилларидан тортиб Шим. Уралгача бўлган тоғ текислик ўрмонлар (асосан, инибарлида яшайди. Монголияда, Хитойнинг шим.-шарқи, Корея ярим ороли ва Японияда ҳам тарқалган. Асосан, ерда ҳаёт кечиради. Дарахтга фақат хавф тугилганда чиқади. Уясини инкилган дарахт ковакларига, кунда ва тошлар остига қуради. Йилда бир марта июнь—июль ойларида уруғлайди. Ҳомиладорлик даври анча узоқ (245–298 кун). Апрель-май ойларида 2–7 тадан бола тугади. Болалари 2–3 йилда вояга етади. Тутқунликда 15–18 йил яшайди. С. ҳар хил ҳайвонлар ва ўсимликлар б-н озиқланади. Овланади. Қимматбаҳо мўйнаси учун кўп овланиши натижасида сони камайиб кетган. Хоз. С. сонини кўпайтириш учун махсус кўриқхоналар ва мўйначилик фермалари ташкил этилган.

СОБОР — 1) христианликда — олий мартабали руҳонийлар тоат-ибодат қиладиган йирик христиан ибодатхонаси. Ўрта асрларда С.лар шаҳар марказидаги асосий бинолардан ҳисобланиб, готика, роман услубида салобатли (ташқи ва ички қиёфаси меъморий жиҳатдан мукаммал) қилиб қурилган (Римдаги Авлиё Пётр, Лондондаги Авлиё Павел, Новгород ва Киевлаги София С.лари ва б. диққатга сазовор). Тошкентдаги Спасс Преображенск С. и (1888), Самарқанддаги Покровск С. и (1902) кабилар Византия меъморлиги таъсирида («рус» услубидаги эклектизм руҳида) қурилган; 2) 16–17-а.ларда Россияда энг муҳим ишларни муҳокама қилиш ва ҳал этиш учун тўпланган дунёвий ва диний мансабдор шахслар йиғини (мас., Земство С.и).

СОВЕТ ИТТИФОҚИ — қ. *Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи*.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ (КПСС) — 1898–1991 йиллар Россия, РСФСР, СССРда фаолият кўрсатган сиёсий партия. 1898 й. мартдан — РСДРП, 1917 й. апр.дан — РСДРП(б), 1918 й. мартдан — РКП(б), 1925 й.дек.дан — ВКП(б), 1952 й. окт.дан — КПСС. Дастлаб социал-демократик ишчилар партияси сифатида ташкил топди. 1903 й. июль—авг.да бўлган партиянинг 2-съездида у *большевиклар* ва *меньшевикларга* ажралди. Большевикларга В. И. Ленин, меньшевикларга Л. Мартов ва Г. В. *Плеханов* етакчилик қилган. 1917 й.ги *Октябрь тўнтаришини* натижасида большевиклар Россияда ҳокимият тепасига келди ва аввал В. И. Ленин, кейинчалик (1920 - й.лардан) И.В. *Сталин* бошчилигида давлат тоталитар режимини ташчи бўлиб қолди. КПСС аъзолари сони 1917 й. охи. 40.000 кишини ташкил этган бўлса, 80-й.ларнинг ўрталарида 19 млн. кишигача етди. Партиянинг 8-съездида (1919) қабул қилинган дастур канитализмдан социализмга утиш принципларини умумий тарзда эълон қилди. 1920 - й.лар бошига келиб большевик раҳбарлар мамлакатдаги бошқа барча сиёсий партиялар фаолиятини ман қилди. Коммунистик партия марказа ҳам, жойларда ҳам ҳокимиятнинг барча дастакларини ўз қўлига олган ягона сиёсий партия бўлиб қолди. 1922 й.дан партия МК бош котиби лавозимини эгаллаб келган И. В. Сталин гуруҳи партиянинг Троцкий ва Зиновьев, Бухарин ва Риков сингари бошқа раҳбарлари устидан кескин курашларда галаба қозонишни (20-й.ларнинг охири — 30-й.ларнинг боши) оқибатида бир партиялик тизим мустаҳкамланди. Оммавий қирғинлар кучайиб, уларга КПСС раҳнамолик қилди. 20-съезд (1956)да Н. С. *Хрущёв* бошлиқ партия раҳбарлигининг бир қисми Сталин шахсига сиғинишни, ноҳақ қатағонлар ва раҳбарликнинг авторитар усулларини фош қилиб чиқди. КПСС нинг 22 - съездида (1961) қабул қилинган партиянинг янги дастурида СССР да социализм «тўла ва узил-кесил» галаба қозонганлигидан келиб чиқиб, мамлакат «коммунизм қурилиши авж олдирилган» даврга кирганлиги эълон қилинди. Аммо кейинги воқеалар бу дастурдаги асосий қоидалар хомхаёллигини кўрсатди. 60-й.ларнинг охиридан бошлаб партия ва у бошчилик қилаётган сиёсий тизим турғунлик босқичига кирди, партия раҳбарлигида Л. И. *Брежнев* бошчилигидаги консерватив кучлар устунлик қилди; мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш суръатларн кескин пасайди. СССР Конституциясн (1977) КПСС нинг совет жамиятининг раҳбар ва йўналтирувчи кучи сифатидаги мавқеини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйди. 1985 й.дан М. С. *Горбачёв* бошчилигидаги партиянинг олий раҳбарлиги совет жамиятини *қайта қуриш* ва демократиаллаштиришга уринди. КПССнинг 27-съезди (1986) «янги таҳрир»даги дастурни қабул қилди. Унда «коммунизм қурилиши» тўғрисидаги қоида «социализмни такомиллаштириш» тўғрисидаги тезис б-н алмаштирилди. 28-съезд (1990) кескин баҳслардан сўнг 1986 й.ги дастурни амалда бекор қилган ва КПССнинг аста-секин «демократик социализм» позицияларига ўтишини эълон қилган партия

«платформаси»ни тасдиқлади. Бу пайтга келиб КПСС ичида бир-бирига қарши турган бир қанча оқимлар пайдо бўлди. КПСС ва совет жамиятидаги таназзул тобора кучайди. 1991 й. Россия Федерациясининг Президенти Б. Н. Ельцин фармони б-н КПСС фаолияти Россия ҳудудида тухтатилди ва партиянинг ташкилий тузилмалари тарқатиб юборилди. 1992 й. ва ундан кейинги йиллар Россияда бир қанча коммунистик партиялар ва ташкилотлар тузилди. Уларнинг энг йириги Россия Федерацияси Коммунистик партияси (КПРФ) ҳисобланади.

КПСС раҳбарлиги даврида бутун жамият, аслида, «коммунист — комсомол — пионер — октябрят» занжирига бирлаштирилган эди. Эркин фикр ман қилинди, коммунистик тоғни қабул қилмаганлар таъқиқ ва таъқибга учради, душман сифатида йўқотиб борилди. КПСС сиёсати натижасида мамлакатда халқдан ажралиб қолган, иши б-н сўзи мос келмайдиган, фақат ўз манфаатини ўйлайдиган, жамиятда бошқалардан кўра ихшироқ яшайдиган ўзига хос сиёсий қатлам вужудга келди. КПСС байналмилал сиёсатга амал қилиш баҳонасида ўз тенси ва таъсирини жаҳонга тарқатишга, халқаро коммунистик ҳаракатни кучайтиришга уринди. Шу асосда 2-жаҳон урушидан кейин Шарқий Европа давлатлари, кейинроқ Осиё ва Африкадаги айрим мамлакатларга, Кубага маркса-Ленинча тоя тиқинтирилди. Натижада дунёда мафкуравий-сиёсий қарама-қаршиликлар кучайди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси (ЎзКП) КПССнинг тармоғи қисми бўлган эди. 1918 й. Туркистон компартияси, Бухоро компартияси ва 1920 й. Хоразм компартияси тузилган. Бу партия ташкилотлари асосида ЎзКП ўзининг 1925 й. 6–12 февр.да Бухорода бўлган 1-съезданда ташкилий жиҳатдан расмийлашган. Ўша пайтда таркибида 8350 аъзоси бор эди. 1988 й. бошларида партия аъзоси бор эди. 1988 й. бошларида Ўзбекистон коммунистлари 640.677 кишн бўлган. Ўзбек халқи тарихида 20-а.да юз берган қўпдаб фожиали саҳифалар коммунистик партия фаолияти б-н боғлиқдир. Бу партиянинг мутлақ ҳукмронлиги бутун иттифоқда бўлгани каби Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Ўзбекистон партия ташкилоти республика манфаатларини ҳисобга олмасдан (кўпинча бу манфаатларга зид келадиган) Москвада ишлаб чиқилган қарорларни бажариб келди. Маъмурий-буйруқбозлик усуллари б-н иш олиб борган партия қўмиталари жойлардаги ҳар қандай мустақил фикр ва ташаббусларни бўғар, демократик асосларни йўққа чиқарди. Маркз ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси орқали Ўзбекистондаги вазиятни бошқариб турган. Кейинчалик республикаларни бошқариш учун «ишончи котиб» тартиботи шакллантирилди. Ўзбекистон КП МК ва вилоятларининг партия қўмиталарида 2-котиблар қўлида амалда бутун ҳокимият тўпланган. Ҳукмрон компартия режимига қарши чиққан барча кишилар, ўзбек халқининг ва ўз юртининг манфаатларини ҳимоя қилганлар қатағонга учради (қ. *Репрессия*). Ўзбекистон мустақилликка эришгач, моҳият эътиборига кўра ўзбек халқининг миллий табиати ва қадриятларига зид бўлган, четдан зўравонлик б-н жорий этилган коммунистик партия фаолияти тўхтатилди.

Ад.: Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб [Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида], Т., 2000; Туркестан в начале 20-века: к истории истоков национальной независимости. Т., 2000.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ, СССР, Совет Иттифоқи — собиқ Россия империяси ҳудудининг катта қисмида 1922–91 йиллара мавжуд бўлган мустабид давлат. СССР ни ташкил этиш тўғрисида деб аталган Шартнома (1922)га мувофиқ, унинг таркибига халқларнинг ҳоҳиш-иродасига зид равишда Россия (РСФСР), Украина (УССР), Белоруссия (БССР), Закавказье республикалари [ЗСФСР; 1936 й.дан иттифоқдош республикалар — Озарбайжон (Озарбайжон ССР), Арманистон (Арманистон ССР), Грузия (Грузин ССР)], кейинчалик — 1925 й. Ўзбекистон (Ўзбекистон ССР), Туркманистон (Туркманистон ССР), 1929 й. Тожикистон (Тожикистон ССР), Қозоғистон (Қозоғистон ССР), Қирғизистон (Қирғизистон ССР), 1940 й. Молдавия (Молдавия ССР), Латвия (Латвия ССР), Литва (Литва ССР) ва Эстония (Эстония ССР) киритилган.

20-й.ларнинг бошларидан, айниқса, В. И. Ленининг вафотидан кейин мамлакат раҳбарияти орасида ҳокимият учун кескин кураш бошланди. Раҳбарликнинг авторитар усуллари қарор топди, И. В. Сталин шу усуллардан фойдаланиб, якка ҳокимлик ҳукмронлиги режимини кучайтириб борди. 1921 й.да бошланган янги иқтисодий сиёсат (НЭП) 20-й.ларнинг ўрталарида тўхтатилиб, сўнг мамлакатни жадал индустриялаш ва қ.х.ни зўрлаб коллективлаштириш (жамоалаштириш) сиёсати бошлаб юборилди. Коммунистик партия давлат тузилмасини тўла-тўкис ўзига бўйсундириб олди. (қ. *Совет Иттифоқи Коммунистик партияси*). Мамлакатни тез модернизациялаш ва б. мамлакатлардаги инқилобий ҳаракатни қўллаб-қувватлашни мақсад қилиб қўйган қатъий марказлаштирилган ва ҳарбийлаштирилган тоталитар ижтимоий тузум вужудга келди. Бошланган оммавий қатағонлар 1934 й.дан кейин авж олдирилди ва жамиятнинг барча табақаларини қамраб олди; миллионлаб бегуноҳ одамлар қамоққа ташланди, отилди, сургун қилинди (қ. *Репрессия*). Давлат ва жамият ҳаёти тор доирага солиб қўйилди, бепоён мамлакатдаги барча ишлар марказдан тузиб берилаётган режа асосидагина юритиладиган бўлди, ўта маъмуралашган коммунистик тизим қарор топтирилди, демократик тамойиллар оёқ ости қилинди, суд тизими белгилик асосида қурилди. 30-й.ларнинг охирида мустабид давлатнинг ташқи сиёсати кескин ўзгартирилди, халқаро жамоа хавфсизлигига йўлдан қайтилди. 1939 й. совет-герман битимлари тузилди, унга биноан бир йил ичида Ғарбий Украина ва Ғарбий Белоруссия, Болтиқбўйи мамлакатлари, Бессарабия ва Шим. Буковина СССР таркибига қўшиб олинди. СССР томонидан бошланган совет-фин уруши (1939.30.11 — 1940.12.3) совет империя-сининг халқаро обрўсига путур етказди (СССР Миллатлар иттифоқидан чиқариб юборилди). 1941 й. Германия шартномаларни бузиб, Совет Иттифоқига кўқкисдан ҳужум қилди. Урушга аҳолиси қарийб 6,5 млн. бўлган Ўзбекистондан 1 млн.дан ортиқ киши сафарбар қилинди. Уруш даврида бутун-бутун халқлар — болқорлар, чеченлар, қалмоқлар, қрим татарлари, қорачойлар, греклар, месхети турклари, Волга бўйи немислари ва б. ўзга ўлкаларга мажбурлаб кўчирилди. СССР АҚШ, Буюк Британия, Франция каби иттифоқчилар ёрдамида урушда ғолиб чиққач, Жан. Сахалин, Курил олари, Петсамо (Печенга), Кёнигсберг (Калининград), Закарпатье Украинаси ва б. ерлар ҳисобига мамлакат ҳудуди кенгайтирилди. Урушдан кейин қатағонлар (космополитизмга қарши кураш, «врачлар иши», «Ленинград иши» ва б.) давом эттирилди, ўзбекистонлик кўпгина ёзувчи, шоир, олим ва б. зиёлилар ҳам шу сиёсат азобини тортдилар. Ғарб мамлакатлари б-н иттифоқчилик муносабатлари узилиши оқибатида икки сиёсий тузум ўртасида «совуқ уруш», қуролланиш пойгаси бошланди. И.В.Сталин вафоти (1953)дан кейин бўлиб ўтган КПСС 20-съезди (1956) Н. С. *Хрущёв* ташаббуси б-н Сталин шахсига сиғинишни танқид қилди. Қатағон қурбонлари оқлана бошланди; халқнинг турмуш даражасини оширишга, қ.х.ни, уй-жой қурилишини, енгил саноатни ривожлантиришга кўпроқ эътибор берилди. Илмий ва ишлаб чиқарувчи кучларни, моддий воситаларни фан ва техника тараққиётига қаратиш туфайли ай-рим ютуқларга эришилди: дунёда биринчи атом электр ст-нси

ишга туширилди (1954). Ернинг биринчи сунъий йўлдоши (1957), ичида космонавт учувчи бўлган биринчи космик кема (1961) учирилди; СССР нинг халқаро алоқалари кенгайди, ядро уруши хавфи камайди. Аммо тоталитар тузум ва маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиёт сақланиб қолаётган бир пайтда мамлакатни янгилаш йўлидаги бу уринишлар изчиллик б-н ўтказилмади ва муваффақиятсизликка учради. Партия ва давлатга Л. И. *Брежнев* бошчилик қилган йилларда (1964—82) давлат ва жамият ҳаётида тўрачилик авж олди, иқтисодиётда тур-гунлик ҳукм сурди. А. Н. *Косигин*нинг ташаббуси б-н ўтказилган ислоҳотлар тўхтаб қолди, иқтисодиёт экстенсив йўлдан ривожлантирилди. Нефть ва газни экспорт қилишдан тушган маблағнинг деярли ҳаммаси ҳарбий мақсадларга ишлатилди. Венгрия (1956) ва Чехословакия (1968) раҳбариятининг ислоҳот ўтказиш йўлидаги ҳаракатлари Совет армияси томонидан қурол кучи б-н бостирилиши, Афғонистонга қўшин киритилиши (1979) халқаро кескинликни баттар кучайтирди. 1985 й. да ҳокимият тепасига келган М. С. *Горбачёв* ва унинг тарафдорлари «қайта қуриш» сиёсатини бошладилар, халқнинг сиёсий фаоллиги ошди, оммавий, миллий ҳаракат ва ташкилотлар тузилди. Лекин юқоридан туриб совет тузумини ислоҳ қилиш учун қилинган пала-партиш уринишлар мамлакатдаги тангликни чуқурлаштирди. Миллий низолар кучайди, иқтисодий аҳвол оғирлашди. Собиқ империя даврида катта лавозимларни эгаллаб келган бир гуруҳ мансабпарастлар ўз имтиёзларини сақлаб қолиш мақсадида 1991 й. август ойида Фавқулодда ҳолат давлат қўмитаси (ГКЧП)ни тузиб, давлат тўнтариши қилишга уриниб кўрди, аммо бу уриниш барбод бўлди.

1991 й. 8 дек.да Белоруссия, Россия ва Украина раҳбарлари Б. Н. Ельцин, Л.М. Кравчук, С. С. Шушкевич Белоруссиядаги Белая Вежа ўрмонида битим имзолаб, СССР тугатилишини қайд этдилар ва *Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги* (МДҲ) ташкил этилганлигини эълон қилдилар (1991 й. 8 дек., Минск). Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдавия, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон 1991 й. 21 дек.да Олмаотада имзоланган Декларацияда МДҲни тузиш тўғрисидаги Битимга қўшилдилар. 1993 й. Грузия ҳам МДҲга қўшилди. 1991 й. 25 дек.да СССР халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида барҳам топди. Федеративлик принципларга асосланган собиқ давлат — «Қизил империя»нинг тақдири ана шундай якун топди. Бу тарихий қонуният эди.

Ўзбек халқи Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов бошчилигида мустақилликка эришиш йўлида олиб борган қатъий кураш бу жараёнда катта аҳамиятга эга бўлди. СССР мавжуд бўлган йиллар мобайнида Ўзбекистон халқи мамлакатни индустриялаш, қ.хни жамоалаштириш, оммавий қатағонлар сиёсати ва коммунистик диктатура ўтказган барча белодлиқлар, жумладан, 80-йилар урталаридаги «пахта иши»нини бутун азоб-уқубатларини бошдан кечирди.

СОВЕТ—ГЕРМАНИЯ БИТИМЛАРИ (1939) — 1) ҳужум қилмаслик ҳақида 1939 й. 23 авг.да тузилди («Молотов-Риббентроп пакти»); битимга илова қилинган махфий ҳужжат томонларнинг «манфаатлар доираси»ни чегаралаб берди (Болтиқбўйи, Шарқий Польша, Финлиндия, Бессарабия ва Шим. Буковина СССР нинг «манфаатлар доираси»га киритилди). Битим СССРнинг ташқи сиёсатида Германия б-н иқтисодий сари кескин ўзгаришни англатарди; битим тузилгандан сўнг Германия Польшага ҳужум қилиб, 2-жаҳон урушини бошлаб юборди. СССР эса ўзининг «манфаатлар доираси»да белгиланган ҳудудларни ўзига қўшиб олди; 2) «Дўстлик ва чегаралар ҳақида» 1939 й. 28 сент.да тузилган битим СССР б-н Германия ўртасида тахм. «Керзон чизиғи» бўйлаб чегарани белгилаб бериб, Польша давлатини тугатишни мустаҳкамлаб қўйди.

СОВИТИШ МАШИНАСИ— маҳсулотларни атроф муҳит т-расидан анча паст т-рада совитиш учун мўлжалланган қурилма. Иши ташқи энергия ҳисобига совитиш камерасини сунъий совитишга асосланади. С. м.нинг компрессион, иссиқлик ва термоэлектрон хиллари бор. Уларда +10 дан −150° гача т-ра ҳосил қилиш мумин. Компрессион С.м. газли (газсимон совитиш агенти агрегат ҳолатини ўзгартирмайдиган) ва бугли (совитиш агенти агрегат ҳолатини ўзгартирадиган) хилларга бўлинади. Бугли С.м. кенг тарқалган; унинг компрессорли ва абсорбцион хиллари бор. Компрессорли С.м. кўпроқ ишлатилади. У, асосан, компрессор, электр двигатель, конденсатор, буглаткич ва ростлаш қурилмасидан иборат. Бу қисмлар бир-бирига найчалар б-н туташтирилиб, берк тизимни ҳосил қилади. Бу тизим совитиш агенти (фреон, аммиак) б-н тўлдирилади. Электр двигатель ва компрессорнинг жойлашишига қараб, С.м. очиқ ва ёпиқ хилларга бўлинади. Очиқ С.м. йирик совитиш қурилмаларида, ёпиқ С.м. хўжалик ва уй-рўзғор совиткичларида ишлатилади.

Иссиқлик С.м. совитиш циклида 2 компонент — совитиш агенти ва ютгич (абсорбент) қатнашадиган абсорбцион ҳамда буғ эжекторли (буғ эжектори ёрдамида сиқиладиган) хилларга бўлинади.

Термоэлектр С.м.да совитиш *Пельтье эффекти*дан фойдаланиб амалга оширилади.

СОВИТИШ ТЕХНИКАСИ — техниканинг сунъий равишда паст (+10 дан −150° гача) т-ра олиш ва ундан фойдаланиш б-н шуғулланадиган соҳаси. Бундан паст т-раларга доир масалалар б-н *криоген техникаси* шуғулланади. Паст т-ра *совитиш машинаси* ёки совитувчи моддалар (мас., муз, сунъий муз, суюқ азот) ёрдамида ҳосил қилинади. С.т.дан халқ хўжалигининг деярли барча соҳаларида фойдаланилади. Озиқ-овқат саноатида ун-рўзғор, магазинлар, лаб.лар ва б. жойларда тез бузиладиган маҳсулотлар совиткичда совитилади, музлаткичда музлатилади ва сақланади. Тез бузиладиган маҳсулотлар совиткичли транспортда ташилади. Кимё саноатида газларни кристаллаш, газларни суюлтириш, азот, водород, кислород ажратиб олиш ва б. мақсадларда сунъий совуқдан фойдаланилади. Қурилишда сув ўтказмайдиган ва мустаҳкам қилиш учун С.т. ёрдамида грунт (ер) музлатилади, машиносозликда пресслаш(ган деталлар совитилади, пўлатга термик ишлов берилади ва ҳ.к. Жамоат, и.ч. ва турар жой биноларида ҳавони совитиб ёки иситиб ва қуритиб (музлатиллаштириб) берадиган қурилма — *кондиционер*да ҳам совиткич ишлатилади.

СОВИТКИЧ, холодильник — озиқ-овқат маҳсулотлари ва б. тез айнийдиган маҳсулотлар сақланадиган ишшоот ёки қурилма. С.да маҳсулотлар атроф муҳит т-расидан паст т-ради сақланади. Бундай т-ра совитиш машинаси ёрдамида ҳосил қилинади. Ҳар қандай С. махсус қурилган хона ёки металл шкаф, буглаткич, конденсатор, компрессор, электр двигатели ва т-ра релесидан иборат. Нима мақсадда ишлатилишига қараб, С. лар уй-рўзғор ва саноатда ишлатиладиган турларга бўлинади. Уй-рўз-ғор С.и тез айнийдиган озиқ-овқат маҳсулотлари (гўшт, балиқ ва б.) ва таомларни қисқа



Совиткич: Компрессион совитиш агрегати: 1 — компрессор; 2 — буглаткич (совуқхона); 3 — конденсатор; 4 — фильтр-қуритгич; 5 — капилляр найча.



Ёпиқ камерали совиткич: 1 — паст температурали камера; 2 — илиқ температурали камера; 3 — вентилятор.

нас муддат сақлаш ҳамда рўзғор эҳтиёжлари учун муз тайёрлаш учун ишлатилади. Бундай С.лар ҳар хил ҳажмли (20—800 л) қилиб ишлаб чиқарилади. Маҳсулотларни сақлаш муддатига кўра, С. 4 тоифага: I — муздатилмаган маҳсулотларни сақлаш (паст т-рали бўлмасин); 2 — қисқа муддат (бир неча сутка мобайнида) сақлаш; 3 — ўртача муддат (2 ҳафтагача) сақлаш ва 4 — узоқ муддат (3 ойгача) сақлаш учун мўлжалланган С.ларга бўлинади. Уй-рўзғор С.ида т-ра +6° дан −18° гача бўлиши мумкин. Совитиш қурилмасининг турига кўра, С.лар компрессион, абсорбцион ва термоэлектр турларга бўлинади. Компрессион С.лар энг кўп тарқалган. С.даги совитиш агенти — *аммиак*, *фреон* ва баъзи углеводлар. Компрессион С.да электр двигатель компрессорни ҳаракатлантиради. Компрессор совитиш агентини капилляр найчалар орқали ҳайдаб беради. Натижада совитиш камерасида ва умуман С. шкафи ичида паст т-ра ҳосил бўлади. Уй-рўзғор С.лари бир камерали ва икки камерали бўлиши мумкин. Маҳсулотлар ҳам сақланиб, ҳам музлатиладиган С. музлаткич деб аталади.

Саноатда ишлатиладиган С.лар и.ч.да фойдаланиладиган ва тақсимот С.ларига бўлинади. Улар совитиш камералари, музлатиш қурилмалари, совитиш агенти айланадиган найчалар, т-рани назорат қилиш ва автоматик тарзда ростлаб туриш асбоблари б-н таъминланади. С.нинг совитиш ва сақлаш камераларида т-ра 0° атрофида, музлатиш камераларида −18° дан −40° гача бўлади. Музлатилган маҳсулотлар −18° да сақланади. Сиғими бир неча ўн кг дан 10000 т гача бўлиши мумкин. Вазифасига қараб, С.лар бир ва кўп қаватли бўлади. Бундай С.лар савдо корхоналарида, гўшт комбинатларида, портлар ва б. жойларда ишлатилади.

Ўзбекистонда ҳам С. (ва кондиционерлар) ишлаб чиқарилади (қ. *Самарқанд «Сино» акциядорлик жамияти*).

СОВЛИҚ — кўзилаган, сотиладиган қўй. Урғочи қўзилар 5—7 ойда жинсий етилади ва уларни 15—18 ойда кочиришга қўйиш мумкин. С.лар қўй сурувининг асосий қисмини (60—75%) ташкил қилади. Қўйлардан жун, гўшт-ёг, сут, тери, барра тери ва ҳ.к.ларни етиштиришда С.лар муҳим аҳамиятга эга. С.лардан хўжаликларда ўртача 6 йил фойдаланилади. Йилига ҳар бош С.дан 20—50 кг сут соғиб олинади (қ. *Қўй*.).

СОВОТКОРИ, *соводкори* — амалий санъат (*ҳамдўкорлик*, *заргарлик*)да безак яратиш усули. Безатилаётган буюм сиртига ўйма нақшлар ишланади, ўйиқларга мис ва қора кўргошин (заргарликда, шунингдек, бир оз олтин ва

Совоткори усулида безатилган лаган (Уста Фозил, Қўқон).

кумуш ҳам) аралаштириб оловда қайнатиб тайёрланадиган қора модда — совот суртилади, сўнг пардозланади. Пардозланганда сўнг юзада қоратир тусли жозибадор нақшлар ҳосил бўлади. Баъзан сиёҳи деб ҳам аталади.

«СОВПЛАСТИТАЛ» — Ўзбекистон — Италия қўшма корхонаси. Тошкент ш.да жойлашган. Пластмасса, рангли шиша, чинни, сопол, ёғоч ва б.дан халқ истеъмоли товарлари ва юксак бадиий санъат (*кандакорлик*, *заргарлик*)да безак яратиш усули. Безатилаётган буюм сиртига ўйма нақшлар ишланади, ўйиқларга мис ва қора кўргошин (заргарликда, шунингдек, бир оз олтин ва лаборатория и.т. ва лойиҳа-технология бўлимига айлантирилди. 1974 й.да Ўзбекистон маиший кимё ва пластмасса буюмлари ишлаб чиқарадиган «Ўзманшийкимёпласт» бирлашмаси (1982 й.дан «Ўзманшийпластика» илмий-и. ч. бирлашмаси) ташкил топди.

1987 й.да бирлашма ва Италиянинг «Алма-Розе» фирмаси б-н ҳамкорликда Ўзбекистон-Италия «С.» қўшма корхонаси тузилди. 1998 й.дан масъулияти чекланган жамият (ЛТД) шаклидаги қўшма корхона. Унинг таркибида «МВМ», «С. ва Табор», «С. ва Соны», «Италфуд», «Тошинвестпласт» шўъба корхоналари бор. Қисқа даврмобайнида корхона Марказий Осиёда пластмассадан халқ истеъмоли товарлари ва юксак бадиий савиядаги буюмлар и.ч. бўйича етакчи корхонага айланди. Корхонага хом ашё ва турли рангли концентратлар Россия, Украина, Италия, Қозоғистон, Жан. Корея, шунингдек, Шўртан газ-кимё мажмуидан олинади.

Корхонада энг замонавий технологиялар, юқори технологик ускуналар, дизайн жорий этилган, 4,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, шу жумладан, экспорт ҳажми 352 минг АҚШ долларидан ортиқ бўлди (2002). Корхона кўпинча халқаро кўргазмаларда ўз маҳсулотлари б-н иштирок этган ва медаллар, дипломлар, совринлар б-н мукофотланган.

Корхона маҳсулотлари Буюк Британия, Канада, Швейцария, Россия, АҚШ, Германия, Қозоғистон ва б. мамлакатларга экспорт қилинади. Россия (Москва, Нижний Новгород), Швейцарияда савдо уйлари, Тошкент ва Самарқанд ш.ларида фирма магазинлари бор.

Александр Мелкумов.

СОВУН — таркибида 8 тадан 18 тагача углерод атоми бўлган юқори молекулали ёғ, нафтен ва смола кислоталарининг тузлари (қ. *Карбон кислоталар*). И.ч.да ва рўзғорда (товар С.) С. деганда карбон кислоталарнинг сувда эрийдиган тузларига ювувчи таъсирга эга бўлган баъзи моддаларнинг қўшилмаси тушунилади. Бу аралашмаларнинг асосини тўйинган ва тўйинмаган ёғ кислоталари (стеарин, пальмитин, миристин, лаурин ва олеин)нинг натрийли (баъзан, калийли ва аммонийли) тузлари ташкил этади. Мол. м. кичик кислоталар ювувчи таъсирга эга эмас, мол. м. катта кислоталар эса сувда ёмон эрийди. Ишқорий ер ва оғир металлар (мис, симоб ва б.)нинг тузлари шартли равишда «металл» С. дейилади. Уларнинг кўпчилиги сувда эриди, лекин углеводларда эрийди, майди, лекин углеводларда эрийди, бундай тузлар пластик (консистент)

сурков материали, лоқлар, пластификаторлар ва б. тайёрланила қўлланади. Сувсиз натрийли С. — қаттиқ модда, суюқланиш т-раси 250—260°. С. га сув қўшилганда унинг суюқланиш т-раси пасаяди. Товар С.нинг суюқланиш т-раси 100°. Қаттиқ С.нинг зичлиги 1050 кг/м³ га яқин; сувсиз С., гигроскопик С.нинг ювувчи модда, ҳўллагич, эмульгатор, пептизатор, сурков материалларн ва б. сифатида кенг ишлатилишининг сабаби С. молекулаларининг ўзига хос тузилганлигидир. С. — *сирт фаол моддалардан*. С. сувли эритмаларда гидролизланади. С. эритмаси ишқорий реакцияга эга. Ўта суюлтирилган С. ионларга тўлиқ диссоцияланади. Қаттиқ сувда С.нинг ювувчи таъсири кескин пасаяди, чунки бунда сувда эримайдиган кальций ва магний тузлари ҳосил бўлади (қ. *Сувнинг қаттиқлиги*).

С. қадимдан маълум ювувчи воситадир. Қадимги галлар ва германлар ёғларни ўсимлик кули, оҳак ва табиий ишқорлар б-н ишлаб С. тайёрлаганлар. 17-а.да поташ (K_2CO_3) қўллаб калийли суюқ («яшил») С. ишлаб чиқарилган. 1800 й.дан суюқ С.га қайнатиш пайтида ош тузи б-н ишлов бериш орқали қўлбола «қаттиқ ва сариқ» натрийли С. и.ч. бошланган. Илк бор калцинацияланган содадан фойдаланиб саноат миқёсида С. ишлаб чиқариш 18-а. охирларида амалга оширилган.

Маълумки, кир кийим-кечак ва б. материалларда турли ёғлар бўлади. Бундай материаллар сув б-н ювилганда тоза бўлмайди, чунки кир таркибидаги ёғлар ҳўлланмайди. С. б-н ювилганда С.нинг тортадиган қисми (яъни карбоксил гуруҳ) кир таркибидаги ёғларни ҳўллайди. Натижада материалдаги кир С. эритмаси б-н эмульсия ҳосил қилади ва сув б-н осон ювилади.

С. нейтрал ёғларга ўювчи ишқорлар таъсир эттириб ёки ёғ кислоталарини ўювчи ишқорлар ёхуд ишқорли карбонатлар б-н нейтраллаб олинади. С. консистенциясига кўра, қаттиқ, мазсимон, суюқ ва порошоксимон бўлади; ишлатилиш мақсадига қараб кир С., атир С. ва техник С.га бўлинади; тайёрлаш усули бўйича елимли ва ўзакли С.га ажралади.

Натурал ва гидрогенланган ҳолдаги ўсимлик ёғлари, ҳайвон ёғлари, синтетик ёғ кислоталари, *ёғларни тозалашда* ҳосил бўлган чиқиндилар, канифол С. тайёрлаш учун хом ашё сифатида ишлатилади. С. пиширши учун нейтрал ва парчаланган ёғлардан фойдаланилади.

Ад.: Абрамзон А. А., Поверхно-активные вещества, 2 изд., Л., 1981.

Собиржон Аминов

СОВУНДАРАХТ, сапиндус (Sapin-dus) — сапиндошлар оиласига мансуб паст бўйли дарахтлар ёки буталар туркуми, доим яшил ёки барг тўкадиган дарахтлар. 15 га яқин тури бор; тропик Осиё (6 тури) ва Америкада (3 тури), Гавайи оролларн ва Океанияда тарқалган. Меваси да 38% га сапонин модаси бор ва совун ўрнида ишлатилади. Тропик ва субтропик мамлакатларда манзарали ўсимлик ва сапонин олиш учун экилади. Кавказнинг Қора денгиз соҳилларида, Закавказье ва Ўрта Осиёда 3 тури: ҳақиқий С. (S. saponaria), мукуроси С. (S. mucorossi) ва совуққа чидамли Друммонд С. и (S. drummondii) устирилади. Баъзи турларининг меваси ейилади.

СОВУНЎТ (Anagallis arvensis L.) — наврўзгулдошларга мансуб бир йиллик бегона ўт. Пояси тўрт қиррали, ёйилиб ўсади; бўйи 10—25 см. Барглари чўзиичоқ, тухумсимон, бандсиз, қарама-қарши жойлашган. Гуллари қизил, узун гулбандли. Меваси сердуруг кўсакча. Илдизи сершох ўқ илдиз. Июнь-сент.да гуллайди, мевалайди. Бир тупи 4 минг-гача урут беради. Уругидан кўпаяди. Етилган уругидан ниҳоллари келгуси йил баҳорда унади. Бегона ўт тарзида боғ ва экинзорлар, ларё бўйларида ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

Совунут.

Кураш чоралари: анғиз эрта юмшатилади, ер шудгор қилинади. Дон экинларига 2,4-Д типдаги гербицидлар пуркалади.

СОВУТ — жангда танани ўқ, найза ва қилич зарбидан сақлаш учун кийиладиган мустаҳкам ҳарбий кийим. Ўрта Осиё ва Шарқ қўшинларида илк ўрта асрлардан бошлаб қўлланилда бўлган. Туркилар томонидан темир эритишнинг пўлат қўйишнинг турли жанг қуроллари қатори С.нинг ҳам ихтиро қилинишига замин бўлган. С. дастлаб тўр кўйлак шаклида пўлат симлан тўқилган. Кейинчалик унинг чидамлилигини янада оширши мақсадида устига қир хил шаклдаги металл тангачалар қопланган. С.нинг ёқасиз ва енгсиз турлари ҳам бўлган, улар яширин равишда оддий кийим тагидан кийилган. С. остидан махсус пахтали кийим — ҳафтон кийилган. . Турк хоқонлиги қўшинида С. ғарақ (ғарақ), қорамонийлар қўшинида ғариқ (ғариқ), куба ғариқ қуяи (қуят), кўкрак С. и эса гура сўзлари б-н ифодаланган. Амир Темур, Бобур ва ўзбек миллари қўшинида С.нинг ранг-баранг турлари мавжуд бўлган. Жумладан, симлан тўқилган *жавшан*, темир занжирлардан ясалган *ирғ*, металлдан ясалган *жубба*, кўктемур, пўлатдан ясалган оҳа, кўҳа каби С. турлари тарихий-бадиий асарларда ўз ифодасини топган. Жанговар отларга ва филларга мўлжаллаб тайёрланган С.лар ҳам қуроллашда бўлган ва улар кежим ҳамда *барғустван* деб юритилган. Тунда аскар томонидан тўшак ўрнида фойдаланилган ва от сагрисида олиб юрилган ёпинчиқ бағтар деб аталган. Аскар тиззаси ва бутини душман қуроли зарбидан сақловчи С. турлари тизлик ва бутлуқ деб номланган.

Совут.

СОВУТЛИЛАР, хитонлар (Loricata, Polyplacophora) — ёнбош нервли моллюскалар синфи.. Ганданининг уз. 0,5—35 см, ясси ва чўзиқ ёки чувалчангсимон; бош, тана, ясси ва кенг оёқ бўлимларидан ташкил топган. Чиганоғи ўзаро ҳаракатчан қўшилган 8 та пластинкадан ташкил топган. С. танасини қорин томонга букиб, юмалоқланиши мумкин. Мантия бўшлиғи тор тирқишсимон; унда 6 дан 80 тагача патсимон жабралари жойлашган. Ўзига хос сезги органи — эстетлар чиганоғини тешиб ўтадиган найчаларда жойлашган. Эстетлар сув босимини ва ёруғликни сезиш вазифасини бажаради. 4 туркуми, 1000 га яқин тури бор, асосан, Жан. ярим шар денгизларида тарқалган. Айрим жинсли, киприкли личинкаси кўп тукли ҳалқалилар личинкасига ўхшаш тузилган; сувда эркин сузиб юради. Вояга етган С. сув тубида аста-секин ҳаракат қилади, қирғоқ яқинида яшайдиган С. тошларга маҳкам ёпишиб олади. Сувўтлар ва детрит б-н озиқланади. Айрим турларини маҳаллий аҳоли истеъмол қилади.

СОВУҚ ОЛИШИ (тиббиётда) — тўқималарнинг зарарланиши. С.ола тўқималар зарарланишига, асосан, қон томирларининг совуқ таъсирида давомли торайиши натижасида уларда рўй берадиган турғун ўзгаришлар сабаб бўлади. Фақат қаттиқ совуқ кунлари эмас, балки ёғингарчилик ва шамолли ҳавода ҳарорат нул даража атрофида бўлганда ҳам С.о. мумкин. Киши узоқ вақт совуқда бўлганда терморегуляциянинг табиий механизмлари гавданинг периферик қисмида жойлашган органлар т-расини нормал ҳолатда сақлай олмай, аста-секин қон айланиши пасаяди, кейин вақтнча тўхтаб ҳам қолади. Организм совуққа бардош беролмайди, тўқималарда чуқур ўзгаришлар рўй беради, ҳужайралар ўлади. Қон томирлар спазми белгиларидан бири — организмнинг сезиш қобилияти йўқолиши ва терининг оқаринидир. Тор кийим-бош ва пойабзал (қон айланишини қийинлаштиради), нам кийим кийиш, касалликлар оқибатида организмнинг кучсизланиб қолиши, қон йўқотиш ва б. С.ола сабаб бўладиган омиллардир.

Кўпинча қўл ва оёқ бармоқлари, бурун ва қулоқ чиганоғини совуқ олади. Билак, болдир бўғимларининг юқори қисми ва гавданинг катта сатҳи (думба, қорин ва б.)ни С.о. камдан-кам учрайди, одатда, киши музлаб қолгандагина бу соҳаларни ҳам совуқ олади. Гавданинг совуқ олган қисми ўзига хос кўринишда бўлади; тери оқаради ёки кўкимтир тусга киради, қўл-оёқлар қотиб қолгандек туюлади. Иссиқ қилингач, совуқ олган жойлардарров шишади, сўнгра С.о. даражасида қараб тўқималарда иллиги ўзгаришлар рўй беради ёки улар ўлади (некроз). Совуқдан зарарланиш ҳолатига кўра, С.о. 4 даражага бўлинади. 1-даражали С.о. анча енгил бўлиб, зарарланган жой иситилгач шишади ва тери кўкимтир тусга киради; 2-даражали С.о.да терида тиниқ суюқлик йиғилган пуфакчалар пайдо бўлади; 3-даражали С.о. оғир кечади, терида қон аралаш суюқлик йиғилган пуфакчалар пайдо бўлиб, бир неча кундан сўнг улар ўрнидаги тўқималар ўлади ва ириб тушиб кетиб, ўрнида чандиқлар ҳосил бўлади. С.о.нинг 4-даражаси жуда оғир кечади, бунда фақат тери шикастланиб қолмай, бошқа юмшоқ тўқималар ва ҳатто суяк ҳам ўзгаришларга учрайди, натижада тўқималар ўлади. Вақт ўтиши б-н улар қорайиб, қовжираб қурийди ва аста-секин тушиб кетади. Жароҳатларнинг битиши бир неча ҳафта ва ойгача чўзилиши мумкин, бу С.олнинг оғир-енгиллиги, совуқнинг қанча вақт таъсир қилганлигига боғлиқ. Шунинг учун совуқдан зарарланган кишини дарҳол иссиқ уйга олиб кириб, унча иссиқ бўлмаган грелка қўйиб иситиш ва зудлик б-н касалхонага жўнатиш керак. С.олнинг олдини олиш учун организмни совуққа чиниқтириш лозим. Совуққа чидамли кишилар организмда иссиқлик ҳосил бўлиши бирмунча шиддатлироқ боради, бу эса терининг қон б-н таъминланишини яхшилайди, тананинг совуққа чидамлилигини оширади.

СОВУҚ ҲАВО ОҚИМИ — *атмосфера фронтларидан* бўлиб, иссиқ ҳаво томон ҳаракат қилади ва катта минтақада ҳаво т-расини анча пасайтиради (қ. *Арктика ҳавоси*). С.ҳ.о. циклон ортида, совуқ фронт орқасида рўй беради. Қисман келаётган С.ҳ.о.да *антициклон* юзага келади. Ўрта Осиёга арктика ва мўътадил кенглик совуқ ҳавоси шимдан ёки шим.-ғарбдан Урал, Ғарбий Сибирь, Қозоғистон ва Устюрт орқали келади. С.ҳ.о. таъсирида ҳаво оқимлари меридионал йўналишга мос келган вақтда Ўрта Осиёда т-ранинг пасайиши кузатилади, яъни кечки баҳор ва эртанги куз совуқлари тушишига олиб келади.

СОВУҚБУЛОҚ — Тошкент вилоятининг жан.даги сой. Қурама тизмаси ён бағридан, 2200 м баландликдаги булоқлардан бошланади. Уз. 20 км. Баҳор ва куз ойларида суви тўлиб оқади.

СОВУҚДАН КЎПЧИШ — музлаётган тоғ жинсларида муз ҳосил бўлиши натижасида тоғ жинслари ҳажмининг ортиши ва натижада ер юзасининг кўтарилиши. Бу ҳодиса муз ҳосил бўлиш жараёни тез ва нотекис кечаётган жойларда айниқса яққол рўй беради. С.к. тоғ жинсларининг мавсумий ва узоқ йиллар мобайнида ўтган жойларида кузатилади. С.к. музлаган қатламларнинг нотекис кўтарилишига сабаб бўлиб, кўтарилишнинг ўлчами — тоғ жинсларининг таркиби, намлиги ва зичлигига боғлиқ.

СОВУҚДАРА, Совуқсой — Тошкистондаги дарё, Катта Совуқдара музлигидан бошланади. Орқа Олай тизмаси жан. ён бағирлари бўйлаб оқади. Уз. 64 км. Оттинмозор қишлоғидан 2 км юқорида Селдара дарёси б-н қўшилиб Муксув дарёсини (Вахш дарёсининг жан. тармоғи) ҳосил қилади. С. қор, музликлардан тўйинади. Июль—авг.да тўлиб оқади.

СОВУҚЛИК ҚУТБИ — Ер шари ёки ярим шардаги ҳаво т-раси энг паст бўладиган жой. Шим. ярим шарда иккита С.қ. мавжуд бўлиб, биринчиси Саха Республикаси (Верхоянск — Оймякон тумани)да мутлақ минимал т-ра —65°, —70° атрофида. Жан. ярим шарда С.қ. Шарқий Антарктида ичкарисида —90° га яқин. Бу ерда т-ра йил давомида ўртача —55°, —60° лар атрофида кузатилади.

СОВУҚҚОНЛИК (ҳуқуқда) — *мансабдор* шахснинг ўз вазифаларига лоқайдлиги, пала-партишлиги ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши оқибатида уларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги ва шу туфайли фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки манфаатларига, давлат ва жамоат манфаатларига зиён етказилиши. С. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси бўйича бошқарув тартибига қарши ҳам- да ҳарбий мансабдорлик жиноятларидан ҳисобланади. ЖК нинг 207-, 302-моддаларида С. учун жавобгарлик белгиланган.

СОВХОЗ (рус. советское хозяйство — совет хўжалиги) — собиқ СССРда қ.ҳ.да ташкил этилган йирик давлат хўжалиги. 1918 й.дан бошлаб тузилган. Ўзбекистонда дастлабки С.лар пахтачилик бўйича 1921 й.дан ташкил этила бошлаган. С.лар 1994—1995 й.ларда тугатилиб, жамоа, сўнгра *ширкат* хўжаликларига айлантирилди.

СОВЧИЛИК — бирор хонадоннинг вояга етган қизини келинликка сўраб бориш одати. Бу вазифани бажарувчилар совчилар деб аталган. Дунёнинг турли халқларида бу одат турличадир.

С. тўғрисидаги илк маълумотлар 7—8 а.ларга оид Урхун-Енисей битикларида учрайди. *Тўнюқуқ битиктошида* «сов», «саб» калимаси сўз, гап маъносида ишлатилади. «Ирқ битиги» («Фол китоби»)да эса «саб»—сўз, «сабчи» — хабарчи, сўз келтирувчи маъносида қўлланилган. Бу ҳақда Маҳмуд Кошғарий «совчи — келин ва куёв орасида бирбирига хабар элтувчи», деб ёзган. Туркий халқларда, жумладан, ўзбекларда қадимдан С.ка дастлаб аёллар, сўнгра эркаклар боришган. Одатда, куёвнинг тоғаси, амакиси ёки яқин қариндошларидан обрўли, кўпни кўрган, уддабурон-жували, серфарзанд ва бир никоҳли, фозил киши С.ка юборилган. Йигит улғаётган хонадонда уни уйлантириш фақат ота-онанинггина эмас, яқин қариндош, дўсту биродарларининг ҳам ташвишли ҳисобланади. Шунга кўра, йигитга муносиб қизни кўз остига олганлар ва йигитнинг онасига уни да-

рак қилишган. Шаҳарларда йигитнинг онаси, аммаси ёки холаларидан бири ёки бошқа аёл б-н мўлжалланган қиз хоналонига ташриф буюриб, «меҳмонга келдик» баҳонаси б-н қизни кўрадилар. Айни пайтда уй-жой, ҳовлининг тозалиги, саранжом-саришталиги, дастурхон безалиши, уй эгаларининг меҳмондўстлигига разм соладилар. Қизнинг онаси б-н суҳбатлашиб, «онасини кўру, қизини ол» мақолига амал қиладилар. Кўп ерда совчилар қиз томоннинг қўни-қўшнилари, хизмат еридан сўраб-суриштирадилар. Қишлоқ жойларида яшовчилар бир-бирларининг фарзандларини яхши билганликлари учун С.ка ўзлари бормай, маҳалладан ёки қариндошларидан 2—3 кишини юборадилар. Қиз томон таниш-билиш ёки қариндош бўлса, совчилар иккиуч боргач, фотиҳа тўйи белгиланиши мумкин. Агар нотаниш бўлса, қиз томон ҳам сўраб-суриштириб, бир қарорга келгунига қадар, йигит томон ўз элчиларини юбориб туради. Шарқона одобга кўра, йигитнинг онаси ўз ўғли ҳақида гапириши, унинг яхши томонларини кўрсатишга уринши яхши саналмайди. Ўзбекчилик одоби, миллий маданиятга кўра, совчилар томони ҳам, қиз томон ҳам бир-бирларининг шаъниларига тегадиган гап қилмайдилар. Зарур бўлса, ҳатто рад жавобини ҳам нозик андиша парласига ўраб, оғир ботмайдиган, кишидан безмайдиган қилиб етказилади. С. аксарият аёллар иши, шароитга қараб ўртага баъзан эркаклар ҳам тушадилар. Совчиларни маъжозий маънода элчилар деб аташади. Қизнинг ота-онаси розилик билдиргач, совчилар шу розиликка олдиндан махсус тайёргарлик тарзида дастурхон (патир, ширинлик-мева, баъзан қизга, унинг ота-онасига сарпо) қилиб борадилар. Совчилар ҳузурида қиз ва йигит бир-бирларига унаштирилганлиги эълон қилинади ва бу қарорнинг муқаддаслигини таъкидлаш маъносида совчилар келтирган дастурхон очилиб, нони синдирилади, (нон синдириш) сўнг «оқ ўрар» маросими ўтказилади. Одатда, бу маросимда энг яқин ва табаррук қариндошлар иштирок этишиб, икки томоннинг қуда бўлишига розилик белгиси сифатида оқлик берилади. Шу маросимнинг ўзида кўпинча бўлажак келин уйида ўтказиладиган фотиҳа тўйи куни, тахм. бўлса ҳам тўй вақти белгиланади.

Европада бу ҳолатлар кўпроқ «танишув клублари», эълонлар орқали ҳал қилинади.

«СОВҒА» — эртапишар ёғли нок нави. Богдорчилик, узумчилик ва виночилик и.т. ин-тида *Вильямс* ва *Лесная красавица* навларини чатиштириб чиқарилган (А. К. Павлов, В. В. Кузнецов). Дарахти ўртача катталикда, шох-шаббаси кенг пирамида шаклида. Меваси ўртача катталикда, вазни 150–170 г., оч сариқ, қизил тарамлари бор. Пўсти юпқа, нафис, силлиқ, товланувчан. Эти оқ, майин, мойсимон, сersув, нордон-ширин, мазаси ёқимли.

«Совға» нок нави.

Таркибида 13,9% қанд, 0,15% кислота мавжуд. Кўчати экилгандан сўнг 4—5-йили ҳосилга киради. Апр. ўрталарида гуллайди. Авг.нинг ўрталарида пишади. Ҳар йили ҳосил беради. Ўртача ҳосилдорлиги 134,4 ц/га (энг юқориси 227,1 ц/га). Совуққа, касалликларга чидамли. 1959 й.дан Ўзбекистоннинг барча вилоятларида р-нлаштирилган.

СОГДИАНИТ (Сугдиёна номи б-н аталган) — минерал. Илк бор Помирда топилган. Кимёвий формуласи

$$K_{4-1}Na_{0,8}Li_2\cdot(Li_{0,6}Fe^{2+}_{0,2}Fe^{4+}_{0,6}\cdot Al_{0,2}Ti_{0,2})(Zr_{0,8}Ti_{0,2})[Si_2O_3]_6.$$

Цирконнинг таркибида литий бўлган ягона силикат. Гексогонал сингонияда кристалланади. Агрегатлари пластинкасимон. Бинафша ранг; шишадек ялтироқ. Қаттиқлиги 7; Зичлиги 2.9 г/см³. Эвдиалит, тожикит б-н бирга топилган. Ишқорли гранит пегматитларида учрайди.

СОГНЕ-ФЬОРД — Шимолий денгиздаги қўлтиқ. Скандинавия я.о.нинг жан.-ғарбий қирғоқлари яқинида. Норвегиядаги энг йирик *фьорд*лардан. Уз. 204 км, эни 6 км, энг чуқур жойи 1208 м. Тик қояли қирғоқларининг бал. 1500 м га етади. Ён томонларида тармоқлари бор, уларнинг айримлари муз б-н қопланган. Сув кўтарилиши ҳар ярим суткада такрорланади. Туризм ривожланган.

СОДА — турли натрий карбонатларнинг умумий техник номи. Кальцинацияланган С. — Na_2CO_3 (натрий карбонат); кристалланган С. — $Na_2CO_3\cdot10H_2O$ (натрон); ичимлик ёки озиқ-овқат С.си — $NaHCO_3$ (натрий гидрокарбонат) бор. Булардан ташқари, каустик С. — NaOH (ювғич натрийнинг техник номи) ҳам маълум. С. табиатда $Na_2CO_3\cdot10H_2O$ ҳолида, кул ва минерал сув ҳолларида эриган ҳолда учрайди. С. сувдаги эритмаларидан 32° гача $Na_2CO_3\cdot10H_2O$, 32—35°да $Na_2CO_3\cdot6H_2O$, 35° дан юқорида $Na_2CO_3\cdot H_2O$, 112,5° да сувсиз туз — Na_2CO_3 кристалланади. $NaO\cdot10H_2O$ — рангсиз кристалл модда, ҳавода нураб туради. Зичлиги 1450 кг/м³, 100 г сувда 0° да 20,9 г, 104° да эса 42,1 г эрийди. Кальцинацияланган С. — рангсиз кристалл модда, зичлиги 2530 кг/м³, суюқланиш т-раси 858°; гигроскопик, сувда эрувчанлиги массасига нисбатан 6,54%(0° да) ва 17,69%(20°да). Ичимлик С. ҳам оқ кристалл кукун, зичлиги 2200 кг/м³, 100—150°да парчаланади; сувда эрувчанлиги 6,54% (0° да), 9,4% (25°да), 14,1% (60°да). С.нинг сувдаги эритмалари гидролизга учраб, кучли ишқорий реакция намоён қилади, кислота таъсир эттирилса, карбонат ангидрид ажралиб чиқади. С.ни саноатда олиш усулини илк бор 1787—89 й.ларда француз кимёгари Н. Леблан ишлаб чиққан. Бу усулга мувофиқ, ош тузи NaCl га концентрланган H_2SO_4 таъсир эттириб, натрий сульфатга (Na_2SO_4) айлантирилади, кейин Na_2SO_4 ни оҳактош ва кўмир б-н биргаликда печда 1000° да қиздириш йўли б-н С. олинади. Ҳоз. С.нинг асосий қисми аммиак-хлорид усулида (Сольвэ усули) олинади: табиий ёки сунъий йўл б-н тайёрланган намакоб (NaCl) натрий карбонат Na_2CO_3 ва кальций гидроксид $Ca(OH)_2$ таъсирида Са ва Mg қўшимчалардан тозаланади, аммиак NH_3 б-н тўйинтирилади, сўнгра барботаж колонналарида карбонизацияланади; асосий реакция: $NaCl+NH_3+CO_2+H_2O \rightarrow NaHCO_3+NH_4Cl$. Натрий гидрокарбонатни қиздириш йўли б-н Na_2CO_3 олинади.

С. кимё саноатининг энг муҳим маҳсулотларидан; шиша, совун ва б. ювувчи воситалар, натрий гидроксид ва натрийнинг бошқа бирикмаларини и.ч. да, целлюлоза пиширишда, нефть маҳсулотларини тозалашда, пигментлар олишда, «қаттиқ» сувни юмшатишда, тиббиётда ишлатилади. Ичимлик С. нон ва қандолатчилик маҳсулотлари пиширишда CO_2 манбаи сифатида, алкоголсиз ичимликлар, сунъий минерал сувлар, ёнғинни ўчирувчи таркиблар тайёрлашда, тиббиётда, оғиз ва томоқни чайишда ишлатилади.

СОДАЛИТ — сингли алюмосиликатлар кичик синфига мансуб минерал. $Na_4[AlSiO_4]_3Cl$. Кимёвий таркиби Na_2O—25%, Al_2O_3—31%, SiO_2—37%, Cl—7%. Куб сингонияда кристалланади. Донадор агрегатлар ҳосил қилади, нефелин кристаллари атрофида ҳошия кўринишида бўлади. Ранги мовий, сарғиш, яшил-бўз, баъзан пушти. Қаттиқлиги 5,5—6, зичлиги 2,3—2,5 г/см³. Мўрт. С. ишқорли магматик, асосан, эффузив жинсларнинг бирламчи минералидир. Қўшимча анионлари таркибида неоген, гаюин, лазурит ва б. бор. Ўзгаришлар натижасида натролитга, камрок серицит, диаспор, гидроаргиллит ва ҳ.к.га айланади. Натрийси кўп ишқорли тог жинсларида нефелин ҳисобига ҳамда контакт-метасоматик карбонатларда ҳосил бўлади. Турлари: такманит, молибдосодалит (M_2O_3 2,8% гача), гидрослюдит, бунда хлорнинг бир қисми (OH)га аралашган бўлади. Ўрта Осиё, Кавказ (Арманистон), Украина, РФ (Урал, Красноярск ўлкаси), Норвегия, Канада ва б. жойларда тарқалган. Безак тоши.

СОДАЛИТ ГУРУҲИ — *силикатлар* синфига мансуб минераллар: содалит $Na_4[AlSiO_4]_3Cl_2$, нозеан $Na_8[AlSiO_4]_6SO_4$, гаюин $Na_6Ca_2[AlSiO_4]_6(SO_4)_2$, ложувар $Na_6Ca_2[AlSiO_4]_6(SO_4)S$. Кристалл тузилиши Al_2SiO_4нинг алюмокремний кислород синчларидан иборат, йирик бўшлиқлари (говаклари) Cl^- ва SO_4^{2-} (баъзан S^{2-}) анионлари б-н, майда бўшлиқларини эса, Na^+ ва Ca^{2+} тўрта ионлари б-н эгаллаган минераллардир. Куб сингонияда кристалланади; ромбодекаэдр (содалит, ложувара) ва октаэдр (гаюин) шаклларидаги кристаллар ҳосил қилади; одатда, жинсларда доначалар ҳолида учрайди. Қаттиқлиги 5,5—6; зичлиги 2,3 г/см³дан (ложувар) —2,5 г/см³гача (гаюин). Ранги кўк, ҳаво ранг (ложувар, гаюин), сариқ, оч яшил, оқ ёки кулранг. С.г.даги айрим минераллар жинс ҳосил қилувчи минераллар ҳисобланади, мас., нефелинли сиенитларда — содалит; фонолитлар ва б. ишқорли эффузив жинсларда — нозеан ва гаюин. *Ложувар* б-н содалит контакт-метаморфлашган оҳактошларда ҳам ҳосил бўлади. С.г минераллари хорижда РФ (Кола я.о., Ильмен тоғи, Байкал олди), Украина, Тожикистон (Зарафшон тоғларида), Везувий атрофи (Италия жан.) ва б. жойларда бор. Ўзбекистонда эса, фақат лазурит топилган. Содалит ва лазуритнинг кўк турлари асл тошлар ҳисобланади. С.г. минераллари минерал ўғитларда, шунингдек, радиоэлектроника ва телевидениеда ишлатилади.

СОДДА ГАП — ўз таркибида биргина предикатив бирликка эга бўлган, маълум фикр ифодалай оладиган, грамматик ва интонацион жиҳатдан шаклланган синтактик бирлик (Сен космонавт бўлмоқчимисан? Тог тепасида тўпланаётган булутлар тушга бориб қуюқлаша бошлайди. Мен сизга машқ чалиб берай). С. г. бир предикатив асоқани намоён қилувчи содда бирлик сифатида икки ёки ундан ортиқ содда предикатив бирликларнинг қўшилмасидан иборат бўлган *қўшма гапга* қарама-қарши қўйилади.

С.г.нинг асосий тавсифлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: унинг муайян сўз шакллари (гап предикатив асосининг таркибий қисмлари) орқали шаклланувчи синтактик структураси ва мазкур таркибий қисмларнинг ўзаро муносабати; унинг семантик структураси; сўз тартиби ва оҳанг; гап предикатив асосининг таркибий қисмлари ёки предикатив асоснинг кенгайтирувчилари ҳисобланиши *гап бўлакари*.

С.г. тузилиш асосининг миқдорига кўра, 2 турли бўлади; икки таркибли гап, бир таркибли гап. Икки таркибли гапнинг предикатив асоси эга ва кесим бўлакларидан иборат бўлади (Салқин шамолларгина қизнинг сочлари б-н ўйнашади. Кўкда танҳо ой кезмоқда). Бир таркибли гапнинг предикатив асоси эга ёки кесимга эга бўлади. Ўзбек тилида бир таркибли гапларнинг қуйидаги турлари бор: шахси аниқ гап (Шу ёруг йўлда сизга зўр бахтлар тилайман); шахси номаълум гап (Жўжани кузда санайдилар); шахси умумлашган гап (Деҳқон бўлсанг тақрор шудгор қил, мудда бўлсанг такрор қил); шахссиз гап (Тўрт-беш кундан кейин теримга тушилади); атов гап ёки номловчи гап (Ана совуқ, мана қор! Мана Ўсаржоннинг боласи ... Самарқанд. Регистон майдони...).

С.г. йиғиқ ёки ёйиқ бўлиши мумкин. Йиғиқ С.г. бош бўлакладарангина, унинг биргина предикатив *синтагма*сидангина иборат бўлади (Иш бошланди. Улар келишяпти); ёйиқ С.г. бош ва иккинчи даражали бўлакладан ташкил топади, яъни унинг таркибида предикатив синтагма б-н бирга бошқа синтагмалар ҳам бўлади (Низомжон опасининг гапларини чин юракдан эшитиб ўтиради).

Ад.: Ўзбек тили грамматикаси, 2-ж., Синтаксис, Т., 1976. *Азиз Ҳожиев.*

СОДДИ (Soddy) Фредерик (1877.2.9, Истборн — 1956.22.9) — инглиз радиокимёгари. Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1910 й.дан). Оксфорд ун-тини тугатган (1898). 1900—02 й.да Монреалдаги Мак-Гилл ун-тида Э. *Резерфорд* б-н, 1903—04 й.ларда Лондон ун-тида У. *Рамзай* б-н ишлаган. Глазго ун-тида дарс берган (1904—14), Абердин (1914—19) ва Оксфорд (1919—36) ун-тларида проф. Асосий илмий ишлари *радиоактивлик* тадқиқотига оид. Э. Резерфорд б-н ҳамкорликда торий-Х (радий-224) радиоэлементини кашф этди (1902) ва 2 та эманация (радон-220 ва радон-222)нинг кимёвий инертлигини исбот қилди, радиоактив парчаланиш назарияси асосларини ишлаб чиқди (1902), «ярим емирилиш даври» тушунчасини фанга киритди. У. Рамзай б-н ҳамкорликда радий ва радон радиоактив парчаланганда гелий ҳосил бўлишини исбот қилди. О. *Ган* ва Л. Мейтнерларга боғлиқ бўлмаган ҳолда протактинийни кашф этди. Нобель мукофоти лауреати (1921). Унинг шарафига минерал (содди) номланган.

СОДИҚОВ Аброр Содиқович (1906.9.17 — Тошкент — 1993.29.9) — физиолог олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1971), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач (1952), тиббиёт фанлари д-ри (1952), проф. (1953). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1935). ТошТИ нормал физиология кафедросида ассистент (1938—41), доцент (1941—52), кафедра мудири (1952—76), 1977 й.дан маслаҳатчи. Илмий ишлари иссиқ иқлим шароитида организмда бўладиган ўзгаришларни (климатофизиология) ўрганишга оид. Организмда сув ва туз алмашинувининг нерв системаси орқали бошқарилишини тадқиқ қилган.

Ас.: Работоспособность скелетных мышц и некоторые вопросы водносолевого обмена в условиях жаркого лета, Т., 1952.

СОДИҚОВ Зоҳид (1910.1.1, Тошкент — 1962.12.4, Самарқанд) — Ўзбекистон халқ артисти (1950). Ижодини 1924—34 й.лар Тошкент ишчи-ёшлар театрида драма ва мусиқали драма спектакларида ролдар ижро этиш б-н

Зоҳид Содиқов Шоҳ Баҳром ролида («Диларом»).

шуғулланган. Кейинчалик Ўзбек давлат драма театрида (1934—41, 1944—62), Ўзбек давлат филармониясида (1941—44) ишлаган. Ўзбек халқ мусиқасини ижро этишда ўзига хос услубни яратган. Ўзбек халқ мусиқасининг ноёб намуналарини ёзиб олган. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг депутати (1947—62).

бошлаган. 1934 й.дан Ҳ.Олимжон номидаги мусиқали драма театрида фаолият кўрсатган. Неъмат («Ҳалима»), Фар-ҳод («Фарҳод ва Ширин»), Қодир («Ғунчалар»), Қодир («Гулсара»), Тоҳир («Тоҳир ва Зуҳра»), Қосим («Беш сўмлик келин»), Мардон («Даврон ота»), Шоҳ Баҳром («Дилором») каби образларни мусиқали драмаларда яратган. Драматик спектаклларда Рустам («Рустам»), Арслон («Тор-мор»), Калаф («Маликаи Турандот»), Ғулом («Номус ва муҳаббат»), Ғофир («Бой ила хизматчи»), Мажидиддин («Алишер Навоий»), Муқимий («Мавлоно Муқимий»), Монзаро («Отелло») каби ролларни ижро этган.

СОДИҚОВ Карим (1927.5.5—Тошкент — 1987.21.11) — файласуф олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1980), фалсафа фанлари д-ри (1969), проф. (1971). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1950). Шу ун-т фалсафа кафедрасида ўқитувчи, доцент, мудир (1953—67), ижтимоий ф-тлар фалсафа кафедрасининг доценти (1967—68), табиатшунослик ф-тлари фалсафа кафедрасининг мудири (1968 й.дан). Илмий ишлари ижтимоий фалсафа соҳасига бағишланган.

СОДИҚОВ Марат Файзиевич (1945.27.12, Ғиждувон тумани) — график рассом. Ўзбекистон БА акад. (2003). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1999). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1973). С. литография, акварель, гуашь, темпера усулида ижод қилади, ижодида фидокорлик, рассом ва замон, инсон ва табиат каби мавзулар етакчи ўрин тутади, ҳаётда рўй берган муҳим ўзгаришлар унинг асарларида ўз аксини топади: «Газли» (1971), «Навоий кимё к-ти» (1974), «Фашизм» триптихи (1975), «Ҳодиса» (1976), «Оқ Бухоро» туркуми (1978—85), «Хроника» туркуми (1981), «Менинг Бухоройим» (1982), «Ўзбекистон бўйлаб» (1984—2000), «Сўқоқ» (1985) ва б. автолитографиялар туркумлари.

С. асарларидан намуналар республика ва хорижий мамлакатлар (АҚШ, Англия, Германия, Италия, Австралия, Россия ва б.) музей ва тўпламларида сақланади. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1987).

СОДИҚОВ Обид Содиқович (1913.15.11 — Тошкент — 1987.22.7) — кимёгар олим, жамоат арбоби. Ўзбекистон ФА акад. (1947). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1960). С. собиқ СССР ФА акад. (1972). Меҳнат Қаҳрамони (1973). Кимё фанлари д-ри (1946), проф. (1947). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1937), шу ун-тда доцент (1942—46), Ўсимлик моддалари (кейинчалик табиий бирикмалар) кимёси кафедарасида мудир (1946—74), илмий раҳбар (1974 й.дан). Ўзбекистон ФА Кимё ин-ти директори (1946—50). Ўзбекистон ФА Президиуми аъзоси (1947—57). ТошДУ ректори (1958—66). Ўзбекистон ФА президенти (1966—84). Ўзбекистон ФА Биоорганик кимё бўлими раҳбари (1973—77), Биоорганик кимё ин-ти директори (1977—87). Асосий илмий ишлари органик ва биоорганик кимёга оид. С. Ўрта Осиёдаги ўсимликларни текшириб, 100 дан ортиқ дарида, алкалоидини, изохинолин қатори алкалоидларини ажратиб олди, уларнинг тузилиши, конформацион ҳолати ва биогенетик ўзгаришларини аниқлади. С. раҳбарлигида гўза барги, чигити, қобиғи, гули ва гўзапоядан углеводородлар, юқори молекулали спиртлар, кислоталар, стеринлар, тритерпенлар, флавоноидлар, полифеноллар, госсипол ва унинг йўлдошлари, углеводлар, шунингдек, A, E, P, F каби витаминлар ажратиб олинди; қўпгина препаратлар (анабазин-гидрохлорид, госсипол, госсипол динименти, метосин малҳами, битрилен таблеткаси, гозанидон таблеткаси ва б.)ни саноат миқёсида ишлаб чиқишга қўйилди. С. ташкил қилган мактабда гўзани вилт б-и касалланишдан ҳимоя қилишнинг кимёвий ва биологик усуллари ишлаб чиқилди; муҳим йўналиш — вилт қўзғатувчи токсинлар кимёси ва биокимёси соҳасида тадқиқотлар ўтказилди. Гўза баргидан лимон ва олма кислоталари ажратиб олишнинг саноат усули ишлаб чиқилди (1956), шакар и.ч. чиқиндиси (патика)дан микробиология усули б-н итакон кислота олинди, доривор моддалар, биостимуляторлар синтез қилинди, ҳаёт учун муҳим бўлган физиологик фаол табиий бирикмалар ва уларнинг синтетик аналоглари тузилиши б-н организмдаги функцияси ўртасидаги боғланиш чуқур ўрганилди, эукариотлар тўқималари геномининг кооператив активацион модели таклиф этилди. С. дарслик («Органик химия», ҳамкорликда, Т., 1971; «Органик химиядан практикум», ҳамкорликда, Т., 1973), ўқув қўлланмалари, илмий ва оммабоп китоблар муаллифи, илм-фан ташкилотчиси. С. СССР ФА Президиуми аъзоси (1972—84). Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1979). Ўзбекистон ФА Биоорганик кимё ин-тига О. С. Содиқов номи берилган (1988). Тошкентдаги 249-мактаб, Собир Раҳимов туманидаги маҳалла, Шайхонтоҳур туманидаги кўчалардан бири ҳам С. номи б-н аталади.

Ас: Синтез органических препаратов пиразолинового ряда (в соавторстве), Т., 1974; Алкалоиды хинолизидинового ряда (в соавторстве), М., 1975; Химия хлопка, Активный центр и механизм действия (в соавторстве), Т., 1976; Индукторы интерферона (в соавторстве), Т., 1978; Хлопчатник — чудо растение, М., 1985.

Ад: Абид Садыкович Садыков. Биобиблиография, Т., 1989; Волков В. А., Вонский Е. В., Кузнецова Г. И., Выдающиеся химики мира, М., 1991.

СОДИҚОВ Рашидхон (1938.27.5, Фар-тона вилояти — 2000, Қўқон) — Ўзбекистон халқ артисти (1992). 1960—2000 йлар Қўқон шаҳар драма театрида актёр. Қаҳрамонона-романтик, ижтимоий-психологик ва маиший ҳажвий пунадиницар уша якин булиб, мазмунан теран, фалсафий мушоҳадаларга бой, мавзу ва услуб жиҳатдан ранг-баранг образлари б-н из қолдирди. «Муқанна»да Муқанна, «Бой ила хизматчи»да Ғофир, «Жалолиддин»да Жалолиддин Мангуберди, «Тоҳир ва Зуҳра»да Тоҳир, «Муҳаббат қасри»да Шоҳжаҳон каби образлари алоҳида ўрин тутади. «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (1998).

СОДИҚОВ Саодат Содиқович (1910, Қўқон — 1995.3.1, Тошкент) — генетик олим, Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1952), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1980). Ўрта Осиё пахтачилик ва ипакчилик ин-тини тугатган (1932). СоюзНИХИ нинг Марказий селекция ст-ясида катта илмий ходим (1937—39), 1939—42 йилларда Армия сафида. Ўзбекистон Давлат назорати вазирлиги ходими (1942—48). 1948 й.дан Ўсимликлар эксперименталл биологияси ин-тида гўза амалий генетикаси лабораторияси мудири (1950—63 йилларда шу ин-т директори). Илмий ишлари гўза генетикаси, селекцияси, радиобиология, гўзанинг вилтга чидамлилик генетикаси, физиологияси ва биокимёси масалаларига бағишланган. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1996).

Ас: Советский египетский хлопок в Узбекистане, Т., 1939; Повышение скороспелости и урожайности хлопчатника, Т., 1972.

СОДИҚОВ Толибхон (1907.12.3 — Тошкент — 1957.5.9) — композитор, дирижёр ва жамоат арбоби. Ўзбекистон халқ артисти (1939). Самарқандлиги Ўзбек мусиқа ва хореография ин-ти (1928—32), Москва консерваториясининг Ўзбек опера студияси (1939—41)да таълим олган. Ўзбек давлат драма театрининг мусиқа раҳбари (1930—32). Ўзбек давлат мусиқали театри (1938—39) ва Навоий театри (1941—54)нинг бош дирижёри, Ўзбекистон композиторлари уюшмасининг биринчи раиси (1939—48). Ўзбекистон радиокўмитаси бадиий раҳбари (1951—54). Композиторлик фаолиятини 1930 йлда «Боғбон қиз» (С. Абдулла пьесаси)га мусиқа яратишдан бошлаган. «Лайсаси)га мусиқа яратишдан бошлаган. «Лайли ва Мажнун» (Н. Мироной б-н ҳамкорликда, 1933), «Даврон ота» (А. Козловскийда, 1933), «Ғалаба» (Ғ. Ғулом ва Ҳ. Олимжон билан ҳамкорликда, 1936

(«Любовь Яровая»), Адолат («Адолат»), Луиза («Макр ва муҳаббат»), Жамила («Бой ила хизматчи»), Холисхон («Холисхон»), Гули («Алишер Навоий»), Кураж она («Бандаи гумроҳ») ва б. шулар жумласидан. Реж. сифатида «Тошболта ошиқ» (Ҳ. Ғулом, М. Левиев), «Биринчи муҳаббат» (Х. Воҳид), «Жон қизлар» (К. Бойсеитов, К. Шанғитбоев, М. Муҳамедов), «Эзоп» (Г. Фигейреду), «Тентак» (Н. Ҳикмат), «Одам тугилди» (Ў. Умарбеков), «Парвона» (Уйгун), «Олтин девор» (Э. Воҳидов), «Отелло» (У. Шекспир, А. Гринберг б-н ҳамкорликда) каби спектакларни саҳналаштирган.

Соз.

СОЗ — 1) Марказий Осиёда *мусиқа чалгу асбоблари*нинг умумий ифодаси; 2) торли-тирнама мусиқа чалгу асбоби. Озарбайжон, Эрон, Туркия ва б. мамлакатларда тарқалган. Ёғочдан ясалади, нокшимон косаси пардалар боғланган узун дастасига елимлаб уланади. Умумий уз. 70—80 см. 5 тадан 9 тагача сим торлари мезроб б-н чалинади. Улар, одатда, квартаквинтага созланади. С., асосан, ошиқлар, хонандалар қўшиғига жўр чол-ғу асбоби сифатида, шунингдек, халқ чолғу ансамбли таркибида ишлатилади.

СОЗ ТУПРОҚ — механик таркибига кўра энг оғир тупроқ тури (қ. *Лёсс*).

СОЗЛАШ — мусиқа (асосан, торли) чолғуларида товушлар орасидаги муносабатларни муайян тартибга келтириш, мусиқа чолғуларининг торлари ва пардаларини ижро этадиган асарга мослаштириш. Ўзбек халқ чолғу асбоблар ўтмишда «Танавар сози» (кварта), «Муножот сози» (квинта), «Қўштор сози»нинг созланиши (унисон) каби атамалар б-н номланган.

СОИБ ТАБРИЗИЙ (тахаллуси; асл исм-шарифи Мирзо Муҳаммад Али) (1601 — Эрон, Исфаҳон ш. —1677) — озарбайжон шоири. Асосан, форс тилида ижод қилган. Кўп саёҳатларда бўлган, 8 й. Ҳиндистонда яшаган. Эронга қайтгач, «малик уш-шуаро» унвонига сазовор бўлган. Шоҳ Аббос II (1642—66) саройида яшаган. Ҳарбий юришлар ҳақида шеърлар — жангномалар, дидактик асарлар — пандномалар, фалсафий мазмундаги ғазаллар яратган. Қандаҳор яқинидаги жанглар-га бағишланган «Қандаҳорнома» достони машҳур. Озарбайжон тилидаги шеърларида *Фузулий* анъаналарини ривожлантирган. С. Т. шоир сифатида Шарқ халқлари адабиётларида кўплаб издошларга эга. Унинг катта ҳажмдаги (120 минг байтга яқин) шеърий мероси нисбатан кам ўрганилган.

Ас.: Ғазаллар, Боку, 1946.

СОИПОВ Қизирбой (1939.10.9, Қорақалпоғистоннинг Чимбой тумани — 1972.28.10, Нукус) — театр рассоми, Қорақалпоғистонда (1965) ва Ўзбекистонда (1969) хизмат кўрсатган санъат арбоби. Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртини тугатган (1957). Қорақалпоғистон театрида рассом, бош рассом (1958—72). С. яратган лекорация эскизларида спектакларнинг давр руҳини беришга интилди, асар руҳига мос саҳна безаклари яратди: «Бахт» (1957), «Бердақ» (1958), «Ойгул ва Обод» (1959), «Қорақалпоқ қизи» (1967), «Маманбий» (1971) ва б. С., шунингдек, портрет («Зауранинг портрети», 1967) ва манзаралар («Амударёда оқшом», 1963) ҳам яратган. Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти лауреати (1970).

СОЙ —1) табиий ўзанда доимий ва мавсумий оқадиган кичик дарё, ариқ, водий, ирмоқ; 2) оқар сувлар фаолияти натижасида ёки тектоник ҳаракат оқибатида ҳосил бўлган камбар, узун рельеф шакли. С.да сув оқиши ҳам, оқмаслиги ҳам мумкин.

СОЙЛИК — Ер пўсти рельефининг ботиқ шакли, изометрик ёки кам даражада чўзилган бўлиши мумкин. С. ҳар тарафдан ўралган берк ҳамда бир ёки икки томони очиқ бўлади. Морфологик жиҳатдан туби ясси, товоқсимон ва б. турлари фарқ қилинади. Вужудга келишига кўра — тектоник, вулканик, эрозион, музлик, карст ва б.; оқим режимига кўра уч хил — сув оқиб чиқадиган, оқиб келадиган ва оқмас бўлиши мумкин. Денгиз туби геоморфологиясида геосинклиналь денгиз ва океанлари эгаллаган ўтиш зонаси С. фарқ қилинади. Энг йирик С. — *океан қаъри*.

СОЙМАЛИТОШ РАСМЛАРИ — Фарғона тог тизмасининг Кўгарт довони яқини (Қирғизистон ҳудуди)даги қоятошларга ишланган тасвирлар. 1902 й.да топограф Н. Хлудов топган. Дастлаб И. Поспавский, кейинроқ Б. Зима, А. Бернштам, Ю. Голяндухин ва б. томонидан ўрганилган. С.р.нинг умумий сони 10—12 мингдан ортиқ бўлиб, бу ерда энг кўп *қоятош расмлари* тўпланган. С. р. турли даврларда яратилган: мил. ав. 3-минг йилликда, яна бир қисми

Соймалитош расмлари.

мил. ав. 1-мини йилликнинг 2-ярмида ишланган; мил. 1—8-асрлар ва ундан кейинги даврларга мансуб расмлар ҳам учрайди. С.р. қаттиқ буюм, тош б-н уриб-ўйиб сой, оддий чизиқлар, нарсалар шакли ва нақшлар услубда ишланган. Ёввойи буқа, от, ит, тог эчкиси, арҳар, қоплон, қўён тасвири, чайла, ўқ-ёй ва б. бор; ер ҳайдаш, рақс лавҳалари, қандайдир диний мароссимларни бажараётган кишиларнинг тасвирлари ҳам учрайди. Санъат обидаси бўлган С.р. Ўрта Осиё халқлари тарихи, ҳаёти, урф-одатлари ва б.ни ўрганишда қимматли манбадир.

СОКОЛОВ Николай Петрович (1899, Тула губернияси — 1971, Андижон) — генетик олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1969), проф. (1958). Ўрта Осиё ун-тини тугатгач (1924), биол. кафедрасида ассистент (1924—28), доцент (1928—32), Ўзбекистон экспериментал тиббиёт и.т. институти биол. бўлими мудири (1932—56), Андижон тиббиёт ин-ти умумий биол. кафедраси мудири (1956—58), ўқув ишлари бўйича проректор (1958—69). Илмий ишлари эхинококк биол.си ва Ўзбекистонда безгак касаллигига қарши биологик кураш усулларига оид.

Ас.: Гамбузия и ее роль в борьбе с малярией, Т., 1939; Эхинококковые заболевания и их профилактика на новых землях освоения, Т., 1959; Наследственные болезни человека, Т., 1965.

СОКОТО — Ғарбий Африкадаги давлат (19—20-а. боши). Фульбе элатининг *хаусаларга* қарши қўзғолони натижасида барпо этилган. 1809 й. икки султонлик — С. ва Ганду тузилган. 1831 й. Ганду С. султонининг вассалига айланган. 20-а. бошида (1903) С.нинг катта қисми Буюк Британия томонидан босиб олинган, 1914 й. инглизларнинг Нигерия мустамлакаси таркибига киритилган.

СОКОТРА — Ҳинд океанидаги ороллар гуруҳи (энг катта ороли — Сокотра), Гвардафуй бурнидан шарқда. Яман Республикаси ҳудуди. Майд. 3,6 минг

км². Кристалл жинслардан тузилган. Энг баланд жойи 150 м. Иқлими тропик, қуруқ иқлим; ўртача т-раси январда 21°, июлда 28°. Йиллик ёғин 250—300 мм. Чала чўл ўсимликлари ўсади, тоғларда ксерофил дарахтзорлар бор. Хурмо дарахти ўстирилади. Аҳоли чорвачилик ва балиқ овлаш б-н шуғулланади. Бош шаҳри — Хадибу.

СОКРАТ (Sokrates). Сукрот (мил. ав. 470/469 —Афина — 399) — юнон файласуфи. Ҳайкалтарош Софроникс ва доя Фенаретта оиласида туғилиб ўсган. Ўз таълимотини оғзаки баён қилган, ҳеч қандай ёзма манба қолдирмаган. *Софистлар*га қарши курашиш ва ёшларни тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Атрофига кўплаб иқтидорли талабаларни жамлаган. Бу талабаларнинг бир қисми (Алкивиад, Критий ва б.) Афина демократиясига қарши кайфиятда бўлган. С.ни демократияга нисбатан душманликда асосланган деб айблашган. Аслида у бошқарувнинг ҳамма шакли — монархия, мустибидлик, аристократия, плутократия ва демократияни, агар улар адолатни бузадиган бўлса, танқид қилган. С. таълимотидаги танқидий руҳ Афина ҳукмрон доираларини хавотирга солган. Бунинг натижасида С. ёшларни йўлдан адаштирганлик, фуқаролик меъёрларини бузганлик ҳамда «янги худоларга сажда қилиш»да айбланиб, судга берилган ва ўлим жазосига ҳукм қилинган. Бу ҳукм турмада С.га заҳар ичириш йўли б-н ижро этилган.

С.нинг фалсафий таълимоти тўғрисидаги маълумотларни унга замондош шогирд бўлган Ксенофонт, Платон, кейинроқ Аристотель ёзиб қолдирган. С. фақирона кун кечириб, додимо эски либосларда, оёқ яланг юрарди. Унинг турмуш тарзи ҳам, сўзлари ва суҳбатлари ҳам одамларда катта қизиқиш уйғотарди. Файласуф кўп вақтини одам гавжум майдонларда, хиёбонларда ўтказган. Ўзининг суҳбатлардан баҳраманд бўлиш ниятида юрган ва ўзини ниятига ишонтирган. Ушбу мулоқотларнинг услуби ва характери Платоннинг суҳбат тарзида ёзилган асарларида ўз ифодасини топган. С. ўз фалсафий тадқиқотларига ахлоқий масалаларни асос қилиб олган. У оламнинг келиб чиқиши ва тузилишини ўрганиш заруратини рад этиб, бу масалаларни ечишга инсон тафаккури қодир эмас деб ҳисобларди. С. таълимотига кўра, фалсафанинг мақсади ўзини билиш бўлиб, бу эса чин эзгуликка эришиш йўлидир; эзгулик — билим ёки доноликдир. С. инсонда 1-дан, ўрта миёналик, мўътадиллик (яъни, эҳтиросларни жиловлай билиш)ни, 2-дан, доноракликдан (яъни, ҳавф-хатарни енга билиш)ни, 3-дан, адолат (яъни, илоҳий ва инсоний қонун-қоидаларга риоя эта билиш)ни энг асосий эзгулик ва яхшилик белгиси деб ҳисобларди. Замондошлари ва шогирдларининг гувоҳлик беришича, С. ўзининг чуқур диалектик фикрлаши, яъни предметга оид номукаммал тушунчалардаги зиддиятларни очиш орқали ўша предметни билиш сари етаклай олиш санъати, индуктив таълимотдан фойдаланиш маҳорати б-н катта таассурот уйғотган.

С. таълим-тарбия амалиётидаги ҳар қандай ақидапарастликни қаттиқ қоралади. Таълимнинг мазмуна ўқиш шаклдан воз кечиб, суҳбат ва мунозаралар орқали ҳақиқатни излаб топишни асосий услубга айлантирди. У барча мавжуд нуқтаи назарларнинг ҳеч бирига жуда ишониб кетиб қолишга ва ишкилларни кўшилмай туриб, уларни танқидий асосда муҳокама қилишга интилган. Педда мажбурлашдан, зўравонликдан воз кечиш тарафдори бўлган. Унингча, билим беришнинг ягона воситаси — ишонтиришдир.

С. номи кейинги даврлар учун доимий тимсоли бўлиб қолган.

Саида Жўраева.

СОЛ — 1) ўрмон хўжалигида — тайёрланган ёғочларни сувда оқизиш (ташиш) воситаси. Бир-бирига аркон б-н бириктириладиган ғўлалардан иборат. Устига ёғоч таҳланади. Одатда, уни кема шатакка олади (сургайди), баъзан сув оқими б-н сувда оқизилади. Дарё ва кўлда фойдаланиладиган С. тўғрибурчак шаклда бўлади, ҳажми (ташиладиган ёғоч ҳажми) 30 минг м³ га етади. Денгизда фойдаланиладиган С. сигара шаклида бўлади, ҳажми 1,5 минг м³ га етади; 2) сув транспорти сифатида фойдаланиладиган платформа (супа). Бир неча ходани, қамишлар боғламини, сувда чўкмайдиган бочка ва яшикларни ёки пуфлама резина тагликларни бир-бирига бириктириб, устига тахта супа тўшаб ясалади. С.дан, асосан, одамлар, машиналар ва юкларни сувнинг бир қирғоғидан иккинчисига ўтказиш учун фойдаланилади; 3) кема ёки самолётнинг қўтқарув мажмуига кирадиган қутқарув воситаси.

СОЛДАТ (нем. Soldat) — 1) турли давлатлар қуролли кучларида дастлабки ҳарбий унвон ёхуд ҳарбий хизматчилар категорияси (тоифаси); 2) кенг маънода — жангчи, аскар, ҳарбий киши. Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларида С. оддий аскар мақомига тўғри келади.

СОЛДАТОВ Павел Кузьмич (1925, Казалинский ш., Қозоғистон — 1996, Самарқанд) — генетик олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1963). Биология фанлари д-ри (1972), проф. Тошкент қишлоқ хўжалиги ин-тини тугатган (1948). Шредер номидаги мевачилик, узумчилик ва виночилик и.т. институтида илмий ходим (1953—60), СамДУ юксак ўсимликлар ва генетика кафедраларида доценти (1961—74), проректори (1975—86). Генетика, селекция ва дарвинизм кафедраси мудири (1974—86). Илмий ишлари ток генетикаси ва селекцияси ҳамда атроф муҳитни ифлосланишдан муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган.

Ас.: Вегетативная изменчивость растений винограда и ее значение в селекции, Т., 1984.

СОЛЕНОИД (юн. solen — найча ва eidos — кўриниш) — спираль кўринишида ўралган ва ўзидан электр токи ўтказаётган изоляцияланган ўтказгич. Агар С.нинг узунлиги ўрамлар диаметридан жуда катта бўлса, чексиз узун С. ҳисобланади. Чексиз узун С. майдонининг магнит индукция В си С. ташқарисида нолга тенг ва ичида бир жинсли бўлиб, у қуйидаги формула б-н ифодаланади: $B=\mu_0 ni$, бунда μ_0 — магнит доимийси, n — С.нинг ўрамлар сони, i — С.даги ток кучи. С., одатда, кичик фаол қаршиликка ва электр сигимига ҳамда етарли даражада катта индуктивликка эга бўлади. Ичида темир ўзак бўлган С. электромагнит вазифасини бажаради.

С. радиотехника, электротехника ва, хусусан, ўлчов асбобларида кенг кўламда ишлатилади.

СОЛЖЕНИЦИН Александр Исаевич (1918.11.12, Шимолий Кавказ, Кисловодск ш.) — рус ёзувчиси, драматург ва шоир. Ростов ун-тини тугатган. 2-жаҳон урушида артиллерияда хизмат қилган. 1945 й. фев.дан ақсилшўровий ташвиқотда айбланиб ҳибсга олинган, 8 й. қамоққа ва ундан кейин Сибирь сургунига ҳукм қилинган. Москва, Марфино, Қозоғистоннинг сиёсий маҳбуслар қамоқхоналарида сақланган. Сталин вафотидан сўнг — 1953 й. 5 мартда қамоқдан чиққан. Маҳбуслигида ошқозон саратони касал-

лигига учраган С. Тошкентга келиб, госпиталда нур муолажасида согайган. 1956 й. гача Сибирнинг турли шаҳарларида юриб, ўқитувчилик қилган, оқлангач, Рязанга ўрнашган. «Иван Денисовичнинг бир куни» қиссаси қамоқда ўтирган кишининг бир куни ҳақида ҳикоя қилади. Асар совет адабиётида катта воқеа бўлган. Аммо кўп ўтмай С. яна таъқибга олинган, асарлари қатағон қилинган. Шунга қарамай, 1968 й. С.нинг чет элда «Биринчи айланада», «Саратон касаллиқлари бўлими» романлари босилган. Ушбу романлардан сўнг С.ни таъқиб қилиш яна ҳам кучайган. Чет элда босилган иккала роман автобиографик характерга эга бўлиб, биринчиси Марфинодаги қамоқхона, у ердаги ин-т ҳақида, иккинчиси — ўзи саратондан даволанган Тошкент касалхонасида кечган воқеаларга бағишланган. Таржимаи ҳоли асосидаги «Бузоқча болут б-н сузишади» (1975—91) асарида 1960—70 йиллар бошида СССРда унинг асарлари нашр этилиши б-н боғлиқ можаролар тасвирланган. 1973 й. давлат хавфсизлик комитети томонидан «ГУЛАГ архипелаги» асарининг қўлёзмалари мусодара қилинган. Ёзувчи асарни қайта тиклаб, Парижда чоп эттирган (1973). 2 ойдан сўнг С. қамоққа олинган, лавлатга хиёнатда айбланиб, СССР дан чиқариб юборилган. С. 1976—94 й.ларда АҚШнинг Вермонт штатида яшаган. Россияга 1994 й. қайтиб келган. Нобель мукофоти лауреати (1970).

Ас.: Архипелаг ГУЛАГ. М., 1973.

СОЛИДУС (лот. solidus — зич, қаттиқ), солидус чизиғи, солидус сирти — бирон бир эритма ёки қотишманинг барқарор кристалланиши охиридаги т-раниng шу эритма ёки қотишма таркибига боғлиқлигини ифодалайдиган график тасвир. Мас., 87% қўрғошин ва 13% сурмадан иборат суюқ қотишма совитилса, қўрғошин ҳам, сурма ҳам бир т-раниng ўзида (246°да) кристаллана бошлаб, худди шу т-рада кристалланиб бўлади. Ана шу батамом кристалланиб бўлиш нуқтаси (3 нуқта) С. нуқтаси деб аталади. С. нуқталарининг геометрик ўрни С. чизиғи бўлади (расмга қ.). С. чизиғидан пастда қотишмалар қаттиқ ҳолатда бўлади.



Солидус. Қўрғошин–сурма қотишмасининг совиш эгри чизиғи.

СОЛИЕВ Булат (Бекбулат) Мажидович (1882.22.3, Астрахон — 1937.13.10, Тошкент) — тарихчи олим, проф. (1926). Қозон ва Уфа шаҳарларидаги мадрасаларда ўқиган. 1909 йдан Туркистон ўлкаси қишлоқларида мактаблар очиб, ўқитувчилик қилган.

1917—18 йлар нашр этилган «Эл байроғи» газетининг муҳаррири. Қўқонда ўқи-тувчилар семинарияси ва Фарғонада қишлоқ мактаблари учун ўқитувчилар тайёрлаш курсларини ташкил қилишда қатнашган (1918). 1919—20 йларда Тошкентда турли ўқув юртлари ва курсларда ишлаган. 1923—24 йларда Бухорода нашр этилган «Маориф» жур.нинг муҳаррири. 1925—27 йларда Москвадаги қизил профессорлар ин-тида ўқиган ва Свердлов номидаги ун-тнинг тарих ф-тини тугатган, айни вақтда СССР халқлари Марказий нашриётида илмий ходим. 1927 йдан Самарқандда Олий педагогика ин-ти проф., мазкур ин-тда Ўрта Осиё тарихи кафедрасини ташкил қилиб, Ўрта Осиё тарихидан дарс берган. «Қизил қалам» адабий жамияти аъзоси. 1936 йдан Ўзбекистон фанлар қўмитасидаги Ўзбекистон тарихи ва адабиёти бўлими бошлиги. С.нинг илмий фаолияти Шарқ мамлакатлари, хусусан, Ўрта Осиё тарихи, этн. ва иқтисодиётини ўрганишга бағишланган. 1937 й. қатағон қилинган ва отиб ташланган. 1956 й. оқланган. Самарқандлаги кўчалардан бири С. номи б-н аталади.

Ас.: Бухоро ўлкаси мангитлар салтанати даврида, Т., 1926; Ўрта Осиёда ислом динининг тарқалиши, Т. — Самарқанд, 1928; Ўзбекистон тарихи (15—19-а.лар), Т., 1929.

Ад.: Германов В. А., Профессор Пулат Салиев и его время, Т., 2002.

СОЛИЕВ Солибой Қодирович (1955.8.9, Пешқу тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). СамДУни тугатган (1980). 1972 йдан Пешқу туманидаги 8-, 1979 йдан 9-мактабда тожик тили ва адабиёти ўқитувчиси. Дарснинг ноанъанавий усулларидан фойдаланади.

СОЛИЕВА Фарида Исмоилжоновна (1951.25.3, Булоқбоши тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1998). Тошкент чет тиллар педагогика ин-тини тугатган (1973). 1973 йдан Булоқбоши туманидаги 17-мактабда француз тили ўқитувчиси. Дарсда техника воситаларидан унумли фойдаланади.

СОЛИЖОНОВ Қосим (1936.6.12, Конимех тумани) — безовчи рассом, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1989). Беруний номидаги Республика рассомлик билим юртини тугатган (1962). «Тошшаҳарреклама» к-тида безовчи рассом (1962—64). «Рассом» к-тида (1964—69), Тошкент шаҳар ободончилик бош бошқармасида (1969—71) бош рассом. С. Тошкент ш. бош рассоми сифатида Сирғали, Ҳамза ва б. ҳайкалларни безаган; Туркия, Сурия, Болгария, Тунис, Марокко ва б. мамлакатларда уюштирилган халқаро ярмаркаларда Ўзбекистон павильонини безашда иштирок этган, «Мустақиллик», «Наврўз» ва б. байрамларни бадиий сиёсий руҳда байрамона безашда фаол қатнашади.

СОЛИК (араб. — йўлчи, йўлдан юрувчи) — тасаввуфда сулук — тариқатни ихтиёр қилиб, уни ўзлаштириш ҳаракатига тушган, лекин ҳали бирор мақом ёки мартабага эришмаган мурид. С. ўзига хос одобқоидаларга риоя этганига, тариқат аҳли сирасига киради.

СОЛИКАМСК — РФ Пермь вилоятидаги шаҳар. Кама дарёси чап соҳилидаги пристань. Т.й. станцияси. Электрлаштирилган т.й. линияси орқали Пермь ва Екатеринбург шаҳарлари б-н боғланган. Аҳолиси 106,6 минг киши (1998). «Сильвинит» и.ч. бирлашмаси (калий тузларини қазиб олиш ва қайта ишлаш); целлюлоза-қоғоз к-ти, ёғочсозлик саноати корхоналари, магний, кема таъмирлаш з-длари, шаҳар четида паррандачилик ф-каси бор. Бир нечта ўрта махсус билим юрти, ўлкашунослик музейи мавжуд.

Шаҳар 1430 йда коми-пермяклар қишлоғи ўрнида вужудга келган ва ластлаб Соль-Камская ёки Усолье-Камское деб аталган. 16—18-а.ларда Россиядаги энг йирик туз олиш марказларидан бири бўлган. 1925 йда С. ёнида калий тузларининг йирик кони очилди. 1933 йда калий к-ти маҳсулот бера бошлади. 1936 йда калий к-ти асосида магний з-ди вужудга келди.

С.да қадимги рус меъморлиги ёдгорликларидан Богоявление церкови (1687—95), Троица собори (17-а. охири), Воевода уйи ва б. сақланган.

СОЛИН — узбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири. 19-а. охири — 20-а.нинг бошларида айрим гуруҳлари тарқоқ ҳолда Фарғона водийси (Андижонда, Зарафшон водийсининг Булунгур туманидаги С. қишлоғида ва Ўрта Осиёнинг жан.да яшашган. С.лар ўзбекларининг марқа уруғи ҳамда юз қабиласи таркибида ҳам бўлганлар. 20-а.нинг бошларида С.лар батамом ўтроқлашиб, деҳқончилик б-н шуғулланган.

СОЛИПСИЗМ (лот. solus — бир, ягона ва ipse — ўзим) — 1) воқеликда фақат инсон ва унинг онги мавжуд, объектив дунё ва бошқа одамлар шу индивиднинг онгидагина мавжуддир, деб ҳисобловчи фалсафий назария. Субъектив идеалистик таълимотларнинг ҳаммаси С.га мойил (*Беркли, Фихте, Мах* ва б.). С. инсоннинг ҳар қандай фаолиятини, шу жумладан, фанни ҳам маъносиз қилиб қўяди, чунки унинг вакиллари ҳар қандай нарса менинг онгимга шундай бўлиб туюлади, холос, деб фикр юритишади. Селчини билишнинг манбаи сифатида мутлақлаштириш С.нинг гносеологик асоси бўлиб хизмат қилади; 2) этикада — ўта худбинлик, эгоцентризм маъносида ишлатилади.

СОЛИСТ (лот. solus — бир, ягона) — қ. *Якканхон.*

СОЛИШТИРМА ИССИҚЛИК СИҒИМИ — сон жиҳатидан бирор модда масса бирлигининг т-расини 1° да масса бирлигининг ички энергиясини ошириш учун керак бўладиган иссиқлик миқдори. Модда иссиқлик сиғими *C* нинг унинг массаси *m* га нисбати ор-қали топилади:

$$c = \frac{C}{m}.$$

Халқаро бирликлар тизими СИ да Ж/кг·град ларда ифодаланади (яна қ. *Иссиқлик сиғими*).

СОЛИШТИРМА ОҒИРЛИК — бир жинсли жисмнинг ҳажм бирлигига тўғри келувчи оғирлиги: $\gamma = P/V$, бунда *P* — жисм оғирлиги, *V* — унинг эгаллаган ҳажми. С. о. жисмнинг зичлиги ρ ва эркин тушиш тезланиши *g* орқали ҳам ифодаланиши мумкин: $\gamma = g\rho$. Муайян жисм С. о.нинг қиймати ўлчов ўтказилаётган жойнинг географик кенглигига ва Ер сиртидан баландлигига боғлиқ. Унинг *Халқаро бирликлар тизими*даги СИдаги ўлчов бирлиги Н/м³.

СОЛИШТИРМА ЭЛЕКТР ҚАРШИЛИК — узунлиги 1 м, кўндаланг кесим юзи 1 м² бўлган бир жинсли тўғри цилиндрик ўтказгичнинг электр қаршилиги: $r = \frac{R}{l} S$ формула б-н ифодаланади, бунда *R* — ўтказгичнинг электр қаршилиги, *S* — ўтказгичнинг кўндаланг кесим юзи, *l* — ўтказгич узунлиги. *Халқаро бирликлар тизими* СИ да бирлиги Ом·м. Амалда материаллар уз.л м, кўндаланг кесим юзи 1 мм² бўлгандаги қаршилиги б-н характерланади ва С. э. қ. $\frac{Ом \cdot мм^2}{м}$ да ифодаланади. Металларнинг С. э. қ. и т-ра ошиши б-н қуйидаги қонуният бўйича ортиб боради:

$$\rho = \rho_0(1 + \alpha t),$$

бунда ρ_0 — 0° даги С. э. қ., *t* — Цельсий шкаласидаги т-ра, α — сон жиҳатдан тахм. 1/273 га тенг катталик. Металл ва қотишмаларнинг кўпчилигида бир неча Кельвин градуси тартибидаги т-рада С. э. қ. сакраб нолга айланади ва ундан ҳам паст т-раларда $\rho = 0$ сақланиб қолади. Бу ҳодиса *ўта ўтказувчанлик* деб аталади.

СОЛИШТИРМА ҚУВВАТ — двигатель қувватининг ўз массаси, ҳажми ёки бошқа параметрларига нисбати. Поршенли двигателда *двигатель литражига* нисбати б-н ўлчанадиган литр қувватн, поршенлар юзалари йиғиндисига нисбати б-н ўлчанадиган двигатель қуввати поршень қуввати дейилади. Транспорт машиналарида С.қ. двигатель қувватининг торрида С.қ. двигатель қувватининг торрида С.қ. двигатель қувватининг торр

кин: 1-босқич — 1991—94 й.ларда солиққа оид қонун ҳужжатларини яратиш; тамомила янги солиқлар ва тўловлар тизимини барпо этиш ва уларни хўжалик амалиётига жорий этиш; молиявий маблағларни и. ч. инфратузилмасини ривожлантириш, ўзўзини стратегик ресурслар б-н таъминлашга эришиш мақсадларида қайта тақсимлаш; нархларнинг ўсиши ва и. ч. нинг пасайиши шароитида аҳолининг турмуш даражаси пасайиб кетмаслиги ва ижтимоий барқарорликни сақлаш; мус-тақил тизим сифатида давлат солиқ хизматини шакллантириш вазифалари бажарилди. 2-босқич — 1995—99 й.ларда солиқ тизимини такомиллаштириш ва корхоналарга нисбатан солиқ юкини камайтириш бўйича С.и. амалга оширилди. Бу даврда солиқларга доир мавжуд қонун ҳужжатлари асосида Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ишлаб чиқилди ва 1997 й.да қабул қилинди.

3-босқич — 2000 й.дан бошлб С.и. қонунчиликка киритилаётган ўзгаришлар асосида фуқаролар ва корхоналар учун солиқ юкини янада камайтириш, айрим солиқ турларини бекор қилиш, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, самарали солиқ тизими тамойилларини янада тўлиқ рўёбга чиқариш, жаҳон андозаларига мос солиқ тизимини босқичма-босқич барпо этишга йўналтирилган.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатларда С.и. даврий ўтказиб турилади. Муайян солиқ турини жорий этиш ёки бекор қилиш, айрим турдаги солиқлар улушини ошириш ёки камайтириш, солиқ даромадларини қайта тақсимлаш ва б. кўринишларда амалга оширилади (қ. *Солиқлар*).

Тошпўлат Мирзаев.

СОЛИҚ СТАВКАСИ — солиқ объектининг муайян бирлигига нисбатан ундириладиган солиқ миқдори; пул суммаси ҳисобида ундирилади. Мас., иш ҳақи ёки фойданинг пулда ҳисобланган миқдори, ернинг га ҳисобидаги сатҳига нисбатан ҳисобланган солиқ. С.с. қонун йўли б-н турли усулда белгиланади: қатъий ёки пропорционал белгиланган ставкалар — солиқ объекти миқдорига нисбатан ўзгармайдиган бир хил улушда ундирилади. Мас., Ўзбекистонда корхоналар мол-мулкидан ундириладиган солиқ 4% қилиб белгиланган, ушбу С.с. объект қиймати (мол-мулк қиймати)нинг маълум улушига тенг (4%) бўлади; прогрессив С.с. — солиқ объекти миқдорига қараб ортиб борувчи ставкалар. Ўзбекистонда солиқ қонунчилигига кўра энг кам иш ҳақининг 5 баробарига тенг қисмига 13%, ундан 10 марта ошган қисмига 21% С.с. белгиланган ва даромад миқдорининг ортиб бориши б-н С.с. ҳам ошиб боради (2004, 1 янв.). Регрессив С.с. — даромадларнинг ўсиши б-н ставкалар миқдори камайиб боради. Жаҳон мамлакатлари амалиётида камдан-кам, асосан, қазиб олувчи тармоқларда қўлланади. Нол-ли С.с. — экспортга мўлжалланган товарлар и.ч.ни рағбатлантиришда қўлланилади. Мас., тўланган қўшилган қиймат солиги суммаси бошқа товарлар тушуми бўйича олиниадиган қўшилган қиймат солиги суммасидан чегириб камайтирилади. Бундай С.с.ни қўллаш иқтисодиётнинг ривожланишига ижобий таъсир этади.

СОЛИҚЛАР — давлат томонидан амалдаги қонунлар асосида юридик ва жисмоний шахс (алоҳида фуқаро ва корхона)ларнинг даромади ёки мол-мулкидан ундириладиган ва бюджетга ўтказиладиган мажбурий тўлов. С. давлат бюджети даромадларининг асосий манбаи ва давлат *иқтисодий сиёсати* воситаларидан бири. С.нинг келиб чиқиши *давлат*нинг пайдо бўлиши б-н чамбарчас боғлиқ бўлиб, жула қад. тарихга эга. Тарихий манбаларда бундан 3760 йил муқаддам *Бобил* давлатида Хаммурапи қонунлари б-н С.нинг жорий этилгани тўғрисида маълумотлар учрайди. Ҳоз. даврда ҳам давлат бажаралиган вазифаларни маблағ б-н таъминлаш муаммоси С.нинг объектив зарурлигини келтириб чиқаради. Давлат даромадлари манбалари таркибида С. салмоқли ўринни эгаллайди. Мас., давлат бюджети даромадларининг 70—90% С. ҳисобига таъминланади. Ҳар қандай С.нинг асосий унсурлари: солиқ субъекти (ёки солиқ тўловчи) — қонун йўли б-н шу солиқни тўлаш мажбурияти юкланган фуқаролар, корхона, ташкилотлар; солиқ объекти — ундириладиган солиқ суммасини ҳисоблаб чиқаришга асос бўладиган даромад ёки мол-мулк (иш ҳақи, сотиш ҳажми, корхона мол-мулки қиймати, ер, қазиб олинган қазилма бойликлар ҳажми ва б.); солиқ манбаи — аниқ бир солиқни тўлашга манба бўладиган даромад (даромад тури) (иш ҳақи, фойда, гонорар — ижод ҳақи) ёки даромад келтириши мумкин бўлган мол-мулк (ер, иморат,. мерос, ҳадя мулк ва б.); солиқ ставкаси.

Ундириш усулига кўра, тўғри ва эгри С.га бўлинади. Тўғри С. мол-мулк ва даромадга бевосита жорий қилинади ва солиқ тўловчи томонидан оралиқ воситачиларсиз тўланади. Кенг тарқалган турлари: *қўшилган қиймат солиги, даромад солиги*, мерос ҳамда ҳадя солиги, товар айланмаси солиги, савдо солиги, экспорт-импорт солиги ва б. Эгри С. (*акциз*лари товар (хизмат)лар нархларига ёки тарифларга киритиш мўлжалланган ва кейинчалик товарлар истеъмолчиларига юкланадиган С. Давлат тузуми хусусиятларига кўра, С. тизими умумдавлат (марказий) ва маҳаллий (маъмурий-ҳудудий бирликлар) С. ва йиғимлардан ташкил топади.

Ўзбекистон Республикасида С. тизимининг ҳуқуқий асослари, уни тўловчиларининг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари, солиқ ишларини юритиш тартиботи 1997 й. 24 апр.да қабул қилинган ва 1998 й. 1 янв.дан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси б-н белгиланади. Ўзбекистон Республикасида жорий этилган умумдавлат С.и: юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиги; жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги; қўшилган қиймат солиги; акциз солиги; ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ; экология солиги; сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ. Умумдавлат С.и ҳар йили қонуний тартибда белгиланадиган нормативлар бўйича тегишли бюджетлар ўртасида тақсимланади. Маҳаллий С. ва йиғимлар — мол-мулк солиқ; ер солиги; реклама солиги, автотранспорт воситаларини сотганлик учун солиқ, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги, савдо-сотиқ ҳуқуқи учун йиғим; ободончилик ишлари учун йиғим ва б. *Маҳаллий солиқ ва йиғимлар* маҳаллий бюджетга ўтказилади.

Давлат томонидан ундирилган С. бюджет воситасида қайта тақсимланиб, солиқ тўловчиларга соғлиқни сақлаш, маориф, илм-фанни ривожлантириш, мудофаа, ҳуқуқни муҳофаза қилиш каби ижтимоий зарур давлат хизматлари орқли билвосита йўллар б-н қайтади.

Ўзбекистонда солиқ назарияси ва амалиётига оид материаллар, шу соҳага доир бошқа масалалар «Солиқ тўловчининг журнали»да (1995 й. дан ўзбек ва рус тилларида чиқади) ёритилади.

Мутталиб Йўлдашев.

ЎЗМЭ 7-ЖИЛДИ МАҚОЛАЛАРИНИНГ АСОСИЙ МУАЛЛИФЛАРИ РЎЙХАТИ*

Биология, тиббиёт ва кимё илмий таҳририяти

Абдуллаев Мақди
Азимов Жалолиддин
Акбаров Зоирхўжа
Алматов Карим
Аминов Собиржон
Арифов Саидқосим
Ахмеров Қудрат
Аҳмедов Носир
Бақоев Савриддин
Баҳромов Санджалол
Бекназаров Жуманазар
Ботиров Бешим
Ваҳобов Абдурасул
Далаев Сайдулла
Далахонова Гулчеҳра
Жалилов Абдулаҳат
Жўраев Ёри
Зарипов Бакриддин
Зокиров Муҳсим
Зокиров Ўзув
Зокиров Ҳосил
Зокирхўжаев Шерзод
Ибодов Комил
Ибрагимова Салтанат
Исабоев Зикрилла
Искандаров Тўлқин
Исмоилов Исроил
Исроилов Ражаб
Каримов Анвар
Каримова Сурайё
Маҳмудова Дилбар
Миразизов Қўчқор
Комилов Холиджон
Мавлонов Очил
Мажидов Наби
Маърупов Рустам
Матёқубова Зарифа
Миркомилова Муҳаббат
Муродхўжаев Наримон
Мустафоев Хайрулла
Муҳаммаджонов Носир
Мўминов Боқижон
Наврузов Саримбек
Нарчаев Жамшид
Нишонбоев Қураш
Отақўзиев Темиржон
Пратов Ўктам
Рустамов Соҳиб
Саидқориев Бердимурод
Сиддиқов Жаҳонгир
Сулаймонов Эргаш
Тожиев Комил
Тўйчиев Сайфулло
Тўрабеков Шарифжон
Тўхтаев Анвар
Убайдуллаев Абдулла
Усмонов Миржалол
Халилов Мирқобил
Хуррамов Шукур
Хўжаев Омонулла
Хўжаев Саидаҳмад
Шакарбоев Эркинжон
Шаҳобиддинов Зияҳўжа
Шерназаров Элмурод
Шоваҳобов Шоносир
Шомирзаев Нажмулла
Эргашев Норқўзи
Эшова Ҳолниса
Қодирова Муҳаррам
Қосимов Эркин
Ҳамраев Аловиддин
Ҳамраев Сайфулла
Ҳамраев Шаҳоб
Аминов Эркинжон
Атамедов Собур
Бадалов Степан
Жамолҳожи Илҳомжон
Жумабоев Тошпўлат
Зокиров Шуҳрат
Ибрагимов Шавкат
Иброҳимов Рашод
Иванов Юрий
Исаҳожиев Бахтиёр
Маматқулов Мурод
Маҳмудов Дилмурод
Момоназаров Насриддин
Муҳаммаджонова Лола
Носиров Ўрол
Раҳматуллаев Орзимурод
Раҳмонов Камол
Саидбобоев Зокиржон
Саҳибоев Алишер
Тоҳиров Қобилжон
Турсунқулов Қувондиқ
Хўжаев Абдулаҳад
Хўжаев Ҳабибхон
Чиниқулов Холдор
Шарипов Шоҳрух
Эгамбердиев Асомберди
Эргашев Йўлдошбой
Қудратов Солижон
Ғуломов Потиҳкамол
Ғуломова Гулнора
Ҳайдаров Муродилла
Ҳикматов Фазлиддин

Иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги илмий таҳририяти

Абдуллаев Абдумавлон
Абулқосимов Ҳасан
Азимов Ботир
Азимов Сайфиддин
Алимов Олимжон
Алимуҳамедов Султон
Аликулов Эрлис
Аллаев Норсоат
Амиров Абдусаттор
Артукметов Зиёмиддин
Боқиев Машариф
Гончаров Геннадий
Ёрматова Дилором
Ёқубов Рисқивой
Жўраев Рихсивой
Зикриёев Абдукарим
Зикиров Раҳмонберди
Ишимова Гўзал
Ишмуратова Рисолат
Йўлдошев Муталлиб
Йўлдошев Нуриддин
Мирзаев Тошпўлат
Мирзаев Тоҳиржон
Муллажонов Файзулла
Мусаев Нуриддин
Муслимов Ҳожиакбар
Насриллаев Убайдулла
Ниғматов Муҳаммаджон
Норматов Баҳодир
Носиров Убайдулла
Нурмаматов Ҳошим
Обиджонов Зоҳиджон
Ортиқов Абдураҳим
Отабоева Ҳалима
Раззоқов Абдухалил
Ракипов Воҳид
Расулов Мухтор
Расулова Мадина
Раҳимова Барно
Сандова Зуҳра
Салимов Садир
Тожибоева Дилором
Турсунхўжаев Пўлат
Тўхлиев Нурислом

География, геология ва геофизика илмий таҳририяти

Абдуазимова Зоя
Абдуваҳобов Абдураҳим
Абдураимов Тоҳир
Абдураҳимов Абдуқаюм
Абдураҳимова Гулшан
Абилов Асрор
Айтбоев Даулет
Акрамов Бахшилло

*Муаллифлар номи «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти илмий таҳририятлари бўйича (фақат бир жойда) кўрсатилди.

Файзиев Жамолиддин
Холматов Давронбек
Холматов Неъмат
Холназаров Султон
Хоназаров Абдушукур
Эрмаматов Шоназар
Эшматов Изатулла
Юсупов Қодиржон
Ўлмасов Аҳмаджон
Қаландаров Ўрозмамед
Қодиров Ашур
Қодирхўжаев Орип
Қурбонов Фарҳод
Ғанихўжаева Рафиқа
Ҳакимов Абдунаби
Ҳакимов Рафиқжон
Ҳамроқулов Рузимат
Ҳасанов Рустам

Комплекс мақолалар ва педагогика илмий таҳририяти

Бабашев Фарҳод
Бекмирзаев Ислом
Иброҳимова Гулнора
Иноятов Маъруф
Йўлдошев Қозоқбой
Келдиёров Рузмон
Мажидов Абдурашид
Мустафоев Эсон
Мухаметшин Фарит
Сулаймонов Асқарали
Тоиров Собит
Юсупов Қодиржон
Ўрмонов Абдуқул
Хошимов Комилжон
Хусанбоева Қундуз

Маданият ва санъат илмий таҳририяти

Абдуллаев Алҳам
Абдуллаев Неъмат
Абдуллаев Рустам
Абдураҳмонов Йўлчи
Аширова Моҳина
Аюпов Рихсибой
Аҳмедов Муҳаммад
Баяндиев Тешабой
Бегматов Сойиб
Беков Олимжон
Боситхонов Зокирхон
Булатов Саидахбор
Валихўжаев Нодир
Ёқубхўжаев Анвар
Жўраев Фрунзе
Зоҳидов Пўлат
Исломов Бурҳон
Исмоилова Эльмира
Каримов Иброҳим
Карокатов Жамолиддин
Коптелова Ирина
Мадраимов Абдумажид
Маннопов Султонали
Матёқубов Ботир
Маҳкамова Сайёра
Маҳмудов Жўра
Муллажонов Давлат
Назаров Абдуманнон
Насуллаев Зиёдулла
Носиров Муҳиддин
Ойхўжаева Шаҳноза
Островский Владимир
Пўлатов Ҳайрулла
Ражабий Ҳасан
Раҳмонов Абдусафий
Раҳмонов Мамажон
Ризаев Омонулла
Солиҳов Раҳматилла
Султонов Александр
Султонов Хайрулла
Тешабоев Жўра
Тошканбоев Пўлат
Турсунбоев Сотимбой
Турсунов Тошпўлат
Убайдуллаев Ҳамза
Умаров Абдулҳай
Фахретдинова Дилора
Худойберганов Комилжон
Хўжаназаров Муҳиддин
Эгамбердиев Абдували
Юнусов Равшан
Яҳёев Абдужаббор
Ўринов Эсон
Қодиров Муҳсин
Қодирова Тўлқиной
Қориёқубова Муқаддам
Қўзиев Турсунали
Ғафурбеков Тўхтасин

Тарих илмий таҳририяти

Абдуллаев Ортиқбой
Айтбоев Абдухолиқ
Алимов Ўткир
Асқаров Аҳмадали
Аширов Адҳам
Бобобеков Ҳайдарбек
Бўриев Омонулла
Бўриев Очил
Далабоев Ҳамидулла
Жалилов Омонбек
Жуманазаров Худойназар
Зиёев Ҳамид
Исҳоқов Мирсолиқ
Камолиддинов Шамсуддин
Каримов Ғулом
Лунина Светлана
Мавруллов Абдухалил
Маликов Азим
Матбобоев Боқижон
Мирзаҳмедов Жамолиддин
Муҳаммаджонов Абдулаҳад
Норқулов Наим
Обидов Бахтиёр
Охунжонов Собиржон
Пардаев Комил
Пидаев Шокиржон
Пиримқулов Шодмонқул
Полвонов Неъмат
Ражабов Қаҳрамон
Раҳимов Муҳаммаджон
Ртвеладзе Эдвард
Сабурова Севара
Сулаймонов Рустам
Тиллабоев Сойибжон
Тожибоев Назирбой
Турсунов Жонли
Турсунов Сайфулло
Фаниев Турғун
Фаниев Хуршид
Хотматов Нормуҳаммад
Шарипова Манҳура
Эргашев Фатхулла
Эргашхўжаев Аҳмад
Эшов Баҳодир
Юсупов Шариф
Қорабоев Усмон
Ғиёсов Бобур
Ғиёсов Темур
Ҳайдаров Муроджилла
Ҳасанов Фахриддин

Тил ва адабиёт илмий таҳририяти

Абдуазизова Назира
Абдуназар Ҳабиб
Абдуғафуров Абдурашид
Баракаев Раҳматулла
Бердимуродова Маҳбуба
Давлатова Манзура
Давлатпур Олим
Деҳқонов Акрам
Дўстқораев Бойбўта
Иброҳимов Ансориддин
Исмоилов Анвар
Каримов Баҳодир
Каримов Наим
Малвалиев Абдуваҳоб
Мадраҳимов Илҳомжон
Маҳкамов Асқар
Маҳкамов Неъмат
Мирзаев Ибодулла
Мирзаев Тўра
Назиров Халилуллохон
Норматов Умарали
Норматова Шоира
Олимов Султонмурод
Очилов Норали
Очилов Эргаш
Пидаев Тоҳир
Пўлатов Исроил
Рашидова Диларa
Саидов Азиз
Солижонов Йўлдош
Тожибоев Рустам
Турдиев Шерали
Умаров Эргаш
Худойқулов Мухтор
Хўжаева Тамара
Қосимов Бегали
Қосимова Адиба
Қурбонбеков Аҳмаджон
Ҳайитметов Абдуқодир
Ҳайитов Абдувоҳид
Ҳаққулов Иброҳим
Ҳожиев Азим
Ҳомидов Ҳамиджон

Фалсафа ва ҳуқуқ илмий таҳририяти

Абдумажидов Ғафур
Аликулов Ҳайдар
Аминов Муроджон
Аюпов Абдулла
Аҳмедов Даврон
Аҳмедов Сирожиддин
Баҳриддинов Қаҳрамон
Бобоқулов Сотволди
Жалолов Абдулҳафиз
Жўраев Сайфиддин
Жўраева Саида
Зокиров Икром
Зуфарова Мушарраф
Имомов Нурилла
Иноятов Анвар
Иногомжонова Зумрад
Йўлдошев Саъдулла
Комилов Нажмиддин

Кудрявцев Игорь
Мансуров Абдулазиз
Маҳкамжонов Каримжон
Маҳмудов Тилаб
Мусаев Соат
Муҳамедов Ҳайдарали
Мўминов Асрор
Носиров Расул
Отахўжаев Сатгор
Пўлатов Фазлиддин
Рамазонов Нодир
Раҳимжонов Дурбек
Рустамбоев Мирзакосуф
Саидов Акмал
Сайфиддин Жамолхон ад-Орифхўжа
Саматов Шомат
Тоҳиров Фарҳод
Тўлаганов Абдужаббор
Тўрабеков Темур
Тўраев Бахтиёр
Файзихўжаева Дилбар
Хидиров Садриддин
Хўжаев Фахриддин
Чўлиев Абдуазиз
Шомуҳамедова Замира
Шораҳмедов Даврон
Эргашев Ибодулла
Қодиров Беҳзод
Қодиров Муҳаммаджон
Қонратбоев Ордали
Ғозиев Эргаш
Ғуломов Саид
Ҳайдаров Ўткир
Ҳасанов Аҳаджон
Ҳожиев Эркин
Хусниддинов Зуҳриддин

Физика, математика ва техника илмий таҳририяти

Абдуллабеков Қаххорбек
Абдуллаев Насрулла
Абдуллаев Фатхулла
Абдуназиров Сафар
Абдурасулов Собир
Абдураҳмонов Қаххор
Азимов Қаҳрамон
Азларов Турсун
Аҳроров Нўъмон
Баҳромов Акбар
Бердиев Облоқул
Бозорбоев Назарбой
Ёқубов Эркин
Зоҳидов Ромэн
Иброҳимов Фарҳод
Икромов Атҳам
Илёсов Собит
Иногомов Эргаш
Исмоилов Валижон
Исмоилов Исроил
Йўлдошев Назар
Комилов Эргаш
Латипов Абдусалом
Мажидов Сапи
Мамадазимов Маматмуса
Мирбобоев Воҳид
Мирбобоев Миркомил
Мирзааҳмедов Мирфозил
Миртожиева Каромат
Муборакоев Ҳамидхон
Мухторов Тоҳир
Назиров Эргаш
Нармонов Абдуғаффор
Нишонбоев Носир
Нормуродов Норқул
Нуритдинов Салоҳиддин
Нўъмонхўжаев Аброр
Олимбоев Эркин
Орипов Рустам
Рашидов Турсунбой.
Раҳимов Исомиддин
Ризаев Анвар
Сатторов Исроил
Тўйчиев Тоҳир
Худойбердиев Саъдулла
Чилин Владимир
Шамсиев Зоир
Шарипов Анвар
Шерғозиев Баҳром
Шоимқулов Баҳодир
Эгамбердиев Одил
Қодиров Сарвар
Қосимов Эркин
Қосимова Гулнора
Ғанихўжаев Носир
Ҳайдаров Қудратилла
Ҳакимов Рихситилла
Ҳамидов Аслам
Ҳобилов Ботир
Ҳожиметов Ғойибназар

Ў-28 **Ўзбекистон миллий энциклопедияси.** 7-жилд. Парчин — Солиқ. Таҳрир ҳайъати А. Абдувоҳитов, А. Аҳмедҳаджаев, М. Аминов, Т. Даминов ва б. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2004. — 704 б.
ББК 92

№ 252—2003
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси.

1119.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ
7-ЖИЛД

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти.
Тошкент — 2004.
(Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30-уй)

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги
Тошкент матбаа комбинатида босилди.

З.Т. Исажонов (директор), Д.А. Букреев, Р. Мусаев, К.Т. Мансуров, Ш. Усмонов, М. Усмонова, Б. Х. Туёқов, Б. Шаринов, З. Далабаева, Т. Ҳамидов, В. Панфилов.
Комбинат манзили: Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30-уй.

Фотографлар: Б. И. Дьякин, А. Е. Зуев, А. Д. Михайлов, В. П. Телегин, Р. З. Яруллин.
Соҳа харита муаллифлари: Р. Х. Галиулина, С. Салоҳиддинова, А. Эгамбердиев.
Рангли хариталар Узгеодезкадастрнинг «Картография» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида тузилган ва босилган.
Харита чизувчи: М. М. Мирзиев.

ЎзМЭ 7-жилди 2003 йил 5 декабрда теришга берилди.
2004 йил 9 апрелда босишга рухсат этилди.

Қоғоз бичими $84\times108^{1}/_{16}$. Офсет қоғозда босилди. 125,71 нашриёт-ҳисоб табоғи. 74,0 шартли босма табоқ. Адади 2000.
Баҳоси шартнома асосида. 15-912-буюртма.